92
У-28



92
Ў—28

БОШ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ

Муроджон АМИНОВ
Бўрибой АҲМЕДОВ
Турғунпўлат ДАМИНОВ
Тўрабек ДОЛИМОВ
Неъматулла ИБРОҲИМОВ
Беҳзод ЙЎЛДОШЕВ
Наим КАРИМОВ
Ҳамидулла КАРОМАТОВ
Нажмиддин КОМИЛОВ
Жўра МУСАЕВ
Элшод НАБИЕВ
Абдулла ОРИПОВ
Тўхтапўлат РИСҚИЕВ
Мирзаюсуф РУСТАМБОЕВ
Хайриддин СУЛТОНОВ
Нурислом ТЎХЛИЕВ
Даврон ШОРАҲМЕДОВ
Рустам ШОҒУЛОМОВ
Турсунали ҚЎЗИЕВ
Саидаҳрор ҒУЛОМОВ
Азим ҲОЖИЕВ
Зуҳриддин ҲУСНИДДИНОВ

ў 1500100000/358–2002 02

ISSN 2181-4651

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2002

92
Ў-28

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

1111115

3

ГИДРОФИЛИЯ—ЗЕБРА

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
ТОШКЕНТ

ФАН СОҲАЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШЛАРИ АЪЗОЛАРИ*

Адабиёт. Б.ВАЛИХЎЖАЕВ, Р.ИНОҒОМОВ, Т.МИРЗАЕВ, У.НОРМАТОВ, О.ШАРАФИДДИНОВ, А.ҲАНИТМЕТОВ, И.ҲАҚҚУЛОВ. **Амалий ва тасвирий санъат.** Н. АБДУЛЛАЕВ, Б.Ф.ЖАЛОЛОВ, А.А. ҲАКИМОВ **Астрономия, геодезия ва космонавтика.** С.П.ИЛЁСОВ, А.А.ЛАТИПОВ, М. М. МАМАДАЗИМОВ, К.Т. МИРТОЖИЕВА, Н. НИШОНЬОЕВ, С. Н. НУРИТДИНОВ, И. САТТОРОВ. **Биология.** Ж.АЗИМОВ, О.АШУРМЕТОВ, О.МАВЛОНОВ, Ў.ПРАТОВ, Б.О.ТОШМУҲАМЕДОВ, Ж.Ҳ.ҲАМИДОВ. **География, геология ва геофизика.** Қ.Н. АБДУЛЛАБЕКОВ, Ш.А.АЗИМОВ, Ҳ.А.АКБАРОВ, З.М.АКРАМОВ, Б.О.БАҲРИДДИНОВ, О.БЎРИЕВ, Ш.С. ЗОКИРОВ, Б.А. ИСАҲОЖИЕВ, Т.МИРЗАЛИЕВ, И.М.МИРХЎЖАЕВ, Р.А.НИЁЗОВ, А.А.РАФИҚОВ, Ф.А.УСМОНОВ, Т.Ш.ШОЁҚУБОВ, А.А.ҚАЮМОВ, П.Н.ҒУЛОМОВ, И.Ҳ.ҲАМРАБОЕВ. **Дин тарихи.** А.АЗИМОВ, М.ИМОМНАЗАРОВ, А.МАНСУРОВ, А. Қ. МЎМИНОВ, А.А. ҲАСАНОВ **Жисмоний тарбия ва спорт.** А.ИМОМХЎЖАЕВ, М.МУҲИДДИНОВ, Т.С.УСМОНХЎЖАЕВ **Журналистика.** Х.ДЎСТМУҲАММАД, А.МЕЛИБОЕВ, Т.ПИДАЕВ. **Иқтисодиёт.** С.САЛИМОВ, М.ШАРИФХЎЖАЕВ, Ш.ШОДМОНОВ, А.ЎЛМАСОВ, О.ҲИКМАТОВ. **Кимё.** С.Н. АМИНОВ, М.АСҚАРОВ, Қ. АХМЕРОВ, Ф.ЙЎЛДОШЕВ, А. ЙЎЛЧИБОЕВ, Т. ОТАҚЎЗИЕВ, Н.ПАРПИЕВ, С.ҲАМРОЕВ. **Математика ва астрономия.** Т.АЗЛАРОВ, А.АЪЗАМОВ, Ш.А.АЮПОВ, Т.ЖЎРАЕВ, Ш.ЁРМУҲАМЕДОВ, М.САЛОҲИДДИНОВ, А.САЪДУЛЛАЕВ, Б. ШОИМҚУЛОВ, Ж.ҲОЖИЕВ. **Меъморлик.** И.АЗИМОВ, П.Ш.ЗОҲИДОВ, Э.В.РТВЕЛАДЗЕ. **Мусиқа.** Р.С.АБДУЛЛАЕВ, А.НАЗАРОВ, Р.ЮНУСОВ, Т.Б.ҒАФУРБЕКОВ. **Педагогика.** Й.АБДУЛЛАЕВ, Қ.ЙЎЛДОШЕВ, Д.Ш.ШОДИЕВ, К.ҲОШИМОВ. **Тарих.** А.АСҚАРОВ, Ҳ.ДАДАБОЕВ, Х.ЖУМАНАЗАРОВ, А. ЗИЁЕВ, Ҳ.ЗИЁЕВ, М.ИСҲОҚОВ, А.Р.МУҲАММАДЖОНОВ, Қ. РАЖАБОВ, А.ЎРИНБОЕВ, Т.ҒИЁСОВ, Х.ҒУЛОМОВ. **Театр, кино, цирк, хореография, балет.** Т.БАЯНДИЕВ, Ж.ТЕШАБОЕВ, Т.ТУРСУНОВ, М.Х.ҚОДИРОВ. **Техника.** Ф.АБДУЛЛАЕВ, Э.ЁҚУБОВ, Р.ЗОҲИДОВ, Т.РАШИДОВ, Р.ТОЖИЕВ, Х.ХУДОЙНАЗАРОВ, Т.ШИРИНҚУЛОВ, С.ҚОДИРОВ, Э.ҚОСИМОВ. **Тиббиёт.** С.АРИФОВ, С.БАҲРОМОВ, И.З.ЗОКИРОВ, Ў.Б.ЗОКИРОВ, К.А.ЗУФАРОВ, Ш.И. КАРИМОВ, Н.М. МАЖИДОВ, Ш.Ш.ШОВАҲОБОВ, Н.Ҳ. ШОМИРЗАЕВ, Э.Й. ҚОСИМОВ. **Тилшунослик.** А.АБДУАЗИЗОВ, А.ДАВЛЕТОВ, Н.МАҲМУДОВ, М.МИРТОЖИЕВ, А.НУРМОНОВ, Ш.ШОАБДУРАҲМОНОВ. **Фалсафа.** Ў.АБИЛОВ, Ҳ.АЛИҚУЛОВ, А.М.ЖАЛОЛОВ, Қ.Н.НАЗАРОВ, Б.О.ТЎРАЕВ, М.М.ХАЙРУЛЛАЕВ, Ғ.Б.ШОУМАРОВ, М. ҚОДИРОВ. **Физика.** К.МУҚИМОВ, Э.НАЗИРОВ, А.С. НУЪМОНХЎЖАЕВ, Ў.Ҳ.РАСУЛОВ, Н.Й.ТЎРАЕВ, Қ.Ғ.ҒУЛОМОВ, П.Қ.ҲАБИБУЛЛАЕВ. **Халқаро муносабатлар ва сиёсатшунослик.** Ш.М.АБДУЛЛАЕВ, Р.З.ЖУМАЕВ, В.С.КИМ, М.Ҳ.РАҲМОНҚУЛОВ, А.Х.САИДОВ, И.Қ.ФОЗИЛХЎЖАЕВА, А.М.ҚОСИМОВ. **Қишлоқ хўжалиги.** Б.Ж.АЗИМОВ, Ш.АКМАЛХОНОВ, Ҳ.БЎРИЕВ, Р.ИКРОМОВ, Н.М.МАҲМУДХЎЖАЕВ, У.НОСИРОВ, А.ОРИПОВ, А.ЭРМАТОВ. **Ҳуқуқ.** Ғ.А. АБДУМАЖИДОВ, Й.О.ЖЎРАЕВ, А.ИНОЯТОВ, Э.Х.НОРБЎТАЕВ, Ҳ.Р.РАҲМОНҚУЛОВ, А.С.ТУРСУНОВ, А.ТЎЛАГАНОВ, М.М.ФАЙЗИЕВ.

---

* Бош таҳрир ҳайъати аъзолари рўйхатга киритилмади.

«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ» ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ

Директор - Н.ТЎХЛИЕВ.

Директор ўринбосари - Д.А.ШОРАҲМЕДОВ.

Илмий-методика ва сўзлик бўлими. М.Н.АМИНОВ (бошлиқ), М.ИСЛОМБЕКОВА (етакчи илмий муҳаррир), С.МИРЗАБЕКОВА, З.РАҲМОНОВА (1-тоифали илмий муҳаррирлар), Ф.ШАМСИЕВА, З.ҒУЛОМОВА (2-тоифали илмий муҳаррирлар).

Биология, тиббиёт ва кимё. Ҳ.ЗОКИРОВ (мудир), С.ИБРАГИМОВА, О.МАВЛОНОВ (етакчи илмий муҳаррирлар), Р.МАЪРУПОВ (1-тоифали илмий муҳаррир).

География ва геология. А.АБДУРАҲИМОВ (мудир), Ҳ.АЛИМУҲАМЕДОВА, И.КАРИМОВ (1-тоифали илмий муҳаррирлар).

Иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги. С. ХОЛНАЗАРОВ (мудир), И.АБДУЛЛАЕВА (1-тоифали илмий муҳаррир).

Комплекс мақолалар ва педагогика. А.МАЖИДОВ (мудир), С.ТОИРОВ (етакчи илмий муҳаррир).

Маданият ва санъат. М.АШИРОВА (мудир), Ш. АЛИМОВА, О. БЕКОВ, М. ҒАФФОРОВА (етакчи илмий муҳаррирлар).

Тарих. Ф.ҲАСАНОВ (мудир), Б.ХЎЖАЕВ, Г. ХЎЖАЕВА (етакчи илмий муҳаррирлар), И.МЕЛИҚУЛОВА (1-тоифали илмий муҳаррир).

Тил ва адабиёт. А.ЭГАМНАЗАРОВ (мудир), Ҳ.АБДИЕВ (1-тоифали илмий муҳаррир).

Фалсафа ва ҳуқуқ. С.МУСАЕВ (мудир), Н.МУТАЛОВ (етакчи илмий муҳаррир).

Физика, математика ва техника. Э.ИНОҒОМОВ (мудир), М. МИРБОБОЕВ, М.РАСУЛОВА (етакчи илмий муҳаррирлар), Х.ПЎЛАТХЎЖАЕВ (1-тоифали илмий муҳаррир), Ж.ЮНУСОВ (2-тоифали илмий муҳаррир).

Ишлаб чиқариш, харитаграфия ва безак бўлими. И.Р.ҲОДИЕВ (бошлиқ), А.БУРҲОНОВ (бош рассом), М.ОЛИМОВ (етакчи техник муҳаррир), А. ЭГАМБЕРДИЕВ (етакчи илмий муҳаррир), А.ЁҚУБЖОНОВ (бадиий муҳаррир), А.СУЛАЙМОНОВ (суратчи), А.БИЛЯК (етакчи илмий программист), М.АБДУЛЛАЕВА, Д.ҲАСАНОВА (операторлар).

Г

ГИДРОФИЛИЯ (Hydrophileo, *гидро*... ва юн. philia — хоҳлайман, севаман) — баъзи бир сув ўсимликлари (қ. *Гидрофитлар*), мас., валлиснерия, лемна, ная ва б.нинг сув ёрдамида четдан чангланиши.

ГИДРОФИТЛАР (*гидро*... ва юн. phyton —ўсимлик) —сувда ўсадиган ўсимликлар. Пастки қисми сувда, устки қисми сувдан кўтарилиб ўсади (мас., қамиш). Баъзи Г. дарё, денгиз, кўл қирғоқларида ва суви қуриб қолган нам ерларда ҳам ўсаверади. Г.да илдиз бўлмайди ёки жуда кучсиз ривожланган бўлади. Барги туксиз. Пояси ва баргларининг ҳужайрааро бўшлиқлари катта, ҳавога тўла бўлади. Шу сабабли Г. сувда қалқиб туради. Кўпчилик Г. торф ҳосил қилади. Баъзи Г., айниқса бир йилликлари чорва моллари учун озуқадир.

ГИДРОФОБ ЦЕМЕНТ —майин туйилган портландцемент клинкерига гипс ва гидрофоб қўшилмалар (асидол, синтетик ёғли кислоталарнинг қолдиқлари, оксидланган петролатум ва б.) қўшиб ҳосил қилинган гидравлик қовушоқ модда. Цемент массасига нисбатан 0,1—0,3% қўшилма қўшилган цемент қотганда унинг сиртида юпқа гидрофоб парда ҳосил бўлади. Бу эса цементнинг гигроскоплигини камайтиради, шунинг учун ҳам цементни узоқ муддат сақлашда бузилишига йўл қўймайди. Г. ц. сувни деярли ўтказмаслиги, совуққа чидамлилиги б-н бошқа цементлардан фарқ қилади.

ГИДРОФОБ ЎСИМЛИКЛАР (*гидро*... ва юн. phobos —қўрқиш, қочиш, ёқтирмайдиган) —сувга чидамсиз, сув ёқмас, сернам жойда ўса олмайдиган ўсимликлар: мас., боялич, куйрауқ, исириқ.

ГИДРОФОБ ҚОПЛАМАЛАР —гидрофил (сув б-н яхши таъсирлашадиган) материаллар сиртига юпқа қатламда бериладиган сув ўтказмайдиган моддалар. Материалларга гидрофоблаш эритмалари, эмульсиялари ёки буғлари б-н ишлов бериб, мономолекуляр қатлам ёки юпқа парда кўринишидаги Г. қ. ҳосил қилинади. Бундай Г. қ. сув б-н кам таъсирлашиб, материал сиртида мустаҳкам ўрнашиб қолади. Гидрофоблагичлар сифатида ёғли кислоталарнинг ҳамда мис, алюминий, цирконий ва б. металларнинг тузлари, органик бирикмалар ишлатилади. Г. қ. турли материаллар (металл, ёғоч, пластмасса, чарм, толали материаллар)ни сувнинг емирувчи ёки намлаш таъсиридан ҳимоя қилади. Машинасозлик, қурилиш ва тўқимачилик саноатида кенг қўлланилади.

ГИДРОФОБИЯ (*гидро*... ва юн. phobos —чўчиш, қўрқиш), сувдан чўчиш —қўрқув ҳолати; беморга бир қултум сув ичирилса, сув кўрсатилса ёки сув эслатилса, унинг ютиш мускуллари тортишиб қолади, у қаттиқ чўчиб тушади ва оғриқ сезади. *Қутуриш*, *қоқиол*, *истерия*да кузатилади. Давоси: асосий касаллик даволанади, асабий-руҳий кўзғалишни босадиган дорилар буюрилади.

ГИДРОФОН (*гидро*... ва *фон*) —сув остида товуш тебранишлари ва ультратовуш (УТ) сигналларини қабул қиладиган ва уларни электр тебранишларга айлантирадиган қурилма. Сув остидаги сигналларни тутиш ва шовқинларни эшитиш, сув остида масофаларни ўлчаш мақсадларида қўлланилади, йўналтирилган гидроакустик антеннанинг бир қисми ҳисобланади. Электродинамик, пьезоэлектрик ва магнитострикцион эффектларга асосланган Г.лардан кенг фойдаланилади. Г.нинг энг муҳим кўрсаткичи —сезгирлик; унинг сезгир элементлари (ўзаклари) юпқа пластиналардан йиғилади. Г. гидроакустик қурилмалар (гидролокатор, шовқин пеленгаторлари, акустик мина портлатгичлар ва б.)да ишлатилади.

ГИДРОФТАЛЬМ (*гидро*... ва юн. ophthalmos —кўз) —болалардаги туғма *глаукома*да кўз ичи босимининг ортиши сабабли кўз соққасининг чўзилиши ва катталашуви. Кўз мугуз пардасининг диаметри катталашади, чўзилган склера кўкимтир рангда бўлади. Кўрув нерви атрофияси ривожланиши сабабли кўриш ёмонлашади. Жарроҳлик усули б-н даволанилади.

ГИДРОХИНОН (1,4-дигидроксибензол), пара-диоксибензол, $C_6H_4(OH)_2$ —органик бирикма, икки атомли фенол, рангсиз кристалл модда. Мол. м. 110,11. Суюқланиш т-раси 173,8—174,8° (барқарор α-модификация), 169° (беқарор γ-модификация), қайнаш т-раси 285—287°. Зичлиги 1,36 г/см³ (α-модификация), 1,325 г/см³ (γ-модификация). Иссиқ сув, спирт, эфирда яхши, бензолда ёмон эрийди. Г.нинг сувдаги эритмаси ҳавода оксидланади ва қўнғир тусга киради, ишқорий муҳитда оксидланиши тезлашади. Оксидланганда хингидрон ва пара-хинон ҳосил бўлади. Г. кучли қайтарувчи бўлганлиги сабабли фелинг эритмасини совуқда қайтара олади. Г.ни биринчи марта 1844 й. немис кимёгари Ф. Вёлер хинондан олган. Саноатда Г. қуйидаги усулларда: 1) анилин сульфатни MnO_2 ёки H_2CrO_4 иштирокида пара-бензохинонгача оксидлаб темир кукунининг сувдаги аралашмаси б-н $NaHgO_3$ иштирокида қайтариб; 2) фенолни 900° да 70% ли H_2O_2 б-н, 75% ли H_3PO_4 ёки 65% ли $HClO_4$ иштирокида гидроксиллаб; 3) 1,4-диизопропилбензолни ҳаво кислороди б-н оксидлаб ва бис-гидропероксидни кислотали муҳитда Г. ва ацетонгача гидролизлаб; 4) фенол ва ацетон таъсир эттириб ва ҳосил бўлган 4-изопропилфенолни кислотали муҳитда H_2O_2 б-н Г. ва ацетонгача оксидлаб олинади. Лаб. шароитида Г. пара-бензохинонни SO_2 нинг сувдаги эритмасида қайтариш усули б-н олинади. Г. фотографияда, антиоксидант, органик бўёқлар саноатида ярим хом ашё сифатида ва аналитик кимёда турли элементлар ҳамда бирикмаларни аниқлашда ишлатилади.


ГИДРОХОРИЯ (*гидро*... ва юн. choreo — тарқаламан) —диаспоралар (уруғ, спора ва б.)нинг сув орқали тарқалиши. Г. тасодифий ёки доимий бўлиши мумкин. Тасодифий Г. диаспораларнинг сувда оқиб бораётган предметлар ёки сув оқими б-н тарқалишидир. Доимий Г. диаспораларнинг морфологик тузилиши ва биологик хусусиятлари (сувда ивимаслик, ўзида ҳаво сақловчи паренхима ёки ҳаволи бўшлиқлар бўлиши) б-н боғлиқ. Доимий Г. денгиз соҳилида ўсадиган ўсимликлар (мас., кокос ва

сейшел пальмалари) ва чучук сув ўсимликлари (мас., ғиччак, сувранг) учун хос. Г. турнинг тарқалишига, яъни янги ареални эгаллашига имкон беради.

ГИДРОЦЕЛЕ (*гидро...* ва юн. kele — шиш), мояк истисқоси —уруғдон б-н қин пардаси орасига суюқлик йиғилиши. У туғма бўлиши ёки мояк ва ортиғининг турли яллигланиш касалликларида, уларга шикаст етганида вужудга келиши мумкин. Туғма ва орттирилган, бир ёки икки томонлама, ўткир ё сурункали хиллари бор. Суюқлик уруғдон атрофига аста-секин йиғилиб, катталашаверади. Таранглашган хилида ёрғоқнинг ўнг ёки чап тарафида қаттиқ ўсмасимон тузилма аниқланади, таранглашмаганида эса у анча эластик бўлади. Туташган шаклида бемор ётганида тузилма анча кичраяди, туташмаган хилида эса ўлчамлари бир хил тураверади. Таранглашган хилини тезроқ операция қилиш лозим. Г.ни вақтида жарроҳлик йўли б-н бартараф этилмаса, уруғдон атрофияга учраб, бепуштликка олиб келиши мумкин.

ГИДРОЦЕФАЛИЯ (*гидро...* ва юн. kephale —бош) —қ. *Бош истисқоси*.

ГИДРОЦИКЛОН (*гидро...* ва юн. ciklon —айланувчи) —массалари бир-биридан фарқ қиладиган минерал доначаларни сув муҳитида ажратадиган аппарат. Г.нинг классификатор, *сепаратор* ва қуюлтиргич каби хиллари бор. Классификатор минерал доначаларни йириклиги бўйича ажратади, сепаратор минерал суспензия ҳолатдаги фойдали қазилмаларни бойитади, қуюлтиргич доначалардан сувни ажратади. Тузилиши оддийлиги туфайли Г. саноатда кенг ишлатилади.




Гидроциклон: *а*— умумий кўриниши; *б*— оқимлар схемаси; *1*—конус; *2*—цилиндрик қисм; *3*—таъминлаш патрубоги; *4*—қуйиш тешиги; *5*—учлик.

ГИДРОЦИЛИНДР —поршени илгарилама-қайтма ҳаракатланадиган *гидравлик двигатель*. Бир ва икки томонлама ҳаракатланадиган, поршенли, плунжерли, мембранали, телескопли ва б. хиллари бор. Станокларда асосий ҳаракатни узатишда, осма машиналар, қурилиш, йўл қурилиши ва қ.ҳ. машиналарининг органларини силжитишда, прокат станокларининг қисиш қурилмаларини ёпиб-очишда кенг қўлланилади.

ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯ (ГЭС) — сув оқимининг энергиясини гидравлик турбиналар ёрдамида электр энергиясига айлантириб берадиган гидротехника иншоотлари ва энергетика жиҳозлари мажмуи. Гидротехника иншоотлари тўғон ёнидаги, деривацион ва аралаш турларга бўлинади. Тўғон ёнидаги ГЭСларда тўғон ёрдамида сув сатҳи кўтарилиб, керакли босим ҳосил қилинади. ГЭС биноси 3 хил жойлаштирилади: 1) тўғон ёнида; 2) тўғондан четорқда; 3) тўғондан пастда, дарё ўзанида. Тўғон ёнида ва дарё ўзанида қуриладиган ГЭС ларда сув босимини тўғон ҳосил қилади. Бундай ГЭС лар суви кўп бўлган, текис оқадиган тоғ дарёларига, сойликларнинг торайган жойига қурилади. Буларга Қайроққум, Туямўйин ва Чордара ГЭСларини кўрсатиш мумкин. Деривацион (ГЭС нинг ст-я узелига сув қувурлари, канал ёки туннель воситасида олиб келинадиган) ГЭСлар ўрта ва юқори босимли бўлиб, босим деривация канали ёрдамида ҳосил қилинади. Бундай ГЭС ларга Чорвоқ, Фарҳод ва Бўзсув каналидаги ГЭСлар киради. Аралаш ГЭС ларда босим, асосан, дарёдаги гидротехника иншоотлари ва қисман деривация канали ёрдамида ҳосил қилинади. ГЭС иншоотлари мажмуига дарё ўзанини тўсиб босим ҳосил қиладиган бош иншоот (тўғон), ГЭС биносига сув етказиб берадиган канал, ст-я босим узели (СБУ) ёки босим сув қувури, сув сатҳини ва сарфини тартибга солиб турадиган, ортиқча сувни чиқариб ташлайдиган ва б. автоматик қурилмалардан иборат иншоотлар; сув энергиясини бевосита электр энергияга айлантириб берадиган гидроагрегат (*турбина* б-н *генератор*) ўрнатилган машина зали ва фойдаланиб бўлинган сувни чиқариб ташлайдиган иншоотлар киради. Махсус гидротехника иншоотлари б-н ГЭС турбиналарига келтирилган сув турбинанинг иш ғилдирагини, унга ўрнатилган ўқни ва ўқ б-н бириктирилган генераторни айлантириши натижасида электр энергия ҳосил бўлади. Электр энергия махсус қурилмалар воситасида истеъмолчиларга етказиб берилади. Ҳозир барча ГЭС ларнинг иши автоматлаштирилган. Бир неча автоматлаштирилган ГЭС лар узоқдан туриб (қушни ГЭС дан ёки энергосистеманинг бошқариш пультидан) бошқарилади. ГЭС нинг белгиланган қувватига кўра кам (5 МВт гача), ўрта (5—25 МВт) ва катта (25 МВт дан юқори) қувватли хилларга бўлинади. Даренинг энергетика ресурсларидан тўлароқ фойдаланиш учун ГЭС лар каскад тарзида, яъни дарё оқими буйича маълум масофада жойлаштирилади. Бундай ГЭС каскадларига Ўзбекистондаги Тошкент (Бўзсув, Бўрижар, Оқтепа, Шайхонтоҳур ГЭС лари); Қодрия (Қодрия, Қибрай, Салар, Оққовоқ-2); Чирчиқ (Товоқсой, Оққовоқ); Қуйи Бўзсув (ГЭС-14, ГЭС-18, ГЭС-19, ГЭС-22, ГЭС-23); Ўрта Чирчиқ (Чорвоқ, Ҳожикент, Ғазалкент); Шаҳрихон (ГЭС-5А, ГЭС-6А, ГЭС-ЮФК-1, ГЭС-4А ЮФК-3); Самарқанд (ГЭС-1Б, ГЭС-2Б, ГЭС-3Б, ГЭС-5Б) ГЭС каскадлари киради. ГЭС лар ичида *гидроаккумуляцияловчи электр станция* (ГАЭС) ва *кўтарилиш сув электр станция* (ПЭС) алоҳида ўрин тутади. ГАЭС лар йирик энергетик тизимларда кўп энергия талаб қиладиган (тигиз) вақтлардаги энергияни тўлдириб туриш учун қурилади. ГАЭС нинг энергияни аккумуляциялаш хусусияти энергетик тизимдаги баъзи вақт оралиғида бўш бўлган электр энергиядан фойдаланишга асосланган. Бу вақтда ГАЭС насос режимида ишлаб, сувни пастки ҳовуздан юқориги ҳовузга ҳайдайди; тигиз вақтда эса йиғилган сувдан электр энергия ҳосил қилади.

Ой ва Қуёш гравитация кучлари сув массасини тортиши натижасида денгиз ёки океан сувлари сатҳи суткада бир вақтда икки марта дам кўтарилади, дам пасаяди. Ана шу кўтарилган сув энергиясини ПЭС электр энергиясига айлантиради. Буларда электр энергия ишлаб чиқаришда жиддий фарқ йўқ. Алоҳида ГЭС ёки ГЭС каскади, одатда *конденсацион электр станция* (КЭС), *иссиқлик электр маркази* (ТЭЦ), *атом электр станция* (АЭС) б-н бир тизимда ишлайди. Бунда энергосистемадаги нагрузка графигини қоплашда қатнашишига қараб ГЭС базисли, кўп энергия талаб қиладиган (тигиз) вақтларида ишлайдиган бўлиши мумкин. ГЭС лар электр энергия бериш б-н бирга дарё ўзанини лойқаланишдан асрайди, кўплаб экин майдонларини суғоришга имкон беради (яна қ. *Гидроэнергетика*)

Сали Мажидов.



Гидроэлектр станциянинг схематик тузилиши: *1*—сув омбори; *2*—зулфин; *3*—электр генератор; *4*—гидротурбина; *5*—трансформатор подстанцияси.

ГИДРОЭНЕРГЕТИКА —энергетиканинг сув энергиясидан фойдаланиш б-н боғлиқ бўлган бўлими. Инсон қадимдан сув энергия манбаи эканлигига эътибор берган. Бу энергиядан фойдаланиш учун чархпалаклар, сув тегирмонлари, сув ғилдираклари қуришган. *Буғ машинаси* ихтиро қилингунга қадар и. ч.да асосий ҳаракатлантирувчи куч сув энергияси ҳисобланган. Сув ғилдиракларини такомиллаштира бориб, станоклар, босқон, ҳаво пуфлаш қурилмалари ва б.ни ҳаракатга келтирувчи гидравлик қурилмаларнинг қуввати ҳам оша борди. Ўзбекистон ҳудудида қадимда сув энергиясидан самарали фойдаланилгани ҳақида Амударё сув ҳавзасида олиб борилган археологик тадқиқотлар далолат беради. 17—18-а.ларда кўпгина мамлакатларда мануфактура, и. ч., руда-кон саноати, металлургия, тўқувчилик ва б.нинг ривожланишида сув ғилдираги энергетик база ҳисобланган. Сув ғилдирагини ҳаракатлантириш учун гидравлик куч қурилмаси яратилди. Бунда сув махсус канал орқали кўтарилиб, канал б-н дарё орасида босимлар фарқи ҳосил қилинган. Ана шу босимлар фарқидан сув ғилдирагини, ундан эса узатмалар орқали машиналарни ҳаракатга келтиришда фойдаланилган. Шу даврда сув энергиясидан 500 о.к.га тенг бўлган қувват олинган. Буғ машинасининг пайдо бўлиши муносабати б-н сув кучи б-н ишлайдиган оддий қурилмалар, баҳайбат ва кам қувватли сув ғилдиракларидан фойдаланиш камая борди. 19-а. бошларида гидротурбина, электр машиналар ва электр энергияни узоқ масофаларга узатиш усуллари ихтиро қилинди. Бу эса Г.ни ривожлантиришга катта имкониятлар яратди. *Гидроэлектр станция* (ГЭС)да сув энергиясини электр энергияга айлантириш Г.нинг янги йўналиши бўлди. 1871—81 й.ларда қувват атиги бир неча юз Вт га тенг бўлган биринчи гидроэлектр қурилма Германияда, сўнгра Англияда қурилди. 1892 й.да Швейцарияда, 1893 й.да Швеция, Германия, АҚШ да қурилган ГЭС лар саноат токини бера бошлади. 1896 й. да АҚШ да қурилган ГЭС ўзгармас ток ишлаб чиқара бошлади. 1898 й.да Германияда, 1902 й.да Францияда қурилган ГЭС ларнинг гидроагрегатлари нагрузка остида ишлай бошлади.

1914—18 й.лардаги 1-жаҳон уруши ва уруш б-н боғлиқ бўлган саноатнинг ўсиши ГЭСлар қурилишига туртки бўлди. Натижада 1920-й.ларга келиб дунёда ишлаб чиқариладиган электр энергиянинг қуввати 17 минг МВт га, алоҳида ГЭС ларнинг қуввати 400 МВт дан ошди (АҚШ, Канада). Ҳозир қуввати 6400 МВт бўлган ГЭСлар ишлаб турибди.

ГЭС ларнинг муҳим иқтисодий томони шундаки, қуриб бўлгандан сўнг унга қўшимча капитал жамғарма сарфланмайди; ишлаб чиқариладиган электр энергия *иссиқлик электр станция*ларидагига нисбатан ўртача 4 марта арзон тушади. Бунда ёқилғи керак бўлмайди, электр энергия ишлаб чиқариш содда. ГЭС да қувват бирлигига қилинадиган сарф иссиқлик электр станцияларга қараганда 10 марта кам. Г. кўпгина ҳолларда сув ресурсларидан комплекс фойдаланишда, дарёларни лойқаланишидан сақлаш ва б.да етакчи ўрин тутади.

Ўрта Осиёда биринчи ГЭС 1909 й.да Туркманистонда Мурғоб дарёсига қурилган. Унинг қуввати 1,35 МВт бўлган. Ўзбекистонда биринчи ГЭС 1926 й.да Бўзсув каналида қурилди. Унга ҳар бирининг қуввати 1 МВт бўлган 4 та генератор ўрнатилган. 1932 й.да умумий қуввати 13,68 МВт бўлган Қодрия ГЭС и (4 та генератор); 1936 й.да Бўржар ГЭС и —6,4 МВт (2 генератор); 1940—41 й.ларда Комсомольск ГЭС и —96,4 МВт (4 та генератор); Товоқсой ГЭС и —80,0 МВт (4 та генератор); 1942 й.да Оқтепа —15 МВт (1 та генератор); 1943 й.да Қибрай ГЭС и —12,5 МВт (1 та генератор); 1946 й.да Оққовоқ ГЭС и —34 МВт (2 та генератор) ва Оққовоқ-2 ГЭС и —9 МВт (2 та генератор); 1948 й.да Фарҳод ГЭС и —126 МВт (4 та генератор) қурилди. Республиканинг энергетика базасини кучайтириш мақсадида бирин-кетин ГЭС лар қурилди. Жумладан, Бўзсув каналига умумий қуввати 29 МВт бўлган Тошкент ГЭС каскади, 1942—46 й.ларда умумий қуввати 47,7 МВт бўлган Қодрия ГЭС каскади, 1940—1946 й.ларда умумий қуввати 200,4 МВт бўлган Чирчиқ ГЭС каскади, 1944—54 й.ларда Қуйи Бўзсув ГЭС каскади (54,3 МВт), 1945—63 й.ларда Самарқанд ГЭС каскади (40,2 МВт), 1949—66 й.ларда Шаҳрихон ГЭС каскади (28,7 МВт), 1970—80 й.ларда Ўрта Чирчиқ ГЭС каскади (899 МВт) қурилиб ишга туширилди. Ҳозир Ўзбекистонда умумий қуввати 1425 МВт бўлган ГЭС лар ишлаб турибди. Келажакда Амударё ўзанидаги Туямўйин сув омборига умумий қуввати 150 МВт бўлган ГЭС қуриш мўлжалланмоқда (яна қ. *Гидроэлектр станция*).

Сали Мажидов.

ГИЕНКО Борис Фёдорович (1917.8.8, Владикавказ — 2000.18.9, Тошкент) — композитор, педагог. Ўзбекистон халқ артисти (1988), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1967). Тошкент консерваториясини тугатган (1941). Ўзбек давлат филармонияси халқ чолғу асбоблари оркестрида дирижёр (1945—49), 1948 й.дан Тошкент консерваториясида педагог, композиция кафедраси мудири (1972—80), проф. (1980 й.дан). 7 та мусиқали драма, «Ойниса» балети (Д. Зокиров б-н, 1956), спектакль ва кинофильмларга мусиқа, 8 та симфония, 5 та концерт, овоз ва симфоник оркестр учун концерт, 9 та торли квартет, фортепиано учун «24 прелюдия», «12 рубоий» ва б. пьесалар, фортепиано ва симфоник оркестр учун «Масхарабозлар» асари, романс ва қўшиқлар муаллифи. Ўзбек халқ чолғулари ва оркестри учун ёзган асарлари (мас., «Гулдаста» сюитаси)да Ўрта Осиё, озарбайжон, украин ва б. халқлар мусиқа фольклоридан фойдаланган. Бир қатор етук ўзбек композиторлари (Р. *Абдуллаев*, М. *Бафоев*, У. *Мусаев*, *Сайфи Жалил* ва б.) Г. синфида таҳсил олишган. «Шуҳрат» медали б-н тақдирланган (1996).



ГИЕРАПОЛЬ (юн. Hierapolis —муқаддас шаҳар) —Суриядаги шаҳар, Фурот дарёси кечуви яқинида; эллинистик ва Қад. Рим империясининг илк даврида муҳим савдо ва ахборот маркази. *Буюк ипак йўли* Г.дан ҳам ўтган.

ГИЁН —Эрон ҳудуди (Ҳамадондан 70 км жан.да)даги қад. ўтроқ қабилалар манзилгоҳи. Унинг 19 м ли маданий қатлами 5 комплексга бўлинади. Г. V (мил. ав 5-минг йилликнинг охири — 4-минг йиллик) 4 босқичдан иборат. Г. V—А да геометрик чизиқли нақшлар

солинган сопол идишлар кўп тарқалган. Г.V–В да мис буюмлари пайдо бўлган, баъзи идишларда эчки сурати бор. Г. V–С да қуш сурати туширилган буюмлар учрайди. Г. V–Д дан Суза–А типидаги кулолчилик маҳсулотлари топилган. Г. IV (мил. ав. 3-минг йиллик) қатлами муайян услубга эга бўлган қуш сурати туширилган идишларнинг ўзига хослиги б-н ажралиб туради. Бу қатламга тегишли қабрлардан кўпгина мис буюмлар (болта, найза учлари, тўғноғич ва б.) топилган. Г. III (мил. ав. 3-минг йиллик охири —2-минг йиллик) қатламида нақшли қадаҳлар учрайди. Г. II да қуш сурати ва нақшлар б-н безатилган идишлар бор. Г. I (мил. ав. 2-минг йилликнинг охири —1-минг йиллик)да нақшсиз, қизил ёки қора рангли сопол буюмлар асосий ўринни эгаллайди, темир буюмлар ҳам учрайди.

ГИЁҲВАНДЛИК, наркомания, бангилик —наркотик моддаларга ўрганиб қолиш, ружу қилиш, аниқроғи табиий ёки синтетик заҳарли моддалар (айрим дори моддалари)ни вақтинча ёки сурункасига истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган касаллик ҳолати. Г. организм соматик ва руҳий ҳолатининг чуқур ўзгаришига сабаб бўлади ва гиёҳвандни таназзулга олиб боради. Г.да ўзини тўхтатиб бўлмайдиган даражада гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш майли пайдо бўлади, гиёҳванд модданинг миқдорига нисбатан эҳтиёж, руҳий ва жисмоний боғлиқлик ортиб боради. Г. аста-секин бошланиб, сурункали давом этади. Гиёҳванд моддалар дастлаб хушнудлик, димоғчоғлик (қ. *Эйфория*), хотиржамлик ҳиссини уйғотиб, кайф қилдиради, кейин бора-бора бу касалликка айланади. Г. 2 зайлда авж олиши мумкин. Биринчи ҳолда врач буюрган ва беморнинг руҳи ҳамда кайфиятини ошириш хусусиятига эга бўлган дориларни узоқ вақт ва нотўғри қабул қилиш; оғриқ, уйқусизлик ва б. дардлардан қутилиш мақсадида дори миқдори (дозаси)ни ошириб бориш; дарддан тузалиб дорига унчалик эҳтиёж бўлмаса ҳам, уни қабул қилавериш натижасида дорининг наркотик таъсири ва миқдори орта бориб, пировардида гиёҳванд моддага мойиллик кучайиб, у ҳумор қиладиган бўлиб қолади. Иккинчи ҳол онгли равишда кайф қилиш мақсадида гиёҳванд моддаларга ўрганишдир.

Г.ка, одатда, иродаси кучсиз, ўзини тия олмайдиган, ўткир сезгиларни ўзида синаб кўришга қизиқувчан, руҳан заиф ва ўта ҳудбин кишилар берилувчан бўлади. Ёшлар тарбиясидаги нуқсон ва камчиликлар, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиб юрувчи катта ёшлагиларга тақлид ва ҳавас, оиладаги нохуш шароит (ота-онанинг ичкиликбоз ёки гиёҳванд бўлиши) ҳамда гиёҳванд моддаларнинг осон топилиши ёки қўл остида бўлиши ҳам Г.ка сабаб бўлиши мумкин. Г.ка мубтало бўлганларда хасталик борган сари кучая бориб, одатда, кутилмаган ёмон оқибатларга олиб келади. Г. эйфориясида, яъни кайфи чоғликда 2 босқич кузатилади: қисқа муддатли —1–5 дақиқа давом этадиган ўткир ҳиссиётли босқич (ҳақиқий эйфория) ва узоқ (1–3 соат) чўзиладиган бўшашиш, тинчланиш даври. Бу босқичларнинг қисқа ёки узоқ бўлиши қандай гиёҳванд модда қабул қилинганига ва миқдорига боғлиқ. Г.нинг ҳамма тури ҳам ўз ривожида гиёҳванд моддаларга ўрганиб қолиш йўли б-н Г. синдромининг шаклланишига олиб келади. Бу синдромнинг ривожланишида ҳам 3 босқич фарқланади: 1) гиёҳванд моддага нисбатан организм реактивлигининг ўзгариши ва руҳий боғланишнинг пайдо бўлиши; 2) хумор (абстинент) синдроми кўринишида жисмоний боғланишнинг юзага келиши; 3) организм барча системаларининг заифлашиши (толерантликнинг пасайиши, яъни гиёҳванд моддаларнинг аввалги миқдорини кўтара олмаслик, хуморнинг сурункали давом этиши ва айрим ҳолларда полинаркоманиянинг вужудга келиши). Г.ка мубтало бўлган киши гиёҳванд моддаларни қайта-қайта ва кўпроқ миқдорда истеъмол қила бошлайди. Кейинчалик эса гиёҳванд моддаларсиз туролмайдиган бўлиб қолади. Бундай аҳволдан қутилиш ва ўзини бир оз енгил ҳис қилиш учун яна гиёҳванд моддага ружу қилади ва охир-оқибат гиёҳванд моддаларга ҳирс қўйиш келиб чиқади. Организмнинг дастлабки ҳимоя рефлекслари (кўнгил айниши, қусиш) йўқолади. Бу даврда организмда гиёҳванд моддаларга нисбатан мойиллик шу даражада кучайиб кетадики, гўё бу моддалар аввалги таъсир кучини йўқотгандек бўлиб қолади, энди аввалгидек эйфория (кайф) ҳолатини ҳис қилиш, хуморни тарқатиш учун ўша моддадан кўпроқ миқдорда қабул қилгиси келади. Олдинига гиёҳванд модда бирмунча ёқимсиз таъсир кўрсатган бўлса, кейинчалик гўёки унинг ҳолатини «нормаллаштирганга» ўхшайди, бемор ўзини бирмунча яхши ҳис қилади, иш қобилияти, руҳи гўё тетикланади, пировардида у ҳақиқий гиёҳванд бўлиб қолади. Гиёҳвандларда аввал руҳий ўзгаришлар (тажанглик, кайфият бузуқлиги, хотира пасайиши) пайдо бўлган бўлса, кейинчалик жисмоний ўзгаришлар —жисмоний боғланиб қолиш синдроми (терлаш, юрак уриши, оғиз қуриши, озиб кетиш, қўл-оёқнинг титраши ва б.) рўй беради. Агар гиёҳванд ўз вақтида наркотик моддани қабул қилмаса, организмда кучли руҳий ва жисмоний ўзгаришлар, яъни гиёҳвандликка хос оғир ҳолат — хуморлик (қ. *Абстиненция*) синдроми пайдо бўлади. Г. опиомания (афюн қабул қилиш), *морфинизм*, героинизм кўринишида бўлади. Г.нинг нашавандлик, *кокаинизм*, никотинизм (тамакига ружу қилиш), теизм (аччиқ чой ичиш) ва б. турлари ҳам учрайди. Икки ёки ундан ортиқ хил гиёҳванд моддани сурункали қабул қилиш —полинаркомания дейилади. Г.нинг ҳамма турида ҳам организм заҳарланади ва у жуда оғир кечади.

Ер юзининг турли минтақаларида Г.нинг айрим турлари кузатилади. Г.нинг героинизм тури кейинги вақтда жуда кенг ва фожиали тарзда тарқалиб бормоқда. Г. авж олишининг олдини олиш учун айрим мамлакатларда тегишли тадбирлар амалга оширилган. Хусусан ЎзРда Г.ка қарши кураш қўмитаси ташкил қилиниб, давлат дастури ишлаб чиқилган. Республикада наркология маркази ташкил қилинган ва бу марказда наркология бўйича олим ва мутахассислар томонидан малакали кадрлар тайёрланиб, улар мамлакат минтақаларида Г.ка қарши кескин кураш олиб боради. Г.ка мубтало бўлган беморлар асосан шифохона (стационар) шароитида 2–4 ойгача даволаниб, 4–5 йилгача амбулатория кузатуви ва ҳисобида бўладилар. Ўзбекистонда гиёҳванд воситаларни и.ч. ва сотиш б-н шуғулланган кишилар жиноий жавобгарликка тортилади (қ. *Гиёҳвандлик воситалари*).

Мирқобил Халилов.

ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ — махсус рўйхатга киритилган ва давлат томонидан назоратга олинган, *гиёҳвандлик*ни келтириб чиқарувчи синтетик восита (препарат)лар ва ўсимликлар. Г. в. рўйхати БМТнинг 1988 й.ги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар б-н қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши кураш тўғрисида»ги конвенциясида, шунингдек, Г. в. устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссиясининг қарорига (1995 й. 1 апр.) 1-сонли иловада берилган. Г. в.лар сирасига мариҳуана, наша, каннабис смоласи, наша мойи, қорадори, морфин, героин, кодеин, эфедрон, кокаин ва б. киради. Г.в.дан тиббий мақсадларда фойдаланилганда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибга қатъий риоя этилиши керак. Г.в. б-н эркин муомала қилиш тақиқланган. Ўзбекистон Республикасининг 1999 й. 19 авг.даги «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонунига биноан, уларни ветеринария, илмий ва ўқув мақсадларида, экспертлик фаолиятида, жисмоний шахсларга бериш ва б. мақсадларда муомалада бўлиш шартлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Г.в.ни ўтказиш мақсадини кўзламай, оз миқдорда, ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган (ЎзР МЖК, 56-модда). Ўзбекистон Республикаси ЖКда таркибида Г.в. бўлган экинларни экиш ёки етиштириш (270-модда), қонунга хилоф равишда эгаллаш (271-модда), ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш (273-модда), Г.в.ни истеъмол қилишга жалб этиш (274-модда), уларни и.ч. ёки фойдаланиш қоидаларини бузиш (275-модда), ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш ва б. ҳаракатлар (276-модда) учун жиноий жавобгарлик белгиланган. «Гиёҳвандлик воситаси бўлган ўсимликларни экиш», дейилганда уларнинг уругини махсус тайёрланган ерга сепиш ёки кўчатини ўтказиш тушунилади ва шу ҳаракатларнинг ўзи шахсни жиноий жавобгарликка тортишга асос бўлади. «Гиёҳвандлик воситаси бўлган ўсимликларни етиштириш», дейилганда ҳар қандай ерда экилган ёки ўзи ўсиб чиқиб, ўсиб ётган шундай ўсимликларни парвариш қилиш (суғориш, чопиш, ўғит бериш ва ҳ.к.) тушунилади. «Г.в.ни қонунга хилоф равишда эгаллаш», дейилганда уларни ўғирлик, фирибгарлик, ўзлаштириш, талончилик, мансабни суиистеъмол этиш, товламачилик, босқинчилик каби йўллар б-н эгаллаш тушунилади. Г.в.ни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаган, олган, сақлаган, ташиган шахс, агар шундай ҳаракатни биринчи марта содир этган бўлса ва улар миқдори кўп бўлмаса, ўз ихтиёри б-н айбини бўйнига олиб келиб, Г.в.ни топширса, жазодан озод қилинади (273-модда). Г.в.нинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлишига йўл қўйган юридик шахс суднинг қарорига биноан тугатилиши мумкин.

Г.в. ишлаб чиқариш ва улар б-н қонунга хилоф равишда муомала қилиш оғир жиноятчиликни, жиноий бизнесни келтириб чиқаради.

Мамажон Усмоналиев.

ГИЖДА – нон тури. Тандирда ёпиладиган Г. учун ун эланади, хамиртуруш солиб хамир қорилади. Хамир узоқ пишитилади ва ўраб оширилади. Ошган хамирдан 300 г атрофида зувала узиб, нон ясалади, ўртасига бир марта чакич урилади ёки ўрта бармоқ катталигидаги таёқча чекилади. Тандирга ёпиш олдидан қар бир нонниг орқасига сув сепилиб, юзига ёг суртилади. Нон заводларида Г. махсус печларда пиширилади.

ГИЖЖА КАСАЛЛИКЛАРИ – қ. *Гельминтозлар*.

ГИЖЖАГА ҚАРШИ ДОРИЛАР – *гельминтозлар*да организмдаги гижжаларни йўқотиш мақсадида ишлатиладиган дорилар. Улар кўпинча гижжанинг турига қараб буюрилади, мас., *энтеробиоз* ва *аскаридоз*ни даволаш учун пирантел (комбантрин, гельминтокс), вермокс, ситракс, декарис (левамизол)дан фойдаланилади. 200–300 г қовоқ уруғи ҳам яхши наф беради. Гименолепидоз ва б. тасмасимон гижжаларга қарши фенасал препарати ичилади; кейин тозаловчи ҳуқна қилинади. Юқоридаги дориларни ичиш тартиби (наҳорда, кечқурун ётиш олдидан, овқатдан олдин ёки кейин) ва миқдорини врач белгилайди; булар кўпинча препаратнинг ёрлиғида ҳам кўрсатилади.

ГИЖЖАЛАР – одам, ҳайвон ва б. организмларда касаллик пайдо қилувчи *гельминтлар*.

ГИЗА – Миср (Қоҳира яқини)даги меъморий ёдгорликлар сақланган шаҳар. Қад. Мисрнинг Мемфис ш. ҳудудида Миср фиръавнлари Хеопс, Хефрен ва Микеринларга атаб барпо этилган эҳром (пирамида)лар ансамбли (мил. ав. 3-минг йиллик).

Энг улкан иншоот Хеопс эҳроми (бал. 146,6 м, томонлар асоси 233 м, меъмори Хемиун) оҳактош бўлаклари (оғирлиги 2,5 т дан 30 т гача, ҳаммаси тахм. 2300 минг дона) б-н қопланган: Хефрен эҳроми (оҳактош, бал. 143,5 м, томонлар асоси 215,25 м) яқинидаги ибодатхонанинг ҳашаматли зали қиррали устунлар б-н безатилган. «Катта сфинкс» (уз. 57 м, бал. 20 м, мил. ав. 3-минг йиллик) қояларда жойлашган. Микерин эҳроми (бал. 62 м, томонлар асоси 108,4 м) «Дунёнинг етти мўъжизаси» таркибига кирган. Ҳар бир эҳромга шарқдан ибодатхоналар туташган бўлиб, улар ўтиш йўллари орқали бир-бири б-н боғланган. Ибодатхона-мақбаралар (асл.содалларнинг 2–6-сулолалари дафн этилган 7 мингдан ортиқ қабрлар жойлашган), кичик эҳромлар, мастабалар бор.

ГИЗЛАР (Guise) – Франциядаги аристократлар уруғи, *Лотарингия* герцоглари хонадонининг ён тармоғи. Асосий вакиллари: Франсуа Гиз (1519–63) – Мецни император Карл V қўшинларидан мудофаа қилишда (1552), инглизлардан Калени олишда (1558) шуҳрат қозонган, диний урушларнинг бошланғич даврида католиклар қўшини қўмондони; Генрих Гиз (1550–88), Франсуа Гизнинг ўғли – Варфоломей туни (1572) ташкилотчиларидан бири, Генрих III ни агдариб, тахтга Г.ни ўтказишга интилган Католиклар лигаси бошлиғи. Генрих III фармонига кўра қатл этилган. Диний урушлар тугаши б-н Г. мавқеи пасайган. 17-а. охирига келиб эса Г. хонадонидан ҳеч ким қолмаган.



Гизадаги эҳромлар мажмуаси: (чапдан) Микерин, Хефрен ва Хеопс.





ГИЙМЕН (Гиллемен) (Guillemin) Роже (1924) —француз физиологи. 1953 й.дан АҚШда. Гипоталамик ризинг-гормонларни ажратиб олиш, уларнинг кимёвий тузилиши ва биологик фаоллигини аниқлаш устида тадқиқот олиб борган. Нобель мукофоти лауреати (1977; Э. В. Шалли б-н ҳамкорликда).

ГИКСОСЛАР —осиёлик кўчманчи қабилалар; мил. ав. тахм. 1700 й. Мисрни босиб олишган. Дельтага ўрнашиб олган Г. пойтахт шаҳар —Аварисга асос солганлар. Мил. ав. 16-а. бошида Г. ҳукмронлиги мисрликлар томонидан тугатилган.

ГИЛ, соз лой —чўкинди тоғ жинси; 0,01 мм дан кичик субколлоид ва коллоид заррачалардан ташкил топади. Шунинг учун Г. юқори гигроскопиклик хусусияти ва нам сиғимига, кўп бўкиш, катта ёпишқоқлик, қовушқоқлик хусусиятларига эга. Сувда тез бўкиб, қовушқоқ масса ҳосил қилади, қуриганда эса намлигидаги шаклни сақлаб қолади. Г. ҳар хил тоғ жинсларининг нурашидан ҳосил бўлган маҳсулотларнинг денгиз ҳамда кўл ҳавзалари остида ётқизиқлар ҳосил қилиши натижасида пайдо бўлади; катта чуқурликдаги қатламларда у ҳаддан ташқари қаттиқ берч Г.ли жинсларга айланади. Минералогик таркибига кўра Г. каолинит, монтмориллонит, галлуозит ва б. минераллардан иборат. Ўзбекистоннинг суғорма деҳқончилик ҳудудларида тарқалган тупроқлар таркибидаги каолинит, монтмориллонит кўпроқ ўрганилган. Бундай минерали Г. тупроқда яхши сув ва озуқа режимини вужудга келтиради ҳамда уни донадор қилади. Шунинг учун қумли ва тошли тупроқлар унумдорлигини ошириш мақсадида уларга таркибида кўп органик модда тутувчи Г.ли минераллар (мас., бентонит) солинади.

ГИЛАМ —бадиий тўқимачилик буюми; уй жиҳози. *Гиламчилик* маҳсулоти. Полга тўшаш, деворга осиш, хонани безаш, иситиш, товушни пасайтиришга хизмат қилади. Қўлда горизонтал ёки вертикал дастгоҳларда жун, ипак, каноп, пахта ва б. иплардан тўқилади. Тўқилишига кўра Г.нинг патли ва патсиз (палос), безагига кўра нақшли ва мавзули турлари фарқланади. Нақшли Г. мужассамоти ҳандасий ёки ўсимликсимон безаклар, турли хил белги-рамзлардан иборат, айниқса, ислимий мужассамотлар ниҳоятда гўзал; мавзули мужассамотларда ов манзаралари, гуллаган боғлар акс этади. Яратилишига кўра, тўқима (гули тўқиладиган), тикма (гули тикиладиган), босма (гули бўяб босиладиган) турлари бор. Нақш мужассамоти (ҳандасий, ислимий, гириҳ ва б.) ва унда марказий майдон б-н ҳошияси орасидаги нисбат, сифати (патли ёки патсизлиги, патининг узун-қисқалиги), бўёғи, ранглар уйғунлиги, ҳом ашёси, ҳажми Г.нинг бадиий қимматини белгилайди.

Хоразм патли гилами (1950—60-йиллар, қўлда тўқилган).



Қўлда ва корхоналарда машинада тўқиладиган Марказий Осиё, Молдова, Россия, Руминия ва б. Г.лари кенг тарқалган (қ. *Гиламчилик саноати*). Ижро усули, сифати ва мужассамотининг мураккаблиги б-н қўлда тўқилган Г.лар бетакрордир.

ГИЛАМА —*гилам* шаклидаги безак; текис юза (асосан шифт, шунингдек, девор ва б.)даги чизма ва ўйма нақш мужассамоти, мис идишларга ўйилган бадиий нақш бўлаги. Хоразм наққошлари гилами деб ҳам атайдилар.

ГИЛАМЧИЛИК —*гилам* тўқиш касби, бадиий ҳунармандлик соҳаси. Қадимдан чорвачилик б-н шуғулланадиган кўчманчи қабилалар орасида кенг тарқалган. Ўсимлик (пахта, зиғир, жут) толаси, жун (қўй, эчки, туя жуни) дангина тайёрланган. Гилам тўқиш учун қирқилган жунлар ювилиб тозаланади, темир тароқларда таралади, таралган жунлардан ип йигирилади. Иплар турли табиий бўёқлар б-н буялади. Шунинг учун гилам ранглари ўзгармайди ва ўзининг сифатини йўқотмайди. Ҳозирда сунъий толалардан ҳам тўқилмоқда. Г. ер бағирлаб ётиқ (горизонтал) ва тик (вертикал) ўрнатилган дастгоҳларда тўқилади. Г. ривожланган жойларда тўқув дастгоҳлари анча мукаммаллаштирилган ва бир неча тўқувчи ёнма-ён ўтириб бирданига тўқийверадиган кенг ўқ (галтак)ли хиллари яратилган. Гиламдўз уста нақш мужассамотини ёдаки ёки нусха асосида тўқийди. Тўқилиш усулига кўра патли ва патсиз гилам турлари фарқланади.

Болоҳовуз масжиди айвон шипидаги гилама нақш (18—20-асрлар).



Қўлда гилам тўқиш Ўрта Осиёда, айниқса Туркманистонда кенг ривожланган. Қўлда гилам тўқиш ниҳоятда сермашаққат иш, тўқувчидан қунт, дид ва маҳорат талаб қилади. Патли гиламларни тўқиш айниқса мураккаб. Қўлда тўқилган гилам пати, нақш мужассамоти асос ипига рангли иплардан тугиб бандлар ҳосил қилиб яратилади, тугун учи матонинг юза томонига чиқариб текис қирқилади, ҳар бир қатордан сўнг арқоқ ипи ўтказиб махсус темир тароқда уриб аввалгисига маҳкамланади. Тайёр гилам махсус кимёвий моддалар ёрдамида ювилади. Гиламлар турли ҳажмларда тайёрланади. 20-а. 30-й.ларидан кейингина пат боғлайдиган махсус дастгоҳли корхоналар пайдо бўлди (жумладан Андижондаги «Меҳнат гули» артели). Шарқ Г.да ишлаб чиқарилган жойи, нақш мужассамоти, сифати (қалинлиги, патининг узун-қисқалиги), ранг ечими б-н бир-биридан фарқланадиган эрон, турк, туркман ва озарбайжон гиламлари қадимдан машҳур.

Г.нинг пайдо бўлган вақтини аниқ айтиш қийин, чунки жун чидамсиз

бўлиб, қад. гиламлар сақланмаган. Энг қад. гилам мил. ав. 6—5-а.ларга оид бўлиб, Тоғли Олтойдан топилган, абадий музлоқда бўлгани учун яхши сақланган. Олимларнинг тахминига кўра, у Ахоманийлар даври форслари ёки Ўрта Осиё қабилалари орасида тайёрланган (ҳажми 1,8×2 м; нақш мужассамоти: ҳандасий шакллар нилуфар гуллар б-н безатилган, кенг ҳошияларида отлиқ чавандозлар, ҳолдор буғулар, грифонлар тасвири бор).

Қад. ва илк ўрта асрлар Г.га оид маълумотлар ёзма манбаларда сақланган. Салжуқийлар даврида гиламлар («кўния», топилган жой номидан) кўплаб тайёрланган ва Миср, Ҳиндистон, Хитойга чиқарилган.

Ўрта асрларда Г. уч йўналишда — кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвадор қабилаларда, ўтроқ (қишлоқ ёки шаҳар) аҳоли орасида, сарой устахоналарида ривожланган. Тадқиқотчилар Эрон, Закавказье, Ўрта Осиё гиламларини алоҳида кўрсатиб ўтганлар.

16-асрдан сарой (эрон) гиламлари яхши сақланган. Бу гиламлар («Турунж», «Шоҳ Аббос», «Бог», «Ов» ва б.) амалий санъатнинг нодир намуналаридир. Улар миниатюра усталари — мусаввирларнинг чизгилари асосида тўқилган. Г. Туркия, Бобурийлар даврида Ҳиндистонда («Мўғул», «Агра» ва б. гиламлар), Миср, Сурия, Кавказ ортида тараққий этди.

18—19-а.ларда Г. Закавказье ва Ўрта Осиёда саройларда эмас, балки халқ орасида кенг тарқалди. Асосий марказлари Қозоқ, Ганжа, Ширвон, Боку, Нахичеван бўлган Закавказье гиламлари ранг-баранг мужассамоти, ижро усули ва бадиий жиҳати б-н, Туркманистон гиламлари («Салор», «Сариқ», «Така ёвмут», «Башир» ва б.) қизил рангининг теранлиги, ҳандасий гуллари ва ўта пишиқлиги б-н ажралиб туради.


Ғарбий Европа Г.да 16-а.дан фламанд, француз, немис шпалерлари алоҳида ўрин тутган. 17—18-а.лардан патли гиламлар (1624 й.да Парижда асос солинган Савонери мануфактурасида) ишлаб чиқарила бошланган, кейинроқ Англия ва Испанияда ҳам патли гиламлар тайёрлаш йўлга қўйилган. 19-а.дан гиламлар ф-каларда ишлаб чиқарила бошлагач, унинг сифати кескин пасайиб кетди. 20-а. ўрталаридан бадиий ҳунармандликда Г.ни қайта тиклашга уринишлар самарали бўлди. Польша, Болгария, Руминия, Югославия патли гиламлари б-н бир қаторда патсиз гиламлар ҳам тайёрлана бошлади.

Г. Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон ҳудудида жуда қадимдан ривожланган (Хоразмдаги археологик қазишлар пайтида мил. ав. 1-миниг йилликка манеуб гилам намунаси топилган). Г. б-н асосан аёллар шуғулланган, нақш (гул)лар (ислимий, гириҳ, ҳайвон шакллари, турли нарсалар тасвири, уруғ тамғаси ва б.)ни эса хотирада сақлашган. Безакларида йўлбарс ва туя излари, олма гули, узум занги, туя бўйини, қалқон, ўсимликлар ифодаланган, айниқса ҳайвон шохи тасвири кенг тарқалган. Мужассамотининг берклиги, марказий майдоннинг нақшли ҳошия б-н ўралганлиги (йўл-йўл нақшлар бундан мустасно) Ўрта Осиё гиламлари учун хос бўлган, нақшининг аниқлиги, гўзал бўлиши ва рангларининг уйғунлиги уларнинг бадиий қимматини оширган. Асосий ранг қизил ранг ва унинг 2—3 туси бўлиб, кўк, қора, оқ, сариқ ранглар иккинчи даражали бўлган. Рангларнинг моҳирона ишлатилиши б-н ифодали тасвир ҳосил қилинган. Бир нақш қисмларини турли кўринишларда бўялиши б-н рангбарангликка ва жозибадорликка эришилган.

Андижон, Самарқанд гиламлари, қорақалпоқлар тўқиган ўтов жиҳозлари бадиий жиҳатдан моҳирона ишланган. Андижон гиламларининг пати қисқа, қалин ва майин бўлган. Самарқанднинг рангдор узун патли жулхирс («айиқ тери») гилами ўзига хослиги б-н ажралиб туради.

20-а.га келиб Г. ўзига хос тарзда тараққий этди, Г. марказларида гилам тўқиш ривожланди, артеллар тузилиб, уларга халқ усталари жалб қилинди (мас., Андижон вилояти Ойим қишлоғидаги гилам тўқиш артели), уларда бир хил нақшли, юқори сифатли гиламлар, шунингдек, майда рўзғор буюмлари тўқилди. 30-й.ларнинг 2-ярмидан мавзули ва тасвирли гилам намуналарини яратишга уринишлар бўлди. Г. марказларида кавказ гиламлари, анъанавий туркман гиламлари хилидаги бирмунча соддалаштирилган гиламлар ишлаб чиқарилди, фақат Самарқанд гилами (жулхирс) ўзининг анъанавий услубини, рангдорлигини сақлаб қолди. 40—50-й.ларда Г. марказлари (Самарқанд, Китоб, 1946; Хива, Андижон, Термиз, 1947; Шаҳрисабз, 1949; Хўжайли, 1954) ташкил этилди, маҳаллий усталар шогирдлар тайёрлади, қад. анъаналарий нақшлар тикланди. Рассом ва ҳунарманд усталар ҳамкорлиги натижасида муваффақиятларга эришилди. Амалий ва маҳобатли санъат анъаналаридан унумли фойдаланилиб, дастлабки янги нусха Хоразм гилами ва унга хос бўлган феруза ранг замин яратилди.

Гиламчилик устахонасида (Самарқанд вилояти Ургут тумани).



60-й.ларнинг охирида майда артеллар бирлаштирилиб янги Г. корхоналари ташкил этилди, моҳир усталар шу корхоналарда меҳнат қила бошлади. Олмалиқ, Самарқанд, Хива, Фориш, Шофиркон ва б. жойлардаги ф-каларда анъанавий нақш мужассамоти ва бадиий жиҳатдан ижодий бойитилган нафис гиламлар тайёрланмоқда.

Ҳоз.да Г. Фарғона водийсида, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари, Қорақалпоғистонда ривожланган. Шунингдек, Самарқанд, Ургут, Қўқон ва Хоразм ҳам Г. марказларидир. Анъанавий Г. ҳунармандлик тури (уйда тўқиладиган) сифатида ривожланмоқда. Самарқанд ва Бухоронинг ипак гиламлари ҳам кенг тарқалмоқда. Анъанавий Г. ривожига «Усто» бирлашмаси ва «Ҳунарманд» ассоциацияси муносиб ҳисса қўшмоқда (яна қ. *Гиламчилик саноати*).

Эльмира Гуль.

ГИЛАМЧИЛИК САНОАТИ —табиий (ҳайвон жуни, ўсимлик толаси) ва сунъий толадан турли хилдаги гиламлар ишлаб чиқарувчи саноат тармоғи. Гиламчилик бадиий ҳунармандлик соҳаси сифатида турли давлатларда ўзига хос шаклда ривожланиб келган (қ. *Гиламчилик*). Саноат тармоғи сифатида 20-а.да шаклланди. Бу даврга келиб гилам тўқийдиган махсус артеллар пайдо бўлди, уни қўлда тўқишдан аста-секин машинада тўқишга ўтила борди. Ўзбекистонда 1978 й.да Хива гилам тўқиш к-ти ташкил этилиши б-н Г.с. маҳаллий саноатнинг муҳим тармоғига айланди. Кейинчалик гилам тўқийдиган корхоналар сонининг ортиб бориши натижасида Г. с. алоҳида саноат тармоғи



Хива гиламчилик корхонасининг гилам тўқиш цехи.

сифатида ажралиб чиқди. Гилам тўқиш айниқса маҳаллий саноатдаги энг ривожланган тармоқлардан бири ҳисобланади. Бухоро, Шаҳрисабз, Ургут, Нурота, Булунғур ва б. шаҳарлардаги корхоналарда қўлда тўқилган гилам ва палосларда маҳаллий услуб ва бадиий усуллар сақланиб келмоқда. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, халқаро алоқаларнинг мустаҳкамланиб бориши б-н Г.с. корхоналарига чет мамлакатлар (Англия, Польша, Туркия, Германия ва б.) йирик фирмаларининг замонавий технологиялари ва асбоб-ускуналари келтириб ўрнатилди, шунингдек, қўшма корхоналар ташкил этилди (мас., *«Хива гилами» акциядорлик жамияти*). Бу корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспортга чиқарилмоқда.

ГИЛБЕРТ (Gilbert) Уолтер (1932.21.3, Бостон) —америкалик биокимёгар. Америка санъат ва фан академиялари аъзоси (1968 й.дан). Фалсафа д-ри (1957), Гарвард ун-ти проф. (1968 й.дан). Ишлари биокимё ва молекуляр биология тааллуқли. Қатор ДНКларнинг бирламчи тузилишини аниқлаган. А. Мэксем б-н ҳамкорликда ДНКнинг бирламчи тузилишини аниқлаш учун қулай усуллардан бирини тавсия қилган (1977). Нобель мукофоти лауреати (1980, Ф. Сенгер б-н ҳамкорликда).

ГИЛБЕРТ ОРОЛЛАРИ —Тинч океанинг ғарбий қисмидаги 16 маржон оролидан иборат, Микронезияда. Майд. 264 км². Аҳолиси 52 минг кишидан ортиқ; асосан микронезлар. Тарава атоллида *Кирибати* пойтахти —*Баирики* ш. жойлашган. Расмий тил —инглиз тили. Орольларни 1764–1824 й.ларда инглиз денгиз офицерлари кашф қилган ва капитан Ж. Гилберт номи б-н аталган. 1892–1979 й.лар Англия мустамлакаси бўлган. 1979 й.дан Кирибати давлати таркибида. Иқлими экваториал, иссиқ ва сернам. Йиллик ёғин 1000–3000 мм. Баъзи орольларда қурғоқчилик ҳам бўлиб туради. Ўртача ойлик т-ра 26–28°. Табиий ўсимликлари асосан буталар. Копра экспорт қилинади. Қ. х-да кокос пальмаси ўстирилади, сабзавот, мева ва б. етиштирилади. Балиқ овланади. Австралия, Янги Зеландия, Япония, АҚШ ва б. б-н ташқи алоқа олиб борилади.

ГИЛВАТА —гил турларидан бири (қ. *Гилмоя*).

ГИЛЕЛЬС Эмиль Григорьевич [1916.6(19).10, Одесса —1985, Москва] —атоқли пианиночи ва педагог. Одесса консерваторияси (1935) ҳамда Москва консерваториясининг Олий маҳорат мактабини (1938) тугатган. Бир неча халқаро пианиночилар танловининг ғолиби (Москва, 1933; Вена, 1936; Брюссель, 1938). 1938 й.дан Москва консерваториясида



ўқитувчи, 1952 й.дан проф. Ноёб маҳорат, мукаммал техникаси, 50 й.дан зиёд давом этган концерт фаолияти туфайли Г. 20-а.нинг энг машҳур *виртуоз* ижрочилари қаторидан ўрин олган. Ижро услубига кучли ҳис-ҳаяжон, чуқур мазмун, асарларига янгича талқин б-н ёндашиш хос. Америка, Европа ва Осиё мамлакатларида, жумладан Ўзбекистонда ҳам бир неча марта гастролда бўлган. Лондондаги Қирол мусиқа академияси, Будапештдаги Ф. Лист номидаги мусиқа академияларининг фахрий аъзоси.

ГИЛЗОЙИ ҲОКИМЛИГИ — афғонларнинг *сафавийлар* ҳукмронлигига қарши кўтарган қўзғолони натижасида Қандаҳор вилояти (Афғонистон)да 1709 й. ташкил топган ҳокимлик. Г. ҳ.нинг асосий ҳарбий таянчини гилзойи қабиласининг ғарбий тармоғи ташкил қилган. Қўзғолон раҳбари Мир Вайс Хотакий Г. ҳ.нинг дастлабки ҳокими (1709–15) бўлган. Унинг вафотидан сўнг гилзойиларнинг бир қисми Эроннинг бир қанча вилоятларига ҳужумлар уюштириб, 1722 й. Маҳмуд Хотакий бошчилигида сафавийлар пойтахти — Исфаҳонни босиб олган ва Маҳмуд ўзини шоҳ деб эълон қилган. Қандаҳорда эса шоҳ унвонини олган Мир Вайснинг кенжа ўғли Ҳусайн ҳоким (1721–38) эди. Унинг ҳукмронлиги даврида Г.ҳ. бир мунча хўжалик ва маданий юксалишга эришган. 1738 й. узоқ муддатли қаттиқ қаршиликдан сўнг Қандаҳор Эрон шоҳи Нодир Афшар (қ. *Нодиршоҳ*) томонидан эгалланган ва Г.ҳ. барҳам топган.

ГИЛКОРЛИК — ҳунармандлик тури, махсус қоришмалар тайёрлаш ва унинг ердамида тош (мармар, харсанг ва б.), ғишт териш, уйма, буяма нақш ишлаш санъати; шу соҳа б-н шуғулланадиган уста гилкор деб аталади. Гилкор усталар қурилиш иши, қоришма тайёрлаш, суваш, нақш ишлаш бўйича ихтисослашади. Қоришма (таркиби унутилган) девор юзасига суртилиб, сўнг шу юзага нақш уйиб ишланади ва буялади. Бу меъморий безак ганч уймакорлиги ва наққошлигига яқин (қ. *Ганчкорлик*, *Наққошлик*). Энг ривожланган даври 10–12-а.ларга тўғри келади. Афросиёб (10-а.), Термиз шоҳларининг сарой харобалари (11–12-а.лар), Ўзгандаги Шим. мақбара (12-а.), темурийлар даврида яратилган меъморий ёдгорликлар ва б. да ганчкори ясси бўртма тасвирлар, нақшлар маҳорат б-н ишланган, ганчни уйиб ажойиб нақшли панжаралар ясалган. Г. Ўрта Осиё, Ҳиндистон, Хитой, Япония ва б. Шарқ мамлакатларида ривожланган, хилма-хил услуб ва анъаналари вужудга келган.

Гилкор усталар энг яхши анъаналарни ўзлаштирган ҳолда уларни замон талабларига мослаб ижодий ривожлантирмоқда.

ГИЛЛИ МИНЕРАЛЛАР — гилларнинг асосий таркибий қисми бўлган ва уларнинг физик-кимёвий, механик ва б. хусусиятларини белгиловчи сувли силикатлар гуруҳи. Ер юзасидаги алюминий ва магматик ҳамда метаформик тоғ жинслари силикатларининг нураш маҳсули. Нураш натижасида нураш ва седиментация муҳити физик-кимёвий шароитларининг ўзгаришига боғлиқ ҳолда Г.м. ички тузилиши ва кимёвий таркибининг босқичма-босқич ўзгариши содир бўлади. Г. м. зарраларининг ўлчами 0,01 мм дан ошмайди. Кристалл структурасига кўра Г.м. қатламли ва сохта қатламли силикатларга киради. Г. м. структурасидаги кристалл-кимёвий фарқлар уларнинг кимёвий таркибидаги фарқларига мувофиқ келади. Шу хусусиятларига кўра Г. м. бир-биридан кескин фарқланади. Мас., монтмориллонитли минераллар жуда юқори ўзаро модда алмашинув ва адсорбцион хоссаларига эга, каолинитли минералларда эса бу хусусиятлар камроқ намоён бўлган. Гидрослюдалар гуруҳига мансуб Г. м. қиздирилганда ҳажми жуда катталашади. Г. м.ни аниқлашда инфрақизил спектроскопиядан, кимёвий рентген, электрон-микроскопик, термик методлардан фойдаланилади.

ГИЛЛИ СЛАНЕЦ (нем. Greisen — парчаланиш), аспид, қоплама сланец — гилли минераллардан ташкил топган чўкинди тоғ жинси. Гилларнинг Ер пўстида босим таъсирида зичланишидан ва қисман қайта кристалланишидан ҳосил бўлади. Кейинчалик ўзгариб филлитга ёки хлоритли сланецга айланади. Г. с. қатланиш, ажралиш хоссасига эга. Сувда ивимайди. Гилга нисбатан қаттиқ. Геосинклиналь чўкиндиларига хос. Таркибида гилдан ташқари кварц, слюда, дала шпати ва б. минерал зарралари ҳам бўлади. Қора, кулранг, гоҳо яшил рангда учрайди. Ўзбекистонда Нурота, Зирабулоқ-Зиёвуддин, Чатқол-Қурама тоғларида кенг тарқалган. Хўжаликда Г. с.нинг ёнувчи турлари ёқилғи сифатида, бошқа турлари қурилишда, қоплама материал, баъзи бир электр асбоблари, қалам тайёрлашда, қ.х.да ўғит сифатида ишлатилади. Таркибида кианит, дистен ва андалузит бўлган Г. с. юқори т-рага чидамли материал сифатида ишлатилади.

ГИЛМОЯ — *гил* турларидан бири. Монтмориллонитдан иборат. Ўзбекистонда Г.ни гилвата, тоғ ёғи, кўк ширам, соз кесак, тошсовун ҳам дейишади. Г. асосан денгиз ва океан тубларида вулкан куллари ва гилларнинг ишқорли муҳитда физик ва кимёвий ўзгаришидан ҳосил бўлади. Ранги оқ, яшил, кулранг, қўнғир ва ҳ.к. Совунга ўхшаш, юмшоқ, иссиқда тез қуриб, тошга айланади. Сувда ҳажми 2–15 баравар ошади. Г. ҳар хил моддалар, радиоактив элементларни ютиш (адсорбция) хусусиятига ҳам эга. 1110–1125° қиздирилса, кўпчиб, ғовакли тош — керамзитга айланади. Г. резина, қоғоз, металлургия, озиқ-овқат саноатида, тиббиёт ва қ. х.да кўплаб ишлатилади. Г. бўр ва палеоген даври қатламларида кенг тарқалган. Ўзбекистонда 200 га яқин Г. конлари борлиги аниқланган.

ГИЛОЗОИЗМ (юн. hyle — модда ва zoe — ҳаёт) — *материя*нинг барча турларини жонли деб ҳисоблайдиган таълимот. Материянинг барча шакллари сезиш ва фикрлаш қобилиятига эга деб билади. Терминни 1678 й.да инглиз файласуфи Р. Кедворт (1617–88) киритган. Бундай қараш юнон фалсафаси (*Иония файласуфлари, Эмпедокл, Анаксагор, Фалес*), қисман *стоицизм*, Уйғониш даври натурфалсафаси (Б. *Телезио*, Ж. *Бруно*, Т. Парацельс), 18-а. француз материалистлари, жумладан, Д. *Дидро* дунёқараши, Ф. *Шеллинг* натурфалсафаси учун хос бўлган.

ГИЛОН, Гелон — Эрондаги тарихий вилоят. Каспий денгизининг жан.-ғарбий соҳилида жойлашган. Мил.ав. 8-а. – мил. 6-а.ларда Г. ҳудудида гел қабиласи (ҳоз. гилонлар аждоди, вилоят номи ҳам шундан олинган) яшаган. 8–9-а.ларда Г.ни араблар босиб олган. 1307–70 й.лар мўғулларга тобе бўлган. 1370 й.дан 16-а.гача Г.нинг шарқий қисми — Лохижонда Саидлар давлати бўлган. Г.нинг асосий қисми 1385 й.дан Амир Темур ва Темурийлар давлати, 16-а. бошидан Эрон *сафавийлари* таркибида. Эрон инқилоби (1905–11) ва 1918–21 й.ларда Эрондаги миллий озодлик ҳаракатининг муҳим маркази бўлган. Хусусан, Г.нинг Решт ш.да *Гилон республикаси*, мавжуд бўлган. Г. Эроннинг энг бой вилоятларидан бири бўлиб, ўрта асрларда айниқса ўзининг ипаги б-н шуҳрат қозонган.

ГИЛОН РЕСПУБЛИКАСИ — Россия армиясининг Эронга қилган босқини (интервенция) натижасида Гилон вилоятида тузилган республика (1920 й. 4 июнь–1921 й. 7 нояб.). 1920 й. 18 майда Россия флоти Эронда совет режимини ўрнатиш мақсадида Энзалига ҳарбий десант туширди. Қизил аскарлар Эрон мужоҳидлари б-н биргаликда Гилон вилоятининг маркази Рашт ш.ни эгаллашди. Г. р. тузилганлиги эълон қилиниб, Кичикхон Мирзо бошчилигида муваққат ҳукумат ташкил топди. Кичикхон Мирзо қўшинида 8000 киши бўлиб, ундан 6000 киши совет аскарлари эди. Орадан кўп ўтмай Кичикхон Мирзо б-н большевиклар ўртасида ихтилоф вужудга келди. 31 июлда Гилонда совет армияси Кичикхон Мирзо ҳукуматини агдариб ташлаб, Эҳсонуллохон бошчилигида Эрон коммунистларидан иборат инқилобий қўмита — ревком тузишди. Совет қўшинлари ва Эрон қизил армияси 1 авг.да Менжил ш.ни эгаллаб, Қазвин ва Теҳронга қараб юриш қилдилар. Бироқ 15 авг.да улар Қазвин водийсида инглизлар ва шоҳ қўшинларидан мағлубиятга учраб, 16 авг.да Менжилдан ҳам чекинишди. Эрон шоҳи қўшинлари 24 сент.да Раштни қизил аскарлардан озод қилди. Г. р.нинг ҳукумат идоралари Энзалига кўчирилди. Россиядан етиб келган қизил аскарларнинг кўмагида 22 окт. да Рашт яна босиб олинди. Шаҳарни 45000 аҳоли тарк этди. Ноябрь охирида Россиядан яна 3000 жангчи жўнатилди. Эрон қизил армияси қўмондони Н.Ф. Гикало эди. Халқаро вазият кескинлашиб кетишидан чўчиган Россия Москвада Эрон б-н шартнома имзолашга (1921 й. 26 фев.) мажбур бўлгач, қизил аскарларни чақириб олиш мажбуриятини олди.


1921 й. 6 майда Кичикхон Мирзо яна Гилон ҳукуматини бошқарган. У Гилондан қизил армия чиқиб кетишини қатъиян талаб қилди ва социалистик йўналишдан воз кечди. Кичикхон Мирзо 19 сент.да Гилондаги совет ва форс коммунистларига қарши очиқ ҳужумга ўтди. Эрон шоҳи қўшинлари б-н бўлган жангда Кичикхон Мирзо мағлубиятга учради ва нояб.нинг бошида ўлдирилди. Шоҳ қўшинлари Рашт ва Энзалини эгаллади, Г. р. тугатилди. 1921 й. 9 нояб.да Гилон вилояти Эрон шоҳи маъмурияти ҳукми остига ўтказилди.

Ад.: Персиц М. А., Застенчивая интервенция. О советском вторжении в Иран и Бухару в 1920–1921 гг, 2-изд, М., 1999; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концептуал — методологик муаммолар, Т., 1998.

Қаҳрамон Ражабов.

ГИЛОС (Cerasus avium L.) — раъногулдошлар (атиргуллилар оиласи)га мансуб данакли мева дарахти. Ёввойи ҳолда Ўрта ва Жан. Европа, Эрон, Кавказ, Украина, Молдовада учрайди. Европа мамлакатлари, Туркия, Эрон, Афғонистон, Хитой, Япония, Украинанинг жан., Кавказ, Болтиқбўйи ва Ўрта Осиёда экилади.

Г. дарахтининг бўйи 10–15 м (баъзан 30 м гача боради), шохлари қалин, ёйилиб ўсади. Барги чўзиқ-тухумсимон, тўқ яшил. Гули оқ, икки жинсли, гул-



Гилос: *1*— гули; *2*—Баҳор гилос нави; *3*—Сариқ гилос; *4*—Қора гилос.

банди узун. Мевасининг шакли думалоқ, юраксимон, эти ширали, сирти текис. Энг эртаги данакли мева. Таркибида 7—15% қанд, 0,36—1,1% кислота, витаминлар, 0,2% ошловчи ва 0,7% гача пектин моддаси бор. Янгилигида истеъмол қилинади, компот, мураббо, тайёрланади. Г. асал берадиган ўсимликлар қаторига киради. Данаги магзида 30% гача парфюмерия саноатида ишлатиладиган мой бор.

Г. унумдор, нам, мўътадил ерларда яхши ўсади, ёруғлик ва иссиқликка талабчан. Кўчати экилгандан кейин 4—5-йили ҳосилга киради. Дарахти 100 йилгача яшайди, тупи 150—300 кг ҳосил беради. Асосан март—апр.да гуллайди, май—июнда пишади. Ёзи иссиқ ҳудудларда яхши ўсмайди. Намга талабчан. Асосан магеллаб олчаси ёки ёввойи олчага пайвандлаб кўпайтирилади. Кўчати сугорилиб, таги юмшатилиб турилади. Г. ёшартириш мақсадида 2—3 йиллик шохлари буталиб, дарахти қўшимча озиқлантирилади. Г. учун айниқса елим оқиш касаллиги ғоят хавфли. Эрта баҳор ва ёзда *инсектицидлар* ва *фунгицидлар*нинг бирон тури б-н 2—3 марта ишлов берилади.

Навлари. Г.нинг 100 га яқин нави маълум. Ўзбекистонда Г.нинг *Саври сурхони*, Қора гилос, Сариқ гилос, *Баҳор*, Ревершон, Сариқ дрогана, Чкалов навлари кўп экилади.

Султон Хожаназаров.

ГИЛТЧОЛГИЧ — қорақалпоқ аёлларининг зийнат буюми, тақинчоғи. Тузилиши саккиз (8) рақамига ўхшаш бўлиб, кумуш бўлагидан ясалади. Ўртасига қимматбаҳо тош қадалиб, атрофи оддий ҳандасий (доира) шакллар б-н безатилади; унга гилт (безак сифатида ишланган калитча) тўғнаб қўйилади. Г. кўйлак ёқаси олд кесимининг пастки қисми ёки кўкрак бурмасига тақилади.

ГИЛЬБЕРТ, Хильберт (Hilbert) Давид (1862.23.1, Велау, Кёнигсберг — 1943.14.2, Гёттинген) — немис математиги, проф. (1893). Г. тадқиқотлари мат.нинг кўп бўлимлари тараққиётида муҳим ўрин тутган. Асосий илмий ишлари инвариантлар, алгебраик сонлар назариясига, геометрия асослари, вариацион ҳисоб ва дифференциал тенгламаларга, интеграл тенгламалар назариясига, сонлар назариясида Варинг муаммоси ечимига, математик физика асосларига, мат.нинг мантиқий асосларига доир. Г. мат.нинг табиатшунослик б-н боғлиқлиги масалалари б-н ҳам шуғулланган. Г. мат.нинг деярли ҳамма соҳаларига оид 23 муаммони ўртага ташлаган (қ. *Гильберт муаммолари*).

ГИЛЬБЕРТ (Gilbert) Уильям (1544.24.5, Колчестер — 1603.30.11, Лондон) — инглиз физиги ва сарой врачи. Магнит ва электр ҳодисаларини ўрганиш б-н шуҳрат қозонган. «Магнит, магнит жисмлар тўғрисида ва катта магнит — Ер тўғрисида» асарида (1600) Ер катта магнит ҳисобланади. Ернинг магнит минтақалари географик минтақалар б-н мос келади, деган фаразларини биринчи бўлиб илгари сурган ва темир шарни магнитлаб, у ҳам Ерга ўхшаб магнит мил (стрелка)га таъсир этишини кўрсатган. У Англияда Н. *Коперник*нинг гелиоцентрик назариясини тарқатувчиси бўлган.

ГИЛЬБЕРТ — СГС ва СГСМ бирликлар тизимларида магнит юритувчи куч бирлиги. У. *Гильберт* (1544—1603) шарафига қўйилган. Гб б-н белгиланади. 1 Гб=0,796 А.

ГИЛЬБЕРТ МУАММОЛАРИ — немис математиги Д. *Гильберт* ўртага ташлаган 23 муаммо. Улар мат.нинг турли соҳалари (сонлар назарияси, тўпламлар назарияси, функциялар назарияси, топология ва б.)га доир.

Г. м.нинг баъзилари: 1. Қуввати саноқли тўплам қувватидан катта, лекин *континуум* қувватидан кичик тўплам мавжудми?

2. Арифметика аксиомалари системасининг зиддиятсиз эканлигини чекли сондаги дедуктив фикр юритиш, яъни умумий қоидалардан мантиқан хусусий қоидалар чиқариш йўли б-н исбот қилиш мумкинми?

3. Иккита тенгдош тетраэдр тенг бўлаклардан тузилган бўла оладими?

4. α — алгебраик сон ($\alpha\neq0$, $\alpha\neq1$) ва β — алгебраик иррационал сон бўлганда α^{β} кўринишидаги сон трансцендент (алгебраик бўлмаган) сон бўла оладими?

ГИЛЬБЕРТ ФАЗОСИ — *Евклид фазоси* тушунчасини чексиз ўлчовли ҳол учун умумлаштирувчи математик тушунча. Немис математиги Д. *Гильберт* текширган. Мат.нинг турли соҳалари ва назарий физикада қўлланилади.

ГИЛЬГАМЕШ — *Шумер*даги Урук ш.нинг ярим афсонавий ҳокими (мил. ав. 27—26-а.лар). Мил. ав. 3-минг йилликдаги Шумер эпик қўшиқ (достон)ларида ва мил. ав. 3-минг йиллик охири — 2-минг йиллик бошларига оид катта достонда Г.нинг ёввойи одам — Энкиду б-н дўстлиги, мангу ҳаётга эришиш сиру-асрорларини излаш йўлидаги саргузаштлари баён этилган. Г. ҳақидаги афсона хеттлар, ҳурритлар ва б. орасида ҳам кенг тарқалган.

ГИЛЬЗА (нем. Hülse, сўзма-сўз — қобиқ) — 1) артиллерия Г.си — порох заряди, қўшимча элементлари (аланга сундиргич ва б.), алангалаш воситаси (капсула) ни жойлаш учун мўлжалланган юпқа деворли металл стакан; 2) милтиқ, пулемет ва б. қуроллар учун мўлжалланган Г. порох заряди ва ўқ б-н бирга патронни ташкил қилади, у ҳам металлдан тайёрланади. Ов милтиғи учун мўлжалланган Г. металл ёки картондан ясалади, ичига порох заряди (питра, ўқ ва пиж — латта-путта ёки жун толалари) жойланади; 3) сув б-н совитиладиган поршенли иссиқлик двигателлари блок-картерига ўрнатилган цилиндрик мослама. Ишқаланиб ишлайдиган сиртларнинг ейилишини камайтириш ва алмаштиришни осонлаштириш учун қўйилади. Двигатель поршени цилиндр Г.сида ҳаракатланади, шунинг учун Г.нинг ички сирти яхшилаб силлиқланади; ташқи томондан блок-картернинг сув ғилофида айланиб юрадиган сув б-н совитиб турилади. Бундай Г. чўяндан ясалади; 4) папирос (сигарета) Г.си — тамаки жойланадиган қобиқ. У юпқа қоғоз ва қалинроқ қоғоз мундштукдан иборат. Фильтрли сигарета Г.си қоғоз фильтр б-н тугайди.

ГИЛЬОМ, Гийом (Guillaume) Шарль Эдуард (1861.15.2, Флерье — 1938.13.6, Париж) — швейцариялик физик ва метролог. Илмий ишлари асосан метрологияга оид. 1883—89 й.ларда чизиқли кенгайиш коэффициентини аниқлашга ва метрнинг платина-иридийли эталонларини бир-бирига солиштиришга оид ишларда қатнашган. Г. 1 кг сувнинг ҳажмини аниқлаган. Аниқ асбобсозлик, метрология ва геодезия соҳаларида катта аҳамиятга эга бўлган инвар типидаги қотишмалар сериясини яратган. Нобель мукофоти лауреати (1920).

ГИМЕНИЙ (юн. hymen — парда, пўст) — халтачали (дискомицетлар) ва базидияли замбуруғлар, шунингдек, баъзи лишайниклар таналарининг устки ёки остки томонида спора ҳосил қилувчи ҳужайралар ёки базидиялар. Кўпчилик замбуруғ ва лишайниклар гименийсида халтача ва базидиялардан ташқари бир ҳужайрали ва кўп ҳужайрали наслсиз парафизалар, кўпгина базидияли замбуруғларда эса бир ҳужайрали цистидлар ҳам бўлади.

ГИМЕНОЛЕПИДЛАР (Hymenolipididae) — тасмасимон чувалчанглар синфининг оиласи. Баъзи паррандалар ва сут эмизувчиларда паразитлик қилади. Одамда Hymenolepis nana ва H. diminuta учрайди. Г.нинг вояга етган танаси, яъни стробиласининг уз. 2—3 см дан 4—5 см гача, катта бўғимининг кенглиги 0,5—1 мм, боши (сколекси)нинг диаметри 0,25—0,3 мм. Сколексида тўртта сўрғич ва ҳаракатчан хартумча бўлади. Хартумча ичида 20 та илгаги бор. Г.нинг тухуми эллипс, баъзан шарсимон шаклда, 0,068 мм гача бўлади. Одамда паразитлик қиладиган турлари ингичка ичакда оралиқ хўжайинсиз ривожланади. Тухумдан 6 илгакли онкосфера личинкаси чиқади. Личинка ичак ворсинкасига кириб, 5—8 кунда сўрғичли ва илгакли иккинчи личинкалик даври — цистицеркоидга айланади. Цистицеркоид ичак ворсинкаларидан ичак бўшлиғига чиқиб вояга етади. Паррандаларда паразитлик қиладиган Г.нинг оралиқ хўжайинлари ҳалқали чувалчанглар, моллюскалар, қисқичбақасимонлар ва ҳашаротлар ҳисобланади.

ГИМЕНОМИЦЕТЛАР (Hymenomycetales) — базидияли замбуруғлар (қ. *Базидиомицетлар*) бир неча тартибларининг умумий номи. Спора ҳосил қиладиган қавати (қ. *Гимений*) кўпинча замбуруғ мева ва танасининг сиртида очиқ жойлашган. Г.нинг 16000 га яқин тури мавжуд. Уларнинг кўпчилиги ейиладиган замбуруғлар, айрим турлари заҳарли. Кўпчилик Г. сапрофит, баъзилари, мас., пўкак замбуруғлари паразит ҳаёт кечиради.

ГИМЕНОФОР (*гимений* ва юн. phoros — эга бўлган) — *базидиомицетлар*нинг гименийга эга бўлган мевали танаси сирти. Тубан вакилларида Г. силлиқ, юқсак базидиомицетларда пластинкасимон ёки найсимон. Оралиқ шакллари: тикансимон, бурмали, қиррали, кўндаланг пластинкали ва б. Г. тузилишининг мураккаблашуви гимений юзасининг кенгайиши (шунга мувофиқ споралар сонининг ошиши) ва гименийни мевали тананинг пастки юзасига силжиши орқали содир бўлган. Бу ҳол гименийни жароҳатланишдан ҳимоя қилиш имконини беради ва споралар-нинг тарқалишига қулайлик туғдиради.

ГИМН (юн. hymnos) — тантанавор қўшиқ, шеър. Юнонистонда дастлаб афсонавий халқ қаҳрамонлари, худолар шаънига мақтовлар (ҳамдлар) тарзида вужудга келган. Кейинчалик шахслар, давлатлар, воқеа ва ҳодисаларга ҳам бағишланган Г.лар пайдо бўлган. (қ. *Давлат мадҳияси, Мадҳия*).

ГИМНАЗИЯ (*гимнасий*дан) — Ўзбекистон ва айрим хорижий мамлакатларда умумий ўрта таълим ўқув юрти. Г.лар муайян фан бўйича ихтисослаштирилган бўлиб, шу фандан чуқурлаштирилган таълим беради. Дастлаб Францияннг Страсбург ш.даги ўрта мактаб (1538) Г. деб аталган.

Ўрта Осиёда Г.лар 19-а.нинг сўнгги чорагида пайдо бўлди. 1876 й. Тошкентда ўғил ва қиз болалар учун рус прогимназиялари (тўлиқсиз Г.лар) очилиб, 1881 й.да Г.га айлантирилди. Уларда маҳаллий аҳоли бадавлат табақалари болаларининг баъзилари ҳам ўқиган. Дастлабки йилларда маҳаллий аҳоли болалари рус тили б-н яхшироқ шуғулланиши учун лотин тилини ўрганишдан озод қилинган. 1894 й. лотин тили ўқитилмайдиган реал Г. очилди. 1900 й.дан кейин Самарқанд, Янги Марғилон (ҳоз. Фарғона), Чоржўй ва б. шаҳарларда ҳам қизлар ва ўғил болалар Г.лари ташкил қилинди. Буларда ҳам дарслар фақат рус тилида олиб борилган. 1917 й. Тошкентда 4 Г. бўлган. Г.лар 1918 й. тугатилиб, ўрнига ягона меҳнат мактаблари ташкил қилинди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Г.лар қайта ташкил этилди. ЎзРнинг 1997 й. авг.да қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежлари тармоғи кенгайиб бориши муносабати б-н Г.лар сони камайиб бормоқда ва ихтисослаштирилган мактабларга айлантирилмоқда. 2000/2001 ўқув йили ЎзРда 195 Г. ишлади.

ГИМНАСИЙ (юн. gymnasion) — Юнонистон шаҳарлари ва эллинистик Шарқда давлат ўқув-тарбия муассасаси. Г.ларнинг пайдо бўлган вақти ҳақида аниқ маълумот йўқ. Мил. ав. 5—4-а.ларда кенг тарқалган. Г. аввал жисмоний машқлар б-н шуғулланиладиган маскан саналган. Кейинчалик ёшларнинг мусиқий (ақлий ва эстетик) ҳамда гимнастик (ахлоқий ва жисмоний) ривожланишини таъминловчи, шу б-н бирга бир-бирлари б-н мулоқотда бўлиш марказига айланган. Г.давлат назоратидаги мактаб бўлган. Унга зодагон қулдорлар оиласининг палестра (Юнонистондаги 12—16 ёшли болаларнинг гимнастика мактаби)ни тугатган 16 ёшли фарзандлари қабул қилинган. Улар Г.да 18 ёшгача гимнастика б-н шуғулланишдан ҳамда адабий, фалсафий ва сиёсий таълим олишган. Г.да таълим олаётган болаларнинг қанчалик чиниққан, чидамли, соғлом, жисмонан ва руҳан бақувватлиги давлат томонидан назорат қилинган. Фалсафа, адабиёт, сиёсатга доир билимларни мамлакатдаги таниқли кишилар олиб боришган. Г.лар ичида *Платон* ўз шогирдлари б-н суҳбат ўтказган *Академия* ва *Аристотель* ташкил этган Ликей (қ. *Лицей*) машҳур бўлган. Г.ни тугатган йигитлар *эфебия* мактабида ҳарбий билим олишган.


ГИМНАСТИКА (юн. gymnastike — машқ қиламан) — 1) *жисмоний машқлар* тизими, *жисмоний тарбия*нинг муҳим тури. Кишиларнинг жисмоний жиҳатдан ҳар томонлама ўсишига ва саломатлигини мустаҳкамлашга, эпчил, чаққон, ҳаракатчан бўлишига ёрдам беради. Г. ўз вазифалари, хусусиятлари ва методик усулларига қараб



Ўғил болалар гимназияси (ҳоз. Тошкент юридик ин-ти; тарихий сурат).



Денов шаҳар гимназиясида.



ўзгартириш; Ўзбекистон иқлими шароитида ҳомиладорликнинг юрак-қон томир тизимига таъсири ўрганилди. *Аборт* пайтида инфекция тушишининг олдини олиш ва даволаш, патогенез муаммолари ва бола тушиш сабабларини ўрганишга оид қатор тадқиқотлар ўтказилди. Гемостазнинг ўзига хос хусусиятлари ва камқон ҳомиладор аёлларда қувват алмашинуви ҳамда бола кўриш орасидаги муддат кўрсаткичлари ўрганилди ва илмий жиҳатдан асослаб берилди. Акушерлик қон кетишларининг олдини олиш ва уни даволаш масалалари ишлаб чиқилди. Хотин-қизлар и.ч.нинг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётганларини назарда тутиб, кўчма гинекологик текширув, аёлларни режали профилактик кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилди. ЎзРда Акушерлик ва гинекология, Педиатрия и.т. институти, тиббиёт ин-тлари, врачлар малакасини ошириш ин-ти ҳамда йирик касалхоналарнинг гинекология бўлимларида Г. масалаларини ҳал этишга қаратилган илмий изланишлар олиб борилади. Тошкент ш.да Республика ҳамда 2 та шаҳар перинатал маркази, шунингдек, йирик и.т. институтлари ва олий ўқув юртлари қошида скриннинг марказлари ташкил этилган. Булар оналар ўлимини бир неча марта камайтиришга имконият беради.

Ад.: Қодирова А. А. ва б., Гинекология, Т., 1997.

Бердимурод Саидқориев.

карпли Г. энг содда бўлиб, магнолия, пион ва айиқтовонлар учун хос. Баъзан Г. битта мевабаргча (уруғчи)дан иборат (мас., бурчоқдошларда). Эволюция давомида мевабаргчалар қўшилиб кетиб, 3 хил типдаги ценокарп Г. ҳосил бўлади. Ён томонлари б-н ўзаро қўшилиб ўсган ёпиқ мевабаргчалар (уларнинг уруғ куртаги чоклари бўйлаб, яъни уячалар бурчагида жойлашган) синкарп Г. ҳосил қилади (лола). Синкарп Г.дан айрим мевабаргчаларнинг ажралиб чиқиши, бироқ улар қирраларининг ажралиб кетмаслиги туфайли паракарп Г. ҳосил бўлади (бодринг, қовоқ, лолақизғалдоқ). Паракарп Г. бир уяли бўлиши ва уруғкуртаклари Г. деворида жойлашганлиги б-н синкарп Г.дан фарқ қилади. Бошқа ҳолларда паракарп Г. бевосита апокарп Г.дан келиб чиққан. Синкарп Г. тугунчаси тўсиқларининг йўқолиб кетиши натижасида бир уяли лизикарп Г. вужудга келган. Ўзаро қўшилиб кетган бир неча мевабаргчалардан ҳосил бўлган Г. мураккаб уруғчи дейилади.

ГИНЗБУРГ Александр Осипович (1916, Мариуполь — 1973.23.6, Тошкент) — театр режиссёри. Ўзбекистон халқ артисти (1959). Тошкент ёш томошабинлар театри (1946—51), Ҳамза театри (1951—58, 1960—65, 1971—73), Тошкент рус драма театри (1958—60) бош реж. Тошкент давлат санъат интида ўқитувчи (1951—65). Саҳналаштирган спектакллари: «Денгиздагилар ша-

ва урғочи гулла
га тўпланган.
мевага ўхшайд
лади. Жан. Хи
дагина ёввойи
жан.да ва Кав
ҳилида экилад

Ўрта Осиёда
диқлари юқор
га тегишли ё
Ҳудудда Г.нинг
Жумладан 2 ту
Тожикистон ва
лиги аниқланга
лари Шим. Ўз
Қирғизистон ва
ярли ҳамма дав
ларда юра, бў
учламчи давр
ламларидан то
ган.

Гинкго.

ГИНКГОДОШ
карбон даврида
нинг охиригач
ўсимликлар син
biloba) тури (ту
ниб қолган. Ўзб
дош республик
Baiera, Ginkg
Czekanowskia, P
га мансуб ўсим


O'ZBEKISTON R
OLIY VA O'RTA MAXSUS
TOSHKENT VILOY
DAVLAT PEDAGOG
AXBOROT RESU

қуйидаги турларга бўлинади: асосий Г. (гигиеник ва атлетик Г. б-н бирга), Г.нинг амалий турлари (шу жумладан ишлаб чиқариш Г.си), спорт Г.си, *бадиий гимнастика* ва спорт акробатикаси.

Г. машқлари Юнонистонда жисмоний тарбия тизимига кирган, ёшларни Олимпиада ўйинларига тайёрлаш воситаси бўлиб хизмат қилган. 18-а. охири — 19-а. бошларидан Европа мамлакатларида турли Г. асбобларида машқлар бажариш, 19-а. 2-ярмидан эса мусобақалар ўтказиш расм бўлади. 1896 й.дан Г. Олимпиада ўйинлари дастурига киритилди (1928 й.дан аёллар мусобақалари ўтказилади). 1903 й.дан эркакларнинг, 1934 й.дан аёлларнинг жаҳон биринчилиги ўтказилади. Ўзбекистонлик спорт Г.чилари К. Жўраев, Т. Каримов, Э. Фиёзов, Г. Фиёзов, Т. Иброҳимов, Ш. Хонкелдиев, А. Отахоновлар турли мусобақаларда муваффақиятли қатнашганлар. Ўзбекистон Г.чиларидан Г. Шамрай илк бор олимпиада чемпиони унвонига сазовор бўлди (1952, Хельсинки). Ўзбекистонлик С. Диомидов 18- ва 19-Олимпиада ўйинларида совринли ўринлар олди. Эльвира Саадий эса Мюнхен олимпиадасининг олтин медали (1972) ва жаҳон чемпиони унвони (1974) б-н тақдирланди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан О. Чусовитина, Р. Галиева катта шуҳрат қозондилар.

Шавкат Хўжаев.

Гимнастика машқи.



ГИНАНДРОМОРФИЗМ (юн. gyne — аёл, aner — қаратқич келишиги, andros — эркак ва morphe — шакл, кўриниш) — битта организмда ҳар хил жинсга хос хромосомалар тўпламига эга бўлган ҳужайралар, туқималар ва органлар бўлиши. Олд-орқа, латерал ва мозаик (қурама) Г. мавжуд.

Олд-орқа Г.да тананинг олд қисми бир жинсга, орқа қисми бошқа жинсга хос ҳужайра ва шу жинсга мос келадиган белгилар б-н ифодаланади. Латерал Г. тананинг унг ва чап томонида худди шундай фарқ қилувчи белгилар бўлишини кўрсатади, бу фарқланиш жинсни системаларни ҳам ўз ичига олади. Мозаик Г.да организм ҳужайраларининг кўп қисми бир жинсга, оз қисми иккинчи жинсга тегишли бўлади. Г. асосида гомогамета жинсли индивидларда *онтогенез*нинг турли босқичларида жинсий хромосомалардан бири йўқолиб кетиши мумкин. Бундан ташқари, аҳён-аҳёнда тухум ҳужайрада икки уруғчи пронуклеуснинг ҳосил бўлиши ва улар ҳар бирининг ҳар хил жинсий хромосомали спермиялар б-н уруғланиши ҳамда келгусида бундай ядроли зиготадан битта организмнинг ривожланиши ҳам Г.нинг сабабчиси бўлиши мумкин. Г. нинг аниқланиши ва келиб чиқиш сабабларининг кўрсатилиши жинсни хромосома орқали аниқланиши назариясини исботловчи далиллардан бири бўлди.

ГИНГИВИТ (лот. gingiva — милк, itis — яллиғланиш) — милк шиллиқ қавatининг яллиғланиши. Меъда-ичак, нафас аъзолари, юрак-томир, нерв системаси, *периодонтит, парадонтоз,* қон касалликлари, *инфекцион касалликлар, авитаминоз*лар, оғир металлар (симоб, қўрғошин ва б.)нинг тузларидан заҳарланиш, тиш тоши Г.га сабаб бўлади. Баъзан *антибиотиклар* ёки бошқа дорилар қабул қилинганда ҳам Г. юзага келади. Ҳайз цикли бузилганда, ҳомиладорлик ва балоғатга етиш даврида кўп учрайди. Чириган тиш қирраси, нотўғри қўйилган тиш ёки ясама тиш, шунингдек, дағал тиш чўткасининг милкни чақалаши, кимёвий моддалар ва иссиқдан куйиш ҳам Г.га сабаб бўлиши мумкин. Г.да милк қизариб шишади, безиллаб туради ва салга қонайди (катарал Г.), милк чети кулранг қараш б-н қопланади, остидан яра чиқади, оғиздан сассиқ ҳид келади. Сўлак оқади, т-ра кўтарилади, жаг остидаги лимфа безлари катталашади (яралиГ.); милк ўсиб, бутун тишни қоплайди, оғриқ сезилмайди (гипертрофик Г.) еки аксинча тиш илдизи очилиб қолади (атрофик Г.) Г. га хос дастлабки аломатлар пайдо бўлганда дарҳол врачга кўриниш зарур. Олдини олиш учун оғиз бушлиғини тоза тутиш, бот-бот стоматолог врачга мурожаат қилиб, тиш тошини олдириш ва чириган тишларни даволатиб туриш лозим (яна қ. *Стоматит*).

Саидқосим Арифов

ГИНЕКОКРАТИЯ (юн. qune — аёл ва kratos — ҳокимият) — аёллар ҳокимияти. Жамият тараққиётининг ҳужалик-ижтимоий ва сиёсий ҳаётда аёллар ҳукмронлигидан иборат босқичи. Фанда кўпинча *матриархат* термини ишлатилади.

ГИНЕКОЛОГИЯ (юн. gynaikos — аёл ва *...логия*) — клиник тиббиётнинг бир соҳаси; турли ёшдаги хотин-қизлар организмининг ўзига хос анатомик-физиологик хусусиятларини ҳамда уларнинг жинсий аъзолари касалликларини ўрганади. Аёлларнинг нормал жинсий фаолияти — ҳайз кўриши, бола туғиши, шунингдек, бола туғиш ва ҳайз кўришдан қолиши (климактерия даври) ҳамда шу даврга хос касалликлар, туғмаслик сабаблари, уларнинг олдини олиш ва даволаш йўл-йўриқларини ҳам ўрганади. Умумий ва хусусий Г. фарқ қилинади. Умумий Г. гинекологик касалликларнинг симптомлари, ташқиси, уларнинг олдини олиш ва даволаш; хусусий Г. эса аёллар жинсий системасининг айрим касалликлари, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ва белгилари, ташқиси, олдини олиш ҳамда даволашни ўз ичига олади. Г. *акушерлик* б-н чамбарчас боғланган.

Г. 19-а.нинг ўрталарида мустақил фан сифатида ташкил топди. Анатомия, физиология, умумий патология, микробиология, эндокринология, жарроҳлик ва б. фанлар Г.нинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди. Г.нинг тарихи жуда қадимга бориб тақалади. Миср, Ҳиндистон, Юнонистоннинг қад. қўлёзмаларида Г.га оид маълумотлар келтирилган. Г. тушунчаси *Гиппократ, Герофил* каби юнон врачларининг асарларида ҳам ўз ифодасини топган. *Ибн Сино*нинг «Тиб қонунлари»да бир қанча гинекологик касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш йўллари баён этилган.

Тошкентда Ҳадра даҳасида Ўзбекистонда биринчи аёллар ва болалар шифохонаси очилиши (1880), Ўзбекистонда акушер-гинеколог врачлар тайёрлана бошлаши, 1927 й.да Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш и.т. институти, Ўрта Осиё ун-ти (1921), ТошТИ (1931; 1940), СамТИ (1934) ҳамда Врачлар малакасини ошириш ин-тида (1950; 1960) акушерлик ва гинекология кафедралари фаолият кўрсата бошлаши Г. ва акушерлик соҳасининг фан сифатида ривожланишига олиб келди. Бунда Ўзбекистон ФА акад. И. З. *Зокиров,* проф. А. А. Коган, А. А. Қодирова, О. Мирсоатов, Ю. К. Жабборова ва б.нинг салмоқли ҳиссалари бор. Қизалоқлар ва бўйи етиб қолган қизлар касалликларини ўрганиш жадал олиб борилди; уларнинг жинсий етилиш жараёнини ўрганиш, жинсий аъзоларидаги нуқсонлар, ҳайз кўриш жараёнидаги ўзгаришлар ҳамда касалликларини эрта аниқлаш ва даволаш кейинги ҳаётида рўй бериши мумкин бўлган нохуш ҳолатларни ўз вақтида бартараф этиш имконини беради. ЎзР да репутлик муаммоси ўрганилди ва уни даволаш мақсадида жарроҳлик усули қўлланилди (А. А. Шолохова). Ҳомиладорликнинг илк давридаёқ ташхис қўйиш, туғруққа тайёрлаш, шунингдек, туғруқ б-н боғлиқ бўлган ҳордиқ муддатини ўзгартириш; Ўзбекистон иқлими шароитида ҳомиладорликнинг юрак-қон томир тизимига таъсири ўрганилди. *Аборт* пайтида инфекция тушишининг олдини олиш ва даволаш, патогенез муаммолари ва бола тушиш сабабларини ўрганишга оид қатор тадқиқотлар ўтказилди. Гемостазнинг ўзига хос хусусиятлари ва камқон ҳомиладор аёлларда қувват алмашинуви ҳамда бола кўриш орасидаги муддат кўрсаткичлари ўрганилди ва илмий жиҳатдан асослаб берилди. Акушерлик қон кетишларининг олдини олиш ва уни даволаш масалалари ишлаб чиқилди. Хотин-қизлар и.ч.нинг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётганларини назарда тутиб, кўчма гинекологик текширув, аёлларни режали профилактик кўрикдан ўтказиш йўлга қўйилди. ЎзРда Акушерлик ва гинекология, Педиатрия и.т. институти, тиббиёт ин-тлари, врачлар малакасини ошириш ин-ти ҳамда йирик касалхоналарнинг гинекология бўлимларида Г. масалаларини ҳал этишга қаратилган илмий изланишлар олиб борилади. Тошкент ш.да Республика ҳамда 2 та шаҳар перинатал маркази, шунингдек, йирик и.т. институтлари ва олий ўқув юртлари қошида скриннинг марказлари ташкил этилган. Булар оналар ўлимини бир неча марта камайтиришга имконият беради.

Ад.: Қодирова А. А. ва б., Гинекология, Т., 1997.

Бердимурод Саидқориев.

ГИНЕКОМАСТИЯ (юн. gyne — аёл, mastos — кўкрак) — эркаклар кўкрак безининг аёлларникига ўхшаб каттаlашиши. Чин ва сохта бўлади. Чин Г.да кўкрак безининг ҳамма тўқималари ривожланади, сохта Г.да эса ёғ тўпланади. Асосан 18—25 ёшар кишиларда учрайди. Аксарият эндокрин, жумладан жинсий безларнинг бирламчи касалликлари белгиларидан бири ҳисобланади. Беморнинг овози аёллар овозига ўхшаб қолади, соқол-мўйлов чиқмайди, жинсий аъзолар ҳам тўла такомиллашмайди. Жигар циррозида аёллар жинсий гормони (эстроген) алмашинуви бузилиши натижасида ҳам Г. пайдо бўлиши мумкин. Бемор дорилардан б-н даволанилади, улар ёрдам бермаса, жарроҳлик усули қўлланилади.

ГИНЕЦЕЙ (юн. gyne — аёл, oikion — уй, бошпана) — гулнинг репродуктив қисми, ҳамма мевабаргчалар йиғиндиси. Бир-бири б-н қўшилмаган, эркин жойлашган, ҳар бири алоҳида уруғчи ҳосил қиладиган мевабаргчалардан иборат Г. апокарп Г. деб аталади. Апокарпли Г. энг содда бўлиб, магнолия, пион ва айиқтовонлар учун хос. Баъзан Г. битта мевабаргча (уруғчи)дан иборат (мас., бурчоқдошларда). Эволюция давомида мевабаргчалар қўшилиб кетиб, 3 хил типдаги ценокарп Г. ҳосил бўлади. Ён томонлари б-н ўзаро қўшилиб ўсган ёпиқ мевабаргчалар (уларнинг уруғ куртаги чоклари бўйлаб, яъни уячалар бурчагида жойлашган) синкарп Г. ҳосил қилади (лола). Синкарп Г.дан айрим мевабаргчаларнинг ажралиб чиқиши, бироқ улар қирраларининг ажралиб кетмаслиги туфайли паракарп Г. ҳосил бўлади (бодринг, қовоқ, лолақизғалдоқ). Паракарп Г. бир уяли бўлиши ва уруғкуртаклари Г. деворида жойлашганлиги б-н синкарп Г.дан фарқ қилади. Бошқа ҳолларда паракарп Г. бевосита апокарп Г.дан келиб чиққан. Синкарп Г. тугунчаси тўсиқларининг йўқолиб кетиши натижасида бир уяли лизикарп Г. вужудга келган. Ўзаро қўшилиб кетган бир неча мевабаргчалардан ҳосил бўлган Г. мураккаб уруғчи дейилади.

ГИНЗБУРГ Александр Осипович (1916, Мариуполь — 1973.23.6, Тошкент) — театр режиссёри. Ўзбекистон халқ артисти (1959). Тошкент ёш томошабинлар театри (1946—51), Ҳамза театри (1951—58, 1960—65, 1971—73), Тошкент рус драма театри (1958—60) бош реж. Тошкент давлат санъат интида ўқитувчи (1951—65). Саҳналаштирган спектакллари: «Денгиздагилар пьесаси», «Айбсиз айбдорлар», «Юлдузлар жамоли» (Т. Хўжаев б-н ҳамкорликда), «Туркия ҳақида ҳикоя» (А. Турдиев б-н ҳамкорликда), «Оғриқ тишлар», «Қароқчилар», «Сўнгги пушаймон», «Ганг дарёсининг қизи», «Жазоир — менинг Ватаним», «Юлий Цезарь», «Мирзо Улуғбек», «Тобутдан товуш», «Номаълум киши», «Қонли сароб», «Қашшоқ қалб эгаси» ва б.



ГИНКГО (Ginkgo biloba) — очиқ уруғли ўсимликлар бўлимининг *гинкодошлар* оиласига мансуб ҳоз. ягона вакили. Дарахтнинг бўйи 40 м гача, диаметри 1 м гача; ёш ниҳоли баъзи нина баргли дарахтларга ўхшаб кетади, аммо бора-бора ташқи кўринишдан терак тусини олади. Барглари бандли, елпиғичсимон, ўртасида ўйиғи бор, кузда тўкилади. Г. икки уйли ўсимлик, эркак ва уруғочи гуллари кичикроқ кучалаларга тўпланган. Уруғи юмалоқ, данакли мевага ўхшайди. Меваси ва уруғи ейилади. Жан. Хитойнинг баъзи жойларидагина ёввойи ҳолда ўсади. Қримнинг жан.да ва Кавказнинг Қора денгиз соҳилида экилади.

Ўрта Осиёда Г.нинг барг ва ёғоч қолдиқлари юқори пермь ва триас даврига тегишли ётқизиқларда топилган. Ҳудудда Г.нинг 15 дан ортиқ тури ўсган. Жумладан 2 тури Жан. Ўзбекистонда, Тожикистон ва Туркманистонда ўсганлиги аниқланган. Г.нинг бир қанча турлари Шим. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва деярли ҳамма давлатларда юра, бўр ва учламчи давр қатламларидан топилган.



Гинкго.

ГИНКГОДОШЛАР (Ginkgoales) — карбон давридан бошлаб учламчи даврнинг охиригача яшаган очиқ уруғли ўсимликлар синфи. Ҳоз. битта (Ginkgo biloba) тури (туркуми, оиласи) сақланиб қолган. Ўзбекистон ва унга чегарадош республикалар ҳудудида Ginkgo, Baiera, Ginkgodium, Sphenobaiera, Czekanowskia, Phaenicopsis туркумларига мансуб ўсимликларнинг барги ва

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

генератив органларининг изи, ёғоч қолдиқлари топилган. Г. юра даврида тошкўмир ҳосил бўлишида муҳим роль ўйнаган.

ГИННЕСНИНГ РЕКОРДЛАР КИТОБИ — табиат ва инсоният оламидаги оламшумул улкан ютуқлар, ноёб ҳодисалар ва ғаройиб воқеалар ҳақидаги хабарлардан иборат бўлган маълумотнома нашр. 1955 й.дан бери инглиз нашриёти «Гиннес паблишинг лимитед» (Guinntss Publishing) томонидан ҳар йили (1957, 1959 й.дан ташқари) нашр этиб келинади. 1990 й.гача 37 тилда (шу жумладан, рус тилида ҳам) 264 марта, (умумий адади 65 млн. нусхадан зиёд) нашр этилган.

ГИНОГЕНЕЗ (юн. gyne — аёл ва *...генез*) — организмлар кўпайишининг бир хили. Г.да тухум ҳужайрасига кирган сперматозоид унинг ривожланишини стимуллайди, лекин ядроси б-н қўшилмайди ва эмбриоННинг бундан кейинги ривожланишида иштирок этмайди. Г. сохта уруғланиш — псевдогамиядан иборат. Шунинг учун Г.га баъзан *партеногенез* шаклларидан бири сифатида қаралади. Табиий Г. айрим нематодалар, суякли балиқлар, сувда ҳамда қуруқликда яшовчилар ва кўпчилик ёпиқ уруғликларда аниқланган. Баъзан гиногенетик популяцияларда эркаги учрамайди, тухум эса бошқа турлар спермаси б-н уруғланади (мас., карас икраси чўртон эркаги «сути» б-н уруғланади). Г.ни тажрибада тухум ҳужайрани бошқа узоқ тур сперматозоидлари б-н уруғлантириш, физик ва кимёвий усулда сперматозоид ядросини фаолсизлантириш ёки тухумдан эркаклик пронуклеусини чиқариб олиш орқали пайдо қилиш мумкин. Бундай йўл б-н олинган гаплоид эмбрион яшовчан бўлмайди. Диплоид Г. рўй бериши учун тухум ҳужайра етилиши давридаги бўлинишлардан бирининг цитотомиясини ёки тухум майдаланишидаги дастлабки бўлинишлардан бирини йўққа чиқариш лозим. Г.дан гомозиготаликда ёки фақат бир жинсли организмларни олишда фойдаланилади.

Сайфулло Тўйчиев.

ГИПАТИЯ (Hypatia), Александриялик Ипатия (370—415) — биринчи аёл олима-математик, астроном, файласуф-неоплатоник. Александриялик математик Теоннинг қизи. Афинада ўқиб битиргандан сўнг, Александрия музейида астрономия, мат. ва фалсафадан дарс берган. Платон, Аристотель, Аполлон, Пергский ва Диофантларнинг ишларига шарҳлар ёзган. Бироқ, бу шарҳлар бизгача етиб келмаган. Г. мутаассиб христианлар қурбони бўлган..


ГИПЕР... (юн. hyper — юқори, ўта) — қўшма сўз таркибий қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўзга: 1) юқоридалик; 2) меъёрдан ортиқлик (мас., *гипертония*), ўта даражадалик маъно ифодаларини беради.

ГИПЕРБАЗИТЛАР (*гипер...* ва юн. basis — асос) — Ер пўстининг чуқур қисмида магманинг секин-аста совиб қотишидан ҳосил бўладиган ўта асосли интрузив жинсларнинг умумий номи. Г. таркибидаги минералларга қараб: оливинит, дунит, пироксенли оливинит, перидотит, пироксенитга бўлинади. Минерал таркиби оливин, пироксен, амфибол ва рудали минераллардан ташкил топган. Ранги яшил, қорамтир. Ўзбекистонда Султон Увайс, Белтов, Нурота тоғларида учрайди. Г. б-н хромит, платина, олмос, титан, никель конлари боғлиқ. Г. бинокорликда ва ҳайкалтарошликда безаш материали сифатида ишлатилади.

ГИПЕРБАРИК ОКСИГЕНАЦИЯ (*гипер...*, юн. baros — оғирлик, босим ва лот. oxygenium — кислород) — босим юқори бўлган шароитда организмни кислородга тўйинтириш. Умумий ва маҳаллий кислород етишмаслиги б-н боғлиқ турли касалликларни даволаш ва олдини олишда қўлланилади. Даво махсус барокамераларда олиб борилади (қ. *Баротерапия*).

ГИПЕРБИЛИРУБИНЕМИЯ, билирубинемия — қон зардобида *билирубин* миқдорининг кўпайиб кетиши. Соғлом кишининг қон зардобида 0,2, 0,5—0,8 мг%, чақалоқларда эса бир оз юқори — 1—2 мг% (физиологик сариқлик кузатилмаганда) бўлади. Г. ирсий, туғма ва орттирилган бўлиши мумкин. Гемолитик ва ногемолитик, қайси аъзо (мас., жигар)га тааллуқлигига кўра бир қанча турларга бўлинади. Асосан жигар, ўт йўли касалликларида учрайди ва баданда сариқлик аломатлари б-н ифодаланади.

ГИПЕРБОЛА (юн. hyperbole) — икки узлуксиз тармоқдан иборат бўлган 2-тартибли эгри чизиқ. Доиравий конусни унинг икки ясовчисига параллел текислик б-н кесишдан ҳосил бўлади. Г. текисликдаги M нуқталарнинг геометрик ўрни бўлиб, бу нуқталар б-н берилган икки нуқта (фокус)гача бўлган масофалар фарқи (мутлақ қиймати бўйича) ўзгармасдир (расм).




Гипербола.

Агар F_1 ва F_2 — фокуслар, $2a$ — берилган кесма ва M — унинг ўзгарувчан нуқтаси бўлса, Г. хоссасини $|MF_1 - MF_2| = 2a$ ёки $\frac{x^2}{a^2} - \frac{y^2}{b^2} = 1$ кўринишда ёзиш мумкин, бунда: a ва b — Г.нинг ярим ўқлари, x, y — M нуқтанинг координаталари. Г. тенгламасидан унинг марказ ҳамда симметрия ўқига эга бўлган 2-тартибли эгри чизиқ экани маълум бўлади. x ўқ Г.нинг ҳақиқий ўқи, y ўқ мавҳум ўқи дейилади. Агар $F_1F_2 = 2c$ деб фараз қилинса, $e = \frac{b}{a}$ Г.нинг эксцентриситети деб аталади ($e > 1$). Г. иккитадан тармоқ, *асимптота* ва *директриса*га эга бўлади. Баъзи физик жараёнлар Г. асимптоталарига нисбатан тузилган $y = \frac{k}{x}$ тенглама б-н ифодаланган қонунга мувофиқ содир бўлади.

ГИПЕРБОЛА (адабиётшуносликда) — қ. *Муболага.*

ГИПЕРБОЛИК ЛОГАРИФМ — *натурал логарифм*нинг ўзи.

ГИПЕРБОЛИК СПИРАЛЬ — M нуқтадан O айланиш марказигача бўлган масофа айланиш бурчагига тескари пропорционал (мутаносиб) бўлган ҳолда M нуқта айланувчи OA нур бўйича ҳаракат қилганда M нуқта чизадиган текис эгри чизиқ. Г. с. тенгламаси $\rho = \frac{a}{\varphi}$, бунда a — O қутбдан бирор тўғри чизиққача, яъни Г. с. асимптотасигача бўлган масофа (расм); Г. с. асимптотаси x қутб ўқига параллел. Агар ρ б-н φ орасидаги муносабатни Декарт координаталарида $y = a : x$ шаклида ёзсак, у ҳолда бу тескари мутаносиблик муносабатнинг графиги гипербола бўлади (Г. с.нинг номи ана шундан).



Гиперболик спираль.

ГИПЕРБОЛИК ФУНКЦИЯЛАР — $\mathrm{sh}x = \frac{e^x - e^{-x}}{2}$, $\mathrm{ch}x = \frac{e^x + e^{-x}}{2}$, $\mathrm{th}x = \frac{\mathrm{sh}x}{\mathrm{ch}x}$, $\mathrm{cth}x = \frac{\mathrm{ch}x}{\mathrm{sh}x}$ формулалар б-н аниқланадиган функциялар. Булар мос равишда гиперболик синус, косинус, тангенс ва котангенс дейилади. Г. ф.нинг хоссалари кўп жиҳатдан *тригонометрик функциялар* хоссаларига ўхшайди. Мас., $\mathrm{sh}x$ — тоқ, $\mathrm{ch}x$ — жуфт функция бўлиб, булар учун қуйидаги қўшиш теоремалари ўринли:

$$\mathrm{sh}(x+y)=\mathrm{sh}x\mathrm{ch}y+\mathrm{ch}x\mathrm{sh}y,$$
$$\mathrm{ch}(x+y)=\mathrm{ch}x\mathrm{ch}y+\mathrm{sh}x\mathrm{sh}y.$$

Агар x аргументни комплекс қийматлар қабул қилади деб қаралса, Г. ф. б-н тригонометрик функциялар орасидаги боғланиш топилади:

$$\mathrm{sh}x = -i\sin ix,\ \mathrm{ch}x = \cos ix\ (i^2 = -1).$$

Г.ф.нинг *Лобачевский геометриясида* (гиперболик геометрияда) муҳим аҳамияти бор; улардан материаллар қаршилиги, қурилиш механикаси, электротехника ва б. фанларда фойдаланилади.


ГИПЕРБОЛИК ЦИЛИНДР — йўналтирувчи чизиги *гипербола* бўлган цилиндрик сирт. Декарт координаталарида гиперболанинг каноник (энг содда) тенгламаси бундай кўринишда бўлади:

$$\frac{x^2}{a^2} - \frac{y^2}{b^2} = 1$$


Г.ц. — 2-тартибли сирт бўлиб, бутун тўғри чизиқдан (z ўқдан) иборат симметрия марказларига эга.

ГИПЕРБОЛОИДЛАР (*гипербола* ва юн. eldos — кўриниш) — иккинчи тартибли марказий сиртлар. Бир паллали (1-расм) ва икки паллали (2-расм) Г. бўлади. Бир паллали Г. чизиқли сиртлар туркумига тааллуқли; унинг ҳар қандай нуқтаси орқали шу бир паллали Г. сиртида ётадиган икки тўғри чизиқ ўтади (булар тўғри чизиқли ясовчилар дейилади). Уни турли текисликлар б-н кесганда кесимда ҳар хил 2-тартибли эгри чизиқлар: эллипс, гипербола ҳамда бир-бири б-н кесишувчи тўғри чизиқлар ҳосил бўлади. Бир паллали Г.нинг каноник тенгламаси: $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} - \frac{z^2}{c^2} = 1$. Икки паллали Г. текисликлар б-н кесилганда ҳам кесимда эллипс, парабола ва гипербола ҳосил бўлади. Икки паллали Г.нинг каноник тенгламаси $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} - \frac{z^2}{c^2} = -1$.

Г.нинг амалий аҳамияти катта (мас., рус ихтирочиси В. Г. Шухов (1859—1939) тизимидаги радиоминора бир паллали Г. шаклида ясалган).



Гиперболоидлар: 1-расм.



2-расм.

ГИПЕРГЕН ЖАРАЁНЛАР — Ер пўсти ва унинг юзасидаги минерал моддаларнинг атмосфера, гидросфера ва тирик организмлар таъсирида паст тераларда кимёвий ва физик ўзгариши. Г. ж. кимёвий ажралиш, эриш, гидролиз, гидратация, оксидланиш, карбонатланиш ва б. ҳодисаларда намоён бўлади.

Г. ж. таъсирида қуйидагилар келиб чиқади: фойдали қазилмаларнинг оксидланиши ва нураш пўстининг вужудга келиши, тупроқ ҳосил бўлиши, ер ости, дарё, кўл, денгиз ва океанлар сув таркибининг шаклланиши, хемоген ва биоген чўкиншиниг юзага келиши, чўкиншиниг диагенез ва илк эпигенези. Эндоген жараёнлар учун асосий омиллар т-ра ва босим бўлса, Г. ж. учун муҳитнинг ишқорлилик ёки кислоталилик даражаси ва оксидланиш-тикланиш имконияти муҳимдир. Биогеокимёвий жараёнлар ҳам катта роль ўйнайди. Г. ж. нинг муҳим ташқи омили иқлим бўлиб, Г. ж.нинг ер юзасида жойлашиш қонуният — зоналлик эса илк бор В. В. Докучаев томонидан аниқланган. Г. ж. натижасида қимматбаҳо фойдали қазилма конлар вужудга келади.

ГИПЕРГЕН КОНЛАР, седиментоген конлар, экзоген конлар — Ер юзасида қад. ва ҳоз. геокимёвий жараёнлар б-н боғлиқ ҳолда ҳосил бўлган фойдали қазилма уюмлари. Г. к. эндоген шароитида ҳосил бўлган минерал хом ашёларнинг механик ва биокимёвий қайта ўзгариши ва дифференциациясидан таркиб топади. Г. к. нураш, сочма ва чўкинди конларга бўлинади. Океан ва денгиз туби ётқизиқларида чўкинди (кўмир, ёнувчи сланецлар, нефть, ёнувчи газ ва б.), ён бағирлар, дарё ва денгиз соҳилларининг бўш ётқизиқларида сочма (олтин, платина, титан, вольфрам ва б.), материк юзасида нураш (никель, темир ва б.) конлари ҳосил бўлади. Г. к.га нефть ва газ, кўмир, кўпчилик рудали ва норуда конлари киради. Г. к.нинг саноат аҳамияти катта.

ГИПЕРГЕН МИНЕРАЛЛАР — гипергенез зонасида, яъни Ер пўстининг энг юқори қисмида паст т-ра ва босимда ҳосил бўлган минераллар. Энг кўп тарқалган Г. м.га силикат жинсларининг нурашидан ҳосил бўлган *гилли минераллар* киради. Гидроксидлар, кислород кислотаси тузлари (сульфатлар, карбонатлар, нитратлар ва б.) кўп учрайди. Г. м.га гидратация (кристалл панжарасига молекуляр сув ёки гидроксиднинг кириши), элементларнинг юқори даражада оксидланиш (темир, марганец, олтингугурт ва б.) хусусиятлари хос. Г. м. ҳосил бўлишида кислород, сув, карбонат, сульфат, хлорид ва фосфат кислоталарининг ионлари асосий роль ўйнайди. Бундан ташқари иқлим, рельеф, минералларнинг физик, кимёвий хусусиятлари ҳамда ўсимлик ва ҳайвонларнинг фаолияти ҳам аҳамиятли. Г. м. чўкинди конларни ва қад нураш пўстининг фойдали қазилмалари (боксит, гил, оҳактош, кўмир, туз ҳамда темир ва марганец рудалари)ни излашда муҳим аҳамиятга эга.

ГИПЕРГЕНЕЗ (*гипер...* ва *...генез*) — *гиперген жараёнлар* мажмуи.

ГИПЕРГЛИКЕМИЯ (*гипер...* ва юн. glykys — ширин, haima — қон) — қонда қанднинг нормадан кўп бўлиши, яъни 120 мг % ёки 6 ммоль/л дан (Si системаси бўйича) ошиб кетиши. Вақтинчалик Г. соғлом кишиларда кўп ширинлик ёки углеводга бой овқатлар истеъмол қилинганда, зўр бериб жисмоний иш қилганда, қаттиқ оғриқ тутганда, руҳий кечинмаларда кузатилади. Г. *қандли диабет* касаллигининг асосий белгиси бўлиб, эндокрин безлар, хусусан меъда ости бези фаолиятининг бузилиши оқибатида келиб чиққан касалликларда, шунингдек, баъзи жигар касалликлари (*вирусли гепатит, цирроз*)да ҳам рўй бериши мумкин.

ГИПЕРЕМИЯ (*гипер...* ва юн. haima — қон), қизариш — гавданинг маълум қисмидаги артерия ёки вена томирларининг қонга тўлиши. Томир кенгайтирадиган нервларнинг таъсирланиши ва томир торайтирадиган нервлар фаолиятининг сусайиши натижасида нерв системаси функциясининг бузилиши артериал Г.га олиб келади. Бунда зарарланган жойга кўп қон оқиб келганлиги учун у қизаради, шу жойда ҳарорат кўтарилади, ҳажми катталашади. Киши уялганида ёки газабланганида ҳам шундай ҳолат кузатилади. Юрак фаолияти бузилиши, веналар тиқилиб қолиши, томирлар *иннервация*си бузилиши натижасида пайдо бўлган веноз Г.да зарарланган жой кўкариб кетади (цианоз), гоҳида шишади. Баъзан даволаш мақсадида компресс, грелка ва б. қўйилганда ҳам Г. рўй бериши мумкин.

ГИПЕРЗАРЯД (Y) — кучли ўзаро таъсир этувчи элементар зарралар (адронлар) тавсифномаларидан бири; изотопик мультиплетдаги зарранинг ўртача электр зарядининг иккиланганига тенг. Мультиплет зарранинг электр заряди Q Гелл-Ман — Нишижима формуласи

б-н аниқланади: $Q = I_3 + Y/2$, бунда I_3 — зарра изотопик спинининг учинчи проекцияси. Г. адроннинг бошқа квант сонлари — барион заряд, ажиблик, «ҳайратланиш», «гўзал»лар орқали ифодаланади.

ГИПЕРИНФЛЯЦИЯ (юн. *гипер...* ва лот. inflatio — кўтарилиш) — товарлар нархининг шиддат б-н кўтарилиши, муомаладаги пул массасининг кўпайиши; пул бирлиги қадрининг кескин пасайишига, тўлов муомаласининг издан чиқишига, одатдаги хўжалик алоқаларининг узилишига олиб келади. Одатда нархнинг ўсиш даражаси ойига 1,5 баробар ёки 50% га етганда Г. жараёни бошланган ҳисобланади. Г. б-н *инфляция* ўртасидаги чегарасини аниқлаш жуда қийин. Г.нинг яна бир муҳим белгиси — корхона, ташкилотлар ва аҳоли нима қилиб бўлса ҳам пулни товарга айлантиришга уринади, товар сотиб олиш мумкин бўлган, қадри юқори пул — валюта йиға бошлайди. Г. шароитида нарх-навони мутлақо тартибга солиб бўлмайди, *бартер* авж олади, пул ўз вазифаларини бажармай қўяди. Г. иқтисодий танглик белгисидир. Г. аксарият ҳолларда ўта тасодифий сиёсий ва иқтисодий омиллар — урушлар, иқтисодий таназзул, ҳукумат сиёсати туфайли аҳолининг пулга ишончсизлиги ва б. натижасида келиб чиқади. 20-а.нинг 20-й.лари бошида Германияда ва Иккинчи жаҳон уруши даврида Хитойда яққол кузатилган. Г.нинг олдини олиш учун шошилинч ҳолда *инфляция*га қарши чоралар кўрилади.

ГИПЕРИОН (юнон мифологиясидаги паҳлавон Гиперион номидан) — *Сатурн*нинг еттинчи (VII) табиий йўлдоши. Америка астрономи Ф. Бонд 1848 й.да кашф этган. Диаметри 350 км; оддий кўзга кўринмайди (уни фақат кучли телескоплар ёрдамида олинган фотосуратларда кўриш мумкин). Сатурндан узоқлиги 1,48 млн.км, *сидерик айланиш даври* 2 сутка 6 соат 39 мин.

ГИПЕРКАПНИЯ (*гипер...* ва юн. kapnos — тутун) — артериал қонда (организмда ҳам) карбонат ангидрид (CO_2) парциал босимининг (миқдорини ҳам) нормадан кўпайиб кетиши. CO_2 ортиқча бўлган ҳаводан нафас олинганда, миядаги нафас марказининг қўзғалувчанлиги сусайиши сабабли ўпка вентиляцияси камайганда, *ўпка эмфиземаси, асфиксия* ва б. ҳолатларда кузатилади.

ГИПЕРКЕРАТОЗ (*гипер...* ва юн. keratos — мугуз, шох модда) — тери мугуз қаватининг қалин тортиб қаттиқлашиши. Ташқи (узоқ вақт босилиб туриш, ишқаланиш, ва б.) ҳамда ички (эндокрин безлар функциясининг бузилиши, А гиповитаминоз) омиллар келтириб чиқариши мумкин. Г.да мугуз тангачалар, катта-кичик тугунчалар, бўртмачалар пайдо бўлади, тери қурийди, бемор кам терлайди. Терининг мугуз қавати ёрилади, пўст ташлайди, баъзан оғрийди. Г. чекланган (қадоқ, сўгал, кератома) ва диффуз, яъни кўп жойга ёки бутун бадан терисига тарқалган бўлади. Беморни содали ёки совунли ванналар, витамин А, терининг мугуз қаватини юмшатиб, шилиб туширадиган мазлар б-н даволанилади.

ГИПЕРКИНЕЗ (*гипер...* ва юн. kinesis — ҳаракат) — марказий нерв системасининг баъзи касалликларида қўл, оёқ, юз мускулларининг беихтиёр ортиқча ҳаракатланиши. Асосан *энцефалит*нинг ҳар хил шаклларида, *ирсий касалликлар*да, *интоксикация*лар, мия шикастлари, ўсмалари, яллиғланишларида кузатилади. Бир неча хил бўлади: тремор (титраш), атетоз (секин чувалчангсимон ҳаракат), миоклония (алоҳида мускулларнинг тез ва қисқа муддатли тартибсиз қисқариши) ва б.

ГИПЕРКОМПЛЕКС СОНЛАР — *комплекс сонлар*ни умумлаштириш натижасида пайдо бўладиган сонлар. $x=x_1+x_2 i$ комплекс сонни текисликнинг $(x_1; x_2)$ нуқтаси б-н айнийлаштириш мумкин. Комплекс сонлар учун қўшиш, кўпайтириш ва б. алгебраик амаллар ўзларининг одатдаги хоссалари б-н ўринли бўлгани учун текислик нуқталари сонлар сифатида қаралади. Шунингдек, ихтиёрий n ўлчовли M фазо, яъни n ўлчовли векторлар фазоси $\vec{x} = x_1\vec{e}_1 + ... + x_n\vec{e}_n$, бунда $\{\vec{e}_n\}$ — бирор базис векторлари, x_1, ..., x_n лар эса ҳақиқий сонлар (z координаталари) алгебралаштирилади. Бунинг учун векторларни кўпайтириш амалинигина киритиш керак, чунки бу векторларни қўшиш амали M да аниқланган. Бундай кўпайтириш ассоциатив (қ. *Ассоциативлик*) бўлиши шарт, аммо коммутатив бўлиши шарт эмас. M фазо унда киритилган кўпайтириш амали б-н биргаликда гипер-комплекс система, унинг элементларини эса гипер-комплекс сонлар дейилади. Векторларни кўпайтириш турли усуллар б-н тузилади, бунинг учун e_i, e_j кўпайтмаларнинг фарқли равишда Г.с.лар сонлардан учун умумий ҳолда бўлиш амали аниқланмаган. Г. с.лар системасининг учта тури (типи)гина мавжудлиги, бу системаларнинг ҳар бирида бўлиш амали доимо бажарилиши исботланган. Бу системалар: *ҳақиқий сонлар*, комплекс сонлар ва кватернионлар Г. с. мат.нинг кўп соҳаларида, механика ва физикада қўлланилади.

ГИПЕРМЕТРОПИЯ (юн. hypermetros — ҳаддан ташқари ва opos — кўз) — қ. *Узоқдан кўриш*.

ГИПЕРМОРФОЗ (*гипер...* ва юн. morphe — шакл, кўриниш) — филогенетик ривожланиш йўли. Бунда алоҳида органлар (мас., қазилма қилич тишли йўлбарс ва *бабируссан*инг қозиқ тишлари, катта шохли буғунинг шохлари ва б.) *гипертрофия*си туфайли организмнинг муҳит б-н муносабати бузилади. Г.да организмлар муайян муҳит шароитига жуда тор доирада мослашганлиги туфайли муҳитнинг ҳар қандай ўзгариши уларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

ГИПЕРНЕФРОМА (*гипер...* ва юн. hephros — буйрак) — буйрак қилнайчаларининг эпителий ҳужайрасидан ўсиб чиқаличан хавфли ўсма (буйрак раки). Касаллик зимдан бошланади. Бемор ўзини ноҳуш сезади, тез чарчайди, дармонсизлик, иштаҳа ва кайфиятнинг айниши каби белгилар астасекин зўрая бориб, кейинчалик бел соҳаси симиллаб оғрий бошлайди, баъзан оғриқ бўлмайди. Гоҳо беморнинг ҳарорати кўтарилиб, қон босими ортади. Сийдикда *эритроцитлар* пайдо бўлади, қон деярли кам учрайди. Касаллик ультратовуш ташхис ва рентген текширувлари асосида аниқланади. Кимёвий терапия ҳамда жарроҳлик усули қўлланилади.

ГИПЕРОНЛАР (*гипер...*) — массаси нейтрон массасидан катта бўлган беқарор оғир барионлар. Г. яшаш вақти 10^{-10} с, яъни *ядро вақти* (10^{-23} с) дан анча катта. Лямбда (Λ^0), сигма (Σ^+, Σ^0, Σ^-), кси (Ξ^-, Ξ^0) ва омега (Ω^-) Г.и мавжуд. Г.нинг юқори қисмидаги ишорасининг мутлақ қиймати электрон зарядига тенг электр зарядининг ишорасини кўрсатади. Барча Г. спини 1/2 га тенг, фақат Ω^- ники 3/2. Г. кучсиз ўзаро таъсир натижасида нуклонларга ва енгил зарралар: π-мезонлар, электронлар, нейтринога парчаланади ва узоқ яшайди. Улар *Вильсон камерасида* из қолдиради. Г. бир неча ГэВ энергияли протон тезлаткичларда олинади. Λ^0-, $\Sigma^{\pm}$, Ξ^- ёки Ω^- зарралар ҳар доим пион ёки нуклон б-н бирга пайдо бўлади, шунинг учун Г. *ажиб зарралар* дейилади. Г.нинг ажиблиги яна шундаки, кутилганга нисбатан 10^{14} марта секин парчаланади. Λ^0- зарра (гиперон) протон ва пиондан 37 МэВ оғир, у нейтрал, Σ^- зарра (гиперон) Λ^0- заррадан 78 МэВ оғир, Ξ^- гиперон Λ^0- заррадан 205 МэВ оғир. Ҳар бир Г.нинг антизарраси — антигиперон мавжуд. Улар Г.дан электр ва барион зарядларининг ишораси б-н фарқланади.

ГИПЕРОСМИЯ (*гипер...* ва юн. osme — ҳид, ҳид сезиш) — ҳидга ўта сезгирлик ҳолати. Кўпроқ ҳомиладорликда кузатилади; бирор касаллик белгиси бўлиши ҳам мумкин. Г.га бурун бўшлиғи шиллиқ пардасидаги ҳар хил ҳидларни аниқловчи ва «тутиб олувчи» нерв толалари рецептор нуқталарининг ортиқча қўзғалиши сабаб бўлади.

ГИПЕРПАРАТИРЕОЗ [*гипер...* ва лот. (glandula) parathyreoidea — қалқонсимон без олди бези] — қалқонсимон без олди бези *аденома*си ёки *гиперплазия*си оқибатида келиб чиқадиган эндокрин касаллик. Бунда қалқонсимон без олди бези гормони (паратгормон)нинг кўп ишлаб чиқарилиши кальций ва фосфор алмашинувининг кескин бузилишига сабаб бўлади. Натижада фосфор ва кальций бирикмалари суяклардан ювилиб, суяклар юмшаши, қийшайиши ва синиши, мускуллар заифлашиши, умуртқалар остеопорози, нефрокальциноз, қон плазмаси ва сийдикда кальций кўпайиб кетиши, руҳий ўзгаришлар рўй беради. Г.нинг айрим шаклида кальций ички аъзоларда, хусусан буйракда йиғилади (буйрак шакли), бунда буйрак ва сийдик йўлларида тош пайдо бўлади. Кўпроқ аёлларда кузатилади. Даво асосан ўсмани олиб ташлаш, суяк шаклида — ортопедик усуллар, буйрак-тош касаллигида жарроҳлик усули қўлланилади.

ГИПЕРПЛАЗИЯ (*гипер...* ва юн. plasis — шаклланиш, ҳосил бўлиш) — тўқима ва аъзолар тузилиш элементлари (ҳужайралар)нинг зўр бериб кўпайиши натижасида улар сонининг ортиши. Г. одам, ҳайвон ва ўсимликларда ҳам кузатилади. Г. асосан ҳужайранинг янгидан ҳосил бўлишидир, аммо ҳужайра ичидаги нозик тузилмалар (ядро, ядроча, митохондрия, рибосома, лизосома, эндоплазматик тўр ва ҳ.к.)да ҳам Г. рўй бериши мумкин, айни вақтда ҳужайра кўпайиши б-н бирга катталашади (юракнинг мускул толаларидаги; буйрак, жигар эпителийсининг ҳужайраларидаги Г.). Г. *физиологик* (мас., ҳомиладорликда сут безлари эпителийсининг кўпайиши), бузилган функцияни тиклайдиган *регенерация* жараёни (қон йўқотилгандан кейин ёки камқонликда қон яратувчи системадаги Г.), *патологик* (эндокрин безлар ўзаро алоқасининг бузилиши натижасида ўсмалар ўсиши ва ҳ.к.) бўлиши мумкин. Г. баъзан тўқималарнинг айниб, атипик равишда ўсиши ва ўсма ҳосил бўлишига олиб келади.

ГИПЕРРАЛИЗМ (*гипер...* ва *реализм*), *фотореализм* — Америка ва Ғарбий Европа рассомлик санъатида 20-а.нинг 60-й.лари охирида шаклланган оқим. Г. бадиий услубдаги (*абстракционизм* рад этган) ҳаётий аниқликни тиклашга интилди. Бунда фотосурат ёки кинокадр асосида ясама образлар яратиш ва ҳ.к.дан фойдаланилди. Г. намояндалари (АҚШ да Ч. Клоуз, Д. Перриш, Д. Хансон, Д. Эдди, Канадада А. Колвилл ва б.) рассом услубини деярли йўққа чиқарувчи техник усулларни қўллайди. Воқеликни ҳиссиз, нарса ва воқеаларни механик кўчирмасини яратиш ўз навбатида воқеликни ғайритабиий тарзда бузиб кўрсатишга олиб келди.

ГИПЕРСТЕН (*гипер...* ва юн. stenos — куч, қаттиқлик) — жинс ҳосил қилувчи минерал. *Пироксен*лар гуруҳига мансуб. Кимёвий формуласи $(Mg, Fe^{2+})_2[Si_2O_6]$. Ромбик сингонияли. Призматик кристаллар ва майда доначалар ҳолида учрайди. Ранги тўқ яшил, қўнғирдан қорагача. Ялтироқлиги шишасимон. Қаттиқлиги 5—6. Зичлиги —3300-3500 кг/м³. Ўта асосли магматик жинсларда учрайди. РФ (Слюдянка), Украина (Головин), Бавария (Боденмайс), Канада, Эрон, Индонезияда ва б. мамлакатларда топилган. Ўзбекистонда Чатқол (Шовозсой), Қурама (Оқтепа, Қўрғошин) ва Томдитовда бор.

ГИПЕРТЕНЗИЯ (*гипер...* ва лот. tensio — кучайиш) — аслида қон томирлари, организм ковак аъзолари, бўшлиқлари ва тўқималарда гидростатик босимнинг ортишини англатувчи умумий тушунча. Г. термини кўпроқ калла ички босими ва қон томирлари (артерия ва вена) босими ошганда қўлланилади (қ. *Гипертония касаллиги*). Г. ҳолати айрим касалликлар белгиси бўлиши ёки баъзан шу аъзолар босимининг мунтазам ортиши, улар фаолиятининг издан чиқишига олиб келиши мумкин. Гоҳо соғлом кишиларда ҳам Г. кузатилади ва ҳеч қандай асорат қолдирмай, тезда ўтиб кетади. Г.нинг олдини олиш учун уни вақтида аниқлаб даволатиш ва унга сабаб бўладиган омилни бартараф этиш лозим.

ГИПЕРТЕРМИЯ (*гипер...* ва юн. therme — иссиқ), *организмнинг қизиши, иссиқ элитиши* — одам ва ҳайвон организмида ортиқча иссиқлик тўпланиши, ҳароратнинг жуда юқори бўлиши. Ташқи омиллар (мас., ҳарорати ниҳоятда юқори бўлган и.ч. корхоналари, ташқи муҳит шароитлари) ёки бош мия касалликлари (мия шикастлари, мияга қон қуйилиши, ўсма пайдо бўлиши), иссиқликни назорат қилиш марказининг издан чиқиши (қ. *Терморегуляция*) сабаб бўлади. Агар гавда ҳарорати 41—42° га етса, иссиқ элитиши кузатилади, бунда *моддалар алмашинуви*, қон айланиши, миянинг кислород б-н таъминланиши ва б. фаолиятлар издан чиқади. Мускулларнинг зўриқиши, мастлик, наркоз (асорати) ҳолатларида ҳам Г. рўй бериши мумкин. Айрим инфекцион ва нерв касалликларини даволашда сунъий Г. қўлланилади.

ГИПЕРТИРЕОЗ [*гипер...* ва лот. (glandula) thyreoidea — қалқонсимон без] — *қалқонсимон без* фаолиятининг кучайиши. Одатда, вақтинча, маълум физиологик шароитларда (ҳомиладорлик, балоғатга етиш, климактерия даври ва ҳ.к.) рўй беради. Руҳий шикастланиш, баъзан ҳар хил касалликлар (сил, ревматизм ва б.), камдан-кам ҳолларда бошдан кечирилган касалликлар оқибатида келиб чиқади. Г.да бемор тез чарчайди, пульси тезлашади, қўли қалтирайди, қаттиқ терлайди, асосий моддалар алмашинуви тезлашади, озиб кетади (яна қ. *Тиреотоксикоз*).

ГИПЕРТОВУШ — частота ω си 10^9—10^{13} Гц гача бўлган эластик тўлқинлар спектрининг юқори частотали қисми. Г. бўйлама тўлқин бўлиб, физик табиатига кўра *ультратовуш* ($\omega \approx 2 \cdot 10^4$—$10^9$ Гц)дан фарқ қилмайди, лекин Г. частотаси нисбатан катта бўлгани учун у муҳитдаги *зарра* ва *квазизарралар* б-н нисбатан кучли таъсирлашади. Г.ни кўпинча квазизарралар — *фонон*лар оқими деб қаралади.

Г.нинг частота соҳаси электромагнит тўлқинларнинг дециметр, сантиметр ва миллиметр оралиғига, яъни ўта юқори частотаси (ЎЮЧ)га тўғри келади. Шу сабабли унинг тўлқин узунлиги қисқа ($\leq 10^{-7}$ м) бўлганлиги учун ҳавода (унча катта бўлмаган босимдаги газда) тарқалмайди, суюқликларда эса ютилиш кучли бўлгани учун тарқалиш масофаси кичик. Қаттиқ жисмларда, нуқсонсиз кристаллар — монокристалларда, паст т-раларда Г. нисбатан яхши тарқалади. Мас., кварц монокристаллининг ўқи бўйлаб ҳона т-расида Г. тарқалганда унинг тебраниш амплитудаси 1 см масофада 2 мартага камаяди.

Г.— жисм ёки модда атом (ион) ёки молекулаларининг тебранма ҳаракати туфайли, яъни табиий иссиқлик

ҳаракати ва сунъий уйғотилгандаги ҳаракати туфайли вужудга келиши мумкин. Частотаси 10^9—10^{13} Гц бўлган ва иссиқлик ҳаракати туфайли вужудга келган тўлқинлар иссиқлик Г.и ёки иссиқлик фононлари деб аталади. Бу тўлқинлар, яъни Г. оптик бир жинсли муҳитларда ёруғликнинг сочилишига ва унинг частотаси ўзгаришига (Мендельштам — Бриллюэн сочилиши), қаттиқ жисмларда эса 10^{12}—10^{13} Гц частотали Г. рентген нурларининг диффузион сочилишига олиб келади.

Г.нинг суюқликларда тарқалиш тезлиги унинг частотасига боғлиқлиги, (Г. дисперсияси), қатор суюқликларда ютилиш коэффициентининг нисбатан кичиклиги (аномал ҳолат) аниқланган. Г.ни ҳосил қилиш учун кўпинча пластина шаклидаги резонанс пьезоэлектрик ўзгартиргичлар ишлатилади. Г.нинг тўлқин узунлиги қисқа бўлгани учун пластина қалинлиги жуда кичик бўлиши керак, бунинг учун пьезоэлектрик модда (мас., CdS, ZnS, ZnO ва б.) плёнкалари товуш ўтказгичларга вакуумда пуркалиб ҳосил қилинади. Шу жумладан, пьезоэлектрик кристалл ЎЮЧ ли электр майдони таъсирида пьезоэлектрик деформацияланиши натижасида Г. ҳосил қилинади. Деформация частотаси Г. частотасига мос бўлади. Г. ЎЮЧ магнит майдонида кристалларда магнитострикция ҳодисаси асосида ҳам ҳосил қилинади. Юқорида қайд қилинган усулларнинг ф.и.к. жуда кичик (бир неча %). Шунинг учун Г.ни ҳосил қилиш учун лазерлар, ўта ўтказгич асосидаги нурлатгичлар қўлланилади. Г.нинг хусусиятлари уни модда хоссаларини, айниқса, қаттиқ жисмлар физикасини ўрганишда қўллашга, шу жумладан акустоэлектроника ва акустооптика қурилмаларини яратишга имкон беради.

ГИПЕРТОНИК ЭРИТМАЛАР — осмотик босими одам, ҳайвон ва ўсимлик ҳужайралари ичидаги суюқликнинг осмотик босимидан юқори эритмалар. Г. э. микробга қарши таъсир этганда тўқималар, жумладан, айрим ҳужайралар (микроблар) сувини йўқотиб, бужмайиб қолади (қ. *Плазмолиз*) ва уларнинг ҳаёт фаолияти кескин пасаяди. Г. э. *гипотоник эритмалар ва изотоник эритмалар* б-н бирга тирик тўқима ва ҳужайралардаги осмотик босимни ўлчаш учун қўлланилади. Гўшт, балиқ ва сабзавот маҳсулотлари тузланганда ош тузи Г. э.и консерваловчи таъсир кўрсатади. Яллиғланиш жараёнларини тузатишда ҳам Г. э.дан фойдаланилади.

ГИПЕРТОНИЯ (*гипер...* ва юн. tonos — таранглик) — аъзо ва тўқималар тонуси (таранглиги)нинг ортиши. Майда артериялар тонусининг ортиши натижасида қон босимининг кўтарилиши Г. деб аталади. *Гипертония касаллиги, нефрит* ва б.нинг асосий белгиси.

ГИПЕРТОНИЯ КАСАЛЛИГИ, бирламчи (эссенциал) артериал гипертония, идиопатик артериал гипертония — одамларда кўп учрайдиган (75% гача) артериал қон босимининг ошиши. Сабаблари: турли ўткир ёки сурункали руҳий (эмоционал) изтироблар, ирсий ёки касбий омиллар, овқатланиш тартибига риоя қилмаслик ва б.

Г.к. клиник кечишига қараб икки хил бўлади: 1) сокин, узоқ муддат давом этадиган ва 2) шиддатли, тез ривожланадиган ва қисқа вақт ичида бош мия, буйрак етишмовчилиги ҳамда кўришнинг кескин пасайишига олиб келадиган шакл.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 1978 й.да қабул қилинган Г.к.нинг таснифи қуйидаги босқичлардан иборат:

I босқич қон босими ошишининг кўрсаткичи 140/90 мм симоб устунидан юқори бўлиб (мас., 150—180/90—105) марказий нерв системаси, юракқомир ва буйрак системасининг зарарланиши белгиларисиз кечади, узоқ муддат давом этмайди ва бемор изтиробдан қутилгандан сўнг ҳамда қон босимини туширувчи дорилар ичилгандан ва организмга маълум муддат дам берилгандан кейин унинг аҳволи яхшиланади ва артериал босим кўрсаткичлари тез орада мўътадиллашади.

II босқичда артериал босимнинг систолик кўрсаткичи 160—179 мм симоб устунига, диастолик кўрсаткич эса 100—109 мм симоб устунига тенг бўлиши ва ундан ҳам юқорига кўтарилиши мумкин. Бу босқичда патологик ўзгариш асосан юракнинг чап қоринчаси гипертрофияси б-н белгиланади, шунингдек, тўр парда томирларининг ёйилган ёки фокал торайиши, микроальбуминурия, яъни сийдикда оқсил моддаси ва қон плазмасида кератинин концентрациясининг қисман ошиши (1,2—2,0 мг/дл) кузатилади. Ультратовуш текшируви да, аортада, ёнбош ва сон артерияларида ўтказилган) орқали атеросклеротик ўзгаришлар (пилакчалар)ни аниқлаш мумкин. Клиник шикоятлари тез-тез бош огриши, бош айланиши (гипертоник кризлар), юрак соҳасида огриқ, нохушликлардан иборат.

III босқичда беморларда қон босими кўрсаткичлари янада юқори (систолик 180—209 мм, диастолик эса 110—119 мм симоб устунига тенг ва ундан ҳам юқори) ва доимий бўлади. Бу босқичнинг клиник манзараси ранг-баранг бўлиб, нафақат юрак-томир системасида (*стенокардия, миокард инфаркти*), балки бош мия қон томирларида ҳам патологик ўзгаришлар (геморрагик *инсулт*, энцефалопатия), буйрак етишмовчилиги (нефроангиосклероз) ҳамда кўз тўр пардасига қон қуйилиши кузатилади. Бундай огир асоратлар содир бўлган пайтларда қон босими кўрсаткичлари пасайиши, ҳатто нормаллашиши ҳам мумкин.

Г.к.га тўғри ташхис қўйиш беморда иккиламчи артериал гипертензия сабабларини бартараф этишга боғлиқ. Г.к.ни даволаш мураккаб ва узоқ давом этадиган жараён бўлиб, бемордан врач кўрсатмаларини қатъий бажаришни талаб этади. Аввало бемор ўзининг ҳаёт фаолияти, овқатланиш, ишлаш ва дам олиш режимларини ўзгартириши, мас., спиртли ичимлик ичиш ва чекишдан воз кечиши, шўр, ёғлиқ овқатларни кам истеъмол қилиши, семиришга йўл қўймаслиги, кам суюқлик ичиши, енгил жисмоний машқлар қилиши: бир оз юриши, секин югуриши (пульс ўлчаб турилади), чанғида юриши, велотренажордан фойдаланиши, дам олиш кунларини унумли ўтказиши (шаҳардан четга чиқиш, тоза ҳаводан нафас олиш, тиниқиб ухлаш), аутотренинг б-н шуғулланиш, турли асабий-руҳий ҳис-ҳаяжонлардан узоқроқ бўлишга ҳаракат қилиши керак. Шунингдек, психотерапия, гипербарик оксигенация, электруйқу, акупунктура ва массаж усулларидан фойдаланиш лозим.

Дори-дармонлар б-н даволаниш оилавий врач ёки кардиологнинг кўрсатмаси асосида олиб борилади. Ҳоз. қон босимини туширадиган препаратларнинг турлари ва сон-саноғи жуда кўп. Даволовчи врач Г.к.нинг босқичини ҳисобга олиб, бир ёки бир неча гипотензив препаратларни бемор мизожини эътиборга олган ҳолда маълум муддатга тавсия этади ва даво натижасини мунтазам назорат қилиб боради.

Эркин Қосимов.

ГИПЕРТРИХОЗ (*гипер...* ва юн. thrichos— соч), баданнинг ортиқча жун босиши, сертуклик — эндокрин безлар функциясининг бузилиши натижасида баданни қалин тук (жун) қоплаши ёки мутлақо тук бўлмайдиган жойлардан тук чиқиши. Туғма ва орттирилган Г. бўлади, боланинг кафти, товони, оёқ-қўл бармоқларининг ички томонидан ташқари, баданнинг ҳамма қисми майин, узун, нозик тук б-н қопланади. Туклар бир жойда (маҳаллий, мас., юзда) ёки баданнинг ҳамма қисмида (тарқоқ) учраши мумкин. Ички секреция безлари фаолиятининг бузилиши, шунингдек, иссиқ, механик ва кимёвий таъсиротлар натижасида баданнинг маълум бир жойида туклар кўп ўсади. Бутун баданнинг сертуклиги, табиатан киши конституциясига (мас., жанубдаги баъзи халқлар сертук бўлиши) ҳам боғлиқ. Устки лаб, лунжлар, баъзан энгак ва бўйинда дағал тук (соқол-мўйлов) ўсиши мумкин (қ. *Гирсутизм*); баъзан балоғатга етиш ёки климактерия даврида ҳам кузатилади. Г. яққол намоён бўлиб, киши ҳуснини бузса, косметолог-шифокорга кўриниш, агар унга бирор касаллик сабаб бўлса, вақтида даволатиш зарур.

ГИПЕРТРОФИЯ (*гипер...* ва юн. trophe — озиқланиш) — аъзонинг тўқима элементлари (ҳужайралар, мускул толалари) ўсиши оқибатида шу аъзо ёки унинг бирор қисмининг катталашиб кетиши. Г.га асосан аъзонинг зўр бериб ишлаши сабаб бўлади. Чин ва сохта, физиологик ва патологик Г. фарқ қилинади. Чин Г. аъзо паренхимаси ҳисобига рўй берса, сохта Г. аъзода оралиқ ва ёғ тўқима вужудга келишига боғлиқ. Сохта Г.да аъзо функцияси кучаймай, балки сусаяди. Мас., жисмоний иш б-н шуғулланувчи соғлом кишиларда, шунингдек, спортчиларда доимий зўриқиш таъсирида скелет ва юрак мускуллари катталашиб кетади (физиологик Г.). Баъзи патологик Г. (касаллик оқибатида келиб чиқадиган Г.) ҳам юқоридагига ўхшаш рўй беради. Юрак-томир системаси (*юрак пороклари, гипертония касаллиги*) ва баъзи ўпка касалликларида патологик Г. кузатилади. Жуфт аъзолар (мас., буйрак) нинг биттаси олиб ташланса иккинчиси катталашиб, унинг вазифасини бажара бошлайди, яъни Г. бошланади (қоплама Г.). Нейро-эндокрин бузилишлар ҳам патологик Г.га сабаб бўлади (қ. *Акромегалия, Гирсутизм*).

ГИПЕРФУНКЦИЯ (*гипер...* ва *функция*) — организм системалари ёки бирор аъзо, тўқима фаолиятининг кучайиши. Г. физиологик таъсирловчининг таъсирига жавоб реакцияси, мас., спортчиларда юрак мускуллари қисқаришлари кучининг ортиши ёки патологик бирор касаллик туфайли (мас., қалқонсимон без Г.сида тироксин гормони кўп ажралади — *гипертиреоз* кузатилади) рўй бериши мумкин (яна қ. *Гипофункция*).

ГИПЕР-ЯДРО — таркибига нуклонлардан ташқари *гиперон* ҳам кирадиган атом ядроси. Ядроларнинг секин ҳаракат қилаётган К-мезонларни тутиши, юқори энергияли зарраларнинг ядро нуклонлари б-н ўзаро таъсири натижасида Г.-я. вужудга келади. Натижада секин ҳаракат қилувчи лямбда Λ^0-гиперон ҳосил бўлади, бу гиперон ўз навбатида ядро б-н боғланган системани пайдо қилади. Г.-я. яшаш вақти Λ^0- гипероннинг яшаш вақти б-н аниқланади ($\simeq 10^{-10}$ с). Биринчи Г.-я.ни 1952 й.да поляк физиклари М. Даниш ва Е. Пневскийлар топган. Барча маълум Г.-я.лар лямбда Г.-я.лар ҳисобланади, яъни Λ^0-гиперонли ядролардан иборат.

ГИПНОПЕДИЯ (юн. hypnos — уйқу, paideia — ўқитиш) — табиий туш кўриш вақтида овоз воситасида ахборот узатиш йўли б-н ўқитиш. Г.нинг самарадорлиги баҳсталаб. Ундан чекланган доирадаги ўқув материалларини ўзлаштириш учунгина фойдаланиш мумкин. Шу сабабли Г. анъанавий педагогик жараён ўрнини боса олмайди.

ГИПО... (юн. hypo — остида, тагида) — қўшма сўз таркибий қисми, ўзи қўшилиб келган сўзга: 1) қуйида эканлик (мас., *гиподерма*); 2) меъёрга нисбатан пасайганлик (мас., гипотония) маънолари ифодасини беради.

ГИПОБРОМИТЛАР — бромнинг кислородли бирикмалари, гипобромит кислота HBrO тузлари — MeBrO лар (бу ерда Me металлар). Гипобромит кислота ва унинг тузлари беқарор моддалардир. Г. кимёда оксидловчи сифатида ишлатилади.

ГИПОВИТАМИНОЗ (*гипо...* ва *витаминлар*) — организмда витаминлар етишмаслиги сабабли келиб чиқадиган касаллик ҳолати (қ. *Авитаминоз*).

ГИПОГАЛАКТИЯ (*гипо...* ва юн. galaktos — сут) — бола эмизиш даврида сут камайиб қолиш ҳолати (қ. *Агалактия*).

ГИПОГЕН КОНЛАР, магматоген конлар, эндоген конлар — Ер пўстининг чуқур қисмларида магматик қоришмалар ёки иссиқ сувли эритмалардан юқори т-ра ва босим шароитида ҳосил бўлган фойдали қазилма конлари. Г. к. 5 асосий генетик гуруҳ: магматик, пегматитли, карбонатитли, скарнли ва гидротермал конларга ажралади.

Магматик конлар фойдали элементлар (хром, титан, платина, мис, никель ва б.)га бой қоришмаларнинг совишидан ҳосил бўлади. Пегматитли конлар совиётган магмадан ажралиб чиққан қолдиқ маҳсулотлар. Карбонатли конлар кальций, магний ва темир карбонатларининг тўпланишидан ҳосил бўлади. Булар б-н темир, мис, ниобий рудалари, апатит ва флагопит конлари боғлиқ. Скарнли конлар магматик тог жинсларининг қизиган туташ зоналарига иссиқ буғларнинг таъсир этишидан таркиб топади (темир, мис, вольфрам, кўрғошин, рух, бор ва б.). Гидротермал конлар Ернинг чуқур жойларида ҳаракатланадиган қайноқ сувли эритмалардан чўккан рудалардан (рангли, нодир, радиоактив ва б. рудалари) иборат.

ГИПОГЕН МИНЕРАЛЛАР — (*гипо...* ва юн. genes — келиб чиқиши) — Ер пўстининг чуқур қисмида минерал ҳосил бўлиш жараёнлари натижасида вужудга келадиган минераллар. Г. м.га силикатли ва сульфид оксидли магманинг кристалланишидан ҳосил бўлган минераллар (дала шпатлари, пироксенлар, оливин, хромит, титаномагнетит ва б.), газсимон бирикмаларга бой қолдиқ (пегматит) эритма минераллари (слюдалар, топаз, берилл ва б.), контакт-метасоматик минераллар (гранатлар, везувианлар, магнетит, шеелит ва б.), гидротермал руда томирлари минераллари (флюорит, вольфрамит, касситерит ва б.) ва вулкан буғлари минераллари (олтингугурт ва б.) киради. Г. м. пайдо бўлиш жараёни гипоген жараёнлар дейилади. Г. м.нинг кўплари Ернинг юза қисмида барқарор эмас ва нураш натижасида *гипоген минералларга* айланади. Г. м. турини аниқлаш улар б-н боғлиқ бўлган фойдали қазилмаларни қидириб топишга имкон беради.

ГИПОГЕНИТАЛИЗМ (*гипо...* ва лот. genitalis — жинсий) — жинсий безлар (мояк, тухумдон) б-н ички ва ташқи жинсий аъзоларнинг етилмай қолиши, *иккиламчи жинсий белгилар*нинг аниқ сезилмаслиги. Жинсий тизимнинг туғма нуқсонлари, ўткир ва сурункали юқумли касалликлар Г.га сабаб бўлади. Г.ни даволашда гормонлардан ташқари, касалликнинг асосий сабабчиси бартараф этилади.

ГИПОГЛИКЕМИЯ (*гипо...* юн. glykys — ширин ва haima — қон) — қонда

қанднинг норма (70 мг %) дан камайиши. Соғлом кишилар углеводлар кўп қабул қилганида, зўр бериб жисмоний иш б-н шуғулланганида, шунингдек аёлларда *лактация* даврида Г. рўй бериши мумкин. Меъда ости бези, жигар, буйрак касалликлари ва б. ҳам Г.га олиб келади. Беморга *инсулин* ортиқча берилганда гипогликемик *шок* кузатилади, бундай ҳолат рўй берганда венага глюкоза юборилади. Қонда қанд миқдорининг 40 мг% дан камайиб кетиши кўпгина нохушликларга; ҳушдан кетиш, тиришиш, ҳатто ўлимга олиб келиши мумкин. Г.га сабаб бўлган асосий касаллик аниқланиб, уни даволаш тадбирлари кўрилади.

ГИПОГОНАДИЗМ (*гипо...* ва *гонадалар*), гипогенитализм — жинсий гормонлар етишмаслиги оқибатида келиб чиқадиган ва жинсий аъзолар ҳамда иккиламчи жинсий белгиларнинг етарли даражада ривожланмаслиги б-н ифодаланадиган касаллик ҳолати. Бирламчи ва иккиламчи Г. фарқ қилинади. Бирламчи Г. касаллик оқибатида жинсий безларнинг бевосита шикастланиши (жинсий дифференцияланишнинг туғма нуқсонлари, жароҳатланишлар, нурланиш ва б.) натижасида келиб чиқади. Иккиламчи Г. гипоталамус-гипофиз системаси касалликлари (мас., ўсмалар) натижасида *гонадотроп гормонлар* ёки рилизинг-омиллар секрецияси камайиб кетиши ёки тўхташи оқибатида рўй беради.

ГИПОДЕРМА (*гипо...* ва юн. derma — тери) — 1) умуртқасиз ҳайвонларда йирик эпителиал ҳужайралардан ташкил топган тана деворининг бир қисми. Тўғарак чувалчанглар Г.си ташқи кутикула б-н ички мускул қаватлари оралиғида жойлашган. Бўғимоёқлиларда Г. бир қават тери эпидермисидан иборат бўлиб, тана сиртида хитин кутикула ҳосил қилади. Ўргимчаксимонларнинг заҳар, тўр ва ҳидли суюқлик ишлаб чиқарадиган безлари ҳам Г.дан ҳосил бўлган; 2) кўпчилик юксак ўсимликлар органларининг қопловчи тўқималари остида жойлашган ҳужайраларнинг бир ёки бир неча қавати. Ўсимликлар Г.сида сув йиғилиб туради; баъзи ўсимликлар Г.си таянч ва ҳимоя функциясини бажаради.

ГИПОДЕРМАТОЗЛАР, ўқара — ҳайвонлар, асосан қорамолларда, қисман отларда учрайдиган сурункали инвазион касаллик. Оддий тери ости (орқа мия) бўқалари (Hypoderma bovis) ва жануб тери ости бўқалари (қизилўнгач сўнаси) (Hypoderma lineatum) личинкалари қўзғатади. Паразитлар жойлашган орган ва тўқималарнинг яллиғланиши, организмнинг умумий заҳарланиши, ҳайвонлар маҳсулдорлигининг пасайиши б-н кечади. Вояга етган бўқалар арига ўхшайди, йил давомида бир марта авлод беради. Ургочилари ҳайвонларнинг териси (жуни ости)га 800 тача тухум қўяди. 3—5 кунда тухумлардан чиққан личинкалар тери орқали ҳайвон организмига кириб, асосан орқа белда тўпланади. Орадан 2—3 ой ўтгач, орқа мия каналига (H. bovis) ва қизилўнгачнинг чуқур қатламига (H. lineatum) етиб боради. Етилган личинкалар терида ҳосил қилган оқма тешиклари орқали ерга тушади, 2—3 кун ўтгач, гумбакка айланади.

Белгилари: зарарланган ҳайвонларнинг териси остида қаттиқ, оқмаси бўлган шишлар пайдо бўлади (150 тагача). Даволаш ва олдини олиш: кузда, бўқалар учиши тўхталиқ б-н икки марта неоцидол, эктомин, эктофор, дикосафос каби инсектоакарицидлар б-н чўмилтирилади ёки артилади, баҳорда худди шу препаратлар эритмалари б-н ёки хлорофоснинг 4% сувли эритмаси б-н ишлов берилади. Бўқаларнинг жадал учиши даврида ҳайвонларни далада тунда боқиш, кундузи қоронғи молхоналарда сақлаш тавсия этилади, ҳар 25—30 кунда инсектицидларнинг сувдаги эритмалари б-н ҳайвонларни артиш (чўмилтириш) лозим.

Ҳошим Нурматов.

ГИПОИДЛИ УЗАТМА — винтли тишли узатма; айқаш ўқли конуссимон тишли ғилдиракдан иборат. Ғилдираклар тишлари қийшиқ ва эгри чизиқли бўлиши мумкин. Шовқинсиз ишлаши, катта зўриқишларга чидамлилиги б-н бошқа узатмалардан фарқ қилади. Иш вақтида тишларда кўндаланг ва бўйлама ишқаланиш пайдо бўлади, шунинг учун тишлар доимо мойлаб турилади. Автомобиль ва трактор-лар, тепловозлар, тўқимачилик станокларида б.да қўлланилади.

ГИПОКАПНИЯ (*гипо...* ва юн. karnos — тутун) — қонда карбонат ангидрид (CO_2)нинг камайиши. Соф кислороддан ёки CO_2 камайган ҳаводан ҳамда атмосфера босими паст шароитда нафас олганда, ҳаллослаганда, шунингдек, сунъий нафас олдирилганда кузатилади. Қонда кислород етишмаслиги каротид синус хеморецепторларини таъсирлаб, нафас олишни тезлатади, натижада CO_2 альвеоляр ҳаводан ва қондан чиқиб кетади.

ГИПОКОТИЛ (*гипо...* ва юн. kotyle — уйиқ) — ўсимлик поясининг илдиз бўйнидан то *уруғпалла* ўрнашган жойгача бўлган қисми.

ГИПОКСЕМИЯ (*гипо...* ва лот. oxygenium — кислород), аноксемия — қонда кислород миқдорининг кам бўлиши. Келтириб чиқарган сабабларига кўра артериал, веноз ва б. турлари фарқ қилинади. Г. оқибатида *гипоксия* рўй беради.

ГИПОКСИЯ (*гипо...* ва лот. oxygenium — кислород), аноксия, кислород танқислиги — организмда ёки айрим аъзо ва тўқималарда кислород етишмаслиги ёки қабул қилинишининг бузилишидан келиб чиқадиган касаллик ҳолати. Г. нафас олинаётган ҳавода кислород етишмаганида (мас., баландликка кўтарилганда), ер остида ишлаганда, нафас йўлларига ёт жисмлар тиқилиб қолганда, *бронхлар спазмида* ва б. ҳолларда рўй бериши мумкин. Г. жуда кўп кузатилади ва турли-туман носоғлом (патологик) жараёнлар асосини ташкил этади. Г. ўткир, бир лаҳза (оний) ҳамда сурункали бўлиши мумкин. Енгил Г.да ҳам худди мастликка ўхшаш кўзғалиш ҳолати, олий нерв фаолияти, юрак ва нафас системасида сезиларли ўзгаришлар содир бўлади. Бирдан рўй берган Г.да бош оғриғи, бош айланиши, кўнгил айниши, юрак ва нафас фаолиятининг издан чиқиши кузатилади. Ҳатто қисқа муддат бош миянинг кислород б-н таъминланмаслиги оғир оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин. Ўткир Г. кўп қон йўқотилганда, *миокард инфарктида* ва б. оғир ҳолатларда, шунингдек, қоннинг тўқималарга кислород ташиш хусусияти бузилишига олиб келувчи ис гази б-н заҳарланганда рўй беради. Сурункали Г. юрак фаолиятининг заифлашиши ва тўқималарнинг қон б-н таъминланмаслигига сабаб бўладиган *юрак пороклари, кардиосклероз* касаллигида пайдо бўлиши мумкин. Баъзи витаминлар етишмаслиги ҳам Г.га сабаб бўла олади. Г.нинг олдини олиш учун унга чидамлиликни оширадиган махсус машғулотлар олиб борилади. Даво асосан Г.га сабаб бўлган омилларни бартараф этишдан иборат.

ГИПОМОРФОЗ (*гипо...* ва юн. morphe — шакл, кўриниш) — организмлар тузилишининг ривожланмасдан иккиламчи соддалашуви; биологик прогрессснинг асосий йўналишларидан бири. Г. кўпинча тур аждодлари индивидуал ривожланишидаги сўнгги давр-ларнинг тушиб қолишида намоён бўлиб, организмнинг бошқа муҳитга

утиши б-н боғлиқ (сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг қуруқликка чиқиши). *Неотения*-айрим думли сувда ва қуруқликда яшовчилар онтогенезининг личинка даврида тўхтаб, жинсий вояга етган организм сингари кўпайиш хусусиятига эга бўлиши Г.га мисол бўла олади. Г. *катаморфоз*нинг хусусий кўринишларидан биридир.

ГИПОПАРАТИРЕОЗ [*гипо...* ва лот. (glandula) parathyreoidea — қалқонсимон без олди бези ва osis — касаллик] — қалқонсимон без олди безлари секретор фаолиятининг етишмовчилиги оқибатида келиб чиқадиган касаллик. Г.га қалқонсимон без олди безларининг туғма етишмовчилиги, қалқонсимон безда операция ўтказилаётганда бехосдан олд безларнинг олиб ташланиши ёки қон қуйилиши сабаб бўлади. Г.да кальций сингиши бузилади, қонда кальций миқдори камаяди, томир тортишиши (тетания, талваса хуружи), асабий ва руҳий бузилишлари рўй беради. Г. яширин ва ҳақиқий бўлади. Яширин хилида беморнинг ташқи кўринишида ўзгариш бўлмайди, фақат оёқ-қўл бир оз музлаши, баданда чумоли юраётгандек туюлиши, *спазм* кузатилиши мумкин. Ҳомиладорлик, ҳайз кўриш, заҳарланиш, механик, термик таъсиротлар, ҳар хил касалликлар яширин Г.нинг ҳақиқий Г.га ўтиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Бемор гормонлар ва витаминлар б-н даволанади.

ГИПОПЛАЗИЯ (*гипо...* ва юн. plasis — шаклланиш, ҳосил бўлиш), гипонезия — эмбрионал ривожланиш бузилгани сабабли тўқима, аъзо, гавданинг бир қисми ва бутун организмнинг ўсмай қолиши, чала етилиши. Турли аъзолардаги Г.нинг аҳамияти ҳар хил. Жуфт аъзолардан бири (мас., буйрак) нормал ривожланган ҳолда иккинчисининг ўсмай қолиши унчалик сезилмайди, чунки нормал ривожланган буйрак гипертрофияланади. Бошқа аъзолар, мас., бош миянинг ўсмай қолиши (микроцефалия) бутун организмга ёмон таъсир этиб, уни кўпинча эрта ҳалок қилади. Ташқи ва ички муҳитнинг турли омиллари (онанинг турли касалликлари, нур энергияси таъсири, шикастланиш, нотўғри овқатланиш), шунингдек, онадан болага ўтадиган юқумли касалликлар (*қизилча, токсоплазмоз,* цитомегалия, *полиомиелит*) Г.га сабаб бўлиши мумкин.

ГИПОСМИЯ (*гипо...* ва юн. osme — ҳид билиш) — ҳид билиш сезгисининг сусайиши. Бундай одам ҳар қандай ёки баъзи ҳидни сезмаслиги мумкин. Бурундан нафас олиш бузилганда, бурун бўшлиғининг шиллиқ қавати ўткир ёки сурункали яллиганганда, ҳид билиш нервининг периферик қисми касалланганда, ҳид билиш маркази зарарланганда (туғма Г.) рўй беради. Бош миянинг пешона бўлагида ёки миячада ўсма пайдо бўлганида, *невроз, психоз* каби касалликларда ҳам баъзан Г. кузатилади. У бир ва икки томонлама, вақтинча ёки айрим ҳолларга нисбатан бўлиши мумкин. Даво касалликни келтириб чиқарган асосий сабабларни бартараф этишга қаратилади.

ГИПОСПАДИЯ (юн. hypospao — пастга тортаман) — туғма норасолик. Сийдик чиқариш канали остининг ёриқ бўлиши, шу соҳанинг қуйи қисмида ҳомила шаклланаётган даврда бузилиш рўй бериши, сийдик чиқариш канали (уретра)нинг такомиллашмай қолиши. Бунда уретранинг ташқи тешиги олат бошига эмас, балки олат тагига, ёрғоққа ёки ораликка очилган бўлади, сийдик ана шу тешикдан чиқади. Бу тешикдан то олат боши оралиғигача бўлган хорда тортмоқлари олатни вергулсимон ёки ўроқсимон шаклда тутиб туради ва бу ҳолат бола ўсган сайин кучаяверади. Г. боланинг 6 ойлик пайтидан бошлаб жарроҳлик йўли б-н бартараф этилади. Акс ҳолда бола жимо (жинсий алоқа)га яроқсиз бўлиб қолади, бепуштликка олиб келади. Операция қанча барвақт қилинса, шунча яхши.

ГИПОСТАЗ (*гипо...* ва юн. stasis — тўхташ, турғунлик) — генларнинг ўзаро таъсири типларидан бири; бир *ген* таъсирини хромосоманинг бошқа қисмида ёки бошқа хромосомаларда жойлашган, яъни аллел бўлмаган ген ёки генлар томонидан фенотипда сўндирилиши (қ. *Аллеллар*). Таъсири сўндирилган ген гипостатик ген, гипостатик генлар таъсирини сўндирувчи генлар эса эпистатик генлар дейилади (қ. *Эпистаз*). Генетик жиҳатдан ўзаро ўхшаш бўлмаган организмлар чатиштирилганида Г. белгилар нисбатини 2-авлодда ўзгаришига олиб келиши мумкин; бундай ҳолларда ўзгаришнинг хусусияти эпистатик геннинг гипостатик генга нисбатан доминантлиги ёки рецессивлигига боғлиқ. Икки ген доминант бўлганида 2-авлод фенотипида белгиларнинг ажралиши *Мендель қонунлари* бўйича 9:3:3:1 нисбатда эмас, балки 12:3:1 нисбатда содир бўлади. Мас., донининг ранги бўйича доминант қора (А) ва кулранг (В) генларга эга бўлган сули навлари чатиштирилганида А ва В генга эга бўлган авлодларда фақат А ген фенотипда юзага чиқиши мумкин. Бундай ҳолда ажралиш 12 та қора, 3 та кулранг ва 1 та оқ нисбатда содир бўлади. Эпистатик ва гипостатик генлар рецессив бўлганида эса 9:3:4 нисбатда ажралиш рўй беради.

ГИПОСТИЛЬ (юн. hypostylos — устунлар ёрдамида кўтарилган) — усти ёпиқ ҳашаматли хона (ибодатхона ёки саройзали) шифтининг *колонна*лар қатори устига таянтириб жойлаштирилиши. Г. ёки Г.ли заллар Қад. Шарқ меъморлигида (Миср, Эрон) кенг қўлланилган. *Карнак*даги Амон ибодатхонаси (мил. ав. 13-а. охири) Г. залининг эни 103 м, ичкариси 52 м, майдони 5000 м² га яқин бўлган. Томи 16 қаторли ҳар бир қатори 10 та *колонна*га таянган. Марказий *нефида* 6 қаторли, (ҳар бирида 2 тадан) колонналар бўлган. Марказий колонналар бал. 20,4 м, диаметри 3,4 м. *Капители* очилган папирус гулига ўхшаш. Ён томонидаги колонналар бал. 16 м, ғунчасимон капители тош блокларни беркитиб турибди. Ҳар бир колоннага муқаддас Амон ҳудосини улуғловчи тасвирлар ишланган. Майдони кенгдек, шифти эса гўё ҳавода парвоз қилаётгандек туюлади.

ГИПОТАЛАМУС (*гипо...* ва юн. thalamos — хона,) гипоталамик соҳа — миядаги кўрув бўртиғининг остки қисми; унда вегетатив нерв системасининг марказлари жойлашган; *гипофиз* б-н узвий боғланган. Г.да нерв ҳужайраларининг 30 жуфтдан ортиқ тўпламлари — ядролари бор. Шу нерв ҳужайралари вазопрессин ва окситоцин деган ҳамда гипофиздан чиқадиган нейрогормонларни, шунингдек, гипофиз таъсирида гормонларнинг ажралишини кучайтирувчи ёки сусайтирувчи рилизинг-омилларни ҳосил қилади. Улар гипофизга таъсир кўрсатади ва уни турли хил мураккаб гормонлар ажратишга мажбур этади. Г. т.-раниг салгина ўзгаришини, организмдаги қанд, туз, сув, гормонлар ва б. моддалар миқдорининг андак бўлсада, ўзгаришини сезадиган рецепторлар б-н таъминланган. Г. моддалар алмашинувини, юрак-томир, овқат ҳазм қилиш, ажратиш системалари ва ички секреция безлари фаолиятини, уйқу, сергаклик, ҳаяжонланиш механизмларини бошқаради. Нерв ва эндокрин системалар ўртасида алоқа боғлайди.

ГИПОТЕЗА (юн. hypothesis — асос, тахмин) — ҳодисаларнинг қонуний (сабабли) боғланиши тўғрисидаги тахм. мулоҳаза, фараз. Г. илмий билишни ривожлантириш учун асос бўлади. Г.нинг мантиқий жиҳатдан таҳлил қилиш (таққослаш, анализ ва

синтез, мавҳумлаштириш ва умумийлаштириш) асосида бевосита билимга ўтиш, сабабий боғланиш асосида қонуниятларни очиш каби босқичлари бор. Умумий Г. бир гуруҳ ҳодисалар, жараёнлар хусусияти ва сабаби тўғрисидаги, хусусий Г. алоҳида, якка ҳодисалар, жараёнлар сабаби тўғрисидаги тахминдир. Ҳар қандай Г. текширишни талаб қилади. Натижада унинг эҳтимоллиги ортади ёки камаяди, ҳақиқатлиги исботланади ёки рад этилади. Янги фактларни эски назариялар б-н изоҳлаш мумкин бўлмаганда, чекланган микдордаги фактлар ва кузатишларни изоҳлашда Г.га эҳтиёж туғилади. У кейинги билимларга, текширишларга йўл очади, янги назариялар эса яна бошқа Г.ни туғдиради. Г. билиш жараёнининг ажралмас қисми сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.


ГИПОТЕНЗИВ МОДДАЛАР (*гипо...* ва лот. tensio — босим) — артериал қон босимини пасайтирувчи моддалар (мас., октадин, резерпин, дибазол ва б.). *Гипертония касаллиги* ва артериал қон босимининг кўтарилиши б-н кечадиган бошқа касалликларда ишлатилади (яна қ. *Томир кенгайтирувчи дорилар*).

ГИПОТЕНЗИЯ — қон томирлари, ковак аъзолар ёки организм бўшлиқларида гидростатик босимнинг паст бўлиши (яна қ. *Гипотония*).

ГИПОТЕНУЗА — тўғри бурчакли *учбурчак*нинг тўғри бурчаги қаршисидаги томони (расм, *AB*). Учбурчакнинг қолган томони (*a* ва *b*) *катетлар* деб аталади. Тўғри бурчакли учбурчакнинг Г. ва катетлари ўзаро бундай боғланган:

$$c^2=a^2+b^2,$$

бунда: *c* — Г., *a*, *b* — катетлар.



Гипотенуза.

ГИПОТЕРМИЯ (*гипо...* ва юн. therme — иссиқлик) — одам ва иссиқ қонли ҳайвонларда т-ранинг одатдагидан пасайиши; бунга организмда иссиқликнинг ҳосил бўлишидан кўра кўпроқ сарфланиши сабаб бўлади. *Терморегуляция* (иссиқликнинг идора этилиши) бузилганда, мастлик, қон йўқотиш, шок ҳолатларида организмда иссиқлик ҳосил бўлиши б-н унинг ташқарига чиқарилиши ўртасидаги нисбат бузилиб, гавда т-раси пасайиши мумкин. Г. табиий ва сунъий бўлади. Табиий Г. кўпгина ҳайвонларнинг қишки уйқуга мослашиш жараёнидир, бунда гавда т-раси тушиб кетганда ҳам улар бемалол яшай олади. Г. шароитида моддалар алмашинуви, қон айланиши, тўқималарнинг кислородга бўлган эҳтиёжи кескин камаяди. Бу эса тиббиет амалиётида одамнинг ҳам гавда т-расини сунъий тушириш имкониятини беради. Гавда т-расини сунъий тушириш учун вегетатив нерв системасига таъсир этадиган турли дори-дармонлардан фойдаланилади. Сунъий Г.нинг умумий ва маҳаллий хиллари бор. Сунъий Г. *гипертермия*нинг хавфли шаклида, калла суяги — мия шикастланишлари, меъда ва ўн икки бармоқ ичак ярасининг қонайдиган хилларини даволашда қўлланилади. Ундан жарроҳлик, айниқса юракни операция қилишда кенг фойдаланилади, натижада қон айланиши қисман ёки тўла тўхтатиб қўйилади, натижада аъзо ва тўқималарда кислород танқислиги хавфи йўқолади.


ГИПОТИРЕОЗ [*гипо...* ва лот. (glandula) thyreoidea — қалқонсимон без] — қалқонсимон без фаолиятининг кескин сусайиши, унинг старли ишламаслиги. *Микседема*нинг енгилроқ шакли. Асосий белгилари: толиқиш, жисмоний ва руҳий заифлик, уйқучанлик, хотира сусайиши, юз кепчиши, қовоқлар шишиши, тери қуруқшаши, соч тўкилиши, қабзият, асосий моддалар алмашинувининг бузилиши ва б. Бемор гормонлар б-н даволанади.

ГИПОТОНИК ЭРИТМАЛАР — биол. да осмотик босими ўсимлик ва ҳайвонлар тўқималари ҳужайраларидагига нисбатан паст бўлган ҳар хил эритмалар. Г. э.да ҳужайралар сувни сўриб олиб, ҳажми ошади ва осмотик фаол органик ва минерал моддаларнинг бир қисмини йўқотади. Одам ва ҳайвонлар қонидаги эритроцитлар Г. э.да жуда шишиб кетиши туфайли ҳужайра қобиғи ёрилиб, емирилади. Бу ҳодиса гемолиз дейилади. Яна қ. *Гипертоник эритмалар ва Изотоник эритмалар*.

ГИПОТОНИЯ (*гипо...* ва юн. tonos — таранглик) — тўқима, аъзо ва системаларнинг бўшашуви, яъни тонуси (таранглиги)нинг пасайиши. Юрак-томир системасининг тонуси пасайганда қон босими паст бўлади. Г. кўпинча қон босимининг пасайганлигини ифодалайди (90/60 мм симоб устунидан паст). Қон босимининг маромли (нормадагиси) ёшга, географик минтақага қараб бир оз фарқ қилиши мумкин (тропик ва субтропик мамлакатларда яшайдиган кишиларнинг қон босими шим. ҳудудлардагиларга нисбатан пастроқ бўлади). Спорт (айниқса оғир атлетика) б-н мунтазам шуғулланадиган йигит-қизларда, оғир жисмоний иш қиладиган кишиларда, балет артистларида Г. йиллаб, баъзан эса умрбод давом этиши мумкин. Бундай кишилар ўзларини яхши сезадилар ва бемалол ишлайверадилар. Буфизиологик Г. бўлиб, дори-дармоннинг ҳожати йўқ. Патологик Г. эса турли инфекцион касалликлар, заҳарланиш, оч юриш ёки елчитиб овқатланмаслик, шунингдек, эндокрин безлар касаллиги натижасида юзага келади. Г. кўпгина касалликларнинг бошланиш белгиларидан бўлиши еки вегетатив нерв системаси фаолиятининг издан чиқиши сабабли мустақил касаллик сифатида авж олиши мумкин. Г.да бош оғриги, мадорсизланиш, уйқу бузилиши, жиззакилик, қон босимининг бирдай паст туриши ва б. кузатилади. Г. одатда, сурункали кечиб, вақт-вақти б-н, айниқса қиш баҳорда, шунингдек, руҳий ҳаяжон ёки ноқулай ташқи омиллар (об-ҳаво кескин ўзгарганда) таъсирида қайталаниб туради. Г.нинг олдини олиш учун меҳнат ва дам олишни тўғри уюштириш, дам олиш кунлари яхши ҳордиқ чиқариш, бадан тарбия б-н шуғулланиш, эрталаб аччиқ чой ёки қаҳва ичиш, бекаму кўст овқатланиш керак. Г. белгилари пайдо бўлганда врачга мурожаат қилиб, даволаниш лозим. Даво асосан касалликка сабаб бўлган омилларни бартараф этишдан иборат. Қон босимини кўтарадиган ва қувватга киргизадиган дорилар, шунингдек, санаторий ва курортларда даволаниш тавсия этилади.

ГИПОТРОФИЯ (*гипо...* ва юн. trophe — овқат, озиқ) — болалар овқатланишининг сурункасига бузилиши натижасида уларнинг аста-секин озиб кетиши. Г. асосан ёш болалар (гўдаклар)да учрайди, онанинг турли касалликлари оқибатида ҳомилада ҳам пайдо бўлиши мумкин. Она сути кам бўлиб, боланинг оч қолиши, нотўғри эмизиш, кам ва бир хил овқатлар, шунингдек, анчагача сут аралашмалари б-н овқатлантириш, болани нотўғри парвариш қилиш, чала туғилиш, тоза ҳавода кам бўлиш, меъда-ичак йўлининг ирсий ёки орттирилган касалликлари, бот-бот шамоллаш Г.га сабаб бўлади. Бола организмига етарли овқат тушмаслиги бокс у ўзининг захира оқсиллари, ёғлари, углеводлари ва б.ни сарфлай бошлайди, натижада организм жуда очиқиб, ҳолсизланиб қолади. Суяк системасининг шаклланиши, моллалар алмашинуви, турли аъзолар ва нерв системасининг функцияси бузилади, бола организмининг турли касалликларга қаршилиги сусаяди. Гда боланинг вазни камаяди, усиши ва ривожланиши секинлашади, териси буришиб оқаради, юмшайди, қуруқ бўлиб қолади, дардга тез чалинади. Г.ни фақат врач даволайди. Болани иложи борича кўкрак сути б-н боқиш ва у эмган сут миқдорини назорат қилиб бориш, бола боқиш тартибларига амал қилиш ва ўз вақтида қўшимча овқатлар бериш, иложи борича болани очиқ ҳаводан баҳраманд этиш, касалликларни ўз вақтида даволатиш зарур.

ГИПОФИЗ (юн. hypophysis — ўсиқ), бош миянинг пастки ортиги — одам ва умуртқали ҳайвонлар *ички секреция* безларидан бири; у калла суяги асосидаги турк эгарида жойлашган бўлиб, гипофизар оёқча деб аталган махсус тузилма орқали бош мия б-н бириккан. Моддалар алмашинуви, шунингдек, бошқа ички секреция безлари фаолиятини бошқарадиган бир қанча пептид гормонлар ишлаб чиқаради. Вазни 0,5—0,6 г. Г.нинг олдинги, ўрта ва орқа бўлаги бор. Олдинги бўлак бутун безнинг 70% ни ташкил этади, у қон томирлари жуда кўп бўлган зич безсимон тўқимадан иборат. Бу бўлак бошқа безларга қараганда гормонлар ҳосил қилиш жиҳатидан энг фаол ҳисобланади. У 7 хил гормон ажратади; булар орасида организмни ўстирадиган гормон бор, у тўқималарда юз берадиган биокимёвий жараёнларга бевосита таъсир кўрсатади; Г.нинг бошқа гормонлари ички секрециянинг бошқа безлари орқали таъсир этади. Шу боис улар тропгормонлар (юн. тропос — йўналиш) деб номланади. Буларга буйрак ости безлари пўстлоғининг фаолиятини стимулловчи адренокортикотроп; қалқонсимон без фаолиятига таъсир қилувчи тиреотроп; жинсий безларга таъсир қилувчи гонадотроп; сут безлари функциясини стимулловчи пролактин ва б. киради.



Гипофиз архитектоникаси: *1*—туберал қисми; *2*—гипофиз оёқчаси; *3*—орқа бўлаги; *4*—гипофиз ёриғи; *5*—олдинги бўлаги (трабекулалар).

Ўрта бўлак тўқималарда меланин пигментининг ҳосил бўлиши ва тақсимланишини, кўзнинг тўр пардасида эса кўрув пурпурини тартибга солиб турадиган гормон ишлаб чиқаради. Орқа бўлак анча кичик ва мия гипофизар оёқчасининг гўё давоми ҳисобланади. Унда безсимон тўқима бўлмайди ва тузилишига кўра нерв тўқимасига жуда ўхшаб кетади. Шу сабабли у нейрогипофиз деб аталади; бу бўлак гормонлар ажратмайди; у гормонларнинг ўзига хос йиғиладиган жойидир; буерда вазопрессин ва окситоцин гормонлари тўпланиб боради, булар *гипоталамус* ядроларида ҳосил бўлиб, у ердан Г.нинг орқа бўлагига тушади. Г. гормонлари оқсилдан ташкил топган, уларнинг кимёвий тузилиши аниқланган ва кўпчилиги синтез қилинган. Улар эндокрин ва б. касалликларни даволашда қўлланилади. Моддалар алмашинуви, гормонал регуляция ва ўсишни назорат қилишда Г.нинг аҳамияти муҳим (қ. *Акромегалия, Гигантизм, Паканалик*).

Абдураҳимон Мамадалиев.

ГИПОФИЗАР КАХЕКСИЯ (Cachexia hypophysialis), Симмондс касаллиги — *гипоталамус* ядролари шикастланганда ва *гипофиз*нинг олдинги бўлагида тропгормонлар ишлаб чиқарилиши камайганда ёки бутунлай бўлмаганда келиб чиқадиган касаллик; гипоталамус марказларининг функционал бузилиши; *гипотиреоз*, гипокортицизм, *гипогонадизм* б-н ифодаланади. Асосан жинсий безлар ва қалқонсимон без ҳамда буйрак усти бези пўст қавати фаолиятининг етишмаслик белгилари намоён бўлади. Бемор тез орада чўп-устихон бўлиб озиб, ташқи жинсий белгилари йўқолиб, соч-киприклари, ҳатто тишлари ҳам тушиб кетади, умуман моддалар алмашинуви издан чиқади ва *кахексия* белгилари кўзга ташланади. Оғирроқ кечганида гипофизар *кома* кузатилади. Даво касаллик белгиларига қараб тайинланади. Олдини олиш учун юқумли касалликларни ўз вақтида даволатиш, туғруқ чоғида қон кетганда унинг ўрнини тўлдириш чораларини кўриш зарур.

ГИПОФУНКЦИЯ (*гипо...* ва *функция*) — организм тўқималари, аъзолари ва физиологик системалар фаолиятининг сусайиши; шу аъзолар ҳаёт фаолиятининг издан чиқишига олиб келади (мас., гипофиз гормонининг кам ажралиши *паканалик*ка сабаб бўлади).

ГИПОХЛОРИТЛАР — гипохлорит кислота HClO нинг тузлари. Булар орасида кальций гипохлорит $Ca(ClO)_2$ муҳим аҳамиятга эга. Тўқимачилик, целлюлоза ва б. саноат тармоқларида оқартувчи моддалар сифатида қўлланилади, барқарор заҳарли моддаларни йўқотиш, кир ўралар ва ташландиқларни дезинфекция қилиш ва б. мақсадларда ишлатилади.


ГИПОЦЕНТР (*гипо...* ва лот. centrum — марказ) — зилзила ўчогининг маркази. Г. 0 дан 700 км чуқурликгача бўлиши мумкин. Г. жойлашган чуқурлик тез ўзгарувчан бўлади. Г. Ер ости силкинишининг манбаи бўлиб, зилзилалар ўша ердан бошланади. Тектоник ёриқлар бўйлаб силжишлар юзлаб км га чўзилади ва бу ҳолда ёриқнинг ажралиши бошланган нуқтасига Г. дейилади. Ер пўстининг юқори қисмидаги (20 км гача) Г. қалин қатламли жинсларнинг синувчан деформацияси натижасида пайдо бўлади, чуқурроқдаги Г. пластик деформациялар кўпроқ бўладиган умумий кўринишда вужудга келади.

ГИППАРХ (Hipparchos) (мил. ав. 180 ёки 190—125) — юнон астрономи. *Астрономия* асосчиларидан бири. Қуёш ва Ойнинг кўринма ҳаракатини ҳисоблаш усулини такомиллаштирган. Юлдузларни кўринма равшанлиги жиҳатидан 6 босқичга бўлиб, уларни юлдуз катталиклари деб атаган. Тропик йилнинг давомийлигини аниқ (хатоси 6 мин.) ўлчаган. Ердан Ойгача бўлган масофани 50—60 Ер радиусига тенг деб олиб, Ойнинг ўлчамларини аниқлаган. Г. 1000 юлдузни ўз ичига олган юлдузлар жадвалини тузган, *прецессия* ҳодисасини кашф этган. Қуёшнинг кўринма йиллик ҳаракатидаги нотекисликка асосланиб, Қуёш орбитасининг маркази Ер марказида эмас, Қуёш б-н Ер орасидаги масофа ўзгариб туради, деган хулосага келган. Г. асарлари ва жадвали бизгача етиб келмаган. Унинг ишлари ҳақидаги маълумотлар *Птолемей*нинг «Альмагест» асарида сақланиб қолган.




ГИППОКРАТ (Hippokrates) (мил. ав. 460, Кос ороли — 377, Фессалия), Буқрот, Абуқрат — юнон врачи, илмий тиббиёт асосчиларидан бири. Г. Юнонистонда машҳур бўлган шифокор гиппократлар сулоласининг ўн саккизинчи авлоди. У тиббиётга оид маълумотни отаси *Гераклит*дан олган. Г. асарлари Ғарб ва Шарқ врачлари қўлида мўътабар қўлланма бўлиб келди. Г.га 75 га яқин асар нисбат берилади. «Мажмуаии Буқротия» («Буқрот тўплами») номи б-н машҳур бўлган бу асарлар-

нинг аксарисини Г. вафотидан кейин ғиллари ва шо- ирдлари ёзган. Г. исарларини ва ларга Гален бер- ган шарҳларни Қунайн ибн Исҳоқ 809—877) сурё- ний ва араб тилла- рига таржима қил- ган. Улар Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида кенг тар- қалган. Г.нинг «Китоб ал-Фусул» («Афоризмлар») китоби жуда машҳур. Унга кўп олимлар шарҳ беришган, шу шарҳлардан бири Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида 3139-рақами б-н сақланмоқда. Г. тиббиётни коҳин- лар таъсиридан қутқарди ва унинг мус- тақил ривожланиш йўлларини таъриф- лади, врач касалликни эмас, балки бе- морни даволаши керак, деб таълим бер- ди. Ташқи муҳит омиллари (иқлим, гупроқ, сув, кишиларнинг ҳаёт йўсу- ни, мамлакат қонунлари ва б.)ни одам- га, унда жисмоний ва руҳий хусусият- ларнинг шаклланишига таъсири жиҳат- дан ажратди. Г. тиббиёт географиясига асос солди. Касаллик этиологияси (ка- саллик сабаби) ва уни аниқлаш (диаг- ностика) масалаларини, даволаш тизи- мини ишлаб чиқди. Шифокор хулқ-ат- зорининг қисқача таърифи бўлган қасам- ёд («Гиппократ қасамёди») матнини ҳам Г. ёзган дейишади. Г.ни «тиббиётнинг отаси», деб атайдилар.



ГИППОКРАТ (Hippokrates), хиос- лик Гиппократ (мил. ав. 5-а.нинг 2-ярми) — юнон математиги; геомет- риядан биринчи изчил қўлланма му- аллифи. Бу қўлланма, чамаси, *Евклид*, «Негизлар»ининг дастлабки 4 китоби мазмунини ўз ичига олган. *Доира квад- ратураси* масаласини ҳал этиш учун у учта ойча (қ. *Гиппократ ойчалари*) квад- ратураси масаласини ечган. Г. бир ма- салани ечишни иккинчи қулайроқ ма- салани ечиш б-н алмаштириш усули асосчиси ҳисобланади.

ГИППОКРАТ ОЙЧАЛАРИ (ўроқчала- ри) — тўғри бурчакли учбурчак катет- лари ва гипотенуза- сини диаметр сифа- гида қабул қилиб ясилган учта ярим айлана б-н чегара- ланган фигуралар. Расмда улар *P* ва Q ҳарфлари б-н бел-



Гиппократ ойчалари.


гиланган. Уларнинг юзлари йиғиндиси учбурчак юзига тенг:

$$P_{юзи} + Q_{юзи} = ABC_{юзи}.$$

Шу сингари ўроқсимон шаклларни *Гиппократ* текширган.

ГИППУРАТ КИСЛОТА (лот. hippos — от ва uron — сийдик), бензоилгли- коколл, бензоил-глицин, $C_6H_5CONH_2CH_2COOH$ — органик мод- да; одам ва ҳайвонлар (айниқса, ўтхўр ҳайвонлар) организмида моддалар ал- машинувининг охирги маҳсулотлари- дан бири. Жигар ва буйракларда бен- зой кислота б-н глициндан ҳосил бўла- ди (озиқ-овқат, айниқса мевадаги за- ҳарли бензой кислотанинг зарарсиз ҳолга келиш маҳсули). Сийдик б-н сут- касига 0,7 г чамаси Г. к. чиқиб турали. Эпидемик гепатит, жигар циррози, юрак декомпенсацияси ва буйрак ка- салликларида Г. к. кам чиқади. Жигар ва б. рангли бўлади. Минералогик шка- ласимон массалар, турли кристаллик гуруҳлар тарзида учрайди. Тоза Г. ранг- сиз ва шаффоф; таркибида қўшилма- лар бўлгани кулранг, сарғиш, кўнгир бўйича қаттиқлиги 1,5—2; зичлиги 2300 кг/м³. 20° да сувда эрувчанлиги 2,05 г—л. 170° атрофида қиздирилганда $CaSO_4$ 0,5 H_2O (алебастр) га, ундан юқори т-рада эса ангидрид $CaSO_4$ га айланади. Г. суви қурий бош- лаган кўл ва денгиз ҳавзаларида суль- фат тузларининг чўкишидан пайдо бўлади. Г. захиралари эса асосан гидро- термал жараёнлар ҳамда ангидриднинг гидратлашиши натижасида ҳосил бўла- ди. Гипс қатламлари Ўзбекистоннинг Фарғона (Қувасой), Бухоро (Когон) ва Сурхондарё вилоятларида топилган; 2) қурилиш Г.— $CaSO_4 \cdot 0{,}5H_2O$ — ҳаво- да тез бирикадиган ва тез қотадиган боғловчи модда; табиий Г.ни 140—190° т-рада пишириб олинади. Қовушоқ ма- териаллар тайёрлашда, *гипс-бетон*, *гипс-бетон буюмлар*, кошинкор тош- лар, бўёқлар и.ч.да, тиббиётда (гипс боғловчилар тайёрлашда), ҳайкалта- рошликда, сувоқчилик ишларида иш- латилади.

ГИПС БОҒЛОВ тез қотадиган боғ- лов, дока бинтга *гипс* кукунини бир текисда сиёб таиёрланади. Тиббиет ама- лиетида синган оёқ-қўлни ҳаракатсиз- лантириш (қ. *Иммобилизация*) учун қўлланилади. Биринчи бўлиб Н. И. *Пи- рогов* таклиф этган (1854). Суяк син- ганда ва бўғимларга шикаст етганда, уларни қимирламайдиган қилиб қўйиш, суяк-бўғим силини даволаш, туғма ва ҳает давомида қийшайиб қол- ган умуртқа поғонасини тўғрилаш учун ишлатилади. Г. б. ишлатилишидан ол- дин тоғорадаги илиқ сувга тиқиб оли- нади. Сувни яхши шимиб олган гипс- ли бинтни бир оз сиқилади ва ялан- ғоч баданга ёки нам тортмаидиган пах- та устидан қўйилади. Г. б. баданга текис ва жипс ёпишиб, қимирлатмай қўяди. Г. б. айланма ёки гипс лонгета шакли- да бўлиши мумкин. Оёқ-қўл ёки тана- га айланма Г. б. қўйилади. Гавданинг бирор қисмини қимирлатмай қўйиш учун гипс лонгета ва б. ишлатилади. Умуртқа поғонаси силида гипсдан ясалган махсус каравотлар, суяк очиқ синганида ёки операция қилинганида шикастланган соҳада тешик қолдирил- ган Г. б.лар қўлланилади. Г. б. жуда си- қиб қўйилса, қон айланиши бузили- ши мумкин: Г. б. қўйилган жой оғрий- ди, чумоли юраётгандек туюлади, ши- шади, совийди, оёқ ёки қўл бармоқлари кўкаради ёки оқаради, ҳеч нарса сезмай қолади. Бундай ҳол- ларда дарҳол врачга кўрсатиш керак. Г. б.ни бўлиниб кетишдан сақлаш ло- зим, акс ҳолда шикастланган жой- нинг битиши бузилади. Оёққа қўйил- ган Г. б. кир бўлиб кетмаслиги учун устидан пайпоқ кийилади, қўл ёки б. жойда бўлса бинт ўраб, кир бўлганда алмаштириб турилади. Ёш болаларга




Гипс боғлов: 1—болдир, 2—тизза бўғими, 3—билак, 4—кўтарма гипс боғловлар; 5—корсет; 6—гипс каравот.

Г. б. қўйилса, устидан клеёнка ўраб қўйилгани маъқул, акс ҳолда улар ёзилганда нам тегиб Г. б. тушиб кети- ши мумкин.


ГИПС-БЕТОН — қурилиш гипси асо- сида таиёрланадиган бетон тури (қ. *Гипс*). Г.-б.ни тайёрлашда тош минерал- лар (кўпинча, говак ва ғадир-будур сиртли) ва органик (ёғоч қипиқлари, майда сомон ва б.) тўлдиргичлардан фойдаланилади. Г.-б.га, одатда, қовуш- шишини секинлаштирувчи қўшилма- лар, шунингдек, унинг сув ва атмос- фера таъсирларига чидамлилигини оширадиган қўшилмалар қўшилади. Г.- б. ёғоч ёки органик материаллар б-н ар- матураланади. Г.-б. асосида панеллар ва тўсиқ плиталари, вентиляция блокла- ри, қоплама листлар («қуруқ сувоқ») ва б. тайёрланади (қ. *Гипс-бетон буюм- лар*).

ГИПС-БЕТОН БУЮМЛАР — қури- лиш гипси ва *гипс-бетон* асосида тай- ёрланадиган қурилиш буюмлари. Ула- дан тўсиқ плита ва панеллар, пол ос- тига ётқизиладиган плиталар, санита- рия-техникаси катаклари, шамоллатиш (вентиляция) блоклари, қоплама лист- лар (гипсли қуруқ сувоқ) ишлаб чиқа- рилади. Гипс-бетондан тайёрланадиган тўсиқ панеллари (расм) ҳаво нам- лиги 60% дан ошмайдиган хоналарда ишлатилади. Турар жой бинолари учун ишлатиладигани туташ қилиб ёки эшик ўрни ва фрамугалар қолдириб, 6 м узунлик, 3 м баландлик, 80—100 мм қалинликда ишлаб чиқарилади. Панел- ларга ишлатиладиган гипс-бетоннинг мустаҳкамлик чегараси камида 3,5 Мн/м² (35 кг · куч/см²) бўлиши лозим. Тўсиқ плиталари гипс-бетон ёки гипсдан 80—100 мм қалинликда туташ ва ички бўш қилиб ишлаб чиқарилади. Пол остига ётқизиладиган плиталар 50—60 мм қалинликда «хона ўлчамида» ёки хонанинг бир бўлагига тенг ўлчамда ишлаб чиқари- лади. Бундай плиталар гипс-бетондан тайёрланиб, ёғоч рейкалар б-н арма- тураланади. Санитария-техника- си каталари вертикал қолипларда қолипланадиган ёки алоҳида панел- лардан йиғиладиган ҳажмий элемент- лар тарзида ишлаб чиқарилади. Ша- моллатиш блоклари «қават»га тенг баландликда, 180 мм қалинлик- да, 140 мм диаметрда очиқ вертикал тешикли қилиб ишлаб чиқарилади. Қоплама листлар ҳаво намлиги 70% дан ошмайдиган хоналарнинг ички деворларига қоплаш учун ишла- тилади. Бундай листлар орасига гипс тўлдирилган картондан иборат. Қолип- лаш конвейерларида 2500—3300 мм узунликда ишлаб чиқарилади. Булар- дан ташқари девор тошлари, қаватлар- аро ёпмалар, чордоқ ёпмалари детал- лари, карнизлар, товушни ютувчи материал ва ёнғиндан муҳофазаловчи буюмлар ясалади. Г.-б. б. ишлатилган- да ёғоч материаллар тежалади. Намдан асраш учун Г.-б. б.нинг сирти сув ўтказмайдиган бўёқлар ёки пасталар б-н қопланади.



Гипс-бетондан ясалган тўсиқ панель: 1—кар- кас; 2—эшик ўрни; 3—йиғилган плита.

ГИПСОТЕРМОМЕТР (юн. hypsos — баландлик ва *термометр*), термоба- рометр — *атмосфера босимини* ўлчайдиган симобли асбоб. Ишлаш тар- зи босим ўзгариши б-н сувнинг қай- наш т-раси ўзгаришига асосланган. Г. ёрдамида сув буғининг т-раси аниқла- ниб, қуйидаги формула асосида атмос- фера босими *p* топилади: $p=760+t-100/0{,}0375$ мм. сим. уст., бунда *t* — бо- сим *p* даги сувнинг қай- наш т-раси. Бу усул биринчи бор француз физиги ва кимёгари А. В. Реньо томонидан так- лиф этилган. Г. асосан тоғли жойларнинг ат- мосфера босимини ўлчашда қўлланилади.



Қайнаткичли гипсотермо- метр: 1—гипсотермометр; *2*—қўш деворли шиша най; 3—металл идиш.

ГИРВОНСОЙ, Булоқсой — Наман- ган вилояти *Чуст туманидаги* сой. Чат- қол тоғ тизмасининг жан.-шарқий ён бағридан бошланади. Уз. 16 км, ҳавза- сининг майд. 59 км². Г. жуда камсув, юқори қисмида оз миқдорда булоқ суви оқади, ўрта ва қуйи қисми кўпинча, қуриб ётади. Кучли жала ёққан вақт- ларда Г.нинг суви кўпаяди.

ГИРДОБ (форс-тож. гирд — айланма, об — сув) — 1) оқаётган сувнинг уюр- ма ҳаракати (қ. *Айланма*); 2) уюрмали қаттиқ шамол, бўрон (қ. *Қуюн*).

ГИРДОБИ — нақш тури; гирдоб (*ай- ланма*) кўринишидаги турунж нақш, доира шаклидаги гажакгул. Амалий бе- зак санъатининг кўп турлари (кулол- лик, каштадўзлик, нақкошлик ва б.)да кенг тарқалган. Жумладан кулоллар лаган (туби)ни безашда Г.дан кенг фой- даланади.

ГИРИЙ — қад. ўлчов бирлиги; қийма- ти бир кеча-кундузнинг 60 дан бир бўлагига тенг, яъни 1Г.=0,4 соат =24 дақиқа =1440 с. Шарқ халқлари ичида қўлланилган.


ГИРИН, Цзилинь — Шим.-шарқий Хитойдаги провинция. Майд. 187 минг км². Аҳолиси 26,4 млн. кишидан зиёд (1998), аксарияти хитойлар, шу- нингдек, корейс ва маньчжурлар ҳам яшайди. Маъмурий маркази — Чанчунь ш. Г.нинг жан.-шарқий қисмини бал. 500—1200 м бўлган Маньчжурия-Ко- рея тоғлари эгаллаган. Энг баланд ери — 2744 м (Байтоушань тоғи). Иқлими

мўътадил, муссонли. Янв.нинг ўртача т-раси —17°, —20°, июлники 20—24°. Текислик жойларида йиллик ёғин 400—600 мм, тоғларда 1000 мм гача. Ҳудудининг анча қисмида деҳқончилик қилинади, 1/3 қисми ўрмон. Г.—мамлакатнинг муҳим саноат р-ни. Г. ҳудудида тошкўмир, мис, қўрғошин-рух, темир рудалари, олтин қазиб олинади. Сунгари дарёсида катта ГЭС қурилган. Г.да автомобилсозлик, қора металлургия (Тунхуа) саноатлари барпо этилган. Ўрмон, ёғочсозлик, қоғоз ва кимё саноатлари ривожланган. Қ.х.да деҳқончилик етакчи ўринда. Асосий экинлари: маккажўхори, тариқ, гаолян, шоли, қанд лавлаги. Қорамол, чўчқа, қўй, йилқи, марал боқилади. Женьшень йиғилади.

ГИРИН, Цзилинь — Хитойдаги шаҳар, Гирин провинциясида, Сунгари дарёси бўйида. Аҳолиси 2250 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Т.й. тугуни, йирик дарё порти. Кимё саноати (бўёқлар, кальций карбид, азотли ўғитлар), целлюлоза-қоғоз, ёғочсозлик, қурилиш материаллари, машинасозлик саноати корхоналари, иссиқлик электр ст-яси ва ГЭС бор. Темир қотишмалари ишлаб чиқарилади. Шаҳар хушманзара тепаликда жойлашган; чанғи спорти мусобақалари ўтказиб турилади. Маданий ва илмий марказ. Шаҳарга 1673 й.да асос солинган.

ГИРИФТ, бидратма, дириллама, рез — дутор, танбур, чанг сингари торли созларда ишлатиладиган ижро усули, мусиқа безакларидан бири. Бармоқ (ёки билак)ларнинг узлуксиз, тез ва бир текисда алмашиниб келаётган ҳаракатлари орқали бажарилади. Г. кучи бир хил бўлган зарблардан иборат бўлиб, куйларга ўзига хос нозиклик ва майинлик бағишлайди. «Бобурнома»да Г.ни қонун созининг машҳур ижрочиси бастакор Хўжа Абдуллоҳ Марварид (16-а.) ихтиро этганлиги таъкидланади (яна қ. *Мусиқа ижрочилиги, Мелизмлар*).

ГИРИҲ (форс. — муаммо, тугун, чигал) — мураккаб ҳандасий нақш; меъморлик ва бадиий ҳунармандликда кенг ишлатилади. Нақш асоси учбурчак, тўртбурчак, мурабба, айлана ва ёй шаклли *тақсим*лардан ташкил топади. Ҳандасий жиҳатдан Г.ни таҳлил этиш, чизиб чиқиш, янги турларини ижод этиш махсус тайёргарлик ва маҳоратни талаб қилади. Г.лар яратилиш даврида солда бўлиб, кейинчалик такомиллашиб, мураккаблашиб борган. Г. қанча мураккаб мужассамотга эга бўлмасин, унинг қулай томони ҳам бор:



Ўзбекистон БА биноси шифтидаги гириҳ безаги (М. Усмонов, 1974).

ҳар қандай Г. такрорланувчи маълум бўлак (тақсим)ларга ажралади. Тақсимлар такрорланган сари гўзал, жозибадор бўлиб боради. Шу туфайли баъзи содда Г.лардан ташкил топган мураккаб Г.ни қайта парчалаб, бир неча содда ва мустақил Г. ясаш, икки Г.ни бирбирига чатиштириб учинчи хил Г. яратиш мумкин. Шаклларига қараб Г.лар турлича номланади: тақсим асосида 5 ва 10 қиррали юлдуз бўлса «5 ва 10 қиррали Г.», паргар ёрдамида чизилган эгри чизиқлардан ясалса «Паргари Г.» ва ҳ.к.

Сақланиб қолган меъморий обидалар, рўзғор буюмлари (баркаш, обдаста, лаган, сопол идишлар, гилам, палак ва б.), зардўзлик, китоб безакларида Г. нақши кўп учрайди. Айниқса меъморий безаклар орасида Г. етакчи (ислимий нақш иккинчи) ўринни эгаллайди. Меъморий ёдгорликлардаги Г.ларни ясаш калитини топиш кўпинча анча машаққатли меҳнатни талаб этади. Наққош, гириҳшунос уста З.Ботситхонов кўпгина (300 дан ортиқ) Г.ларни тиклаган ва уларни қуриш йўлларини топган, янгиларини яратган.

Г.нинг қачон, қаерда вужудга келганлиги номаълум. Ҳоз. Ўзбекистон ҳудудидаги меъморий обидалардан хусусан 10-а.да Аработа мақбараси (Самарқанд вилояти), Мирсаид Баҳром (Кармана), Малик карвонсаройи (Навоий), Работи Жума масжиди (Хива), 12-а.да Афросиёб (Самарқанд), Термиз шоҳлар саройи, Масжиди калон (минораси, 12-а., Бухоро), 15—16-а.ларда Хўжа Аҳмад Яссавий мажмуаси (Туркистон), Регистон майдонидаги Улуғбек, Шердор, Тиллакори мадрасалари, Бибихоним масжиди, Шоҳизинда ансамблидаги кўпгина бинолар (Самарқанд), Кўкалдош, Бароқхон мадрасалари, Зангиота мақбараси (Тошкент), Худоёрхон саройи ҳамда масжидлари (Қўқон) безакларида Г. нақши кўплаб учрайди.

10—11-а.ларда фақат ганчда, 12-а.да сопол буюмлар ва тошга қаламларида, 14-а.дан кошин, пармин, ёғоч, тош ва рангли нақшларда учрайди. 15-а.га келиб сополга ўйилган нақшлар юзаларига сир бериш расм бўлди. Г.ни ишлатиш имкониятлари яна кенгайди.

20-а.да ўзбекистонлик Уста Ширин Муродов, Шамсиддин Ғафуров, Маҳмуд Усмонов ва б. усталар биноларни безашда қуллаган Г.лар ўзининг содда ва гўзаллиги, ажоиб ва мукаммаллиги б-н ажралиб туради. Г.нинг бундай намуналарини Тошкентдаги Навоий, Муқимий театр бинолари, Ўзбекистон халқлари тарихи музейи, Халқлар Дўстлиги саройи, метро бекатлари ва б. да кўриш мумкин. Айниқса, Ўзбекистон мустақиллигидан кейин барпо қилинган *Темурийлар тарихи давлат музейи, Буюк ипак йўли музейи*, Олий мажлис биноси каби йирик меъморий иншоотлар, жамоат (чойхона, маҳалла гузарлари ва б.) ва хусусий бинолар безагида Г. нақшининг асосий турларидан бирига айланди.

Пўлат Зоҳидов.

ГИРКАНИЯ (Авестода — Вракана. ўрта асрлардаги номи — Журжон) — қад. тарихий-маданий вилоят. Каспий денгизининг жан.-шарқий соҳилида, Эроннинг шим.да, Туркманистоннинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган. Г. атамаси эронийча wrk — бўридан олинган бўлиши эҳтимол. Пойтахти — Гекатомпил ш. Юнон-Рим ёзма манбаларида *Александр* юришларидан эътиборан бир неча бор қайд этилиб, ёввойи ҳайвонлар тўлиб тошган мамлакат сифатида тавсифланади. Аммиан Марцеллин (4-а.)га кўра, «Китъа ичкарисида... Гиркалар яшайди. Улар овчилик б-н тирикчилик қилишади, ов қилинадиган жонзодлар уларда жуда турли-тумандир. Бу ерда минглаб йўлбарс ва кўплаб ёввойи ҳайвонлар бор». Мил.ав. 235 й. *Парфия* давлати таркибига кирган, лекин мил. 1—2-а.ларда катта мухторият-га эга бўлиб, мустақил сиёсат юргизган ва ўз элчиларини Римга жўнатган. Бу ерда *аршакийлар*нинг бир тармоги-га мансуб сулола вакиллари ҳукмронлик қилган.


ГИРЛАНДАЙО (Ghirlandaio, асли ди Томмазо Бигарди, di Tommaso Bigardi) Доменико (1449 — Флоренция — 1494.11.1) — италиялик рассом. Уйғониш даври намояндаси, Флоренция мактабига мансуб. А. Бальдовинеттидан

таълим олган. Г. ижодининг илк даврларида Флоренция ва Нидерландия рассомларидан таъсирланган (Сан-Жиминьянодаги черков деворий расмлари, тахм. 1475 ва б.). Қад. санъатни ўрганиш Г. услубини тула шаклланишига олиб келди. Санта-Тринита (1483—86), Санта-Мария Новелла (1485—90) ва б. черковлардаги туркум асарлари аниқ композицион қурилиши, тантаналн мазмундаги воқеаларнинг Флоренция бинолари ва майдонлари заминида тасвирланиши, машиин давқадлар ва замондошлари портретларини асарларига дадил киритиши (унинг мазмун б-н реал ҳаётнинг уйғунлаштирилиши) б-н диққатга сазовор. Г. дастгоҳ асарлари ҳам яратган.

ГИРО... (юн. gyros — доира, gureno — айланаман, чирпирак бўламан) — қўшма сўзлар таркибий қисми; айланма ҳаракатга оидликни англатади (мас., *гироскоп*).

ГИРОВЕРТИКАЛ (*гиро...* ва *вертикал*), гироуфқ — уфқ текислиги ёки ҳақиқий вертикал йўналишини ҳамда бирор объект (мас., кема) нинг уфқ текислигига нисбатан оғиш бурчагини кўрсатадиган асбоб. Энг оддий Г.—шовун (учига залвар масса, мас., конуссимон металл бўлаги осилган режа ип.). У физик маятник деб аталади. *Гироскоп*, гиромаятник, гироинерциал вертикал каби асбоблар ҳам ўзига хос Г. ҳисобланади. Г. кемалар ва учиш аппаратларида ишлатилади.

ГИРОКОМПАС (*гиро...* ва *компас*) — географик меридианига нисбатан кемалар йўлини кўрсатиб берувчи асбоб. Ишлаш тарзи *гироскоп* б-н Ернинг суткалик айланиши ҳоссаларидан фойдаланишга асосланган; бу ғояни француз олими Л. Фуко таклиф қилган. Г. кемаларнинг бирор мўлжалга ва б. кемаларга томон йўналишини аниқлаш учун ишлатилади. Кеманинг чайқалиши туфайли Г.нинг нотўғри кўрсатиши махсус мосламалар ёрдамида тузатиб турилади. Г.нинг камчилиги шуки, қутб кенгликларида йўналтириш кучи камаяди.




Гирокомпас.

ГИРОМАГНИТ НИСБАТ — элементар зарралар (атом, электрон ва ҳ.к.) *магнит моменти*нинг уларнинг импульс моменти (ҳаракат миқдори моменти) га нисбати. Ҳар қандай элементар зарра нолдан фарқли импульс моменти спинига эга, демак Г. н. аниқ қийматли бўлади. Атомлар системасининг ҳар хил ҳолати учун Г. н. $\Gamma = g \cdot \Gamma_0$ формула б-н аниқланади, бунда Γ_0 — Г. н. бирлиги, (g-фактор — магнит ажралиш фактори) — Ланде кўпайтувчиси. Бу иборани немис физиги А. Ланде 1921 и.да фанга киритган. Г. н. бирлиги қилиб атомда орбита бўйича ҳаракат қилаётган электроннинг Г. н.и — $\frac{1}{2}\mu_0 \frac{e}{m_e}$ қабул қилинган, бунда μ_0 — магнит доимийси, e — электрон заряди ва m_e — унинг массаси. Ядролар учун эса протоннинг Г. н. и қабул қилинган, яъни $\frac{1}{2}\mu_0 \frac{e}{m_p}$, бунда m_p — протон массаси. Г. н. катталиги модда (жисм)нинг магнит хоссаларини, магнитланиш жараёнларини, магнитомеханик — гиромагнит ҳодисаларни тушунтириб беришга имкон беради.

ГИРОМАГНИТ ЧАСТОТА, циклотрон частотаси — зарралар (электронлар, протонлар ва б.) доимий магнит майдонига киритилганда уларнинг шу майдон йўналиши атрофида қиладиган айланма ҳаракати частотаси. Бунда зарра импульс моменти (магнит моменти) нинг вектори магнит майдон кучланганлигининг вектори атрофида бурчак ҳосил этиб (конус сирт чизиб) текис айланма ҳаракат қилади (қ. *Прецессия*). Лармор теоремасига асосан, айланма ҳаракат циклик частотаси (яъни бурчак тезлиги) Ω гиромагнит нисбат Γ га ва магнит майдон кучланганлиги H га боғлиқ: $\Omega = \Gamma H$. Электрон учун: $\Omega \frac{1}{2} \frac{e}{m} H$, бунда m — электрон массаси, e — унинг заряди. Г. ч. моддаларнинг магнит хоссаларини, магнитомеханик ва бир қанча магнитооптик ҳодисаларни тушунтиришда аҳамиятга эга.

ГИРОМАГНИТ ҲОДИСА, магнитомеханик ҳодиса — жисм ва моддаларнинг магнит хоссали зарралари магнит ва механик моментларининг ўзаро боғлиқлиги натижасида содир бўладиган ҳодиса. Ҳаракат миқдори моменти (импульс моменти) га эга бўлган ҳар қандай зарра (электрон, протон, нейтрон, ядро, атом) *магнит моменти*га эга бўлади. Шу сабабли, жисмни ташкил қилувчи зарраларнинг умумий ҳаракат миқдори моменти ўзгариши б-н жисмнинг магнит моменти ўзгаради (механик-магнит ҳодиса) ва аксинча, жисм магнитланганда жисмнинг механик моменти ўзгаради (магнит-механик ҳодиса): мас., *соленоид*дан ток ўтказилганда соленоид ичидаги темир ўзак бурилади (магнит-механик ҳодиса — *Эйнштейн — де Хааз эффекти*, 1915 й.) ёки, аксинча, темир ўзак айлантирилганда ўзак (соленоид ҳам) магнитланади (механик-магнит ҳодиса — *Барнетт эффекти*, 1909 й.). Г. ҳ. модда атомининг магнит моментини унинг импульс моментига нисбати — гиромагнит (магнит-механик) нисбатини аниқлашга ва моддаларнинг хоссаларини тушунтириб беришга имкон беради.

ГИРОСКОП (*гиро...* ва *...скоп*) — айланиш ўқи фазода ўз йўналишини ўзгартира оладиган тез айланувчи қаттиқ жисм. Айланиш ўқи фазода эркин айлана олиши учун Г.ни карданли осмага маҳкамлаб қўйиш керак (қ. *Карданли механизм*). Осма марказига нисбатан Г. исталган йўналишда бурилиши, унинг айланиш ўқи доимий консуссимон сирт ясаб ҳаракатланиши (қ. *Прецессия*) мумкин. Кейинги хусусиятн навигация асбоблари — *гирокомпас*, гировертикал ва б.га асбоб қилиб олинган. Г.нинг ҳар қандай ҳолда ҳам фазода ўз ўқи йўналишини ўзгаришсиз сақлай олиши хоссасидан самолёт, ракета, денгиз кемалари, торпедолар ва б. ҳаракатини автоматик тарзда сақлаш учун фойдаланилади (мас., *автопилот*). Кемаларда матросларнинг осма тўркроватлари Г. хоссасига асосланган (кема қанчалик чайқалмасин матроослар бемалол ухлаб кетишаверади). Самолётнинг курсдан оғганлигини аниқлайдиган асбоб йўналиш Г.и, яъни гирополукомпас деб аталади. У автопилотларда қўлланилади.



Кардан осмали гироскоп: *О*—гироскопнинг оғирлик маркази ва мос маркази.

ГИРОСКОПИК ҚУРИЛМАЛАР, гироскопик асбоблар — *гироскоп*лар ўрнатилган электр-механик қурилмалар; шу қурилмалар ўрнатилган объектнинг вазиятини ифодалайдиган параметрларни аниқлайди, объектни барқарорлантиради. Техникада ишлатиладиган Г. қ. гироскопнинг тури, сезгир гироскопик элементлар ясалишнинг физикавий принциплари, карданли осма тури, вазифаси б-н тавсифланади.

Г. қ. объектнинг бурчак оғишларини аниқлайдиган (турли астатик ва позицион гироскоплар); объектнинг бурчак тезликлари ва тезланишларини аниқлайдиган (дифференцияловчи гироскоплар); катталиклар бўйича интегралларни аниқлайдиган (интегралловчи гироскоплар); объектни ёки алоҳида асбоб ва қурилмаларни барқарорлайдиган, шунингдек, объектнинг бурчак оғишларини аниқлайдиган (гиростабилизаторлар); навигация масалаларини ҳал қиладиган (*гирокомпас*лар, компаслар) ва б. хилларга бўлинади. Г. қ. денгиз флотида, авиацияда, ракета ва космик техникада, ҳаракатланувчи объектларнинг навигация ва бошқариш масалаларини ҳал қилиш учун халқ хўжалигида, баъзи махсус ишларни (геодезик, топографик ва б.) ўтказишда ишлатилади.

ГИРСУТИЗМ (лот. hirsutus — жунли) — аёлларда соқол-мўйлов ўсиши, баданини эркакларникига ўхшаб жун босиши. Асосан *андрогенлар*нинг қонга кўп чиқарилиши ёки унга нисбатан тўқималарнинг ўта сезгирлиги натижасида вужудга келади. *Буйрак усти без*ларининг пўст қавати, *гипофиз*нинг олдинги бўлаги зарарланганда, *тухумдон* ўсмасида, *климакс* б-н боғлиқ бузилишларда, шунингдек, бош миянинг айрим яллиғланишлари, тери касалликлари ва ҳ. к.да кузатилади. Соғлом аёлларда (уларнинг гавда тузилишларига боғлиқ ҳолда), баъзи қизларда (балоғатга етиш даврида) ҳам учрайди. Г. баъзан ирсий бўлиб, бир оиланинг қиз-аёлларида кузатилади. Г.нинг товуш, скелет ва мускулларнинг худди эркакларникига ўхшаб кетиши б-н бирга кечиши *вирилизм*га хос. Даво асосан касалликка сабаб бўлган омилни бартараф этишдан иборат.

ГИРУДОТЕРАПИЯ (лот. hirudo — зулук ва *терапия*) — қ. *Зулук солиш*.

ГИРЯ (форс. — йиғи, ўкирик) — ўзбек мумтоз мусиқасига мансуб икки қисмли ашула туркуми. 1-қисми Чапандоз, 2-қисми эса Талқинча доира усулларида. Парда тузилиши ва бош оҳанги *Шашмақом*нинг *Сегоҳ* мақомига мос келади. Г. лирик асар бўлиб, маҳбубага етиш йўлидаги машаққатларни акс эттирувчи ғазаллар б-н айтилади. Илгари диний мазмундаги шеърлар б-н ҳам айтилган. Чолғу куй сифатида ҳам якка созларда (кўпроқ танбур, дутор ва ғижжакда), ҳам турли ансамбларда ижро этилади. С. *Юдаков* вокал-симфоник асарларида, *Сайфи Жалил* ва Р. *Ҳамроев* симфонияларида «Г.I» дан фойдаланишган, Б. *Умиджонов* уни жўрсиз хор учун қайта ишлаган.

ГИРЯ ҚОЗОҚ, Гирёни қозоқ — ўзбек халқ чолғу куйи. *Фитрат*нинг ёзишича, номаълум бастакор ўтов енидан ўтиб кетаётганида қозоқ аёлининг нобуд бўлган боласини эслаб йиғлаётган овозини эшитган ва шундан таъсирланиб мазкур куйни Сегоҳ мақоми пардалари асосида Соқийнома доира усулида басталаган. «Г.қ.», «Г.қ. Уфари» номли сурнай йўллари ҳам мавжуд.


ГИС ТУТАМИ (немис олими В. Гис номидан), Гис-товар тутами, атриовентрикуляр тутам — юрак ўтказувчи системасининг бир қисми. Юракнинг бўлмача б-н қоринчаси оралиғида (ўнг бўлмача деворида) жойлашган. Г.т. орқали бўлмачаларнинг қисқариш тўлқинлари қоринчаларга ўтади. Шундай қилиб, юракнинг ўтказиш йўли юрак бўлмачалари б-н қоринчалар ўртасида қисқариш (систола) ва бўшашиш (диастола) ритмини тартибга солиб туради.

ГИСТАМИН (Histaminum) — гистидин аминокислотаси ҳосиласи. Биоген аминларга киради. Тўқима гормони бўлиб, кучли биологик таъсирга эга. Ҳайвонлар ва одамнинг турли аъзо ва тўқималарида нофаол шаклда бўлади. Синтезлаб ҳам олинади. Анафилактик *шок*, яллиғланишлар ва аллергик реакцияларда (қ. *Аллергия*) кўп ажралади. Меъда шиллиқ қаватидаги безларни қўзғатиб, шира ажралишини кучайтиради; майда қон томирларни кенгайтириб, қон оқишини тезлатади. Г. қон томирларнинг спастик қисқаришига қарши дори.


ГИСТАМИНГА ҚАРШИ ДОРИЛАР, антигистамин воситалар — *гистамин*нинг айрим аъзоларга ва бутун организмга таъсирини сусайтирадиган моддалар. Улар ичак ва бронх мускулларининг гистамин таъсирида қисқаришига йўл қўймайди, унинг қон айланишига таъсирини камайтиради, капиллярлар ўтказувчанлигининг гистамин таъсирида ортишига тўсқинлик қилади, анафилактик реакцияларнинг кечишини осонлаштиради. Г. қ. д. меъдадан шира чиқишининг гистамин таъсирида кучайишига барҳам бермайди, гистамин чиқишига айтарлик таъсир кўрсатмайди ва антиген — антитело реакцияларига путур етказмайди. Айрим Г. қ. д. марказий нерв системасининг фаолиятини сусайтириб, беморни тинчлантиради ва ухлатади, наркотик, оғриқ қолдирувчи дорилар таъсирини кучайтиради, денгиз ва тоғ касаллигида кўнгил айниши ва қусишнинг олдини олади, ҳомиладорларнинг қусишини босади, тиришишга қарши таъсир этади.

20-а. охирларида Г. қ. д.нинг янги туркуми — H_2-гистамин блокаторлар ихтиро қилинди. Булардан циметидин, ранитидин, фамотидин, низатидин, роксатидин ва уларнинг кўплаб аналоглари меъда-ичак ярасини даволашда кенг қўлланилмоқда. Г.қ. д. асосан *шакем*, аллергик ва вазомотор *ринит*, аллергик *конъюнктивит*, *экзема*, капилляротоксикоз, *бронхиал астма*нинг бошланғич даврида буюрилади.

ГИСТЕРЕЗИС (юн. hysteresis — орқада қолиш, кечикиш) — ташқи куч таъсирида жисмда пайдо бўладиган «қолдиқ» хосса. Магнит, диэлектрик ва эластик хиллари бўлади. Ташқи магнит майдони таъсирида жисмда магнит хоссаси қолиши магнит Г. дейилади. Агар магнит майдонига жойлаштирилган темир, никель ва б. нинг магнитланиши *I* б-н магнит майдон кучланганлиги *H* орасидаги боғланиш эгри чизиқ *I* орқали ифодаланса, магнитсизланишда бу боғланиш эгри чизиқ *2* б-н ифодаланади. Магнит майдонини *+H* дан *—H* гача ўзгартириб, тажриба такрорланса, эгри чизиқ *3* чизилади; бу чизиқлар Г. япроғини ҳосил қилади (1-расм). Магнит Г. қолдиқ магнетизм дейилади. Баъзи диэлектрик (сегнетоэлектрик) материалларда ҳам электр Г. ҳодисаси кузатилади (диэлектрик Г.). Диэлектрик (мас., сегнет тузи) ўзгарувчи электр майдонига жойлаштирилганда юз берадиган Г. ҳодисаси электр майдони кучланганлиги *E* б-н диэлектрикнинг қутбланиши *P* орасидаги боғланиш графиги (Г. япроғи) б-н ифодаланади (2-расм). Диэлектриклар ўз-ўзидан қутбланиш хоссасига ва доменларга эга бўлади. Деформация туфайли ҳам Г. япроғи ҳосил бўлади (эластик Г.), бунинг учун эластик қаттиқ жисмга осилган юк астасекин кўпайтирилиб, сўнг камайтирилади. Кимёвий жараёнларда ҳам Г. ҳодисаси рўй беради, мас., сорбцион Г., бунда *адсорбция* ва *десорбция* ҳодисалари туфайли кимёвий жараён графиги Г. япроғини ҳосил қилади. Г. ҳодисасидан техникада кенг фойдаланилади (мас., юргизиш реостати, Г. двигатели ва б.).



Гистерезис: 1-расм.



2-расм.

ГИСТЕРЕЗИСЛИ ЭЛЕКТР ДВИГАТЕЛЬ — *электр двигатели*нинг бир тури. Ротори силиндр ёки диск шаклида чулғамсиз қилиб ишланади. Г. э. д.нинг юргизиш моменти ротор материалидаги гистерезис ҳодисаси асосида, айлантириш моменти эса роторнинг қолдиқ магнит майдони б-н статорнинг айланиш майдони кесишишидан ҳосил бўлади. Г. э. д. бошқа турдаги электр двигателларига нисбатан ишқурсаткичлари яхши, мустаҳкам, кўпга чидайди, шовқинсиз ва турли тезликларда ишлай олади. Кам қувватли электр юритмалари ва автоматик бошқариш тизимларида ишлатилади.

ГИСТИДИН, α-амино-β-5-имидазолилпропион кислота, $C_6H_9O_2N_3$ — кристалл модда. Сувда, спиртда эрийди, эфирда эримайди. Асос хоссалари бор. Кўпчилик оқсиллар таркибига киради. Г. организмда парчаланганда *гистамин* (декарбоксиллангандa) ёки *аммиак*, *глютамин* ва *чумоли кислота* (дезаминланганда) ҳосил бўлади. Тиббиётда меъда ва ўн икки бармоқ ичакнинг яра касаллигида қўлланилади.

ГИСТИОЦИТЛАР (*гисто...* ва юн. hytos — ҳужайра) — умуртқали ҳайвонлар ва одамлардаги бириктирувчи тўқима ҳужайраларининг бир хили. Тўп-тўп бўлиб ёки якка-якка жойлашади. Юмалоқ, бўлак-бўлак, дуксимон, кўпинча, узун ва ўсиқли бўлади. Сохта оёқчалар ёрдамида ҳаракатланади. Эриган коллоид моддаларни организмнинг бошқа ҳужайраларига нисбатан кўпроқ ютиб, протоплазмасига тўплай олади. *Фагоцитоз* хусусиятига эга бўлгани учун организмда ҳимоя воситасини ўтайди.

ГИСТО... (юн. histos — тўқима) — қўшма сўзлар таркибий қисми; ўзи бирикиб келган сўз маъноси тўқимага, жонивор организми тўқималарига оид эканлигини билдиради (мас., *гистогенез*, *гистология*).

ГИСТОГЕНЕЗ (*гисто...* ва *генез*) — *онтогенез*да кўп ҳужайрали организмлар тўқималарининг пайдо бўлиши, функцияси ва қайта тикланишини таъминлайдиган филогенетик жараёнлар мажмуи. Тўқималар онтогенез жараёнида организм ривожланишининг дастлабки даврларидаёқ муайян эмбрион варақларидан *пролиферация*, ўрин алмашиниш (морфогенетик ҳаракатланиш) ва б. жараёнлар натижасида вужудга келади. Г.нинг муҳим омили хилма-хил морфологик ва физиологик типдаги ҳужайраларнинг пайдо бўлишига ва уларнинг организмда муайян қонуният асосида тақсимланишига олиб келадиган детерминлашган ҳужайраларнинг ихтисослашувидан иборат. Г.да баъзан ҳужайралар оралиғи моддасининг ҳосил бўлиши кузатилади. Г.га киришган ҳужайралар муайян гуруҳларга бўлинади: ўзига ўхшаш ҳужайраларнинг ихтисослашиб етишиб чиқишига ёки бундай ҳужайраларнинг ўрнини тўлдиришга имкон берадиган асос солувчи (аждод) ҳужайралар; бошлаб берувчи (чала асос солувчи), яъни ихтисослашган, лекин бўлиниш хусусиятини йўқотмаган ҳужайралар; ихтисослашиб етишган ҳужайралар. Постнатал даврда репаратив Г. шикастланган ёки қисман йўқотилган тўқималарнинг қайта тикланишидан иборат. Г.даги сифат ўзгаришлари ўсмалар пайдо бўлиши ва ўсишига олиб келиши мумкин. Г. *гистологи*янинг асосий бўлимларидан бири ҳисобланади (яна қ. *Тўқима*, *Тўқима культураси*).

ГИСТОКИМЁ, гистологик кимё — *гистологи*янинг бир бўлими; ўсимлик ва ҳайвон тўқималарининг кимёвий хоссаларини ўрганадиган фан. У организм ва тўқималарда кимёвий моддалар (оқсиллар, ферментлар, нуклеин кислоталар, углеводлар, липидлар) нинг олган ўрнини ва биокимёвий жараёнларни текширади. Ҳужайралар ҳақидаги фан — цитокимё моддаларнинг ҳужайрадаги ўрнини ўрганади. Г. ўсимликлар ва ҳайвонлар биол.си, биокимё, физиология, фармакология ва б. фанлар б-н чамбарчас боғланган. Г. 20-а.нинг 30-й.ларида вужудга келиб, ҳозир жадал ривожланмоқда. Г.нинг умумий биологик аҳамияти катта. Г.да аниқланаётган қонуниятлар *гистология*, *патологик анатомия*ни ривожлантиришга, микроскопик структуралардаги кимёвий жараёнлар ўрни б-н уларнинг махсус биологик функциялари ўртасидаги боғланишни аниқлашга ёрдам беради. Цитофотометрия, авторадиография, ультрабинафша нурлар б-н ўтказиладиган микроскопия, интерференцион микроскопия ва б. замонавий усуллардан фойдаланиб, текширилаётган моддалар (полисахаридлар, липидлар, оқсиллар ва б. кўпгина органик моддалар; шунингдек, тўқима ва ҳужайралардаги ноорганик компонентлар)нинг ўрни, миқдори ва бу миқдорнинг ўзгаришини аниқлаш мумкин.

ГИСТОЛОГИЯ (*гисто...* ва *....логия*) — одам ва ҳайвонлар организмининг тўқималари ҳақидаги фан. «Г.» терминини биринчи бўлиб немис олими К. Майер таклиф этган. Г. тўқима ва аъзоларнинг эволюцияси, ривожланиши (гистогенез), микроскопик ва ўта нозик тузилиши, кимёвий таркиби, вазифаси (гистофизиология), шунингдек, уларнинг тузилиши б-н фаолияти ўртасидаги боғланишини ўрганади.

Г. одам ва ҳайвонлар анатомияси, физиология, *патологик анатомия*, *патологик физиология*, биокимё, эмбриология ва бир қанча клиник фанлар б-н чамбарчас боғланган. Г.нинг асосий бўлимлари: ҳужайралар ҳақидаги фан — цитология; тўқималар ҳақидаги фан — умумий Г.; аъзоларнинг микроскопик тузилиши ҳақидаги фан — хусусий Г. Замонавий Г. мақсадлари ва текшириш усулларига қараб бир неча тармоққа бўлинади: ҳужайра, тўқима ва аъзолар ҳамда улардаги айрим структуралар (мас., коллаген, эластик толалар), ҳужайра органоидлари (*митохондриялар*, эндоплазматик тўр, *Гольжи комплекси*, *лизосомалар* ва ҳ.к.)нинг функцияси ҳақидаги таълимот — гистофизиология, ҳужайра ва тўқималар ривожланишининг турли босқичларида ҳамда ҳаёт фаолияти даврида рўй берадиган биокимёвий жараёнларни ўрганадиган цитокимё ва гистокимё, ҳужайра ва тўқималарнинг энг нозик (субмикроскопик) тузилиши ҳақидаги таълимот — электрон микроскопия шулар жумласидандир. Бундан ташқари, нормал тўқима ва аъзоларнинг микроскопик тузилишини ўрганадиган тажрибий Г., тажриба (эксперимент) вақтида ҳайвон тўқималарида рўй берадиган морфологик ўзгаришларни текширадиган экспериментал Г., патологик ҳолатдаги тўқима ва аъзоларнинг морфологик ўзгаришларини ўрганадиган патогистология ҳам бор. Г. фанининг шаклланиши *микроскоп* такомили б-н узвий боғланган. Биринчи энг оддий микроскопни голланд олими Генс Янсен ва ўғли Захариас 1591 й. кашф этган.

17—18-а.ларда Г.га оид маълумотлар қисман анатомияга, қисман физиологияга айрим боб бўлиб кирди. Г. 19-а.дагина мустақил фан бўлиб майдонга келди. 19-а.нинг 30-й.ларида немис биологи Т. Шванн Г. фанида эришилган ютуқлар ҳамда ўзи ясаган ароматик микроскопдан фойдаланиб, ҳайвон ва ўсимликлар ҳужайралардан тузилган ва ҳужайралардан ривожланади, деган назария (ҳужайра назарияси)ни асослади. Шундан кейин Г. тез ривожлана бошлади. Тўқималарни организмдан ташқарида ундириш, айрим тўқималарда жарроҳлик операциялари ўтказиш усулларини жорий қилиш туфайли Г.нинг тадқиқот кўлами бойиди. Цитофотометрия, радиоавтография, ультрабинафша нур-

лар б-н ўтказиладиган микроскопия, интерференцион микроскопия, дифференциал центрифугалаш, электрон микроскопик гистокимё ва б. замонавий усулларнинг қўлланилиши текширилаётган бирикмаларнинг жойлашувинигина эмас, балки уларнинг миқдорини организмнинг нормал ҳаёт фаолияти жараёнида ва патологик жараёнларнинг тараққий этишини ўрганишга имкон берди. Г. юксак назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган фанлар қаторига киради. Сўнгги вақтда электрон микроскоп ёрдамида тўқима, ҳужайраларнинг ўта нозик тузилишини ўрганиш усули кенг ривож топди. Тошкент давлат тиббиёт ин-ти (1-ТошТИ) олимлари (Ўзбекистон ФА нинг акад. К.А. *Зуфаров*, проф.лар В.М. Гонтмахер, А.Й. Йўлдошев ва б.) самарали илмий изланишлар олиб бориб, 1987 й.да муҳим илмий кашфиёт қилдилар. Улар дунёда биринчи марта гўдак болаларда ичак орқали сўрилган экзоген оқсил моддалар буйракда парчаланишини ва қайта сўрилишини исботлаб, педиатрия, диетология, нефрология, фанларининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Г. тиббиёт, чорвачилик ва ветеринариянинг долзарб муаммолари б-н узвий боғланган ҳолда ривожланмоқда.

Ад.: Зуфаров К.А. и др., Атлас «Электронная микроскопия органов и тканей», Т., 1971.

Комилжон Зуфаров.

ГИСТОМОНОЗ — 2 ҳафтадан 2—3 ойликгача бўлган куркалар, жўжаларда оддий Histomonas meleagridis личинкалари қўзғатадиган касаллик. Вирус тарқатувчиси — касалланган жўжа. Паррандалар асосан таркибида Heterakis gallinarum нематодалари тухуми (унда гистоманадлар узоқ муддат сақланиши мумкин) бўлган озиқ орқали зарарланади. Белгилари: иштаҳа йўқолади, тез-тез ич кетади, боши қорамтир-кўк тусга киради. 1—3 ҳафтадан сўнг куркалар нобуд бўлиши мумкин. Ташҳис эпизоотологик, клиник ва патологоанатомик маълумотлар бўйича қўйилади ҳамда зарарланган ичакдан олинган шиллиқ пардалари массани текшириш натижасида тасдиқланади. Давоси: озуқага нитрофуранли препаратлар (фуразолидон, трихопол, диметридазол, гистамон ва б.) қўшиб бериш. Олдини олиш: касалланган куркани ва жўжаларни онаси қаноти остида (бошқа жўжалар б-н бирга) ётишга қўймаслик; фенотиазин, пиперазин ва б. антигельминтлар б-н гельминтсизлантириш.

ГИСТОНЛАР — ўсимлик ва ҳайвонлар ҳужайраси ядросида учрайдиган оқсиллар. Г. аргинин ва лизин қолдиқларига бой бўлиб, ишқорий хоссаларга эга. Мол. м. 11000—21000. Ядрода ДНК б-н бириккан ҳолда учрайди, хроматиннинг 25—40%ни (қуруқ оғирлик ҳисобида) ташкил этади. Г. хроматин таркибини тартибга солади, нуклеин кислоталар (ДНК ва РНК) синтезланишининг бошқарилиб туриши звеноларидан бири ҳисобланади. Г. ҳужайра мембранасининг юқори молекуляр бирикмаларга нисбатан ўтказувчанлигини кучайтиради. Г.нинг ишқорий хусусияти улар таркибига киradиган аминокислоталарни ҳосил қиладиган диаминомонокарбон (иккита амин ва битта карбоксил) гуруҳлар б-н боғлиқ.

ГИСТОФИЗИОЛОГИЯ (*гисто...* ва *физиология*) — тўқималарда рўй берадиган физиологик жараёнларни ўрганадиган фан. Г.нинг вазифаси тўқималарда кечадиган физиологик жараёнларни, тўқималарнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳалок бўлишидаги аҳамиятини тадқиқ этишдан иборат (қ. *Гистология*).

ГИТАРА (испанча quitarra < юн. kithara — *кифара*) — торли тирнама соз. 13-а. дан Испанияда машҳур бўлган, 17-а.дан Италия ва б. Европа мамлакатларида ҳамда Америкада кенг тарқалган. Дастлаб 4—5 жуфт торли Г. ишлатилган. 18-а. 2-ярмидан 6 (якка) торли Г. миллатлараро энг оммабоп чолғулардан. Жуда майин ва ёқимли товушга эга бўлган Г. асосан жўрнавоз, ансамбль ҳамда якканавоз соз сифатида қўлланилади. 20-а.да «гавай Г.си» (тиззага қўйиб махсус плектр б-н чалинади), жаз-Г., электро- (якканавоз, ритм ва бас) Г.лар пайдо бўлган. Тошкент эстрада-цирк коллежи, Тошкент давлат консерваторияси ва б. мусиқа билим юртларида Г.синфи бор.



Гитара.

ГИТЛЕР (Hitler) (ҳақиқий фамилияси Шикльгрубер) Адольф (1889—1945) — Германия фашистик давлати бошлиғи (1933 й.да рейхсканцлер бўлган, 1934 й.дан бу мансабни президент лавозими б-н бирлаштирган), фашистлар национал-социалистик партиясининг фюрери (доҳийси; 1921 й.дан). Германияда оммавий террорчи фашист режимини ўрнатган. 2-жаҳон урушини бошлаш, СССРга ҳужум қилиш (1941 й. июнь) ташаббускори. Совет қўшинлари Берлинга киргач, ўзини-ўзи ўлдирган. *Нюрнберг суд жараёни*да асосий нацист ҳарбий жиноятчи деб топилган.

ГИТЛЕРЧИЛАРГА ҚАРШИ КОАЛИЦИЯ — 2-жаҳон уруши давомида юзага келган, Германия, Италия, Япония ҳамда уларнинг шериклари иттифоқига қарши турган давлатлар ва халқларнинг кенг қуламли ҳарбий-сиесий иттифоқи. Г.қ.к.га турли манфаат ва мақсадларни кўзлаган АҚШ, Буюк Британия, Франция, собиқ Иттифоқ, Хитой ва б., жами 50 дан зиед мамлакат бирлашди. Унинг таркибига кирган Албания, Австралия, Бельгия, Бразилия, Хиндистон, Канада, Польша, Чехословакия, Югославия, Янги Зеландия каби мамлакатлар буюк давлатлар б-н бирга умумий душманга қарши курашда ўз қуролли кучларини ишга солган, баъзи бир давлатлар (Мексика ва б.) моддий кўмак берган. Шўро қўшинлари ўз ҳудудига бостириб кирган душман армияларини тормор келтириб, Шарқий ва Марказий Европани гитлерчилардан озод қилган бўлса, иттифоқчиларнинг қуролли кучлари Германиянинг Ғарбий Европада жойлашган қўшинлари ҳамда милитаристик Япониянинг ҳарбий қудратини синдириб, иттифоқдошларига қурол-яроғ, ҳарбий техника, озиқ-овқат б-н ёрдамлашиб, умумий галабага салмоқли ҳисса қўшди. Гитлерчилар ва шериклари босиб олган мамлакатларда вужудга келган яширин *Қаршилик кўрсатиш ҳаракати* босқинчиларга зарба бериб турди. Г.қ.к.нинг 2-жаҳон урушида қозонган тарихий галабасида фронтга аскар кучларини жўнатган, армияни қурол-яроғ, кийим-кечак ва озиқ-овқат б-н таъминлаб турган, минглаб кўчириб келтирилганларга бошпана берган, етим-есирларни багрига босган Ўзбекистоннинг ҳам улуши бор.

ГИФА (юн. hyphe — тўқима) — замбуруғларнинг вегетатив танаси — мицелийсини ташкил этувчи, ҳар томонга тарқалган микроскопик ипчалар. Г.лар ҳужайра тўсиқларисиз, яъни бир ҳужайрали (тубан замбуруғлар) ёки кўп ҳужайрали (юксак замбуруғлар) кўринишида бўлади.

ГИФОМИЦЕТАЛАР (Hyphomycetales, Moniliales) — тубан замбуруғлар (Deuteromycetes) тартиби. 650 туркуми, 10 мингдан ортиқ тури бор. Г.нинг мицелийси кўп ҳужайрали. Жинссиз йўл б-н (конидиялар орқали) кўпаяди. Г. орасида тупроқда яшайдиган сапрофитлар, шунингдек, ўсимликларда касаллик туғдирадиган паразитлар ҳам бор.

ГИФУ — Япониядаги шаҳар, Хонсю о.нинг ўрта қисмида, Нагара дарёси соҳилида. Гифу префектурасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 410,3 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Т.й. тугуни. Г. ипакчилик р-нининг маркази. Машинасозлик, озиқ-овқат, ёғочсозлик саноати ривожланган. Шойи тўқиладиган йирик ф-калар, ип газлама корхоналари, авиасозлик з-длари бор. Кустарь усулда япон қоғози и.ч. ва қоғоз буюмлар (фонус, ширма, зонт) тайёрлаш б-н машҳур. Бу буюмларнинг бир қисми четга чиқарилади. Иқтисод ин-ти (1896), ун-т бор. Шаҳар 1891 йилда содир бўлган кучли зилзиладан кейин қайта қурилган. Туризм ривожланган.

ГЛАДИАТОРЛАР (лат. gladius — шамшир) — Қад. Римда махсус тайёргарликдан ўтган, ўзаро ёки ёввойи ҳайвонлар б-н курашишга мажбур қилинган бақувват, жасур қуллар, ҳарбий асирлар. Махсус мактабда ўқиганлар (Римда, Капуяда). Римда биринчи Г. жанги мил. ав. 264 йда бўлган. Г. жанги зодагонларнинг кўнгил очиш томошасига айланган. Г. бир неча бор қуллдорларга қарши бош кўтарганлар. Гладиатор Спартак раҳбарлигидаги қўзғолон (қ. *Спартак қўзғолони*) шуларнинг бири. Г. жанги 5-а.дан эътиборан барҳам топган.

ГЛАДИОЛУС (Gladiolus L.) — савсаргуллдошлар (савсаргуллилар оиласи)га мансуб туганак пиёзли кўп йиллик, манзарали ўсимлик. 200 га яқин тури бор. Ўрта Осиёда 3 тури ўстирилади. Экма Г.нинг 8 мингга яқин нави бор. Пояси тик, деярли шохламайди, бўйи 40—200 см. Барги қиличсимон, пояда икки қатор бўлиб жойлашади. Гули карнай шаклида, сал қўш лабли ва букилган найсимон, 20 см келади. Гуллари поя учида бир қатор, баъзан икки қатор ўрнашади (гул поясидаги гулларнинг сони 25 тагача бўлади). Март—апр.да экилади, июндан авг.гача (янв.—фев.да тувакларга ўтқазилгани апр.—майда) очилади. Эртагиси 80, кечкиси 90 кунда очилади. Г. экиладиган ер кузда 35—40 см чуқурликда ҳайдалиб, гектарига 80—100 т гўнг ёки компост, 250—300 кг фосфорли, 120—150 кг калийли ўғит, баҳорда экиш вақтида 250—300 кг азотли ўғит солинади. Кузда туганакпиёзи пўстидан тозаланиб, совуқ сувда ювиб қуритилади, сўнгра ертўлада 4—5° ҳароратда сақланади. Ўзбекистонда Г.нинг канада (Kanadu), минерва (Minera), монсоер (Monsouer), пикарди (Picardi) навлари ўстирилади.



Гладиолус.

ГЛАЗГО — Буюк Британиянинг шим.-ғарбидаги шаҳар. Шотландияда, Клайд дарёси бўйида. Стратклайд р-нининг маъмурий маркази. Аҳолиси 690 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Атрофидаги шаҳарлар б-н (Дамбартон, Гринок ва б.) Клайдсайд конурбациясини ташкил этади.



Глазго шаҳри. Келвин Парк графлиги.

Г.— қад. шаҳар (6-а.дан маълум). Г. саноатининг ривожланиши мустамлакалардан келтирилган хом ашё (тамаки, шакарқамиш, пахта)ни қайта ишлаш б-н боғлиқ бўлган. 18-а. ўрталарида Г. тамаки саноатининг ғарбий Европадаги йирик маркази эди. 18-а. охирларида Г.да 1-ўринни ип газлама саноати эгаллади. Г. йирик т.й. тугуни ва мамлакатдаги муҳим денгиз портларидан бири. Саноатида умумий машинасозлик, кемасозлик (ҳарбий кемалар, танкерлар, рефрижератор ва б.), кўмир саноати ва металлургия етакчи ўринда. Тўқимачилик, нефтни қайта ишлаш, цемент, ёғочсозлик, қоғоз, силикат-керамика, ойна, тамаки, озиқ-овқат, электроника, рангли металлургия, кимё, кокс кимёси саноати корхоналари бор. Оғир саноат маҳсулотларининг деярли ҳаммаси экспорт қилинади. Ун-т (1451), бадиий галереялар, Глазго музейи, бир неча олий ўқув юрти, меъморий ёдгорликларидан собор (13-а.), ун-т биноси; метрополитен ва б. бор.

ГЛАЗКОВ МАДАНИЯТИ — мил.ав. 18—13-а.ларда Байкал кўли атрофида яшаган қабилаларнинг илк жез даврига оид маданияти. Биринчи марта Иркутск ш. яқинидаги Глазков қабристони (Иркут дарёсининг Ангарага қуйилиш жойи)да топилгани учун шу ном б-н аталади. Қазиш ишлари 1887 й.дан бошланган. Кейинги даврда археолог А. П. *Окладников* текширган. Бу ерда яшаган қабилалар овчилик ва теримчилик б-н шуғулланган. Меҳнат қуролларини тошдан, зеб-зийнат буюмларини нефрит, садаф ва суякдан ясаган. Суяк ва металлдан қошиқ, қармоқ, чўкич, ёй, гарпун, пичоқ, игна, бигиз, ҳалқасимон билагузук ва одам ҳайкалчалари тайёрланган. Топилмалар орасида мис ва жездан ишланган буюмлар ҳам учрайди. Қабилалар ижтимоий ҳаётида патриархал қулчилик белгилари, шомонийлик динининг дастлабки куртаклари юзага кела бошлаган. Г. м.ни яратган қабилаларнинг ҳоз. тунгус, эвенк ва юкагир халқларининг аждоди эканлигини археологик топилмалар б-н бирга халқ оғзаки ижоди намуналари ва антропологик маълумотлар ҳам тасдиқламоқда.

ГЛАЗОВ — РФнинг Удмуртия Республикасидаги шаҳар. Т.й. станцияси Чепца дарёси (Вятканинг ирмоғи) бўйида. Аҳолиси 108 минг киши (1995). Машинасозлик ва металлсозлик ривожланган. Озиқ-овқат саноати корхоналари, мебель ф-каси, пед. ин-ти бор. Г. 1780 й. вужудга келган.

ГЛАУБЕР ТУЗИ — *мирабилит*нинг бошқа номи. Шу тузни дастлаб олган немис кимёгари И.Р. Глаубер (1604—1670) номи б-н аталган.

ГЛАУКОМА (юн. glaucos — оч кўк, кўкимтир-яшил), кўк сув, назла — кўз касаллиги; асосий белгилари: кўз ичи босимининг ошиши, кўрув майдонининг торайиши ва кўрув нерви диски *атрофия*си. Бирламчи, иккиламчи ва б. Г. фарқ қилинади. Бирламчи Г. мустақил касаллик бўлиб, у кўз ичи босими бошқарилиши ва кўз ичи суюқлиги чиқишининг бузилишидан юзага келади. Асосан 35—40 ёшдан ошган одамларда учрайди. Кўз ички бурчагининг ҳолатига қараб ёпиқ бурчакли, очиқ бурчакли ва аралаш бурчакли шаклларда бўлади. Ёпиқ бурчакли Г.да кўпинча беморнинг бир кўзи ва бошининг ўша томони дапқир-дапқир оғриб қўяди, кўз хиралашади, ёруғга қараганда ёйсимон доира кўринади. Вақт ўтиши б-н кўз ва пешонадаги оғриқ кучайиб, беморнинг кўнгли айниб, қайт қилади, кўзи қизариб ёшланади; кўз олдида жойлашган қон томирлар кенгаяди. Мугуз парда хиралашади, кўзнинг олд қисми саёзлашади, қорачиқ кенгайиб, ёруғдан торайиш хусусияти йўқолади, кўкимтир-зангори рангга киради. Кўз ичи босими кескин ошиб, кўз соққаси қаттиқлашади. Г.нинг ўткир хуружи рўй беради. Очиқ бурчакли Г. б-н хасталанган бемор анчагача кўзидан шикоят қилмаслиги мумкин. Кўз ичи босими ошадию, лекин оғриган кўз соғидан деярли фарқ қилмайди; босим ортган сари кўрув нерви ва тўр парда эзилиб, уларда қон айланиши қийинлашади, натижада кўриш майдони торайиб, кўриш ёмонлашади. Аралаш бурчакли Г. асосан гониоскопия усули б-н аниқланади.

Иккиламчи Г. айрим кўз касалликларининг (увеит, кўз гавҳари касалликлари, қон томир касалликлари, кўз соққасининг шикастланиши, дистрофияси ва ўсмаси) асорати сифатида вужудга келади. Туғма ва ўсмир ёшдагилар Г.си кўз ички бурчагининг норасолиги ва тўқималар ривожланишидаги айрим нуқсонлар туфайли пайдо бўлади.

Кўз ичи босими нормада 18—26 мм симоб устунига тенг. Агар у 26 мм дан ошса, махсус текширувлар ўтказиб Г.ни вақтида аниқлаш лозим. Касалликнинг олдини олиш учун ёши 40 дан ошган кишиларнинг кўз ичи босими мунтазам тарзда йилига бир марта ўлчаниб туриши керак. Кўз ичи босими ошса, кўз ёки бош оғриса, кўриш ёмонлашса, дарҳол врачга кўрсатиш лозим.

Г.нинг ҳар бир шаклида бошланғич, ривожланган, ўтиб кетган ва терминал босқичлар кузатилади. Г.нинг ўткир хуружида кўз ичи босимини туширувчи маҳаллий ва умумий даво буюрилади. Агар кўз ичи босими ҳадеганда тушавермаса (24 соат давомида) жарроҳлик усули қўлланилади. Г.нинг барча турларини даволаш учун аввал доридармонлар буюрилади. Агар даволашга қарамай кўз ичи босими доимо ошиб турса, кўриш майдони торайса, лазер нурлари ёки микрохирургия усуллари б-н кўз операция қилинади. Бу усуллар қанча эрта қўлланилса, кўришни шунча яхши ва узоқ муддат сақлаш имконияти туғилади. Г. б-н хасталанган бемор маълум тартибга риоя қилиши лозим. Кўпроқ сутли ва сабзавотли овқатлар тановвул қилиш, меҳнат шароитини енгиллаштириш, тунда бажариладиган ишни кундузи ва ёруғ жойларда, вақт-вақти б-н дам олиб қилиш тавсия этилади. Асабий (ақлий) ва жисмоний зўриқиш, бошни энгаштириб ишлаш, суюқликни кўп истеъмол қилиш, аччиқ чой, кофе ва спиртли ичимликлар ичиш тавсия этилмайди. Г.нинг олдини олишда диспансеризация йўли жуда қўл келади, бунда касалликни эрта аниқлаш ва бекаму кўст даволаш мумкин.

Ад.: Ҳамидова М.Х., Болтоева З.К., Кўз касалликлари, Т., 1996.

Холиджон Комилов.

ГЛАУКОНИТ (юн. glaukos — кўкимтир-яшил) — минерал. Гидрослюда гуруҳига мансуб темирнинг сувли алюмосиликати. Кимёвий формуласи доимий эмас, мураккаб. Г.ни асосий таркибий қисмлари кремний оксиди (49-56%), темир оксиди ва чала оксиди (21% гача), алюминий оксиди (18% гача), калий оксиди (10% гача), магний оксиди (7% гача) ва сув (13% гача) дан иборат. Моноклин сингонияли. Ранги тўқ яшилдан қорамтир яшилгача. Мўрт. Қаттиқлиги 2—3. Зичлиги 2200—2800 кг/м³. Денгиз ётқизиқларидан ҳосил бўлган жинсларда ҳамда қум ва қумтошларда майда юмалоқ, нотўғри кристаллар шаклида учрайди. Денгиз тубида гел ҳолида чўкиб ҳосил бўлади. Мезокайнозой чўкинди жинсларида кўп тарқалган. Ўзбекистонда Фарғона водийсида, Ғарбий Қозоғистон, РФ (Волгабўйи), Украина, Тожикистон жан.даги бўр даври қумтошларидан кўплаб топилган. Озиқ-овқат саноатида оқартирувчи модда. Қ. х.да ўғит сифатида ишлатилади. Бундан ташқари яшил бўёқ тайёрлашда қўлланилади.

ГЛАУКОФАН (юн. глаукос—ҳаворанг яшил ва файнестай—ўхшамоқ) — минерал, ишқорли амфибол. Кимёвий формуласи $Na_2Mg_3Al_2[Si_8O_{22}]_2[OH]_2$. Моноклин сингонияли. Чўзиқ зарралар, устунсимон, шуъласимон, толасимон агрегатлар. Кулранг-кўк, ёркин-кўк ёки зангори-қора рангли. Шишасимон ялтироқ. Қаттиқлиги 6,0—6,5. Зичлиги 3100—3300 кг/м³. Асосан метаморфик сланецларда учрайди. Асосий хусусияти: паст т-ра ва юқори босимда ҳосил бўлади. АҚШ (Калифорния), Франция (Бретань), Италия (Аоста водийси), Япония (Канто), РФ (Жан. Урал), Украина (Кривой Рог), Қозоғистон шарқида топилган. Ўзбекистонда Шим. Фарғона, Нурота ва Ҳисор тоғларидаги моласслардa нотўғри доначалар шаклида учрайди.

ГЛЕДИЧИЯ, тикандарахт (Gleditshia) — *бурчоқдошлар* оиласига мансуб ўсимликлар туркуми. Барги қўш патсимон мураккаб. Гуллари бир жинсли, актиноморф, майда, кўкиш, барг қўлтиғидан чиққан бошоқсимон чочоқ тўпгулда жойлашган. Дуккаги йирик, узун, жигарранг, Шим. ва Жан. Америкада, Жан. Осиеда ва Африка тропикларида 12 тури маълум. Шим. Америкадан келиб чиққан тиканли Г. (G. tricanthos) Ўрта Осиё, Кавказ, Қримда экилади. Тез усади, бўйи 40 м гача бўлади. Май—июнда гуллайди; қурғоқчиликка чидамли, қаттиқ тиканли, яшил девор ҳосил қилиш учун экилади. Г.нинг гули нектарга бой.



Гледичия.

ГЛЕЗЕР (Glaser) Дональд Артур (1926.21.9, Кливленд) — америкалик физик. АҚШ Миллий ФА аъзоси (1962 й.дан). Кейс технология ин-тини тамомлаган (1946). Илмий ишлари элементар зарралар физикасига, космик нурлар физикасига, молекуляр биологияга ва физик усулларни қуллашга бағишланган. Зарядланган зарралар изини кузатиш учун — пуфак камерани ихтиро қилган (1952). Нобель мукофоти лауреати (1960).

ГЛЕНН Жон (1921, Кембриж) — АҚШ астронавти, истеъфодаги денгиз пиёда аскарлари полковниги. АҚШ тарихида 1-марта «Меркурий» космик кемасида Ер атрофи бўйлаб парвоз қилган (1962 й. фев.).

ГЛЕТЧЕР (нем. gletsher, лот. glacies — муз) — музлик терминининг кўп ишлатиладиган синоними (қ. *Музликлар*).

ГЛИВИЦЕ — Польшанинг жан.-гарбидаги шаҳар, Катовице воеводалигида. Аҳолиси 215 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Т.й. тугуни, Гливице канали бўйидаги муҳим дарё порти. Юқори Силезия тошкўмир ҳавзасининг энг муҳим марказларидан бири. Огир машинасозлик, электротехника, металлургия, кимё, пўлат эритиш корхоналари, кўмир шахталари, политехника ин-ти, илмий тадқиқот ин-тлари бор. Г. шаҳар сифатида 13-а. охиридан маълум.

ГЛИКОГЕН (юн. glykys — ширин ва genes — туғилган) — кўп тармоқли *полисахарид;* молекуласи α-D-глюкопираноза қолдиқларидан иборат аморф моҳсулот. Мол. м. 106-109. Тузилиши жиҳатидан крахмалга ўхшайди. Тирик организмда ўсимликлардаги крахмал каби функцияни бажаради. Кўпчилик тирик организмларнинг тез сафарбар қилинадиган энергия ресурси. Г. умуртқалиларнинг асосан жигари (2—6%) ва мускуллари (2%)да тўпланади. Ачитқилар, айрим замбуруғлар ва сув ўтларида, маккажўхорининг айрим навлари донларида ҳам топилган. Г.нинг парчаланиши — гликогенолиз фосфоролитик (фосфорилаза ферменти таъсирида) ва гидролитик (амилаза ферменти таъсирида) йўл б-н амалга ошади. Г. фосфорилазаси моҳсулоти — глюкозо-1-фосфат фосфоглюкомутаза таъсирида изомерланиб, глюкоза-6-фосфатга айланади. Умуртқалилар жигарида глюкозо-6-фосфатнинг анча қисми глюкозо-6-фосфатаза б-н гидролизланиб, эркин глюкоза ҳосил қилади ва қонга ўтади.

ГЛИКОЗИДЛАР — молекулалари *углевод* б-н бирор органик бирикма қолдиги (агликон)нинг гликозид боғ орқали бирикишидан ҳосил бўлган органик моддалар. Уларнинг кўпчилиги кристалл, аччиқ таъм ва ўзига хос ҳидли бирикмалардир. Ўсимликларда кўп учрайди, уларда турли моддалар Г. шаклига киради ва шу шаклда сақланади. Ҳайвонлар организмида ҳам Г. борлиги аниқланган. Моддалар алмашинувида Г.нинг аҳамияти беқиёс. Аччиқ бодом, ўрик, шафтоли, олхўрининг барги ва данагида бўладиган амигдалин; горчица ва хрендаги — синигрин; картошкадаги — соланин ҳамда ўсимликларни бўёвчи — антоцианинлар энг муҳим Г. қаторига киритилади. Уларнинг айримлари (азонин, строфантин) тиббиёт амалиётида, айниқса юрак-томир касалликларида (юрак Г.и.) қўлланилади. Ҳайвонлар миясидаги *цереброзидлар* ва *стрептомицин* антибиотиги ҳам Г.га киради.

ГЛИКОЗУРИЯ (*глюкоза* ва юн. uron — сийдик) — сийдик б-н қанд (глюкоза) чиқиши. Асосан *гипергликемия*дан кейин кузатилади. Буйрак каналчаларининг реабсорбция қилиш хоссаси сусайганда рўй беради, шунингдек, қандли диабетга хос белгилардан бири ҳисобланади. Қандли диабет б-н оғриган бемор қонида қанд кўпаяди, бу сийдикда қанд бўлишига олиб келади. Нормал сийдикда қанд бўлмайди. Алиментар (қанд кўп истеъмол қилинганда), рефлектор (қаяжонланиш, стресс ҳолатларида бир лаҳзада ўтиб кетади), диабетик ва буйрак хили ажратилади. Нерв ва эндокрин система фаолияти бузилганда, буйрак касалликлари, турли заҳарланишлар, *ҳомиладорлик токсикозлари*да ҳам Г. кузатилиши мумкин.

ГЛИКОКОЛ — қ. *Глицин.*

ГЛИКОЛ КИСЛОТА (гидроксисирка кислота), $HOCH_2COOH$ — куйдирилган қанд ҳиди келадиган рангсиз кристаллар. Мол. м. 76,05. Суюқланиш т-раси 79—80°. Сув, спирт, эфирда яхши эрийди. Гўра узум, лавлаги, шакарқамишда бўлади. Нитрид кислотани аминосирка кислота б-н ўзаро таъсир эттириш ёки фруктозани оҳиста оксидлаш орқали олинади. Г.к. саноатда хлорсирка кислота ёки унинг тузларидан, оксалат кислотани электролитик усулда қайтариб, шунингдек, углерод (II)-оксид б-н сувни кислотали катализаторлар иштирокида босим остида ўзаро таъсир эттириб олинади. Г.к. жун бўяшда, тери ошлашда, пўлат ва мис юзасини электролитик силлиқлашда қўлланиладиган суюқлик компоненти сифатида ишлатилади.

ГЛИКОЛИЗ (юн. Clylys — ширин ва lysis — парчаланиш) — *углеводлар* (асосан *глюкоза*)нинг сут кислотасигача анаэроб парчаланиш жараёни; бижғишнинг бир тури. Г.да ажралиб чиққан энергия аденозинтрифосфат (АТФ) нинг фосфат боғлари энергиясига айланади. Бу жараёнда 6 углеродли қанд — Д-глюкоза ҳужайранинг асосий «ёнилғи»си ҳисобланади. Г.да гомоферментатив сут кислотали ва спиртли бижғиш муҳим аҳамиятга эга. Биринчи ҳолда 6 углеродли глюкоза 2 молекула 3 углеродли сут кислотасигача парчаланади. Г.нинг бу хили кўпчилик микроорганизмлар ва юксак ҳайвонлар, жумладан сут эмизувчилар организмида содир бўлади. Спиртли бижғишда 6 углеродли глюкоза молекуласи 2 та 2 углеродли этанол (C_2H_5OH)га в 2 молекула углерод (IV)-оксид (CO_2) гача парчаланади. Г. жараёни 2 босқичда амалга ошади. 1-босқичда оддий қандлар тўпланади ва улар глицеринальдегидфосфатга айланиб, АТФ сарф бўлади; 2-босқичда оксидланиш-қайтарилиш реакцияси туфайли АТФ ҳамда сут кислотаси ҳосил бўлади. Г.нинг кетма-кет реакцияларини 11 та фермент катализлайди. Бу ферментларни эриган ҳолда ажратиб олиш мумкин. Г.нинг тайёргарлик босқичида ҳар хил углеводлар АТФ ҳисобига фосфорланади ва глицеринальдегид-3-фосфат ҳосил бўлади. Г.нинг 2-босқичи ҳамма углеводлар учун умумий бўлиб, унда АДФ оксидланиш-қайтарилиш реакцияларида энергия жамғарилиши туфайли АТФ гача фосфорланади. Г. кетма-кет борадиган 3 хил реакциялар: глюкоза-углерод скелетининг бузилиб сут кислотаси ҳосил бўлиши; анорганик фосфатнинг АТФ нинг охирги гуруҳига айланиши; оксидланиш-қайтарилиш реакциялари, яъни электронлар ўтказиш йўлидан иборат. Г.да глюкоза молекуласидаги кимёвий энергиянинг жуда оз қисми ажралади. Кислородли босқичда глюкоза охирги маҳсулот — CO_2 ва H_2O гача парчаланиб, анча кўп миқдордаги энергия ажралиб чиқади. Г.да нафас олишга нисбатан кам энергия ажралиши глюкозага ўхшаш мураккаб модда — сут кислотаси ҳосил бўлиши б-н боғлиқ. Шунинг учун сут кислотасининг оксидланиш даражаси глюкозанинг оксидланиш даражасига тенг. Мускуллар қисқарганда сут кислотаси кўпайиб, гликоген камаяди. Бу ҳол мускул қисқаришида Г. энергия манбаи бўлишини кўрсатади. Баъзан Г. захиралари б-н ишлов берилганда ҳам мускул қисқараверади. Шу боисдан Г.нинг ўзи мускул қисқаришида ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Скелет мускуллари учун Г. асосий энергия манбаи ҳисобланади.

ГЛИКОЛЛАР (юн. glykys — ширин), алкандиоллар, икки атомли спиртлар — алифатик қаторнинг умумий формуласи $C_nH_{2n}(OH)_2$ бўлган қўш гидроксил гуруҳли органик бирикмалар. Энг оддий вакили этиленгликоль $HOCH_2—CH_2OH$. Тубан Г. — сув ва спиртда яхши эрийдиган рангсиз қовушқоқ суюқликлар, юқори Г. — спирт ва эфирда яхши, сувда ёмон эрийдиган қаттиқ моддалар.

Г. кимёвий хоссалари жиҳатдан бир атомли спиртларга ўхшайди. Г. ишқорий металлар ва уларнинг гидроксидлари б-н гликолятлар, бир асосли карбон кислоталар, уларнинг ангидридлари ёки хлорангидридлари б-н мураккаб моно- ва диэфирлар, икки асосли кислоталар ва уларнинг ҳосилалари б-н мураккаб полиэфирлар, қуйи молекуляр икки асосли кислоталар ва уларнинг эфирлари б-н циклик бирикмалар ҳосил қилади. Г. тегишли дигалогенидларни ёки хлоргидринларни *гидролиз* қилиб, 1,2-Г. эса тегишли эпоксид ёки олефинлардан гидратация усулида олинади. Юксак Г.нинг мураккаб эфирлари эритувчилар ва пластификаторлар сифатида ишлатилади. Улар антифризлар, гидравлик суюқликлар олишда, Г. эфирлари синтезида, полиэфир смолалар и.ч.да қўлланилади.

ГЛИКОПРОТЕИДЛАР, гликопротеинлар — таркибида углеводлар бўлган мураккаб оқсиллар. Мол. м. бир неча ўн мингдан бир неча миллионгача етади. Ҳайвон, ўсимлик, микроорганизмларнинг деярли барча ҳужайра ва тўқималари такибига киради. Г. орасида *ферментлар, гормонлар, иммуноглобулинлар,* қон плазмаси компонентлари, муцинлар, мукоидлар, мембрана рецепторлари ва б. учрайди. Ўсимликлар Г.и қоннинг махсус моддаларини чўкмага тушириш ва эритроцитларни *агглютинация* қилиш хусусиятига эга. Булар лектинлар деб аталади.

ГЛИНКА Михаил Иванович [1804.20.5(1.6), Новоспасское қишлоғи, Смоленск вилояти — 1857.3(15).2, Берлин; Санкт-Петербургда дафн этилган] — композитор, рус мумтоз мусиқасининг бошловчиси. 1817 й.дан Санкт-Петербургда яшаб, мусиқа ижрочилигидан сабоқ олган. 1820-й.ларда пианиночи ва хонанда сифатида танилган. Композиция бўйича Берлинда З. Ден таълимини олган (1833—34). Бир неча марта чет эл (Италия ш.лари, Берлин, Париж, Варшава, Испания ва б.)да бўлиб, турли халқ куйлари ва профессионал мусиқа маданияти б-н танишган.



Г. ижодида халқ (рус, итальян, испан ва б.) мусиқаси бойликлари б-н композиторлик услуби ютуқлари уйғунлашган. Шакли мукаммал, куйлари аниқ ва нафис, гармонияси ҳамда оркестр бўёқлари ширадор ва ёрқин бўлган Г. асарлари ҳаётбахш, қувонч руҳи б-н суғорилган.

Г.нинг ватанпарварлик мавзуидаги «Иван Сусанин» (аслида «Подшо учун жон фидо», 1836) ҳамда «Руслан ва Людмила» (1842) асарлари рус операсида 2 оқим — халқ мусиқали драмаси ва эртак достон операсини бошлаб берди. Шунингдек, «Вальс-фантазия» (1845), «Камаринская» (1848) каби симфоник асарлари б-н рус симфонизмига асос солди. Г. романслари рус вокал лирикаси тарихида янги давр очган. Уларнинг бир қисми ўзбек тилида нашр этилган. Г.нинг опера, симфоник ва камер асарлари Ўзбекистонда мунтазам ижро этилади. 1960 й.дан Г. номидаги опера хонандалар танлови таъсис этилган. Танлов ғолиблари орасида ўзбек хонандалари (мас., И. *Жалилов*) ҳам бор.

ГЛИОКСАЛЬ (этандиал, диформиль, оксалат альдегид), CHO—CHO — диальдегидларнинг оддий вакили, сариқ рангли кристалл. Мол. м. 58,04. Суюқланиш т-раси 15°, қайнаш т-раси 50,4°, зичлиги 1140 кг/м³. Сувда, спирт ва эфирда яхши эрийди. Сақланганда намлик таъсирида полимерланади. Г. таркибида иккита углероди бўлган бирикмаларни оксидлаб, саноат миқёсида эса *этиленгликол*ни мис катализатори иштирокида дегидрогенлаб олинади. Тўқимачилик, тери, қоғоз ҳамда бўёқчилик саноатида ишлатилади.

ГЛИПТИКА (юн. glypho — кесаман) — қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо тошларга нақш ёки тасвир ўйиш санъати; амалий безак санъати тури. Г. асари *гемма* қалимдан муҳр (эгалик белгиси), тумор ва тақинчоқ вазифасини ўтаган. Мил. ав. 4-минг йилликда Месопотамия, Қад. Миср, Ғарбий Осиёда вужудга келган, Юнонистон, Қад. Римда юксак тараққий этган. Гемма тасвирлари (ҳайвон ва қушлар, худо ва қаҳрамонлар қиёфаси, афсонавий саҳналар) ихчам композицияси б-н ажралиб туради.

Ўрта асрларда Г. асосан Шарқда ривожланган. Византияда қад. анъаналар сақлангани ҳолда текис юзали, кейинчалик услублаштирилган шаклларга айланган нафис чизмага мойиллик хос.

Мусулмон Шарқида ёзувли гемма (инталия)лар кенг тарқалган; ҳусни-хатли нозик матнлар хитой муҳрларини безаган. Европада Уйғониш даврида Г. янада ривожланади, қад. Г.дан нусха кўчириш б-н бирга Г.да замондошларнинг портретлари ҳам яратилади, етакчи ўринда Италия усталари туради (В. Белли, Ж. Бернарди ва б.).

Ўрта Осиёдан топилган археологик топилмалар (Ўзбекистон халқлари тарихи музейида сақланаётган Г. намуналари)да ҳукмдорларнинг тасвирлари, шунингдек, ўсимлик, ҳайвонларнинг шакллари ишланган тамғалар бўлиб, юнон Г.сига тақлидан тайёрланган. Бундай Г. асарлари Кавказ, Эрон, Афғонистон, Шим. Ҳиндистондан ҳам топилган. Ислом дини тарқалганидан кейин тасвирлар ўрнини нақш ва ёзувлар эгаллаган. Ўзбекистон ҳудудидан узук кўзи ёки мунчоқ сифатида ишланган қад. Г. намуналари (Афросиёб, мил. ав. 6—5-а.лар, жумладан тож кийган эркак тасвири) топилган.

ГЛИПТОТЕКА (юн. glyphos — кесма ва theke — сақланадиган жой) — *глиптика* ёки ҳайкалтарошлик асарлари тўплами; ҳайкалтарошлик музейи. Мюнхен ва Копенгагендаги Карлсберг Г.лари машҳур.

ГЛИССЕР (франц. glisser — сирпанмоқ) — тезюрар енгил кема. Корпусининг туби ясси, V-симон ёки ботиқ шаклда бўлиб, ёнида «редан» деб аталадиган чиқиғи бор. Г. тез юрганда вертикал кўтариш кучи (гидродинамик куч) пайдо бўлиб, чиқиғи сув бетига чиқади ва Г. сув юзида сирпангандай сузади. Кўпинча, Г.га енгил поршенли ички сиқув двигателлари, газ турбиналари урнатилади. Тезлиги 200 км/соат дан ошади. Спорт Г. ларига реактив двигателлар ўрнатилади, уларнинг тезлиги 300 км/соат дан юқори бўлади. Г. дан йўловчилар ташиш, сайр қилиш, спорт, қўриқчилик мақсадларида фойдаланилади.

ГЛИФТАЛЬ СМОЛАЛАР — *глицерини* фталат ангидрид б-н конденсатлаб олинадиган сунъий смолалар. Лок и.ч.да қўлланилади (яна қ. *Алкид смолалар*).

ГЛИЦЕРИДЛАР, ацилглицеринлар — *глицерин* б-н органик ёки минерал кислоталарнинг мураккаб эфирлари. Молекулалаги кислота қолдиғига қараб моно-, ди- ва триглицеридларга бўлинади. Г.да изомерлар мавжуд бўлиб, бу улар таркибига кирувчи қолдиқларнинг жойлашувига боғлиқ. Анорганик кислоталар глицеридларидан нитрат кислота триглицериди — *нитроглицерин* катта аҳамиятга эга. Карбон кислоталарнинг Г.и ўсимлик ва ҳайвон ёғларининг таркибий қисмидир. Улар тегишли карбон кислоталарни глицерин б-н этерификациялаб олинади.

Стеарин, олеин, пальмитин кислоталарнинг Г.и озиқ-овқат ёғларининг эмульгатор ва стабилизатори, турли кремлар, пластификаторлар ва сурков мойлари, совун олишда хом ашё сифатида қўлланилади. Нитроглицерин шифобахш дори ҳамда портловчи моддалар компонентидир.

ГЛИЦЕРИН (юн. glykeros — ширин) — 1, 2, 3-пропантриол, $HOCH_2$—CHOH—CH_2OH — уч атомли оддий спирт; рангсиз, ҳидсиз, шиннига ўхшаш, чучмал суюқлик; Мол. м. 92,09, зичлиги 1260 кг/м³, суюқланиш т-раси 17,9°, қайнаш т-раси 290°, сувга, метил ва этил спиртларга, ацетонга аралашади, спирт б-н эфир ёки хлороформ аралашмасида эрийди; ёғ, бензин, бензол, углерод сульфидда эримайди. Органик ва анорганик моддаларни, мас., туз, ишқор, шакарларни эритиб юборади; ҳаводан сув ютади (оғирлик жиҳатидан 40% гача). Сув б-н аралаштирилса иссиқлик ажралиб чиқиб, контракция (ҳажм камайиши) ҳодисаси кузатилади. Бошқа спиртлар каби металл глицератлар ҳосил қилади.

Г.га минерал кислоталар таъсир эттириб эфирлар олинади, мас., нитрат ва сульфат кислоталар аралашмаси таъсир эттирилса, *нитроглицерин* ҳосил бўлади. Г. табиий ёғ ва карбон кислоталарнинг триглицеридлари аралашмасидан иборат мойлар таркибида бўлади.

Саноатда озиқ-овқат ёғларини турли катализаторлар (кислоталар, ишқорлар, ферментлар) иштирокида совунлаш йўли б-н олинади. Ҳозир Г.ни синтез йўли б-н пропилендан олиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Г. организмда ёғлар ва фосфатидларнинг парчаланишидан ҳосил бўлиб, ёғ ва углерод алмашинувида боғловчи воситасини ўтайди. Юқори ёғ кислоталарининг триглицеридлари ҳайвон ва ўсимлик ёғларининг асосини ташкил этади. Г. нитроглицерин, *глифталь смолалар* и.ч.да, матолар, тери ва қоғозни юмшатувчилар, эмульгаторлар, антифризлар, сурков мойлари, пойабзал мойлари, совун ва елимлар, атирупа ва косметик препаратлар, тиббиёт мазлари, ликёрлар, қандолат маҳсулотлари компоненти сифатида қўлланилади.

ГЛИЦИН — 1) гликокол, аминосирка кислота, NH_2—CH_2—COOH; рангсиз кристалл модда. Суюқланиш т-раси 232—236° (парчаланади), мол. м. 75,07, зичлиги 1595 кг/м³. Сувда яхши эрийди, кўпчилик органик эритувчиларда эримайди. Оқсил моддаларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади; 2) п-оксифениламиносирка кислота, $HOC_6H_4NHCH_2COOH$; суюқланиш т-раси 245—247°. Ишқорлар ва кислоталарда яхши эрийди, сувда ва спиртда ёмон эрийди, фотографияда очилтиргич (проявитель) сифатида ишлатилади.

ГЛИЦИНИЯ (Wisteria sinensis ёки Glycine sinensis) — *бурчоқдошлар* оиласига мансуб, илашиб ўсувчи бута ёки дарахт. Бўйи 20 м ча, пўстлоғи қорамтир-кулранг, шохлари ингичка, яшил, осилиб ўсади. Барги тоқ патсимон. Тўпгули рўваксимон, осилган, уз. баъзи турларида 75—100 см га боради. Дукқакли ясси, тукли, 10—15 см, уруғи буйраксимон, жигарранг, апрелдан бошлаб, ёз бўйи гуллайди. Ватани — Хитой, Қрим ва Кавказда хушманзара ўсимлик сифатида экилади. Андижон, Фарғона ва Самарқандда онда-сонда кекса Г.лар учрайди. Лекин қишда уларнинг бир йиллик новдаларини совуқ уради. Г. пархиш, қаламча қилиш йўли б-н ҳамда бачкиларидан кўпайтирилади.

ГЛИЭР Рейнгольд Морицевич [1874.30.12(1875.11.1), Киев — 1956.23.6, Москва] — композитор, мусиқа арбоби, дирижёр, педагог. Озарбайжон (1934), Россия (1935), Ўзбекистон (1937) халқ артисти, проф. (1913). санъатшунослик д-ри (1941). Москва консерваториясини тугатган (1900).



«Лолақизғалдоқ» (1927, 2-таҳрирда «Қизил гул»), «Мис чавандоз» (1949) каби балетлар, овоз ва оркестр учун концерт, симфониялар, романслар ва б. муаллифи. Г. рус мумтоз мусиқа анъаналарини давом эттириб, ўз ижодида турли халқлар (рус, украин, озарбайжон, ўзбек, бурят-монгол ва б.) мусиқа меросига изчил мурожаат этган. У 1920-й.лари Озарбайжонда, 1930—40 й.лари Ўзбекистонда баракали ижод қилиб, «Шоҳсанам» операси (1927), «Гулсара» (1936, Т. Жалилов ва Т. Содиқов б-н ҳамкорликда) мусиқали драмаси, Т. Содиқов б-н биргаликда «Лайли ва Мажнун» (1940), «Гулсара» (1949) операларини яратган. Шунингдек, «Алишер Навоий» фильмига мусиқа, ўзбек куйлари асосида «Тантанали» (1937), «Фарғонача байрам» (1940) симфоник увертюралари, қатор романс ва б. асарлар ижод этган. Ўзбек миллий мавзусидаги асарларида Г. халқ мусиқа мероси бойликларидан унумли фойдаланган. Тошкентдаги Республика ўрта махсус мусиқа интернат мактаби, ЎзРдаги бир неча болалар мусиқа мактаблари Г. номига қўйилган.

Ад.: Векслер С., Глиэр и узбекская музыка, Т., 1981.

ГЛОБАЛ (франц. global — умумий, лот. globus — шар) — 1) бутун Ер шарини қамраб олувчи; 2) ҳар томонлама, тўлиқ, ялпи, универсал.

ГЛОБАЛ МУАММОЛАР — умумбашарий ҳаёт ва тараққиёт б-н боғлиқ ҳоз. замон муаммолари.Улар жумласига жаҳон термоядро урушининг олдини олиш, халқаро террорчиликка қарши кураш ва барча халқлар учун тинчликни таъминлаш; ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасидаги тафовутни бартараф этиш, очлик, қашшоқлик ва саводсизликни тугатиш, ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг тез суръатлар б-н кўпаяётганлигини тартибга солиш, атроф муҳит ҳалокатли тарзда ифлосланиб бораётганлигининг олдини олиш; инсониятни керакли ресурслар — озиқ-овқат, саноат хом ашёси, энергия манбалари б-н таъминлаш, фан ва техника тараққиёти салбий оқибатларга олиб келишига йўл қўймаслик кабилар киради. Г.м. аввало жаҳонда кечаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳарбий, илмий-технологик, ижтимоий-маданий жараёнларнинг умумбашарий аҳамият касб этиши натижасида юзага келди.

Г.м.ларни 4 гуруҳга ажратиш мумкин: 1) халқаро сиёсий муносабатларда вужудга келган Г.м. — жаҳонда ривожланган, ривожланиб келаётган ва қолоқ мамлакатларнинг мавжудлиги. Ҳоз. кунда жаҳон сиёсий тартиботини белгилашда дунёдаги 7 ривожланган мамлакатнинг мавқеи катта. Бу мамлакатлар б-н қолоқ мамлакатлар орасидаги тафовут ғоят кучайди. Тараққий қилган мамлакатларда демократик қадриятлар ривожланган бўлса, қолоқ мамлакатларда авторитаризм, демократияга зид бўлган ижтимоий муносабатлар авж олди, халқаро хавфсизликка қарши таҳдидлар пайдо бўлди. Буни террорчилик, экстремизм кўринишлари вужудга келганлиги тасдиқлайди; 2) халқаро иқтисодий муносабатларда пайдо бўлган Г.м. — жаҳон хўжалик тизими вужудга келиб, унда асосан иқтисоднёти ривожланган мамлакатлар устунлиги қарор топди. Иқтисодиёти қолдан ташқари ривожланган мамлакатлар, транснационал корпорациялар жаҳон иқтисодиётини бошқараётган бир пайтда, иккинчи томонда уларга қарам, иқтисодиёти жуда ҳам паст даражадаги мамлакатлар мавжуддир. Жаҳонда иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиёт ютуқларига қарамасдан бой ва камбағал мамлакатлар ўртасидаги фарқ ўсиб бормоқда. 20-а. охирида ривожланган мамлакатлар жаҳон ялпи миллий маҳсулотининг 86%ини ишлаб чиқарган бўлса, камбағал давлатлар атиги 1%ни ишлаб чиқарди. Айрим мамлакатлар ривожланган давлатлардан жуда катта миқдорда қарзга ботди. Натижада улар сиёсий жиҳатдан мустақил бўлса-да, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларга қарамдир. Жаҳон иқтисодий муносабатларидаги глобаллашувнинг салбий оқибатлари ҳам мавжуд. Мас., миллий бозорни сиқиб қўяди, ишсизликни, фермерларнинг синишини кучайтиради. Бу глобаллашувга қарши ҳаракатни келтириб чиқарди — Европанинг бир неча шаҳарларида норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Глобал иқтисодий жараёнлар жаҳон миқёсида ҳаракат қилувчи молиявий-иқтисодий жиноят гуруҳларини вужудга келтирди; 3) ижтимоий соҳада вужудга келган Г.м. — жаҳон аҳолиси муттасил кўпайиб бориши натижасида Осиё ва Африка мамлакатларида озиқ-овқат, ичимлик сув


танқислиги кучайиб, бу ҳол бошқа мамлакатларда ҳам кузатилаётгани, жаҳон аҳолисининг муайян қисми очарчиликни бошдан кечираётгани, сувдосиз экинлиги, ахборот-технология ва умуман фан-техника инқилоби самараларидан баҳраманд эмаслиги, бутун инсониятга хавф тугдирувчи касалликлар (мас., ОИТС) тез тарқалаётганлиги шундай муаммолар сирасига киради; 4) инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг бузилиши натижасида вужудга келган Г.м. — улар қаторига денгиз ва сув ҳавзаларининг булганиши, ўрмон майдонларининг тобора қисқариши, атмосфера озон қатламининг йўқолиб бориши кабилар киради. Хатарли кимёвий моддаларнинг ҳаддан ташқари кўп ишлатилиши натижасида қ.х.да экин экиладиган ерларнинг катта қисми яроқсиз ҳолатга келиш хавфи кучайди. Собиқ СССРда қ.х. соҳасида технократик сиёсат юритилиши оқибатида Орол денгизи суви камайиб, ғоят мушкул экологик муаммоларни келтириб чиқарди. Г.м.га қарши курашда жаҳон ҳамжамиятини бирлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ўз асарларида, турли халқаро анжуманларда сўзлаган нутқларида Марказий Осиёда Г.м.нинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш йўлларини курсатиб берди, бу муаммоларни ҳал қилиш халқаро хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим шарти эканлигига жаҳон жамоатчилиги эътиборини қаратди.

Ад.: Каримов И., Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, Т., 1997; Шахназаров Г., Куда идёт человечество, М., 1985; Отабоев Ш., Набиев М., Инсон ва биосфера, Т., 1995; Сантинов С., Философский анализ моделирования глобальных процессов, Т., 1996.

Сайфиддин Жўраев.

ГЛОБИН — *гемоглобин* таркибидаги оқсил, *альбуминлар*га хос, молекуласида 4 полипептид занжир: иккита α-занжир (уларнинг ҳар бирида 141 аминокислота қолдиғи бор) ва 146 та аминокислота қолдиғидан иборат иккита β-занжир бор. Одам ва кўпчилик ҳайвонлар Г.нинг тузилиши, полипептид боғ ва *аминокислоталар*нинг тартиб б-н жойлашиши тўла ўрганилган. Одам Г.и ўзига хос хусусиятга эга, чунки унинг таркибида изолейцин ва цистеин аминокислоталари бўлмайди.

ГЛОБОИД УЗАТМА — червяги ботиқ (глобоид) шаклда бўлган *червякли узатма*. Бир вақтда бир неча (4—7) тишлари тишлашиши ва тишларнинг туташув чизигига қулай жойлашиши туфайли бошқа тишли узатмаларга қараганда катта кучни узатади. Гўё ишлаганда суюқлик ёки чала суюқликли ишқаланиш муҳитини яратади ва тилдирак тишлари б-н червяк арикчалари тўла ёки чала мойланади. Бир хилдаги олатдаги червякли узатмага нисбатан Г. у. 3—5 марта юқори қувватни узата олади. Камчилиги — таёрлаш қийинлиги ва йиғиш анча мураккаблиги. Г. у транспорт воситалари, кон машиналари, самолётлар ва б.да қўлланилади.



Глобоид узатма схемаси.

ГЛОБУЛИНЛАР (лот. globulus — шарча) — суюлтирилган кислота ва ишқорлар ҳамда нейтрал тузларнинг кучсиз эритмаларида яхши, сувда эса кам эрийдиган (*миозиндан ташқари*) глобуляр оқсиллар; аммоний сульфатнинг ярим тўйинтирилган, магний сульфат ёки натрий сульфатнинг тўйинтирилган эритмасида чўкмага тушади. Г. сут, қон зардоби, тухум, мускуллар ва ўсимликлар (каноп, нўхат) уруғида бўлади. Ўсимлик ва ҳайвон тўқималари таркибига киради. Қон плазмаси оқсилларининг леярли ярмини ташкил этади. Кўпчилик Г. оддий оқсиллар, айримлари эса углеводлар, липидлар (айниқса қон зардоби Г.и), нуклеин кислоталар (нейроглобулин), йод (тиреоглобулин) б-н боғланган бўлади. Организмнинг иммунлик хусусиятини (антителолар, комплемент) ва қон ивишини (протромбин, фибриноген ва б.) таъминлайди; темир (трансферрин, гаптоглобин), миснинг (церулоплазмин) ташилишида ва б. жараёнларда иштирок этади. *Гаммаглобулин*лар тиббиётда кенг қўлланилади.


ГЛОБУС (лот. globus — шар, курра) — Ер шарининг модели, унинг кичик масштабдаги шаксимон нусхаси. Г.да Ернинг геометрик контурлари ва майдонлар нисбатини сақлаган ҳолда бутун ер юзасидаги географик объектлар (қуруқлик ва сув ҳавзалари, тог, текислик ва б.) қиёфаси муайян нисбатда жуда кичрайтирилган ҳолда тасвирланади. Г.да географик хариталарда йўл қўйиладиган йўналиш, майдон ва шакл хатоликлари бўлмайди. Г.лар фойдаланиш мақсадларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Ўқув Г.лари, илмий ишларда мўлжалланган Г.лар, транспорт, халқ хўжалигининг маълум соҳаларда фойдаланиладиган Г.лар. Масштаби максадга мувофик танланади. Ўқув Г.лари, одатда, 1:83 000 000, 1:50 000 000, 1:40 000 000, 1:30 000 000 масштабда тайёрланади. Шу б-н бирга улкан Г.лар ҳам яратган. Хусусан, Санкт-Петербургда 1:4 000 000, Тошкентда ўзМУ геогр. факультетидаги Г. масштаби 1:7 000 000.

Ер юзаси тасвирланган географик Г., Ой юзаси тасвирланган Ой Г., осмон сфераси тасвирланган осмон Г.и деб аталади. Харитографик материалга кўра ҳам Г.лар ҳар хил бўлиши мумкин. Энг кенг тарқалгани табиий географик Г.лардир.

Г. ясаш тарихи узоқ ўтмишдан бошланган. Қалимда саноқнинг олимларнинг одам ҳақидаги илмий турли тасаввурлари дастлабки Г.ларда ўз аксини топган. Дастлабки ибтидоий Г.ни мил. ав. 2-асрда юнонистонлик Кратес ясаган ва у Ўрта аср Г.ларидан анча фарқ қилган.

Шарқда дастлабки илмий Г.ни Хоразмда Абу Райҳон Беруний 1016 и.да ясаган (И. Г. Бунаков уни 995 и.да ясаган деб ёзган), у фақат Шим. ярим шардан иборат эди биринчи бурғма (рельефли) Г. бўлиб, аҳоли яшайдиган жойлар аниқ кўрсатилган. Г.нинг диаметри қариб 5 м бўлганлиги маълум (масштаби 1:2 500 000). Беруний уни ясаган Г. ҳақида «Геодезия» асарида ёзиб қолдирган. 13-а.да Мисрда ҳам Г. ишланган. 1492 и. Нюрнбергда немис географи ва сайёҳи Мартин Бехайм (1459 –1507) диаметри 0,54 м ли Г. («Ер олмаси»)ни ясаган. Унда Янги Дунёни кашф қилинишни арафасидаги Ер юзаси ҳақидаги тасаввурлар акс этган. Бехайм


Хўжандлик маърифатчи Ҳожи Юсуф Ҳайдатий (Мирфаёзов) 19-а. 80-йилларида ишлатган глобус. Самарқанддаги маданият ва санъат тарихи музейи.



бу Г.ни ясашда асосан Птолемей маълумотларига асосланган дунё харитасидан фойдаланган. Тошкентдаги катта Г. Тошкент ун-ти буюртмаси б-н 1979—84 йларда Пермь давлат ун-ти лабораториясида ясалган (диаметри 196 см, оғирлиги 490 кг, юзаси 13 м² га яқин, ўқув мақсадларида фойдаланилади). Бу Г.ни буюртириш ва олиб келиш ташаббускори геогр. фанлари доктори, проф. Ҳ. Ҳ. Ҳасанов бўлган. Масштаби икки хил: горизонтал масштаби 1:7 000 000, вертикал масштаби 1:2 000 000. Ер юзасидаги баландпастликлар Ернинг катталигига нисбатан жуда кичик бўлганлиги сабабли 2 хил масштаб қабул қилинган. Бундай қилинмаса Г.да Ер юзаси рельефи шакллари кўринмай қолади. Ер юзаси шакллари бўртма усулда, ландшафтлар ранглар б-н тасвирланган. Ландшафтларга ранг танлашда Ернинг коинотдан олинган суратлари рангларидан фойдаланилган.

15-а.да Самарқанддаги Мирзо Улуғбек қурдирган расадхонада ҳам катталигина Г. бўлган. Унда иқлимларнинг чегаралари, тоғлар, чўллар, денгизлар ва дарёлар кўрсатилган. Бинобарин, дунёдаги иккинчи Г.ни Самарқанд астрономлари ясашган. Улуғбекнинг ўлимидан кейин у мутаассиблар томонидан йўқотилган. Самарқанддаги Ўзбекистон халқлари тарихи ва маданияти музейида катта ноёб бир Г. сақланади. Мукаммал ишланган бу Г.ни 1895 й. хўжандлик маърифатчи Ҳожи Юсуф Мирфаёз ўғли мусаввир ва олимлар б-н ҳамжиҳатликда ясаган. Г.нинг баландлиги уни кўтариб турган таглиги

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университетидаги глобус.



б-н бирга 117 см, шар айланаси 160 см, масштаби 1:2 500 000. Г. градус тўрларига бўлинган. Меридиан ва параллеллар қора ранг, тропик чизиқлари ва қутб доиралари қизил ранг б-н чизилган. Нолинчи меридиан Гринвичдан эмас, Африканинг ғарбидаги Яшил бурун оларидан ўтказилган. Бу Абу Райҳон Беруний Г.сидаги бошлангич меридианга тўғри келади. Г.га қарийб мингта ном ёзилган. Г.га белбог тарзида 12 бурж доираси ўрнатилган. Ҳар бир бурж доираси ичида буржни англатувчи расмлар — шер, қўй, қисқичбақа, чаён, балиқ, қўчқор, ҳўкиз ва б. тасвирланган. Бу Туркистон ўлкаси маҳаллий олимлари яратган ва илмий жиҳатдан ўз даври учун энг мукаммал Г. дир.

ГЛОКСИНИЯ (Gloxinia speciosa) — гесneриядошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик. Ватани — Жан. Америка. Gloxinia hubrida тури Европага дастлаб 1817 й. ўтган. Оранжерея ва хоналарда ўстирилади. Барги йирик, қалин, майин тукли, қарама-қарши жойлашган. Гуллари оқ, пушти, қизил, бинафша ранг, карнайсимон банди узун ва мўрт, четдан чангланади. Меваси кўп уруғли кўсакча. 3—4 ой гуллайли. Қаламчасидан ҳам кўпайтирилади.

ГЛОМЕРУЛОНЕФРИТ (юн. glomerulo — буйрак коптокчаси, nephritis — буйрак яллиғланиши) — буйрак калаваларининг инфекцион-аллергик яллиғланиши. Юқумли касалликдан сўнг ривожланади. Касаллик патогенезида иммун бирикмалар етакчи роль ўйнайди. Г.да беморнинг қон босими кўтарилади, сийдикда қон ёки оқсил пайдо бўлади. Сийдик кам ажралиб, бадан шишиши ҳам мумкин (яна қ. *Нефрит*).

ГЛОРИЯ (лот. gloria — безак) — одам сояси атрофида рангли айлана кўринишида кузатиладиган оптик ҳодиса. Г. ёруғлик *дифракцияси* туфайли нур тушаётган булутлар пуштасида ёки туманда ёки шудрингли ўтлоқларда вужудга келиши мумкин. Г. аслида Қуёш ва Ой атрофида ярим тиниқ булут қатламларида, мас., юқори қатламли ёки юқори-тўп-тўп булутларда баъзи вақтларда кузатиладиган рангли айлана-тожнинг бир кўриниши. Агар кузатувчи тоғда турган бўлса, ботаётган ёки чиқаётган Қуёшдан вужудга келган соя булутга тушганда у соя тожлар б-н ўралган бўлиши мумкин, бу ҳодисага «брокен шарпаси» дейилади.

ГЛОССАРИЙ — изоҳлаб (Изоҳли Г.) ёки бошқа тилга, таржима (Таржима Г.) қилиб берувчи кам қўлланувчи сўз ёки иборалар лугати. Г. алоҳида нашр этилмай, чет тилидан таржима қилинган асарлар қисми, боби кетидан ёки чет тили дарсликларида берилган машқ матнлари кетидан келтирилади. Уларда ўша чет тилига хос бўлиб, матнга киритилган сўзлар ёки иборалар рўйхати келтирилиб, улар изоҳи илова қилинади.

Г. кўпроқ инглиз, француз, немис тилига оид дарсликларда учрайди. Бундан ташқари айрим асар ёки туркумга оид Г.лар ҳам бор. Мас., Ведаларга (мил. ав. 1-минг йиллик), Гомер асарларига (мил. ав. 5-а.дан бошлаб) оид Г.лар.

ГЛОССЕМАТИКА (юн. glossematos — тил) — умумлингвистик назария. 20-а. 30-й.ларида Копенгаген ун-тида Л. Ельмслев ва б. томонидан яратилган. Муаллифлар гносеологик масалалар ечими (бунда мантиқий позитивизмнинг фалсафий таъсири назарда тутилади)ни қатъий инкор этиб, янгича методларни ишлаб чиқишни мўлжалладилар. Бу методлар ёрдамида тил ҳодисаларини қарама-қаршиликларсиз, мукаммал ва ниҳоятда оддий қилиб (экспертизм асосида) тасвирлаб бериш имконияти бор. Г. моҳиятан Ф.де Соссюр таълимоти б-н алоқадор ва унга жуда яқин туради. Г.даги лингвистик таҳлил методикаси дедукция сифатида характерланади. У таҳлил қилинаётган матн асосида системани белгилашга олиб келиши керак. Бунинг учун дастлабки маълумотлар — яхлит матн изчиллик б-н майда қисмларга (босқичларга, гапларга, сўзларга, бўғинларга ва фонемаларга) бўлинади. Ҳар босқичда бирликни белгилашнинг асосий усули таҳлил бўлади. Г.даги таҳлилнинг иккинчи муҳим босқичи тил бирликлари ўртасидаги функцияларни қисобга олишдир. Ўзаро боғлиқликдан келиб чиқадиган тил ҳодисаларини расман таҳлил ва баён қилишда Г. самарали натижалар беради.

Ад.: Ельмслев Л., Метод структурного анализа в лингвистике [История языкознания XIX—XX вв. В очерках и извлечениях, ч. II], М., 1965; Гак В. Г., К проблеме семантической проблематики [Проблемы структурной лингвистики], М., 1972.

ГЛОССИТ (юн. glossa — тил, itis — яллиғланиш) — тил тўқималарининг яллиғланиши. Тилнинг шикастланиши: тирналиши, ёрилиши ёки уни тишлаб олиш, кўпинча иссиқ овқат ёки кимёвий моддалардан куйиши натижасида келиб чиқади. Тилнинг яллиғланиши меъда-ичак ва б. ички аъзолар ҳамда қон касалликлари, шунингдек,

инфекцион касалликлар (*грипп, қизамиқ, скарлатина*) ва уларнинг алоҳида хиллари (*захм, мохов, сил*) ёки *стоматит*, гижжа касалликлари, авитаминоз ва б. белгиларидан бўлиши ҳам мумкин. Г. тўсатдан бошланиб, яллиғланишга хос белгилар б-н кечади. Г.да тил оғрийди, атрофидаги тўқималар б-н бирга шишади, натижада бемор гапириш, чайнаш, ютиниш, баъзан нафас олишга ҳам қийналади, кўп сўлак оқади. Г. белгилари пайдо бўлганда дарҳол врачга учрашиш зарур. Даво касаллик белгиларига қараб тайинланади, энг муҳими касалликка сабаб бўлган омил бартараф этилиши лозим. Аччиқ, шўр овқатлардан ўзни тийиш, илиқ, юмшоқ овқат ейиш тавсия этилади.

ГЛОХИДИЙ (юн. glochis — камон учи, тирноқ) — чучук сув икки паллали моллюскалари (бақачаноқ, садафдорлар)нинг личинкаси. Г. баҳорда моллюскаларнинг жабра варақлари орасига қўйилган ва уруғланган тухумларидан ривожланади. Г.да ҳам вояга етган моллюскадаги сингари икки паллали чиғаноқ, сезувчи қиллар ва биссус безидан ҳосил бўладиган ип бўлади. Г. бир оз сувда ҳаракатлангач, чиғаноқ паллаларидаги тишчалари ва личинкалик ипи ёрдамида балиқлар жабрасига ва терисига ёпишади; тери остига кириб олиб, осмотик озиқланади. Бир неча ҳафтадан сўнг метаморфоз орқали кичик моллюскага айлангач, сув остига тушиб вояга етади. Г. моллюскаларнинг сув ҳавзасида тарқалишида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

ГЛУТАМИН КИСЛОТА, глютамин (α-аминоглутар) кислота, $COOH—CH_2—CH_2—CH(NH)_2—COOH$ — кристаллар. Мол.м. 147,13, суюқланиш т-раси 202°. Сувда яхши эрийди. Оқсил ва қатор муҳим қуйи молекуляр бирикмалар (мас., глутатион) таркибига киради. Табиий шакли — *D.* (+) изомер Г.к. жониворлар учун алмаштириладиган аминокислота ҳисобланади. Казеин, желатина, клейковина таркибида кўп миқдорда бўлади. Қон плазмаси ўзининг γ-моноамиди — глутамин б-н бирга барча эркин аминокислоталарнинг $^1/_3$ қисмини ташкил қилади. Г.к.+NH_3+АТФ ⇄ глутамин+ +АДФ+H_3PO_4 анорганик реакцияси лиазалар гуруҳига мансуб глутамин-синтетаза ферменти (қ. *Ферментлар*) ёрдамида амалга ошади, бунда жониворлар ва ўсимликлар тўқималарида ортиқча аммиакнинг боғланиши содир бўлади. Шу тариқа глутамин аммиакни деоксикация жойига (аксари ҳолларда буйрак ва жигарда) йўналтиради, у аминогуруҳлар учун захира бўлиб ҳам хизмат қилади ва оқсиллар таркибига киради. Моддалар алмашинувида айниқса глутамин — Г.к. системаси муҳим роль ўйнайди. Г.к. моддалар алмашинувининг бошқа муҳим жараёнлари қайта аминланишида (аспаргин кислота б-н бирга асосий иштирокчилардан биридир) ҳам қатнашади: дезаминланишда α-кетоглутар кислота ҳосил қилади, у эса ўз навбатида трикарбон кислоталар циклига, декарбоксиллашда муҳим нейтроп агент — α-аминомой кислота ҳосил бўлишига олиб келади; кўп сонли синтезларда, шу жумладан глутатион, глюкоза, орнитин синтезида иштирок этади. Г.к.нинг натрийли тузидан озиқ-овқат саноатида маҳсулотларнинг таъми ва қийматини оширишда, тиббиётда таблеткалар, пасталар, шунингдек, баъзи асаб касалликларини даволашда қўлланиладиган суюқ дорилар (томирга юборилади) тайёрлашда фойдаланилади.

ГЛУШЕНКОВА Анна Ивановна (1926.1.8, ҳоз. Волгоград вилоятидаги Матишево қишлоғи) — кимёгар олима. Ўзбекистон ФА акад. (2000). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1996). Кимё фанлари д-ри (1972), проф. (1982). Ўзбекистон ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтида лаб. мудири (1983 й.дан), шу ин-т директори (1984—89). Г.нинг илмий ишлари асосан табиий бирикмалар кимёсига, хусусан чигит ва ундан олинадиган маҳсулотларни комплекс қайта ишлаш масалаларига бағишланган.

ГЛУШКО Валентин Петрович [1908.20.8(2.9), Одесса — 1989, Москва] — энергетик, акад. (1958). Ракета техникаси асосчиларидан бири. Асосан космонавтика масалалари б-н шуғулланган, космонавтикага оид илмий-оммабоп ва илмий асарлар ёзган. Г.нинг асосий назарий ва амалий илмий ишлари суюқликли ракета двигателларини яратиш ва такомиллаштиришга бағишланган. Г. жаҳонда биринчи электротермик ракета двигатели (ЭРД) конструктори (1929—30). Г. биринчилар қаторида суюқликли ракета двигателлари — ЖРД (1930—31), ОРМ-1, ОРМ-102 (1930—38), РД-3 (1939—46) ва б.ни яратган.

ГЛУШЧЕНКО Алексей Данилович (1934.10.10, Ашхобод) — машинасозлик соҳасидаги олим. Ўзбекистон ФА акад. (1984), техника фанлари д-ри (1971), проф. (1973). Тошкент т.й. муҳандислари ин-тини тугатган (1958). Тошкент тепловоз таъмирлаш з-дида (1958—59), Ўзбекистон ФА Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ин-тида (1959—60) ишлаган; 1990 й.дан шу ин-тда бўлим бошлиғи. Ўзбекистон ФА Президиуми Механика ва жараёнларни бошқариш бўлими акад.-котиби (1984—90). Илмий фаолияти пахта териш машиналарини такомиллаштиришга, транспорт машинасозлиги ва локомотив хўжалиги назариясига бағишланган. «Шуҳрат» медали б-н мукофотланган (1994).



ГЛЭШОУ (Glashaw) Шелдон (1932) — америкалик назариётчи-физик. Илмий ишлари элементар зарралар физикасига оид. Электромагнит ва кучсиз ўзаро таъсирнинг умумий назариясини яратгани учун Нобель мукофоти лауреати (1979; С. Вайнберг ва А. Салом б-н биргаликда).

ГЛЮК (Gluck) Христоф Виллибальд (1714.2.7, Эрасбах, Бавария — 1787.15.11, Вена) — австрия композитори, мусиқий *классицизм*нинг йирик вакили. 1752 й.дан асосан Венада яшаб, сарой операсида дирижёр ва композитор бўлган. *Вена классик мактаби*нинг илк опера ислоҳотчиси сифатида «Орфей ва Эвридика» (1762), «Альцеста» (1767), «Ифигения Тавридада» (1779) каби 100 дан ортиқ операларини яратди. Буларнинг энг етуклари ғоявий ва бадиий мазмундор, ифодавий воситалари хилма-хил бўлиб, қаҳрамонларнинг кучли ҳис-туйғулари, матонатли хулқий фазилатлари б-н ажралиб туради. Г. арияя, ансамбль ва балет лавҳаларини изчил мусиқа ривожига бўйсундирди, уларни йирик саҳналарга бирлаштириб, операнинг мусиқий-драматик кескинлигини кучайтирди, сарой спектакларига хос дабдабали юзаки томошаларга барҳам берди. Г. француз ҳажвий опера жанрида ҳам ижод қилган. «Сохта чўри» (1758), «Алданган қози» (1761), «Ногаҳон учрашув ёки «Макка ҳожилари» (1764) ва б. асарларида Шарқ мавзуларини экзотик тарзда акс эттирган.

Ад.: Левик Б. В., Чет эл мусиқаси тарихи (махсус муҳаррир Т. Ғафурбеков), Т., 1984.

ГЛЮКАГОН — меъда ости безининг Лангерганс оролчалари α-ҳужайралари да ҳосил бўладиган полипептид *гормон*. Организмда моддалар алмашинувини тартибга солишда иштирок этади. Мол. м. 3485,29, *аминокислоталар* қолдиғидан тузилган. Г. қонда *инсулин* таъсирида глюкоза миқдорининг камайиб кетишига қарши таъсир кўрсатади ва шу йўл б-н қонда қанд миқдорини ростлаб туришда қатнашади. Г. тоза кристалл ҳолда олинган.

ГЛЮКОЗА (юн. glykys — ширин), узум шакари, декстроза — табиатда кўп учрайдиган углевод; гексозаларга, яъни углерод атомлари 6 та бўлган моносахаридларга киради. Рангсиз кристалл модда. Мол. м. 180,16. Суюқланиш т-раси 146,5°, сувда яхши эрийди, оптик фаол, қутбланган нурни ўнгга буради. Вируслардан тортиб юксак ўсимликлар ва умуртқали ҳайвонлар (жумладан одам)гача барча тирик организмларнинг зарур таркибий қисми. У барча организмлардаги аксари синтез ва парчаланиш реакцияларида қатнашади. Саноатда крахмални гидролизлаб олинади. Қандолатчиликда, тиббиётда ишлатилади.

Одам ва ҳайвонлар тўқимасида Г. захирадаги углевод — *гликоген*га айланиши мумкин. У кўпгина моддалар алмашинуви реакцияларида қатнашади, *углеводлар* алмашинувининг асосий қисмини ташкил этади. Организмлар учун асосий энергия манбаи ҳисобланади. Одам қонида тахминан 100 мг Г. бўлиб, унинг миқдори *гормонлар* (қ. *Гормонал регуляция*) ва марказий нерв системаси томонидан бошқарилади. У организмда сув режимини бошқаради, ҳужайралар фаолиятини изга солади, заҳарли моддаларни зарарсизлантиради, юракнинг мускул вазифасини оширади, томирларни кенгайтиради, сийдик ажралишини тезлаштиради ва б. Кўпгина касалликларда қонда Г. миқдори ошади (қ. *Гипергликемия*), натижада у сийдик б-н ажралиб чиқа бошлайди.

Г. препаратларидан тиббиётда кенг фойдаланилади.

ГЛЮКОКОРТИКОИДЛАР — одам ва умуртқали ҳайвонлар буйрак усти безларининг пўстлоғидан чиқадиган гормонлар. Кимёвий тузилишига кўра стероид. *Гипофиз* таъсирида холестериндан ҳосил бўлади. *Адренокортикотроп гармон* Г. секрециясини оширади. Организм ҳаёт фаолияти учун ноқулай шароитлар (қ. *Стресс, Адаптацион синдром*) рўй берганда Г. кўп ишлаб чиқарилади. Асосий Г.: гидрокортизон, кортизон, кортикостерон, 11-дегидрокортикостерон. Г. асосан углеводлар алмашинувига таъсир этади, жигарда оқсиллардан гликоген синтезланишига ва глюкоза ҳосил бўлишига ёрдам беради; юқори молекулали ёғ кислоталарининг биосинтезига тўсқинлик қилади. Г. бириктирувчи ва лимфа тўқималари фаолиятини сусайтириб, турли яллиғланишлар ривожланишига йўл қўймайди. Г. ва уларнинг синтетик аналоглари(гидрокортизон-ацетат, преднизолон) тиббиёт ва ветеринарияда кенг қўлланилади.

ГЛЮКУРОН КИСЛОТА (*глюкоза* ва юн. uron — сийдик), $CHO(CHOH)_4COOH$ — урон кислоталардан бири. Ҳайвон ва ўсимлик организмларида глюкозанинг бирламчи спирт гуруҳи оксидланишидан ҳосил бўладиган оптик фаол кристалл модда. Суюқланиш т-раси 167—172°. Сувда, ишқор ва карбонатлар эритмасида яхши, бошқа кўпгина эритувчиларда ёмон эрийди. Аксари мукополисахаридлар, сапонинлар, ҳар хил ўсимлик елимлари ва бактериал полисахаридларнинг таркибига киради, ўсимликлар баргида, қанд лавлагида ва б.да учрайди. Г.к. полисахаридларни гидролиз қилиб, синтетик усулда эса глюкоза ҳосилаларини оксидлаб, қанд кислотанинг бирламчи лактонларини қайтариб олинади.

ГЛЯЦИОЛОГИЯ (лот. glacies — муз ва *...логия*) — Ер юзасидаги барча муз шакллари (музликлар, қор қоплами ва б.), ер ости музлари, уларнинг тузилиши, таркиби, физик хусусиятлари, келиб чиқиши ва ривожланиши, геол. ва геоморфологик фаолияти, географик тарқалиши ҳақидаги фан. Умумий музшунослик нинг синоними. Г. гляциосфера ва ер юзаси, атмосфера, гидросфера ва литосферадаги табиий муз ва музликлар, уларнинг жойлашиши, режими ва ривожланиш динамикаси, атроф муҳит б-н ўзаро алоқаси, музнинг Ер эволюциясидаги аҳамиятини ўрганади.

Г. сув оқими, муз захираси, музликларнинг иқлимга таъсири, геологик иши ва б. табиий хусусиятларини ўрганишда табиий геогр.нинг *гидрология, геоморфология, иқлимшунослик* ва *геодезия* каби тармоқлари методларидан фойдаланади. Г.нинг ўтмиш даврлар музликларини ўрганадиган бўлими палеогляциология деб аталади.

Музликлар ҳақидаги дастлабки ёзма маълумот француз табиатшуноси Мюнстер Себастьян қаламига мансуб (1544).

Г. 18—19-а.ларда гидрология ва геол. фанлари негизида шакллана бошлади. Бунда швейцариялик табиатшунос Орас Соссюрнинг (1740—99) «Альп тоғларига саёҳат» (1779—96) асари муҳим ўрин тутди. 19-а. охири — 20-а. ўрталарига келиб қаттиқ ва суюқ ҳолатдаги сувни ўрганиш усуллари ва улар б-н боғлиқ бўлган муаммолар турлича эканлиги аниқ бўлиб қолди. Бу даврда қутб музликлари, уларга хос бўлган қонуниятлар ўрганилди, муз табиатига ва музликлардаги физик ҳодисалар моҳиятига чуқур кириб борилди, материк ва тоғ музликларининг нисбатини солиштириш имконияти яратилди ва Г. география, гидрология, геол. ва геофизика фанлари соҳаларининг туташган жойида юзага келган мустақил фанга айланди. Ўрта Осиё музликларининг дастлабки каталогини 1930 й. Н.Л. *Корженевский* нашр қилган. Унда жами 1223 водий музлиги, жумладан Помирда 296 та, Ҳисор-Олайда 199 та музлик қайд қилинган. Музликларнинг сўнгги кўп йилдли каталоги 1965—82 й.ларда собиқ Иттифоқ ФАнинг География ин-ти, Ўрта Осиё гидрометеорология и.т. институти (ЎОГМИТИ) ва «Гидрометхизмат»нинг бошқа ин-т ва муассасалари томонидан яратилди. Ўрта Осиё тоғларидаги музликларга тегишли маълумотлар 14-жилдда жамланган. Ушбу каталог Жаҳон қор-музлик ресурслари атласини тузишда асос бўлган. Г. физика, мат., геофизика, геокимё, геодезия, харитаграфия, геогр., геология ва б. фанлар усулларидан фойдаланади. Кейинги йилларда гляциологик тадқиқотларнинг янги усуллари (термик бурғилаш, фотограмметрия, аэрофотосъёмка ва б.) пайдо бўлди. Г. ўрганадиган объектларига боғлиқ ҳолда музликшунослик, қоршунослик, қор кўчкилари илми, сув ҳавзалари музшунослиги, палеогляциология каби соҳаларга бўлинади. Иккинчи томондан, Г.да ўзига яқин бўлган фанлар б-н алоқаси ва қўлланиладиган усулларининг турличалиги асосида гляциоиқлимшунослик, гляциогидрология, структуравий Г., динамик Г., геокимёвий Г. каби йўналишлар фарқланади. Г.нинг амалий аҳамияти жадал суратларда ўсмоқда, натижада ўзига хос янги йўналиш — муҳандислик Г.си тўла шаклланди. Г. доимий музлоқ ерларни ўрганадиган *геокриология* б-н қўшилиб, криосферани ўрганадиган Ер криологиясини ташкил этади. Ҳоз. замон Г. си атроф муҳит муҳофазаси ҳамда табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқаси муаммолари б-н чамбарчас боғлиқ. Г. соҳасидаги тадқиқотлар дунёнинг кўпгина мамлакатлари (Австралия, АҚШ, Буюк Британия, Дания, Канада, Норвегия, Россия, Франция, Швеция, Швейцария,

Япония ва б.)да кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Бунда Халқаро геофизика йиллари (1882—83, 1932—33 ва 1957—58), Халқаро геофизика ҳамкорлик йили (1959) ва Халқаро гидрологик ўн йиллик (1966—75)ларнинг аҳамияти катта бўлди. Ўша йилларда Ер қуррасидаги барча музликлар ҳолати кузатиб турилди. Айрим давлатлар ва жаҳон миқёсида фаолият кўрсатадиган Халқаро гляциология уюшмалари, жамиятлари мавжуд. 1907 й.дан Англиянинг Кембриж шаҳрида Халқаро миқёсда «Гляциология журнали» чоп этилади. Гляциологик тадқиқотлар Ўзбекистонда ЎОГМИТИнинг Г. бўлимида, Ўзбекистон ФА Геол. ва геофизика институтининг Г. лабораториясида амалга оширилади. 1967 й. Абрамов музлигида ЎОГМИТИнинг гляциологик тадқиқотлар ўтказувчи махсус ст-яси ташкил этилди. «Ўрта Осиёда гляциологик тадқиқотлар» мавзуида доимий равишда илмий тўпламлар чоп этилади. Г. фани ривожига Н.Л. Корженевский, О.П. Шчеглова, В.Ф.Суслов, А.А.Акбаров, Г.Е.Глазирин, Б.А.Камолов, Л.А. Канаев, В.Г.Коновалов, А.С.Шчетинников ва б. олимлар салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ад.: Голубев Г.Н., Гидрология ледников. Л., 1976; Инженерная гляциология, М., 1971.

ГНЕЙС (нем. Gneis) — гранитоид таркибли кристалли сланец. Чўкинди ва магматик жинсларнинг метаморфизмга учрашидан ҳосил бўлади. Ранги оқиш, кулранг, яшилсимон. Ички тузилиши грановбласт ва порфирбласт, ташқи тузилиши йўл-йўл («гнейссимон») массив кўринишида. Таркибида кварц, дала шпати, биотит, мусковит, амфибол, баъзан авгит бўлади. Бундан ташқари сланецда гранат, силлиманит, акцессор минераллардан апатит, циркон, сфен ҳамда рудали минераллар учрайди. Таркибидаги минералларга қараб Г.лар биотитли, амфиболли, пироксенли, гранатли деб аталади. Г.ни пайдо бўлишига кўра немис геологи К.Г.Розенбуш (1891) *ортогнейс* ва *парагнейс*га ажратган. Чўкинди жинсларнинг метаморфланишидан парагнейс, магматик тоғ жинсларининг метаморфланишидан ортогнейс ҳосил бўлади. Г. Ўзбекистонда Ҳисор тоғларининг жан.-шарқида, Султонвайс, Овминза тоғларида бор. РФ (Кола я.о.), Украина, Кавказ, Марказий Осиё ва б. жойларда кўп тарқалган. Токембрий даври жинсларида эса айниқса кўп. Шағал тайёрлашда, йўлка плиталарида ва бино пойдеворларини безашда кўп ишлатилади.

...ГНОЗИЯ (юн. gnosis — таълимот, фан) — қўшма сўз таркибий қисми бўлиб, «билим» сўзи маъноси ифодасини беради (мас., фармакогнозия).

ГНОМОН (юн. gnomon — билимдон) — қад. астрономик асбоб. Текис майдонга ўрнатилган тик устунча (стержен) дан иборат. Г. соясининг узунлиги ва йўналишига қараб Қуёшнинг уфқдан баландлиги ва азимутини, туш вақтини аниқлаш мумкин. Илгари Г. ёрдамида экваторнинг эклиптикага оғмалигини ва географик кенгликни аниқлашган. Ҳозир Г.дан қуёш соати сифатида фойдаланилади.

ГНОСЕОЛОГИЯ (юн. gnosis — билиш ва logos — таълимот) — билиш ҳақидаги таълимот. Яна қ. *Билиш назарияси*.

ГНОСТИЦИЗМ (юн. gnostikos — билувчи) — I—3-а.ларда Рим империясида тарқалган диний-фалсафий оқим. Унинг тарафдорлари ўз диний эътиқодларининг асл моҳиятини «билиб олишга» интилишган. Г. иудаизм диний таффаккуридан ташқари Бобил, Миср ва б. Шарқ мамлакатларидаги диний-мифологик тасаввурлар б-н ҳам чатишиб кетган. Бунга стоиклар (қ. *Стоицизм*), *неоплатонизм* ва *неопифагореизм* вакилларининг фалсафий гоялари ҳам қўшилган. Гностиклар христианлик ақидаларини Шарқ мамлакатларидаги диний-фалсафий билимлар б-н боғлашга интилган. Асосий вакиллари — миср лик Валентин (2-а.), суриялик Василид (2-а.). Г. оламни дуалистик (қ. *Дуализм*) нуқтаи назардан тушунтирадди. Унинг манбаи *зардуштийлик* фалсафасидаги ёруғлик ва зулмат, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги курашни ифодаловчи дунёқарашга бориб тақалади. Гностиклар фикрича, яхшилик ва ёруғлик худонинг неъмати, ёмонлик ва зулмат эса материядан келиб чиқади. Г. тарафдорлари христианлик ақидаларидан четланадилар. Уларнинг фикрича, агар худо яхши ва адолатли бўлса, нега оламда ёвузликнинг, адолатсизликнинг пайдо бўлишига йўл қўяди? Христианликда бу муаммо оламнинг яратувчиси ва яратувчининг бу оламга гуноҳни жойлаштирганлиги ҳақидаги тасаввур орқали ҳал этилади. Бу оламдаги гуноҳдан фақатгина Исога эътиқод йўли б-нгина сақланиш мумкин дейилади. Гностиклар Исони тан олсаларда, у ҳақидаги Библия ривоятларини эмас, чунки ҳар бир индивиднинг жони яхшилик ва ёмонлик, адолат ва зулм ўртасидаги кураш майдонидир. Инсон бу курашни кузатиб туради ва шу асосда оламнинг моҳиятини англайди, унга тушуниб етади. Худонинг Исо тимсолида инсонга айланиши ва инсонга қўшилиши христианликнинг буюк сирларидан биридир. Бу таълимот бўйича худо ва б. ғайритабиий илоҳий кучлар б-н қўшилиб кетиш (яъни худо б-н экстатик қўшилиш) ва уларни англаш соғлом ақл ва мантиқдан ташқари, тушунтириб бўлмас тарзда ва онгсиз содир бўлади, уни рационал йўл б-н эмас, балки иррационал, ғайритабиий йўл б-н англаш мумкин.

Худони билишнинг бундай мураккаб ва чигал услуби христиан ақидаларининг асосларига хавф сола бошлади. Библия матнларини аллегорик тарзда куфрона талқин этишга йўл очди. Бундай ҳолат 2-а. охирига келиб расмий черковнинг Г.га қарши кураш олиб боришига сабаб бўлди.

Баҳтиёр Тўраев.

ГНОТОБИОНТЛАР (юн. gnotos — маълум ва biotos — ҳаёт, тириклик) — микроорганизмлардан тамоман холи бўлган ҳайвонлар. Г.ни илмий тадқиқот ишлари учун стерил шароитда етиштирилади. Баъзан бирор микроорганизм б-н махсус зарарланган ҳайвонларни ҳам Г. дейилади. Микробсиз ҳаёт мумкинлиги тўғрисидаги гояни биринчи марта Л. *Пастер* (1885) ўртага ташлаган эди, аммо фақат 20-а.нинг 40-й.лари охирига келиб Америка ва Япония олимлари стерил ва махсус аппаратура ёрдамида микробсиз ҳайвонларни ривожлантириш ва кўпайтириш учун сунъий шароит яратишди. Г. (денгиз чўчқачалари, сичқонлар, қуёнлар ва б. лаб. ҳайвонлари ҳамда чўчқа, бузоқ ва б.) дан экспериментал биол. ва тиббиётнинг турли соҳаларида фойдаланиши 20-а.нинг 60-й.ларига келиб мустақил илмий йўналиш — гнотобиологиянинг ривожланишига олиб келди. Г.нинг биринчи авлоди бачадондан ҳомилани стерил чиқариб олиш ёки қушлар, ҳашаротлар ва б.нинг зарарсизлантирилган тухумларини инкубация қилиб, сўнгра махсус изоляторларда ўстириш орқали олинади. Г. бошқа нормал микрофлорага эга бўлган ҳайвонлардан баъзи (хусусан табиий шароитда микрофлора б-н контактда бўладиган) органлар ва тўқималарнинг ўзига хос тузилиши ва фукциональ фаоллиги б-н фарқ қилади. Г.ни олиш иммунитет микроб (паразит) б-н хўжайин организми ўзаро таъсири механизмларининг шаклланиши, овқат ҳазм қилиш физиологияси, инфекцион патология ва б.ни қатъий назорат қилиш надиган шароитда ўрганишга имкон беради. Г. соҳасида тадқиқотлар табиий шароитда организмда нормал микрофлора булгандагина ҳайвонлар нормал ҳаёт кечириши мумкинлигини кўрсатди. Гнотобиология усулларидан клиник тиббиёт, *микробиология*, *иммунология*, *вирусология*, *паразитология* ва б. соҳаларда, шунингдек, диагностик зардоблар и.ч., фармакологик ва биологик препаратларни синаб кўришда фойдаланилади.

ГНОТОБИОТИКА, гнотобиология (юн. gnotos — машҳур) — эксперимental биол.нинг бир тармоғи; микроорганизмлар (*бактериялар*, *вируслар*, содда ҳайвонлар), *гельминтлар* ва б. паразитлардан холи (стерил) лаб. ҳайвонларини етиштириш б-н шуғулланади (қ. *Гнотобионтлар*).

ГНУ (Connochaetes) — кувушохлилар оиласи уруғи. Танасининг уз. 170—240 см, яғринидан бал. 90—145 см. Шохлари (уз. 85 см гача) яхши ривожланган. Танасининг олдинги қисмида юнглари узун, ёли бор. 2 тури Жан. ва Жан.-Шарқий Африкада ўт ва бутали даштларда тарқалган. Кичик гуруҳ бўлиб ўтлаб юради. 1, баъзан 2 бола туғади. Сони жуда камайиб кетган, асосан миллий боғларда учрайди. Африка оқдум Г.си (C.gnou) ҳозир фақат тутқинликда сақланиб қолган. Халқаро Қизил китобга киритилган.

Гну

ГНУС (рус.— чақадиган ҳашаротлар) — қон сўрувчи икки қанотли ҳашаротларнинг умумий номи; *чивинлар*, *искабтопарлар*, *букри пашшалар*, қашқа пашшалар, *сўналар* киради. Г.нинг яшаш шароитига қараб турларининг таркиби ўзгариб туради. Ер шарининг тоғ чўққилари ва Арктикадан ташқари ҳамма жойида тарқалган. Г. ботқоқликлар, ҳайвон чиқиндилари, кемирувчилар ини ва б. зах жойларга тухум қўяди. Одам ва ҳайвонларга турли юқумли касалликлар (*безгак*, тери яраси, япон энцефалити, *туляремия*, *қуйдирги*, онхоцеркоз)ни юқтиради. Г. қон сўрганида одам ва ҳайвонларга тинчлик бермайди, ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги камаяди. Сақланиш чоралари: Г. тарқалган жойларда юз ва тананинг очиқ жойларига ниқоб тутиб олинади, баданга диметилфтолат, репудин, диэтил-толуамид каби репеллентлар сурилади.

ГОА — Ҳиндистондаги штат. Ҳиндистон я. о.нинг ғарбий қисмида жойлашган. Майд. 3,7 минг км². Аҳолиси 1344 ган. Майд. 3,7 минг км². Аҳолиси 1344 мингдан зиёд киши (2001), асосан, маратх ва каннарлар. Маъмурий маркази — Панажи ш.

16-а.гача бу ҳудуд турли ҳинд давлатлари (1312 й.дан Деҳли султонлиги, 1370 й.дан Вижаянагар, 1449 й.дан Баҳманийлар давлати, Бижопур султонлиги) таркибида бўлган. 1510 й.да Португалия босиб олиб, ўзининг Шарқдаги мустамлакалари (Ҳўрмуздан Аомингача бўлган ҳудуд) марказига айлантирган. Г. аҳолиси мустамлакачиларга қарши бир неча марта қўзголон кўтарди. Бу ҳаракатлар Ҳиндистон мустақилликка эришгач, янада кучайди ва 1961 й.да ҳинд қўшинлари ҳудудни португаллардан озод қилдилар. 1962 й.дан Ҳиндистон Республикаси таркибида.

Рельефи асосан текислик, шарқда Гат тоғларига туташиб кетган. Иқтисодиётининг асосини қ.х. ташкил этади. Асосий экини — шоли. Шакарқамиш, кокос пальмаси, манго, банан етиштирилади. Темир, марганец рудалари, соҳил бўйидан туз олинади. Ўрмончилик ривожланган. Балиқ овланади ва қайта ишланади. Йирик порти — Марманган. Четга темир рудаси чиқарилади. Туризм ривожланган.

ГОАЦИН (Opisthocomus hoazin) — каккусимонлар оиласининг тури, баъзан товуқсимонлар туркуми гоацинлар кенжа туркумига киритилади. Уз. 60 см га яқин, бошида узун кокили бор. Тумшуғи йўғон, илмоқли. Жуда йирик жигилдони бўлгани туфайли тўш суяги ва тўш мускулларининг кўп қисми қисқариб кетган. Жигилдони озиқ б-н тўлганида Г. танасининг оғирлик марказини олдинга тушади. Шунинг учун Г. кўкраги (махсус қадоғи)га таяниб ва қанотлари б-н шохларни ушлаб дарахтда ўрмалаб юради. Яхши учолмайди, асосан дарахтда яшайди. Жан. Американинг шим.-шарқий қисмидаги йирик дарё-лар ва улар ирмоқлари водийларининг сув босган ўрмонларида тарқалган. 40 га яқин қушлардан иборат гала бўлиб яшайди. Кўпайиш даврида сув устидаги дарахтларнинг шохига бир неча қуш битта умумий уя қуради. Уяга 2—4 тухум қўяди. Тухумини бир неча модаси навбат б-н босади. Тухумдан чиққан жўжаси оёқ ва тумшуқлари ҳамда қанотларидаги биринчи ва иккинчи бармоқларининг узун тирноқлари ёрдамида дарахтларда ўрмалаб юради. Жўжаси яхши сузади ва шўнғийди, лекин бу хусусиятини кейинчалик йўқотади. Г. мева, дон ва барглар б-н озиқланади. Гўшти ейилмайди.



Гоацин.

ГОББС (Hobbes) Томас (1588.5.4, Малмсбери — 1679.4.12, Хардуик) — инглиз файласуфи. Руҳоний оиласида туғилган. Оксфорд ун-тини битирган (1608). Г. дунёқараши 17-а. инглиз инқилоби таъсирида шаклланди. Фалсафада Г. замонасидаги табиатшунослик б-н боғлиқ механистик материализм тарафдори бўлган. У геометрия ва механиканни илмий тафаккурнинг идеал намунаси, деб билган. Табиатни каттакичиклиги, шакли, ўрни ва ҳаракати (жойини ўзгартириши) б-н фарқланувчи жисмлар мажмуи, деб ҳисоблаган. Г. фақат реал жисмлар мавжуд, қолганлари тўқиб чиқарилган тасаввурлардир, дейди. Унинг тафаккурни фикр қилувчи материядан ажратиб бўлмайди, деган қараши муҳимдир. Г. инсон ақлидаги тушунча дастлаб сезги аъзоларида қисман ёки тўла вужудга келади деб, эмпирик билиш назарияси мавқеида турган.

Г. фикрича, давлат пайдо бўлгунча хусусий мулкчилик бўлмаган. Кишилар бир-бирини ўлдириб қўймасликлари, таламасликлари учун келишилган ҳолда, айримларнинг ҳуқуқини чеклаш мақсадида давлат келиб чиқди. Г. мутлақ монархияни давлатнинг энг яхши шакли деса-да, инқилобий тамойилларга ҳам ўрин берган.

Асосий асарлари: «Фалсафа асослари» (1642—58), «Фуқаролик ҳақидаги таълимотнинг фалсафий элементлари» (1642), «Левиафан» (1651).

ГОБЕЛЕН (рус.) — қўлда тасвир ҳосил қилиб тўқилган гилам (шпалер), бадиий буюм. Париж мануфактураси (1662)нинг маҳсулотлари дастлаб шундай аталган (15-а.нинг машҳур бўёқчилари Гобеленлар номидан). Г. рангли жун ва ипак (баъзан тилла ва кумуш) ипларб-н рассомлар (мануфактура бошқарувчиси рассом Ш. Лебрен, 18-а.да Ф. Буше, Ж. Б. Удри ва б.) картондан буюмнинг табиий катталигида бажарган тасвирлари асосида тўқилган. Мас., *Рафаэль* Ватикан учун ҳаворий (апостол)лар ҳаётига оид шпалерлар туркуми картонларини чизиб берган, тўқув-



чи усталар шу картондан фойдаланиб Г. тўқиганлар. Алоҳида-алоҳида тўқилган бўлаклар бир-бирига тикилиб яхлит тасвир ҳосил қилинган. Г.нинг ўзига хос хусусияти ўнгининг чивиқли юзаси ва орқа томонининг нотекислигидир. 17—18-а.лар Г.лари юксак бадиийлиги (тарихий, афсонавий, диний ва адабий мазмуни) б-н машҳур бўлган, шу туфайли бошқа мануфактураларда тақлидан яратилган шпалерлар ҳам Г. деб атала бошланган. 19-а.дан патсиз, патли, гиламсимон тўқима матолар, ҳатто тасвир ишланган кигизлар ҳам Г. деб атала бошланди. Ҳозир қўлда ва машиналарда табиий ва сунъий толалардан тўқилган патсиз, патли мебель матолари, турли безак матолар ҳам Г. деб аталади.

Ўзбекистонда Г. 1960-й.лардан тўқила бошланди. 1970—80 й.ларда кенг тарқалди. М. Чурлу, Я. ва А. Исҳоқовлар, Л. Талдикина каби усталар самарали меҳнат қилдилар. Г.нинг асосий марказлари



Гобелен. «Куз» (1982, Г. Михайличенко иши).

Тошкент ва Фарғона ш.ларидир. Фарғона (В. Усеинова, Л. Семизарова, С. Шихова ва б.) ва Тошкент (М. Тюрина, Р. Иброҳимова ва б.) усталари бу соҳада баракали ижод қилмоқда. Ўзбекистон Г.ларида Шарқ безаклари, табиат манзаралари, маҳаллий тасвир, ранг-баранглик устун туради. Яна қ. *Гиламчилик*.

ГОБИ (монголча говь — сувсиз жой) — 1) Марказий Осиёдаги чўл, чала чўл ландшафтли жойларнинг умумий номи. Г.нинг ер юзаси текис, ўсимлиги сийрак, тупроғи кўпинча тошли, шўрланган бўлади, оқар сувлари бўлмайди. Грунт сувларидан чорвачиликда фойдаланилади; 2) Марказий Осиёдаги катта чўл. Монголия б-н Хитой ҳудудида. Ғарбда Бэйшань тоғлари б-н, шарқда Катта Хинган тоғлари, шим.да Монголия Олтойи ва Хангай тоғлари, жан.да Наньшан ва Олтинтоғ б-н чегараланади. Уз. 2000 км чамасида, майд.



Гоби чўли.

қарийб 2 млн. км². Кўп қисмининг бал. 900—1200 м. Айрим тоғларнинг нисбий бал. 1800 м. Қад. дарёларнинг қуруқ ўзанлари, терраса ва водийларнинг излари сақланган. Тектоник ҳаракатлар давом этмоқда. Г.да тошлоқ, гилли, қумли, шўрхок жойлар кўп. Тақирлар учрайди. Иқлими кескин континентал. Қишда антициклонлар вужудга келади, ҳаво очиқ бўлиб қаттиқ совуқ бўлади. Янв.нинг ўртача т-раси —25°, баъзи кунлар —40° гача пасаяди. Июлда 25°, баъзан 45° гача кўтарилади. Йиллик ёғин Алашань Г.сининг шим.-гарбида 68 мм дан Монголиянинг шим.-шарқида 200 мм гача. Тупроқлари каштан, қўнғир, бўз тупроқлар. Асосий ўсимликлари шувоқ, чалов, шўра, саксовул ва б. Г. дашт ва чўллари асосан қўй боқиладиган яйловдир. Аҳоли чорвачилик б-н шуғулланади. Деҳқончилик фақат дарё водийларидагина ривожланган. Монголия ҳудудида Катта Гоби қўриқхонаси бор.

ГОБОЙ (нем. Oboe <франц. hautbois — баланд дарахт) — тилчали пуфлама мусиқа сози. 17-а.нинг 2-ярми Франциядa Шарқ (араб) мамлакатларидан ўтган сурнайсимон шалмей чолгуси замирида пайдо бўлган. Замонавий Г.нинг 25 та тешикчаси бўлиб, 22—24 таси клапанлар б-н беркитилган бўлади. Қўш тилчаси қамишнинг махсус



Гобоин.

туридан ишланади. Икки тузилишидаги (немисча, французча) Г. мавжуд. Французча Г. кенг тарқалган, у такомиллашган клапан механизми, оҳангининг софлиги, садолантирилиши ва динамик имкониятларининг бойлиги б-н ажралиб туради. Г. симфоник оркестрдаги ёғоч пуфлама чолғу асбоблар ичида муҳим ўрин тутади. Якканаво соз, ансамбль сози сифатида ҳам ишлатилади. Кичик Г., Г.-альт ёки Г. д'амур, инглизча рожок (бургуча) хиллари мавжуд. Ўзбекистонда Н. Кенжабоев, В. Мелкомини каби гобойчилар танилган.

ГОБРИЙ (қад. форс. Гаубарува) — форс зодагони, *Мардоний*нинг ўғли. Мил. ав. 522 й. сент.да 6 та форс зодагони б-н биргаликда коҳин *Гаумата*ни ўлдиришда қатнашган. Мил. ав. 520 й. форслар ҳукмронлигига қарши бош кўтарган эламийлар қўзғолонини бостиришга раҳбарлик қилган. Мил. ав. тахм. 514 й. *скифлар*га қарши Шим. Қора денгиз соҳилларига қилинган юришда Дорога ҳамроҳ бўлган. Доро даврида Г. подшо найзабардорлари бошлиғи эди. Унинг уруғ-авлодлари Гауматани ўлдиришда қатнашган бошқа форс зодагонларининг уруғ-авлодлари қатори *Ахоманийлар давлати*нинг сўнгги кунларигача катта имтиёзларга эга бўлишган.

ГОБСОН (Хобсон) (Hobson) Жон Аткинсон (1858.6.7, Дерби — 1940.1.4, Лондон) — инглиз иқтисодчиси. Оксфордлаги Линкольн коллежини тугатган (1878). 1887—97 й.ларда Оксфорд ва Лондон ун-тларида сиёсий иқтисоддан дарс берди. Г. меъёрий нафлик, меъёрий унумдорлик ва етарли истеъмол этилмаслик назариялари тарафдори.


Асосий асари бўлган «Империализм» (1902) китобида иқтисодиётнинг асосий хусусиятларини батафсил таърифлаб берган ва монополистик капитализмгача булган босқичига қайтиш ва парламент ислоҳотлари йўли б-н жамиятни бошқаришни яхшилаш мумкин деб ҳисоблаган.

ГОВА (форс. ҳўкиз) — қад. Суғдиёна ўлкасининг алоҳида музофоти. *Авесто* китобида Зарафшон водийси ҳақида гапирилиб, «Суғуда» (Суғд) номи б-н бирга «Г.» номи ҳам тилга олинган. Ундаги маълумотга кўра Г. ҳоз. Самарқанд вилоятининг шарқий туманларини ўз ичига олган ва сувга сероб, чорваси кўп обод жой бўлиб, аҳолиси фаровон турмуш кечирган. Афсоналарда Г. одам бошли ҳўкиз (Говмард) образида тасвирланади. Хоразмда у «Жовмард қассоб» («Говмард қассоб») номли эпик қаҳрамон образида тилга олинади. Самарқанд яқинидаги Талли Барзу харобаси қазилганда, милоднинг бошларига оид бир хум синиги топилди, унда одам бошли ҳўкиз сурати тасвирланган.

ГОВЗАБОН, ҳўкиз тили (Anchusa italica Retz.) — кампирчопондошлар оиласига мансуб кўп йиллик бегона ўт. Пояси сершох, тиканли, тик ўсади, бўйи 40—100 см. Барглари қалин туксимон тиканлар б-н қопланган; илдиз ёнидаги барглари йирик, чўзиқ-эллипссимон, поядагилари — бандсиз, наштарсимон. Гуллари ҳаворанг, йирик рўваксимон тўпгулга йиғилган. Меваси — уч қиррали ёнғоқча. Ўқ илдизи йўғон, сершох. Май—авг.да гуллайди ва мева тугади. Уруғидан кўпаяди. Қурғоқчиликка чидамли. Ўрта Осиёда тарқалган. Ғўза, беда, ғалла экинлари орасида, шунингдек, йўл ёқалари ташландиқ ерлар, боғлар ва ариқ бўйларида ўсади. Кураш чоралари: экинларни ўтоқ қилиш; ғалла экинлари майдонларини ўримдан кейин 6—8 см чуқурликда юмшатиш; шудгор қилиш; гербицидлар пуркаш.

ГОВИНД СИНҒҲ (1666.26.12—1708. окт.) — сиқҳларнинг ўнинчи ва сўнгги диний раҳбари (гуруси). Сиқҳлар жамоаси бошлиғи (1675—1708). *Сиқҳизм*ни ислоҳ қилиб, гуру ҳокимиятини сиқҳ ҳарбий-диний ташкилоти — хальсега топширган.

Говкушон мадрасаси.



ГОВКАПТАР (Columba palumbus) — каптарлар туркумига мансуб қуш. Европа, Шим. Африка ва Ғарбий Осиёда тарқалган. Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида учрайди. Қишлаш учун кузда жан.га учиб кетади, баҳорда қайтиб келади. Тоғ ўрмонларида сувга яқин ерларда яшайди. Уясини дарахт шохчаларига солади ёки бошқа қушларнинг эски уясидан фойдаланади. Иккита тухум қўяди. Тухумни нари б-н модаси галма-галдан 17—18 кун босади. Дон, уруғ ва мевалар б-н озиқланади. Ов қуши сифатида аҳамияти ошиб борқуши сифатида аҳамияти ошиб борқуши сифатида аҳамияти ошиб борқ

ГОВПЕЧАК, архар ўти (Calystegia sepium (L.R.Br.) — печакгулдошларга мансуб кўп йиллик илдизпояли ўт. Пояси чирмашиб, шохланиб ўсади, уз. 1,5—3 м га етади. Барглари бандли, ўқсимон, учи ўткир, икки бўлмали. Гуллари оқ ёки оч пушти, гулбанди узун. Меваси думалоқ, бир уяли кўп уруғли кўсакча. Июнь—авг.да гуллайди, июль—сент.да мева тугади. Бир тупи 400 та уруғ беради. Уруғи ва илдизпоясидан кўпаяди. Майсаси апр.—июнда кўкаради. Илдизпояси судралиб ўсади. Ёз бўйи илдизпоясидаги куртаклардан бачки поялар ўсиб чиқади. Ўрта Осиёдаги барча ҳудудларда тарқалган. Авж олиб ўсганда экинларни босиб кетади. Ариқ бўйлари, боғларда ва б. сернам жойларда учрайди.

Кураш чоралари: ерни чуқур ҳайдаш, культивация қилиш, мотигалаш ва б.

ГОВСАР (форс. гов — ҳўкиз, сигир; сар — бош) — қад. жанг қуроли, гурзининг бир тури. Афсоналарда ҳикоя қилинишича, Эроннинг қад. шоҳларидан Фаридун тахтга ўтиргач, оғир вазндаги гурзисининг бошини пўлатдан сигир боши шаклида ясатиб, уни Г. деб атаган. Уруш майдонларида аксари қозонган ғалабасини Г.нинг хосияти деб билган. «Шоҳнома»да талқин этилишича, гўё Фаридун гўдаклик чоғида ёввойи сигир эмиб катта бўлган, подшо сигир бошини ўзига ҳомий ва мададкор сифатида қабул қилиб ҳурматлаган.

ГОВХОНАСОЙ — *Қашқадарё вилояти* Деҳқонобод туманидаги сой, *Гузордарё*ни ташкил этувчиларидан бири — Катта Ўрадарёнинг чап ирмоғи. Бойсун тоғининг шим.-ғарбий ён бағридаги булоқлардан бошланувчи 20 та каттакичик ирмоқнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Уз. 15 км. Мавсумий қор, ёмғир ва булоқ сувларидан тўйинади. Г. ҳавзаси паст тоғларда жойлашган, ёғин кам ёғади, шунинг учун камсув. Сувининг асосий қисми (80—85%) баҳорда оқиб ўтади. Г.да жала ёмғирлардан сўнг баъзан тошқинлар бўлади.

ГОВЧИ (Гаогюй, Гаозюй яъни Говжуй, Қонг-қил, Қангқи, Тўлиш, Тўлўс деб ҳам айтилади) — уйғур қабилалар бирлашмасига кирган шарқий тўра (хитойча чиди, теле, дили) нинг хитой манбаларида номланиши. 4-а.да қизилди қавмига мансуб шарқий тўралар, баланд (гов) арава (чи) ларда юрганлиги учун, «Гов-чи» (баланд араваликлар) деб тилга олинади (туркийча «Қонг-қил»). Г.лар ди (тўра), уйғур, кўғўрсу, чибни (қебар, чуба), қужия (қутлуг гуз), эткин (элтегин, изгил) ва пўвургур каби 7 қабила бирлашмасидан ташкил топган.

Г.лар асосан чорвачилик ва овчилик б-н шуғулланган. Уларда ҳунармандчилик ҳам тараққий қилган бўлиб, металл буюмлари, тери, кигиз ва арақ ачитқилари ишлаб чиқарилар эди. Хусусан, арава ясашда Г.лар моҳир усталар ҳисобланган. Улар аравалардан уй тариқасида фойдаланиб кўчиб юрганлар. Ҳар бир оила бир-иккита аравага эга бўлган. Г.лар аҳолиси кўп сонли бўлиб, баъзи қабилалар бир неча юз мингдан ошиб кетган. Қабилада қабила оқсоқоли «барлос» деб аталган. Барлослар б-н бирга ботир, паҳлавонлар «боғо» ёки «богодур» деб улуғланган. Г.лар шаман динига эътиқод қилганлиги маълум. Улар момақалдироқни ёмонлик белгиси деб тушунишган ва унга қарата ўқ узишган. Яшин тушган жойдан кўчиб кетишган. Келаси йил ўша жойга қайтиб келиб худойи қилишган. Улар жўр бўлиб ашула айтиб рақсга тушишни яхши кўрганлар. Қиз олганда, қуда томонга қалин учун бериладиган от, қорамолни танлаб олишга йўл қўйилган. Ўлган одамларга қаттиқ йиғлаб аза тутилган. Ўра қазиб жасадни унга ташлаб устидан тупроқ тортмаганлар. Мил. 546 й. Қонгқил хонлиги Турк хоқонлиги томонидан бўйсундирилгандан сўнг Г. атамаси хитой манбаларида бошқа номлар б-н атала бошлаган.

Ад.: Бичурин Н.Я. (Иакинф), Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. М.—Л., т.1, 1950.

Абдухолиқ Айтбоев.

ГОГЕН (Gauguin) Поль Эжен Анри (1848.7.6, Париж — 1903.8.5, Маркиз ороллари) — француз рассоми; *постимпрессионизм*нинг йирик вакили. 1883 й.дан ижод б-н шуғулланган. Г. Юнонистон, қад. Шарқ мамлакатлари санъати, ибтидоий маданияти б-н уни *символизм* б-н яқинлаштирди, янги рангтасвир тизими («синтетизм»)ни яратди. Г.нинг «Арлдаги қаҳвахона» (1888), «Рашк қиласанми?» (1892), «Таити пасторали» (1893), «Қиролнинг хотини» (1896), «Мева терими» (1899) ва б. асарларида нотаниш оламнинг ажойиботлари, инсон ва табиат уйғунлиги ҳақидаги орзуларининг гўзал дунёсини яратишга интилади. Г. ижодига хос бўлган жўшқин ранг, безак ва маҳобатлилик-рассомларнинг ижодий изланишларига таъсир кўрсатди.

ГОГЕНЦОЛЛЕРНЛАР (Hohenzollern) — Брандербург курфюрстлари (1415—1701), Пруссия қироллари (1701—1918), Германия императорлари (1871—1918) сулоласи. Асосий вакиллари: *Фридрих Вильгельм, Фридрих II, Вильгельм I, Вильгельм II.*

ГОГОЛЬ Николай Васильевич [1809.20.3(1.4), Полтава губернияси, Миргород уезди — 1852.21.2 (4.3), Москва] — рус езувчиси. Рус адабиётида танқидий реализмга асос солган. Нежин гимназиясини тугатиб (1828), Петербургга келган.



Рассомлик қилган, драма тўгаракларида фаол қатнашган, айрим юмористик ролларни ижро этиб, бадиий ижод б-н ҳам шуғулланган. В. Алов таҳаллуси б-н ёзилган «Ганц Кюхельгартен» романтик достони (1829) салбий баҳолангач, чет элга кетган. Германиянинг Любек, Гамбург ш.ларида бўлган. Петербургга қайтиб, давлат маҳкамаларида хизмат қилади. Маҳкамалардаги қоғозбозлик, саналорлик каби иллатлар Г. учун бой мавзу бўлди («Петербург қиссалари», 1830). А.С. *Пушкин* б-н учрашуви (1831) Г. ижодида бурилиш ясади. «Диканька қишлоғи оқшомлари» (1831—32) тўпламига кирган ҳикоя ва қиссалари («Сорочино ярмаркаси», «Даҳшатли қасос» ва б.) Г.га шуҳрат келтирди. Бунда Малороссиядаги турмуш тарзи, одамлар онги, ахлоқи, халқнинг юморга бой афсоналари, урф-одатлари акс эттирилган. Г. Санкт-Петербург ун-ти умумтарих кафедрасида проф. бўлиб ишлади (1834), бу унга тарих б-н чуқурроқ танишиш имконини берди. «Миргород» («Иван Иванович б-н Иван Никифорович ораларида бўлиб ўтмиш жанжаллар ҳикояти», «Вий» ва б. қиссалар) тўплами ҳамда «Арабескалар» («Нева шоҳ кўчаси», «Портрет», «Тентак мактублари» қиссалари) тўпламида (1835) шаҳар ҳаёти манзаралари «кўздан ёш чиққунча» кулги қўзғатадиган усулда тасвирланади. «Тарас Бульба» (1835) қиссаси украин халқининг чет эл босқинчиларига қарши курашига бағишланган. Г. 30-й.лар 1-ярмида «3-даражали Владимир» (тугалланмаган), «Уйланиш» (1842 й.да нашр этилди) комедиялари устида ишлади. «Ревизор» (1836) комедиясида Россиядаги мансабпарастлик, хазинани талон-торож қилиш, порахўрлик ва б. ҳажв остига олинган. Г. ижодининг чўққиси бўлган «Ўлик жонлар» (1842) достон-романида Россиядаги ўша давр ҳаётига умумий тавсиф берилган.

Г. уз дунёқарашида содир бўлган ахлоқпарастлик ғоялари таъсирида «Дустлар б-н ёзишмалардан танланган саҳифалар» (1847) асарини эълон қилади. Мазкур асар В.Г. *Белинский* томонидан танқидга учради («Н.В. Гоголга хат»).


Г. нинг «Ревизор» (1935—52, Киброиё Қаҳҳорова ва Абдулла Қаҳҳор таржимаси), «Иван Иванович ва Иван Никифорович ораларида бўлиб ўтмиш жанжаллар ҳикояти» (1972, Н. Алимуҳамедов таржимаси), «Ўлик жонлар» (1959, Рустам Абдураҳмонов таржимаси) ва б. асарлари ўзбек тилида нашр этилган. «Ревизор», «Уйланиш» пьесалари Ўзбекистон театрлари саҳнасида қўйилган.

Озод Шарафиддинов.

ГОДАВАРИ, Годи — Ҳиндистондаги дарё. Уз. 1450 км, ҳавзасининг майд. 290 минг км². Ғарбий Гат тоғларининг шарқий ён бағридан бошланиб, Декан ясситоғлигини кесиб ўтади ва Бенгалия қўлтиғига дельта (2 минг км²) ҳосил қилиб қуйилади. Юқори оқими ва денгизбўйи текислигига чиқиш ерида остоналар устидан оқади. Ясситоғликда чуқур водийдан ўтади. Шу сабабли фақат қуйи оқимидагина суғоришда фойдаланилади. Ўртача йиллик сув сарфи 3500 м³/сек. Июнь—авг.да суви кўпаяди. Ўрта оқими ва дельтасида кема қатнайди. Г. бўйида Рожамандри ш. жойлашган. Г.да тўғонлар, йирик ГЭС ва ирригация системалари қурилган.

ГОДДАРД (Goddard) Роберт (1882.5.10, Вустер — 1945.10.8, Балтимор) — америкалик олим, ракета техникасини яратувчиларидан бири. Вустер политехника ин-тини тугатган (1908). Кларков ин-тида (1914—43), авиацион талқиқот бюросида директор бўлиб (1942—45) ишлаган. Дунёда биринчи бўлиб суюқликли ракета двигателини учирган. Г. бир қатор экспериментал суюқликли ракета ва двигателларни ишлаб чиққан ҳамда синаган. Ойнинг тескари томонидаги кратерлардан бири Г. номи б-н аталади.

ГОДОГРАФ (юн. hodos — йўл ва ... *граф*) — 1) механикада — бирор вектор функциянинг вақт давомида ўзгаришини кўрсатадиган эгри чизиқ. Мас., *MN* эгри чизиқ бўйлаб ҳаракатланаётган нуқтанинг Г.и ҳар хил нуқталардаги тезликлар векторларига параллел ва тенг қилиб *O* нуқтага қўйилган векторлардан ҳосил бўлади (расм). Г. тушунчасини механикага У. *Гамильтон* киритган;. 2) сейсмологияда — сейсмик тўлқинларнинг манбадан кузатиш пунктигача етиб боришн учун кетган вақтнинг масофага боғлиқлигини кўрсатадиган эгри чизиқ. Бу чизиқнинг шакли ва қиялиги зилзила ёки портлаш ҳосил қилган тўлқинлар ўтган муҳитнинг эластик хусусиятларига боғлиқ. Сейсмик кузатишлар натижасида тузилган Г. ёрдамида ҳар хил чуқурликларда сейсмик тўлқинлар тезлиги, ер ости қатламлари қалинлиги аниқланади. Г. ёрдамида ер остининг тузилиши ва қазилма бойликларининг жойлашиши ҳақида ҳам маълумотлар олиш мумкин.



Тезлик годографини ясаш.

ГОЙЯ, Гойя-и-Лусьентес (Goya y Lucientes) Франсиско Хосе де (1746.30.3, Сарагоса — 1828.16.4, Бордо) — испан рассоми. Мадрид БА аъзоси (1780). 1786 й.дан сарой рассоми, 1799 й.дан қиролнинг бош рассоми. Сарагосада (Х. Лусан-и-Мартинесдан) ва Италияда (1769—71) таълим олган. Г.нинг эрксевар санъати ўзининг дадиллиги, жўшқин эҳтироси, ижтимоий йўналиши б-н ажралиб туради. 1773 й.дан Мадридда яшаган. Ф. Байе устахонасида ишлаган, қирол шпалер мануфактураси учун 60 дан ортиқ намоён (картина)лар яратган. 1780 й.лар бошидан портретчи сифатида шуҳрат



Гойя. Сув ташувчи аёл (1810).

қозонади, асарларида ҳашаматлилик ўрнини аста-секин сирлилик, дилкашлик, енгил киноя эгаллайди («Маркиза Солан портрети», 1792; «Герцогина Альба портрети», 1795; «Қирол Карл IV оиласи», 1800 ва б.); деворий расмларида диний мавзуларни ҳаётий кўринишлар тарзида ифодалайди (Сан Антонио де ла Флорида черкови капелласи, 1798, Мадридда; Карнинг уйи, 1820—23 ва б.). Графика асарларида Г.нинг улкан истеъдоди намоён бўлди («Капричос» туркуми, 80 варақда рассомнинг изоҳли матни б-н, 1797—98; «Уруш офатлари» туркуми, 22 варақда, 1810—20 ва б.), йирик картиналари («1808 й. 2 дан 3 майга ўтар кечаси қўзголончиларни отиб ўлдириш»; «Мадриддаги 1808 йил 2 май қўзголони», иккаласи ҳам тахм. 1814 ва б.)да даврининг энг муҳим воқеаларини ёркин акс эттиради. Г. ижоди умумевропа бадиий маданиятига кучли таъсир кўрсатган, бу таъсир 20-а.гача сезилиб туради.

ГОКЛА (?—1669/70) — Шим. Ҳиндистонда деҳқонлар қўзғолонининг раҳбари, деҳқон-жот (қ. *Жотлар*). 1669 й.да Матра округининг деҳқон-жотлари заминдорлар зулмига қарши қўзғолон кўтарганлар. Қўзғолончилар Г. раҳбарлигида ҳукумат қўшинлари устидан бир неча бор ғалабага эришганлар. Бироқ *Аврангзеб* қўмондонларидан Ҳасан Қулихон қўшини зарбасига чидаш бера олмаган Г. 7 минг қўзғолончи б-н асир тушган ва қатл этилган.

ГОЛАРКТИКА (юн. holos — ҳамма, барча ва arktikos — шимолий) — қуруқликдаги флора дунёси ва зоогеография (Арктогея) области. Шим. ярим шарнинг тропик минтақадан ташқари ҳамма қисмини ўз ичига олади. Ҳоз. Г. флорасида 30 дан ортиқ эндемик оилалар бор. Флораниг шаклланиши Шим. Американиг Лавразия ҳудудида мавжуд бўлган қад. палеоген-неоген ва учламчи давр флораси б-н боғланган. Қад. Тетис денгизи Лавразияни тропика флорасидан ажратиб турган. Палеоген охирида иқлимнинг совиб кетиши б-н Г. флораси ҳам ўзгарган. Қад. флораниг намуналари жан. қисмда (Шарқий Осиё, қисман Шим. Америкада) сақланиб қолган. Г.нинг асосий биомлари (тундра, ўрмон, чўл ва б.) ўсимликлар қопламида кўпроқ мураккабгулдошлар (қоқидошлар), ҳилолдошлар, дуккакдошлар, *айиқтовондошлар*, пиёздошлар, карамдошлар, чиннигулдошлар, раънодошлар, *зирадошлар*, сигирқўйруқдошлар, лабгулдошлар ва б. оилаларнинг вакиллари учрайди. Дарахтлардан қайин, тол, ёнғоқ, раъно-

дошлар ва айрим бошқа оилалар, нинабарглилардан таксодиялар (ҳоз. камайиб кетган) ва айниқса қарағай кенг тарқалган. Г.нинг флора дунёси 3 кичик дунёга ва 9 областга бўлинади.

Бореал кичик дунёси Европа (Ўрта денгиздан ташқари), Осиё (тропикалан ташқари) ва Шим. Американи ўз ичига олади. У флорага жуда бой бўлиб, кўп эндемик оилалар (жумладан, магнолиясимонлар)га эга. Ўрта денгиз кичик дунёси Шим. Африка, Европанинг жануби, Олд ва Ўрта Осиёни эгаллайди. Флораси бореал ва тропик флора таъсирида ривожланган (лавр, пальма ва б.). Мадреан кичик дунёси Шим. Американинг жан. ва ғарби, Мексиканинг тоғли минтақасини ўз ичига олади. Флораси бир қанча эндемик оилалар, туркумлар (10% га яқин), турлардан (40%) иборат.

Г. зоогеография области (Арктогея) ҳайвонот дунёси турларга унча бой эмас. Бунга асосий сабаб ландшафтининг нисбатан бир хиллалиги, иқлимининг ноқулайлиги, фаунасининг анча ёш бўлишидир. Сут эмизувчилардан бобрсимонлар, *қўшоёқсимонлар, сув каламушлари*, аплодонтсимонлар, айришохлилар, пишчухасимонлар, селевинсимонлар; қушлардан *гагаралар, қурлар;* сувда ва қуруқликда яшовчилардан *бурчактишлар, амбистомасимонлар, яширинжабралилар, амфиумалар, протейлар, сиренлар;* балиқлардан антиканбалиқлар, осётрсимонлар, куракбурунлилар, совутли *чўртанлар, лососсимонлар, хариуссимонлар, чўртансимонлар,* окунсимонлар ва б. эндемик оилалар учрайди. Шим. Америка ва Евросиё фаунаси ўртасидаги ўхшашлик плиоцен ва тўртламчи даврда Осиё ва Америка қитъалари Аляска ва Чукотка я.о. орқали туташганлигини ва улар ўртасида фауна алмашиниб турганлигини кўрсатади. Ана шу йўл б-н Евросиёдан Америкага тоғ қўйлари, лослар, қўнғир *айиқлар* ва ҳоз. Америкада қирилиб битган *мамонтлар*, яклар, *сайғоқлар*; Америкадан Евросиёга шимол буғуси, *қўйхўкиз* ва б. ўтиб қолган.

Г. зоогеографик области Палеарктика ва Неоарктика кичик областларига бўлинади. Палеарктика Евросиё ва Шим. Африканинг мўътадил ва совуқ иқлимли қисмини ўз ичига олади. Ҳайвонот дунёси Евросиёнинг қад. тропик фаунасидан иборат, лекин учламчи ва тўртламчи даврда иқлимнинг қуруқлаши таъсирида кескин ўзгарган. Неоарктика Шим. Американинг тропик қисмидан шим.роқдаги ҳудудларни ва Тинч ҳамда Атлантика океанидаги бир қанча ороларни эгаллайди.

ГОЛБРЕЙТ, Гэлбрейт (Galbraith) Жон Кеннет (1908.15.10, Канада, Онтарио) — америкалик иқтисодчи. Ҳоз. сиёсий иқтисодда институционализм вакили. 1931 й.да Торонто ун-тини тугатган. Американинг қатор ун-тларида дарс берган (1931—42). 1943—48 й.лар «Форчун» («Fortune») журнали муҳаррири, 1949 й.дан Гарвард ун-ти проф. Иқтисодиётга давлатнинг аралашуви тарафдори. Г. монополиялар фаолиятини бошқариш йўли б-н талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни яратишда давлат асосий ўринда турадиган «мувозанатловчи кучлар» назариясини илгари сурди. К.Маркснинг қашшоқлашиш ва жамғарилиш назариясини рад этишга уриниб, капитализм техника тараққиёти натижасида фаровонлик таъминланадиган янги жамият — индустриал жамиятга ўсиб ўтишини асослашга ҳаракат қилди ва «янги индустриал жамият назарияси»ни яратди.

ГОЛДЕН ДЕЛИШЕС — кечпишар олма нави. 1890 й.да Шарқий Виргиния штати (АҚШ)дан келтирилган. Р.Р. Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-тининг Самарқанд филиалида навга илмий тавсиф берилган. Америка ва Европа давлатлари (Франция, Италия, Голландия, Австрия, Болгария, Руминия ва б.) боғдорчилигида етакчи навлардан ҳисобланади. Дарахти кучли ўсади, кенг шох-шаббали, кўпроқ пальмасимон шакл олади, новдалари сарғимтир-кўкиш. Барги ўртача, бандидан учига томон ўткирлашиб боради. Гуллари ўртача, қирмизи рангда. Апр.да гуллайди (11—14 кун). Унга Тошкент боровинкаси, Симиренко, Жонатан каби навлар яхши чанглатувчи ҳисобланади. Меваси йирик (130—150 г), узун, эти ширин, мулойим, сершув ва хушбуй, сент. бошларида териб олинади. Ҳар йили ҳосил қилади. Кўчати экилгандан сўнг пакана пайвандтагларда 3—4 йили, кучли ўсадиганларида 5—6 йили ҳосилга киради. Совуққа чидамли. Ўзбекистонда илиқ иқлимли тоғли ҳудудларда саноатбоп нав сифатида кўплаб экилади (яна қ. *Олма*).



Голден делишес олма нави.

ГОЛДИНГ (Golding) Уильям (1911.19.9—1993) — инглиз ёзувчиси. Ижодий фаолияти 30-й.ларда бошланган. «Пашшалар ҳукмдори» (1954) романи машҳур. Ушбу роман робинзонча қаҳрамонликка пародия тарзида ёзилган. Г. «Меросхўрлар» (1955) романида инсоният тарихи ҳайвоннинг секинаста инсонга айланишидан иборат деган назарияни шубҳа остига олган. «Гумбаз найзаси» (1964) романи инсон руҳи табиатининг ўзгарувчанлиги, ҳақиқатга етишнинг мураккаблиги ҳақида. Г. 16 роман, 3 пьеса, ҳикоялар, шеърлар ва б. асарлар ёзган. Нобель мукофоти лауреати (1983).

ГОЛДСПУР — тез ҳосилга кирадиган олма нави. 1960 й. АҚШда *Голден делишес* нави клонидан ажратиб олинган. Г. ўз хусусиятларига кўра Голден делишес навига ўхшайди. Ҳосилдор, кўчати экилгандан сўнг 2—3 йили ҳосилга киради. Унумдор тупроқ ва юқори агротехникани талаб қилади. Меваси сент. бошида узилади. Р.Р. Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-тида ўтказилган тадқиқотлар Г. Тошкент воҳаси шароитларида самарадор, истиқболли нав эканлигини тасдиқлади. Г.ни ҳозирда Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экиш тавсия этилган.

ГОЛДСТАЙН (Goldstein) Жозеф Леонард (1940) — америкалик генетик олим. Одам ва ҳайвонлар организмида *липидлар*нинг ташилиши ва *холестерин* алмашинувининг бошқарилиш механизми устида тадқиқот олиб борган. Нобель мукофоти лауреати (1985; М.С. *Браун* б-н ҳамкорликда).


ГОЛИЦИН ҚАТЛАМИ — *Ер мантияси* юқори қисмининг қуйи қатлами. Тахм. 400—900 км чуқурликда жойлашган. 1916 й.да рус олими Б.Б. Голицин аниқлаган. Чет эл адабиётларида «20° чегара ажратувчи» номи қабул қилинган. Сейсмик тўлқинларнинг ўтиш тезлиги Г.қ.да тез ортиб боради. Г.қ.да чуқурликка томон жинслар зичлигининг тез ошиб бориши ҳам тахмин қилинади. Бу жинсларнинг қайишқоқ сиқилиши, минераллар кристалл панжараларнинг қайта тузилишлари, молекулаларда атомларнинг қайта тақсимланиши ва эҳтимол чуқурликка томон тог

жинсларининг кимёвий таркиби ўзгариб боришига қараб изоҳланади. Г.қ. атомлари ниҳоятда зич жойлашган янги минераллар (мас., *стишовит* — зичлиги 4,35 г/см³) пайдо бўлади.

ГОЛКОНДА — Декан (Ҳиндистон)даги ўрта аср давлати (16—17-а.лар). *Баҳманийлар* давлатининг парчаланиши натижасида вужудга келган (1512). Асосчиси баҳманийларнинг Варангалдаги собиқ нонби Қули Қутбшоҳ бўлган. Давлат пойтахти — Г. қалъаси, 1589 й.дан Бағнагар ш. (кейинчалик номи Ҳайдаробод деб ўзгартирилган). Тўқимачилик ва ҳунармандчиликнинг бошқа турлари тараққий этган, олмос қазиб чиқариш ривожланган. 1687 й. *Бобурийлар давлати* таркибига қўшиб олинган.

ГОЛЛАНД ТИЛИ — қ. *Нидерланд тили.*

ГОЛЛАНД ҚОРАМОЛ ЗОТИ — сути учун боқиладиган зот. Голландияда маҳаллий қорамол зотларини узоқ давр яхшилаш йўли б-н етиштирилган. Г.қ.з.нинг тана тузилиши мустаҳкам, гавдаси катта, туси кўпинча қора-ола.



Голланд қорамол зоти.

Сигирларининг вазни 500—600 кг, буқаларининки 700—900 кг. Бузоқлари 38—42 кг туғилади, 6 ойлик бўлганда 160—170 кг келади. Сигирлари ўртача 3800—4200 кг, соф зотлилари 4500—5500 кг гача сут беради. Сути мойлилиги 4—4,2%. Жаҳондаги кўпгина мамлакатларга тарқалган ва бу жойларда унга қариндош бўлган фриз (Буюк Британия, Франция), голштин-фриз (АҚШ, Канада, Япония), дания қора-ола, швед қора-ола, остфриз, немис қора-ола зотлари ва б. чиқарилган. Г.қ.з. Россияга 17-а. охири — 18-а. бошларида келтирилган. Ундан жайдари қорамол зотлари б-н урчитиб, холмогор, тагиль, бестужев зотларини чиқаришда фойдаланилган. Турли мамлакатларда чиқарилган қора-ола қорамол зотлари маҳсулдорлик ва тана тузилишига кўра бир-биридан фарқ қилади. Улардан АҚШ голштин-фриз қорамоли энг юқори маҳсулдорлиги б-н ажралиб туради (соғим даврида 10000 кг гача сут беради). Ўзбекистонда маҳаллий қорамол зотларини Г.қ.з. б-н урчитиб етиштирилган қора-ола зот республиканинг ҳамма вилоятларида (Тошкент вилоятида кўпроқ) боқилади.

ГОЛЛАНДИЯ (Holland) — ўрта аср графлиги, сўнгра тарихий *Нидерландия* таркибидаги вилоят, 17—18-а.ларда Бирлашган вилоятлар республикаси (вилоят номи б-н уни кўпинча Голландия, Голландия республикаси деб ҳам аташади) таркибида. Ҳоз. Нидерландия (уни, шунингдек, норасмий равишда Г. деб ҳам аташади) таркиби 2 вилоятга — Шим. Г. ва Жан. Г.га бўлинган.

ГОЛЛАНДИЯ УРУШИ (1672—78) — Франция б-н Голландия республикаси ўртасидаги уруш. Уруш Францияннинг ташаббуси б-н бошланган; Францияга Англия (1674 й.гача) ва Швеция иттифоқ бўлишган. Голландияга эса 1673—74 й.лардан кейин «Муқаддас Рим империяси», Испания, Дания давлатлари қўшилган. Уруш охирларида Франция бир неча марта мағлубиятга учраган, лекин (1678—79 й.лардаги Нимвеген сулҳ битимларига кўра) бир қанча ҳудудларни (жумладан Испаниядан Франш-Контени олган) сақлаб қолиб Европадаги ўзининг ҳукмрон мавқеига путур етказмаган.

ГОЛЛАНДЛАР (ўзларини холандерс деб аташади) — халқ, Нидерландиянинг асосий аҳолиси (12,3 млн. киши). Умумий сони — 14 млн.дан ортиқ киши (1990-й.лар ўрталари). *Нидерланд тили*да сўзлашади. Диндорлари асосан протестантлар (кальвинистлар, меннонитлар), католиклар.

Ҳоз. Голландия ҳудудида мил.ав. 1-минг йилликнинг 2-ярмида, асосан, *кельтлар* яшаган. Мил. бошларида бу ерларга герман қабилаларидан фризлар ва батавлар кўчиб келган. Рим империяси босқини даврида (мил.ав. 1-а.— мил. 4-а.) *сакслар* ва *франклар* (3—4-а.лар) келиб фризлар ва батавлар б-н аралашиб кетганлар. Мана шу қабилалар негизида тарқоқ вилоятларнинг уюшуви 14—15-а.ларда голланд элатини шакланишига олиб келган, бу ҳудуд эса



Голландларнинг анъанавий турар жойи.

Нидерландия деб номлана бошлаган. Испания ҳукмронлигига қарши 16-а.да Нидерландия олиб борган миллий озодлик кураши Г.нинг миллий жиҳатдан шакланишига катта таъсир кўрсатган. Г. миллатининг шаклланиши 18-а.га келиб тугалланган. Г.нинг аксарияти шаҳарларда саноат, савдо, шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайдилар. Қ. х.да, асосан, чорвачилик, гулчилик, денгиз бўйларида балиқчилик б-н шуғулланадилар. Богдорчилик ва гулчилик соҳасида Г. жаҳонга машҳурдирлар.

ГОЛЛИВУД (Hollywood) — америка кинематографиясининг маркази. Калифорния штатининг Лос Анжелес ш.да жойлашган. Фильмларни суратга олишни 1908 й. бошлаган. 1913—15 й.лар эса АҚШ кино саноати марказига айланган. 20-й.лардан «Метро-Голдвин-Майер», «20 аср — Фокс», «Парамаунт», «Уорнер браверс», «Коламбия», «РКО-радио» кино компаниялари фаолият кўрсата бошлади. Г.да америка кинематографиясининг асосий ўзига хос томонлари шаклланди: «киноюлдуз» тизимини яратиш, кинодраматургияни стандартлаштириш, фильмларни конвейер усулида ишлаб чиқариш ва б. Г.да турли даврларда Ч. *Чаплин*, Э. Штрогейм, К. Видор, Ж. Форд, У. Уайлер, Ф. Капра каби кино дарғалари ишлаган. Кинокомпанияларнинг жаҳолатпарастликка берилиши, кинопрокат харажатларининг кўпайиб кетиши, фильмларнинг бадиий жиҳатдан саёзлашуви, телевидение ҳамда Нью-Йоркда мустақил ишлаётган кино арбоблар рақобати Г.ни инқирозга олиб келди (айниқса 50—60-й.лар). 70-й.лардан Г. яна ўз қаддини тиклай бошлади. 80-й.лардан эса яна жаҳондаги энг йирик кино марказига айланди. Ўз фаолиятини фаоллаштириб, қизиқарли бадиий фильмлар ишлади.


«Гладиатор» (реж. Р. Скотт, 2000), «Кема ҳалокатидан жабр кўрган» (Р. Земекис, 2000), «Аёллар нима хоҳлайди» (Н. Мейерс, 2000), «Тиғиз пайт» (Р. Ратнер, 2001), «Бошқалар» (А. Аменабар, 2001) кабилар Г.нинг сўнгги йиллар яратган энг яхши фильмларидир. Рассел Кроу, Хоакин Феникс, Жим Кэрри, Майкл Дуглас, Энтони Хопкинс, Ричард Харис, Мэл Гибсон, Камерон Диаз, Люси Лу, Жеки Чан, Крис Такер, Стивер Сейбл, Лаура Дер ва б. Г.нинг энг машҳур актёрларидир.

ГОЛЛЬ (Gaulle) Шарль де (1890.22.11, Лилль — 1970.9.11, Коломбе-ле Дёз-Эглиз) — Франция президенти (1959—69). 1940 й. Лондонда антигитлерчилар коалициясига қўшилган. «Озод Фран-


ция» (1942 й.дан «Курашаётган Франция») ватанпарварлик ҳаракатига, 1941 й. эса «Франция миллий қўмитаси»га асос солган. 1943 й. Жазоирда тузилган «Францияни озод қилиш миллий қўмитаси»га раҳбар бўлган. 1944 й. июнда Г. бу қўмитани Франция Республикасининг Муваққат ҳукуматига айлантирган. Франция Муваққат ҳукумати бошлиғи (1944—46 й. янв.). Урушдан сўнг «Француз халқини бирлаштириш» партияси ташкилотчиси ва раҳбари. 1958 й. Франция бош вазири. Г.нинг ташаббуси б-н президент ҳукуқини кенгайтирувчи янги конституция тайёрланган (1958). Унинг президентлиги даврида Франция ўзининг ядровий қуролини барпо этиш режаларини амалга оширган, НАТО ҳарбий ташкилотидан чиққан.




ГОЛОГРАФИЯ (юн. holos — буткул, тўлиқ ва ... *графия*) — тўлқинлар *интерференция*сидан фойдаланиб буюмнинг фазовий (ҳажмий) тасвирини ҳосил қилиш усули. Д. *Габор* кашф этган (1948), рус физиги Ю.Н. Денисюк такомиллаштирган (1962). Г. 60-й.ларда *лазер* яратилгандан кейин жуда тез ривожлана бошлади. 1-расмда лазерлардан фойдаланиб ҳосил қилинган голограмма берилган. Унда тўлқинлар интерференцияси туфайли буюм ҳақида тўлиқ маълумот берувчи манзаранинг ёруғ сезгир сиртдаги акси кўрсатилган. Г. рангли ва рангсиз (оқ-қора) бўлади. Голограмма ҳосил қилиш учун линза ёки ийғувчи кўзгу ишлатилади. Г. ёки унинг бир қисмини ёрдамчи когерент тўлқин б-н нурлатиб, буюмнинг тасвирини кўриш мумкин. Бунинг учун когерент электромагнит нурлар призма ёки кўзгу ёрдамида икки нур дастасига ажратилади. Нур дастасининг бири (асосий нур) кўзгу (призма) га, иккинчиси (буюм нури) эса буюмга йўналтирилади. Кўзгу ва буюмдан қайтган нурлар фотопластинкага тушади, унда голограмма ҳосил бўлади. Голограмма асосий нур б-н ёритилса, буюм сурати муаллақ ҳолда кўринади (буюм суратини ҳар томондан кўриш мумкин). Асосий ва буюмдан қайтган нурларнинг тўлқин амплитудаси тўлқинлар фазасига ҳам боғлиқ. Асосий нур фазаси фотопластинка кенглигида (бир қиррасидан иккинчи қиррасигача) текис ўзгаради, чунки фотопластинкага тушган тўлқинларнинг фаза фарқи буюмдан ўтган фазасига боғлиқ. Буюмнинг ҳар бир нуқтасидан қайтган нурлар (тўлқинлар)нинг фаза фарқи буюм нуқталари оралиғи ёки ҳажми ҳақида маълумот беради. Мас., S ва S' манбалардан келган когерент (монохроматик) нурлар (2-расм, *а*) SS' кесмани тенг иккига бўлувчи горизонтал текисликка бир хил фазада келади. Бир-бирига тик нурлар дастаси қўшилиши натижасида ҳосил бўлган голограммани асосий нур n_1 б-н ёритилса, n_2 нурнинг нусхаси n_2' кўринади ва, аксинча, голограмма n_2 вертикал нур б-н ёритилса, n_1 кўринади (2-расм, б). Демак, голограмма асосий нур б-н ёритилса, нуқталарнинг фазадаги ҳақиқий ўрни (бир-биридан узоқлиги) кўринади (3-расм). «Буюм нури» йўналишини ўзгартириб, битта фотопластинкага бир қанча голограммани жойлаштириш мумкин. Г. физика ва техниканинг турли соҳаларида, маълумотларни кодлашда, акустикада, уч ўлчовли кино ва телевидениеда кенг қўлланилади.




1-расм. Голограммаларнинг микроскопдаги кўриниши.



2-расм, *а*. Э — экваториал текислик, Е — ёруғлик интенсивлиги.



2-расм, б. Ҳажмий голограмма б-н n_2 нурлар дастасининг тикланиши.



3-расм. Шаффоф бўлмаган муҳитда жисмни товуш б-н кўриш. ТМ-1, ТМ-2 — товуш манбаи.

ГОЛОЦЕН (юн. holos — ҳаммаси ва kainos — янги) — Вюрм музлигидан кейин, бундан 10—16 минг йил олдин бошланиб ҳозиргача давом этаётган давр. Ернинг геологик тарихидаги антропоген (тўртламчи) даврнинг ҳозиргача тугалланмаган охирги қисми ва шунга мос ётқизиқлар. Г. бошланиши Европа материгининг шим.да охирги музланишнинг тугашига, палеолит ва мезолит орасидаги чегарага тўғри келади. Г.да турли иқлим босқичлари бирин-кетин алмашиниб турган. Ерда иқлимнинг энг юқори даражаси 7500—5000 йил аввал бўлганлиги аниқланган. Г.да қуруқлик ва денгизлар ҳоз. кўринишига эга бўлган. Г.нинг 2/3 қисми тарихий даврга тўғри келади. Яна қ. *Тўртламчи система (давр)*.

ГОЛСУОРСИ (Galsworthy) Жон (1867.14.8 — Лондон — 1933.31.1) — инглиз ёзувчиси, драматурги. Дастлабки асарлари — «Тўрт шамол» (1897) ҳикоялар тўплами, «Жослин» (1898), «Вилла Рубейн» (1900) романлари янги романтик йўналиш таъсирида ёзилган. Г. «Фарисейлар ороли» (1904) романи б-н ижтимоий-маиший мавзуда романлар туркуми яратишга киришди. «Кўргон», «Чорбоғ» (1907), «Қардошлик» (1909), «Патриций» (1911), «Фрилендлар» (1915) романларида жамиятдаги турли табақалар ҳаётидаги қарама-қаршиликлар акс эттирилган. Г. гарчи адабиётдаги янги оқимлар — *эстетизм, натурализм, модернизм*га замондош бўлса ҳам, анъанавий *реализм* мактабига содиқ қолиб, уни янги босқичга кўтарди. «Жой» (1907), «Кураш» (1909), «Адолат» (1910) ва б. пьесалари меҳнаткашлар ҳаёти ҳақида. Муайян зодагон оиласи тақдирига бағишланган йирик эпопея — «Форсайтлар ҳақида қисса» (1906—22), «Замонавий комедия» (1924—28), «Бобнинг якуни» (1931—33) трилогиялари ва шу туркумга кирган ҳикояларида 19-а. охири — 20-а.нинг биринчи чорагидаги инглиз жамияти ҳаёти моҳирона тасвирланди, жамиятдаги кучли ва ожиз томонлар ҳаётий лавҳаларда очиб берилди. Г. асарлари кўплаб хорижий тилларга таржима қилинган. Нобель мукофоти лауреати (1932).



ГОЛЬБАХ (Holbach) Поль Анри (1723, Гейдесгейм, Пфальц — 1789.21.6, Париж) — француз файласуфи, Д. *Дидро* ва К. *Гельвеций* сафдоши, «Энциклопедия»ни яратишда қатнашган. Француз материализми ва атеизмининг асосий асари ҳисобланган «Табиат тизими ёки Табиий ва руҳий олам қонунлари тўғрисида» китобини ёзган, унда сенсуализм, детерминизм ва атеизм изчиллик б-н қисқа баён қилинади, материя абадий ва яратилмаган деб уқтирилади, у аста-секин ривожланиш ва ўзгариш жараёнида реал дунёдаги турли-туман нарсаларнинг ҳаммасини келтириб чиқаради. Декартга қарама-қарши ўлароқ кишиларда «туғма гоя»лар йўқ деб ҳисоблайди. Материяда инерция, тортиш ва бирбиридан қочиш рўй берганидек, онгда жаҳолат, ишқий майл, нафрат намоён бўлиб боради.



ГОЛЬБАХ МУАММОСИ (сонлар назариясида) — бешдан катта ҳар қандай бутун сонни учта туб сон йиғиндиси тарзида ифодалаш мумкинлиги ҳақидаги муаммо. Бу масалани немис математиги Х. Гольдбах илгари сурган эди. Л. *Эйлер* эса тўртдан катта ҳар қандай жуфт сонни икки туб сон йиғиндиси тарзида ифодалаш мумкинлигини исботлаш кифоя, деган фикрни айтган эди. Лекин 19-а. мобайнида ҳам бу масала ҳал қилинмаган эди. Шунинг учун у «Г. м.» номи б-н атала бошлади. 1937 й.да акад. И. М. *Виноградов* ҳар қандай катта тоқ сон учун Г. м.ни ҳал этди.

ГОЛЬДМАН Наум Абрамович (1896.23.7, Киев — 1981.19.2, Тошкент) — дирижёр, педагог. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1943). Тошкентдаги рус опера ва балет театрида бош дирижёр (1941—46), Навоий номидаги опера ва балет театрида дирижёр (1943—67), Тошкент консерваториясининг ўқитувчиси (1941—81). Репертуаридан чет эл, рус ва Ўзбекистон композиторларининг асарлари ўрин олган. «Иван Сусанин» (М. Глинка, 1942), «Евгений Онегин» (П. Чайковский, 1948), «Тоҳир ва Зуҳра» (Т. Жалилов ва Б. Бровцин, 1949), «Борис Годунов» (М. Мусоргский, 1953, 1965), «Бўронда» (Т. Хренников, 1954), «Улуғбек» (А. Козловский, 1958), «Тоска» (Ж. Пуччини, 1955, 1963) ва б. операларнинг саҳналаштирувчи дирижёри.


ГОЛЬДОНИ (Goldoni) Карло (1707.25.2, Венеция — 1793.6.2, Париж) — итальян драматурги, итальян театри ислоҳотчиси, миллий комедия асосчиси. Дастлабки асарлари («Момоло кортезан», 1738; «Момоло Брентеда», 1739; «Синиш», 1741) даёқ ниқоблар комедияси (сюжетнинг қисқа схемасидан иборат сценарий асосида тайёргарликсиз томоша яратиш)ни ислоҳ қилган. Мазкур асарлар муқим матнга, аниқ инсоний характерларга, маърифатпарварлик ғоялари сингдирилган, жамиятнинг иллатларини танқид қилувчи мазмунга эга эди. Айни пайтда Г. ниқоблар комедиясининг афзал томонларини — хушчақчақлик, сюжет ривожидаги изчилликни сақлаб қолган. Г. 155 комедия, 18 трагедия, 94 либретто ёзган. Театр тарихига оид «Мемуарлар» (1784—87) муаллифи. «Меҳмонхона бекаси», «Икки бойга бир малай» ва б. комедиялари ўзбек тилига таржима қилиниб, *Муқимий театри*да саҳналаштирилган.

ГОЛЬДЦИЕР (Goldziher) Игнац (1850.22.6, Секешфехервар — 1921.13.11, Будапешт) — венгер арабшуноси ва исломшуноси. Венгрия ФА мухбир аъзоси (1876), Будапешт ун-ти проф. (1894). Илмий ишлари ислом тарихи, араб филологияси, қад. яҳудий мифологиясига оид. Ислом манбаларини чуқур таҳлил қилган. Исломни ижтимоий-иқтисодий муносабатлар б-н боғланмаган диний ғоялар эволюциясининг маҳсули деб ҳисоблади. Ислом маданиятига мусулмон Шарқининг барча халқлари ўз ҳиссаларини қўшганлигини очиб берди. Г. исломшуносликда танқидий мактаб асосчиси. Асосий асарлари: «Ислом», «Ислом тўғрисида маърузалар», «Исломда авлиёларга сиғиниш» ва б.

ГОЛЬДШМИДТ Виктор Мориц (1888.27.1, Цюрих — 1947.20.3, Осло) — норвегиялик геокимёгар, геокимё асосчиларидан бири. Ослодаги Геология музейининг директори, Осло ун-ти проф. (1914). Г. кимёвий элементларнинг геокимёвий таснифини ишлаб чиққан. Г.нинг кристаллар кимёси соҳасидаги ишлари элементларнинг Менделеев даврий системасидаги ўрни б-н атом ва ион катталиклари ўртасида муҳим боғланиш борлигини очиб берди. Г. темир гуруҳидаги элементларнинг миграциясини, шунингдек, галлий, церий, скандий, бор, литий, рубидий, цезий, бериллий, селен, маргимуш, олтин ва платинали металларни Ер пўстида тарқалиш хусусиятини ўрганди.

ГОЛЬЖИ (Golgi) Камилло (1844.7.7, Кортено — 1926.21.1, Павия) — италиялик гистолог. Павия ун-ти проф. (1875 й.дан). Нерв тўқимасининг микроскопик препаратларини хром-кумуш усулида тайёрлаш методини ишлаб чиққан (1873). 1898 й.да нерв системаси ҳужайраларини ўрганиш асосида махсус тўрсимон органоид мавжудлигини исботлаб берган. Кейинчалик ҳужайранинг бу органоиди *Гольжи комплекси* деб атала бошланди. Нобель мукофоти лауреати (Рамон-и-Кахаль б-н ҳамкорликда, 1906).

ГОЛЬЖИ КОМПЛЕКСИ, Гольжи аппарати, пластинкасимон аппарат — ҳамма эукариот ҳужайралар учун хос органоид. Г.К.ни *Гольжи* (1898) нерв ҳужайраларида кашф қилган. Структуравий ва функционал бирлиги — диктиосома. Ҳужайра цитоплазмасида бир-бири б-н умумий тўр орқали боғланган 20 га яқин диктиосомалар бўлади. Г.к. кўпинча центриолларни ўраб туради, ҳужайранинг Г.к. жойлашган қисмида рибосомалар деярли бўлмайди. Секретор ҳужайраларда Г.к. ҳужайранинг апикал қисмида жойлашади. Функцияси — оқсилларни модификациялаш (глюкозалаш, сульфатлаш, фосфорлаш, қисман полипептид занжирни парчалаш ва б.), ажратиладиган маҳсулотларни гранулалар ҳолида таҳлаш, айрим полисахаридларни синтезлаш, ҳужайра мембранасини ҳосил қилиш, лизосомаларни синтезлаш. Оқсиллар мембранали пуфакчалар ичида эндоплазматик тўрдан Г.к. га ўтади. Г.к.да улардан мураккаб оқсиллар (липопротеидлар, мукопротеидлар, мукополисахаридлар) ҳосил бўлади. Тайёр маҳсулотлар пуфакчаларда тўпланади. Пуфакчалар диктиосомалар учидаги халтачалардан цитоплазмага чиқиб, у ерда тўпланади ёки микронайчалар орқали ҳужайрадан ташқарига чиқарилади. Ўсимлик ҳужайраларида Г.к. ҳужайра девори таркибига кирадиган гемицеллюлоза ва пектинни синтезлайди, полисахаридли шилимшиқ модда синтезида иштирок этади. Бир ҳужайрали ҳайвонларда Г.к. элементлари қисқарувчи вакуоллар ҳосил қилади. Г.к. гранулоцитлар учун гранулаларни ва спермийлар акросомаларини шакллантиради.



Ҳужайра бўлинишида Г.к. алоҳида диктиосомаларга ажралиб кетиб, янгидан ҳосил бўладиган ҳужайралар ўртасида тасодифан тақсимланади.

ГОЛЬМИЙ (лот. Holmium), Но—Менделеев даврий системаси III гуруҳининг *лантаноидлар* туркумидаги кимёвий элемент. Атом рақами 67, ат.м. 164,94. Биргина барқарор изотопи ^{65}Но бор. 1879 й.да швед кимёгари П. Клеве кашф этган. Г. Ер пўстининг масса жиҳатдан $1{\cdot}10^{-4}$% ини ташкил қилади. Табиатда иттрий гуруҳчаси элементлари б-н бирга учрайди. Г.— оқиш кулранг металл. 1428° гача гексогонал панжарали α-Но (зичлиги 8,799 г/см^3) ҳолатда, 1428° дан юқори т-рада эса кубик панжарали, суюқланиш т-раси 1470°, қайнаш т-раси 2707°, зичлиги 8,82 г/см^3 β–Но ҳолатда барқарор. Ферромагнетик, механик ишловга осон берилади. Ҳавода ~20° да секин, 100° дан юқори т-рада тез оксидланади. Минерал кислоталар (фторид кислотадан ташқари) таъсир эттирилганда Ho^{3+} тузларини ҳосил қилади; ишқорлар таъсирига берилмайди. Қиздирилганда N_2, H_2, Cl_2, J_2 ва F_2 б-н реакцияга киришади. Г. HoF_3 ни кальций б-н қайтариб олинади. Г.нинг бирикмалари кимё ва енгил саноатда, лок ва бўёқлар, катализаторлар, фотореагентлар тайёрлашда, қ.х.да ўсимликларнинг ўсиш жараёнини тезлаштирадиган ўғит сифатида ишлатилади.

ГОЛЬФ (инг. golf) — спорт тури. Тўп ва чавгонлар б-н очиқ майдонда ўйналади. Бунда 50 мингдан 200 минг м^2 гача саҳнга эга бўлган паст-баландлиги ўртача табиий майдон (қир-адир, истироҳат боғи, ўрмон чеккаси) керак, унда табиий ҳолатида қолдирилган 9 ёки 18 та йўлак-трасса белгиланади; ҳар қайси йўлакнинг уз. 150 дан 470 м гача, кенглиги 30—40 м. Биринчи йўлак бошланишида тахм. 4 м^2 катталикдаги майдонча тайёрланади, ҳар бир йўлакнинг охирида ўртасида ўйиқ-чуқурча (чуқурлиги 11 см ва диаметри 10 см)ли тахм. 20 м^2 келадиган майдонча бўлади. Ўйинчилар жой рельефи ва тўпни йўналтириш керак бўлган масофа қандайлигига қараб катталиги, йўғонлиги, учининг шакли бирмунча фарқланадиган, уз. 85—110 см чавгон (клэб)лардан фойдаланадилар. Ўйиннинг мақсади тўпни (вазни 44 г қуйма резинали копток) чавгон б-н уриб барча йўлакларидаги чуқурчаларнинг ҳар бирига олиб бориб тушириш. Бу ишни камроқ зарб б-н амалга оширган ўйинчи ёки жамоа ғалаба қилади. Г. ўйини ўрта асрда Данияда пайдо бўлган. АҚШ, Канада, Буюк Британия, Япония, Австралияда тарқалган. 1900 ва 1904 й.да Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган эди. Г.ни асосан ўрта ва катта ёшдагилар ўйнайди.

Г. Ўзбекистонда ҳам оммавийлаша бошлади. Бунда 1998 й.да қуриб битказилган Тошкент Г. клуби катта аҳамият касб этди. Бу клуб Ўрта Осиё минтақасида биринчи бўлиб халқаро Г. мусобақаларини ўтказиш имконини яратди. 2001 й. 20 майда Тошкент Г. клубида Г. бўйича Ўзбекистоннинг биринчи очиқ чемпионати ўтказилди. Унда Ўзбекистон, АҚШ, Германия, Жан. Корея, Малайзия, Англия, Шотландия, Канада, ЖАР ва б. мамлакатлардан 100 га яқин спортчи қатнашди.

Ўзбекистон Г. уюшмаси ташкил этилган (2000 й.).

ГОЛЬФСТРИМ (инг. Gulf Stream — қўлтиқ оқими) — Атлантика океанининг шим. қисмидаги илиқ оқим. Аслида Г. бир қанча илиқ оқимлардан иборат бўлиб, Флорида я. о. қиргоғидан Шпицберген ва Новая Земля о.ларигача 10 минг км масофага оқиб боради. Г. дастлаб Флорида қўлтигининг жан. қисмида ҳосил бўлади. Пассат шамоли сувни Юкатан бўғози орқали Мексика қўлтигига ҳайдайди ва оқибатда Мексика қўлтиғи суви сатҳи б-н Атлантика океанининг шу атрофдаги қисми сатҳида каттагина фарқ вужудга келади. Океанга кираверишда оқим ҳажми секундига 25 млн.м^3 (суткасига 2160 км^3) га етади, бу эса бутун Ер шаридаги барча дарёларнинг сув сарфидан 20 марта ортиқдир. Океанда бу оқим Антил оқими б-н қўшилади, шундан сўнг 38° ш. к.да Г.да секундига 82 млн. м^3 сув оқади. Г. океанда соатига 6 км (баъзан 10 км) тезлик б-н шимолга қараб Шим. Америка материги соҳили бўйлаб ўтади. Оқимнинг эни жан.да 75 км, Хаттерас бурни яқинида 110—120 км, қалинлиги 700—800 м. Г. жуда кўп иссиқлик ҳамда туз олиб келади. Сув юзасида ўртача йиллик т-ра 25—26°, шўрлиги 36,2—36,4‰, 400 м чуқурликда 10—12°. Ньюфаундленд саёзлигининг жан. чеккаси ёнида Г.га шимолдан совуқ Лабрадор оқими яқинлашиб келади. Ана шу ерда икки хил сув аралашади ва юза қатламдаги сув пастга тушади. Тахминан 40° ғ. у.да Г. *Шимолий Атлантика оқими* номини олади, бу оқим ғарбий ва жан.-ғарбий шамоллар таъсирида океанни ғарбдан шарққа кесиб ўтади ва Европа яқинида аста-секин шим.-шарққа бурилади. Томсон портига яқинлашганда Шим. Атлантика оқимидан Ирмингер илиқ оқими ажралиб чиқиб, Баффин денгизи томон кетади. Шим. Атлантика оқимининг асосий қисми Норвегия денгизидан чиққач, Шпицберген оқими номини олади ва Скандинавия я. о.нинг ғарбий қиргоғи бўйлаб шим.га қараб кетади, шундан сунг Шпицберген о.ларининг ғарбий қиргоғи яқинидан ўтиб, Шпицбергендан шим.да бу оқим пастга тушиб кетади ва Шим. Муз океанидан яна бир оз сезилиб турали. Г. ва унинг давоми булган илиқ оқимлар Шим. Муз океани ва унинг денгизлари сувига, органик дунёсига, Европанинг Атлантика океанига яқин мамлакатлари иқлимига катта таъсир этади. Илиқ сув Европа ҳавосини илитиб туради.

ГОМЕЛЬ — Белоруссиядаги шаҳар. *Гомель вилояти*нинг маркази. Сож дарёси (Днепр ирмоғи) бўйидаги порт. Т.й. ва автомобиль йўллари тугуни. Шаҳардан Санкт-Петербург—Киев—Одесса, Брест—Брянск—Москва, Гомель—Минск—Вильнюс автомагистраллари ўтади. Аҳолиси 475,2 минг киши (1999), аҳолисининг сони бўйича республикада 2-ўринда гиши шаҳар. Майд. 11256 га. Шаҳар транспорти автобус ва троллейбус қатновидан иборат. Г.даги 100 дан зиёд саноат корхонаси давлат, акциядорлик, ижара, қўшма ва кичик бизнес корхоналаридир. Машинасозлик ва металлсозлик (станоклар, қ.х. машиналари, приборлар ва б.), ёғочсозлик, кимё, ойна-шиша, озиқ-овқат, енгил саноат корхоналари бор. Шунингдек, қурилиш деталлари з-ди, қурилиш материаллари ва йигма темир бетон к-ти фаолият кўрсатмоқда. Савдо корхоналари, 13 катта ва кичик бозор, 2 автомобиль бозори, 5 олий ўқув юрти (давлат ун-ти, транспорт ва техника давлат ун-тлари, кооператив ва тиббиёт ин-тлари), 6 техникум, 2 колледж (мусиқа-пед. ва санъат), лицей, гимназиялар, 9 и.т. институти, 2 театр, ўлкашунослик музейи, телемарказ, халқаро аэропорт мавжуд. Шаҳар солномаларда биринчи марта 1142 й. тилга олинган. Румянцев-Паскевичлар саройи (18-а.), Ильин ёғоч черкови (18-а. охири) сақланган.



Гомель шаҳри. Маданият ва истироҳат боғининг гўшаларидан бири.

ГОМЕЛЬ ВИЛОЯТИ — Белоруссия таркибидаги вилоят. 1938 й. 15 янв.да ташкил этилган. Республиканинг жан.-шарқида. Майд. 40,4 минг км^2. Аҳолиси 1674 минг киши, асосан белоруслар, шунингдек, рус, украин, яҳудий, поляк ва б. ҳам яшайди. 21 туманга бўлинган; 17 шаҳар, 17 шаҳарча бор. Маркази — Гомель ш.

Ер юзаси текислик. Ғарбида Припять Полесьеси (120—140 м), шарқида Днепрбўйи пасттекислиги (100—130 м) бор. Фойдали қазилмалари: нефть, тоштуз ва калий тузи, торф, бўр, гил, қум. Иқлими мўътадил континентал. Янв.нинг ўртача т-раси — 7°, —5,5°, июлники 18,5°—19°. Йилига 550—650 мм ёғин тушади. Вегетация даври 190—200 кун. Дарёлари: Днепр ва унинг ирмоқлари (Березина, Припять, Сож). Энг йирик кўли — Червоное. Тупроқлари кучсиз подзоллашган қумли ва торф-ботқоқли, шарқида қумоқ ва қумлоқ тупроқ. Ҳудудининг 41% га яқини ўрмон, 12% ботқоқлик, ўтлоқ кўп.

Вилоятда йирик энергетика базаси (торф, газ, нефть) ташкил этилган. Гомелда қ.х. машинасозлиги, станоксозлик, торф машинасозлиги, двигателлар, подшипниклар, ўлчов приборлари, электротехника ва б. з-длар, Мозирда мелиорация машиналари з-ди, «Мозиркабель», металл қуйиш-механика з-длари, Речица металл буюмлар з-ди бор. Вилоятда кимё саноати барпо этилган. Ўрмон, ёғочсозлик ва қоғоз саноатлари ривожланган. Мебель ф-калари (Мозирь, Ельск, Жлобин, Калинковичи, Рогачёв, Василевичи), ёғочсозлик к-тлари (Гомель, Мозирь), фанер-мебель (Речица), фанер-гугурт (Гомель), целлюлоза-қоғоз (Добруш) ва целлюлоза-картон (Светлогорск) к-тлари, Гомель яқинида (Костюковка) мамлакатда йирик ойна з-ди бор. Енгил саноат асосан маҳаллий хом ашёда ишлайди. Донли экинлар, техника экинлари экилади, боғ ва мевазорлар бор. Чорвачилик сут, гўшт етиштиришга ихтисослашган. Қорамол, чўчқа, қўй ва эчки боқилади. Т.й. асосий транспорт тури. Автомобиль йўллари муҳим ҳисобланади. Днепр, Припять, Сож, Березина дарёларида кема қатнайди. Драма театри, қўғирчоқ театри, 6 музей бор.

ГОМЕО... (юн. homois — ўхшаш, бир хил) — қўшма сўз таркибий қисми бўлиб, ўзи қўшилган сўзларга айнанлик, ўхшашлик, бир хилдалик маъно ифодасини беради. Мас., *гомеостаз, гомеопатия*.

ГОМЕОПАТИЯ (*гомео...* ва юн. pathos — дард, касаллик) — даволаш системаси; ўхшашни ўхшаши б-н даволаш («ўхшашлик қонуни») деган йўналиш бўлиб, бунда соғлом кишида муайян касаллик белгисини келтириб чиқариши мумкин бўлган дориларнинг кичик дозаси б-н беморни даволаш тушунилади. Г.нинг асосий принципларини немис врачи С. Ханеманн (1755—1843) ишлаб чиққан (1796). Г.да қўлланиладиган дориларнинг деярли барчаси фармакопея талаблари асосида тайёрланган бўлиб, улар асосан турли ўсимлик, ҳайвон маҳсулотлари ва минераллардан олинади. Ҳоз. замон гомеопатлари *кимётерапия*, жумладан *сульфаниламид препаратлари* ва *антибиотикларни зотилжам, сепсис* ва б. касалликларда қўллашни тан олиб, кимётерапияни гомеопатик воситалар б-н бирга қўллаш касалликнинг кечишини енгиллаштиради, деб ҳисоблайдилар. Улар оғир кечадиган касалликлар (*юрак-томир касалликлари, бронхиал астма* ва б.) да гомеопатик даво фойда бермаганда илмий тиббиёт воситаларини белгиланган дозаларда қўллаш лозим, деб эътироф этадилар.

ГОМЕОСТАЗ, гомеостазис (*гомео...* ва юн. stasis — ҳаракатсизлик, ҳолат) — биологик системаларнинг ўз таркиби ва хоссаларининг динамик нисбий доимийлигини сақлаб қолиш хусусияти. Г. тушунчасини америкалик физиолог У. Кеннон (1929) таклиф этган. Г. биологик тузилишнинг ҳар хил даражасида намоён бўлади.

Физиологик Г. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши б-н шаклана бошлаган, чунки бир ҳужайралиларнинг келиб чиқиши ҳужайра ичида ташқи муҳит шароитидан фарқ қиладиган махсус физик-кимёвий шароитнинг қарор топиши б-н боғлиқ бўлган. Кўп ҳужайралиларда вужудга келган ички муҳит ичида ҳужайра ва тўқималар жойлашади, ана шу ички муҳитда Г. механизмлари ривожланади ва такомиллашиб боради. Эволюция давомида қон айланиш, айириш, нафас олиш, ҳазм қилиш ва Г.ни бошқаришда зарур бўлган бошқа махсус системалар вужудга келган. Денгиз умуртқасиз ҳайвонларида ички муҳит суюқлиги ҳажми, ион таркиби ва pH ини барқарорлаштирадиган гомеостатик механизмлар пайдо бўлади. Чучук сув ва қуруқликда яшашга ўтган ҳайвонларда, шунингдек, чучук сувдан денгизга ўтган умуртқалиларда осмотик фаол моддалар концентрацияланади. Т. айниқса сут эмизувчиларда мукаммал ривожланган бўлиб, уларнинг атроф муҳитга мосланиш имкониятларини оширади. Г. туфайли қон ва тўқима суюқлиги ҳажми, улардаги ионлар ва осмотик фаол моддалар концентрацияси, қоннинг pH, ундаги оқсиллар, липидлар ва углеводлар таркибининг доимийлиги сақланиб қолади. Қушлар ва сут эмизувчилар тана ҳароратининг доимийлиги Г. туфайли ҳам бошқарилади. Қўшимча физиологик механизмлар алоҳида органлар ички муҳити доимийлигини таъминлайди. Мас., гематоэнцефалик ва гематоофтальмик барьерлар мия ҳужайралари ва кўзларни ўраб турадиган суюқликларнинг махсус хоссаларини белгилайди. Г.нинг бошқарилишида марказий нерв системаси: бош мия ярим шарлари пўстлоғи, симпатик нерв системаси, гипофиз, буйрак усти ва б. безларнинг ҳолати катта аҳамиятга эга. Ҳар хил регуляция механизмларини ўз ичига оладиган мураккаб гомеостатик системага мисол қилиб артерия босимининг оптимал даражада сақланиб туришини таъминлайдиган системани кўрсатиш мумкин.

Гомеостатик жараёнлар асосида ётадиган механизмларнинг издан чиқиши «Г. касаллиги» ҳисобланади. Бу жараёнларга шартли равишда биологик ритмларнинг қайта қурилиши ва б. б-н боғлиқ бўлган организмлар нормал фаолиятининг функционал бузилишини ҳам киритиш мумкин.

Ўсимликларда Г.ни ҳужайра даражасида бошқаришда плазмолемма ва тонопласт асосий аҳамиятга эга. Плазмолемма ташқи муҳитдан ҳужайрага озиқ моддалар, ионлар ва сувнинг оқиб келиши, балласт моддалар ва ортиқча H^+, Na^+, Ca^{2+} ионларини чиқариб юборишни; тонопласт эса озиқ моддалар танқислигида вакуоллардан протоплазмага захира моддаларни олиб кириш ва уларнинг ортиқча қисмини вакуолларга чиқарилишини бошқаради. Тўқима даражасида Г.ни сақлашда углеводлар ва б. субстратларнинг ҳужайралараро оқимини бошқарадиган плазмодесмалар қатнашади.

Генетик, яъни популяцион Г. ўзгарувчан муҳит шароитида популяция генотипик структурасининг нисбий барқарорлиги ва яхлитлигини сақлаб туришдан иборат. Бу ҳолатга популяциядаги индивидлар эркин чатишганида аллеллар частотаси генетик мувозанатини, гетерозиготалик ва по-




4

лиморфизм ҳамда мутация жараёни муайян тезлиги ва йўналишини сақлаб туриш орқали эришилади. Г.ни ўрганиш — микроэволюция қонуниятларини тадқиқ қилишнинг долзарб вазифасига киради. «Г.» тушунчасидан экологияда экосистемалар ҳолати ва улар турғунлигига таснифберишда кенг фойдаланилади. Г. туфайли биогеоценозларда турларнинг таркиби ва индивидлар сони барқарорлиги сақланиб турали.

Бакридин Зарипов.

ГОМЕР (Homeros) — юнон шоири. Унинг ҳаёти ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Турли даврларда яратилган талқинларда унинг яшаб ўтган даврини мил. ав. 12-а. билан 7-а. оралиғида деб кўрсатилади. Г. нинг сўқир бўлгани, ўз асарларини бахшилар каби оғзаки айтгани маълум. Уларни ким, қачон ёзиб олгани аниқ эмас. Г.га нисбат берилган асарлар кўп, аммо гомершунослар кўп тортишувлардан кейин фақат 2 асарни — *«Илиада»* ва *«Одиссея»*ни Г.ники деб тан олишган. Уларнинг иккови ҳам қаҳрамонлик эпоси бўлиб, юнон мифологияси асосида яратилган. Шу б-н бирга, уларда фақат шеърлар, афсоналар ва ривоятларгина эмас, реал тарихий воқеалар ҳам акс этган. Жумладан, «Илиада» достонида тасвирланган Троя кўп замонлар афсонавий шаҳар ҳисобланиб келинган, аммо буюк археолог Шлиман кўп йиллик изланишлардан сўнг уни топди ва бу шаҳар тарихда мавжуд бўлганини исбот қилди. Г. асарларидан намуналар ўзбек тилига таржима қилинган (Миртемир, Қодир Мирмуҳамедов ва б.).



ГОМИНИДЛАР (лот. homo — одам сўзидан) — приматлар туркумига мансуб оила. Ҳоз. инсоният (*неоантроплар*) дан бошлаб, ўтган аждодларининг ҳамма вакиллари (*архантроплар* ва *палеоантроплар*) киради. Г. оиласига, одатда, австралопитексимонларни ҳам киритишади.

ГОММОЗ (франц. gomma — елим), елим оқиши — асосан дарахтлар (данакмевалилар, цитруслар, тут дарахти ва б.), шунингдек, ўтсимон ўсимликлар (ғўза, кунжут ва б.)да учрайдиган бактериал касаллик. Г. чўзилувчан, қаҳрабо-сариқ ёки қўнғир рангли шилимшиқ модда ажралиши б-н кечади. Ўсиш учун ноқулай шароитлар, совуқ уриши, ўсимликнинг ташқи таъсирлар оқибатида жароҳат олиши (пўстлогининг шилиниб кетиши), ҳашаротларнинг зарарлаши ва б. сабаблар туфайли пайдо бўлади. Г. кўпроқ ғўзага зарар етказади ва касалликни Xanthomonas malvacearum Smith. бактерияси қўзғатади. Касаллик ғўза ниҳоллик даврида бошланиб, унинг ривожланиши ўсиш даври охиригача давом этади. У ғўза барги, поясида доғлар пайдо қилади. Касалланган шохлар синади, кўсак эса буришиб очилмай, қотиб қолади, натижада сарғайиб, нобуд бўлади. Ҳашаротлар ва суғориладиган сув орқали тарқалади. Ўсимлик қолдиқлари ва тупроқда сақланади. Ўсимлик бундай касалликка учраганда ҳосилдорлик 60% гача пасайиб кетади.

Қураш чоралари: ғўзапоя қолдиқларини йиғиштириб йўқотиш; кузги шудгорни чуқур ўтказиш; уругликни касалланмаган далалардан тайёрлаш ва уни экишдан олдин кимёвий препаратлар (бронокот 6—7 кг/т) ёки никамизалон (7 кг/т) б-н дорилаш; данакмевали дарахтлар агротехникасини тўғри ташкил этиш, кўсакда қуйиш ва совуқ уришининг олдини олиш, дарахтларни қоидага мувофиқ буташ; цитрус экинларида тупроқни яхши дренажлаш, ўсимликни тўғри озиқлантириш, шунингдек, *бордо суюқлиги* пуркаш, пўстлоқ шилинган жойларни тозалаб, боғ малҳами суркаш.

Султон Аллаҳамедов.




Гоммоз: 1 — гоммоз қўзғатувчиси; 2 — касалланган уругбарг; 3 — касалланган кўсак; 4 — касалланган ўсимлик.

ГОМО... (юн. homos — тенг, бир хил, уйғун, умумий) — қўшма сўз таркибий қисми бўлиб, ўхшаш, ягона, яхлит бир нарсага мансублик маънолари ифодасини билдиради (мас., *гомоморфизм, гомофония*).

ГОМОГАМЕТАЛИК (*гомо...* ва *гамета*) — бир ёки бир неча жуфт гомологик жинсий хромосомаларга эга бўлган ва мейозда бир хил хромосомали гаметалар ҳосил қиладиган организм. Одатда жинслардан бири Г. (XX), иккинчиси гетерогаметали (XY) бўлади. Кўпчилик ҳайвонлар ва икки уйли ўсимликларнинг уруғочи жинси; қушлар, айрим судралиб юрувчилар, сувда ва қуруқликда яшовчилар, балиқларнинг ҳамда ҳамма капалакларнинг эркаклари Г. бўлади.

ГОМОГЕН РЕАКТОР — ядро ёнилғиси б-н секинлатκич гомоген аралашма (нейтронлар учун бир хил муҳит) ҳосил қиладиган *атом реактори*. Бунда аралашма ядро ёнилғиси б-н секинлаткичнинг суюқ эритмасидан ёки зарралар суспензиясидан иборат бўлиши мумкин; суспензиядаги зарралар ўлчами эса нейтронларнинг эркин югуриш узунлигидан анча кичик бўлади. Энергетика мақсадлари учун мўлжалланган қайнар реакторда (расмга қ.) кукунсимон уран (ёки плутоний) б-н сув аралашмаси бир жинсли системани ташкил қилади. Г.р.да махсус иссиқлик элтувчилар ишлатилмайди. Г.р. актив зонасидаги иссиқлик икки усулда: шу зонага ўрнатилган айланма най орқали совуқ сув юбориб ва актив зонани айланиб юрувчи оғир сув ичига ўрнатиб ажратиб олинади. Г.р.ни созлаб туриш учун алоҳида система талаб қилинмайди, у бир меъёрда ишлаб туради.



Гомоген реактор схемаси: 1— реактор; 2 — кўтариш трубаси; 3, 4 — тақсимлагич; 5 — инжектор; 6 — ёндириш камераси; 7 — тушириш трубаси; 8 — иссиқлик алмашгич; 9 — гидравлик зулфин; 10 — ишга тушириладиган электр қозон.

ГОМОГЕН СИСТЕМА — бир фазадан иборат бўлган физик-кимёвий система. Бундай системанинг ҳар бир нуқтасида босим р, т-ра Т ва концентрация С бир хил бўлади. Мас., муз, сув, сув буғи, газлар аралашмаси, суюқ ёки қаттиқ жисм эритмалари Г.с. дир.

ГО МОЖО (1892.16.11, Шавань — 1978, Пекин) — Хитой ёзувчиси, шоир, тарихчи олим, жамоат арбоби. Кюсю ун-ти (Япония)нинг тиббиёт ф-тини тамомлаган (1923). Хитой ФА президенти (1949 йдан). «Маъбудалар» (1921), «Юлдузлар олами» (1923), «Янги Хитой учун гимн» (1953), «Гуллар очиларсин» (1958) ва б. шеърий тўпламлари бор. Миллий озодлик («Уруш боғи» ҳикоялар тўплами), ватанпарварлик («Йўлбарс белгиси», пьеса, 1942) мавзуларида асарлар, танқидий, публицистик мақолалар, мемуарлар яратган. «Қуёшни қутлаб» шеърий тўплами ўзбек тилида нашр этилган (1957).

ГОМОЗИГОТАЛИК (*гомо...* ва *зигота*) — генотипида муайян геннинг бир хил аллелларини сақловчи организмлар ҳолати. Г. бир хил аллелларга эга бўлган уруғ ва тухум ҳужайрасининг қўшилишидан ҳосил бўладиган, яъни уруғланган тухум ҳужайранинг ривожланиши туфайли юзага келади. Г. кейинги авлодларда фақат ўз-ўзидан чангланадиган ўсимликларда сақланиб қолади. Четдан чангланадиган ва факультатив ўз-ўзидан чангланадиган ўсимликларда (мас., ғўза) организмлар одатда *гетерозиготалик* ҳолатга ўтади. Шу сабабли бундай ўсимликларда қатор авлодлар давомида Г. организмлар олиш ва сақлаш учун инбридинг, яъни яқин қариндош организмлар ўртасида дурагайлаш усулидан фойдаланилади.

ГОМОЙОСМОТИК ҲАЙВОНЛАР (*гомо...* ва юн. osmos — туртки, босим) — тана суюқлиги ҳамда қон босимини ташқи муҳитнинг осмотик босимига боғлиқ бўлмаган ҳолда доимий ушлаб туриш хусусиятига эга бўлган сув ҳайвонлари. Осмотик босим айириш системаси ёрдамида танадан ортиқча сув ва тузларни чиқариб ташлаш орқали амалга оширилади. Денгиз ҳайвонларида тўқима суюқлиги ва қоннинг босими улар яшайдиган сувдагига нисбатан паст бўлади; босим буйрак орқали тўқима суюқлиги ва қондан ортиқча сув, жабралар орқали эса ортиқча тузлар чиқариб ташланиши туфайли доимий сақланади. Чучук сув балиқларида эса аксинча тўқима суюқлиги ва қоннинг босими атроф муҳитдаги босимдан юқори бўлади; буйрак орқали жуда кўп миқдорда сув, жабралар орқали эса туз шимиб олиниши туфайли қон ва тўқима суюқлигининг босими ташқи муҳитникига нисбатан юқори бўлади.

ГОМОЙОТЕРМ ҲАЙВОНЛАР (*гомо...* ва юн. therme — иссиқ) — иссиқ қонли ҳайвонлар; атроф муҳит ҳароратига қарамасдан танасининг ички ҳароратини нисбатан бир хил даражада доимий ушлаб турадиган ҳайвонлар. Г.ҳ.га сут эмизувчилар ва қушлар киради. Гомойотермлик терморегуляция механизмлари орқали амалга ошади (яна қ. *Пойкилотерм ҳайвонлар*).

ГОМОЛОГИК ХРОМОСОМАЛАР — бир хил генларга эга бўлган, морфологик жиҳатдан ўхшаш, мейоз профазасида конъюгацияланадиган *хромосомалар*. Диплоид ҳолатда ҳар бир жуфт хромосома 2 тадан Г.х.га эга. Мейозда Г.х. ҳар қайси жинсий ҳужайрага биттадан тарқалади. Полиплоид организмларда Г.х.даги хромосомалар сони бир жуфтдан кўп бўлади.

ГОМОЛОГИК ҚАТОРЛАР — кимёвий бирхоссалари ва тузилиши жиҳатидан бир-бирига яқин бўлиб, молекуласининг углеводородли радикалларида битта ёки бир нечта метилен гуруҳи (CH_2) борлиги б-н бир-биридан фарқ қиладиган ўзаро боғланган органик бирикмалар. Мас., метан CH_4, этан C_2H_6, пропан C_3H_8, пентан C_5H_{12} каби тўйинган углеводородлар (умумий формуласи C_nH_{2n+2}), этилен C_2H_4, пропилен C_3H_6 каби тўйинмаган углеводородлар (умумий формуласи C_nH_{2n}), метил спирт CH_3OH, этил спирт C_2H_5OH каби бир атомли тўйинган спиртлар (умумий формуласи $C_nH_{2n+1}OH$) нинг гомологик қаторлари маълум. Г.қ.нинг айрим қисмлари физик хоссалари жиҳатдан бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Мас., тўйинган ёғ кислотаси ва спиртлар қаторида занжирнинг битта CH_2 гуруҳга узайиши гомологлар қаторининг сирт фаоллигини 3—3,5 марта оширади ёки Г.қ.нинг ўртасида жойлашган ва радикали тармоқланмаган занжирдан тузилган бирикмаларнинг қайнаш т-раси қўшни гомологлардан 20—30° фарқ қилади. Г. қ.нинг юқори молекулали вакилларида бундай фарқ секин-аста камайиб боради. Баъзи углеводород молекулалари радикалига гомологик фарқ киритилиши б-н турлича структура ўзгаришлари содир бўлади. Бунда гомологик фарқ, яъни CH_2 гуруҳи молекуланинг қайси жойига киритилганини ҳам катта аҳамиятга эга.

ГОМОЛОГИК ҚАТОРЛАР ҚОНУНИ, ирсий ўзгарувчанликнинг гомологик қаторлар қонуни — Н.И. *Вавилов* томонидан ўсимликларнинг турли систематик гуруҳларидаги ирсий ўзгарувчанликни қиёсий ўрганиш асосида ифодалаб берилган қонун (1920). Г.қ.қ.нинг асосий мазмуни: генетик жиҳатдан яқин бўлган турлар ва туркумлар ирсий ўзгарувчанликнинг бир хил ўхшаш қаторларига эга бўлади; улар умумий тизимда генетик жиҳатдан қанчалик яқин бўлса, уларнинг ўзгарувчанлик қаторларидаги ўхшашлик шу қадар тўлиқроқ бўлади. Умуман ўсимликларнинг ҳар қайси алоҳида оиласи ўзгарувчанликнинг муайян циклига эгалиги, яъни оилани ташкил этувчи барча туркум ва турларда ўзгарувчанликнинг такрорланиши б-н характерланади.

Мукаммал ўрганилган тур таркибида топилган ирсий шакллар қаторига асосланиб, бошқа ҳар қандай тур ва туркумларда ҳам худди шундай ирсий шакллар бўлишини олдиндан айтиш мумкин. Тур ва туркумлар келиб чиқиши жиҳатдан бир-бирига қанчалик яқин бўлса, улардаги ирсий ўзгарувчанликлар қатори ҳам шунчалик ўхшаш бўлади. Ҳар хил турга мансуб ғўза (G. barbadense, G. hirsutum, G. arboreum, G. herbaceum) белгиларининг ирсий ўзгарувчанлик қатори Г.қ.қ.га ёрқин мисол бўла олади: оқ, малла ва кўк толали шаклларни шу тўрт хил ғўза турининг ҳар бири таркибида топиш мумкин. Улардаги чигит, барг шакллари ва б. белгиларининг ўзгарувчанлиги ҳам параллел равишда боради. Жавдар ҳамда бугдойнинг тукли ва туксиз, қилтиқли ва қилтиқсиз, оқ ва қизил, узун ва қисқа бошоқли; кўк, оқ, қизил, сариқ, гунафша ранг донли; кузги ва лалми, эрта ва кечпишар ва ҳ.к. шакллари борлиги аниқланган. Бошқа тур, туркум ҳамда оилага кирувчи ўсимликларда ҳам ирсий белгилар қатори худди юқоридагидек параллел ўзгариши мумкин.

Н.И. Вавилов Г.қ.қ.ни қуйидаги формула б-н ифодалаган:

$$G_1(a+b+c+\ldots)$$
$$G_2(a+b+c+\ldots)$$
$$G_3(a+b+c+\ldots),$$

бунда: G_1, G_2, G_3 ҳар хил турларни, a, b, c... эса турли хил ўзгарувчан белгиларни, мас., ғўза, жавдар, бугдой (G_1, G_2, G_3) барглари, уруглари, пояларининг ранги, шакли ($a+b+c+\ldots$) ва б. белгиларни билдиради. Г.қ.қ. керакли ирсий ўзгаришларни мақсадга мувофиқ олиш усулларининг биологик негизи, маданий ўсимликларнинг ноёб белгиларга эга бўлган янги навларни яратиш ва аниқлашда назарий асос бўлиб хизмат қилади (қ. *Селекция*).


Ад: Вавилов Н.И., Закон гомологических рядов в наследственной изменчивости, М., 1987.

Баҳодир Норматов.

ГОМОЛОГИЯ (юн. homologia — мос келиш, мослик) (биол.да) — ҳар хил турга мансуб организмларда бажарадиган функциясидан қатъи назар филогенетик (келиб чиқиши) жиҳатдан ўхшаш бўлган органларнинг ўзаро мос келиши. Г.да дастлаб ўхшаш бўлган органларда *дивергенция* туфайли янги морфологик белгилар пайдо бўлади. Мас., дастлабки умуртқали ҳайвонларнинг олдинги оёқлари эволюция жараёнида янги морфологик белгиларни ҳосил қилиши туфайли юриш, югуриш, ер қазиш, тутиш, сузиш, учиш ва б. функцияни бажаришга мослашган. Лекин филогенетик жиҳатдан ўхшаш бўлиши туфайли уларнинг ҳаммаси бир хил суякдан: елка, билак, тирсак, кафтолди, кафт, бармоқ суякларидан иборат.

Г. ўсимликлар учун ҳам хос. Нўхатнинг гажакларини, *зирк* ва *кактус*нинг тиканлари шакли ўзгарган барг ҳисобланади. «Г.» терминини немис зоологи Р. Оуэн (1843) фанга киритган, унинг эволюцион моҳияти эса Ч. *Дарвин*нинг эволюцион таълимоти вужудга келгандан сўнг маълум бўлди. Ҳар хил систематик гуруҳларга мансуб турларда органлар Г.си мавжудлигининг исботи 3 мезон: органларнинг морфологик тузилиши, уларнинг организмда жойланиши ва морфогенези (морфологик келиб чиқиши) ўхшашлиги б-н белгиланади.

20-а.да «Г.» термини гомологик органларнинг шаклланишига олиб келувчи генетик тузилиш (генлар Г.си) ва морфогенез жараёнларини тавсифлашда ҳам қўлланила бошланди. Аммо мураккаб фенотипик белгилар битта ген эмас, балки ўзаро таъсир кўрсатадиган бир неча ген назоратида бўлганлиги, бир геннинг ўзгариши бошқа ген б-н боғлиқлиги туфайли ўзаро қариндош бўлган турларда генлар Г.си б-н органлар Г.си ўртасида бевосита мослик бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун



Гомологик органлар.

генлар Г.си ва фенотипик белгилар Г.си мустақил (бинобарин ўзаро мураккаб муносабатда бўлган) категориялар ҳисобланади.

ГОМОЛОГИЯ — 1) проектив текисликни ўзини-ўзига бир қийматли алмаштириш. Г.да нуқталарнинг бир тўғри чизиқда ётиш ва бирор тўғри чизиқ (Г. ўқи)даги барча нуқталарнинг қўзғалмаслиги хоссаси сақланади. Айний алмаштиришдан иборат бўлмаган Г.да мос нуқталар (мас., A′ ва A, B′ ва B)ни туташтирувчи барча тўғри чизиқлар бир нуқтада, яъни Г. марказида, мос тўғри чизиқлар (AB ва A′B′) эса Г. ўқида кесишади; 2) топологияда — оддий ҳол учун бирор сиртдаги эгри чизиқнинг шу сиртдаги бирор қисмини чеклаш хоссаси. Мас., тор сиртидаги эгри чизиқ *l* шу сиртнинг S қисмини чеклайди (чегаралайди). Эгри чизиқ λ нолга гомологик эмас, чунки сиртнинг ҳеч қандай қисмини чекламайди (расмга қ.).



Гомология.

ГОМОМОРФИЗМ (*гомо...* ва юн. morphe — тур, шакл) — алгебрада амалларни сақлайдиган, яъни $\varphi(a*b)=\varphi(a)*\varphi(b)$ хоссага эга акслантириш (қ. *Изоморфизм*).

ГОМОСЕКСУАЛИЗМ (*гомо...* ва лот. sexsus — жинс), гомоэротизм — жинсий майл айнишининг бир тури, ўз жинсидаги кишилар б-н жинсий алоқа қилиш. Эркакларда ҳам, аёлларда ҳам учрайди. Эркакнинг эркак б-н жинсий алоқада бўлиши (эркаклар Г.и) — бесоқолбозлик, баччабозлик, болабозлик. Бу ҳолат ўткинчи бўлиши, яъни эркак жинсий майлини қондириб турадиган кишиси — аёлини йўқотганида кузатилиши мумкин, лекин Г. аксари киши генотипидаги ирсий камчиликка боғлиқ бўлади, яъни касаллик тарзида учрайди. Одамда жинсий майлнинг қарор топишида ирсий сабаблардан ташқари унинг турмуш тарзи ҳам катта аҳамиятга эга. Г.нинг айрим кўринишлари қадимдан маълум.

Г. жиноят ҳисобланганлиги учун Ўзбекистон Республикаси ЖКда (120-модда) жиноий жазо белгиланган.

ГОМОТЕТИЯ (юн. homos — ўхшаш ва thetos — жойлашган) — текислик ёки фазонинг ҳар бир M нуқтасига M' нуқтани мос қилиб қўядиган алмаштириш; бунда $\overline{SM'}=\overline{SM}\cdot k$ тенглик қаноатлантирилади, бу ерда S — берилган нуқта; у Г.нинг маркази дейилади, k эса нолга тенг бўлмаган ўзгармас сон; бу сон Г.нинг коэффициенти дейилади.



Гомотетия.

$k>0$ бўлганда M ва M' нуқталар бошқа S бўлган битта нурда ётади (расм, *а*), $k<0$ бўлганда M ва M' нуқталар тўғри чизиқнинг бошқа S нуқтада бўлган турли нурларида ётади (расм, *б*). Одатда, Г. ўзининг S маркази ва бир жуфт мос нуқталари б-н берилади ва бундай белгиланади: $H(S, A, A')$. Г. жойларни *менгзула* асосида планга олишда, ясашга доир масалаларни ечишда ва *пантограф* ёрдамида ўхшаш нусхаларни кўчиришда қўлланилади.

ГОМОФОНИЯ (*гомо...* ва юн. phone — товуш, овоз) — мусиқада *кўп овозлилик* тури; Г.да бир (одатда юқоридаги) овоз етакчи бўлиб, бошқа овозлар унга бўйсунади, жўр бўлади. Бу хусусияти б-н Г. барча овозларнинг тенг ҳуқуқлилигига асосланувчи *полифония*дан фарқ қилади. Г. атамаси асосан композиторлик ижодиётига нисбатан ишлатилсада, Г.даги овозларнинг бадиий-ифодавий нисбатлари (тенгсизлиги) оғзаки анъанадаги мусиқа, жумладан ўзбек халқ мусиқасига ҳам хосдир (мас., доира ёки дутор жўрлигида қўшиқ айтиш ва ҳ.к.). Композиторлар ижодида Г., аввало, опера, оратория, кантата, жўрли якқахон қўшиқда ва чолғу мусиқасида қарор топди. 17—19-а.лар Ғарбий Европа мусиқасида Г.нинг кенг тарқалиши *гармония* воситаларининг жадал ривожи б-н баробар борди. 20-а. бошларида гомофоник мусиқа шакллари ўз ривожининг маълум поёнига етди. Ўзбекистон композиторлари (М. Бурҳонов, С. Юдаков, М. Бафоев ва б.) ҳам Г. хусусиятларидан унумли фойдаланадилар.

ГОМОЦЕНТРИК НУРЛАР ДАСТАСИ (*гомо...* ва лот. centrum — марказ) — ёруғлик нурлари ёки уларнинг давоми бир нуқтада кесишадиган нурлар дастаси. Нурларнинг тўпланиш ёки тарқалиш нуқтаси фокус дейилади. Нурларга нисбатан тўлқин сирт ортогонал (сферик сирт) бўлгани учун Г.н.д.га сферик тўлқин сирт мос келади. Г.н.д.нинг хусусий ҳоли параллел нурлар дастаси бўлиб, унга чексизликда ётувчи фокус ва текис тўлқин сирт мос келади. Агар ихтиёрий эгри сирт элементларидан тарқалаётган нурлар бирбирига тик икки тўғри чизиқ (фокал чизиқ)да ётувчи нуқталарда кесишса, бундай нурлар астигматик нурлар дейилади. Астигматик нурлар дастаси ҳеч қаерда нуқтали фокус ҳосил қилмайди. Фокал чизиқлар орасидаги масофа астигматик фарқ деб аталади. Астигматик фарқ камая борса, фокал чизиқлар бир-бирига яқинлашади ва улар қисқара бориб, устма-уст тушади, натижада астигматик нур Г.н.д.га айланади. Дифракция ҳодисаси туфайли аниқ Г.н.д.ни ҳосил қилиш қийин. Г.н.д. оптик системадан ўтганда яна Г.н.д. ҳосил бўлса, оптик система аниқ тасвир ҳосил қилади. Фотография, радиотехника ва б. соҳаларда Г.н.д.нинг амалий аҳамияти катта.

ГОМРУЛЬ (инг. Home Rule, айнан — ўз-ўзини бошқарув) — Ирландияни Буюк Британия империяси доирасида ўз-ўзини бошқариш дастури; 1870-й.ларда илгари сурилган. Г. учун ҳаракат раҳбарлари И. Батт, Ч.С. Парнелл, Ж.Э. Редмонд ва б. Фақат 1919—21 й.лардаги озодлик урушидан сўнггина Ирландия *доминион* бўлган (1921 й.даги инглиз-ирланд битими); аммо Шим. Ирландия Буюк Британия таркибида қолган.

ГОНАДАЛАР (юн. gone — келтириб чиқариш, gonao — келтириб чиқараман) — ҳайвонлар ва одамда жинсий ҳужайралар (тухум ва сперматозоидлар) ва жинсий гормонлар ҳосил қиладиган органлар (қ. *Жинсий безлар*).

ГОНАДОТРОП ГОРМОНЛАР, гонадотроплар — гипофизнинг олдинги бўлаги ва плацента (йўлдош)да ҳосил бўлиб, *жинсий безлар* (гонадалар) фаолиятини бошқарадиган гормонлар. Улар пептид табиатли учта гормон (фолликулни стимулловчи, интерстициал ҳужайраларни стимулловчи — лютеинловчи ва лютеатроп гормон)дан иборат. Фолликулни стимулловчи гонадотропин табиатан гликопротеид (оқсил ва углеводдан тузилган мураккаб бирикма) бўлиб, аденогипофизнинг базофил ҳужайраларидан ишланиб чиқади, тухумдон фолликулларнинг ўсиши ва ривожланишини, эркакларда эса *сперматозоидлар* етилишини кучайтиради; лютеинловчи гормон аввалги гормон б-н биргаликда тухумдонда тухум ҳужайралар етилишига ва *сариқ тана*нинг шаклланишига ёрдам беради; лютеотроп гонадотропин лактоген гормон ҳисобланади. Плацентадан чиқадиган хорион гонадотропини ҳам деярли лютеинловчи гормон каби таъсир этади, у ҳомиладорлар сийдигида кўпроқ бўлади.

Г.г. препаратлари жинсий етилиш кечикишини даволашда, *бепуштлик*да, шунингдек, халқ хўжалигининг турли тармоқларида қўлланилади.

ГОНГ (малайзийча gong) — урма мусиқа чолғуси. Жан.-Шарқий Осиё халқларида кенг тарқалган. Биринж ёки жездан қайрилган диск шаклида ясалади. Махсус таёқ б-н урганда чўзиқ, оҳангдор товуш ҳосил қилинади (номи шундан). Қадимдан жарчи (хабар берувчи) чолғу сифатида ишлатилган. Халқ театри томошаларида, рақслар ижросида жўр бўлади. Европада симфоник мусиқада (1791 й.дан) ва операда (1831 й.дан) фойданилади. Г.нинг бир тури *тамтам* деб аталади.


Гонг.

ГОНДВАНА (Ҳиндистоннинг марказий қисмида яшовчи гондлар қабиласи ва Ван — жой номидан) — палеозойнинг кўп қисми ва мезозойнинг бошларида Жан. ярим шарда мавжуд бўлган улкан суперконтинент. Г. ҳоз. Жан. Америкасининг (Анд тоғларидан шарқи) ва Африкасининг (Атлас тоғларидан ташқари) кўп қисмини, Мадагаскар о., Арабистон я. о., Ҳиндистон (Ҳимолай тоғларидан жанубий), Австралия шарқидаги тоғ тизмаларидан ғарби ва, эҳтимол, Антарктиданинг кўп қисмини ўз ичига олган. Г.нинг мавжудлиги гипотезаси тарафдорларининг фикрича протерозой ва юқори карбон даврида Г.ни музлик қоплаган. Юқори карбон музлигининг қолдирган излари Марказий ва Жан. Африка, Жан. Америкасининг жан.да, Ҳиндистон ва Австралияда сақланган. Карбон ва пермь даврларида Г.да мўътадил ва совуқ минтақанинг ўзига хос флораси ривожланган. Мезозой даврида Г. парчалана бошлаган, бўр даври охири—палеоген даврининг бошларида эса Г. ҳоз, материкларга бўлиниб кетган. Кўпчилик геологлар фикрича, Г.нинг бўлиниб кетишига унинг ҳоз. бўлакларини горизонтал бўйлаб икки томонга сурилиши сабаб бўлган. Бундай жараён палеомагнетизм маълумотлари бўйича исботланган. Баъзи бир олимлар ҳоз. қитъалар Г.нинг парчаларидан таркиб топган деб ҳисоблайдилар.


ГОНДЛАР — Ҳиндистондаги дравидлар гуруҳига мансуб халқ. 3,8 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Гонди тилида сўзлашади. Диндорлари — асосан, ҳиндуизмга, бир қисми анъанавий диний эътиқодларга амал қилади.

ГОНДОЛА (итал. qondola) — 1) бир эшкак б-н ҳаракатлантириладиган ясси тубли қайиқ. Тумшуғи ва қуйруғи шакллар ва баланд қилиб ясалади; 2) *аэростат*нинг кишилар турадиган ва анжомлар жойлаштириладиган бўлмаси (кабинаси); 3) самолёт ва вертолётнинг двигатель, шасси ва б. қурилмалар жойлаштириладиган суйри шаклли элементи; 4) ясси горизонтал тубли ўзиғардарар т.й. ярим вагони.

ГОНДУРАС (Honduras), Гондурас Республикаси (Republica de Honduras) — Марказий Америкадаги давлат. Шим. дан Кариб денгизи, жан.-ғарбдан Тинч океаннинг Фонсека қўлтиғи ўраб туради. Майд. 112088 км². Аҳолиси 6,2 млн. киши (1999). Пойтахти — Тегусигальпа ш. Маъмурий жиҳатдан 18 департаментга, департаментлар округларга, округлар муниципияларга бўлинади.

Давлат тузуми. Гондурус—республика. Амалдаги конституцияси 1965 й. 5 июнда қабул қилинган; 1981 ва 1982 й.ларда тузатишлар киритилган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи—президент. У умумий тўғри ва яширин овоз бериш орқали овозларнинг оддий кўпчилиги б-н 4 й. муддатга сайланади (иккинчи муддатга сайланиши мумкин эмас). Қонун чиқарувчи ҳокимияти бир палатали парламент — Миллий ассамблея.

Табиати. Соҳили анчагина парчаланган. Кариб денгизи ғарбий қирғоғи бўйлаб камбар, шарқий қирғоғи бўйлаб кенгроқ (80 км гача) пасттекислик, шим.-шарқи бўйлаб эса ботқоқ пасттекислик (Москит соҳили) бор. Г.





Гондурас герби.


ҳудудининг 2/3 қисми 2865 м баландликкача бўлган тоғликлардан иборат бўлиб, кўпгина дарёларнинг водийлари алоҳида массивларни ҳосил қилади. Фойдали қазилмалардан кумуш, олтин, рангли металлар ва темир рудалари, сурма, боксит бор. Иқлими тропик пассат, пастгекислик ва водийларда иссиқ (янв.нинг ўртача т-раси 22—26°), тоғликларда эса илиқ (10—24°). Тоғларнинг шамолга рўпара ён бағирларида йиллик ёғин 3000—5000 мм, жан.даги водийларда қурғоқчил. Йирик дарёлари — Улуа, Агуан, Патука, Коко. Шим. да тоғлатерит, аксари ферралит тупроқли ерларда 600—700 м баландликкача доимий яшил сернам тропик ўрмонлар, ундан юқорида дуб, қарағай ўрмонлари (ҳудудининг 63%) ва саванналар бор. Жан.даги тоғ-қизил тупроқли ерларда сернам ўрмонлар, водийларда ксерофит буталар ўсади. Миллий боғлари: Ла-Тигра, Рио-Платено.

Аҳолисининг 90% испан-индейс дурагайлари, 6% индейслар, 2% негрлар, 2% Европа мамлакатларидан келиб қолганлар. Расмий тил — испан тили. Шаҳар аҳолиси — 41,1%. Асосий дин — католик дини. Йирик шаҳарлари: Тегусигальпа, Сан-Педро-Сула, Ла-Сейба.

Тарихи. Қадим замонларда Г. ҳудудида индейс қабилалари яшаган. 16-а. гача Г. ҳудуди Игуэрас ёки Ибуэрас деб аталган. Г. ни 1502 й. Х. *Колумб* очган. 1524 й.дан уни испанлар босиб олишга киришди ва 1525 й.да тўла-тўкис ўзига бўйсундирди. 16-а. ўрталарида Г. Гватемала генерал-капитанлиги таркибига киритилди. Маҳаллий халқ испан заминдорлари ва кон эгалари томонидан қаттиқ жабр-зулмга дучор бўлди. Оғир меҳнатга бардош бера олмай қирилиб кетган индейслар ўрни Африкадан келтирилган қул негрлар б-н тўлдирилган. Г. халқи 1821 й. 15 сент.да мустақилликка эришди. 1823—38 й.ларда Марказий Америка Қўшма вилоятлари таркибида бўлди. 1824 й.да қуллик бекор қилинди. 1839 й. Г. республикасининг биринчи конституцияси қабул қилинган. Бу пайтда чет эл, айниқса, Буюк Британия ва АҚШ капитали Г. иқтисодиётига кира бошлади. Г. халқининг оғир меҳнат шароитига қарши кўтарган ғалаёнлари (1905, 1907, 1911, 1912), халқ кўзголонлари АҚШ қўшинлари томонидан бостирилди. 1929—33 й.лардаги иқтисодий танглик халқ аҳволини янада оғирлаштирди. Натижада 1931—32 й.ларда бир неча марта халқ кўзголонлари бўлиб ўтди. 20-а. бошларидан 80-й.лар охиригача Г.да диктаторлик режимлари ва ҳарбий хунталар ҳукмронлик қилди. Ниҳоят, 1997 й. 30 нояб.да бўлиб ўтган сайловда ўрта ва майда ишбилармонларнинг Г. либерал партияси раҳбари Карлос Роберто Флорес Факуссе ғалаба қозонди ва Г. президенти этиб сайланди; 1998 й. 27 янв.да вазифасини бажаришга киришди. Миллий байрами — 15 сент.— Мустақиллик куни (1821).

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Г. либерал партияси, 1891 й.да тузилган; Г. миллий партияси, 1891 й.да асос солинган; Янгиланиш ва миллий бирлик партияси, 1978 й.да тузилган; Христиан-демократик партия, 1977 й.да ташкил этилган; Г. коммунистик партияси, 1954 й.да тузилган. Г. меҳнаткашлари конфедерацияси, 1964 й.да ташкил этилган; Г. деҳқонлар миллий уюшмаси, 1962 й.да асос солинган; Г. меҳнаткашлари бирлашган федерацияси, 1981 й.да тузилган; Г. эркин касаба уюшмалари марказий федерацияси, 1957 й.да тузилган.

Хўжалиги. Г.— Лотин Америкасидаги қолоқ аграр мамлакатлардан бири. Иқтисодиётининг асоси — қ.х. Иқтисодий фаол аҳолининг ярмидан кўпроғи қ. х. да банд. Ялпи ички маҳсулотнинг 23% ини қишлоқ, ўрмон хўжалиги ва балиқчилик, 19% ини саноат беради. Асосий экинлари: банан, кофе, тамаки, шакарқамиш,



Тегусигальпа ш.



Гондурас байроғи.

шоли, пахта, маккажўхори, ловия, тариқ. Яйлов чорвачилиги ривожланган: қорамол, чўчқа, қўй, йилқи боқилади. Тропик дарахт ёғочлари тайёрланади. Балиқ овланади. Фонсека қўлтиғидан креветка тутилади. Саноати заиф ривожланган ва майда кончилик корхоналаридан иборат. Кумуш, қўрғошин-рух рудалари, олтин қазиб олинади. Бир йилда ўртача 1,1 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Озиқ-овқат, тўқимачилик, нефтни қайта ишлаш, целлюлоза-қоғоз корхоналари ҳам бор. Т.й.ларнинг уз. — 996 км, автомобиль йўллари уз.— 14,2 минг км. Тегусигальпа ва Сан-Педро-Сулада халқаро аэропортлар бор. Г. четга банан, кофе, ёғоч, денгиз маҳсулотлари, қанд-шакар, қалай, рух, кумуш чиқаради. Четдан машина ва асбоб-ускуна, озиқ-овқат, кенг истеъмол моллари, кимё саноати маҳсулотлари, ёқилғи, ўғит келтиради. Ташқи савдодаги асосий мижозлари: АҚШ, Германия, Япония. Пул бирлиги — лемпира.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган болаларга мажбурий таълим жорий қилинган. Бошланғич мактабда ҳам, ўрта мактабда ҳам ўқиш муддати — 6 й. Қ. ҳ., техника ва тижорат мактаблари бор. Тегусигальпа миллий унти, Г. академияси, геогр. ва тарих академияси, геогр. миллий ин-ти, антропология ва тарих ин-ти, бир қанча илмий жамиятлар, Миллий кутубхона, ун-т кутубхонаси, Тегусигальпада миллий музей мавжуд.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Г.да бир неча газ. ва журлар, жумладан, «Гасета» (кундалик газ., 1830 й.дан), «Пренса» («Матбуот», кундалик газ., 1964 й.дан), «Трибуна» («Минбар», кундалик газ., 1977 й.дан), «Тьемпо» («Вақт», кундалик газ., 1970 й.дан) газ.лари, «Комерсио» («Савдо», 1970 й.дан) жур. чиқади. Г. миллий радиоси 1976 й., телекомпанияси 1959 й. тижорат компанияси тармоғида тузилган.

Адабиёти мустақиллик эълон қилингандан сўнг испан тилида ривожлана бошлади. 19-а. шоирлари Х. Т. Рейес, Т. Агилус, Х. Сиснерос ва б. испан мумтоз адабиёти намуналарига эргашдилар. Г. адабиётидаги биринчи роман —


«Анхелина»ни К. Гутьеррос 1898 й.да яратди. 19-а. охири — 20-а. бошларида атоқли адиб Ф. Турсиос модернизм руҳида роман ва шеърлар ёзди. Шоир А. Гильен Села ижтимоий муаммоларни қаламга олди, шоир ва ёзувчи Р. Э. Валье ватанпарварлик мавзуларида ижод қилди. 2-жаҳон урушидан кейин К. Баррера, Х. Каркамо шеърларида, К. Исагирре, Р. Амадор романларида ижтимоий норозилик оҳанглари янгради.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Г.да 16-а.дан режа асосида шаҳарлар (Комаягуа, Тегусигальпа) қурила бошлади, уйлар бир қаватли бўлиб, 20-а. ўрталаридагина айримлари замонавий услубда қурилди. 19-а. охирлари ва 20-а. бошларида тарихий, турмуш кўринишлари мавзуларида манзара, портрет ишловчи маҳаллий рассомлар етишди (П. С. Сьера, К. Суньига Фигероа). М. А. Рупс, Х. А. Веласкес каби рассомлар халқ ҳаётини, Г. шаҳар ва қишлоқлари қиёфасини реалистик акс эттирдилар. Йирик реалист рассом А. Каналес ўз асарларида ишчи ва деҳқонлар ҳаётининг машаққат ва фожиаларини ёрқин кўрсатиб берди.

ГОНДУРАСЛАР — халқ, *Гондурас*нинг асосий аҳолиси (5,15 млн. киши). Умумий сони 5,3 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Асосан, испан-индейс метислари (ладино). Испан тилининг маҳаллий лаҳжасида сўзлашади. Диндорлари — асосан, католиклар.


ГОНИДИЯЛАР (юн. gone — келтириб чиқарувчи, уруғ) — 1) ипсимон бактерияларнинг кўпайиши учун хизмат қиладиган, ҳаракатчан ёки ҳаракатсиз, битта ҳужайрадан иборат фрагментлари (бўлаклари); 2) кўк-яшил сув ўтларининг шилимшиқ қобиғи бўлган, кўпайиш учун хизмат қиладиган бир ҳужайрали фрагментлари; 3) сув ўтларининг *лишайник* таркибига кирадиган ҳужайралари; 4) *замбуруғлар* ва сув ўтларида жинсий йўл б-н ҳосил бўладиган *спора*нинг эски номи.

ГОНИОМЕТР (юн. gonia — бурчак ва *метр*) — икки ёқли бурчакларни ўлчайдиган асбоб. Силлиқланган металл ва кристаллар қирралари бурчагини ўлчашда ишлатилади. Г.нинг бевосита қирраларга қўйиб ўлчайдиган ва нур



Гониометр: 1-расм. *1* — транспортир; *2*— чизғич.

Биринчи Г. *транспортир* кўринишида; $\frac{1}{4} - \frac{1}{2}$ гача аниқ ўлчайди (1-расм). Нур қайтишига асосланган Г. якка айланали ва қўш айланали бўлади; икки қиррадан қайтган нурлар орасидаги бурчакни ўлчайди (2-расм). Бундай Г. горизонтал металл ёки шиша доира, кур-



2-расм. Якка айланали гониометр; *K*— коллиматор; *T*— кузатиш трубаси.

сича, кузатиш трубаси ва кўзгалмас коллиматордан иборат. Коллиматордан тушган нурлар кристалл қирраларидан қайтади ва кузатиш трубасига тушади. Г. геология, минералогия, петрография, кристаллография ва б. соҳаларда ишлатилади.

ГОНИТ (юн. gony — тизза) — тизза бўғимининг серозли, сероз-йирингли ёки йирингли яллиғланиши. Йиринглатувчи *кокклар*, *сил*, *сўзак* микроблари ва б. сабаб бўлади. Г.да тизза қизаради, синовиал парда шишиб, бўғим бўшлиғида олдин сероз-фибриноз, кейин йирингли суюқлик йиғилади. Ўткир ва сурункали хили бор. Ўткир Г.да яллиғланиш белгилари тез намоён бўлиб, яққол кўринади. Бўғим қаттиқ оғрийди, катталашади, бемор оёгини қимирлата олмай қолади. Сурункали Г. да бўғим шишиб, функцияси бузилади, бир оз қизаради, қизийди ва сал-пал оғрийди.

Г.нинг дастлабки аломатлари сезилганда дарҳол врачга мурожаат этиш ва унинг кўрсатмаларига қатъий амал қилиш лозим.


...ГОНИЯ (юн. goneia — туғилиш) — қўшма сўз бўлаги. Пайдо бўлиш, келиб чиқиш, туғилишни ифодалайди. Мас., *космогония*.

ГОНКОНГ (Hongkong) — *Сянган* ҳудудининг инглизча номи.

ГОНКУР (Goncourt), ака-ука Эдмон (1822.26.5, Нанси — 1896.16.7, Шанпросе) ва Жюль (1830.17.12 — Париж — 1870.20.6) — француз ёзувчилари. Уларнинг ижодий ҳамкорлиги жаҳон адабиётининг ўзига хос ҳодисаси сифатида эътироф этилган. Француз ҳаётининг турли табақаларидан олинган романлари («Жермини Ласерти», 1865; «Рене Мопрен», 1864 ва б.)да реализм ва натурализм тамойиллари бирлаштирилган. «Кундалик» (1956—58 й.ларда тўла босилган) — Париж адабий, театр ҳаётининг солномасидир. Укаси вафот этгач, Эдмон «Ака-ука Земганно» (1870), «Актриса Фостен» (1882) ва б. романлар ёзган. Унинг васияти б-н 1896 й.да Гонкур академиясига асос солинган.

ГОНОКОКК — касаллик қўзғатадиган микроб; *диплококк*ларга мансуб; немис олими А. Нейссер топган (1879). Организмдан ташқарида унча чидамли эмас; етарлича нам жойда (мас., ҳўл лозим, чойшаб, мочалкада) бўлгандагина юқади; қуритилганда бир неча минутда, 40—45° гача қиздирилганда эса бир неча соатда ҳалок бўлади. Дезинфекцияловчи кимёвий моддалар Г.ни ўлдиради. Одамда сийдик-таносил йўллари (*сўзак*да) ва кўз (*бленнорея*да) шиллиқ қаватининг йирингли касалликларини қўзғатади.

ГОНОЛУЛУ — АҚШдаги шаҳар ва порт. *Гавайи* штатининг маъмурий маркази. Тинч океандаги денгиз ва ҳаво йўлларининг муҳим тугуни. Оаху о.нинг жан. соҳилида жойлашган. Аҳолиси 371,6 минг, шаҳар атрофи б-н бирга 800 мингдан зиёд киши (2000). Шакар-қанд, мева-консерва ва балиқ-консерва з-длари, кемасозлик корхонаси бор. Гавайи о.лари ташқи савдосининг деярли ҳаммаси Г.орқали ўтади. Курорт жой. Туризм марказларидан. Г.да ун-т (1919), Тинч океан алоқа инти, халқаро аэропорт ва б. бор. Г.дан ғарброқдаги Перл-Харбор бухтасида АҚШнинг Тинч океандаги энг йирик ҳарбий денгиз базаларидан бири жойлашган.



Гонолулу шаҳридаги замонавий бинолар.

ГОНОРАР (лот. honorarium — хизмат эвазига мукофот) — бадиий, мусиқий, илмий асарлар, кашфиётлар ва б. муаллифига тўланадиган пул мукофоти. Г., шунингдек, муаллиф асарларидан фойдаланганлик ёки чоп этганлик учун унинг ворисига ҳам тўланиши мумкин (яна қ. *Муаллифлик ҳуқуқи*).

ГОНЧАР Олесь (тўлиқ исми Александр Терентьевич) (1918.3.4 — Полтава вилояти Суха қишлоғи — 1995) — украин ёзувчиси. Украина ФА акад. (1978). Днепропетровск ун-тини тугатган (1946). «Алплар» (1946), «Мовий Дунай» (1947), «Олтин Прага» (1948) асарларини ўз ичига олган «Байроқдорлар» трилогияси Г.га катта шуҳрат келтирди, уруш мавзуидаги энг яхши асар деб тан олинди. «Таврия» (1952), «Перекоп», (1957), «Инсон ва қурол» (1960), «Ҳаёт навоси» (1963), «Довул» (1970), «Сенинг тонгинг» (1980) каби романлар муаллифи. Асарлари кўп тилларга таржима қилинган. «Байроқдорлар» трилогияси (1951), «Ҳаёт навоси» романи (1974) ўзбек тилида нашр этилган.

ГОНЧАРОВ Иван Александрович [1812.6(18).6, Симбирск — 1891.15(27).9, Петербург] — рус ёзувчиси. Петербург ФА мухбир аъзоси (1860). Москва университини тугатган (1834). Реалистик проза устаси. Дастлаб романтик шеърлар, қиссалар ёзган. «Паллада кемаси» очерклар туркуми (1855—57)да Осиё ва Европа халқларининг турмуши, ахлоқи ва руҳияти акс этган. «Оддий воқеа» (1847), «Жарлик» (1869) романлари 19-а. танқидий реализмининг энг яхши намуналаридир. Уларда 40—60-й.лардаги рус воқелиги ва даврнинг ҳаётий тавсифлари аниқ тасвирланган. «Обломов» (1859) романида крепостнойлик муносабатлари маҳсули бўлган «обломовчилик» дангасалик, қолоқлик рамзи эканлигини, унинг чуқур ижтимоий ва реалистик моҳиятини очиб берди. «Замон зайли» романи ўзбек тилида нашр қилинган (1984).

ГОПАК (украинча гопати — сакрамоқ, гоп — рақс пайтида айтиладиган ҳайқириқ сўзидан) — украин халқ рақси. Асосан эркаклар томонидан ижро этилади. Суръати тез, ўлчови 2/4. Сакраш, тез айланиш, кетма-кет ўтириб туриш каби ҳаракатлардан иборат. Баъзан улуғвор ва қаҳрамонона характерга эга бўлади. Г. қўшиқлари ва чолғу куйлари халқ орасида мустақил мусиқа асари сифатида ҳам оммалашган. Рус ва украин композиторлари (М. Мусоргский, П. Чайковский, Н. Римский-Корсаков, С. Гулак-Артёмовский ва б.) Г. жанридан кенг фойдаланишган.

ГОПЛИТЛАР (hoplitai) — Юнонистондаги оғир қуролланган пиёда аскарлар (мил. ав. 5—4-а.лар). Улар узун найза, калта қилич б-н қуролланиб, қалқон, дубулға ва совут кийишган. Г. 8 қаторлан 25 қаторгача саф тортиб жипс ҳолда жангга отланганлар. Жанг пайтида олдинги икки қатор жанг қилгач, орқалаги қаторлар олдингиларни сиқиб турган ва сафдан чиққанларнинг ўрнини тўлдирган. Г. ўрта мулкдорлар бўлиб, ўз ҳисобларидан қуролланганлар. Мил. ав. 4-а.да ўрта мулкдорларнинг хонавайрон бўлиши туфайли Г. ўз аҳамиятини йўқотиб, аста-секин ёлланма аскарлар б-н алмаштирилган.

ГОРАКҲПУР — Ҳиндистондаги шаҳар. Рапти дарёси бўйида. Уттар-Прадеш штатида. Аҳолиси 550 минг киши чамасида (1990-й.лар охири). Транспорт йўллари тугуни. Йирик т.й. устахоналари, йирик шакар-қанд з-длари, жут ф-каси бор. Кимё саноати (минерал ўғит ва кислота и. ч.) ривожланган. Тўқиш ҳунармандчилиги б-н қадимдан машҳур. Ун-т (1957) бор. Аҳолисининг анча қисми қ.х.да ишлайди. Г. Англия ҳукмронлиги даврида инглиз мустамлакачи армияси учун Непалдан гуркҳ жангчиларини ёллаш маркази эди.

ГОРАЦИЙ [тўлиқ исми Квинт Гораций Флакк (Quintus Horatius Flaccus)] (мил. ав. 65, Венузий — мил.ав. 8, Рим) — Рим шоири. Озод қилинган қул оиласида туғилган. Республикачиларга хайрихоҳ бўлган. Фуқаролар уруши (мил. ав. 42 й.)да республикачилар мағлубиятга учрагач, империя б-н келишувчилик йўлига ўтган. «Нақаротлар», «Сатиралар», «Қасидалар», «Номалар» тўпламлари б-н ўша давр шеъриятини янги жанр ва янги шеърий ўлчовлар б-н бойитган. Уч мактубдан иборат «Номалар» китоби «Шеърият илми» номи б-н ҳам машҳур. Бу асар *Буалонинг* «Шеърий санъати»га асос бўлган. «Сатиралар», «Қасидалар» асаридан намуналар *Ойбек* томонидан ўзбек тилига таржима қилинган (1939).



Гораций. Қадимги Рим тангасида.

ГОРБАЧЕВ Михаил Сергеевич (1931.2.3, Ставрополь ўлкаси, Привольное қишлоғи) — сиёсий арбоб; СССРнинг 1- ва охирги президенти (1990—91). КПСС МК Бош котиби (1985—91). Москва давлат ун-ти юридик факультетини (1955) ва Ставрополь қ.-х. ин-тини (1967) тамомлаган. 1970 й. апр.дан КПСС Ставрополь улка қўмитасининг 1-котиби. КПСС МК котиби (1978—85), СССР Олий Совети Президиуми раиси (1988—89). СССР Олий Совети раиси (1989—90). КПСС МК Сиёсий бюроси аъзоси (1980—91). *Қайта қуриш* ва жамиятни демократиялаштириш жараёнини бошлаб берди. Г. олиб борган сиёсат Ғарбда қўллаб-қувватланган бир пайтда мамлакатдаги изчил коммунистлар ва ҳарбийлар унинг фаолиятига қарши эдилар. Бу хилдаги қарама-қаршиликлар, сиёсатни юритишда изчилликка риоя қилмаслик натижасида жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида таназзулнинг кучайиши юз берди. КПСС фаолияти тугагач ва СССР тарқалиб кетгач, Г. Бош котиб ва Президент лавозимларидан истеъфога чиқди. 1991 й. дек.дан Халқаро ижтимоий-иқтисодий ва сиёсатшунослик тадқиқотлари жамғармаси («Горбачев жамғармаси»)нинг президенти. Тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатган фаолияти учун Нобель мукофоти лауреати (1990).



ГОРГИППИЯ (юн. qorhippia) — қад. шаҳар, *синдлар* пойтахти (мил. ав. 4—мил. 3-а.лар), Қора денгизнинг шарқий қирғоғи (ҳоз. Краснодар ўлкасидаги Анапа ш.нинг ўрни)да жойлашган. *Боспор подшолиги*га қўшиб олингач (мил. ав. 4-а. боши), шаҳар ҳокими Горгипп шарафига шу ном б-н аталган. Г. Боспорнинг йирик савдо ва ҳунармандчилик маркази бўлган. Шаҳарда синдлар ва скифлар бирга яшаганлар. Мамлакат хўжалигини ифодаловчи тасвирлар (буғдой дони, бошоқ, от) туширилган тангалар зарб қилинган. Г.да топилган қимматли ёдгорликлардан бири маҳаллий безакли юнон кийимида тасвирланган подшо Неоклиннинг мармар ҳайкалидир (яна қ. *Синдика*).

ГОРДИЙ ТУГУНИ — юнон афсонасига кўра фригиялик подшоҳ Гордий томонидан бўйинтуруқ арқонини арава шотисига чигал қилиб боғланган тугун. Башоратчи коҳин(оракул)нинг сўзларига кўра, гўё кимда-ким бу тугунни еча олса, у дунёга ҳоким бўлар эмиш. Ривоят қилинишича, мил.ав. 334 й. *Александр* (Искандар Мақдуний) га Г. т. ни ечишни таклиф этганларида у қиличи б-н тугунни чопиб ташлаган. «Г. т.ни чопиб ташлаш» чигал, мураккаб масалани тез ва ладил ҳал қилиш ибораси шундан олинган.

ГОРДИМЕР (Gordimer) Надин (1923.20.5, Йоханнесбург) — ЖАР ёзувчиси. «Ёлғон кунлар» (1953), «Мусофирлар ери» (1958) ва «Киборлар дунёсининг афт-ангори» (1966) романлари, «Илоннинг нозик овози» (1952), «Олти фут ер» (1956) ва б. ҳикоялар тўпламларининг муаллифи. Г. ирқчиликнинг душмани, африкаликларга хайрихоҳ. Нобель мукофоти лауреати (1991).

ГОРДИОН — Фригия давлатининг қад. пойтахти (Сангария дарёсининг ўнг қирғоғида, Туркиянинг Беби қишлоғи яқинида). Археологик қазишлар натижасида ундан мил. ав. 8—5-а.ларга оид тош ва хом ғиштдан ишланган мудофаа деворлари, турар жойлар, жуда кўп маиший буюмлар, қабристон топилган. Г.дан топилган мозорқўрғонлар қад. скифларникига ўхшаш бўлган. Г. мил. ав. 7-а.да *киммерийлар* томонидан вайрон қилинган.

ГОРДЛЕВСКИЙ Владимир Александрович [1876.25.9(7.10), Свеаборг — 1956.10.9, Москва] — рус шарқшуноси, туркийшунос; акад. (1946). Туркманистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1954), филол. фанлари д-ри (1934). Москвадаги Лазарев номидаги Шарқ тиллари ин-ти (1899) ва Москва ун-ти (1904)ни тугатган. Шарқ тиллари ин-ти (кейинчалик Москва Шарқшунослик ин-ти)да ўқитувчи, проф. (1907—48), собиқ Иттифоқ ФА Шарқшунослик ин-тида бўлим бошлиғи (1948—56). Асосий илмий ишлари турк тили, адабиёти, оғзаки ижоди, Туркия тарихи, этнографияси ва б.га бағишланган. Г. «Турк тили грамматикаси» (1928) қўлланмаси муаллифи.

ГОРЕЛКА (русча) — газ, кўмир кукуни, мазут ва б.ни кислород (ҳаво) б-н аралаштириб ёқиш учун мўлжалланган мослама. Хонадонлар ва умумий овқатланиш корхоналарида ишлатиладиган газ плитаси Г.си, лаб. газ Г.си, қирқиш, пайвандлаш, буғ қозонлари ва печь Г.лари бўлади. Лаб. газ Г.си лаб.да тажрибалар ўтказиш; қирқиш Г.си металл ва қотишмаларни кислород алангасида қирқиш учун қўлланилади. Пайвандлаш Г.лари инжекторли ва инжекторсиз бўлиб, металл трубалар ва конструкцияларни пайвандлашда ишлатилади. Буғ қозонларида 8—10 та ва ундан кўп Г. бўлади. Улар ўчоқ камерасига ўрнатилади. Печь Г.лари, баъзан, ўтга чидамли ғиштлардан ясалади (мас., мартен печида шундай Г. ишлатилган).

ГОРЕЛЬЕФ (франц. haut — баланд ва relief — рельеф, бўртма) — ҳайкалтарошлик тури. Тасвир (одам, ҳайвон, манзара ва б.)нинг ярмидан кўпроғи замин сатҳидан бўрттириб ишланади. Г. Қад. Рим, Юнонистон, Ҳиндистон меъморлиги, ҳайкалтарошлик ва безак санъатида кенг қўлланилган (мас.,



Горельеф. Термиз ш.да Алпомишга ўрнатилган ёдгорликдан парча.

Маҳараштра штати Карли қишлоғидаги ғор — Будда ибодатхонаси, мил. ав. 1-а.). Ўзбекистон ҳудудидаги Айритом (1—2-а.лар), Варахша (8-а.) харобаларидан тош ва ганчдан ишланган Г.лар топилган (раққоса, созанда, от, жайран шакллари). Тошкент метросининг «Собир Раҳимов», «Буюк Ипак йўли», «Мустақиллик майдони» бекатларидаги лавҳаларда Г. қўлланилган.

ГОРИ — Грузиядаги энг қад. шаҳарлардан, Катта Лиахви ва Кура дарёларининг қўшилиш жойида, 588 м баландликда. Тбилисидан 76 км. Т. й. тугуни. Аҳолиси 60 минг кишидан зиёд (2002). Ип газлама к-ти, приборсозлик, шпалларга чиришдан сақлайдиган модда сингдирадиган з-длар, мева ва сабзавот консервалаш, вино з-длари, гўшт к-ти, иқтисодиёт ин-ти, тарих-этнография музейи, И. В. *Сталин*нинг уй-музейи бор. Солноналарда 7-а. бошларидан тилга олинган. Горисцихе ўрта аср қалъаси харобалари сақланган. Г. атрофида Горижвари бальнеология курорти бор.

1260 й.дек. да Г.да грузинлар б-н мўғуллар ўртасида катта жанг бўлган.

ГОРИЗОНТ (юн. horizo — чегаралайман) — қ. *Уфқ текислиги*.

ГОРИЗОНТ (геол.) — маҳаллий стратиграфик бўлинма, тахм. стратиграфик зонага мувофиқ келади. Палеонтологик белгилари тоғ жинслари таркиби, палеоиқлим ва б. хусусиятларга қараб ажратилади. Г.га энг яхши ўрганилган свитанинг номи берилади. Г. турли литологик таркибли, баъзан маълум ҳайвон қолдиқларини ўзида сақлаган тоғ жинслари комплексидан (мас., Қримда Г. т. ни ечишни таклиф этганларида у қиличи б-н тугунни чопиб ташлаган. «Г. т.ни чопиб ташлаш» чигал, мураккаб масалани тез ва ладил ҳал қилиш) ибораси шундан олинган.

ГОРДИМЕР (Gordimer) Надин (1923.20.5, Йоханнесбург) — ЖАР ёзувчиси. «Ёлғон кунлар» (1953), «Мусофирлар ери» (1958) ва «Киборлар дунёсининг афт-ангори» (1966) романлари, «Илоннинг нозик овози» (1952), «Олти фут ер» (1956) ва б. ҳикоялар тўпламларининг муаллифи. Г. ирқчиликнинг душмани, африкаликларга хайрихоҳ. Нобель мукофоти лауреати (1991).

ГОРДИОН — Фригия давлатининг қад. пойтахти (Сангария дарёсининг ўнг қирғоғида, Туркиянинг Беби қишлоғи яқинида). Археологик қазишлар натижасида ундан мил. ав. 8—5-а.ларга оид тош ва хом ғиштдан ишланган мудофаа деворлари, турар жойлар, жуда кўп маиший буюмлар, қабристон топилган. Г.дан топилган мозорқўрғонлар қад. скифларникига ўхшаш бўлган. Г. мил. ав. 7-а.да *киммерийлар* томонидан вайрон қилинган.

ГОРДЛЕВСКИЙ Владимир Александрович [1876.25.9(7.10), Свеаборг — 1956.10.9, Москва] — рус шарқшуноси, туркийшунос; акад. (1946). Туркманистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1954), филол. фанлари д-ри (1934). Москвадаги Лазарев номидаги Шарқ тиллари ин-ти (1899) ва Москва ун-ти (1904)ни тугатган. Шарқ тиллари ин-ти (кейинчалик Москва Шарқшунослик ин-ти)да ўқитувчи, проф. (1907—48), собиқ Иттифоқ ФА Шарқшунослик ин-тида бўлим бошлиғи (1948—56). Асосий илмий ишлари турк тили, адабиёти, оғзаки ижоди, Туркия тарихи, этнографияси ва б.га бағишланган. Г. «Турк тили грамматикаси» (1928) қўлланмаси муаллифи.

ГОРЕЛКА (русча) — газ, кўмир кукуни, мазут ва б.ни кислород (ҳаво) б-н аралаштириб ёқиш учун мўлжалланган мослама. Хонадонлар ва умумий овқатланиш корхоналарида ишлатиладиган газ плитаси Г.си, лаб. газ Г.си, қирқиш, пайвандлаш, буғ қозонлари ва печь Г.лари бўлади. Лаб. газ Г.си лаб.да тажрибалар ўтказиш; қирқиш Г.си металл ва қотишмаларни кислород алангасида қирқиш учун қўлланилади. Пайвандлаш Г.лари инжекторли ва инжекторсиз бўлиб, металл трубалар ва конструкцияларни пайвандлашда ишлатилади. Буғ қозонларида 8—10 та ва ундан кўп Г. бўлади. Улар ўчоқ камерасига ўрнатилади. Печь Г.лари, баъзан, ўтга чидамли ғиштлардан ясалади (мас., мартен печида шундай Г. ишлатилган).

Кавказ областидаги Чокрак неоген комплекси) ташкил топади. Баъзан маълум литологик ёки палеонтологик хоссага эга бўлган юпқа қатламлар мажмуи ҳам Г. терминн б-н аталади. Г. айрим р-нни геологик ривожланишининг маълум босқичида ҳосил бўлади. Г.га, одатда, географик ном берилади.


«ГОРИЗОНТ» — алоқа Ер сунъий йўлдошлари (ЕСЙ) номи, кечаю-кундузи узоқ телеграф-телефон радиоалоқаларини ва «Орбита», «Москва» системалари ст-ялари бўйича телевидение дастурларини узатиш, шунингдек, «Интерспутник» йўлдошлар халқаро алоқа тизимидан фойдаланиш мақсадида учирилган. ЕСЙ массаси — 2 т, Қуёш батареялари б-н панеллар ёйилган ҳолларида кенглиги 10 м. Ерга аниқ йўналиш уч ўқли система ёрдамида амалга оширилади «Г.» бортида энергия б-н таъминловчи қурилма, ахборотни Ерга узатувчи радиотелеметрик система, орбита параметрларини аниқ ўлчаб борувчи радиосистема, орбитага тузатиш киритиб турувчи тизим мавжуд. «Г.» орбитага 4 босқичли учирувчи ракета «Протон» ёрдамида чиқарилади. 1979—83 й. мобайнида 5 та «Г.» стационар айланма орбита (баландлиги — 36000 км га яқин орбита) га чиқарилди.

ГОРИЗОНТ ТОМОНЛАРИ — қ. *Уфқ томонлари*.

ГОРИЗОНТАЛ ДРЕНАЖ — зах қочирувчи дренаж тури; оптиқча тупроқ-грунт сувларини йиғиш ва уларни захи қочириладиган ҳудуддан ташқарига чиқариб юбориш учун қурилган очиқ канал (зовур)лар ёки узлуксиз дренаж (сувоқар) кўринишида ерга ётқизилган қувурлар тизимидан иборат. Асосий дреналар (тартибга солувчи қисм), сув қабул қилгичлар Г.д.нинг асосий қисмларидир. Гидростатик босим фарқи таъсирида сувнинг дреналарга сизилиб чиқиши ҳисобига ер ости сувлари сатҳи тартибга солинади. Сизиб чиққан сув дренадан ўзи оқиб кетади. Ўрта Осиёда Г.д. энг кўп тарқалган бўлиб, мелиорацияланадиган (захи қочириладиган) ерларнинг 85% дан кўпроғига хизмат кўрсатади.

Г. д. тузилиши бўйича очиқ ёки ёпиқ; ишлаш усулига кўра захи қочириладиган майдонда бир текис жойлаштирилган мунтазам ҳамда муайян жойлардагина (сийрак) жойлаштирилган очиқ ёки ёпиқ зовур ва коллекторлар; хизмат муддати бўйича доимий (мелиоратив тизимнинг бутун ишлаш даврида аэрация зонасидаги тупроқ-грунтнинг зарур сув-туз тартиботини таъминлайди) ва муваққат (доимий дренаж ишлаб турган бўлса-да, шўр босган ва ўта

шўрхок ерларда фақат жорий шўр ювиш даврида шўрсизлантириш жараёнини тезлатиш учун қурилади) турларга бўлинади (қ. *Шўр ювиш*). Муайян тупроқ-гидрогеологик шароитларда Г.д.нинг зах тортиш қувватини кучайтириш мақсадида уларга кучайтиргич — бурғи қудуғи уланади.



Горизонтал дренаж (кўндаланг кесими):
1— дрена (очиқ ёки берк); 2 — ер сирти; 3 — грунт сувларининг бошлангич сатҳи (дренаж қурилгунга қадар); 4 — қуритилган грунт участкаси; 5 — грунт сувларининг дренаж қурилгандан кейинги сатҳи; Z — қуритиш нормаси; H — таъсир этувчи босим; t — дренанинг тўлиқ чуқурлиги; $t_р$ — дренадаги сув сатҳи; β — дренлар орасидаги масофа.

Очиқ дренажлар бир қанча жиддий камчиликлари (дренажлар ва зовурлар техник ҳолатининг ёмонлашиши, зах қочириш даврининг узоқ давом этиши, шўр ювишда сувнинг кўп сарфланиши ва б.) туфайли уни камроқ қўллаш йўлидан борилмоқда. Ўзбекистонда ёпиқ дренаж тармоқлари 1930—40 й.ларда Мирзачўлдаги тажриба мелиорация ст-ясида қурилган. Кўпгина афзалликлар (узоқ фойдаланиш, тез ва қисқа фурсатда суғоришга имконият яратиши, сувни тежаш ва б.)га эга бўлгани учун бундай дренажлар 60-й.ларда Мирзачўлдаги қўриқ ерларни ўзлаштиришда кенг жорий этилди.

Ҳоз. ёпиқ дренажларнинг янги вакуумли, электр осмотик, қўш қаватли турлари ишлаб чиқилган (улар турли чуқурликларга ётқизиладиган ва техника воситалари б-н жиҳозланган дренажлар мажмуидан иборат). Автоматик воситалардан фойдаланиб, бошқариладиган дренаж тармоқлари барпо қилинмоқда. Ўзбекистонда умумий уз. 30 минг км дан ортиқ хўжаликлараро зовурлар бор; ёпиқ Г.д. тармоғининг умумий уз. 9 минг км дан кўпроқ (2000).

Ад.: Горизонтальный дренаж орошаемых земель, М., 1979.

ГОРИЗОНТАЛ ТЕЛЕСКОП — оптик ўқи горизонтал жойлашган астрономик асбоб. Қуёш бетидаги гранулалар, доглар ва ҳ. к. фотосуратини олишда ишлатилади. Г. т.да целостатдан (расм) кейин ёрдамчи кўзгудан қайтган қуёш нури дастаси тасвир ясовчи оптик системага боради. Ёрдамчи кўзгудан қайтган нур телескоп дарчасидан ўтиб, параболик шаклдаги бош кўзгуга тушади. Бу кўзгу Қуёшнинг 160 мм ли тасвирини телескопнинг Ньютон фокусида (расм, *А*) ҳосил қилади. Бош кўзгунинг вазиятини ўзгартириш йўли б-н (расм, *Б*) ундан қайтган нурни Кассегрен кўзгусига тушириб, диаметри 900 мм ли Қуёш тасвирини олиш мумкин. Қуёшнинг оқ нурдаги тасвирини фотосуратга олиш учун Г. т.нинг Ньютон ва Кассегрен фокусига камера ўрнатилади. Г. т. Тошкент астрономия ин-тида ҳам бор.

ГОРИЗОНТАЛЛАР, изогипслар — географик харитада денгиз (Дунё океани) сатҳида нисбатан бир хил баландликда бўлган нуқталарни бирлаштирадиган чизиқлар. Г. ер юзасини рельефи тўғрисида тасаввур беради.


ГОРИЛЛА (Gorilla) — понгидлар оиласига мансуб одамсимон маймун, эркагининг бўйи 1,8—2,0 м, яғрининг кенглиги 1 м га яқин, оғирлиги 200—250 кг ва ундан кўпроқ. Ургочиси эркагидан деярли 2 баравар кичикроқ. Гавдаси йўғон, бурни кенг, бўйни қисқа, яғриндор, мускуллари яхши ривожланган, кучли ҳайвон. Жуни ва териси қора, орқа оёқлари олдингиларига нисбатан калта. Боши катта, пешонаси паст, юзи олдинга туртиб чиққан, жағлари оғир, тишлари йирик. Кўзи ва қулоқлари унча катта эмас. Ғарбий ва марказий Африканинг қалин, ўтиб бўлмас экваториал ўрмонларида кичикроқ тўда бўлиб яшайди. Тўда бошида эркак йўлбошчиси туради. Фақат ўсимлик б-н озиқланади. Тунаш учун дарахт остига ёки ердан унча баланд бўлмаган жойда уя қуради. Эркаклари 6—7 ёшда жинсий вояга етади. 3—5 йилда битта бола туғади. Эгизак ёки альбинослар туғилиши ҳам маълум. Тутқинликда ҳам кўпаяди. Яшаш жойининг бузилиши (ўрмонларнинг кесилиб, ҳайдалиши) ва браконьерлик туфайли сони тобора камайиб бормоқда. Г.ни муҳофаза қилиш мақсадида 7 та миллий боғ (Жумладан Вирунгада, Заир, 1925) ташкил этилган. Г. Халқаро Қизил китобга киритилган.


Горилла

ГОРЛОВА Галина Борисовна (1939.15.8, Қозогистон Республикасининг Қизилўрда вилояти) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Олмалиқ ш.даги болалар боғчасида тарбиячи, мудира. 1968—99 й.ларда Олмалиқ ш.даги 21-мактабда бошлангич синф ўқитувчиси. Г. дарсларни ижодий тарзда олиб борган. Мат. фанини ўқувчилар чуқурроқ ўзлаштиришни учун «Қизиқарли математика» тўгарагини ташкил этган.

ГОРЛОВКА — Украинанинг Донецк вилоятидаги шаҳар (1932 й.дан). Т.й. тугуни. Донецк ш.дан 53 км шим.-шарқда. Аҳолиси 316 минг киши (1997). Тошкўмир, машинасозлик, кимё, кокс кимёси, озиқ-овқат, енгил, ёғочсозлик саноати корхоналари, симоб к-ти, тарих музейи, бадиий музей, чет тиллари пед. ин-ти бор. Г.га 1867 й. асос солинган.

ГОРМОНАЛ ПРЕПАРАТЛАР — таркибида *гормонлар* ёки уларнинг синтетик аналоглари бўлиб, *гормонотерапия* учун қўлланиладиган дорилар. Табиий Г.п. асосан сўйилган молнинг *ички секреция* безларидан тайёрланади.



Горизонтал қуёш телескопи схемаси:
СП — спектрограф; *д. к.* — диагонал кўзгу; *б. п. к.* — бош параболик кўзгу; *ёр. к.* — ёрдамчи кўзгу; *ц* — целостат; *к. к.* — Кассегрен кўзгуси.

Гипофизнинг Г.п.и [*адренокортикотроп гормон* (АКТГ). АКТГ— рух фосфат, хорион гонадотропини, пролактин, интермедин, питуитрин, адиуреркрин, *окситоцин, вазопрессин*] гипофиз, буйрак усти безлари, жинсий безлардан гормон чиқиши сусайганда, коллагеноз, аллергик касалликлар ва кўзнинг баъзи касалликларида буюрилади. Қалқонсимон без Г.п.и — тиреоидин шу без етарли ишламаганда, организмни ёғ босганда, неврозда қўлланилади. Қалқонсимон без олди безларининг Г.п.и — паратиреоидин *тетания, спазмофилия*, аллергик касалликларга даво қилишда буюрилади. Меъда ости безининг Г.п.и — *инсулин* ва унинг препаратлари, шунингдек, синтетик препаратлар — бутамид, хлорпромазин қандли диабетга, липокаин эса жигар касалликлари, *атеросклероз* ва б. касалликларга даво бўлади.

Буйрак усти безлари пўстлоқ қаватининг Г.п.и — кортизон, *гидрокортизон, дезоксикортикостерон*, шунингдек, синтетик Г.п. — преднизолон, дексаметазон, синалар ва б. (кортизон б-н гидрокортизоннинг аналоглари) *ревматизм*, инфекцион *полиартрит, бронхиал астма, инфекцион мононуклеоз, нейродермит, экзема* ва б. тери касалликлари, Аддисон касаллиги, буйрак усти безлари пўстлоқ қаватида гормонларнинг етарли ишланиб чиқмаслиги, гемолитик *анемия, гломерулонефрит*, ўткир *панкреатит* ва б. касалликларни даволашда қўлланилади. Аёл жинсий гормонларининг Г.п.и 2 хил: эстроген Г.п. — фолликулин ёки эстрон, эстрадиол-дипропионат, этинилэстрадиол, синэстрол, диэтилстильбестрол, димэстрол, октэстрол, сигетин тухумдонлар фаолияти сусайганда ёки бутунлай гормон чиқармаганда, туғруқ дарди ва тўлғоқ яхши тутмаганда, аёлнинг кўкрагидан сут келмай қолганда, шунингдек, эркак простата безининг ракига даво қилишда буюрилади. Гестаген Г.п. — *прогестерон*, оксипрогестерон капронати, прегнин сариқ тананинг етарли ишламаслигига алоқадор касалликларни даволашда буюрилади. Эркаклар жинсий гормонларининг Г.п.и — андроген препаратлар (тестостерон пропионати, метилтестостерон) эркак жинсий безлари тузук ишламаганда, эркак ва аёлларнинг климактерий даврида, аёллар кўкрак бези ракини даволашда, томир ва нерв касалликларида, *акромегалия*да буюрилади.

Ад.: Машковский М. Д., Лекарственные средства, 13 изд., т. 2, Т., 1998.

5—

ГОРМОНАЛ РЕГУЛЯЦИЯ — одам ва умуртқали ҳайвонлар ҳаёт фаолиятининг *гормонлар* орқали бошқарилиши. Ички секреция безлари ажратган гормонлар қонга ўтиб, организмда оқсил, ёғ, углевод, сув ва минерал тузлар алмашинувининг бир маромда кечишини таъминлайди (мас., *инсулин* углеводлар алмашинувида бевосита иштирок этади). Гормонлар ишлаб чиқарилиши ва ажралишини нерв системаси бошқаради. Г.р. *гуморал регуляция* б-н ўзаро боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатади. Гормонларнинг ферментлар синтезида иштирок этиши, шунингдек, генларнинг фаоллаштириш хусусиятлари аниқланган. Г.р. механизмлари орасида айниқса гормонларнинг оқсиллар биосинтезига таъсири ўрганилган бўлиб, улар асосида ўсиш, ривожланиш, тўқималар дифференциацияланиши, тухум ҳужайра фолликулаларининг етилиши каби ҳаётий муҳим жараёнлар ётади. Организмда Г.р.нинг издан чиқиши эндокрин касалликлар (*қандли диабет, тиреотоксикоз, гипотиреоз, Иценко-Кушинг касаллиги* ва б.) ва айрим б. касалликлар (юрак-томир касалликлари, хавфли ўсмалар, аллергик ва гинекологик хасталиклар ва б.)нинг келиб чиқишига олиб келади.

ГОРМОНЛАР (юн. hormanino — қўзғатаман) — ички секреция безлари (эндокрин безлар)да ишланиб чиқиб, қонга ва тўқима суюқлигига ўтадиган биологик фаол моддалар. Улар бутун организмга тарқалиб, турли аъзо ҳамда тўқималарнинг фаолиятини бошқаради. Баъзилари муайян аъзоларга, мас., *тиреотроп гормон* асосан *қалқонсимон без*га, *адренокортикотроп гормон* (АКТГ) буйрак усти безларининг пўстлоқ қаватига, *эстрогенлар* бачадонга таъсир этади ва ҳ.к. Бошқалари (қалқонсимон без Г.и, *кортикостероидлар*, ўсиш гормони ва б.) организмнинг ҳамма тўқималарига (умумий) таъсир кўрсатади. Г.нинг ўзига хос таъсир этиши турлича кимёвий тузилганлигига боғлиқ; мас., *инсулин* углеводлар алмашинувига таъсир этади, тестостерон ва б. *андрогенлар* ассимиляция жараёнларини кучайтиради, организмда азот тўпланишига сабаб бўлади, глюкокортикоидлар моддалар алмашинувини ўзгартириб, жигарда *гликоген* ҳосил бўлишини, айниқса бириктирувчи ва лимфоид тўқимада оқсилларнинг парчаланишини, эстрогенлар бачадонда фосфолипидлар б-н оқсил синтез бўлишини кучайтиради, ўсиш гормони (соматотроп Г.) ёғ, фосфор ва кальций алмашинувига таъсир этади. Г. ҳужайранинг генетик аппаратини стимуллаш, ферментларни фаоллаштириш ва ферментатив реакциялар тезлигини ўзгартириш йўли б-н моддалар алмашинувига таъсир кўрсатади. Улар оқсилнинг тузилишини белгилаб берадиган информацион рибонуклеин кислотасининг ҳосил бўлишини кучайтириб, оқсиллар биосинтезига таъсир этади. Ўсиш ва жинсий Г. организмнинг ўсишини, балоғатга етишини бошқаради. Зарур пайтда организм имкониятлари Г. иштирокида сафарбар қилинади. Мас., хавф-хатар таҳдид қилганда ва шу муносабат б-н мускулларга зўр келганда *адреналин* кўпроқ чиқиб, қондаги глюкозани кўпайтиради, юрак ва мияга қон боришини кучайтиради; организмга зарарли таъсир ортганда АКТГ кўпроқ чиқади. Организм нормал яшаб, ишлаб туриши учун Г. эҳтиёжга яраша ишланиб чиқиши керак. Нерв, гуморал ва гормонал омиллар ўзаро таъсир этиб, шунга ёрдам беради. Баъзан нерв системаси ички секреция безлари б-н бевосита боғланади. Қорин нерви таъсирланганда буйрак усти безларининг мағиз қаватидан адреналиннинг кўплаб чиқиши шундан далолат беради. Баъзан қўзғалиш нерв толалари орқали *гипоталамус*га боради, бу ерда рилизинг гормонлар (гипофиз Г.ни ажратувчи омиллар) деган моддалар ҳосил бўлади, шу моддалар гипофизга кириб, гипофизар (троп) Г.нинг қўшимча чиқишига сабаб бўлади, булар эса перифериядаги ички секрекция безидан Г. чиқишини кучайтиради. Организмда қандайдир бирор сабаб б-н Г. кўпайиб кетса, гипоталамусдан рилизинг гормон чиқиши тўхтайди, натижада гипофиз тегишли троп Г.ни камроқ чиқаради, шундан кейин перифериядаги ички секреция безидан Г. чиқиши ҳам камаяди. Қонда бирор Г. камайиб кетса (мас., тўқималарда Г. тез парчаланганда) рилизинг Г. чиқиши кучаяди, гипофиз троп Г.ни кўпроқ ишлайди, шундан кейин периферик без Г.ни ортиқроқ ишлаб чиқаради. Гипоталамусда гипофизнинг баъзи Г.ини ингибирловчи нейрогормонлар (пролактостатин, меланостатин, самотостатин) ҳам ишлаб чиқарилади. Улар таъсирида тегишли гипофиз Г.ининг ҳосил бўлиши камаяди. Қондаги Г. миқдори ўз-ўзидан ҳам бошқарилади. Мас., *глюкоза* кўпайиб кетганда у гликогеннинг парчаланишини тезлатиб, глюкоза миқдорини ортгирувчи адреналин концентрациясини камайтиради. Организмда натрий тузлари етишмаса, буйрак усти безларининг пўстлоқ қаватидан *альдостерон* чиқиши кучаяди, натижада буйрак ка-

налчаларида натрий тузлари кўпроқ қайта сўрилиб, организмда ушланиб қолади. Демак, Г. маълум миқдорда ишланиб чиқиб, моддалар алмашинувини ва организмнинг бошқа функцияларини таъминлайди.


Ад.: Туракулов Я. Х., Тиреоидные гормоны, Т., 1972; Резников А. Г., Половые гормоны и дифференциация мозга, Киев, 1982; Корнева Е. А., Гормоны и иммунная система, Л., 1988; Конопля Е. Ф., Мембранные механизмы гормональной регуляции, Минск, 1991.

Зоирхўжа Акбаров.

ГОРМОНОТЕРАПИЯ (*гормонлар* ва *терапия*) — гормонлар ва сунъий (синтетик) *гормонал препаратлар* б-н даволаш усули. Г. асосан одам организмида эндокрин (*ички секреция* безлари) аъзоларидан бирортасининг касаллик туфайли фаолияти сусайганда ёки тўхтаганда тегишли гормонлар ўрнини тўлдириш мақсадида ёки ўринбосар сифатида қўлланилади (мас., *қандли диабет*да беморга *инсулин* ёки Аддисон касаллигида кортизон берилади). Эндокрин безлар фаолияти б-н боғлиқ бўлмаган касалликларда кузатиладиган яллиғланишлар, аллергик, иммунологик ва турли инфекцион жароҳатлар туфайли гормонал баланс издан чиққанда уни тиклаш (стимулловчи) ва аллергик реакцияни сусайтирувчи (тормозловчи) гормон препаратлари ишлатилади. Замонавий тиббиёт амалиётида турли сурункали ички касалликларда Г. яхши наф беради.

ГОРН — бурун, Жан. Американинг энг жан. нуқтаси. Горн о.да, Оловли Ер архипелагининг жан.да жойлашган (55° 59′ ж.к. ва 67° 16′ г.у.). Г. денгиз сатҳидан 150 м тик кўтарилган қоятошлардан иборат. Г. р-нида кучли бўрон ва туманлар бўлади. Г.да европаликлардан дастлаб 1616 й.да голланд сайёҳлари Я. Лемер ва В. Схаутен бўлган. Схаутеннинг ватани — Горн ш. номи б-н аталган. Г. Горн Бурни (Чили) миллий парки ҳудудида.

ГОРН — металларни эритиш, қайта эритиш, қиздириш, керамик буюмларни пишириш учун мўлжалланган печ; шахтали ватержекет печларнинг ёқилги ёнадиган пастки қисми (қ. *Вагранка, Домна ишлаб чиқариши*). Қалимда Г.дан рудадан тўғридан-тўғри хомаки темир олишда фойдаланишган. Замонавий Г. ичига гишт терилган усти очиқ пўлат қутидан иборат (расм). Унинг ён томонида ҳаво юбориладиган фурма (калта қувур) бор. Газсимон ёниш маҳсулотлари унинг юқори қисмидан чиқиб кетади. Г. писта-кўмир, кокс, нефть ёки газда ишлаши мумкин. Ф. и. к. кичик (5%) бўлгани учун саноатда кенг фойдаланилмайди. Металлургияда тигелли Г., руда концентратларидан кўргошин олишда эса махсус Г. ишлатилади.




Темирчилик горни: *1* — мўрқон; *2* — мўрқон оғзи; *3* — горн қутиси; *4* — фурма; *5* — вентилятордан шамол келтиралиган қувур.

ГОРН (нем. Horn — шох) — мис пуфлама мусиқа чолғуси, вентил (махсус механизм)сиз *труба*. Фанфара, аскар бургучаси каби турлари мавжуд. Жарчи соз бўлиб, 20-а.да ҳам бутун дунё (шу жумладан, Ўзбекистон) ҳарбий қўшинларида, ўспирин ёшлар (чет элда — скаут, собиқ Иттифоқда — пионер) жамоаларида кенг қўлланилган. Г. негизида бюгельгорн, саксгорн сингари пуфлама соз лар юзага келган.

ГОРНО-АЛТАЙСК (1932 й.гача Улала, 1948 й. гача Ойрот-Тура) — РФдаги шаҳар (1928 й.дан). Олтой Республикасининг маркази. Олтой тоғларининг этакларида, Майма дарёси бўйида (Катунь дарёсига қуйилиш ерида), Бийск т. й. станцияси ва Бийск пристанидан 96 км жан.-шарқда. Аҳолиси қарийб 48 минг киши. Тўр парда, мебель, пойабзал, тикувчилик ва тўқувчилик ф-калари, темир-бетон буюмлари з-ди, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Г.-А. 19-а. бошида вужудга келган.

ГОРОВИЦ (Horowitz) Владимир Самойлович [1904.18.9(1.10), Украинадаги Бердичев ш.— 1989, Нью-Йорк] — америкалик пианиночи. 20-а.нинг машҳур *виртуоз* ижрочиларидан. Киев консерваториясини тамомлаган (1921). 1925 й.дан чет эл (1928 й.дан Нью-Йорк)да яшаган. Ижро услубига табиий жўшқинлик, моҳирона техника б-н биргаликда руҳий кўтаринкилик, жозибали нафислик хос. Репертуаридан Ф. Шопен, Ф. Лист, П. Чайковский, С. Рахманинов, А. Скрябин, С. Прокофьев ва б. композиторларнинг асарлари ўрин олган.

ГОРОСКОП (юн. horoskopos — вақтни кузатувчи), толенома — муайян вақт учун сайёралар ва юлдузларнинг бирига нисбатан эгаллаган вазиятларини ифодаловчи жадвал. Одам туғилган ёки бирон-бир муҳим воқеа юз берган пайтда осмондаги сайёраларнинг вазиятига мувофиқ равишда улар Г.нинг 12 «уяси»га жойлаштирилади. Г. *илми нужум* (астрология), *мунажжимлик*да қўлланилади. Г.га кўра, гўё сайёра ва юлдузларнинг ўзаро вазиятларига асосланиб ўзига хос усуллардан фойдаланиб кишиларнинг тақдирини, воқеаларнинг ривожини айтиб бериш мумкин эмиш. Илгари ҳукмдорлар мунажжимларнинг фатвосисиз бирор муҳим ишни (мас., урушни) бошламаган. Г. бўйича бундай «фол очиш»нинг самараси илмий жиҳатдан асосланган эмас.



Горст.

ГОРСТ (нем. Horst — дўнглик, баландлик) — Ер пўстининг узилмалар бўйича юқорига кўтарилган қисми. Г.нинг узунлиги турлича — узунасига юзлаб км га, эни бир неча ўн км га етади. Г. бундай — йўналиши тоғ жинсларининг деформацияланган ёки бурмали тоғлар йўналишига яқин; кўндаланг — йўналиши бурма ўқига кўндаланг; қия — нишаб текислиги барча майдонда бир томонга қия; бир томонлама — фақат бир томондан иргитма ёки узилма б-н чегараланган; понасимон — пастга томон торайиб борувчи; оддий — ҳамма томонидан фақат биргина иргитма ёки узилма б-н чегараланган; мураккаб (зинасимон) — бир неча узилмалар б-н ажралган, бурмали — қатламлар бурмаланган хилларга бўлинади. Г. Ўзбекистондаги тоғларда кўп учрайди.

ГОРТЕНЗИЯ — тошёрардошлар оиласининг Hydrangea туркумига мансуб бир неча тур хушманзара ўсимликларга берилган умумий ном. Барги оддий, қарама-қарши жойлашган. Оқ, пушти ва қизил гуллари тўпгул ҳосил қилади. Уруғи кўсакчада, 76 тури бор. Улардан бир нечаси гулчиликда экилади. Хитой ва Японияда келтирилган Г. (H. macrophylla) ва Шим. Америкадан келтирилган дарахтсимон Г. (H. arborescens) хушманзара ўсимлик сифатида паркларда ўстирилади. Г. пархиш ва қалампа б-н кўпайтирилади.

ГОРЧИЦА — қ. *Хантал*.

ГОРЬКИЙ Максим (тахаллуси; асл исми Алексей Максимович Пешков) (1868.16(28).3, Нижний Новгород — 1936.18.6, Москва) — рус ёзувчиси ва жамоат арбоби. Собиқ Иттифоқ ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи раиси.

Г. бир қатор роман («Фома Гордеев», 1899; «Учовлон», 1990—01 ва б.), *ҳикоя* («Коновалов», «Челкаш» ва б.) ва драматик асарлар («Мещчанлар», «Тубанликда», 1902; «Чорбоғчилар», 1904 ва б.) муаллифи.«Тубанликда» пьесасида



Г. шафқатсиз ҳаёт «тубанлик»ка итқитган инсонларнинг азоб-уқубатларини маҳорат б-н берган. «Она» (1907) романида биринчи бўлиб адабиётда инқилобий қуршни хайрихоҳлик б-н тасвирлаган. «Болалик» (1913—14), «Одамлар орасида» (1915—16), «Менинг дорилфунунларим» (1923) қиссалари автобиографик асарлардир. Г. Шарқ халқлари тарихи б-н қизиқиб, «Италия эртаклари» (1911—13) асарида Шарқ мифологиясидан ўз бадиий нияти асосида фойдаланди, рус адабиётида Амир Темур сиймосига илк бор мурожаат этиб, унинг тарихий ҳақиқатдан узоқланган образини чизди. Г. меҳнаткаш омманинг Ленин раҳбарлигида 1917 й. окт.да мамлакатни остин-устун қилиш, кўплаб бегуноҳ кишиларнинг қонларини тўкиш ҳисобига тарихий жараённи ўзгартирмоқчи бўлганини ва Фавқулодда комиссия қатлиомини кескин қоралади, кўпгина ёзувчиларни большевикларнинг таъқибидан сақлаб қолди. У ўша вақтдаги вазиятда Россияда социалистик инқилоб бемаврид ва ҳалокатли, деб ҳисоблайди. Аввал халқнинг маданий савиясини кўтариш, сўнг инқилоб қилиш мумкин, деб ўйлаган («Бемаврид фикрлар» публицистик асарлар туркуми, 1917—18). Аммо кейинчалик Г. ўзи қарши бўлган социалистик инқилобий кураш томонига бутунлай ўтиб кетади. Г. бир қанча (Л. Н. Толстой, А. П. Чехов, В. Г. Короленко ва б. ҳақидаги) адабий портретлар муаллифи. «Артамоновлар иши» романи (1925)да янги тарихий авлоднинг ғалабаси қонуний эканлигини тасвирлаган. «Жаҳон адабиёти» нашриёти, «Шоир кутубхонаси», «Ажойиб кишилар ҳаёти» ва б. китоблар туркуми унинг фаол иштирокида ташкил қилинди. Киборлар ҳалокати ва инқилоб ғалабаси муқаррарлиги «Егор Буличев ва бошқалар», «Достигаев ва бошқалар» (1933), «Васса Железнова» (2-нашри, 1935) пьесаларининг бош мавзуидир. «Клим Самгиннинг ҳаёти» роман-эпопеясида (1927—36; 4-қисм тугалланмаган) рус халқининг 20-а. бошларидаги ғоявий-ижтимоий қураши, ҳаёти акс этган. Г. чет элда (1921—31) ва Россияга қайтганидан кейин замонавий адабиёт ғоявий-эстетик тамойиллари (шу жумладан, социалистик реализм назарияси)нинг шаклланишига катта таъсир кўрсатади ва шу йўсинда компартияга адабиётни ўз монополиясидаги ғоявий қуролга айлантириб олишига кўмаклашади. Совет давлати раҳбарлари Г.нинг катта халқаро обрўсидан ўз мақсадлари йўлида фойдаландилар. Улар макри б-н алданган Г. 30-й.лар бошларидаги қатағон сиёсатини тарбиявий аҳамиятга молик тадбир, деб тушунди. Г. ижоди таъсирида бошқа миллий адабиётлар (француз, немис, инглиз, хитой каби)да ҳам социалистик реализм методига асосланган асарлар кўплаб яратилди. Г. асарлари 30-й.ларнинг бошида дастлаб *Чўлпон*, кейинчалик *А. Қаҳҳор, Ойбек, Ҳ. Олимжон, М. Исмоилий* ва б. томонидан ўзбек тилига таржима қилинди. Аксарият пьесалари Ўзбекистон театрларида саҳналаштирилган.

Ас.: Асарлар [10 жилдли], Т., 1968—78.

Наим Каримов, Шуҳрат Ризаев.

ГОРЬКИЙ АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ (ГАЗ) — Россиянинг юк ва енгил автомобиллар ишлаб чиқарадиган йирик автомобиль саноати корхонаси. Нижний Новгород (собиқ Горький) ш.да жойлашган. 1932 й.да ишга туширилган. Дастлаб 1,5 т ли ГАЗ-АА (юк ташувчи) ва ГАЗ-А (енгил) автомобиллари, 1936 й.дан 1,5 т ли ГАЗ-ММ (юк ташувчи), М-1 (енгил) ва б. автомашиналар ишлаб чиқарди. 1941 й.гача з-дда 18 моделдаги автомобиллар тайёрланди. Урушдан кейин ГАЗ-51, ГАЗ-63 (юк ташувчи), «Победа», ГАЗ-69, 1956 й.дан «Волга-21» 1959 й.дан «Чайка» енгил автомобиллари, шунингдек, 1963 й.дан ГАЗ-24 «Волга» енгил автомобилни и.ч. ўзлаштирилди. Ҳоз. вақтда з-д юк ташувчи ва енгил автомобилларнинг такомиллаштирилган янги моделларини ишлаб чиқаради («ГАЗель», ГАЗ-29, ГАЗ-31, ГАЗ-3110 ва б.). Корхона маҳсулотлари чет эл бозорларига, шу жумладан Ўзбекистонга ҳам чиқарилади. 90-й.лар бошигача Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида фойдаланилган автомобилларнинг катта қисмини ГАЗ автомобиллари ташкил қилган. Мас., 1995 й.да республика корхоналарида ГАЗ маркали 58 минг юк. 16 минг енгил автомобилларидан фойдаланилган, фуқароларга тегишли 28 мингдан ортиқ ГАЗ «Волга» енгил автомобиллари бўлган.

ГОСПИТАЛЬ (юн. hospitalis — меҳмондўст) — ётиб даволанишга мўлжалланган ҳарбий тиббиёт муассасаси. Г.да ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар ва офицерлар, уларнинг оила аъзолари ҳамда мудофаа вазирлигининг ходимларига тиббий ёрдам кўрсатилади. Г.да даволанган ташқари, ҳарбий экспертиза ўтказиш, ҳарбий қисмлардаги врачларга даволаш-профилактика тадбирларини амалга оширишда ёрдам бериш, ҳарбий тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш каби вазифалар бажарилади.

Уруш вақтида яралар ва беморларга тез ёрдам кўрсатадиган полк, дивизия, армия кўчма ҳарбий-дала Г.лари ва фронт орқасида жойлашган Г.лари фарқ қилинади.

Туркистонда биринчи Г. 1869 й.да Тошкент ш.да очилган. Ҳозир Тошкентдаги 2 та Г.нинг Жиззах, Каттақўрғон, Навоий, Самарқанд, Тахиатош, Термиз, Фарғона, Чирчиқ ва Қарши ш.ларида филиаллари фаолият кўрсатади.

ГОССЕК (Gossec) Франсуа Жозеф (1734.17.1, Бельгиядаги Верньи ш.— 1829.16.2, Пасси, Париж ёнида) — француз композитори, дирижёр, педагог. Француз симфонияси, Миллий мусиқа ин-ти (1795 й.дан консерватория) асосчиси, Франция ин-ти (академияси) аъзоси (1795 й.дан). 1816 й.гача Париж консерваториясининг бош инспектори ва проф. 29 симфония, 20 дан ортиқ опера, бир неча оратория, месса, квартет, пуфлама созлар оркестри учун асарлар (жумладан, 3 симфония) ва б. муаллифи. *Буюк Француз инқилоби* ғоялари таъсири остида янги мусиқа жанри (оммавий қўшиқ, мотам марши), услуб ва ижро турлари (йирик, улуғвор вокал-симфоник асарларни катта майдонларда оммавий тарзда ижро этиш)ни кашф этган, мусиқа таълими тизимини ислоҳ қилган.

ГОССИПОЛ, $C_{30}H_{30}O_8$ — сариқ рангли заҳарли, қаттиқ кристалл модда. Полифенол бирикмаларга киради. Ғўза чигити ва илдиз пўстлогида кўп миқдорда (0,02—1,6%), бошқа қисмларида эса кам бўлади. Г. ва унинг аналоглари — госсипурпурин, госсивердурин, госсифульвин чигит ядросидаги махсус безчаларда жойлашган бўлиб, улар девори ниҳоятда мустаҳкам ва кўпчилик органик эритувчилар таъсирига чидамли. Лекин паст молекуляр спиртлар ва сувда Г. безчалари тезда емирилади. Ғўзанинг ҳар хил тур ва навларида Г. миқдори турлича. Ингичка толали ғўза навлари таркибида Г. кўп миқдорда (1,47—1,60%) бўлади. Чорва моллари, айниқса қорамолга чигит кунжараси ва шроти меъёрдан ортиқ берилганда моллар озуқа таркибидаги Г.дан заҳарланиши мумкин. Г. ёғ саноати чиқиндиларидан олинади. Г. антраналитлари, Г. смоласи ва уларнинг маҳсулотлари инсон учун фойдали модда-

лар ҳисобланади. Улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида: тиббиёт, кимё саноати, қ.х., металл қуйиш саноати ва б.да ишлатилади. Г. вирусга фаол таъсир қилади. Шу сабабли ҳозирги вақтда Г.дан вирусга қарши ишлатиладиган интерферон индуктори препаратлари ва б. моддалар ажратиб олинган.

Ад.: Садыков А. С., Хлопчатник — чудо растение, М., 1985.

Абдукарим Зикиреев.

ГОТ ЁЗУВИ — қад. ёзув тури. Бунда лотин ҳарфлари ўзига хос усулда ёзилади. Г.ёда 27 белгидан иборат бўлган алоҳида алифбо бўлиб, *гот тили*да ёзилган барча битикларда шу ёзув қўлланган. Г.ё. асосчиси гот библиясининг таржимони, епископ Ульфил (тахм. 311—383 й.) ҳисобланади. Г.ё. асосида 4-а.да юнон ёзуви юзага келган. Қад. Г.ё. намуналари Италия (10-а.), Ғарб. Европа мамлакатлари (11-а.)да учрайди.

Гот ҳарфи	Лотин ҳарфи	Гот ҳарфи	Лотин ҳарфи
𝔄 𝔞	A a	𝔑 𝔫	N n
𝔅 𝔟	B b	𝔒 𝔬	O o
𝔠 𝔠	C c	𝔓 𝔭	P p
𝔇 𝔡	D d	𝔔 𝔮	Q q
𝔈 𝔢	E e	𝔯 𝔯	R r
𝔉 𝔣	F f	𝔖 𝔰	S s
𝔊 𝔤	G g	𝔗 𝔱	T t
𝔥 𝔥	H h	𝔘 𝔲	U u
𝔦 𝔦	I i	𝔙 𝔳	V v
𝔍 𝔧	J j	𝔚 𝔴	W w
𝔎 𝔨	K k	𝔛 𝔵	X x
𝔩 𝔩	L l	𝔜 𝔶	Y y
𝔐 𝔪	M m	𝔷 𝔷	Z z

Г.ёнинг 4 тури мавжуд: 1) учли ёзув (текстура); 2) синиқ чизиқли учли ёзув (фрактура); 3) думалоқ ҳарфлардан иборат синиқ ёзув (швабахер); 4) Рим деворий ёзувларига тақлидан айланагот ёзуви. Айрим тадқиқотчилар Г.ё. умуман гот тилидаги фонемаларга тўғри келишини таъкидлайдилар. Ҳозир амалда деярли қўлланмайди.

ГОТ ТИЛИ — қад. герман қабилаларидан готлар тили, *герман тиллари* шарқий гуруҳига мансуб. У Скандинавиядан топилган мил. ав. 1-а.га оид ёзув ёдгорликларидан маълум. Икки асосий шеваси — остгот ва вестгот бўлган. Г.т.да умумгерман тилларига хос хусусиятлар — шовқинли ундошлар, унлилар уйғунлашуви, аналитик феъл шаклари бўлган. Булар ҳоз. Қрим ҳудудида амалда бўлган қад. гот тилининг (остгот шевасидаги) О.Г. де Бусбек томонидан 16-а.да ёзиб қолдирилган намуналарида учрайди.

Римдаги Авлиё Петр собори (1506 й.—18-а.).



ГОТИКА (итал. gotico — герман қабилаларидан *готлар* номидан), готика услуби — Ғарбий, Марказий ва қисман Шарқий Европа мамлакатларида ўрта асрлар санъатида ҳукм сурган бадиий услуб. «Г.» термини Уйғониш даврида қўлланила бошлаган. 12-а.да *роман услуби* ўрнига юзага келган. Г.да етакчи ўринни меъморлик эгаллади, унда меъморлик, ҳайкалтарошлик ва рангтасвир (асосан витраж)нинг уйғунлиги буюк намунаси бўлган *ибодатхона* алоҳида ўрин тутади. Ибодатхона қуришнинг янги лойиҳа тизими ишлаб чиқилди: бош тарзи учли равоқли ва гумбазлари қовурғали (нервюр), оғирлиги аркбуданлар орқали ташқи девор ва таянч устунлар (контрфорс)га ўтказилган синчли тузилма. Гумбаз тўшамалари енгил қаламалар б-н тўлдирилган, устун ораларидаги йирик ойналар витражлар б-н безатилган, ғарбий тарзида миноралар (бал. 150 м гача) қурилган. Бу янги лойиҳа *нефл*ар кенглиги ва бино баландлигини бирмунча оширган. Шунинг ҳисобига иншоот енгил, мужассамотига кўра кўкка чўзилган. Ички ва ташқариси ҳайкаллар ва нафис тош ўймакори безаклар б-н безатилган. Мужассамотида панжарали баланд миноралар муҳим ўрин тутган. Г. меъморлигига учли *вимперг*лар, дераза ва пештоқлар, доира шаклидаги ойналар, безак қисм (фиал)лар ва ш.к. меъморий шакллар хос.

Г. 12-а. ўрталарида Шим. Францияда юзага келди. 13-а. 1-ярмида юксак даражада ривожланди. Шу ерда Г.нинг тош ибодатхоналари ўзининг мумтоз шаклига эга бўлди. Биби Марям ибодатхонаси (Нотр-Дам, 1163—1257); Шартр (1194—1260), Реймс (1211—1311), Амьен (1220—88) ва б.даги ибодатхоналар Г.нинг юксак намунасидир.

Нидерландия, Шим. Германия, Скандинавия, Испания, Италия, Польша, Чехия, Латвия, Эстония ва б. жойларда ҳам Г. маҳаллий анъаналар таъсирида ривожланди. Г.нинг илғор усуллари *Уйғониш даври* ва *барокко* меъморлигига ижобий таъсир кўрсатди.

Г. тасвирий санъати диний ва дунёвий дунёқарашлардаги уйғунликни сақлаган ҳолда ривожланди, айни вақтда воқеликни унинг ҳодисалари б-н бирга акс эттиришга интилди. Ибодатхоналар безагида ҳайкал ва рельефлар (мас. Реймс ибодатхонасида 2300 дан ортиқ ҳайкал), витраждар (Сен-Дени, Шартр ва б.да) кенг қўлланилган, тасвирий санъат асарлари меъморий мужассамотга бўйсундирилган. Диний мавзудаги асарлар б-н бир қаторда маиший лавҳалар, меҳнат жараёни акс этган, баъзан ҳажвий лавҳалар ҳам учрайди (Париж, Амьен, Страсбург ва б. жойлардаги ибодатхоналар). Амалий безак санъати юксак даражада ривожланди: тош ва фил суяги ўймакорлиги, металл буюмлар, эмаль ва ш.к. Рангтасвирда нисбатан китоб миниатюраси кенг тараққий этди, унда тарихий ва маиший лавҳалар ҳаққоний акс эттирилди.

Ўзбекистон ҳудудида 19-а. охири — 20-а. бошларида Г. услуб-белгилари меъморликда пайдо бўлди (мас., Тошкент ш.даги Кирха биноси).

Неъмат Абдуллаев.

ГОТЛАНД — Болтиқ денгизининг ўрта қисмидаги йирик орол. Скандинавия я.о.дан 84 км кенгликдаги бўғоз орқали ажралиб туради. Майд. 2960 км². Аҳолиси 58 минг киши (1993). Маъмурий жиҳатдан Швецияга қарашли. Оҳактош ва қумтошлардан тузилган плато. Карст ривожланган. Бал. 83 м гача.

Иқлими мўътадил, денгиз иқлими. Йиллик ёғин 500 мм. Оролнинг қарийб ярми қарағай ўрмонлари б-н банд, торф қатламлари учрайди. Оҳактош олинади. Қ.х.да асосан, бугдой, сули, қанд лавлаги, картошка экилади. Чорвачилик ҳам ривожланган. Бош шаҳри ва порти — Висбю. Халл-Хангвар резервати бор. Туризм ривожланган.


ГОТЛАР — милоднинг бошларида яшаган шарқий герман қабилаларидан бири. Тарихчи *Иордан* (6-а.) асарида Г.нинг асл ватани Скандинавия бўлиб, кейинчалик Болтиқ денгизи бўйлари, Висланинг қуйи оқимидаги ерларда яшаганлиги кўрсатилган. 2-а. охирида жан.-шарққа силжиб, 3-а. бошларида Шим. Қора денгиз бўйларида ўрнашиб қолишган. Бу ерда улар ерли скиф ва сармат қабилалари б-н аралашганлар. 238 й.дан бошлаб Г. бошқа қабилалар б-н иттифоқ тузиб, Рим империяси, Болқон, Кичик Осиё я.о.ларига ҳарбий юришлар уюштиришган, 271 й.да Г. Рим империясининг Дакия вилоятини босиб олади. Қора денгиз бўйидаги ва Рим империясидаги шаҳарларнинг ривожланган маданияти Г. маданиятининг ўсишига катта таъсир кўрсатади. Г. шу даврда вестготлар (ҳоз. Молдова ва Руминиянинг шарқий томонларидаги ерларда яшайдиган), *остготлар* (Шим. Қора денгиз бўйи, Днестрнинг шарқий томонларида яшовчи) гуруҳларга бўлинган. 4-а. ўрталарида вестготлар орасида христианлик тарқала бошлади. 4-а.нинг 70-й.ларида *гунлар* Г.нинг ерларига ҳужум қилишиб, 375 й.да вестгот, остгот ҳамда уларга қўшни дашт қабилалари иттифоқини тор-мор этишади. Шундан сўнг вестгот ва остготларнинг тарихи алоҳида-алоҳида издан кетади.

Ад.: Иордан. О происхождении и деяниях гетов, М., 1960.

ГОТТЕНТОТ ТИЛЛАРИ — *койсан тиллари* оиласига мансуб. ЖАР шим.-ида, Намибиянинг жан. ва шим. ҳудудида, Ботсвана ва Танзанияда (сандаве тили) тарқалган тиллар. 130 мингга яқин киши сўзлашади (1991). Г.т. қуйидаги гуруҳларни ўз ичига олади: 1) кхой [нама, кора (корана), гриква]; 2) нхауру (наран) тили ва унинг шевалари; 3) кве (демис, чумакве — шуакве) шевалари гуруҳи; 4) чу (хиочу-вау хайчу-вау); 5) сандаве (сандави).

Г.т. аффиксларга бой, агглютинатив хусусиятга эга. Сон категорияси бирлик, кўплик ва иккиланган шаклга эга. Феълнинг тусланиши замонга кўра префикс қўшиш ёрдамида амалга оширади. Г.т. кўпчилиги ёзувсиз, борлари ҳам мукаммал эмас. Нама тили (Намибия) бошлангич таълимда ва диний адабиётларда қўлланади. Г.т. бўйича илк тадқиқотлар 19-а.да бошланган. Ёзуви бир оз қўшимча белгилар б-н лотин алифбоси асосида.

ГОТТЕНТОТЛАР, кой-коин (ўзларини кой-коин, яъни ҳақиқий одамлар деб аташади) — Ботсванадаги қардош халқлар гуруҳи (25 минг кишига яқин). Голландлар Г. деб аташган. Намибияда (80 мингга яқин) ва ЖАРда (2 мингга яқин) (1990-й.лар ўрталари) яшашади. Уларда битта тил бирлиги мавжуд эмас. Кўпчилиги африкаанс тилида сўзлашади. Негроид ирқига мансуб. Диндорлари асосан протестантлар. Анъанавий дин ҳам сақланиб қолган.



Готтентотлар.

ГОФФМАН (Hoffman) Август Вильгельм (1818.8.4, Гиссен — 1892.5.5, Берлин) — немис органик кимёгари. Лондон кимё жамияти президенти (1861 й.дан). Германия кимё жамияти асосчиси ва унинг биринчи президенти (1868—92). Лондон Қироллик кимё колледжи директори (1845—65). Берлин ун-ти проф. (1865 й.дан). Асосий ишлари ароматик бирикмалар, жумладан бўёғич моддалар синтезига бағишланган. Тошкўмир смоласи таркибида анилин ва хинолин борлигини аниқлаган (1841). Тошкўмир чиркидан бензол ажратиб олган (1845) ва уни нитробензолга айлантирган, нитробензолни қайтариш йўли б-н анилин ҳосил қилган. Этил йодид C_2H_5 га аммиак таъсир эттириб аминлар синтез қилиш усулини таклиф этган (1850; қ. *Гоффман реакциялари*). Қизил анилин бўёғич (фуксин)ни синтез қилган (1858) ва унинг таркибини аниқлаган (1861). К. А. Марциус б-н ҳамкорликда $C_6H_5—NH—CH_3 \rightarrow CH_3—C_6H_4—NH_2$ кўринишидаги қайта гуруҳланишни (1871), бирламчи аминларнинг изонитрилларга айланишини кашф қилган (1881). Кислота амидларидан алифатик, ёг-ароматик ва гетероциклик аминлар олиш усули (Гоффман қайта гуруҳланиши)ни таклиф қилган.

ГОФФМАН РЕАКЦИЯЛАРИ — алифатик аминлар олиш учун А. В. *Гоффман* таклиф этган реакциялар. Уч тури бор. 1) Карбон кислоталар амидларининг ишқорий металлар гипогалогенидлари таъсирида бирламчи аминларга айланиши (Гоффман қайта гуруҳланиши):

$$R—\overset{\overset{O}{\|}}{C}—NH_2 + NaBrO \rightarrow RNH_2 + CO_2 + NaBr$$

Реакция натижасида амиднинг карбонил гуруҳи CO_2 ҳолида ажралиб чиқиб, бошланғич амидларга нисбатан бир углерод атоми кам бўлган аминлар ҳосил бўлади. Г.р. спиртли муҳитда ўтказилганда реакция маҳсулоти сифатида уретанлар (RNHOCOR) вужудга келади. Г.р. ёрдамида алифатик, ёг-ароматик, ароматик ва гетероциклик аминлар, диаминлар ва аминокислоталар олиш мумкин. Саноатда Г.р. антроанил кислота синтез қилиш учун қўлланилади. Реакция 1881 й.да кашф этилган.

2) Аммиакка алкилловчи реагентлар (галогеналкиллар, диалкилсульфатлар ва б.) таъсир эттириб алифатик аминлар олиш. Реакция маҳсулоти сифатида бирламчи, иккиламчи ва учламчи аминлар ҳамда тўртламчи аммоний асоси аралашмаси ҳосил бўлади; мас., CH_3J ишлатилганда $[CH_3NH_3]J$; $[(CH_3)_2NH_2]J$; $[(CH_3)_3NH]J$ ва $[(CH_3)_4N]J$ ҳосил бўлади. Реакция 1850 й.да кашф этилган.

3) Тўртламчи аммоний асосли гидроксидларнинг термик парчаланиши натижасида ўлчамли аминлар ва олефинлар ҳосил бўлиши

$$[RCH_2CH_2\overset{+}{N}R'R''R''']OH^- \longrightarrow$$

$$\longrightarrow RCH=CH_2 + R'R''R'''N + H_2O\,.$$

Агар тўртламчи азот атоми турли ўринбосарлар б-н боғланган бўлса, қўш боғли, таркибида энг кам сонли алкил ўринбосарлари бўлган олефин ҳосил бўлади (Гоффман қоидаси). Г.р. қўлланишининг муҳим йўналиши алкалоидларнинг тузилишини текширишдир. Реакция 1851 й.да кашф этилган.

ГОЦЦИ (Gozzi) Карло (1720.13.12 — Венеция — 1806.4.4.) — итальян драматурги. «Уч апельсин ишқида» (1761) пьесаси б-н театр эртакчилиги (фьяба) жанрига асос солган. Г. ижтимоий қарашларига кўра консерватор бўлган. Ҳаётдаги ҳамма тартибларнинг жой-жойида қолишини истаган, янги ижтимоий тамойилларни ёқтирмаган, ҳатто француз маърифатпарварларининг ғояларини ҳам қабул қилмаган. Шу б-н бирга киборлар табақасининг нуқсонларини ҳам танқид қилган. Г. асарлари халқ юморларига бой, халқ драмаларига хос масхарабозлик хусусиятлари етакчилик қилади («Илон хотин», 1762; «Зубайда», 1763; «Чин маъшуқа», 1771 ва б.). «Бахтли гадолар» (1764) эртак-пьесасидаги воқеалар Самарқандда бўлиб ўтади. Унда Г.нинг одил шоҳ ҳақидаги ғоялари акс этган. «Маликаи Турандот» (1762) да Шарқ аёлларининг ижтимоий аҳволи тасвирланган. Асар рус тилидан Чўлпон (1926), *Маннон Уйғур* таржимасида (1928) саҳналаштирилган. «Бахтли гадолар» *Шукрулло* таржимасида нашр этилган (1969).




ГОЯС — Бразилиядаги штат. Бразилия ясситоғлигининг марказий қисмида, Токантинс дарёси ҳавзасида. Майд. 340.2 минг км². Аҳолиси 4.99 млн. киши (2000). Маъмурий маркази — Гояния ш. Рельефи бал. 800—900 м ли Гояс ясситоғлигидан иборат. Ёзи сернам субэкваториал иқлим. Ўртача ойлик т-ра 22—26°, йилига 1500—2000 мм ёғин ёғади. Ҳудудининг катта қисмини шим.да саванналар эгаллаган, доим яшил ўрмонлар бор.

Г. — аграр штат; йирик шаҳарлар атрофида деҳқончилик, ички р-нларда экстенсив чорвачилик б-н шуғулланилади. Асосий қ.х. экинлари — шоли, шакарқамиш, пахта, шунингдек, кофе, тамаки, маккажўхори, маниок, ловия етиштирилади. Фойдали қазилмалардан асбест (Бразилияда 1-ўринда), олтин, олмос, қисман никель, мис олинади. Асосий саноат тармоқлари: озиқ-овқат, қурилиш материаллари и.ч., ёғочни қайта ишлаш, кўн пойабзал. Йирик шаҳарлари: Анаполис, Серис.

ГОҲ — қад. туркий вақт ўлчов бирлиги; қиймати *чоғ*нинг 1/8 улушига ёки соатнинг 1/4 ига, яъни 15 *дақиқа*га тенг.

ГРААФ ПУФАКЧАСИ (голланд анатоми R. Graaf номидан) — одам ва сут эмизувчи ҳайвонлар тухумдонида тухум ҳужайра етиладиган пуфакча (фолликул). Етилган Г.п. ёрилгач, ичидаги тухум ҳужайра қорин бўшлиғига тушади, ундан бачадон найига (тухум йўлига) киради. Ёрилган Г.п. ўрнида муваққат эндокрин без — *сариқ тана* ҳосил бўлади.

ГРАБЕН (нем. graben — чуқурлик) — Ер пўстининг қия, баъзан тик ёриқлар, одатда узилма бўйлаб чўккан қисми. Г. бир неча юз км га чўзилган, эни бир неча ўн км бўлади. Г.ларнинг кўпчилиги рифтларга мансуб. Тектоник ҳаракатлар натижасида пайдо бўлади. Ҳамма томонидан ёриқлар системаси б-н чегараланган мураккаб Г.лар ҳам учрайди. Бир қанча белгиларига қараб Г.лар бўйлама — бурмали структуралар бўйлаб чўзилган; кўндаланг — Г.нинг узун ўқи атроф структураларнинг ўқига перпендикуляр: понасимон — пастга томон кенгайиб борадиган; бир томонли — узилма б-н фақат бир томондан чегараланган хиллари бор. Дунёдаги улкан Г.лар системаси Шарқий Африкадан ўтган. Ғарбий Европада йирик Г. Рейн дарёси водийсида жойлашган. Бундай сайёравий масштабдаги Г.лар *рифт* деб аталади. Ўзбекистонда Фарғона водийсининг шим. ғарбида Кўгарт водийсида уз. 50 км га тенг Г. жойлашган. Баъзан Г. ўрнида кўл пайдо бўлади (Иссиққўл) ёки уни дарёлар кесиб ўтади.



Грабен.

ГРАБОВСКИЙ Борис Павлович (1901—1966) — телевидение ихтирочиларидан бири. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи (1965). И. Ф. *Белинский* б-н ҳамкорликда электротехникага оид тажрибалар ўтказиб, бунинг натижасида электрон нур ёрдамида ҳаракатдаги тасвирни узатадиган ва қабул қиладиган «радиотелефот» аппаратини яратган (1923—28).

ГРАВИМЕТР (лот. gravis — оғир ва ... *метр*) — оғирлик кучи тезланишини ўлчайдиган асбоб. Кўпинча, пружинали ёки айланувчи тарозидан иборат бўлади. Бундай Г.лар ёрдамида оғирлик кучи тезланишлари фарқи ўлчанади. Пружинали Г.да тезланишлар фарқини аниқлаш учун пружинага осилган юкча вазияти Г. шкаласи бўйича ўзгариши аниқланади. Бунда ўлчашлар оғирлик кучи тезланиши маълум бўлган пунктда ва талқиқ қилинаётган пунктда кетма-кет амалга оширилади. Сайз жойларда, сув тубида, сув усти ва сув остида сузувчи кемаларда, самолетларда оғирлик кучини узлуксиз ўлчовчи махсус Г.лар бор. Оғирлик кучининг Ой ва Қуешга боғлиқ тарзда ўзгаришларини бир неча ойлаб қайд қилишга имкон берадиган Г.лар мавжуд.

ГРАВИМЕТРИЯ (лот. gravis — оғир ва *...метрия*) — тор маънода оғирлик кучини ўлчаш усуллари ҳақидаги фан. Кенг маънода (Ньютон механикаси доирасида) Ернинг оғирлик кучи майдонини, Ер шаклини аниқлаш мақсадида унинг фазовий ўзгаришини, Ернинг ички тузилишини, унинг устки қисми геологик тузилишини, баъзи навигация масалаларини ечиш ва б.ни ўрганиш б-н шуғулланадиган фан. Оғирлик кучи — Ернинг суткали айланишидан ҳосил бўладиган гравитацион тортишув ва марказдан қочма кучларидан иборат:

$$F = -G\mu \int_M \frac{dmR}{R} + \mu(\vec{\omega}\ \vec{r})\ \vec{\omega},$$

бунда G — гравитацион доимий, μ — масса бирлиги, dm — масса элементи, $R = r^1 - r$; r^1, r — кузатиш нуқтаси ва масса элементи радиус векторлари, ω — Ер (сайёра) айланишининг бурчак тезлиги. Интеграл бутун масса бўйича олинади. Экваторда марказдан қочма куч гравитацион тортишув кучига қараганда 288 баравар кичик, қутбда нолга тенг. Шу сабабли, тортишув кучининг қиймати, асосан, Ернинг зичлигига, шакли ва ўлчамига боғлиқ.

Г.да текшириладиган асосий физик катталик оғирлик кучи тезланишини g катталик оғирлик кучи тезланишини билдир. Оғирлик кучи тезланишини биринчи марта (тахм. 1590 й.) Г. *Галилей* аниқлаган. Бу катталикнинг ўзгариши географик кенгликка боғлиқ. Сон қиймати жисмнинг эркин тушиш тезланиши g га тенг бўлган оғирлик кучи кучланганлиги (кучнинг масса бирлигига нисбати) Галларда ўлчанади: 1 Гал = 10^{-2} м/с²; унинг 1000 дан бир улуши миллигал (мГал) дейилади. Ер сиртида g нинг қиймати 978,0 Гал дан (экваторда) 983,2 Гал гача (қутбларда) ўзгаради. Оғирлик кучи тезланиши асосан гравиметрларда ўлчанади. Оғирлик кучи потенциали қуйидаги кўринишга эга:

$$W = \int_M \frac{dm}{R} + \frac{\omega^2 r^2}{2} \cos^2 \varphi.$$

бунда φ — кузатиш ўрнининг кенглиги. $W = \text{const}$ тенглама тенглаштирилган сиртлар оиласини аниқлайди. Океанларда кетма-кет амалга оширилади. Сайз жойларда, сув тубида, сув усти ва сув остида сузувчи кемаларда, самолетларда оғирлик кучини узлуксиз ўлчовчи махсус Г.лар бор. Оғирлик кучининг Ой ва Қуешга боғлиқ тарзда ўзгаришларини бир неча ойлаб қайд қилишга имкон берадиган Г.лар мавжуд.

ги галаёнланмаган сув сатҳига мос келгани ($W' = W^0$) геоид дейилади ва уни Ернинг шакли сифатида қабул қилинади. Қулайлик мақсадида оғирлик кучи (гравитация) майдонини, сайёра сирти бўйича қонуний ўзгара борувчи γ нормал қисмга ҳамда реал g ва нормал ташкил қилувчилар орасидаги айирмадан иборат бўлган аномал (оғирлик кучи аномалияси деб юритилувчи) $\Delta g = g - \gamma$ га ажратилади. Нормал қисмини одатда реал Ер б-н бирдай массага ва айланиш тезлигига эга бўлган ҳамда геоидга энг кўп яқин бўлган бир жинсли айланиш майдони сифатида тасаввур қилинади.

1971 й.да Халқаро гравиметрик система қабул қилинган. Унга кўра оғирлик кучининг формуласи 1967 й.даги гравиметрик ва сунъий йўлдошлар кузатишлари мажмуаси асосида ҳисобланган доимийлар б-н бирга қуйидаги кўринишга эга:

$$\gamma = 978031{,}8(1 + 0{,}005302\sin^2\varphi - 0{,}0000059\sin^2 2\varphi)\ \text{мГал}.$$

Ер оғирлик кучи майдони нормал ташкил қилувчисининг тўлиқ ўзгариши ≈ 5,2 Гал. Ерда оғирлик кучи аномалиялари (2—4) · 10^2 мГал га етади, марказдан қочма куч ҳисобига оғирлик кучи ўзгариши ≈3,3 мГал, Ернинг босиқлиги туфайли оғирлик кучи ўзгариши ≈1,8 мГал, оғирлик кучининг баландлик бўйича ўзгариши 1 м га $3 \cdot 10^{-1}$ мГал, Ой — Қуёш ғалаёнланишларининг энг катта қиймати ≈$2{,}4 \cdot 10^{-1}$ мГал.

Г. ёрдамида нефть-газ тузилмалари, бойликлари изланади ва текширилади. Ернинг деформацияси Ернинг қовушоқлик хусусиятларига боғлиқдир. Ушбу деформацияларни ўлчаш орқали Ер ички қатламларининг қовушоқлиги ҳамда ички тузилиши ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Муайян р-ннинг гравитацион майдони қийматларининг ўлчовлари йиғиндиси гравиметрик съёмкадир. Гравиметрик съёмкада магнитникли асбоблар, гравиметрлар, гравитация вариометрларидан фойдаланилади. Тошкент астрономия расадхонасида 1901 й.дан бошлаб гравимерик тадқиқотлар олиб борилган, натижада мингдан ортиқ гравиметрик пунктлар аниқланган.

Сайёраларо космик аппаратларнинг пайдо бўлиши Г.нинг қўлланиш соҳасини кенгайтирди. Туширилувчи космик аппаратлар оғирлик кучини бевосита Ой сиртида, Марс ва Венеранинг сунъий йўлдошлари эса бу сайёралар атрофида ўлчади. Кейинги йилларда Юпитер ва Сатурннинг гравитацион майдонларини тадқиқ қилиш бошланди.

ГРАВИТАЦИОН АНОМАЛИЯ, оғирлик аномалияси — Ер куррасининг аниқ нуқтасида кузатиладиган оғирлик кучи б-н унинг назарий миқдори (оғирлик кучининг нормал тақсимоти формуласидан ҳисобланган катталик) ўртасида фарқ бўлиши. Оғирлик кучи географик кенгликка ва Ернинг шаклига боғлиқ бўлиб, кузатиладиган катталик ягона юза сатҳи — денгиз сатҳи (геоид)га нисбатан ифодаланади. Ер сатҳидан h баландликда оғирлик кучининг камайиши — $2gh/R \approx -0{,}0003086$ Гал га тенг, бу ерда K — Ер радиуси, g — оғирлик кучи тезланишининг ўртача қиймати (1 Гал = 1 см/с²).

Г. а. ҳаводаги аномалия бўлиб, Фая аномалияси деб аталади. Ернинг денгиз сатҳига нисбатан h қўшимча қатламининг тортишиш кучи (таъсири)ни ҳисобга олганда оғирлик кучи ўзгариши — $2gh/R + 2\pi f\sigma h \approx (-0{,}0003086 + 0{,}0000418\sigma)h$ Гал га тенг, бу ерда σ — қатлам зичлиги, f — тортишиш доимийси. Бу ифода ёрдамида аниқланган Г.а. Буге аномалияси деб аталади. Г.а.ни аниқлаш натижалари изоаномал, яъни Г.а. бир хил қийматли эгри чизиқлар орқали ифодаланган карталар ёрдамида тасвирланади.

ГРАВИТАЦИОН БОЙИТИШ — фойдали минералларни бегона жинслардан ажратиб олиш усули. Уларнинг зичликлари орасидаги фарққа асосланади. Мил. ав. 2 мингинчи йиллардаёқ кўрғошин ва олтинни ажратиб олишда Г.б. усулидан фойдаланишган. 14—15-а.ларда замонавий олтин ювиш машинасига ўхшаш машиналар яратилди. 19-а. охири — 20-а. бошларига келиб фойдали қазилмаларга эҳтиёж кўпайганлиги сабабли Г.б. кенг қўлланила бошланди. Г.б.нинг сувда ва ҳавода амалга ошириладиган хиллари бор. Сувнинг зичлиги анча юқори бўлгани учун сувдаги Г.б.да фойдали минераллар жуда аниқ ажралиб чиқади. Ҳавода бойитиладиган маҳсулотларни сувсизлантириш талаб қилинмайди. Бу эса маҳсулотларни транспорт воситаларига ортиш қийин бўладиган совуқ жойларда қулайлик яратади. Г.б.да ернинг тортиш кучидан (номи шундан), марказдан қочма ва электромагнит кучлардан ҳам фойдаланилади.


ГРАВИТАЦИОН ВАРИОМЕТР — оғирлик кучи потенциалининг иккиламчи ҳосиласини ва горизонтал йўналиш оғирлик кучи ўзгариши (градиенти)ни ўлчайдиган асбоб. Фақат оғирлик кучи градиентини ўлчайдиган Г.в. градиентометрлар дейилади. Г.в.ни венгер физиги Д. Этвеш ихтиро қилган. Г.в. учларига турли баландликда массалар маҳкамланган ёки осилган горизонтал ёки қия ўрнатилган енгил коромислодан иборат; коромисло пиширилган ингичка эластик ипга осилади. Ернинг бир жинсли бўлмаган гравитацион майдонида коромисло массаларига таъсир этувчи гравитацион кучлар моменти вужудга келади. Ерга тортишиш кучи моменти бураган ипнинг эластик кучига тенг бўлгунга қадар коромисло ип атрофида бурилади. Оғирлик кучи потенциали ҳосилалари коромисломинг бурилиш бурчаги бўйича аниқланади. Бунга Г.в. корпуси меридианга нисбатан турли бурчак остида кетма-кет ўрнатилади. Г.в.нинг тузилиши т-ра, магнит ва электростатик майдонлар таъсирини бартараф қилишга имкон беради. Оғирлик кучи потенциалининг иккиламчи ҳосиласи $\pm(1—2)\cdot 10^{-9}$ $с^{-2}$ аниқликкача ўлчанади. Г.в. геологоразведка мақсадларида ер қобиғининг устки қатламлари зичликларининг бир жинслимас тақсимланишини ўрганишда ишлатилади.

ГРАВИТАЦИОН ДОИМИЙ — Ньютоннинг *бутун олам тортишиш қонуни*ни ифодаловчи формула $F = G\frac{m_1 m_2}{r^2}$ даги пропорционаллик коэффициенти G; бу ерда F — бир-биридан r масофадаги m_1 массали жисм б-н m_2 массали жисмлар орасидаги ўзаро тортишиш кучи, $G = 6{,}6720(47) \cdot 10^{-11}$ $Н \cdot м^2 \cdot кг^{-2}$ (1980). Г.д. бир-биридан 1 м масофада жойлашган, массалари 1 кг дан бўлган икки жисм орасидаги ўзаро тортишиш кучига сон жиҳатидан тенг катталик.

ГРАВИТАЦИОН МАЙДОН — қ. *Тортишиш*.

ГРАВИТАЦИОН СИЛЖИШ — гравитацион майдонда тарқалаётган электромагнит нурланиш частотасининг ўзгариши. Нур заррачаси — фотонлар гравитацион потенциал қийматлари тенг бўлмаган ($u_2 \neq u_1$) икки нуқта орасида ҳаракат қилганда маълум иш $A = (u_2 - u_1)\frac{m_f}{c^2}$ бажаради, натижада фотонлар энергияси mv ва частотаси v ўзгаради. Кучли гравитацион майдондан кучсиз майдонга ўтганда фотонлар энергияси камаяди, акс ҳолда ортади. Биринчи ҳолда нурнинг спектрал чизиқлари спектрнинг қизил четига, иккинчи ҳолда бинафша четига силжийди. Г.с.ни тажрибада кузатиш мумкин. Г.с.ни текширишнинг *гравиметрия*да катта аҳамияти бор.

ГРАВИТАЦИОН ТРАНСПОРТ — юкларни фақат ўз оғирлик кучи ҳисобига ташиш (мас., юқоридан пастга тушириш) учун мўлжалланган қурилмалар мажмуи. Материаллар ва донали юкларга мўлжалланган. Винтли, роликли ва текис новсимон хиллари бўлади. Г.т.



Гравитацион транспорт: 1. а — винтли; б — роликли юк туширгич. 2. Винтсимон тарнов — юк туширгич.

нинг энг оддийси ерга нисбатан маълум бурчак остида ўрнатилган нов бўлиб, юқоридан пастга тушириладиган юк новдан сирпантириб юборилади. Юкларни анча баланддан тушириш учун қия новлар қўл келмайди, чунки улар кўп жойни эгаллайди. Бундай ҳолларда тик ўқ атрофида винт чизиғи бўйлаб ишланган нов — винтли туширгичлардан фойдаланилади. Г. корхоналарнинг цехларида материал, узел ва деталларни бир жойдан иккинчи жойга, мас., юқори қаватдан пастки қаватга туширишда қўлланилади.


ГРАВИТАЦИОН ТЎЛҚИНЛАР — ҳаракатдаги массалар б-н биргаликда тез нурланаётган ўзгарувчан гравитацион майдон; у ўз манбаидан «ажралади» ва худди электромагнит нурланишга ўхшаб фазода ёруғлик тезлигида тарқалади.

ГРАВИТАЦИЯ (лот. gravitas — оғирлик) — қ. *Тортишиш*.

ГРАВИТОН — кучсиз гравитацион майдон кванти (зарраси). Унинг тортишиш майдони кванти, сокинлик массаси ва электр заряди нолга, спини эса 2 га тенг. Ҳозиргача тажриба йўли б-н аниқланмаган.

ГРАВЮРА (франц. gravure, graver — ўйиш) — бирор қаттиқ: металл, ёғоч ва б. юзасига ўйиб тасвир ишлаш санъати, *графика* тури. Шу усулда ишланган асар ва ундан босма усулида кўчирилган нусха ҳам Г. деб аталади. Замин тасвирдан махсус асбоблар ёки кимёвий воситалар ёрдамида ўйиб (2—5 мм) чуқурлаштирилади, шу тарзда бўртма тасвир ҳосил қилинади, бу усул кўпроқ ёғоч (*ксилография*) ва линолеум (*линогравюра*)дан фойдаланилганда қўлланилади; тасвир заминдан чуқурлаштирилиб ўйма тасвир ҳосил қилинади, бу усул асосан металл (мис, жез, рух ва б.) пластиналардан фойдаланилганда (Г.нинг бир-биридан фарқ қилувчи акватинта, меццо-тинто, офорт, қуруқ игна ва б. турларида) қўлланилади. Г. бир хил буёқда, шунингдек, турли рангдаги буёқларда буялиши, ундан кўплаб нусха кўчирилиши, ифода имкониятларининг кенглиги б-н аҳамиятлидир. Мустақил аҳамиятга эга бўлган дастгоҳ Г.си (эстамп) ва китоб, газета, журналларда безак (*иллюстрация*) вазифасини ўтайдиган китоб Г.си кенг ривожланган. Г.нинг вужудга келиши ва ривожи ҳунармандликнинг тараққиёти б-н боғлиқ: ёғоч Г. матоларни бўяш, гул босишда, металл Г. эса заргарликда қадимдан кенг қўлланилган. Дастлаб Хитойда қоғозга Г. кўчириш (6—7-а.лар) пайдо бўлган, Европада 14—15-а.ларда ривожланган (қўлда бўялган диний мазмундаги Г.лар монастирларда сотилган). Россияда 16-а.дан маълум бўлган. Рембрандт, Ф. Гойя, И. Е. Репин ва б. машҳур санъаткорлар Г.нинг ажойиб намуналарини яратган.

Ўзбекистонда В. *Кайдалов*, К. *Башаров*, А. Циглинцев, Н. Холиқов ва бошқалар Г.да асарлар яратган.



«Дўстлик қўшиғи», Н. Холиқов ишлаган гравюра (1974).

ГРАД (гон) — ўлчов бирликлари тизимига кирмаган ясси бурчак метрик ўлчов бирлиги; тўғри бурчакнинг юздан бир ($\frac{1}{100}$) улушига тенг. g б-н белгиланади (рақам тепасига езилади). Мас., $1^g=0{,}0157\ radian=0{,}900^\circ$ (бурчак даражалар.)

ГРАДАЦИЯ (лот. gradatio — аста-секин юксалиш, gradus — поғона, даража) — Ж. Б. *Ламарк*нинг эволюцион назарияси бўйича филогенез жараёнида тирик организмлар тузилишининг поғонама-поғона юксалиши. Ламарк фикрича, Г. муҳит шароитига боғлиқ бўлмасдан, балки барча тирик организмлар учун хос бўлган мукаммаллашувга ички интилиш туфайли амалга ошади.

ГРАДЕЦ-КРАЛОВЕ — Чехиядаги шаҳар. Лаба дарёси бўйида. Шарқий Чехия вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 98 минг кишидан зиёд (2000). Йирик т.й. тугуни ва машинасозлик (кимё, газ, шакар-қанд, виночилик саноати учун ускуналар, дизеллар, моторлар, қозонлар, қ.х. машиналари) маркази. Тўқимачилик, тикувчилик, кўн пойабзал, ойнасозлик, мебелсозлик, озиқ-овқат (шакар-қанд, вино) саноати ривожланган, мусиқа асбоблари ишлаб чиқарилади. Г.-К.да тиббиёт ва пед. ин-тлари бор. Меъморий ёдгорликлардан готика собори (1306), черков (1666) сақланган.

ГРАДИЕНТ (лот. gradiens — одимловчи) — 1) физик катталик (босим, тўра, намлик ва б.)нинг фазода ёки бирор ўқ йўналишида масофа бўйича ўзгариш ўлчови. Мас., босим Г.и босимнинг масофа бўйича ўзгариш тезлигини ифодалайди, потенциал энергия Г.и таъсир этувчи кучга, электр потенциал Г.и электр майдон кучланганлигига тенг ва ҳ.к.; 2) математикада фазодаги бир нуқтадан иккинчи нуқтагача бўлган масофада қиймати ўзгарадиган катталикнинг энг тез ўзгарадиган йўналишини кўрсатадиган *вектор*. Агар шу катталик $U(x, y, z)$ функция б-н ифодаланса, Г. grad U б-н белгиланиб, координаталар бўйича катталиги $\frac{\partial U}{\partial x}$, $\frac{\partial U}{\partial y}$, $\frac{\partial U}{\partial z}$ га тенг, узунлиги эса


$$|\mathrm{grad}\,U| = \sqrt{\left(\frac{\partial U}{\partial x}\right)^2 + \left(\frac{\partial U}{\partial y}\right)^2 + \left(\frac{\partial U}{\partial z}\right)^2}$$ бўлади.

3) биологияда организм ёки органларнинг тузилиши ва улар физиологик хоссаларининг маълум ўқ бўйича ўзгариши миқдори. Г. ўрганилаётган хосса (мас., қон босими, т-ра)нинг кўрилаётган жойдан узоқлашган сари астасекин камайиб (сусайиб) боришини, мас., ҳайвон танасининг турли жойларида ва ўсимликларнинг турли қисмларида қон босими, т-ра, нафас олиш тезлиги ва б. хоссаларининг бир хил бўлмаслигини ифодалайди.

ГРАДИЕНТ ШАМОЛ — ишқаланиш кучи бўлмаган, барик градиент кучи C Ер айланишининг оғдирувчи кучи A ва марказдан қочма куч G мувозанатлашган шароитда ҳавонинг горизонтал ҳаракати. Барча кучлар бир тўғри чизиқда ётганлиги сабабли, Г.ш. изобара бўйлаб йўналган бўлади. Г.ш. тезлиги $V_G = V_g \pm \frac{V_G^2}{2r}$ б-н ифодаланади, бунда: V_g — геострофик шамол тезлиги; r — эгрилик радиуси; l — Кориолис параметри.

Бир хил барик градиент майдонида Г.ш. тезлиги циклон изобараси ҳолатида геострофик шамол тезлигидан кичик, антициклон изобараси ҳолатида эса ундан катта бўлади.

ГРАДУС (лот. gradus — қадам, даража), даража — 1) т-ранинг турли шкалаларига мувофиқ келадиган ҳар хил бирликларининг умумий номи. Цельсий Г.и (°C), Кельвин Г.и (K), Фаренгейт Г.и (°F), Реомюр Г.и (°R) мавжуд. Цельсий шкаласида сувнинг музлаш т-раси (0°C) б-н қайнаш т-раси (100°C) оралиғи тенг 100 қисмга бўлинади. Кельвин шкаласида идеал газ молекулаларининг тартибсиз иссиқлик ҳаракати тўхтаб т-раси, яъни мутлақ ноль ($t°=273{,}15°C$) ноль градус (0 K) деб олинади. Фаренгейт шкаласида қор ва нашатир аралашмасининг эриш нуқтаси (0°C) б-н киши танасининг нормал т-раси (36°C) оралиғи тенг 100 қисмга бўлинган. Бу шкала бўйича 0°C=32°F, сувнинг қайнаш т-раси 100°C=212°F, демак, қор эришидан сув қайнашигача бўлган т-ра 180°F. Реомюр шкаласида сувнинг музлаш ва қайнаш оралиғи 80 га бўлинган, яъни 100°C=80°R. Бу т-ра шкалалари орасидаги боғланиш қуйидагича: 1K=1°C=0,8R=1,8°F; 2) ясси бурчак бирлиги; тўғри бурчакнинг 1/90 қисмига ёки доиранинг 1/360 қисмига тенг; ° белги б-н белгиланади. $1°=60'=3600''$, бу ерда $'$ — бурчак минутлари, $''$ — бурчак секундлари. Ёйиқ бурчак 180°га тенг. Г. айлана ёйини ўлчаш учун ҳам ишлатилади; 3) турли катталикларнинг шартли бирлиги; унинг ёрдамида сувнинг қаттиқлиги, сульфат кислота ёки спирт концентрацияси (Боме Г.си—°Be), суюқликлар қовушоқлиги (сувнинг 20°C даги қовушоқлигига нисбатан — Энглер градуси) ва б. кўрсатилади.



Градус шкалалари орасидаги боғланиш.

ГРАДУС ТЎРИ (Ернинг градус тўри) — географик харита ва глобусларда меридианлар ва параллелларнинг кесишишидан ҳосил бўлган тўр. Ер юзасидаги географик координаталар — узунликлар ва кенгликларни аниқлашга ёки харитага координаталар бўйича объектларни туширишга хизмат қилади. Муайян меридианнинг барча нуқталари бир узунликка, параллелнинг ҳамма нуқталари эса бир хил кенгликка эга бўлади.

ГРАДУС ЎЛЧАШЛАР — Ернинг шаклини ва ўлчамларини аниқлаш учун ер сиртида жуда аниқ бажариладиган геодезик ва астрономик ишлар. Меридианлар ва параллеллар ёйларининг узунлиги геодезик усулларда, ёйларнинг охирги пунктлари географик координаталари астрономик кузатувлар асосида топилади. Ернинг шар шаклидалиги ҳақидаги таълимот пайдо бўлгандан сўнг (мил. ав. 5-а) унинг радиусини аниқлаш зарурати туғилди ва Г.ў.нинг дастлабки геометрик асослари ишлаб чиқилди. Ўша пайтларда Г.ў. бир меридианда ётган икки нуқта A ва B орасидаги меридиан ёйининг чизиқли узунлиги S ни ва шу нуқталарда бирор осмон ёритқичи b нинг зенит узоқлиги z ни ўлчашдан иборат бўлган (расмга қ.). Меридиан ёйининг чизиқли узунлиги S б-н Ер марказидаги унга мос бурчак (меридиан ёйи охирги нуқталари кенглиги фарқига тенг бурчак, яъни j_1-j_2=z_1-z_2)ни таққослаб, Ер меридиани ёйида бир градуснинг узунлиги D аниқланган:

$$D = \frac{S}{(z_2 - z_1)^\circ} = \frac{S}{(\varphi_2 - \varphi_1)^\circ}.$$


Г.ў. тушунчаси шундан келиб чиққан. Ер шарининг радиуси ҳам шу усулда аниқланган:

$$R = \frac{180^\circ \cdot S}{(\varphi_2 - \varphi_1)^\circ \pi} = \frac{180^\circ}{\pi} D.$$

Қад. Миср ва Юнонистон олимлари Ернинг катталигини аниқлаш устида иш олиб борганлар. Александриялик олим Эратосфен (мил.ав. 276—195 йиллар) Александрия ва Сиена (ҳоз. Асвон) ш.лари бир меридианда ётади деб ҳисоблаб, ёзги Қуёш туриши куни Қуёшнинг меридиандан баландлигини ўлчаб, бу шаҳарларнинг кенгликлари фарқи 7°12′ эканлигини аниқлаган. Александрия б-н Сиена ш.лари орасидаги масофа тахминан 5 минг Миср стадиясига тенглигини билган Эратосфен Ер шарининг радиуси 39790 стадияга (6311 км га) тенг эканлигини ҳисоблаб чиқарган.

Ўрта асрда Шарқ олимлари ҳам Ернинг катталигини аниқлаш устида иш олиб борганлар. 827 й. араб халифаси Маъмун топшириғи б-н Синжар (Месопотамия) текислигида Ер шарининг катталигини аниқлаш учун Г. ў. олиб борилган. Бағдод шаҳри расадхонасида ишлаган Муҳаммад ибн Мусо *Хоразмий* бу ишларда бевосита иштирок этган. Бунда бир нуқтадан бошлаб шим. ва жан.га томон меридиан ёйининг узунлиги махсус ўлчов арқони б-н, градус қиймати эса юлдузларни астрономик кузатиш йўли б-н аниқланган. Бу Г. ў. натижасида Ер меридиани ёйининг бир градуси 56,23 араб милига (ёки 111,8 км га) тенглиги аниқланган. Бу Г. ў. ўз даври учун анча аниқ бажарилган. Икки нуқта орасидаги узоқ масофани ўлчамай туриб Ер катталигини аниқлаш усулларидан бирини Абу Райҳон *Беруний* таклиф этган ва амалда қўллаган. Беруний текис жой устида қад кўтарган тоғ тепасида туриб, махсус асбоб б-н уфқнинг пасайиш бурчагини ўлчайди ва тоғ баландлигини аниқлайди. Сўнгра Ер радиусини ҳисоблаб чиқаради. Беруний 1 градус меридиан ёйининг уз. 56,6 араб милига (112,6 км га) тенглигини аниқлаган. Бу қиймат 17-а. охирига қадар энг аниқ Г. ў. ҳисобланган.

Голландиялик олим В. Снеллиус (1580—1626) триангуляция методини кашф қилгандан сўнг (1615—17) Г. ў. кенг ривожланди, чунки меридиан ва параллелларнинг исталган қисми узунлигини аниқлашга имкон туғилди. Олимлар Г. ў.да триангуляция методини қўлладилар. И. *Ньютон бутун олам тортишиш қонуни*га асосланиб, Ер шар шаклида эмас, эллипсоид шаклида, деган ғояни илгари сурди (1680). Француз олими Ж. Деламбр 1800 й.да Ер эллипсоиди элементларини ҳисоб-



Градус ўлчашлар.

лаб чиқди. Деламбр таклифига кўра, Ер меридиани айланаси чорагининг $4 \cdot 10^7$ лан бир улуши 1 м деб қабул қилинди.

19-а. бошларида турли мамлакатларда бажарилган астрономик-геодезик ишлар Ернинг шакли эллипсоиддан бир оз фарқ қилишини кўрсатди. Мас., француз олими П. С. Лаплас (1749—1827) Франция ва б. давлатларда ўтказилган Г. ў. натижаларини таҳлил қилиб, меридиан ёйининг қиймати экватордан қутбга томон бир хилда камаймаслигини аниқлади ва Ер ноаниқ ва мураккаб шаклда, деган хулосага келди.

1873 й.да немис физиги И. В. Листинг (1808—82) Ернинг бундай шаклини *геоид* деб аташни таклиф этди. Геоид шакли Ернинг тортиш кучига боғлиқ бўлганлигидан Г. ў.дан ташқари гравиметрик ишлар олиб боришга тўғри келди.

Рус геодезисти К. И. Теннер (1783—1860), астрономи В. Я. Струве (1793—1864) Г. ў. олиб боришган. Натижада Дунай дарёсининг қуйилиш жойидан Скандинавия ярим оролининг шим. қирғоғигача бўлган 25°20′ меридиан ёйининг узунлиги ҳисоблаб чиқилди. Бу ёйга «Струве ёйи» деб ном берилди. Ундан Ернинг катталигини аниқлашда фойдаланилган. Рус олимлари К. И. Теннер (1844), Ф. Ф. Шуберт (1861), А. М. Жданов (1893) ва б. Ер эллипсоиди элементларини ҳисоблаб чиқишган. 1899—1902 й.ларда Петербург ФА ташаббуси б-н Швеция ФА иштирокида Ер шарининг энг шим. Шпицберген оролида Г. ў. олиб борилди. Рус геодезисти Ф. Н. Красовский собиқ Иттифоқда геодезик шохобчалар барпо этиш ва топографик план олиш дастурини ишлаб чиқди (1928). 1933 й.дан бошлаб, собиқ Иттифоқ ҳудудининг гравиметрик планини тузиш ишлари авж олди. Геодезия, аэрофотосъёмка ва картография марказий илмий текшириш ин-тида Ернинг шакли ва катталигини аниқлаш юзасидан муҳим ишлар қилинди. Ер эллипсоидининг катталиги ҳисоблаб чиқилди. Ана шу ер эллипсоди Красовский эллипсоиди деб аталади.

Г. ў.га доир и.т. ишлари Ўзбекистон ФА Астрономия ин-тида ҳам олиб борилади. Ер шаклининг характеристикаларини, шунингдек, унинг гравитацион майдонини аниқлаш учун эса оғирлик кучини ўлчаш усулларидан (қ. *Гравиметрия*) ва Ернинг сунъий йўлдошларидан фойдаланилмоқда. Ернинг ўлчамлари, шакли ва гравитацион майдони ҳақида олинган маълумотлар астрономия, геодезия, картография ва б. фан соҳаларини ривожлантиришда, Ернинг сунъий йўлдошларини, космик кемаларни учиришда жуда қўл келади.

Салоҳиддин Нуриддинов

ГРАЖДАНЛИК (рус. гражданин сўзидан) — шахснинг муайян бир давлатга ҳуқуқий жиҳатдан мансублиги (қ. *Фуқаролик*).

ГРАКХЛАР, ака-ука Тиберий (Tiberius Gracchus) (мил. ав. 162— Рим —133) ва Гай (Gaius Gracchus) (мил. ав. 153— Рим — 121) — Қад. Римнинг сиёсий арбоблари халқ трибунлари (нотиқлари). *Плебейлар* наслидан. Демократик аграр ислоҳот ўтказиш йўли б-н деҳқонларни хонавайрон бўлишдан сақлаб қолмоқчи бўлишган. Гай томонидан италик иттифоқчиларга Рим фуқаролиги ҳуқуқларини бериш тўғрисида қонун чиқариш таклиф қилинган. Ислоҳотларга қарши турган сенат зодагонлари б-н бўлган курашда ҳалок бўлишган.



Граккхлар бюсти, 19-а.

ГРАМЕНИЦКИЙ Сергей Михайлович (1859.6.9—1919.5.2) — рус маърифатпарвари. 1881 й. Петербург ун-тини тугатиб, дастлаб Тошкент эрлар гимназиясида (1881), сўнгра (1882—93) Тошкент қизлар гимназиясида мат., космографиядан дарс берган. 1892—1912 й.ларда Сирдарё вилояти халқ билим юртлари директори —бош инспектор. Г. ўқитиш усуллари ва мазмунини такомиллаштириш тарафдори бўлган, дарсда кўргазмали қуроллардан фойдаланишни кенг тарғиб қилган. Унинг раҳбарлигида Туркистонда рус-тузем мактаблари учун дарслик ва дастурлар тузилган, ўзи рус-тузем мактаблари учун дарслик ва қўлланмалар ёзган. Булардан асосийси — 3 қисмдан иборат «Книга для чтения» («Ўқиш китоби») китоби. Г. ўз дарсликлари учун 1900 й.да Париж кўргазмасининг кумуш медали б-н тақдирланган.

ГРАММ (франц. gramme) — СГС бирликлар тизимида массанинг асосий ва СИ тизимида улуш (0,001 кг) бирлиги; г б-н белгиланади. У сувнинг энг зич бўладиган т-раси (4° га яқин) да 0,2% гача аниқлик б-н 1 см куб кимевий соф сув массасига тенг.

...ГРАММА (юн. gramma — шакл, ҳарф, езув) — қушма сўз таркибини қисми бўлиб, езилган, чизилган нарсага дахлдорликни билдиради. Мас., харитаграмма, радиограмма.

ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯ — 1) махсус кўрсаткичлар ердамида сўзларнинг ўзгариш, бирикиш ва гап ҳосил қилиш қоидаларига асосланган умумграмматик тушунча. Г. к. грамматиканинг қайси соҳасига оидлигига кўра морфологик ва синтактик категорияга бўлинади. Синтактик категориялар морфологик категорияга тенг бўлмайди. Мас., бизнинг оила — тўқ оила. Бу жумлада морфологик жиҳатдан тўрт сўз, уч хил сўз туркуми бор (олмош, от ва сифат, от), синтактик жиҳатдан эса фақат икки бўлак — эга ва кесим мавжуд.

Ад.: Ғуломов А. Ғ., Асқарова М. А., Ҳозирги замон ўзбек тили, Т., 1961.

ГРАММАТИК МАКТАБ — 1) Қад. Афинада 7—12 ёшдаги ўғил болалар учун ташкил қилинган бошланғич мактаб. Ўқиш, ёзув ва ҳисоб ўргатилган. Г.м.да ҳарфларни қўшиб сўз ясаш усули қўлланилган, яъни болалар ҳарфларни уларнинг номлари (альфа, бета, гамма ва ҳ.к.) б-н ёд олишган. Сўнг улардан сўзлар ясашган. Ёзувга ўргатишда жадвалларга ингичка таёқчалар б-н ҳарфлар ёзилган. Саноқни бармоқлар ва тошчалар ёрдамида ўрганганлар.

2) Қад. Римда патрицийлар (Қад. Римдаги дастлабки туб жой аҳолиси) фарзандлари ва чавандозлар учун юқори даражадаги бошланғич мактаб; грамматика, Рим адабиёти ва юнон тили ўқитилган.

3) Ҳоз. Буюк Британия ва айрим Британия Ҳамдўстлиги таркибидаги мамлакатларда ун-тга киришга тайёрловчи ўрта умумтаълим мактаблари.

4) Россияда 17-а.да айрим монастирларда юнон ва лотин грамматикаси, қад. дунё адабиётини ўрганиш учун ташкил этилган мактаб.

ГРАММАТИК ШАКЛ — грамматик воситага билдирувчи, грамматик маъно ифодаловчи тил шакли. Мас., ўзбек тилида «яхши-яхши» деб «яхши» сифати такрорланса, бу сўз маъносини кучайтириш учун хизмат қилади. Худди шу грамматик восита баъзи тилларда, мас., малайя ёки индонез тилида кўпликни билдиради. Муайян бир тилда турли Г.ш. бир маънода қўлланиши ҳам мумкин: -ётир, -япти, -моқда каби ўзбек тилидаги Г.ш.лар феълнинг ҳоз. замон шаклидир. Аксинча, айни бир Г.ш. бирдан ортиқ грамматик маънони билдира олади. Мас., «лар» шакли «ишлар» сўзида ҳам феъл, ҳам сифатдош, ҳам кўплик ҳисобланади.

ГРАММАТИКА (юн. grammatike, gramma сўзидан — ҳарф, ёзиш) — тилшуносликнинг тилнинг грамматик тузилишини, яъни сўзларнинг шаклга эга бўлиш қонуниятларини, шунингдек, сўз бирикмалари ва гапларни тузиш қонуниятларини ўрганадиган бўлими. Г. 2 қисмдан — *морфология* ва *синтаксис*дан иборат. Морфологияда сўзнинг грамматик туркумлари ва морфологик категориялар, сўз шакллари, синтаксисда эса сўз шаклларининг гап таркибида ўзаро бириқиш йўллари, гап ва унинг категориялари, гапнинг тузилиш турлари баён қилинади. Демак, Г.да сўз шакли, грамматик маъно, грамматик шакл, грамматик категория, гап ва унинг категориялари ҳақидаги тушунчалар марказий ўринни эгаллайди. Тилда ўзининг доимий ифодаловчисига эга бўлган, сўз шакли ва гапга хос умумлашган маъно грамматик маъно саналади. Маълум грамматик маънони ифодалаш учун хизмат қиладиган моддий восита грамматик шакл ҳисобланади. Грамматик шаклларни грамматик категорияни ташкил этган унсурлар дейиш мумкин. Аслида грамматик шакл деганда, маълум грамматик маънонинг моддий томони тушунилади. Грамматик шакл грамматик категорияни ташкил этган қисмларнинг бир томонини — шаклий томонини ифодалайди. Шу боис, грамматик категориялар грамматик шаклларнинг муносабатидан юзага келган умумийлик, дейилса мантиқан тўғри бўлмайди. Чунки грамматик категория таркибига кирган ҳар бир қисм ҳам, ўз навбатида, шакл ва мазмун муносабатидан ташкил топган яхлитликдир. Шу сабабли айрим муаллифлар грамматик категория таркибий қисмлари учун граммема атамасидан фойдаланмоқдалар.

Грамматик бирликларни грамматик категорияларга бирлаштиришда шу категорияга хос умумлашган маъно асос бўлиб хизмат қилади. Категорияга хос бу умумлашган маъно мазкур категорияга бирлашган ҳар бир граммема такрорланади. Шу б-н биргаликда категория доирасидаги ҳар бир грамматик бошқасидан фарқ қиладиган маъноси ҳам бор. Ана шу маънолар категория унсурларининг ўзаро зидланишида асос бўлиб хизмат қилади. Шундай қилиб, категория маъноси б-н категория таркибидаги граммема маъноси ўртасида тур-жинс муносабати мавжуд.

Г. маълум тил қурилишини қандай ўрганишига кўра, амалий Г. ва назарий Г.га бўлинади. Амалий Г. муайян бир тилда гапнинг тўғри қурилиши учун зарур бўлган грамматик қоидаларни тавсифлайди. У, ўз навбатида, 2 турга бўлинади: тавсифий ва меъёрий Г. Тавсифий Г. тил грамматик қурилишини тавсифлаш, баён қилиш б-н чекланади. Меъёрий Г. эса тил фактларининг тил меъёрига муносабатини, маълум бир лисоний бирлик ёки қурилманинг тўғри ёки нотўғри қўлланганини ўрганади. Амалий Г.дан фарқли равишда, назарий Г. тил қурилишини тавсифлаш б-н бирга, тил қурилишидаги бирликларнинг ўзаро муносабатини ўрганади. Бу орқали ҳар бир лингвистик бирликнинг тил системасидаги ўрни, қиймати белгиланади. Назарий Г.да тил грамматик қурилишининг системавий хусусияти очилади. Бевосита кузатишда берилган ҳодисалар замирида яширинган моҳият белгиланади. Шунинг учун ҳам назарий Г. умумийлик — хусусийлик, моҳият — ҳодиса, имконият — воқелик диалектикасини ўзида намоён этувчи тил — нутқ зидланишига асосланади.

Грамматик бирликлар тадқиқотчи томонидан қайси томондан ўрганилишига кўра, Г. фаол, нофаол турларга бўлинади. Шаклдан маънога қараб тадқиқ қилиш усули — семасиологик усулидир. Бу усулда маълум грамматик шакл қандай маъно ифодалаши ҳақида гап боради. Юқоридаги усулда грамматик бирликларни ўрганиш нофаол Г. саналади. Аксинча, мазмундан шаклга тамойили б-н иш кўрувчи Г. фаол Г. ҳисобланади. Фаол Г.да у ёки бу мазмун қандай йўллар б-н моддийлашиши мумкинлиги аниқланади.

Худди шу йўналиш б-н боғлиқ равишда Г. мазмуний (ментал), шаклий (формал) ва вазифавий (функционал) Г.ларга бўлинади. Мазмуний Г. мазмундан шаклга тамойилига амал қилади. Объектив борлиқнинг онгда акс этиши ва онгда акс этган объектив олам унсурлари умумлашган образларнинг тилда қандай ўз ифодасини топишини мазмуний Г. ўрганади. Шаклий Г. эса семасиологик тамойил, шаклдан мазмунга тамойили асосида иш кўради. Грамматик категорияларни таснифқилишда шакл устуворлик қилади. Бу йўналишда грамматик шаклларни ўрганиш жараёнида нолисоний (экстралингвистик) омилларнинг эътиборга олиниши шарт эмаслиги таъкидланади. Функционал Г. да асосий эътибор грамматик шакл ва грамматик категорияларнинг вазифасига қаратилади. Бундай Г.ларда лисоний бирликнинг 3 томони: мазмун, шакл, вазифа (функция) диалектик бирликда олинади.

Г. муаммолари дастлаб қад. Ҳиндистонда (тилшунос Панининнинг Г.га оид трактатида, мил. ав. 5—4-а.лар), кейинроқ Юнонистонда (Аристотель, мил. ав. 4-а., юнон тилшуноси Аполлон Дискол, мил. ав. 2-а. ва б.нинг асарларида) ишланган. Юнон грамматик анъаналари лотин тилини ўрганиш жараёнида ривожланиб борган.

Ўзбекистонда Г.ни ўрганиш тарихи *Маҳмуд Кошғарий*нинг «Девону луғотит турк» асарига бориб тақалади. Бу жараён ўрта асрлардаги луғатшунослик тараққиётида ҳам ўз аксини топган (Толи Имоний Ҳиравийнинг «Бадое ул-луғат» асари, 15-а.; «Абушқа» номли чигатойча-туркча луғат, 16-а. ва б.).

Ҳоз. ўзбек тили Г.си Европа Г.си асосида яратилган. Бу жараён 19-а.нинг 2-ярмидан бошланган. Дастлаб рус туркшуноси М. А. Терентьев «Турк, форс, қирғиз (қозоқ) ва ўзбек тилларининг грамматикаси» (1875) китобини ёзиб, Санкт-Петербургда нашр эттирган. Бу китоб маҳаллий тилни ўрганмоқчи бўлган русийзабон кишиларга мўлжалланган эди. Ўзбек тилининг изчил илмий Г.сини яратишни 20-а.нинг 20-й.ларида Фитрат, Ғози Юнус, Шорасул Зуннун ва б. бошлаб бердилар. Кейинчалик бу соҳада А. *Ғуломов*, F. *Абдураҳмонов*, А. *Ҳожиев*, Ш. *Раҳматуллаев*, Ш. *Шоабдураҳмонов*, С. Усмонов, Б. Ўринбоев ва б. тилшунос олимлар катта ишлари амалга оширдилар (яна қ. *Тилшунослик*).

Ад.: Есперсен О., Философия грамматики, М., 1958; Ўзбек тили грамматикаси, Т., I, II ж., 1975, 1981; Содиқов А. ва б., Тилшуносликка кириш, Т., 1981; Ҳожиев А., Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати Т., 1985; Шоабдураҳмонов Ш., Ҳожиев А. ва б., Ҳозирги ўзбек адабий тили, Т., 1980; Маҳмудов Н., Нурмонов А., Ўзбек тилининг назарий грамматикаси, Т., 1995; Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш. ва б., Ўзбек тилининг назарий грамматикаси, Т., 2001.

Абдуҳамид Нурмонов, Неъмат Маҳкамов

ГРАММАТОЛОГИЯ (юн. grammatos — ҳарф) — турли даврлардаги турли жойларда тарқалган ёзувни тадқиқ этиш б-н шуғулланувчи фан соҳаси.

ГРАММ-АТОМ — кимёвий элементнинг *атом массаси*га сон жиҳатдан тенг қилиб олинган миқдори. Мас., кислороднинг грамм-атоми 16 г, чунки унинг ат.м. 16 га тенг ёки темирнинг грамм-атоми 56 г, чунки унинг ат.м 56 га тенг. Ҳар қандай кимёвий элементнинг грамм-атомида (агрегат ҳолатидан қатъи назар) *Авогадро сони*га тенг миқдорда, яъни $6{,}022 \cdot 10^{23}$ та атом бўлади. Г.-а. катталигидан турли физик ва кимёвий ҳисоб-китобларда фойдаланилади. Техник ҳисоб-китобларда килограмм-атом, миллиграмм-атом сингари масса миқдорлари ҳам кенг қўлланилади.

ГРАММ-МОЛЕКУЛА, моляр масса ёки моль — модданинг мол. м. га сон жиҳатдан тенг қилиб олинган граммлар ҳисобидаги миқдори. Мас., нитрат кислота HNO_3 нинг бир грамм-молекуласи 63 г, чунки унинг мол.м. 63 га тенг ёки сувнинг грамм-молекуласи 18 г, чунки унинг мол. м. 18 га тенг. Техникада Г.-м. б-н бир қаторда килограмм-молекула (кмоль), миллиграмм-молекула (миллимоль) сингари масса миқдорлар ҳам ишлатилади.

Газ ҳолатдаги ҳар қандай модданинг грамм-молекуласи нормал шароитда 22,4 л ҳажмни эгаллайди. Бу ҳажм газнинг моляр, яъни грамм-молекуляр ҳажми дейилади. Ҳар қандай агрегат ҳолатдаги — қаттиқ, суюқ ёки газ ҳолатдаги модданинг бир грамм-молекуласида $6{,}022 \cdot 10^{23}$ та молекула бўлади.

ГРАММОФОН (юн. gramma — ҳарф, ёзув ва phone — товуш) — грампластинкага ёзилган товушни қайта эшиттирувчи аппарат. Айланувчи грампластинка ариқчасида Г. игнасининг тебранишлари карнай орқали кучайтирилаётган мембранага узатилади. Г.нинг ихчам варианти — патефон. 20-а. 50-йилларидан Г. ўрнига *электрофон*дан фойдалана бошланди.

ГРАММОФОН ПЛАСТИНКАСИ — товуш (нутқ, музика, ашула) ёзиб олинган диск. Пластмасса, целлулоида, ацетилцеллюлозадан ясалади. Товуш дискнинг икки томонига механик усулда спирал ариқча тарзида ёзиб олинади. Ариқчаларда ёзиб олинган товуш тебранишларига мос излар қолади. Г.п.ни *граммофон*га қўйиб қайта эшиттирилади.

ГРАММ-ЭКВИВАЛЕНТ — кимёвий элемент ёки модданинг кимёвий эквивалент массасига сон жиҳатдан тенг қилиб олинган граммлар ҳисобидаги миқдори. Кимевий элементнинг Г.-э. ини топиш учун унинг ат.м.ни валентлигига бўлиш керак. Мас., алюминийнинг эквиваленти 9 (ат.м. 27, валентлиги 3)га тенг, унинг Г.-э.и 9 г. Сульфат кислотанинг эквиваленти 49 (мол. м. 98, негизлилиги 2), унинг Г.-э.и 49 г ва ҳ.к. Г.-э. ҳажмий анализда кенг қўлланилади.

ГРАМПИАН ТОҒЛАРИ — Шим. Шотландия тоғлигининг жан. қисми; Буюк Британиядаги энг баланд тоғлар. Шим.да Глен-Мор водийси, жан.да Шотландия пасттекислиги б-н чегараланган. Уз. 250 км, эни 100 км. Энг баланд чўққиси — Бен-Невис (1343 м). Тўртламчи даврдаги музланишнинг излари қолган. Вереск ўсиб ётган яйловлар, торф ботқоқликлари, водийларда тилоғоч ўрмонлари бор. Мўътадил океан иқлими, ёзи салқин, йилига 1000 мм ёғин ёғади.


ГРАН (лот. granum — дон) — 1) *ўлчовларнинг метрик тизими* киргунга қадар рус дорихона амалиётида қўлланадиган масса бирлиги. 1 Г.=62,209 мг; 2) инглиз ўлчов тизимида савдо, дорихона ва қимматбаҳо тошлар ва металларни ўлчашда қўлланиладиган масса бирлиги. 1 Г.=64,8 мг.

ГРАНАДА (араб. Ғарнота) — Испаниянинг жан.даги шаҳар, Андалусия мухтор вилоятида. Сьерра-Невада тоғи ён бағрида, Хениль дарёси водийсида жойлашган. Гранада провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси қарийб 242 минг киши (1998). Т.й. тугуни. Т.й. орқали Ўрта денгиз бўйидаги Мотриль порти б-н боғланган. Саноати, асосан, қ.х. маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. Г. яқинидан темир руда си қазиб чиқарилади. Озиқ-овқат, цемент, кимё з-ди, тўқимачилик саноати корхоналари ва қоғоз ф-калари бор. Шаҳар тарихий манбаларда илк бор 8-а.да қайд қилинган. 11-а.дан араблар қўл остида, 1238 й.дан Ғарнота амирлиги таркибида бўлган. 1492 й.дан Испания тасарруфига ўтган. Араблар истилоси даврида Г. Мавритания давлатининг сиёсий, маданий ва иқтисодий марказларидан бири бўлган. Меъморий ёдгорликларидан мавритания меъморлиги санъати услубида қурилган қалъасарой (13—14-а.лар) ва Карл V саройи ҳамда Уйғониш даврига оид собор ва б. сақланган. Ун-т бор (16-а.дан). Туризм ривожланган. Ҳар йили мусиқа фестивалари ўтказилиб турилади.

ГРАНАДА АМИРЛИГИ, Ғарнота амирлиги — Пиреней я.о.даги сўнгги араб давлати (пойтахти — Гранада) 1238 и.да ташкил топган. *Кастилия* б-н бўлган курашда енгилган (1492).

ГРАНАДОС, Гранадос и Кампинья (Granados y Campina) Энрике (1867.27.7, Лерида, Каталония — 1916.24.3) — испан композитори, пианиночи ва педагог, замонавий миллий композиторлик мактаби асосчиларидан. Мусиқа таълимини Барселонада олган, кейинчалик Парижга бориб, фортепиано ижрочилиги (Ш. Бериода) ва композиция буйича (Ж. Масснеда) ўз малакасини оширган. Барселонада ўзи ташкил этган Мусиқа академиясига раҳбарлик қилган (1901—16). Ла-Манш бугозида кема ҳалокатида ҳалок бўлган. Ижодида испан халқ оҳанглари ва усулларини замонавий мусиқанинг ифода воситалари б-н уйгунлаштирган. 6 опера, симфоник оркестр учун поэма ва сюиталар (шу жумладан, «Арабча сюита»), фортепиано асарлари («Арагонча хота», «Испанча каприччио» ва б.), испан шоирлари сўзларига романс ва қўшиқлар яратган.

ГРАНАТА (итал. — granata) — жанговар қуролларнинг бир тури; портловчи (зарядли) снарядларнинг умумий номи. Биринчи марта 16-а.да қўл б-н иргитиладиган, 17-а.да артиллерия Г.лари пайдо бўлди. Дастлабки Г.ларда заряд сифатида ёритувчи ёки ёндирувчи моддалар, кейинчалик порох ишлатилган, ҳозирги Г.ларда асосан тротил деб аталадиган портловчи модда ишлатилади. Г.нинг корпуси пўлат ёки пўлатсимон чўяндан ясалади. Портлаш таъсирига кўра Г.лар парчаланувчи (душман жонли кучлари ва техникасига шикаст етказиш учун қўлланилади), парчаланувчи-фугас ва фугас Г. (мудофаа истеҳкомларини портловчи заряд гази кучи б-н вайрон қилиш ҳамда жонли кучларга шикаст етказиш учун қўлланилади), парчаланувчи-ёндирувчи хилларга (кичик калибрли зенит артиллериясида қўлланилади) бўлинади. Қўл б-н иргитиладиган Г.лар парчаланувчи ва танкка қарши қўлланиладиган; механизмининг тузилишига



Пиёда аскарларга қарши қўл гранаталари: *1* — сақлагич ҳалқаси; *2* — запал (пилик)ни тушириш ричаги; *3* — корпус; *4* — портлатувчи заряд; *5* — запал (пилик).

кўра, зарб таъсирида тез портлайдиган ва маълум вақтдан кейин портлайдиган Г.ларга бўлинади. Маълум вақтдан кейин портлайдиган Г.лар пана жойларда ҳужумга ўтилганда ва б. ҳолларда қўлланилади, зарб таъсирида тез портлайдиган Г.лар эса танкка қарши, пулемёт ва б. хил ўт очиш нуқталарини вайрон қилишда ишлатилади. Машқ Г.ларидан ҳарбий қисм (бўлинма)ларда аскарларни ва спорт майдонларида спортчиларни Г. иргитишга ўргатишда фойдаланилади.

ГРАНАТЛАР (лот. granatus — донадор) — оролсимон *силикатлар* кичик синфига мансуб минераллар гуруҳи. Г.нинг умумий кимёвий таркиби: $R_3^{2+}R_2^{3+}[SiO_4]_3$ бунда R^{2+} — Ca, Fe, Mg; Mn; R^{3+} — Al, Fe, Cr ва б. Изоморф қаторлар ҳосил қилади. Куб сингонияли. Г. кристалл-кимёвий хусусиятларига қараб 2 турга: магний-марганец-темирли Г. — пироп, альмандин, спессартин; кальцийли Г. — гроссуляр, андрадит, уваровитга бўлинади. Г. табиатда, кўпинча донадор агрегатлар, қўшалоқ кристаллар, юмшоқ, силлиқ доначалар ҳолида учрайди. Қаттиқлиги 6,0—7,5, зичлиги 3,2—4,3 г/см³. Г.нинг рангсиз, зангори, сариқ, яшил, қўнғир, қора, пушти, қизил, қизғиш-қўнғир ранглари маълум. Г. метасоматик жинсларда, скарнларда (андрадит, гроссуляр), пегматит ертомирларда (спессартин, альмандин), метаморфик сланецларда, эклогит ва кимберлитларда ҳосил бўлади. Гидротермал ертомирларда ва сочма ҳолда ҳам учрайди. Г.нинг шаффоф ва чиройли турлари (пироп, альмандин, демантоид) зарғарликда ярим қимматбаҳо тош, қолган хиллари саноатда абразив материал сифатида ишлатилади. Г.нинг йирик конлари Ҳиндистон, Чехия, РФ (Урал) ҳамда Жан. Кавказда топилган. Марказий Осиёда гроссуляр ва андрадит скарнларда, вольфрам ва магнетит конларида (Қўйтош, Лангар ва Турлангли), мунчоқ шаклидаги альмандин ва спессартин Туркистон ва Қоратепа тоғларида учрайди.

ГРАНАТЛАР ЭНЦИКЛОПЕДИК ЛУҒАТИ — Россия универсал энциклопедияси. Ака-ука А. ва И. Гранатлар томонидан Москвада нашр этилган (1890). 1904 й. гача 6 марта тўлиқ нашр қилинган. 7-қайта ишланган нашри 1910—48 й.ларда 58 жилдда чиққан (56-жилди чиқмай қолган). 1917 й.гача «Ака-ука А. ва И. Гранатлар ва К°» ширкати, сўнг Гранатлар Рус библиография ин-ти, 54- ва 58-жилдларини «Советская энциклопедия» Давлат ин-ти нашр этган. Кўзга кўринган олимлар (А. В. Луначарский, К. А. Тимирязев, Л. С. Берг, В. И. Палладин, П. Л. Капица ва б.) луғатни таҳрир қилишда ва унга мақолалар ёзишда қатнашишган.

ГРАНАТОМЁТ — 1) дастаки Г. — душманнинг зирҳли нишонларига, жонли кучлари ва ҳарбий техникасига зирҳни тешадиган ёки парчаланадиган-фугас граната б-н шикаст бериш учун мўлжалланган қурол. Г.нинг бир марта ва кўп марта ишлатиладиган; тузилишига кўра, дастаки, милтиққа ўрнатиб ва станокка ўрнатиб отадиган; вазифасига кўра, танкка қарши, пиёдаларга қарши; стволининг тузилишига кўра, стволининг ичи силлиқ, қирқимли ва стволи букланадиган хиллари бор. Г.нинг калибри 30—90 мм, нишонга олиш узоқлиги 1000 м гача. Милтиққа ўрнатиб отадиган Г.да граната ўқсиз патрон зарядининг порохли гази ёрдамида отилади.

«ГРАНД-ОПЕРА» (франц. Grand Opera — катта опера), Мусиқа ва рақс миллий академияси — Париждаги давлат опера ва балет театри. Европа мусиқали театр маданиятининг йирик марказларидан. 1669 й.да «Қирол мусиқа академияси» номида ташкил топган. 1875 й.дан ҳоз. номда. Театрнинг тарихи француз опера ва балет санъатининг юзага келиши ҳамда ривожланиши б-н узвий боғлиқ. 17—18-а.ларда «Г.-о.» заминида лирик фожиа ҳамда опера-балет каби миллий мусиқали театрнинг турлари (Ж. Люлли, Ж. Рамо ва б.), 19-а. бошида «катта опера» жанри (Д. Обер, Ж. Россини, Ж. Мейербер) қарор топган. 20-а.да «Г.-о.» театри репертуаридан мумтоз опера ва балетлар б-н бирга замонавий композиторлар (Р. Штраус, И. Стравинский, М. Равель, А. Онеггер, Ф. Пуленк, А. Берг, С. Прокофьев ва б.) асарлари кенг ўрин олган. «Г.-о.»да Франция ва Европанинг етакчи ҳонандалари (М. Малибран, П. Виардо-Гарсиа, Ж. Гризи, А. Патти, Э. Карузо, Ф. Шаляпин, М. Каллас, Т. Гобби ва б.), раққос ва раққосалари (М. Тальони, К. Гризи, А. Павлова, В. Нижинский), балетмейстерлари (Ж. Новер, Л. Петипа, С. Лифарь, М. Бежар), дирижёрлари (Э. Колонн, П. Монтё, Ш. Мюнш) фаолият кўрсатган. Ҳоз. биноси 1875 й.да қурилган, 1936 й.да қайта таъмирланган. Томоша зали 2130 ўринли, ички безаклари ниҳоятда ҳашаматли ва кўркам. «Г.-о.» артистларидан Франческо ва Патрис Бартлар Навоий номидаги опера ва балет театри спектаклларида қатнашган (1970, А. Адан, «Жизель»; П. Чайковский, «Оққуш кўли» ва б.).

ГРАНИК ЖАНГИ — *Александр* қўшини б-н *Доро* III қўшинлари ўртасидаги жанг (мил. ав. 334 й. баҳори). Мармара денгизига қуйиладиган Туркиядаги Хожабош дарёси (юнонча Граник) бўйида содир бўлган. Мил. ав. 334 й. македон қўшини (30 минг пиёда ва 5 минг отлиқ аскар) Геллеспонтни кечиб ўтган. Лидия сатрапи Арзитес қўмондонлиги остидаги форс қўшини (30—40 минг аскар) Граник дарёсининг баланд ўнг қирғоғини эгаллаган. Македонияликларнинг енгил пиёдалар қўмак бериб турган огир қурол-яроғли отлиқ қўшини Граник дарёсини кечиб ўтиб форсларнинг сўл қанотини янчиб ташлаган. Айни пайтда македонияликлар форсларнинг илғори ва ўнг қанотини ҳам чекинишга мажбур қилишган. Форсларнинг асосий кучлари (юнонлардан иборат ёлланма пиёдалар) қуршаб олиниб тор-мор қилинган. Форслар 20 мингдан ошиқ аскаридан айрилганлар. Г. ж.даги ғалаба Александрга Кичик Осиёга кириш йўлини очиб бериб, бу б-н Эроннинг Александр томонидан забт этилиши бошланган.

Ад.: Арриан, Поход Александра, М. — Л., 1962.

ГРАНИТ (Granit) Рагнар (1900) — Швеция нейрофизиологи. Швеция ФА президенти (1963—65). Кўришдаги бирламчи нейрофизиологик жараёнлар (кўз пардаси алоҳида нейронларининг биоэлектр потенциаллари) устида тадқиқот олиб борган. Ҳаракатнинг марказий нерв системаси томонидан бошқарилишига оид асарлар ёзган. Нобель мукофоти лауреати (1967; Ж. Уолд ва Х. Хартлайн б-н ҳамкорликда).

ГРАНИТ (лот. granum — дона) — тўлиқ кристалланган нордон магматик тоғ жинси. Материклардаги *Ер пўстид*а энг кўп тарқалган жинс. Таркиби кремний оксиди (SiO_2) га бой. Ер пўстининг чуқур қисмида, *магма*нинг бутунлай кристалланишидан ҳосил бўлади. Г.нинг томирли тури порфир структурали. Кимёвий таркибига кўра нормал ва ишқорли Г.ларга бўлинади. Г.ла кварц, калийли дала шпати (ортоклаз, микроклин), нордон плагиоклаз (альбит, олигоклаз), шунингдек, слюда (биотит ёки мусковит), амфибол ва гоҳо пироксен бўлади. Акцессор минераллардан апатит, циркон, магнетит, титанит, баъзан ортит, монацит, ксенотим ва рутил учрайди. Ранги қизил, пушти, оч малла, оч сариқ, бўз ранг, баъзан оч яшил. Г. катта интрузив массив (шток, батолит) ва дайка, лакколит шаклида учрайди. Йирик донадор Г. рапокив дейилади. Баъзи Г.лар б-н турли қимматли металл конлари

(қалай, вольфрам, молибден, рух, кўрғошин ва б.) боғлиқ. Г. яхши силикланади, бўлакларга ажралади, шунинг учун иморат деворларини безаш, пойдеворига нақшлар ишлаш, зинапоялар ясаш ва ҳайкалтарошликда кўплаб ишлатилади. Ўзбекистонда Чатқол, Қурама, Ҳисор, Зирабулоқ, Зиёвудин ва б. тоғларда, хорижда Урал, Кавказ тоғларида, Украина, Карелия, Кола я. о., АҚШ ва Скандинавия мамлакатларида катта майдонларда тарқалган. Гранитли *интрузия*лар ёши архейдан кайнозойгача бўлган даврни ўз ичига олган.

«ГРАНИТ» ҚАТЛАМИ (гранит-гнейсли қатлам, гранит-метаморфик қатлам) — Ер пўсти қатламининг шартли номи, ундан узунасига йўналган сейсмик тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги 5,5—6,5 км/с га тенг бўлади. Чўкинди ва «базальт» қатлами оралиғида жойлашган. Гранит, гнейс ва б. метаморфик ва отқинди жинслардан ташкил топган. Материкларда «Г.» қ. чўкинди жинслар б-н қопланган, қалқонларда эса очилиб қолган. Типик океан тубида «Г.» қ. бўлмайди. Қ. *Ер пўсти*.

ГРАНИТЛАНИШ — Ер пўстининг чўкур қисмларида бўладиган мураккаб жараёнлар натижасида турли (чўкинди, отқинди, метаморфик) тоғ жинсларининг ўзгариб, таркиби, тузилишига кўра *гранит*га ўхшаш жинсга айланиши Г.га учраган жинсларнинг таркиби ва структураси бутунлай ўзгариб кетади. Г. тоғ жинсларини ишқорли металлар ва SiO_2 б-н бойиши ва улардан Fe, Mg ва Ca чиқиб кетиши ва магма ҳосил бўлиши б-н боғлиқ; у асосан геосинклиналларнинг жуда чуқур зоналарида бурмалар ҳосил бўлиши пайтида ривожланади. Г. тўғрисида турли фикрлар бор. Бир гуруҳ олимлар Г. ер бағридан чиқадиган газ ва суюқ эритмаларнинг тоғ жинсларига таъсири натижасида пайдо бўлади дейишса, бошқалари Г. қаттиқ жинслар ионларининг бир-бири б-н аралашиши (диффузияси) натижасида ҳосил бўлади дейдилар. Г. магманинг тоғ жинсларига таъсири натижасида содир бўлади деган фикрлар ҳам бор. Ер пўстида бўладиган жараёнларни аниқлашда Г.нинг аҳамияти катта.

ГРАНИТОВ Ипполит Иванович (1900.11.2, ҳоз. Жан. Қозоғистон вилояти Чактак қишлоғи — 1981.31.10, Тошкент) — геоботаник. Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1968), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1965), проф. (1960), биология фанлари д-ри (1961). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1930). 1960 й.дан кафедра мудири. Ўрта Осиё бўйлаб ўтказилган бир қанча экспедицияларда қатнашган. Ўрта Осиё ўтлоқларидан тўғри ва унумли фойдаланиш, ўтлоқлар ҳосилдорлигини ошириш, айниқса, Ўзбекистон чўл ўсимликлари генезиси тўғрисидаги масалаларни ҳал қилишга ҳисса қўшган.

Ас.: Ўсимликлар қоплами. Т., 1949; Жанубий Гарбий Қизилқум ўсимликлари қоплами [2 жилдли]. Т., 1964, 1967.

ГРАНКА (рус.) (матбаада) — 1) босмахонада терилиб, ҳали саҳифа ҳолига келтирилмаган (*верстка* қилинмаган) матнлар устуни; 2) терилган матнни ўқиб, хатоларини тузатиш, ундан макет тузиш учун қоғозга олинган тасвири, нусхаси; 3) терилган матнни вақтинча (саҳифалашга қадар) сақлаб қўйиш учун ишлатиладиган тахтакач.

ГРАНОДИОРИТ — интрузив нордон тоғ жинси. Минерал таркиби кварцли *диорит* б-н нормал *гранит*лар оралиғида. Г. таркибида кварц, калийли дала шпати, плагиоклаз ва рангли минераллар бўлади. Г.да гранит таркибидаги ҳамма *акцессор минераллар* учрайди, аммо *титанит* кўпроқ. Зичлиги 2700—2900 кг/м³. Структураси тўла кристалланган ва порфирсимон. Текстураси массив. Порфирсимон Г. Қурама, Нурота, Бўкантов, Қулжуқтов, Овминзатов, Томди тоғларида бор. Қурилишда, қоплама безак сифатида кенг ишлатилади. Тошкентда Мустақиллик майдонидаги фаввора атрофи, ер ости йўлларини қуришда Г.дан фойдаланилган.

ГРАНОСИЕНИТ — интрузив тоғ жинси. Минерал таркибига кўра *гранит* б-н *сиенит* оралиғида. Структураси тўлиқ кристалланган, донали, текстураси массив. Минерал таркиби сиенитга жуда ҳам яқин, ундан фақат 15% дан ортиқроқ кварц минерали борлиги б-н фарқ қилади. Ундан ташқари Г. таркибида калийли дала шпати (ортоклаз, микроклин ёки пертит) 50% дан 70% гача, нордон плагиоклаз 10% дан 30% гача, рангли минераллар 10% дан 20% гача бўлади. Акцессор минераллардан Г.да апатит, циркон, сфен ва магнетит учрайди. Г. Қурама тоғларида тарқалган. Иморатлар пойдевори, ер ости йўлларини безашда ишлатилади.

ГРАНТ (инг. grant — ҳадя, субсидия, стипендия) — мақсадли воситалар; корхоналар, ташкилотлар ва шахсларга пул ва натура кўринишида и. т. ва тажрибаконструкторлик ишлари, ўқиш, даволаниш ва б. учун берилади. Одатда, Г. солов эълон қилиш йўли б-н аниқланади.

ГРАНУЛЁМА (лот. granulum— донача ва oma — ўсма) — одам ва ҳайвонларда бириктирувчи тўқиманинг яллиғланиши оқибатида юзага келадиган ўсма-симон ўзилма. Инфекцион Г. — вирусли, инфекцион аллергик (*сил, сифилис, туляремия, ич терлама, ревматизм*, ревматоид *артрит*) туфайли; ноинфекцион Г. тўқималарга ёт жисмлар тушиши ёки узоқ вақт механик таъсирланиши ва б. туфайли ҳосил бўлади. Г.ни келтириб чиқарган сабабига қараб, унинг ҳужайра таркиби ўзгариб туради. Тананинг турли қисмида учраши мумкин. Даво асосан Г.га сабаб бўлган омилни бартараф этишдан иборат, бу ердам бермаса, жарроҳлик усули қўлланилади.

ГРАНУЛОМЕТРИЯ (лот. granulum — донача ва ...*метрия*), гранулометрик таҳлил, механик таҳлил — бўш тоғ жинслари, тупроқ ва сунъий материалларнинг турли ўлчамли фракцияларини аниқлаш усуллари мажмуаси. Чақиқ тоғ жинслари (қум, шағал ва б.), гил ва б. гилли жинслар ҳамда тупроқлар турли ўлчамли органик ва минерал зарралардан ташкил топган. Бу зарралар ўлчамига қараб Г.да комплекс ёки фракцияларга ажратилади. Г. (механик) таҳлилда гранулометрик фракцияларнинг миқдори фоизда аниқланади. Ўлчами 2 мм дан катта ва ўртача, ёки 2 мм дан 0,05 мм гача бўлган қум зарралари — элакларда ажратилади. Зарра ёки чангсимон (0,05 мм дан 0,002 мм гача) ва гилли (0,002 мм дан қичик) фракциялар тинч ҳолатдаги сувда зарраларнинг чўкиш тезлиги бўйича ёки центрифуга ёрдамида ажратилади. Тоғ жинси у ёки бу фракцияларнинг кўплигига қараб номланади.

Таҳлил натижалари сонли жадваллар ёки чизмалар ҳолида тасвирланади. Г. тоғ жинсларини ҳосил бўлиши, уларнинг сув, нефть ва газларни ўзидан ўтказа олиши ва б. хусусиятларини ўрганади.

ГРАНУЛОЦИТЛАР (лот. granulum — донача ва юн. kytos — ҳужайра) — цитоплазмасида доначалар (гранулалар) бор оқ қон таначалари (лейкоцитлар). Умуртқали ҳайвонлар ва одам кўмигида ҳосил бўлади. Г. учун оқсилли доначалар ҳамда сегментар ядро бўлиши хос. Доначаларининг шакли ва бўялишига қараб нейтрофиллар, эозинофиллар ва базофилларга бўлинади. Баъзи лейкоцитларнинг энг содда тузилган амёба каби фаол ҳаракат қилиш хусусияти ҳам бор. Одам қонидаги лейкоцитларнинг асосий қисмини Г. ташкил этади, улар асосан ҳимоя вазифасини ўтайди. Г.нинг алоҳида турлари ўртасидаги нисбат организмнинг умумий аҳволини билдирадиган кўрсаткич ҳисобланади.

ГРАНУЛЯЦИОН ТЎҚИМА (лот. granulum — донача), грануляция — бириктирувчи тўқиманинг шикастланган жойида пайдо бўладиган, ёш, етилмаган тўқима; қон томирлар ва ёш ҳужайраларга бой бўлиб, аъзо ёки тўқиманинг нобуд бўлган қисмини эгаллаб боради (эт битиши). Кейинчалик Г. т. етида бошлайди: анча қаттиқлашиб, оқаради ва ниҳоят, тўқимага айланади. Организм заиф, қувватсиз беморлар, шунингдек, ёши ўтган кишиларда Г. т. секин ўсади, натижада беморнинг соғайиши қийин бўлади. Баъзан (мас. оқма атрофида) Г. т. ортиқча ҳосил бўлиб, қизил тўқима ҳолида терини туртиб туради; бу ҳолат яранинг тўғри битишига халал беради. Г. т.нинг тўғри ўсишида организмнинг умумий ҳолати катта аҳамиятга эга, шунинг учун вақтида овқатланиш, овқат витаминларга бой бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

ГРАНУЛЯЦИЯ (лот. granulum — донача, заррача) — 1) техникада доналорлаш — моддаларга майда бўлаклар — гранулалар (доналар) шаклини бериш. Бу усул, мас., металлургияда (шкалалар, металлар ва штейнлар Г.си), энергетика хўжалигида (қозонхона шлаклари Г.си), кимё саноатида (шиша, аммиак селитраси, суперфосфат Г.си) ва б. соҳаларда қўлланилади; 2) тиббиётда — яра-чақаларнинг битиб, янгидан эт олиши (қ. *Грануляцион тўқима*); 3) астрономияда — Қуёш бетидаги донадор ёруг тузилмалар. Ҳаво очиқ пайтларда кўринади (қ. *Қуёш*).

ГРАН-ЧАКО — Жан. Америкانинг марказидаги табиий область, 18—19° ва 20—30° ж. к.лар оралиғида, Аргентина, Парагвай, Боливия давлатлари ҳудудида. Шарқда (Ла-Плата пастте-кислигига туташ қисми) бал. 50 м дан Анд тоғлари этаклари (ғарбга) томон 500—600 м гача кўтарилади. Иқлими шим.да субэкваториал, марказида тропик, иссиқ иқлим, қиши ёғинсиз. Июлнинг ўртача т-раси 12—21°, янв.-ники 26—30° (максимал т-ра 47° — бу материклаги энг баланд т-радир). Йиллик ўртача ёғин шим.-шарқда 1200 мм, жан.-ғарбида 500 мм. Йирик дарёлари: Парана, Парагвай, Рио-Бермехо, Рио-Салado ва б. Дарёлари ёзда тўлиб оқади. Г.-Ч. чекkаларида ботқоқлик кўп. Қўнғир-қизил тупроқли ерларда сийрак ўрмонлар, бутазорлар бор. Қимматбаҳо ёғоч ва ошловчи моддалар олинадиган дарахт турн кўп. Ҳайвонот дунёси бой. Г.-Ч.нинг асосий бойлиги — нефть ва ёғоч. Аҳолиси ўрмон кесиш, овчилик б-н шуғулланади. Пахта етиштирилади.


ГРАСС (Grass) Гюнтер [1927.16.10, Польша, Данциг (Гданьск)] — немис ёзувчиси. 1956 й.да «Учар товуқларнинг афзаллиги» шеърий тўплами нашр этилган. «Тунука ноғора» (1959) романи машҳур. Унда немис халқининг яқин ва олис тарихи, инсоният олдидаги айби ва уни англаш ҳақида сўз боради. Г. бу романини «Мушук-сичқон» (1961) қиссаси, «Ит йиллари» (1963) романи б-н қўшиб, 1974 й.да «Данциг трилогияси» умумий номи остида нашр эттирган. «Наркоз б-н этни ўлдириш» (1969) романи авлодлар муносабати ҳақида. «Қалқонбалиқ» (1977) романида аёллар эмансипацияси борасидаги ўз қарашларини баён қилган. «Мода қаламуш» (1986) романида кучайиб боламуш» (1986) романида кучайиб бораётган ядро уруши хавфига муносабат билдирган. «Бепоён дала» (1995) романида Германиянинг қўшилиши мавзуси қаламга олинган. Нобель мукофоти лауреати (1999).

ГРАУВАККА (нем. grau — кулранг, Waske — гилли жинс) — кам говакли, зич донадор, таркиби ўзгарувчан чўкинди тоғ жинси. Магматик ва чўкинди тоғ жинсларининг турли минерал бўлакчаларидан иборат. Кремний ёки сланецлар б-н цементланади. Ранги одатда, тўқ кулранг, қора ёки тўқ яшил (цемент таркибидаги хлорид ҳисобига) бўлади. Г. геосинклиналь областлар учун хос, қалин қатламлар ҳосил қилган. Ўзбекистоннинг Чатқол-Қурама тоғларидаги девон ва тошкўмир (карбон) даври ётқизиқларида кенг тарқалган. Г. қурилишда, цемент тайёрлашда кенг ишлатилади.

ГРАФ (нем. Graf) — илк ўрта асрларда Ғарбий Европадаги графликларда қирол номидан ҳокимиятни бошқарган мансабдор шахс. Ўзаро ички низолар кучайган даврида Г.лар мустақил катта мулкдорларга айланган. Кейинчалик Г. — дворянлар унвони (Россияда Пётр I замонидан 1917 й.гача мавжуд бўлган).

...ГРАФ (юн. grapho — ёзаман) — қўшма сўзнинг таркибий қисми бўлиб, қуйидаги маъно ифодаларини билдиради: 1) ниманидир ёзиб олувчи, тавсифловчи, тадқиқ этувчи (инсон ҳақида: мас., биограф, географ, фотограф); 2) ниманидир тикловчи, қайд этувчи, рўйхатга олувчи (нарса ҳақида: мас., осциллограф, барограф).

ГРАФЕКОН (юн. grapho — ёзаман ва eikon — тасвир) — 2 электрон прожектор (даста)ли электровакуум хотира трубкаси. Прожекторларнинг бири (*1*) ахборотни ёзиб олишга, иккинчиси (*5*) ахборотни ўқишга (ҳисоблашга) имкон беради (қ. расм). Электрон прожекторлар диэлектрикли нишон (*3*) нинг икки қарама-қарши томонига жойлаштирилган, ёзиб олувчи прожектор эса сигнал пластинаси (*2*) томонига ўрнатилган бўлиб, унинг олдида тўр (*6*) жойлаштирилган. Сигнал кучланишини ёзиб олувчи прожекторнинг бошқарувчи электродларига берилади. Электрон нур дастаси зичлиги бўйича модуллаштирилади. Ёзиб олинадиган нурларнинг электронлари юқори мусбат потенциаллар (~10 кВ) ёрдамида тезлаштирилади, натижада улар диэлектрик қатлам (*3*) га киради ва унинг потенциалини ўзгартиради. Нур дастаси ўтиш жойида нишон сиртининг потенциали камаяди ва юқори токларда сигнал қатлами (пластина) потенциалига тенглаша боради. Сигнал қатламига эса коллекторга нисбатан бир неча ўн вольт манфий кучланиш берилади. Электрон нурнинг зичлиги сигнал қонуни асосида модуллаштирилганлиги учун нишон сиртида потенциал рельеф ҳосил бўлади. Унинг энг катта «чўнқирлиги» эса сигнал пластинкаси ва коллектор (*4*) пластинаси орасидаги потенциаллар фарқи б-н ўлчанади. Шундай юқори потенциаллар фарқи кўп (100) карралн ўқиш имконини беради.



Графеконнинг тузилиш схемаси:
1,5 — прожекторлар.

Г.ларнинг турли хиллари мавжуд. Улар тасвир-ахборотларни люминесцент экранларда кўриш имкониятини яратади. Булар электрон хотира трубкалари бўлиб, улар ўз функцияларига кўра радиолокацион осциллограф трубкалари ва кинескопларга ўхшаш бўлса ҳам, улардан анча фарқ қилади. Г.лар ахборотни узоқ муддат сақлаш имкониятига эга. Г.лар радиолокация ва телевидениеда махсус мураккаб тасвирларни узатиш ва қабул қилиб олиш учун кенг ишлатилади.

Ад.: Электронные приборы, под. ред. Г. Г. Шишкина, М., 1989.

ГРАФЕМА (юн. ...*графо* дан) — 1) ёзма нутқдаги энг кичик ёзув бирлиги; 2) сўз ёки гапдаги ўрни, услуб ва ҳ. к. кўра турли вариантларда қўлланадиган ёзув бирлиги. Мас., «т» Г.си катта ва кичик босма ҳарф («Т», «т»). катта ва кичик ёзма ҳарф («*Т*», «*т*»), курсив ва б. кўри-



нишларга эга. Г. бир товушни ҳам, икки ёнма-ён товушни ҳам ифодаси бўлиши мумкин. Мас., ё(й+о), е (й+э), ю (й+у), я (й+а) Г.лари.

ГРАФИК (лот. graphikos — чизилган) — 1) бирор катталик (мас., тезлик)нинг бошқа катталик (мас., вақт) га боғлиқлигини яққол кўрсатиш учун қўлланиладиган чизма. Мас., *барограф* ҳаво босимининг вақтга боғлиқлик графигини чизади; 2) и.ч. графиги — бирор корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришнинг чизма ёки жадвал тарзида ифодаланган режаси; 3) т.й. графиги — поездлар ҳаракатини вақт б-н боғлаб тузиладиган жадвали; 4) мат.да — функциянинг ўзгариш тарзи ҳақида яққол тасаввур берадиган эгри чизиқ |мас., $y = f(x)$|.

ГРАФИК СТАТИКА — *статика*нинг қаттиқ ва деформацияланувчи жисмлар статикаси масалаларини чизма ёрдамида ечиш б-н шуғулланадиган бўлими. Кўпчилик масалалари куч ва *арқон кўпбурчаги*ни ясаш орқали ечилади. Г. с. усулларидан динамика ва қурилиш механикаси масалаларини ечишда фойдаланилади.

ГРАФИК УСУЛЛАР, и. ч.ни бошқаришдаги график усуллар — бирон-бир ташкилий ёки бошқарув ишларини шартли тасвирлаш усуллари. Дастлаб, 20-а. бошларида АҚШ муҳандислари Ф. У. Тейлор ва Г. Л. Гантлар и. ч.ни бошқаришни ташкил этиш усулларидан бири сифатида қўллаганлар. Г. у. ёрдамида бошқариш жараёнларини моделлаш масалалари ҳал қилинади, турли омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, ҳисоб кўрсаткичлари аниқланади, хўжалик амаллари назорат қилинади, гуруҳларга ажратилади. И. ч.ни бошқаришда тасвирий-ахборот (безак-информацион) оператив, аналитик ва ҳисоб графиклари ишлатилади. Тасвирий-ахборот аниқ белгиланган, олдиндан текширилган, бошқарилувчи жараёнларнинг ҳақиқий ҳолатини акс эттирувчи маълумотлардан тузилади; оператив графиклар вазифаларни тез суръат б-н ҳал қилишда қўлланилади; аналитик графиклар мантиқий ва математик қайта ишланган маълумотлардан тузилади; ҳисоб графиклар (мас., номограммалар) ўзгарувчан кўплан-кўп қийматларга боғлиқ бўлган функцияни ҳосил қилишга имкон берадиган ахборотлар бўлади. Г. у.да схема, диаграмма, жадваллар ва б. чизма воситалардан фойдаланилади. ЭҲМ ва компьютерлар пайдо бўлгандан сунг Г. у. вазифалари шулар зиммасига юкланмоқда. Лекин Г. у. ҳали ҳам ўз нуфузини йўқотгани йўқ.



Графика. «Сўқоқ кўчалари» (1967, Қ. Башаровнинг «Сўқоқ бўйлаб» туркумидан).

ГРАФИКА (юн. graphike, grapho — ёзаман, чизаман) — *тасвирий санъат* тури. *Расм* ва расм санъатига асосланган, лекин ўз тасвир ва ифода воситаларига эга бўлган босма бадиий асарлар. «Г.» термини дастлаб хат ва харфтотлик санъати маъносида қўлланган. 19-а. охири — 20-а. бошларидан янги маъно касб этди, полиграфия саноатининг ривожи, фотомеханиканинг вужудга келиши б-н Г. тасвирий санъат турига айланади. Асосий турлари: дастгоҳли Г. (амалий аҳамиятга эга бўлмаган, мустақил расм, *эстамп*, *лубок*), *китоб*, газета-журнал Г.си (*иллюстрация*, босма маҳсулотларни безаш, уларни шакллантириш), *амалий графика* (саноат Г.си, почта маркалари, экслибрис), *плакат*. Ифода воситалари: контур чизиқ, штрих, доғ (қора, рангдор), варақ замини (кўпинча оқ қоғоз). Г.нинг услубий воситалари турли-туман: натурага қараб тез чизиладиган хомаки *чизгилар*, *этюд*, эскизлардан тортиб, то пухта ўйлаб, мулоҳаза юритиб ишланадиган композициялар (бирор ҳолат, манзара тасвирланган; безак мақсадига хизмат қиладиган; шрифт композициялари)гача. Г. асарлари, маҳсулотлари тез тайёрлаш имкони, цикл ва туркумлар яратиш мумкинлиги, ташвиқот ва тарғиботга мослиги ва б. уни тасвирий санъатнинг энг оммавий муҳим соҳасига айлантирди. Техникаси жиҳатидан Г. 2 турга ажратилади: қолда чизиладиган расм ва матбаада чоп қилинадиган. Кўп нусхада нашр этиладиган босма маҳсулотлар (*гравюра*, *литография*, монотипия ва ш. к.). *Рангтасвир* б-н Г. чегарасидаги акварель, гуашь, пастель рангтасвирга ҳам, Г.га ҳам мансуб бўлиши мумкин. Биринчисининг тарихи жуда қад. бўлиб ибтидоий одамлар тор деворларига, қоятошларга чизиб қолдирган *ибтидоий санъат* намуналаридан бошланади. Иккинчиси, асосан, полиграфия ривожи б-н боғлиқ, лекин полиграфия саноати вужудга келишидан анча олдин ҳам Хитойда 6—7-а.лар (Европада 14—15-а.лар)да гравюра ишланган. Литография эса 19-а.дагина вужудга келди.

Г. ишлатиладиган асосий соҳалардан бири китоб бўлиб, ўрта асрларда вужудга келган харфтотлик ва китоб яратиш ишининг санъатга айланиши, қўлёзма китобларни ёзиш ва безаш санъат тури сифатида ривожланиши оқибатида миниатюра санъати ривожланган, унинг турли-туман мактаблари вужудга келган. Жаҳоннинг энг йирик музейларида жозибадор безатилган қўлёзма китоб намуналари сақланади. Рассомнинг китоб яратиш жараёнидаги меҳнати, айниқса, полиграфия саноати вужудга келганидан кейин катта аҳамият касб этди, китоб мазмунини китобхон кўз ўнгида гавдалантиришда хизмат қиладиган расмларни энди фотография имкониятларидан фойдаланиб кўплаб нусхаларда нашр қилиш имкони туғилди. Шундай қилиб, китоб Г.си ва плакат кишиларга маънавий таъсир кўрсатишнинг кучли қуролига айланди. Рассом расмдан ташқари китобнинг муқоваси, сарварағини безайди, турли безак унсурларини яратади, китобнинг шрифтини белгилаб беради. Саноатнинг барча тармоқларининг ривожи маҳсулотлар рекламасидан тортиб ёрлиқ, маҳсулот жойланадиган безакли қутичалар, ўроб материаллари ва ш. к.ни яратишни тақозо этди, график рассомларнинг Г. турлари бўйича ихтисослашувларини талаб қилди.

Китоб Г.си ва у б-н боғлиқ дастгоҳли Г. жадал ривожланди. Бу соҳада йирик рассомлар ижод қилган: Германияда А. Дюрер, Л. Кранах, Г. Гольбейн Кичкина, К. Кольвиц; Италияда Ж. Пиранези; Нидерландияда Л. Лейденский; Голландияда Рембрандт; Фландрияда П. П. Рубенс; Францияда Ж. Каллo, О. Домье; Испанияда Ф. Гойя; Россияда А. Зубов, А. Венецианов, О. Кипренский, И. Шишкин, В. Серов ва б.

20-а. жаҳон Г.синнинг етук намояндалари: П. Пикассо, Ж. Эффель (Франция); Р. Гуттузо, Г.Мукчи (Италия); Ф. Мазерель (Бельгия); Х. Бидструп (Дания); Р. Кент (АҚШ); Г. ва Л. Грундинг, О. Нагель, В. Клемке (Германия); Т. Кулисевич, Ю. Мрошчик (Польша); Д. Моор, В. Дени, В. Фаворский, А. Остроумова-Лебедева, Кукриниксlар (Россия) ва б.

Ўзбекистонда Г. 20-а.да шаклланди ва ривожланди. Рассомлар И. *Икромов*, В. *Кайдалов*, Л. *Абдуллаев*, Т. *Муҳамедов*, К. *Назаров*лар китоб безаклари, Қ. *Башаров* илк китоб суратлари ва ажойиб линогравюра асарлари б-н ўзбек тасвирий санъати тараққиётига катта ҳисса қўшдилар ва ўзбек Г.си мактабининг вужудга келишига замин яратдилар.

20-а.нинг охирги чорагида ижодкорлар сафига М. Кагаров, Л. Иброҳимов, М. Содиқов, А. Мамажонов, А. Бобров, В. Апухтин, Ф. Башарова, А. Ли, Г. Ли каби рассомларнинг келиб қўшилиши Г.ни ҳам бадиий маҳорат, ҳам мавзу жиҳатдан бойишини таъминлади. Ўзбек графикачилари Г.нинг барча соҳалари (акварель, литография, ксилография ва б.)да самарали ижод қилиб, мавзу жиҳатдан ранг-баранг (тарих, замонавийлик, экология ва б.) асарлар яратмоқдалар, жаҳон ва ўзбек мумтоз адабиётига, Шарқнинг буюк арбоблари, ёзувчи ва олимлари сиймоларига мурожаат қилмоқдалар.

Турсунали Қўзиев.

ГРАФИТ (юн. grapho — ёзаман) — минерал, Ер пўстида учрайдиган соф углероднинг бир кўриниши, кимёвий б—



Графика. «Алишер Навоий» портрети (1940, В. Кайдалов асари).

формуласи — С. Гексагональ сингонияли. Кристаллари 6 бурчакли пластинка, тахтача ва тангача шаклида. Ранги қора ва тўқ кулранг, металлсимон ялтироқ, қаттиқлиги 1, қатламнинг ўзида эса юқори — 5,5 ва ундан кўп. Зичлиги 2,2 г/см³. Кенг тарқалган. Ўтга чидамли, электрни яхши ўтказади, кимёвий барқарор. Суньий равишда ҳам олинади. Асосан метаморфик жинсларда,кам ҳолларда магматик жинсларда учрайди. Ўзбекистонда (Қоратепа, Зирабулоқ, Қулжуқтов, Марказий Қизилқум) майда ва йирик конлар ҳосил қилган. РФда (Ильмень тоғи), Украина (Кривой Рог), Канада, Австралия, АҚШда конлари бор. Энг катта кони Тошқазғанда (Қулжуқтов). Г.дан тигель, қалам, электрод, бўёқлар тайёрланади. Ядро техникасида, ракета двигателлари соплоси (оғзи)ни қоплашда, юқори ҳароратга чидамли бўёқлар, электродлар тайёрлашда ишлатилади.

ГРАФИТ-ГАЗЛИ РЕАКТОР — иссиқлик нейтронлари б-н ишлайдиган ядро реактори; бунда секинлаткич сифатида графит, иссиқлик ташигич сифатида газ (CO_2, He) ишлатилади. Газни юқори т-рагача қизитиб, Г.-г. р.ли АЭС нинг ф. и. к.ни 40% ва ундан юқорироққа кўтариш мумкин (қ. *Атом реакторлари*).

ГРАФИТОПЛАСТЛАР — таркибида тўлдиргич сифатида табиий ёки сунъий графит, ёхуд карбонатлашган маҳсулотлар (кокслар, термоантрацит ва б.) бўлган пластмассалар. Г. прессланган кукун, донадор ва қуйма компаундлар кўринишида олинади. Буюмлар прессланган кукунлардан иссиқлайин прессlаб тайёрланади. Термореактив материаллар (богловчи модда — синтетик смолалар) кимё аппаратлари, электр иситкич элементлари и. ч.да қўлланилади. Графитли термопластлар (полиамидлар, фторопласт-4) машиналарнинг ишқаланувчи деталлари (мас., подшипникларнинг вкладишлари) учун хом ашё сифатида ишлатилади. Булардан ташқари Г.дан турли хил фильтрлар, қуйиш қолиплари, шестернялар, поршень ҳалқалари ва б. тайёрланади.

ГРАФИТ-СУВЛИ РЕАКТОР — иссиқлик нейтронлари б-н ишлайдиган ядро реактори; бунда секинлаткич сифатида графит блоклари, иссиқлик ташигич сифатида сув ишлатилади. Қуввати бир неча ГВт (қ. *Атом реакторлари*).

...ГРАФИЯ (юн. grapho — ёзаман) — қўшма сўз таркибий қисми бўлиб, қўйидаги маъно ифодасини беради: тавсифлаш, ёзиб олиш, чизма, тасвир ва ҳ. к.; терминлар — фан номи, таркибий қисми, акс эттириш, ниманидир намоён этиш усули номи, шунингдек, шундай усуллан фойдаланиладиган корхона номи таркибий қисми (мас., харитаграфия, монография ва б.) сифатида қўлланилади.

ГРАФЛИК — 1) Буюк Британия, АҚШ, Ирландиядаги йирик маъмурий-ҳудудий бирлик; 2) ўрта асрларда *граф* бошқарган меросий феодал мулк.

ГРАФО ... (юн. grapho — ёзаман) — қўшма сўзнинг таркибий қисми бўлиб хатга, дастхатга, тасвирлашга оидлик маънолари ифодасини англатади.

ГРАФФИТЛАР (итал. graffito — тирналган) — иморатларнинг деворлари ва идишлар сиртига тирнаш йўли б-н чизилган қад. ёзувлар, нақш ва суратлар. Г. қад. одамларнинг касби, қизиқишлари, санъати, турмуши хусусиятлари тўғрисида муҳим маълумотларни сақлаб қолган. Г. қад. қабилаларнинг жонли тилини билишга имкон беради. У *палеография* фанини янги маълумотлар б-н бойитишда муҳим аҳамиятга эга. Ўрта Осиёнинг қадимда аҳоли яшаган манзилгоҳларидан топилган Г. ҳам аждодларимизнинг кўҳна маданияти ва ёзув намуналарини ўрганишда манба бўлиб хизмат қилмоқда.

ГРАЦ — Австриянинг жан.-шарқидаги шаҳар. Мур дарёсининг иккала соҳилида жойлашган. Штирия ерининг маъмурий маркази. Аҳолиси 240,9 минг киши (2000). Муҳим транспорт йўллари тугуни. Катталиги ва иқтисодий мавқеи жиҳатидан мамлакатда Венадан кейин 2-ўринда. Саноатининг етакчи тармоқлари: транспорт ва қ. х. машинасозлиги, кончилик, металлургия ва энергетика саноатлари учун ускуналар, аниқ механика ва оптика жиҳозлари и. ч. ва б. Кимё, ойна, кўнчилик, тўқимачилик, полиграфия, озиқ-овқат саноатлари ҳам ривожланган. Ун-т (1586 й.дан), консерватория, музей, опера театри, собор (16-а.) епископ саройи (13-а.) ва б. бор.

ГРАЦИАН Флавий (Flavius Greatianus) (359.18.4, Сирмий — 383.25.8, Лугдунум) — Рим императори (367—383). 367 й.дан отаси *Валентиниан I* (364—375) б-н биргаликда Рим империясининг ғарбий қисмини бошқарган. Христиан динининг тарафдори бўлгани учун мажусий коҳинларни даромад ва имтиёзлардан маҳрум қилган. 382 й. сенатдан мажусийлик рамзи — Зафар меҳробини олиб ташлаш ҳақида фармон берган. 378-й.дан *алеманнлар* ва *готлар*га қарши уруш олиб борган.

ГРЕГАРИНАЛАР (Gregarinina) — *споралилар* типининг синфи. 500 га яқин


тури бор. Турли умуртқасиз ҳайвонларда, асосан бўғимоёқлиларда паразитлик қилади. Уз. 10—15 мкм дан 16 мм гача. Танаси чўзиқ, чувалчангсимон; баъзан думалоқ (тана бўшлиғида паразитлик қиладиган Г.). Кўпчилик Г. танасининг олдинги қисми ичак деворига ёпишадиган органоид-эпимерит ҳосил қилади. Танаси пелликула қобиқ б-н қопланган, кўпинча кўндаланг тўсиқ б-н 2 қисмга: олдинги протомерит ва кейинги дейтомеритга бўлинган. Г. ичак девори ёки тана бўшлиғида, баъзан жинсий безларда паразитлик қилади. Асосан жинсий йўл б-н кўпаяди. Кўпчилик Г.да бошқа споралилар учун хос бўлган шизогония (жинссиз кўп марта бўлиниш орқали кўпайиш) кузатилмайди.



Грегарина.

ГРЕЙДЕР (инг. grader, grade — текислаш) — йўл очиш, ариқ ва зовурлар қазиш, ер текислашда ишлатиладиган машина. Тиркама ёки ўзиюрар (автогрейдер), оғир, ўртача ва енгил хиллари бор. Асосий иш органи — тишли ағдарма. Тупроқни қазиб четга тўкадиган ёки бир йўла юк ташиш воситаларига ортадиган мосламалар б-н жиҳозланган Г.лар Г. -элеваторлар деб аталади. Г.лар қурилиш, қ. х. ва б.да ишлатилади.

ГРЕЙДЕР-ЭЛЕВАТОР — узлуксиз ишлайдиган ер қазиш машинаси; диск, пичоқ ёки бошқача кесувчи орган ва элеватор (транспортер)лар б-н жиҳозланган. Грунтни қазиб тупроқни четга чиқаради ёки транспорт воситаларига ортади. Ярим тиркама, тиркама ва ўзиюрар хиллари бор. Йўл қуришда, чуқур ва каналлар қазишда ишлатилади.



Ярим тиркама грейдер-элеватор: *1* — пичоқ; *2* — конвейер; *3* — двигатель.

ГРЕЙЗЕН (нем. Greisen парчаланиш) метасоматик йўл б-н келиб чиққан тоғ жинси. Асосан кварц ва тиниқ слюдалар — лепидолит ва мусковитлан иборат. Кўпинча саноатда ажратиб олиш мақбул бўлган даражада ора-сира қимматли рула минераллари (касситерит, вольфрамит, танталит ва б.) аралашган бўлади; бундай ҳолларда уларга руда жинслари деб қаралади. Қатламлари, одатда, гранит массивларида, аксари уларнинг чеккаларида жойлашган бўлади. Г. грейзенизация, яъни гранит жинсларининг магмадан ажралиб чиққан газ ва суюқ қоришмалар таъсирида ўзгаришидан вужудга келади. Натижада дастлабки жинслар Г.га айланади. Ўзбекистоннинг Зирабулоқ-Зиёвуддин ва Чатқол-Қурама тоғларида учрайди. Г. нодир металлар ва қимматбаҳо тошлар (топаз, берилл ва б.) қазилмаларини излаб топишда етакчи белги ҳисобланади.

ГРЕЙПФРУТ (Gitrus paradisi Macf.) — рутадошлар оиласига мансуб доимий яшил субтропик ўсимлик; мева тури. Ватани — Ҳиндистон. Ёввойи ҳолда учрамайди. АҚШ, Япония, Ҳиндистон, Грузияда, Кавказнинг Қора денгиз бўйларида етиштирилади. Дарахти баланд (15 м), новдалари тиканли, барги йирик, тухумсимон, ялтироқ. Иссиқсевар ва намсевар. Гули оқ, меваси йирик (250—600 г), диаметри 15 см гача



Грейпфрут: *1* — гули; *2* — меваси.

боради, якка ҳолда ёки 2—15 донаси бир шингилда етилади, яссироқ, баъзан думалоқ, туси кўкимтир-сарғиш, эти ширали. Пўсти қалин (1 см атрофида), мазаси нордон-чучук. Нояб.—дек. ойларида пишади. Меваси таркибида 88—90% сув, 3,8—6,7% қанд, 1,4—2,4% органик кислоталар, пўстида 9,2—19% пектин моддалари; 100 г шарбатида 45 мг гача С витамини бор. Янгилигида ейилади, шарбат олинади, компот, мураббо тайёрланади. Ҳосилдорлиги 150 ц/га. Марш сидлис, Дункан, Фостер, Шеддок, Гульрипшский, гибрид № 1537 ва б. навлари маълум. Аксарият *трифолиат*га пайванд қилиш б-н кўпайтирилади. Г. агротехникаси апельсин, лимон ва б. цитрус ўсимликларникига ўхшаш. Ўзбекистонда Г. иссиқхоналарда ва тувакларда ўстирилади (қ. *Цитрус меваларн*).

ГРЕЙФЕР (нем. Greifer, grefin — қамрамоқ) — бир рельсли осма аравача ва кўтариш кранларининг юкни қамраб олувчи мосламаси. Икки ва кўп чангалли хиллари бор. Маълум бурчаккача очилиб-ёпиладиган икки чангалли Г. кўп қўлланилади. Г. 0,5 дан 15 м³ гача материал сигадиган қилиб ишлаб чиқарилади.

ГРЕК ЁЗУВИ — қ. *Юнон ёзуви.*

ГРЕК ТИЛИ — ҳинд-европа тиллари оиласининг грек гуруҳига мансуб. Жан. Балқон я. о. ва унга чегарадош Иония ва Эгей денгизи бўйларида ҳамда Жан. Албания, Миср, Жан. Италия ҳудудларида тарқалган. Бу тилда Грецияда 9,3 млн., Кипрда 530 мингдан зиёд киши сўзлашади (1990-й.лар ўрталари). Греция ва Кипрнинг (турк тили б-н бир қаторда) расмий тили. Г. т. Қад. Македон тили б-н қариндошдир. У тарихан 3 даврга бўлинади: қад. (*юнон тили*), ўрта (5—7-а.лар), янги (15-а.дан бошлаб) Г. т. Бу тилда турли шевалар мавжуд. Мазкур тил бой адабиётга эга. Қад. грек (юнон) тилида ёзилган тарихий ва маданий ёдгорликлар сақланиб қолган.

Г. т.да 5 унли фонема, юқори ва қуйи тишлар оралигида талаффуз қилинувчи ундошлар мавжуд. Морфологиясида мураккаб феъл замонлари ва бунинг аналитик шакллари бор. Гап тузилишига кўра сўзлар эркин тартибга эга. Г. т. луғат таркибида роман, славян ва туркий тиллардан ўзлашган сўзлар кўп. Ёзуви юнон алифбоси асосида.

ГРЕК-БАҚТРИЯ ПОДШОЛИГИ — қ. *Юнон-Бақтрия подшолиги.*

ГРЕКЛАР (ўзларини эллинес деб атайдилар) — халқ, Греция ва Кипрнинг асосий аҳолиси. Умумий сони 12,5 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Жумладан Грецияда 9,7 млн. киши, Кипрда 570 минг киши, АҚШда 550 минг киши, Германияда 300 минг киши, Канадада 150 минг киши, РФда 92 минг киши ва б. Грек (янги грек) тилида сўзлашади. Диндорлари — асосан православлар. Европеоид ирқига мансуб.

Г. кўп асрлик тарихга эга халқ (қ. *Юнонистон*). Қад. грек элати мил. ав. 2-минг йилликнинг бошларида Болқон я. о.га қад. грек қабилалари — *ахейлар* ва ионийлар, мил. ав. 12-а.да эса — *дорийлар* кўчиб келиб, маҳаллий туб аҳоли (пеласглар ва б.) б-н қўшилиб кетиши натижасида шакллана бошлаган. Грек колонизацияси даврида (мил. ав. 8—6-а.лар) улар ўзларини «эллинлар» деб атай бошлаганлар. Ўрта асрларда эллинлар негизида ва валахлар, славянлар (6—7-а.лар), албанлар (13—15-а.лар) иштирокида янги грек халқи



Греклар. Анъанавий аёллар костюми.

шаклланди. Г. деҳқончиликда асосан узум, тамаки, зайтун, цитрус мевалари, ғаллачилик, тоғлик туманларда чорвачилик, денгиз бўйларида балиқчилик б-н шуғулланадилар. Кустар ҳунармандчилик (гилам тўқиш, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик) ривожланган. Г.нинг катта қисми саноат, савдо ва транспортда банд. Г.нинг тарихи, иқтисоди ва маданияти ҳақида *Греция* мақоласига қаранг.

ГРЕКОВ Алексей Дмитриевич (1873—1957) — микробиолог ва эпидемиолог. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1940). Тиббиёт фанлари д-ри (1935), проф. (1946). Ўрта Осиёда биринчи ўлка бактериология лаб.сини ташкил этган (1918). Лаб. ўлка бактериология ин-тига айлантирилгач (1921), Эпидемиология ва микробиология ин-ти директори (1921—31), 1938 й.дан умрининг охиригача Тошкент Врачлар малакасини ошириш ин-ти микробиология кафедрасининг мудири. Г. Эрон (1912) ва Ўрта Осиёда (1924—28) ўлат (тоун) эпидемиясини тугатишда, чет элдан ўлат ўтишининг олдини олиш тадбирларини кўришда фаол қатнашган. Г. ич терлама ва вабога қарши вакцина, чечак детрити и. ч. ташкилотчиларидан.

ГРЕК-ТУРК УРУШИ (1919—22) — Грециянинг Туркияга қилган уруши. *Антанта* давлатлари Грецияни қўллаб-қувватлаган. Г.-Т. у. турк халқининг чет эл босқинчиларига қарши миллий озодлик ҳаракатига айланиб кетган. Грек қўшинларининг сон жиҳатдан устунлиги, техник жиҳатдан мукаммал қуролланганлигига қарамай, турк қўшинлари уларни бир неча марта (1921 й. 10 янв. ва 31 мартда Инёнюда, 1921 й. 23 авг. — 13 сент.да Сакарьяда, 1922 й. 30 авг.да Думлупинарда) маглубиятга учратган ва 1922 й. 18 сент.га келиб Анадолу ҳудудини озод қилишган.

ГРЕК-ФОРС УРУШЛАРИ — қ. *Юнон-форс урушлари.*

ГРЕЛКА (рус. — иситкич) — баданнинг маълум жойини иситиш учун мўлжалланган мослама. Баданнинг Г. қўйиб иситиладиган қисмида қон кўп тўпланиб, оғриқ йўқолади. Резина халтача шаклидаги Г. ва электр токи б-н исийдиган Г. мавжуд. Махсус Г. бўлмаса, оғзи тиқин б-н маҳкам ёпиладиган шиша ишлатиш ҳам мумкин. Ичига иссиқ қум ёки қипиқ солинган (қуруқ иссиқ) халтадан фойдаланса ҳам бўлади. Резина Г.га ҳажмининг ⅔ қисмигача сув қуйилади ва қолган қисмидаги ҳаво эҳтиётлик б-н чиқариб юборилади, оғзидаги тиқини яхшилаб бураб қўйилади. Г. жуда иссиқ бўлса, олдин адёл устидан, бир оз совигач, чойшаб устидан, охирида баданга қўйилади. Киши совқотганда Г. биринчи тиббий ёрдам сифатида қўлланади (қ. *Совуқ олиши*). Беморни парвариш қилиш, оғриқни қолдириш мақсадида Г. қўйилганда, албатта, врач б-н маслаҳатлашиш лозим.

ГРЕНАДА (Grenada) — Кариб денгизидаги Гренада о. ва Гренадина о.лари жан. қисмидаги давлат. Майд. 344,5 км². Аҳолиси 98,9 минг киши (1999). Пойтахти — Сент-Жоржес ш. Маъмурий жиҳатдан 7 туманга бўлинган.

Давлат тузуми. Г. — Буюк Британия бошчилигидаги *Ҳамдўстлик* таркибида мустақил давлат. 1974 й. Конституциясига мувофиқ давлат бошлиги Буюк Британия қироличаси. Қиролича номидан генерал-губернатор иш кўради. Қонун чиқарувчи орган икки палатали (сенат ва вакиллар палатаси) парламентдир. Ижроия ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади. Парламент сайловида кўпчилик овоз олган партиянинг раҳбари бош вазир этиб тайинланади.

Табиати. Г. ороллари вулканлардан ҳосил бўлган. Ҳозир ҳам бу ерда бир неча вулкан чўққилари бор (энг баланд нуқтаси 840 м). Иқлими — субэкваториал, денгиз иқлими. Ўртача йиллик т-ра 26° атрофида, йиллик ёғин 1500 мм дан ошади. Сернам тропик ўрмонлари доимо яшил.

Аҳолисининг 50% дан кўпроғи негрлар, 40% дурагайлар; индейслар ва европаликлар ҳам яшайди. Расмий тили — инглиз тили. Диндорлар — асосан христиан. Шаҳар аҳолиси — 32%.

Тарихи. Оролни 1498 й. Х. Колумб кашф этган. 1650 й.дан Франция эгаллаган. 1783 й. Версаль сулҳ шартномасига биноан Буюк Британия мустамлакаси. 1967 й.да Буюк Британия уни «Буюк Британия б-н бирлашган давлат» деб эълон қилди. 1974 й. фев.да



Гренада герби.



Гренада байроғи.

мустақилликка эришди. Шу йилдан Г. — БМТ аъзоси. Миллий байрамлари — 7 фев. — Мустақиллик куни (1974), 13 март — Инқилоб куни (1979).


Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Миллий партия, 1989 й.да тузилган; Миллий демократик конгресс партияси, 1987 й.да асос солинган; Янги миллий партия, 1984 й.да тузилган; Г. бирлашган лейбористлар партияси, 1950 й.да асос солинган; Морис Бишоп номидаги ватанпарварлик ҳаракати партияси, 1984 й.да тузилган. Г. касаба уюшмалари кенгаши 1955 й.да тузилган.

Хўжалиги. Иқтисодиётининг асосини қ. х. ташкил этади. Унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 15,5%, саноатнинг улуши — 6%. Асосан банан, какао, кокос ёнғоғи, мускат ёнғоғи (жаҳонда 2-ўрин), пахта, цитрус мевалар, шакарқамиш етиштирилади.

Чорвачилигида қорамол, чўчқа боқилади; балиқ овлаш, ўрмончилик ҳам ривожланган.

Саноатида қ. х. маҳсулотларини қайта ишлаб, ёг, ром, пиво, алкоголсиз ичимликлар, шунингдек, мебель, ки-





Сент-Жоржес ш.

йим-кечак ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар бор. Йилига ўртача 51 млн. кВт-соат электр энергия ишлаб чиқарилади. Хорижий сайёҳлик мамлакат иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эга. Т. й. йўқ. Автомобиль йўллари узунлиги — минг км. Асосий денгиз порти ва халқаро аэропорти — Сент-Жоржес ш. Четга мускат ёнғоғи, банан, какао чиқаради; четдан озиқ-овқат ва саноат моллари, транспорт воситалари, ёқилғи, машина, асбоб-ускуна, маъданли ўғит, кийим-кечак ва б. келтирилади. Савдо-сотиқдаги асосий мижозлари: АҚШ, Канада, Буюк Британия, Пул бирлиги — Шарқий Кариб доллари.


Маорифи. Г. маорифи инглизча тизим таъсирида таркиб топган. 6—14 ёшли болалар учун мажбурий бепул таълим жорий этилган. Хусусий мактаблар ҳам бор. Бошланғич мактабда ҳам, ўрта мактабда ҳам ўқиш муддати — 7 й. Ҳунар-техника ва пед. билим юртлари бор. Г.да Вест-Индия ун-тининг 1 та ф-ти жойлашган.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Г.да инглиз тилида «Гавернмент газетт» («Ҳукумат газетаси»), «Гренада гардиан» («Гренада посбони»), «Гренадиан войс» («Гренада овози») ҳафталик газ.лари чиқади. «Гренада бродкастинг нетуорк» радиоэшиттириш хизмати 1972 й.да тузилган, «Гренада бродкастинг корпорейшн телевижи» телекўрсатув хизмати мавжуд.

ГРЕНАДЁРЛАР (франц. granidiers, grenade — граната) — Европа армияларида 17—20-а.ларда пиёда қўшин тури; қўл гранаталарини отиш учун саралаб олинган аскар гуруҳи. 18-а. охиридан сараланган пиёда қисм ва қўшинлар. Отлиқ Г. ҳам бўлган. Европа армияларида 17-а.нинг ўрталарида пайдо бўлган. 1667—70 й.ларда Францияда Г. пиёда жангчиларнинг махсус қисми ташкил қилинган. Россияда Г. роталари биринчи марта 1694 й.да ташкил топди. 1708 й.да Г. роталари 5 та гренадёр полкига айлантирилган. 1811 й.да Г. дивизиялари, 1814 й. да эса Г. корпуслари ташкил қилинди.

ГРЕНАЖ (франц. graine — айнан уруғ, дон, grainage — ипак қурти тухумини тайёрлаш) — ипак қурти капалагидан қурт тухуми олиш. Ўзбекистонда саноатбоп тут ипак қурти тухуми махсус тухумчилик з-дларида (уларнинг сони 14 та) ва наслчилик мақсадлари учун 3 та пилла наслчилик ст-ялари (Андижон, Фарғона, Самарқанд)да етиштирилади (қ. *Ипак қурти тухуми инкубацияси*).

ГРЕНЛАНДИЯ — Шим. Муз океани ва Атлантика океани оралиғидаги орол, Шим. Американинг шим.-шарқида. Г.— дунёдаги энг катта орол. Майд. 2166,1 минг км². Данияга қарашли. Аҳолиси 56 минг киши (1998), шу жумладан 44,4 минг киши гренландиялик инуитлар (90% аҳоли жан.-ғарбий соҳилда яшайди). Маъмурий маркази — Готхоб (Нук) ш.



Г. асосан Канада қалқонида жойлашган бўлиб, гнейс, кварцит, мармар ва гранитдан тузилган, усти вулканоген чўкинди жинслар б-н қопланган. Графит, мармар, мис, темир рудаси, олтин, кумуш, кўмир, қўрғошин, рух ва уран конлари топилган. Г.да муз қопламининг умумий ҳажми 2,6 млн. км³. Музлик тагининг рельефи Г. чеккасидан ўртасига томон пасая боради. Муз қопламининг ўртача қалинлиги 2300 м, энг қалин жойи 3400 м. Музнинг устки қатлами силжиб синади ва кўплаб (йилига 13—15 минг) айсберг океанга тарқалади. Соҳилдаги муздан холи ерларнинг эни баъзи жойларда 200—250 км га етади. Шарқий соҳилда музликлар б-н қопланган тоғ тизмалари бор. Г. ва бутун Арктиканинг энг баланд нуқтаси — Гунбьёрн чўққиси (3700 м) шу ерда. Соҳилда субарктика, арктика ва денгиз иқлими. Орол устидан тез-тез циклон шамоллари ўтиб туради. Янв.нинг ўртача т-раси жанубда —7°, шим.да —36°, июлники жан.да 10°, шим.да 3°. Ўсимликлар Г.да муздан холи бўлган жойларда учрайди. Тахм. 450 га яқин ўсимлик тури бор. Энг жан.да қайин, четан, ольха, тол, шунингдек, ҳар хил ўтлар, 80° ш.к.гача бўлган соҳилда тундра ўсимликлари, шим.да мох ва лишайник ўсади. Ҳайвонлардан соҳилда шимол бугуси, мушкли қўчқорбуқа, оқ айиқ, қутб тулкиси, қутб бўриси, лемминг, қирғоқ яқинидаги сувларда кит, тюлень, морж ва б. яшайди. 170 тур парранда бор. Иқтисодий ҳаёти оролнинг муздан холи бўлган 15% соҳил бўйи қисмида (342 минг км²) олиб борилади. Меҳнатга яроқли аҳолининг 25% балиқ овлаш б-н шуғулланади. Бир йилда 290 минг т атрофида балиқ, тюлень ва б. денгиз ҳайвонлари овланади. Қ. х.да қўйчилик (22 минг бош) ва буғучилик (6 минг бош) ривожланган. Экспортининг 83% ини балиқ маҳсулотлари, импортни озиқ-овқат маҳсулотлари, кенг истеъмол товарлари, машина ва асбоб ускуналар ташкил этади. Ташқи алоқаларни Дания, Япония, Франция, Буюк Британия ва Швеция б-н олиб боради.

Оролни дастлаб исландиялик денгизчи Гунбьёрн 875 й.да топган. 982 й.да исландиялик (асли норвегиялик) Эйрик Рауда тадқиқ қилган ва уни Г. («Яшил ўлка») деб атаган. Орол 1262 й.дан 18-а. бошигача Норвегияга қарашли бўлган, 1721—1953 й.ларда Дания мустамлакаси. 1953 й.да Г. Дания ҳудудининг бир қисми деб эълон қилинди. 1979 й. май ойидан бошлаб ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқига эга бўлди.

ГРЕНЛАНДИЯ ДЕНГИЗИ — Шим. Муз океанининг чекка денгизи. Гренландия, Шпицберген, Медвежий, Исландия, Ян-Майен о.лари оралиғида. Майд. 1195 минг км². Ўртача чуқ. 1444 м, энг чуқур жойи 5527 м. Ўртача сув ҳажми 1740 км³. Г. д.нинг иқлими совуқ, арктика иқлими. Денгизнинг ғарбидан Шарқий Гренландия совуқ оқими, шарқидан эса Гольфстримнинг тармоғи — Шпицберген илиқ оқими ўтади. Сувнинг ўртача т-раси шимолий қисмида фев.да —1° дан паст, жан. ва жан.-шарқида 1—2°, авг.да шим.-ғарбида 0 дан паст, жан.-шарқида 6° гача. Ўртача шўрлиги 33—35‰. Ҳар 12 соатда сув сатҳи 4,4 м гача кўтарилиб-пасайиб туради. Сувининг ранги кўпинча яшил. Г.д. да кит ва гренландия тюлени ҳамда балиқ овланади. Портлари: Баренцбург (Шпицберген о.да), Акюрейри (Исландия о.да).

ГРЕНЛАНДИЯ КИТИ, қутб кити (Balaena musticetus) — сут эмизувчилар синфининг тишсиз китлар кенжа туркумига мансуб ҳайвон. Уз. 21 м гача, боши жуда катта, оғиз бўшлиғида танглайдан ўсиб чиққан 3—4 м келадиган 300—400 тача шохсимон пластинкалар — кит «мўйлов»лари бор. Орқа сузгичи бўлмайди. Усти ва биқинлари кулранг ёки қора, томоғи ва баъзан қорни оқиш. Майда умуртқасиз ҳайвонлар б-н озиқланади. Г. к., асосан, Атлантика океани ва Тинч океаннинг шим. р-нларида тарқалган, ҳозир



Гренландия соҳилида қўйчилик.

Гренландия кити.



Чуқот ва Беринг денгизларида камдан-кам учрайди. Кузда урчиб, баҳорда (икки йилда бир марта) уз. 5 м гача бўлган 1 та бола туғади. 1946 й.дан буён овлаш ман этилган.

ГРЕНЛАНДИЯ ТЮЛЕНИ (Pagophilus groenlandica) — тюленлар оиласига мансуб сут эмизувчи ҳайвон, уруғнинг ягона тури. Танасининг уз. 2 м гача, оғирлиги 150—160 кг. Туғилган боласи оқ ёки саргиш оқ., уз. 80 см га яқин. Вояга етган эркакларининг иккита қора, уруғочиларининг қўнғир қанотсимон доғлари бор. Боши қора. Атлан-



Гренландия тюлени.

тика океанининг шим. қисми ва Шим. муз океанида, жумладан Оқ, Баренц денгизлари ва Карс денгизининг ғарбий қисмида тарқалган. Кўпайиш ва туллаш даврида учта популяция (оқ денгиз, ньюфаундленд, янмайен-норвегия) ҳосил қилади. Доимо мавсумий миграция қилади. Балиқ ва умуртқасизлар б-н озиқланади. Катта муз бўлаклари устида кўпаяди. Ҳомиладорлик даври 11—11,5 ой, 40 йилга яқин умр кўради. 1—2 бола туғади. Мўйнаси ва ёғи учун кўп овланиши туфайли сони 7—10 млн.дан (1950 й.) 1,75—2,5 млн. гача (1960 й.) камайиб кетганлиги учун овлаш қатъий ман қилинган.

ГРЕНОБЛЬ — Франциянинг жан.-шарқидаги шаҳар. Изер департаментининг маъмурий маркази. Шим. Альп тоғларида, Изер ва Драк дарёлари қўшилган жойда. Аҳолиси 156 минг кишидан зиёд (1999). Транспорт йўллари тугуни. Машинасозлик, цемент, қоғоз, озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналари бор. Шаҳар яқинида йирик ГЭС қурилган. Г. да ун-т (1339), ядро физикаси тадқиқот ин-ти, бадиий музей бор. Г. альпинизм ва спортнинг қишки турлари бўйича мусобақалар ўтказиб турилади-ган марказ. 1968 й.да қишки Олимпиада спорт ўйинлари ўтказилган. 11—17-а.ларга оид меъморий ёдгорликлари сақланган.

ГРЕЦИЯ (қад. Греция) — қ. *Юнонистон*.

ГРЕЦИЯ, Греция Республикаси (Helliniki Dimokratia) — Жан.-Шарқий Европада, Болқон я. о.нинг жан.да ва унинг атрофидаги ороллардa (йириклари — Крит, Эвбея, Родос, Лесбос) жойлашган давлат. Майд. 131,9 минг км². Аҳолиси 10,6 млн. киши (2000). Пойтахти — Афина ш. Маъмурий жиҳатдан 52 ном (вилоят)га, номлар епархияларга бўлинади. 10 тарихий-географик вилоятга бўлиш ҳам мавжуд.



Греция герби.

Давлат тузуми. Г. — парламентли республика. Давлат бошлиғи — президент. Амалдаги Конституцияси 1975 й.да қабул қилинган. Унга 1986 й. 7 мартда киритилган тузатишларга биноан президент парламентда очиқ овоз бериш йўли б-н 5 й. муддатга сайланади. У яна бир марта шу лавозимга қайта сайланиши мумкин. Президент 10 кундан ортиқ чет элда бўлганида, вафот этганида, истеъфога чиққанида ёки ишга лаёқатсиз бўлиб қолганида унинг вазифасини Депутатлар палатасининг раиси бажариб туради. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Депутатлар палатаси (бир палатали парламент) ва республика президенти амалга оширади. Парламент умумий тўғри ва яширин овоз бериш асосида 4 й. муддатга сайланади. Ижроия ҳокимиятни президент ва бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади. Президент бош вазирни ва унинг тавсиясига кўра ҳукуматнинг бошқа аъзоларини тайинлайди. Бош вазир лавозимига парламентда кўпчилик ўринга эга бўлган партиянинг раҳбари тайинланади.

Табиати. Г. қуруқ субтропик минтақада жойлашган. Мамлакат ҳудудининг 80% тоғлик. Ўртача бал. 1000—1800 м ли тоғлар кўп, энг баланд чўққиси — Олимп тоғи (2911 м). Тоғлар эрозия таъсирида парчаланиб кетган ва карст авж олган. Пелопоннес я. о.нинг шарқида ва Киклада о.ларида тез-тез зилзила бўлиб туради.

Қазилма бойликлар, асосан, Г. шарқидан топилган: темир, марганец, хром, никель, қўрғошин, рух, боксит, мармар, қум қайроқ, қўнғир кўмир ва б. Нефть қазиб олинади.

Иқлими Ўрта денгизга хос субтропик, қиши сернам ва юмшоқ; ёзи иссиқ ва қуруқ. Афинада янв. т-раси 4—12°, июлники 25—27°. Ёғин шим.-ғарбдан жан.-шарққа камайиб боради. Ўртача йиллик ёғин тоғларда 1500 мм гача, текисликларда 400—700 мм (80%и қишда ёғади). Мамлакат шим.да иқлим совуқ, қишда т-ра 0° дан паст бўлади. Дарёлари — Вардар, Марица, Струмон, Нестос (Места) ва б. Тог дарёлари кўп, улар ёмғир ва қордан сув олади, ёзда суви камайиб қолади. Карст кўллари ва минерал булоқлар кўп. Кўллари — Преспа, Трихонис. Денгиз соҳилларидаги ва паст тоғлик жойлардаги бутазор ва қуруқ ўрмонлар тагида жигарранг ва қўнғир-жигарранг тупроқлар; баландроқда қўнғир ўрмон-тог тупроқлари учрайди. Кўп жойларда тупроқ қатлами сув ва шамол эрозиясига учрайди. Г.нинг 44% майдони ўрмон ва бутазорлар б-н банд. Дуб, қорақайин, каштан, шумтол, оқ қарағай, заранг, енгоқ ва б. ўсади. Тоғларда бури, айиқ ва еввоин урмон мушуги яшайди. Чиябури, илон, калтакесак ва тошбақа кўп. Миллий боғлари — Викос-Аоос, Микра-Пресна, Эта ва б.



Аҳолисининг 95%и греклар. Мамлакатнинг марказий вилоятларида албанлар ва аромунлар, шарқида турклар яшайди. Яҳудий, лули ва болгарлар Г.нинг ҳамма жойида бор. Расмий тил — грек тили. Аҳолининг аксарияти православлар; 5%и бошқа динларда. Аҳолининг 59%и шаҳарларда, 11 %и шаҳарчаларда, 30%и қишлоқ жойларда яшайди. Унинг ўртача зичлиги — 1 км² га 75 киши тўғри келади. 5 млн.га яқин грек мамлакат ташқарисида, асосан АҚШда (2 млн. киши), Канада, Австралия, ГФРда истиқомат қилади. Йирик шаҳарлари — Афина, Салоники, Патри.

Тарихи. Ҳоз. Г. ҳудудида қадим замонларда антик цивилизация мавжуд бўлган (қ. *Юнонистон*). Мил. 4-а.да Г. *Византия* таркибига кирган. 14—15-а.ларда *Усмонли турк империяси* томонидан истило этилган. Грек халқи хорижий босқинчиларга қарши бир неча бор қўзғолон кўтарди (1571, 1611 й.ларда). *Буюк француз инқилоби*дан таъсирланган инқилобчи-демократ Ригас Велестинлис Г. ва б. Болқон давлатлари учун конституция ёзди. 1814 й. Одессада «Филики Этерия» («Аҳил жамият») номли махфий инқилобий ташкилот тузилди. Бу ташкилотга 1820 й.да рус армияси генерали, грек аристократ оиласидан чиққан А. Ипсиланти раҳбар бўлди. «Филики Этерия» озодлик ҳаракати байрогини кўтарди ва 1821 й. 25 мартда Г. мустақилликка эришди. 1822 й. янв.да Эпидаврда чақирилган Миллий мажлис Г.нинг биринчи конституциясини қабул қилди ва Г.ни мустақил деб эълон қилди. 1827 й. апр.да грек сиёсий арбоби И. Каподистрия президент қилиб сайланди. Россия-Туркия уруши (1828—29) дан сўнг 3 давлат (Англия, Франция, Россия) Лондон конференцияси қарорларига мувофиқ, 1830 й.нинг 3 фев.дан бошлаб Г. мустақиллиги тан олинди. 1910 й.да Крит о. Г. б-н қайта қўшилди. 1910—15 й.лар мобайнида Либераллар партияси ташкилотчиси Э. Венизелос Г. Бош вазири лавозимида ишлади. У бир қатор ислоҳотлар ўтказди. Г. 1912 й.ги Болқон иттифоқини тузишда, Болқон урушлари (1912—13)да қатнашди.

1-жаҳон урушининг дастлабки йилларида Г. бетарафлик сиёсатини тутди. 1915 й.нинг нояб. ойидан эътиборан иттифоқчи давлатлар Г.ни иқтисодий жиҳатдан яккалаб қўя бошладилар. Натижада у ҳам Антанта давлатлари томонида урушда қатнашди. Уруш Г. иқтисодиётига катта зарар етказди. Туркия б-н Г. ўртасида тузилган Севр сулҳ шартномаси (1920)га мувофиқ, Измир, Шарқий Фракия ҳамда Имроз, Тенедос ва б. ороллар Г.га берилиши керак эди. Лекин Туркияга қарши Англия ва Франция томонидан уюштирилган ҳарбий фитна (1919—22)да Г.нинг мағлубиятга учраши уни Шарқий Фракия, Измир ва б. ҳудудлардан маҳрум қилди.

1924 й. 25 мартда Г. республика деб эълон қилинди. 1929—33 й.лардаги жаҳон иқтисодий инқирози даврида мамлакатда ишчилар ва деҳқонлар ҳаракати авж олди. Икки йирик — Либераллар (Англия тарафдорлари) б-н Халқ партияси (Франция тарафдорлари) ўртасида кураш кучайди. 1934 й. Г. Руминия, Туркия ва Югославия б-н битим тузиб, Болқон Антантаси таркибига кирди. Шу тариқа Г. Франция раҳбарлигидаги ҳарбий-сиёсий иттифоққа аъзо бўлди. 1935 й. сохта референдум асосида мамлакатда монархия тикланди. 1936 й. 4 авг.да генерал И. Метаксас ҳарбий ҳокимияти ўрнатилди.

2-жаҳон урушининг дастлабки пайтида Г. бетарафлик йўлини тутмоқчи бўлди. Лекин 1940 й. 28 окт.да Италия қўшинлари Г.га бостириб кириб, ҳудудининг бир қисмини эгаллаб олди. Грек халқи нояб. ойига келиб, душман аскарларини Г.дан ҳайдаб чиқарди. 1941 й. 6 апр.да немис аскарлари Г.га кирди ва 2 июнгача мамлакатни батамом эгаллаб олди. Ҳукмрон партия раҳбарлари душманга қарши курашиш ўрнига, муросасозликка ўтди. 1941 й. 27 сент.да Миллий озодлик фронти ташкил қилиниб, Г. халқ озодлик армияси (ЭЛАС) тузилди (1941 й. дек.). 1944 й. ёзда Г. ҳудудининг 2/3 қисми озод қилинди.

1944 й. май ойида хорижда «Миллий бирдамлик» деб аталган ҳукумат тузилиб, у мамлакатдаги фашизмга қарши ҳаракатни бостириш мақсадида инглиз аскарларини таклиф қилди. Ҳукумат 1944 й. 12 окт.да Афинага инглиз қўшинлари ҳамроҳлигида келиб, ЭЛАСни қуролсизлантиришга ҳаракат қилди. 5 дек.да инглиз аскарлари ЭЛАСга қарши ҳаракатга ўтди. 1945 й. 12 фев.да ҳукумат ва Миллий озодлик фронти Варкиз битимини имзолади. Битимга мувофиқ, ҳарбий ҳолатни бекор қилиб, афв умумий (амнистия) эълон этиш, барча қуролли отрядларни тарқатиш, давлат тузуми ҳақида плебисцит ўтказиш ва б. тадбирларни кўриш ваъда қилинган эди. Миллий озодлик фронти ўз ваъдасида туриб, ЭЛАСни қуролсизлантирди. Бироқ ҳукумат мунофиқона йўл тутиб, террор муҳитида сохта сайлов (1946 й. март) ва плебисцит (1946 й. сент.) ўтказди ҳамда мамлакатда монархия тузумини тиклади. Ҳукумат мамлакатдаги демократик кучларни йўқотиш мақсадида фуқаролар урушини бошлаб юборди. 1946 й. окт.да Г. демократик армияси тузилиб, бу армия миллий мустақиллик, демократия ва ижтимоий тараққиёт учун уч йил мобайнида кураш олиб борди. 1949 й. окт.да демократик армия қуролли қаршилик кўрсатишни тўхтатди (ушбу аршилик кўрсатишни тўхтатди (ушбу аршилик армия аскарларидан бир қисми Ўзбекистонда бошпана топди, шу ерда яшаб, тинч меҳнатда қатнашди. Ўз ватанида қулай сиёсий вазият вужудга келгач, кўчиб кетди). Тараққийпарвар арбоблар таъқибга учради. 1952 й. нояб.да маршал А. Папагос бошчилигидаги Грек йиғинни партияси ҳокимиятни қўлга олди. Шу партия, сўнгра 1956 й.да унинг асосида тузилган Миллий радикал иттифоқ (ЭРЭ) К. Караманлис бошчилигида мамлакатдаги демократик кучларни бостиришни давом эттирди. Бу эса халқ оммасининг норозилигини кучайтирди. 1963 й. 22 майда парламент сўл депутати Г. Ламбракис ўлдирилганидан кейин Миллий радикал иттифоқ (ЭРЭ) партияси ҳукумати истеъфо беришга мажбур бўлди.



Греция байроғи.

1963 й. нояб. — 1964 й. фев. парламент сайловлари натижасида ҳокимият Марказ иттифоқи партиясига ўтди. Ҳукумат раҳбари Г. Папандреу давлат аппаратини қайта ташкил этиш б-н боғлиқ тадбирлар белгилади, мактабларда бепул ўқитишни жорий қилди, деҳқонлар тўлайдиган солиқларни бирмунча енгиллаштирди, айрим тоифадаги хизматчилар маошини оширди, сиёсий маҳбусларни озод қилди ва ҳ. к. 1965 й. 15 июлда қиролнинг сиқуви натижасида Папандреу ҳукумати истеъфо берди.


Марказ иттифоқи партиясидан ажраб чиққан ўта ўнг қанот раҳбари С. Стефанопулос 1965 й. 17 сент.да янги ҳукумат тузишга муваффақ бўлди. У давлат аппарати, полиция ва армияда демократик руҳдаги кишиларни қирол ва олигархияга содиқ шахслар б-н алмаштирди. 1967 й. апр.да ҳокимиятни П. Канеллопулос раҳбарлигидаги ЭРЭ партияси эгаллади. У дарҳол парламентни тарқатиб юборди ва 28 майда янги парламент сайлови ўтказмоқчи бўлди. Бироқ реакцион ҳарбий унсурлар 21 апр. даёқ ҳарбий тўнтариш уюштирди ва мамлакатда ҳарбий диктатура тартибини ўрнатишга эришди. Конституция бекор қилиниб, демократик ташкилотлар тарқатиб юборилди, илғор кишилар эса қамоққа олинди. Ҳарбий ҳокимиятни К. Коллиас бошқарди. 1967 й. 13 дек.да Г. қироли Константин ҳарбий ҳукуматни ағдаришга ҳаракат қилиб кўрди. Лекин қирол мағлубиятга учраб, Римга қочди. Шу куни хунта раҳбари Г. Пападопулос бош вазир, генерал-лейтенант Г. Зоитакис эса регент қилиб тайинланди. 1974 й. июлида ҳарбий диктатуранинг ички ва ташқи сиёсати бутунлай барбод бўлганлиги натижасида бош вазир К. Караманлис бошчилигидаги фуқаро ҳукумати ҳокимият тепасига чиқди. Ўша йили ўтказилган референдум монархия тугатилганлигини тасдиқлади ва Г.ни республика деб эълон қилди. Г. президенти — Константинос Стефанопулос (1995 й. мартдан). Г. 1945 й.дан БМТ аъзоси. ЎзР б-н дипломатия муносабатларини 1992 й. 16 мартда ўрнатган. Миллий байрами — 25 март — Мустақиллик куни (1821).

Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. Умумгреция социалистик ҳаракати (ПАСОК), 1974 й.да тузилган; Г. сўл партияси, 1987 й.да тузилган; Сўл ва тараққийпарвар кучлар уюшмаси, 1989 й.да тузилган; Г. коммунистик партияси, 1918 й.да асос солинган; Янги демократия партияси, 1974 й.да тузилган; «Сиёсий баҳор» партияси, 1993 й.да ташкил этилган. Г. умуммеҳнат конфедерацияси, 1918 й.да асос солинган, Халқаро эркин касаба уюшмалари конфедерациясига киради.

Хўжалиги. Г. — саноатлашган-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 18%, қ.х.нинг улуши 16%.

Афина. Парламент биноси.





Олимпиада ўйинлари машъаласини тантанали равишда ёқиш.

Саноати. Йилига ўртача 30,5 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Электр ст-яларнинг кўпи ёқилғи б-н ишлайди. Қора ва рангли металлургия, машинасозлик, кимё, нефтни қайта ишлаш, ёғочсозлик, цемент корхоналари бор. Енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари айниқса ривожланган. Ип ва жун газлама, гилам тўқилади. Ёғ (зайтун ёғи и.ч. бўйича дунёда 3-ўрин), ун-ёрма, мева консервалари, тамаки, виночилик корхоналари бор. Олтингугурт кислотаси, синтетик материаллар, азотли ва фосфорли ўғитлар, портловчи моддалар и.ч. кимё саноатининг асосини ташкил этади. Асосан четдан келтирилган нефтни қайта ишлаб, турли маҳсулотлар тайёрланади. Қазиб олинган боксит, ферроникель ва ш.к.нинг анчагина қисми қайта ишланмаган ва концентрат ҳолида чет элларга чиқарилади. Алюминий, пўлат, чўян, баъзи турдаги рангли металлар эритиб қуйилади. Кемасозлик, автомобилсозлик, трактор созлик, бинокорлик материаллари корхоналари мавжуд. Кичикроқ кўнчилик-пойабзал ва ёғочсозлик ф-калари бор. Асосий саноат марказлари: Афина, Салоники.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи — деҳқончилик бўлиб, қ.х. маҳсулоти қийматининг 75%ни беради. Майда деҳқончилик хонадонлари ҳам, йирик хўжаликлар ҳам мавжуд. Ерларни ижарага бериш кенг тарқалган. Мамлакат майдонининг 30% га яқини — экинзор. Г.да зайтун дарахтининг 31 тури ўсади. Улар йилига 2 марта гуллаб, ҳосил беради. Аҳоли жон бошига 10 туп зайтун дарахти тўғри келади.

Мамлакат экинзорларининг 1,9% богдорчилик хўжаликлари қўлида. 6 млн. туп олма, 5 млн. туплан кўпроқ шафтоли, 19 млн. тупга яқин бошқа мевали дарахтлар бор. Салкам 20 млн. туп апельсин, лимон, мандарин, грейпфрут, бергамот ёзда ва кузда — 2 марта ҳосил беради. Буғдой етиштирилади; қанд лавлаги, арпа, маккажўхори, сабзавот, шоли ва б. ҳам экилади. Чорвачилик заиф. Қўй, эчки, қорамол, чўчқа боқилади. Денгиз соҳилларида балиқ овланади. Чет эл сайёҳлиги анчагина даромад келтиради (1 йилда 10 млн.га яқин киши келиб кетади).

Г.да денгиз транспорти асосий ўринни олади. Савдо флотининг салмоғи жиҳатидан дунёда олдинги ўринлардан бирида туради. Г.нинг 2579 кемасидан 1000 га яқини бошқа мамлакатлар байроғи б-н сузади. Асосий денгиз портлари: Пирей, Салоники, Элефсис. Т. й.ларининг уз. — 2,6 минг, автомобиль йўлларининг уз. — 130 минг км. Афина ва Салоникида халқаро аэропортлар бор.

Г. четга асосан зайтун ёғи ва меваси, узум, цитрус мевалар, тамаки ва маъдан хом ашёси чиқаради. Четдан машина, асбоб-ускуна, ёқилғи, металлургия ва кимё саноати учун хом ашё харид қилади. Ташқи савдодаги асосий мижозлари: ГФР, АҚШ, Италия, Франция, Буюк Британия ва б. Пул бирлиги — драхма.

Тиббий хизмати. Г.даги касалхоналарнинг аксарияти давлат қарамогида. Хусусий врачлар ҳам тиббий хизмат кўрсатади. Врачларни Афина ва Салоникидаги ун-тларнинг тиббиёт ф-тлари тайёрлайди. Машҳур курортлари Дельфа, Салоники, Патри ш.лари ва Керкира о.да.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Маориф тизими 4 босқичга бўлинади: 6 й.лик умумий, 3 й.лик ўрта ва 3 й.лик ўрта махсус, шунингдек, олий таълим. Умумий ва ўрта таълим мажбурийдир. Г.да 17 ун-т ва бир қанча техника ин-тлари бор. Йирик-лари: Афина, Салоники ун-тлари, Афина политехника ин-ти. Илмий муассасалари: Афина академияси (1926 й. ташкил этилган; унда бир қанча илмий тлари ва комитетлар мавжуд), 20 га яқин и.т. ин-ти ва бир қанча илмий жамиятлар, Афина ш.даги Миллий расадхона (1842 й. ташкил этилган) ва б. Г.даги Миллий кутубхона (1828 й. ташкил этилган), Афина ш.даги Депутатлар палатаси кутубхонаси, ун-тлар кутубхоналари йирик кутубхоналардир. Асосий музейлари: Миллий археология музейи (1874 й. ташкил этилган), Акрополь (1878 й. очилган), Византия музейи (1914), Миллий тарих музейи (1882), Санъат асарлари миллий галереяси (1900) — ҳаммаси Афина ш.да жойлашган.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Г.да бир қанча газ. ва жур.лар нашр этилади. Йириклари: «Авги» («Тонг», кундалик газ., 1952 й.дан), «Акрополис» («Акрополь», кундалик газ., 1881 й.дан), «Атенз ньюс» («Афина янгиликлари», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1952 й.дан), «Катимерини» («Кун янгиликлари», кундалик газ., 1919 й.дан), «Ризоспастис» («Қатъият», кундалик газ., 1918 й.дан), «Апогевматини» («Оқшом янгиликлари», кундалик кечки газ., 1952 й.дан), «Вима» («Минбар», якшанбалик ҳафтанома, 1922 й.дан), «Икономикос тахидромос» («Иқтисодий хабарчи», ҳафталик жур., 1926 й.дан). Афина ахборот агентлиги 1896 й.да ташкил этилган. Радиоэшиттиришлар 1938 й.дан, телекўрсатувлар 1966 й.дан олиб борилади.

Адабиёти. Янги грек адабиёти Византия емирилгандан кейин дастлабки асрларда антик ва Византия маданияти анъаналари, Уйғониш даври ғоялари, халқ оғзаки ижодиёти заминида юзага келган. 15—17-а.лар адабиёти Кипр, Родос, Додеканес, Крит ва б. ороллар-да тараққий этди. Турли жанрларда бадиий асарлар («Қиз ва йигит лапари», «Чўпон», «Эрофили», «Эротокритос») яратилди. Буларда асосан ижтимоий тенгсизлик асослари фош этилди.

18—19-а.ларда грек тилида баён тусилаги адабиёт ривожланди: К. Дапонтес, М. Ибанну, И. Пандзелес ва Ригас Велестинлис шеърияти муҳим аҳамият касб этди. А. Кальвос, А. Валаоритис каби адиблар халқнинг инқилобий жасоратини куйладилар. А. Матесис «Базилик» драмаси б-н миллий драматургияга асос солди. Грек миллий озодлик кўзғолони (1821—29) нинг йирик арбоблари Я. Макриянnис ва Ф. Колокотронис мемуар (ёднома) асарлар яратдилар. Д. Соломос, П. Суцос, А. Рангавис каби 1-Афина мактабининг вакиллари ижодида адабиёт анъаналари ўз ифодасини топди. 2-Афина мактабининг асосчиси К. Паламас асарлари («Қалбим нигоҳи», 1892; «Ҳажнинг ўн икки қўшиғи», 1907; «Ҳажвий этюдлар», 1912)да миллий тил ва миллий мавзуга асос солинди. 20-а. бошларида ижод қила бошлаган Д. Вутирас, П. Пикрос, Ф. Корнарос каби адибларнинг асарларида оддий кишиларнинг аянчли ҳаёти тасвирланган. А. Сикеляноснинг «Лирик ҳаёт» шеърлар тўпламн, «Исо Римда», «Дигенисснинг ўлими» драмалари адабиёт ривожида янги босқич бўлди. Қаршилик кўрсатиш даврида тараққийпарвар шоир ва адиблардан А. Сикелянос, Ф. Ангулес, Г. Кодзюлас ва б. ижодида антифашизм ғояси илгари сурилди. Урушдан кейинги йиллар грек адабиёти ривожида Жаҳон Тинчлик Кенгаши адабий мукофотининг лауреати Н. Казандзакиснинг роли катта. У «Капитан Михалис. Озодлик ёки ўлим» романи б-н шуҳрат қозонди.

1967 й.ги давлат тўнтаришидан сўнг адабиётда умидсизлик, тушкунлик кайфиятлари пайдо бўлди. А. Авгериснинг «Кесишган ва параллел йўллар», П. Коровесиснинг «Синов» шеърий тўпламларида эрк ва тинчлик ғоялари акс этди.

Қад. грек драматурги Софоклнинг «Шоҳ Эдип» асари Ўзбекистон Миллий академик драма театрида зўр муваффақият б-н кўрсатилди. У телетасмага ёзиб олиниб зангори экранда ҳам бир неча марта намойиш этилди.

Меъморлиги. Усмонли туркдар ҳукмронлиги даври (15-а. охири — 19-а. бошлари)да халқ меъморлиги асосий ўринни эгаллади. Ҳар бир водий ва оролда уйлар оддий материаллардан ўзига хос услубда барпо этилди. Шим.да кўпроқ ёғочдан, оролларда тошдан фойдаланилди. Тир о.даги равоқли ва гумбазли, Андрос, Миконос ва б. ороллардаги ясси томли уйлар ҳозиргача сақланган. Йирик шаҳарларда барпо этилган турк маҳаллалари эгри-бугри тор кўчалардаги икки қаватли уйлардан иборат эди. Ибодатхоналар хочсимон-гумбазли тузилишда бўлган (Афон ва Метлор монастирлари). Мамлакат озодликка эришгач, 1830 й.да харобага айланаёзган Афина пойтахт сифатида қайта тикланди. Афина ш.нинг бош қурилиш лойиҳаси яратилгач (1830), Г. меъморлигида янги давр бошланди. Грек меъморлари С. Клеантис ва Л. Кавтадзоглу классик услубга асосланган янги хил турар жой биноларини яратишди. Жамоат бинолари классицизм анъаналари асосида, ибодатхоналар Византия меъморлиги руҳида барпо этилди. Сершашам жамоат биноларини кўпгина хорижий меъморлар (Афинадаги Миллий кутубхона, 1832; ун-т биноси, 1837; даниялик меъмор Х. К. Хансен) қурган. 20-а. бошларида маҳаллий иқлим шароитига мослашган олд томони болохонали ва лоджияли кўп хонали турар жойлар (меъмор К. Кицикис), шаҳар ташқарисида виллалар (меъмор Д. Пикионис, Д. Триподакис) қурилди. 50—60-й.ларда темир-бетон ва ойнадан ҳамда маҳаллий материаллардан фойдаланиб, халқ меъморлиги асосида турли бино ва меҳмонхоналар (меъморлар П. Василиадис, П. Милонас ва б.) солинди. Маъмурий бинолар кўпроқ халқаро меъморлик андазалари асосида (меъмор К. Доксиадис), турар жойлар (кўп квартирали арзон уйлар, меъмор А. Константинидис ва б.), саноат бинолари (Афинадаги «Фикс» ф-каси, меъмор Т. Зенетос) қад кўтарди, музейлар ва қад. ёдгорликлар таъмирланди.

Тасвирий санъати. 15-а. охири ва 19-а. бошларида Г.да монастирлик (ибодатхоналарга диний мавзудаги расмлар ишлаш) санъати ҳукмронлик қилган. Сўнгги Византия анъаналари сақланган, халқ ижодиёти ривожланган (бўртма тасвир, каштачилик ва б.). 19-а.да содда ва аниқ портретлар Н. Кандунас, Н. Кунелакис асарларида намоён бўлган. 19-а. 2-ярмида рассомлар Мюнхен академизми усулини қўллаб, халқ миллий мавзуига мурожаат қилишган (Н. Литрас, Н. Гизис). Я. Алтамурас манзараларида романтизм акс этган. 1920 й.дан рассомлар Европа санъатининг янги оқими таъсири сингдирилган миллий қиёфани яратишга интилдилар (рассом К. Партенис, ҳайкалтарош Я. Халепас). 20-а. ўрталарида 19- ва 20-а.лар реалистик санъат анъаналари қаторида (рассомлар А. Георгиадис, Я. Моралис, Я. Царухис) миллий ўрта аср ва халқ санъати шаклларидан фойдаланилган (деворий рассомлик Ф. Конгоглу, графика С. Василиу). 2-жаҳон урушн йилларида халқ озодлик курашн демократик реалистик санъатнинг пайдо бўлишига таъсир этди (В. Семерцидис, Д. Кацикоянис, Х. Капралос, В. Катраки ва б.). 20-а. ўрталарида таркиб топган модерн оқимлари (Н. Хажикириакос-Гикас, А. Кондопулос ва б.) кейинги йилларда кенг тарқалди.

Мусиқаси. Г. мусиқаси — дунёдаги энг азалий мусиқий маданиятлардан бири (*Юнонистон* мақоласининг мусиқа қисмига қ.). Ўрта аср Г. профессионал мусиқаси *Византия* мусиқа маданиятининг тараққиёт йўлидан борди. 15-а. Туркия истилоси давридан бошлаб Г. мусиқасининг ривожи тўхтаб қолди. Миллий мусиқа анъаналари фақат халқ ижоди ҳамда черков мусиқасида сақланиб қолган. Халқ мусиқаси турли шакл ва жанрларга эга. Маросим, тарихий, маиший, лирик қўшиқлар мавжуд. Айниқса, 17—18-а.ларда эзувчиларга қарши курашган киши (клефт)лар ҳақидаги қўшиқлар машҳур бўлди. Қўшиқлар жўрлигида кўпроқ давра ўйинлар (сиртос, сиртаки ва б.) ҳам ижро этилади. Созлар орасида лютня, лира, свирель (чўпон най), волинка ва б. учрайди. Бузуки, мандолина, скрипка, 1830-й.лардан бошлаб кларнет, гитаралар машҳур. Керкира Филармония жамиятининг (1840) асосчиси Н. Мандзарос грек миллий мадҳиясини яратган. Композитор С. Самараснинг Олимпия ўйинлари мадҳияси дастлаб Афинада ижро этилган (1896). Г. миллий мусиқа мактаби асосчиларидан бири М. Каломирис Афинада Г. миллий консерваториясини ташкил этди; миллий опера ва симфоник асарлари машҳур. 1940—50- й.ларда М. Хадзидакис ва М. Теодоракис каби кўпгина қўшиқчи-композиторлар шуҳрат қозонди. Г.да миллий опера театри (1919, Афина), 5 симфоник оркестр бор. Ягона давлат консерваторияси Салоникида (1914 й. ташкил этилган); хусусий жамиятлар қарамоғидаги Афина (1871), Пирей (1904), грек (1919) ва Миллий консерваториялар (Афина, 1926) ҳам мавжуд. Йил сайин оммавий қўшиқлар фестивали ўтказилади.

Театри. Византия империяси даврида антик театр санъати анъанаси тўхтаб қолди. Замонавий театр санъатининг ташкил топиши грек халқининг миллий озодлик ҳаракати, жумладан, яшрин ватанпарвар жамият «Филики Этерия» фаолияти таъсирида Одесса (1817) ва Бухарест (1821) да дастлабки ҳаваскор театр труппалари тузилди. Давлат мустақиллиги эълон қилингач, миллий театр шаклланa бошлади. Г. Мандзура-



Олимпия шаҳри харобалари.

нис ва Г. Калогномос бошчилигида Сирос о.да театр ташкил қилинди. Ж. Б. Мольер, К. Гольдони, И. Шиллер, В. Гюго, В. Шекспирларнинг асарлари театр репертуарини бойитди. Афинада биринчи спектакль 1836 й. кўрсатилди, лекин профессионал труппалар 60-й.лардан пайдо бўлди. 1901 й. Афинада Давлат «Қирол театри» ташкил қилинди. Бу ерда ишлаган реж. Т. Иконому актёрлик санъати ривожига катта ҳисса қўшди.

1910—20 й.ларда Г. театр санъати сезиларли даражада инқирозга юз тутди. Реж. Ф. Политис театрнинг инқироз ҳолатини енгиб ўтишга интилди ва 1925 й. Софоклнинг «Шоҳ Эдип», Н. В. Гоголнинг «Ревизор», Ф. М. Достоевскийнинг «Ака-ука Карамазовлар»ини саҳналаштирди. Драматург ва театр арбоби В. Ротас 1930 й.да «Халқ театри»ни ташкил қилди (у 1934 й.га қадар фаолият кўрсатди). 1945 й. «Бирлашган артистлар» театри ташкил қилиниб, бунда кўпроқ грек драматургларининг пьесалари қўйилди. 1955 й. «Грек халқ театри» юзага келди (раҳбари М. Катракис). 1957 й. реж. Д. Рондирис ва актриса А. Папатанасиу асос солган Пирей театрининг саҳна асарлари Г. театрида катта бурилиш ясади. 80-й.ларга келиб, Г. театрлари репертуари бирмунча кенгайди. Мольер, И. С. Тургенев, А. П. Чехов, Г. Ибсен, Ф. М. Достоевский асарлари Г. театри саҳнасидан кенг ўрин олди. Кейинги йилларда қўйилаётган спектаклларда кўпроқ маиший ва ижтимоий мавзулар ўз аксини топди, мусиқали комедиялар ҳам саҳналаштирилди, энг актуал сиёсий воқеалар ёритилди.

Киноси. Г.да 1906 й. биринчи ҳужжатли фильм суратга олинди. 1911—12 й.ларда бир неча кинокомедиялар яратилди. 1914 й. асос солинган «Афина-фильм» фирмаси тула метражли кинофильмлар мунтазам и.ч.ни йўлга қўйди. 1914—18 й.ларда кўпроқ ҳарбий кинохроникалар ишланди. 1927—31 й.ларда тарихий ва замонавий бадиий асарларни экранлаштирувчи йирик кинофирма — «Даг-фильм» фаолият кўрсатди. «Севги ва тўлқинлар» (1927, реж. Д. Газиадис), «Дафнис ва Хлоя» (1931, реж. О. Ласкос) ва б. шу фирма маҳсулотидир. 1932 й. биринчи овозли фильм экранлаштирилди («Нотўғри йўл», реж. Д. Газиадис). Метаксас диктатураси ва фашистлар босиб олган даврда «Қалб садоси» (1943, реж. Л. Иоанопулос), «Қарсаклар» (1944, реж. Г. Дзавелас) каби миллий фильмлар намойиш қилинди. Г. озодликка эришгандан сўнг, дастлабки пайтларда йилига 8—10 фильм яратилган бўлса, 50—60-йилларга келиб 46 тага етди. «Қонли Рождество» (реж. Г. Зервос), «Сеҳрли шаҳар» (реж. Н. Кундурос), «Электра» (реж. М. Какоянис), «Пароходга» (реж. Д. Дамианос) каби фильмлар ўзининг мазмундорлиги ва оммавийлиги б-н ажралиб туради. А. Ставрос, Д. Константидис, И. Димопулос, И. Папас, П. Зервос, Г. Калогератос, Г. Арвинитис, А. Фонсу, О. Карлатос, Т. Венгос, И. Линику, Н. Куркулос, М. Меркури, А. Вуюклаки, Д. Папамихаил ва б. Г.нинг йирик кинематографчиларидир. Н. Кундурос ва Т. Канеллопулослар эса ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар и.ч.да шуҳрат қозондилар. Г.да йилига 100—120 фильм экранлаштирилади.

Ўзбекистон — Г. муносабатлари. 1992 й. 16 мартда иккала мамлакат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган пайтдан бошлаб ўзаро иқтисодий, маданий алоқалар ва савдо-сотиқ ривожлана бошлади. 1994 й. 29 сент. — 3 окт.да Г. делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва икки томонлама муносабатларнинг юридик асосларини яратиш масалалари келишиб олинди.

Г. ва Ўзбекистон ишбилармон доиралари ўртасида бевосита алоқа ўрнатиш мақсадида 1994 й. 6—8 окт.да «Русвар Холдингс Б. В.» компаниясининг ҳамраиси Я. Вардиояннис бошчилигида олий менежерлар гуруҳи республикамизга келди. ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида, «Ўзбекнефтгаз» корпорациясида, Алоқа вазирлигида, «Ўзэлтехсаноат» уюшмасида, Тошкент авиация з-дида ўтказилган музокараларда қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда грек компаниясининг иштироки масалалари муҳокама қилинди.

1996 й. 27—29 нояб.да Г. ташқи ишлар вазири бошчилигидаги делегациянинг ЎзРга ташрифи вақтида ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди ва Консуллик муассасаларини очиш ҳамда ҳаво қатновини йўлга қўйиш ҳақида битимлар имзоланди.

ЎзР Президенти И. Каримовнинг 1997 й. 31 март — 2 апр.да Г. га қилган расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга янги омил бахш этди. Ташриф натижасида «Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома», «Икки ёқлама солиқ солинишига йўл қўймаслик ҳақида конвенция», «Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш», «Иқтисодий ва технологик ҳамкорлик», «Маориф, фан ва маданият соҳаларида ҳамкорлик қилиш», «Туризм соҳасидаги ҳамкорлик» тўғрисида битимлар, «ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги б-н Греция экспортга кўмаклашиш ташкилоти ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик тўғрисида меморандум» имзоланди.

Икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий негизи «ЎзР б-н Европа Иттифоқи ўртасида шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим» қоидаларига ҳам асосланади.

2000 й.да Ўзбекистоннинг Г. б-н товар айланмаси: экспорт 13,7 млн., импорт 3,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистондан Г.га рангли металлар ва улардан тайёрланган буюмлар, табиий ва сунъий мўйна ҳамда ундан тайёрланган маҳсулотлар экспорт қилинган бўлса, импортнинг асосий турлари ўсимлик ёғи, сариёғ, совун,

Крит оролидаги Ираклион ш.





Родос ороли қирғоғи.

ювиш воситалари ва сурков мойлари, тамаки, асбоб-ускуна, эфир ёғи ва пардоз воситалари, қайта ишланган мева, сабзавот, ёнғоқ, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон, пластмасса, алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар ва б.дан иборат бўлди.

1995 й. янв.дан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиация компаниясининг самолётлари ойига 2 марта Афинага бориб келмоқда. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси б-н грек компанияси ўртасидаги битимга биноан «Фотон» акциядорлик жамиятида «Силекс» назорат-касса аппаратларини биргаликда и.ч. йўлга қўйилди. Ўзбекистоннинг Жан. Европа ва Яқин Шарққа борадиган транспорт йўлагини кенгайтириш мақсадида Г. имкониятлари ўрганилаётир.

Майда ва ўрта бизнес соҳасида икки томонлама иқтисодий муносабатларни ривожлантириш имконияти бор. ЎзРда грек сармояси иштирокидаги 33 қўшма корхона мавжуд (2001). Улар орасида «Омега-Ситора», «Олимпик-Тошкент-Фурс»,«Агрофур», «Ўз-Эллас», «Буюк Турон Инк», «Турон-Траст» кабилар бор. Грек сармояси юз фоиз бўлган 6 корхона фаолият кўрсатаётир.

Грек сармояси иштирокидаги корхоналар фаолиятининг асосий соҳалари кийим-кечак, чарм ва мўйна буюмлар, бинокорлик материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари и.ч., қ.х. маҳсулотларини қайта ишлаш, савдо-сотиқ, лотерея ўйинларини ташкил этиш ва ш.к.дан иборат.

ГРЕЦИЯ АРХИПЕЛАГИ — қ. *Архипелаг.*

ГРЕЦИЯ ИНҚИЛОБИ (1821—29) (Грециянинг мустақиллик уруши) — халқ инқилоби; Греция усмонлилар истибдодидан халос бўлиб мустақилликка эришган. Асосан «Филики Этерия» («Аҳил жамият») умуммиллий яширин ташкилоти аъзолари томонидан пухта тайёрланган. 1821 й. март (25 март Греция мустақиллиги куни)даги қўзғолон б-н бошланган. 1822 й. 12 янв.да Миллий мажлис Грециянинг мустақиллигини эълон қилди ва биринчи грек конституцияси — Эпидавр органик статусини қабул қилди (1822). 1822 й. ёзида Морея (Пелопоннес я.о.) га бостириб кирган 30 минг кишили турк армияси тор-мор қилинган. Турли табақа вакилларидан ташкил топган инқилобий кучлар орасида зиддиятнинг кучайиши фуқаролар урушини келтириб чиқарган (1823—24 ва 1824—25). 1827 й. Миллий мажлис И. Каподистрияни Греция президенти қилиб сайлаган. 1827 й. окт.да Наварин жангида Усмонли турк империяси флоти яксон қилинган. *Адрианополь сулҳ шартномаси* (1829)га кўра Туркия Греция мухториятини тан олган (1830 й.дан Греция мустақил давлат). Г.и.да хорижий кўнгиллилар ҳам қатнашган.

ГРИБАЧЁВ Николай Матвеевич [1910.6(19).12, Брянск вилояти — 1992, Москва] — рус ёзувчиси, жамоат арбоби. 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941—45). «Шимоли-Ғарб» (1935), «Уруш йўллари бўйлаб» (1945) шеърий тўпламлари муаллифи. «Ғалаба»да баҳор» (1948) достонида, «Момақалдироқдан сўнг» (1952), «Азиз ҳамшаҳарлар» (1954), «Ўй» (1955) шеърий ва «Август ойи юллузлари» (1958), «Тунги момақалдироқ» (1964), «Менинг дайди севгим» (1967) насрий тўпламларида замондошларининг меҳнати ва маънавий гўзаллиги акс эттирилган. «Америка билан юзма-юз» (1959) асари халқаро мавзуда. Г.нинг «Баҳс» (1963) тўплами адабиётшунослик масалаларига бағишланган.

Ас.: Дала қапалаги [Шеърлар, балладалар, достонлар]. Т., 1980.

ГРИБОВ Анисим (17-а.) — рус дипломати. Аштархон (Астрахон)лик тижорат аҳлидан. Г. бошчилигидаги 1-рус элчилиги (1641—43) Хива хонининг ҳамда Бухоро ва Балх хони *Нодир Муҳаммад-хон*нинг ҳузурига бориб, рус подшоҳи *Михаил Фёдорович*нинг топшириғига биноан дипломатик ва савдо-сотиқ алоқаларини ривожлантиришни таклиф қилган. Бу таклиф Ўрта Осиёда қабул қилинган. Михаил Фёдорович Ўрта Осиёга йўллаган Г. бошчилигидаги 2-рус элчилиги эса кўзлаган манзилига етиб бора олмаган. Сўнг, Г. 1651 й. Эрон шоҳи Аббос II ҳузурига чопар этиб юборилган. Г. бошчилигидаги элчиликлар дипломатик миссия эканлигидан ташқари ҳарбий-стратегик, жосуслик ва йирик савдо-сотиқ экспедициялари ҳам эди. Мазкур элчиликлар ҳужжатлари Ўрта Осиёнинг 17-а. 40-й.лари тарихига доир муҳим манбадир.

ГРИБОЕДОВ Александр Сергеевич [1795.4.(15).1, Москва—1829.30.1(11.2), Теҳрон, Тбилисида дафн этилган] — рус ёзувчиси, дипломат. Москва ун-тининг фалсафа, тил-адабиёт, ҳуқуқ ва физика-математика ф-тларида ўқиган (1806—10). Талабалик йилларида бўлажак декабрист (Н. М. ва А. З. Муравьёвлар, И. Д. Якушкин, А.И. Якубович)лар б-н алоқада бўлади. Кейинчалик рус мутафаккири ва публицисти П.Я. Чаадаев б-н яқиндан танишади. 1812 й.да кўнгилли бўлиб армияга хизматга киради. Россиянинг Эрондаги элчиси бўлиб ишлаётган вақтида мутаассиблар томонидан ваҳшийларча ўлдирилган. Г. дастлаб француз ёзувчиларига тақлидан комедиялар («Ёш келин-куёвлар» 1815; «Талаба», 1817) ёзган. «1812 йил» пьесаси (1824—25) ватанпарварлик ва фуқаролик руҳи б-н суғорилган. «Ақллилик балоси» (1824) комедияси Г.га катта шуҳрат келтирди. Дастлаб қўлёзма ҳолида тарқалган бу комедия рус адабиёти, рус драматургияси ва рус театрининг ўсишида муҳим босқич бўлди. Г. бу асарда рус жамиятидаги ижтимоий ва маънавий қолоқликни қаттиқ фош қилади, унинг ривожига тўсиқ бўлиб турган зодагонларнинг фаросатсизлиги, калтафаҳмлиги ва худбинлиги устидан кулади. Асар фожиавий руҳда ёзилган. Г.нинг «Ақллилик балоси» комедияси Тошкентдаги рус академик драма театрида саҳналаштирилган.




Ад.: Пиксанов Н. К., А. С. Грибоедов и его творчество, М., 1945; Лебедев А. А., Грибоедов. Факты и гипотезы, М., 1980.

ГРИВНА — Украина пул бирлиги. 1996 й. да карбованец ўрнига чиқарилган. 1 Г. = 100 копеек. Халқаро ифодаси UAK.

Валюта курслари бўйича 1 АҚШ доллари = 5,32 Г; 1 Г. = 130 сўм 58 тийин (2002, фев.)

ГРИВС Жон (1602 — 1652) — инглиз астрономи. Оксфорд (Англия) ун-ти проф. Европада биринчи бўлиб «Улуғбек зижи»ни текширган. Унда берилган юлдузлар жадвалидаги 98 юлдузнинг вазиятини ўз ичига олган биринчи иши лотин тилида Оксфордда (1648) эълон қилинган. Шу йили Лондонда географик жадваллар, икки йилдан кейин эса хронологияси босилди. Бу иккала иши «Улуғбек зижи» асосида ёзилган. Г. асарлари 15-а. Самарқанд олимлари ишларини ўрганиш ва ёйишга ғарб олимлари диққатини жалб этди.

ГРИГ (Grieg) Эдвард Хагеруп (1843.15.6 — Берген — 1907.4.9) — норвег композитори, пианиночи, дирижёр, норвег миллий мусиқа мактаби асосчиси. Лейпциг консерваториясини тамомлаган (1862). Г.нинг ижодий фаолияти Норвегия миллий маданияти юксалиши даврида шаклланган. У Кристиания (ҳоз. Осло ш.)да Мусиқа академиясини (1867) ва Мусиқа жамияти (ҳоз. Филармония, 1871) ни ташкил этган. Пианиночи ва дирижёр сифатида Европа мамлакатларида концерт бериб, миллий композиторлар асарларини тарғиб этган. Г. халқ куйларини тўплаб, кўпларини қайта ишлаган («Норвег рақслари», «25 та халқ рақс ва қўшиғи» ва б.). Г. ижодида Норвегия табиати, халқ ҳаёти лавҳалари нозик дид б-н ифодаланган. Кўпчилик асарлари камер жанрларида: фортепиано пьесалари («Халқ ҳаёти манзаралари», 10 дафтардан иборат «Лирик пьесалар» ва б.), виолончель б-н фортепиано, скрипка б-н фортепиано (3 та) ва фортепиано учун сонаталар, норвег, дания ва немис шоирлари шеърларига ёзилган романс ва қўшиқлар (150 тадан зиёд), торли квартет, квинтет ва б. Энг яхши оркестр асарлари театр б-н боғланган (Ибсеннинг «Пер Гюнт» пьесасига 2 та сюита, 1875; Бьёрнсоннинг «Сигурд салибчи» драмасига мусиқа, 1892). Фортепиано ва оркестр учун концерти (1868), «Хольберг замонидан» сюитаси (1885), «Симфоник рақслар»и (1898) машҳур. Швеция ва Лейден мусиқа академиялари (1872, 1883), Париж ва Берлин санъат академиялари (1889, 1897) аъзоси, Кембриж ва Оксфорд ун-тларининг мусиқа д-ри (1893, 1906). Ўзбекистонда фортепиано ва оркестр учун концерти, «Пер Гюнг» сюитаси ва камер асарлари ижро этилмоқда.



ГРИГОРИЙ КАЛЕНДАРИ (ёки янги услуб) — Рим папаси Григорий XIII томонидан *Юлий календари* (эски стиль) ўрнига 1582 й.да жорий этилган календарь. Перуджий ун-ти ўқитувчиси Луиджи Лилио 1576 й.да таклиф этган лойиҳага биноан тузилган. Юлий календарида йўл қўйилган хатолик тузатилиб ҳисоб 10 кун олдинга сурилган. *Баҳорги тенг кунлик*, яъни 21 мартга тўғри келган. Хатолик яна такрорланмаслиги учун ҳар 400 йилда *кабиса йил* 3 кунга қисқартирилган, яъни 100 кабиса йили ўрнига 97 кабиса йили жорий этилган. Г. к.га кўра охирги 2 рақами 4 га бўлинадиган йиллар кабиса йиллардир, лекин 2 ноль б-н тугаб, 400 га бўлинмайдиган йиллар бундан мустасно, мас,. 1700, 1800, 1900 ва 2100 йиллар оддий йил, 1600, 2000, 2400 ва 2800 йиллар эса кабиса йил ҳисобланади. Шу ҳисобда йилнинг давомийлиги 365,242500 суткани ташкил этиб, тропик йилга қараганда ҳар йили 26 сек. ортиб боради ва сал кам 3300 йилда 1 кун хато қилинади. Г. к.нинг бирдан-бир ноқулайлиги ойлардаги кунлар сонининг ҳар хиллигидир. Собиқ Иттифоқда (шу жумладан Ўзбекистонда) Г. т. 1918 й. 14 фев.дан (эски услубда 1 фев.дан) бошлаб қабул қилинган.

ГРИГОРЬЕВ Василий Васильевич [1816.15(27).3 — 1881.19.(31).12] — шарқшунос, Россия ФА мухбир аъзоси (1853), шарқ адабиёти д-ри (1863). Г. Россияда биринчи бўлиб Шарқ тарихи бўйича ун-тда маърузалар қилган. Рус тарихчилари орасида биринчилардан бўлиб Ўрта Осиё халқлари тарихи ва маданиятини ўрганишга киришган.Г. — 200 га яқин асар муаллифи. Илмий ишлари орасида саклар, *Юнон-Бақтрия подшолиги*, араб сайёҳи Абу Дулафнинг Моваройуннаҳрга саёҳати, Хива, Бухоро ва Қўқон хонликлари ҳақидаги асарлари илмий қимматга эга. Г. илмий-педагогик фаолият б-н бир қаторда 35 й.дан ортиқ (1844 — 80) Ташқи ишлар вазирлигида хизмат қилган, жумладан Ўрта Осиё хонликлари ва қирғизлар б-н иш олиб борувчи Оренбург чегара комиссияси (1854 — 63) ва Давлат матбуот ишлари Бош бошқармаси (1874 — 80) бошлиғи бўлиб ишлаган. Г. ўзининг маъмурий фаолиятида подшо Россиясининг сиёсатини амалга оширишга хизмат қилган.

ГРИГОРЯН Артур Размикович (1967.20.10, Тошкент) — боксчи. Халқаро спорт устаси (1987). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи (1991). Ўзбекистоннинг кўп карра чемпиони. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ин-тини тугатган (1993). 1978 й.дан бокс б-н шуғулланади. Биринчи устози Л. Аҳмаджонов. Г.га 1986 — 93 й.ларда В. *Шин* мураббийлик қилган. Ҳаваскорлик боксида 387 та жанг қилиб 372 тасида ғолиб чиққан. 1994 й.дан профессионал боксда (германиялик Фриц Сдунек раҳбарлигида мусобақаларга тайёрланади). Қитъалараро чемпион (1995). Г. жаҳон бокс ташкилоти (WBO) таснифи бўйича 61,2 кг вазн тоифасида 16 марта жаҳон чемпиони (1996 — 2002, янв.; Берлин, Гамбург, Котбус ва ҳ. к.). Профессионал боксда 34 марта жанг қилиб ҳаммасида енган, «Қирол» («Konig») номи б-н танилган. Г. чемпионлик «Олтин камар»ининг бири Тошкентдаги Олимпиада шон-шуҳрати музейида сақланади. «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони (1998), «Меҳнат шуҳрати» ордени (1996) б-н тақдирланган.

ГРИГУЛИС (Grigulis) Арвидс (1906 — Ладская — 1989) — Латвия халқ ёзувчиси (1976). Латвия ФА акад. (1978). «Шарҳловчининг хотиралари» (1929), «Танқид ва қалб» (1931), «Бўронга» (1946) ва «Настарин шохчаси» (1959) каби шеърий тўпламлари, «Қайси бандаргоҳ?» (1945), «Гарпетерах тарихи ҳақида» (1946), «Лой ва чинни» (1947), «Солдат шинели» (1955), «Болтиқ денгизи ҳайқирмоқда» (1957) ва б. пьеса ҳамда драмалари бор. Г. «Ёмғир ва шамол деразани қоққанда» (1965), «Шоира Камилла мактуби» (1981) романлари муаллифи. «Латиш адабий танқиди» (1 — 5 ж., 1956 — 64) тўпламларини тузган.

ГРИЗАЙЛЬ (франц. grisaille, gris сўзидан — кулранг) — бирор-бир ранг (қора, жигарранг, кўк, кўпинча кулранг)нинг нозик тусланиши (очдан тўқ тусга утиши) ҳисобига яратиладиган асар; безак рассомлиги тури. 17-а.дан қўлланилади, *классицизм* услубидаги бинонинг ички безакларида ҳайкалтарошлик рельефларига тақлид сифатида кенг тарқалган. Шунингдек, тасвирнинг бўртмали кўриниши тасаввурига эришилган бир рангли эмал (кулранг, жигарранг, пушти ранг) б-н ишланган ҳамда зарҳалланган расмлар ҳам Г. деб аталади. Ўзбек тасвирий ва амалий безак санъатида ҳам Г. услубида асарлар яратилган.

ГРИМ (франц. grime, итал. grumo — ажинли) — 1) актёрлик санъатида қиёфа (асосан юз)ни ижро этиладиган ролга мослаб (махсус бўёқ б-н бўяб, сунъий соч-соқол ёпиштириб, сочни ролга мослаб тараш ва ш.к.) ўзгартириш санъати. Образ яратишда муҳим воситалардан бири. Пьеса ёки сценарийнинг бадиий хусусиятлари, безаклари, қаҳрамоннинг феъл-атвори, актёр ва реж.нинг ижодий мақсадига қараб ҳар хил бўлади.

Театрда Г. тарихи қад. халқ сайиллари ва ўйинларига бориб тақалади. Хитой, Ҳиндистон, Япония ва б. Шарқ мамлакатларида ҳам Г.дан фойдаланилган. Актёр юзига чизилган расмлар кўриниш жиҳатидан ниқобга яқин бўлиб, баъзан унинг ўрнини босган. Лекин Г. ниқобга нисбатан характерлироқ бўлгани сабабли актёрлар фақат Г.дан фойдаланганлар. 18 — 19-а.ларда кўпгина рус актёрлари Г.га образ яратишда миллий ва тарихий характеристика воситаси деб қарашган. К. Станиславский ҳам Г.ни қаҳрамон психологиясини очишга ёрдам берувчи энг зарур восита деб билган. Г. реж. ғоясини амалга оширишда энг муҳим таркибий қисмлардан бўлгани сабабли театр реж.и ва рассомнинг энг яқин ёрдамчиси бўлиб Г.чи-рассом вазифаси юзага келди.

Кинода Г. ўзига хос хусусиятга эга. Г. оператор техникаси талабига (плёнканинг ранг ёки ёругликка таъсирчанлигига қараб) мос бўлиши лозим. Г. қилишда салгина соҳталик, сунъийликка йўл қўйилиши фильмга нуқсон бўлиб тушади. Г. қилиш мураккаб жараён бўлиб, у сценарийчи, реж. фикри ва оператор иши б-н боғлиқ. Г.чи-рассом суратга олиш жараёни ва кинотехника имкониятларини билиши лозим. Агар актёрнинг юзи катта ўзгаришларни талаб қилса, у ҳолда пластик Г. ёпиштирилади, енгил, юмшоқ резина қўлланилади. Пластик Г. эгилувчан, эластик бўлиб, у киши юзига жуда қулай жойлашади. Бу услубни биринчи марта 1930 й.да санкт-петербурглик рассом Р. Раугул қўллаган. Рангли фильмларнинг такомиллашиб бориши Г.чи-рассомлар олдига янги вазифалар қўймоқда, улар Г.ни кийимнинг ўзига хос хусусиятлари б-н уйғунлаштиришга ҳаракат қилиб, Г.дан фойдаланиш усулларини мунтазам ўзгартириб бормоқдалар.

Цирқда масхарабозларнинг чиқишларида ва характерли роллари бор йирик томошаларда қўлланилади. Цирк юзага келган даврдан бошлаб масхарабозлар юзларига оқ нарсалар суриб тобоша кўрсатишган. 19-а. охири 20-а. бошларида Г. масхарабозликда муҳим омиллардан бирига айланди. Замонавий циркда ҳаётий Г. кўпроқ қўлланилмоқда. Ўзбек халқ масхарабоз ва қизиқчилари — Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Ака Бухор, Акром Юсупов кабилар ўз ижодларида Г.дан кўп фойдаланишган. 2) Г. учун зарур бўлган бўёқ ва буюмлар. Г. бўёқлари махсус рецепт асосида тайёрланиб, турли хил ранглар б-н аралаштирилади.

Моҳина Аширова.

ГРИМАЛЬДИ (Grimaldi) Франческо Мария (1618.2.4 — Болонья — 1663.28.12) — итальян физиги ва астрономи. Ёруглик дифракциясини кашф қилган (1665 й.да эълон қилган). Иезуит Ж. Б. Ричолли б-н ҳамкорликда Ой харитасини тузган. Гелиоцентрик системага қарши бўлган. Ричоллининг Н. *Коперник*ка қарши қаратилган трактатини тузишда қатнашган.

ГРИМССОН Олавур Рагнар (1943.14.5, Исафьордюр ш.) — Исландия президенти. Манчестер ун-тини тугатган (1965). 1970 й.дан Рейкьявик ш.даги Исландия ун-тида ўқитувчи, 1971 й.дан проф. 1976 й.дан сўл позициядаги Халқ иттифоқи партияси аъзоси, 1978 —83 йларда Халқ иттифоқи партиясининг парламент гуруҳи етакчиси, 1987 й.дан Халқ иттифоқи партияси раиси. 1988—91 й.ларда Исландия молия вазири. 1991 ва 1995 й. Халқ иттифоқи партиясидан парламент аъзолигига сайланган. 1996 й. июндан Исландия Республикаси президенти. Индира Ганди номидаги халқаро мукофот б-н тақдирланган (1987).

ГРИН ФОРМУЛАЛАРИ — ҳар хил турдаги интегралларни ўзаро боғловчи интеграл ҳисоб формулалари. Улардан энг оддийси — муайян ясси соҳа (G) бўйича қўш интегрални шу соҳа чегараси (C) бўйича олинган эгри чизиқли интеграл б-н боғловчи формула:

$$\int_C Pdx + Qdy = \iint_G \left(\frac{dQ}{dx} - \frac{dP}{dy}\right) dxdy$$

бу ерда G — икки ўлчамли фазо соҳаси, C — шу соҳа чегараси. Инглиз математиги ва физиги Ж. Грин (1793 — 1841) таклиф қилган (1828).

ГРИНБЕРГ Александр Михайлович (1924.19.6 Одесса — 1997.3.7, Тошкент) — актёр ва реж. Ўзбекистон халқ артисти (1974). Тошкент давлат санъат институтини тугатган (1949). 1955 й.дан Самарқанд рус драма театрида актёр ва реж., 1964 — 87 й.лар бош. реж. 1987 й.дан Тошкент давлат маданият ин-тида доцент. Энг яхши роллари: Фердинанд («Макр ва муҳаббат»), Освальд («Арвоҳ»), Рустам («Паранжи сирлари»), Ҳамлет («Ҳамлет»), Арбенин («Маскарад»), Мирзо Улуғбек («Мирзо Улуғбек»), Девятов («Имзо») ва б. Саҳналаштирган энг яхши спектакллари: «Жалалар оралиғида», «Америка фожиаси», «Момақалдироқ», «Қизбулоқ», «Қутурган пуллар» «Ваня тоға», «Медея», «Кречинскийнинг тўйи», «Қиёмат қарз» ва б.



А.М. Гринберг Улуғбек («Мирзо Улуғбек») ролида.



ГРИНВИЧ, Гринуич — Буюк Британиядаги шаҳар, Катта Лондон конурбациясида. Темза дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган. Аҳолиси 215.3 минг киши (1997). Шаҳар астрономия расадхонаси бўлганлиги б-н машҳур (қ. *Гринвич астрономия расадхонаси*). Г.дан бутун дунёда вақт ва узунлик ҳисобига асос қилиб олинган *гринвич меридиани* ўтади. Миллий денгизчилик музейи бор.

ГРИНВИЧ АСТРОНОМИЯ РАСАДХОНАСИ — Буюк Британиядаги и.т. муассасаси. *Гринвич*да асос солинган (1685). 1953 й.да Гринвич ш.дан 70 км жан.-шарқда жойлашган Хёрстмонсо қасрига (15-а.) кўчирилган. Унда дастлаб юлдузларнинг ўринларини кўрсатувчи юлдузлар жадвалларини тузиш ва Ой ҳаракатини аниқлаш ишлари олиб борилган. 19-а.дан бошлаб юлдузлар параллаксини (қ. *Параллакс*) аниқлаш, Қуёш юзини изчил фотосуратга олиш, фотогелиограммалар ёрдамида Қуёш юзидаги доғлар, машъалларнинг гелиографик координаталарини ўлчаш ва Қуёш юзидаги ҳодисаларнинг табиатини ўрганиш б-н шуғулланади. Г. а. р. пассаж асбоби орқали ўтган меридиан бош меридиан деб қабул қилинган (1884); географик узунлик (қ. *Географик координаталар*) шу меридиандан бошлаб ҳисобланади. Г. а. р. меридиан вақти дунё вақти деб қабул қилинган. Ундаги асбоблар: 28 дюймли ва 26 дюймли рефрактор, 98 дюймли рефлекторлар ва б.

ГРИНВИЧ МЕРИДИАНИ, бошланғич меридиан, нолинчи меридиан — Ерда географик узунликларни ҳисоблашда шартли равишда бошланғич деб қабул қилинган *меридиан*. Халқаро келишувга мувофиқ, *Гринвич астрономия расадхонаси*дан ўтади. Г. м. географик узунликлар ҳисоби олинадиган бошланғич меридиан бўлиб, нолинчи соат минтақасининг ўрта меридиани ҳисобланади (қ. *Вақт*). Г. м.даги маҳаллий ўртача қуёш вақти астрономияда кенг қўлланилади. (қ. *Дунё вақти*).

Ғарбда бир қанча мамлакатлар 1884 й.гача узунликларни ўлчашда Париж, Берлин, Рим, Нанкин каби пойтахт ёки йирик шаҳарлар расадхоналари. Россияда 19-а.гача Санкт-Петербург ш. яқинидаги Пулково расадхонасидан ўтган меридианларни ўзлари учун бошланғич меридиан қилиб олганлар. Қадимда ва ўрта асрларда харита тузишда Шарқда Ужжайн ш. (Ҳиндистон), Хўжанд ш., Ферро о. (Канар о.лари)дан ўтган меридиандан бошланғич меридиан сифатида фойдаланганлар.

ГРИНЧЕНКО Вячеслав Александрович (1938.21.9, Харьков вилояти, Красноград ш.) — опера хонандаси (бас). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1971), Ўзбекистон халқ артисти (1974). Навоий номидаги опера ва балет театри (1966 — 85), 1985 й.дан Москва филармонияси якkахони. Дон Карлос (Ж. Верди, «Дон Карлос»), Борис (М. Мусоргский, «Борис Годунов»), дон Базилио (Ж. Россини, «Севилья сартароши»), Кончак, князь Галицкий (А. Бородин, «Князь Игорь»), Вожак (А. Холминов, «Ҳаётбахш ўлим»), Петр I (А. Петров, «Пётр Биринчи») ва б. партияларнинг моҳир ижрочиси. Г. кенг диапазонли ва кучли овоз соҳиби. Ҳар бир образни ҳаққоний ифода этишга интилади. Ўзбекистон композиторлари (Г. Мушель, Б. Гиенко, А. Берлин ва б.)нинг камер-вокал асарларини ижро этган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1981).

ГРИНЬЯР (Grignard) Франсуа Огюст Виктор (1871.6.5, Шербур — 1935.13.12, Лион) — француз органик кимёгари. Париж ФА аъзоси (1926 й.дан). Асосий ишлари органик бирикмалар синтези ва уларни текширишга бағишланган. Алкилгалогенидлар ва эфир муҳитидаги *магний* асосида олинадиган аралаш *магнийорганик бирикмалар* иштирокида органик бирикмаларни илк бор синтез қилган (1900). Бу реакцияларда эфирда эритилган алкилмагний галогенидлар (Гриньяр реактиви) асосий реагент эканлигини аниқлаган. *Углеводородлар, спиртлар* (1901 — 03), *кетонлар, альдегидлар* (1906), *эфирлар, нитриллар, аминлар* (1920), кислоталар ва б. синтезида магнийорганик бирикмалардан фойдаланган. Бу синтезлар (*Гриньяр реакцияси*) кимё амалиётида кенг қўлланилади. Нобель мукофоти лауреати (1912).

ГРИНЬЯР РЕАКЦИЯСИ — алкил ёки арилмагнийгалогенидлар ёрдамида органик моддаларни синтез қилиш реакцияси. 1900 й. В. *Гриньяр* кашф этган. Алкил ва арилмагнийгалогенидлар таркибида фаол водород атоми бўлган моддалар б-н тез реакцияга кириша олади. Г.р.дан фойдаланиб, углеводородлар, спиртлар, кетонлар, кислоталар ва б. бирикмалар олиш мумкин. Қуйидаги реакция Г.р.га мисол бўла олади:

$$CH_3MgX+ROH \rightarrow CH_4+ROMgX.$$

Бу ерда R — алифатик ёки ароматик радикал; X — галоген.

ГРИПП (франц. grippe), инфлюэнца — кенг тарқалган ўткир юқумли касаллик. Яққол интоксикация кузатилади, нерв ва юрак-томир системаси фаолияти бузилади. Г.ни *вируслар* қўзғатади; уларнинг A, A$_1$, A$_2$, B, C турлари маълум. Вируслар вақт-вақти б-н *антиген* тузилишини ўзгартириб туради. Жумладан, А туринниг ўзида антиген хусусиятига қараб А (H_2N_2), А (H_3N_2) антигенли вируслар фарқ қилинади. Ўзбекистонда, асосан, А, айрим ҳолларда, В тури учрайди. Г. вируслари жуда беқарор; хона шароитида бир неча соатдан сўнг юқиш эҳтимоли йўқолади, қуёш нури таъсирида тез нобуд бўлади. Паст ҳароратда, айниқса ҳаво ҳарорати 0° дан паст бўлганда вирус узоқ сақланади. Шу сабабли Г. касаллиги совуқ мавсумда кўпроқ кузатилади. Дезинфекцияловчи воситалар (хлорамин, хлорли оҳак эритмалари, формалин, кислота ва ишқорлар) таъсирида вируслар тез нобуд бўлади. Исириқ тутуни ҳам Г. вирусларини ўлдиради.

Г. бутун дунёга тарқалган, ҳар 2 — 3 й.да Г. эпидемияси қайд этилади. Инфекция манбаи бемор, у аксирганида, йўталганида, гаплашганида вирус ҳаво заррачалари ва сўлак томчилари б-н атроф муҳитга тарқалади. Айниқса касалликнинг дастлабки кунларида вирус бемор организмидан кўплаб ажралиб яқин атрофдаги одамларга нафас йўллари орқали тушади.

Аҳолининг барча табақалари (болалар ва кексалар ҳам) бу касалликка мойил. Нимжон, турли хасталикларга чалинган одамларга Г. тез юқади. Жисмонан бақувват, чиниққан одамларда касаллик кам кузатилади.

Касалликнинг яширин (инкубацион) даври жуда қисқа — бир неча соатдан 1 — 2 кунгача. Касаллик тусатдан бошланади. Соғлом юрган одам бирдан мазаси қочиб эти увишади, лоҳас бўлади, ҳарорати кўтарила бошлайди. Орадан 1 — 2 соат ўтгач, касалликнинг асосий аломатлари намоён бўлади. Иситма қисқа вақт ичида 39 — 40° гача кўтарилади, бемор жунжикиб, совқотади, қалтирайди. Ҳарорат кўтарилиб бўлгач, беморнинг бадани қизийди, бетоқат бўлади. Аъзои бадани, боши, қўл-оёқ мускуллари зирқираб оғрийди. Айниқса, пешона ва чакка соҳасида оғриқ кучли бўлади. Баъзан беморнинг боши айланиб, кўзи тинади. Кўз ёшланади, қизариб кетади, кўз соққасида оғриқ бўлади. Бурун «битиб» қолади, нафас олиш қийинлашади, томоғи оғрийди, овози қақрайди, қуруқ йўтал пайдо бўлади. Г. енгил, ўртача ва жуда оғир ўтади. Касаллик оғирроқ кечганда кўнгил айниши, қусиш, бурун қонаши ҳам мумкин.

Г. кексалар ва болаларда анча оғир кечади, организмда илгаридан мавжуд бўлган сурункали касалликлар, олатда, зўраяди, баъзан бошқа касалликлар — зотилжам қўшилади. Г.дан кейин ўпка шамоллаши, буйрак, мия пардалари нерв тугунлари ва толаларининг яллиғланиши каби асоратлар кузатилади.

Даволаш. Г. б-н оғриган беморни касалхонага ётқизиш шарт эмас, уйда алоҳида хонада ётгани маъқул. Фақат касаллик оғир кечган ҳолларда бемор касалхонага ётқизилади. Касалликнинг оғир-енгил ўтишидан қатъи назар, бемор ётиши лозим. Вирусларга таъсир этувчи ремантадин, интерферон каби дорилар фақат дастлабки кунларда қўлланилса яхши наф беради. Ширчой, лимонли мураббо (айниқса малина, смородинали), қатиқ, қоқурум ичиб терлаш бемор аҳволини яхшилайди. Врач тавсияси б-н оғриқ қолдирувчи дорилар ва антибиотиклар тавсия этилади;

Олдини олиш. Г. тарқалиш эҳтимоли бўлган кезлари махсус профилактика мақсадида Г. вакцинаси б-н *эмлаш* ўтказилади. Асосан болалар ва кекса ёшдагилар эмланади; вакцина бурунга томизилади. Г.га қарши гаммаглобулин қилинади. Бурунга профилактика мақсадида интерферон томизиб туриш, оксолин мойи суртиш, бемор бор хонада исириқ тутатиб туриш мақсадга мувофиқ.

Ҳайвонларда Г.ни Orthmyxoduridae оиласига мансуб вируслар қўзғатади. Чўчқалар, отлар, қорамол ва паррандалар касалланади. Отларда Г. қисқа муддатли иситма, қалтираш, кўздан ёш оқиши, юқори нафас йўлларининг катари б-н бошланади, қуруқ йўтал тутади. Касалликда ларинготрахеит, бронхит, оғир ҳолларда пневмония кузатилади. Қорамолларда касаллик ўткир кечади, тана ҳарорати кўтарилади, конъюнктивит, ринит юз беради, иштаҳа йўқолиши мумкин. Паррандаларда Г. (паррандалар ўлати) эпизоотия кўринишида кечади, нафас ва ҳазм аъзолари шикастланади. Г. уй паррандаларининг ҳамма турида учрайди.

Олдини олиш: парранда, отлар махсус вакциналар б-н эмланади, ветеринария-санитария тадбирлари кўрилади.

Ад.: Шоваҳобов Ш. Ш., Юқумли касалликлар ва эпидемиология асослари, Т., 1997.

Шоносир Шоваҳобов.

ГРИФОН, гриф (франц. griffon, лот. gryphus, gryps) — қад. афсоналардаги қанотли бургут ёки шер бошли, шер танали афсонавий маҳлуқ. Г. тасвири қад. дунё санъати (меъморлик, рассомлик, ҳайкалтарошлик, амалий санъат)да кенг тарқалган. Кейинги даврлар санъатида безак (муҳр, тамға) сифатида кўп ишлатилган.

ГРИФФИТ (Griffith) Дейвид Уорк (1875.22.1, Ла Грейнж — 1948.23.7, Голливуд) — америка кинорежиссёри. АҚШ киносида актёрлик мактабига асос солган. Кинода 1907 й.дан ишлаган. 1913 й.дан Голливудда ижод қилган. Муҳим ва тушуниш осон бўлган усул сифатида параллел монтаж ва ирик планни биринчи бўлиб қўллаган, кинони суратга олиш техникасини қайта кўрган. Г.нинг ғоявий жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши ижоди намоён бўлган: «Миллатнинг туғилиши»да ирқчилик тенденцияси илгари сурилган бўлса, «Жаҳон юраги» фильмида эса оқ ва қора танлилар бирлиги олқишланади. «Чидамсизлик» киносида ахлоқ-одоб ва этик муаммолар кўтарилади. Шунингдек, «Синдирилган новдалар», «Шарқ томон йўл», «Икки стимча» фильмлари ҳам Г. ижодида алоҳида ўрин тутади. 1931 й. кинони тарк этган.

ГРИШЧЕНКО Филипп Иванович (1915.11.1, Павловка қишлоғи, РФ — 1985.11.1, Тошкент) — ҳайкалтарош. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1968). Ижодини ёғоч портретлар яратиш б-н бошлаган («А. Пушкин», «Мирзо Улуғбек», 40-й.лар), ёшлар ҳаёти акс эттирилган композициялар ишлаган («Ҳунар билим юртиси талабаси», ёғоч, 1950 ва б.). Порнинг тасвирий, маиший ҳолатлар, маҳоратли третлар, маиший ҳолатлар, маҳоратли безак ҳайкаллар ва б. яратган.

ГРОДНО — Белоруссиядаги шаҳар, *Гродно вилояти*нинг маркази. Неман дарёси соҳилида. Дарё пристани. Т.й. тугунёси соҳилида. Дарё пристани. Т.й. тугунёси соҳилида. Аҳолиси 307 минг (1998). Кимё («Химволокно», «Азот» и.ч. бирлашмалари), машинасозлик ва металлсозлик, енгил (тўқимачилик ва кўн пойабзал) саноати ривожланган. Мебель ф-каси бор, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. 3 олий ўқув юрти (шу жумладан ун-т), 2 театр, тарих-археология музей-кўриқхонаси бор. Г. 1128 й.дан маълум. 1376 й.дан Литва ва Польшада, 1795 й.дан Россия империяси, 1920 — 39 й.ларда Польша


таркибида. Борисоглебск черкови (12-а.), Кўҳна қаср (16-а. охири), Янги қаср (18-а. ўрталари), иеузит костёли (17 — 18-а.лар) сақланган.

ГРОДНО ВИЛОЯТИ — Белоруссия таркибидаги вилоят. 1944 й. 20 сент.-да ташкил этилган. Республиканинг ғарбида, Неман дарёси ҳавзасида. Майд. 25.0 минг км^2. Аҳолиси 1198,5 минг киши (1998), асосан белоруслар; поляк, рус, украин ва б. ҳам яшайди. Г.в. 17 туманга бўлинган; 10 шаҳар, 22 шаҳарча бор. Маркази — *Гродно* ш.

Г.в.нинг ер юзаси асосан текислик, шунингдек, пасттекислик ва қирлардан иборат. Фойдали қазилмалари: торф, гил, мергель, бўр, силикат қумлар, оҳактош, шағал.

Иқлими мўътадил континентал. Янв.нинг ўртача т-раси — 5° дан — 7° гача, июлники 17,5 — 18,5°. Вегетация даври 188 — 200 кун. Йиллик ёғин 550 — 650 мм. Дарёлари: Неман ва унинг ирмоқлари, жан.да Нарев (Висла ҳавзаси). Кўллари: Белое, Рибница, Свитязь. Тупроқлари: чимли подзол, торфли ботқоқ ва ўтлоқли аллювиал. Ҳудудининг қарийб 31% ўрмон, 20% га яқини ботқоқлик. Г.в. жан.ни *Белая Вежа пушчаси*нинг шим. қисми эгаллаган.

Г.в.нинг хўжалиги қурилиш материаллари, минерал ўғитлар, қ.х. машиналари, картон, қоғоз, фанера, мебель, пойабзал ва озиқ-овқат маҳсулотлари и.ч.га ихтисослашган. Энергетикаси маҳаллий торф асосида ишлайди. Машинасозлик ва металлсозлик саноатлари (қ.х. машиналари, автомобиль эҳтиёт қисмлари ва автомобиль агрегатлари, қуйма жиҳозлар, электр буюмлари ишлаб чиқарилади) ривожланган. Қурилиш материаллари саноатида цемент, темир-бетон, йирик блоклар, панеллар, ғишт, оҳак ишлаб чиқарилади. Кимё саноати (азотли ўғитлар, капролактам, лак ва бўёқлар) ри



Гродно шаҳрининг Неман дарёси ёнидан кўриниши.

вожланмоқда. Озиқ-овқат (гўшт, мойсир, сут, спирт), енгил (кўн пойабзал, тикувчилик, жун, ип, газлама, зиғир тола), ёғочсозлик саноати корхоналари бор.

Қ.х. ғалла (жавдар, арпа, буғдой, сули) ва техника экинлари (қанд лавлаги, толали зиғир) етиштиришга ихтисослашган. Шунингдек, картошка ва ем-хашак экинлари экилади. Ботқоқликлардан қуритилган майдонлар деҳқончиликда фойдаланилмоқда. Сут-гўшт чорвачилиги ва чўчқачилик етакчи ўринда. Т.й. ва автомобиль йўллари бор. Неман дарёсида кема қатнайди. Г.в.да ун-т, тиббиёт ва қ.х. ин-тлари, драма театри, 8 музей мавжуд.

ГРОЗНИЙ — РФ даги шаҳар (1870 й.дан), Чечен Республикаси (Ичкерия) пойтахти (1944 й.дан 1957 й.гача Грозний вилоятининг маркази). Аҳолиси 170 мингдан зиёд киши (1990-й.лар охири). Мамлакатнинг шим.-шарқий р-нининг савдо-транспорт, маданий маркази. Бир неча каналлар кесишган ердаги порт. Шакар-қанд, кимё, тикувчилик, радиоэлектроника, полиграфия саноати корхоналари, ун-т (1614) бор. Шаҳар 11-а.дан маълум. Готика чёркови ва 15 — 18-а.ларга оид меъморий ёдгорликлари сақланган. Шаҳар яқинида йирик газ кони (дастлабки захираси 1960 млрд. м³) очилган.

ГРОПИУС (Gropius) Вальтер (1883.18.5. Берлин — 1969.5.7, Бостон, АҚШ) — немис меъмори, дизайн лойиҳачиси ва меъморлик назариётчиси. Функционализм асосчиси. Меъморликда рационализм қоидаларини ишлаб чиққан. Қурилиш ва бадиий лойиҳалаш олий мактаби — «Баухауз» асосчиси ва директори (1919 — 28). Функционализм тажрибаларига суяниб, янги қурилиш техникаси ютуқларидан фойдаланиб, неоклассицизм руҳидаги бинолар қурган: Кембриждаги Гарвард ун-тининг янги корпуси (1948 — 50), Афинадаги АҚШ элчихонаси (1957 — 61), Нью-Йоркдаги «Панамерикан эрлайнс» авиация ширкати кўп қаватли биноси (1958 — 63) ва б. 1937 й.дан АҚШда яшаган.

ГРОССМЕЙСТЕР (нем. Großmeister — улуг магистр, катта уста) — 1) шахмат ва шашкада энг юксак спорт унвони. Халқаро шахмат федерацияси 1949 й.дан, Халқаро шашка федерацияси 1948 й.дан халқаро Г. унвонини таъсис этган. Ўзбекистонда Г. унвонига сазовор бўлган 7 шахматчи ва 2 шашкачи истиқомат қилади (2001). Юртдошларимиздан Георгий *Аъзамов* (1954 — 86) илк бор халқаро Г. унвонини олган (1984). Рустам *Қосимжонов* энг ёш Г. ҳисобланади (1997). 2) Католик черковида диний-рицарлик ордени бошлиги.

ГРОССУЛЯР — *гранатлар* гуруҳига мансуб минерал. Тузилиши крижовник мевасига ўхшаш, лотинча (grossularia — крижовник) номи шундан. Кимёвий формуласи $Ca_3Al_2[SiO_4]_3$. Куб сингонияли, шишасимон ялтирайди. Қаттиқлиги 6,5 — 7,5. Зичлиги 3530 — 3600 кг/м³. Оч яшил, сарғиш, қўнғир, рангсиз кристаллар, агрегатлар. Скарнлар минерали. Шаффоф тури заргарликда ишлатилади. Ўзбекистонда (скарн жинсларда), Австрия ва Швейцария (альп томирларида), Покистон (покистон зумради), Танзания, РФ (Шарқий Сибирь)да учрайди.

ГРУЗИН ЁЗУВИ — грузин тилидаги мустақил ёзув тизими. Сўнгги тадқиқотларга кўра, Г.ё. шарқий оромий ёзуви асосида, тахм. мил. ав. 3-а.да юзага келган. Кейинчалик юнон ёзуви таъсирида ўзгаришларга учраган. Мас., ёзув йўналиши, алифбодаги тартиби ўзгарган, баъзи унлилар ҳам ўзлаштирилган.


Г.ё.нинг ривожланиш жараёнида бир-биридан кескин фарқланадиган 3 шакли пайдо бўлган: 1) сарлавҳаларда учрайдиган (мтаврули) шакли; 2) сатрий ёзув (нусхуру) ва 3) аслзодалар ёзуви. Учинчиси аввалги икки туридан кескин фарқ қилган (хуцури). Бу ёзув

Харф	Фонетик транскрипция	Кириллга муносабати	Харф	Фонетик транскрипция	Кириллга муносабати	Харф	Фонетик транскрипция	Кириллга муносабати
ა	a	а	ჯ	m	м	ჟ	ž	ж
ბ	b	б	ნ	n	н	რ	r	р
გ	g	г	ო	o	о	ს	s	с
დ	d	д	პ	p'	п'	ტ	t'	т'
ე	e	е	ჟ	ž	ж	უ	u	у
ვ	v	в	რ	r	р	ფ	p	п
ზ	z	з	ს	s	с	ქ	k'	к'
თ	t'	т'	ტ	t'	т'	ღ	ġ	ғ
ი	i	и	უ	u	у	ყ	q'	қ'
კ	k'	к'	ფ	p	п	შ	š	ш
ლ	l	л	ქ	k'	к'	ჩ	č	ч
მ	m	м	ღ	ġ	ғ	ც	c	ц
ნ	n	н	ყ	q'	қ'	ძ	dz	дз
ო	o	о	შ	š	ш	წ	c'	ц'
პ	p'	п'	ჩ	č	ч	ჭ	č'	ч'
ჟ	ž	ж	ც	c	ц	ხ	x	х
რ	r	р	ძ	dz	дз	ჯ	j	дж
ს	s	с	წ	c'	ц'	ჰ	h	h
ტ	t'	т'	ჭ	č'	ч'			
უ	u	у	ხ	x	х			
ფ	p	п	ჯ	j	дж			
ქ	k'	к'	ჰ	h	h			

асосан черковларда, шунингдек, харбий соҳада, аслзодаларнинг ёзишмаларида қўлланган. Янги Г.ё. китоб нашри бошланиши туфайли юзага келган (1709). Ҳоз. Г.ё. қатъий фонологик тартибга асосланган (ҳар бир фонема маълум графемага тўғри келади), 33 белгига — 5 унли, 28 ундошга эга. Босма матнларда, одатда, бош ҳарф бўлмайди.

ГРУЗИН ТИЛИ — грузин халқи тили. *Кавказ* (иберг-кавказ) *тиллари* картвел гуруҳига мансуб. Унда 3917,7 минг киши сўзлашади. Грузин адабий тили тарихи 2 даврга ажралади: қад. грузин (5 — 11-а.лар), ҳоз. грузин (12-а.дан бошлаб). Карт диалекти грузин адабий тилининг асосини ташкил этади. Г. т.нинг диалектлараро дифференцияси жуда кучсиз. Ҳоз. Г. т. фонетика тизимида 5 унли 25 ундош бўлиб, булар 3 турга ажралади: жарангли, жарангсиз ва бўғиз усти. Морфологияда префикс (олд қўшимча) ва суффикслардан фойдаланилади. Г. т.нинг морфологик тузилиши агглютинативдир. Грамматик жинс фарқланмайди, 6 та келишик бор. Тушум келишиги йўқ, унинг ўрнида эргативлик мавжуд. *Кўмакчи*лардан кенг фойдаланилади. Г. т. синтаксиси предикативлик тузилмага эга. Эргаш гапли қўшма гаплар анча тараққий этган.

ГРУЗИНЛАР (ўзларини картвели деб атайдилар) — халқ, Грузиянинг асосий аҳолиси (3787 минг киши). РФда 131 минг киши. Умумий сони 4,15 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Шунинг-



Грузинлар. Кекса грузин.

дек, Озарбайжон, Украина, Қозогистон, Туркия, Эрон ва б. мамлакатларда ҳам яшайди. 17 та субэтник гуруҳга бўлинган: ажарлар, гурийлар, имеретинлар, картлилар, кахетинлар, хевсурлар, мегреллар, сванлар, жавахлар ва б. Грузин тилида сўзлашади. Диндорлари — асосан православлар, бир қисми (ажарлар, месхилар гуруҳи) — мусулмон-суннийлар.

ГРУЗИЯ (Сакартвело) Грузия Республикаси — Закавказьенинг марказий ва ғарбий қисмида жойлашган давлат. Майд. 69,7 минг км². Аҳолиси 5411 минг киши (1996). Пойтахти — *Тбилиси* ш. Грузия таркибига *Абхазия*, *Ажария* киради. 65 туман, 62 шаҳар ва 52 шаҳарча бор.

Давлат тузуми. Г. — демократик республика. 1995 й.да қабул қилинган конституцияга биноан давлат ва ижроия ҳокимият бошлиғи — президент (1995 й. 5 нояб.дан Э. Шеварднадзе). У аҳоли томонидан умумий тўғри овоз бериш йўли б-н 5 й. муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи олий ҳокимият — парламент.

Табиати. Г. табиати хилма-хил. Ҳудуди баланд ва ўртача баландликдаги тоғлар, тепалик, пасттекислик, ясситоғлик ва платолардан иборат. Республиканинг шим. Катта Кавказ (грузинча Кавкасиони)нинг ўрта қисми б-н банд. Г.нинг энг баланд нуқтаси — Шхара тоғи (5068 м). Катта Кавказнинг Г.даги ғарбий қисмида карст рельеф шакллари учрайди. Шарқида ёш вулкан тоғлари бор. Катта Кавказнинг жан.даги Колхида ва Ивери текисликларини Лих тизмаси ажратиб туради. Яна ҳам жан.роқда Кичик Кавказнинг Г. қисмидаги ўртача тог (2850 м) тизмалари кенглик бўйлаб чўзилиб ётади. Республиканинг энг жан. чеккаси вулкан тоғлиги (Диди-Абули тоғи, 3301 м) б-н банд.

Иқлими субтропик иқлим б-н мўътадил иқлим орасида. Колхида пасттекислигида денгиз сатҳидан 500 — 600 м баландликкача нам субтропик иқлим (янв. т-раси 5 — 7°) бўлиб, ёғин кўп ёғади (1200 — 2600 мм). Иверн ботиғида янв.нинг ўртача т-раси —2° дан —3° гача, қиш б-н ёз т-раси ўртасида тафовут катта, ёғин камроқ (300 — 800 мм). Энг иссиқ ой — авг. т-раси 23 °— 26°. Грузиянинг жан.даги тоғликда иқлим анча континентал бўлиб, қиши қаттиқ совуқ, озроқ қор ёғади.

Фойдали қазилмалардан марганец рудаси (Чиатура кони), тошкўмир (Ткибули, Ткварчели) ва нефть (Колхида ва Ташқи Кахети), Катта Кавказда нодир металл, полиметалл ва сурма-мишьяк конлари бор. Қурилиш материаллари (мармар, сланец, цемент хом ашёси ва б.) деярли ҳамма жойда учрайди.

Г. ўзининг хилма-хил маъданли сувлари б-н ажралиб туради; бу жиҳатлари дан дунёда етакчи ўринларни эгаллайди. Маъданли сувлар кимёвий таркиби бўйича гидрокарбонатли, хлоридли, сульфатли ва аралаш гуруҳларга, газ миқдорининг бўлишига қараб карбонат ангидридли ва нокарбонат ангидридли турларга бўлинади. Энг машҳур маъданли сувлари: Боржоми, Сайрме, Набеглави, Зваре, Дзау, Лугела ва б.


Г. дарёлари Қора ва Каспий денгизлари ҳавзасига мансуб. Кура Каспийга, Рионн, Ингури, Кодори ва б. Қора денгизга қуйилади. Г. гидроэнергия ресурсларига бой. Г.да кўл кам. Энг катсурсларига бой. Г.да кўл кам. Энг катта — Паравани (майд. 37 км²); Рица (чуқ. 116 м) ва Амткел (чуқ. 72 — 122 м). Табиатқури, Палестоми ва б. кўлларда балиқ овланади.

Г.да қизил, сариқ, қора, қўнғир, жигарранг ва кул тус-жигарранг тупроқлар учрайди. Тоғ ўрмонларида қўнғир ўрмон тупроқ, тоғ ўсимликлари ўсадиган жойларда — тоғ-ўтлоқи тупроқ. Колхида пасттекислигида ботқоқ ва сарғиш кулранг подзол тупроқлар катта майдонни эгаллайди.

Г.да 4500 турдан кўпроқ гулли ва 10000 га яқин спорали ўсимлик бор. Реликт ва эндемик ўсимликлар (диоскорея, понтия ва кавказ рододендронлари, шамшод, лавр-олча, хурмо ва б.) кўп. Майдонининг 2/5 қисми ўрмон. Тоғ ўрмонларида эман, граб, каштан, қорақайин, тоғларнинг юқори минтақаларида қарағай, оққарағай, қорақарағай ўсади. Ўрмонларнинг юқори чегарасидан 2800 — 3500 м баландликкача тоғ ўтлоқлари учрайди.

Катта Кавказнинг ўтлоқ минтақасида тоғ эчкилари — серна, безоар эчкиси, тоғ тақаси, қушлардан кавказ тоғ куркаси (улар), ўрмонларда қўнғир айиқ, асил бугу, элик, силовсин учрайди. Умуман Г.да сут эмизувчиларнинг 100 га яқин тури, қушларнинг 330, судралувчиларнинг 48 ва балиқларнинг 160 га яқин тури мавжуд. Тбилиси табиий миллий боғи, қўриқхоналар бор.

Аҳолисининг кўпчилиги грузинлар (70% дан ортиқ). Шунингдек, арман, рус, озарбайжон, осетин, грек, абхаз, украин ва б. яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги — 1 км²га 77,5 киши. Давлат тили — грузин тили. Аксарият аҳолиси православлардир; католиклар, протестант-лютеранлар, мусулмонлар ҳам бор. Аҳолининг 56% шаҳарларда истиқомат қилади. Йирик шаҳарлари: Тбилиси, Кутаиси, Рустави, Сухуми, Батуми.





Грузия герби.

Тарихи. Археологик қазилмалар бу ерда одам палеолит давридан бошлаб яшаб келаётгани ҳақида маълумот беради. Неолит даврида Г. ҳудудида матриархал-уруғчилик тузуми бўлиб, энеолит даври ва жез даврининг бошларидан (мил. ав. 5 — 3-минг йиллик) патриархал-уруғчилик тузуми шаклланган. Жез даврининг охирларида (мил. ав. 1-минг йилликдан) уруғчилик муносабатлари емирилиб, қулдорлик жамияти юзага келган. Мил. ав. 2-минг йилликнинг охирларида грузин қабилаларининг йирик уюшмалари вужудга келади. Мил. ав. 6-а.да Колхида (Ғарбий Г.), мил. ав. 5 — 4-а.ларда Иберия ёки Картли (Шарқий, қисман Жан. Г.) подшолиги ташкил топди. Шундан Г. номи Сакартвело (картвелилар тилида грузин давлатининг номи) келиб чиққан. 523 й. Эрон Иберияни босиб олиб, бу ерга ўз ноибини тайинлаган. *Сосонийлар* сулоласи инқирозга учрагач, Иберия Эронга тобеликдан қутулди ва ҳокимият маҳаллий ҳукмдорлар қўлига ўтди. 7 — 8-а. бошларида Г.нинг деярли ҳамма ерларини араблар босиб олган. Араблар ҳукмронлигига қарши грузин, албан ва арманлар биргаликда кураш олиб бордилар. 8 — 10-а.ларда алоҳида-алоҳида подшоликлар (Кахети, Тао-Кларжети, Абхазия подшолиги) вужудга келди. Подшоликлар ўртасида бошланган ўзаро кураш 10-а.нинг 2-ярми ва 11-а.нинг бошларида Г.ерларини подшо *Баграт* III (975 — 1014) бошчилигида ягона давлатга бирлаштириш б-н тугади. Подшо *Довуд «Қурувчи»* даври (1089 — 1125)да Г. салжуқ туркларига қарши курашиб, Закавказьенинг кўпгина қисмини озод қилди. Георгий III (1156 — 84) ва Тамара (1184 — 1213) подшоликлари даврида Г. Яқин Шарқдаги энг кучли давлатлардан бирига айланди, сиёсий-иқтисодий ва маданий равнаққа эришди, 12-а.га келиб, сиёсий ҳокимият марказлаштирилди, қ.х. ишлаб чиқариши анча ривожланди, шаҳарларда ҳунармандчилик ва савдо ишлари тараққий этди. Маданият ва санъат ҳам равнақ топди. 1226 й.да хоразмшоҳ *Жалолиддин Мангуберди* Г.ни эгаллади. 13-а.нинг 2-чорагидаги *мўғуллар истилоси* Г.нинг сиёсий бирлигига, хўжалигига путур етказди. 14-а.нинг 2-ярмида Г. *Амир Темур* қўлига ўтди. 16 — 18-а.ларда Г.га Эрон ва Туркия бостириб кирди. Ички кураш кучайди, натижада Г. бир неча мустақил давлатга (Картли, Кахети, Имерети подшоликлари ва Самцхе, Гурия, Сванети, Абхазети князликларига) ажралиб кетди. 18-а.нинг 2-ярмидан Картли-Кахети давлати анча кучайди. Ираклий II энг йирик князликларни ўзига бўйсундириб, давлатни қайтадан тиклаш, хўжалик ва савдо-сотиқ ишларини ривожлантириш йўлида кўп тадбирлар кўрди.

17 — 18-а.ларда Г.да адабиёт ва тарихшунослик жонланди, китоб нашр этила бошлади. 18-а.нинг 2-ярмида Россия-Г. муносабатлари вужудга кела бошлади: 1783 й. Георгиевск ш.да Россия б-н Картли-Кахети подшолиги ўртасида дўстлик шартномаси тузилди. Бироқ Россия империяси шартномада белгиланган мажбуриятларини бузиб, 1801 й. Шарқий Г.ни, 1803 — 64 й.ларда Ғарбий Г.ни ҳам босиб олди. Бу эса очиқдан-очиқ босқинчилик эди, мана шу хиёнаткорлик сабабли Имерети подшолиги ва Г. князликлари тугатилди.

Грузин халқи миллий давлатчилигини тиклаш учун, руслаштириш сиёсатига қарши курашди, бир қанча исёнлар кўтарилди. Шу б-н бирга Г. ерларини қисман бирлаштириш имконияти туғилди.

19-а.нинг 2-ярмидан грузин халқи миллий озодлик ҳаракатининг янги босқичи бошланди. Аммо Г.нинг миллий давлатчилигини қайта тиклаш масаласи Россиядаги 1917 й. Февраль инқилобидан, айниқса большевикларнинг Октябрь тўнтаришидан сўнг қатъий қилиб қўйилди.

Большевиклар Россиядаги ҳокимиятни қўлга олганидан кейин Закавказьенинг нуфузли сиёсий кучлари Шўро ҳокимиятини тан олмадилар ва 1917 й. нояб.да мустақил бошқарув (Закавказье комиссарлиги)ни ўрнатдилар. Натижада Закавказье Федерацияси шаклланди, бироқ унинг таркибий қисмлари иқтисодий ва сиёсий манфаатлари ҳар хиллиги, шунингдек, Туркия б-н муносабатлар кескинлашганлиги сабабли федерация яшашга ноқобил бўлиб чиқди ва тез орада барбод бўлди. Г. ҳудудининг бир қисми (Батуми, Озургети, Ахалцихе)ни Туркия эгаллаб олди.

Г.нинг 1-миллий қурултойи томонидан 1917 й.да сайланган ваколатли халқ органи — Г. Миллий Кенгаши 1918 й. 26 майда мамлакатни мустақил деб эълон қилди ва Г. Демократик Республикасини тузди. 1919 й. мартда Миллий Кенгаш таъсис мажлисига айлантирилди. Республика ҳукумати давлат чегараларини белгилади, грузин тилини давлат тили деб эълон қилди, мактабларни давлат ихтиёрига олди, давлат бошқарув идоралари ва судлов ишларини ислоҳ қилди, майда миллатлар учун мактаблар очди ва ҳ.к. 1921 й. 21 фев.да Таъсис мажлиси Г. Демократик Республикасининг конституциясини қабул қилди. Бироқ тез орада большевиклар Россияси Г. мустақиллигини тан олиш тўғрисида 1920 й. 7 майда ўзи имзолаган шартномани бузди ва 1921 й. 25 фев.да Қизил Армия Тбилиси ш.ни ишғол қилди. Г. ҳукумати аъзолари чет элга кетишга мажбур бўлди. Г. яна забт этилди ва большевиклар ҳукмронлиги даврида 1922 й. дан 1936 й.гача Закавказье Социалистик Федератив Совет Республикаси, 1936 й. 5 дек.дан эса бевосита собиқ СССР таркибига кирди.



Грузия байроғи

Совет ҳокимияти даврида тузилган давлат муассасалари расмий тусда бўлиб, ҳамма иш Москва кўрсатмаси б-н қилинарди. Мустабид тузумнинг шафқатсизликларига қарамай, грузин халқи миллий мустақиллик учун курашни тўхтатмади, фақат кураш усулларигина ўзгарди. 1924, 1953 ва 1989 й.лардаги ғалаёнлар армия ёрдамида бостирилди. 1990 й. окт.да Г. Олий Кенгаши мамлакат номини Грузия Республикаси деб аташ тўғрисида қонун қабул қилди, давлат герби, байроғи ва мадҳияси матни ҳамда мусиқаси ўзгартирилди. 1991 й. 9 апр.да Г. давлат мустақиллиги тикланди. 1991 й. апр.да Олий Кенгаш томонидан Г. Республикаси президенти лавозими таъсис этилди, май ойида З. Гамсахурдиа президент этиб сайланди. 1992 й. янв.да ички сиёсий кучларнинг қарама-қаршилиги ва аҳоли кўпчилик қисмининг президент олиб бораётган сиёсатдан норозиликлари туфайли шу пайтда тузилган Ҳарбий Кенгаш З. Гамсахурдиани лавозимидан четлаштирди. 1992 й. мартда Ҳарбий Кенгаш тугатилиб, Э. Шеварднадзе бошчилигида Давлат кенгаши ташкил этилди. 1992 й. 11 окт.да бўлиб ўтган умумхалқ сайловларида Г. Республикаси парламентининг янги таркиби ва раиси, 1995 й. 5 нояб.да мамлакат президенти сайланди. Г. — 1992 й.дан БМТ аъзоси. 1993 й.да у МДҲга аъзо бўлиб кирди. Ўзбекистон б-н Г. ўртасида дипломатия муносабатлари 1992 й. 16 мартда ўрнатилган. Миллий байрами — 26 май — Давлат мустақиллиги қайта тикланган кун.

Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. Г. фуқаролари парламент иттифоқи (раиси Э. Шеварднадзе), Демократик тикланиш иттифоқи (раиси А. Абашидзе), Миллий-демократик партия (раиси И. Саришвили), Социалистик партия (раиси В. Рчеулишвили), Халқ партияси (раиси М. Георгадзе), Лейбористлар партияси (раиси Ш. Нателашвили) ва парламентдан ташқари иш юритувчи яна бир неча партия бор. Эркин касаба уюшма бирлашмалари ишлаб турибди.

Хўжалиги. Г. саноати ва қ.х. ривожланган мамлакат. Миллий даромадда саноатнинг улуши ўртача 34%, қ.х. улуши 29%. Марганец рудалар, ферроқотишма, пўлат қувур, электровоз, юк автомобиллари, металл қирқиш станоклари и.ч. етакчи тармоқлардир.

Саноати. Г. саноати таркибида кейинги вақтларда оғир саноат тармоқлари муҳим аҳамият касб эта бошлади. Озиқ-овқат саноати ҳам асосий ўринда туради. Енгил саноат, машинасозлик ва металлсозлик тармоқлари яхши ривожланган. Йирик транспорт, электротехника ва вибрация машиналари, пайвандлаш аппаратлари, электротехника буюмлари, ҳисоблаш техникаси приборлари, сув ости қанотли катерлар ишлаб чиқарилади. Электр энергетикаси гидроэлектр ст-ялар ва ёқилғи б-н ишлайдиган ст-ялардан иборат (Ингури ГЭС, Рионi ГЭС, Храми ГЭС ва Тбилиси, Ткварчели ГРЭСлари). Йилига ўртача 13,4 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Ткибули ва Ткварчелида кўмир қазиб чиқарилади. Чиатуридаги катта марганец кони негизида кончилик саноати ривожланган. Марнеулидаги мис-полиметалл рудаларини қазиб олиш ва бойитиш асосида янги тармоқ вужудга келтирилди.

2-жаҳон урушидан кейин Руставида металлургия з-ди қуриб, ишга туширилди. Турли қувур ва прокат асосий металлургия маҳсулотидир. Рустави азотли ўғит, капролактам ва синтетик тола з-длари ва б. корхоналар кимё саноатини ташкил қилади. Тбилиси, Кутаиси, Батуми ва б. шаҳарларда машинасозлик ва металлсозлик корхоналари, йирик электровозсозлик, автомобилсозлик, станоксозлик, асбобсозлик ва электротехника маҳсулотлари з-длари мавжуд. Каспи, Руставидаги қурилиш материаллари корхоналари цемент, шифер, блок, йигма темир-бетон, ғишт, черепица ва б. ишлаб чиқаради. Тбилиси, Кутаиси, Батуми, Гори ш.ларидаги енгил саноат корхоналарида ипак, жун, ип газлама, трикотаж, чарм пойабзал ва б. ишлаб чиқарилади. Озиқ-овқат саноатида чой, вино, коньяк, шампан винолари, тамаки, сабзавот ва мева консервалари и.ч. салмоқли ўрин тутади. Маҳаллий маъданли булоқлардан, айниқса Боржоми булоғидан чиқадиган шифобахш сувларни шишаларга қуйиш йўлга қўйилган.


Қишлоқ хўжалиги. Деҳқончилик — Грузия қ.х.нинг асосий тармоғи. Мамлакат жами ҳудудининг 16,1% га экин экилади. Энг муҳим экини — чой (66 минг га дан ортиқ). Субтропик зонада цитрус (мандарин, апельсин, лимон), субтропик мевалар (хурмо, анор, мушмула, фейхоа), тунг (юқори сифатли мой олинадиган ўсимлик), асил лавр, бамбук ва б. ўстирилади. Токчилик — Грузия қ.х.нинг қад. тармоғи. Г.да узумнинг 400 дан ортиқ нави бор. Узум асосан Кахети, Имерети ва Рача-Лечхуми туманларида етиштирилади. Резавор мевалар ҳам кўп миқдорда экилади. Донли экинлардан маккажўхори, арпа, буғдой, техника экинларидан тамаки, кунгабоқар, қанд лавлаги, эфир мойли экинлар, сабзавот ва картошка анчагина майдонни эгаллайди.

Чорвачилиги асосан гўшт-сут ва гўшт-жун етиштиришга ихтисослаштирилган; қорамол, чўчқа, қўй, тоғли туманларда эчки боқилади. Кўпгина туманларда паррандачилик ва пиллачилик ривожланган.

Транспорти мамлакат рельефи ва иқлимига, гидрография тармоғи, аҳоли зичлиги, ҳаракат тартиби ва жойлашувига мослаб уюштирилган. Электрлаштирилган т.й. узунлиги — 1,6 минг км га яқин. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари уз. — 21,6 минг км, жумладан қаттиқ қопламали йўл — 20,3 минг км. Денгиз транспорти ривожланган. Асосий денгиз портлари: Батуми, Поти. Тбилиси, Кутаиси, Сухуми, Батумида аэропортлар, кўпгина туманларда маҳаллий аэропортлар бор. Боку — Батуми нефть қувури, Шим. Кавказ — Озарбайжон газ қувури Г. ҳудудидан ўтган. Тбилисида метрополитен қурилган. Юк ва йўловчи ташиладиган осма йўллар тизими мавжуд. Г.даги иқтисодий беқарорлик ва Г. — Абхазия можароси оқибатида ташқи савдо таназзул ҳолатига тушиб қолди. Савдо-сотиқдаги асосий мижозлари: Россия, Туркия, Озарбайжон. Пул бирлиги — *лари*.

Соғлиқни сақлаш. Курорт хўжалиги ва сайёҳликка катта аҳамият берилади. Г.нинг тог ва денгиз иқлими бирга қўшилиб, кўпгина дардларни даволаш учун яхши шароит яратади. Денгиз бўйидаги паст тоғ ва ўрта тоғ минтақалари иқлими ёрдамида даволаш айниқса самаралидир. Бой ва хилма-хил

Рица кўли.



ўсимлик дунёси — қарағай, бук-игна баргли ва аралаш кенг баргли ўрмонлар табиат қўйнида ҳордиқ чиқариладиган ва соғлиқни тиклайдиган роҳатижон масканлар ҳисобланади. 80 га яқин курортда ҳар йили 2 млн.га яқин киши дам олади. Бир қанча сайёҳлик базалари ва маршрутлари мавжуд. Шифобахш булоқлар, балчиқ ва карс тоғларидан ҳам тиббий мақсадларда фойдаланилади. Энг машҳур курортлари: Гагра, Пицунда, Янги Афон, Сухуми, Махинжаури, Кабулети, Абастумани, Гудаури, Цхалтубо, Менжи, Шови, Боржоми ва б.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Қад. юнон тарихчилари берган маълумотларига кўра, Г. ҳудудидаги давлатларда маориф антик давр намунасида ташкил этилган. 3-а.нинг 2-ярмида асос солинган Колхида олий риторика мактаби (Колхида академияси) маорифни ривожлантириш соҳасида кўп иш қилди. 4-а.да христианлик давлат динига айлангач, черков ва монастирлар ҳузурида мактаблар очилди. Бироқ, чет эллик истилочиларнинг босқинлари грузин маданияти ривожини узоқ вақт тўхтатиб қўйди. 13-а.га келиб, катта фан ва маориф марказлари — Гелат (Гарбий Г.) ва Икалтей (Шарқий Г.) академиялари барпо этилди. 17-а. 2-ярмидан чет элларда грузин алифбо ва дарсликлари босила бошлади. Г. давлатчилиги тугатилгач (1801), маориф тизими Россия намунаси асосига ўтказилди. 2000 й. Г.даги 3500 дан кўпроқ умумий таълим мактаби ва ўрта махсус ўқув юртларида 850 мингга яқин бола ўқиди. Грузин ва абхаз мактаблари б-н бир қаторда рус, арман, озарбайжон ва осетин мактаблари ҳам мавжуд. Г.да 19 олий ўқув юрти, жумладан Тбилиси ва Сухуми ун-тлари, политехника, қ.х., тиббиёт ва б. ин-тлар бор. 2000 й. Г.даги олий ўқув юртларида 100 мингдан кўпроқ талаба таълим олди. 200 га яқин пуллик олий мактаблар ҳам мавжуд. Асосий илмий кучлар *Грузия Фанлар академияси*га бирлашган. 2000 й. Г.да 110 музей ишлади.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Г.да 250 газ., 84 жур. ҳамда 200 нашриёт, 13 ахборот агентлиги фаолият кўрсатади. Аммо 15 тача газ. ва жур. мунтазам равишда чиқиб туради. Энг йирик расмий газ.лари: «Сакартвелос Республика», «Свободная Грузия», «Вечерный Тбилиси». Ноҳукумат нашрлари: «Кавкасиони», «Дрони», «Жоржиан таймс», «Иверия-экспресс», «Мимомхилвели», «Резонанси», «Ахалгазрда Ивериэли» ва б. газ.лар. Г.да телекўрсатувлар 1956 й.дан бошланган. Давлат телевидение ва радиоэшиттириш корпорацияси, «Сакинформ» миллий ахборот агентлиги, «Имринда», «Би-Эс-Пресс», «BGI» мустақил агентликлари, «Кавкасиони», «Иберизия» хусусий телекомпаниялари мавжуд.

Адабиёти халқ оғзаки ижодиёти намуналари заминида пайдо бўлган. Даҳрий Амирани ҳақидаги эпос мил. ав. 3-а.даёқ маълум бўлиб, унинг кўп нусхалари ҳозиргача етиб келган. Ўрта асрларда «Этериани» (шаҳзода Абесаломнинг подачи қиз Этерига муҳаббати ҳақида), «Арешидзе князлигининг маҳв этилиши», «Арсен ҳақида қўшиқ» достонлари яратилган. Мил. 5-а.да черков адабиёти ривожланди. 10-а.да Георгий Мечулининг авлиёлар ҳақидаги «Григорий Дандзтели тирикчилиги» (951) асари пайдо бўлди. Қад. Г. адабиётида 12-а. тараққиёт даври бўлди. Қаҳрамонлик-ғаройибот ҳикоялари («Американи — Дарежаниани»), романлар («Висрамиани»), мадҳия достонлари («Абдул-Мессия», «Тамариани») пайдо бўлди. Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» достони ҳам шу даврда яратилган.

17 — 18-а.ларда грузин халқи сиёсий бирлашишга интилди. Бу даврда «Афсоналар ҳикмати тўғрисида» номли масаллар тўпламининг муаллифи Сулхансаба Орбелиани, «Грузия мусибатлари» достонининг муаллифи Давид Гурамишвили, муҳаббат лирикаси устаси Бесарион Габашвили ижоди салмоқли ўрин тутади. 19-а.гача бўлган Г. адабиётида Шарқ, биринчи навбатда форс адабиёти анъаналарининг таъсири кучли эди. 19-а.нинг 1-ярмида Г. Россия томонидан босиб олингач, Европа маданияти б-н мустаҳкам алоқа ўрнатилди. Ёш грузин адиблари романтизм ғоясини дадил қабул қилдилар. Миллий озодлик ва ижтимоий адолат ғояларини куйлаган шоир А. Чавчавадзе 19-а. Г. адабиётида романтизмни бошлаб берди. Бу анъанани Г. Орбелиани, Н. Бараташвили давом эттирди. 19-а.нинг 2-ярмидан бошлаб адабиётда реализм тамойиллари пайдо бўлди. Комедиялар муаллифи, Г. театрининг асосчиси Г. Эристави реализмнинг таниқли вакили эди. 19-а. 60-й.ларидаги ижтимоий вазият адабиётнинг равнақ топишига имкон берди. Танқидий реализм адабиётда асосий йўналиш бўлиб қолди. Миллий озодлик ҳаракати ғояларини И. Чавчавадзе куйлади («Шарпа», «Йўловчи хотиралари» достонлари, «Инсонми у» қиссаси ва б.). 19-а. 80-й.ларида Г. адабиётига А. Казбеги ва Важа Пшавела кириб келди. А. Казбеги қиссаларида («Элгужа», «Пдараксуш», «Хевисбери Гоча») тоғлик грузинлар ҳаёти ранг-баранг бўёқларда тасвирланган. Важа Пшавела достонлари («Балохўр», «Меҳмон ва мезбон», «Алуда Кетелаури», «Бахтриони»), лирикаси ва насрий асарларида ўша даврнинг фалсафий ва ахлоқий муаммолари ўз ифодасини топди. 19-а. 90-й.ларида Г. адабиётида ижтимоий ҳаётни қайта қуриш масалалари марказий ўринни эгаллади. Э. Ниношвили, Д. Кладиашвили ўз асарларида камбағал қишлоқ ҳаётининг аянчли манзарасини, деҳқонларнинг оғир ҳаётини тасвирладилар. 1917 й. окт.даги давлат тўнтаришидан олдинги йилларда реалистик адабиёт анъаналарини Ш. Дадиани ва Н. Лордкипанидзелар давом эттирди.

Г.да совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин, бу ерда ҳам пролетар маданияти деб аталган маданиятни қарор топтиришга киришилди, у ҳар қандай ҳодисани тор синфий нуқтаи назардан баҳоларди. Аммо истеъдодли грузин ёзувчилари бундай чекланишни бартараф этиб, ҳақиқий бадиий асарлар яратишди. Булар — Паоло Яшвили, Тициан Табидзе, Григол Рокабидзе, Симон Чиковани, Ираклий Абашидзе, Ладо Асатиани, Нодар Думбадзе, Михаил Жавахишвили, Константинэ Гамсахурдиа, Поликарпе Какабадзе, Лео Киачели, Георгий Леонидзе, Иосиф Гришашвили ва б. Анна Калондадзе, Григол Абашидзе, Чабуа Амирэжиби, Отар Чиладзе асарлари ўқувчилар орасида кенг тарқалган.

Г. адабиётининг ажойиб намуналари ўзбек тилига таржима қилинган: Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» достони, И. Абашидзе достонлари, Н. Бараташвили ва б.нинг шеърий асарлари, Н. Думбадзенинг «Абадият қонуни», «Қуёшни кўраяпман» романлари ва ҳ.к.

Меъморлиги. Г. ҳудудида қад. манзилгоҳлар энеолит (Шулаверис тепа шаҳар харобаси), жез ва илк темир даври (Нацар тепа, Триалети, Самтавро қўрғонлари)га оид. Мцхета акрополи, Вани ш. харобалари сақланган (мил. ав. 1-минг йилликнинг 2-ярми ва мил. дастлабки асрлар). Қад. «дарбази» типидаги тўғри тўртбурчак тарҳли ва томи ёғочдан гумбазсимон, поғонали гвиргвини уйлари кенг тарқалган. Христиан динининг қабул қилиниши (1 — 5-а.лар), ер эгалиги муносабатларининг ривожланиши натижасида шаҳарлар (Ужарма, Тбилиси) атрофига истеҳкомлар қурилган. *Базилика* шаклидаги черковлар сақланган (Болнис Сиони, 478 — 493 й. ва б.). 6-а. 2-ярмидан маркази гумбазли 4 апсидали бинолар (Жвари ибодатхонаси, Атени Сиони ва б.) қурилди. 10-а. ўрталари ва 13 — 14-а.ларда янги шаҳарлар қурилди, кўпгина қад. шаҳарларда қалъалар, йирик монастир ансамбллари, соборлар қад кўтарди. Бинолар тўғри тўртбурчак тарҳли, хочсимон гумбазли, олд томони тоқи-равоқли, ўймакори шаклда безатилиб, ички деворлари ва гумбаз остига расмлар туширилди (Кутаисидаги Баграта ибодатхонаси, 10 — 11-а.лар, Мцхетадаги Алаверди ва Светицховели соборлари, 11-а. ва б.).

14 — 18-а.ларга оид шаҳар харобалари (Греми, 16-а. ва б.), ибодатхона, монастир, қалъа (Ананури, 16 — 17-а.лар), қўрғон (Хертвиси), карвонсарой, кўприклар сақланган.

19-а.да Г.ни Россия босиб олгач, классицизм услубидаги иншоотлар қурила бошлади. 19-а. 2-ярмида шаҳар меъморлигида эклектизм ҳукмронлик қилган бўлса, 20-а.дан миллий меъморлик шакллари ва мавзулари вужудга келди (Тбилисидаги Грузия дворян замин банки, ҳоз. Республика халқ кутубхонаси, 1912—16, меъмори А. Н. Кальгин).

20-а.нинг 20—30-й.ларида бинолар совет конструктивизми руҳида барпо қилинди (санаторий, дам олиш масканлари), анъанавий миллий меъморлик шакллари қўлланилди (ЗАГЭС, 1927, меъморлар А. Н. Кальгин, М. С. Мачавариани, К. А. Леонтьев; Тбилисидаги «Динамо» стадиони, 1933 — 37, меъмори А. Г. Курдиани).

50—60-й.ларда йирик саноат шаҳарлари қурилди (металлурглар шаҳри — Рустави ва б.), Тбилиси ва б. шаҳарларда маъмурий бинолар (Тбилисидаги ҳукумат уйи бош корпуси, 1938 — 53, меъмори В. Д. Кокорин ва Г. И. Лежава, В. Д. Насаридзе иштирокида), театр, ўқув ва спорт иншоотлари, меҳмонхоналар («Иверия» меҳмонхонаси, 1967, меъмори О. Д. Каландаришвили, И. С. Цхомелидзе иштирокида) қад кўтарди. Маҳаллий иқлим шароитига мослаштирилган кўп қаватли уйлар қурила бошлади. Йирик шаҳар ва курортларнинг янги бош лойиҳалари ишлаб чиқилди (Цхалтубо, Пицунда ва б.). Меъморликда ҳайкалтарошлик, мозаика, рангтасвир, ўймакорликдан фойдаланилди (Тбилисидаги бахт уйи, Тбилиси метрополитени ст-ялари ва б.). Кичик шакл меъморлиги (хиёбонлар, дўконлар, обидалар) барпо этиш соҳасида дуруст муваффақиятларга эришилди.

Тасвирий санъати. Мил. ав. 2 — 1-минг йилликда тилла, кумуш, жездан безак буюмлари (заргарлик, рангдор тошлар, металл, тош ўймакорлиги), сиркор, нақшли сопол идишлар ишланган (Триалети қўрғонлари, Самтавро мозори ва Мцхетадан топилган буюмлар). Ўрта асрларда эҳромларга бўртма ҳайкаллар ва ўйма нақшлар ишлаш ривожланган, монументал рассомлик, миниатюра авж олган (Жвари рельефлари, Цроми мозаикалари, 7-а.). 10 — 13-а.лар Г. санъати гуллаган давр бўлди: Кумурдо ва Ошки эҳромлари, Светицховели собори (Мцхета), Атени, Вардзиа, Сванетия черковларидаги девор расмлари (рассом Тевдоре), Гелат монастири асосий эҳроминнинг мозаикалари, астрономия рисоласи (1188) ва б. жозибадорлиги б-н диққатни тортади. Металл кандакорлиги Г. санъатининг муҳим тармоғи: Зарзмадаги «Тирилиш» (9-а.), «Меҳр» (11-а.) иконалари, Брили (усғаси Асат), Бретидаги олтин бутлар ва б.

19-а.дан рус санъатининг таъсири кучайди. 19-а. 2-ярми ва 20-а. бошларида баъзи рассомлар ижодида демократик-реалистик йўналиш муҳим ўрин олди, портрет санъати ривожланди (Г. И. Майсурадзе ва б.) ва маиший мавзуга эътибор кучайди: Р. Н. Гвелесиани, А. Л. Беридзе, А. И. Гогиашвили, Г. И. Габашвили, А. И. Мревлишвили, М. И. Тоидзе ва б. 19-а. охири ва 20-а. бошларида ҳоз. замон Г. ҳайкалтарошлигининг асосчиси Я. Ш. Николадзе ва рассом Н. Пиросманишвили ижод қилди. Тбилисида ташкил этилган Бадиий академия (1922) Г. тасвирий санъати ривожига катта ҳисса қўшди. 1950— 60 й.ларда шу академияни битириб чиққан рассомлар Э. Каландадзе, Г. Кутателадзе, К. Махарадзе, Ж. Нижарадзе, Р. Тархан-Моурави, Ж. Хундадзе, Н. Игнатов, Т. Тордия ҳамда санъаткорлардан А. Г. Цимакуридзе, В. В. Сидамон-Эристави, Д. Н. Какабадзе, аёл рассомлардан Е. Д. Ахвледиани, К. К. Маналашвили, ҳайкалтарошлардан Н. П. Канделаки, С. Я. Какабадзе, театр рассомларидан И. И. Гамреколи, С. Б. Бирсаладзе ва б. ижоди диққатга сазовор. 1950 — 60 й.ларда Г. рассомларининг янги авлоди етишди: Г. Д. Геловани, Э. А. Тотибадзе ва б; А. М. Бандзеладзе, Т. Л. Кубанейшвили ва б. графикада, Э. Д. Амашукели, М. И. Вардзенишвили, Д. Микатадзе ва б. ҳайкалтарошликда, И. А. Очиаури, Г. З. Габашвили, К. Е. Гурули ва б. металл ўймакорлигида ижод қилдилар. Зураб Церетелининг монументал асарлари Г.дагина эмас, АҚШ (Нью-Йоркдаги БМТ биноси ёнида), Россия, Бразилия, Япония, Англия ва б. мамлакатларда ҳам ўрнатилган.



Ананури қалъаси.

Мусиқасига оид дастлабки маълумот мил. ав. 8-а.дан бошланади. Халқ мусиқаси хилма-хил шакл, услуб ва жанрларда, бир овозли куйлар б-н бирга кўп овозли йўллари ҳам мавжуд. Картули, перхули, хорими каби халқ рақслари, чонгури, пандури, чанги (чертма-торли), чунири (торли-камонли), саламури (найсимон), гудаствири (дамли), доли, дайра (урма) сингари халқ созлари қадимдан маълум.

Кўп овозли халқ қўшиқлари таъсирида черков мусиқаси вужудга келган (14-а.). 18-а.дан шаҳар ҳунармандлари мусиқаси пайдо бўлган. 19-а.дан композиторлик мусиқа маданияти ривожлана бошлади. Тбилисида опера театри (1851), камер ва симфоник концертлар ташкил этилган, хор курслари ва мусиқа мактаби (1886 й.дан мусиқа билим юрти) очилган. Ф. Я. Коридзе, З. П. *Палиашвили*, грузин мусиқий фольклоршунослиги асосчиси Д. И. Аракишвили ва б. халқ қўшиқларини тўплаб нашр этишган. 1905 й.да Г.да филармония жамияти тузилган. 1904 й. Д. И. Аракишвили биринчи миллий опера — «Шота Руставели ҳақида қисса» ни яратди. 1919 й. З. П. Палиашвилининг «Абесалом ва Этери» операси, В. И. Долидзенинг «Кето ва Котэ» ҳажвий операси саҳнага қўйилди. 1917 й. Тбилисида консерватория очилди. 1919 й. опера студияси очилиб, унда рус ва Ғарбий Европа композиторларининг опералари саҳналаштирилди. 1922 й.да 2- консерватория очилиб, миллий опера ривож топди. З. П. Палиашвилининг «Данси», И. Р. Токиелининг «Қизил қалпоқча» ва «Биллур кавушча», Н. Л. Мамисашвилининг «Мақтанчоқ қуёнча» каби болалар опералари яратилди (бу опералар янги таҳрирда 60-й.ларда саҳнага чиқди). А. Д. Мачавариани, С. Ф. Цинцадзе, А. М. *Баланчивадзе* каби композиторлар жаҳон классик адабиёти асарлари асосида балетлар яратиш

ган. 1930-й.лар охиридан симфоник жанр етакчи бўлиб қолди. 40 — 50-и.лар охири О. В. *Тактакишвили*нинг 1-симфонияси б-н фортепиано концерти, А. Д. Мачаварианининг скрипка концерти (1949) ва б. асарлар яратилди. Ш. Мшвелидзенинг «Тариэл ҳақида афсона» эпик монументал операси Г. мусиқий театрининг йирик асаридир. О. Тактакишвили, Р. Лагидзе, Г. Цабадзе, С. Насидзе, Г. Канчели ва б. композиторларнинг асарлари кўп мамлакатларда машҳур. Г. ҳар доим истеъдодли дирижёр, хонанда ва созандалар б-н донг таратган (Е. Микеладзе, О. Димитриади, С. Инашвили, Н. Кумсиашвили, Д. Бадридзе, Д. Гамрекели, Д. Андгуладзе, Н. Харадзе, М. Накашидзе, П. Амиранашвили, З. Соткилава, М. Касрашвили, П. Бурчуладзе, Э. Вирсаладзе, А. Торадзе, Л. Исакадзе, З. А. Анжапаридзе, Н. Брегвадзе, В. Кикабидзе, Т. Гвердцители ва б.).

Театри. Г.лаги қад. ҳосил байрами ўйинларида театр унсурлари бўлган. Мил. ав. 2-минг йиллик ўрталарига мансуб кумуш буюмларда ниқоб тақиб ўйинга тушаётган кишилар тасвирланган. Шу ўйинларнинг унсурлари кейинчалик берикаоба деб аталган ниқобли халқ театрига ўтган. Унинг томошаларида халқнинг эрксеварлик руҳи, зулмга қарши кураши акс этган. Ксеноба деб аталган оммавий халқ карнавал байрамлари грузинларнинг ажнабий босқинчиларга қарши курашини акс эттирган. Ўрта асрларда черковнинг қувғинига қарамай, сахиоба деб аталган сарой театри ривожланди. У афсонавий, ишқий ва ҳажвий томошалар кўрсатарди. 18-а.нинг 2-ярмига келиб, театр мактаби таркиб топди. Г. профессионал театри чор ҳукумати томонидан 1856 й.да ёпилди. Профессионал театр асосчиси драматург Г. Эристави эди. 1879 й. И. Чавчавадзе ва А. Церетели каби ёзувчилар Тифлис ва Кутаисида профессионал театрларни ташкил қилишди. В. Абашидзе, В. С. Алексимеехашвили, Н. Габуния, К. Месхи, В. Гуния ва б. уша йилларнинг йирик актёрларидир. 90-и.ларда Тифлис, Батуми, Кутаисида халқ театрлари вужудга келди. 1921 и. Тбилисида Ш. Руставели номидаги театр, 1928 и. Кутаисида К. А. Маржанишвили бошчилигидаги театр ташкил этилди (1930 и. Тбилисига кўчирилди, 1938 й.дан К. А. Маржанишвили номи б-н аталди). 1939 и. Ш. Руставели номидаги Г. давлат театр ин-ти вужудга келган. В. Анжапаридзе, А. Васадзе, В. Д. Годзиашвили, У. Чхеидзе, А. Хорава, Н. Вачнадзе, Т. Чавчавадзе, С. Чиаурели, К. Кавсадзе, Р. Чхиквадзе, Г. Кавтарадзе, С. Закариадзелар Г. театрининг йирик арбобларидир. М. Жапаридзе, М. Чахава, К. Махарадзе, Л. Иоселиани ва б. актёр ва режлар театрга кейинги йилларда кириб келди. Г.да опера, оперетта ва мусиқа театрлари, болалар театрлари машҳур. Г.да 38 та давлат ва ўнлаб халқ театрлари мавжуд. Сухуми, Рустави, Гори, Цхинвали, Чиатура, Телави, Поти, Махарадзе, Зугдиди, Ахалцихе ш.ларидаги театрлар шу жумлага киради.

Киноси 1908 й. тасвирчи В. Я. Амашукели суратга олган ҳужжатли фильмдан бошланган. Г.нинг биринчи бадиий фильми «Роҳиба»дир. 1921 й. «Арсен Жоржиашвили», 1923 й.да «Қизил шайтончалар» фильмлари экранга чиқди. «Уч ҳаёт» (И. Перестиани), «Ким айбдор» (А. Цуцунава) фильмлари 30 — 40-й.ларда яратилган. А. И. Бек-Назаров, И. Перестиани, Н. Шенгелая, А. Цуцунава, М. Чиаурели, К. А. Маржанашвили каби реж.лар, Н. Вачнадзе, М. Геловани ва б. актёрларнинг Г. кинематографиясининг юзага келишида хизматлари катта. «Георгий Саакадзе (М. Чиаурели), «Кўприк» (С. Пипинашвили) фильмлари 2-жаҳон уруши йиллари экранлаштирилди. «Ниначи», «Икки океан сири», «Оқ карвон», «Ёлбориш» каби фильмлар кейинги йиллар маҳсули. Реж. М. Чхеидзе ишлаган «Солдат отаси» фильми Г. киносининг ютуғи ҳисобланади. Г. кинематографчилари қисқа метражли фильмлар устаси сифатида ном чиқарган.



Грузин киносининг юксалиши ҳамда ажойиб фильмларнинг яратилиши

Местиа қишлоғининг умумий кўриниши.

50- ва 60-и.ларда кинога кириб келган режлар номи б-н боғлиқ. 50-и.лардан бошлаб уларнинг асарлари турли халқаро кинофестивалларда 100 дан ортиқ ҳар хил мукофотларга эга бўлди. «Луржа Магдани» (1955, реж. Г. Абуладзе, Р. Чхеидзе), «Солдат отаси» (1964, реж. Р. Чхеидзе), «Сенинг фарзандинг, Ер» (1980, реж. Р. Чхеидзе), «Ёлбориш» (1968, реж. Т. Абуладзе), «Туи» (1964), «Соябон» (1967, реж. М. Кокобадзе), «Пиросмани» (1968, реж. Э. Шенгелая), «Фаронинг қургазмаси» (1968, реж. Э. Шенгелая), «Биринчи қалдиргоч» (1975, реж. Н. Мчедлидзе), «Эзгулик дарахти» (1976, реж. Т. Абуладзе), «Поғона» (1986, реж. А. Рехвиашвили), «Сурам қалъаси тўғрисида афсона» (1986, реж. С. Параженов), «Тавба-тазарру» (1987, реж. Т. Абуладзе) ва б. фильмлар шулар жумласидандир.

Кейинги йилларда Тбилиси театр институти кино ф-тини битириб чиққан санъаткорлар томонидан яратилган «Авлодлар даъвати» (1981, реж. Г. Чохели), «Робинзониада ёки инглиз бобом» (1986, реж. Н. Жоржадзе), «Тилакўнғиз» (1988, реж. Д. Жапелидзе), «Сергаклар қўёши» (1991, реж. Т. Баблуани) ва б. фильмлар халқаро кинофестивалларда юксак эътиборга сазовор бўлган.

Ҳозир Г.да бир неча мустақил киностудия ва «Грузия-фильм» киноконцерни мавжуд. 1991 — 2001 й.ларда А. Цабадзе, Д. Цинцадзе, Н. Жапелидзе каби реж.лар нуфузли халқаро мукофотларга сазовор бўлдилар.

Ўзбекистон — Г. муносабатлари. Г. Республикаси президенти Э. А. Шеварднадзенинг 1995 й. 4 сент.да Ўзбекистонга қилган ташрифи икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга кўмаклашди. Ташриф чоғида бир қанча битимлар имзоланди. ЎзР б-н Грузия Республикаси ўртада эркин савдо-сотиқ тўғрисидаги, Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоялаш ҳақидаги, Халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги битимлар, Халқаро автомобиль юк ташувига рухсатномалар айирбошлаш, бериш ва улардан фойдаланиш тизимини вужудга келтириш тўғрисидаги баённома ўзаро ҳамкорликнинг меъёрий-ҳуқуқий негизини вужудга келтирди. 1996 й. 27 — 28 майда Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг Г.га ташрифи доирасида имзоланган давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро битимлар мажмуи бу негизни янада мустаҳкамлади. Уларнинг энг муҳимлари: Ўзбекистон б-н Грузия ўртасидаги

ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш ҳақидаги Декларация, Молия-саноат гуруҳлари тузишнинг асосий қоидалари тўғрисидаги битимдир. Икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш масалалари б-н шуғулланувчи қўшма Ўзбекистон-Грузия комиссияси тузилди.

Ўзбекистон-Г. товар айланмаси

	млн. АҚШ доллари	
	1999 й.	2000 й.
Товар айланмаси	10	29,7
Экспорт	8,5	28,2
Импорт	1,5	1,5
Сальдо	+6	+25,7

Ўзбекистон б-н Грузия ўртасидаги товар айланмаси 1999 й.га нисбатан 2000 й.да салкам 3 баравар ортди. 2000 й. Ўзбекистоннинг экспортида пахта толаси, энергия манбалари (нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари), озиқ-овқат, т. й. транспорти хизмати, кимёвий маҳсулотлар, пластмассалар асосий ўрин олди. Мева ва ёнғоқ, кофе, чой ва ширинликлар, кимёвий ва штапель тола, қора металлар ва улардан ясалган буюмлар, машина ва асбобускуналар (учиш аппаратлари қисмлари), т.й. транспорти хизмати, доридармон импорт қилинди, ЎзР да грузин сармояси иштирокидаги 7 корхона бор. «Реал-КЛ» қўшма корхонаси четдан мол келтириш, савдо-воситачилик фаолияти б-н шуғулланади. «Арготур» шўъба корхонаси 100% хорижий сармоя б-н ишлайди ва асосий фаолият тури савдо-воситачилик, авиация билетларини бронлаш ва сотишдир.

ЎзРда Г.нинг «Аирзена» компанияси (Г. ҳаво йўллари), «Транс-Жоржия энд Компани Лимитед», «Ўзбек-Жоржиан Транс К°» фирмаларининг ваколатхоналари мавжуд. Бу компания ва фирмалар йўловчи ва турли юклар ташиш б-н шуғулланади.

Г. портлари орқали Ўзбекистон юкларини хорижга ташиш ривожланмоқда. 1996 й.да шу йўл орқали 100 минг т, 1997 й.да 285 минг т юк ташилди. Г. орқали ўтадиган Европа-Осиё транспорт йўлаги — ТРАСЕКА лойиҳасида Ўзбекистон ҳам иштирок этаётир.

ГРУЗИЯ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ — Грузиянинг олий илмий муассасаси. 1941 й. собиқ СССР ФА Грузия филиали ва Тбилиси ун-ти ҳузуридаги бир қанча и. т. муассасалари негизида ташкил этилган. Тбилиси ш.да жойлашган. 1998 й. академия тизимида 9 бўлим, 50 дан ортиқ и. т. муассаса, 5346 илмий ходим ишлади. Академия «Грузия фанлар академияси хабарлари» (1941 й.дан), «Мацне» («Ахборотнома», 1960 й.дан, Ижтимоий фанлар бўлими органи) ва «Мецниераба да техника» («Фан ва техника», 1949 й.дан) илмий журналар, монография, фаннинг турли соҳалари бўйича илмий асарлар нашр этади. Академия президенти — А. Тавхелидзе (1986 й.дан).

ГРУМБАТ (4-а.) — қадимда Туронзаминнинг шим.да яшаган *хионийлар* подшоси. Мил. 353 й.да хионийлар Г. бошчилигида Суғдга бостириб киради-лар. Сўнгра улар Ўрта Осиёга сиёсий тазйиқи кучайиб бораётган *Сосонийлар давлати* б-н тўқнашиб, Шопур II ни енгганлар. Мил. 356 й. Шопур II Амид (Сурия) ш.ни қамал қилган пайтда Г. ўғли б-н унга иттифоқчи сифатида қатнашган. Рим тарихчиси Аммиан Марцеллин (4-а.) нинг ёзишича, бу жангда хионийлар шаҳзодаси, Г.нинг ўғли ҳалок бўлган.

ГРУММ-ГРЖИМАЙЛО Григорий Ефимович [1860.5(17).2, Петербург — 1936.3.3, Санкт-Петербург] — рус географи, шарқшунос. Ўрта Осиё ва Марказий Осиёни тадқиқ қилган сайёҳ. Россияда хизмат кўрсатган фан арбоби (1928). 1920—31 й.ларда собиқ Иттифоқ география жамиятининг вице-президенти. 1884—87 й.ларда Олай, Помир, Тяньшан тоғлари, Қашқар, Қорақурумга саёҳат қилган. 1889 — 90 й.ларда Марказий Осиёни ўрганиш экспедициясига раҳбарлик қилиб, тадқиқотлар олиб борилган жойларнинг тарихий-этнографик тавсифини ёзган. Экспедиция даврида Турфон чўкмаси (— 130 м, ҳоз. замон маъчуқурлигини (— 154 м) аниқлади. лумотларига кўра — 154 м) аниқлади. 1903—1914 й.ларда бир неча марта Монголия ғарбига, Тува (ўша вақтдаги Урянхай ўлкаси), Узоқ Шарқ ва б. жойларга саёҳат қилди ва экспедициялар уюштирди. Асарлари тарихий геология ва этнографияга бағишланган. Г. номига Сихотэ-Алин тоғларидаги музлик ва Богдо-Ўла тоғидаги музлик қўйилган.

ГРУММ-ГРЖИМАЙЛО МУЗЛИГИ — 1) Богдо-Ўла тоғидаги (Шарқий Тяньшан) кичик музлик; 2) Язгулом тизмасининг шим. ён бағридаги музлик (Тожикистон Республикаси Тоғли Бадахшон мухтор вилояти). Федченко музлигидан Танимас дарасигача чўзилган. Уз. 37 км, эни 700—1700 м, майд. 143 км². Музлик тили 3620 м баландда ётади. 1887 й. рус экспедицияси Г. Е. ва В. Е. Грумм-Гржимайлолар томонидан ўрганилган.

ГРУНТ (нем. Grund — асос, тупроқ) — асосан *нураш* зонасида жойлашган тоғ жинси (тупроқ б-н биргаликда) қатлами. Г. қояли (гранит ва б.), метаморфик (гнейс) ва баъзи чўкинди жинсли (оҳактошлар, қумтошлар ва б.), ярим қояли (мергель ва б.) ва юмшоқ бўлиши мумкин. Юмшоқ Г.лар Ер юзасида кенг тарқалган. Зарралар ўлчамига қараб гилли (0,005 мм), чангли (0,05—0,005 мм) ва қумли (2—0,05 мм) бўлади. Қурилиш амалиётида бино ва иншоотларнинг тагзамини бўлган ёки тупроқли иншоотларни (дамба, кўтарма, тўғон) тиклашда қурилиш материаллари сифатида ишлатиладиган турли тоғ жинслари ҳам Г. деб аталади.

ГРУНТ, замин (қурилишда) — ернинг асосан нураш зонасида ётувчи тоғ жинсларининг умумлашма номи, инсоннинг муҳандислик-қурилиш фаолиятининг объекти. Г.дан бино ва турли муҳандислик иншоотларининг замини, қурилиш материали (йўл, кўтармалар, тўғон), ер ости иншоотларини (тоннель, қувурлар, омборхоналар) жойлаштириш муҳити сифатида фойдаланилади. Яхлит тошли ва ғовак (тош бўлмаган) Г.га бўлинади. Яхлит тошли Г.га монолит ёки серёриқ массив кўринишида ётган, зарралари кучли жипслашган, отилиб чиққан, метаморфик ва чўкинди жинслар киради. Ғовак Г. йирик чақиқ (цементлашмаган), қумли ва гилли жинслардан иборат.

Г. грунтшунослик фанида хусусиятлари, генезисига, кейинги эпигеник жараёнларга боғлиқ бўлган муайян табиий-тарихий ҳосила сифатида, шунингдек, вақт ўтиши б-н ўзгариб борувчи кўп фазали система нуқтаи назаридан ўрганилади.

Г. хусусиятларини тадқиқ қилишда, шунингдек, унинг таркиби, ички тузилиши ва муҳитнинг табиий шароитлари (т-ра, босим ва ҳ.к.) ҳам ўрганилади. Таркиби, структураси ва текстураси Г.нинг сифатини белгилайди. Г.ларнинг қуйидаги муҳим хусусиятларини ажратиш мумкин: физик (ҳажми ва солиштирма оғирлиги, сув ва электр ўтказувчанлиги, ғоваклиги, эгилувчанлиги ва б.), физик-кимёвий (сингдирувчанлиги, тиксотропия ва ҳ. к.) ва физик-механик (силжишга қаршилиги, деформацияланиши).

Г.нинг энг муҳим хусусиятлари ташқи кучлар таъсирига чидамлилиги ва мустаҳкамлигидир. Музлаган, музлаб-эрийдиган Г. учун унинг иссиқлик-физик хоссалари муҳим. Г.нинг петрографик хусусиятлари лаб. ва дала шароитларида олинган намуналар ва бу-

тун массивлардан фойдаланиб ўрганилади.

Қурилиш кетаётган жойлар бурғилаш, қудуқ қазиш, зондлаш ва геофизика методлари ёрдамида текширилади. Г. хусусиятларини яхшилаш учун цементловчи ва бириктирадиган моддалар қўшилади, механик зичланади (шиббаланади), қуритилади, қиздирилади, музлатилади ва ҳ. к.

ГРУНТ СУВЛАРИ — ер юзасидан пастда, биринчи сувли тоғ жинслари ғовакларида йиғилган сув. Г. с. ўзидан сув ўтказмайдиган иккинчи қатлам устида бўлади. Бу қатлам гилтупроқ, яхлит оҳактош, отқинди ҳамда метаморфик жинслардан иборат бўлиши мумкин. Г. с. ер юзасидан канал, дарё, ёғин сувлари, атмосферадаги сув бўғларининг (қуюқлашганидан кейин) тоғ жинслари ғовакларидан пастга тушиб, сув ўтказмайдиган қатламда йиғилишидан пайдо бўлади. Уларнинг жойланиши чуқурлиги сув ўтказмайдиган қатламнинг ётиш ҳолати ва сувли тоғ жинслари қатламига боғлиқ. Г. с. ер юзига яқин биринчи ғовак қатламда жойлашгани учун унинг сатҳи, кимёвий таркиби ва физик хусусиятлари ернинг устки қисмидаги табиий (ҳаво ҳарорати, ёғиннинг тури ва миқдори, табиий сув ҳавзаларининг ер юзасига яқин-узоқлиги) ва сунъий (сув омборлари, суғориш иншоотлари, канализация ва ҳ. к.) сабабларга кўра ўзгариб туради. Г.с. дарё водийларидаги аллювиал ётқизиқлар (қум, қумтупроқ, шағал) ҳамда музликларнинг сурилиши натижасида ётқизилган тоғ жинслари ва саҳролардаги дюн ётқизиқлари ғовакларини тўлдириб туради. Шаҳар ва саноатни тоза сув б-н таъминлашда Г. с. гоҳо асосий манба бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон ҳудудида Г.с.нинг пайдо бўлиши, тарқалиши ва уларни қидириш ҳамда ишлатиш услублари F. О. *Мавлонов*, О. К. Ланге, Н. А. *Кенесарин*, У. М. Аҳмедсафин ва б. томонидан ишлаб чиқилган.

Машариф Боқиев.

ГРУНТЛАР МЕХАНИКАСИ — *механика*нинг бир бўлими; сочилувчан муҳитларга доир илмий фан соҳаси. Грунтларнинг зўриққан-деформацияланган ҳолатини, мустаҳкамлиги ва устуворлиги шартларини, ташқи (асосан, механик) таъсирлар остида хоссаларини ўзгартириши ва б.ни ўрганиш б-н шуғулланади. Г. м.да олинган натижалардан бинолар, саноат ва *гидротехника иншоотлари*нинг заминлари ва пойдеворларини лойиҳалашда, йўл қурилиши ва аэродромлар қурилишида, ер ости кабеллари ва қувурларини ўтказишда, қурилиш ва саноат эҳтиёжлари учун портлатув ишлари олиб борилиши ва зилзилалар туфайли иншоотларга қандай зарар етиши мумкинлигини олдиндан айтишда фойдаланилади. Бунда Г. м. муҳандислик геологияси, муҳандислик гидрогеологияси, яхлит муҳитлар механикаси, сочилувчан муҳитлар механикаси, эластиклик, пластиклик ва ёйилувчанлик назариялари, сочилувчан муҳит статистикаси маълумотларидан фойдаланади.

ГРУНТШУНОСЛИК — грунтларни улар устига турли иншоотлар қуриш имконияти нуқтаи назаридан ўрганадиган *муҳандислик геологияси*нинг бир соҳаси.

ГРУППА (нем. Gruppe) — 1) гуруҳ — бирор жиҳати (белгиси, хусусияти, мақсад-ғояси, фаолияти ва б.) б-н ўзаро боғлиқ ёки яқин нарса ва жонзодлар мажмуи (мас., қон Г.си, ижтимоий Г.); 2) математикада — алгебраик системаларнинг бир тури. Мат. нинг турли йўналишларини муносабатлар ва амаллар нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш натижасида вужудга келган. Г.лар назарияси мат. ва унинг татбиқларида кўп учрайдиган алгебраик амалларнинг энг умумий хоссаларини ўрганади. Мас., сонларни кўпайтириш, векторларни қўшиш, алмаштиришларни кетма-кет қўллаш ва ҳ. к.

Бирор G тўпламнинг ихтиёрий a ва b элементларига учинчи бир c элементини мос қўювчи $*$ — амал киритилган бўлиб, қуйидаги уч шарт ўринли бўлса, G тўплам дейилади: 1) амал ассоциатив, яъни ихтиёрий a, b, $c \in G$ учун $(a*b)*c=a*(b*c)$ бўлади; 2) амалга нисбатан бирлик элемент мавжуд, яъни G да шундай e элементи борки, ихтиёрий $a \in G$ учун $a*e=e*a=a$ бўлади; 3) амалга нисбатан тескари элементлар мавжуд, яъни G нинг ҳар бир a элементи учун G да шундай a^{-1} элемент борки $a*a^{-1}=a^{-1}*a=e$ бўлади. Мас.: 1. Бутун сонлар тўпламидаги қўшиш амалига нисбатан бирлик элемент 0; a га тескари элемент ($-a$) бўлади. 2. Нолдан фарқли ҳақиқий сонлар тўпламида кўпайтириш амалини қарасак, бирлик элемент 1; a га тескари элемент $\frac{1}{a}$ бўлади. Г. тушунчаси дастлаб Ж. *Лагранж* ишларида учрайди. У алгебраик тенгламаларни радикалларда ечиш масаласи б-н шуғулланганда ўрнига қўйишлар Г.сини ишлатган. Ўрнига қўйишлар Г.сининг хоссалари ва тенгламалар хоссалари орасидаги ғоявий чуқур боғланишлар *Абель* ва *Галуалар* томонидан очиб берилган. Кейинчалик Г. тушунчаси геометрияда пайдо бўлди. Турли алмаштиришларга нисбатан геометрик шаклларнинг ўзгаришини ёки ўзгармаи қолишини ўрганиш секин-аста алмаштиришларнинг ўзини ўрганишга олиб келди. Инглиз математиги А. Кэли (1821 — 1895) инвариантлар назариясини тадқиқ қилар экан, ҳар қандай чекли Г. ўрнига қўйишлар Г.си орқали ифодаланишини кўрсатди. Сонлар назарияси соҳасида иш олиб борган *Гаусс* чекли Абель Г.лари муҳим аҳамият касб этишини исботлади. Назарий ғояларнинг ривожланиши мат.да муҳим бўлган абстракт Г.лар тушунчаси яратилишига олиб келди. *Ли* Г.си — элементлари табиатига ҳеч қандай шартлар қўймасдан, фақат киритилган амал нуқтаи назаридан ўрганадиган йўналиш сифатида мат.нинг мустақил соҳаси бўлиб шаклланди. Г.лар назарияси илм-фаннинг жуда кўп тармоқларида қўлланилади. Мас., физикада Галилей алмаштиришлари Г.си, нисбийлик назариясида Лоренц алмаштиришлари Г.си ва б. 3) геологияда — бир геологик эра давомида вужудга келган жинслар мажмуини бирлаштирувчи умумий стратиграфик шкала бўлими (қ. *Эратема*).

Мусулмонқул Бердиқулов.

ГРЮНВАЛЬД ЖАНГИ — Грюнвальд ва Танненберг қишлоқлари (Шарқий Пруссия) яқинида, буюк магистр Ульрих фон Юнгинген раҳбарлигидаги немис Тевтон ордени қўшинларини (немис, француз ва б. рицарлар, инглиз, швейцарияликлар ҳарбий қисми) Польша қироли Владислав III Ягелло (Ягайло) қўмондонлиги остидаги поляк-литва-рус армияси (унинг таркибида шунингдек валах, чех, моравияликлар, венгер ва татар ҳарбий қисмлари бўлган) томонидан қуршовга олиниб тор-мор келтирилиши (1410 й. 15 июль). Г. ж. Тевтон ордени Шарққа томон юришига чек қўйган.

ГРЯЗНОВА Людмила Николаевна (1939.16.11, Бухоро вилояти, Коғон ш. — 1991.31.6, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (1985). 1971 й.дан М. Горький номидаги Тошкент рус драма театрида актриса. Г. лирик актриса бўлиб, ижодига мулойим, мафтункор, айниқса нозик ҳис-туйғули, ростгўй ва самимий аёллар образи жуда яқин. Ролларн: Бланш Дюбуа («Орзу трамвайи»), Алина («Қашшоқ қалб қиссаси»), Лидия Чебоксарова («Қутурган пуллар»), Раневская («Олчазор»), Аркадина («Чайка»), Леди Макбет («Макбет»), Сусана Мелитоновна («Учдан олтига қадар») ва б.

ГУАМ — Тинч океаннинг ғарбий қисмидаги орол, Марнана оларн тўдасида. Г.ни 1521 й. Ф. *Магеллан* кашф этган. АҚШ мулки. Тинч океандаги йирик ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво базаси. Майд. 549 км². Аҳолиси 145 минг киши чамасида (1990-й.лар охирлари). 20 мингдан зиёдроғи Америка ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оилалари, қолганлари испанлар, мексикаликлар, филиппинликлар. Оролнинг энг баланд (405 м) жан. қисми вулкан жараёнида, пастроқ шим. қисми маржон қоялардан пайдо бўлган. Тез-тез зилзила бўлиб туради. Иқлими тропик, муссонли иқлим, ойлик ўртача т-ра 26 — 27°, йилига 3000 мм ёғин тушади. Тоғларнинг жан. ва шарқий ён бағирларида нам тропик ўрмонлар, шим.да ксерофит галла гулли ўсимликлар ўсади. Иқтисодининг асоси — туризм. Ҳар йили оролга 600 минг турист (80% японлар) келиб кетади. Даромадининг 12%и ҳарбий объектлардан келади. Кокос пальмаси, кофе ўстирилади, шакарқамиш ва б. тропик экинлар экилади, шоли етиштирилади. Балиқ овланади. Ёғоч тайёрланади. Бош шаҳри — Аганья (аҳолиси 2 мингдан ортиқ). Г.да т.й. йўқ, автомобиль йўллари уз. 674 км. Четга кийим, турли хил ичимликлар, тамаки, машинасозлик маҳсулотлари чиқарилади; четдан ёқилғи, озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилади. Ташқи алоқа асосан АҚШ, Япония ва Тайвань б-н олиб борилади. Ун-т бор.

ГУАНАКО (Lama guanacoe) — туясимонлар оиласининг ламалар уруғига кирадиган сут эмизувчи ҳайвон. Танасининг уз. 120 — 175 см, яғринидан баландлиги 90 — 100 см, оғирлиги 48 — 96 кг. Фақат Жан. Американинг аҳоли кам яшайдиган Анд баланд тоғли чалачўл минтақасида яшайди. Пода бўлиб юради. Гўшти ва териси учун овланади. Сони камайиб бормоқда. Хонаки ламаларнинг ёввойи аждоди (қ. *Ламалар*).

ГУАНАХУАТО — Мексикадаги штат, мамлакатнинг марказий қисмида. Майд. 30,5 минг км². Аҳолиси 4,6 млн. кишидан зиёд (2000). Маъмурий маркази — Гуанахуато ш. Мексика тоғлигининг жан.да, Лерма дарёсининг юқори оқимида жойлашган. Ер юзаси ўртача бал. 1800 м ли платолардан иборат, баъзи чўққиларнинг бал. 3000 м гача. Иқлими тропик иқлим. Йиллик ёғин ўртача 500—1000 мм. Қадимда аҳоли зич яшаган. 16—19-а.ларда кумуш қазиб олинган. Кончилик ишларининг пасайиши б-н иқтисоди ҳам тушкунликка учраб, аҳоли ҳам бошқа шаҳарларга кўчиб кета бошлаган. Озиқ-овқат, кўн пойабзал, нефтни қайта ишлаш корхоналари бор. Ҳудудининг катта қисмида ички эҳтиёжлар учун озиқ-овқат экинлари экилади. Лерма дарёси ҳавзасида эса товар қ. х. (маккажўхори, бугдой, пахта, кофе, қанд лавлаги), чорвачилик ривожланган.

ГУАНАХУАТО — Мексикадаги шаҳар, Гуанахуато штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 70 минг кишидан зиёд. Г. 2050 м баландликда. Транспорт йўлларн тугуни. Кончилик саноатининг қад. марказларидан (олтин, кумуш, қалай ва б.), 20-а.га келиб аҳамияти пасайди. Озиқ-овқат, кимё, металлургия саноати корхоналари мавжуд. Ун-т, музейлар бор. Г.га 1548 й.да асос солинган. 16 — 18-а.ларга оид меъморий ёдгорликлар сақланган. Туризм ривожланган.

ГУАНДУН — Хитой жан.даги провинция, Жан. Хитой денгизи соҳилида. Майд. 197,1 минг км². Аҳолиси 71,4 млн. киши (1998), аксарияти хитой (хан)лар. Маъмурий маркази — Гуанчжоу (Кантон).

Г. ҳудуди бал. 1800 — 1900 м бўлган тоғ, қир ҳамда дарё водийларидаги пасттекисликлардан иборат. Иқлими субтропик, жан.да тропик. Пасттекисликларда янв.нинг ўртача т-раси 8 — 16°, июлники 26 — 28°. Йиллик ёғин 1200 — 2000 мм. Дарёлари (Сицзян ва б.) серсув. унинг ирмоғи Бейцзян ва б.) серсув. Г. ҳудудининг қарийб ярми доим яшил ўрмон (қарағай, куннингамия, лавр ва чой дарахтлари, эвкалипт, хин ва б.).

Иқтисоднётида қ. х. етакчи ўринда, Г. Хитойнинг тропик экинлар экиладиган муҳим р-ни. Асосий қ.х. экини — шоли, шунингдек, батат, шакарқамиш, мойли экинлар (ер ёнғоқ, соя, кунжут, камелия, тунг), мевали ўсимликлар (цитруслар, банан, ананас, манго), жут, рами, сизаль, ва б. етиштирилади. Ипакчилик ривожланган. Чорвачиликда кўпроқ қорамол, чўчқа ва парранда боқилади. Балиқчилик ва балиқ овлаш б-н ҳам шуғулланилади. Саноатининг етакчи тармоғи — озиқ-овқат ва тўқимачилик. Фойдали қазилмалардан битумли сланецлар, вольфрам, марганец, сурма рудалари ва б. бор. Маҳаллий кўмир ва темир рудаси асосида қора металлургия саноати барпо этилган. Ҳар хил машинасозлик корхоналари Гуанчжоу, Чжаньцзян, Шаньтоуда жойлашган. Кимё ва целлюлоза-қоғоз саноати ривожланган. Сицзян дарёси ва унинг ирмоқларида кема қатнайди. Денгиз портлари: Гуанчжоу, Чжаньцзян, Шаньтоу, Хайкоу.

ГУАНИДИН, $(NH_2)_2C=NH$ — рангсиз кристалл. Кучли ишқор, ишқорий металлар гидроксидларига яқин туради мол. м. 59,07 суюқланиш т-раси 50°. Гигроскопик, ҳаводан CO_2 ва сувни ютиб юмшайди. Г. сувда гидролизланиб мочевина ҳосил қилади. (29°да 20 суткада 50% гача). Кислоталар б-н реакцияга киришиб гидролизга чидамли тузлар ҳосил қилади. Осон алкилланади, ишқорлар иштирокида кислоталар эфирлари таъсирида ацилланади. Саноатда Г. ва унинг тузлари тегишли аммоний тузларини мочевина ёки изианогуанидин б-н бирга қиздириш, шунингдек, цианогуаниднинг сувдаги эритмасини гидрогенолиз қилиш йўли б-н олинади. Г. ҳосилалари фаол бактерицид ва фунгицидлар. Г. пиримидин, оксазол ва б. бирикмалар синтезида хом ашё бўлиб хизмат қилади. Тузлари саноатда сурков мойларида қўшимча, коррозия ингибиторлари, боғловчи моддалар сифатида ишлатилади.

ГУАНО (испанча guano) — қуруқ иқлим шароитларида денгиз қушларининг узоқ йиллар йиғилиб қолган ва чириган ахлати; азотли ва фосфорли ўғит. Қушлар кўплаб яшайдиган Чили, Перу, Жан. Африка соҳилларига яқин оролларда, Кариб денгизи оролларида кўп. Таркибида 9% атрофида N, 13% P_2O_5 ва 2 — 3% K_2O бор. Г.ни майдалаб турли типдаги тупроқларда барча қ.х. экинлари учун қўллаш мумкин. Шунингдек, балиқ овлаш ва балиқни қайта ишлаш саноати чиқиндиларидан тайёрланадиган ўғит ҳам Г. деб аталади (таркибида 8 — 11% азот, 12 — 14% фосфор бор). Бундай ўғитлар асосан Япония, АҚШ, Норвегия, Францияда ишлатилади.

ГУАНСИ-ЧЖУАН МУХТОР РАЙОНИ — Хитойнинг жан.даги миллий маъмурий бирлик. Сицзян дарёси ҳавзасида. 1958 й.да аввалги Гуанси провинцияси ўрнида ташкил этилган. Майд. 236 минг км². Аҳолиси 46,7 млн.дан зиёд киши (1998). Маъмурий маркази — Наньнин ш.


Ҳудудининг катта қисми тоғ ва тепаликлар. Кўп қисмининг бал. 1000 м дан паст. Энг баланд жойи 2070 м. Р-нининг шимолида карст рельеф шаклларн кўп учрайди. Янв.нинг ўртача т-раси шимолида 6°, жан.да 14°, июлники 24 — 28°. Тупроғи, асосан, латерит. Доим яшил ўрмонлар бор. Субтропик ва тропик ўсимликлар ўсади.

Иқтисодиётининг етакчи тармоғи — қ. х. Р-н ер майдонининг 11,5%и ишланади. Асосий экини — шоли (экин майд. 64%), шунингдек, батат, шакар-

қамиш, ер ёнғоқ, кунжут, индов, рапс, тамаки, мева, чой, тунг, кофе, пахта; зираворлардан долчин, арпабодиён, мускат ёнғоғи, занжабил ва б. етиштирилади. Экинлардан йилига 2 — 3 марта ҳосил олинади. Чорвачилик ёрдамчи аҳамиятга эга; паррандачилик ривожланган. Жунцзян дарёси водийсининг юқори қисмида ёғоч тайёрланади. Саноатида кўпроқ шоли оқлаш, ёғ, шакар-қанд, ёғочсозлик, қоғоз, тўқимачилик тармоқлари ривожланган. Ер ости бойликларидан қалай, марганец, қўрғошин ва рух, тошкўмир қазиб чиқарилади. Металлургия ва машинасозлик, кимё корхоналари бор. Ҳунармандчилик б-н ҳам шуғулланилади (Биньянда чинни ишлаб чиқарилади). Энг катта саноат маркази — Наньнин ва Лючжоу. Сицзян ва унинг ирмоқларида кема қатнайди. Сянгуй канали орқали Янцзи дарёсига ўтилади. Район т. й. орқали бошқа ҳудуллар б-н боғланган. Кўплаб олий ўқув юртлари бор.

ГУАНТАНАМО — Кубадаги шаҳар ва порт. Гуантанамо провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 200 мингдан зиёд киши (1990-й.лар ўрталари). Т. й. ва автомобиль йўллари тугуни. Озиқ-овқат, тўқимачилик, тамаки, пойабзал, металлсозлик, қурилиш материаллари саноати корхоналари бор. Четга цитрус мевалар ва кофе чиқарилади. Шакар-қанд саноатининг марказларидан бири; шоколад ва ликёр тайёрланади. Г.дан 16 км масофада АҚШнинг ҳарбий-денгиз базаси (1903 й.да ижарага олган) бор. Шаҳарга 1524 й.да асос солинган.

ГУАНЧЖОУ, Кантон — Хитойнинг жан.даги шаҳар ва порт, Жан. Хитой денгизидан 110 км, Чжуцзян (Марварид) дарёсининг дельтасида жойлашган. Гуандун провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 6,7 млн. киши чамасида (1998), аксарияти хитой (хан)лар. Г. Хитойнинг кўҳна шаҳарларидан. Илк бор мил. ав. 3-а.да Фаньюй номи б-н тилга олинган. Г. Жан. Хитойнинг муҳим иқтисодий марказларидан. Қадимдан ташқи савдо порти бўлиб келган. Юк ортиш ва тушириш бўйича мамлакатда 3-ўринда туради (йилига 15 млн. т). Т. й. тугуни, халқаро аэропорт бор. Саноат тармоқларидан тўқимачилик (асосан ипак, ип ва жут газлама и. ч.), озиқ-овқат, умумий машинасозлик, қора металлургия, қоғоз, кимё, қурилиш материаллари саноати ривожланган. Бадиий ҳунармандчилик буюмлари экспорт қилинади. Г.да бир неча олий ўқув юртлари, жумладан Сунь Ятсен номидаги ун-т (1924), тиббиёт, пед., молия-иқтисод ин-тлари, ботаника боғи ва б. бор.



Гуанчжоу шаҳридаги замонавий бинолар.

ГУАРАНИ — 1) тупи-гуарани гуруҳига мансуб индейс халқларининг жан. тармоғи. 2) Парагвайдаги индейс халқларидан бири. 30 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Г.лар ҳоз. парагвайликларнинг шаклланишида қатнашмоқдалар. Гуарани тилида сўзлашадилар. Диндорлари католиклар.

ГУАРАНИ, гварани — Парагвай пул бирлиги. 1943 й.да песо ўрнига чиқарилган. Халқаро ифодаси PYG. 1 Г. = 100 сантимо. Валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари = 1913,7 Г. (1994).

ГУАРАНИ ТИЛИ — Жан. Америка индейслари тили. Тупи-гуарани тиллари оиласига мансуб. Г. т. Парагвай ва Бразилиянинг Мату-Гросу ва Парана вилоятлари ҳудудларида ҳамда Аргентина (Мисонес, Гран-Чако, Корриентес, Формоса)да тарқалган. Г. т. лексиканинг 30 — 40% ини испан тилидан ўзлашган сўзлар ташкил этади. Боливиядаги индейсларнинг тили ҳам Г.т. номи б-н аталади (11 минг киши сўзлашади). Парагвайда гарчи испан тили расмий тил бўлса-да, аҳолининг 90%и (3 млн. киши) Г.т.да сўзлашади. Бу тилда газ.лар, китоблар нашр этилади, радиоэшиттиришлар берилади. Мактаб таълимида ҳам қўлланилади. Ёзуви лотин алифбосига асосланган.

ГУАХИРО, гоахиро (ўзларини ваюу деб аташади) — аравак гуруҳига мансуб индейс халқи. Гуахираяода яшайдилар. Колумбияда — 200 минг киши, Венесуэлада — 65 минг киши. Панама ва Антил оларида оз гуруҳи яшайди (1990-й.лар ўрталари). Асосан, анъанавий диний эътиқод сақланган, католиклар ҳам бор.



Гуахиро аёли.

ГУАШЬ (итал. guazzo — сувли бўёқ) — кукун б-н сув-елим боғловчилари (ақоқиё, буғдой крахмали, декстрин ва б.) ва оқ бўёқ (белила) аралашмасидан иборат бўёқ; шунингдек, шу бўёқ б-н ишланган тасвирий санъат (рассомлик) асари. Қоғоз, картон, фанер, мато, суякка нақш, тасвир ишлашда қўлланилади. *Акварель* тури сифатида пайдо бўлган Г.дан ўрта асрлардаёқ Осиё ва Европанинг кўп мамлакатларида, асосан китоб миниатюрасида фойдаланилган. 19-а. ўрталаридан Г. бўёғи саноатда ишлаб чиқарила бошлагач, мустақил усулга айланди. Г. акварелдан оқ бўёқ қўшилганлиги, бўёқ қатламининг қалинлиги б-н фарқ қилади. Ўзбекистонда 1920-й.лардан, айниқса 2-жаҳон уруши йилларидан («Ўз ТАГ ойнаси», «Жанговар қалам» плакатлари ва б. да) кенг ривожланди. Ҳозир Г. плакат, амалий графика ва китоб графикаси, театр декорацияси эскизлари, безак ишлари, миниатюра, маҳобатли рангтасвир, наққошлик ва б.да кенг қўлланилади.

ГУАЯКИЛЬ — Эквадордаги шаҳар, Гуаяс провинциясининг маъмурий маркази. Кема қатнайдиган Гуаяс дарёси бўйидаги порт. Аҳолиси 1,9 млн. кишидан зиёд (1990-й.лар охирлари). Т. й. станцияси. Мамлакатнинг энг йирик шаҳри, саноат ва савдо маркази. Мамлакат экспортининг қарийб ярми (какао, кофе, гуруч, цитрус мевалар, ўрмон хўжалиги маҳсулотлари) ва импортининг аксарият қисми Г. орқали ўтади. Саноати қ. х. маҳсулотлари ва ёғочни (озиқ-овқат, тахта тилиш, кўн пойабзал, тўқимачилик ва б. корхоналар) қайта ишлашга ихтисослашган. Металл қуйиш, механика з-длари ҳамда ун-т, халқаро аҳамиятга эга аэропорт бор.

Г.ни 1531 й.да испан конкистадорлари бунёд этган. 1820 й.да Испанияга қарамликдан озод бўлиб, мустақил деб эълон қилинди. 1822 — 30 й.ларда Буюк Колумбия таркибида бўлган. 16 — 18-а.ларга оид меъморий едгорликлар сақланган.

ГУБАНЛАР, дўрдоқ балиқлар (Labridae) — окун (олабуға)симон балиқлар туркумининг бир оиласи. Кўпчилик турлари танасининг уз. 10 — 30 см, вазни 250 г ча; баъзи турларининг уз. 1,8 м га, вазни эса 27 кг га етади. 400 тури ўз ичига олган 50 га яқин уруғи маълум. Тропик ва мўътадил иқлимли денгизларда учрайди; бир қанча турлари сув ўтлари ёки маржон полиплар орасида яшайди. Ранги яшаш муҳитига мослашган ялтироқ, тиниқ бўлади. Қора денгиз ва Азов денгизида 8 тури бор. Майда умуртқасиз ҳайвонлар, қисқичбақасимонлар, моллюскалар ва б. б-н озиқланади; ўсимликхўрлари ҳам бор. Кўпинча сув ўтлари орасига тухум ташлаб кўпаяди; кам овланади.

ГУБЕРНА, губерния, губерния — Россияда 1708 й.дан мавжуд бўлган асосий маъмурий-ҳудудий бирлик. Уездларга бўлинган. Айрим Г.лар *генерал-губернатор*ликларга бирлашган. 1917 й.га келиб 78 Г. мавжуд эди, улардан 25 таси Польша, Финляндия, Болтиқбўйи давлатларига ўтган. 1923 — 29 й.ларда Г.лар ўрнида ўлка ва областлар ташкил этилган.

ГУБЕРНАТОР (лот. gubernator — ҳоким) — 1) ҳоз. бир неча давлатларда (РФ, АҚШ, Буюк Британия, Дания ва б.) штат, вилоят, графлик маъмуриятининг бошлиғи; 2) Россияда 1917 й.га қадар губернада олий ҳукумат амалдори. Император томонидан тайинланган.

ГУБИН Виктор Иванович (1917.24.11, Владивосток — 1975.22.4, Тошкент) — геофизик, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1962), физ.-мат. фанлари д-ри (1958), проф. (1960). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1967). ТошДУни тамомлаган (1941). Тошкент Ирригация ва қ.х.ни механизациялаш муҳандислари институтида ишлаган (1945 — 58), Ўзбекистон ФА Математика ин-ти директори ўринбосари (1958 — 60) ва директори (1960 — 62), бўлим бошлиғи (1963 — 75). Ўзбекистон ФА Физика-техника ва математика фанлари бўлими акад. котиби (1962 — 63).

Г. фронтогенез учун қулай шароит вужудга келтирадиган усулларни топган, метеорологик элементларни олдиндан айтиб бериш масалаларини текширган; т-ра ва босимнинг адвектив ўзгаришларини олдиндан ҳисоблаш ва босим бўйича шамол тезлигини аниқлаш усулини таърифлаб берган, қисқа муддатли об-ҳавони олдиндан айтиб беришнинг миқдорий усулларини муккаммаллаштирган.

ГУБКИН Иван Михайлович [1871.9.(21).9, Поздняково қишлоғи, ҳоз. Нижний Новгород вилояти — 1939.24.4, Москва] — рус геологи, Россия нефть геол.синнинг асосчиси, акад. (1929). Г.нинг илмий ишлари нефть геол.сига, Кавказда нефть конларининг очилишига, Волга ва Урал дарёлари оралиғида «Иккинчи Боку» деб аталмиш нефть базасини яратишга бағишланган. У балчиқ вулканларининг пайдо бўлиши ва тарқалиши, уларнинг нефть конлари б-н боғлиқлиги ҳақидаги таълимотни яратди. Г. нефть геол.сига оид бир қанча асар ва дарсликларнинг муаллифи. РФ Белгород вилоятидаги шаҳардан бири Г. номига қўйилган.

ГУБКИН — РФ Белгород вилоятидаги шаҳар (1955 й.дан). Т. й. станцияси. Аҳолиси 80 минг киши (1995). Темир рудаси қазиб олинади. Руда бойитиш к-ти, қуруқ минерал бўёқлар з-ди бор. Шаҳар геолог олим акад. И. М. *Губкин* номига қўйилган.

ГУБСКАЯ Вера Николаевна [1906.26.8 (8.9), Керч — 1953.19.10, Тошкент] — балет артисти, балетмейстер, педагог. Ўзбекистон халқ артисти (1944). Тошкент рус опера ва балет театрида балет артисти (1930 — 35). 1939 — 42 й.лар Навоий театрида балетмейстер ва педагог. 1943 — 48 й.лар Муқимий, Тошсовет номидаги ва Янгийўл театрларида бош балетмейстер.



Тамарахоним номидаги Республика балет мактабида ўқитувчилик қилган (1935 — 41). Г. инсон феъл-атвори, ҳиссиётуйғуси ва фикрларини мумтоз рақс ҳаракатлари орқали ишонарли тасвирлай олган. Энг яхши партиялари: Раймонда («Раймонда»), Китри («Дон Кихот»), Зарема («Боқчасарой фаввораси»), Одетта — Одилия («Оққуш кўли») ва б. Ўзбек ва мумтоз рақс шакларини уйғунлаштирадиган «Баҳор», «Қувонч», «Пахта» ва б. хореографик миниатюраларни, шунингдек, «Гулнихом, И. Арбатов б-н ҳамкорликда), «Уйқудаги гўзал», «Бахт соҳили» балетларини, 20 дан ортиқ мусиқий-драматик спектакллар рақсини саҳнага қўйган.

ГУВАЛА, гувалак — пишитилган лойдан тайёрланган ва қуритилган думалоқ ёки ялпоқ шаклли қурилиш материали. Асосан, деворларни тиклаш ва синчли уйларни қуришда ишлатилади.

ГУВАЛЁР, Гвалиёр — Ҳиндистоннинг шим.даги шаҳар. Мадҳья-Прадеш штатида. Аҳолиси 700 минг киши атрофида (1990-й.лар ўрталари). Муҳим т.й. ва автомобиль йўллари тугуни. Ҳозирги Г. Лашкар, Морар ш.лари ва Г.нинг ўзини қўшилишидан бунёдга келган. Ип газлама ф-калари, кулолчилик, гилам тўқиш корхоналари, тўқимачилик машинасозлиги, заргарлик з-длари ва бир қанча металлсозлик корхоналари; археология музейи бор. Ҳунармандчилик ривожланган. 11—16-а.ларга оид меъморий ёдгорликлар сақланган.

ГУВАШТ, гаваш (форс.) — *Ўн икки мақом* тизимидаги олти *овоз*нинг бири. Г.лар мақомларнинг машҳур турларидан бўлиб, ўтмиш мусиқа рисолалари муаллифларининг ёзишича, икки мақом товушқаторининг турли қисмларидан ҳосил этилган.

ГУВЕР (Hoover) Герберт Кларк (1874—1964). АҚШнинг 31-президенти (Республикачилар партиясидан; 1929—33). 1919—23 й.ларда «АРА» (Америка ёрдам маъмурияти) раҳбари. 1921—28 й.ларда савдо вазири.

ГУВОҲ (ҳуқуқда) — муайян жиноий ёки фуқаролик иши учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисида маълумотга эга бўлган ва гувоҳлик бериш учун суд ёхуд тергов органларига чақирилган шахс. Г. қонунда белгиланган тартибда сўроқ қилинади. У ўз она тилида кўрсатувлар беришга, тергов ва судда банд бўлгани учун ишлаб турган жойидан ўртача иш ҳақи олишга, йўлкира ва б. чиқимларни ундириб олишга ҳақли. Г.нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ЎзР ЖПКнинг тегишли моддасида белгиланган. У кўрган-билганларини яширмай, холисона сўзлаб бериши лозим, акс ҳолда ЎзР ЖК нинг моддаларига биноан жавобгарликка тортилади. Жисмоний ёки руҳий камчиликлари сабабли воқеаларни англай ва ифодалай олмайдиган шахслар, шунингдек, айбланувчи ва жабрланувчининг вакиллари ҳамда ҳимоячилари шу иш бўйича Г. тариқасида сўроқ қилиниши мумкин эмас.

ГУВОҲНОМА — 1) юридик фактларни (мас., бола туғилганини, никоҳдан ўтилганини, никоҳ бекор қилинганини) тасдиқлайдиган ҳужжат. Г., албатта, тасдиқланиши шарт бўлган юридик фактларни назарда тутади, бу шарт қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилади. Г. шакли ва белгилари тегишли ҳуқуқий ҳужжатда қайд этилиб, уларга риоя қилмаслик Г. ҳақиқий деб топилмаслигига сабаб бўлиши, мазмуни бўйича фақат суд орқали баҳсланиши мумкин. Г. махсус ном б-н аталади (мас., олий ўқув юртини битирганлик тўғрисида ёки проф. илмий унвонини бериш тўғрисида Г. ва ҳ.к.); 2) муайян соҳада ишлаётган ёки таҳсил олаётган шахсларга (мас., Президент девони, Миллий хавфсизлик хизмати, прокуратура, суд, милиция, Адлия вазирлиги ходимларига, адвокатларга, олий ўқув юрти талабалари, ўқитувчилари ва ҳ.к.га) топшириладиган, эгаллаб турган лавозимлари юзасидан гувоҳлик берадиган ҳужжат; 3) маълум бир шахснинг хизмат ва б. ҳолатларини, шунингдек, бирор ишга (мас., тафтиш ўтказишга) ваколатини тасдиқловчи ҳужжат. Шахсга муайян малака берилганлиги ҳақидаги Г. ва шу турдаги бошқа Г.ларда унинг муддати кўрсатилмайди, малака комиссияси раиси ва аъзолари имзоси бўлади. Бирор шахсга муайян имтиёз берилганлиги ҳақидаги Г. матнида тегишли қонун ёки ҳукумат қарорига ҳавола ёзилади.

ГУГЕНОТЛАР — 16—18-а.ларда Франциядаги *кальвинизм* тарафдорлари. Г.нинг католиклар б-н кураши *Диний урушлар*га айланган. 1598 й.даги Нант эдиктига кўра Г. диний эътиқод эркинлигига эга бўлиб, бир мунча сиёсий мустақилликни қўлга киритганлар. *Ришелье* даврида (1629) Г.нинг сиёсий мустақиллигига барҳам берилган; *Людовик XIV* даврида (1685) Нант эдикти бекор қилинган, Г. диний эътиқод эркинлигидан маҳрум бўлишган, улар ёки католик динига ўтишлари ёки Францияни тарк этишлари лозим бўлган (Г.нинг кўпчилиги мамлакатни тарк этган). 18-а. охиридаги *Буюк француз инқилоби* даврида Г. католиклар б-н тенг ҳуқуқли бўлишга эришганлар.

ГУГО КАПЕТ (Hugues Capet; Capatus) (тахм. 940—996) — француз қироли (987 й.дан) *Капетингелар* сулоласи асосчиси. Людовик V Каролинг (қ. *Каролинглар*) вафотидан кейин қирол этиб сайланган. Г. К. номигагина қирол бўлиб, унинг ҳокимияти фақат *домен* ерлари (Париж ва Орлеанни ўз ичига олган) гагина тарқалган.

ГУГУРТТОҒ — Туркманистоннинг жан.-шарқидаги шаҳар (1990 и.дан). Кўҳитанг тоғининг ғарбий этагида, Амударёдан шим.да, Мукри (Туркманистон) т.й. станцияси яқинида. 1930-й.ларда олтингугурт кони ишга туширилиши б-н вужудга келган. Аҳолиси 23,3 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Соф олтингугурт қазиб олинади. Олтингугурт ва калий ўғити и.ч. заводлари бор.

ГУГУРТТОҒ ОЛТИНГУГУРТ КОНИ (туркманча — Гюгуртлаг) — Туркманистоннинг жан.-шарқидаги кон, Кўҳитанг тоғининг ғарбий этагида, Амударёдан шим.роқда, Мукри (Туркманистон) т. й. станцияси яқинида жойлашган. Коннинг олтингугурт захираси дастлаб 1928—30 й.ларда аниқланган. 1950-й.ларда Г. о. к.да йирик туз кони (калий ва ош тузлари) разведка қилинди. Айни пайтда Г. о. к.дан соф олтингугурт ва калий тузи олинмоқда. Г. олтингугурт конининг ҳосил бўлиши тўғрисида олимлар ўртасида турли фикрлар мавжуд. Конда олтингугурт юқори юра даврида денгиз остида анаэроб (кислородсиз) муҳитда олтингугурт ҳосил қилувчи бактериялар ёрдамида пайдо бўлган ёки кимёвий йўл б-н оҳактошлар таркибидаги ер ости нефть сувларининг атмосфера сувларига қўшилишидан ҳосил бўлган деган фикрлар бор. Г. о. к. олтингугурт ҳосил бўлиш шароитларига кўра, Украинадаги Рудатский ва АҚШнинг Мексика соҳилларидаги конларга жуда ўхшаш.

ГУДЕРМЕС — РФнинг *Чеченистон* Республикасидаги шаҳар (1941 й.дан). Т. й. тугуни. Тиббиёт асбоблари, ғишт, консерва з-длари, т. й. транспортига хизмат қиладиган корхоналар фаолият кўрсатган. Г. атрофидан нефть қазиб чиқарилади. Аҳолиси 40 минг киши (1991), лекин 1990-й.лар охирига келиб аҳолининг бир қисми уруш туфайли шаҳарни ташлаб кетишга мажбур бўлди. Шу боис ҳоз. кунда ишлаётган корхоналар сони кам.

ГУДЗОН, Хадсон Генри (тахм. 1550—1611) — инглиз денгизчиси. Атлантика океанидан Тинч океанга ўтувчи шим. денгиз йўлини топиш мақсадида 1607—11 й.ларда 4 марта Арктика денгизларида сузган. Экспедицияни инглиз ва голланд савдогарлари Хитой ва Ҳиндистонга Испания ва Португалия мустамлакаларидан холироқ жойдан ўтувчи янги сув йўлини топиш мақсадида уюштирган. Г. 1607 й. Тинч океанга Шим. қутб орқали ўтишга уриниб 80°23′ ш. к.гача борган ва йўлакай Ян-Майен о.ни кашф қилган. 1609 й. Баренц денгизи орқали Шим. Америка қирғоқларигача сузган ва материк соҳилини тадқиқ қилган. Гудзон дарёсини кашф қилиб, унинг юқори оқими томон 250 км гача борган. Кейинчалик унинг номига қўйилган буғоз ва катта қўлтиқни кашф этган. 1611 и июнида орқага қайтишда йўлда денгизчилар исён қилиб, Г.ни уғли б-н ва 7 денгизчини кемадан қайиққа утқазиб қолдиришгач, бедарак йўқолган.

ГУДЗОН, Хадсон — АҚШ шарқидаги дарё. Уз. 492 км. Ҳавзасининг майд. 35 минг км². Аппалачи тоғларидан бошланади. Юқори оқимида остона ва шаршара куп. Атлантика океанига қуйилади. Қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Ўртача сув сарфи 630 м³/сек. Баҳорда тўлиб оқади. Сув режими туғонлар б-н тартибга солинган. Қуйилиш еридан Трой ш.гача кема қатнайди. Г.— Нью-Йорк-Стейт-Барж-канал сув йўли системасининг муҳим қисми. Дарёга йирик ГЭСлар қурилган. Қуйилиш жойида Нью-Йорк ш., дарё бўйлаб Трой, Олбани, Хадсон, Кингстон ш.лари жойлашган. Г.ни 1609 й.да Г. *Гудзон* кашф қилган ва тавсифлаган, дарё унинг номи б-н аталган.

ГУДЗОН БЎҒОЗИ — Лабрадор я.о. б-н Баффин Ери оралиғидаги бўғоз. Гудзон қўлтиғини Атлантика океани б-н қўшиб туради. Уз. 806 км га яқин, кенглиги 115—407 км. Чуқ. 200 м дан 988 м гача. Бир йилда 8 ой давом этадиган қор бўронлари, туман ва сузиб юрувчи жуда кўп муз бўлаклари кема қатновини қийинлаштиради. Денгиз ҳайвонлари овланади. Бўғоз Г. *Гудзон* номига қўйилган.

ГУДЗОН ҚЎЛТИҒИ — Шим. Муз океанининг қуруқлик ичкарисидаги денгизи, Канада ҳудудида. Шарқда *Гудзон бўғози* орқали Атлантика океани б-н, шим.да бўғозлар орқали Шим. Муз океани б-н туташган. Майд. 848 минг км². Ўртача чуқ. 112 м, энг чуқур жойи 258 м. Ҳавонинг ўртача т-раси янв.да —22° дан —31° гача, июлда 5° дан 15° гача; сув окт.дан июлгача музлайди. Шўрлиги 23,0—30,5‰. Сув ҳар ярим суткада 7,9 м га кўтарилиб-пасайиб туради. Балиқ ва тюлень овланади. Асосий портлари: Черчилл, Порт-Нельсон. Г.қ.ни инглиз денгизчи сайёҳи Г. *Гудзон* 1610 й.да кашф қилган ва унинг номи б-н аталган.

ГУДИАШВИЛИ Ладо (Владимир) Давидович [1896.18(30).3, Тбилиси—1980) — грузин рассоми ва графиги. Ижоди ўрта асрлар грузин санъати ва 1920-й.лар Ғарбий Европа санъатидаги оқимлар таъсирида шаклланган. Халқ оғзаки ижоди (қўшиқлар, афсонавий ва фантастик образлар)дан илҳомланган: «Цоцхали балиги» (1920), «Серафита сайри» (1940), «Пиросманашвили ўлими» (1946), «Тогдаги учрашув» (1977) каби йирик асарлар, «Т. Табидзе ва мовий отлар» (1918), «Элисо», «В. Маяковский ва В. Гудиашвили Парижда» (1975) ва б. портретлар, «Антифашистик туркум» (1942) графика туркуми муаллифи, шунингдек, Султонсабо Орбелиани (1939, 1960), Г. Чхиквадзе (1946) ва б.нинг асарларини безаган.



Л. Гудиашвили. Сулхонсабо Орбелианининг «Афсоналар ҳикмати тўғрисида» асарига ишланган расм (1939).

ГУДКОВА Екатерина Акимовна (1928.26.1, Тошкент) — хор дирижёри, педагог. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1989). Тошкент консерваториясини тугатган (1950). Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида (1947—56), Тошкент консерваториясида (1953 й.дан) ўқитувчи, доцент (1967 й.дан), хор дирижёрлиги кафедраси мудири (1979—88). Ўзбекистонда хор санъати ривожига катта ҳисса қўшган.

ГУДОН, Удон (Houdon) Жан Антуан (1741.20.3, Версаль — 1828.15.7, Париж) — француз ҳайкалтароши, Европа ҳайкал портрети санъатининг йирик намояндаси.



Париждаги нафис санъат мактабида ўқитувчи (1805—23). Пластик анатомияни чуқур ўрганиб, анатомик ҳайкал яратди (1767), бу ҳайкал ҳоз. кунда ҳам бадиий ўқув юртларида (шу жумладан Ўзбекистонда) кўргазмали қурол сифатида қўлланилади. «Диана» (гипс, 1776) ҳайкали Г.га катта шуҳрат келтирган; Ж.Ж. Руссо (гипс, 1778), Вольтер (мармар бюст, 1778; мармар ҳайкал, 1781), О. Мирабо (терракота, 1791) ва б. портретлар муаллифи. Г. портретларидаги ўткир ва кўп қиррали психологик тавсифнинг ўзига хослиги, портретдаги маъноли қарашлар бевосита томошабинга қаратилганлиги б-н диққатни тортади. Айниқса аёллар ва болалар қиёфаси содда ва табиийлиги б-н ажралиб туради («Рафиқам портрети», гипс, 1787, Лувр ва б.). Г. француз инқилоби намояндалари ва маърифатпарварларининг ёркин қиёфаларини яратган. Асарлари Лувр (Париж) ва б. музейларда сақланади.

ГУДРОН (франц. goudron) — қора смола. Нефтни атмосфера босими ва вакуум остида ҳайдаш пайтида 450—600° оралиғида қайнаб чиқадиган фракция қолдиғи. Г. нефтнинг табиатига қараб унинг массасининг 10—45% игача ҳосил бўлади. Г. қовушқоқ суюқлик ёки қаттиқ асфальтсимон ялтироқ маҳсулотдир. Таркибида парафин, нафтен қатори ва ароматик углеводородлар (45—95%), асфальтенлар (3—17%), шунингдек, деасфальтланган маҳсулотлардан силикагелда адсорбцияланадиган нефть смолалари (2—38%) бўлади. Г.нинг элементар таркиби (массасига нисбатан % ҳисобида): 85—87 С, 9,3—11,8 Н, 0,2—6,3 S, 0,2—0,7 N, 0,08—1,25 О. Бундан ташқари, Г.да нефть таркибида мавжуд бўлган барча металлар концентрланади; унда ванадийнинг миқдори 0,046% га, никель эса 0,014% гача етиши мумкин. Нефтнинг табиати ва ундан газойль франкцияларини ажратиб олиш даражасига қараб Г.нинг зичлиги 950—1030 кг/м³ га, ёпишқоқланиши 8—26% гача (масса жиҳатидан), қотиш т-раси 12—55° гача, ўз-ўзидан ёниш т-раси 29 дан 350° гача бўлади. Г. йўл қурилиши материали сифатида йўлкалар ва қурилиш битумларидан мудира қул ҳосил қилувчи, оз миқдорда кул ҳосил қилувчи лари, оз миқдорда кул ҳосил қилувчи лари, оз миқдорда кул ҳосил қилувчи лари

тўқимачилик. Умумий ва электротехника машинасозлиги, кимё, цемент и. ч. саноатлари ҳам ривожланган.

ГУЖАРОТ ЗИЛЗИЛАСИ — 2001 й. 26 янв.да Ҳиндистоннинг Гужарот штатида маҳаллий вақт б-н соат 8 дан 46 мин. ўтганда содир бўлган ер силкиниши. Зилзила эпицентри Аҳмадобод ва Бҳуж ш.лари оралиғида жойлашган. Рихтер шкаласи бўйича магнитудаси 7,7 бўлди. Зилзила кучи MSK-64—12 балли шкала бўйича 10 балл бўлиб, Ҳиндистоннинг бир қанча шаҳарлари (Аҳмадобод, Кач ва б.) катта талафот кўрди. Айниқса, эпицентрга яқин жойлашган Бҳуж ш. ер б-н яксон бўлди. Кетма-кет содир бўлган силкинишлар натижасида кўплаб бир қаватли ва 150 дан зиёд кўп қаватли иморат бутунлай вайрон бўлди. Қурбон бўлганлар сони 30 мингдан ортиб кетди.

Эпицентрдан тарқалган сейсмик тўлқинлар минг км дан зиёд масофагача қайд қилинди. Эпицентрда уз. 3—4 км келадиган ер ёриқлари ҳосил бўлиб, у жойнинг қиёфасини ўзгартириб юборди. Зилзила 1968 й.да аниқланган сейсмоген зонада рўй берди. Зона остидаги тоғ жинсларининг ер узилмалари бўйича кескин силжиши тебранишларга сабаб бўлган. Бу зонада илгарилари ҳам ер қимирлашлар қайд этилган. Айниқса, уларнинг энг даҳшатлиси 1819 й.нинг 16 июнида содир бўлиб, кучи 2001 йилги Г.з.га тенг бўлган.

ГУЖАРОТ ТИЛИ (гужароти) — ҳинд-европа тиллари оиласининг ҳинд гуруҳига мансуб тил. Ҳиндистоннинг Гужарот штатининг расмий тили, Маҳаращтра штатига туташ ҳудудларда ҳам тарқалган. Унда 47 млн. дан зиёд киши сўзлашади (1990-й.лар ўрталари). 3 асосий диалектга ажралади: шим. (ёки аҳмадобод); ғарбий (ёки катхиявар); жан. (ёки сурат). Сўз ясалиши суффикс, префикс ва сўзлар қўшилиши асосида юз беради. Г.т. фонетикасида олд қатор унлиларда ва сонантлар (у) палаталлашуви учрамайди. Г.т.да 6 та ўзига хос келишик мавжуд (воситасиз, эгалик, объектли, воситали, айирувчи, ўрин). Бундан ташқари, 2 та сон (бирлик, кўплик) бор. Феъл шахс, сон, жинс, замон, майл (аниқлик, буйруқ, гумон, истак) категорияларига, шунингдек, булардан ташқари (ўтимли ва ўтимсиз феълларда юзага чиқадиган) мажҳуллик, аниқлик нисбатларига эга. Эга гапнинг бошида, кесим эса охирида келади. Г.т. луғат таркибида санскрит, форс, араб тилларидан ўзлашган сўзлар анчагина. Кейинги вақтда инглиз тилидан баъзи сўзларнинг ўзлашиши ҳам кузатилмоқда. Гужарот алифбоси деванагари ёзувига жуда яқин.

ГУЖАРОТЛАР — Ҳиндистондаги халқ (тахм. 46 млн. киши). Гужарот штатининг асосий аҳолиси. Шунингдек, Покистонда ҳам яшайдилар. Умумий сони 47 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Гужарот тилида сўзлашади. Диндорлари — асосан *ҳиндуизм*га эътиқод қиладилар, сунний мусулмонлар ва *жаинизм* тарафдорлари ҳам бор. Деванагари ёзувига яқин булган махсус ёзувга эга. Г.нинг асосий машғулоти — деҳқончилик (шоли, буғдой, тариқ, шакарқамиш, пахта етиштириш), шунингдек, ҳунармандчилик (уй тўқимачилиги, металлга ишлов бериш, заргарлик) ривожланган. Г.нинг негизини Ҳиндистонда илк урта асрдан маълум бўлган *гужар* элати ташкил этган. Кейинчалик унинг таркибига қисман ражастхонлар, бхиллар, коллар ва б. қўшилган.

ГУЖОН (Goujon) Жан (тахм. 1510—1564/68, Болоньс) — француз ҳайкалтароши. Уйгониш даврининг йирик вакили. Руан (1540—41), Париж (1543—44)да ишлаган. Г. ҳайкаллари безакдорлиги ва шаклларининг мутаносиблиги б-н ажралиб туради. Линьери меҳмонхонаси (ҳоз. Карнавал музейи, тахм. 1545), Лувр (1550-й.лар)нинг ҳайкалтаропшлик безакларини яратган. Кариатидалар зали (Лувр)даги аёл ҳайкаллари, Сен-Жермен л'Оксерруа черкови бўртма тасвирлари (1544, Лувр) ва



Ж. Гужон. «Нимфалар». Париждаги «Бегуноҳлар фаввораси» рельефи (мармар. 1547—49, Лувр).

«Бегуноҳлар фаввораси» (1547—49, Париж) ва б. яратди. График рассом сифатида *Витрувий* рисоласини безаган (ёғоч гравюра, 1547).

ГУЖРАНВАЛА — Покистондаги шаҳар. Панжоб вилоятининг шим.-шарқида. Аҳолиси 1,2 млн. киши (1998). Транспорт йуллари тугуни. Озиқ-овқат, тўқимачилик, металлсозлик, машинасозлик (электротехника) корхоналари, ип ва жун газлама ф-каси, пахта тозалаш ва механика з-длари бор. Ҳунармандчиликда ип ва ипак газламалар тўқилади, чарм, фил суяги ва металлдан турли буюмлар, чинни ва сирланган сопол идишлар тайёрланади.

ГУЖУМДИ ТОҒЛАРИ — Марказий Қизилқумлаги тоғлар. Қулжуқтов тоғларининг шарқий давоми. Энг юқори нуқтаси 773 м (Бошгужумди чўққиси). Г.т. кенглик бўйича йўналган, шим. ён бағирлари анча тик, жан. эса ётиқроқ. Шим.да Қорахотин ва жан.да Оёқогитма ботиқлари томон ён бағирлари винапоясимон шаклда пасайиб боради. Тоғ этаклари кенг пролювиал шлейфлар б-н банд. Ён бағирлари қуруқ сойлар б-н парчаланган.

Г.т. палеозойнинг терриген (кремнийли қумтош), кремнийли карбонат (асосан доломит) ва терриген (алеврит, қумтош, конгломерат, гравелит) жинсларидан ташкил топган. Сувайиргич қисмида қаттиқ қумтош, доломит ва баъзан конгломератлардан қояли рельеф шакллари вужудга келган.

Г.т.да чўл минтақасига мансуб бўзқўнғир тупроқлар тарқалган. Оқжусан, терескен, ён бағирларнинг қуйи қисмларида кейреук, боялич ўсади. Яйловларда қоракўл қўйлари боқилади.

ГУЗАР — 1) шаҳар ёки қишлоқнинг уч кўча, тўрт кўчали ёки чойхона ва магазинлар, баққоллик ва қассоблик дўконлари бўлган гавжум ва серқатнов, обод жойи. Одатда, маҳалла одамлари Г.га чиқиб чойхўрлик қиладилар, сухбатлашадилар, ҳордиқ чиқарадилар; 2) Бухорода маҳалла, квартал (мас., Сўзангарон гузари, Иброҳимхўжа гузари каби). Г.ни ўтмишда қози тайинлайдиган оқсоқол — гузароқсоқол бошқарган; 3) Хоразмда сойдан қайиқларнинг ўтиш жойи ва одам ўтиши учун қўйилган махсус қайиқ.

ГУЙЧЖОУ — Хитойнинг жан.-ғарбидаги провинция. Майд. 176,3 минг км². Аҳолиси 36,5 млн. киши (1998). Асосан хитойлар, оз қисми майда миллатлар. Маъмурий маркази — *Гуйян* ш.

Г. Юньнань-Гуйчжоу тоғлигида жойлашган, оҳактош ва сланецлардан тузилган. Тоғлик шарқдан ғарбга 700 м дан 2872 м гача баландлашиб боради. Карст кенг тарқалган. Энг катта дарёси — Уцзян. Иқлими сернам, субтропик иқлим. Йиллик ёғин 800—1300 мм, ёғиннинг кўп қисми ёзда ёғади. Янв.нинг ўртача т-раси 4—8°, июлники 22—26°. Тупроғи унумдор (латерит, қизил ва сариқ тупроқлар). Ўрмонлар, асосан, тоғ ён бағирларида; қимматбаҳо ёғоч берадиган ва б. дарахтлар (дуб, қарағай, чой дарахтлари) ўсади.


Г. иқтисодиётининг етакчи тармоғи — қ.х. Майд.нинг 11% дан кўпроғи ишланади, шундан ярми суғорилади. Асосий экинлари: шоли (экин майд.нинг 40% и), маккажўхори, буғдой, индов, тамаки ва б. Мевачилик ривожланган. Чорвачилик ёрдамчи аҳамиятга эга; чўчқа боқилади, қорамолдан, асосан, иш ҳайвони сифатида фойдаланилади. Тунг ва камфора мойи ишлаб чиқарилади, лак дарахти плантациялари бор, доривор ўсимликлар терилади. Г. симоб қазиб олишда мамлакатда етакчи ўринда (Тунжэн); мис (Вэйнин), марганец рудаси (Цзуньи), сурма (Душань, Саньду), кўмир, темир рудаси қазиб чиқарилади. Озиқ-овқат, тамаки, тўқимачилик, кимё, машинасозлик (кончилик саноати учун машиналар, транспорт машиналари, қ.х. техникаси ва б. ишлаб чиқарилади), қурилиш материаллари саноати, қоғоз ва ёғочсозлик корхоналари бор. Асосий саноат марказлари — Гуйян, Тунжэн.

ГУЙЯН — Хитойнинг жан.-ғарбидаги шаҳар, Гуйчжоу тоғлигида. *Гуйчжоу* провинциясининг маъмурий маркази. Муҳим т. й. ва автомобиль йўллари тугуни. Аҳолиси 3,1 млн.дан зиёд киши (1998). Металлсозлик, машинасозлик, кимё, тўқимачилик, цемент, ойна, ипакчилик, ёғочсозлик, қоғоз, кончилик саноатлари учун ускуналар ишлаб чиқарувчи з-длар ва б. саноат корхоналари бор. Г. яқинидан темир рудаси, кўмир ва аппатит қазиб чиқарилади. Г.да Хитой ФАнинг филиали, ун-т, қ. х. ва б. институтлар бор.


ГУК, Хук (Hooke) Роберт (1635.18.7, Уайт о.— 1703.3.3, Лондон) — инглиз табиатшунос олими, конструктори, ихтирочиси. Г. ҳаво насоси ва бурама барометр ихтиро қилган, микроскоп, кўзгули телескоп, шамол кучини ўлчайдиган ва б. асбобларни такомиллаштирган. Ўсимлик ва ҳайвон тўқимасининг ҳужайралардан тузилганлигини текширган («ҳужайра» сўзини фанга Г. киритган). Х. *Гюйгенс* б-н бирга термометрнинг доимий нуқталари: музнинг эриш нуқтаси ва сувнинг қайнаш нуқтасини аниқлаган. Эластик жисмларга қўйилган куч б-н унинг деформацияси орасидаги боғланиш қонунини кашф этган (қ. *Гук қонуни*). Г. осмон жисмлари бир-бирига тортилади, деган фикрни илгари сурган, тортишиш кучлари масофа квадратига тескари мутаносиб эканлиги, сайёралар эллиптик орбиталар бўйича ҳаракатланишини аниқлаган. Ёруғликнинг тўлқин табиати ҳақидаги назарияни қувватлаган.

ГУК ҚОНУНИ — қаттиқ жисмнинг эластик деформацияси б-н шу жисмга қўйилган механик кучланиш орасидаги чизиқли муносабатни ифодалайдиган қонун. Р. *Гук* кашф қилган (1660). Кучланиш таъсирида жисм чўзилиши ёки сиқилиши мумкин. Мас., узунлиги l ва кўндаланг кесим юзаси S бўлган стержень бўйлама F куч б-н чўзилса, унинг узайиши $\Delta l = Fl/ES$ бўлади, бунда: Δl — мутлақ (абсолют) чўзилиш (қисқариш), E — эластиклик модули (Юнг модули). Нисбий чўзилиш учун $\sigma = E\varepsilon$, бунда σ — нормал кучланиш, ε — нисбий чўзилиш. Силжиш учун $\tau = G\gamma$, бунда: γ — силжиш бурчаги, τ — уринма кучланиш, G — силжишдаги эластиклик модули, кўпчилик материаллар учун $G \approx 0{,}4E$. Мас., пўлат учун $E \approx 2 \cdot 10^6$ кг·к/см², чўян ёки мис учун $E \approx 1 \cdot 10^6$ кг·к/см² ва ҳ.к.

ГУЛ (flos) — ёпиқ уругли ўсимликлар (қ. *Гулли ўсимликлар*)нинг генератив (жинсий урчиш) органи. Г. ўсиши чекланган, шакли ўзгарган новда ҳисобланади Г. гулбанд, косачабарглар, тожбарглар, чангчилар ва уругчидан ташкил топган. Косача барглар — Г.нинг сиртида — биринчи қаторда жойлашган баргчалардан иборат. Косачабарглар, одатда, яшил, ўсимлик турига қараб сони ҳар хил бўлади. Баъзи ўсимликларда (мармарак, райҳон, нўхат ва б.) косачабарглар бир-бири б-н қўшилиб, бириккан баргли туташ косача, бошқаларида (турп, шафтоли, ўрик ва б.) бирикмасдан, айрикосача ҳосил қилади. Гултож барглар — косачабаргларидан ички қаватга жойлашган гулбарглардан иборат. Ранги ҳар хил. Тожбарглар ҳам туташ (печак, карнайгул, картошка ва б. гулида) ва айритож (ўсма, айиқтовон, наъматак ва б. гулида) бўлади. Чангчилар Г.нинг чанг (микроспора) ҳосил қилувчи қисми. Улар учинчи қаватни ташкил қилади. Уруғчи Г.нинг уруғкуртак (макроспора) ҳосил қилувчи қисми бўлиб, марказда жойлашган. Косачабарглар б-н тожбарглар гулқўрғон дейилади. Косачабарглар б-н тожбаргларга аниқ ажралган гулқўрғон (ўрик, олча, шолғом ва б. гулида) мураккаб, бундай ажралмай, ранги бир хил бўлган гулқўрғон оддий гулқўрғон дейилади. Тожбаргларга ўхшаш, очиқ рангли оддий гулқўрғон гултожсимон (лола, пиёз гулида), косачага ўхшаш яшили эса (лавлаги, шўра, отқулоқ ва б. гулида) косачасимон гулқўрғон деб юритилади. Ҳашаротлар воситасида чангланадиган Г.лар гулқўрғони яхши ривожланган, шамол ёрдамида чангланадиган Г.ларники эса унча ривожланмаган ёки бутунлай йўқолиб кетган. Гулқўргонсиз ёки фақат уругчи ва чангчилардан иборат гуллар (тол, терак,



Гўза гулининг тузилиши (кўндаланг кесими): 1 — гулбанд; 2 — илонбарг; 3 — гулкоса; 4 — гултожбарг; 5 — чангчи найчаси; 6 — чангчи; 7 — тугунча; 8 — чангчи устунчаси, 9 — оналик тумшуқчаси.



Гул хиллари. Қўш гулқўргонли: 1 — тўғри гулқўргонли (юлдузча ўт); 2 — қийшиқ гулқўргонли (2а — яснота, 2б — валериана). Оддий гулқўргонли: 3 — тожсимон (пролеска), 4 — косачасимон (қайрагоч). Гулқўргонсиз (тол): 5 — чангчи гул, 6 — уругчи гул. Айритожли: 7 — магнолия, 8 — қончўп. Туташ тожли: 9 — нафрўзгул, 10 — сачратқи, 11 — қўнғироқгул. Капалаксимон: 12 — бурчоқ.

ёнғоқ кабиларнинг гули) яланғоч ёки гулқўрғонсиз Г.лар дейилади. Г.нинг барча қисмлари ўриндиққа жойлашган. Ўриндиқ кенг ва ясси (айиқтовон, малина), конуссимон ёки чўзиқроқ (сўрчой) ёки, аксинча, ботиқ (раъно, наъматак ва б.) бўлади. Ҳар бир Г.да гулбанд бор. Баъзан гулбанд деярли ривожланмай, Г. тўпгул ўқидан ўсиб чиқади (мас., тизимгул, себарга гули). Бундай Г.лар бандсиз ёки ўтроқ Г.лар дейилади. Г.да уруғчилар ва чангчилар бўлса, икки жинсли (беҳи, олақизғалдоқ, пиёз ва б.), фақат биттаси бўлса (ёнғоқ, маккажўхори, тол, қайин ва б.), айрим жинсли ёки бир жинсли Г. дейилади. Бир жинсли Г. фақат уруғчилардан иборат бўлса — уруғчили (маккажўхори сўтаси), фақат чангчилардан иборат бўлса (маккажўхори рўваги, ёнғоқ кучаласи ва б.) — чангчили Г. дейилади. Г. марказидан икки ва ундан кўп чизиқ ўтказилганда тенг симметрик қисмларга бўлинса, тўғри — актиноморф (олма, ўрик, наъматак ва б.), фақат битта чизиқ б-н симметрик қисмларга бўлинса, қийшиқ — зигоморф Г. (райҳон, ялпиз, итоғиз, жамбил ва б.) дейилади. Г.ларда наслдан-наслга ўтадиган доимий белгилар (Г. қисмларнинг шакли, ранги, катта-кичиклиги, бирбирига нисбатан тутган ўрни ва сони) ғоят хилма-хил. Ўсимликларнинг уруғдошлиги ва эволюциясини аниқлашда Г.ларнинг аҳамияти катта. Г. шамол ёки ҳашаротлар воситасида чанланади. Г. чангланишга турлича мослашган. Мас., ҳашаротлар ёрдамида чангланадиган ўсимликларнинг Г.и йирик, ҳидли, хилма-хил рангда бўлиб, нектар безлари шира (нектар) ажратади. Нектар безлари Г.нинг ички қисмида бўлиб, ҳашаротлар шира олишга қўнганда танасига чангни ёпиштириб олиб тарқатади. Кўп ўсимликлар (мас., ёнғоқ, терак, каноп, маккажўхори ва б. галладошлар) шамол воситасида чанланади. Уларнинг Г.и майда, кўримсиз, рангсиз ва ҳидсиз, чанглари қуруқ ва енгил бўлади.

Ад.: Холиқов С., Пратов Ў., Ўсимликлар аниқлагичи, Т., 1970; Мавлонов О., Қосимов А., Сиддиқов Ж., Биология (маълумотнома), Т., 1999.

ГУЛ — марҳум хотирасига бағишлаб ўтказиладиган маросим. Г. маросими баҳорда гуллар очилган чоғда, вафот этганларнинг йилига қадар ўтказилади. Асосан, қариндош, қўни-қўшни аёллар қатнашади. Уларнинг олдига дастурхон ёзиб чой-нон, баъзан таом тортилади. Суҳбатаро марҳум хотирланади, фаолияти тилга олинади, унинг шаънига дуойи-фотиҳа уқиб тарқалади-лар. Унинг оиласидаги аёллар ва хоҳлаганлар қабристонга бориб марҳумнинг қабрига гул қўядилар (баъзилар гулни қабр тупроғига кўмадилар).

ГУЛ — 1) *ислимий* нақш; табиатдаги гулларни наққош томонидан услублаштириб олинган тасвири. Нақш мужассамотида уни тўллирали ва жозибали қилади ҳамда асосий ёки иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлади. Г.лар мураккаб (пистагул, кўпбаргли Г. ва б.) ва оддий (ойгул, лолагул, пахтагул ва б.) турларга бўлинади. *Амалий санъат*нинг барча соҳаларида қўлланилади; 2) *нақш* сўзи ўрнида кенг ишлатилади. Г. сўзига нақш номи қўшиб айтилади (мас., Г.и рафтор, лавра Г. ва б.).

ГУЛ БАЙРАМИ — Ўзбекистонда баҳор фаслида гулга бағишланган сайиллар. Бундай байрамлар тоғ бағрида, қир-адирларда, боғларда ўтказилган. Г. б. дунёда кенг тарқалган анъаналардан бирилир. Кўпгина мамлакатларда гулларга бағишланган, жумладан Грецияда сунбул, Японияда хризантема, Францияда марваридгул, Ҳиндистонда атиргулларга бағишланган махсус байрамлар мавжуд. 1) ҳар йили кўкламда оила аъзолари ва ёр-биродарларнинг лолазорларга сайил қилиши, лола териб, хурсандчилик қилиш мақсадида ўтказиладиган дам олиш одати. Бу сайиллар «қизил гул сайли», «лола сайли», «сумбула сайли», «бойчечак», Самарқандда мевали дарахтлар, жумладан беҳи гуллаганда — «беҳи гули сайли» («сайл гули беҳи»). Зарафшон водийсида «бойчечак гулгардони», Бухорода гуллар очилиб, булбуллар сайраган вақтда — «Гулгардони булбулхон» («Булбул қўшиғи») сингари номлар б-н машҳур бўлган; 2) гул ва чечаклар авжи очилган чоғда истироҳат богларида ташкил этиладиган энг яхши гул намуналари кўриги. Бундай кўрикларни республикамизнинг Тошкент, Наманган ва б. шаҳарларида ҳар йил ўтказиш анъанага айланган. Бу Г. б.да давлат гулчилик хўжаликларида етиштирилган ҳамда хусусий гулчилар етиштирган гул навлари намуналари намойиш қилинади. Ғолиблар эсдалик совғалари б-н тақдирланади.

Ад.: Қорабоев У., Ўзбекистон байрамлари, Т., 1991.

«ГУЛ ВА САНОБАР» — ишқий-саргузашт достон. 13—14-а.ларда форс адабиётида пайдо бўлган. Муаллифи номаълум. Дастлаб қўлёзмаларда тарқалган, сўнг бир неча тошбосмада нашр этилган. Мазмуни *«Минг бир кеча»* эртакларидаги «Синдбод баҳрий ҳикоялари»ни эслатади. Асарда муҳаббат қудрати ҳар қандай сеҳр кучларни енгади, деган ғоя етакчи ўрин эгаллайди. Ўзбек достончилигида *Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир Назар ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли* ва Хоразм достончилари ижросида маълум. Фозил шоир ва Раҳматулла Юсуф ўғли вариантлари «Ўзбек халқ ижоди» сериясида «Зевархон» номи б-н нашр этилган.

ГУЛ МАСЖИД — Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги меъморий ёдгорлик (1875). Бино чортоқ тарҳли (17,2×11,7 м), бир устунли, мурабба тарҳли хонақоҳ (7,7×7,7 м) ва уч томони айвондан иборат. Пишиқ ғишт (26×26×4—50 см)дан, тўсин ташлаб, ясси томли қилиб ёпилган. Шифти нақшлар б-н нафис безатилган, меҳроби ироқи равоқли, атрофига занжира нақш ишланган.

ГУЛ ПОЧО УЛФАТ (1909, Лағмон — 1977, Кобул) — афғон шоири, ёзувчи, журналист ва жамоат арбоби. Пашту (афғон) ва форси-кобулий (дарий) тилларида ижод қилган. Афғон академияси адабиёт бўлими мудири (30-йлар 2-ярми), президенти (1956—62). Шеърий («Афғон қўшиқлари», 1946; «Сайланган шеърлар», 1954 ва б.), насрий («Танланган ҳикоялар», 1957 ва б.) ва адабиётшуносликка доир («Ёзувчилик маҳорати», 1961 ва б.) кўплаб асарлари нашр қилинган. Уларда адиб халқлар дўстлигини улуғлаган. Осиё-Африка ёзувчилари Тошкент конференцияси (1958)да иштирок этган. Унинг «Бегуноҳ маҳбус», «Ҳаёт сози», «Ажиб инсон», «Доно маслаҳат», «Келгуси кун», «Эй, зиндончи» каби ҳикоялари, «Мен шундайман», «Жўлдур кийинган соҳибжамол» (1970) ва б. шеърлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Бегуноҳ маҳбус (ҳикоялар), Т., 1963.

ГУЛ УРУҒЧИЛИГИ — *гулчилик*нинг сифатли гул уруғи тайёрлаш б-н шуғулланадиган тармоғи. Асосан бир йиллик ва икки йиллик гуллар уруғларини ҳамда гуллар пиёзларини етиштиради. Г. у. қуйидаги бўлимлардан иборат: селекция — янги гул навлари яратиш, селекция ст-ялари ва селекция тажриба муассасаларида ўтказилади; нав синаш — янги навлар Давлат нав синаш комиссияси томонидан нав синаш участкасида синалади, сўнг р-нлаштирилади; уруғчилик — р-нлаштирилган янги навларни кўпайтириш ва уларни яхшилаш; бу ишлар элита ва махсус уруғчилик участкаларида амалга оширилади; гул уруғлари б-н таъминлаш — навли уруғларни йиғиб, сақлаш ва тегишли хўжаликларга тарқатиш, бу ишлар б-н Ўзбекистонда, асосан, Ўзбекистон ФА Ботаника боғи, акад. Р. Р. Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-тининг гулчилик бўлими ҳамда шаҳарлардаги манзарали боғдорчилик ва манзарали гулчилик хўжаликлари шуғулланади; уруғчилик назорати — гул уруғларининг нав ва сифатини экиш олдидан текшириш.

Селекция ст-яларида етиштирилган янги навлар и.т. муассасалари ва уруғни дастлабки кўпайтириш хўжаликларининг элита бўлимларида алоҳида пайкалларда ўстирилади. Уруғни тезроқ етилтириш учун кеч очиладиган гуллар уруғи кунгай ерларга экилиб, илғор агротехника усулида парваришланади. Уруғ олиш учун биологик ва хўжаликлараро белгилари талабга мос келадиган гул туплари танланади. Бунинг учун гуллар очилган пайтда апробация ўтказилади. Гул уруғлари мумкин қадар тупида етилтириб, кузги ёғингарчиликка қолдирмай йиғиб олинади. Уруғлар гул тўпламлари б-н боғланган ҳолда бостирма остида ёки ёруғ бино ичида осиб қуритилади, янчиб тозаланган уруғ сақлаш учун омборга топширилади.

Лутфулла Абдураҳмонов.

ГУЛ ЧАНГИ — *гулли ўсимликлар* чангдонларида ҳосил бўладиган чанг доначалари. Уруғли ўсимликларда чанг донаначаси — микроскопик тузилма (эркак гаметофит) бўлиб, унда чангланиш пайтида ёки ундан кейин уруғланиш учун зарур бўлган эркак гаметалар (спермийлар) ривожланади. Чанг доначалари шакли (юмалоқ, чўзинчоқ, бўлақчали ёки кўп бурчакли), ҳажми ва қобиқ кўриниши бўйича ниҳоятда хилма-хил. Гулли ўсимликлар Г.ч. майда, йирик ва гигантлари ҳам бўлади. Полиплоид шаклларида чанглар айтарли йирик, тешикчалари кўп ва чанг найчалари деярли кенг бўлиши кузатилган. Г.ч. озиқ моддалар (қанд, ёғ, оқсил ва ҳ.к.)га бой, шунингдек, тармикибида ферментлар, каротиноидлар, витаминлар кўп учрайди. Г.ч. қобиги (спородерма), одатда, икки қават: ички юмшоқ — интина ва ташқи қаттиқ — склерин (экзина)дан иборат.

ГУЛА (форс. — эшилган ип) — тўқув дастгоҳи (дўкони) да танда нах (ип) ларини иккига ажратиб, моки ўтказиладиган ком (оралиқ) очишга хизмат қиладиган асбоб. Г. икки хил бўлади: 1) ипгула — жимжилоқ йўғонлигидаги иккита қарағай чўп ҳамда гулзанжиралардан иборат бўлиб, қўлдўкон ва машинадўконда ишлатилади; 2) симгула — темирдан ясалган иккита жавза ҳамда ораларидан нах ўтадиган ингичка симлар; тўқув дастгоҳида ишлатилади. Г.нинг узунлиги тўқиладиган танларининг эни, нахларнинг боғи ва миқдорига боғлиқ. Танда неча тепкили дўконда тўқилишига қараб, бир тандада иккитадан (тўрт қанотлида), тўрттадан (саккиз қанотлида), саккизтадан (ўн олти қанотлида) Г. кўтарилади.

ГУЛАГ (рус. Главное управление лагерей — Ахлоқ тузатиш-меҳнат лагерлари, сургун ва қамоқ жойлари бош бошқармаси) — собиқ шўролар давлатида 1934— 56-й.ларда ахлоқ тузатиш-меҳнат лагерлари тизимига раҳбарлик қилган НКВД (МВД) бўлинмаси. Унинг махсус бошқармалари турли жойлар, мас., Қарағанда, Дальстрой, Соловки, Беломор-Балтика, Воркута, Норильск ва б. ерлардаги ахлоқ тузатиш меҳнат лагерларини бирлаштирган. Лагерлар да жуда оғир шароит ўрнатилган, энг оддий инсоний ҳуқуқларга ҳам риоя этилмаган, иш режими озгина бузилгани учун қаттиқ жазо берилган. Собиқ Иттифоқнинг ҳамма чеккаларидан, шу жумладан, Ўзбекистондан жазога маҳкум этилган миллионлаб маҳбуслар асосан Ҳиндистонда яшаган, Маккада бўлган (1575—82). *Акбар* буйруғига кўра Бобур ва акаси Ҳумоюн ҳақида «Ҳумоюннома» асарини яратган. Асарда 15-а.нинг охири — 16-а.нинг ўрталарида Мовароуннаҳр, Афғонистон ва Ҳиндистон ҳудудларида рўй берган воқеалар баён қилинади. Унда «Бобурнома»да тасвирланган воқеаларнинг давоми қаламга олинган, шунингдек, «Бобурнома»га кирмаган баъзи воқеа-ҳодисалар акс этган. Асар форсийда ёзилган. Г.б. Бобурнинг тарихнавислик соҳасидаги анъаналарини давом эттириб, китобида тарихий воқеалар б-н бирга маданият, адабиёт, тилшунослик, геогр., этнография ва б. соҳаларга оид маълумотларни ҳам келтирган. Бобур ҳукмронлиги даври воқеаларини қисқа баён қилиб, Ҳумоюн даврини батафсил ёритган. Асарнинг 83 варақдан иборат ягона қўлёзма нусхаси Англиянинг Британия музейида сақланади. Унда воқеа тугалланмаган, инглиз шарқшуноси Чарльз Рьё ўз каталогида унинг қисқа тавсифини берган. Инглиз олимаси А.С. Бевериж инглиз тилига (Лондон, 1902), С. *Азимжонова* ўзбекчага (Тошкент, 1959) таржима қилиб, форсча асл нусхаси ва изоҳлари б-н нашр эттирганлар. Тарихчи олим Абулфазл Алломий *«Акбарнома»* асарини яратишда «Ҳумоюннома»дан кенг фойдаланган.

Ас.: Ҳумоюннома, Т., 1959.

ГУЛБАҲОР — Тошкент вилоятидаги шаҳарча (1943 й.дан). *Янгийўл туманининг* маркази (1974 й.дан). Г. Янгийўл туманининг жан.-шарқида. Аҳолиси 12,1 минг киши (2002), асосан ўзбеклар, шунингдек, рус, қозоқ, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Яқин т.й. станцияси Янгийўлдан — 6 км. Г.дан Тошкентгача бўлган масофа 40 км. Г. Эски Қовунчи қишлоқ йиғини ҳудудида 1970-й.лар бошида қурила бошлаган. Г.да туман ҳокимиятининг маҳкамаси ва бўлим, бошқарув идоралари жойлашган. Маданият саройи, стадион, тез ёрдам маркази, касалхона, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

ГУЛБЕОР (Portulaca grandiflora), беоргул — семизўтдошлар (семизўтгуллилар оиласи)га мансуб бир йиллик ўт. Ватани — Жанубий Америка. Пояси нисбатан йўғон, сersув, сершох, бўйи 10—15 см. Барглари энсиз, туксиз. Гули икки жинсли, йирик, шохчаларнинг учида 2—4 тадан жойлашади. Гултожбарги тухум-



Гулбеор.



симон, косачасидан 3 баробар узун, оқ, қизил, сариқ, бинафша ва б. рангда. Май-сент. ойларида гуллайди. Кўсакчаси бир чаноқли, кўп уруғли. Ўзбекистонда манзарали ўсимлик сифатида экилади. Г. уруғидан яхши кўпаяди, шу сабабли беоргул деб номланган. Ўзбекистонда *семизўт* деб аталган битта ёввойи тури бор.

ГУЛБУР — зардўзликда нақш асосида *ахта* тайёрловчи уста; хон ва амирлик устахонасида асосий мутахассис ҳисобланган.

ГУЛДАРАСОЙ — Қашқадарё вилояти Яккабоғ ва Қамаши туманларидаги сой. Кўҳитанг тоғининг шим.-ғарбий ён бағри (2800 м) дан оқиб тушадиган 16 та катта-кичик ирмоқнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Г. суви суғоришга сарфланиши ва ер остига сизиб кетиши натижасида Яккабоғдарёнинг чап тармоғи Қизилдарёга етмасдан, Балахшон қишлоғидан 1 км жан. да тугайди. Уз. 40 км, ҳавзасининг майд. 276 км². Г.нинг ҳавзаси нисбатан баланд, шу туфайли кўпроқ қор, ёмғир ва булоқ сувларидан тўйинади. Гулдара қишлоғи яқинида ўртача кўп йиллик сув сарфи 0,17 м³/сек. Сувининг 60—65% март—июнь ойларида оқиб ўтади, апрель—май ойларида ўртача ойлик сув сарфи 0,55 м³/сек гача етади, нояб.—февраль ойларида эса суви камаяди, баъзан қуйи оқимида ўзани қуриб қолади.

ГУЛДАСТА — бурж, ташқи деворлар туташган бурчакда тиргак сифатида ва айни пайтда, безак мақсадида деворга қўшиб тикланган устунсимон қурилма, кичик минора. Масжид, мадраса, сарой каби ҳашаматли биноларда асосан пишиқ ғиштдан ишланган. Масжид деворларидаги Г.лар минора шаклида бўлиб, ундан муаззин азон айтишида фойдаланилган. Г.лар ғиштдан шакл бериб, баъзан деворга қўшиб кошин б-н безатилган, юқори қисмига шарафа ишланган (Самарқанддаги *Тиллакори мадраса* Г.си). Жамоат биноларидан асосан безак мақсадида ишлангани б-н бурждан фарқланади.


ГУЛДОН — 1) гул солиб қўйиладиган, уй ва жамоат жойларида ишлатиладиган бадиий буюм. Сопол, шиша, ёғоч, тош, кумуш, тилла кабилардан ясалади. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида, жумладан Ўрта Осиёда ҳам қадимдан мавжуд. 6—12-а.ларда Қува, Ҳулбук, Исфара ш.ларида рангли шиша Г.лар ясаш расм бўлган. 14—15-а.ларда хон саройларига кумуш ва тилла Г.лар қўйилган. 18—19-а.ларда асосан нақшли сопол Г.лар тайёрланган. Ҳозир Г.лар чинни ва кулоллик з-дларида



Сополлитепа (Сурхондарё)дан топилган гулдон (мил.ав. 2-минг йиллик).

ишлаб чиқарилмоқда (яна қ. *Ваза*); 2) амалий санъат (наққошлик, мискарлик, заргарлик, каштачилик ва б.)да Г.нинг бадиий қиёфаси турли шаклларда тасвирланади.

«ГУЛДУРСУН» — ўзбек халқ ривояти. *Гулдурсун қалъаси* харобалари тарихи б-н боғлиқ ҳолда юзага келган. 1937 й.да С. П. Толстов томонидан ёзиб олинган. Ривоятда 13-а.да Хоразм халқининг мўғул босқинчиларига қарши кураши акс этган. Ривоятга кўра, Гулистон ш.ни мўғуллар узоқ вақт қуршовда ололмай тутиб турали. Шаҳарда озиқ-овқат тугай деб қолганда, оқсоқоллар маслаҳати б-н душманни чалғитиш режаси тузилади. Ҳимоячилар сўнгги дон-



Хивадаги Муҳаммад Аминхон мадрасаси бурчагидаги гулдаста.

лунни бир неча сигирга едириб, уларни шаҳар ташқарисига ҳайдаб юборишади. Сигирларни суйиб еган душман уларнинг ичидан чиққан буғдойни кўриб, ҳали шаҳарда озиқ-овқат кўп экан, деган хулосага келади ва қайтиб кетиш ҳаракатига тушади. Бироқ, душман лашкарбошисини қалъа девори тепасидан бир неча бор кўриб, унга ошиқ бўлиб қолган шоҳ қизи Гулдурсун қалъадан ташқарига мактуб чиқариб, душман лашкарбошисини бу сирдан воқиф қилади. Мўғуллар шаҳарга қайта ҳужум қилиб, уни вайрон қиладилар. Лашкарбоши эса ўзига пешвоз чиққан Гулдурсунни, «ўз элингга вафо қилмадинг, менга вафо қилармидинг», дея қатл эттиради. «Г.»да хоразмликларнинг ёвга қарши курашдаги жасорати, юрт учун мардонавор жанглари, меҳнаткаш ва тадбиркорлиги улугланган, эл-юрт хоинига бўлган кучли нафрат ўз ифодасини топган.

Ад.: Имомов К., Ўзбек халқ прозаси, Т., 1981.

ГУЛДУРСУН ҚАЛЪАСИ — Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл ш.дан 9 км шим.да жойлашган қалъа харобаси (мил. ав. 2—1-а. — мил. 13-а. боши). Тўғри тўртбурчак тарҳли (майд. 35 га), шинакли ва буржли 2 қатор пахса девори бўлган. Мил. 5-а.да номаълум сабабларга кўра, вайрона ҳолига келган. Тахм. 12-а. 1-ярмида қайта тикланиб, хоразмшоҳлар давлатининг дашт чегарасидаги муҳим истеҳкоми ҳисобланган. 13-а. бошида мўғуллар томонидан бутунлай вайрон қилинган. Турар жой қолдиқлари, сопол идиш бўлаклари, мис тангалар ва б. топилган.

ГУЛДЎЗИ — *зардўзлик*даги асосий тикиш усулларидан. Андаза асосида кесиб олинган нақш (гул) юзасининг ўзи зар ип б-н қоплаб тикилади, замини очиқ қолдирилади. Шунинг учун Г. усулида безатиладиган буюмнинг матоси, ранги, сифати ҳамда қўлланиладиган Г. чоклари муҳим аҳамиятга эга. Чарм, картон ёки қоғоздан тайёрланган нақшнусха матога тикиб ёки ёпиштириб бириктирилади, устидан зар ип б-н тикиб бўртма нақш-гул ҳосил қилинади. 19-а. ўрталарида андаза чармдан, кейинчалик картон (Россиядан келтирилган «латта қоғоз»)дан тайёрланган, 1870—75 й.ларга оид буюмлар андазаси оқ меш (замша) чармдан тайёрланган. Кичик гуллар тагига баъзан пахта қўйиб, бир неча қават тахланган мато устига таҳрир чоки тикилган (яна қ. *Заминдўзи*).

«ГУЛЁР» — 1) оммабоп ўзбек халқ қўшиқларидан; 2) ривожланган шаклли ўзбек ашула йўлларидан. Дастлаб

Тошкент, Фарғона водийсида машҳур бўлган. У сарахбор усулида 2/4 такт ўлчовида ижро этилади. Уйғур халқ мусиқасида ҳам «Г.» номли қўшиқлар бор, буларда шеърнинг ҳар мисрасидан кейин «Г.» сўзи такрорланади (яна қ. *Гулёр-Шаҳноз*). Республикамизда «Г.» номидаги бир неча аёллар фольклор-этнографик ансамбллари мавжуд (мас., Бўстонлиқ туманидаги «Г.» ансамбли).

ГУЛЁР-ШАҲНОЗ — Рост мақомининг «Ушшоқ» шўъбаси асосида яратилган беш қисмли *Фарғона—Тошкент мақом йўллари*дан. Шаҳноз—Гулёр деб ҳам аталади. Пардалар тузилиши Рост мақом(лад)ига мос келади. Унинг қисмлари — «Гулёр», «Шаҳноз», «Чапандози Гулёр», «Ушшоқ» ва «Қашқарчаи Ушшоқ» оҳанг ва ритмик хусусиятлари б-н бир-биридан анча фарқ қилади. Г.-Ш.нинг чолғу йўллари ҳам мавжуд.

ГУЛЖАЪФАР (Tagetes patula) — қоқиўтдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўт. Бўйи 30—70 см, пояси сершох. Барглари патсимон бўлинган, уз. 2—7 см, эни 1,5—3 см. Гулбанди 5—7 см, гуллари саватчада ўрнашган, тилсимон гуллари, асосан, бир қатор жойлашган. Уруғи тукли, қўнғир, попуги қисқа. Июль—сент.да гуллайди. Ўзбекистонда манзарали ва доривор ўсимлик сифатида экилади. Ватани—Америка.



Гулжаъфар.

ГУЛЗОР — гул ва манзарали ўсимликлар экилган жой. Г. ўсимлик чиройини кўрсатиш учун махсус безатилади. Ҳажмига, жойлашган ўрнига қараб, ҳар хил шакл ва кўринишда барпо этилади. Г., айниқса, кўк майса фонида жойлашиб, дарахт ҳамда буталар б-н ўралган бўлса, кўриниши янада чиройли бўлади. Ўсимлик тур-хиллари тўғри танланиб, яхши парвариш қилиб борилса, Г. манзараси кўп йилларгача ўзгармай туради. Г.даги гулларнинг тур ва хиллари вақт-вақти б-н янгиланиб, шакли ўзгартириб турилади.

ГУЛИ САЛИМ (Paeonia intermedia) — айиқтовондошлар (айиқтовонгуллилар оиласи)га мансуб кўп йиллик манзарали ўсимлик. Денгиз сатҳидан 1500—2500 м баландликдаги юмшоқ тупроқли тоғ ён бағирларида дарахт ва буталар орасида учрайди. Пояси саллагулникига ўхшайди. Фақат бўйи паст (25—75 см). Барглари мураккаб. Гули қўнғир-пушти, йирик.


ГУЛИ СУМБУЛ, гиацинт, хиацинт (Hyacinthus) — пиёзгулдошлар (лолагуллилар оиласи)га мансуб бир йиллик ўсимлик; экиладиган гул. Ранг-баранглиги, гултўдаларининг чиройли тузилиши, ёқимли ҳиди, манзарали экин сифатида пиёзли гуллар қаторига киради. Г. пиёзлари думалоқ, ясси,



Гули сумбул.

ялпоқ. Барглари чўзинчоқ, лентасимон, сал букилган, уз. 35 см, кенглиги 3 см, гул поясининг уз. 35—40 см, гултўпи 10—25 см, гулларининг сони 25—35 тагача боради. Гулининг диаметри 2—3,5 см, найсимон, қўнғироқсимон шаклда. Гул шодасининг бўлаклари букилган, баъзан тўғри. Окт. ойида экилиб, март—апр.да гуллайди. Оналик пиёзи атрофида ҳосил бўлган пиёзчалар б-н кўпаяди. Осиё, Европа ва Шимолий Африкада 30 тури ўсади. Шулардан 3 таси Ўрта Осиё тоғларида учрайди. Гули хушбуй ва оддий қатқат тури (H. orientalis) кўпроқ тарқалган.

ГУЛИА Дмитрий Иосифович [1874.9(21).2, Сухуми тумани Уарча қишлоғи — 1960.7.4, Абхазия, Агудзер қишлоғи] — Абхазия халқ шоири (1937), янги абхаз адабиётининг асосчиси; Абхаз театри труппаси ташкилотчиларидан бири (1921). Г. кўплаб достон, драма, роман, баллада, масал, лирик шеърлар ёзган. Унинг асарларида Абхазиянинг гўзал табиати, халқининг меҳнатсеварлиги, турли миллатлар дўстлиги, абхазларнинг турмуш тарзи тасвирланган. «Она шаҳрим», «Абхазияда баҳор», «Чўпон ҳақида қўшиқ» сингари асарлари абхаз шеъриятининг энг яхши намуналаридан ҳисобланади. Г. абхаз насри (ҳикоячилиги)нинг ҳам асосчиси («Бегона юртларда», 1919 ва б.). Халқ қисмати ҳақида ҳикоя қилувчи «Камачич» (1940) романи б-н миллий романчиликни бошлаб берган. «Шарпалар» (1946) драмаси абхаз театрлари репертуаридан мустаҳкам ўрин олган. Г. халқ оғзаки ижоди, тарих, тил, адабиёт, этн.га оид илмий асарлар, шунингдек, «Абхазия тарихи» ва б. қатор дарслик ва ўқув қўлланмалари муаллифи. К. Мачавариани б-н ҳамкорликда абхаз алифбосини тузган (1892).



ГУЛИГАЗ ҚОРАКЎЛ ТЕРИ (тож. гулигаз — юлғун гулининг ранги) — оқ аралаш жигарранг ёки малла ранг жунли қоракўл тери. Гулигаз рангининг тўқ-очлиги оқ жунларнинг жигарранг ёки малла ранг жунларга бўлган нисбатига боғлиқ: оқ жунлар 73,4—81% бўлса оч гулигаз, 45,6—54,4% бўлса ўрта ёки нормал (оч пушти тусли) гулигаз, 20% бўлса тўқ (қизғиш) гулигаз бўлади. Ярим доира ўрта ва узун қаламгулли ҳамда дона гулли, жуни



Гулигаз қоракўл тери.

ипаксимон, текис, ялтироқ терилар жуда чиройли. Ўзбекистонда ҳоз. олинаётган гулигаз териларнинг тахм. 84% ўрта ёки нормал гулигаз, 11% оч гулигаз ва 5% тўқ гулигаз.

ГУЛИГИЙ, гилўгий (форс.— томоққа доир) — куйлаш усули, қ. *Хонандалик санъати*.

ГУЛИКУРА ТИЗМАСИ — *Ҳисор тизмаси* тармоғи, Сурхондарё вилоятининг шим.-шарқидаги Узун тумани ҳудудида жойлашган. Далма, Кичкина Бардон тизмаларидан жан.роқда. Уз. 8—9 км, ўртача бал. 1400—1500 м, энг баланд



нуқтаси 2041 м. Жан.-ғарбий ён бағри нисбатан текисроқ бўлиб, Тўполондарё водийси томон секин-аста пасайиб боради. Шим. ва шим.-шарқий ён бағри тик бўлиб, Зеварсой қирғоқларидан тик кўтарилган. Иқлими континентал. Янв.нинг ўртача т-раси 1—2°, июлники 22—28°. Йиллик ёғин миқдори 600—800 мм. Г. т.дан кўплаб булоқ ва кичик сойлар бошланади. Тупроғи бўз тупроқ, тоғ жигарранг тупроқлар бўлиб, уларда эфемер (бир йиллик), эфемероид (кўп йиллик) ўсимликлар ўсади. Шим.-шарқида арчазор ўрмонлар бор. Асосан яйлов сифатида фойдаланилади.

ГУЛИОБ — Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги сой. Сурхондарёни ташкил этувчи *Тўполондарё*нинг чап ирмоғи. Ҳисор тизмасининг жан. ён бағирларидаги паст тоғ ва адирлардаги булоқлардан бошланувчи 9 та ирмоқнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Уз. 27 км, ҳавзасининг майд. 60 км². Қор, ёмғир ва булоқ сувларидан тўйинади. Сувининг 70—80% март—июнда оқиб ўтади. Бу вақтда сув сарфи 13,5 м³/сек га етади. Кам сувли даврида қуйи қисмида Г. ўзани кўпинча қуруқ бўлади. Ўртача йиллик сув сарфи 190 л/сек. Г.дан Гулиоб, Газарак қишлоқлари ерлари суғорилади.

ГУЛИСТОН (1923 й. ва 1952—60 й.ларда шаҳар, сўнгра шаҳарчага айлантирилган, 1961 й. 8 майдан яна шаҳар) — *Сирдарё вилоятид*аги шаҳар, вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази. Мирзачўлнинг жан.-шарқида, 276 м баландликда, «Дўстлик» канали соҳилида. Тошкентдан 118 км. Г.дан Тошкент—Ховос т.й. ўтган. 1895 й.да эндигина қурилаётган Самарқанд—Тошкент т.й. ёқасида ҳоз. Г. ўрнида дастлабки уйлар қад кўтарган эди. Кейинчалик у ерда иккита қишлоқ пайдо бўлиб, уларнинг бирлашишидан *Мирзачўл* ш. (1961 й.дан Г. деб аталган) вужудга келди. Йилига ўртача 295—300 мм ёғин ёғади, янв.нинг ўртача т-раси —2.5°, минимум т-





Гулистон шаҳридаги Алишер Навоий ҳайкали.

ра —35°, июлнинг ўртача т-раси 28°, максимум т-ра 45°. Аҳолиси 55,3 минг киши (2000), асосан ўзбеклар; шунингдек, қозоқ, татар, рус, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди.

Саноати пахта тозалаш з-ди, пахта пункти, элеватор, сут, ёг-экстракция, нон з-длари, яхна ичимликлар корхонаси, қ.х. машиналари ва автомашиналарни таъмирлаш устахоналари, қурилиш материаллари к-ти, босмахона, маиший хизмат кўрсатиш к-ти, «Туркистон» қандолатчилик қўшма корхоналаридан иборат. Дори-дармон ишлаб чиқариладиган «Личава-Фармсаноат» Ўзбекистон—Чехия қўшма корхонаси қурилди. Г.да *Гулистон университети*, тиббиёт коллежи, касб-ҳунар ва санъат билим юртлари, қурилиш коллежи, 9 умумий таълим мактаби, *Сирдарё театри,* кутубхона, почта, телефон ст-яси бор. Поликлиника, вилоят марказий касалхонаси хизмат кўрсатмоқда. Ўн минг томошабинга мўлжалланган стадион мавжуд.

Шаҳарда кўп қаватли турар жойлар, жамоат бинолари, жумладан «Никоҳ саройи», сузиш ҳавзаси, шарқона услубда қурилган «Гулистон» чойхонаси, академик лицей, қўғирчоқ театри бинолари ва б. бунёд этилди. Шаҳар ҳудудидан Жарқоқ—Тошкент газ қувури ўтган. Вилоят марказидан барча туман марказлари ва Тошкентга автобуслар қатнайди.



Гулистон шаҳридаги вилоят ҳокимияти биноси.

ГУЛИСТОН (гибрид № 2125) — эртапишар ўрик нави. Р.Р. Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-тида К.В. Васильев ва Л.А. Протасевичлар томонидан Хурмои ва № 56 навларини чатиштириб чиқарилган. Дарахти кучли ўсади, сийрак шохли. Меваси ўртача (33 г), юмалоқ, қуёшга қараган томони қирмизи рангда. Пўсти юпқа, этидан ажралмайди. Эти сершув, сершира (17,17% қанд, 0,84% кислота бор), оч-сариқ, хушбўй, данаги ўртача (2,5 г). Апр.нинг биринчи ўн кунлигида гуллайди (Кўрсодиқ навидан 4—5 кун кеч). Июннинг бошларида пишади (пишишдан 5—6 кун олдин мевалари рангга киради). Ҳар йили ҳосил беради. Кўчати экилгандан кейин 4-йилидан бошлаб ҳосилга киради. Янгилигида истеъмол этилади, консерва қилинади. Ўзбекистоннинг жан.-ғарбидаги адир ва тоғ олди зоналарида экилади.

«ГУЛИСТОН» — ижтимоий-сиёсий ва бадиий-безакли журнал. Муассис: Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги. Тошкент ш.да нашр қилинади. Дастлаб «Ер юзи» (1925—31), «Ўзбекистон қурилишда» (1932), «Машъала» (1934) номлари б-н жами 202 сони чиққан. 1935 й. фев.дан ҳоз. номда. «Г.»ни нашр этиш 1941—67 й.гача вақтинча тўхтатилган. Кейинчалик унга *Иброҳим Раҳим* (1967—69), *Асқад Мухтор* (1969—80), *Мирмуҳсин* (1980—93) Тилаб Маҳмудов (1994—2002) муҳаррирлик қилган. Жур.да Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Алавий ва б. ижодкорларнинг бадиий асарлари, илмий-публицистик мақолалари чиқиб турган. Хорижий мамлакатлар ҳаёти ҳақида қизиқарли маълумотлар ҳам бериб борилган. Айниқса, 70-й.ларда «Г.» республиканинг энг нуфузли ва оммавий жур.ларидан бирига айланган. Жур. саҳифаларида «Фарзандлар оталар ҳақида» рукни остида 30—50-й.ларда қатағон қилинган давлат арбоблари, адабиёт ва санъат намояндалари ҳақида туркум мақолалар, «Темур тузуклари» (тўла бўлмаган шаклда), Расул *Ҳамзатов*нинг «Менинг Дағистоним» асари чоп этилган.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1993 й. 25 майдаги қарорига мувофиқ, республикада нашр этилаётган «Нафосат» ва «Гулистон» жур.лари негизида «Г.» жур. қайта ташкил этилди. 1994 й. янв.дан 2 ойда бир марта чиқади. Жур. саҳифаларида маданият соҳасига оид материаллар асосий ўрин эгаллайди. Унда маданий мерос ва миллий қадриятлар, театр, мусиқа, тасвирий санъат ва халқ ижодиёти, маданий-маърифий муассасалар ва б. қардош халқлар ҳаёти ҳақида мақолалар бериб борилади. Адади 5000 (2001). Муҳаррири Азим Суюн (2002 й.дан).

«ГУЛИСТОН ЁҒ ЭКСТРАКЦИЯ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — Ўзбекистон озиқ-овқат саноатининг йирик корхонаси. Гулистон ш.да жойлашган. «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси таркибига киради. Асосан ўсимлик мойи, чигит шулхаси, чигит ва соя шроти, хўжалик совуни, ювиш воситалари ишлаб чиқаради. Лойиҳа қувватига кўра суткасига 900 т пахта чигити, 600 т соя дуккагини қайта ишлайди. 1980 й. май ойида Гулистон ёғ-экстракция з-ди номда б-н ишга туширилган. 1994 й.дан ҳоз. номда ва очиқ турдаги акциядорлик жамияти. 1983 й.дан форпресс экстракцияси усулида пахта ёғи, госсиполсизлантирилган ва оқсил б-н бойитилган чигит шроти олиш ўзлаштирилди. 1992 й.дан импорт орқали олинадиган соя дуккагидан соя мойи ишлаб чиқарилади. Маҳсулотлари чет элларга экспорт қилинади.

ГУЛИСТОН ТУМАНИ — *Сирдарё вилоятид*аги туман. 1952 й. 16 апр.да



Деҳқонобод шаҳарчасидаги маданият саройи.

ташкил этилган. Вилоятнинг Сирдарё, Боёвут, Сайхунобод, Мирзаобод, Шароф Рашидов туманлари, Тошкент вилоятининг Бекобод тумани б-н чегарадош. Майд. 0,35 минг км². Аҳолиси 50,1 минг киши (2000). Г. т.да 1 шаҳарча (*Деҳқонобод*), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини (Бешбулоқ, Зарбдор, Кўнчи, Олтинтепа, Олтин Ўрда, Сонбобод, Соҳилобод, Чорток, Ҳумо) бор. Маркази — Деҳқонобод шаҳарчаси.

Табиати. Г.т. *Мирзачўл* текислигининг шарқида жойлашган. Ер юзаси текислик (ўртача бал. 250 м), лёссимон қумоқ ва қумлоқлар б-н қопланган. Иқлими континентал. Июлнинг ўртача т-раси 28°, янв.ники — 2° дан —4° гача. Йилига 200—300 мм ёғин тушади. Грунт сувлари шўр ва шўртоб. Туман ҳудудидан «Дўстлик» каналининг Ўнг тармоқ ва Чап тармоқ ариқлари ўтади. Оқинди шўр сувларни чиқариб юбориш учун канал, ариқ ва зовурлар қазилган. Сирдарёнинг чап соҳилида баҳорги тошқин сувларининг тўпланишидан ҳосил бўлган Аччиқкўл бор. Тупроқлари, асосан, бўз тупроқ. Сирдарё соҳили суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлардан иборат. Мирзачўл ўзлаштирилиши б-н дашт экинзорларга айлантирилди. Табиий ўсимликлардан мия, янтоқ, қамиш, юлғун, қиёқ кабилар ариқ-зовурлар четида, шунингдек, Сирдарё




ёқасида ўсади. Чиябўри, тўқай мушуги, бўрсиқ, қўшоёқ, кўрсичқон, калтакесак ва илонлар учрайди. Паррандалардан ўрдак, лойхўрак, қирғовул, сўфитўрғай, чумчуқ ва б. бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; шунингдек, рус, корейс, татар ва б. миллат вакиллари яшайди. 1 км² га 143 киши тўғри келади. Шаҳарликлар 10,5 минг киши, қишлоқ аҳолиси 39,6 минг киши.

Хўжалигининг асоси — деҳқончилик. Етакчи тармоғи — пахтачилик. Қ.х.да суғориладиган ерлар 24850 га, экинзорлар 21938 га, шу жумладан 12729 га пахта, 122 га сабзавот ва полиз экинлари, 466 га беда, 8250 минг га ғалла экинлари, 400 га маккажўхори ва б. экинлар б-н банд. Г. т.да 3 жамоа хўжалиги, 11 деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ва ширкатлар, 130 дан зиёд деҳқон-фермер хўжалиги ва б. хўжаликлар бор (1998). Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида қарийб 18 минг қорамол, 7600 га яқин қўй ва эчки, 567 от, 16 минг паррандa боқилади (1998). Г. т.да автокорхона, 3 пахта пункти, 46 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ишлаб турибди. Автомобиль йўллари уз. 125 км. Яқин т.й. станцияси — Гулистон 24 км.

30 га яқин умумий таълим мактабида 10,5 минг ўқувчи, «Умидли ёшлар» лицейида 105 ўқувчи, Деҳқонобод қ. х. лицейида 407 ўқувчи, 1 интернат мактабда 253 ўқувчи таълим олди. 23 жамоат ва болалар кутубхонаси, клублар, маданият уйи фаолият кўрсатмоқда. 350 ўринли касалхона ва диспансер, 10 амбулатория, 5 қишлоқ тиббиёт пункти бўлиб, уларда 65 врач, 431 ўрта маълумотли тиббий ходим ишлайди. «Оналар ва болалар» вилоят физиотерапия шифохонаси Г. т. ҳудудида жойлашган. 1930 й.дан «Гулистон» туман газ. чиқади.

Г. т.да стадион, 12 футбол майдони, 18 спорт зали, теннис майдони мавжуд, 56 хусусий савдо шохобчаси, бо-



зор ишлаб турибди. 1986 й. Алишер Навоий номли Маданият саройи қурилган. Г. т. марказидаги хиёбонда 1941—45 й.лар уруши қурбонларига ёдгорлик монументи ўрнатилган.

ГУЛИСТОН УНИВЕРСИТЕТИ, Фафур Ғулом номидаги Гулистон давлат университети — илмий ва педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. ЎзР Президенти фармонига асосан 1992 й. 15 мартда Сирдарё пед. ин-ти (1966 й. асос солинган) негизида Гулистон ш.да ташкил этилган. 1966 йил 17 июлда *Ғафур Ғулом* номи берилган. Ун-тда филол., физика-мат., тарих, пед., табиатшунослик, иқтисодиёт, қўшимча таълим ф-тлари, 23 кафедра, 19 илмий ва ўқув лаб., устахона, гербарий, ботаника боғи, зоол., тарих ва адабиёт музейлари, маънавият хонаси, спорт майдони ва зали, тил ўрганиш маркази, бизнес мактаби, кутубхона (330 мингдан ортиқ асар сақланади), Хўжамушкент ўқув дала амалиётлари базаси, Навбаҳор ўқув тажриба участкаси мавжуд (2001). Ун-т қошида 2 академик лицей ва малака ошириш ин-ти, босмахона ҳам бор. Газ. ва жур. нашр этади. Интернет асосида 10 дан ортиқ ривожланган мамлакатларнинг илмий марказ ва ўқув юртлари б-н алоқа қилади. Ун-т 20 ихтисослик (ўзбек филол.си, рус филол.си, инглиз тили ва адабиёти, қозоқ филол.си, тарих, давлат ҳуқуқи, мат., амалий мат. ва информатика, физика, кимё, биол., экология, пед. ва бошланғич таълим услуби, чизмачилик ва тасвирий санъат, умумий техника ва меҳнат, қ.х.ни механизациялаштириш, жисмоний маданият, иқтисод, агрокимё ва тупроқшунослик, бухгалтерия ҳисоби ва аудит) бўйича мутахассислар тайёрлайди. 1993 й.дан аспирантура фаолият кўрсатади. Ун-тда 7 йўналиш бўйича аспирант, 5 йўналиш бўйича магистрлар тайёрланади. 2001/2002 ўқув йили ун-тда 2664 талаба таълим олди, 200 дан ортиқ ўқитувчи, жумладан 10 фан д-ри ва проф., 100 дан ортиқ фан номзоди ва доцент ишлади. Ун-т фаолияти А. Парпиев, А. Каттабеков, У. Ўлжабоев, А. Қулжонов, Ҳ. Қаршибоев, Ш. Ниёзов, Ғ. Самадов, Р. Маҳмудов, В. Раҳмонов, А. Позилов, Б. Тўйчибоев, И. Ахметов, О. Аюпов, Н. Мамадиёров каби проф.-ўқитувчилар номи б-н боғлиқ. Ун-т СОРОС, Аденауэр, «Устоз», «Умид», Акселс, Тасис каби халқаро жамғармалар б-н ҳамкорлик қилади. Ун-тда турли йўналишларда и.т. ишлари олиб борилади. 2002 й.гача ун-т 19934 мутахассис тайёрлади.

ГУЛИҚАҲҚАҲ ПАРИ — туркий халқлар сеҳрли-фантастик эртакларида кенг тарқалган афсонавий-мифологик образ. Эртакларда тасвирланишича, Г. п. Кўҳиқоф тоғида, Эрам боғида яшайди ва турли қиёфаларда учиб боради. Г. п. нинг бошқа парилардан фарқли томони, у қаҳ-қаҳ уриб кулганида оғзидан гуллолалар сочилади. У ниҳоятда гўзал, ақлли, донишманд, ишбилармон, мўъжизалар яратишга қодир, ҳатто турли касалликларни ҳам даволай олади. Эртаклар қаҳрамонлари подшо ва б. кучларнинг Г. п.ни келтириш ёки унинг гулидан баҳраманд этиш шартини бажаришда оғир, қийин саргузаштларни бошидан кечиради, турли тўсиқларни енгиб, афсонавий маконлан Г. п.ни ёки унинг гулидан олиб қайтади.

ГУЛКАРАМ (Brassica oleracea L. var botrytis L.) —карамдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик, сабзавот экини. 15—20 барг чиқаргандан кейин ўзагининг юқори қисмида оқиш (300—500 г катталикда) бошча ҳосил қилади. Бошча жуда кўп қисқа серэт гулпоялардан иборат бўлиб, унинг шакли (катта-кичиклиги, ўсиш даражаси) Г.нинг навига ва ўсиш шароитига боғлиқ. Карам бошчаси шаклланган кейин пояларининг айримлари ўсишда давом этиб, тўпгул, гул ва уруғли гулпояга айланади. Гули оқ ёки сариқ. Г. биологик хусусияти жиҳатидан оддий карамга ўхшайди, лекин тезпишар. Кўчати ўтқазилгач, 50—60 кунда карам бошчаси етилади. Таркибида 7—3,3% қуруқ модда, 1,2—4,4% қанд, 1,5—3,7% оқсил, 0,7—0,8% минерал моддалар бор. Витамин С ва А, калий, темир, фосфор тузлари оддий карамдагидан кўп. Аталанган тухумга ботириб олиб қовурилади, шўрваси мазали ва парҳез таом, консерва тайёрланади. Г. совуққа (—3—5°) чидамли, кўчати баҳор (март) ва ёз (июль)да 60×30, 70×35 см схемада экилади. Баҳоргиси




Гулкарам.

май—июнда, кузгиси окт.—нояб.да пишади. Сифатли етилиши учун барглари учи бошча устига тўда қилиб боғланади ёки бошчаси синдириб олинган барглари б-н соялаб қўйилади. Гектаридан 100—180 ц ҳосил олинади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экилади.

Орип Қодирхўжаев.

ГУЛКЎРПА — *сўзана* тури; матога кашта тикиб тайёрланадиган бадиий буюм. Г.нинг безак мужассамоти асосан ислимий нақшлардан иборат, марказига йирик ва бурчакларига кичик доирасимон ёки юлдузсимон гуллар, ҳошиясига майда гул (шоҳча)лар тикиладиган мужассамот кенг тарқалган, баъзан мужассамотга ёзувлар (арабча ва б.) киритилади. Г.да нақш гулнинг ўзи кашта б-н тикилиб кўп жойи (зами-



Гўлкўрпа (1971, Самарқанд).

ни) очиқ қолдирилади, шуниси б-н у *палак*дан фарқ қилади. Асосан, оқ ёки рангли ип газлама, шойи, баъзан духобага ҳам тикилади. Тошкент, Шаҳрисабз ва б. бадиий буюмлар ф-каларида ишлаб чиқарилади.

ГУЛЛИ ЎСИМЛИКЛАР (Magnoliophyta ёки Angiospermae), ёпиқ уруғли ўсимликлар, ёпиқ уруғлилар — гул чиқарадиган юксак ўсимликлар гуруҳи. Уруғчи органининг мавжудлиги ва қўш уруғланиш Г.ўга хос хусусиятдир. Г.ўнинг уруғ куртаги бир ёки бир нечта бўртган мева баргларидан иборат берк тугунча бўшлиғида бўлади. Уруғлари мева ичида жойлашган (ёпиқ уруғлилар деган ном шундан келиб чиққан). Бундай ўсимликлар икки синф (*бир паллали ўсимликлар* ва *икки паллали ўсимликлар*)га бўлинади. Ўз навбатида булар ҳам

кенжа синфлар, тартиб, оилалар, туркумлар ва уларнинг барча оралиқ категориялари б-н турларга бўлинади.

Г. ўда 400 оила, 12 мингдан ортиқ туркум ва 250 мингга яқин тур мавжуд. Ер юзидаги юксак ўсимликларнинг ярмидан кўпроғини ёпиқ уруғли ўсимлик турлари ташкил этади. Одамлар учун керакли ўсимликлар, жумладан озиқ-овқат ўсимликлари (бугдой, жавдар, шоли, картошка, дуккаклилар ва б.), толали ўсимликлар (ғўза, зиғир, каноп ва ҳ.к.), эфир мойли ва доривор ўсимликлар, мевалилар ва каучукли ўсимликларнинг кўпчилиги Г.ўга киради.

ГУЛМОЙИ (гулмоҳи), гулдор балиқ, холдор балиқ, форель — чучук сувда яшайдиган *лосослар* (Salmo trutta) кенжа турларининг умумий номи. Денгизларда яшовчи кенжа турлари кумжа ёки лосослар деб аталади. Танаси ва сузгичлари майда рангли доглар б-н қопланган. Бошқа лосослар сингари урчиш даврида танасининг шакли ва ранги ўзгаради: жағлари узаяди ва қийшаяди, эркагининг танасида қизғиш думалоқ доғлар пайдо бўлади. Г. ривожланиш даврида чучук сувларни тарк этмаслиги б-н ўткинчи лосослардан фарқ қилади. Иккинчи кенжа тур: кўл Г.си (S.t.lacustris) ва дарё Г.си (S.t.fario) кенжа турларини ҳосил қилади. Кўл Г.си Россиянинг шим.-шарқида, Финляндия, Швеция, Норвегия ҳамда Каспий ва Қора денгиз ҳавзаларидаги кўлларда тарқалган. Оғирлиги 8—10 кг гача, урчиш даврида урғочиси танасининг ён томони кумушранг, қорни тўқ қўнғир бўлади; эркагининг ён томонида алвон ранг чизиқ кўзга ташланади, терисидаги доғлари гулдор бўлиб қолади, орқа сузгичи қорайиб қорин сузгичи қизғиш ёки алвон тусга киради. Кўл Г.си дарёга ўтиб увилдириқ ташлайди. Тухумдан чиққан чавоқларининг бир қисми кўлга ўтади, кўпчилиги эса дарёда қолиб, дарё Г.сига айланади. Дарё Г.си анча майда, оғирлиги 200—500 г, баъзан 2 кг гача, танаси рангдор, орқаси қора, қорни оқ ёки сарғиш-тилларанг, танаси ва сузгичлари қора, қизил ва алвон рангли доғлар б-н қопланган. Дарё Г.си Европа ва Осиёда, жумладан Сирдарё, Амударё ва б. дарёларнинг юқори оқимида кўп учрайди. Кўл ва дарё Г.си акклиматизация қилинади, сунъий кўпайтирилади. Кўл Г.си овланади, дарё Г.си саноат аҳамиятига эга эмас , фақат қармоқ б-н овланади.



Гулмойи.


ГУЛНОБОД ЖАНГИ — Эрон *сафавийлари* ва афғон қўшинлари ўртасида (1722 й. 8 март) бўлган жанг. Исфаҳон яқинидаги Гулнобод қишлоғи яқинида сафавий қўшинлари бутунлай тормор қилинган. Афғонлар қўшини раҳбари Маҳмуд Гилзойи (Хотаки) бундан фойдаланиб, сафавийларнинг пойдан фойдаланиб, сафавийларнинг пойдан фойдаланиб, сафавийларнинг пойтахти Исфаҳонни қамал қилган. 1722 й. 22 окт.да Эрон шоҳи Ҳусайн Сафавий Исфаҳонни афғонларга топширган. Шу йилнёқ Маҳмуд Гилзойи Эрон шоҳи тахтига ўтирган.

ГУЛНОЗ — эртаги ва ўртаги бодринг нави. Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик и.т. ин-тида Ўзбекистон 740 ва Парад навларини чатиштириб, кейинчалик танлаш йўли б-н яратилган (А. Аббосов, 1991). Ўсимлиги 4—5 палакли, барглари бешқирралари-думалоқ, яшил, ўртача кертикли, силлиқ. Барг япроғининг узунаси 15 см, эни 13 см. Туганаги цилиндрсимон, уз. 2,5—3,0 см, юзаси силлиқ. Меваси цилиндрсимон, юзаси силлиқ. Ранги яшил, бир дона бодринг оғирлиги 112 г га боради. Мазаси яхши (4,4 балл). Ниҳоллари униб чиққандан сўнг 46—48 кунда барралари етилади. Ҳосилдорлиги 35—40 ц/га. 1994 й.да Қорақалпоғистон Республикасида р-нлаштирилган.

ГУЛОБ — 1) тортиш (ҳайдаш) усули б-н *атиргул* гулбаргидан олинган хушбўй суюқлик, атиргул мойи. Илгари Г. хонаки усулда қуйидагича олинган: сопол ёки чинни коса гулбарг б-н тўлдирилади. Унинг устига қамиш найча суқилган қопқоқ ёпилади. Қозонга сув қуйиб, коса сувга қўйилади. Қамиш найчанинг учига иккинчи бўлак қамиш ётиғига (горизонтал), учинчи бўлак пастга қаратиб ўрнатилади (қамиш ўрнига мис найчадан фойдаланса ҳам бўлади). Совуқ сувли челакка гул буғи йиғиладиган шиша қўйилиб, найчанинг учи шунга туширилади. Қозондаги сув қайнатилганида косадаги гулбарг суюқлиги буғланиб, найча орқали ўтиб, иккинчи идишда совийди ва йиғилади. Ҳосил бўлган суюқлик косага қайта қуйилиб, яна ҳайдалса, тиниқ ва хушбўй модда — Г. ҳосил бўлади. Умуман Г. ўз сифатига кўра 4 хил бўлади. Г. неча марта буғлантириб олинган бўлса, шунча оташли (мас., «бир оташли», «икки оташли») деб аталади. Тўрт оташли Г. юқори сифатли ҳисобланади (яна қ. *Атиргул мойи*). Г. Шарқ, айниқса форс, ўзбек халқларига қадимдан маълум. Ҳиндистон, Марказий Осиё шаҳарларида Г. тайёрлайдиган корхоналар бўлган.

Г.дан юракка фойдали дори-дармон сифатида табобатда ҳам қўлланилган. Нишолда, новвот, шакар каби ширинликларнинг ранги ва таъмини яхшилашда, хушбўй ичимликлар тайёрлашда Г. ишлатилган. Шарқ халқлари ўртасида никоҳ куни гўшангага Г. сепиш расм бўлган. Кейинги даврларда Г. тайёрлаш халқ орасида давом этиб келган. Баъзан райҳондан ҳам юқоридаги усул б-н Г. олинади. Райҳондан олинган Г. жуда хушбўй ва қимматли ҳисобланади; 2) атиргулнинг сувидан тайёрланган ичимлик. Гулбаргларни тоза сувда ювилади. Қозон ёки кастрюлькага солинади ва бир оз сув қуйиб қайнатилади. Таги куймаслиги учун қовлаб турилади. Сўнгра баргни олиб ташлаб, қолган сувни докада сузиб, шакар аралаштирилади ва шишага қуйилади, шишанинг оғзи ҳаво кирмайдиган қилиб беркитилади. Шишадаги суюқлик 10—12 кунда қайнаб чиқади. Бир қанча кундан сўнг қайнови босилади. Бундай Г. спиртли ичимлик хусусиятларига эга бўлади.

ГУЛОБИ — қовуннинг кечпишар навлари. Унинг жўжабурун Г., қизил Г., кўк Г., сариқ Г., қора Г. хиллари бор. Жўжабурун Г. уруғидан чиққандан кейин 100—115 кунда пишади. Ҳосилдорлиги ўртача. Шакли урчуқсимон, учи тўмтоқ, йирик, уз. 32—34 см, оғирлиги 4—6 кг. Сирти буриш тўрлаган. Туси сариқ, офтобга қараган томони яшилроқ. Пўсти қаттиқ. Эти оқ, қалинлиги 5—5,5 см, тиғиз, куврак, таркибида 8,1% қанд бор. Уруғи йирик, сариқ. Асосан Бухоро вилоятида экилади. Қизилг Г. уруғдан чиққандан кейин 100—115 кунда пишади, гектаридан 250—280 ц ҳосил беради. Ташишга ва асрашга чидамли, шакли тухумсимон, уз. 26—29 см, оғирлиги 7 кг. Сирти текис, яшил-сариқ. Пўсти қаттиқ. Этининг қалинлиги 5—6 см, оқ, тиғиз, таркибида 9,5% қанд бор. Уруғи йирик, сариқ. Зарафшон водийсида ва республиканинг жанубий р-нларида кўп экилади. Хоразм воҳасида ҳам учрайди. Кўк Г. уруғдан чиққандан кейин 110—125 кунда пишади. Гектаридан 250—300 ц ҳосил беради. Ташишга ва сақлашга чидамли. Шакли чўзиқ, тухумсимон, уз. 24—30 см, оғирлиги 4—5 кг. Сирти тўрлаган. Туси хира сарғиш-яшил. Пўсти қаттиқ. Эти оқ, пўстигага ёндош жойи



Гулоби: 1 — Жужабурун; 2 — Сариқ гулоби; 3 — Қизил гулоби; 4 — Қора гулоби; 5 — Кўк гулоби.

кўкиш, қалинлиги 5—6 см, тиғиз, таркибида 9,6—11,4% қанд бор. Уруғи йирик, сарғиш-жигарранг. Зарафшон водийси, республиканинг жанубий р-нлари, Хоразм воҳасида, Қорақалпоғистонда экилади. Сариқ Г. уруғидан чиққандан кейин 110—120 кунда пишади, гектаридан 250—300 ц ҳосил беради. Ташишга чидамли, лекин узоқ турмайди. Шакли чўзиқ, тухумсимон. Йирик (45—56 см), оғирлиги 8—12 кг. Туси яшил-сариқ, сиртида оч сариқ доғлар бор. Пўсти қаттиқ, эти оқ, қалинлиги 5—8 см, таркибида 8,3% қанд бор. Уруғи йирик, жигарранг. Хоразм воҳасида кўп экилади. Қора Г. уруғдан чиққандан кейин 100—125 кунда пишади, серҳосил, ташишга ва сақлашга чидамли. Шакли тухумсимон. Баъзан чўзиқроқ, йирик (34—55 см), оғирлиги 12—13 кг. Сирти буришган, сертўр, пўсти қаттиқ. Эти оқ, тиғиз, қалинлиги 6—7 см, таркибида 8,4% қанд бор. Уруғи йирик, сариқ. Хоразм вилоятининг жанубий р-нларида экилади.

Ботир Азимов.

ГУЛОБОД — Самарқанд вилоятидаги қишлоқ (1985 й.дан). *Самарқанд тумани* маркази. Г. Самарқанд ш.дан 12 км, Катта Ўзбекистон трактининг ўнг ёқасида. Аҳолиси 10 мингдан зиёд (1998). Г.да Ўзбекистон—Эрон, Ўзбекистон—Америка ва Ўзбекистон—Германия қўшма корхоналари ташкил этилган. Корхоналарда чинни, мебель, кийим-кечак, сут маҳсулотлари ва б. истеъмол моллари ишлаб чиқарилади. Г.да туман ҳокимияти биноси, банк, агрокомбинат, лицей, алоқа бўлими, савдо шохобчалари, стадион бор. Иккинчи жаҳон уруши ҳамда Афғонистондаги урушда қурбон бўлган шу туманлик фуқаролар хотирасига ёдгорлик, Жомий ва Навоийларга ҳайкал ўрнатилган. Қишлоқ марказида хиёбонлар, атрофида 1,5 минг га майдонда боғ барпо қилинган.

ГУЛСАПСАР (Iris sogdiana) — *гулсапсардошлар* оиласига мансуб кўп йиллик ўт. Г. кўп тарқалган ўсимлик бўлиб, унинг бир неча юзлаб навлари мавжуд. Улар гулларининг ранги, ҳажми ва шакли бўйича фарқланади. Шулардан бири дурагай Г.дир. Унинг бўйи 30—50 см. Барглари қиличсимон ёки кенг-қалами, эни 1,3 см. Гулқўрғони йирик (диаметри 8—15 см), тўғри, чиройли, узун баргсиз гулбандларда бир нечта (5—9 та) дан жойлашади. 2—3 гули бир вақтда очилади, хушбўй ҳидли. Ранги оқ, сариқ, пушти, хира қизил, зангори, бинафша ва б. тусда бўлади. Кўсаги чўзиқ, 6 қиррали, уз. 2—4 см, учида кўсакнинг ярмига тенг келадиган тумшуқчаси бор. Г. тарқалган жойига (денгиз сатҳидан қанча баландликда жойлашганига) қараб апр. дан июннинг бошига қадар гуллайди. Г. 3—4-йилла илдизпояни бўлиб экиш йўли б-н ҳамда уруғидан кўпаяди (ёввойи турлар). Баҳорда — кузда экилади. Г. адирларда ва тоғларда, сернам ерларда ўсади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида кенг тарқалган.



Гулисапсар.

ГУЛСАПСАРДОШЛАР (Iridaceae) — бир паллали ўсимликлар оиласи. Ўтлар, баъзан ярим буталардан иборат. Илдизи тугунак пиёзли ёки пиёзли. Барги наштарсимон ёки қалами. Гули икки жинсли. Бинафша, кўк, оқ ёки сариқ рангли, гултожбаргларининг учтаси ташқи қаватни, учтаси эса ички қаватни ташкил этади. Меваси кўсакча. Тропик ва субтропик ҳудудлар (айниқса Жан. Африка ҳамда Американинг тропик ва субтропик ҳудудларида, баъзан мўътадил иқлимли минтақаларда 60 га яқин туркуми ва 1400 тача тури тарқалган. Ўзбекистонда 6 туркумга мансуб 30 дан зиёд тури бор. Г. орасида манзарали турлари (*гулсапсар, заъфарон, гладиолус*) ва б. навлари кўп. Баъзи турлари илдизидан атир-упа и.ч.да фойдаланилади.

ГУЛСУН, қоқма — мис, олтин, кумушдан ясалган заргарлик буюмлари (билагузук ва б.) ҳамда идишлар юзига ўйилган нақш. Гулсунқалам (дастаси ёғоч пўлат асбоб, қолип) ёрдамида буюм ёки муҳр юзига ётиқ қилиб қўйиб, устидан болға б-н уриб турли ўйма шакл (айлана, тухумсимон, уч ёки тўртбурчак, донача ва б.) туширилади.

ГУЛТОЖИХЎРОЗ, тожихўроз (Gelosia cristata L.) — *гултожихўроздошлар* оиласига мансуб бир йиллик ўт. Пояси тик, бўйи 10—70 см. Барглари йирик, уз. 5—7 см, эни 2,5 см, узун бандли. Тўпгули ҳар хил шаклда, асосан, барг қўлтиғида жойлашган. Ранги тўқ қизил ёки кўкиш сариқ тусли. Гуллари икки жинсли, гулқўрғони оддий, чангчиси 5 та. Меваси кўп уруғли кўсакча, уруғидан кўпаяди. Ўзбекистоннинг деярли барча жойларида манзарали ўсимлик сифатида экилади.



Гултожихўроз.

ГУЛТОЖИХЎРОЗДОШЛАР, мачиндошлар (Amaranthaceae) — икки паллалиларга оид ўт ёки буталардан иборат оила. Барглари текис, бутун, гуллари тўп-тўп, бошоқсимон ёки рўваксимон, тўпгулларга йиғилган. Меваси ёнғоқча, баъзан резавор. Баъзи гуллари илмоқча ёки тукчага айланган. Бу оиланинг 64 туркуми ва 850 га яқин тури бор. Кўпчилиги иссиқ мамлакатларда тарқалган. Баъзилари (мас., мачинлар) экинлар орасида (бегона ўт) ўсади, бошқалари эса (мас., *гултожихўроз*) хушманзара ўсимлик сифатида экилади. Ўзбекистонда 3 та туркумга мансуб 13 тури ўсади. Шулардан 2 таси маданий манзарали тур ҳисобланади.

ГУЛТУВАК — 1) ичига тупроқ солиб, гул кўкартириладиган махсус идиш. Аксари сополдан ясалиб, безак ва сир берилмайди. Гул ва ўсимликларга мослаштирилиб турли шаклларда ясалади. Туби тешик бўлади. Солинган сув тупроққа шимилиб, Г.нинг тагига қўйилган идишга тушади; 2) безак мужассамотида гул, бута остидаги тувақсимон нақш шакли. Амалий санъат (наққошлик, ганчкорлик ва б.)да кенг қўлланилади.

«ГУЛУЗОРИМ» — Навоийнинг «Этмиш мени» радифли мухаммасига *Ҳожи Абдулазиз* Абдурасулов басталаган ашула. Асосий матн бандлари орасида «гулузорим во-ей, раҳм айла нигорим» каби жумлалар такрорланиб ўқилгани учун Г. деб номланган. «Эшвой» номли чолғу куйи, шунингдек, Шашмақомдаги Рост мақоми таркибидаги Савти Ушшоқ шўъбаси асосида яратилган. 3/4 ўлчовли ҳаракатчан тароналар усулида ижро этилади. Даромад қисмида Уззол шўъбаси оҳангларидан, Дунарсдан кейин келадиган авж қисмида эса Турк авжидан ижодий фойдаланилган. Турли йилларда «Г.» ни О.*Имомхўжаев*, О. *Алимаҳсумов*лар бадиий таъсирчан тарзда ижро этишган. Чолғу куй сифатида ҳам ижро этилади.


ГУЛУНГИ ЛУЧЧАК — халқ селекциясида яратилган эртапишар ўрик нави. Ўрта Осиё ўрик навларининг Зарафшон гуруҳига киради. Дарахти ўртача, яхши ўсади. Меваси йирик (40 г), юмалоқ, ялтироқ, оч-сариқ, қирмизи ранг. Пўсти туксиз, ялтироқ, ўртача қалинликда, эти қалин (9—10 мм), ўртача сувли, ширин, хушбўй, данаги 2,3 г. Қишки ва баҳорги совуқларга чидами ўртача, яхши парваришланганда юқори ҳосил беради. Меваси тўкилмайди, шохида узоқ сақланади. Ҳатто қурғоқчилик йилларида ҳам яхши ўсади ва мева беради. Кўчати экилгандан сўнг 6—7-йили ҳосилга киради. 18—20 150 кг). Йил оралаб мева беради. Мартнинг охирида гуллайди (5—6 кун). Кўрсодиқ, Субхоний навларидан яхши чангланади. Меваси июнь ўрталарида пишади. Ҳўллигича истеъмол этилади.



Гулунги дуччак ўрик нави.

консерва қилинади. Туршак солинмайди. Ташишга чидами яхши. Самарқанд ва Бухоро вилоятларида кенг тарқалган.

ГУЛХАЙРИ (Althaea) — *гулхайридошларга* мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар туркуми. Европа ва Осиёнинг ўрта минтақаларида 12 тури ўсади. Ўзбекистонда Г.нинг битта экма ва 7 та ёввойи тури бор. Г.лар тўқайларда, суғориладиган майдонларда ва б. ерларда учрайди. Гуллари тўғри, 5 бўлакли, икки жинсли. Г. доривор, манзарали ўсимлик, ундан бўёқ олинади. Ўзбекистонда Г.нинг A. rosea тури манзарали ва доривор ўсимлик сифатида кўп экиладиган. Пояси 1,5—2 м, йўғон, туклар б-н қопланган. Барглари 3—7 бўлакли, узун бандли. Гуллари якка-якка ёки 2—3 табандли. Гуллари япроқ ўқидан ўрнашган. Тожбарглари қат-қат жойлашган. Тожбарглари оқ, пушти, қизғиш ёки бинафша ранг. Июнь—авг.да гуллаб, июль—сент.да уруғлайди. Тожбарглари вино, сариқ ва б.га ранг беришда ҳамда тери, шойи ва жун қабиларни бўяшда фойдаланилади. Г.нинг A. officinalis тури доривор ўсимлик сифатида тиббиётда фойдаланилади. Унинг илдизидан тайёрланган суюқ экстракт нафас йўлларини касалликларида (айниқса болаларда) балғам кўчириш, кўкракни юмшатиш учун ва яллиғланишга қарши, мезда-ичак касалликларида эса ўраб олувчи дори сифатида ишлатилади.



Гулхайри.

ГУЛХАЙРИ КУЯСИ (Pectinophora malvella Hb.) — ўйиққанотли куялар оиласига мансуб зараркунанда капалак. Қанотлари ёйилганда 10—12 мм. Олдинги қанотлари қорамтир йўлли оч жигарранг, орқа қаноти оч кулранг. Қурти (9—12 мм) сарғиш, боши тўқ жигарранг. Иккита биринчи бўғими бинафша ранг, тўқ қизил. Ўзбекистонда Г.к. *карантин* объекти. Охирги ёшдаги қуртлари 3—10 см тупроқ тагида юмалоқ пиширк пилла ичида қишлайди. Йилига икки, баъзан уч авлод беради. Г.к. барг орқасига, шона ва гулларга 1—2 тадан тухум қўяди. Тухумдан чиққан қуртлари ўсимликнинг ҳосил органларини зарарлайди. Зарарланган шона ва гуллар сўлийди, тўкилади. *Диапауза* (бир йилдан ортиқ давом этиши мумкин) зараркунанданинг сақланиб қолиши ва тарқалишига имкон беради. Диапаузадаги қуртлар тупроқ, уруғ, қоплар ва б.да бўлиши мумкин.



Гулхайри куяси.

Кураш чоралари: карантин жорий қилиш; 80% ли техник хлорофос ёки хлорофоснинг 80% ли суспензияси (1,5—1,8 кг/га), фозалон, цитрофоснинг 35% ли эритмасини (2,5 кг/га) пуркаш.

ГУЛХАЙРИДОШЛАР (Malvaceae) — икки паллалилардан айритожлиларга мансуб ўт ва буталар оиласи. Барглари панжасимон ўйма. Гуллари актиноморф, икки жинсли, йирик, оқ, сариқ ёки пушти. Косачаси икки қават. Чангчилари жуда кўп, ипчалари туташ. Уруғчиси битта. Меваси кўпчилигида кўсак. Ер юзида 80 га яқин туркуми ва 1500 тури бор. Кўп тропик ва субтропик р-нларда тарқалган. Булардан *гулхайри, гўза, каноп, туғмачагул,* пахтагул, гулхамишабаҳор кенг тарқалган. Ўзбекистонда 6 туркуми ва 17 тури ўсади. Уларнинг кўпидан тола олинади, дори тайёрланади. Манзарали ўсимлик сифатида экилади.

«ГУЛХАН» — адабий-бадиий, безакли болалар журнали. Муассислари: Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати. Ойда 1 марта чиқади. Дастлаб «Ёш куч» (1929 — 41) номи б-н чиққан, 1941 — 45 й.лардаги уруш сабабли жур.ни чоп этиш вақтинча тўхтатилган. Сўнгра «Пионер» (1952 — 57) номи б-н нашр қилинган. 1957 й.дан ҳоз. номда. «Г» саҳифаларида Ўзбекистон болалари ҳаёти, уларнинг орзу-интилишлари, шунингдек, бадиий адабиёт, санъат,



халқ оғзаки ижоди, турли спорт ўйинлари мунтазам ёритилиб борилади. «Гулхан» кутубхонаси сериясида болалар ижодидан китобчалар ҳам чиқарилади. Жур.га турли й.ларда Ғани Жаҳонгиров, Жуманиёз *Жабборов*, Тўлқин Қозоқбоев, Худойберди *Тўхтабоев*, Абдулла *Орипов*, Сафар Барно ва б. муҳаррирлик қилишган. Адади 70000 (2002). Муҳаррири Омон Матжон (2002 й.дан).

ГУЛХАНИЙ (тахаллуси; асл исми Муҳаммад Шариф) (тахм. 18-а.нинг охири — Қўқон — 19-а.нинг 20-й.лари) — ўзбек мумтоз шоири, масалнавис. Ҳаёти ва ижоди ҳақида «Мажмуаи шоирон» (*Фазлий* Намангоний), «Туҳфат ул-ахбоб» (Қори Раҳматуллоҳ *Возеҳ*), «Сабот ул-башар ва тарихи муҳожирон» (*Дилшод Отин*) каби асарларда айрим маълумотлар келтирилган. Фазлий Г.нинг «Кўҳистон мулкидан» эканлигини таъкидласа, Возеҳ уни наманганлик, дейди. Г. Наманган ва Қўқонда яшаган, оз вақт ҳаммомда ўт ёқувчи — гўлах вазифасида ишлаган (тахаллуси шундан). Қўқон хони Амир Олимхон навкарлари сафида хизматда бўлган (1801 — 10). Мустақил мутолаа йўли б-н мумтоз адабиётни ўрганган. Олимхон вафотидан (1811) сўнг тахтга ўтирган Амир Умархон (*Амирий*) Г.ни сарой шоирлари даврасига жалб этган. Шоир хонни мақтаган, унинг ғазалларига назиралар битган. Умархон вафотидан сўнг ватанига қайтиб, кўпроқ оддий инсонларга манзур бўлувчи шеърлар ёза бошлади. Ўтли ҳажвлар яратди.



Г. ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Бизгача бир неча ғазали, ҳажвиялари ҳамда «Зарбулмасал» («Япалоққуш» ҳикояси) насрий асари етиб келган. Ғазалларида лирик қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари, баҳор, реал ҳаётий манзаралар ўз ифодасини топган («Бармоғим», «Эй тўти», «Лола кўксидек бағрим...»). «Бидеҳ» (бергил, бер менга) радифли ғазалида шоир навкарлик давридаги ҳаётини тасвирлаган. Бу ғазалга чуқурроқ назар ташланса, муаллиф катта ижтимоий масала — ўз даврининг ҳарбий тартиби, расм-русумлари ҳақида фикр юритганлигини кузатиш мумкин. Ғазалида лирик қаҳрамоннинг образи умумлашма образ даражасига кўтарилган. Г. ўзининг зўр истеъдоди, тажрибаси, турмушга ҳаққоний қарай билиши туфайли халқчил ижодкор сифатида кўринган. Шоирнинг бизга маълум ғазалларининг айримлари Амирий шеърларига назира тарзида яратилган бўлиб, улар оддий тақлидчилик доирасида қолмай, баркамол мустақил балиий асар даражасига кўтарилган. Г.нинг шеърий ижоди, гарчанд, ҳажман катта бўлмаса-да, 19-а. ўзбек миллий адабиёти ривожига самарали таъсир кўрсатди.

«Зарбулмасал» нафақат ўзбек мумтоз адабиёти, балки бутун Шарқ адабиётининг ҳам нодир намунасидир. Г. унда халқ мақоллари (400 га яқин мақол), сажлар (қофияли наср), масал ва ривоятлардан самарали фойдаланган. Бу масал ва ривоятлар тематик жиҳатдан бир-бирига боғланиб, ягона бир сюжетни ташкил этган. Асарда Япалоққуш б-н Бойўғлининг қуда-анда бўлиши саргузаштлари мажозий, ўткир ҳажвия тарзида тасвирланган. Г. қушларнинг ўзаро мураккаб муносабатлари асосида ўз даври ижтимоий ҳаётининг танқидий манзарасини яратган.

Г. ижодини М. Салье, *Фитрат*, Б. Каримов, Р. Муқимов, Ҳ. *Ёқубов*, Ф. Исҳоқов каби олимлар тадқиқ этганлар.

Ас.: Танланган асарлар, Т., 1951. Зарбулмасал ва ғазаллар, Т., 1960.


Ад.: Муқимов Р., Гулханийнинг ҳаёти ва адабий фаолияти. Самарқанд, 1955; Зоҳидов В., Ўзбек адабиёти тарихидан, Т., 1961; Исҳоқов Ф., Гулханий ва унинг адабий мероси, Т., 1974.

Абдурашид Абдуғафуров.

ГУЛЧИЛИК — гулли-манзарали ўсимликларни боғ ва хиёбонларга, йўл ёқаларига экиш, бинолар ичини безаш, гулдасталар ясаш мақсадларида ўстириш; деҳқончилик соҳаси. Очиқ ва иситиладиган ердаги Г.ка бўлинади. Очиқ ер (дала)даги Г.да бир йиллик (қашқаргул, итоғиз, *гулбеор*, хушбўй тамаки), икки йиллик (капалакгул, бўтакўз, чиннигул) ва кўп йиллик (*гулсапсар*, пион, флокс ва б.) гуллар ўстирилади. Иситиладиган ер (иссиқхона, оранжерея)даги Г.да нозик ва чиройли гуллайдиган, япроқлари ҳамиша яшил ўсимликлар (лола, чиннигул, хризантема, пальма, фикус ва б.) ўстирилади. Г.ни очиқ ва иситиладиган ерларда қўшиб олиб бориш йил давомида гул етиштиришни таъминлайди.

Кўпгина мамлакатларда, жумладан Ўзбекистонда Г. жуда қад. тарихга эга. Амир Темур, Бобур яратган боғларда гул ўстиришга алоҳида эътибор берилган (қ. *Амир Темур боғлари*).

Ўзбекистонда гул ва манзарали ўсимлик кўчатлари, қаламча ва уруғлари



Гулчилик. Тошкент гулчилик хўжалигида лола терими.

ҳамда тувакларда ўстириладиган гуллар етказиб берадиган хўжаликлар, гул ва кўчат сотадиган махсус «Тошкент гуллари» фирмаси ташкил этилган. Г. бўйича и. т. ишларини Р. Р. Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и. т. ин-ти олиб боради; малакали гулчиларни шу ин-т коллежи, шунингдек, Тошкент аграр ун-ти тайёрлайди. Гул уруғлари, кўчатлари, пиёзлари етиштирадиган махсус гулчилик хўжаликлари бор (қ. *Гул уруғчилиги*).

Чет мамлакатларда, айниқса, Европада Г. ривожланган. ГФР, Нидерландия, Италия, Франция, Болгария ва б.да Г. иқтисодиётнинг муҳим тармоғини ташкил қилади, унинг маҳсулотлари экспорт қилинади. Мас., Нидерландия лола, нилуфар, сунбул пиёзларини етиштиришга, ГФР атиргул ва чиннигулни саноат усулида етиштиришга ихтисослашган.

Ад.: Ремискевич И. Т., Манзарали боғдорчилик ва гулчилик, Т., 1964; Озолин П. К., Карамишина Н. М., Уйда гул ўстириш, Т., 1967; Тавлинова Г. К., Цветы в комнате и на балконе, Л., 1985.

Лутфулла Абдураҳмонов.

ГУЛЧИН — 1) этик, маҳси каби оёқ кийимларининг товон қисми. У қаттиқроқ чармдан астарли қилиб тикилиб, сўнгра қотирилади. Г. ажак Г. (рангдор ип б-н ғажак шаклида тикилади), туморча Г. (рангдор ипда уч ёки тўрт бурчакли қилиб тикилади), қора Г. (қора чармдан оддий тикилади) каби хиллари мавжуд; 2) кавуш жағининг орқа томонига қадалган кўк мағиз.

ГУЛШАНИЙ (тахаллуси; асл исми Мулла Муҳаммад Содиқхожа) (1861 — 1910) — бухоролик тарихчи, шоир. Амир *Абдулаҳад*нинг *надими*. Бухоро амирлигининг тарихий геогр.сига оид

«Тарихи Ҳумоюн» асарини яратган. Г. ўз асарида амирликнинг ҳар бир вилоятида нечта шаҳар, қасаба, қишлоқ борлиги, аҳолиси ҳақида ёзади. Мас., Шаҳрисабз ш. ҳақида шаҳар икки қатор девор б-н ўралгани, шаҳар деворининг 3 дарвозаси (Китоб, Чармғарон, Қарши) борлиги, Қарши дарвозаси яна Лаълистон ҳам деб аталиши, дарвозадан бир ярим чақирим ерда амирнинг Лаълистон деб аталувчи чорбоғи бўлгани, шаҳарда 45 мадраса, 64 масжид, 4 хонақоҳ, икки ҳаммом, 15 карвонсарой бўлганлиги айтилади. Ҳар вилоят, шаҳар, қасаба аҳолисининг сони ва уларнинг машғулоти ҳақида ҳам маълумот берилади. Асар Тожикистон ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланмоқда. Рус тилига таржима қилинган. Г. шеърлари 20-а. бошларида Бухорода тузилган тазкира ва баёзларга кирган.

ГУЛШИРА, нектар — ўсимликнинг шира безларидан чиқадиган ширин суюқлик. Шира безлари кўпинча гулнинг ичида, камдан-кам барг бандида, барг четларида, ёнбаргларда ва гулёнбаргларда жойлашади; улар гудда, бўртмача, чуқурча, ҳалқача, тарновча шаклларида бўлади. Г. мураккаб модда бўлиб, қанднинг сувдаги эритмаси (глюкоза, фруктоза, сахароза)дан иборат. Унинг таркибида кўп миқдорда спирт (манит), декстрингга ўхшаш бўёвчилар, азотли ва ароматик моддалар, минерал тузлар, кислота ва ферментлар бўлади. Г. четдан чангланишни таъминлайдиган *асалари* ва б. ҳашаротлар (ари, тукли ари, капалаклар) учун овқат ҳисобланади. Ўсимликнинг Г. ажратиш жараёни кўп жиҳатдан унинг ёши, гуллаш фазаси, кеча-кундузга, ҳаво ҳарорати ва намликка боғлиқ (мас., гўзанинг ҳар бир гули бир кеча-кундузда ўртача 8,08 — 12,32 мг Г. ишлаб чиқаради). Таркибида кўп миқдорда шираси бўлган ўсимликда нектар ажралиши фотосинтезга боғлиқ. Шунинг учун унга қуёш нури зарур. Бундан ташқари турли вақтда ёки турлича ўсимликлардан йиғилган Г.да қанд миқдори бир хил бўлмайди. Бу эса уларнинг сифат жиҳатидан бир-биридан фарқ қилишига олиб келади. *Асалари* организмида қайта ишланган Г.дан *асал* ҳосил бўлади.

Лутфулла Абдураҳмонов.

ГУЛЬДЕН — Нидерландия пул бирлиги. 1816 й.да муомалага чиқарилган. 1 Г.=100 цент. Халқаро ифодаси ANG. Валюталар курси бўйича, 1 АҚШ доллари =2,52 Г.; 1 Г.=160 сўм 05 тийин (2001, авг).

«ГУЛЎЙИН» — ўзбек мумтоз рақсининг Фарғона мактабига мансуб «Катта ўйин» туркумидаги аёллар рақс-сюитаси. У асосан ашула жўрлигида, профессионал яллачи ва ҳаваскорлар томонидан ижро этилган. Айниқса Қўқонда кенг тарқалган. Сюитанинг мазмуни лирик характерда бўлиб, рухий кечинмалар ифодаланган. «Г.» дастлаб фироқ азоби, соғинишни, сўнгра кучли ирода, дадилликни ифодалайди, шодлик ва қувноқ ҳаётни улуғлайди. «Г.» турларидан бирида ижрочининг қўл ҳаракатлари гул (гулсапсар, лола, бинафша)нинг очилиш пайтини ифодалайди. «Г.» махсус миллий кийимда ижро этилади. «Гулўйин», «Гулўйин ялламаси», «Гулўйин жилвони» каби усуллари бўлиб, улар мазмуни, ижро усули б-н бир-биридан фарқ қилади. 1927 й. *Уста Олим* Комилов ва *Тамарахоним* «Г.»нинг ритмопластик усулидаги замонавий, оммавий ва доира зарблари остида туширадиган якка саҳна рақсларини яратдилар. Бу рақсларда ўзбек аёлининг иффат ила йўғрилган гўзаллиги улуғланади. «Г.» рақси янгича талқин ва костюмда «Фарҳод ва Ширин» (Хуршид асари; композиторлар В. Успенский, Г. Мушель) мусиқали драмасига киритилган ва 1937 й. Москвада бўлиб ўтган биринчи ўзбек санъати ва адабиёти декадасида намойиш этилган.

ГУЛҚАЛАМ, дув-дув — пичоқ тигига хат, сана ўйиб ёзишда ишлатиладиган, пўлатдан ясалган бигизсимон асбоб. Сана қалам, бигиз қалам, пўлат қалам каби турлари мавжуд. Гулқаш тури эса тароққа гул солиш, хат битиш учун ишлатилади.

ГУЛҚАНД — ўртапишар помидор нави. Ўзбекистон сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик и.т. ин-тида «Виталик» нави намунасидан танлаш усулида (1986). 1990 й.дан иссиқхоналарда кузги-қишки мавсумда етиштириш учун р-нлаштирилган. Бўйи 120 — 150 см га боради, бўғимлари ораси 4 — 10 см. Барги оддий, йирик, оч яшил, ён барғчалари кам. Меваси думалоқ, чўққиси силлиқ, қизил, уруғи кам. Таркибида 3— 3,2% қуруқ модда, 1,6— 1,7% қанд, 9,6—12 мг % аскорбин кислотаси бор. Бир дона меваси-



Гулқанд помидор нави.

нинг ўртача оғирлиги 120 г. Ниҳоллар тўлиқ униб чиққанидан кейин биринчи мевалари 95 — 120 кунда пишади. Ҳосилдорлиги ўртача 4,5 кг/м². Бир поя қолдириб шакл берилади (бош поя чилпилмайди). Фузариоз вилтга чидамли.

ГУЛҚАНД — гулбарг б-н шакардан тайёрланадиган ширинлик. Очилган қизил атиргуллар териб олинади, ўғирда туйиб, шакар аралаштирилади, идишга солиниб, офтобга қўйилади. Гулбаргларни яна туйиб, шакар қориб идишга солинаверади. Офтобда узоқ туриб, шакар эзилган гулбаргларига сингади ва Г. ҳосил бўлади. Г. халқ табобатида бедармонлик, камқонлик, йўтал кабиларга даво сифатида истеъмол этилади. Г.ни баъзи жойларда офтобигулқанд деб ҳам атайдилар.

ГУЛҚОҒОЗ, обой — хоналарнинг ичини пардозлашда ишлатиладиган ўрама (рулон) материал. Эшик табақалари ва мебелларга ҳам ишлатилиши мумкин. Г.нинг оддий (гулли, гулсиз, бир тусли ва ранг-баранг) ва намга чидамли, товуш ютадиган хиллари; босма ($А_1$ А), нақшли босма ($Б_1$ Б), бурмали босма ($В_1$ В), такрорланган ($Г_1$ Г) хиллари бор. Г. эни 500, 560 ва 600 мм, уз. 6; 10,5; 12; 18 м ли ўрамлар тарзида ишлаб чиқарилади. Намга чидамли Г.нинг сувга чидамли полимерлар қўшилган бўёқларда тайёрланадиган ва олд томонида (ўнгида) полимер эмульсия ва локлар б-н ҳосил қилинган ҳимоя пардали босма хиллари бор. Булар илиқ совунли сув б-н бир неча марта ювишга ва артишга чидайди. Товуш ютадиган Г. олд томони ҳар хил толали материаллар (тўқимачилик саноати чиқиндиси)дан ясалган тук қопламали қоғоз асосида тайёрланади. Бундай Г.нинг сирти чанг сўрғич б-н тозаланади. Г.ларга ишлатиладиган бўёқлар ёруғлик таъсирига анча чидамли бўлиши керак. Намга чидамли Г.нинг тескари томони елим қатламли ёки елимсиз бўлади. Елимлиси девор ёки шипга мустаҳкам ёпишади. Булардан ташқари хили ва гулига қараб мослаштириб хонанинг юқориги чети бўйлаб ёпиштириладиган қоғоз кошинлар — бордюр ва фризлар; тўлдиргич б-н синтетик смола асосида тайёрланган пластик массадан ясалган. Қоғоз асосга туширилган бўртма гулли материал — линкруст; тескари томони махсус қоғоз б-н ҳимояланган елимли ёки елимсиз пардозбоп безак плёнка — поливинилхлоридли ва б. хиллари ҳам ишлатилади. Ҳоз. вақтда Г.лар кўпинча полимер материаллар асосида тайёрланади. Г.ни ёпиштириш учун сирач ёки синтетик


елимлар ва мастикалардан фойдаланилади. Қадимда Япония, Хитой мамлакатларида, 18-а.гача Европада хоналар деворлари, шиплари мато қоплаб пардозланган. Қоғоз и. ч. ривожлангандан сўнг мато ўрнига Г. ишлатилган. Г. ишлаб чиқарувчи саноат дастлаб 18-а.да Англияда пайдо бўлган (у пайтда гуллар дастаки усулда босилган). Машинада гул босиш 19-а. 20-й.ларида бошланган. Ўзбекистонда полимер материаллар асосида Г. Тошкент ш.даги ўрта ва кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқарилади.

Ад.: Бозорбоев Н., Уй-жой қурувчилар учун 1001 маслаҳат. Т., 1990.

ГУМАНИЗМ (лот. humanus — инсоний) — одамларга меҳр-муҳаббат б-н қараш, уларни ҳурмат қилиш, инсоннинг моддий фаровонлигини юксалтириш ва кишиларда юксак маънавий фазилатларни ривожлантиришга ғамхўрлик қилиш (қ. *Инсонпарварлик*).

Тор маънода — Уйғониш даври (13 — 16-а.лар)да схоластикага ва черковнинг маънавий ҳукмронлигига қарши турган дунёвий ҳурфикрлилик. Ғарбий Европадаги бир неча мамлакатларда Г. ижтимоий тафаккур соҳасида, адабиёт, санъат ва илм-фанда католицизмга ва шахснинг қуллигига қарши қаратилган илғор ҳаракат эди. Г. тарафдорлари ўз замонасининг тараққийпарвар кучлари бўлган. Улар инсон ҳуқуқи ва олижаноб фазилатлар, илм-маърифат ва ҳуррият учун, кишиларнинг ҳар томонлама эркин ривожланиши учун кураш олиб бордилар. Г.нинг атоқли намояндалари Ф. Петрарка, Ж. Боккаччо, Леонардо да Винчи, Ж. Бруно, Т. Кампанелла (Италия), М. Монтень, Ф. Рабле (Франция), Т. Мор, Ф. Бэкон (Англия), Э. Роттердамлик (Нидерландия), Н. Коперник (Польша) ва б. эди.

ГУМАНИТАР (франц. humanitaire — инсоний табиат, билимлилик) — инсон шахсига, инсон ҳуқуқи ва манфаатларига оидликни англатувчи тушунча. Мас., Г. муаммолар, Г. ёрдам, Г. фанлар (филология, санъатшунослик, тарих ва б.).



ГУМАШТА — 1) 20-а. бошларига қадар Туркистонда катта савдогар бойларнинг жойларда савдо ишларини олиб борувчи ишончли киши, вакили. У йирик савдогарлар ва савдо фирмаларидан насияга олган газлама ва б. саноат моллари б-н савдо қилган; 2) бирор кимсанинг қўллаб-қувватлаши б-н муайян амалга тайинланган шахс.

ГУМБАЗ — қубба шаклидаги суйри фазовий ҳажмдаги том. Тарҳи айлана, чорси, тўғри тўртбурчакли, мунтазам кўпбурчакли бўлади. Шунингдек, кўпбурчакли хона ва катта иншоотлар деворлари устида, баъзан устунларни бирлаштирган доирасимон қурилма *пойгумбаз* устида давра кўринишида хом ғишт, пишиқ ғишт, тош, бетон ва б. материаллардан сирти силлиқ, қирралн, қовургали пилтавор кўринишида бўлиши мумкин.

Тарихан Г. пайдо бўлиши (генезиси), тараққиёт йўллари, зарурати 3 сабаб б-н изоҳланади: 1) табиий шароит, ҳаёт тақозоси; 2) мавжуд қурилиш материаллари имконияти; айниқса ёғоч танқис жойларда меъморлар кўпроқ гумбаз томларни боғлаган; 3) шаклу шамойили юксак бадиий самара бағишлагани, меъморий образи муҳташам маҳобат касб этгани.


Г.нинг илк намуналари ибтидоий одамлар бошпаналари — табиий горларда, кейинчалик ертўлаларда, ёғоч ва хас-чўплардан, қамиш, ҳайвон териси, кигиз ёпилган ўтов каби кулбаларда мужассам топиб, ижтимоий тараққиёт мобайнида шакли мураккаблаша борган. Дунё халқлари меъморлигида Г.нинг оддий поғонали, давра, суйри, бағал (парус, тромп)ларга ишланган ва б. турлари учрайди. Г. бинога ташқи ва ички томондан маҳобат бағишлайди.

Ўрта Осиёдаги гумбазлар шаклу шамойилини кузатиб, таҳлил этганда қад. туркийларнинг шу йўналишдаги меъморий ижодкорликка қўшган баракали ҳиссаси борлигини сезиш мумкин. Г.лар ибтидосида инсон тафаккури б-н яратилган ўтов (юрт) кўриниши, яъни ёғоч, қамиш қурилмалари орқали пахса, ғиштдан ясалган дўппи (ярим сферик), кулоҳий (сфероконик) ҳажмда мужассам топган ва давр ўтиши б-н янги имкониятлар асосида ривожланиб борган, юксак бадиий мужассамотга айланган.

Юнонистон ва Рим меъморлигида чорси, давра хоналар устини беркитиш



Имом ал-Бухорий мақбараси гумбази.



Тошкентдаги Хўжа Ахрор жоме масжидининг қайта тикланган гумбазлари.

учун ярим сферик (ярим шар) шаклидаги гумбаз турлари катта жамоат ва диний биноларда кенг ишлатилган. Римдаги Пантеон (мил. 125 й.)нинг катта давра биноси ротондаси устига ўрнатилган ярим сферик Г. энг қад. гумбаз ҳисобланади. Г.ни билдирувчи итальян атамаси «купола» (cupola — бочка) жаҳон меъморлиги лугатига кирган. Истанбулдаги машҳур Аё София ибодатхонасининг улкан Г.и ҳам энг қад. гумбазли бинолар қаторига киради.

Ўрта Осиёда сақланган қад. меъморий ёдгорликлар — маҳобатли жамоат бинолари (сарой, масжид, хонақоҳ, карвонсарой, мақбара, ҳаммом ва б.), сардобаларда Г.нинг балхи гумбаз, чархи гумбаз, чортарк гумбаз, чоркунжак гумбаз, пилтавор, ғаровли, кулоҳий, мирзоий, шалғамий турлари, айрим-

Флоренциядаги Санта Мария дель Фьоре собори гумбази.

ларида қуш (ички ва ташқи) Г. ҳам мавжуд. Сарой, масжид, мадраса ва б. бинолар, мақбараларнинг асосий катта хонаси — хонақоҳи меҳробий Г. б-н ёпилган. Балхи Г. тузилиши анча содда бўлиб, мадраса, ҳаммом, карвонсарой олдий хоналари, қазноқ ва б.да кўп қўлланилган. Чортарк Г. эса тўғри тўртбурчак шаклдаги кичик хоналарда бўлади. Ўрта Осиёда Г.нинг илк намуналари Оқтепа (Тошкент), Афросиёб (Самарқанд) ва Хоразм қалъаларида учрайди. 10 — 11-а.ларда хонанинг девор бурчагидаги бағали равоқ шаклида бўлиб, устига Г. ўрнатилган (қ. *Сомошиллар мақбараси*). 12-а.дан Г.лар баланд бўлишига аҳамият берилган. 14-а.дан мурабба тарҳли хоналар бурчагига равоқли бағаллар ишлана бошлаган, ички қисми ғанчкор муқарнаслар б-н безатилган, Г.нинг деворга туташ қисмига муқарнаслар ишланган (қ. *Яссавий мажмуаси*). 15-а.дан Г. б-н девор устига ғўласимон ва кўп қиррали пойгумбаз тикланиб, тепасига қўш Г. боғланган, Г.лар ташқи томони гиштин, сиркор, кошинкор безатилган (қ. *Амир Темур мақбараси*). 16-а.дан ички Г. шакли янада ўзгарди, пойгумбазларга дарчалар очилди, қобирғали безаклар пайдо бўлди. Замонавий биноларда Г. темирбетон, армоцемент, металл, пластмассадан ишланмоқда (мас., Тошкентдаги Мовий гумбаз қаҳвахонаси, Эски жўва бозори). Меъморий ёдгорликлар Г.ларини таъмирлашда миллий меъморлик материалларидан ташқари, темир-бетондан (мас., Тошкентдаги Юнусхон мақбараси, Самарқанддаги Тиллакори ва Амир Темур жоме масжиди, Имом ал-Бухорий мажмуаси ва б. Г.лари), шунингдек, армоцемент конструкциялардан (мас., Андижондаги жоме масжид ва б.) фойдаланилмоқда.

Мустақиллик даври меъморлигининг ижобий бадиий жиҳатларидан бири Г. шаклидан дадил ва кенг фойдаланишда кузатилмоқда. Айниқса, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғидаги меъморий шийпони устига ўрнатилган пилтавор Г. жуда ўринли ва хушбичим чиққан. Г. шаклидан фойдаланиш меъморлик соҳасида янги-янги ижодий имкониятларни очиб бермоқда.

ГУМБАЗ (геол.) — тоғ жинсларининг ётиш шакли. Г. брахиантиклиналнинг узвий ҳодисаси сифатида платформа мавжуд бўлган ёки уларга яқин шароитларда қояли массив, фундаментнинг нураган бўртиги, лакколитлар ва б. устида ҳосил бўлади. 1) Вулканик магматик Г. — отилиб чиққан жинсларнинг катта, тўнтарилган қозон шаклидаги жисм кўринишида ётиши. Ён бағри тик, бал. 800 м гача. Ер юзасига вулкан бўғзидан ёпишқоқ нордон лаванинг сиқилиб чиқишидан вужудга келади. Кўпинча ўзига хос радиал ва концентрик кўринишида ёриқчалар бўлади. 2) Гранит-гнейсли (гнейсли) Г. — марказий қисми асосан қия ётган гранит-гнейс ёки баъзида гранит ёриб кирган гнейслардан тузилган Ер пўстининг кўтарилган қатламлари. Гнейс ядросининг перифериями қуйи даражада метаморфизмга учраган майда бурмали, гумбаз марказига нишаб кристалли сланецлардан иборат. Кўпроқ қад. платформа қалқонларида учрайди. Кўндаланг кесими бир неча ўнлаб км га чўзилади. 3) Тектоник Г. — гумбаз марказидан барча томонга қия тушган Ер пўсти қатламларининг катта ёки кичикроқ шаклдаги кўтарилмаси. Кўндаланг кесими ўнлаб (гоҳо юзлаб) км га чўзилади. Асосан платформаларда учрайди. 4) Тузли Г. — ядроси тошда ёки бошқа тузлардан иборат жинс туз ёки бошқа тузлардан иборат жинс қатламлари думалоқ шаклдаги кўтарилмаларни ҳосил қилади. Бошқа чўкинди жинсларга нисбатан зичлигининг камлиги ва ўта қатлилиги сабабли тузнинг юқорига йиғилиши ва сингиши натижасида кўтарилиши ва сингиши натижасида ҳосил бўлади. Платформа ботиқларидаги кристалли қобиқнинг чуқур чўккан жойларида кенг тарқалган. Тузли Г. бор жойларда кўпинча нефть ва газ конлари ҳам бўлади (Эмба—Қозоғистонда, Галф-Кост — АҚШда).

ГУМБАЗ МАДРАСА — Андижон вилоятидаги меъморий ёдгорлик (1872). Бош тарзидаги ёзувда маҳаллий бой Абдулҳамидҳожи буюртмаси асосида Буваназар ўғли Қурамбой раҳбарлигида қурилгани қайд этилган. Мадраса дастлаб икки қаватли, чортоқ тарҳли ҳужралар, масжид ҳамда дарсхона ва атрофи девор б-н ўралган кичик ҳовлидан иборат бўлган (пештоқ-гумбазли бино ва икки қаватли ҳужралар сақланган). Бош тарзи бурчакларига безакдор мезана — гулдасталар қурилган. Дарвозахона ва ҳужралар томи гумбаз б-н қопланган. Пештоқининг икки ёнидаги ҳужралар тепасидаги айвонлар шифти ҳовузакли. Пештоқ безакдор панжарали равоқлар



Гумбази Сайидондаги сағаналар.



Гумбаз мадраса. Бош тарзининг умумий кўриниши.

тизмаси б-н, усти эса кунгирадор безак б-н якунланиб, икки ёнига устунгўшалар ишланган, ганч ва гириҳ нақш б-н пардозланган. Равоқсимон, токчалари ичида ҳусниҳат арабий ёзувлар, гулдор нақшлар ҳамда мадрасани таъмирлаган (1914) уста Сўфихон номи сақланган.

ГУМБАЗИ САЙИДОН («Сайидлар гумбази» мақбараси) — Шаҳрисабздаги меъморий ёдгорлик. Улуғбек қурдирган (1437 — 38). Мақбара чортоқ тарҳли (ташқи ўлчами 9×9 м, ички томони 5,75×5,75 м), пойгумбази саккиз қиррали (призмасимон), гумбаз б-н қопланган. Пештоғи ва ташқи томон гумбази қулаб тушган (ҳоз. гумбази қайта тикланган). Пойгумбазидаги гириҳ ва ислимий нақшлар орасида куфий ёзуви битилган. Мақбара ички деворларидаги равоқлар икки қатор бўлиб, устидаги бурчакларда туйнук ва кенг токчалар мавжуд. Деворлари ичида 12 — 6 бурчакли гириҳлар учрайди. Мақбара ичидаги сағаналар (15 — 18-а.ларга оид)да Улуғбек авлодлари бўлмиш термизлик сайидлар (Амир Абдул Муоний, Муҳаммад Сайид ва Мағруфжон Муоний)нинг номлари ёзилган (шундан мақбара «Сайидлар гумбази» деб номланган бўлса керак).



ГУМБОЛЬДТ (Humboldt) Александр (1769.14.9 — Берлин — 1859.6.5) — немис табиатшуноси, сайёҳ, географ. Берлин ФАнинг аъзоси (1800 й.дан), Петербург ФАнинг фахрий аъзоси (1818 й.дан). Геогр.нинг фан сифатида ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Иқлимшунослик, ўсимликлар ва ҳайвонот геогр.си, харитаграфия, океанография соҳаларида тадқиқот ишлари олиб борган. 1799 — 1804 й.ларда француз ботаниги Э. Бонплан б-н бирга Марказий ва Жан. Американи тадқиқ қилиб Европага қайтгач, тўплаган коллекцияларини 30 жилдли асарида умумлаштирди (1807—1834). 1829 й. Россия ва Ўрта Осиёга келган. Урал ва Олтойга бориб, қайтишда Қозоғистоннинг Семипалатинск, Уральск (Ёйиқ) ш.ларида бўлган. Каспий денгизининг шим. соҳилидан ўтган. Табиатдаги географик зоналлик ва тоғларда баландлик минтақаларини илмий жиҳатдан умумлаштиришга ҳаракат қилган. Изотермалар методини ишлаб чиқиб, Шим. ярим шар учун уларнинг тақсимланишини кўрсатувчи схематик харита тузган. Магнит ҳодисаларининг географик тарқалиши масалаларини ишлаб чиққан ва материкларнинг ўртача баландликларини ҳисоблаган.



Г.нинг илмий қизиқишлари ниҳоятда кенг бўлганлигидан европалик замондошлари уни «19-а.нинг Аристотели» деб атаганлар. Г. инсонпарварлик ва ақл-идрок б-н иш кўриш ғояларини тарғиб қилган, ирқлар ва халқлар тенгсизлигига қарши бўлган, тажовузкорлик урушларини қоралаган. Г. номига бир қанча географик объектлар, жумладан Марказий Осиё ва Янги Зеландиядаги бир неча тоғлар, АҚШдаги кўл ва дарё, аҳоли пунктлари, Гренландиядаги музлик, Тинч океандаги денгиз оқими, шунингдек, ўсимликлар, минерал, Ойдаги кратер ва б. қўйилган. Берлин ун-ти ака-ука Александр ва Вильгельм Г.лар номи б-н аталади.

ГУМБОЛЬДТ (Humboldt) Вильгельм (1767.22.4, Потсдам — 1835.3.4, Тегель, Берлин яқинида) — немис филологи, файласуфи, тилшуноси, Пруссия давлат арбоби. Г. бошланғич мактабни черковдан ажратиб, Песталоцци (1746 — 1827, швейцариялик педагог-демократ) методларини таълимга жорий қилди, Берлин ун-тига (ҳоз. Г. номи б-н аталади) асос солди, Пруссия ФАни қайта қурди. Г. — И. В. *Гёте* ва Ф. *Шиллер* замонидаги немис мумтоз *гуманизм*ининг йирик вакилларидан. «Ява оролидаги кави тили ҳақида» (1836 — 39) асарида тилшуносликдаги қиёсий-тарихий методнинг фалсафий асосларини яратди. Г. тилларнинг морфологик таснифини ҳам ишлаб чиқди.

ГУМБОЛЬДТ ОҚИМИ — Тинч океандаги совуқ оқим (қ. *Перу оқими*).

ГУМБУЛОҚ ГАЗ КОНДЕНСАТ КОНИ — Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида жойлашган кон. Гумбулоқ структураси 1956 й.да аниқланган. Г. г.-к. к.да чуқур бурги қудуқлар 1967 й.дан қазила бошлади. Дастлабки қазилган қудуқда юқори юра оҳактошларида газ борлиги маълум бўлди. Коннинг геологик тузилишида юра, бўр, палеоген, неоген ва антропоген ётқизиқлари иштирок этган. Тектоник тузилишига кўра Г. г.-к. к. Одамтош антиклиналь зонасига мансуб. Конда нефть уюми 1350 м чуқурликда жойлашган. Газ уюмининг уз. 10 км, кенглиги 2,75 км, қалинлиги 150 м.

Конда 15 ва 15а горизонтлар маҳсулдор. Газ дебити 3,5 — 5,0 минг м³/сутка. Кондаги газ метанли, кам азотли, кам ёғли, конденсатли, конденсат метанли, енгил, юқори бензинли. Бензиннинг миқдори конденсатда 70% гача.

ГУМИД ИҚЛИМ (лот. humidus — намлик) — ёғингарчилик миқдори буғланишдан ортиқ бўлган, намлик тупроққа шимиладиган, ортиқча сув ариқлар, дарёлар тарзида чиқиб кетадиган нам иқлим. Г. и. ўрмон ўсимликларининг ривожланиши учун жуда қулай. Г. и. қуйидагиларга фарқланади: 1) абадий музлик мавжуд бўлган, грунт сувига тўйиниш манбаи бўлмаган қутбий Г. и.; 2) ёғинлар тупроққа қисман шимиладиган, грунт суви мавжуд бўлган ва грунт сувига тўйиниш манбаига эга фреатик Г. и.

ГУМИЛЁВ Лев Николаевич (1912.1.10, Царское Село — 1992, Санкт-Петербург) — тарихчи, этнолог ва географ олим. Рус шоирлари Н. С. *Гумилёв* ва А. *Ахматова*ларнинг фарзанди. Ленинград ун-тини битирган (1946). 1930—50 й.ларда таъқибга учраб, икки марта қамалган. Тарих фанлари д-ри (1961), геогр. фанлари д-ри (1974). 1961 й.дан Ленинград ун-ти қошидаги Геогр. илмий тадқиқот ин-тида илмий ходим, катта илмий ходим, етакчи илмий ходим. Инсон ва этносларнинг биологик ижтимоий моҳияти ҳақидаги таълимот асосчиси; этногенезнинг наслдан-наслга ўтувчи асосий энергетик белгиси пассионарлик — биокимёвий қувват ортиши натижасида одамлардаги онгли биологик қобилиятларнинг ниҳоят даражада кучайиши ғоясини илгари сурган. Бундай жараёнларнинг намоён бўлиши тарихий тараққиётга кучли таъсир кўрсатади. Туркий, мўғул, славян ва Евросиёдаги бошқа халқлар тарихи ҳақида йирик тадқиқотлар яратган. Шарқ тилларини мустақил равишда ўрганган. Асарлари кўплаб хорижий тилларда нашр этилган. Собиқ Шўро тоталитар тузумига хос ноҳақ таъқиблар Г.ни кенг кўламда илмий фаолият олиб боришига халақит берган. Асарлари узоқ йиллар босилмай қолган. Ўзбек, татар, пуштун, тожик, туркман, ҳинд адабиётидан кўплаб таржималар қилган. ЮНЕСКО йўли б-н археол. ва тарих фанлари бўйича ўтказилган Халқаро илмий анжуманларда иштирок этган.





Ас.: Хунну. Срединная Азия в древние времена. М., 1960; Подвиг Бахрама Чубина. Л., 1962; Открытие Хазарии (Историко-географический этюд). М., 1966; Древние тюрки. М., 1967; Поиски вымышленного царства. М., 1970; Хунны в Китае. Три века войны Китая со степными народами; М., 1974; Этногенез и биосфера Земли. М.-Л., 1979, вып. 1; вып. 2. М.-Л., 1980; вып. 3. М.-Л., 1980; Этногенез и биосфера Земли. Л., 1989; Древняя Русь и Великая степь М., 1989; География этноса в исторический период. Л., 1990.

ГУМИЛЁВ Николай Степанович [1886.3(15).4, Кронштад, — 1921.24.8, Петроград] — рус шоири. Анна *Ахматова*нинг умр йўлдоши. 20-а.нинг 10-й.ларидаги акмеизмнинг (юн. akme сўзидан — бирор нарсанинг олий даражаси) йирик вакилларидан. Асосий асарлари: «Истилочилар йўли» (1905), «Романтик гуллар» (1908), «Марварид» (1910), «Бегона осмон» (1912), «Ўқдон» (1916), «Гулхан» (1918), «Чодир» (1921), «Оловли устун» (1921) шеърий тўпламлари, «Пальма сояси» (1922) ҳикоялар тўплами, «Рус шеърияти ҳақида мактублар» (1923) танқидий мақолалар тўплами. *Вольтер*, Т. Готье, С. Колриж, Г. *Гейне* ва б. адибларнинг асарларини рус тилига таржима қилган. Петроградда «Всемирная литература» («Жаҳон адабиёти») нашриётининг ишида қатнашган. Ритмларнинг равонлиги, ёркинлиги, оҳангининг мағрур ва кўтаринкилиги Г. шеъриятининг ўзига хос томонидир. Г. 1917 й. окт.даги давлат тўнтаришини қабул қилмади ва аксилинқилобий фитна иштирокчиси сифатида қатл этилди. 1991 й. Г. иши таркибида жиноят йўқлиги сабабли тўхтатилган.

ГУМИН КИСЛОТАЛАР (лот. humus — ер, тупроқ) — табиий маҳсулотлар (торф, қўнғир кўмир, тошкўмир ва б.)дан ишқорларнинг сувдаги эритмаси ёрдамида ажратиб олинадиган органик моддалар; табиатда ўсимлик қолдиқларидан ёки тошкўмир ва б. органик маҳсулотларнинг оксидланиши натижасида ҳосил бўлади. Торф хилига, шунингдек, унинг чириши даражасига қараб Г. к. ҳар хил миқдорда учрайди.

Чўкмай, эритмада қолган органик моддалар *фульвокислоталар* деб аталади. Чўккан Г. к.дан спиртда эрийдиган *гиматомелан кислоталар* ҳамда эримайдиган қолдиқ — *гумус кислоталар* ажратиб олинади. Кимёвий тузилишига кўра Г. к. юқори молекуляр (мол. м. 1300—1500) конденсирланган ароматик бирикмалар бўлиб, уларда фенол гидроксиллари, карбоксил, карбонил ва ацетогуруҳлар, оддий эфир боғлари ва б. борлиги аниқланган. Элементар таркиби: 50—70% С, 4—6% Н, 25—35% О.

Г. к. нефть ва газ ҳавзаларини қазишда ювувчи суюқликлар компоненти, аккумуляторлар тайёрлашда кислотабардош тўлдиргичлар, тупроқ тузилишини яхшилашда, ўсимликларнинг ўсишини тезлаштирувчи модда, органик-минерал ўғитлар ва қ. х. ҳайвонларининг тери касалликларини даволашда антисептик модда сифатида қўлланилади.

ГУМИН ЎҒИТЛАР — органик-минерал ўғитлар; органик модда ва у б-н кимёвий ёки адсорбцион боғланган минерал бирикмалардан иборат. Г. ў. гумин к-талар ёки таркибида шу к-та бўлган моддалар (қўнғир кўмир, торф, тошкўмирнинг нураган қолдиқлари, лойқа, чиринди ва б.)ни аммиак, фосфатларнинг аммиакли эритмалари, фосфат к-та, калийли тузлар б-н ишлаш йўли орқали олинади. Қандай ҳом ашёдан фойдаланилганига кўра сувда эрийдиган нитрат ва аммоний гуматлари, нитрогуматлар, торфли-аммиакли ўғитлар, торфли-минерални-аммиакли ўғитлар ва б. бўлиши мумкин.

Ўзбекистон ФА Умумий ва ноорганик кимё ин-тида аммонийлашган қўнғир гумин кўмирини мочевина, иккиланган суперфосфат ёки аммофос таркибига қўшиш орқали органик-минерал ўғитлар олиш усули ишлаб чиқилган. Бу ўғитларда азотнинг миқдори бир хил бўлиб, фосфорнинг миқдори қўшилаётган гумин кўмирига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Бундай йўл б-н тупроққа солинадиган фосфор ўғити миқдорини истаганча камайтириш ёки кўпайтириш мумкин. Г. ў. фосфорит таркибидаги фосфорнинг эрувчанлигини, фосфорли ўғитларнинг самарадорлигини оширади ва экинлар ҳосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Маъруф Тошқўзиев.

ГУММА (лот. gummi — елим; консистенциясининг ўхшашлигига қараб бетенциясининг ўхшашлигига қараб бетенциясининг ўхшашлигига қараб бет



лик ва ҳайвон организмининг биологик ҳамда биокимёвий ўзгариши (чириши ва ундан мураккаб янги моддаларнинг синтезланиши) натижасида ҳосил бўлади. Г. таркибига органик қолдиқ моддалар (оқсиллар, углеводлар, лигнин, ёғлар ва б.), уларнинг ўзгариши вақтида вужудга келган оралиқ маҳсулотлар (аминокислоталар, оксикислоталар, феноллар, моносахаридлар ва ҳ. к.) ва гуминли моддалар киради. Г. тупроқ унумдорлигини таъминловчи энг муҳим қисмдир. Унда ўсимликнинг асосий озиқ элементлари (углерод, азот, фосфор ва б.) бор. Ўсимлик қолдиқларининг чиришидан олдин бирикмалар вужудга келади. Мас., микроорганизмлар таъсирида улардан углерод, карбонат ангидрид, азот, фосфор ва олтингугурт нитратлар ҳамда сульфатлар шаклида, шунингдек, бошқа элементлар ўсимликлар ўзлаштира оладиган бирикмалар ҳолида ажралиб чиқади. Г. кальций, магний ва б. кимёвий элементларни сингдиради ҳамда тупроқда ушлаб туради, тупроқнинг минерал қисмини бир-бири б-н бириктириб, донадорликни вужудга келтиради. Бунинг натижасида тупроқнинг мустаҳкам, сувга бардошли таркиби ҳосил бўлади. Г.нинг тўпланиши ҳар йили тупроққа тушадиган органик қолдиқлар (илдиз)нинг миқдори, уларнинг биологик ҳамда кимёвий ўзгариши ва тупроқ микрофлораси характери (замбуруғли, бактерияли, анаэроб ёки аэроблиги) б-н белгиланади. Г. бирикмалари ва уларнинг тупроқда тарқалиши тупроқ типининг муҳим белгиси ҳисобланади.

Эргаш Зиямуҳамедов.

ГУН Карлис Фридрихович [1830.1(13).12, Мадлиена, Латвия — 1877.16(28).1, Давос, Швейцария] — латиш рассоми, латиш реалистик санъати асосчиларидан. Петербург БА акад. (1868) ва проф. (1870). Петербург БАда таълим олган (1854 — 61). 1863 — 71 й.ларда Парижда яшаган. Г. латиш мавзуига мурожаат қилган биринчи профессионал рассом. Жанрли асарлар («Касал бола», 1869; «Дераза олдидаги аёл», 1872), тарихий («Варфоломей тунидан лавҳа», 1870), шунингдек, манзара, портретлар (Марко Вовчак портрети, 1864) ҳам яратган.

ГУНАФША — қ. Бинафша.

ГУНАФШАДОШЛАР (Violaceae) — икки уруғ паллали ўсимликлар оиласи. Тропик ва субтропик минтақаларда кенг тарқалган. 16 туркум ва 850 тур киради. Г. бир йиллик ва кўп йиллик ўт, бута, чала бута ва паст бўйли дарахтлар. Барглари, асосан, бутун, навбат б-н жойлашган. Гуллари биттадан ёки иккитадан бўлиб, барг қўлтигидан чиқади, актиноморф ёки зигоморф. Косача ва тожбарглари 5 талан, пастки тожбаргларининг остки қисми пихга айланган, чангчиси 5 та, уруғчиси 2 — 5 та, тугунчаси устки, бир уяли. Ўзбекистонда бинафша туркумига мансуб турлари ўсади. Айрим турлари баҳорда очиладиган хушманзара ўсимлик сифатида экилади.

ГУНГЛИК, кар-соқовлик — туғма ёки чақалоқлик даврида рўй берган карлик ва шунинг оқибатида келиб чиққан соқовлик.

Г. эшитиш қобилияти сақланган ва ақлий заиф кишилардаги соқовликдан ҳамда руҳий карликдан (нутқни илгаб олишнинг бузилиши) фарқ қилади. Туғма кар боланинг тили мустақил чиқмайди (қ. *Карлик*), чунки у теварак-атрофдаги кишилар сўзини эшитмайди. Соғлом бола теварак-атрофдаги кишилар сўзини эшитиб, тақлид қилади ва шу тариқа гапиришни ўрганади. Демак, қулоғи эшитмаса, бола гапира олмайди. «Тили чиқмаган» ёки эндигина «Тили чиқаётган» боланинг қулоғи эшитмай қолса, бу Г.га сабаб бўлади. Бола эрта кар бўлиб қолса, орттирган сўз бойлигини аста-секин унутиб, гунг бўлиб қолади. Г. боланинг ёшлигида бўлиб ўтган касалликлари: *менингит, қизамиқ, грипп, скарлатина,* эшитиш аъзосининг туғма аномалиялари ва шикастланишлари натижасида рўй беради.


Боланинг гунглиги қанча тез ва эрта аниқланса, уни бу дарддан фориғ қилиш мумкин. Ҳоз. замон текширув усуллари ҳатто эмадиган боланинг ҳам эшитув даражаси қанчалик пасайганини аниқлай олади. Г.да эшитишни тиклаш ёки яхшилашга қаратилган чоратадбирлар ҳаммавақт ҳам тайинли самара беравермайди. Шунга қарамай гунг болаларни ёзма ва огзаки нутққа ўргатадиган махсус сурдологик (лот. сурдос — карлик сўзидан) муассасалар мавжуд; 16-а.даёқ гунг болаларни ўқитиш учун қўл ёки бармоқ алифбоси тавсия этилган. Гунг болалар махсус усулда ўқитилади. Ўқитиш қанча эрта бошланса, шунча яхши натижа беради. ЎзР вилоятларида, шунингдек, Тошкент ш.да ҳам гунг болаларга мўлжалланган махсус мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари мавжуд (яна қ. *Карлар мактаби*).

Қўчқор Миразизов.

ГУНИБ — Кавказ уруши (1817 — 64) даврида *Шомил* учун сўнгги бошпана бўлган Ички Доғистондаги овул. 1859 й. 23 авг.да генерал А. И. Барятинский қўмондонлигидаги рус қўшинлари Г.ни қамал қилишган. 25 авг.да узаро музокаралардан сунг Шомил 400 муриди б-н таслим бўлган.

ГУННЛАР, ҳуннлар (лот. Hunni) — мил. 2 — 4-а.ларда туркий *ҳунлар*нинг Уралолди ва Волга бўйидаги ўғур (угор) қабилалари б-н аралашувидан ташкил топган халқ. Мил. 1-а.да ҳунлар Марказий Мўғулистондан Жунгорияга сиқиб чиқарилган. Мил. 155 —160 й.ларда ҳунларнинг катта қисми Уралолди ва Волга бўйига келиб маҳаллий ўғур қабилалари б-н ягона қабила иттифоқига бирлашган ва шундан эътиборан Ғарб тарихий манбаларида гуннлар деб атала бошлаган. Г.нинг келиб чиқиши ҳақидаги ушбу қараш рус олими К. А. Иностранцев томонидан олга сурилиб, у ягона туркийзабон халқ — ҳунларнинг ғарбий тармоғини — Г., шарқий тармоғини — ҳунлар деб аташни таклиф этган. Бу фикрни кўпчилик олимлар (С. В. Киселёв, М. И. Артамонов, Л. Р. Кизласов, Н. Я. Мерперт, Л. Н. Гумилёв (Россия), Мак-Говерн (Англия), Е. Прицак (Чехия) ва б. қўллаб-қувватлашган. М. Ажи (Россия) Г.ни Дашти Қипчоқ аҳолиси — *қипчоқлар* деб атайди.

4-а.нинг 70-й.ларида Г.нинг ғарбга томон оммавий суратда силжиши бошланган. Г. *аланлар*ни тобе этиб, Баломбир бошчилигида Дон дарёсидан ўтганлар ва *Эрманарих* давлатини агдариб (375) *остготлар*нинг катта қисмини бўйсундиришган ҳамда 376 й.да *вестготлар*ни Фракияга чекинишга мажбур қилишган (қ. *Халқларнинг буюк кўчиши*). 377 й. Г. бевосита Рим империяси б-н юзма-юз келишган. Кучли отлиқ қўшинга эга бўлган кўчманчи Г.нинг шиддат б-н олға юришлари замондошларида улкан таассурот қолдирган. Бу






Гуннлар: Бешик, қўй суягидан ясалган сумак (А.Н. Бернштам археологик экспедицияси материаллари асосида)

Олтин, кумуш, ёқутдан ишланган илгак (фибула).

юришлар тафсилоти Аммиан Марцеллин (4-а) ва Иордан (6-а.) асарларида анча батафсил ёритилган. Уларнинг хабар беришларича, Г.нинг ҳаёти овчилик б-н ўтган, улар иморатлар қуришмаган, ўқларини пайкони учун темир ўрнига суякдан фойдаланишган, қабила бошлиқлари (йўлбошчилар) нинг меросий ҳокимиятидан бехабар бўлишган. Афтидан кўпроқ бу ҳол ҳунлар атрофига уюшган ўғурларга тегишли бўлган; Г. га тобе ҳудудлардан топилган 2 — 5-а.ларга оид моддий маданият ёдгорликлари Г.да қадимдан ўзига хос маданият мавжуд эканлигидан дарак беради. Ов қиладиган ерлар ва яйловларга бўлган эҳтиёж Г.нинг Европага бостириб киришларининг асосий сабаби эди. Ғарбий Рим империяси Г.дан германлар ва халқ ҳаракатларига қарши курашда иттифоқчи сифатида фойдаланди (Г.ни Полленция яқинида 402 й.да Аларихни, 406 й. Эррурияда Радагайсни, 434 й. бургундларни тор-мор этишда иштирок этишлари ва б.). 395 — 397 й.ларда Г. Сурия, Каппадокия ва Месопотамияни талон-торож этишган, 408 й. Фракияга, 415 й. Иллирияга бостириб киришган. 420 й.га келиб Паннонияда ўрнашиб олганлар. Подшо Ругила (вафоти 434 й.)нинг жияни *Аттила* даври гунн қабилалар иттифоқининг ҳудудий жиҳатдан энг кенгайган ва ҳарбий қудрати энг юксалган пайти бўлган. 445 й. Аттила тахтдоши ва амакиваччаси Бледани қатл этиб, бутун ҳокимиятни ўз қўлига олган; 448 й.га келиб шарқий вилоятларда акацирлар (М. И. Артамонов уларни Г.нинг бир қисми деб ҳисоблайди)нинг сепаратик ҳаракатлари барҳам топган. Г.нинг асосий ермулклари ва подшонинг қароргоҳи Паннонияда жойлашган.

Г. 447 й. Аттила йўлбошчилигида Шарқий Рим империясига юриш қилиб, Константинополь остоналарига етиб борганлар. Византия элчиси Приск Аттила б-н сулҳ битими тузиш ҳақида келишиб олган, унга кўра илгаридан Византия тўлаб келаётган товон миқдори оширилган. 451 й. Аттила ўзига тобе бўлган барча қабилаларни тўплаб *Галлия*га бостириб кирган, йўлида дуч келган Мец, Страсбург, Вормс, Майнц ва б. шаҳарларни эса вайрон қилган. Г. Орлеанни қамал қилишган, 451 й. 15 июнда *Каталаун жанги*да улар Ғарбий Рим империяси ва унинг иттифоқчиларидан ташкил топган қўшин б-н тўқнашган; 452 й. Италияга бостириб кирган Г. Аквилея ва Миланни талон-торож этишган. Римни қамал қилишганда Рим папаси



Гуннларнинг Галлияга бостириб кириши (ўрта аср миниатюраси).

Лев (Леон) I Аттила олдида тиз чўкиб, катта товон эвазига сулҳ тузилишига эришган. Шундай қилиб Ейиқ (Урал) дарёсидан Рейн дарёсигача чўзилган улкан ҳудуд Г. салтанати қўл остига кирган.

Аттила даврида Г.даги ижтимоий тузум уларнинг Уралолдида яшаган аждодларининг тузумидан кўп жиҳатдан фарқ қилган. Мулкий табақаланиш кучайган.

Прискнинг маълумотига кўра, Аттиланинг қароргоҳи ёғочдан ясалган улкан саройдан иборат бўлган, Г.да патриархал қулчилик кенг тарқалган.

Йўлбошчилар ҳокимияти эндиликда меросий бўлган. Бироқ Г. Европа шароитида ҳам кўчманчи ҳаёт тарзини ўзгартирмаганлар. Уларнинг ижтимоий-жамоа тузуми ҳарбий демократия босқичида бўлган. Тобе этилган қабилалар Г.га солиқ тўлаб, уларнинг ҳарбий юришларида иштирок этишарди.

Қадимдан Г. ягона осмон руҳи — Тангрига сажда қилиб, *тангричилик* динига эътиқод қилишган. Баъзи тадқиқотчилар (М. Ажи) фикрига кўра, христиан динининг жуда кўп рамзлари (мас., хоч, ибодатхоналар, ибодатлар, иконалар, черков қўнғироқлари ва б.) мил. 4-а.да Г. б-н келган. Г. болани бешикка белаганлар, от гўштини еб, сутини ичганлар. Аттиланинг вафотидан сўнг (453) ўғиллари ўртасида тахт учун бошланган ўзаро низо Г.га тобе бўлган ва гунн қабилалар иттифоқига кирувчи *гепидлар* ва б. қад. герман қабилаларининг қўзғолон кўтаришларига сабаб бўлган. Недао дарёси бўйида (Паннонияда) Г. енгилган, қабилалар иттифоқи тарқаб кетган. Г. Қора денгиз бўйларига чекинган, лекин бу ердаги ўғур қабилалари уларни тинч қўйма-

Аттила бошчилигидаги гуннлар Рим остонасида (Рафаэль Санти деворий расми, 1513; Рим, Станца д'Элиодоро).



гач, яна ғарбга томон йўл олганлар. 469 й. Фракия ҳудудига кирганларида, Византия томонидан тўхтатилганлар.

Г.нинг Ғарбий Европага қилган юришлари Ғарбий Рим империясининг таназзулга учрашига, эски ижтимоий тузум — қулдорлик тузумининг ўрнига янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланишига туртки бўлган.

Г. номи гарчи баъзан ўрта аср муаллифлари томонидан кўпгина кўчманчи қабилаларни мажозий маънода аташ учун қўлланган бўлса-да, Г. халқ сифатида барҳам топган. Г.нинг қолган-қутганлари Волга бўлғорлари тазйиқи остида шим.га силжиб чуваш халқи этногенезида иштирок этганлар. Г.нинг махсус тармоғини афтидан Дағистон Г.и (аварлар) ташкил этган. 5-а.да улар дастлаб, *сосонийлар*га қарши кўзғолон кўтарган арманларни қўллаб-қувватлашган, кейинчалик эса *Кавказ Албаниясида*ги кўзғолонни бостириш учун сосонийларга ёлланганлар. Дарбандининг шим.да, маркази Варачан ш. бўлган кичик подшоҳлик (7-а.да хазарларга вассал бўлган) Г. б-н боғлиқ бўлган деб тахмин этиш мумкин.

Европа халқлари адабиёти, санъати (рассомлик, ҳайкалтарошлик, театр) да Г. б-н, хусусан, Аттила б-н боғлиқ жуда кўплаб асарлар яратилган.

Ад.: Иностранцев К. А., Хунну и гунны, Л., 1926; Гумилёв Л. Н., Хунну. Срединная Азия в др. времена, М., 1960; Иордан, О происхождении и деяниях гетов, М., 1960.

Фахриддин Ҳасанов.

ГУНО (Gounod) Шарль Франсуа (1818.17.6, Париж — 1893.18.10, Сен-Клу, Париж ёнида) — француз композитори, органчи, дирижёр. Француз лирик операсининг яратувчиларидан ва йирик вакили. Энг яхши операларидраматургик ўзгаришларга бойлиги, маиший саҳналарнинг ҳаётийлиги, куй-оҳангларнинг самимийлиги ва француз миллий мусиқа анъаналарига яқинлиги, гармония ва чолғулаштириш воситаларининг нафислиги б-н ажралиб туради. 12 опера (жумладан «Сафо», 1850; «Фауст», 1859; «Мирейл», 1864; «Ромео ва Жульетта», 1864), 2 симфония, диний мавзудаги оратория, месса ва реквиемлар, чолғу ансамбллари, фортепиано пьесалари, хорлар, 200 дан ортиқ романс ва қўшиқларнинг муаллифи. Г.нинг «Фауст», «Ромео ва Жульетта» опералари Навоий театрида мунтазам қўйилиб келмоқда.

ГУНОҲ — диний ахлоқий тушунча. Диний ақидаларга хилоф иш ёки хатти-ҳаракатни билдиради. Г. тушунчаси қадимда турли тақиқларни бузувчи, ахлоқсиз одамнинг ҳаракати маъносида қўлланилган. Г. тушунчаси барча динларга хос. Уларнинг ҳаммасида Г. ишлар қораланади. Ислом динида ширк, яъни Аллоҳни бутунлай инкор этиш ёки унга тенг келадиган бошқа илоҳий кучлар бор деб эътиқод қилиш энг катта Г. ҳисобланади. Ширкни Аллоҳ кечирмайди. Аммо ундан бошқа катта ва кичик Г.ларни хоҳлаганича кечириши ёки маълум меъёрда жазолаши мумкин. Катта Г.ларнинг адади тўғрисида ислом манбаларида турлича фикрлар айтилган. Ота-она қаргишини олиш, сеҳржоду б-н шуғулланиш, қотиллик, зино, ёлғон гувоҳлик бериш, ўғрилик, чақимчилик, қиморбозлик, риёкорлик, фирибгарлик, ҳаром қилинган нарсаларни истеъмол қилиш, дилозорлик ва ҳ. к. катта Г. ҳисобланади. Баъзи ислом уламолари катта Г.лар сонини 300 тагача санаб ўтишган. Кичик Г.лар эса беҳисобдир.

ГУНТЕКИН Рашод Нури (1892, Истанбул — 1956, Лондон) — турк ёзувчиси, драматург, таржимон, адабиётшунос. Истанбул ун-тини тугатган (1912). Дастлабки асарлари («Эски ошна», 1917; «Ханжар», 1918; «Сирли кўл», 1921 ва б.)да киборлар жамиятига хос иллатлар фош этилган. Ёзувчининг машҳур асарларидан бири «Чолиқуши» (1922) романида турк қишлоқларининг ёркин манзараси чизилган, асар қаҳрамонлари ҳаёти, саргузаштлари тасвирланган. «Тамға» (1925), «Шафқат қилинг», «Яшил тун» (1928), «Хазонрезги» (1930) романларида замонасининг ўткир ижтимоий масалалари, инсон ва жамият, яшашнинг маъноси каби муаммоларни кўтариб чиқади. Г. 24 роман, 7 ҳикоялар тўплами, қатор пьесалар ёзган, 24 жилдли асарлар тўплами нашр этилган (1958 — 61). У «Лев Толстой» монографияси (1933) муаллифи. Г. асарлари кўп тилларга таржима қилинган. «Чолиқуши» (1959, 1965, 1968, 1988, 1999, Мирзакалон Исмоилий таржимаси) ва б. романлари ўзбек тилида нашр этилган.

ГУПСАР — қад. ўзбек ҳарбий атамаларидан бири. Қўй ёки қорамолни ёрмасдан саноч қилиб шилиб, жунини тозалаб, ичини ҳаво б-н тўлдириб, устига миниб, сувдан, дарёдан кечиб ўтадиган мешга ўхшаган мослама. Дарёдан жуда кўп киши ёки отлар, кўплаб чорва молларни ўтказиш чоғида қўй ёки қорамолнинг бир нечтасини саноч шаклида шилиб, терини ҳаво б-н тўлдириб, бир-бирига боғлаб, устига қамиш ташлаб сўнгра ўтилган.

ГУПТАЛАР ДАВЛАТИ — қад. ҳинд империяси (4 — 6-а.лар). Тахм. 320 й. Чандрагупта асос солган (ўша йилдан бошлаб Ҳиндистонда Гупталар эраси ҳисоби бошланган). Пойтахти — Паталипутра. Энг гуллаб ривожланган даври (Чандрагупта II даври тахм. 380 — 414)да деярли бутун Шим. Ҳиндистон ва б. бир қанча ҳудудларни ўз ичига олган. Скандагупта даври (455 — 467) да бўйсундирилган халқларнинг кўзғолонлари ва салтанатнинг шим.-ғарбий чегараларига *эфталийлар*нинг ҳужумлари бошланган. 5-а. охиридан парчалана бошлаган. 6-а. бошида эфталийлар Г.д.нинг ғарбий қисмини босиб олиб, уни катта товон тўлашга мажбур этишган. Г.д. Марказий Ҳиндистондаги Мандасор давлати б-н иттифоқ тузиб эфталийларни мағлубиятга учратган бўлса-да, бу урушлар натижасида ниҳоятда заифлашган ва натижада 6-а. охирида барҳам топган.

ГУПЧАК — гилдирак, шестерня, залвар масса (маховик) ва шкивнинг ўрта қисми. Ўққа ёки валга ўрнатиш учун ўртасида тешиги бўлади. Г.ка. уни тўғин б-н бирлаштирувчи кегай ёки диск ўрнатилади (қ. *Шкив*). Г. ступица деб ҳам аталади.

ГУР ТИЛЛАРИ — *нигер-конго тиллари* оиласига мансуб тиллар гуруҳи. Гур номи шартли. Товушлар бирикмаси Г. т. кўпчилиги (гурма, гурен, гурунси, гуруба ва б.)да мавжуллиги учун шундай номланган. Г.т. волтий тиллари деб ҳам аталади. Г.т. Ғарбий Африка, Мали, Нигер, Гана, Того, Бенин, Кот-д-Ивуар ва Буркина-Фасо ҳудудларида тарқалган бўлиб, қарийб 14 млн. киши сўзлашади (1991). Г.т.нинг юзга яқин тури маълум, улар турли шеваларга эга. Г.т. шеваларининг айримлари ҳали ўрганилмаган. Г.т. тилшунослар томонидан турлича тасниф қилинган. Ҳоз. Г.т. 10 гуруҳга бўлинган, уларнинг бир-биридан фарқи катталиги туфайли ҳар бири айрим гуруҳ сифатида қаралади. Ёзуви лотин алифбоси асосида.

ГУРАЛАШ — Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари чегарасидаги тог довони. Жиззах вилоятининг жан.да, Зомин тумани ҳудудида, Туркистон тизма тоғининг марказидаги *Зомин тоғ-ўрмон давлат қўриқхонаси* чегарасида жойлашган. Мутлақ бал. 3200 м. Ер усти парчаланган, ён бағирлари тик. Иқлими совуқ. Ўртача йиллик ёғин миқдори 700 — 800 мм. Атрофида арчазорлар бор. Қишда қалин қор б-н қопланиб ётади. Г.дан Гуралашсой (Сангзор дарёсининг ирмоғи) водийси орқали ўтган сўқмоқ йўлдан май—окт. ойларида пиёда ва отда ўтиш мумкин.

ГУРАМИШВИЛИ Давид [1705, Сагурамо — 1792.21.7(1.8), Миргород] — грузин шоири. Ҳарбий хизматда бўлган (1738—60). Европадаги бир қанча юришларда қатнашган. Гусарлар полкига қабул қилиниб (1738), турар жой ва ер (Миргород, Украинада) б-н таъминланган. 1760 и. истеъфога чиқиб, ижод ва деҳқончилик б-н шуғулланган. 2 достон ва лирик шеърлардан тузилган «Давитиани» (1787) автобиографик асари машҳур. Достонларида грузин халқининг ўтмиш тарихи («Грузия жароҳатлари»), деҳқон ва чўпонлар ҳаёти («Чўпон Кацвия») акс этган. Лирик шеърлари қўшиқ жанрида ёзилган ва халқ орасида кенг тарқалган. Ижоди 19 — 20-а. грузин шеъриятига катта таъсир кўрсатган.

ГУРБАХШ СИНГҲ (1895—1977) — ҳинд (панжоб) ёзувчиси. Муҳандислик коллежида (Рурқий) ва Мичиган (АҚШ) ун-тида ўқиган. «Притлари» («Севги ҳалқаси») журн.ни чиқарган (1933). «Ражкумар Латика» (1923) пьесасида деҳқонларнинг ерга эгалик қилиш учун заминдорларга қарши кураши тасвирланган. Г.С.нинг ижодида ҳинд халқининг миллий озодлик ҳаракати муҳим ўрин тутади. Унинг «Ватанпарвар» ҳикоясида тенг ҳуқуқли, фаровон жамият ҳақидаги орзу-умидлари акс этган. Г.С. 30 дан ортиқ асар муаллифи («Севги йўли», «Севги ҳикоялари», «Шабнам», «Ҳаёт шарбати», «Абадий ёнувчи машъал» ва б.). Чет эллик ижодкорлар (В. Гюго, У. Уитман, Т. Харди ва б.)нинг асарларини панжоб тилига таржима қилган. 1958 й.да Ўзбекистонда бўлган. Баъзи ҳикоялари ўзбек тилида нашр этилган.

ГУРВАК — қовуннинг серҳосил, ёзги, ўртапишар нави гуруҳи. Пўсти рангига қараб ола Г., қора Г., кўк Г., оқ Г., хиллари бор. Ола Г. уруғдан чиққандан кейин 90—105 кунда пишади. Шакли думалоқ, баъзан тухумсимон, йирик, оғирлиги 5—9 кг. Сирти текис, тўрлари йирик. Туси оқиш, тўқ яшил ҳоллари бор. Пўсти қаттиқ. Эти 7—9 см, оқ, сершира, юмшоқ, ширин, таркибида 8,8—10,4% қанд бор. Уруғи йирик, наштар шаклида, оқ. Қора Г. уруғдан чиққандан кейин 85—95 кунда пишади. Шакли думалоқ ёки тухумсимон, йирик, оғирлиги 5—7 кг. Сирти силлиқ, ҳамма жойи тўр б-н қопланган, тўрлари йирик, бир-бирига кам туташган. Туси тўқ яшил, оқиш нуқталари бор. Пўсти қаттиқ. Эти 5—7,5 см, оқ, юмшоқ, ширин, таркибида 7,2—9,2% қанд бор. Кўк Г. уруғдан чиққандан кейин 95—105 кунда пишади. Шакли думалоқ, йирик, оғирлиги 5—8 кг. Сирти текис, яшил. Пўсти қаттиқ. Эти 6—8 см, яшил, сершира, таркибида 7,4—9,7% қанд бор. Оқ Г. уруғдан чиққандан кейин 85—95 кунда пишади. Шакли думалоқ, йирик, оғирлиги 5—7 кг. Сирти текис, сертўр. Туси оч яшил. Пўсти қаттиқ. Эти 5—6 см, оқ, сершира, таркибида 7,6—10,4% қанд бор. Г. асосан Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида экилади.



Гурвак қовун нави (юқорида — оқ ва қора Гурвак; пастда — ола ва кўк Гурвак).

ГУРД (франц. gourde) — Гаити Республикаси пул бирлиги. 1880 й.да муомалага чиқарилган. 1 Г. = 100 сантимо. Валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари = 17,39 Г. (1998).

ГУРДУШ (ГЎЖАЙЛИ) ҚАБРИСТОНИ — қуйи Зарафшоннинг қад. ўзанида жойлашган, жез даврига онд қабристон. 1953 й.да Я.Ғ.*Ғуломов* томонидан ўрганилган. Г. қ.да 5 та ёрма қабр текширилган. Маййитлар буккан ҳолда бир ёни б-н дафн этилган. Чириб, кукунга айланган скелетларнинг билаклари, оёқ ва умуртқа суяклари ўрнида қимматбаҳо тошлар ва жездан ясалган қўшалоқ билагузуклар, турли хил мунчоқлар, қулоқ яқинида эса исирғалар бор. Ҳар бир қабрда сирти нақшланган 1—2 та тувакисимон сопол идиш ёки уларнинг парчалари учрайди.

Г. қ.га ўхшаш ёдгорликлар қад. Хоразм, Фарғона водийси, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида ҳам топилган. Булар мил. ав. 2-минг йилликнинг 2-ярмида Ўрта Осиё чўл ва даштларида истиқомат қилган ўтроқ чорвадор қабилаларнинг моддий маданият тарихини ўрганиш учун қимматли манбадир.

Ад.: Гулямов Я. Г., Археологические работы к западу от Бухарского оазиса. Труды Ин-та истории археологии АН УзССР, вып. 8, Т., 1956; Гулямов Я. Г., Исламов У., Аскаров А., Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана, Т., 1966.

ГУРЕВИЧ Михаил Иосифович (1892.31.12, Курск вилояти — 1976.25.11, Ленинград) — авиаконструктор. Планёрлар ва самолётларни яратиш б-н шуғулланган. Жуда баланд ва тез учадиган қирувчи самолётлар (МИГ) ни лойиҳалаган ва қурган (Ар. Микоян б-н бирга). Бу самолётлар 1941—45 й.лардаги урушда жуда иш берган. Г. кейинчалик жуда тез учадиган қирувчи реактив самолётларни лойиҳалаш ва қуришда иштирок этган.

ГУРЖИЛАР — қ. *Грузинлар.*

ГУРЗИ, гурз — қадимдан ишлатиб келинган жанг қуроли. Туркий халқлар орасида чўмоқ, чўқмор, тўпуз, булав деб ҳам юритилган. Ярим метр чамаси пишиқ ёғоч даста учига оғир металлдан тиканли қилиб ишланган шар ўрнатилган. Г.нинг олти қиррали-шашпар, сигир боши шаклли — *говсар* турлари мавжуд бўлган. Г. б-н асосан оғир суворийлар қуроллантирилган. 17-а.дан Украинада ҳукмронлик (гетманлик) белгиси сифатида қўлланилган.



Шарқда кенг қўлланилган гурзи.

ГУРЗУВОН, Гурзивон, Журзувон — Афғонистоннинг шим.да жойлашган ўрта асрлардаги тарихий шаҳар ва вилоят. 10-а.да Г. — маҳаллий ҳукмдорларнинг ёзги қароргоҳи. Г. шаҳри тоғлар орасида жойлашганлиги туфайли иқлими жуда соғлом ва мусаффо бўлган. 12-а.да мустаҳкам қалъага эга Г. ва унинг атрофидаги тоғ довонлари Маккани эслатган. 10-а.да Г.да кўплаб миқдорда яхши «набиз», яъни вино ичимлиги тайёрланган. *Муҳаммад* Хоразмшоҳнинг (13-а. боши) Г.да ўз зарбхонаси бўлган. Г.да *Ғурийлар*нинг «малик» унвонига эга бўлган ноиблари туришган. Улардан бири — Ҳусайн Ҳармил гурийлар қўшинининг илгорига қўмондонлик қилган. 15—18-а. биринчи ярмида Г.га кўплаб йирик қишлоқлар тобе бўлган. Ўрта Осиёга *Шайбонийхон* қўшинлари бостириб кирганда (1503) *Ҳусайн Бойқаро* ўғли *Бадиуззамон* мирзога Г.ни мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақида нома юборган. *Нодир Муҳаммадхон* даврида (1631) Г. Абдулазиз султонга тегишли мулк (иқто) бўлган.

Ад.: Ахмедов Б., История Балха, Т., 1982; Камалиддинов Ш. С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начала XIII вв., Т., 1996.



Гурзуф шаҳарчаси. Орқада Аюдоғ.

ГУРЗУФ — Қрим я.о.нинг жан. соҳилидаги шаҳарча, Ялтадан 10 км шим.-шарқда. Аҳолиси 11,6 мингдан зиёд киши (1990-й.лар ўрталари). Денгиз бўйи иқлим курорти. А. П. Чехов, А. С. Пушкин музейлари, 6-а. қалъаси қолдиқлари бор. Г. яқинида *Артек* болалар соғлигини тиклаш иқлимий шифохонаси жойлашган.

ГУРИЯ КНЯЗЛИГИ — Гурия ҳудудидаги давлат (14—19-а. бошлари). 16-а.да мустақилликка эришган. Ажария унинг таркибида бўлган. Кейинчалик Имеретиянинг вассали. 18-а.да Г. к. ҳудудининг бир қисми Усмонли турк империяси томонидан забт этилган. 1811 й.да Россияга қўшиб олинган, 1828 й.гача мухторият ҳуқуқига эга бўлган.

ГУРЛАН — Хоразм вилоятидаги шаҳарча (1982—1992 йилларда шаҳар), *Гурлан тумани* маркази. Яқин т.й. станцияси Шовот — 20 км. Г.дан вилоят маркази Урганч ш.гача 36 км. Ўртача т-ра июлда 26—28°, янв.да —6°. Аҳолиси 24,0 минг киши (2002). Г.да ҳокимият биноси, алоқа бўлими, меҳмонхона, 2 транспорт корхонаси, «Гурлантекс» ип газлама ва трикотаж кийимлар ф-каси, 7 умумий таълим мактаби, 8 кутубхона, маданият ва истироҳат боғи, стадион, 2 касалхона, 4 поликлиника, дорихона бор.

ГУРЛАН ТУМАНИ — *Хоразм вилояти*даги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Жан.да вилоятнинг Шовот тумани, жан.-шарқда Урганч, Янгибозор туманлари ва шим.-шарқда Қорақалпоғистон Республикаси, жан.-ғарбда Туркманистон б-н чегарадош. Майд. 0,45 минг км². Аҳолиси 111,9 минг киши (2002). Г.т.да 1 шаҳарча (*Гурлан*), 11 қишлоқ фуқаролари йиғини (Бирлашган, Вазир, Гулистон, Деҳқонобод, Дўсимбий, Олға, Сахтиён, Хизирэли, Шоликор, Эшимжийрон, Ўзбекистон) бор. Маркази — Гурлан шаҳарчаси.

Табиати. Рельефи бир оз паст-баланд текисликдан иборат бўлиб, шим.-ғарбга қияроқ. Иқлими континентал. Июлнинг ўртача т-раси 26—28°, янв.ники —6°. Йиллик ўртача ёғин 100 мм. Вегетация даври 180—200 кун. Туманнинг шим. ва шим.-шарқидан Амударё ўтади. Туман экинзорлари Қилич-бойарна, Қиётқўнғирот, Дарёлиқ, Асёп, Тўқсонарна, Нукусёп, Хизирлиёп. Янгиёп, Олғаёп, Савоёп каби канал ва ариқлардан сугорилади. Тупроғи аллювиал, ўтлоқи-ботқоқ ва шўрхок тупроқ. Туман ҳудудида кичикроқ қумликлар ҳам бор. Ёввойи ўсимликлардан оқбош, янтоқ, шўра, печак, қамиш, яқан ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан чиябўри, бўрсиқ, қуён, қобон, ондатра, паррандалардан тустовуқ, ўрдаклар учрайди.

Аҳолиси, асосан ўзбеклар, шунингдек, рус, татар, қозоқ, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам бор. 1 км² га 249 киши тўғри келади (2002). Шаҳарликлар 24,0 минг, қишлоқ аҳолиси 87,9 минг киши.

Хўжалиги. Г.т. асосан қ.х.га ихтисослашган. Пахта тозалаш з-ди, босмахона, халқ истеъмоли моллари ва пойабзал ф-калари, маҳаллий саноат корхонаси, «Гурлан» тўқимачилик мажмуаси мавжуд. Калава ип, газлама, трикотаж газлама ва тайёр трикотаж кийимлар ишлаб чиқарилмоқда. Туманда 350 хусусий ва кичик корхона ва 9 акциядорлик жамияти бор. Қ.х.да сугориладиган ерлар 28,9 минг га, экинзорлар 25,2 минг га, шундан 12,3 минг га пахта 1,6 минг га шоли, 3,1 минг га ғалла экинлари, 513 га сабзавот-полиз экинлари, 182 га маккажўхори б-н банд. Г.т.да 12 ширкат хўжалиги, 535 деҳқон-фермер хўжалиги ва б. хўжаликлар бор (2002). Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 36,9 минг қорамол, 6,1 минг қўй ва эчки, 104,7 минг паррандa боқилмоқда (2002).



2001/2002 ўқув йилида 43 умумий таълим мактабида 26,4 минг ўқувчи, 4 лицейда 837 ўқувчи таълим олди. 40 жамоат ва болалар кутубхонаси, 15 маданият уйи, 495 ўринли 4 касалхона ва диспансер, 13 амбулатория, 11 қишлоқ врачлик пункти бўлиб, уларда 293 врач, 1021 ўрта маълумотли тиббий ходим ишлайди. 1931 йилдан «Гурлан ҳаёти» туман газ. чиқади (алади 2500 дан зиёд).

«ГУРЛАНТЕКС» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — енгил саноат корхонаси. «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси таркибига киради. 1997 й.да Хоразм вилояти Гурлан ш.да ишга туширилган. Асосан пахта матоси, эркаклар, аёллар, болалар трикотаж кийимлари, спорт кийимлари ишлаб чиқаради. Йиллик лойиҳа қуввати 2500 т мато, шунингдек, 5,5 млн. дона трикотаж кийимлари. Корхонанинг лойиҳалаш ва қурилиш ишлари Туркиянинг «Язекс» корпорацияси иштирокида амалга оширилган бўлиб, Туркия, Швейцария, Италия йирик фирмаларининг замонавий технологияси ва жиҳозлари б-н таъминланган. Корхона ўз маҳсулотларини экспортга чиқаради.

ГУРОН, Хьюрон (Huron — индейслар қабиласи номидан) — Шим. Америкадаги кўл, АҚШ ва Канада ҳудудларида. Катталиги жиҳатидан *Буюк кўллар* ичида 2-ўринда. Майд. 59,6 минг км². Энг чуқур жойи 208 м. Шим. соҳиллари баланд, қояли, жан. — паст. Шим.-ғарбда Сент-Мэрис дарёси орқали Юқори кўл б-н; Макино бўғози орқали Мичиган кўли б-н; жан.да Сент-Клэр дарёси, Сент-Клэр кўли ва Детройт дарёси орқали Эри кўли б-н туташган. Г.га кўп майда дарёлар қуйилади, ундан фақат Сент-Клэр дарёси оқиб чиқади. Сув сатҳининг баландлиги деярли ўзгармайди. Дек.дан апр.гача музлайди. Кўл балиққа бой (гулмоҳи, таран, лаққабалиқ ва б.). Кема қатнайди. Йирик портлари: Сарния, Мидленд (Канада), Алпина (АҚШ) ва б.

ГУРОНЛАР (ўзларини вендат деб атайдилар) — Канадада яшовчи ирокезлар гуруҳига мансуб индейс халқи (асосан, Квебек провинциясининг Лоретвиль резервацияси). Аҳолиси 1 минг киши-га яқин (1990-й.лар ўрталари). Гурон тили унутилган, шу сабабли Г. француз тилида сўзлашадилар. Диндорлари — католиклар. 17-а.нинг ўрталарида Ирокезлар лигасига кирган қабилалар иттифоқидан иборат бўлган.

ГУРПИНОР Ҳусайн Раҳим (1864—Истанбул—1944) — турк ёзувчиси, турк адабиётида реализм оқимининг йирик вакилларидан. Дастлабки романи «Дабдаба» (1888)да олий табақа вакилларининг ахлоқий тубанлиги фош этилган, Истанбул ҳаётининг реал манзаралари тасвирланган. «Кўзгу ёхуд шукуҳ» (1888), «Иффат» (1896), «Мураббия» (1898), «Севгида тенглик» (1899) романларида турк жамиятининг деярли ярим асрлик ҳаёти акс этади. Г. «Севги изларидан» (1910) ҳамда «Думли юлдуз остидаги учрашув» (1918) романларида оила, ахлоқ масалаларига мурожаат қилган. 2-жаҳон уруши давридаги турк жамиятининг чуқур ижтимоий зиддиятлари «Эшитилмаган бир воқеа» (1919) романида, турк аёлларининг аянчли аҳволи эса «Биллур қалб», «Боғланган қўнғизлар» (1926) романларида ўз ифодасини топган. «Муҳаббат тилсими» (1928), «Уятсиз одам» (1934) каби романларида киборлар жамиятининг нуқсонлари очиб ташланган. Г.нинг «Хотинлар воизи» (1918), «Номус ва очлик масалалари» (1933), «Ерости йўлининг икки тешиги» (1934), «Менга фаришта бўлиб кўринган иблис» (1943) каби ҳикоялар тўпламлари, «Куз булбули» (1912) пьесаси ҳам бор.

ГУРУ (санскритча — диний мураббий, устоз) — Панжоб (Ҳиндистон)даги сикҳлар диний жамоаси раҳбари. Биринчи Г. — Нанак (1469—1538), сўнггиси (10-си) — *Говинд Сингх* (17-а. 2-ярми — 18-а. боши).

ГУРУЛЛАВУҚСОЙ (Гўрдибойсой) — Навоий вилояти Нурота туманидаги сой, Қоратоғнинг жан. ён бағридан (1200 м) бошланувчи 15 та ирмоқнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Г. жан. йўналишда оқиб, Зарафшон дарёсига (ўнгдан) етмасдан Қизилравот қишлоғидан шимолроқда тугайди. Уз. 21 км, ҳавзасининг майд. 52 км². Г.нинг юқори оқимида водийси тор. Қор ва ёмғир сувларидан тўйинади, кам сувли. Баҳорда тўлиб оқади.

ГУРУЧ — шолини оқлаб олинадиган асосий дон; озиқ-овқат маҳсулотларидан бири. Шоли оқланганда силлиқ, йирик Г. б-н бирга *оқшоқ* ҳам тушади. Г.нинг қайси навли шолидан олинишига қараб турлари кўп. Мас., девзира, жайдари, авангард, аланга, гулзор, қизил Г. ва б. Таркибида ўртача 14% сув, 75,2% углевод (асосан крахмал), 7,7% оқсил, 0,4% ёғ, 2,2% клетчатка ва 0,5% кул бўлади. Ватани Осиё бўлиб, шу қитъада яшовчи халқларнинг пазандачилигида асосий масаллиқ ҳисобланади. Г.дан тўйимли, тез ҳазм бўладиган таомлар тайёрланади (қ. *Шоли*).



ГУРХОН (туркча ва мўғулча «қур — ғур» — мажлис, қабилалар бирлашмаси) — илк ўрта асрларда Марказий Осиёдаги баъзи кўчманчи халқларда тенг ҳуқуқли қабилалар иттифоқига раҳбарлик қилувчи хон унвони. *Қорахитойлар* хони ихтиёрий равишда бирлашган 8 қабила уюшмаси раҳбари бўлгани учун Г. унвонига эга бўлган.


ГУС (Hus) Ян (1371—1415) — чех халқининг миллий қаҳрамони, чех Реформациясининг ғоявий раҳбари. Прага (Карлова) ун-тининг ректори (1402—03, 1409—10 й. ларда). Немислар истибдоди ва католик черковига қарши халқ ҳаракатининг илҳомчиси. Индульгенция (Рим папаси томонидан гуноҳдан кечиш эвазига пулга сотиб олинадиган хат) б-н савдо қилишни қоралаган, илк христиан ақидаларига қайтишни, руҳонийлар б-н дунёвий кишиларнинг ҳуқуқлари тенглаштирилишини талаб қилган. Констанца черков собори ҳукмига биноан ўтда куйдирилган.

ГУСАНЛАР — арман халқ қўшиқчи, достончи ва созандалари. Г. санъати Арманистонда қадимдан (дастлабки маълумотлар 5-а. ёзма манбаларида бор) маълум. Ўрта асрларда арман халқ театри иштирокчиларини ҳам Г. деб аташган. Улар турли тадбир (тўй базми, сайил, маърака ва б.)да қатнашиб, ишқ-муҳаббат, халқ қаҳрамонлари, ўйин-кулги б-н боғлиқ қўшиқларни, алла, йиғи кабиларни ижро этишган, ўзлари ҳам *монодия* услубида асарлар яратишган. 17-а.дан Г. ижоди заминида ашуглар санъати ривож топди. Г.лар фаолияти ўзбек достончилик ва бастакорлик анъаналарига яқин.

ГУСАРЛАР (венгерча бирликда — huszar) — енгил қуролланган отлиқ аскарлар. Дастлаб 1458 й. Венгрияда двокарлар. Кейинчалик лашкарлардан тузилган. Кейинчалик Г. эскадрон ва полклари кўпгина Европа давлатларининг армияларида пайдо бўлган. Польшада 16—17-а.ларда Г. — оғир кавалерия. Рус армиясида 1650 й.дан 1917 й.гача сақланган. 20-а. бошларида Россияда 20 та (шундан 2 таси гвардиячи) Г. полки бўлган.

ГУСЕНИЦА (рус.) — занжирли ғилдирак; бир-бирига ошиқ-мошиқдек бириктириладиган қисмлардан иборат туташ лента ёки занжир. Трактор, бульдозер, танк, одимловчи кранлар, қувур ётқизгичлар, экскаватор ва б.нинг ўтувчанлигини ошириш учун ишлатилади. Г.нинг ички томонида ботиқ ва чиқиқлари бор. Машина етакчи ғилдирагидаги тишлар Г. ботиқларига кириб, уни олға интилтиради. Г. машинанинг икки томонида ғилдираклар остига гўё поёндоз тўшалгандай ёйилиб боради. Г.нинг ташқи сиртидаги чиқиқлари машинанинг ер б-н яхши тишлашувини (сирпаниб кетмаслигини) таъминлайди. Г. металл, резина-металл ва резинадан ясалиши мумкин.

ГУСЛИ — торли тирнама рус мусиқа чолғуси. Г. ҳақидаги дастлабки ёзма маълумотлар 6-а.га оид. Бир неча хили мавжуд. Энг қад. тури қанотсимон (кичкина чангга ўхшаган) бўлиб, диатоник созлаги 7—12 торлардан иборат. Ундан кўпроқ рус халқ боянлари эпик асар (достон)лар жўрнавозлигида фойдаланишган. Қалпоқсимон шаклдаги, 11—36 торли Г. скоморох (масхарабоз)ларнинг асосий сози ҳисобланган. 17-а.дан шаҳар маданиятида (курси устида турадиган) кенгроқ шаклдаги, 50—60 металл торлари тортилган хроматик тури тарқалган. Г. шарқ халқлари созларидан *қонун*га, Болтиқбўйи халқлари мусиқа чолғуларидан кантеле (карел), каннель (эстон) ва б.га яқин.



Гусли.

ГУССЕРЛЬ (Husserl) Эдмунд (1859.8.4, Просниц, Моравия — 1938.27.4, Фрейбург, Брейсгау) — немис файласуфи, *феноменология* асосчиси. Гёттинген ва



Гусарлар.

Фрейбург ун-тида проф. (1916). Аввал арифметикани мантиқий асослаш б-н шуғулланди, натижада кўплик, бирлик ва сон тушунчаларини жорий этди. Г. фалсафасининг манбалари — *Платон*, *Лейбниц* таълимотларидир. Г. фалсафани аниқ фанга айлантириш, илмий билимнинг соф мантиқини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Г. борликдан ажратилган «соф онг»ни ва муайян субъект (индивид) онгини ажратиб кўрсатишга ҳаракат қилди. Унинг нуқтаи назарича, билишнинг предмети, объекти субъектнинг унга қаратилган онгидан ташқарида мавжуд бўлмайди. Предмет унга қаратилган интуиция натижасида очилади (ва яратилади). Ҳақиқат мезони — субъектнинг шахсий кечинмаларидан иборат. Г. таълимоти *экзистенциализм*, фалсафий антропологияга таъсир кўрсатди.

ГУСЧИЛАР ҲАРАКАТИ (1419—37) — чех халқининг католик черковига, мулкдорлар зулми ва немис зўравонлигига қарши кураши. *Гус* Яннинг ўтга ташлаб ўлдирилиши Чехияда оммавий норозиликни авж олдирди. 1419 й. халқ тарғиботчилари — гусчилардан Микулаш, Ян Чапек ва б.нинг чақириғи б-н минглаб деҳқонлар Табор, Ореб, Беранек тоғларида йиғилиб, ўзларини гусчилар деб аташди. 1419 й. 30 июлда Прага ш. камбағалларининг Ян Желивский бошчилигида кўтарилган исёни, қуролли курашнинг бошланиши бўлиб, бутун Чехияга ёйилди. Чехия икки душман лагерга — олий руҳонийлар, чех панлари, немис зодагонлари ва қуйи дворянларнинг бир қисмидан иборат мулкдор католикларга ва гусчиларга бўлинди. Гусчиларда мўътадил ва радикал икки қанот пайдо бўлди. Панлар, рицарлар, ўрта руҳонийлар, бой ҳунармандлар, чех зиёлиларидан иборат мўътадил гусчилар — чашниклар черков ерларини давлат ихтиёрига ўтказиш, мустақил чех миллий черковини ташкил этиш ва черковни ислоҳ қилиш ҳаракатидан нарига ўтмадилар. Деҳқонлар ва шаҳарлик фуқароларнинг кенг табақаси, руҳонийлар, майда дворянларнинг бир қисми ва ҳунармандлардан иборат радикал қанот — таборитлар жамияти черковни ислоҳ қилиш, хусусий мулкни ва мулкдорларга берилган имтиёзларни бекор қилиш тарафдори эди. Кейинчалик чашниклар сотқинлик қилиб, католикларга қўшилиб кетдилар. Таборитлар енгилганига қарамай католик черковига зарба берилди, деҳқонлар крепостнойлик асоратига тушишдан иккинчи марта қутулиб қолди.

ГУСЯНТУНЬ — Хитойнинг Харбин ш. яқинидаги манзилгоҳ. Ўрта палеолит даврига мансуб. 1926 й.да очилган, 1931—34 й.ларда ўрганилган. Сўнгги *плейстоцен* даврида яшаган ҳайвонлар (мамонт, йўлбарс, антилопа, бугу, туяқуш ва б.) нинг 10 мингдан ортиқ суяги топилган. Суяк (бигиз, искана) ва тош (пичоқ, қисқич ва б.) дан ясалган меҳнат қуроллари бор.

ГУТЕНБЕРГ (Gutenberg) Иоганн (тахм. 1399 — Майнц — 1468.3.2) — немис ихтирочиси, Европада китоб босиш асосчиси. Пул зарб қиладиган жой (зарбхона)да ишлаб, металлдан шрифт қуйишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. 1438 й.да Страсбургда *босмахона* ташкил этади. 15-а.нинг 40-й.ларида босмахона жараёнининг технологиясини ишлаб чиқиб, ҳаракатланувчи *литера*ни қўллаб босма қолипларини тайёрлаш усулини ихтиро қилди, дастаки ҳарф (сўз) қуйиш қурилмасини яратди, босма прессни қурди. Гарт ва босмахона бўёқларини таклиф қилди. 1447 й.дан Майнцда дарслик ва оммабоп нашрларни (астрономик календарь ва б.) ни чоп этган. 1452—55 й.ларда Библиянинг 300 нусхасини лотин тилида босиб чиқарган.

ГУТИЙЛАР (кутийлар, гутейлар) — қад. ярим кўчманчи қабилалар (мил. ав. 3—2-минг йиллик). Ҳоз. Эрон ясситоглигининг ғарбида яшашган. Мил. ав. тахм. 2200 й.да *Аккад*ни тор-мор келтиришган. Мил. ав. 1-минг йилликда Месопотамия аҳолиси улардан шим. ва шарқда яшаётган халқларни Г. деб аташган.

ГУТТАПЕРЧА (инг. guttapercha, малайя тилида getah — смола ва pertja — шу смолани ажратиб чиқарадиган дарахтнинг, шунингдек, Суматра о.нинг бир номи) — асосан тропик ўсимликлар ширасидан олинадиган каучуксимон модда. Мол. м. 2000—2500. Зичлиги 940-960 кг/м³, суюқланиш т-раси 64—74°. Г. оқиш-кулранг ёки сарғиш-жигарранг чармсимон модда. Тоза Г. — гутта $(C_5H_8)_n$ транс-полиизопрен (90% гача) смола, оқсиллар, тузлар ва сувдан иборат юқори молекулали бирикма. Бересклет ва эвкоммия ўсимликларидан олинади.

Г. спирт ва ацетонда эримайди, бензол, бензин, углерод сульфилда, хлороформда эрийди. 50—70° да юмшаб пластик ва ёпишқоқ елимсимон ҳолатга келади. Олтингугурт таъсирида каучук сингари вулканланади, сув ўтказмайди, электроизоляцион хоссаси юқори. Сув ости кабеллари учун ҳимоя материали сифатида ишлатилади.

ГУТТАПЕРЧАЛИ ДАРАХТЛАР — ширасидан таркибида *гуттаперча* бўладиган ўсимликлар. Барги оддий, меваси — резавор. Ҳиндихитой ярим о., Катта Зонд, Филиппин о.лари, Янги Гвинея ва Африканинг жан. шарқий қирғоқларида ўсади. Гуттаперча, асосан, Зонд о.ларида ва Малакка ярим о.ида ўсадиган дарахт (Palaquium gutta)дан пўстини тилиб қуйиб, ширасини оқизиш йўли б-н олинади. Битта етук дарахт 0,3—3,2 кг гуттаперча беради. Г.д. тропик мамлакатлардан Европага дастлаб 1656 й.да келтирилди. Қримда, Қора денгиз қирғоқларидаги нам субтропик минтақаларда қайратчечимон эвкоммия (Eucommia ulmoides) ўсади.

ГУТТАЦИЯ (лот. gutta — томчи) — ўсимлик барглари дагы безчалар — гидатодалар орқали сувнинг томчилар ҳолида ажралиши. Г. илдиз қабул қилган сув барглар буғлатган сувдан ортганда (кечаси, тонгда, нам атмосферада) рўй беради. Г. ўсимлик тўқимасидаги сув мувозанатини тартибга солиб туради. Мас., сернам тропик ўрмонларда ўсадиган Colocasia nimphaefolia ўсимлигининг битта барги бир кечада 100 мл сув ажратади. Г. буғлой майсаларида, қулупнай, терак ва тол барглари ҳам содир бўлиб туради.

ГУТТУЗО (Guttuso) Ренато (1912.2.1, Сицилия — 1987) — итальян рассоми ва графиги, жамоат арбоби. Римдаги БА акад. (1960). Антифашистлар ҳаракати иштирокчиси, 2-жаҳон уруши даврида Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида қатнашган. Италия санъатида ижтимоий реалистик йўналишни бошлаб берган; халқ ҳаёти ва инқилобий кураш мавзуидаги қаҳрамонона лавҳалар, замонавий дунё қарама-қаршиликлари акс этган драматик таъсирчан, умумлашма шакллари б-н ажралиб турувчи асарлар муаллифи. Ижодида манзара ва натюрморт алоҳида ўрин тутади: «Отиш» (1938), «Бизга худо ёр» расмлар туркуми (1944—45; Тинчлик Олтин медали, 1950), «Сицилиядаги бўш ерларни эгаллаш» (1948—50), «Гаррибалдининг Аммиральо кўпригидаги жанги» (1951—52), «Оломон» (1960), «Сават, омбур ва болға» (1961), «П. Тольятти ўлими» (1965), «Янгиликлар» композицияси (1971) ва б. Г. ижоди итальян рассомлари, шунингдек, Европа мамлакатларининг бир қатор рассомлари ижодига кучли таъсир кўрсатган.

ГУУАМ — минтақавий ташкилот (атама ташкилотга аъзо бўлган давлатлар русча номлари бош ҳарфларини билдиради). Унга 1996 й.да Вена ш. (Австрия)да Грузия, Украина, Озарбайжон ва Молдова давлат раҳбарлари томонидан асос солинган. 1999 й. апр.да ташкилотга Ўзбекистон ҳам қўшилди. Тузилманинг асосий мақсади Осиё-Кавказ-Европа йўлагини ишга солиш, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришдир. Ўзбекистон ушбу тузилма таркибига кириши туфайли Туркманбоши (Туркманистон) портидан Каспий денгизи орқали Бокуга, ундан т.й. воситасида Грузия ғарбий портларига чиқиш ва ниҳоят, Қора денгиз орқали Болгария, Руминия, Туркия, Греция ҳамда Европанинг бошқа мамлакатлари б-н савдо қилиш, маҳсулотларни кам чиқим б-н хорижий шерикларга етказиб бериш имкониятидан фойдаланади. ГУУАМ ҳеч қандай сиёсий ёхуд ҳарбий-сиёсий мақсадларни кўзда тутмайди ва ҳеч бир давлатга ёки халқаро ташкилотга қарши қаратилган эмас.

Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг Ялта (2001 й. июнь) учрашувида ГУУАМ хартияси қабул қилинди. ГУУАМ доирасида ягона ахборот маконини, эркин савдо зонасини вужудга келтириш масалалари, транспорт коммуникацияси, савдо-иқтисодий алоқалар б-н бир қаторда илм-фан, технология ва ижтимоий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари тўғрисида келишиб олинган.

ГУЦУЛ ОТИ — юк тортиш ва салт минишга мўлжалланган от зоти. Карпат тоғлари кенгликларида қадимдан ўтроқлашиб қолган украинлар (руминлар уларни «гуцуллар» деб атайдилар) томонидан чиқарилган. Турли хил ишларда фойдаланиш мумкин. Тоғ шароитига ўта мослашган. 100—150 кг юк б-н бир кеча-кундузда тоғ йўллари орқали 100 чақирим масофани босиб ўта олади. Озуқа ва шароит танламайди. Жуссаси кичикроқ, туси жийрон ва малла, ялғин бал. 132—136 см, танасининг уз. 137—145 см, кўкрак қафаси айланаси уз. 154—160 см, тўпиғи айланаси 16—17 см. Украинанинг тоғли ва тоғ олди вилоятларида, Чехия, Словакия, Венгрия, Руминия ва Австрияда урчитилади.

ГУШ — *экзема*нинг халқ ўртасида тарқалган номи.

ГУШСОЙ, Ёнғоқлисой — Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги сой. Оҳангарон дарёсининг чап ирмоғи. Қурама тизмасининг шим.-ғарбий ён бағридаги Понғоз довонидан бошланади. Уз. 25 км, ҳавзасининг майд. 142 км². Г. юқори ва ўрта қисмида анча тор, қуйи қисмида эса нисбатан кенг водийда шағал ва харсанггошли ўзанда оқади. Ҳавзаси кичик бўлганлиги ва паст тоғлардан оқиб тушганлиги учун Г. камсув, унинг ўртача йиллик сув сарфи қарийб 1 м³/сек. Г. асосан қор-ёмғирдан сув олади, эрта баҳорда тошади. Сув сугоришга сарф бўлиши ва ўзан остига сизиб кетиши туфайли этак қисми кўпинча қуриб ётади.

ГУШТАСП (юнон манбаларида «Ҳустоспа», *Авесто*да «Виштаспа») — *каёнийлар* сулоласининг бешинчи ҳукмдори, Эрон подшоҳи *Лухроспнинг* ўғли ва тахт вориси. Ривоятларга кўра, Г. даврида *Зардушт* ўз диний таълимотини тарғиб этишга киришган. Г. уни саройга чорлаб *зардуштийлик*ни қабул қилган ва бу динни давлат дини, деб эълон қилиб, мамлакатда кўплаб *оташкада*лар қурдирган, Авестони олтин тахталарга ёздириб, марказий ибодатхонага қўйишни буюрган. *Аржасп* Эронга бостириб кириб, Лухроспни қатл этгач, Г. отасининг ўчини олмоқ учун ўғли *Исфандиёр*ни катта қўшин б-н Туронга жўнатган. Исфандиёр ғалаба б-н қайтгач, Г.дан тахтни талаб қилган. Шунда Г. Исфандиёрдан қутулиш мақсадида уни *Рустам*ни банди қилиб келтириб, тирмоқ учун Сейистонга юборган, аммо Рустам жангда ғолиб келиб Исфандиёрни ўлдирган. Шундан сўнг, Г. бир қанча вақт ҳукмдорлик қилгач, тахтни ўз ихтиёри б-н набираси Баҳманга топшириб, тоат-ибодат б-н машғул бўлган.

ГУЮКХОН (1205—48) — мўғуллар империясининг улуғ қоони (1246—48). *Ўқтойхон* (Угедай) (1186—1241)нинг тўнғич ўғли. Чингизхоннинг набираси. 1236—41 й. мўғул шаҳзодаларининг *Батухон* бошчилигида Россия ва Шарқий Европага қилган босқинчилик юришларида қатнашган. Лекин отасининг вафотини (1241 й.март) эшитиб, шошилинч равишда ўз юртига қайтиб келган. 1246 й. сент.да Қорақурумда бўлиб ўтган Чингизхон авлодлари қурултойида Г. қоонлик тахтига ўтқизилган. Отаси вафотидан кейин ўтган 5 йил мобайнида давлатни онаси Торайхон хотун бошқариб турган. Г. ҳукмронлик даврида Кавказнинг жан. шарқий қисми, Кореянинг бир қисми боқий қисми, Хитой ва Эронни босиб олинган. Хитой ва Эронни босиб олиш учун кураш давом эттирилган. *Чиғатой улус*ининг ички ишларига аралашган. Г. *Олтин Ўрда* ҳукмдори Боту хонга қарши урушга отланиб йўлга чиққанда тўсатдан вафот этган.

ГФР (BRD) — *Германия* Федератив Республикасининг қисқартма номи.

ГХАССУЛ МАДАНИЯТИ — энеолит даврининг (мил. ав. 5-минг йилликнинг охири — 4-минг йиллик) археологик ёдгорлиги, Иордан дарёсидан шарқ томонда (5,5 км узоқликда) жойлашган. Телайлат-Гхассул қишлоғидан топилгани учун шу ном б-н аталади. Асосан, Трансиордания ва Фалестинда тарқалган. Г. м. хом ғиштдан тикланган тош пойдеворли уй-жойлардан иборат. Баъзи уйлар деворининг ички қисмида ҳар хил нақшлар бор. Қадаҳсимон ва конуссимон узун, қўш дастали сопол идишлар, турли тош буюмлар кўп топилган. Ўликлар тош қабрларга яккаякка кўмилган.

Ад.: Чайлд Г., Древнейший Восток в свете новых раскопок, М., 1956.

ГЬЕЛЛЕРУП (Gjellerup) Карл (1857.2.6, Дания — 1919.11.10, Германия) — Дания ёзувчиси. Дания ва немис тилларида ижод қилган. Илк романи «Идеалист» (1878)да ёшлар ҳаёти ва аёлларнинг ижтимоий аҳволи акс этган. Г. ижодининг дастлабки босқичида Г. Брандес бошчилигидаги либерал оқим тарафдори бўлган. «Дўлана» (1881) шеърий тўплами мазкур оқим ва унинг етакчисига бағишланган. Кейинчалик А. *Шопенгауэр* фалсафаси б-н шуғулланган. «Минна» (1889) романи тор амалиётчилик б-н идеализм ўртасидаги конфликтни тасвирлаган, «Тегирмон» (1896) романи Дания деҳқонларининг ҳаёти ҳақида.

Г. гарчи В. *Гёте*, Ф. *Шиллер* ва И. *Тургенев* асарларини юксак бадиийлик намунаси ҳисобласа ҳам, кейинги ижодида *декадентлик*нинг таъсири сезилди. У диний мавзу б-н ҳам қизиққан («Пилигрим Каманита», 1906; «Тангрининг дўстлари», 1916 ва б. романлар). Г. драмалар, танқидий ва тарихий тадқиқотлар муаллифи. Нобель мукофоти лауреати (1917).

ГЬЯТСО Тэнзин (1935.6.7, Тақцэр қишлоғи, Тибет) — 14-*далай-лама*. Деҳқон оиласида туғилган. 1940 й. 22 фев.да уни далай-лама тахтига кўтариш маросими бўлган, сўнг ўқиш йиллари бошланган. Мантиқ, тибет санъати ва маданияти, санскрит, тиббиёт, будда фалсафаси, шунингдек, шеърият, мусиқа, драма санъати, мунаҳжимлик, нотиқлик илмини ўрганган. 24 ёшида илоҳиёт д-ри даражасини олган. 1956 й. Тибет миллий ассамблеясининг фавқулодда сессияси диний ва дунёвий ҳокимиятни тўлалигича эгаллашни сўраб Г.га мурожаат қилди. Хитой армияси бўлинмалари б-н Лхаса (Тибет) даги маҳаллий аҳоли ўртасида қуролли тўқнашув бўлганда (1959) Г. қон тўкилишининг олдини олиш учун юртидан чиқиб кетишга мажбур бўлди. 1960 й.дан буён Ҳиндистонда, Дхармсала ш.да яшайди. У қувғиндаги «Тибет ҳукумати»нинг бошлиғи ҳисобланади. Г. ўнлаб китоблар ёзган. У ўз асарларида

чет элларга сафарлари чоғида *буддизм*ни, тибет маданиятини, зўрлик ишлатмаслик, атроф муҳитни ифлослантирмаслик ғояларини тарғиб қилади. Тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатган фаолияти учун Нобель мукофотига сазовор бўлган (1989).

ГЭЛ ТИЛИ (гаэл, шотланд, эр тили деб ҳам аталади) — ҳинд-европа тиллари оиласининг *кельт тиллари* гуруҳига мансуб. Шим.-Ғарбий Шотландия, Гебрид о.лари ва Канаданинг Янги Шотландия вилоятида тарқалган. Г.т.да 100 мингга яқин киши сўзлашади (1991). Г.т. *ирланд тили*нинг диалекти ҳисобланади, 11—13-а.ларда ирланд тилидан ажралиб чиққан. Фонетик хусусиятларига кўра Г. т. 3 шева (шарқий, жан.-ғарбий ва ғарбий)га ажралади. Бу шевалар ўртасида фарқ кам. Г.т.да скандинав тилларидан ўзлашган сўзлар кўп. Г.т.даги ёзув ёдгорликлар 16-а. бошларига оид. Бадиий адабиёт, матбуот, радиоэшиттиришлар шу тилда олиб борилади, таълим соҳасида қўлланилади. Ёзуви лотин алифбоси асосида.

ГЭЛЛАР, гаэллар, гойделлар, хайлендерлар — Шим.-Ғарбий Шотландиянинг тоғли р-нлари ва Гебрид о.ларида яшовчи шотландларнинг этник гуруҳи. Г. қад. кельт қабилаларига мансуб бўлиб қадимда Ирландияга кўчиб келиб, маҳаллий аҳоли б-н аралашиб ирланд элатини шаклланишига асос солган (қ. *Ирландлар*). Г.нинг бир қисми (*скоттлар*) 5—6-а.ларда Шотландияга кўчиб, пикта қабилалар гуруҳи б-н бирлашиб шотланд элатини шаклланишида иштирок этган (қ. *Шотландлар*). Умумий сони 80 минг кишидан ортиқ (1990-й.лар ўрталари). Гэл тилида сўзлашади (инглиз тилини ҳам билишади). Диндорлари — католиклар.

ГЭС — *гидроэлектр станция*нинг қисқартирилган номи.

ГЭС КАСКАДИ — битта дарё ёки сув ҳавзасига поғонали тарзда қурилган ва умумий сув хўжалиги режими б-н боғланган гидроэлектр станциялар мажмуи. ГЭС к. дарёнинг энергетик ресурсларидан тўлароқ фойдаланишга, ГЭС қувватини оширишга, манёврчанлик шароитини яхшилашга имкон беради. ГЭС к. қурилиши катта дарёларда транспорт ҳаракатини ҳам яхшилайди. Мас., Волга-Кама (Россия) ва Днепр (Украина) ГЭС к. Каспий, Азов, Қора, Балтика ва Оқ денгизларида ягона транспорт тизимини бирлаштиради. Ҳозир Ўзбекистонда умумий қуввати 1,4 МВт бўлган Тошкент, Чирчиқ, Бўзсув, Самарқанд, Шаҳрихон ва б. ГЭС к. ишлаб турибди (2001) (яна қ. *Гидроэлектр станция, Гидроэнергетика*).


ГЮБНЕРИТ [немис минералоги А. Гюбнер номидан] — *вольфрамит*нинг марганецга бой тури.

ГЮГО (Hugo) Виктор Мари (1802.26.2, Безансон — 1885.22.5, Париж) — француз адиби, романтизмнинг йирик намояндаси. Дастлабки асари — «Қасидалар» (1821) шеърлар тўплами монархия ғоялари таъсирида бўлиб, 20-й.ларнинг 2-ярмидан демократик қарашлари мустаҳкамлана борган. Исёнкорлик руҳи б-н суғорилган «Кромвель» (1827), «Шарқ мотивлари» (1829), «Марион Делорм» (1829), «Эрнани» (1830), «Рюи Блаз» (1838) ва б. шеърий ва драматик асарларида даврнинг долзарб масалалари акс этган. «Париждаги Биби Марям иботхонаси» (1831) тарихий романи воқеалари ўрта асрда бўлиб ўтади, асарда муҳаббат фожиаси тасвирланади. 1848 й.даги инқилобни олқишлаган. Луи Бонапартнинг давлат тўнтаришини (1851) қоралаган. Шундан сўнг 18 йил сургунда бўлиб, қатор романлар ёзган. «Пакана Наполеон» (1852), «Хўрланганлар» (1862), «Денгиз заҳматкашлари» (1866), «Кулиб турувчи киши» (1869), «Бир жиноят тарихи» (1877—78) романларини ёзиб, уларда оддий французларнинг оғир ҳаёти ва курашини тасвирлайди. Г. романларидаги буюк ва олижаноб инсонлар турмушдаги пасткашликлар ва иллатларга қарши курашишади. «Даҳшатли йил» (1872) шеърлар тўплами француз-прусс уруши ва Париж Коммунаси (1871) воқеаларига бағишланган. Сўнгги «93-йил» романи (1874)да инқилобга хайрихоҳлик б-н қараган. «Денгиз заҳматкашлари» (1938, 1965), «Хўрланганлар»нинг «Козета» ва «Гаврош» бўлимлари (1952, 1955), «Бюг Жаргал» (1982) Қ. Мирмуҳамедов, Нурбек, Э. Обидов таржимасида ўзбек тилида нашр қилинган, «Кулиб турувчи киши» Навоий театрида саҳналаштирилган (1966).



ГЮЙГЕНС (Гейгенс; Huyegens) Христиан (1629.14.4 — Гаага — 1695.8.7) нидерландиялик физик, механик, математик ва астроном. Лондон Қиролик жамияти аъзоси (1663), Париж ФА аъзоси ва унинг раиси (1665 й.дан). Лейден ун-тида (1645—47) ва Бред ун-тида (1647—49) ўқиган. Биринчи илмий иши *аналитик геометрия*га бағишланган. Биринчи бўлиб маятникли соатни ихтиро қилган (1657), унинг назариясини яратган, физик маятник тебранишлари қонунларини аниқлаган, зарба назариясига асос солган. Ёругликнинг тўлқин назариясини ривожлантирган (1678); ёругликнинг тарқалиш механизмини тушунтириб, унинг номи б-н аталувчи (*Гюйгенс — Френель принципи*) ни илгари сурган (1690); анизотропик муҳитда нурнинг иккига ажралишини тушунтириб берган. Р. *Гук* б-н ҳамкорликда термометрнинг доимий нуқталари — музнинг эриш нуқтасини ва сувнинг қайнаш нуқтасини аниқлаган. Телескопни такомиллаштирган; ўз номи б-н аталувчи окуляр ясаган. Сатурн ҳалқалари ва унинг йўлдоши (Титан)ни кашф қилган (1655). Г. эҳтимоллар назариясига оид дастлабки асарлардан бирининг муаллифи (1657).

ГЮЙГЕНС — ФРЕНЕЛЬ ПРИНЦИПИ — тўлқин оптикасининг асосий принципи; тўлқинлар (ёруглик тўлқинлари)нинг тарқалиши ҳақидаги масалаларни ечиш усули. Х. *Гюйгенс* принципига (1690) асосан фазонинг тарқалаётган тўлқин етиб борган ҳар бир нуқтаси айни шу пайтда элементар сферик тўлқинлар манбаи деб қаралади. Бу элементар тўлқинларни туташтирувчи уринма эгри чизиқ тўлқиннинг янги фронти ҳисобланади (1-расм). Бу принцип тўлқинларнинг тарқалишини аниқлайди, лекин *дифракция* ҳодисасини тушунтириб бера олмайди. Бу камчиликни О. Ж. *Френель* 1818 й.да бартараф қилди. У тўлқинларнинг амплитуда ва фазаларини ҳисобга олиб, Гюйгенс принципини элементар тўлқинларнинг когерентлиги ва интерференцияси тўғрисидаги тушунча б-н тўлдирди. *S* сирт (2-расм) тўлқин фронтининг маълум бир вақтдаги тасвири бўлса, *P* нуқтадаги тебранишларни аниқлаш учун *S* сиртнинг барча элементларидан *P* нуқтага етиб келувчи тебранишларни қўшиш керак. ΔS элементидан *P* нуқтага етиб келувчи тебранишлар амплитудаси шу элемент ўлчовларининг катталигига, *r* масофага ва α бурчак катталигига боғлиқ бўлади. Бу икки принцип биргаликда Г.— Ф. п. дейилади. Г.— Ф. п.ни Г. Р. *Кирхгоф* 1882 й.да математик жиҳатдан асослаб берди. Г.— Ф. п. оптиканинг асосий принципларидан бири; унинг ёрдамида дифракция ҳодисаси б-н боғлиқ кўпгина масалалар ҳал қилинади.



1-расм. 2-расм


ГЮЛЬСТРАНД (Gullstrand) Альвар (1862—1930) — Швеция офтальмологи. Кўз оптикаси устида тадқиқот олиб бориб, симметрия тескислигига боғлиқ ҳолда *астигматизм*нинг уч турини аниқлади; нурнинг синиш ва қайтариш системаларини «диоптрияларда ҳисоблаш» деб аталадиган янги усулни ишлаб чиқди. Бинокуляр рефлексиз офтальмоскоп, тирқишли лампа, лупа-кўзойнак каби асбоблар ихтиро қилди. Нобель мукофоти лауреати (1911).

ГЮМРИ (1840 й.гача расмий номи Кумайри, 1840—1924 й.ларда Александрополь, 1924—91 й.ларда Ленинакан) — Арманистондаги шаҳар. Т.й. тугуни. Аҳолиси 122,6 минг киши (1990). Енгил, машинасозлик, озиқ-овқат саноати корхоналари, пед. ин-ти, 2 театр, ўлкашунослик музейи, суратлар галереяси, «Гюмри» тарих-архитектура қўриқхонаси бор. Г. ҳудудидаги қишлоқ мид. ав. 5-а. дан маълум. Г. 1988 й.дек.даги фожиали зилзила оқибатида жиддий зарар кўрган.

ГЮРЗА — қ. *Кўлборилон*.

ГЯУРОВ Николай (1929.13.9, Велинград, Болгария) — опера хонандаси (бас). Болгария халқ артисти (1962). Париждаги Халқаро хонандалар танлови ғолиби (1955). 1956 й.дан Европа ва Америка йирик опера театрлари (мас., Москвадаги *«Катта театр»*, Миландаги *«Ла скала»* ва б.)да яккахон хонанда. Ниҳоятда кучли, кенг ва чиройли овоз соҳиби. Энг яхши партиялари: Борис, Варлаам (М. Мусоргский, «Борис Годунов»), Рамфис, Падре Гардиано (Ж. Верди, «Аида», «Тақдир қудрати»), Дон Жуан, Лепорелло (В. Моцарт, «Дон Жуан»), Мефистофель (Ш. Гуно, «Фауст») ва б.

ГЎДАК, эмадиган бола — бир ёшгача бўлган бола (шартли равишда туғилганидан кейин тўрт ҳафтагача — чақалоқ). Г. организми ҳали тузук ривожланмаган, аъзолари такомиллашмаган, турли хил касалликларга тез чалинадиган, шу сабабли синчиклаб парвариш қилишга муҳтож бўлади. Бу даврда боланинг бўйи ва вазни тез ўсади, унда энергия сарфи ортади, шу боис унинг кўпгина, хусусан ҳазм, нафас, юрак-томир ва б. системалари фаолияти жадал такомиллаша боради. Болани яхши парвариш қилинса ва тўғри, иложи борича она сути б-н боқилса, у соғлом бўлиб, вазни ошаверади. Г. учун энг зарур овқат — *она сути*, унда боланинг соғлом ва тўғри ўсиши учун зарур моддалар — оқсил, ёғ, углевод, туз, сув, витаминлар, шунингдек, ҳимоя антителолари бор, улар бола ҳаётининг дастлабки ойларида баъзи бир юқумли касалликлардан сақлаб қолади. Кўкрак сути бошқа овқатларга қараганда яхши ҳазм бўлади ва тўла-тўкис сингади, таркибида микроблар бўлмайди. Боланинг нормал ўсиши уни бекаму кўст овқатлантиришга боғлиқ. Бола бир ойлик бўлишига яқин бўйи 3—3,5 см, бир ёшида эса 25—27 см узаяди. Дастлабки 3 ойда вазн ҳафтасайин 200—250 г дан, 6- ойларда 150—200 г дан ошиб боради. 6 ойлик Г. вазни туғилгандаги вазнига нисбатан икки ҳисса, 1 ёшида уч ҳисса ошади, бу даврда вазни 10—11 кг га етиб қолади. Боланинг ҳаракат фаолияти ва психикаси жуда тез ривожланади: аввалига бола ўтира бошлайди, кейин эмаклаб кетади ва ниҳоят, тураднган бўлади, ота-онасини танийди. Бир ёшга яқин аввал катталар ёрдамида, кейин ўзи юради; тили чиқади ва мурғак қиёфасига киради; у нимжонлигига қарамай ўзининг ҳиссиётлари, кечинмалари бўлади. Бу даврда бола организмининг ҳамма аъзо ва системалари яна ҳам ривожланади, бироқ унча такомиллашмаган ва ўзига хос бўлади. Териси нозик, салга шикастланадиган ва ўзига хос парваришни талаб этади. Дастлабки 3—4 ойда тер безлари функцияси сust бўлиб, бу иссиқлик идора этилишини ёмонлаштиради, ҳарорат ўзгарганида бола салга иссиқлаб кетиши ёки совқотиши мумкин. Г. ярим ёшлигида айниқса юзда тери ости ёг қавати яхши ривожланади. Г. ҳаётининг дастлабки ойларида суякларн қисман тоғаи тўқимасидан иборат бўлиб, бора-бора суяк тўқимасига айланади. Тоғайлар соҳасида суякланиш нуқталари пайдо бўлади. Катта лиқилдоқ кечи б-н 1,5 ёшга бориб ёпилади; калла суяклари оралиғидаги чоклар 3—4 ойга бориб секин-аста зичлашади. Боланинг умуртқа поғонаси жуда майин бўлиб, салга қийшаяди. Бола нотўғри парвариш қилинса, у соф ҳавода кам бўлса, скелетининг шаклланиши бузилади — бу рахит ва б. касалликларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Тахм. 6 ойгача болада тиш бўлмайди; 6—8 ойликда тиш чиқа бошлайди, бола бир яшарлигида 8 та тиши бўлади. Тиш чиқиши маромида, ҳеч қандай касаллик аломатларисиз кечади, баъзан тиши чиқаётган бола инжиқ бўлиб қолади; дармонсизланиш, уйқусизлик, иситмалаш, ич кетиши ва б. кузатилиши мумкин. Бу вақтда дарҳол врачга мурожаат этиш керак.



Гўдак ҳаракат функциясининг ривожланиш схемаси (ойлар бўйича).

Г. ҳаётининг дастлабки ойларида ҳазм аъзолари фақат она сутини ҳазм қила олади, 1,5—2 ойлигида витаминларга бой сабзавот ва мева шарбатлари, астасекин 4—5 ойлик бўлганида сутли ва сабзавотли омухталар, 6—7-ойларга келиб гўштли (қиймаланган) овқатлар ва творог бериш мумкин. Бола 10—12 ойлик бўлганида хилма-хил овқатларни бераверса ҳам бўлади. Болага овқатни маълум тартиб-қоидаларга амал қилган ҳолда, унинг мурғаклигини назарда тутиб тайёрлаш талаб этилади. Акс ҳолда меъда-ичак ва моддалар алмашинувининг турли касалликлари тез авж олади. Бу даврда Г.нинг мускул системаси ҳали тузук ривожланмаган бўлиб, бола ўсган сари у такомиллашиб, бирмунча кучли, чидамли бўлиб боради. Болани мунтазам бадан тарбия қилдирилганда мускуллари жуда тўғри ва бекаму кўст ривожланади. Нафас мускуллари анча ривожланади ва кўкрак қафаси нафас олишда фаол қатнашади: ўпка сиғими катталашади. Бу ёшда ўпкага анча зўр келади. Нафас йўлларининг шиллиқ қавати нозик бўлади, шу сабабли, бола пала-партиш парвариш қилинса, нафас аъзолари бот-бот касалланади. Юрак-томир системаси бирмунча ривожланиб, такомиллашиб боради, юрак вазни ортаверади. Юрак-томир системасининг ўзига хос хусусиятлари қон айланишини осонлаштиради. Сийдик-таносил аъзолари ҳам ривожланиб боради; қовук катталашади, сийдик ажралиши анча

камаяди. Г.нинг нерв системаси жуда тез ривожланади. Сезги аъзолари яхши ривожланган бўлиб, илк гўдаклик кунлариданоқ бола ширин ва аччиқни ажратади; қаттиқ товуш келганда сесканиб тушади, равшан ёруғликка ялт этиб қарайди. Бир ойлик бола рангли буюмларга тикилиб туради. Бола туғилишидан ҳид билади, она кўкрагини яқинлаштирса, жонланади — бошини буради, оғзини очади, сўриш ва ютиш ҳаракатларини қилади.

Г.нинг нерв фаолияти биринчи ва иккинчи сигнал системаси ривожланишига бевосита боғлиқ. Г. 2-ойдан бошлаб ихтиёрий ҳаракат қилади; бошини кўтара ва тута бошлайди. Йўргакланганда қўли ва оёқларини қимирлатади, жилмаяди. Бу ёшда Г. бир кеча-кундузда тахм. 20 соатча ухлаши керак. 3—4 ойлик Г. чалқанча ётқизилса, қаддини кўтаради, ён томонга ағдарилади. Қўл ҳаракати фаоллашади, ўйинчоққа интилади, бармоқларини огзига тиқади, йўргакни тортади. Унга тикилиб қараганда гувраниб бир қадар аниқ товуш чиқаради. 4 ойлик бола суяб турилса ўтиради, таниш-нотаниш кишиларни ажратади, гувраниб хониш қилади, 5 ойлигида онасини яхши танийди, бегоналарга бормайди, қўлтиғидан ушланса, оёқда тскис туради, 6 ойлигидан ҳеч нарсага суянмай ўтира олади, эмакламоқчи ёки ушлаб турса, қадам ташламоқчи бўлади, содда бўғинларни талаффуз қила бошлайди. 8 ойлигида бемалол эмаклаб кетади, бирор нарсага тирмашиб ўрнидан тура олади, қўлидан ушланса, қадам ташлайди, «ойи», «ада» сўзларини аниқ айтади. 10 ойлигида ўрнидан бемалол туриб «обке» ёки «айт» деганингизни қилади; «қилма», «қил» деганнинг фарқига етади, 10—15 тача сўзни билади. Суткада 14—16 соат ухлайди. Г. ҳаракат функциясининг ривожланиш схемаси расмда кўрсатилган. Бу даврда бадан тарбия ва чиниқтириш муҳим аҳамиятга эга, чунки чиниққан бола турли касалликларга камроқ чалинади. Нимжон болаларда *диатез, рахит, анемия, гипотрофия* ва б. касалликлар кузатилади. Шунинг учун иложи борича Г.ни очиқ ҳавода сайр қилдириш, ҳаво ва қуёш ванналаридан баҳраманд этиш, массаж, гимнастика ва б. унинг ҳар томонлама етук ва соғлом ўсишига ёрдам беради.

Г.нинг овқати ҳам ўзига хос ва рангбаранг бўлиши керак. Бола нотўғри овқатлантирилса, у зарур озиқ моддаларни етарлича олиб турмаса, бу унинг жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожланишига ёмон таъсир кўрсатади, натижада организм турли хил касалликларга чидамсиз бўлиб қолади. Ҳаддан ташқари кўп овқат бермаслик керак, акс ҳолда бола хом семиз бўлиб, ботбот касалланади. Овқат таркибида оқсил, ёғ, углевод, тузлар ва витаминлар маълум миқдорда бўлиши мумкин. Кўкракда сут кам деган баҳона б-н болани барвақт кўкракдан айириш ярамайди, онанинг ҳатто озгина сути ҳам болани чиниқтиради. Мабодо сут камлигидан бола оч қолиб оза бошласа, врач б-н маслаҳатлашиб қўшимча овқат берилади.

Г. соғлиғини сақлашда ич кийими, озиқ-овқати, идиш-товоқлари ва ўринбошларини озода тутиш жуда муҳим. Г. бешикда ётадиган бўлса, уни вақтида белаб, вақтида ечишга эътибор бериш керак. Г. бешиклан ечилгач, унинг баданларини, хусусан боши ва кураклларини силаб-сийпалаш, оёқ-қўлларини машқ қилдириш, бешик ҳамда унга ишлатиладиган анжомларини бот-бот шамоллатиб туриш лозим. Г.ка қуруқ сўрғич сўрдириш ярамайди, уни яхшилаб қайнатиб ишлатиш лозим. Г. алоҳида уйда ётқизилса тинч ухлайди, хона тоза, ёруғ бўлиши ва вақт-вақти б-н шамоллатиб турилиши лозим. Хона тораси 20° бўлгани маъқул. Бундан исиб кетса, болани очиқ ҳавога олиб чиқилганда тез шамоллайди. Г. териси нозик бўлиб, салга зарарланиши мумкин, шунинг учун мунтазам парвариш қилиш, ҳар куни эрталаб ва кечқурун юзини илиқ сув б-н, қўлини эса совунлаб ювиш (чунки у қўлини оғзига тиқади, сўради), тирноғини вақт-вақти б-н олиб туриш зарур. Уни ҳар куни илиқ сувда совунламасдан, ҳар 2—3 кунда совунлаб чўмилтирилади, бетоб бўлиб қолса, тузалгунча чўмилтирмай турилади. Чўмилтирилгандан кейин майин сочиқ б-н артилади, чов бурмалари, қўлтиқ ва қулоқ орқасига вазелин ёки қиздирилган ўсимлик ёғи, «Болалар» креми суртилади. Қайнатилган тоза сувга ҳўлланган пахта б-н Г. кўзини бурчагидан бурунга қараб ҳар куни артилади. Худди шу зайлда унинг бурни ҳам тозалаб турилади. Бурундан нафас олганда кўкрак қафаси ва ўпка яхши ривожланади, бола тинч ухлайди ва касалликка кам чалинади. Г.лар кийим-кечаги енгил, иссиқ, кенг, тер ва б. чиқиндилар бемалол бўғланиб кетадиган бўлиши керак. Уни ҳаддан зиёд ўраб-чирмаш ярамайди, акс ҳолда у исиб кетиб тез-тез шамоллайдиган бўлиб қолади. Г. ҳаётининг биринчи кунидан бошлаб очиқ ҳавога ўргатилиши керак. Соф, салқин ҳавода организми чиниқади, иштаҳаси очилади, тери ва ўпкаси мустаҳкамланади, касалликларга чалинмайдиган бўлади. Г. организмини аста-секин чиниқтира бориш керак. Кетликни шошмасдан (Г.ни 1—2 мин. ялангоч ётқизиб қўйиб) алмаштириш лозим, шунда Г. ҳаво ваннасига ўргана боради. Г.ни очиқ ҳавода сайр қилдириш муддати об-ҳавога қараб ўзгартириб турилади. Болани кун бўйича қўлда кўтариб юриш ярамайди, акс ҳолда ўрганиб қолиб, онасига ҳам, бошқаларга ҳам тиним бермайди, ўзи ҳам қийналади. Она ва оиладаги бошқа кишилар Г.ка гапириб, товушни ажратишга, ўйинчоқларни ўйнашга ўргатишлари лозим. Соғлом бола ҳар қандай шароитда ҳам ўзи ухлаб қолади. У ётган хонани қоронғи қилиш, тинчлик сақлаш шарт эмас. Бола йиғласа, сабабини аниқлашга ҳаракат қилиш лозим. Атрофдагилар қанчалик ширинсухан бўлишса, бола ҳам шунчалик сергак ва соғлом ўсади. Г.ни 4—5 ойлигидан тўсишга ўргатиш, эмизишдан олдин ва кейин, ухлатиш олдидан ва уйғонганидан кейин тўсаётганда уни мақтаб, эркалаб туриш керак. Г.нинг ҳаракатланиш қобилиятини ўстира бориш жуда муҳим, лекин бунда эҳтиёткор бўлиш лозим. Болани барвақт, яъни бадани ҳали қотмаганда, ҳатто атрофига ёстиқ қўйиб ўтқазилса ҳам, букчайиб ўтиради, натижада умуртқа погонаси, эрта юришга ўргатилганда эса оёғи қийшайиб қолиши мумкин. 2,5—3 ойлигидан бошлаб болани қаттиқроқ нарса устига қорни б-н ётқизиб туриш керак, бунда бўйин, орқа, оёқ мускуллари мустаҳкам бўлиб боради. Бола сурила бошлагач, узоқроққа ўйинчоқ қўйиб, уни сурилиб боришга ўргатиш зарур. 4—5-ойдан бошлаб ҳар куни 5 мин.ча бадан тарбия қилдириш керак. Ёшига мос ҳолда танланган ўйинчоқларни ўйнатиш боланинг теран ўсишига имкон беради.

Она туғруқхонадан чиққач, Г.ни болалар поликлиникаси ҳисобга олади, шифокорлар она ҳузурига бориб, унга болани тўғри боқиш ва парваришлашга оид тегишли маслаҳатлар бериб турадилар.

Ад.: Тарасенко И.А., Гўдак бола парвариши, Т., 1984; Қодиров У.З., Абдумажидов А.А., Аскарьянц В. П., Болалар физиологияси, Т., 1999.

Акмал Султонов.

ГЎЖА — қўқонжўхори (оқ жўхори) ёки қайроқи бугдойдан тайёрланадиган суюқ таом. Г. тайёрлаш учун аввало донга ишлов берилади. Бунинг учун оқ жўхори ёки бугдой тозаланиб, бир оз намлангач, ёғоч келида туйиб, елпиб, кепак ва қипиқдан тозаланади. Бу иш 2—3 марта такрорланади, сўнг яхшилаб ювилади. Сутли Г., қатиқли Г., жазли Г., ачитма Г. каби турлари бор. Сутли Г. — дон пишгунча сувда қайнатилади, ортиқча суви тўкиб ташланиб, сут қўшилади, таомга тўғралган ошқовоқ солиш ҳам мумкин. Тузи ростланган, қозонни оловдан олиб, бир оз дам едирилади. Қозон юзи қаймоқ боғлаганда косаларга сузиб дастурхонга тортилади. 100 г донга ўртача 300 г сут, 50 г ошқовоқ, таъбга кўра туз солинади. Қатиқли Г. — қозонда ёғни доглаб пиёз қовурилади ва сув қўшиб қайнатилади. Сўнгра тайёрлаб қўйилган дон (оқ жўхори)ни солиб, 1 соат давомида милдиратиб қайнатиб очилтирилади. Тайёр таомни оловдан олиб, чўмич б-н шопириб совитилади. Қатиқ ёки сузмани яхшилаб ийлаб қўшиб юборилади. Косалар юзига кашнич сепилган ҳолда дастурхонга тортилади. Ачитма Г. — қатиқланган гўжа оши совитиб, саночга ёки сопол кўзага солинади. Таом бир неча соатдан сўнг бижғий бошлайди. Ҳар замон — ҳар замонда бир аралаштириб қўйилади. Бу таом жазирама иссиқ кунлари иштаҳа очувчи, шунингдек, чанқовбосди ичимлик сифатида истеъмол қилинади. Жазли Г. — ёғни доглаб, майда тўғралган пиёз қизаргунча қовурилади, сув қўшилади, тайёрланган донни солиб, 40—45 мин. давомида милдиратиб қайнатилади. Дони ярим пишгач, қозонга майда тўғралган ёки қиймаланган гўшт, 1 см катталикда тўртбурчак қилиб тўғралган сабзи ва шолгом солиб яна 20 мин. қайнатилади. Қозонни оловдан олиб, дам едирилади ва дастурхонга тортишда юзига кўк пиёз, бошқа хил ошкўклар сепилади.

ГЎЖАБЎТҚА — қўқонжўхори (оқ жўхори)дан тайёрланадиган таом. Жўхорини намлаб келида бир неча марта туйилади; елпиб, қипигидан тозалангач, ювиб ташланади. Қозонда ёғни доглаб, пиёз б-н бирга гўшт қийма қовурилади, кейин тайёрлаб қўйилган жўхорини солиб сув қуйилади ва 1 соат давомида ковлаб-ковлаб пиширилади. Туз ва зираворлар пишиш олдидан солинади. Тайёр таом қопқоғи ёпилган идишда 10—15 мин. дамлангандан сўнг лаганга сузиб, бетига ошкўклар сепилган ҳолда дастурхонга тортилади.

ГЎЗАЛ ҚОРА — ўртапишар хўраки узум нави. Бутуниттифоқ ўсимликшунослик и.т. ин-тининг Ўрта Осиё тажриба ст-ясида М.С. *Журавель*, А.М. *Негруль*, Г.К.Муҳамедовлар томонидан Каттақўрғон ва Додреляби навларини чатиштириб олинган дурагай уруғлардан чиқарилган. Тупи кучли ўсади. Гули



Гўзал қора узум нави.

икки жинсли. Узум боши ўртача, юмалоқ, 500—600 г келади. Шингил ва гужумлари ўртача тиғиз. Меваси йирик, кўкиш-қора рангда. Г.қ. куртак ёзгандан бошлаб фаол ҳарорат йиғиндиси 2800°да 136 кунда — авг. ойи охирларида пишади. Ҳосилдорлиги 220—240 ц/га. Касалликлар б-н кам зарарланади. Асосан янгилигида истеъмол этилади ва майиз солинади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида р-нлаштирилган.

ГЎЗАЛЛИК — эстетика тушунчаси. Табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисаларнинг, инсон фаолиятининг кишилик туйғулари ҳосил қилишга қодир бўлган хусусиятларини ифодалайди. *Ҳунукликнинг* акси.

Ислом таълимотида Г.нинг ўзи ҳам, тимсоли ҳам Аллоҳ жамолидандир. Инсон гўзаллиги унинг яхшилик қилишда, сабр-тоқатида; булар инсон гўзаллигини белгиловчи мезон сифатида қаралади. Г. инсоннинг Аллоҳ катга ҳам ошиқ бўлган интилишини тушунганлар. *Гегель* фикрига кўра, табиатдаги Г. дан санъат гўзаллиги мукаммалроқ, чунки унда тимсол ва ғоя ўзининг мутлақ уйғунлигини топади. *Чернишевский* таъкидлашича, ҳаёт — Г.дир, инсон ҳаёти, эҳтиёжи ва мақсадига мос тушувчи нарсалар гўзалдир. *Платон* тасаввурича, инсон Г.ни аллақандай эстетик-руҳий кайфият чоғидагина идрок эта олади. Унинг таълимотига кўра, Г. нарса ва предметларга хос бўлмай, инсоннинг воқеликка маънавий-эстетик муносабати натижасида туғиладиган ғоя, тушунчадир. *Аристотель, Дидро* фикрига кўра, нарса ва ҳодисалардаги уйғунлик, мутаносиблик Г.ни ташкил этади. Инсон нарса ва ҳодисаларнинг гўзал ёки хунуклигини белгилашда меъёр вазифасини ўтайди. Инсоний меъёр Г.нинг асосидир. *Кант* Г. асосига кишининг нарса ва ҳодисалардан беғараз завқ олишини қўяди. Маърифатпарварлар Г. деб, инсоннинг ҳаётда уйғун ижтимоий алоқалар ўрнатишга бўлган интилишини тушунганлар. *Гегель* фикрига кўра, табиатдаги Г. дан санъат гўзаллиги мукаммалроқ, чунки унда тимсол ва ғоя ўзининг мутлақ уйғунлигини топади. *Чернишевский* таъкидлашича, ҳаёт — Г.дир, инсон ҳаёти, эҳтиёжи ва мақсадига мос тушувчи нарсалар гўзалдир.

19—20-а. жаҳон эстетикасидаги турли фалсафий йўналишлар вакиллари илгари сурган ғояга кўра, Г. инсон руҳияти, қалби ва маънавияти б-н боғлиқ тушунчадир. Г. манбаи — шахс қалбидадир.

Г. — инсон ва ҳодисаларни умуминсоний ва миллий қадрият сифатида белгиловчи ижтимоий, ижобий ва ижодий тушунчадир. Г. ни идрок этиш шахснинг жамиятда тутган ўрни, онги, диди, дунёқараши ва б. омилларга боғлиқ. Ўзбек тилидаги «чиройли» сўзи эстетик баҳо сифатида алоҳида буюм, нарса ва шахсни, кўпинча ташқи белгилар ва шаклларнинг мутаносиблиги, уйғунлигини назарда тутса, Г. сўзи инсон онгидаги тушунчани, тасаввурни, идеални ифодалайди. Тарихий тараққиёт натижасида ҳар бир халқ ўзининг Г. идеали ва тушунчасига эга бўлади. Бу тушунчалардаги муштарак инсоний-маънавий жиҳатлар умумбашарий Г. ҳақидаги тасаввурни шакллантиради. Г. табиат, жамият ва инсонга хос муштарак хусусиятларни қамраб олган ҳолда муайян шароит ва ҳодисалар б-н боғлиқ тарихий, ижтимоий, миллий ва ўзига хос жиҳатларга эга бўлади.

Табиатдаги Г. кўпроқ мутаносиблик, уйғунлик, ранг-баранглик сингари зоҳирий белгилар, сифатлар меъёри б-н баҳоланади; ижтимоий ҳаётдаги Г. жамиятнинг инсон учун яратган эркин ва демократик тамойиллари даражаси б-н ўлчанади; адабиёт ва санъатдаги Г. ижодкорнинг оригинал образлар,

ғоялар кашфиёти, бадиий маҳорати б-н белгиланади.

Барча нарса ва ҳодисаларнинг гўзаллигини ифодаловчи асосий омил — унинг кишига завқ бағишлаши. Санъат асарлари Г.ни ёркин ва умумлаштириб акс эттиргани учун улар ҳар бир шахсда завқ уйғотади. Г. туйғусини тарбиялайди.

Ад.: Маҳмудов Т., Гўзаллик ва ҳаёт, Т., 1977; Умаров Э., Эстетика, Т., 1992; Абдуллаев М., Йўлдошев А., Эстетика тарихи, Фарғона, 1996; Маҳмудов Т., Мустақиллик ва маънавият, Т., 2001.

Тилаб Маҳмудов.

ГЎКСУВ, Гўксур — Туркманистоннинг жан.-шарқий қисмида жойлашган қад. деҳқончилик воҳаси. Г.да В.М.*Массон* бошчилигидаги Ленинград ва Ашхобод археологик экспедициялари қазиш ишлари олиб бориб (1955—60). *Анов маданияти*га доир 10 дан ортиқ қад. қишлоқ вайроналари (тепалари)ни ўрганди. Воҳада энеолит даврининг ўтроқ қабилалари яшаган. Г.дан кўп хонали уйларнинг қолдиқлари, турли хил рўзғор буюмлари ва меҳнат қуроллари топилди. Хоналар, асосан, тўртбурчак, баъзан эса айлана шаклида қурилиб, деворлари хом ғиштдан ишланган ва сомонли лой б-н сувалган. Уй ичида мўрили ўчоқлар, сандал ўринлари бор. Қад. Г.ликлар ранг-баранг нақшли сопол идишлар, мис пичоқлар, ўроқ қадамалари, тош пайконлар, ёрғучоқ ва ўғирлар ясашга моҳир бўлган. Хўжаликда ибтидоий суғоришга асосланган деҳқончилик муҳим роль ўйнаган. Мозорлар ғиштдан ишланган махсус оилавий сағаналардан иборат. Сағанадаги маййитлар ғужанак ҳолда ён томони б-н ётқизилган бўлиб, ёнига жимжимадор нақшли хилма-хил ранг-баранг сопол идишлар қўйилган. Г.дан аёлларнинг кўплаб терракота ҳайкалчалари топилган. Г. маданияти Дашлижин, Яланғоч ва Гўксув босқичларига бўлиниб, уларнинг санаси Анов I, II ва III босқичларига тўғри келади.

ГЎММА — *сомса*нинг Хоразмда тайёрланадиган бир тури. Сувга хамиртуруш, шакар, туз, ун қўшиб хамир қорилади. Сўнгра эритилган маргарин хамирга сингиб кетгунча ишланиб, оширишга қўйилади. Хамир 3—4 соат ошгач, яна муштланиб қайта оширилади. Сўнгра ўсимлик ёғи суртилган столда арқонсимон қилиб ёйилади. 25 г дан бўлакларга бўлиб, юмалоқланади. 4—5 мм қалинликда ёйилади, ўртасига қийма солиб иккига букилади, ярим ой шаклида тугилиб, 30 дақиқа тиндирилгандан сўнг қиздирилган ёғда пиширилади. Г. картошка, ошқовоқ, кўк солиб тайёрланиши ҳам мумкин.

ГЎНГ — маҳаллий органик ўғит; отхона, молхона ва қўй қўраларидан чиқади. Таркибида ўсимликлар учун зарур бўлган азот ва кул элементлари бор. Органик модда (Г. қуруқ моддасининг асосий қисми) тупроқ таркибини, унинг сув ва ҳаво режимини, физик, кимёвий хусусиятларини яхшилайди. Г.даги Са ва Mg тупроқ кислоталилигини камайтиради. Фойдали микроорганизмлар унинг биологик фаолиятини оширади. Г. ўсимликларда органик модда синтезини кучайтирадиган CO_2 манбаларидан бири. Г. тупроқ унумдорлигига бир неча йил ижобий таъсир кўрсатади (қ. *Маҳаллий ўғитлар*). Г.ни гектарига 30 т ҳисобида минерал ўғитсиз ҳар йили солинганда тупроқдаги органик модда балансини таъминлайди. Г.нинг таркиби ва ўғитлик хусусиятлари ҳайвон турига ва ем-хашак сифатига, айниқса Г.ни йиғиш усуллари ва сақлашга боғлиқ. Ҳайвон истеъмол қилган ем-хашакдан 40% га яқин органик модда, 50—70% азот, 80% фосфор ва 9,5% калий Г.га ўтади. Тўшамасиз Г. қуруқ, яримсуюқ ва суюқ ҳолда бўлади. Қуруқ Г. ҳайвонлар атрофи ўралган майдонларда боқилганда йиғилади, унинг намлиги 10—12%ни ташкил этади, ярим суюқ Г. сут-товар фермаларида моллар оғилхоналарда боқилганда йиғилади, намлиги 80—90%; суюқ Г. гўнгни тозалаш учун гидроювгич қўлланиладиган



Гўксув. Археологик қазилманинг умумий кўриниши.

гўшт етиштирувчи саноат мажмуаларида йиғилади. Суюқ Г.нинг намлиги 95—98%. Қуруқ Г. янги, чала чириган, чириган бўлиши мумкин. Чириган Г. бир хил қорамтир тусда, хасчўплари 50% чириган бўлади. Уни кузда ёки вегетация даврида ҳам ишлатиш мумкин.

Г.ни ерга гўнг солувчи машиналар ёрдамида шудгорлаш олдидан солиш асосий усул ҳисобланади. Г. ўсимликларнинг ривожланиши ҳамда ҳосилдорлигига сезиларли таъсир кўрсатади (мас., 1 т гўнг гектаридан 61 кг қўшимча пахта ҳосили олиш имконини беради). Шунингдек, гўнгдан сизиб чиқадиган гўнг шалтоғи тез таъсир кўрсатувчи маҳаллий ўғит ҳисобланади. Унинг таркибида ўртача 0,3—0,5% азот, 0,3% фосфор ва 0,4—0,6% калий бор. *Компост* тайёрлашда ва бевосита ўғит сифатида ишлатилади. Ерга солишдан бир ҳафта олдин 1 ҳисса шалтоққа 3—4 ҳисса сув қўшиб қўйилади, сўнгра суюқ ўғитлагич машинасида гўза ёки бошқа экин қатор ораларига, гектарига 8—10 т ҳисобидан 10—15 см чуқурликка солинади, шунингдек, сувга қўшиб эгатларга оқизилади. Г. шалтоғини йиғишда молхона ва отхона йўлагининг икки четига ариқча қилиниб, ариқча этагига 2—3 м чуқурликда ўра қазилади. Ўра туби, деворлари цементдан ишланиб, суюқлик сизилмайдиган қилинади. Гўнгхоналарда ҳам бундай ўралар бўлади, гўнгдан чиқадиган шалтоқ шу ўрага тўпланади. Бир йилда ҳар бош қорамолдан 1,5—2,2 м³ Г. шалтоғи йиғилади.


Хуршида Рисқиева, Туроп Ҳожиев.

ГЎНГ ЧИВИНЛАРИ (Scatophagidae) — икки қанотли ҳашаротлар туркуми оиласи. *Гўнг* б-н озиқланадиган копрофаг ҳайвонлар. Гўнгда, одатда, сариқ Г.ч. (Scatophaga stercoraria) кўп учрайди. Сариқ Г.ч.нинг уз. 10 мм гача, танаси қалин сарғиш туклар б-н қопланган. Қуртлари гўнг ва чиқиндиларда яшайдиган майда ҳашаротлар б-н озиқланади. Кўпчилик Г.ч.нинг ҳаёти гўнг б-н боғлиқ эмас. Улар орасида ўсимликларга зиён келтирадиган турлари ҳам бор. Ёввойи ва маданий бошоқдошлар (жавдар, тимофеевка)га бошоқ чивинлари (Anraurosoma)нинг қуртлари ўсимликлар барги ва генератив органларига зиён келтиради. Г.ч. оиласига 500 дан ортиқ тур киради. Кўпчилик турлари чириётган ўсимликлар б-н боғлиқ.

ГЎНГХОНА — чорвачилик бинолари дан чиқарилган *гўнг*ни йиғиш, юқумсизлантириш ва сақлаш учун қурилади ган иншоот; гўнг сақланадиган мах

сус жой. Г. гўнг ҳолати, сақлаш муддати, йиғиб чиқариш усули ва иқлим шароитларига қараб турлича бўлади. Оддий Г. чуқурлиги 1 м, тубининг эни 3—3,5 м, оғзи 4—4,5 м қилиб қазилган ўрадан, гўнг шалтоғи йиғиладиган битта ёки иккита чуқурдан иборат. Транспорт кириб-чиқиши учун бош томони ва охири нишаб қилинган бўлади. Г. тубига тош ёки гишт терилади, шалтоқ тўпланадиган чуқурларнинг туби ва девори сув ўтказмайдиган қилинади. Ер ости сувлари юза ерларда Г. ўрнини паст девор б-н ўраб, уни ер бетига қуриш ҳам мумкин. Г.га гўнг устма-уст солинаверади. Зарур миқдорда фосфорит уни қўшилади, устидан машина, трактор ёки от-арава юргизиб зичланади ва уюм ер бетидан 1 м кўтарилганда устига 10—15 см қалинликдан тупроқ солинади. Ёзда вақт-вақти б-н сув сепиб турилади. Бунда гўнг яхши сақланади, яхши чириб, сифати ошади.

ГЎНГХЎР ҚЎНҒИЗЛАР — ҳаёти *гўнг* б-н боғлиқ бўлган қўнғизларнинг экологик гуруҳи; Aphodinae, Geotrupinae, Scarabaeinae, Coprinae ва б. кенжа оилаларга мансуб бир қанча турларни ўз ичига олади. Кўпчилик турларининг қуртлари гўнг б-н озиқланади, айрим турлари, мас., ўрмон Г. қ. (Geotrupes stercorosus)нинг личинкаси чириётган ўрмон тўшалмасида озиқланади. Aphodius авлоди вакиллари ўсимликларнинг ёш илдизларини зарарлайди, кравчиклар ўз инида қуртлари учун ўсимлик майсаларини йиғади. Кўпчилик Г.қ. насли ҳақида ғамхўрлик қилади. Г.қ. — органик моддаларни фаол парчаловчилар. Кўпчилик турлари гельминтларнинг оралиқ хўжайини ҳисобланади.



Гўнгхўр қўнғиз.

ГЎНГҚАРҒА (Corvus frugilegus) — чумчуқсимонлар туркумининг қарғасимонлар оиласига мансуб қуш. Европа ва Осиёда кенг тарқалган. Ўзбекистонда тоғли ерлардан бошқа ҳамма жойда учрайди. Баҳорда Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёси бўйларида колония бўлиб яшайди. Баланд дарахтларнинг шохига колония бўлиб уя қуради. Қўнғир холли 3—7 та кўк тухум қўяди. Жўжаси тухумдан 16—20 кунда чиқади. 30 кундан сўнг учирма бўлади. Г. ҳар хил ҳашаротлар ва уларнинг личинкалари, майда кемирувчилар, ўсимлик уруғлари б-н озиқланади. Ҳашаротларни кўплаб қириб, фойда келтиради, баъзан ғалла ва полиз экинларига зиён етказади.

ГЎНИЯ — учбурчак шаклдаги дурадгорлик асбоби. Ёғоч (тахта) ёки металлдан ясалади. Буюмларга безак чизишда, режалаш ишларида ишлатилади.

ГЎР — қ. *Қабр.*

ГЎРГОН — Эроннинг шим.даги дарё. Уз. 251 км. Туркманистон-Хуросон тоғларидан бошланади. Гўргон текисликларидан оқиб ўтиб, Каспий денгизига қуйилади. Қиш ва баҳор ойларида тўлиб оқиб, қолган вақтда камсув. Суғоришда фойдаланилади. Қуйилиш жойида балиқ овланади.

ГЎРГОН — Каспий денгизидаги қўлтиқ. Эрон соҳилларида. Қуруқлик ичкарисига қарийб 60 км кириб борган. Кенглиги 11 км, чуқ. 4 м гача. Денгизга Гўргон бўғози орқали туташган. Қирғоқлари паст, ботқоқлашган. Соҳилида Гўргон, Бандар-Туркман ва б. шаҳарлар жойлашган. Балиқ овланади.

ГЎРГОН (1930 й.гача Астробод) — Эрондаги шаҳар. Аҳолиси 188,7 минг киши (1997). Т.й. орқали Бандар-Туркманнинг ш. б-н боғланган. Қ.х. р-ни маркази (тамаки, шоли, мойли ўсимликлар). Пахта тозалаш, шоли оқлаш, ёғ-мой ва тамаки корхоналари бор. Гилам тўқилади. Г. (араб. Журжон, антик манбаларда Гиркания, қад. форсча Вркана) — Эрондаги қад. тарихий вилоят. Каспий денгизининг жан.-шарқида жойлашган. Каспий денгизи Г. номи б-н аталган. Ўрта асрларда Г. маркази деб аталган. Ўрта асрларда Г. маркази — Гўргон порти Шим. ўлкаларга боруви ипак карвонлари учун савдо марказини ва тўхташ ери ҳисобланган (яна қ. *Журжон*).

ГЎРГОН ТЕКИСЛИГИ — Каспийбўйи пасттекислигининг жан.-шарқий қисми. Эрондаги Эльбрус тоғи этагида. Уз. 80 км, эни 40 км гача. Антропоген ва денгиз қум-гил ҳамда дельта-аллювиал ётқизиқларидан тузилган. Яйловшўрхок тупроқларда шўрхок эфемер ўсимликлар ўсади. Текисликнинг бир қисми ўзлаштирилган, экин (ғўза, буғдой ва б.) экилади.

ГЎРИ АМИР — қ. *Амир Темур мақбараси.*

ГЎРИФОТИМА (юқори оқимида Гулрасой, ўрта оқимида Тоғчисой) — Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги сой. *Тўполондарё*га чапдан қуйилувчи Обизаранг (Дашнобод) дарёсининг чап ирмоғи. Уз. 22 км, ҳавзасининг майд. 116 км². Навоий тоғлари (3836 м)дан оқиб тушувчи ўндан ортиқ ирмоқларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Сувининг асосий қисми Тожикистон Республикаси ҳудудида вужудга келади. Г. асосан қор, ёмғир, булоқлар ва қисман музликлар сувидан тўйинади. Ўртача сув сарфи 1,46 м³/сек. Сувининг асосий қисми (70%) март-июнда оқиб ўтади, энг серсув ойлар — апр. (4,17 м³/сек), июнь (3,78 м³/сек), нисбатан кам сувли давр — сент.-янв. (ўртача 0,50 м³/сек). Г.да баъзан сел тошқинлари бўлиб, сув сарфи кескин ортади (21 м³/сек, 1976 й. 29 апр.). Г. сувининг асосий қисми суғоришга сарфланади.

ГЎРХОНА — мақбара тагидаги ўлик кўмиш учун мўлжалланган махсус хона, ертўла, сардоба. Амир Темур мақбараси, Бибихоним мақбараси, Шоҳизинда ансамблидаги кўпгина мақбаралар тагида ертўла Г.си бўлган.

«ГЎРЎҒЛИ» — халқ оғзаки поэтик ижоди ёдгорлиги. Яқин ва Ўрта Шарқ, Марказий Осиё ва Жан. Кавказ халқлари орасида кенг тарқалган қаҳрамонлик эпоси, достонлар туркуми. Туркумга бирлашган достонлар турли даврларда яратилган. Улардан айримларининг илдизлари бир ярим-икки минг йил илгариги даврларга бориб тақалади. Бу достонлар тахм. 17-а.дан бошлаб бир туркумга бирлаша бошлаган. «Г.» туркумига кирувчи барча достонлар муайян мустақилликка эга. Улар оғзаки эпик анъанада якка-якка ижро этилади ҳамда эшитувчи ва китобхон уларнинг ҳар бирини алоҳида асар сифатида қабул қилади. Аммо бу силсила достонлар *Гўрўғли* образи, унинг доимий йўлдоши Ғирот, эпик озодлик ўлкаси Чамбил юрти, анъанавий образлар Соқибулбул, Ҳасан Кўлбар, Аҳмад Сардор кабилар орқали бир-бирлари б-н ўзаро бирлашади. «Г.» достонларини шартли равишда 2 катта гуруҳга бўлиш мумкин: Жан. Кавказ ва Яқин Шарқ версиялари (озарбайжонлар «Кўрўғли»-си асосида яратилган арман, грузин, турк, курд ва б.) ва Марказий Осиё версиялари (ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, туркман, тожик ва б.). Барча версиялар мавзуи асосини озодлик, адолат ва халқ бахт-саодати йўлида курашувчи баҳодир Гўрўғли (Марказий Осиё версиясида) ёки Кўрўғли (ғарбий версиясида)нинг жасоратлари ташкил этади.

Жан. Кавказ ва Яқин Шарқ версияларига хос бўлган умумий хусусиятлар «Г.»нинг озарбайжон вариантларида ўз ифодасини топган. Унда тасвирланишича, Кўрўғли 40 йигитга бош бўлиб, адолатсиз тузумга қарши чиқади. Душман савдогарлари карвонига кутилмаганда ҳужум қилади, нодўст подшоликлар б-н бўлган жангларда ажойиб жасорат ва қаҳрамонликлар кўрсатади. Чўпон, отбоқар, дарбадар бахши, дуохон, фолбин қиёфаларида душман ичига кириб, асир тушган йигитларига



тадбиркорлик б-н ёрдам беради, ўзига ва йигитларига маъқул бўлган гўзал париларни олиб қочади. Кўрўғлининг жасорати ва мардликлари ҳақидаги ҳикоялар ярим тарихий, ярим афсонавий характерга эга булиб, мустақил подшоликлардаги турли найрангбозликлар, ҳукмдорлар ҳаёти, катта карвон йўлларидаги жанглар озарбайжон вариантларининг тарихий мавзуи ҳисобланади. Бу версияга кўра, Кўрўғли, Эрон шоҳи Аббос I нинг (1585—1628) замондоши қилиб кўрсатилади. Чиндан ҳам, арман тарихчиси Аракел Тавризий (1670 й. вафот этган)нинг кўрсатишича, Эрон шоҳи Аббос I ва Туркия султонига қарши кўзголон кўтарганларнинг бошлиқлари орасида Кўрўғли деган шахс бўлган. Озарбайжон вариантида аниқ шахс ва давр б-н боғлиқ воқеалар тенгсиз куч-қудрат ва шижоат тасвири б-н уйғун ҳолда баён этилади. Аммо бунда умумлаштириш ва рамзийлаштириш муайян давр ва тарихий воқеаларни инкор этиш даражасида эмас.

Марказий Осиё версиялари, хусусан, ўзбек версияларида умумлаштириш ва рамзийлаштириш юқори даражага кўтарилган. Бунда қаҳрамонона ўтмиш аниқ тарихий воқеалар кўламида эмас, балки орзу даражасида, халқнинг юксак мақсади кўламида тасвирланган. Ўзбек достонларида Гўрўғли туркман ва ўзбекларнинг беги, қонуний ҳукмдор, ўз халқи, ватани учун қайгурувчи ва уни душманлардан ҳимоя қилувчи енгилмас баҳодир, кўплаб халқ ботирларини тарбиялаб етиштирган мураббий сифатида тасвирланган.

Ўзбек халқи Гўрўғли ҳақида «Кунларим», «Гўрўғли», «Гўрўғлибек — зўр ботир», «Армоним қолмади», «Борми жаҳонда» каби унинг қаҳрамонона курашини мадҳ этадиган қатор термалар, 80 га яқин достонлар яратган. Хусусияти, мавзуи, ижодий услуби ва куйланиш тарзи жиҳатидан ажралиб турадиган 20 дан ортиқ достондан иборат Хоразм туркуми бу сирага кирмайди. Бу ҳол «Г.» туркуми ўзбеклар орасида 2 версияда тарқалганини кўрсатади. *Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Ислом шоир, Раҳматулла Юсуф ўғли* каби халқ шоирларидан 200 дан ортиқ достон (вариантлари б-н) ёзиб олинган. Туркумни тўлалигича биладиган бирор бахши бўлган эмас. 19-а.нинг 2-ярми ва 20-а.нинг бошларида Султонмурод шоир (Самарқанд вилояти), Нишон ота (Тошкент вилояти) каби бахшилар «Г.» туркум достонларини куйлашда донг таратган. Бироқ улардан биронта ҳам достон ёзиб олинмаган. Ёзиб олинган «Г.» достонларига қуйидагича тартиб бериш мумкин: 1. Гўрўғлининг туғилиши. 2. Гўрўғлининг болалиги. 3. Чортоқли Чамбил. 4. Зайдиной. 5. Юнус пари. 6. Мисқол пари. 7. Гулнор пари. 8. Қирқ йигит билан қирқ қиз. 9. Ҳасан Кўлбар. 10. Соқибулбул. 11. Райҳон араб. 12. Шоҳдорхон. 13. Замонбек. 14. Хидирали Элбеги. 15. Бердиёр оталиқ. 16. Эломон. 17. Холдорхон. 18. Гўрўғлининг Қримга бориши. 19. Говлароз дев. 20. Беш подшонинг Чамбилга ёв бўлиб келиши. 21. Шоқаландар. 22. Рузахон. 23. Ёсқила. 24. Ҳасанхон. 25. Чамбил қамали. 26. Далли. 27. Авазхон. 28. Гулқизой. 29. Гулқизойнинг вафоти. 30. Интизор. 31. Малика айёр. 32. Машриқо. 33. Зулфизар. 34. Бўтакўз. 35. Кундуз б-н Юлдуз. 36. Сарвиноз. 37. Балогардон. 38. Авазнинг арази. 39. Аҳмад Сардорнинг ўлимга буюрилиши. 40. Аваз ўғлонниинг Румга қочиши. 41. Авазхоннинг ўлимга ҳукм этилиши. 42. Гирдоб. 43. Хонимон. 44. Хушкелди. 45. Олтин қовоқ. 46. Зайидқул. 47. Гулихиромон. 48. Зарнигор. 49. Ога Юнуснинг олиб қочилиши. 50. Равшан. 51. Нурали. 52. Нуралининг ёшлиги. 53. Балхивон. 54. Жорхон мастон. 55. Сумбулсоч бека. 56. Нурали ва Қари Аҳмад. 57. Нуралининг ютилиши. 58. Малла савдогар. 59. Жаҳонгир. 60. Эрўғли (Шаҳиннома. Гўрўғлининг ўлими. Гўрўғлининг ғойиб бўлиши). Бу достонлар вариантлари б-н биргаликда Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт ин-тида сақланади.

Пўлкан шоирдан ёзиб олинган «Гўрўғлининг туғилиши», «Гўрўғлининг болалиги» достонларида тасвирланишича, Гўрўғлининг бобоси Тўлибой синчи Мари юртининг беги Ковиштихоннинг ўғли бўлиб, ёшлигида Ёвмит подшоси Одилхонга асир тушади. Тўлибой синчининг хизматларидан кўнгли тўлган Одилхон қизи Ойшани унга никоҳлаб беради. Булардан Гўрўғлининг отаси Равшан туғилади. Така-Ёвмит юртининг доимий душмани Шоҳдорхоннинг навбатдаги босқинларидан бирида Равшан, шунингдек, Така-туркман беги Жагалихоннинг фарзандлари Гаждумбек ва Биби Ҳилоллар Зангар юртига асир тушиб кетади. Зангарда Равшан б-н Биби Ҳилол тасодифан учрашиб қолиб, бирбирларини севадилар ва турмуш қурадилар. Бу орада Равшаннинг синчилигидан Шоҳдорхон хабар топади, уни саройга чақиртириб, отларини кўрсатади ва фикрини сўрайди. Равшан бу отлар орасида тулпор йўқлигини айтиб, бир ҳолвачининг отини мақтайди. Бундан аччиқланган хон Равшаннинг кўзларини уйдиради. Равшан эса кўр кузининг хунига ҳолвачининг отини талаб олади, шу от ердамида қаинагаси Гаждумбек б-н Ёвмитга қочади. Равшаннинг Зангарда қолган хотини Биби Ҳилол олти ойлик ҳомиласи б-н вафот этади. Гурда ўлик оналан булажак қаҳрамон Гўрўғли туғилади. Чупон Рустамнинг уюридаги бир байтал уни эмизади ва кейинчалик Гўрўғли Рустам ердамида шу байталда Ёвмитга қочиб келади. Туркумнинг илк достонларида ёш қаҳрамоннинг чилтонлар б-н учрашуви, истиқболининг олдиндан белгиланиши, эпик Чамбил юртининг бунед этилиши, Ёвмит элига хон қилиб кўтарилиши каби воқеалар тасвирланган. Туркумдаги «Юнус пари», «Мисқол пари», «Гулнор пари» достонлари Гўрўғлининг уйланиши ва шу б-н боғлиқ қаҳрамонликларига бағишланган. Эпик анъанага кўра, Гўрўғлининг иккки хотини — Юнус ва Мисқол (Пўлкан шоир варианти буйича учинчиси — Гулнор) парилар Кўҳиқофда Эрам боғида яшаганлар, уларни ғайритабиий кучлар — девлар қўриқлаган. Парилар Гўрўғлига илгаридан «белгиланган», «аталган» бўлсалар-да, Г. уларни машаққатлар б-н, куч, ақл, фаросат, тадбиркорлик б-н қўлга киритади.

Туркумдаги «Зайдиной», «Райҳон араб», «Чамбил қамали», «Бектош араб» ва б. достонларда Гўрўғлининг Чамбил юртининг ташқи душманларига қарши курашлари, босқинчи ва талончилар сифатида Райҳон араб, Бектош араб, Хунхоршоҳ ва б. тасвирланади.

Туркумда Гўрўғлининг баҳодир 40 йигити (Замонбек, Шодмонбек, Хидирали, Тўлак ботир, Холдорхон ва б.) фаолиятига алоҳида-алоҳида достонлар («Холдорхон», «Замонбек», «Хидирали элбеги», «Бердиёр оталиқ», «Қирқ йигит б-н қирқ қиз», «Дониёрхўжа» ва б.) бағишланган. Улар эпик ўлка — Чамбилнинг озодлиги, халқининг фаровонлиги учун Гўрўғли б-н бир сафда турib қураш олиб борадилар.

Туркумдаги анчагина достонларда Гўрўғлининг асранди ўғиллари (Ҳасан, Аваз), неваралари (Нурали, Равшан), ва эвараси (Жаҳонгир)нинг қаҳрамонона саргузаштлари ҳикоя қилинади. Бу достонлар ўзаро муайян туркумчаларни ташкил этади. Бу ички туркумлар асранди фарзандларнинг олиб келинишини тасвирловчи достонлар («Ҳасанхон», «Авазхон») б-н бошланади. Ҳасан ва Авазнинг мустақил эпик таржимаи ҳоли ҳар бир туркумда муайян ўрин тутади. Ҳасанхон туркумда фақат бир достон («Далли»)да, Авазхон эса кўп достонлар («Балогардон», «Интизор», «Бўтакўз», «Кундуз билан Юлдуз», «Зулфизар билан Аваз», «Гулихиромон», «Малика айёр», «Машриқо» ва б.)да бош қаҳрамон сифатида иштирок этади. Туркумнинг сўнгги достони «Эрўғли»да Гўрўғлининг кексайган даври ва Сулдузи тоғида ғойиб бўлиши тасвирланади.

«Г.» туркуми достонлари халқ ҳаёти ва турмушини, унинг орзу-умидлари ва юксак мақсадларини, маънавий-эстетик оламини кенг миқёсда бадиий акс эттирувчи асар сифатида бебаҳо мерос саналади.

Ад.: Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т., Узбекский народный героический эпос. М., 1947; Каррыев Б. А., Эпические сказания о Кер-оглы у тюркоязычных народов. М., 1968; Мурадов М., Эпос «Гороглы». Т., 1984; Нашри: Гўрўғли достонлари, тўрт жилдли, 1—4-жилдлар, Т., 1996—1999; Интизор. Нурали. Т., 1964; Гулихиромон, Т., 1965; Гўрўғлининг туғилиши, Т., 1967; Гулнор пари. Т., 1969; Гулшанбог, Т., 1969; Ҳасанхон, Т., 1976; Холдорхон, Т., 1981; Болагардон, Т., 1986; Малика айёр. Т., 1988; Нурали, Т., 1989.

Тўра Мирзаев.

ГЎРЎҒЛИ (Кўрўғли) — фольклор образи. *«Гўрўғли»* туркум достонларининг бош қаҳрамони. Ўзбек халқ достонларида Г. юрт, халқ, адолат осойишталиги учун курашган ғоятда жасур, халқ ботири сифатида таърифланади. У ўз даврида оддий халқ орзу қилган афсонавий, эркин ва фаровон Чамбил юртини барпо этган, уни ички ва ташқи душманларга қарши курашувчи ботирлар юртига айлантирган. Г.нинг қирқ йигити (Шодмонбек, Холдорхон, Замонбек, Хидирали элбеги ва б.) турли элат ва қабилаларнинг ботирлари бўлиб, ундан ибрат оладилар. Чамбилнинг шуҳратини оширадилар. Г. образи халқ орасида мардлик, жасорат, эл-юрт манфаати йўлида курашувчи енгилмас қаҳрамон тимсолидир.

ГЎРЎҒЛИХОН — *«Гўрўғли»* туркумидаги достонларни жамоат ўртасида қироат б-н ўқувчи, ёддан айтувчи киши. Г.лар халқ бахши-шоирлари каби асарга ижодий ёндашмаганлар — версия, вариант яратмай, китобда ёзилганини ёд олиб, хонандалар сингари куйлаганлар. Бу жиҳатдан улар *қиссахон*ларга яқин туради. 19-а.нинг 2-ярми ва 20-а.нинг бошларида Султон шоир (Самарқанд вилояти), Нишон ота (Тошкент вилояти) каби машҳур Г.лар бўлган.

ГЎША — Яқин ва Ўрта Шарқ мумтоз мусиқасида йирик туркумли асарларнинг таркибий бўлаги. Мақомот тизимидаги Озарбайжон ва Эрон *дастгоҳ*ларида шўъбаларни ташкил этувчи

чолғу-вокал кичик тузилмаларнинг умумий номи. Муайян ҳис-туйғуларни ифодаловчи Г.лар ўзига хос товуш кўлами, оҳанг ва усуллар б-н ажралиб туради. Г.лар мустақил номлар б-н юритилади. Ҳар бир асосий дастгоҳ 40 дан ортиқ, унга эргашган овозалар эса 20 га яқин Г.ларни ўз ичига олади. Мас., Шур эрон дастгоҳи таркибидан Карашма, Овоза, Чор мезроб, Салмак, Гулрез, Сафо, Абу Ато, Бузург, Курдий, Уззол, Ҳусайний каби Г.лар ўрин олган.

ГЎШАНГА — қ. *Чимилдиқ.*

ГЎШТ — қимматли озиқ-овқат маҳсулоти; сўйилган ҳайвон нимтаси ёки нимтасининг бир қисми. Г. инсон истеъмол қиладиган озиқ-овқатдаги оқсилнинг асосий манбаи ҳисобланади. Г.нинг тузилиши ва таъми, сифатлари ҳайвонлар тури, зоти, жинси, ёши, боқиш ва сақлаш шароитларига боғлиқ. Ҳайвонларнинг турига қараб, мол (қорамол), қўй, от гўшти ва б.га ажратилади. Қорамол, қўй, эчки Г.и сифати ва семизлигига қараб биринчи ва иккинчи тоифаларга бўлинади. Г. мушак тўқималарининг кимёвий таркиби (%): сув 72—75, оқсил 18—22, ёғ киби (%): сув 72—75, оқсил 18—22, ёғ ва ёғсимон моддалар 0,5—3,5, азотли экстратив моддалар 1—1,7, углеводлар 0,7—1,4, минерал моддалар 0,8—1,8. Г.нинг сифат жиҳатдан энг муҳим қисми мушак тўқималари ҳисобланади. Г.да унинг миқдори 40—70% га боради. Мушаклар оқсилларида ҳаётий зарур аминокислоталар бор. Мушак толаларидаги миоглобин оқсили Г.га қизил тус беради. Г.нинг истеъмол қилинадиган қисмининг минерал таркиби (мг%): фосфор 180—230, калий 200—300, кальций 7—15, магний 17—25, темир 1,5—3,0 ва б. Г. таркибида яна турли хил кислоталар, витаминлар (РР, B_1, B_2, Е ва б.) бўлади. Г.нинг сақланиш муддатини узайтириш учун музлатилади, тузланади, дудланади (қ. *Гўшт саноати*).

Тальват Акмалхонов.

Гўштнинг истеъмол қилинадиган қисми кимёвий таркиби (% ҳисобида)

Хили	Сув	Оқсил	Ёғ	Углевод	1 кг гўштнинг ккал*
Мол гўшти	72,2	18,9	12,4	0,06	2030
Қўй гўшти	51,1	16,3	15,3	—	1870
От гўшти	74,2	21,7	2,5	0,4	815
Товуқ гўшти	65,5	18,2	19,0	—	2410

* 1 ккал=4,18 кЖ

ГЎШТ ВА СУТ УЧУН БОҚИЛАДИГАН ҚОРАМОЛ ЗОТЛАРИ — бўрдоқига боқилганда кўп гўшт-ёғ қиладиган, соғин даврида кўп сут берадиган моллар. Буларга абердин-ангус (қ. *Абердин-ангус қорамол зоти*), швиц, олатов, кострома, лебедин, бестужев, симментал каби қорамол зотлари киради. Сигирлари вазни 450—550 кг, буқаларининки 800—900 кг. Сигирлари ўртача 2500—3000 кг, айримлари 4000—5000 кг сут беради. Сутининг ёғлилиги 3,7—4,2%. Бу қорамолларнинг гавда тузилиши пишиқ, елини яхши ривожланган. Семиртирилганда 56—58%, ҳатто 60—65% (2—3 ёшли бичилган буқалари) гўшт-ёғ қилади. Ўзбекистонда швиц ва олатов зотлари яхши иқлимлашган. Кўпчилик вилоятларда, айниқса, швиц моллари соф ҳолда урчитилиб, маҳаллий зотларни яхшилашда фойдаланилмоқда (қ. *Қорамолчилик*).

ГЎШТ ПАШШАЛАРИ — икки қанотли ҳашаротларнинг йиғма гуруҳи, кўк Г.п. (Calliphoridae) ва кулранг Г.п. (Sarcophagidae) оилаларини ўз ичига олади. Кўк Г.п.нинг танаси ялтироқ-яшил ёки кўк, ялтироқ-қорамтир туклар б-н қопланган. Ҳар хил жойларда, жумладан ҳайвонлар тезаги, ахлатхоналарда учрайди. Айрим синантроп (одамлар яшайдиган жойларда яшовчи) турлари касаллик тарқатади ёки терида яра пайдо қилади. Қуртлари ҳайвонлар ўлимтиги, кушхоналар ва озиқ-овқат чиқиндиларида, гўнг ва ахлатда кўпаяди. Кулранг Г.п.нинг танаси йирик туклар б-н қопланган. Г.п.нинг 2500 га яқин, жумладан Ўзбекистонда 150—170 тури маълум. Тирик туғади. Қуртлари ҳашаротлар ва умуртқали ҳайвонларда паразитлик қилади ёки уларнинг ўлимтиги б-н озиқланади. Бир қанча турлари наштарли пардақанотлилар инида яшаб, улар ғамлаган озиқни ейди. Кулранг Г.п.дан *вольфарт пашшаси* кўпчиликка маълум.

ГЎШТ САНОАТИ — сўйилган молни комплекс тарзда қайта ишловчи саноат тармоғи, озиқ-овқат саноатининг муҳим соҳаси. Г.с. корхоналарида қорамол, қўй-эчки, парранда, қуён ва б. сўйилиб, ундан гўшт олинади, гўшт консерваси, колбаса маҳсулотлари, ярим тайёр фабрикатлар (котлет, чучвара, пазандачилик маҳсулотлари) тай-

ёрланади; шунингдек чорвага ем сифатида ишлатиладиган гўшт ва суяк уни, қимматбаҳо тиббий препаратлар (*инсулин, гепарин, липокаин* ва б.), аминокислоталар, шунингдек, елим, парранда пари ва пати, желатин ишлаб чиқарилади. Г.с.да ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг хили 400 дан ошади.

Кўпгина мамлакатларда гўшт ва гўшт маҳсулотларини и.ч. асосан 20-а. ўрталаридан саноат миқёсида ривожлана бошлади. 30—40-й.ларга келиб йирик гўшт к-тлари қурилди. И. ч.да замонавий машина ва аппаратларни қўллаш, и. ч. жараёнларини механизациялаш натижасида Г. с. да маҳсулот етиштириш салмоғи ошиб борди. Мас., АҚШ да гўшт етиштириш яхши тараққий этган бўлиб, жами сўйилган моллар-нинг 95% га яқини саноат усулида қайта ишланади. Шунингдек, Аргентина, Уругвай, Янги Зеландия, Австралия ва бошқа давлатларда ҳам бу борада катта ютуқларга эришилган. Ғарбий Европанинг қатор мамлакатларида қорамол сўйиш коммунал кушхоналарда, колбаса маҳсулотлари, консервалар ва б. гўшт маҳсулотлари и. ч. эса махсус корхоналарда, шунингдек магазинлар қошидаги майда қассобхоналарда амалга оширилади. Гўшт ишлаб чиқарувчи асосий мамлакатлар — Европа, Шим. Америка мамлакатлари, Хитой. Жаҳонда аҳоли жон бошига гўшт истеъмол этишнинг ўртача йиллик ҳажми 35 кг атрофида, унинг энг кам даражаси Африка мамлакатлари, Жан. Америка ва Жан.-Шарқий Осиё мамлакатларига, юқори даражаси эса асосий гўшт ишлаб чиқарувчи мамлакатларга тўғри келади (йилига ўртача 120—130 кг). Кейинги даврда Ғарбий Европа ва АҚШда гўшт етиштиришда парранда гўштини ишлаб чиқариш кўпайиб бормоқда. Жаҳон бўйича ялпи гўшт ишлаб чиқариш 225,9 млн. т (1999).

Ўзбекистонда ҳам саноатнинг бу тармоғи асосан 30-й.лардан бошлаб шаклланди. Бунга қадар аҳолини гўшт б-н майда ва тарқоқ қассобхона ҳамда кушхоналар таъминлаб келган. От гўштидан қази, қорамол, қўй гўштидан узоқ муддат сақланадиган қуритилган, қовурилган гўшт маҳсулотлари тайёрланган. 1905 й.да тошкентлик бой Орифхўжа Азизхўжаев Туркистон ўлкасида дастлабки з-д типидаги кушхонага асос солган. 1929 й.да бу кушхона негизида Тошкент гўшт к-ти ташкил этилади. 1932 й.да Г. с. республика халқ хўжалиги режасига алоҳида саноат тармоғи сифатида киритилди. Ўша йили Тошкент, Самарқанд, Андижон, Бухоро, Каттақўрғон, Термиз, Қарши, Қўқон ш.ларидаги 8 та шаҳар қассобхонаси, Самарқанд ва Бухородаги музхона (музлаткич)ни бирлаштирган «Ўзгўштсовитишсаноат» трести ташкил этилди. Кейинчалик бу трест таркибига Олмалиқ, Чирчиқ, Наманган, Янгийўл ш.ларидаги кушхоналар, Хўжайли, Урганч мол сўйиш пунктлари ва Тошкент музхона к-ти ҳам кирди. 1955—65 й.ларда Бухоро, Хўжайли, Урганч (ҳаммаси 1956 й.да), Термиз (1960), Шаҳрисабз (1965) гўшт к-тлари қурилди. 1965 й.да Республика Гўшт ва сут саноати вазирлигининг ташкил этилиши б-н. Г. с. корхоналари қурилиши жадаллашди. Чирчиқ, Фарғона, Каттақўрғон, Самарқанд гўшт к-тларида юқори қувватга эга бўлган колбаса цехлари қурилди. 1949 й.да Ўзбекистондаги 14 гўшт комбинатининг смена қуввати 82 т гўштни қайта ишлаш, 17,2 т колбаса маҳсулотлари и. ч. даражасида бўлса, 1979 й.да 18 гўшт к-тининг смена қуввати 438,5 т гўштни қайта ишлаш ва 125,5 т колбаса маҳсулотлари и.ч.гача ортди. 1970—1995 й.ларда Самарқанд, Навоий, Урганч, Жиззах ва Наманган гўшт к-тлари қуриб ишга туширилди, Бухоро, Фарғона, Термиз, Хўжайли, Қарши, Шаҳрисабз гўшт к-тлари қайта таъмирланиб, қувватлари оширилди. Кўпгина корхоналар янги технологияларни қўллаш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини кўпайтиришга эришдилар.

Республика мустақилликка эришгандан кейин бошқа соҳалардаги сингари гўшт саноати соҳасида ҳам чуқур ташкилий ва иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди, тармоқдаги корхоналарнинг кўпчилиги давлат тасарруфидан чиқарилиб, акциядорлик жамиятларига айлантирилди. Илгари тармоқ корхоналарига раҳбарлик қилган Гўшт ва сут саноати вазирлиги тугатилиб, 1993 й. 6 апр.да «Ўзгўштсутсаноат» давлат-акциядорлик уюшмаси ташкил этилди. 1991—2001 й.ларда республикадаги жамоа хўжаликлари ва тадбиркорлар томонидан замонавий технология ускуналари б-н жиҳозланган гўшт ва колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган энг йирик корхоналар қурилди. Тармоқдаги энг йирик корхона Тошкент вилояти (Ўртаовул)даги гўшт к-тидир. Тошкент вилоятида бундан ташқари Ангрен, Бекобод, Олмалиқ, Чирчиқ гўшт к-тлари ва Янгийўл тажриба колбаса з-ди ишлайди. «Ўзбекбирлашув»нинг «Ўзбекистон ширкат саноати» бирлашмаси таркибида ҳам колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ўнлаб цехлар фаолият кўрсатади.

Республика Г. с.да Германия ва Туркия, Хитой фирмалари б-н ҳамкорликда суякни қайта ишлаш, ичак маҳсулотлари тайёрлаш, ярим тайёр гўшт маҳсулотлари и. ч., гўштни қадоқлаш ва ўраб истеъмолга чиқариш бўйича тадбирлар амалга оширилади. Ҳоз. «Ўзгўштсутсаноат» уюшмаси таркибида 16 йирик гўшт корхонаси (к-тлар) 45 гўшт етиштиришга ихтисослашган хўжаликлар, вилоят туманларида сўқимга боқиладиган ва бўрдоқичилик пунктлари ҳамда 160 дан ортиқ ўрта ва кичик корхоналар бор. Республика Г. с. ўзининг мустақил ва етарли хом ашё базасига эга. Кейинги йилларда республикада чорва моллари бош сонини сақлаб қолган ҳолда, гўшт ва гўшт маҳсулотлари и. ч.ни кўпайтиришга эришиш йўлидаги тадбирлар давом эттирилмоқда. 2000 й.да Ўзбекистон Республикасида 841,1 минг т гўшт етиштирилди (тирик вазнда) ва Г.с.да 121,6 минг т гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Пўлат Турсунхўжаев.

ГЎШТ УЧУН БОҚИЛАДИГАН ҚОРАМОЛ ЗОТЛАРИ — яйловда тез ва яхши семирадиган моллар. Буларга қалмоқи (астрахон), қозоқи оқ бош, герефорд, шортгорн, абердин ангус, санта-гертруда каби зотлар киради. Сигирларининг вазни 500—550 кг, буқаларинки 850—900 кг. Соғин даврида ўртача 700—800 кг, айрим ҳоллардагина 2000—2500 кг сут беради. Семиртирилган 1,5—2 яшар молларининг вазни 400—560 кг, 8 ойлик бузоқларининг вазни 180—210 кг. Улар тез етилади. 2—3 яшари семиртирилганда 60—65% гўшт-ёғ қилади, терисидан сифатли чарм тайёрланади. МДҲ мамлакатларида умумий гўшт маҳсулотлари ҳажмининг 43% дан кўпроғи қорамол гўштига тўғри келади. АҚШ, Канада, Марказий ва Жан. Америка мамлакатлари, Австралия, Янги Зеландияда гўшт йўналишидаги қорамолчилик ривожланган. Ўзбекистонда жайдари моллар б-н чатиштирилиб, гўштдор қорамол подалари яратилмоқда (қ. *Қорамолчилик*).

ГЎШТ-СУТ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ НАЗОРАТИ СТАНЦИЯСИ — давлат ветеринария муассасаси; деҳқон бозорларида сотиладиган ҳайвон ва ўсимликлар маҳсулотлари (гўшт, гўшт маҳсулотлари, балиқ, сут, тухум, дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари ва б.)ни ветеринария-санитария экспертизасидан ўтказади. Шунингдек, ст-я ходимлари мол бозорларида сотиладиган чорва ва парандалар соғлиғини ҳам назорат қилади. Чорвачилик, деҳқончилик ва озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини,


бозор ҳудуди, сотиш жойлари, савдо-сотиқ жиҳозлари ҳамда база, омбор, музхоналар тозалигини текшириб туради. Сотишга яроқли маҳсулотларга ветеринария назоратидан ўтганлигини билдирувчи тамға босади. Сифатсиз маҳсулотларни сотишга рухсат бермайди. Ст-я аҳоли ўртасида ветеринария-санитария масалалари бўйича тарғибот ишларини олиб боради, бозорда сотишга мўлжалланган маҳсулотларда учраган юқумли ва инвазион касалликлар (куйдирги, сил, финноз, трихинеллёз) тўғрисида туман бош ветеринария врачига ўз вақтида ахборот беради.

Бундай назорат ст-ялари 1957 й.да соғлиқни сақлаш муассасалари ихтиёрида бўлган гўшт назорати ҳамда сут назорати ст-ярларининг қўшилиши натижасида ташкил этилган. Ст-ялар ишига республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ветеринария бош бошқармаси раҳбарлик қилади.

Фатхулла Ибодуллаев.

ГЎШТ-СУЯК УНИ — оқсил-минерали озуқа. Гўшти ейишга яроқсиз деб топилган ҳайвонлар гўштини гўшт комбинатларида махсус камерада юқори ҳарорат ва ҳаво босимида қуритиб тайёрланадиган (ун қилинган) озуқа. 1 кг Г.-с.у.да, 1,04 *озуқа бирлиги,* 900 г қуруқ модда, 400 г тозаланмаган ва 341 г ҳазмланувчи протеин, 21,7 г лизин ва 8,8 г метионин-цистин аминокислоталари бор. Шунингдек, Г.-с. у. кальций, фосфор, микроэлементларга, В гуруҳи витаминларига бой. Г.-с.у. асосан чўчқалар, паррандалар, мўйнали ҳайвонлар рационига, шунингдек, турли *аралаш ем*ларга тўйимлилигини ошириш учун қўшилади. Балиқ овлаш флотлари овлайдиган денгиз ҳайвонлари гўштидан ҳам Г.-с.у. тайёрланади.

ГЎШТҚИЙМАЛАГИЧ — гўшт майдалайдиган асбоб ёки машина. Г. тана (корпус), шнек (винтсимон ўқ), пичоқ, тўр, гайка ва дастадан иборат. Рўзғорда (қўл б-н ишлатиладиган Г.), гўшт маҳсулотлари тайёрлайдиган корхоналарда, савдо корхоналари ва жамоат ошхоналарида (электр Г.) ишлатилади (расм). Гўшт бўлаклари машинага солиб турилади, шнек ҳосил қилади-ган босим гўштни пичоқ ва тешикли тўр орқали ўтишга мажбур қилади. Г.га тешиклари турли ўлчамдаги тўр қилиб, исталган майда-йирикликдаги қийма чиқариш мумкин.



Гўшт қиймалагич: *1* — шнек; *2, 4* — пичоқлар; *3, 5* — тўрлар; *6* — тирак ҳалқа; *7* — гайка; *8* — корпус; *9* — тарелка; *10* — шестернялар; *11* — итаргич.

ГЎЯНДА — 1) таъзия маросимида аза қўшиғини айтиб, марҳумга бўлган иззат-ҳурматини, унинг яхши хислатларини йиғи, йўқлов, айтиш б-н изҳор этувчи аёл; 2) қадимда тўй, сайил-томоша ва шодиёналарда ҳикоя, қисса айтгувчи киши. Г.лар якка-якка ёки театрлашган ансамбль тарзида ижро этишган. Ансамбль тарзидаги Г.лар таркиби сароянда (ашулачи) ва навозанда (чолғучи)лардан иборат бўлиб, Г. ҳикоясини куй ва қўшиқ б-н ривожлантиришга хизмат қилган. Бу тоифадаги Г.лар фақат эркаклардан иборат бўлган.

ГЎЯНДАЛИК — халқ орасида кенг тарқалган профессионал сўз санъати кўринишларидан. Г. б-н шуғулланувчи одам *гўянда* деб номланган. Бадиий сўз ижрочилигининг мумтоз анъаналарига кўра, Г. санъати ижрочилик жараёни ҳамд (худонинг мақтови) ва наът (Муҳаммад (ас) мадҳи)дан бошланиб, кейин аниқ бир воқеа ва ҳодисалар баёнига киришилган. Ўрта асрларда Г. санъати ғоят ривожланган ва ижтимоий мавқега эга бўлган. Г. б-н шуғулланувчилар 2 тоифага: тўй-ҳашам ва таъзия гўяндалигига бўлинади.

Ёзув тури	Белги	Сана
Авесто		Мил. ав. 6 – 4 - а
Урхун - Енисей ёзуви		5 – 8 - а
Туркий (уйгур) ёзув		8 – 13 - а
Суғд ёзуви	—	Мил. ав. I - минг й. охири – 13 - а
Араб ёзуви		13 - а – 1929 й.
Лотин ёзуви	D	1929 – 1939 й.
Кирилл ёзуви	Д	1940 – 1995 й.
Лотин ёзуви	D	1995 й. дан

Д

Д — ўзбек кирилл алифбосининг бешинчи ҳарфи. Тил олди, портловчи, жарангли ундош товуш. Сўз боши (дара, довон), ўртаси (буғдой, мадат), охири (обод, озод)да кела олади. Сўз охирида келганда «д» товуши жарангсизлашади ва «т» тарзида талаффуз этилади (мас., обод-обот, озод-озот ва ҳ.к.). Бундан ташқари, сўз охирида келган ёндош ундошлардан бири (кейингиси) «д» бўлса, у тушиб қолади (мас., баландбалан, Самарқанд-Самарқан ва б.). Лекин бу ҳодиса имло қоидаларида акс этмайди. 1929—39 й.ларда амалда бўлган ўзбек лотин алифбосида ҳам бешинчи ўринда. 1995 й.да қабул қилинган кейинги *ўзбек лотин алифбосида* учинчи ўринда бўлиб Dd кўринишига эга. Туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқи учун умумий бўлган ёзувларда бу ҳарф ўзига хос шаклга эга. Улар қуйида келтирилди.

Ёзув тури	*Белги*	*Сана*
Авесто	𐬛	*Мил. ав. 6 – 4 - а*
Урхун - Енисей ёзуви	𐰉 𐰋 𐰍	*5 – 8 - а*
Туркий (уйғур) ёзуви	𐽆 𐽅	*8 – 13 - а*
Суғд ёзуви	—	*Мил. ав. 1 - минг й. охири – 13 - а*
Араб ёзуви	د	*13 - а – 1929 й.*
Лотин ёзуви	D	*1929 – 1939 й.*
Кирилл ёзуви	Д	*1940 – 1995 й.*
Лотин ёзуви	D	*1995 й. дан*

ДАББА — қорин бўшлиғидаги аъзолар (кўпинча чарви ва ичак)нинг чов канали орқали ёргоққа (мояк халтасига) тушиб қолиши. *чурра*нинг бир тури. Чов каналининг кенгайиши ва мояк хусусий пардасининг битмай қолиши оқибатида Д. туғма бўлиши мумкин. Қорин деворининг баъзи соҳасидаги айрим мускулларнинг суст ривожланганлиги, киши озиб ёки семириб кетганда мускул тўқимасининг ёғ тўқимаси б-н алмашиниши сабабли қорин деворининг бўшашиб қолиши ва шу даврда қорин бўшлиғидаги босимнинг ортиши Д. ривожланишига имкон беради. Д.нинг сабаблари маҳаллий ва умумий бўлади. Буларга чов соҳасининг тузилиш хусусиятлари (маҳаллий), оғир юк кўтариш, қабзият, доимо кучаниш (умумий) ва ҳ.к. киради. Ёргоққа тушган чарви ва ичак қисилиб қолганда (Д. қисилганда) ўз вақтида операция қилинмаса, ичак тутилиши мумкин. Д. қисилиб қолганда тез ёрдам чақириш керак. Д. ҳатто ҳеч безовта қилмаганда ҳам операция қилиш лозим. Беморнинг соғлиғи операцияга имкон бермаганда бандаж тақиб юриш тавсия этилади. Олдини олиш: семириб ёки озиб кетишдан сақланиш, оғир юк кўтармаслик, қорин деворини мустаҳкамлайдиган махсус машқлар (врач тавсияси б-н) қилиб туриш керак.

ДАБИР (суғдча) — мамлакат ҳукмдорининг шахсий котиби. Илк ўрта асрлардан бошлаб манбаларда учрайди. Катта ва кичик маъмурий ҳудуд ҳукмдорларининг маҳкамасида котиб. Самарқандда Афросиёб деворий суратлари орасидаги суғдча ёзувда котиблар бошлиғи — дапирпат. Д.лар чуқур билимли етук одамлар бўлишган. Улар дин, тарих, адабиётни пухта билиши, ажойиб услубда ёзиши ва воқеани чиройли сўзлар б-н ифодалай билиши лозим эди. Д.нинг сифатларини Низомий Арузий Самарқандий ўзининг «Чор мақола» («Тўрт мақола») асарида батафсил баён этган. Ҳукмдорнинг бошқа ҳукмдорлар б-н ёзишмаларининг юқори савияда битилишида Д.нинг масъулияти улкан бўлган.

ДАБИРИЙ Каттақўрғоний, Мийно (тахаллуслари; асл исми Остонақул Абдушукур ўғли) (1871 — Каттақўрғон ш. яқинидаги Пайшанба қишлоғи — 1939) — шоир, хаттот. Бухородаги Халифа Ҳусайн мадрасасида таҳсил кўрган. Ўз қишлоғи ва Бухоро амири саройида мирзалик қилган. «Ёш бухороликлар»га қўшилиб амир Олимхонга қарши ҳаракатда қатнашган. 1917 й. окт. давлат тўнтаришидан кейин янги усуллаги мактабда муаллимлик қилган, кўҳна қўлёзмаларни қидириб топиш б-н ҳам шуғулланган. Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Навоий, Фузулий, Бедил ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Девон тузган, аммо девони амир кишилари томонидан ёқиб юборилган. Асарларидан намуналар «Баёзи Валий», «Баёзи Маҳдий», «Баёзи Муҳиббий» каби манбаларда сақланган. Бизгача 2000 мисра шеърлари етиб келган. Хиромийнинг «Чор дарвеш» достонини ўз қўли б-н кўчириб, муқаддима (шеърий таърих) ва сўнгги сўз б-н Когонда чоп эттирган.

Ад.: Орзибеков Р., 19-а. ўзбек алабиёти тарихига доир материаллар, Самарқанд, 1985.

ДАБИРИСТОН — 1) ўрта асрда Ўрта Осиё ва Эрон шаҳарларидаги мактаб. Бундай мактабда болалар озми-кўпми лунёвий умумий маълумот олган, одатда, машҳур шоирларнинг девонларини ўқиб чиққан, ёзиш ва ҳисоблашни ўрганган; 2) подшоҳ ва хонлар ҳузурида иш юритган мирзахона. Бу ерда махсус котиблар (дабирлар) томонидан давлат мактуби, ҳужжатлари тузилган ва таҳрир қилинган, ҳисобчилар ҳисоб-китоб ишлари б-н шуғулланган.

ДАБУСИЯ, Дабусқалъа — археологик ёдгорлик (мил.ав.3-мил. 19-а.). Зарафшоннинг ўнг қирғоғида, Оқдарё ва Қорадарёнинг туташган жойида, Зиёвуддин ш.дан 7 км шим.-ғарбда жойлашган. Арк (1,4 га) кенг *хандақ* ва шаҳристон (тахм. 2,2 га) б-н ўралган, атрофи рабод (60 га дан зиёд)дан иборат. Антик давр қадаҳлари (мил. ав.3-а. — мил. 3-а.), илк ўрта асрларга (6—7-а.лар) мансуб тош ва сополдан ишланган буюмлар, сирланган идишлар (9—12-а.лар), тангалар, шиша идишлар ва б. нарсалар топилган. 6—7-а.ларда Буюк ипак йўлида турган Фай давлатининг маркази. *Араб халифалиги*га қарши Суғдда кўтарилган қўзғолон пайтида (8-а.). Д.да 10 минг кишилик гарнизон бўлган. 9—12-а.ларда Самарқанддан Бухорога борадиган «шоҳ йўли»да Д. Суғднинг йирик шаҳри ҳисобланган. 13-а. бошида мўғуллар томонидан вайрон қилинган. 15—18-а.ларга оид тарихий манбаларда қалъа сифатида эслатиб ўтилган. 19-а.да Бухоро амирлигига қарашли Зиёвуддин беклигининг қалъасига айланган. Арк ўрнида бек қалъаси жойлашган.

ДАВАК — дераза ўрнидаги панжарали кўтарма тўсиқ. Хона ичини шамоллатишга хизмат қилади. Маҳаллий меъморликда ишлатилган. Ҳоз. бинолларда ойнали дераза ва унинг ташқарисидан ўрнатиладиган жалюзи Д. ўрнини эгаллаган.

ДАВАН (хитойча Да-юаньдан олинган) — Фарғона водийсидаги қад. давлат. Мил. ав. 2—1-а.лардаги Хитой манбаларида кенг, обод, бой мамлакат — Д. ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Д. шаҳар ва воҳа ҳокимларининг эркин иттифоқидан иборат давлат эди. Улуг ҳукмдор қароргоҳи Гушан (ҳоз. Ўзган ш. деб тахмин этилади)да бўлган. Подшо ҳокимияти қабила зодагонларидан иборат оқсоқоллар кенгаши томонидан чеклаб қўйилган. Олий кенгаш ҳукмдорни подшоликдан тушириши, ҳатто ўлим жазосига ҳукм қилиши мумкин бўлган. Д. атамаси тарихий адабиётларда мил. 3-а.гача учрайди. Сўнгра Д. ўрнига «Бохань» ва «Полона» (мил. 5-а.) атамалари учраб муаррихлар ушбу атамалар қад. Д. га мос келади деб қайд этиб ўтганлар. Хитойликлар Д. деб номи тохарлар (taxwar) б-н боғлиқ бўлган мамлакатни аташган деган фикр бор.

Мил. ав. 2-а. охиридаги маълумотларга кўра, Д. аҳолиси 300 минг кишини ташкил қилган, Д.ликлар кўзлари киртайган, қалин соқолли халқ бўлиб, савдо-сотиқ ишларида моҳирликлари б-н ном чиқаришган. Д.да хотин-қизлар иззат-икром қилинган. Д.да етиштирилган «осмон тулпорлари» — аргумоқлар Шарқда машҳур бўлган. Мил. ав. 104—101 й.ларда Хитой аскарлари Д.га икки бор ҳужум қилганлар. 1-ҳужум Хитой аскарларининг мағлубияти б-н тамом бўлган, чунки улар истеҳкомга айлантирилган қишлоқларнинг қаршилигини синдириш учун ожизлик қилганлар. Хитойликлар 60 минг кишилик катта қўшин б-н иккинчи марта ҳужум қилиб, 101 й.да Эрши ш.ни қамал этишган (қ. *Эрши мудофааси*).

ДАВАО — Филиппиндаги шаҳар. Давао провинциясининг маъмурий маркази. Минданао о.даги Давао бухтасидаги порт. Халқаро аэропорт бор. Аҳолиси 1,1 млн. киши (2000). Абака етиштириладиган ва уларга ишлов бериладиган р-ннинг муҳим маркази ҳамда Минданао о.нинг асосий савдо шаҳри. Ёғоч-созлик, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Д. орқали четга абака, копра ва ёғоч-тахта чиқарилади.


ДАВАТЦ Лариса Иосифовна (1937, Тяньцзинь ш., ХХР ҳудудида) — график рассом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1987). Москва рассомлик ин-тида таълим олган (1958—64). 1964 й.дан Ўзбекистонда. Д.нинг маҳорат б-н яратган асарлари кўтарилган мавзулар мазмунини аниқ очиб бера олиши б-н ажралиб туради: «Қирғизистон» туркуми (гуашь, 1967, 1973), «Кутиш» (1985), «Урушга йўл йўқ» триптихи (1986) ва б. оқ-қора, рангли асарлари шулар жумласидан. Ўзбекистон (мас., С. Аҳмад, С. Зуннунова, А. Орипов), Қирғизистон (Ч. Айтматов) ва б. қардош халқлар, шунингдек, чет мамлакатлар (У. Уитмен, АҚШ) мумтоз ёзувчиларининг асарларини бадиий безади. Сўнгги йилларда рангтасвирда ижод қилмоқда («Ёшлик хотиралари», «Денгиз чиғаноқлари» ва б.).

ДАВИД (David) Жак Луи (1748.30.8, Париж — 1825.29.12, Брюссель) — француз рассоми, инқилобий классицизмнинг етакчи намояндаси. Париждаги Қироллик рассомлик ва ҳайкалтарошлик академиясида (1766—74; 1784 й.дан академик), 1775—80 й.ларда Римда таълим олган. Қад. тарихий мавзулардаги асарларида классицизм хусусиятлари кўзга ташланади («Горацийлар қасамёди», 1784; «Ликторлар Бруттга унинг ўғли жасадини келтирмоқдалар», 1789 ва б.). Улуғ француз инқилоби (1789—94)да фаол қатнашган, якобинчилар Конвенти аъзоси бўлган. Қаҳрамон замондошлари қиёфасини акс эттирган асарлар яратган («Тўп ўйнайдиган залда қасамёд», 1791; «Маратнинг ўлими», 1793 ва б.). Термидорианлар тўнтаришидан сўнг инқилобий ҳаракатдан четлашди. Директория йиллари, кейинроқ Империяда Д. Наполеоннинг биринчи рассоми бўлган. Кўринишда ёқимли, тантанавор (саройбоп) асарлар («Наполеон Сен-Бернардан ўтишда», 1800; «Наполеоннинг Жозефинага тож кийдириши», 1805—07 ва б.), ўта нафис портретлар («Мадам Рекамье», 1800 ва б.) яратди. Айни пайтда реалистик портретлари ҳам дунёга келди («Грендль оиласидан ўсмир портрети», 1816 ва б.). Бурбонлар ҳокимиятга қайтиши б-н Брюсселга кетади.



Ж.Л. Давид. «Маратнинг ўлими» (1793).

ДАВИДЗОН ҒЎЗАСИ (Gossypium davidsonii Kell.) — ёввойи ғўза тури. Геноми D_{2-d}, хромосомалар сони 2_n=26. 1873 й.да топилган. Биринчи марта Келлер таърифлаб берган (1912). Мексиканинг Сонора штатида, Қуйи Калифорнияда ва Равилья, Гигедо о.да тарқалган. Д. ғ. кўп йиллик, сертук бута, бўйи 2 м гача. Ҳосил шохлари 2—3 бўғимли.



Давидзон ғўзаси: *1* — поянинг бир қисми; *2* — кўсаги; *3* — чаноги.

Барглари майда, бутун ёки 1—2 бўлакчали, юраксимон, учи чўзиқ ва ўткир, оч яшил, бахмалсимон. Барг шира безибитта, томир учлари майда, қизил. Гуллари майда, косачасимон, сариқ, асосида майда-майда тўқ қизил доғлари бор. Гулёнбарглари юраксимон, 6—8 учли тишчалар бор. Кўсаклари майда, думалоқ, учи ўткир, 3—5 чаноқли, тўлиқ очилмайди. Чигити майда, тошдек қаттиқ, 3—4 мм ли қўнғир туклари чигитга ёпишган. Д. ғ. қурғоқчиликка, шўрга чидамли, серҳосил, битлар ва бактериоздан кам зарарланади. Клоши, Армур ғўзалари б-н осон чатишади.

Абдумавлон Абдуллаев.

ДАВИДОВ Пётр Семенович (1900.5.5—1963.30.3, Тошкент) — актёр. Ўзбекистон халқ артисти (1950). 1918—24 й.лар Самара, 1924—37 й.лар Челябинск, Иркутск, Ашхобод ва б. шаҳар театрларида, 1937 й.дан Горький номидаги Тошкент рус драма театрида ишлаган. Энг яхши роллари: Дикой («Момақалдироқ»), Каренин («Анна Каренина»), Маҳмудов («Сотқинлар»), Азизбой («Шарқ тонги»), шаҳар ҳокими («Ревизор»), Раҳимжон («Шоҳи сўзана») ва б. Ижрода юксак маданият, маҳорат, ишонарли талқин Д. ижодига хос.

ДАВИДОВСКИЙ Ипполит Васильевич (1887—1968) — патолог-анатом. Патанатомияда клиник-анатомик йўналиш асосчиларидан. Тиббиёт ФА акад. (1944) ва вице-президенти (1946—50, 1957—60), Меҳнат Қаҳрамони (1957). Илмий ишлари инфекцион касалликлар ва ҳарбий жароҳатлар патанатомияси ҳамда патогенези, тепкили терлама патогенези ва морфологиясига оид.

ДАВЛАТ — мамлакат миқёсида жамиятни уюштириш масалаларини ҳал қилиш, унинг ташқи муносабатларини белгилаш ваколатлари бўлган ҳукмрон тузилма. Д. жамиятни ўз қонунқоидаларига кўра идора қилади, турли тип, шаклларда ташкил топади. Д. тўғрисидаги назария *ҳуқуқшунослик*нинг муҳим соҳаси ҳисобланади. Д. ва унинг келиб чиқиши, ривожланиш босқичлари, моҳият ва вазифалари ҳақида турлича фикрлар мавжуд.

Д. масаласи ҳақидаги қарашлар, таълимотлар. Д. ҳокимияти ҳамда ҳуқуқий ҳаёт ҳодисалари ҳамма замонларда алоҳида долзарблик касб этиб келган. Д. тўғрисидаги илк тушунча ва қарашлар мил. ав. тахм. 4—3-мингйилликларда Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Хитойда пайдо бўлган. Улар асосан диний-мифологик характерда эди. *Авесто* таълимотига кўра, ҳокимият, ҳақиқат, адолатлилик 3 ахлоқий-ҳуқуқий асосга: эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амалга таянади. Д.нинг вазифаси ёвузликка қарши яхшилик, тинчлик ва инсонларнинг бахтли-саодатли ҳаётини таъминлашдир. Ислом дини таълимоти бўйича, *Аллоҳ*нинг ўзи олий қонун соҳиби. Унинг талаблари, кўрсатмалари пайғамбарлар орқали инсонларга етказилади. Д. бошлиқлари — подшолар, хонлар худонинг ердаги сояси, вакили ҳисобланади.

Диний-мифологик таълимотлар б-н бирга, кейинчалик Д. тўғрисидаги дунёвий қарашлар, ғоялар ривожланди. Бунда *Платон*, *Аристотель*, *Форобий*, *Беруний*, Ж.Ж.*Руссо*, Г.Гроций, *Спиноза*, *Локк*, *Монтескье*, *Кант*, *Джефферсон* ва б. катта ҳисса қўшдилар. Бугунги дунёвий Д.ларда ана шу мутафаккирлар таълимотлари муайян даражада ўз аксини топган. Аристотель ҳам, Форобий ҳам инсонлар ҳаётий зарур масалаларни ечишда ва ўз эзгу орзуларига эришишларида табиат инсонга ато этган ҳуқуқлар (дунёга келиш, яшаш, оила қуриш ва ҳ.к.) асосида Д.га бирлашадилар, деб ҳисоблаган. Д.га жамиятда тинчликни, тартибни таъминловчи, жамиятни идора қилувчи ҳокимият сифатида қараган. «Давлат — ҳуқуққа риоя этиш, у умум манфаати йўлида тузилган эркин кишиларнинг мукаммал иттифоқи» (Гроций), «Д. ҳуқуқий қонунлар ҳимоясида бўлган кўпчилик одамларнинг бирлашмасидир» (Кант). Ғарбий европалик олим Ж. Боден «Д. ички ва ташқи сиёсатда мустақилдир», дейиш б-н *суверенитет*, суверен ҳокимият ҳақидаги фикрни илгари сурган. Француз мутафаккири Ж.Ж. Руссо эса суверенитет халқники деган эди. Т. Гоббс бу хусусда ўзича тавсиф бериб, суверенитет соҳиби бир шахс, давлат бошлиғи ёки бир неча кишилар бўлиши мумкинлигини эътироф этган. У Д. зиммасига «қўл остидагиларга тинч-тотувликни бахш этиш, улар хавфсизлигини таъминлаш юклатилади», деб ёзган. Д. ҳақидаги назариялар қанчалик хилма-хил бўлмасин, Д.нинг ҳамма ерда ташкил топиш ва ривожлана бориш жараёни ўз йўли б-н кечди.

Д.нинг юзага келиши ва тарихий тараққиёти. Дастлабки Д.лар суғориладиган деҳқончилик ҳудудлари — Миср, Месопотамия, Элам (ҳоз. Эрон ҳудудида), Ҳиндистон ва Хитойда бундан 3,5—5 минг йиллар муқаддам вужудга келди. Суғориш шохобчаларини бунёд этиш б-н меҳнат унумдорлигининг кескин ошиши уларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Д.нинг ташкил топиш жараёнида пирамида шаклида бунёд этилган жамият вужудга келди: энг юқорида ягона ҳукмдор (подшоҳ, фиръавн, хон ва ҳ.к.), қуйироқда — унинг энг яқин сафдошлари, маслаҳатчилари (вазирлар, амирлар) турарди. Улардан кейин қуйи мартабали амалдорлар, пирамиданинг асосини эса, қишлоқ жамоалари ташкил этарди. Д. олий ҳукмдор саналиб, жонли-жонсиз ҳамма нарсаларга, барча фуқароларнинг ҳам ҳаёти, ҳам мулкига эгалик қиларди. Жамиятнинг барқарор табиати Д.нинг туб ўзгаришларсиз яшашини таъминлаб келди. Чунончи, қад. Миср Д.и мил. ав. 4—3-минг йилликларда пайдо бўлиб, 30 а.дан кўпроқ яшади. Ғарб давлатлари Шарқ Д.ларидан анча кейин пайдо бўлган, бироқ улар анча тез ривожланган. Европа ижтимоий жамиятидаги ўзгаришлар Д.ларнинг янги-янги типларини вужудга келтириб чиқарган.

Ўзбек халқи аждодларининг илк давлатчилиги тарихи анча қадим илдизларга эга. Буни археология фани ва ёзма манбалар исботлайди. Жумладан, Авесто, *ахоманийлар* даври михсимон ёзувлари ва қад. дунё (Юнон-Рим) даврига тааллуқли манбаларда бу юртдаги вилоятларнинг номлари, аҳолининг турмуши, дини, маданияти, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузуми тўғрисидаги маълумотлар б-н танишиш мумкин. Ўзбек халқи аждодларининг илк давлатчилик тизимига ўтиш жараёни мил. ав. 2-минг йилликнинг ўрталарида бошланди. Мил. ав. 7—6-а.ларда Ўрта Осиё ҳудудида энг йирик Д.лар — «Катта Хоразм» ва қад. *Бақтрия* подшолиги мавжуд эди. Суғдиена ва Фарғона вилоятлари қад. тарихнинг иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Асрлар давомида узбек халқи аждодлари чет эл босқинчилари (ахоманийлар, юнон-македонлар)га қарши кураш олиб бордилар. Турли сулолалар даврида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ўзгариб турди. Кейинги асрлар давлатчилик тарихини ўрганишда ва тадқиқ этишда Беруний, *Наршахий*, *Абдураззоқ Самарқандий*, *Шарафиддин Али Яздий*, *Бобур*, *Ҳофиз Таниш Бухорий* ва б. муаллифлар асарлари муҳим аҳамият касб этади. Ўрта асрларда ўзбек халқи давлатчилиги тарихида *сомонийлар*, *қорахонийлар*, *салжуқийлар* сулолаларининг йирик Д.лари вужудга келди. 12-а.нинг ўрталарида *хоразмшоҳлар* мамлакатни марказлаштиришга ҳаракат қилдилар, аммо бу жараёнга *мўғул истилоси* тўсиқ бўлди. Ўзбек халқи давлатчилиги тарихининг янги босқичи *Амир Темур* ҳукмронлиги даври б-н узвий боғлиқдир. Бу даврда ҳамма соҳа — иқтисодий ҳаёт, меъморлик, ҳунармандчилик, илм-фан, санъат юксак даражада ривож топди. Ушбу тарихий анъана *Улуғбек* даврида давом этди. Кейинги асрларда ўзаро низолар ва курашларга қарамай, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда янги жараёнларни кузатиш мумкин. 18-а. ўрталарига келиб Ўрта Осиё ҳудудида учта Д. (*Бухоро хонлиги*, *Хива хонлиги* ва *Қўқон хонлиги*) пайдо бўлди. Афсуски, улар ўртасида бирлик бўлмади, сиёсий қарама-қаршиликлар, ўзаро курашлар авж олди. Бундай вазиятда Ўрта Осиё хонликлари подшо Россияси томонидан истило қилиниб, Туркистон ўлкаси мустамлакага айланди. Шу даврдан бошлаб ўлкада истиқлолга эришиш ва миллий давлатчиликни тиклаш учун халқ ҳаракатлари бошланди, айниқса, 20-а.нинг 1-чорагида бу кураш ўзининг юқори нуқтасига чиқди. Ўзбекистон Д. мустақиллиги эълон қилингунча, ўзбек халқи ўз ҳаётида мана шундай мураккаб тарихни бошидан кечирди (қ. *Ўзбекистон Республикаси*).

Турли халқлар ўз давлатчилигининг шаклланиш босқичини ижтимоий, иқтисодий ва тарихий-маданий вазиятларга боғлиқ ҳолда турли тарихий даврларда босиб ўтдилар. Ер юзида ўз давлатчилигини ҳеч қачон ярата олмаган элатлар ва қабилалар сақланиб қолган бўлиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти бир неча минг йиллар илгаригидек, уруғ ва қабиланинг маънавий ўлчамлари, уруғ бошлиқларининг обрў-эътибори б-н бошқариб турилмоқда. Цивилизация инсоният маданияти ривожинигина англатиб қолмай, шунингдек, давлатчилик тараққиёти ҳамдир. Бироқ яқин-яқингача ҳукм суриб келган марксча-ленинча таълимотга кўра, Д. синфий характерга эга, ҳукмрон синфларнинг қўлидаги эксплуатация қуроли, жамият ривожлана бориб, пировардида Д. ўз қиёфасидан маҳрум бўлади ва даставвал «ярим давлат»га айланиб, кейинроқ (зарурат бўлмаганлиги боис) умуман барҳам топади. Ленининг «Давлат ва революция» асарида баён этилган бу хилдаги «назарий қоида»ларнинг таги пуч эканлигини жаҳон тарихидаги кейинги воқеалар исботлаб берди. Тарихий тараққиёт шуни кўрсатдики, инсоният ҳеч қачон ҳокимиятсиз, Д.сиз яшай олмаган, аксинча том маънодаги Д.нинг ривожланиши жамиятнинг юксалишига олиб келган. Зотан Д. жамиятда барча синфлар, табақалар ва миллатларни муросага келтириб турувчи кучдир. У барча бошқа нодавлат ташкилотлардан ўзининг асосий белгилари б-н ва қонунларининг бажарилиши ҳамма учун мажбурийлиги б-н фарқланади.

Д.нинг асосий белгилари. Д.нинг белгилари тўғрисидаги масалани ҳуқуқшунослар турлича талқин қилиб келганлар. Бунда аҳолининг ҳудудий бўлиниши, одамлар устидан раҳбарлик қилувчи ҳокимият, солиқлар тизими алоҳида ажратиб кўрсатилган. Ҳоз. вақтда Д.нинг умумий эътироф этилган қуйидаги асосий белгиларини кўрсатиш мумкин: Д. ўз чегаралари доирасида фуқаролик белгиси бўйича бирлашган бутун жамият, аҳолининг ягона вакили сифатида майдонга чиқади; Д. — суверен ҳокимиятнинг ягона эгасидир; Д. — юридик кучга эга бўлган ва ҳуқуқ нормаларини акс эттирган қонунлар ва уларга асосланиб чиқарилган ҳужжатларни қабул қилади; Д. — ўз функцияларини бажариш учун зарур Д. органлари ҳамда тегишли моддий воситалар тизимидан иборат механизм (маҳкама)га, ҳуқуқни муҳофаза қилиш (жазолаш) органлари — суд, прокуратура, милиция, полиция кабиларга, ўз мудофааси, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини ва хавфсизлигини таъминловчи қуролли кучлар ҳамда хавфсизлик органларига эга бўлади (қ. *Давлат хавфсизлик органлари*).

Д. типлари ва шакллари. Давлатшунос олимлар Д.ни ўрганишга тарихий жиҳатдан ёндашиб, қад., ўрта аср ҳамда ҳоз. Д.ларни ажратиб кўрсатадилар. Тарихий ва маданий ривожланиш қўшиб ҳисобга олинадиган бўлса, деҳқончилик б-н шуғулланувчи ва саноат б-н шуғулланувчи (ёки индустриал тараққиётгача, индустриал ва постиндустриал) Д.ларга бўлиниши мумкин. Цивилизация характерига кўра, Д.лар шарқий, ғарбий ва аралаш (оралиқ) Д.ларга, иқтисодий тараққиёт даражаси бўйича эса, юксак ривожланган, ўртача ривожланган ҳамда «камбағал» Д.ларга ажратилади. Ҳоз. замонда фанда кенг фойдаланилаётган Д. таснифи қуйидагича: тоталитар, авторитар, либерал ва демократик Д.лар. Либерал Д.да фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жамият ҳаётининг барча соҳаларида расман амал қилади, Д. ишларида фуқароларнинг расман иштирокларига йўл қўйилади. Ман этилмаган ҳамма нарсага рухсат этилади, бироқ мавжуд Д. ва ижтимоий тузумни ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Тоталитар Д.да ҳамма нарса бир ғояга — «Д. — бу ҳамма нарса, инсон эса — ҳеч нима» деган ғояга бўйсундирилган. Бунда ҳокимият ҳукмрон элита қўлида бўлиб, бошқалар Д.ни бошқаришдан четлатилган. Авторитар Д.да ҳам ҳокимият тор гуруҳ кишилар қўлида бўлиб, шахсий манфаатлар Д. манфаатлари йўлида қурбон қилинади. Сиёсий жабҳада рухсат этилганидан ташқари ҳамма нарса ман этилиши тамойил амал қилади. Демократик Д. фуқароларнинг Д. ва жамоат ишларини бошқаришдаги ҳуқуқларини амалда таъминлайди, шундай иштирокка амалда ёрдам беради. Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари доираси жуда кенг бўлиб, уларни амалга ошириш таъминланган бўлади. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонун б-н тўғридан-тўғри тақиқланмаган ҳамма нарсага йўл қўйилади (қ. *Демократия*).

Д. қурилишида Д. шакли катта роль ўйнайди. Янги Д.лар ташкил топаётганда унинг шакли тўғри танланиши, жорий этилиши муҳимдир. Д. шакли бошқарув шакли, Д. тузилиши шакли ва сиёсий идора усули (тартиб, режим) тушунчаларини ўз ичига олади. Д. бошқарув шакли — Д. ҳокимияти ва бошқарув ишларини тузиш ҳамда ташкил этишнинг муайян тартибидир. Бошқарув шаклининг энг қад. ва ҳоз. кунга қадар ривожланиб келаётган шакли *монархия* ва *республика*дир. Монархия кўпроқ Қад. Шарқ, шу жумладан, Турон заминида ташкил топган Д.лар шакли эди. Монархиянинг ўзи ҳам мутлақ монархия ва чекланган монархия кўринишларига эга. Мутлақ монархия Д.ларида Д. бошлиғининг ҳуқуқи чекланмаган, ҳокимият муддатсиз, тахт мерос сифатида авлоддан авлодга ўтади, Д. бошлиғининг устидан назорат йўқ ва у ҳеч кимга ҳисобот бермайди. Чекланган монархия табақавий — вакиллик ва конституциявий монархия шаклида бўлади. Конституциявий монархия эса дуалистик ва парламентлик монархия кўринишларига эга. Д. бошлиғининг ҳуқуқлари *парламент* томонидан қабул қилинган қонун б-н чекланади. Дуалистик монархияларда амалда монарх ва парламент ўртасида вазифалар тақсимланади. Ўтмишда Пруссия, Италия, Руминия каби Д.ларда монархиянинг ана шу кўриниши намоён бўлган. Парламентлик монархия (Буюк Британия, Бельгия, Норвегия, Швеция ва б.)да қироллик лавозими сақланган бўлса-да, у Д.ни тўла маънода бошқара олмайди. Ҳукумат сайловларда кўп овоз олган партиялар вакилларидан, парламент томонидан шакллантирилади. Д.нинг *республика* шакли ҳам турли кўринишларга эга: президентлик, парламентар ва аралаш республика. Президентлик республикаларида президент бир вақтнинг ўзида ҳам давлат, ҳам ҳукумат, яъни ижро этувчи ҳокимиятнинг ҳам раҳбаридир. У ҳукуматни қонунга биноан парламент розилиги б-н ташкил этади ва уни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга бўлади. Парламентар республикаларда эса, ҳукумат парламент томонидан ташкил этилади ва унга ҳисобот бериб туради. Республика давлат шакли, айниқса, президентлик республикаси кўпчилик ривожланган Д.ларда мавжуд. Аралаш республикада эса, ҳукумат парламент томонидан тузилади, лекин президентга бўйсунади ёки аксинча бўлади. Тузилиш таркибига кўра Д.лар оддий — унитар ҳамда мураккаб — федератив ва конфедератив Д.ларга бўлинади. Унитар Д. ягона конституцияга, ягона қонунчилик ва идора органига эга марказлашган Д.дир (қ. *Унитар давлат*). Федератив Д. бир неча мустақил Д.лар ёки алоҳида ҳудудларнинг бирлашиши натижасида вужудга келади (қ. *Федерация*). Конфедератив Д. тарихда кам учрайдиган Д. шакли. У бир неча суверен Д.ларнинг маълум бир даврда муайян мақсадларни амалга ошириш учун тузган иттифоқидир (қ. *Конфедерация*).

Сиёсий идора усули (сиёсий режим) бўйича Д.ларни демократик ва

нодемократик Д.ларга бўлиш мумкин. Демократик режимдаги Д.ларда ҳокимият органлари халқ томонидан бевосита ёки билвосита сайланган, инсон ҳуқуқлари таъминланган бўлса, нодемократик Д.ларда, аксинча, бир синф ёки партия, дин, бир гуруҳ шахслар ҳукмронлиги ўрнатилади. Бевосита демократияда, мас., қад. афиналикларда озод Афина фуқароларининг бевосита йиғинларида муҳим сиёсий масалалар ҳал қилинган. Бугунги кунда эса, кўпроқ омма ўз ҳуқуқларини сайланган вакиллари (вакиллик демократия) орқали амалга оширади.

Д. фаолиятининг асосий йўналишлари, давлат механизми. Жамият тараққиёти давомида Д. функция (вазифа)ларининг мазмуни ва тизими ҳам ўзгариб бораверган. Д. фаолияти жамият ривожланишининг муайян давридаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва вазифалар б-н боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, мас., Д.нинг ҳоз. даврда тан олинаётган табиат бойликлари ва атрофмуҳитни муҳофаза қилиш функцияси илк Д.ларда бўлмаган, чунки бунга ўша пайтда эҳтиёж йўқ эди, инсоннинг ҳаёт кечириши учун табиий шарт-шароитлар етарли ва зарарсиз эди. Ҳар бир даврда Д. ўз олдига маълум мақсадларни қўяди. Умуман ҳар бир Д. ички ва ташқи функцияларни бажаради. Ташқи функция кўпинча ички функциянинг давоми бўлиб, ундан келиб чиқади ва тўлдиради. Айрим ҳолларда, мас., уруш пайтида ички функциялар ҳам ўз-ўзидан мамлакатни мудофаа қилишга қаратилади. Жамият ривожлана борган сари Д. функциясининг ижтимоий негизи кенгайиб, аҳолининг ҳамма гуруҳ ва табақалари, бутун халқ, миллат манфаатларини кўзлашни ўз олдига мақсад қилиб қўймоқда. Д. механизмига келсак, у — Д. органлари, ташкилотлари ва муассасаларининг Д. функцияларини амалга оширишга қаратилган бир бутун тизимидир. Уни оддий «машина» б-н қиёслаш одат бўлган. Лекин у машинадан фарқ қилади, албатта. Д. механизми, авваламбор, одамлар, мутахассислар, бошқарувчилардан иборатдир. Замонавий Д. механизмлари ўта мураккаблиги б-н, яъни ҳокимият органлари ва муассасаларининг кўплиги б-н характерланади. Д. органи — Д. функцияларини ижро этишда иштирок этувчи, ҳокимият ваколатига эга бўлган Д. механизмининг бўғини. Олий ва маҳаллий Д. органлари бор. Олий ҳокимият органлари Д. ҳудуди доирасида, маҳаллий органлар фақат ўз ҳудудлари доирасида фаолият кўрсатади. Д. органлари фуқаролар томонидан бевосита ёки билвосита сайлаб қўйилади. Ҳокимиятни тақсимлаш принципига биноан, ҳуқуқий демократик Д.ларда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари мавжуд бўлади. Улар ўзаро боғлиқ ва мустақил равишда, яъни бир-бирларини тийиб туриш қоидасига кўра яхлит халқ ҳокимиятини амалга оширади. Қонун чиқарувчи ҳокимият — парламент, жойларда халқ вакиллик органлари мавжуд бўлади. Ижро этувчи ҳокимият — ҳукумат, парламент томонидан қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлайди. Унинг таркибига турли вазирликлар, муассасалар, идоралар киради ва у фармоишлар, декретлар, қарорлар ва буйруқлар қабул қилиш ҳуқуқига эга. Суд ҳокимияти олий ва маҳаллий суд органларидан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг Д. қурилиши. Собиқ СССР Д. таркибида Марказий Осиёда 5 та республика — Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қозоғистон мавжуд эди. 1991 й. иттифоқ парчаланганидан кейин ана шу юқорида санаб утилган республикалар ҳаммаси суверен миллий демократик Д.лар деб эълон қилинди ва улар бошқа Д.лар томонидан тан олиндилар. Ўзбекистон биринчилардан бўлиб (1991 й. 31 авг.да) ўз мустақиллигини эълон қилди. Республика бутун кўпмиллатли аҳолисининг иродаси «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги конституциявий қонунда мустаҳкамланди ҳамда умумхалқ референдуми (1991 й. 29 дек.)да яқдил тасдигини топди. Ўзбекистонда собиқ Иттифоқ республикалари ўртасида биринчи бўлиб бошқарувнинг президентлик шакли жорий этилди. Жойларда бошқарув тизимини қайта ташкил этиш вазифаси кўйилиб, муваффақиятли уддаланди — вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда *ҳокимлик* тузилмалари фаолият кўрсата бошлади. Суверен Д. сифатида Ўзбекистон ўз *Конституцияси*, *давлат рамзлари*, армияси, олий ҳокимият органлари, пул бирлиги ва б.га эга бўлди. ЎзР Конституциясига мувофиқ, Д. ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принципларидан бири халқ ҳокимиятчилигидир. Халқ Д.ни ўз вакиллари орқали бошқаришдир. *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига* ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутатлари орқали бошқаришдир. Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган республика Олий Мажлиси ва *Ўзбекистон Республикасининг Президенти* иш олиб бориши мумкин. ЎзР Конституциясига мувофиқ, Д. ҳокимияти тизими — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинади. Қонун чиқарувчи ҳокимият — Олий Мажлис томонидан, ижроия ҳокимият — Президент ва у раҳбарлик қиладиган *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси* томонидан ва суд ҳокимияти — республикада мавжуд суд тизими орқали амалга оширилади. Д. тузилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси унитар Д. Суверен *Қорақалпоғистон Республикаси* Ўзбекистон Республикаси таркибига киради.

Ўзбекистон жаҳон Д.лари тараққиёти жараёнида тўпланган, шунингдек, ўзининг тарихий амалиётидан олинган барча ижобий ва мақбул тажрибалардан самарали фойдаланган ҳолда ўз ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқий ривожланиш йўлини қатъий белгилаб олди. Бу — ўтмиш йўлларининг хатоларини, Д. тузилишининг шакл ва усулларига нисбатан мавжуд қарашларни чуқур идрок этиш натижасидир.

Ўзбекистонда Д. ва ҳуқуқ назарияси ҳамда тарихининг фан сифатида шаклланиши ва ривожланиши *О. Эшонов*, М.Ҳ.Ҳакимов, А.А.*Аъзамхўжаев*, Ш.З.*Уразаевнинг* олиб борган ишлари ва б-н боғлиқ. Жамият тараққиётидаги янги реалликлар Д. тўғрисидаги фанга тамомила янгича ёндашувларни тақозо этди. Д.шунослик, янги ташкил топган Д.лардаги сиёсий тизимлар тарихи ва уларнинг ривожланиши, демократик ин-тлар тузилиши, уларнинг ҳуқуқий Д. ҳаётидаги ўрни холисона тадқиқ қилина бошланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Д. мустақиллигининг ҳуқуқий асослари ва демократик жамият барпо этиш муаммолари (А.А.Азизхўжаев), Ўзбекистонда Д. бошқаруви ва Д. ҳокимиятини ташкил этиш масалалари (А. Тўлаганов), Д. суверенитети (М.Файзиев), давлат ҳамда қонун ижодкорлиги органларининг тузилиши, фаолият кўрсатиши, ваколатлари, муносабатлари, уларнинг ижтимоий ва Д. ҳаётидаги роли (З. М. Исломов, С. Д. Нигматуллаев, У. Тожихонов, О.Т. Ҳусанов), Д. ҳуқуқий муносабатлар (Х.Т. Одилқориев), инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқ (А.Саидов), ҳуқуқий парламентаризмнинг ривожланиши (Э.Х.Ҳалилов), ўзбек давлатчилиги тарихи (А.Аъзам) бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ад.: Каримов И. А., Тарихий хотирасиз келажак йўқ, Т., 1998; Каримов И. А., Кучли давлатдан кучли жамият сари, Т., 1998; Форобий, Фозил одамлар шаҳри, Т., 1993; Темур тузуклари, Т., 1996; Никколо Макиавелли, Государь, М., 1990; Гоббс, Сочинение в 2-х томах, М., 1992; Аъзамхўжаев А. А., Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ҳуқуқий асослари, Т., 1993; Бобоев Ҳ., Амир Темур ва унинг қарашлари, Т., 1992; Давлат ва ҳуқуқ назарияси (масъул муҳаррирлар: Ҳ.Б. Бобоев, Ҳ.Т.Одилқориев), Т., 2000; Исломов З., Давлат ва ҳуқуқ: умумназарий масалалар, 2000; Саидов А., Тожихонов У., Давлат ва ҳуқуқ назарияси [2 жилдли]. 1-жилд, Давлат назарияси, Т., 2001; История политических и правовых учений, М., 1996; Авесто ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни, Т., 2001; Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н., Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти, 1-қисм, Т., 2000; Зиё А., Ўзбек давлатчилиги тарихи (энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар), Т., 2000; Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари, Т., 2001.

Ҳалимбой Бобоев, Олим Ҳусанбоев.

ДАВЛАТ АЙБЛОВЧИСИ — жиноят иши бўйича судланувчига қўйилган айбни судда давлат номидан қўллаб-қувватлайдиган прокурор. Прокурор айбловни қувватлаганда амалдаги қонунларнинг талабларига ва ишнинг барча ҳолатларини эътиборга олишга асосланган ўз ишончига амал қилади. Д.а. *далил*ларни текширишда иштирок этади. Жиноят кодексининг нормаларини қўллаш, судланувчининг ҳаракатларини тавсифлаш, унга жазо тайинлаш тўғрисида ҳамда суд ҳал этиши лозим бўлган бошқа масалалар юзасидан ўз фикрини баён қилади. Прокурор суд тергови натижалари асосида судланувчига қўйилган айбловни ўзгартириш зарур, деган хулосага келса, бу ҳақда судга асослантирилган баёнот бериши шарт. Суд муҳокамасида қатнашган прокурор суд тергови маълумотлари судланувчининг айбсизлигидан далолат беради, деган ишончга келса, у айбловдан воз кечиши ва воз кечиш сабабларини судга баён қилиши; айбловнинг мазмунини ўзгартириш ёки айбловдан воз кечиш сабаблари хусусидаги фикрини судга ёзма равишда тақдим этиши шарт. Башарти фуқароларнинг ҳуқуқларини ва жамият манфаатларини муҳофаза этиш мақсадлари талаб қилса, даъво қўзғатувчи ёки жабрланувчи томонидан қўзғатилган фуқаровий даъвони қувватлайди. Ўзбекистон Республикасида прокурорнинг суд муҳокамасида иштироки ЖПК ва Прокуратура тўғрисида ЎзР қонуни (янги таҳрири — 2001 й. 29 авг.) б-н белгиланади (яна қ. *Айблов, Хусусий айблов*).



«Давлат белгиси» ишлаб чиқариш бирлашмаси. Тошкент босма фабрикасида босилган банкнотлар варақларини автоматик ҳисоблаш линияси.

ДАВЛАТ БАЙРОҒИ — давлатнинг асосий рамзларидан бири: расмий, бошқа давлатлардан фарқловчи белгиси, эмблемаси. Д.б.нинг тасвири махсус қонун ёки конституция б-н белгиланади. Давлат *суверенитети*нинг рамзи ҳисобланади. У герб ёки бошқа эмблема тасвирланган бир ёки кўп рангли алвондан иборат бўлади (жаҳондаги давлатлар байроқлари тасвири ҳақида тегишли мақолаларга қ.). Д.б. давлат муассасалари, элчихоналар, консулликлар, ваколатхоналар, божхоналар ва ҳ.к. биноларида кўтарилади. Миллий байрамлар кунлари элчихоналар, ваколатхоналар, консулликлар ўз мамлакати байроғини кўтаради. Д.б., шунингдек, маросимлар пайтида, халқаро спорт совринлари топширилаётганда ва б. ҳолларда ҳам кўтарилади.

Ўзбекистон Республикаси Д.б.нинг схематик ва рангли тасвири «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонун (1991 й. 18 нояб.)-да тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Д.б. байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эндан ташкил топган тўғри тўртбурчак шаклидаги матодан тўғри тўртбурчак шаклидаги байроқнинг юқори қисмида ярим ой ва 12 юлдуз тасвири туширилган. Байроқнинг уз. 250 см, кенглиги 125 см га тенг (155-б.даги тасвирга қ.). Ўзбекистон Республикасининг Д.б. халқаро майдонда: ЎзР расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, анжуманларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида ЎзРнинг тимсоли бўлади. Ўзбекистон Республикаси Д.б. ва уни кўтариш б-н боғлиқ тартиб-қоидалар юқоридаги қонунда белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Д.б. доимий суратда, жумладан, мамлакат Президенти, Олий Мажлис, Ўзбекистон ҳукумати, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари, ҳокимликлар иш олиб бораётган биноларда, Ўзбекистоннинг расмий делегациялари қатнашаётган халқаро тадбирларда, байрам кунлари — вазирликлар, давлат қўмиталари ва муассасалари, корхоналар ва ташкилотлар бинолари, шунингдек, уй-жой биноларида кўтарилади.

«ДАВЛАТ БЕЛГИСИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Давлат белгиси» ишлаб чиқариш бирлашмаси — Ўзбекистонда давлатнинг турли ҳужжатлари (паспорт, сертификат, қимматли қоғозлар, банкнотлар ва б.)ни тайёрлайдиган бирлашма. Босма фабрикаси (Англиянинг «Харрисон ва ўғуллари» фирмаси б-н ҳамкорликда қурилган), қоғоз ф-каси (Германиянинг «Луизенталь» қоғоз фабрикаси б-н ҳамкорликда қурилган) ва Тошкент зарбхонасига эга. Қалбакилаштиришдан ҳимояланган қимматли қоғозлар, паспорт қоғозлари, акциз маркалар учун қоғозлар, пул босиладиган қоғозлар; банкнотлар, сертифи-



Босма фабрикасида босилган қимматли қоғозлар намуналари.

катлар, лотерея билетлари, векселлар, чеклар, акциз ва почта маркалари, коллекция ва эсдалик тангалари тўпламини, эсдалик нишонларини ва б. ишлаб чиқаради. Бирлашмада мазкур жараёнлар учун барча имкониятлар мавжуд (замонавий техника ва технология, Буюк Британия, Германия, Швейцарияда таълим олган юқори малакали мутахассислар, и.ч.даги умумий хавфсизлик). Унинг илк маҳсулотини Босма фабрикаси берган. Шунингдек, 1994 й. 1 июлдан муомалага киритилган Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси — *сўм* ҳам мазкур ф-када тайёрланади. Қоғоз ф-каси 1995 й. фойдаланишга топширилган. *Зарбхона* эса бу тизимдаги янги корхона.

Сулаймон Худойқулов.

ДАВЛАТ БИБЛИОГРАФИЯСИ — мамлакат ҳудудида нашр этиладиган барча матбуот асарларини давлат ҳисобини олиш ва улар ҳақида ахборот бериш. Рўйхат барча нашриётлар ва полиграфия корхоналаридан Библиографик марказга келиб тушадиган мажбурий (контрол) нусха асосида олиб борилади ва давлат миқёсида тўлиқ бўлиши таъминланади. Д.б. тизими универсал манба бўлиб, библиографиянинг бошқа турлари ривожида асос вазифасини ўтайди: матбуот расмий статистикаси учун маълумот беради, мамлакатдаги маданият, фан ва техника ҳолатини ўзида акс эттиради, унинг кейинги тараққиётига кўмак беради. Д.б. б-н Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикаси Миллий китоб палатаси шуғулланади. Янги китобларни рўйхатга оладиган «Китоб солномаси», жур. ва газ.ларда босилган долзарб мавзудаги мақолаларни рўйхатга олувчи «Журнал мақолалари солномаси», тасвирий санъат асарларини рўйхатга олувчи «Тасвирий нашрлар солномаси» ва б.ни чоп этади.

ДАВЛАТ БОЖИ — давлатнинг махсус ваколатли идоралари (суд, милиция, фуқаролик ҳолатини қайд этиш бюроси, хўжалик судлари, нотариал идоралар, суғурта агентликлари ва б.) томонидан фуқаролар, корхоналар, ташкилот ва муассасалар манфаатлари йўлида хизмат кўрсатганлик ҳамда юридик аҳамиятга молик ҳужжатлар (паспорт, турли гувоҳномалар, сертификат, лицензия ва б.) берганлик учун ундирадиган пул йиғимлари. Ўзбекистонда Д.б. ставкалари ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Республикада Д.б.ни тўлаш, ундириш ва назорат қилиш ва б. 1992 й. 9 дек.да қабул қилинган ЎзРнинг «Давлат божи тўғрисида»ги қонунига мувофиқ амалга оширилади.

ДАВЛАТ БОШЛИҒИ — давлатнинг ички ва ташқи ишларига олий раҳбарликни амалга оширувчи шахс ёки орган. Монархия бошқаруви шаклидаги давлатлар (Буюк Британия, Швеция, Япония)да Д.б. монарх (қирол, подшо, император) бўлиб, унинг ҳокимияти ҳукмрон хонадон бир вакилидан 2-вакилига қонунда белгиланган тартибда ўтади. Республика бошқаруви шакли амалда бўлган давлатларда кўпинча *президент* Д.б. ҳисобланади. У бевосита фуқаролар томонидан сайланиши (Россия, Франция, Мексика ва б.), фуқаролар вакиллари томонидан погонали асосда сайланиши (АҚШ, Аргентина) ёки президент сайлаш учун ташкил қилинган орган томонидан сайланиши (мас., Германия) ёхуд парламент томонидан сайланиши (Чехия) мумкин. Деярли барча давлатлар конституцияларида Д.б.га жуда кенг ваколатлар берилган: у ҳукумат бошлиғини ва вазирларни тайинлайди, қуролли кучлар олий бош қўмондони ҳисобланади, маҳкумларни афв этиш ва *вето* ҳуқуқига эга бўлади, фуқароларни орден ва медаллар б-н тақдирлайди, парламентларнинг сессияларини чақиради ва ҳ.к. Айрим давлатларда унга парламентни ёхуд унинг қуйи палатасини тарқатиб юбориш ҳуқуқи ҳам берилган. Парламентар республикаларда Д.б.нинг барча ваколатларини унинг номидан ҳукумат амалга оширади (қ. *Президентлик бошқаруви*).

Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи президентдир. У айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади (қ. *Ўзбекистон Республикасининг Президенти*).

ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ШАКЛЛАРИ — қ. *Давлат.*

ДАВЛАТ БУЮРТМАСИ — давлат талаби б-н (шартнома ёки келишув асосида) корхона, ташкилот, хўжаликларга муайян маҳсулот турини белгиланган муддатларда и.ч. ва етказиб бериш, давлат эҳтиёжлари учун тегишли хизматлар кўрсатиш, шунингдек, и.ч., ноишлаб чиқариш ва и.т. ишларини бажариш ва б.; иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш (тартиблаш) воситаларидан бири. Д.б. асосан умумдавлат ва ижтимоий вазифаларни ҳал этиш, илмий-техникавий дастурларни бажариш, мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш ва иқтисодий мустақилликни таъминлаш, ижтимоий и.ч.ни ривожлантирувчи энг муҳим и.т.лар ва илмий ишланмаларни амалга ошириш, қ.х. маҳсулотлари етказиб бериш, давлатнинг марказлашган маблағлари ҳисобидан и.ч. ва ижтимоий соҳалар учун янги қувватлар, объектлар яратиш ва б. мақсадларда берилади. Д.б. давлат органлари (ташкилотлари) томонидан танлов (тендер) асосида жойлаштирилади. Уни бажариш махсус шартнома б-н келишилади ва биринчи навбатда ижтимоий эҳтиёжларни қондириш мўлжалланади. Д.б.ни бажариш корхоналарга муайян имтиёзлар яратади, давлат хом ашё таъминоти, иш ўринлари ва маҳсулот сотилишини кафолатлайди. Давлат корхонага зарур моддий ресурсларни буюртмачи сифатида етказиб беради ва корхонадан маҳсулотни келишилган нархларда харид қилади. Мамлакатлар бозор иқтисодиётига ўтиши б-н Д.б. нинг ҳиссаси кескин камайиб боради. Аммо баъзи доиралар (мас., мудофаа, фан, соғлиқни сақлаш, болалар истеъмоли моллари и.ч. ва б.)да Д.б. сақланиб қолади. Мас., ҳоз. Ўзбекистонда қ.х. экинларидан фақат пахта ва дон учун (1996 й.дан хўжаликларда етиштирилган пахта толаси ва дон бўйича 50% даражасида) Д.б. сақланиб қолган.

Эрлис Аликулов.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ — давлатнинг муайян вақт (одатда бир йил) учун мўлжалланган пул даромадлари ва харажатлари мажмуи. Д.б. давлат ихтиёридаги пул фондларининг тақсимланишини билдириб, у *давлат молиясини*нинг бош бўғини ҳисобланади. Д.б. таркибан умумдавлат (ёки марказий) бюджети (мамлакат миқёсидаги умумий даромадлар ва харажатлар йиғиндиси) ва маҳаллий (муниципал) бюджет (ҳудудий тузилмалар — ўлка, вилоят, туман ва ҳ.к. доирасидаги пул даромадлари ва харажатлари)га бўлинади. Икки турдаги бюджетлар нисбати мамлакатнинг ички шароитига боғлиқ бўлади. Давлат жамиятга ижтимоий хизматлар (миллий хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, ночорларга ёрдам бериш, аҳолига бепул ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва б.) кўрсатади ва буларнинг барчаси харажат талаб қилади. Бюджет даромадлари солиқлар, солиқдан ташқари йиғимлар, давлат заёмларидан тушган пул, *давлат мулки*ни сотишдан ёки ижарага беришдан келган маблағлардан шаклланади. Бюджет даромадининг аҳоли жон бошига ҳисобланган миқдори мамлакатнинг бюджет салоҳияти (потенциали) деб юритилади ва бу бюджет даромадининг умумий ҳажмига ҳамда аҳолининг сонига боғлиқ. Бюджет харажатлари унинг даромадидан ортиб кетса, бюджет тақчиллиги, яъни камомади юзага келади. Камомад миқдори мамлакат ялпи миллий маҳсулотнинг 3—3,5% га тенг бўлиши меъёрий ҳисобланади. Бюджет камомадининг ғоят ошиб кетиши ва уни даромад б-н таъминлаш мумкин бўлмаганда бюджет харажатлари қисқартирилади. Марказий, маҳаллий Д.б.лари ва Д.б.дан ташқари фондлар (давлатнинг муайян мақсадли фондлари, махсус мақсадли солиқлар, заёмлар, бюджетдан субсидиялар ҳисобига яратиладиган махсус фондлар) йиғиндиси давлатнинг йиғма бюджетини ташкил этади. Д.б., одатда, жорий йилда келгуси йил учун тузилади. Иқтисодий беқарорлик шароитида у чорак ёки ярим йилга тузилиши ҳам мумкин. Д.б.ни ҳукумат тузади ва юқори қонун чиқарувчи орган (парламент) томонидан тасдиқланади.

Д.б. муайян мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ҳам ифодалайди. Жамиятнинг иқтисодий тузуми, давлатнинг табиати ва фаолиятига қараб Д.б. моҳияти, унинг даромадлари ва харажатлари хусусияти ҳамда таркиби турлича бўлади. Саноати ривожланган мамлакатларда давлатнинг иқтисодиёт, и.ч., миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашга фаол аралашуви Д.б. мавқеининг ошишига сабаб бўлади, миллий даромад давлат ихтиёрида йиғилади ва унинг бюджет орқали қайта тақсимланадиган қисми кўпаяди.

Ҳоз. ривожланган мамлакатларда Д.б.нинг асосий қисми солиқлар (фуқароларнинг шахсий даромадларидан ундириладиган шахсий даромад солиғи, иш ҳақи фондига солиқ ва корхоналар, корпорациялар фойдасидан ундириладиган фойда солиғи ва б.) ҳисобига шаклланади (мас., 1987 й.да АҚШда солиқ тушумлари Д.б.нинг 98% ини, Буюк Британияда 96,7% ини, Францияда 91,5% ини ташкил қилди). АҚШ федерал бюджетидан қилинадиган харажатлар орасида «даромадлар даражасини таъминлаш» (қариялар, меҳнатга лаёқатсизлар, ишсизлар, ногиронлар, тиббий ёрдамга муҳтожлар, боқувчисини йўқотган оилалар ва ҳ.к.га ёрдам кўрсатиш) сарфлари 40%, миллий мудофаа харажатлари (28—30%) энг муҳим ўринда туради.

Ҳоз. даврда оз сонли социалистик мамлакатларда Д.б. даромадларининг асосий қисми давлат сектори (ижтимоий мулк)дан тушадиган маблағлардан, кооперативлар, хусусий корхоналардан, аҳолидан олинадиган турли солиқлардан ҳосил бўлади ва асосан халқ хўжалигини ривожлантириш ҳамда ижтимоий-маиший тадбирларга сарфланади.

Ўзбекистон Республикасининг Д.б. республика Д.б., Қорақалпоғистон Республикаси Д.б., вилоятлар ва Тошкент ш. маҳаллий бюджетларини бирлаштиради. Ўзбекистоннинг биринчи Д.б. 1924—25 й.ларда тузилган бўлиб, унинг ҳажми 3,64 млн. сўмни ташкил этган эди.

Ўзбекистонда янги бошланаётган йил учун Д.б. йил якуни (дек. ойининг охири)да ЎзР Олий Мажлиси сессиясида тасдиқланади ва қабул қилинган Д.б. қонун кучига эга бўлади ҳамда амалиётга жорий этилади. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Д.б.нинг шаклланиш хусусиятлари бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги ўзгаришлар б-н боғлиқ ҳолда борди. Ўзбекистон Республикаси Д.б. даромадларининг мутлақ кўпчилик қисми солиқлар ҳисобига олинмоқда (қ. 1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг асосий даромадлар бўйича таркиби (2000)

	млрд. сўм	жамига нисбатан %	ялпи ички маҳсулотга нисбатан, %
Даромадлар (мақсадли жамғармаларсиз), жами шу жумладан:	911,8	100	28,5
бевосита солиқлар:			
даромад (фойда солиғи)	135,2	14,8	4,2
аҳолидан даромад солиғи	105,2	11,5	3,3
билвосита солиқлар:			
қўшилган қиймат солиғи	219,9	24,1	6,9
акцизлар	172,3	18,9	5,4
божхона божи	10,5	1,1	0,3
ресурс тўловлари ва мулк солиғи	71,9	8,0	2,2
экология солиғи	18,1	2,0	0,6
ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш солиғи	9,9	1,1	0,3
бошқа турли солиқлар ва даромадлар	156,8	17,2	4,9

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг харажатлар бўйича таркиби (2000)

	млрд. сўм	жамига нисбатан %	ялпи ички маҳсулотга нисбатан %
Харажатлар, жами улардан:	944,6	100	26,9
ижтимоий соҳага	331,4	35,1	10,4
ижтимоий ҳимояга	72,4	7,7	2,3
иқтисодиёт (халқ хўжалиги)га	85,6	9,1	2,7
марказлашган инвестициялар	190,2	20,1	6,0
давлат бошқарувини таъминлаш харажатлари	22,0	2,3	0,7
бошқа турли харажатлар	243,0	25,7	7,6

1995 й.да Ўзбекистонда бюджет камомади 3%, 1996 й.да 3,5%, 1997 й.да 2,2%, 2000 й.да ялпи ички маҳсулотнинг 1% (32,8 млрд. сўм)га тенг бўлди. Амалда бўлган қонунчиликка мувофиқ ташкил этиладиган *бюджетдан ташқари жамғармалар* (ижтимоий суғурта жамғармаси, иш б-н таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси, Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши жамғармаси, йўл жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси жамғармаси, минерал хом ашё базасини такрор ишлаб чиқариш фонди, ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органларининг махсус фондлари)нинг мақсадли йўналишларини сақлаб қолган ҳолда, 1995 й.дан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг бирлашган бюджетига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Д.б.да жами даромадлар ва харажатлар ўзгаришларида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, хўжаликлар ва аҳоли даромадларининг ўсиши асосий аҳамиятга эга. Ўзбекистонда Д.б.ни шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг 2001 й. 1 янв.дан кучга кирган «Давлат бюджети тизими тўғрисида» қонуни (2000 й. 14 дек.)га мувофиқ олиб борилади.


Аҳмаджон Ўлмасов, Эрлис Аликулов.



ДАВЛАТ ГЕРБИ — давлат рамзларидан бири. Унда давлатнинг миллий-сиёсий, иқтисодий хусусиятлари, ижтимоий ва давлат тузуми, географик ва б. белгилари ўз ифодасини топади. Герб давлат байроқларида, муҳрда, расмий бланкларда, муҳим ҳужжат, пул ва давлат заёмларида, баъзи биноларда тасвирланади. Д. г.нинг мазмуни конституция ёки махсус қонун б-н белгиланади (жаҳондаги давлатлар гербларитасвири ҳақида тегишли мақолаларга қ.).

Ўзбекистон Республикаси Д.г.нинг рангли ва оқ-қора тасвири «Ўзбекистон





ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси — раҳбар ходимларни тайёрловчи ва қайта тайёрловчи, улар малакасини оширувчи ўқув-усулий ва илмий марказ. ЎзР Президентининг 1995 й. 19 апр. фармонига мувофиқ ташкил қилинган. Асосий вазифаси — ҳокимликлар ва бошқарув органлари раҳбар ходимлари, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари, хўжалик тузилмалари раҳбарлари, шунингдек, ўрта бўғин бошқарув органлари, тадбиркорлик тузилмаларининг олий тоифали замонавий мутахассислари ва раҳбарларини ўқитиш, тарбиялаш. Академияда 10 ва 12,5 ойлик тайёрлаш, 3 ойлик қайта тайёрлаш ҳамда 1 ойлик малака ошириш курслари тузилган, хорижий мутахассислар иштирокида эса 5—10 кунлик семинарлар йўлга қўйилган. 3 та ф-т фаолият кўрсатади: 1) давлат ва жамият қурилиши; 2) бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари; 3) давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар. Бу ф-тлар таркибида 12 та кафедра иш олиб боради. Ўқув дастурлари АҚШ, Япония, Германия, Франция ва б. мамлакатларнинг таълим тизимлари андозаларига мувофиқ тартибда ишлаб чиқилган. Дастурлар 4 модулдан иборат: асосий курслар; мутахассислик курслари; информацион бошқариш тизими; магистрлик диссертациялари лойиҳаларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш. Академия 10 ва 12,5 ойлик курсларини битирувчиларга топширган мутахассисликлари бўйича магистр дипломи берилади. Кафедраларда кундузги, сиртқи аспирантура ва докторантураларда илмий ходимлар тайёрланади. Ўқув жараёнларини ташкил қилиш ишларига республиканинг етук ўқитувчи-проф.лари жалб этилган. Асосий илмий йўналишлар ислоҳотлар жараёни концепцияларини яратиш, маориф тизимини ислоҳ қилиш учун тавсияномалар ишлаб чиқиш, раҳбар кадрлар тизимини тайёрлашда илмий тавсиялар б-н иштирок этишга қаратилган. Кўплаб хорижий ташкилотлар б-н алоқалар ўрнатилган. Ўқув жараёнларида АҚШ, Япония, Германия, Италия, Франция, Россия, Молдова, Эрон, Малайзия, Жан. Корея, Хитой ва б. давлатлар элчихоналарининг раҳбарлари маъруза, суҳбат ўтказадилар ва амалий машғулотларда қатнашадилар. Ўқитувчилар, тингловчилар, аспирантлар, докторантлар ҳамда тадқиқотчиларнинг малака ошириши, тажриба алмашиши учун хорижий давлатлар ўқув юртларига юбориш ёки у ерлардан малакали мутахассисларни таклиф этиш йўлга қўйилган. Академия ҳудудида жойлашган «Конрад Аденауэр», ЎзР «Усстозо» жамғармалари, ТАСИС, Журналистларни қайта тайёрловчи халқаро жамоатчилик маркази каби ташкилотлар б-н мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Академияга тингловчиларни қабул комиссияси қабул қилади. Мутахассислар тайёрлаш манфаатдор корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда алоҳида шахслар б-н тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади. Бошқа давлатлар фуқаролари ҳам шартномага биноан ўқитилади.



Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси биноси.

Академия ҳузурида и.т. ва ўқув-усулий муассасаси — Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази ташкил қилинган (1996 й. сент.). Марказ 3 жилдли («Туркистон чор мустамлакачилиги даврида», «Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида», «Мустақил Ўзбекистон тарихи») Ўзбекистоннинг янги тарихи, «Ўзбекистон тарихи: даврлат ва жамият тараққиёти» китобларини тайёрлаб, чоп эттирди (2000). Академия нашриёти илмий, илмий оммабоп ва б. турдаги нашрларни, «Жамият ва бошқарув» жур.ни чоп этади, ҳар 3 ойда бир марта ахборот бюллетенини чиқаради. Академиянинг 25 мингдан ортиқ адабиётлар б-н таъминланган замонавий кутубхонаси, компьютер маркази, меҳмонхонаси, тиббиёт бўлими, ресторан, спорт, тренажер заллари бор.

Рустам Жумаев.

ДАВЛАТ ГЕРБИ — давлат рамзларидан бири. Унда давлатнинг миллий-сиёсий, иқтисодий хусусиятлари, ижтимоий ва давлат тузуми, географик ва б. белгилари ўз ифодасини топади. Герб давлат байроқларида, муҳрда, расмий бланкларда, муҳим ҳужжат, пул ва давлат заёмларида, баъзи биноларда тасвирланади. Д. г.нинг мазмуни конституция ёки махсус қонун б-н белгиланади (жаҳондаги давлатлар гербларн тасвири ҳақида тегишли маълумотларга қ.).

Ўзбекистон Республикаси Д.г.нинг рангли ва оқ-қора тасвири «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги қонун (1992 и. 2 июль)да тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасининг Д.г. қуйидаги кўринишга эга: тоғлар, дарёлар ва сўл томони бугдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган гўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб туради. Гербнинг юқори қисмида республика ҳурлигининг рамзи сифатида 8 бурчак тасвирланган бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз тасвири бор. Гербнинг марказида бахт ва эрксеварлик рамзи — қанотларини ёзган Хумо қуши кўринади. Гербнинг пастки қисмида республика Давлат байроғини ифода этувчи чамбар лентасининг бантида «Ўзбекистон» деб ёзиб қўйилган (155-б.даги тасвирга қ.). Ўзбекистон Республикаси Д.г. ва унинг тасвирини акс эттириш лозим бўлган ҳоллар, шу б-н боғлиқ тартиб-қоидалар юқоридаги қонунда белгиланган.


ДАВЛАТ ДАРОМАДЛАРИ — қ. *Давлат бюджети.*

ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИ — АҚШда ташқи ишлар вазирлиги вазифаларини бажарувчи ташқи сиёсат маҳкамаси (1789 й.дан). Департаментлар ичида Д.д. биринчи ўринда туради. Уни *давлат котиби* бошқаради. У президент, вице-президентдан кейинги мансабдор шахс ҳисобланади.

ДАВЛАТ ДУМАСИ — 1) Россияда 1906—17 й.ларда қонун чиқарувчи ваколатли муассаса. 1905 й. 17 окт. Манифести б-н таъсис қилинган. 1917 й. 6(19) окт.да Муваққат ҳукумат томонидан тарқатиб юборилган. 2) РФнинг 1993 й.даги конституциясига кўра Федерал мажлис икки палатасидан бири. Депутатларнинг ярми сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар рўйхатлари бўйича, қолган ярми мажоритар тизимга мувофиқ бир мандатли округлар бўйича 4 йилга сайланади.



Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби.



Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи.

ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИ — ернинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги аниқ ва зарурий маълумотлар мажмуи (қ. *Ер кадастри*).

ДАВЛАТ ЕР ФОНДИ — қ. *Ер фонди.*

ДАВЛАТ ЗАЁМЛАРИ — *бюджет*га пул тўплаш мақсадида давлат номидан сотиш учун чиқариладиган, давлатнинг қарздорлигини тасдиқловчи қимматли қоғоз. Қарзни қоплаш муддатларига кўра қисқа муддатли (1 йил), ўрта муддатли (2—5 йил) ва узоқ муддатли (5 ва ундан ортиқ йиллик) Д.з.лари бўлади. Даромадлилигига қараб фоизли ва ютуқли, тарқатилиш жойига қараб мамлакатнинг ички ва хорижий давлатларга кредит тарзида бериладиган ташқи заёмлар мавжуд.

ДАВЛАТ ИММУНИТЕТИ (дахлсизлиги) — давлатнинг хорижий юрисдикция (судлов ишларини олиб бориш ҳуқуқи)дан дахлсизлиги, халқаро ҳуқуқ қоидаларидан бири. Унга кўра, давлат ва унинг органларига хорижий давлат судида даъво қўзғатилиши, давлат мулки ҳисобидан тўлов ундирилиши, мулки хатлаб қўйилиши мумкин эмас.

ДАВЛАТ ИМТИҲОНИ — ЎзРда олий, ўрта махсус ва касб-ҳунар ўқув юртларида битирув имтиҳони. Тиббиёт, пед., қ.х. ин-тлари ва ўрта махсус ҳамда касб-ҳунар ўқув юртлари, консерватория, маданият ин-тлари, жисмоний тарбия ин-т ва ўрта махсус ҳамда касб-ҳунар ўқув юртларида битирувчилар, одатда, ижтимоий-сиёсий фанларнинг биридан ва асосий ихтисосликка тегишли 2—3 фандан Д. и. топширадилар; ун-т, иқтисодиёт ва театр олий ўқув юртларини битирувчилар ижтимоий-сиёсий фанларнинг биридан Д. и. топшириш б-н бирга, *диплом иши* ҳимоя қиладилар. Олий техника ўқув юртларида Д. и. ўрнига *диплом лойиҳаси*, бадиий институтларда диплом иши ҳимоя қилинади. Д. и.ни олий ўқув юртларининг давлат имтиҳон комиссияси ҳамда ўрта махсус ва касб-ҳунар ўқув юртларининг давлат комиссияси ўтказади. Комиссия таркибига қуйидагилар киради: раис — муайян ихтисосдаги йирик мутахассис ёки олим (мазкур ўқув юртида ишламайдиган) ва комиссия аъзолари — олий ўқув юртларида: ректор ёки проректор, ф-т декани ёки унинг ўринбосари, кафедра мудири, проф. ва доцентлар; ўрта махсус ва касб-ҳунар ўқув юртларида — директор (директор ўринбосари), ихтисослик тегишли фанлардан бир неча ўқитувчи. Д. и.га ўқув режасининг барча талабини бажарган шахслар қўйилади. Д. и.да қўйилган баҳо комиссиянинг ёпиқ мажлисида кўпчилик овоз б-н тасдиқланади. Ўқув юртини битирувчига тегишли мутахассисликни берган масаласи Д. и.ни топшириш асосида ҳал қилинади.

ДАВЛАТ ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ (ЎзРда) — йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат қилувчи, ҳаракатни тартибга солиб турувчи идора; ЎзР ички ишлар вазирлиги таркибидаги бош бошқарма. Ўзбекистонда дастлаб 1936 й.да ички ишлар халқ комиссарлигининг Ишчи-Деҳқон милицияси бош бошқармаси таркибида «Давлат автомобиль инспекцияси» ташкил этилди. Бу инспекция турли йилларда ГАИ — ДАН (Давлат автомобиль назорати) номи б-н атаб келинди. 2001 й. май ойидан Д.й.ҳ.х.х. деб юритила бошланди. Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари таркибида йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари, шаҳар, туман ички ишлар бошқарма ва бўлимлари таркибида автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш меъёрлари ва қоидаларига амал қилишни назорат этувчи гуруҳлар тузилган. Д.й.ҳ.х.х. ўз фаолиятида «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (1999 й. 19 авг.), ЎзРнинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва 2001 й. 1 мартдан кучга кирган янги таҳрирдаги «Йўл ҳаракати қоидалари»га асосланади. Д.й.ҳ.х.х. зиммасига йўл ҳаракатини тартибга солиш, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, ҳайдовчи ва пиёдалар томонидан «Йўл ҳаракати қоидалари»га риоя этилишини назорат қилиш, жамоат тартибини сақлаш, ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари б-н биргаликда жиноятчиликка қарши кураш, автомототранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоидаларига амал қилишни назорат этиш, транспорт воситаларини рўйхатга қўйиш, рўйхатдан чиқариш, ҳайдовчилик гувоҳномалари бериш каби вазифалар юклатилган. Д.й.ҳ.х.х. таркибига олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Академиясининг махсус ф-тини тамомлаган мутахассислар қабул қилинади.

ДАВЛАТ КАПИТАЛИЗМИ — давлат (ёки давлатлар бирлашмаси) аралашадиган, давлатлаштирилган, давлат томонидан бошқариладиган ва тартибланадиган, давлат ҳомийлиги ва назоратида, давлат белгилайдиган йўналишларда ривожланадиган капитализм. Тарихан Д.к.ни шартли равишда ривожланган мамлакатлардаги Д.к.; тари-

хан муайян социалистик мамлакатларнинг капитализмдан социализмга ўтиш давридаги Д.к.; ҳоз. бир неча социалистик мамлакатлардаги Д.к.; постсоциалистик мамлакатлардаги, яъни Шарқий Европа ва собиқ СССРда социализмнинг инқирози натижасида социализмдан воз кечган ва бозор иқтисодига ўтаётган мамлакатлардаги Д.к.; мустамлакачилик асоратидан озод бўлган, ривожланаётган мамлакатлардаги Д.к. каби турларга ажратиш мумкин.

Давлат томонидан иқтисодиётнинг бошқарилиши корхоналарни бевосита рўйхатга олиш, фаолиятини йўналтириш, иқтисодий қонунчилик орқали уларнинг иқтисодий ҳуқуқларини ва фаолият меъёрларини белгилаб қўйиш, белгиланган тартиб-қоидаларнинг бажарилиши, уларга риоя қилинишини назорат қилиш, рағбатлантириш ва жазо чораларини қўллаш, солиқлар, жарималар ва иқтисодий имтиёз кабилардан фойдаланиш, турли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-иқтисодий дастурлар тузиш, уларни бажариш бўйича тадбирлар кўриш орқали амалга оширилади.

18-а. ва 19-а.нинг 70-й.ларигача хорижий мамлакатларда якка хусусий капитал, ёлланма меҳнат ва эркин рақобатга асосланган соҳибкорлик ҳукмрон бўлиб, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви жуда паст даражада эди. Соҳибкорлар фаолияти асосан бозор томондан бошқарилар эди. Шунинг учун ҳам бу давр оддий, соф, эркин рақобатга асосланган капитализм деб аталади. Бундай шароитда Д.к.нинг энг оддий кўринишлари вужудга кела бошлаган эди. Улар мустақил хўжаликларнинг и.ч. ва тижоратчилик фаолиятини ҳимоялаш (протекционизм), назоратга олиш ва тартиблаш (давлат буюртмалари бериш, товарларни марказлашган тарзда харид қилиш ва б.) тарзида рўй бера бошлади.

19-а. охири ва 20-а. бошларида корпоратив мулкчилик, корпорациялар (акцияли жамиятлар) ва корпоратив хўжалик юритиш ҳукмрон мавқега эга бўлди. Корпорацияларнинг бир қисми монополияларга айлана бориб, эркин рақобат б-н бир қаторда монополистик рақобат пайдо бўлди. Давлатлараро зиддиятлар кучайиб, уларда монополияларнинг кучи ва аҳамияти муҳим роль ўйнай бошлади. Бу жараёнларни таҳлил этган олимлар, капитализмнинг янги жиҳатларига аҳамият бериб, уни империализм, корпоратив капитализм, монополистик капитализм деб ҳам атай бошладилар.

20-а.нинг 1-ярмида монополиялар ва монополистик жараёнларнинг ижобий томонлари б-н бирга, салбий томонлари ва оқибатлари ҳам кўрина бошлади. Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий қарама-қаршиликлар аста-секин кучайди, иқтисодий инқирозлар анча тезлашди ва чуқурлашди ҳамда давлатлараро зиддиятлар ҳам кучайиб 1- ва 2-жаҳон урушлари юз берди. Буларнинг ҳаммаси давлатнинг иқтисодиётга аралашувини, иқтисодиётнинг давлатлаштирилишини, давлат иқтисодиётининг шаклланишини ва бутун иқтисодиётнинг давлат томонидан умуммиллий манфаатларга мувофиқ бошқарилишини ва тартибланишини тақозо эта бошлади. Шу сабабли «капиталистик и.ч.-ни давлатлаштириш» тенденцияси кучайди. Саноатнинг муҳим тармоқлари давлат қўлига ва назоратига ўтди. Давлатлар иқтисодиётни ҳисобга олиш ва назорат этиш бўйича марказлашган аппаратни вужудга келтира бошлади.

Инглиз иқтисодчиси Ж.М. *Кейнс* «Иш билан бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» (1936) китобида давлатнинг иқтисодиётни бошқариши зарурлиги тўғрисидаги ғояни илгари сурди ва асослади. Бу ғоянинг ҳаётга татъсири жуда катта бўлди. АҚШда 30-й.лардаёқ Президент Рузвельтнинг «Янги йўл» сиёсати натижасида, бошқа мамлакатларда 2-жаҳон уруши йилларида ва ундан кейинги даврда капитализм Д.к.га айланди ва шундан бери турли кўринишларга эга бўлган Д.к. сифатида ривожланмоқда.

Д.к. шароитида бозорнинг мавқеи, роли ўз аҳамиятини йўқотмайди; узлуксиз такомиллашиб, тобора инсоний ва маданий-маърифий тус олиб боради. Шу б-н бирга бозор капиталистик иқтисодиётнинг барча муаммоларини ҳал эта олмади ва ҳатто, унинг салбий томонлари ҳам намоён бўлди. Шу сабабларга кўра капитал ва ёлланма меҳнатга асосланган иқтисодиётни бозор, давлат ва корпорациялар ўзаро биргаликда бошқаради ва ривожлантиради. Давлат бозорни ҳам, корпорациялар фаолиятларини ҳам, жаҳоншумул жараёнларни ҳам бошқариш ва тартиблашга интилади. Буларнинг ҳаммаси ривожланган мамлакатларда Д.к. мавжудлигидан далолат беради.

Ривожланган мамлакатлардаги Д.к. эркин рақобатли капитализмга нисбатан катта фарқларга эга. Д.к.га хос бўлган товарли-бозорли *аралаш иқтисодиёт*га давлатнинг таъсири миқёси жуда кенг ва кучлидир.

Д.к.нинг ҳаракатланиши ва ривожланишида иқтисодиётга оид қонунчилик муҳим ўрин тутади. Мас., мулкий муносабатларни, иш берувчилар ва ёлланиб ишловчилар ўртасидаги муносабатларни, хўжалик фаолиятини, и.ч., савдо, хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, таълим каби соҳалар фаолияти, банк иши, меҳнатга ҳақ тўлаш, харажатлар ва даромадларни ҳисоблаш, солиққа тортиш ва солиқ ундириш, бозорда истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоялаш кабиларни тартиблаш ва назорат қилиш ҳамда монополистик фаолиятни тақиқлаш ёки чеклашга қаратилган қонунлар қабул қилинган ва улар такомиллаштирилмоқда.

Д. к.га хос муҳим жараён — даромадлар ва бойликларни ижтимоий тотувликни яхшилаш учун кам даромадлилар ва даромадсизлар, камбағаллар ва мулксизлар фойдасига ҳамда иқтисодиётни мувозанатли ривожлантириш мақсадларида қайта тақсимлашдир. Шу сабабли давлатлар ялпи ички маҳсулотнинг анчагина қисмини солиқлар воситасида давлат бюджетига олиб, қайта тақсимлайди, камбағал, кам таъминланган ва таъминланмаган кишиларга трансферт тўловлари — ижтимоий таъминот бўйича маблағлар (нафақалар, ёрдам пуллари) беради.

Солиқлар орқали олинган давлат даромадларининг бир қисми ҳисобига корхоналар қуриш ҳамда хусусий корхоналарни миллийлаштириш орқали и.ч., транспорт, энергетика каби соҳаларда *давлат мулки* вужудга келтирилди ва ривожлантирилди. Шу б-н бирга баъзи мамлакатларда давлат мулкини қайта хусусийлаштириш йўли б-н иқтисодиёт самарадорлигини оширишга қаратилган сиёсат ҳам амалга оширилмоқда. Энг муҳим тармоқларда ва муайян кўламларда давлат мулкининг бўлиши объектив зарурдир; ундан самарали фойдаланиш йўлларининг изланиши ва такомиллаштирилиши умуммиллий эҳтиёж ва мақсадларга мувофиқ келади.

Давлат томонидан қилинадиган бевосита инвестициялар ижтимоий и.ч. ва миллий маҳсулот таркибларини ўзгартиришда давлатнинг кредит сиёсати, давлат томонидан маҳсулот (товарлар) харид қилиниши ва пуллик хизматлар истеъмол қилиниши, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва таъминлаш ривожланган мамлакатлардаги Д.к.нинг энг муҳим вазифалари ва долзарб муаммолари ҳисобланади.

Ривожланган мамлакатлардаги давлатнинг жуда муҳим вазифаларидан бири иқтисодиётни барқарорлаштириш, иқтисодий-молиявий инқирозларнинг олдини олиш, улардан чиқиш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар кўришдир. Давлат бошқа мамлакатлар хўжаликлари б-н иқтисодий, савдо ва тўлов балансларини назорат қилади, уларни мувофиқлаштиришга ва фаоллаштиришга ҳаракат қилади. Буларнинг ҳаммаси миллий иқтисодиётнинг барқарорлиги, ривожланишига жиддий таъсир кўрсатади.

Ривожланган хорижий мамлакатлардаги давлатларнинг тобора кўпроқ инсон ва бутун халқ манфаатларини кўзлайдиган ҳамда аҳолининг мутлақ кўпчилиги қўллаб-қувватлайдиган давлатларга айлана бориши, келажакда бу мамлакатлардаги жамиятларнинг, ижтимоий-иқтисодий тузумларнинг умумдемократик ижтимоий жамиятга айланиши кузатилмоқда.

Евросиёдаги собиқ СССР, Марказий ва Шарқий Европада тарихан мавжуд бўлган социалистик мамлакатлар, Осиёдаги собиқ Мўғулистонда капитализмдан социализмга ўтиш даврида ҳал қилувчи тармоқлардаги и.ч., транспорт ва меҳнат воситалари социалистик давлат мулкига айлантирилган бўлиб, Д.к., алоҳида уклад, хўжалик шакли тарзида мавжуд эди.

Бошқа социалистик мамлакатлардаги Д.к. хўжаликлари бирмунча кенгроқ иқтисодий эркинликка эга бўлган эди. Бироқ социалистик хўжалик мустаҳкамланиб олгандан кейин уларнинг деярли ҳаммасида Д.к.га барҳам берилди. Бундай ҳол Шарқий Европада ва СССРда социализмнинг қулашигача давом этди.

Ҳоз. даврда ўзини социалистик ҳисоблаб келаётган мамлакатлар — Хитой Халқ Республикаси, Вьетнам Социалистик Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси ва Куба Республикасида иқтисодиёт асосан умумлашган мулкчиликка, марказдан бошқаришга ва режалаштиришга асосланган иқтисодиёт бўлиб қолмоқда. Бироқ уларнинг баъзилари (Хитой, Вьетнам)да жиддий иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилмоқда, бозор иқтисодиётини ҳам шакллантириш сиёсати ўтказилмоқда; мамлакат иқтисодиётида, айниқса, эркин иқтисодий зоналарда, давлат назоратида хусусий ва хорижий капитал фаолиятига, капитал, ёлланма меҳнат муносабатларига эркинлик берилмоқда. Натижада уларда Д.к.нинг кўлами ва иқтисодий ҳаётга таъсири ўсмоқда.

Бозор иқтисодига ўтаётган собиқ социалистик мамлакатларга хорижий товарлар ва капиталлар жуда эркин, тез кириб келмоқда, баъзи тармоқларда ва бозорларда катта ҳукмрон мавқеларга эга бўлмоқда. Қозоғистонда ҳам қатор муҳим з-длар, ф-калар, конлар, ерлар хорижий капитал мулкига айланиб кетди; қўшма корхоналар анча кўпайди.

Мустақилликка эришиб социализмдан воз кечган собиқ социалистик давлатларнинг баъзилари, мас., Ўзбекистон мустақил тараққиётнинг ўзига хос йўлини танлаб олди. Ўзбекистонда иқтисодиётга асосланган жамият қуришнинг босқичма-босқич тарзда шакллантириш йўли танланди. Давлат бош ислоҳотчи сифатида умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланган тамоман янги умумдемократик жамият қуриш сиёсатини изчиллик б-н амалга оширмоқда, кўп укладли ва бозор хўжалиги тизимини шакллантириш учун зарур барча чора-тадбирларни кўрмоқда. Натижада хорижий капитал иштирокидаги қўшма корхоналар, савдо ташкилотлари, банклар ва ҳ.к. шаклланди, халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг хом ашё базаси сифатида сақлаб қолишга интилмоқда, хом ашёни қайта ишлаш б-н боғлиқ ифлос ва сермеҳнат и.ч.ни нисбатан паст иш ҳақи тўлаб, ҳудди шу кам ривожланган мамлакатларга жойлаштиришга уринмоқдалар.

Эрлис Аликулов.

ДАВЛАТ КЕНГАШИ — 1) айрим хорижий мамлакатлар (Франция, Испания, Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Эквадор, Греция, Колумбия)да асосий давлат муассасаларидан бири, у ё олий маъмурий адлия органи, ё конституциявий назорат органи, ё бўлмаса баъзи мамлакатларда бир вақтнинг ўзида давлат бошлиғи ҳузуридаги маслаҳат органи ҳисобланади; 2) Швеция, Норвегия, Финляндия, ХХР, Корея Республикасида ҳукуматнинг расмий номи; 3) 1810—1906 й.ларда Россия империясида қонун чиқарувчи олий маслаҳат органи.


ДАВЛАТ КОТИБИ — Европа ва Американинг бир неча давлатларида олий давлат амалдорларининг номи. Мас., АҚШда — *Давлат департаменти,* яъни ташқи сиёсий маҳкамасининг раҳбари; Буюк Британияда — ички ишлар, мудофаа, Шотландия ишлари бўйича ва ш.к. айрим маҳкамаларнинг бошлиғи; Бельгияда Д.к. амалда вазирларнинг ўринбосари ҳисобланади. Мексика ва Лотин Америкасининг бошқа баъзи мамлакатларида вазирлар Д.к. деб номланади.

ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ — *давлат герби* ва *давлат байроғи* б-н бир қаторда давлат расмий рамзи ҳисобланадиган шеърий-мусиқий тантанавор асар, гимн. У асосан тантанали йиғилишлар вақтида, жамият ҳамда муҳим давлат аҳамиятига молик воқеаларни нишонлаш юзасидан ўтказилаётган маросимларда, халқаро спорт мусобақаларида ғолибларни мукофотлаш чоғида ва ҳ.к.да ижро этилади. Ўзбекистон Республикаси Д. м.нинг матни ва мусиқавий таҳрири [Абдулла *Орипов* сўзи, Мутал (Мутаваккил) *Бурҳонов* мусиқаси] ЎзРнинг 1992 й. 10 дек.даги қонуни б-н тасдиқланган. Шу қонунда Ўзбекистон Республикаси Д. м.ни ижро этиш б-н боғлиқ талаб ва қоидалар белгилаб қўйилган (Ўзбекистон Республикасининг Д.м. матни ва нотаси ҳақида 158-б.га қ.).

ДАВЛАТ МОЛИЯСИ — давлат ихтиёрида пул жамғармаларининг ташкил этилиши, тақсимланиши ва сарфланиши соҳасидаги молиявий муносабатлар. Д.м.нинг маблағлари умуммиллий манфаатлар йўлида сарфланади, давлатнинг функцияларини бажаришга хизмат қилади. Д. м. пул жамғармалари, молия механизми, давлатнинг молиявий институтлари (идоралари) ва молия сиёсатини ўзида мужассамлаштиради. Д. м. таркибан *давлат бюджети,* маҳаллий (муниципал) бюджетлар, давлат корхоналарининг молияси (уларнинг бюджети), ҳукуматга қараш-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

Абдулла Орипов шеъри — *Мутал Бурҳонов мусиқаси*



Серкуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон!

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

ли махсус жамғармалар, *давлат кредити* (давлат қарз олган ва қарзга берадиган воситалари) каби турларга бўлинади.

Биринчи марта «Д. м.» атамаси 16-а.да Францияда ишлатила бошлади. Ўша даврда Д. м. турли солиқлар тарзида майдонга келди. Йирик давлатларнинг вужудга келиши ва улар харажатларининг ортиб бориши б-н нақд пулга эҳтиёж ўсди, натижада халқдан олинадиган солиқлар, асосан, пул шаклида йиғиб олинадиган бўлди, мажбурий солиқлар ва заёмлар давлат заёмлари б-н алмашинди. Бунинг оқибатида Д. м.нинг мураккаб тизими вужудга келди.

Ҳоз. вақтда давлатнинг иқтисодий ва молиявий сиёсатини амалга оширишда Д. м. катта аҳамиятга эга. У такрор и. ч. жараёнларини таъминлаш, халқнинг моддий ва маънавий турмуш фаровонлигини ошириш, давлат органларини маблағ б-н таъминлаш, мамлакат иқтисодиётини ўстириш, халқ хўжалигини, ижтимоий соҳани молиялаштириш, иқтисодиётни инвестициялаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, миллий хавфсизликни таъминлаш, давлатни идора қилиш ва б. да етакчи восита ҳисобланади. Мавжуд барча корхоналар ва халқ хўжалиги тармоқлари молияси Д.м. ва молия тизими захираларининг асосий манбаидир.

Аҳмаджон Ўлмасов.

ДАВЛАТ МОНОПОЛИЯСИ — жамиятда муайян иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, айрим товарларни и.ч. ёки баъзи товарлар савдоси бўйича давлатнинг ягона эгалик қилиш ҳуқуқи. Айрим мамлакатларда катта фойда берадиган спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, қурол-яроғлар и.ч., пул босиб чиқариш, экспорт ва импорт назорати ва б. Д. м. ҳисобланади. Давлат ўз монополияси бўлган фаолият турини яширин амалга оширишга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради. Мас., Ўзбекистон Республикасида давлат мулки ҳисобланадиган ва унинг тасарруфида бўлган, хусусийлаштирилиши ва сотиб олиниши мумкин бўлмаган бойликлар, корхоналар, мол-мулк турлари ҳамда гуруҳлари рўйхати ЎзР Олий Мажлиси қарори б-н (1995 й. 31 авг.) белгилаб қўйилган (қ. *Монополия, Монополияга қарши қонунчилик*).

ДАВЛАТ МУЛКИ — мулкчилик шаклларидан бири, давлатга қарашли ва унинг ўз вазифаларини бажариши учун зарур барча мол-мулклар ва мулкий ҳуқуқлар. Д.м. тушунчаси *«давлат»* тушунчаси б-н узвий боғланган бўлиб, улар доимо бир-бирини тақозо этиб келади. Ўтмишда Д.м. асосан босқинчилик урушлари ҳисобига кўпайиб борди. Д.м. таркибига иморатлар ва ердан ташқари озиқ-овқат маҳсулотлари, отулов воситалари, ем ва б. ҳам кирган. Капитализм даврига келиб турли соҳалар (пул муомаласи, бандлик, ташқи савдо, аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, маданият, таълимни ривожлантириш ва б.)да давлат бошқарувчилик вазифасини бажара бошлади. Шунга боғлиқ ҳолда Д.м. ҳам мактаблар, касалхоналар, пул-кредит муассасалари, элчилар, пул-кредит муассасалари, ҳоз. хоналар ва б. ҳисобига ортиб борди. Ҳоз. ривожланган мамлакатларда давлатга қарашли корхоналар улуши турличадир. Мас., АҚШ, Японияда бу миқдор жуда кам (2% атрофида). Европада ялпи ички маҳсулотнинг 10%дан (Германия) 30%гача (Австрия) бўлган улушини давлат корхоналари ишлаб чиқаради. Уларда 4%дан (Буюк Британия) 20—25%гача (Австрия, Греция, Франция) иш кучи банд. Давлат корхоналари иқтисодиётда ялпи капитал қўйилмаларининг (Германия, Буюк Британияда) 1/6 қисмини, Францияда 1/3, Австрияда 1/2 қисмини амалга оширади. АҚШда экиладиган ерларнинг 1/3 қисми федерал ҳукумат мулкига киради.

Жаҳон тажрибасида Д.м. асосан икки йўл б-н пайдо бўлади: давлат бюджет воситалари ҳисобига мол-мулк объектларини ёки давлат корхоналарини барпо этади; давлат хусусий мулкчилик эгалигида бўлган мол-мулкни қисман ёки тўлалигича миллийлаштириш (национализация)ни амалга оширади. Давлат корхоналари мулки шу тартибда давлат бюджети воситалари ҳисобидан бутун иқтисодиётнинг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган серхаражат инфратузилма корхоналари (коммунал хўжалиги, энергетика, транспорт, алоқа)ни барпо этиш, илмий-техника прогресси б-н боғлиқ айрим капиталталаб тармоқлар (электроника, авиация)ни ривожлантириш, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни (мас, кўмир саноати корхоналари)ни миллийлаштириш ва б. йўли б-н шаклланади.

Ўзбекистонда Октябрь тўнтаришидан бошлаб 20-а.нинг 90-й.лар бошигача — Республика мустақилликка эришгунга қадар шахсий ва кооператив мулкдан ташқари барча мол-мулк Д.м. ҳисобланар эди. Мустақилликдан сўнг мулкчиликнинг ҳамма шакллари — Д.м., аралаш мулк, қўшма корхоналар мулки, жамоа мулки, акциядорлик мулки ва б.нинг дахлсизлиги ва уларнинг ривожланиши учун тенг шароит яратиш қонун йўли б-н мустаҳкамланди. Шунга кўра мулкчилик муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, шунингдек, 1990 й. 31 окт.да кучга кирган «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги қонун ҳамда бир қатор қонун ҳужжатлари б-н тартибга солинадиган бўлди. Ўзбекистон Республикасида Д.м. таркиби, турлари қатъий белгилаб қўйилди. Иқтисодий ислоҳотларнинг етакчи бўғини тарзида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш йўналиши танланди (қ. *Давлат тасарруфидан чиқариш, Давлат мулкини хусусийлаштириш*).

Ўзбекистон Республикаси Д.м. республика мулки ва маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулкидан ташкил топади. Республика мулкига (ер, ер ости бойликлари, ички сувлар, мамлакат ҳудуди доирасидаги ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, республика ҳокимият ва идора органлари мол-мулки, республика халқларининг маданий ва тарихий бойликлари, республика бюджети маблағлари, олтин захираси, валюта фонди ва б. давлат фондлари, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги мулки, давлатнинг бюджет ёки бошқа маблағлари эвазига яратилган ёки сотиб олинган корхоналар, ташкилотлар, ўқув, илмий, и.т. муассасалари, шунингдек, интеллектуал фаолият натижалари ва б. киради. Маъмурий-ҳудудий тузилмалар мулки (коммунал мулк) маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари мулки, коммунал уй-жой фонди ва коммунал хўжалиги корхоналари, маҳаллий бюджет маблағлари, маданият, соғлиқни сақлаш, халқ таълими муассасалари ва б.дан иборат. Ўзбекистонда Д.м.га бўлган мулкчилик ҳуқуқини халқ номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва улар ваколат берган марказий давлат идоралари (вазирликлар) ҳамда маҳаллий ҳокимият идоралари амалга оширадилар (қ. *Давлат мулкини бошқариш*).

Абдулла Абдуқодиров.

ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ — шахслар ва давлат идоралари томонидан қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва ваколатлар доирасида *давлат мулки* эгаси (эгалик, фойдаланиш, тасарруф этиш) вазифаларини бажариш. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва 1990 й. 31 окт.да қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида» қонунига кўра давлат мулкини халқ номидан (маъмурий-ҳудудий тузилма аҳолиси номидан) тегишли халқ депу-

татлари кенгаши ва улар ваколат берган давлат органлари тасарруф этади ва бошқаради. Мас., ЎзР мулкини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ёки улар ваколат берган давлат органлари тасарруф этади ва бошқаради, маъмурий-ҳудудий тузилмаларда давлат мулки (коммунал мулк)га нисбатан мулкчилик ҳуқуқини маҳаллий ҳокимият идоралари амалга оширади. Республика ёки маҳаллий ҳокимият идоралари эгалигида бўлган мулк хўжалик юритиш ёки жорий бошқариш ҳуқуқи б-н юридик шахсларга берилиши мумкин. Кўпгина ривожланган мамлакатларда давлат корхоналари давлат мулкининг муҳим объектларига киради ва уларни тармоқ вазирликлари бошқаради. Молия вазирлиги назорат қилади. Айрим мамлакатларда Д.м.б. б-н шуғулланадиган махсус вазирликлар таъсис этилган.

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ислоҳотларни амалга ошириш давомида 1994 й.да Вазирлар Маҳкамасининг Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси (1992) ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат мулки фонди негизида давлат бошқарув органи — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (Давлат мулки қўмитаси) ташкил этилди. Давлат мулки қўмитаси давлат корхоналар ва б. мулкка, корхоналарнинг устав фондидаги давлат ҳиссасига тўғри келадиган акциялар пакети ва пайларга мулкчилик ҳуқуқини амалга оширади. Давлат мулки қўмитаси белгиланган тартибда Ўзбекистон ҳудудидаги ва чет эллардаги Ўзбекистон Республикаси давлат мулки объектларини бошқариш ва тасарруф этиш; давлат сиёсати қонунчилиги асосида давлат корхоналари, кўчмас мулк объектларини ва улар жойлашган ер майдонларини хусусийлаштириши, давлат тармоқ, минтақа бўйича хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини тармоқлараро ва минтақалараро мувофиқлаштириш; Давлат мулки қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига раҳбарлик; хусусийлаштиришни ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда инвестицияларни жалб этиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлайдиган бозор инфратузилмалари ва муассасаларини барпо этиш ва б. вазифаларни бажаради.

Абдулла Абдуқодиров.

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ — давлатнинг ўз ихтиёридаги и. ч. воситалари, мол-мулк объектларини, корхоналар, уй-жой, транспорт воситалари, табиат ресурслари ва б.ни давлат тасарруфидан чиқариши ва фуқаролар, жамоалар, шунингдек, давлатга тегишли бўлмаган юридик шахсларга бериши ёки сотиши; *давлат мулки* асосида турли (акцияли, хусусий, оилавий, қўшма, аралаш, корпоратив) мулк шаклларини вужудга келтириш. Д.м.х. давлат мулкини келгусида шу мулк негизида хўжалик фаолияти юритувчи ва унинг натижалари бўйича тўлиқ мулкий масъулиятни зиммасига олувчи иқтисодий субъектларга турли шартларда бериш ёки сотиш орқали амалга оширилади ва мулк эгасини ўзгартиришни назарда тутади.

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мулкни бепул бериш, корхонани имтиёзли шартларда сотиш, акцияларни сотиш, корхоналарни ижарага бериш, майда корхоналарни кимошди савдосида сотиш ва б. усулларда амалга оширилади.

Тарихан Д.м.х.нинг ўз табиатига кўра тамомила фарқ қиладиган икки тури шаклланди. Биринчи тур такрор и.ч. механизмидаги ўзгаришлар ва 20-а.нинг 70-й.лари 2-ярмида саноати ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида давлат мулки ва давлат тадбиркорлигининг ўрни ва аҳамиятидаги ўзгаришлар б-н боғлиқ ҳолда юзага келди.

Саноати ривожланган мамлакатлардаги хўжаликни бошқариш ва иқтисодиётда Д.м.х. кўринишлари ғоявий таъсир, баъзида эса ривожланган мамлакатларнинг ёрдам кўрсатиш шартлари б-н боғлиқ ҳолда, тўғридан-тўғри иқтисодий босимлар туфайли ривожланаётган мамлакатларга ҳам тарқалди. 80—90-й.ларда 80 дан ортиқ ривожланаётган мамлакатларда Д.м.х.нинг турли дастурлари ишлаб чиқилди. Бу мамлакатларда хусусийлаштириш жараёни бозор рақобати муҳити амал қилган хусусий сектор ва хўжалик тизимида амалга оширилди.

Хусусийлаштиришнинг иккинчи тури жаҳон социалистик тизими мамлакатлари (Марказий ва Шарқий Европа, Хитой, собиқ Иттифоқ республикалари)да 1989 й.дан бошлаб амалга оширила бошлади.

Хўжалик юритишнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор муносабатларига асосланган хўжалик юритиш тизимига ўтишда хусусийлаштириш алоҳида ўрин тутади. Иқтисодий ривожланган мамлакатлар тажрибаси айнан хусусий мулк иқтисодий ўсишни ижтимоий ларзаларга йўл қўймай таъминлашини тасдиқлайди.

У еки бу мамлакатдаги хусусийлаштириш миқёси илгари хусусий секторни миллийлаштириш қай даражада қўлланилганига боғлиқ. Миллийлаштириш усули қисман ўтказилган мамлакатларда (АҚШ, Германия, Япония) хусусийлаштириш кўринишлари кам учрайди. Миллийлаштириш жараёни узоқ вақт давом этган мамлакатларда (Буюк Британия, Франция) эса Д.м.х. кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Хусусийлаштиришнинг пешқадами булган Буюк Британияда Д.м.х.нинг акцияларни текин тақсимлаш ва сотиш; хизмат кўрсатиш учун пудратлар; давлат уй-жойларини квартирани ижарага олувчиларга сотиш; рақобатни ривожлантириш мақсадида давлат монополияларидан воз кечиш каби усуллари қўлланилди. Жаҳон тажрибаси давлат мулкини ва унинг вазифаларини тўлиқ ёки қисман хусусий секторга ўтказишнинг 22 усули борлигини кўрсатади. Хусусийлаштириш — узоқ муддатли жараён. У Японияда 10 йил, Ғарбий Европада 10—15 йил давом этди.

Бозор ислоҳотларига ўтишнинг Ўзбекистон моделига кўра мамлакат ва халқнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий, маданий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўп укладли иқтисодиётни яратиш ва хусусийлаштириш дастури ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга татбиқ этилмоқда. Шунга кўра Ўзбекистонда, биринчидан, давлат мулки мулкнинг янги эгасига фақат сотиш йўли б-н берилиши мумкин. Бу мулк объектларининг тўғри тақсимланиши ва улардан самарали фойдаланишни таъминлайди. Иккинчидан, Д.м.х.нинг махсус дастури ишлаб чиқилган ва у босқичма-босқич амалга оширилади. Хусусийлаштириш бўйича барча ишлар изчил, бир тизимда олиб борилади. Мулкка муносабатдаги ўзгаришлар жараёни ҳар йили ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган хусусийлаштиришнинг давлат дастури ва тармоқ, минтақа дастурлари асосида амалга оширилади. Учинчидан, хусусийлаштириш муаммолари йирик бошқарув ва и.ч. тузилмаларини монополиядан чиқариш, уларнинг тармоқибидан савдо объектлари ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ажратиб олиш, шунингдек, муқобил рақобатчи и.ч. корхоналарини яратиш йўли б-н бирга ҳал этилади.

Ўзбекистонда хусусийлаштириш бир неча босқичда утказилмоқда. Биринчи босқичда (1992—93) «кичик хусусийлаштириш» амалга оширилди. Бу даврда уй-жой, савдо ва умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, маҳаллий саноат корхоналари хусусийлаштирилди (хусусий, оилавий, жамоа, акцияли). Кичик хусусийлаштириш натижасида 21800 акциядорлик, 633 жамоа, 18184 хусусий, 661 ижара корхоналари ва б.дан иборат 53902 турли мулк объектлари вужудга келди. Шунингдек, тайёрлов ва қайта ишлаш тармоқларида 25 минг объект ёки улар жами миқдорининг 96,7% хусусийлаштирилди. 1993 й.дан енгил, озиқ-овқат саноатлари, транспорт ва қурилиш мажмуаларининг ўрта ҳамда йирик корхоналарини хусусийлаштириш бошланди. Қ.х.даги ислоҳотлар натижасида дастлаб 715 давлат хўжалиги давлат тасарруфидан чиқарилди, улар негизида 325 жамоа, 296 кооператив, 90 ижара хўжаликлари вужудга келди. Мавжуд чорвачилик объектлари, айниқса паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган фермалар асосида 735 ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятлари ташкил этилди. Шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ишлари олиб борилди (680 минг га дан кўпроқ майдон ёки суғориладиган ерларнинг 15% шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликлари ихтиёрига берилган). Шундай қилиб, республика иқтисодиётида нодавлат сектори салмоқли ўринга эга бўла борди ва 1993 й.да миллий даромаднинг 35% нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келди. 1994 й. 1 янв.гача республикада 1069414 квартира хусусийлаштирилди. Бу хусусийлаштирилиши лозим бўлган квартираларнинг 98,98% ни ташкил этади. Шу б-н «кичик хусусийлаштириш» босқичи тугалланди.

1994—95 й.ларда хусусийлаштиришнинг 2-босқичи амалга оширилди. Бу даврда халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги қонун йўли б-н чеклаб қўйилмаган корхоналар — халқ хўжалигининг базавий тармоқлари бўлган машинасозлик, ёқилғи-энергетик корхоналари, саноат, қурилиш, транспорт, коммунал уй-жой хўжалиги, агросаноат мажмуининг тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналари ва ҳ.к. хусусийлаштирилди. Хусусан, «Ўзбекнефтгаз» корпорацияси, энергетика вазирлиги, «Ўзмашсаноат» ассоциацияларининг кўплаб объектлари, шунингдек, транспорт корхоналари (автобус ва таксомотор парклари) давлат тасарруфидан чиқарилди. Бу босқичда 5 минг корхона, жумладан халқ хўжалигининг 11— турли тармоқларида 900 дан кўпроқ ўрта ва йирик корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилди.

1996 й.дан Д.м.х.нинг янги — 3-босқичи бошланди. Бу босқич энг йирик корхоналарни хусусийлаштириш, тармоқлар ичида институционал ўзгаришлар, янгича хўжалик юритиш тузилмаларини яратиш ва б. назарда тутади (мас., Тошкент авиация и.ч. бирлашмаси очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилди, тармоқларни бошқаришнинг янги тизими — холдинглар ташкил этилмоқда).

Ўзбекистонда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича Давлат дастурига мувофиқ тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни хусусийлаштирилгандан кейинги даврда қатъий ишлашини таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган. Давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қатъий ишлаши учун махсус инвестиция фондлари ва банклар ташкил этилган, хусусийлаштиришдан келган маблағлар жамғарилиб, улар хусусийлаштирилган корхоналарни ривожлантириш учун сарфланмоқда. Давлатга тегишли акцияларга олинган дивидендлар асосий фондларни янгилаш ва уларни техник қайта жиҳозлашга йўналтирилмоқда.

Ўзбекистонда аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялаш ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, корхоналарни экспортбоп ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарадиган қилиб техник жиҳозлашни таъминлайдиган аниқ йўналишли хусусийлаштириш амалга оширилмоқда. Шу йўл б-н мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий барқарорлигини ошириш ҳамда давлат учун таянч бўладиган мулкдорлар синфини шакллантириш асосий мақсад қилиб қўйилган. Ўзбекистонда Д.м.х.да Европа Иттифоқи комиссияси, «ТАСИС», Жаҳон банки, ЮНИДО, Германия техника маркази, АҚШнинг Халқаро ривожланиш бўйича Агентлиги ва б.нинг маслаҳат хизматларидан фойдаланилади.

Абдулла Абдуқодиров, Эркин Шодмонов.



Давлат нав синаш тармоғи. Картошка навларини синаш даласи. Ўзбекистон сабзавотчилик, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти.

ДАВЛАТ НАВ СИНАШ ТАРМОҒИ — экинларнинг янги навларини ҳар томонлама баҳолаш ва муайян тупроқ-иқлим шароитларида етиштиришга яроқлилигини текшириш мақсадларида ўрганиш ва синаб кўриш тизими. Селекция муассасаларида чиқарилган янги навлар синаш босқичлари якунланганидан сўнг синаш ишларини давом эттириш учун Д.н.с.т.га топширилади.

Д.н.с.т. давлат нав синовини амалга ошрадиган давлат нав синаш участкалари мажмуидан иборат. Давлат синови ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан давлат нав синаш участкаларида белгиланган услуб ва муддатларда (уч йилдан 10—15 йил ва ундан ортиқ) ўтказилади. Д.н.с.т.нинг нав синаш участкалари (база хўжаликлари)да қ.х. экинларининг янги ва яхшиланган селекцион, маҳаллий ва хорижий навлари ва дурагайларини ҳосилдорлик, технологик хоссалар, маҳсулот сифати, касаллик ва зараркунандаларга бардоши бўйича синаш, янги навларни турли агротехника усулларида, тупроқ-иқлим шароитларида синаш, истиқболли навларни и.ч. шароитларида синаш ва уларнинг ҳимояга лаёқатлилиги бўйича давлат синови ишлари ва б. амалга оширилади. Энг яхши навлар баҳоланиб, ажратиб олинади ва Ўзбекистон Республикаси қ.х. экинлари навларини синаш Давлат комиссияси томонидан республика ҳудудида экиш учун тавсия этилган қ.х. экинлари Давлат реестрига киритилади (қ. *Нав синаш*).

Ўзбекистонда дастлабки нав синаш тармоғининг шаклланиши 1914 й.да Мирзачўл тажриба ст-ясида, Андижон қ.х. тажриба ст-ясида ғўза навлари синовидан бошланди (82 синалган навдан 12 нав танлаб олинган). 1924 й.дан дастлаб собиқ Иттифоқ Ер ишлари халқ комиссарлиги қошида Д.н.с.т. ташкил этилди. 1926 й.дан бу тармоқ Бутунит-

тифоқ ўсимликшунослик и. т. ин-ти (ВИР) тасарруфига ўтказилди. 1937 й.дан Д.н.с.т. ВИР таркибидан СССР Ер ишлари халқ комиссарлиги (кейинчалик Қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш вазирлиги)га ўтказилди ва қ.х. экинларини синаш давлат комиссияси деб атала бошлади.

1937—89 й.ларда дон экинлари, мойли ва ем-хашак экинлари, техника экинлари, гўза навларини синаш давлат комиссиялари ёки ягона қ. х. экинлари навларини синаш давлат комиссияси ишлади. Шу даврда собиқ Иттифоқ бўйича қ. х. экинлари навларини синаш давлат комиссияси ва барча иттифоқдош республикаларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам мазкур комиссиянинг инспектураси ва нав синаш тармоғи (участкалари) фаолият кўрсатган.

1990 й. бошидан Ўзбекистон Республикаси қ. х. экинлари навларини синаш давлат комиссияси ташкил этилди. Ўзбекистонда «Селекция ютуқлари тўғрисида» (1996 й. 30 авг.) ва «Уруғчилик тўғрисида» (1996 й. 29 авг.) қонунлари қабул қилиниши муносабати б-н Д. н. с.т. вазифалари ҳам кенгайди. Республиканинг жами вилоятлари туманларида жойлашган 58 нав синаш шохобча (участка)си фаолият кўрсатди. Д.н.с.т. учун база тарзида танланган хўжаликларда гўза, қанд лавлаги, бугдой, арпа, маккажўхори, мойли, дуккакли дон, сабзавот-полиз, ем-хашак экинлари, мевали дарахтлар, ток, субтропик меваларнинг янги навларини синаш ишлари олиб борилади (2001). Д.н.с.т. таркибида 3 лаб. (Тошкент ва Водил кимё-технология, Тошкент технология), 1 нав синаш ст-яси ишлайди (яна қ. *Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш давлат комиссияси*).

Зоир Зиятов.

ДАВЛАТ НАСЛЧИЛИК ЗАВОДИ — қ.х. ҳайвонларининг маълум бир зотини такомиллаштиришга ихтисослашган олий тоифадаги наслчилик хўжалиги; чорвачиликда бирор зот б-н узоқ вақт давомида селекция иши олиб борадиган асосий хўжалик. Ҳар қайси наслчилик з-дида элита ва I класс талабларига жавоб берадиган соф зотли, сермаҳсул молларнинг подаси бўлиши керак. Наслчилик з-дларида наслчилик ишлари 5—10 йил ва ундан ҳам ортиққа мўлжаллаб тузиладиган истиқбол селекция-наслчилик иши режаси асосида олиб борилади. Д.н. з. нинг асосий вазифаси танланган молнинг зотдорлиги ва маҳсулдорлик сифатларини такомиллаштиришдан, шунингдек, наслчилик хўжаликларига наслдор ёш моллар етиштириб беришдан иборат.

Наслчилик з-дида моллар бир хил танлаш асосида соф зотларни урчитиш усули б-н кўпайтирилади, мавжуд зотлар яхшиланади ва янги, қимматли линия ва оилалар яратилади. Қариндош урчитишни ҳар хил даражада қўллаш б-н биргаликда, зотни тубдан яхшилаш ва янги зот яратиш мақсадида мураккаб ҳамда қон қўйиш ва чатиштиришнинг бошқа усуллари қўлланилади. Ўзбекистонда 42 та наслчилик з-ди бўлиб, 17 таси қорамолчилик, 18 таси қорақўлчилик, 2 таси қўйчилик, 3 таси йилқичилик, 1 та эчкичилик ва 2 таси чўчқачилик б-н шуғулланади (2002). Наслчилик з-дларида етиштирилган, ўстирилган ёш моллар ўз подаларини ҳамда бошқа наслчилик хўжаликларининг подаларини тўлдириб боради, энг сермаҳсул сигирлардан олинган буқачалар б-н наслчилик корхоналарини таъминлайди. ЎзРда наслчиликни ривожлантиришда муҳим ишларни амалга оширган хўжаликлар кўп. Хусусан, Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани «Савай» Д.н.з. 1929 й.да ташкил этилган. 1970-й.ларда хўжаликда Австрия, Россиянинг Смоленск вилоятидан келтирилган швиц зотли гунажинларни маҳаллий зебусимон моллари б-н чатиштириш натижасида уларнинг янги қўнғир типи чиқарилди. Хўжаликда кўп йиллик тажрибалар натижасида сермаҳсул сигирларнинг 28 оиласи яратилган. Республикада турли вилоятларда жойлашган қорамолчилик Д.н.з.да қора-ола, швиц, қизил чўл, бушуев зотлари урчитилмоқда. Уларда такомиллаштирилаётган 12 минг бошдан ортиқ зотли қорамол бор (2002).

Изатулла Эшматов.

ДАВЛАТ НАСЛЧИЛИК КИТОБИ — қ. *Наслчилик китоби*.

ДАВЛАТ НАСЛЧИЛИК КОРХОНАСИ — Ўзбекистонда наслчилик ишлари б-н шуғулланувчи муассаса. Чорвачиликда «Наслхизмат» Республика наслчилик уюшмаси таркибига киради. Тошкент вилояти Қибрай тумани Тузел қишлоғида жойлашган. 1956 й. 28 дек.да Тошкент давлат отчилик корхонаси (станцияси) ўрнида чорва ҳайвонларини сунъий уруғлантириш ст-яси сифатида ташкил этилган. Асосий вазифаси вилоят, туман наслчилик бирлашмалари, хўжаликларни сермаҳсул наслли буқалар уруғи б-н таъминлайди. Корхона ўзида боқиладиган қора-ола, швиц, қизил чўл ва б. қорамол зотлари буқаларидан уруғ олади, унинг сифатини баҳолайди, шиша найчаларга жойлайди ва музлатади. 1968 й.дан уруғлар суюқ азотда (—196°) гранула ҳолида музлатилади ва хўжаликларга етказиб берилади.

ДАВЛАТ НАСЛЧИЛИК НАЗОРАТИ — мамлакат миқёсида чорвачилик соҳасида наслчилик ишларини назорат қилиш мажмуи. Тармоқда ягона илмий-техника сиесатини амалга ошириш, давлат ва минтақавий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил этиш, наслчиликдаги меъёрий ҳужжатлар ва қоидаларни тасдиқлаш, наслдор ҳайвонларни, наслчилик хўжаликлари ва подаларини тегишлича давлат китобида ва давлат реестрида рўйхатга олиш, наслчилик соҳасида селекция, биотехнология ва генетик инженерия усулларини қўллаш шартларини белгилаш, наслчиликни давлат йули б-н рағбатлантириш, селекция мақсадлари учун ноёб зотлар генофондини сақлаб қолиш чора-тадбирлари ва б.ни қамрайди. Ўзбекистонда Д.н.н. ишлари Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1995 й. 12 июллаги қарори асосида ташкил этилган. Д.н.н.ни Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар ҳокимликларидаги наслчилик ишлари бўйича давлат инспекциялари олиб боради. Ўзбекистон Республикасининг 1995 й. 21 дек.да қабул қилинган «Наслчилик тўғрисида» қонунида Ўзбекистонда биринчи марта Д.н.н.нинг асосий вазифалари ва ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.

Изатулла Эшматов.

ДАВЛАТ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ — давлат томонидан чиқарилган қимматли қоғоз тури: Д.о.ни сотиб олувчилар — аҳоли, фирмалар, банклар ва турли ташкилотлар инвесторлар ҳисобланади. Облигацияларни сотишдан тушган пул давлатнинг даромадини ташкил этади, аммо у давлатнинг қарзига ҳам айланади (қ. *Давлат қарзи*). Д.о. муайян муддатлар учун чиқарилади. Турли мамлакатларда қисқа муддатли, ўртача муддатли ва узоқ муддатли Д.о. мавжуд. Муддати келгач, облигацияларни давлат қайтадан сотиб олади. Д.о. даромад келтирувчи қимматли қоғозлар турига киради. Даромад шаклига кўра Д.о.нинг ютуқли облигациялар (облигациялар га тегадиган даромад пул ютуғи шаклида бўлгани сабабли унга фоиз тўланмайди), фоизли облигациялар (облигацияларга уларнинг қийматига нисбатан фоиз ҳисобида пул тўланади) ва дисконтли облигациялар (облигациялар сотилганда номиналидан пастроқ нархда сотилади, улар қайтадан сотиб олинганда номинали суммасида пул тўланади) каби турлари бор. Д.о. даромадлари олдиндан қатъий кафолатланади.

Д.о. даромадли қоғозлар бўлганидан уларни сотиш, гаровга қўйиш ва капитал сифатида ишлатиш мумкин. Ўзбекистонда 1992 й. 1 июлда 20 йил муддат б-н ютуқли облигациялар чиқарилди (уларни сотиш ва сотиб олиш вақтинча тўхтатилган). Республикада 1996 й.дан дастлабки қисқа муддатли Д.о., 1997 й. март ойидан бошлаб 6 ойлик қисқа муддатли Д.о. чиқарилди (яна қ. *Облигация*).

Садир Салимов.

ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ — муайян бир давлатнинг миллий суверенитетини ифодалайдиган, тарихан таркиб топган алоҳида, энг муҳим белгилари. Улар бевосита халқ, миллат ҳаёти, анъаналари, руҳияти, фольклори, тарихи б-н чамбарчас боғлиқдир. Д.р. мустақил давлатнинг муҳим ташқи белгиларини ўзида мужассамлантиради. Д.р.да халқнинг азалий орзуси, эзгу ниятлари, бугунги ҳаёт мазмуни акс этади. Д.р. конституция ёки махсус қонун б-н белгилаб қўйилади. *Давлат байроғи, давлат гербі, давлат мадҳияси*, давлат ранглари, давлат бошлигининг штандарти (байроғи), давлат муҳри, давлат шиори асосий Д.р. ҳисобланади. «Ўзбекистон Республикаси» номи, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ўзбек тили, Ўзбекистоннинг ўз байроги, гербі, мадҳияси, пойтахти (Тошкент шаҳри), Ўзбекистоннинг давлат мукофотлари ва унвонлари, миллий валютаси(сўм), умумхалқ байрамлари мустақил ўзбек давлатининг ёрқин тимсолларидир.

ДАВЛАТ РЕЗЕРВЛАРИ, давлат захиралари — давлат томонидан мудофаа ва эҳтиёт мақсадларида яратиладиган энг муҳим турдаги хом ашё, материаллар, ёқилғи, айрим турдаги машина ва жиҳозлар, озиқ-овқат маҳсулотлари захиралари (қ. *Харбий резервлар*). Д.р. махсус марказлаштирилган давлат фонди бўлиб, қатъий режага мувофиқ тикланади ва тўлдириб турилади. Д.р. фавқулодда ҳолларда фақат ҳукуматнинг махсус қарори ва фармойиши б-н сарфланади. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейингина ўз Д.р.ни барпо этди.

ДАВЛАТ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ НАЗОРАТИ (ЎзРда) — давлат санитария-эпидемиология назоратини амалга оширадиган тиббий-профилактик муассаса. Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 93-моддаси 21-бандига мувофиқ ташкил этиладиган Давлат назорати ташкилотлари туркумига киради. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги давлат санитария-эпидемиология назорати департаментига бўйсунади. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонунга (1992 й. 3 июль) асосан Д.с.-э.н. санитария қонунлари, қоида ва меъёрлари бузилишининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйишга қаратилган. Ҳоз. республика, вилоят, туман ва шаҳар Д.с.-э.н. марказлари фаолият кўрсатади. Республика Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси тизимида ҳам Д.с.-э.н. мавжуд. Д.с.-э.н. марказлари маъмурий ҳудудларда санитарияга оид ва эпидемияга қарши курашни тадбирларининг ўтказилишини таъминлайди, мулкчиликнинг шаклларидан қатъи назар давлат, қўшма, жамоа ва хусусий корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ҳамда якка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар томонидан санитария-гигиена нормаларига риоя қилинишини устидан Д.с.-э.н.ни амалга оширади ва санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш бўйича тегишли таклифларни тайёрлайди.

ДАВЛАТ СИЁСИЙ БОШҚАРМАСИ (ГПУ) — шўролар давлати хавфсизлигини муҳофаза қилиш мақсадида 1922 й.да *Бутун Россия фавқулодда комиссияси* (ВЧК) ўрнига тузилган. 1923 й.дан — Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси (ОГПУ) деб аталади. Бу орган собиқ Иттифоқда, жумладан Ўзбекистонда сиёсий қатағонлар уюштирган.

ДАВЛАТ СИРИ — ошкор этилиши тақиқланган, давлат аҳамиятига эга бўлган маълумотлар. Улар махсус рўйхатлар б-н белгилаб қўйилади. Д.с. давлат, ҳарбий ва хизмат сирига бўлинади. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги қонуни (1993 й. 7 май)га кўра, ошкор этилиши республика ҳарбий-иқтисодий имкониятларининг сифат ҳолатига салбий таъсир этиши ёки ЎзРнинг мудофаа қобилияти, давлат хавфсизлиги, иқтисодий ва сиёсий манфаатлари учун бошқа оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳарбий хусусиятга эга маълумотлар ҳарбий сирни ташкил этади; ошкор этилиши ЎзР манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган фан, техника, и.ч. ва бошқарув соҳасига доир маълумотлар хизмат сирини ташкил этади. Д.с.ни сақлаш бўйича масъулият давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари зиммасига юклатилади. Ўзбекистон Республикасининг ЖКда Д.с.ларини ошкор қилганлик ёки ўзгага берганлик, Д.с. ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни, шунингдек, ашё ёки моддаларни йўқотганлик учун жазо белгиланган. Бу хилдаги жиноятлар *жосуслик* ва *давлатга қарши жиноятлар*дан фарқли равишда кўпинча эҳтиётсизлик, ҳужжатларни сақлаш қоидаларига риоя этмаслик оқибатида содир қилинади. Д.с.ни ошкор қилиш, Д.с. ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, жазо кучайтирилади.

ДАВЛАТ СОЦИАЛИЗМИ — 1) социализмга буржуа давлатининг ижтимоий-иқтисодий тадбирлари орқали эришиш мумкинлигини тарғиб этувчи реформистик назария. 2) Собиқ социалистик мамлакатларда амалда мавжуд бўлган социализм. Д.с. назарияси 19-а.нинг 2-ярмида Германияда тарқалди. Унинг асосчиси немис иқтисодчиси К. И. Родбертус-Ягецов бўлиб, унинг қарашларига кўра, инсоният жамияти коммунизм сари ривожланиб, ўз йўлида давлатнинг ривожланиш босқичлари ва мулкчилик шакллари б-н белгиланадиган 3 давр («антик давр», «феодализм ва капитализм», «коммунизм»)ни босиб ўтади. «Антик давр» негизини одамга мулкчилик, «феодализм ва капитализм» даврини ерга ва капиталга мулкчилик, «коммунизм»ни меҳнатга ва иш ҳақига мулкчилик белгилайди. У давлатни жамиятнинг «коммунизм»га эволюцион ўтишини ҳаракатлантирувчи кучи бўлган идеал ташкилот тарзида талқин қилади. Г. Шмоллер, Л. Брентано, А. Вагнер, В. Зомбарт ва б. ҳам Д.с. ғояларини тарғиб этганлар. Д.с. асосчилари социализм деганда и.ч. воситалари ва иқтисодиётнинг ислоҳотлар йўли б-н давлаштирилишини тушунар эдилар. Шу сабабдан улар 1873 й.даги иқтисодий танглик даврида Пруссия т.й. компанияларини ҳалокатдан қутқариб қолиш учун унинг давлат ихтиёрига олиниши, бож тарифи ўрнатилиши, тамаки монополияси, спиртли ичимликларга солиқ, баъзи либерал ислоҳотларни социализмнинг амалга оширилиши деб талқин

ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ — қ. *Суверенитет.*

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ — давлат корхоналарини жамоа, ижара корхоналарига, акцияли жамиятларга, масъулияти чекланган жамиятларга, давлатга қарашли мулк бўлмаган бошқа корхоналарга айлантириш. Мулкни Д.т.ч. (ёки хусусийлаштириш) давлат корхонаси асосида хусусий ва аралаш мулк шаклларини вужудга келтиришда намоён бўлади.

СССР парчаланганидан кейин Шарқий Европа ва МДҲ давлатларида бозор иқтисодиётига ўтишда Д.т.ч. иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда бош йўналиш сифатида танланди. Ўзбекистонда мулкни Д.т.ч. иқтисодий ислоҳотлар борасидаги дастлабки қадамлардан бири бўлди. Самарали, ижтимоий йўналишга эга бўлган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш мақсадида *давлат мулки*ни Д.т.ч.нинг ташкилий-ҳуқуқий асослари белгилаб берилди ва улар ЎзРнинг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» (1991 й. 19 ноябр.), «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги (1991 й. 15 фев.) қонунларида ва улар асосида чиқарилган бошқа қонун ҳужжатларида ўз аксини топди. Мамлакатдаги мавжуд давлат мулки объектлари тўлиқ ёки қисман давлат тасарруфидан чиқарилиши (ёки хусусийлаштирилиши) мумкин. Ўзбекистонда ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, бошқа табиий ресурслар, маданият бойликлари, тарихий ёдгорликлар давлат тасарруфидан чиқарилмайди. Давлат ўз тасарруфидан чиқарган хўжалик субъектлари фаолиятига аралашмайди ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар уларга хўжалик фаолияти олиб бориш учун тенг ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиб беради (қ. *Давлат мулк*и).

Ўзбекистонда шўролар ҳукмронлиги пайтида Д.т. ҳақида умуман гапириш ҳам мумкин бўлмаган, аксинча ўзбек тилининг ижтимоий ҳаётда қўлланилиши тобора чекланиб қолганди. Жамиятни қайта қуриш маънавий покланишни бошлаб берди. Унинг натижаси ўлароқ «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинди (1989 й. 21 окт.). Бу қонун ўзбек халқи миллий онгининг ривожланишида, мамлакат мустақиллиги мустаҳкамланишида, маданий мероснинг тикланишида муҳим роль ўйнади. Мазкур қонун қоидалари Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилди. Конституциянинг 4-моддасига биноан Ўзбекистонда Д.т.— ўзбек тилидир. Қорақалпоғистонда бундай мақом қорақалпоқ тилига ҳам берилган. Мамлакатда юз бераётган реал жараёнлар ва имкониятларни ҳисобга олиб, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини узил-кесил жорий этишни босқичма босқич амалга ошириб бориш вазифаси тил ислоҳоти б-н боғлиқ масалаларга зарур тузатишлар киритиш эҳтиёжини туғдирди, республика ҳали собиқ Иттифоқ таркибида бўлган ва маданий-маънавий соҳада ўзига хосликни мустаҳкамлашга интилган бир шароитда қабул қилинган Д.т. ҳақидаги қонуннинг кўпгина моддаларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишни тақозо этди. Натижада 1995 й. 22 дек.да Ўзбекистон Республикасининг Д.т. ҳақидаги қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Ўзбек тилининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Д.т. сифатида амал қилишининг ҳуқуқий асослари ушбу қонун ва б. қонунлар б-н белгиланади. Ўзбекистон Республикасида Д.т.ни ўрганиш учун барча фуқароларга шарт-

ган. Таълим-тарбия ишлари ўзбек тилидан ташқари тожик, рус, қозоқ, корейс, туркман, қирғиз тилларида ҳам амалга оширилади. Миллий марказларнинг фаолияти учун етарли имконият яратилган. Шахсга миллати, ирқи, тили, урф-одат ва анъаналарига қараб бирор имтиёз бериш ёки шу важдан ҳуқуқларини чеклаш жавобгарликка сабаб бўлади.

Ад.: Абдумажидов Ғ., Давлат тили ҳақида (қонунга шарҳлар), Т., 1998.

Ғафур Абдумажидов.

ДАВЛАТ ТУЗИЛИШИ — қ. *Давлат.*

ДАВЛАТ УЙ-ЖОЙ ФОНДИ — давлатнинг ихтисослаштирилган уйлари (ётоқхоналар, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз кексалар учун интернат уйлари, меҳрибонлик уйлари ва б. махсус мақсадлар учун мўлжалланган уйлар), шунингдек, давлат ихтиёридаги идоралар, ташкилотлар, турли муассасаларнинг уй-жой бинолари. Д.у.-ж.ф. маҳаллий ҳокимият идораларига қарашли ва давлат тасарруфидаги ташкилотлар, корхоналар, муассасалар ва б.га қарашли турар жой фондларидан иборат. Улар ихтиёридаги турар жой фондларига хизмат кўрсатиш вазирликлар, идоралар қошидаги коммунал хизмат кўрсатиш тармоқлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистонда Д. у.-ж. ф.нинг шаклланиши 20-а.нинг 20-й.ларидан бошланди. 1924—90-й.ларда республикада молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобига коммунал уй-жой хўжалигига хизмат кўрсатиш тармоғи барпо қилинди ва жами 250,4 млн. м² уй-жой фонди қурилди (шундан 79,1 млн. м² давлат, жамоат, уй-жой қурилиши ширкатлари уй-жой фонди, 171,1 млн. м² фуқароларнинг шахсий уй-жойи).

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, иқтисодиётни ислоҳ қилиш, бозор иқтисодиётига ўтиш натижасида давлатнинг уй-жой сиёсатида ҳам туб бурилиш ясалди. ЎзР нинг

дан 18,8 млн.м² бўлган 318,7 минг квартира (маданият, маориф, соғлиқни сақлаш ходимларига) бепул хусусий мулк қилиб берилди.

ДАВЛАТ УРУҒЧИЛИК НАЗОРАТИ — давлат томонидан қ.х. экинларининг уруғлик ва нав сифатларини, шунингдек, уруғчилик хўжаликлари, селекция ст-ялари, тайёрлов ташкилотларида юқори сифатли уруғлик етиштириш ишларини назорат қилиш тизими. Д.у.н. идораси экиш учун ишлатиладиган ва савдодаги уруғликнинг экишга яроқлилигини (лаб. шароитида) ва навдорлигини (лаб. шароитида, дала тажриба майдонларида, апробацияни назорат қилиш) текширади. Республикада ғалла, сабзавот, озуқабоп ва мевали экинларнинг элита уруғчилиги б-н навни яратган и.т. ин-тлари, репродукциялар уруғларини етиштириш б-н уларнинг таянч шохобчалари, шунингдек, уруғчилик хўжаликлари шуғулланади. Ўзбекистонда уруғчилик сифатини давлат йўли б-н назорат қилиш ишлари тарихи 1922 й.дан бошланади. Шу даврдан Марказий селекция ст-ясида пахта уруғчилиги назорати йўлга қўйилди. 1934 й.да республикада пахта уруғчилиги ст-яси ташкил этилди. 1965 й.да давлат уруғчилик инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлимлари тузилди. Бу инспекция пахта уруғлик фондидан бошқа барча қ.х. экинлари уруғлигини сифатли етиштириш, уруғлик далаларида апробация ўтказиш, уруғлик сифатини аниқлаб, экишга яроқли уруғликка сертификат бериш каби назорат ишларини бажарди.

Республика мустақилликка эришганидан сўнг уруғчилик назоратини жаҳон стандартлари даражасида олиб бориш учун уруғчиликда туб ислоҳотлар ўтказилди. 1995 й. окт.да Республика пахта уруғчилиги ст-яси негизида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида қ.х. экинлари уруғлигини сертификатлаш ва сифатини назорат қилиш Давлат маркази — «Ўздавуруғназоратмарказ» ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги марказлари ташкил этилди. «Ўздавуруғназоратмарказ»нинг Тошкент вилояти Қибрай туманида республикада экилаётган барча уруғлик партиялари намуналарининг нав софлиги аниқланадиган 9 га дан иборат дала тажриба майдони бор. Ўзбекистонда уруғчилик ва уруғлик сифати устидан давлат назоратини, шунингдек, қимматли навлар генофондини сақлаб қолиш, республиканинг иқлим шароитларига мослашган нав ва дурагайлар яратиш, қ.х.ни серҳосил ва юқори сифатли уруғликлар б-н таъминлаш ишлари Ўзбекистон Республикасининг «Уруғчилик тўғрисида»ги (1996 й. 29 авг.) қонуни б-н тартибга солинади.

Шуҳрат Қўзибоев. Ҳусниддин Раҳимов.

ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ОРГАНЛАРИ — муайян давлат ва ижтимоий тузумни ташқи ва ички таҳдидлардан сақлашга, мамлакат ички ишларига ташқаридан бўладиган аралашувларни бартараф этиш, турли хавф-хатарни олдини олишга даъват этилган идоралар. Улар зиммасига давлатнинг барча фуқароларига ўзини намоён қилиш учун ҳамма шароитларни таъминлаш, уларнинг ҳаётини, эркинлиги ва мулкини ҳимоя қилиш вазифалари юкланган. Ҳар бир давлатда ўзига хос Д.х.о. ташкил қилинади. Собиқ шўролар даврида (1917—91) *Бутун Россия фавқулодда комиссияси* (ВЧК), *Давлат сиёсий бошқармаси* (ГПУ), Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси (ОГПУ), иттифоқ-республика давлат хавфсизлик комитети кабилар тузилган эди. Бу органлар разведка, контрразведка, инқилобий саботажга қарши курашишдан ташқари оммавий қатағон сиёсатини амалга оширди, «халқ душманлари»га қарши сиёсий жараёнлар ташкил этди, «аксилинқилобий жиноят» бўйича тергов ўтказиб, сохта суд жараёнлари олиб борди, ўзгача фикрловчиларни таъқиб этди.

Ҳоз. даврда кўпчилик давлатлар учун халқаро терроризм, оммавий қирғин қуролларининг тарқалиши, халқаро наркобизнес, халқаро уюшган жиноятчилик, диний радикал экстремизм, этник гуруҳлар ва конфессиялар ўртасидаги можаролар, атроф-муҳитнинг ифлосланиши кабилар хавфсизликка таҳдид манбаи бўлиб қолди. 21-а.га келиб бу таҳдидлар бир йўла бир неча давлатларга таъсир эта бошлади. Шунинг учун ҳар бир давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш халқаро хавфсизликни таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгач, ўзининг давлат хавфсизлигини таъминлаш учун республикага нисбатан мавжуд хавф-хатар ва таҳдидларни аниқлаб олди. Мамлакат, шахс, жамиятнинг миллий манфаатлари белгиланди ва уларни ҳимоя қилиш механизми яратилди. Хавфсизликни таъминлашнинг сиёсий, методологик асослари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида (1997) баён этилган. Давлат хавфсизлигини таъминлашга, ички ва ташқи таҳдидларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларнинг устувор йуналишларини белгилаб берувчи «Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепцияси» (1997) қабул қилинди. Ушбу концепция асосида шахс, жамият, давлат хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий, ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий, маънавий асосларини босқичма-босқич шакллантиришга киришилди. Хавфсизликни таъминлашнинг ташкилий жиҳатларига давлат органлари томонидан амалга ошириладиган фаолият киради. Бу фаолиятни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги олиб боради. Хавфсизликни таъминлашнинг асосий гаранти сифатида ЎзР Президенти фаолият юритади. Шахс, жамият, давлат хавфсизлигини таъминлашнинг ягона стратегиясини амалга ошириш учун ЎзР Президенти ҳузурида Миллий хавфсизлик кенгаши ташкил қилинган. Хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари аввало ЎзР Конституциясида, шунингдек, мудофаа ҳақидаги доктринада ва юқоридаги ташкилот фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи қонун ҳужжатларида акс этган. Ўзбекистонда шахс, жамият, давлат хавфсизлигини таъминлашнинг иқтисодий асослари ҳам яратилиб, босқичма-босқич ривожлантириб борилмоқда. Бу бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни шакллантириш, илғор технологиялар асосида иқтисодий ўсишни таъминлашдан иборат. Хавфсизликни таъминлашнинг ижтимоий жиҳатлари мамлакатда барқарорликни таъминлаш, ижтимоий адолатни амалга ошириш, мулкдорлар синфини шакллантиришда кўринади. Хавфсизликни таъминлашнинг маънавий асослари миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантириш ҳамда амалга оширишдан иборат. Ўзбекистон шахс, жамият, давлат хавфсизлигини таъминлашнинг геополитик жиҳатларини ҳам белгилаб олган. Булар, аввало, халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч б-н таҳдид қилмаслик, чегаралар дахлсизлиги, низоларни тинч йўл б-н ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган бошқа қоида ва меъёрларига асосланади.

Сайфиддин Жўраев.

ДАВЛАТ ХАРАЖАТЛАРИ — давлатнинг товарлар ва хизматларни сотиб олиш ва трансфертлардан иборат пул харажатлари (қ. *Давлат бюджети*).

ДАВЛАТ ХАРИДИ — бюджет маблағлари ҳисобига ҳукумат ёки давлат идоралари томонидан сотиб олинадиган, мамлакатда ёки чет элларда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар. Бундай харид давлат томонидан давлатнинг ўз эҳтиёжлари (мас., ускуна-жиҳозлар, қурол-яроғ сотиб олиш), аҳоли истеъмолини таъминлаш ва давлат захираларини (дон, озиқ-овқат ва б. хариди) яратиш мақсадларида амалга оширилади. Мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилаётган саноат товарлари ва етиштирилаётган қ.х. маҳсулотларини харид қилишда давлат маълум нархлар белгилайди.

ДАВЛАТ ХЎЖАЛИГИ — қ. *Совхоз.*

ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ — давлатнинг қуруқлик ва сувдаги доирасини белгилайдиган чизиқ. Бу чизиқ устидан ўтадиган вертикал сатҳ шу давлатнинг ҳаво чегараси ҳисобланади. Халқаро ҳуқуққа биноан қўшни давлатлар ўртасидаги Д.ч. шартнома тартибида белгиланади. Д.ч.ни белгилаш 2 босқичда амалга оширилади: чегарани делимитация қилиш (Д.ч. йўналишини белгилаш ва уни шартномага илова қилинадиган харитага тушириш) ва чегарани демаркация қилиш (чегара белгилари ёрдамида жойда чегарани белгилаш).

Ўзбекистон Республикаси Д.ч.ни белгилаш, ўзгартириш, ҳимоя қилиш ва қўриқлаш соҳасидаги муносабатлар «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги қонун (1999 й. 20 авг.) б-н тартибга солинади. 2000 й. 1 янв.дан кучга кирган ана шу қонунга кўра, Д.ч.ни белгилаш ва ўзгартириш ЎзРнинг халқаро шартномаларига асосан ЎзР Олий Мажлиси томонидан амалга оширилади. Д.ч. жойларда аниқ кўриниб турадиган чегара белгилари б-н кўрсатиб қўйилади. Чегара белгиларининг шакллари, ўлчамлари ва уларни ўрнатиш тартиби қонун ҳужжатлари ҳамда ЎзРнинг халқаро шартномалари б-н белгиланади. Д.ч. орқали ўтказиш пунктларида чегара, транспорт воситалари, товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни ўтказиш белгиланган ўтказиш пунктлари орқали амалга оширилади. Д.ч. орқали ўтказиш пунктларида чегара, божхона назорати ва назоратнинг бошқа турларини амалга оширувчи ҳудудлар белгиланади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган қўшимча режим қоидалари жорий этилади. Д.ч. режимини таъминлаш учун чегара олди зонаси ва чегара олди минтақаси белгиланади. Чегара олди зонаси — Д.ч.га туташ ҳудуднинг бир қисми бўлиб, у Д.ч.га туташ туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ, овул ҳудуди доирасида белгиланади. Чегара олди минтақаси — чегара олди зонасининг Д.ч. чизиғига бевосита туташ қисми бўлиб, у бевосита Д.ч. бўйлаб, унинг қуруқлик участкаларида ёки чегара бўйи дарёлари, кўллари ва б. сув ҳавзалари қирғоғи бўйлаб ўтказилади. Д.ч.ни ҳимоя қилиш ва қўриқлаш бўйича махсус ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитадир. Д.ч. режимига риоя этилишига доир масалаларни ҳал қилиш, чегара низоларини тартибга солиш мақсадида Д.ч.нинг муайян участкаларига мазкур қўмитанинг ранси ЎзРнинг чегара вакилларини тайинлайди.

Шоевбек Каримбоев.

ДАВЛАТ ҚАРЗИ — давлатнинг аҳоли, фирма, ташкилот, банклар, хорижий молия-кредит муассасалари олдидаги қарз мажбуриятлари. Давлат ўз даромадлари б-н харажатларини қоплай олмай қолганда бюджет тақчиллиги пайдо бўлади ва у қарз кўтариш йўли б-н қопланади. Давлат қарзини турли қимматли қоғозлар, облигациялар, заёмлар чиқариб сотиш, молия муассасаси (банк)дан ссуда олиш ва б. усуллар б-н олади. Д.қ.нинг тўлов даврига кўра қисқа муддатли ва узоқ муддатли, таркибига кўра ички қарз (давлат мамлакатнинг ўзидаги иқтисодий субъектлардан қарздор бўлади) ва ташқи қарз (хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва б.дан қарздорлик) каби турлари бор. Ички қарз ва унинг фоизлари миллий пулда, ташқи қарз ва унинг фоизлари эса эркин алмаштириладиган валютада тўланади. Д.қ.нинг даражаси, яъни қарз юки қарз ва унинг фоиз суммаси йиғиндисини давлат бюджети суммасига нисбати б-н ўлчанади, яъни тўлов мажбурияти бюджетнинг қанча қисмига тенг эканлиги б-н белгиланади. Д.қ.нинг ҳаддан ташқари ортиб кетиши иқтисоднётни издан чиқаради, халқ турмуш даражасини пасайтиради (чунки қарзни тўлаш учун зарур пул бюджетда солиқларни ошириш орқали тўпланади), мамлакатдаги иқтисодий фаолликни сусайтиради. Ташқи қарзнинг кўпайиб кетиши миллий мустақилликка таҳдид солади, ундан қутулиши учун миллий иқтисоднётни юксалтиришга кетадиган инвестицияларни қисқартириш ва ҳатто миллий бойликнинг бир қисмини хорижга сотишга ҳам тўғри келади. Вақтида тўланмаган ташқи қарзга қўшимча фоиз тўланади, ундириладиган фоиз қарзга қўшилиб, унинг миқдори янада ошади.

Д.қ.нинг бўлиши уни бошқаришни тақозо этади, яъни қарзни олиш ва тўлаш б-н боғлиқ муайян чора-тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади. Қарз ва унинг фоизларини тўлаш учун бюджетдан пул ажратиш Д.қ.га хизмат қилиш дейилади. Д.қ.ни тўлашдаги шарт-шароитларнинг ўзгариши Д.қ. реструктуризацияси дейилади. Реструктуризация юз берганда қарз ҳақининг ўзгариши конверсия дейилади. Қарз тўлаш муддати чўзилганда Д.қ. пролонгацияси юз беради. Қарзнинг бир тури бошқасига айланганда, қисқа муддатли қарз узоқ муддатли қарзга айланади ва Д.қ.нинг консолидацияси юз беради. Д.қ.га ўрин бўлмаслиги учун давлат харажатлари давлат даромадлари даражасида бўлиши лозим. Бунда тақчилликка йўл берилмайди ёки минимал даражага келтирилади (мас., Ўзбекистон давлат ички қарзини оширмаслик учун бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1997 й.да 2,2% га, 2000 й.да 1% га келтирилди).

Аҳмаджон Ўлмасов.

ДАВЛАТ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ — бюджет камомадини қоплаш мақсадларида ҳукумат ёки маҳаллий ҳокимият идоралари номидан чиқарилган ва албатта ҳукумат томонидан кафолатланган қимматли қоғозлар. Амал қилиш муддатларига кўра турлари: қисқа муддатли облигациялар — *хазина вексел лари* (бир ҳафтадан 1 й.гача), ўрта муддатли — *нота лар* (1 йилдан 5 йилгача), узоқ муддатли — *бонлар* (5 йилдан ортиқ). Яна аҳоли жамғармаларини жалб қилиш мақсадларида чиқариладиган жамғарма бонлар, сертификатлар сингари Д.қ.қ. ҳам мавжуд. Д.қ.қ. исталган вақтда тўлов учун тақдим қилиниши мумкин, бироқ муддати тўлмаган қимматли қоғозлар учун тўлов фоизи паст бўлади.

ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ (ЎзРда) — умумдавлат вазифаларни бажарадиган соҳалараро давлат бошқаруви марказий идоралари. Д.қ. тегишли тармоқ муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади. Д.қ. тармоқдаги аҳвол учун масъул ҳисобланади. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонун (1993 й. 6 май) ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари Д.қ.нинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берган. Қонунга кўра, Д.қ. фаолияти устидан назоратни Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади. Д.қ.га ра-

ислар раҳбарлик қилади. Раислар тегишли қўмита вазифаларини бажариши учун шахсан масъул ҳисобланади. Ҳар бир қўмитада ҳайъат тузилади, ҳайъат қарорлари, одатда, раис буйруқлари б-н амалга оширилади. Д.қ. раислари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига киради. Д.қ. раислари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар, кейинчалик бу масала Олий Мажлис тасдиғига киритилади (яна қ. *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси*). Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ЎзР Президентининг тақдимига мувофиқ тайинлайди ва вазифасидан озод этади.

Ўзбекистон Республикаси Д.қ. (2002 й. июл).:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита;

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ — фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштирокининг вакиллик шакли. Д.ҳ.в.о. вакиллик хусусияти уларнинг сайлов йўли б-н ташкил этилиши, масалалар жамоа томонидан эркин муҳокама асосида ҳал қилинишидан, ошкораликдан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, улар сайлайдиган, тасдиқлайдиган ёки тайинлайдиган мансабдор шахслар вакиллик органи олдида масъул бўлишидан ва ҳисоб бериб туришидан, қонунийликдан, фуқароларни давлат ишларини бошқариш ишига кенг кўламда жалб этишидан, жамоатчилик фикрини доимо ҳисобга олишидан иборат. Ўзбекистон Республикасида Д.ҳ.в.о. таркибига олий вакиллик органи — Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органлари — ҳоким бошчилик қиладиган вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари киради.

Олий Мажлис фуқаролар томонидан ҳудудий сайлов округлари бўйича кўп партияли сайлов асосида 5 й. муддатга сайланадиган 250 нафар депутатдан иборат. 18 ёшга етган фуқаролар Олий Мажлисга сайлаш, 25 ёшга етган фуқаролар сайланиш ҳуқуқига эга. Депутатлар ўз сайловчиларининг, депутатликка номзод қилиб кўрсатган тегишли сиёсий партия ёки Д.ҳ.в.о.нинг вакили ҳисобланади. Олий Мажлиснинг ҳуқуқий мақоми ЎзР Конституцияси 5-бўлим 18-бобида, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлис тўғрисидаги конституциявий қонунида (1994 й 22 сент.) ва Олий Мажлис регламентида белгилаб берилган.

Маҳаллий вакиллик органларига депутатлар 5 й. муддатга 18 ва ундан юқори ёшлаги фуқаролар томонидан сайланади, сайланиш ҳуқуқи 21 ва ундан юқори ёш қилиб белгиланган. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий мақоми ҳамда ваколатлари ЎзР Конституцияси 5-бўлим 21-бобида ҳамда «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунда (1993 й. 2 сент.) белгиланган (яна қ. *Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси*).


ДАВЛАТ ҲУҚУҚИ — муайян давлатнинг ижтимоий тузуми, давлат тузилиши асослари ва давлат ҳокимияти органларининг ташкил этилишини, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини ҳамда сайлов тизимини белгиловчи ва тартибга солиб турувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси. «Давлат ҳуқуқи» атамаси б-н бир қаторда *конституциявий ҳуқуқ* атамаси қўлланилиб келинмоқда, уларнинг предмети ва тадқиқот объектлари бир хил бўлганлиги боис синоним сифатида тушунмоқ керак. Бундан ташқари давлат ҳуқуқи уч маънода: ҳуқуқ тармоғи, фан ва ўқув курси сифатида қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Д. ҳ. — Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимининг етакчи тармоғи ҳисобланади; унинг нормалари давлат ва жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий асосларини, давлат ҳокимиятини амалга ошириш ҳамда жамият, давлат ва шахс орасидаги муносабатларни ташкил этувчи ижтимоий муносабатларни ўрнатади, ривожлантиради ва ҳуқуқий тартибга солиб туради. Шу боис Д. ҳ.нинг асосий принциплари, қоидалари ва нормалари ҳуқуқ тизимининг бошқа тармоқларини (жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик, фуқаролик-процессуал, маъмурий, хўжалик, меҳнат ҳуқуқи ва ш.к.)ни белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси Д. ҳ.нинг бош манбаи *Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси* ҳисобланади. Д. ҳ. манбаларини *Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси*, шунингдек, давлат-ҳуқуқий мазмунга эга бўлган ёки давлат-ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган нормаларни ўз ичига олган конституциявий ва оддий қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари, Олий Мажлис регламенти, низомлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, маҳаллий ҳокимиятнинг қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар б-н тузган битим ва шартномалари ташкил этиши мумкин. Жамиятдаги муносабатларни Д. ҳ. нормалари б-н тартибга солиш натижасида келиб чиқадиган муносабатларни давлат-ҳуқуқий муносабатлар деб аталади . Давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари давлат-ҳуқуқий муносабат субъектлари деб аталади. Ўзбекистон Республикасида давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг асосий субъектлари қуйидагилардан иборат: давлат сифатида Ўзбекистон Республикаси; Ўзбекистон Республикасининг халқи; Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар; Қорақалпоғистон Республикаси; Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари (Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, суллов органлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, барча поғонадаги халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимликлар); депутатлар ва уларнинг уюшмалари; сайлов комиссиялари; жамоат бирлашмалари; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва б.

Ўзбекистонда Д. ҳ. фанининг ривожланиши асосан 20-а.нинг 20-й.ларидан бошланди ва мустақиллик йилларида кенг қамров олди. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қурилиши ва фуқаролик жамияти шакллантирилиши, давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолиятининг такомиллаштирилиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг таъминланиши, сиёсий тизимнинг эркинлаштирилишига доир О. *Эшонов*, А. *Аъзамхўжаев*, Ш. *Ўразаев*, А. Тўлаганов, А. Азизхўжаев, З. Исломов, Ҳ. Бобоев, О. Ҳусанов, Р. Қаюмов, Х. Одилқориев, Э. *Халилов*, У. Тожихонов, А. Саидов, М. Файзиев, С. Султонов каби ҳуқуқшунос олимларнинг ишлари эътиборга лойиқдир.

Абдужаббор Тўлаганов.

ДАВЛАТБОЙ — энг эртапишар ёзги қовун нави. Шакли узунчоқ, уз. 20—22 см, оғирлиги 1,7—2,5 кг га боради. Сирти текис, тур б-н қопланган, тўрланиши ўртача. Туси оч сариғиш, пўсти қаттиқ. Этининг қалинлиги 3,5—4 см, оқ, карсиллайди, сершира. Таркибида 3,4—7%, айримларида 9,1% қанд ва 11,1% гача қуруқ модда бор. Уруғхонаси ўртача, уруғдонлари уруғхонанинг ярмидан камрогини эгаллайди. Уруғи униб чиққанидан сўнг 64—68 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 180—200 ц/га. Тошкент атрофидаги туманларда экилади.



Давлатбой қовун нави.

ДАВЛАТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР, Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар — ЎзР суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги, хавфсизлиги, мудофаа салоҳияти, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига, иқтисодиётига, ижтимоий-сиёсий барқарорлигига тажовуз қилувчи ўта оғир жиноятлардан ҳисобланади. Бу жиноятлар учун ЎзР ЖК махсус қисмида жавобгарлик белгиланган бўлиб, улар душман томонига ўтиш, *жосуслик*, давлат сирларини чет эл давлатига етказиш, Ўзбекистон Республикасига қарши душманлик фаолияти олиб боришда чет эл давлатига ёрдам кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳаёти ва соғлиғига, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз этиш, яъни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф равишда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга, конуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда бузишга оқибатлар-очиқ даъват қилиш ёки бундай мазмундаги материалларни тарқатиш, қўпорувчилик, давлат сирларини ошкор этиш ва *давлат сири* ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотишга қаратилган ҳаракатларда ифодаланади.

Жиноят қилиш пайтида 16 ёшга тўлган ақли расо шахслар Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятларнинг субъектлари бўла олади. Аммо давлатга хоинлик қилишнинг субъекти фақат ЎзР фуқароси, жосуслик жиноятининг субъекти фақат чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, давлат сирларини ошкор қилиш ва давлат сири ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатларни йўқотиш жиноятларининг субъекти давлат сири ёки ҳарбий сир ҳисобланган ҳужжатлар ишониб топширилиб қўйилган шахслар бўлади. Қолганларининг субъектлари эса ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

Маҳажон Усмоналиев.

ДАВЛАТ-ГАРАЙ — Қрим хонларининг номи. Д.- Г.I (?—1577) — хон (1551 й.дан). Туркия султонининг вассали. Польша ва айниқса Россияга тез-тез ҳужумлар уюштириб турган. 1552 й. рус қўшинларининг Қозонга қилган юришига тўсқинлик қилишга ҳаракат қилган. *Ливон уруши* пайтида Д.-Г.I Польша қироли б-н иттифоқ тузиб, Россияга бир неча бор йирик юришларни амалга оширган. 1569 й. турклар-нинг Астрахонга қилган ҳарбий юришида иштирок этган. 1571 й. баҳорида 120 минг кишилик қўшин б-н Рус давлатига ҳужум қилиб, май ойида Москвага ўт қўйган, лекин 1572 й. қайталаш юриш қилганида руслардан мағлуб бўлган.

ДАВЛАТ-ГАРАЙ (?—1724) — Салим-Гарай ўғли; Д.Г.II бир неча марта тахтни эгаллаган (1699—1724). Қрим хонлигидаги ички зиддиятлар (нўғайлар исёни, ака-ука Фозилар, Қоплон-Гарайлар б-н бўлган адоват) туфайли унинг мавқеи мустаҳкам бўлмаган.

ДАВЛАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВОРИСЛИГИ — бир давлат ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бошқа бир давлатларда юзага келади: 1) ижтимоий-иқтисодий формация ўзгаришига олиб келган ижтимоий инқилоб содир бўлганда; 2) миллий озодлик кураши натижасида янги мустақил давлатлар пайдо бўлганда; 3) аввалги давлат ҳудуганда ҳамда икки ёки бир неча давлат бирлашуви натижасида янги давлат вужудга келганда; 4) ҳудудий ўзгаришлар рўй берганда. Д.ҳ.в. янги давлатлар учун: халқаро шартномаларни қайта кўриб чиқиш, уларни бекор қилиш, халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш, хусусий мулкни давлат мулкига айлантириш, мулкнинг ҳуқуқий ворислигини таъминлаш каби масалаларни қайталан ҳал қилишни тақозо этади. 1978 й.да Давлатларнинг шартномаларга оид ҳуқуқий ворислиги тўғрисида Вена конвенцияси қабул қилинган эди. 1983 й.ги Вена конвенцияси эса давлат мулки, давлат архивлари ва давлат қарзларига оид Д.ҳ.в. асосий қоидаларини белгилаб берди.

ДАВЛАТМАНДБЕК Камолиддинбек ўғли (?—1922.4.8) — қўрбоши, Шарқий Бухорода босқинчи қизил армия қисмларига қарши *истиқлолчилик ҳаракати* раҳбарларидан. Бухоро амирлиги даврида Балжувон беги, девонбеги, лашкарбоши бўлган. Балжувон ва Шеробод бекликларида катта ер-мулки бўлган. Амир *Олимхон* қизил қўшинга қарши курашда амирлик қўшинига *Иброҳимбек* ва Д.ни лашкарбошилар қилиб тайинлаган (1920). Д. Шарқий Бухоронинг Балжувон, Конқурд, Чиғон минтақаларида қизил армияга қарши мустақиллик байрогини кўтарган, 1921 й. бошида унинг қўшини таркибида 5000 дан ортиқ йигит бўлган. 1921 й. 12 авг.да Балжувонда Бухоро халқ республикаси ҳукуматининг фавқулодда мухтор вакили Отаулла Хўжаев б-н Д. қўрбоши ўртасида шартнома имзоланди. Унга кўра, янги Бухоро ҳукумати томонидан Шарқий Бухородаги йирик қўрбошилар Д. ва Султон Эшон Балжувон ва Фарм инқилобий қўмиталарининг раиси қилиб тайинланган. Д. Бухоро ҳудудидан қизиллар қўшинининг олиб кетилиши, Бухоро республикасининг мустақиллиги амалда қарор топиши учун изчил кураш олиб борган. *Анвар Пошо* 1921 й. нояб.да Бухорога келгач, Д. унинг лашкари сафига қўшилган. 1922 й. бошларида Д. йигитлари Душанба атрофидаги Ҳисор ва Балжувон, шунингдек, Кўлобда қизил аскар қисмлари устидан ғалабаларга эришган. 1922 й. 4 авг.да Балжувон яқинидаги Обидара қишлоғида қизил аскарлар б-н бўлган машҳур жангда Д. Анвар Пошо б-н бирга ҳалок бўлган.

Ад.: Ражабов Қ. К., Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар, Т., 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости, Т., 2000; Муҳаммад Али Балжувоний, Тарихи нофеий (фойдали тарих), Т., 2001.

Қаҳрамон Ражабов.

ДАВЛАТОВ Соли Болтабоевич (1932.23.9, Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани) — ҳужжатли кино реж. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1982). 1965—93 й.лар Ўзбекистон ҳужжатли ва илмий-оммавий фильмлар киностудиясида реж. Фаолиятини ҳаваскор сифатида бошлаб, «Аму соҳилида» ҳужжатли фильмини (1964,

Республика кўригида 1-ўрин берилган) суратга олган. Энг яхши фильмлари: «Икки орден», «Жон Андижоним», «Ўзбек атласи», «Чириётган хотира», «Беруний», «Ал-жабр — алгебра», «Ҳамид Олимжон», «Сурхон тонги» (Рига кинофестивалида Бош совриН олган, 1985), «Ерга меҳр», «Наврўз келганда», «Йўқотгач, куюнамиз» ва б.

ДАВЛЕТОВ Фарҳод Каримович (1957.24.11, Хива) — хонанда, Ўзбекистон халқ ҳофизи (2001), Қозогистонда хизмат кўрсатган артист (1995). Ёқимли, жозибали, кенг кўламли овоз соҳиби. Тошкент давлат маданият институтини тугатган (1985). Хонандалик санъати сирлари ва Хоразм мақом йўлларини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ю. Жабборов, Р. Қурбонов ва айниқса, Р. *Жуманиёзов*лардан ўрган-



ган. 1980—91 й.лари Хива туманидаги турли ашула ва рақс ансамбларида етакчи хонанда, бадиий раҳбар, Хива ш.даги 2- маданият уйи директори. 1991 й.дан Хива тумани 2- қишлоқ маданият уйи ҳамда «Феруз» мақом ансамблининг бадиий раҳбари. Репертуаридан асосан «Рост», «Дугоҳ», «Сегоҳ» каби Хоразм мақом йўллари ва суворалари ўрин олган. Қозоғистонда ўтказилган Ўзбекистон маданияти ва санъати декадаси қатнашчиси (1995), Голландияда гастролда бўлган (1996). Республика мақом ижрочиларининг танлови лауреати (3- ўрин, 1987), К. *Отаниёзов* номидаги Республика танлови голиби (1987).

ДАВЛАТШОҲ САМАРҚАНДИЙ (тўлиқ исми Давлатшоҳ ибн Алоуддавла Бахтишоҳ ас-Самарқандий) (тахм. 1436/37—95) — ўзбек шоири, адабиётшунос ва давлат арбоби. Отаси *Шоҳрух*нинг нуфузли амирларидан бўлган. Д.С. замонасининг йирик олими Фазлуллоҳ Самарқандий қўлида таҳсил кўрган. 1480 й.гача сарой хизматида. Умрининг охирларида сарой ва ҳарбий хизматларни тарк этиб, ижод б-н шуғулланган. Туркий ва форсийда ёзган. Д.С.га шуҳрат келтирган йирик асари «Тазкират уш-шуаро»дир («Шоирлар тазкираси», 1486 й.да ёзиб тугалланган). Тазкиралар Алишер Навоийга бағишланган бўлиб, жуда кўп илмий-тарихий манбалар асосида яратилган. Асар муқаддима, етти боб (табақа) ва хотимадан ташкил топган. Муқаддимада асарнинг ёзилиш сабаблари ҳамда Лабид (7-а.), Мутанабий (915—965), Абу Аъло ал-Маарий (973—1058) каби 10 нафар мумтоз араб шоири ҳақида ёзилган, асосий бобларда эса 10—15-а.ларда Мовароуннаҳр, Хуросон ва қўшни мамлакатларда яшаб ижод этган 150 дан ортиқ шоир ва олимлар фаолияти тадқиқ этилиб, уларнинг таржимаи ҳоли ҳақида маълумот ва асарларидан намуналар келтирилган. Тазкиранинг хотима қисмида Д. С. б-н замондош бўлган Жомий, Навоий, Хожа Афзалиддин Муҳаммад, Амир Аҳмад Суҳайлий, Хожа Шаҳобиддин Абдулла Марварид ҳамда Хожа Осафийлар ҳақида маълумот берилган. Тазкира 10—15-а.лардаги адабий жараён, унинг намояндалари ҳаёти, ижодини ҳамда маданий, илмий ва тарихий шароитни ўрганишда муҳим манба. «Тазкират уш-шуаро» Ҳиндистон (1887, 1924), Англия (1901), Теҳрон (1958, 1960) да тўлиқ нашр этилган. Айрим қисмлари рус, инглиз, француз, немис, турк, ўзбек тилларига таржима қилиниб, чоп этилган. Д. С. ижодини ўрганиш 15-а.да Алишер Навоий томонидан бошланган. Кейинроқ инглиз (Браун Э.), немис (Хаммер), форс (Муҳаммад Аббосий, Муҳаммад Рамазоний, Аҳмад Гулчин Маоний), рус (Э.Е. *Бертельс*), ўзбек (Н. *Маллаев*, Б. *Аҳмедов*) олимлари Д. С. ижодини ўргандилар.

Ад.: Навоий А., Асарлар [15 жилдли], 12-ж., Т., 1966; Аҳмедов Б., Давлатшоҳ Самарқандий, Т., 1967.

ДАВЛЕТМУРАТОВА Замира (1955.21.6, Нукус) — Ўзбекистон халқ артисти (1992). Ленинград академик хореография билим юртини тугатган (1975). 1975 й.дан Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида балет артисти. Мария («Боқчасарой фавворaси») унинг саҳнадаги илк образидир. Энг яхши роллари: Фригия («Спартак»), Медора («Корсар»), Жизель («Жизель»), Тахмина («Рустам ҳақида достон»), Сухани («Севги тумори»), Тумарис («Тумарис»), Ҳоним қиз («Ҳоним қиз ва бегори»), Одетта-Одилия («Оққуш кўли»), Аврора («Уйқудаги гўзал»), Раймонда («Раймонда»), Лайли («Лайли ва Мажнун»), Ширин («Севги афсонаси»), Комди («Икки дил достони»), Шаҳризода («Минг бир кеча») ва б.



Ў. Давлетова. Убике ролида («Келин»).

Д. ижоди романтик йуналиши, қисқаяжонга тўлалиги, мусиқавийлиги, яратган образлари тулақонлилиги, меҳр-муҳаббат б-н йуғрилганлиги, рақс ҳаракатлари орқали қаҳрамонининг ички ва ташқи кечинмаларини томошабинга моҳирона етказа билиши б-н ажралиб туради.

ДАВЛЕТОВА Ўрозгул (1923.20.4, Тўрткўл тумани) — Ўзбекистон халқ артисти (1969). 1938—41 й.лар ва 1952—94 й.лар Бердақ номидаги Қорақалпоқ мусиқали театрида, 1941—47 й.лар Тўрткўл ёш томошабинлар театрида, 1947—50 й.лар Тўрткўл к-з—с-з театрида актриса, 1950—52 й.лар Қорақалпоқ давлат филармониясида яккахон хонанда. Энг яхши роллари: Гулчеҳра («Аршин мол олон»), Насиба («Огриқ тишлар»), Дорина («Тартюф»), Сарвиноз («Қирқ қиз»), Эмилия («Отелло»), Жумагул («Қорақалпоқ қизи»), Анор («Оналар») ва б. Д. лирик, драматик ҳамда характерли роллар устаси бўлиб, айниқса қорақалпоқ аёллари образини дадиллик, фаоллик, хушчақчақлик, ҳазил-мутойибага мойиллик б-н, миллий руҳда, алоҳида маҳорат б-н яратади. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти лауреати (1983).

ДАВЛЕТШИН Муҳаммад Габдулгалимович (1923.11.11, Оренбург ш.) — психолог олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1975), психология фанлари д-ри (1972), проф. (1972). Низомий номидаги Тошкент педагогика ин-тини тугатган (1952). 1956 й.дан

шу ин-тда катта ўқитувчи, кейинчалик доцент, ўқув ишлари бўйича проректор (1957—68), психология кафедрасининг мудири (1968—2001), кафедра проф. (2001 й.дан).. Илмий ишлари умумий, педагогик психология, ёш психологияси, ижтимоий психология муаммоларига бағишланган. «Шуҳрат» медали б-н тақдирланган (1994).

Ас.: Ижтимоий психология муаммолари ва уларни одамлар билан ишлашда қўллаш, Т., 1990; Қадимги Шарқ давлатларида психологик фикрларнинг ривожланиши, Т., 1995.

ДАВОЛАШ БАДАН ТАРБИЯСИ — тиббиёт бўлими; касалликларни даволаш ва олдини олишда жисмоний машқлар ва табиий омилларни, шунингдек, физиотерапия ва массажни биргаликда қўллаш. *Механотерапия, меҳнат билан даволаш* ва даво *массажи* Д.б.т.нинг таркибий қисмидир. Д.б.т. куч-қувватни тикловчи даво; уни тўғри қўллаш беморнинг тез соғайиб кетишига, иш қобилиятини тиклашга ва уни фаол меҳнатга қайтаришга ёрдам беради. Д.б.т.га турли жисмоний машқлар: гимнастика (анча жўн ва беморга мос), спорт (чанғида ва пиёда сайр этиш, сузиш ва б.) ва очиқ ҳавода ўтказиладиган ўйинлар (волейбол, теннис, баскетбол) киради. Махсус танланган машқлар Д.б.т.нинг асосий воситасидир. Жисмоний машқларни бажариш ва организмни чиниқтиришда табиий омиллар — сув, ҳаво ва қуёшдан фойдаланилади. Д.б.т. ҳаракат фаолияти пасайган, кам қувват, узоқ вақт бетоб ётган беморларга буюрилади. Д.б.т. операциядан кейинги организмни тиклаш даврида, акушерликда, нафас, овқат ҳазм қилиш, юрак-томир, нерв системаси, таянч-ҳаракат аъзолари, ривожланиш нуқсонлари ҳамда модалар алмашинувининг бузилиши б-н боғлиқ касалликларни даволашда қўлланилади. Д.б.т.ни фақат даволовчи врач буюради, машғулотлар Д.б.т. бўйича мутахассислар томонидан олиб борилади.

ДАВОНИЙ Жалолиддин (тўла номи Жалолиддин Муҳаммад ибн Асад ас-Сиддиқий ад-Давоний) (1427 — Давон қишлоғи, Эрон — 1502) — шарқ олими, файласуфи. Ёшлигидан илм-фанга, хусусан фиққшуносликка қизиқади. Мактабни битиргач, Шерозга келиб мадрасада таҳсил кўради. Сўнг Шероз ш. қозиси этиб тайинланади. Қозиликдан истеъфога чиққач, мударрислик қилади. Умрининг охирида ўз қишлоғига қайтиб, илмий иш б-н банд бўлади.

Д. Эрон, Ҳиндистон, Ироқнинг кўп шаҳарларида бўлиб, олим ва шоирлар б-н учрашди. Форобий, Ибн Сино, Насриддин Тусий ва б.нинг дунёқарашини ўрганди. Темур ва темурийлар даврида яшаган мутафаккирлар асарларидан унумли фойдаланди. У фалсафа, ахлоқшунослик, мантиқ, фиқҳ, фалакиёт, риёзиёт ва ҳандаса фанлари муаммоларини тадқиқ қилиб асарлар ёзди. Бу асарларида инсон ва унинг камолоти, илм-фан ва унинг жамиятдаги ўрни, касб-ҳунар, юксак инсоний фазилатларни эгаллаш ҳақида фикр юритди. Д.нинг асосий асарлари: «Ахлоқи Жалолий», «Рисолат-ул-хуруф» («Ҳарфлар ҳақида рисола»), «Рисолайи исботи вожиб» («Зарурият-нинг исботи ҳақида рисола»), «Рисола ул-муфрадот» («Моддалар ҳақида рисола»), «Рисолайи фи тавжих ул-ташбиҳ» («Мажозлар фи талқини ҳақида рисола»), «Рисола дар элм ун-нафс» («Руҳшунослик тўғрисида рисола»), «Тариқати тарбият ул-авлод» («Болаларни тарбиялаш усули») ва б. Д.нинг форс ва араб тилида битилган қўлёзма ҳамда тошбосмада ботилган рисолалари дунёнинг кўп кутубхоналарида, шу жумладан Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-тида сақланади.

ДАВОС — Швейцариянинг шарқий қисмидаги шаҳар, тоғ иқлимли курорт. Шармланликда жойлашган. Туризм, қишки спорт ўйинлари маркази. Аҳолиси 11 минг кишидан ортиқ. Д.да қўшли кунлар кўп бўлади, шамол бўлмайди, қуёш радиацияси кучли. Қиши мўътадил юмшоқ (янв.нинг ўртача т-раси —7°), ёзи салқин (июлнинг ўртача т-раси 12°); йиллик ёғин қарийб 900 мм. Д.да тиббиёт ва баланд тоғ иқлими курорти ин-ти, қор ва кўчкиларни тадқиқ қилиш миллий институти, санаторий, пансионат, меҳмонхона, театр, спорт иншоотлари ва б. бор. Шаҳарда ҳар йили Бутунжаҳон иқтисодий анжумани ўтказилади. 1992 й.дан бошлаб бу анжуманларда Ўзбекистон Республикаси вакиллари ҳам иштирок этмоқда.

ДАВР — 1) жамият тараққиётида муҳим воқеа, ҳодиса юз берган, ҳукм сурган ёки ўзига хос хусусияти б-н ажралиб турадиган маълум вақт оралиғи (мас., тош Д.и, жез Д.и, темир Д.и ва ҳ. к.); 2) киши ёки кишилик ҳаётида маълум вақт, йиллар; 3) такрорланувчи жараённинг ҳар бир такрорланишидан бошланишидан то охиригача ўтадиган вақт ёки бирор тугал жараён давомидаги вақт оралиғи.

ДАВР (геол.) — геологик системани ташкил қиладиган тоғ жинслари (қатламлари)нинг ҳосил бўлишига кетган геологик вақт. Геологик бўлим (*эпоха*)ларга бўлинади. Бир неча Д. эратема (эра)ни ташкил этади (қ. *Геохронология*).


ДАВР (мусиқада) — 1) Ўрта аср Шарқ мусиқа назариясида *усул*, ритмик тузилма маъносини билдирувчи тушунча; 2) даврия — Европа мусиқа таҳлилида тугал ёки нисбатан тугал мусиқий фикрни баён қилувчи шакл тузилмаси. Одатда мусиқа асарининг бошланғич қисми, ёхуд бирор парчасини ташкил қилади. Ўхшаш (ҳатто такрорланувчи) жумлалардан иборат бўлиб, кейинги мусиқа жараёнида ривож топади. Баъзан, бутун мусиқа асари (прелюдия, романс каби кичик пьесалар) бир Д. б-н чегараланади (яна қ. *Мусиқа шакли*).

Ад.: Вахромеев В., Музиканинг элементар назарияси, 2-нашри (махсус муҳаррир Т. Ғафурбеков), Т., 1980.

ДАВРАКАШЛИК — тўқув корхоналарида пишитилган ипакни *даврага* ўраб *тандалаш*. Д. б-н шуғулланувчи уста давракаш деб аталади. Қадимда даврлаш давра, қумхона, панжа воситасида олиб борилган. Сунъий ипак ва табиий ипакни даврлаш бир-биридан сал фарқ қилади. Мас., вискозани даврлашда унинг иплари ёзилиб кетади. Шунинг учун у чорига эмас, галтакка ўралади ва ипларнинг учлари бирлаштирилиб, сўнг даврага ўралади. Ҳозир атлас тўқиш корхоналарида ипак даврлаш иши асосан машиналарда олиб борилади.

ДАВРАПОЯ — 1) даврлар қаторидан тузилган безак, шакл; 2) давра равоқнинг шоқиладор бўлакларидан ташкил топган тури. Кириш тоқи (арки)нинг умумий номи. Д. пештоқига жимжимадор безаклар ишланади. Баъзан кунгурали, гулчамбар нусха нақш битилган тоқилар, ён қирралари ва чеккасига безак ишланган гумбазсимон ёки ярим айлана шаклидаги эшик ва ойналар ўрни ҳам Д. дейилади.

Тиллакори мадрасаси пештоқидаги даврапоя безаги.



ДАВРАҚ — қад. оғирлик ўлчов бирлиги. Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асарида келтирилган жадвалда 1Д. = 1020 г деб берилган. Шарқ мамлакатларида қўлланилган.

ДАВРИЙ КАСР — рақамларининг бир қисми чексиз такрорланадиган чексиз ўнли каср. Мас., 3,19272727...; бу касрни қисқача 3, 19 (27) каби ёзиш мумкин, яъни давр деб аталувчи чексиз такрорланадиган рақамлар қисми қавс ичига олинган (бу мисолда «даврда 27» дейилади). Агар Д. к.нинг даври вергулдан кейин дарҳол бошланса (мас., 5,767676...), бундан каср соф Д. к. дейилади, агар вергулдан кейин давр олдида рақамлар бўлса (мас., 4,21666...), бундай каср аралаш Д. к. дейилади. Ҳар бир рационал сон (яъни оддий каср) ни ўнли каср б-н тасвирланганда ҳамма вақт чекли ўнли каср ёки Д. к. ҳосил бўлади. Ҳар бир Д. к.ни оддий касрга айлантириш мумкин (яъни у бирор рационал сонга тенг).

ДАВРИЙ ФУНКЦИЯЛАР — аргументга бирор (нолдан фарқли) сонни, яъни функция даврини қўшганда қиймати ўзгармайдиган функциялар. Мас., $\sin x$ ва $\cos x$ — даври 2π га тенг бўлган Д. ф., чунки x ҳар қандай бўлганда ҳам $\sin(x+2\pi)=\sin x$ ва $\cos x(x+2\pi)=\cos x$. Д. ф. табиатшуносликда, айниқса, турли тебранма жараёнларни ўрганишда кўп ишлатилади.

ДАВҚУР — *зардўзлик*да кенг тарқалган нақш мужассамоти, ҳошия нақш. Кийим (ёқаси, енг учлари ва б.) чети ҳошия нақш б-н айлантириб тикилиб, қолган жойлари очиқ қолдирилади. Кийимнинг орқа елка қисмига турунж шаклида безак кашта («тавқ») тикилади. Ҳошия — нақш турли кенгликда (кенг, ҳашамдор ёки ингичка) бўлиб, ўсимликсимон («шаш барг», «барги хазон», «бодом», «қўш бодом» ва б.) ва ҳандасий (юллуз, айлана, кошин ва б.) шакллардан тузилади. Бахмалдан қуроқ қилинади, тошлар қадалади. Д. да турли безак чоклардан фойдаланилиб, буюмнинг бадиий қиммати оширилади.



Давқур услубида безатилган тўн.

ДАГЕР (Daguerre) Луи Жак Манде (1787.18.11, Кормейз-ан-Паризи, Сена ва Уаза — 1851.10.7, Бри-сюр-Марн) — француз рассоми ва ихтирочиси, фотография ихтирочиларидан бири. Биринчи *диорама*ни яратган (1822). Ж. Н. *Ньепс* тажрибаларидан фойдаланиб биринчи бўлиб ёруғлик сезгир модда сифатида кумуш иодидини қўллаб ўчиб кетмайдиган тасвирларни олиш усули — дагеротипияни ишлаб чиққан (1839).

ДАГИР (форс.) — *абр* нақшли ярим ипак газлама. Д. икки тепкили қўл дўконда тўқилади. Танда иплари абрбанди усулида майдагуллар б-н нақшланади, арқоғига қора ип қўшилади. Д.дан чопон ва бошқа кийимлар, кўрпа-кўрпачалар тайёрланади. Турли жойларда турлича — шоларқоқ, олчинбар, пошшойи ва б. номлар б-н аталади. Д. 20-а.нинг 60-й.ларигача Фарғона водийсида ишлаб чиқарилган.

ДАГОМЕЯ (Dahomey) — *Бенин* давлатининг 1975 й. дек.гача бўлган номи.

ДАДАБОЕВ Акрам Дадабоевич (1908, Хўжанд — 1988.12.8. Тошкент) — селекционер олим, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1966), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1968). Тошкент қишлоқ хўжалиги ин-тини тугатган (1934). 1934—66 й.ларда ҳоз. Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги и.т. ин-тида илмий ходим, бўлим мудири, селекционер, директор. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ФАнинг вице-президенти (1957—61), ЎзР Қишлоқ хўжалиги вазирининг фан бўйича ўринбосари (1966—72). 1972 й.дан Ғўза селекцияси ва уруғчилиги и.т. ин-тида маслаҳатчи. Дағал, пишиқ ва калта толали, қурғоқчилик ва касалликларга чидамли С-7059, С-7010, С-7068, С-7055, эртапишар ва барги тез тўкиладиган, 42% гача тола берадиган С-8230, С-8232, С-8257 ва б. ғўза навларини яратди. Илмий ишлари янги ғўза навларини яратиш муаммоларига бағишланган.

Ас.: Методы выведения и размножения новых сортов хлопчатника, Т., 1969 (Н.Г. Симонгулян б-н ҳамкорликда).

ДАДАЕВ Қаҳрамон (1936.15.12, Тошкент) — созанда (доира), Ўзбекистон халқ артисти (1977). Глиэр номидаги Республика мусиқа мактаби, Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида таълим олган. Доира ижрочилик



Қ. Далаевнинг бир неча доирада мураккаб усуллар бажариши.

анъаналарини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Т. Иноғомов ва Ғ. Иноғомовлардан ўрганган. Тошкент хореография билим юрти (1953—54), Ўзбек давлат эстрадаси (1954—57), *«Баҳор»* рақс ансамбли (1957—97)да созанда, мазкур ансамбль ташкилотчиларидан. М. *Турғунбоева*, И. *Оқилов*, Е. Барановский ва Қ. *Миркаримова*лар б-н «Учрашув», «Ҳаваскор», «Салом» каби хореографик композициялар ҳамда «Пилла», «Занг», «Катта ўйин», «Ларзон», «Чўпон», «Фарғонача», «Фарғона рубоийси», «Бухороча», «Хоразмча» каби ўнлаб рақсларни саҳнага қўйиш ва яратишга катта ҳисса қўшган. Айниқса, ўзига хос тарзда, бир йўла 2—3 доирада якка ижро этган «Ўзбек доира усуллари» туркуми, катта артистик маҳорат б-н ижро этган доира ўйин («Ҳаваскор», «Қўғирчоқ» каби)лари машҳур. Т. *Сайфиддинов*, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар ака-ука Исломовлар, Ҳ. Расулов, Ҳ. Азимов ва б. Д. шогирдларидир. 80 дан ортиқ мамлакатларда гастролда бўлган. 6-Жаҳон ёшлар фестивали лауреати (1957, Москва), собиқ Иттифоқ Давлат мукофоти лауреати (1973). Д. ҳақида «Ўзбектелефильм» студиясида «Қаҳрамон Дадаев чалади» номли фильм суратга олинган (1983, реж. Ш. Бизатов).

ДАДАМУҲАМЕДОВ Фасиҳиддин Ғуломович (1953.26.5, Тошкент) — заргар, Ўзбекистон Республикаси халқ устаси (1998). Тошкент санъат ин-тини тугатган (1975). Уста заргар Н. *Холматов*дан ҳунар ўрганган. 1985 й.дан «Усто» бирлашмасида заргар-уста, 2000 й.дан хусусий устахонасида меҳнат қилади. Д. ижодида миллий заргарлик услубини тиклади, анъаналарини уйғунлаштирди ва ривожлантирди, шабака, зиғирак, қолипаки, босма усулларида буюмлар яратди: зирак, узук, билагузукдан иборат «Бозбанд», «Панжара тумор», «Уч кўза» ва б. тупламлар, тиллақош, зебигардон, узук, зирак ва б. тақинчоқлар; буюмлар безагида ўсимликсимон нақшларни кенг қўллайди. Д. яратган буюмлардан намуналар республика ва чет мамлакатлар (АҚШ, Англия, Франция, Исроил, Россия, Польша ва б.) музейлари, хусусий тўпламларда сақланади.



ДАДРА ВА НАГАРҲАВЕЛИ — Ҳиндистондаги иттифоқдош ҳудуд. Арабистон денгизи соҳилида. Майд. 0,5 минг км². Аҳолиси 220,4 минг киши (2001). Маъмурий маркази — Силваса ш.

Ҳиндистон я.о.нинг шим.-ғарбий қисмида, Маҳараштра ва Гужарот штатлари оралиғида жойлашган. Асосан қ.х. маҳсулотлари етиштирилади. Саноат тармоқлари ҳам қ.х. маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. Силвасада пальма толаси ишлаб чиқарилади. Меъморий ёдгорликларидан Португалия мустамлакачилик даврида европача қурилган биноларнинг баъзилари сақланиб қолган.

ДАЖБОГ — рус-славян мифологиясида Қуёш ва ўт-олов маъбуди, *Сварог* ўғли (шундан Д.нинг бошқа исми — Сварожич олинган). Рус йилномаларида жуда кўп марта (биринчи марта 980 й.да, князь Владимир Киевда маъбудларга, жумладан Д.га саждагоҳлар қурган пайтда) қайд этилган. Йилномага кўра Д. қад. туркийларнинг қуёш тангриси Хорсу б-н айнан тенглаштирилган. Д.нинг этимологияси тўғрисида турли хил талқинлар мавжуд. Баъзи фикрларга кўра у *готлар*нинг «даг» («кун»), славянларнинг «дождь» ва «дажб» (яъни иссиқлик ва неъматлар берувчи маъбуд) сўзларидан олинган. Ф. Дадамуҳамедов ясаган «Бозбанд» тўплами (1993).

«Игорь полки жангномаси»да рус халқи «Д.нинг набираси» деб номланган.

ДАЖЖОЛ (араб. — алдамчи, фирибгар) — ислом динига кўра, *қиёмат* олдидан пайдо бўладиган ва диндорларни худо кўрсатган тўғри йўлдан оздирадиган бир кўзли одамсимон маҳлуқ. У ёвузлик тимсоли сифатида эзгулик тарафдорлари б-н жанг қилиб, охир-оқибатда мағлуб бўлиши ҳақида ривоятлар бор.

ДАЖЛА — Туркия ва Ироқдаги дарё, қисман Сурия ҳудудидан ўтади. Уз. 1850 км, ҳавзасининг майд. 375 минг км². Туркиянинг жан.-шарқидаги тоғлардан бошланади. Ал-Қурн ш. яқинида Фурот дарёси б-н қўшилгач, *Шатт ул-Араб* деб аталади ва Форс қўлтиғига қуйилади. Энг йирик ирмоқлари: Катта Заб, Кичик Заб ва Диала. Юқори оқими, асосан тоғлар орасидан, ўрта ва қуйи оқими Месопотамия текислигидан ўтади. Қишда Месопотамияга ёққан ёмғирдан, баҳорда тоғлардаги қор ва музларнинг эришидан тошади. Ўртача сув сарфи Бағдод ш. яқинида 1240 м³/сек, максимал сув сарфи 10000 м³/сек, минимал сув сарфи 150 м³/сек. Ёғин кам ёғиши, бўгланиш ва суғоришга сарфланиши натижасида қуйи оқимида суви анча камайиб кетади. Дарё кўплаб лойқа, қум, шағал оқизиб келади. Қуйилиш жойидан Бағдод ш.гача (сув кўпайгандa Мосул ш.гача) кема қатнайди. Д.нинг Бағдод ш.дан жан.даги водийсида жойлашган бир неча йирик кўл унинг сувини бир меъёрда оқишини таъминлайди. Д. соҳилларида Диёрбакир (Туркия), Мосул, Бағдод (Ироқ) ш.лари жойлашган. Сув омбори бор. Д. ва Фурот дарёлари оралиғи қад. цивилизация марказларидан бўлган (у ерда мил. ав. *Бобил, Осурия, Шумер* ва *Аккад* каби йирик давлатлар жойлашган эди).

ДАЗМОЛ — газлама, кийим-кечак, кўнчилик маҳсулотлари ва б.га иссиқлик ишлови бериш (қиздириб силлиқлаш) учун мўлжалланган асбоб. Уй-рўзғорда, маиший хизмат корхоналарида, тикувчилик ф-каларида, кўн з-дларида ишлатилади. Рўзғорда ишлатиладиган Д.нинг кўмир ёки ўтин чўғида қиздириладиган, плита устига қўйиб қиздириладиган ва электр хиллари бор. Ҳозир, асосан, электр Д. ишлатилади. У металл асос, қопқоқ, қиздириш элементи (спираль) ва шнурдан иборат. Баъзи электр Д.лар иссиқлик даражасини ўзгартирадиган (терморостлагичли) (мас., 700 Вт — 1000 Вт ли) қилиб ишлаб чиқарилади. Баъзи Д.ларда дазмолланадиган жойни ҳўллаб турадиган сув «косача» бўлади. Тикувчилик ф-калари, маиший корхоналарда махсус (оғирроқ ва қувватлироқ) Д.лар ва дазмоллаш пресслари ишлатилади. Кўнчиликда ишлатиладиган Д. 90—100° гача қиздириладиган плита ва унга терини қисадиган роликдан иборат.

Д. қадимдан маълум. 11-а.да Ўрта Осиёда Д. андавага ўхшаш темир асбоб бўлиб, уни ўтда қиздириб, кийимнинг чок ва баҳяларини бостирганлар, сиртини силлиқлаганлар. Кейинчалик, олов Д. пайдо бўлган. У пайтларда Д.ни ўтук (отук) деб аташган (М. Кошғарий «Туркий сўзлар девони», Т., 1960). Ҳозир ҳам Хоразм, Самарқанд вилоятларида халқ Д.ни ўтук деб юритади.

ДАЙКА (инг. dike ёки duke — тўсиқ, тош девор) — интрузив магматик жисм, параллел текисликлар б-н чегараланиб, бўшлиқлардаги жинслар орасида ётади. Д. кўпинча қаттиқроқ жинслардан тузилганлиги ва атрофдаги жинсларнинг нураб ёки ювилиб кетиши натижасида жойларда деворга ўхшаб кўтарилиб қолади. Д. эффузив ва интрузив жинслар ёки чуқур магма ўчоқларига боғлиқ бўлган алоҳида минтақаларни юзага келтиради. Д. бир марказдан чиққан радиал ва ҳалқа кўринишларида ҳам бўлади. Баъзан Д. ноёб фойдали қазилмаларни топишда белги ҳисобланади. Чатқол-Қурама, Молгузар, Қизилқум ясси тоғлари ва б. тоғларда учрайди.

ДАЙМЁ — ўрта асрларда Японияда йирик мулкдор князлар. «Д.» истилоҳи 11-а.да пайдо бўлиб, йирик мулкдорларни англатган. 14—15-а.лардан 16-а. охиригача Д.лар марказий ҳокимиятдан мустақил бўлишган. Токугава сёгунлари ҳукмронлиги даврида (1603—1867) мамлакат бирлаштирилгандан сўнг, Д.га ерларида олинадиган шоли ҳосили камида 10 минг коку (1 коку = 150 кг) га етган йирик мулкдорлар мансуб бўлишган. Князликлар иқтисодий ва маъмурий-сиёсий бирликлар ҳисобланиб, ички ишларда Д. тўла ҳокимиятга эга эди. Лекин ҳукумат Д.лар устидан ҳар томонлама назоратни кучайтириб, уларнинг ерларини қисқартирган. 1867—68 й.лардаги тугалланмаган буржуа инқилобидан сўнг, Д. 1869—71 й.ларда ўз ерларидан маҳрум бўлишган, князликлар ўрнига префектуралар барпо этилган. Д.ларга катта пул миқдорида товон тўланган, Д.ларнинг бир қисми йирик помешчикларга (мулкдорларга), айримлари — акционерлар ва саноатчиларга айланган. Сарой зодагонлари (кугэ) б-н бирга Д.лар (1884 й.да) олий зодагонлар — кадзокуни ташкил этган, у 1890—1945 й.ларда Япония парламентидаги пэрлар палатасида катта имтиёзларга эга бўлган.

«ДАЙМЛЕР-БЕНЦ АГ» — етакчи немис автомобиль концерни. 1926 й.да Готтлиб Даймлер ва Карл Бенц томонидан Германиянинг Штутгарт ш.да ташкил этилган. Асосан енгил ва юк автомобиллари, оғир юк тортувчи тягачлар, кичик ва катта йўловчи автобуслар, микроэлектроника, авиааппаратлар, авиадвигателлар ва б. ишлаб чиқаради. Мерседес-Бенц АГ (енгил ва юк автомобиллари и.ч., савдо ва автосервис), Даймлер-Бенц Индустри — «АЕГ» (микроэлектроника, дизель куч агрегатлари, автоматлаштириш учун техника, телемеханика воситалари ва б.), Даймлер-Бенц Аэроспэйс — «Даза» АГ (авиация, космонавтика, ҳарбий ва фуқаро сунъий йўлдошлари тизими ва б.) ва Даймлер-Бенц Интер Сервис — «Дебис» (молиявий хизматлар кўрсатиш, суғурта, маркетинг хизмати, коммуникация ва алоқа хизмати, халқаро савдо, кўчмас мулк менежменти) компаниялари концерн таркибига киради. Бразилия, Аргентина, АҚШ, Хитой, Туркия, Испания, Италия сингари дунёнинг 23 давлатида ўз корхоналарига эга.

1993 й. «Мерседес-Бенц АГ» компанияси б-н ҳамкорликда Ўзбекистонда юк автомобиллари ишлаб чиқарадиган «Хоразм ишлаб чиқариш бирлашмаси» қўшма корхонаси ташкил этилди. 1996 й. Тошкент ш.да «Д.-Б.АГ»нинг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси очилди. 1998 й. «Д.-Б.АГ» Американинг гигант корпорацияси «Крайслер» б-н қўшилиши натижасида дунё автомобилсозлигида етакчи компания «Даймлер-Крейслер» ташкил этилди. Йиллик савдо оборати 124 млрд. немис маркази. «Д.-Б.АГ»нинг дунё бўйича корхоналарида 300 мингдан очиқ ишчи-хизматчи ишлайди (1998).

Ҳамид Азизқориев.

ДАЙР УЗ-ЗУР (араб. Фириб монастири) — Сурия Араб Республикаси шарқидаги шаҳар. Дайр уз-Зур муҳофазасининг маъмурий маркази. Фурот дарёсининг ўнг соҳилида, Ҳалабдан Ироққа борувчи автомобиль йўли устида. Аҳолиси 133 минг киши (1994). Савдо-транспорт пункти. Пахтачилик р-нининг маркази. Аэропорт, иссиқлик электр ст-яси ва шакар-қанд з-ди бор.

ДАЙР УЛ-БАҲР — Қад. Миср (Фива яқини)да қоялар этагида (водий бўйлаб) жойлашган меъморий мажмуа. Фираъвн Ментухотеп I хотирасига қурилган эҳром (мил.ав. 21-а.) *колоннада*лар б-н ўралган, йирик пирамидали, деворлари бўртма тасвирлар б-н



Малика Хатшепсут эҳроми (мил. ав. 16-а.)

безатилган (ҳайкалтарошлар Иртисен ва ўғли Сенусерт)хароба қолдиқлари сақланган. Водий орқали эҳромга бориладиган узун йўл (уз. 1200 м, эни 32 м) чети девор ва ҳайкаллар б-н тўсилган. Малика Хатшепсут хотирасига қурилган эҳром (мил.ав. 16—15-а.лар, меъмори Сенмут) 3 айвонли колоннадалар б-н ўралиб, зинапоялар орқали боғланган. 200 дан ортиқ ҳайкаллар ва бўртма тасвирлар б-н безатилиб, ерига кумуш ва олтин тўшалган.

ДАЙРИЙ Тошкандий (16-а. 2-ярми — Тошкент — 17-а. бошлари) — шоир. Ҳаёти ва ижоди ҳақида *Мутрибий*нинг «Тазкират уш-шуаро» («Шоирлар тазкираси») асарида маълумот берилган, шеърларидан намуналар келтирилган. *Абдол султон* (16-а.нинг 2-ярми) саройида хизмат қилган, унга атаб шеър ва қасидалар ёзган. Шеърлари турли баёзларда сақланган.

ДАЙСУНХОН (1422—52) — ойрат хони (1439 й.дан). Д. даврида ҳамма мўғул ерларини Ойрат хонлиги қўл остида (қисқа муддатга) бирлаштиришга эришилган; бу бирлаштириш жараёнида муҳим ролни Д.нинг 1-вазири Эсен ўйнаган. Тахт ворислиги ва Хитойга нисбатан сиёсий муносабат масалалари бўйича Д. ва Эсен ўртасидаги келишмовчилик оқибатида қуролли жанжал келиб чиққан, натижада Д. ўлдирилган, Эсен эса бир оз вақт ўтгач, ўзини буюк хон деб эълон қилган.



Дакка шаҳрининг умумий кўриниши.

ДАКАНА — аёллар рўмоли; одатда қора ёки оқ сатиндан тайёрланади ва соч фарқини беркитиб, сочни тутиб туришга хизмат қилади. Кўпроқ урта ёшли ва кекса аёллар катта (купинча оқ дока) рўмол тагидан ўрайдилар. Аирим жойлар (Фарғона водийси)да дурра, дуррача ҳам дейилади.

ДАКАР — Сенегал пойтахти. Ғарбий Африканинг муҳим саноат, транспорт ва савдо-молия марказларидан. Яшил Бурун я. о.да, муҳим денгиз йўллари кесишган ерда жойлашган. Иқлими субэкваториал; янв.нинг ўртача т-раси 22°, июлники 28°. Йиллик ўртача ёғин 572 мм. Аҳолиси 2 млн.киши (1998). 90% африкаликлар; европаликлардан асосан французлар яшайди.

Д.ни 1857 й.да французлар қалъа сифатида бунёд этган. 1895—1960 й.ларда Франция мустамлакаси Сенегалнинг, 1904—59 й.ларда Франция Ғарбий Африкасининг маъмурий маркази. 1960 й.дан Сенегал пойтахти.

Д. ва унинг атрофида мамлакат саноат корхоналарининг 80% жойлашган. Саноат корхоналари асосан қ. х. маҳсулотларини қайта ишлайди. Д.да ер ёнғоқ ёғи ишлаб чиқарувчи йирик з-длар мавжуд. Балиқ консерва, пиво ва ун з-длари, тамаки, гугурт, йигирув ва тўқимачилик ф-калари, кемасозлик, нефть, цемент, совун ва кимё корхоналари, иссиқлик электр ст-яси бор. Йирик денгиз порти. Д. орқали четга ер ёнғоқ ва унинг ёғи, фосфат чиқарилади. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Д.да ун-т (1950), политехника ин-ти, Африкани ўрганиш ин-ти, Пастер ин-ти, санъат мактаби, ун-т кутубхонаси, музейлар, театр, ҳайвонот боғи ва б. бор.

ДАККА, Дҳака (ҳосилдорлик маъбудаси номидан) — Бангладеш пойтахти. Ганг-Браҳмапутра дарёси дельтасидаги порт. Мамлакатнинг ва Дакка вилоятининг маъмурий-сиёсий, иқтисодий, маданий ва диний маркази. Аҳолиси 3,8 млн. киши (шаҳар атрофи б-н 7,4 млн., 1998).

Д. Бенгалиянинг энг кўҳна шаҳарларидан, 1608—1717 й.ларда унинг пойтахти. 17—18-а. бошларида ҳунармандчилик ва савдонинг дунёдаги энг йирик марказларидан бўлган. Д.да ишланган муслин (юпқа газлама), кашта, олтин ва кумушдан ясалган буюмлар кўп мамлакатларда, жумладан Европада ҳам машҳур бўлган. Англия истилосидан кейин (18-а.) Ҳиндистонга Англиядан кўплаб газламалар келтирила бошлагач, маҳаллий ҳунармандчилик ва савдо инқирозга учради. 20-а. бошида Д. миллий озодлик ҳаракатининг марказларидан бири бўлди. 1906 й.да Д.да мусулмонлар лигаси тузилди. Покистон давлати ташкил топгандан сўнг Д. 1947—1971 й.ларда Шарқий Покистон (Шарқий Бенгалия)нинг маъмурий маркази, 1971 й. дек.дан, Шарқий Бенгалия озодликка эришгандан сўнг вужудга келган Бангладеш Халқ Республикасининг пойтахти.

Д.— муҳим транспорт йўллари тугуни. Халқаро аэропорт бор. Д. ва унинг атрофи, Нараянганж ш. б-н бирга, мамлакат шарқий қисмининг асосий саноат р-нидир. Мамлакатдаги ип газлама, жут, озиқ-овқат, кимё, металлсозлик, ойна, кўн саноатларининг асосий қисми Д.да жойлашган. Д.нинг кўҳна қисмида Лал Бағч қалъаси, Сат Гумбаз масжиди, Катта бозор (17-а.), «Юлдузлар масжиди» (18-а.); Янги шаҳар қисмида ун-т, Янги масжид, Санъат ин-ти, Миллий кутубхона, ҳукумат идоралари ва б. бор.

ДАКЛАР — қад. шим.-фракий қабилалари, Дунайнинг шим.дан Карпат тизма тоғлари этакларигача ёйилиб яшаганлар. *Децебал* (Д. йўлбошчиси) даврида Д.нинг мардона қаршилик кўрсатишларига қарамай, 89, 101—102, 105—106 й.ларда улар яшаётган ҳудудлар римликлар томонидан босиб олинган.

ДАКОТА (ўзларини шундай атайдилар), дакота-сиу — АҚШ ва Канададаги сиу гуруҳига мансуб индейс халқи (Жан. ва Шим. Д., Миннесота ва Небраска штатларидаги резервацияларда яшайди. АҚШда — 10 минг киши, Канадада — 3 минг киши. Диндорлари — асосан, христианлар (протестантлар ва католиклар), анъанавий диний эътиқодлар ҳам мавжуд. Хока-сиу тил оиласига мансуб дакота тилида сўзлашади. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, дакота тили туркий тилларга қардош бўлган. Мас., туркий тиллардаги «ичув», «ичмоқ» — icu, ютув, «ютмоқ»



Дакота қабиласининг тотем белгиси — аждарҳо.

— Yuta, «эш» (бирор ишда эш, шерик бўлмоқ) — ichi, «мен» — «mi», «икки» — ik ва б. Д. қабиласининг тотем белгиси — аждарҳо сурати ҳоз. Қозон ш.нинг герби б-н айнан бир хил бўлиб, ундан танқари у *Волга булғорлари* зарб этган тангаларда акс этган. Шунингдек, у рамз сифатида қад. туркий халқлар, жумладан, Ўрта Осиёдаги туркий халқлар орасида ҳам маълум бўлган. Д.ларнинг *ҳунлар*га алоқадор бўлиши мумкинлиги ҳақида Л.Н. *Гумилёв* ҳам фикр билдирган (яна қ. *Индейслар*).

Ад.: Каримуллин А. Г., Прототюрки и индейцы Америки. По следам одной гипотезы. М., 1995.

ДАКРИОАДЕНИТ (юн. dakryon — ёш ва aden — без) — кўз ёши безининг яллигланиши. Кўпинча бир томонлама бўлади. Д.нинг ўткир ва сурункали хиллари бор. Д. инфекцион касалликлар (*грипп*, тепки, *ангина*, *қизамиқ* ва б. касалликлар) натижасида пайдо бўлиб, бунда юқори қовоқнинг чакка соҳасида оғриқ, шиш, қизариш кузатилади. Баъзан шиш оқибатида без жуда катталашиб, кўз тирқиши торайиб, кўз соққасини бурун ва ички-паст томонга суриб қўяди. Беморнинг боши оғриб, тинкаси қурийди, т-раси кўтарилади, қулоқ олди лимфа безлари шишиб, ушлаганда оғрийди. Яллигланиб шишган ёш бези камдан-кам ҳолларда ёрилиб, йиринг чиқади ёки ёш безининг *абсцесс*ига олиб келади. Сил, захм каби умумий касалликлар оқибатида келиб чиққан сурункали Д. кам учрайди. У аста-секин бошланади, кўз соққаси олдинга ёки пастга, ичкарига силжийди. Д.га сабаб бўлган асосий касалликка даво қилинса, яллигланиш йўқолиб кетади. Беморни фақат врач даволайди. Маҳаллий (қуруқ иссиқ, УВЧ) ва умумий даво: антибиотик ва сульфаниламид препаратлар тавсия этилади. Ёш безининг йирингламаси рўй берса, жарроҳлик усули қўлланилади.

ДАКРИОЦИСТИТ (юн. dakryon — ёш ва kystis — халтача) — кўз ёши халтачасининг яллигланиши. Ёш халтачасини бурун бўшлиғига туташтириб турадиган йўлнинг бекилиб қолиши сабаб бўлади. Бунда кўз ёши бурунга равон ўтмайди, кейинчалик бутунлай ўтмай қолади. Бу йўлнинг бекилишига кўпроқ бурун бўшлиғи ва унинг атрофида жойлашган бўшлиқлар шиллиқ пардаларининг яллигланиши сабаб бўлади. Ўткир, сурункали ва чақалоқлар Д.и фарқ қилинади. Бемор кўзининг ёшланиши ва йиринг чиқишидан шикоят қилади. Пастки қовоқнинг бурун томони шишади, қизаради. Кўп ёш оқади, йиринг чиқади. Халтачада тўпланиб қолган ёшга бирор инфекция тушса, халтачанинг шиллиқ пардаси яллигланиши мумкин (сурункали Д.). Яллигланиш халтача деворидаги тўқималарга ўтиб кетса, ўткир ёки флегмоноз Д. пайдо бўлади. Ўткир Д.да беморнинг боши оғриб, т-раси кўтарилади, умумий аҳволи оғирлашади. Ёш халтачасининг устидаги тери шишиб, қизаради, бурун ва яқ томонга тарқалиши мумкин.

Чақалоқлар Д. и ёш-бурун каналининг бурунга очиладиган жойида бўладиган парданинг бола тугилгунча сўрилмай қолиши (тўсиқ борлиги) натижасида вужудга келади; клиник белгилари сурункали Д.га ўхшаб кетади.

Беморни врач даволайди. Ўз вақтида уни келтириб чиқарувчи сабаб бартараф этилиши лозим. Баъзан жарроҳлик усули қўлланилади — дакриоцисториностомия қилинади, яъни ёш халтачаси б-н бурун бўшлиғи туташтирилади. Ўткир Д.да антибиотик ва сульфаниламид препаратлари яхши наф беради. Агар ёш халтачасининг флегмонасида флюктуация пайдо бўлса, уни очиб йирингни чиқарилади. Ўткир яллигланиш белгилари йўқолгандан сўнг операция қилинади. Чақалоқлар Д.и ёш халтачасини массаж қилиш, ёш оқиш йўлларини зондлаш, катетерлаш ва ювиш б-н тузатилади; булар наф бермаса, ички (эндоназал) ёки дакриоцисториностомия операцияси қилинади.

ДАКТИЛО... (юн. daktylos — бармоқ) — қўшма сўзлар таркибий қисми бўлиб, ўзи қўшилиб келган сўзга қўлга оидлик маъноси ифодасини беради. Мас., *дактилография*, *дактилология*.

ДАКТИЛОГРАФИЯ (юн. *дактило...* ва *...графия*) — бармоқлар ёрдамида ифодаланадиган ёзув. Саводи бўлган кишининг кар ёки кар-кўрлар б-н *дактилология*, *Брайль шрифти*, *имо-ишо-*

ра тили каби усуллардан ташқари ёрдамчи муомала қилиш воситаси. Кар, кар-кўр б-н мулоқот қилишда сўзлар оддий ҳарфлар б-н кўл кафтига бармоқлар ёрдамида ёзилади. Агар кар, кар-кўр кишининг оғзаки нутқи ривожланмаган бўлса, у ҳам ўз фикрини суҳбатдошининг кўл кафти ёки бошқа текис сатҳ (стол усти, китоб муқоваси, тахта ва б.)га бармоқлари б-н ёзиб ифода этади.

ДАКТИЛОЛОГИЯ (юн. *дактило...* ва *...логия*) — нутқ шакли; ўзига хос тарзда кўл бармоқлари ёрдамида гаплашиш. Муайян алифбодаги ҳар бир ҳарфни ифодалаш учун бармоқларга турлича шакл берилади. Д.да бир ёки иккала кўл бармоқларидан фойдаланиш мумкин (асосан ўнг кўл бармоқларидан фойдаланилади). Д. кар, кар-соқовларнинг осон ва тез сўзлашувига имкон беради. Кар ва кар-соқовлар Д. белгиларини кўзи б-н қабул қилади. Кар болалар учун боғча ва мактабнинг бошланғич синфларида Д.дан асосий ўқитиш воситаси сифатида, шу мактабнинг юқори синфларида эса ундан ёрдамчи ўқитиш воситаси сифатида фойдаланилади. Кар-соқовларга таълим беришда Д. бирдан-бир муомала воситасидир.

ДАКТИЛОСКОПИЯ (юн. daktylos — бармоқ, skopeo — қарайман) — кўл бармоқлари учидаги тери изларига қараб, шахсни аниқлаш усули. Бу излар арифча ва дўнгалак шаклидаги нозик чизиқлардан иборат бўлиб, ёйсимон, сиртмоқли ва гажакдор нақшлар ҳосил қилади. Улар ҳар бир шахсда ўзига хос, бошқаларда қайтарилмайдиган, умрбод ўзгармайдиган, зарарланса қайта тикланадиган хусусиятларга эга. Д.дан бир ярим асрдан буён деярли барча мамлакатларда жиноятчиларни рўйхатга олиш ва қидириб топиш воситаси сифатида фойдаланилади.

ДАЛА АПРОБАЦИЯСИ, дала экинлари апробацияси — навдор экинлар, мевали дарахтлар ва резаворлар ҳосилининг уруғлик сифатида фойдаланишга яроқлилигини аниқлаш, навдорлик сифатини белгилаш, уруғчилик қоидаларининг бажарилишини текшириш. Апробация ўтказиш Ўзбекистонда давлат тадбирига киради. Дала экинлари апробацияси далада (Д. а.) ва дон омборхоналарида (маккажўхори сўталари омбор апробацияси) кузатиш ёки танлаб кузатиш ва апробация материалини таҳлил қилиш б-н ўтказилади. Ҳар бир экин тури учун ўзига хос Д.а. усули ишлаб чиқилган. Бунда экиннинг етилиши, муддати, навдорлиги, серҳосиллиги ва зараркунанда ҳамда касалликларга чидамлилиги эътиборга олинади. Д. а. учун апробациячи агроном бошчилигида махсус гуруҳ ёки алоҳида комиссия тузилади. Энг аввал ҳар қайси далада қандай нав (уруғлик) экилгани тегишли ҳужжатларга қараб аниқланади. Навнинг тозалигини аниқлаш учун майдон диагонали бўйлаб ҳар ердан ўсимлик намуналари олинади. Намунадаги асосий навга оид ўсимликлар саналиб, улар жами ўсимликларга нисбатан неча фоизни ташкил этиши, касаллик ва зараркунандалардан, бегона ўтлар, карантин ўтлардан тозалиги аниқланади. Мас., пахтачиликда Д. а. гўзанинг 1-, 2- ва 3- репродукциялари экилган майдонларда ўтказилади. Агар бу репродукциялар экилган майдонлардан режадаги уруғлик пахтани тайёрлаш имконияти бўлмаса, тўртинчи ва сўнгги репродукцияли майдонларда ҳам Д. а. ўтказилади. Янги навлар ва уруғи камчил навдор гўзалар ҳам апробация қилинади. Д. а.га қадар пахта далалари зараркунанда ва касалликлардан тозалигига қараб 4 гуруҳга бўлинади: мутлақо тоза далалар; гоммоз б-н 5% гача, вилт б-н 10% касалланган далалар; гоммоз ва вилт б-н 20% касалланган далалар; 20% дан кўпроқ касалланган далалар. Уруғлик пахта ҳар қайси гуруҳ далаларидан алоҳида терилиб, пахта қуритиш-тозалаш заводларига ҳам алоҳида топширилади.

Д.а. натижаларига асосан далолатнома тузилади. Апробация далолатномаси тайёрланадиган уруғнинг миқдори ва сифатини кўрсатадиган расмий ҳужжат ҳисобланади.

Абдураҳим Эрматов.

ДАЛА ИШЛАРИ СИФАТИНИ БАҲОЛАШ, технологик бракераж — тупроққа ишлов бериш, экинларни парвариш қилиш ва ҳосилни йиғиб олишдаги иш сифатининг технология талабларига мувофиқлигини аниқлаш. Барча агротехнология тадбирлари циклини ўз вақтида ва сифатли қилиб ўтказиш қ.х. экинларидан юқори ҳосил олишнинг асосий шартидир. Тупроққа ишлов бериш-нинг қуйидаги усуллари назорат қилинади ва баҳоланади: ер ҳайдаш, экиш, культивация, анғизни юза юмшатиш ва бороналаш ишлари сифати. Ернинг ҳайдалиш чуқурлиги ва шудгорнинг текислиги, ҳайдалмай қолиб кетган жойлар бор-йўқлиги, ҳайдалган ернинг ўйдим-чуқурлиги ёки бир текислиги, тупроқнинг юмшаш, майдаланиш даражаси, экин қолдиқларини, бегона ўтларни, ўғитларни кўмиш ва тупроқ қатламини агдариш; культивация ва юза юмшатишда тупроққа ишлов бериш чуқурлиги ва текислиги, бегона ўтларни тўла йўқ қилиш, бороналашда ер юзасини юмшатиш ва текислашнинг сифати текширилади. Диаметри 5 см дан зиёд кесаклар 20% дан ёки 1 м² даги катта кесаклар сони 10 донадон ортмаса, ишлов сифати яхши деб ҳисобланади. Қатлам кутарилиши 3—4 см дан ортмаслиги керак. Экиш сифати курсаткичлари унинг ўз вақтида ўтказилганлиги, хатоси йўқлиги, уруғларнинг қаторларга бир текис тушиши, қаторнинг тўғрилиги ва қатор ораларининг бир хиллиги ва б. экиш сеялкаси ишлаб турганда баҳоланади. Бу баҳо экин униб чиққандан кейин тасдиқланади. Майсалар қийғос униб чиққан бўлса, экиш сифати яхши, ниҳоллар сийрак (20% гача) бўлиб қолса, экиш сифати қониқарли, сийраклик кўп бўлиб (20% дан ортиқ) ва қатор оралари кенглиги ҳар хил бўлиб қолган бўлса экиш сифати қониқарсиз деб ҳисобланади. Бундай экинлар *браккa* чиқарилади ва қайта экилади. Қатор ораларига ишлов бериш сифатига иш органларининг ўтиш зонасидаги бегона ўтларни тўла йўқ қилиши, ўсимликнинг шикастланиш даражаси, тупроқ юзасидаги кесакларнинг майда-йириклигигача қараб баҳо берилади. Тупроққа тўғри ишлов берилганлигини кўрсатадиган мезонлар — 0.1 мм дан 10 ммгача бўлган кесакларнинг 40% гача бўлиши, 50 мм ва ундан катта кесакларнинг бўлмаслигидадир. Бунга эришиш учун қатор ораларига суғоришдан кейин ишлов берилади. Вегетация даврида суғориш сифати эгатнинг бошидан то охирига қадар тупроқ қатламининг бир текис намланганлигига қараб баҳоланади. Ҳосилни йиғиб-териб олиш деҳқончиликдаги ишларнинг якунловчи палласидир. Йиғим-терим ишлари энг қулай қисқа муддатларда, нобудгарчиликка йўл қўймай ўтказилиши керак. Мас., пахтачиликда терим гўза тупларидаги кўсакларнинг 55—60% очилган вақтда бошланса, машина очилган пахтанинг камида 80%ни териб олса, машина ерга тўкиб-тушириб юборадиган кўсаклар ҳар қаторда 2—3 м масофада кўпи б-н биттадан бўлса, пахта терими сифатли ҳисобланади. Ерга тўкилган пахта миқдори ҳосилнинг 2% дан ортмаслиги керак. Ҳар тупда очилган пахтани териб олиш 75% дан кам бўлганда териш қониқарсиз ҳисобланади.

Дала ишлари сифатини бош пудратчилар, агрономлар, ўзаро текшириш бригадалари текширадилар.

ДАЛА ИҲОТА ЎРМОНЗОРЛАРИ — экинзор, далалар чегаралари бўйлаб барпо қилинадиган дарахтзорлар, *иҳота дарахтлари*нинг бир тури. Д.и.ў. ер усти сув оқимини тўсиб, тупроқни эрозиядан сақлайди, унинг сув, ҳарорат ва озиқ режимларини яхшилайди, шамол тезлигини пасайтиради, далаларда қорни узоқ муддат сақлаб қолиб, тупроқ унумдорлигини оширади, қургоқчилик ва қуруқ шамоллар таъсирини камайтириб, экин майдонларининг иқлимий ва гидрологик шароитларини яхшилайди, қ. х. экинлари ҳосилини оширади. Д.и.ў. назарий асослари ва ташкилий шакллари ва б. б-н *агроўрмон мелиорацияси* шугулланади.

Ўрта Осиёнинг суғориладиган ерларида биринчи Д.и.ў. 30-й.ларда барпо қилинди. Мирзачўл ва Марказий Фарғона ерларида 1957 й.дан режа асосида иҳота дарахтлари экила бошланди. 1990 й.га келиб ЎзРда Д.и.ў. 40 минг га дан ортиқ майдонни ташкил этди.

Д.и.ў. асосий ва ёрдамчи турларга бўлинади. Асосий Д.и.ў. шамол энг кўп эсадиган йўналишга перпендикуляр ҳолатда, ёрдамчилари эса асосий минтақага перпендикуляр ҳолатда жойлаштирилади. Ўрмон минтақаларининг мелиоратив таъсири уларнинг шакли ва тузилиши (конструкцияси)га боғлиқ бўлади. Конструкцияси бўйича Д.и.ў. 3 асосий турга бўлинади; шамол ўтказмайдиган (зич) конструкцияли иҳотазор (ости ва усти бир хил зич, шамолни деярли ўтказмайдиган мураккаб кўп ярусли дарахтзор); панжарасимон ўрмон иҳотазорлари (бутун вертикал профили бўйлаб сийрак оралиқлар б-н бир текис бўлинган 2 ва 3 ярусли дарахтзорлар; шамол оқими дарахтзор орасидан ўта олади); қисман шамол ўтказувчи иҳотазорлар (юқори қисмида шох-шаббалар зич, пастки қисми эса дарахт таналари ўртасида оралиқлар мавжуд бўлиб, бал. 2,5—3,5 м). Д.и.ў. параметрлари муайян майдоннинг шамол ҳаракати кўрсаткичларига қараб белгиланади. Мас., Ўзбекистон 3 ўрмон мелиорацияси р-нига бўлинади; шамол ҳаракати кучли (шамолнинг тақрорланиши йилига 60 кунгача, тезлиги 15 м/с дан ортиқ; максимал тезлиги 30 м/с ва ундан ҳам юқори); ўртача (кучли шамолнинг тақрорланиши йилига 10—15 кун; максимал тезлиги 25 м/с); кучсиз (тезлиги 15 м/с дан ошиқ бўлган шамол, йилига 3—7 марта) ҳудудлар.

Биринчи гуруҳга мансуб ҳудудда бутун профилнинг 25—35% миқдорида шамол ўтказувчи панжарасимон 12—



Дала иҳота ўрмон минтақалари (Сирдарё вилояти).

иҳотазор, иккинчи гуруҳ ҳудудларда 40—50% миқдорида шамол ўтказувчи панжарасимон иҳотазор, учинчи гуруҳ ҳудудларда эса қисман шамол ўтказувчи иҳотазорлар самаралидир. Лалмикор ерларда бу кўрсаткичлар тегишлича: 45—55%, 50—60%, 70—75%. Далаларни кучли шамоллардан ўрмон иҳотазорлари яхши муҳофаза қилади. Кучли шамол эсадиган, суғориладиган ҳудудларда асосий иҳотазорлардаги дарахт қаторлари сони 3—4, ўртача шамол зонасида 3, кучсиз шамолли ҳудудларда 2 та бўлиши мақсадга мувофиқ. Ёрдамчи иҳотазорлар эса 2 қатордан иборат бўлади (лалмикор ерларда зоналарга мувофиқ ҳолда 5—6, 4—5, 4 қатордан иборат бўлади). Кучли шамол зонасидаги суғориладиган ерларда асосий иҳотазорлар ўртасидаги масофа 250—350 м, ўртача зонада 300—400 м, кучсиз шамоллиларда эса 400—500 м; ёрдамчи иҳотазорлар оралиги 800—1000 м.

Суғориладиган ерларда Д.и.ў. тез ўсадиган ва хўжаликка фойдали бўлган дарахт турларидан барпо қилинади (эман, чинор, Болле тераги, қора терак, оқ акация, қоратол, заранг, шумтол, тут ва ш.к.), шўр тупроқларда тузга чидамли дарахтлар экиш тавсия қилинади (қайрағоч, шумтол, оқ акация, Болле тераги, тут, айлант — сассия, Болле тераги, тут, айлант — саксиқ дарахт, наъматак ва б.). Дарахтлар ҳудуд шароитини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган махсус усулларда парвариш қилинади. Д.и.ў. экинларнинг ҳосилини оширишга имкон беради. Д.и.ў. ҳимоясидаги далалар ҳосилдорлик ҳимояланмаган ерлардагига қараганда ёки баҳорда чуқур ҳайдалган тупроқда барпо этилади. Парваришлашнинг агротехник (тупроқни юмшатиш, бегона ва ёввойи ўтлардан тозалаш, касаллик ва ҳашаротларга қарши кураш) ва ўрмончилик (қуриган ва касалланган шох-шаббаларни қирқиш илдиз бачкиларини олиб ташлаш ва б.) усуллари қўлланади.

Абдушукур Хоназаров.

ДАЛА НАМ СИҒИМИ — қ. *Тупроқ нам сиғими.*

ДАЛА СИЧҚОНЛАРИ (Microtinae) — хомяклар оиласининг кенжа оиласи, баъзан алоҳида оила сифатида қаралади. Танасининг уз. 10—12 см, баъзи турлари 36 см гача. Курак ва озиқ тишлари доимо ўсиб туради. Шим. ярим шардаги барча қитъалар ва ороллларда тарқалган. Йил давомида фаол ҳаёт кечиради. Кўпчилиги колония бўлиб яшайди. 43 тури маълум. Д.с.га лемминглар, *ондатра*лар, *кўрсичқонлар*, кулранг Д.с., сув сичқонлари ва б. киради. Асосан ўсимликларнинг ер устки қисми б-н озиқланади, баъзи турлари озиқ ғамлайди. Кўпчилик турлари *туляремия, лептоспироз* ва б. касалликлар микробларининг табиий ташувчиси ҳисобланади ёки экинларга зиён келтиради. Ондатралар ва сув сичқонлари мўйнаси учун овланади.

ДАЛА ТАЖРИБАСИ — дала шароитида и.ч. шароитларига яқинлаштириб ўтказиладиган экспериментал агрономик тадқиқот; экин етиштиришнинг барча шароитларини ҳисобга олган ҳолда тажриба майдонида ўтказилади. Бундай тажрибаларда экинларни етиштиришнинг у ёки бу омиллари ҳамда усул-амаллари ва бу омилларнинг биргаликдаги таъсири чуқур ўрганилади. Д.т.да айрим омилларни батафсил ўрганиш аксарият тадқиқотнинг бошқа усуллари б-н биргаликда олиб борилади. Д.т. агрономия фани ютуқларини қ.х. амалиёти б-н мустаҳкам боғлайди. Д.т. услубиёти қ.х. ишлаб чиқаришнинг замонавий даражасига мос бўлиши керак. Чунки тажрибанинг илмий қиммати ва и.ч. га жорий этилиши шунга боғлиқ. Д.т. да ўсимликлар ҳосили миқдорини ҳисобга олиш, тажрибада ўрганилаётган шароитлар ёки экинларга таъсир кўрсатиш усуллари б-н ҳосил миқдори ва сифати ўртасидаги боғланиш аниқланиши шарт. Тажриба фенологик кузатувлар б-н бирга олиб борилади.

Д.т. қисқа муддатли, кўп йиллик ва узоқ муддатли бўлиши мумкин. Қисқа муддатли тажрибалар 3 й.дан 10 й.гача, кўп йиллик тажрибалар 10—15 й.,

узоқ муддатли тажрибалар 50 ва ундан ортиқ йил давом этади. Кўп йиллик ва узоқ муддатли бир ёки кўп омилли доимий тажрибалар экинларни етиштиришда қўлланиладиган янги технологик усулларнинг тупроқлаги сув-физикавий, кимёвий ҳамда биологик жараёнларга, тупроқ унумдорлиги, экин ҳосили ва унинг сифатига қандай таъсир кўрсатиши ва қандай оқибатларга олиб келишини чуқур ўрганишга имкон беради. Пайкалнинг катта-кичиклиги ва такрорийлик Д.т.нинг аниқлигини белгилаб берадиган муҳим омиллардир.

Суғориладиган шароитларда агротехника тажрибалари, одатда, камида 4 марта такрорийликда ўтказилади, маълумотларни математик таҳлил қилишга имкон берадиган аниқ натижалар олишга эришилади (қ. *Тажриба такрорийлиги*).

ДАЛА ТАРИХИ ДАФТАРИ, темир дафтар, алмашлаб экиш далалари тарихи дафтари — хўжаликнинг агроишлаб чиқариш ҳужжати; алмашлаб экишдаги ҳар бир даланинг тарихи ва хўжаликнинг деҳқончилик маданиятида эришган ютуқлари акс этади. Дафтарда жами ер фонди майдони, экин майдонлари таркиби, тупроқлар таснифи, тупроқни ишлаш усуллари, ўғитлаш тизими каби маълумотлар йилма-йил қайд этиб борилади. Дафтар деҳқончиликни илмий асосланган усулда олиб борилишини назорат қилиш имкониятини беради.

ДАЛА ЧУМЧУҒИ (Passer montanus L.) — чумчуқсимонлар туркуми тўқимачилар оиласига мансуб қушларнинг бир тури. Вазни 20—25 г. Бошқа чумчуқсимонлардан бошининг энса қисми кўнғир, оқ рангли чаккасида қорамтир доғлари ҳамда қанотларида иккитадан оқиш йўли бўлиши б-н фарқ қилади. Евросиёнинг деярли ҳамма жойида тарқалган. Асосан ўтроқ яшайди, фақат ареалининг шим. қисмидан қишда жан.роққа кўчади. Буталар орасига, боғлар ва хиёбонлардаги дарахтлар танаси ёки ердаги ёриқларга уя қуради, унга 4—8 та (одатда 5—6 та) оқ ёки кулранг майда қорамтир доғли тухум қўяди. Д.ч. шим. ҳудудларда ҳашаротлар б-н озиқланиб бирмунча фойда келтиради. Аммо деҳқончилик ривожланган ҳудудларда пишиб етилган донли экинлар ва меваларни еб катта зиён етказади. Сони кўп бўлган жойларда Д.ч.га қарши кураш олиб борилади.

ДАЛА ШПАТЛАРИ — Ер пўстида энг кўп тарқалган, каркасли силикатлар кичик синфига мансуб жинс ҳосил қилувчи минераллар гуруҳи. Ер пўсти оғирлигининг 50% ини ташкил этади. K, Na, Ca, Ва алюмосиликатларнинг изоморф қоришмалари. Тахм. 60% магматик, 30% метаморфик жинсларда, 10% қумтош ва конгломератларда учрайди. Рангсиз, таркибида учрайдиган гематит қўшимчаларга қараб оч кулранг, оқ, яшилроқ (альбит, анортит), оч пушти, қизил (ортоклаз), яшил (амазонит) бўлади. Қаттиқлиги 6—6,5. Зичлиги 2,6—2,8 г/см³. Д.ш. кимёвий таркибига кўра 3 гуруҳга: натрий-кальцийли — плагиоклазлар; ишқорли (калий-натрийли) — санидин, ортоклаз, микроклин, анортоклаз ва б.; кам учрайдиган калий-барийли — гиалофанларга бўлинади. Д. ш. моноклин (гиалофан, ортоклаз) ва триклин (плагиоклаз, анортоклаз, микроклин) сингониясида кристалланиб, шакллари бир-биридан кам фарқ қилади. Кўпинча пластинка, призма (ортоклаз, микроклин, гиалофан) кўринишида бўлади. Д. ш.да қўшалоқ кристаллар кўп учрайди. Калий-натрийли Д.ш. оддий қўшалоқлар, натрий-кальцийли (плагиоклазлар)да мураккаб қўшалоқлар ҳосил қилади. Санидинда Si ва Al тартибсиз, микроклинда тартибли жойлашган. Юқори т-рада кристалланадиган калий-натрийли Д. ш. тартибланган. Плагиоклазлар юқори (Si, Al тартибсиз жойлашган) ва паст т-рада (Si, Al тартибли) кристалланади ва шунингдек, оралиқ турлари бўлади. Д. ш. тоғ жинсларини таснифлашда асос бўлиб хизмат қилади. Тоғ жинсларининг муҳим турлари: интрузив — гранитлар, сиенитлар, диоритлар; эффузив — андезитлар, базальтлар; метаморфик — гнейслар, сланецлар асосан Д. ш.дан ташкил топган. Чўкинди жинсларда Д. ш. минерал бўлаклари учрайди. Ойдаги тоғ жинсларида (ой базальтлари, габбро, анортозитлар) фақат плагиоклазлар аниқланган. Д.ш. таркибининг кенг вариациялилиги туфайли геологик-петрографик тадқиқотларда муҳим роль ўйнайди. Саноат аҳамиятига эга бўлган йирик кристаллари пегматитларда кварц, кўпинча слюдаларнинг йирик кристаллари б-н бирга учрайди. Ўзбекистоннинг ғарби (Кетмончи, Лолабулоқ, Лангар) ва РФнинг шим.-ғарбида пегматитлар кўп. Амазонитнинг машҳур конлари РФдаги Ильмень тоғларида, товланувчи плагиоклазлар Уралда, қорамтир лабрадоритлар Украинада топилган. Д. ш.нинг нураши натижасида каолин конлари, тропик, субтропик иқлим шароитида латерит маҳсулотлари вужудга келади. Д. ш.нинг чиройли товланадиган ой тоши, авантюрин, лабрадор, амазонит хиллари безак буюмлари тайёрлашда, айрим хиллари электр изоляторлар, фарфор ва цемент, оина-шиша тайёрланда ишлатилади.

Ад.: Ҳамрабоев И. Ҳ., Ражабов Ф. Ш., Петрография асослари, Т., 1984.

ДАЛА ҚАНДАЛАСИ (Lygus pratensis L.) — ҳаммахўр ҳашарот. Д.қ.нинг катталиги 3,5—4 мм, ранги яшил, қора нақшлари, қанотининг устки қисмида, кўкрагининг ост томонида доғлари бор. Танаси чўзиқ, тухумсимон. Личинкаси кичиклиги ва қанотсизлиги б-н вояга етган қандалалдан ажралиб туради. Тухуми 1 мм. Қанд лавлаги (ниҳоллари ва уруғи), дуккакли ўтлар, кўпчилик толали, мойли, доривор, сабзавот ва манзарали ҳамда галла экинларига катта зарар келтиради. Зарарланган шона, гул ва майда тугунчалар батамом тўкилиб кетади, зарарланган кўсакларда ботиқ қора доғлар пайдо бўлади, майда кўсакларнинг шакли қингир-қийшиқ бўлиб, толаси етилмай вақтидан олдин очилади (ҳосил 60% гача камайиши мумкин). Д. қ. етук ҳашарот ҳолатида турли ўсимлик қолдиқлари остида қишлайди. Мавсумда 3—4 марта насл беради.

Кураш чоралари: эрта баҳорда далани бегона ўтлардан тозалаш, кузда эса зараркунанда шувоқда тўпланишини ҳисобга олиб, қандалага қарши тегишли препаратларни қўллаш, эҳтиёж туғилганда Д. қ.га қарши децис, суперзипак, цимбуш, циракс ёки фостак препаратларидан бирини белгиланган меъёрда қўллаш тавсия этилади.

ДАЛА ҒОЗИ (Anser fabalis Lathem) — ғозсимонлар туркуми ўрдаклар оиласига мансуб қушларнинг бир тури. Вазни 2,75—4,5 кг. Бошқа ғозларга нисбатан кўпроқ қуруқликка мослашган. Ерда енгил юради ва тез югуради, сувда яхши сузади ва шўнғийди. Д.г. Евросиёнинг ҳамма ҳудудларида тарқалган. Ўзбекистонда учиб ўтиш даврида учрайди. Ғарбий Европа, Ўрта денгиз ва Қора денгиз соҳилларида ҳамда Ўрта Осиёда (Зарафшон водийсининг қуйи қисмида) қишлайди. Сув яқинидаги қуруқ жойларга, ороларга уя қуради. Уяга 3—6 (одатда 3—5 та) тухум қўяди. Тухумларни модаси тахм. 25 кун босади. Д.г. очиб чиққан жўжаларни йиртқич қушлардан хавфсизроқ жойга кўчиради. Жўжалари 1,5 ойда учирма бўлади. Йилига бир марта туллайди. Шу даврда кўп миқдорда овланади.

ДАЛАЙ-ЛАМА [мўғулча далай — сўнгсиз (донолик) ва *лама*] — Тибетдаги *ламаизм* руҳонийлари бошлиғининг унвони. 1391 й.да жорий этилган. Биринчи Д.-л., ривоятга кўра, 1351 й.да туғилган. Ламаизмда Д.-л. тирик худо сифатида диндорлар орасида катта эътиборга эга. У ўлганда олий ламалардан тузилган махсус комиссия янги туғилган тибетлик чақалоқлар орасидан Д.-л.нинг илоҳий моҳияти мужассам бўлган гўдакни қидириб топади. У монастирга жойланиб, махсус тарбияланади. Ҳоз.— 14-Д.-л. Тензин *Гьятсо*.

ДАЛАЙНОР, Хулунъчи — Хитойнинг шим.-шарқидаги кўл, Ички Монголиянинг шим.да. Майд. 1100 км². Чуқ. 6—9 м, сув сатҳининг бал. 539 м. Кўлга қуйиладиган сувнинг миқдорига қараб, унинг майдони ўзгариб туради. Д.га *Керулен* ва Орчун-Гол дарёлари қуйилади. Д. сувининг сатҳи кўтарилган вақтларда сув Лойқа номли ирмоқдан оқиб чиқиб Аргунь дарёсига қуйилади. Д.нинг қирғоқлари паст, ясси, суви чучук, балиқ кўп.

Д'АЛАМБЕР (D' Alembert) Жан Лерон (1717.16.11 — Париж — 1783.29.10) — француз маърифатпарвари, математиги ва файласуфи. Париж ФА аъзоси (1754). 1751—57 йларда Д. *Дидро* б-н биргаликда «Энциклопедия»ни нашр қилган. Мат., гидродинамика, астрономия, физика фанларини ривожлантиришга ҳисса қўшган. Механикада динамика масалаларини статика усуллари б-н ечиш унинг номи б-н аталади (қ. *Д'Аламбер принципи*). Бу принципнинг мумкин бўлган силжишлар принципи б-н мантиқий бирлашиши — *Д'Аламбер — Лангранж принципи*ни ташкил этади. Моддий системалар ҳаракатининг дифференциал тенгламаларини тузиш қоидаларини ифодалаб берган. Сайёраларнинг ўз орбитасидан четга чиқиши назариясини асослаган. Илмий ишлари дифференциал тенгламалар, қаторлар назарияси, алгебрага оид. Д. дунёқарашига *дуализм* хос. Д. фалсафада *сенсуализм* мавқеида туриб, моддий оламдаги предмет ва ҳодисаларнинг объектив мавжудлигини ва уларнинг сабабий боғлиқлигини эътироф этган.



Д'АЛАМБЕР ПРИНЦИПИ — *динамика*нинг асосий принципларидан бири. Д. п.га асосан, моддий система нуқталарига қўйилган фаол куч икки куч йиғиндисидан, яъни моддий система нуқталарига тезланиш берувчи ва акс таъсир этувчи куч б-н мувозанатдаги кучлар йиғиндисидан иборат бўлади:

$$F_i = -m_i\omega_i + P_i,$$

бунда F_i — фаол куч, $P_i = -N_i$ — акс таъсир этувчи кучи — N_i б-н мувозанатдаги куч ва $J_i = -m_i\omega_i$ — инерция кучи. Фаол куч, акс таъсир этувчи куч ва шу кучлар вужудга келтирган инерция кучларининг қўшилишидан иборат кучлар системаси ҳар доим мувозанатда бўлади, яъни:

$$F_i + N_i + J_i = 0.$$

Бундай системаларга статиканинг ҳамма тенгламаларини татбиқ қилиш мумкин. Д. п. *кинетостатика*нинг асоси бўлиб, динамика масалаларини статика усуллари б-н ечиш йўлларини кўрсатади.

Д'АЛАМБЕР—ЛАНГРАНЖ ПРИНЦИПИ — *механика*нинг асосий принципларидан бири; ҳар қандай идеал боғланишли механик системалардаги ҳаракатларнинг хусусиятини аниқлайди ва шу системаларга тегишли динамик, статик масалаларни ечиш усулларини беради. Ж. *Д'Аламбер* ва Ж. *Лангранж* номи б-н аталади.

Д.—Л. п.га асосан, ҳар қандай идеал боғланишли механик системаларнинг ҳақиқий ҳаракати учун вақтнинг ҳар бир лаҳзасида барча фаол ва инерция кучларининг бажарган элементар ишлари йиғиндиси нолга тенг, яъни

$$\sum_{i=1}^{n} (F_i + J_i)\delta r_i = \sum_{i=1}^{n} (\delta A_i^{\Phi} + \delta A_i^{u}) = 0,$$

бунда: δA_i^{Φ} — фаол кучлар бажарган элементар иш, δA_i^{u} — инерция кучлари бажарган элементар иш, F_i — фаол куч, J_i — инерция кучи, δr_i — элементар масофа ($i = 1,2,3,\ldots, n$).



Далачой.


ДАЛАЧИЛИК — *деҳқончилик*нинг асосий тармоқларидан бири; кўпинча бир йиллик техника, дон, сабзавот-полиз, озуқа (ем-хашак) экинларини етиштириш тизими. Суғорма деҳқончилик зоналарида буғдой, гўза, картошка, маккажўхори, беда, дуккакли дон ва б. экинлар дала экинлари ҳисобланади.

ДАЛАЧОЙ (Hypericum L.) — далачойдошлар оиласига мансуб ўт ёки чала буталардан иборат ўсимликлар туркуми. 200 га яқин тури бор, кўпчилиги Ўрта денгиз ҳудудларида ўсади. Ўзбекистонда 3 тури бор. Улар чойчўп, далачой, чойўт, қизилпойча деб юритилади. Д.ларнинг барглари оддий, яхлит, кўпчилиги қарама-қарши жойлашган. Гули — рўваксимон тўпгул, сариқ, икки жинсли. Косачабарглари кўпинча ярмисигача қўшилган. Чангчилари кўп, ўзаро туташган. Уруғчиси битта, 3—5 уяли. Меваси кўсакча. Ўзбекистоннинг адир ва тоғли ҳудудларида Д.нинг H. perforatum L. деган тури кўп тарқалган. Июнь—сент.да гуллаб уруглайди. Таркибида ошловчи моддалар, эфир мойлари ва С витамин бор. Халқ табобатида (меъда-ичак касалликларида ва қон аралаш ич кетганда) ишлатилади.

ДАЛВ (араб.) — 1) ўн икки *буржи*нинг бири; Жадий ва Ҳут буржлари ўртасида жойлашган; 2) *шамсия* йил ҳисобида ўн биринчи ойнинг арабча номи (21 янв.— 21 фев. даврига тўғри келади).

ДАЛВАРЗИН КАНАЛИ — *Сирдарё*нинг ўнг соҳилидаги суғориш канали. Асосий шохобчалари б-н (Сўл, Ўнг, Ҳасёз) биргаликдаги уз. 67,5 км, шундан магистрал канал уз. 11,5 км. Сув ўтказиш имконияти 45 м³/с. 1930 й.да қурилган. Суғориш майд. 53,2 минг га, шундан 33,2 минг га Ўзбекистонда (Тошкент вилояти), 20 минг га Тожикистонда. Каналга сув Фарҳод ГЭСнинг юқори бъефидан ўзи оқиб чиқади. Д.к. асосан пастқам жойлар бўйлаб қазилган. Д.к.нинг ўнг шохобчаси Ўзбекистон ва Тожикистон чегараси бўйлаб, жан.дан шим.га қараб оқади. 1929—30 й.ларда қурилган. Уз. 35 км. Сув ўтказиш имконияти 18 м³/с. Сўл шохобчанинг уз. 21 км. Бошланиш қисмида (2 км) сув ўтказиш имконияти 26 м³/с, ундан қуйида 16 м³/с (180-б.даги харитага қ.).

ДАЛВАРЗИН ЧЎЛИ — Тошкент вилоятидаги чўл, Сирдарёнинг ўрта оқими соҳили б-н Мўғултоғ ва Олтинтепа тоғлари этаклари оралиғида жойлашган. Рельефи гил ва қумлардан таркиб топган паст-баланд текисликдан иборат. Янв.нинг ўртача т-раси —1°, июлники 30°. Совуқ бўлмайдиган кунлар 210 кун. Д. ч.нинг нам ўтлоқ тупроғида чиринди кўп. Марказий қисми оч тусли каштан тупроқдан иборат. Қум, шўрхок ва шағалли ерлар ҳам учрайди. Шим. ва шарқий қисмидаги тоғ олди




қия текисликларининг тупроғи серунум бўз тупроқ. Д. ч. баҳорда бошоқли ҳар хил ўсимликлар, жумладан рангўт, қўнғирбош б-н қопланади. Ушбу ҳудудда Сирдарёнинг ўнг қирғоғидан бошлаб шарқ томон 4 та аккумулятив терраса мавжуд бўлиб, бал. 350 м дан 275 м гача ўзгаради. 4-терраса энг қад. бўлиб, жан.да Юқори Далварзин каналининг бош қисмида айрим жойлардагина қолдиқ ҳолда учрайди, 3-террасаси катта ҳудудни эгаллайди, унинг эни жан.да 16 км, шарқий чегараси *Далварзин канали* ўзани бўйлаб йўналган. У шим. томон давом этиб, Чаноқ қишлоғи яқинида Оҳангарон дарёсининг 3-террасаси б-н туташади. 3-терраса қуйида жойлашган 2-террасадан бал. 10—15 м бўлган қиялик б-н аниқ ажралиб туради. 3-террасанинг юзаси текис бўлиб, дарё томон бир оз қияроқ. Шим.да текислик қум тепалари, қум марзалари ҳамда ботиқлар б-н мураккаблашган. 2-терраса чўлнинг шим. ғарбида яхши ифодаланган, эни 14 км. Юзаси текисроқ, шунингдек, дарёнинг тақасимон қолдиқ ўзанлари учрайди. Уларнинг баъзилари ҳозир кўл. 1-терраса камбар (1,5—2 км), дарё ўзани бўйлаб жойлашган, юзаси тўлқинсимон текисликдан иборат.

Террасалар қалин лёсс, қумоқ, қумлоқ, шағал тош ва қумнинг ўзаро аралашмасидан тузилган. Дағал жинсларнинг қалинлиги 50—60 м. Террасаларда ётқизиқларнинг литологик таркиби водий бўйлаб жан.дан шим. томон ўзгариб, қумлоқ, қумоқ ва гилнинг салмоғи ортиб боради. Шу сабабли грунт сувларининг сатҳи ҳам жан.да 10 м дан шим.да 1—2 м гача (Далварзин кўли ва ботқоқликларда). Қуйи террасаларда грунт сувлари сатҳи асосан 1—2 м да жойлашган. Сувнинг минераллашув даражаси ҳам жан.дан шим. томон ортиб боради (ҳар литрда 1—3 г дан 10—12 г гача ва ундан ортиқ).

Д.ч.нинг асосий қисми ўзлаштирилиб, деҳончиликда фойдаланилмоқда. Ўртўқли ва Қумли ташлама коллекторлари зовур сувларини йиғиб Сирдарёга ташлайди. Юқори террасаларда суғориладиган бўз, бўз-ўтлоқ ва ўтлоқ-диган ўтлоқ, айрим жойларда ботқоқ (Сирдарё бўйларида) тупроқлар мавжуд. Тупроқларнинг грунт сувларини ер юзига яқин бўлган жойларида шўрланиш юқори.

Асом Рафиқов.

ДАЛВАРЗИНТЕПА — сўнгги жез даврига мансуб қишлоқ харобаси (мил. ав. 10—8-а.лар). *Чуст маданияти*нинг энг



Далварзинтепа топилмаларидан намуналар: Қайроқтош. Тарашловчи буюмлар.

йирик ёдгорлиги. Андижон вилоятининг Ойим қишлоғи яқинидан топилган. Д.нинг 6000 м²га яқин қисми очилган (1966). 2,5 м дан 3,5 м гача маданий қатлам 3 қурилиш қаватига бўлинади. Ҳар бир қаватидан уй-жой қолдиқлари, жез қуйиш устахоналари, ғалла ўралари, меҳнат қуроллари топилган. Бироқ уйлар кам очилган ва етарли ўрганилмаган. Маданий қатламда ташландиқ уй-жойлар ўрнида ён томони б-н ғужанак ҳолда ётган бир қанча мурдалар, кўп миқдорда алоҳида суяклар топилди. Булар Д.да яшаган кишилар антропологик жиҳатдан европеоид ирққа мансуб бўлганлигини кўрсатади. Аҳолининг асосий машғулоти деҳончилик ва чорвачилик бўлган. Донни қайта ишлаш учун ёрғучоқдан фойдаланилган. Топилган ҳайвон суяклари аҳоли уй ҳайвонларининг барча турини парвариш қилганлигини кўрсатади. Д.да жез қуйиш иши анча ривожланган. Жездан қилинган ўроқ, искана, бигиз, игна, найза, ўқнинг уч қисми ва зеб-зийнат буюмлари учрайди. Д.дан топилган темир пичоқ ва темир парчалар қад. Фарғона аҳолиси металл б-н анча эрта таниш бўлганлигини кўрсатади. Топилмалар орасида тўқимачиликнинг анча тараққий этганлигидан дарак берувчи материаллар (жез игна, бигиз, урчуқ ва б.) бор.

ДАЛВАРЗИНТЕПА — қад. шаҳар харобаси. Сурхондарё вилояти *Шўрчи тумани* маркази — Шўрчи ш.дан 10 км шим.-шарқда жойлашган. Майд. 47 га. Д. 2 қисмдан: қудратли мудофаа девори (қалинлиги 10 м.гача) б-н ўраб олинган шоҳ сарой қалъаси ва шаҳарнинг ўзидан иборат. Шаҳар ҳам мудофаанинг истеҳкомли тизимига эга бўлиб, бу ерда аслзодалар, ҳунармандлар, кулоллар, савдогарлар ва руҳонийлар истиқомат қилишган. Ўзбекистон санъатшунослик илмий тадқиқот институтининг санъатшунослик экспедицияси Д.да 1962 й. дастлабки текширув ишларини ва 1967 й.дан буён мунтазам археологик қидирув ишларини олиб боради. Душанба ш.да «Кушонлар даврида Марказий Осиё» мавзуида ўтган халқаро симпозиуми (1968) да экспедиция топилмалари (ҳайкаллар, кулолчилик буюмлари, шаҳар мудофаа иншоотларини ўрганиш натижалари ва ҳ.к.) асосида *Кушон подшолигининг* дастлабки пойтахти Д.ўрнида бўлган, деган фараз олдинга сурилган эди. Мил.ав. 2-а. охири —1-а.ларда ҳоз. Д. ўрнида кичик манзилгоҳ пайдо бўлган. Кушон подшоларидан *Канишка* даврида Д. шаҳар сифатида шаклланган. Мил. ав. 1-а. охири — мил. бошларида Шим. Бақ-



Маъбуда Нананинг боши.



Далварзинтепа хазинаси. Тилла тақинчоқ ва ёмбилар.

трия ҳудудида Д.дан бошқа бунчалик йирик шаҳар манбаларда қайд этилмаган. Шаҳар ҳудудида уни бир қанча маҳаллаларга ажратган шоҳкўчалар, шунингдек, торкўчалар бўлган. Кенглиги 12 м.га яқин шоҳ кўчалардан бири бадавлат фуқароларнинг уйларидан иккитасига (дала белгиси: ДТ-5 ва ДТ-6) бориб тақалади. 1972 й. экспедиция шу уйларнинг биридан вазни салкам 36 кг чамаси келадиган олтин безаклардан ва ёмбилардан иборат ноёб хазинани ва фил суягидан ишланган, дунёда энг қад. бўлган шахмат доналарини топди (қ. *Далварзинтепа хазинаси*). Бадавлат фуқароларнинг маҳалласидан ташқари шаҳарда, аркка (қўрғонга) яқин ерда ҳунармандлар ва кулолларнинг уйлари жойлашган. Шу ерда кўп хонали уй, кулолчилик буюмларини қуритиш майдончаси ва 11 хумдон очилди. Қад. шаробпазлар яшаб, ишлаган уйлар ва мусаллассхоналар шаҳарнинг қарши томонида жойлашган. Д.нинг шим.-ғарбий қисмидан Кушон маъбудаларидан бирига бағишланган ибодатхона топилган. Шаҳар девори ташқарисида эса будда ибодатхонаси ва аслзодалар дафн этилган дахма топилди. Асосий шоҳкўчалардан бири ўтган шаҳар марказида *будда* мажмуаси — улуғвор ҳайкаллари бўлган ибодатхона қад кўтарган (дала белгиси: ДТ-25). Мил. 3-а. охири — 4-а. бошларида Кушон подшолиги эфталийлар томонидан забт этилгандан кейин Д. вайрон қилиниб ҳаёт фақат унинг бир қисмидагина (ҳоз. қалъа (ҳисор) шоҳ саройи ўрнида) сақланиб келган.





Далварзинтепадан топилган тақинчоқлар.


Араблар истилосидан сўнг шаҳар батамом вайрон қилиниб, ҳаёт Д.дан 10 км чамаси шарқда, *Будрочтепа* ўрнига кўчган. 1989 й. Д.ни ўрганишда янги босқич бўлди — Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси б-н Японияning Токиодаги Сока ун-ти ва Кашихарадаги Археология ин-тининг проф. Кюдзо Като раҳбарлигидаги экспедицияси ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Марказий Осиё буддавийлик тарихини ўрганиш, буддавийлик персонажлари иконографияси, шаҳарсозлик лари иконографияси, шаҳарсозлик жараёнининг ўзига хос жиҳатлари ва қонуниятлари, давлатчиликнинг шаклланиши, *Буюк ипак йўли* излари, Кушонлар даврида диний эътиқодларнинг ўзаро таъсири ва улар Бақтрия-Тохаристон санъатида акс эттирилиши япон ва ўзбек олимлари олдидаги энг долзарб илмий муаммолар қаторида туради.

Ад.: Дальверзинтепе [Коллектив], Т., 1978; Пугаченкова Г. А., Ртвеладзе Э. В., Дальверзинтепе — Кушанский город на юге Узбекистана, Т., 1978; Ртвеладзе Э., Великий шелковый путь. Энциклопедический справочник, Т., 1999.

Баҳодир Турғунов.

ДАЛВАРЗИНТЕПА ХАЗИНАСИ — *Далварзинтепа* шаҳристони (Сурхондарё) дан топилган хазина. Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси тонмонидан топилган (1972). Д. х. — 2 балдоқли сопол кўзача (ярим метр чуқурликда оғирлиги 36 кг) даги ҳар хил олтин буюмлардан иборат. Олтин буюмлар сони 115 та, улар ёмбилар, билагузуклар, олтин шодалар ва б. тақинчоқлардир. Хазина подшо амалдорлари, бойларга ҳар хил тақинчоқлар тайёрлаб берадиган заргарга тегишли бўлса керак. Чунки баъзи тақинчоқлар жуда оғир, ҳатто битта билагузук 872 г соф олтиндан иборат. Айниқса нозик дид б-н ишланган турли шаклдаги билагузук ва зираклар, қизғиш рангли қимматбаҳо тошга ўйиб ишланган, эркак тасвири туширилган бўйин тақинчоғи, тилла ипчалардан тўқилган ва 5 қатор тизилган шода диққатга сазовордир. Олтин шода тақиладиган қисмининг иккала томонига 10 тадан ортиқ фе-рўза ва ёқут.тошлар қадалган. Хазинадаги тўғри бурчак шаклида тайёрланган ёмбилар катта илмий аҳамиятга эга. Уларнинг жами 21 та, аммо 10 тасида қад. *кхароштй ёзуви* битилган. Д. х. палеографик жиҳатдан мил. 1-а.га тўғри келади. Д. х.нинг энг қимматли томони унинг антик дунё давр санъати қаторида тутган ўрнидир. Гарчи Д. х.даги айрим тақинчоқлар Афғонистон, Ҳиндистон, Покистондаги тақинчоқларга ўхшаб кетса-да, аммо уларнинг Шим. Бақтрия, яъни ҳоз. Ўзбекистоннинг жан. ҳудудларида яшаган қўли гул усталар томонидан тайёрланганлиги шубҳасиздир. Д. х. топилмаси аждодларимизнинг қўшни халқлар ва мамлакатлар б-н қадимдан савдо-сотиқ ва маданий алоқада бўлганлигидан дарак беради.

ДАЛЕН (Dalen) Нильс Густав (1869.30.11, Стенсторп — 1937.9.12, Стокгольм) — швед ихтирочи-муҳандиси. Цюрихдаги Политехника институтини тамомлаган. Газ турбинаси ва б. машиналар қурилмаларини такомиллаштирган. Маёқлардаги алангани қоронғида автоматик ёқиш ва тонг ёришган пайтда ўчириш қурилмасини ихтиро қилган. Нобель мукофоти лауреати (1912).



ия текисликларининг тупроғи сер-
ботқоқликларда). Қуйи террас



ДАЛЁНСОЙ (юқори оқимида Саримсоқлисой) — Тожикистон Республикаси Ўратепа туманидаги сой. Сирдарёнинг чап ҳавзасидаги Каттасойнинг ўнг ирмоғи. Туркистон тизмасининг шим. ён бағридан оқиб тушадиган 10 га яқин ирмоқлари бор. Уз. 26 км. Д. мавсумий қор, ёмғир сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 150 л/сек. Ёз ва кузда кўпинча қуриб қолади.

ДАЛИЛ — суд ишларида исботланиши лозим бўлган ҳолатларни тасдиқлайдиган ёки инкор этадиган турли фактик маълумотлар. Д. судда ҳақиқатни аниқлаб, одилона қарорга келиш учун ягона асосдир. Ўзбекистон Республикасида Д. фуқаролик, хўжалик, маъмурий ва жиноят ишларини юритишга оид қонунлар б-н белгиланган тартибда тўпланиши, текширилиши ва баҳоланиши шарт. Д. фуқаролик ишларида тортишувчи тарафларнинг талаб ва эътирозларини асослашга, жиноят ишларида жиноий воқеа юз бергани, уни содир этган шахс кимлиги, жиноят мақсади, айблилик даражаси, етказилган зарарнинг миқдори тўла ва аниқ белгиланишига хизмат қилади. Д.ларни фақат ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахслар тўплайди. Терговва суд иштирокчилари Д. тақдим этиши, уларни ишга қўшиш ҳақида илтимос қилиши мумкин. Д. сифатида даъвогар ва жавобгарнинг судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, турли ҳужжатлар, ашёвий далиллар ва эксперт хулосаларидан фойдаланилади.

ДАЛЛАС — АҚШ жан.даги шаҳар, Техас штатида. Тринити дарёси бўйида. Аҳолиси 1188 минг киши (2000). АҚШнинг пахтачилик ва чорвачилик р-нлари чегарасида жойлашган. Транспорт йўлларининг муҳим тугуни. АҚШ жан. даги йирик савдо-молия ва нефть-газ саноати маркази. Д.да нефть саноати ва пахта тозалаш корхоналари учун ускуналар ишлаб чиқарилади. Нефтни қайта ишловчи, кимё (совун, синтетик кир ювиш воситалари и. ч.), озиқ-овқат, пахта тозалаш, ип газлама, тикувчилик корхоналари бор. Самолётсозлик, автомобилсозлик, радиоэлектроника, авиаракета саноати, двигателлар, қ. х. машиналари, совитқичлар и. ч. ривожланган. Д.— йирик пахта бозори. Ун-т (1911), халқаро аэропорт, музей ва театрлар бор. Д.га 1841 й.да асос солинган. 1856 й.дан шаҳар. Д.да 1963 й. 22 ноябрда АҚШ президенти Жон Ф. *Кеннедига* суиқасд уюштирилган.

ДАЛЛОЛ — 1) Шарқ мамлакатларида савдо-сотиқ ишларида харидор б-н сотувчи ўртасида воситачилик қилувчи,



Даллас шаҳрининг марказий қисми.

молга нарх қўйиб, уларни битиштирувчи киши. Хизмати учун муайян ҳақ олади. Ўзбекистонда чорва моллари бозорларида ҳозир ҳам фаолият кўрсатади; 2) биржа воситачиларининг умумий номи (қ. *Брокер, Воситачи, Дилер, Маклер* ва б.).

ДАЛМА ТИЗМАСИ — Ҳисор тизмаси тармоғи, Сурхондарё вилоятининг шим.-шарқидаги *Узун туманы* ҳудудида жойлашган. Уз. 10 км га яқин, кам-бар. Ўртача бал. 2500—2800 м, энг баланд нуқтаси 3360 м. Асосан кристалли жинслар, қумтош, гранит, сланецлардан таркиб топган. Тизма шим.-шарқдан жан.-гарбга чўзилган. Тоғ чўққилари қиррали, камбар ва қоятошлардан иборат, тоғ ён бағрилари тик (15—45°). Тоғ этаклари эса кўчиб тушган тош, харсанг уюмлари, тўкилмалар б-н банд. Тоғ водийлари энсиз (0,2—0,3 км), баъзи жойларда дара шаклида. Иқлими континентал, вертикал зоналлик мавжуд. Қор кўчкилари бўлиб туради. Ёғиннинг энг кўп қисми баҳорда тушади. Ёз қисқа, иссиқ ва қуруқ, окт.дан бошлаб қор ёғиши мумкин. Ёғин миқдори 700—800 мм. Д.т.дан бўлоқлар, серсув сойлар бошланади. Тупроғи тоғ жигарранг тупроқ, баланд тоғ оч қўнғир ўтлоқи-дашт тупроқлар. 1500—3000 м баландликда буталар (наъматак, учқат, зирк ва б.), кенг баргли дарахтлар (заранг, олма, нок, олча, дўлана, ёнғоқ ва б.), арча ўсади. Ҳайвонот дунёси ҳам хилма-хил. Д.т. Ўзбекистоннинг ғоят хушманзара, шифобахш табиат гўшаларидан биридир. Ҳўжаликда асосан яйлов сифатида фойдаланилади.

ДАЛМАЦИЯ — Хорватиядаги тарихий вилоят, қад аҳолиси — далматлар (номи шундан) ва б. 6—7-а.ларда славянлар келиб ўрнашган. 9-а.да Хорват давлати, 12-а. бошларида Венгрия таркибига кирган. 12—15-а.лар бошида ўрта аср шаҳар коммуналари (Задар, Сплит, Дубровник, Котор ва б.) гуллаб яшнаган. 1420—1797 й.ларда Д. (Дубровникдан бошқа) Венеция қўл остида бўлган (16-а.да Д.нинг ички вилоятлари Туркия тасарруфига ўтган). 1797—1918 й.ларда Австрия таркибида (1805—13 й.ларда Франция қўл остида, 1809—13 й.ларда Иллирия провинциялари таркибида). 1918 й.дан Д. (Задар ва Италия томонидан эгалланган баъзи ороллардан ташқари) Серблар, Хорватлар ва Словенлар қироллиги (1929 й.дан Югославия) таркибида. 1941 й. фашист босқинчилари томонидан ташкил қилинган қўғирчоқ «Мустақил Хорватия давлати» таркибига киритилган. 1945 й.дан Д. Черногория (жан. қисми) ва Хорватия таркибида.

ДАЛМАЦИЯ ОРОЛЛАРИ — *Адриатика денгизи*даги архипелаг. Болқон я. о. қирғоқлари яқинидаги 1000 дан ортиқ катта-кичик (Крк, Брач, Црес, Хвар, Корчула, Вис ва б.) ороллардан иборат. Майд. 2500 км². Хорватия таркибида. Д.о. қуруқликни денгиз суви босиши натижасида вужудга келган. Д.о. оҳактошлардан тузилган, карст кенг тарқалган. Паст тоғлар (500—700 м) кўп. Қиш ойларида ўртача т-ра 5°, ёзда эса 20—25°. Йиллик ёғин 500—1000 мм, асосан қиш ва кузда ёғади. Д. о.га ўрта денгиз типидаги ўсимликлар хос. Тоғ ён бағирларида ва водийларда узум, зайтун ва цитрус мевалар етиштирилади. Қўй боқилади ва балиқ овланади. Туризм ривожланган. Корнат ва Млет миллий парклари ташкил этилган.

«ДАЛОИЛ УЛ-ХАЙРОТ» («Яхши амалларга ҳужжат») — *далоилхона*да ўқилган асосий китоб. 15-а. да мусулмон ақоидшуноси Муҳаммад ибн Жазулий (?—1466) араб тилида ёзган. Муҳаммад (сав)га атаб ўқиладиган саловат ва мадҳиялардан иборат. 7 қисмга бўлинган бўлиб, ҳар бир қисм ҳафтанинг маълум кунида ўқишга мўлжалланган. Китобда мусулмонларга тавсия этилган кундалик саловат айтиш услублари кўрсатиб берилгани учун динлорлар ундан мунтазам фойдаланадилар. Унинг шарҳлари ва туркий тилга қилинган таржималари ҳам мавжуд.

ДАЛОИЛХОНА (араб. далоил — далиллар) — Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларидаги диний мактаб. Д.га саводи чиққан болаларгина қабул қилинган. Унда дастлаб (тахм. 1—2 ой) болаларга Қуръоннинг айрим сура ва оятлари, сўнгра асосий китоб — *«Далоил ул-хайрот»* ёдлатилган. Д.да ўқиш муддати аниқ белгиланмаган. Қобилиятли, хотираси кучли талабалар китобни 2—3 ой давомида ёд олганлар. Уни тугатганларнинг айримлари ислом динининг таргиботчиси бўлишган.

ДАЛОЛАТНОМА — муайян шаклда тузилган расмий ёзма юридик ҳужжат. Д.лар норматив ҳужжатлар (улар умумий ҳуқуқ меъёрларини белгилайди), индивидуал ҳужжатлар (улар аниқ ҳолларга тааллуқли бўлади, мас., мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжатлар, суд қарорлари) ва шарҳловчи (қонунларни расмий изоҳлашга оид) ҳужжатларга бўлинади. Қонунда кўзда тутилган тартибда тузилган, муайян ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарадиган турли ҳужжатлар ҳам (мас., фуқаролик ҳолати ҳужжатлари) Д. деб аталади. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг тегишли моддасида қуйидаги фуқаролик ҳолати ҳужжатлари давлат томонидан қайд этилиши кераклиги кўрсатилган; 1) туғилиш; 2) ўлим; 3) никоҳ тузилганлиги; 4) никоҳдан ажралиш. Мазкур Д.лар фуқаролик ҳолати Д.ларини ёзиш идоралари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (Фуқаролар йиғини)да юритилади.

Қонунда назарда тутилган тартибда тузилган ҳамда муайян юридик оқибатларни юзага келтирувчи турли хил бошқа ҳужжатлар ҳам Д. ҳисобланади. Улар муассаса ёки айрим шахслар фаолияти б-н боғлиқ бирон-бир бўлиб ўтган (содир бўлган) воқеа, ҳодиса, иш-ҳаракатни ёки мавжуд ҳолатни тасдиқлаш, унга гувоҳлик бериш мақсадида бир неча киши томонидан тузилади. Бундай Д.лар деярли барча ҳолларда пул маблағлари ва моддий бойликларга боғлиқ бўлади, бинобарин улар кўпроқ тадбиркорлик, молия-хўжалик фаолиятида, ҳисоб-китоб, олди-сотди ва савдо соҳаларида кенг қўлланади. Улар тегишли тафтиш ўтказилгандан кейин, раҳбарлик алмашинаётганда, моддий бойликларни бир хусусий ёки юридик шахсдан иккинчисига ўтказишда, қуриб тугалланган иншоотларни қабул қилишдан олдин ва кейин, машина ва ускуналарнинг янги нусхаларини синовдан ўтказиш чоғида, қимматдор буюмларни ҳисобдан ўтказиш ёки ҳисобдан чиқаришда, товарларни миқдор ва сифат бўйича қабул қилиб олишда, бахтсиз ҳодисалар ёки табиий офатлар оқибатларини текширишда, суд-тергов ишлари ва тиббиёт соҳасида, ходимларнинг моддий, яшаш шароитларини ўрганишда ва б. ҳолларда тузилади.

ДАЛОН — усти берк йўлак. Одатда, бўйи энига нисбатан бир неча марта узунроқ бўлади. Ўзбек халқ меъморлигида, кўпинча ҳовлининг ичкари ва ташқари қисмлари ўртасида ўтиш жойи — йўлак сифатида қурилган. Хоразм вилоятида кенг тарқалган.

ДАЛЬ Владимир Иванович [адабий тахаллуси — Казак Луганский; 1801.10 (22).11, Луганск ш.— 1872.22.9(4.10), Москва] — рус лексикографи, этнограф ва ёзувчи. Петербург ФА мухбир аъзоси (1838), фахрий акад. (1863). Дерпт (ҳоз. Тарту) ун-ти тиббиёт ф-тини тугатган (1829). Асосий асари — «Жонли великорус тилининг изоҳли луғати» (1—4 жилдлар; 1863—66) 200 мингга яқин сўзни ўз ичига олган. Д. биринчи бўлиб рус тили шеваларини таснифлади («Рус тили лаҳжалари ҳақида», 1852). «Рус халқи мақоллари»ни тўплаб нашр этди (1861—62). Унда 30 мингдан ортиқ мақол, матал ва қочирим гаплар жамланган. Булардан ташқари, Д. қисса, ҳикоя, очерк ва эртаклар муаллифи.



Ас.: Полное собр. соч., т. 1—10, Санкт-Петербург, 1897—98; Толковый словарь живого великорусского языка, т. 1—4, М., 1981; Пословицы русского народа, М., 1957.

ДАЛЬТОН (Dalton) Жон (1766.6.9, Иглсфилд, Англия,— 1844.27.7, Манчестер) — инглиз кимёгари ва физиги. Атомистик назария асосчиси. Лондон Қироллик жамиятининг аъзоси (1822 й.дан), Д. газлар хоссаларини ўрганиб, газларнинг парциал босими қонунини (1801), газларнинг эрувчанлиги парциал босимига боғлиқлигини (1803), кимёнинг асосий қонунларидан бири — каррали нисбатлар қонунини (1803) аниқлаган. Д. кимёвий элементларнинг биринчи нисбий ат. м.лари жадвалини тузган (1803), метеорология масалалари б-н ҳам шуғулланган. 1794 й.да илк бор кўриш нуқсони — *ранг ажрата олмаслик* (дальтонизм) ҳақида ёзган.

ДАЛЬТОНИДЛАР ВА БЕРТОЛЛИДЛАР — ўзгармас таркибли кимёвий бирикмалар (дальтонидлар) б-н ўзгарувчан таркибли кимёвий бирикмалар (бертоллидлар)ни ифодалаш учун 1912—14 й.ларда Н.С. Курнаков киритган терминлар. «Дальтонидлар» термини Ж. *Дальтон* хотираси учун, «бертоллидлар» термини эса К.Л. *Бертолле* хотираси учун таклиф этилган. Одатдаги кимёвий бирикмаларнинг кўпчилиги дальтонидлардир; уларнинг таркиби таркиб доимийлиги қонунига ва каррали нисбатлар қонунига жавоб беради. Металл тизимларда, шунингдек, оксидлар, сульфидлар, карбидлар, гидридлар ва б. ўртасида бертоллидлар ҳосил бўлиш ҳодисалари кашф этилган (қ. *Металлидлар, Физик-кимёвий анализ*).

ДАЛЬТОНИЗМ — ранг ажрата олмаслик. Инглиз олими Ж. *Дальтон* шу касалликка чалиниб, уни тасвирлаб берган, касаллик номи ҳам шундан келиб чиққан (қ. *Ранг ажрата олмаслик*).

ДАЛЯНЬ, Дайрен — Хитойнинг шим.-шарқидаги шаҳар, Ляонин провинциясида, Сариқ денгизнинг Даляньвань қўлтиғи соҳилидаги порт (юк ортиб-тушириш йилига 50 млн. т.). Люйшунь ш. б-н бирга Люйда маъмурий р-ни таркибига кирган. Аҳолиси 5,4 млн. киши (1998). Балиқ овлаш базаси. Ташқи савдонинг муҳим марказларидан. Металлсозлик ва машинасозлик (кемасозлик), металлургия (пўлат эритувчи з-д), электроника, қурилиш, озиқ-овқат корхоналари бор.

Д. 19-а. биринчи ярмида балиқчилар қишлоғи бўлиб, аввал Циннив, 1860 й.дан Д. деб аталган. 1898 й.даги конвенцияга биноан Россия бу ҳудудни Хитойдан ижарага олгач, Дальний деб ном олади ва шаҳар қурила бошлади. Д. 1904 й.дан 2-жаҳон уруши охиригача Дайрен номи б-н японлар қўл остида бўлди. Россия-Хитой шартномасига биноан Хитой ҳукумати 1945 й. 14 авг. дан Д.ни эркин порт деб тан олди. Порт барча жиҳозлари б-н Россияга ижарага берилди. 1950 й. 14 фев.даги Россия-Хитой битимига биноан Д. порти жиҳозлари б-н ўша йили Хитойга қайтарилди. Д.да тиббиёт, политехника, ва б. олий ўқув юртлари бор.




Далянь шаҳрининг умумий кўриниши.

ДАМ Хенрик (Henrik) Карл Петер (1895.21.2 — 1976.24.4) — даниялик биокимёгар. Дания фанлар Қироллик жамияти аъзоси (1948 й.дан). Копенгаген политехника ин-ти проф. (1941). Асосий ишлари стеринлар, К ва Е витаминлари биокимёси, шунингдек, ёғларга оид. Жўжаларда холестерин метаболизмини ўргана туриб, К витаминни ва қон ивишида бу витамин ролини аниқлаган (1929). Уни ажратиб олиш ва тозалаш усулларини ишлаб чиққан (1928—30), шунингдек, тиббиёт амалиётида қўлланиш йўлларини кўрсатиб берган. Нобель мукофоти лауреати (1943).

ДАМ (форс.— нафас) — 1) ҳунармандчиликда — ўчоққа ҳаво ҳайдайдиган гармонсимон мослама. Д. ва осма Д. деган хиллари бор. Катта-кичиклиги ва ўрнатиладиган қасқонлари (гардишлари) сони (2—11 та) га кўра турли касбларда турли Д. ишлатилади: 2 қасқонлиси заргарликда, 3 қасқонлиси анжомсозликда, 5 қасқонлиси пичоқсозликда, 6 қасқонлиси дегрезликда ва б. Булар заргар дами, пичоқчи дами, мискар дами, темирчи дами деб ҳам аталади. Ўрта Осиёда Д. жуда қадимдан ишлатилиб келинган. У 11-а. ёзма ёдгорлиги «Девону луғотит турк»да кўрук, воий асарларида ҳоз. Д. тарзида учрайди. Д. ҳозир ҳам қўлланилади; 2) пичоқ, кетмон, теша ва б. шу каби асбобларнинг тиғи.

Дам.



ДАМ БЕРИЛГАН ШУДГОР — кузда ва баҳорда ҳайдалиб, шудгор қилинган, муайян муддат экин экилмаган дала; тупроқ ҳосилдорлигини табиий тиклаш воситаси тарзида қўлланилган агротехник тадбир. Д.б.ш. тупроқлари юмшатилган ва бегона ўтлардан тозаланган ҳолда сақланган, натижада бундай шудгор тупроғида ўсимлик учун озиқ моддалари тўпланган. Ҳоз. замонавий интенсив деҳқончилик тизимида деярли қўлланилмайди.

ДАМ ОЛИШ, ҳордиқ чиқариш — чарчоқни ёзадиган (қ. *Чарчаш*), кучқувватни аслига келтирадиган, иш қобилиятини тиклашга ёрдам берадиган фаолият ёки ором ҳолати. Меҳнат ва Д.о. одамнинг ўқиш, и.ч. ва б. фаолиятлари б-н узвий боғланган. Етарли дам олмаслик — иш қобилиятининг пасайиши ва ҳатто йўқолиши, организмнинг ҳимоя кучи сусайиши, турли касалликлар пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Меҳнат ва Д.о.ни тўғри ташкил этиш саломатлик ва иш қобилиятини узоқ вақт сақлаб қолишга имкон беради.

Физиологик маънода Д.о. — фаолиятнинг алоҳида ҳолати бўлиб, бунда ишлаб турган ҳужайралар ўз нормал таркибини тиклайди. Д.о.нинг аҳамиятини И.М. *Сеченов* ва б. физиолог олимлар исботлаб берган. *Уйқу* Д.о.нинг энг таъсирли тури бўлиб, уйқу пайтида биринчи навбатда мия ҳужайраларида тикланиш жараёни жадал боради. Бир хил ишдан бошқасига ўтиш, ақлий фаолиятни енгил жисмоний меҳнат б-н навбатлаш чарчоқни йўқотади; бу ҳам Д.о.нинг ўзига хос тури ҳисобланади. Оғир жисмоний ёки ақлий меҳнатдан кейин иш қобилиятини мумкин қадар тезроқ тиклаш учун пассив Д.о.ни (тамомила тинч ҳолатда) актив Д.о. б-н навбатлаш лозим.

Д.о.нинг 3 тури (кундалик, бир ҳафталик ва йиллик Д.о.) мавжуд. Кундалик Д.о.га иш куни давомида қисқа муддатли танаффусларда бажариладиган и. ч. гимнастикаси киради. Овқатланишга ажратилган вақтнинг бир қисмини тоза ҳавода ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Кундалик Д.о. тиниқиб ухлаш б-н якунланади. Ҳафтада 5 кун ишлаб 2 кун Д.о. соф ҳавода узоқроқ бўлиш, спорт б-н шуғулланиш имконини беради. Йиллик Д.о. таътил давомида таъминланади. Йиллик меҳнат таътилида табиат кучоғида бўлиш, *ҳаво ва қуёш ваннаси* организмни чиниқтиришда ниҳоятда фойдали. Оқилона Д.о. тартиби кўпгина омиллар, хусусан, меҳнат шароитлари, кишининг ёши ва б.га қараб танланади.

ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ — ҳар ҳафталик узлуксиз дам олиш кунлари. Ўзбекистон Республикасида барча ходимларга 5 кунлик иш ҳафтасида ҳафтада 2 дам олиш куни, 6 кунлик иш ҳафтасида эса, 1 дам олиш куни берилади (ЎзР Меҳнат кодекси, 129-модда). Умумий дам олиш куни якшанбадир. Д.о.к.да ишлаб мойиши бўйича айрим ходимларни Д.о.к. ишга жалб этишга алоҳида ҳолларгагина, жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи б-н келишиб белгиланган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади. Айрим тоифа ходимларга дам олиш куни бериш учун алоҳида қоидалар белгиланган. Қонун бўйича ногиронларни, ҳомиладор аёлларни ва 14 ёшга тўлмаган (16 ёшга тўлмаган ногирон) боласи бор аёлларни, шунингдек, вояга етмаган ёшларни Д.о.к. ишга жалб этишга йўл қўйилмайди. Дам олиш кунини бошқа кунга кўчириш ёки иш куни деб эълон қилиш ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ваколатига киради.

ДАМ ОЛИШ УЙЛАРИ — дам олиш режими муайян тартибга солинган соғломлаштириш муассасалари. Д.о.у. махсус тиббий кузатув ва давога муҳтож бўлмаган соғлом кишилар учун мўлжалланган. Шу жиҳатдан минерал сувлар, шифобахш балчиқ б-н даволаниладиган ва физиотерапия қўлланиладиган санаторийлардан фарқ қилади (айни вақтда Д.о.у.да дам олаётганларга зарур бўлганда тиббий ёрдам кўрсата оладиган тиббиёт ходими бўлади). Д.о.у.да дам олувчилар учун иқлимий, гигиеник ҳамда маданий-маиший хизмат кўрсатиш шароитлари, шунингдек, тўла-тўкис овқатланиш тарзи эътиборга олинади. Д.о.у. умумий (катталар учун), махсус (оилавий, ёшлар учун) бўлиши мумкин. 2 кунлик, 12 кунлик ва 15 кунлик Д.о.у. кенг тарқалган. Уларнинг айримларида (палатка, лагерь) дам олиш туризм б-н қўшиб олиб борилади. Пансионатлар ва дам олиш базалари ҳам мавжуд.

Биринчи дам олиш уйи Тошкент яқинидаги Яланғоч қишлоғида ташкил этилган (1934) бўлиб, пойтахт и.ч. корхоналарининг илғорлари дам олишига мўлжалланган. Ўзбекистонда 1-колхозчилар дам олиш уйи Тошкент вилояти Қибрай туманида очилган (1947).

Д.о.у.га йўлланмаларнинг кўпи касаба уюшмаси томонидан ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобига бепул ёки имтиёзли нархла берилади. Д.о.у.да маълум режимга риоя қилинади, дам олувчилар кўпроқ вақтни очиқ ҳавода (экскурсияда, спорт б-н шуғулланиб) ўтказадилар, уларга соғлом кишиларга мўлжалланган овқатлар берилади.

Ўзбекистонда Кумушкон, Сўқоқ, Сумча, Хўжакент, Хондиза, Самарқанд, Фарғона каби мавсумий ва доимий Д.о.у. бор (2002).

ДАМ СОЛИШ — қ. *Азайимхонлик, Дуохонлик.*

ДАМАН ВА ДИУ — Ҳиндистоннинг ғарбий қисмидаги иттифоқдош ҳудуд. Камбей қўлтигига кираверишда, унинг ҳар икки соҳилида жойлашган. Даман *Гужарот* штати б-н чегарадош. Диу Катхиявар я. о.нинг жан.да жойлашган орол бўлиб, кўприклар орқали материк б-н боғланган. Майд. 112 км², аҳолиси 158 минг киши (2001). Маъмурий маркази — Даман.

1509, 1521 ва 1531 й.ларда португаллар гужаротлар қалъаси бўлмиш Диуни босиб олишга ҳаракат қилишган. 1535 й.да Гужарот ҳокими Баҳодир қалъани португалларга топширди, чунки бунинг эвазига португаллар Гужаротни бобурийлардан озод қилишга ёрдам беришга ваъда қилдилар. Бироқ бу ёрдам амалга ошмаганлиги учун Баҳодир яна Диуни қайтариб олишга ҳаракат қилган, аммо португаллар томонидан ўлдирилган. 1558—59 й.ларда португаллар Диу қаршисида Камбей қўлтиғи соҳилида жойлашган Даманни босиб олдилар. Миллий озодлик ҳаракатлари туфайли бу ҳудуд 1961 й.да португаллардан озод қилинди ва марказий ҳукумат томонидан идора қилинадиган бўлди, унга Гоа, Даман, Диу иттифоқдош ҳудуд мақоми берилди. 1987 й.да Гоа алоҳида штат мақомига эга бўлди ва ўша вақтдан Даман ва Диу ҳам алоҳида маъмурий бирлик.

Иқтисодида қ. х. етакчи ўрин тутади. Умумий суғориладиган экин майд. 51,7 минг га (24,4 минг га — Даманда, 27,3 минг га — Диуда). Қ. х. асосини боғдорчилик (манго, банан, кокос ёнғоғи ва б.) ташкил этади. Маккажўхори, нўхот, буғдой, шакарқамиш, дуккакли ўсимликлар етиштирилади. Ҳудудда қарийб 550 та кичик саноат корхоналари мавжуд бўлиб, улар Риганвада, Дабел, Бхимпур ва Кодайя ш.ларида жойлашган. Аҳолининг бир қисми балиқ овлаш ва уни қайта ишлаш б-н шуғулланади.

ДАМАНЛАР, жиряклар (Нуагоidea) — йўлдошли сут эмизувчилар туркуми. Танасининг уз. 30—60 см, вазни 1,5—4,5 кг. Ташқи кўриниши кемирувчиларга ўхшаса-да, филогенетик жиҳатдан хартумлиларга яқинроқ. Устки лаби айри, олдинги оёқлари 4, кейинги оёқлари 3 бармоқли бўлиб, туёқсимон тирноқлар б-н қопланган. Олдинги курак тишларининг орқа томонида эмали бўлмайди ва доим ўсиб туради. Ҳоз. Д. битта оилага мансуб бўлган 2—3 уруғ (7—12 тур)дан иборат. Африкада ва Осиёда (Арабистон ярим оролидан Суриягача) тарқалган. Ўрмонларда якка-якка ва тоғларда 4,5 минг м гача баландликда колония бўлиб яшайди. Ерда ёки дарахтда ҳаёт кечирадиган серҳаракат, асосан, ўтхўр ҳайвонлар. Йилда бир марта 1—3 тадан болалайди. Гўшти учун овланади.



Даман.


ДАМАНХУР — МАР даги шаҳар. Мамлакатнинг шим.да, Нил дарёси дельтасида, Искандария ш.дан 50 км жан.да жойлашган. Буҳайра муҳофазасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 212,2 минг киши (1996). Муҳим т. й., автомобиль ва сув йўллари тугуни. Савдо-ҳунармандчилик, озиқ-овқат ва енгил саноат марказларидан. Тўқимачилик саноати корхоналари, ёғ з-длари, пахта тозалаш, гугурт, гилам тўқиш ф-калари, театр бор.

«ДАМАЧИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — ЎзРдаги дастлабки ташкил қилинган балиқчилик хўжаликларидан бири. Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган. 1941—46 й.ларда ташкил этилган ва 1946 й.дан иш бошлаган. 1994 й.гача балиқ боқиладиган «Дамачи» балиқчилик к-ти, 1994 й.дан очиқ турдаги акциядорлик жамияти, 12 семиртириш ҳовузи, 6 ўстириш ҳовузига ва 1 тутилган балиқлар сақланадиган ҳовузга эга. Жами майдони 550 га; шундан 249 га майдонни балиқ боқиладиган ҳовузлар ташкил этади. Гектаридан 35—37 ц, баъзи ҳовузлардан 40 ц гача балиқ овланади. Йилига 600—650 т балиқ етиштирилади. Хўжаликда тутилган балиқ махсус «Тирик балиқ» автомашиналарида Тошкент вилояти шаҳарлари ва Тошкент шаҳар савдо шохобчаларига жўнатилади. Хўжаликда дудланган балиқ етказиб берадиган махсус цех ишлайди. Хўжаликнинг погонали қазилган ҳовузларида коллектор ва ҳ.к. экинларидан бўшаган оқова сувлардан фойдаланилади.


Жаҳонгир Ҳошимов.

ДАМАШҚ (араб.— Димишқ; тарихий номлари — Шом, Дамаскус) — Сурия Араб Республикасининг пойтахт шаҳри. Дамашқ муҳофазасининг маъмурий маркази. Барада дарёси водийсида, 690 м баландликда жойлашган. Иқлими субтропик, янв.нинг ўртача т-раси 7—8°, июлники 26—27°, йиллик ёғин 227 мм. Аҳолиси 3 млн. киши (1998), кўпчилиги араблар; шунингдек, арман, курд, черкас, грек ва б. ҳам яшайди. Қад.да Миср, Фаластин, Ироқ, Арабистон я.о.га карвон йўллари Д. орқали ўтган. Д.нинг беш минг йилдан ортиқ тарихи бор. Қадимда у Тимаски, Темаски, Димаска, Каранаски деб ҳам юритилган. Ўрта аср тарихчилари уни «Дунё жаннати», «Шарқ жаннати» деб аташган. Миср фиръавнлари (мил. ав. 16-а.), оромийлар (мил. ав. 10-а.), оссурийлар (Оссурия, мил. ав. 132), бобилликлар (мил. ав. 604), форслар (мил. ав. 538), македониялик Искандар (мил. ав. 332), Рим империяси (64 й.), Византия (5—7-а.лар), араб ва туркlар Д.ни бир-бир эгаллаб ўтганлар. Д. умавийлар даври (661—750)да халифалик маркази бўлган. Бу вақтда шаҳарда ҳашаматли қасрлар, масжидлар қурилган. Моваройуннаҳр ва Шарқнинг йирик файласуфи Абу Наср *Форобий* Дамашқ мадрасаларида дарс берган. Д.да аббосийлар, тулунийлар (9-а.), фотимийлар (10-а.), салжуқийлар (11-а.) ҳукмронлик қилган. 1260 й.да Д. мамлуклар, 1401 й.да *Амир Темур* тасарруфига ўтган. Мамлуклар даврида (13—16-а.ларда) Д. — савдо ва ҳунар-





Дамашқ шаҳри. «Ал-Бадр» жоме масжиди.



мандчилик (мато, қурол-аслаҳалар и. ., заргарлик буюмлари тайёрлаш) қамда исломнинг таянч марказларидан бўлган. 1516 й.дан 1918 й.гача Усмонийлар салтанати таркибида бўлган. 918 й. 1 окт. да Ҳижоз қўмондони амир Файсал аскарлари Д.ни эгаллади. Сурия 1920 й.да Франция мандатлигига ўтгач, Д.га француз аскарлари бостириб кирди. Шу сабабдан шаҳар четидаги Майсалун деган жойда қаттиқ жанг бўлди; 1943 й.да Сурия мустақиллигига эришгач, Д. унинг пойтахти бўлиб қолди.

Д.— йирик савдо-саноат ва молия маркази, муҳим транспорт йўллари тугуни. Халқаро аэропорт бор. Мамлакатдаги кўпгина шаҳарлар ҳамда Байрут, Аммон ва Бағдод ш.лари б-н т. й. ва ҳаво йўллари; Европа, Осиё ва Африка б-н халқаро ҳаво йўллари орқали боғланган. Шаҳарда тўқимачилик, гилам тўқиш ф-калари, совунгарлик, фармацевтика, электрокабель, цемент, ойна з-лари, озиқ-овқат, автомобиль ремонти, тикувчилик, бўёқ, кўнчилик корхоналари; мис, олтин, кумушга бадиий ишлов бериш, қурол-аслаҳа тайёрлаш устахоналари ва б. бор. Машинасозлик ва металлсозлик саноати ривожланмоқда. Д. аҳолиси миллати ва динига қараб маҳаллаларга бўлинган. Шаҳарда Дамашқ ва Араб академиялари, Сурия ун-ти (1923), Шарқ мусиқаси ин-ти, Олий педагогика ва Олий политехника билим юртлари, Ҳарбий академия, Миллий музей (1919), Шарқ турмуши музейи, бутун Шарққа машҳур бозор ва расталар, кутубхоналар, театрлар ва б. бор. Меъморий ёдгорликлардан араб-ислом маданияти дурдонаси бўлмиш Умавийлар масжиди (705—715 й.лар), Сулаймония масжиди ва б. сақланган.

ДАМАШҚ ПОДШОЛИГИ — Сурияда ги қад. давлат. Оссурия-Бобил ва Миср манбалари ҳамда Библияда кўпроқ тилга олинган. Д. п.ни мил. ав. 11—10-а. бошларида оромийлар тузган. Мил. ав. 10-а. бошларида Исроил подшолигига бўйсунган, кейинчалик мустақил бўлиб ажралиб чиққан. Шоҳ Таббриммон ва Бен-Адад I (мил. ав. 914—880) даврида Сурия (Шом), Фаластинни ҳам ўзига қаратиб олган. Д.п. бир неча давлатлардан иборат иттифоққа раҳбарлик қилган. Шоҳ Ғазаил (мил. ав. 844—804) даврида Д.п. Оссурияга бож тўлаб турган. Мил. ав. 8-а.да Д. п. қудратли давлатга айланган. Бу вақтда унга Суриядаги 17 подшолик буйсунган, оссурияликлар ҳужумига бардош бера олган. Лекин ички зиддиятлар ва қўшни давлатларнинг ҳужумлари туфайли Д. п. Оссурия давлатининг вилоятига айланиб қолган (мил. ав. 732).


ДАМАШҚ ПЎЛАТИ — юқори сифатли гуллор қуйма пўлат. Ўрта асрларда асосан қилич ясашда ишлатилган. Ёруққа солиб қаралганда «хол ташлаб» товланиб туради. Суриядаги Дамашқ ш. номидан келиб чиққан, чунки шу ерда бундай пўлат и. ч. ривожланган эди (қ. *Пўлат*).

ДАМАШҚ ХАЛИФАЛИГИ — *Умавийлар* ҳукмронлиги даври (661—750)да Араб халифалиги (пойтахти — *Дамашқ*)нинг адабиётларда учрайдиган номи.

ДАМБА, кўтарма — дарё ўзани ва қайирларида сув йўлини тўсиш ёки оқим йўналишини ўзгартириш учун қуриладиган тупроқ кўтарма кўриниши даги гидротехника иншооти. Д. босимсиз ва босимли турларга бўлинади.

Босимли ёки иҳота Д. соҳилдаги пасттекисликларни сув босишдан сақлаш учун дарё, канал, сув омбори ва ш.к.нинг қирғоқларини кўтариш (тўсувчи-ҳимоя Д.) ва босимли гидротехника иншоотларини қирғоқ б-н туташтириш (туташтирувчи Д.) мақсадларида барпо этилади. Ўрта Осиё дарёлари тез оқиши ва ўзани тез-тез ўзгариб турганлиги сабабли аксарият қирғоқ Д.лари баъзида қўшқават қилиб қурилади. Мас., Амударёнинг қирғоқлари тез-тез ювилиб турадиган қуйи оқимида бал. 1,5—3 м, уз. қарийб 900 км бўлган ҳимоя Д.си барпо этилган. Бу кўтармалар, айниқса ёзги тошқин (25—30, баъзида 45 кунгача) ва қишки музлар тиқилиб қоладиган (10—20 кун) даврларда сувнинг кучини қайтаради (қ. *Дейгиш*). Босимсиз Д.лар ўзанни тартибга солиш ва тўғрилаш, сув олгич ва сув ўтказгич иншоотлар ишини яхшилаш мақсадида оқим йўналишини ўзгартириш учун қурилади. Улар сувга кўмилиши ёки кўмилмаслиги мумкин. Оқим йўналишига нисбатан жойлашишига кўра кўндаланг ёки бўйлама Д.га бўлинади. Д., асосан, маҳаллий қурилиш материаллари — қум-тупроқ, тош, тупроқ, шох-шабба ва ш.к.дан барпо қилинади. Д.лар кўпинча тош-тупроқдан ясалади, механизацияни қўллаш қулай ва қурилишни узлуксиз олиб бориш мумкин бўлгани учун бу Д.лар нисбатан тез битади. Д. уйма, ювма (сув оқизиб келтирган чўкиндиларни гидромеханизация воситаларини қўллаб, қирғоққа уйиш) ва комбинациялаштирилган (пастки қисми ювма ва устки қисми уйма) усулда қурилади.

Тупроқли дамба схемаси.



Амин Муҳамедов.

ДАМГАР — қад. темирчилик устахонасида босқонни босиб (дам бериб), оловни авжлантириб турадиган хизматчи. Д.лик касби ҳозир ҳам бор.

ДАМДАМ ЧАШМА — юқори палеолит ва илк жез даврига оид манзилгоҳ. Катта Болхон тоғининг жан. ён бағри (Туркманистон) даги дара ғорларидан топилган. Икки ғори ўрганилган. Уларнинг ҳар бири бир неча маданий қатламдан иборат. 1-ғор (Д—1) дан призма шаклидаги нуклеус, чақмоқланган тош бўлаклари, тош пичоқ, бигиз, азил типидаги қисқич, йўнувчи тош қурол (қуйи қисмидан) ва чақмоқтош қуроллар, ҳайвон суяклари, сопол сиқлари (юқори қисмидан) топилган. 2-ғор (Д-II) 23 маданий қатламни ўз ичига олади. Энг пастки қатламларидан фақат тош қуроллар (қисқич, ўроқсимон ранда, нуклеус, парма, пичоқ ва пардозланган қисқичлар) топилган. Юқори қатламларида меҳнат қуролларининг чиққан, пардозланган чақмоқтош қуроллари ва суяк игналар 4-қаватдан кўп топилган. 1—3-қаватларда тош қуроллар б-н бирга сирти силлиқланиб, уч бурчакли, ўйма ва тўғри чизиқли нақшлар солинган сопол идишлар ҳам учрайди.

ДАМДИНСУРЭН Цэндийн (1908.14.9, Шарқий аймоқ — 1986) — монгол ёзувчиси, жамоат арбоби, олим. Монголия ФА ҳақиқий аъзоси (1961). Монголия Ёзувчилар уюшмасининг раиси (1953—58). «Рад этилган қиз» қиссаси (1929) монгол насрида биринчи йирик асар бўлиб, унда монгол хотин-қизларининг 20-а. бошларидаги оғир тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. «Менинг сочлари оқарган онагинам» (1934), «Ғалати тўй» (1966) каби асарлар муаллифи. Адабиётшунослик ва тилшуносликка оид илмий ишлари бор.

ДАМИНОВ Турғунпўлат Обидович (1941.25.4, Тошкент) — педиатр-инфекционист олим, Ўзбекистон ФА акад. (2000), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач (1980), тиббиёт фанлари д-ри (1986), проф. (1987), ТошТИни тугатган (1964). Болалар юқумли касалликлари кафедраси ассистенти, доценти (1969—82), мудири (1982—84), Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги педиатрия и.т. институти директори (1984—90), 1-ТошТИ ректори (1990 й.дан). Д. болаларда учрайдиган гепатитнинг давомли ва сурункали хиллари шаклланишини клиникапатогенетик нуқтаи назардан ўрганди. Болаларда учрайдиган В вирусли гепатитнинг давомли хилини самарали даволаш усулини ишлаб чиқди ва амалиётга татбиқ этди. Кўпинча чақалоқлар ўлимига сабаб бўладиган нафас йўллари касалликлари белгиларини аниқлади. 1997 й.дан Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси (СДП) Сиёсий кенгашининг биринчи котиби (1995 й.дан). «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» бош таҳрир ҳайъати аъзоси (1997 й.дан). Польша тиббиёт фанлари академияси акад. (1999). «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (1997).



ДАМКЎЛ — Марказий Фарғонанинг шим. қисмидаги ботқоқлик. Ғарбдан шарққа 20 км гача, шим.дан жан.га 6—8 км га чўзилган. Сўх-Шоҳимардон суғориш системаларининг ташландиқ сувларидан ҳосил бўлган. Аллювиал ётқизиқлардан лой, қум кўп. Ўтлоқи ботқоқ, ўтлоқи ва торфли тупроқлар тарқалган. Д.да қиёқ ўсиб ётади. Ботқоқлик қуритилиб шоли, полиз экинлари, пахта экилмоқда.

ДАМЛАШ, димлаш — таом пиширишдаги жараён. Баъзи таомлар пишгандан сўнг яна маълум муддат дамланиб меъёрига етказилади. Бунда овқатли идиш буғ чиқмайдиган қилиб жипс беркитилади, ё жуда суст оловда ёки қизиган ўчоқ таптида, ёхуд ўчоқдан олинган ҳолда дам едирилади. Мас., ош Д., чой Д., ва ш.к. Дамланганда масалиқ қайнашдан тўхтаб, унда эриган турли фойдали неъматлар бир-бири б-н кимёвий қўшилади ва янада лаззатлироқ бўлади. Иссиқ овқатларнинг барчаси, ҳатто суюқ ошларни ҳам Д. тавсия қилинади. Иссиқ сомсанинг устига қалинроқ нарса ёпиб, дамлаб қўйилса, ўз бўғи таъсирида хамири юмшайди.

ДАМЛИ ОРКЕСТР МУСИҚАСИ — қ. *Ҳарбий мусиқа.*

ДАМЛИ СОЗЛАР — қ. *Пуфлама мусиқа чолғулари.*

ДАМЛИ СОЗЛАР ОРКЕСТРИ — қ. *Пуфлама созлар оркестри.*

ДАММАМ — Саудия Арабистонидаги шаҳар. Шарқий вилоятнинг маъмурий маркази. Аҳолиси 600 минг кишидан зиёд. Форс қўлтиғидаги порт. Мамлакатга келтириладиган юкнинг 70%и шу порт орқали ўтади. Ар-Риёд — Даммам т. й.нинг охирги ст-яси. Кимё, пўлат эритиш, ойна-шиша, қоғоз, цемент саноати корхоналари, ун-т бор. Балиқ овланади.

Д.— Форс қўлтиғи газ-нефть ҳавзасининг газ-нефть кони (1938 й.да очилган) маркази.

ДАМНО (лот. damnum — зарар) — 1) пулнинг номинал қиймати ва жорий курс бўйича ҳисобланган қиймати ўртасидаги фарқ; 2) банк муассасаларининг комиссияга топширилган векселларни инкассалаш, яъни шу векселлар бўйича нақд пул олиш б-н боғлиқ харажатлари.

ДАМОВАНД — Эльбурс тоғларидаги ўчган вулкан. Бал. 5604 м (Эрондаги энг баланд чўққи). Д. ён бағирларидан иссиқ газ, шифобахш балчиқ ва олтингугуртли булоқлар чиқиб ётади. Чўққисида унча катта бўлмаган музликлар бор.

ДАМОДАР — Ҳиндистондаги дарё. Уз. 580 км, ҳавзасининг майд. 20 минг км²дан ортиқ. Чхота-Нагпур платосидан бошланиб, Ҳинд-Ганг текислигининг шарқий қисмидан оқади, Ганг дарёси дельтасида унинг тармоғи — Хугли дарёсига қуйилади. Ёз ва куз ойларида тўлиб оқади. Ўртача сув сарфи 330 м³/сек. Қуйи оқимида кема қатнайди. Д. ҳавзасида ГЭС, сув омборлари, суғориш каналлари қурилган. Д. водийси Ҳиндистоннинг муҳим индустриялашган (иссиқлик электр ст-ялари, кўмир қазиб олиш, металлургия, машинасозлик) р-нларидан бири.

ДАН ТИЛИ — *данлар* тили. *Герман тиллари* гуруҳининг Скандинавия (Шим. Германия) шохобчасига киради. *Дания*нинг расмий тили бўлиб, унда 5,0 млн.га яқин киши сўзлашади. 16—19-а.ларда Д.т. Норвегияда ҳам расмий ва сўзлашув тили бўлган. Тарихда Д.т.нинг 3 даври фарқланади: умумскандинавия асос тили (3—9-а. лар), эски Д. т. (9—16-а.лар) ва янги Д. т. (16-а. дан кейинги давр). Д.т.даги қад. ёзма ёдгорликлар «руник» ёзувда бўлиб, 9-а.га тааллуқли. Бу вақтга келиб эски Д. т. бошқа скандинав тиллардан



1 Парламент
2 Миллий музей
3 Университет
4 Рим даври акведуки
5 Орьян-Палас меҳмонхонаси
6 Бош вокзал
7 Одил суд саройи
8 Дарвишия масжиди
9 Шаҳар қалъаси
10 Сук ал-Ҳамидия бозори
11 Одилия мадрасаси [Араб академияси]
12 Захирия мадрасаси [Миллий кутубхона]
13 Салоҳиддин мақбараси
14 Умавийлар масжиди
15 Дамашқли Юпитер ибодатхонаси
16 Нур-ад-дин госпитали
17 Ан-Нурия мадрасаси
18 Аъзам саройи

Дарвозалар
19 Боб ал-Фарог
20 Боб ал-Фарадис
21 Боб ат-Тума
22 Боб аш-Шарқи
23 Боб ал-Кисан

Қадимги девор қолдиқлари

фарқ қила бошлаган. 18-а.га келиб, ҳоз. адабий Д.т. шаклланди. Адабий Д.т. зеланд диалекти асосида юзага келган. Ҳоз. адабий Д.т. учун аналитик қурилиш хос, фонетикасида чўзиқ ва қисқа унлилар мавжуд (10 жуфт). Ундошлар фақат қисқа. Грамматикасида отлар бирлик ва кўпликда келади, умумий ва қаратқич келишигида турланади. Гап қурилиши учун 2 таркиблилик ва асосий бўлаклар — эга ва кесимнинг аниқ ўринга эгалиги хос. Янги сўзлар турли сўз ясовчи қўшимчалар, шунингдек, сўзларни қўшиш йўли б-н ясалади. Ёзуви лотин алифбоси асосида.

ДАНА (Дэна) Жеймс (1813.12.2, Ютика, Нью-Йорк штати — 1895.14.4, Нью-Хейвен, Коннектикут штати) — америкалик геолог ва минералог. Нью-Хейвен ун-тининг проф. (1855—92). 1837 й.да минералларнинг кимёвий таркибига асосланган таснифни ишлаб чиққан. 1873 й.да Д. «геосинклиналь» ва «геоантиклиналь» терминларини таклиф этди. Д. Ер пўстидаги йирик букилмалар ва бурмалар Ернинг совиши натижасида Ер пўстининг қисқаришидан ҳосил бўлади деб ҳисоблаган. Органик дунёнинг тадрижий ривожланишида эмпирик принципни илгари сурди. Бундай тушунчалар ҳоз. фақат фан тарихи учунгина аҳамиятли.

ДАНАЙЛАР — Юнонистоннинг Арголида вилоятида яшовчи қад. юн. қабилалари, Гомер асарларида Д. *Троя уруши* қатнашчилари бўлиб, айёрлик қилиб (ёғочдан ясалган *Троя оти* ёрдамида) Трояни олганлар; шундан «данайлар ҳадяси» деган, яъни қабул қилувчилар учун ҳалокатли бўлган ҳадяни англатувчи ибора келиб чиққан.

ДАНАК — этли мева орасидаги уруғни ўраб олган ёғочланган қобиқли қисм (эндокарп). Шафтоли, гилос, олча, олхўри, тоғолча, ўрик ва б. меваларда бўлади.

ДАНАК ШЎРАК, шўрданак — қовурилган ўрик данаги, қад. тамадди. Данаклар бир ҳафта давомида совуқ сувга ивитилгач, хандонписта каби оғзи очилади. Данак иссиқ намакобда яна уч кун ивитилади. Сўнгра қуритилади ва туйилган гилбўта б-н бирга қозонда қовурилади. Д. ш. Самарқанд, Бухоро ва б. вилоятларида кўп тайёрланади.

ДАНАКЛИ МЕВА ДАРАХТЛАРИ — раъногулдошлар (атиргуллилар оиласи)га мансуб, меваси данакли кўп йиллик ўсимликлар. Уларга ўрик, шафтоли, олхўри, олча (олволи), гилос, тоғолча, жийдадошлардан жийда ва б. киради. Д.м.д. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятларида бор. Д.м.д. *уруғли мева дарахтлари*га қараганда эртароқ гуллайди, 3—4 йилда ҳосилга киради, одатда ҳар йили ҳосил беради, данагида, мас., ўрик магзида 60% га қадар ёғ бўлади.

ДАНАНГ — Вьетнамнинг марказий қисмидаги шаҳар. Куангнам-Дананг провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 382,6 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Жан. Хитой денгизининг Дананг бухтаси соҳилидаги йирик порт (Хошимингдан кейин 2-ўринда). Транспорт йўллари тугуни. Савдо маркази, озиқ-овқат ва енгил саноат, механика, каучук и. ч., пластмасса, қурилиш материаллари, ип ва ипак газлама корхоналари, музей бор. Д. яқинидан кўмир ва олтин қазиб олинади.

ДАНБУРИТ — бор силикатларининг кичик синфига мансуб минерал. Кимёвий формуласи $Ca[B_2Si_2O_8]$. АҚШнинг Данбури кони (Коннектикут штати) номидан. Ромб сингонияли. Кристаллари призма шаклида. Қаттиқлиги 7—7,5. Зичлиги 3,0 г/см³. Ранги сарғиш, оч жигарранг, қорамтир ва рангсиз. Скарнларда датолит, аксинит, пироксен ва гранатлар б-н бирга, чўкинди тоғ жинсларида эса доломит, ош тузи, гипс, ангидрит, гидроборацит, котоитлар б-н бирга учрайди. Ўзбекистонда Қурама, Олай тоғлари ва Ҳисор тоғининг жан. этакларида учрайди. Қ.х.да микроэлементли ўғит сифатида ишлатилади. Германия (Бранденбург), Швейцария, АҚШ (Нью-Йорк штати), Мексика, Япония, Россия (Приморье ўлкаси)да топилган.

ДАНГ — 1) оғирлик ўлчови ёки пул бирлиги. Улуғбек академиясининг намояндаларидан Ғиёсиддин Жамшид алКоший (Кошоний) ўзининг «Арифметика калити» асарида ўрта асрлардаги Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг оғирлик ўлчови ва пул бирлиги бўлган Д., *тассуж* ва ашоир атамаларидан касрсонларни ифодалашда фойдаланган. Бунда динорни 1 га тенг деб олинса, Д. 1/6 га, тассуж 1/24 га, ашоир 1/96 га тенг бўлган. Чунки бир Д. олтин б-н ўлчанса 1/6 динорга, кумуш б-н ўлчанса 1/6 дирҳамга ва ихтиёрий оғирликдаги 1/6 мисқолга тенг. Тассуж Д. б-н қуйидагича боғланган: 1 тассуж 1/4 Д. = 1/24 динор, дирҳам ёки мисқол. 1 ашоир 1/4 тассуж = 1/16 Д.= 1/96 динор, дирҳам ёки мисқол; 2) рус тилидан олинган, дастлаб у пул бирлиги бўлиб, 1/2 тийин ёки 1/16 олтинни билдирган. Д. кўпгина адабиётларда, тарихи», Б. Аҳмедовнинг «Тарихдан сабоқлар»ида *данг* кўринишида ҳам учраб туради.

ДАНГАЛНИШИН (форс.) — Туркистон хонликларида бўлган рутба (даража, унвон). Д. асосан жангларда қаҳрамонлик кўрсатган ботирларга берилган. Д. хоннинг маслаҳатчиларидан бўлиб, унинг суҳбат ва йигинларида қатнашган, ҳақ гапни хондан ва б.дан тап тортмаи, дангал айта олган.

ДАНГАНА, данғона — 1) ўтмишда ярим ўтроқ ва ўтроқ ўзбек чорвадорлари ўртасида кенг тарқалган урф-одат. Ёз фаслида якка оилада сўйилган мол гўштини узоқ сақлаш қийин бўлган. Шу туфайли Д. кези яйловга чиққан маълум бир овул кишилари ўртасида ўтказилган. Д. да кўпинча ҳар бир хонадонда навбат б-н қўй сўйилган. Сўйилган қўйнинг гўшти, калла-почаси катта қозонга солиниб шурва пиширилиб, ҳар бир қўшни чорвадор оилага шўрва ва гўшт тенг тақсимланган; 2) шерикликка бирор тирик молни (от, сигир, туя ва ш. к.) узаро тақсимлаш.

ДАНДАНА (форс. дандон) — 1) қад. мискарликда — мис бўлакларини бир-бирига улаш усули. Бўлакларнинг кемтикларига (тишларига) ингичсинининг кемтиклари киритилиб жипслаштирилган ва кавшарланган. Бу усул ҳозир ҳам қўлланилади; 2) темирчиликда — (ўчоқ) нинг дам чиқариб, металлни қиздирадиган жойи (Андижон, Марғилонда); 3) меъморликда — гиштларни кирпа қилиб териб ҳосил қилинадиган безак усули, кунгура. Бу усуллан ҳовуз ва гулзор чеккаларини, биноларнинг юқори қисмлари (карнизлар) ни безашда фойдаланилади. Турар жойларда пойгоҳ (оёқ кийимлари ечиладиган махсус жой) ҳам Д. усулида ғишт б-н архитектурасидан ажратилган. Деворлар тепасидаги Д. деворни қор-ёмғирдан ҳимоя қилган; 4) деҳқончиликда — узунасига олинадиган ариққа (қ. *Жўяк*). Тишли мола (сихмола) ҳам Д. деб аталади.

ДАНДАНАКОН — Марв ш.дан 33 км жан.-шарқ (ҳоз. Тошработ шаҳарчаси ўрни)да ўрта асрлардан қолган шаҳар харобаси. Олд Осиёдан Жан.-Шарқий Осиёга борадиган қад. савдо йўли устида жойлашган. Археологик қазилма ва ёзма манбаларга қараганда, Д. 9—11-а.ларда анча ривожланиб, мустаҳкам иморатлар ва қалин мудофаа девори қурилган (10-а.). Д. ёнида 1040 й. 23 майда *Масъуд Ғазнавий* б-н салжуқ султони Тўғрулбек ўртасида бўлиб ўтган жанг тарихда машҳур (қ. *Данданакон жанги*). Мақдисий Д.да нақшлар (ўймакорлик, ганчкорлик) б-н безатилган ҳашаматли бинолар борлигини ёзади. Д. салжуқийлар давлатининг ташй.да у ўғузлар томонидан вайрон қилингач, аста-секин ташландиқ ҳолга тушиб қолган.

ДАНДАНАКОН ЖАНГИ — *салжуқийлар* б-н *ғазнавийлар* ўртасидаги жанг. *Маҳмуд Ғазнавий* Мовароуннаҳрга даъво қилиб, *қорахонийлар* б-н рақобатда бўлган йилларда ўғуз туркманларидан бўлган салжуқийларнинг бир гуруҳига Шим. Хуросон (хусусан, Марв вилояти) да жойлашиб яшашига рухсат берган эди. Салжуқийлар кўчманчи чорвадорлар бўлгани учун яйловларга эгалик қилиш учун кураш бошлаганлар. *Масъуд Ғазнавий* даврида салжуқий беклар ғазнавийларнинг солиқ сиёсатига қарши исён кўтаришган. Масъуд бошчилигидаги ғазнавийлар қўшини исённи бостириш учун Марв воҳаси томон юрган. Жазирама иссиқда чўлдан ўтаётган ғазнавийлар қўшини очлик, ташналик ва б. кўплаб қийинчиликларга дуч келади. Салжуқийлар қад. дашт тактик усулини қўллаб чўлдаги қудуқларга ўлимтикларни ташлаб, кўмиб ташлашган. Бунинг устига ғазнавийлар қўшинига чекка-чеккадан ҳамла қилиб рақибларини тинкасини қуритган. 1040 й. 23 майда Масъуд қўшини салжуқийлар ҳамлаларини қайтариб Данданакон номли кичик шаҳар-қалъа деворлари остига етиб келган. Қалъа аҳолиси ғазнавийларга гарчи сув берса-да, қалъанинг ягона дарвозасидан киришга йўл қўймайди. Масъудга ҳамроҳ бўлган амалдор ва лашкарбошилар унга Данданаконда дам олиш лозимлигини маслаҳат беришган. Бироқ султон қалъадан 5 фарсах олисликда бўлган сув ҳавзаси томон ҳаракат қилишни буюрган. Воқеа иштирокчиси бўлган тарихчи Байҳақийнинг ёзишича, «Қачонки ҳукмдор у ердан қўзғалгач, қўшин тартиби бузилган, сарой ғуломларидан 370 таси шер тасвири бўлган нишонлари б-н туркманларга қўшилдилар». Салжуқийлар ўғруққа ташланиб, қимматбаҳо буюмлар, қурол-яроғлар, отларни ташмалаб кета бошлайди. Улар ўзларига қўшилган султон ғуломлари б-н биргаликда Масъуд қароргоҳига шиддатли ҳужум қилишган. Султон атрофида қолган оз сонли ғуломлар қаттиқ қаршилик кўрсатган, бироқ мағлуб бўлиб қочишга мажбур бўлганлар. Масъуд ўзини бетўхтов таъқиб этиб келаётган рақиби ҳамлаларини қайтариб қолганқутган қўшини б-н Марваррудга, у ердан эса Ғазнага қайтиб келган. Султон Масъуд Ғазнавийни Д. ж.да мағлубиятга учраши ғазнавийлар давлатининг инқирози бошланганидан ва янги давлат туғилганидан далолат берган. Худди жанг майдонининг ўзида чодир ўрнатилиб, *Тўғрулбек* султонлик тахтига ўтиради.

Фахриддин Ҳасанов.

ДАНДАРИЙЛАР — мил. ав. 1-минг йилликда Кубаннинг қуйи ҳавзаси ва Азов денгизининг жан.-шарқий қирғоғида яшовчи меот қабилалари гуруҳининг эронийча номи. Дастлаб *Гекатей* (мил. ав. 6-а.), кейин *Страбон*, *Плутарх* томонидан айтиб ўтилган. Грек ёзувларидан ҳам маълум. Мил. ав. 4-а.дан *Боспор подшолиги* таркибида. Д.нинг маркази — Соса ш. Д. жасур йўлбошчилари Олфак бошчилигида Митридатнинг Римга қарши курашида (мил. ав. 74—63) уни қўллаб-қувватлашган. Д. нинг кейинги тақдири номаълум. *Сарматлар* б-н аралашиб кетган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас.

ДАНДИ — Буюк Британиянинг шим.-шарқидаги шаҳар, Шотландияда. Тейсанд р-нининг маъмурий маркази. Аҳолиси 167 мингдан зиёд киши (1990-й.лар охири). Шим. денгизининг Фирт-оф-Тей қўлтиғидаги порт, т. й. тугуни. Жут саноатининг йирик маркази. Кемасозлик, электротехника, тўқимачилик машинасозлиги, соатсозлик, электроника, полиграфия, кимё, озиқ-овқат саноати ва металл қуйиш корхоналари; ун-т бор. 15—18-а.ларга оид меъморий ёдгорликлари сақланган.

ДАНДИБОЙ САҒАНАСИ — сўнгги жез даврига мансуб сағана (мил. ав. 2-минг йилликнинг 2-ярми — 1-минг йилликнинг боши). Қарағанда (Қозоғистон) ш.дан 60 км жан.-ғарбда, Шербой-Нур дарёсининг ўнг қирғоғида жойлашган Дандибой овулидан топилган. Сағана мурабба шаклли тош девор б-н ўралган бир қанча қабрлардан иборат. Қабрлар анча чуқурликда, тўртбурчак шаклида; деворлари харсанг тош бўлаклардан тикланган, усти ёғоч ғўлалар б-н ёпилган. Улардан қўлда ясалган қадаҳсимон сопол идишлар, пайконлар, суяк тугмалар ва тош қуролларнинг турли хиллари топилган. Идишларнинг сирти силлиқланган, ранги сарғиш, тирнаш усулида геометрик шаклда нақш солинган. Д. с. ёдгорлиги *Андронаво маданиятидан* — *Қорасуқ маданияти*га ўтиш даври хусусиятларини акс эттиради.

ДАНДОН (форс.— тиш) — 1) филнинг тиши ёки суягидан ясалган пичоқ дастаси. Ўйма нақшлар, қимматбаҳо тошлардан «кўзлар» қадаб безатилади; 2) қандолатнинг бир тури. Обаки Д. деб ҳам аталади.

ДАНЖУА (Denjoy) Арно (1884.5.1, Ош, Жер департаменти — 1974.27.1) — француз математиги, Париж ФА аъзоси (1942), Париж ун-ти проф. (1922). Собиқ Иттифоқ ФА хорижий аъзоси (1971). Асосий ишлари ҳақиқий ўзгарувчининг функциялари назариясига оид. Примитив функция (қ. *Бошланғич функция*) ҳақидаги классик масаланинг тўла ечимини берган. Ўзи топган янги тушунча — интеграл Д. интеграли деб аталади. Комплекс ўзгарувчининг функциялари назарияларига, квазианалитик функцияларга, топологияга оид асарлар муаллифи.

ДАНИЛОВА Римма Ивановна (1906.16.1, Саратов — 1984.5.10, Тошкент) — патанатом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1961), тиббиёт фанлари д-ри (1951), проф. (1951). ТошТИни тугатган (1936). 1950 й.дан Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти патанатомия кафедраси мудири. Сил касаллигида, кимёвий моддалардан заҳарланганда, атеросклероза ички секреция безларидаги морфологик ўзгаришларга оид и. т. ишлари олиб борган.

ДАНИТОЛ — қ.х. экинлари зараркунандаларга қарши қўлланиладиган инсектицид-акарицид, синтетик пиретроидлар гуруҳига мансуб. Д. экинлари асосий зараркунандалардан ҳимоя қилишда бир қатор сўрувчи ҳашаротлар (шира, трипс, оққанот, қандала) ва зарарли каналарга, сохта ва чин қалқондорларга ҳамда кўсак қуртига қарши 1—2 л/га меъёрида сарфланади. Боғларда ҳам Д. бирйўла сўрувчи ва кемирувчи зараркунандаларга қирғин келтиради. Д.нинг таъсир этувчи моддаси (фенпропатрин) ишлов берилган гўза майдонларида 25 кундан кейин парчаланиб кетади.


ДАНИЯ (Danmakr), Дания қироллиги (Konqeriqet Danmark) — Европанинг шим.-ғарбидаги давлат, Ютландия я. о.нинг катта қисмини ва унга яқин ороллар гуруҳи (Зеландия, Фюн, Лолланн, Фальстер ва б.)ни ўз ичига олади. Майд. 43043 км² (Гренландия ва Фарер о.ларидан ташқари); Аҳолиси 5,33 млн. киши (2000). Пойтахти — Копенгаген ш. Маъмурий жиҳатдан 14 амт (вилоят)га, амтлар эса коммуналарга бўлинади. Копенгаген ва Фредериксберг ш.лари мустақил маъмурий бирликка ажратилган бўлса ҳам, аммо амтларга тенглаштирилмаган. Ички мухториятдан фойдаланувчи Фарер о.лари ва Гренландия о. Д. қироллиги таркибига киради.

Давлат тузуми. Д.— конституцияли монархия. Амалдаги конституцияси 1953 й. 5 июнда қабул қилинган. Давлат бошлиғи — қирол (қиролича, 1972 й.дан қиролича Маргрете II). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни қиролича б-н

фолькетинг (бир палатали парламент) амалга оширади. Фолькетинг 179 депутатдан иборат. Улар умумий тўғри ва яширин овоз бериш йўли б-н 4 й. муддатга сайланади. Ижроия ҳокимиятни қирол (қиролича) амалга оширади. У бош вазир ва ҳукумат аъзоларини тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади.

Табиати. Д. ҳудуди кенг баргли ўрмонлар зонасида жойлашган, ер юзаси текислик. Энг баланд жойи Ютландия я. о.даги Айер-Бавнехой тепалиги (172 м). Тўртламчи даврда ер устини қопланган музликнинг излари сақланиб қолган. Ютландия я. о. ва б. ороллар-нинг соҳилларида қўлтиқлар ва бўғозлар кўп. Д.да қазилма бойликлар оз. Каолин, бўр, нефть, торф, қўнғир кўмир, газ ва туз конлари бор. Иқлими мўътадил денгиз иқлими, ёзи салқин, баҳор ва куз фасллари узоқ давом этади. Қиши юмшоқ. Фев.да ўртача т-ра 0°, июлда 15—16°. Йиллик ёғин 600—900 мм. Ёғиннинг кўп қисми кузда ёғади, баҳорда ва ёзда ёғин кам бўлади. Тез-тез туман тушади. Дарёлари жуда қисқа (энг каттаси Гудено, 158 км). Кичик оқар кўл кўп. Мамлакат ғарбининг тупроғи подзол, шарқиники қўнғир ўрмон тупроқлардир. Бу ерларда деҳқончилик қилинади. Денгиз соҳилларида ўтлоқи аллювиал тупроқ, карбонат жинсларда эса карбонатли қўнғир тупроқлар пайдо бўлган. Ҳудудининг 10% га яқини ўрмон б-н банд. Қарағай, қорақарағай, қорақайин ва дуб ўрмонлари бор. Бу ўрмонларда ёввойи ҳайвонлардан оҳу, асил ва чипор буғу, элик, тийин, тусовуқ учрайди. Соҳилларда парранда кўп. Йирик кўриқхоналари: Хесселё, Ворсе.

Аҳолисининг 98% данлар; немислар ва фризлар ҳам бор. Аҳолининг ўртача зичлиги бир км² га 114 киши. Аҳолининг 84,9% шаҳарларда яшайди. Рас-





Дания герби.

мий тили — дан тили. Диндорларнинг 91% — лютеранлар. Йирик шаҳарлари: Копенгаген, Орхус, Оденсе, Ольборг.

Тарихи. Д. ҳудудида одам қадим замонлардан бери яшаб келган. 5—6-а.ларда бу ерга *данлар* қабиласи келиб жойлашган ва 8-а.да улар Д.даги асосий қабилага айланган. Мамлакат номи шу қабила номидан келиб чиққан. Д. давлати 9—10-а.ларда шаклланган. 11-а. бошларида Буюк Кнуд I ҳукмронлиги даврида Англия ва Норвегия Д.га қисқа вақт қарам бўлиб турди. Вальдемар I (1157—82), Кнуд VI (1182—1202) ва Вальдемар II (1202—41) қироллик қилган даврларда Д. давлати бирмунча мустаҳкамланган. Скандинавия давлатлари орасида Д. иқтисодий тараққий этган ва сиёсий жиҳатдан кучли бўлган. 1380 й. Д.-Норвегия унияси (иттифоқи) тузилган. 1397 й. (Маргарита даврида) барча Скандинавия давлатлари Кальмар униясига мувофиқ Д. қироллигига қўшилди.

16-а.нинг 2-ярмидан йирик хусусий ер эгалиги ривожлана бошлади. Д. Болтиқ ва Шим. денгиз савдо йўлида муҳим географик ўрин эгаллагани туфайли моддий жиҳатдан бирмунча фойда кўрар эди. Болтиқ денгизида ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлаш ва Швецияни уния таркибида ушлаб туриш мақсадида Д. б-н Швеция ўртасида кўп марта бўлиб ўтган урушлар Д.нинг магбулияти б-н тугаб, Болтиқ денгизида Швеция ҳукмрон бўлиб олди. 17-а.га келиб Д.да дастлабки ихтисослашган қирол мануфактуралари пайдо бўлиб, улар давлатнинг ўқ-дори, қурол-аслаҳа ва ҳарбий анжомга бўлган эҳтиёжини қондириб турди.

1660 й. Д. давлати меросий монархия деб эълон қилинди. Фредерик III (1648—70 й.ларда идора қилган) томонидан эълон қилинган қонун (1665) Д. абсолют монархияга айланганини юридик жиҳатдан тасдиқлади. Ригсрод (йирик феодаллар органи) бекор қилиниб, ригсдаг (табақа вакиллари мажлиси) ҳам чақирилмайдиган бўлди. Мамлакатни марказлаштириш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. 1751—70 й.ларда ҳукуматга бошчилик қилган граф Бернсторф ўтказган *меркантилизм* сиёсати Д.нинг хўжалик аҳволини оғирлаштирди.


Наполеон урушларида Франция томонида урушда қатнашган Д. мағлубиятга учраб, бирмунча ҳудудидан ажралди ва хўжалигига катта зарар етди. 1840 й. миллий либерал партия тузилди (1870 й. тарқатиб юборилди). 1849 й. июнь конституциясига мувофиқ Д. икки палатали чекланган монархияга айланди. Шу йили йирик ер эгалари манфаатини ҳимоя қилувчи консерватив партия (Хойре партияси) тузилди. 1848—50 й.лардаги Д.-Пруссия ва 1864 й.ги Австрия-Д. урушларидан сунг Д. Шлезвиг, Гольштейн ва Лауэнбургдан ажраб, ягона миллий давлатга айланди. 70-й.ларда Хойре партияси б-н Венстре партияси уртасида сиёсий ҳокимият учун бўлган курашда қишлоқ сармоядорлари манфаатини ҳимоя қилган Венстре партияси ғалаба қозонди.

19-а. охири — 20-а. бошларида рўй берган сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар 1915 й.ги конституцияда ўз аксини топди. 1-жаҳон урушида Д. бетараф турди.

1930-й.лардаги жаҳон иқтисодий бўҳрони Д. иқтисодиётига катта салбий таъсир этди. 1940 й. апр.да Германия Д.ни босиб олди ва уни ўзининг озиқ-овқат базасига айлантирди. 1942—43 й.ларда мамлакатда қаршилик кўрсатиш ҳаракати авж олди. 1943 й. сент.да қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг раҳбар органи ҳисобланган Озодлик кенгаши тузилди. 1945 й. 5 майда мамлакат тўла озод қилинди. Д.— 1945 й.дан БМТ аъзоси. 1949 й. 4 апр.дан Шим. Атлантика пакти (НАТО) аъзосидир.

Миллий байрамлари — 16 апр. — Қиролича тугилган кун (1940), 5 июнь — Конституция куни (1849). Ўзр б-н дипломатия муносабатларини 1992 й. 25 янв.да ўрнатган.

Асосий сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. Венстре, сўл либерал партия, 1870 й.да тузилган; Консерватив халқ партияси, 1916 й.да тузилган; Тараққиёт партияси, 1972 й.да асос солинган; Радикал сўл партия, 1905 й.да тузилган; Д. социал-демократик партияси, 1871 й.да асос солинган; Социалистик халқ партияси, 1959 й.да тузилган; Христиан халқ партияси, 1970 й.да асос солинган; Марказ демократлари партияси, 1973 й. тузилган; Д. халқ партияси, 1995 й.да ташкил этилган. Д. касаба уюшмалари марказий бирлашмаси, 1898 й.да тузилган бўлиб, Халқаро эркин касаба уюшмалари конфедерацияси, Европа касаба уюшмалари конфедерацияси ва Шим. Европа касаба уюшмалари кенгашига киради.



Дания байроғи.

Хўжалиги. Д. юксак даражада ривожланган индустриал-аграр мамлакат бўлиб, бошқа давлатлар б-н кенг иқтисодий алоқа боғланган. Хусусий сармоя устунлик қилади. Ялпи миллий маҳсулотнинг 30% давлат секторига тўғри келади. Ялпи ички маҳсулотда саноат ва қурилишнинг улуши 26,4%, қишлоқ, ўрмон хўжалиги ва балиқчиликнинг улуши — 3,5%. Ялпи маҳсулотнинг 40% дан кўпроғи четга сотилади.

Саноатида нефть, табиий газ, каолин қазиб чиқариш катта ўрин олади. 2-жаҳон уруши (1939—45)дан кейин машинасозлик саноати ривож топди. Кимё саноати, нефтдан турли маҳсулотлар и. ч. ҳам ривожланган. Ёқилғига бўлган эҳтиёжнинг бир қисми четдан келтириладиган нефть ва нефть маҳсулотлари ҳисобига қондирилади. Саноатда майда ва ўрта корхоналар кўп. Кемасозлик алоҳида ўрин тутади; энг йирик саноат марказлари: Копенгаген, Оденсе, Хельсингёр, Наксков. Машинасозликнинг бошқа тармоқлари асосан кема дизеллари, цемент ва озиқ-овқат саноати учун асбоб-ускуналар, электр мотор, трансформатор, радиоприёмник, телевизор, магнитофонлар ишлаб чиқаради (асосий марказлари Копенгаген, Оденсе). Кимё саноати дори-дармон, фосфатли ва азотли ўғитлар, синтетик смола ва пластмассалар и. ч.га ихтисослашган. Тўқимачилик, трикотаж ва тикувчилик саноатининг асосий марказлари Ютландиянинг шарқи ва шим.да жойлашган (Вайле, Хернинг, Виборг ва б.). Мамлакатнинг турли жойларида озиқ-овқат, хусусан сут ва гўшт саноати корхоналари барпо этилган. Йилига ўртача 30 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. 90-й.ларнинг ўрталарида нефть қазиб олиш энг юқори даражага етди (7 млн. тонна).

Қишлоқ хўжалиги Д. иқтисодиётининг энг маҳсулдор тармоғи ҳисобланади. Мамлакатда 80 мингга яқин фермер хўжалиги бор. Улар юксак ҳосилдорликка эришадилар ва маҳсулотнинг асосий қисмини чет элларга сотадилар. Д. ҳудудининг 70% (3 млн. га) қ. х.да фойдаланилади. Қ. х. товар маҳсулоти умумий қийматининг 90% ини чорвачилик беради. Аҳоли жон бошига сут, ёғ ва гўшт етиштиришда дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Деҳқончилиги юқори даражада механизациялашган. Чорвачиликда қорамол, чўчқа боқилади, паррандачилик ривожланган.

Транспорти. Т. й. узунлиги 3 минг км дан ортиқ, ундан 2470 км электрлаштирилган. Автомобиль йўллари уз. 71 минг км. Асосий порти — Копенгаген. Ташқи савдоси ялпи ички маҳсулотнинг 37% ини ташкил этади. Четга асосан машина ва асбоб-ускуналар, қ.х. ва саноат маҳсулотлари чиозиқ-овқат саноати маҳсулотларини чиқаради. Ташқи савдодаги асосий мижозлари: Германия, Швеция, Буюк Британия. Пул бирлиги — Д. кронаси.

Маорифи, маданий-маърифий ва илмий муассасалари. Д. маориф тизимининг илк бўғини — болалар боғчалари. 6 ёшдан болалар учун 9 й.лик мажбурий таълим жорий этилган. Бошланғич мактабларда ўқиш муддати — 7 й., кичик ўрта (реал) мактабларда 3 й., юқори ўрта мактаб (гимназия)ларда 3 й., ҳунар-техника билим юртларида 1—3 й. Болаларнинг 90% бепул давлат мактабларида таълим олади. Олий ўқув юртларига гимназия аттестатлари асосида танлов йўли б-н қабул қилинади. 5 та ун-т, 3 та техника ун-ти, 20 га яқин ин-т ва коллежларда олий маълумот берилади. Йирик олий ўқув юртлари: Копенгаген (1479 й.да асос солинган) ва Орхус (1928 й.да асос солинган) ун-тлари, Д. муҳандислик академияси, Копенгаген техника ун-ти. Илмий муассасалари: Дания қироллиги фанлар академияси (1742 й. Копенгаген ш.да ташкил этилган, 210 дан ортиқ аъзоси бор), Нафис санъат академияси (1754 й.да асос солинган), Дания қироллиги техника фанлари академияси (1937 й. Лингби ш.да ташкил этилган, 580 дан ортиқ аъзоси, 25 и.т. ин-ти ва ассоциациялари бор), 20 дан кўпроқ и. т. муассасалари ва б. Кутубхоналари: Копенгагендаги Қироллик ва Муниципал, Орхусдаги давлат ва ун-т кутубхоналари ва б. Музейлари: Копенгагендаги миллий қироллик нафис санъат музейи, Қироллик денгиз музейи, Оденседаги Х. К. Андерсен уй-музейи ва б.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Д.да нашр этиладиган йирик газ. ва жур.лар: «Информашон» («Ахборот», кундалик газ., 1943 й.дан), «Ню даг» («Янги кун», кундалик кечки газ.), «Политикен» («Сиёсат», кундалик газ., 1884 й.дан), «Экстра бладет» («Фавқулодда газета», кундалик газ., 1904 й.дан), «Биллед бладет» («Суратли газета», ҳафталик суратли жур., 1938 й.дан), «Ню политик» («Янги сиёсат», ойлик жур., 1967 й.дан). Ритсаус бюро — Д. ахборот агентлиги 1866 й.да тузилган. Д. радио ва телевидениеси расмий равишда мустақил ҳисобланса ҳам, амалда ярим давлат ташкилотидир. Мамлакатдаги барча радиоэшиттириш ва телекўрсатувларни Д. радиоси давлат ташкилоти назорат қилади.

Адабиёти. Қадим замонлардан Д.да бой оғзаки халқ ижодиёти пайдо бўлган. Дастлабки ёзма ёдгорликлар 12-а.да лотин тилида яратилган. Саксон Грамматикнинг «Данларнинг ишлари» тарихий асари (12—13-а.лар) маълум. 13—14-а.ларда дан тилида яратилган асарлар, чет тиллардан қилинган таржималар тобора кўзга ташлана бошлади. К. Педерсен (1480—1554) нинг халқчил ижоди, «Библия»ни таржима қилиши дан адабий тилининг ривожига асос солди. 18-а. адабиётида маърифатпарварлик ғоялари кенг тарғиб қилинди. Л. Хольбер ўткир ҳажвиялари б-н шуҳрат қозонди. 19-а. бошларида А. Эленшлегер, Н. Ф. Грундтвиг, С. С. Бликер, К. Винтер каби романтиклар деҳқонлар турмуши ва табиат гўзалликларини тасвирладилар. 19-а.нинг 30-й.лари адабиётига реализм унсурлари кириб келди. Бир ёки икки пардали (кичик) комедия жанри ривожланди, психологик таҳлил чуқурлашди. Бу даврда Ханс Андерсен эртаклари шуҳрат қозонди.

40-й.ларда ижтимоий зиддиятларнинг чуқурлашуви сиёсий лирика ва сатиранинг ривожига таъсир этди. 70-й. лар адабиётида реализм чуқурлашди. Машҳур реалист ёзувчи Е. П. Якобсен «Нильс Люне» романида киборларнинг фожиали тақдирини психологик асослади. Х. Драхман, К. Гьеллеруп, Э. Брандес каби реалист адиб ва шоирлар йирик асарлар яратдилар. 1-жаҳон уруши даври (1914—18) адабиётида «ноумид авлод» кайфиятлари пайдо бўлди. 20-

Дания табиати кўриниши.





Копенгаген ш.

а.нинг 20 — 30-й.ларида реалистик проза юксалди. Х. Р. Кирк, Э. Кристенсен, К. Беккер, Х. Хердаль, М. Клитгор, Х. Понтоппидан, Й. Йенсен романларида меҳнаткашлар ҳаёти ҳаққоний акс этди, 30-й.ларда, кейинроқ Қаршилик кўрсатиш ҳаракати даврида (1940—45) М. Андерсен-Нексе, Х. Шерфиг, Х. Р. Кирк, Мартин Нильсен каби ёзувчилар ижоди фашизмга қарши руҳ касб этди, улар қамоқ ва концлагерларда ҳам курашни давом эттирдилар. Урушдан кейинги йилларда Х. Вульф, Т. Дитлевсен, Х. Л. Йепсен реалистик асарлар ёзишди, 60—80-й. ларда адабиётга кириб келган ёзувчилар янги шакллар излашди, воқеликни фалсафий идрок этишга интилишди.

Меъморлиги. Д. ҳудудида қад. меъморий даврга (мил. ав.) хос санъат ва меъморий ёдгорликлар (Треллеборг, Аггерсборг қалъаларининг харобалари ва б.) мавжуд. Д.да ягона қироллик тузилиб (10-а.), христианлик қабул қилингач, дастлаб ёғочдан, 11-а. ўрталарида эса тошдан ибодатхоналар қурилди. Роман даврида (12-а.—13-а. боши) хоч шаклида собор ва қалин деворли черковлар солинди. Готика даврида (13-а.—16-а. 30-й.лари) Роскилл ва Оденседа йирик ибодатхоналар, қалин, баланд девор ва минорали қасрлар барпо этилди. 16—17-а.ларда ренессанс таъсирида безатилган саройлар, жамоат ва турар жой бинолари қуриш анъана бўлди. 18-а. 1-ярмида бинолар барокко услубида, 2-ярмида эса классицизм услубида қурила бошлади. 19-а. охири — 20-а. бошида миллий романтизмга хос бинолар яратилди. К.Ф. Харсдорф Д. классицизмининг атоқли намояндасидир. 20-й.ларда неоклассицизм, 30-й.ларда эса функционализм (Х. Кампман, В. Лауритсен каби меъморлар) услуби тарқалди. 2-жаҳон урушидан кейин Копенгаген, Оденсе, Рённе каби шаҳарлар қайта тикланди. 60—90-й.ларга келиб кўп (8—12) қаватли турар жойлар қурилди. Уй-жой ва саноат зоналарини, қатнов йўлларини қулай жойлаштиришга, кўкаламзорлаштиришга катта эътибор берилди.

Тасвирий санъати. Д. ҳудудидан тош, жез, темир даври маданият ёдгорликлари топилган (каҳрабо ҳайкалчалар, уруш ва ов манзараларининг тошга ўйилган тасвирлари, қурол-яроғлар, зийнат буюмлари, кумуш идишлар, олтин тангалар ва б.). Роман даври (12—13-а.лар) монастирлари нақшлар б-н безатилган. Готика даври (13-а.—16-а. бошлари) соборларидаги нақшларда реалистик элементлар мавжуд. 15-а. нинг 2-ярмида Д.га Германия, Нидерландия, Франциядан кўплаб рассом ва усталар кўчиб келди. Копенгагенда Бадиий академия ташкил этилиши (1754) ва классицизм тараққиёти Д. миллий рассомлик мактабининг ташкил топишига олиб келди. 19-а. 1-ярмида рассомлик санъатида К. В. Эккерсберг ва унинг издошлари К. Кёбке, В. Бендс ва б. ижодида лиризм, воқеликнинг бевосита тасвири кучли бўлди. 20-а. бошларида Д. санъатига фовизм, кубизм, 30-й.лар ўрталаридан импрессионизм ва абстракционизм каби турли оқимлар кириб келди. Реализм руҳида ижод этувчи О. Руде, Х. Енсен, Х. Бидструп каби рассомлар ижоди абстракционизм ва б. модернистик оқимларга қарамақарши турди. Неоклассицизм тамойиллари асосида ижод этувчи рассомлар ҳам бор. Кейинги йилларда маиший ва сиёсий мавзулар рассомларни кўпроқ қизиқтира бошлади.

Мусиқаси Европада энг қад.лардан. Д. ҳудудида мил. ав. 4-а.га оид пуфлама мусиқа чолғуси топилган. 12-а.гача миллий мусиқа ижоди жанрлари қаҳрамонлик эпоси, маросим қўшиқлари, рақс куйлари б-н чекланган. 12-а.дан профессионал диний мусиқа, 15-а.дан дунёвий мусиқа намуналари, 17-а.дан мусиқашунослик асарлари пайдо бўлди. 18-а. охиридан Д. мусиқаси ўзига хос миллий хусусиятга эга бўлган. Ф. Кунценнинг дастлабки миллий операси «Хольгер Данске», И. Шульцнинг миллий характердаги зингшпиллари франсуз ҳажвий опера унсурларини ўзига сингдирди. Миллий симфонизм бунёдкори Н. Гаде ҳамда замонавий композиторлик мактаби асосчиси К. Нильсен номлари Европа мусиқа маданияти тарихи саҳифаларидан муносиб ўрин олган. 20-а. 1-ярмида мусиқа марказлари — Д. концерт жамияти, Д. мусиқачилари уюшмаси, композиторлари уюшмаси, Филармония жамияти, Д. радиосининг хор ва оркестри ташкил этилди. Д.да 5 консерватория, 10 симфоник оркестр, Мусиқа тарихи музейи (1898 й.дан), «Дания мусиқа нашриёти» (1871) бор. Йирик мусиқа марказлари — Копенгаген, Оденсе.

Театри. Қад. Скандинавия қўшиқчилари — скальдлар ижодида театр санъати учқунлари бўлган. Ўрта асрларда Д.да мистерия, масхарабозлик, ибодат маросимлари, одоб руҳидаги ибратомуз томошалар оммалашди, мактаб ўқувчилари турли спектакллар қўя бошлади. Профессионал театр эса, 18-а.нинг 20-й.ларида вужудга келди. 1722 й. Копенгагенда «Данлар саҳнаси» номли биринчи миллий театр тузилди. 1770 й.дан бу театр «Дания қиролининг театри» деб юритила бошлади. Театр саҳнасидан Л. Хольберг комедиялари, Й. Эвальднинг драмалари, жаҳон классикаси пьесалари кенг ўрин олди. Й. Л. Хейберг, Н. П. Нильсен, Й. К. Рюге, А. Нильсен, И. Л. Фистер кабилар 19-а. етакчи актёрларидир. 20-а. бошида натурализм тик ва декадентлик пьесалари кўп қўйилиши Д. театрини таназзулга олиб келди. Лекин 20-й.ларнинг охиридан «Ишчилар театри», «Ижтимоий театр», «Бетти Нансен театри»да классик ва чет эл илғор муаллифлари пьесаларининг қўйилиши б-н Д. театри янги босқичга кўтарила бошлади. 2-жаҳон урушидан сўнг қаршилик кўрсатиш ҳаракати қаҳрамонларининг жасоратини акс эттирувчи ва долзарб масалаларга бағишланган асарлар саҳналаштирилди. Опера ва балет ривожлана бошлади. Актёрлар Копенгаген давлат драма мактабида тайёрланади.

Киноси. Миллий кинофильмлар 1897 й.дан ишлаб чиқарила бошланди, бир неча ҳужжатли лентадан суратга олинди. 1910-й.ларда Д. кинематографияси дунёга танилди. 1903 й.да «Қатл» бадиий фильми (реж. Л. Эльфельт) яратилди, 1906 й.да Копенгагенда «Нордиск» киностудияси ташкил этилди. «Арслон ови» (1907, реж. ва актёр В. Ларсен) дастлабки халқаро муваффақият келтирди. «Ажал рақси», «Вильгельм Телль», «Ҳамлет» каби машҳур асарлар саҳналаштирилди, комедия ва мелодрамалар суратга олинди. 1-жаҳон урушидан кейин кинофильмлар и.ч. камайди, асосан саёз, сийқа мусиқали кинокомедиялар яратилди. 2-жаҳон уруш йилларида оилавий муаммолар ва тарихий воқеаларни тасвирловчи фильмлар экранлаштирилди. «Каламушлар б-н жанг», «Бугдой хавф остида» номли

ҳужжатли лентaларда курашга чорловчи пиңқона ғоялар акс эттирилди. Урушдан кейин илғор кинорежиссёр Д. қаршилик кўрсатиш ҳаракатига, болалар тарбиясига, ижтимоий иллатларни ҳажв қилишга асосий эътибор берди. Х. Карлсен, П. Кьерульф-Шмидт, Э. Баллинг, Л. ва С. Грёнлюкк, Н. ва К. Рифбьерг каби режиссёрлар яратган фильмларда чуқур драматик конфликт ва ижтимоий муаммолар ҳам акс этди. Д.да ҳужжатли ва қисқа метражли фильмлар айниқса шуҳрат қозонди. 60—90-й.ларда кўнгил очар ҳажвий фильмлар кўпроқ яратилди. Копенгагенда киномузей, киномактаб бор. Йилига 25 тўла метражли, 50 қисқа метражли фильм ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон — Д. муносабатлари. Икки мамлакат ўртасида «Инвестицияларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш тўғрисида»ги ва ЎзР б-н Европа Иттифоқи ўртасида «Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги битим асосида ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш йўлга қўйилди. 2000 й.да икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 7,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон Д.дан ёғоч буюмлар, дори-дармон, қанд-шакар, қандолат маҳсулотлари, какао, спиртли ва спиртсиз ичимликлар, ғалла ва ёрма, механик асбоб-ускуна, кимёвий маҳсулотлар, пойабзал, ўйинчоқлар сотиб олади. Бунинг эвазига Ўзбекистон сайёҳлик ва юк ташиш соҳасида хизмат кўрсатади. Ўзбекистон Д.га қайта ишланган сабзавот ва мевалар, озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳўл мева ва ёнғоқ юборади, турли хизматлар кўрсатади. ЎзР ҳудудида Д. сармоядорлари иштирокидаги 6 корхона, шу жумладан Д. сармояси 100% бўлган 2 корхона ишлаб турибди. Ўзбекистонда Д.нинг «Ново Нордиск» ва «Йорк рефрижерейшн» компанияларининг ваколатхоналари очилган.

ДАНИЯ БЎҒОЗЛАРИ (Болтиқ денгизи бўғозлари) — Скандинавия ва Ютландия я. о.лари орасидаги бўғозлар. Кичик Бельт, Катта Бельт, Эресунн (Зунд), Каттегат ва Скагеррак бўғозларини ўз ичига олади. Бу бўғозлар энг тор жойининг эни тегишлича: 0,5 км; 3,7 км; 10,5 км; 60 км ва 110 км. Д. б. Болтиқ денгизини Шим. денгиз б-н боғлайди.

ДАНЛАР, данияликлар (ўзларини данскере деб атайдилар) — халқ. Данияннинг асосий аҳолиси (5 млн. кишига яқин). Шунингдек, Швеция, Норвегия, Германия, АҚШ, Канада ва б. мамлакатларда яшайдилар. Умумий сони 5,6 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Европеоид ирқига мансуб. *Дан тили*да сўзлашади. Диндорлари, асосан, лютеранлар, протестантлар, католиклар ҳам бор. Қадимда Данияннинг ҳоз. ҳудудида герман қабилалари (кимврлар, ютлар, англлар, сакслар) жойлашган; 5—6-а.ларда Жан. Швециядан герман қабилаларидан бўлган данлар бостириб кирган. 6—8-а.ларда бу қабилаларда ибтидоий тузум парчаланиш жараёни содир бўлган; 10—11-а.ларда улардан ягона дан элати вужудга келган; илк давлат тузилган. 19-а.да данмиллати шаклланган. Анъанавий машғулотлари — деҳқончилик ва чорвачилик, шунингдек, ҳунармандчиликнинг темирчилик, заргарлик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, каштачилик, гилам тўқиш ва б. турлари ҳам ривожланган.

ДАНТЕ Алигьери (Dante Alighieri) (1265.5, Флоренция — 1321.14.9, Равенна) — италъян шоири. Қад. дворян наслидан. Дастлабки «Янги ҳаёт» (1292) асари севгилиси Беатричега бағишланган сонетлардан ва насрий лавҳалардан иборат. 90-й. лар охирида ҳукмрон гвельфлар партияси «оқлар» ва «қоралар»га ажралиб чиққач, Флоренцияда ҳокимият «қоралар» қўлига ўтади. Ўша пайтда Римда бўлган «оқлар» вакили Д.нинг мол-мулки мусодара этилиб, ўзи ўлимга ҳукм этилади. Шундан кейин Д.

ва Кипр о.да жойлашганлар. Мил. ав. 9-а.да Шарқий Киликияда Д. давлати бўлган. Туркиядаги Қоратепа тоғидан (Жайҳон дарёси бўйида) 1946 й.да Д. подшоҳи — Азитавалднинг битик тоши топилган.

ДАНУНИЙЛАР ДАВЛАТИ — Кичик Осиёнинг жан.-шарқидаги Адан водийсида жойлашган қад. давлат (мил. ав. I-минг йилликнинг бошлари). Д. д. маркази Қоратепа тоғи атрофида бўлган. Д. д.нинг энг гуллаган даври — Азитавадд подшолик қилган йиллар (мил. ав. 9-а. нинг 2-ярми) га тўғри келади. Мил. ав. 8-а. охирларида Оссурия подшоси Саргон II Адан вилоятини ўзига бўйсундирган. Д. д. да хетт ва финикия маданияти ва ёзувлари устувор бўлган.

ДАНФИГАНКЕТ, Динвагнкад (суғдийча — муқаддас дин ибодатхонасининг жойи) — ўрта асрларга оид шаҳар ўрни. Шарқ географларининг маълумотига қараганда, у Шош вилоятининг маркази *Бинкат*дан 5 фарсах (35—40 км) узоқликда халқаро карвон йўли устида жойлашган. Д. харобалари ҳоз. Ниёзбоши қишлоғи яқинидаги Йўғонтепа деган жойда жойлашган бўлиб, атрофи девор б-н ўралган тўғри бурчакли қалъа ва шаҳристондан иборат. Унда ҳунармандларнинг катта гузари бўлган. Д. 6—7-а.ларда шаҳар ҳолига келган ва 9—12-а.ларда гуллаш даврини бошдан кечирган. Мўғулларнинг талончилик ҳужуми натижасида 13-а. бошларида шаҳар вайронага айланган.

ДАНҒАРА — Фарғона вилоятидаги шаҳарча (1979 й.дан). *Данғара тумани* маркази. Туманнинг жан.-шарқида жойлашган. Д. номи «дон ғарами» сўзидан деган ривоят бор. Д. Қўқон ш.дан шим.да, яқин т. й. станцияси — Қўқон (8 км). Аҳолиси 8,8 минг киши (2000). Консерва з-ди, тикувчилик ф-каси, автокорхона, касалхона, поликлиника, дорихона, маданият саройи, умумий таълим мактаблари, лицей, кутубхона, таъмирлаш, қурилиш ташкилотлари, савдо шохобчалари мавжуд. Д.дан Тошкент — Қўқон—Ўш—Қашқар автомобиль йўли ўтган.


ДАНҒАРА ТУМАНИ — *Фарғона вилоятид*аги туман. 1939 й. 10 фев.да ташкил этилган (1962 й. 24 дек.да Поп тумани б-н бирлаштирилган. 1970 й. 7 дек.да қайта тузилган). Д. т. вилоятнинг Бувайда, Учкўприк, Ўзбекистон, Фурқат туманлари, Қўқон ш., Наманган вилоятининг Поп тумани, Тожикистон Республикасининг Ашт тумани б-н чегарадош. Майд. 0,45 минг км². Аҳолиси 122,4 минг киши (2000). Д. т.да 1 шаҳарча (Данғара), 8 қишлоқ фуқаролари йиғини (Мулкобод, Найманча, Оқжар, Санам, Тайпоқ, Чинобод, Қияли, Ғалаба) бор. Маркази — Данғара шаҳарчаси.

Табиати. Д. т. рельефи асосан текислик. Унинг жан.-ғарбий қисми Сўх ёйилмасининг шим.-ғарбий чеккасида, шим.-ғарбий қисми эса Сирдарёнинг биринчи ва иккинчи террасаларида жойлашган. Тўртламчи даврнинг гил, қумоқ ва қумлари тарқалган. Туманнинг шим.-ғарбида бархан, дўнг қумлар бор. Иқлими континентал иқлим. Ёзи иссиқ, қиши бирмунча юмшоқ. Июлнинг ўртача т-раси 26,8°, янв.ники —2,2°. Вегетация даври 220 кун. Йилига ўртача 110 мм ёғин тушади. Баҳор ва кузда кучли «Қўқон шамоли» эсади. Д. т.да Наймансой, Оқтепасой, Урганжи ариқлари бор. Туман ҳудудидан Сирдарё оқиб ўтади. Сирдарё суви Абдусамат ва Олҳамак насос ст-ялари орқали чиқарилади. Артезиан ва дренаж қудуқлари ёрдамида ер ости сувларидан ҳам фойдаланилади. Тупроқлари асосан суғориладиган ўтлоқ, қумли ўтлоқ ва шўрхоқлардан иборат. Ёввойи ўсимликлардан қумликларда саксовул, қандим, юлғун, пастқамликларда янтоқ, шувоқ, оқбош, шўрхокларда қорабароқ, балиққўз, тўрғайўт, Сирдарё соҳиллари турангил, тол, чинғил ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан чиябўри, тулки, бўри, тўқай мушуги, кемирувчилар, қушлардан чумчуқ, ҳинд майнаси, тўрғай, ўрдак, қашқалдоқ, қирғовул ва б. яшайди.

Аҳолиси, асосан узбеклар, шунингдек, тожик, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 272 киши тўғри келади. Аҳолининг 90% дан кўпроғи қишлоқларда истиқомат қилади.

Хўжалиги, асосан пахта етиштиришга ихтисослашган. Пиллачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, чорвачилик, балиқчилик, асаларичилик ривожланган. Қ. х.да фойдаланиладиган ерлар майд. 32,5 минг га. Д. т.даги жамоа ва шахсий хўжаликларда 13 минг қорамол, 16 минг қўй-эчки, 15 минг парранда боқилади. 6 саноат корхонаси, 10 қурилиш-таъмирлаш ташкилоти, 2 автокорхона, 9 савдо ва тайёрлов шохобчаси, бўрдоқичилик базалари, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари мавжуд. 1997 й.да Сойшилдир тикувчилик ф-каси, Данғара консерва з-ди ишга туширилди. 330 дан ортиқ кичик корхонада турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Д. т.да 1 жамоа хўжалиги, 5 ширкат мавжуд.

Д. т.дан Тошкент—Ўш—Қашқар, Қўқон—Хўжанд, Қўқон—Наманган, Қўқон—Жомашуй автомобиль йўллари ўтган. 40 га яқин умумий таълим мактаби, 2 коллеж бор. Д. т.да 6 маданият



саройи, 53 кутубхона, 67 соғлиқни сақлаш муассасаси, 6 касалхона мавжуд. 1941 й.дан «Ғалаба» туман газ. чиқади (алади 5496).

ДАО (хитойча «дао» — қонун, йўл) — қад. хитой фалсафасининг муҳим тушунчаларидан бири. Дастлаб «йўл», «тариқат» маъносини, кейинчалик фалсафада табиатнинг «йўллари»ни, унинг қонуниятларини билдирган. *Даосизм*нинг асосий тушунчаси. Коинотнинг бош сабабчиси, унинг сирли қонунияти; ақл б-н билиб, сўз б-н ифодалаб бўлмайдиган, лекин ҳамма нарсада мавжуд бўлган ҳаётий бутунлик. Д. — ҳамма нарсанинг асоси. Дунё — Д. нинг «гавдаланиши»дир.

ДАОСИЗМ (*дао* сўзидан) — 1) қад. хитой фалсафасидаги йўналишлардан бири; дао ҳақидаги таълимот. Мил.ав. 6—5-а. ларда вужудга келган. Асосчиси Лао-цзи ҳисобланади, унинг ғоялари «Дао дэ цзин» китобида баён этилган. Д. вакиллари — мил. ав. 4—3-а.ларда яшаган Ян Чжу, Инь Вэнь, Чжуан-цзи. Д.га кўра, табиат ва инсон ҳаёти «илоҳий самовий қонун»га боғлиқ эмас, балки нарсаларнинг табиий йўли, қонуни — «дао»га асосланади. Ян Чжу фикрича, ҳаётнинг табиий қонунлари — «дао»га риоя қилиш инсонга «ўз табиатини бутунликда сақлаб қолишга» имкон беради. Д. дунёдаги ҳамма нарсаларда қарама-қаршиликлар кураши ётади, улар ўзгаришда, ҳаракатда: «бир хил нарсалар кетиб, бошқа хил нарсалар келади, баъзи нарсалар гуллайди, баъзилари сўнади», деб ҳисоблайди. Д. таълимотида инсонга ўзидаги мажбурият ва бурч кишанларини улоқтириб ташлаб, табиатга яқин бўлган ҳаётга қайтиш даъвати бор.

2) Хитойда тарқалган 3 диндан (*конфуцийчилик, буддизм* б-н бир қаторда) бири. Д. фалсафий таълимоти асосида пайдо бўлган. I—3-а.ларда вужудга келган. Чжан Дао-лин асос солган (2-а. нинг 1-ярми). Д. урф-одатлари *анимизм*га ва *сеҳргарлик*ка ишонишга асосланган. Конфуцийчилик, буддизм элементлари ҳам бор. Д. динида 3 худо — Шанди, Лао-цзи ҳамда дунёнинг яратувчиси Пань гу бошчилигида худолар пантеони шаклланган. 5-а.дан Д. диний таълимоти, маросимлари расмийлашган ва давлат дини бўлиб қолган. 12-а.га келиб Д.нинг адабиётлар тўплами — «Дао цзан» вужудга келди. Д. бошқа динлар каби кўплаб секталарга ажралиб кетган. Д. коҳинлари шахснинг ахлоқий ўзўзини такомиллаштириш ғоясини тарғиб қилиб, диндорларга узоқ умр кўришнинг муайян усулини ҳам таклиф қиладилар, бу усул парҳезни, жисмоний машқлар тизими ва б. ни ўз ичига олади. Айни вақтда коҳинлар ёвуз руҳларни ҳайдаш, фол очиш б-н ҳам шуғулланади. Кейинчалик Д. Хитойда ўзининг илгариги мавқеини йўқотиб ўрнини бошқа динларга бўшатиб берган. Ҳозир унинг тарафдорлари нисбатан озчиликни ташкил қилади.

ДАРА — кўпинча тоғли ҳудудларда қатлиқ туб жинсларни дарё ювиши натижасида ҳосил бўладиган тор ва чуқур, ён бағирли водий. Унинг ён деворлари узоқ муддатгача тик ҳолатда бўлади. Водий энига секин ўсади ва, одатда, чуқурлиги энидан ортиб боради. Д. баъзан ер юзаси ёрилганда тектоник йўл ҳам вужудга келади. *Каньон* ва *дарбанд*дан фарқли равишда туби қисман дарё ўзани б-н банд бўлади. Ўзбекистон тоннинг турли р-нларида *водий, сой, сойлик, танги* деб ҳам аталади.

ДАРАЖА — 1) математикада — бир-бирига тенг бир неча сон (ёки ифода) нинг кўпайтмаси. Мас., a нинг n — даражаси қисқача a^n каби ёзилади, бунда: a — даража асоси, натурал сон n эса даража кўрсаткичи дейилади. Д. кўрсаткичи a сон (ифода) нинг неча марта кўпаювчи қилиб олинганлигини кўрсатади. Д.нинг асосий хоссалари: 1) $a^n \cdot a^k = a^{n+k}$; 2) $a^n : a^k = a^{n-k}$; 3) $(a^n)^k = a^{nk}$; 4) $(a \cdot b)^n = a^n \cdot b^n$; 5) $(a:b)^n = a^n b^{-n}$. Иррационал кўрсаткичли даража $a^\alpha = \lim a^{r_n}$ тенглик б-н аниқланади, бу ерда: r_n — α га интиладиган рационал сонлар кетма-кетлиги. Аналитик функциялар назариясида асоси ва кўрсаткичи комплекс сонлардан иборат бўлган Д. қаралади (яна қ. *Муавр формуласи*).

Ушбу $a \cdot a \ldots a^n$ кўпайтмани топиш амали Д.га кўтариш дейилади; 2) термометр, барометр ва б. асбоблар шкаласидаги бўлинмалар; т-ра, бурчак ўлчовлари (яна қ. *Градус*).

ДАРАЖАЛИ ФУНКЦИЯ — $y=x^\alpha$ кўринишдаги функция (бунда: a — ўзгармас ҳақиқий сон). a нинг қийматига қараб Д. ф.нинг аниқланиш соҳаси турлича бўлади. Мас., $y=x^2$ ва $y=x^{2/3}$ функциялар ҳамма ҳақиқий сонлар учун, $y = \frac{1}{x} = x^{-1}$ функция нолдан бошқа ҳамма ҳақиқий сонлар учун, $y=x^{1/2}$ функция мусбат сонлар учун, $y=x^{-1/2}$ эса ноль ва ҳамма мусбат сонлар учун аниқланган.

ДАРАЖАЛИ ҚАТОРЛАР — қ. *Қаторлар.*

ДАРАИ ГАЗ, Дерегез, Дараи Жаз — ўрта асрларда Афғонистоннинг шим.да мавжуд бўлган қад. тоғли туман ва шаҳар. Балхоб дарёси воҳасида, *Балх*дан 5 фарсах (1 фарсах — 6—7 км) жан. да жойлашган. 10-а.да бу тоғлар Жабал Кўҳ номи б-н машҳур эди. «Д. Г.» атамаси қадимдаги афсонавий Газистон мамлакати номидан олинган. Ривоятларга кўра, афсонавий *Рустам* Семурғ берган камон дастасини *Исфандиёр*га шу ердан туриб улоқтирган. 17-а. га оид «Субҳонқулинома» асарида ҳам Д. Г. тарихи афсонавий даврларга бориб тақалади. 17-а.да Д. Г. воҳаси Айн-и Искандария (Искандар булоғи) номи б-н машҳур катта чашма бор эди. Бу чашма яқинидаги, атрофи сув б-н ўралган баландликдаги мақбарага гўё *Александр* (Искандар Мақдуний) дафн этилганмиш. Хитой манбаларига кўра, Д. Г. воҳасида илк ўрта асрларда Кйетчи мулки жойлашган, *Сюань Цзан*нинг ёзишича, унинг иқлими совуқ, лекин ери жуда унумдор бўлиб, ўсимлик ва мевалар оз, лекин сабзавот ва буғдой мўл-кўл эди. Аҳолиси сержаҳл ва бешафқатлилиги б-н ажралиб турган. 7-а. да бу ерда 10 та будда монастири, 300 га яқин роҳиб бўлган. Ўрта асрларда Д. Г. воҳасида шу номда бир шаҳар бор эди, кўплаб қишлоқлар унга тобе эди. 11-а.да Д. Г. *Газнавийлар* шикоргоҳи ва ҳарбий қароргоҳи бўлиб, унда икки мингдан зиёд туркий ва ҳиндлардан иборат отлиқ қўшин ўрнашган. Д. Г. воҳаси 16—17-а.ларда ҳам Балх вилояти ҳарбий кучларининг тўпланиш ери ва бош ҳарбий қароргоҳ ҳисобланиб, у ерда ҳукумат қўшинларининг доимий турар жойлари жойлашган. Бу ердаги Оқжилға яйловининг кенглиги 2 фарсахга (12—14 км) етган. Балх аҳолиси ёз фаслида шу ерда дам олган.

Ад.: Ахмедов Б., История Балха, Т., 1982; Камалиддинов Ш.С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начала XIII вв., Т., 1996.

ДАРАКЧИ — қад. Шарқ давлатлари армияларида махсус топшириқларни адо этадиган ва турли хабарларни етказиб турадиган шахс, разведкачи. Д.лар савдогар, қаландар, туякаш қиёфасида узоқ ўлкаларга бориб, чет мамлакатларнинг ҳарбий қудрати, урушга тайёргарлиги, чет эл айғоқчилари, ўз мамлакатидан қочган сиёсий айбдорлар ҳақида дарак топиб келиб, ҳукмдорларга етказганлар. Ибн Арабшоҳнинг таъкидлашича, *Амир Темур* Д.лар хизматидан жуда унумли фойдаланган. Д.лар чор-атрофда бўлаётган ҳодисалардан Соҳибқиронни хабардор этганлар. Бозорлардаги нарх-наволар, қишлоқ ва шаҳарлардаги вазият ҳақида муттасил ахборот йиққанлар. Ғаним томонга жўнатилган Д.лар ёвга тегишли

йўл, сўқмоқ, нотекис жойларнинг сурати (чизмаси)ни келтириб, мудофаа истеҳкомларининг қайси ҳудудда жойлашгани, уларнинг номлари, ҳукмдорлари, лашкарбошилари, улуғлари, фозиллари, бойлари, камбағаллари тўғрисида батафсил маълумот б-н қайтганлар (яна қ. *Айғоқчи, Айёр, Бозаргон*).

«ДАРАКЧИ» — ўзбек ва рус тилларида чиқадиган ҳафталик ахборот газ. Илк сони 1999 й. март ойида Самарқанд ш.да чоп этилган. «Д.» қисқа муддатда оммалашиб, мамлакатдаги энг кўп нусхали газ.га айланди. Унда ёшлар мавзуси, уларнинг дунёқараши, ўй-фикрларини, халқаро миқёсдаги воқеаларни, спорт хабарларини ёритишга катта ўрин берилади, жиддий мавзудаги муаммоли мақолалар ҳам кенг ёритилади. Газ. таҳририятининг хатлар, ахборот ва спорт, танлов бўлимлари бор. *«Интернет»* орқали жаҳон ахборот тармоғига уланган. Адади 200 мингдан зиёд (2002).

ДАРАЛИТОФ — Калиф-Шеробод қатор тепалари (грядаси)нинг бир қисми. Шеробод даштига туташтган. Сурхондарё вилоятида. Энг баланд жойи 823 м. Д. Талхоб-Дахана дарасидан (жан.-ғарбдан) Шўрбулоққача 30 км га чўзилган. Бўр даврининг гил, қумтош, алевролит ва мергелларидан, палеогеннинг қумтош ва оҳактошларидан тузилган. Палеогеннинг оҳактошлари (бухоро яруси) Д.нинг ўқ қисмига тўғри келади. Оҳактошлар зич ва қаттиқ бўлганлиги туфайли сувайирғич қисмида қалқонсимон рельеф шакллари вужудга келган.

Д.нинг жан.-шарқий ён бағри анча тик. Қуруқ сойлар б-н кучли парчаланган ва вақтинча оқар сойларнинг пролювиал текисликлари тоғ олдида кенг ҳудудни эгаллаган. Дағал тўқ бўз тупроқларда шувоқ, биюргун, шўра, гулхайри, оққурай, қўнғирбош, ранг ва б. эфемерлар кенг тарқалган, баҳор ва кузда пичан ўриб олинади. Д. яйлов чорвачилигида фойдаланилади.

ДАРАХТ — тана ва шохлари ёғочланган кўп йиллик ўсимлик. Д.лар бўйига қараб 3 гуруҳга: 1) 35 м дан баланд (чинор, терак, қора қайин, қарағай); 2) 25—35 м (қайрағоч, ёнғоқ, оқ қайин, тол, қатранғи); 3) 25 м гача (заранг, четан, шумурт ва б.) бўлинади. Мевали Д.лар ҳам шаклига қараб 3 гуруҳга: 1) шох-шаббаси кўп, баланд бўлиб ўсадиган (нок, гилос, ёнғоқ, олманинг айрим навлари); 2) танаси кўримсиз, ийдиз бачкиларидан ҳам кўпаядиган бўйи паст (шафтоли, олманинг пакана хиллари, олча ва олхўрининг айрим турлари ва б.); 3) биринчи ва иккинчи гуруҳ оралиғидаги ўрта бўйли Д.лар (олма ва ўрикнинг кўпчилик хиллари ва навлари, нок, олчанинг айрим турлари)га бўлинади. Д.ларнинг доим яшил ва баргларини ҳар йили кузда тўкадиган хиллари ҳам бор. Доим яшил Д. баргларн вақт-вақти б-н тўкилиб, ўрнига янгиси чиқаверади.

Д.лар ёши уларнинг кесилган тўнкасидан ёки ўсиб турган илдиз бўғзидан (пармалаб олинган ўзагигача), ёғочлигидаги йиллик ҳалқалар сонига, шунингдек, Д.ларнинг ташқи белгилари (баргининг ранги, танасининг шакли, пўстлоғининг туси ва тузилиши)га қараб аниқланади. Мас., катта ёшдаги игна баргли дарахтлар баргининг ранги очроқ, ўсишдан тўхтаган дарахтнинг шохшаббаси юмалоқ телпак гумбаз шаклида, танасининг пастки қисми ёрилган, қалин, ўлик пўстлоқ тўқималари б-н қопланган, баъзан пояси сиртида яшил, сариқ ва б. тусли буқоқлар пайдо бўлади. Ёш дарахтлар тик ўсади, шох-шаббаси чўзиқ конуссимон, пўстлоғи силлиқ, ялтироқ, игна баргли дарахтлар барги сersув, тўқ яшил. Дарахтларни ўгитлаш ёки ҳосил беришини тўхтатиш б-н ҳаётини узайтириш мумкин. Шафтоли дарахти 15—20, саксовул 50—60, терак 70—80, ток 100, тол 300, хандон писта 350, тут ва ёнғоқ 400, қарағай, шумтол, заранг 700—1000, чинор 1000, эман 2000, шамшод 3000, мамонт дарахти 6000 йил яшайди.

ДАРАХТ — нақш тури ва мужассамоти. Амалий безак санъатида кенг тарқалган. Бадиий буюмлар безаги (каштачилик, читгарлик, кулоллик, наққошлик ва б.)да қўлланилади. Жумладан, тошкентлик кулоллар Д.ни лаганларнинг ўртасига чизишади, Самарқанд, Фиждувон, Риштон, Шаҳрисабзда бу нақш ҳошия безакларида кенг ишлатилади.

ДАРАХТ БАҚАЛАР (Dendrobates) — *думсиз амфибиялар* туркумининг уруғи. Тўмтоқбош бақалар оиласига мансуб. Бўйи 3—3,5 см. Териси ранг-баранг, чиройли. Тери безлари суюқ заҳар чиқаради. Асосан ўрмонлар ва сув бўйларида яшайди. Умрининг кўп қисми қуруқликда ўтади, сувга кам тушади. Д.нинг Марказий ва Жан. Америкада тарқалган 10 та тури бор. Бўёқчи, яъни жуда ўткир бўлиб, қатга йиртқич ҳайвонларни ҳам бир неча минутда ўлдиради.

ДАРАХТ БУТАШ — Қ. *Буташ.*


ДАРАХТ ЕЛИМИ, гумми — кўпчилик дарахт ва буталар пўстлоғининг шикастланган жойидан оқиб чиқадиган қотувчи шира, полисахаридлар комплекси (қ. *Акоқиё, Гуммиарабик, Елим оқиши*).

ДАРАХТ ҒЎЗА — *Ҳандахитой ғўзаси.*

ДАРАХТЛАРГА ШАКЛ БЕРИШ — *боғдорчилик* ва манзарали боғдорчиликда қўлланиладиган агротехнологик усуллардан бири. дарахт ва буталар шох-новдаларини *буташ*, сийраклатиш, қисқартириш йули б-н уларни муайян бир кўринишда устириш. Д.ш.б. дарахтнинг ҳаво, ер-ғулликлан яхши баҳраманд бўлиши, озиқ моддаларнинг ҳосилли новдаларда тупланиши, ҳосилдорликни ошириш ва мевалар сифатини яхшилашга имконият яратади. Шакл берилмаган дарахтлар кам яшайди ва кам ҳосил беради. Дарахтни устириш шакли жойнинг тупроқ-иқлим шароитларига, мева тури ва навининг биологик хусусиятларига қараб танланади. Дастлабки шакл бериш ишлари кўчатзорнинг иккинчи даласида бошланади, сўнгра боғда 6—8 йил давом эттирилади.

Дунё мамлакатлари боғдорчилигида Д.ш.б.нинг гоят хилма-хил турлари қўлланилади. Ўзбекистонда мева дарахтларининг кўпчилигига паст танали (асосий тана бал. 50—70 см) қилиб шакл берилади, натижада мева дарахтлари ҳосилга эрта киради, уларни парвариш қилиш, буташ, зараркунандаларга қарши кураш, ҳосилни йиғиб-териб олиш осонлашади. Хиёбонларга, йўлларнинг четларига ўтказиладиган дарахтларга баланд танали (150—200 см), анжир, анор, кўпгина паст бўйли пайвандтаг дарахтларга асосан бута (тана бал. 50 см) кўринишида шакл берилади.

Марказий тана ва асосий шохларнинг жойлашишига қараб Д.ш.б. погонали, сийрак погонали, косасимон, бутасимон ва б. бўлиши мумкин. Погонали шакл (олма, гилос, нок ва б. қўлланилади)да асосий шохлар танада поғоналаб жойлаштирилади, поғонада 3—5 талан шох бўлади. Сийрак поғонали шаклда (кўпчилик мева турлари учун қабул қилинган) дарахтда 5—8 та асосий ва 1—2 қўшимча шохлар қолдирилади. Косасимон шаклда кўчат боққа ўтказилиши б-н танадан чиққан 3—5 та шох 20—30 см узунликда қолдирилади, марказий тана қирқиб ташланади. Бу шаклда кўпроқ шафтоли, олча ўстирилади. Бутасимон шаклда (илдизидан ривожланадиган ўсимликлар — анор, анжир, туркман олмаси, смородина, малина ва б.) марказий тана бўлмайди, илдиздан 2—3 та мустақил тана ва улардан шох-шабба чиқарилади, таналар қариганидан кейин илдиздан чиққан янги тана б-н алмаштирилади. 1970-й.лардан бошлаб Ўзбекистонда Италияда (проф. Бальдосари) кашф этилган сунъий шакл бериш усулларидан бири — пальметта шакли (паст бўйли пайвандтаглардаги мева дарахтлари — олма, нокни шох-шаббага ясси шакл бериб, сўри ёки симбағазларда ўстириш) синаб кўрилди, лекин сермеҳнатлиги туфайли кенг ёйилмайди. Д.ш.б.нинг асосий тизимлари расмда берилган. Токка шакл бериш ҳақида *ток* мақоласига қ.



Дарахтларга шакл бериш: *а* — погонали; *б* — сийрак погонали; *в* — косасимон (1-йил); *г, д* — уч погонали ва беш бармоқли пальметталар.

Ад.: Рибаков А. А., Остроухова С. А., Ўзбекистон мевачилиги, Т., 1967; Собиров М., Томорқа боғдорчилиги, Т., 1991.

Султон Холназаров.

ДАРАХТЛАРНИ СИЙРАКЛАШ — қ. *Буташ.*

ДАРБАНД — РФ нинг Дағистон Республикаси жан.-шарқидаги шаҳар, Каспий денгизи бўйидаги порт. Т.й. станцияси. Аҳолиси 82 минг киши (1992). Д. — Дағистоннинг йирик саноат марказларидан бири. «Электросигнал», металл силлиқлаш станоклари з-длари, озиқ-овқат (жумладан вино тайёрлаш, мева консервалаш), жун йигириш ва гилам ф-калари, театр, ўлкашунослик, тарих-меъморлик музейлари бор. Д.дан Грознийга нефть қувури ўтказилган.

Д. 438 й.да тоғ ён бағридаги тепаликка қурилган Норинқалъа ҳарбий истеҳкоми сифатида вужудга келган. Кейинроқ қалъадан денгизгача параллел қурилган 2 ноёб тош девор оралиғида шаҳар кенгая борди. Хусрав I Ануширвон б-а. ўрталарида қурдирган бир неча дарвозали, минорали деворлар Кавказ тоғлари б-н денгиз оралиғидаги камбар (3 км) йўлакни шим. ва жан.дан тўсиб турган ва ўрта асрларда муҳим ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга бўлган. Д.да уйлар тошдан қурилган. Кейинроқ бозор майдонида жоме масжиди барпо қилинган. Д. номи 7-а.дан бошлаб учрайди. 627 й. қалъани хазарлар эгаллаган. Шаҳар 7—9-а.ларда Араб халифалигига кирган ва мусулмон оламининг энг чекка қалъаси ҳисобланиб, Каспий денгизи соҳилидаги йирик порт шаҳар сифатида маълум бўлган. Ташқарига зиғир газлама ва рўян чиқарилган. 10-а.да султонлик пойтахти. 13-а.да мўғуллар вайрон қилган. Бу даврда шаҳар мўғулча Қаҳлага, туркча Темир Қапиғ деб аталган. Тўхтамишхон Д.да ўз номидан танга зарб қилдирган. Амир Темур Тўхтамишхонга қарши урушганда ва орқага қайтишда Д.да бўлган (1395—96). Шаҳар 15-а. ўрталарида тушкунликка учраган. 1509 й.дан Эрон таркибида, 1578—1606 й.ларда Туркия таркибида бўлган; Эрон шоҳи Аббос даврида денгизда тош минора қурилган. 1722 й.да Россия босиб олган, 1735 й.да яна Эронга ўтган. 1747 й.дан Дарбанд хонлигининг пойтахти. 1765 й.дан Куба хони Фатхалининг қароргоҳи. 1796 й. Д.ни яна Россия эгаллаган, 1806 й. қайта босиб олган. Д. эски ва янги (19—20-а.ларда қурилган) даҳадан иборат. Меъморий ёдгорликларидан Жоме масжиди мажмуоти (8—14-а.лар) ва мадраса (15—19-а.лар), Минорали масжид (14—19-а.лар), Қирқлар масжиди (17-а.), қад. карвонсаройлар, равоқ гумбазли ҳаммомлар (17—18-а.лар), хон мақбараси (18-а.), Норинқалъа қолдиқлари, деворнинг айрим қисмлари ва б. сақланган.

Ад.: Хан-Магомедов С. О., Дербент. М., 1958.

Абдуқаюм Абдураҳимов.

ДАРБАНД (форс. дар — эшик, дара; банд — мустаҳкам, берк, тугун, тўсиқ) — 1) икки тоғ орасидан, дарадан ўтган йўл. Сурхондарё вилоятидаги *Бузғалахона* дараси Дарбанди оҳанин (қ. *Дарвозаи оҳанин*) деб аталган. Дағистон Республикасидаги *Дарбанд* ш. номи ҳам Д. сўзидан олинган; 2) эски адабиётларда: чегара, ҳад, баъзан қалъа, чегарадаги истеҳком.

ДАРБАНД ДЕВОРЛАРИ — *Дарбанд* ш. (Дағистон Республикаси) ва қалъасини ўраб олган 2 қад. тош девор харобалари. Деворларидаги паҳлавий ёзувларига кўра, мил. 567 й.да бино этилган. Жан. томондаги девордан 4 дарвозаси ва 3 буржи бўлган кичик бир қисм сақланиб қолган. Шим. томондаги девор эса 3 дарвозаси ва 30 буржи б-н қарийб тўла сақланган. Деворларнинг уз. 40 км дан ортиқроқ, ўртача бал. 6,5 м бўлган. Д. д. ғарб томондан Норинқалъа истеҳкомига бориб уланади.

ДАРБАНД ХОНЛИГИ — Жан. Дағистонда 1747—1813-й.ларда мавжуд бўлган хонлик. 1796 й. Д. х. ҳудуди рус қўшинлари томонидан эгалланган. 1813 й.ги Гулистон тинчлик шартномасига биноан узил-кесил Россия таркибига қўшиб олинган.

ДАРБАНДИЯ, дарбанди — Шим. Озарбайжондаги тарихий вилоят. *Ширвон* ҳукмдорлари сулоласи (1382—1538). Сулола асосчиси — *Иброҳим I,* унинг аждодлари Дарбанд ш.нинг ҳокимлари бўлган (сулола номи шундан олинган). Иброҳимнинг ворислари — ширвоншоҳлардан Халил (Халилуллоҳ) I (1417—62) ва Фаррух-Йосор (1462—1501) даврида Ширвон ўз мустақиллигини сақлаб қолган. *Сафавийлар* давлатининг кучайиши оқибатида ширвоншоҳ Шайхшоҳ (1502—24) 1519 й.да ўзини сафавийларга вассал эканлигини тан олган. 1538 й. Эрон шоҳи Тахмасп I қўшинлари Ширвонни эгаллаб, ширвоншоҳ Шоҳрухни тутиб, қатл этган. Ширвон ҳукмдори этиб Тахмаспнинг укаси Алкас Мирзо тайинланган.

ДАРБОЗИЙ, дарбози — хона синчкори шифти тузилишининг фазовий ҳажмли бир тури. Бир неча устма-уст поғонадан ташкил топган мураккаб ҳовузакли шифт. Бунда ёғоч хариларни турли шаклда териб, асоси тўртбурчак ва кўпбурчакли пирамида шаклида юқорига қараб торайиб борувчи гумбазсимон шифт ҳосил қилинади, тепасидан ёруғлик ва ҳаво учун тешик — туйнук қолдирилади. Д. усулидаги гумбазсимон шифтлар тоғлик жойлардаги бинолларда кўпроқ учрайди.

ДАРБОН (форс.— дарвозабон, эшик соқчиси) — 1) ўрта асрларда Ўрта Осиёда эшик ёки дарвоза соқчиси, дарвозабон. Қўрғон, қалъа ёки шаҳар дарвозалари белгиланган вақтда Д.лар томонидан очилган ёки ёпилган. Д.лар дарвозадан кирувчи ёхуд чиқувчиларни назорат қилган. Дарвоза олдида кишилар, от-аравалар тўпланиб қолишининг олдини олган. 2) Бухоро амирлигида сарой хизматчиси; Бухоро ҳаётини зимдан кузатиб, пойтахт хавфсизлигини таъминлаб турувчи ҳарбий қисм ва тегишли қурол-яроғлар мутасаддиси (бошқарувчиси). Д. ихтиёрида зиндон ёки Аркда қамалган маҳбуслар ҳам бўлган; амирлик учун хавфли ҳисобланган жиноятчиларни сўроқ қилган. Д. тўпчибоши ёки «тўпчи бошийи Арки олий» ҳам деб аталиб, *қушбеги* б-н иккаласи ҳар қандай вазиятда ҳам Аркни тарк этмасликлари лозим бўлган.

ДАРВЕШ АЛИ (15-а.) — шоир, хаттот, табиб. Форс тилида ижод қилган. Муаммо, қасида ва рубоийлар ёзган.

Шеърлар девони ҳали топилмаган. Навоий «Мажолис ун-нафоис»да Д.А. ҳақида «...табобатқа машғулдур ва бу фаннинг ҳозиқ ва моҳирлари анинг табъин таъриф қиладурлар. Муолижасин ҳам кўрганлар укодурлар. Табъи ҳам яхшидур. Аммо муаммоға кўпрак машғулдир», дейди. Д. А. *Жомий* «Баҳористон»и, Навоий «Чор девон»ининг 1-ва 2-китобларини, Муҳаммад Тоҳир *Ғаззолий*нинг «Маърифат ул-мазоҳиб» рисоласини настаълиқ хатида кўчирган. Бу дастхатлар Ўзбекистон ФА Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фондида сақланади (инв. № 2227, 4007, 7701, 3376).

ДАРВЕШ МАНСУР (15-а. Сабзавор) — шоир ва адабиётшунос. Яҳё *Себак* ҳамда ўз даврининг тасаввуф олими Ҳофиз Али Жомийдан дарс олган. Аруз илми ва илми бадеъ бўйича Навоийнинг устози. Аруз ҳақида 2 рисола ва қасидаси бор. Шеърлари ишқий ва фалсафий мавзуда. «*Мажолис ун-нафоис*», «Радойиф ул-ашъор» (*Фахри Хиротий*), «Ҳабиб ус-сийар» (*Хондамир*) асарларида шеърларидан намуналар сақланган. Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида Д. М. ижодига юксак баҳо берган.

ДАРВЕШ МУҲАММАД (15-а.) — миниатюрачи рассом. Мусаввир Шоҳ Музаффар ва Камолиддин *Беҳзод*нинг шогирди. Ҳиротда, кейинчалик Хиндистонда яшаб ижод қилган. У кўчириб безаган Саъдийнинг «Гулистон» асари қўлёзмаси Эрон давлат кутубхонасида сақланади. Шогирди Мирзо Муҳаммад Ҳайдар «Тарихи Рашидий» асарида устозининг асарлари (мас., Найзасининг учида шерни кўтариб турган суворий) ҳақида тўхталиб ўтган.

ДАРВЕШ МУҲАММАД ибн Дўстмуҳаммад Бухорий (16-а.) — хаттот, ҳуснихат назариётчиси. Форс тилида битган «Фавоиид ул-хутути» («Хатлар фойдалари») рисоласининг 4 нусхаси ЎзФАШИ жамғармасида (инв. № 2617, 2606, 2383, 9038) сақланади. Асар 2 қисмдан иборат бўлиб, 1-қисмида ёзувнинг пайдо бўлиши, хат усули яратувчиларининг таржимаи ҳоли, араб ёзувининг 14 хил усули ва уларнинг келиб чиқиши, атамалар ва уларнинг этимологияси ҳақида маълумот берилган; 2-қисмида хат турларидан сулс, тавқе, райҳон, насх, риқо, ғубор ва б. усулларининг тавсифи ва ёзилиш қоидалари баён қилинган ҳамда ҳар бир ҳарфнинг ёзилиш қоидалари тушунтирилган. Мазкур рисола Марказий Осиёда яратилган ҳусниҳат санъати ҳақидаги энг муҳим қад. асарлардан.

ДАРВЕШ МУҲАММАД ТАРХОН (?—1496) — *темурийлар*дан Султон Аҳмад Мирзо (1451—94) нинг нуфузли амири, йирик ер эгаси. Ўрда Буғо Тархонларнинг ўғли. Бухоро ҳокими. Арғин қабиласидан. Султон Аҳмад Мирзо ва Султон Маҳмуд Мирзонинг тоғаси бўлган. Алишер Навоий Самарқандда таҳсил олаётган пайтда (1466—69) Д.М.Т. унга ҳомийлик қилган. Самарқанд ёнида Д.М.Т. нинг чорбоғи бўлган. *Бобур* ва *Биноий* берган маълумотларга кўра, тарихчи *Муҳаммад Солиҳ* 15-а. 90-й.ларининг «Маърифат ул-мазоҳиб» (Р—3376, 16-а. бошлари), Абдураҳмон Жомийнинг «Баҳористон» (Р—3376/1, 15-а. охири), Муҳаммад Тоҳирий Ғаззолийнинг «Хамса»си (Дорн 338, 1482 й.) асарлари; Санкт-Петербург-даги Салтиков-Шчедрин номидаги омавий кутубхонада Низомий Ганжавийнинг «Хамса»си (Дорн 338, 1482 й.), Истанбуллаги Тўпқопу саройи кутубхонасида Алишер Навоийнинг ҳаётлигида тартиб берилган мўътабар «Кулиёт»и (26 асарни ўз ичига олган, 802 варақдан иборат) расмли қўлёзма китоби (Р-808, 1497—1500 й.лар) сақланади.


ДАРВЕШАЛИ (15-а. ўртаси — 16-а.бошлари, Ҳирот) — Балх ҳокими (1482—90). *Алишер Навоий*нинг укаси. Навоий вазирлик вақтида (1472) унинг китобдори бўлган. 1482 й. амирлик унвони берилади ва у Султон *Ҳусайн Бойқаро*нинг вояга етмаган ўғли Иброҳим Ҳусайн номидан Балхни идора қила бошлаган. Д. Мажидлдин ва унинг тарафдорлари томонидан Алишерга қарши қилинаётган бўҳтон ва адолатсизликлардан норози бўлиб, 1490 й. Ҳисор ҳокими Султон Маҳмуд қутқуси б-н Султон Ҳусайн Бойқарога қарши бош кўтарган. Султон Ҳусайн Бойқаро Навоийга «агар Дарвешали ярашса, уни ўзимга энг яқин киши қиламан, ҳеч қандай жазога мустаҳиқ қилмайман», деган бўлсада, Д. табъа қилиб келганда, уни султон фармонини қалбакилаштиришда айблаб, зиндонга солдирган. 1494 й. Д. Маккага ҳажга боришга рухсат олади. Қайтиб келгач, 1498 й. Султон Ҳусайн Бойқаро, ўғли Марв ҳукмдори Абул Муҳсин Мирзо ҳузурига Д.ни элчи қилиб жўнатади. Навоий вафотидан (1501) сўнг Д. *Бобур* хизматига ўтади. 1511 й.да Бобур Самарқандини олганда Д. у б-н бирга бўлган. Унинг шундан кейинги тақдири номаълум.

ДАРВЕШХОН, Дарвеш султон (?—1578 й.лек.) — Тошкент ва Туркистон ҳокими (1556—78). *Шайбонийлар*дан. *Бароқхон* (Наврўз Аҳмадхон) нинг тўнғич ўғли. *Суюнчхўжахон*нинг набираси. Укаси Бобо султон б-н биргаликда Мовароуннаҳрда ҳукмрон бўлиш учун Бухоро хони *Искандархон* ва Абдуллахон II га қарши урушлар олиб борган. Хусусан, 1557 й. Илонўтти мавзеида Абдуллахон б-н жанг қилган, унда Абдуллахон Д.га ёрдамга ошиқкан Бобо султон қўшинини Д. б-н бирлашишига йўл қўймай, уларни алоҳида-алоҳида енгган. Д. бу маглубиятдан сўнг бир мунча вақтгача Абдуллахон б-н иттифоқликда бўлган, жумладан, Абдуллахон II нинг Хуросонга қилган юришида (1567) Д. ўз биродари (укаси) Тоҳир султонни кўп қўшин б-н ёрдамга юборган. Бироқ Бобо султон Абдуллахонга бўйин эгмай курашини давом эттирган, у 1578 й. қишида Тошкентда исён кўтариб Д.ни қатл этган. Бундан хабар топган Абдуллахон Д.нинг ўчини олиш баҳонасида Тошкентга юриш қилиб, Чирчиқ жангида (1579 й. 18 апр.) Бобо султон қўшинини тор-мор келтирган. Бобо султон Туркистонга қочиб кетган.

Манба: Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий. Абдулланома. 1- ва 2-китоб. Т., 1999—2000.

Ад.: Ахмедов Б.А., История Балха. Т., 1982; История Узбекистана, т.3. Т., 1993; Материалы по истории казахских ханств XV—XVIII веков. Алма-Ата. 1969.

ДАРВИН (Darvin) Чарлз Роберт (1809.12.2, Шрусбери ш. — 1882.19.4, Лондон яқинидаги Даун қишлоғи) — инглиз табиатшуноси, ҳайвон ва ўсимлик турларининг табиий танланиш йўли б-н келиб чиққанлиги ҳақидаги эволюцион таълимот асосчиси (қ. *Дарвинизм*). «Бигл» кемасида табиатшунос сифатида дунё саёҳатига чиқиб (1831—36), зоология, ботаника, геол., палеонтология, антропология ва этн. соҳасида кузатишлар олиб борди. Шу кузатишлар асосида биол. ва амалий селекциянинг замонавий ютуқларига асосланиб органик дунё эволюциясининг асосий омилларини очиб берди. Д. «Турларнинг келиб чиқиши» асарида ҳайвон ва ўсимлик турларининг келиб чиқиш, ривожланиш сабабларини ва атроф муҳитга мосланишини таҳлил қилди. «Одамнинг пайдо бўлиши ва жинсий танланиш» асарида (1871) одамнинг маймунсимон аждодлардан келиб чиққанлигининг биологик ва ижтимоий шарт-шароитларини илгари сурди.



ДАРВИН — Австралиянинг шим. қисмидаги шаҳар. Шим. ҳудуднинг маъмурий маркази. Аҳолиси 88,1 минг киши (1999). Тимор денгизи соҳилидаги порт. Шоссе ва т. й. орқали Порт-Огаста ш. ва мамлакат жанубий б-н боғланган. Халқаро аэропорт бор. Етакчи саноат тармоғи — озиқ-овқат саноати (гўшт ва балиқ консерваси и.ч.). Тахта тилиш корхоналари, авиация ва т.й. устахоналари мавжуд. Аҳолининг бир қисми балиқ овлаш б-н шуғулланади. Д. яқинидан мис рудаси олинади. Шаҳарга 1869 й.да асос солинган ва инглиз олими Ч. *Дарвин* номи б-н аталган.

ДАРВИНИЗМ — органик дунёнинг тарихий ривожланиши тўғрисидаги Ч. *Дарвин* асос солган илмий дунёқараш. Дарвин кўрсатишича, ирсий ўзгарувчанлик ва табиий танланиш эволюциянинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари ҳисобланади. *Ўзгарувчанлик* организмлар тузилиши ва функциясида янги белгиларнинг ҳосил бўлишидан иборат. *Ирсият* орқали бу белгилар наслдан наслга ўтади. Яшаш учун кураш туфайли муҳит шароитига энг яхши мослашган белгига эга бўлган индивидлар яшаб, насл қолдиради, яъни табиий танланиш юз беради. *Табиий танланиш* натижасида янги турлар пайдо бўлади. Шунинг б-н бирга организмларнинг ташқи муҳитга мосланиши нисбий хусусиятга эга. Дарвин ишларидан мустасно тарзда инглиз биологи А. Уоллес ҳам худди шундай фикрга келган. Д.нинг ривожланиши ва тарғиб қилинишига инглиз табиатшуноси Т. Гексли (1860 й.да «Д» терминини таклиф этган), немис олимлари Ф. Мюллер ва Э. Геккель, рус олимлари акаука А.О. ва В.О. Ковалевскийлар, отабола Н.А. ва А.Н. Северцовлар, И.И. *Мечников*, И.И. Шмальгаузен ва б. катта ҳисса қўшган. 20-а.нинг 20—30-й. ларида классик Д.нинг генетика фани ютуқлари б-н уйғунлаштирилиши туфайли синтетик эволюцион таълимот шакллана бошлади. Д. яхлит таълимот сифатида биол.да революцион бурилиш ясади; креационизм, витализм ва лаксизмга зарба берди; 19-а.нинг иккинчи ярмида табиий ва ижтимоий фанлар ва умуман маданиятнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Шунга қарамасдан Дарвин тириклигидаёқ эволюцияда табиий танланишни инкор этувчи ёки унинг таъсирини чеклашга ҳаракат қилувчи турли оқимлар пайдо бўла бошлади. Эволюциянинг асосий муаммолари бўйича баҳслар замонавий биол. фанида ҳам давом этиб келмоқда.

ДАРВИШ Маҳмуд (1941.13.3, Акка ш. — 1966 йил 9 август, Бейрут ш. яқинидаги Барва қишлоғи) — фаластинлик араб шоири, жамоат арбоби, журналист. Ёшлиги Хайфада ўтган. Фаластин халқи озодлиги ҳақидаги шеърлари учун исроиллик тажовузкорлар томонидан бир неча бор қамалган. 1971 й.да ватанидан чиқиб кетишга мажбур бўлган. Қоҳира, Байрутда яшаган. Ижоди асосан ватан озодлиги учун кураш мавзуида («Қанотсиз қушлар», «Зайтун барглари», 1961; «Фаластинлик ошиқ», 1966; «Туннинг охири», 1969; «Одатдаги ғамгин кунлар», 1973; «Овоз», 1980 ва б.). Шеърлари ўнлаб хорижий тилларга, жумладан, ўзбек тилига ҳам таржима қилинган. Д. «Нилуфар» халқаро адабий мукофоти лауреати (1969).

ДАРВИШ АҲМАД ҚОНУНИЙ (15-а., Самарқанд) — созанда (қонун, чанг, рубоб), хонанда, бастакор. Машҳур Ҳофиз Кичик, Султон Аҳмад Нойи кабилар б-н бирга кўпроқ Хўжа Аҳрор ийғинларида ижод этган. Машқлари Самарқанд мусиқа шинавандаларига кучли таъсир қилган. Халқ сайиллариda фаоллик кўрсатгани учун Хўжа Аҳрор томонидан қимматбаҳо совғалар б-н тақдирланган.

ДАРВИШ БЎЗГАЛА Самарқандий (16-а.нинг охири — Самарқанд — 17-а.нинг боши) — созанда, хонанда, бастакор. *Амир Али Акбар Самарқандий*нинг таниқли шогирдларидан. Мақом йўлларида кўплаб *савт, амал, пешраw* ва *талқин* яратган. *Дарвишали Чангий* ўзининг мусиқа рисоласида Д. Б.нинг юксак маҳорат соҳиби эканлигини бир неча бор қайд қилади.

ДАРВИШ МАҚСУД АНДИЖОНИЙ (15-а.нинг охири, Андижон — 16-а., Бухоро) — созанда, бастакор. *Ахийи Ҳиравий*нинг шогирди. Мусиқий истеъдоди Ҳиротда камолга етган. Шайбонийхон Ҳиротни олгач (1507), Ҳофиз Ушшоқий, Хожа Бобойи Чангий, Хожа Ҳамзаий Тошкандий, Ҳофиз Мироқий Бухорий ва Ҳофиз Боқий Рўдий сингари машҳур санъаткорлар б-н бирга Д.М.А.ни ҳам Бухорога олиб кетган. *Дарвишали Чангий*нинг мусиқа рисоласида Д.М.А. — Жомий ғазалларига кўпгина *савт* ва *нақш*лар басталаганлиги қайд қилинган.

ДАРВИШ ШАЙХИМ ҚАЛАНДАРИЙ (15-а.нинг охири, Ҳирот — 16-а., Балх) — созанда, хонанда, бастакор. *Дарвишали Чангий* ўз рисоласида унинг хушовозлилигини юксак баҳолаган. Д.Ш.Қ. «Наво даштининг хушхон булбули» номи б-н машҳур бўлган. Шайбонийлардан Кисри Қора Султон Ҳиротни ишғол этгач, Д.Ш.Қ. Балхга кўчган (1506). Балх ҳокими Пирмуҳаммад Султон Сегоҳ йўлидаги *нақш*ларига мафтун бўлиб, унинг шуҳратига шуҳрат қўшган. Д.Ш.Қ. асарларига устод Абдуллоҳ Нойи, Ҳофиз Қонуний, Устод Илёс Нойи, Устод Поёндаий Қобузий, Устод Муҳаммад Сурнойи, Устод Ўзбек Ғижжакий ва б. ҳам юқори баҳо беришган.

ДАРВИШАЛИ ЧАНГИЙ (тўла исми: Дарвиш Алийи Чангий ал-Хоқоний ибн Мирзо Али Чангий ибн Абдулали Қонуний ибн Хўжа Абдулло Муҳаммад Марварид; 16-а., Ҳирот — 17-а.нинг 20-й.лари, Бухоро) — мусиқашунос, бастакор, созанда, ҳофиз ва шоир. Ёшлигидан мусиқага қизиқиб, Хожагий Жаъфар Қонуний, *Али Дўст Нойи, Амир Масти Қобузий,* Ҳасан Кавкабийлардан таълим олган. Моваруннаҳр ва Хуросон маданий марказлари (Бухоро, Балх, Андижон, Кеш, Самарқанд каби шаҳарлар)да яшаб ижод қилган. Шеърларини Чангий тахаллуси б-н ёзган. Бир қанча қасида, ғазал, рубоийлари ва «Рисолаи мусиқий» асарлари бизгача етиб келган [«Рисолаи мусиқий»нинг 1-нусхаси, 1572; 2-нусхаси «Туҳфатус-сурур» («Шодлик армуғони») номи б-н ҳам машҳур, тахм. 1611, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади, инв. №№ 449, 468]. Мазкур рисола 16—17-а.лар мусиқа маданиятининг асосий манбаи сифатида катта илмий аҳамиятга эга. Форс тилидаги 12 бобдан иборат бу қўлёзма *Жомий* ва *Кавкабий* рисолалари ҳамда Ҳусайн Охун, Имом Кулий Удий, Зайтун Ғижжакий каби мусиқа устодларининг асарларидан тўпланган маълумотлар

асосида ёзилган. Муаллиф Амир *Хусрав Деҳлавий*нинг мусиқий қарашларини ҳам ўз асарига киритган. Унда 16—17-а.лардаги мусиқа ҳаёти, бастакорлик санъати, мусиқа созлари, мусиқий-назарий (*Ўн икки мақом, ийқоъ* ва б.) ва ижрочилик масалалари ўзининг ифодасини топган. Рисоланинг тарихий боблари адабий тазкиралар услубида ёзилиб, Мовароуннаҳр ва Хуросон мусиқа арбобларининг таржимаи ҳоли, афсонавий ва тарихий шахслар (подшоҳ Баҳром ва Дилором Чангийдан бошлаб, Фирдавсий, Рудакий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, султон Ҳусайн Бойқаро ва ўзининг ҳамасрлари)га бағишланган. Д.Ч. улуғ бастакор сифатида *нақш, амал, савт, пешрав* шаклидаги куйлар яратган.

Ад.: Семёнов А.А., Среднеазиатский трактат по музыке Дервиша Али (XVII в.), Т., 1946.

Дилбар Рашидова.

ДАРВИШЛИК — қ. *Қаландарлик.*

ДАРВОЗ ТИЗМАСИ — *Помир*нинг ғарбий қисмидаги тизма. Обихингов, Панж ва Ванч (Панж ҳавзаси) дарёлари оралиғида. Шим.-шарқдан жан.-ғарбга 200 км чўзилган, шим.-шарқда Фанлар академияси тизмасига туташ. Д. т. палеозой ва мезозойнинг оҳактош, қумтош, гилли сланец, конгломерат, шунингдек, кристалли сланец ва гранитлардан таркиб топган. Тизманинг шарқий қисми баланд (6083 м), тепаларида музлик кўп. Музликларнинг умумий майд. 420 км², айрим музликларнинг уз. 12—15 км. Тизманинг ғарбий қисми паст (3000—3700 м) бўлиб, ён бағирларида дашт ўсимликларидан шўра-шувоқ, чалов-шувоқ-бетага, айрим жойларда дарахт ва буталар ўсади. Шим. ён бағирларида зарангзор, ёнғоқзор, жан. ён бағирларида арчазор, бодомзорлар бор. 3500—3700 м дан юқорида субальп ва альп ўтлоқлари учрайди. 4200—4500 м дан юқори қисмлари доимий қор ва музликлар б-н қопланиб ётади. Бу ерларда архар ва бурама шохли такалар яшайди.


ДАРВОЗА — шаҳар, қалъа, сарой, қўрғон, ҳовли ва б.нинг кириш жойига ўрнатиладиган катта эшик, қопқа. Қадимда Ўрта Осиё шаҳарларининг атрофи қалъабанд мудофаа деворлари б-н ўралган бўлиб, бир нечтадан Д.лари (мас., Тошкентнинг 12 та, Бухоронинг 11 та, Хиванинг 10 та Д.си.) бўлган. Д.лар одатда арча, қайрағоч дарахтлари ёғочидан ясалиб, усти темир ҳошия б-н қопланган, турли зулфинлари бадиий нақшлар б-н безатилган. Д.ларнинг юқори қисми кўпинча панжарали бўлган.

ДАРВОЗА — тоғларнинг сертепа ерларидаги тор йўлак, водий. Темир дарвоза (*Темир қапиғ*), Дунай дарёси водийсидаги қисиқ ва б. Дарёларнинг оқимига кўндаланг тоғларни кесиб ўтиши натижасида ҳосил бўлади. Баъзан тектоник ёриқларда вужудга келади. Шундай жойлар, одатда, гидротехник иншоотлар (ГЭС, сув омбори, шлюз ва ш.к.) қуриш учун қулай (яна қ. *Дарбанд*).

ДАРВОЗАБОН — шаҳар, қалъа, сарой кабилар эшигини қўриқловчи шахс (қ. *Дарбон*).

ДАРВОЗАИ ОҲАНИН, Дарбанди оҳанин, Оҳанин дарвозаси — ўтмишда Ўрта Шарқ мамлакатлари, хусусан, Мовароуннаҳрдаги бир қанча шаҳарларнинг мудофаа деворларидаги, шунингдек, тор тоғ дараларидаги темир дарвозаларнинг форсча номи (яна қ. *Темир қапиғ*).

ДАРВОЗАХОНА, далон — маҳобатли қалъабанд иншоотларда, уй-жой меъморлигида кўча (ташқари)ни ҳовли б-н боғловчи усти берк махсус хона. Ён томонларида супача ёки охурлар бўлиши мумкин. Қадимда шаҳар ва қалъа деворларига уйғунлаштириб қурилган. Унда соқчи, дарвозабон ва б. учун махсус ҳоналар ва атрофни кузатиш учун миноралар қурилган. Ўрта аср шаҳар Д.си ташқарисида карвонсарой, бозор ва ҳаммомлар жойлашган (қ. *Боғча дарвоза, Кўш дарвоза, Тош дарвоза*). Жамоат бинолари (мадраса, масжид ва б.)да Д. пештоқли, *миёнсарой*ли қилиб қурилган. Қишлоқ кўрғонлари Д.си олдида кўпинча ҳовуз, қудуқ, чорбоғлар бўлган.



Кўҳна арк (Хива)нинг шарқий дарвозаси.

ДАРВОЗАҚИРЛИКЛАР ЧАЙЛАСИ — Зарафшон дарёсининг қуйи ҳавзасида неолит даври (мил. ав. 4—3-минг йиллик)да яшаган овчи қабилаларининг манзилгоҳи. Ў. *Исломов* томонидан очилган (1961). Бир неча маданий қатламдан иборат. Чайлалардан бирининг бурчакларидан 4 каттагина чуқурча (устунлар ўрни) топилган. Чайланинг эшиги шарққа — кўлга қараган, ўчоқлар ташқаридаги майдонда бўлган. Чайлалар енгил ишланган бўлиб, 81 м² майдонни эгаллаган, унда 30—35 кишидан иборат бир уруғ жамоаси жойлашган. Топилган ҳар хил ҳайвон ва қуш суяклари Д.ч.да одамлар ов б-н шуғулланганини кўрсатади. Кундалик ҳаётда тошдан ясалган қуроллар муҳим роль ўйнаган. Чақмоқтошдан микролит пичоқ, қирғич, бигиз, ёғоч йўниш қуроллари, ўқ-ёй учлари, пармалаш қуроллари, болға ва тош болталар, қимматбаҳо тошлардан тумор ва мунчоқлар тайёрланган. Дарвозақириклар-нинг сопол идишлари анча мустаҳкам, ости ясси, тухумсимон шаклда бўлиб, сиртига турли хил нақшлар солинган. Д.ч. ёдгорликлари баъзи хусусиятлари б-н Хоразмдаги *Калтаминор маданияти*га ўхшаб кетади.

ДАРГОМИЖСКИЙ Александр Сергеевич (1813.2.2, Тула губерняси — 1869.5.1, Петербург) — рус композитори, Россия композиторлик мактаби асосчиларидан. Д. асарларида ижтимоий, ҳажвий ва лирик-фалсафий мавзулар илгари сурилган. «Сув париси» (Пушкиннинг шу номли асари асосида, 1855) операсида янги — халқчил психологик мусиқий драматургия юзага келди. «Тош меҳмон» операсида мажнун жанрнинг ислоҳоти давом эттирилган. Д.нинг романсларида янгича шакллар ривож топди: лирик-драматик монолог, баллада, ҳажвий-танқидий ва маиший мавзулардаги қўшиқ ва б. Вокал услубини янгилаш йўлида Д. *речитатив* ифодавийлигини ҳар бир сўз маъносидан келиб чиққан ҳолда бойитган. Д.нинг романс, қўшиқ ва опералари, симфоник оркестр учун яратилган «Ялмоғиз кампир» ҳажвий фантазияси Ўзбекистонда кенг ижро этилмоқда.

ДАРГОҲ, даргаҳ — 1) бўсағa, остона, уй ва ҳовли-жой, макон; 2) ўрда, қаср, сарой.

ДАРД ТИЛЛАРИ — тиллар гуруҳи. Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистоннинг туташ ҳудудларида тарқалган. Д.т.нинг ҳинд-эрон тиллари таркибига киради, ҳинд ва форс тилларига нисбатан оралиқ тиллар ҳисобланади. Учта кичик гуруҳга ажралади. Улар орасида кенг

маълум бўлганлари — кашмири, шина, кўҳистон тиллар гуруҳи (шарқ, кичик гуруҳ); кховар, калаша, пошшойи, тирахи, гавар, вотипури ва б. (марказий кичик гуруҳ); ашкун, прасун, вайгали, кати, дамели (ғарбий кичик гуруҳ, кўпинча кофирий деб юритилади). Фонетикасида консонантлик устун. Нафас чиқариш б-н талаффуз этиладиган (ғарбий кичик гуруҳдаги 4 тил бундан мустасно), димоғда талаффуз этиладиган ва баъзиларида юмшоқ талаффуз этиладиган ундош товушлар мавжуд. Ёзуви фақат кашмири алифбоси асосида.

ДАРД ТУТИШИ — туғруқ бошланганидан далолат берадиган белги; кўзи ёрийдиган аёл қорин пастида ва бел соҳасида маълум вақт оралиғида қайта-қайта такрорланадиган ва тобора кучаядиган оғриқ сезади, бунда бачадон қисқараётган бўлади. Д. т. дастлаб сust бўлиб, анча вақтдан кейин такрорланади, аёлни айтарли безовта қилмаслиги ҳам мумкин (*ушоқ дард*). Кейинроқ бориб бачадон қисқаришлари мунтазам такрорланиб туради; бир қисқариш б-н иккинчи қисқариш ўртасидаги давр камаяди, ҳар 5—6 мин.да такрорланиб туради ва ҳар бир қисқариш узоқроқ (30—40 сек.) давом этади (*чор дард*). Дард тутганда бачадон бўйни очилади, бу ҳомиланинг туғилиши учун зарур шартлардан бири. Д. т. — ихтиёрдан ташқари бўлади, аёл уни қайтара олмайди.

ДАРДАНЕЛЛ БЎҒОЗИ (туркча Чаноққалъа бўғози, юн. Геллеспонт — Геллар денгизи) — Европа (Болқон я. о.) б-н Осиё (Кичик Осиё я. о.) ўртасидаги бўғозлардан бири. Мармар ва Эгей денгизларини қўшиб туради. Д. б. аслида дарё водийси бўлиб, қуруқликнинг чўкиши натижасида денгиз бўғозига айланган. Уз. 120,5 км, эни 1,3—27 км, чуқ. 29—153 м. Қирғоқлари қумтош, оҳактошлардан таркиб топган бўлиб, сийрак ўсимлик б-н қопланган. Шим.-шарқдан жан.-ғарбга оқадиган юза оқим Мармар денгизидан чучукроқ (шўрлиги 25,5‰) сув олиб кетади, тезлиги 2—6 км/соат. Жан.-ғарбдан шим.-шарққа оқадиган сув ости оқими Эгей денгизидан шўр (шўрлиги 38,5‰ гача) сув келтиради. Д. б.нинг Европа соҳилида Гелиболу, Осиё соҳилида Чаноққалъа портлари жойлашган (Д. б.нинг халқаро-ҳуқуқий ва иқтисодий аҳамияти ҳақида *Қора денгиз бўғозлари* мақоласига қ.).

ДАРЁ — табиий ўзанда доимий ёки мавсумий оқадиган ва дарё ҳавзасидаги ер усти ва ер ости сувлари ҳисобига тўпланадиган сув оқими. Д.ларни қуруқлик гидрологиясининг дарёлар гидрологияси бўлими ўрганади.

Ҳар бир Д. нинг манбаи ва денгиз, кўлга қуйиладиган ёки бошқа Д. б-н кўлга қуйиладиган жойи — мансаби кўшилиб кетадиган жойи — мансаби бўлади. Манба сувайиргичга яқин жойлашган бўлади.

Бевосита океан, денгиз, кўлга қуйиладиган ёки кумга сингиб кетадиган Д. бош Д. ҳисобланади, бош Д. га қуйиладиган Д. — ирмоқ деб аталади. Бош Д. барча ирмоқлари б-н бирга *дарё системаси*ни ҳосил қилади. Д.лар кўпинча кўл, ботқоқлик, булоқ ва музликлардан бошланади. Мас., Ўрта Осиёдаги Панж, Вахш, Зарафшон ва Норин каби Д.лар музликлардан, РФдаги Нева, Свирь, Ангара сингари Д.лар кўллардан, Белоруссия, Украина, Ғарбий Сибирдаги аксарият Д.лар ботқоқликлардан бошланади. Қуруқ ва иссиқ иқлимли ўлкалардаги Д.лар кўпинча суви бугланиб ва кумга сингиб тугайди ёки ҳамма суви суғоришга сарф бўлади, жумладан Ўрта Осиёдаги Д.ларнинг айримлари маълум бир жойга қуйилмасдан тугаб қолади (Зарафшон, Қашқадарё, Чу ва Туркманистондаги Д.лар). Д. системаси ўзининг сувини йиғиб оладиган қуруқлик юзаси сув йиғиладиган майдон деб аталади. Ер сиртининг Д. системаси жойлашган ва б. сувайиргичлар б-н чегараланган қисми Д. ҳавзаси дейилади (қ. *Дарё ҳавзаси*).

Ўзбекистондаги Д.лар, асосан, тоғлардаги қор ва музликлардан ҳамда ёмғир сувларидан тўйинади. Ўзбекистон ҳудудини кесиб ўтувчи энг катта сув артериялари бўлмиш Сирдарё ва Амударё ҳамда уларнинг ирмоқлари Ўзбекистондан ташқарида бошланади. Ўзбекистоннинг йирик Д.лари: Норин, Қораларё, Сўх, Чирчиқ, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Шерободдарё. Уларнинг кўпчилиги фақат ўрта ва қуйи оқимида Ўзбекистон ҳудудидан ўтади (жадвалга қаранг).

Ўзбекистондаги ва Ўзбекистон ҳудудини кесиб ўтувчи дарёларнинг асосий гидрологик кўрсаткичлари

Дарё ва сойлар	Умумий узунлиги (км)	Ҳавзасининг майдони (км²)		Кузатув жойи	Ўртача кўп йиллик сув сарфи (м³/сек)
		умумий	кузатув жойигача		
Амударё	1415		30.9000	Карки ш.	1990.0
Дашнободдарё	58	330	327	Дашнобод қ.	5.8
Жарсой (Қашқадарё ирмоғи)	64	348	348	Чироқчи қ.	1.1
Жиннидарё	52	344	328	Паландара қ.	1.3
Зарафшон	877	12300	4650	Фондарёнинг қуйилиш жойи	80.5
Зоминсув	58	704	10.200	Дупули кўприги	154.0
Исфайрамсой	122	2220	546	Зиёвуддин қ.	97.3
Исфара	107	3240	697	Дубоба қ.	1.8
Катта Ўрадарё	100	1370	2220	Тошкўрғон	15.2
Кичик Ўрадарё	114	1670	1560	Лангар маскани	8.7
Кофарниҳон	387	11600	1320	Учқўрғон қ.	22.9
Кўгартсой	105	1370	1670	Исфара ш.	14.3
Кўксув (Чатқол ирмоғи)	60	398	9780	Қўшилиш қ.	4.4
Майдонтол	50	475	1010	Қулқишлоқ қ.	1.3
Норин	578	471	372	Тортки қ.	164.0
Ойганғ	72	59900	58400	Михайловка қ.	18.0
Оқбура	136	1100	1100	Бурчмулла қ.	11.7
Оқдарё (Зарафшон ирмоғи)	154	2540	2430	Қуйилиш жойи	15.0
Оқжарсой (Анжиримсой)	51			Учқўрғон ш.	432.0
		157	33	Қуйилиш жойи	27.7
				Тўлекен қ.	21.8
				Иштихон	39.8
				Камбарболо қ.	0.6

Оқсув (Қашқадарё ирмоғи)	104	1280	845	Ҳазорнав	12.3
Оқтепасой	77	722	722	Қуйилиш жойи	1.2
Оҳангарон	233	5260	1290	Турк қ.	23.5
Писком	73	2840	2830	Қуйилиш жойи (Чорбоғ қ.)	80.4
Поччаотасой (Намангансой)	130	443	366	Тосту дарёси қуйилишида	6.1
Сангардакдарё	106	932	901	Кенгузар қ.	14.7
Сангзор	198	3220	540	Қирқ қ.(Бахмал)	2.1
Сирдарё	2212	21900		Фарғона водийсидан чиқиш жойи	566
Сумсарсой	86	229	90	Сумсарсой қ.	1.0
Сурхондарё	175	13500	9500	Шўрчи ш.	76.1
Сўх	124	3510	2840	Сариканда қ.	41.8
Танхоздарё	93	1910	1910	Нушкент қ.	5.9
Тентаксой	126	4130	1300	Чорвоқ қ.	31.4
Тўполондарё	112	3080	3040	Дашнобод д. қуйилиш жойи	39.6
Тўсинсой	76	1100	1100	Эгарчи қ.	1.3
Угом	68	870	869	Хўжакент қ.	21.0
Хўжаипоқ (Ҳалқажарсой)	91	765	577	Бозорбой қ.	6.8
Чирчиқ	161	14900	10900	Хўжакент қ.	221
Чодаксой	76	566	350	Жулайсой д. қуйилишида	3.8
Чортоқсой	67	715	493	Пишкаран қ.	1.8
Шероботдарё	177	2950	949	Дарбанд қ.	5.4
Ширинсой	108	780	444	Угук қ.	2.7
Шоҳимардон	112	1300	1300	Поулғон қ.	11.6
Яккабоғдарё	99	1180	504	Татар қ.	6.6
Қашқадарё	378	12000	511	Варганза қ.	5.3
Қорадарё	180	30100	12400	Кампирработ қ.	121.0
Қоратоғдарё	99	2430	684	Қоратоғ қ.	22.5
Қумдарё (Калкамасой)	103	866	354	Чамбил қ.	2.3
Ғовасой	96	724	657	Ғова қ.	6.3
Ғузордарё	86	3400	3170	Ёртепа қ.	5.9

Д., одатда, рельефнинг чўзиқ пастликларида — водийларда оқади, унинг энг паст қисми *ўзан*, дарё суви кўпайганда ўзандан чиқиб босиб кетадиган водий тубининг ўзанга туташ қисми эса *қайир* ёки қайир террасаси дейилади. Ўзанларда чуқур ва саёз жойлари алмашиниб боради. Ўзаннинг энг чуқур жойлари — фарватер, оқим тезлиги энг катта бўлган жойлари эса тезоқар жой дейилади. Д. ёки Д.ларнинг айрим қисмлари баландликлари фарқининг узунлигига нисбати Д. нишаблиги дейилади.

Рельефга боғлиқ равишда тоғ Д.си ва текислик Д.сига бўлинади. Тоғ Д.си нишаби катталигидан, тор водийларда тез (кучли) оқади, ювиш жараёни ҳам кучли бўлади. Ўрта Осиё Д.лари асосан тоғ Д.ларидир. Текислик Д.лари кенг ўзанда сокин оқади, илонизи ёки *меандр*лар хос. Текислик Д.лари ўзан ва қайирларида қум, гил ётқизиқлар қолдиради, марза, саёзлик, тирсаклар ҳосил қилади (мас., Амударё ва Сирдарё ўрта ва қуйи оқимида), қуйилиш жойларида эса *дельта*лар вужудга келади. Баъзан Д. дан ажралган тармоқлар бошқа Д. б-н қўшилишиб кетади (қ. *Дарёнинг иккисига айрилиши*).

Ер шари юзасида Д.лар жуда нотекис тақсимланган. Ҳар бир материкда бош сувайирғичлар — оқим чегаралари бор. Ернинг бош сувайирғичи материклар юзасини 2 асосий ҳавзага: Атлантика-Арктика (оқим Атлантика ва Шим. Муз океанларига боради) ва Тинч океан (оқим Тинч ва Ҳинд океанларига тушади) ҳавзаларига бўлиб туради. Экватериал минтақада Д.лар зич бўлиб, дунедаги энг йирик *Амазонка*, *Конго* дарёлари оқади; тропик ва мўътадил минтақаларда, айниқса тоғли р-нларда (Альп, Кавказ, Қояли тоғлар ва б.), чўлларда Д.лар қор эриганда ёки жалаларда сув тўлиб оқади (мас., Қозоғистоннинг текислик қисмида).

Д.да оқим тезлиги бир неча см/сек дан (текислик Д.сида) 6—7 м/сек гача (тоғ Д.сида) ўзгариб туради. Сув сатҳи кўтарилиши б-н оқим тезлиги, одатда, чуқур жойларда кўпаяди ва саёзликда камаяди. Д.да сув т-раси иссиқ мавсумда ҳаво т-раси б-н деярли бир хил, Д. музлаган пайтда қарийб 0° бўлади.

Д.ларда музлаш ҳодисалари қуруқлик ҳудудининг тахм. 1/4 қисмида, асосан Шим. ярим шарда кузатилади. Д.лар РФда дастлаввал Шим.-Шарқий Сибирда (сент. охирида), кечроқ Европа қисмининг жан.-ғарбида ва Ўрта Осиёда (дек. охири — янв. бошида) музлайди. Энг қалин муз қоплами Шарқий Сибирь Д.ларида (муз қалинлиги ўртача 1,5—2 м) кузатилади ва 9—10 ой мобайнида сақланади. Тоғ Д.ларида оқим тез бўлганлигидан муз қатлами ҳосил қилмайди, кўпгина Д.ларда қишда *шовуш* оқади.

Д. да сув сатҳининг тебраниши сув сарфининг ўзгариши б-н боғлиқ. Сув сатҳи ва сув сарфи ҳамда уларнинг тебраниши — сув режимининг асосий тавсифидир.

Д.лар — Ерда *сув айланиши*да муҳим восита. У қуруқликда чучук сувни тақсимлайди ва Дунё океанига қайтаради. Д.ларнинг Дунё океанига жами йиллик оқими қарийб 42 минг км³.

Д.нинг тўйиниш манбалари — ёғин, қор қоплами, баланд тоғ қорлари ва музликлар, ер ости сувлари. Тўйиниш хусусиятларига кўра, Д.нинг асосий сув режими фазаларга: тўлинсув даври, вақтинча сув тўлиб оқиши ва камсув даврига бўлинади.

Тоғ Д.лари алоҳида сув режимига эга. Уларнинг тўйиниши ва серсувлиги баландлик минтақалари қонуниятларига боғлиқ. Ўрта Осиё Д.лари асосан тоғлардаги қор ва музликлардан сув олади. Карст шаклларида ривожланган жойларда баъзан ер остида оқиб, яна юзага чиқадиган Д. ҳам бор.

Д. эрозия (емириш) ишларини бажаради. Ўзан ва қайирида дарё оқимлари, сув йиғиш майдонида эса юза сувлари оқими тупроқни ювади. Д. сувининг лойқалилиги турлича. Ўрта Осиё Д. лари суви нисбатан лойқа (1 м³ сувда 200—300 г дан 1—5 кг гача лойқа бор).

Д. оқими чучук сув ресурсларининг муҳим манбаидир (қ. *Сув ресурслари*). Д. оқимлари келиб чиқиши ва хўжалик аҳамиятига кўра 2 қисмдан: ер ости оқими ва ер юзаси оқимидан иборат. Ер ости оқимидан йил давомида фойдаланиш мумкин. Ер юзаси оқимини сув омборлари ёрдамида тартибга солиб фойдаланилади.

Д. нинг флора ва фаунаси бентос, планктон ва нектондан иборат. Д. тубининг тузилишига қараб ҳар хил дарё туби ҳайвонлари учрайди. Д. нинг секин оқадиган қисмида юксак сув ўсимликлари учрайди. Сувўтлар ва тошлар орасида кўплаб майда жонзотлар яшайди. Эркин сузадиган планктонларга ярим микроскопик ва микроскопик ҳайвонлар (майда қисқичбақасимонлар, коловратка) ва сувўтлар (фитопланктон) киради. Нектонга оқимга қарши суза оладиган балиқлар мансуб. Д.ларнинг қуйи қисми ва уларнинг дельталари балиққа бой. Д. да сув омборлари барпо қилиш планктонларнинг сонини оширди. Тўғон ва гидроузеллар қурилиши овланадиган ўткинчи балиқларнинг (айниқса лососсимон ва осётрсимонлар) табиий миграциясига тўсқинлик қилади ва кўпайишига халақит беради. Д.ларнинг саноат ва хўжалик оқова сувлари б-н ифлосланишига ёғоч чиқиндилари, шунингдек, минерал ўғитлар ва заҳарли кимёвий моддаларнинг қўшилиши ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ер шаридаги кўпчилик Д.нинг (айниқса Шим. Американинг шарқи ва Ғарбий Европадаги) суви саноат ва хўжалик чиқиндилари б-н ифлосланган. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қонуний, техникавий ва санитария-гигиена чора-тадбирлари кўрилмоқда (қ. *Табиатни муҳофаза қилиш*).

Д. қадимдан аҳолини ичимлик суви ва саноатни сув б-н таъминлаш, табиий ва чана (қишда) йўли, мунтазам янгиланиб турадиган гидроэнергия манбаи, ботқоқ ерларнинг сувини қочиришда коллектор вазифасини ўтаб келган. Д.лардан анчагина балиқ овланади. Д. қайирлари ўтлоқ, тупроғи унумдор бўлиб, кўпинча полиз экинлари экилади. Д. водийлари бўйлаб асосий ер усти транспорт йўллари (т. й. ва автомобиль йўллари) ўтади, Д. бўйида жуда кўп шаҳар ва шаҳарчалар жойлашган. Д. суви сув ресурсларининг асосий манбаидир.

Ад.: Шульц В.Л., Реки Средней Азии, ч. 1—2, Л., 1965; Шульц В.Л., Машрапов Р., Ўрта Осиё гидрографияси, Т., 1969; Баратов П., Маматқулов М., Рафиқов А., Ўрта Осиё табиий географияси, Т., 2002.

Фазлиддин Ҳикматов.

ДАРЁ ЁТҚИЗИҚЛАРИ — қ. *Аллювий.*

ДАРЁ НИШАБЛИГИ — дарё манбаси (бошланиш жойи) б-н мансаби (қуйилиш жойи) ёки муайян қисми суви юзаси баландликларининг фарқи. Баландликлар фарқининг дарё узунлигига нисбати нишаблик дейилади. Д.н. 1 км узунликка нисбатан ўлчанади; текислик дарёлари учун 1 км га нади; тоғ дарёлари учун 1 км бир неча см, тоғ дарёлари учун 1 км бир неча м ни ташкил қилади. Мас., га бир неча м ни ташкил қилади. Мас., Сирдарё системаси, Волга системаси. дарёнинг бошланиш жойи баландлиги б-н қуйилиш жойи баландлиги орасидаги фарқ 200 м. Дарёнинг уз. 100 км, нишаблиги 200 м : 100 км = 2 м/км бўлади.

ДАРЁ ОҚИМИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ — дарёдан оқаётган сувни вақт давомида ва халқ хўжалиги эҳтиёжларига кўра қайта тақсимлаш. Муайян даврда оқимни табиий дарё режимига нисбатан кўпайтириш ёки камайтиришдан иборат. Бунга дарёда сув талабга нисбатан кўп бўлганда уни сув омборларида вақтинча тўплаш, истеъмол талабий оқимдан юқори бўлганда жамғарилган сувни сарфлаш йўли б-н эришилади. Сувни йиғиш ва чиқариш цикли давомийлигига қараб Д.о.т.с. кўп йиллик, мавсумий, ҳафталик ва суткалик бўлади. Суви кам дарёлар оқимини сersув дарёлар ҳисобига кўпайтириш мақсадида кўп йиллик тартибга солиш қўлланилади; мавсумий тартибга солишда сув йил давомида фаслларга қараб қайта тақсимланади. Ҳафта ва суткалик Д.о.т.с. сувни истеъмол қилишнинг ҳафта ва сутка давомида ўзгаришига боғлиқ бўлиб, гидроэнергетика ва сув таъминоти мақсадлари учун хизмат қилади.

Ўрта Осиёда суғориш учун асосан Д.о.т.с.нинг кўп йиллик ва мавсумий турларидан фойдаланилади. Д.о.т.с. графиги биринчи навбатда суғоришнинг, сўнгра гидроэнергетиканинг сувга бўлган талабини ҳисобга олиб тузилади. Сувни тартибга солувчи ҳажм (омбор) сифатида ўзанли ва тўлдирилиб диган сув омборлари (ёки уларнинг каскади)дан, қўллар ва айрим қулай шароитларда ер ости сувларининг сувли қатламларидан фойдаланилади. Ўрта Осиёда Сирдарё (ҳавзасида Тўхтағул, Чордара, Қайроққум, Чорвоқ ва б. сув омборлари мавжуд), Амударё (ҳавзасида Норак, Таллимаржон, Жан. Сурхон, Чимқўрғон, Туямўйин ва б. сув омборлари қурилган) оқимлари халқ хўжалиги эҳтиёжларига жавоб берадиган даражада тартибга солинган.

Тоштемир Бекмуродов.

ДАРЁ СИСТЕМАСИ — муайян дарё ҳавзасида бир-бирига қўшилиб борувчи дарёлар мажмуи. Асосий дарё ва унинг 1-тартибли, 2-тартибли ва ҳ.к. ирмоқлардан ташкил топади. 1-тартибли ирмоқлар бевосита асосий дарёга қуйилади, 2-тартибли ирмоқлар 1-тартибли ирмоқларга қуйилади. Йирик дарёларда 20 тагача тартибли ирмоқлар бўлади. Д.с. энг узун ва серсув бўлган асосий дарё номи б-н аталади. Мас., Сирдарё системаси, Волга системаси.

ДАРЁ СУВЧАНЛИГИ — дарёда муайян вақт (декада, ой, мавсум, йил, бир неча йил) давомида ўртача кўп йиллик кўрсаткичлар (норма)га нисбатан оқиб ўтган сув миқдори. Д. с. абсолют ($м^3/с$, л/с, $км^3$/йил) ёки нисбий (нормага нисбатан % ёки модуль коэффициенти) бирликларда ифодаланади. Д. с. ҳақида маълумот қ. х.ни сув б-н таъминлаш системасидаги энг муҳим элементдир (қ. *Агрометеорологик хизмат кўрсатиш*). Сувчанликнинг ўзгариши дарё ҳавзасининг сув ва иссиқлик балансини белгиловчи метеорологик омилларнинг даврийлигига боғлиқ. Д. с.га ёғин миқдори, унинг йиллар ва баландлик зоналари бўйлаб тақсимланиши; қуёш радиациясининг интенсивлиги; ҳаво ҳарорати; тупроқ қатламининг ҳолати ва б. омиллар таъсир этади. Бу омилларнинг мавсумий даврийлиги Д. с.нинг йил давомида ўзгаришига, йиллар бўйлаб даврийлиги эса турли сувчанлик йилларининг алмашинувига сабаб бўлади.

Ўрта Осиёда дарёлар, асосан тоғлардан бошланган сабабли ҳавзанинг баландлиги ошган сари Д. с. камайиб боради. Доимий музликлар ва қорликлар эриши ҳисобига ҳосил бўлувчи Д. с. турғун, ёғингарлардан ҳосил бўлувчи Д. с. эса кўпроқ ўзгарувчан бўлади. Дарё йиллик оқимининг ўзгарувчанлиги вариация коэффициенти орқали (Cv) аниқланади. Музлик-қорликларда ҳосил бўлувчи дарёлар (Вахш, Зарафшон) учун Cv-0,10—0,15, қорлик-музликлардан сув оладиган дарёлар (Чирчиқ, Норин, Кофарниҳон) учун 0,15—0,25, қорлик ва қор-ёмғирлардан тўйинадиган дарёлар (Оҳангарон, Келес) учун 0,25 ва ундан катта. Сой ва жилғаларнинг йиллик оқимлари учун Cv 1 дан ҳам катта бўлиши мумкин.

Оқим ҳосил қилувчи жараёнлар инерцияси туфайли турли сувчанликка эга бўлган йиллар цикларга гуруҳланади. Сersув, ўртача сувли ва камсув циклар мавжуд. Циклар сувчанлик давомийлиги ва унинг ўртача кўрсаткичларидан оғиш катталигига қараб

фарқланади. Мас., Амударёда 10 йиллик, Норин дарёсида 2—3 ва 10—11 йиллик, Чирчиқ дарёсида 5—6 йиллик даврийлик кузатилади. Сувчанлик бўйича экстремал йилларда музлик-қорлик ҳамда қорлик-музликлардан ҳосил бўлувчи дарёлар оқими нормадан 30% ва ундан кўпроқ, қор-ёмғир ҳамда ёмғирлардан тўйинадиган дарёлар оқими 50—60% фарқ қилади. Турли дарёлар оқимининг ўзгаришлари айрим йилларда ўзаро мувофиқ келиши ёки мувофиқ келмаслиги синхронлик ёки асинхронлик тушунчаси б-н ифодаланади. Ўрта Осиёдаги Д. с. ўзгаришларидаги максимал мувофиқлик сувчанлик бўйича экстремал йилларда кузатилади. Мас., сув энг кам бўлган 1974 й.да Амударё ва Сирдарё ҳавзасининг ҳамма ҳудудида оқим нормадан жуда кам бўлган. Турли ҳавзаларда Д. с.нинг ўзгариб туришидаги номувофиқлик *дарёларни ҳавзалараро оқизиш*ни тақозо этади.

Тоштемир Бекмуродов.

ДАРЁ ТРАНСПОРТИ — транспортнинг асосий турларидан бири; табиий (дарё, кўл) ва сунъий (канал, сув омбори ва б.) сув ҳавзалари орқали юк ва йўловчи ташийди. Вазифасига кўра, бир қанча давлатлар ўртасида ташқи савдо алоқаларида юк ташишга хизмат қилувчи магистрал дарё йўлларида (мас., Дунай, Одер, Рейн, Амур, Парагвай ва б.), мамлакат ичида йирик минтақалараро (мас., Янцзи, Волга, Миссисипи), ички ҳудудий алоқаларга хизмат кўрсатадиган маҳаллий (ҳудуд ичида) Д.т. турлари мавжуд. Д.т. кемалари фойдаланиш мақсадларига кўра транспорт, техник ва ёрдамчи кемалари бўлинади. Транспорт кемалари таркибига йўловчи, палубасида қуруқ юк ташувчи, трюмига суюқ юк тўлдириладиган ёки палубасида махсус баклар ўрнатилган суюқ юк (нефть, нефть маҳсулотлари) ташувчи, сурувчи ва шатакчи кемалар киради. Техник флотда дарёлар тубини чуқурлаштирувчи снарядлар, сув йўлларини созлашга хизмат кўрсатадиган ёрдамчи кемалардан фойдаланилади. Ёрдамчи кемаларга таъмирлаш устахоналари, сузувчи магазинлар, кемалар, паромлар, қум ва шағал қазиб оладиган жиҳозлар ва б. киради. Д.т.да буғ, ёнилғи, электр энергияси, газ двигателлари ёрдамида ҳаракат қиладиган кемалар (пароход, теплоход, электроход) ҳамда баржа ва соллардан фойдаланилади. Д.т.да юк ва йўловчиларни ташиш қуруқликда ҳаракат қилувчи транспортга нисбатан анча арзон (автомобиль транспортига нисбатан 3—5 марта).

Юк ва йўловчиларни манзилга етказишда Д.т.дан фойдаланиш қадимдан маълум. Милоддан минг йиллар илгари Месопотамия (Дажла ва Фурот дарёлари) ва Миср (Нил дарёси)да эшакли ва ҳатто, елканли кемалар ишлатилган.

Дунёда дарё йўлларининг умумий уз. 550 минг км га яқин. Европада Д.т. бирмунча яхши ривожланган. Мас., Польшада Одра, Висла дарёлари, Германияда Куйи Одер, Ўрта Эльба ва б., Венгрияда Дунай, Тиса, Кёрёш, Францияда Рейн, Россияда Волга дарёларида юк ва йўловчи ташувчи кемалардан кенг фойдаланилади. Шунингдек, АҚШ, Бразилия, Канада ва б. давлатларда ҳам юк ташишда Д.т. муҳим аҳамиятга эга.

Ўрта Осиёда қадимдан Амударё ва Сирдарёда қайиқлардан транспорт тури сифатида фойдаланилган. 18-а.да Россиянинг бошқа мамлакатлар б-н савдо муносабатлари Ўрта Осиёда дарё транспортининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Жаҳон бозорида рус хом Россия орқали ўтадиган шарқ товарлари (чой, ипак, пахта ва б.) га талаб ортди. 1847 й.га келиб Орол денгизининг шим. қирғоғи ва қуйи Сирдарёни эгаллаган Россия русларнинг таянч пунктларини қўриқлаш ва янги ҳудудларни ўрганишга мўлжалланган Орол ҳарбий флотилиясини тузди.

Амударёда буг б-н юрадиган кемаларнинг узлуксиз қатнови 1873 й.дан Орол денгизидан Нукус ш.гача биринчи кема юрди). 1877 й.да дарёнинг Чоржўйгача бўлган қисми ҳам ўрганилди, сув йўли узайтирилди. 1887 й.га келиб Россиянинг Ўрта Осиедаги сиёсий ва иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида *Амударё ҳарбий флотилияси* ташкил этилди (Амударё ҳарбий флотилиясини ташкил этиш тўғрисидаги қарор 1893 й.да тасдиқланган). 1913 й.да флотилияда 8 пароход, 14 баржа бўлиб, улар гарнизонларга хизмат кўрсатиш, Тўрткўлдан Термизгача бўлган масофага лоимий почта, йўловчи ва юк ташишни йўлга қўйишга мўлжалланган эди. 1923 й.да Амударё ҳарбий флотилияси национализация қилинди ва «Ўрта Осиё пароходчилиги» акциядорлик жамиятига айлантирилди.

Кема ва қайиқлар қатнайдиган сув йўлларининг умумий уз. 887 км эди. Ўша даврда Ўрта Осиё сув йўлларида умумий юк ортиш қуввати 7 минг т бўлган 20 кема ва 50 баржа, умумий юк ортиш қуввати 24 минг т бўлган 1500 қайиқ бор эди. 1923 й.да бошқарув идораси Тошкентда жойлашган Ўрта Осиё пароходчилик бошқармаси тузилди (1934 й.да бошқарма Чоржўйга кўчирилди, 1956 й.дан Ўрта Осиё пароходчилиги собиқ Иттифоқ Денгиз флоти вазирлиги ихтиёрига ўтказилди).

1930 й.да Тошкентда денгиз техникуми очилди (1939 й.да Чоржўйга кўчирилган). Хоразм воҳаси, Қорақалпогистон, Тожикистон, Туркманистон дарё транспорти 50-й.ларнинг 2-ярмигача бу ҳудудларнинг иқтисодий ривожида муҳим ўрин тутди. 1950 й. Термизда дарё порти очилди, 1952 й.да Хўжайлида кема таъмирлаш з-ди қурилди. Амударё соҳилларида янги порт юкларини етказиб бериш халқаро аҳамиятга молик. Республика дарё флотида 200 дан ортиқ теплоход, шунингдек, баржалар, землесослар, сузувчи экскаваторлар, порт кранлари ва б. ёрдамчи кемалар техника воситалари бор. Республикада сув йўлларининг умумий уз. 1000 км га яқин. Халқ хўжалиги юклари асосан Термиз — Ҳайратон, Шарлавуқ — Тўрткўл, Хўжайли — Тўрткўл, Хўжайли — Беруний, Қоратов — Тахиатош йўналишларида ташилади. Ўзбекистоннинг порт ва бандаргоҳлари т.й.лар б-н боғланган.

Панама каналидан ўтаётган кемалар.



нинг умумий уз. 2800 км га етди. Амударёда Панж (Тожикистон) бандаргоҳидан Мўйноққа қадар пароходлар қатнови амалга оширилди.

Дарё сувининг камайиши ва Орол денгизининг қуриб бориши натижасида сув йўллари кескин қисқарди, аммо шунга қарамай 1980 и. Д.т.да 1420 минг т юк ташилди.

1991 й.да Ўрта Осиё республикалари мустақилликка эришганларидан кейин Ўрта Осиё пароходчилиги бошқармаси мулки Туркманистон, Ўзбекистон, Тожикистон ўртасида тақсимланди. 1994 й. 11 майда Ўзбекистон Республикасида жойлашган дарё флоти бўлинмаларини бошқариш тартиби қайта ташкил этилди. Ўрта Осиё пароходчилигининг Ўзбекистондаги мулки ва бўлинмалари негизида «Термиз дарё порти», «Хоразм дарё флоти», «Қорақалпогистон дарё флоти» и. ч. бирлашмалари ташкил этилди (1995). 2001 и. июнь ойидан Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги (1998)нинг Кемачилик регистри ва кемачилик инспекцияси бўлими флотнинг техник ҳолати ва сув йўлларининг ҳолатини назорат қилиш ишларини олиб боради.

Республикада Термиз дарё порти, Шарлавуқ, Тўрткўл, Беруний, Қоратов, Хўжайли бандаргоҳлари, Амударё орқали Тўрткўл — Хонқа, Чалиш — Беруний сузма кўприклари, Хўжайли кема таъмирлаш з-ди бор (2001). Термиз дарё порти йилига 2 млн. т дан ортиқ юкни қабул қилиш — жўнатиш қувватига эга, Афғонистоннинг Ҳайратон бандаргоҳи орқали экспорт-импорт юкларини етказиб бериш халқаро аҳамиятга молик. Республика дарё флотида 200 дан ортиқ теплоход, шунингдек, баржалар, землесослар, сузувчи экскаваторлар, порт кранлари ва б. ёрдамчи кемалар техника воситалари бор. Республикада сув йўлларининг умумий уз. 1000 км га яқин. Халқ хўжалиги юклари асосан Термиз — Ҳайратон, Шарлавуқ — Тўрткўл, Хўжайли — Тўрткўл, Хўжайли — Беруний, Қоратов — Тахиатош йўналишларида ташилади. Ўзбекистоннинг порт ва бандаргоҳлари т.й.лар б-н боғланган.

Баҳром Сориев.

ДАРЁ ФЛОТИ — қ. *Дарё транспорти.*

ДАРЁ ШОХОБЧАСИ — 1) сув ҳавзаларини (кўллар ёки кўл б-н дарё, ондасонда дарёни кўл б-н ёки икки дарё-ни) ўзаро туташтирувчи қисқа канал (наҳр). Шохобча, одатда, табиий ўзанда вужудга келади. Туташтирувчи шохобча Айдар кўллари, Ориноко дарёси системаси (Жан. Америка)да мавжуд; 2) дарёнинг ороллар б-н бир неча тармоққа бўлинишидаги майда, иккинчи даражали ўзанлари.

ДАРЁ ҚИСҚИЧБАҚАЛАРИ — ўн оёқли қисқичбақасимонлар туркуми 2 оиласининг умумий номи (Astacidae ва Parastacidae). Танасининг уз. 6—30 см, айрим турлари (мадагаскар Д. қ.) 80 см гача. Африкадан ташқари мўътадил иқлимли ҳудудларнинг дарё ва сойларида ҳамда гор сувларида учрайди. Кенг бармоқли (Astacus astacus) ва ингичка бармоқли Д. қ. (A. leptodactylus) кенг тарқалган. Кенг бармоқли Д. қ асосан Европа дарёларида (мас., Болтиқ денгизи ҳавзасида); ингичка бармоқли Д. қ. Қора, Азов, Каспий ва Орол денгизлари ҳавзаларида учрайди. Оқадиган дарёлар ва сойларда яшайди. Ингичка бармоқли Д. қ. сувўтлар, касал сув ҳайвонлари б-н озиқланади. Сувнинг саёз қисмида яшайди. Ургочиси кузда 50—200 дона тухум қўяди, тухумларни ургочиси қорин оёқларига илаштириб олиб юради. Д. қ.нинг айрим турлари ейилади.

ДАРЁ ҲАВЗАСИ — нам сақлайдиган жинсларни ўз ичига олган ер юзасининг бир қисми, ундан сув алоҳида дарё ёки дарё системасига оқади. Д. ҳ.ни кўпинча дарёнинг сув йиғиш ҳавзаси дейилади. Ҳар бир дарё ҳавзаси ер усти ва ер ости сув тўпланиш ҳавзаларини ўз ичига олади. Ер усти сувлари ер юзасининг бир қисмини эгаллаб, ундан сув дарё системасига ёки аниқ бир дарёга оқади. Ер ости сувлари ғовак ётқизиқлар қатламини ҳосил қилиб, ундан сув дарё тармоқларига боради. Ер усти ҳавзаси ҳудуди б-н ер ости ҳавзаси ҳудуди бир-бирига тўғри келмайди. Д. ҳ.нинг ер ости сувлари чегарасини аниқлаш қийин бўлганидан бирон дарёга оқар сувлар тўпланадиган ҳудуд шу дарё ҳавзаси дейилади. Д. ҳ. бир-биридан *сувайиргичлар* б-н ажралиб туради. Д. ҳ. майдони турлича: Амазонка ҳавзаси дунёда энг катта ҳавза бўлиб, 7180 минг км², Амударёники эса 465 минг км².

ДАРЁ ҲАРБИЙ ФЛОТИЛИЯСИ — дарё ҳарбий кемалари ва дарё қирғоғидаги махсус ҳарбий қисмлар бирлашмаси. Вазифаси — душманнинг дарё кемаларига қарши курашда ёки жанрда қирғоқдаги қўшинларга ёрдамлашиш, халқ хўжалиги мулклари ҳамда ҳарбий юкларни қўриқлаш, давлатнинг дарё чегарасини муҳофаза қилиш. Д. ҳ. ф. таркибига турли дарё ҳарбий қисмлари: ҳар хил қайиқ ва кемалар, зирҳли катерлар, махсус ҳарбий кемалар, денгиз, ер ва ҳаво артиллерия батареяси ва б. киради. Д. ҳ. ф. Россияда дастлаб 18-а.да тузилган. 1733—34 й.ларда тузилган Дон флотилияси турк қўшинларига қарши жангда иштирок этган. 1771 й. тузилган Дунай ҳарбий флотилияси Измаил қалъасини босиб олишда катта ёрдам қилган. Азов, Каспий, Оқ денгиз, Волга, Дон, Амударё, Амур ва б. ҳарбий флотилиялари фуқаролар уруши давридаги жангларда иштирок этганлар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Д. ҳ. ф. Волга бўйлаб Сталинград ва Дон фронти қўшинларига озиқ-овқат, қийим-кечак, дори-дармон ва қуроллар етказиб турган (яна қ. *Амударё ҳарбий флотилияси*).

ДАРЁЛАР ГИДРОЛОГИЯСИ — қуруқлик гидрологиясининг бўлими. Дарёлар, уларнинг ўзани ва ҳавзаларидаги сув оқими ва оқизиқларнинг гидрологик режимини ўрганади. Д. г. дарё ўзанининг ҳолатини, табиий омиллар — Ер сирти ҳолати (геологик тузилиши, рельефи, ўсимлик қоплами, тупроқ шароити) ва иқлими (атмосфера ёғинлари, ҳаво ҳарорати) ҳамда инсон фаолияти б-н боғлиқ бўлган омилларнинг оқимга таъсирини ўрганади. Д.г. ўзан жараёнлари, ўзан оқими динамикаси, дарёларнинг т-ра режими, музлаш ҳодисалари, минераллашув даражаси, шунингдек, дарёларнинг сув режими элементларини олдиндан айтиш — башорат қилиш б-н шуғулланади (яна қ. *Гидрология*).

ДАРЁЛАРНИ ҲАВЗАЛАРАРО ОҚИЗИШ — халқ хўжалиги мақсадларида серсув дарё ҳавзаларидаги сувнинг бир қисмини камсув дарё ҳавзаларига ўтказиш; сув ресурсларини ҳудудий қайта тақсимлаш. Муайян минтақа ва мамлакатларда дарёларнинг нотекис жойлашганлиги Д.ҳ.о.га зарурат туғдиради. Орол денгизи ҳавзасининг асосий дарёлари *Амударё* (*Зарафшон*, *Қашқадарё*, *Мурғоб*, *Тажан* ва б.) ва *Сирдарё* (*Норин*, *Чирчиқ*, *Арис* ва б. ирмоқлари б-н) сувлари бутунлай суғориш ва яйловларни сув б-н таъминлаш учун сарфланади. Ҳавзанинг ўз сув ресурсларидан тўла ва самарали фойдаланиш йўлларини излаш б-н бирга 80-й.лар бошларида қўшни серсув Кара денгизи (Обь ва Енисей дарё ҳавзалари) ҳавзаси сувларини Орол денгизи ҳавзасига оқизиш гоялари ўртага қўйилди ва лойиҳа ишлаи бажарилди. Ҳоз. шароитда сув ресурсларини бир ҳавза ичида қайта тақсимлаш бўйича етарли тажриба тўпланган. Жумладан, Орол денгизи ҳавзасида дарё сувининг бир қисмини камсув дарёларга оқизишга имкон берадиган йирик сув магистраллари қурилди: *Қорақум канали* (Амударё сувининг бир қисмини Мурғоб, Тажан ва Атрек дарё ҳавзаларига етка-

Амударёда юк ташиш.




зиб беради); *Аму-Бухоро машина канали* (Амударё-Зарафшон); *Қарши машина канали* (Амударё-Қашқадарё); *Аму-Занг канали* (Амударё-Сурхондарё) ва б. (қ. *Дарё оқимини тартибга солиш*).

Дарёлар сувини бир ҳавзадан бошқасига оқизиш техника нуқтаи назаридан сув ресурсларини қайта тақсимлашнинг бирмунча мураккаб усули ҳисобланади. Д.ҳ.о.нинг экологик ва мелиоратив оқибатлари ҳар томонлама пухта тадқиқ қилиниши лозим. Сув ресурсларини ҳавзалараро оқизиш (қайта тақсимлаш) схемалари бўйича и.т. ва лойиҳалаш, техника-иқтисодий ишларни и.т. ин-тлари бажаради.

Тоштемир Бекмуродов.

ДАРЁНИНГ ИККИГА АЙРИЛИШИ, Дарёлар бифуркацияси — дарё ёки дарё водийсининг 2 тармоққа бўлиниши, улар кейинчалик бирлашмайди ва турли ҳавзаларга қуйилади. Д.и.а. кўпинча ясси сувайиргичларни ер устки сувлари ювиши натижасида вужудга келади; тўлинсув даврида бир ҳавзадан иккинчи ҳавзага сувнинг кўп кузатилади. Д.и.а. айниқса Ориноко дарё системаси (Жан. Америка)да кузатилади.



ДАРЗАНГИ — Ўзбекистоннинг жан.-дағи қад. шаҳар харобаси (мил. 1—13-а. боши). Сурхондарё вилоятидаги *Бандихонсой* (Кўкжара)нинг *Сурхондарёга* қуйилиш ерида, Қумқўрғоннинг ғарбидаги Жалоир қишлоғи яқинида, *Термиздан* 62 км масофада жойлашган. Шаҳар харобалари 50 га майдонни эгаллайди. Араб географларининг берган маълумотларига кўра, Д. аҳоли зич яшайдиган гўзал шаҳар бўлиб, атрофи хандақ б-н ўраб олинган, жоме масжиди бозорлар орасида жойлашган, шаҳар аҳолиси «Чағониён дарёси» сувидан ичган, шунингдек, шаҳар четидан яна бир бошқа дарё ҳам ўтган. Д. аҳолиси асосан тўқимачилик б-н машғул бўлиб турли хил либослар тикишган, шунингдек, пичоқ қинлари, тасмалар, намат, гиламлар и. ч. б-н машҳур бўлишган. Д.да чекка ўлкаларга чиқариш учун жундан махсус «чайдам» матоси тайёрланган, унинг кўриниши юпқа кигизга ўхшаш бўлиб, у жун адёл ёхуд ёмғирпўш вазифасини ўтаган (Маҳмуд Кошғарий).

Шаҳар харобасидан чиққан археологик топилмалар тўқимачилик *Кушон подшолиги* давридан бошлаб Д. аҳолисининг анъанавий машғулоти бўлиб келганлигини тасдиқлайди.

Ад.: Камалиддинов Ш. С.. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начала XIII вв., Т., 1996.

ДАРЗИ БОШИ (форс. — чок) — Бухоро хонлигида хон саройида кийим тикувчилар бошлиғи. Мирза Бади девоннинг «Мажмаа ул-арқом» (Молия девони қўлланмаси) асарида (18-а.)да Д. б. бошқа сарой лавозимлари қаторида кўрсатиб ўтилган.

ДАРИ ТИЛИ — ғарбий, шарқий эронийлар (форслар, афғонлар ва б.) адабий тили. 9-а. охирлари ва 16-а. бошларида ҳоз. Эрон, Афғонистон, Озарбайжон, қисман Марказий Осиё ва Шим.-Ғарбий Ҳиндистон ҳудудларида тарқалган. Шарқнинг кўп шоирлари, хусусан *Рудакий, Ҳофиз, Шерозий, Умар Хайём, Носир Хисрав, Бедил, Низомий Ганжавий*лар шу тилда ижод қилган. Буюк ўзбек шоири *Алишер Навоий* Д.т.да ёзган шеърларидан девон тузган («Девони Фоний»). Д.т.ни форсий дари, форсий деб ҳам атаганлар. Д.т. эроний бўлмаган халқлар томонидан ҳам ривожлантирилди ва такомиллаштирилди. Шунга кўра, у байналмилал — халқлараро алоқа тили тавсифига эга бўлди. 15-а. 2-ярмидан бошлаб Д.т. сиёсий ва б. ижтимоий сабаблар б-н дифференциацияланди, 20-а.га келиб 3 кўринишга эга бўлди (форс адабий тили — Эронда; тожик адабий тили — Тожикистонда; адабий Д.т. — Афғонистоннинг тилининг (*пушту тили* б-н бир қаторда) бири. Бу тил аввал «Афғонистоннинг форс тили» ёки «форси-кобули» деб аталган.

ДАРИК — қад. Эрон олтин тангаси. Д.нинг пайдо бўлишини ахоманийлар подшоси Доро I (мил. ав. 522—486) номи б-н боғлайдилар. Бир Д. (оғирлиги 8,4 г) 5,6 г оғирликдаги 20 та кумуш танга қийматига тенг бўлган. Доро III Кодоман даврида (мил. ав. 336—330) икки ҳисса оғирликдаги Д.лар (16 г) чиқарилган. Д.ларга кенг бичимли шарқ кийими ва қунғурали тож кийган, камон ва найза ушлаб турган жангчининг тасвири туширилган. Бундай тангаларнинг мамлакатимиз ҳудудидан топилиши Ўрта Осиё б-н Эрон ўртасида қадимдан савдо алоқалари мавжудлигини кўрсатади.

ДАРИО (Dario) Рубен (тахаллуси; асл исм-шарифи Феликс Рубен Гарсиа Сармьенто; 1867.18.1, Метапа — 1916.6.2, Леон) — Никарагуа шоири, журналист. Узоқ вақт Европада яшаган. «Эпистолалар ва шеърлар. Биринчи оҳанглар» (1885) номли илк тўпламидаёқ романтик руҳда. «Мовийлик» (1888), «Мажусийлик қўшиқлари» (1896) шеърий тўпламлари ҳамда замонавий ёзувчилар тўғрисидаги «Буюклик» (1893) эсселар китоби америкалик испан тилли алабиётга янги модернизм руҳини олиб кирган. Д. ижодига француз адабиётида мавжуд бўлган парнас оқими кучли таъсир кўрсатган. «Умр ва ўлим қўшиқлари» (1905) шеърий тўпламида ижтимоий мавзу асосий ўринни эгаллайди. «Дайди қўшиқ» (1907) тўпламидаги кўпгина шеърлари ҳаётга муҳаббат руҳи б-н суғорилган. Замондошларини маънавий изланишларини, руҳий азоб-уқубатларини ҳаққоний акс эттирган Д. шеърият ислоҳотчиси сифатида испан тилли Америка адабиётининг тараққиётига муносиб улуш қўшган. 20-а. 80-й.ларида Лотин Америкаси адабиётини жаҳон миқёсига олиб чиққан Г. Г. Маркес, Х. Кортосар, Х. Рульфо каби ёзувчилар Д. ижодидан унумли фойдаланишган.

ДАРЛИНГ (юқори оқимида — *Барун*) — Австралиядаги дарё, *Муррей* дарёсининг ўнг ирмоғи. Уз. 2740 км. Ҳавзасининг майд. 650 минг км² (баъзи маълумотларга кўра 410 минг км²). Нью-Ингленд тизмасининг ғарбий ён бағирларидан бошланиб, қуйи оқимида чала чўллан оқади. Д. серирмоқ дарё. унга Пару, Уоррего, Маккуори ва б. ирмоқлар қуйилади. Дарёнинг сув сатҳи баъзан 6—8 м кўтарилади. Ўртача сув сарфи 42 м³/сек. Ёз ойларида қуйи оқими қуриб қолади ва ўзанида кўллар вужудга келади. Дарё тўлиб оқканда Бёрк ш.дан қуйи оқимигача кемалар қатнайди. Суғоришда фойдаланилади.

ДАРЛИНГТОНИЯ (*Darlingtonia californica*) — саррацениядошлар оиласига мансуб кўп йиллик ҳашаротхўр ўт. Калифорниянинг Сьерра-Невада ботқоқликларида ўсади. Барглари наисимон кўзачага ўхшаиди, учи ола-буда, қайрилган, балиқ думига ўхшаб кетадиган рангдор ортиги бор. Баргининг ички сирти пастга қараган туклар б-н қопланган, уларнинг орасида ширадонлар бор. Ширага келган ҳашарот барг ичига тушса, ташқарига чиқа олмай, нобуд бўлади, чиритувчи бактериялар таъсирида парчаланади; парчаланишдан ҳосил бўлган маҳсулотларни барг сўриб олади.

ДАРМАНА (*Artemisia cina*) — қоқидошлар (мураккабгуллошлар) оиласига мансуб ўқ илдизли чала бута. Бўйи 40—70 см. Пояси сершох, қизғиш. Барглари икки карра патсимон қирқилган. Гуллари кичик саватчаларда 3—6 тадан жойлашган. Сент.да гуллаб, окт.да уруғ беради. Жан. Қозоғистонда дарё бўйларида, сойлар, текисликлар ва тоғ этакларида ўсади. Д. экилади ҳам. Эндигина очила бошлаган тўпгулидан сантонин ($C_{15}H_{18}O_3$) олинади. Тўпгули ва баргларида эфир мойи (1,5—3%), бетаин, ходин, бўёқ моддалар, олма ва сирка кислоталар бор. Тўпгулининг ламламаси ҳамда сантонин гижжаларни туширишда фойда беради. Д. дан олинган эфир мойи (дарминол) ҳар хил микробларни ўлдирувчи антисептик дори сифатида, ревматизм ва асаб касалликларини даволашда ишлатилади. Бу мойдан олинадиган гвайазулен нафас қисиши, ревматизм, экзема каби касалликларни даволашда ва рентген нурларидан куйганда қўлланилади.

ДАРМОН ШЎРВА — халқ табобатида кам қувват одамлар, дармонсизланган беморларга парҳез буюриладиган суюқ овқат. Асосан парранда — хўроз, жўжа, қирғовул, бедана ва б. илвасинлардан тайёрланади. Қозонга совуқ сув қуйиб, бутунлигича солинади, қайнаб чиққач, кўпиги олиниб, пиёз солинади, сўнг оловда милдиратиб қайнатилади. Шўрва га туз, зираворлар, ошқўқлар, пиёз, тўғралган қизил сабзи, картошка, помидор, чучук қалампир ҳам солиш мумкин. Жўжа, бедана 1 соат, хўроз эса 2—2,5 соат давомида пиширилади (қ. *Шўрва*).

ДАРМОНДОРИ — қ. *Витаминлар.*

ДАРМОН — қ. *Гиеантизм.*

ДАРОЗЛИК — *Тохаристон*нинг жан.-ғи Бадахшонда жойлашган тарихий тумани. Илк ўрта аср Хитой манбаларида у Хи-мо-та-ло мулки номи б-н машҳур. *Сюань Цзан*нинг ёзишича, у *Кишм*дан шарқда жойлашган, ҳудуди бутунлай тоғлардан ташкил топган, аҳолиси баджаҳл, бешафқат, туркий-лардан ўхшаб кийинишган. Иқлими совуқ бўлса ҳам, ерлари унумдор. Аёллар ўзига хос бош кийим кийган. Бу ерда бир қанча қалъалар бўлса-да, аҳоли утовларда яшаб, кўчманчи ҳаёт тарзи кечиришган. Д.нинг биринчи подшоси *саклар*дан бўлиб, унга кўп халқлар тобе эди. Туркий қавмлар б-н қўшничилик унга кучли таъсир қилган, натижада Д. аҳолиси уларнинг кўп одатларини ўзлаштириб олган. 20-а. бошида бу туманда 27 та қишлоқ мавжуд эди, уларнинг аҳолисини тожиклар, қарлуқлар, белужлар ва ҳазоралар ташкил этган; аҳоли деҳқончилик б-н машғул бўлиб, кўп миқдорда бугдой етиштирган.

Ад.: Камалиддинов Ш. С.. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начала XIII вв., Т., 1996.

ДАРОЙИ, дорой — эртапишар жайдари узум нави. Оқ ва пушти (қизил) хиллари бор. Тупи ўртача ўсади. Оналик гули ривожланган. Барги ўртача, уч бўлакли, кам кертикли, тўқ яшил, сирти силлиқ Оқ Д.нинг узум боши ўртача (200—250 г), кенг конуссимон, шингиллари зич. Ғужуми ўртача, тухумсимон, оқ-кўкиш, карсиллайди, этдорлиги ва мазаси ўртача, пўсти қалин. Июль охири — авг. бошларида пишади. Таркибида 15—19% қанд бор. Гектаридан 100—200 ц ҳосил беради. Қизил Д. узум бошининг катталиги 350—400 г, ғужуми йирик. Ранги тўқ пушти, таркибида 18—20% қанд бор. Ҳосилдорлиги 200 ц/га боради. Ҳосил сифати ва миқдори жиҳатидан *Чиллаки* узум навига нисбатан анча устун. Д. новдалари 12—18 кўз қолдириб кесиб, суғориладиган ерларда ўстирилса, яхши ҳосил беради. Совуққа, замбуруғ касалликларига чидамсиз. Ўзбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона вилоятлари, қўшни давлатларда ўстирилади.



Қизил Дарой узум нави.

ДАРОМАД — кенг маънода киримбўлган ҳар қандай пул маблағлари ёки пул қийматига эга бўлган моддий бойликларни олиш, иқтисодий субъект ўз фаолияти натижасига кўра оладиган пул ва товар — моддий тушум. Д. пул ва моддий шаклга эга бўлиб, уларнинг йиғиндиси жами Д.ни ҳосил қилади. Д. эгалик нуқтаи назаридан аҳоли Д.и, корхона (корпоратив) Д.и ва давлат Д.ига бўлинади. Аҳолига тегадиган Д. *иш ҳақи, фойда, фоиз, рента, дивиденд* шаклларига эга (қ. *Аҳоли даромадлари, Давлат бюджети, Ялпи миллий маҳсулот*).

ДАРОМАД (мусиқада) — 1) *муқаддима,* дебоча, умуман асарнинг бош қисми, бўлаги; 2) *мақом* шўъбаси, шунингдек, унинг шаклига мутаносиб чолғу ва ашула асарларининг 1-бошланғич тузилмаси, хати. Сархат деб ҳам юритилади; 3) мақом шўъбалари орасидаги баъзи *супориш*лар. Улар навбатдаги шўъба учун муқаддима ҳисобланади. Мас., Даромади Насри Ушшоқ, Даромади Дугоҳи Ҳусайний ва ҳ.к.

ДАРОМАД ДЕКЛАРАЦИЯСИ — молия ёки календарь йилида фуқаролар (жисмоний шахслар) томонидан солиққа тортиладиган жами даромадлари кўрсатилган ва давлат органларига тақдим этиладиган хабарнома. Жаҳондаги барча ривожланган мамлакатларда *мулк декларацияси* б-н бир қаторда жорий қилинган.

Ўзбекистонда «Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида» (1991 й. 15 фев.) қонунига кўра, ўзининг асосий иш жойидан четда даромад топган жисмоний шахс Д.дн ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апр.дан кечиктирмай ўзининг истиқомат жойидаги солиқ органига тақдим этиши шарт. Тамом бўлган календарь йилида фақат асосий (хизмат, ўқиш) жойида меҳнат вазифаларини бажаришдан даромад олган жисмоний шахслар шу йил учун олинган даромадлари ҳақида Д.д. тақдим этмайдилар.

Муддатида тақдим қилинмаган Д.д. учун ёки нотўғри маълумотлар берилиб даромадлар яширилганда фуқаролар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ДАРОМАД СОЛИҒИ — молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар (фуқаролар) нинг солиқ солинадиган жами даромадларидан, юридик шахслар (ташкилотлар, хўжаликлар, корхоналар ва б.)нинг солиқ солинадиган жами даромади (фойдаси)дан ундириладиган тўғри, умумдавлат солиғи. Буюк Британияда 1842 й.дан, Японияда 1887 й. дан, Германияда 1891 й.дан, АҚШда 1913 й.дан, Францияда 1914 й.дан жорий қилинган. Собиқ СССРда 1922 й. 16 нояб.даги Декретга кўра даромад-

мулк солиғи деган умумий ном б-н жорий қилинган ва 1924 й.дан Д.с.га айлантирилган ҳамда 1991 й.гача ишчи ва хизматчиларнинг маошидан табақалашган шкала бўйича ундирилган (100 сўмдан 8 сўм 20 тийин, 100 дан юқори суммадан 13% миқдорида). Ўзбекистон Республикасида Д.с. ундириш тартиби 1997 й. 24 апр.да қабул қилинган ва 1998 й. янв.дан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ олиб борилади. Кодексга кўра юридик шахсларнинг солиқ солинадиган жами даромади (фойдаси)га 26 фоизлик ставка бўйича солиқ солинади (2001). Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари даромад (фойда) солиғи, қўшилган қиймат солиғи, экология ва б. солиқлар ҳамда йиғимлар ўрнига бюджетга ялпи даромад солиғи тўлайдилар (22—50% даражасида). Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадларига солиқ солиш мақсадида энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан эътиборан ортиб борувчи якун тарзида (ошиб борувчи ставкаларда) ҳисобланади, энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдоригача даромад суммасининг 13%, энг кам иш ҳақининг саккиз бараваригача 23%, 8 баравари миқдоридан (+1 сўм) ва ундан юқори бўлган суммадан 33% ни ташкил қилади (1 авг. 2001). Д.с. ундиришда солиқ тўловчилар учун бир қатор чегирмалар ва имтиёзлар назарда тутилган (яна қ. *Солиқлар*).

Раҳматжон Абдуллаев.

ДАРОМАДЛАРНИ ИНДЕКСЛАШ, даромадлар индексацияси — истеъмол буюмлари нархлари даражасига мувофиқ турли аҳоли тоифаларининг номинал даромадлари (иш ҳақи, нафақа, стипендия, пенсия ва б.)ни давлат томонидан мунтазам ошириш; аҳолини инфляциядан ижтимоий ҳимоялаш тадбирларидан бири. Нархнаво индекси тирикчилик учун зарур товарлар мажмуи — озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-рўзғор товарлари, хизматлар бўйича ҳисобланади (қимматбаҳо буюмлар, автомашина, биллур ва б. нодир товарларга қилинадиган харажатлар бу ҳисобга кирмайди). Биринчи навбатда энг кам даромад олувчи ва даромади белгили бўлган аҳоли тоифалари даромадлари индексланади.

Ўзбекистонда бозор ислоҳотларига ўтиш даврининг дастлабки босқичида (1991—96) ҳукумат аҳолини бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ҳимоялаш давлат дастурини ишлаб чиқди ва амалиётга жорий эта бошлади. Унга кўра, аҳоли турмуш тарзининг пасайиб кетиши олдини олиш мақсадида 1992—95 й.ларда ҳар йили 4 мартадан, 1996—98 й.ларда ҳар йили 2 мартадан Д.и. ўтказилди, даромадлар 20—50% гача индексация қилинди. Ўзбекистонда иш ҳақи тариф тизими орқали табақалаштирилиб, турли касблар ва иш турлари учун иш ҳақи тўлашнинг ягона разряллари белгиланган. Нархлар ўсиши б-н минимал иш ҳақида даражаси (1-разряд) ҳамда барча разрядлар улар ўртасидаги нисбат сақланган ҳолда ошириб борилади. Мас., 2001 й. 1 авг.дан бошлаб иш ҳақининг минимал даражаси 3430 сўм қилиб белгиланди. Д.и. мамлакатда инфляция суръатлари 20% гача бўлган тақдирдагина самара бериши мумкин.

Садир Салимов.

ДАРПАРДА — 1) дераза пардаси; 2) панжара шаклидаги ёғоч парча. Д. ўтмишда дераза кўзи ўрнида ишлатилган, ундан хона ичига ёруғлик ва ҳаво кириб турган. Қишда эса совуқ кирмаслиги учун Д.га ёғланган қоғоз ёпиштириб қўйилган.

ДАРРА — 1) 20-а. бошларигача Туркистондаги хонликларда тан жазосига ҳукм этилганларни жазолаш учун ишлатилган қамчининг бир тури. Эни 4—5 см ли 2—3 қават қайиш тасмадан тикилиб дастаси ёғочдан ишланган. Баданга қаттиқ тегсин учун тасмалар орасига қум солиб тикилган; 2) болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган *даррасолди* ўйинида ишлатиш учун эшиб, икки қават қилиб бураган белбог ёки рўмолча.

ДАРРАНДАЛАР — сут эмизувчиларнинг иккинчи номи. Баъзан Д. термини фақат йиртқич ҳайвонларга нисбатан қўлланилади.

ДАРРАНДАЧИЛИК — тери (мўйна) олиш мақсадларида қимматбаҳо мўйнали ҳайвонларни боқиш; чорвачилик тармоғи. Д.да ноёб мўйна берадиган тулкиси, қоракузан (норка), сувсар (соболь), нутрия (сув каламуши), ондатра, қундуз ва б. ҳайвонлар катакларда боқиб, етиштирилади. Кўпгина мамлакатларда саноат асосида ишлайдиган махсус Д. фермалари ва хўжаликлари ташкил қилинган. Улар товар (мўйна) етиштириш ва наслчилик ишлари натижасида қимматбаҳо йирик қора сувсар-ди (мас., Россияда табиий мутациялар асосида рангли қоракузаннинг 40 га яқин типи, наслчилик ишлари натижасида қимматбаҳо ёйрик қора сувсарлар зоти яратилган). Ўзбекистонда 20-а. нинг 70-й.ларидан бошлаб Д. соҳасида Қуйи Амударёда ва Сурхондарё вилоятида ҳаваскорлар томонидан ва матлубот жамиятлари ҳузуридаги кичик фермаларда ондатра, қундуз, нутрия, тулки, қоракузан боқилади.

Д. тармоқ сифатида Россия, АҚШ, Канада, Дания, Швеция, Норвегия, Финляндия, Болтиқбўйи мамлакатларида ривож топган.

Адиба Аҳмаджонова.

ДАРРАСОЛДИ, дуррасолди — болалар ва ўсмирлар уйини. Ўйинга қатнашувчилар давра қуриб утирадилар. Бир киши эшилган белбог (дарра)ни қўлига ушлаб, давра атрофида айланади ва даррани ўтирганлардан бирининг орқасига билдирмай ташлаб кетади, ўзи эса жой топиб ўтириб олишга ҳаракат қилади. Ўтирган одам орқасига дарра ташланганини сезиб қолса, ўрнидан тез туриб, даррани олади ва дарра ташловчини қувлайди, етиб олса дарра б-н уриб, даврани айлантириб чиқади-да, даррани унга бериб ўз ўрнига утиради. Дарра ташланган киши жой топиб ўтириб олишга улгурса, даррали одам давра айланишини давом эттириб, даррани бошқа бировнинг орқасига ташлайди. Мабодо киши ўз орқасига дарра ташланганини билмаса, унда дарра ташловчи уни уриб даврани айлантиради ва даррани унга бериб, ўзи унинг ўрнига ўтиради. Ўйин шу зайлда давом этади.

ДАРС — мактаб таълимининг асосий ташкилий шакли. Д. муайян миқдордаги доимий ўқувчилар таркиби б-н қатъий тартибда уюштириладиган ва аниқ мақсадга йўналтирилган дидактик тадбирдир. Д. — инсоният томонидан минглаб йиллар мобайнида орттирилган ҳаётий тажрибаларни ўқувчиларга жуда қисқа вақтда ўргатишнинг энг самарали усули. Таълимнинг Д. шакли Туркистонда узоқ замонлардан буён қўлланилиб келган. Д.ни ташкил этиш ва унинг самарадорлигини таъминлашда ўқитувчининг ўрни беқиёс бўлган. Туркистон мактабларида таълимнинг ташқи шаклий жиҳатларига эмас, балки моҳиятига ҳам эътибор берилган. Чунончи, ўқувчиларнинг тайёрлигини аниқлаш, уларни гуруҳларга ажратишда болаларнинг ёши ва мактабда қанча вақт ўқиганлигига эмас, балки ўтилган машғулотларни нечоғли ўзлаштирганлигига таянилган. Туркистон мактабларида таълимнинг Д. шакли бўлганлиги рида таълимнинг синф-дарс тизими б-н машғулотларни синф-дарс тарзида уюштириш тажрибаси бўлмаган. Шунингдек, Д.нинг давомийлиги, предметларнинг ўринлашуви, кундалик машғулотларнинг миқдори ўқитувчининг ўзи томонидан белгиланган. Д. ҳад. туркий маориф тизимида олий ва ўрта таълим бўғинларини ифода этган Мадраса таълимида ҳам асосий иш шакли ҳисобланган. Мадрасаларда Д. белгиланган муайян тартиб асосида уюштирилган. Айни вақтда, мадраса Д.ларида талабаларнинг мустақил ўзлаштиришларига катта эътибор қаратилган. Қад. таълим муассасалари учун Д.нинг жамоа ва индивидуал шакллари қоришиқлиги хос бўлган.

Д. таълимнинг жамоа бўлиб амалга оширилиш тарзи сифатида ижтимоий аҳамият касб этади. Шунингдек, Д. мактаб ёшидаги болаларни ялпи ўқитишни осонлаштиради, уларни жамоа сифатида тарбиялашга ҳисса қўшади, болаларда ижтимоий фаоллик ва муомала маданиятининг шаклланишига кўмаклашади. Д.да ўқув машғулотларининг индивидуал, гуруҳий ва умумсинф шакллари уйғунлашади.

Ҳар қандай жамиятда Д. жамият томонидан таълим олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун хизмат қилади. Д.нинг вазифалари таълим жараёнининг қонуниятлари ва муайян жамиятнинг комил шахс борасидаги тушунчалари б-н қатъийлашади.

Янгиланаётган педагогик тафаккур талабларига кўра замонавий Д. ўқув муассасасининг мулкий мансублигидан қатъи назар қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим: таълимнинг тарбиявий мақсадларга бўйсундирилганлиги, ўқувчини комил шахс сифатида шакллантиришга йўналтирилганлиги, илмийлиги ва изчиллиги, тарбияланувчининг фаоллиги ва мустақиллигини таъминлашга қаратилганлиги, инсонпарварлик йўналишига эгалиги, тизимлилиги, билимларни онгли равишда ўзлаштиришга қаратилганлиги, амалий аҳамиятга эгалиги ва ҳ.к.

Замонавий таълим тажрибасида бир Д. учун белгиланган стандарт вақт мавжуд. Бу вақт таълим муассасаларининг табиати, таълимнинг босқичлари ва ўқувчилар имкониятидан келиб чиқиб, 45, 40, 35 ва 30 мин.ни ташкил этади.

Таълим тизимида Д. ва уй вазифаси муносабатлари ўта муҳим саналади. Замонавий таълим тизимининг турли босқичларида ўқувчиларга уй вазифаси берилиши ёки берилмаслиги, унинг миқдори сингари жиҳатлар ўқув муассасаларининг низомларида акс эттирилади.

Пед. фани ва амалиёти учун Д.нинг таркиби масаласи ҳам муаммоли. Узоқ вақт давомида ҳар бир Д. янги мавзунинг баёни, уни ўқувчи хотирасида мустаҳкамлаш, билимларни амалиётда қўллаш каби қисмлардан иборат бўлиши шарт деб ҳисоблаб келинган. Ўқув жараёни мантиқан бундай қатъий таркибни талаб этмайди. Д. ва мактаб тажрибаси бу тизимни маъқуллаб мади. Ўқув жараёнида Д.ни ташкил этишнинг олдиндан белгилаб қўйилмаган ва ҳамма учун мажбурий бўлмаган ҳар хил йўлларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Олинган билимларни амалиётда қўллаш ҳамиша мавзуни мустаҳкамлашнинг манбаи бўлиб келган ва бу масалани Д. таркибида алоҳида кўрсатишнинг ҳожати ҳам йўқ. Бир неча Д.ни янги мавзунинг баёнига бағишлаш, айримларини лаб. топшириқларини бажаришга ажратиш ҳам мумкин. Муҳими, ўтилаётган мавзу ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиб, уларда кўникма пайдо бўлиши ва бу кўникмаларни амалиётда қўллаб малакага айлантира билишларидир.

Д. таркиби масаласи Д.ни таснифлаш, яъни типология б-н боғлиқ. Педагогик адабиётларда Д. мазмунига, дидактик мақсадга, ўтиш йўлларига, таълим жараёнининг хусусиятлари ва унинг қисмларига кўра тасниф қилинган. Одатда, Д. кириш, янги билим бериш, мустаҳкамлаш, кўникма ва малакаларни шакллантириш, билимларни амалиётда қўллаш, назорат қилиш ва аралаш каби турларга бўлинади. Таълим тажрибасида бир Д. жараёнида бир ёки бир неча Д. турлари умумлаштирилган ҳолда иш олиб бориладиган аралаш Д. кўп учрайди. Д. ўқув жараёнининг ёлғиз шакли эмас. Турли синфларда фақультатив машғулотлар, семинар, ўқув конференциялари, баҳслар, муаммоли Д.лар, амалий ишлар, устахонада ишлаш каби Д.лар мавжуд.

Қозоқбой Йўлдошев.

ДАРСЛИК — муайян фанга доир билим асосларини маълум тартибда баён этадиган ва юқори маънавий-ғоявий, илмий услубий савияда ёзилган китоб; ўқув адабиётининг асосий ва етакчи тури. Д.лар 2 асосий гуруҳга бўлинади: ўқувчилар учун Д.лар ва талабалар учун Д.лар. Ўзбекистонда ўқувчилар учун мўлжалланган Д.лардан умумий ўрта таълим мактаби, ихтисослаштирилган мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежи, махсус таълим мактаблари ва махсус интернат мактабларнинг ўқувчилари; талабалар учун нашр этилган Д.лардан олий ўқув юртлари талабалари мустақил ҳамда ўқитувчилар раҳбарлигида фойдаланадилар.

Д.лар муайян фанга оид асосий факт, илмий тушунча, қонун ва назариялар мазмунини тегишли ўқув юртининг дастури ҳажмида таълим вазифалари ҳамда ўқувчи (талаба)ларга мос тарзда очиб беради. Д.лар таълим-тарбия вазифаларининг имкони бор даражада ҳал этилишига, яъни билимнинг мунтазам, мустаҳкам ва онгли ўзлаштирилишига, ўқувчи (талаба)ларда фаннинг муайян соҳасига қизиқиш уйғотишга, уларда илмий тафаккурнинг таркиб топишига ёрдам беради. Д.нинг тили равон ва тушунарли бўлиши, ўқувчилар нутқининг ўсишига ёрдам бериши лозим.

Д.лар тарихи қадим замонлардан бошланади. Шарқда, хусусан Фурот ва Дажла дарёлари оралиғида яшаган қад. шумерлар даврида сопол тахтачаларга битилган матнлар мил. ав. 2-минг йилликка оид бўлиб, улар «қўлланма» ва «дарсликлар» вазифасини ўтаган. Кейинчалик бошқа шарқ халқларида, улардан кейин эса қад. дунёда папирус ёки пергаментга битилган қўлёзма ўқув китоблари вужудга кела бошлаган ва улар маълум бир соҳага, касбга ўргатиш учун асосий манба вазифасини ўтаган. Китоб нашр этиш иши юзага келгач, Д. лар ҳаммабоп бўла бошлади. Пед. ва психология фанларининг тараққиёти б-н Д.ларнинг мазмуни ва методик тузилиши тобора мукаммаллашиб борди.

Ўрта Осиёни Россия босиб олгунга қадар бу ерда мавжуд бўлган мактаб ва мадрасалардаги таълим-тарбиянинг асосий мазмуни ислом таълимотини ўргатишдан иборат бўлган ва уларда араб, форс, эски турк тилларида ёзилган диний китоблар Д. вазифасини ўтаган. Бу Д.лар Қуръон оят ва сураларидан, бошқа диний китобларнинг турли қисм ва парчаларидан иборат бўлган. *Мактабхона*ларда «Ҳафтияк», «Чор китоб» ва б. китоблар ўқитилган. Мадрасаларда ҳам мусулмон диний қоидалари тўплами — «Аввали илм» (форс тилида савол-жавоб тарзида тузилган), араб тили грамматикасига оид «Бидон», «Қофия» каби қўлланмалардан фойдаланилган. Баъзи мадрасаларда талабалар қад. китобларни мустақил ўқиб ўрганиши натижасида геогр., астрономия, тиббиёт ва б. фанларга оид айрим маълумотлардан хабардор бўла борганлар, мумтоз шоирларнинг асарлари б-н танишганлар.

Ўрта Осиё Россия томонидан босиб олингандан кейин рус методистлари таъсирида маҳаллий тилларда мактаб Д.лари яратила бошланди. 19-а.нинг 70-й.ларидан Тошкентда рус ва рус-тузем мактаблари учун айрим Д.лар нашр этилди. 1875 й. А. А. Терентьевнинг «Русская азбука для школ Средней Азии» («Ўрта Осиё мактаблари учун рус алифбоси»), 1885 й. В. П. Наливкиннинг «Азбука для русско-мусульманских школ оседлого населения Туркестанского края» («Туркистон ўлкасидаги ўтроқ

аҳолига мўлжалланган рус-мусулмон мактаблари учун алифбо») Д. лари пайдо бўлди. 1887 й. В. П. Наливкиннинг «Терма китоб» номи б-н ўзбекча-тожикча хрестоматияси, 1896 й. унинг «Туркистон вилоятининг Тошканд шаҳридаги семинария деган мадрасада ўқийдурган терма китоб» асари нашр қилинди. 1898 й.дан С. М. *Граменицкий*нинг 3 қисмдан иборат «Книга для чтения» («Ўқиш китоби») китоби қўлланила бошланди.

20-а.нинг бошларида янги усул мактабларининг айрим муаллимлари ҳам ўз иш тажрибаларини умумлаштириб, ўқув китоблари туза бошлашди. Мас., 1902 й. Тошкентда Саидрасул Саидазизовнинг «Устоди аввал» алифбеси, 1903 й. Алиаскар Калининнинг «Муаллими соний» хрестомияси, Рустамбек Юсуфбек ўғлининг «Таълими аввал» ва «Таълими соний», Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим», Ҳамза ва б.нинг ўқув қўлланмалари босилиб чиқди. Лекин физика, геом. сингари кўпгина фанлардан ўзбек тилида Д.лар йўқ эди. Окт. тўнтаришидан кейин барча фанлар юзасидан Д.лар тузиш ишига жадал киришилди. Мас., Шокиржон Раҳимийнинг 1919 й.да чиқарилган «Совға» алифбеси, М. Қодиров ва б.нинг 1920 й.да катта ёшли кишилар учун чиқарилган «Катталарга ўқиш» алифбеси, И. Ҳусанхўжаев ва Ф. Эргашевнинг мактаб ёшидан ўтган ўсмирлар учун чиқарилган «Ўсмир» алифбеси, озарбайжон тилидан ўзбекчага таржима қилинган «Ҳандаса», «Физика» китоблари, В. Флеровнинг 1918 й.да «Ясное утро» («Мусаффо тонг») номи б-н чиқарилган икки ўқиш китоби, Е. Д. Поливанов ва Л. И. Пальминнинг «Мак» («Лолақизғалдоқ») номли ўқиш китоби, К. А. Воскресенская, Н. П. Архангельский, О. Ф. Топольскаяларнинг Ўрта Осиёдаги русча бўлмаган мактаблар учун «Мак» номи б-н чиқарилган биринчи русча алифбеси, шунингдек, мазкур муаллифларнинг Ўрта Осиёдаги 1-босқич мактаблар учун чиқарилган «Маленький туркестанец» («Ёш туркистонлик») ўқиш китоби Окт. тўнтаришидан кейинги дастлабки даврларда чиқарилган Д.лар ва ўқув қўлланмалари жумласидандир. О. *Шарафиддинов* ёзган «Алифбе» 1938 й.дан 1970 й. гача 1-синф ўқувчиларининг асосий ўқув қўлланмаси бўлиб келди. 1970/71 ўқув йилидан мазкур муаллифнинг Қ. Абдуллаева б-н ёзган янги «Алифбе» китоби қўлланила бошлади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, таълим муассасаларида қўлланилаётган Д.ларни қайта ишлаш борасида катта ишлар олиб борилди. 1997 й.да қабул қилинган ЎзРнинг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1998 й. янв.да қабул қилинган «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Етук мутахассислар томонидан бир қатор Д.лар мазмунан қайта ишланди. Жумладан, тарих, адабиёт, геогр., мат.дан янги мазмундаги Д.лар жорий этилди. Шу давргача умумий ўрта таълим тизимининг ўқув режасида бўлмаган ўқув фанлари (табииёт, одобнома)дан оригинал Д.лар яратилди. Таълим амалиётига «Алифбо», «Табиатшунослик»дан муқобил Д.лар татбиқ этилди.

Ўзбекистонда Д.лар нашр этиш иши кенг йўлга қўйилган. Д. тайёрлашга ихтисослашган «Ўқитувчи», «Ўзбекистон», «Меҳнат», Ибн Сино номидаги нашриётлар, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ва б. нашриётлар Д.лар нашр этади. 2000 й. Ўзбекистонда 375 номда 14 млн.406,6 минг нусхада Д. нашр этилди.

Асқарали Сулаймонов.

ДАРСОНВАЛИЗАЦИЯ — юқори кучланишли ва юқори частотали ўзгарувчан токни даво мақсадида қўллаш; шу усулни тавсия этган (1891) француз олими д'Арсонваль номи б-н аталган. Умумий (индуктотерапия) ва маҳаллий Д. фарқ қилинади. Газ б-н тўлдирилган шиша электрод бемор баданида у ёқбу ёққа сурилади, бунда бемор бадани б-н электрод ўртасида кичик учқун разрядлар ҳосил бўлиб, теридаги нерв охирларини қитиқлайди. Айни вақтда терида бир оз иссиқлик пайдо бўлади, қон томирлари рефлектор йўл б-н кенгаяди. Д. тўқималарнинг озиқланишини яхшилаб, оғриқни қолдиради. Д.ла тўқималарда маълум физик ва кимёвий ўзгаришлар рўй беради. Умумий Д. қон босимини кўтаради, мия томирлари тонусини барқарорлаштиради, моддалар алмашинувини яхшилайди ва ҳ.к. Маҳаллий Д. қон томирлар тонусини оширади, моддалар алмашинувини тартибга солади, тўқималар озиқланишини яхшилайди, лимфоцитларнинг ҳимоя фаолиятини кучайтиради ва б. Периферик қон айланиши бузилганда, тўқималар озиқланиши ўзгариши натижасида эт увишиб, ҳудди чумоли юраётгандек сезилганда бу усул (маҳаллий Д.) қўлланилади. Невроз ва невралр чигаллари, гипертония касалликларига ва оғриқ б-н ўтадиган б. касалликларга даво қилишда Д.дан фойдаланилади. Д. терининг озиқланишини яхшилаши сабабли бир қанча тери касалликларини даволаш, косметикада ажин тушиши, шунингдек, соч тўкилишининг олдини олишда жуда қўл келади.

ДАРУН (форс.— ички, ички) — Самарқанд деворининг ички томонига жойлашгани сабабли *Абдидарун мажмуаси* (яъни ичкаридаги Абди мозори) дейилган.

ДАРХАН — Монголия шим.даги шаҳар. Аймоқ ҳуқуқига тенглаштирилган алоҳида маъмурий бирлик. Харагўл ва Ширингўл дарёлари оралиғида. Аҳолиси 72,6 минг киши (1999). Катталиги ва иқтисодий аҳамияти жиҳатдан Улан-Батордан кейин 2-ўринда туради. Транс-Монголия т. й. магистралининг муҳим пункти. Д. 1960 й.гача кичик бир қишлоқ эди. 60-й.ларда хорижий давлатлар ёрдами б-н Д.да Шарингўл кўмир конларини ўз ичига олган саноат-энергетика комплекси барпо этилди. Цемент ва темир-бетон панеллари з-длари, пўстин-мўйна ф-каси, озиқ-овқат корхоналари, уй-қурилиш к-тлари, иссиқлик электр ст-ялари бор.

ДАРХОН, Тархон (мўғулча — темирчи, косиб, озод киши) — Чингизхон ва унинг ворислари томонидан ҳукмрон синф вакилларига, оддий халқ орасидан чиқиб, ҳокимларга алоҳида хизмат кўрсатган кишиларга берилган унвон. Д.лик имтиёзига эга бўлган киши ҳар қандай солиқ ва мажбуриятлардан озод қилинган, улуғ хон ҳузурида бўлиш ҳуқуқидан ҳам фойдаланган. Ундан ташқари, Д.лар жиноят қилиб қўйганда ҳам, бундай жиноят 9 марта содир бўлгунча жавобгарликка тортилмаган. Д.лик мўғуллар, темурийлар ва шайбонийлар даврида Мовароуннаҳр ва Яқин Шарқда кенг тарқалган эди.

ДАРХОН ЖАНГИ (1865 й. 8 май) — чор Россияси қўшинлари б-н Тошкент мудофаачилари ўртасида содир бўлган жанг. Генерал М. Г. *Черняев* бошчилигидаги рус қўшинининг Тошкентни эгаллаш учун йўлга чиққанилан хабар топган тошкентликлар зудлик б-н мудофаага ҳозирланади. *Султон Саидхон* ва *Алимқул* 7 майда эрталаб Тошкентга етиб келиб, мудофаага бошчилик қилади. Тошкентликлар қароргоҳи *Мингўрик*даги Афросиёб тепалигида жойлашган бўлиб, у ерда шаҳар ҳимоячилари иштирокида ўтказилган машваратда Алимқул нутқ сўзлайди. Тошкентнинг обрўли зодагонлари курашни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдириб, шаҳардаги барча от-уловларини Тўйтепада қолдирилган Қўқон қўшинининг юк-аслаҳаларини ташишга сафарбар қилади. Мингўрик лашкаргоҳида сарбозлардан илғор (*авангард*) қўшин тузилади, унга *Дашти Қипчоқдаги чингизийлар*дан бўлган султон Кенесари Қосимовнинг ўғли Сиддиқ тўра қўмондон (муқаддам ул-жайш) этиб тайинланади ва айни вақтда у Қўқон қўшини *сипоҳсолори* этиб ҳам тасдиқланади. Сиддиқ тўранинг укаси Арслон тўра эса сардор (*дуғлат, арғин* ва б. кўчманчи қабилаларнинг йигитларидан ташкил топган барча отлиқ қўшинлар қўмондони) этиб белгиланади. Сўнг, Фарғонадан келган ғозийлар жанговар маиқ қилишга киришади. 8 май, эрта тонгда Тошкент дарвозалари очилиб, Эшонқул додҳо мадрасаси муллаваччалари, уламолари Мингўрикка йўл олишади. Улар ўзларини ғозий деб эълон қилиб, қарорғоҳда — Султон Саидхон ҳузурида қолади. Шу пайт русларнинг пиёда ва отлиқ отряди Шўртепадан йўлга чиқиб, Салор бўйига етиб келгани ҳақида хабар келади. Шунда Алимқул зудлик б-н қўшинни сафлайди-да, улар б-н Қўқон дарвозаси ёнидан ўтиб, Тархон-Сайёд (ҳоз. Дархон) ариғи томон йўл олади. Алимқул қўшинида 36 тўп бўлиб, уларга тўпчибоши Ҳиндистоний ва ҳинди Бажи юзбоши раҳбар эди. Бундан ташқари, қўшин таркибида ҳабаш ғулом-лардан иборат енгил қуролланган жанговчилар, эгнига оҳанпўш (темир совут), зирҳпўш (пўлат совут), ойнапўш (кўзни қамаштирадиган ялтироқ металл парчалар б-н қопланган совут), бошига дубулға ёки қулоқпўш (учли мўйна қалпоқ) кийиб олган аскарлар ҳамда узоқка отар милтиқлар б-н қуролланган ўқчи-отлиқлар отрядлари бўлиб, бу отрядларнинг ҳар бири эгарларга ортилган, юриб кетатуриб отишга мўлжалланган икки замбаракка ҳам эга эди. Алимқул қўшини тезда Тархон-Сайёдга етиб келиб, Дархонариқнинг ўнг соҳили (ҳоз. Ниёзбек ва Пушкин кўчаси яқини)га жойлашади. *Муҳаммад Солиҳ*нинг ёзишича, руслар уларни кўргач, тўпларидан ўққа тутиб, ҳужумга ташланади. Алимқул ҳам ўт очиб, қарши ҳужумга ўтишга буйруқ беради. Руслар бардош бера олмай, Салорга, сўнг унинг ортига чекинади. Алимқул қўшини эса уч тарафдан ҳужум қилиб, руслarни аввал Назарбек қўрбоши қўрғончасига, сўнг Аличак ва Олтинтепа йўлига ва у ердан Шўртепага сиқиб чиқаради. Руслар ўзининг Шўртепадаги қароргоҳига етгачгина Алимқул қўшини таъқибидан қутулади. Кейин Алимқул зафар ноғоралари садоси остида қўшин б-н Дархон бўйига қайтади. Тошкент аҳли ғолибларни катта шодиёна ва тухфалар б-н кутиб олади. Яна қ. *Тошкентнинг босиб олиниши* (1865).

Ад.: Соколов Ю., Ташкент, ташкенцы и Россия, Т., 1965; Каримов Ш., Шамсутдинов Р., Туркистон Русиё босқини даврида, Андижон, 1995.

Машҳура Шарипова.

ДАРХОНАРИҚ (қад. номи Тархон Сайёд ариғи)— Тошкент вилояти ва шаҳридан ўтувчи Салор каналининг ҳоз. темир йўл кўпригидан юқорироқда ўнг қиргоғидан бошланувчи канал. 1950-й.лар охирида юқори ўзани текислаб юборилгач, қолган қисми Оққўрғон каналининг чап шохобчасига айлантирилди. Асосан шим.-шарқдан жан.-ғарбга томон оқади. Бош қисми Оққўрғон кўчаси бўйлаб ўтган. Уз. 3,1 км. Сув сарфи 0,155 м³/сек. Мирзо Улуғбек шаҳар тумани ҳудуди орқали ўтади. 1972 й. таъмирланди. Суви оқовалар б-н ифлосланган. Д.да 3 қайнама (дюкер), 7 қувур-кўприк, 9 тармоқ бор.

ДАРЧА — халқ меъморлигида кичик эшик ёки дераза тури. Ҳовлиларда эшик вазифасини ҳам ўтаган. Меҳмонхона, турар жойларда хона ичига ёруғлик тушишига, ҳаво кириб туришига хизмат қилган. Кўп ҳолларда дераза вазифасини ўтаган Д.ларнинг юзаси кўпинча панжара б-н тўсилган. Ҳозир ҳам баъзи бинолар-да меъморий безак сифатида қўлланилади.



Самарқандаги Ҳазрати Хизр масжиди гумбаз ости дарчалари.

ДАРЬЕН БЎҒОЗИ — Кариб денгизининг жан.-ғарбида. Колумбия ва Панама соҳиллари бўйида. Уз. 165 км, чуқурлиги қирғоқ яқинида 70 м, очиқ қисмида 1200—2000 м. Сувининг ўртача т-раси 26°, шўрлиги 36‰. Қуруқлик ичкарисига 100 км гача кириб борган жан.даги тор қисми Ураба қўлтиғи деб номланган.

ДАРҒИН ТИЛИ — *дарғинлар* тили. *Дағистон тиллари* гуруҳига мансуб. Дағистон ҳудудидаги 5 туман (Акушин, Дахалаев, Қайтоғ ва б.) ҳамда б. туманлардаги баъзи қишлоқларга тарқалган. Д.т. да тахм. 300 мингга яқин киши сўзлашади. Кавказ (иберий-кавказ) тиллари Дағистон шохобчасига киради. Бир-биридан кескин фарқ қилувчи диалектларга эга. Мас., акуша, ураха (бошқача аталиши хюрка), цудахан, сирха, мунра, кубача, қайтоғ (ҳайдоғ). Сўнгги икки диалектга баъзан мустақил тил сифатида ҳам қаралади. Адабий Д.т.га акуша диалекти асос бўлган. Фонетикаси юмшоқ танглай ва кичик тил иштирок этадиган, томоқ ва бўғиз ундошлари мавжудлиги б-н фарқланади. Лексикасида туб сўзлардан ташқари бошқа (араб, форс, туркий, рус) тиллардан ўзлашган сўзлар кўпгина. 20-а. 20-й.ларигача ёзувга эга бўлмаган, дастлаб араб графикаси асосидаги ёзув қабул қилинган, сўнг лотин (1928—38), ундан кейин (1938 й.дан бошлаб) кирилл алифбоси асосидаги ёзувга ўтилган.

ДАРҒИНЛАР — Дағистон Республикасида яшайдиган халқ. Умумий сони 280,4 минг (1990-й.лар ўрталари). *Дарғин тили*да гаплашади. Ҳозир Д. ўз таркибига кайтаг ва кубачи этнографик гуруҳларини сингдириб бормоқда. Д. ўзларини дарган, кайтаглар — хайдак, кубачилар — урбучан деб атайдилар. Д. ҳақидаги дастлабки ёзма маълумотлар 9-а. араб муаллифларининг асарларида учрайди. Д. тоғли туманларда чорвачилик, тоғ олди минтақаларида боғдорчилик б-н шуғулланади. Ҳунармандчилик (асосан мискарлик) тараққий қилган. Диндорлари ислом динининг сунний мазҳабига эътиқод қиладилар.

ДАРҒОМ КАНАЛИ — Зарафшон дарёсидан сув оладиган қад. канал. Равотхўжа қишлоғи яқинидаги тўғондан бошланиб, Улус чўлигача давом этади. Тарихий манбаларда каналнинг мил. ав. 5—4-а.ларда қазилганлиги қайд қилинган. Клавдий Птолемей тузган картада (2-а.) Д. к. «Даргоманий» дейилган. Қадимда каналнинг бош тўғони бир неча марта хароб бўлган. Новларига кўрғошин ётқизилган бош тўғон 1220 й.да Чингизхон томонидан буздирилган.

18-а.даги сув тошқинлари тўғонни бир неча марта ювиб кетган. 20—30-й.ларда бош тўғон қайта тикланди, сув тақсимловчи қўшимча тўғонлар қурилди. Д. к. Янги Дарғом, Эски Дарғом ва Айланма Дарғом каналларини ўз ичига олади. Қашқадарё вилоятига Д. к.дан сув Эски Ангор канали орқали берилади. Самарқанд ш.га сув Шовдар ва Боғи шамол тақсимлагичлари орқали олинади. Умумий уз. 100 км. Сув ўтказиш имконияти — 125 м³/с. Д. к.да Хишров, Ертешар, Таллиғулон I ва Таллиғулон 2 гидроэлектр ст-ялари қурилган. Янги Дарғом Эски Дарғомга (бош қисмидан 11 км наридан) қуйилади ва каналнинг сувини кўпайтиради. Унинг уз. 10,5 км, 600 м масофада канал туннель бўйлаб ўтади. Айланма Дарғом канали Қашқадарё вилоятига 45 м³/с сув бериш зарурати туфайли қурилган. Бу канал Бош тўғоннинг сўл ростлагичи орқали Янги Дарғом б-н умумий сув олиш ҳавзасига эга ва 20,5 км дан сўнг Эски Дарғомга қуйилади. Самарқанд вилоятининг Ургут, Самарқанд, Пастдарғом туманларидаги 67,5 минг га, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаши, Китоб туманларидаги 50 минг га ер суғорилади.

Тоштемир Бекмуродов.

ДАРҒОН (араб.— тўғон, дамба, тўсиқ ва б. нинг кўплиги) — ўрта аср шаҳар харобаси. *Ҳазорасп*дан 130 км жан.-шарқда, Амударё бўйидан 3—4 км масофала жойлашган. Д. мўғуллар истилосига қадар йирик шаҳар (50 га) бўлган. *Мақдисий* (10-а.) нинг ёзишича, Д. пойтахт — Журжониядан сўнг Хоразмнинг энг йирик шаҳри ҳисобланиб, катта жоме масжиди бўлган. *Жанубий Туркманистон археология-комплекс экспедицияси* томонидан ўрганилган (1954). Ҳудудида Дарғон ота мақбараси (14-а.) бор. Амударё кечувларининг энг асосийларидан бири Д. ёнида бўлган. Д. дан ҳозирда Дарғон қалъа, Оққалъа ёхуд Кўҳна қалъа номлари б-н машҳур қалъа харобаси сақланиб қолган. Унинг майдони тахм. 6 га, атрофи қалин (2,60 м), бал. 8 м пахса девор б-н ўралган.

ДАРҲАМ — *зардўзлик*да мураккаб мужассамот тури. Буюм юзаси *заминдўзи* — *гилдўзи* усулида ифодали юза ҳосил қилиб тикилади, бунда ажойиб рангли ўйин ва тилла жилоси ҳосил бўлади. Хилма-хил чоклар ва рангли замин (бахмал) буюмни янада бойитади. Д. бой ва ҳашамдор буюмлар (мас., Бухоро амирининг кийимлари)га мўлжалланган. Бу мужассамотни малакали усталаргина бажара олган. Д.да асосан ўсимликсимон нақш қўлланилади, айрим ҳолларда чизиқлар б-н бўлинган майдонда ромблар ҳосил қилинган, уларга ўсимликсимон гуллар ҳам киритиб бойитилган. Бундай уйғунлик анъанавий бўлиб, тарихи 12—13-а.ларга бориб тақалади. Даврлар давомида гули ва тикилиш усули мураккаблашиб борган, ижроси мукаммаллашган.

ДАСТА — 1) буюм ва асбобларнинг ушланадиган қисми; 2) бир ўрам, бир тутам маъносини ҳам англатади (бир Д. гул, бир Д. қоғоз); 3) торли *созлар*нинг чап қўл б-н ушланадиган қисми (гриф). Танбур, сато, дутор, рубоб сингари анъанавий созларнинг Д.лари нисбатан узунроқ бўлиб, уларга ичак ёки ип *парда*лари боғланади. Айримларига ёғоч, суяк пардалар ҳам елимлаб ёпиштирилади ёки сим, металл пардалар ўрнатилади. Ижрочи Д.нинг пардаларига бармоқлар б-н босиб, тор товушларининг паст-баландлигини ўзгартиради. Ғижжак, дўмбира каби созларнинг Д.си пардасиз. Бундай чолғуларда товушларнинг ўрни созданинг бармоқлари б-н мусиқа уқуви орқали топиб босилади; 4) мусиқа асари ижрочилари гуруҳи — айни *ансамбль*.

ДАСТА — ипак қурти пилла ўраши учун сўкчакка бостириладиган ўсимлик ва б. материаллардан тайёрланадиган боғлам. Д. паст бўйли, тикансиз, майда барглик, сертук ўтлар (мингбош, оқбош, сариқбош, шувоқ, қарғатирноқ ва б.) дан тайёрланади. Ўт сояда қуритилгач, ҳовол қилиб боғланади. Д.ни похол, қоғоз, картон, каноп, сим, капрон ва б. материаллардан ҳам тайёрлаш мумкин. Бир қути уруғдан чиққан қуртлар учун ўт Д.дан 350 ёки похол Д.дан 150 дона қўйилади.

ДАСТАК — 1) пойабзал (кавуш, туфли) нинг ён қисми; 2) этик ва ботинканинг қўнж б-н тагчарм орасидаги орқа (товон) қисми. Уч қават (юз, охирчўп ва астар) бўлиб, бир-бирига сирач б-н ёпиштирилади; 3) эгар олдинқошининг тирсаги (ўртароқ қисми).

ДАСТАКИ МАШИНАЛАР, механикавий асбоблар — мотори (двигатели) ичига ўрнатиб кетиладиган ва қўлда ишлатиладиган техноло-гик машиналар. Асосий Д. м. жумласига пармалаш, силлиқлаш-ялтиратиш машиналари (асбоблари), механик аррашиналари (асбоблари), механик аррапармалаш, силлиқлаш-ялтиратиш маш

ятларида кайвони, ходим деб ҳам аташади. Асосан, иссиқ овқат тайёрлаш ва тортиш, тўйдан сўнг идиш-товоқни саранжомлаш ишларини ҳам бажаради, тўй ёки бошқа маросим (мас., аза) турига қараб Д. нинг алоҳида хизмати бор; 2) Туркистон хонликларида сарой хизматчиларидан бири. Улар саройга келган меҳмонларни кутиб олиш, уларнинг олдига дастурхон ёзиб, таом келтириш, кузатиб қўйиш ишларини бошқариб туришган.

ДАСТХАТ, автограф — 1) шахснинг ўз қўли б-н ёзган ёзуви, имзоси; 2) муаллифнинг асл (ўз қўли б-н ёзган) қўлёзмаси.

ДАСТШЎЙ, дашшу — қўл ювишда ишлатиладиган рўзғор буюми. Қўқонда дашшу, Андижон, Фарғона, Наманганда чилопчин деб аталади. Д. 3 қисмдан — думалоқ ясси (баъзан кунгурали) палла, сувдон ва шабакали (панжарасимон) қопқоқдан иборат. Д.ларнинг шакли ва ясалиш усули бир хил, лекин улар турлича безатилади. Асосан мис, сопол, тунукадан ясалган. Д. қадимда обдаста (офтоба) б-н бирга қўшиб сотилган. Бухоро, Тошкент, Фарғона водийси, Хоразмда Д. миноркорлик, совоткорлик услубида гириҳ, ислимий нақшлар, айрим ҳолларда тасвирлар б-н безатилиб, ҳар хил қимматбаҳо тошлар қадалган, рангли сургичлардан фойдаланилган. Шаҳрисабз, Қаршида мис Д.ларга оқ қалайи қоплаб турли мис безаклар қадалган. Д. намуналари республика музейларида сақланади.



Дастшўй.

ДАТОЛИТ (юн. dateomaj — бўламан ва lithos — тош) — минерал, оролсимон силикатлар кичик синфига мансуб борсиликат. Кимёвий формуласи $Ca[BOH(SiO_4)]$, таркибида 21,8% B_2O_3 (борат ангидрид) бор. Моноклин сингонияли; донадор кристаллар ва зич агрегатлар, оқма, радиал шуъласимон ажралмалар ҳолида учрайди. Ранги оқ, оч яшил, сариқ, сарғиш-яшил. Шишадек ялтироқ. Қаттиқлиги 5—5,5. Зичлиги 3,0 г/см³. Гидротермал жараёнда ҳосил бўлади. Ўзбекистонда Қурама тоғларидаги скарнларда бор. Хорижда Россия (Шим. Урал, Приморье), Тожикистон, Германия (Шварцвальд), Норвегия, АҚШ (Пенсильвания штати), Японияда топилган. Д. *бор* рудалари таркибига киради.

ДАТЧИК (русча), бирламчи ўзгартиргич — ўлчанаётган физик катталик (босим, т-ра, электр кучланиш, силжиш ва б.)ни узатиш, унга ишлов бериш ва қайд қилиш учун сигнал (одатда, электр сигнал)га айлантириб берадиган восита. Ўлчаш, сигнал ёки ростлаш қурилмалари тизимининг муҳим қисми; сезгир элементи текширилаётган миқдорлар (босим, т-ра, тезлик, ёруғлик кучи, электр токи, кучланиш ва б.) таъсирини сезади. Иши электр қаршилиги, сиғим, индуктивликка, шунингдек, назорат қилинадиган механик, акустик, иссиқлик, электр, оптик, магнит катталиклар таъсир этганда электр юритувчи куч (э. ю. к.) ҳосил бўлишига асосланган Д.лар (сиғим датчиги, индуктив Д., индукцион Д. ва ҳ. к.) кенг тарқалган. Электр занжирларида контактларнинг уланиб-узилишига асосланган Д.лар (контакт датчиги) ва электр машина Д.лари ҳам бор. И.ч. жараёнларини автоматлаштириш ва и.т. ишларининг амалий қисмини бажаришда ишлатилади. Д. автоматика ва телемеханика қурилмаларининг муҳим қисми ҳисобланади.

ДАУГАВА — *Ғарбий Двина* дарёсининг Латвиядаги номи.

ДАУГАВПИЛС — Латвиядаги шаҳар. Даугава дарёсидаги пристань. Т.й. тугуни. Аҳолиси 14,8 минг киши (2000). Кимёвий тола ишлаб чиқарувчи бирлашма, электр асбоблар, ҳаракатлантирувчи занжир и.ч. заводлари, енгил, озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноати корхоналари, мебель к-ти бор. Пед. институти, бадиий-ўлкашунослик музейи, театр мавжуд. Д.га 1275 й. Динабург қалъаси сифатида Ливон ордени асос солган, 1656—67 й.ларда Борисоглебск. 1893 й.дан Двинск, 1920 й.дан Д. деб аталган.

ДАУГМАЛЕ — шаҳар харобаси (милодда, Даугава дарёси бўйида жойлашган. Уй-жой, хўжалик бинолари, устахоналар қолдиқлари топилган.

ДАУЛЕТОВ Абатбай (1942.20.9, Кегейли тумани Халқобод қишлоғи) — қорақалпоқ тилшуноси. Ўзбекистон ФА акад. (1995), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1992), проф. (1992), филология фанлари д-ри (1994). Қорақалпоғистон давлат педагогика ин-тини тугатган (1964). Қорақалпоғистон давлат университида кафедра мудири (1978—85; 1996 й.дан), декан (1985—96). Илмий ишлари қорақалпоқ адабий тили фонетикаси масалаларига бағишланган («Қорақалпоқ тилида вокализм», 1976; «Қорақалпоқ тилида сингармонизм», 1993 ва б.). Д. олий ўқув юртлари ҳамда ўрта мактаб ўқувчилари учун қорақалпоқ тилига оид дарсликлар муаллифи. «Қорақалпоқ тилининг имло лугати» (1986)ни тузишда қатнашган.



ДАУН КАСАЛЛИГИ — туғма *олигофрения*нинг бир шакли. бунда болалардаги ақли норасолик б-н бирга унинг ташқи қиёфаси ҳам ўзига хос кўринишда бўлади. Д. к.ни биринчи бўлиб инглиз врачи Л. Даун тавсиф этган (1886). Касаллик ирсий табиатга эга бўлиб, кам учрайди; бунга асосан хромосома тўпламида ортиқча *хромосомалар* бўлиши (21-жуфт) сабаб бўлади, шунинг учун ҳам баъзан касаллик трисомия деб юритилади. Д. к.га йўлиққан болалар нафақат руҳий, балки жисмоний жиҳатдан ҳам заиф ва турли инфекцион касалликларга мойил бўлади. Беморларни асосан мсҳнат б-н даволаш, махсус мактабларда ўқитиш лозим.

ДАУНИНГ-СТРИТ (Downing Stree) — Лондон марказидаги кўча. Д.-с. да Буюк Британия бош вазири қароргоҳи, шунингдек, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ҳамдўстлик ишлари бўйича вазирлик идораси жойлашган. Мажозий маънода — Британия ҳукумати.

ДАФН МАРОСИМИ — марҳумни кўмиш б-н боғлиқ бўлган маросим ва урф-одатлар. Д. м. инсоният пайдо бўлганидан буён географик муҳит, ижтимоий ҳаёт ва кишиларнинг имконият-лари, шунингдек, табиий-илмий тасаввурларига ва дунёқарашига боғлиқ ҳолда ўзгариб борган. Бундан 40—18 минг йил олдинги палеолит давридаёқ Д. м. ошкора диний тус олган. Кейинчалик Д. м. ҳар бир диннинг таркибий қисми ҳисобланган диний маросим ва урф-одатлар б-н қориша кетган. Д. м. ҳамма халқларда ўзига хос расм-русумларга, қоидаларга эга. Мас., славянларда вафот этган киши б-н видолашув 3 кунгача давом этади, марҳум қабрга тобут б-н қўйилади. Ҳиндуизм динига эътиқод қилувчи халқларда, мас., ҳинд-

ларда марҳум жасадини махсус гулханда куйдириб, кулини дарёга ташлайдилар. Дафн гулхани марҳумнинг ўғиллари ёки энг яқин қариндошлари томонидан ёқилади. Кейинчалик гулхан ўрнида марҳумга бағишланган маросимлар ўтказилади. Парсизм (зороастризм)га эътиқод қилувчи Жан. Осиёдаги бир қанча халқлар марҳумнинг жасадини махсус минора-дахмаларга қўйиб, қузғунларга едирадилар (шундай дахмалар Бомбай ш.нинг ғарбий чеккасида ҳозир ҳам бор).

Ўзбекларда Д. м. катта йиғин ҳисобланади. Марҳумнинг бошини қиблага қаратиб ётқизиб қўядилар. Кўзлари очиқ қолган бўлса, юмиб қўядилар, энгагини боғлайдилар, оёқларининг бош бармоқларини бирлаштириб боғлаб қўядилар. Марҳумнинг қариндошлари узоқ-яқиндан йиғилиб келгунга қадар (баъзан бир кеча-кундузгача) кутилади. Маҳалла, қишлоқларга дафн соати тўғрисида хабар берилади. Яқин қариндошлар йиғилишади, уйдагилар ҳар бир янги келган қариндошларга қўшилиб дам-бадам марҳумга мадҳ айтиб, унинг фазилатларини гапириб йиғлашади. Д. м., одатда, бомдод, пешин ёки асрга мўлжалланади. Махсус ювувчи (ғассол, мурдашўй) мурдани сартахтада ювиб (ғусл), оқ мато (махсус дока) дан қилинган кафанга ўрайди. Д. м. қатнашувчилари йиғилиб бўлгач, маййит тобутга олинади. Тобут эшикдан эмас, балки деразадан оёқ томони б-н чиқарилади. Масжидда ёки марҳумнинг ҳовлисида *жаноза* маросими ўтказилади. Марҳумни фақат эркаклар кўтариб, ҳовлидан кўчага (агар марҳум ёш бўлса амакилари ёки акалари, кекса бўлса ўғиллари ёки энг яқин қариндошлари) чиқаришади. Кўчада шоти сингари ёғоч *анбар* устига тобутни қўйиб, тўрт киши елкасига кўтаради (марҳумнинг ёши ва жинсига қараб анбар мотам пардаси — кекса эркакларга оқ сурп, аёлларга — оддий мурсак, паранжи; йигитларга қизил рангли ёки духоба мато, жувон-қизларга духоба паранжи ёки қизил духоба мато б-н ўраб қўйилган), қолган кишилар тобут ортидан боради. Бошқалар уларга кўмаклашади. Тобуткашлар тез-тез алмашиниб, тезликда қабристонга олиб борилади. Қабристонга боргач, тайёрлаб қўйилган гўр олдида марҳум тобутдан олиниб, кафанга ўралган ҳолда гўрковга узатилади, гўрков уни гўрга юзини қибла (ғарб) га қаратиб ётқизиб қўйиб чиқади (аксарият яқин қариндош-уруғларни махсус ажратилган жойга — хилхонага кўмиш одати ҳам бор). Ўлик гўрга қўйилгач, кишилар гўрков тутган кетмонга бир сиқимдан тупроқ ташлаганлар. Гўрков тупроқни марҳумнинг боши остига тўккан. Сўнгра гўрнинг оғзи беркитилиб, тупроқ тортилган. Дафн тугаганидан сўнг гўрков ёки бошқа киши Д. м. қатнашувчиларига мурожаат қилиб, ўликнинг номини айтиб: «Қандай одам эди», деб сўрайди, ҳозир турганлар эса «яхши одам эди» деган жавобни берадилар. Бу сўроқ ва жавоб фақат эркакларга тааллуқли (хотинлар эрининг ихтиёрида бўлгани учун, хотинларга яхши ёки ёмон деб баҳо беришга эҳтиёж йўқ). Шундан кейин гўрков ҳамма келганлардан бошқа ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. сат беради. Баъзан дафнга келганларга раҳмат айтиб, тарқалишга рухлар сўраган. Пенейдан ёрдам сўраган. Пеней Д.ни лавр дарахти (дафна)га айлантириб қўйган. Д. ҳақидаги афсона назмда (Овидийнинг «Метаморфозалар» асари), тасвирий санъат ва ҳайкалтарошликда (Н. Пуссен, Л. Бернини ва б.) ўз ифодасини топган.

ДАФНА, лавр — лаврдошлар оиласига мансуб доим яшил дарахт ёки бута. талар туркуми. Барги кетма-кет, қалин, тўқ яшил, усти ялтироқ, Гули оқиш-сариқ. Меваси қора ёки кўк, данакли, бир уруғли. Асл Д. ва канар Д. тури бор. Асл Д. кўпроқ тарқалган. Ўрта денгиз атрофи ва денгиздаги оролларда ёввойи ҳолда ўсади. Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятида, Кавказ ва Қримнинг Қора денгиз соҳилларида, Озарбайжонда ўстирилади. Қуритилган барги зиравор сифатида ишлатилади (қ. *Дафна япроғи*).

ДАФНА ЯПРОҒИ — *дафна* дарахтининг қуритилган барги, хушбўй ҳидли зираворлар; Таркибида 3% гача эфир мойи бор. Пазандачиликда ишлатиладиган Д. я. тўқ яшил, оч яшил рангда, калта бандли, мазаси тахирроқ. Суюқ ва қуюқ овқатларга, шўрваларга солинганда (суюқ овқатларга овқат пишишидан 5 мин. олдин, қуюқ овқатларга 10 мин. олдин) ўзига хос таъм ва хушбўйлик беради, соус ва маринад ва тузламаларга қўшилади; гоз, ўрдак, балиқ гўштлари, шунингдек, уринган гўштлар ҳидини йўқотишда, консерва ва қандолатчилик саноатида ишлатилади. Тузлашда 100 кг ноатида ишлатилади. Тузлашда 100 кг карамга 3—4 дона япроқ ишлатилади. Тиббиётда жигар ва талоқ шишларида фойдаси катта, қуланж (ич қотиши)да ҳам истеъмол қилинади.

ДАФНИЯЛАР, сув бургалари (Daphnia) — баргоёқлилар (баъзи манбаларга биноан шохдормўйловлилар) туркумига мансуб қисқичбақасимонлар уруғи. Танасининг уз. 1—3 мм. Танаси орқа ва ён томонидан шаффоф икки тавақали чиғаноқ б-н қопланган, бошининг олд томони ўрдакнинг тумшуғига ўхшаб кетади. Бошида иккитадан йирик фасеткаси ва оддий кўзи бор. Аненнулалари майда, кучсиз. Антеннулари икки шохли бўлиб, асосий ҳаракат органи ҳисобланади. Д. об-ҳаво қулай шароитда партеногенез хусусиятига эга. Бир неча ўн тури қутбдан ташқари ҳамма ерда учрайди. Д. чучук сув ҳавзаларида балиқларнинг асосий озиғи, айрим паразит чувалчанглар учун эса оралиқ хўжайин ҳисобланади.

ДАФТАР — 1) тикилган, муқоваланган, ёзиш ёки расм солиш учун тайёрланган бир неча варақли тоза қоғоз; 2) Ўрта Осиё хонликларининг давлат девонларида олиб борилган кирим-чиқим ёзувлари. «Дафтари олий» деб ҳам юритилган. Д. га вилоятлар, амлок ва қишлоқлар бўйича давлат даромадлари ва харажатлари ёзиб борилган. Д. узун қоғоз ўрамларидан иборат бўлиб, пойгир ёки тумор деб ҳам аталган ва халқдан ниҳоятда сир тутилиб, дафтардор (хонликлар девонларида кирим-чиқим ёзувларини олиб борувчи ва Д. ни ўзида сақловчи сарой хизматчиси) қўлида сақланган.

ДАХАУ (Dachau) — фашистлар Германиясининг Дахау ш. (Мюнхен яқинида) атрофидаги 1- концентрацион лагери. 1933 й.да ташкил этилган. Фашистлар режимига қарши кишилар ҳамда коммунистлар сақланган. 2- жаҳон урушида немис фашистлари оккупация қилган ҳудуддаги кишиларни оммавий қамаш марказига айланган. Д. 100 минг маҳбусга мўлжалланган. 70 минг киши қийнаб ўлдирилган. 1960 й.да Д. да ҳалок бўлганларга ҳайкал ўрнатилган.

ДАХЛСИЗЛИК ҲУҚУҚИ — қ. *Дипломатик иммунитет. Депутатнинг дахлсизлиги.*


ДАХМА — 1) қабр устига ўрнатилган меъморий иншоот, *мақбара*. Баъзи юқори табақали кишилар кўмиладиган алоҳида бино, ҳовлилар ҳам Д. дейилган. Улар қимматбаҳо, мустаҳкам тошлардан ишланиб, гўзал ва нафис нақшлар б-н безатилган. Самарқанддаги *Амир Темур мақбараси*да Амир Темур авлодлари учун, Қўқонда Қўқон хонлари хонадони учун (қ. *Дахмаи шо-*

ҳон) Д.лар бор. Бундай Д.лар бошқа жойларда ҳам учрайди; 2) Зардуштийликда ер устига ишланган ва бир неча жасад қўйилган иншоот. Бу динга кўра ўликни тупроққа кўмиш мумкин бўлмаган, шу сабабли минора шаклидаги махсус Д.лар қурилган. Унда ўлик гўшти ҳайвонларга «ем бўлгач», гўштдан тозаланган суяклари *остодон* (оссуарий)ларга солиниб, *наус* деган бошқа иншоотга ўтказилган. Эроннинг Кермон вилоятида ва Бомбайда яшовчи зардуштийлар ҳанузгача минора шаклидаги ўз Д.ларига эга.



Қусам ибн Аббос дахмаси (Самарқанд, Шоҳизинда).

ДАХМАИ ШОҲОН (шоҳлар дахмаси) — Қўқон ш.даги меъморий ёдгорлик. 19-а.нинг 20-й.ларида қурилган. Қўқон хонлари хонадонларига тегишли шахслар *Норбўтабий* ва унинг авлодлари дафн этилган ҳазира. Дахмага ғарбдан пештоқ (9,4×11,7 м) орқали кирилади. Пештоқининг икки томонига буржлар ишланган, сиркор ғишт ва кошин безакли қилиб терилган. Пештоқ сатҳининг ён томонлари тўқ зангори рангдаги жуфт қалампир тасвирлар б-н безатилган. Ўрта қисмига зангори, яшил ва оқ кошиндан саккиз қиррали юлдузлар, тепасига қизил, қора ва яшил рангли йўл-йўл чизиқлар туширилган. Равоқ тепасида қизил, пушти, яшил, зангори ва оқ рангдаги олтибурчак ва ромб шакллари тасвирланган. Мақбара эшиги ўйма ўсимликсимон нақш ва арабий ёзувлар б-н уйғунлаштирилиб нафис безатилган. Мақбара гумбазли, ички деворларидаги дарчаларнинг биридан томга, иккинчисидан масжидга ўтилган. Учинчиси эса очиқ турган. Ички қисмидаги катта равоқлар б-н дарча равоқларининг оралиқларидаги ғиштлар тик, гажаклар эса тўлқинсимон қилиб терилган. Мақбара ёнида айвонли масжид (7×6,8 м) икки устунли бўлиб, унинг тўсинли шифти 4 катакка бўлинган, бўяма нақш б-н безатилган. Д.ш.да хоннинг онасига атаб қурилган *Модарихон мақбараси* яхши сақланган.



Даҳмаи шоҳон пештоқи.

ДАЦИТ (лот. Dacia — Дакия) — нордон эффузив тоғ жинси. Гранодиорит ва кварцли диоритларнинг эффузив тури. Д. палеозой (Урал), мезозой, кайнозой (Кавказ) давридаги вулканлардан отилиб чиққан. Шунингдек, Д. кейинги пайтда Камчаткадаги вулкан лавалари-дан ҳам ҳосил бўлган. Ўзбекистонда Чатқол-Қурама, Ҳисор тоғларида тармоқ, полиметалл конлари бўлиши мумкин. Д. қурилиш материали.

«ДАШНАКЦУТЮН» (арманча — «Иттифоқ») — арман миллатчилари партияси. 1890 й.да Тифлисда тузилган. Туркистонда маҳаллий аҳолига қарши қирғинлар уюштирган (1918—19). Аъзолари ўзларини «дашноқлар» деб атаган. Дастлаб «Д.» дастурида террор ва қуролли ҳаракат йўли б-н Буюк Арманистон давлатини барпо этиш кўзда тутилган. 20- а. бошларида Кавказда арманлар б-н туркий халқларни бир-бирига қарши қўзғатиб, миллий низоларни кучайтиришда машъум роль ўйнаган. Турк-арман қирғини (1915) сабабчиларидан бири бўлган. Шу қирғинидан сўнг дашноқларнинг бир қисми Туркистонга келиб ўрнашган. 1917 й.ги кескин сиёсий ўзгаришлардан кейин «Д.» Арманистонда ҳокимиятни эгаллади (1918 й. май — 1920 й. нояб.). Карс вилояти ва Эриван губернясида мусулмонларни оммавий қирғин қилди (1920 й. сент.).

Большевиклар Туркистонда зўравонлик б-н совет режимини ўрнатгач, «Д.» партиясининг қуролли дружиналаридан ўлкадаги миллий кучларга қарши курашда фойдаланди. Дашноқлар 1918 й. фев.да қизил аскарлар б-н биргаликда Қўқон ш.да оммавий қирғин ўтказди (қ. *Туркистон мухторияти*). Умуман 1918—19 й.лар давомида Фарғона водийсида истиқлолчиларга қарши кураш ниқоби остида тинч аҳолидан 35000 кишини қириб ташлаб, мол-мулкини талон-тарож этди. Турор *Рисқулов*, Саъдулла Турсунхўжаев, Низомиддин *Хўжаев* каби раҳбар ходимларнинг қатъий талаби натижасидагина Туркистон МИК 1919 й. 16 июлдаги буйруғи б-н «Д.» партиясини тарқатиб юборди ва дашноқ дружиналарини қуролсизлантирди (яна қ. *Истиқлолчилик ҳаракати*). «Д.» Арманистоннинг ўзида ҳам тақиқланди (1921), аммо хорижда ўз фаолиятини давом эттирди. 1990-й.лардан «Д.» Арманистонда ошкора фаолият кўрсата бошлади.

Ад.: Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Ражабов Қ. К., Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар, Т., 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости [Коллектив авторов], Т., 2000.

Қаҳрамон Ражабов.

ДАШНОБОД — Сурхондарё вилояти Сариосиё ва Узун туманларидаги сой, *Тўполондарё*нинг чап ирмоғи. Ҳисор тизмасининг тармоғи — Қолдирга тоғининг жан-гарбий ён бағридан оқиб тушувчи 60 га яқин ирмоқнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Бошланишида Сулпасан, юқори оқимида Обизаранг, ўрта оқимида Лабоб ва қуйи оқимида Д. деб аталади. Уз. 58 км, ҳавзасининг майд. 330 км². Д. қор-ёмғир ва булоқ сувларидан тўйинади. Ўртача сув сарфи 3,67 м³/сек. Тўлин сув даври март — июнда кузатилади, сувининг 85—90% шу ойларда оқиб ўтади. Д.да сув апрелда кескин кўпайиб (ўртача сув сарфи 12,3 м³/сек), окт.—ноябрда камаяди, баъзан қуриб қолади. Баҳорда кўпинча сел тошқинлари кузатилади ва дарё суви 84,5 м³/сек.гача ортади. Д.дан Обизаранг, Шарғун, Дашнобод. Сўфиён қишлоқ экинзорлари суғорилади.

ДАШТ — қора ва каштан тупроқларда чим ҳосил қилувчи ғалла гулли ўт ўсимликлари ўсадиган зонал ландшафт типи. Шим. ва Жан. ярим шарларда қуруқликларнинг ички қисмларидаги мўътадил ва субтропик минтақаларда *дашт зоналарини* ҳосил қилади. Евросиёда бу зона Ўрта Дунай пасттекислигидан бошланиб, Украина, Россиянинг Европа қисми жан.дан ўтиб, Қозоғистон орқали Олтой тоғ этакларигача чўзилган. Хитойнинг шим.-шарқида ҳам катта майдонни эгаллаган. Шим. Америкада материкнинг ўрта қисмида Кордильера тоғларига параллел равишда шим.дан жанубга чўзилган. Жан. Америкада 30°—40° кенгликларида жойлашган. Австралиянинг жан.-ғарбий ва жан.-шарқий қисмларида, Янги Зеландияда ҳам мавжуд. Турли жойда турли ном б-н аталади: Венгрияда пушта, Украина ва Россияда степь, Шим. Америкада прерия, Жан. Америкада пампа деб юритилади. Д. зонаси асосан текисликларда жойлашган. Иқлими чўлга нисбатан сернамроқ, йиллик ёғин миқдори 400—500 мм. Ёзда чўлдагидек жазирама иссиқ бўлмайди, лекин ёғин кам ва ёз иссиқ бўлганлигидан Шим. ярим шардаги Д. зонасининг жан.-да тупроқлар бир оз шўрланган бўлиб, аста-секин чала чўлга ўтади. Асосий ўсимлиги чалов, бетага, чиллакоёқ ва б. чим ҳосил қилувчи ўт ўсимликлари. Дарахт, бута (хусусан, йирик бута) учрамайди. Ҳайвонлари асосан кемирувчилар, туёқлилар; йиртқичлар ҳам кўп. Д. тупроқлари жуда унумдор бўлганлигидан деярли ҳамма жойда ҳайдалиб, экинзорларга айлантирилган. Аҳоли яшайдиган ерлардан узоқроқ, деҳқончилик учун ноқулай жойларда Д. ландшафтлари сақланиб қолган.

Д. термини дала, овлоқ жой, чўл маъноларида ҳам қўлланилади. Эронда — Эрон ясситоғлигидаги тошлоқ чўл жойлар Д. дейилади. Туркманлар қуруқ тошлоқ ерни, арманлар кенг, текис, очиқ жойни (Арарат текислиги) Д. дейишади. Араб сайёҳи Ибн Баттута Қрим я. о. билан Итил (Волга) дарёси оралиғидаги ерларни Д. деб атаган. У «дашт ям-яшил, гуллаган ҳудуд, унда тоғ ҳам, тепа ҳам, бироста дўнг ҳам йўқ» деб ёзган.

Ўзбекистонда Д.лар текислик ерларда йўқ. Фақат тоғлардаги баландлик минтақасида мавжуд. Д.лар денгиз сатҳидан 500 м ва 1200—1300 м баландликлар орасида бугдойиқ ва ҳар хил ўт, эфемерлар ўсадиган минтақани ҳосил қилади. Тупроғи тўқ бўз ва жигарранг тупроқлар. Баландроқ бўлгани учун қишда қор қоплами сақланиб туради. Қиш ва баҳорда ёғин кўпроқ бўлади. Лалмикор деҳқончилик ва боғдорчиликда кенг фойдаланилади. 1300—3000 м баландликда тоғ ўрмон-ўтлоқли Д. минтақаси жойлашган. Бу минтақадаги барг тўкувчи ўртача қуруқ дарахтзор ва бутазорлар орасида турли хил ўт ўсувчи Д. майдонлари учрайди. Бу минтақа Ғарбий Тяньшан, Туркистон, Зарафшон, Ҳисор тоғларида бор. Бу минтақадан экстенсив тоғ мевачилигида (ёнғоқ, хурмо, анжир, уноби, олма) ҳамда қўй ва эчки, йилқи боқишда фойдаланилади. Бу минтақа яхши рекреация зонаси ҳам ҳисобланади.

ДАШТ ЗОНАЛАРИ — табиий ландшафтларида кўп жойни даштлар, эгалланган табиат зоналари. Шим. ва Жан. ярим шарларнинг мўътадил ва субтропик минтақаларида тарқалган. 1) мўътадил минтақаларнинг даштзоналари. Иқлими қуруқ, континентал иқлим, сувайиргичлари ўрмонсиз. Қоратупроқ, тўқ каштан ва каштан тупроқларда ўтсимон, кўпроқ бошоқли ўсимликлар ўсади. Евросиё, Шим. Америка ҳудудларида яққол кўзга ташланади, Жан. Американинг жан.да ҳам учрайди. Д. з. юзасида жами қуёш радиациясининг кўлами йилига 500—580 кж/см² (120—140 ккал/см²), радиация баланси 145—190 кж/см² (35—45 ккал/см²). Мўътадил иссиқ, ёғин кам, қўшли ёз кам қорли совуқ қишга тез ўтади. Шим. ярим шарда июлнинг ўртача т-раси 20—24°, янв.ники 0° дан — 30° гача (Ўрта Сибирнинг жан. ва Марказий Осиёда). Йилига 200 мм дан 400 мм гача ёғин тушади. Қурғоқчилик бўлиб туради. Қишда қор бўронларига, ёзда эса гармсел (суховей) ва тўзонга айланадиган кучли шамоллар бўлиб туради. Дарё кам, сув миқдори мавсумга қараб кескин ўзгариб туради. Ботқоқ, лёссимон жинсларнинг кенг тарқалганлиги жарлар ҳосил бўлишига, табиий ўсимлик қопламининг кескин камайишига олиб келади. Қоратупроқлар гумус ва карбонатларга бой бўлгани учун унумдор. Тўқ каштан ва каштан тупроқларда гумус кам, шўртоб бўлганидан унумдорлиги паст. Д. з. нинг асосий қисми ҳайдалиб экинзорларга айлантирилган. Табиий ўсимликлардан ботқоқлилар б-н чалов, бетага, чиллакоёқ, қўнғирбош Забайкалье ва Марказий Осиё даштларида, бизон ўти, дарахтсимон ўсимликлар Шим. Америкасининг *преерия*ларида сақланиб қолган. Айрим жойларда буталар, дарё қайирларида ўрмонлар учрайди. Баҳорда эфемер ва эфемероидлар ўсади. Европа сиёқ Д. з.нинг ғарбида қарсоқ тулки, бўри, сичқон, даштолақўзани, бўрсиқ, юморонқозиқ, кўрсичқон, қўшоёқ, шарқида жайран, даур кирписи ва б., Шим. Америкада бизон, бурама шохли антилопа, даштбўриси, юморонқозиқнинг бир неча тури, Қозоғистонда даштбургути, тўрғай, судралиб юрувчилардан даштқора илони, қалтакесак, сариқ қоринли чипор илон, чўл бақаси яшайди.

Шарқий Европа текислигида қўриқ даштлар фақат қўриқхоналарда қолган. Қурғоқчилик кўп бўлганлигидан, сув ва шамол эрозияси туфайли деҳқончилик мелиорацияга муҳтож. Даштларнинг табиий ландшафти Жан. Сибирнинг ботиқларида ва Марказий Осиё тоғларида яхши сақланган; 2) субтропик минтақаларнинг даштзоналари — иқлими қуруқ иссиқ, табиий ландшафтларда ўт ва бута ўсимликлари ўсади. Асосан 25° ва 40° ш. к. ва ж. к.лар орасида жойлашган. Шим. Америкада Калифорния водийсида, Колорадо платосида, Буюк текисликларнинг жан. қисмида, Мексика тоғлигининг ички қисмида учрайди. Жан. Америкада Лаплата пасттекислигининг ва Анд тоғ олдиларидаги *пампа*ларда, Австралияда — материкнинг жан. ва жан.-ғарбий қисмидаги текисликларда, Закавказьеда Кура-Аракс пасттекислигининг тоғ олди қисмларида учрайди.

Д. з. юзасида жами қуёш радиациясининг кўлами йилига 580—790 кж/см² (140—180 ккал/см²), радиация баланси 210—290 кж/см² (50—70 ккал/см²). Қиши илиқ, қорсиз, энг совуқ ойнинг ўртача ҳаво т-раси 5—12°, онда-сонда совуқ уриш кузатилади. Ёзи иссиқ, энг иссиқ ойнинг ўртача т-раси 20—25°, вегетация даврини 3—4 ойгача қисқартирадиган тез-тез кучли қурғоқчилик бўлади. Йилига 500—600 мм ёғин тушади, материкларнинг шарқида максимум ёғин ёзда, ғарбида эса қишда бўлади. Ер устки оқимлари кам, дарёлари камсув, қурғоқчил мавсумларда кўпинча қуриб қолади. Тупроқларида темир ва алюминий оксидлари кўп. Тупроқларнинг минераллашиш жараёнлари мавсумий бўлиб, қурғоқчил даврда тўхтайди ёки кескин камаяди. Кўп жойларда шўрланган тупроқлар шаклланади. Табиий ўсимликлар таркибида чимли бошоқлилар, айрим жойларда буталар учрайди. Дарё водийлари ўрмонзор. Дарёлар оралиғида баъзан дарахтзорлар учрайди. Ҳайвонот дунёсида кемирувчилар, тез чопар туёқлилар, шунингдек, судралиб юрувчилар, ҳашаротлардан тўғриқанотлилар учрайди. Хўжалиги яйлов чорвачилиги ва деҳқончиликка ихтисосланган.

ДАШТ СУСТКАШИ (Blaps halophila Fisch.) — қора танли қўнғизлар оиласига мансуб қўнғиз. Танасининг уз. 17—25 мм, қора рангда. Мўйловлари олдкўкрагининг асосига етмайди. Ўрта Осиёнинг дашт зоналари, Россиянинг Европа қисми, Ғарбий Сибирда тарқалган. Қўнғизи ва личинкаси қишлайди. Катталиги 2 мм ча, овал шаклидаги тухумини (йилига 500 га яқин) тупроққа қўяди. Тухум қўйиш баҳор ва ёз бўйи давом этади. Личинкаси авг. ойида гумбакка айла-



Дашт сусткаши.

нади (бу давр 2—3 ҳафта давом этади). Д. с.нинг қўнғизлари учмайди, бироқ қўланса ҳидли суюқлик ажратиб, секин судралиб юради. Урғочилари ўсимлик қолдиқлари орасида (2 йилча) яшаб, бегона ўтлар б-н озиқланади. Тупроқда яшовчи қўнғизлари ва личинкалари турли қ. х. экинлари, жумладан, ғўза ва беда майсаларига, айниқса, қурғоқчилик йиллари, зарар келтиради.

Кураш чоралари: қатор ораларига ўз вақтида сифатли ишлов бериш, 10% ли базудин (40 кг/га) солиш, экин майсаларига сумицидиннинг 20% ли (0,4 кг/га) ёки децинонинг 2,5% ли эмульсияланувчи концентрати (0,3 кг/га)ни пуркаш.

Нажмиддин Маҳмудхўжаев.

ДАШТИ КАВИР — Эрон тоғлигининг шим.-шарқидаги чўл. Уз. қарийб 500 км, эни 250 км чамасида. Майд. 55 минг км². Бал. 600—800 м ли қатор берк ботиқдан иборат. Ботиқларда тақирлар, шўрхоклар, қуриб қоладиган шўр ботқоқликлар ва кўллар бор. Кўп қисмида ўсимлик деярли ўсмайди. Ёзда ер юзаси қалинлиги бир неча см ли оппоқ туз қатлами б-н қопланади. Баҳорги намгарчиликда бу ерларда юриб бўлмайди. Чўлнинг шим. чеккасида йирик воҳалар бор.

ДАШТИ ЛУТ — Эрон тоғлигининг марказий қисмидаги чўл. Уз. 550 км, эни 100—200 км. Баландлиги, асосан, 500—600 м. Чўлда берк ботиқ кўп. Энг баланд жойи 2992 м. Кўп қисми тошлоқ ва гил тупроқли; шўрхоклар ҳам учрайди. Чўлнинг жан. ва шарқидаги бал. 200 м гача бўлган қум тепаларида саксовул, жузғун ва б. ўсади. Чўлнинг чекаларидагина учрайдиган воҳаларда хурмо етиштирилади, сув танқис.

ДАШТИ МАРҒО — Афғонистоннинг жан.-ғарбдаги чўл, Ҳилманд ва Ҳашруд дарё водийлари оралигида. Майд. 150 минг км². Бал. 500—700 м. Дор дарёсининг қуриган ўзани кесиб ўтади. Иқлими субтропик; ёғин йилига 50—100 мм. Ер юзасининг кўп қисми тошлоқ ва гил тупроқли, баъзи жойларида шувоқ ва бояличлар ўсади. Жан.-ғарбида қум тепалари бор, улар оралиғи эса тақир ва шўрхоклардан иборат. Яйлов чорвачилиги ва туячилик б-н шуғулланилади. Чўлнинг чекка қисмида воҳалар учрайди.

ДАШТИ ҚИПЧОҚ, Қипчоқ дашти — Сирдарёнинг юқори оқими ва Тяньшаннинг ғарбий ён бағридан Днепр дарёсининг қуйи оқимига қадар ёйилган *даштл*арни 11—15-а.ларга оид араб ва форс манбаларидаги номи. «Д.Қ.» атамасини дастлаб *Носир Хисрав* (11-а.) қўллаган. Бу даврда *қипчоқлар* Иртиш дарёси соҳилларидан ғарбга томон кўчиб (1030 й.) *Хоразм*га кўшни бўлишган ва ҳоз. Қозоғистон ҳудуди, шунингдек, жан.-рус даштларини эгаллашган. Д. Қ. аҳолиси шарқ манбаларида — қипчоқлар, рус солномаларида — половецлар, Византия хроникаларида — куманлар, венгер манбаларида кунлар деб аталган. Д. Қ. 2 қисм — Шарқий ва Ғарбий қисмдан иборат бўлиб, Ёйиқ (Урал) дарёси уларнинг чегараси саналган. Ғарбий қисм Ёйиқ ва Итил (Волга) дарёсидан то Днепргача бўлган ҳудуддан иборат бўлган. 13-а.да Д. Қ.ни мўғуллар босиб олиб, тарихда Жўжи улуси номи б-н машҳур *Олтин Ўрда* давлатини барпо этганлар. 14-а. бошларида Жўжи улуси 2 қисмга бўлиниб кетган. Д. Қ.нинг шарқий қисмида *Оқ Ўрда* ташкил топган. Д. Қ. нинг ғарбий қисми рус йилномаларида «Половецлар ери» номи б-н учрайди. 14-а. 60-й.ларидан шарқий Д. Қ. «Ўзбеклар мамлакати», унинг аҳолиси эса «ўзбеклар» деб атала бошланди. 15-а.нинг 20-й.дан бошлаб шарқий Д. Қ.да *Абулхайрхон* ва унинг қариндош-уруғлари ҳукмронлик қилган. Д. Қ.нинг асосий аҳолиси кўчманчи ва ярим ўтроқ бўлиб, чорвачилик ва овчилик, дарё ва кўл ёқаларида яшаган аҳоли деҳқончилик, шаҳарлари (Сарой Боту, Сарой Берка, Ўрда Бозор, Сиғноқ, Аркуқ) даги аҳоли эса ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ б-н шуғулланган. 16—18-а.ларда Моваройуннаҳр тарихшунослигида «Д. Қ.» атамаси унинг шарқий қисми (ҳоз. Қозоғистон) ни англатган.

Ад.: Кляшторный С.Г., Султанов Г.И., Казахстан. Летопись трёх тысячелетий, Алма-Ата, 1992; Мурад Аджи, Полын половецкого поля. М., 1994.

ДАШТИ ҚИПЧОҚ ЎЗБЕКЛАРИ — қадимдан *Дашти Қипчоқ*нинг шарқий қисмида кўчиб юрган туркий-мўғул қабилалари. *Арлот, баҳрин, бурқутлар, дўрмон, ийжон, хитой, қарлуқлар*, можор, *қипчоқ*, қиёт, *кўнғирот*, қурловут, *манғит, найман*, нукуз, *тангут, уйғур*лар, маркит, *қўшчи*, ўтарчи, жот, чимбой, *кенагас, уйшун*, тубойи, тоймас, эчки, туман-минг, шодбахтли, шунқорли ва б. қабилалар 13-а. охири ва 14—16- а.ларда ўтган Шарқ тарихчилари томонидан умумий бир ном б-н «ўзбек» деб аталган. Ҳамдуллоҳ *Қазвиний* (1281—1350) нинг «Тарихи гузида» («Танланган тарих») асарида *Олтин Ўрда* хони *Ўзбекхон*га тобе ерлар ва халқлар ҳақида фикр юритилади ва бу қабилалар «ўзбекиён» («ўзбекийлар»), улар кўчиб юрган ерлар, яъни Шарқий Дашти Қипчоқ эса «мамлакати ўзбек» («ўзбек мамлакати») деб кўрсатилади. «Ўзбек» атамасини қабилалар уюшмаси ва шу қабилаларга қарашли ерларнинг номи сифатида Ўзбекхон даврига қадар ҳам қўлланилган. Мас., Мирзо Улуғбек ўзининг «Тарихи арбаъ улус» («Тўрт улус тарихи») номли тарихий асарида, Ўзбекхоннинг ҳокимият тепасига келиши зикрида, «ўзбек улуси унга берилди», деб ёзади. *Рўзбехон* «Меҳмонномаи Бухоро» китобида Д. Қ. ў. 3 тоифадан: *шайбонийлар* (Шайбон улусига кирган ўзбеклар), қозоқлар ва *манғитлар*дан ташкил топганлигини кўрсатади. Шайбон улуси, манбаларнинг маълумотларига кўра, 1238 й.да ташкил топган ва Урал тоғининг этакларидан Тобол ва Сарисув дарёларигача бўлган ерларни ўз ичига олган [унинг жан. чегараси Орол денгизининг шим. соҳили, шим. чегараси эса Чинги Тура (Тура)да бўлган]. Манғит улуси Эмба б-н Ёйиқ дарёлари оралиғидаги ерларга жойлашган. Манғитлар 15-а.нинг 30 й.ларида *Абулхайрхон*га бўйсундилар. Қозоқлар атамаси этноним сифатида 1446 й.дан бошлаб пайдо бўлди. Оқ Ўрда хони Ўрусхон авлоди бўлган султонлар: Гирайхон (Кирайхон) ва Жонибек 15-а.нинг 40-й.ларида Абулхайрхонга бўйсунишдан бош тортиб, ўз тарафдорлари б-н Чу ва Еттисув воҳасига кўчиб кетдилар ва орадан кўп ўтмай Қозоқ хонлигига асос солдилар (1465 й.). Абулхайрхондан кўчиб кетган бу қабилалар тарихда «ўзбек-қозоқ» номини олдилар.

Д. Қ. ў. асосан чорвачилик б-н шуғулланган, воҳаларда қисман деҳқончилик қилишган. Д. Қ. ў. фақат Ўзбекхон замонида ислом динини қабул қилганлар, лекин уларнинг урф-одатларида маъжусийликнинг айрим аломатлари сақланиб қолган. Кейинги асрларда Д. Қ. ў. Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистондаги бир неча халқнинг таркибига кирган (яна қ. *Шайбонийлар, Ўзбеклар*).

Бўрибой Аҳмедов.

ДАШТИЙ — 1) Эрон мумтоз мусиқа меросидан ўрин олган *таснифлар*дан; 2) Озарбайжон *муғом* йўлларидан бири; 3) Дашти Наво, ўзбек мумтоз туркум (икки қисм)ли чолғу асари: Наво мақоми йўлларидаги таснифларга ўхшаш, шакли ва товушлар қўлами ихчам бўлиб, асосан сурнай ва қўшнай ижрочилигидан ўрин олган. Унинг 1-қисми эркин, бадиҳагўй услубда бўлиб, 2-қисми уфар усулига туширилган.

ДАШТИСТОН — Эрондаги чўл, қ. *Гармсер*.

ДАШТОБОД — Жиззах вилояти *Зомин туман*идаги шаҳар (1974). 1937 й.гача Коратепа қишлоғи, 1937—74 й.ларда Обручево шаҳар посёлкаси, 1974 й.дан 1996 й.гача Ульяново, ўша йилдан Д. номи б-н юритилган. Вилоят маркази Жиззах ш.дан 60 км. Туманнинг шим.-шарқий қисмида, Туркистон тизмасининг шим. тоғ олди б-н Мирзачўл оралиғидаги қад. карвон йўлида жойлашган. Аҳолиси 20,4 минг киши (2001). Шаҳарда пахта тозалаш з-ди, ун к-ти, девор қоплама материаллари, лак-бўёқ, қурилиш, автотранспорт корхоналари, нотўқима мато тайёрлаш фирмаси, деҳқон бозори, савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, меҳмонхоналар, 6 умумий таълим, спорт мактаблари, касалхона, туғруқхона, спорт мажмуаси бор. Д.дан Тошкент — Самарқанд т.й. ва Катта Ўзбекистон тракти каби магистрал йўллар ўтган. Зомин—Даштобод сув қувури қурилган.

ДАЪВО (ҳуқуқда) — бузилган ҳуқуқи ёки қонун б-н қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳакамлар судига, арбитражга ёки судга қилинадиган мурожаат. Д. 3 элементдан — асос, мавзу ва мазмундан иборат. Даъвогарнинг талаби Д. мавзуидир. Д. б-н жараён бошланади, тарафлар (даъвогар, жавобгар) суд олдида ўзларининг талаб ва эътирозларини баён қиладилар. Д. аризаси суд ёки арбитражга ёзма тарзда берилади, унда ариза берилаётган суд ёки арбитраж-нинг, даъвогар ва жавобгарнинг номи, яшаш жойи, агар даъвогар юридик шахс (ташкилот) бўлса, жойлашган жойи, агар ариза вакил томонидан берилса, вакилнинг номи ва манзили, даъвогар талабини асослайдиган ҳамда тасдиқлайдиган далиллар, даъвогарнинг талаби, аризага илова қилинган ҳужжатларнинг рўйхати кўрсатилиши керак.

ДАЪВО АРИЗАСИ — қ. *Даъво*.

ДАЪВО МУДДАТИ — шахс ўзининг бузилган ҳуқуқини даъво қўзғатиш йўли б-н ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддат. Ўзбекистон Республикасининг ФКга кўра, умумий Д.м. 3 йил қилиб белгиланган. Айрим турдаги талаблар учун қонунларда умумий Д. м.га қараганда қисқартирилган ёки узайтирилган Д. м. белгиланиши мумкин. Даъво муддатлари ва уларни ҳисоблаш тартиби тарафларнинг келишуви б-н ўзгартирилиши мумкин эмас. Бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби Д. м. ўтганлигидан қатъи назар, судда кўриб чиқиш учун қабул этилади ва ушбу муддат суд томонидан фақат низодаги тараф-нинг суд қарор чиқаргунига қадар берган аризасига мувофиқ қўлланади. Қонунда Д. м. жорий қилинмайдиган талаблар ҳам кўзда тутилган, улар сирасига қуйидагилар киради: шахсий номулкий ҳуқуқларни ва б. номоддий бойликларни ҳимоя қилиш ҳақидаги талаблар; омонатчиларнинг ўз омонатларини бериш тўғрисида банк олдига қўядиган талаблари; фуқаронинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талаблар; жиноят туфайли етказилган зарарни тўлаш ҳақидаги талаблар; мулкдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни бартараф этиш ҳақидаги талаблари; мамлакат мустақиллиги эълон қилинишидан олдин унинг чегараларидан ташқарига олиб чиқиб кетилган тарихий, маданий ва илмий-бадиий қийматга эга бўлган мол-мулкни ва б. қимматбаҳо объектларни қайтариб бериш ҳақидаги талаблар; қонунда белгиланган ҳоллардаги бошқа талаблар. Д. м. б-н боғлиқ қонун-қоидалар ЎзР Фуқаролик кодексининг тегишли моддаларида кўрсатилган.

ДАЪВОГАР — қонуний манфаатларини ёки бузилган ҳуқуқини тиклаш мақсадида судга, арбитраж ёки ҳакамлар судига мурожаат қилган фуқаро ёки юридик шахс (корхона, ташкилот, муассаса). Фуқаролик процессида — ўз ҳуқуқлари бузилган ёки низога сабаб бўлган деб ҳисобловчи фуқаро ёхуд юридик шахс (қ. *Фуқаровий даъвогар*).

ДАЪВОНИ ТАЪМИНЛАШ — суд ёки арбитраж чиқарадиган қарор ижросининг асослилигини таъминловчи чораларни кўриш; *даъвогар* манфаатларини ҳимоя қилишнинг кафолатларидан бири. ЎзР ФПКга биноан суд (судья) ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига кўра ёки ўз ташаббуси б-н Д. т. чораларини кўриши мумкин. Д. т. чораларини кўрмаслик суд чиқарган ҳал қилув қарорининг ижросини қийинлаштирса ёки уни бажариб бўлмайдиган қилиб қўйса, Д. т.га йўл қўйилади. Қуйидагилар Д.т. чоралари бўлиши мумкин: 1) *жавобгар*га тегишли бўлган ва унинг ўзида ёки бошқа шахсда турган мол-мулк ёхуд пул суммасини хатлаш; 2) жавобгарнинг муайян ҳаракатларни амалга оширишини тақиқлаш; 3) бошқа шахсларнинг жавобгарга мулк беришини ёки унга нисбатан бошқа мажбуриятларни бажаришини тақиқлаш; 4) мол-мулкни хатлашдан чиқариш тўғрисида даъво қўзғатилган тақдирда, уни сотишни тўхтатиш; 5) агар қарздор ижро ҳужжати юзасидан *даъво* тартибида низолашаётган бўлса ва бундай низолашишга қонун ҳужжатларида йўл қўйилса, бу ҳужжат бўйича ундирувни тўхтатиш. Иш ҳақини, даромадни, пенсия ва стипендияни хатлаш орқали Д. т. га йўл қўйилмайди. Зарур ҳолларда суд Д. т. чорасининг бир неча турини қўллаши мумкин, лекин умумий сумма даъво бақосидан ошиб кетмаслиги керак. Д. т. тўғрисидаги ариза ишни кўраётган судья (суд) томонидан тушган куниёқ жавобгарни ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларни хабардор қилмаган ҳолда ҳал этилади (ФПК, 248—258-моддалар).

ДАЯКЛАР — Индонезия, Малайзия ва Брунейдаги халқлар гуруҳи (негаждулар, клементанлар, ибанлар, кеньялар ва б.), Калимантан о.нинг тубжой аҳолиси. 3,7 млн. киши (1990-й.лар ўртаси). Индонез гуруҳига мансуб тилларда сўзлашади. Анъанавий диний эътиқодларга амал қилишади. Христианлар ва мусулмон суннийлар бор. Д.нинг деярли барчаси қўл меҳнатига асосланган деҳқончилик б-н машғул. Овчилик, балиқчилик ва теримчилик ўтроқ Д.да қўшимча машғулот саналади. Д.нинг қишлоқлари, асосан, дарё қирғоғининг саёз жойларида жойлашган. 100—500 аҳолига мўлжалланган қишлоқларда 50 тагача оила яшайдиган анъанавий узун уйлар б-н бир қаторда 1—5 оила учун қурилган уйлар ҳам бор. Д.нинг аёллари б-н бир қаторда эркаклари ҳам безак буюмларига ўч. Д. орасида тишларни қорайтириш ва арралатиш, шунингдек, баданга турли расмлар солиш (татуировка) кенг тарқалган. 19-а. охиригача «калла ови» удум бўлган.

ДАЯНХОН (асл исми — Боту Мункэ; у «умумий хон» маъносидаги Д. фахрий унвони б-н машҳур бўлган) (тахм. 1460 — тахм. 1543) — мўғул хони (тахм. 1479 й.дан). Узоқ вақт давом этган ички курашлардан сўнг бутун Мўғулистонни ўз ҳукмронлиги остига бирлаштирган. 1488 й. ўзини «улуғ юань қоғони» деб эълон қилган. Хитой устига бир неча бор ҳарбий юришлар уюштирган. Д. нинг катта қўшини (100 минг киши), беҳисоб чорваси ва мулки бўлган. Ханғай тоғлари яқинидаги Халхада кўчиб юрган. Мўғулистонни бирлаштириш ишига унга катта ёрдам берган машҳур малика Мандухай хотун Д.нинг хотини эди. Д. вафотидан сўнг унинг мол-мулки ўғиллари ўртасида тақсимлаб олинган, Мўғулистон эса бир неча хонликларга парчаланиб кетган.

ДАҚЁНУС, Даққиюнус — қад. Рим императори *Диоклетиан* (бошқа бир манбаларга кўра Деций) исмини мусулмон Шарқида кенг тарқалган ривоятлар (хусусан, «Асҳобу Каҳф») да шарқона аталиши. Марказий Осиёда араблар истилосига қадар мавжуд бўлган шаҳар харобалари, тангалар ва б.ни қад.лигини англатиш учун «Д.дан қолган» деган ибора ишлатилган. Хоразм вилоятида жойлашган бир қатор қад. шаҳарларга ҳозиргача афсонавий шоҳ — Даққиюнус асос солган деб нисбат беришади.

ДАҚИҚА — 1) қ. *минут*; 2) жуда оз вақт, он, пайт.

ДАҚИҚИЙ (асл исми Абу Мансур Муҳаммад ибн Аҳмад) (956, Балх — 980, Бухоро) — форс-тожик шоири. Д. ёшлигида ўқиш учун Бухорога келган ва умрининг охиригача шу ерда яшаб қолган. Д. сомоний амирларидан *Мансур ибн Нуҳ* (961—76 й.лар ҳукмронлик қилган) ҳамда Абулқосим Нуҳ ибн Мансур (976—997 й.лар ҳукмронлик қилган) саройида хизмат қилган. Д. шарқ адабиётида мавжуд лириканинг барча жанрларида шеърлар ёзган. Эски манбаларда унинг қасида, ғазал, рубоий, қитъа, баҳориёт, чистон сингари жанрлардаги асарлардан таркиб топган девони борлиги таъкидланган. Лекин ҳанузгача шоирнинг қўлёзмаси топилмаган. Шоир меросидан айрим намуналар тазкира ва луғатлардагина сақланиб қолган. Д. қасидагўйлик ва ғазалнависликда устод санъаткор даражасига кўтарилган. У ўз шеърларида дўстликни, муҳаббатни, маърифатни куйлаган; қасидаларида донишманд, одил подшо бошчилигидаги марказлашган давлат учун кураш ғоясини ифодалаган. Бундан ташқари Д. Абулқосим Нуҳ ибн Мансур Сомоний тошкурғи б-н қадимги аждодлар тарихи ҳақида «Шоҳнома» ёзишга киришади. Аммо 1000 байтдан иборат «Аржасп ва Гуштасп» достонини ёзиб тугатган пайтида ўз ғуломи томонидан ўлдирилади. Кейинчалик Фирдавсий бу достонни ўз «Шоҳнома»сига киритган. Асарда Зартуштранинг пайдо бўлиши, Гуштасп ва б. аёнлар унинг динини қабул қилишлари, Турон подшоҳи *Аржасп*нинг бу воқеаадан норозилиги ҳамда Гуштасп б-н Аржасп ўртасидаги уруш ҳикоя қилинган. Мазкур жангнома Эрон ва Турон халқлари тарихини, жумладан, зардуштийлик динининг пайдо бўлишини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Ад.: Бертельс Е. Д., История персидско-таджикской литературы, М., 1960.

Ҳамиджон Ҳомидий.

ДАҒАЛ ЖУН — таркиби ҳар хил типдаги дағал (тивит, оралиқ тола) жун толаси, қуруқ ва ўлик толалардан ташкил топган, кокилчасимон тузилишдаги жун. Д. ж. толасининг ингичкалиги ва узунлиги турлича бўлиши б-н ажралиб туради. Д. ж.нинг сифати тола типларининг ўзаро нисбати, узунлиги ва ингичкалик кўрсаткичларига боғлиқ. Тивит тола қилтиқ толага нисбатан кўпроқ бўлса, жун қопламида қуруқ толалар бўлмаса, жун юмшоқ ва сифатли бўлади ҳамда юқори (I-нав)га киритилади. Д. ж. маҳаллий дағал жун берувчи қўй (қ. *Дағал жунли қўйлар*) ва эчки (қ. *Дағал жунли эчкилар*) зотларидан, туялардан ва б. ҳайвонлардан олинади. Д. ж. берувчи қўйлар жуни йилига икки марта — баҳор ва кузда қирқиб олинади. Баҳорги ва кузги жун стандартлар асосида баҳоланади. Баҳорги жун чиқиши кузги жунга нисбатан кўп ва сифати яхши бўлади. Дағал жунли қўйлар қўзиси жуни туғилган йилнинг ўзида куз фасли лига бориб, 4—6 ойлигида биринчи бор қирқимга келади. Ўзбекистон чорвачилигида қоракўлчилик ва гўшт-ёғ берадиган думбали, яъни дағал жун берувчи қўйчилик етакчи соҳа. Республикамизда асосан сифатли гиламбоп, наматбоп ва шинелбоп Д. ж. етиштирилади (қ. *Жун.*).

ДАҒАЛ ЖУНЛИ ЭЧКИЛАР — майин жунли *ангор эчкиси*дан бошқа барча эчкилар. Буларнинг жуни тивит аралаш, дағал ва узун бўлади. Эчкиларининг вазни 45—46 кг, такаларники 60—70 кг, 100 бош эчкидан 130—140 улоқ олиш, яхши парваришлаш б-н йилига икки марта болалатиш мумкин. Туққан эчкини 5—6 ой соғиб, 125—250 кг сут олинади. Сутининг ёғлилиги 3,5—3,9%. Д.ж.э. қора, кўк, малла, бурул ва ола бўлади. Маҳаллий шароитга жуда чидамли, тоғ ва чўл шароитига мослашган, Ўзбекистоннинг деярли ҳамма туманларида урчитилади. Жуни дағал бўлгани учун тивитигина тараб олинади. Ўзбекистоннинг жайдари эчкиларидан йилига 70—300 г, Поп, Нурота ва Чуст р-нларидаги қора эчкилардан 400—570 г. айримларидан 800—1200 г тивит олинади. Эчки тивитининг йўғонлиги 10—19 мк, ундан қимматбаҳо трикотаж, кашмир ва оренбург рўмоллари тўқилади.

ДАҒАЛ ЖУНЛИ ҚЎЙЛАР — қўйларнинг *дағал жун* берадиган зотлари. Маҳсулдорлик белгилари ва хўжалик аҳамиятига кўра Д.ж.қ. тери ва сут берувчи зотлар (қоракўл, решетилов, малич ва б.), гўштдор-ёғдор думбали зотлар (ҳисори, эдилбий, жайдари, қозоқи, қирғиз ва б.), пўстинбоп тери берувчи зотлар (романов, кулундин, калта жунли шимол қўйлари ва б.), гўшт-жун ва сут берувчи зотлар (балбас, бозах, лезгин, тушин, ширвон ва б.)га бўлинади. Д.ж.қ. йилига 50 кг гача сут (ёғлилиги 6—7%) беради. Ўзбекистонда боқиладиган қоракўл, жайдари ва ҳисори қўй зотлари қора, малла, қўнғир, жигарранг, ола, оқ бўлиб, боши, қулоғи, оёқлари, айримларининг (мас., ҳисор зоти) қорни қисқа, йўғон, ялтироқ, уч қисми ўткир жун б-н қопланган. Жуни тивит, қилтиқ, оралиқ жун толалари кўпинча қуруқ ва ўлик жун аралашган ёғли жун бириктмасидан иборат. Бу хилдаги жунлар қалин мовут, шолча, гилам тўқишда, шунингдек, кигиз босишда ишлатилади. Д.ж.қ. жуни йилига икки марта — баҳор ва кузда қирқилади. Баҳоргисида тивит кўпроқ, қилтиғи камроқ, толаси узун, сифати кузги жундан яхшироқ бўлади. Йилига совлиқлардан 0,8—2,0 кг, қўчқорлардан 1,2—3,5 кг жун қирқиб олинади, соф жун чиқиши 80% га боради.

ДАҒАЛ ОЗУҚА, дағал хашак — ўсимликлардан тайёрланадиган қуруқ хашак. Таркибида клетчатка миқдорининг кўплиги (25—40%) бўлиши б-н ажралиб туради. Д.о. (*пичан, сомон*, тўпон, шулха ва б.) ўтхўр ҳайвонлар қишки рационининг зарурий қисмини ташкил этади, моллар истеъмол этадиган озуқа моддаларнинг деярли ярми Д.о.дан олинади. Бу гуруҳга кирадиган озуқалар рационнинг зарур ҳажмини таъминлаган ҳолда озуқа ҳазмини яхшилайди. Д.о.дан пичан шу гуруҳдаги бошқа озуқаларга қараганда тўйимлироқ. Йўғичға, беда эспарцет, оқсўхта, бугдойиқдан тайёрланган 100 кг пичанда 45—50 озуқа бирлиги бор, протеин, минерал моддалар, углеводлар, каротинга бой. Молларга Д.о. белриш миқдори уларнинг ёши ва маҳсулдорлигига қараб белгиланади. Соғиладиган сигирлар учун Д.о. меъёри тирик вазнининг 100 кг га 2—2,5 кг миқдорида белгиланади. Сигирларда сут маҳсулдорлиги кўпайиши б-н рационда Д.о. ҳиссаси ширали озуқалар ҳисобига камайтирилади.

ДАҒАЛКАНОП, гўзор (Abutilon theophrasti Medic.) — *гулхайридошлар*га мансуб бир йиллик бегона ўт. Пояси тик ўсади, сершох, тукли, бўйи 40—250 см. Барглари йирик, узун бандли, кенг тухумсимон, сертук, навбатма-навбат жойлашган. Гуллари банди узун, сариқ ёки тўқ сариқ, йирик, беш бўлакли. Меваси қобирғали қўнғир-сариқ қўсакча. Ўқ илдизи 1 м дан кўпроқ чуқурликка етади, ён илдизлари бор.

Июль—сент.да гуллаб, авг.—окт.да мевалайди. Бир тупи 1800 гача уруғ беради. Иссиқсевар, ёруғсевар ўсимлик.



Дағалканоп.

Майсалари апр.да пайдо бўлади. Ўрта Осиёда суғорма деҳқончилик ерларида тарқалган. Ғўза ва б. чопиқ қилинадиган экинзорлар, бедапоялар, шунингдек, йўл ёқалари, боғларда ўсади.

ДАҲА (форс.—ўнлик) — 1) ўрта асрларда Марказий Осиё ва Эронда ўн кишидан иборат жанговар бўлинма. Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигидаги бундай ҳарбий бўлинма бошлиғи даҳабоши, даҳбоши деб аталган; 2) Ўрта Осиё хонликларининг қишлоқ жойлари ва йирик шаҳарларидаги маъмурий-ҳудудий бирлик. Бир неча қишлоқлар бир Д.га бирлаштирилган, йирик шаҳарлар эса бир неча Д.га бўлинган. Унда бир нечта маҳалла, бир ёки бир нечта мадраса, масжид, бозор, ҳаммом ва б. жамоат бинолари бўлган. Д. ни оқсоқол (мингбоши) бошқарган. Мас., Тошкентда Кўкча, Бешёғоч, Себзор ва Шайхонтоҳур Д.лари бўлган.

ДАҲА — эшонларнинг хонақоҳларида бўлиб ўтадиган ўн кунлик тоат-ибодат. Д.нинг энг каттаси рамазон ойида ўтган. Муридлар (эркак ва аёллар) эшон ҳузурига келиб, Д. талаб этган вазифаларни бажаришган, ўз муршидларининг панд-насиҳатларини тинглаб, ундан ялна «вирд» (кўрсатмалар) олиб тарқалганлар. Тасаввуф таълимотида Д.га ўтириш худо олдида тавба қилиш, гуноҳларни ювиш, худонинг раҳматига эришиш ҳисобланган. Д. 3 даврга; рамазоннинг биринчи ўн кунлиги — «даҳайи раҳмат», иккинчи ўн кунлиги — «даҳайи мағфират», учинчи ўн кунлиги — «даҳайи итқун минаннор»га (Аллоҳ рўзадорларнинг гуноҳларини кечириб, уларни дўзах азобидан қутқаради, дегани) бўлинган. Д. рамазондан бошқа баъзи ойларда ҳам ўтган, аммо унга хоҳлаган кишилар, кўпроқ аёллар борган. Тақводорлар учун хонақоҳ ичида бўздан пашшахонага ўхшаган бўлмалар қурилган. Д.га ўтирганлар унинг ичига кириб, рўза тутиб, кечгача ҳар хил дуолар ўқиганлар. Бу ҳолат «эътикоф» деб ҳам юритилади.

ДАҲА — қурт боқишда *ипак қурти*нинг тўртинчи-бешинчи ёшини англатувчи давр. Ипак қурти Д. си ҳавонинг ҳарорати 23—24° ва нисбий намлиги 65—70% бўлганда 8—9 кунга чўзилади. Ҳар қути уруғдан чиққан қуртлар бу даврда 60—70 м² жойни эгаллайди. Кичик ва катта Д.лар бўлади. Кичик Д. ипак қуртларининг тўртинчи ёшга ўтган даври бўлиб, бунда пилла ўрагунча бериладиган баргнинг 17% ини ейди, оғирлиги 5,5 марта, ҳажми 3—4 марта ортади. Катта Д. ипак қуртларининг бешинчи ёшга ўтган даври бўлиб, бунда улар бериладиган баргнинг 75% ини ейди, оғирлиги 4—5 марта, ҳажми 2,5—3 марта ортади.

ДАҲАНА — 1) даранинг оғзи; 2) дарёнинг этаги; 3) кўчанинг кираверишжойи; 4) бўғоз; 5) ариқ ёки канал бошланган жой, яъни тўғон боши, қулоқ; бирон катта ариқдан келадиган сувни тақсимлаш учун ариқнинг кўндалангига тўсин (кунда) ташланар, шу тўсиннинг бир неча жойи кертиб қўйилар эди. Ана шу кертик Д. дейилган. Ҳар бир кертикдан чиққан сув бир ариқдан оққан.

ДАҲАНА ВА ҚАЙРОҚҚУМ МОЗОРЛАРИ — сўнгги жез даври (мил. ав. 2-минг йилликнинг охирги чораги — 1-минг йилликнинг бошлари) қабилаларининг ёдгорлиги. Археологлар А. П. Окладников (1954) ва Б. А. Литвинский (1955—56) томонидан ўрганилган. Фарғона водийсининг шим.-ғарб томонидаги Қайроққум чўли ва Ашт тумани (Тожикистон)нинг Даҳана қишлоғидан топилгани учун шу ном б-н юритилади. Д. ва Қ.м.да олиб борилган археологик қазишлар вақтида 10 қабр очиб текширилган. Қабрлар тахта тошлардан ясалган тобут (саркофаг)лардан иборат. Маййитлар букчайтирилган ҳолда ёнбош б-н қўйилган. Ҳар бир қабрдан сирти нақшланган сопол парчалари, жез билагузуклар, қўнғироқчалар, жез билагузуклар, кўплаб мунчоқлар топилган. Д. ва Қ. м.га оид ёдгорликлар ўзининг нақши, шакли, ишланиш усули б-н Жан. Сибирь, Қозоғистон ва Ўрта Осиё чўлларида кенг тарқалган *Андроново маданияти*га ўхшаш эканлигини кўрсатади. Д. ва Қ.м.да дафн этилган аждодларимиз қабрларидан топилган ашёлардан маълум бўлишича, уларнинг ҳаётида чорвачилик муҳим роль ўйнаган. Улар Фарғона водийсининг *Чуст маданияти* қабилалари б-н яқин алоқада бўлганлар.

ДАҲАНАК (форс. — оғиз сўзидан) — пичоқ дами қинни кесмаслиги учун пичоқ қинининг оғзига киядириладиган металл. Мис ёки кумушдан ясалади. Мисдан ясалгани мисдаҳанак деб аталади. Кумушдан қилинганини мискарлар, кўпинча, чиройли нақшлар б-н безатадилар, баъзан унга феруза ёки ҳақиқ каби қимматбаҳо тошлар ўрнатадилар. Тошкент пичоқсозлари Д.ни сарак деб юритишади. Ҳозир кўпинча мис ёки жездан ясалади.

ДАҲАНАСОЙ (юқори оқимида Шоган, Ариқли, Босмандисой, ўрта оқимида Янгиариқ, Мозорсой, Ширинсой) — Тожикистон Республикаси Ўратепа туманидаги сой, *Сирдарё*нинг чап ирмоғи. Туркистон тизма тоғининг шим. ён бағирларидан бошланади. Уз. 108 км, ҳавзасининг майд. 780 км². Д. қор, ёмғир, кўпроқ булоқ ва қисман кичик музликлар сувларидан тўйинади. Ўртача сув сарфи 1,82 м³/сек, қуйи оқимида 1,22 м³/сек. Оқими йил давомида ойлар бўйича кам ўзгаради. Тўлинсув даври май-июнда кузатилади. Д. суви асосан суғоришга сарфланади.

ДАҲАНДАМ, пудагич (форс.) — пуфлаб дам берадиган найсимон асбоб. Икки хил бўлади: 1) тўғри Д. б-н кўра (ўчоқ) алангаси йирикроқ безак буюмларига, минералларга пуфланади; 2) эгри Д. б-н (бир томони қайрилган бўлади) нозик — кўра алангаси эритиб юборадиган буюмларга, мас., узук банди, зирак кабиларга, минералларнинг жуда майда кристалларига чироқ алангаси пуфланади (шунинг учун Қўқон, Марғилонда чироқ даҳандам деб аталади). Иссиққа чидамли металлдан ясалади. Д.дан металл буюмларни кавшарлашда, тоғ жинслари ёки минераллар таркибини ўрганишда фойдаланилади.

ДАҲБЕД — Самарқанд вилояти *Оқдарё туманида*ги шаҳарча (1978 й.дан). Д. Миёнқолнинг шарқида, Оқдарёнинг чап соҳилида жойлашган. Д. номи форс. дах — ўн, бед — тол дан деб талқин қилинади.Д. яқин т.й. станцияси — Зарафшондан 9 км. Аҳолиси 7400 киши (2000). Пахта қабул қилиш пункти, МТП, хусусий тикувчилик корхонаси, механизациялашган кўчма қурилиш корхонаси бор. Д.ни Катта Ўзбекистон тракти кесиб ўтган. Д.да тарихий обидалардан Махдуми Аъзам мажмуаси (16-а.; 1996—98 й.ларда таъмирланган) сақланган. 2 умумий таълим мактаби, Самарқанд механика иқтисодиёт коллежи, касб-ҳунар мактаби, 2 кутубхона, маданият маркази мавжуд.

ДАҲБЕДИ — қовуннинг эртапишар нави. Шакли тухумсимон, дум томони тўмтоқ, уз. 15—25 см, оғирлиги 1,7—3 кг. Сирти текис, сертўр. Туси оч яшил. Пўстининг қалинлиги ўртача. Этининг қалинлиги 3,5—4,5 см, оч яшил, кувраК, хушхўр, таркибида 8—10,5% қанд, шу жумладан 5,4—6,7% сахароза бор.



Даҳбеди қовун нави.

Уруғхонасининг ярмини уруғдонлар эгаллайди. Уруғи экилганидан кейин 70—75 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 250—300 ц/га. Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида экилади. Д.дан *қовунқоқи* ҳам солинади (қ. *Қовун*).

ДАҲИСТОН МАДАНИЯТИ, Архаик Даҳистон маданияти — Ўрта Осиёнинг жан.-ғарбида, Каспий денгизи бўйларида қадимда мавжуд бўлган археологик маданият (мил.ав.2-минг йиллик охири — 1-минг йилликнинг 1-чораги охири). Ҳоз. Астробод (Эрон) атрофидаги жез даврига мансуб ёдгорликлар б-н генетик алоқадорлиги кузатилади. Мисриён текислигида Д. м.га оид бир қанча воҳалар тадқиқ этилган. Текширишлар натижасида Атрек дарёсидан сув олган, кенглиги 5—7 м, уз. 50—60 км га етган магистрал каналларга асосланган суғориш тизимлари аниқланган. Деҳқончилик хўжаликнинг етакчи тармоғи бўлган, бунга ёрғучоқ, чақмоқтош ва темир ўроқларнинг кўплаб топилганлиги далил бўла олади. Жездан қурол-яроғ (шамширлар ва пайконлар) ясашган. Сопол идишлар кулолчилик чархида ясалган. Мисриён воҳасида истеҳкомли ва истеҳкомсиз қишлоқлар бўлганлиги аниқланган, улардан баъзилари (мас., Иззатқули — 50 га га яқин) жуда катта бўлган. Иншоотлар, асосан, жуда йирик хом ғиштдан қурилган. Иззатқулида марказий истеҳком бешбурчак шаклда бўлиб, атрофида турар жой қолдиқлари сақланган, қишлоқ четидаги бир нечта жойда хумдонлар топилган. Бошқа бир йирик ёдгорлик — Мадовтепанинг ҳам тарҳи шунга ўхшаш. Қишлоқ маркази худди Иззатқулидаги каби истеҳком бўлиб, унинг ҳоз. сақланган бал. 13 м, маданий қатламининг қалинлиги 6,5 м ни ташкил этади. Д. м.га оид топилмалар Каспий бўйининг бутун жан.-шарқий қисмидан ҳам аниқланган. Бу ушбу маданий-тарихий вилоятни Авесто ва сўнгги ёзма манбалардаги Гиркания б-н боғлаш имконини беради.

ДАҲКАТ, Дукенттепа — ўрта аср шаҳар харобаси (6—16-а.лар). *Оҳангарон* дарёси ирмоғи Дукентсойнинг ўнг қирғоғида, Ангрен ш.дан тахм. 8 км шим.даги Дукент қишлоғида жойлашган. Д. олтин ва кумуш конларига бориладиган йўл ёқасидаги мустаҳкам қалъа-шаҳар ҳисобланган. Шарқ манбалари (мас., «Ҳудуд ул-олам», 10-а.)да ёзилишича, Д. Шошнинг обод шаҳарларидан саналган, Д. харобасини 1958 й. археолог В. Д. Жуков текшириб, кумуш тангалар топган. Ю. Ф. *Буряков* археологик қазиш ва кузатув ишлари олиб борган (1959, 1960, 1966), Д. арк (майд. 0,5 га) ва шаҳристон (майд. 7,5 га) дан иборат бўлган. Арк-нинг бал. 6—8 м. Илк ўрта асрга оид сарғиш, оч қизил ранг б-н бўялган сопол (*Мингўрик* топилмаларига ўхшаш), шиша буюмлар, ёрғучоқлар, бурама кумуш билагузуклар (10—12-а.лар), кумуш ва мис танга хазиналари (11—12; 13—16-а.лар) топилган.

ДАҲЛАР, дайлар — қадимда ҳоз. Туркманистоннинг жан., шунингдек, Ўзбекистоннинг бир қисмида яшаган қабилалар. Д. дастлаб *Ксеркс* нинг мил. ав. 486—480 й.ларга оид битигида қайд этилган. Тарихчи *Бероснинг* ёзишича, *Кир II* Оксус (Амударё) бўйларида яшовчи кўчманчи Д. б-н бўлган жанда ҳалок бўлган. Д. *Александр* (Искандар Мақдуний) нинг Ўрта Осиёга юриши (мил. ав. 330—327) га оид воқеаларда ҳам тилга олинган. Баъзи фаразларга кўра, Д. *Спитаменни,* Александр тутиб берганлар. Мил.ав. 3 — мил. 1—2-а.лардаги ёзма манбалар асосан, Д.ни Каспий денгизининг жан.-шарқий қирғоғида яшовчи аҳоли сифатида қайд этадилар. Д.нинг шим.да *дербиклар* яшашган. Д. апарнлар (парнлар), ксантийлар ва писсурлар каби уруғларга бўлинган. Атрек ва Сумбар дарёларининг қуйи ҳавзаси ўрта аср-ларда Даҳистон — Д. мамлакати деб номланган.

Ад.: Ртвеладзе Э., Великий шелковый путь, Т., 1999.

ДАҲЛИЗ — меъморликда турар жой ва меҳмонхоналарга туташ қурилган қўшимча хона. Асосан, 3,5 м ли, болор (тўсин)ли кичик хона бўлиб, кўпинча, бир хона ёнига ёки икки хона ўртасига қурилади, шу хоналарга Д. орқали кирилади. Уч, тўрт хонани боғловчи, икки ёнида ва кириш эшигининг қаршИ томонида ички эшикларга эга бўлган Д.лар учрайди. Д.ларда пойабзал, устки кийимлар ечиб қўйилади. Д. ички хоналарга совуқ ёки иссиқ ҳаво киришига ҳам маълум даражада тўсқинлик қилади. Д. Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган.

ДАҲО (араб.) — фавқулодда кучли ақл, хотира ва ижодий истеъдод; билим савияси, дунёқарашига кўра ўз даври даражасидан илгари кетган шахс. Д.лар фан-техника, маданият, хусусан бадиий ижодиёт соҳасида муайян миллат, давлат миқёсида эмас, балки умумбашар, жаҳон миқёсидаги муҳим кашфиётлар қилишга, илмий, бадиий асарлар яратишга қодир бўлади. Мас., *Ибн Сино* (табобат), *Форобий* (фалсафа), *Беруний* (мат.), *Улуғбек* (фалакиёт), Имом Бухорий, Аҳмад Яссавий (тасаввуф) каби беназир алломалар илм-фанда, эътиқодда буюк кашфиётлар яратганлар. *Амир Темур, Бобур* инсоният тарихида ўчмас из қолдирган ва ижтимоий тараққиётни янги босқичга кўтарган салтанатларга асос солганлар.

Д.лар яратган асарлар муайян соҳада бурилиш ясаган, янги юқори босқичга ўтиш учун хизмат қилган. Чунки улар илгари илм-фанда, ижодда мутлақо номаълум янгиликларни очганлар. Мас., Алишер Навоий асарлари туркий халқлар адабиёти ва тили тараққиёти учун бурилиш нуқтаси бўлган. «Хамса», «Чор девон», «Муҳокамат улуғатайн ва б. асарлари жаҳон маданияти тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган. Д.лик буюк иқтидор ва юксак ижтимоий онг маҳсулидир. Д.лар доҳий деб ҳам айтилади. Қад. Д.лик (*гениаллик*) илоҳий марҳамат сифатида баҳоланган (Платон, неоплатонизм ва б.). 19—20-а.ларда Д. ва ижоднинг турли томонларини психологик ҳамда ижтимоий тадқиқ қилиш ривожланди.

ДАҲРИЙЛИК (араб. даҳр — вақт, тақдир, фалак) — ислом пайдо бўлмасдан илгари араб жамиятида кенг тарқалган ақида. «Ўлим», «тақдир», «ажал» нинг етиши» маъноларини англатган. бу ақидага кўра, инсоннинг тақдири олдиндан белгилаб қўйилган, у эркин ирода ёки ихтиёр эгаси эмас, пешонасига «ёзилган» нарса, албатта, содир бўлади ва ундан қутулишнинг иложи йўқ. *Жоҳилия* арабларида нариги дунё борлигига, бу дунёда заҳмат чекканга у дунёда ажр, гуноҳ ишлар қилганларга азоб берилишига ишонч йўқ эди. Борлиқнинг эгаси, олий ҳокими сифатида муайян бир худо эмас, қандайдир «даҳр», тақдири фалак, инсон иродаси б-н ҳисоблашмайдиган ва ундан юқори турадиган тасодифий ўзгаришлар жараёни тасаввур қилинарди. Уларнинг эътиқодича, ўлимдан сўнг ҳамма нарса тугайди, шунинг учун бугунги кун б-н яшаб қолиш керак. Бундай ҳиссиёт Қуръонда қуйидаги сўзлар б-н ифодаланган: «Улар дейдилар: фақат битта — бу дунёдаги ҳаётимиз бор — яшаймиз ва ўламиз; бизни даҳр (вақт, тақдир) ҳалок қилади» (Жосия сураси, 24-оят). Кейинчалик, ислом адабиётида «даҳрий» сўзи «мўъмин» сўзининг акси сифатида ишлатила бошланди. Ўрта асрларда бир қанча олим, мутафаккир ва шоирлар (мас., Мансур Ҳаллож) Д.да айбланиб, шафқатсиз жазоланган. Ҳозир ҳам мусулмон дунёсида Д. қораланади. Д. ва *атеизм* атамалари бир маънони англатмаса-да, шўролар даврида уларни синоним сўз сифатида ишлатиш расм бўлиб қолган эди.

Аҳаджон Ҳасанов.

ДАҲРОН — Саудия Арабистонидаги шаҳар. Форс қўлтигидан 8 км ичкарида. Аҳолиси қарийб 60 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Т. й. станцияси. Халқаро автомобиль йўллари ўтган. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Нефтни қайта ишлаш маркази. Нефть ин-ти бор.

ДАҲСАР — оғирлик ўлчов бирлиги. Мамлакатимизнинг кўп вилоятларида, айниқса Бухоро ва Самарқанд вилоятларида қўлланиб (19-а.), қиймати 1 *манн* (баъзи жойларда 32 кг) га, баъзи жойларда 1/4 ботмонга, яъни 1/4 маннга тенг бўлган.

ДАҲЯК (форс.— ўндан бир) — 1) Бухоро амирлигида вақф ерларидан олинган даромаднинг мадраса муллаваччаларига бериладиган қисми. Давлат ерларига қўшиб олинган вақф ерларидан ҳам Д. ажратилган. Бундай ерлар «вақфи Д.», Д. олувчи талабалар даҳякчилар дейилган. Д. олиш учун мадраса талабалари араб тили ва шариат қоидаларидан имтиҳон топширишлари лозим бўлган. Д.нинг 2 карраси дудаҳяк ерлари деб аталган; 2) Хива хонлигида солиқ тури. Д. чиғир б-н суғориладиган ерларда ҳосилнинг 1/10, ариқ б-н суғориладиган ерларда 1/5 қисмини ташкил қилар эди. Солиқ сондалага чиғир б-н сув чиқаришнинг қийинчилигига боғлиқ бўлган (қ. *Ушр*).


ДВИГАТЕЛЬ (рус.) бирор турдаги энергияни (мас., сув, шамол энергиясини) механик энергияга айлантириб берадиган машина.

Табиий энергетика ресурслари (ёнилғи, сув энергияси, шамол энергияси ва б.) ни тўғридан-тўғри механик энергияга айлантирувчи Д. бирламчи Д. деб аталади (мас., буғ машинаси, буғ турбинаси ва б.). Бирламчи Д. ҳосил қилган энергияни бошқа турга ўзгартирувчи Д. иккиламчи Д. деб аталади (мас., электр ёки пневматик Д.). Табиий энергетика ресурслари турига қараб., иссиқлик, гидравлик (сув), шамол ва б. Д.лар бўлади. Иссиқлик Д. ўз навбатида буғ двигатели ва *газ двигателига* бўлинади. Газ Д. *ички ёнув двигатели* деб ҳам аталади. Иссиқлик Д. ядро куч қурилмаларининг таркибий элементлари сифатида ишлатилиши мумкин. Д. стационар (муқим), кўчма ва транспорт хилларига ҳам ажратилади. Стационар Д. бир жойга ўрнатиб ишлатилади. Кўчма ва транспорт Д. трактор, автомобиль ва самолётларга ўрнатилади. Д. асосий иш органи ҳаракати тарзига қараб, поршенли, парракли (роторли) ва реактив хилларга бўлинади (қ. *Авиация двигатели, Автомобиль двигатели, Реактив двигатель*).

Ўрта Осиё, Миср, Хитой ва Ҳиндистонда қадимда экинлар энг оддий Д. — чархпалаклар ёрдамида суғорилган. 18-а. охирида Англия саноатида бошланган юксалиш машина техникасининг ривожланишига сабаб бўлди. Англияда 1784 й.да Ж. *Уатт* ишлаб чиққан иссиқлик Д.и сув насосларида кенг қўлланила бошлади. И. И. *Ползунов* 1763 й.да дунёда биринчи буғ машинасини ихтиро қилди. Биринчи ички ёнув двигатели лойиҳаси 1879 й. да тузилди. Германияда 1885 й.да ихтирочилар Даймлер ва Бенц бензин б-н ишлайдиган ихчам ички ёнув Д.ини қурди. 1893 й.да немис олими Р. *Дизель* янги принципда ишлайдиган Д.ни (дизелни) яратди. 1911 й.да рус ихтирочиси Я. В. Мамин 18 ва 33 кВт ли Д.ни трактор га ўрнатди. 1888—89 й.ларда рус олими М. О. *Доливо-Добровольский* 3 фазали асинхрон электр машинасини ясади.

20-а. 1-ярмида иссиқлик двигателининг янги тури — *газ турбинали двигатель* яратилди. У авиацияда энг кенг тарқалган (авиацияда улар *турбореактив двигателлар* деб аталади). Газ-турбинали двигателлардан иссиқлик электр ст-яларида электр генераторларини ҳаракатлантиришда газ-турбовозлар, огир юк автомобиллари ва б. транспорт воситаларида, кемалар, катерлар ва сув ости кемаларида тортувчи двигателлар сифатида фойдаланилади. Рус олими К. Э. *Циолковский* дунёда биринчи бўлиб *ракета двигателлари*нинг асосий элементларини баён қилди. Ракета двигателлари реактив двигателнинг бир тури ҳисобланади. Ҳаво-реактив двигателларида ёниш камерасига ёнилғидан ташқари ҳаво ҳам берилади. Шу боис улардан фақат атмосферанинг зич қатламларида учишдагина фойдаланиш мумкин. Ракета двигателларига ҳаво шарт эмас (ёнилғининг барча аралашмалари буларнинг ўзида мавжуд), улар ҳавосиз бўшлиқ, яъни коинотда бемалол ишлай олади. Ушбу двигателлар асосан жанговар ракеталарга ҳамда *космик кемалар*нинг ракета элтувчиларига ўрнатилади. Ю. А. Гагарин бошқарган биринчи «*Восток*» космик кемаси Д.ининг қуввати 14 млн. кВт (20 млн. о. к.) эди. Буғ турбиналари йирик электр ст-яларининг асосий Д.и бўлиб қолди. Мас., Тошкент ГРЭС ида ҳар қайсисининг қуввати 165000 кВт дан бўлган буғ турбиналари, Сирдарё ГРЭС ида эса 300000 кВт ли буғ турбиналари ишлаб турибди.

ДВИГАТЕЛЬ ЛИТРАЖИ — поршенли *ички ёнув двигатели*нинг иш ҳажми йиғиндиси. Мас., битта цилиндрнинг иш ҳажми поршень юзининг цилиндрдаги поршень йўлига кўпайтмасига тенг. Д.л. дм³ (литр) да ифодаланади. Двигателнинг қуввати ва ўлчамларини билдиради (мас., микролитражли, кичик литражли двигатель ва б.). Цилиндрлари литражи кичик бўлган двигателларнинг ёнилғи сарфи кам бўлади.



Двигатель. Дизель двигателининг бўйлама қирқими: *1* — маховик (залвар масса); *2* — блок-картер; *3* — цилиндрлар каллаги; *4* — сув насоси; *5* — мой насоси; *6* — тирсакли вал; *7* — цилиндр; *8* — поршень.

лар (мас., мотоцикл двигателлари) литражи, кўпинча, $см^3$ ларда ифодаланади. Мас., *Асака автомобиль заводи*да ишлаб чиқариладиган автомобиллар учун Д. л. қуйидагича: «Тико» (уч цилиндрли) — 796 $см^3$, «Нексия» (тўрт цилиндрли) — 1488 $см^3$, «Дамас» (уч цилиндрли) — 796 $см^3$. Автомобиль, самолёт, мотоцикл, спорт қайиқлари пойгаларида улар Д. л. бўйича синфларга бўлинади ва синф-синф бўлиб пойгада қатнашади.

ДВИГАТЕЛЬ-ГЕНЕРАТОР — бир-бирига механик тарзда боғланган ва бири двигатель, иккинчиси генератор сифатида ишлайдиган электр машиналардан иборат агрегат. Д.-г. ўзгарувчан токни ўзгармас токка айлантириш ёки фазалар сонини, ток частотасини, кучланишни ўзгартириш учун хизмат қилади. Истеъмолчининг эҳтиёжига қараб, Д.-г. ҳар хил параметрли бўлиши мумкин (мас., электр пайвандда — кучли ток, авиацияда — юқори частота, қуруқлик ёки сув транспортида — ўзгармас ток ва ҳ. к.). Яримўтказгичли ўзгартиргичларнинг тараққий этиши муносабати б-н Д.-г. дан кам фойдаланилади.

ДВОРЖАК (Dvorak) Антонин (1841.8.9, Прага яқинидаги Нелагозевес қишлоғи — 1904.1.5, Прага) — чех композитори, миллий композиторлик мактаби асосчиларидан. Чехия фан ва санъат академиясининг аъзоси (1890), Прага консерваториясининг проф. (1891) ва директори (1901 й.дан). Нью-Йоркдаги миллий консерватория директори (1892—95). Д. меросида 10 опера (1870—1903), 9 симфония (1865—93), симфоник поэмалар, бир нечта камер ва хор асарлари мавжуд. Вокал-симфоник ижодида «Авлиё Людмила» ораторияси (1886), «Мадҳия» кантатаси (1873) алоҳида ўрин тутади. «Янги дунёдан» номли 9-симфонияси (1893)да Д. Европа *симфонизми* анъаналарини янги — чех ва Америка халқлари куй ва усуллари б-н бойитди. Д. ижоди чех мумтоз композиторлик ижодиётининг энг юқори чўққисидир. Ёркин миллий руҳ б-н суғорилган, хилма-хил куй ва ритмларга бой Д. мусиқаси ўзининг ҳаётбахшлиги, романтик жўшқинлиги б-н ажралиб туради.

ДВОРЯНЛАР, дворянлик — ўрта аср жамиятида имтиёзлари меросий бўлиб қонун б-н мустаҳкамланган олий табақалардан бири (руҳонийлар б-н бирга). Хусусий ер эгалиги — Д.нинг иқтисодий ва сиёсий таъсирининг асосини ташкил этган. Ғарбий Европада Д. қад. аристократлар авлодидан, қирол саройидаги мансабдор шахслар, рицарлардан шакллана борган ва абсолютизм (мутлақ ҳокимиятлик) даврида вужудга келган. Д. олий ва қуйи табақага бўлинган, бу эса уларнинг унвонида ўз ифодасини топган (Англияда барон ва рицарлар, Испанияда грандлар ва идальголар, Польшада магнатлар ва шляхталар ва б.) Ғарбий Европа мамлакатларида табақавий жамият тугатилгандан сўнг Д. ўзининг кўпгина имтиёзлари ва сиёсий таъсирини сақлаб қолган. Россияда 12—13-а.ларда ҳарбий-хизматчилар табақасининг энг қуйи қисми сифатида вужудга келган. 14-а.дан Д. хизматлари эвазига ер олишган (қ. *Помещиклар*). *Петр I* даврида Д.нинг шаклланиш жараёни ниҳоясига етган. Д.нинг сафига давлат хизматидаги мансаб поғонасидан кўтарилишига қараб, бошқа табақа вакиллари ҳам келиб қўшилган. 1762 й.да Д. Петр I томонидан жорий этилган мажбурий ҳарбий ва фуқаролик давлат хизматларидан озод бўлишга эришишган; Д. жисмоний жазога тортилмаган, ёлланма ҳарбий хизмат мажбурияти ва шахсий солиқлардан озод этилган. *Екатерина II* томонидан берилган иноятномалар (1785) (рус Д.нинг эркин ва устуворликлари) Д.нинг шахсий имтиёзларига кенг йўл очиб берган, дворян ўз-ўзини бошқарув тизимини жорий этган. Д. табақа сифатида Окт. тўнтаришидан сўнг тугатилган.

ДДТ, дихлордифенилтрихлорэтан ($ClC_6H_4)_2CHCCl_3$ — *инсектицид*, оқиш ёки малла ранг кимёвий модда. Суюқланиш т-раси 74,5—93°. Сувда яхши эрийди. 170—200°гача қиздирилганда парчаланиб, водород хлорид ҳосил қилади. Хлорбензол ва конденсатловчи моддалар, мас., сульфат кислота, қуруқ водород фторид иштирокида хлорални конденсатлаш йўли б-н олинади. 20-а.нинг 40—60-й.ларида кўпгина мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам зараркунанда ҳашаротларга қарши курашда, шунингдек, безгак паразитлари (чивинлар)ни йўқотишда қўлланилган. Инсон ва ҳайвонлар организмида тўпланиши, атроф-муҳитда биологик парчаланишга ўта чидамлилиги, табиатдаги биологик мувозанатини бузиши сабабли ривожланган мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистонда 1970 й.дан ишлатиш ман қилинган.

ДЕ...(ДЕЗ...) (лот. de...; франц. de..., des...) — олд қўшимча; ўзи қўшилиб келган сўзга: 1) йўқотиш, бекор қилиш (мас., *дегазация*); 2) пасайиш, тушиб қараб ҳаракатланиш, таназзул (мас., *девальвация*) маъноси ифодасини беради.

ДЕАЭРАТОР (*де...* ва аег — ҳаво) — сувни унда эриган (жиҳозларни занглатадиган) *кислород* ва *карбонат ангидрид*дан тозалайдиган аппарат. Термик, кимёвий, десорбцион ва б. хиллари бор. Термик (иссиқлик) Д.да зарарли газлар сувни иситиш вақтида чиқиб кетади. Кимёвий Д.да натрий сульфитдан фойдаланилади. Десорбцион Д.нинг иши сорбция (газ, буғ ва эриган моддаларнинг қаттиқ жисм ёки суюқликда ютилиши) га тескари жараён (десорбция)га асосланади. *Буғ генераторига* бериладиган таъминлаш сувини ва иссиқлик тармоғига юбориладиган қўшимча сувни тозалаш (деаэрациялаш) учун Д. иссиқлик электр ст-я (ИЭС—ТЭЦ)ларига, энергетика қурилмаларига, кичикроқ қозонхоналарга ўрнатилади.

ДЕБАЙ (Debye) Петер Йозеф Вильгельм (1884.24.3, Маастрихт — 1966.2.11, Итака, АҚШ) — голланд физиги ва физик-кимёгари. 1940 й. дан АҚШда. Берлин ун-ти (1935 й.дан) ва Итака (АҚШ)даги Корнелл ун-ти проф. (1940 й.дан). Илмий ишлари қаттиқ жисмларнинг квант назариясига оид (қаттиқ жисмнинг Д. модели, Д. т-раси, Д. иссиқлик сиғими қонуни). Қутбли ва қутбсиз эритувчилар эритмаларидаги молекулаларнинг диполь моментларини текшириб (1912), диполь моменти назариясига асос солган. Э. А. Хоккель б-н биргаликда кучли электролитлар назарияси (Дебай — Хоккель назарияси) ни ишлаб чиққан (1923). Поликристалл материалларнинг ички тузилишини рентген нурлари ёрдамида ўрганиш усули (Д.—Шеррер усули)ни ишлаб чиқан. *Комптон эффекти*ни тушунтирган, ультратовушда дифракция ҳодисасини аниқлаган, полимерларнинг тузилишини текширган. Қаттиқ жисмлар, атомлар, электролитлар ўтказувчанлиги ва б.га оид асарлар муаллифи. Нобель мукофоти лауреати (1936).

ДЕБАЙ — молекула электр диполь моментининг бирликлар тизимига киргизган бирлиги. Д. б-н белгиланади. П. маган бирлиги. *Дебай* номи б-н аталган. 1 Д.=10^{-18} СГСЕ бирлик = 3,33564·10^{-30} Кл·м.

ДЕБАРКАДЕР (франц. debarcadere — қирғоққа бўшатиш, тушириш) — 1) денгиз портларида кема ёки понтон кўринишидаги сузиб юрувчи иншоот; юк ва йўловчилар ташийдиган кемалар тўхтаб туриши, келиб-кетиши учун хизмат қилади. Д. дам-бадам жойини ўзгартириб туриши мумкин; 2) т.й. ст-ясидаги бостирикли платформанинг эскирган номи.

ДЕБЕТ (лот. debet — у қарздор) — иккинчи томонлама (ўнг ва чап) жадвал кўринишидаги бухгалтерия ҳисобварақларининг бир (чап) томони. Корхонанинг пул воситалари ва моддий бойликлари захираси (активи) ҳолати ва ҳаракати қайд этиладиган ҳисобварақларнинг Д. томонида ой бошида бойликларнинг мавжудлиги (нақдлиги) ва ой давомида уларнинг тушуми кўрсатилади. Воситаларнинг манбалари (пассиви) ҳолати ва ҳаракати қайд этиладиган ҳисобварақларнинг Д. томонида манбаларнинг камайиши, мас., корхонадан қарздорларнинг қарзи камайганлиги ифода этилади.


ДЕБИ Идрисс (1952, Бердоба) — Чад президенти. Нжамена ш.даги ҳарбий зобитлар мактаби (1976) ва Франциядаги Аэронавтика ин-ти (1979)ни тугатган. 1980 й.дан Чад Шим. қуролли кучлари кўмондони, 1987 й.дан мудофаа ва хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчи, айни вақтда Мустақиллик ва инқилоб миллий иттифоқи ижроия қўмитасида армия ва хавфсизлик органлари ишлари бўйича президент вакили. 1990 й. дек.дан Миллий қутқариш ва тинчарварлик ҳаракати раҳбари, 1991 й. фев.дан Чад Республикаси президенти.

ДЕБИЛЛИК (лот. debilis — заиф) — *олигофрения*нинг енгил шакли; руҳий жиҳатдан тузук ривожланмай қолиш. Бунда абстракт тафаккур суст, нутқ бир қадар ривожланган, бироқ сўз бойлиги кам бўлади. Д.да беморни ўқитиш, айрим енгил-елпи ишларни ўргатиш, ижтимоий ҳаётга мослаштириш мумкин.

ДЕБИТ (франц. debit — ўтказмоқ) — бурғилаш қудуқлари, булоқлар ва конлардан маълум вақт бирлигида чиқадиган суюқлик (минерал сув, нефть ва ҳ.к.) ёки газ ҳажми. Суюқлик учун Д. секундига литр (оний Д.) ёки секундига (соатига, суткасига) куб метр (йилнинг Д.)ларда ўлчанади. Дарё-нинг кўндаланг кесим юзи орқали вақт бирлигида оқиб ўтадиган сув ҳажмига сув сарфи деб аталади. Суюқлик учун Д. сув ўлчагичлар ёрдамида аниқланади. Газ суткасига куб метр б-н ўлчанади ва *анемометр* б-н аниқланади. Суюқликлар Д.ини ўлчаш учун Вентури типидаги сув ўлчагич қўлланилади. Унинг ички қувур кесими ўзгарганда босимлар фарқи (p_1-p_2) ҳосил бўлишига асосланган: $q=k\sqrt{p_1-p_2}$; бунда



Дебит: 1-расм. Вентури типидаги сув ўлчагич схемаси.



2-расм. Сув ҳавзаси тубида ажралиб чиқадиган газ дебитини ўлчаш ва намуна олиш: *1* — воронка; *2* — резина най-ча; *3* — маълум ҳажмли идиш; *4* — сув идиши.

q — сув миқдори; k — ўзгармас коэффициент.

Сув ҳавзаси тубида ажраладиган газдан намуна олишнинг энг оддий усулида Д. маълум ҳажмли идишнинг тўлиш вақтига қараб аниқланади.

ДЕБИТОР (лот. debitor) — мулк ёки пул қарзи бўлган жисмоний ёки юридик шахс, иқтисодий субъект. Иқтисодий хўжалик алоқаларида корхона, фирма, компания ва б.га Д. — қарздорлар (бошқа фирма, корхона, компания, шунингдек, фуқаролар) тўланши лозим бўлган қарзлар миқдори дебиторлик қарзини ҳосил қилади. Бундай қарзлар муддатида қайтарилиган ва тўлаш муддатидан ўтиб кетган қарзларга бўлинади. Ўз вақтида ундириб олинмаган қарзлар уни берган корхона зарарига қўшиб ёзилади. Дебиторлик қарзларининг ўз вақтида тўланиши бозор иқтисодиётидаги молиявий интизомнинг муҳим талабидир.

ДЕБОЧА (форс. — мукаддима, кириш сўз, боши) — 1) китоб жилдларининг зарҳал б-н безатилган дастлабки алоҳида саҳифалари; 2) муқаддима, кириш сўз, бош сўз. Асосан куллиёт, девон, достон ва насрий асарларда, шунингдек, тазкира ва баёзларда учрайди. Д. асар муаллифи ёки котиб томонидан ёзилади ва унда китобнинг мазмуни, муаллифнинг қисқача таржимаи ҳоли, мақсади баён қилинади. Амир Хусрав Деҳлавий ўз «Куллиёт»ига ва Алишер Навоий «Хазойин ул-маоний» асарининг биринчи девонига мукаммал асар даражасида Д. ёзганлар. Ҳоз. баъзи ўзбек адибларининг асарлари ҳам Д. б-н бошланган; 3) шоҳларнинг дебо (зарҳал) матодан тикилган устки кийими; 4) мусиқада — кичик ҳажмдаги асар. Ўқув ва чолғу йўлланма бор. Айниқса Фарғона сурнай Д.лари машҳур. Д.нинг ўқув йўлланмаси *Ҳожи Абдулазиз* қайта ишлаган.

ДЕБРЕЦЕН — Венгрия шарқидаги шаҳар, Венгрия пасттекислигида. Ҳайду-Бихар медьеснинг маъмурий маркази. Аҳолиси 208,4 минг киши (1997). Йирик транспорт йўллари тугуни. Мамлакатнинг муҳим иқтисодий ва маданий маркази. Саноатининг асосини машинасозлик (жумладан вагонсозлик, пойшипниклар и. ч., тиббиёт асбоблари, қ. х. машиналари) ташкил этади. Металлни қайта ишлаш, кимё-фармацевтика, озиқ-овқат, тикувчилик, мебель и. ч., тери саноати корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Ун-т, ФА нинг Қуёш физикаси ва атом тадқиқоти ин-тлари, музейлар (этнография ва б.), театр бор. 18—19-а.ларга оид меъморий ёдгорликлари сақланган. Бальнеологик курорт шаҳри. Д. 10-а.дан маълум.

ДЕБРЕ (Debreu) Жерар (1921.4.7. Кале, Франция) — америка иқтисодчиси. Париж ун-ти д-ри (1956), 1949 й.дан АҚШда яшайди. Бир қанча ун-тларда, жумладан 1962 й.дан Калифорния (Беркли) ун-тида ишлаган. Асарларида марказлаштирилмаган бозор тизими якка режаларнинг ижобий мувофиқлашувга олиб келиши мумкинлиги муаммосини тадқиқ этган. Нархлар мувозанатини яратадиган омиллар мавжудлигини исботлаган (К. Эрроу б-н ҳамкорликда). «Қиймат назарияси» асарида ягона умумий мувозанат назариясининг математик моделини яратди ва ўз моделида и.ч.ни жойлаштириш, капитал ва номаълумлик шароитларида феъл-атвор назарияларини бирлаштиришга эришди. Нобель мукофоти лауреати (1983).

ДЕ БРОЙЛЬ (де Брольи) (de Broglie) — ака-ука француз физиклари (қ. *Бройль*).

ДЕ БРОЙЛЬ ТЎЛҚИНИ — ҳаракатланаётган ҳар қандай зарра б-н боғлиқ бўлган ҳамда унинг квант табиатини акс эттирувчи тўлқин; бу тушунчани 1924 й.да Л. *де Бройль* фанга киритган. Ҳозир тўлқин функцияси деб ҳисобланадиган Д. Б. т. замонавий квант механикага асос бўлди. Дастлаб, ёруғликни зарралар (ёруғлик квантлари) оқими (қ. *Фотоэлектр ҳодисалари*, *Комптон эффекти*), баъзан эса тўлқинлар оқими деб (қ. *Дифракция*, *Интерференция*) тушунтирилар эди. Де Бройль ҳар қандай зарра ҳаракати тўлқин хоссаларига эга деб фараз қилди, чунончи ёркин зарра тўлқин узунлиги $\lambda=h/p$, бунда: h — Планк доимийси, p — зарра импульси. *Зарралар дифракцияси* кашф қилиниши де Бройль фарази тўғрилигини тасдиқлайди.

ДЕБЮССИ (Debussy) Клод Ашиль (1862.22.8, Сен-Жермен-ан-Ле, Париж яқинида — 1918.25.3, Париж) — француз композитори, пианиночи, дирижёр. Мусиқий *импрессионизм* асосчиси. Париж консерваториясида таълим олиб (1872—84) юрган пайтларида Рим мукофотига сазовор бўлган. 1885—86 й.ларда Римда, 1887 й.дан Парижда яшаган. Пианиночи ва дирижёр сифатида бир нечта мамлакатларда концерт берган. Импрессионизм ва Шарқ мусиқаси таъсирида шаклланган услуби мусиқий-тасвирий воситаларнинг ёркинли-

ги ва нафислиги, гармония ва чолғулаштириш усуллари янгилиги, куйлари нозик ва гўзаллиги б-н ажралиб туради. «Пеллеас ва Мелизанда» (М. Метерлинк драмаси асосида, 1902) операси, «Ўйинлар» (1912), «Камма» (1912), «Ўйинчоқлар қутиси» (1913) балетлари, симфоник оркестр учун «Фавннинг тушдан кейинги дам олишига прелюдия» (С. Малларме асари асосида, 1894), «Ноктюрнлар» туркуми (1899), «Денгиз» (1905), «Иберия» сюитаси (1908), кантаталар, 50 дан зиёд романслар, қатор чолғу (шу жумладан, фортепиано учун мукаммал туркум) асарлар муаллифи.

ДЕБЮТ (франц. debut — биринчи қадам) — 1) бирон-бир соҳада биринчи марта чиқиш (мас., артистнинг сахнада илк бор чиқиши); 2) шахмат, шашка ўйинининг дастлабки юришларни ўз ичига олувчи бошланғич босқичи. «Ҳимоя», «Партия», «Гамбит» ва ҳ.к. атамалар Д. маъносида ишлатилади. Одатда, Д.лар илк бор қўлланилган мамлакат, шаҳар ёки уни кашф этган шахматчи номи б-н юритилади. Мас., испанча ўйин, Алёхин ҳимояси ва б. Иккала томон ҳам ўз шоҳи олдидаги пиёдасини икки хона олға сурса очиқ Д., фарзинлар олдидаги пиёдалар икки хона сурилса ёпиқ Д. ва оқларнинг шоҳи олдидаги пиёдаси икки хона сурилишига қоралар бошқача жавоб қилса, ярим очиқ ёки ярим ёпиқ Д. бўлади. Ҳоз. замон Д.лари назарияси бўйича жуда кўп асарлар мавжуд.

ДЕВ — 1) зардуштийликда ёвузликнинг асосий тимсоли (қ. *Анхрамайну*). *Авесто*да «дайва» тарзида қайд этилган; 2) туркий ва форс-тожик халқлари мифологиясида ёвузлик тимсоли. Д. даҳшатли, зулм ва зўрлик, қонхўрлик ёки ёвуз кучларнинг иродасига бўйсунувчи баҳайбат махлуқ сифатида намоён бўлади. Д.лар ер ости салтанатларида, ғорларда, кимсасиз чўл ва даштдаги қасрларда истиқомат қилади. Қаср, боғ ва ҳ.к. соҳибининг амрига итоат этиб, париларни қўриқлайди («Гулнор пари», «Юнус пари», «Мисқол пари» ва б.). Эртак, достон қаҳрамонларига қарши якка ёки тўда бўлиб курашади, аммо ҳамиша инсон қобилияти, ақли, кучқудрати қаршисида ожизлик қилади, оқибатда енгилган Д.лар инсонга бўйсунади ва унинг измига юради. Д.лар осмонда учувчи ва ерда юрувчи икки тоифага ажралади. Баъзилари табиатан ҳийлагар, маккор, алдамчи ва ғазабкор, бошқалари нозик санъаткор, гўзал бинолар қурувчи уста, афсонавий куч эгаси. Ўзбек фольклорида Аҳриман, Аҳвон, Самандар, Оқдев, Қора дев, Қизил дев, Сариқ дев («Бадал ботир» ва б.), Аршак дев, Афсар дев, Боймоқ дев, Япроқ дев («Балогардон», «Малика айёр» ва б.) каби Д.лар тўдасининг бошлиқлари образи учрайди.

ДЕВ ИНШООТЛАРИ — баҳайбат тош бўлакларидан богловчи қоришма (цемент, оҳак) ишлатмай қурилган иншоотлар. Юнонлар Микен даври (мил. ав. 2-минг йиллик) да қурилган шундай иншоотларни афсонавий девлар (циклоплар) бунёд этган деб шу ном б-н аташган. Дунёнинг жуда кўп ҳудудларида Д. и.нинг қолдиқлари учрайди. Археология ва архитектура тарихида Д. и. атамаси мегалитик (катта тошлардан ишланган) диний иншоотлар тушунчаси б-н кўп жиҳатдан бирлашиб кетган. Энг қад. Д. и. (асосан, мудофаа ва ибодатхона бинолари) энеолит даври (мил. ав. 3-минг йиллик)га, энг сўнггилари (қасрлар, қалъалар) эса илк ўрта асрга оид. МДҲ ҳудудида Д. и. қолдиқлари Закавказье (хусусан, *Урарту* давлатининг айрим қалъалари), Қрим, Тожикистон, Сибирда учрайди.

ДЕ ВАЛЕРА (De Valera) Имон (1882.14.10, Нью-Йорк — 1975.29.8, Дублин) — Ирландия президенти (1959—73), ҳукумат бошлиғи (1932—48, 1951—54, 1957—59). 1916 й.ги *Ирландия қўзғолони* раҳбарларидан бири. 1917—26 й.ларда ирланд сиёсий ташкилоти — Шин фейн партияси раҳбари. 1919—22 й.ларда Ирландия инқилобий ҳукумати президенти ва бошлиғи. 1922—23 й.лардаги фуқаролар уруши даврида республика қўшинлари раҳбари. 1926 й. миллий — Фианна файл партиясига асос солган.

ДЕВАЛЬВАЦИЯ (*де* ва лот. valeo — қиймат) — миллий пул бирлиги курсининг чет эл валюталари (эркин алмаштириладиган валюталар, халқаро ҳисоб бирликлари)га нисбатан пасайтирилиши. Д. давлат томонидан расмий равишда эълон қилинади ва қонунчилик асосида амалга оширилади. Д. мамлакат савдо ва тўлов балансининг кескин ёмонлашуви, валюта резервининг қоллан тойиши, халқаро валюта бозорларида миллий *валюта курси*нинг пасайиши б-н боғлиқ ҳолда юз беради. Унинг очиқ Д. (Д. ҳукумат томонидан қонун йўли б-н расман эътироф қилинади, эски қоғоз пулнинг бир қисми эса оддий қоғоз пулнинг қадрсизланган пул алмаштирилади) ва яшириН Д. (қоғоз пулнинг қадрсизланиши, олтин таъминотининг камайиши юз беради, лекин пулнинг бир қисми муомаладан олинмайди) кўринишлари бор. 1978 й.гача жаҳон мамлакатлари валюталарининг расмий қиймати уларнинг олтин таъминотини таққослаш орқали аниқланар эди. 20-а.нинг 70-й.лари охиридан (халқаро келишувга мувофиқ) барча қадри баланд валюталардаги олтин нисбатлари бекор қилинди ва Д. у ёки бу чет эл валютаси (одатда, АҚШ доллари, Германия маркаси, инглиз фунт стерлинги ва б.)га нисбатан пасайтириш йули б-н амалга ошириладиган бўлди. Мас., 1990 й. 1 нояб. дан собиқ Иттифоқда амалда бўлган рубль АҚШ долларига нисбатан 1.8=1 доллар нисбатида Д. қилинди.

Д. ҳодисаси ҳоз. ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг банкмолия тизимида тез-тез учраб туради. 1998 й.да Жан.-Шарқий Осиё мамлакатлари, Япония, Россия ва б.да юз берган молиявий танглик оқибатида бу мамлакатларнинг миллий валюталари долларга нисбатан қисман Д. қилинди (яна қ. *Ревальвация*).

ДЕВАНАГАРИ — ёзувнинг бўғинли тизими. Қад. ҳинд ёзуви *браҳми*га бориб тақалади. Шим. Ҳиндистондаги тиллар (ҳинд, маратхи, непаль ва б.)да қўлланади, санскрит ҳам шунга асосланган (яна қ. *Ҳинд ёзуви*).

ДЕВАСТАЦИЯ (лот. devastatio — қириш) — одам, ҳайвон ва ўсимликларда учрайдиган юқумли ва инвазион касалликларнинг қўзғатувчиларини (уларнинг ҳамма ривожланиш даврида) қириб ташлашга, йўқотишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуи. Д. усулларига *дегельминтизация*, *дезинкимётерапия*, бактериофагия, *дезинфекция*, дезинвазия ва б. киради. Бунинг учун шу касаллик қўзғатувчисига нисбатан ноқулай бўлган (ички ва ташқи) муҳит, шунингдек, механик, физик, кимёвий ва биологик усуллардан фойдаланилади. Д. тўла (тотал) ёки қисман бўлиши мумкин.

ДЕВАШТИЧ, Девашти, Дивасти — Суғднинг муҳим вилоятларидан бири бўлган Панч (Панжикент) ҳокими (708—722), қўзғолон раҳбари. Суғд подшоси *Тархун*нинг болаларига ҳомийлик қилган. Д. Самарқанд тахтига ўтирган *Гурак*ни тан олмаган, тахтнинг қонуний вориси — Тархуннинг кичик ёшли ўғли номидан ўзини Суғд подшоси деб эълон қилган. Суғдда қўш ҳокимият-чилик вужудга келган. 719—722 й.лар араб истилосига қарши қўзғолонда Д.нинг ўрни катта (қ. *Девашти́ч қўзғолони*). Д. Суғд-Чоч-Фарғона ҳарбий ит-тифоқини тузишга ҳаракат қилган. Д.нинг шу мақсадда элчи орқали Чоч-га юборган мактуби, Чоч элчисининг эса Д.га ёзган мактуби бизгача етиб келган. Д. уста дипломат сифатида араб-лар (Хуросон ноиби) б-н ҳам ёзишмалар олиб борган. Араблар Д. қўзғолонини бостириш чоғида *Муғ қалъаси*да яшириниб ётган Д.ни хиёнаткорона равишда асир олишиб, *Рабинжон* яқинидаги зардуштийлар қабристонида (хочга тортиб) қатл қилишган.

ДЕВАШТИЧ ҚЎЗҒОЛОНИ (721—722) — Панжикентда араблар зулмига қарши бўлиб ўтган халқ ҳаракати. Гурак (қ. *Гурак қўзғолони*) бошлиқ суғд аслзодаларининг бир қисми араблар томонига ўтгач, Панжикент ҳокими *Девашти́ч* раҳбарлигида аслзода деҳқонларнинг бир қисми курашни давом эттирган. Девашти́ч ўзини Панч (Панчикант) ҳокими (хвабу), Суғд подшо (ихшид)си деб эълон қилди. Арабларнинг Хуросондаги ноиби Саъид Хараший қўзғолонни бостириш учун катта қўшин юборган. Қўзғолончилар Қум қишлоғи ёнида бўлган жангда маглубиятга учраб, Муғ тоғидаги мустаҳкам қалъага яширинди лар. Арабларнинг таъқиб этмаслик тўғрисидаги ваъдасидан сўнг қўзғолончилар таслим бўлди. Саъид Хараший суғдликлар қаршилигини бостирганлигига қарамай, Мовароуннаҳрда арабларга қарши кураш давом этаверди.

Ад.: Кадырова Т., Из истории крестьянских восстаний в Мавераннахре и Хорасане в 8 и начале 9 вв., Т., 1965; Исҳоқов М., Унутилган подшоликдан хатлар, Т., 1992.

ДЕВЗИРА — жайдари арпашолининг гуручи. Д. чўзиқроқ, сирти қобирғали, қобирғалари орасида қизғиш чизиқлари бор, бошқа гуручларга нисбатан йирик, муз ранг (тиниқ), баъзилари қизғиш. Шунга кўра, у оқ ва қизил Д. деб 2 хил номланади. Д. жуда тиғиз ва қаттиқ бўлганидан (палов пиширишда Д. 5—6 марта ювилиб, илиқ сувга 2—3 соат ивитиб қўйилади) ёғни кам шимади, оши хушхўр, тўйимли, пиширганда яна сув кўтариб, жуда кўпайиб кетиш хусусиятига эга. Бундай гуруч тўғрисида маълумотлар тарихий манбаларда учрайди. Илгари Д. олинадиган арпашоли Фарғона водийсида, Тошкент вилоятининг Пискент, Чиноз, Самарқанд вилоятининг Булунғур, Жомбой туманларида кўп экиларди. Кейинги йилларда шолининг янги, серҳосил навлари етиштирилганлиги муносабати б-н арпашоли майдони анча камайиб, асосан Фарғона водийсида хусусий хўжаликларда ва томорқа майдонларида етиштирилади.

ДЕВИЗ СИЁСАТИ — мамлакат валюта курсини чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш йўли б-н бошқариш сиёсати.

ДЕВИЗЛАР (франц. devises) — хорижий банкларга жойлаштирилган ва чет элда хорижий валютада тўланиши лозим бўлган *вексель*, ўтказма, чек, аккредитивлар кўринишидаги халқаро тўлов воситалари. Кенг маънода (аксарият қўлланиладигани ҳам) чет эл валютасида ифодаланган жами тўлов воситалари, яъни ҳам тўлов ва кредит ҳужжатларини, ҳам чет эл валютаси (банкноталар, қоғоз пул белгилари ва тангалар)ни ифодалайди.

ДЕВКЕСГАН ҚАЛЪА — қад. шаҳар харобаси. Кўҳна Урганчдан 60 км ғарбда жойлашган. Д. қ. баланд тепаликда улкан тўртбурчак шаклида қурилган бўлиб, мудофаа деворлари тошдан ишланган, девор бўйлаб кўплаб буржлар қурилган, асосий дарвоза олдига мураккаб тарҳли иншоот бунёд этилган. Қалъа атрофи чуқур хандақ б-н ўраб олинган. Қалъа ичида сўнгги ўрта асрларга оид кўплаб тош иншоотларнинг қолдиқлари сақланиб қолган. Баланд-ликда жойлашган қалъа этакларида хом гиштлардан қурилган мудофаа девори б-н ўралган ўрта асрларга оид «пастки шаҳар» жойлашган; ундан кўплаб сопол буюмлари топилган. Ҳар икки шаҳардан жан.-ғарброқда шу даврга оид тарҳи тўртбурчак чорбоғ бунёд этилган. Д. қ. харобаси ўрнида 16—17-а.ларда *Вазир* ш. бўлган.

ДЕВЛЕТ Владимир Павлович [1890.29.9 (11.10), Тамбов — 1958.15.12, Тошкент] — опера хонандаси (баритон), Ўзбекистон халқ артисти (1945). Дастлаб Киев опера театристи (1945). Дастлаб Киев опера театри сақнасида чиққан (1917). 1920—35 й.ларда Одесса, Тбилиси, Свердловск, Владивосток ва б. шаҳар опера театрларида ишлаган. 1937 й.дан Тошкент рус опера ва балет театри, 1948 й.дан Навоий номидаги опера ва балет театри яккахони. 1938 й.дан Тошкент консерваториясида педагог (1942 й.дан доцент). Овози кенг диапазонли бўлиб, ижро услуби етук вокал техникаси б-н ажралиб туради. Онегин, Елецкий (П. Чайковский, «Евгений Онегин», «Қарға моткаси»), Князь Игорь (А. Бородин, «Князь Игорь»), Риголетто, Жермон (Ж. Верди, «Риголетто», «Травиата»), Тонио (Р. Леонкавалло, «Харабозлар»), Эскамильо (Ж. Бизе, «Кармен») ва б. партияларни ижро этган.

ДЕВОН — давлат бош идораси. 1) *Сосонийлар*дан *Хусрав I Ануширвон* даврида шоҳга ҳисобот берувчи амалдорлар ва уларнинг идораси. 2) Арабларда халифа Умар (ра) даври (634—644)да давлат даромадларининг турли ҳукмрон доиралар ўртасидаги тақсимоти ва қўшинга маош тўлаш рўйхатлари, шунингдек, ана шу рўйхатлар сақланадиган жой. *Умавийлар* ва *аббосийлар* даврида эса халифалик ҳамда ўрта асрларга мансуб қатор бошқа ислом мамлакатларида Д. ал-ҳирож — солиқ-молиявий идора. «Д.» истилоҳи бўлак ҳукумат муассасаларига нисбатан ҳам қўлланилган. 3) *Наршахий* келтирган маълумотларга кўра, *Сомонийлар давлати*, асосан, ўнта девон ёрдамида идора этилган; булар — вазир девони (девони вазир), молия ишлари девони (девони муставфий), давлат ҳужжатлари девони (девони расоил ёки девони иншо), соҳчилар бошлиғи девони (девони соҳибшурат), хат-хабарлар мутасаддиси девони (девони соҳиббарид), сарой иш бошқарувчиси девони (девони мушриф), давлат хос мулклари девони (девони амиёд ул-мулк), *муҳтасиб* девони, вақфлар девони (девони вақф), аллия ишлари девони (девони қози). Булардан вазир девони бош бошқарув маҳкамаси бўлиб, давлатнинг маъмурий, сиёсий ва ҳўжалик тартиботи унинг бевосита назорати остида тутиб турилган, барча Д. бошлиқлари вазирга итоат этган.

шоирлар ўз девонларининг мазмунан ва шаклан ранг-баранг бўлишига эътибор берганлар. Д. тузиш 10—11-а.лардан бошланган, унинг шаклланиш даври Шайх *Саъдий* замонасига тўғри келади.

Ўзбек адабиёти тарихида Д. тузиш *Лутфий*, *Саккокий*, *Атоий*, *Гадоий* каби шоирлар ижоди б-н боғлиқ. *Алишер Навоий* Шарқ адабиёти тарихида мукаммал Д. тартиб берган муаллифлардан. Д. шоирнинг ўзи томонидан, шунингдек, бошқалар томонидан ҳам тузилади. Навоий ғазалларининг илк Д.и номаълум котиб томонидан тузилган (1465). Унда 15-а. адабиётидаги деярли барча шеър шаклларини кўриш мумкин. Кейинроқ Д. тузиш ишига *Бобур*, *Ҳодира*, *Огаҳий*, *Аваз Ўтар* ва б. шоирлар ҳам самарали ҳисса қўшганлар.

Замонавий ўзбек адабиётида *Ҳабибий*, *Собир Абдулла* ва б. Д. тузганлар. Уларда ғазаллар ҳоз. ўзбек алифбоси тартибида жойлаштирилган. Шарқ поэзияси таъсирида Европа адабиётида ҳам Д. тузиш тажрибаси бўлган (Гёте, «Ғарбу шарқ девони»).

ДЕВОН — Шарқ адабиётида шеърий тўплам. Д.да бирор шоир шеърлари қофия ёки радифларига кўра араб алифбоси тартибида (қофияланиб келувчи сўзларнинг охирги ҳарфлари асосида) жойлаштирилади. Шарқда Д. тузиш шоирнинг етуклик белгиси бўлган,

Салжуқийлар, хоразмшоҳлар ва мўғуллар даврида ҳам сомонийлар замонидаги давлат тузилиши, асосан, сақланиб қолган. *Темурийлар* даврида эса вазир девони — девони олий, молия ишлари девони — девони мол, соқчилар бошлиғи девони — девони тавочи, давлат хос мулклари девони — девони амлок, аллия ишлари девони — девони ёрғу деб аталган. Қолган Д.лар аслича қолган. Бу тартиб *шайбонийлар* даврида ҳам, асосан, сақланган. *Аштархонийлар* ва *мангитлар* ҳукмронлик қилган йилларда эса давлат бошқаруви тартиботи бирмунча мураккаблашган. Молия ишлари — девонбегийи калонга, мушрифнинг вазифалари — *кўкалтошга*, муҳтасибники — *раис*га топширилган. 16—18-а.ларда ҳам кўпгина Д.лар давлат бошқаруви тизимида сақланиб қолган. Чунончи, Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларида давлат Д.лар ёрдамида идора этилган. Россия Хива хонлиги устидан протекторатлик ҳукмронлиги (19-а. 2-ярми)ни ўрнатгач, хонлик фаолиятини назорат қилиш мақсадида 7 кишидан иборат Д. таъсис этган, унинг аъзоларидан 3 киши чор маъмурияти-нинг, 3 киши (хон, девонбеги ва *меҳтар*) хонликнинг вакили бўлган. Хон Д. раҳбари ҳисобланган; Ўзбекистон мустақилликка эришгач (1991), давлат бошқаруви номланишининг тарихий шаклларини тиклана бошлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон Президенти ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади. Президент девони мустақил давлат ҳокимияти идораси эмас, шу боис, у мажбур этувчи императив ваколатларга эга бўлмай, бевосита кундалик бошқарув б-н шуғулланмайди. Мазкур девон Президент самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида таъсис қилинади. 4) Туркияда улуғ вазир, муфти ва б. баъзи амалдорлардан иборат султон ҳузуридаги мажлис. 5) Молдова ва Валахия господарлари ҳузуридаги Давлат кенгаши (мазкур князликлар 1859 й. ўзаро бирлашгунга қадар). 6) Шарқдаги баъзи ҳоз. замон ислом мамлакатларида Д. маъмурий ва аллия ишлари б-н шуғулланувчи ҳукумат муассасалари.

ДЕВОН ДАВРИ, девон системаси (Буюк Британиядаги Девоншир графлиги номидан) — Ер геологик тарихи палеозой эратема (эра)сининг тўртинчи даври ва ўша даврда ҳосил бўлган ётқизиқлар. Силур давридан кейин (438 млн. йил аввал) бошланиб карбон давригача 48 млн. йил давом этган (қ. *Геохронологик шкала*, 1993). Д.д. геол. фанига дастлаб 1839 й. инглиз геологлари А. Сежвик ва Р. Мурчисонлар томонидан киритилган. Д.д. уч бўлим (қуйи, ўрта ва юқори) ва 7 ярусга бўлинган (қ. *Геохронология*). РФда Д.д.нинг қуйи бўлими лохков, прага ва эмс ярусларига; ўрта бўлими эйфель ва живет ярусларига; юқори бўлими-фран ва фамен ярусларига бўлинган (жадвалга қ.). Қуйи Д.д.да каледон бурмаланиши содир бўлганлиги сабабли ер юзасининг кўп қисмидан денгиз чекинган. Ер юзасида қизил рангли континентал — лагуна ётқизиқларининг қалин қатлами ҳосил бўлган. Айрим жойларда шиддатли вулкан отилишлари кузатилган. Ўрта ва юқори девонда платформа ва геосинклиналларда Ер пўстининг чўкишидан кенг майдонда денгиз трансгрессияси вужудга келган, сўнггида эса кучли денгиз чекиниши бўлиб ўтган. Терриген (бўлакли), карбонатли, баъзи жойларда тузли ётқизиқларнинг қалин қатлами ҳосил бўлган. Д.д. учун турли сувўтлар хос бўлиб, давр бошларида ердаги ўсимликлардан риниофитлар, кейинчалик қирққўғимсимон, плаунсимон, оддий қирққулоқлар, юқори девонда қирққулоқ ва птеридоспермлар тарқалган. Денгизларда балиқлар, фораминифера, маржон, остракода, брахиопода, аммоноидеялар яшаган.

Девон даври (системаси)нинг бўлиниши
(Геохронологик шкала, 1993)

Бўлимлар	Яруслар
Юқори	Фамен
	Фран
Ўрта	Живет
	Эйфель
Қуйи	Эмс
	Прага
	Лохков

Шарқий Европа текислиги, Каспийбўйи пасттекислиги ва Ўрта Осиёда Д.д.да арид (қуруқ) иқлим, бу минтақадан шим. ва жан.да эса тропик (гумид) иқлим бўлган. Девон ётқизиқлари барча материкларда мавжуд. Шарқий Европа ва Осиё шим.да Д.д жинслари катта майдонларда тарқалган. Платформа, миоэвгеосинклиналь ва ороген формациялари фарқ қилинади. Шарқий Урал, Жан. Тяншан, Рудали Олтой ва Узоқ Шарқнинг эвгеосинклиналь зоналарида вулканитлар муҳим роль ўйнайди. Ороген зоналарда (Марказий Қозоғистон, Олтой-Саян области) бир неча км қалинликда ер устки (вулкан) формациялари (липарит, базальт-андезит ва андезит) ривожланган. Гранитоид ва асос интрузиялар кенг тарқалган.

Ўзбекистонда Д.д. ётқизиқлари Чатқол-Қурама, Туркистон-Олай тоғ системасида, Зарафшон, Ҳисор, Зирабулоқ, Нурота, Султон Увайс тоғларида ва Қизилқум-Нурота регионида тарқалган. Бу жойларда Д.д. бир қанча маҳаллий свиталарга ажратилган конгломерат, қумтош, оҳактош, доломит, мергель, алевролит, кварцит ва б. эффузив жинслардан иборат. Система ётқизиқларининг тўлиқ кесмаси Жан. Тяншанда аниқланган. Д.д. жинсларида бошоёқлилар, граптолитлар, игнатанлилар, елкаоёқлилар, юмшоқтанлилар, қисқичбақасимонлар ва б. учрайди. Д.д. силур давридан ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг ўзгарганлиги б-н фарқ қилади. Мас., Д.д.да қисқичбақасимонлар анча камайган, силурда пайдо бўлган бошоёқлилар эса жуда ривожланган.

Д.д.нинг бошларида Ўзбекистон ҳудудининг жан. қисми илиқ сувли, унча чуқур бўлмаган, кўп оролли, айрим жойларида ҳаракатдаги вулканли денгиздан иборат бўлган. Живет ярусида денгиз шим.га томон силжиган ва анча чуқурлашган. Натижада кичик ороллар сув қаърига чўкиб, йирик ороллар эса ярусига келиб ҳоз. устида қолган. Фамен ярусига келиб ҳоз. Ўзбекистон ҳудудининг деярли ҳаммаси жойини денгиз қоплаб олган. Бу ҳолат қуйи карбон даврида ҳам давом этган. Д.д.да *герцин бурмаланиши*нинг бир неча фазаси бўлиб ўтган. Унинг натижасида Чатқол, Писком, Қоратов, Курама ва б. тоғлар пайдо бўлган. Ўзбекистондаги Д.д. жинсларида қўрғошин, мис, рух, симоб ва б. конлари бор. Хорижда Д.д. ётқизиқларида нефть ва газнинг катта захираси Шарқий Европа (Волга-Урал, Тиман-Печора, Припять ҳавзалари), Америка (Уиллистон, Иллинойс, Шим. Америка (Уиллистон, Иллинойс, Пермь, Мичиган ҳавзалари), Африка (Саҳрои Кабир — Ўрта денгиз ҳавзаси) ва Австралия платформаларининг ички ва чекка қисмларидаги структураларда жойлашган, ош тузи ва сульфатларнинг қатламли уюмлари (Шарқий Европа, Сибирь, Шим. Америка ва Австралия платформаси), калий тузлари (АҚШ, Украина), темир-марганец ва қўрғошин рудалари (Марказий Қозоғистон), боксит (Шим. Урал ва Салаир) конлари мавжуд.

ДЕВОН ПУЛИ — *Хива хонлигида* оладиган пули. Д.п. миқдори хонлик томонидан белгиланган.

ДЕВОНА БУВА МАҚБАРАСИ — Намангандаги меъморий ёдгорлик (18-а.). Мақбара мурабба тарҳли (18,8×18,8 м), шаҳар ташқарисида жойлашган. Атрофи синчли девор б-н ўралган. Зиёратхона-ҳазира, гўрхона ва айвондан иборат. Шим. ва Ғарб томондан синчли девор б-н ўралган айвон жан.га қараган. Ҳазирага айвон орқали кирилади. Кираверишда икки томонга супа ишланган.

Зиёратхона (10,6×8,6 м) пештоқ гумбазли, тўрт томонида эшик ўрни бўлиб, кираверишдаги ёғоч панжарадан хона ичидаги сағана кўриниб туради. Сағана пишиқ гиштдан қурилган. Зиёратхонанинг гумбази юлдузсимон асосга ўрнатилган. Пойгумбазидаги туйнуклар орқали хонага ёруғлик тушади. Хона ичи ганч сувоқ қилинган. Пештоқи намоёнларга ажратилган, қаноси ганчкори нақшлар б-н безатилган. Эшиги ёғоч ўймакорлигида ишланган.

ДЕВОНАИ ГУЛХАНИЙ (13-а. ўрталари — Бағдод — 14-а. бошлари) — созанда, бастакор, мусиқашунос, шоир. *Дарвишали Чангий*нинг мусиқа рисоласида таъкидланишича, *Сафиуддин Урмавий* бутун Шарқда машҳур *ўн икки мақом* тизимини айни Д. Г. таклифи б-н ишлаб чиққан. Д. Г. кўпгина *нақш, савт, пешрав, дебоча* каби шаклларда асарлар яратган.

ДЕВОНАИ ҲИСОБИЙ (15-а., Хива, Қоракўл) — созанда, бастакор, хонанда, шоир. *Хўжа Аҳрор* таклифига биноан Қоракўлдан Самарқандга кўчиб келган ва унинг хонақоҳида ўзга ҳофизлар б-н биргаликда Жалолиддин Румий, Қосим Анвар ва ўзининг ғазалларига яратилган асарларни куйлаган. *Дарвишали Чангий*нинг мусиқа рисоласида Д. Ҳ.дан кўпгина *нақшлар*, *пешрав*лар ва шеърий девонлар қолгани таъкидланади.

ДЕВОНБЕГИ — 1) ўрта асрларда Шарқдаги ислом давлатларида олий сарой мансабларидан бири. Суғориш, молия, ҳарбий, алоқа, аллия ва б. ишларни юритувчи маҳкама *(девон)* бошлиғи; 2) *Бухоро хонлиги*да молия ва хўжалик ишларини олиб борувчи мансабдор; 3) *Хива хонлиги*да Д. девон маҳкамаси орқали закот йиғиш ва бозорларда жой пули олиш, тўпланган пулларнинг сарф-харажат қилинишига ҳам бошчилик қилган Бош Д.дан ташқари яна 3 та Д. бўлиб, улар вилоятлардаги боғ ва далалардан олинган ҳосилнинг ҳисобини олиш, отларга ем-хашак олиб бериш ва саройнинг майда-чуйда хўжалик харажатларини ҳам бошқаришган.

ДЕВОНИ АРАБХОНА — Сомонийлар давлати ва Бухоро хонлигида мамлакат ҳудудида яшайдиган араблар ишлари б-н шуғулланувчи девон. Араблар Бухоро хонлигида алоҳида имтиёзларга эга бўлганлар. Уларнинг бажарилиши бўйича ишларни шу девон бошқарган.

ДЕВОНИ ВАЗИР (калон) — Сомонийлар давлати ва Бухоро хонлигида давлат дафтар ёзувларини назорат қилувчи ва б. девонлар ишини бошқарувчи девон. Вилоятлар, хирож, танҳо, мулк ерларидан тушумлар дафтари шу Д.в.да сақланган.

ДЕВОНИ ТЎШАКХОНА — Бухоро амирлигида давлат омборхонаси (тўшак, қурол-яроғ, кийим-кечак ва ҳ.к.) ҳисоб-китобини олиб боради.

«ДЕВОНИ ФОНИЙ» («Фоний девони») — *Алишер Навоий*нинг Фоний тахаллуси б-н форсий тилда ёзган шеърий асарлари мажмуаси. Навоий бу девонини умрининг сўнгги йилларида, тахм. 1492—98 й.лар орасида тузган. Улуғ шоир «Муҳокамат ул-луғатайн» асаридан ўзининг форсий тилдаги шеърларидан Хожа Ҳофиз Шерозий девонига ўхшатиб («Хожа Ҳофиз таврида») деган тузганини маълум қиларкан, шундай дейди: «Яна форсий ғазаліёт Хожа Ҳофиз Шерозий, 52 таси Абдураҳмон Жомий, 33 таси Хусрав Деҳлавий, 25 таси Саъдий Шерозий, 5 таси Мавлоно Кофтибий, 5 таси Мавлоно Шоҳий, 4 таси Камол Хўжандий ва б. шоирларнинг ғазалларига боғланган. Бунда энг кўп ғазал Ҳофиз Шерозий ғазалларига боғланган ва унинг шеърларидан илҳомланиб ёзилган Навоийнинг бу буюк асосга ўрнатилган. Пойгумбазидаги туйнуклар орқали хонага ёруғлик тушади. Хона ичи ганч сувоқ қилинган. Пештоқи намоёнларга ажратилган, қаноси ганчкори нақшлар б-н безатилган. Эшиги ёғоч ўймакорлигида ишланган.

ДЕВОНАИ ГУЛХАНИЙ (13-а. ўрталари — Бағдод — 14-а. бошлари) — созанда, бастакор, мусиқашунос, шоир. *Дарвишали Чангий*нинг мусиқа рисоласида таъкидланишича, *Сафиуддин Урмавий* бутун Шарқда машҳур *ўн икки мақом* тизимини айни Д. Г. таклифи б-н ишлаб чиққан. Д. Г. кўпгина *нақш, савт, пешрав, дебоча* каби шаклларда асарлар яратган.

ДЕВОНАИ ҲИСОБИЙ (15-а., Хива, Қоракўл) — созанда, бастакор, хонанда, шоир. *Хўжа Аҳрор* таклифига биноан Қоракўлдан Самарқандга кўчиб келган ва унинг хонақоҳида ўзга ҳофизлар б-н биргаликда Жалолиддин Румий, Қосим Анвар ва ўзининг ғазалларига яратилган асарларни куйлаган. *Дарвишали Чангий*нинг мусиқа рисоласида Д. Ҳ.дан кўпгина *нақшлар*, *пешрав*лар ва шеърий девонлар қолгани таъкидланади.

ДЕВОНБЕГИ — 1) ўрта асрларда Шарқдаги ислом давлатларида олий сарой мансабларидан бири. Суғориш, молия, ҳарбий, алоқа, аллия ва б. ишларни юритувчи маҳкама *(девон)* бошлиғи; 2) *Бухоро хонлиги*да молия ва хўжалик ишларини олиб борувчи мансабдор; 3) *Хива хонлиги*да Д. девон маҳкамаси орқали закот йиғиш ва бозорларда жой пули олиш, тўпланган пулларнинг сарф-харажат қилинишига ҳам бошчилик қилган Бош Д.дан ташқари яна 3 та Д. бўлиб, улар вилоятлардаги боғ ва далалардан олинган ҳосилнинг ҳисобини олиш, отларга ем-хашак олиб бериш ва саройнинг майда-чуйда хўжалик харажатларини ҳам бошқаришган.

рия» тўпламидан ташқари «Д.Ф.» қўлёзмаларида ҳам учрайди. Бу қасидаси б-н Навоий ўзбек адабиётида бу шеърий турни янги юксак погонага кўтарган. Ушбу қасидани ва «Д.Ф.»дан ўрин олган бир қатор шеърларни М. Муинзода, А. *Ҳайитметов* ва б. ўзбек тилига таржима қилишган. «Д.Ф.»ни илмий ўрганиш ишига С.*Айний*, Ҳ. Сулаймон, Ш. *Шомуҳамедов*, Н. *Маллаев*, Э. Шодиев, Али Муҳаммадий каби олимлар муносиб ҳисса қўшишган.

«Д.Ф.»нинг бешта қад. қўлёзма нусхалари мавжуд бўлиб, улар чет эл қўлёзма фондларида сақланади. Жумладан, иккитаси Француз Миллий кутубхонаси (Париж)да, яна иккитаси Турк ислом музейи кутубхонасида ва «Нури Усмония» кутубхонаси (Туркия)да, яна бири Теҳрондаги Эрон Давлат мажлиси кутубхонасида сақланади. Бу қўлёзмаларнинг аксарияти Навоий ҳаётлигида кўчирилган, улардан мукаммал ва тўлиғи Париждаги Миллий кутубхонада сақланаётган нусхадир. Унда 554 ғазал, 1 мусаддас, 1 марсия, 72 қитъа, 73 рубоий, 16 тарих, 373 муаммо, 9 лугз (шеърий топишмоқ) — жами 1131 шеър бўлиб, 6197 байтни ташкил этади. Ушбу девонни Ўзбекистонда илк бор проф. Ҳамид Сулаймонов нашрга тайёрлаган (Алишер Навоий, Асарлар [15 жилдли], Т., 1965, 5-ж.).

Абдуқодир Ҳайитметов.

«ДЕВОНИ ҲИКМАТ» — Аҳмад *Яссавий*нинг шеърларини ўз ичига олган мажмуа. Асл нусхаси сақланмаган. 19-а.дан бошлаб Тошкент, Бухоро, Коғон, Қозон, Истанбул ш.ларида бир неча бор нашр этилган. Мавжуд қўлёзма ва босма нусхалар бир-биридан фарқ қилади. Аҳмад Яссавий «Д.ҳ.» ни шу ном б-н китоб тарзида тартиб бермаган. Уни Яссавийнинг мурид ва издошлари тузишган. Яъни устозларининг ҳикматларини бир жойга жамлаб, унга «Д.ҳ.» номини беришган. Яссавийлик тариқатига кирганлар учун «Д.ҳ.»даги шеърларни ўқиб ёд олиш, ҳатто қобилияти етадиганлар учун шундай шаклда шеърлар ёзиш тариқатнинг дахлсиз талабларидан ҳисобланган. Яссавийлик тариқати кўплаб шоирларни етиштириб чиқаришда ўзига хос мактаб вазифасини бажарган. «Д.ҳ.»даги ҳамма шеърлар ҳам Яссавийга мансуб эмас. Унда Яссавий издошларининг ижод намуналари ҳам киритилган. Асар поэтик жиҳатдан халқ қўшиқларига яқин. Шу боис у халқ оммаси орасида кенг тарқалган. Натижада Яссавий ҳикматлари оғиздан-оғизга кўчиб, китобдан-китобга ўтиб, ўз асл тилини ва услу-

бини ўзгартирган, аммо уларнинг асосий ғоявий мазмуни сақланиб қолган.

«Д.ҳ.» ислом дини асосларидан баҳс этувчи, шариатнинг аҳкоми ва аҳли суннатнинг ақидаларидан сабоқ берувчи, тасаввуф сирлари ва тариқатнинг одобу аркони ёритилган қомусий характердаги асардир. Унда илоҳий ишқ ғояси ва дидактик мазмун йўналиши етакчилик қилади. «Д.ҳ.»да муножот, қасида, мунозара жанри талабларига мувофиқ келадиган шеърлар б-н бир қаторда, «Меърожнома» (Ҳазрат Муҳаммад алайҳиссалом мадҳ этилган манзума) ҳам ўрин олган.

Яссавий тариқати турли даврларда ва турли жойларда Аҳмад Яссавийнинг кўплаб шогирдлари ва мухлислари томонидан давом эттирилган. Сулаймон Боқирғоний, Бобо Мочин, Шамсиддин Ўзгандий Худойдод, Қул Насимий, Убайдий ва б. тасаввуф шоирлар «Д.ҳ.» таъсирида бир қатор асарлар ёзган. Шу боис «Д.ҳ.» фақат Яссавийники бўлмай, Яссавий тариқатининг бир неча асрлик умумий бир адабий ёдгорлиги ҳисобланади.

Ад.: Иброҳим Ҳаққул. Аҳмад Яссавий. Т., 2001.

ДЕВОНИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Муҳаммадкомил Исмоил Девон ўғли) (1887, Хива яқинидаги Сангар қишлоғи — 1938, Тошкент) — шоир. Хивадаги Арабхон мадрасасида таълим олган, форс тили, хаттотлик санъатини ўрганган. *Феруз* саройида бирмунча вақт котиблик қилган. Шеърларида замона носозликларини танқид қилган, маърифатпарварлик ғояларини илгари сурган («Афсус» радифли ва б. шеърлари). Шоир ижодига *Табибий* («Мажмуат уш-шуаро») ва *Лаффасий* («Тазкираи шуаро»)лар юқори баҳо берганлар. Д.нинг девонлари асл нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти (инв. № 901, 906, 1142) ва ўғли Ҳамза Комиловнинг шахсий кутубхонасида сақланади.

ДЕВОНКЎЛ КОЛЛЕКТОРИ — Хоразм вилоятидаги йирик коллектор. Унинг 1-навбати 1953 й.да (уз. 38,6 км, сув сарфи 5,3 м³/с), 2-навбати 1957 й.да (уз. 39,7 км, сув сарфи 7,0 м³/с) қурилган. 1967—74 й.ларда реконструкция қилинганидан кейин уз. 39,7 км, сув сарфи 13,2—23,0 м³/с ни ташкил этди. Коллектор Хоразм вилояти Гурлан туманнида деҳқончилик қилинадиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўр ва дренаж, ташлама сувларни чиқариб юборишга хизмат қилади. Д. к. сувлари Дарёлиқ коллекторига қуйилади.

ДЕВОНОВ Санъат Солиҳович (1932.9.5, Хонқа тумани) — актёр ва реж. Ўзбекистон халқ артисти (1976). Тошкент давлат санъат ин-тини тугатган (1973). Хоразм театрида актёр, реж. (1946—84), директор (1963—67). 1984—86 й.лар киноактёр студиясининг, 1986—87 й.лар Аброр Ҳидоятов номидаги драма театрининг ва 1987—93 й.лар Ҳамза театрининг директори. Ҳаракат б-н нутқнинг ранг-баранг, мусиқий ва маънодорлиги, чуқур изтироблар орқали қаҳрамоннинг ички дунёсини оча билиш, чин муҳаббат, инсонпарварлик ифодалари Д. ижодига хос. Д. театрда 150 дан ортиқ роль ўйнаган. Энг яхши ролларидан: Асқар («Аршин мол олон»), Тоҳир («Тоҳир ва Зуҳра»), Навоий («Навоий Астрободда»), Ҳамлет («Ҳамлет»), Беруний («Абу Райҳон Беруний»), Ибн Сино («Ибн Сино»), Фариб («Ошиқ Ғариб») ва б. «Ўликлар кечирмайди» (Ў. Умарбеков), «Оналар» (П. Тлегенов), «Лайли ва Мажнун» (Хуршид) кабилар Д. саҳналаштирган



С. Девонов Йўлчи ролида («Қутлуғ қон» фильми).

муваффақиятли спектакларидан. Кинодаги асосий роллари: Йўлчи («Қутлуғ қон»), Шариф («Мафтунингман»), Жума («Қизилқум»), Абдуғанибой («Юлдузлар жамоли»), Ризаев («Узоқ яқин йиллар»), Карвонбоши («Севги ҳақида афсона»), Амир Насрулло («Чўлоқ дарвиш») ва б., шунингдек, телефильмларда («Шашмақом»да хон, «Жалолиддин Мангуберди»да Муҳаммад шоҳ, «Хоразм афсонаси»да Али, «Диёнат»да Бўрибоев, «Илондан қўрқманг»да Тошматов ва б.) ҳам роллар ижро этган. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н тақдирланган (2001).

ДЕВОНОВ Худойберган (1878, Хива — 1940, Тошкент) — биринчи ўзбек кинооператори. 1907—08 й.лар Москва, Петербургдан телескоп, граммофон, фото ва кино асбоблари олиб келиб фотолаборатория ташкил этган. Бу лаб. Хоразмда фотокиностудия вазифасини утаган. Д. ижоди рус киносанъаткорлари фаолияти б-н деярли бир вақтда бошланган. У «Ўрта Осиё меъморий ёдгорликлари», «Туркистон кўринишлари», «Хива ва хиваликлар» каби қисқа фильмларни ишлаган. Ўз фильмларида ватанпарварлик, маърифатпарварлик ғояларини илгари сурган. Хоразм халқи урф-одатлари ифодаланган мингга яқин фотосурат яратди. ХХСР даврида мактаб, интернатлар очиб, унда фото-кино ишларини олиб борди. «Узбекистанская правда» («Ўзбекистон ҳақиқати»), «Инқилоб қуёши» газ.ларида фотомухбирлик қилиб, Хоразм далаларида биринчи тракторнинг пайдо бўлиши, деҳқонларга ер тақсимланиши ва оммавий йигилишларга оид кўп фотосурат ва кинолавҳалар яратди. Ўзбек киностудияси ташкил этилгач (1925), Д.га Хоразмда кино ишларини олиб бориш топширилди. Кейинроқ «Совкино»нинг мухбири этиб тайинланди ва Москвага «Шўр кўл», «Ишчи аёллар» сингари сюжет ва лавҳаларини юбориб турди. Д. суратга олган кинолента-ларнинг кўпи ҳалигача топилгани йўқ. Урганч шаҳридаги кинотеатр, Хива шаҳридаги Д. яшаган кўча унинг номи б-н юритилади.



«ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК» («Туркий сўзлар девони») — Маҳмуд *Кошғарий* нинг туркий тиллар ҳақидаги қомусий асари (1071—72). Бу асарда 11-а.нинг 2-ярмида Марказий Осиёда ва Ғарбий Хитой ҳудудида истиқомат қилган туркий уруғ ва қабилалар, уларнинг ижтимоий аҳволи, тили, тарихи, бу ҳудуднинг геогр.си, метрологияси ва астрономиясига оид қимматли маълумотлар ёзиб қолдирилган. «Д.л.т.»нинг кўлёзмаси 1914 й. Туркиянинг Диёрбакр ш.дан топилган. 319 саҳифали бу қўлёзма ҳоз. Истанбулда сақланади. Бу нусха «Д.л.т.» ёзилганидан салкам 200 й. кейин, яъни Маҳмуд Кошғарийнинг ўз қўли б-н ёзилган нусхадан 1266 й.да котиб Муҳаммад ибн Абу Бакр ибн Фотиҳ ал-Совий ал-Дамашқий томонидан кўчирилган.

«Д.л.т.» араб тилида ёзилган, 8 минг-дан ортиқ туркий сўзларни тўғри таффуз қилиш мақсадида арабча ҳарфлар катлар (ҳарфлардаги ост-уст ишоралар) дан фойдаланилган. Бунда, албатта, муаллиф анча қийинчиликка учраган, ё чунки арабча ҳарф ва алиф, вов, ё

(إِي) ишоралари б-н туркий товушларни бериб бўлмас эди. Туркий тилдаги чўзиқ ва қисқа унлилар, юмшоқ ва қаттиқ товушлар учун Маҳмуд Кошғарий махсус белгилар (ҳаракатлар)ни қўллайди ёки сўз бошидаги чўзиқликни икки алиф б-н кўрсатади (اا — аав — ов, اآ — аақ — оқ) ёки 2 хил талаффуз қилинадиган сўзларга 2 хил ишора қўяди: **азуқлуқ, эритмак** сўзларидаги З ва Р ҳарфлари устига ҳам **касра,** ҳам **дамма** ишорасини қўйган, демак, бу сўзлар ўша даврда икки хил талаффуз этилган: **азықлуқ — азуқлуқ, эритмак — эрутмак** каби. Арабча ҳарф б-н кўрсатиш мумкин бўлмаган туркий талаффузни «Д.л.т.»да изоҳлаб, таърифлаб ўтган. «Д.л.т.»да, аввало, отлар, сўнг феъллар изоҳланади. Сўзлар тартиби уларнинг таркибидаги ҳарфларнинг орта боришига (2 ҳарфдан 7 ҳарфгача) қараб амалга оширилган.

Маҳмуд Кошғарий «Д.л.т.»га ўзи тузган дунё харитаси (дунёнинг доира шаклидаги тасвири)ни илова қилган. Харитада мамлакат, шаҳар, қишлоқ, тоғ, чўл, довон, денгиз, кўл, дарё ва ҳ.к.нинг номлари ёзилган. Харитага ёзилмай қолган бир қанча номлар асар матнида изоҳланган. Харита, асосан, ҳоз. Шарқий ярим шарга тўғри келади. Асарда 11-а.даги шаҳарлар, қишлоқлар, денгиз, кўллар, туркий қабилалар ва уруғлар ҳақида, уруғларнинг ижтимоий аҳволи, келиб чиқиши, номланиши, ички уруғ ва тоифалари, уларнинг жойланиши, урф-одатлари, тил хусусиятлари ҳақида батафсил маълумотлар берилади. Бундан ташқари, ҳайвонот ва ўсимликлари, уларнинг номланишига тўхталиб ўтади, астрономик маълумотлар, бурж ва мучал ҳақида ҳам маълумотлар бор. «Д.л.т.»да айниқса қабила ва уруғ тилларига оид лингвистик маълумотлар анча батафсил берилган. Бунда ҳар сўзнинг маънолари (полисемия, омоним, синоним, антоним ва архаик сўзлар) чуқур таҳлил қилинади, айрим сўзларнинг этимологиясига тўхталиб ўтади. Товушлар (фонемалар)нинг таҳлили анча мукаммал: унли ва ундош фонемалар, чўзиқ ва қисқа унлилар, уларнинг уруғ тилларидаги талаффузи ва орфографияси, тилдаги фонетик ҳодиса ва қонуниятлар батафсил изоҳланган. Морфология соҳасида сўз туркумларини, давр анъанасига кўра, 3 сўз туркумига: феъл, исм, боғловчига бўлиб, уларнинг ясалиш ва турланиш йўлларини кўрсатиб ўтади. «Д.л.т.»да 250 дан ортиқ мақол ва маталлар, ўнлаб шеърий парчалар келтирилган.

В. В. *Бартольд* «Д.л.т.»дан ўз илмий ишларида кенг фойдаланганини шарқшунос С. Волин кўрсатиб ўтган. Тилшунос олим В. И. Беляев «Д.л.т.» ҳақида шундай ёзади: «Биз бу асарга ниҳоятда юксак баҳо беришимиз керак, чунки у китоблардан олиб ёзилмаган, балки жонли материални шахсан кузатишга асосланган... Муаллиф берган маълумотлар... археологик кашфиётлар бу маълумотларнинг аксариятини исбот этмоқда». Немис шарқшуноси К. *Брокельман* «Д.л.т.» асарини 1928 й. немис тилига таржима қилди. «Д.л.т.» қўлёзмасининг фотонусхаси Истанбулда кейинчалик Бесим Аталай томонидан (3 жилдли; 1915—17) Килисли Рифат (3 жилдли; 1939—41) турк тилига таржима қилиниб, чоп этилган. «Д.л.т.»нинг турк тилидаги кейинги қайта нашри 1957 й. амалга оширилди. «Д.л.т.» иккинчи бўлиб ўзбек тилига таржима қилиниб, муҳим изоҳ ва тафсирлари б-н 1960—63 й.лари Тошкентда «Фан» нашриётида 3 жилдда чоп этилган. Бу тилшунос олим, филол. фанлари д-ри, проф. Солиҳ Муталлибовнинг 35 йиллик меҳнати натижаси эди. Ушбу нашр фақат таржима бўлмай, туркча таржимага муносабат, баҳо, атамалар, шахс номлари, шаҳар ва жой номларига изоҳ ва тафсир ҳамдир. Ўзбекча нашрининг муқаддима қисмида 11-а. филологлари, «*Кутадғу билиг*» асари, Маҳмуд Кошғарийнинг лингвистик қарашлари, туркий қабилалар, уларнинг тарихий тақдири, туркий халқлар ва тилларнинг ҳоз. туркий халқлар ва уларнинг тилига муносабати, таржима транскрипцияси тўғрисида маълумотлар берилган. «Д.л.т.» ўзбекча нашрининг охирида туркий уруғ, қабила, шаҳарлар ва б. тўғрисида батафсил маълумотлар бор, асарнинг ҳар бир жилдида ҳаволалар берилиб, унда учраган сўз ва ибораларнинг кенг таърифланади, изоҳланади. Ўзбекча нашрининг бир жилди асосида тузилган кўрсаткичдир. Унда «Д.л.т.»да учраган сўзлар алифбо тарзида келтирилиб, сўзнинг ўзбек ва рус тилида таржимаси берилади. Мазкур сўзнинг «Д.л.т.» нинг қайси бетларида учраши (олдин ўзбекча, сўнг туркча нашрларининг бети, сатри) кўрсатиб ўтилади.

Ғаниҳон Абдураҳмонов.

ДЕВОР — 1) бино, уйнинг томини кўтариб турувчи ёки хоналарга ажратувчи тик қисми. Бино ва уйларда юк кўтариб турувчи (яъни томни кўтариб турувчи) Д. ва пардевор (яъни фақат хоналарни ажратиб ва тўсиб турувчи)га; ички ва ташқи Д.ларга бўлинади. Д. пишитилган лойдан (пахса Д.), пишиқ ғишт ва хом ғиштдан (ғиштин Д.), тош, шлак-бетон ва темир-бетондан (тош Д.) қилиниши, пардевор яхлит гипс плиталардан ҳам кўтарилиши мумкин. Ғиштин Д. ярим, бир, бир ярим, икки ғиштли қилиб терилади. Д.нинг қалин ва юпқа, йиғма ва яхлит, терилган ва урилган хиллари бўлади. Ҳар қандай Д. ташқари ва ичкаридан ҳар хил усулда (сомон сувоқ, цемент сувоқ, алебастр, ганч сувоқ ва б.) суваб қўйилади. Д. кўзли (дераза ва эшик ўринлари ташлаб кетилган) ва кўзсиз (яхлит) бўлади; 2) бирор нарса (мас., ошқозон, двигатель)нинг атрофини ўраб олган ёки бўлимларга ажратган қисми (мас., ошқозон девори, цилиндр девори); 3) бирор ерни (мас., ҳовлини), ҳудудни ўраб олган ёки қисмларга ажратиб турган ғов, тўсиқ; пахса, шох-шабба, тахта, темир-бетон, ғиштдан қилиниши мумкин; 4) қалъа, қўрғон ва шаҳар (ҳатто бирор давлат) ни ўраб, душман ҳужумидан мудофаа қилиш учун қурриладиган иншоот. Мас., 15-а.да Тошкент бир неча дарвозали кенг пахса Д. б-н ўралган. 19-а. ўрталарида Тошкент бекларбегиси таъмирлаттирган Д.нинг 12 дарвозаси ва 2 қофқаси (ўртача эшиги) бўлган. Мил. ав. 4—3- а.ларда Хитойда мудофаа девори бунёд этилган (қ. *Буюк Хитой девори*).

ДЕВОРЗАНЛИК — пахса, гувала, ғишт, тошдан девор уриш касби. Шу касб б-н шуғулланувчи уста деворзан ёки деворкаш деб аталади. Д. касби Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда ўтмишда жуда кенг тарқалган бўлиб, авлоддан-авлодга, устадан шогирдга ўтиб келарди. Ҳоз. ғишт терувчилик касби Д.нинг янги, замонавий шакли бўлиб, бунга махсус ўргатилади, ўқитилади.Д. хусусий уйлар қуришда ҳозир ҳам асқотади.

ДЕВОРИ ҚИЁМАТ, Деворикўндаланг — археологик ёдгорлик, қад. Самарқанд ва унинг атрофидаги қишлоқларни ўраган мудофаа девори харобаси (мил. ав. 4—2-а.лар — мил. 8-а.). Самарқанднинг жан.да Даргом каналининг ўнг қирғоғи бўйлаб кўтарма (бал. 4 м гача, кенглиги 12 м, уз. 50 м) шаклида сақланиб қолган. Д.қ. харобасини В.Л. *Вяткин* текширган (1903). 1936 й.да М. Е. *Массон* Шарқ географлари маълумотлари б-н археологик қазишмалар натижаларини қиёслаган. 1969 й.да Ю. Ф. *Буряков,* М. М. Тошев археологик қазишмалар олиб борган. Ўрта аср Шарқ манбаларида ёзилишича, Д.қ.нинг уз. 12 фарсах (72 км), бал. 14 газ (тахм. 10 м) бўлиб, тепаси кунгурадор буржлар б-н мустаҳкамланган 12

дарвозаси бўлган. Деворнинг энг чет нуқталари шарқда Чўпонота тепалигининг ён бағирлари, жан.да Дарғом каналига яқин жой, ғарбда Хешрав қишлоғи ва шим.да Қундуз Сўфи қишлоғи бўлган.

Археологик тадқиқотлар натижасида Д.қ.нинг айрим қисмлари турли даврларда қурилганлиги аниқланди. Дастлаб (мил.ав.4-а.) Д.қ.нинг шим. қисми пахсадан 2 қатор қилиб, ўртаси йўлаксимон хоналар шаклида қурилган. Кейинчалик бу хоналарга мурдалар кўмилган. *Абу Муслим* буйруғи б-н Д.қ. 752—753 й.ларда жан.га 7,5 фарсах (45 км) давом эттирилиб, янги аҳоли зич яшайдиган ҳудуд ўраб олинган. У пахса ва хом ғиштдан қурилган. Д.қ.нинг жан. қисми 1466 й.дан бошлаб Девори кўндаланг деб аталган. 19-а.да эса Искандар девори деган ном б-н ҳам юритилган. Бу девор Д.қ. деб 18-а.дан сўнг атала бошлаган.

ДЕВОРИЙ РАССОМЛИК — *безак санъати* соҳаси, бевосита бино девори, шифти, устуни сувоғи устидан ёки уларга мустаҳкамланган мато, қоғоз ва б.га бўёқлар ёрдамида ишланадиган тасвир ёки нақш. Меъморлик б-н боғлиқ ва кўпинча соф безак хусусиятига эга бўлган барча маҳобатли рассомлик асарларини (*мозаика*, *намоён* бундан мустасно) ўз ичига олади. Д. р.да сюжетли (тарихий, маиший, батал жанрларида), манзарали ва б. мавзуларда асар яратишда *фреска*, *темпера*, *елим рассомлиги*, *мум рассомлиги*, *мойбўёқ рассомлиги* ва б.дан фойдаланилади.

Энг қадимги Д.р. намуналари (ғор ва қояларга ишланган расмлар) сўнгги палеолит даврида юзага келган. Қад. ва ўрта асрларда Д.р.нинг нодир намуналари яратилди. 7—8-а.ларда Марказий Осиё (*Варахша*, Панжакент ва б.)даги ибодатхоналар, саройлар тасвирлар б-н безатилган бўлса, ўрта асрларда мусулмон мамлакатларида нақшли мужассамотлар кенг тарқалган (яна қ. *Наққошлик*). Қад. Миср деворий расмлари, Хитой (Дуньхуан) ва Ҳиндистон (*Ажанта*)да ғорқояларга ишланган тасвирлар ажралиб турган. Европада эса маълум диний тартибларга мойил кўтаринки руҳдаги Д.р. намуналари Византия, Грузия, Болқон, Қад. Русда рассомлик санъатининг муҳим турига айланди. Уйғониш даврида Италияда (*Джотто*, *Мазаччо*, *Леонардо да Винчи*, *Рафаэль*, *Микеланжело* ва б.) гражданлик руҳидаги чуқур реалистик Д. р. асарлари яратилди. *Роман услуби*, *готика*, *барокко* услубларидаги бинолларда соф безак хусусиятига эга бўлган Д.р. намуналари юзага келган, 17—18-а.ларда Д.р. ўрнини *витраж*, *гобелен*, *ойна* ва б. эгаллай бошлаган. 19-а.да Д.р.га қизиқиш ортган.



Б. Жалолов. Умар Хайём тушлари (1993, Тошкентдаги Туркистон саройида).

Ўзбекистонда Д.р. қадимдан маълум бўлган. Сурхондарё (*Холчаён*, мил. ав. 1-а., Тупроққалъа, 3-а., *Болаликтепа* қасри, 5—6-а.лар), Бухоро яқини (Вахша саройлари, 7-а.)даги Д.р. намуналари бадиий жиҳатдан қимматли. Сюжетли расмларда ўша даврдаги ҳаёт лавҳалари, ҳайвон тасвирлари, базм, сафар, қабул маросимлари, шоҳларнинг қаҳрамонликлари акс эттирилган (яна қ. *Афросиёб деворий расмлари*). Тарихий қўлёзмаларда ислом дини ҳукмронлиги даврида нақшли мужассамотлар б-н бир қаторда сюжетли Д.р. намуналари яратилганлиги (мас., Амир Темурнинг Самарқанддаги Дилкушо саройи деворлари қаҳрамонона жанг лавҳалари, тасвирлар б-н безатилганлиги) ҳақидаги маълумотлар учрайди. 19-а. охири 20-а. бошларида европача услубда қурилган бинолар (Тошкентдаги Половцев уйи — ҳоз. *Ўзбекистон Амалий санъат музейи*, Самарқанддаги Калантаров уйи — ҳоз. *Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати музейи* бўлими ва б.) Д.р. асарлари б-н безатилган. 20-а. ўрталаридан Д. р. янги мазмун б-н бойиди, биноларни безашда кенг қўлланила бошланди. Дастлабки йирик Д.р. намуналари Ч. *Аҳмаров*нинг Навоий театри фойеларига Навоий достонлари асосида ишлаган расмлари бўлди. 1950—60 й.ларда Д. р. беқиёс даражада ўсди (А. Ган, В. Соседов ва айниқса, Ч. Аҳмаров самарали меҳнат қилдилар), такомиллашди, ажойиб деворий расмлар яратилди. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи, «Баҳор» концерт зали, «Алишер Навоий» метро бекати, «Киночилар уйи», Темурийлар тарихи давлат музейи ва б. жамоат биноларига ишланган Д. р. намуналари бадиий жиҳатдан қимматлидир. Ўзбекистонда Д. р.нинг кейинги тараққиётига рассомлардан Б. Жалолов, Т. Соипов, Т. Болтабоев ва б., наққошлардан А. Илҳомов, К. Каримов ва б. муносиб ҳисса қўшмоқда.



Деворий рассомлик. Варахшадаги деворий расм (6—7-асрлар, Бухоро вилояти).

ДЕВПЕЧАК (Cuscuta L.) — чирмовуқдошлар (Cuscutaceae)га мансуб бир ва кўп йиллик текинхўр ўсимлик. Ватани — Америка ва Африка. Ўрта Осиёда 5 тури тарқалган. Буларнинг ҳар бири 150—200 гача ўсимлик турини зарарлаб, ҳосилнинг кўп қисмини нобуд қилади, сифатини пасайтиради. Илдизи, барги бўлмаганидан хлорофилл йўқ. Пояси (0.5—7,5 мм гача) сарғиш ёки сарғиш-

пушти, сершох. Гули оқ ва оқиш-пушти, овал шаклда. Чаноғи қалпоқсимон, серуруғ. Уруғи думалоқ ёки тухумсимон, учли, ғадир-будур, усти қаттиқ пўст б-н қопланган. Д., асосан, уруғидан ва қисман поясидан кўпаяди. Тупроқда қишлаб чиққан уруғлари март—апр, ойларида униб чиқади. Ўсимталари дастлаб кунига 2—3 см, 10-кундан бошлаб 12—15 см дан ўсади. Ўсимталари бирор ўсимликка чирмашиб, уруғидан ажралади, ўсимлик танасига 2—4 марта спираль шаклида ўралиб олади ва сўргичлари б-н ўсимлик ширасини сўра бошлайди. Натижада ўсимликда модда алмашинуви бузилади, Ҳосили камаяди, ҳатто қуриб қолади. Д., асосан, мевали, манзарали, ўрмон дарахтлари, ток, бута, резавор, субтропик ва цитрус ўсимликларига тушиб, халқ хўжалигига катта зарар келтиради. Курашчоралари: Д. тушган дарахт новдалари қирқиб ёқилади, кучли зарарланганлари тупи б-н ковлаб йўқотилади. Боғ, токзор, кўчатзор ва дарахтзорларда қатор оралари ҳайдаб қўйилади, дарахтга тушган Д.ни кимёвий усулда йўқотиш чораси ҳозирча ишлаб чиқилмаган (имкон қадар қўлда тозаланади). Экин майдонлари, йўл ёқаларидаги ўсимликларга тушган Д.ни йўқотиш учун эса нитрафеннинг 4% ли эритмаси б-н гектарига 1200 л нормада дориланади (қ. *Зарпечак*).



Девпечак.

ДЕВХОНА ПЛАТОСИ — Қашқадарё вилоятининг жан.-ғарбидаги плато. Шарқ ва шим.-шарқда *Қарши чўли*га туташган. Мутлақ баландлиги жан.да 340—354 м дан шим.да 226—230 м гача. Дўнг қум (бал. 1—2,5 м), марзали қум шаклари (2—5 м) мавжуд. Қумли ерларда уз. 400 м дан 500 м гача, эни 170 м дан 1000 м гача бўлган берк ботиқлар бор. Улар асосан шамол таъсирида вужудга келган, баъзиларининг туби шўрхокдан иборат.

Д. п. замини неоген (оқчағил яруси) даврининг қумтош, гил, қумлардан ташкил топган, улар устида тўртламчи даврнинг қалинлиги 10—15 м ли қум ва қумоқлари бор. Дўнг қумларда жузғун, черкез, сингрен, шувоқ, қизилтерак, ёнтоқ, эфемерлар тарқалган. Қорақўл қўйлари учун йил бўйи яйлов сифатида фойдаланилади.


ДЕВЧАРХ, катта чарх — қад. хонаки пиллакашлик корхонасида турли дастгоҳ (авурсак, дугдон, тегирмон ва чоридон)ни ҳаракатга келтирадиган улкан чарх, (диаметри 2,5 м); аштоб ёки катта чарх деб ҳам юритилган. Д.ни айлантириш оғир иш бўлган. Марғилонлик уста Юсуфжон Маъруфжонов бу меҳнатни енгиллаштириш ниятида 1942 й.да Д.ни 2 бараварга кичрайтирди; 1944 й.да эса у Д.ни мотор б-н ҳаракатланадиган қилди. Атлас, беқасам, шойи ва б. матолар пиширилган тайёр ипакларидан тўқиладиган бўлгач, Д. ишлатилмай қўйилди.

ДЕГА (Deqas) Илер Жермен Эдгар (1834.19.7 — Париж — 1917.27.9) — француз рассоми ва ҳайкалтароши, импрессионизмнинг етук намояндаси. Париждаги нафис санъат мактабида таълим олган (1855—56), Италияда яшаб Илк уйғониш даври санъатини ўрганган (1854—59). Д. ҳаётни, замонавий шаҳарни ва унинг кўчалари, майдонларини, одамлари (ҳолати, кайфиятлари)ни ўта сезгирлик б-н бутун гўзаллиги ва табиийлигини ҳаққоний акс эттирган. Д. асарлари нозик ва аниқ расми, шаклларни кутилмаган тарзда берилиши б-н ажралиб туради («Қаҳвахона айвонидаги аёллар», 1877; «Юлдуз», 1878; «Мовий раққосалар», 1880—90 ва б.). 1880-й.лар охиридан ҳайкалтарошликда ижод қилган, раққосалар, чўмилаётган аёллар, отлар ва б. шакларда лаҳзалик ҳаракат, ҳолатни нафис ифодалашга эришган.

ДЕГАЗАЦИЯ (*де*... ва *газ*) — 1) заҳарланган жойлар, иншоотлар, ҳарбий техника, жанговар қуроллар, озиқ-овқат, ҳаво, сув ва б.ни зарарсизлантириш. Д. қилувчи моддалар сифатида хлорли оҳак, кальций гипохлорит, хлорли оҳак, кальций гипохлорит, хлораминнинг ҳар хил концентрациялари, ишқорли тузлар қўлланилиши мумкин. Заҳарланган жой хлорли оҳак б-н Д. қилинади, айрим ҳолларда эса тупроқ ёки қорнинг заҳарланган қатлами олиб ташланади. Кийим-бошлар иссиқ ҳаво ёрдамида, жанговар техника ва ҳарбий қуроллар хлорамин ва ишқорли эритмаларни пуркаш йўли б-н ёки ювувчи эритмалар (бензин, керосин, спирт) да Д. қилинади. Хоналарни заҳарли модалар буғи ва газлардан холи қилиш учун улар шамоллатилади. Д.да махсус машина ва асбоблар, оддий сув сепиш машиналари, грейдерлар, гидропультлар қўлланилиши мумкин; 2) металлургияда — вакуумда ишлов бериш йўли б-н суюқ металлар тарқибидаги газларни чиқариб юбориш. Ковшли, циркуляцион ва б. усуллари бор; 3) фойдали қазилмалар қатламлари ва атрофдаги жинслар орасидан зарарли газларни табиий ёки сунъий усуллар б-н чиқариб юбориш. Конларга газ тўпланиб қолишининг олдини олиш учун бажарилади: 4) қишлоқ хўжалигида — *фумигация*дан сўнг заҳарли газ ва буғ қолдиқларини йўқотиш. Ҳавонинг қуруқ ва ҳароратнинг юқори бўлиши Д.ни тезлаштиради. Д. актив ва пассив усулда бажарилади. Актив Д. дон ва донқуритгичлар ёрдамида ёки қўёш тафтида шопириб қуритиш.б-н амалга оширилади. Пассив Д.да эса фумигация қилинган дон, чигит ва б. маҳсулотлардан газ тамоман учиб кетмагунига қадар уларга тегилмайди, маҳсулотлар сақланадиган омборда деразалар очилиб, елвизак ҳосил қилинади. Бинода бромметил бор-йўқлигини аниқлаш учун ацетил лампаси, шам, гугуртни ёндириб полга яқинлаштирилади, агар олов ўчмаса ёки ранги ўзгармаса Д. ниҳоясига етган ҳисобланади.

ДЕГГАРОН МАСЖИДИ — Бухоро вилояти Ҳазора қишлоғидаги меъморий ёдгорлик. 8—9-а.ларда қурилган бино ўрнига 11-а.да бунёд этилган. Кейинчалик дегрез (чўнгар) усталарнинг маҳалла гузарида жойлашгани учун Д.м. деб номланган. Ташқи кўриниши куб шаклида, усти гумбазлар б-н ёпилган, хона ичида пишиқ ғиштдан 4 гўла (устун) ишланган. Қолган девори хом ғиштдан тикланиб, юзаси пишиқ ғишт б-н қопланган. 4 рукн-устун (диаметри 128 см) хонақоҳ ичини деворсиз 9 қисмга ажратган, марказий қисми нис-

Деггарон масжиди ички кўриниши.



батан йирикроқ гумбаз б-н ёпилган, бошқа қисмларга — бир томонидан деворга, қарши томонидан устунга таянтириб яна 8 та кичик гумбаз ишланган. 20-а.да масжиднинг жан. ва шарқида хонақоҳга тақаб синчкор айвон қурилган, жан. айвон бир қатор устунли, шарқийси (жан. айвонга нисбатан икки ҳисса кенг) икки қатор устунли. Айвон устунида бинонинг 1910 й.да қайта қурилгани қайд этилган. Кейинчалик айвонлари вайрон бўлган. Д. м. исломият даврининг Ўрта Осиёда сақланиб қолган қад. саждагоҳи сифатида меъморий ўзига хослиги ва содда салобати б-н диққатга сазовор.

ДЕГЕЛЬМИНТИЗАЦИЯ (*de...* ва *гельминтлар*) — гельминтларни барча ривожланиш фазаларида йўқотишга қаратилган даволаш-профилактика тадбирлари мажмуи. Гельминтлар юққан ўсимликлар ва ҳайвонлар, чорвачилик бинолари ва асбоб-анжомлари, далаларга ўғит сифатида солинадиган гўнг, яйловлар, подалар дам оладиган (ётқизиладиган) жойлар Д. қилинади. Д. фармакологик антгельминтиклар ёрдамида (альбендазол, мебендазол, паперазин, фенбендазол ва б.) ҳамда физик (қўйларда ценуроз, одамларда эхинококк пуфакларини хирургик йўл б-н олиб ташлаш), механик (қорамолларда телязияларни кўздан ювиб чиқариш ва б.), биологик (бактериал препаратлар, эмлаш ва ҳ.к.) усуллар орқали амалга оширилади. Ҳар бир ҳайвонга алоҳида ёки бир гуруҳга маълум миқдорда антигельминт препаратлари сув ёки ем б-н аралаштириб берилади. Ҳайвонларда даволаш (йилнинг ҳар қандай даврида гельминтозларнинг бирдан тарқалиши юз берганда), профилактик (режали равишда гельминтозлар клиник кўринишларининг олдини олиш учун йилнинг маълум даврида); диагностик (гельминтозларнинг бор-йўқлигини аниқлаш мақсадларида) Д. ўтказилади. Ҳайвонлар парваришида ишлатиладиган асбоб-анжомлар қайноқ сув, буғ, олов б-н; яйлов ва ўтлоқлар гельминтларнинг биол.сига қараб уларни даврий равишда ўзгартириб туриш йўли б-н Д. қилинади. Гўнг биотермик усулда юқумсизлантирилади. Ўсимлик уруғи узоқ вақтгача юқум манбаи бўлиши мумкин, шу сабабли уларни Д.лашда турли кимёвий воситалар қўлланилади.

Ҳошим Нурмаматов.

ДЕГЕНЕРАЦИЯ (лот. degenero — бузиламан) — ўсимлик, ҳайвон организмидаги бирор хил биологик белги ва хусусиятнинг ирсий касалликлар ёки яшаш шароитининг оғирлашиб қолиши туфайли бузилиши, ёмонлашиб айниб қолиши. Баъзи орган ва тўқималарнинг нормал индивидуал ривожланиш жараёнида йўқолиб кетиши (мас., итбалиқлар ўсиб, бақага айланганда думининг йўқолиши), филогенетик тараққиёт жараёнида кичрайиб, бошқача бўлиб қолиши ёки моддалар алмашинуви ўзгариши натижасида емирилиши ҳам Д. дейилади.

ДЕГЕРЕС ҚЎЙИ — ярим майин, узун жунли гўштдор-жундор қўй зоти. Олмаота вилояти (Қозоғистон)даги «Дегерес» от з-дида шроширилган, перекос зотлари қўчқорларини думбали жайдари совлиқлар б-н чатиштириб етиштирилган (акад. В. А. Бальмонт, Т. Б. Бокенбаев, М. А. Алетов, А. В. Челоднов). 1980 й.дан зот тариқасида тасдиқланган. Д.қ. йирик, мутаносиб жусса тузилишига эга зот. Думбаси ва бир хил ярим майин жуни б-н ажралиб туради. Чўл ва чала чўл иқлимига яхши мослашган. Серпуштлиги 92—120%. Кўчқорларининг вазни 90—110 (айримлари 135 кг), совлиқларининг 58—65 кг. Совлиқларидан 3—3,5 кг, кўчқорларидан 6,5—7 кг жун қирқиб олинади. Булардан 58—65% тоза жун чиқади. Жуни оқ, узун (кўчқорлариники 14—16 см, совлиқлариники 9—11 см), сифати ва йигирилиш хусусияти аъло даражада. 1959 й.дан Д.қ. Ўзбекистонга келтирилган. Гўшт-ёғ йўналишидаги думбали маҳаллий жайдари қўйлар




Дегерес қўй зоти.

б-н чатиштирилган, лекин тажрибалар кутилган натижаларни бермади. Д.қ. қўчқорларидан думбали қўй зотларини яхшилашда фойдаланилган.

ДЕГИДРАТЛАНИШ (*de...* ва *гидратланиш*) — анорганик ёки органик моддалардан сув ажралиши. 1) кимёда — Д. термик жараёнда кўпинча кислоталар, алюминий-оксид ва б.) иштирокида содир бўлади. Эфирлар, кислота ангидридлари, олефинлар ва б. моддалар олишда қўлланилади; 2) геологияда — Д. ер пўстида кенг тарқалган жараён бўлиб, фойдали қазилмаларнинг ҳосил бўлишида катта аҳамиятга эга. Мас.., опал минералининг сувсизланишидан *халцедон* ва *кварц* минераллари ҳосил бўлади. Улар халқ хўжалигида кенг қўлланилади. Организмда ҳам Д. жараёни бўлиб туради, улар *ферментлар* иштирокида рўй беради.

ДЕГИДРАТОР — нефть эмульсияси таркибидаги сувни ажратувчи асбоб. Бу ишни юқори частота ва юқори кучланишли электр майдони таъсирида амалга оширилади. Д. металл корпус *1* дан иборат бўлиб, ичида *электрод* ўрнатилган эбонит изолятор жойлашган. Изолятор болт *3* лар б-н корпус фланеци *2* га маҳкамланган. Металл ўзак *4* дан электродга кучланиш берилади. Д. диск *5* ёрдамида трансформатор хонасига ўрнатилади. Д.нинг электр қисми трансформатор, қаршилик, разрядник ва конденсатордан тузилган. Д. нефтни қайта ишлаш корхоналарида қўлланилади.



Дегидратор.

ДЕГИДРОГЕНЛАШ (*de...* ва *гидрогенлаш*) — органик бирикмалардан катализатор иштирокида водород ажратиб олиш реакцияси. Электрон алмашиниш б-н содир бўладиган оксиллашиш-қайтарилиш жараёнларига киради. Гидрогенлаш учун яроқли катализаторларнинг кўпи Д. учун ҳам ишлатилади. Д. юқори т-рада боради. Босимнинг ошиши Д. жараёни б-н сусаяди. Углеводородларни Д.да таркибида Cr_2O_3 ва MoO_3 бўладиган катализаторлар кўпроқ ишатилади.

Саноатда Д.дан фойдаланиб, юқори сифатли ёқилғи ҳамда мономерлар олинади. Алюмохром катализаторлари иштирокида нормал парафин углеводородларни дегидрогенлаб, олефинлар ва диолефинлар олинади. Шу усулдан фойдаланиб, нефть б-н бирга чиқадиган йўлакай газлар ҳамда нефть маҳсулотларидан бутадиен ва изопрен, булардан эса каучук олинади.

ДЕ ГОЛЛЬ — қ. *Голль.*

ДЕГРЕЗ (форс. — қозон қуймоқ) — қозон қуювчи, умуман чўяндан турли буюмлар қуювчи уста (яна қ. *Дегрезлик*).

ДЕГРЕЗЛИК, чўянгарлик — Д. эритиб, ундан турли буюмлар қуйиш касби. Ўзбекистон ҳудудида қадимдан чўяндан уруш қуроллари, ҳунармандлик, қ.х. ва рўзғор буюмлари (мас., қозон) ясалган. Чўян буюмлар заҳда занглаб, узоқ турмаслиги сабабли археологик қазилмалар намуналари орасида қадимдан қолган чўян буюмлар кам учраиди. Музейларда сақланаётган чўян буюмлар 15-а.дан кейинги даврларга мансуб. Бобур «Бобурнома» асарида чўян қуйиш жараёнини ёзиб қолдирган. 16-а. ёзма манбаларида «дегрез» сўзи б-н бир маънодаги «чўянгар» сўзи ҳам учрайди. Ўрта аср маъдансозлигида меҳнат тақсимоти оқибатида чўян, жез ва биринж (бронза) дан қурол, асбоб ва буюмлар қуйиш алоҳида-алоҳида тармоқларга ажралган. Чўянгарлар қозон, қорачироқ, чироқпоя, милтиқ нили каби чўян буюмларни, ҳатто замбарак, тўп-шашвар ҳам қуйганлар. 19-а.дан бошлаб уй-рўзғор буюмлари (қозон, обдаста ва б.) асосан Россиядан келтирилиши оқибатида Ўрта Осиёда Д. касби анча сустлашди. Д. эритиш ва қуйиш жараёнларига бўлинади. Дегрезлар гўла чўян ёки эски чўян буюмларни содда усулда (*ёндўкон* ва *вагранка*да) эритиб ва махсус қолипларга қуйиб, турли буюмлар ясаганлар. Бунда оғир қўл меҳнати талаб қилинар эди. 20-а.да оғир саноатнинг ривожланиши туфайли Д. касби анча барҳам топди; 2) жой (маҳалла) номи. Илгари бир хил касб б-н шуғулланувчи кишилар алоҳида маҳалла ёки гуруҳ бўлиб яшашган.

ДЕГРЕЗТЕПА — шаҳар харобаси (1—5—8-а.лар). Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани Дегрез сув омборининг жан.-ғарбида. Тўғри тўртбурчак тарҳли. Майд. 6 га дан ортиқ. Мудофаа деворларининг қолдиқлари тепаликлар (эни 10 м, бўйи 4 м) сифатида сақланиб қолган. Бурчаклар миноралар б-н ҳимояланган. 3 та дарвозаси бўлган. Шаҳар аркининг атрофи хандақ б-н ўралган. Кушонлар даври ва илк ўрта асрларга оид сопол идишлар топилган.

ДЕГТЯРЁВ Василий Алексеевич (1879/80—1949) — рус ихтирочиси, муҳандислик-артиллерия хизмати генерал-майори (1944), техника фанлари д-ри. Меҳнат Қаҳрамони (1940). Пулемёт (шу жумладан қўл пулемёти, 1927 ва 1944 й.ларда), пулемёт-пистолетларнинг бир неча намуналари (шу жумладан ППД, 1940), танкка қарши бир отар милтиқ (ПТРД, 1941)ни ихтиро қилган.

ДЕГУСТАЦИЯ (лот. degustatio — татиб кўриш) — тамаки, чой, вино, қандолат, озиқ-овқат маҳсулотлари, нон, гўшт, сут маҳсулотлари ва б. сифатини ҳидлаб, рангини, мазасини кўриб баҳолаш (қ. *Чашначилик*).

ДЕДЕКИНД (Dedekind) Юлиус Вильгельм Рихард (1831.6.10 — Брауншвейг — 1916.12.2) — немис математиги; Берлин ФА аъзоси (1880). Илмий ишлари сонлар назариясига, алгебра ва математик анализга доир. Кўп ишлари алгебраик сонлар назариясига тааллуқли. Мат.да муҳим бўлган идеал образ каби тушунчаларни киритган. Д. ҳақиқий сонлар назариясини асословчи тизим (*Дедекинд кесими*) муаллифи.

ДЕДЕКИНД КЕСИМИ — иррационал сонларни аксиоматик киритиш усули. Ю. *Дедекинд* 1872 й.да ишлаб чиққан. Бу усулга кўра, рационал сонлар тўпламини икки синфга — «қуйи» ва «юқори» синфларга бўлинади, «юқори» синфга тегишли исталган сон «қуйи» синфдаги ҳар қандай сондан катта; агар «юқори» синфда энг кичик сон, «қуйи» синфда эса энг катта сон бўлмаса, бундай кесим (бўлиниш) бирор иррационал сонни билдиради. Иррационал сонни кесим ёрдамида бундай аниқлаш, баъзан, Дедекинд аксиомаси дейилади.

ДЕДУКТИВ МАНТИҚ — қ. *Мантиқ.*

ДЕДУКЦИЯ (лот. deductio — хулоса чиқариш) — *мантиқ* қоидаларига кўра хулоса чиқариш. Дастлаб формал мантиқда умумийликдан хусусийлик, айримлик томон муҳокама юритиш Д. деб аталган. Мас., «Барча металлар электр ўтказувчандир (умумий) ва «Мис — металл» деган икки ҳукм (асос)дан дедуктив йўл б-н «Мис электр ўтказувчандир» деган хусусий янги ҳукм (хулоса) чиқарилади. *Индукция*нинг қарама-қаршиси. Мантиққа оид адабиётларда «Д.» атамасини биринчи бор римлик мантиқшунос файласуф Боэций (480—524) ишлатганлигини таъкидлайдилар. Бироқ, бу таълимот *силлогизм* шаклида биринчи бор *Аристотел*нинг «Биринчи аналитика» асарида таҳлил қилинган. Кейинчалик Д. тушунчасини Р. *Декарт*, Г. *Лейбниц* каби файласуфлар ривожлантирдилар. Ўрта аср араб фалсафасида *Киндий*, *Розий*, *Газолий*, *Ибн Рушд* томонидан Д.га алоҳида эътибор берилган. Унга янги билим бериш воситаси деб қараганлар. *Форобий*, *Ибн Сино* Аристотелнинг дедуктив мантиғига янгилик киритиб мантиқнинг силлогизм шаклинигина эмас, балки шартли, айирувчи каби шаклларини ишлаб чиқдилар. Хулоса чиқаришнинг янги (юқоридаги) усулларини яратдилар.

Ҳоз. замон фанида «Д.» термини кенг маънода қўлланилиб, муайян ҳукмдан мантиқ қонунлари асосида хулоса чиқариш тушунилади. Агар асос қилиб олинган ҳукм ҳақиқий ва Д. қонунларига риоя қилинган бўлса, ундан чиқариладиган хулоса ҳам ҳақиқий бўлади. Д.— *исбот*нинг асосий воситасидир. Шунинг учун фандаги назариялар дедуктив метод натижасида яратилади. Одатда, дедуктив метод маълум соҳада фактик материаллар тўпланғандан сўнг, уларни чуқур ўрганиш, тизимга солиш ва б. мақсадларда қўлланилади. Д. *психология* ва *билиш назарияси*да ҳам амал қилади. Д. психологияда шахснинг индивидуал таффаккури жараёнини ўрганса, билиш назариясида илмий билиш методи сифатида намоён бўлади. Дедуктив метод турли шаклларда, хусусан аксиоматик метод, шунингдек, гипотетик — дедуктив метод шаклида учрайди. Мавжуд фактик материаллардан дедуктив йўл б-н назария яратишда асос бўладиган фикрлар мажмуаси (аксиома ва б.) танлаб олиниб, мантиқ қонунлари асосида улардан бошқа билимлар ҳосил қилинади.

ДЕ ДЮВ (De Duve) Кристиан Рене (1917.2.10, Темс-Диттон, Буюк Британия) — бельгиялик биокимёгар. Тиббиёт Қироллик академияси ва Бельгия ФА аъзоси. Д. *қандли диабет*ни даволашда ишлатиладиган *инсулин* ҳамда глюкагоннинг биокимёсини ўрганган. Субҳужайравий тузилма — лизосомаларни кашф этган. Нобель мукофоти лауреати (1974, Ж. Э. *Паладе* ва А. *Клод* б-н ҳамкорликда).

ДЕЖНЁВ Семён Иванович (тахм. 1605—1673, Москва) — рус йўл очувчи-сайёҳи, денгизчиси. Шарқий Сибирдаги казак полкларида хизмат қилган. 1640—42 й.ларда Осиёнинг чекка шим.-шарқий қисмини колонизациялаштириш ва Россияга қўшиб олишга тайёргарлик кўриш мақсадида тузилган экспедицияда қатнашган. Оймяконда бўлган. Маҳаллий аҳолидан зўрлик б-н давлат хазинасига соболь (сибирь ёки камчатка сувсари) мўйнасидан ясоқ тўплаган. 1648 й. навбатдаги экспедиция б-н кемада шим. сув йўлидан шарққа томон сузиб, Осиёнинг энг чекка нуқтасига етиб борган. Сўнгра Осиё ва Америка оралиғидаги бўғоз (*Беринг бўғози*)дан биринчи марта ўтган ва Чукотка я. о.ни айланиб, қуруқликдан Колима дарёсининг қуйилиш жойига етиб борган. Анадирь ва Анюй дарёларини харитага туширган. Казак атамани унвонини олган. Д. номига Осиёнинг энг шим.-шарқий чекка нуқтаси, Чукоткадаги тоғ тизмаси, Беринг денгизи ғарбий соҳилидаги қўлтиқ қўйилган.

ДЕЖНЁВ БУРНИ — Евросиё материгининг шим.-шарқий учи, Чукотка я.о.да (66°05′ ш.к., 169°40′ г.у.). Энг баланд жойи 741 м, ясси чўққили тоғ массивидан иборат. Денгизга қараган ён бағри тик. 1879 й. швед қутб тадқиқотчиси

А. Э. Норденшельд томонидан С. И. *Дежнёв* номи берилган. Д. Б.да Уэлен аҳоли пункти бор.

ДЕЗ... — қ. *Де...*


ДЕЗАВУИРЛАШ (франц. desavover — рад қилиш, маъқулламаганликни изҳор этиш) — халқаро ҳуқуқда ўз ваколатларини ошириб юборган дипломатик ёки бошқа расмий вакилнинг хатти-ҳаракатлари ёхуд баёнотларига давлат ёки ҳукумат бошлиғининг раддияси. Бунда дипломатик вакил топшириқсиз ёки ўзига берилган ваколатларга хилоф равишда иш кўрганлиги баён қилинади. Бу б-н давлат дезавуирланган вакилнинг хатти-ҳаракатлари ва уларнинг сиёсий, халқаро-ҳуқуқий оқибатлари учун ўзидан масъулиятни соқит қилиш мақсадини кўзлайди. Дезавуирланган дипломатик вакил, одатда, ўз ҳукумати томонидан чақириб олинади.

ДЕЗАКТИВАЦИЯ (*дез...* ва лот. activus — таъсирчан) — радиоактив зарралар б-н заҳарланган объектлар (сув, озиқ-овқат, кийим-бош, тупроқ, бино ва иншоотлар, техника, қурол-яроғлар)ни радиоактив ифлосликлардан тозалаш; оммавий шикастлаш воситаларидан ҳимоя қилишнинг бир усули. Сув махсус фильтрлаш (сузиш) қурилмалари б-н, техника махсус машиналар ва асбоблар ёрдамида ювувчи кимёвий моддалар б-н Д.ланади ва ҳ.к.Д. самараси *радиометр* б-н текшириб турилади. Атом электр ст-ялари да, ядро реакторларида фалокат юз берганда, душман ядро қуроли ишлатганда ва б. фавқулодда ҳолатларда ишлатилади.

ДЕЗАМИНЛАНИШ — органик бирикмалар молекуласидан амин (NH_2) гуруҳининг ажралиб чиқиш жараёни. Д. да NH_2 гуруҳи бошқа гуруҳлар (мас., H, OH, OR) б-н алмашинади ёки қўшбоғлар ҳосил бўлади. Биокимёвий Д. махсус ферментлар иштирокида боради. Бир неча тур Д. мавжуд: оксидланувчи Д. аминокислоталарнинг тирик организмда парчаланиши натижасида рўй бериб, ажралиб чиққан аминогуруҳлар ўрнига тегишли кетокислоталар ҳосил бўлади. Жараён аминокислоталарнинг оксидаза ферментлари иштирокида кечади. Организмда аминокислоталар декарбоксилланганда ҳосил бўладиган аминлар ҳам оксидланиш йўли б-н дезаминланади. Бу аминларнинг аксарияти заҳарли бўлиб, уларни заҳарсизлантиришда Д. муҳим аҳамиятга эга. Аминооксидазалар аминларнинг Д. жараёнини катализлайди. Қайтарувчи Д. икки аминокислота орасидаги *оксидланиш-қайтарилиш* реакциялари асосида рўй беради. Бунда иккала аминокислота ҳам дезаминланади (мас., *аланин* ва *глицин* ўртасидаги реакция). Ички молекуляр Д. да тўйинмаган кислоталар ҳосил бўлади. Бир қатор аминокислоталар (мас., ўсимликларда аспарагин кислота ва баъзи бактериялар; одам жигарида гистидин) шу реакция асосида дезаминланади. Гидролитик Д.да оксикислоталар ҳосил бўлади. Бу реакция асосида моғор замбуруғлари, баъзи бактериялар ва ҳайвон тўқималарида пурин асослари ҳамда пиримидин асослари дезаминланади. Д. органик синтезда, ҳайвонот, ўсимлик ва микроорганизмлар ҳаёт фаолиятида муҳим аҳамиятга эга.

ДЕЗАРГ (Desargues) Жерар (тахм. 1593 — Лион — 1662) — француз математиги. Проектив ва чизма геом. га асос солган. Конус кесимлари ҳақидаги асари умумий проектив геом.га бағишланган. Д. дунёда биринчи бўлиб геом.га чексиз узоқлашган элементларни киритган. Проектив геом. нинг асосий теоремаларидан бирини яратган (қ. *Дезарг теоремаси*). Д., шунингдек, тош ўймакорлиги ва қуёш соатлари ҳақидаги асарлар муаллифи.

ДЕЗАРГ ТЕОРЕМАСИ — проектив геом.нинг муҳим теоремаларидан бири. Ж. *Дезарг* топган. Д. т. 2 қисмдан иборат: 1) ABC ва $A'B'C'$ учбурчакларнинг текшли томонлари бир тўғри чизиқда ётувчи учта X, Y, Z нуқтада кесишса, учбурчакларнинг мос учларини туташтирувчи учта тўғри чизиқ битта нуқта орқали ўтади (расм); 2) ABC ва $A'B'C'$ учбурчакларнинг мос учларини туташтирувчи учта тўғри чизиқ битта нуқтадан ўтса, бу учбурчакларнинг мос томонлари бир тўғри чизиқда ётувчи учта нуқтада кесишади. Д. т. бир текисликда ётган учбурчакларга ҳам, бир текисликда ётмаган учбурчакларга ҳам тааллуқли. Д. т.дан элементар геометрияда конструктив масалаларни ечишда фойдаланиш мумкин. Д. т.нинг мазмуни тўғри чизиқларнинг текисликда ўзаро жойлашишига тааллуқли бўлиб, ўлчашлар б-н боғлиқ эмас. Д.т.ни уч ўлчовли фазога мурожаат қилмасдан исбот қилиш, яъни проектив текисликда қабул қилинган аксиомаларга асосланиб уни мантиқий йўл б-н келтириб чиқариш мумкин эмаслигини Д. *Гильберт* исбот қилди. Демак, Д. т.ни текисликдаги проектив геом.нинг мустақил аксиомаси, деб қараш мумкин.



Дезарг теоремаси.

ДЕЗЕРТИРЛИК (лот. desertor — қочоқ) — ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноят турларидан бири; Ўзбекистон Республикаси ЖКга кўра ҳарбий хизматдан бўйин товлаш мақсадида ҳарбий қисм ёки хизмат жойини ўзбошимчалик б-н ташлаб кетиш, шунингдек, шу мақсадда хизмат жойига келмаслик Д. ҳисобланади. Ҳарбий хизматдан қочиб юриш, хизмат жойини ташлаб кетиш жиноят саналади. Бошқа хизмат жойига ўтказилганда, таътилда бўлганда, даволаниш тугаганда, хизмат сафарига юборилганда ҳарбий қисм ёки хизмат жойига етиб келмаслик ана шу турдаги жиноятни содир этиш демакдир. Д. муддатли ҳарбий хизматчи томонидан содир этилган бўлса, айбдор 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш б-н, агар зобитлар таркибидан бўлган шахс, прапоршчик, мичман ёки ҳарбий хизматни контракт (шартнома) бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчи томонидан содир этилган бўлса, айбдор 5 йилдан 10 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш б-н жазоланади. Д. учун белгиланган бу жавобгарлик фақат тинчлик вақтида ҳарбий хизматни ўташда содир қилингандагина қўлланади.

ДЕЗИНВАЗИЯ (*дез...* ва лот. invasio — ҳужум) — ҳайвонларнинг инвазион касалликлари қўзғатувчилари (гижжалар, баъзи ҳашаротлар тухуми ва личинкалари ва б.)ни ташқи муҳитда йўқотиш, зарарсизлантириш. Ветеринария амалиётида профилактик Д. дезинфекция б-н биргаликда олиб борилади. Жорий Д. ҳайвонларнинг навбатдаги гельминтизациясидан кейин 3—4 кун оралатиб ўтказилади. Д.да паразитлар тухум ва личинкаларининг ривожланиш муддатларини, уларнинг ташқи муҳитда, ҳайвон организмида сақланиш даврларини, физик ва кимёвий таъсиротларга чидамлилигини ва б.ни ҳисобга олиш зарур. Бинолар ва ускуна-жиҳозлар кимёвий (сўндирилмаган оҳак, 5% NaOH эритмаси ва б.), физик (куйдириш, қайнатиш ва б.), механик (чиқиндиларни тўплаб тозалаш ва зарарсизлантириш) усулларида ўтказилади.

ДЕЗИНСЕКЦИЯ (*дез...* ва лот. insectum — ҳашарот) — юқумли касаллик қўзғатувчиларни тарқатадиган зараркунандаларга қарши курашиш тадбирлари мажмуи. Д. одам ва ҳайвонларда турли инфекцион касалликларни ташиб юрадиган бўғимоёқлилар (кана, пашша, бит, чивин, искабтопар), шунингдек, турар-жойлардаги суварак, қандала, бургаларни қириш учун ўтказилади. Д. терминини биринчи бўлиб рус микробиологи Н. Ф. Гамалея киритган (1910). Профилактик ва қирувчи Д. бўлади. Профилактик Д.га шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш, чиқиндиларни вақтида чиқариб ташлаш, туараржой ва хўжалик биноларини озода сақлаш, ҳовуз ва ариқларни тозалаш, ҳашаротлар пайдо бўлиши ва кўпайишининг олдини олиш киради. Қирувчи Д. физик, кимёвий ва биологик усуллар б-н амалга оширилади. Кўпроқ кимёвий воситалар (жумладан *инсектицидлар*) қўлланилади. Улар таъсир этиш механизмига кўра тери орқали таъсир этадиган (хлорофос, трихлофос ва б.), ичак орқали таъсир этадиган (бор кислота, бура, бутадион ва б.) ва фумигант — ҳашарот организмига нафас йўллари орқали таъсир этадиган воситаларга бўлинади. Биологик Д. усули зарақунандаларни «бир-бирига едириш»га (мас., патоген микроорганизмлар, гельминтлар, вируслар ва ҳ.к.), физик Д. эса юқори ёки паст босим б-н таъсир этишга асосланади. Бу усуллар ёрдамида ҳашаротларнинг кўпайишига анча чек қўйилади.

Ветеринарияда Д. чорва моллари соғлиғига зарар етказадиган ва улар маҳсулдорлигининг пасайишига олиб келадиган ҳашаротлар ва каналарни йўқотишга қаратилган тадбирлардир. Ҳайвонлар, чорвачилик ва парранда-чилик бинолари, фермалар ҳудудлари, омборхоналар, ҳайвонот хом ашёсини қайта ишлаш корхоналари, кушхоналар, гўшт комбинатлари, ветеринария-санитария назорати ўрнатиладиган бошқа объектларда ўтказилади.

Ўзбекистонда ветеринария соҳасида Д. масалалари б-н шуғулланиш учун 1961 й.да Ўзбекистон ветеринария и.-т. ин-тида махсус арахноэнтомология лаб. ташкил этилди. Лаб. гнус ва б. хавфли ҳашаротлар ва энтомозларга қарши Д. чоралари жорий этиш ва тадқиқ қилиш ишларини йўлга қўйди. 40 дан ортиқ кимёвий инсектицид, 12 микробиологик, 2 та пробиотик препарат, 3 та антомофаглар ва чивинлар феромони (мускалюр) қўлланишга тавсия этилди. Республикада ветеринария амалиётида цимбуш (циперметрин), децис, нурел, бутокс ва б. қўлланилмоқда.

Деҳқончиликда Д. уруғлик ва кўчатлар, захира озиқ-овқат ва ем учун мўлжалланган маҳсулотлар захирасидаги ва ўсимликлардан олинган техникавий хом ашёлардаги, омборлар, ун ва ёрма ишлаб чиқарадиган корхоналардаги зараркунанда ҳашаротларни йўқ қилишда қўлланилади. Одатда, кимёвий Д.да бромметил, дихлорэтан, хлорпикрин, металлихлорид ва б. б-н фумигациялаш, бино ичини таркибида гексахлоран ёки унинг гамма-изомерлари бўлган аэрозоллар б-н ишлаш, сиртдан таъсир қилувчи инсектицидлар пуркаш, уруғлик захирасини инсектицид ва акарицид дустлари б-н чанглаш; новда, қаламчаларни инсектицид ва акарицидлардан тайёрланган суюқликка ботириб олиш ва б. қўлланилади. Айрим ҳолларда дон ва озиқ-овқат маҳсулотларининг идиш ва қоплари инсектицидлар б-н ишланади, паст ҳароратда совитилади ёки юқори ҳароратда қиздирилади. Д.нинг оддий усули — зараркунанда тушган уруғлик бошқа жойга кўчирилади ёки махсус машиналарда тозаланади (қ. *Омбор зараркунандалари*).

Шоносир Шоваҳобов, Аҳрор Рўзимурадов, Абдукарим Зикирёев.

ДЕЗИНТЕГРАТОР (*дез...* ва лот. integer — бутун) — 1) мўрт материалларни майдаловчи машина. Кожух ичига жойлаштирилган, қарама-қарши томонга айланувчи валларга ўрнатилган икки диск дан иборат. Материал дискларадиги бармоқларга урилиб майдаланади. Д. кўмир, туз, оҳак, тупроқ каби материалларни майдалашда ишлатилади. Д. қоргич вазифасини ҳам ўтайди; 2) саноат газларини қаттиқ ёки суюқ зарралардан тозалайдиган аппарат. Газ Д.и роторидан пуркаладиган сув (ёки бошқа суюқлик) б-н тозаланади.

ДЕЗИНТОКСИКАЦИЯ (*дез...* ва *интоксикация*) — организмнинг заҳарларни суюлтириш, нейтраллаш ёки бирор йўл б-н чиқариб юбориш орқали уларнинг ғайритабиий биологик таъсирини камайтириб, тузилмалар ва фаолиятга кўрсатган зарарини бартараф этишга қаратилган реакциялари мажмуи. Заҳарли моддалар ва метаболитларнинг организмдан қай даражада чиқиши (қанча, тез ёки суст) шу модданинг физик-кимёвий хусусиятларига боғлиқ. Бунда айниқса қон, жигар, буйрак, ўпка, меъда-ичак йўллари ҳамда организмнинг ўзига хос индивидуал имкониятлари катта роль ўйнайди.

ДЕЗИНФЕКЦИЯ (*дез...* ва *инфекция*), юқумсизлантириш — юқумли касалликларни қўзғатувчи микроорганизмлар (бактериялар, вируслар ва б.)ни йўқ қилиш. Кенг маънодаги Д.га одам б-н ҳайвонлар учун зарарли ҳашаротларни йўқ қилиш — *дезинсекция* ва зарарли кемирувчиларни йўқ қилиш — дератизация ҳам киради. Профилактик, кундалик, якунловчи Д. бўлади. Профилактик Д. юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида уй анжомлари, идиш-товоқларни, жамоат тўпланадиган жойлар (бозор, дўкон, болалар муассасаси, ҳаммом, ошхона, транспорт ва б.)ни, ташландиларни мунтазам равишда юқумсизлантиришдир. Сувни юқумсизлантириш, сутни пастеризация қилиш ҳам профилактик Д.га киради. Бемор ётган уйда узлуксиз кундалик Д. ўтказилади. Якунловчи (охирги) Д. бемор касалхонага ётқизилганидан, соғайиб кетганидан ёки вафот этганидан кейин амалга оширилади. Д.да механик, физик ва кимёвий воситалар қўлланилади. Бино ва ундаги буюмларни ҳўл латта б-н тозалаш, кийим-кечак ва кўрпа-ёстиқни қоқиш, чанг сўргич б-н тозалаш, бинони оқлаш, бўяш ва б. механик воситаларга киради. Кийим-кечак ва бинолар шу йўл б-н 50—75% микроблардан халос бўлади. Қуритиш, қуёш нури, ультрабинафша нурлар (симоб-кварц лампалари), ташландиларни ёқиб юбориш, идиш ва б. буюмларни қатронлаш, сувга совун ва ишқор солиб қайнатиш, қайноқ сув, дезинфекция камераларида ва махсус аппарат (автоклав)да сув буғи ва иссиқ ҳаводан фойдаланиш физик воситаларга кислоталар, ишқорлар, хлорли оҳак, хлорамин, фенол, крезоллар (лизол, нафтализол), формалин, сулема ва б. моддалар киради. Бир қатор юқумли касалликларда Д. уй шароитида ўтказилади. Юқумли ичак касалликлари (ич терлама, дизентерия)да бемор ётган уй ҳар куни ҳўл латта б-н тозаланади, у фойдаланган идиш-товоқ 1% ли сода эритмасида, ич кийимлари 2% ли совунсодали ёки бирор ювувчи восита эритмасида 15 мин. қайнатилади. Паразитар юқумли касалликлар (тепкили терлама, қайталовчи терлама)да бемор ва унга яқин юрган кишиларни Д. қилишда юқумсизлантирувчи воситалар қўлланиб, беморнинг кийим-кечаги ва кўрпа-ёстиғи Д. камерасига юборилади. Грипп касаллигида беморнинг идиш-товоғи қайноқ сув б-н 2—3 марта ювилади (яхшиси, бирорта ювувчи восита эритмасида қайнатилади), рўмолчаси, сочиғи ювувчи восита эритмасига бўктирилгач, қай-

натилади. Бемор ётган хонани тез-тез шамоллатиб, полихлораминнинг 0,2% ли эритмасига ҳўлланган латта б-н кунига 2—3 марта артиб турилади. Касаллик турига қараб Д. чора-тадбирлари ўзига хос тартиб асосида ўтказилади. Д. ишини эпидемияга қарши тадбирлар режаси асосида дезинфекция санитария-эпидемиология станлари, касалхоналар, поликлиникалар, врачлик участкалари Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг қарорларида кўрсатилган муддатларда амалга оширади.

Ветеринариядаги Д. эпизоотологик, ветеринария-санитария аҳамиятига эга бўлган профилактик, кундалик ва якунловчи Д.ларга бўлинади. Профилактик Д. инфекцион касалликлар келиб чиқишининг олдини олиш, кундалик Д. касал ҳайвонлар мавжудлигида, якунловчи Д. инфекция манбаини тўлиқ юқумсизлантириш мақсадида олиб борилади. Профилактик Д. чорвачилик фермаларида ва бошқа қ.х. ҳайвонлари тўпланадиган жойларда, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарда ўтказилади. Чорвачилик хўжаликларида Д. олдиндан режалаштирилган муддатларда, баҳорда молларни яйловга чиқаришдан олдин, биноларни эса кузда молларни боғловга кўйишдан аввал, гўшт к-тларида молларни сўйишдан олдин ва кейин ўтказилади. Сутни пастеризация қилиш, терини, сувни юқумсизлантириш ҳам профилактик Д.га киради. Механик Д. (молхона ва ҳудудларни тозалаш, оқлаш, бўяш ва ҳ.к.), физик Д. (аланга, ультрабинафша нурлар, рентген нурлари, гамма нурлар, ташландиқларни ёқиб юбориш, сувда қайнатиш, махсус дезинфекция камераси ва аппаратларида термик таъсир ўтказиш), кимёвий Д. (кислота, ишқор, хлорли оҳак, хлорамин, фенол, крезол, лизол, нафтализол, формалин ва б.) ҳам профилактик чораларга тааллуқлидир. Кундалик Д. ветеринария муассасаларида, фермаларда, изоляторларда ва б. моллар турадиган жойларда касаллик чиққан вақтда, унинг тарқалишини чеклаш, олдини олиш мақсадида юқорида кўрсатилган усул ва воситалар ёрдамида ўтказилади. Якунловчи Д. чорвачилик фермаларида ва ветеринария муассасаларида, изоляторларда спорадик эпизоотия тугатилиб, касал моллар олиб чиқиб кетилгач, ўтказилади.

Қишлоқ хўжалигида уруғлик, экиш материаллари, тупроқ, иссиқхоналар, дон, мева ва сабзавот сақланадиган омборлар, дарахтларнинг шикастланган жойлари ва б. Д. қилиниб, касаллик тарқатувчилардан тозаланади. Бу иш механик (ўсимлик қолдиқларини куйдириш, тупроқни буғлаш) ва кимёвий (замбуруғ ва бактерияларни ўлдирадиган моддалар қўллаш) усуллари б-н амалга оширилади. Уруғлик ва экиш материаллари гранозон, меркуран, гексахлорбензол, формалин ва б. препаратлар б-н, бинолар олтингугурт дудлаб, оҳак суви б-н оқлаб ёки оҳакнинг хлорли суспензияси, формалин б-н пуркаб Д. қилинади. Иссиқхона ва парник тупроқлари карбатион, формалин, хлорпикрин буғи ёки гази б-н дуллаш ёки заҳарли моддаларни қўллаш б-н кимёвий Д. қилинади. Тупроқни Д. қилишда заҳарли препаратлар бевосита тупроққа солинади.

Шоносир Шоваҳобов, Аҳрор Рўзимуродов.

ДЕЗИНФЕКЦИЯ ВОСИТАЛАРИ — ташқи муҳитдаги юқумли касаллик қўзғатувчиларини (одам, ҳайвон ва ўсимликларда) йўқотиш учун ишлатиладиган физик ва кимёвий воситалар. Қайнатиш, юқори босим б-н буғлантириш, ультрабинафша нурлар, қуёш нурлари ва б. физик Д. в. ҳисобланади. Кимёвий Д. в.дан хлорли оҳак, хлорамин, лизол, карбол кислота, шунингдек, формалин, фенол, водород пероксид, марганцовка ва б. қўлланилади (яна қ. *Дезинфекция*).

ДЕЗИНФЕКЦИЯ СТАНЦИЯЛАРИ — эпидемияга қарши иш олиб борадиган санитария муассасаси; санитария-эпидемиология ст-яси (СЭС)нинг бир бўлими. Д.с. юқумли касаллик б-н оғриган беморларни махсус транспортда касалхонага олиб бориб ётқизиш, уларнинг уйи, зарур бўлса, атрофидаги жойларни *дезинфекция* қилиш, инфекция ўчоғидан ёки турли муассасалардан келтирилган кийим-кечак, кўрпа-тўшак ва ҳ. к.ни дезинфекция камераларида юқумсизлантириш, даволаш-профилактика муассасаларида кундалик дезинфекция ўтказиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида жамоат жойлари (ётоқхона, кинотеатр ва корхоналар)ни профилактик дезинфекция, *дезинсекция* ва *дератизация* қилиш каби ишларни амалга оширади.


ДЕЗОДОРАЦИЯ (*дез*... ва лот. odoratio — ҳид) — ёқимсиз, қўланса ҳидларни йўқотиш ёки сезилмайдиган ҳолатга келтириш. Объектлардан фойдаланишда ветеринария-санитария талабларига риоя этмаслик, органик субстратларнинг чириши натижасида ҳавода аммиак, водород сульфид, скатол, индол, учувчан ёғ кислоталари ва б. моддаларнинг тўпланиши биноларда қўланса ҳид пайдо қилади. Уй-жой бинолари, чорвачилик мажмуалари, озиқ-овқат корхоналари, беморлар ва ярадорлар ётадиган палаталар, жипс берк бинолар (сув ости кемалари, космик кемалар)да Д. ўтказилади. Д. учун бир қанча воситалар (аэрозоллар, озон, формалин, хлорли оҳак, иста кўмир, торф, калий перманганат ва б.) бор. Баъзилари (чин дезодораторлар) қўланса ҳилли газларни ютади, оксиллайди, ўзига бириктириб олади ва айни вақтда чиритувчи (саситувчи) микроорганизмларга таъсир этади. Чорвачилик биноларини Д.лашда гўнгни ўз вақтида йигиштириб олиш, биноларни шамоллатиш, қалинроқ тўшама солиш яхши натижа беради. Гўшт к-тлари ва совуққоналарни Д. қилишда бинонинг ички деворларига 1% ли иссиқ ишқорлар эритмаси ёки таркибида 2% фаол хлор бўлган хлорли оҳак эритмаси б-н ишлов берилади. Учувчан ёғ кислоталарини оксидлаш учун бино ичига *вентиляция* қурилмаси орқали озон киритилади (озоннинг 1 $м^3$ ҳавоdаги концентрацияси 0,05—0,1 $м^3$ дан ортиқ бўлмаслиги керак). Ахлат ўралари ва уюмларининг сассиқ ҳидини йўқотиш учун кул, қум, тупроқ, кўмир кукуни, торф сепиб кўмилади, шунингдек, кимёвий моддалардан фойдаланилади.

ДЕЗОКСИКОРТИКОСТЕРОН, ДОК. $C_{12}H_{30}O_3$ — биологик фаол стероид. Мол. м. 330,45. Умуртқали ҳайвонлар буйрак усти безларида кортикостерон ва *альдостерон* биосинтезида (қ. *Кортикостероидлар*) оралиқ бирикма сифатида ҳосил бўлади. Д. ва унинг синтетик препаратлари (Д. ацетат, Д. триметилацетат) организмда сув-туз алмашинувига таъсир этади: натрий ионлари сувни тутиб қолади, калий ионлари ажралишини тезлаштиради ва томирлар тонусини барқарорлаштиради. Миастения, гипохлоремия, буйрак усти бези пўст қавати етишмовчилигини даволашда қўлланилади. Организмда Д.нинг кўп ҳосил бўлиши ёки ортиқча киритилиши артериал гипертония, шиш, бўғимлар ва буйрак яллиғланишига олиб келади.

ДЕЗОКСИРИБОЗА, гиминоза, рибодезоза, $C_5H_{10}O_4$ — пурин ва пиримидин нуклеотидлари шаклида дезоксирибонуклеин кислота таркибига кирадиган углевод. Мол. м. 134.1, кристалл, суюқланиш т-раси 78—82°, сувда эрийди. Моносахаридлардан рибозанинг қайтарилиши натижасида ҳосил бўлади.

ДЕЗОКСИРИБОНУКЛЕАЗА (Desoxyribonucleasa) — *дезоксирибонуклеин кислоталар* (ДНК) нинг гидролитик парчаланиши — деполимерланишини тезлатадиган фермент; гидролазлар синфига мансуб. Д. меъда ости безида, тирик организмнинг деярли барча ҳужайраларида ва микроорганизмларда бўлади. Меъда ости бези Д.си яхши ўрганилган. Бу фермент катаболик функцияни бажаради (қ. *Катаболизм*), у овқатдаги ДНК ни ичакларда осон сўриладиган нуклеотидларга айлантиради. Ундан ташқари, репликация ва реперация (бузилган ДНК структурасини тиклаш) жараёнида қатнашади. Д. препарати қорамолнинг меъда ости безидан тайёрланади. *Аденовируслар*нинг кўпайишини тўхтатади ва экссудатнинг ёпишқоқлигини камайтиради. Аденовируслар қўзғатадиган касалликлар (конъюнктивит, кератит, юқори нафас йўлларининг яллигланиши), бронхоэктазия, ўпка абсцесси, пневмонияда буюрилади.

ДЕЗОКСИРИБОНУКЛЕИН КИСЛОТА (ДНК) — *нуклеин кислота*ларнинг бир тури. Таркибида дезоксирибоза, азот асосларидан аденин (А), гуанин (Г), цитозин (Ц) ва тимин (Т) ҳамда фосфат кислота бўлади. Барча тирик организмлар ҳужайрасида учрайди ва кўпчилик *вируслар* таркибига киради. Тирик организмларда ирсий белгиларни сақлаш ва наслдан-наслга ўтказиш вазифасини бажаради. ДНК нинг нуклеотидли таркиби, яъни унинг бирламчи структураси ҳар бир организм учун ўзига хос ва қатъий индивидуал бўлиб, биологик информациянинг код шаклида (қ. *Генетик код*) ёзилишидир. ДНК нинг генетик аҳамиятини дастлаб О. Эвери шогирдлари б-н бирга аниқлаган (1944, АҚШ). ДНК таркибидаги нуклеотидларнинг ўзаро муносабати маълум қонуниятларга бўйсунади. Бу қонуниятлар Э. Чаргафф (АҚШ) томонидан аниқланган (1950). Бу қоидага асосан ДНК даги пурин асосларининг йиғиндиси пиримидин асосларининг йиғиндисига тенг бўлиб, бунда А нинг миқдори Т миқдорига ва Г нинг миқдори Ц миқдорига тенг. Мазкур қоидаларга асосланиб Д. Уотсон ва Ф. Крик ДНК нинг структуравий моделини кашф этишди (1953). Бу моделга кўра, ДНК молекуласи қўш спираль ҳосил қилувчи иккита полинуклеотид занжиридан ташкил топган ва ҳар иккала занжир бир умумий ўққа эга. Занжирнинг бир ўрами орасидаги масофа 34 Å га тенг ва 10 та нуклеотид қолдигидан ташкил топган (В-шакл). Полинуклеотид занжирларнинг пентозафосфат гуруҳлари спиралнинг ташқи томонида, азот асослари эса ички томонида жойлашган. Полинуклеотид занжирлар бир-бирига нисбатан тескари йўналгандир. ДНК нинг бир занжиридаги нуклеотидларнинг кетма-кетлиги, иккинчи занжирдаги нуклеотидларнинг кетма-кетлигини таъминлайди ёки улар комплементар (тўлдирувчи) ҳисобланади. Комплементарлик нуклеин кислоталарнинг структуравий ва функционал тузилишида универсал принцип ҳисобланади. Кўпчилик табиий ДНК молекулалари қўш занжирли ва тўғри чизиқли ҳолда учраса-да, бироқ улар жуда катта мол. м.га эга бўлган молекулани кичик ҳамда жойлаш учун букланган, ҳалқа, суперспирал ва б. шаклларни олиши мумкин. Айрим вируслар ДНК си бир занжирли бўлади. Прокариотлар ҳужайрасида ДНК битта хромосомада мужассамлашган бўлиб, мол. м.си 10^9 дан ортиқ ва уз. тахминан 1 мм га тенг. Эукариотлар ҳужайрасидаги ДНК асосан ядрода дезоксинуклеопротеин (ДНП) шаклда бўлиб, хромосома ёки хроматиннинг асосий таркибий қисми ҳисобланади. Ядродан ташқари ДНК митохондрий ва хлоропласт таркибида ҳам учрайди.


ДНК молекуласидаги қўш спираль схемаси (Уотсон ва Крик модели): А — аденин, Т — тимин, Г — гуанин, Ц — цитозин, Д — дезоксирибоза, Ф — фосфат.

Абдукарим Зикирёев.

ДЕИ ЛИНЧЕИ МИЛЛИЙ АКАДЕМИЯСИ — Европадаги энг қад. ФАлардан бири. 1603 й. Италиянинг Рим ш.да ташкил этилган (1630—1795, 1840—47, 1939—44 й.ларда ёпилган). Италия миллий ФАларининг энг йириги. Академиянинг асосий вазифаси Италияда санъат, адабиёт ва фанни ривожлантиришга кўмаклашиш. Академия и. т.ларни мукофотлаштиради, миллий ва халқаро миқёсда илмий конгресс, симпозиум ва конференциялар ташкил қилади, чет эл академиялари, илмий марказлари, ин-тлари ва алоҳида йирик олимлар б-н алоқа боғлайди. Ж. Делла Порта, Г. Галилей дастлабки аъзолари бўлишган. 160 дан ортиқ аъзоси бор.

ДЕИЗМ (лот. deus — худо) — диний-фалсафий таълимот; Д. худони мукаммал табиат «машинаси»ни яратиб, унга қонунлар ва ҳаракат бахш этган оламий ақл деб эътироф қилади, бироқ табиатнинг ўз ҳаракатларига худонинг кейинги аралашувини инкор этади ва худони билиш учун ақлдан ўзга йўлни рад қилади. 17-а.да яшаган инглиз файласуфи лорд Г. Чербери Д. асосчисидир («Ҳақиқат ҳақида рисола...», 1624). Деистлар кўпгина ўзгармас ақидалар ва урф-одатларга қарши чиқиб, ақлга мувофиқ келадиган динни тарғиб этадилар. Улар виждон ва фикр эркинлигини қимоя қилиб, «табиий дин» ва «ақл дини»ни вужудга келтиришга интилдилар. Моддиюнлар (Англияда Толанд, Коллинз, Пристли, Германияда Эдельман, Россияда Ломоносов ва Радишчев) ҳам, идеалистлар (*Лейбниц, Юм, Кант*) ҳам, эклектик дунёқарашдаги мутафаккирлар ҳам Д. байроғи остида ўз фикрларини баён этишган. 17—18-а. мутафаккирлари: Ньютон («1693 йил 11 февралда Бентлига жўнатилган мактуб»), Локк («Диний ақида эркинлиги ҳақида тўрт мактуб», 1685—1704, 1689—1706 й.ларда нашр этилган; «Инсон ақли ҳақида тажриба», 1690), Вольтер («Кандид», 1759; «А, В ва С орасидаги суҳбат», 1768), Жефферсон, Франклин («Биринчи ибтидо», 1840), шунингдек, «эркин фикрли» Шефтсбери («Ташаббус ҳақида мактуб», 1708), Тиндаль («Сирру асрорсиз масихийлик», 1730), Болингброк, Руссо ва Лессинглар ҳам деист эдилар. Бироқ 18-а. охирига келиб Д. Францияда Гольбах, Дидро, Россияда Н. Крюков, А. Барятинскийлар томонидан танқидга учради. Ҳоз. вақтда Д. алоҳида оқим сифатида тан олинмайди. Аммо кўпчилик табиатшунослар оламнинг тартибли равишда тузилганида унинг шахсий хусусиятга эга бўлмаган халлоқи борлиги исботини Д.да кўрадилар ва шу сабабли бу ақидага қўшиладилар.

Муҳаммаджон Қодиров.

ДЕЙ (туркча dayi, айнан — тоға) — 1) Усмонли турк салтанатининг яничар қўшинларида зобитлик даражаси; 2) Яничар зобитлар кенгаши томонидан умрбод сайланадиган Жазоир ҳокими (1671 й.дан то 1830 й.гача, яъни Жазоирни Франция босиб олгунга қадар). Жазоирнинг сўнгги Д. и — Ҳусайн (1818—30); 3) Тунисда Д. деб 1590—1705 й.ларда вақт-вақти б-н мамлакатни идора этган турк яничар ҳарбий бошлиқлари аталган.


ДЕЙВИС, Дэвис (Davis) Уильям Моррис (1850.12.2, Филадельфия — 1934.5.2, Посадена) — америкалик геолог ва географ. Америка геоморфоло-

гия мактабининг асосчиси. Рельеф ривожланишининг географик цикли ҳақидаги таълимотни яратган. Кембриждаги (АҚШ) Гарвард ун-тининг проф. Америка географлари Ассоциациясига асос солган (1904) ва Америка геол. жамияти президенти (1911), бир қанча геол. ва геогр. жамиятларининг фахрий аъзоси. 1890—1915 й.ларда АҚШ Геол. хизматида ишлаган; АҚШ, Жан. Америка мамлакатлари ва Ғарбий Европа мамлакатларида и. т. ишлари олиб борган. 1903 й.да Туркистоннинг чўл р-нларини, жумладан Қозоғистон паст тоғлари (Сариорқа) рельефини ўрганди. Геоморфология фанига *пенеплен* тушунчасини киритди. Тяньшандаги умумий сирт рельеф шаклларини ёшарган пенепленлар деб атади.

ДЕЙВИС БЎҒОЗИ — Гренландия ва Баффин Ери о.лари оралиғида; Баффин денгизини Лабрадор денгизи (Атлантика океани) б-н боғлайди. Уз. 1170 км, энг камбар жойи 360 м, энг чуқур жойи 104 м. Сузиб юрувчи муз ва айсберг кўп. Инглиз денгиз сайёҳи Жон Дейвис номи б-н аталган.

ДЕЙВИС ДЕНГИЗИ — Ҳинд океанининг Антарктида соҳилларидаги чекка жан. қисми, 87° ва 98° шқ. у. оралигида. Майд. 21 минг км². Энг чуқур жойи 1369 м. Йил давомида музлар б-н қопланиб ётади. Шўрлиги 33—33,5 ‰. Денгиз соҳилида РФнинг Мирний ст-яси жойлашган. Денгиз 1912 й.да Австралия экспедицияси томонидан очилган ва кема капитани Ж. К. Дейвис номи б-н аталган.

ДЕЙГИШ — дарёнинг кучли оқими ва сув сатҳининг кескин ўзгариши натижасида қирғоқларнинг шиддатли ювилиши. Оқим б-н ювилган қирғоқ ўпирилиб, сув қайир томон сурилади, сочил зонасида жойлашган экинзорларни ювиб, ирригация иншоотларини вайрон қилади, халқ хўжалигига катта зарар етказади. Ўтмишда Хоразм воҳасидаги табиий офат турларидан бири бўлган. Я. *Гуломов*нинг ёзишига кўра, Амударёда тошқин пайтида сув сатҳи ерга нисбатан 0,6—1,6 м баланд кўтарилади. Шунинг учун ҳар икки қирғоқнинг ёқасида баланд дамбалар (қочирлар) қурилган, бу дамбалар воҳани сув босишдан сақлаган. Дарё суви аста-секин қирғоқларни ювган, баъзан бутун-бутун жойларни ювиб кетган, баъзан эса янги саёзликлар ва ороллар ҳосил қилган. Бу даҳшатли оқимга Хоразм воҳасида махсус «Д.» ёки «йиққин» (қозоқ ва қорақалпоқлар тилида) деган номлар берилган. Д. бундан минг



Дейгиш натижасида Амударё ўнг қирғоғининг ўзгариш схемаси (1917—47-йиллар).

йил илгари Хоразмнинг қад. пойтахти — Кот ш.ни бутунлай ювиб, йўқ қилиб юборган. Д. *Амударё*нинг ўрта ва қуйи оқимида, айниқса, ёзги тошқин даврида (июнь — авг.) тез-тез содир бўлади. Сувнинг кўтарилиши ва пасайиши кўпинча 8—10 кун давомида рўй беради. Д. дарёларда сув камайган даврда (нояб.— дек.) ҳам кузатилади. Амударё ўзани бир неча йил давомида 5—6 км ва ундан кўпроқ сурилади. Дарё ўзанида янгидан-янги саёзлик ва чуқур жойлар, оролчалар пайдо бўлади, бироқ улар бир жойда турмасдан силжиб юради. Бу эса каналларга сув олиш ишларини қийинлаштиради. 1937 й. Д. оқибатида Тўрткўл ш. вайрон бўлган. 1990 й.лардан Амударё қуйи оқими Туямўйин сув омбори орқали тартибга солингач, бу ерларда Д. ҳодисасининг таъсири бир оз пасайди.

Д.га қарши курашнинг самарали усули — дарё оқими кучини қирқадиган ва қирғоқнинг ювилишини камайтирадиган тўғрилагич қурилмалар ўрнатишдир. Амударёнинг қуйи оқимида, асосан йирик сув олиш иншоотлари яқинида 10 дан ортиқ шундай тўғрилагичлар барпо этилган. Қирғоқни ювилишдан сақлаш учун дамбалар қурилади. Бир-биридан 200—250 м масофада қурилган қўш дамбалар энг турғун ва чидамли ҳисобланади. Ҳар 1—2 км бирончи ва иккинчи қаторлар орасида кўндаланг дамба (траверслар) барпо қилинади. Тупроқдан ясалган бундай кўтармалар Амударёнинг қуйи оқимида иккала қирғоқ бўйлаб 900 км дан ортиқ масофада қурилган.

ДЕЙЛ (Dale) Генри Халлетт (1875.9.6, Лондон — 1968.23.7, Кембриж) — инглиз физиологи ва фармакологи. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1914) ва президенти (1940—45). Нерв импульсининг синапслар орқали ўтиши кимёвий табиатини ва бунда ацетилхолининг ролини тадқиқ қилган. Нобель мукофоти лауреати (1936, О. *Лёви* б-н ҳамкорликда).

«ДЕЙЛИ МЕЙЛ» («Daily Mail», «Кундалик почта») — инглиз газетаси. Лондон ва Манчестерда чиқади. 1896 й.да ташкил этилган. Адади 2 млн.га яқин.

«ДЕЙЛИ МИРРОР» («Daily Mirror», «Кундалик кўзгу») — инглиз газетаси. Лондон, Манчестер ва Глазгода чиқади. 1903 й.да ташкил этилган. Сиёсий воқеаларни ёритишда *Лейбористлар* партияси ўнг қанотининг сиёсий-ижтимоий йўналишига яқин туради. Кўнгил очар ва реклама материалларини кўп босади. Адади 5 млн.га яқин.

«ДЕЙЛИ ТЕЛЕГРАФ» («The Daily Telegraph», «Кундалик телеграф») — инглиз газетаси. Лондон ва Манчестерда чиқади. 1855 й.да ташкил этилган. Консерватив партия раҳбарияти нуқтаи назарини тарғиб қилади. Англия киборлари, амалдорлари ва зиёлилари асосий ўқувчилари. Адади 1,50 млн.га яқин.

ДЕЙМОС (юн. deimos — даҳшат) — Марс табиий йўлдошларидан бири (иккинчиси *Фобос*). Америка астрономи А. Холл 1877 й.да кашф этган. Диаметри тахм. 15 км га тенг. Марсдан узоқлиги 23460 км. Марснинг иккала йўлдоши ҳам унга яқин жойлашгани учун уларни кузатиш жуда қийин. Иккала йўлдош ҳам жуда кичик (11,6 ва 12,8 *юлдуз катталигида*). Марс йўлдошлари унинг экватор текислигида ҳаракатланади. Д. Марс атрофини 1 сутка 6 соат 17 мин. да бир марта тўла айланиб чиқади. Космик аппаратлар ёрдамида олиб борилган текширишлар Фобос ва Деймоснинг сиртлари кратерлар б-н қопланганлигини, уларнинг ташқи кўриниши бирон-бир геометрик шаклни эслатмаслигини кўрсатди.

ДЕЙНЕКА Александр Александрович [1899.8(20).5, Курск — 1969.12.6, Москва] — рус рассоми. Харьков рассомлик билим юртида (1915—17) ва Москва Олий бадиий техника устахонасида (1920—25) таълим олган. Ижодида давр руҳи, жўшқин ҳаёт, фидокорона меҳнат, спорт, лирик мавзулар етакчи ўрин тутади. Асарлари: «Янги цехлар қурилишида» (1926), «Она» (1932), «Бўлажак учувчилар» (1938), «Севастополь мудофааси» (1942) ва б.; Москва метрополитенининг «Маяковский» (1938—39) ва «Новокузнецкая» (1943) бекатлари ва б.га ишланган асарлари. кошинлари машҳур.

ДЕЙОК — *Геродот*нинг маълумотига кўра, *Мидия*нинг дастлабки подшоси (мил. ав. 727—675). Мидияни Оссурия

асоратидан халос этгандан сўнг халқ томонидан ҳокимият тепасига аввал ҳакам (судья) сифатида, сўнгра пароканда мамлакатда узил-кесил тартиб ўрнатиш мақсадида подшоҳ этиб сайланган. Мидияликларнинг бир давлат остида бирлаштирган. Экбатана (*Ҳамадон*) ш.га асос солган. Тепалик устида бунёд этилган шаҳар 7 қатор мудофаа деворлари б-н ўраб олинган бўлиб, ҳар бир девордан кейин келадиган девор ўзидан олдингисидан бир погона баланд қилиб қурилган. Деворлар турли рангларда, биринчи девор — оқ, иккинчиси — қора, учинчиси — саргишқизил, тўртинчиси — тўқ кўк, бешинчиси — жигарранг, олтинчиси — кумушранг, еттинчиси — зарҳал рангда бўлган. Сўнгги мудофаа деворлари ўртасида подшо саройи ва хазина қурилган. Д. аҳолига девор атрофида жойлашишни буюрган. Саройда қуйидагича тартиб ўрнатилган: бирон-бир шахсни бевосита, шунчаки подшо ҳузурига кириши ман этилган, ҳар қандай иш бўйича подшоҳ б-н хизматкорлар (хабарчилар) орқали боғланилган. Бундан ташқари ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар ҳар қандай кишини подшоҳ ҳузурида кулиши ва туфуриши одобсизлик ҳисобланган. Шикоятлар подшоҳга ёзма равишда топширилган, подшоҳ уларни кўриб чиққач қайтарилган. Бирор-бир ерда жиноят содир этилган бўлса Д. айбдорни ҳузурига чақириб қилган гуноҳига яраша жазолаган. Бутун мамлакат ҳудудида унинг хабарчилари, айғоқчилари бўлган. Афтидан, Д. мил. ав. 715 й.да оссурийлар томонидан асир қилиб олиб кетилган ва оссурий ёзувларида асирлар қаторида номи келтирилган мидиялик ҳукмдорлардан бири Дайаукку б-н айнан бир шахс бўлса керак. Мил. ав. 713 й.да Саргон томонидан тобе эттирилган Мидияда Bit-Daiakku деб аталган бутун бир вилоятнинг мавжуд бўлиши, Д.нинг маштҳур подшолардан бўлганлигини кўрсатади.

Фахриддин Ҳасанов.

ДЕЙТЕРИЙ (Deuterium, юн. deuteros — иккинчи), D ёки баъзан H^2 — водороднинг оғир изотопи. Д. табиий водород таркибида оз миқдорда (0,015%) аралашма ҳолида учрайди. 1932 й.да америкалик олим Г. Юри топган. Д. атоми ядроси (дейтрон) таркибида 1 та протон ва 1 нейтрон бўлиб, ат. м. одатдаги водороднikига қараганда 2 баравар ортиқ (2,01474). Д.нинг физик хоссалари оддий водород хоссаларидан фарқ қилади. Кислородли бирикмаси D_2O оғир сув деб аталади. Д. водород бомбасида термоядро ёнилғиси сифатида, фан ва техникада «нишонли атом» сифатида, атом реакторларида нейтрон зарраларининг тезлигини сусайтирувчи модда сифатида ишлатилади.

ДЕЙТЕРИЙ-НАТРИЙЛИ РЕАКТОР — секинлаткич сифатида оғир сув — дейтерий ва иссиқлик элтувчи восита — суюқ натрий ишлатиладиган реактор (қ. *Гетероген реактор*).

ДЕЙТОН — АҚШнинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар, Огайо штатида. Аҳолиси 166,1 минг киши (2000, шаҳар атрофи б-н 950 минг киши). Транспорт йўллари тугуни. Халқаро аҳамиятга эга аэропорти бор. Д. касса аппаратлари ишлаб чиқариладиган энг йирик марказ. Машинасозлик (жумладан автомобилсозлик) ривожланган. Станоклар, турли ҳисоблаш техникалари, авиация жиҳозлари, автомобиль эҳтиёт қисмлари, озиқ-овқат ва полиграфия саноати учун жиҳозлар, электр приборлари ва б. турли саноат ускуналари ишлаб чиқарилади. Металлсозлик, металлургия, қоғоз, кимё, полиграфия саноати корхоналари мавжуд. Пластмасса қайта ишланади. Ун-т, аэронавтика тадқиқот маркази, АҚШ ҳарбий ҳаво базаси, авиация музейи ва б. музейлар бор. Шаҳарга 1796 й.да асос солинган.

ДЕЙТРОН (дейтон) — водород изотопи (дейтерий) ядроси; ^2H, D ёки d б-н белгиланади. Атом ядролари ичида энг оддийси, икки нуклон (1 протон ва 1 нейтрон) дан тузилган. Д.нинг масса сони $A=2$, заряди $Z=1$. Массаси бирлигига тенг; нуклонларнинг боғланиш энергияси $E_{бог}$ = 2,22452±0,00010 МэВ, электр моменти (2,738±0,014)·10^{-27} см², магнит моменти μ=0,857411±0,000019 ядро *магнетон*лари, тўла спини $j=1$. Протон ва нейтронни Д.да ядро кучлари тутиб туради, боғланиш энергияси кичик, шунинг учун Д. хоссаларини ўрганиб, бошқа ядроларнинг хоссалари ҳақида тўлиқ маълумот олиш мумкин. Ядро рекцияларида кўплаб қўлланилади.

ДЕЙЧ Александр Иосифович [1893.2(14).5, Киев — 1972.8.4, Москва] — рус ёзувчиси, адабиётшунос, таржимон. Проф. (1922), филол. фанлари д-ри (1945). Киев ун-тини тамомлаган (1917). «Жаҳон адабиётида Дон Жуан типи» (1911), «Прометей ҳақида миф» (1912), «Доктор Фауст тарихи», «Жованни Боккаччо» (1913) каби илмий китоблари, «Амундсен» (1936), «Фритьоф Нансен» (1936, Л. Бать б-н ҳамкорликда) ва «Тарас Шевченко» (1939) биографик киссалари нашр этилган. Д. 2-жаҳон уруши даврида Тошкентда Информбюро вакили бўлиб ишлаган ва Ўрта Осиё ун-тида дарс берган. Д. фаолиятида ўзбек адабиёти ва санъати, айниқса, *Алишер Навоий*, *Ойбек* ижоди етакчи ўрин эгаллайди. «Алишер Навоийнинг ғоявий дунёси», (1968; Ойбек б-н ҳамкорликда) асарида буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Навоий асарларидаги замон ва макон, бирлик ва умумийлик, билиш назарияси каби фалсафий мушоҳадалар талқин қилинган. «Бугунги кун ва ўтган кун» (1969) китобидаги «Ўзбекистон қалби» (асосан Ойбек ҳақида) мақоласида ўзбек адабиёти ва маданияти юксак баҳоланган.

Ас.: Аброр Ҳидоятов. М.—Л., 1948; Ўзбекистон қалби: Адабий-танқидий мақолалар, Т., 1983.

ДЕКАБРЬ (лот. decem — ўн) — Григорий календарида йилнинг ўн иккинчи ойи (31 кунлик). Юлий Цезарь календарини ислоҳ қилгунга қадар ўнинчи ой ҳисобланган.

ДЕКАБРЬ ҚУРОЛЛИ ҚЎЗҒОЛОНЛАРИ (1905) — *Россияда 1905—07 йиллар инқилоби* даврида Россиянинг бир қатор шаҳарлари (Москва, Красноярск, Новороссийск, Сормово, Кронштадт, Чита, Мотовилиха ва б.)да подшо ҳукуматига қарши кўтарилган чиқишлар. Подшо ҳукумати томонидан бостирилган.

ДЕКАДА (юн. dekas — ўнлик) — 1) ўн кунлик вақт. Қад. Мисрда вақт ўлчов бирлиги. Францияда 18-а. охирида француз буржуа инқилоби даврида ҳафта ўрнида қўлланилган; 2) ф и з и к а д а — частота интервали (оралиғи) бирлиги; икки частота (f_1 ва f_2) оралиғидаги интервалга тенг.

ДЕКАДЕНТЛИК (лот. decsdentis — таназзул) — 19—20-а.ларда Европа маданиятидаги инқирозий ҳолатни умумий тарзда ифода этган ном. Таназзулга юз тутишлик, умидсизлик кайфияти, ҳаётдан безишлик, ёлғизланиб қолганлик каби ҳиссиётларда ўз аксини топган. Д.ка хос бир қатор хусусиятлар *модернизм*га ҳам хосдир.

19-а. охири — 20-а. бошларида рўй берган жиддий ўзгаришлар, янгиланишлар, инқилобий жараёнларнинг етилиши ижтимоий воқеликда зиддиятларни кучайтирди. Эскилик ва янгилик ўртасидаги кураш авж олди. Бундай ҳолатни кўрган айрим маданият ходимлари, ижодкорлар тарих, табиат, инсон таназзулга юз тутмоқда, деган фикрга келдилар. Улар ўз асарларида ана шу таназзул, инқироз сабабларини, инсон бошига тушган ташвишлар, қийинчиликларни акс эттиришни мақсад қилиб қўйдилар. Натижада санъат соҳасида модер-

низмнинг янги йўналиши Д. пайдо бўлди.

Декадентлар мураккаб ва қарама-қарши ҳодисаларни тарихни бузувчи куч, деб қарадилар. Улар инсонни жамиятдан, сиёсатдан ва б. жараёнлардан холи бўлган табиатли индивид сифатида баҳоладилар. Шунда инсон ҳеч бир жамиятга қарам бўлмаган озод инсонга айланади. Бошқача айтганда, индивид эстетикасининг ажралмас қисми сифатида шахс эркинлиги вужудга келади. Д. эстетикасидаги бу қараш санъат, адабиёт ва ижодий жараёнга муносабатда ҳам ўзига хосликни юзага келтирди. Декадентлар адабиётни сиёсатдан холи қилиш ғоясини илгари сурдилар ва буни ижод эркинлиги деб ҳисобладилар. Шу боис Д. санъаткорлари асарларидаги инсон кўпроқ индивид сифатида намоён бўлади, улар қаҳрамонларининг шахсий хусусиятлари, ҳаёти тафсилотлари бўртиб кўзга ташланади.

Д. дастлаб француз адабиётида яққол намоён бўлган. «Лаънати шоирлар» деб ном қозонган П. Верлен, А. Рембо, С. Малларме каби шоирлар етакчилик қилган *символизм* оқимига Д. ниҳоятда кучли таъсир этди. Кейинчалик П. Валери, П. Клодель, П. Фор ва б. асарларида ривожлантирилди. О. Уайльд (Англия), М. Метерлинк (Бельгия), Р. Рильке (Австрия), М. Пруст (Франция) каби 20-а.нинг 80—90-й.лари адибларининг ижодида ҳам акс этди.

Италияда Д. лирик шоир Ж. Пасколи шеъриятида кўзга ташланади. Унинг ижоди учун мистик кайфият, символизм б-н ҳамоҳанглик хос. 1900-й.ларда Д. таъсирида Италияда куч-қудратга сиғинишлик ва уруш олдидаги қўрқув кайфиятидаги янги оқим пайдо бўлади (Г. Гоццано, М. Моретти, Ф. Мартини ва б.). Д. бошқа қатор мамлакатларга ҳам ёйилади. Мас., Германияда шоир С. Георге тўгараги пайдо бўлади. Бу тўгарак аъзолари ижодида Ницше ғоялари руҳидаги афсонавийлик ҳиссиёти устунлик қилади. Россияда Д. символизм оқимига мансуб шоирлар ижодида ўз аксини топади, лекин булардаги Д. экспрессионизмга анча яқинлашиб келади.

Ҳаётдан қониқмаслик, унинг аччиқ сабоқлари, ёмонликларга қарши тинимсиз кураш, мавжуд талабга жавоб бермайдиган нарсаларни рад қилиш каби декадентларга хос бўлган хусусиятлар ҳоз. ҳам жаҳон адабиётида ўз ифодасини топмоқда.

Камол Матёқубов.

ДЕКАН (лот. decanus — ўн боши) — олий ўқув юртида ф-т раҳбари. Ўзбекистонда олий ўқув юрти ректори буйруғи б-н проф. ёки тажрибали доцентлардан тайинланади. Д. ф-тлаги ўқув, таълим-тарбия ва илмий ишларни бошқаради, ф-т илмий кенгашининг раиси ҳисобланади.

ДЕКАН МАДАНИЯТИ — Ҳиндистондаги илк деҳқончилик ёдгорликлари (мил. ав. 2-минг йиллик). Ҳинд олимлари Д.м.ни 3 археологик мажмуа (Аҳор, Жорва ва Навдатоли)га бўлиб ўрганган. Мажмуалар топилмалардаги нақшлари хусусиятлари б-н бир-биридан фарқ қилади. Қабилаларнинг хўжалик ҳаётида деҳқончилик ва чорвачилик асосий ўринни эгаллаган. Жез ва мисдан ясалган болта, ханжар, ранда, зебзийнат буюмлари, идишлар кўп тарқалган. Жорва ва Навдатоли мажмуасида чақмоқ тошдан ишланган геометрик шаклли қуроллар (қирғич, сегмент, трапеция, тахтача ва б.) ҳам мавжуд. Сопол идишлар кулолчилик чархлари ёрдамида тайёрланган. Металл ишлаш устахоналарининг қолдиқлари бор. Д.м. қабилалари *Харанпа маданияти*га мансуб аҳоли б-н иқтисодий ва маданий алоқада бўлганлар.

ДЕКАН ЯССИТОҒЛИГИ (санскритча дакшина патха — жанубий мамлакат) — Ҳиндистон я. о.нинг катта (ички) қисмидаги ясситоғлик. Ҳиндистон Республикаси ҳудудида, Нарбада дарёсидан жан.да. Майд. 1 млн. км². Ўртача баландлиги ғарбида 900 м, шарқида 600 м. Рельефи бир оз ўр-қирли текислик. Асосан метаморфик ва отқинди жинслар, оҳактош ва қумтошлардан таркиб топган. Геологик жиҳатдан Д. я. Ҳиндистон платформасининг бир қисмидир. Д. я.нинг баландлашган чекалари Ғарбий Гат ва Шарқий Гат тоғларидан иборат. Улар Арабистон денгизи ва Бенгалия қўлтиғи соҳилларига тик ён бағир б-н тушган. Фойдали қазилмалардан темир рудаси, мис, марганец, вольфрам, олтин ва тошкўмир бор. Д. я.нинг ўрта қисмидан оқадиган дарёларнинг водийлари жуда кенг. Асосий дарёлари: Годавари, Кришна, Кавери, Нарбада. Иқлими субэкваториал муссонли иқлим, ёзи сернам, баҳори ёғинсиз. Йиллик ўртача ёғин марказий қисмида 500—700 мм, Ғарбий Гат тоғларида 2000—3000 мм. Энг иссиқ ой — майнинг ўртача т-раси 29—32°, янв.ники 21—24°. Кўпроқ саванна ўсимликлари ўсади. Д. я.нинг 60% майдони ҳайдалади, 10—15% ҳудудни ўрмонлар ташкил қилади. Бандипур қўриқхонаси, бир неча миллий парклар ташкил этилган.

ДЕКАРБОКСИЛЛАНИШ — органик кислоталарнинг карбоксил гуруҳидан ёки бу кислоталар тузларининг карбоксилат гуруҳларидан CO_2 ажралиш реакцияси. Д., одатда, кислоталар ёки ишқорлар иштирокида амалга ошади. Мас., натрий ацетатни натрий ишқори иштирокида қиздирилса CO_2 ажралади ва метан ҳосил бўлади:

$$CH_3COONa+NaOH \xrightarrow{400} CH_4+Na_2CO_3$$

Карбонат кислотага сўндирилган оҳак ва натрий ишқори қўшиб қиздирилганда тегишли углеводород ҳосил бўлади. Мураккаб эфирларнинг Д.и ҳам асослар (алкоголятлар, аминлар ва б.) таъсирида спиртли (сувли) эритмаларда рўй беради. Турли модда алмашинуви жараёнларида ферментатив Д.нинг аҳамияти катта. Бактерия ва жониворларда аминокислоталарнинг ферментатив Д.и кенг тарқалган. Организмда Д. реакциясини махсус ферментлар — декарбоксилазалар тезлатади.

ДЕКАРТ (Descartes) Рене (лот. номи — Картезий; 1596.31.3, Лаэ, Турень — 1650.11.2, Стокгольм) — француз файласуфи, математиги, физиги, физиологи. Ла-Флеш иезуит коллежида таълим олди, юнон ва лотин тилларини, мат. ва фалсафани ўрганди. 1629 й.да Нидерландияга кўчиб борди, фан б-н шуғулланади. Қиролича Христина таклифи б-н 1649 й.да Швецияга боради ва ўша жойда вафот этади. Д. фалсафаси унинг мат.си, космогонияси, физикаси б-н боғлиқ. Мат.да аналитик геометрия асосчиларидан бири (тўғри бурчакли координаталар тизими унинг номи б-н аталади), ўзгарувчи миқдор ва функция тушунчасини берган («Геометрия», 1637), бир қанча алгебра белгиларини жорий қилган. «Диоптрика» (1637) асарида ёруғлик нурининг икки муҳит чегарасида синиши ҳақидаги қонунни баён қилган. Ҳаракат миқдорининг сақланиш қонунини таърифлаган. Осмон жисмларининг юзага келиши ва ҳаракати материя заррачаларининг уюрма ҳаракатидан деб тушунтирувчи назария (Д. уюрмалари) муаллифи. У физиологияга оид бир қанча тажрибалар ўтказди ва биринчи бўлиб шартсиз рефлекс ҳақидаги тасаввурни яратди. Д. фазо материя б-н тўла, материясиз фазо йўқ, деб тушунди.




Д. фалсафаси асосида жон ва тана, «фикрловчи» ва «кўламли» субстанция дуализми ётади. Материяни кўлам (ёки фазо) га тенглаштирган, ҳаракатни

жисмларнинг ўз жойини ўзгартиришидан иборат деб билган. Д. фикрича, ҳаракатнинг умумий сабабчиси худо бўлиб, у материя, ҳаракат ва осойишталикни яратган. Инсон жонсиз аъзои баданни тафаккурга ва иродага эга бўлган жон б-н боглаб туради. Д. фалсафаси худо, жисм ва жондан иборат учта тугма ғоя бор деган қоидага асосланади. У худонинг мавжудлигини, ташқи оламнинг реаллигини исботлашга ҳаракат қилган.


Д. ғоясига кўра, инсоннинг моҳияти унинг фикрлашидадир. «Фикрлаяпман, демак мавжудман» деган фикри шундан келиб чиққан. Унинг фикрича, илмда ишончли, исботланган, тажрибада текширилган дастлабки асос икки йўл б-н — биринчиси *индукция* ва анализ орқали, иккинчиси — *дедукция* ва синтез орқали излаб топилади. Д. иккинчи йўлни маъқул йўл деб ҳисоблайди. У инсон ақл-идрокининг билиш жараёнидаги ўрнига юксак баҳо беради. «Ҳар бир хулосага шубҳа б-н қараш керак», дейди у. Ҳар жиҳатдан рационал-файласуф бўлган Д. 17—18-а. фалсафаси ва фани тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди. Унинг фалсафа ва табиатшуносликка оид таълимотлари таъсирида вужудга келган илмий мактаблар мажмуаси картезийчилик фалсафаси номи б-н машҳур бўлди. Асосий асарлари: «Геометрия» (1637), «Метод ҳақида мулоҳазалар» (1637), «Фалсафа асослари» (1644) ва б.

ДЕКАРТ КООРДИНАТАЛАР ТИЗИМИ — текислик ёки фазодаги тўғри чизиқ координаталар тизими. Р. *Декарт* киритган (1637). Бир нуқта (координаталар боши) дан ўтадиган икки *Ox* ва *Oy* ўқ (текисликда) ёки уч *Ox*, *Oy* ва *Oz* ўқдан (фазода) иборат (расм). Бунда координата ўқларига қўйиладиган узунлик бирликлари ўзаро тенг бўлади. Координата ўқлари ўзаро тик бўлган Д. к. т. тўғри бурчакли координаталар тизими деб аталади. Д. к. т. деганда кўпинча айнан шу тизим тушунилади, умумий Д. к. т. эса аффин координаталар тизими деб аталади.



Декарт координаталар тизими.

ДЕКАРТ ОВАЛИ — текисликдаги ясси эгри чизиқ. Р. *Декарт* ўзининг «Геометрия» (1637) асарида баён қилган. Д.о.нинг исталган нуқтасидан берилган икки нуқта (F_1 ва F_2) гача масофа (r_1 ва r_2) ушбу $r+mr_1=a$ тарздаги тенгламаларни қаноатлантиради (бунда: m ва a ўзгармас сонлар). m=1 да Д. о. эллипсга, m=—1 да гиперболага айланади (бунда $a\neq0$ бўлиши керак). *Паскаль чиғаноғи* Д. о. нинг хусусий ҳолидир. Д. о. оптикада кенг қўлланилади.



Декарт овали.

ДЕКАРТ ЯПРОҒИ — текисликдаги ясси эгри чизиқ. Тўғри бурчакли *декарт координаталар тизимида* $x^3+y^3-3axy=0$ тенглама б-н ифодаланади. Д. я. координаталар бошидан ўтиб, координаталар ўқларига уринади. Координаталар боши Д. я.нинг тугун нуқтаси, $x+y+a=0$ тўғри чизиқ эса унинг *асимптотаси* ҳисобланади.

ДЕКАТРОН [юн. déka — ўн ва (*элек*)*трон*] — ўнта катод гуруҳи бўлган ион асбоб; ўртасида анод ва катод жойлашган газ аралашмаси (водород, гелий, неон) тўлдирилган баллондан иборат. Электр импульсларни ҳисоблашда ва электр занжирларни узиб-улашда фойдаланилади. Иши электр импульси таъсирида анод ва катод орасидаги газда вужудга келадиган разряднинг бир тонга — бир катоддан иккинчисига (биринчисидан иккинчисига, иккинчисидан учинчисига ва ҳ. к., ўнинчи импульсдан кейин Д. дастлабки ҳолатига қайтади) силжишига асосланган. Д. ҳисоблаш ва ўлчаш техникасида, ядро ва саноат электроникаси ва б.да қўлланади.

ДЕКЛАМАЦИЯ (лот. declamatio — нотиқлик машқи) — бадиий ўқиш, нотиқлик санъатининг муҳим турларидан бири. Шарқда Д. қадимдан ривожланган. Хитой, Ҳинд подшолари, Хоразмшоҳлар, суғд, сак ҳонлари саройларида Д. усталари ишлаган. Ўзбек хонликларида Д. усталари ҳам Д. санъатининг молари ҳудудида ҳам Д. санъатининг молари ҳудудида ҳам Д. санъатининг молари ҳудудида

ДЕКОМПРЕССИОН КАСАЛЛИКЛАР — атроф муҳитда босимнинг тез ўзгариши натижасида рўй берадиган касаллик ҳолати. Асосан учувчиларда, ғаввосларда ва кессонда ишловчиларда (кессон касаллиги) учрайди. Анча юқори босимли муҳитдан бирмунча паст босимли муҳитга бирдан ўтилганда тўқималарда эриган азот пуфак-пуфак бўлиб ажралиб чиқади. Бу Д. к.га сабаб бўлади. Д. к.нинг оғир-енгиллиги организмнинг индивидуал хусусиятига, босимнинг ўзгариши даражасига ва ҳавода ёки сув остида қанча вақт бўлишга, газ пуфакчаларининг миқдори ва қаерда жойлашганлигига боғлиқ. Д. к. белгилари: мускул, бўғимлар ва тўш ости оғрийди, бадан қичишади, йўтал тутади, вегетатив нерв системаси, томирлар ва мия фаолияти бузилади, периферик нервларга шикаст етади. Беморнинг ранги ўчиб, терлайди, кўнгли айниб қусади, боши айланади, ҳушдан кетади. Совқотганда, қон айланиши бузилганда оғриқ зўраяди.

Беморнинг умумий аҳволидан келиб чиққан ҳолда даво буюрилади, кўпроқ юрак-томир ва нафас аъзолари фаолиятини яхшилайдиган дори-дармонлар берилади. Декомпрессия туфайли рўй берган ҳолатлар ҳар бирининг келиб чиқиш сабаби ва ривожланишига қараб, уни Д. к.нинг алоҳида тури деб фарқланади (яна қ. *Баландлик касаллиги, Кессон касаллиги*).

ДЕКОРАЦИЯ (лот. decoro — безайман) — театрда саҳнани, кинода фильм суратга олинадиган жой — майдон, павильонни спектакль, фильм мазмунига мослаб безаш. Д. яратишда рассомлик, ҳайкалтарошлик, меъморлик, воқелик жойини лойиҳалаш санъати, ёритиш ва б. воситалардан фойдаланилади. Д. яратиш Д. санъати деб аталади. *Театр декорацияси санъати* ва *кино декорацияси санъати* тури бор.

ДЕКРЕТ (лот. decretum — фармон, қарор) — олий ҳокимият ёки бошқарув органи чиқарган ва қонун кучига эга бўлган қарор. Дастлаб «Д.» ибораси қад. Римда ишлатилган. Собиқ СССРда 1936 й.гача давлат ҳокимияти олий органларининг энг муҳим ҳужжатлари «Д.» номи б-н аталган. Ҳоз. Францияда Д.ни президент ва бош вазир чиқаради, бунда президент Д.и бош вазир ёки тегишли вазир имзо чеккандан кейин юридик кучга эга бўлади. Франция конституциявий тизимини қабул қилган Африкадаги бир неча давлатларнинг президентлари ҳам Д. чиқаради. Англия-Саксония ҳуқуқий тизими мамлакатларида айрим суд қарорлари Д. деб аталади.

ДЕКСТРИНЛАР ($(C_6H_{10}O_5)_n$ — крахмал ва гликоген гидролизланганда (чала парчаланганда) ҳосил бўладиган маҳсулотлар. *Гидролиз*нинг бошланғич босқичида йод таъсирида кўк ранг берадиган амилодекстринлар, сўнгра эритродекстринлар (йод таъсирида қизил-қўнғир ранг беради) ва мальтодекстринлар (йод таъсирида бўялмайди) ҳосил бўлади. Д. гидролизининг кейинги босқичларида дисахаридлар, асосан мальтозалар, сўнгги маҳсулот сифатида моносахаридлар ҳосил бўлади. Сувда эрийди. Тўқимачиликда, гугурт и.ч. да, босмахона ва пойабзал саноатида ёпиштирувчи модда сифатида ишлатилади.

ДЕЛАВАРЛАР (ўзларини ленапе деб аташади) — индейс халқи. АҚШ (Нью-Йорк, Висконсин, Канзас, Оклахома штатлари, 3 минг киши, 1990-й.лар ўрталари) да ва Канада (Онтарио вилоятининг жан.даги резервацияларда, 1 минг киши) да яшайди. Алгонкин тили гуруҳига киради. Ҳозир инглиз тилида сўзлашади. Д. овчилик, балиқчилик ва деҳқончилик б-н шуғулланишади. Қадимда қабиланинг афсонавий тарихи ёзилган пиктографик (ҳарф ўрнида расм ишлатиш) ёзувидан фойдаланишган. Диндорлари — протестантлар.

ДЕЛАВЭР — АҚШ штати. Мамлакатнинг Атлантика океани соҳилида, Делмарва я. о.нинг шарқий қисмида жойлашган. Майд. 5,3 минг км². Аҳолиси 796,1 минг киши (2001). Маъмурий маркази — Довер ш. Рельефи текисликлардан иборат, ботқоқликлар учрайди. Иқлими денгиз иқлими, дарёлари қисқа ва серсув. Кенг баргли ўрмон бор.

Д.— индустриал-аграр штат, хўжалигининг асосини саноат ташкил этади. Айниқса кимё саноати ривожланган (АҚШнинг йирик кимё з-длари шу штатда). Кемасозлик, автомобилсозлик, станоксозлик, резина, озиқ-овқат, тўқимачилик саноати, юқори сифатли пўлат и. ч., металлсозлик муҳим аҳамиятга эга. Йирик саноат шаҳри ва порти — Уилмингтон. Шаҳар атрофида интенсив қ. х. (паррандачилик, сут чорвачилиги, сабзавотчилик) ривожланган. Д. — АҚШнинг илк бор (1776 й.да) ташкил топган штатларидан. Штат ҳудудида европаликлар кўчиб келгунга қадар индейсларнинг делавар қабиласи яшаган. 1664 й.да инглизлар томонидан босиб олинган.

ДЕЛАГОА — Ҳинд океанидаги қўлтиқ, Африканинг шарқий соҳилида. Уз. 112 км, кенглиги 25—40 км. Чуқ. 16 м гача. Соҳиллари ўрмон б-н қопланган, ботқоқлашган пасттекислик. Дарёларнинг қуйилиш жойида қулай бухталар вужудга келган. Энг йирик порти — Мапуту (Мозамбик).

ДЕЛАКРУА (Delacroix) Фердинанд Виктор Эжен (1798.26.4, Сен-Морис, Париж яқинида — 1863.13.8, Париж) — француз рассоми, прогрессив романтизмнинг йирик намояндаси. Д. ижодида янги усулларни дадил қўллаб тўйинган колоритга, дадил бўёқ суртмаси, ёркин нурсоя кескинлигига эга бўлган рангтасвир тизимини яратди; асарларида эрксеварлик ғоялари б-н йўғрилган фаол ҳаракат ва жўшқин руҳни акс эттирди («Баррикадада Озодлик», 1830). Д.нинг бой ижодий фантазияси, эҳтироси Шарқ мавзуидаги тарихий ва классик ҳамда замонавий адабий асарларга ишлаган картиналарида аниқ намоён бўлди («Жазоирлик аёллар», 1833—34; «Марокколаги яҳудийча тўй», 1839 ва б.).

ДЕЛЕДДА (Deledda) Грация (1871.27.9, Нуоро, Сардиния — 1936.15.8, Рим) — итальян адибаси. Ижоди 19-а. охирида итальян адабиёти, операси ва тасвирий санъатида вужудга келган реалистик йўналишнинг веризм оқимига яқин. Д. роман ва қиссалари Сардиния деҳқонлари ва балиқчилари ҳаётига бағишланган («Сардиния ҳикоялари», 1894). Д.нинг «Элиас Портолу» (1903), «Кул» (1904), «Ватан соғинчи» (1905), «Она» (1920) асарлари руҳий кечинмаларга бой, ўзи туғилган жой табиатини лирик тасвирлаган. Нобель мукофоти лауреати (1926).

ДЕЛИБ (Delibes) Клеман Филибер Лео (1836.21.2, Сен-Жермен дю-Валь — 1891.16.1, Париж) — француз композитори, *балет* жанри ислоҳотчиси. Париж консерваториясида таълим олган (1848—53) ва шу ерда проф. (1881 й.дан). Франция институти (академияси)нинг аъзоси (1884 й.дан). Унинг «Жилға» (Минкус б-н ҳамкорликда, 1866), «Коппелия» (1870), «Сильвия» (1876) балетларида саҳнавий рақс драматик театрга хос воситалари б-н тўлдирилди, мусиқа услуби *симфонизм* тамойиллари б-н бойиди. Ҳажвий «Қирол шундай деган» ва лирик-драматик «Лакме» (1883) опералари дунё театрларида мунтазам ижро этилади. Д.нинг «Лакме» ва «Коппелия» асарлари *Навоий театри*да 1947 й.дан бери саҳналаштирилмоқда.

ДЕЛИСТИНГ (инг. delisting) — фонд биржасида қимматли қоғозларни савдо рўйхатидан чиқариш. Эксперт текширувларида уларнинг таъминоти аниқлангандан кейинги қарор тарзда қўлланилади, бу қимматли қоғоз савдога қўйилмайди ва улар *листинг* имтиёзларидан тамомила маҳрум бўлади. Агар

қимматли қоғозлар сотувда қолмаган бўлса (фирма қайтариб олса ёки янгисига алмаштирган бўлса), компания активсиз қолса ёки банкрот бўлса, қимматли қоғозлар ошкора жойлаштириш мақбул бўлмаган кичик ҳажмга эга бўлса, компания листинг келишувини бузса Д. қўлланилади.

ДЕЛИШЕС — кечпишар олма нави. Америкадан келтирилган. Америка ва Европа давлатлари (Франция, Италия, Швейцария, Голландия, Австрия, Болгария, Руминия ва б.) боғдорчилигида етакчи навлардан ҳисобланади. Дарахти баланд, кучли ўсади, кенг шохшаббали, шохчалари мустаҳкам, новдалари сарғимтил-кўкиш. Бал. 6,5—7 м, барги ўртача, текис, тўқ яшил. Гуллари ўртача, қирмизи. Апр.нинг иккинчи ярмида гуллайди. Симеренко, Ренет, Пармен каби навлар яхши чанглатувчи ҳисобланади. Меваси йирик (150—180 г), сирти силлиқ, сариқ-тилларанг, эти ширин, хушбўй, куврак, асал ҳиди келади. Таркибида 16,74% қуруқ модда, 12,7% қанд, 0,25% к-та



Делишес олма нави

мавжуд. Совуққа чидамли. Меваси авг. охири — сент. бошларида териб олинади, январгача сақлаш мумкин. Ҳар йили ҳосил қилади; кўчати экилгандан сўнг кучсиз пайвандтагда 3—4-йили, кучли ўсадиганларида 5—6-йили ҳосилга киради. Ҳосилдорлиги 100—120 ц/га. Узоқ жойларга жўнатишга яроқли. 1950-й.лар охирида Ўзбекистонга келтирилган. Тошкент, Самарқанд, Наманган ва Қашқадарё вилоятларининг тоғ олди ва тоғли минтақаларида ўстирилади.

ДЕЛОН (Delon) Ален (1935.8.11, Париж) — француз актёри, продюсер. Дастлаб унга шуҳрат келтирган фильм «Ярқираган қуёшда»ги Том Ришли роли бўлди. «Рокко ва унинг ака-укалари», «Ойнинг тутилиши», «Қоплон», «Самурай», «Троцкийнинг ўлдирилиши», «Месье Кляйн» каби фильмлардаги ўз қаҳрамонлари орқали мунофиқ инсонларнинг ўзига хос психологиясини, моддий ва маънавий конфликтларни моҳирона очиб берди. Ўзининг келишган ташқи кўриниши, ижросидаги пластиклик, жўшқинлик саргузашт ва детектив фильмларда, шунингдек, ўзи экранлаштирган «Полициячи териси учун», «Бўйсунмас» фильмларида яққол кўзга ташланди ва Д.нинг машҳурлигини янада оширди.

ДЕЛОС (ҳоз. Дилос) — Эгей денгизидаги орол. Юнонистоннинг йирик диний маркази (Аполлон ибодатхонаси). *Д. юнон-форс урушлари*дан кейин 1-Афина денгиз иттифоқининг маркази ва *Делос иттифоқи*нинг хазинаси сақланадиган жой сифатида (мил.ав. 454 й.гача) йирик аҳамиятга эга бўлган. Юнонистондан Кичик Осиёга ўтадиган асосий йўл Д. орқали ўтган. Эллинизм даврида халқаро савдо муносабатларида катта роль ўйнаган (қул савдоси маркази). Д. Жаҳон мероси рўйхатига киритилган.



Делос. «Шерлар террасаси», Мил. ав. 7-а.

ДЕЛОС ИТТИФОҚИ (1-Афина денгиз иттифоқи) — юнон денгиз бўйи шаҳарлари ва Эгей денгизидаги ороллар-нинг Афина бошчилигидаги иттифоқи (мил.ав. 478/477—404). Иттифоқ аъзоларининг кенгашлари Делос о.да, Аполлон ибодатхонасида ўтказилган. Пелопоннес уруши (мил. ав. 431—404)да Афина мағлубиятга учрагач, Д. и. тарқатиб юборилган.

ДЕЛЬБРЮК (Delbruck) Макс (1906.4.9, Берлин — 1981) — америкалик физик, генетик, вирусолог; молекуляр биол. асосчиларидан бири. Миллати немис. 1937 й.дан АҚШда. АҚШ Миллий ФА акад. Фалсафа д-ри (1930). Асарлари атом физикаси, вирслар мутагенези ва репродукциясига оид. Бактериофаглардаги рекомбинацияни кашф этган. Кимёвий моддалар тузилишининг квант назарияси масалаларини ишлаб чиққан. Нобель мукофоти лауреати (1969, А. Д. *Херши* ва С. Э. *Лурия* б-н ҳамкорликда).

ДЕЛЬТА — дарёнинг денгиз ёки кўлга қуйилиш жойида сувда оқиб келган жинслардан ҳосил бўлган текислик. Д. номи юнон алфавитидаги Δ (дельта) нинг бош ҳарфидан олинган. Нил дарёсининг учбурчак дельтаси шаклан ана шу ҳарфга ўхшаш бўлганидан қадимда шундай ном олган. Д.да дарё суви панжа шаклида кўпдан-кўп тармоқларга бўлиниб оқади. Вақт ўтиши б-н Д. кенгайиб, денгиз ичкарисига кириб бораверади. Дарё оқизиғи кўп ва йирик бўлса ёки денгиз, кўл суви сатҳи пасайиб бораётган ёки саёз бўлса, Д.нинг шаклланиши тезлашади. Йилига бир неча метрдан бир неча юз метргача кенгайиб боради. Д.нинг шакли ва майдони турлича: Амазонка Д.си — 100 минг км², Амударё Д.си — 19 минг км², Волга Д.си — 19 минг км². Д. тупроғи унумдор.

ДЕЛЬТА ЁТҚИЗИҚЛАРИ — денгиз ва кўлларнинг дарёлар қуйилиш жойида *дельта*ни шакллантирадиган дарё оқизиқ жинсларидан ҳосил бўлади. Таркибига оҳактош қатламли қум-гилли жинслар ҳам киради. Тоғ олди ҳудудларида *конгломерат*лар борлиги кузатилади. Дарёлар адоғида тўпланган оқизиқ жинсларга тўлқин ва тўлқинли оқимлар таъсирининг йўқлиги, Ер пўсти шу қисмининг секинлик б-н букилиши натижасида қалинлиги бир неча км гача бўлган Д.ё. вужудга келади. Д.ёдан пайдо бўлган аккумулятив шакл — дельта юзаси асосан дарё ва кўл-ботқоқлик чўкиндиларидан ташкил топади. Одатда, Д.ё. устида унумдор тупроқ қатлами вужудга келади. Шу сабабли жуда қадим замонлардан Д.ё. деҳқончилик марказлари бўлиб, аҳоли зич яшаган (мас., Амударё, Нил ва б. дарё дельталари).

Д.ё., шунингдек, қазилма ҳолатида ҳам кўпинча ўтмиш геологик даврларнинг чўкинди қатламларида мавжуд. Улар катта қалинлиги, тузилиши, денгиз, шўрроқ сувли ва континентал ётқизиқларнинг турли бирикмаларида намоён бўлади. Д.ё. қазилмалари орасида кўмир, темир ва мис рудаларининг конлари учрайди.

ДЕЛЬТА-ЁҒОЧ — пресслаб ва елимлаб тайёрланадиган қат-қат ёғоч. Қайин дарахтидан йўниб олинган юпқа тасмага фенол ёки креозол формальдегид смоласи шимдириб, 100—175 кг.куч/см² босим остида 120—150° т-рагача қиздириб тайёрланади. Д.-ё. 1—12 мм қалинликда тахта, 15—300 мм қалинликда плита кўринишида ишлаб чиқарилади. Бу плиталарнинг мустаҳкамлиги ва эластиклигини ошириш учун металл тўр, зар, резиналанган мато ва б. б-н арматураланади. Смолага графит ва мой қўшиб антифрикцион хоссаси яхшиланади. Д.-ё. кимёвий реагентлар таъсирига чидамли, электр изоляция, механик ва б. хоссалари юқори материал.

ДЕЛЬТА-ФУНКЦИЯ [δ- функция, $\delta(x)$] — математик масалаларни ечишда кўп қўлланиладиган белгиси. Д.-ф.ни ихтиёрий узлуксиз функция $f(x)$ га $f(0)$ сони мос келадиган чизиқли функционал тарзда ифодалаш мумкин:

$$\int_{-\infty}^{\infty} \delta(x) f(x) dx = f(0).$$

Д.-ф., баъзан,

$$\delta(x) = 0 \text{ (агар } x \neq 0 \text{ бўлса)}, \quad \delta(0) = \infty, \quad \int_{-\infty}^{\infty} \delta(x) dx = 1 \qquad (1)$$

шартларни қаноатлантирувчи функция сифатида ҳам қаралади. Шунинг учун Д.-ф. умумлашган функция ёки Дирак функцияси деб ҳам аталади (П. *Дирак* (1) шартлар б-н аниқланган функцияни биринчи бўлиб ишлатган). Д.-ф. назарий физиканинг математик аппаратида ҳам қўлланилади.

ДЕЛЬФА — Фокида (Ўрта Греция)нинг жан.-ғарбида, Парнас тоғи этагида жойлашган юнон шаҳри. Мил. ав. 7—6-а.ларда умумюнон диний маркази бўлиб, меъморий ёдгорликлар (Аполлон ибодатхонаси *оракул* ва б.) сақланган. Мил. ав. 6-а.нинг бошларида Д.да 4 йилда 1 марта умумюнон Пифий ўйинлари ўтказилган. Бу вақтда муқаддас осойишталик, тинчлик ҳукм сурган. Д.да *Аполлон*га атаб жуда кўп назр-ниёз келтирилган. Бу бойликлар Д.нинг юксалишига сабаб бўлган. Мил. ав. 1-а.нинг 80-й.ларида Д. *фракияликлар* ва б. қабилалар томонидан талланган. Мил. 1-а. охирида Д.даги ибодатхона қайта тикланган. Оракул фаолияти мил. 2-а.да бир мунча жонланган (сўнгги бор оракулга 3-а.да мурожаат қилинганлиги маълум); ибодатхона Рим императори Феодосий I томонидан тахм. 390 й. расман ёпиб қўйилган. Ҳоз. Д. — кичик аҳоли пункти. Д. ёдгорлигидан 1892 й.дан бошлаб француз археологлари олиб борган қазишлар натижасида икки муқаддас маскан (участка) — Аполлон ва Афина масканлари очилди: Аполлон Пифий ибодатхонаси (мил. ав. 6-а., меъморлар Ксенодор ва Агатон томонидан мил. ав. 4-а.да қайта қурилган) бўртма тасвирлар б-н безатилган (музейда сақланмоқда). Сифнийлар (тахм. мил.ав. 525), афиналиклар (мил.ав. 5-а. бошлари) хазиналари, устунлари (галерея — устунли пешайвон, мил.ав. 475), театр (мил. ав. 2-а.) ва б. бор. Афина Проноя муқаддас ибодатхонасининг эски (мил. ав. 7-а. охири) ва янги (мил. ав. 6-а. охири) асослари, айлана тарҳли — фолос — мақбара (мил. ав. 4-а. бошлари), стадион (мил. ав. 6-а.), гимнасий (мил. ав. 6—5-а.лар) ва б. ўрганилган. Д.да археологик музей ташкил этилган. Д. меъморий ёдгорликлари Жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Дельфа.



ДЕЛЬФИН (лот. Delphinus) — осмоннинг Шим. ярим шаридаги юлдуз туркуми. Унинг учта ёруғ юлдузи 3,7; 3,8 ва 4,0 *юлдуз катталиги*да. Туркумни кузатиш учун энг яхши шароит июнь — авг. ойларида бўлади. Ўзбекистон ҳудудида ҳам кўринади.

ДЕЛЬФИНЛАР (Delphininae) — тишли китлар туркумига мансуб сут эмизувчилар гуруҳи. Дарё Д.и (Platanistidae) ва дельфинсимонлар (Delphinidae) оилаларини ўз ичига олади. Дарё Д.ининг уз. 1,5—3 м, кўкрак сузгичлари калта ва кенг, тумшуғи узун ва ингичка, тишлари кўп (104 дан 242 гача), кўзлари ожиз (ганг Д.да кўз гавҳари бўлмайди). Асосан Жан. Америка (лаплат Д.) ва Жан. Осиё (ҳинд Д., Хитой кўл Д.) дарёларида тарқалган.

Дельфинсимонларнинг уз. 1,2—3 м, айрим турлари (косатка) 10 м гача. Кўпчилигида орқа сузгичи бўлади, тумшуғи чўзиқ, тишлари 50 тадан кўпроқ, дум сузгичининг кейинги учи чуқур кесилган. Бош мияси шарсимон, ярим шарлари пўстлоғида жуда кўп пуштачалари бор. Д.да китсимонларга нисбатан *эхолокация* ва эшитиш органи яхши ривожланган (бир неча ўн Гц дан 150—196 Гц гача частоталик акустик тебранишларни қабул қилади). Товуш сигналлари орқали ўзаро алоқа қилади. Эхолокация органи бошининг ҳаво тўпловчи бўшлиқларида жойлашган. Соатига 55 км тезликкача суза олади (косатка). 3—5 йилда балоғатга етади. Боласини 4—6 ой эмизади. Йирик Д. 50, майдалари 30 й.гача яшайди. Овозга тақлид қила олади, қўлга осон ўрганади. Океанариумларда боқилганида



Дельфинлар.

кўпайиши ҳам мумкин. Д.нинг 50 тури маълум. Оқ биқин Д. ва афалина деярли ҳамма денгизларда учрайди. Қора денгизда фақат оқ биқин Д., шим. денгизларда шим. китсимон Д., косаткалар тарқалган. Кўпчилик турларини овлаш ман қилинган.

ДЕЛЮВИЙ (лот. deluo — ювaман), делювиал ётқизиқлар — ёмғир ёки эриган қор сувлари оқизиб келтирган, шунингдек, ўз оғирлиги, совуқдан силжиши ва грунт оқувчанлиги натижасида қирлар этагида ва ён бағирларининг қуйи қисмида тўпланган тоғ жинсларининг нураган ётқизиқлари. Тоғ ён бағирлари ва этакларида катта майдонларни эгаллайди, делювиал шлейфлар ҳосил қилган. Қалинлиги бир неча ўн метрга етади. Д.нинг гранулометрик таркибида ўрта ва оғир чангсимон қумоқ кўп; булар қиялик юқорисидан пастга қараб шагалдан гилга қадар ўзгариб бориши мумкин. Делювиал ётқизиқларнинг минерал ва кимёвий таркиби атрофдаги тоғ жинслари ҳамда ётқизиқларнинг таркиби б-н узвий боғлиқ. Сувни ўзидан яхши ўтказади ва қатламлар ҳосил қилмайди. Делювиал жараёнлар ўсимликлар сийрак бўлган (тупроқ ўсимликлар б-н кам ҳимояланган) қуруқ иқлим шароитларида тезроқ кечади. Ўрта Осиёнинг бир қанча минтақаларида делювиал ётқизиқлардан лёсснинг баъзи хиллари ҳосил бўлган. Одатда, бундай ётқизиқлардан унумдор тупроқ (сур тупроқ, жигарранг тупроқ ва б.) таркиб топади. Д.да кўпинча олтин, қалай, вольфрам ва б. металларнинг сочма конлари учрайди. Делювиал суглинкалардан ғишт тайёрланади. А. Павлов (1888) Д.ни континентал ётқизиқларнинг алоҳида генетик тури қилиб ажратган.

ДЕМАГИН Владимир Васильевич (1924.15.7, Тошкент) — учувчи, «Ҳизмат кўрсатган синовчи-штурман» (1967). Синовчи-учувчилар мактабини тугатган (1952). Меҳнат фаолиятини Тошкентдаги В. П. Чкалов номидаги авиация з-дида йиғувчи-парчиловчиликдан бошлаган (1941—42). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1942—44). Харьков ҳарбий авиация билим юртида (1944), Жуковский (Москва вилояти) синовчи-учувчилар мактабида (1952) ўқиган. Тошкент авиация з-ди (ҳоз. Тошкент авиация и.ч. бирлашмаси) учиш-синов ст-ясида бортрадист (1945—49), синовчи-штурман (1949—80), қидирув-қутқарув хизмати бошлиги (1980—84), навбатчи штурман (1984—92). Тошкент авиация з-дида ишлаб чиқарилган ЛИ-2, АН-8, АН-12, АН-22, ИЛ-12 ва ИЛ-76 (турли модификациялари) самолётларини синашда қатнашди, ҳаводаги парвози 4 млн. км дан ортиқ (13000 соат). Кўплаб штурман шогирдлар тайёрлаган. «Жасорат», «Шуҳрат» (1994) медаллари б-н тақдирланган.

ДЕМАГОГ (юн. demagogos — халқ доҳийси) — ластлаб Юнонистонда халқни орқасидан эргаштирган сиёсий гуруҳчалар раҳбарлари, демократик кайфиятдаги сиёсий арбоб; кейинчалик бу сўз салбий маъно олган (қ. *Демагогия*).

ДЕМАГОГИЯ (юн. demos — халқ ва ago — бошлайман) — фактларни атайлаб бузиб кўрсатиш, ёлғон-яшиқ ваъдалар бериш ва тилёгламалик қилиш йўли б-н алдаш; ғаразли, кўпинча сиёсий мақсадларни яширган ҳолда баландпарвоз муҳокама юритиш.

ДЕМАРКАЦИЯ, демаркацион йўл (тиббиётда) — *гангрена*да яллиғланиш жараёнида ўлик тўқимани соғлом тўқимадан ажратиб турадиган йўл, *грануляцион тўқима* жияги.

ДЕМАРКАЦИЯ ЧИЗИҒИ — 1) ҳарбий ишда урушувчи томонларни вақтинча яраш вақтида ажратиб турувчи чизиқ (ўт очиш тўхтатилган чизиқ); 2) мағлуб давлат ҳудудини зоналарга бўлувчи чизиқ; 3) қўшни давлатлар ўртасида лаъволашилаётган ҳудудда доимий чегара аниқлангунига қадар вақтинча белгиланадиган чизиқ.

ДЕ МАРКО Гвидо (1931.22.7, Валлетта) — Мальта президенти. Мальта қироллик ун-тини тугатган (1952). Юридик фанлари д-ри (1955). 1966 й. Мальта вакиллар палатаси (парламент) аъзоси. 1967 й.дан Мальта ун-ти ўқитувчиси, кейинчалик проф. 1972—87 й.ларда Миллий партия бош котиби, партия етакчиси ўринбосари. 1987 й.дан Мальта бош вазири ўринбосари, аллия ва ички ишлар вазири. Вакиллар палатаси бошлиги. 1990 й.дан Мальта ташқи ишлар вазири, айни вақтда 1992 й.дан бош вазир ўринбосари. 1999 й. мартдан Мальта Республикаси президенти.

ДЕМАРШ (франц. demarche — чиқиш) — бир давлат ҳукумати, ташқи ишлар маҳкамаси ёки дипломатик вакилининг бирон-бир масала бўйича бошқа давлатга норозилиги, илтимоси, таклифи ёки огоҳлантириши. *Нота, ультиматум, меморандум, баёнот* ва б.да изҳор этилиши, дипломатик вакилни чақириб олишда намоён бўлиши мумкин. Ҳоз. халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ куч б-н таҳдид қилиш Д. мазмуни бўлодмайди.

ДЕМЕТРА — юнон мифологиясида дастлаб ҳосилдорлик, деҳқончилик, кейинчалик никоҳ ва оилавий ҳаёт маъбудаси. *Кронос* ва *Рея*нинг қизи, *Зевс*нинг синглиси, Персефонанинг онаси. Д. одамларга буғдой бошоғини совға қилган ва уларни деҳқончиликка ўргатган. Ер ости салтанати худоси *Аид* Персефонани ўғирлаб кетганда Д. газабланган ва ер ҳосил бермай қўйган, очарчилик бошланган. Шунда Зевс Персефонага ярим йил ер да онаси б-н, ярим йил у дунёда Аид б-н бўлишни буюрган. Бу афсонада ўсимлик дунёсининг ҳар йили хазон бўлиши ва янгидан уйғониши жараёни акс этган. Д. римликлар мифологиясидаги Церераға мос келади.

ДЕМЕТРИЙ I — *Юнон-Бақтрия подшоси* шоҳи (мил. ав. тахм. 189 й.— тахм. 167 й.). Унинг даврида салтанат ниҳоятда кучайган. Д. I ҳоз. Афғонистон ва Шим.-Ғарбий Ҳиндистондаги бир қанча вилоятларни босиб олган. Шим.-Ғарбий Ҳиндистонда пойтахт шаҳар қурдирган, зарб эттирган тангаларида ўзини «ҳиндлар подшоси» деб атаган. Мил. ав. тахм. 175 й. Бақтрияда Д. I га қарши *Евкратид* исён кўтарган. Д. I у б-н курашда ҳалок бўлган, подшолиги эса парчаланиб кетган. Салтанатнинг Ҳиндистондаги қисмига Д. I нинг саркардаси Менандр подшоҳ бўлган.

ДЕМИДЕНКО Нина Михайловна (1925.19.12, Бишкек) — гигиенист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1976), тиббиёт фанлари д-ри (1970), проф. (1971). ТошТИни тугатган (1949). Шу ин-т меҳнат гигиенаси кафедраси ассистенти (1954—61), доценти (1962—67), мудири (1967—1990, 1990 й.дан 2-ТошТИда), 1992 й.дан проф.-консультант. Ўлка гигиенаси ва меҳнат физиологияси, гигиенаси ва токсикологияси муаммолари устида тадқиқотлар олиб борган. «Шуҳрат» медали (1994) б-н тақдирланган.

ДЕМИЛИТАРИЗАЦИЯ (*де*... ва лот. militaris — ҳарбий) — халқаро ҳуқуқда бирор халқаро шартномага биноан муайян ҳудуддаги ҳарбий истеҳкомлар ва иншоотларни йўқотиш ҳамда шу ҳудудда ҳарбий базалар ва қуролли кучлар сақлашни тақиқлаш. Тўла Д. (Антарктида, Аланд архипелаги, осмон жисмлари, шу жумладан Ой ва б.) ва қисман Д. (мас., ядросиз зоналар ташкил этиш) фарқ қилинади. «Д.» атамаси баъзида бирмунча кенг маънода ишлатилади (мас., иқтисодиётни Д.лаш).

ДЕМИРЕЛ Сулаймон (1924.1.11, Испарта вилоятининг Исломкой қишлоғи) — Туркиянинг сиёсат ва давлат арбоби. Истанбул техника ун-тининг қурилиш ф-тини тугатган (1949). 1955—60 й.ларда Туркия сув хўжалиги давлат дирекцияси бош мудири. 1960—62 й.ларда армия сафида. 1962—64 й.ларда хусусий корхонада маслаҳатчи муҳандис, Ўрта шарқ техника ун-тида ўқитувчи. Д. — «Адолат» партиясининг асосчиларидан бири. 1962 й. шу партия бош котиби, аъзоси, 1963 й.дан партия бош раиси ўринбосари, 1964 й.дан бош раиси. 1965—80 й.ларда бир неча марта ҳукуматга бошчилик қилди. 1980 й. 12 сент.даги ҳарбий тўнтариш натижасида бош вазир лавозимидан четлаштирилди. Д. ўнг либерал «Тўғри йўл» партияси тузилишининг ғоявий илҳомчиси ва собиқ сиёсатчиларнинг сиёсий фаолиятини тақиқлаш бекор қилингунга қадар мазкур партиянинг яширин раҳбари. 1987 й. 24 сент.дан «Тўғри йўл» партиясининг бош раиси, 1991 й.дан Туркия бош вазири. 1993—2000 й.ларда Туркия Республикаси президенти.

ДЕМОБИЛИЗАЦИЯ (*де*... ва *мобилизация*) — 1) қуролли кучларни ва мамлакат иқтисодиётини ҳарбий ҳолатдан тинчлик ҳолатига ўтказиш; 2) уруш тугагандан кейин ҳарбий қисмлар, қўшилмалар ва муассасаларнинг шахсий таркибини қайта тузиш б-н қуролли кучлар шахсий таркибини урушдан олдинги ҳолатга келтириш; 3) ҳарбий хизматчиларни уруш тамом бўлиши б-н, шунингдек, тинчлик даврида мажбурий ҳарбий хизмат муддати тугаши б-н армиядан бўшатиш; 4) кўчма маънода — тайёргарлик, фаоллик, ҳушёрлик, эҳтиёткорликнинг пасайиши.

ДЕМОГРАФИК СТАТИСТИКА, аҳоли статистикаси — статистика фани тармоғи, аҳоли ёки унинг алоҳида гуруҳларининг миқдори, таркиби, жойлашиши ва такрор барпо бўлиши ҳақида статистик услуб асосида маълумотлар тўплаш, уни қайта ишлаш ва таҳлил қилишни ўрганади. Д. с. аҳоли ва демографик жараёнлар (туғилиш, ўлиш, никоҳ ва ажралиш, аҳоли-

нинг такрор барпо бўлиши) ҳақидаги рақам кўрсаткичлар йиғиндисидан иборат. Д. с. маълумотларидан социал-демографик тадқиқотларда фойдаланилади.

Д. с. аҳоли ва демографик жараёнлар ҳақида маълумотлар тўплашда уларнинг маълум ижтимоий-тарихий тараққиёт давомида миқдор ва сифат жиҳатдан мунтазам ўзгариб боришини назарда тутади. Д. с.нинг аҳоли рўйхати ўтказиш, демографик жараёнлар ва миграцияни доимий рўйхатга олиб бориш каби и. т. услублари мавжуд аҳоли ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш, гуруҳлаш, уларни қиёслаш ва демографик омилларни ўрганиш қоидаларини ҳам ишлаб чиқади.

Д. с. статистиканинг бошқа тармоқларига нисбатан анча олдин пайдо бўлган (қ. *Аҳоли рўйхати*). Ўзбекистонда Д. с., асосан, 20-а.нинг 1-ярмидан шакллана бошлаган. 1927 й. Республикада фуқаролик ҳолатини қайд этиш (ЗАГС) бюроларининг таркиб топиши Д. с. ривожланишига олиб келди.

Д. с. маълумотлари дунёнинг жуда кўп мамлакатларида махсус бюллетенларда, статистик тўплам, жур. ва демографик йилномаларда нашр этилади. Дунё аҳолиси ва унинг миқдор, сифат ўзгаришлари БМТ демографик йилномаларида, Ўзбекистон аҳолиси ва демографик жараёнлари ҳақидаги маълумотлар эса Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги Статистика департаментининг демографик йилномаларида мунтазам чоп этилади.

ДЕМОГРАФИЯ (юн. demos — халқ ва ... *графия*) — ҳар йили турли сабабларга кўра вафот этган аҳоли ўрнини янгидан дунёга келган авлод ҳисобига тўлдириб борилиши қонуниятларини ижтимоий-тарихий шароитларга боғлиқ ҳолда ўрганадиган фан. Д.нинг пайдо бўлиши асосан 17-а.нинг 2-ярмидан англиялик олим Ж. Граунт (1620—1674) тадқиқотлари б-н боғлиқдир. Д. терминини 1855 й.да француз олими А. Гийар қўллаган. 1882 й. Халқаро гигиена ва демография конгрессининг Женева сессиясида расмий қабул қилинган. 19-а. охири — 20-а. бошларида кенг тарқалди. Ўзбекистонда, асосан 1960 й.лардан қўлланила бошлади.

Д.нинг мақсади муайян ҳудуд, мамлакат, дунё аҳолиси ва миллатнинг такрор барпо бўлиши жараёни ва омилларини ўрганиш, муаммоларни белгилаб, ечимларни аниқлаш ва истиқболини кўрсатиб беришдан иборат. Д.нинг вазифалари: *демографик жараёнлар* (туғилиш, ўлим, никоҳ ва ажралиш, оиланинг демографик хусусиятлари, аҳолининг ёш-жинсий ва оилавий таркиби, демографик майл) ва уларнинг омилларини ўрганиш; *демографик башорат* (маълум ҳудуд аҳолисининг сони, ёш-жинсий таркиби ва демографик вазияти истиқболини илмий асосланган ҳолда олдиндан аниқлаш)ларни ишлаб чиқиш; *демографик сиёсат* (аҳоли сиёсатининг узвий қисми бўлиб, унинг асосий мақсади аҳолининг миқдорий ўсишини бошқаришдан иборат) чора-тадбирларини ишлаб чиқиш. Демографик сиёсат ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг илмий асосини ташкил этмоғи лозим. Шундагина жамият ҳар томонлама мунтазам ривожланиб боради.

Демографик тадқиқот усули — статистик, тарихий таққослаш, харитаграфик, социологик, математик ва мантиқий фикрлаш. Д.нинг таҳлилий методи статистикадан фарқ қилади: унда мавҳум фикрлаш усулидан кенг фойдаланиш асосида аҳоли таркибида келгусида рўй берадиган миқдор ва сифат ўзгаришлари ҳам ўрганилади. Шу жиҳатдан *демографик статистика* Д.нинг бир қисмидир.

Аҳоли муайян ижтимоий ҳаёт тарзига бўйсуниши туфайли, демографик жараёнлар ҳам муайян и.ч. усули ва и.ч. муносабатига боғлиқ бўлади. Аҳоли мураккаб ижтимоий ва табиий ривожланиш маҳсули бўлиб, турли омиллар заминида кўпаяди. Бу жиҳатдан Д. иқтисод, социология, геогр., тиббиёт, табиий фанлари таҳлил мавзуига яқин бўлиб, уларнинг ютуқларидан фойдаланади, айни вақтда, уларга муҳим маълумотлар беради.

Демографик жараёнларни ўрганишда жуда кўп маълумотлардан фойдаланилади. Кўпчилик давлатларда *демографик маълумотлар* статистика ташкилотлари томонидан тўплаб борилади. Улар аҳоли сони, таркиби ва демографик жараёнларни акс эттириб ўз ичига ушбу масалаларга оид рақамли жадвал ва диаграммали маълумотлар, илмий манбалар, социологик-демографик тадқиқотлар натижаларини мужассамлаштирган демографик маълумотларни тўплаш БМТ бошчилигида тузилган дастур асосида ўтказилади.

Д. ҳар бир ижтимоий-иқтисодий тузум аҳолисининг кўпайиши ва ривожланиш қонуниятларини алоҳида-алоҳида ўрганади, чунки ҳар бир ижтимоий-иқтисодий формацияга хос аҳоли ўсиш қонуни демографик вазиятга ҳам бевосита таъсир кўрсатади. 20-а.нинг 2-ярмига қадар Ўзбекистонда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий турмуш даражаси нисбатан пастлиги туфайли аҳоли ўртасида ўлим юқори бўлган. Гарчи туғилиш юқори бўлса ҳам аҳоли жуда секин кўпайган. 20-а.нинг 2-ярмидан Ўзбекистонда аҳоли ўртасида ўлим бир оз камайиб, аҳолининг ўртача умр кўриши узайди. Натижада аҳолининг миқдор ва сифат ўсиши рўй берди. Шу даврда Ўзбекистонда Д.нинг ривожланишига эътибор берилди. Демографик тадқиқотлар Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ Аҳолишунослик и.т. лаб., демография, ижтимоий геогр. ва минтақавий иқтисод, социология кафедралари, Республика «Оила» илмий-амалий маркази, Меҳнат, аҳоли бандлиги ва ижтимоий муҳофазани ўрганиш Республика илмий маркази, ЎзР Фанлар академиясининг иқтисодиёт ин-ти, Ўзбекистон Республикаси «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказида олиб борилади.

Ўзбекистоннинг демографик тараққиёти, унинг хусусиятлари, омиллари ва муаммолари И. Муллажонов, Р. Убайдуллаева, М. Қорахонов, Э. Аҳмедов, О. Отамирзаев, Л. П. Максакова, А. Солиев, Ҳ. Салимов, А. Қаюмов, М. Бўриева, О. А. Эргашев, Э. Сафаров, О. Саидаҳмедов, Г. Муртазина, З. Х. Райимжонов, Р.К. Ортиқбоев ва б. олимларнинг и. т.ларида кенг ўрганилган. 1993 й.дан Ўзбекистонда БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) ўз фаолиятини бошлаган. Унинг фаолияти минтақа давлатларини, Қозоғистон ва Озарбайжонни қамраб олади. Жамғарма аҳоли саломатлиги, айниқса, аёллар саломатлигини яхшилаш борасида тадбирларни амалга оширади, мамлакатда миллий ташкилотлар, тиббиёт муассасаларига соғлом оилани шакллантириш мақсадида кенг қамровли социологик-демографик тадқиқотлар ўтказади.

Ад.: Бўриева М. Р., Ўзбекистонда оила демографияси, Т., 1997; Бўриева М. Р., Демография асослари, Т., 2001; Борисов В. А., Демография, М., 1999.

Мамлакат Бўриева.

ДЕМОДАМ ЮРИШИ — салавкийлардан *Салавк* I ва Антиох саркардаси Демодамнинг Сирдарё ортидаги ерларга юриши (мил. ав. тахм. 300 й.). Искандар Зулқарнайн ва унинг қўшини Сирдарёни Европадаги Танаис д. (Дон) деб ўйлашган, қадимда бу дарё Европани Осиёдан ажратиб турувчи чегара саналган. Салавк I ўзининг Осиёдаги мулкларини кенгайтириш ниятида разведка мақсадида Демодамни Сирдарё орқали юборган. Қорамоллар 6 ойликдан катталарини ёшда, асосан баҳор ва ёз ойларида каналар ривожланиб, терининг юза қатламига чиққан даврида касалланади. Бунда терининг бўйин, курак, кўкрак қафаси ва бел қисмларида катта юмалоқ шаклдаги, диам. 2—10 мм ли бўртмачалар ҳосил бўлади. Унинг устки қисмидан қонли йиринг, бўртмача босилганда эса оқиш мумсимон модда чиқади. Зарарланган жой жунлари олдин гажакланади, кейин тўкилади. Тери қалинлашади, бироқ қичишмайди. Қўйларнинг асосан боши ва бўйин қисмлари жароҳатланади.

Даволаш: терининг жароҳатланган жойлари «Дерматозоль», «Акродекс» аэрозоллари ёрдамида (ҳар бошга 60—80 г) 5—7 кун оралатиб 3—4 марта дориланади; ҳар бош молга ўсимлик пиретроидларидан цимбушнинг 0,015—0,02% сувдаги эмульсияси (2—4 литр дан), 0,05% эмульсияси (0,5—1,5 литр дан) сепилади (ҳар 10—12 кунда, 2—4 марта).

Олдини олиш. Д. б-н касалланган ҳайвонларнинг бутун тери қопламини цимбуш ёки инсектоакарицид б-н яхшилаб ювилади. Бино ва нарсалар препарат б-н дезакаризация қилинади (канасизлантирилади). Ҳайвонлар сақланадиган биноларда тозаликка риоя қилинади, уларни парвариш қилиш, сақлаш, озиқлантириш яхши-ланади.

Фатҳулла Ибодуллаев.

ДЕМОДУЛЯТОР (*де...* ва *модуляция*) — юқори частотали сигналларни ток ёки кучланишга айлантириб берадиган мослама; радиоприёмник ёки симли алоқа қабул қилгичининг муҳим узели. Д.да модуляцияловчи частоталар ҳосил бўлиш учун унда ночизиқли электр занжири ёки параметрлари ўзгарувчан занжир бўлиши керак. Ночизиқли элемент сифатида лампали ёки яримўтказгичли *диод* ёки *триод* қўлланилади. Триод ўрнига *пентод* ишлатиш ҳам мумкин.

ДЕМОДУЛЯЦИЯ — *модуляция*га тескари жараён (қ. *Детектирлаш*).

ДЕ-МОЙН — АҚШнинг марказий қисмидаги шаҳар. Айова штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 198,6 минг киши (2000). Транспорт йўллари тугуни. АҚШнинг маккажўхоригорликчорвачилик минтақасининг савдо-молия маркази. Қ.х. машинасозлиги (пахта териш ва маккажўхори ўриш комбайнлари, трактор ва б.) ривожланган. Полиграфия, металлсозлик, шина ва озиқ-овқат саноати корхоналари, ун-т (1881) бор.

ДЕМОКРАТИЯ (юн. demos — халқ ва *...кратия*) — фуқаролар эркинлиги ва тенглиги қонунларда мустаҳкамланган, халқ ҳокимиятчилигининг восита ва шакллари амалда ўрнатилган ва юзага чиқарилган сиёсий тузум. Д. давлат б-н инсон муносабатларини белгилайди. Д.нинг асосий талаблари: кўпчилик ҳокимияти, фуқаролар тенг ҳуқуқлиги, улар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояланганлиги, конституция ва қонунларнинг устуворлиги, ҳокимиятнинг бўлиниши, давлат бошлиғи ва ваколатли органларнинг сайлаб қўйилиши. Д.нинг бевосита Д. (асосий қарорлар йиғилишларда бевосита барча фуқаролар томонидан ёки *референдумлар* йўли б-н қабул қилинади) ва вакиллик Д.си (қарорлар сайлаб қўйиладиган органлар томонидан қабул қилинади) шакллари бор. Кишилик жамияти пайдо бўлганданоқ, Д.нинг куртаклари бор эди ва у ҳозир энг тараққий этган мамлакатларда ҳам ўзининг сўнгги чўққисига эришганича йўқ. Давлат б-н бирга вужудга келган Д. инсоният тарихи давомида турли миллий-маданий шароитларга мослаша борган. Ҳар бир давлатда, милларда ўзига хос *қадриятлар*, *менталитет*, *анъаналар* мавжуддир. Улар жамиятдаги демократик жараёнларга катта таъсир кўрсатади, бинобарин демократик муассасаларни шакллантиришда мазкур омиллар, албатта, ҳисобга олинади. Демократик давлатда (қ. *Давлат*) инсон манфаати, қадр-қиммати, ҳаёти ҳар нарсадан юқори туради. Бундай давлат ўзини ўзи бошқариш, кўппартиявийлик, оммавий ахборот воситаларининг эркин бўлиши, фикрлар хилма-хиллигига шароит яратади. Бироқ Д. ҳамма нарсада хоҳлаганча эркинлик эмас, қонунга асосланган эркинликдир. Д.нинг ажралмас қисми интизом, қонунларни ҳурмат қилиш, бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишдир. Д. тартиботлари ҳуқуқий давлатда мукаммал ривожланиб боради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, демократик ҳуқуқий давлат ва бозор иқтисодиётини қарор топтириш йўлида катта қадам қўйди. Демократик тартиботларни ҳаётга олиб кирувчи, демократик сиёсий тизим таркибий тузилмаларини ҳамда фуқаролик жамияти бўғинларини вужудга келтирувчи, инсон ҳуқуқлари кафолатлари тизимини қарор топтирувчи қонунлар қабул қилиниб, амалда ишлай бошлади.

ДЕМОКРАТЛАР ПАРТИЯСИ (АҚШ) — АҚШда иккита партиядан (Республикачилар партияси б-н бир қаторда) бири. 1828 й. тузилган. 19-а. 1 ярмида Жануб плантация (ер) эгалари ва савдо-банк доиралари бир қисми манфаатларини ёқлаган. 1829—41, 1845—49, 1853—61, 1885—89, 1893—97, 1913—21, 1933—53, 1961—69, 1977—81 ва 1993—2001 й. 21 янв.гача ҳокимият тепасида бўлган.

ДЕМОКРИТ (Demokritos) [тахм. мил. ав. 460 — Абдери (Фракия) — 370] — юнон файласуфи. Атомистик назария (қ. *Атомизм*) асосчиларидан бири. Фалсафа, мантиқ, физика, мат., техника, ахлоқ, мусиқа каби соҳаларда асарлар яратган. Бизгача буларнинг айрим парчалари етиб келган. Д. таълимотига кўра, табиат объектив равишда мавжуд. Табиатдаги барча нарса ва ҳодисалар бўлинмас зарралар — атомлардан ташкил топган.



Атомлар энг майда, бўлинмас ва ўзгармас, боқий, модлий зарралар бўлиб, фазода доимо ҳар томонга ҳаракат қилади. Зарраларнинг ҳар хил қўшилувидан турли нарсалар вужудга келган. Ҳатто одамнинг жони ҳам энг нозик ҳаракатчан атомлардан ташкил топган. Атомлар ҳажми, шакли, тартиби ва ҳолати б-н бир-биридан фарқ қилади; сифат жиҳатдан эса бир хил, яъни ранг, ҳид, маза каби сифатлар атомга тегишли бўлмай, балки субъект сезги

органлари маҳсулидир. Атомлар б-н бир қаторда бўшлиқ мавжуд. Атомлар ҳаракати тасодифий бўлмай, муайян қонуниятларга бўйсунган ҳолда бўшлиқда содир бўлади. Ҳаракатни материядан ажратиш мумкин эмас. Атомлар ҳаракатининг вақт нуқтаи назаридан боши йўқ, у абадий. Д. олам чексиз ва абадий, дунёлар вужудга келиб, йўқ бўлиб туради, жон ҳам моддий ва тана б-н бирга ўлади деган фикрларни илгари сурди. Билиш назариясида Д. моддий оламни билиш ва ҳақиқатга эришиш мумкинлигини таъкидлади, билиш жараёнида сезги ва тафаккур ролини кўрсатди. Унингча, сезгиларимиз (кўриш, эшитиш, маза билиш ва б.) орқали олинган билим «қоронғи», у оламнинг моҳиятини очиб бера олмайди. Ақл орқали олинган билим «ёруғ», ҳақиқий билимдир. Бу ерда Д. ҳодиса ва моҳиятни тушуна бошлагани, ҳиссий билиш б-н абстракт тафаккурни фарқ қила олгани кўриниб турипти. Лекин, у «ёруғ» билишни «қоронғи» билишдан ажратиб қўйган. Д.нинг бу фикри Ж. *Локк* томонидан илгари сурилган нарсаларнинг бирламчи ва иккиламчи сифати тўғрисидаги таълимотнинг куртаги эди. Д. этикада *атараксия* таълимотини ривожлантирди. Д. илгари сурган ғоялар узоқ йиллар давомида фан ва фалсафа ривожига таъсир кўрсатди.

Абдулла Аюпов.

ДЕМОН (юн. daimon — руҳ, худо) — ёвуз, «нопок» кучларни гавдалантирувчи хаёлий мавжудот — шайтон, иблис, жин, албасти ва ҳ.к. Иудаизм ва христианлик ривоятларида Д. гуноҳга ботган (худога итоат қилишдан бош тортган) фаришталар деб ҳисобланган. Баъзан Олимп худолари ҳам Д. деб аталган. Д. одамга бевосита таъсир қилади, фалокат юборади ёки бирон-бир ҳалокатли воқеаларга олиб келувчи йўлга бошлайди. Шу тарзда юнон мифологиясида Д. кўп ҳолларда инсон тақдирини ҳал қилган қандайдир мавҳум илоҳий куч сифатида тасаввур қилинган.

ДЕМОНОЛОГИЯ (*демон* ва *...логия*) — демонлар ҳақидаги диний таълимот. Унинг вужудга келиши ибтидоий даврларга хос ёвуз руҳларга эътиқод қилишга бориб тақалади. Д. айниқса Бобил дини ва қад. Эрон динида ривожланган, улардан иудаизм, христианлик ва исломга ҳам ўтган. Католицизм ва православие ҳозирга қадар демонларнинг борлигини қатъий ҳимоя қилади, айрим протестантлар уларни рамзий маънода тушунадилар. Д. шайтон — гуноҳ манбаи, деган тасаввурга асосланган диний ахлоқ б-н узвий боғлиқдир. Д.га кўра, инсон ҳамиша ва ҳамма ерда жонга хавф солиб турувчи демонлар б-н ўралган. Фақат черковгина ўзининг ибодатлари, диний муқаддас ашёлари, баъзан эса демонни ҳайдовчи махсус дуо ва маросимлари б-н инсонни улардан қутқариши ёки уларнинг ёвуз ҳаракатларини бартараф этиши мумкин. Жодугарликнинг хурофий моҳияти ҳам Д.га асосланган. *Инквизиция* даврида жодугар деб ҳисобланган аёллар таъқиб қилинган. Жисмоний ва руҳий касалликлар сабаби ҳам демонлар хатти-ҳаракати б-н боғлиқ деб ҳисобланадиган ибтидоий азайимхонликдан тортиб ҳоз. даврдаги диний бидъатларгача — ҳаммасида Д. намоён бўлади.

ДЕМОНОПОЛИЗАЦИЯ, монополиядан чиқариш (*de...* ва юн. mono — танҳо ва лот. poleo — сотаман) — иқтисодиётдаги *монополия*дан эркин, тенг ҳуқуқли рақобатга асосланган сохибкорлик фаолиятига қайтиш (қайта ўтиш). Д. соғлом иқтисодий беллашувга йўл бериш мақсадларида амалга оширилади. Д. икки йўл б-н боради: йирик монопол мавқеидаги бирлашмалар, компаниялар тарқатилиб, улардан мустақил корхоналар ажралиб чиқади; якка ҳоким корхона ёки бирлашмалар, компаниялар сақланган ҳолда улар б-н рақобат қила оладиган параллел (қобил — бир хилдаги ёки бир-бирининг ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи) корхона ёки бирлашмалар ташкил этилади. Д.лашда монополиядан чиқариш органлари ва қонунчилик муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда 1992 й. 2 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги қонуни бу йўлдаги биринчи қадам эди. 1992 й.дан Молия вазирлиги таркибида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бош бошқармаси фаолият юрита бошлади. Мазкур бошқарма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 й. 23 майдаги фармойиша мувофиқ Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига айлантирилди. Қўмита товар бозорларида рақобат муҳитини яратишга, монополиядан чиқаришнинг тармоқ ва минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мувофиқлаштиришга нисбатан ягона услубий ёндошувни таъминлаш; монополистик фаолият, хўжалик юритувчи субъектлар товар бозорларидаги ўз устун мавқеини суиистеъмол қилишининг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик, монополиячи бирлашма (корхона)ларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрини юритиш; монополияга қарши курашни тартибга солиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби вазифаларни бажарали. Ўзбекистонда Д. тартиби ва шарт-шароитлари ЎзРнинг 1996 и. 27 дек.да қабул қилинган «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонуни б-н тартибга солинади (қ. *Монополияга қарши қонунчилик*).

Рисолат Нишонратова.

ДЕМОС (юн. demos — халқ) — Юнонистонда фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлган эркин аҳоли. Мил. ав. 5—4-асрлардан бошлаб Д. аҳоли (асосан, шаҳарда яшовчилар)нинг камбағал қатламлари номи.

ДЕМОСФЕН (Demosthenes) (мил. ав. 384—322) — юнон нотиғи, сиёсий арбоби. Афинадаги демократик кайфиятлаги гуруҳнинг йўлбошчиси. Нотиқлик санъатидан дарс берган, суд маҳкамаларида, йиғилишларда нутқ сўзлаган (61 нутқи, 56 маърузаси сақланиб қолган). Бутун умри давомида Афинанинг мустақиллиги ва Юнонистон *полис*ларининг Македонияга қарши бирлашиши учун курашган. Македония подшоси *Филипп II* га қарши қаратилган бир қанча нутқ сўзлаган (бу нутқлар «филиппик» номи б-н машҳур). Ҳаётининг сўнгида, душманлари таъқибига учраб, Афинадан қочган ва заҳар ичиб ўлган.

ДЕМПИНГ (инг. dumping — ташлаш, ташлама) — товарларни ташқи ва ички бозорда сунъий арзонлаштирилган, ўртача чакана нархлардан, баъзан таннархдан паст нархларда сотиш; ташқи бозорни эгаллаш учун рақобат кураши воситаларидан бири. Ташқи бозорда товарларнинг ўз қийматидан арзон сотилишидан бирлашмалар зарар кўради. Бу зарар ички бозорда сотилган товарлардан олинган юқори фойдадан маблағ ажратиш ёки *давлат бюджети*дан ҳамда солиқлар ҳисобидан қопланади. Д. давлат ёки компания томонидан келгусида кутилаётган зараларни бартараф этиш мақсадида ўтказилади ва бу йўл б-н зарур бўлган пул, валюта маблағлари тезда тўпланади.

20-а. бошларида, Европа давлатларида Д. оммавий тус олди. 1929—33 й.лардаги жаҳон иқтисодий танглиги даврида, айниқса, кенг ёйилди. 2-жаҳон урушидан кейин Д. сиёсати АҚШ монополиялари томонидан мунтазам ўтказиб турилди. Д.нинг айрим мамлакатлар томонидан қўлланилиши ўз навбатида бошқа мамлакатларнинг унга қарши чора кўришига олиб келади ва

мол киритиш бўйича олинадиган бож суммасини оширишда ўз ифодасини топади. Жаҳон иқтисодий тажрибасидан маълумки, кўпгина давлатларда Д.га қарши қонунчилик, Д.га қарши махсус божлар амал қилади. Тарифлар ва савдо бўйича Бош келишув (ҳоз. *Жаҳон савдо ташкилоти*) 1967 й.да халқаро демпингга қарши кодекс қабул қилди. Унда Д. ҳолатини аниқлаш ва исботлаш тартиб-қоидалари, импорт мамлакат фирмалари томонидан Д. натижасида шу турдаги товарни ишлаб чиқарадиган экспорт қилувчи мамлакатларга етказилган зарарни тўлаш йўллари кўзда тутилган.

ДЕМПФЕР (нем. Dämpfer — сўндиргич) — 1) машина ва асбобларнинг ишлаши вақтида содир бўладиган механик тебранишларни йўқотадиган, электр машина ва электр ўлчаш асбобларидаги тебранишларни сўндирадиган қурилма. Автомат ростлагич ва ўлчаш асбобларида гидравлик (катарактлар) ва пневматик Д.лар кенг қўлланилади. Уларда тебраниш энергияси суюқлик (газ) нинг бир камерадан иккинчи камерага оқиб ўтиши ҳисобига сўнади. Электр машина ва электр ўлчаш асбобларидаги тебранишларни йўқотиш учун ўз чулғамларидаги ток майдони б-н қўшимча чулғамдаги ток майдонининг ўзаро таъсирида ишлайдиган Д. қўлланила торларнинг тебранишини сўндирадиган мослама. Д. фортепиано ва арфада бўлади.

ДЕМУЛЬТИПЛИКАТОР (*de...* ва лот. multiplicator — кўпайтирувчи, кattалаштирувчи) — автомобилнинг тортиш кучини оширишга имкон берувчи механизм. Д. юк автомобилларида узатмалар қутиси иккиламчи валининг айланиш тезлигини камайтириш, енгил автомобилларда эса уни ошириш учун ўрнатилади. Д. асосий узатмалар қутисига қўшимча узатма сифатида киритилади. Тракторларда Д. вазифасини айлантирувчи моментни кучайтирадиган планетар редуктор ва 7—10 поғонали узатмалар қутиси бажаради. Юк автомобилларининг узатмалар қутисидаги бешинчи узатма иккиламчи валини тирсакли валга нисбатан 20—27% тез айлантиради.

ДЕМУЦКИЙ Даниил Порфирьевич (1893—1954.7.5, Киев) — кинооператор. Ўзбекистонда (1944) ва Украинада (1954) хизмат кўрсатган санъат арбоби. «Икки кун», «Арсенал», «Ер» каби фильмлари б-н шуҳрат қозонган. Уруш йиллари Тошкент киностудиясида ишлаб «Насриддин Бухорода», «Тоҳир ва Зуҳра», «Насриддиннинг саргузаштлари» фильмларини суратга олган. Давлат мукофоти лауреати (1952).

ДЕНАТУРАТЛАНГАН СПИРТ — заҳарли ва қўланса моддалар (пиридин ва б.) аралаштирилган этил спирти. Д.с.ни бошқа эритмалардан фарқлаш учун унга ранг берилади. Д. с. лок, бўёқларни эритувчи сифатида ва б. техник мақсадларда ишлатилади.

ДЕНАТУРАЦИЯ (*de...* ва лот. nature — табиий хусусиятлар) — турли хил физик ва кимёвий омиллар таъсирида оқсиллар, нуклеин кислоталар ва б. биополимерлар молекулаларининг ўзига хос табиий (натив) хусусиятлари йўқолиши. Одатда, бундай ҳолларда биополимерларнинг биологик фаоллиги — ферментатив, гормонал ва б. йўқолади. Д. натижасида молекулаларнинг конформацияси, яъни фазовий тузилишининг ўзгариши б-н боғлиқ бўлиб, уларнинг шакли, солиштирма оптик фаоллиги, ёрғуликни ютиши, эрувчанлиги, электрофоретик ҳаракатчанлиги ва б. бир қатор физик, кимёвий ва биологик хусусиятлари ҳам ўзгаради. Д. ноковалент боғлар (водород боғлар, ион боғлар)нинг узилиши б-н боғлиқ. Қисман дисульфид боғлар ҳам парчаланади. Биополимерлар Д.си кўпгина омиллар: юқори ҳарорат, оғир металлар тузлари, кислоталар, ультрабинафша ва ионланувчи нурлар таъсирида вужудга келади. Д. тўлиқ ёки қисман, қайтар ва қайтмас бўлиши мумкин. Қайтар Д. кўпинча ренатурация деб ҳам юритилади. *Нуклеин кислоталарнинг* қайтар Д. сидан молекулаларни гибриддашда фойдаланилади.

ДЕНАЦИОНАЛИЗАЦИЯ (*de...* ва *национализация*), реприватизация — давлат мулк объектлари (з-д, ф-ка, банк, ер-сув, уй-жой ва б.)ни хусусийлаштириш; давлат ихтиёридаги мулкларни хусусий мулкка айлантириш. Асосан кам фойда берувчи ва зарарига ишлаётган корхоналар Д. қилинади. Бунда давлат кўп фойда бермайдиган корхоналарни аввал миллийлаштириб, бюджет маблағи ҳисобидан янги техника ва технология б-н жиҳозлантириган ва ишлаб чиқаришни жонлантирган ҳолда мулк эгаларига қайтаради.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида давлат мулкини махсус дастур асосида хусусийлаштириш амалга оширила бошлади (қ. *Давлат тасарруфидан чиқариш, Давлат мулкини хусусийлаштириш*).

ДЕНВЕР — АҚШ ғарбидаги шаҳар, Колорадо штатининг маъмурий маркази. Саут-Платт дарёси соҳилида, Қоялиги тоғларнинг шарқий этагида 600 м баландликда жойлашган. Аҳолиси 554,6 минг киши (2000). Транспорт йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Тоғли штатларнинг йирик саноат ва савдо-молия маркази. Авиаракета-космик, радиоэлектроника асбоблари, приборсозлик, металлни қайта ишлаш, цемент, кўн пойабзал, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Спорт бюмлари ишлаб чиқарилади. Зарбхона, астма касалликларини даволаш илмий маркази, 2 та ун-т, музейлар бор. Д. ёнидан рангли ва нодир металл рудалари қазиб олинади. Шаҳарга 1858 й.да олтин қидирувчилар асос солган. Тоғ туризмининг маркази.

ДЕНГИЗ — Дунё океанининг бир қисми; океандан қуруқлик ёки ороллар, ярим ороллар ва сув ости рельефининг кўтарилган жойлари б-н ажралиб туради. Ўзининг гидрологик, метеорологик ва иқлимий режими б-н океаннинг очиқ қисмидан фарқ қилади. Д. қуруқлик б-н қанча кўп ўралган бўлса, океандан тафовути шунча кўп бўлади. Океанларнинг айрим очиқ қисмлари шартли равишда Д. дейилади, мас., Саргассо Д. ва Филиппин Д. Аслида қўл (мас., Орол, Каспий, Ўлик денгизлари), лекин майдони анча катта бўлганлигидан Д. деб аталган, баъзи Д.ларга эса қўлтиқ дейилади (мас., Гудзон қўлтиғи, Форс қўлтиғи). Д.лар географик ўрни ва гидрологик режими хусусиятларига кўра 3 гуруҳга бўлинади: материклар орасидаги Д.лар, материк ичкарисидаги Д.лар ва чекка Д.лар.

Материклар орасидаги Д.лар жуда чуқур бўлади. Буларга Ўрта денгиз, Австралия ва Осиё орасидаги Д.лар, Кариб денгизи ва Қизил денгиз киради. Материкдаги Д.лар бирон материкнинг ичкарисида жойлашган бўлади. Буларга Оқ денгиз, Болтиқ денгизи, Қора денгиз, Азов денгизи ва б. киради.

Чекка Д.лар океан ва материкларнинг чеккаларида бўлади. Буларга Баренц денгизи, Кара денгизи, Шарқий Сибирь денгизи, Чукотка денгизи, Беринг денгизи, Япон денгизи, Шимолий денгиз ва б. киради.

Д. атрофидаги қуруқлик Д.нинг иқлими, сув режими ва сув ости ётқизиқларига ўз таъсирини кўрсатади. Бундай таъсир материк ичкарисидаги ва материклар орасидаги Д.ларда айниқса катта бўлади. Д. атрофидаги дарёлар Д.га чучук сув б-н бирга лойқа (оқизиқ) жинсларни келтиради. Д.лар геологик нуқтаи назардан ёш ҳосиллардир. Улар учламчи даврда вужудга келган, тўртламчи даврда тўлиқ шаклланган. Энг чуқур Д.лар Ер пўстининг ўпирилган —

ёрилган жойларида ҳосил бўлган. Мас., Ўрта денгиз (энг чуқур жойи 5121 м), Кариб денгизи (энг чуқур жойи 7090 м) ва б. Саёз Д.лар материк чеккаларининг чўккан қисмларини океан сувининг босишидан ёки океан сатҳининг кўтарилишидан пайдо бўлган. Бундай Д.лар кўпинча материк саёзликларда жойлашган (қ. *Шельф*). Мас., Шарқий Сибирь денгизи, Шимолий денгиз ва б.

Д. тубининг рельефи океанларнинг очиқ қисми тубининг рельефига қараганда оддийроқ тузилган. Д. туби рельефида катта масофага чўзилган сув ости баланд тизмалари, кенг платолар эмас, балки унча чуқур бўлмаган сойликлар, тепаликлар, саёзликлар кўп.

Д. иқлимига қуруқликнинг таъсири катта. Тропиклардаги Д.лар устида т-ранинг ўртача йиллик амплитудаси 15° (Форс қўлтиғи), ўртача кенгликларда эса 30° ва ундан ортиқ (Япон денгизи). Д. юзасидаги сув т-расининг амплитудаси ўртача ва субтропик кенгликлардаги Д.ларда энг катта (мас., Ўрта денгизда 17° гача), экватор атрофларидаги Д.ларда эса энг кичик (мас., Сулавеси денгизида 2° дан кам) бўлади. География ўрнига қараб баъзи Д.лар юзасининг т-раси қўшни океан юзасиникига қараганда юқорироқ бўлади (мас., Қизил денгиз), баъзи Д.лар юзасининг т-раси эса океан юзасиникидан пастроқ бўлади (мас., Охота денгизи).

Д. сувининг шўрлиги Дунё океанидан анчагина фарқ қилади. Буғланиш қуйиладиган чучук сувдан кам бўлса, шўрлик даражаси паст бўлади (мас., Болтиқ денгизида 6—8‰). Бунда буғланмай қолган ортиқча сув Д. юзасидан океанга чиқиб кетади. Агар буғланиш қуйиладиган чучук сувдан ортиқ бўлса, Д.ларнинг шўрлик даражаси юқори бўлади (мас., Қизил денгизда 41,5‰). Бунда ортиқча буғланиш натижасида Д. сатҳи пасаяди. Натижада океандан сув оқиб келади.

Д.ларда шўрлик ва т-ра турлича тақсимланганлиги сабабли сувнинг зичлиги ҳам турлича, мас., Болтиқ денгизида 1,0100, Қизил денгизда 1,0287 (очиқ океанда зичлик 1,0210—1,02725). Д. юзасида сувнинг зичлиги мавсумларга қараб сезиларли даражада ўзгариб туради.

Д.ларда зичликнинг мавсумий ўзгариб туриши натижасида, мавсумий вертикал циркуляция кучли бўлади. Сув юзасидаги зичлик катта бўлган денгизларда вертикал циркуляция денгиз тубигача етиб боради.

Оқимлар Д.ларда кам. Қуруқликдан қуйилган сувлар, атмосферадаги циклонлар, Ернинг айланишидан вужудга келган бурувчи куч таъсирида оқимлар айланма ҳаракат қилади. Уларнинг йўналиши Шим. ярим шарда соат мили йўналишига қарши, Жан. ярим шарда эса соат мили йўналиши бўйлаб бўлади.

Д.лар ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг эндемик турлари кўплиги ва органик дунёсининг хилма-хил бўлиши б-н океанлардан фарқ қилади.

Ад.: Кэррингтон Р., Биография моря, Л., 1964.

ДЕНГИЗ АВИАЦИЯСИ — ҳарбий-денгиз кучларининг таркибий қисми. Д. а. денгизда мустақил ёки сув ости кемалари б-н бирга уруш ҳаракатларини ўтказиш, денгиз қирғоқларидаги объектларга, қўшинларга ҳужум қилиш ёки ёрдам бериш каби вазифаларни бажаради. Денгиздаги базаларга, қирғоқ иншоотларидаги кема ва транспорт воситаларига, сув ости кемаларига зарба бериш б-н бирга разведка ишларини ҳам бажаради. Д. а. ракета элтувчи Д. а., қирувчи, бомбардимончи, минали-торпедали, разведка қайиқларига қарши ва кўмаклашувчи (транспорт, санитария, алоқа ва ҳ.к.) хилларга бўлинади. Дастлаб 1-жаҳон урушида дозорлик ва разведка мақсадида фойдаланилган. 2-жаҳон урушида ҳарбий-денгиз флотининг асосий кучларидан бири бўлиб қолди. Д. а. душман орқа томонидаги объектларга зарба беришда, денгиз бўйида ўтказиладиган жангларда ва б. вазифаларни бажаришда муҳим роль ўйнайди.

ДЕНГИЗ АРСЛОНЛАРИ — қулоқли тюленлар оиласига мансуб 4 уруғнинг умумий номи. Zalophus уруғининг фақат 1 тури — калифорния, яъни шим. Д. а. (Z. californianus) бор. Танасининг уз. 200—250 см, оғирлиги 200—300 кг, тумшуғи чўзиқ, ранги қорамтир-кулранг; 3 кенжа турга бўлинади. Жумладан Z.c. californicus АҚШнинг Тинч океани соҳилларида, Z.c. wollebaecki Галапагос о.лари яқинида, Z.c japonicus — Япония Д.а. Узоқ Шарқда тарқалган. Охирги кенжа тур Халқаро Қизил китобга киритилган (батамом қирилиб кетган бўлиши мумкин). Д.а. нинг 3 уруғи Жан. ярим шарда учрайди. Австралия Д.а. — N.cinera (Neophoca уруғи) Австралия соҳилларида, Янги Зеландия Д. а. — Ph. hookeri (Shocarctos уруғи) Янги Зеландия соҳилларида; жан. Д. а. ка ва Антарктида соҳилларида яшайди. Д.а.нинг сони кам, саноат аҳамиятига эга эмас.

ДЕНГИЗ АСТРОНОМИЯСИ — амалий астрономия бўлими. Денгизда кеманинг турган жойини аниқлаш ва компас тузатмасини топиш б-н шуғулланади. Кема турган жойнинг географик координаталари — кенглик λ ва узунлик φ — осмон ёритқичларининг денгиз уфқидан кўринма баландлиги h ни ўлчаб топилади. Ёритқичнинг ҳақиқий баландлиги кема координаталари орқали қуйидаги тенгламадан аниқланади: $\sin h = \sin\varphi \sin\delta + \cos\varphi \cos\delta \cos(t_{гр}+\lambda)$. Бунда: δ — ёритқичнинг оғиш бурчаги; $t_{гр}$ —Гринвич меридианига нисбатан соат бурчаги; кенглик δ *Гринвич*дан шарққа томон ҳисобланади; $t_{гр}+\lambda=t_м$ — ёритқичнинг маҳаллий меридианга нисбатан олинган соат бурчаги. Ёритқич юқори кульминацияда бўлган пайтда узунлик $\varphi=\delta+(90°-h)$. Компас тузатмасини топиш учун унинг ёритқич томонга йўналишини билиш ва шу ёритқичнинг азимути (А) ни аниқлаш керак. Азимут қуйидаги формуладан топилади: $\mathrm{ctg}A=\cos\varphi\,\mathrm{tg}\delta\,\mathrm{cosec}\,t-\sin\varphi\,\mathrm{ctg}\,t_м$. Компас тузатмасини топиш учун ёритқичларнинг азимут жадваллари тузилган. Д. а.да ҳар хил астрономик асбоблар ва ёрдамчи жадваллардан фойдаланилади. Ёритқичнинг баландлиги h денгиз секстанти ёрдамида ўлчанади.

ДЕНГИЗ БОДРИНГЛАРИ, денгиз кўзачалари, голотуриялар (Holoturoidea) — нинатерилилар типига мансуб синф. Танаси кўпинча боччага ўхшаш ёки чувалчангсимон, уз. бир неча мм дан 2 м гача, кўпчилик турлари танаси сиртида ҳар хил ўсимталар (пайпаслагичлар, оёқчалар, папиллалар, елкан ва б.) бўлади. Танаси юмшоқ тери б-н қопланган. Терисида ҳар хил микроскопик оҳак скелет пластинкалар, яъни спикулалар мавжуд, баъзан териси ёппасига оҳак пластинкалар б-н қопланган бўлади. Оғзи танасининг олдинги томонида жойлашган пайпаслагичлар б-н ўралган. Кўпчилик турлари хавф туғилганида ички органларини танадан ташқарига чиқариб ташлаш (эвисцерация) ёки танасининг кейинги қисмини узиб ташлаш (*автотомия*) хусусиятига эга. Тананинг йўқолган қисми яна қайтадан тикланади. 5 туркуми 11000 га яқин тури маълум. Барча океан ва денгизларда тарқалган. Детритофаглар, тухумини сувга қўяди. Тухумдан аурикулярия ва долиолярия личинкалари чиқади. Айрим турлари овланади.

ДЕНГИЗ ГЕОЛОГИЯСИ — денгиз ва океанлар тубининг геологик тузилиши ва ривожланиш тарихини ўрганувчи фанлар мажмуи. Д. г. асосий вазифаси океан ва денгизлар туби рельефининг пайдо бўлиши, таркиби ва ривожланишини ўрганади, уларда фойдали қазилмаларнинг ҳосил бўлиш шароитлари ва жойлашиш ҳолатини аниқлайди. Денгиз туби рельефининг ҳосил бўлиш шароити, тараққиети, таркиби, чўкиндилар, магматик ва метаморфик тоғ жинсларини денгиз тубида жойлашиши, океан ости Ер пўсти тектоникаси, геодинамикаси, ер чуқурлик қисмининг тузилиши, ундаги вулкан жараёнлари, сейсмиклиги, ёнувчи (нефть ва газ), рудали конларнинг ҳосил бўлиши ва тарқалишини ўрганади. Д.г. океанология ва геол.нинг соҳалари, шунингдек, табиий география, иқлимшунослик, биол. ва б. табиий фанлар б-н яқиндан боғлиқ ҳолда тараққий қилди. Д.г.ни ўрганиш шотланд геологи Ж. Геттоннинг 1788 й.да «Ер назарияси» асарининг нашр этилишидан бошланган. Денгиз литологияси соҳасида дастлабки и.т.лар инглизларнинг «Челленжер» кемасида (1872—76) олиб борилди. 19-а. охири —20-а. бошларида денгиз ва океанлар тубининг рельефи, геокимёси, ётқизиқлари, океан чеккалари магматизми атрофлича ўрганилди.

20-а. ўрталарига келиб Д.г.ни ўрганишда махсус кемалардан фойдаланиш, денгиз геофизикаси методлари тараққиёти, сув остини расмга олиш ва ш.к. Д.г.нинг мустақил фанга айланишига сабаб бўлди.

60-й.ларда бажарилган и.т. ишлари натижасида океан ости Ер пўстининг нисбатан ёш экани ва унинг туби силжиб туриши аниқланди. 1968 й.да АҚШда «Гломар Челленжер» кемасида чуқур сув ости бурғилашнинг бошланиши Д.г.да муҳим босқич бўлди, кейинчалик бундай бурғилашлар халқаро ҳамкорликда бажарилди. Океан туби тектоникаси принциплари ва Дунё океани тубининг районлаштириш схемаси ишлаб чиқилди. Ер пўстининг чуқур горизонтларида, эҳтимол мантияда ҳам шиддатли тектоник деформациялар бўлиб, булар бўйича массалар силжиб тангачасимон структуралар ҳосил қилиши маълум бўлди.


Океанлар геомагнит майдонини ўрганиш асосида литосфера плиталарининг ёши аниқланди, палеомагнит маълумотларидан фойдаланиб океан қаъри ва бўш жинслар бўлимларга ажратилди.

Денгиз ва океанлардаги фойдали қазилмалар аксари нефть, газ, темир рудалари, олтингугурт, фосфорит, глауконитли қум, нодир металли темир-марганец гуддалари ва турли сочмалар, шу жумладан олтин, туз ва б.дан ташкил топган. Денгиз ости конлари ҳоз. ривожланган денгиз атрофи давлатлари томонидан интенсив равишда ўзлаштирилмоқда. Д.г. бўйича муҳим илмий марказлар РФ (Океанология ин-ти, Ер пўсти ин-ти), Украина (Геология фанлари ин-ти), АҚШ (Вудс-хол Океанография ин-ти ва б.), Франция (Пьер ва Мария Кюри номли ун-т)да бор. Шунингдек, Д.г. бўйича и.т. ишлари, Германия, Япония, Австралия, Янги Зеландия ва б. геол. муассасаларида олиб борилмоқда.

ДЕНГИЗ ЁТҚИЗИҚЛАРИ (денгиз чўкиндилари) — Ердаги ҳоз. ва қад. денгизлар тубида ҳосил бўлган чўкинди ва вулканоген-чўкинди ётқизиқлар. Д. ё. термини физик-кимёвий ва биологик жараёнлар натижасида чўкинди ҳосил бўладиган зонада таркиб топиб тоғ жинсига айланишга улгурмаган маҳсулотлар учун қўлланилган. Д.ё. континентал ётқизиқларга нисбатан кўп ва материк Ер пўстидаги чўкинди қобиқ умумий ҳажмининг 75% дан кўпроғини ташкил этади. Д.ё. архей ёки ундан ҳам аввал (3,5—4 млрд. йил муқаддам) дастлабки денгизлар ҳосил бўлиш давридан бошлаб, Ернинг бутун геологик ривожланиш тарихи давомида ҳосил бўлиб келган. Д. ё. *диагенез* жараёнида *чўкинди тоғ жинси*га айланган. Д. ё. оҳактош, доломит, мергел, кремнийли жинслар, гил ва аргиллит, алевролит, қумтош, конгломерат ва б.дан ташкил топган. Кўпчилик метаморфик тоғ жинслари (гнейс, сланец, мармар) дастлаб Д. ё. бўлган. Д. ё.нинг асосий турларига терриген, биоген, хемоген ва вулканоген жинслар мансуб. Чуқурлиги, қирғоқдан узоқлиги, денгиз тубининг рельеф шакли, оқимлар ва б. омилларга боғлиқ ҳолда алоҳида денгиз ҳавзаларида Д. ё.нинг турли фациялари ҳосил бўлади. Баъзи бир аутиген минераллар (глауконит), ётқизиқларнинг ички ва ташқи тузилиши Д. ё.нинг белгилари ҳисобланади. Чуқур денгиз сойликларида тўпланган Д. ё. асосан майда донали (гил, алевритлар, оҳактошли ва кремнийли гиллар) чўкиндилардан иборат. Ён бағирликларда сув ости кўчки ётқизиқлари вужудга келади. Д. ё.нинг таркиби, массаси ва Ер юзасида тарқалишига тектоник режим ва иқлим шароити катта таъсир кўрсатади. Д. ё. ҳосил бўлиш шароити геологик тарих давомида бир хил бўлмаган. Мас., протерозой ва палеозойда хемоген чўкиндилар мезозой ва кайнозойдагига қараганда кўп тўпланган. Токембрий ва эрта палеозойда эса денгиз доломитлари кўп ҳосил бўлган. Темирли кварцитлар (жеспелитлар) фақат протерозойда маълум. 20-а.нинг 60-й.ларида олимлар ўртасида Д. ё.ни иккига — океан ётқизиқлари ва Д. ё.га ажратиш ғояси пайдо бўлди. Булар биридан чўкиндиларнинг ҳосил бўлиш тезлиги ва уларда терриген материалларнинг иштирок этиши ва этмаслигига ҳамда биоген жараёнларнинг кўплиги б-н фарқ қилина бошлади. Чуқур сувли Д. ё.нинг океан ўртаси тоғликлари рифт зоналарида эксгаляцион-чўкинди, кўп металли оксидли рудаланишлар, континентлардаги қазилма Д. ё.да эса стратиформ рудали (темир, марганец, уран, ванадий ва б.), норуда (фосфоритлар) ва ёнувчи (ёнувчи сланецлар, нефть ва газ) фойдали қазилмалар топилган.

ДЕНГИЗ ЗИЛЗИЛАСИ — қ. *Цунами*.

ДЕНГИЗ ИЛОНЛАРИ (Hudrophilida) — илонлар оиласи. Уз. 2,75 м гача. Гавдасининг кейинги қисми ва думи эшкакка ўхшаб икки ёндан сиқилган. Боши кичик, йирик қалқонлар б-н қопланган. Кўз қорачиғи думалоқ. Бурнидаги клапанлар бурун бўшлиғига сув ўтказмайди. 16 уруғи, 50 га яқин тури



Икки хил рангли пеламида

маълум, Ҳинд ва Тинч океанларининг тропик қисмида тарқалган. Сув остида узоқ тура олади (оғиз бўшлиғидаги капилляр қон томирлари б-н қопланган пўстлоғи орқали кислород олади). Балиқ (кўпроқ угорсимонлар), баъзи турлари балиқ икраси б-н озиқланади. Кўпчилиги сувда тухумдан 1—2 та тирик бола туғади, айрим турлари қуруқликда болалайди. Жуда заҳарли, заҳар кучи қуруқликда яшовчи илонларникидан ҳам кучлироқ, таъсири жиҳатдан кўзойнакли илонникига яқин. Типик вакилларидан бири икки хил рангли пеламида (Pelamus platurus) Америка соҳиллари яқинида, баъзан Япон денгизида учрайди. Д.и. сувда одамларга деярли ҳужум қилмайди.

ДЕНГИЗ ИҚЛИМИ — океанлар, катта денгизлар ва қуруқлик қисмлари иқлими, океанлар ва денгизлар устида шаклланган ҳаво массалари таъсирида бўлади. Д. и.да суткалик ва йиллик ҳаво т-расининг тебраниши катта бўлмайди, қиши анча илиқ ва ёзи салқин, ҳаво намлиги кўпроқ, сербулут ва ёғин миқдори бирмунча кўп бўлади. Д. и. Ғарбий Европа мамлакатлари учун хос.

ДЕНГИЗ КАРАМИ — ламинариядошлар оиласига мансуб денгиз қўнғир сув ўтлари гуруҳининг саноатдаги номи. Шим. ярим шардаги совуқ ва совуқ-

илиқ денгизларда ўсиб, кўпинча сув ости ўтлоқларини ҳосил қилади. Япония ламинариясининг бўйи 5 м, эни 5—35 см, Хитой ва Японияда овқатга ишлатилади. Д. к.дан йод олинади.

ДЕНГИЗ КАСАЛЛИГИ — кема чайқалганда рўй берадиган касаллик ҳолати. Самолётда учганда, поезд ва автомобилда кетаётганда, лифтда тез тушганда, арғимчоқда тез учганда ва б. ҳолларда ҳам Д. к.га хос белгилар пайдо бўлади. Д. к.да беморнинг кўнгли айниб қусади, ранги ўчади, кўп терлайди, боши айланиб оғрийди, дармонсизланади, нафас олиши ва томир уриши сустлашади, ҳушдан кетиш, *депрессия* ҳолати кузатилади. Одатда, кема чайқалишдан тўхтагач, барча ҳолатлар тезда йўқолиб кетади. Кўпчилик кишилар транспорт воситасида ҳаракат йўналишига тескари ўтириб қолганларида ҳам юқоридаги ҳолатлар кузатилиши мумкин.

Д. к.да ички қулоқнинг вестибуляр аппарати таъсирланади. Д. к.нинг пайдо бўлиши ва авж олишида нерв системасининг ҳолати ҳам маълум аҳамият касб этади, кўпроқ қизиққон кишилар ва неврастенияга мойил аёлларда кузатилади. Баъзи йўловчиларда кемага ўтириши б-н касаллик белгилари рўй беради ёки аксинча кемада бирор кор-ҳол рўй бериши ҳақида огоҳлантирилганда ҳам касаллик белгилари йўқолиб, киши сергакланади. Кемада кетаётганда очиқ ҳаводан кўпроқ бахраманд бўлиш, бирор нарса б-н машғул бўлиш, нордон конфет ёки витамин шимиш Д. к.нинг олдини олишда яхши фойда беради. Чайқалишга чидамсиз бўлган кишилар кеманинг ўртароқ жойида (чунки бу жойда чайқалиш нисбатан кучсиз бўлади) бошни орқага эгилтириб ўтиришлари тавсия этилади. Д. к.га хос белгилар пайдо бўлиши б-н нерв системасини тинчлантирадиган дори — аэрон қабул қилиш керак.

ДЕНГИЗ МИЛЯСИ — узунлик бирлиги; қиймати 1,852 км га тенг (қ. *Миля*).

ДЕНГИЗ МИНАЛАРИ — душман кемалари ҳаракатини тўхтатишга, уларни шикастлантиришга мўлжалланган қурол тури. Д. м. сузиб ёки кўчиб юрадиган ва ҳаракатсиз (лангарли ва денгиз остида турадиган) хилларга бўлинади. Ҳаракатсиз миналар лангарлар ёрдамида бир жойда ушлаб турилади ёки сув остига чўктирилади. Сузувчи миналар сув сиртида ёки остида оқим ва шамол таъсирида кўчиб юради. Портлаш усулига кўра, Д. м. контактли ва контактсиз хилларга бўлинади. Контактли миналар кема корпусига урилиши б-н, контактсиз миналар турли табиий ҳодисалар (кема корпусининг магнит майдони, винтларининг шовқини ва б.) таъсирида портлайди. Ҳар бир мина корпусида портловчи модда заряди, портлатиш асбоби ва эҳтиёт анжомлари бўлади. Д. м. душманга кўринмайди. Портлаш моддасининг зарби кучли бўлиб, кема корпусининг сув остидаги қисмига жиддий шикаст етказади ёки кемани чўктиради.

ДЕНГИЗ МУШУГИ — қулоқли тюленлар икки уруғининг умумий номи. Шим. Д. м. (Callorhinus) уруғига ягона шимол Д. м. (C. ursinus) тури киради. Эркагининг уз. 2 м гача, оғирлиги 250 кг гача. Янги тугилган боласи (уз. 60—70 см) қора, вояга етган урғочилари кулранг — малла; эркаклари — қорамтир-кўнгир. Тинч океаннинг шим. қисмида: Жан. Сахалин, Камчатканинг шарқий соҳили, Курил ва Командор ороллари яқинидаги сувларда учрайди. Кўпайиш даврида (ёзда) қуруқликка чиқиб, қирғоқ бўйлаб ётоқ жойлар ҳосил қилади. Ётоқ жойлаги ҳар бир эркагига 15—20 (баъзан 50) урғочиси тўғри келади. Қишлаш учун жан.га сузиб кетади. Кўплаб овланиши туфайли 19-а.да сони кескин камайиб кетган эди. 1957 й.да собиқ Иттифоқ, Япония, АҚШ, Канада ўртасида Тинч океан шимолида Д. м.ни сақлаш тўғрисида Халқаро конвенция имзоланганидан сўнг улар сони аста-секин ошиб бориб, 2 млн.га етди. Ҳозир ёш эркаклари овланади. Жан. Д. м. (Arctocephalus) уруғи 6 турдан иборат. Мўътадил ва мўътадил салқин денгизларда тарқалган. Д. м.нинг 3 тури Халқаро Қизил китобга кирган.

ДЕНГИЗ НАВИГАЦИЯ ХАРИТАЛАРИ — денгиз хариталарининг асосий типи, кема юргизиш ва сузиш хавфсизлигини таъминлаш учун ишлатилади. Д. н. х.да қирғоқ шакли ва хусусияти, денгиз туби рельефи, грунти, сув ости ва сув усти қоялари, оқимлар, денгиз йўллари, кема йўлида учрайдиган хавфлар (саёзлик, қоя, кучли денгиз тўлқинлари ва б.), маёқ, тўлқин қайтарадиган иншоотлар, магнит энкайиши ҳақидаги маълумотлар, гидрологик элементлар (денгиз оқимлари, денгиз сув кўтарилиши-қайтиши, муз чегараси ва ҳ.к.) кўрсатилади. Д.н.х. мақсади ва масштабига кура қуйидаги турларга бўлинади: планлар (1:500 — 1:25000), хусусий хариталар (1:25000 — 1:75000), йўл хариталари (1:100000 — 1:500000), бош хариталар (1:750000 — 1:5000000).



Денгиз мушуклари.

ДЕНГИЗ НИЛУФАРЛАРИ (Crinotdea) — нинатерилилар синфи. Кўриниши гулга ўхшаш, эркин яшайди (поячасизлар) ёки ўтроқ ҳаёт кечиради (поячалилар). Танаси ликопчасимон марказий дискдан ва ундан тарқаладиган, кўпинча кўп марта шохланадиган 5 та нурдан иборат. Поячали Д. н.нинг марказий диски асосида сув тубига ёпишишига ёрдам берадиган, уз. 1 м ча келадиган поячаси бўлади. Поячасиз Д. н. ранг-баранг бўлиб, сув тубида ўрмалаш ёки сувда сузиш хусусиятига эга, нурларининг кенглиги 90 см гача. Ҳозир Д. н.нинг 700 тури маълум, улардан 550 тури поячасизлар кенжа синфига киради. Д. н. ривожланиши долилярия личинкаси ва вояга етган давридан иборат. Майда планктон организмлар ва детрит б-н озиқланади. Озиғини сув оқими томонга қаратилган, мураккаб тутувчи тўр ҳосил қиладиган нурлари ва уларнинг ўсимталари — пиннулалари ёрдамида тутади. Поячали Д. н. одатда сувнинг анча чуқур қисмида (10 км гача чуқурликда) учрайди. Поячасизлар тропик минтақадаги саёз денгизларда, айниқса, кенг тарқалган.

ДЕНГИЗ ОТЧАЛАРИ, денгиз тойчалари — нина балиқлар оиласининг бир неча уруғи. Уз. 4—20 см.



Денгиз отчаси.

Гавдаси шахмат тахтасидаги отларга ўхшаш, боши танаси томонга эгилган, дум томони буралган. Эркаги думининг кейинги томонида чиқариш камераси (халтаси) бор. Камерага ургочилари тухум қўяди. Барча денгизларда тарқалган, 30 га яқин тури бор. Қора денгиз Д. о. (Hippocampus guttulatus) Қора ва Азов денгизларида учрайди. Баҳорда тухум қўяди. Эркаги тухум халтасида 100 дан 200 гача тухум олиб юради. Планктонда ҳаёт кечиради. Сув ости ўсимликлари орасида яшайди, атроф муҳит рангига мосланиш — ниқобланиш хусусиятига эга.

ДЕНГИЗ ОҚИМЛАРИ (океан оқимлари) — денгиз ва океанларда турли кучлар (сув ва ҳаво орасида ишқаланиш кучлари таъсири, сувда вужудга келадиган босим градиентлари, денгиз сувининг кўтарилишида Ой ва Қуёшнинг тортиш кучлари)га боғлиқ равишда сув массасининг ҳаракатлари. Д. о. йўналишига Ернинг айланиш кучи қатта таъсир кўрсатади: оқимлар Шим. ярим шарда соат йўнгга, Жан. ярим шарда чапга бурилади. Д. о. келиб чиқишига кўра: шамолнинг денгиз юзасига ишқаланиши (шамол оқимлари), сув т-раси ва шўрлигининг нотекис тақсимланиши (зичлик оқимлари), сув сатҳининг қияланиши натижасида (ўзгарувчан оқимлар) ва ҳ.к.; ўзгарувчанлигига кўра — доимий, мавсумий ва даврий (денгиз сувининг кўтарилиши б-н боғлиқ) Д.о.; жойлашишига қараб — юза, юза ости, оралиқ, чуқур, денгиз тубиЛ.о.; табиий-кимёвий хоссаларига кўра —илиқ, совуқ, чучук ва шўр Д. о. бўлади.


ДЕНГИЗ ПИЁДАСИ — ҳарбий денгиз кучлари ва соҳил мудофааси учун махсус тайёрланган қўшин тури. Д. п. жанговар ҳаракатлар, десант операциялари ҳамда денгиз бўйи, ҳарбий-денгиз базалари, портлар ва б.ни мудофаа қилиш ва қўриқлашда қатнашади.

ДЕНГИЗ ПИЁЗИ (Urginea maritima) — лоладошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт. Пиёзбоши йирик (2,5 кг гача). Гуллари оқ-яшил, панжали, поя учида гуж бўлиб жойлашган. Барглари наштарсимон. Меваси юмалоқ қўсакча. Оқ пиёзли хили таркибида сцилларен гликозиди (юрак касалликларини даволаш, сийдик ҳайдаш учун дори тайёрлашда ишлатиладиган модда) бор. Қизил пиёзли хилидан тайёрланган препаратлардан кемирувчиларга қарши курашда заҳарли модда сифатида фойдаланилади. Жан. Европа, Ғарбий Осиё ва Шим. Африкада табиий ҳолда усади. Италия, Жан. Франция ва Грузияда ўстирилади.

ДЕНГИЗ РАКЕТА ҚУРОЛЛАРИ — денгиз жангида қўлланиладиган ракета қуроллари. Улар узоқ масофага учиб бориш хусусиятига ва кучли портлаш қувватига эга бўлади. Тактика-техника жиҳатидан реактив снарядлар, бошқариладиган ва бошқарилмайдиган реактив снарядлар, *баллистик ракета*ларга бўлинади. Бу қуроллар денгиз, ҳаво ва денгиз қирғоқларидаги ҳамда олисдаги нишонларга отиш учун ишлатилади. Тўрт синфга бўлинади: «Ер — ер», «Ер — ҳаво», «Ҳаво — ҳаво» ва «Ҳаво — ер». «Ер — ер» синфидаги снарядлар ер ёки денгиздаги нишонларга ердан ёки кемалардан учирилади. «Ер — ҳаво» снарядлари ҳаводаги нишонларга ердан ёки кемадан учирилади. «Ҳаво — ҳаво» синфидаги снарядлар самолётлардан ҳаво нишонларига отилади. «Ҳаво — ер» синфидаги снарядлар самолётдан денгиздаги ёки ердаги нишонларга учирилади.

ДЕНГИЗ СУВИ, океан суви — денгиз ва океанлар суви. Дунё океани сувининг умумий ҳажми 1370 млн. км³, бу эса Ер шаридаги барча сувнинг 98% ини ташкил қилади. Д. с.да минерал туз, газ (асосан азот, кислород, карбонат ангидрид, водород сульфид) ва кам миқдорда органик моддалар (1—5 мг/л) эриган ҳолда бўлади. Д. с.да мидеярли барча кимёвий элементларни топиш мумкин. Д. с.да эриган моддалар лардан иборат. Д. с.нинг ўзига хос даларнинг 99,9% дан ортиқроғи тузхусусиятларидан бири унинг шўрлиги ва хлорлилигидир. Д. с.нинг шўрлиги (‰) 1 кг Д. с.да эриган ҳолда неча грамм қаттиқ жисмлар борлиги б-н ўлчанади. Д. с.нинг ўртача шўрлиги океанда 35‰ га яқин. Д. с.нинг зичлиги унинг т-раси, шўрлиги ва босимига боғлиқ. Шўрлиги 35‰ бўлган Д. с.нинг зичлиги (т-раси 4° бўлган дистилланган сувга нисбатан) 0° да 1,028126 ва 20° да 1,024781.

ДЕНГИЗ ТИПРАТИКАНЛАРИ (Echinoidea) — нинатерилилар синфи. Танаси шарсимон, дисксимон ёки юраксимон, сиртдан жуда кўп нина ва педицелляриялларга эга бўлган совут б-н қопланган. Айрим жинсли, тухумини сувга ташлайди. Тухумдан чиққан личинкаси — эхиноплутеус эркин сузиб юради. Айрим турлари тирик тугади. Кўпчилик тўғри Д. т. (оғиз тешиги танасининг остки томони ўртасида жойлашган) махсус чайнов аппарати



Денгиз типратиканлари.

— аристотель фонари тишчалари ёрдамида тошларга ёпишган сув ўтларини қириб олиб озиқланади. Нотўғри Д. т.да (оғиз тешиги танасининг остки юзаси олдинги қисмида жойлашган) аристотель фонари бўлмайди, сувдаги детрит б-н озиқланади. Ҳоз. турлари 800 га яқин. Сув тубида ўрмалаб ёки қумга кўмилиб яшайди. Саёз сувларда учрайдиган айрим турлари икраси учун овланади. Тропик денгизларнинг саёз сувларида учрайдиган Diadema уруғи турлари одам учун хавфли, чунки уларнинг ниналари санчилганида оғриқ пайдо бўлади.

ДЕНГИЗ ТОШБАҚАЛАРИ (Chelioniidae) — тошбақалар оиласи. Суйри шаклидаги косаси мугуз қалқонлар б-н қопланган бўлиб, 80 см дан 1,4 м гача, оғирлиги 600 кг га яқин, боши ва калта бўйни косаси остига тўлиқ жойлашмайди. Оёқлари сузгич куракка айланган, ичкарига тортилмайди; эшаксимон (1—2 тирноқли) олдинги оёқлари орқа оёқларидан узунроқ бўлиб, ҳаракатланиш вазифасини бажаради. 6 тури (4 уруғи) тропик ва субтропик денгизларда тарқалган. Тез сузади, чуқур шўнғийди. Озиқ ва кўпайиш жойини қидириб юзлаб ва минглаб км йўл босади. Фақат тухум қўйиш учун урғочиси қуруқликка чиқади, 200 ва ундан кўпроқ терисимон пўстли тухум қўяди. Моллюска, балиқ ва сув ўтлари б-н озиқланади. Энг йирик яшил, яъни шўрвалик тошбақа (Chelonia



Денгиз тошбақалари: 1 – терили тошбақа; 2 – яшил тошбақа.

medas)нинг уз. 1,4 м, оғирлиги 600 кг гача. Гўшти, тухуми, косаси учун овланади. Кўп овланиши туфайли сони камайиб кетган. Йирик Д. т.га логгерхед, яъни бошли тошбақа (Caretta Caretta) косасининг уз. 1 м гача, зайтун тошбақаси, яъни тинч океан тошбақаси (Lepidochelys olivacea) косасининг уз. 80 см гача, атлантика ридлеяси (L. Kempi) ҳам киради. Д. т.га биссани, баъзан терили тошбақа (Dermochelus coriacea)ни ҳам киритишади. Терили тошбақа косаси 2 м гача, оғирлиги 600 кг гача бўлади. Барча турлари Халқаро Қизил китобга киритилган.

ДЕНГИЗ ТРАНСПОРТИ — океан, денгиз, денгиз каналлари орқали кемаларда юк ва йўловчи ташувчи сув транспорти тури. Ҳизмат кўрсатиш доирасига кўра, унинг ички Д.т. (бир мамлакат ўртасидаги портлараро қатнайдиган) ва халқаро Д. т. (мамлакатлараро қатнайдиган) турлари мавжуд. Д. т. вазифасига кўра, йўловчилар, қуруқ ва суюқ юкларни ташувчи ҳамда ёрдамчи хизмат кўрсатувчи кемалардан иборат бўлади.

Д.т. тарихи тахминан мил. ав. 6—4-а.ларда инсон денгизни ўрганиб, ўзлаштира бошлагач, пайдо бўлди. Дастлаб эшкакли кемалар, мил. ав. 3-а.ларда эса елканли кемалар кашф этилди. Бу кемалар бир неча асрлар мобайнида сув йўллари орқали алоқа боғлашда, савдо муносабатлари юритишда кенг қўлланилди. Саноатнинг ўсиши ва халқаро савдонинг кенгайиши б-н Д.т. ҳам такомиллашиб борди. Буғ машинаси ихтиро қилинганидан кейин биринчи буғ б-н ҳаракатланадиган механик двигатели пароходлар яратилди. Сўнг ўз навбатида, ички ёнув двигателли теплоходлар, атом реакторли — атом музёрар кемалари ихтиро қилинди. Ҳоз. замонавий Д. т. мураккаб муҳандислик қурилмаси бўлиб, улар компьютерлаштирилган автомат бошқарув ва назорат қурилмалари, мураккаб электрон радионавигация воситалари б-н таъминланган. Улардан айримларининг юк ташиш қуввати 500 минг т гача, асосий электр энергияси қуввати 73,6 МВт (100 минг от кучи)гача етади.

Ҳоз. вақтда кемаларда йўловчи ташиш ўрнини ҳаво транспорти эгаллаган бўлиб, улар фақат денгизда саёҳат мақсадигагина амалга оширилади. Юк ташиш борасида Д.т.нинг салмоги катта бўлиб, географик хусусиятларга кўра бу кўрсаткич мамлакатларда турличадир. Д.т. асосан АҚШ, Буюк Британия, Франция, Япония, Германия, Россия, Польша, Югославия ва б. давлатларда кенг ривожланган (мас., Японияда 1062 порт, Францияда 300 порт бор, шундан 6 таси энг йирик ва ҳ.к.).

20-а.да Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан Ўзбекистон учун ҳам Д.т. муҳим аҳамиятга эга бўлди. Буюк Ипак йўлини тиклаш лойиҳаси доирасида барпо этилган *Европа—Кавказ—Осиё транспорт йўлаги* орқали Каспий денгизида Туркманбоши, Боку, Қора денгизда Поти, Батуми портларидан Европа мамлакатлари йўналишларида юклар замонавий Д. т.да ташилади.

Денгиз флоти таркибига кирувчи бандаргоҳлар, кема ишлаб чиқариш ва таъмирлаш з-длари ва б. Д.т.га хизмат кўрсатади (қ. *Дарё транспорти*).

Нуриддин Мусаев.

ДЕНГИЗ ФИЛИ (Mirounga) — тюленсимонлар оиласи уруғи. 2 тури маълум. Жан. Д. ф. (M. leonina) — энг йирик куракоёқлилардан, уз. 6,5 м гача, вазни 3,5 т гача. Эркаги тумшуғининг учидаги тери халтасининг уз. 40 см гача; безовта бўлганида 80 см гача узаяди. Янги туғилган боласининг жуни қора, вояга етган даврида — оч кўнғир ёки кўнғир. Жан. ярим шарнинг мўътадил ва субантарктида сувларида яшайди; мавсумий миграция қилади. Полигам тўдасида 20 гача урғочиси бўлади. Бошоёқли моллюскалар ва балиқлар б-н озиқланади. 20-а. бошида кўп овланганлиги сабабли сони камайиб кетган. Муҳофаза чоралари кўрилиши туфайли сони бир неча юз мингга етган. Шим. Д.ф. (M. angustirostris)нинг умумий тузилиши ва биол.си жан. Д. ф. га ўхшаш. Мексика ва Жан. Калифорния соҳилларида учрайди, сони 20 мингга яқин, муҳофаза қилинади (яна қ. *Тюленсимонлар*).

ДЕНГИЗ ХАРИТАЛАРИ — денгиз ва океанларнинг махсус географик харитолари. Дунё океанини хўжалик ва илмий мақсадлар учун ўрганиш ва фойдаланишда кема юргизиш илми ва б. масалалар б-н таъминлашга мўлжалланган. Д. х. гидрографик (океанографик) хизматлар томонидан тузилади ва нашр этилади. Д.х. нимага хизмат қилишига ва мазмунига кўра 3 гуруҳга бўлинади: навигация хариталари (қ. *Денгиз навигация хариталари*), махсус хариталар, маълумотномали ва ёрдамчи хариталар. Махсус хариталар ҳарбий-денгиз флоти фаолиятини таъминлаш учун хизмат қилади. Маълумотномали ва ёрдамчи хариталар нимага хизмат қилишига ва мазмунига кўра ҳар хил бўлиб, бевосита кема юргизишни таъминлашда ишлатилмайди. Ёрдамчи хариталарга ортодромик хариталар ва шлюпка хариталари, шунингдек, умумий географик вазифалар умумийлаштирилган ёки енгиллаштирилган хариталар киради.

ДЕНГИЗ ЧЎЧҚАЧАЛАРИ (Cavia) — чўчқачалар оиласининг бир уруғи. Танасининг уз. 35 см гача, думи калта, ташқи томондан кўринмайди. Орқа оёқ панжаси 3 бармоқли. 5—6 тури бор. Жан. Америкада ялангликларда учрайди. Ин ковлайди ёки бошқа ҳайвонлар жойини эгаллайди. Кечаси ва шомда озиқланишга чиқади. Йил давомида кўпаяди, 1—4 бола туғади. 8 йилга яқин яшайди. Д.ч. (C. porcellus)ни *шиклар* хонакилаштиришган (гўшти ейилган). Европага денгиз ортидан келтирилганлиги туфайли Д.ч. деб атала бошлаган. Лаб. ҳайвонлари. Катта-кичиклиги, юнгининг ранги ва тузилиши б-н бир-биридан фарқ қиладиган бир қанча зотлари бор.

ДЕНГИЗ ЮЛДУЗЛАРИ (Asteroidea) — денгизда яшайдиган умуртқасиз ҳайвонлар, ҳоз. нинатерилилар типининг синфи. Танасининг ўртасидан чиққан «қўллар», яъни нурлар юлдузни эслатади (номи ҳам шундан). Д. ю.да 5, баъзан 8, 10, 13, 25, 40 та нур бўлади. Д. ю.нинг диаметри 5—50 см. Улар сув тубида амбулакраль оёқлари ёрдамида ҳаракатланади. Оғиз ва анал тешиги деярли тананинг турли қисмида жойлашади. Тухумидан эркин сузиб юрувчи личинка чиқади. Тирик тугадиган турлари ҳам бор. Сув ости умуртқасиз ҳайвонлари ва органик моддалар б-н озиқланади. 1500 тури маълум. Шимол ва Узоқ Шарқ денгизларида кенг тарқалган.

ДЕНГИЗ ҚАМАЛИ — рақиб мамлакатни ёки душманни денгиз томондан ўраб олиш; савдо кемаларининг қонунсиз равишда юришларига зарба бериш учун қўлланиладиган ҳарбий жанг усули. Душман денгиз кучларининг қамални ёриб ўтишга уринишига зарба бериш ҳам Д. қ.га киради. Д. қ. тарихи 16-а.дан бошланади. 18—19-а.ларда Франция-Англия урушларида кенг қўлланилди. 2-жаҳон урушида жанг қилган мамлакатларнинг флотлари

йирик авиация кучларининг ердами б-н денгиз бўғозларини ўраб олишга интилдилар. Шу усул б-н Англия Ла-Манш бўғозини, АҚШ нинг денгиз флоти Япония соҳилини (Симоносеки бўғози) денгиздан қамал қилган.

ДЕНГИЗ ҚОПЛОНИ (Hydrurga leptonyx) — асл тюленлар оиласига мансуб денгиз ҳайвони. Фақат битта тури маълум. Гавдасининг уз. 3,5 м, оғирлиги 400 кг гача, танасининг усти калта ва ялтироқ кумушранг жун б-н қопланган. Танасининг остки қисми сарғиш рангда. Австралия ва унга яқин ороларда, Янги Зеландия, Антарктида соҳилларида яшайди. Д.қ. балиқлар ва моллюскалар б-н озиқланади. Д. қ. кураконёқлилар орасида сув қушлари ва тюленларга ҳужум қиладиган ягона тур ҳисобланади. Сони 800 мингга яқин. Овланмайди.

ДЕНГИЗКЎЛ — Бухоро вилояти *Олот туманид*аги кўл. Ўрта асрларда «Боргини фароҳ», яъни «Катта кўл» деб юритилган. 10-а. ёзма манбаларида Д. «Қоракўл», «Бухайрайи Сомжан» («Сомжан кўли») номлари б-н аталган. 10-а.да араб географи Ибн Ҳавқал томонидан чизилган Ўрта Осиё харитасида «Баҳр ул-Бухоро» («Бухоро денгизи») номи б-н кўрсатилган. Муҳаммад *Наршахий* (10-а.) бу кўл ҳақида «кенглиги йигирма фарсах (140—160 км) бўлиб, Бухоро дарёсининг ортиқча суви шу кўлга йиғилган, унда сув жониворлари кўп, бутун Хуросонда бу ердагидек миқдорда қуш ва балиқ тутилган эмас», деб ёзган.

Кўл вилоятнинг жан. чеккасидаги (Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида) тектоник ботиқда, денгиз сатҳидан 181,5 м баландда жойлашган. Д.га бир қанча коллектор-зовурдан келадиган ташлама сув ва экин майдонларини суғориш натижасида ҳосил бўлган сизот суви келиб қуйилади. Зарафшон дарёсининг асосий тармоғи — Тойқир ҳам тўлинсув даврида кўлгача етиб боради. Д.дан сув оқиб чиқмайди, сарфланиш асосан буғланиш ва қисман шимилиш ҳисобига кечади. 60-й.лар ва 70-й.ларнинг бошларида Д.нинг майдони ва чуқурлиги тез-тез ўзгариб турган: сув кўп қуйилган даврларда кўлнинг майд. 80—100 км², чуқ. 1,0—1,5 м, ёз охирида эса тегишлича — 40—60 км² ва 25—30 см бўлган. 70—80-й.ларда Бухоро вилоятининг жан.-да янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва оқова сувлар миқдорининг ортиши натижасида Д. йилдан-йилга катталаша борди. 80-й.ларнинг охири (1987)да уз. 43,3 км, энг кенг жойи — 9 км, энг чуқур жойи 22 м, сув юзаси майд. 267 км², сув ҳажми — 2,7 км³ бўлган. Бу қийматлар сув сатҳи тебранишига мос равишда йил давомида ўзгариб туради: кузда бўгланиш камайгач, сув мувозанати тургунлашади, сўнг сув сатҳи яна орта боради. Д. коллектор-зовур сувлари ҳисобига тўйинади. Ёзда бўгланиш анча кучли. Д.да шамол таъсирида тўлқинлар кузатилади. Суви жуда шўр, кўлнинг туби айрим жойларда 0,5 м гача қалинликда ош тузи б-н қопланган. Д. суви шифобахш.

ДЕНГИЗКЎЛ ГАЗ КОНДЕНСАТИ КОНИ — Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида. Қоровулбозор ш.дан 55 км жан.-гарбда жойлашган. Денгизкўл структураси 1972 й.да сейсмик разведка йўли б-н аниқланган ва 1973 й.да биринчи параметрик бурғи қудуғи қазилган. 1974 й.да юқори юра карбонатли ётқизиқларидан газ олинган. Кон 1981 й.да ишга туширилган. 1981 й.гача 14 та бурғи қудуғи кавланган. Қудуқларнинг чуқурлиги ўртача 2800—3000 м. Коннинг геологик тузилиши: да юра, бўр, палеоген, неоген ва антропоген ётқизиқлари иштирок этган. Тектоник жиҳатдан Денгизкўл структураси Денгизкўл тепалигининг ўртасида жойлашган. Кон Денгизкўл-Ҳовузак-Шоди Шим. Денгизкўл структураларининг бир қисмини ташкил этган.


Д.г.к.к.да юқори юра карбонатли ётқизиқлари горизонтларида газ конденсати уюмлари мавжуд. Газнинг дебити суткасига 100,8 минг м³ дан 2833,5 минг м³ гача. Конда 30 та бурғи қудуғи қазилган, шулардан 17 тасидан газ олинмоқда, 1 та қудуқ назоратчи, 12 та қудуқ тугатилган. Кондаги газ уюми гумбазли, яхлит. Газнинг ҳавога нисбатан с.оғ. 0,620. Олтингугурт водородининг миқдори 2,16%, карбонат ангидриди 0,78%. Метан 87,55—94,1%, азот ва нодир газлар 0,58%.

ДЕНГИЗКЎЛ КОЛЛЕКТОРИ — Бухоро вилоятидаги йирик коллектор. 1966 й.да қурилган. Сув сарфи 33,1 м³/с. Параллел коллектори б-н *Денгизкўл* кўлини туташтиради. Коллектор боши ва қуйилиш жойининг нишаблик фарқи 25,3 м. Д.к. Бухоро вилояти Қоракўл туманида деҳқончилик қилинадиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўр ва дренаж, ташлама сувларни чиқариб юборишга хизмат қилади. Д.к. сувлари Денгизкўл пастлигига қуйилади.

ДЕНГИЗКЎЛ ПЛАТОСИ — Қашқадарё вилоятининг ғарбий қисмидаги плато. *Қарши чўлининг* жан.-ғарбида жойлашган. Платонинг рельеф тузилиши мураккаб. Унинг жан. ва ғарбий чеккалари атрофдаги текисликдан кескин кўтарилган. Шим. ва шарқий чеккалари Қашқадарё дельтаси текислигига аста-секин қўшилиб кетади. Энг баланд қисми (340—354 м) жан.да. Д.п.да қум рельеф шакллари ривожланган бўлиб, асосан дўнг, марзали ва бархан шаклларидаги қумликлар мавжуд. Ушбу қумликларни кўпинча Девхона чўли деб ҳам атайдилар. Д. п. да ботиқлар ҳам бор, уларнинг туби кўпинча тақирли тупроқлар ёки шўрхоклар б-н банд. Д. п.нинг жан. ён бағри Денгизкўл ботиғига тик тушган. Ён бағирда неоген (оқчағил яруси) жинслари — қумтош, қум, гил, баъзан конгломерат қатламлари кўриниб туради.

Платода асосан чўл қум тупроқлар, баъзан пастқамликларда шўрхоклар мавжуд. Қумликларда кўпроқ сингрен, оқ саксовул, черкез, шувоқ, жузғун, илоқ, ранг кенг тарқалган. Шўрхокларда бир йиллик шўралар ўсади. Д. п.да қоракўл қўйлари боқилади.

ДЕНДРАРИЙ (юн. dendron — дарахт), дендрология боғи, арборетум — дарахтлар, буталар, ярим буталар, чирмашувчилар коллекцияси экилган очиқ майдон. Д. мустақил ёки *ботаника боғи* таркибига киради. Д. бир неча гектардан юзлаб гектаргача майдонни эгаллайди. Д. илмий, ўқув, маданий-маърифий, тажриба, и.ч. аҳамиятига эга; уларда ҳар хил турдаги дарахт ўсимликларини намойиш қилиш, тажриба ва тадқиқот ишлари олиб бо-



Дендрарий: оддий қарағайлар (35 ёш). Чатқол тоғ-мелиорация тажриба станцияси (Сўқоқ қишлоғи).



Бутасимон магония. Чатқол тоғ-мелиорация станцияси.

риш учун база бўлиб хизмат қилади. Д.да ўсимликлар устида мунтазам равишда кузатув ишлари олиб борилади, дарахт ва буталарнинг фенологияси, ўсиш ва кўпайиш хусусиятлари ўрганилади. Шу жумладан хўжалик ва биологик хусусиятларига қиёсий баҳо берилади ва улардан фойдаланиш ва р-нлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади, селекция ишлари олиб борилади. Д.нинг асосий вазифаларидан бири — ҳар хил ўсимликларнинг *интродукцияси* бўлиб, ўрмон хўжалиги, ўрмон иҳотазорлари, кўкаламзорлаштириш учун фойдаланишда энг чидамли ва ҳосилдор шакллар ажратиб олинади. Д.ларда ўстириладиган ва ўрганилган қимматли тур ва шаклларнинг уруғ ва кўчатларини тарқатиш ишлари катта аҳамиятга эга. Д.нинг мажбурий қисми — интродукцияли ва репродукцияли кўчатзорлардир. Биринчи кўчатзорда экспозиция учун уруғкўчат ва кўчатлар етиштирилади, иккинчисида эса кўчатлар парвариш қилиниб бошқа Д.лар ва и.ч. эҳтиёжлари учун етказиб берилади.

Ўзбекистонда *Жанубий Ўзбекистон селекция станцияси* (Денов)нинг субтропик ва эфир мойли буталар Д.си, Ўзбекистон ўрмончилик хўжалиги и.т. институтининг тераклар Д.си (Тошкент ш. яқинидаги «Дендропарк»), ўрмон дарахтлари ва буталари Д.си (Тошкент вилояти Сўқоқ қишлоғидаги Чатқол тоғ-ўрмон мелиорация ст-яси), Ўзбекистон ФА Ботаника боғидаги дарахтлар (қайин, қарағай ва б.) ва буталар Д.си ва б. бор (яна қ. *Дендрология*).

Абдухалил Қайимов, Мирза Собиров.

ДЕНДРИТ (юн. dendron — дарахт) — дарахтсимон шаклли минерал агрегатлар (баъзан кристаллар). Д. модданинг тор муҳитда тез кристалланишидан, шунингдек, минералларнинг айрим қисмларини эритма б-н бир хил таъминланмай ўсишидан ҳосил бўлади. Шакли дарахт шохчаси, қирққулоқ барги ва юлдузчага ўхшаш бўлади. Бир-бирига параллел ёки қўшалоқ ўсган минерал индивидларидан ташкил топади. Д. туғма элементлар (Au, Ag, Cu), марганец оксидлари, уранинит ва б. кўпчилик минераллар ва музда кузатилади. Ўзбекистонда гил, карбонат, қумтошларда *псиломелан* Д. кенг тарқалган. Баъзан псиломелан Д.ни ўсимлик қолдирган из деб нотўғри таърифлайдилар. Д. кон қидиришда даракчи ролини бажаради.

ДЕНДРИТ — нерв ҳужайралари (нейрон)нинг тармоқланган сезувчи ўсимталари; бошқа нейронлар, рецептор ҳужайралар ёки бевосита ташқи қўзғатувчилардан сигналлар қабул қилади. Нерв импульсларини ҳужайра танасига ўтказиб беради. Нерв ҳужайрасида бир ёки бир нечта Д. бўлиши мумкин. Баъзи ҳужайраларда Д. калта ва сершох, бошқаларида узун ҳамда камшох бўлади (яна қ. *Аксон*).

ДЕНДРО... (юн. dendron — дарахт) — қўшма сўз бўлаги бўлиб, ўзи қўшилган сўзга дарахтга оидлик маъноси ифодасини беради (мас., *дендрология*).

ДЕНДРОБАЦИЛЛИН — бактериал препарат; спора-кристалл ҳосил қилувчи бактерия — Bacillus thuringiensis var. Dendrolimus асосида олинади. Асосан споралар ва инерт тўлдиргич (маккажўхори экстракти, оқсил ачитқи ва б.)дан ташкил топган кулранг кукун. Қурук ва ҳўлланувчан кукун ҳолида ишлаб чиқарилади. 1 г кукунида 60 (100) млрд. яшовчан спора ҳамда шунча заҳарли оқсил кристаллари (параспорал таналар) мавжуд. Д. кўсак қуртининг турли, айниқса 1—2 ёшдаги қуртларига яхши таъсир этади. Қурт танасига Д. озуқа б-н бирга киради, шунинг учун препарат пуркашни зараркунандаларнинг энг фаол озиқланиш даврида ўтказиш керак. Ҳаво ҳароратининг юқори бўлиши Д. самарадорлигини яна ҳам оширади. Трактор пуркагичлари ёрдамида пуркалади. Суспензия тайёрлаш вақтида Д.га инсектицид ҳам қўшилади. 85% ли ҳўлланувчан кукуни сарф нормаси севин б-н аралаштирилганда 0,7—1,0+0,3 кг/га, иш суюқлиги 200—400 л/га.

ДЕНДРОЛОГИЯ (*дендро...* ва *...логия*) — дарахт ва буталар ҳақидаги фан, *ботаника*нинг бир соҳаси; дарахтларнинг анатомияси, морфологияси, таксономик жойлашиши, тур ичидаги систематикаси ва филогенези, физиологияси, экологияси, географик тарқалиши ва хўжалик аҳамиятини ўрганади. Ўрмончилик, дарахтзорлар ва бутазорлар барпо этиш, боғ ва хиёбонларни лойиҳалаштириш, қумликларни, жар соҳилларини мустаҳкамлаш, кўкаламзорлаштириш ва б.га оид масалаларни ишлаб чиқади.

Дарахтларнинг манзарали хусусиятини, санитария-гигиеник ва иҳота ролини ўрганиш, кўкаламзорлаштириш, шаҳарлар ва саноат комплексларидаги атмосферани тозалаш, шовқинга қарши курашда қўл келадиган ўрмон дарахтзорларини барпо этиш, эрозияга учраган тоғли, чўл минтақаларидаги тупроқларни ҳимоя қилиш, ботқоқли ерларни қуритиш, шўрхок тупроқларда тузли чангларнинг атмосферага кўтарилишига қарши кураш Д.нинг муҳим йўналишларини ташкил этади. Д. ботаника, *ўрмончилик*, ўрмон селекцияси ва кўкаламзорлаштириш, тупроқшунослик, география ва б. фанлар б-н чамбарчас боғлиқ. Д.нинг асосий объекти — дарахт ва бута турларидир.

Ўзбекистонда Д. масалалари В. Д. Городецкий (1934 й.да Ўрта Осиёнинг дендрофлораси ҳақида биринчи маълумотнома тузган), Ф. Н. *Русанов*, Т. И. Славкина, А. У. Усмонов, Г. С. Костелова, Л. В. Яскина, дарахт ва буталарнинг Ўзбекистондаги тоғ, чўл ва суғориладиган деҳқончилик минтақаларидаги тупроқларни сув ва шамол эрозиясидан ҳимоя қилишда, сел оқимларига қарши курашдаги роли М. Б. *Дошчонов*, А. В. *Гвоздиков*, С. М. Аблаев, А. М. Молчанова, Г. П. *Озолин*, А. А. *Хоназаров* А. Қ. Қайимов, А. О. Досахметов ва б. асарларида ёритилган. Ўрмон иҳотазорларини барпо этиш, дарахт ва буталарнинг янги навларини яратиш ва б. масалалар Т. А. Желтикова, В. М. Ровский, В. П. Фимкин, С. Е. Александровский, Е. А. Бутков ва б. ўрмоншунос олимларнинг илмий изланишларида катта ўрин эгаллайди.

Ўзбекистонда Д. бўйича тадқиқотлар Ўзбекистон ФА Ботаника ин-ти ва ботаника боғи, Ўзбекистон ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот ин-ти, Тошкент давлат аграр ун-тининг ўрмоншунослик ва ўрмон мелиорацияси кафедраси ва б.да олиб борилади.

20-а.нинг охирларида Д. тадқиқотларида асосий ўрмон ҳосил қилувчи дарахтлар табиий популяцияларининг генетик тузилмасини ўсимликлар систематикаси, экология, биометрия, цитогенетика, географик экишлар усуллари б-н ўрганиш асосий йўналишлардан бирига айланди.

Халқаро ўрмон тадқиқотлари ташкилотлари уюшмаси ва кўпгина мамлакатлар (Германия, Польша, Швеция, Франция, Швейцария)даги Д. жамиятлари, дендрарийлар, қўриқхоналар ва миллий боғларда Д. бўйича талқиқотлар ва тажрибалар олиб борилади. Ҳар 5 йилда бир марта Жаҳон ўрмон конгресси ўтказилади.

Ўзбекистон ФА Ботаника боғи 1964—94 й.ларда 14 жилддан иборат «Дендрология Узбекистана» тўпламини нашрдан чиқарди.

Ад.: Дендрология Узбекистана в 4 томах, т. 1—4, Т., 1965—71; Дендрология Узбекистана, т. 1—14, Т., 1964—94.

Абдухалил Қайимов, Мирза Собиров.

ДЕНЕБ — *Оққуш* юлдуз туркумининг энг равшан юлдузи; 1-*юлдуз каттали*гида. *Вега* (Лира альфаси) ва *Ат-таир* (Бургут альфаси) каби ёруғ юлдузлар б-н учбурчак ташкил этиб, ёзда ярим тунда тепада кўринади ва шу туфайли уни кўпинча «Ёзги катта учбурчак» деб ҳам юритилади.

ДЕНИ (Denis) Морис (1870.25.11, Гранвиль, Нормандия — 1943.3.11, Сен-Жермен-ан-Ле, Париж яқинида) — француз рассоми. «Наби» гуруҳи (1890) ва «Диний санъат устахонаси» (1919)нинг асосчиси ва назариётчиларидан. Париждаги Жюлиан академияси (1887 й.дан) ва Нафис санъат мактабида таҳсил кўрган. Д. ижоди символизм ва «модерн» услуби б-н узвий боғлиқ, унда маҳобатли шакл ва безак мутаносиблигига мойиллиги сезиладиган диний мистик кайфият мавжуд: «Психея тарихи» (11 та намоён, 1908—09), Везинедаги черков (1901—03) ҳамда Елисей майдони театри (1912—13) деворий расмлари ва б., витраж, гобелен, театр спектакллари безаги учун чизгилар, китоб иллюстрациялари яратган. Санъат назариётчиси сифатида рангтасвирда безакдорлик, рангдорликни эътироф этган («Назария», 1912 ва б.).

ДЕНИЗЛИ — Туркиянинг жан.-ғарбий қисмидаги шаҳар, Денизли элининг маъмурий маркази. Т. й. ва автомобиль йўллари тугуни. Аҳолиси 234,5 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Д.ёнидан магнезит олинади.

ДЕНИКИН Антон Иванович [1872.4(16).12, Варшава яқинида — 1947.8.8, Анн Арбер, Мичиган штати, АҚШ] — ҳарбий арбоб, рус армиясининг генерал-лейтенанти (1916). Оқлар ҳаракатининг машҳур арбобларидан. 1918 й. апр.да Кўнгиллилар армиясининг қўмондони, окт.да бош қўмондони, 1919 й. янв.да Жан. Россия Қуролли кучларининг бош қўмондони. Бу кучларга Кўнгиллилар армияси, Дон ва Кубань казак қисмлари, Кавказ армияси, Қрим корпуси, Қора денгиз флоти кирган эди. Совет ҳокимиятига қарши муросасиз курашган Д. қўшинлари 1919 й. ёзи-кузида ғалабаларга эришди, лекин 1919 й. кеч кузда Москва атрофида ва 1920 й. бошларида Шим. Кавказда бўлган жангларда қизил аскарлар уларни мағлубиятга учратди. 1920 й. 22 мартда Д. қўмондонликни Врангелга топширди ва апр.да Россия (Қрим)дан чет элга жўнаб кетди. Илмий ишлари рус-япон уруши ва оқлар ҳаракати тарихига оид.

Ас.: Деникин А. И., Очерки русской смуты, т.1, кн. 1, 2; Крушение власти и армии, февраль-сентябрь 1917 г., М., 1991.

ДЕНИТРИФИКАЦИЯ (*де...* nitrogenium — азот ва faclo — қиламан) — нитратларнинг *денитрификацияловчи бактериялар* томонидан молекуляр азотгача қайтарилиши жараёни. Бунда тупроқдаги нитрат, нитрит, аммиак ва амин бирикмалар бактериялар таъсирида парчаланиб, улардаги азот газ ҳолидаги молекуляр азотга айланади, *нитрификация*га қарама-қарши жараён:

$$2HNO_3 \rightarrow 2HNO_2 \rightarrow N_2O \rightarrow N_2$$

Д.ни биринчи марта француз олимлари Э.Гайон ва Г. Дюпетилар аниқлаган. Бактериялар нитратларни қайтариш учун зарур бўлган энергияни органик моддалар (углеводлар, спиртлар, органик кислоталар)нинг оксидланиши натижасида оладилар, нитратлардаги кислород эса электрон ва водороднинг акцептори ҳисобланади. Глюкозанинг оксидланишида юз берадиган Д.ни қуйидаги тенглама б-н ифодалаш мумкин:

$$5C_6H_{12}O_6 + 24KNO_3 \rightarrow$$
$$\rightarrow 24KHCO_3 + 6CO_2 + 12N_2 + 18H_2O$$

Шунингдек, олтингугурт ёки молекуляр водород оксидланишида нитратларни тикловчи денитрификацияловчи бактерияларнинг айрим бир турлари ҳам бор. 1 г тупроқда ўн ва юз минг денитрификацияловчи бактериялар мавжуд бўлади. Лекин тупроқда Д. жараёни фаол юз бериши учун нитратларнинг етарли миқдори ва осон парчаланадиган азотсиз органик моддалар, оптимал реакция (pH 7,0—8,2), ҳарорат 25—30°С ва энг муҳими — анаэроб шароитлар бўлиши керак. Шу сабабли Д. сернам, ҳаво ёмон алмашадиган тупроқларда яхши кечади. Д. тупроқда азот бирикмаларининг камайиб кетишига олиб келади ва қ.х. ишлаб чиқаришига зарар келтиради. Ерни юмшатиш Д.ни сусайтиради.

Абдукарим Зикирёев.

ДЕНИТРИФИКАЦИЯЛОВЧИ БАКТЕРИЯЛАР — нитратларнинг молекуляр азотгача қайтарилиши жараёнида қатнашувчи бактериялар (қ. *Денитрификация*). Асосан тупроқ, сувда ва сув ҳавзалари грунтларида тарқалган. Тупроқда учрайдиган денитрификаторларнинг асосий турлари — Pseudomonas, Bacillus, Achromobacter ва Micrococcus.

Барча Д. б. *аэроблар*, улар органик моддаларни ҳаво кислороди ҳисобига, анаэроб шароитда эса нитратларнинг кислородидан фойдаланиб оксидлайди. Д.б. нитратли ва нитратларнинг қайтарилишида рангини ўзгартирувчи индикаторли озуқада ўстирилади.

ДЕНОВ — *Сурхондарё вилоятида*ги шаҳар (1958 й.дан). Денов тумани маркази. Катталиги ва аҳолисининг сони жиҳатидан Термиздан кейин иккинчи ўринда туради. Денгиз сатҳидан қарийб 600 м баландликда. Сурхондарё ва Сангардак дарёси соҳили.



Денов шаҳри автошоҳбекати.



Денов шаҳри. Сангардак дарёси соҳили.

гардак дарёлари оралиғида. Т.й. станцияси. Д.дан Термизгача бўлган масофа 156 км. Аҳолиси 63 минг киши (2000). Йилига 360 мм ёғин тушади. Янв.нинг ўртача т-раси 2,4°, июлники 28,2°.

Д. қад. шаҳар. Ёзма манбаларда 14-а. охирларидан «Деҳинав» шаклида, яъни «Янги қишлоқ» мазмунида тилга олинган. *Маҳмуд ибн Вали* (17-а) нинг ёзишича, Деҳинав ажойиб бозори, катта масжиди ва хонақоси бўлган мустаҳкам қалъа-шаҳар ҳисобланган. Баъзи тадқиқотчилар *Чағониён* ҳ. Д. ўрнида бўлган, деб ҳисоблаб келишганди. Археологларнинг аниқлашига кўра, Чағониён ш. аслида Д.дан 6 км жан.-шарқда жойлашган Будроч манзилгоҳи ўрнига тўғри келади (қ. *Будрочтепа*). Д.нинг ҳоз. ўрнида мил.ав. 2-минг йиллик охирларида манзилгоҳ бўлган. Мўғуллар истилосидан кейин Чағониён ш. мавқеи пасайиб кетгач, темурийлар даврида Деҳинав асосий марказлардан бирига айланди. Археологик топилмалар Д. қалъаси 15-а.га оидлигини, уни мустаҳкам қўрғон бўлганлигини тасдиқлайди. Д. қалъаси мураккаб меъморлик обидаси бўлиб, чор атрофида хандақ қазилган. Қалъанинг диаметри 110 м бўлиб, қалин девор б-н ўралган.

Д. 17—18- а.ларда *Бухоро хонлиги* таркибида карвон савдосининг марказларидан бўлган, шаҳарда ҳунармандчиликнинг юздан зиёд тури, айниқса кўн-чарм тайёрлаш, этикдўзлик, тўқувчилик, зардўзлик, қандолатчилик, ўйинчоқсозлик ва ҳ.к. ривожланган. 1907 й. Д.да амирнинг солиқ сиёсатига қарши йирик халқ ҳаракати бўлиб ўтган. 1920 й.Д.да шўролар ҳокимияти ўрнатилгач, ҳунармандчилик устахоналари ёпилиб, шаҳарга савдо моллари келиши тўхтаб қолди. 1925 й. Д. орқали ўтувчи Термиз—Душанба т.й. қурилди. Д. саноат корхоналари б-н нафақат вилоятда балки республикада муносиб ўрин тутади. Саноат корхоналари, асосан, вилоятда етиштирилган қ.х. маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. «Деновсут» корхоналари, пахта тозалаш, механика, арақ-вино, консерва з-длари, пахта титиш ф-каси бор. Д.да ишбилармонлик ва тадбиркорликка кенг йўл очилган. Кичик корхона, фирма, ширкатлар фаолият кўрсатмоқда. Уларда 20 дан ортиқ янги турдаги маҳсулотлар тайёрланаяпти. Мустақиллик йилларида шаҳарда ҳунармандчиликнинг равнақига катта эътибор берилган. Бешиксозлик, сандиқсозлик, темирчилик, дурадгорлик ва б. ривожланган. Ҳунармандлар айниқса сандиқсозликни санъат даражасига кўтарганлар. 8 умумий таълим мактаби, гимназия, хорижий тиллар, кимё, физика-математика лицейлари, тиббиёт билим юрти, шаҳар бизнес мактаби, болалар санъат мактаби, поликлиникалар, 13 кутубхона (200 минг нусха китоб), маданият ва истироҳат боғлари, деҳқон бозори мавжуд. Д.дан Ўзбекистон пойтахти Тошкентга ва яна бир қанча вилоят марказларига мунтазам автобуслар қатнайди. Шаҳар ҳудудида меъморий ёдгорликлардан Саид Оталиқ мадрасаси (16-а.) сақланган. Мадрасани асл ҳолига қайтариш ишлари олиб борилмоқда. Унинг олд қисмидаги ҳудуд ободонлаштирилган. 1992 й.да Д. телевидениеси иш бошлади.



Денов (Чағониён) қалъа девори қолдиғи (15-аср).



Сайфулла Турсунов, Жавли Турсунов.

ДЕНОВ ТУМАНИ — *Сурхондарё вилояти*даги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Д.т. вилоятнинг Шўрчи, Сариосиё, Узун, Олтинсой туманлари б-н чегарадош. Майд. 0,75 минг км². Аҳолиси 253,7 минг киши (2000). Д.т.да 1 шаҳар (Денов), 1 шаҳарча (Дўстлик), 18 қишлоқ фуқаролари йиғини (Анбарсой, Бинокор, Даҳана, Денов, Кенагас, Наврўз, Пистамозор, Сина, Тортувли, Хайробод, Холчаён, Фарғона, Юрчи, Янгибоғ, Янгизамон, Янгиобод, Қизилжар, Ҳазорбоғ) бор. Маркази — Денов ш.


Табиати. Д. т.нинг шимол, жан. ва марказий қисми текисликдан иборат. Шарқда Боботоғ, ғарбда Бойсунтоғ тизмалари б-н ўралган. Ер юзаси шарқ томон пасайиб боради. Қиши қисқа, илиқ. Янв.нинг ўртача т-раси 2,9°, июлники 28,4°. Текисликларда йилига 130 мм дан 360 мм гача, тоғ олди ва тоғларда 445 мм дан 625 мм гача ёғин тушади. Вегетация даври 226 кундан 266 кунгача. Д. т.дан Сурхондарё, Тўполондарё, Сангардак, Қизилсув дарёлари, Ҳазорбоғ, Ойбарак каналлари, Дайтўлак, Денов ариқлари оқиб ўтади. Ер ости сувларига бой бўлганлиги учун артезиан сувларидан кенг фойдаланилади. Текисликларда бўз тупроқ, дарё соҳилларида ўтлоқи ботқоқ, тоғ олди ва тоғларда оч қўнғир тупроқлар тарқалган. Тоғларда бошоқли ўсимликлар, арча, ёввойи мевали дарахт ва буталар ўсади. Боботоғда пистазорлар бор. Жайран, тоғ эчкиси, қобон, силовсин, бўри, чиябўри, қўнғир айиқ, жайра, қушлардан қирғовул, каклик, тўрғай учрайди. Дарёларда сўзанбалиқ, оқ амур, зоғора балиқ (сазан) кўп.

Аҳолининг аксари қисми (89,5%) ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 337 киши тўғри келади.

Хўжалиги. Туман саноат корхоналари асосан қ. х. маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. Пахта тозалаш, ёғ экстракция, арақ-вино ва пиво, консерва, сут, таъмирлаш-механика, ғишт з-длари, қурилиш, нефть маҳсулоти корхоналари, пахта чувиш, қандолатчилик ф-калари, жами 38 саноат корхонаси мавжуд. Тадбиркорларга қарашли 200 га яқин кичик корхона фаолият кўрсатади. Қ.х.нинг асосий тармоқлари: пахтачилик, боғдорчилик, токчилик, лимон етиштириш ва б. Тоғ этакларида лалмикор деҳқончилик (асосан буғдой ва арпа) б-н шуғулланилади. 12,7 минг га ерга пахта, 10,1 минг га ерга ғалла экилади. Суғориладиган ерлар 24,7 минг га. Яйловларда қорамол, қўй (жумладан, ҳисор қўйлари) боқилади. Туманда 17 жамоа хўжалиги мавжуд. Р. Р. Шредер номидаги Боғдорчилик, токчилик ва виночилик корпорациясининг селекция ст-яси жойлашган. Денов дендрарийси деб аталган бу илмий лаб.да табиатнинг 900 дан зиёд ўсимлиги, мевали ўсимликлар (жумладан Япониядан келтирилган пальма дарахти, магнолия, хурмо, апельсин, ёнғоқ, бошоқли ўсимликлар) етиштирилади.

Туман ҳудудидан халқаро т.й., Хўжанд—Душанба, Термиз—Душанба автомагистрал йўли ўтган. 87 умумий таълим мактаби, гимназия, 2 лицей, 3 ўрта махсус ўқув юрти, санъат, мусиқа мактаблари, 3 касб-ҳунар мактаби, 58 оммавий кутубхона (500 минг китоб), 46 клуб, 2 маданият ва истироҳат боғи, касалхоналар, 13 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 6 қишлоқ врачлик пункти, 7 поликлиника, фельдшер-акушерлик пунктлари, 4 диспансер бор. Бу муассасаларда 3800 дан зиёд тиббиёт ходимлари ишлайди. 1932 й.дан «Чағониён» туман газ. нашр этилади (адади 9000).

Денов туманидаги Сина қишлоғининг умумий кўриниши.



ДЕНОМИНАЦИЯ (*de* ва лот. nominatio — ном) — валютанинг барқарорлигини ошириш ва ҳисоб-китобни ихчамлаштириш мақсадида қоғоз пул номиналини (ёзиб қўйилган қиймати)ни пасайтириш; эски пулни курси (қадри) юқори қилиб белгиланган, номи ўзгарган янги пулга маълум нисбатда алмаштириш. Мамлакатдаги пул муомаласини тартибга солиш тадбирларидан бири, пул қадри пасайишини тўхтатиб қолиш ёки сусайтириш орқали пул тизимини соғломлаштириш мақсадида амалга оширилади. Д. муомалада бўлган пул маблағлари (купюра, танга)лар массасини бирмунча камайтириш имконини беради.

Д. амалга оширилганда, одатда, нархлар, тарифлар, иш ҳақи ва б. ҳам шу нисбатда ўзгартирилади. Мас., 1960 й.да Францияда ўтказилган Д. пайтида эски франк янги франкка 100:1 нисбатда алмаштирилган. Собиқ Иттифоқда 1947 ва 1961 й.лардаги пул ислоҳотларида эски рубль янги рублга 10:1 нисбатда алмаштирилган, лекин 1947 йили нархлар пулни алмаштириш нисбатига мувофиқ ўзгартирилмади. 1961 й.да эса товарлар нархи ҳам Д.га мос равишда 10 марта камайтирилган.

Ўзбекистонда 1994 й.да сўм-купон 1000:1 нисбатда сўмга, Россияда 1997 й.да рубль 1000:1 нисбатда Д. қилинди.

ДЕНОНСАЦИЯ (франц. denoncer — эълон қилиш, узиш), денонсация қилиш — халқаро ҳуқуқда икки томонлама халқаро шартнома амал қилишини тўхтатишнинг ёки кўп томонлама халқаро шартномадан чиқишнинг энг кенг тарқалган усули. Одатда, шартноманинг ўзида назарда тутилган тартиб ва муддатларда амалга оширилади. Д.га оид умумий қоидалар Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги 1969 й. Вена конвенциясида баён қилинган.

ДЕНСИТОМЕТРИЯ (лот. densitas — зичлик ва ... *метрия*) — илмий фотография бўлими; очилтирилган ёки кимёвий-фотографик йўл б-н бошқа усулда ишланган фотографик қатламнинг ёруғлик нурини ютиши ва қайтаришини ўлчаш б-н шуғулланади. Ёруғлик таъсирида фотографик қатламнинг қанчалик қорайиши унинг оптик зичлигига боғлиқ. Фотографик қатлам сиртининг зичликка нисбати қорайиш эквиваленти деб аталади. Оптик зичликни ўлчайдиган асбоб денситометр ёки микрофотометр дейилади. Рангли фотографик материалларнинг оптик зичлиги махсус усуллар б-н аниқланади (қ. *Денситометрия*).

ДЕНТИН (лот. dens — тиш) — суяксимон пишиқ тўқима, тишнинг асосий қисмини ташкил этади. Тиш коронкасида Д. эмаль б-н, бўйни ва илдизида эса цемент б-н қопланган. Д. 70—72% минерал тузлар ва тахм. 28% органик моддалардан таркиб топган. Д. асосан коллаген толалар ва улар орасидаги аморф моддалардан иборат; моддалар орасида Томс толалари деб аталувчи ҳужайра ўсиқчалари жойлашган каналчалар тармоқланиб кетган. Д.да қон томирлар бўлмайди, у каналчалар ва Томс толалари орқали диффузия йўли б-н озиқланади. Тоғайли балиқлар тангачасида ҳам Д. бор.

ДЕНУДАЦИЯ (лот. denudatio — очилиб қолиш, очилма) — емирилган тоғ жинс, бўлакларининг ер юзаси пастқам жойларига сув, шамол, музлик ва бевосита ўз оғирлик кучи таъсирида силжиб бориб тўпланиши жараёнларининг мажмуи. Д. жадаллигига ва характерига тектоник ҳаракатлар, жойининг иқлими, тоғ жинсларининг минерал таркиби, тупроқ-ўсимлик қопламининг тузилиши ва инсон фаолияти кучли таъсир қилади. Д. узоқ давом этганда ер юзасининг рельефи текисланади, айрим жойлари пасаяди, пасттекислик ва *пенепленлар* таркиб топади. Булар кейинчалик бўладиган тектоник ҳаракатлардан кўтарилиб тоғларнинг сувайирғич қисмида ва ён бағирларида баланд денудацион текисликлар ҳосил қилади.

ДЕПАРТАМЕНТ (франц. departement) — 1) Франция ва б. кўпгина мамлакатларда асосий маъмурий-ҳудудий бирлик; 2) айрим давлатларда (мас., АҚШ, Швейцария, РФ, Ўзбекистон) — маҳкама ёки вазирлик ёхуд улар бўлинмаларининг аталиши; *давлат департаменти* — АҚШ ташқи ишлар вазирлиги.

ДЕПО (франц. dépot — омбор) — ҳаракатланувчи таркиб (т. й. вагонлари, локомотивлар, метрополитен ва трамвай вагонлари, ўт ўчириш машиналари) таъмирланадиган корхона. Махсус (ихтисослаштирилган) ва аралаш Д.лар бўлади. Махсус Д.лар ҳаракатланувчи таркибнинг бирор хилини таъмирлаш учун ихтисослаштирилади (мас., вагон Д.си, локомотив Д.си ва ҳ.к.). Аралаш Д.ларда электровозлар, тепловозлар, мотор-вагонли поездлар ва кранлар таъмирланади. Тошкентда вагонлар таъмирланадиган (иккита) ва тепловозлар таъмирланадиган (битта) махсус Д.лар бор. Шаҳар транспортининг ҳаракатланувчи таркиби таъмирланадиган жой сарой (парк) деб аталади (мас., троллейбус саройи, трамвай саройи ва б.).

ДЕПОЗИТ (лот. depositum — омонат, асраб қўйилган) — 1) банкка қўйилган омонатлар. Бундай Д.ларнинг муддатли (муайян муддатдан сўнг қайтариб бериладиган) ва талаб қилиб олинадиган (омонат эгасининг биринчи талаби б-н бериладиган) турлари бор. Кредит муассасаси омонатчига Д.ни олиш ҳуқуқини берувчи ҳамда мазкур пул маблағининг банкка *депонент* қилинганини тасдиқловчи ёзма гувоҳнома — Д. сертификати беради; 2) банк дафтаридаги мижозларнинг банкка бўлган муайян талабларини ифодаловчи ёки тасдиқловчи ёзувлар; 3) кредит муассасаларига сақлаш учун топширилган *қимматли қоғозлар* (*акция* ва *облигация*лар) ва пул воситалари; 4) турли муассасаларга талаб қилинадиган тўловларни таъминлаш учун олдиндан ўтказиладиган *бадал*лар.

ДЕПОЗИТ БАНК — асосан *депозит* (омонат)ларни жалб этиш ҳисобига банк операцияларини амалга оширувчи банк (яна қ. *Банклар*).

ДЕПОЗИТАРИЙ — 1) *депозит*лар ишониб топширилган жисмоний ёки юридик шахс. Д. фонд бозоридаги қимматли қоғозлар (*акция, вексель,* сертификат ва б.)ни жойлаштириш, сақлаш ва ҳисобга олиш, муомала ҳаракатларини қайд этиш б-н боғлиқ ишларни амалга оширилади (акциядорлик жамиятларига, брокерлик идораларига, инвестиция фондлари ва б.га хизмат кўрсатади). Ўзбекистонда биринчи Д. очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклидаги *«Вақт» миллий депозитарийси* 1994 й. 8 июнда ташкил қилинган. 2001 й.да Тошкент ш. ва вилоятларда 19 Д. ишлади; 2) халқаро шартноманинг асл (ҳақиқий) матнини сақлаётган давлат ёки халқаро ташкилот.

ДЕПОЗИТОР — 1) *депозит* эгаси; 2) муайян ташкилотнинг бирор сабаббга кўра илгари тўламаган пул суммасини тўлаши лозим бўлган жисмоний ёки юридик шахс.

ДЕПОНЕНТ (лот. deponentus — жойлайман) — кредит муассасаси (банк)га пул ёки қимматли қоғозларни сақлаш учун топширган жисмоний ва юридик шахс. Ўзига тегишли пул даромади ёки тўловларни ўз муддатида олмаган шахс. Бу маблағлар уни сақлаётган корхона ва ташкилотга нисбатан Д. бўлади.

ДЕПОРТ (франц. deport) — биржада қимматли қоғозлар нархини пасайтириш йўли б-н фойда олишни кўзлаб иш юритадиган олибсотарлар томонидан маълум муддатга тузиладиган битим. Унинг акси — *репорт*. Бундай шахслар, мас., акция савдосида акцияларни маълум бир муддатдан кейин келишилган нархларда сотиш ҳақида битим тузиб, шу муддатга қадар акцияларни арзонроқ нархларда сотиб олишни мўлжаллайди. Муддат ўтгач, акциялар нархи ошган тақдирда битим тузган томон акцияларни юқори нархда сотиб, курс фарқидан фойда кўради.

ДЕПОРТАЦИЯ (лот. deportatio — бадарға, сургун қилиш) — жиноий ёки маъмурий жазо чораси сифатида давлатдан мажбуран чиқариб юбориш, ҳайдаш. Ҳуқуқда «Д.» термини Франция жиноят қонунчилигига кўра, 18—19-а.ларда қўлланилган *сургун*нинг алоҳида кўринишларини англатган. Д.дан рецидивист жиноятчилар б-н бирга жамият учун номатлуб кишиларни жазолашда фойдаланилган. Кўпинча у ё бу давлатга ғайриқонуний келиб қолган чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар Д. қилинади. 1920—40 й.лардаги оммавий қатағонлар даврида собиқ Иттифоқнинг кўп халқлари Д.га дучор бўлган эди.

ДЕПРЕССИЯ (лот. depressio — босилиш, сусайиш) (иқтисодиётда) — иқтисодий танглик натижасида ва ундан кейин бошланадиган турғунлик даври. Бу даврда и.ч. ўсмайди, иқтисодий жонланиш юз бермайди, ишсизлар сони кўпаяди, нархлар бир меъёрга келган бўлса ҳам товар ва хизматларга талаб паст бўлади. Товар захиралари кўпаймайди, унинг маълум қисми арзон баҳода сотилади. Арзон сотилган маҳсулотлар ўрнини қоплаш учун и.ч. харажатларини камайтиришга, иш ҳақини пасайтиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилади. Тангликдан кейинги Д. иқтисодий танглик якуний босқичга ўтганлигини ва иқтисодиётда жонланишни, сўнгра юксалишни кутиш мумкинлигидан дарак беради.

ДЕПРЕССИЯ (тиббиётда) — ўзига ишонмаслик руҳидаги ғамгинлик, тушкунлик кайфияти, умидсизлик, тасаввурларнинг бир «қолип»га тушиб қолиши, хоҳиш-истакнинг камайиши, ҳаракатларнинг чегараланиши. Кўпгина руҳий касалликларда кузатилади. Сурункали ўта толиқиш, руҳий озор етказадиган шароит (ҳолдан тойиш Д.си), ғам-гусса (реактив Д.) Д.га сабаб бўлиши мумкин. Д. аломатлари турлича намоён бўлади. Баъзи турларида фикрлаш, саволларга жавоб қайтариш, баъзан ҳатто ҳаракат қилиш қийинлашади. Бемор ғамгин кўринади, айни вақтда иштаҳадан қолиб, озиб кетади, юрак уриши ва қон босими ўзгаради, боши оғрийди, қабзият бўлади, тери-си қуришиб қолади ёки тер босади; аёллар ҳайз кўрмайди; уйқуси бузилади; иш қобилияти пасаяди. Д.нинг баъзи турларида бемор ўзини иродасизликда айблайди, касалликка, азоб-уқубатларга дучор бўлдим деб ўйлайди, оиласи учун кераксиз киши, гуноҳкор деб ҳисоблайди ва ҳ.к. Д. ҳолати моддалар алмашинувининг бузилиши ва эндокрин касалликлар б-н бирга кечади. Д. бўлган киши ўзини ўзи ўлдиришга уриниши мумкин, шунинг учун беморга кўз-қулоқ бўлиб туриш керак. Даво касаллик аломатларига қараб буюрилади.

ДЕПУТАТ (лот. deputatus — вакил этилган) — 1) давлат вакиллик органининг сайлаб қўйилган аъзоси; Ўзбекистон Республикасида — халқнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ Д.лари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ваколатли вакили. Уларнинг мақоми, ваколатлари, Д.лик фаолиятининг кафолатлари «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонунида (1995 й. 6 май) белгилаб берилган (қ. *Депутатнинг дахлсизлиги, Депутат сўрови, Депутатларнинг фракциялари, блоклари ва гуруҳлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати);* 2) жамоа (гуруҳ) томонидан бирон-бир топшириқни бажариш учун вакил қилинган шахс.

ДЕПУТАТ СЎРОВИ (интерпелляция) — парламент депутатининг ҳукуматдан ёки айрим вазирдан ҳукуматнинг умумий сиёсати масалалари бўйича ёки муайян тадбирлар бўйича расмий тушунтиришни талаб қилиш ҳуқуқи. Ўзбекистон Республикасида барча тизимдаги депутатлар тегишли органларга ва мансабдор шахсларга сўров б-н мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир. Бу ҳуқуқ ЎзРнинг «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги қонуни (1995 й. 6 май)да белгилаб қўйилган.

ДЕПУТАТЛАРНИНГ ФРАКЦИЯЛАРИ, БЛОКЛАРИ ВА ГУРУҲЛАРИ — депутатларнинг ўзаро келишув асосида ташкил топган бирлашмалари. Депутатлар сиёсий қарашлари, касби, қизиқишлари бўйича расмий фракциялар, блоклар, доимий ва муваққат депутатлар гуруҳларига бирлашишлари мумкин. Ўзбекистон Республикасида Д. ф. б. ва г. фаолияти «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги қонунда (1995 й. 6 май) ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг регламенти»да (1995 й. 5 май) белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

рўйхатга олинган 4 та фракция (Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Фидокорлар миллий демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси, Миллий тикланиш демократик партиясидан сайланган депутатлар фракциялари) ва 2 та блок (Сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блоки ва ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки) бор (яна қ. *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси*).

ДЕПУТАТНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ — демократия принципи; унга кўра, давлат ҳокимияти ваколатли органининг депутати шу органнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Ўзбекистонда Д.л. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (88- модда) ва ЎзРнинг «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг маҳоми тўғрисида»ги қонуни (1995 й. 6 май) б-н мустаҳкамланган. Қонунга кўра, Олий Мажлис депутати — Олий Мажлиснинг, сессиялар оралиғидаги даврда эса — Олий Мажлис Кенгашининг; Жўқорғи Кенгес депутати — Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Жўқорғи Кенгеснинг, сессиялар оралиғидаги даврда эса — Жўқорғи Кенгес Раисининг; вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг депутати эса тегишли ҳудудда тегишли Кенгашнинг, сессиялар оралиғидаги даврда эса — ҳокимнинг ёки ҳоким вазифасини ижро этувчи мансабдор шахснинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Олий Мажлис депутатига нисбатан жиноий иш фақат ЎзР Бош прокурори томонидан, Жўқорғи Кенгес депутатига нисбатан — ЎзР Бош прокурори ёки Қорақалпоғистон Республикаси прокурори томонидан; вилоят ва Тошкент ш. Кенгашининг депутатига нисбатан жиноий иш тегишли вилоят, Тошкент ш. прокурори ёки юқори турувчи прокурор томонидан, туман, шаҳар Кенгашининг депутатига нисбатан эса — тегишли туман, шаҳар прокурори ёки юқори турувчи прокурор томонидан кўзғатилиши мумкин. Олий Мажлис ва Жўқорғи Кенгес депутатини мажбуран келтириш, ушлаш, шунингдек, унинг шахсий буюмларини, юки, транспорт, уй-жойи ёки хизмат хонасини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

ДЕ РАДА (De Rada) Иероним (1814.29.11 — Маккья-Альбанесе, Коренца, Италия — 1903.28.2) — албан шоири, олим, сиёсий арбоб. Албан романтизмининг асосчиси. 1848—49 й.лардаги итальян халқининг миллий озодлик ҳаракатида қатнашган. «Милосао қўшиқлари» (1836), «Албанча қушиқ» (1866), «Бахтсиз Скандарбег» (1886) достонларида албан халқининг мустақиллик учун курашини куйлаган. Бундан ташқари, «Албан тили грамматикаси», «Қадимий албан тили», «Албан тилининг ўзига хос хусусиятлари» каби илмий асарлари бор.

ДЕРАТИЗАЦИЯ (франц. deratisation — кемирувчиларни қириш) — юқумли касалликларни тарқатадиган ҳамда халқ хўжалигига иқтисодий зарар келтирадиган кемирувчиларни қириш. Профилактик ва қириб йўқотиш тадбирларини ўз ичига олади. Профилактик тадбирлар зараркунанда кемирувчиларнинг уя қуриши, овқатланиши ҳамда кўпайишига имкон берадиган шароитларни йўқотишга, турар жой, хўжалик биноларини, гўшт корхоналари, гўшт асраладиган музхоналар, аралаш ем корхоналари, элеватор, тегирмон, омборхоналарни улар киришидан ҳимоя қилишга қаратилган бўлади. Бунинг учун дон, ун, сабзавот, гўшт ва б. маҳсулотларни кемирувчилар тегмайдиган шиша сепилади. Заҳарли моддалар б-н ишлаганда эҳтиёт чораларига қатъий риоя қилиш керак. Кемирувчилар пайдо бўлганда санэпидстанцияга ҳабар қилиш лозим, у бутун бинода Д. ўтказади.

ДЕРБИКЛАР — *массагет*лар сиёсий уюшмаси (конфедерацияси)га кирувчи сак қабиласи. С. П. *Толстов*нинг фикрича, Д. Амударёнинг ўрта оқимида ҳоз. Чоржўй б-н Бухоро оралиғида яшаган. *Страбон* (мил. ав. 64— мил. 24) нинг ёзишича, «Д. Она-Ерга эътиқод қилганлар; улар аёл жинсига мансуб ҳеч қандай жонзотни қурбонлик қилмайдилар ва емайдилар; 70 ёшдан ошган эркакларни ўлдиришади, жасадларни яқин қариндошлар ейишади; кампирларни эса бўғишади, сўнгра кўмишади; 70 ёшга тўлмасдан вафот этган эркакларни улар емасдан фақат дафн этишади, холос» (Страбон, География, 11, 8). *Ктесий*нинг маълумотига кўра, *ахоманийлар*нинг қудратли шоҳи *Кир II* Д. б-н бўлган жангда ҳалок бўлган.

ДЕРИВАЦИЯ (лот. derivatio — шохобча) — 1) гидротехникада — сув омбори ёки дарёдан гидроэлектр ст-я биносига ёки насос ст-ясига сув келтирадиган ёки улардан сувни олиб кетадиган иншоотлар (канал, қувур, тунеллар) мажмуи. Сувнинг ҳаракатига қараб, Д.нинг босимли ёки босимсиз хиллари бўлади. Босимсиз Д. очиқ канал ва туннель шаклида ишланади. Босимли Д. эса босимли туннель ёки темир, темир-бетон ва тахта қувурдан иборат. Чирчиқ — Бўзсув каскадида қурилган ГЭС лар (1- ва 2-Оқтепа, Бўржар, Товоқсой, Қодирия ва б.) босимсиз Д. каналига мисол бўлади. Канал трассасининг топографик-геологик тузилишига қараб, Д. трапеция, доира, тўғри тўртбурчак ва б. шаклларда қурилади. Агар босимли Д. трассаси узун бўлса, гидравлик зарбни камайтириш мақсадида гидростанцияга яқин ерда сувни ростлаб турадиган иншоот қурилади; 2) ҳарбий техникада — ҳавода айланиб учаётган снаряд (ўқ)нинг отиш текислигидан (чапга ёки ўнгга) оғиши. Д.нинг иши гироскоп (пирилдоқ)нинг хоссаси б-н тушунтирилади. Отилган снаряд қанчалик узоққа борса, Д. ҳам шунча катта бўлади. Махсус жадваллада Д. учун тузатма берилади. Снаряд (ўқ) отилаётганда шу тузатма ҳисобга олинади; 3) *аффикс*лар ёрдамида янги *сўз ясалиши*.

ДЕРМА (юн. derma — тери), кориум, кутис — умуртқали ҳайвонлар ва одам терисининг бириктирувчи тўқимали қисми; ташқи қават — эпидермис остида жойлашган. 2 қаватдан — ички (таянч) ва эпидермис ҳамда унинг ҳосилалари (безлар, пат, тук, соч)ни озиқлантирувчи юза қаватдан иборат (яна қ. *Тери*).

ДЕРМАТИН (юн. dermatos — чарм), гранитоль — сунъий чармнинг бир тури; сиртига нитроцеллюлоза қопланган мато. Муқовасозлик, мебелсозликда, автомобиль саноатида ва б. мақсадларда ишлатилади.

ДЕРМАТИТЛАР — терининг яллиғланиши. Ташқи муҳит таъсиротлари: терининг ишқаланиб шилиниши, эзилиши, куйиши, совуқ уриши, унга нур (рентген, радиоактив ва қуёш нурлари), турли дорилар (сульфаниламидлар, антибиотиклар) ва кимёвий моддалар таъсир этиши, бит, бурга, қандала, чивин, кана чақиши, шунингдек, баъзи ўтлар (мас., қичитқи ўт) Д.га сабаб бўлади. Шартсиз таъсиротлар (мас., қайнаган сув) туфайли рўй берган Д.да яллиғланиш таъсирот теккан жойнинг ўзида бирданига вужудга келади. Унинг бу тури контакт Д. дейилади. У ҳам ўз навбатида оддий ёки сунъий хилларга ажратилади. Шартли, қитиқловчи омиллар таъсирида пайдо бўлган Д. фақат шу омилларга нисбатан, сезувчанлиги юқори бўлган организмда кузатилади ва у аллергик Д. деб аталади. Белгилари: тери қизариб, шишади, қичишади, ачишади ва қизийди. Яллиғланган жойда катта-кичик пуфакчалар кўзга ташланади, улар ёриліб, ичидан суюқлик чиқади. Яллиғланиш кўпинча юза бўлади. Д.ни кўзгатадиган омил узоқ таъсир этса, терининг остки қаватлари ҳам яллиғланиб, яра бўлиши мумкин. Намланиб турган жойлар аста-секин қурийди, қорақўтир бўлади ёки кулранг тангачалар б-н қопланади, улар ҳам тезда тушиб, ўрнида доғ қолади ва кейинчалик йўқолиб кетади. Теринінг сезувчанлиги ҳар мада ҳар хил; бир кишининг терисига ҳеч қандай таъсир этмаган омил (мас., тухум, балиқ, қази, қулупнай еганда) иккинчи кишида Д. пайдо қилиши мумкин. Д.нинг олдини олиш учун уйжой ва корхоналарни озода сақлаш, шахсий гигиенага риоя қилиш, коржома, резина қўлқоп кийиш, юзга офтобдан сақлайдиган суртма ёки крем суртиш керак. Даво асосан Д.нинг хилига ва белгиларига қараб тайинланади.

Ҳайвонларда оддий сўгалли, везикулёз ёки пуфакчали ва гангренали Д. учрайди. Баъзи озуқалар (таркибида солонин кўп бўлган картошка барда-си, чиқиндилари ва б.) тошмага, экзантемага сабаб бўлади. Доривор моддаларни терига суртганда, ичирилганда ҳам Д. ривожланиши мумкин.

Кўпгина Д. биологик препаратлар — туберкулин, маллеин, сарамас, куйдирги антигенлари, замбуруғлар (дерматомикозлар), эктопаразитозлар (кўтир, маллофагоз, гематопинидоз ва б.), эндопаразитозлар (гиподерматоз, демоденоз ва б.) таъсирида пайдо бўлади. Қон зардоби, қичитқи ўт (крапива) аллергик Д. келтириб чиқариши мумкин. Ҳайвонлар жароҳатланганда келиб чиқадиган Д.да жун қатлами қисман ёки тўлиқ тушиб кетади, тери қизаради, шишади, катта-кичик пуфакчалар ҳосил бўлади. Кейинчалик ёрилиб, суюқлик чиқади. Яллиғланиш кучлироқ бўлса, теринінг остки қаватлари ҳам юзаси аста-секин қурийди, қорақўтир бўлиб, кейинчалик йўқолади. Сўгалли Д. кўпинча отларда учрайди. Шикастланган жой қалинлашади, ўсимта ҳосил бўлади, ёрилади, қўланса ҳидли суюқлик ажратади. Везикулёз Д. кўпинча қорамол ва отларда учрайди. Қорамолларда Д. узоқ вақт барда б-н боқиш натижасида келиб чиқади. Гангреноз Д.да тери қизаради, шишади, жунлари тўкилади, қичима ва пуфакчалар пайдо бўлади, баъзан тери ва тери ости тўқималари яраланади.

Даволаш: ўткир Д.да касаллик сабабларини аниқлаб, қотирувчи препаратлар қўлланилади. Примочка ёки бриллиант яшили, малахит яшили, метилен кўки, пиоктанининг спиртдаги эритмаси суртилади. Вишневский мази, синтомицин эмульсияси ва б. б-н ҳимоя боғлами (повязка) қўйилади.

Ад.: Арифов С., Эшбоев Э., Тери ва таносил касалликлари, Т., 1997.

Саидқосим Арифов, Аҳрор Рўзимуродов.

ДЕРМАТО... (юн. derma, dermatos — тери) — кўшма сўзлар таркибий қисми бўлиб, тери, тери касалликларига оидликни билдиради (мас., *дерматология*).

ДЕРМАТОЗЛАР — тери ва унинг ҳосилалари (соч, тирноқ ва б.) касалликларининг умумий номи; алоҳида касаллик ёки бошқа бирор умумий касалликларнинг белгиси бўлиши мумкин. Ташқи (экзоген) ва ички (эндоген) Д. фарқ қилинади. Ташқи Д. га атроф муҳитдаги физик (механик қитиқловчилар, нур, иссиқ ёки совуқ ва б.), кимёвий (и.ч. ва уй-рўзғорда қўлланиладиган кимёвий воситалар, дорилар, озиқ-овқатлар) ва биологик (микроорганизмлар, ҳашаротлар ва б.) омиллар сабаб бўлади. Ички Д. моддалар алмашинувининг бузилиши, ички касалликлар, хусусан меъда-ичак касалликлари, тиш, муртак, ўт пуфаги ва б. аъзолардаги мавжуд инфекциялар туфайли пайдо бўлади. Кўпроқ касбга алоқадор ва аллергик Д. кузатилади. Касалликнинг кечиши унинг *этиологияси* ва *патогенези*га боғлиқ.

ДЕРМАТОЛОГИЯ (*дермато...* ва *...логия*) — тери касалликлари ҳақидаги фан; клиник тиббиётнинг бир соҳаси. Теринінг бузилиши, вазифаси, соғлом тери ва касаллик ҳолати, шунингдек, организмнинг бошқа касалликларида терида бўладиган ўзгаришларни ўрганади. Тери касалликларини аниқлаш, даволаш ва олдини олиш масалаларини ишлаб чиқади. Д. умумий ва хусусий қисмларга бўлинади. Умумий Д. соғлом ҳамда касал теринінг анатомияси ва физиологиясини, тери касалликларининг юзага келиш сабаблари, даволаш ва олдини олиш усулларини, хусусий Д. эса тери, соч ва тирноқда пайдо бўладиган айрим касаллик белгиларини, қўзғатувчиларини, даволаш усулларини ўрганади. Д. *венерология, ички касалликлар, невропатология, эндокринология, психиатрия* ва б. тиббиёт фанлари б-н чамбарчас боғланган.

Д. узоқ тарихга эга. Қад. Мисрда қичима, сачратқи, қўтир, мохов каби тери касалликларини турли мой дорилар, малҳамлар б-н даволашган; терини косметик усулда парвариш қилиш ҳам кенг расм бўлган. Юнонистон ва Римда тери ва таносил касалликларини даволаш б-н шуғулланганлар. *Гиппократ* тери касалликларини бир тартибга солиб қўтир, мохов, соч тўкилиши, қадоқ каби касалликларни ўрганган ва уларни даволаш ҳақида маълумотлар берган. Қад. Рим врачи Цельз чипқон, трихофития, псориаз ва б. касалликлар тўғрисида батафсил ёзиб, бу дерматозларни даволашда ультрабинафша нурлар, илиқ физик омиллардан фойдаланишни тавсия этган. Ўрта осиёлик олим Абу Али *ибн Сино* ўзининг «Тиб қонунлари» китобида пўрсилдоқ яра, қичима, гуш (экзема), захм, мохов ва б. тери касалликларини тасвирлаш б-н бирга уларнинг бир-биридан фарқини ҳам кўрсатиб, даволаш усулларини ёзиб қолдирган. Д. фанининг шаклланиши 16-а.нинг иккинчи ярмида физика, кимё, биол. фанларида қилинган кашфиётлар б-н узвий боғлиқ. 18-а. да тери таносил касалликларининг этиологияси, патогенези ва клиникасини ўрганиш авж олди ва инглиз, француз, немис, рус Д. мактаблари пайдо бўлди. Ўзбекистонда Ўрта Осиё давлат ун-ти тиббиёт ф-тида тери ва таносил касалликлари кафедраси ташкил этилганидан (1920) бошлаб Д. ва венерология соҳаси ривож топди. 1924 й.да Тошкентда тери ва таносил касалликлари диспансери, 1932 й.да *Дерматология ва венерология илмий тадқиқот институти* ташкил қилиниши бу фаннинг ривожланишига кенг йўл очиб берди.

Сўзак, захм, теринінг замбуруғли касалликлари, витилиго каби касалликларнинг тарқалиши, этиологияси, патогенези, диагностикаси, даваси, олдини олиш масалалари ўрганилди (А. А. Аковбян, Х. Н. Хидиров, И. А. Гелинцевский, Т. Т. Тожибоев, К. С. Сулаймонов ва б.). Тери касалликлари (захм, кал) да ички аъзоларнинг зарарланиши; касбга алоқадор тери касалликлари; *дерматомикозлар* қўзғатувчиларининг турини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилди (У. К. Белуха, Ҳ. Ҳусанов, Р. А. Капкаев, У. М. Мираҳмедов ва б.). Ўзбекистонда ҳоз. 1- ва 2- Тошкент тиббиёт ин-ти, Тошкент педиатрия тиббиёт ин-ти, Врачлар малакасини ошириш ин-ти, Бухоро, Самарқанд, Андижон тиббиёт ин-тларида дерматология ва венерология кафедралари фаолият кўрсатади.

Олимлардан А. А. Аковбян, У. М. Мираҳмедов, Р. А. Капкаев, М. М. Обидов, А. Ҳ. Абдуллаев, А. Ш. Ваисов, Ш. А. Ҳамидов, Х. Ш. Шодиевларнинг ижодий изланишлари кенг тарқалган тери касалликларини кескин камайтиришга имкон берди.

Ад.: Арифов С., Эшбоев Э., Тери ва таносил касалликлари, Т., 1997.

ДЕРМАТОЛОГИЯ ВА ВЕНЕРОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли илмий тадқиқот муассасаси. 1932 й. Тошкент ш.да ташкил этилган. Ин-тда жинсий йўл б-н юқадиган касалликлар, кенг тарқалган *дерматозлар* ва *дерматомикозлар*, шунингдек, моховни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш устида тадқиқотлар олиб борилади. Бунда С. Хидиров, У. К. Белуха, М. Обидов, А. Ваисов каби олимларнинг хизматлари катта.



Дерматология ва венерология и.т. институти. Микробиология лабораториясида.

Ин-тда жинсий йўл б-н юқадиган инфекциялар, микология, дерматология бўлимлари, илмий-ташкилий бўлим, илмий-маслаҳат поликлиникаси ва микробиология, серодиагностика, иммунология, фармакотерапия, биокимё ва морфология лаб.лари, 160 ўринли клиник касалхона, кутубхона, виварий ва ҳ.к. бор (2001). Ин-тда 4 фан д-ри (С. Арифов, К. Йўлдошев, А. Раҳматов, Э. Эшбоев), 27 фан номзоди ва б. ходимлар хизмат қилади (2001). Ин-т Давлат фан ва техника қўмитаси, чет эл грандларини ютган. Ин-тда илмий тўплам, монография, дарслик ва турли қўлланмалар чоп этилади, ихтиролар қилинади, дерматовенерологиянинг долзарб муаммолари бўйича илмий-амалий анжуманлар ўтказилади.

ДЕРМАТОМИКОЗЛАР (*дермато...* ва юн. mykes — замбуруғ) — теринінг замбуруғли касалликлари; паразит замбуруғлар (дерматомицетлар) қўзғатади. Д. 4 хил бўлади: 1) кератомикозлар — замбуруғлар теринінг энг устки мугуз қаватида ёки соч кутикуласида бўлади; унда яллиғланиш, оғриқ, қичишиш аломатлари кузатилмайди. Бунга қизилпиқли темиратки, эритразма, пьедра (сочдаги сув сирка), қўлтиқ трихомикозлар; 2) эпидермомикозлар — замбуруғлар теринінг мугуз қатлами тарқалади. Вақтида даволанмаса оғир оқибатларга олиб бориши мумкин. Д.нинг олдини олиш учун шахсий гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш, касаллик манбаи ва беморни вақтида аниқлаш, шунингдек, беморнинг оила аъзолари, болалар муассасаларидаги тарбияланувчилар ва барча ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиб туриш лозим. Даво асосан касалликнинг хили ва аломатларига қараб буюрилади.

Ад.: Арифов С., Эшбоев Э., Тери ва таносил касалликлари, Т., 1997.

ДЕРМАТОМИОЗИТ (*дермато...* ва юн. myos — мускул) — кўпинча мускул, тери ва нерв зарарланиши б-н ўтадиган ва коллагеноз туркумига мансуб умумий касаллик; ўткир, ўртача ўткир ёки сурункали бўлади. Аксари *сил, ич терлама, грипп* каби юқумли касалликлардан кейин рўй беради. Ёшлар ва аёлларда кўпроқ учрайди. Дастлаб юз, кейинроқ оёқ-қўл ва баданда қизил, кўкимтир доғлар, тугунча, пуфакчалар пайдо бўлади, Улар анчагина жойни эгаллаши, ҳатто бутун баданга тарқалиши мумкин, Кейинчалик пуфакчалар сўрилиб, ўрнида қорамтир доғ қолади, тери юпқалашади (атрофия). Оғиз, томоқ, кўз шиллиқ қавати, оёқ-қўл, қовурғалар ораси, умуртқалар атрофи, ҳатто кўз косаси мускуллари ҳам касалланади; бемор дармонсизланиб, тез чарчайдиган бўлиб қолади, баъзан, ҳарорати кўтарилади. Ушбу жараёнда *плеврит, эндокардит* каби касалликлар пайдо бўлади. Даво беморнинг умумий аҳволига қараб тайинланади (асосан кортиокстероидлар буюрилади).

ДЕРМОГРАФИЗМ (*дерма...* ва юн. graphein — чизмоқ) — терига механик таъсир кўрсатилган (чизиб кўрилган) жойдаги қон томирлар реакцияси. Бунда қизил ёки оқ йўл кўзга ташланади. Д. нормал ёки патологик бўлади. Нормал Д. да терини бирор нарса б-н чизилса, бир неча сек. дан кейин қизил йўл кўриниб, 1—3 мин. да йўқолади. Патологик Д. қизил ёки оқ бўлади. Қизил Д. нерв системасининг ҳаддан ташқари тез қўзғалувчанлигидан далолат беради. Экзема (гуш), псориазнинг ўткир даврида, эшакем, экссудатив эритема каби касалликларда учрайди. Оқ Д. қон томирларни торайтирувчи марказни қўзғалувчан кишиларда кузатилади. У *невродермит*, қичима, *псориаз*да бўлади. Қизил ва оқ Д. бир вақтда учраши мумкин. Бунда оқ ҳошияли қизил йўл кўринади. Бир касалликнинг иккинчисига айланишида, мас., болаларда эшакемнинг қичимага ўтишида ҳудди шундай бўлади. Вегетатив нерв системасининг ҳолатини ўрганишда, нерв ва эндокрин системаларнинг баъзи касалликларига ташҳис қўйишда Д. муҳим аҳамиятга эга.

ДЕРЯЕВ Хидир (1905, Мари вилояти Эгригузар қишлоғи — 1987, Ашхабод) — Туркманистон халқ ёзувчиси (1967). Туркманистон ФА мухбир аъзоси (1969). Тошкентдаги маориф ин-ти (1926) ва Ўрта Осиё давлат ун-тини тугатган (1931). Ашхобод педагогика ин-тида ўқитувчи (1931), кафедра мудири (1938). Туркман мумтоз адабиётини тадқиқ этиш ва нашр қилишда фаол қатнашган, биринчи бўлиб туркман тили дарслигини яратган. Илк шеърларини Тошкентда ёзган. «Амударё» достони (1928) Туркманистонда сув муаммосига бағишланган. «Афсусми ё маслаҳат» достони (1929) одоб-ахлоқ мавзуида. «Қонли панжа» (1937) асари туркман адабиётидаги дастлабки реалистик романдир. Ёзувчи уни қайта ишлаб, 2—4 қисмларини ёзиб, «Қисмат» номи б-н чоп эттирган (1960—71). «Бўрон» (1974) романи, «Қисмат» (1962, роман асосида), «Меҳри» (1964), «Хўжанафас» (1969) драмалари муаллифи. «Қисмат» романининг 1—2 китоблари П. *Қодиров* таржимасида ўзбек тилида нашр қилинган (1967, 1972).



ДЕСАНТ (франц. descente — тушириш) — душман эгаллаган ҳудудда жанговар ҳаракат қилишга мўлжалланган самолёт, вертолёт ва денгиз, дарё орқали туширилган ёки шу мақсадда тузилган қўшин. Бажарадиган вазифалари ва мақсади бўйича: стратегик Д., оператив (тезкор) Д., тактик Д., махсус вазифаларни бажарадиган Д., Д. тушириш бўйича денгиз Д.и, ҳаво Д.и, танк Д.и ва б. Десант бир вақтнинг ўзида ҳам ҳаводан, ҳам денгиздан туширилиши мумкин. Ўзбекистон ҳудудидаги собиқ Иттифоқ ҳаво Д.и қўшинлари 1992 й. 18 майда ЎзР Президенти фармонига мувофиқ республика тасарруфига ўтказилган.

ДЕСЕЛЕРОМЕТР (*де...* ва лот. celero — тезлаштираман ва ... *метр*) — трансport машинасининг муайян вақт бирлиги мобайнида секинлашуви, яъни тезлиги пасайишини ўлчайдиган инерцион (*инерция* ҳодисасига асосланган) асбоб. Д.да суюқлик, маятник ёки пружинага осилган юкча асосий иш қисми ҳисобланади. Мас., маятникли Д.нинг асосий иш қисми шаффоф корпусдаги ўққа осилган маятник. Д.нинг кўрсатувчи ва қайд қилувчи хиллари бор. Резина қапишгич (бирор сиртга тақалганда ҳаво чиқиб кетиб, шу сиртга ёпишиб қоладиган мослама) ёрдамида Д. автомобилнинг олд ойнаси ёки олд панелига маҳкамлаб қўйилади. Бунда маятник асбоб шкаласидаги нолинчи белги қаршисидаги вазиятни эгаллаши лозим. Автомобиль секинлашганда инерция кучи таъсирида маятник маълум вазиятга оғади ва унинг шу оғиш қийматига қараб секинлашиш даражаси шкаладан аниқланади.

ДЕСЕНСИБИЛИЗАЦИЯ (*де...* ва *сенсибилизация*) — организмнинг ёт (кўпинча оқсил) моддалар (аллергенлар), микроблар ва б.га ортиқ даражада сезгирлиги (сенсибилизация)ни бартараф қилиш ёки камайтириш. Организмга унга ёт бўлган оқсил юборилганда махсус модда — *антитело* ҳосил бўлади. Оқсил қайта юборилганда антитело у б-н ўзаро таъсирлашиб зардоб касаллигини ёки бошқа аллергик касалликларни келтириб чиқариши мумкин (қ. *Аллергия*). *Гистамин*га қарши восита лар, олтингугурт препаратлари, пироген моддалар, алоэ ва б. десенсибилизацияловчи хусусиятга эга. Зардоб препаратлари қайта юборилганда, улар қўзғатадиган анафилаксиянинг олдини олишда Д. аллергик касалликларни даволаш усули сифатида қўлланилади.

ДЕСЕРТ (франц. dessert), дессерт — дастурхонга ,иссиқ овқатлардан кейин тортиладиган ширин таомлар (кисель, компот, крем ва б.), ҳўл мевалар, кондитер маҳсулотлари.

ДЕСЕРТ ВИНОЛАР — таркибида 12—17% ҳажм спирт ва 2—35 г/100 см³ қанд бўлган натурал ёки кучайтирилган винолар (қ. *Вино, Виночилик*).

ДЕ СИКА (De Sika) Витторио (1901.7.7, Сора — 1974.13.11, Рим) — италия актёри, реж. Неореализм асосчиларидан. Энг яхши фильмлари: «Велосипед ўғрилари», «Умберто Д.», «Кунгабоқарлар», «Кеча, бугун, эртага», «Италиянча никоҳ», «Сафарга бориш», «Қисқа татил», «Финци — Контин боғи» ва б. «Генерал Делла Роверс» фильмида бош роль — Бертонени ижро этган. Оскар мукофоти лауреати (1949, 1964, 1971).

ДЕСИКАНТЛАР (лот. desicco — қуритаман) — етилишини тезлаштириш (5—7 сутка) ва ҳосил йиғим-теримини осонлаштириш учун ўсимликларни илдизи б-н қуритишга, *десикация*га мўлжалланган кимёвий моддалар. *Пестицидлар* гуруҳига киради. Д. ўсимлик тўқималарини сувсизлантиради ва ҳаёт фаолиятини бутунлай тўхтатади. Д. гўза, шоли, картошка, кунгабоқар, қанд лавлаги уруғлиги, соя, канакунжут ва б. экинлар ҳосилини йиғиб-териб олишдан камида 10 кун олдин усимликни қуритишда қўлланилади. Мас., Д. таъсирида гўзанинг барча вегетатив органлари қурийди, кўсакларнинг етилиши ва очилиши тезлашади, аммо етилган тола ва чигитга зарар етмайди. Д. сифатида асосан *магний хлорат*нинг 60% ли сувда эрийдиган кукуни (20—25 кг/га) ва кальций хлорат-хлориднинг (35—40 кг/га) 42% сувли эритмаси, реглон ишлатилади.

ДЕСИКАЦИЯ (*де...* ва лот. siccum — қуруқ, қуритиш, сувини қочириш) — экинларни ўсиб турган жойида дорилаб қуритиш. Д. ҳосил етилишини тезлаштириб, йиғим-терим ишларини барвақт тугаллаш мақсадида ўтказилади. Д. қилинганда ўсимликнинг ҳаёти бутунлай тўхтайди, унинг ўсув органлари, жумладан пишиб етилмаган мевалари ҳам тезда қуриб қолади. Д. ҳосилни машиналарда теришни осонлаштиради. Қанд лавлаги майдонларида ҳосил теримидан 10, гўзада 15—20, токзорларда 20 кун илгари ўтказилади. Ўзбекистон шароитида, асосан, гўза, шунингдек, картошка, дон-дуккакли ва мойли экинлар Д. қилинади. Д. қилиш муддатли об-ҳавога, гўзада кўсакларнинг етилиши ҳамда очилиш даражасига қараб белгиланади. Мас., республиканинг марказий ва шимолий р-нларида кўсакларнинг 60—65%, жанубий р-нларида эса 70—75% очилганда, дастлабки машина теримидан кейин Д. қилинади. Д.да кимёвий препаратлар (*десикантлар*) эритмаси ўсимликка махсус техника (трактор ва мослама лар) б-н пуркалади.

ДЕСМУРГИЯ (юн. desmos— боғлов ва ergon — иш) — *жароҳат*ларни боғлаш ҳақидаги таълимот (яна қ. *Боғлов*).

ДЕСНА — Шарқий Европадаги дарё. *Днепр*нинг чап ирмоғи. Уз. 1130 км. Ҳавзасининг майд. 88,9 минг км². Смоленск қирларидан бошланиб, Киев ш.дан 6 км юқорида Днепр дарёсига қуйилади. Асосан, қор, қисман ёмғирдан сув олади. Ўртача сув сарфи 360 м³/сек. Дек.-нинг бошларида музлаб, апр. бошларида муздан бўшайди. Новгород-Северский ш.дан қуйилиш жойигача кема қатнайди. Балиқ овланади, ёғоч оқизишда фойдаланилади.

ДЕСОРБЦИЯ (*де...* ва лот. sorbeo — ютаман) — адсорбентга ютилган модданинг ундан қайта ажралиб чиқиши, *адсорбция*нинг акси. Адсорбент атрофидаги муҳитда адсорбцияланувчи модда концентрациясининг камайиши ёки т-ра кўтарилиши Д.га сабаб бўлади. Д. лаборатория амалиётида адсорбентларга ютилган газ, буғ ёки эриган моддаларни ажратиб олишда қўлланилади.

ДЕСПОТИЯ (юн. despoteia — чекланмаган ҳокимият) — чекланмаган мустабид ҳокимият шакли (қ. *Мустабидлик*).

ДЕССАУ — Германиядаги шаҳар, Саксония-Анҳальт ерида. Аҳолиси 96 минг киши чамасида (1990-й.лар урталари). Мильда дарёсининг Эльбага қуйилиш ерига яқин жойдаги порт. Транспорт йўллари тугуни. Саноатининг асосий тармоғи — машинасозлик: цемент ва кончилик саноати учун жиҳозлар, вагон-музлаттичлар, дарё кемасозлиги. Электротехника, приборсозлик, кимё, егочсозлик, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Музейлар, картиналар галереяси бор. Шаҳар 1944—45 й.ларда вайрон бўлган, урушдан сўнг қайта тикланган. Меъморий ёдгорликлардан герцоглар саройи (1530—1588) ва б. сақланган.

ДЕСТАБИЛЛАШТИРУВЧИ ТАНЛАНИШ — танланишнинг бир тури, хонакилаштириш жараёнида турнинг турғун ҳолатини ўзгартиришга олиб келадиган танланиш. Д.т. тушунчасини рус биологи Д. К. Беляев (1970) доместикация (хонакилаштириш)нинг биологик асосларини тадқиқ қилиш орқали асослаб берган. Д.т. *онтогенез*нинг нейроэндокрин системаси танланиши таъсирига ўтганида пайдо бўлади. Бу ҳол тур янги, ҳали унга номаълум бўлган зўриқтирувчи (стрессор) омиллар б-н тўқнаш келганида ёки унга маълум бўлган омилларнинг интенсивлиги (кучи) ошиб кетганида ҳар доим юз беради. Сунъий танлаш, яъни хонакилаштириш жараёнида хонакилаштирилаётган турлар бир қатор стресс (зўриқтириш) ва танловчи омиллар таъсирига тўқнаш келади. Улар орасида асосийси одам ҳисобланади. Д. т. том маънода ҳаракатлантирувчи танланиш бўлганлиги ҳолда моҳият жиҳатдан организмнинг ривожланишини бошқарадиган системаларнинг бузилишига, улар ўзгарувчанлигининг ошишига олиб келади. Бу ҳол табиий шароитда ҳаракатлантирувчи ёки турғунлаштирувчи танланиш учун бирламчи материал бўлади. Д.т. эволюцияни жадаллаштирувчи муҳим омил ҳисобланади.

ДЕСТРУКЦИЯ (лот. destructio — парчаланиш) — макромолекулалардаги кимёвий боғларнинг узилиши натижасида уларнинг полимерланиш даражаси ёки молекуляр массасининг камайиши б-н кечадиган жараёнларнинг умумий номи. Кимёвий боғларнинг узилиш жойига қараб Д. асосий ва ён занжирлар Д.сига бўлинади. Д.га ташқи таъсирлар (иссиқлик, ионлаштирувчи радиация, механик кучланиш, ёруғлик, оксидловчи муҳит, намлик ва б.) сабаб бўлади. Кўп ҳолларда Д. бир вақтда бир нечта ташқи таъсир (мас., иссиқлик ва кислородли муҳит — термооксидловчи Д.) натижасида рўй беради. Д. жараёнида полимерларнинг хоссалари ўзгаради, улар асосида тайёрланган маҳсулотлар бузилади. Шу сабабли полимерларни стабиллаштиришнинг турли усуллари ишлаб чиқилган. Баъзи ҳолларда Д. жараёни фойдали ҳисобланади. Мас., поливинилацетатни ишқорий гидролизга учратиб поливинил спирт, целлюлоза ва крахмални гидролитик Д.дан фойдаланиб турли қандлар олинади. Д. полимерларнинг кимёвий тузилишини аниқлашда ҳам қўлланилади.

ДЕСЯТИНА (лот. decime) — 1) ўрта асрларда Европада даромаднинг черковга тўланадиган ўндан бир қисми. Францияда Буюк Карл давридан (779) бошлаб Д. тўлаш мажбурий бўлган. Аҳолининг юқори табақаси Д.дан озод эди. Бу асосан деҳқонлар учун жабр бўлиб, улар маҳсулотнинг деярли ҳамма турларидан натура шаклида Д. тўлаган. Д. Франциядa 1789—90 й.ларда, Ғарбий Европанинг бошқа давлатларида 19-а.да бекор қилинди. Россияда Д. князь Владимир Святославович (тахм. 978—1015) томонидан жорий этилган бўлиб, дастлаб черков учун тўланган, кейинроқ умумий солиққа айланиб кетган; 2) 18-а. бошларигача Россияда епархиянинг бир қисми, черков округи. Д.га десятильник (ўнбоши) бошчилик қилган; 3) метрик ўлчов тизими қабул қилингунга қадар Россияда қўлланилган асосий юза ўлчови. 2400 кв. саржин (1,09 га) га тенг. 18-а. охири — 19-а. бошида хўжалик Д.си қўлланилиб, у 3200 кв. саржин (1,45 га) га тенг бўлган.

ДЕТАНДЕР (франц. detendre — кучсизлантириш) — газни совитиш учун мўлжалланган машина. Д.да газни совитиш жараёни уни кенгайтириш ҳисобига амалга ошади. Д.нинг ҳар хил турлари бор. Уларнинг ичида поршенли Д. ва турбодетандер кенг тарқалган. Поршенли Д.да қисилган газнинг потенциал энергияси поршенни цилиндр ичида ҳаракатлантирадиган ишга айланади, газ кенгайиб совийди. Бундай Д. асосан юқори ва ўртача босимли совитиш қурилмаларида ишлатилади. Турбодетандер узлуксиз ишлайдиган куракли машина. Унда газ оқими соплало (кўзғалмас йўналтирувчи канал)лар ва роторнинг айланиб турувчи қуракли каналлар тизими орқали ўтади. Шундa газнинг потенциал энергияси кинетик энергияга ҳамда механик ишга айланади, натижада газ совийди. Бундай Д.лар газ оқимининг йўналиши бўйича марказга интилувчи, марказдан қочувчи ва ўқ бўйлаб йўналувчи хилларга бўлинади. Соплоларда газнинг кенгайиш даражасига қараб, фаол (актив) ва суст (пассив), газнинг кенгайиш поғоналари сонига кўра бир ва икки поғонали Д.га бўлинади. Бир поғонали, марказга интилувчи реактив Д. кўпроқ қўлланилади. Турбодетандерлар паст, ўрта ва юқори босимли совитиш қурилмаларида ишлатилади. Д.лар газларни суюлтириш қурилмалари, рефрижераторлар, ҳавони кондицирлаш (меъёрлаш) қурилмалари ва б.да қўлланилади.

ДЕТЕКТИВ (инг. detective, лот. detectio — очаман) — 1) жиноий ишни қидириш бўйича мутахассис; изқувар полиция агенти, изқувар; 2) мураккаб жиноятларнинг очилиши тасвирланган бадиий асар ёки фильм (қ. *Детектив адабиёт, Детектив фильм*).

ДЕТЕКТИВ АДАБИЁТ — жиноятларни очиш жараёни тасвирланган ҳикоя, қисса, романлар. Бу жанр асосчиси Э. По («Морг кўчасидаги қотиллик»,1841; ва б. новеллалар). Д.а. мумтоз асарларида жиноятнинг очилиши мантиқий асосда тасвирланади (А. К. *Дойл*, К. Г. Честертон, Э. Габорио, А. *Кристи*, Р. Стаут). Жанрнинг кейинги тараққиёти Д.а.да ижтимоий-руҳий мотивларнинг пайдо бўлиши (Ж. *Сименон*, Мацумото Сэйтё), қонун ҳимоячиларининг жиноятчилар дунёси б-н бевосита кураши тасвирланган турли-туман Д.а. пайдо бўлиши (Д. Хамметт, Р. Т. Чандлер ва б.) б-н боғлиқ. Сўнгги ярим асрда ўзбек адабиётида ҳам Д.а. намуналари яратилмоқда. (*Шуҳрат*, «Бир кеча фожиаси»; Ў. *Умарбеков*, «Ёз ёмғири»; О. Мухтор, «Мўъжиза»; *Тоҳир Малик*, «Шайтанат» ва б.)

ДЕТЕКТИВ ФИЛЬМ (инг. detective — изқувар, лот. detego — очмоқ, фош қилмоқ) — чигал, жиноий ва давлатга қарши ишларнинг фош этилиши ҳақида ҳикоя қилувчи кино санъати асари. Дастлабки Д. ф. лардан бири «Бир жиноят тарихи» (реж. Ф. Зекка, 1901). Бу жанр асосчиси француз реж. В. Жассе (1908—09 й.ларда изқувар Ник Картер ҳақида фильм-сериал ишлаган). 1913—14 й.ларда Францияда «Фантомас» (5 серия, реж. Л. Фёйад) фильми экранга чиқди. 30-й.лар комедия ва чуқур психологик талқинли Д.ф.лар пайдо бўлди. Бу жанрнинг узлуксиз ривожи 40-й.лардан бошланди («Мальта лочини», реж. Ж. Хьюстон; «Шанхайлик леди», реж. О. Уэллс; «Арқон», реж. А. Хичкок ва б.). Д.ф., шунингдек, «жосуслик» фильмлари ҳамда триллерларни ҳам ўз ичига олади. «Сўнгги патрон» (Руми-

ния), «Олтин тиш» (Болгария), «Жиноят жойи — Берлин» (Германия), «Гаровга тикилган ҳаёт» (Польша), «Ўлик мавсум» (Россия) ва б. Д.ф.лар машҳур.


«Ўлим қудуғи» (1933, сценарийчи ва реж. Н. Кладо) биринчи ўзбек Д.ф.идир. «Фалокат оёқ остида», «Эҳтиёт бўлинг! Илон!» (реж. З. Собитов), «Олтин тери» (М. Оғамирзаев), «Пароль—Регина меҳмонхонаси» (Й. Аъзамов, З. Ройзман), «Ҳақиқатгўйликнинг аччиқ меваси» (З. Ройзман), «Карахтлик» (Э. Эшмуҳамедов) ва б. энг яхши ўзбек Д. ф.ларидир.

ДЕТЕКТИРЛАШ, демодуляция — электр тебранишларини ўзгартириб, ўзгармас ток ёки анча паст частотали электр тебраниш ҳосил қилиш. Энг кенг тарқалган ҳоли демодуляция бўлиб, унда модуляцияланган юқори частотали тебранишлардан паст частотали модуляцияловчи сигнал ажратиб олинади. Д. радио қабул қилувчи қурилмаларда товуш частоталарини, телевидениеда тасвир сигналларини ажратиб олишда ишлатилади. Д.да электр тебранишлар *детектор*га узатилади; бунда у бир хил йўналишдаги бир хил ишорали ток импульсларига айланади. Агар тебранишлар қисман тўғриланса, яъни детектор орқали ток иккала йўналишда ўтса (детектор электр ўтказувчанлиги турлича бўлса), Д. содир бўлади. Д. учун турли йўналишда турлича электр ўтказувчанликка эга бўлган исталган қурилмадан, мас., *диод*дан ҳам фойдаланиш мумкин. Частота сигналини ажратиб олишда фильтрдан фойдаланилади. Энг оддий фильтр қаршилик ва сиғимдан иборат қурилма ҳисобланади. Д.да электрон лампа, яримўтказгичли диод, вакуумли триодлар, чизиқлимас кристаллар ишлатилади.

ДЕТЕКТОР (лот. detector — сочувчи) — 1) радиотехникада — электр тебранишларни детектирлайдиган қурилма (қ. *Детектирлаш*). Радиоэшиттириш, телевизион кўрсатувлар, алоқа, ўлчаш қурилмалари ва б.да юқори частотали модуляцияланган тебраниш сигналларини модуляцияланган тебраниш частоталарига айлантиради. Амплитудали, частотали ва фазали Д.ларга бўлинади; 2) зарралар ва нурларни аниқлайдиган асбоб. Мас., гамма-нурлар Д.лари, нейтрон Д.лари ва б.; 3) электр ўлчаш асбобларида — индикаторга таъсир этадиган кам қувватли тўғрилагич; 4) ёруғлик (фотоэлемент) ва иссиқликни (термопара) аниқлайдиган қурилма.

ДЕТЕКТОРЛИ РАДИОПРИЁМНИК — радиостанциядан қабул қилинган сигналларни кристаллик детекторлар ёрдамида товуш сигналларига айлантириб берадиган *радиоприёмник;* иши қабул қилинган радиотўлқинлар энергияси ҳисобига амалга ошади. Д.р.., одатда, тебраниш контури *LC*, кристаллик детектор *D* (яримўтказгичли диод), телефон *T* ва блокировка конденсатори $C_б$ лардан иборат. Конденсатор сиғими *C* ўзгартирилганда тебраниш контури радиостанциядан қабул қилинган частота б-н *резонанс* ҳосил қилади. Бу б-н частотаси резонанс частотасидан фарқ қилувчи барча сигналлар сусайтирилади. Кристаллик детектордан чиқаётган юқори (радио) частота токлари асосан конденсатор $C_б$ дан, паст (товуш) частота токлари эса телефон орқали ўтади. Антенна қанчалик баланд ўрнатилса ва ерга улаш яхши бажарилса, бир неча минг км масофада жойлашган кучли радиостанцияларнинг сигналларини шунчалик яхши қабул қилиш мумкин.

Оддий детекторли радиоприёмник:



А—антенна; С—ўзгарувчан сиғимли конденсатор; L—тебраниш контурининг индуктивлик ғалтаги; D—кристаллик детектор; $C_б$—блокировкалаш конденсатори; Т— телефон; З.— ерга улаш.

ДЕТЕНГОФ Федор Федорович (1898—1973) — психиатр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1950), тиббиёт фанлари д-ри (1938), проф. (1941). 1940 й.дан ТошМИ психиатрия кафедраси мудири. Психиатриянинг турли масалалари, чунончи ташқи омиллар таъсирида келиб чиқадиган руҳий касалликлар ва психиканинг бузилишига оид тадқиқот ишлари олиб борган.

ДЕТЕРМИНАНТ (лот. determinans — *Аниқловчи*) — математик тушунча (қ. *Аниқловчи*).

ДЕТЕРМИНАЦИЯ (лот. determinatia — чекланиш, аниқланиш), латент ихтисосланиш — эмбриологияда организм ва тўқималарнинг шаклланиши олдидан ривожланаётган эмбрион қисмлари ўртасида сифат жиҳатдан фарқ пайдо бўлиши. Д. терминини немис эмбриологи К. Гайдер (1900) таклиф қилган. Ҳужайра материали унга хос бўлмаган жойга кўчирилганида ундан нормал ҳолатда ихтисослашадиган орган пайдо бўлса, детерминлашган ҳисобланади. Д. асосида информацион рибонуклеин кислоталар ва оқсил молекулаларининг синтезланишига олиб келадиган айрим генларнинг фаолланшуви ётади. Д.зиготанинг бўлиниши даврида бир қанча омиллар, хусусан бўлинаётган ҳужайраларга ҳар хил сифатли цитоплазманинг ўтиши, айрим ҳужайралар гуруҳининг ўзаро таъсири ва б.да юзага чиқади. Умуртқасиз ҳайвонларда соплазматик сегрегация устун бўлгани учун тана қисмлари Д.си зиготанинг майдаланиши жараёнидаёқ бошланади. Умуртқалиларда муртак қисмларининг ўзаро таъсири (индукция) асосий аҳамиятга эга бўлгани сабабли Д. органогенез даврида намоён бўлади. Бу белгига асосан ҳайвонлар шартли равишда мозаик тухумли детерминлашган ва регуляцион тухумли детерминлашмаган ривожланиш гуруҳларига ажратилади. Одатда, ривожланишда индуктор таъсирида дастлаб турғун бўлмаган Д., кейинроқ турғун (лабил) Д. юзага чиқади, фақат шундан кейин морфологик жиҳатдан фарқ қиладиган ихтисослашув бўлади, яъни тўқима ёки орган шакллана бошлайди. Бундан кейинги даврларда ихтисослашув янгидан-янги ўзаро таъсир этувчи системалар ва жараёнларни ўз ичига олади. Бу жараёнларда ҳужайра материалидан шаклланиши лозим бўлган тўқима ва органларнинг қисмлари фарқлана бориши б-н бирга унинг морфологик имконияти ҳам тобора чекланиб боради. Кўпчилик иккиламчи оғизлиларда Д. дастлаб ўзгарувчан бўлганидан муртак айрим қисмларининг ривожланиш йўлини сунъий ўзгартиришга имкон беради. Кейинчалик Д. турғун ҳолатга ўтади ва ҳар бир ҳужайра фақат муайян органни ёки тананинг бир қисмини ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлиб қолади. Д. бўлинаётган муртак ҳужайраларининг морфолик ихтисослашуви орқали тўқима ва органларнинг ривожланишига олиб келади.

ДЕТЕРМИНИЗМ (лот. determino — аниқлайман) — барча ҳодисаларнинг ўзаро объектив қонуний алоқадорлиги ва сабабий боғланиши тўғрисидаги фалсафий таълимот (қ. *Сабаб ва оқибат*). *Индетерминизм*нинг қарама-қаршиси. Д.нинг мазмуни сабабият тушунчасида ифодаланади, яъни бунда бир ҳодиса (сабаб) муайян шароитда зарурият туғдиради, бу эса бошқа ҳодиса (оқибат)ни вужудга келтиради. У инсон онгига боғлиқ эмас. Юнон файласуфлари Гераклит, Демокрит, Эпикур ҳамда шарқ мутафаккирлари Форобий, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек ва б. ҳам Д.ни эътироф этишган. Д. принципи илмий билимнинг барча соҳаларида йўл-йўриқ

кўрсатувчи, ҳақиқатни билишнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилади.

ДЕТОНАТОР (лот. detonare — портламоқ) — артиллерия ва б. қуроляроқларда асосий зарядни, шунингдек, ер қазиш ишларида ерга кўмилган зарядни портлатувчи модда. Ишлаш тарзи *детонация* капсулалари ва шнурларида қўлланиладиган осон портловчи модданинг бошқа моддаларни кучли портлатиши хоссасига асосланган. Термоядро қуролларида плутоний, уран изотоплари Д. сифатида ишлатилади. Бу изотоплар портлаганда термоядро реакцияси ҳосил қилиш учун зарур бўладиган бир неча ўн млн. даража ҳарорат вужудга келади. Бундай Д. тузилиши жиҳатдан умумий атом зарядли (бомбаси)дан деярли фарқ қилмайди.

ДЕТОНАЦИЯ (лот. detono — гумбурлаш) — 1) иссиқлик ажралиб чиқиши б-н юз берадиган кимёвий ўзгаришларнинг модда ёки газда товуш тезлигидан каттароқ (доимий) тезликда тарқалиши. Портловчи газлар аралашмаси учун Д. тезлиги 100—3500 м/с, қаттиқ жисм ва суюқликлар учун 8000—9000 м/с. Д. вақтида кимёвий ўзгаришлар зарба тўлқини ҳосил қилиб юз беради, натижада модда қисилади ва қизийди; катта тезликдаги кимёвий ўзгариш натижасида кўп миқдорда иссиқлик ажралади, газ ҳосил бўлади, натижада босим кўтарилиб портлаш рўй беради. Мас., Д. вақтида бошланғич зичлиги 1600 кг/м бўлган тротилнинг босими 200 минг атм.га етади. Қисилган маҳсулотлар Д. вақтида портлайди; 2) *ички ёнув двигатели* цилиндрида ёнилғининг жуда тез ва нотўғри (чала) ёниши туфайли юз берадиган ҳодиса. Двигатель бир меъёрда ишлаганда аланга 10—20 м/с тезликда тарқалади, Д. пайтида эса унинг тезлиги 1500—2500 м/с га етиши мумкин. Д. туфайли двигатель нотекис ишлайди, цилиндрларда тақиллаш пайдо бўлади, ёнилғи чала ёнади, ҳалқалар, поршень ва клапанлар куйиши мумкин, товуш сўндиргич (глушитель) дан қорамтир тутун чиқади, двигателнинг қуввати пасаяди. Ёнилғининг сифатсизлиги, карбюраторнинг яхши созланмаганлиги, ёнилғи насосининг бир меъёрда ишламаслиги Д.га сабаб бўлиши мумкин. Д. *октан сони*га, бензиннинг хилига кўп жиҳатдан боғлиқ. Д. атроф муҳитнинг ифлосланишига ҳам олиб келади. Д.ни бартараф қилиш учун юқорида айтилган камчиликларни тузатиш лозим. Техникада Д.га қарши чоралар кўрилади; ёнилғиларга антидетонаторлар (мас., тетроэтил қўргошин) қўшилади. Сунъий олмос, бор нитриди ва б. ўта қаттиқ моддалар олишда, ўта юқори (бир неча ўн ва юз ГПа) босим ҳосил қилишда, портлатиш ишларида Д.дан фойдаланилади.

ДЕТРИТ (лот. detritus — эзилган) — сув ҳавзаси тубига чўкадиган, сув ёки тупроқдаги майда орқаник заррачалар. Д. таркибига ҳайвон, усимлик ва замбуруғларнинг чириган қолдиқлари б-н бирга бактериялар ҳам киради. Д. органик моддаларнинг давра бўйлаб айланиши (детрик озиқ занжири)да муҳим аҳамиятга эга, кўпчилик пелагик ва сув тубида яшовчи ҳайвонлар — фильтрловчи ва детритофаглар учун озиқ бўлади. Баъзан сувда муаллақ турадиган барча органик ва анорганик зарралар Д. дейилади.

ДЕТРОЙТ — АҚШдаги шаҳар, Мичиган штатида. Детройт дарёси бўйида, Гурон ва Эри кўллари оралиғида жойлашган. Аҳолиси 951,2 минг киши (2000; шаҳар атрофи б-н 4,6 млн. киши). Д.га 1701 й.да французлар асос солган. 1760 й.да инглизлар босиб олган. 18-а. охиридан АҚШ таркибида. 1802 й.да шаҳар статусини олган. Мамлакатнинг муҳим транспорт йўллари тугуни ва йирик молия маркази. Буюк кўллар соҳилидаги порт. Автомобилсозлигининг дунёдаги энг йирик марказларидан («Женерал моторс», «Крайслер», «Форд» корхоналарининг бошқарув органлари, асосий корхоналари ва илмий ташкилотлари шу ерда). Саноатининг бошқа тармоқлари ҳам автомобилсозлик б-н боғланган: қора металлургия, металлсозлик, кимё, станок-жиҳозлар и.ч., резина, ойна-шиша. Кемасозлик, нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат, ҳарбий саноат корхоналари мавжуд. Ун-тлар, музейлар, санъат ин-ти ва б. бор.

ДЕ-ФАКТО (юн. de facto — амалда, ҳақиқатда) — халқаро ҳуқуқда янги давлат ёки ҳукуматнинг қисман (юридик жиҳатдан расмийлаштирилмаган ҳолда) эътироф этилиши.

ДЕФЕКТОЛОГИЯ (лот. defectus — нуқсон ва *...логия*) — жисмоний ва руҳий нуқсонли болалар ривожланишининг психофизик хусусиятларини ўрганиш, уларга махсус таълим-тарбия бериш, ундаги нуқсонларни йўқотиш фан. Кўр ва кўзи ожиз, кар ва қулоғи оғир, ақли заиф, таянч-ҳаракат аппаратида нуқсони бор, нутқ камчиликгига эга бўлган болалар Д. фани объектидир. Шунга кўра Д. 4 алоҳида соҳага бўлинади: *сурдопедагогика* (кар ва қулоғи оғир болаларни ўқитиш, тарбиялаш усулларини ўрганади), *тифлопедагогика* (кўр ва кўзи ожиз болаларни ўқитиш ва тарбиялаш масалаларини тадқиқ этади), *олигофренопедагогика* (ақли заиф болаларни ўқитиш ва тарбиялаш қонуниятларини ишлаб чиқади), *логопедия* (нутқ камчиликлари бўлган болаларни ўқитиш ҳамда тарбиялаш назарияси ва амалиёти б-н шуғулланади). Дастлаб сурдопедагогика ва тифлопедагогика пайдо бўлган (1770 й. карлар учун Испанияда, 1784 й. кўрлар учун Парижда махсус муассаса очилган). Кейинчалик логопедия ва олигофренопедагогикага асос солинган. Нуқсонли ва психофизик камчилиги бор болаларнинг руҳий қонуниятларини ўрганувчи махсус психология, шунингдек, таълим-тарбия бериш, нуқсонларни тузатиш, тиклаш воситаларини ишлаб чиқувчи *сурдотехника* ва *тифлотехника* ҳам Д.га киради. Д. анатомия, физиология, патофизиология, неврология, невропатология, эшитиш, кўриш ва нутқ патологияси, мактаб гигиенаси, умумий ва педагогик психология, пед., тилшунослик, болалар психологияси ва б. фанлар б-н узвий боғланган. Д.нинг асосий вазифаси нуқсонли болаларни аниқлаш, ташхис усулларини ишлаб чиқиш, улар учун махсус ва мужассамлаштирилган таълим-тарбияни ташкил этиш, ақлий ва жисмоний камчиликларни йўқотиш воситаларини излаб топиш, амалда қўллаш, уларни ҳаётга тайёрлаш, ижтимоий фойдали инсонлар қилиб етиштиришдан иборат.

Ўлкамизнинг буюк аллома, шоир ва мутафаккирлари, хусусан Ибн Сино, Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Навоий, Амир Темур ва б. Д.ни ижчил ва атрофлича муайян йўналишда ўрганмаган бўлсалар ҳам, ўз асарларида дефектологик ҳолатларнинг акс этиши, намоён бўлиши, ривожланиши, ўзгаришлари тўғрисида қимматли фикрлар билдиришган. Ўзбекистонда Д.нинг илмий-назарий, методик ва амалий тадқиқотлари б-н Г. Ш. Айтметова, Е. Д. Гордиенко, Л. Р. Мўминова, Р. Шомаҳмудова, Ғ. Шоумаров ва б. шуғулланган. Жисмоний ва руҳий нуқсонли болаларни жамиятга фойдали кишилар қилиб тарбиялаш учун Ўзбекистонда махсус мактабгача тарбия муассасалари, *махсус мактаблар,* махсус интернат мактаблар мавжуд. *Тошкент педагогика университети*нинг пед. ва дефектология ф-тида махсус мактаб ва муассасалар учун дефектолог кадрлар тайёрланади (1967 й.дан).

Лола Мўминова.

ДЕФЕКТОСКОП (лот. defectus — камчилик ва *...скоп*) — металл ва металлмас материаллардан қилинган буюмлардаги нуқсонлар (синиқлар, дарзлар ва б.) ни буюмларга зиён етказмасдан аниқлаш учун мўлжалланган қурилма. Магнитли, рентген ва гамма нурларга, ультратовуш тўлқинларига, электр индукция ҳодисасига асосланган, капилляр ва б. турлари бор. Муқим (стационар) қурилмалар, кўчма асбоблар, лаб. асбоблари тарзида ишлаб чиқарилади. Муқим Д.да нуқсонларни ҳам аниқлаб, ҳам қайд қиладиган ва бир йўла баҳолаб кетадиган қурилмалар бўлади. Кўчма Д. милли (стрелкали) ихчам асбоб, ёруғлик ёки товуш сигналлари берадиган асбоб ва б. б-н таъминланади. Лаб.да ишлатиладиган Д. анча сезгир бўлади, кўпинча, *осциллограф* ва рақамли *индикатор* б-н таъминланади. Баъзи Д.лар тез ҳаракатланаётган буюмлардаги нуқсонларни аниқлай олади ёки ўзи буюмга нисбатан ҳаракатланади. Жуда юқори т-рагача қиздирилган буюмлардаги нуқсонларни аниқлаш учун мўлжалланган Д.лар ҳам бор (қ. *Дефектоскопия*).

ДЕФЕКТОСКОПИЯ (лот. defectus — нуқсон ва юн. skopeo — қараш) — материал ва маҳсулотларнинг нуқсонлари бор-йўқлигини аниқлаш учун бажариладиган текшириш усуллари ва воситалари мажмуи. Д.нинг мавжуд усуллари асосида материалларга турли хил нурлар, тўлқин ва тебранишлар майдони ва б. таъсир этиб, уларнинг физик хоссаларини текшириш ётади. Оддий кўз ёки оптик асбоб (мас., лупа) б-н текшириш Д.нинг энг оддий усули ҳисобланади. Нуқсонларни аниқлаш учун фан ва техниканинг бошқа соҳаларида ҳам ишлатиладиган хилма-хил мослама ва аппаратлар (оддий ўлчаш асбобидан тортиб рентген қурилмалари ва б. мураккаб аппаратларгача) қўлланилади. Д. ёрдамида маҳсулотнинг ишга яроқли ёки яроқсизлиги корхоналардаёқ тез аниқланади. Д.да маҳсулотнинг сифатига путур етмайди. Д.нинг хиллари: капилляр, магнит, термоэлектр, радио, инфрақизил, электростатик Д., ультратовуш, рентген нури, гамма-нур б-н ўтказиладиган Д. ва б. Капилляр Д. нуқсони бор участканинг нуқсони йўқ участкага нисбатан ёруғлик ва ранг контрастини сунъий равишда оширишга асосланган. Магнит Д. ферромагнит материаллардан тайёрланган буюмлардаги нуқсонлар орқали ўтадиган магнит майдонининг ўзгаришини текширишга асосланган. Бунда буюмнинг нуқсонли қисмига магнит кукуни (5—10 мкм ли зарра) сепилиб, буюм магнитланганда кукунлар нуқсон бор жойга ўтиради (расмга қ.). Ультратовуш Д. ультратовуш частота диапазонининг эластик тебранишларидан фойдаланишга асосланган. Акс-садо усули, соя, резонанс, акустик ва б. усуллари бор. Акс-садо усули энг кенг тарқалган усул бўлиб, бунда буюмга ультратовуш тебранишларининг қисқа импульслари берилади; нуқсондан қайтган акс-садоларнинг интенсивлиги ва вақти қайд қилинади. Термоэлектрик Д. турли жинслардан ясалган икки материалнинг тегишган жойини қиздирганда берк занжирда ҳосил бўлувчи э. ю. к.нинг ўзгаришига асосланган. Бу усулда материал маркаси аниқланади. Радио Д. сантиметр ва миллиметр диапазонлардаги радиотўлқинларнинг материалларга сингувчанлик хоссаларига асосланган. Бу усул б-н пўлат листлар, чивиқлардаги нуқсонлар, уларнинг диаметри ва қалинлиги аниқланади. Инфрақизил Д. кўринадиган ёруғлик учун ношаффоф бўлган қўшилмаларни сезиш учун инфрақизил нурлардан фойдаланишга асосланган. Бу усул б-н иш жараёнида қизийдиган буюмлар текширилади. Ультрабинафша Д. Электростатик Д. буюмга жойлаштириладиган электростатик майдондан фойдаланишга асосланган. Электр ўтказмайдиган материаллар (чинни, шиша, пластмасса) дан, шунингдек, шундай материаллар қопланган материаллардан ясалган буюмларнинг бир жинслимаслиги наф буюм сиртига юпқа бўр қатлами сепилади ва унинг зарралари мусбат заряд олади. Бўр зарралари электростатик майдонининг бир жинслимаслиги натижасида дарз қирраларида тўпланади. Рентген Д. рентген нурларининг материалларда турлича ютилишига асосланган. Унинг фотографик, визуал, ксерографик, ион усуллари бор. Гамма Д. рентген Д.даги физикавий асосга эга бўлиб, бунда турли металлар (кобальт, иридий ва б.) нинг радиоактив изотоплари чиқарадиган гамма-нурларнинг нурланишидан фойдаланилади. Д.нинг кўплаб ишлатиладиган соҳалари: 1) маҳсулот материалининг микроструктураси ёки кимёвий таркибилаги нуқсонларни текшириш (ёки структуроскопия); 2) кўринмайдиган дарзларни, қуйма ичидаги говакларни, пайванд чоклар ичидаги нуқсонлар (бўшлиқ, кераксиз жинслар ва ҳ. к.) ни аниқлаш; 3) бевосита ўлчаб бўлмайдиган ёки ўлчаш қийин бўлган ўлчамларнинг берилган геометрик ўлчамлардан фарқини аниқлаш; маҳсулотнинг ҳимоя қопламлари (лок, сир, ҳар хил металл қопламалар) қалинлигини назорат қилиш, ишлов берилган юза тозалигини текшириш ва б.



Дефектоскопия. Магнит кукунларининг пўлат деталдаги кўзга кўринмайдиган дарзларга ўтириши.

ДЕФЕРЕНТ (лот. deferens — элтувчи, аралаштирувчи), сайера деференти — геоцентрик олам системасида сайёраларнинг сиртмоқсимон ҳаракатини тушунтириш учун киритилган айлана. Маркази Ерда бўлган Д. бўйлаб сайёра эмас, балки *эпицикл* деб аталадиган бошқа айлананинг маркази бир меъёрда ҳаракатланади, сайёра эса эпицикл бўйлаб ҳаракатланади, деб фараз қилинган.

ДЕФИБРАТОР (*de*... ва лот. fibra — тола) — ёғоч массаси тайёрлаш учун мўлжалланган аппарат. Иши ёғоч пайраҳаларни махсус металл дисклар орасида ишқалаш ва эзишга асосланган. *Ёғоч тайёрлаш* жараёнида ажралган пайраҳа ва майда тарашаларни Д.га солишдан олдин улар 1—1,2 МПа босим остида ва 165—175° т-рада буғлаб юмшатилади. Д.да олинган массадан плиталар, қоғоз тайёрлаш ва б. мақсадларда фойдаланилади. Д. ёғочсозлик, мебелсозлик корхоналарида, қоғоз фкаларида қўлланилади.

ДЕФЕРБЕР (франц. defibreur — толани майдалаш) — ёғоч массаси ёки *целлюлоза* олиш учун думалоқ ёки ёрилган ёғочни (уз. 1—3 м, диаметри 8—24 см) айланиб турган жилвир тош ёрдамида қириб ёғоч массаси олиш учун мўлжалланган машина. Даврий ишлайдиган ва узлуксиз ишлайдиган хилларидаги ва унинг ўзгариши ишлайдиган гидравлик, магазинли; узлуксиз ишлайдигани винтли, занжирли ва ҳалқали турларга бўлинади. Жилвир тоши кварц-цемент ёки керамик тошдан қилинган узлуксиз Д. кенгроқ ишлатилади. Унда тўхтовсиз айланиб турадиган пластинкали занжирлар ёғочни жилвир тошларга қисиб беради, жилвир тошлар ёғочни қириб, ёғоч массасига айлантиради. Д. қоғоз ва картон ишлаб чиқариш корхоналарида қўлланилади.

ДЕФИБРИЛЛЯЦИЯ (*de*... ва лот. fibrillatio — мускул толаларининг тез қисқариши) — юрак фаолияти жиддий издан чиққанда юрак қоринчаси ёки бўлмачаси фибрилляр қисқаришларининг тўхташи. Сунъий Д. бир вақтнинг ўзида юракка дори б-н кучли электр токи таъсир эттиришдан иборат. Юрак қоринчаси Д.си *реанимация* (жонлантириш)нинг муҳим усулларидан бири бўлиб, бунда унинг қисқариш фаолияти қайта тикланади. Юрак бўлмачаси Д.си юрак қисқаришлари синус ритмининг қайта тикланишига имкон беради. Д. махсус аппарат — дефибриллятор ёрдамида амалга оширилади; бу аппарат электр импульслари генераторидан иборат. Д. натижаларини узлуксиз *электрокардиографияга* қараб аниқлаш мумкин.

ДЕ ФИЛИППО (De Filippo) Эдуардо, Пассарелли (1900.24.5 — Неаполь — 1984.1.11) — итальян драматурги, реж., актёр, сценарийчи. Ижоди неореализм оқими б-н боғлиқ ҳолда ривожланган. Актёр сифатида «Фрак кийган уч эркак», «Испания майдонидан келган қиз», «Неаполь тилласи» каби фильмларда суратга тушган. Пьесаларида ижтимоий моҳият, чуқур психологизм гротеск б-н уйғунлашган: «Филумена Мартурано» (кейинроқ «Итальянча никоҳ» номи б-н экранлаштирилган), «Шанба, якшанба, душанба», «Фортунелла» ва б. шулар жумласидан. Кинода («Неаполь —миллионерлар шаҳри») ҳам ишлаган. 1931—73 й.лар ўзи ташкил этган труппани бошқарган.

ДЕФИНИЦИЯ (лот. definitio) — мулоҳаза, айян тушунча ҳақидаги қисқача *таъриф*.

ДЕФИС (лот. divisio — ажралиш, бўлиниш) — сўзларни қисмга бўлишда қўлланиладиган белги, чизиқча (-). Д. жуфт ва такрорий сўзларда, сўз ва унга қўшиладиган унсурлар ўртасида (опа-сингил, узоқ-яқин, аста-секин, кула-кула, айтдим-ку, айтдим-да каби) ҳамда бўғин кўчиришда ишлатилади.

ДЕФИЦИТ (лот. deficit — етишмайди) — қ. *Тақчиллик*.

ДЕФЛЕКТОР (лот. deflecto — оғдираман, олиб кетаман) — 1) вентиляция (шамоллатиш) ёки тутун мўрисига ўрнатиладиган ҳаво тортиш қурилмаси; бино ва шахталарнинг шамоллатилишини тезлаштиради, қозон ва печкалар мўрисининг ҳаво тортишини яхшилайди; 2) газ, суюқлик, товуш тўлқинлари ва б. йўналишини ўзгартирадиган мослама; 3) магнит компаси деривацияси (кема, самолёт ва б.да темир ҳамда электромагнит майдон таъсиридан компас магнит милининг меридиандан оғиш ҳодисаси) ни ўлчайдиган ва уни бартараф қиладиган асбоб.

ДЕФЛЯЦИЯ (лот. deflo — пуфлайман), геологияда — қ. *Тўзиш*.

ДЕФЛЯЦИЯ (иқтисодиётда), дезинфляция — *инфляция* давридa чиқарилган муомалодаги ортиқча қоғоз пулни камайтириш; давлат томонидан муомалодаги пул миқдорини камайтиришга қаратилган молия ва пул-кредит тадбирлари (солиқларни ошириш, қимматли қоғозлар сотиш, товар нархлари даражасини пасайтириш, иш ҳақи ўсишига йўл қўймаслик, ташқи савдони жонлантириш, банклар ҳисоб ставкасини ошириш, омонатлар ўсишини рағбатлантириш ва б.). Статистик жиҳатдан Д. муомаладаги пул массаси умумий ҳажмининг ялпи маҳсулот, товар муомаласи ва пулли хизматлар қийматлари йиғиндисига нисбати б-н ифодаланади. Одатда, Д.ни давлатлар пул ислоҳоти арафасида ўтказади. Мас., Буюк Британияда 1925 й. пул ислоҳотидан 2 йил олдин — 1923 й.да муомаладаги пуллар 541 млн. фунт стерлингдан 378 млн. фунт стерлинггача камайтирилган. 2-жаҳон урушидан кейин кўпгина бошқа давлатларда ҳам муомаладаги пул миқдорини камайтириш, товар нархининг ўсишини сусайтириш ва б. тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистонда янги *сўм* муомалага киритилгунга қадар (1994 й. 1 июль) Д. тадбирлари амалга оширилди.

ДЕФО (Defoe) Даниель (тахм. 1660, Криплгейт — 1731.26.4, Мурфилдс) — инглиз ёзувчиси, публицист, реалистик наср асосчиларидан бири. Ижодий фаолиятини журналист сифатида бошлаган. «Лойиҳалар тўғрисида тажрибалар» (1697) памфлетида бир қатор сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар ўтказишни таклиф этган. Кўпгина асарларида тадбиркорлик, ақл-идрок, эътиқод ва сўз эркинлигини ёқлаган, демократия ғояларини илгари сурган («Хокисор одамнинг тавсияномаси», 1698 ва б.). Д. мақтанчоқ аслзодаларни фош этади («Аслзода инглиз», 1701). 1702 й.да пинҳоний ном б-н «Диссентерлардан қасос олишнинг энг осон йўли» номли памфлетини эълон қилгани учун қамалади. Д.нинг «Робинзон Крузонинг ҳаёти, ажойиб ва ғаройиб саргузаштлари» (1719) романи унга оламшумул шуҳрат келтиради. «Капитан Синглтон» (1720), «Полковник Жак тарихи», «Молл Флендерс» (1722), «Роксана» (1724) саргузашт романлари ҳам қизиқарли тафсилотларга бой. Жаҳон адабиётида «Робинзон Крузо» романига тақлидан жуда кўп асарлар яратилган. Бу роман Йўлдош Шамшаров таржимасида ўзбек тилида бир неча бор нашр этилган.



Ас.: Денгиз сайёҳи Робинзон Крузонинг ҳаёти ва ажойиб саргузаштлари, Т., 1965.

ДЕФОЛИАНТЛАР (*де*... ва folium — барг) — ҳосилни йиғиб-териб олишни осонлаштириш мақсадларида ўсимликлар баргини тўкиш учун қўлланиладиган кимёвий моддалар. *Пестицидлар* гуруҳига киради. Д. ўсимлик баргларини муддатидан олдин қариши ва тўкилишини, сунъий хазонрезгиликни келтириб чиқаради. Асосан ғўза, уруғлик люпин баргларини тўкишда ишлатилади. Ўзбекистонда Д. сифатида кальций хлорат-хлорид (42% ли сувли эритмаси), магний хлорат (60% ли сувда эрийдиган кукун), «Сиҳат» препарати (натрий хлорат асосида), дропп ва б.қўлланилади. Д. атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатмаслиги учун улардан фойдаланишда қатъий чеклашлар ва маълум қоидаларга амал қилишни талаб этади (қ. *Дефолиация*).

ДЕФОЛИАЦИЯ — ҳосилни машиналар ёрдамида йиғиб-териб олишни осонлаштириш учун ўсимлик баргларини сунъий равишда тўкириш. Д. учун кимёвий моддалар — *дефолиантлар*дан фойдаланилади, улар ўсимликлар баргларида қариш ёки табиий тўкилиш юз берадиган жараёнларга ўхшаш ҳодисаларни содир этади. Бу жараёнда баргларда хлорофилл миқдори камаяди, фотосинтез кескин сусаяди, органик моддалар ҳосил бўлиш жараёни бузилади, сув буғланиши кучаяди, оқсил ва б. бирикмалар парчаланишидан ҳосил бўладиган маҳсулотлар кўпаяди. Бу бирикмалар барг пластинкаси орқали оқиб, барг банди ажратувчи қавати ҳужайраларининг яккаланиб қолишига олиб келади ва барг ўз оғирлиги таъсирида тўкилади. Баргларни кимёвий препаратлар ёрдамида тўкилса, экин қатор ораларидан шамол ўтиши яхшиланади, ҳавонинг нисбий намлиги камаяди. Д.дан сўнг барглар узоғи б-н 10—12 кунда қуриб тўкилади. Д. (теримга қадар 20 сутка олдин) ғўза, манзарали ва мевали дарахтлар, вино олигда мўлжалланган токзор (теримга қадар 20 сутка олдин), уруғлик люпин, эвкомия ва б.ни Д. қилиш яхши натижа беради. Ғўзани Д. қилиш ўсимлик очилган кўсаклар сонига қараб ўтказилади (55—60% кўсаклар очилган бўлиши керак). Барвақт ёки кечикиб қилинган Д. (кўсаклар пишмасдан ёки

очилмасдан) натижасида тўла шаклланмаган кўсакларга озиқ моддалар етиб бормайди, улар қуриб, тўкилиб кетади, натижада пахта ҳосили камаяди, тола ҳамда уруғлик чигит сифати ёмонлашади. Айниқса, ҳавонинг ўртача суткалик ҳарорати 15°ва ундан паст, кечиккан Д. да барглар тўлиқ тўкилмайди. Дори пуркаш нормаси ғўзанинг тури, нави, бўйи, ҳосил шохлари сони, уларнинг қай даражада ривожланганлиги, *кўчат қалинлиги,* ишлов бериш муддатлари, кузнинг келиши, хуллас, барча шарт-шароитлар ҳисобга олинган ҳолда аниқ белгиланиши керак. Бунда ҳар бир ғўза пайкали учун алоҳида-алоҳида нормалар ва муддатлар белгиланади. Д.да препарат теккан баргларгина тўкилади, шу сабабли ғўзанинг ҳамма барглари бир меъёрда ҳўлланишига эришиш зарур. Ғўзани Д. қилишда кальций хлорат-хлорид, магний хлорат (6—10 кг/га), «Сиҳат» (натрий хлорат асосида; 13—16 кг/га), дропп (0,3—0,7 кг/га), дропп ультра (0,6—0,8 л/га) ва б. препаратлар қўлланилади. Суткалик ўртача ҳарорат 17—20° да препаратлар яхши таъсир кўрсатади. Ҳаво ҳарорати 17° дан паст бўлганда дефолиантлар миқдори 15—20% оширилади. Шудринг дефолиантлар таъсирини оширади, ёмғир эса, аксинча, уни камайтиради. Д. қилишда тракторга осиладиган пуркагичлардан кенг фойдаланилади. Иш суюқлиги сарфи трактор пуркагичларда 300—400 л/га.

Ғўзани ўз вақтида Д. ва *десикация* қилиш пахта ҳосилини машиналар ёрдамида териб олиш учун шароит яратади, ҳосилнинг асосий қисми (90% дан кўпроғи)ни совуқ тушгунга қадар териб олишга имкон беради. Д.дан сўнг пахта териш машиналарининг иш унумдорлиги 15—20% ошади.

Ад.: Закиров Т. С., Химическая дефолация и десикация хлопчатника, Т., 1968.

Рихсивой Ёқубов.

ДЕФОРМАЦИЯ (лот. deformatio — бузилиш) — 1) физикада — ташқи куч, т-ра, электр ва магнит майдонлари таъсирида жисм шакли ва ўлчамларининг ўзгариши. Эластик ва пластик хиллари бор. Ташқи куч таъсири тўхтагандан кейин Д. йўқолса (жисм ўз ҳолига қайтса) эластик Д., сақланса (жисм ўз ҳолига қайтмаса) пластик Д. юз беради. Эластиклик ва пластиклик назариясида қаттиқ жисм Д.сига оид ҳаракат ва кучланиш ўрганилади. Д.даги кучланиш $\sigma = \frac{dF}{dS}$ б-н ифодаланади; бунда dS — жисмнинг кўндаланг кесим юзи, dF — эластик куч. Эластик Д.ланувчи қаттиқ жисм йўқ, ҳар қандай қаттиқ жисм ташқи куч таъсирида пластик Д.ланади. Пластик Д. т-ра, ташқи куч ва Д. тезлигига боғлиқ. Ташқи куч маълум вақт давомида бир хил таъсир қилиб турса, Д. вақт ўтган сари ўзгара боради; бу ҳодисага ёйилувчанлик дейилади. Т-ра кўтарилиши б-н ёйилувчанлик ортади. Ташқи куч ортиб боргандаги Д. актив (фаол), ташқи куч камайиб боргандаги Д. пассив (суст) Д. дейилади. Д.нинг чўзилиш, сиқилиш, эгилиш, буралиш хиллари мавжуд. Мутлақ Д.нинг жисм бошланғич ўлчами (шакли)га нисбати нисбий Д. дейилади.

Д. қонунлари материаллар қаршилиги, пухталиги, иншоотлар мустаҳкамлиги ва ҳ.к.ни ҳисоблашда татбиқ қилинади; 2) геологияда — тектоник ҳаракатлар натижасида тоғ жинсларининг шакли ва ҳажми ўзгариши. Д.га учраган тоғ жинсларининг таркиби баъзан бутунлай ўзгариб кетади.

ДЕЦЕБАЛ (Decebalus) (?—106) — *даклар* йўлбошчиси (87 й.дан). Римликлар б-н 89 й.да бўлган муваффақиятли урушда сулҳга эришган. Унга кўра, Рим ҳар йили даклларга субсидия (ёрдам пули) тўлаши лозим бўлган. Даклларнинг 101—102 ва 105—106 й.лардаги Рим б-н урушлари муваффақиятсизликка учраган, натижада даклар Римга тобе бўлиб, Д. ўзини-ўзи ўлдирган.

ДЕЦИ... (лот. decem — ўн) — *улуш бирликлари* номларини ҳосил қилиш учун ишлатиладиган олд қўшимча; асосий бирликнинг 1/10 улушига тенг, д билан ифодаланади.

ДЕЦИБЕЛ (*деци...* ва *бел*) — иккита бир жинсли физик катталиклар — энергия, қувват, товуш босими ва ҳ.к. нисбати логарифми б-н ўлчанадиган бирлик; белнинг 1/10 улушига тенг, дБ б-н ифодаланади.

ДЕЦИЛИТР (*деци...* ва *литр*) — ҳажм бирлиги; литрнинг ўндан бир улушига тенг, дл б-н ифодаланади. 0,1 л га тенг ёки 1 дл=10^{-1}дм^3=10^{-4}м^3 (литр).

ДЕЦИЛЛИОН (франц.) — бир рақами ва 33 та ноль б-н ифодаланадиган катта сон, яъни 10^{33}.

ДЕЦИМЕТР (*деци...* ва *метр*) — узунлик бирлиги; метрнинг ўндан бир улушига тенг, дм б-н ифодаланади. 1 дм=10 см=0,1 м (метр).

ДЕЦИМЕТРЛИ ТЎЛҚИНЛАР — узунлиги 0,1 дан 1 м гача бўлган радиотўлқинлар. Бундай тўлқинлар моносферадан қайтмайди, ёмғир ва туманга ютилмайди ва тарқалмайди. Д.т. деярли ютилмайди ва тарқалмайди. Д.т. радиолокация, радиорелейли алоқа, ердаги ва коинотдаги радиоалоқада қўлланилади (қ. *Тўлқинлар*).

ДЕЦИС — пиретроидлар гуруҳига мансуб булган инсектицид. Д. таркибида 1 литрида 25 г таъсир этувчи декаметрин моддага эга эмульсияланувчи концентрат шаклида ишлаб чиқарилади. Д. Ўзбекистонда экинларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш мақсадида гектарига 0,3—0,7 л (5—15 г/га таъсир этувчи модда ҳисобида) сарфланади. Бундан ташқари яиловларни чигиртаклардан ҳимоя қилишда ҳам ишлатилади (0,3—0,5 л/га). Боғларда Д.ни ишлатишда ўргимчаккана кўпайиб кетмаслиги учун кўпинча бирорта акарицид қўшилади. Шу мақсадда таркибига омайт қўшилган акаридепис (1,25—1,5 л/га) яратилган.

ДЕШИФРАТОР (франц. dechiffrer — маъносини ечмоқ) — хабарларни ўқиётган (декодлайдиган) ва ундаги ахборотларни қабул қилувчи тизим тилога (кодига) ўтказадиган қурилма; алоқа, телемеханика, радиолокация қурилмалари ва б.да бериладиган ахборот сигналларини назорат қилади. Д.нинг кириш қисмига келган ахборотлар ўзгартирилади (дешифрланади) ва чиқиш қисмида ахборот мазмунини ифодаловчи сигналга айланади. Д. киришидаги сигналга чиқишидаги муайян сигнал мос келади. Д. телеграф аппаратлари, телефон алоқаси, телемеханика, ҳисоблаш техникаси, радиотехника ва ўлчаш техникасида қўлланилади.

ДЕШИФРОВКА (франц. dechiffrer — маъносини ечмоқ) —1) нотаниш ҳатлар ёки шифрли ёзувларни шартли белгилар воситасида ўқиш; қад. ёзма ёдгорликларнинг мағзини чақишда қўлланилади. Бунда махсус усуллардан фойдаланилади; 2) ерда олинган фотосуратлар, аэро ва космик фотосуратлар бўйича муайян ҳудудни тадқиқ қилиш усули. Самолёт ёки турли хил учиш аппаратларида олинадиган фотосуратларни Д. қилишда бирор объектнинг сони ва характери унинг суратдаги кўринишига қараб аниқланади. Топографик Д. ситасида ер юзасининг рельефи ва маҳаллий предметларнинг суратлари ўрганилади ҳамда жойлар разведка қилинади; 3) тактик Д.да душманнинг мудофаа иншоотлари, ўт очиш позициялари, коммуникациялари, аэродромлари, буйруқ-назорат пунктлари ва б. аниқланади; 4) махсус Д. ўрганилаётган ҳудуд ер юзасининг геологик тузилиши, устки қатлам хактери (мас., лёсс жинси), ер ости сувларининг ресурслари ва шу каби маълумотларни аниқлашни кўзда тутади.


ДЕЭМУЛЬГИРЛАШ — *эмульсия* (бир-бирига аралашмайдиган икки суюқликдан иборат дисперс система)ни парчалаш жараёни. Мас., сутнинг ёғини ажратиб олиш учун қўлланилади. Д. усуллари: 1) центрифуга ёрдамида (марказдан қочирма куч таъсирида суюқликларни оғир қўшилмаларни енгил қисмлардан ажратиш); 2) эмульсия зарраларига электр майдони таъсир эттириш (нефть таркибидаги сувни ажратиш); 3) эмульсияни иситиш (бунда каллоид зарралар кенгайиб, устидаги юпқа пардаларни йиртади, натижада аралашма пастга чўкади); 4) эмульсияга электролитлар таъсир эттириш ва ҳ.к.

ДЕ-ЮРЕ (лот. de jure — қонуний, расмий) — қонунга асосланган ҳуқуқ, мақом; халқаро ҳуқуқда давлат ёки ҳукуматнинг тўла эътироф этилиши.

ДЕҲЛИ — Ҳиндистон пойтахти ва Деҳли иттифоқдош ҳудудининг маъмурий маркази. Аҳолиси 9,4 млн. киши (1997). Ҳиндистоннинг шим.-ғарбида Жамна дарёси бўйида, денгиз сатҳидан 216 м баландликда жойлашган. Д.да июль ойининг ўртача т-раси 31°, янв.ники 14,2°. Бир йилда ўртача 660 мм ёғин ёғади.

Ҳоз. Д. қадимги Индрапрастха (Индарпат) ш. яқинида 8-а.нинг 1-ярмида барпо этилган. 1206 й.дан Деҳли султонлигининг, 1526 й.дан Бобурийлар салтанатининг пойтахти (Д. шаҳрини пойтахт тутган ҳукмдорларнинг деярли барчаси туркийлар бўлган). 1803 й.да Д.ни инглизлар босиб олди. 1857—59 й.ларда шаҳар ҳинд миллий қўзғолонининг муҳим марказларидан бири бўлган. 1911 й.дан Британия Ҳиндистонининг пойтахти, ўша йилдан Д.нинг жан.-ғарбида Янги шаҳар (Нью-Дели) қурила бошлади. 1947 й.дан мустақил Ҳиндистон пойтахти, 1950 й.дан Ҳиндистон Республикаси пойтахти.

Д. — мамлакатнинг йирик иқтисодий ва маданий маркази. Ҳиндистон шим.даги муҳим транспорт йўллари тугуни. Бу ердан мамлакатнинг турли томонига ва чет мамлакатларга т. й., автомобиль ва ҳаво йўллари кетган. Д.да 3 та аэропорт мавжуд. Шаҳарда пойтахт аҳолиси эҳтиёжи учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган саноат тармоқлари: тўқимачилик, тикувчилик, трикотаж, кўн пойабзал, ойна-керамика, кимё-фармацевтика, электроника, металлсозлик ва машинасозлик кўпроқ ривожланган. Д. қадимдан анъана бўлиб келаётган бадиий ҳунармандчилик (фил суяги ўймакорлиги, нафис заргарлик буюмлари, олтин ва кумуш буюмлар и. ч.) б-н ҳам машҳур.



Деҳли шаҳри. Парламент биноси.

Д.нинг эски қисми — Шоҳжаҳонободда қад. меъморий ва санъат ёдгорликларидан шаҳар девори (қисман) дарвозалари б-н, *Деҳли жоме масжиди,* Лаъл-Қила (Қизил форт) сарой комплексида Бобурийлар даврининг оқ мармардан ишланган саройлари (Ранг-Маҳал, Девони-Ом, Девони-Кхас, барчаси 1639—48 й.ларда қурилган), Марварид масжид (1660) бор. Эски шаҳардан жан.га томон Ферузобод ш. вайроналари (1351—88), Кулон (1380) ва Қилаи-Кўҳна (1545) масжидлари б-н Пурана-Қила сарой-кўрғон ансамбли (1540), Ҳумоюн мақбараси (1565) ва б. сақланган. Д.нинг эски қисмидан 20 км жанубда 4 та шаҳар-қалъа мавжуд: Сири (1303 й.да қурила бошлаган), Жаҳонпаноҳ (14-а.), Тўғлоқобод (1325, Ғиёсиддин мақбараси) ва Лаъл-Кот (12-а. охири). Лаъл-Котда Темир устун (415), Қуввват ул-Ислом масжиди (1193 й.да қурила бошлаган), *Қутб Минор* минораси, Элтутмиш мақбараси (1235 й.дан бошлаб) мавжуд. Д.нинг янги қисми катта майдонлар, боғлар ва улардан бошланган кенг кўчалардан иборат бўлиб, у ерда «Ҳиндистон Дарвозаси», марказий ҳукумат қароргоҳи, маъмурий идоралар, банклар ва б. жойлашган. 2 та ун-т, кўплаб коллеж ва ин-тлар, Санъат ва б. академиялар, бадиий галереялар, музейлар, Маҳатма Ганди ва Жавоҳарлал Неру мемориал музейлари, театрлар, Миллий музей, амфитеатр, расадхона ва б. бор. Кўплаб замонавий турар жой бинолари қурилган.

ДЕҲЛИ — Ҳиндистондаги иттифоқдош ҳудуд (1956 й. алоҳида маъмурий бирлик сифатида ажратилган). Мамлакатнинг шим. қисмида, Жамна дарёси соҳилида жойлашган. Майд. 1483 км². Аҳолиси (Деҳли ш. аҳолиси б-н) 13,8 млн. киши (2001). Маркази — *Деҳли* ш. Ҳудудни волий (генерал-губернатор)

Деҳли шаҳридаги замонавий бино.




бошқаради. Қ.х.да донли экинлар, дуккаклилар етиштирилади, шакарқамиш, пахта қайта ишланади.

ДЕҲЛИ ЖОМЕ МАСЖИДИ — Ҳиндистондаги меъморий ёдгорлик (1644—58). Бобурийлардан *Шоҳ Жаҳон* қурдирган. Масжид 3 хонақоҳдан иборат. Бош тарзи қизил қумтошдан ишланган. Пештоғи чуқур равоқли, муқарнас б-н безатилган, унинг икки ёнидаги устунсимон буржлар юқориси қафаса б-н тугалланган. Пештоқнинг икки ён томонидаги гумбазли хоналар олди қатор равоқли. Масжидга 3 томондан кирилади. 2 бурчагидаги минора ва гумбазлар мармар қоплаб безатилган. Олд томонидаги ҳовли атрофи равоқлар б-н ўралган. Д.ж.м.да Ўрта Осиё меъморлиги анъаналари таъсири бор.

ДЕҲЛИ СУЛТОНЛИГИ — Ҳиндистондаги давлат (1206—1526). Пойтахти — Деҳли ш. *Гурийлар давлати* томонидан 12-а. охирида Шим. Ҳиндистон босиб олингач, барпо этилган; *Муҳаммад Гурий*нинг Ҳиндистондаги ноиби *Қутбиддин Ойбоқ* ўзини султон деб эълон қилган. Д. с.даги мусулмон амалдорлар ҳукмрон мавқега эга бўлишган. *Бобурийлар* томонидан забт этилган.

ДЕҲОТИЙ Абдусалом Пирмуҳаммадзода (1911.14.3, Самарқанд яқинидаги Боғи Майдон қишлоғи — 1962.30.1, Душанба) — тожик шоири, драматург. Асарларида «Пирмуҳаммадзода», «Навқалам», «Ҳардамхаёл», «Деҳотий» таҳаллусларини қўллаган. Ўзбекистон пед. академиясида таҳсил кўрган (1930—31). Фаолиятини «Ҳақиқати Ўзбекистон» газ. (1931—34)да бошлаган. Тожикистон давлат нашриётининг Самарқанд бўлимида ишлаган (1934—35). Илк ҳикояси — «Бахтиқаро Ҳамида» (1929). «Уч манзара» (1932), «Меҳнат қўшиқлари» (1934), «Шеърлар ва ҳикоялар» (1940), «Танланган шеърлар» (1949) тўпламлари бор. «Восе кўзғолони» операсининг либреттоси (М. Турсунзода б-н ҳамкорликда, 1938), «Тоғдаги нур» (1947) ҳамда «Комде ва Мудан» (1951—53) драмаларини ёзган. Д. тожик халқ оғзаки ижодига оид «Тожик халқ юмори» (1938) китоби ҳамда ўзбек шоирлари ҳақидаги мақолалар («Жунайдулла Махдум Ҳозиқ», 1940; «Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий», 1948) муаллифи. *Абдулла Қаҳҳорнинг* «Шоҳи сўзана» (1953), Б. Раҳмоновнинг «Юрак сирлари» драмаларини, Муқимий, Ҳ. Олимжон, Н. Ҳикмат шеърларини тожик тилига таржима қилган.



Деҳли жоме масжиди.

ДЕҲРАДУН — Ҳиндистондаги шаҳар, Ҳимолай тоғлари этагидаги иқлим курорти, Уттар-Прадеш штатида. Аҳолиси 270 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Полиграфия, ип ва жун газлама тўқимачилиги, ипак саноати, чой қадоқлаш корхоналари мавжуд. Топография хизмати бошқармаси, ўрмончилик илмий тадқиқот ин-ти бор.

ДЕҲХУДО Мирза Алиакбархон Қазвиний (1879—Теҳрон—1956) — эрон ёзувчиси, олим ва жамоат арбоби. Эрон Тиллар академияси (Фарҳангистон)нинг аъзоси, Теҳрон ун-тининг проф. 1906 й.дан нашр этила бошлаган «Исрофил қарнайи» ҳажвий жур. ношири. Д. қатор ҳажвий ҳикоя ва шеърлар муаллифи. Унинг илмий меросида «Маққолар ва маталлар» (1—4-жилдлар, 1929—31), Абу Райҳон Берунийга бағишланган асари бор. Д. кўп жилдли «Луғатнома» (Эрон энциклопедик луғати)ни тайёрлашга назарий ва амалий жиҳатдан катта ҳисса қўшган.

ДЕҲҚОН БОЗОРИ — қ. х. маҳсулотлари сотиш бўйича ихтисослашган *бозор*. Д.б.да, асосан, шахсий томорқалар, деҳқон ва фермер хўжаликлари, ширкат ва жамоа хўжаликлари, шаҳар аҳолисининг ҳовли ва дала ҳовлиларида етиштирилган деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик маҳсулотлари сотилади. Ўзбекистонда Д.б. шаҳарлар, шаҳарчалар, туман марказлари, йирик гузарларда жойлашган. Баъзи йирик шаҳарларда ўнлаб Д.б. фаолият кўрсатади (мас., Тошкент ш. да 20 Д.б. ва уларнинг 50 та шохобчаси бор). 20-а. нинг 30-й.ларида *деҳқонларни* оммавий равишда кўзларга бирлаштириш ва қ.х. маҳсулотлари савдосида қ-зларнинг кенг иштироки натижасида колхоз бозорлари номини олган эди. 80-й.лар охиридан шундай бозорлар «Д.б.» деб аталадиган бўлди. Ўзбекистонда томорқа майдонларининг кенгайиши, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ривожланиши Д.б.нинг кўпайиши ва кенгайишига олиб келди, унинг аҳоли таъминотидаги аҳамияти ортди. Республикадаги Д.б.лари 1996 й.дан Тошкент ш. ва вилоятлар «Бозорсавдо» очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари уюшмасига киради. Республикада 149 Д.б. бор (2001).

Нуриддин Йўлдошев.

ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ УЮШМАСИ, Ўзбекистон Республикаси деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси — ЎзРдаги деҳқон ва фермер хўжаликларининг ихтиёрий уюшмаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 й. 9 апр.даги «Хусусий тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998 й. 22 апр.даги қарорига кўра ташкил этилган. Уюшма бошқаруви Тошкент ш.да жойлашган. Уюшманинг асосий вазифалари: деҳқон ва фермер хўжаликларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш; хўжаликларни шартнома асосида уруғлик, ўғитлар, кўчатлар, наслдор моллар ва б. ресурслар б-н таъминлаш; хўжаликларга и.ч., технология, транспорт, юридик, ахборот, маркетинг хизматлари ва б. хизматлар кўрсатиш; етиштирилган маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларда сотишга кўмаклашиш; деҳқон ва фермер хўжаликларини минерал ўғит ва ёқилғи-мойлаш материаллари б-н таъминлаш, лизинг асосида қ. х. техникаси сотиб олиш, банклар ва турли жамғармалардан имтиёзли асосда кредитлар ва микрокредитлар олишда ёрдам кўрсатиш ва б.

Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси уюшмаси, вилоят (12) ҳамда туман (116) вакилликлари мавжуд. Уюшма сафида республикада фаолият кўрсатаётган 43,8 минг *фермер хўжалиги*, 1,8 млн. *деҳқон хўжалиги* (уларнинг 8266 таси юридик шахс мақомида) бор (2001). Уюшманинг тавсияси б-н жойлардаги ҳудудий вакиллар қошида 25 та муқобил машина-трактор парклари (МТП) ташкил қилиниб, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатмоқда. Маҳсулот сотиш ва экспортга чиқариш бўйича 98 кооператив корхона ташкил қилинган.

Абдурашид Бобомирзаев.

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ — оилавий майда товар хўжалиги. Ўзбекистонда умуман Д.х.нинг шакллари жуда кўҳна тарихга эга бўлсада, хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиёти шароитларида унинг ҳозирги ташкилий тузилмаси 90-й.ларнинг охирида пайдо бўлди.

Д.х. оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила бошлиғига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқида берилган томорқа ер участкасида оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида қ.х. маҳсулотлари етиштиради ва сотади. Д.х. фаолияти тадбиркорлик фаолияти жумласига киради ва хўжалик аъзоларининг истагига кўра юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин. Д.х. белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган кундан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади.

Қ.х. кооперативлари (ширкат хўжаликлари) аъзоларининг, бошқа қ.х. ва ўрмон хўжалиги, корхона, муассаса ва ташкилотлари ходимларининг оилаларига, шунингдек, қишлоқ жойларида яшовчи ўқитувчилар, шифокорлар ва б. мутахассисларнинг оилаларига Д.х. юритиш учун томорқа ер участкаси, иморат ва ҳовли эгаллаган майдонни ҳам қўшганда, суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача, дашт ва чўл минтақасида эса суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 1 гектаргача ўлчамда берилади.

Ўзбекистонда Д.х. ташкил қилиш, уларнинг фаолияти ва тугатилишининг ҳуқуқий асослари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар б-н бўладиган муносабатлари масалалари Ўзбекистон Республикасининг 1998 й. 30 апр.да қабул қилинган «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» қонунига мувофиқ тартибга солинади.

Ўзбекистонда 1,8 млн. Д.х. бор (уларнинг 8,3 мингтаси юридик шахс мақомига эга). Уларга ажратилган ер майдони 287,3 минг га бўлиб, ҳар бир Д.х.га ўртача 0,16 га ер майдони тўғри келади. Республика қ.х. ялпи маҳсулоти ҳажмининг 66% Д. х. ҳиссасига тўғри келади (2001).

Қурбон Чориев.

ДЕҲҚОН ЮЗБОШИ Шерназар ўғли (1860 — Бачқир қишлоғи, Фарғона вилояти — 1942) — атоқли аскиячи. «Кал Рустам» деган аскиячига шогирд тушган. Бувайда ва Қўқон аскиячиларини беллашувларида аския сирларини ўрганган. Маҳорати ошгач, ҳатто Худоёрхон саройида хизмат қилувчи Зокир гов, Саъди Маҳсум деган қизиқчилар б-н ҳам беллашган. Аскиянинг «лақаб», «бўласизми?», «ўхшатдим», «афсона», «тутал» каби қад. шаклларида моҳир бўлган. Унинг доимий «рақиблари» Мирзараҳим домла қулоқ б-н Уста Матхолиқлардир. 1925—40 й.ларда Қўқон ш.даги Фурқат ва Муқимий номли истироҳат боғларида ўтказилган аския кечаларида Эркақори Каримов, Мамаюнус Тиллабоев каби аскиячилар б-н кўп марта учрашган. 1932 й.да Тошкент циркида ва б. жуманларда, 1937 й.да эса Москвада «Ўзбек халқининг санъати» номли театрлашган томошада Юсуфжон Шакаржонов, Эркақори Каримов б-н беллашиб ўз маҳоратини намойиш қилган. Д.Ю. Насритдин Мирмўйиш қилган. Д.Ю. Насритдин Мирзоахмедов, Одилхўжа Саидхўжаев, Мамадали қори Отабоев, Обилжон Норматов каби аскиячиларга устозлик қилган.

Ад.: Аския [Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Расул Муҳаммадиев]. Т., 1970.

Муҳсин Қодиров.

ДЕҲҚОНБОЕВ Абдусалим (1906.26.10, Аширқози қишлоғи, Фарғона вилояти — 1943.8.10, Дераҳичи) — 2-жаҳон уруши қаҳрамони. Жамоа хўжалиги раиси бўлиб ишлаган. 1943 й.дан фронтда, 467-ўқчи полки (Марказий фронт 61-армиянинг 81-ўқчи дивизияси) ўқчиси. Д. Гомель вилоятининг Лоев туманидаги Глушец қишлоғида бўлган жангларда жасорат кўрсатган. 1943 й. 8 окт.да бўлган жангда ҳалок бўлган. Вафотидан кейин 1944 й. 15 янв.да Қаҳрамон унвонига сазовор бўлган. Туғилган қишлоғида ёдгорлик ўрнатилган; Фарғона вилоятидаги мактаблардан бири унинг номи б-н юритилади.

ДЕҲҚОНЛАР — ижтимоий гуруҳ, аҳолининг асосий касби деҳқончилик бўлган махсус тоифаси. Д. меҳнат фаолияти, турмуш тарзи, манфаати ва кўникмаларига кўра жамиятдаги бошқа синф ва ижтимоий гуруҳлардан фарқ қилади. Д. аграр соҳада фаолият кўрсатади, *ер* ва б. ресурсларга эгалик қилади, ўз и.ч. воситалари ва оила аъзолари меҳнати б-н якка хўжалик юритади. Д.нинг пайдо бўлиши ибтидоий жамоат тузумининг парчаланиши жараёнида қ.х.да ихтисослашув юз бериб, деҳқончиликнинг чорвачиликдан ажралиб чиқиши ва майда оилавий хўжаликларнинг юзага келиши б-н боғлиқ. Ўрта Осиёда ва Эронда дастлаб жамоадан ажралиб чиққан катта ер эгалари, баъзан қишлоқ оқсоқоллари «деҳқон» дейилган (улар ўзларининг девор б-н ўралган мустаҳкам қўрғонларига эга бўлганлар). Ўрта асрларга келиб Д. қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг асосий таянчини ҳосил этди, натижада у аҳолининг асосий ижтимоий қатламига айланди. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёти ва ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви натижасида асосан қ.х. ишлаб чиқаришида банд бўлган Д. товар-пул муносабатлари юзага келтирадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларга тортилдилар ва аста-секин ижтимоий табақаланиб майда, ўртаҳол ва йирик ер эгалари бўлган Д. пайдо бўлди. Саноат ривожланиши б-н, биринчи навбатда, камбағал, майда Д. ҳисобидан *ишчилар* шаклланади ва шу ҳисобига Д. сони қисқарди. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда Д. сонини кескин қисқартирадиган фермер хўжаликларининг ўсиши б-н бир қаторда кооперация ҳам юзага келди. Ҳоз. ривожланаётган мамлакатларда аҳолининг асосий қисмини ташкил қиладиган Д.нинг хўжалик уклади ривожи ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг умумий қолоқлиги таъсирида янада мураккаблашиб бормоқда. Собиқ СССРда, Шарқий Европа ва Осиёдаги бир қатор мамлакатларда куч ишлатиб, қатағон йўли б-н амалга оширилган деҳқон хўжаликларини жадал кооперациялаш (жамоа хўжаликларига айлантириш) қ.х. ишлаб чиқаришини жуда пасайтириб, Д.га ҳам, жамиятга ҳам зарар келтирди.

Ҳоз. вақтда Ўзбекистонда томорқа ери бўлган майда Д., ширкат аъзоси бўлган Д., *деҳқон хўжалиги* эгалари бўлган Д. ва давлатдан ерни узоқ муддатга (10—50 йил) ижарага олган йирик *фермер хўжалиги* соҳиблари бўлган Д. фаолият кўрсатади (яна қ. *Деҳқончилик).*

Аҳмаджон Ўлмасов.

ДЕҲҚОНОБОД — Сирдарё вилоятидаги шаҳарча. *Гулистон туманин*инг маркази. Аҳолиси 10,5 минг киши (2000); асосан ўзбеклар, шунингдек, рус, украин, татар, корейс, тожик ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Вилоят маркази — Гулистондан 24 км. Яқин т. й. станцияси — Гулистон (24 км).

Д.да дастлаб 1886 й. Россиянинг Полтава, Тверь губерняларидан подшо ҳукумати томонидан кўчириб келтирилган россияликлар яшаган. 1887 й.дан қишлоқ Романовск деб аталган. 1913 й. ҳоз. мудофаа ишлари бўлими биносида рус-тузем мактаби очилган. 1923—92 й.ларда Крестьянск посёлкаси деб аталган.

Д.да 2 умумий таълим мактаби, иқтидорли болалар лицейи, қишлоқ хўжа-

лик лицейи, санаторий типидаги интернат мактаби мавжуд. 1997 й. республика БАнинг тасвирий ва амалий санъат интернат мактаби ташкил этилди. 1941—45 й.лардаги уруш қурбонларига ёдгорлик монументи ўрнатилган. 1986 й. Алишер Навоий номидаги маданият саройи қурилди. Д.да вилоят «Она ва болалар» физиотерапия шифохонаси, марказий касалхона, болалар касалхонаси, поликлиника, дорихона, 30 дан зиёд савдо, умумий овқатланиш ва 10 дан ортиқ маиший хизмат пункти бор. Автокорхона, 3 қурилиш кўчма колоннаси, 2 таъмирлаш корхонаси фаолият кўрсатмоқда. 1998 й. «Супермаркет», «Деҳқон бозори» қуриб фойдаланишга топширилди.

ДЕҲҚОНОБОД — Қашқадарё вилояти *Деҳқонобод туманида*ги шаҳарча (1989 й.дан). 1935 й.гача Тангғарам қишлоғи деб аталган. Туманнинг жан.-да, Бойсунтов тизмасининг тармоғи Оқбоштоғ этагида жойлашган. Яқин т.й. станцияси Ғузор — 46 км. Д. ҳудудидан Кичик Ўрадарё оқиб ўтади. Аҳолиси 7,4 минг киши (2000), асосан ўзбеклар, шунингдек, тожик, қозоқ, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Д.дан Катта Ўзбекистон тракти ўтган. Ўрта мактаблар, интернат мактаби, 2 клуб, касалхона, дорихона, бир қанча савдо, маиший хизмат шохобчалари, кичик, хусусий корхоналар бор. Аҳоли сувни Кичик Ўрадарё ва булоқлардан олади.

ДЕҲҚОНОБОД ПАСТ ТОҒЛАРИ — Қашқадарё вилоятидаги тоғлар. Шим.-шарқда Кичик Ўрадарёнинг ўрта оқимидан жан.-ғарбда Ўзбекистон б-н Туркманистон чегарасидан ўтувчи Амударё ўзанигача давом этади. Жан.-шарқда Сейпитоғ-Элликбош-Жоникмар тизма тоғлари, шим.-ғарбда Итбахмастбел тизмаси б-н туташган. Бал. 700—1100 м. Д.п.т. анчагина парчаланган. Рельефи ўйдим-чуқур, жан.-шарқида яланг текисликлар бор. Асосан, қуэста рельеф шаклларини мавжуд. Оҳактош қатламларида карст, эрозия ривожланган. Д.п.т.ни жан.-шарқдан шим.-ғарбга томон бир неча сой кесиб ўтган, уларда асосан, баҳорда сув оқади. Д.п.т. ён бағирларида кўпроқ оддий бўз тупроқлар тарқалган. Эфемер ва эфемероидлар, шувоқ ўсади. Д.п.т. асосан, яйлов чорвачилигида фойдаланилади, айрим қисмларида лалми деҳқончилик б-н шуғулланилади.


ДЕҲҚОНОБОД ТУМАНИ — *Қашқадарё вилоятида*ги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган (1962 й. 24 дек.да Ғузор тумани б-н бирлаштирилган. 1971 й. 31 авг.да қайта тузилди). Д. т. вилоятнинг жан.-шарқида жойлашган. Шим.-ғарбда Ғузор тумани, шим.-шарқда Қамаши тумани, жан.-шарқда Сурхондарё вилояти, ғарбда Туркманистон б-н чегарадош. Майд. 4,0 минг км². Аҳолиси 100,3 минг киши (2000). Д. т.да 1 шаҳарча (Деҳқонобод), 14 қишлоқ фуқаролари йиғини (Бешқўтон, Бибиқорасоч, Бозортепа, Бошчорбоқ, Дуоб, Карашина, Обиравон, Оқиртма, Оқравот, Оқтош, Оққишлоқ, Қизилча, Қирққулоч, Қўрғонтош) бор. Маркази — *Карашина* қишлоғи.

Табиати. Рельефи ўртача баландликдаги тоғлар (Ҳисор тизмасининг ғарбий тармоқлари — Бобосурхон, Қорасирт), паст тоғлар (Оқтош, Сайфи, Кесик, Усмонтов, Тепақўрғон) ва тоғ олди қия текисликларидан иборат. Туманда нефть, газ, ош тузи (Бойбичакон, Говхона), калий тузи (Одамтош, Тепақўтон) ва қурилиш материаллари (оҳактош, шағал, гипс) мавжуд. Иқлими континентал иқлим. Янв. нинг ўртача т-раси — 0,6°, июлники 28,4°. Йилига ўртача 277 мм ёғин тушади. Туман ҳудудидан Ғузор дарёсининг ирмоқлари: Катта Ўрадарё ва Кичик Ўрадарё оқиб ўтади. Туманнинг жан.-ғарбий қисмида ёзда қуриб қоладиган Қизилча ва Гажаксой каби сойлар бор. Пачкамар, Деҳқонобод сув омборлари қурилган. Д. т.нинг тоғли қисмида юпқа тоғ-қўнғир тупроқ, тоғ олди ва зан шўрхок ва қумоқ тупроқлар) учрайди. Туман ҳудудида арча, заранг, учқат ўсади. Паст тоғ этакларида писта-зорлар бор. Шувоқ, шўра, янтоқ, эфемерлар ўсади. Ёввоий ҳайвонлардан туман тоғли қисмида қоплон, айиқ, қобон, тоғ эчкиси, бўри, тулки, жайра, суғур ва б. учрайди. Кемирувчилардан каламуш, сичқон, қушлардан каклик ва б. яшайди.

Аҳолиси, асосан ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 24,4 киши. Шаҳарликлар 7,4 минг киши.

Хўжалиги нинг асосини чорвачилик ва деҳқончилик ташкил қилади. Экин майд. 47,4 минг га, кўп йиллик дарахтзорлар 2,1 минг га, яйловлар 237,4 минг га. Яйловларда қоракўл қўйлари, ҳисори қўйлар, ангор зотли эчкилар, қорамол, йилқи боқилади. Деҳқонобод тош кесиш карьери, жунни қайта ишлаш з-ди, консерва тайёрлаш цехи мавжуд. Туман ҳудудидан Катта Ўзбекистон тракти, Ғузор — Қумқўрғон т. й. ўтган.

2000/01 ўқув йилида 88 умумий таълим мактаби, касб-ҳунар коллежи, интернат лицейи фаолият кўрсатди. Туманда «Тоғ гўзали» ашула ва рақс ансамбли, «Қўнғирот» фольклор этнографик ансамбли, 27 кутубхона, 11 қишлоқ клуби бор. Марказий касалхона, 6 қишлоқ участка шифохонаси, 56 қишлоқ фельдшер-акушерлик шохобчаси, 7 қишлоқ врачлик пункти, 7 дорихона мавжуд бўлиб, 650 га яқин олий ва ўрта маълумотли тиббий ходим ишлайди. 1972 й.дан «Деҳқонобод овози» туман газ. чиқади (адади 2000).


ДЕҲҚОНОБОД ТУМАНИ
ҒУЗОР ТУМАНИ
ҚАМАШИ ТУМАНИ
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ
БОЙСУН
ТУРКМАНИСТОН
КАРАШИНА
Ғузор
Ҳисор
Деҳқонобод
Ҳожамат
Ҳожамаҳмуд
Ҳожадавлат
Ҳожаобигарм
Ҳожаобигарм тоғи
Ҳожаобигарм довони
Ҳожаобигарм довони
Ҳожаобигарм довони

20-а. бошларига қадар Ўрта Осиёда, хусусан ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида Д.нинг техникавий ва агрономик даражаси паст эди. Асосан экстенсив Д. тизими қўлланилган. Барча қ.х. экинлари, жумладан ғўза, маккажўхори, оқ жўхори, шоли, бошоқли дон, дуккакли дон экинлари фақат қўл кучи б-н етиштирилар, дон экинлари ҳосилдорлиги гектарига 6—7 ц дан ошмас эди. Асосий улов — от, ҳўкиз, туя, қ.х. қуроллари — омоч, кетмон, ўроқ, ёғоч моладан иборат бўлган, минерал ўғитлар умуман қўлланилмаган. 20-а.нинг 20-й.ларидан Ўзбекистонда Д.нинг илмий базасини яратиш бошланди, тажриба ст-ялари, тажриба-таянч хўжаликлари, и.т. ва ўқув ин-тлари ташкил этилди, Д.да турли минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларидан фойдаланила бошланди, республиканинг ўзида ўғитлар ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари қурилди, ирригация-мелиорация қурилиши ривожлантирилди. Ўзбекистонда кейинги 90 йил мобайнида асосий Д. қилинадиган суғориладиган ерлар майдони 2,34 марта кўпайди ва 2000 й.га келиб 4238,6 минг га етди (1914 й.да 1809,5 минг га). Қ.х. ишлаб чиқаришда механизацияни кенг жорий қилиш натижасида Д. маданияти юксалди: экинларни етиштириш агротехнологияси яхшиланди, минерал ўғитлардан фойдаланишнинг салмоғи ва уларнинг турк таркиби ортди, тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари кенг кўламда амалга оширилди, давлат нав ва уруғлик назорати ишлари йўлга қўйилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин умуман мамлакат қ.х.да, шу жумладан Д.да чуқур ислоҳотларни амалга ошириш даври бошланди. Биринчи навбатда Д.ни олиб боришнинг ташкилий шакллари ўзгартириб колхозлар ва совхозлар дастлаб жамоа хўжаликларига, сўнгра 1995 й.дан бошлаб ширкатлар, ижарачилар уюшмалари, халқ корпорацияси ва б.га айлантирилди, *деҳқон хўжалиги, фермер хўжалиги* каби янги хўжалик юритиш шакллари пайдо бўлди, қ.х. корхоналарида *оила пудрати* кенг ёйилди, аҳолининг томорқа хўжалигини ривожлантиришга эътибор берилди.

Ўзбекистон Республикасида Д.да туб бурилишларнинг ҳуқуқий асосларини яратадиган «Ер тўғрисида» (1990), «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида» (1993), «Деҳқон хўжалиги тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида» (1998) ва б. қонунлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси (1998) қабул қилинди ва амалга киритилди.

Республика қ.х.да Д. стакчи ўринда туради, унинг қ.х. ялпи маҳсулоти ҳажмидаги ҳиссаси 60—65%. Д.да агротехниканинг илғор усулларини қўллаш, экинларнинг ҳосилдор навларини яратиш, навларни муттасил янгилаш ва нав алмаштириш, ўғитлардан самарали фойдаланиш, ўсимликлар ҳимоя си хизматини йўлга қўйиш, экин майдонлари таркибларини ўзгартириш туфайли юқори натижаларга эришилди. Д.да ғўза майдонлари қисқартирилди, аҳолини озиқ-овқат б-н таъминлашни тубдан яхшилаш учун республикада дон экинлари майдони кўпайтирилди ва республиканинг галла мустақиллиги таъминланди. 2000 й.да жами тоифадаги хўжаликларда экин экилган майдонлар 3774,9 минг га ни ташкил қилди. Экин майдонлари таркибида дон экинлари — 42,7, ғўза — 38,2, сабзавот — 3,4, картошка — 1,4, ем-хашак экинлари — 11,3, полиз экинлари — 0,9% ни ташкил этди. Республика деҳқончилигида техника экинлари (ғўза, тамаки, қанд лавлаги), дон экинлари (буғдой, шоли, арпа, маккажўхори, дуккакли дон экинлари), сабзавот-картошка, полиз экинлари, ем-хашак экинлари, боғдорчилик ўз аҳамиятига кўра етакчи ўринларда туради. Республикада 2000 й.да (минг т) пахта — 3001,8, дон — 3915,7, шу жумладан бугдой — 3521,7, шоли — 154,8, маккажўхори дони — 131,4, картошка — 729,8, сабзавотлар — 2637,3, полиз маҳсулотлари — 457,3, мева ва резавор мева — 796,9, узум — 625,4 етиштирилди.

Д. маданиятини оғишмай ошира бориш, фан ютуқларини ва илғор тажрибаларини кенг жорий этиш натижасида Ўзбекистоннинг кўпгина илғор хўжаликларида пахта ҳосилдорлиги гектарига 35—45 ц, бошоқли дон экинлари 50—70 ц, шоли 60—70 ц, картошка 250—300 ц, полиз экинлари 300—400 ц, маккажўхори дони ҳосилдорлиги 80—100 ц га етди (қ. *Лалмикорлик, Суғорма деҳқончилик*);

2) қ.х. экинларини етиштириш ва тупроқ унумдорлигини оширишнинг умумий усулларини ўрганадиган фан (агрономиянинг бўлими). Д. фан сифатида юқори ва барқарор ҳосилдорликни таъминлаш учун тупроққа ҳамда экинга таъсир кўрсатишнинг турли усулларини, хусусан, тупроқнинг ўсимлик ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароитларни таъминлайдиган сув, озуқа, ҳаво ва ҳарорат режимини бошқариш, илмий асосланган Д. тизимларини ва энг мақбул алмашлаб экишни, шунингдек, ҳосилдорликни пасайтирадиган салбий омиллар (қурғоқчилик, гармсел, тупроқ эрозияси, бегона ўтлар ва б.)ни бартараф этиш ёки уларнинг таъсирини камайтириш усулларини ўрганади ва ишлаб чиқади. Д. *тупроқшунослик, агрофизика, агрокиме, селекция, уруғчилик, қишлоқ хўжалиги фитопатологияси, энтомология, мелиорация, метеорология, ер тузиш* ва б. б-н чамбарчас боғлиқ. Д. ка оид и.т. ишлари и.т. муассасалари, тажриба ст-ялари, тажриба далалари ва таянч пунктларида, қ.х. олий ўқув юртларининг тажриба далаларида олиб борилади (яна қ. *Ўсимликшунослик).*

Ад.: Эрматов А., Деҳқончилик. Т., 1990; Растениеводство/Под ред. В. П. Вавилова. М., 1986; FAO Production yearbook 1999, vol. 53. [Food and Agriculture Organisation of the United Nations. Pome, 2001].

Абдураҳим Эрматов, Султон Холназаров.

ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИ — деҳқончиликни юритишнинг деҳқончилик қонун-қоидалари ва агротехнология меъёрларига мувофиқлиги даражаси. «Д.м.» тушунчаси кенг маънода умуман жамиятда деҳқончиликни юритиш даражасини билдиради, тор маънода деҳқончилик б-н шуғулланадиган инсоннинг деҳқончиликка оид билим ва тажрибалари ҳамда уни қўллаш маҳорати, малакасини англатади. Жамият тараққиётилаги ҳар бир муайян даврнинг ўзига хос Д.м. мавжуд ва бу маданият асрлар давомида ворисийлик асосида бойиб ва янгиланиб боради. Д. м.нинг пайдо бўлиши ва ривожланиб бориши жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучлари, айниқса саноат ишлаб чиқариши ва фан-техника тараққиёти б-н чамбарчас боғлиқ. Деҳқончилик халқ хўжалигидаги бошқа тармоқлардан и. ч.нинг табиий ва иқтисодий жараёнлари биргаликда кечиши б-н фарқ қилади. *Ер* (тупроқ) ва ўсимлик асосий ишлаб чиқариш воситалари ва айни пайтда меҳнат объектлари тарзида намоён бўлади. Тупроқ ғоят муҳим хусусиятга — унумдорлик хусусиятига, яъни етиштириладиган ўсимликни сув, озиқ моддалар унсурлари ва боғланган азот б-н узлуксиз таъминлаш хусусиятига эга. Тупроқнинг табиий (потенциал) ва иқтисодий (самарали) унумдорлиги бор. Табиий тупроқ унумдорлиги узоқ давом этадиган тупроқ ҳосил бўлиш жараёнлари натижасида юзага келади; тупроқнинг физик, кимёвий биологик хусусиятлари маҳаллий иқлим хусусиятлари б-н чамбарчас боғлиқликда амал қилади. Тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучлари ривожи жараёнида инсон томонидан яратилади. Ўсимликлар табиий тупроқ унумдорлигидан фойдаланиб (тупроқдан сув, озиқ моддалари ва азотни шимиш), атмосферадан карбонат ангидрид газини ўзлаштириш, қуёш кинетик энергиясини тутиш ва қайта ўзгартириш, пировард натижада органик моддаларни органик моддаларга айлантириш, яъни турли-туман деҳқончилик маҳсулотлари таркибига кирадиган оқсил, крахмал, қанд, мой ва б. моддалар яратиш хусусиятига эга.

Ер сиртида табиий шароитларнинг хилма-хиллиги экинларни етиштиришда махсус усул ва воситалар қўллаш, агротехнологияни ҳар бир ҳудуд, хўжалик, ҳатто ҳар бир далянинг тупроқ-иқлим шароитларига, шунингдек, экилган экинлар тур ва навларининг биологик хусусиятларига қараб табақалаштириш зарурлигини келтириб чиқаради. Деҳқончиликда инсоннинг энг муҳим вазифаси — агротехнологик, мелиоратив, ташкилий ва иқтисодий тадбирлар мажмуини бажариш йўли б-н, яъни оқилона *деҳқончилик тизими*ни амалга ошириш йўли б-н табиий тупроқ унумдорлигини иқтисодий унумдорликка айлантиришдан, ҳосил олишдан иборат. Шу сабабли деҳқончиликнинг реал ютуқларини таъминлашда инсон — деҳқон малакаси ва маҳорати марказий ўринда туради.

Д.м.нинг юксалишида деҳқончиликнинг моддий-техника базаси — меҳнат қуролларининг такомиллашуви ва фан ютуқларининг деҳқончиликка жорий қилиниши ҳал қилувчи ўринда туради (қ. *Агрономия).* Тарихан олганда омоч, плуг, трактор, ҳосилни йиғиб оладиган комбайнларнинг яратилиши, фан-техника, жумладан селекция ютуқлари деҳқончиликда буюк юксалишларни таъминлади ва Д.м.ни янги даражага кўтарди.

Д.м.нинг объектив мазмуни илмий асосда ишлаб чиқиладиган деҳқончилик тизимида ифода этилади. Шу сабабли Д.м. илмий жиҳатдан исботланган деҳқончилик тизимини яратиш ва жорий қилишни, фан ва техника ютуқларини ҳамда илғор тажрибалардан ижодий фойдаланишни назарда тутади. Юқори даражадаги Д.м. инсоннинг *деҳқончиликнинг асосий қонунлари* талабларига мувофиқ фаолиятини — тупроқ ҳосилдорлигини сақлаш ва ошириш, алмашлаб экиш қоидаларига амал қилиш; *селекция* ва *уруғчилик* ишларини билиш ва ташкил қилиш, серҳосил навларнинг сифатли уруғлигини экиш; ҳар бир экинга хос агротехнологияни қўллаш; тупроққа тўғри ишлов бериш; сифатли уруғликни белгиланган муддатларда экиш, экинларни сифатли парвариш қилиш; ўғитлардан тўғри ва унумли фойдаланиш; барча агротехнологик тадбирларни оптимал муддатларда ўтказиш; деҳқончиликни механизациялаш, кимёлаштириш, ўсимликларни ҳимоя қилиш тизимини тўғри ташкил қилиш; меҳнатни иқтисодий рағбатлаштиришни талаб қилади. Бундан ташқари Ўрта Осиё ва хусусан Ўзбекистонда деҳқончиликнинг асосий тури бўлган *суғорма деҳқончилик* шароитларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва суғориш ишларини билиш ва суғориш маданиятини эгаллаш муҳим аҳамиятга эга. Юқори даражадаги Д.м. учун кураш деҳқончиликнинг юқори унумдорлигини таъминлашга хизмат қилади. Ўзбекистонда Д.м. илмий асосда ривожланмоқда. Назарий масалалар, янги илмий тавсияномалар синалиб, сўнгра ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Д.м. юксалишида Ўрта ва олий ўқув юртлари, таълим марказлари фанолияти, илмий тадқиқот муассасалари изланишлари, илғор фермер, деҳқон хўжаликлари тажрибалари, агрономмутахассислар малакаси муҳим роль ўйнайди.

Султон Холназаров.

ДЕҲҚОНЧИЛИК ТИЗИМИ — ердан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, экинлардан юқори ва барқарор ҳосил олишга қаратилган, ўзаро бир-бирига боғлиқ технологик (агротехник), мелиоратив ва ташкилий иқтисодий тадбирлар мажмуи. Ҳозирги қ. х. да Д. т. ўзаро алоқадор бир қанча бўғинларни ўз ичига олади: *алмашлаб экиш*ни ташкил этиш; экинни етиштириш технологияси; ерни ишлаш тизими; ўғитлаш тизими; бегона ўт, зараркунанда ва касалликларга қарши кураш тадбирлари; *уруғчилик;* ерни сув ва шамол эрозиясидан ҳимоя қилиш тадбирлари; сувдан тўғри фойдаланиш, тупроқнинг шўрланиши ва ботқоқланишига қарши ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш ва б.; айрим минтақаларда сув чиқариш, ботқоқ ерларни қуритиш, кимёвий мелиорациялаш (ерни оҳаклаш, гипслаш ва б.), дала иҳота ўрмонзорлари барпо этиш ҳам Д. т. таркибига киради.

Д. т. нинг пайдо бўлиши ва ўзгариб бориши жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучлари, айниқса саноат ишлаб чиқариши ва фан-техника тараққиёти б-н чамбарчас боғлиқдир. Д. т. ерга эгалик шакли, ерга ишлов бериш техникаси ва *агрономия* фани тараққиётига, шунингдек, табиий шароитларга боғлиқ ҳолда такомиллашиб борди. Д. т. тараққиёти деҳқончиликни интенсивлашнинг турли босқичларини акс эттиради Деҳқончиликнинг қуйи шаклларидан юқори шаклларига ўтила борган сайин ҳайдаладиган ерларда етиштириладиган қ. х. экинлари турли гуруҳларининг нисбати, хусусан, дон, техника ва озуқа экинларининг муайян нисбатда етиштирилиши Д. т. нинг энг муҳим белгиси бўлиб қолади. Самарадорлик даражасига кўра, Д. т. 4 гуруҳга бўлинади: ибтидоий, экстенсив, оралиқ ва интенсив.

Жамият тараққиётининг ибтидоий жамоа тузуми давридан бошлаб шакллана бошлаган ибтидоий деҳқончилик тизимларида очилган ва ўзлаштирилган ернинг бир қисмида — кичик ер майдонларида деҳқончилик қилинган. Қолган ерлар табиий ўтлар б-н банд бўлган. Тупроқ унумдорлиги одамнинг иштирокисиз ўсимликлар, микроорганизмлар таъсирида табиий йўллар б-н тикланган. У даврда ерга хусусий мулкчилик бўлмаган, деҳқонларнинг ихтиёрида қўриқ ерлар миқдори чекланмаган, ер ибтидоий усулда ишланган, ернинг қуввати кетиб ҳосилдорлик пасайгач, у ер ташланиб, бошқа янги ер ўзлаштирилган. Узоқ муддатга (15—20 йиллар) ташлаб қўйилган ер майдонининг унумдорлиги табиий йўл б-н қайта тикланган. Бундай деҳқончилик қ ў р и қ е р Д. т. номини олган. Кейинчалик илгари фойдаланилган ерларга қайтиб келиб экин экишган. Шундай қилиб, қўриқ ер Д. т. п а р т о в е р Д. т. га алмашинган. Э к с т е н с и в Д. т. (асосан ўрта асрларда юзага келган) ўтмишда қўлланилиб келган тизимларнинг янада мукаммаллаштирилган қўринишидир. Бунда ҳайдашга яроқли барча ерларнинг ярми ёки уларнинг кўп қисми шудгорланиб, асосан, ғалла экилган. Тупроқ унумдорлиги табиий тикланиши жараёнлари инсон томонидан тоза шудгорга ишлов бериш, кўп йиллик ўтлар экиш б-н қисман бошқарилган. Бунда ерни узоқ муддат бекорга ташлаб қўйиш эмас, балки ерни бегона ўтлардан тоза тутиш ва унумдорлигини ошириш мақсадида дон-ўт алмашлаб экишда кўп йиллик ўтлар ва чопиқталаб экинларни экиш, дам берилган шудгорларни қайта ишлаш йўли б-н тупроқ унумдорлигини тартибга солиб туриш, кўп йиллик ўтларни экиш характерлидир.

Аҳолининг ўсиши ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ортиши Д. т.ни ҳам ўзгартирди, яъни ерни узоқ муддат экмай ташлаб қўйиш эмас, балки ерни бегона ўтлардан тоза тутиш ва унумдорлигини ошириш мақсадида бир ёз шудгорлаб қўйиш усули қўлланадиган бўлди. Бу шудгор Д. т. деб аталди. Бунда бир дала ёзи б-н шудгор қилиб қолдирилса, иккинчи дала экин б-н банд қилинади. Шудгорлаш Д. т. да ҳайдаладиган ерлардан ташқари, ўтлоқ-яйлов ерлар ҳам бўлган. Кейинчалик бу ерлар ҳам ҳайдалиб шудгор Д. т. га киритила бошланди. Бу тизимни тупроқ унумдорлигини оширишдаги биринчи уриниш деса бўлади. Унда экинларни навбатлаб экиш тартиби, тупроқни ишлаш (асосий қурол омоч ва ёғоч мола) ва гўнг б-н ўғитлаш мавжуд эди. Ёғингарчилик етарли миқдорда бўлган йиллари шудгорга чопиқ қилинадиган эртаги полиз ёки ем-хашак экинлари экилган.

17—18-а.ларда саноатнинг ривожланиши, шаҳарларнинг кенгайиши, аҳолининг ўсиши ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ортиши, чорвачиликнинг ривожланиши Д. т. ни ҳам ўзгартирди.

Оралиқ Д. т. (капитализмнинг қ. х. ишлаб чиқаришига кириб келиши даражасига қараб қўлланилган) экишга яроқли ерлардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш ҳамда одамнинг тупроқ унумдорлигини тиклашга таъсири кучайиши б-н ажралиб туради. Табиий ем-хашак ресурсларининг етишмаслиги, табиий ўтлоқлар майдонининг қисқариши, ем-хашак экинлари (беда, йўнғичға, илдизмевалилар) экишни тақозо қилди. Дон-дам берилган шудгор Д. т. ни янада такомиллаштириш, кўп йиллик ўтлар ёки чопиқ қилинадиган экинлар — дон-дам берилган шудгор алмашлаб экишни қўллаш, органик ўғитларни кўпроқ ишлатиш, тупроққа яхши ишлов бериш бу тизимнинг асосий белгиларидир. Бунда экишга яроқли ерлардан унумлироқ фойдаланилади.

Интенсив Д. т. (Ғарбий Европа мамлакатларида 18-а. ўрталаридан қўлланила бошлаган) далали (навбатлаб) экиш Д. т., чопиқ қилинадиган экинлар Д. т., ем-хашак экинлари Д. т. экишга яроқли ерлардан 100 фоиз юқори ҳосилдор экинлар экиб фойдаланиш, оралиқ экинларни экиш б-н тавсифланади. Бу Д. т. да ҳайдаладиган жами ерлар дон, дуккакли дон, техника ва ем-хашак экинлари б-н банд қилинади. Интенсив Д. т.да чопиқ қилинмайдиган экинлар (донли, дуккакли экинлар) б-н чопиқ қилинадиган экинлар (ғўза, каноп ва б.) ни алмашлаб экиш йўли б-н тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, органик ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш, тупроқни ишлаш; экишга яроқли ерларда бозор талабларига қараб товар маҳсулотлар берадиган экинларни етиштириш, комплекс механизацияни қўллаш, суғориш, эрозияга қарши кураш характерлидир.

Ўрта Осиё деҳқончилиги тарихида юқорида келтирилган жами тизимлардан фойдаланилган. 20-а.нинг 20-й.ларидан бошлаб суғориладиган минтақаларда чопиқ қилинадиган экинлар алмашлаб экиш тизими вужудга келди. Суғориладиган деҳқончилик минтақаларида бундай Д. т.да чопиқ қилинадиган экинлар, айниқса ғўза—ғалла—беда алмашлаб экишда ҳайдаладиган ерларнинг 50—70% ни эгаллайди. Тоза шудгор (дам берилган ерлар) деярли учрамайди. Ерлардан янада унумли фойдаланиш мақсадларида асосий экиндан бўшаган ерларга оралиқ, қоплама, такрорий экинлар кўп экилади. Алмашлаб экишнинг ўт даласига бедадан ташқари маккажўхори, оқ жўхори, лавлаги, хашаки полиз экинлари (чорвачилик учун) экилади. Ўзбекистонда ҳар бир вилоят ва Қорақалпоғистон Республикаси учун илмий асосланган зонал Д. т. ишлаб чиқилган, бу Д. т. қуйидаги таркибий қисмларни (кенжа тизимларни) ўз ичига олади: алмашлаб экиш, тупроқни ишлаш тизими; ўғитлаш тизими; бегона ўтлар, касалликлар ва зараркунандаларга қарши кураш тадбирлари; суғориш ва мелиорация; тупроқни эрозиядан асраш; машиналар тизими ва б. Ерларнинг унумдорлигини ошириш учун алмашлаб экишнинг ва тупроқни ишлашнинг оқилона усуллари қўлланилади, етиштирилаётган экинларга мелиорация ва суғориш талабига кўра кўп миқдорда органик ва минерал ўғитлар солиб турилади, сув ва шамол эрозиясига қарши кураш олиб борилади ва ҳ. к. (яна қ. *Алмашлаб экиш, Деҳқончилик, Деҳқончиликнинг асосий қонунлари).*

Абдураҳим Эрматов.

ДЕҲҚОНЧИЛИКНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНЛАРИ — деҳқончиликни илмий асосда олиб боришнинг объектив қонунлари; қ. х.ни интенсивлаш, экинлардан мўл ҳосил олишда объектив омилларнинг ўрни ва ролини изоҳлаб беради. Тупроқдан олинган моддаларни қайтариш; минимум, оптимум ва максимум; ҳаёт омилларининг биргаликда таъсир этиши; ҳаёт омилларининг тенг аҳамиятлилик ва алмаштириб бўлмаслиги қонунларини ўз ичига олади.

Тупроқдан олинган моддаларни қайтариш қонунини немис олими Юстус *Либих* (1803—73) 1840 йда ифодалаб берди. Ўсимликларнинг биологик массаси ва ҳосили б-н тупроқдан озиқ моддалар чиқиб кетади. Лекин бу озиқ моддаларнинг бир қисмигина гўнг тариқасида яна тупроққа қайтади. Ҳосил б-н ердан чиқиб кетган ҳамма минерал моддаларни, айниқса, фосфорни тупроққа тўла «қайтариш» кераклиги шу қонунда таъкидланади. Бу қараш ўсимликларни минерал ўғитлар б-н озиқлантириш ҳақидаги назариянинг асосини ташкил этди. Ю. Либих назарияси, айрим ҳатоларга қарамай, *агрономия,* жумладан *агрокимё* фанида катта аҳамиятга эга бўлди. Қайтариш қонунига биноан тупроқдан ўзлаштириладиган озиқ моддалар эквивалент миқдорда минерал ва органик ўғитлар ҳамда турли хил агротехнологик тадбирлар б-н ерга қайтарилади. И. ч. шароитида минерал ўғит сифатида тупроққа асосан азот, фосфор ва калий, айрим микроэлементлар қайтарилади, холос. Мас., бир тонна пахта толасининг ҳосил бўлиши учун ўртача соф 50 кг азот, 15 кг фосфор ва 50 кг калий сарфланади. Моддаларни қайтариш қонунининг бузилиши тупроқ унумдорлигини камайишига сабабчи бўлади.

Деҳқончиликдаги минимум, оптимум ва максимум қонунлари да ўсимлик ҳаётида ҳар бир ҳаёт омилига бўлган таъсирчанлигининг алоҳида аҳамияти борлиги ифода этилган. Ўсимликларда, ривожланиш нинг муайян фазасига ўтиши учун вақт (ой, кун) б-н бирга минимум самарали т-ра йиғиндиси талаб этилади ёки ердан фосфор, калий ва б. озиқ моддалар миқдори бўйича 45 ц ҳосил олиш мумкин, лекин тупроқда осон ўзлаштириладиган азот миқдори фақат 25 ц ҳосил етиштириш учун етарли, натижада амалда ўрта ҳисобда 25 ц атрофида ҳосил олинади. Бунга сабаб ҳосилнинг миқдори минимумда турган азот миқдори б-н чегараланади. Ўғитга нисбатан минимум қонунининг математик формуласи қуйидагича:

$$V = A \cdot x,$$ бунда

V — ҳосил, x — озиқ моддалар миқдори, А — ўғит тури учун пропорционаллик коэффициенти. Оптимум қонун ҳам минимум қонун каби мустақил, ўсимлик учун оптимал ўсиш шароити яратилганда, энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, гектаридан энг кўп ва сифатли маҳсулот олинишини ифода этади. Деҳқончиликнинг оптимум қонунига биноан, ўсимлик барча ҳаёт омиллари б-н оптимал таъминланган-дагина ҳосил энг юқори бўлади. Ўсимликлар ҳаётида энг қулай — оптимал шароит б-н бир қаторда, максимал, кўпинча улар учун зарарли шароит, айрим вақтда ўсимликни қуритадиган шароит ҳам бўлиши мумкин; бу ҳодиса максимум қонунида ифода этилади. Мас., 35° дан юқори т-ра гўза, 25° дан юқори т-ра картошка ўсишига салбий таъсир кўрсатади ёки минерал ўғитни ортиқча қўллаш экин ҳосилдорлигини оширмайди, балки маҳсулот сифатини пасайтиради.

Деҳқончиликда юқори ва барқарор ҳосил етиштириш учун минимум ёки максимумда турган омилларни муайян тадбирлар б-н оптимал миқдорга етказиш, ўсимликнинг бутун вегетация давомида ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароитлар яратиш керак. Аммо и.ч. да кўпинча минимум, оптимум ва максимум қонунлар бузилаётган ҳоллар ҳам учрайди. Мас., тупроқда нам кам бўлишига қарамасдан, ерга кўп марта ишлов берилади, натижада нам янада камаяди.

Ҳаёт омилларининг биргаликда таъсир этиши қонуни ўсимликнинг ҳаёт омиллари алоҳида-алоҳида таъсир этмай, бир-бирлари б-н биргаликда таъсир этишига асосланади. Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун омиллар мажмуининг таъсири узлуксиз бўлиши талаб этилади. Мас., кузги ғалла нам етарли, ҳаво ҳарорати 23° дан юқори бўлганда униб чиқиб, 8—10 кундан кейин тупланиш фазасига ўтади. Ҳарорат 13° дан юқори, аммо тупроқда нам кам (200—300 м³/га) бўлса, тупланиш 11 — 15 кундан кейин, айрим вақтларда ҳарорат 9—11° бўлиб, фойдали нам миқдори эса гектарига 150—200 м³ ни ташкил этганда, бу жараён 16—20 кунгача чўзилади. Ҳаво ҳарорати 7° дан паст, намлик эса 100 м³/га дан кам бўлганда эса ўсимликнинг униб чиқиш — тупланиш цикли 25 кунни ташкил этади ва ҳ.к. Ўсимликлар ҳаёт омилларининг биргаликда таъсир этиши қонуниятларини билиш, ўсимликларнинг ҳаёт омилига бевосита ёки билвосита ҳамда унга яқин турадиган омилларга таъсир этиш йўли б-н ҳатто иқлим шароити мураккаб, оғир бўлган йилларда ҳам экинлардан юқори ҳосил олиш имкониятини яратилади.

Ўсимлик ҳаёт омилларининг тенг аҳамиятлилик ва алмаштириб бўлмаслик қонунини В. Р. *Вильямс* (1863-1939) таърифлаб берган. Ўсимликдаги ҳар бир ҳаёт омилини, уларнинг ўзаро нисбатини ва муносабатларини бошқа омил б-н алмаштириш мумкин эмас. Уларнинг ҳар бири бошқасининг ўрнини боса олмаслиги нуқтаи назаридан тенг аҳамиятлидир. Ўсимликларнинг у ёки бу ҳаёт омилларига эҳтиёжи қанчалигидан қатъи назар, улар ўсимлик учун бир хилда зарур. Мас., ўсимликни ҳатто бирон бир микроэлементга бўлган озгина талаби қондирилмаса, ундаги согдир бўлаётган нормал физиологик жараёнлар ҳамда ўсиши ва ривожланиши бузилади, чунки ҳар бир омил ўсимлик ҳаётида маълум бир функцияни бажаради. Ўсимликлар ҳаётида омиллар орасида асосийси ва иккиламчиси йўқ. Улар тенг аҳамиятлидир. Ўсимликларнинг ҳаёт омиллар тизими ҳар хил ўсимлик учун ўзига хос.

Деҳқончилик қонунлари ва агротехника. Ўсимликларнинг ҳаёт шароитини, мас., тупроқ шароитини ҳар хил агротехника усуллари б-н бошқариш мумкин. Лекин қўлланилаётган ҳар бир агротехника тадбири бир ёки бир қанча омилларга таъсир этиши ёки мутлақо таъсир этмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун агротехника тадбирлари тизимини барча ҳаёт омилларига ижобий таъсир этадиган ва ўсимлик талабини қондира олишга мойил кетма-кетликда ўтказиш зарур. Агротехника тадбирлари мажмуи экиннинг бутун вегетация давомида ўзгариб турадиган талабларига мувофиқ бўлганда ўсимлик ўсиши ва ривожланишини бошқараётган энг таъсирчан омилга айланади. Қўлланилаётган агротехника тадбирлари фақат экинларнинг ҳосилдорлигига эмас, балки ҳосил сифатига ҳам таъсир этади. У ёки бу агротехника тадбирларини нотўғри қўллаш натижасида пахтанинг тола сифати ёмонлашади, картошкада крахмал, қанд лавлагида шакар моддаси камаяди. Агротехникада тадбирларининг муҳим сифат кўрсаткичларидан бири уни ўз вақтида ўтказиш ҳисобланади.

Абдураҳим Эрматов.

ДЕҲҚОНЧУМЧУҚЛАР (Emberizidae) — сайроқи чумчуқлар оиласи. Танасининг уз. 12,5—20 см. Тумшуғи конуссимон ўткир, баъзан йўғонлашган устки ва остки кесувчи қирралари ичига букилган. 82 уруғи, 317 тури маълум. Ўзбекистон фаунасида Emberiza уруғининг 10 та тури тарқалган. Америка ороллари айниқса турларга бой. Америка турларидан айримлари шим.-шарқий Сибирга ҳам ўтади. Очиқ жойларда (тошлоқ тундралар, тоғларнинг қуруқ ён бағирларида, буталар орасида, баъзан ўрмонларда) яшайди. Жуда ёқимли сайрайди. Ерда уя қуради. 2— 6 тадан тухум босади. Ўсимлик уруғи ва бошқа қисмлари, шунингдек, ҳашаротлар б-н озиқланади. Emberiza Д. уруғи турларининг нисбатан узун, думида оқ доғлари бўлади. Кўпчилик турлари асосан қушлар учиб ўтадиган эрта баҳор ва куз фаслида учраши сабабли Д. деб аталади.



Деҳқончумчуқ.

«ДЖИЗАКСКАЯ ПРАВДА» («Жиззах ҳақиқати») — Жиззах вилояти ҳокимлигининг ижтимоий-сиёсий газ. Жиззах ш.да рус тилида ҳафтада 2 марта чиқади. Биринчи сони 1974 й. 1 майда чиққан. 1998 й.дан «Д.п.» таҳририяти *«Жиззах ҳақиқати»* газ. таҳририятига қўшилди. Газ. саҳифаларида вилоят ҳаётидаги энг муҳим воқеалар, хусусан, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, бозор муносабатларини кучайтириш, қишлоққа саноатни олиб кириш, ёшлар тарбияси ва б. масалалар мунтазам ёритилади. Таҳририят қошида қишлоқ хўжалиги, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари б-н ишлаш бўлимлари бор. Адади 3 минг (2001).

ДЗАВАТТИНИ (Zavattini) Чезаре (1902.20.9, Лудзара — 1989) — итальян киносанъатида неореализм асосчиси, ёзувчи, сценарийчи ва кино назариётчиси. Ижоди 1928 й.дан бошланган. «Ҳозирча менинг ҳақимда гаплашайлик», «Мен шайтонман», «Меҳрибон Тото» романлари машҳур. «Мен миллион бераман», «Шуша», «Велосипед ўғрилари», «Умберто Д.», «Том», «Миландаги мўъжиза», «Итальянча никоҳ», «Кунгабоқарлар» каби сценарийлари б-н шуҳрат қозонган. Унинг 40 дан ортиқ сценарийлари реж. Де Сика томонидан экранлаштирилган. Куба миллий кинематографиясининг вужудга келишида ҳам Д.нинг хизмати катта.

ДЗИДЗИ ЦУСИН («Замон ва ҳодиса») — япон ахборот агентлиги. 1945 й.да Токиода ташкил этилган. Д.ц. — ҳиссадорлик жамияти. 20 та кундалик ахборотнома (90 таси инглиз тилида) нашр қилади. «Дзидзи нэнкан» йилномасини, «Сюпан дзидзи» ҳафтаномасини ҳам мунтазам чиқариб туради. Мамлакат ичкарисида 60 га яқин, чет элларда эса 20 га яқин ахборот бўлимлари бор.

ДЗИММУ — япон императорларининг афсонавий аждоди, қуёш маъбудаси Аматэрасу авлоди. Ривоятларга кўра, мил. ав. 660 й. Д. тахтга ўтирган кун (11 фев.) ҳукумат қарорига бинoан 1873— 1948 й.ларда ва 1967 й.дан империя (салтанат)га асос солинган сана сифатида байрам қилинади.

ДЗЮДО (японча дзю — юмшоқ, до — йўл) — спорт яккакураши. Д.га Японияда проф. Дзигоро Кано (1860—1938) 1882 й.да асос солган. У японларнинг жиу-жицу яккакурашидан инсон саломатлигига зиён етказмайдиган усулларини олиб, Д.ни жисмоний баркамолликка етаклайдиган спорт тури сифатида шакллантирди. Д.чилар кимано (оқ калта камзул ва чолвор) кийиб, яланг оёқда татами (гилам) устида беллашадилар. Асосан 7 вазн тоифасида (эркакларда 60, 66, 73, 81, 90, 100, 100+, аёлларда 48, 52, 57, 63, 70, 78, 78+ кг) мусобақа уюштирилади, кураш эркакларда 5 мин., аёлларда 4 мин. давом этади. Тик туриб курашилганда рақиблар усуллар (чалиш, силтаб ташлаш, елкадан ошириб отиш ва ҳ.к.) қўллаб бир-бирларини татамига йиқитиб баҳо олишга ҳаракат қиладилар. Ётиб курашилганда қўл-оёқларни қайириш, оғритиш ва бўғиш усулларини қўллаб, рақибининг елкасини татамига 30 сек. давомида босиб туриб енгишга (енгилганини тан олишга мажбур этишга) рухсат этилади. Усуллар бажарилишига қараб, курашчиларга «коко», «юко», «вазари» ва «иппон» баҳолари берилади («иппон» — соф ғалаба, 2 та «вазари» -- ғалаба, «юко» ва «коко» баҳолари санаб борилиб, якунда инобатга олинади).

Д. бўйича мусобақалар 1883 й.дан ўтказилади. Халқаро Д. федерацияси (FIJ) 1956 й.да тузилган, унга 150 га яқин мамлакат, шу жумладан Ўзбекистон Д. федерацияси аъзо (1991). 1956 й.дан жаҳон чемпионати ўтказиб келинади, 1964 й.дан олимпиада ўйинлари дастурига киритилган.

Ўзбекистонда Д. билан 20-а.нинг 80-й.ларидан шуғулланилади. Д.нинг айрим жиҳатлари ўзбек курашига ўхшаш бўлгани учун тез оммалашди. Д. чиларимиз, айниқса, мустақиллик йилларида юқори натижаларга эришди, улар нуфузли мусобақаларда 30 дан зиёд медаль б-н тақдирланишди. Жумладан, Армен Багдасаров олимпиада (1996) ва Осиё ўйинларида (1998) — кумуш, Фарҳод Тўраев жаҳон чемпионатида (1999) — кумуш ва «А» тоифасидаги мусобақаларда (1998, 2001) — 2 та олтин, Эгамназар Акбаров жаҳон универсиадасида (2001) — олтин, «А» тоифасидаги мусобақаларда Камол Муродов (1998) ва Владимир Штурбабин (1999) — олтин, Сузанна Аҳмедова Осиё чемпионатида (1999) — бронза медалларини қўлга киритишган.

ДИ, Бэй-ди — Хитойдан шимолда, Шарқий Хитой денгизидан Туркистонга қадар ёйилган ҳудудларда яшаган туркий қавмлар қад. аждодларининг хитойча номланиши (мил. ав. 20-а. — мил. ав. 4-а.). Қад. даврда Д.лар жун либос кийиб, бошларига қуш патлари тақишган, ертўла ва ғорларда яшашган. Д.ларга мансуб олти йирик қабила итларни муқаддас деб билган. Жан.да яшовчи Д.лар чорвачилик б-н бир қаторда деҳқончилик б-н ҳам шуғулланганлар. Мил. ав. тахм. 2-минг йиллик охирларида и. ч. тараққий этиб, темирдан қурол-аслаҳалар ясай бошлашган, шу даврда қабилалар иттифоқи шаклланиб, улар асосида дастлабки хонликлар вужудга келган. Д.лар қишда кулба уйларда, ёзда эса чодир ва ўтовларда яшашган, *шомонлик*ка эътиқод қилишган. Шомон дини ақидаларига кўра, дунё томонлари (шарқ, жануб, ғарб, шимол)ни кўк (баланд, улуғ), қизил, оқ, қора ранглар б-н англатишган. Шунинг учун мил. ав. 9-а.дан бошлаб хитой манбалари Д.ларни 2 этник гуруҳга — чиди — «Қизил Д.лар» ва байди — «Оқ Д.лар»га ажратган, улар ҳам ўз навбатида бир қанча қабилаларга бўлинганлар. Бу Д.лар кўпинча жунлар (жун-ди) б-н биргаликда Хитойга чопқунлар қилиб туришган. Жан.-шарқий Д.ларнинг гарчи ўз хонликлари бўлсада, улар баъзи хитой подшоликларининг асосий аҳолисини ташкил этган. Тайконг хонлиги даври (мил. ав. 2188—2160) да таназзулга учраган деҳқончилик Д.лар ёрдамида қайта ривожланган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, қад. хитойликлар Ше (мил. ав. 2140— 1711), Шонг(мил. ав. 1711—1066) хонликлари даврида от миниш маҳоратини Д.лардан ўрганишган. Чунчўу (мил. ав. 770—476), Жанғў (мил. ав. 476—221) даврига оид манбаларда энг дастлабки жанг аравалари ва отлиқ қўшинни саф бўлиб жанг қилиш тизимини Д.лар бошқа халқлардан аввал қўллаганликлари ҳақида маълумотлар бор. Аммо шу б-н бирга жан.-шарқий Д.лар хитойликлар б-н ассимиляциялашиб, уларнинг маданиятини қабул қилиб, аста-секин тил ва урф-одатларини ўзгартира бошлашган. Мил. ав. 607 й. Д.ларнинг сурман қабиласи бошчилигидаги хонлиги қулаши б-н Шарқий — «Баланд (улуғ) Д.лар» тарихи тугайди. «Қизил Д.лар»нинг Лу (Лузи) хонлигини ташкил этган қисми Жин хонлиги томонидан қириб ташланади, иккинчи қисми эса шим.га кучиб кетган. Мил. ав. 450 й. Жин хонлиги Д.ларнинг Чўвиўв хонлигини ҳам тугатган. Мил. ав. 4-а.да Д. атамаси ҳун, ху атамаси б-н алмашади. Тарихий манбаларда Д.ларнинг айрим қабилалари — динглинг, теле, дили, говчи (қонгқил) ларнинг номи учрайди.

Абдуҳолиқ Айтбоев.

ДИ... (юн. di...) — олд қўшимча. Иккиталикни, жуфтликни ифодалайди. Мас., *дифтонг.*

ДИА... (юн. dia...) — бошқа тиллардан ўзлаштирилган, тупма-тўғри ҳаракатни, кириб боришни, бўлинишни, ўзаро яқинликни, кучайтиришни, тугалликни англатувчи сўзлардаги олд қўшимча *(диагенез, диамагнетизм, диапозитив).*

ДИАБАЗ (франц. diabase) — тўла кристалланган, асосли вулкан жинси. Кимёвий ва минерал таркибига кўра базальтга яқин. Д., асосан, плагиоклаз, августва б. минераллардан ташкил топган. Ранги қорамтир, яшилсимон-қора. Таркибида иштирок этган минералларга қараб амфиболли, бронзитли, биотитли Д.ларга бўлинади. Д. қия энкайган чўкинди тоғ жинслари областларида бор, шунингдек, вулкан лавалари ва туфларида кенг тарқалган. Силл, дайка, лакколит, ертомир ва б. шаклларда учрайди. Кавказ, Қрим, Сибирь регионлари ҳамда Германия, Англия, АҚШ, Франция ва б. мамлакатларда кўп. Ўзбекистонда Чатқол ва Қурама тоғларида Д. дайкалари ҳолида тарқалган. Йўлга териладиган тош сифатида ва қуйма тош буюмлар тайёрлашда ишлатилади.

ДИАБЕТ (юн. diabaino — ўтаман, ўтиб кетаман) — кўплаб сийдик чиқиши б-н давом этадиган ҳар хил касалликларнинг умумий номи. Булардан *қандли диабет* б-н *қандсиз диабет* кўпрок учрайди.

ДИАГЕНЕЗ *(dia...* — тугалланганни биллдирувчи олд қўшимча ва genesis — ҳосил бўлиш) — сув ҳавзалари тубида бўш чўкиндиларнинг Ер пўстининг юқори қатламлари муҳитида чўкинди тоғ жинсларига айланиш табиий жараёнлари мажмуи. Д. чўкиндиларнинг қайта кристалланиши, коллоидларнинг вақт ўтиши б-н ўзгариши, аутиген минераллар (глауконит, родохрозит, сидерит ва б.), ғуддаларнинг ҳосил бўлиши, барқарор минерал турларининг таркиб топиши, дегидратация (сувсизланиш) ёки гидратация ва чўкиндиларнинг цементланишидан иборат. Д. тушунчасини фанга немис геологи В. Гюмбель (1888) киритган. Унинг фикрича, Д. чўкиндиларнинг дастлабки ҳолатидан метаморфик жинсга айланишига қадар бўладиган ўзгаришлар тушунилади. Д. океан, денгиз ва дарё тубида ҳосил бўлган чўкиндилар таркибидаги ўзаро ва улар атрофидаги мувозанатнинг бузилишидан юзага келади. Мувозанатнинг йўқолиши ички ва ташқи ўзгаришларни келтириб чиқаради. Бу эса тарқоқ ҳолдаги қум ва гил зарраларининг бир-бирига ёпишиб, зич, яхлит ва қаттиқ тоғ жинсларига айланишига сабаб бўлади. Мас., Д.да чўкинди гиллардан термал сувлар таъсирида кристалли сланецлар ҳосил бўлади. Эрта Д. (чўкиндилар таркибининг физик-кимёвий мувозанатлашуви) ва кечки Д. (моддаларни қайта тақсимланиб турли минерал тўпламларини ҳосил қилиши) фарқ қилинади. Чўкиндиларнинг дастлабки шакли, таркиби ва хусусиятларини аниқлашда Д.нинг аҳамияти муҳим.

ДИАГНОЗ (юн. diagnosis — билиш, аниқлаш) — касалликнинг моҳияти ва беморнинг аҳволи ҳақида врачлар берган қисқача таъриф, хулоса, касалликнинг номи (қ. *Ташхис).*

ДИАГНОСТИКА (юн. diagnostikos — аниқлашга қодир) — клиник тиббиёт ва ветеринариянинг касалликни аниқлаш, уни даволаш ва олдини олиш талабларини ишлаб чиқиш мақсадида организмни текшириш усулларини ўрганадиган бўлими. Д. фан сифатида уч асосий қисмга бўлинади: 1) беморнинг ш и к о я т л а р и н и й и ғ и ш в а ў р г а н и ш м е т о д и к а с и, касалланиш ва ҳаёт тарихи, шунингдек, диагностик техника, яъни беморни текшириш усуллари; 2) касалликларда кузатиладиган ҳар хил белгилар (симптомлар) ҳақидаги таълимот (с е м и о т и к а); 3) беморни текшириб, олинган маълумотларни танқидий нуқтаи назардан баҳолаб, ташҳис қўйиш учун врачнинг муҳокама юритиш методикаси, яъни т а ш х и с м е т о д и к а с и.

Беморни текширишда, аввало, унинг сезгилари, касаллиги қачон бошланган ва қандай ўтгани, меҳнат ва турмуш шароити ё ўзидан, ёки яқин кишиларидан (гўдак болани текширишда онасидан) сўраб олинади, яъни *анамнез* тўпланади. Анамнез тўплаш ва беморнинг касаллик тарихини тўғри баён қилиб бериш ташҳис учун ғоят катта аҳамиятга эга.

Объектив текширишда бемор кўздан кечирилади ва *пальпация, перкуссия, аускультация* методлари қўлланилади. Нерв системаси ва сезги аъзоларини текширишда рефлекслар, сезувчанлигининг ҳар хил турлари, кўрув ва эшитув, таъм ва ҳид билув ўткирлигини аниқлаш учун махсус усуллар татбиқ этилади. Олий нерв фаолиятини ўрганиш Д.нинг муҳим вазифаларидандир. Бундан ташқари, гавда т-раси ва қисмлари ўлчанади (*термометрия* ва *антропометрия),* ички аъзоларни текширишда ҳар хил кўзгулар (қулоқ, бурун, ҳиқилдоқ, қин кўзгулари) ва оптик асбоблар (кўзни текшириш — офтальмоскоп, қизилўнгачни кўришда — эзофагофиброскоп, меъда-ичакни текширишда — гастродуоденофиброскоп, колоноскоп ва ҳ.к.)дан фойдаланилади. Юрак ва томир ҳаракатларини қоғозга ёки фотоплёнкага ёзиб олиш *(кардиография* ва сфигмография)нинг аҳамияти катта. Юрак ва миядаги электр потенциалларининг ўзгаришларини қайд қилиш *(электрокардиография* ва *электроэнцефалография)* айниқса қимматли усулдир. 20-а. охирида ички аъзолар касалликларини Д.сида ультратовуш техникаси, магнит резонанс аппарати, компьютер томография усуллари кенг қўлланила бошлади. Баъзи касалликларни аниқлашда радиоактив изотоплар татбиқ этилади. Бунда нафас олиш, қон айланиш, ажратиш аъзолари ва эндокрин системалар ҳолати, шунингдек, моддалар алмашинувининг бузилиши аниқланади. Лаб.да қон, сийдик, ахлат, балғам, шунингдек, кўмик, жигар, талоқ, лимфа тугунларини пункция қилиб олинган материаллар микроскопик, физик ва кимёвий текширишдан ўтказилади (қ. *Биопсия).* Касалликни қўзғатган микроблар ва *иммунитетни* аниқлаш мақсадида ўтказиладиган бактериологик, иммунологик ва серологик методлар Д. учун катта аҳамиятга эга. Ҳоз. радиотелеметрик Д. усули (бирор кўрсаткични масофадан ўлчаш) ишлаб чиқилган.


Айрим ҳолларда касаллик симптомлари кам, чалкаш бўлиши ёки типик бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда д и ф ф е р е н ц и а л Д. усули қўлланилади: врач беморда топилган симптомларни тахмин қилинаётган касалликларга мос келиш-келмаслигини мукаммал таҳлил қилиб, тахмин қилинаётган касалликларни ҳисобдан чиқара боради ва шу йўл б-н муайян хулосага келгач, касалликка ташҳис қўяди.

Ф у н к ц и о н а л касалликлар Д.сида ташҳис қўйишда асосий ва сабаблари аниқланади, система ва аъзолар фаолиятининг бузилиш даражаси белгиланади, текширилаётган беморнинг шундай касаллик б-н оғриган бошқа бемордан фарқ қиладиган физиологик хусусиятлари ҳисобга олинади. Патолого-анатомик Д.да бемор вафот этганидан кейин уни ёриб олинган маълумотлар ва тўқималар биопсиясини таҳлил қилиш асосида ташҳис қўйилади. Д.ни такомиллаштиришда телекоммуникация, интернет ва электрон алоқалардан фойдаланиш мумкин.

В е т е р и н а р и я Д.си умумий ва махсус бўлади. У м у м и й Д.да касал ҳайвон рўйхатга олинади, анализлар йиғилади, шиллиқ қавати, лимфа тугунлари, юнги, териси текширилади, ҳарорати ўлчанади ва ҳ. к. М а х с у с Д.да эса ички аъзолар, қон, сийдик, ошқозон ва ичакдаги нарсалар, орқа мия суюқлиги, гўнги ва б. текширилади.

ДИАГНОСТИКА ВОСИТАЛАРИ — патологик жараённинг қаерда эканлигини аниқ билиш учун ишлатиладиган кимёвий моддалар. Рентгенконтраст препаратлар (ҳаво, кислород каби газсимон моддалар, билигност, кардиотраст, триотраст ва б. йодли препаратлар, барий сульфат), радиоактив моддалар (изотоплар ёки нишонланган бирикмалар) ва бўёқлар асосий Д. в. ҳисобланади.

ДИАГОНАЛЬ (юн. diagonios — бурчакдан бурчакка борувчи) — 1) кўпбурчак Д.и — кўпбурчакнинг бир томонида ётмайдиган икки учини бирлаштирувчи тўғри чизиқ кесмаси. Кўпбурчак учлари сони *n* бўлса, Д.лари сони $1/2\,n(n-3)$ га тенг; 2) кўпёқлик Д.и — кўпёқликнинг бир ёғида ётмайдиган икки учини бирлаштирувчи тўғри чизиқ кесмаси. Проектив геометрияда Д. кўпёқликнинг қўшнимас учларидан ўтувчи тўғри чизиқ; 3) детерминат (ёки квадрат матрица) Д.и — a_{ii} = (1, 2,..., *n)* элементлар ёки a_{1n}, $a_{2(n-1)}$,..., a_{n1} элементлар тўпламидан иборат. a_{ii} (i = 1, 2, 3,..., *n)* элементлар ётган Д. биринчи ёки бош, a_{n1}, $a_{2(n-1)}$, ..., a_{n1} элементлар ётган Д. иккинчи ёки ёрдамчи Д. дейилади (яна қ. *Аниқловчи).*



Диагональ: 1. Кўпбурчак диагонали. 2. Кўпёқлик диагонали. АВ — диагональ.

ДИАГРАММА (юн. diagramma — чизма, расм, шакл) — муайян миқдорлар (т-ра, босим ва б.) ўртасидаги боғла-

нишни график тарзда ифодалаш (яққол кўрсатиш) усулларидан бири. Мас., статистикада маълумотларни геометрик шакллар (текисликлар, чизиқлар, доиралар ва б.) ёрдамида ифодаловчи чизмалар мажмуи. Д.да ўлчов бирлиги (фоиз, кг, г ва б.) миқдорнинг турига қараб танланади. Мас., оғирлик (масса) т, кг, г ларда, т-ра градус (даража) орқали ифодаланади.

ДИАДОХЛАР (юн. diadochos — ворис, меросхўр) — *Александр*нинг йирик лашкарбоши ва сафдошлари. Унинг вафотидан сўнг олий ҳокимиятни эгаллаш ва империяни бўлиб олиш учун кураш олиб боришган. Д. орасида Пердикка, Антипатр, Кратер, Эвмен, Полисперхонт, Кассандр, Антигон, Деметрий Полиоркет, Лисимах, Селевк I Никатор, Птолемей кабилар машҳур бўлган. Мил. ав. 301 й.даги Ипс жанги Д. ўртасидаги курашнинг юқори чўққиси бўлган. Ушбу жанглан сўнг Александр салтанати таназзули бошланиб, мил. ав. 3-а. нинг 80-й.ларида бир қанча мустақил эллинистик давлатлар (Сурия ва Осиёнинг бошқа қисмларида барпо этилган Салавкийлар давлати, Мисрда птолемейлар, Македония ва Юнонистонда Антигон ва унинг авлодлари бош бўлган давлат) га бўлиниб кетган.

ДИАЗОБИРИКМАЛАР — диазогуруҳли органик моддалар. Фақат бир органик радикал б-н боғланган икки атом азот (—N=N—) диазогуруҳ деб аталади. «Д.» термини турли бирикмалар туркумига тааллуқли. Д. алифатик ва ароматик Д.га бўлинади. Алифатик Д. қиздирилганда, ультрабинафша нурлар ва кислоталар таъсир эттирилганда парчаланади, шунингдек, катализатор (мис ва унинг тузлари) иштирокида карбенлар ҳосил қилади. Диазометан ва диазосирка эфири алифатик Д.га мисол бўла олади. Ароматик Д. беқарор, қуруқ, портловчи, реакцияга киришувчан модда, ишқорлар таъсирида диазотатлар ҳосил қилади. Ароматик Д. азобўёқлар олишда, диазотипияда ишлатилади. Алифатик Д. — алкилловчи моддалардир.

ДИАЗОМЕТАН, CH_2N_2 — оддий алифатик диазобирикма. Жуда заҳарли, қўланса ҳидли, сариқ рангли, тез портлайдиган газ. Мол. м. 42,043. Суюқланиш т-раси — 145°, қайнаш т-раси —23°. Алюминий хлорид ёки бор фторид иштирокида альдегидлар б-н реакцияга киришиб метилкетонлар ҳосил қилади; кетонлар б-н ўзаро таъсири натижасида занжирнинг узайиши ёки ҳалқанинг кенгайиши содир бўлади, мас., циклогексанон циклогептанонга айланади:

$$CH_2(CH_2)_4CO+CH_2N_2 \rightarrow$$
$$CH_2(CH_2)_5CO+N_2$$

Д.ни илк бор 1894 й.да немис олими Х. Пехман N-нитрозометилуретанга ишқор таъсир эттириб олган. Карбон кислоталар ва б. органик бирикмаларни синтез қилишда, шунингдек, метиловчи модда сифатида қўлланилади.

ДИАЗОТЛАШ — ароматик аминларга минерал кислоталар иштирокида нитрит кислота таъсир эттириб ароматик *диазобирикмалар* ҳосил қилиш усули. Д. тезлиги аминобирикманинг тузилишига ҳамда реакцияда иштирок этувчи анионнинг табиатига боғлиқ. Ароматик ядрода манфий ўринбосарлари (NO_2, SO_3H, COOH, Cl ва б.) бўлган аминлар мусбат ўринбосарлар (CH_3, OH, OCH_3 ва б.)га нисбатан тезроқ диазотланади. Бром ионлари Д. жараёнини тезлаштиради. Ҳосил бўлувчи диазобирикмаларнинг беқарорлиги сабабли Д. нисбатан паст (0° дан 25° гача) т-рада ўтказилади. Д. кўпгина ароматик бирикмалар саноатида, айниқса, азобўёқлар олишда кенг қўлланилади.

ДИАКРИТИК БЕЛГИЛАР (юн. diakritikos — фарқловчи, фарқлашга хизмат қилувчи) — сатрлар устига ёки остига, камдан-кам ҳолларда ичига қўйиладиган, ҳарфларга асосланган ёзувларда ишлатиладиган белгилар. Д. б. айрим белги — ҳарф моҳиятини ўзгартириш ёки уни аниқлашга хизмат қилади. Д. б.нинг қуйидаги турлари фарқланади: а) ҳарфга янгича функция юклайдиган белгилар (мас., ўзбек кирилл алифбосидаги — й, ё, ғ, қ, ва б., ўзбек лотин алифбосидаги —o‘ (ў), q(қ) ва б.); б) товушнинг вариантларини ифодаловчи белгилар (мас., франц. и, й, к, ҳам эга). Айрим Д. б. ҳарфни ажратиб ўқишликни кўрсатади (мас., франц.— Ï). Просодик Д. б. ҳарф ифодаловчи товушнинг чўзиқ ёки қисқалигини, урғу ва унинг турларини, тонни билдиради (мас., вьетнам тилида, хитой тили учун лотин графикаси асосидаги баъзи лойиҳаларда). Д. б. баъзи транскрипция-лар тизимида ва халқаро алифболар лойиҳаларида катта аҳамиятга эга. Айни бир хил Д. б. турли миллий ёзувларда турлича функцияни бажаради. Д. б. энг кўп учрайдиган тиллар — француз, поляк, чех, португал, лотин, литва тиллари. Туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида ҳам Д. б. мавжуд. Д. б. *араб ёзувида* ҳам кенг қўлланади, буларнинг аҳамияти айниқса турли араб ва б. мусулмон мамлакатларда Қуръони Карим-ни тиловат қилишда муҳим аҳамият касб этади, яъни бир хил ўқилишини таъминлайди. Араф алифбоси асосидаги бошқа халқлар ёзувлари ҳам бундан мустасно эмас (мас., форс, урду ва б. тилларда). Д. б. ҳинд ёзув тизимларида ҳам учрайди, буларда димоқда ҳосил бўладиган ундошларни фарқлайди, шунингдек, чўзиқлик ва қисқаликни кўрсатади (мас., «и» ва «і»ни). Баъзи олимлар сом (араб, яҳудий) тилларида ҳам Д. б. мавжуд деб таъкидлайдилар, бунда унли товушлар ундошлар остига нуқта ва чизиқча қўйиш б-н англашилади.

ДИАЛЕКТ (юн. dialektos — лаҳжа, шева) — қ. *Лаҳжа*.

ДИАЛЕКТИЗМЛАР *(диалект) — адабий тил*даги диалектларнинг ўзига хос ҳудудий унсурлари. Д.лар тилшуносликнинг барча соҳалари (фонетика, лексика, морфология, синтаксис ва б.)га тааллукли. Бадиий ижодда Д.лар нарса, воқеа ва ҳодисага маҳаллий туснарса, воқеа ва ҳодисага маҳаллий тус бериш мақсадида қўлланади, бундан ташқари персонаж нутқини индивидуаллаштириш учун фойдаланилади. Бироқ, бундай қўллаш туфайли Д.лар адабий тилга оид бўлиб қолмайди. Д.ларни қўллаш услубларо ҳам чекланган. Бадиий услубда анча кенг, публицистик услубда қисман қўлланилади. Д.лар ҳозда илмий, расмий услубларда деярли учрамайди. Баъзи сўзлар адабий тил ва диалектда қўлланган ҳолда бошқа диалектда бошқа маънони ифодалайди. Мас., «шоти», «товоқ» ғарбона тил шеваларида «нарвон», «лаган» ни билдирса, адабий тилда «арава шотиси» «косага ўхшаш идиш»ни англатади. Хоразм шевасига хос «ғўч» сўзи — «мард», «ботир», «нишатамиз» — «нима қиламиз» деган маънони билдиради. Д.лардан ўринли фойдаланиш бадиий ижоднинг, умуман нутқнинг бадиийлигини, услубнинг фазилати, таъсирчанлигини оширади.

ДИАЛЕКТИК МАТЕРИАЛИЗМ — *Маркс*нинг фалсафий таълимоти. *Маркс*изм ва *диалектика*нинг узвий *териализм* бирлигидан ташкил топганлиги учун Д. м. дейилади. Д. м.нинг асосий тамойилларини 19-а.нинг 40-й.ларида К. Маркс ва Ф. Энгельс таърифлаб берган. Д. м. материя дунёнинг ягона асоси, онг материянинг хоссаси эканлигига асосланади, нарса ва ҳодисалар ўртасида ялпи ўзаро алоқа бор деган қоидадан келиб чиқиб, дунёдаги ҳаракат ва ривожланишни унинг ички зиддиятлари натижаси деб эътироф этади. Д. м.нинг асосий тушунчаси — *материя*, унинг мавжудлик усули — *ҳаракат*, асосий шакллари — *фазо ва вақт*. Д. м.нинг асосий қонунлари: *қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни, инкорни инкор қонуни*. Д. м. таълимотига кўра, билимнинг асоси ва ҳақиқат мезони — амалиёт. Д. м. ҳар қандай диний ва идеалистик қарашни, фикрлашни ғайриилмий деб ҳисоблайди. Собиқ СССР даврида Д. м. тушунчалари фан, маданият ва умуман ижтимоий ҳаётнинг ягона назарий асоси деб эълон қилинди, коммунистик партиянинг мафкураси ва сиёсатига хизмат қилдирилди. Д. м.ни илм-фан, ижтимоий амалиёт соҳаларига бевосита қўллаш, уни «якка-ягона, бирдан-бир тўғри фалсафа»га, илмий билишнинг «танҳо услуби»га айлантириш ҳаракатлари авж олди. Шўролар тузумининг расмий фалсафаси, илм-фаннинг бирдан-бир услубий асоси бўлиб келди. Д. м. фалсафий фикр тарихида турфа дунёни турлича идрок этувчи, ўрганувчи ва талқин қилувчи фалсафий оқимларнинг биридир.

ДИАЛЕКТИКА [юн. dialektike (techne) — суҳбат олиб бориш, баҳслашиш санъати] — борлиқнинг вужудга келиши, унинг тараққиёти ҳақидаги фалсафий таълимот ҳамда воқеликни билиш ва унга асосланган тафаккур услуби. «Д» тушунчаси фалсафа тарихида дастлаб ҳоз. маъносидан бошқача тушунилган. Юнон фалсафасида Д. мухолифнинг муҳокамасидаги зиддиятларни очиб ташлаш, мунозара орқали ҳақиқатни топиш санъатини англатган. Кейинчалик бу усул табиат ҳодисаларига татбиқ этила бошлаган, билиш услубига айланган.

Диалектик тафаккур воқеликни билиш жараёни сифатида инсон, жамият б-н боғлиқликда пайдо бўлган. Воқеликни билиш ва уни инсон манфаатлари йўлида ўзгартиришнинг диалектик услубини англашга интилиш қад. замонларга бориб тақалади. Бу интилиш дастлаб Шарқда пайдо бўлиб, антик даврда ўз такомилига етган. Фалсафа тарихида Д. турлича талқин қилинган. «Д» сўзи илк бор *Сократ* (Суқрот) томонидан қўлланилган. У Д.ни бир-бирига зид, қарама-қарши фикрлар тўқнашуви орқали ҳақиқатни топиш санъати деб билган. *Гераклит* ижодида Д. ўзининг антик даврдаги энг ёрқин кўринишига эга бўлди. Гераклит фикрича, Д.— муттасил ҳаракатдаги олам ички жиҳатдан зиддиятли ва у доимий вужудга келиш, ривожланиш ҳамда таназзулга юз тутиш — қарама-қаршиликлар бирлигидан иборат. Мазкур даврда Гераклит ва б. юнон файласуфлари таълимотлари негизида *софистлар*нинг салбий тусдаги Д.си вужудга келади. Софистлар

ҳақиқатни борлиқ Д.сидан эмас, баҳслар олами, руҳиятидан ахтариб, зиддиятли инсон тафаккурини ҳаракатга келтирдилар, охир-оқибатда билиш фақат нисбий, гумоний, тахм. эканлигини эътироф этишгача бориб етдилар. Ўрта асрлардан 18-а.гача Д. оддий (мактабда ўқитиладиган) мантиқ илми сифатида тушуниб келинди. *Платон* Д.ни нарсаларнинг идеал моҳиятини билиш мақсадида тушунчаларни бўлак-бўлакларга ажратиш, сўнг бирбири б-н ўзаро боғлаш услуби деб ҳисоблаган. Кузалик Николай, Ж. *Бруно* Д.ни қарама-қаршликларнинг мос келиши ҳақидаги таълимот деб таъкидлашган. *Кант*нинг фикрича, Д. воқеликни тажриба, ҳиссий билимлар орқали эмас, балки соф тафаккур асосида билишга интилади. *Гегель* Д.ни борлиқ, руҳ ва тарих тараққиётининг зиддиятларини англашнинг умумий услуби деб билди. Фалсафа тарихида Д.нинг 3 та асосий шакли таркиб топди: 1) қад. дунёдаги илк, стихияли, содда Д. (Гераклит, Платон ва б.); 2) немис мумтоз идеалистик (хусусан, Гегель) фалсафаси; 3) К. Маркс ва Ф. Энгельс асос солган материалистик Д. Ленин Д.ни воқеликни билиш ва уни инқилобий ўзгартириш ҳақидаги таълимот ҳамда бунинг тегишли услуби деб ҳисобладилар. Марксистик утопия Д. қонунларида инсониятнинг ялпи бахт-саодатга бориш кафолатини кўрди. 20-а. Ғарб фалсафасида Д. неогелчилик, экзистенциализм, диний фалсафанинг турли оқимларида ривожланди.


ДИАЛЕКТОГРАФИЯ — *диалектология* бўлими. Муайян тил *диалект*ларига хос хусусиятларни белгиловчи унсурларнинг ҳудудлар бўйича тарқалганлигини ўрганади (яна қ. *Лингвистик география*).

ДИАЛЕКТОЛОГИК АТЛАСЛАР — қ. *Лингвистик атласлар*.

ДИАЛЕКТОЛОГИЯ *(диалект* ва *... логия) — тилшунослик* соҳаси. Тилнинг мавжуд лаҳжалари, шеваларини ўрганади. Унда лаҳжа ва шеваларнинг фонетик, морфологик, синтактик ва лексик хусусиятлари тавсиф қилинади. Миллий тилнинг пайдо бўлиши ва ривожида шеваларнинг тутган ўрни, миллий тилга асос бўлган шевалар аниқланади. Шеваларо, шунингдек, адабий тил ва қардош тиллар б-н уларнинг муносабатлари белгиланади. Шеваларнинг тарқалиш чегаралари — *лингвистик география* томонидан ўрганилади. Бу жиҳатдан Д. иккига: 1) т а с в и р и й (ёки диалектография); 2) т а р и х и й га ажралади. Биринчисида маҳаллий лаҳжа ва шеваларнинг фонетик тузилиши, грамматик қурилиши, лексик таркиби ҳақида муфассал маълумот берилади. Иккинчисида тилнинг диалектал хусусиятларини қайд этиш б-н бирга, уларнинг келиб чиқиши, ривожланиши ва шаклланиш тарихи ўрганилади. Д. тадқиқотлари тилнинг грамматик, лексик, орфографик ва орфоэпик меъёрларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Д. тилшунослик, *этнография, фольклор* ва б. б-н жипс алоқада ривожланади. Ф. *Абдуллаев*, Ғози Олим Юнусов, А. К. Боровков, Ш. *Шоабдураҳмонов* ва б. ўзбек Д.си ривожига сезиларли ҳисса қўшган.

Ад.: Р е ш е т о в В. В., Ш о а б д у р а ҳ м о н о в Ш., Ўзбек диалектологияси, Т., 1962.

ДИАЛИЗ (юн. dialysis — ажратиш) — коллоид системалар ва юқори молекулали бирикмаларнинг эритмалари таркибидаги қуйи молекулали моддаларни яримўтказгич мембраналар (кичик молекула ва ионларни ўтказиб, коллоид заррачалар ҳамда ионларни ва макромолекулаларни ушлаб қоладиган пардалар) ёрдамида йўқотиш. Диффузия қонунларига асосланган. Диализаторларда олиб борилади. Оддий диализатор дистилланган сув сақланадиган идиш (3) ва сувга ботиб турадиган шиша цилиндр (1) дан иборат. Шиша цилиндрнинг оғзи очиқ бўлиб, туби парда — мембрана (2) б-н тўсилган. Цилиндрга тозаланадиган коллоид эритма қуйилади. Идишдаги сув цилиндр деворларини ювиб, муттасил оқиб туради. Коллоид эритманинг ион ва молекулалари цилиндр тагидаги пардадан ўтиб, сувнинг ион ва молекулалари б-н алмашинади. Бу жараён жуда секин ўтади. Ионларнинг диффузияланиш жараёнини электр майдон таъсирида тезлаштириш мумкин.



Оддий диализатор.

Э л е к т р д и а л и з а т о р диализланадиган системаларни электролитлардан тозалашни бир неча ўн марта тезлатади. Д. саноатда турли моддаларни тозалашда ишлатилади. Мас., сунъий толалар и.ч.да (гемицеллюлозадан ишқорни ажратиш), желатинани тозалашда, шунингдек, фармацевтик препаратлар тайёрлашда қўлланилади.

ДИАЛОГ (юн. dialogos — суҳбат) — нутқ тури; икки ёки ундан ортиқ шахснинг бир-бирига қаратилган нутқи. Драмада характерлар ва воқеалар ривожини ифодалашнинг асосий воситаси; насрда (баъзан назмда) бадиий ифода усули. Мас., Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида Хисрав б-н Фарҳод тўқнашувини Д. воситасида таъсирли қилиб тасвирлайди. Д. мустақил публицистик ва фалсафий жанр ҳамдир (Платон Д.и, Лукианнинг ҳажвий Д.лари ва б.).

ДИАМАГНЕТИЗМ *(dua... ва магнетизм)* — ташқи магнит майдонига жойлаштирилган моддада шу майдон индукцияси векторига қарама-қарши йўналишда магнитланганлик вужудга келиши. Орбита бўйлаб ҳаракатланаётган ҳар бир электрон ўзининг орбитал магнит моменти P_m ни ҳосил қилади:

$$P_m = \frac{e\upsilon r}{2},$$

бунда e — электрон заряди, υ — электроннинг орбита бўйлаб ҳаракат тезлиги, r — орбита радиуси.


Модда ташқи магнит майдон B га жойлаштирилганда вектор $\vec{P}_m$ вектор $\vec{B}$ атрофида атом таркибига кирувчи ҳамма электронлар учун бир хил бўлган $\omega = \frac{eB}{2m}$ бурчак тезлик б-н *прецессия*га учрайди, бунда m — электрон массаси. Орбита прецессияси туфайли, ҳар бир электроннинг индукцияланган магнит моменти қуйидагича:

$$\Delta\vec{P}_m = -\frac{e^2}{6m} r^2 \vec{B}.$$

Манфийлик ишораси $\Delta\vec{P}_m$ ва $\vec{B}$ векторларнинг қарама-қарши йўналганлигини ифодалайди. Магнитланганлик вектори $\vec{I} = nZ\Delta\vec{P}_m = -\frac{nZe^2}{6m} r^{-2}\vec{B}$ вектор $\vec{B}$ нинг йўналишига ҳамма вақт қарама-қарши бўлади, бунда n — ҳажмдаги атомлар сони, Z — атомдаги электронлар сони, r^{-2} — электронлар орбиталари радиуслари квадратларининг ўртача қиймати.

Д. ҳодисаси ҳамма моддаларда содир бўлади, лекин у бир вақтнинг ўзида кузатиладиган *парамагнетизм* ёки *ферромагнетизм* ҳодисаларига нисбатан сезилмаслиги мумкин.

ДИАМЕТР (юн. diametros — кўндаланг ўлчам) — айлана ва доиранинг марказдан ўтувчи (яъни энг катта) ватари. Радиуснинг иккиланганига тенг бўлган бу ватар узунлиги ҳам Д. дейилади. Д. тушунчаси бошқа фигуралар учун умумлаштирилади. Мас., r радиусли айлана ёки шар диаметри $2r$ га, эллипс ва эллипсоид диаметри уларнинг катта ўқига, квадрат ва кубники диагоналига тенг бўлади. *Аналитик геометрия*да конус кесими (иккинчи тартибли чизиқ)нинг диаметри бирор йўналишга параллел ватарлар ўртасидан ўтувчи тўғри чизиқ бўлади. Эллипс ва гиперболанинг Д.и уларнинг марказидан ўтувчи, параболанинг Д.и эса унинг ўқи ва ўқига параллел бо-рувчи тўғри чизиқдан иборат.



Айлана диаметри.

ДИАММОФОС, диаммоний фосфат $(NH_4)_2HPO_4$ — концентрланган азот-фосфорли ўғит. Таркибида 21% азот, 53% гача фосфор бор. Сувда яхши эриши ва ўсимликлар яхши ўзлаштириши б-н ажралиб туради. Д. апатит концентратидан олинган экстракцион фосфат кислотани нейтраллаб тайёрланади. Намланмайди, сочилувчан. Табиатан физиологик нордон ўғит. Уни ҳамма тупроқларда (айниқса сур тупроқларда) асосий ўғит сифатида ҳамда ўсимликларни ўсув даврида озиқлантиришда қўлланилади. Кўпгина мураккаб ўғитлар таркибига киради. Ғўза ва б. экинларга самарадорлиги жиҳатидан оддий суперфосфатдан устун, *аммофос* ва аммонийлашган суперфосфатга тенг келади. Ўзбекистондаги кимё саноати корхоналарида ишлаб чиқарилади.

ДИАНА — қад. Рим мифологиясида ўсимликлар маъбудаси, гўдаклар ҳомийси, Ой тимсоли. Юнонлардаги *Артемида* ва Гекатага мос келади.

ДИАПАЗОН [юн. dia pason (chordon) барча (торлар) бўйлаб] — 1) м у с и қ а д а — соз, хонанда овози ёки ҳар бир куй, қўшиқ, умуман барча мусиқа асарларининг энг пастки ва энг юқори товушлари оралиғи, муайян товушқатор ҳажми. Ўзбек оммабоп куй ва қўшиқлари, дўмбира, чўпон най ва қўшиқлари, ғижжак, рубоб, қисқа (ихчам); мақом, мумтоз чолғу ва ашула йўллари, ғижжаки, қамроний ва маънода — бирор нарсанинг танбур каби созларники кенг; 2) к ў ч қўлами; истеъдод, билим, таълимот, тафаккур, фаолият даражаси, қамрови кўрсаткичи.

ДИАПАУЗА (юн. diapausis — тўхташ, дам олиш) — ҳайвонлар ҳаёт фаолиятининг тиним даври; бунда умумий модда алмашинуви пасаяди. Д.нинг вужудга келишига ташқи муҳит шароитлари: озуқа сифати, намлик, ҳарорат, кун узунлигининг мавсумий ўзгаришлари сабаб бўлади. Бу шароитлар таъсирида, мас., ҳашаротлар организмида анатомик-гистологик, физиологик ва биокимёвий ўзгаришлар юз беради, яъни ривожланиш вақтинча тўхтайди, кислородни ўзлаштириш камаяди, эркин сув коллоид ҳолатга ўтади, ёғ таначалари ҳужайраларида энг кўп миқдорда захира қатламлар (баъзи турларда ёғлар, бошқаларида эса ёғ-оқсил доналари) тўпланади. Бу белгилари б-н Д. карахтлик (уйқу)дан фарқ қилади. Д. организмнинг совуққа чидамли бўлиб, қишлаб чиқишини таъминлайди. Қуруқ субтропик ва тропик иқлимда ёзги Д., яъни э с т и в а ц и я кузатилади. Ҳар бир биологик турда Д. организм ҳаёт циклининг маълум фазаларида содир бўлади, ҳашаротларда тухум, қурт (личинка), гумбак ёки имаго (вояга етган) ривожланиш даврларига тўғри келади.


Ўсимликларни ҳимоя қилишда Д. тўғрисидаги маълумотлар экинлар зараркунандаларининг пайдо бўлиш ва ривожланиш даврини прогнозлаш (қисқа ва узоқ муддатли)да ҳисобга олинади.

Султон Алимуҳамедов.

ДИАПИРИЗМ (юн. diapeiro — санчиб тешаяпман) — пластик чўкинди тоғ жинслари (тузлар, гипс, гил ва ш. к.)нинг улар устида ётган қаттиқроқ тоғ жинсларига ботиб кириш жараёни. Д. Ер пўстида содир бўладиган кучланиш таъсиридан пайдо бўлади. Д. натижасида диапир структура (диапир бурма)лар таркиб топади. Улар бор жойларда нефть ва газ конлари мавжуд. Ўзбекистонда диапир структуралар Ҳисор тоғида кўп. Д.ни ўрганиш нефть ва газ конларини излашда аҳамиятли.

ДИАПОЗИТИВ *(dua... ва лот. positivus* — мусбат) — шаффоф асос (шиша, пластинка ёки плёнка) га туширилган оқ-қора ёки рангли фотографик тасвир. Уни *эпидиаскоп* б-н экранга тушириш ёки ёриққа тутиб кўриш мумкин. Одатда, фотопластинка ва фотоплёнкага туширилган Д. кўп тарқалган, у ўқув мақсадларида, илмий анжуманларда турли тасвирларни намойиш қилиш учун ишлатилади. Бир мавзуни ифодаловчи бир неча Д. д и а ф и л ь м деб аталади.

ДИАСКОП (юн. diaskopeo — синчиклаб қарайман), д и а п р о е к т о р — шаффоф тасвирни кўриш ёки уни кат-талаштириб экранга тушириш учун ишлатиладиган оптик-механик қурилма. Расмлар, чизмалар ва ҳ. к. (диапозитив, диафильм, микрофотонусхалар) Д. ёрдамида экранга туширилади. Фильмоскоп Д.нинг бир тури ҳисобланади. Маърузалар пайтида тасвирларни намойиш қилиш учун фойдаланилади.



Диаскоп (оптик схема): *1* — магнит шиша; *2* — диапозитив (слайд); *3* — окуляр.

ДИАСПОР (юн. diaspora — тарқоқ) — гидроксидлар кичик синфига мансуб минерал. Кимёвий формуласи — AlOOH. Биринчи марта Урал тоғларида топилган. Кимёвий таркиби 85% Al_2O_3 ва 15% H_2O дан иборат. Ғоҳо таркибида темир, марганец, хром, галлий оксидлари ҳам бўлади. Ромбик сингонияли. Қаттиқлиги 6,8—7,3, жуда мўрт. Зичлиги 3400 кг/м³. Юпқа пластинкасимон, ғоҳо қисқа тўртбурчак, устунсимон кристаллар ҳолида учрайди. Ранги сарғиш-қўнғир, оқ, кўкимтир, шишадек ялтироқ; қиздирилганда *корунд*га айланади. Д. боксит-нинг асосий минералларидан бири. Гиперген ва гипоген шароитларда ҳосил бўлади. Д. гранитли пегматитларда корунд б-н бирга, мусковитли ва топазли гидротермал ертомирларда флюорит, пирит б-н, иккиламчи кварцитларда корунд, каолинит, алунит, рутил, гематит ва б. б-н бирга учрайди. Ўрта денгиз бокситли провинциясида маълум. Ўзбекистонда Марказий Қизилқум, Ҳисор, Нурота, Зарафшон ва Туркистон тизмаларидаги боксит конларида бёмит, гидраргиллит, каолин, Чатқол, Қоржонтов ва Қурама тизмаларидаги алунит конларидаги иккиламчи кварцитларда серицит, пирофиллит ва кварц б-н, Марказий Қизилқумдаги наждакларда корунд, маргарит ва хлоритоид б-н бирга учрайди. Д.дан алюминий олинади.

ДИАСПОРА (юн. diaspora — тарқалиш) — Фаластиндан ташқарида тарқалган яҳудийлар *(Бобил асирлиги* даврларидан, мил. ав. 6-а.) мажмуи. Милоднинг 60 млн. аҳолининг 10% ни яҳудийлар ташкил этган. Рим давлат органларида Д. баъзи ҳуқуқларга эга бўлган: яҳудий жамоалари фақат император декрети асосидагина тугатилиши мумкин бўлган, ҳарбий мажбуриятни ўташдан ва Римдаги диний маросимларда қатнашишдан озод қилинган. Ҳоз. адабиётда Д. деб ўз ватанидан ташқарида яшовчи этник гуруҳларга айтилади.

ДИАСТОЛА (юн. diastole — кенгайиш) — юрак қисқаргандан кейин бўшашиши, унинг бўшлиқларининг кенгайиши ва қонга тўлиши; юракнинг қисқариш ва бўшашиш даври юрак фаолияти циклини ташкил этади. Д. юрак бўлмачаларида 0,7 сек., қоринчаларида эса 0,5 сек. давом этади (яна қ. *Систола*).


ДИАТЕЗ (юн. diathesis — мойиллик) — организмда моддалар алмашинуви жараёнининг туғма нуқсони; унда организм функциялари ва моддалар алмашинуви сурункали бекарор ҳолатга келади, бу эса ўзига хос патологик реакциялар ва касалликларда намоён бўлади. Д.нинг келиб чиқиши *вегетатив нерв системаси*, ички секреция безлари ва *одам конституцияси* б-н боғлиқ. Ташқи муҳит шароити ёмонлашганда (овқатланиш режими бузилганда, организм касалланганда), марганда, организм касалланганда вегетатив нерв системасининг ёки вегетатив нерв системасининг функцияси бузилганда аъзолар тўғри ишлай олмайди, моддалар алмашинуви ўзгаради, натижада организмнинг ташқи муҳитга мосланиш хоссаси сусаяди, реактивлиги ўзгариб, муайян касалликларга мойил бўлиб қолади. Д.да ҳатто одатдаги турмуш шароити ҳам патологик реакцияларга, касалликка сабаб бўлади.

Д. кўпинча болаларда кузатилади. Д.нинг ҳар хил шакллари бор. *Экссудатив-катарал диатез*, лимфатик-гипопластик ва нерв-артрик Д. кўп учрайди. Нерв-артрик Д. белгилари ёшга қараб ўзгаради: гўдаклик даврида ҳазм аъзолари фаолияти бузилиб, бола озишга мойил бўлади, асабийлашади, кейинроқ бориб, у озиб ёки семириб кетади, руҳан қўзғалувчан бўлади ва ҳ.к. *Геморрагик диатез* Д.нинг алоҳида бир тури ҳисобланади.

ДИАТЕРМИЯ *(dua...* ва юн. therme — иссиқлик, ҳарорат) — электр б-н даволаш усулларидан бири; бунда гавда ичкарисидаги тўқима ва аъзолар юқори частотали (1000—1650 кГц) ва катта кучли (3 А гача) ўзгарувчан ток б-н иситилади. Д.да бугун организмни иситмай туриб, гавданинг исталган жойида анча ичкаридаги тўқималар т-расини тез кўтариш мумкин. Бунда тўқималардаги иссиқлик ташқаридан берилган иссиқликка нисбатан узоқроқ ушланиб туради. Тўқималарни қиздириш туфайли қон ва лимфа айланиши яхшиланади, моддалар алмашинуви кучаяди. Д. лейкоцитларнинг ҳимоя функциясини оширади, шу туфайли ўртача ўткир ва сурункали яллиғланиш касалликларини даволашда кўп қўлланилади. Юқори частотали ўзгарувчан ток тебранишлари марказий ва периферик нерв системасининг қўзғалувчанлигини камайтириб, оғриқни босади, бу эса невралгия, неврит, радикулит, бод ва б. касалликларни даволашда қўл келади. Скелет мускуллари ва ички аъзо (жумладан, қон томири) мускуллари иссиқда бўшашади. Шунинг учун қон томирларининг торайишига алоқадор касалликлар, сийдик ва ўт йўллари, шунингдек, ўт пуфаги спазми, меъда ва ўн икки бармоқ ичакнинг яра касалигини даволашда Д.дан фойдаланилади. Жарроҳлик, дерматология ва б. соҳаларда тўқималарни куйдириш ва қирқиш учун Д. қулай, чунки унда деярли қон оқмайди, оғриқ кам бўлади, ўсма ҳужайралари ва инфекция тарқалиш хавфи камаяди (яна қ. *Диатермокоагуляция*).

ДИАТЕРМОКОАГУЛЯЦИЯ *(dua...* ва юн. therme — иссиқлик, coagulatio — ивиш), э л е к т р о к о а г у л я ц и я — тирик организм тўқималарини махсус генераторлардан олинадиган юқори частотали ўзгарувчан ток б-н куйдириш; тўқималарни 80° гача қиздириб, осиқлларни ивитишга асосланган жарроҳлик усули. Қон кетишини тўхтатишда, одатдаги усуллар б-н олиб ташлаб бўлмайдиган ўсмалар (мас., тери, ҳиқилдоқ ўсмалари), бачадон бўйнининг эрозиялари, қовуқ яраси, тери лейшманиози, сўгал, тиш пульпасининг яллиғланиши ва б. касалликларни даволашда қўлланилади. Куйдириладиган тўқима йирик томирлар ва нервлар ёнгинасида бўлса, Д.ни татбиқ этиш ярамайди.

ДИАТОМ СУВЎТЛАР (юн. diatomos — тенг иккига бўлинган) — к р е м н и й л и с у в ў т л а р (Bacillariophyta); сувўтлар бўлимига мансуб. 20 мингга яқин тури бор. Д. с.нинг микроскопик (0,75—1500 мкм), бир ҳужайрали, якка ёки


Диатом сувўтларнинг турлари.

колониал формалари мавжуд. Д. с. ҳужайралари кремнийли икки паллали қаттиқ қобиқ б-н ўралган. Қобиқ деворида ташқи муҳит б-н моддалар алмашинуви содир бўладиган тирқишлар бор. Д. с.нинг ҳужайраларида бир ёки бир нечта ядрочали ядро устида ва бир ёки бир нечта сариқ-қўнғир хроматофоралар ва б. қисмлар бўлади. Д. с. бўлиниб кўпаяди: ҳар бир қиз ҳужайра она қобиғининг бир паллаcини олади, бошқаси эса қайтадан ўсади, бунда эски ярим палла ўз чеккаси б-н янги ярим паллани тутиб туради. Д. с. кўпайиш меъёрига қараб секин-аста майдалашади. Майдалашган ҳужайралардан иккитаси бир-бирига яқинлашиб, паллалари очилади ва улар ўртасида конъюгацияга ўхшаш жараён содир бўлади ёки анизогамия (баъзан оогамия) орқали жинсий кўпайиш содир бўлади. Зиготаси аутоспорага айланиб ўсади. Бундай зигота ўсиб, дастлабки ҳужайраларга нисбатан бир неча марта йирик ҳужайрани ҳосил қилади. Баъзи турлари тиним даврида спора ҳосил қилади. Д. с. диплоидли, уларнинг гаметалари эса гаплоидли. Д. с. сувўтларнинг табиатда кенг тарқалган гуруҳи бўлиб, чучук сув ва денгизларда, айниқса денгиз тубидаги лойқада, сув ўсимликлари ва тошлар, нам ва б. жойларда ўсади. Ҳайвонларга озиқ бўлади.

ДИАТОМИТ — бўш, сертупроқ ёки бўш цементланган кремнийли чўкинди тоғ жинси. Асосан диатом сувўтларидан ташкил топган. Таркибида ҳар хил миқдорда опал шарчалари (глобулалар), терриген ва гил минераллари учрайди. Ранги оқ, оч кулранг, сарғиш. Сертупроқ ёки цементлашган массалар ҳолида бўлади. Д. минерал таркибининг 70%дан 98% гача сувли кремнезем (опал)дан иборат. Диатом сувўтларининг скелетлари яхши эрувчан бўлганлиги сабабли Д. осонгина *трепел* ва *опокага* айланади. Д. бўр давридан бошлаб ҳосил бўла бошлаган. Асосий қисми кайнозой эрасида денгиз ва кўлларда тўпланган. Иссиқликни ёмон ўтказади, кислотага чидамли. Кимё, нефть, озиқ-овқат, тўқимачилик, фармацевтика саноатида, шунингдек, иссиқлик ва шовқин ўтказмайдиган материаллар тайёрлашда ишлатилади. Ўзбекистонда Зарафшон воҳасида тўртламчи давр (голоцен) гил ва қумтошлари тагида карбонатлашган Д. қатламлари учрайди.

ДИАТОНИКА *(диа...* ва *тон)* — 1) етти товушли мусиқа тизими; товушлари соф квинталар бўйлаб жойлаштирилиши мумкин бўлган. Д.нинг поғонамаси поғона изчиллиги одатда тон ва ярим тонлардан ташкил топади. Амалиётда — Шарқ, хусусан ўзбек мусиқасида кенг учрайдиган етти товушли диатоник товушқаторлар (умумбашарий номда): ионий (табиий мажор), эолий (табиий минор), дорий, фригий, лидий, миксолидий, локрий. Яна қ. *Гамма; 2)* хроматик (ўзгартирилган) пардаларга эга бўлмаган мусиқа товуш қатори. Товушлар сони 12 гача бўлиши мумкин.

ДИАФИЗ (юн. diaphyomai — ўртасида бўлмоқ) — найсимон суякларнинг ўрта — тана қисми. Бу суякларнинг икки томондаги учи а п о ф и з ва у б-н Д. оралиғи м е т а ф и з деб аталади (қ. *Суяк*).

ДИАФИЛЬМ *(диа...* ва *фильм)* — умумий мавзу асосига бирлаштирилган ва киноплёнкага туширилган ҳаракатсиз оқ-қора ёки рангли фотографик тасвир. Д. фильмоскоп ёки тасвирни экранга туширадиган диапроектор орқали кўрилади. Тасвир товуш б-н бирга намойиш қилиниши мумкин. Д. бадиий, ҳужжатли, илмий-оммабоп, ўқув ва б. жанрларда яратилади. Д.ни тайёрлашда айрим кадрлар (одатда 50—70) мумкин мавзу ва адабий матн асосида бирлаштирилади. Д. маъруза, тарғибот-ташвиқот ишларида, мактаб-ўқув дастурини ўтишда муҳим восита ҳисобланади. Айниқса, болаларда эстетик дидни тарбиялаш ва ривожлантиришда, атроф муҳитга қизиқиш уйғотиш ва меҳнат кўникмаси ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясида Д. 1971 й.дан ишлаб чиқарилади. «Эгри ва тўғри» биринчи Д.дир. 1972 й.дан буён 100 дан ортиқ номда (чизилган, фотографик, оқ-қора, рангли ва б.) Д.лар ишлаб чиқарилди («Тоҳир ва Зуҳра», «Бой ила хизматчи», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ур тўқмоқ!», «Зумрад ва Қиммат», «Олтин балиқ», «Қарши чўли», «Сеҳрли юрт» ва б.). Бир йилда 8—10 мавзуда 270 тиражда Д. ишланади.

Турди Нодиров.

ДИАФРАГМА (юн. diaphragma — тўсиқ) — 1) бирор физик системанинг қисмларини ажратиб турувчи тўсиқ; 2) о п т и к а д а — оптик системалар (телескоп, микроскоп, спектроскоп, кино- ва фотоаппаратлар ва б.) да ёруғлик нури дастасининг кўндаланг кесимини чекловчи ношаффоф тўсиқ. Шаффоф экрандаги кичик тешик ҳам Д. бўлади. Линза ва кўзгу гардиши, кўзқорачиғи ва б. оптик буюмлар Д. вазифасини бажаради. Оптик системанинг ёруғлик кучи ва тасвир сифати Д.нинг катта-кичиклиги ва вазиятига боғлиқ бўлади. Фото- ва киноаппаратларда Д. объектив ичида линзалар орасига жойлаштирилади. Ҳозирги замон фото- ва кинообъективлари ирис Д. б-н таъминланади. Ирис Д. ҳалқага ўрнатилган бир нечта ўроқсимон япроқчалардан иборат. Ҳалқани буриб, объективдаги тешик катталигини ўзгартириш мумкин. Ёруғлик нурлари оптик системадан чиқаётганда улар майдонини ғоятда торайтирадиган Д. апертура Д.си дейилади; 3) э л е к т р о н о п т и к а д а — зарядланган зарралар дастаси кесимини чекловчи электр утказувчи пластинкадаги тирқиш; 4) ў л ч а ш т е х н и к а с и д а — қувурлардан оқаётган буғ, газ ва суюқликлар сарфини ўлчашда қўлланиладиган тешикли диск; 5) т у р б и н а л а р д а — йўналтирувчи аппарат қуракчалари ўрнатиладиган ҳалқасимон тўсиқ; 6) г и д р о т е х н и к а и н ш о о т л а р и д а — *гидравлик зулфин* элементи; бетон, темир-бетон, металл, баъзида ёғочдан қилинган вертикал девор кўринишидаги қурилма.

ДИАФРАГМА (а н а т о м и я д а) — кўкрак қафаси б-н қорин бўшлиғи ўртасидаги мускул-пайдан иборат тўсиқ; одам ва ҳайвонларнинг кўкрак қафасини қорин бўшлиғидан ажратиб туради. Д. қисқариб-кенгаяди. Қисқарганида кўкрак қафасининг кенгайишига, нафас олишни енгиллаштиришга имкон беради. Кўкрак қафаси қисқарганда Д. юқорига кўтарилиб, кўкрак қафасини торайтиришда қатнашиб, нафас чиқаришга ёрдам беради. Буларнинг ҳаммаси Д.нинг аҳамияти бор. Д. жароҳатланганда ёки унда бирор камчилик ёки нуқсон бўлганда ҳаёт учун муҳим функциялар (нафас олиш, юрак фаолияти, қон айланиши ва ҳ.к.) издан чиқиши мумкин.

ДИАХРОНИЯ *(диа...* ва юн. chronos — вақт, замон) — тил тизимининг лингвистик тадқиқот манбаи сифатидаги тарихий тараққиёти, тил тараққиёти-ни вақт нуқтаи назаридан ўрганиш.

Тилшуносликда Д. тушунчаси *синхрония*га қарама-қарши қўйилади. Диахроник лингвистика баъзан қиёсий-тарихий тилшунослик, 20-а.дан бошлаб тарихий фонетика б-н айнан бир нарсага деб қаралди. Кейинчалик унинг тадқиқот объекти сифатида тилдаги ўзгаришларни, бу ўзгаришларнинг сабабларини, пайдо бўлиш даврини ўрганиш назарда тутилди. 20-а. 2-ярмида диахроник ёндашиш, тил тарихини диахроник ёритиш ва б-н боғлиқ даврларга бўлиб ўрганиш тарихий йўналишдан фарқли ўлароқ, тил тизимида содир бўладиган диахроник ўзгаришларни, тилнинг тизим сифатидаги тараққиёти қонуниятларини ўрганишга қаратилди. Д. тил фаолияти хусусиятларини замонда, жумладан, синхронияда билишга имкон берувчи восита бўлиб, умуман тил назариясининг муҳим қисмидир.

ДИБ Муҳаммад (1920.21.7, Тлемсен, Жазоир) — Жазоир ёзувчиси. Француз тилида ижод қилади. Ватанпарварлик руҳидаги «Жазоир» (1952—57) реалистик трилогиясида ижтимоий ва миллий озодлик курашчилари образи яратилган. «Қирол рақси» (1968) ва «Ҳобил» (1977) романлари модернизм руҳида. Мустақил Жазоирдаги ижтимоий ўзгаришлар «Ов соҳиби» (1973) романида акс этган. Бир қанча шеърий тўпламлари бор. «Жазоир менинг ватаним!» пьесаси Тошкентдаги Ҳамза театрида саҳналаштирилган (1957). «Катта хонадон» романи ўзбек тилига таржима қилинган (1962).

ДИВАЕВ Абубакр Аҳмаджонович (1855.7.12, Оренбург — 1933.5.2, Тошкент) — туркийшунос, этнограф, фольклоршунос. 1876 й.да Туркистон ўлкасига таржимон сифатида юборилган. Дастлаб, Авлиёота уездининг участка назоратчиси. Сирдарё обл. генерал-губернатори ҳузурида таржимон ва махсус топшириқлар б-н шуғулланувчи Д. Туркистонни кезиб, ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз халқларининг этн. си, фольклорига оид материаллар тўплаган, уларнинг кўпини таржима қилиб, шарҳлар б-н нашр эттирган. Шарқ ин-ти, Ўрта Осиё давлат ун-тини ташкил этишда қатнашди, шу олий ўқув юртларида ўқитувчилик қилди. Туркистон ўлкаси музейида этн. ва археология бўлимини бошқарди. Маланият ёдгорликларини сақлаш, тарих, этн. ва халқ бадиий ижодини ўрганиш соҳасида Москва, Қозон ва Тошкентда иш олиб борган давлат ва жамоатчилик илмий ташкилотларининг фаол аъзоси. «Сирдарё области статистикаси учун материаллар тўплами» (1—13-жилдлар, 1891—1907)га Д.нинг муҳим этнографик тадқиқотлари киритилган. Д. «Ботирлар» (1922) қаҳрамонлик эпосини яратган. Д. асарлари Туркистон халқларининг молдий ва маънавий маданиятини ўрганишда муҳим роль ўйнади.

Лит.: Историография общественных наук в Узбекистане, Т., 1974.

ДИВЕРГЕНЦИЯ (лот. divergere — фарқланиш) — 1) б и о л о г и я д а — эволюция давомида организм белгиларининг фарқланиб бориши. «Д» тушунчасини Ч. *Дарвин* табиатда биологик турлардан тортиб маданий ўсимликларнинг навлари ва уй ҳайвонлари зотларининг пайдо бўлишини изоҳлаш учун таклиф этган. Д. моҳияти шундан иборатки, *сунъий танлаш* ёки *табиий танланиш* таъсирида бир турдан пайдо бўлган шаклларнинг ўз белгилари б-н биридан ҳамда ўзининг умумий аждодларидан тобора фарқланиб боради. Агар тур кенг ареални эгаллаб, турли экологик шароитларга мослашадиган бўлса, дастлаб ўхшаш бўлган популяциялар ўртасида бирон-бир фарқлар пайдо бўлишида кўринадиган ва тур ареалининг турли қисмларида табиий танланишнинг ҳар хил йўналишлари б-н муқаррар шартланган Д. юзага келади. Одам турли йўналишларда сунъий танлаш йўли б-н ўз эҳтиёжини қондириш учун ҳар хил маданий ўсимлик навлари ва уй ҳайвонлари зотларини яратади. Табий танланиш ҳам сунъий танлаш каби дастлабки бир тур доирасида хилма-хил шакллар пайдо бўлишига ва тузилиши, функцияси ҳамда ҳаёт кечириши (озиқ танлаш ва топиш йўллари)даги тафовутларнинг кўпайишига олиб келади. Д. оралиқ шакллар ва дастлабки турнинг қирилиб кетиши б-н бирга боради; 2) м а т е м а т и к а д а — вектор майдоннинг тарқалиши (қ. *Майдон назарияси*). Агар вектор майдонга оқиб турган суюқликнинг тезлик майдони сифатида қаралса, Д. майдон манбаларининг P нуқтадаги зичлигини ифодалайди. Д. майдон вектори $a(P)$ нинг координаталари a_x, a_y, a_z орқали ифодаланади.

$$div\ a = \frac{\partial a_x}{\partial x} + \frac{\partial a_y}{\partial y} + \frac{\partial a_z}{\partial z}.$$

Д.нинг геометрик маъноси қуйидагича: Д. — берилган нуқтани ўраб турган сирт орқали ўтувчи вектор майдон оқимининг шу сиртни тортиб турувчи ҳажмга нисбати: 3) т и л ш у н о с л и к д а — нутқ товушининг тарихий тараққиётига кўра, бирдан ортиқ товушга дифференциация қилишидир. Мас., орқа қатор *а* товуши тараққий этиб, чуқур тил орқа *қ*, *ғ*, *х* ундошлари ва лаб-лаб сирғалувчи *в* ундошидан аввал ёндош қўлланилган ўринларда о товушига айланган. Қишлақ> қишлоқ; ўтақ > ўтоқ; шох, тоғ, йов каби. Мазкур ундошлардан кейинги ўринда эса орқа қатор а товуши ҳолатини сақлаган: қази, хари, ғани ва ҳ.к. Акси к о н в е р г е н ц и я.

ДИВЕРСИФИКАЦИЯ (лот. diversificatio — ўзгариш, хилма-хил тараққиёт) — корхона (бирлашма)ларнинг фаолияти соҳалари ва ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари туринининг кенгайиши, янгиланиб туриши. Д. и. ч.да юқори самарадорликка эришиш, иқтисодий фойда олиш, банкротликка барҳам бериш ва б. мақсадларда амалга оширилади. Илгари бир соҳада ихтисослашган фирмаларнинг (саноат, қ. х., транспорт, молия ва ҳ.к.) бошқа и. ч. тармоқлари, хизмат кўрсатиш соҳаларига, биринчи навбатда, юқори фойда берадиган соҳаларга кириб бориши уларнинг хўжалик фаолияти соҳалари ва имкониятларини кенгайтиради. Д. натижасида турли-туман товарлар ишлаб чиқарадиган, хизмат кўрсатадиган ҳамда и. т. ва ишланмалар б-н банд бўлган кенг тармоқли, аммо ҳамиша ҳам технологик жиҳатдан ўзаро боғланмаган мажмуалар (мас., агросаноат мажмуи, ўрмон-саноат мажмуи) вужудга келади ва бу и ш л а б ч и қ а р и ш Д.си дейилади. Бундан ташқари унинг к р е д и т Д. кўриниши ҳам бор (бунда кредит сифатида бериладиган капитал маблағлар хавф-хатарни камайтириш ва юқори фойда олиш мақсадида турли-туман объектлар ўртасида тақсимланади). Бундай Д. тармоқлараро капитал концентрацияси жараёни ва корхоналараро ички беқарорликнинг кучайиши б-н боғлиқ.


Дунё мамлакатларида Д. жараёни 20-а.нинг 50-й.лари ўрталаридан ривожлана бошлади. Дастлаб АҚШ, Япония, Гарбий Европа давлатларида Д. саноат, транспорт, қурилиш, молия соҳаларида вужудга келади. Шу боис Д. характери мазкур давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий омиллари, шунингдек, бошқа давлатларга тегишли бўлган умумий омиллар (илмий-техника инқилоби, юқори фойда учун кураш, рақобат кураши, техник тараққиётдан қолиб кетмаслик ва б.) б-н белгиланади. Д.да фирмалар, айниқса, монопол фирмалар кўп тармоқлилик тусини олади. Улар аввало кўп даромадли, тез ривожланадиган соҳалар (мас., электроника, кимё)да фаолият бошлайди. Компаниялар маҳсулот и. ч. б-н бирга, шу маҳсулот учун зарур бўлган хом ашёни ҳам ўзлари тайёрлашга киришади. Маблағларни ҳам даромадли соҳадан тежаб кўп фойда берадиган тармоқларга сарф этадилар. Мас., АҚШ концернлари хизмат кўрсатиш, қурилиш, ер майдонлари савдоси, нашр ишлари, савдо-сотиқ ахбороти, жиҳозларни ижарага бериш ва б.да фаолият юритди.

Ўзбекистон халқ хўжалигида янги барпо этилган саноат корхоналарида асосий маҳсулот туридан ташқари қўшимча маҳсулотлар, халқ истеъмоли товарлари и. ч. йўлга қўйилган.

Рисолат Нишуратова.

ДИВЕРСИЯ (лот. diversio — диққатни тортиш, чалғитиш) — қ. *Кўпорувчилик.*

ДИВЕРТИКУЛ (лот. diverticulum — ён йўл) — ковак (найсимон) аъзолар деворининг бўртиб чиқишидан ҳосил бўлган халтум, ковакли бўртма. Туғма ёки ҳаётда орттирилган пульсион ва тракцион, яъни меъда-ичак системаси ичида босим ошганда ва улар деворини ташқи томондан чандиқлар тортиб турганда кузатиладиган хиллари фарқ қилинади. Ҳазм аъзоларидан қизилўнгач, ичак, меъда, шунингдек, қовуқда кўпроқ, бошқа аъзоларда эса кам учрайди. Туғма Д. эмбрионал тараққиёт нуқсонларига боғлиқ (мас., ингичка ичак Д.и). Ковак аъзо деворининг мускул ва эластик тўқимаси тузук ривожланмаганда, жароҳатланишдан кейин юпқа тортганда, аъзо бўшлиғидаги босим ошганда Д. пайдо бўлади. Д. икки ёки ундан ортиқ бўлса, дивертикулёз дейилади. Ковак аъзо ичидаги масса (мас., қизилўнгачда — овқат, ичакда — ахлат) Д.дан чиқиб кетиши қийин бўлгани учун ушланиб қолиб, маълум чегарали яллиғланиш жараёни, яра пайдо бўлиши мумкин. Кичкина Д. ҳеч сезилмайди (симптомсиз ўтади). Д. катта бўлса, бирор белги кўринади, мас., қизилўнгач Д.ида овқат ўтиши қийинлашади, ушланиб қолган овқат қусиб ташланади, бўйин дўппайиб туради, қовуқ Д.ида сийдик чиқариш қийинлашади ва ҳ.к. Д.нинг яллиғланиши — дивертикулит, қонаш, тешилиш, ярага, баъзан ракка айланиш, шунингдек, ичак тутилиши каби асоратларга сабаб бўлади. Д. махсус (эндоскопик, рентгенологик) усуллар б-н текшириб аниқланади. Д. яллиғланмаган бўлса, консерватив даво, асоратли шаклларида операция қилинади, Д.лар кўп бўлса, аъзонинг шу қисми кесиб олиб ташланади.



1 — қизилўнгачнинг дивертикул пайдо бўлган жойи; 2 — меъда.

ДИВЕРТИСМЕНТ (франц. divertissement — кўнгил очиш) — 1) 17—18-а.ларда драма (баъзан опера, балет) спектаклларининг қўшимча ёки якуний қисми. Одатда спектакль мазмунига боғлиқ бўлмаган рақс ва қўшиқлар, ҳажвий-мутойибали саҳналардан иборат. 19-а.нинг 70-й.ларидан бошлаб варьете, кабаре каби эстрада театрларида йиғма концерт дастури; 2) Европада 18-а.нинг 2-ярмида турли таркибдаги ансамбль ёки оркестрлар учун яратилган (мас., Й. Гайдн, В. А. Моцарт ва б.) чолғу мусиқа асари. 19-а.да *попурри* жанрига айланган. 20-а.дан «Д.» атамаси кўпроқ балет номерларидан ташкил топган *сюита*симон асарларга нисбатан қўлланилади.

ДИВИДЕНД (лот. dividendum — тақсимланадиган нарса) — акциядорлар жамияти фойдасидан акция эгасига ҳар йили бериладиган ва унинг даромадидан фоиз ставкаси миқдорида олинганда баъзан уларнинг бир қисми қўшимча чиқарилган бепул акциялар тарзида акциядорларга тўланади. Қўлида акцияларнинг асосий ҳиссасини тўплаган акциядорлар ва корпорациялар Д.нинг энг кўп қисмини олади.

ДИВИЗИОН (франц. division — бўлинма) — қуруқликдаги қўшин бирлашмалари ва қисмлари ёки ҳарбий-денгиз флотининг бирлашма ва қисмлари таркибидаги ташкилий, маъмурий-тактик бўлинма. Д. артиллерияда 2—3 батарея; отлиқ қўшинларда ўзиюрар қуролларнинг 2—3 батареяси; ҳарбий—денгиз флотида бир хил русумдаги бир неча кема ва катерлардан иборат. Д. мустақил ёки бирор қисм, бирлашма таркибида бўлиши мумкин. Ўзр Қуролли кучлари таркибида ҳам артиллерия Д.лари мавжуд.

ДИВИЗИЯ (лот. divisio — бўлиниш) — кўпгина давлатларнинг турли хилдаги қуролли кучлари ва қўшин турларида асосий тактик бирлашма. Биринчи бўлиб Д. 17-а.да Францияда, 18-а.нинг бошларида Россияда пайдо бўлди. Д. полклар (бригадалар) ёки батальонлар, шунингдек, турли қўшин турларининг қисм ва бўлинмаларидан ва махсус қўшинларидан иборат. Ўзр Қуролли Кучларида қўшинларни Д.га ажратиш йўқ.

ДИВИНИЛ — органик бирикма, *бутадиен*нинг иккинчи номи.

ДИД (эстетикада) — ҳаёт ва санъатнинг барча соҳаларида инсоннинг эстетик ҳодисаларни фарқлаш, тушуниш ва баҳолаш қобилияти. Д. узоқ ижтимоий-тарихий тараққиёт, меҳнатнинг турли соҳаларидаги тажрибалар натижасида вужудга келади. Д.да шахс, гуруҳ ва халқнинг оламга эстетик муносабати тажрибаси инъикос этилиб, уни ҳар бир киши турли йўллар б-н ўзлаштиради, ўз индивидуал эстетик фаолияти б-н бойитади.

Д. инсонга хос фазилат. У юксак ёки паст, кенг ёки тор, чекланган ёки чекланмаган, нозик ёки саёз бўлиши мумкин. Д.нинг юксак ёки пастлиги бирор нарса ёки ҳодисага берилган баҳо, билдирилган муносабатда сезилади. Д. инсоннинг табиат, жамият, ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари ҳамда кечинмалари даражасини билдиради. Д. — инсоннинг тарихан шаклланиб, ўзгариб турувчи маънавий салоҳиятлари кўринишидир. Муайян ижтимоий-тарихий ҳодисалар, турли даврлар силсиласи Д.нинг мазмуни ва кўринишига ўз таъсирини ўтказади. Табиат, жамият, санъат ва инсондаги *гўзаллик*ни *нуқлик*дан, нозикликни қўполликдан, яхшини ёмондан ажрата билиш эстетик Д. характери ва даражасини кўрсатади. Эстетик Д. миллий ва умуминсоний хусусиятларга эга. Миллий хусусиятлар тайин тарихий шароит ва анъаналар б-н, умуминсоний хусусиятлар эса башарият маънавий мероси б-н боғлиқ. Ҳис-туйғусиз, маънавий кечинмасиз эстетик Д. амал қилмайди. Эстетик Д. муҳокамасида мавҳум тафаккур эмас, маънавий туйғулар, ёркин ҳис-ҳаяжонлар биринчи ўринда туради. Эстетик идрок жараёнида, яъни бирор нарсанинг эстетик қийматини белгилашда инсоннинг ақлий ва ҳиссий салоҳиятлари биргаликда қатнашса-да, ҳиссий мушоҳада асосий аҳамият касб этади. Ҳар кимнинг Д.и ҳар хил бўлади. Шунинг учун Д. йўналишини ҳар бир кишининг гўзаллик ҳақидаги тушунчаси белгилайди. Д. инсоннинг фақат муомала маданиятинигина эмас, жамиятдаги муайян маънавий даражасини, камолотини ҳам кўрсатади.

Д. инсоннинг касби, жинси, ёши, маданияти б-н узвий боғлиқ. Д.сизлик — меъёрни бузиш, уни билмаслик ва унга амал қилмасликдир. Кўполлик ва бачаналик Д.сизлик аломатидир. Инсон Д.и туғма эмас. У тарбия орқали такомиллашиб ва тараққий этиб боради. Юксак ва соғлом эстетик Д.га эга бўлиш кишининг ҳам маънавий, ҳам руҳий бойлигидан далолат. Эстетик Д.и такомиллашган ва тарбия кўрган одамнинг маданий савияси юксак, ахлоқий қиёфаси гўзал, ақлий ва ҳиссий кечинмалари чуқурроқдир. Инсоннинг санъат асарларига муносабати Д.да намоён бўлади. Бадиий Д. инсоннинг адабиёт ва санъат асарларини тушуниб етиш, баҳолай олиш ва улардан завқлана билиш салоҳиятини кўрсатади.

Д.ни шакллантириш ва ривожлантириш — эстетик тарбиянинг вазифасидир.

Ад.: Маҳмудов Т., Мустақиллик ва маънавият, Т., 2001.

Тилаб Маҳмудов.

ДИДАКТИК АДАБИЁТ — бадиий ифодаланган панд-насиҳат тарзидаги адабиёт. Бунда ахлоқий-таълимий, илмий-фалсафий, диний билимлар ва ғоялар бадиий талқин қилинади. Д. а. илдизи халқ оғзаки ижодига бориб тақалади (мас., *«Қобуснома»*). Ғарб ва Шарқ халқлари, жумладан, туркий халқлар адабиётида Д.а. узоқ тарихга эга. Д.а.га доир илк намуналар Маҳмуд Кошғарийнинг *«Девону луғотит турк»* асарида учрайди. Ўзбек мумтоз адабиётидаги Д. а.нинг дастлабки йирик намуналари Юсуф Хос Ҳожибнинг *«Қутадғу билиг»*, Аҳмад Югнакийнинг *«Ҳибат ул-ҳақойиқ»* достонларидир. Бу асарларда халқнинг адолат, маърифат, ахлоқ, одоб ҳақидаги қарашлари, панд-насиҳатлари шеърий шаклда баён этилган. Д.а.дан ижтимоий, фалсафий, илмий қарашларни оммалаштириш воситаси сифатида ҳам фойдаланганлар (мас., *Ибн Сино*нинг табобатга оид «Уржуза» шеърий асари). Д.а.га хос бўлган хусусиятлардан Аҳмад *Яссавий*, *Боқирғоний Сулаймон*, *Сўфи Оллоёр*, *Ҳувайдо*, *Ҳазиний* каби тасаввуф намояндалари ҳам самарали фойдаланганлар.

20-а. ўзбек адиблари *Беҳбудий*, *Айний*, *Авлоний* ва б. ижодида панд-насиҳатга алоҳида аҳамият берилган. Уларнинг асарларида, мактаблар учун қўлланмаларида таълим-тарбияга оид Д.а. намуналари кўплаб учрайди.

ДИДАКТИКА (юн. didaktikos — ўргатувчи, таълим берувчи) — *педагогика*нинг тармоғи. *Таълим* назарияси б-н шуғулланади. «Д.» атамаси илк бор Европада 17-а.да ўқитиш ва таълим жараёни ҳақида асарлар яратган олимлар томонидан қўлланила бошлаган. Чех педагоги Я. А. *Коменский* ўзининг «Буюк дидактика» асари (1657)да болалар ва ўсмирларни маълумотли қилиш ва уларга таълим беришнинг дидактик жиҳатларини ишлаб чиқди. Немис педагоги А. Дистервег ўзининг «Немис ўқитувчиларини маълумотли қилишга раҳбарлик» (1834—35) асарида Д.нинг пед.да таълим назариясини баён этувчи алоҳида қием эканлигини таъкидлаган. Шундан кейин Д.га таълим назарияси ҳақидаги фан сифатида қараш кенг ёйилди. 19-а.нинг охири ва 20-а.нинг бошларида Д.га оид махсус монографиялар пайдо бўла бошлади.

Ҳоз. замон пед.сида Д.га таълим ва маърифат бериш назарияси б-н шуғулланадиган алоҳида соҳа сифатида қаралади. Таълим мазмунини аниқлаш, таълим жараёни қонуниятларини очиш ҳамда ўқитишнинг энг самарадор усул ва йўлларини топиш Д.нинг асосий муаммоларидир. Д.нинг моҳиятини белгилаш, йўналишини аниқлашда фалсафий-назарий асоснинг ўрни катта. Узоқ вақт мобайнида марксизм-ленинизм Д.нинг тараққиёт йўналишини белгилаб берувчи методологик асос деб қараб келинди. Лекин мазкур таълимотнинг илмий асослари пуч, жамият ва табиат тараққиёти қонуниятларини тўғри ҳамда холис кўрсатиш имкониятидан маҳрум бўлган тарафкаш (тенденциоз) қараш эканлиги маълум бўлгач, унга таяниш мумкин бўлмай қолди. Кейинги вақтда, *калом* фалсафисига миллий Д.нинг методологик асоси сифатида қаралмоқда. Чунки оламнинг яралиш, ривожланиш қонуниятлари, инсоннинг билиш имкониятлари, маърифатнинг шахс камолотидаги, ўзини англаш борасидаги ўрни сингари жиҳатлар ана шу фалсафий асосга таянилгандагина тушунарли тарзда изоҳланиши мумкинлиги англаб етилди. Калом фалсафаси таълим оламмини билишнинг воситаси эканлигини, билиш жараёнининг чеки йўқ, аммо инсон билиши мумкин бўлган билимлар чекланганлигини кўрсатиши б-н диққатга сазовордир.

Д. умумий *психология*, ўқитиш психологияси ҳамда *билиш назарияси* б-н узвий боғлиқ. Бу фанларнинг ҳар бири боланинг билиш фаолияти ва уни амалга оширилиш жараёни тўғрисида алоҳида билим беради. Таълим мазмунини ва усулларини белгилаш борасида ҳам мазкур алоқадорлик катта аҳамиятга эга. Д. ҳар қандай алоҳида предметни ўқитиш ва унинг мазмунини тайин этиш қонуниятларини аниқлайдиган фан сифатида таълим ва маърифат ишларини самарали ташкил этишнинг умумий усулларини белгилаб бериши лозим. Айни вақтда, алоҳида предметларни ўқитиш методикаси мактаб амалиётининг аниқ тажрибаларидан келиб чиққанлиги учун Д.нинг тамойиллари таълим жараёнида учрайдиган ҳар хил фавқулодда ҳодисаларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Ўзбек миллий пед.си тарихида ҳам Д.нинг асосий хусусиятларини акс эттиришга бағишланган кўпгина тадқиқотлар мавжуд. Гарчи туркий мутафаккирларнинг асарларида Д. ҳоз. ном б-н аталмаган бўлса-да, лекин улар таълим жараёнининг қонуниятларини белгилаши, уни ташкил этишнинг йўл-йўриқларини кўрсатиши жиҳатидан беқиёс аҳамиятга эга. *Форобий*, *Беруний*, *Ибн Сино*, *Аҳмад ал-Фарғоний*, *Марғиноний*, *Давоний*, *Алишер Навоий*, *Мунис* сингари мутафаккирларнинг таълимни уюштириш, унинг самарадорлигини ошириш, ўқитиш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари борасидаги қарашлари жаҳон пед. тараққиётининг ўзига хос босқичини ташкил этади. Муайян ёшдаги болаларни жамоа тарзида бир жойда ўқитишнинг самарадорлиги илк бор Ибн Сино томонидан кўрсатиб берилган бўлса, муаллимнинг ўзида эзгу инсоний сифатлар бўлмаса, болаларда бундай хислатларни шакллантириш мумкин эмаслиги Навоий асарларида акс этган. Марғиноний эса, билимларни ўзлаштириш юзасидан умумий тавсиялар беришгина қолмай, ўрганилган тушунчаларни болалар хотирасида узоқроқ сақлаш юзасидан аниқ методик усуллар ҳам тавсия этган.

Ўзбек миллий Д.сининг шаклланишида *жадидчилик* ҳаракати, хусусан, *Мунавварақори* Абдурашидхонов, *Абдуқодир Шукурий*, А. *Ибодиев*, М. *Беҳбудий*, А. *Авлоний*, С. *Саидазизов*, Р. *Юсуфбеков* каби маърифатпарвар-педагогларнинг фаолияти алоҳида муҳим босқич бўлди. 20-а. бошларида вужудга келган жадидчилик туркий халқларнинг қад. шону шуҳратини тиклаш учун уни маърифатли қилишдан ўзга йўл йўқлигини тўғри белгилади. Жаҳон пед. сининг энг сўнгги ютуқларидан хабардор бўлган, айни вақтда таълимни ташкил этишда кўп асрлик миллий тажрибаларни ҳисобга олган, Д.нинг методологик асоси сифатида исломий эътиқодни белгилаган жадидлар ўқитиш борасида юксак натижаларга эришдилар. Жадид мутафаккирлар таълимни уюштиришнинг амалий жиҳатлари б-нгина шуғулланиб қолмай, унинг назарий масалаларини ҳам тадқиқ этганликлари диққатга сазовордир. Жадидларнинг дидактик қарашлари уларнинг кўплаб педагогик асарлари, дарслик ва қўлланмаларида акс этган.

Туркистонда Окт. тўнтариши туфайли қарор топган шўролар замонида Д. авторитар пед.нинг бир тармоғи сифатида деярли ҳамиша тарбияга қарши қўйиб келинди. Миллий тажрибаларга таянмаган, таълим жараёнининг мазмунини янгилашга қобил бўлмаган, мактаб Д.сини мафкура зугумидан халос эта олмаган социалистик пед. унинг ташқи жиҳатларини пардозлаб, ялтиратиб кўрсатишга алоҳида эътибор берди. Турли-туман усуллар ўйлаб топилди, кўпдан-кўп «илғор» тажрибалар ёйилди. Лекин таълимда кутилган самарага эришилмади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўзбек пед. фани ва амалиёти миллий асосларга таянган ҳолда Д.нинг тамомила янгича йўналишда тараққий этишига замин ҳозирлади. Ижтимоий онгнинг ўзгариши педагогик тафаккурнинг соғломлашувига, у эса, ўз навбатида, Д.нинг миллий асосларда ривожлана бошлашига олиб келди. Бунда миллий Д.нинг асосий тамойилларини тўғри белгилаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Миллий Д.нинг асосий тамойилларидан бири таълимнинг инсонийлашувидир. Мазкур тамойил таълим жараёни учун билим эмас, балки ўқувчи шахси асосий қадрият эканлигини англатади. Бунда ўқувчи шахсини шакллантиришга устувор ўрин берилади. Таълимнинг инсонпарварлашуви тамойили ўзбек Д.сининг асосий талабларидан бўлиб, таълим мазмунини белгилаш ва педагогик амалиётни ташкил этишда шахс маънавиятини шакллантиришга йўналтирилган ўқув фанларига устувор аҳамият берилишини кўзда тутади. Эстетик, бадиий туркумдаги предметларни ўқитишга алоҳида эътибор қаратиш йўли б-н болаларнинг ҳиссиётини шакллантиришга эришиш, уларда ирода хусусиятларини таркиб топтириш муҳимдир. Ўқувчи маънавияти б-н унинг ўзлаштириши ўртасида узвий алоқа борлиги замонавий психология фани томонидан асослаб берилган. Бу ҳолатни ҳисобга олмай иш кўрган пед. муваффақиятсизликка маҳкумдир. Миллий Д. тараққиётини таъминлайдиган тамойиллардан яна бири таълимнинг яхлитлигидир. Дунёдаги нарса-ҳодисалар яхлит ва бир-биридан ажралмаган ҳолда мавжуд экан, уни ўрганиш ҳам имкон қадар яхлит тарзда амалга оширилиши керак. Таълим жараёнида ўқув предметлари миқдорини кўпайтириш эмас, балки оламни билиш воситаси бўлмиш ўқув фанларини имкон қадар умумлаштириш йўлидан бориш лозим. Шунинг учун ҳам мустақил Ўзбекистоннинг янгиланган ўқув режаларида таълимнинг асосий етти тармоғи белгиланган бўлиб, ўқув фанлари миқдорини заруратга қараб ўзгариб туриши кўзда тутилган. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг алоҳида жиҳатларини ҳисобга олиш ҳам Д.нинг асосий тамойилларидан саналади. У ўқитиш жараёнини ҳар бир ўқувчига хос хусусиятларни кўзда тутган ҳолда ташкил қилишни тақозо этади. Маълумки, ҳар қандай шахс муайян географик муҳитда шаклланади. Унинг табиатида ўша муҳитга хос жиҳатлар муҳрланган бўлади. Шунинг учун ҳам ўқитиш жараёнида миллатга хос қавий хусусиятларни ҳисобга олиш тамойили ҳам Д.нинг зарур талабларидан биридир. ЎзРнинг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да мазкур тамойилга алоҳида эътибор қаратилган. Тарбиянинг устуворлиги ҳам бугунги ўзбек Д.сининг асосий тамойилларидан саналади. Комил шахсни тарбиялаш ҳар қандай таълим муассасасининг асосий вазифасига айланди. Маънавиятни шакллантириш мақсад даражасига кўтарилган шароитда тарбияга устувор мақом берилиши табиийдир. Миллий Д. ўқувчиларни таълим жараёнининг иштирокчиларигина эмас, балки ижрочилари деб қарашни ҳам кўзда тутади. Таълим ўқувчиларнинг ички эҳтиёжига айланмаса, улар бу жараёнда фаол иштирок этмасалар, ҳеч қандай ижобий самарага эришиб бўлмайди.

Д. таълим усуллари муаммосини ҳам қамраб олади. Ўқитувчи бирор предмет бўйича ўқувчиларнинг тизимли билим олишини таъминлаш мақсади сари интилар экан, маълум ишларнинг бажарилиш намунасини кўрсатади. Айни вақтда, у таълимнинг барча босқичларида ўқувчининг фаоллиги ва мустақиллигини таъминлайди. Ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида тажриба ва кузатувлари асосида янги билимларни ўзлаштиради. Уларга чуқур ва мустақил ўзлаштиришлари, ўрганган билимларини амалиётда ижодий қўллашлари учун махсус топшириқлар берилади.

Қозоқбой Йўлдошев.

Ад.: Каримов И., Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори, Т., 1997; Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавҳалар, Т.: 1996; Ҳошимов К., Нишонова С., Иномова М., Педагогика тарихи, Т., 1996; Ўзбекистон мутафаккирлари таълим-тарбия ҳақида, Т., 1995; Йўлдошев Ж., Мустақил Ўзбекистон таълими, Т., 1997.

ДИДГОРИ ЖАНГИ — Тбилиси яқинидаги Дидгори қишлоғи яқинида Довуд «Қурувчи» бошчилигидаги грузин лашкари б-н *салжуқийлар* қўшини ўртасида содир бўлган жанг (1121 й. 15 авг.). Грузинлар бу жангда ғолиб чиқанлар, Грузия салжуқийлар ҳукмронлигидан халос бўлган.


ДИДОДЕКАЭДР — 24 қиррали кристаллографик шакл (қ. *Кристаллографик сингонияла*р).

ДИДРО (Diderot) Дени (1713.5.10, Лангр — 1784.31.7, Париж) — француз файласуфи, ёзувчиси, маърифатпарвари. 1751—80 й.ларда «Энциклопедия ёки фан, санъат ва касб-ҳунарларнинг изоҳли луғати» (1—35-жилдлар)нинг асосчиси ва муҳаррири. Фалсафий ва бадиий асарлар яратди. «Кўрлар ҳақида кўзи очиқларга ўгитнома» (1749), «Табиатни тушунтиришга оид фикрлар» (1754), «Д' Аламбер туши» (1769), «Материя ва ҳаракатнинг фалсафий принциплари» (1770) асарларида маърифатли монархия тарафдори бўлгани учун абсолютизмни, христиан дини ва черковини аёвсиз танқид қилди, *сенсуализм*га таянган ҳолда материалистик ғояларни ҳимоя этди. Д. барча мавжудотга материянинг турли шакллари сифатида қаради. Унинг фикрича, материя сифат жиҳатдан турлича, ундаги ўз-ўзидан ҳаракат, ривожланиш манбаи жуд. Д.нинг адабиётдаги роли реализм учун кураши б-н белгиланиб («Фатанинг бу кураши тасвирий санъат ҳақидаги («Салонлар», 1759—81) ва театр тўғрисидаги («Актёр тўғрисида парадокс», 1773—78) танқидий асарларида ҳам ифодаланган. Д. халқ таълими тўғрисидаги асарларида пед.нинг жуда кўп муаммоларини (халқ таълими тизими, ўқитиш услублари ва ҳ. к.) баён этган. У халқ таълимининг давлат тизими лойиҳасини тузган, ёппасига бепул бошланғич таълим қоидаларини, таълим ҳамма табақа учун бир хил бўлишини ҳимоя қилган. Ночорларнинг болаларига давлат томонидан моддий ёрдам кўрсатилиши зарур, деб ҳисоблаган. Физика-мат. ва табиий фанлар муҳимлигини уқтирган. Яхши дарслик-лар тузиш, бу ишга йирик олимларни жалб қилиш ҳақида ёзган. Ўрта мактабларда йилига 4 марта очиқ имтиҳонлар ўтказиш, ўқитувчиликка танлов эълон қилишни мақсадга мувофиқ деб билган.



ДИЕГО-ГАРСИЯ — Ҳинд океанининг Чагос архипелагидаги атолл, Буюк Британия мулки. Майд. 25 км² (баъзи маълумотларга кўра 36 км²). Балиқ овланади, копра экспорт қилинади. АҚШ ҳарбий денгиз базаси бор.

ДИЕН СИНТЕЗИ — қўшбоғлари ораланган диен углеводород (диен) ларнинг 1,4 углерод атомига тўйинмаган бирикмалар бириктириш реакцияси. Д.с. натижасида бошланғич диеннинг иккинчи ва учинчи углерод атомлари ўртасида қўшбоғ бўлган олти аъзоли циклли бирикмалар вужудга келади. Мас., бутадиен -1,3 (I) б-н малеин ангидрид (II)дан тетрагидрофтал ангидрид (III) олиш реакцияси:



Диен вазифасини гетероциклик бирикмалар, мас., фуран бажариши мумкин. Д. с. 1928 й.да органик-кимёгарлар О. Дильс ва К. Альдерлар томонидан кашф этилган. Д. с. ёрдамида бошқа усуллар б-н олиниши қийин бўлган полициклик бирикмалар (мас., стероидлар, D витамин), инсектицидлар ва б. моддалар синтез қилинади.

ДИЕН УГЛЕВОДОРОДЛАР, диенлар, диолефинлар — икки ката қўшбоғли тўйинмаган углеводородлар. Д. у. молекуласидаги қўшбоғларнинг ўзаро жойлашувига қараб уч хил бўлади: 1) айрим қўшбоғли Д. у., мас., пентадиен -1,4; кимёвий хоссалари жиҳатдан олефинларга ўхшайди; 2) зич (кумуляцияланган) қўшбоғли Д. у., алленлар синфи шулардан иборат; 3) қўшбоғлари ораланган (оддий боғ воситали) Д. у. Д. у. этилен қатори углеводородларининг барча хоссаларини намоён қилади. Д. у. олишнинг умумий усуллари: гликоллар ва тўйинмаган спиртлар дегидратацияси, икки атомли галоид бирикмалардан галоген водородлар тортиб олиш реакцияси ва б. Д. у. полимамолар, синтетик каучук ва б. и. ч.да асосий хом ашёдир.

ДИЕТА (юн. diaita — ҳаёт йўсини, овқатланиш режими) — овқатнинг миқдори, таркиби, хоссалари, тайёрлаш (пиширш) усуллари, уни қанча ва неча маҳал истеъмол қилишга доир махсус режим (қ. *Парҳез*).

ДИЕТОЛОГИЯ (*диета* ва *...логия*), диететика — хаста ва соғлом одамларнинг мақбул овқатланиши тўғрисидаги таълимот. Турли касалликларга чалинган беморларнинг овқатланиш тарзини ишлаб чиқади ва асослаб беради (қ. *Парҳез билан даволаш*). Д. овқатнинг кимёвий таркиби, овқатланиш тартиби, уни истеъмол қилиш вақти, ҳажми, овқатланишлар орасидаги вақт ва б.ни ўз ичига олади.

Д. тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. *Гиппократ* ўз даврида беморни даволаш касалликнинг турли босқичларида у қанча ва қандай овқат ейишини тўғри танлай билишдан иборат деб таъкидлаган. Ўша даврда Д.нинг асосчиларидан ҳисобланган рим врачи Асклепиад (мил. ав. 128—50 йиллар) *парҳез* тўғри танлангандагина дори-дармон яхши кор қилиши ва нафи бўлишини айтиб ўтган. У ўз шогирдлари б-н турли хасталикларни даволашда овқат маҳсулотларидан тўғри фойдалана билиш кўрсатмаларини ишлаб чиққан. Рим врачи *Гален* беморларнинг овқати масаллиқларига алоҳида аҳамият берган. Замонавий Д. даволаш амалиётида фология ва б.да эришилган энг янги усул ва кашфиётлардан фойдаланади. Ўзбекистонда ҳам Д. кенг ўрганила бошланди; 1- ва 2-ТошТИ ва б. тиббиёт ин-тларида Д. фан сифатида ўқитилади, шунингдек, Д. кафедралари мавжуд. У ерда диетолог врач, ўрта махсус тиббиёт ўқув юртларида эса диет ҳамширалар тайёрланади ёки шу ин-тларни тамомлаган мутахассислар врачлар малакасини ошириш ин-тлари ва Д. марказларида Д.га ихтисослаштирилади. Д.ни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Диетология маркази (1955). Бу марказ маҳаллий маҳсулотлардан миллий таомлар тайёрлашнинг янги технологиясини тадбиқ қилиш ва парҳезлаштириш устида илмий изланишлар олиб боради. Диетология марказининг бир бўлими — вазнни камайтириш масалалари б-н шуғулланади. Инфекцион касалликлар, сил, операциядан кейинги ҳолатларда организмнинг касалликларга қаршилик кучини ошириш ва б.да асосий даводан ташқари, ранг-баранг парҳез овқатлар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўллаш Д. олдида турган муҳим муаммолардан биридир.

Шерзод Зокирхўжаев, Азиза Зокирова.

ДИЕТОТЕРАПИЯ (*диета*... ва *терапия*) — ҳар хил касалликларни махсус *парҳез билан даволаш* усули.

ДИЁРБАКИР — Туркия жан.-шарқидаги шаҳар, Диёрбакир элининг маъмурий маркази. Дажла дарёси соҳилида. Аҳолиси 448,3 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Транспорт йўллари тугуни. Тўқимачилик, электр машинасозлиги, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Ҳунармандчилик ривожланган. Д.дан шим.-ғарбда мис ва хром рудалари олинади.

ДИЖОН — Франция шим.даги шаҳар. Кот-д'Ор департаментининг маъмурий маркази. Ўрта асрларда Бургундия тарихий вилоятининг бош шаҳри ва иқтисодий маркази бўлган. Аҳолиси 153,8 минг киши (1999, шаҳар атрофи б-н 200 минг киши). Транспорт йўллари тугуни. Бургундия канали соҳилидаги порт. Машинасозлик, кимё, пойабзал, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Д.да машҳур Бургундия виноси тайёрланади. Аҳоли гулчилик б-н ҳам шуғулланади. Ун-т (1722), бадиий музейлар бор. 10—18-а.ларга оид кўплаб меъморий ёдгорликлар: Сен-Бенин собори, Сен-Филибер роман черкови, Нотр-Дам готика черкови, Бургундия герцоглари саройи ва б. сақланган. Шаҳар сифатида 1183 й.дан маълум.

ДИЗ... (лот dis...) — ясама сўзлар таркибий қисми: қийинчиликни, бузилишни, парокандаликни, бўлинишни, йўқотишни англатадиган сўзларнинг олд (унли ҳарфлардан олдин қўйиладиган) қўшимчаси (*дизартрия*, дизассоциация). Ундош ҳарфдан олдин *дис*... ёзилади.

ДИЗ (суғдча) — қўрғон, қалъа. Мас., Оҳанин диз — Темир қўрғон, мустаҳкам қўрғон. *«Девону луғотит турк»*да ёзилишича, «тажиз — баланд ер, форслар шаҳарларини шу сўздан «диз» шаклида ўзгартириб олганлар». Эрон ва Ўрта Осиёдаги *«Дизак»* топонимлари «қўрғонча», «қалъача» маъносини билдиради.

ДИЗАЖИО, дисажио (итал. disaggio — мушкуллик, қийинчилик) — 1) қимматли қоғозларнинг нархи пасайган бозор курси б-н уларнинг номинали ўртасида фарқ. Одатда, фоизларда ифодаланади; 2) қимматли қоғозлар биржа курсининг номиналидан пасайиб кетиши; 3) нақд бўлган товар нархи б-н унинг муддатли келишув бўйича сотилиши ўртасидаги манфий фарқ.

ДИЗАЙН (инг. design — лойиҳа, чизма, расм) — нарсалар муҳитини эстетик ва функционал сифатларини шакллантириш мақсадига қаратилган лойиҳалаш фаолияти турларини ифодаловчи термин. Д. фаолияти таркибига кенг

истеъмол буюмлари, машина, дастгоҳ, кийим, реклама ва ўров материаллари, и. ч., жамоат ва турар жой биноларини жиҳозлаш, мебель ва б. киради. Д. 20-а. бошларида юзага келиб, 30-й.ларда махсус фаолият тури сифатида Ғарбий Европа ва АҚШда шаклланди. 80-й. 2-ярмидан Д.нинг фаолият доираси кенгайди. Дизайнерлар рассом сезгиси б-н бирга илмий фанлар (мас., материалшунослик, рангшунослик ва б.)га таянади, и. ч. жараёни ва шароитлари, социология ва б. билимларга эга бўлиши лозим. Д. соҳасидаги мутахассислар махсус олий ўқув юртларида тайёрланади. Жумладан, Камолиддин Беҳзод номидаги *Миллий рассомлик ва дизайн институти*да ҳам интерьерлар ва саноат графикаси, либос Д. бўйича мутахассислар тайёрланади.

ДИЗАК — *Жиззах* ш.нинг ўрта аср тарихий манбаларида юритилган номи. «Кичик қалъа» мазмунини беради. 10-а.да Д. Фақнон рустоқининг тексликда жойлашган шаҳри бўлиб, катталиги жиҳатдан *Уструшона*нинг 3-шаҳри бўлган (Панжикент ва Зоминдан кейин). Д. ислом ғозийлари тўпланадиган ер сифатида машҳур бўлиб, улар учун бу ерда кўплаб меҳмонхона ва работлар қурилган. Д.дан бир фарсах (6—7 км) узоқликда *Афшин* томонидан қурилган Худойсар работи манбаларда қайд этиб ўтилган.


ДИЗАРТРИЯ (*диз...* ва юн. arthroo — бурро-бурро гапираман) — товуш чиқаришда иштирок этадиган мускуллар фаолиятининг бузилиши натижасида ноаниқ, ғулдираб гапириш. Д. узунчоқ миядаги IX, X ва XII жуфт нервлар ядросининг зарарланганлигидан далолат беради. Мия қон томири касалликлари, энцефалитнинг баъзи хили, мия пояси, кўпинча узунчоқ мия, мия пўстлоғи ости тугунлари ва миячанинг зарарланиши сабаб бўлади. Давоси: Д.ни келтириб чиқарган асосий касаллик бартараф қилинади.

ДИЗЕЛЬ (Diesel) Рудольф (1858.18.3, Париж — 1913.29.9, Ла-Манш) — немис ихтирочиси. Мюнхендаги Олий политехника мактабини битирган (1878). Ёнилғининг сиқилган ҳавога пуркалишидан алангаланадиган *ички ёнув двигатели* (дизель)ни яратган. Д. ўз двигатели учун 1892 й.да патент олган. Бу б-н Д. идеал *Карно цикли*га яқин бўлган циклда ишлайдиган ички ёнув двигателини яратиш ғоясини илгари сурди; бунда тоза ҳавони 25 Мн/м² (250 кг·куч/см²)гача сиқиб энг юқори т-рага эришди. Бир қадар такомиллаштирилганидан кейин (1897) двигатель арзон ёнилғи (нефть маҳсулоти) б-н пухта ишлайдиган ва транспортда кенг қўлланиладиган бўлиб қолди.

ДИЗЕЛЬ — оғир ёнилғи (*дизель ёнилғиси*)нинг сиқилган ҳавога пуркалишидан алангаланадиган *ички ёнув двигатели*. Д. цилиндрида алангаланиш поршень ёрдамида қисиб юқори т-рагача қиздирилган тоза ҳавога ёнилғи пуркалганда содир бўлади. Немис кашфиётчиси Р. *Дизель* ясаган. Д. энг тежамли *иссиқлик двигателлари* қаторига киради. Д. ёниш камерасининг турлилишига кўра аҳралмайдиган камерали, уюрма камерали, олд камерали хилларга бўлинади. Д. автомобиллар, тракторлар, кемалар, тепловозлар, электр ст-лар (*дизель электр станцияси*) ва б.га ўрнатилади. Д.нинг қуввати 30000 кВт дан ортиқ бўлади (яна қ. *Двигатель*).

ДИЗЕЛЬ ЁНИЛҒИСИ — нефтдан олинадиган суюқ ёнилғи; қисилишдан алангаланадиган *ички ёнув двигатели (дизель)*да ишлатилади. Уч гуруҳга бўлинади: 1) тезюрар транспорт двигателлари ва стационар двигателлар (айланиш сони минутига 1000 ва ундан ортиқ) учун мўлжалланган қовушоқлиги паст дистиллят ёнилғи; 2) кўп куч тушадиган стационар двигателлар ва кема двигателлари (айланиш сони минутига 600 дан 1000 гача) учун мўлжалланган қовушоқлиги ўртача дистиллят ёнилғи (соляр мойи); 3) секин айланадиган двигателлар — стационар ва кема двигателлари (айланиш сони минутига 600 гача) учун мўлжалланган қовушоқлиги юқори, оғир фракцияли ёнилғи. Д. ё.нинг энг муҳим хоссаларидан бири ўз-ўзидан алангаланиш т-расидир; унинг қандай ёниши т-рага боғлиқ. Ёнилғи сифати ундаги *цетан сони* (ўз-ўзидан қанчалик тез алангаланиши)га боғлиқ. Унинг ўз-ўзидан алангаланишини осонлаштириш ва тўла ёнишига эришиш учун тегишли кимёвий таркибга эга бўлган хом ашё танлаб олинади. Д. ё. сифати хом ашёнинг яхши тозаланишига ҳам боғлиқ бўлади. Турли иқлим шароитлари учун қотиш т-раси, фракция таркиби ва б. кўрсаткичлари б-н фарқ қиладиган (ўта совуқ жойларга мўлжалланган, қишки ва ёзги) ёнилғи хиллари бор.

ДИЗЕЛЬ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ (ДЭС) — *дизель* двигатели б-н ҳаракатланувчи, бир ёки бир неча электр токи генератори б-н жиҳозланган энергетик қурилма. Муқим (стационар) ва кўчма хиллари бўлади. Муқим ДЭС га 110, 120, 330, 440, 735 кВт ва ундан



Автоматлаштирилган стационар дизель-электр агрегати.

ортиқ қувватли тўрт тактли (баъзан, икки тактли) дизель ўрнатилади. Ўрта қувватли муқим ДЭС қуввати 750 кВт дан ошмайди, катта ДЭС эса 220 кВт гача ва ундан ортиқ қувватли қилиб қурилади. Қўчма ДЭС қ.х., ўрмон хўжалиги, геологик-қидирув экспедициялари ва б.да куч ва ёритиш тармоқларини электр б-н таъминлайдиган резерв манба сифатида, транспорт (дизель-электровоз, дизель-электроход ва б.) да асосий энергетик қурилма сифатида қўлланилади. Қуввати 10 кВт гача бўлган ДЭС бир ўқли автомобиль тиркамасига ўрнатиб ишлатилади. ДЭС нинг афзаллиги: тежамли, турғун ишлайди, енгил, тез ишга туширилади. ДЭС электр узатиш линияларидан узоқдаги жойларни, шунингдек, буғ-куч ва сув-куч қурилмалари қуриб бўлмайдиган ҳудудларни электр токи б-н таъминлашга мўлжалланган.

ДИЗЕЛЬ-ПОЕЗД — икки ёки ундан ортиқ мотор (дизель-двигатель)ли вагон ва бир неча тиркама вагонлардан иборат поезд. Моторли вагонлар, одатда, поезднинг олдида ёки орқасида бўлади. Двигателлар бир жойдан бошқарилади. Д-п. темир йўлнинг электрлаштирилмаган қисмида, шаҳар атрофида қатнашга мўлжалланган.

ДИЗЕНТЕРИЯ (*диз...* ва юн. enteron — ичак), ичбуруғ — йўғон ичакнинг зарарланиши (бот-бот ич кетиши ва қориннинг бураб оғриши) ва организмнинг заҳарланиши (бўшашиш, ҳолдан тойиш, бош оғриғи, ҳарорат кўтарилиши, кўнгил айниши, баъзан қайт қилиш) б-н кечадиган ўткир инфекцион касаллик. Бутун ер юзида учрайди. Одамларда учрайдиган Д. қўзғатувчисининг турига қараб, бактериал Д. б-н *амёбиаз* фарқ қилинади.

Бактериал Д. микроблари таёқчасимон бўлиб, бир неча тури бор; бу турларни кашф этган олимлар номи б-н Григорьев-Шига, Шмитц-Штуцер, Флекснер, Зонне ва ҳ. к. бактериялари деб аталади. Григорьев-Шига бактериялари фарқ қилиб, кучли токсин чиқаради (бу микроб қўзғатган касаллик оғирроқ ўтади). Флекснер ва Зонне бактериялари қўзғатган ҳоллар кўпроқ кузатилади (улар қўзғатган касаллик енгилроқ ўтади); Шмитц-Штуцер бактериялари жуда кам учрайди.

Д. бактериялари бемор ахлати б-н ташқи муҳитга чиқади. Касалликдан соғайган баъзи кишилар ҳам Д. бактерияларини узоқ вақт чиқариб туради. Беморни парвариш қилаётган кишилар, шунингдек, бактерия ташувчиларнинг ювуқсиз қўли ва пашша орқали Д. микроблари сув, мева, сабзавот, сут ва овқатга ўтиши мумкин. Уларда Д. микроблари бир неча кундан 2—3 ойгача сақлана олади. Соғлом одам Д. бактериялари б-н ифлосланган сув, мева, сабзавот, овқатни истеъмол қилганда касаллик юқади.

Озодалик қоидаларига риоя қилмаслик (ҳожатхона, ошхоналарнинг ифлос бўлиши, пашшани йўқотмаслик, қўлни тозалаб ювмаслик ва ш. к.) Д.нинг тарқалишига сабаб бўлади. Д. йил бўйи учраб туради, аммо иссиқ фаслда (июнь — окт.) пашша кўпайиши, сув кўп ичилиши, мева-сабзавотни ювмай ейиш натижасида Д. б-н касалланиш кўпаяди. Д.га ҳамма мойил, лекин ёш болалар, кексалар ва иммунитети пасайган кишиларда кўпроқ кузатилади. Д. бактериялари йўғон ичакда кўпаяди ва айни вақтда ичакни яллиғлантириб, бутун организмда моддалар алмашинувига путур етказади. Уларнинг йўғон ичакда ҳосил қиладиган заҳари (токсини) ичак шиллиқ пардасига ўзига хос таъсир кўрсатади (яллиғлантиради, яра ҳосил қилади ва ҳ. к.), бутун организмни заҳарлайди (интоксикация).

Касаллик юққач, 3—4 кунлик яширин (инкубацион) даврдан кейин қорин бураб оғрийди, тез-тез ич кетади. Аввал ич суюқ келиб, кейин қон б-н шилимшиқ аралаш (ялқуғ) бўлади. Бир кеча-кундузда 10—15 мартагача ҳожатхонага бориш Д.га хос белгидир. Бемор т-раси касалликнинг фақат дастлабки кунларида салгина кўтарилади. Қорин дапқир-дапқир бураб оғрийди, тўғри ичак тортишиб-қисқариб оғритади (тенезм), айни вақтда тез-тез ич келиши, сохта «ҳожат бўлиши» беморнинг аҳволини оғирлаштиради. Ич кетиши туфайли кўп суюқлик йўқолиши натижасида бемор тез озади, кўзи киртайиб қолади, териси қуришади, кўл-оёғи совқотади, иштаҳаси йўқолади, қаттиқ чанқайди. Умумий аҳволи мушкуллашади.

Касаллик асоратсиз ўтганда 6—7-куни ич кетиши камаяди, ахлатда ялқуғ йўқолади, қорин оғриги босилади, бемор иштаҳага киради. Д. бир неча кундан (енгил хили) 3—4 ҳафтагача давом этади. Касаллик қўзиши (қайталаниши) ҳам мумкин. Асосан, ёш болалар б-н кексаларда Д. оғир ўтади. Авитаминоз, нимжонлик, ўта чарчаш ва ш. к. Д.нинг чўзилишига (сурункали Д.га) сабаб бўлади. Д.нинг бу хили ойлаб чўзилади, вақт-вақти б-н зўриқиб туради. У сўнгги йилларда кам учрамоқда. Сурункали Д. б-н оғриган беморлардан теварак-атрофдагиларга касаллик юқиши мумкин. Ёш болаларда Д. ўзига хос ўтади: ичакнинг яллиғланишидан кўра умумий интоксикация яққол кўзга ташланади. Юқорида айтилган белгилардан ташқари, ахлатни лаб.да текшириш, йўғон ичак пастки қисмининг шиллиқ қаватини кўздан кечириш (колонофиброскопия, ректороманоскопия) ва бактериологик текшириш асосида Д. аниқланади. Бемор касалхонада даволангани маъқул. Д. б-н оғриб ўтган кишида қолдиган иммунитет узоқ давом этмайди. Д.ни даволашда дорилардан ташқари, парҳезнинг аҳамияти бор.

Д.нинг олдини олиш учун аҳоли яшайдиган жойларни тоза тутиш, озиқ-овқат корхоналари, сув тармоқлари устидан санитария назоратини кучайтириш, пашшани йўқотиш, шахсий гигиена қоидаларига жиддий риоя қилиш, мева-сабзавотни тоза сувга обдан ювиб ейиш керак ва ҳ. к. Аҳолини, айниқса қишлоқ жойларида, тоза ичимлик сув б-н таъминлаш нафақат Д., балки барча ўткир ичак касалликларининг олдини олишда муҳим ижтимоий тадбир ҳисобланади. Болаларни ёшлигидан покизаликка одатлантириш лозим.

Касаллик бемордан атрофидагиларга осон юқиши, Григорьев-Шига бактериялари қўзғатадиган Д. оғир кечишини эътиборга олиб, беморни иложи борича касалхонага ётқизиб даволаган маъқул.

Ҳайвонлардан қўзи ва чўчқаларда учрайдиган ўткир инфекцион касаллик. Асосан 3—5 кунлик қўзиларда ичакнинг геморрагик яллиғланиши ва ич кетиши б-н кузатилади. Қўйларда Д.ни Clostridium perfrindens В. турига мансуб спирохета қўзғатади. Касаллик соғлом ва касал ҳайвонлар биргаликда сақланганда алиментар йўл б-н юқади. Д. қўзилатиш мавсуми — баҳорда авж олади. Касал ҳайвонларнинг қон аралаш ичи кетади, иштаҳаси йўқолиб, озиб қолади. Касалликнинг ўткир шаклида қўзилар бир неча соат ичида нобуд бўлади. Енгилроқ кечганда қўзи кўпроқ ётади, эммай қўяди, тана ҳарорати 41° гача кўтарилади. Кескин ориқлаган қўзилар нобуд бўлади. Қўзиларни сифатсиз озиқлантириш, гигиена қоидаларига амал қилмаслик ҳам касалликнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.


Даволаш: гипреиммун зардоб, норсульфазол (1%) ва б. антибиотиклар буюрилади.

Олдини олиш: зоогигиена, ветеринария-санитария қоидаларига амал қилиш, сифатли озиқлантириш, тозаликка риоя қилиш, касалланган ҳайвонлар 6—10% ли хлорли оҳак, 5% ли креолин б-н дезинфекция қилинади. Бўғоз қўйлар қўзилашидан 20—30 кун илгари бир марта, 10—20 кун қолганда иккинчи марта эмланади. Қўзилар туғилиши б-н дастлабки соатларда Д.га қарши қўлланиладиган махсус зардоб юборилади (тери остига).

Ад.: Мусабоев И. Қ., Дизентерия, Т., 1960; Маҳмудов О. С., Болаларнинг юқумли касалликлари, Т., 1995.

Шоҳосир Шоваҳобов, Аҳрор Рўзимуродов.

ДИЗЕНТЕРИЯ АМЁБАСИ (Entamoeba histolytica) — амёбалар туркумига мансуб бир ҳужайрали паразит ҳайвон. Рус олими Ф. А. Леш 1875 й. кашф этган. Кўп ҳолларда амёба цистаси одам йўғон ичагидаги ахлатда кўпаяди, лекин ичак эпителийсига зиён етказмайди. Бундай ҳолларда одам *дизентерия* б-н оғримасдан амёба цистасини ташувчи ҳисобланади. Бу амёбанинг ичак бўшлиғида яшайдиган шакли бўлиб, уз. 20 мкм га етади. Д. а.нинг сохта оёқлари бошқа амёбаларникига нисбатан анча калта ва йўғон; ядроси юмалоқ; эндоплазмасида ютилган бир неча бактерия бўлиши мумкин. Ичак бўшлиғида Д. а. қобиққа ўралиб, шарсимон цистага айланади. Етилган цистанинг ядроси 4 та; етилмаганларида 1—2 ёки 3 та бўлади. Цисталар ахлат б-н ташқи муҳитга чиқади; у ердан озиқ-овқат ёки қайнатилмаган сув б-н яна одам ичагига ўтади, ривожланиб метациста (8 та ёш амёбали) ҳолатини ўтиб, ичак бўшлиғида



Дизентерия амёбаси: *а* — ичак бўшлиғида яшайдиган хили; *б* — цистаси (4 ядроли); *в* — эритроцитларни ютган катта вегетатив хили (эритрофаг).

яшайдиган шаклини ҳосил қилади. Айрим ҳолларда ичак бўшлиғидан унинг эпителийси ҳужайраларига кириб кўпайиб, яра ҳосил қилади *(амёбиаз)*. Д. а.нинг тўқимада яшайдиган бу шаклининг катталиги 25 мкм га етади; унинг цитоплазмасида ҳеч қандай киритмалар бўлмайди. Ичак ярасидан чиқадиган шилимшиқ, йиринг ва қон аҳлат б-н аралашиб кетади. Бундай ҳолларда ичак бўшлиғидаги яралан чиққан амёбалар йириклашиб эритроцитларни ютадиган бўлиб қолади, амёбанинг эритрофаг, яъни катта вегетатив шакли пайдо бўлади. Эритрофаг ахлат б-н ташқи муҳитга чиққанида 15—20 мин.дан сўнг нобуд бўлади. Амёбиазнинг ўткир даври сусайганда эритрофаг кичрайиб, ичак бўшлиғида яшайдиган шаклга, сўнгра цистага айланади. Цистали ахлат касаллик юқадиган манба ҳисобланади. Цисталар сувда ва нам тупроқда бир ой ва ундан кўпроқ тирик қолади. Д. а. б-н зарарланган одам ичагидан бир кеча-кундузда ташқи муҳитга 300 млн., баъзи 600 млн.гача циста чиқиши мумкин.

ДИЗПУЛ — Эроннинг жан.-ғарбидаги шаҳар. Диз дарёсининг сўл соҳилида. Ҳузистон вилояти таркибида. Аҳолиси 202,6 минг киши (1997). Д. ёнидан халқаро т. й. ва нефть қувури ўтган. Шоли оқлаш, пахта тозалаш ва консерва з-длари, терига ишлов бериш корхоналари бор. Ҳунармандчилик (гилам тўқиш ва б.) ривожланган. Тери ва жун маҳсулотлари б-н савдо қилинади. Дарёга 22 равоқли кўприк-тўғон қурилган (7-а.). Шаҳар номи ҳам шундан.

ДИЗРАЭЛИ (Disraeli) Бенжамин, граф Биконсфилд (1804.21.12 — Лондон — 1881.19.4) — Буюк Британия бош вазири (1868 ва 1874—80), Консерваторлар партиясининг раҳбари; ёзувчи. 1852, 1858—59, 1866—68 й.ларда молия вазири. Д. ҳукумати мустамлака-босқинчилик сиёсатини олиб борган (1878 й. Кипрни босиб олган, Миср-ни эгаллаб олиш учун замин ҳозирлаган). «Конингсби» (1844), «Сибилла ёки Икки миллат» (1845) каби сиёсий романларида социал зиддиятларни юмшатишда аристократияга етакчи ўрин ажратган.

ДИЗУРИЯ (*диз...* ва юн. uron — сийдик) — сийдик чиқаришнинг бузилиши, сийдикнинг тез-тез, оғриқ б-н келиши. *Цистит*, *уретрит*, *простата бези аденомаси* ва б. касалликлар белгиси.

ДИККЕНС (Dickens) Чарльз (1812.7.2, Лендпорт — 1870.9.6, Хейдсхилл) — инглиз ёзувчиси. Адабий фаолияти 1833 й.да бошланган. Меҳнаткаш халқнинг оғир аҳволи Д. асарларининг бош мавзуси бўлган. Д. танқидий реализм услубининг асосчиларидан ҳисобланади. Ҳажвий-сентиментал руҳда ёзилган «Пиквик клубининг ўлмидан кейинги ёзишмалари» (1837), «Оливер Твистнинг саргузаштлари» (1838), «Николас Никлби» (1839) романлари Д.ни дунёга машҳур қилди. 19-а. 40—50-й.лари Д. ижоди гуллаган давр бўлди. «Мартин Чезлвит» (1844) романида Америка воқелигидаги салбий томонлар тасвирланган. «Домби ва ўғли» (1848) романида инсонлик қиёфасини йўқотган, манмансираган инглиз бойваччалари ҳажв тиғи остига олинган. Таржимаи ҳол йўсинидаги «Давид Копперфилд» (1850) романида эса ўша замоннинг ижтимоий зиддиятлари кўрсатилган. Д. асарларида, умуман оддий кишилар қиёфаси зўр маҳорат б-н акс этади. 1848 й. Англияда чартистлар (йўқсуллар) ҳаракати мағлубиятга учраган даврда Д. долзарб ижтимоий муаммоларни қаламга олди («Совуқ уй», 1853; «Машаққатли замон», 1854; «Жажжи Доррит», 1857 ва б.). Булар орасида, айниқса, «Машаққатли замон» романи алоҳида аҳамиятга эга.



«Икки шаҳарча тўғрисида қисса» (1859), «Интизорлик» (1861), «Бизнинг умумий дўстимиз» (1865) каби романларида эса Д. жамиятни ижтимоий инқироздан олиб чиқиш йўлларини башорат қилади. Ўзбекистонда 1950-й.лардан ўрин олган. Ўзбекистонда 1950-й.лардан (Е. Живаев, А. Ярулис, Б. Сметанов, С. Петляр ва б.) Д. гуруҳлари маълум.

ДИКТАНТ (лот. dicto — айтиб турибўлган ва мамлакат ичида давлат учун катта хавф туғилган, жуда мушкул фавқулодда вазиятлар юзага келган пайтларда тайинланган. Д. айни бир вақтда олий фуқаролик, ҳарбий ва суд ҳокимиятига эга бўлган. Қонун чиқарувчи ҳокимият ҳам Д.нинг кўлида бўлган, у ўзига қарши қаратилган ҳар қандай, ҳатто қонуний хатти-ҳаракатлардан ҳам қўрқмаган. Д.лик лавозимига аввал фақат *патрицийлар*, мил. ав. 356 й.дан эса *плебейлар* ҳам қўйилган. Мил. ав. 1-а.да муддатсиз диктатура ҳам бўлган (мас. Сулла, Цезарь ва б.нинг диктатураси); 2) чекланмаган ҳокимиятга эга бўлган якка ҳукмрон ҳокими мутлақ; 3) кўчма маънода — ўз хоҳиш-иродасини бошқаларга мажбуран қабул қилдирувчи шахс.

ДИКТАТУРА (лот. dictatura — чекланмаган ҳокимият) — давлат ҳокимиятини нодемократик усуллар б-н амалга ошириш тизимини ифодаловчи тушунча, авторитар ёки тоталитар режим (қ. *Авторитаризм*, *Тоталитаризм*). Д.га асосланган сиёсий режимда ҳокимият бир шахс — *диктатор* ёки бир неча шахсларнинг қўлида марказлашади, сиёсатда зўравонлик ва террор кучаяди. Д. ўрнатилганлиги диктаторлик ҳокимиятининг чекланмаганлиги ва назоратсизлиги, конституция эълон қилган демократик ҳуқуқлар ва эркинликлар топталиши, вакиллик органларининг ҳуқуқлари чекланиши б-н ажралиб туради. Ҳокимият тўғридан-тўғри зўравонликка таянади. Одатда, йирик ижтимоий гуруҳлар Д.ни ифода этувчи куч сифатида намоён бўлса ҳам, у бир шахс ёки бир гуруҳ шахсларда мужассамлашади (Қад. Римда ҳарбий бошлиқлар Д.си ва триумвиратлар, мутлақ монархлар, ҳоз. авторитар тузумлар, хунталар ва ҳ. к.). Тарихга кўра, бирон-бир давлатда Д. ўрнатилиши, одатда, ички ўзаро кураш гоят кескин тус олган даврлар б-н боғлиқ бўлган (мас., Испанияда Франко Д.си, нацистлар Германиясида фашистлар Д.си, собиқ шўролар даврида Сталин Д.си ва б.).

ДИКТИОКАУЛЁЗ — ўтхўр ҳайвонларда учрайдиган инвазион касаллик. Касалликни бронх ва трахеяларда паразитлик қиладиган Dyctyocaulidae оиласига мансуб нематодалар қўзғатади. Касаллик қорамол, қўй, эчки, туя ва б. ҳайвонлар ўртасида кенг тарқалган. Д. деярли кўпчилик чорва боқиладиган минтақаларда учрайди. Гельминтлар оралиқ хўжайин иштирокисиз ривожланади. Ҳайвонлар сув, ўт б-н личинкаларни ютиб зарарланади. Ичакка тушган личинкалар лимфа йўли бўйлаб ҳаракатланиб, қонга ўтади, ундан ўпкага боради. Бу паразит ҳайвон организмида 1—1,5 ойда вояга етади. Қорамоллар организмида 1,5 ойдан 2 йилгача яшайди. Касал ҳайвонлар ичи кетади, ҳарорати 39,5—41° гача кўтарилади.

Даволаш: нильверм, мебендазол, дитразин дивезид, локсуран, йоднинг сувдаги эритмаси; антигельминтлар б-н дегельминтизация қилинади. Олдини олиш: яйлов алмаштирилади, сув манбалари тартибга солинади. Кўйларга яйловда боқиш даврида фенотиазин-туз аралашмаси ёки фенотиазин аралаш емга қўшиб берилади.

ДИКТОР (лот. dictor — сўзловчи) — радио ва телевидениеда микрофон олдида, телекамера қаршисида тайёр матнни ўқувчи шахс. Д. хушовоз бўлиши, дикцияси кучли ва тил нормаларини пухта билиши зарур. Д.ликка нутқи, овози, қобилиятига қараб тантанлов йўли б-н қабул қилинади. Ўзбекистонда Д.лик касб сифатида 1924 й. ажралиб чиқди ва ривож топа бошлади. Д.лик санъатининг такомиллашуви ва тажрибанинг ошиб бориши натижасида Д. ижросининг характери (оғзаки нутққа яқинлашув, гапиришда катта эркинлик, дадиллик ва б.) ҳам ўзгара борди.

Мустақилликдан сўнг Ўзбекистонда Д.лик санъати алоҳида тус олди. Д.ларнинг матнга қарамай эркин, шу б-н бирга жуда чиройли ва равон тилда гапириши кўзга ташланади. Ҳозирда турли мавзудаги эшиттиришларни Д.лар б-н бир қаторда журналистлар ва б. касб эгалари ҳам жуда қизиқарли ва ҳар бири ўзига хос тарзда олиб боришмоқдалар. Мирқодир Мақсумов, Туйғуной Юнусхўжаева, Ўктам Жобиров, Насиба Иброҳимова, Насиба Қамбарова, Галина Мельникова, Раҳматилла Мирзаев, Баҳри Соатқулова, Раъно Жўраева, Қодир Тожиев, Мирзоҳид Раҳимов каби Д.лар танилган.


Кинода — фильм матнини ўқиб, воқеани шарҳловчи киши. Одатда, экранда кўринмайди, фақат нутқи кинотасмага ёзиб олинади. Кўпинча муаллиф матни Д.га ишониб топширилади. Баъзан кинооператор, реж., сценарий муаллифининг ўзи ҳам Д.лик қилади. («Тожихон б-н учрашувлар», «Тошкентда бир қиз яшайди» фильмлари ва б.). О. *Хўжаев*, Р. *Ҳамроев*, С. Саидов, А. *Рафиқов* каби актёрларнинг кинодаги Д.лик фаолияти алоҳида аҳамиятга моликдир.

Моҳина Аширова.

ДИКТОФОН (лот. dicto — айтиб турaман ва ... *фон*) — товушни лента ва пластинкага автоматик тарзда ёзиб оладиган ва қайта эшиттирадиган аппарат. Тузилиши *магнитофон*га ўхшайди. Унда товушни бир текликда ёзиб олиб, қайта эшиттиришда тезликни машинкада ёзиб улгура оладиган даражада камайтириш мумкин. Д.нинг ихчам (портатив) хили батарея ва ўзгарувчан ток б-н ишлайди, чўнтакда олиб юрса бўлади. Д. хизматга оид хатларни, мажлисларда нотиқларнинг нутқини, маърузаларни ёзиб олиш ва б. мақсадларда ишлатилади.


ДИКЦИЯ (лот. dictio — талаффуз) — сўзларни аниқ, равшан талаффуз этиш, сўзлаш усули. Нутқ маданиятининг асосини ташкил этади. Актёрлик санъатида, шунингдек, хонанда, диктор, нотиқ, ўқитувчилар учун муҳим аҳамиятга эга.

ДИЛА — 1) эшик чорчўпи орасидаги тахтача; 2) безак санъатида яратиладиган нақш мужассамоти. Тўғри тўртбурчак ёки мурабба ҳошия ичига ишланади. Жумладан бағдоди эшик табақаларида чорчўп орасига ишланади: бунда эшик табақасининг ўртасида тўғри тўртбурчак, юқори ва қуйи қисмида мурабба тахтага нақш (гириҳ) ишланиб чорчўпга ўрнатилади (нақш мужассамоти ишланган тахтанинг атрофи 3—4 см кенгликда 1—2 см юпқароқ қилиниб чорчўп б-н михсиз бириктирилади).



Дилали эшик (Қ. Ҳайдаров. 1974).

ДИЛАТОМЕТР (лот. dilato — кенгайтираман ва ...*метр*) — иссиқлик, босим, электр ва магнит майдони, ионловчи нурланиш ва ҳ. к. таъсирида жисм ўлчамларининг ўзгаришини ўлчайдиган асбоб. Жисм ўлчамларининг мутлақ ўзгаришига сезгирлиги Д.нинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Д.нинг оптик-механик, сиғимли, индукцион, рентген, радиорезонанс ва б. хиллари



Оптик-механик дилатометр схемаси:
1 — текшириладиган намуна; *2* — шток; *3* — қисқич; *4* — валикка маҳкамланган кўзгу; *5* ва *6* — қисқични тортувчи магнит; *7* — ёруглик манбаи; *8* — кўриш трубаси.

мавжуд. Оптик-механик Д. ёруғлик нури ёрдамида жисм ўлчамининг ўзгаришини ўлчайди. Сиғимли Д.да жисм ўлчами ўзгариши б-н конденсатор сиғими ўзгаради. Барча Д.лар олдиндан калибрланган бўлади. Д. б-н суюқ ёки газсимон моддаларнинг ҳажмий ўзгариши ҳам аниқланади. Д. кимё саноатида, техника, физика ва б.да кўп ишлатилади.

ДИЛАТОМЕТРИЯ (лот. dilato — кенгайтираман ва *...метрия*) — физиканинг жисмлар ўлчамлари ўзгаришининг ташқи таъсирлар (т-ра, босим, электр ва магнит майдонлар, ионловчи нурланиш ва б.)га боғлиқлигини ўрганувчи бўлими. Д. асосан жисмнинг иссиқликдан кенгайишини ва уларнинг турли аномалияларини ўрганади. Д. мақсадлари учун ишлатиладиган асбобга *дилатометр* дейилади. Д. усулларидан физика ва материяшунослик да моддаларнинг хоссаларини ўрганишда фойдаланилади, техникада металлар ва уларнинг қотишмалари, шиша, пластмасса, қурилиш материаллари ҳажмининг ўзгариш хусусиятларини ўрганиш ва янги материаллар яратишга ёрдам беради.

ДИЛБАРЖИН — қад. шаҳар харобаси (мил. ав. 5 — мил. 4-а.). Афғонистоннинг Балх ш.дан 40 км шим.-ғарбда жойлашган. Юнон-Бақтрия ва Кушон подшоликлари даврида равнақ топган. Совет-Афғон экспедицияси қазиш ишлари олиб борган (1970—78). Харобa тўртбурчак шаклда, мудофаа девори (умумий уз. 1,5 км, қалинлиги 3,5 м) б-н ўралган. Бир неча буржи, 4 дарвозаси, атрофи хандақли бўлган. Шаҳар марказида 20 м бал.да алоҳида мудофаа девори (уз. 600 м) б-н ўралган шоҳ саройи жойлашган, унинг бир дарвозаси бўлиб атрофи хандақ б-н ўралган. Шаҳар ҳудудида будда ибодатхонаси, деворий расмлар б-н безатилган йирик бино, хумдон, мудофаа деворлари харобалари текширилган. Д.даги бинолар ҳашаматли қилиб безатилган. Бир хона деворига отга суяниб турган шахсларнинг тўқ-қизил, сариқ, кўк, бинафша, жигарранг расмлари (бал. 2,13 м) ишланган. Бошқа хонада ҳўкиз миниб турган ҳинд худолари Шива ва Парвати расмлари тасвирланган. Яна бир хонанинг деворида тик турган 12 киши ва қўлларида қадаҳ ушлаб ўтирган икки қатор шахслар тасвири ишланган, тасвирларнинг бошлари орасига қад. ҳиндбраҳма ёзуви битилган. Расмлар Ҳиндистоннинг қад. санъатига тақлид қилиб ишланган бўлса-да, *Болаликтепа* ва Панжикент деворий расмларига жуда ўхшашдир. Д.дан, шунингдек, сопол идишлар, мис тангалар, юнон ёзуви битилган тош бўлаги ҳам топилган.

Ад.: Кругликова И. Т., Пугаченкова Г. А., Дильберджин, М., 1977; Древняя Бактрия, М., 1984.

ДИЛЕММА (*du...* ва юн. lemma — асос, ҳукм) — 1) мантиқда — шартли 2 ҳукмдан ва 2 ҳалли бир ҳукмдан чиқарилган хулоса, бунда иккала ҳал ҳам ё шартли ҳукмларнинг сабаблари (конструктив Д.), ёки улардан чиқарилган хулосаларнинг инкори (деструктив Д.) демакдир; 2) кўчма маънода ноҳуш имкониятдан бирини танлаб олишга мажбур бўлиш.

ДИЛЕР (инг. dealer — савдогар, агент) — 1) қимматли қоғозлар, валюталар, қимматбаҳо металлар ва б. олди-сотдисини, биржа операцияларини ўз номидан ва шахсий маблағлари ҳисобига амалга оширувчи фонд биржаси аъзоси, жисмоний ёки юридик шахс; 2) маҳсулотни улгуржи (кўтара) сотиб олиб, уни чакана йўл б-н ёки кичик партияларда фойдасига сотувчи бизнес иштирокчиси, жисмоний ёки юридик шахс. Одатда, бундай агентлар маҳсулот ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг дилерлик тармоқларида фаолият юритади.

ДИЛЕТАНТ (лот. delecto — роҳатланираман, завқлантираман сўзидан) — фан ёки мусиқа, рассомлик, меъморлик каби санъат турларининг бирор соҳаси б-н изчил қизиқиб шуғулланган, лекин шу соҳанинг профессионал мутахассиси бўлмаган шахс, маълум маънода — ҳаваскор. Баъзи (Италия каби) давлатларда Д.нинг махсус уюшма (жамият)лари мавжуд.

ДИЛИ — Тимор о.даги шаҳар, Шарқий Тиморнинг маъмурий маркази. Аҳолиси 60 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Парфюмерия, кулолчилик буюмлари, кофега ишлов бериш корхоналари бор. Йирик порт; четга копра, кофе, каучук, пахта, жун, тери ва б. чиқарилади.

ДИЛИ КАБУТАР, каптар юраги — кечпишар хўраки узум нави. Тупи ўртача ва кучли ўсади. Гули икки жинсли. Барги катта, беш бўлакли, кўп кертикли, арра тишли, тўқ яшил, чети сал юқорига қайрилган. Узум боши катта (бўйи 22 см гача), цилиндрсимон, шингиллари ҳовол, оғирлиги 280—300 г, баъзилари 500—600 г. Ғужуми йирик, тухум шаклида, кўкимтир-новвотранг, эти қалин, мазали, карсиллайди, пўстининг қалинлиги ўртача. Д. к. номи нав ғужумининг каптар юрагига ўхшашлиги сабабли юзага келган. Сент. да пишади. Таркибида 20—24% қанд, 3,5—5% кислота бор. Гектаридан 110—150 ц ҳосил беради. Совуққа, қурғоқчиликка чидамсиз. Андижон, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида, Тожикистонда ўстирилади.

ДИЛНОЗ — эртапишар тарвуз нави. Ўзбекистон сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик и. т. ин-тида Днепропетровский. Мраморний ва Огонёк навларини дурагайлаш йўли б-н чиқарилган (Р. Ҳакимов, С. Кўчқоров, 1990). Д. ўртача палакланади, асосий палаги узун. Барги ўртача, ингичка, кулранг-яшил, барг асосида уйма барглари бир-бирига тегиб туради. Тарвузи думалоқ, деярли қора, тўрсиз, ингичка, узун кўринмайдиган тарамлари бор. Огирлиги 3,5—4 кг. Пўсти қалинлиги ўртача, қаттиқ. Эти ёркин қизил, майин, ширадор. Меваси тархибида умумий қанд миқдори 7,6%, С витамини 7,3 мг% га боради. Уруғи майда, 1000 та уруғининг огирлиги 50—55 г. Уруғи униб чиққанидан кейин меваси 85—90 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 300 ц/га дан юқори. 1994 й.дан Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экилади (қ. *Тарвуз*).

ДИЛОР, бета дигидрогетахлор ($C_{10}H_7Cl_7$) — экинларни зараркунандаларидан ҳимоя қилишда ҳашаротлардан ҳимоя қилишда қўлланиладиган кимёвий препарат (ичдан таъсир қиладиган инсектицид). Ним сарғиш тусли, 80% ли хўлланувчи кристалл кукун ҳолида ишлаб чиқарилади. Хлорорганик препаратларга чидами бўлмаган кўсак қуртига, беда ва қанд лавлагида узунтумшуқ қўнғизларга, сабзавотчиликда колорадо қўнғизига қарши қўлланилади. Вегетация даврида пуркалади. Сўнгги ишлов картошка ҳосилини йиғишдан 20 сутка, қанд лавлаги, сабзавотлар, пахта теримидан камида 30 кун илгари ўтказилади.

ДИЛРАБО, дилрубоб — торли камонли мусиқа чолғуси. Ҳозирда 4 асосий, 17 қўшимча садо бериб турадиган торлари, 17—20 металл *пардалари* бўлиб, хроматик товушқаторга эга. Асосан, Афғонистонда кенг тарқалган, Ҳиндистонда ҳам учрайди. 30-й.ларгача Бухорода баъзи ғижжакчилар томонидан ишлатилган.

«ДИЛХИРОЖ», Дилхарош (форс.-дилни тирновчи) — ўзбек ва тожик халқларининг мумтоз рақс куйи. Бошқа оҳанги ривожланиши жараёнида *пешрав* услуби етакчи ўрин тутади. Д.нинг оммабоп яллаларга яқин тутади. Д.нинг ҳам мавжуд бўлиб, Тожикистонда «Сийнахуруш» деб юритилади. Лад ва куй-оҳанг асослари *Бузрук* мақоми йўлларига яқин. Д. ривожининг юқори қисмида «Зебо пари» авжи ишлатилган.

ДИЛШОД ОТИН, Барно, Дилшоди Барно (тахаллуслари; асл исм-шарифи Дилшод Раҳимқул сўфи қизи), (1800, Ўратепа — 1905/06, Қўқон) — шоира, маърифатпарвар. Отасидан савод ўрганган. Мактабдорлик қилган — хотин-қизларга хат-савод ўргатган. *Анбар Отин* Д. О. нинг иқтидорли талабаларидан бўлган. Д. О. *газал, мухаммас, масаддас, чистон* ва б. б-н бирга хотираномалар ҳам яратган. Унинг 91 та ўзбекча ва 51 та тожикча шеъри, «Тарихи муҳожирон» («Муҳожирлар тарихи») бадиий-тарихий асарининг ўзбекча ва тожикча 3 қўлёзма нусхаси («Тазкираи Барно», «Сабот ул-башар маа тарихи муҳожирон» — «Инсон матонати ва муҳожирлар тарихи», «Мунтахаб ал-ашъори Барно» — «Барнонинг танланган шеърлари») бизгача етиб келган. Буларда ўзаро урушлар, халқнинг турмуш шароити ва бошқа ижтимоий-сиёсий воқеалар ўз ифодасини топган. Туркистонни чор Россияси босиб олишига бўлган муносабатда шоира замондошларидан илгарилаб, бу ҳодисанинг барча оқибатларини тўғри тушунган. Шу жиҳатдан Д. О. шеърияти халқ тақдирининг бадиий йилномаси даражасига кўтарилди. Шу б-н бирга шоира бахтиёр замон, яхши кунлар келишини ишонди («Бу жабру зулмат албат мутонликларни дўст-иноқ яшашга ундади («Халойиқ, борсангиз...», «Тарихи муҳосара» ва б.). Д. О. лирикасида муҳаббат ва садоқат мавзуи, ватан ва инсон озодлиги масаласи уйғунлашиб кетган («Сочим сунбул деюрлар...», «Фалакда сузувчи ой...» ва б.).

Д. О.нинг «Тарихи муҳожирон» асарида 19-а. Қўқон хонлигидаги тарихий, ижтимоий-сиёсий воқеалар акс этган. Аёлларни маърифатли, эркин, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари бўлишга чорлаган. Шунингдек, асарда Ўратепа ва Қўқонда яшаган 30 дан ортиқ шоир ва шоиралар ижоди ҳақида маълумот келтирилган. Д. О. асарлари қўлёзмаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади (инв. № 1207). Асарлари ўзбек ва тожик тилларида нашр қилинган.

Ас.: Танланган асарлар, Т., 1972; Зебунисо, Дилшод ва Анбар Отин шеъриятидан, Т., 1981.

Ад.: Кодирова М., Дилшод, Т., 1971.

Бегали Қосимов.

ДИЛШОД ОҒО БЕГИМ (? — 1383) — *Амир Темур*нинг хотинларидан бири. Амир Темур 1374 й. Жета (Мўғулистон) ҳукмдори *Қамариддинга* қарши қўшин тортиб, рақибини таъқиб этиб Учфартон ва Отбоши орқали шарқдан Фарғона водийсига кирганда, ўғли Жаҳонгир Мирзо Қамариддиннинг лашкарбошиси Шамсуддинбекнинг хотини Буён оға ва қизи Дилшод оғони асир туширib отаси ўрдугоҳи (Арпа мавзеи)га келтирган. Амир Темур Д. о. б.га майл билдириб унга уйланган. Д. о. б. Амир Темурнинг ҳарбий сафарларида унга доимо ҳамроҳ бўлган. Амир Темур Хуросондаги Хабушон ш. (ҳоз. Кучон)ни эгаллаган пайтда (1383) Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, «...Маҳди улё Дилшод оғоға марази пайдо бўлиб, Самарқанд сори йибардилар... Тўнғуз йилида, етти юз сексон бешда (1383 й. ёзи) ҳазрат соҳибқироннинг ҳарам муҳтарами Дилшод оғо вафот бўлди» («Зафарнома», Т., 1997, 98-б.). Д. о. б.дан фарзанд бор-йўқлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ.

ДИЛЬС Отто Пауль Герман (1876.23.1, Гамбург — 1954.7.3) — немис органик-кимёгари. Берлин (1906 й.дан) ва Кильск ун-ти проф. (1916 й.дан). Д. селен ёрдамида органик бирикмаларнинг углерод панжараларини ўзгартирмасдан дегидрирлаш усулини таклиф қилган; холестерин ва б. стеринларни дегидрирлаган (1927). К. Альдер б-н ҳамкорликда *диен синтези* усулини топган ва унинг ёрдамида турли синфларга мансуб кўп сонли органик бирикмаларни олган. Нобель мукофоти лауреати (1950. Альдерс б-н ҳамкорликда).

ДИМЕДРОЛ, алледриал, аллерган, диабенил — асосий антигистамин дори (қ. *Гистаминга қарши дорилар*). Рецепторлар сезувчанлигини сусайтиради; тинчлантирувчи ва ухлатувчи таъсирга ҳам эга. Аллергик касалликлар, шунингдек, марказий нерв системасининг айрим касалликларини даволашда ишлатилади.

ДИМЕТИЛАМИН, $(CH_3)_2NH$ — алифатик қаторнинг иккиламчи амини. Қўланса ҳидли рангсиз газ; совитилганда рангсиз суюқликка айланади; суюқланиш т-раси — 92,2°, қайнаш т-раси 6,9°. Сувда ва органик эритувчиларда эрийди, кислоталар б-н кристалл тузлар ҳосил қилади, ацилланади, алкилланади ва ҳ. к. Д. оқсил моддалар чиришганда ҳосил бўлади; саноатда метил спирт б-н аммиакдан, шунингдек, формальдегид б-н аммоний хлориддан олинади. Органик синтезда шифобахш дорилар (дикаин, аминазин ва б.,), ракета ёқилғиси (диаметилгидразин) ва ҳ. к. таёрлашда қўлланилади.

ДИМЕТИЛАНИЛИН, $C_6H_5N(CH_3)_2$ — учламчи ароматик амин. Мол. м.121. Рангсиз суюқлик, ҳавода оксидланиб, қўнғир рангга киради. Қайнаш т-раси 192,5—193,5°, суюқланиш т-раси 2,5°. Сувда деярли эримайди, органик эритувчиларда эрийди. Д. саноат миқёсида анилин б-н метил спиртдан (сульфат кислота иштирокида) олинади. Д. бўёқлар (малахит кўки) синтезида, рангли фотографияда ва портловчи моддалар (мас., тетрил) и. ч.да кенг қўлланилади.

ДИМЕТИЛГИДРАЗИН, $C_2H_8N_2$ — ўткир ҳидли, рангсиз тиниқ суюқлик. Мол. м. 60,10. Иккита изомери маълум: симметрик Д. — $CH_3NH—NHCH_3$ ва асимметрик Д. $(CH_3)_2N—NH_2$. Амалий аҳамиятлиси — асимметрик Д. суюқланиш т-раси —57,2°, қайнаш т-раси 63°, зичлиги 791,1 кг/м³, гигроскопик, кучли асос. Сув ва органик эритувчилар б-н ҳар қандай нисбатда аралашади. Ҳавода секин оксидланади, 270° да ўз-ўзидан алангаланади; жуда заҳарли. Д. диметиламинни кислотали муҳитда ишқорий металлар нитритлари б-н нитролаб, ҳосил бўлган диметилнитрозоаминни палладий ёки платина катализаторлигида водород б-н қайтариб ёки диметиламинга ишқор иштирокида монохлорамин таъсир эттириб олинади. Асимметрик Д. ракета ёқилғилари компоненти сифатида қўлланилади.

Симметрик Д.нинг қайнаш т-раси 81°, зичлиги 827,4 кг/м³. Гидразинни ациллаб, ҳосил бўлган диацилгидразидни диметильсульфат б-н метиллаб олинади.

ДИМЕТИЛКЕТОН — органик бирикма; *ацетон*нинг иккинчи номи.

ДИМЕТИЛФОРМАМИД, чумоли кислота диметиламиди, $HCON(CH_3)_2$ — ўзига хос ҳидли рангсиз суюқлик. Мол. м. 73,09. Суюқланиш т-раси — 61°, қайнаш т-раси 153°, зичлиги 944,5 кг/м³ (25°); сув, спирт, ацетон, эфир, бензол, углерод сульфид (CS_2)га аралашади. Саноатда чумоли кислотани диметиламин б-н конденсатлаш, метилформиат аминозолини диметиламин б-н 80—120° т-ра ва 0,1—0,4 МПа босимда конденсатлаш, метиламинни 100—150° т-ра ва 2,5—20 МПа босимда CH_3ONa иштирокида метанолда карбонлаш усуллари б-н олинади. Нефть пиролизи газлари аралашмаларидан ацетилен ва диен углеводородларни ажратиб олишда, полиакрил толалар (цитрон, орлон ва б.), тасмалар, лок-бўёқ материаллар, тери, қоғоз, ёғоч, вискоза тола ва б. материаллар и. ч.да эритувчи сифатида қўлланилади.

ДИМЛАМА — димлаб тайёрланадиган таом. Гўшт ёки балиқ, турли сабзавот ва баъзи мевалардан пиширилади. Д. хушхўр, енгил ҳазм бўлади, чунки димлаш усули б-н тайёрланган таом таркибидаги фойдали моддалар (витаминлар, минерал ва қанд моддалари, хушбўй ҳид ва маза берувчи экстрактив моддалар) сақланиб қолади. Д.нинг бир неча турлари бор: гўшт Д., балиқ Д., ошқовоқ Д., беҳи Д., сабзавот Д. ва б. Гўшт Д., — гўшти ва думба лўндалўнда қилиб тўғралади, суяклар ҳам 2—3 см узунликда чопилади, сўнгра майда тўғралган пиёз, туз ва зиравор б-н қориштирилади. Қиздирилган қозонга аввал ёғ, кейин суяк, сўнгра тўғралган гўшт қават-қават қилиб солинади. Ҳар қаватига дафна япроғи, туйилган мурч, укроп солинади, буғ ҳосил бўлиши учун озроқ сув қуйилади ва қопқоғи жипс ёпилиб, атрофига сочиқ ўраб қўйилади. 40 мин. давомида пиширилади. Гўшти ликопларда, сардаги пиёлаларда дастурхонга тортилади. Ошқовоқ Д. — ошқовоқ пўчоқ ва уруғдан тозаланади, катта-кичиклиги гугурт қутисидек қилиб тўғралади, сўнгра юзига туз сепиб сариёғда бир оз қовурилади-да, устидан суюқроқ қаймоқ қуйиб, димлаб қўйилади, суст оловда 30 мин. давомида пиширилади.

Ад.: Маҳмудов К., Меҳмоннома, Т., 1989.

ДИМО Николай Александрович (1873.30.11, Оргеев — 1959.15.3, Кишинёв) — тупроқшунос олим, ВАСХНИЛ акад. (1948), Молдавияда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1946). Новоалександрия қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик ин-тини тугатган (1902). САГУ (ҳоз. Ўзбекистон миллий ун-ти) ва Кишинёв ун-тини ташкил этишда қатнашган; Ўрта Осиё тупроқшунослик ва геоботаника и. т. ин-тига (1920—31), Молдавия ФА Тупроқшунослик ин-тига раҳбарлик қилган (1957—59). 1945 й.дан Кишинёв ун-ти проф., тупроқшунослик кафедраси мудири. Д.нинг илмий ишлари тупроқ геог.си, уларнинг шўрланиши, биол. си, физикасига; Россия Европа қисми марказий ҳудудлари, Ўрта Осиё, Закавказье ва Молдавия тупроқ мелиорациясини ўрганишга бағишланган. Д. раҳбарлигида Сирдарё ва Амударё оралиғидаги тупроқ қоплами тадқиқ этилди, Ўрта Осиёнинг дастлабки тупроқ харитаси тузилди.

ДИМОРФИЗМ (*ди...* ва юн. morphe — шакл) — бир турга мансуб организмларда морфо-физиологик белгилари б-н бир-биридан кескин фарқ қиладиган шаклларнинг мавжуд бўлиши. Д. мавсумий, жинсий ва экологик бўлади. Мавсумий Д. — бир турга мансуб индивидларнинг бир-биридан мавсумий фарқ қилишидир. Мас., ола қанотли капалак тухумларидан баҳорда қанотлари 28—32 мм бўлган қизғишсариқ, ёзда эса қанотлари 30—35 мм бўлган қора-жигарранг капалаклар чиқади. Жинсий Д. ҳайвонлар орасида кенг тарқалган, мас., эркаклари б-н ургочиларининг катта-кичиклиги, ранги, ташқи кўринишида фарқ бўлади (товуқ б-н хўроз). Экологик Д. — яшаш шароитига биноан юз берадиган ўзгаришлар. Д. насл алмашинишида ҳам кузатилади. Мас., сальпларнинг якка ва колония бўлиб яшайдиган шакллари, паразит чувалчангларнинг жинсий ва жинссиз насллари бўлади. Ўсимликларда бир тур индивидлари орасида ташқи кўриниши б-н фарқ қиладиган индивидлар учрайди. Мас., наша ўсимлигихил тузилган.

ДИМОҒ — 1) ҳалқумнинг юқори бўлими, бурун ичи; анатомияда нотўғри тўртбурчак шаклидаги юпқа суяк (vomer) Д. суяги деб аталади; 2) сўз бирикмаларида мағрурлик, гердайганликни (мас., димоғи баланд, димоғдор) ёки хушкайфиятни (мас., димоғи чоғ) билдирувчи ибора.

ДИН (араб. — эътиқод, ишонч, итоат) — худо ёки худолар, ғайритабиий кучлар мавжудлигига ишониш. Д. муайян таълимотлар, ҳис-туйғулар, тоат-ибодатлар ва диний ташкилотларнинг фаолиятлари орқали намоён бўладиган, олам, ҳаёт яратилишини тасаввур қилишнинг алоҳида тарзи, уни идрок этишнинг ўзига хос усули. Д.нинг пайдо бўлиши ҳақида ягона фикр йўқ. Ислом дини таълимотига кўра, Д. — Аллоҳ томонидан ўз пайғамбарлари орқали башарият оламига жорий этилажаги зарур бўлган илоҳий қонунлардир. Таълимотга кўра, Д. — Аллоҳ инсонга тўғри, ҳақиқий ҳаёт йўлини кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий қудратга ишончни ифода этадиган таълимотдир.

Д. дунё, инсон, мавжудотларнинг келиб чиқиши, инсоннинг яшашдан мақсади каби саволларга ўзича жавоб беради. Дунёвий илм нуқтаи назаридан Д. тининг маълум босқичида пайдо бўлган ижтимоий онг шаклларидан бири. Бу дунёқараш жамиятнинг маълум тарихий давр ва шароитларидаги талаблари, эҳтиёжлари асосида шаклланади. Улуғ мутафаккир Абу Наср *Форобий* Д.га фалсафа б-н бир қаторда ҳақиқатга етишишнинг 2 мустақил усулидан бири сифатида қараган. Форобийнинг фикрича, фалсафадаги масалалар ботини пайғамбарлар рамзлар шаклида баён қилганлар. Д.га турлича ёндошишни *Беруний, Ибн Сино,* Умар Хайём нинг ижтимоий-фалсафий қарашларида, Ибн Рушднинг *икки ҳақиқат назариясида* кузатиш мумкин. 18-а. француз файласуфларининг Д.га бўлган ўзига хос ендашувлари, 19-а.да мифологик мактаб (ака-ука Я. Грим ва В. Грим, М. Мюллер), антропологик мактаб (Л. Фейербах) ва б. турли йўналишлар пайдо бўлган бўлса, 20-а.да Д.ни тадқиқ қилиш юзасидан яна бошқача қараш ва назариялар (К. Юнг, Э. Дюркхейм) вужудга келди.

Д.нинг нима эканлиги турлича изоҳланса-да, умуман олганда Д. — ишончнинг туйғусидир. Бундай туйғуси бўлмаган халқ йўқ. Чунки бирон-бир халқ Д.сиз, эътиқодсиз, бирон-бир нарсага ишончсиз яшай олмайди. Д. инсониятнинг энг теран, энг гўзал маънавий-руҳий эҳтиёжларидан биридир. Инсоният тарихида Д. турли шаклларда намоён бўлган. Д.нинг дастлабки кўринишлари *фетишизм, тотемизм, анимизм, сеҳргарлик* ва б.дир. Шунингдек, уруғ-қабила Д.лари, миллий Д.лар (*иудаизм, ҳиндуийлик, синтоизм, даосизм, конфуцийчилик*), жаҳон Д.лари (*буддизм, христианлик, ислом*) вужудга келган. Д. аввалига кўпхудолик (политеистик), сўнгра яккахудолик (монотеистик) кўринишида бўлган. Ҳар бир Д. диний дунёқараш, диний маросим, диний туйғу ва сиғиниш объектларини ўз ичига олади. Ҳар қандай жамият да Д. маълум ижтимоий, маънавий ва руҳий вазифаларни бажаради. Унинг ижтимоий ҳаётга таъсири кучлидир. Ҳар бир Д. диндорларини ўз таълимоти доирасида сақлашга ҳаракат қилади, ўз қавмлари учун тасалли берувчи, овутувчилик вазифасини ўтайди. Д.лар ўз маросим ва байрамларининг қавмлари томонидан қатъий тартибга амал қилган ҳолда бажарилишини шарт қилиб қўяди, шунингдек, ўз қавмларининг бирлигини, жамият ва шахснинг ўзаро алоқада бўлишини таъминлашга интилади. Д. инсонга яшашдан мақсад, ҳаёт мазмуни, бу дунё ва у дунё мақсадларига ўз муносабатини билдириб туради. У умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб, ҳулқ-атвор қоидасига айлантиради (қ. *Ахлоқ*). Маданият ривожига катта таъсир кўрсатиб, умуминсоний ва миллий қадриятларни сақлаб қолиш ва миллий қадриятларга етказиш ишига ёрдам беради.

Д. инсоннинг ишончли ҳамроҳи, одамзот ҳаётининг бир қисми бўлиб келган. Унга турли даврда турлича муносабатда бўлинган. Д.ни жамиятнинг ҳукмрон кучлари давлат сиёсати даражасига кўтарган ёки Д. ҳамда диндорларни аёвсиз таъқиб остига олган ҳоллар тарихда кўп учрайди. Яқин ўтмишда — шўролар даврида Д.ни камситиш ва унга қарши кураш сиёсати олиб борилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Д. маданий-маънавий омиллар умумий силсиласига кирувчи тенг ҳуқуқли қадрият сифатида тан олинди ва Д.га тўла эркинлик берилди. Диний жамоалар, ташкилотларга қонун доирасида очиқ ва дахлсиз фаолият кўрсатиш имконияти яратилди. Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми ислом динига, европалик аҳоли христианликнинг православие мазҳабига эътиқод қилади. Улар б-н бир қаторда католик, протестант, бошқа мазҳаб (жами 15 дан ортиқ конфессия) вакиллари яшайди. Улар ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш, сиёсий-ижтимоий барқарорликни таъминлаш йўлида фаолият юритмоқдалар.

Ўзбекистон дунёвий давлат бўлиб, Д. давлатдан ажратилган. Виждон эркинлигининг кафолатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда (1998) баён этилган. Ўзбекистонда Д. ва диний дунёқараш дунёвий турмуш тарзи, дунёвий фикр б-н ёнма-ён ривожланиб келмоқда.

Шоиста Шоабдураҳимова, Муҳаммаджон Қодиров.

ДИНА (юн. dynamis — куч) — СГС бирликлар тизимида куч бирлиги. Қисқача дин б-н белгиланади. 1 г массали жисмга 1 см/с² тезланиш бера оладиган куч 1 дин га тенг бўлади. 1 дин=1 г·см/с²= $=10^{-5}$ Н=1,02·10^{-6} кг·к.

ДИНАМИК — электр тебранишларни товушга тебранишларига (товушга) айлантириб берадиган асбоб (қ. *Радиокарнай*).

ДИНАМИК ГЕОЛОГИЯ — геол. фанининг бир соҳаси. Ер устки қисми ва қаърида бўладиган геологик жараёнларнинг келиб чиқишини ўрганади. *Эндоген жараёнлар* ва *экзоген жараёнларга* бўлинади. Эндоген жараёнларнинг асосий энергия манбаи Ернинг ички иссиқлиги ва гравитация, экзоген жараёнлариники — гравитация ва Қуёш энергиясидан ташкил топган. Д. г. Ер қуррасидаги барча геологик жараёнлар ва ҳодисаларнинг бир-бири б-н узвий боғлиқлигини, уларнинг узлуксиз ўзгариб туриши ва ривожланишини ўрганади. Эндоген ва экзоген жараёнлар қонуниятларини ва уларнинг оқибатларини ўрганиш, турли фойдали қазилма бойликларни қидириш, тупроқ эрозияси, кўчки, сурилмалар ва кулашларни ўрганишда аҳамиятли.

ДИНАМИК ДАСТУРЛАШ (программалаш) — математиканинг кўп босқичли энг мақбул (оптимал) бошқаришга оид масалалар назарияси ва уларни ечиш усулларини ўрганувчи бўлими. Бу ерда дастурлаш (программалаш) тушунчаси «режалаштириш», «қарор қабул қилиш», яъни «бир қарорга келиш» маъноларида ҳам қўлланилади. Айтайлик, бирор *m* босқичли жараён *x* ўзгарувчи б-н шу жараённинг ўзгариши *y* бошқарув параметри б-н бошқарилсин. Агар *x* нинг бошлангич қиймати x_0, *k*-босқичдаги қиймати x_k, *y* ники эса y_k бўлса, Д. д.нинг асосий масаласи шу жараён б-н боғлиқ бирор *F* миқдор (мас., тезлик, чидамлилик, сарф бўладиган вақт, харажат, даромад)ни энг катта ёки энг кичик қийматга эришадиган қилиб *y* нинг y_1, y_2, ..., y_m қийматларини танлашдан иборат. Шу шартни қаноатлантирувчи y_k лар оптимал бошқарув, x_k лар оптимал жараён дейилади. Одатда *x* нинг ўзгариши, яъни x_k нинг қиймати аввалги x_{k-1} б-н y_k га боғлиқ: $x_k=x_k(x_{k-1}, y_k)$, *F* эса $\sum_{k=1}^{m} \varphi_k(x_{k-1}, y_k)$ кўринишда бўлиб, унинг энг катта қиймати изланади. Д. д.да бу хилдаги кўп босқичли масала бир неча бир босқичли масалага, яъни кўп аргументли функциянинг экстремумини топишга келтирилади. Бу усул биринчи марта америкалик математик Р. Беллман таърифлаган оптималлик принципига асосланади: агар *k* — босқичдан бошлаб y_k, y_{k+1}, ..., y_m оптимал бўлса, (*k*+1)-босқичдан y_{k+1}, ..., y_{k+2}, ..., y_m ҳам оптимал бўлади. Бу принцип Д. д.нинг асосий масаласини охиридан бошлаб ечишга имкон беради. Д. д. чекли босқичли жараёнлардан ташқари, узлуксиз давом этадиган жараёнлар учун ҳам ишлаб чиқилган. У техника, космик парвозлар, халқ хўжалигини режалаштиришнинг турли масалаларида энг мақбул ечимлар топишга имкон беради. Д. д. усули электрон ҳисоблаш машиналари, компьютерлар ёрдамида татбиқ қилинади.

ДИНАМИК МЕТЕОРОЛОГИЯ — умумий *метеорология*нинг бир бўлими, атмосферада содир бўладиган динамик ва термодинамик жараёнларни назарий жиҳатдан ўрганиш, об-ҳавони олдиндан айтиб беришнинг гидродинамик усулларини ишлаб чиқиш ва б. б-н шуғулланади. Д. м.нинг асосий вазифаси атмосфера жараёнларини прогнозлашдан иборат (атмосферада шамол ўзгариши тенгламаси, турли тўлқинлар ҳаракати, босимни ҳисоблаш, ЭҲМ ёрдамида маълум муддатда шамол, ҳарорат, босимни баҳолаш кабилар). Д. м.нинг муҳим амалий вазифаси об-ҳаво элементлари (т-ра, шамол тезлиги, булут, ёғинлар ва б.)га оид маълумотларни олдиндан ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишдир. Атмосферадаги радиацион, электр ва физика жараёнларини ўрганиш ҳам Д. м. вазифасига киради (қ. *Метеорология*). Ўзбекистонда Д. м.нинг асосчилари В. И. Губин, Е. М. Козик ва Н. Н. Романовлар ҳисобланади. Д. м.нинг келажакда ривожланиши атмосфера ҳолатини кузатиш нуқталарини кўпайтириш, Ернинг сунъий йўлдошларидан олинадиган маълумотлардан, янги электрон техникадан фойдаланишга боғлиқ бўлиб, физика, кимё, кибернетика фанлари ютуқларига ҳам асосланади.

Ҳамидулла Абдуллаев.

ДИНАМИКА (юн. dynamis — куч) — *механика*нинг жисмлар механик ҳаракатини уларга таъсир қиладиган кучлар б-н боғлаб ўрганадиган бўлими. Д.да *статика*даги мураккаб кучлар системасини содда ҳолга келтириш қонуниятларидан ва *кинематика*даги ҳаракатни ифодалаш усулларидан кенг фойдаланилади. Д.нинг бевосита вазифаси берилган (қўйилган) кучлар бўйича ҳаракатни аниқлаш, агар ҳаракат маълум бўлса, жисмга қўйилган кучларни топишдан иборат. Одатда, Д. деганда ёруғлик тезлигидан анча кичик тезликда ҳаракатланаётган ҳар қандай моддий жисмнинг ҳаракатини ўрганадиган анъанавий (классик) Д. тушунилади.

Ўрганиладиган объектнинг хоссаларига қараб: 1) моддий нуқта ва моддий нуқталар системаси Д.си; 2) қаттиқ жисм Д.си; 3) ўзгарувчан массали жисм Д.си; 4) эластик ёки пластик деформацияланадиган жисм Д.си; 5) суюқлик ва газ Д.си (мас., *гидродинамика, аэродинамика, газ динамикаси*) бўлади. Д.да аввал моддий нуқтанинг ҳаракат қонунлари аниқланади, сўнгра моддий нуқталар системаси учун бу қонунлар умумлаштирилади, *масса* жисмларнинг моддий ифодаси сифатида қаралади.

Д. асосини *Ньютон*нинг механика қонунлари ташкил қилади.

Д.да иккита бирликлар системаси ишлатилади: 1) физик система [узунлик бирлиги (1 метр), вақт бир-

лиги (1 секунд), масса бирлиги (1 килограмм-масса) олинади]; 2) техник система [узунлик, вақт бирлиги ва куч бирлиги (1 килограмм-куч)]. Д.да моддий нуқталар ва системаларнинг ҳаракати Ньютоннинг қонунлари асосида тузилган *дифференциал тенгламалар* асосида аниқланади. Д.да моддий нуқта тебранма ҳаракатини текшириш учун дифференциал тенгламалардан фойдаланилади ва ҳаракат қонунлари келтириб чиқарилади. Бундан ташқари динамикада ҳаракатни текшириш учун нисбатан соддалаштирилган уч хил усул ҳам келтирилади. Булар Д.нинг умумий теоремалари деган ном б-н киритилган.

Амалда Д.нинг қуйидаги умумий теоремалари жуда кенг татбиқ қилинади: 1) система ҳаракат миқдорининг ўзгариши ҳақидаги теорема: система ҳаракат миқдори дифференциали ташқи кучлар элементар импульсларининг геометрик йиғиндисига тенг. Бу теорема суюқликлар ҳаракатини текширишда, зарба назариясида, реактив ҳаракатлар назариясида кенг татбиқ қилинади; 2) система кинетик моментининг ўзгариши ҳақидаги теорема: системанинг бирор *O* марказига нисбатан кинетик моментининг вектори учининг тезлиги системага қўйилган ташқи кучларнинг шу нуқтага нисбатан бош моментига тенг. Бу теорема гироскоплар назариясида, зарба назариясида, сайёралар ҳаракатини текширишда, турбиналар назариясида кенг татбиқ қилинади; 3) система кинетик энергиясининг ўзгариши ҳақидаги теорема: системанинг ихтиёрий силжишидаги кинетик энергияси ўзгариши ички ва ташқи кучларнинг шу силжишда бажарган ишлари йиғиндисига тенг. Система кинетик ва потенциал энергияларининг йиғиндиси ўзгармай қолади. Кинетик энергиянинг ўзгариш тезлиги барча ички ва ташқи кучлар қувватлари йиғиндисига тенг. Д.да умумлашган координаталар ва умумлашган кучлар тушунчалари киритилиб, кинетик энергияни бу янги координаталарда ифодалаш учун Лагранж иккинчи тур тенгламалари келтириб чиқарилади. Ҳаракатни тадқиқ қилишнинг умумий усулларидан ташқари Д.да бир қатор хусусий масалалар: гироскоплар назарияси, механик тебранишлар назарияси ва б. ҳам ўрганилади. Д. усулларининг айрим соҳаларга татбиқ қилиниши туфайли *осмон механикаси*, ташқи *баллистика*, самолётлар динамикаси, *ракеталар динамикаси* каби соҳалар пайдо бўлди.

Ад.: Ўразбоев М., Т., Назарий механика асосий курси, 3-нашр, Т., 1966; Рашидов Т. Р., Шозиётов Ш., Мўминов К. Б., Назарий механика асослари (дарслик) Т., 1990.

Турсун Рашидов, Қудратилла Латипов.

ДИНАМИКА (мусиқада) — 1) муайян асарнинг нота ёзувида ва бевосита уни ижро этишда товушлар садоланиши кучи (баланд-пастлиги)нинг ўзгарувчанлиги; 2) шу ўзгарувчанликни ифодаловчи белгилар мажмуи; 3) мазкур жараённи ўрганувчи таълимот. Д. мусиқий ифоданинг муҳим воситаларидан бўлиб, халқ ва профессионал ижод ва ижрочиликда қадимдан қўлланилиб келинган. Д. атамаси илк бор швейцар мусиқа ўқитувчиси Х. Негели томонидан (1810) жорий этилган деган тахмин бор. Д.нинг энг аниқ, яъни кучли, баланд — forte, fortissimo (***f, ff***); кучсиз, паст, секин — piano, pianissimo (***p, pp***) ва б. турлари қўлланилади. Шу б-н бирга, муайян Д.дан бошқасига аста-секин ўтиб борувчи (садонинг кучайиши — cresscendo, садонинг пасайиши — diminuendo, ва б.) турлари ҳам жорий этилади. Ижодий амалиётда бутун бир асарни муайян Д. хусусиятларига изчил таяниб яратиш мисоллари учраб туради. Мас., О. *Лассо*нинг «Акс садо» хорига, М. Равельнинг «Болеро» симфоник манзараси садоланишининг ***pp***»дан изчил кучайиши, яъни Д.нинг аста-секин орта бориши ва crescendo орқали ўз авжига кўтарилишига асосланган.

ДИНАМИТ (франц. dynamite, юн. dynamis — куч) — кучли портловчи модда. Асосий таркибий қисми — *нитроглицерин* ва б. суюқ нитроэфирлар (15%). Аввал (1867, А. Нобель) — нитроглицерин ва кукун ҳолатдаги инерт тўлдирувчилар (тальк, магний оксид ва б.) аралашмасидан гурдинамитлар тайёрланган. Бундай Д.ларда нитроглицерин тўлдирувчи б-н мустаҳкам боғланмаганлигидан намлик катта бўлган шароитда қўлланганда у сув таъсирида сиқиб чиқарилади. Нитроглицерин ва целлюлозанинг (коллоксимин, коллоидланган пахта) коллоид эритмаси — динамитли желатин асосида тайёрланган желатиндинамитлар (1875, А. Нобель) анча барқарор. Энг оддий, лекин кучли желатиндинамит таркибида коллоксилин (7—8%) бўлган нитроглицериндан тайёрланган. Д. таркибига оксидловчилар: калий, натрий ёки аммоний нитратлари (селитралар), ёнувчи моддалар (мас., ёғоч кукуни) ва б. ҳам киради. Музлаш тарасини ошириш учун Д. таркибига нитроэфирлар (мас., гликольдинитрат) ҳам қўшилади. Д. тоғ саноатида қаттиқ жинсларни портлатишда, сув ости ва шахта ишларида ҳамда ҳарбий мақсадларда қўлланилади.

«ДИНАМО» — жисмоний тарбия ва спорт жамияти. Бу жамият Ўзбекистонда 1925 й.дан фаолият кўрсатади. 1993 й.да ЎзР Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган. Ўзбекистоннинг «Д.» жамияти мақсад ва вазифаларига ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси тармоқларидаги зобит-хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, мерганлик, яккакураш, амалий спорт турларини ривожлантириш орқали шу тармоқлардаги зобит-хизматчиларнинг меҳнат самарадорлигини ошириш ва маҳоратли спортчиларни тарбиялаш киради. «Д.» жамиятини ҳайъат бошқаради. Унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бўлимлари бор. Жамиятда мерганлик, қўл жанги, бокс, дзюдо, самбо, каратэ, эркин кураш, юнон-рум кураши, ўзбекча кураш, футбол, волейбол каби спорт турлари кенг оммалашган. Тошкент ш.даги «Жар», «Динамо» каби ўнлаб замонавий спорт иншоотларига эга. Уларда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳам кенг йўлга қўйилган. Ўзбекистон Ички ишлар вазирлигига қарашли «Академия» футбол клуби мусобақаларда муваффақиятли қатнашган. «Д.» жамиятининг 90 мингдан зиёд аъзоси бўлиб, малакали мураббийлар кўл остида 40 дан ортиқ спорт тури бўйича шуғулланишади. «Д.» жамиятида 5 нафар хизмат кўрсатган спорт устози, 12 нафар хизмат кўрсатган спортчи ишлайди (2001). Руфат *Рисқиев*, Муҳамадқодир *Абдуллаев*, Дилшод Ёрбеков, Сергей Михайлов, Тўлқин Турғунов, Руслан *Чагаев*, Ўткир *Хайдаров* (бокс), Эльвира *Саади* (спорт гимнастикаси), Комил Фаткулин (юнон-рум кураши), Армен Багдасаров (дзюдо), Бобомурод Файзиев, Шуҳрат *Ҳўжаев* (самбо ва ўзбекча кураш) каби «Д.»чилар олимпиада, Осиё ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионлари ҳамда совриндорлари бўлишган.

ДИНАМО ПЎЛАТИ — магнит хоссалари суст, аммо механик хоссалари юқори бўлган пўлат. Таркибида 0,5—2,5% Si (кремний) ва 0,1 гача *C* (углерод) бўлади. Д. п.дан ўзгармас ток генераторлари (динамомашина) деталлари тайёрланади.

ДИНАМОГРАФ (юн. dynamis — куч ва ... *граф*) — 1) машина ва механизмлар деталларига таъсир этаётган кучнинг маълум вақт ичида ўзгаришини қоғоз тасмага чизиқ (нуқта) кўринишида қайд қиладиган асбоб. Д. *динамометр* ва қайд қилувчи мосламадан иборат. Пружинали, гидравлик ва электр Д.лар бўлади. Куч қиймати *планимер* б-н аниқланади. Д. машина ва механизмлар ишини, нефть қудуқларидан нефть сўриб оладиган насосларнинг ишини назорат қилиш ва б. мақсадларда ишлатилади; 2) денгизларда сув тўлқинининг қирғоқдаги иншоотларга ва қирғоққа уриліш кучини ўлчайдиган асбоб.

ДИНАМОМЕТАМОРФИЗМ (юн. dynamis — куч ва metamorphosis — ўзгармоқ) — Ер пўстида тоғ жинсларининг структуравий, маълум даражада тубдан минерал ўзгаришлари, *метаморфизм*нинг бир тури. Д.нинг асосий омиллари — тектоник ҳаракатлардан вужудга келадиган (динамик) ва юқорида ётган тоғ жинсларининг оғирлигидан ҳосил бўладиган (статик) босим. Таъсир этган босимнинг хилига қараб тоғ жинслари қисман ёки бутунлай қайта кристалланади, баъзан янги минераллар ва тоғ жинслари ҳосил бўлади ёки тоғ жинслари механик парчаланади. Д. асосан Ер пўстининг юқори структура зоналарида содир бўлади. Д. натижасида *милонит*лар ва сланецлашиш вужудга келади.

ДИНАМОМЕТР (юн. dynamis — куч ва ... *метр*) — куч ёки буровчи моментни ўлчайдиган асбоб. Д. куч звеноси (қамашқоқ элемент) ва ҳисоблаш қурилмасидан иборат. Вазифасига кўра, намуна (эталон) ва иш Д.лари бўлади. Намуна Д. лаб. шароитида машина, механизм ва материалларга таъсир этувчи кучларни ўлчашда қўлланилади. Иш Д.лари автомобиль, трактор, локомобилларнинг тортиш кучларини, қ.х. машина-қуролларининг тортишга қаршилигини ўлчашда ишлатилади. Иш тарзига кўра механик, гидравлик ва электр Д.лар бўлади. Гидравлик ва электр Д.лар динамографларнинг куч звеноси сифатида ишлатилади. Тиббиётда Д. мушакларнинг энг юқори кучини ўлчашда ишлатилади. Антропология, невропатология, ортопедия, ҳарбий тиббиёт, физиология, спорт тиббиёти ва ҳ. к.да қўлланилади.



Пружинали динамометр: *1* — куч қўйиладиган қулоқча; *2* — корпус; *3* — циферблат.

ДИНАМОНЛАР — портловчи моддалар; аммоний нитрат ва ёнувчи моддалар (торф, қипиқ, кунжара, алюминий б-н кремний қотишмаси ва ҳ.к.) кукунини аралашмасидан иборат. Шахталар ва тоғларни портлатишда ишлатилади.

ДИНАРА ТОҒЛИГИ — Болқон я. о.нинг шим.-ғарбидаги тоғлик. Хорватия, Босния-Герцеговина, Черногория ва Албания ҳудудида. Уз. 650 км, эни 230 км. Ўртача баландликдаги тоғлик, энг баланд жойи 2692 м (Езерца тоғи). Асосий тизмалар (Велебит, Динара, Дурмитор, Копаоник ва б.) Адриатика денгизи соҳили бўйлаб, шим.-ғарбдан жан.-шарққа чўзилган, унинг энг баланд соҳил қисми денгизга тик тушган. Д. т.нинг шим.-ғарбий қисми оҳактошлардан ташкил топган, карст кенг тарқалган, шарқий қисми сланец ва қумтошлардан иборат. Иқлими соҳил қисмида субтропик, шарқида мўътадил. Июлнинг ўртача т-раси 15—20°, тоғларда қиш совуқ (—18°). Янв.нинг ўртача т-раси — 2° дан —8° гача. Йиллик ёғин 1000—3000 мм, Котора бухтасида 4000 мм гача, тоғларда 500—700 мм. Шарқий қисмларда дуб, қорақайин ва игна баргли ўрмонлар бор. Денгиз бўйидаги тоғ ён бағирлари бутазор, доим яшил ўрмонлар б-н қопланган, тоғ тепаларида карстли ялангликлар учрайди. Д. т.да бир қанча майдонлар давлат қўриқхоналари деб эълон қилинган. Тоғликнинг ғарбий қисмида боксит, қўнғир кўмир, шарқида темир рудаси, мис, қалай, марганец, сурма конлари бор.

ДИНАС (инг. Dinas Rock — Англиядаги тоғнинг номи) — оловбардош гишт, таркибида 93% гача кремний (IV)-оксид (силикат ангидрид — SiO_2) бўлади. Кварц жинсларига 2—3% оҳак қўшиб тайёрланади. Д. 1730° гача т-рага чидайди. Д. саноат печлари (мартен печи ва б.) қуришда ишлатилади.

ДИНГ — карвон йўлларида махсус қурилган минорасимон қоровулхона. Ичида истиқомат ҳоналари, тепасида кузатиш қафасаси бўлган. Улар орқали фавқулодда хабар (ёв босқини, сув тошқини каби)лар тезлик б-н мамлакат марказига етказилган.

ДИНГААН (? — 1843) — Жан. Африкадаги зулу қабилалари доҳийси (1828—40), Чака (Шака) (1787—1828)нинг вориси. Д. 30-й.ларда бур ва инглиз мустамлакачиларига қарши зулуларнинг қуролли курашини бошқарган. Инглиз-бур-зулу уруши вақти (1838—40) да Д. қўшини тор-мор келтирилган. 1840 й. Д. укаси Мпанда (бур мустамлакачиларининг айғоқчиси) томонидан ҳокимиятдан четлатилгач, Свазилендга қочган ва ўша ерда ўлдирилган.

ДИНГИЛЖА — Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл ш.дан 15 км шим.-шарқда жойлашган турар жой харобаси (мил. ав. 5—4-а.лар). Д. деб номланиши илк ўрта аср даврига мансуб қалъа номидан олинган. Д.ни С. П. *Толстов* раҳбарлигидаги *Хоразм археология ва этнография экспедицияси* очган (1955). Турар жой қалин девор б-н ўралган бир-бирига туташ майда уйлар, ҳовли ва хўжалик биноларидан иборат, майд. 2600 м². Бу ерда бир уруққа мансуб патриархал оилалар истиқомат қилган. 17 уй-жой ва хўжалик бинолари ҳамда бир неча устахона очиб текширилган. Уйлар тўғри бурчакли қилиб қурилган. Бинокорлик санъатидаги хусусиятлар ҳоз. Хоразм халқ меъморлиги услубларига яқин. Устахоналардан йўнувчи ўткир тош қуроллар, қимматбаҳо зийнат буюмларини пардозлайдиган асбоблар, ишлов берилмаган феруза, садаф ва биллур, маржон (феруза ва биллурдан)лар ҳамда бошқа ашёлар топилган. Д.да темир ўроқ ва ёрғучоқ мавжудлиги аҳолининг деҳқончилик б-н кенг шуғулланганлигини кўрсатади. Қазилмалар орасида жездан ясалган ёй ўқининг учлари ва сопол идишлар (катта хумлар, лентасимон нақшли хумчалар, қизил рангли косалар, цилиндр шаклидаги қадаҳлар, оёқчали гулдонлар) кўп учрайди. Д. ёдгорликлари ўша жойда яшаган қабилалар ҳаётида юз берган ижтимоий ўзгаришларни ўзида акс эттиради ва қад. Хоразм маданиятини ўрганиш учун муҳим манба ҳисобланади.

ДИНГО (Canis dingo) — итсимонлар оиласига мансуб йиртқич сут эмизувчи ҳайвон. Австралияда тарқалган. Бўйи ва тузилиши немис овчаркасига ўхшайди. Танасининг уз. 90—100 см. Жуни оқ-сариқ, кулранг-қорамтир. Ўрмон, тоғ-лардаги бутазорлар ва даштларда тўда бўлиб яшайди. Тунги ҳайвон. Тинч океан о.ларидан келтирилиб, кейинчалик



Динго.

ёввойилашиб кетган итнинг кенжа тури бўлиши мумкин деган тахминлар мавжуд. Баъзи кемирувчилар ва кўршапалакларни ҳисобга олмаганда Д. Австралиядаги юксак сут эмизувчиларнинг ягона вакилидир. Турли ёввойи ва уй ҳайвонлари б-н озиқланиб, чорвачиликка катта зарар етказади.

«ДИНИ ИЛОҲИЙ» — *ҳиндуийлик, ислом, жайнизм* ва *зардуштийлик* элементларини ўзида мужассамлаштирган ва Ҳиндистонда шоҳ *Акбар* томонидан жорий этилган дин. Бу дин Ҳиндистондаги диний низоларни бартараф қилиш ва давлатни марказлаштириш мақсадида расм қилинган. Унда Қуёш ҳамма нарсадан юқори қўйилган, ақл ҳақиқатнинг олий мезони ҳисобланган. Шоҳ Акбар олий коҳин деб эълон қилинган. Шоҳ Акбар вафотидан сўнг бу дин кичик бир мазҳабга айланиб қолди.

ДИНИЙ АҚИДА — қ. *Ақида.*

ДИНИЙ МАРОСИМЛАР — фуқароларнинг диний таълимотлардан, уларнинг қонун-қоидалари ва ақидаларидан келиб чиқадиган диний фаолият ва хатти-ҳаракатлари. Д.м. диний эътиқод, ибодатнинг амалдаги кўринишидир. Барча диннинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Д. м. диний тасаввур ва сиғинишлар орқали вужудга келган. Қадимда одамлар ғайритабиий кучларга турли маросимлар орқали ижобий ёки салбий таъсир этиш мумкин деб ҳисоблаганлар. Д. м.ни бажаришда коҳинлар, кейинчалик руҳонийлар бошчилик қилган. Улар ўз маросимларини аста-секин муайян диннинг талаби, хусусияти, ақидаси ва эҳтиёжига мослаган. Ислом динида *ақиқа, амри маъруф, хатна, рўза* тутиш ва рамазон ҳайити, *қурбонлик* қилиш ва қурбон ҳайити, *намоз, ҳаж*, жаноза, суннат, никоҳ, дафн ва б. маросимлар бор. Яҳудийликда — ибодат, шанба куни, туғилиш, диний балоғат, никоҳ ва дафн маросимлари алоҳида ўрин тутади. Христиан дини маросимлари мистериялар (қад. динларнинг махфий маросимлари) таъсирида шаклланган ва асосан Исо Масиҳ шахси б-н боғлиқ. Христианликдаги православ ва католиклар етти сирли маросим — чўқинтириш, нон ва вино тотиш, хушбўй мой суриш, баданни ёғлаш, никоҳ, тавба-тазарру ва камишлик (роҳибликка қабул қилиш)-фақат чўқинтириш, нон ва вино тотиш маросимини эътироф қиладилар. Буддизмда эрталабки ва кечки ибодат, монахларга озиқ-овқат келтириш, тийилиш куни, дунёга келиш ва балоғат ёшини нишонлаш, никоҳ, янги уйга кўчиш, аждодларни хотирлаш ва дафн маросимлари мавжуд.

Ўзбекистонда Д. м.нинг эркин ўтказилиши таъминланади, аммо бунда қонунлар, жамоат тартиби бузилмаслиги ва шахсга ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқига дахл қилинмаслиги керак. Д. м.да қатнашиш фуқароларнинг хусусий ишидир ва ҳеч қандай ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқармайди. Д. м. ибодатхоналарда, диний ташкилот муассасаларида, зиёратгоҳларда, қабристонларда, фуқароларнинг хонадонларида ва уйларида ўтказилади. Белгиланган жойдан ташқарида Д. м. ёки оммавий ибодатлар ўтказиладиган ҳолатларда бу ҳақда маҳаллий ҳокимият огоҳлантириб қўйилиши ва бундай тадбирлар қатъий тартибга риоя қилинган ҳолда ташкил этилиши лозим.

Аҳаджон Ҳасанов.

ДИНИЙ МУСИҚА — мусиқа тури; диний мазмундаги матн (шеър)лар асосида яратилган, шунингдек, диний маросим ва байрамларда махсус ижро этиладиган вокал ёки вокал-чолғу мусиқа *жанр*ларидан иборат.

Ижтимоий тараққиётнинг илк босқичларида инсоннинг мифологик ва диний дунёқарашлари б-н боғлиқ бўлган бадиий эстетик фаолияти маҳсули — ижодиёт шакллари, жумладан мусиқий фольклор намуналари вужудга келган. Синкретик кўринишдаги тақлидий, жоду айтимлари, маросим, меҳнат, ўйин қўшиқлари ва б. маълум маънода диний мазмунга эга бўлган. Қад. давлатлар ва жаҳон динлари (буддизм, христианлик, ислом) шаклланиши натижасида Д.м. касбий мусиқа даражасига кўтарилди. Кейинчалик, гуманизм ғоялари таъсири остида кўпгина Д.м. жанрлари дунёвий мазмунга ва саҳна-вий-концерт шаклига эга бўлди.

Буддизм Д. м.си муқаддас китоблар — «Бхагавадгита», «Ригведа», «Самаведа», «Атхарваведа», «Яжурведа» ва б.нинг мадҳиялари яккахон ёки бир неча қўшиқчи ва чолғу асбоблари жўрлигида санскрит тилида ижро этилади. Ҳиндистон, Хитой, Япония ва Жан.-Шарқий Осиё халқларида буддизм Д. м.си негизида шаклланган мумтоз мусиқа жанрлари (мас., ҳинд *рагалари*, япон гагаку ва Но мусиқали театрлари) кенг тарқалган.

Христианликнинг турли тармоқлари мусиқаси бир-биридан шакл, оҳанг, тузилиши ва ижрочилик хусусиятлари жиҳатидан фарқланади. Мас., католик черков мусиқаси григориан *хорали*га (7—8-а.ларда шаклланган) асосланиб, лотин тилида яккахон, орган чолғуси ёки кўп овозли хор томонидан (а капелла услубида) ижро этилади, лютеран черков мусиқаси протестант хоралига асосланиб, маҳаллий тилларда (немис, француз, инглиз) черков хори ёки ибодат қилувчиларнинг ўзлари томонидан, орган ва б. мусиқа асбоблари жўрлигида ижро этилади. Протестант ва католик черков мусиқасининг кенг тарқалган шакллари: псалом, *мотет*, магнификат, *месса, оратория, реквием*, пассионлар. Рус православ черков мусиқасининг асосий тури знаменний распев (белги бўйича куйлаш) дастлаб бир овозли, 16-а.дан кўп овозли шаклда қад. славян тилида чолғу жўрлигисиз ижро этилади.

Марказий Осиё халқлари Д. м.си замирида ислом давригача кенг тарқалган зардуштийлик (мил. ав. 3 — мил. 7-а.лар), буддизм (Кушон подшолиги) ва шомон-бахшилик (Турк хоқонлиги) диний-эстетик қарашлари ётади. Шомон-бахшилик («Кўч», «Қайтариқ» ва б.) ва зардуштийлик («Авесто»нинг гат — мадҳиялар)нинг кўпгина унсурлари ислом анъаналари б-н чатишиб, ҳозиргача мазкур ҳудудда яшаётган халқлар анъанавий мусиқа шаклларида сақланиб қолган.

Ислом маданиятида мусиқа санъатига муносабат турлича бўлган. Шу жумладан, Қуръони каримда мусиқанинг таъсир кучи юксак даражада эътироф этилган бўлса-да, айрим суналарда мусиқа қатъий инкор қилинган (маруҳ ҳисобланган). Мусиқага бўлган икки хил муносабат асрлар давомида сақланиб қолди: шариат пешволаридан бир гуруҳи (Калободий Бухорий, Имом Ғазолий, Ибн ал-Арабий ва б.) мусиқанинг жозиблиги ҳақида қатор рисолалар ёзишган ҳолда, бошқа мутафаккирлар (Имом ал-Молик, Яссавий, Масъудий Самарқандий ва б.) мусиқа (оҳанглар)нинг эмоционал таъсир жиҳатларини мутлақо инкор қилишган. Ҳозирда ислом маданиятида кенг тарқалган азон (намозга даъват), қироат (тажвид, тағбир, тартил), шунингдек, ибодат, маросим пайтида қўлланиладиган бошқа айтим йўллари (наът, жаҳр ва б.), ижро услублари асл санъат шаклларидан мусиқий хусусиятлари (оҳанг, усул ва б.) б-н фарқланади. *Тасаввуф* диний-эстетик таълимоти Шарқ мумтоз мусиқаси, айниқса, *мақом, катта ашула, дастгоҳ, қавалли*, ғаззали жанрларининг шаклланишига маълум даражада таъсир қилди. Яқин ва Ўрта Шарқда тасаввуфнинг махсус жанри — *зикр*нинг турлари (зикри жаҳрий, зикри хуфий, зикри ададий, зикри дил ва б.) ҳамда қаландарий, самандар, ҳаққоний, хонақоний ижрочилик анъаналари, шунингдек, *маддоҳлик, қиссахонлик*, ғазалхонлик (яссавийхонлик, навоийхонлик, бедилхонлик, машрабхонлик) йўллари кенг тарқалган.

Д.м. маҳаллий бастакорлар ижодида (айниқса Амир Темур давридан бошлаб) катта ўрин эгаллаган бўлса, Шўролар даврида батамом тақиқланади. Фақат мустақиллик йилларидагина О. Ҳотамов (А. Яссавий, Чустий, Хазиний, Ҳувайдо шеърларига асарлар), Ў. Расулов (Машраб, Нозикбиби Хўқанди ғазалларига асарлар ва б.) каби бастакорлар ва айрим композиторлар (М. Бафоев «Ҳажнома», Ф. Янов-Яновский, «Реквием» ва б.) диний мавзуларда бадиий стук асарлар яратишди.

Абдумаънон Назаров.

ДИНИЙ ТАШКИЛОТ — диний эҳтиёжларни биргаликда қондириш ёки қондиришга кўмаклашиш мақсадида тузиладиган ва диний маросимларни адо этиш асосида иш кўрадиган ихтиёрий, тенг ҳуқуқли ва ўз-ўзини бошқарувчи уюшма. Айни вақтда у фуқароларнинг *виждон эркинлиги*ни кафолатловчи тузилмалардан ҳисобланади. Д.т.ларнинг таълимоти, тузилишида тутган ўрни ва роли турли-туман бўлиши мумкин. Фуқароларнинг Д.т.га аъзолиги унинг ҳуқуқий мақомини, жумладан бошқа шахслар б-н тенглигини чеклаб қўя олмайди. Д.т.ларнинг энг муҳим белгиси — уларнинг ўз-ўзини бошқаришидир, яъни, улар маъмурий жиҳатдан давлат идораларидан ажратилган. Д.т.ларнинг фаолияти қонунларга зид келмаса, давлат уларнинг ички ақидавий ишларига аралашмайди. Улар ўз устав (низом)ларига мувофиқ ташкил топиш ва иш юритиш, ходимларни танлаш, тайинлаш ва алмаштириш ҳуқуқига эгадирлар. Д. т.ларнинг устав ва фаолиятининг бошқа масалаларини белгилаб беради. Баъзи Д.т.лар иерархия тизимида ташкил топган. Мас., *Ўзбекистон мусулмонлари идораси*, Рус православ черковининг Тошкент ва Ўрта Осиё Епархияси масжидлар, черковлар, ўқув юртлари, маҳаллий ташкилотлар ва ўз бошқарув органларига эга.

Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (1998) қонунида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русум ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва б.) Д.т.лар деб эътироф этилади. Тегишли устав (низом) асосида фаолият юритувчи республика диний уюшмалари Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади. Вилоят, туман ва шаҳар, шаҳарча ва қишлоқ ҳудудида бўлган Д.т.лар тегишли вилоятлар, шунингдек, Тошкент ш. ҳокимлиги адлия бошқармалари томонидан рўйхатга олинади. Д.т. рўйхатга олингандан сўнг у юридик шахсга айланади. Д.т. юридик шахс сифатида қонунларга ва ўз низомига мувофиқ ҳолда ҳуқуқлардан фойдаланади ҳамда мажбуриятларни ўтайди. Д.т. раҳбарининг ташкилот уставини рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаши қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка олиб келади. Рўйхатдан ўтмаган Д.т.ларнинг фаолият кўрсатишига йўл қўйган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар. Д.т.лар фаолияти икки ҳолда: улар ўз низомларига мувофиқ тугатилганда ва «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун қоидалари ёки бошқа қонун қоидаларига риоя қилинмаслиги, шунингдек, Тошкент ш. Адлия вазирлиги ёки Республика Адлия вазирлиги ҳудудий органларининг Д.т.ларга нисбатан қўлланган мажбурлов чоралари ижро этилмаганлиги сабабли суд қарорига биноан тугатилиши мумкин.

Д.т.ларнинг ўз фаолиятини тугатиш тартиби, шунингдек, уларнинг мол-мулкини тақсимлаш қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун билан белгиланади.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ — баъзи диний ташкилотлар ёки айрим диндорларнинг жамият қонун-қоидаларига мос келмайдиган мафкураси ва фаолияти. Д. э. кўпчилик динларда мавжуд бўлиб, унинг тарафдорлари ўз олдига сиёсий мақсадларни қўяди. Ислом экстремизмининг ақидасига кўра, биринчидан, гўё барча ҳоз. замон мусулмон жамоалари исломий тусларини йўқотганлар ва «жоҳилия» асри жамиятларига айланганлар. Бундай ёндашув ҳукумат ва унинг олиб бораётган сиёсатини кескин танқид қилиш учун «асос» бўлиб хизмат қилади. Иккинчидан, гўё фақат «ҳақиқий» мусулмонлар ҳокимиятга келгач, барпо бўлажак «исломий тартиб»ни ўрнатиш учун кескин ва агрессив ҳаракат қилмоқлари лозим. Бундай ҳаракатнинг қонунга мувофиқлиги масаласи улар томонидан умуман ўртага қўйилмайди, зеро, улар фақат шариатга (бу ҳам уларнинг тор талқинида) таяниб иш кўрадилар ва ўзларини исломдан чекинган ҳокимни агдаришга гўё ҳақли деб биладилар. Ислом экстремизмининг «нозик» томони унинг «дин»га (ҳақиқий динга эмас) асосланганидадир. Гуруҳ раҳбарлари ўз кўл остидаги аъзоларининг онгига шу даражада таъсир ўтказадилар-ки, улар ҳатто ўзларини қурбон қилишга, муайян мақсад йўлида «шаҳид» ёки «камикадзе» бўлишга тайёр турадилар. «Мусулмон-биродарлар» ҳаракати (Миср, 1928) дан етишиб чиққан Саййид Қутб (1906—65) ҳоз. замон ислом экстремизмининг ғоявий асосчиси сифатида тан олинган. Унинг «назария»сига кўра, ўзини мусулмон деб ҳисобловчиларнинг кўпчилиги аслида мусулмон эмас, ва умуман, барча давлатлар исломга қаршидирлар. Демак, мақсад — ислом давлатини барпо қилиш ва жамиятни тўлиқича исломлаштиришдир.

Христиан динининг баъзи секталарига асосланган кўплаб диний экстремистик ҳаракатлар ҳам мавжуд. Айниқса, «яҳувечилар», «пятидесятниклар», «ташаббускор баптистлар» умман қонуний ҳокимият ва дунёвий қонунларни тан олмайдилар. Уларнинг фикрича, гўё черков давлатдан юқори. Пятидесятникларнинг баъзи гуруҳлари эса ўз тобеларини ўта шафқатсизлик б-н адо этиладиган ибодатларга зўрлайдилар, дунё неъматларидан воз кечиб, таркидунёчилик б-н яшашга даъват этадилар.

Д. э. ёки ашаддий ақидапарастлик турли кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Мас., Ольстердаги «ультра» протестантлар, Яқин ва Ўрта Шарқдаги «мусулмон-биродарлар», Марказий Осиё ва Кавказда пайдо бўлган ваҳҳобийлар (қ. *Ваҳҳобийлик*) ва б. Улар жамиятга ва

қонунларга деярли бир услубда қарши кураш олиб борадилар.

Д. э. муайян кўринишда Ўзбекистонда ҳам пайдо бўлди. Ислом экстремизми гуруҳи фаолияти натижасида 1997 й. дек.-да Наманган ш.да бир неча қотилликлар юз берди. Ўтиш даврига хос иқтисодий қийинчиликлар, халқнинг диний қарашларга таъсирчанлиги ва диний урф-одатларга мойиллигидан фойдаланиб, экстремистлар очиқдан-очиқ куч б-н Фарғона водийсида ижро ва суд ҳокимиятининг айрим вазифаларини ўзлаштиришга ҳаракат қилдилар. 1999 й. 16 фев.да Тошкент ш.да юз берган воқеалар диний ақидапарастларнинг асл мақсади конституциявий тузумга зарба бериш ва ҳокимият тепасига келиш эканини кўрсатди. Д. э. нинг Ўзбекистонга таҳдидини ақидапарастликни ёйиш орқали мавжуд давлатга ишончни йўққа чиқаришга уринишда кузатиш мумкин. Экстремистлар жамиятда эрксиз, муте, фаолиятсиз кишилар сафини орттириш, «сохта» ва «ҳақиқий» диндорлик белгилари бўйича қарама-қаршиликни келтириб чиқаришни кўзлайдилар. Улар ўз мақсадларига эришиш учун жангарилар-ни тайёрлашга ҳам ҳаракат қилдилар. Ўзбекистонни Ғарбга «исломлаштирилган», Шарққа эса, аксинча, «динсиз», «даҳрий» шаклда кўрсатиб, республика-нинг халқаро обрўсига путур етказиш ниятида бўлдилар. Улар умуман ислом цивилизацияси б-н ноисломий цивилизациялар ўртасида ялпи қарама-қаршилик-ни кучайтириш каби ёвуз режаларни тузишдан ҳам қайтмадилар.

2000 й.нинг кузида экстремистлар-нинг Ўзбекистонга қуролли ҳужум уюштиргани уларнинг Афғонистонда ин қуриб олган халқаро террорчилар ва наркобизнес б-н уюшиб кетганидан далолат берди. Шу муносабат б-н Президент Ислом Каримов: «Бугун дини-мизни асраш керак, мўмин-мусулмонларни ҳимоя қилиш керак. Лекин динимизни, биринчи галда, ўзини «чин мусулмон» деб даъво қилаётган ана шу ёвуз кучлардан, ҳар қаламда «жиҳод» деб оғиз кўпиртириб, дин номидан бузғунчилик қилаётган қонхўр ва қотиллардан асраш керак»,— деган эди. Фақат 2001 й. 11 сент. куни Нью-Йорк ва Вашингтонда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳужумларидан кейингина дунёдаги етакчи давлатлар АҚШ бошчилигида бу ёвуз иллатга қарши кенг миқёсда курашга бел боғлади.

Ад.: Каримов И. А., Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, Т., 1997.

Аҳаджон Ҳасанов.

ДИНИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ — руҳонийлар тайёрловчи мактаблар. Диний маросим ва одатлар хилма-хил тусга кириб кўпайиб кетгач, уларни билиб олишга эҳтиёж туғилганлиги муносабати б-н пайдо бўлган.

Дастлабки Д.ў.ю. мил. ав. 2-минг йилликда қад. Миср ва Бобил ибодатхоналарида (коҳинлар тайёрлаш учун) очилди. Мил. ав. 1-минг йилликнинг ўрталарида Ҳиндистонда ва Марказий Осиё қуллорлик давлатларида будда монастирларида пайдо бўлди. Ҳиндистонда монастирлар б-н бир қаторда браҳман мактаблари ташкил топди. *Христианлик* пайдо бўлгач, Искандарияда биринчи католик мактаби (2-а. охири), Қуддусда, Рим ва Рим империясининг шаҳарларида епископ мактаблари, эгетлар («Қадимги аҳд» ва «Янги аҳд» китобларини шарҳловчи) мактаблари ва б. юзага кела бошлади. Ун-тлар вужудга келиши (11—12-а.лар) б-н улар-да илоҳиёт ф-тлари очилди. Кейинроқ махсус диний ун-тлар, академиялар, семинариялар, коллеж ва коллегиумлар пайдо бўлди.

Ислом динида мадрасалар илк Д.ў.ю. ҳисобланиб, улар диний ва тарихий асарларда 9-а.дан тилга олина бошланган. Уларда кўп асрлар мобайнида илоҳиёт, тил ва шариат дарслари б-н бир қаторда фалсафа, амалий фанлар ҳам ўқитилган. Кейинчалик мадрасаларда асосан диний таълимгина берилади-ган бўлди. Фақат айрим мусулмон дорилфунунларида таълим аввалгича қолди.

Жаҳондаги кўп мамлакатларда олий, ўрта ва бошланғич маълумот берувчи кўплаб Д.ў.ю. мавжуд. Ислом мамлакатларида мадрасалар асосий Д.ў.ю. ҳисобланади. МАРда *ал-Азҳар*, Тунисда Зайтун, Ҳиндистонда Алигарх, Покистонда Панжоб, Туркияда Анқара диний дорилфунунлари ва б. мавжуд. Ўзбекистонда ҳам Д.ў.ю. фаолият кўрсатади. Булар: Тошкентдаги *Имом ал-Бухорий номидаги ислом институти*, Бухородаги *Мир Араб мадрасаси*, шунингдек, Тошкентдаги Ҳадичаи Кубро, Бухородаги Жўйбори Калон аёл-қизлар ислом ўрта махсус билим юртлари, Намангандаги Мулла Қирғиз, Урганчдаги Фахриддин ар-Розий, Нукусдаги Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний, Андижондаги Саид Муҳиддин Маҳдум ислом ўрта махсус билим юртлари, Тошкент православ диний семинариясидир. Диний мутахассисларнинг малакасини ошириб бориш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Тошкент ислом ун-тети б-н ҳамкорликда махсус курслар ташкил қилган.

ДИНИТРООРТОКРЕЗОЛ, ДНОК (динок), синокс, хедолит ($C_7H_6N_2O_5$) — қ.х. экинларини касалликлар, зараркунандалардан ҳимоя қилишда, шунингдек, бегона ўтларга қарши курашда қўлланиладиган кимёвий препарат. Ҳидсиз, сариқ рангли кристалл модда. 40% ли кукун ҳолида ишлаб чиқарилади. Сувда яхши эрийди. Инсектицид ва фунгицид сифатида Д. иҳота дарахтзорлари, боғ, токзорларда қалқондорлар, шира тухумлари, кана, капалак ғумбаклари, шунингдек, *антракнозлар*, *рага*, *калмараз* қўзғатувчи замбуруғлар ва б.га қарши кузда (қишлашдан олдин) ёки эрта баҳорда, куртак пайдо бўлмасдан 1% ли эритмаси пуркалади. Сарф нормаси 4—8 кг/га (таъсир этувчи модда ҳисобида). Одам ва ҳайвонлар учун заҳари кучли; фойдаланганда хавфсизлик техникасига қатъий риоя қилиш керак. Сиртдан таъсир этадиган гербицид сифатида бедазорларда *зарпечакка* қарши қўлланилади (беда ўримидан 2—3 кун кейин сепилади). Сарф нормаси 35—50 кг/га, иш суюқлиги — 400—500 л/га. Д.ни шу нормада йўл бўйлари ва уватлардаги, саноат иншоотлари атрофидаги бегона ўт ва зарпечакка қарши ҳам сепиш мумкин.

ДИНКА (ўзларини дженг деб аташади) — Судандаги нилот гуруҳига мансуб халқ, 3 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Динка тилида сўзлашади. Асосан, анъанавий диний эътиқодларга амал қилишади, мусулмон-сунний лар ҳам бор. Чорвачилик, қисман деҳқончилик б-н шуғулланадилар.


ДИНОВАРИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Абулқосим Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон) (?—1000, Бухоро) — шоир. Ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот, шеърларидан намуналар *Саолибий* тазкирасида учрайди. Д. қасида, ҳажвия, васф, чистон жанрларида ижод этган. Васфларда мажозий иборалар, сифатлаш моҳирлик б-н ишлатилган. Шеърларида одоб, ахлоқ мавзуи устунлик қилади, ҳажвларида хасислик танқид қилинган, ўз моддий аҳволидан, замона зулмидан шикоят акс этган.

Ад.: Абдуллаев И., Бухоронинг араб-бийнавис шоирлари, Т., 1965.

ДИНОЗАВРЛАР (Dinosauria) — қириб кетган судралиб юрувчилар. Таниссининг уз. 20 см дан 30 м гача. Антарктидадан ташқари ҳамма қитъаларда, жумладан Ўрта Осиё ва Қозоғистонда триас-бўр даврлари қатламларидан маълум. Юра даврида кенг тарқалган, охирги Д. бўр даврида (65 млн. йил олдин) қирилиб кетган. Олимлар айрим Д.нинг қирилиб кетишини глобал катастрофа

(астероиднинг тушиши ва б.), бошқалари ер юзида ўсимликлар қоплами ва иқлимнинг аста-секин ўзгариши (мас., аридизация — қуруқлашиши) ёки улар яшайдиган муҳитдаги бошқа ноқулай ўзгаришлар б-н боғлашади. 600 га яқин тури маълум. Д. 2 туркум: калтакесаксимон ва қушсимон Д.га ажратилади. Икки туркум ҳам бир-биридан мустақил ҳолда ҳар хил псевдозухийлардан келиб чиққанлиги, икки оёқда ҳаракатланиш псевдозухийлардан уларга ўтганлиги тахмин қилинади. Кейинроқ икки оёқда юриш йиртқич Д. ва орнитоподларда кучайган, бошқалари (стегозаврлар, зауроподлар, анкилозаврлар, шохдор Д.)да йўқолиб кетган. Д. морфологик ва экологик жиҳатдан хилма-хил бўлиб, йиртқичлар аждодидан келиб чиққан. Қушсимон Д. ҳамда калтакесаксимон Д.дан зауроподлар ўсимлик б-н озиқланишга ўтган ва йироқ сув ҳавзалари ёки денгиз соҳилига яқин жойда яшашга мослашган. Орнитоподлардан бошқа барча қушсимон Д.да йиртқичларга қарши ҳимоя воситалари (стигозаврлар ва анкилозаврларда — пихлар ва суяк қалқонлар, шохдор Д.да — шохлар) ривожланган. Д. тухум қўйиб кўпайган. Айрим олимлар Д. иссиқ қонли бўлган, лекин уларнинг иссиқни сақлайдиган тери қопламаси бўлмаганлигини тахмин қилишади. Турларининг кенг тарқалганлиги ва тез алмашинганлиги улардан Ер қатламларининг аниқлашда кенг фойдаланиш имконини беради.

ДИНОР (лот. denarius — 10 дан иборат, 10 дан тузилган) — 1) Баҳрайн пул бирлиги. 1965 й. окт.дан муомалага киритилган. 1 Д.=1000 филс. Халқаро ифодаси BHD. Валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари = 0,377 Д.; 2) Босния ва Герцеговина пул бирлиги. 1996 й.дан муомалага киритилган. 1 Д.=100 пар. Халқаро ифодаси BAD. Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари = 176,84 Д.; 3) Жазоир пул бирлиги. 1964 й. дек.дан муомалага киритилган. 1 Д.=100 сентим. Халқаро ифодаси DZD. Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари = 58,5 Д.; 4) Иордания пул бирлиги. 1950 й. июлдан муомалага киритилган. 1 Д.=100 пиастр. Халқаро ифодаси JOD. Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари = 1,41 Д.; 5) Ироқ пул бирлиги. 1932 й. апр.-дан муомалага киритилган. 1 Д.=1000 филс. Халқаро ифодаси IQD. Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари = 1200 Д.; 6) Ливия пул бирлиги. 1971 й. сент.дан муомалага киритилган. 1 Д.=1000 дирҳам. Халқаро ифодаси LYD. Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари = 0,379 Д.; 7) Судан пул бирлиги. 1992 й.дан муомалага киритилган. 1 Д.=10 фунт (фунт = 100 қирш). Халқаро ифодаси SDD. Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари = 142 Д.; 8) Тунис пул бирлиги. 1958 й. дек.дан муомалага киритилган. 1 Д.=100 франк. Халқаро ифодаси TND. Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари =1,12 Д; 9) Югославия пул бирлиги. 1994 й. янв.дан муомалага киритилган. 1 Д.=100 пар. Халқаро ифодаси YUM. Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари = 5,7 Д.; 10) Қувайт пул бирлиги. 1961 й. окт.да муомалага киритилган. 1 Д.=1000 филс. Халқаро ифодаси KWD. Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари = 0,3035 Д. (1997); 11) Қадимда мусулмон мамлакатларининг олтин тангаси ҳам Д. деб юритилган. Шарқда 7-а.да биринчи бор зарб қилина бошлаган ва 2,4 г олтиндан иборат бўлган.



Динозаврлар.

Акрамжон Мирзаҳолов.

ДИНЦУНЬ — Шим. Хитойнинг Шанъси вилоятига қарашли қишлоғи (Фэньхе дарёси ёқасида) яқинидан топилган қуйи палеолит даври қароргоҳи. 1953 й.да очилган. Д.дан қазилма одамнинг 3 та тиши (1 та устки ва 2 та пастки) ва 2 мингга яқин тош қурол топилган. Тош қуроллар орасида қирғич, *нуклеуслар*, уч бурчакли йўғон поналар, юпқа пичоқ, ювалоқ тош болғалар кўп учрайди. Д. одами *синантроп* б-н ҳоз. одамлар ўртасидаги тараққиёт босқичида турган.

ДИОГЕН СИНОПЛИК (Diogenes Sinopeus) (мил. ав. тахм. 404—323, Коринф) — юнон файласуфи. *Киниклар* мактабининг йирик вакили. *Антисфен* шогирди. Цивилизацияни, хусусан давлатни инкор этган, жамиятни, инсониятни ибтидоий ҳолатига қайтишга даъват қилган. Ўзини дунё фуқароси («космополит») деб атаган, одамларнинг табақага бўлинишини танқид қилган. Турмушда ҳар қандай ортиқчаликларни рад этиб, фақат зарурий эҳтиёжларни қондириш билангина чекланишни ўз бурчи деб билган; у хотинлар ва болалар умумий бўлишини талаб қилган ва бирон ахлоқ устун бўлиб турishini тан олмаган. Д.С. киник шармҳаёсизлик ва бебошлик тимсолига айланди. Д.С. тўғрисида турли-туман латифалар бор. Ривоятларга кўра, у бочка ичида яшаган.

ДИОД (*di...* ва *(электр)од*) — икки электродли электрон лампа. Бир томонлама ўтказувчанлик хусусиятига эга. Вакуум ва яримўтказгич Д.лар бўлади. Вакуум Д. анод ва катоддан иборат. Ток берилиб, катод қиздирилса, электронлар оқими анодга қараб йўналади ва анод токи ҳосил бўлади. Катод б-н анод орасидаги потенциаллар фарқи кичик бўлса, лампа ичидаги электронларнинг бир қисми катодга айланади. Бундай ҳодиса тўйинмаган режим деб аталади. Потенциаллар фарқи катта бўлганда Д. тўйинган режимда ишлайди. Бунда электронлар ҳаракати деярли сезилмайди. Яримўтказгич Д.да икки хил ўтказгич чегарасида ҳосил бўлган потенциал тўсиқ токни фақат бир йўналишда ўтказади. Д. токни тўғрилаш, токни чегаралаш ва частотани ўзгартириш учун электр аппаратлар ва радиоаппаратларда қўлланилади.




Диод. Юқори вольтли кенотрон. Яримўтказгичли диод.

ДИОДОР Сицилиялик (мил.ав. тахм. 90—21) — юнон тарихчиси. «Тарих кутубхонаси» асари (40 китоб; 1—5 ва 11—20 китобларигина сақланиб қолган, қолганлари — парчалар ҳолда) муаллифи. Д.нинг бу асарида Қад. Шарқ, Юнонистон ва Рим тарихи афсонавий даврлардан то мил.ав. 1-а. ўрталаригача

тадрижий суратда баён этилган. *Филипп II* ва *Александр*нинг ҳукмронлиги даври баёни диққатга сазовор. Асар Сицилиядаги қуллар қўзғолони (мил. ав. 2-а.) ҳақида бош манба ҳисобланади.

ДИОДОТ (Diodotos) (? — мил.ав. 230) — *Юнон-Бақтрия подшолиги* асосчиси. Мил. ав. 3-а. ўрталарigача Антиох II нинг Бақтриядаги ноиби бўлган. Салавкийларнинг Ўрта Осиёдаги ноиби. Мил. ав. 250 й.да Бақтрияни мустақил деб эълон қилиб, подшоҳ унвонини қабул қилган (Д. I) Д. даврида салтанат ҳудудига Суғдиёна, Арейя, Марғиёна ва эҳтимол Паропамисад вилоятлари ҳам кирган. Д. вафотидан сўнг ўғли Диодот II тахтга ўтирган.

ДИОКЛЕТИАН (Diocletianus) (243—313/316) — қад. Рим императори (284—305). Империядаги аҳволни яхшилашга олиб келган бир қанча ислоҳотларни ўтказган (ўзига учта тахтдош тайинлаган, империяни 4 та қисмга, бу қисмларни эса 12 диоцезларга тақсим этган; армияни кучайтириб, унинг сонини 450 минг аскарга етказган; солиқларни тартибга солган ва б.). Доминат (чекланмаган монархия) тузумининг ўрнатилиши Д. номи б-н боғлиқ. 303—304 й.ларда христианларни қувғин қилган. Бу воқеа кейинчалик христиан ва ислом дини муқаддас китобларида акс этган (мас., Қуръони каримдаги «Каҳф» сураси). Д. номи Шарқ халқлари орасида *Дақёнус* шаклида ҳам машҳур.



Диоклетиан. Никомедиядан топилган мармар ҳайкалнинг боши; тахм. мил. 305 й.гача (Истанбул, Археология музейи).

ДИОКСАНЛАР — оддий циклик эфирлар. Мол. м. 88,10, рангсиз ёнувчан суюқлик. Сув, спирт ва эфирга яхши аралашади. Сув б-н азеотроп аралашма ҳосил қилади. Кучсиз оксидловчилар, суюлтирилган кислота ва ишқорлар, аммиак таъсирига чиламли. Барқарор комплекслар, мас., Br_2, SO_3, фосфат кислота б-н бромлаш, сульфидлаш, фосфориллашда қўлланиладиган бирикмалар олишда ишлатилади. Кимёвий хоссалари жиҳатидан оддий алифатик эфирларга ўхшайди. Этиленгликолни сульфат кислота б-н ҳайдаб олинади. Ацетилцеллюлоза, смола, каучуклар, минерал ва ўсимлик мойларини яхши эритади. Кўпгина бўёқ ва детергентларга эритувчи сифатида қўшилади. Нефть мойларини тозалашда ишлатилади. Учта изомери мавжуд: 1,2 Д; 1,3 Д ва 1,4 Д. 1,2 Д пироксид, гидрогенланганда 1,4-бутандиол, кислотали ёки ишқорий муҳитда гидролизга учратилса, 4-гидроксимой альдегид ҳосил қилади. Қайнаш т-раси 116—117°, зичлиги 1000,9 кг/м³. 1,2 Д бис-метилсульфонат 1,4-бутандиолга водород пероксид таъсир эттириб олинади. 1,3 Д — кимёвий хоссалари жиҳатидан циклик ацеталь. Суюқланиш т-раси 42°, қайнаш т-раси 105°, зичлиги 1034,2 кг/м³. СНО б-н 1,3-пропандиолни ўзаро таъсир эттириш усули б-н олинади. 1,3 Д елим (эластиклик хусусиятини оширади), бўёқ (сақланганда бўёқ юзасида парда ҳосил бўлишини камайтиради) и. ч.да қўлланилади. 1,4 Д (диэтилендиоксид) — ўта гигроскопик модда. Суюқланиш т-раси 11,3°, қайнаш т-раси 101,32°, зичлиги 1033,6 кг/м³.

ДИОНА — *Сатурн*нинг тўртинчи табиий йўлдоши. Француз астрономи Ж. Кассини 1684 й.да кашф этган. Диаметри 1120 км, *юлдуз катталиги* 5,2 га тенг. Сатурндан ўртача узоқлиги 377400 км, Д.ни оддий кўз б-н кўриб бўлади. Сатурн атрофини 2 сутка 17 соат 41 мин.да айланиб чиқади. Д. номи берилган кичик сайёра ҳам бор.

ДИОНИС — юнон мифологиясидаги узумчилик ҳамда виночилик худоси. Зевс б-н фивалик малика Семеланинг ўғли. Д. шарафига бағишланган байрамлар ўта хушчақчақлик, кайф-сафо б-н ўтган.

ДИОНИСИЙ — мил.ав. 1-а.нинг 2-ярмида яшаган галикарнаслик юнон тарихчиси ва нотиғи. Мил.ав. 30-й.дан Римда яшаган ва грек тилида асарлар ёзган. «Рим қадимиётлари» асари [Рим тарихининг афсонавий давридан мил. ав. 264 й.гача; 20 китоб, 1—9 китоблар (мил.ав. 442 й.гача) тўлиқ сақланган] ва риторика (нотиқчилик) ҳақида тўпламларнинг муаллифи.

ДИОПСИД (*ди*... ва юн. opsis — кўриниш) — жинс ҳосил қилувчи минерал. Моноклин пироксенлар гуруҳининг силикати. Моноклин сингонияли. Кимёвий формуласи $CaMg[Si_2O_6]$. Оч яшил, кулранг, шишадек ялтироқ. Қаттиқлиги 5,5—6,0. Зичлиги 3,3—3,4 г/см³. Одатда нотўғри шаклли кристаллар ҳолида пироксенит, перидотит, габбро, диабаз, диорит, сиенит, контакт скарнларида ва б. отқинди ва метаморфик жинсларда учрайди. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма тоғларидаги интрузив жинсларда бор. Австрия, Италия (Альп тоғлари), Швеция (Нордмарк), АҚШ (Коннектикут штати), РФ (Слюдянка)да маълум.

ДИОПТАЗ (юн. dioptas — орасидан кўрмоқ), минерал зумради, ахирит, аширит — минерал, миснинг сувли силикати. Кимёвий формуласи $Cu_6(Si_6O_{18}) \cdot 6H_2O$. Биринчи бўлиб бухоролик савдогар Муҳаммад Ашир 1785 й.да Марказий Қозогистондаги Олтинтепа деган жойдан топган, дастлаб унинг номи б-н аширит деб аталган. Кристалларининг ичидаги уланиш чизиқлари бутунлай кўриниб турганлиги учун француз минералоги Гаю (1797) аширитни Д. деб атаган. Тригонал сингонияли. Қисқа устунча, ромбоэдр кўринишида. Ранги зумрадсимон яшил, ялтироқлиги шишасимон. Қаттиқлиги 5. Зичлиги 3300 кг/м³. Мис конларининг нураш зонасида малахит, брошантит, хризоколла ва миснинг иккиламчи минераллари, шунингдек, кальцит, кварц, лимонит б-н бирга учрайди. Чили (Копиано яқинида), АҚШ (Аризона штати), Конго Демократик Республикаси (Шаба), Намибияда ҳам топилган.

ДИОПТРИКА (юн. dioptrika, dia — орқали ва opteuo — кўраман) — *геометрик оптика*нинг синдирувчи сиртлар ва улардан иборат системалардан ўтаётган ёруғликнинг синишини ўрганиш б-н шуғулланадиган соҳаси. Д. атамаси кўпинча кўзга нисбатан қўлланилади. Кўз Д.си кўзни оптик жисм сифатида қараб, унинг хоссаларини ўрганади.

ДИОПТРИМЕТР (*диоптрия* ва ... *метр*) — оптик (кўзойнакка ишлатиладиган) шишанинг синдириш кучини ўлчайдиган ҳамда астигматик (тасвирни бузиб кўрсатадиган) кўзойнак шишасининг асосий меридианлари ўрнини аниқлайдиган асбоб. Синдириш кучи диоптрия [*D*] да белгиланади. *Коллиматор*, кўриш трубаси, санаш микроскопи, ўлчанаётган линзага ишлов бериш механизми, унинг диаметрини ўлчаш, линзани марказлаш ва белгилаш механизмидан иборат. Д. оптик шишаларнинг синдириш кучини ±0,12 *D*.гача аниқликда ўлчаш имконини беради.

ДИОПТРИЯ (юн. dioptra — ичи-ташини кўриш) — линзалар ёки сферик кўзгулар оптик кучининг бирликлар тизимига кирмайдиган бирлиги; қисқача *D* б-н белгиланади. *D* да ифодаланган оптик куч м ларда ифодаланган бош фокус масофасининг тескариқийматига тенг. 1 Д. бош фокус масофаси 1 м бўлган линза ёки сферик кўзгунинг оптик кучига тенг. Нурни йиғувчи линзалар мусбат (+), сочувчи линзалар манфий (—) Д.ли бўлади. Кўзойнакларнинг оптик кучи ҳам *D* б-н ўлчанади. Яқиндан кўрувчилар учун *D* (—) манфий, узоқдан кўрувчилар учун *D* (+) мусбат кўзойнаклар тавсия этилади. Бунда кўзойнак линзаларининг нур синдиришини аниқлаб берадиган асбоб — *диоптриметр*дан фойдаланилади. Диоптриметр ёрдамида линзаларнинг тузилиши, асосий астигматик меридианлари, оптик маркази аниқланади.

ДИОРАМА, диарама (*диа*... ва юн. horama — кўриниш, манзара) — 1) махсус ёритиладиган материалга ишланадиган расм, тасвир тури; 2) олд қисмига турли нарсалар, макетлар, одам шакллари қўйилган ва орқа томонда ярим доирасимон юзага ишланган композиция; таъсирчанликни ошириш учун тасвир сунъий ёритилади. Йирик Д.лар махсус биноларга ўрнатилади. Дастлабки Д. Парижда Л. Дагер томонидан яратилган (1822), 19-а.да кенг тарқалган. «1944 йил 7 майда Сапунгорани штурм қилиш» (1959, рассом — П. Т. Мальцев; Г. И. Марченко ва Н. С. Присекинлар иштирокида) энг машҳур Д.лардан. Ўзбекистон музей ва кўргазмаларида Д.дан кенг фойдаланилади.

ДИОРИТ (юн. diorizo — ажратаман, фарқ қиламан) — ўрта асосли (SiO_2 55—65%) магматик тоғ жинси. Акцессор минераллардан апатит, циркон, ортит, турмалин, сфен қатнашади. Кварцли, кварцсиз, роговая обманкали, авгит ва биотитли турлари мавжуд. Ранги кулрангдан яшилсимон — кулранггача. Д. кам тарқалган ва одатда гранит, гранодиорит, баъзан бошқа жинслар б-н бирга учрайди. Булардан ташқари Д. шток, ертомир, лакколит ва б. интрузив массивлар шаклида ҳам учрайди. Д.дан турли хил йўл тошлари тайёрланади. Яхши жилоланадиган, ранго-ранг турлари иморатларнинг пойдеворларини безашда, турли вазалар тайёрлашда, архитектура ва ҳайкалтарошликда қўлланилади. Қад. Миср ва Месопотамияда Д.дан турли ҳайкаллар ишланган. Тошкент метросининг кўп жойларида Д. ишлатилган. Ўзбекистонда Қурама, Чатқол, Нурота, Молгузар ва б. тоғларда тарқалган. Д. б-н темир, мис, олтин конлари генетик боғлиқ (Урал, Сибирь, Қозоғистон).


ДИОСКУРИАДА, Диоскурия — Қора денгиз қирғоғидаги (ҳоз. Сухуми ш. ўрнида) антик шаҳар. Милетлик юнонлар томонидан мил. ав. 6-а.да қурилган. Д. Кавказ қабилалари б-н туз, қорамол, мум, буғдой, қуллар б-н йирик савдо алоқалари олиб борган. Савдо маркази бўлган. Мил. 1-а.нинг бошларида Римга тобе бўлиб, унда Рим гарнизони ўрнашган; шаҳар Себастополис деб аталган. Мил. 2—3-а.ларда тараққий этган, 4-а.дан таназзулга юз тута бошлаган. 6-а.гача қалъа. Д. жойлашган ернинг чўкиши натижасида Д. харобалари Сухуми бухтасининг тубида қолган.

ДИОФАНТ (тахм. 3-а.) — юнон математиги. Александрияда яшаган. «Арифметика» номли рисоласининг бир қисми (13 китобдан 6 таси) ва кўп бурчакли сонлар ҳақидаги китобининг баъзи қисмлари бизгача сақланган. «Арифметика»да Д., асосан, даражаси тўртгача бўлган тенгламаларга оид масалаларнинг, кейинчалик, ўз номи б-н аталган аниқмас тенгламаларнинг ечилишини топган. Д. тенглама ечимларини бутун сонларда қидиради. Мат.да Д. номи б-н юритиладиган яқинлаштиришлар, тенгламалар бор (қ. *Диофант тенгламалари*). Д. алгебраик ва назарий усулсонли масалаларни умумий ечиш усулларини бермаган ҳолда уларни усталик б-н ечган. Д. асарлари П. *Ферма*, Л. Эйлер, К. *Гаусс* ва б. олимларнинг тадқиқотлари учун асос бўлган.

ДИОФАНТ ТЕНГЛАМАЛАРИ — икки ёки ундан кўп номаълум қатнашган, коэффициентлари бутун сонлар бўлган алгебраик тенгламалар; бунда бутун ёки рационал сонлардан иборат ечимлари изланади. Мисоллар: а) $3x+5y=1$ нинг чексиз кўп бутун ечимлари бор: $x=-3+5k$, $y=2-3k$, бунда: k — ихтиёрий бутун сон; б) $x^2+y^2=z^2$ нинг ҳам чексиз кўп бутун ечимлари бор: $x=(m^2-n^2)k$, $y=2mnk$, $z=(m^2+n^2)k$, бунда: m, n, k — ихтиёрий бутун сонлар. Бу тенгламанинг ечимлари Пифагор сонлари дейилади. Мас., 3, 4, 5. *Диофант* ўзининг «Арифметика» номли асарида махсус кўринишдаги Д. т.нинг рационал илдизларини излаган. Биринчи даражали Д. т.нинг умумий назариясини 17-а.да яшаган француз математиги Баше яратган. *Ферма, Эйлер, Лагранж* ва *Гаусс* тадқиқотлари натижасида 19-а. бошларида иккинчи даражали Д. т. $ax^2+bxy+cy^2+dx+ey+f=0$ асосан текширилган эди. Норвег математиги А. Туэ (20-а.) $a_0x^n+a_1x^{n-1}y+\ldots+a_ny^n=c$ кўринишдаги Д. т.ни текшириб, айрим натижаларга эришган. Д. т.ни текшириш усуллари узлуксиз касрлар назариясига асосланган. Д. т. деганда номаълумлари сони тенгламалари сонидан кўп бўлган бутун коэффициентли алгебраик тенгламалар системалари ҳам тушунилади. Д. т., баъзан, аниқмас тенгламалар деб юритилади.

ДИПЕПТИДЛАР — икки аминокислота қолдиғининг амид (пептид) боғи (—CO—NH—) орқали бирикишидан ҳосил бўлган органик бирикмалар. Д.-200—300°да парчаланувчи кристалл моддалар. Сувда, суюлтирилган кислота ва ишқорларда яхши, органик эритувчиларда эса оз эрийди. Оқсиллар парчаланганда (гидролизланганда) ҳосил бўлади. Д. ўз таркибидаги аминокислоталарга хос рангли реакцияларни беради. Табиий Д., мас., *карнозин* ва анзерин жониворлар тўқималарида учрайди. Д. молекуласи кислоталар, ишқорлар ёки ферментлар таъсирида гидролизланиб иккита аминокислотага ажралиши мумкин.

ДИПИРАМИДА — умумий асосга эга бўлган тенг пирамидалардан иборат кўпёқлик. Д. учбурчакли (тригонал), тўртбурчакли (тетрагонал) ва б. бўлиши мумкин. Табиатдаги баъзи кристаллар Д. шаклида бўлади (расмга қ.). Кристалларда ромб, тригонал, тетрагонал, гексагонал (бешбурчакли) ва б. шаклдаги Д.лар учрайди. Д., баъзан, бипирамида деб ҳам аталади.



Дипирамида:
1. Гексагонал.
2. Тригонал.
3. Пентагонал.

ДИПЛЕУРУЛА (*ди*... ва юн. pleura — томон, ён) — нинатерилилар ва ичак б-н нафас олувчиларнинг икки томонлама симметрияли пелагик личинкаси. Танаси овал, орқа томони бўртиқ, қорин томони ботиб кирган. Танасининг оғизолди қисмида киприкли, эгилган бошланғич ичаги, оғиз ва анал тешиклари бўлади. Целомик халтачалари 3 жуфт. Нинатерилилар Д. личинкаси ривожланиб эхиноплутеус (*денгиз типратиканлари*да), офиоплутеус (офиураларда) бипиннария, сўнгра брахиолярия (*денгиз юлдузлари*да), аурикулярия ва делиолярия (голотурияларда), бочкасимон личинка (*денгиз нилуфарлари*да) ёки торнарияга (ичак б-н нафас олувчиларда) айланади (яна қ. *Личинка*).

ДИПЛОДОК (Diplodocus) — қазилма ҳолида топилган судралиб юрувчилар уруғи. *Динозаврлар* гуруҳига киради. Шим. Американинг юра қатламидан топилган. Бўйи 25 м га яқин, боши кичкина, гавдаси калта, думи ва бўйини узун бўлган. Ўсимликлар б-н озиқланган бир қанча турлари маълум.

ДИПЛОИД (юн.diploos — иккиланган ва eidos — кўриниш) — иккита гомологик *хромосомалар* тўпламига эга бўлган ҳужайралар. «Д.» термини 1905 й.да немис ботаниги Э. Страсбургер томонидан таклиф этилган. Д. иккита *гаплоид* гаметаларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Кўпчилик ҳайвонлар ва юксак ўсимликларда Д. ҳаётий цикнинг асосий фазаси (диплофаза, спорофит) ҳисобланса, баъзи бир ҳужайраларида фақат зигота диплоид бўлади. Диплоидлик эволюцион жараёнда гаплоид организмлар асосида пайдо бўлган ва гаплоидларга нисбатан бир қатор устунликка эга бўлганлиги туфайли сақланиб қолганлиги тахмин қилинади. Д.да ва рецессив мутациялар гетерозигота ҳолатида намоён бўла олмаганлиги сабабли популяцияларда яширин ҳолатда сақланиб қолади. Шу туфайли генотипик ўзгарувчанлик тўпланиб боради.

ДИПЛОКОККЛАР (Diplococcus) — Lactobacteriaceae оиласига мансуб бактериялар туркуми. Жуфт-жуфт бўлиб, ўзаро ёпишган шарсимон бактериялар; баъзан калта занжир ҳосил қилади. Ассан граммусбат бактериялар, баъзи Д. грамманфий, шакли дуккакка ўхшаш. Д., одатда, ҳаракатсиз, спора ҳосил қилмайди. Сапрофит яшовчи хиллари тупроқ, сув ва ҳавода тарқалган. Уларга *зотилжам, менингит, сўзак* каби оғир касалликларни пайдо қилувчи бактериялар ҳам киради. Зотилжам Д. (D. pneumoniae)нинг 80 дан ортиқ, менингококк (D. meningitalis)нинг А, В, С, Д серотиплари мавжуд.

ДИПЛОМ (юн. diplo — икки буклайман) — 1) шахснинг олий, ўрта махсус ёки ўрта касб-ҳунар ўқув юртини тугатганлиги ёхуд илмий даража, илмий унвонга эга эканлигини тасдиқловчи расмий ҳужжат; 2) муассаса, ташкилот ёки айрим шахсларга муайян ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган ҳужжат; 3) турли танлов, мусобақа, кўргазма ва б.да юқори кўрсаткичларга эришганлик учун мукофотланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

ДИПЛОМ ИШИ — Ўзбекистон Республикасида олий ўқув юртлари ва ўрта касб-ҳунар ўқув юрт (касб-ҳунар колледж)ларини битирувчиларнинг ўқув тадқиқот характеридаги якунловчи иши. Д. и.да талаба (ўқувчи) ўзи танлаган мутахассислигидан олий ўқув юртининг муайян кафедраси ёки касб-ҳунар ўқув юрти томонидан тасдиқланган мавзуни мустақил тадқиқ этади. Д. и.га илмий раҳбар, лозим бўлган тақдирда илмий маслаҳатчи тайинланади. Бу б-н унинг мустақил иш олиб боришга қай даражада тайёрланганлиги, назарий билими ва амалий малакаларига баҳо берилади. Санъат олий ўқув юртини битирувчилар роль (актёрлар), спектакль (реж.лар) ёки бадиий, ҳужжатли кино ҳамда телевизион материаллар (кино ва телетасвирчилар), рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, амалий безак санъати, кино ва видеофильм, театр декорацияси бадиий лойиҳалаштириш асарлари ва б. (рассом, ҳайкалтарош ва дизайнерлар) яратиш б-н Д. и. ҳимоя қиладилар. Олий техника ўқув юртларининг айрим мутахассислигида *диплом лойиҳаси* ўрнига назарий ёки экспериментал характерга эга бўлган Д. и. ёқланади. Д. и. олий ўқув юртларида давлат имтиҳон комиссияси, касб-ҳунар ўқув юртларида давлат ихтисос комиссияси йиғилишларида ҳимоя қилинади. Д. и. ҳимоя қилган ва ижтимоий-сиёсий фанларнинг биридан давлат имтиҳони топширган битирувчиларга муайян ихтисосликни эгаллаганликлари ҳақида *диплом* берилади. ЎзРнинг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» (1997)га мувофиқ 2000/2001 ўқув йилидан бошлаб олий таълим тизимида Д. и. ўрнига бакалаврлар учун битирув малакавий иш, магистрлар учун илмий ёки илмий-техникавий мазмундаги магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш жорий этилди.

ДИПЛОМ ЛОЙИҲАСИ — олий ва ўрта касб-ҳунар техника ўқув юртларини битирувчиларнинг якунловчи мустақил иши. Д. л. назарий ёки экспериментал тадқиқот, чизма ҳамда унинг ҳисоблаш-тушунтириш қисми ва ш.к.дан иборат бўлади. Д. л. мавзуси муҳандис (техник) и.ч.да дуч келадиган асосий масалаларни ўз ичига олади. Унда талаба (ўқувчи)нинг ўқиш даврида олган назарий билим ва амалий кўникмалари намоён бўлади. Д. л. олий ўқув юртларида давлат имтиҳон комиссияси, ўрта касб-ҳунар ўқув юртларида давлат ихтисос комиссияси йиғилишларида ҳимоя қилинади. Д. л. ҳимояси мавзунинг илмий-назарий ёки амалий аҳамиятига қараб корхона ва муассасаларда ҳам ўтказилиши мумкин. Айрим ихтисосликлар (асосан технология)да Д. л. олий ўқув юртларининг кафедралари ихтиёри б-н *диплом иши* б-н алмаштирилиши мумкин. Д. л.ни ҳимоя қилган ва ижтимоий-сиёсий фанларнинг биридан давлат имтиҳони топширган битирувчиларга муайян ихтисосликни эгаллаганликлари ҳақида *диплом* берилади. ЎзРнинг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» (1997)га мувофиқ 2000/2001 ўқув йилидан бошлаб олий таълим тизимида Д. л. ўрнига бакалаврлар учун битирув малакавий иш, магистрлар учун илмий ёки илмий-техникавий мазмундаги магистрлик диссертациясини ҳимоя қилиш жорий этилди.

ДИПЛОМАТ (франц. diplomate) — 1) муайян бир давлатнинг хорижий давлатлар б-н расмий алоқаларини юритиб турадиган ва бунинг учун махсус тайёргарлик кўрган лавозимли шахс. Д.га ҳукумат томонидан ваколат берилиб, у чет давлатларда дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади (қ. *Дипломатик иммунитет*); 2) кўчма маънода бошқа кишиларга усталик б-н муомалада бўладиган, ўз ишининг нозик томонларини, қонун-қоидаларини, музокара олиб бориш санъатини биладиган киши.

ДИПЛОМАТИК АГЕНТ — давлатнинг ваколатхоналарининг бошлиғи, элчи, элчихона ва дипломатик миссия хизматчиси. 1815 й.даги Вена конвенциясига биноан фақат ваколатхона бошлиқларигина Д.а. ҳисобланади. Дипломатиянинг ривожланиши бу турларда элчихона ва миссия хизматчилари, ҳамма даражадаги элчилар, ваколатхонанинг дипломатик хизматчилари, халқаро ташкилотларга ва конференцияларга юборилган расмий вакиллар, шунингдек, бир мамлакатнинг 2-мамлакатга юборадиган делегация бошлиқлари ва аъзолари ҳам Д.а. саналадиган бўлди.

ДИПЛОМАТИК АКТ — давлатлар ўртасида олиб борилган дипломатик музокара ёки махсус конференция қарори. Д.а. шартнома, битим, пакт, конвенция, протокол, декларация, устав, статут каби турли номлар б-н аталишига қарамай, ягона юридик аҳамиятга эга. Д.а.нинг кенг тарқалган шакли — сулҳ, ўзаро ёрдам ва савдо тўғрисидаги халқаро шартномалардир. *Баёнот, меморандум* ҳам Д.а. ҳисобланади.

ДИПЛОМАТИК ВАКИЛЛИК — давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқарадиган элчихона ёки миссия. Элчи бошқарадиган Д.в. — элчихона, вакил ёки доимий ишлар вакили бошқарадиган Д.в. — миссия деб аталади. Д.в. 16—18-а.ларда Европада вужудга келган. Д.в. элчи айирбошланган давлатда ўз давлати номидан музокаралар олиб боради, вакиллик жойлашган давлатнинг ҳаёти тўғрисида бундаги ваколатхона (элчихона, миссия)лар ҳақидаги қонун йўл қўйган доирада маълумотлар тўплайди, ҳар иккала давлат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий-техникавий алоқаларнинг ривожланишига ёрдамлашади, ўз давлати ҳамда фуқароларининг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини қўриқлайди. Д.в. фаолиятига раҳбарлик қиладиган элчи дипломатик имтиёз ва иммунитетга эга. Д.в.нинг ҳуқуқий мавқеи Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги 1961 й.ги Вена конвенцияси, икки томонлама битимлар, шунингдек, Д.в. жойлашган давлат ички қонунлари б-н белгиланади. Ҳалқаро ташкилотлар ҳузуридаги (жумладан, кузатувчилар миссиясидаги) вакилликлар ҳам Д.в.нинг бир тури бўлиб, унинг ҳуқуқий мавқеи Давлатларнинг универсал тусдаги халқаро ташкилотлар б-н муносабатлари бўйича вакиллиги тўғрисидаги 1975 й.ги Вена конвенциясида белгилаб берилган.

ДИПЛОМАТИК ВИЗА — ҳукумат аъзолари, давлатнинг олий лавозимли шахслари, халқаро конференцияларнинг делегатлари, фавқулодда дипломатик миссия вакиллари, расмий мақсадларда сафарга жўнатилган ташқи ишлар идорасининг дипломатик ходимлари, дипломатик курьерларнинг паспортларига ташқи ишлар идораси, дипломатик вакиллик ёки консуллик томонидан қўйиладиган махсус белги. Д. в.ларнинг чет мамлакатга кириш ва ундан ўтишга рухсат берадиган ва транзит турлари мавжуд.

ДИПЛОМАТИК ЁЗИШМА — турли расмий хат-хабарлар ва дипломатик тусдаги ҳужжатлар мажмуи. Давлатлар ўртасидаги муносабатларни юритиш воситаси, давлат ташқи сиёсий ва дипломатик фаолиятининг асосий шаклларидан бири. Давлатлар ўртасида ёзишма тарзидаги муомала давлат, ҳукумат ли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда муассасалари ёки уларнинг бошлиқлари, дипломатик вакиллар ва айрим дипломатлар номидан йўлга қўйиб турилади. Мактублар, телеграммалар, хатлар, нота орқали ёзишмалар, шунингдек, декларация, баёнот, чақириқ, ахборот агентларининг хабарлари Д.ё. турлари ҳисобланади. Д.ё.да халқаро ҳаёт ва ташқи сиёсат, давлатлараро икки томонлама ёки кўп томонлама муносабат масалалари ёритилади. Мазкур ҳужжатларни тайёрлаш давлат ва унга тегишли муассасалар дипломатик фаолиятининг муҳим сохаси саналади.

ДИПЛОМАТИК ИММУНИТЕТ — чет эл дипломатик вакилларига, махсус миссияларга, давлатларнинг халқаро ҳукуматлараро ташкилотлардаги вакилликларига, уларнинг раҳбарлари ва ходимларига бериладиган ҳуқуқ ва имтиёзлар мажмуи. Д.и. чет эл дипломатлари (элчи, элчихона котибалари, атташе ва б.) ва улар эгаллаган биноларнинг дахлсизлиги, маҳаллий суд томонидан суд қилинмаслиги, ўз ҳукумати б-н яширин алоқа қилиш ҳуқуқи ва ҳ.к.дан иборат. Дипломатик ваколатхона биноси, ундаги ашёлар, ваколатхона биноси, ундаги ашёлар, ваҳақоратланишига йўл қўйилмайди. Ваколатхона биноси, ундаги ашёлар, валарнинг турар жойи, мулки дахлсиз бўлиб, улар жойлашган бинолар давлат муҳофазасига олинади. Дипломат суд иммунитети ҳуқуқига ҳам эга. Дипломатик вакиллар ғайриқонуний хатти-ҳаракати учун жавобгарликка тортилмасдан, балки халқаро дипломатик тартиб асосида уни вакил этиб юборган давлат томонидан чақириб олинади. Шунингдек, улар солиқлардан озод қилинади, божхона имтиёзларига эга. Д.и.га эга шахслар ўзлари яшаб турган давлат қонунларини ҳурмат қилишга мажбур, бу қонунларни бузган ҳолда номақбул шахс деб эълон қилиниши мумкин. Дипломатик муносабатлар ҳақидаги 1961 й. Вена конвенцияси, Консуллик муносабатлари ҳақидаги 1963 й. Вена конвенцияси, БМТ Бош Ассамблеясининг Халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахсларга, жумладан дипломатик агентларга қарши қаратилган жиноятлар олдини олиш ва улар учун жазолаш тўғрисидаги 1973 й. конвенцияси ва б. ҳужжатларда Д.и. тартиб-қоидалари белгиланган.

ДИПЛОМАТИК КОРПУС — кенг маънода — муайян мамлакатда аккредитация қилинган дипломатик ваколатхоналарнинг барча дипломатик ходимлари (оила аъзолари б-н); тор маънода — фақат дипломатик ваколатхоналар бошлиқлари. Д.к. номидан, одатда, *дуайен* гапиради.

ДИПЛОМАТИК КУРЬЕР — ташқи ишлар вазирлигидаги махсус мансабдор шахс. *Дипломатик почта*ни ваколатхоналарга етказиб бериш вазифасини бажаради. Д.к. ва у олиб борадиган почта дахлсиздир. Д.к. ушланиши, қамаб қўйилиши ёки тинтув қилиниши мумкин эмас. Д.к. чет эл ҳудудидан ўтиб бораётганида мазкур мамлакат ҳукумати унинг дахлсизлигини таъминлашга мажбурдир.

ДИПЛОМАТИК МУЗОКАРА — давлатлар вакилларининг сиёсий, иқтисодий масалаларни ҳамда икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларга оид бошқа муаммоларни расмий муҳокама қилиши. Мақсад — ташқи сиёсий стратегия ва тактикани ёки тегишли дипломатик тадбирларни ўзаро келишиб олиш, фикр алмашиш, шартномаларни тайёрлаш ва тузиш, низоли муаммоларни ҳал этиш ва ҳ.к. Д.м. — давлатлар орасида вужудга келиб турадиган низолар ва можароларни тинч йўл б-н ҳал этишнинг асосий воситаси, ўзаро муносабатларни ривожлантириш ҳамда чуқурлаштиришнинг *халқаро ҳуқуқ*да мустаҳкамланган услубларидан бири. Д.м. қатнашчилари лавозими (*давлат бошлиғи*, ҳукумат бошлиғи, ташқи ишлар вазири ва ҳ.к.) муҳокама этиладиган муаммоларнинг аҳамияти б-н белгиланади. Умум тан олган одатга биноан давлат бошлиғи, ҳукумат бошлиғи, ташқи ишлар вазири Д.м.ни юритиш ва махсус ваколатларсиз халқаро шартномаларни имзолаш ҳуқуқига эга; бошқа расмий шахслар Д.м.ни юритиш ва якунловчи ҳужжатларни имзолаш учун тегишли тарзда расмийлаштирилган ваколатларга эга бўлиши шарт. Д.м. уларда иштирок этувчиларнинг шахсий учрашувлари йўли б-н ёки ёзма равишда — *дипломатик ёзишма* воситасида ўтказилади. Кўпинча музокараларнинг оғзаки ва ёзма шаклларидан айни бир вақтда фойдаланилади. Қоида тариқасида Д.м. дан олдин тайёргарлик ишлари олиб борилади, жумладан, делегацияларнинг тегишли масалаларга ёндашувлари ишлаб чиқилади, якунловчи ҳужжатларнинг лойиҳалари ҳозирланади ва ҳ.к.

ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТ — халқаро ҳуқуқ меъёрларига ва халқаро мулоқот тажрибасига кўра давлатлар ўртасида расмий муносабатларни юритишнинг асосий шакли. Д.м. давлатлар ўртасида дўстона алоқаларни ривожлантиришга, халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлаб туришга кўмаклашиши зарур. Дипломатик муносабатлар тўғрисидаги 1961 й. Вена конвенциясига биноан давлатлараро Д.м. ўзаро келишув асосида йўлга қўйилади. Д.м.ни ўрнатишда одатда бирон-бир давлат ва унинг ҳукуматининг бошқа бир давлат томонидан *де-факто* ёхуд *де-юре* тан олиниши дастлабки қадам ҳисобланади. Д.м. манфаатдор давлатлар вакиллари б-н бевосита ёки билвосита, учинчи бир давлат дипломатик вакиллари билан музокара юритиш натижасида ўрнатилади ҳамда давлат-

лар ва ҳукуматларнинг бошлиқлари, ташқи ишлар вазирлари, махсус ваколатли шахсларнинг ўзаро мактуб, телеграмма ва хатлар айирбошлаши тарзида расмийлаштирилади. Томонлар Д.м. ўрнатилиши факти ҳақида, дипломатик вакилликлар даражаси (элчихона ёки миссия), битимнинг кучга кириш санаси, уни эълон қилиш муддати ва тартиби тўғрисида ҳам ўзаро келишиб олади.

ДИПЛОМАТИК НОТА — *дипломатик ёзишма*га оид ҳужжатнинг бир тури. Вербал ва шахсий Д.н.ларга бўлинади. Дипломатик тажрибада кўпроқ *вербал нота* қўлланилади. Шахсий Д.н. муҳим, жиддий муаммоларга бағишланади ёки бирон-бир воқеа тўғрисида расмий ахборот тарзида юборилади. Д.н. дипломатик протокол талабларига биноан ёки шахсий Д.н.га жавоб тариқасида ҳам йўлланади, у имзо чекувчи номидан 1-шахс феълида тузилган хат шаклида нота бланкасига босилиб, манзил кўрсатилади, аммо муҳр босилмайди. Ҳалқаро дипломатик амалиётда Д.н.лар айирбошлаш халқаро шартномалар тузишнинг шаклларидан бири саналади.

ДИПЛОМАТИК ПОЧТА — давлат (одатда, ташқи ишлар маҳкамаси тимсолида) б-н унинг чет элдаги дипломатик, консуллик ва б. вакилликлари, шунингдек, вакилликлар ўртасидаги алоқанинг энг муҳим ва кенг тарқалган воситаларидан бири. Махсус тартиб бўйича йўлга қўйиладиган Д.п. орқали хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган расмий хат-хабарлар, ҳужжатлар ва буюмлар тегишли манзилларга *дипломатик курьер* томонидан етказиб берилади. Бу нарсалар пакет, чамадон ва қоп (вализ)ларга жойланади: ваколатли орган томонидан сўрғичланиб, муҳрланади ва курьер варақаси тегишли шаклда тўлдирилади. Д.п.да ва курьер варақасида хат-ҳужжат ҳамда юклар олиб борилаётган манзил, «Expedition offiselle» деб ёзилган белги, албатта, бўлиши керак. Ҳар бир қоп Д.п.да алоҳида ўрин эгаллаб, ҳам махсус ваколатланган шахслар кузатувида, ҳам кузатувчисиз оддий алоқа каналлари орқали етказилиши мумкин. Д.п. дахлсиз бўлиб, уни очиш, йўлда ушлаш мумкин эмас, унга бож ҳам олинмайди. Д.п.га оид энг муҳим қоидалар Дипломатик алоқалар тўғрисидаги 1961 й.ги Вена конвенциясида белгилаб берилган.

ДИПЛОМАТИК ҚАБУЛ — *дипломатия* соҳасида расмий тадбирлардан бири. У муҳим воқеалар ва юбилей саналарини нишонлаш, дипломатик ваколатли шахсларнинг ўзаро алмашуви, шунингдек, дипломатик вакилликнинг ўзига тегишли вазифаларини бажариш тарзида ўтказилади.

ДИПЛОМАТИЯ (франц. diplomatie) — давлатларнинг ташқи сиёсат соҳасидаги вазифаларини амалга ошириш, шунингдек, чет элда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги расмий фаолияти. «Дипломатия» термини юнон тилидаги «икки букилган қоғоз» сўзидан олинган. Қадимда Юнонистон ва Римда тахтакач муқова ичига солинган хат элчиларга улар ваколатини тасдиқловчи ишонч ёрлиғи ёки ҳужжат сифатида тақдим этилган. Бу термин ҳозирги маънода Ғарбий Европада 18-а. охирида расм бўлган. Д. давлат ташқи сиёсатининг энг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади, ана шу сиёсатнинг мақсад ва вазифалари Д. шакли ва услубларини белгилаб беради. Дипломатик фаолиятнинг асосий шакллари: дипломатик конгресслар, конференциялар ёки кенгашлар; нота, меморандум, баёнот ва ҳ.к. шакллардаги дипломатик ёзишма; халқаро шартномаларни тайёрлаш ва имзолаш; давлатнинг элчихоналар ва миссиялар орқали амалга ошиладиган чет элдаги вакиллиги; халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш; ташқи сиёсий масалалар бўйича ҳукумат нуқтаи назарини матбуотда ёритиш. Дипломатик муассасалар ва уларнинг масъул ходимлари дипломатик имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланади. Халқаро ҳуқуққа биноан, дипломатик вакилларга ўзлари ишлаётган мамлакат ички ишларига аралашиш ман этилади.

Д.нинг шаклланиши *давлат*нинг юзага келиши, унинг муайян органлари ва лавозимдор шахслари фаолияти б-н боғлиқ бўлган. Ўзбек давлатчилиги тарихида чет эллар б-н мунтазам алоқалар йўлга қўйилганлиги яхши маълум. Амир Темур давлати Франция, Англия, Кастилия, Константинополь, Генуя ва Венеция б-н элчилар орқали алоқаларни йўлга қўйган.

Ўзбекистон мустақил давлат бўлгач, халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектига айланди. 120 дан зиёд давлат б-н дипломатик алоқа ўрнатди (2002 й. янв.). БМТ, *Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти* ва б. обрўли халқаро ташкилотлар ва кенгашларга аъзо бўлди. Унинг ташқи сиёсати, дипломатик фаолияти ЎзР Конституциясида белгиланганидек, давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч б-н таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл б-н ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган бошқа қоида ва меъёрларига асосланади. Тенг ҳуқуқлилик, ўзаро манфаатдорлик ва ўзаро ҳурмат Ўзбекистон Д.сининг асосий тамойилларидир. ЎзР жаҳонда янгича иқтисодий тартиб ўрнатиш, бутун дунёда, жумладан Марказий Осиё минтақасида ялпи тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун, халқаро терроризм ва гиёҳвандликка қарши курашда жаҳон ҳамжамияти б-н бирга фаол ҳаракат қилмоқда, бу йўлда барча дипломатик каналларни ишга солмоқда. Ўзбекистонда Д. кадрлари Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-тида тайёрланади.

ДИПЛОМАТИЯ ДАРАЖА ВА МАРТАБАЛАРИ — давлат ваколатхоналарининг дипломатия ходимлари учун белгиланган расмий унвонлар. «Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия даража ва мартабалари белгилаш тўғрисида»ги қонунда (1992 й. 3 июль), «Дипломатия муносабатлари тўғрисида»ги 1961 й.ги Вена конвенцияси ҳамда халқаро ҳуқуқ нормалари ва қоидаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси дипломатия ваколатхоналари бошлиқларининг қуйидаги 3 даражаси белгиланган: чет давлат бошлиғи ҳузурида аккредитация қилинадиган (қ. *Аккредитлаш*) Фавқулодда ва мухтор элчи; чет давлат бошлиғи ҳузурида аккредитация қилинадиган Фавқулодда ва мухтор вакил; чет давлат Ташқи ишлар вазири ҳузурида аккредитация қилинадиган Фавқулодда ва мухтор вакил дипломатия ходимларига бериладиган ҳизмат унвонлари қуйидагилар: Фавқулодда ва мухтор элчи; 1- ва 2-даражали Фавқулодда ва мухтор вакил; 1- ва 2-даражали 1-котиб; 1- ва 2-даражали 2-котиб; Учинчи котиб; Атташе. Фавқулодда ва мухтор элчи, 1- ва 2-даражали фавқулодда ва мухтор вакил мартабалари Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари б-н, бошқа дипломатия мартабалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири буйруғи б-н берилади. Дипломатия мартабалари мазкур вазирликнинг раҳбар ва масъул ходимларига ҳам берилиши мумкин. Фавқулодда ва мухтор элчи, Фавқулодда ва мухтор вакил мартабалари бир умрга берилади. Бошқа дипломатия мартабасига эга бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимидан пенсияга чиққан тақдирда уларнинг бу мартабаси сақланиб қолади.

ДИПЛОМАТИЯ ТИЛИ — 1) дипломатик алоқалар ва халқаро шартномалар тили. Ҳозирги вақтда мажбурий Д.т. йўқ. Умумий қоидага биноан ташқи алоқа органларида ўз миллий тиллари қўлланади. Айрим истиснолардан ташқари, икки томонлама халқаро шартномалар, шунингдек, иштирокчилари сони чекланган кўп томонлама шартномалар мазкур томонларнинг тилларида тузилади. Халқаро ташкилотларда ва конференцияларда тиллар тегишли тартиб-қоидалар асосида ишлатилади. Ушбу анжуманларда тиллар расмий тилларга (уларда барча энг муҳим дипломатик ҳужжатлар тузилади) ва иш юритиладиган тилларга (шу тилларда мунозара олиб борилади, лойиҳа ва ҳ.к. тузилади) бўлинади. БМТ Бош Ассамблеясида расмий ва иш юритиладиган 6 тилдан — араб, инглиз, испан, рус, француз ва хитой тилларидан фойдаланилади. БМТ доирасида ва раҳбарлигида қабул қилинадиган кўп томонлама халқаро шартномалар (айниқса, умумий тусдагилари) бир хил матнга эга бўлиб, қоида тариқасида БМТ расмий тилларида тузилади; 2) дипломатик луғатга кирган махсус терминлар ва иборалар (мас., агреман, статускво, реторсиялар ва ҳ.к.).

ДИПЛОПИЯ (юн. diplos — иккита ва ops — кўз) — бир нарсанинг устма-уст ёки ёнма-ён турган икки нарсадек бўлиб кўриниши. Кўзни ҳаракатлантирувчи мускулларнинг қисман ёки тўлиқ фалажланишидан келиб чиқади. Кўз косасида шиш пайдо бўлиб, кўз соққаси бўртиб чиқишидан ҳам Д. вужудга келади. Д. мураккаб офтальмологик асбоблар орқали аниқланади ва уни кўз касалликлари мутахассиси (врач-офтальмолог) даволайди.

ДИПОЛЬ (*di*... ва юн. polos — қутб) 1) электр Д. — бир-биридан *l* масофада жойлашган миқдор жиҳатдан ўзаро тенг ва турли ишорали икки нуқтавий заряд $+q$ ва $-q$ дан ташкил топган система. Икки заряд орқали ўтувчи тўғри чизиқ Д. ўқи деб аталади. Д.нинг асосий тафсилоти унинг электр Д. моменти $\vec{p}_e$ бўлиб, $\vec{p}_e = gl$ га тенг (расмга қ.). Бу вектор манфий зарядан мусбат зарядга қараб йўналади, деб қабул қилинган. Д. майдоннинг ҳар қандай нуқтасидаги кучланганлик $\vec{E}$ қуйидагича аниқланади:

$$\vec{E} = \frac{1}{4\pi\varepsilon_0} \cdot \frac{\vec{p}_e}{r^3} \sqrt{3\cos^3\alpha + 1},$$


бунда r — Д. марказидан кузатилаётган нуқтагача бўлган масофа, α — Д. ўқи б-н кузатилаётган нуқта йўналиши орасидаги бурчак; ε_0 — электр доимийси.

Ташқи электростатик майдон таъсири бўлмаган ҳолда, молекула таркибидаги мусбат ва манфий зарядларнинг оғирлик марказлари бир-бирига нисбатан маълум масофага силжиган бўлса, бундай молекулага электр Д. деб қараш мумкин. Бу эса ташқи электр майдонга жойлаштирилган диэлектрикларда содир бўлаётган физик жараёнларни тушунишда катта қулайликлар яратади; 2) магнит Д. — айланма токка ва магнит хусусиятига эга бўлган жисм. Маълумки, ҳар қандай жисм атомлардан ташкил топган. Атомлар таркибидаги электронлар ёпиқ орбита бўйича жуда катта тезлик б-н ҳаракатланиб, айланма токларни вужудга келтиради. Ток кучи I бўлган R радиусли айланма токнинг (расмга қ.) ток ўқи ОО′ да унинг марказидан r масофада турган нуқтада ҳосил қилган магнит индукцияси B *Био—Савар—Лаплас қонуни*га асосан қуйидагича ифодаланади:

$$B = \frac{\mu_0 2\vec{p}_m}{4\pi r^3},$$

бунда μ_0 — магнит доимийси, $\vec{p}_m$ — айланма токнинг магнит моменти; $\vec{p}_m = \pi R^2 I$.

Айланма токнинг мусбат ёки шим. қутби деб контурдан магнит индукция векторининг чиқиш томони, унга тескари томони эса манфий ёки жан. қутби деб аталади. Агар бирор жисмдаги электронларнинг орбитадаги ҳаракати туфайли вужудга келган айланма токлар ўзаро маълум тартибда жойлашиб, уларнинг магнит майдонлари бир-бирларини кучайтириб юборса, бундай жисм магнит хусусиятига эга бўлади. Шунинг учун истаган магнитни қатор катта ва кичик бўлакчаларга ажратиб юборилганда ҳам, ҳар бир бўлакча шим. ва жан. қутбга эга бўлиб, магнитлик хусусиятини сақлаб қолади.



ДИПТЕР (юн. dipteros) — Юнонистондаги ибодатхонанинг бир тури. Атрофи икки қатор устунли айвон б-н ўралган тўғри бурчакли катта хона (мас., Эфесдаги Артемида ибодатхонаси, мил. ав. 6-а., ҳоз. Туркия ҳудудида).

ДИПТИХ (юн. diptychos — буклама, икки букланган) — 1) қад. санъатда сиртига мум суртилган буклама ёзув тахтаси; 2) рангтасвир ёки бўртма тасвир ишланган икки табақали буклама тахта; 3) бир мазмун б-н боғланган қўштасвир, икки картина.

ДИРАК (Dirac) Поль Адриен Морис (1902.8.8, Бристоль — 1984) — инглиз назариётчи физиги, *квант механика* асосчиларидан бири. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1930 й.дан). Бристоль (1921) ва Кембриж (1926) ун-тларини тамомлаган.



Квант электродинамика ва гравитациянинг квант назариясига асос солган. Илмий ишлари квант механика ва квант электродинамикага, майдон ва элементар зарралар назариясига, гравитация назариясига доир. Квант статистика (*Ферми—Дирак статистикаси*)ни ишлаб чиққан; иккиламчи квантлаш усулини таклиф қилиб, квант назарияси принципларини биринчи бўлиб электромагнит майдон учун татбиқ этган (1927), квант майдоннинг биринчи моделини топган; электроннинг квант механика назариясини *нисбийлик назариясига* мослаб ишлаб чиққан (1928), бу назарияга асосан позитрон топилган; табиатда антимодданинг мавжудлиги гипотезасини баён қилган (1933); 1962 й.да меон назариясини ишлаб чиққан (унда меон электроннинг тебраниш ҳолати сифатида ифодаланади). Нобель мукофоти лауреати (1933, Э. *Шрёдингер* б-н ҳамкорликда).

ДИРАК ТЕНГЛАМАСИ — $\frac{1}{2}$ спинли зарралар (мас., электронлар ва позитронлар, мюонлар) ҳаракатининг нисбийлик назарияси талабларини қаноатлантирадиган квант тенглама. 1928 й.да П.*Дирак* аниқлаган. Д. т.дан электроннинг хусусий механик моменти — спини $\frac{h}{2}$ га, шунингдек, хусусий магнит моменти — Бор магнетони $\frac{eh}{2mc}$ га тенг эканлиги келиб чиқади (e ва m — электрон заряди ва массаси, c — ёруғлик тезлиги, h — Планк доимийси). Д.

т. ёрдамида водород атоми (водородсимон атомлар)нинг энергетик сатҳи, нозик структура сатҳининг формуласи келтириб чиқарилган, шунингдек, бу тенглама б-н *Зееман эффекти* тушунтирилган. Д. т. эркин электронлардан фотонларнинг сочилиши (қ. *Комптон эффекти*) ва электрон тормозланганда электрон нурланиши (қ. *Тормоз нурланиши*) моҳиятини очиб берган. Д. т. б-н квант ўтишлар туфайли янги зарралар пайдо бўлиши тушунтирилди. Бундай заррани 1932 й. К. *Андерсон* кашф қилди ва *позитрон* деб атади. Бу эса Дирак электронлар назариясининг тасдиқланиши эди. Электроннинг бир энергетик сатҳдан иккинчисига ўтиши электрон-позитрон жуфти ёки бу жуфт *аннигиляция*си б-н рўй беради.

Д.т. $\frac{1}{2}$ ($\hbar$ бирликда) спинли бошқа зарралар: мюонлар, нейтринолар ва ҳ.к. учун ҳам ўринлидир. У нуклонлар (нейтрон ва протон)га татбиқ қилинганда нотўғри натижаларга олиб келади, чунки Д. т.ни кучли ўзаро таъсирга татбиқ қилиш мумкин эмас. Д.т. *квант механика*нинг асосий тенгламаларидан бири ҳисобланади.

Ад.: Дирак П. А. М., Принципы квантовой механики, пер. с англ., М., 1960; Давыдов А. С., Квантовая механика, М., 1973; Боголюбов Н. Н., Ширков Д. В., Введение в теорию квантовых полей, М., 1977.


ДИРАМ (форс. — араб.) — *дирҳам*нинг айнан ўзи; 1) Бухоро хонлиги, Эрон ва Ироқда оғирлик ўлчов бирлиги. Ўртача вазни 3,235 г га тенг бўлган кумуш танга; 2) Бухоро хонлиги, Эрон, Ироқ, Афғонистон ва Туркияда пул бирлиги.

ДИРЕДАВА, Дире-Дауа — Эфиопиядаги шаҳар, мамлакатнинг шарқий қисмида. Аҳолиси 195 минг кишидан зиёд (1990-й.лар охирлари). Транспорт йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Тўқимачилик, цемент, озиқ-овқат саноати ривожланган. Қ.х. районининг (кофе, чорва моллари) савдо маркази.


ДИРЕКТОРИЯ (лот. directorium — бошқарма, раҳбарлик) — Франция республикасининг 1795—99 й.лардаги ҳукумати. 5 аъзо (директор)дан ташкил топган. Д. ҳукумати йирик буржуазия манфаатини ҳимоя қилган. 1799 й. 9 нояб.да Наполеон Бонапарт давлат тўнтариши ясаб, Д.ни ағдариб, ҳарбий буржуа диктатурасини ўрнатган.

ДИРЕКТОРЛАР КЕНГАШИ, акциядорлик жамияти директорлар кенгаши — акциядорлик жамиятининг акциядорлар умумий йиғилишида сайланадиган раҳбар ижроия органи; акциядорларнинг умумий йиғилишлари оралиғида жамиятни бошқариш, муҳим муаммоларни ечиш б-н шуғулланади. Д. к. жамиятнинг оператив бошқарув ишларини бажарадиган жамият бошқарувини, ижрочи директорни тайинлайди. Д. к.га корхона раҳбари, раҳбар ўринбосарлари, йирик мутахассислар, корхона таркибига кирувчи кичик корхона раҳбарлари ва б. сайланади. Йирик корхона (уюшма, корпорация)нинг раҳбари Д. к.нинг раиси этиб сайланади. Д. к.нинг йиғилиши вазиятга кўра ҳар чоракда бир марта ўтказилади. Йиғилиш кун тартиби бир ой олдин кенгаш аъзоларига эълон қилинади. Д. к. қарорларини акциядорлик жамиятининг барча аъзолари бажариши шарт.


ДИРЕКТРИСА (лот. directrix — йўналтирувчи) — 1) математикада — берилган 2-тартибли эгри чизиққа (мас., конус кесимлари — эллипс, гипербола ва параболага) нисбатан маълум хоссага эга бўлган тўғри чизиқ. 2-тартибли эгри чизиқнинг ҳар қандай нуқтасидан фокусигача бўлган масофанинг шу тўғри чизиққача бўлган масофага нисбати ўзгармас. Ҳар бир Д. бир фокусга мос келади. Эллипс (1-расм) ва гипербола (2-расм) иккитадан (l_1 ва l_2) Д.га, парабола эса (3-расм) битта (l) Д.га эга. Каноник тенгламалари б-н берилган эллипс ва гипербола учун Д. тенгламаси $x = \pm\frac{a}{e}$ (бунда: a — эллипснинг катта ўқи ёки гиперболанинг ҳақиқий ўқи, e — эгри чизиқ эксцентритети); $y^2=2px$ тенглама б-н берилган парабола учун (e=1); $x = -\frac{p}{2}$; 2) артиллерия полигонида ўқ отиш учун



Директриса: 1-расм.



2-расм.



3-расм.

оллиндан таиёрланган муайян йўналиш (нишонлар ўрнатилган, алоқа воситалари йўлга қўйилган, кузатиш нуқталари белгиланган ва ҳ. к. бўлади).

ДИРЕКЦИОН (франц. direction — қўлланма) — кичик асарлар (марш, рақс, қўшиқ ва ҳ.к.)нинг пуфлама созлар оркестри учун мосланган ихчам *партитура*си. Д.да барча овозлар 3—4 нота йўлига жойлашади ва реал садосида ёзилади.

ДИРЕКЦИОН БУРЧАК — тўғри бурчакли координаталар тизимида шим. йўналиш (*абсцисса* ўқи) б-н берилган йўналиш орасидаги бурчак. У соат мили йўналиши бўйича 0° дан 360° гача ўзгаради; α ҳарфи б-н белгиланади. Д. б. геофизика, артиллерия ва навигацияда қўлланилади.

ДИРИЖАБЛЬ (франц. dirigeable — бошқарилувчи) — ҳаводан енгил учиш аппарати; бошқариладиган *аэростат*: корпусига тўлдирилган газ (гелий ёки водород)нинг кўтариш кучи ҳисобига баланлайди. Асосий қисмлари: корпус, қанот, стабилизатор, бошқариш рулари, одамлар ўтирадиган ва двигателлар ўрнатиладиган қисми — гондола.



Дирижабль.

Д.га бир ёки бир неча винтли двигатель ўрнатилади. Д.нинг юмшоқ, ярим қаттиқ турлари бўлади. Д. корпуси пишиқ матодан қилинади, баъзиларининг қорин томонига металл ферма ҳам ўрнатилади. Д.ни баландлатиш учун балласт (ортиқча юк)нинг бир қисми ташланади, пастлатиш учун газнинг бир қисми чиқариб юборилади. Д.нинг тезлиги 100—135 км/соат дан ошмайди, ҳажми — 200 минг м³гача. Д.лар бориш қийин бўлган, аэродромлар йўқ жойларга юк ва йўловчилар ташишда, сув ости кемаларини қидиришда қўлланилган. Француз ихтирочиси А. Жиффар буг двигателли бошқариладиган аэростатда биринчи бўлиб парвоз қилган (1852). Д.дан асосан 20-а. 50-йилларигача фойдаланилган. 70-й.ларда қисман тикланган (мас., ГФР, Франция). Ҳозир Д. ўрнига *вертолёт* ишлатилмоқда.

ДИРИЖЁРЛИК (франц. diriger — йўналтириш, бошқариш, раҳбарлик қилиш) — мусиқа ижрочилиги санъатининг мураккаб тури; мусиқа асарини ижрога тайёрлаш жараёнида ҳамда бевосита тингловчи — томошабинлар олдида ижрочилар (*оркестр, хор, ансамбль, опера, балет* жамоалари ва б.)га раҳбарлик қилиш. Одатда бир (баъзан, икки) дирижёр томонидан амалга оширилади. Д. жамоавий мусиқа ижросининг уйғунлиги, бадиий ва техник мукаммаллигини таъминлайди. Кўп овозли мусиқа мураккаблашуви ва оркестр ижрочилигининг ривожи натижасида 15-а. 1-ярмида юзага келиб, уни амалиётга И. Мозель (Австрия), К. М. Вебер ва Л. Шпор (Германия)лар киритган. Л. Бетховен, Г. Берлиоз, Р. Вагнерлар Д. санъати асосчиларидан. Халқаро эътибор қозонган биринчи дирижёр Х. фон Бюлов (Германия) бўлган. 19-а. охири — 20-а. бошларида чет эл Д. санъати усталари сифатида Х. Рихтер, А. Никиш (Венгрия), Ф. Вейнгартнер ва Р. Штраус (Германия), Г. Малер (Австрия), М. Балакирев, А. ва Н. Рубинштейнлар, С. Рахманинов, С. Кусевицкий (Россия) ва б. танилган. Кейинги даврда Г. фон Караян (Австрия), Л. Стоковский, Ю. Орманди, Л. Бернстайн (АҚШ), Б. Вальтер, В. Фуртвенглер, О. Клемперер (Германия), А. Тосканини (Италия), Е. Мравинский, А. Мелик-Пашаев, Е. Светланов, Г. Рождественский (Россия), Ш. Мюнш (Франция), К. Анчерл (Чехия) ва б. Д. соҳасида катта ижодий ютуқларга эришган.

Ўзбекистонда илк дирижёрлар орасида Ф. В. *Лейсек*, Н. *Миронов*, В. *Успенский* ва б. бўлган. Ўзбек давлат филармонияси, Навоий номидаги опера ва балет театри, Муқимий номидаги ўзбек мусиқали драма театрида симфоник оркестрлар ташкил этилгач, Н. Олимов, А. *Козловский*, М. *Ашрафий*, Б. *Иноятов*, М. Насимов, Т. *Содиқов*, Ф. *Шамсутдинов*, А. *Абдуқаюмов*, Д. *Абдураҳмонова*, З. *Ҳақназаров*, Ғ. *Тўлаганов*, Н. *Халилов*, Ҳ. *Шамсутдинов*, Б. *Расулов* ва б. дирижёрлар етишиб чиқди. Республикамизда хор (С. Валенков, А. Султонов, Б. *Умиджонов*, А. Ҳамидов ва б.), ўзбек халқ чолғулари оркестри (Т. *Жалилов*, А. *Петросянц*, С. Алиев, Д. *Зокиров*, М. *Бафоев*), 1970-й.лардан камер оркестр (Э. *Азимов* ва б.) дирижёрлиги ҳам ривож топди. Ўзбекистон миллий консерваториясида опера-симфоник ва ўзбек халқ чолғу оркестри дирижёрлиги синфлари мавжуд.

Ад.: Азимов К., Ўзбекистон дирижёрлари, Т., 2001.

Тўхтасин Ғофурбеков.

ДИРИХЛЕ (Dirichlet), Петер Густав Лежён (1805.13.8, Дюрен — 1859.5.5, Гёттинген) — немис математиги. Берлин ун-ти (1831—55), Гёттинген ун-ти (1855 й.дан) проф. Асосий илмий ишлари сонлар назарияси ва математик анализга доир. Биринчи ҳади ва айирмаси ўзаро туб сонлардан иборат бутун сонлар арифметик прогрессиясида туб сонлар чексиз кўп эканлиги ҳақидаги теоремани исботлаган. Математик анализ соҳасида биринчи бўлиб қаторнинг шартли яқинлашиши тушунчасини таърифлаган ва текширган. Узилиш нуқталари чекли сонда бўлган бўлакли монотон функцияларни *Фурье қатори*га ёйиш мумкинлигини исботлаган. Механик ва математик физикага бағишлаган асарлар муаллифи.

ДИРИХЛЕ ПРИНЦИПИ, «ящиклар принципи» — (n+1) элементдан иборат бўлган тўплам n та синфга ажратилганда синфларнинг камида биттасида элементлар сони 2 тадан кам бўлмайди, деган тасдиқ. П. *Дирихле* номи б-н аталади. Д. п., одатда, ўнта яшикка ўн битта қуённи биттадан жойлаб бўлмайди, деган содда мисол б-н тушунтирилади. Шунинг учун у «яшиклар принципи» деб ҳам аталади. Д. п. содда ифодаланса ҳам, сонлар назариясида, комбинаторика ва мат.нинг бошқа бўлимларида муҳим теоремаларни исботлашга асос бўлади. Гармоник функциялар назариясида ҳам Д. п. деб аталувчи теорема бор.

ДИРКАЧ Людмила Николаевна (1948.13.5, Курск) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1999). Самарқанд ун-тининг кимё ф-тини тугатган (1972). 1972—76 й.ларда Самарқанд ш. Сиёб туманидаги 3-мактабда, 1976 й.дан Боғишамол туманидаги 37-мактабда кимё фани ўқитувчиси. Д. илғор ўқитиш усулларини ўрганиб, ўқувчилар қобилиятини белгилашнинг тест, рейтинг тизимларини татбиқ этган ҳолда аниқлашга интилади. Д.нинг «Ўқувчиларнинг кимё фанига қизиқишини кенгайтириш» мавзуидаги иш услуби кенг оммалаштирилган.

ДИРҲАМ (юн. drochme) — 1) 7-а. охири (695 й.)дан 14-а. гача Осиёнинг мусулмон мамлакатларида, Шим. Африка ва Испанияда муомалада бўлган пул бирлиги — кумуш танга. 14-а. охиридан бошлаб кумуш пул «танга» номи б-н атала бошлади. Д. п., одатда, ўнта рийлар даврида 16-а.да ҳам зарб қилинган; 2) Бирлашган Араб амирликлари пул бирлиги. 1 Д.=100 филс. Халқаро ифодаси AED. Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари=3,67 Д.; 3) Марокко миллий пул бирлиги. 1959 й. окт.дан муомалага киритилган. 1 Д.=100 сентим. Халқаро ифодаси MAD. Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари=9,6 Д. (2001, авг.); 4) Миср ва Суданда қимматбаҳо металлар ўлчов бирлиги (вазни 3,12 г).

ДИС... (лот. dis...) — ясама сўзлар таркибий қисми: қийинчиликни, бузилишни, парокандаликни, бўлинишни, йўқотишни (дисгармония, дистрофия) англатадиган олд қўшимча (ундош ҳарфдан олдин).

ДИСАХАРИДЛАР, биозалар, $C_{12}H_{22}O_{11}$ — молекулалари икки моносахарид қолдиғидан тузилган углеводлар, ҳаммаси *гликозидлар* типида тузилган. Қайтариш хоссасига эга бўлмаган Д.га 2 глюкоза қолдиғидан тузилган трегалоза (микоза), глюкоза ва фруктоза қолдиқларидан тузилган сахароза ва б., қайтарувчи хоссали Д.га *мальтоза*, целлобиоза, *лактоза* ва б. киради.

Д. кристалланади, сувда, 45—48°ли спиртда эрийди; чучмал. Кислоталар таъсирида гидролизланганда моносахаридлар ҳосил бўлади. Д. ўсимлик ва ҳайвон организмларида кенг тарқалган. Одатда, табиий манбалардан (мас., сахароза — қанд лавлаги ёки шакарқамишдан, лактоза — ҳайвонлар сутидан) олинади. Аксарияси кимёвий ва биокимёвий усуллар б-н синтезланади. Сахароза, лактоза ва мальтоза — қимматли озиқ-овқат ва таъм берувчи моддалар.

ДИСГАРМОНИЯ (*дис...* ва *гармония*), мусиқада — гармония ноқислиги; уйғунсизлик, ҳамоҳангсизлик.

ДИСК (юн. discos — ясси доира, думалоқ пластинка) — 1) машина ва механизмларнинг доира шаклидаги қисми; 2) *енгил атлетика*да ирғитишга мўлжалланган спорт асбоби. Д.нинг диаметри 221 мм, оғирлиги 2 кг; ўсмирларга мўлжалланганининг диаметри 201 мм, оғирлиги 1,5 кг; аёлларга мўлжалланганининг диаметри 182 мм, оғирлиги1 ёки 0,5 кг. Д. металлдан, ёғочдан ва резинадан қилинади (ёғочдан ясалган Д. гардишига одатда, металл қопланади); 3) ўқ отар қуролларнинг ўқдони.

ДИСКАНТ (*дис...* ва лот. cantus — куйлаш) — 1) болалар (одатда, ўғил болалар)нинг баланд ингичка овози, шунингдек, улар ижро этадиган вокал партия; 2) икки овозли мусиқа тури, *полифония*нинг илк шаклларидан. 12-а.да Европа черков вокал мусиқасида пайдо бўлган. Юқори овоз (дискант) номига нисбат берилган; 3) 15—18-а.ларда кўп (4) овозли вокал (шу жумладан, хор) мусиқасида энг юқори овоз (баланд *сопрано*); 4) шарқий Белорус-

сия ва Украинада, шунингдек, Дон казаклари қўшиқларида юқори қўшимча овоз (дишкант).

ДИСКВАЛИФИКАЦИЯ (*дис...* ва *квалификация*) (спортда) — 1) мусобақа қоидаларини техник жиҳатдан бузганлиги учун спортчи (ёки жамоа)ни эришган натижалари, эгаллаган ўрни ва б.дан маҳрум қилиш; 2) спортчини ахлоқий нормаларни бузганлиги ёки спорт квалификацияси талабларига мос келмаслиги туфайли мусобақаларда қатнашишдан четлатиш (баъзан бундай Д. натижасида спортчининг унвони ҳам бекор қилинади). Д. шартли бўлиши мумкин. Д. ҳақидаги қарор спорт клублари, жамиятлари, федерациялари ва спорт қўмиталари томонидан қабул қилинади.

ДИСКЕТА — эгилувчан магнит дискли кассета; *компьютер*нинг маълумотлар сақланадиган қурилмаси. Ҳажмига кўра 3,5 ва 5,25 дюймли хиллари бор, шунга кўра 3 ва 5 дюймли Д. дейилади. Д.дан маълумотларни бир компьютердан иккинчисига ўтказиш учун фойдаланилади.

ДИСКЛАШ, тупроқни дисклаш — ернинг устки ҳайдалма қатламини дискли *борона* ва юмшатгичлар (лушчильник) б-н ишлаш. Д.да тупроқни юмшатиш, майдалаш, аралаштириш ва қатламни юза ағдариш ишлари бажарилади. Чимли ерларда ажриқ ва шунга ўхшаш ўтларни йўқотиш, чим палахса кўчмаслигини олдини олиш мақсадида ер ҳайдашгача ўтказилади. Суғорма деҳқончилик шароитида қумоқ тупроқларда Д. ер ҳайдашдан олдин ёки бахорги бороналаш кечикканда, оралиқ экин экиш учун ёзги шудгор вақтида 10—12 см чуқурликда ўтказилади. Ҳайдалган бедапояларда қайта кўкарган ўт ва бедаларни йўқотиш, эски бедапояларда тупроқ аэрациясини яхшилаш, шунингдек, янги пояларни кўкартириш учун Д. яхши самара беради. Бироқ, илдизпояли бегона ўт босган ерларни экишдан олдин Д. даланинг янада ўт босишига олиб келади (илдизпоя майдаланиб, далага ёйилиб кетади).

ДИСКО — 1) 1970-й.лар ўртасида АҚШ ва бир қанча Европа мамлакатларида қарор топган оммабоп мусиқа услуби. Д.га рақсбоп, суръати ўртача тез, оҳанглари куйчан, шаклан содда намуналар хосдир. Д.нинг таниқли ижрочилари: «Boney M», «Silver Conventions» (Германия), «ABBA» (Швеция) гуруҳлари; қўшиқчилардан Глория Гейнор, Дайана Росс, Дана Саммер (АҚШ) ва б. 1970-й.лар охиридан Д. услуби Шарқда, жумладан Ўзбекистонда *дискотека*ларда, кейинчалик эстрада ва теле-киномусиқасида одат тусини олмоқда; 2) замонавий оммабоп мусиқанинг асосий усулларидан бири бўлиб, барча электрон мусиқа чолғулари (ритм-бокс, оркестратор ва б.)нинг компьютер дастурларига киритилган.

ДИСКОМИЦЕТЛАР — бир неча тартибни бирлаштирган халтали замбуруғларнинг бир гуруҳи. 4 мингга яқин тури бор. Д.нинг мева таналари очиқ (апотецийлар), кўпинча гимений қават б-н қопланган, тарелкасимон. Д. орасида сапрофит ва паразитлар бор. Айниқса склеротиниялар данакли, уруғли мевалар ва сабзавотларга катта зарар етказади. Кўзиқорин ва б. истеъмол қилинади.

ДИСКОНТ (инг. discount — чегирма, лот. computare — ҳисобга олмоқ) — 1) қимматли қоғознинг фонд биржасида айни пайтда сотилаётган нархи б-н номинали ёки уни қайтариб сотиб олишдаги нархи ўртасидаги фарқ (мас., номинали 1000 сўм белгиланган акция биржада 950 сўмга сотиб олинган, Д. 1000—950=50 сўмга тенг); 2) валютанинг форвард курси (битим тузилган пайтда белгиланган, лекин пул тўлови кейинчалик амалга ошириладиган валюта курси) б-н унинг айни пайтда нақд тўлови амалга ошириладиган курси ўртасидаги фарқ (мас., долларнинг форвард курси ярим йилдан сўнг 100 сўм бўладиган бўлса, унинг айни пайтдаги курси 90 сўм, Д. 100—90=10 сўм бўлади); 3) товарнинг турли муддатларда етказиб берилиши б-н боғлиқ нархлари ўртасидаги фарқ (мас., компьютернинг икки ойдан кейин сотиладиган нархи 2 млн. сўм бўлса, учинчи ойда унинг нархи 1,9 млн. сўм бўлиши мумкин (Д. 2—1,9=0,1 млн. сўмга тенг); 4) ишлаб чиқарилган товар сифатининг мавжуд меъёрлар ёки шартномага мувофиқ келмаслиги натижасида товар нархининг пасайиши (нархдан ташлама); 5) банклар томонидан *вексель*ни муддатидан илгари қайтариб сотиб олиш (вексель ҳисоби); 6) векселни қайта сотиб олгани учун банк ундирадиган фоиз.

ДИСКОТЕКА (*диск* ва юн. theke — жой) — 1) *граммофон пластинка* (грампластинка), компакт (лазер) дисклар (CD) мажмуи (қ. *Фонотека*); 2) ёшлар мусиқа клуби. Грампластинка, магнит тасмаларига механик тарзда ёзилган оммабоп мусиқа намуналарини тинглашга мўлжалланган. Д. дастурини дискжокей (DJ, ди-жей) тузади ва шарҳлайди. Д. 1960-й.лар бошида Францияда юзага келган ва тез орада бутун дунёда оммавийлашган. Ўзбекистонда Д.лар 1970-й.лардан йирик шаҳарларда тарқала бошлади.


ДИСКРАЗИТ (юн. дискрасия — ёмон қотишма) — минерал. Кимёвий формуласи Ag_3Sb. Ромбик сингонияли. Яхлит майда доначалар ҳолида учрайди. Ранги кумушсимон оқдан тўқ кулранггача. Ялтироқлиги ёрқин металлсимон. Қат. 3,5—4. Зичлиги 9,8 г/см³. Гидротермал ертомирларда ҳосил бўлади. Д. Ўзбекистонда Қурама тоғларидаги Оқтепа, Конимансур ва Олтинтопган полиметалл конларида топилган. Хорижда Чили, Австралия, Канада, Россияда олтин, кумуш ва полиметалл конларида маълум.

ДИСКРЕТЛИК (лот. discretus — ажратилган, узлукли) — 1) муайян ҳодиса, жараён, тизим ва Б.нинг узлуклиги, узилувчанлиги; узлуксизликка қарама-қарши қўйилади. Мас., физика ва кимёда Д. материал тузилишининг донадорлигини, атомлардан иборатлигини билдиради. Фан тарихи ва ижтимоий ҳаёт Д. б-н узлуксизликнинг бирбирига қарама-қаршилигини эмас, балки уйғунлигини, бир-бирига боғлиқлигини ҳам тасдиқлайди (қ. *Узлуксизлик ва узлуклилик*); 2) математикада — бутун сонлар тизими ҳақиқий сонлар тизимига нисбатан узлукли (дискрет) ҳисобланади (қ. *Узлуксизлик функцияси*). Мас., агар нуқталар тўплами лимит нуқтага эга бўлмаса, бундай тўплам Д. хоссасига эга ҳисобланади.

ДИСКРИМИНАНТ (лот. discriminans — бўлувчи, ажратувчи) — кўпҳад коэффициентларидан тузилган ва кўпҳад илдизлари орасида бир-бирига тенгламаси бўлган ифода: $P(x)=a_0x^n+a_1x^{n-1}+\ldots+a_{n-1}x^n+a_n(a_i\neq0)$; кўпҳад учун Д.: $D=a_i^{2n-2}\prod_{i<k}(\alpha_i-\alpha_k)^2$;

бунда: $\alpha_1, \alpha_2, \ldots, \alpha_n$ — кўпҳаднинг илдизлари. Д.ни кўпҳаднинг коэффициентлари орқали ифодалаш мумкин, мас., ax^2+bx+c квадрат кўпҳад учун Д: $D=b^2-4ac$; x^3+px+q учинчи даражали кўпҳад учун: $D=-4p^3-27q^2$. Д.нинг аҳамияти кўпроқ қуйидаги хоссасига асосланган: Д. нолга тенг бўлиши учун кўпҳаднинг илдизлари орасида каррали бўлиши зарур.

ДИСКРИМИНАТОР (лот. discriminо — ажратаман) — кириш қисмидаги электр сигналининг назорат қилинаётган параметр ўзгаришини чиқиш қисмида кучланиш қутбийлиги ўзгаришига



Дискриминатор схемаси.

айлантирувчи электрон қурилма; бунда электр тебранишлар параметрлари (фазалар, частоталар давомийлиги ва б.)нинг ўзгаришини амплитуда ўзгаришига айлантирадиган ёки амплитудалари баъзи аниқ қийматдан ошадиган электр импульслар танланади. Мас., $Л_1$ ва $Л_2$ диодларда (расм) тўғриланган, R_1C_1 ва R_2C_2 фильтрлардан ўтган U_2 сигнали U_1 кучланиш ҳосил қилган фойдали сигналдир. Д. телемеханика, автоматика, радиоприёмникларнинг детекторларида, ядро физикасининг асбобларида ва б.да қўлланилади.

ДИСКРИМИНАЦИЯ (лот. diskriminatio — фарқлаш) — давлат, юридик ёки жисмоний шахс ҳуқуқларининг (бошқа давлат, юридик ёки жисмоний шахс ҳуқуқларига нисбатан) чекланиши. Демократик давлатларнинг ички қонунларида ҳамда халқаро ҳуқуқда Д.нинг барча шакллари, жумладан, фуқаролар ҳуқуқларини миллати, ирқи, жинси, дини сабабли амалда ёки юридик жиҳатдан камситишга йўл қўйиш тақиқланади.

ДИСЛАЛИЯ — қ. *Тили чучуклик*.

ДИСЛОКАЦИЯ, қўшинларни дислокация қилиш — тинчлик пайтида қуруқликдаги қўшинларнинг қисмлари, қўшилмалари ва ҳарбий муассасаларини мамлакат ҳудудида улар учун ажратилган жой (аҳоли яшайдиган пункт, махсус ҳарбий шаҳарча, лагерьга ўрнаштириш, ҳарбий-ҳаво кучлари қисмлари, қўшилмаларини ўз базасига эга бўлган аэродромларга, ҳарбий-денгиз флоти кемаларини портлар ва ҳарбий-денгиз базаларига тақсимлаш.

ДИСЛОКАЦИЯЛАР (лот. dislocatio — силжиш) — 1) кристалларда — кристалл панжара нуқсонлари; бунда чизиқлар бўйлаб ёки уларга яқин жойларда атом қатламларининг тўғри жойлашиши бузилган бўлади. Тугалланмаган ва бурама Д. энг оддий Д.



а *б*

Кристалл ичидаги бир қатлам тугалланмаган (*а* расм) ёки кристалл текислиги бурама чизиқдан иборат бўлганда (*б* расм) кузатиладиган дислокация (силжиш).

ҳисобланади. Баъзан иккала Д. ҳам бир пайтнинг ўзида содир бўлиши мумкин. Кристаллар ичида атом қатламларидан бири узилган бўлса, тугалланмаган Д. вужудга келади. Бурама Д.да кристалл ичида бироита атом қатламлари узилмайди, лекин бир-бири б-н шундай жипслашиб кетадики, кристалл бурама чизиқ бўйлаб букилган битта қатламдан иборатдай бўлиб қолади. Д. кристаллнинг мустаҳкамлигига, электр ўтказувчанлигига, оптик, магнит ва б. хоссаларига кучли таъсир қилади. Нуқсонлар кристаллар хоссаларининг ўзгаришига сабаб бўлади; 2) геология да — Ер пўстидаги эндоген (тектоник ҳаракатлар, магматик, метаморфик жараёнлар) ва экзоген (музликлар ҳаракати, кўчки, карст, дарё эрозияси ва б.) жараёнлар натижасида тоғ жинслари дастлабки ётиш ҳолатининг ўзгариши. Д. бурма ҳосил қилувчи (пликатив) ва узилиш (дизъюнктив)га бўлинади, гоҳо яна инъектив Д. ажратилади (яна қ. *Тектоник деформация*).

ДИСМЕНОРЕЯ (*дис...* ва юн. men — ҳайз, rhoiга — кечиш), альгоменорея — ҳайзнинг оғриқли кечиши. Д.да, одатда, қорин пасти, бел ва думғаза соҳаси оғрийди. Оғриқ ҳайздан олдин ёки унинг дастлабки кунлари пайдо бўлиб, бутун ҳайз кунлари давомида кузатилади. Баъзан кўнгил айниши, қусиш, бош оғриғи, умумий аҳволнинг ўзгариши ҳоллари кузатилади. Д. бирламчи ва иккиламчи бўлади. Бирламчи Д. жинсий аъзоларнинг касалликлари оқибатида бўлмайди, кўпинча туғмаган аёлларда учрайди. Иккиламчи Д. турли гинекологик касалликлар (ўсма, эндометриоз ва б.)нинг оқибатидир. Д. мустақил касаллик бўлмай, балки турли касалликлар, ривожланиш аномалиялари ва б.нинг белгиси сифатида намоён бўлади. Д.нинг юзага келишида айниқса, нерв системасининг функционал хусусиятлари ва ўзгаришлари, шунингдек, бошдан кечирилган касалликлар (инфекция, зўриқиш, оғир руҳий кечинмалар), инфантилизм, эндокрин бузилишлар муҳим роль ўйнайди. Д.ни даволаш уни юзага келтирган омилларни бартараф этишдан иборат. Бирламчи Д.да нерв системаси фаолиятини тартибга солиш, нормал ҳаёт тарзи, тўғри овқатланиш, руҳиятга зарарли таъсиротларни йўқотиш, турли соматик касалликларни даволаш лозим. Иккиламчи Д.да яллиғланиш касалликлари, эндометриоз ва б.ни даволашга эътибор бериш керак.

ДИСНЕЙ, Дисни (Disney) Уолт (1901.5.12, Чикаго — 1966.15.12, Бер-банк) — АҚШ кинорежиссёр-мультипликатори, рассом ва продюсер. 1919 й.дан кино соҳасида ишлаган. Қисқа метражли «Вилли кемаси» (1928) овозли мультфильми б-н АҚШ кинематографиясида товуш ва ҳаракатни синхронлаштириш усулини ишлаб чиққан. Д. биринчилардан бўлиб қаҳрамонлари (ўрдак Дональд Дак, сичқон Микки Маус ва б.) бўлган қисқаметражли фильмларни суратга олди. 1933 й.да АҚШда биринчи бўлиб уч рангли фильм яратди. Унинг йирик фильмлари: «Оппоқой ва етти миттивой», «Бэмби», «Уйқудаги гўзал», «101 ит» ва б. Д. фольклор ва этнографияга, ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёсига оид ҳужжатли фильмларнинг ҳам муаллифи. Фильмлари Ўзбекистонда ҳам намойиш этилган. Д.нинг Анахайм ш. (Калифорния)да очган «Диснейленд» (1955) болалар боғи жуда машҳур. Ундаги қатор техник аттракционлар Д. фильмларидаги образларни акс эттиради.

ДИСПАНСЕР (франц. dispensaire — тақсимлайман) — беморларнинг айрим гуруҳларига мунтазам даволаш-профилактика ёрдами кўрсатадиган махсус тиббий муассаса. Ўз соҳасига оид беморлар сонини аниқлаш, уларни ҳисобга олиш, даволаш, аҳволларини кузатиб бориш, иш ва яшаш жойларининг шароитини ўрганиш, бундан ташқари, касалликларга қарши курашиш, олдини олиш чоралари б-н боғлиқ санитария-маорифи масалаларини ишлаб чиқиш, тарғиб қилиш Д.нинг муҳим вазифасидир. Сил, тери-таносил, онкологик, психоневрологик, наркологик, кардиоревматологик, шунингдек, буқоққа қарши, врачлик физкультура (спорт б-н шуғулланувчиларни кузатиб турадиган) Д.лари бўлади. Ҳар қайси соҳа Д.лари ишининг ўзига хос томонлари бор. Мас., силга қарши Д. аҳолини ялпи флюорографик текширувдан ўтказади (қ. *Флюорография*), беморлар б-н бирга бўлган кишиларни ҳисобга олади; психоневрологик экспертиза ўтказади; врачлик-физкультура Д.и врач назоратини амалга оширади. Д. таркибида *поликлиника*, касалхона, клиник-диагностика ва б. лаб.лар, ихтисослашган даволаш-профилактика хоналари, айрим ҳолларда кундузги ва тунги санаторийлар, меҳнат б-н даволаш устахоналари, парҳез ошхона ва ҳ. к. бўлади. Туман Д.лари ўз ҳудудидаги аҳолига хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, шаҳар ва республика Д.лари ҳам бўлади.

ДИСПАША (франц. dispache) — 1) кема ҳалокати (кемани, экипажни, юкни қутқариш)даги жами харажатлар-

ни ҳисоблаш; 2) юк ташишни ташкил этган томонлар (юк ва кема эгаси, кемани ёлловчи ижарачи) ўртасида харажатларнинг тақсимланиши. Д.ни амалга оширувчи шахс диспашер деб юритилади.

ДИСПЕПСИЯ (*dis*... ва юн. pepsis — ҳазм) — овқат ҳазм қилишнинг бузилиши, меъда-ичак фолиятининг издан чиқиши б-н кечади. Одам ичагининг турли бўлимларида, мас., ингичка ичакнинг пастки ва йўғон ичакнинг юқори бўлимида бижғитувчи микроблар, йўғон ичакнинг қуйи қисмида эса чиритувчи микроблар кўп. Соғлом ичакдаги бижғиш ҳамда чириш жараёни маълум мувозанатда бўлиб, касал қилмайди. Ана шу микроблар ўртасидаги нисбатнинг бузилиши Д.га сабаб бўлади. Болалар Д.си уларни нотўғри овқатлантириш натижасида пайдо бўлиб, ич кетиши, қайт қилиш ва умумий аҳволнинг ёмонлашиши б-н кечади. Асосан бир ёшгача бўлган болаларда учрайди. Д.нинг А, Б ва В хиллари фарқ қилинади. А хилида организм сувсизланмайди, Б хилида бир оз сувсизланади, В хилида эса оғир сувсизланиш кузатилади. Д. кўпроқ оддий ва токсик бўлади. Оддий Д. ҳадеб эмизавериш (айниқса онанинг сути мўл бўлганида) ёки эмизиб юриб, бирдан сунъий овқатлантиришга ўтиш, овқат таркибининг бола ёшига мос келмаслиги туфайли пайдо бўлади. Болани ҳаддан ташқари иссиқ кийинтириш, ўраб-чирмаш ҳам Д.га сабаб бўлиши мумкин; иссиқлаб кетганда суюқлика эҳтиёж кучаяди, бола кўкракка ёпишиб олиб эма бошлайди, лекин эмган сути одатдагича бўлса ҳам, уни ҳазм қила олмайди. Бундан ташқари, боланинг меъда-ичак йўли анатомик функционал жиҳатдан ҳали яхши ривожланмаганлиги учун овқат ҳазм қилиши бузилади. Бунда бола эмизилгач ёки овқат берилгач, бир оз вақтдан кейин эмган сутини ёки еган овқатини қусиб ташлайди, аксари ичи кетади. Қорин шишади, бола безовталаниб, иштаҳаси йўқолади. Касалликнинг дастлабки белгилари пайдо бўлганда дарҳол врачга мурожаат этиш лозим. Бола Д.нинг А хили б-н оғриганда уни эмизавериш, Б ва В хилида эса врач тегишли дори-дармонларни буюриб, касалхонага ётқизишни тавсия этади. Токсик Д. овқатланиш тартибига риоя этмаслик ва бактериал инфекция натижасида организмда моддалар алмашинувининг барча турлари, шунингдек, кўпгина аъзо ва системалар фаолиятининг жиддий бузилишлари б-н кечади. Кўпинча касалликлар б-н оғриб мадорсизланган, нимжон болаларда кузатилади. Баъзан токсик Д. тўсатдан авж олади, беморнинг аҳволи ёмонлашади, бўшашади, инжиқ бўлиб қолади. Тез-тез ичи кетади, вазни тез камаяди, гоҳо бола ҳушдан кетади, қайт қилиб, ичи кетганлиги боис кўп сув йўқотиб, организм сувсизланиб қолади. Беморнинг турғи ўзгаради, эс-ҳуши йўқола бошлайди, юрак фаолияти сусаяди; оғриқни сезмай қўяди, териси бўзаради ёки унда қизил доғлар пайдо бўлади. Томир уриши тезлашади, артериал босим тушиб кетади, кома ҳолати кузатилади. Токсик Д. бола ҳаёти учун жуда хавфли, бунда зудлик б-н тиббий ёрдам кўрсатиш зарур. Боланинг аҳволи бир оз енгиллашгач, жуда кам миқдорда зарурий парҳез овқатлар ёки оз-оз она сути ёки болалар кефири, қатиғи бера бошланади. Кейинчалик овқат миқдорини ошира бориш ва бир маромга келтириш, орадан 6—8 кун ўтгач боланинг аҳволидан келиб чиқиб овқат миқдорини кўпайтириш, шунингдек, антибиотиклар, витаминлар тавсия этилади. Парентерал Д., одатда, бирор-та касаллик (*отит, ўткир респиратор касалликлар, зотилжам*) б-н бирга кечади. Д.нинг олдини олиш учун овқатланиш режимига қатъий риоя қилиш, болага ҳаддан ташқари кўп овқат бермаслик, овқатига оз-оздан мева ва сабзавот шарбатларини қўшиб бериш, боланинг иссиқлаб кетишига йўл қўймаслик керак. Катта кишиларда ҳам меъда ва ичак Д.си (ёғ, оқсил ёки углеводлар кўплаб истеъмол қилинганда) кузатилиши мумкин.

Ҳайвонларда асосан 5—7 кунлик бузоқлар, чўчқа болалари (аҳёнда қўзи ва қулунлар) касалланади. Бўғоз моллар ни озиқлантиришда ва парвариш қилишда зоогигиена қоидаларига риоя қилмаслик, туғилган ёш ҳайвоннинг сифатсиз оғиз сутини эмиши Д.га сабаб бўлади. Бузоқларда ҳазм жараёни бузилади, ширдон ва ичакларда йирингли флора кўпаяди, кучли ич кетиши юз беради. Оддий Д.да ич кетса ҳам ҳайвон иштаҳаси сақланади ёки сал пасаяди, гавда т-раси нормал бўлади. Токсик Д.да эса иштаҳа йўқолади, юрак фаолияти сусаяди, гавда т-раси 35° гача пасаяди, қулоқ, тумшуқ, оёқ ва дум совийди.

Даволаш: оддий Д.да илиқ физиологик эритма ичирилган ҳолда 6—12 соат оч ҳолда парҳез қилинади, дастлабки кунларда ёш ҳайвонларга ичириладиган сутнинг суткалик нормаси 35—50% камайтирилади, сут беришдан 10—15 мин. олдин (суткада 3—4 марта) бузоқ ва қулунларга 500—600 мл дан, қўзилар ва чўчқа болаларига 50—100 мл дан илиқ физиологик эритма ичирилади. Меъда-ичакдаги бижғиш жараёнини тўхтатиш учун касал ҳайвонга синтомицин, тетрациклин, фталазол, левомицин, колимицин каби препаратлар берилади. Тери остига, венага ёки қорин ичига махсус тайёрланган хлорли препаратлар эритмалари юборилади. Юрак фаолиятини тиклаш учун глюкоза, кофеин ёки камфора мойи ишлатилади.

Олдини олиш: янги туғилган молларни сифатли озиқлантириш, бўғоз моллар ва янги туғилган ҳайвонларни боқишда, шунингдек, бузоқ, қўзилар туғилишида зооветеринария қоидаларига амал қилиш.

Акмал Султонов. Ахрор Рўзимуродов.

ДИСПЕРС СИСТЕМАЛАР — икки ёки ундан ортиқ фазаларнинг текис тарқалган майда зарраларидан тузилган гетероген системалар. Одатда, фазалардан бири узлуксиз дисперсион муҳит ҳосил қилиб, бошқа фазалар (бир ёки бир нечта дисперсион фазалар) эса шу муҳитда майда кристаллар, қаттиқ аморф зарралар, томчилар ёки пуфакчалар шаклида бир текис тарқалади. Д. с. мураккаб тузилишга эга бўлиши ҳам мумкин, узлуксиз дисперсион муҳит ҳосил қила оладиган, бир-бирининг ҳажмига сингиб кетган икки фазадан иборат система бунга мисол бўла олади. Д. с. зарраларнинг катта-кичиклигига қараб икки гуруҳга бўлинади: 1) дисперс фаза зарралари 1 мкм ва ундан катта бўлган дағал Д. с. (*суспензия, тутун, туман, эмульсия* ва б.); 2) дисперс фаза зарралари 1 нм дан 1 мкм гача бўлган коллоид системалар. Дисперс фаза зарралари 1 нм гача (атомлар ва кичик молекулалар ўлчамига тенг) бўлган зарралардан тузилган системалар чин эритмаларни ташкил этади. Д. с.нинг физик-кимёвий хоссалари дисперс фаза б-н дисперсион муҳит орасидаги молекулалараро боғланишга ҳамда улар орасида ҳосил бўладиган юзага боғлиқ. Д. с.нинг ҳосалари *коллоид кимёда* ўрганилади.

ДИСПЕРСИОН АНАЛИЗ — дисперс фаза заррачалари (ўта майда ғовакли жисмлар ғоваклари)нинг ўлчамларини аниқлаш усуллари мажмуи. Бундан дисперс системанинг *дисперслиги* ёки *солиштирма сирти*, яъни дисперслар орасидаги умумий сиртни дисперс фаза ҳажмига (ёки массасига) нисбати ҳам аниқланади. Д. а. усулларининг умумий гуруҳига ажратиш мумкин: 1) айрим заррачалар параметрлари (ўлчами, массаси ва б.)ни аниқлаш ҳамда уларни статистик ишлаб чиқиш натижасида кўп сонли ўлчашлар ўтказиш (мас., автоматик системаларни қўллаш) усули; 2) дисперс система заррачаларининг катта-кичиклигига кўра синфларга бўлиш усуллари; 3) маълум бир ҳолатда жойлашган заррачалар хоссаларини аниқлашга асосланган усуллар. Биринчи гуруҳ усулларида заррачаларнинг ўлчамлари оптик микроскоп (одатда 1 мкм дан бир неча мм гача) ёки электрон микроскоп (1 нм дан бир неча мкм гача) ёрдамида ўлчанади; дисперс фаза заррачалари бўлган ингичка найчадан ўтказилаётган суспензия ёруглик нури ёки электр қаршилигининг ўзгаришини (Культер ҳисоблагичларида заррачаларнинг ўлчамлари 0,1 дан 100 мкм гача, оптик асбобларда эса 5 дан 500 мкм гача бўлганда) ўлчаш имконини беради. Д. а.нинг иккинчи гуруҳи усулларига элак анализи (заррачалар ўлчамлари 1 дан 500 мкм гача бўлганда) ва газ ёки суюқликлар оқимида заррачаларнинг ажратилиши (заррачаларнинг ўлчамлари 0,1 дан бир неча мм гача) киради. Д. а.нинг учинчи гуруҳи усулларига *седиментацион анализ*нинг барча усуллари тааллуқли. Бу усуллар қолдиқ массасининг тўпланиш кинетикасини ҳисобга олиш (Фигуровский седиментометри заррачаларнинг ўлчамлари 1 дан 500 мкм гача бўлганда ўлчаш имконини беради) ёки суспензия оптик зичлигининг ўзгаришига асосланган. Д. а.да центрофугаларни қўллаш ўлчашлар чегарасини 0,1 мкм гача пасайтириш имконини беради (ультрацентрофуглар ёрдамида ўлчамлари 1—100 нм бўлган заррачаларни ўлчаш мумкин). Ёруғлик нурларининг жуда кичик нурланиши, рентген нурлари, нейтронлар ва б. ёрдамида заррачалар ўлчамини аниқлашнинг турли усулларидан кенг фойдаланилади. Солиштирма сиртни аниқлаш учун адсорбцион усуллар (мономолекуляр қатламдаги адсорбцияланган модданинг миқдорини ҳам аниқлаш мумкин) қўлланилади. Кукун ҳолдаги моддаларнинг солиштирма сирти адсорбция иссиқлиги (ёки ҳўлланиш) бўйича аниқланади. Д. а.нинг адсорбцион усуллари турлича бўлиб, улар солиштирма сирт $10—10^3$ м²/г (заррачалар ўлчами 10 дан 1000 нм гача) бўлганда аниқлаш имконини беради. Ўлчамлари 1 дан 100 нм гача бўлган эркин дисперс системалар заррачалари диффузия, ультрафильтрация ва б. усуллар б-н аниқланади.

Лд.: Ходаков Г. С., Юдкин Ю. П., Седиментационный анализ высокодисперсных систем, М., 1981; Грег С., Синг К., Адсорбция, удельная поверхность, пористость, пер. с анг., 2 изд., М., 1984.

Рустам Маърупов.

ДИСПЕРСИОН АНАЛИЗ — *математик статистика* усулларидан бири; бир неча омилларга боғлиқ тажрибалар натижаларини таҳлил қилишда, бу омилларнинг қайси бири шу тажриба натижасига қандай таъсир қилишини аниқлаш. Бу усулни 1925 й.да инглиз статистик олими Р. Фишер агрономия га доир тажрибалар натижаларини ўрганиш учун таклиф қилган. Д. а.нинг асосий масалаларидан бири — тажрибада кузатилган натижаларнинг жами нормал тақсимотга эга бўлган бир хил тамал тақсимотга эга бўлган бир неча тасодифий миқдор қийматлари тўпламини ёки ўртача қийматлари турлича бўлган нормал тақсимланган бир неча тасодифий миқдорлар қийматлари тўпламини эканлигини аниқлашдан иборат. Д. а.нинг энг содда масаласи тажриба натижаларига кўра бир хил *дисперсия*га эга бўлган нормал тақсимланган тасодифий миқдорлар гуруҳларининг ўрта қийматлари тенглиги ҳақидаги статистик гипотезани текшириш масаласидир. Д. а.да шунга ўхшаш масалаларни ҳал қилишнинг миқдорий усулларини ишлаб чиқилган. Мас., агар тажриба ўтказиш мобайнидаги барча ўлчашлар натижаси тенг чиқса ва тасодифий хатолар нормал тақсимот қонидасига бўйсунса, у ҳолда якуний натижа махсус (дисперсион тақсимот) жадваллари ёрдамида аниқланади. Д. а. айниқса қ. х. соҳасидаги турли хил агрономик усулларни, янги навларни синаштириш б-н боғлиқ бўлган тажриба ларнинг натижаларини тадқиқ қилишда, шунингдек, иқтисодиёт, техника, биология ва б. соҳаларда қўлланилади.

ДИСПЕРСИОН ПРИЗМАЛАР — *оптик призмалар*нинг бир гуруҳи; нурланишларни тўлқин узунлигига қараб спектрларга ажратишга хизмат қилади. Асосан, спектрал асбобларда ишлатилади. Нурланишларнинг Д. п.да ажралиши шу призмадан ўтаётган нурлар оғиш бурчаги δ нинг турли узунлик λ даги тўлқинларнинг синиш кўрсаткичлари *n* га боғлиқлиги натижасидир. Д. п. кузатилаётган спектр соҳасига қараб турли хил материалдан: кўринувчи соҳалар шишадан; ультрабинафша соҳалар кристалл кварц, флюорит ва б. моддалардан; инфрақизил соҳалар литий, фторит, ош тузи ва б. моддалардан ясалади. Д. п.нинг спектрга ажрата олиши призма ясалган модданинг солиштирма оғирлигига боғлиқ.

ДИСПЕРСИЯ (лот. dispersio — тарқалиш, сочилиш) — 1) математикада — тасодифий миқдор Д.си; тасодифий миқдорнинг математик кутилиш атрофидаги зичлиги даражасини акс эттирадиган тушунча. Таърифга кўра Д. тасодифий миқдор б-н унинг математик кутилиши орасидаги айирма квадратининг математик кутилишига тенг. Агар тасодифий миқдор ξ нинг тақсимланиш функцияси $F(x)$ бўлса, у ҳолда тасодифий миқдор Д.си

$$D_\xi = \int_{-\infty}^{\infty} (x - M_\xi)^2 dF(x),$$

бунда M_ξ — математик кутилиш.

Д.нинг асосий хоссалари: а) ўзгармас миқдор Д.си нолга тенг; б) $D(\lambda\xi)=\lambda^2 D\xi$, бу ерда λ — скаляр; ξ— тасодифий миқдор. Мас., [0,1] кесмада текис тақсимланган миқдор Д..си қуйидагига тенг:

$$\int_0^1 \left(x - \frac{1}{2}\right)^2 dx = \frac{x^3}{3} - \frac{x^2}{2} + \frac{x}{4}\Big|_0^1 =$$

$$= \frac{1}{3} - \frac{1}{2} + \frac{1}{4} = \frac{1}{12};$$

2) физикада — ўрганилаётган физик катталикнинг тасодифан ўлчанган қиймати унинг ўртача қийматларидан фарқланиши даражаси. Тажрибада эса Д. деб тасодифий ўлчанган қийматларни уларнинг ўртача арифметик қийматидан оғишишлари квадратларининг ўртача арифметик катталиги тушунилади:

$$\sigma^2 = \frac{1}{n}\sum_{i=1}^{n}(x_i - x)^2,$$

бунда *n* — умумий ўлчашлар сони, x_i— *i*- ўлчашда аниқланган қиймат, x — ҳамма ўлчашда аниқланган қийматларнинг ўртача катталиги, яъни $x=(x_1+x_2+x_3+ \dots +x_n)/n$. Физикада, мас., қуйидаги иборалар мавжуд: 1. Электромагнит тўлқинлар Д.си — муҳитда тарқалаётган электромагнит тўлқинлар тезлигининг тўлқин частотаси (тўлқин узунлиги)га боғлиқлиги. 2. Диэлектрик киритувчанлик Д.си — ўзгарувчан электромагнит майдонга жойлашган модда диэлектрик киритувчанлигининг шу майдон тебранишлар частотасига боғлиқлиги. 3. Ёруғлик Д.си — ёруғликнинг дифракцияланиши, интерференцияланиши ва икки муҳит чегарасида синиши натижасида монохроматик ташкил этувчиларга, яъни спектрга ажралиши. Хусусий ҳолда, ёруғлик Д.си — муҳитнинг мутлақ синдириш кўрсаткичининг шу муҳитга тушаётган ёруғлик частотасига боғлиқлигини кўрсатади.

ДИСПЕРСИЯ ҚОНУНИ — қуйидаги боғлиқликларни ифодалайдиган қонун: 1) тўлқин частотаси ω унинг тўлқин вектори *k* га боғлиқ; 2) қаттиқ жисм квант назариясида — квант зарра энергияси *E* унинг квазиимпульси *p* га боғлиқ; 3) суюқлик квант назариясида — суюқликнинг элементар ғалаёнланиш энергияси унинг импульсига боғлиқ; 4) ёруғлик дисперсияси — ёруғликнинг синишида синдириш кўрсаткичи *n* ёруғлик частотаси ω га боғлиқ. Бундай дисперсия ёруғликнинг тарқалиш жараёнида спектрга ажралишида (мас., ёруғлик шиша призма орқали ўтганда) рўй беради. Шаффоф моддада ёруғлик частотаси ортиши б-н синдириш кўрсаткичи ҳам катталашиши (нормал дисперсия) кузатилади.

ДИСПЕРСЛАШ (лот. dispergo — сочаман, ёяман) — қаттиқ жисмлар ва суюқликларни теварак-атрофдаги муҳитда ўта майдалаб, дисперс тизимлар (кукун, суспензия, эмульсия) ҳосил қилиш. Суюқликларни газларда (ҳавода) Д. тўзитиш деб, суюқликларда Д. эса эмульсиялаш деб аталади. Саноатда қаттиқ жисмлар ҳар хил конструкцияли тегирмонларда, товуш ва ультратовуш вибраторларида дисперсланади. Суюқликларни Д. учун ҳар хил гомогенизаторлар (бир жинсли эмульсия ҳосил қилувчи аппаратлар) қўлланилади. Лаб.лар ва дорихоналарда ҳовончалар кўп ишлатилади.

Д. цемент, пигмент, тўлдиргич, ун, озиқ-овқат ва ем-хашак концентратлари олишда, заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланишда, суюқ ва қаттиқ ёқилғиларни ёқишда ва б. кўпгина технология жараёнларида қўлланилади.

ДИСПЕТЧЕР (инг. dispatch — тез бажараман) — и. ч.нинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида, унинг ҳар бир жараёнини махсус техника воситалари ёрдамида оператив назорат қилиш, мувофиқлаштириш ва марказлашган бошқарувни амалга оширувчи хизматчи. Д. *диспетчерлик пультида* ўрнатилган алоқа воситалари, диспетчерлик сигнализация аппаратлари, диспетчерлик сўзлашув аппаратлари ёки коммутаторлар, факс ва телевизион ускуналари, радиотелефон, компьютер ва б. воситалардан фойдаланиб иш юритади (яна қ. *Диспетчерлаш*).

ДИСПЕТЧЕРЛАШ — и. ч. ва б. жараёнларни тезкор назорат қилиш ҳамда бошқаришни марказлаштириш; ахборотларни узатиш ва қайта ишлашнинг энг замонавий воситаларини қўллашга асосланади. Д. асосий и. ч. циклидаги барча жараёнларнинг узлуксиз бажарилишини, тежамлилигини таъминлашга, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи бўлинмаларнинг узлуксиз ишлашини уюштиришга хизмат қилади.

Д.ни диспетчерлик хизмати амалга оширади. Д. ишлаб чиқариш жараёни мураккаб, кўп босқичли корхоналарда катта аҳамиятга эга бўлиб, у кўпгина соҳалар — машинасозлик, металлургия, электротехника, энергетика ва электрлаштириш, кимё, қурилиш ва қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноатлари, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт тармоқлари ва б. соҳаларда кенг қўлланилади: Энергетикани Д.да электр ст-ялар, электр узатиш линиялари ва б. оператив бошқарилади. Энергетика диспетчери бир қанча электр ст-ялари ва электр тармоқларининг биргаликдаги ишини текширади ҳамда мувофиқлаштиради. Саноат корхоналарини Д.да келаётган ахборотни автоматик ишлаш учун мантиқий қурилмадан ёки бошқарувчи компьютерлардан фойдаланилади. Қурилишни Д. алоқа, автоматик ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг ҳозирги замон жиҳозлари ёрдамида амалга оширилади. Бунда қурилиш ўз вақтида ишчилар, материаллар, лойиҳалар, қурилиш машиналари, транспорт б-н таъминланади; қурилиш майдонлари ишлари мувофиқлаштирилади; ишчилар, машиналарнинг бўш туриб қолиши ва б. камчиликлар йўқотилади. Автомобиль, ҳаво, сув ва т.й. транспортларида-ги диспетчерлик хизматининг тармоқлари ва ташкил этилиши айрим турдаги транспортларнинг хусусиятига ва уларнинг техник жиҳозланишига кўра саноат корхоналаридаги диспетчерлик хизматидан фарқ қилади, бунда йўловчи ва юкларни тўхтовсиз ва маромида ташишга асосий эътибор қаратилади. Олий ўқув юртларида диспетчерлик хизмати дарс жадвалларини тузиш, ўқув аудиторияларини тасдиқлаш, дарсларни ўтиш жараёнини назорат қилиб бориш вазифаларини ўз ичига олади. Диспетчерлик хизмати и. ч. самарадорлигини таъминловчи тизим бўлганлиги боис, ривожланган мамлакатларда бу тизимни узлуксиз такомиллаштириб бориш ва энг замонавий техник ускуналар б-н жиҳозлашга катта аҳамият берилади. Д. меҳнат унумдорлигини 12—25% оширишга имкон беради. Уни ташкил этишга кетган харажатлар 1—2 йилда тўла қопланади.



Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекэнергия» компаниясининг марказий диспетчерлик пульти.

Ҳоз. Ўзбекистонда халқ хўжалигининг йирик корхоналари (мас., «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» акциядорлик жамияти, Асака автомобиль з-ди, Бухоро нефтни қайта ишлаш з-ди ва б.)да энг самарали ишлайдиган, замонавий техник ускуналарга асосланган диспетчерлик тизими ташкил этилган.

Садир Салимов.

ДИСПЕТЧЕРЛИК АЛОҚАСИ — халқ хўжалиги тармоқларида и. ч. жараёнларини бир марказдан бошқариш учун қўлланиладиган симли ёки симсиз (радио) алоқа. Д. а. бир пункт б-н бошқа пунктлар (мас., диспетчерлик пункти б-н ишчилар, турли цехлар ёки бўлинмалар) орасида алоқа телефон, телеграф, телевидение, почта узели, радиотелефон қурилмалари воситасида амалга оширилади. Энг кенг тарқалган Д. а. воситалари: диспетчерлик телефон алоқаси; қидирув ва чақирув хабарини етказиш воситалари; и. ч. сигнализация си. Диспетчерлик коммутатори бир вақтнинг ўзида 20—60 ва ундан кўп абонентлар б-н алоқа боғлаб, улар б-н гаплашиш имкониятига эга. Иш жойлари б-н тезкор боғланиш учун махсус чақирув хабарини етказиш мосламаларидан кўлланилади. И. ч. жараёнлари тўғрисида ахборот берувчи мосламаларнинг тури ниҳоятда кўп бўлиб, улар орқали раёнларгача бўлган ҳолатдан *диспетчер* хабардор бўлиб туради.

ДИСПЕТЧЕРЛИК ПУЛЬТИ — диспетчерлик хизмати ишини амалга оширишга мўлжалланган бошқарув-назорат, хабар бериш қурилмалари ва алоқа воситалари жамланган диспетчерлик иш столи. Пультда объектлар ҳолати ҳақидаги юборилган ахборотлар тўпланади ва диспетчер қабул қилган қарорлар объектларга узатилади. Ҳоз. вақтда компьютер тизимига асосланган Д. п. ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади ва бошқаришни қулайлаштиради. Уни бошқариш бевосита бош диспетчер ва унинг ўринбосарлари ёки смена диспетчерлари томонидан амалга оширилади (қ. *Диспетчерлаш*).

ДИСПЕТЧЕРЛИК ПУНКТИ — диспетчерлик алоқа тизимининг маркази. Диспетчерлик щитлари, ахборотларни акс эттирадиган табло (экран)лар, телефон, радио ва телевизион алоқа воситалари, компьютерлар ва б. жиҳозлар, шунингдек, диспетчернинг иш столи Д. п.да жойлаштирилади ва диспетчер улар ёрдамида корхонанинг барча жараёнларини тезкор назорат этиб, марказлашган бошқарувни амалга оширib туради. Д. п.га доимий равишда маҳсулот и. ч., цех, участкалардаги иш режасининг бажарилиши, дастгоҳлар, конвейерлар, транспортлар ҳаракати ва б. тўғрисидаги ахборотлар келиб тураси иш режасини тузади ёки мавжуд иш ҳолати юзасидан зарур чора-тадбирларни кўради (яна қ. *Диспетчерлаш*).

ДИСПЛАЗИЯ (*дис...* ва юн. plasis — ҳосил бўлиш, ўсиш) — эмбриогенез ва тугилгандан кейинги даврда аъзо, тўқима ёки тана қисмларининг нотўғри ривожланиши. Ҳоз. вақтда Д. хавфли ўсмаларнинг тартибсиз ўзгаришларини, яъни ҳужайралар ва умуман тўқима комплексининг неопластик (ўсма ўсиши), нормадан ташқари, тўқималари ривожланишига томон йўналган ўсиш), нормадан ташқари, ўсма ҳосил бўлишига мойил ўзгаришини англатади. Илгари Д. фақат ясси эпителий ҳужайраларига хос ўзгариш деб ҳисобланар эди, ҳозирга келиб бу жараённи морфологик жиҳатдан чуқурроқ ўрганиш у бошқа тўқима ҳужайралари, мас., призматик, ички секрет безлари эпителийси ва ҳ. к.га ҳам тааллуқли эканлиги маълум бўлди. Ҳужайра ва тўқималардаги ўзгаришларнинг оғирлигига кўра, Д.нинг 3—4 даражаси тафовут қилинади. Унинг энг оғир хили «малигнизация» — бутун тўқимани қоплаб олади, ҳатто ўсманинг и н в а з и я с и б-н тугаши ҳам мумкин. Дисплатик ўзгаришларнинг тобора кучайиб, ривожланиб бориши пировардида ўсма пайдо бўлишига олиб келади.

ДИСПЛЕЙ (инг. display — қайта кўрсатиш) — матн ёки график кўринишдаги маълумотларни электрон-нурли асбоб экранига чиқариш учун мўлжал-



Дисплей.

ланган қурилма. Монохром (бир рангли) ва кўп рангли хиллари бўлади. Д. бевосита видеоадаптер қурилмаси бошқаруви асосида икки режимда — матн ёки график кўринишидаги ахборот б-н ишлайди. Матнли режимда *компьютер* экрани белги ўринлари деб аталадиган 25 қатор ва 80 устунга бўлинади.

График режимда экран пиксел деб номланувчи нуқталар тўпламидан иборат бўлади. Бу нуқталар сони ва рангларнинг даражаси компьютерда ишлатилаётган адаптерларнинг турига боғлиқ бўлади. Айни вақтда EGA (Enhanced Graphic Adapter — имконияти кенг график ўзежимли адаптер), VGA (Video Graphic Adapter — видеографик матрица), SVGA (Super VGA) — турли рангли Д.лар кенг тарқалган. Бу адаптерлар ёрдамида экранда кўпи б-н 256 хил рангли 800×600 гача бўлган нуқталар ҳосил қилиш мумкин. Д.лар ва уларнинг имконият даражаси тавсифи қуйидаги жадвалда келтирилган.

ДИСПНОЭ (*дис...* ва юн. pnoia — нафас) — нафас олиш (гиперпноэ) ёки нафас олиш (апноэ). Д. қонда карбонат ангидрид кўпайиши (гиперкапния) ва кислород камайиши (гипоксемия) натижасида келиб чиқади. Жисмоний меҳнат вақтида нафас тезлашуви умумий интоксикация натижасидир. Д. оғир патологик ҳолатдан дарак беради ва нафас марказининг қаттиқ зарарланиши натижасида келиб чиқади. Д.ни келтириб чиқарган касаллик даволанади.

ДИСПОНЕНТ (инг. disponense — жойлаштирувчи, тақсимловчи) — 1) фирманинг ишлари б-н шуғулланиш, шунингдек, унинг мулклари ва маблағларини тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган шахс (унга ҳуқуқ фирма томонидан берилади); 2) банкнинг комиссионерлари ва вакил банкларидаги банк ҳисобварағида эркин пул маблағлари бўлган жисмоний ёки юридик шахс.

ДИСПРОЗИЙ (Dysprosium, юн. disprositos — топилиши қийин), Dy — Менделеев даврий системаси III гуруҳининг *лантаноид*лар туркумига мансуб элемент; тартиб рақами 66, ат. м. 162,50. Д.нинг 7 та барқарор изотопи маълум: ^{156}Dy, ^{158}Dy, ^{160}Dy, ^{161}Dy, ^{162}Dy, ^{163}Dy ва ^{164}Dy. Радиоактив изотоплари сунъий йўл б-н олинган. Д. — оч кулранг металл. Зичлиги 8,56 г/см³. Бирикмаларда уч валентли. Оддий шароитда ҳаво кислороди таъсирида секин, қиздирилганда (100° дан юқори ҳароратда) тез оксидланади. Минерал кислоталар (HF дан ташқари) б-н ўзаро реакцияга киришиб, Dy(III) тузларини ҳосил қилади. Ишқорий эритмалар таъсирига чидамли. Азот, водород, хлор, бром ва йод б-н қиздирилганда шиддатли реакцияга киришади.

Д. оксид Dy_2O_3 — рангсиз кристалл модда. Моноклин (β- Dy_2O_3) ва кубик (α- Dy_2O_3) панжарали модификациялари маълум. Зичлиги 8,16 г/см³. α-Dy_2O_3 2070° да β- Dy_2O_3 га айланади. Суюқланиш т-раси 2400°. $Dy_2(C_2O_4)_3$, $Dy(NO_3)_3$ ва б. ни 800—1000° да парчалаш усули б-н олинади.

Д. хлорид $DyCl_3$ — рангсиз кристалл модда. Моноклин панжарали. Суюқланиш т-раси 654°, қайнаш т-раси 1627°; зичлиги 3,617 г/см³; сувда яхши эрийди. 200° дан юқори т-рада $Dy_2(C_2O_4)_3$ га хлор ва тетрахлорметан аралашмасини таъсир эттириб, шунингдек, Д.ни хлорлаб олинади.

Д. фторид DyF_3 — орторомбик панжарали рангсиз кристаллар, зичлиги 7,466 г/см³; 1030° да гексагонал модификацияга айланади. Суюқланиш т-

Дисплейга тегишли жадвал

Дисплей номи	Матнли режим		График режим	
	ранглар сони	белги ўринлари сони	ранглар сони	пикселлар сони
CGA	16	80×25	2	640×200
		80×25	4	620×200
EGA	16	80×43	16	640×350
	16	80×25		
VGA	16	80×50	16	640×480
	16	80×50	256	640×480
SVGA	16			800×600

раси 1157°, қайнаш т-раси 2200° дан юқори. Сувда эримайди. Д. бирикмаларига фторид кислота, Д. га фтор таъсир эттириб олинади. Д. $DyCl_3$ ёки DyF_3 ни кальций, натрий ёки литий б-н қайтариб олинади. Д. нурланган моддаларни нейтрон радиографик текширишда, DyJ_3 кўча ва стадионларни ёритувчи чироқлар и. ч. да, DyO_3 қизил рангда шуълаланувчи люминофорлар компоненти сифатида ва махсус шишалар олишда қўлланилади. Д.ни 1886 йилда француз кимёгари П. Э. Лекок де Буабодран кашф этган.

ДИСПРОПОРЦИЯ (*дис...* ва лот. proportio — мутаносиблик) — номутаносиблик; бир бутун нарсанинг қисмлари, бўлаклари орасидаги тенгсизлик, мутаносибликнинг йўқлиги.

ДИСПРОПОРЦИЯЛАНИШ РЕАКЦИЯСИ — бир модда молекулалари ёки эркин радикаллари ўртасида атомлар ёки атом гуруҳларининг қайта тақсимланиши. Бунинг натижасида модда икки ёки ундан кўпроқ бошқа моддага айланади, булардан баъзиларида атомлар ёки уларнинг гуруҳлари бошланғич моддадагига нисбатан камроқ, баъзиларида эса кўпроқ бўлади. Д. р.нинг аксарияти оксидланиш-қайтарилиш жараёнларидан иборат бўлиб, бунда кислород ёки водород атомлари қайта тақсимланади. Мас., симоб (I)-оксид Hg_2O қиздирилганда металл ҳолдаги симоб ва симоб (II)-оксид HgO ҳосил бўлади:

$$\overset{+1}{Hg_2O} \rightarrow \overset{0}{Hg} + \overset{+2}{HgO}$$

Д. р. натижасида эркин алкил радикаллар алкенлар ва алканларга айланади:

$$2CH_3-\dot{C}H_2 \rightarrow CH_2=CH_2+CH_3-CH_3$$

этил радикали — этилен — этан

Д. р. кимёда кенг қўлланилади.

ДИСПРОПОРЦИЯЛАР — иқтисодиётга хос бўлган мутаносиблик (турли соҳалар ўртасидаги нисбат)ларнинг бузилиши, издан чиқиши. Д. юз берганда жами *талаб* б-н *таклиф*, и. ч. б-н истеъмол, жамғарма б-н истеъмол, саноат б-н қ. х., ишлаб чиқариш б-н транспорт, экспорт б-н импорт, пул массаси б-н товарлар ва хизматлар массаси ва б. ўртасидаги мутаносиблик бузилади. Жами талаб ва таклифнинг ўзаро мос тушмаслиги Д.ни келтириб чиқарувчи асосий сабаб ҳисобланади. Д. натижасида иқтисодий танглик ва ҳатто бўҳронлар пайдо бўлиши мумкин. Д. келиб чиқиш сабабига кўра иқтисодий Д. (иқтисодий субъектларнинг якка ва тарқоқ бўлиши, улар фаолиятининг бозор орқали ўзаро тўла уйғунлашмаганлиги), табиий Д. (табиий шароитнинг қулай келмаслиги, турли офатларнинг бўлиши, кутилмаганда табиий ресурсларнинг етишмай қолиши), сиёсий Д. (сиёсий беқарорлик туфайли хўжалик алоқаларининг вақтинча узилиб қолиши, иқтисодий талофот келтирувчи уруш ҳаракатларининг юзага келиши) мавжуд. Д. ўткинчи характерга эга бўлиб, улар муайян вақтдагина юзага келади ва кейинчалик бартараф этилади. Д.нинг бартараф этилиши бозор механизми ва давлат томонидан иқтисодиётнинг тартибланиши орқали амалга оширилади.

Аҳмаджон Ўлмасов.

ДИССЕКТОР (лот. dissecо — буклайман, кесаман) — электр зарядларини узатувчи *телевизион трубка*. Д.да фотокатод ҳосил қилган тасвирни электрон кўпайтиргич электр сигналларига айлантиради. Д., асосан, телевидениенинг кўшимча автомат тизимларида (мас., ёруғлик манбаи вазиятини аниқлаш учун) ишлатилади.

ДИССЕМИНАЦИЯ (лот. disseminatio— ёйилиш, тарқалиш, сочилиш) — патологик жараён, мас., хавфли ўсма ҳужайралари ёки сил ва б. юқумли касалликлар қўзғатувчиларининг қон ва лимфа орқали бутун организмга тарқалиб, ёйилиб кетиши. Кўпгина касалликларнинг Д. йўли б-н тарқалиши аниқланган.

ДИССЕРТАЦИЯ (лот. dissertatio — тадқиқот, мулоҳаза) — илмий даража олиш учун тақдим этилган ва жамоатчилик олдида якка тартибда ҳимоя қилинадиган илмий асар. Д. ҳимоя қилиш дастлаб ўрта асрларда немис тилида сўзлашадиган мамлакатларнинг ун-тларида пайдо бўлган. 16—17-а.ларда бошқа мамлакатларга ҳам тарқала бошлаган. Ўзбекистонда 1934 й.дан *фан номзоди* ва *фан доктори* илмий даражасини олиш учун Д. ҳимоя қилиш жорий этила бошлади. Фан номзоди илмий даражасини олиш учун ҳимоя қилинадиган Д. янги илмий-амалий хулоса ва тавсияларни ўз ичига олиши, унинг муаллифи (диссертант) танланган мутахассислик бўйича чуқур илмий-назарий билимга эга эканлигини кўрсатиб бериши лозим. Фан д-ри илмий даражасини олиш учун ҳимоя қилинадиган Д. фан ва техниканинг рий муаммони ҳал қилиши, фан ва муайян соҳасидаги катта илмий назарий муаммони ҳал қилиши, фан ва амалиётнинг ривожига улкан ҳисса қўшган олим бўлиши лозим. Номзодлик ва докторлик Д.лари олий ўқув юртлари ёки и. т. институтларида ташкил этилган ихтисослаштирилган *илмий кенгашларда* ҳимоя қилинади. Ҳимояга тақдим этилган Д.нинг асосий мазмуни алоҳида китоб тарзида ёки журн., илмий тўплам ва б. нашрларда эълон қилиниши лозим. Уларнинг сони ва ҳажми ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (ОАК) томонидан белгиланади. Шунингдек, муҳим ихтиро ва кашфиётлар, айрим шахс ёки жамоа томонидан янги машина, бошқариш тизими, турли асбоблар, қурилма ва технологик жараёнлар яратишдаги тугалланган ишлар, бир муаллиф томонидан тайёрланган мустақил илмий ёки илмий методик асар даражасида бўлган оригинал дарсликлар ҳам илмий маъруза шаклида Д. ўрнида ҳимояга тақдим этилиши мумкин.

Д. ҳимояси олдидан унинг асосий мазмуни ва хулосалари ёзилган автореферат эълон қилинади. Ҳимоя қилинган номзодлик ва докторлик Д.лари ОАК томонидан белгиланган мудлатларда тасдиқлангандан сўнг Д. ҳимоя қилган шахсларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом топширилади. Ҳимоя қилинган Д.лар ҳимоя ўтган илмий муассаса кутубхоналарида сақланади.

ЎзРда 2000/2001 ўқув йилидан бошлаб олий таълим тизимида магистрлар учун илмий ёки илмий техникавий мазмундаги магистрлик Д.сини ҳимоя қилиш жорий этилган.

ДИССИДЕНТЛАР (юн. dissidentes — қўшилишмаганлар, қаршилар) — 1) давлат дини католицизм ёки протестантизм бўлган давлатларда ҳукмрон динга эътиқод қилмайдиган христианлар. Кўчма маънода — ўзгача фикр қилувчилар. 2) 1950—80-й.ларнинг ўрталарида кўпчилик социалистик мамлакатларда мустабид тузумга қарши ҳаракат қатнашчиларининг номи. Инсон ва фуқаро ҳуқуқ ҳамда эркинликларига риоя қилиниши учун, ўзгача фикрловчилар таъқиб этилишига қарши турли шаклларда чиқишлар қилишди, совет қўшинларининг Чехословакияга (1968) ва Афғонистонга (1979) киритилишига қарши норозилик билдиришди. Д. маъмурлар томонидан қатағонларга дучор этилди, кўплари жосуслик, давлатга хиёнат қилиш каби соҳта айблар б-н айбланиб жазога тортилди, мажбурлаб руҳий касалликлар шифохоналарига ётқизилди («жазолаш психиатрияси»), мамлакатдан сургун қилинди ёки муҳожир бўлиб кетишга мажбур бўлди (В. И. Буковский, П. Г. Григоренко, А. Д. Сахаров, А. И. Солженицин ва б.).

ДИССИМИЛЯЦИЯ (лот. dissimilatio — ўхшатмаслик) — организмларда мураккаб органик моддаларнинг парчаланиб, бирмунча оддийроқ моддаларга айланиш жараёни; ассимиляцияга қарамақарши бўлган жараён (яна қ. *Катаболизм*).

ДИССИМИЛЯЦИЯ (тилшуносликда) — нутқий ҳодиса. Муайян сўздаги бир-бирига ўхшаган ёки қисман ўхшаш товушлардан бирининг ҳосил бўлиши ўрнига, усулига кўра фарқ этувчи бошқа товушга ўхшаши. Д. *ассимиляция*га қарама-қарши фонетик ҳодиса бўлиб, у ассимиляция даражасида кенг тарқалган эмас, чунки кўп ҳолларда унда сонор товушларга эга бўлган сўзларгина Д.га учрайди. Д. адабий тилларга нисбатан шеваларда кўпроқ. Д.нинг икки тури мавжуд: а) контакт Д. (мас., трамвай — транвай); б) дистакт Д. (мас., зарар — зарал, автобус — аптобус).

ДИССИПАТИВ СИСТЕМАЛАР (лот. dissipatus — тарқалиб кетган, сочилиб кетган) — ҳаракат давомида тўла механик энергияси (кинетик ва потенциал энергиялар йиғиндиси) узлуксиз камая бориб, бошқа энергия шаклларига, мас., иссиқлик, нурланиш ва ҳ. к. энергияга айлана борадиган динамик системалар. Д. с.да механик энергиянинг камая бориш суръатини тавсифловчи функция диссипатив функция дейилади. Д. с.ни консерватив ва консерватив бўлмаган (энергия олувчи ва берувчи) системалардан фарқ қилиш керак, чунки Д. с.да ташқаридан энергия олинмайди ва ташқарига энергия берилмайди. Суюқлик ёки газ оқимида ҳаракатланадиган ва шу оқим таъсирига учрайдиган жисмлар; бир жисмнинг бошқа жисмда ишқаланиб ҳаракат қилиши; жисмнинг қовушоқ муҳитдаги ҳаракати ва б. унга мисол бўлиши мумкин. Самолётлар динамикасида, баллистика ва механиканинг бошқа бўлимларида Д. с. алоҳида ўрганилади.

ДИССОНАНС (лот. dissono — уйғунлашмай, мосланмай янграйман) (мусиқада) — товушларнинг бир-бирига нисбатан ҳамоҳангсиз янграши. Акси — *консонанс*. Кичик ва катта секунда ва септималар, барча камайтирилган ҳамда орттирилган *интервал*лар Д. ҳисобланади. Мазкур интерваллардан ҳатто бирортасини ўз таркибига олган аккордлар ҳам Д. кўптовушликлар туркумига киради. Шарқ мусиқа назариясида Д. интерваллар мутанофир, мунофират *бўғд*лар дейилади.

ДИССОЦИАЦИЯ, диссоциаланиш (лот. dissociatio— ажралиш, парчаланиш) — модда молекулалари радикаллари ёки ионларининг қайтар ҳолда парчаланиши. Д. термик, электролитик ва фотокимёвий турларга ажратилади. Термик Д. — модданинг иссиқлик таъсирида парчаланиши. Мас., аммоний гидросульфид NH_4HS қиздирилганда аммиак ва водород сульфидга парчаланади. Нефть крекинги, саноатда кўп моддаларни олиш (мас., кальций карбонатдан оҳак олиш) усуллари термик Д.га асосланган. Электролитик Д. —электролитлар сувда эритилганда улардаги молекулаларнинг мусбат ва манфий зарядли ионларга парчаланиши. Эритувчи, жумладан сувнинг қутбли молекулалари электролит молекулаларига таъсир этиб, уларнинг парчаланишига сабаб бўлади. Мас., хлорид кислотанинг водород ва хлор ионларига ажралиши: $HCl \rightleftarrows H^+ + Cl^-$.

Электролитик Д.да ҳосил бўлган ионлар ва эритувчи молекулалари бир-бирига таъсир этади; ионлар сув б-н бирикиб, гидратлар ҳосил қилади (мас., H_3O^+ — гидроксоний). Диссоциацияланган молекулалар сонининг эритилган модда молекулалари умумий сонига нисбати электролитик Д. даражаси деб аталади, бу эса эритилган модда (электролит)нинг табиатига, шунингдек, эритма концентрациясига боғлиқ (эритма суюлтирилган сайин электролитик Д. даражаси ошади). Электролитик Д. даражаси 1 га тенг бўлганда кимёвий мувозанат қарор топади. Электролитик Д. даражасига қараб, электролитлар кучли (батамом диссоциацияланадиган) ва кучсиз (қисман диссоциацияланадиган) электролитларга бўлинади, аммо бу шартли тушунча, чунки бир электролитнинг ўзи бир шароитда кучли, бошқа шароитда эса кучсиз бўлиши мумкин (мас., водород хлорид сувда кучли электролит, бошқа баъзи эритувчиларда эса кучсиз электролит хоссаларини намоён қилади). Ёруғлик нури таъсирида фотокимёвий Д. содир бўлади.

ДИСТАЛ (лот. disto — узоқда тураман) — одам ва ҳайвонлар анатомиясида гавданинг бирор қисми унинг маркази ёки ўрта (медиал) текислигидан узоқроқ эканлигини билдирувчи термин, *проксимал*нинг тескариси, мас., қўл панжаси билакка нисбатан Д.


ДИСТАНЦИЯ (лот. distantia — масофа) — 1) бирор нарса орасидаги масофа, оралиқ; 2) сафланган ҳарбий хизматчилар, қуроллар, бўлинмалар, кемалар ва шунга ўхшашлар оралиғидаги масофа; 3) т. й. хўжалиги турли тармоқларининг маъмурий бирлиги. Йўл, сигнализация ва алоқа Д.лари, бино ва иншоотлар Д.лари, юк ортиш ва тушириш Д.лари ва б. хиллари бор.

ДИСТЕН (*ди...* ва юн. sthenos — куч, қудратдан) — силикатлар синфига мансуб минерал (қ. *Кианит*).

ДИСТИЛЛАНГАН СУВ — ҳайдаш (дистиллаш) йўли б-н таркибидаги эриган минерал тузлар, органик моддалар ва б. қўшимчалардан тозаланган сув. Тиббиётда ишлатиладиган Д. с.да нитрат, нитрит ва сульфат кислоталар, хлор, кальций ионлари, карбонат ангидрид ва б. қўшимчалар бўлмаслиги керак, 10 мл шундай сув буғлантирилганда қолдиғи 0,5 мг дан ошмаслиги лозим. Тери остига юбориладиган эритмалар ва кўзга томизиладиган дорилар тайёрлаш учун Д. с. қайта стерилланади ёки қайнатиб олинади. Д. с.да организм учун зарур микроэлементлар бўлмаганлиги сабабли ичишга ярамайди, узоқ истеъмол қилинганда меъда тўқималаридаги тузларни ювиб кетади, натижада эпителий ҳужайралари бўкиб, нобуд бўлади. Д. с. кимё ва физика лаб. ларида эритувчи сифатида ишлатилади.

ДИСТИЛЛАШ (лот. disstillatio — томчилаб оқиш), дистилланиш, ҳайдаш — суюқликларни буғлатиб, соф компонентларга ёки ҳар хил таркибли фракцияларга ажратиш, тозалаш. Бунинг учун компонентларга ажратиладиган суюқлик қиздирилади ва ундан ажралиб чиқаётган буғ конденсатланади. Таркиби ва қайнаш т-ралари ўзгармасдан ҳайдаладиган эритмаларни Д. усули (азеотроп дистиллаш) ҳам бор. Металлургияда рудалар ёки уларнинг концентратларидан рангли металларни аввал буғлантириб (юқори т-рада қайтариб), кейин конденсатлаб ажратиб олиш ҳам Д. дейилади. Д. нефтни фракцияларга ажратиш, спиртни тозалаш, ёғни эритмадан ажратиб олишда ва б. соҳаларда кенг қўлланилади.

ДИСТОРСИЯ (лот. distorsio — қийшайиш) — оптик системаларда ҳосил бўладиган тасвир нуқсонлари; бунда объект б-н унинг тасвири орасида геометрик ўхшашлик бузилади. Д. тасвирнинг ҳар хил қисми турлича чизиқли катталашиши натижасида ҳосил бўлади. Кўпинча, тасвирнинг чизиқли катталашиши ҳар бир нуқтасида ҳар хил бўлади. Шунинг учун тасвир аслига ўхшамай чиқади. Мас., Д. хоссасига эга бўлган оптик системада квадратнинг тасвири бузилиб чиқиши мумкин. Д.



Дисторсия:
а — ёстиқсимон;
б — бочкасимон.
а *б*

ҳодисаси кузатиш асбоблари ва оптик системаларда тасвир сифатига унча зарар келтирмаса ҳам аниқ масалаларда ҳисобга олинади. Энг яхши фотоаппаратлар объективида Д. 0,5% га яқин, аэросуратлар олиш учун ишлатиладиган объективларда тахм. 0,01% бўлади.

ДИСТРИБУТИВЛИК (лот. distributivus — тақсимланиш) — икки амалнинг ўзаро боғланишини ифодаловчи қонун. Мас., Д. қўшиш ва кўпайтириш амаллари учун $a(b+c)=ab+ac$ тенглик б-н ифодаланади.

ДИСТРИБЬЮТОР, дистрибутор (инг. distributior — тақсимлаш) — минтақавий (маҳаллий) бозорларда муайян турдаги товарларни кўтара сотиб олиш ва сотиш б-н шуғулланувчи фирма ёки тадбиркор. Д. товар ишлаб чиқарувчи корхона б-н тузилган узоқ муддатли шартнома асосида ўз номидан ва ўз ҳисобидан иш юритади. Махсус Д.лик битимида тайёр маҳсулотни сотув олдидан кўрсатилган хизмат учун товарнинг кўтара нархига қўйиладиган устамалар меъёри; товарнинг кўтара нархидан чегирма; товар партиясининг ҳажми ва уни етказиб бериш тартиби; тўлов турлари ва б. акс этади. Устама (чегирма)лар Д.нинг даромад манбаи ҳисобланади. Д. товарни сотишдан ташқари маркетинг хизматини кўрсатади, шунингдек, сотиб олинган техник жиҳозлар, ускуналар (мас., компьютерлар ва унинг ёрдамчи жиҳозлари)ни ўрнатиш, ишга тушириш, улардан фойдаланишга ўргатиш, эҳтиёт қисмларни сотиш, таъмирлаш ва б. ишларни ҳам бажариши мумкин. Бундай хизматлар Д.лик хизмати дейилади. Д. тармоғининг асосий ваколатхонаси Бош Д. ҳисобланади. Бош Д. товар ишлаб чиқарувчи корхонанинг муайян бозордаги асосий вакили ҳисобланади ва тайёр маҳсулотни сотиш шу вакил орқали ёки корхонанинг ўз агентлик тармоғи орқали амалга оширилади.

ДИСТРОФИЯ (*дис*... ва юн. trophe — овқат, озиқланиш) — ҳужайра ва тўқималарда моддалар алмашинуви бузилишининг патоморфологик ва патофизиологик ифодаси; илгари дегенерация—айниш деб аталган. Д. кўпгина (айниқса яллиғланиш б-н кечадиган) касалликларнинг ривожланиш негизи ҳисобланади. Инфильтрация ва шимилиш (мас., неврозда буйрак каналчалари эпителийсига оқсил шимилиши, атеросклерозда артерияларнинг ички пардасига липоидлар шимилиши), оқсиллар синтезининг бузилиши, ёғлар ва углеводларнинг оқсилларга айланиши ёки оқсиллар ва углеводларнинг ёғларга айланиши (трансформация) Д.нинг ривожланиш механизмларидир. Бу механизмлар хилма-хил: ҳужайранинг ауторегуляцияси ферментатив жараёнларнинг ўзгариши рўй беради; овқатланиш тартибининг издан чиқиши гипоксияга олиб келади — бу кўпроқ кузатилади; овқатланишнинг эндокрин ёки нерв системаси томонидан идора этилишининг бузилиши — бу нейроген ва эндокрин Д.га олиб келиши мумкин. Д.га асосан ҳужайра ҳамда ҳужайрааро трофиканинг бузилиши, қон ва лимфа айланиши ёки *иннервация*нинг издан чиқиши, *гипоксия, инфекция, интоксикация, гормонлар* ва ферментлар балансининг ўзгариши ҳамда ирсий омиллар сабаб бўлади. Д.да моддалар алмашинуви ўзгариб, айниган, парчаланиб улгурмаган моддалар ҳужайралар ва ҳужайраларо сатҳ ҳамда тўқималарда тўпланиб қолади. Моддалар алмашинувининг қайси тури кўпроқ бузилганига қараб оқсил, ёғ, углевод ва минерал Д.си фарқ қилинади.

Оқсил Д.си (диспротеионоз)да ҳужайралар ёки ҳужайраларо сатҳларга нотўғри синтезланган оқсилларнинг патологик шакллари, тўқиманинг зилишига кирадиган оқсилнинг парчаланиши, баъзан оқсил физик-кимёвий хусусиятларининг ўзгариши (гиаминоз, амилоидоз ва б.) натижасида организмда оқсил тўпланади.

Ёғ Д.си (липидоз)да ёғ деполаридаги ёғ камаяди ёки кўпаяди, одатда, аслида липидлар бўлмайдиган жойларда ҳам улар пайдо бўлади, ҳужайра ва тўқималардаги липидлар миқдори ниҳоятда камайиши озғинлик (кахексия)га, ёғ захирасининг ортиб кетиши семиришга, ёғ босишга олиб келади.

Углевод Д.си гликоген ва мукополисахаридлар ҳосил бўлиши балансининг бузилиши б-н кечади (бу ҳолат қандли диабет)да яққол кўринади.

Минерал Д.сида калий, кальций, темир ва б. алмашинуви бузилади. Д. аломатлари пайдо бўлганда дарҳол шифокорга мурожаат қилиб қунт б-н даволаниш тавсия этилади (яна қ. *Алиментар дистрофия*).

ДИСУЛЬФИД БОҒЛАР, —S—S— боғлар — икки сульфгидрил гуруҳдаги олтингугурт атомларнинг қўшилишидан ҳосил бўладиган боғлар.

ДИСФАГИЯ (*дис*... ва юн. phagein — ютмоқ, емоқ) — овқат ёки сув ютишнинг бузилиши. Ҳалқум, ҳиқилдоқ ва қизилўнгач деворларининг шиқастланиши, уларга ёт жисмлар тиқилиши, яллиғланиш, истерия ва б. асабий-руҳий касалликларда бу аъзоларнинг тўсиқли касалликлар (қоқшол, қутуриш) Д.га сабаб бўлади. Қизилўнгач ракида ҳам Д. кузатилади. Белгилари: овқат ютган вақтда оғриқ сезилади, бурун, ҳиқилдоқ, кекирдак, кўкс оралиғига овқат кетиб қолади. Д.га сабаб бўлган омиллар аниқланиб, тегишли дори-дармонлар буюрилади.

ДИТРИХ (Diterich) (асл исми ва фам. Мария Магдалена фон Лош) Марлен (1904.27.12 — Берлин — 1992) — немис ва америка актрисаси. Кинода 1922 й.дан, 1930 й.дан Голливудда ишлаган. «Мовий фариштa», «Марокко», «Айболовчининг гувоҳи», «Нюренбург процесси», «Гўзал жигало — бахтсиз жигало», «Шанхай экспресси», «Қизил император аёл» каби фильмларда бош ролларни ижро этган. Эстрадада ҳам таниқли хонанда сифатида кўпгина мамлакатларда концерт берган. Фашизмга қарши аёвсиз курашган.

ДИУРОН, гербатокс, дихлорфенидим, кармекс ($C_9H_{10}ON_2Cl_2$) — сингиб, танлаб таъсир этувчи гербицид. Ранги оқ, 80%ли ҳўлланувчан кукун. Пахтазорларда, данакли ва резавор мева боғларда, токзорларда бир йиллик бошоқли (курмак, итқўноқ) ва икки паллали бегона ўтларга қарши қўлланилади. Бир йиллик бегона ўт (олабўта, мачин, семизўт, итузум, шамак ва б.)ларга 1,5 — 2,5 ой давомида таъсир кўрсатади. Тупроқ намлиги ортган сари препаратнинг гербицидлик хусусияти ҳам орта боради. Ўсимликка илдизи орқали шимилади. Ерга экиш пайтида лента усулида, боғларда эрта баҳорда бегона ўтлар уруғи кўкармасдан олдин пуркалади. Сарф меъёри (таъсир этувчи модда ҳисобида) гўза учун 0,4—1,6 кг/га, мевали боғларда 2,5—3,2 кг/га, 0,5—1,75 кг/га сарфланади. Иш суюқлиги 100—150 л/га. Заҳари кам.

ДИФЕНИЛ, фенилбензол ($C_6H_5)_2$ — ўзаро боғланган иккита фенил радикалидан ташкил топган рангсиз кристалл модда. Суюқланиш т-раси 71°; қайнаш т-раси 255°, зичлиги 1156 кг/м³ (25°). Сувда эримайди, спирт, эфир, бензол ва б. органик эритувчиларда яхши эрийди. Д. термик барқарор модда. Саноатда бензолдан пиролиз йўли б-н олинади:

$$2C_6H_6 \rightarrow C_6H_5{-}C_6H_5 + H_2\uparrow$$

Лаб.да Д. бензол йодидга натрий ёки мис таъсир эттириб, шунингдек, ароматик бирикмаларни пероксид кислоталар таъсирида оксидлаш усули б-н олинади. Д. бўёқлар и. ч.да муҳим ярим хом ашё ҳисобланади. Унинг дифенилоксид б-н аралашмаси иссиқлик ўтказувчи модда сифатида ишлатилади.


ДИФЕНИЛАМИН ($C_6H_5)_2NH$ — иккиламчи ароматик амин, ёруғлик таъсирида қораядиган рангсиз кристалл модда. Мол. м. 169,23; зичлиги 1160 кг/м³. Қайнаш т-раси 302°, суюқланиш т-раси 54°. Совуқ сувда эримайди; эфир, метил спирт, бензол, лигроин ва б. органик эритувчиларда эрийди. Анилинни анилин гидрохлорид б-н автоклавда 300°да HCl, $AlCl_3$, NH_4BF_4 иштирокида қиздириб ва б. усуллар б-н олинади. Нитритлар ва нитратлар иштирокида оксидлаб, кўк рангли бирикмалар ҳосил қилинади. Индикатор сифатида қўлланилади. Д. — полимерлар учун антиоксидантлар и. ч.да бошланғич маҳсулот бўлиб, целлюлоза нитратларининг иссиқ ва атмосфера шароитига бардошли стабилизатори, азобўёқлар синтезида оралиқ маҳсулот, юмшоқ пўлатни занглашдан сақловчи ингибитор, шунингдек, аналитик кимёда NO_2^-, NO_3^-, ClO_3^- ва б. оксидловчиларни аниқлашда индикатор сифатида қўлланилади.

ДИФЕНИЛОКСИД, дифенил эфир ($C_6H_5)_2O$ — рангсиз кристалл модда. Мол. м. 170,21. Суюқланиш т-раси 28—29°, қайнаш т-раси 259,3°; зичлиги 1075 кг/м³. Сувда деярли эримайди, бензол, муз ҳолдаги сирка кислота, этанолда яхши эрийди. C_6H_5Cl б-н C_6H_5ONa ни мис иштирокида қиздириш орқали олинади. Паст т-рада суюқланиши, термик ва кимёвий барқарорлиги сабабли Д.нинг дифенил б-н аралашмаси (дифенил аралашмаси, динил, даутерм А) ёки нафталин б-н аралашмаси (даутерм В) иссиқлик ўтказувчи модда сифатида ишлатилади. Д. хушбўй модда сифатида ҳам қўлланилади.


ДИФИЛЛОБОТРИОЗ — одам ва баъзи ҳайвонлар ичагида паразитлик қилиб яшайдиган сербар лентасимон гижжалар қўзғатадиган касаллик. Касал одам ёки ҳайвон ахлати б-н гижжа тухуми, кўпгина тана қисмлари ташқарига чиқади. Тухум сувга тушса, 3—5 ҳафтадан кейин ундан ғумбаклар пайдо бўлади, улар балиқларни зарарлайди. Одам хом балиқ, шунингдек, нормал тузланмаган икра егандагина Д. юқади. Бунда одамнинг кўнгли айниб, қайт қилади, баъзан қорни оғриб, жуда камқон бўлиб қолади. Бемор ахлатидан гижжа тухуми ёки тана қисмлари топилгандан кейин ташҳис қўйилади. Бемор иложи борича касалхонада даволангани маъқул. Организмдан гижжаларни ҳайдайдиган, шунингдек, камқонликни бартараф этувчи дори-дармонлар буюрилади. Касалликнинг олдини олиш учун дарё ва кўлларнинг ифлосланишига йўл қўймаслик, балиқни фақат пиширib, қовуриб, дудлаб ёки яхшилаб тузлаб истеъмол қилиш керак. Балиқ тузланганда 2—7 кунда безарар бўлиб қолади. Сербар лентасимон гижжа личинкалари музлатилган балиқда —6°, —18° т-рада 7 кунгача тирик сақланади.

ДИФИРАМБ — 1) Юнонистонда май — мусаллас маъбудаси, кайф-сафо худоси ҳисобланган *Дионис* (ёки Вакх) шарафига айтилган тантанали хор қўшиғи. Мил. ав. 7—5-а.ларда — адабий жанр (лирика жанри (Арион, Пиндар Д.лари). Кейинчалик Д. яккахон қўшиқ турига айланган, унда мусиқа шеърдан устун турган; 2) кўчма маънода — ҳаддан ташқари (баъзан сохта тарзда билдирилувчи) мақтовлар.

ДИФМАНОМЕТР, дифференциал манометр — босимлар фарқини ўлчайдиган асбоб. Босимлар фарқи бўйича суюқликлар сатҳини, буғ, газ, суюқликлар сарфини ўлчашда ҳам ишлатилади. Ишлаш тарзига кўра суюқликли ва механик Д.ларга бўлинади. Суюқликли Д.нинг найчали, қалқовучли, ҳалқасимон ва қўнғироқсимон турлари бор. Мас., найчали Д. ўз навбатида икки (U-симон) ва бир найчали (идиш ва вертикал найчали ҳамда идишли ва қия найчали) турларга бўлинади. Икки найчали Д.нинг (1-расм) иши суюқлик тўлдирилган туташ идишлардан фойдаланишга асосланган. U-симон Д.нинг ўлчаш диапазони муҳит босими 15 МН/м² (150кг·куч/см²) бўлганда 93 кН/м² (700 мм сим. уст.). Қалқовучли Д. бир найчали Д.га ўхшаб ишлайди; бунда идишдаги суюқлик сатҳининг ўзгаришини асбоб милига узатувчи сифатида қалқовуч хизмат қилади. Ўлчаш диапазони муҳит босими 16 МН/м² (160 кг·куч/см²) бўлганда 0—133 кН/м² (0—1000 мм сим. уст.). Механик Д. мембранали ва сильфонли хилларга бўлинади. Мембранали Д.нинг иши




Дифманометр. 1-расм. Икки найчали U-симон дифманометр.



2-расм. Эластик мембранали дифманометр.

эластик металл мембрананинг босимлар ўзгариши ҳисобига эгилишига асосланган (2-расм). Ўлчаш диапазони муҳит босими 60 МН/м² (600 кг·куч/см²) гача бўлганда 133 кН/м² (1000 мм сим. уст.) гача. Сильфонли Д. бурмаланган металл қутича (сильфон)нинг ичидаги ва сиртидаги босимлар фарқи ҳисобига ишлайди. Қалқовучли, ҳалқасимон, қўнғироқсимон ва механик Д.ларда кўрсатувчи, ўзи ёзувчи ҳамда электр контактли қурилмалар ҳам бўлади.

ДИФРАКЦИОН ПАНЖАРА — оптик асбоб; ношаффоф экранга қилинган кўп сонли параллель тирқишлар ёки ўзаро бир хил масофада жойлашган кўзгусимон йўллар (штрихлар) мажмуи; уларда ёруғлик *дифракция*си ҳодисаси содир бўлади. Д. п. ўзига тушаётган ёруғлик нурларини спектрларга ажратади. Д. п.нинг мунтазам ва номунтазам хиллари мавжуд. Тирқишлари тартибсиз бўлган хили номунтазам, тартиб б-н жойлаштирилган хили мунтазам Д. п. дейилади. Оптикада номунтазам Д. п.нинг амалий аҳамияти йўқ. Мунтазам Д. п. ясси ёки сферик сиртга бир хил шаклда (тенг ораликда) чизилган чизиқлар тўплами бўлиб, чизиқлар оралиғи d Д. п. даври дейилади (расмга қ.). Д. п.га тик тушаётган ёруғлик нурлари ҳар қайси тирқишда φ бурчакка синади, натижада нурлар йўли фарқи $d{\cdot}\sin\varphi$ ҳосил бўлади: $d{\cdot}\sin\varphi=k\lambda$, k=0,1 2, ...; бунда λ — тўлқин узунлиги; k — максимумлар тартиби. Д. п. спектрал асбоблар (коллиматор, спектрограф, монохроматор ва ҳ. к.) нинг асосий қисми ҳисобланади. Баъзи табиий кристаллар ҳам рентген нурларини таҳлил қилиш учун мунтазам Д. п. сифатида ишлатилади.



Дифракцион панжара: d — дифракцион панжара даври.

ДИФРАКЦИЯ (лот. diffractus — синган) — тўлқинларнинг ҳаракат йўналишида учраган тўсиқларни айланиб ўтиши. Д. ҳар қандай тўлқин ҳаракатига тегишли; тўлқин узунлиги тўсиқ ўлчамига тенг ёки ундан катта бўлса, Д. ҳодисаси рўй беради. Товуш, ёруғлик нури, рентген нурлари, электронлар, нейтронлар тарқалганда Д. ҳодисаси кузатилади (яна қ. *Ёруғлик дифракцияси, Зарралар дифракцияси, Радиотўлқинлар дифракцияси, Тўлқинлар дифракцияси, Электронлар дифракцияси, Рентген нурлар дифракцияси*).

ДИФТЕРИЯ (юн. diptherien — парда, эт), бўғма — асосан ҳиқилдоқ, томоқ шиллиқ пардаларининг яллиғла-

ниши ва аъзоларнинг зарарланиши б-н кечадиган ўткир инфекцион касаллик. Касаллик қўзғатувчиси кирган жойни зич парда босиши ва умуман организмнинг оғир заҳарланиши (интоксикация) б-н кечади. Д. б-н кўпроқ болалар касалланади. Қасаллик қўзғатувчисини биринчи бўлиб немис олимларидан Э. Клебс ва Ф. Лефлер аниқлаган (1883—84). Д.ни дифтерия таёқчаси ёки Лефлер таёқчаси (уни тасвирлаган олим номи б-н аталади) қўзғатади. У атроф муҳит таъсирига анча чидамли: бемор тутган буюмлар (идиш-товоқ, китоб, ўйинчоқ, кийим-кечак ва б.)да бир неча ҳафта сақланиши мумкин, аммо офтобда ва дезинфекцияловчи моддалар таъсирида тезда ўлади. Касаллик асосан бемордан юқади, у бутун касаллик давомида ва, ҳатто, соғайиб кетганидан кейин ҳам бир қанча вақтгача атрофдагилар учун хавфли ҳисобланади. Бемор йўталганда, аксирганда, сўзлашганда Д. микроблари сўлак, шилимшиқ, балғам томчилари б-н ҳавога чиқади. Соғлом одам шундай ҳаводан нафас олганида унга касаллик юқади. Бактерия ташувчи киши ҳам касаллик манбаи бўлиши мумкин. Д. таёқчаси кўпинча бурун-ҳалқум, томоқ ва юқори нафас йўллари (ҳиқилдоқ, трахеяни) зарарлантиради. Д. таёқчаси шиллиқ пардага ўрнашиб олади ва ўзидан токсин (заҳар) ажратади, у қон ва лимфа б-н бутун организмга тарқалади. Д. токсини шиллиқ пардани яллиғлантириб, унда зич парда — караш ҳосил қилади. Д. таёқчасининг ўрнашган жойига ва кўпайишига қараб томоқ, бурун, ҳиқилдоқ, кўз, ташқи жинсий аъзолар ва тери Д.си кузатилади. Касалликнинг *инкубацион даври* 2—10 кун. Томоқ Д.си ҳолсизланиш ва ҳароратнинг кўтарилиши (38—39°) б-н бошланади. Томоқ оғриб жағ ости лимфа тугунлари шишади; томоқ шиллиқ пардаси қизаради, муртак безлари ва юмшоқ танглай оқ ёки кулранг парда б-н қопланади. Д.нинг токсинли шакли ҳам ривожланиши мумкин, у тез авж олади; т-ра 40° гача кўтарилади, ютинганда томоқ қаттиқ оғрийди. бемор қайта-қайта қусади. Умуман дармонсизланади, бўшашади, юрак уриши тезлашади, ранги синиқади. Жағ ости лимфа тугунлари соҳасидаги тери ости клетчаткалари шишади ва у бўйинга, баъзан кўкрак қафасига тарқалади. Томоқ шиши Д.нинг илк белгиси бўлиб, бунда муртак безлари ва юмшоқ танглай тўқималари бир-бирига деярли жипс ёпишади. Пардали караш танглай, бурун-ҳалқумни қоплаб олиб, бемор хириллаб нафас олишга мажбур бўлади, оғзини сал очиб юради, кейинроқ бурундан кўп шилимшиқ келади.

Бурун Д.си узоқ давом этадиган тумов б-н кечади, кўпинча буруннинг бир томони битиб, қон аралаш шилимшиқ келади. Жараён суст кечиб, узоққа чўзилганида бир талай Д. таёқчалари чиқиб, теварак атрофдагиларга жиддий хавф туғдиради.

Ҳиқилдоқ Д.си асосан гўдак болаларда учрайди; бола хириллаб йўталади, овози бўғилади, нафас олиши қийинлашади, ҳиқилдоғи шишади, овоз бойламлари тортишади (спазм). Д.га бошқа касалликлар (*қизамиқ, скарлатина*) қўшилганда касаллик айниқса оғир ўтади. Д. токсини кўпчилик аъзоларга таъсир этиб, оғир асоратлар — буйрак, юрак (қ. *Миокардит*), нервлар (қ. *Полиневрит*)нинг зарарланишига олиб келади. Аксари ўпка яллиғланиши — зотилжам кузатилади.


Давоси. Д.га қарши зардоб юбориш яхши наф беради, чунки зардоб дифтерия токсинини зарарсизлантиради. Олдини олиш. Д. б-н огриган беморни ўз вақтида касалхонага ётқизиш керак. Ўзбекистонда ҳамма соғлом болалар мажбурий тартибда 2 ойликдан тортиб 12 ёшгача эмланади. Болалар муассасалари ёки озиқ-овқат корхоналарида ишлайдиган ходимларнинг тумоғидан ва бурнидан шилимшиқ олиб, бактериологик текширувдан ўтказилади. Ясли, боғчага қатнайдиган болалар ҳам шу усулда текширилади. Бактерия ташувчилар болалар муассасаларига ишга қўйилмайди ва бактерия ташувчиликка икки марта текширувдан ўтиб яхши натижа олингандан кейингина ишга қайтадан рухсат берилади. Соф ҳавода бўлиш, хонани яхшилаб шамолатиб туриш, врач кўрсатмасига мувофиқ дорилар қабул қилиш бактерия ташувчиликни тезроқ бартараф этишга ёрдам беради. Бола ангина бўлганда дарҳол врачга кўрсатиш зарур. Акс ҳолда Д.ни пайқамай зардоб юбориш вақтини ўтказиб юбориб, бола ҳаётини хавф остида қолдириш мумкин.

Ад.: Хўжаев Ш. Х., Дифтерия, Т., 1993.

Шоюсир Шоваҳобов.

ДИФФЕРЕНЦИАЛ (лот. differentia — фарқ, тафовут) — 1) техникада — бир валдан ҳар хил тезликда айланадиган икки валга ёки икки валдан бир валга ҳаракат узатадиган, тишли ғилдираклари бўлган механизм. Автомобиллар ёки бошқа транспорт машиналари бурилаётганда етакчи ғилдираклари ҳар хил тезликда айланади, чунки улардан бири кўпроқ, иккинчиси камроқ йўл босади. Д. ана шунга имкон беради. Мас., автомобиллардаги Д. ёрдамида двигатель валидан водило орқали сателлитларга (сателлитлар ўз ўқи атрофида ва механизм ўқига нисбатан айланади), сателлитлардан мустақил марказий ғилдираклардан ҳар қайсисига ҳаракат узатилади. Металл кесиш станокларидаги Д. ёрдамида кинематик занжирлар ростлаб турилади. Д. вариаторлар, редукторлар, муфталар ва б. қурилмаларда ҳам бўлади; 2) математикада — функция орттирмасининг аргумент орттирмасига нисбатан бош чизиқли қисми. Д. тушунчасини фанга Г. В. Лейбниц киритган. Д. и мавжуд функция дифференциалланувчи функция деб аталади. Бундай функциянинг x_0 нуқта атрофидаги орттирмасини $\Delta y=f(x_0+\Delta x)-f(x_0)=f'(x_0)\cdot\Delta x+\alpha$ кўринишида ёзиш мумкин. Бу ерда $df=f'(x_0)\cdot\Delta x$ ифода $f(x)$ нинг Д. и бўлиб, Δx га чизиқли боғлиқ, яъни мутаносиб, α эса унга нисбатан чексиз кичик миқдор. Кўп ўзгарувчили функция Д.и ҳам шундай таърифланади.

Д. хоссалари *математик анализ*нинг йирик бўлимларидан бири бўлган *дифференциал ҳисоб*да ўрганилади. У геометрия, механика, физика масалаларини ечишда асосий воситалардан бири ҳисобланади. Д. тушунчаси *вариацион ҳисоб, дифференциал геометрия* ва *функционал анализ*да умумлаштирилади.



Автомобиль дифференциали: *1*—сателлит; *2*—водило; *3*—двигатель вали; *4*—марказий ғилдирак.

ДИФФЕРЕНЦИАЛ БИНОМ — $x^m(a+bx^n)^p$ кўринишидаги ифода. Бунда: a ва b — ўзгармас сонлар, m, n, p — рационал сонлар. Д. б.ни элементар функцияларда интеграллашнинг барча ҳолларини кўрсатиш масаласи муҳим. Л. *Эйлер* Д. б.ни интеграллашнинг уч ҳолини кўрсатган: 1) p — бутун сон; 2) $\frac{m+1}{n}$ — бутун сон; 3) $\frac{m+1}{n}+p$ — бутун сон. П. Л. *Чебишев* бундан бошқа ҳол бўлмаслигини исботлаган (1853).

ДИФФЕРЕНЦИАЛ ГЕОМЕТРИЯ — *геометрия* бўлими. Геометрик образлар (эгри чизиқлар, сиртлар ва уларнинг оилалари)ни координаталар методи асосида *дифференциал ҳисоб* ва *интеграл ҳисоб* воситаларида ўрганади. Д. г.нинг дастлабки муҳим объектлари учўлчовли евклид фазосидаги эгри чизиқлар ва эгри сиртлардир. Унинг ўзига хос хусусияти биринчи навбатда чизиқлар ва сиртларнинг ҳар қанча кичик соҳаларига оид хоссаларини текширишдир. 19-а.нинг иккинчи ярмидан бошлаб Д. г. чегаралари кенгайиб, кўп ўлчовли фазоларни ва улардаги геометрик образларни текшириш масалаларини ҳам ўз ичига олади. Жумладан геометрик образларнинг аффин ва проектив алмаштиришлар натижасида ўзгармайдиган дифференциал хоссаларини ўрганувчи назария, кўп ўлчовли ноевклид фазолар назарияси ва ҳ. к. Бу назариялар физика (айниқса, нисбийлик назарияси)да кенг қўлланиладиган бўлди. Д. г.нинг асосий тушунчалари: эгрилик, буралиш, сиртнинг биринчи ва иккинчи квадратик шакллари, тўлиқ эгрилик, геодезик чизиқ ва б.

ДИФФЕРЕНЦИАЛ ПСИХОЛОГИЯ — психология фанининг одамлар ўртасидаги индивидуал-психологик тафовутларни ўрганувчи соҳаси. Д. п. атамасини 1900 й. немис психологи В. Штерн фанга киритган. Д. п. муайян индивидлар б-н бирга, турли ижтимоий синфларга, этник, ёш ва б. гуруҳларга мансуб шахслар психикасининг намоён бўлишидаги тафовутларни аниқлаб беради. Д. п.да кўпинча индивиднинг кузатиши, тест ёки ўз-ўзини кузатиш натижаларини таҳлил этиш ёрдамида аниқланган шахсий ва интеллектуал хусусиятлари қиёсий тадқиқ қилинади.

Д. п.нинг муҳим вазифаларидан бири индивидуал-психологик хусусиятларнинг намоён бўлиши, диапазони ва характерини очиб, ёритиб беришдан иборат. Индивидуал-психологик тафовутларнинг юзага келиш шартлари ва сабабларини тушуниш учун уларнинг нейрофизиологик омилларини, нерв системасининг асосий хусусиятларини ўрганиш лозим.

Ҳоз. замон Д. п.сида ривожланган математик-статистик аппарат, жумладан, корреляция (ўзаро боғлиқлик), регрессив (орқага қайтиш), дискриминант (чеклаш) ва омилли таҳлил усуллари кенг қўлланилади. Д. п. маълумотлари таълим-тарбия амалиётида, психиатрик-психотерапевтик таъсир этишда, индивиднинг у ёки бу касб-ҳунарга яроқлилигини аниқлашда, касбга йўналтириш ва касб танлашда муҳим аҳамиятга эга.

ДИФФЕРЕНЦИАЛ РЕНТА, табақалашган рента — катта қайтим берадиган қулай ресурслардан фойдаланиш ҳисобига олинадиган қўшимча даромад; қ. х.да *ер рентаси* шакли бўлиб, Д. р. ернинг хўжалик юритиш объекти бўлишидан келиб чиқади. Д. р. яхши ва ўртача унумдор, қулай шароитдаги ерлардан олинган қўшимча маҳсулотнинг ўртача фойдадан ортиқ қисмидир.

ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР — номаълум функциялар, уларнинг турли тартибли ҳосилалари ва эркли ўзгарувчилар иштирок этган тенгламалар. Мас.,

$$\frac{du}{dt}+P(t)u=Q(t),\quad \frac{d^2u}{dt^2}=tu, \qquad (1)$$

$$\frac{du}{dt}=\frac{\partial^2u}{\partial x^2},\quad \frac{\partial^2u}{\partial x^2}+\frac{\partial^2u}{\partial y^2}+\frac{\partial^2u}{\partial z^2}=0.$$

Бу тенгламаларда номаълум функция u орқали белгиланган бўлиб, биринчи иккитасида u битта эркли ўзгарувчи t га, кейингиларида эса мос равишда x, t ва x, y, z эркли ўзгарувчиларга боғлиқдир. Д. т. назарияси 17-а. охирида пайдо бўлиши б-н бир вақтда ривожлана бошлаган. Д. т. математикада, айниқса, унинг татбиқларида жуда катта аҳамиятга эга. Физика, механика, иқтисодиёт, техника ва б. соҳаларнинг турли масалаларини текшириш Д. т.ни ечишга олиб келади.

Д. т.га кирувчи номаълум функциялар фақат битта эркли ўзгарувчига боғлиқ бўлса, Д. т. оддий, агар номаълум функциялар бир нечта эркли ўзгарувчиларга боғлиқ бўлса ва тенгламада бу ўзгарувчилар бўйича ҳосилалари қатнашса, Д. т. хусусий ҳосилали дейилади. (1)нинг биринчи иккитаси оддий, кейингилари эса хусусий ҳосилали Д. т. дир.

Оддий Д. т. 1-тартибли Д. т.нинг умумий кўриниши $F(x, y, y')=0$. Уни y' га нисбатан ечиш мумкин бўлса

$$y'=f(x,\ y) \qquad (2)$$

ҳосил бўлади. (2) тенгламани геометрик изоҳлаш мумкин. $f(x, y)$ функция бирор G соҳада аниқланган бўлсин. (2) тенглама ечимининг графиги (2) тенгламанинг интеграл эгри чизиғи дейилади. Агар интеграл эгри чизиқ G нинг бирор (x, y) нуқтасидан ўтса, унинг шу нуқтадаги уринмасининг бурчак коэффициенти $f(x, y)$ га тенг бўлади. Демак, (2) тенглама G нинг ҳар бир нуқтасига бирор йўналишини мос қўяди, яъни йўналишлар майдонини ҳосил қилади. Натижада тенгламани ечиш уринмаси майдоннинг уриниш нуқтасидаги йўналиши б-н устма-уст тушадиган чизиқларни топишдан иборат бўлади. Д. т.лар, одатда, чексиз кўп ечимга эга бўлади. Шу сабабли бирор аниқ ечимни топиш учун бошланғич шартларни, яъни ечимнинг қайси нуқтадан ўтиши лозимлигини кўрсатиш керак (қ. *Коши масаласи*). Юқори тартибли Д. т.да ва бундай Д. т. системалари маълум шартларда

$$y_i'=f_i(x, y_1,...,y_n);\ i=1,\ 2,...,\ n \qquad (3)$$

кўринишдаги системага келтирилади. (3) системанинг умумий ечими, одатда, n та ихтиёрий ўзгармасларга боғлиқ бўлади. Д. т. назариясида юқори тартибли Д. т. ва уларнинг системалари учун ҳам *Коши масаласи, чегаравий масалалар* ва б. ўрганилади.

2. Хусусий ҳосилали Д. т. Бу тенгламаларнинг оддий Д. т.дан фарқли муҳим хусусияти шундан иборатки, уларнинг барча ечимлари тўплами, яъни «умумий ечими» ихтиёрий ўзгармасларга эмас, балки ихтиёрий функцияларга боғлиқ бўлади; умуман, бу ихтиёрий функцияларнинг сони Д. т.нинг тартибига тенг; уларнинг эркли ўзгарувчилари сони эса изланаётган ечим ўзгарувчилари сонидан битта кам бўлади.

Мас., $\frac{d^2u}{dxdy}=0$.

2-тартибли хусусий ҳосилали Д. т.нинг умумий ечими

$$u(x,\ y)=\varphi(x)+\psi(y)$$

кўринишда бўлишига ишонч ҳосил қилиш қийин эмас. Бу ерда: φ ва ψ — ихтиёрий функциялардир. Шундай қилиб, хусусий ҳосилали Д. т.нинг хусусий ечимини аниқлаш учун баъзи параметрларнинг қийматларини эмас, балки айрим функцияларнинг қийматларини бериш керак. 1-тартибли хусусий ҳосилали Д. т. системаси

$$\frac{du_i}{dt}=f_i(t;\ x_1,...,x_n;\ u_1,...,u_m) \qquad (4)$$

учун типик масалалардан бири Коши масаласидир: бирор $t=t_0$ да берилган

$$u_i(t_0,\ x_1,...,x_n)=\varphi_i(x_1,...,x_n),\quad i=1,...,\ m$$

қийматларга асосан, $u_i(t,\ x_1,...,x_n)$ номаълум функцияларни топиш керак.

Агар (4) тенгламаларнинг ўнг томони ва берилган $\varphi_i(x_1,...,x_n)$ функциялар аналитик бўлса, (4) система етарли кичик $t-t_0$ да бошланғич шартлар орқали ягона аниқланадиган аналитик ечимга эга бўлишини Коши ва Ковалевская исботлаган. Бу теорема юқори тартибли тенгламалар учун ҳам ўз кучини сақлаб қолади.

Бир номаълумли 1-тартибли хусусий ҳосилали Д. т.ни ечиш оддий Д. т. системасини ечишга олиб келади. Тартиби бирдан юқори бўлган хусусий ҳосилали Д. т. назариясида Коши масаласи б-н бир қаторда турли чегаравий масалалар текширилади.

Ад.: Петровский И. Г., Лекции по теории обыкновенных дифференциальных уравнений. 6 изд., М., 1970; Салоҳиддинов М. С., Насриддинов Ғ., Оддий дифференциал тенгламалар, Т., 1994.

Ғаффор Насриддинов.

ДИФФЕРЕНЦИАЛ ҲИСОБ —математиканинг *ҳосилалар* ва *дифференциал*ларни ҳисоблаш, уларнинг хоссаларини ўрганиш ҳамда функцияларни текширишга татбиқ қилиш б-н шуғулланадиган бўлими.

17-а.га келиб Европада ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши, турли машина ва иншоотларнинг яратилиши, кемасозликнинг ривожланиши, баллистика (умуман, ҳарбий иш) талаблари аниқ фанлар, жумладан математика олдига жуда кўп янги масалаларни қўйганлиги муносабати б-н Д. ҳ. ва *интеграл ҳисоб* ғоялари вужудга келди. Д. ҳ.нинг вужудга келишидаги дастлабки ишлар эгри чизиққа уринма ўтказиш масаласини ечишда *Ферма*, *Декарт* ва б. математиклар томонидан қилинган. И. *Ньютон* ва Г. *Лейбниц* ўзларидан аввалги математикларнинг бу борадаги ишларини ниҳоясига етказдилар. 17-а. охири ва 18-а. бошларида *математик анализ* мустақил фан сифатида шаклланди.

Фараз қилайлик, ҳаракатдаги нуқтанинг t вақт ичида босган масофаси $s=s(t)$ қонун б-н берилган бўлсин. У ҳолда t_1 вақтдан t_2 вақтгача босиб ўтган йўли $s(t_2)-s(t_1)$ ва, демак, унинг шу даврдаги ўртача тезлиги $\frac{s(t_2)-s(t_1)}{t_2-t_1}$ га тенг бўлади. Агар $t_2\to t_1$ бўлса, яъни $t_2\to t_1$ вақт камайиб борса, юқорида келтирилган нисбатнинг лимитини, у мавжуд бўлган ҳолда, ҳаракатдаги нуқтанинг t_1 моментдаги тезлиги деб олиш табиийдир. Шунга ўхшаш, текисликда тенгламаси $y=f(x)$ бўлган эгри чизиқ берилган бўлса, бу эгри чизиқнинг бирор (x_1, y_1) нуқтасида ўтказилган уринманинг бурчак коэффициенти ушбу

$$\lim_{x_0\to x_1}\frac{f(x_2)-f(x_1)}{x_2-x_1}$$

лимитга тенг бўлади. Мат., механика, физика ҳамда кимёга оид кўпгина масалалар юқоридаги каби лимитни ҳисоблашга олиб келади. Булар Д. ҳ. ва унинг асосий тушунчаси — ҳосиланинг яратилишига сабаб бўлади.

Ҳосила. $y=f(x)$ функция X соҳада аниқланган ва x_0 нуқта X нинг ички нуқтаси бўлсин. Функциянинг орттирмасини тузамиз:

$\Delta y=f(x_0+\Delta x)-f(x_0)$. Агар ушбу

$$\lim_{\Delta x\to 0}\frac{\Delta y}{\Delta x}=\lim_{\Delta x\to 0}\frac{f(x_0+\Delta x)-f(x_0)}{\Delta x}$$

лимит мавжуд бўлса, бу лимит $y=f(x)$ функциянинг $x=x_0$ нуқтадаги ҳосиласи дейилади. Берилган $x=x_0$ нуқтада ҳосила мавжуд бўлса, у тайин сондир, агар X соҳанинг ҳар бир x нуқтасида ҳосила мавжуд бўлса, у ҳолда ҳосила x нинг функциясидир. Ҳаракатдаги нуқтанинг тезлиги — ўтилган йўл s нинг вақт t бўйича олинган ҳосиласидир (ҳосиланинг механик маъноси), уринманинг бурчак коэффициенти $tg\alpha$ ордината y нинг абсцисса x бўйича олинган ҳосиласидир (ҳосиланинг геометрик маъноси). Ҳосила $\frac{dy}{dx}$, y', $f'(x)$ каби белгиланади. Ҳосилани топиш амали дифференциаллаш деб, x нуқтада ҳосиласи мавжуд функция шу нуқтада дифференциалланувчи функция деб аталади.

Функцияларнинг ҳосилаларини топишда қуйидаги асосий қоида ва мисоллар катта ёрдам беради (c — ўзгармас сон, функцияларнинг ҳосилалари мавжуд деб фараз қилинади):

1. $c'=0$.
2. $(cf(x))'=cf'(x)$.
3. $(f_1(x)+f_2(x)-f_3(x))'=f_1'(x)+f_2'(x)-f_3'(x)$.
4. $(f_1(x)\cdot f_2(x))'=f_1'(x)\cdot f_2(x)+f_1(x)\cdot f_2'(x)$.
5. $\left(\frac{f_1(x)}{f_2(x)}\right)'=\frac{f_1'(x)f_2(x)-f_1(x)f_2'(x)}{f_2^2(x)}$ $(f_2(x)\neq 0)$.
6. $(f^n(x))'=nf^{n-1}(x)\cdot f'(x)$, ($n$ — ўзгармас сон).
7. Агар $y=f(u)$ ва $u=\varphi(x)$ функциялар ҳосилага эга бўлса, у ҳолда

$$\frac{dy}{dx}=\frac{dy}{du}\cdot\frac{du}{dx}.$$

8. $(\sin x)'=\cos x$.
9. $(\cos x)'=-\sin x$.
10. $(tg\,x)'=\frac{1}{\cos^2 x}$.
11. $(ctg\,x)'=-\frac{1}{\sin^2 x}$.
12. $(\arcsin x)'=\frac{1}{\sqrt{1-x^2}}$.
13. $(\arccos x)'=-\frac{1}{\sqrt{1-x^2}}$.
14. $(arctg\,x)'=\frac{1}{1+x^2}$.
15. $(arcctg\,x)'=-\frac{1}{1+x^2}$.
16. $(a^x)'=a^x\ln a$, $(a>0)$, $(e^x)'=e^x$.
17. $(\log_a x)'=\frac{1}{x\ln a}$, $(a>0)$, $(\ln x)'=\frac{1}{x}$.

Функция ҳосиласининг x_0 нуқтада мавжуллигидан функциянинг шу нуқтада узлуксизлиги келиб чиқади, аммо бу тасдиқнинг тескариси, умуман айтганда, тўғри эмас. Мас., $x=0$ да узлуксиз бўлган ушбу $f(x)=|x|$ функция бу нуқтада ҳосилага эга эмас, чунки ушбу

$$\lim_{\Delta x\to 0}\frac{\Delta f(x)}{\Delta x}=\lim_{\Delta x\to 0}\frac{\Delta x}{\Delta x}$$

лимит Δx мусбат сонларни қабул қилиб нолга интилса, $+1$ га, Δx манфий сонларни қабул қилиб нолга интилса, -1 га тенг бўлади, ваҳоланки, ҳосила таърифга кўра, лимитнинг қиймати x нинг қандай қилиб x_0 нуқтага интилишига боғлиқ бўлиши керак эмас.

Дифференциал. Орттирма Δy ни

$$\Delta y=A\cdot\Delta x+\alpha\cdot\Delta x \qquad (1)$$

кўринишда ифодалаш масаласи муҳим, бу ерда: A сони Δx га боғлиқ эмас, α эса Δx га боғлиқ ва $\Delta x\to 0$да $\alpha\to 0$. $A\neq 0$ бўлса, (1) нинг бажарилиши $\Delta x\to 0$да Δy ва $A\cdot\Delta x$ лар эквивалент эканини кўрсатади; (1)да $A\cdot\Delta x$ Δy нинг бош қисми ролини ўйнайди. Агар (1) бажарилса, $y=f(x)$ функция $x=x_0$ нуқтада дифференциалланувчи функция, $A\cdot\Delta x$ эса бу функциянинг дифференциали деб аталади ва dy (ёки $df(x)$) каби белгиланади. Шундай қилиб, функциянинг дифференциали икки хосса б-н ифодаланади: у 1) аргумент орттирмаси Δx нинг чизиқли функцияси ва 2) функция орттирмасидан Δx нолга интилганда, Δx га нисбатан юқори тартибли чексиз кичик миқдорга фарқ қилади.

Дифференциалланиш б-н ҳосиланинг мавжудлиги орасида узвий боғланиш бор: $y=f(x)$ функциянинг x_0 нуқтада дифференциалланиши учун функциянинг шу нуқтада чекли $y'=f'(x_0)$ ҳосиласи мавжуд бўлиши зарур ва етарли: бу шарт бажарилса, $A=y'$ бўлади. Демак, $y=f(x)$ функциянинг дифференциали

$$dy=y'\Delta x. \qquad (2)$$

Геометрик нуқтаи назардан, Δy чизиқ ординатасининг орттирмаси бўлса, dy уринма ординатасининг орттирмасини билдиради (расмга қ.). Эркли ўзгарувчи x нинг дифференциали Δx бўлади, яъни $dx=\Delta x$, у ҳолда

$$dy=y'dx \text{ (ёки } y'=\frac{dy}{dx}) \qquad (3)$$

муносабатни ҳосил қиламиз. $y=f(x)$ ва $x=\varphi(t)$ функциялардан $y=f(\varphi(t))$ мураккаб функцияни тузиш мумкин. Мураккаб функциянинг дифференциалаш қоидаси қуйидаги хоссага олиб келади:

$$\frac{dy}{dt}=\frac{dy}{dx}\cdot\frac{dx}{dt}.$$

Бу хосса шундан иборатки, у мураккаб функция бўлганда ҳам (3) формула ўз кўринишини сақлайди. Демак, x нинг эркли ўзгарувчи бўлиши ёки t нинг функцияси бўлишига қарамай, y нинг дифференциалини (3) формада ёза оламиз. Келтирилган хосса дифференциал формасининг инвариантлиги дейилади.


Дифференциаллар тақрибий формулаларнинг манбаи сифатида муҳим аҳамият касб этади. Δx га нисбатан юқори тартибли чексиз кичик қийматгача аниқлик б-н $\Delta y\approx f'(x)\Delta x$ олинади. Δy орттирмани dy дифференциал орқали алмаштиришнинг афзаллиги шундаки, dy дифференциал dx нинг чизиқли функциясидир, бу эса ҳисоблашни соддалаштиради.

Юқори тартибли ҳосила ва дифференциаллар. Агар $y=f(x)$ функция X оралиқда чекли $y'=f(x)$ ҳосилага эга бўлса, y' нинг ўзи ҳам x нинг функцияси сифатида $x_0\in X$ нуқтада чекли ҳосилага эга бўлиши мумкин. Бу кейинги ҳосила $y=f(x)$ функциянинг x_0 нуқтадаги иккинчи тартибли ҳосиласи дейилади ва

$$y'',\ \frac{d^2y}{dx^2},\ f''(x_0)$$

каби белгиланади. Механик нуқтаи назардан иккинчи тартибли ҳосила тезланишни билдиради. Учинчи,..., n-тартибли ҳосилалар ҳам (агар улар мавжуд бўлса) юқоридаги каби таърифланади. $y=f(x)$ функциянинг биринчи дифференциалидан яна дифференциал олсак, ҳосил бўлган ифода функциянинг иккинчи тартибли дифференциали дейилади ва d^2y каби белгиланади, яъни $d^2y=d(dy)$. Иккинчи юқори тартибли дифференциаллар ҳам шу тарзда аниқланади. Иккинчи ва ундан юқори тартибли дифференциаллар учун дифференциал формасининг инвариантлик хоссаси ўринли эмас.

Д. ҳ.нинг асосий теоремалари. Д. ҳ.нинг татбиқлари асосида Д. ҳ.нинг асосий теоремалари деб ном олган Ферма, Ролль, Лагранж, Коши теоремалари ётади. Умумийроқ ҳисобланган Коши теоремасини келтирамиз:



Дифференциал ҳисоб. Дифференциалнинг геометрик маъноси.

$f(x)$ ва $g(x)$ функциялар $[a, b]$да узлуксиз, ҳеч бўлмаганда (a, b)да чекли $f'(x)$, $g'(x)$ ҳосилалар мавжуд, (a, b)да $g'(x)\neq 0$ бўлсин. У ҳолда a ва b орасида шундай c нуқта топиладики, ушбу $\frac{f(b)-f(a)}{g(b)-g(a)}=\frac{f'(c)}{g'(c)}$ муносабат бажарилади.

n-даражали кўпҳад $P(x)=\sum_{k=0}^{n}a_k x^k$ учун Тейлор формуласи деб аталган ушбу

$$P(x)=P(x_0)+\frac{P'(x_0)}{1!}(x-x_0)+\dots+\frac{P^{(n)}(x_0)}{n!}(x-x_0)^n \qquad (4)$$

муносабат ўринлидир, яъни Тейлор формуласи $P(x)$нинг коэффициентларини кўпҳаднинг ва ундан олинган ҳосилаларнинг $x=x_0$ даги қийматлари орқали ифодалайди. $y=f(x)$ ф-нинг x_0 нуқтада n-тартибли ҳосиласи мавжуд бўлсин, $f(x)$ ва унинг ҳосилалари ёрдамида $P(x)=f(x_0)+\frac{f'(x_0)}{1!}(x-x_0)+\dots+\frac{f^{(n)}(x_0)}{n!}(x-x_0)^n$ кўпҳадни тузамиз.

Агар $f(x)$ n-даражали кўпҳад бўлмаса, $f(x)=P(x)$ тенглик ўринли бўлмайди. Шунинг учун $r(x)=f(x)-P(x)$ айирмани ўрганишнинг катта аҳамияти бор. x_0 нуқта атрофида $r(x)=0((x-x_0)^n)$ муносабат ўринли. $f(x)=P(x)+0((x-x_0)^n)$ формула қўшимча ҳади Пеано шаклидаги Тейлор формуласи дейилади. Мас., $e^x=\sum_{k=0}^{n}\frac{x^k}{k!}+0(x^n)$. Қўшимча ҳаднинг Лагранж, Коши шакллари ҳам бор.

Ҳосилалар функцияларни текширишдаги асосий воситадир. Асосий тасдиқларни келтирамиз: $f(x)$ функция $[a, b]$да узлуксиз, ҳеч бўлмаганда, (a, b)да чекли $f'(x)$ ҳосилага эга бўлсин. У ҳолда: $[a, b]$да $f(x)$ ўзгармас бўлиши учун барча $x\in(a, b)$да $f'(x)=0$ шартнинг, $f(x)$ нинг $[a, b]$ да кенг маънода ўсувчи (камаювчи) бўлиши учун эса барча $x\in(a, b)$ да $f'(x)\geq 0$ (≤ 0) шартнинг бажарилиши зарур ва етарлидир. $f'(x)>0(<0)$ эканлиги чизиққа ўтказилган уринманинг $0x$ ўқ б-н ўткир (ўтмас) бурчак ҳосил қилишини ва функциянинг графиги ($0x$ ўқ б-н бўлаб мусбат йўналишда юрганимизда) кўтарилишини (пасайишини) билдиради.

Функциянинг экстремум нуқтаси — функция *максимум* ёки *минимум*га эришган нуқта. Экстремум нуқтада ҳосила мавжуд бўлса, нолга тенг бўлади. Аммо экстремум нуқтада ҳосила мавжуд бўлмасligи ҳам мумкин. Мас., $y=|x|$, $y=x^{3/2}$ функциялар $x_0=0$ да минимумга эга, лекин $x_0=0$ да ҳосила мавжуд эмас. Ҳосила нолга тенг бўлган нуқталар стационар нуқталар дейилади. Демак, экстремум нуқталарни стационар нуқталар орасидан излаш керак; бироқ стационар нуқта функцияга экстремум қиймат бериши шарт эмас. Мисол; $f'(x)=x^3$, $f'(x)=3x^2$, $f'(0)=0$, яъни $x=0$ нуқта берилган функция учун стационар нуқта, аммо $x=0$ да функция экстремумга эришмайди. x_0 нуқта стационар нуқта бўлса, функция шу нуқтада қачон экстремумга эришади? Агар $f'(x)$ ҳосила x_0 стационар нуқта атрофида ўз ишорасини ўзгартирса, у ҳолда x_0 экстремум нуқтадир. $f'(x_0)>0$ бўлиб, шу x_0 нуқтада иккинчи тартибли ҳосила мавжуд бўлсин. $f''(x_0)>0$ бўлса, функция x_0 да минимумга, $f''(x_0)>0$ бўлса, функция x_0 да максимумга эга бўлади. $f'(x_0)=f''(x_0)=0$ бўлса, у ҳолда функция x_0 экстремумга эришадими, деган саволга жавоб бериш учун юқори тартибли ҳосилаларни текшириш керак.

Аниқмасликларни ечиш, тенгламаларни тақрибий ечиш (ватарлар усули, уринмалар усули), функцияларнинг графикларини чизишда Д. ҳ. усулларидан кенг фойдаланилади.

Кўп ўзгарувчили функцияларнинг ҳосила ва дифференциаллари. Икки ўзгарувчили функцияни кўриш б-н кифояланамиз. D соҳада $u=f(x, y)$ функция аниқланган. $M_0(x_0, y_0)\in D$ бўлсин, y га y_0 қиймат бериб x ни ўзгартира борсак, u фақат x нинг функцияси бўлади, унинг $x=x_0$ нуқтадаги ҳосиласини ҳисоблаш масаласини қўямиз. x_0 га Δx орттирма берамиз, у вақтда функция $\Delta_x u=\Delta_x f(x_0, y_0)=f(x_0+\Delta x, y_0)-f(x_0, y_0)$ орттирмага эга бўлади, бу орттирмани u функциянинг x бўйича хусусий орттирмаси дейилади. Агар ушбу

$$\lim_{\Delta x\to 0}\frac{\Delta_x u}{\Delta x}=\lim_{\Delta x\to 0}\frac{f(x_0+\Delta x, y_0)-f(x_0, y_0)}{\Delta x}$$

лимит мавжуд бўлса, бу лимит $f(x, y)$ функциянинг (x_0, y_0) нуқтадаги x бўйича хусусий ҳосиласи дейилади ва $\frac{\partial u}{\partial x}$, $\frac{\partial f}{\partial x}$, u'_x, f'_x каби белгиланади; $f(x, y)$ функциянинг (x_0, y_0) нуқтадаги y бўйича хусусий ҳосиласи ҳам юқоридаги каби таърифланади. $\frac{du}{dx}$ хусусий ҳосиланинг Δx орттирма б-н кўпайтмаси u функциянинг x бўйича хусусий дифференциали дейилиб,

$$d_x u=\frac{\partial u}{\partial x}\Delta x \qquad (5)$$

каби ёзилади, эркли ўзгарувчи x нинг дифференциали dx бўлгани сабабли,

(5) формула $d_x u = \frac{\partial u}{\partial x} dx$ каби ифодаланади. Агар эркли ўзгарувчиларнинг $x=x_0$, $y=y_0$ қийматларига Δx, Δy орттирмаларни берсак, $u=f(x, y)$ функция $\Delta u=\Delta f(x_0,y_0)=f(x_0+\Delta x,\ y_0+\Delta y)-f(x_0,y_0)$ орттирмани қабул қилади, бу орттирма функциянинг тўла орттирмаси дейилади. f'_x, f'_y хусусий ҳосилалар фақат (x_0, y_0) нуқтадагина мавжуд бўлмай, унинг бирор атрофида ҳам мавжуд ва бу нуқтада улар x, y нинг функциялари сифатида узлуксиз бўлса, ушбу

$$\Delta u= f'_x(x_0, y_0)\cdot\Delta x+ f'_y(x_0, y_0)\cdot\Delta y+ +\alpha\cdot\Delta x+\beta\cdot\Delta y$$

муносабат ўринли бўлади, бу ерда α, β миқдорлар Δx, Δy га боғлиқ ва улар б-н бир вақтда нолга интилади. Бу тасдиқдан қуйидаги муҳим хулоса чиқади: берилган нуқта атрофида функциянинг хусусий ҳосилалари мавжуд ва узлуксиз бўлса, шу нуқтада функциянинг ўзи узлуксиз бўлади.

$\Delta u=\Delta f(x_0, y_0)$ оттирмани ушбу

$$\Delta f(x_0, y_0)=A\cdot\Delta x+B\cdot\Delta y+0(\rho) \qquad (6)$$

шаклда тасвирлаш масаласини қўйиш табиий, бу ерда: A, B—Δx, Δy ларга боғлиқ эмас ва $\rho=\sqrt{\Delta x^2+\Delta y^2}$.

Агар (6) тенглик бажарилса, (x_0, y_0) нуқтада ўзгарувчиларнинг ҳар бири бўйича хусусий ҳосилалар мавжуд ва $u'_x=f'_x(x_0,y_0)=A$, $u'_y=f'_y(x_0,y_0)=B$ бўлади.

Шундай қилиб, (6) муносабат фақат

$$\Delta u= u'_x\cdot\Delta x+ u'_y\cdot\Delta y+0(\rho) \qquad (7)$$

кўринишда бажарилади. (7) формула ўринли бўлса, $f(x,y)$ функция (x_0,y_0) нуқтада дифференциалланувчи деб аталади. Функция тўла орттирмасининг бош чизиқли қисми функциянинг тўла дифференциали дейилади ва du ёки $df(x_0, y_0)$ б-н белгиланади, демак, таърифга кўра, $du= u'_x\cdot\Delta x+ u'_y\cdot\Delta y$ ёки $dx=\Delta x$, $dy=\Delta y$ бўлгани учун $du= u'_x+dx+ u'_y dy$, яъни тўла дифференциал хусусий дифференциалларнинг йиғиндисига тенг.

Кўп аргументли функциялар учун ҳам фақат биринчи дифференциал формаси инвариантдир.

Агар $u=(x, y)$ функция D соҳада аргументларнинг бири бўйича ҳосилага эга бўлса, бу ҳосиланинг ўзи x, y нинг функцияси бўлиб, бу функция ўз навбатида бирор (x_0, y_0) нуқтада шу аргумент ёки бошқа аргумент бўйича ҳосилаларга эга бўлиши мумкин. $u=f(x, y)$ функция учун бу ҳосилалар иккинчи тартибли хусусий ҳосилалар дейилади ва $\frac{\partial^2 u}{\partial x^2}$, $\frac{\partial^2 u}{\partial x\partial y}$, $\frac{\partial^2 u}{\partial y\partial x}$, $\frac{\partial^2 u}{\partial y^2}$ каби белгиланади.

Учинчи,..., n-тартибли хусусий ҳосилалар ҳам шу сингари таърифланади. Турли аргументлар бўйича олинган хусусий ҳосилалар аралаш хусусий ҳосилалар дейилади. Умуман айтганда, $\frac{\partial^2 u}{\partial x\partial y} \neq \frac{\partial^2 y}{\partial y\partial x}$; бироқ аралаш ҳосилалар D нинг бирор (x_0, y_0) нуқтасида x, y нинг узлуксиз функциялари бўлса, у ҳолда (x_0, y_0)да аралаш ҳосилалар ўзаро тенг бўлади. Д. ҳ.да кўп ўзгарувчили функцияларни хусусий ҳосилалар ёрдамида текшириш масалалари ҳам қаралади.

Ад.: Азларов Т. А., Мансуров Х., Математик анализ, 1-қисм, Т., 1994.

Турсун Азларов.

ДИФФЕРЕНЦИАЛЛАШ (математикада) — дифференциаллар ёки ҳосилаларни топиш амали (қ. *Дифференциал ҳисоб*).

ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ (франц. differentiation, лот. differentia — фарқланиш, фарқ), ихтисослашиш — дастлаб бир хил элементлардан иборат бўлган системанинг сифат жиҳатидан фарқ қиладиган бир қанча қисмларга ажралиб кетиши. Д. муайян система функциясининг кенгайиши, интенсивлигининг кўтарилиши ва бу функцияларни унинг таркибий қисмлари ўртасида тақсимланиши б-н боғлиқ ҳолда система ишининг самарасини оширади. Д. бир неча шаклда намоён бўлади. Филогенетик Д. — яхлит таксоннинг икки ёки бир нечта қисмларга ажралиши (мас., адаптив радиация, тур ҳосил бўлиши). Турнинг популяцияларга Д.си табиий ресурслардан унинг оптимал фойдаланишига олиб келади. Морфофизиологик Д. — эволюция жараёнида организмларда ҳар хил функцияларни бажарадиган турли хил структураларнинг ривожланиши. Бундай Д.нинг кетма-кет пайдо бўладиган даврлари организмларнинг асосий тузилиш даражаларига мос келади. Морфофизиологик Д. морфофизиологик жараён мезонларидан бири ҳисобланади.


ДИФФЕРЕНЦИАЦИЯ, магма дифференциацияси — физик-кимёвий жараёнлар натижасида магмадан кимёвий таркиби турлича ёки турли нисбатдаги бир хил минераллардан ташкил топган жинсларнинг ҳосил бўлиши. Д.ни ликвацион (ёки асл магматик) ва кристалланишт (ёки гравитацион) турлари бўлади. Ликвацион Д.нинг тог жинсларини ҳосил бўлишидаги роли жуда чекланган бўлиб, бунда магма силикат ангидрид (SiO_2), *карбонатлар*, темир *силикатлари*, темир оксидлари ва шунга ўхшашлардан ташкил топган қатламларга бўлиниб кетади. Кристалланиш Д.си т-ра ва босимнинг пасайишидан содир бўлади. Магма ўчоғида минераллар бирин-кетин, аввал қийин эрийдиганлари (*оливин, пироксен* ва б.), кейин осон эрийдиган (*амфиболлар, слюдалар, дала шпатлари, кварц* ва б.)лари кристалланиб аста-секин чўкади. Базальт магмасидан кристалланиш Д. натижасида маълум тог жинсларининг деярли ҳамма хиллари ҳосил бўлади деб ҳисоблайдилар. Магма Д.сида турли тог жинсларидан ташқари магматик руда конлари ҳам ҳосил бўлади.

ДИФФУЗ ТОКСИК БУҚОҚ — қ. *Буқоқ*.

ДИФФУЗ ТУМАНЛИКЛАР — коинотдаги газ (ёки) чанг туманликлар. Мас., *Орион* ва *Ҳулкар* юлдуз туркумларида жойлашган газ туманлик (қ. *Галактик туманликлар*).

ДИФФУЗИОН АППАРАТ (диффузор экстратор) — майдаланган қаттиқ материалдан суюқликда эрийдиган моддаларни экстракция усули б-н ажратиб оладиган аппарат. Кимё ва озиқ-овқат саноатида, асосан, қанд и.ч.да кенг ишлатилади. Қанд и.ч. аппаратларида майдаланган қанд лавлаги ёки шакар қамишдан олинган қанд моддаларни сувда экстракция қилиш (сиқиш) усулидан фойдаланилади. Д. а.нинг узлукли (даврий) ва узлуксиз ишлайдиган хиллари бўлади. Узлукли ишлайдиган Д. а. бир-бири б-н ҳалқа тарзда бириктирилган жуфт (12—16 та) диффузор ва шунча оралиқ ситкичлардан ташкил топган диффузион батареялардан иборат. У ишчилар сони кўп бўлишини талаб қилади. Шунинг учун узлуксиз ишлайдиган Д. а. кўпроқ ишлатилади. Тик ўрнатилган бир ва кўп колоннали, қия теганали, горизонтал ротацион Д. а. кўп тарқалган. Вертикал колоннали Д. а. да майдаланган маҳсулот шнек, парракли ёки занжирли транспортёрлар б-н пастдан юқорига кўтарилади ва турп кўринишида аппаратнинг юқориги қисмидан солинади. Сув эса юқоридан пастга қараб узлуксиз оқиб, турплар орасидан ўтади ва диффузион шарбат колоннанинг пастки қисмидан олиб кетилади. Жараён шу тарзда узлуксиз давом этади.

ДИФФУЗИОН КАМЕРА — зарядли зарралар (*протон, электрон, α-зарра* ва ҳ.к.) нинг ҳаракат траекториясини кузатишга имкон берадиган асбоб. Америкалик физик Л. Лангсдорф ясаган (1936). Усти ва ёнлари шиша, туби металлопластинкадан иборат цилиндр шаклидаги герметик идиш (расм). Д. к. *Вильсон камерасига* ўхшайди, лекин ҳар доим ионловчи зарраларга сезгир бўлиб, узлуксиз ишлаб туради. Камерага тушган зарядли зарра газ атомлари б-н тўқнашиб, электронларни ажратади, яъни газ ионлашади. Камерадаги суюқлик (спирт) буғи конденсатланади (камеранинг таги совитилади ва қопқоғи иситилади, натижада т-ра пасайиши туфайли камерада ўта тўйинган буғ ҳосил бўлади) ва зарра камерадан ўтганда суюқлик томчиларидан иборат из қолади. Д. к. ёнидан ёритилади ва зарра изи суратга олинади. Д. к. юқори энергияли зарраларнинг камерадаги газ ядролари б-н ўзаро тўқнашувини ўрганишда, зарралар импульсини аниқлашда, катта босимли газларни текширишда ишлатилади.



Диффузион камера: *1* — юқориги қўзғу; *2* — метил спирт *8* солинган металл идиш; *3* — шиша цилиндр; *4* — камеранинг металл туби; *5* — поршень; *6* — пружина; *7* — параболик қўзғу; *9* — фотоаппарат; *10* — металл тўр. *S* — ёруғлик манбаи.

ДИФФУЗИЯ (лот. diffusio — сингиш, тарқалиш) — молекулалар, атомлар, ионлар ва коллоид зарраларнинг тартибсиз иссиқлик ҳаракати натижасида бир модданинг иккинчи моддага ўзидан ўтиши, бирининг иккинчисига сингиб кетиши. Д. газ, суюқлик ёки қаттиқ жисмларда бўлади ва тезлиги модданинг зичлиги ва қовушоқлиги, т-ра, диффузияланувчи зарранинг табиатига ва ҳ. к.га боғлиқ. Т-ра кўтарилиши б-н Д. тезлашади. Бир аралашмали система (бир модда)даги Д. ўздиффузия, кўп аралашмали система (газ, суюқ ёки қаттиқ эритмалар)даги Д. гетеродиффузия дейилади. Фан ва техника соҳаларида Д.нинг аҳамияти катта; кимёда Д. усули эриган модданинг молекуляр оғирлигини аниқлашда қўлланилади. Биологияда озиқ моддаларнинг сўрилиши ва ютилиши ҳамда моддалар алмашинув маҳсулотларининг чиқиб кетишида Д.нинг аҳамияти бор. Техникада терини ошлаш, газламани бўяш, металларни цементлаш ва азотлаш, металларда ҳимоя қоплама ҳосил қилишда қўлланилади. Геологияда Д. моддаларнинг қуюқдан суюққа, иссиқдан совуққа, намдан қуруққа тарқалишига айтилади. Фойдали қазилма конларини излашда Д.нинг роли жуда муҳим. Д. натижасида конлар бор жойларда рудаларни бирламчи ва иккиламчи ареал (жой) лари ҳосил бўлади. Булар ўз навбатида маъдан конларини қидиришда асосий омиллардан ҳисобланади. Физикада молекулалар (атомлар) Д.сидан ташқари ўтказувчанлик электронлари, ковакlar, нейтронлар ва б. зарралар Д.си ҳам ўрганилади.

ДИФФУЗОР — 1) қувур ёки каналнинг ҳаво, газ ёки суюқлик оқими сечимлари ҳаво ўтказиш қувурларида, газ, нефть тозалаш ва ҳайдаш ускуналарида, ўлчаш асбобларида Д. бўлади. Автомобиль двигателлари карбюраторларида Д. цилиндрларга юбориладиган ёнилғи аралашмасининг ҳосил бўлиш шароитларини (тўла бугланиши ва чангитшини) яхшилайди, ҳаво тезлигини оширади; 2) электротехникада — раднокарнай механик тебранувчи тизимининг бир қисми; ҳавода товуш тўлқинлари ҳосил қилиш учун мўлжалланган; 3) фототехникада — контрасти камайтирилган (юмшоқ) расмнинг фотографик тасвирини олиш учун мўлжалланган мослама; 4) алюминий олишда — майдаланган боксит бўлаклари ишқор эритмасида ишланадиган аппарат. Одатда, 12—14 та шундай аппаратни кетма-кет бириктириб, батарея ҳосил қилинади. Батарея нинг бир томонидан иссиқ сув берилиб, иккинчи учидан концентрланган натрий алюминат эритмаси олинади.


ДИХЛОРЭТАН, этиленхлорид, $CH_2Cl—CH_2Cl$ — чучмал ҳидли рангсиз суюқлик, ундан хлороформ ҳиди келади. Мол. м. 98,97. Қайнаш т-раси 83,5°, зичлиги 1,253 г/см³. Сувда эримайди, спирт ва эфирда эрийди. Сув б-н азеотроп аралашма (қайнаш т-раси 71,6°; таркиби 91,8% Д. ва 8,2% H_2O) ҳосил қилади. Д. саноатда хлор б-н этилендан олинади. Д. техникада экстракция жараёнларида, газмолларни тозалашда, эритувчи сифатида, лок-бўёқ саноатида, кўпгина органик бирикмалар синтезида, антидетонатор аралашмалари тайёрлашда, фумигант сифатида, дистиллашда ва б. мақсадларда қўлланилади.

ДИХОГАМИЯ (юн. dicha — икки қисм, бўлакча ва gamos — қўшилиш) — ўсимлик гулидаги чангчи ва уруғчи органларининг турли муддатда етилиши. Д. ўсимликларнинг ўз-ўзидан чангланишига йўл қўймайди. Чангчиларнинг уруғчидан олдин етилиши протандрия, уруғчининг чангчидан олдин етилиши протогиния деб аталади. Д. кўпчилик ўсимликларга хос. Чангчи ва уруғчиларнинг бир вақтда етилиши гомогамия деб аталади.

ДИХРОМАТЛАР, бихроматлар — бихромат кислота $H_2Cr_2O_7$ нинг нормал тузлари. Хроматлар эритмасига кислота қўшиш натижасида ҳосил бўлади. Умумий формуласи $M_2Cr_2O_7$. Д. дан калий бихромат $K_2Cr_2O_7$ заҳарли, сувда яхши эримайдиган қизил-қўнғир рангли кристалл. Д. лаб.да оксидловчи ,сифатида, техникада эса толаларни бўяшда, читга гул босишда, гугурт ва кўн саноатида ишлатилади. $K_2Cr_2O_7$ б-н концентрланган сульфат кислотанинг тенг ҳажмдаги аралашмаси (хромли аралашма) лаб.ларда кимёвий жиҳозларни ювишда қўлланилади.

ДИШАН ҚАЛЪА (ташқи қалъа)— Хиванинг рабод қисми. 1842 й.да Хоразм хони Оллоқулихон Хивани ташқи ҳужумдан сақлаш учун девор (уз. 6250 м, бал. 7—8 м, девор қалинлиги 5—6 м.) б-н ўратган. Қурилишга кўп аҳоли жалб қилиниб, қалъа 6 ҳафтада битказилган. Д. қ.да 10 дарвоза бўлган: Ҳазорасп (Қўй), Пишаник, Боғи шамол, Шайхлар, Тозабог, Шоҳимардон, Досшоёқ, Қўш, Гадойлар ва Гандумиён (Ҳазорасп ва Қўш дарвозаларидан бошқалари сақланмаган). Д. қ.нинг бош

Дишан қалъа девори.



қўчалари (Ҳазорасп, Боғи шамол, Шоҳимардон, Қўш) Ичан қалъа кўчаларининг давоми. Ўтмишда Д. қ.да шаҳарнинг тим ва расталари жойлашган. Нуруллабой саройи, Сайидбой мадрасаси ва масжиди, Сайид Моҳи руи жаҳон, Тўрт Шаббоз, Абдолбобо мажмуалари каби кўпгина обидалар сақланиб қолган. Д.қ.да ҳозир маъмурий ва маиший бинолар, хиёбонлар барпо этилган.

ДИЭЛЕКТРИК АНТЕННА — диэлектрик стержень ва коаксиал кабель (сиртига металл сим қопланган кабель) дан ясалган *антенна*. Радиотўлқинларни узатишда стержень ўқи бўйлаб электромагнит тўлқинлар тарқалади. Стержень сиртида фазалари югурувчи тўлқин қонуни бўйича ўзгарадиган электр ва магнит майдонлардан иборат тангенсиал ташкил этувчилар вужудга келади. Д. а. кўпинча учиш аппаратларининг сантиметрли ва дециметрли тўлқинларда ишлайдиган радиоқурилмаларида қўлланилади.

ДИЭЛЕКТРИК КУЧАЙТИРГИЧ — асосий кучайтирувчи элементи сегнетоэлектрикли конденсатордан иборат бўлган электр тебранишлари кучайтиргичи; келадиган кучланиш ўзгарганда конденсатор сиғими ўзгариб, электр тебранишлар кучаяди. Кўпинча Д. к.нинг кучайтириш каскадида сегнетоэлектрикли конденсаторлар электрик кўприк схемасида уланади. Д. к.нинг бир каскадидан бериладиган кучланиш бўйича паст частотали электр тебранишларни 100 мартагача кучайтириш мумкин. Лампали ва транзисторли кучайтиргичларда кучайтиришни ошириш учун алоҳида кучайтириш каскадлари бирин-кетин уланиши мумкин. Ишлаш тарзи бўйича Д. к. магнитли кучайтиргичга ўхшаш; асосан, автоматика, сигнализация қурилмалари ва б.да ишлатилади.

ДИЭЛЕКТРИКЛАР (*диа...* ва инг. electric — электр) — электр токини деярли ўтказмайдиган материал (модда) лар; солиштирма электр қаршилиги — 10^7—10^{20} Ом·м, диэлектрик киритувчанлиги — 4—10^4. Д. электр токини ўтказгичларга нисбатан 10^{15}—10^{20} марта ёмон ўтказади. «Д» атамасини фанга М. *Фарадей* киритган. Ионлашмаган барча газлар, баъзи суюқликлар ва қаттиқ жисмлар Д. ҳисобланади. Ташқи электр майдон таъсири бўлмаган ҳолларда Д.ни қутбли Д. ҳамда қутбсиз Д.га ажратиш мумкин. Бунда Д. молекулаларининг диполь моментлари нолга тенг (қутбсиз молекулалар) ёки фазодаги йўналишлар бўйича ихтиёрий равишда тақсимланган бўлади (қутбли молекулалар). Иккала ҳолда ҳам Д.нинг йиғинди электр моменти нолга тенг бўлади. Қутбланиш электр майдон кучланганлигига, т-рага, муҳитнинг электр хоссасига боғлиқ. Қутбли Д.га спирт, тоза сув; қутбсиз Д.га инерт газлар, кислород, водород, бензол, полиэтилен ва б. киради.

Қутбли молекулалардан ташкил топган Д. электр майдонга жойлаштирилганда, ҳар бир диполни майдон кучланганлиги йўналишида бурувчи таъсир кучлари вужудга келади. Аммо тўла бурилишга иссиқлик ҳаракатлари тўсқинлик қилади. Натижада мусбат зарядлар электр майдон йўналишида, манфий зарядлар эса тескари йўналишда кўчади. Умуман барча турдаги қутбланиш натижасида ташқи майдон кучланганлик чизиқлари Д.дан чиқаётган нуқталарда мусбат ва Д.га кираётган нуқталарда манфий боғланган зарядлар ҳосил бўлади. Боғланган зарядлар ҳосил қилган майдон кучланганлиги E' нинг йўналиши ташқи майдон кучланганлиги E_0 йўналишига ҳамма вақт қарамақарши бўлиб, Д.даги майдон кучланганлиги $\vec{E} = \vec{E}_0 + \vec{E}'$ бўлади. Д. ичидаги майдон кучланганлиги ташқи майдон кучланганлигидан неча марта кичик эканлигини ифодаловчи $\varepsilon = E_0/E$ катталик модданинг диэлектрик киритувчанлиги деб аталади.

Қутбланиш фақат электронларнинг силжиши туфайли вужудга келган кўпгина ҳолларда $\varepsilon = n^2$ бўлади (n — модданинг синдириш кўрсаткичи). Азот, кислород, водород газлари, толуол, бензол суюқликлари ва полистирол, полиэтилен, нафталин каби қаттиқ моддалар буларга мисол бўла олади. Қутбланиш электронлар ва ионларнинг силжиши туфайли вужудга келса, бундан Д.нинг диэлектрик киритувчанлиги 4 дан 15 гача қийматларга эга бўлиши мумкин.

Ташқи майдон бўлмаганда ўз-ўзидан қутбланиш қобилиятига эга бўлган Д. гуруҳи ҳам мавжуд. Улар сегнетоэлектриклар деб аталади. Уларнинг диэлектрик киритувчанлиги бир неча мингга етиши мумкин. Сегнетоэлектрикларда деформация вақтида қутбланиши кузатилади. Бу ҳодиса пьезоэлектрик эффект деб юритилади.

Д. қаттиқ (органик, анорганик), суюқ ва газсимон хилларга бўлинади. Қаттиқ органик Д.га целлюлоза, каучук, қатрон, битумлар, парафинлар, мум, ёғоч, қоғоз, пластмассалар, лок бўёқлар ва б. киради. Булар куч, сигнал кабелларини изоляциялашда, конденсаторлар, ғалтаклар, қистирмалар тайёрлашда, электр аппаратуралар симлари ва чулғамларининг изоляцияларига шимдиришда ишлатилади. Қаттиқ анорганик Д.га радиотехник керамика, сегнетоэлектриклар, пьезоэлектриклар, электроник шиша, слюдалар ва б. киради. Булардан изоляторлар, юқори частотали конденсаторлар, пьезоэлементлар, баллонлар, электровакуум асбоблар ва б. тайёрланади. Суюқ Д.га куч трансформаторига, юқори кучланишли улаб-узгичларга қуйиладиган минерал мойлар мисол бўлади. Газсимон Д.га элегаз [олтингугурт (VI)- фторид], водород, инерт газлар, ҳаво ва б. киради. Элегазлар конденсатор ва кабелларда, водород турбогенераторларда, инерт газлар ион асбобларда ишлатилади.

ДИҚҚАТ — субъект фаолиятининг бирор объект ёки ҳодисага жалб қилиниши. У ҳар қандай онгли фаолият самарадорлигининг зарур шартидир. Бошмия пўстлоғининг муайян жойларидаги оптимал қўзғалиш манбалари Д.нинг физиологик асосини ташкил қилади. Д. икки турга бўлинади: ихтиёрсиз (пассив) Д. ва ихтиёрий (актив) Д. Ихтиёрсиз Д. бирон ташқи сабаб таъсирида киши хоҳишидан қатъи назар ҳосил бўлади. Бундай Д. одамдан ирода кучини талаб қилмайди. Д.ни жалб қилиш учун қўзғатувчининг кучи катта аҳамиятга эга; мас., нарсанинг чиройлилиги, ёркинлиги, ўткир ҳидлилиги ва б. хусусиятлари Д. ни беихтиёр тортади. Ихтиёрий Д. да психик фаолият олдиндан белгиланган мақсад б-н муайян нарсага онгли равишда жалб этилади. Д.нинг бу тури ирода кучини талаб қилади; шунинг учун бу Д. иродавий Д.деб ҳам аталади. Инсоннинг бутун онгли фаолияти асосан ихтиёрий Д. воситасида амалга оширилади.

Д.нинг барқарорлик, кўчувчанлик, бўлинувчилик каби хусусиятлари кўлами бор. Д.нинг барқарорлиги унинг ягона, умумий (мас., китоб ўқиш, масала ечиш каби) ишга хизмат қилувчи нарса ёки ҳодисага узоқ муддат жалб бўла олишидан иборат. Бунда ҳаракат объектлари (мас., китоб матни, масалада берилган сонлар ва шу кабилар) ҳамда ҳаракатнинг ўзи (мас., масалани ечиш йўллари) ўзгариб турмаслиги мумкин, лекин фаолиятнинг умумий йўналиши ўзгармай сақланиши лозим. Кўчувчан Д. бир фаолиятдан ёки нарсадан бошқа фаолият ёки нарсага тез жалб бўлади. Бу хусусият Д.нинг аввалги нарсага қай даражада қаратилганлигига ва янги фаолиятнинг хусусиятига (унинг Д.ни қанчалик қарата олишига) боғлиқ. Д.нинг бўлина олиш хусусияти бир вақтнинг ўзида 2 ёки ундан ортиқ иш-ҳаракат бажаришда акс этиб, кўп касб эгалари (мас., ўқитувчи, шофёр, учувчи) учун айниқса катта аҳамиятга эга. Бу хусусият бир фаолиятни бажариш хийла автоматлашиб, иккинчи фаолият бир қадар таниш бўлиб қолгандан кейин таркиб топади.

Д. кўлами унинг энг қисқа вақт ичида (гўё бирданига) ўз доирасига сиғдира олиши мумкин бўлган нарсалар сони б-н белгиланади. Шу жиҳатдан Д. кенг ёки тор бўлиши мумкин. Одатда, кенг кўламли Д. яхши Д. ҳисобланади. Д. кўлами идрок қилинаётган нарсаларнинг ҳамда уларни идрок қилаётган киши фаолиятининг вазифаси ва хусусиятига боғлиқ.

Д.нинг акси *паришонхотирлик*дир. Бунда одам Д.ини бирор нарсага тўплай олмай, ҳамма вақт бошқа нарсаларга чалгийверади. Шундай ҳолат киши қаттиқ чарчаганда, унинг учун аҳамиятсиз жуда кўп қўзғатувчилар мавжудлигида ёки, аксинча, битта ҳам қўзғатувчининг одам учун аҳамияти бўлмаганда рўй беради. Машқ қилиш б-н паришонхотирликка барҳам бериш мумкин.

Д.нинг турлари ва хусусиятлари одамнинг жуда ёшлик давридан бошлаб ривожланади ва ҳаёти давомида ўзгариб, мураккаблашиб боради.

ДМИТРИЙ ДОНСКОЙ, Дмитрий Иванович (1350.12.10 — Москва—1389.19.5) — Москва (1359 й.дан) ва Владимир (1362 й.дан) улуғ князи. Иван II Красний (1326—59)нинг ўғли. Отаси ўлгач (1359), *Олтин Ўрда* хони Мурод унга улуғ князлик ёрлиғини берган. Д. Д. Москвада оқ харсангдан Кремль бунёд эттирган (1364). У 1372 й. Тверь ш.ни қамал қилиб, унинг князи Михаилни сулҳ тузишга ва улуғ князлик даъвосидан бутунлай воз кечишга мажбур этган. Сўнг, шу йили Рязань князлигини ҳам ўзига бўйсундирган. Шу тариқа Д.Д. барча қўшни князликларни итоат эттириб, Олтин Ўрдага қарши урушга ҳозирлик кўра бошлаган. Аммо, 1377 й. Кўк Ўрда хони Арабшоҳ (1376—77) Д. Д. қўшинини тор-мор келтириб, Суздаль, Нижний Новгород ва Рязань князликларини ишғол қилган. 1380 й. Д. Д. Олтин Ўрда туманбошиларидан бири — *Мамай* қўшинларини 6-н жанг қилиб, уни енган (қ. *Куликово жанги*). 1381 й. *Оқ Ўрда* хони *Тўхтамишхон* Д.Д. қўшинини бутунлай тор-мор келтириб, Москвани ишғол қилгач, Русь яна Олтин Ўрдага қарам бўлиб қолган.

ДНЕПР (юн. Борисфен) — Шарқий Европадаги дарё, РФ, Белоруссия ва Украина ҳудудида. Уз. 2201 км. (Европада узунлиги бўйича Волга ва Дунайдан кейин 3-ўринда), ҳавзасининг майд. 504 минг км². Валдай қирларидан бошланиб Қора денгизнинг Днепр лиманига қуйилади. Д.нинг ўнг ва чапдан ирмоғи кўп; йириклари — Друть, Березина, Припять, Сож, Десна, Сула, Псёл, Ворскла, Самара, Рось. Ўрта оқимида Д.нинг водийси кенг (6—18 км), қад. террасалар бор. Қуйи оқимида Д. Қора денгиз бўйи пасттекислигидан оқиб ўтади. Қор ва грунт сувларидан тўйинади. Ўртача сув сарфи 1700 м³/сек. Дек.дан март охиригача музлайди. Д.да қуйилиш еридан 1677 км малайди. Д.да қуйилиш еридан 1677 км малайди. Асосий пристан-софада кема қатнайди. Асосий пристанлари ва портлари: Могилёв, Киев, Канев, Черкасси, Кременчуг, Днепропетровск, Запорожье, Никополь, Херсон.

Д. сунъий сув системалари орқали Болтиқ денгизи ҳавзасининг дарёлари: Ғарбий Двина б-н Березина системаси, Неман б-н Днепр-Неман, Ғарбий Буг б-н Днепр-Буг каналлари орқали боғланган. ГЭС лар қурилган.

ДНЕПР БЎЙИ ПАСТТЕКИСЛИГИ, Днепр пасттекислиги — Украинадаги пасттекислик, *Днепр* дарёсининг чап соҳилида. Бал. 50—160 м, энг баланд жойи 226 м. уз. 500—600 км, эни 200 км, Лёсс, лёссимон қумоқ ва флювиогляциал ётқизиқлардан таркиб топган, улар устида серунум қоратупроқ пайдо бўлган. Ер юзаси текис, фақат Днепр бўйи қирларига яқин ерларда сойлик ва жарлар бор. Д. б. п. ўрмон-дашт, қисман дашт зонасида. Кўп қисмида деҳқончилик қилинади.

ДНЕПР БЎЙИ ҚИРЛАРИ — Украинадаги қирлар, Днепр ва Жан. Буг дарёларининг ўрта оқимлари оралиғида. Энг баланд жойи 323 м. Ясси сувайиргичлар орасида чуқур водий ва сойликлар бор. Д. б.қ. заминидаги қад. кристалл жинслар устини учламчи ва тўртламчи давр қум, гил, лёсс ва лёссимон қумоқлар қоплаган. Қирлар серунум қоратупроқли ўрмон-дашт ва дашт ерлардир; кўп қисмида деҳқончилик қилинади.

ДНЕПРОДЗЕРЖИНСК (1936 й.гача Каменское) — Украинадаги шаҳар (1926 й.дан), Днепропетровск вилоятида, Днепр дарёсидаги порт. Т.й. станцияси. Аҳолиси 278 минг киши (1997). Металлургия к-ти, кимё, кокс кимёси, машинасозлик (вагонсозлик ва б.) саноати корхоналари бор. Қурилиш материаллари (шу жумладан цемент) ишлаб чиқарилади. Иссиқлик электр маркази, ГЭС ишлаб турибди. Индустрия ин-ти, шаҳар тарихи музейи мавжуд. Д. 1750 й.дан маълум.

ДНЕПРОПЕТРОВСК (1926 й.гача Екатеринослав) — Украинадаги шаҳар, Днепропетровск вилояти маркази. Днепр дарёсидаги порт. Т.й. тугуни. Аҳолиси 1134 минг киши (1997). Қора металлургия (2 та металлургия з-ди, 2 та қувур прокати з-ди ва б.), машинасозлик з-ди, оғир пресс и.ч. бирлашмалари, кон-шахта, металлургия жиҳозлари, станоксозлик, электровозсозлик, комбайн з-длари, радиозавод ва б., кимё (пластмасса, шина и.ч.), кокс кимёси, қурилиш материаллари, енгил, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Украина ФА нинг илмий маркази, 9 олий ўқув юрти (жумладан 2 ун-т), 5 театр (опера ва балет театри ва б.), 3 музей (шу жумладан бадиий ва тарихий музейлар) мавжуд. Д.га 1776 й. асос солинган. Потёмкин саройи (ҳоз. Талаба саройи, 18-а. охири), Преображенский кафедрали собор (19-а.) сақланган.

ДНЕПРОПЕТРОВСК ВИЛОЯТИ — Украина таркибидаги вилоят. 1932 й. 27 фев.да ташкил этилган. Днепр дарёсининг ўрта ва қуйи оқими ҳавзасида. Майд. 31,9 минг км². Аҳолиси 3811 минг киши (1997), асосан украинлар; шунингдек, рус, яҳудий, белорус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Д.в. 20 туманга бўлинган, 19 шаҳар, 54 шаҳарча бор. Маркази—Днепропетровск ш.

Д.в.нинг ер юзаси баланд-паст текислик, ғарбида *Днепр бўйи қирлари*, мар-

Днепропетровск шаҳрининг Днепр дарёси соҳилидан кўриниши.



казий қисмида *Днепр бўйи пасттекислиги* бор. Иқлими мўътадил континентал иқлим. Янв.нинг ўртача т-раси — 5° дан (Никополь) — 6,5° гача, июльники 21,8° дан (Никополь) 22,6° гача (Павлоград). Йиллик ёғин шим.да 450 мм, жан.да 400 мм. Энг йирик дарёси — *Днепр*. Тупроғи қоратупроқ. Дарё водийлари ва оролларида ўрмонлар учрайди.

Д.в.да саноат етакчи ўринда. Вилоят саноати темир рудаси ва темирли кварцит (Кривой Рог ҳавзаси), марганец рудаси (Никополь кони), титан, никель, боксит, тошкўмир (Ғарбий Донбасс) ва қўнғир кўмир (Днепр қўнғир кўмир ҳавзаси), табиий газ (Царичанка тумани), минерал қурилиш материаллари (гранит, каолин, доломит), ўтга чидамли гил захиралари асосида ишлайди. Кривой Рог ҳавзаси, Никополь ва Марганец ш.лари ва жан.-шарқий қисмида кончилик саноати ривожланган. Днепропетровскда қора металлургия, қувур з-длари, Кривой Рогда қора металлургия, машинасозлик з-длари ва б. бор. Кокс кимёси ва кимё саноатлари, қурилиш материаллари, ёғочсозлик саноати ҳам ривожланган. Озиқ-овқат ва енгил саноат тармоқлари муҳим ўрин эгаллайди. Днепр бўйи, Кривой Рог ва Днепродзержинск ГРЭСлари, Днепродзержинск ГЭС ишлаб турибди. Шебелинка — Днепропетровск — Кривой Рог — Одесса, Перешчепино — Днепропетровск газ қувурлари, Кременчуг — Кривой Рог — Херсон нефть қувурлари бор.

Қ.х.да товар маҳсулотлари ҳам етиштирилади. Донли экинлардан кузги буғдой, маккажўхори, баҳори арпа, техника экинларидан кунгабоқар, қанд лавлаги, соя экилади. Боғдорчилик, мевачилик ва токчилик ривожланган. Чорвачилигида қорамол, чўчқа, қўйэчки боқилади. Паррандачилик, асаларичилик, ипакчилик ва балиқ овлаш (Днепр ва унинг ирмоқларида) ҳам муҳим ўрин тутади. Транспортнинг асосий тури — т.й. Автомобиль ва дарё транспортлари, Днепр дарёси катта аҳамиятга эга. Йирик портлари: Днепропетровск, Днепродзержинск, Никополь. 11 олий ўқув юрти, 7 театр, 6 музей бор.

ДНЕСТР (юн.— Tyras) — Шарқий Европадаги дарё, Украина ва Молдавияда. Уз. 1352 км. Ҳавзасининг майд. 72,1 минг км². Карпат тоғларининг шим. ён бағридан бошланиб, Қора денгизнинг Днестр лиманига қуйилади. Қуйи оқимида ўртача сув сарфи 310 м³/сек. Суви суғоришга сарфланади, юқори оқимида ёғоч оқизилади. Сороки ш.дан Дубоссари ГЭС гача ва ГЭС дан қуйилиш жойигача мунтазам кема қатнайди. Ёмғир ва қор сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик оқим қарийб 8 км³. Д. қиш илиқ келганда музламайди. Д. бўйида Бендери, Тирасполь ш.лари жойлашган.

ДОБИЛОВ Аббос (1898, Тахтакўпир тумани — 1970.11.1, Нукус) — қорақалпоқ шоири ва оқини. Қорақалпогистон халқ шоири (1944), Ўзбекистон халқ шоири (1957). Қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди ва достончилигининг таниқли намояндаси. Ижоди 1915 й.дан бошланган. Ватан, ватанпарварлик, дўстлик, оддий инсоннинг яратувчилик меҳнати Д. ижодининг асосий мавзуларидир. 2-жаҳон уруши йилларида Д. ижоди юксак чўққига кўтарилган («Душманни янч», «Номард йигит нега даркор?», «Жангчиларга зарар етказмадингми?» ва б.). «Баҳодир» (2 китоб, 1946—56) достонида қорақалпоқ халқининг кўп асрлик ҳаёти кенг кўламда тасвирланган. Д.нинг 10 га яқин шеърий тўпламлари ва 2 жилдли «Танланган асарлар»и (1959) чоп этилган. Шеърларидан намуналар ўзбек тилига таржима қилинган («Шеърлар», 1956). Бердақ номидаги Қорақалпогистон Давлат мукофоти лауреати (1967).



Ас.: Светлый день. Стихи, Нукус, 1956; Шғармалари, 1—2-ж., Нокис, 1959; Арнаулар (Қосықлар), Нокис, 1966.

Ад.: Нийетуллаев С., Аббос Дабыловтин творчестволык жолы, Нокис, 1966.

ДОБРОВОЛЬСКИЙ Иван Викентьевич (1780—90 й.лар орасида, Могилёв губерняси — 1851, Гродно) — рус мусиқа фольклоршуноси, сўзанда, капельмейстер, мусиқа-жамоат арбоби. Тахм. 1810 й.дан Астрахонда яшаган. 1816 й.дан «Осиё мусиқа журнали» («Азиатский музыкальный журнал»)ни нашр эттирган. Жур.нинг 8 сони (яъни 1816 й.да № 1 ва № 2, 1817 й.да № 3 ва №4, 1818 й.да № 5—8) чоп этилиб, унда Д. Ўрта Осиё (хусусан ўзбек, туркман, қирғиз ва б.), Кавказ (арман, лезгин, кабардин, черкас, чечен ва б.) халқлари, шунингдек, Астрахон татарлари, қалмоқлар мусиқа фольклори намуналарини тўплаган ва европача усулда (фортепиано ижроси учун, гармониялаштириб) илк бор нашр этган.

Ад.: Кароматов Ф., Из истории записи музыкального фольклора в Узбекистане.— Вопросы музыкальной культуры Узбекистана, вып. 2, Т., 1969.

ДОБРОЛЮБОВ Николай Александрович [1836.24.1(5.2), Нижний Новгород — 1861.17(29).11, Санкт-Петербург] — рус адабиётшуноси, публицист, Петербургдаги Бош педагогика ин-тини тамомлаган (1857). 1856 й.дан вақтли матбуотда илк мақолалари эълон қилинган. 1857 й.дан «Современник» жур.нинг раҳбарларидан бири, жур.нинг «Ҳуштак» («Свисток») ҳажвий бўлими муҳаррири (1859). Д.нинг асосий тадқиқотлари, тақризлари, мақолалари «Современник»да чоп этилган. 1860 й. май, 1861 й. июль ойига қадар чет эллар (Франция, Италия)да даволанади. Д. бутун умрини инқилобий йўналишдаги ғояни тарғиб қилишга бағишлади. Асарларида ҳам, ижтимоий фаолияти давомида ҳам монархия тузумини, крепостнойлик ҳуқуқини, ағлзодаларга хос бўлган либерализмни қоралади ва деҳқонлар инқилоби ғоясини илгари сурди. У. Н. Чернишевский б-н 19-а. ўрталарида Россиядаги инқилобий ҳаракатнинг ғоявий раҳнамоси бўлди. Деҳқонлар социализми тарафдори сифатида капиталистик ижтимоий-иқтисодий, сармояга асосланган тузумни аёвсиз танқид остига олди. Д. ўз мақолаларида жамият тарихи меҳнаткашлар б-н сармоядорлар ўртасидаги кураш тарихидан иборат, тарихий тараққиётни халқ белгилайди, шахснинг тарихдаги ўрнини ҳам инкор этиб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Аслида, у фалсафий идрок этилган борлиқ ғоясини қўллаб-қувватлайди, идеализмни, динни танқид қилади. Эстетика асослари тўғрисида асарлар яратган. Адабиёт ва адабиётшунослик реалистик тамойилларга суяниши лозимлигини таъкидлаган. «Жаҳолат салтанати», «Обломовчилик нима?», «Қачон ҳақиқий кун келади?», «Жаҳолат салтанати ичра нур» (1859—60) каби тадқиқотларида рус ларнинг ҳаётида ва адабиётида янги шахс — арбоб, курашчан қаҳрамон пайдо бўлиши ғоясини илгари сурган. Ҳажвий шеърларида ижтимоий зиддиятларни, зулм остида эзилган халқ ҳаётини тасвирлайди, деҳқонлар инқилобини қувватлайди («Оленин тобути устидаги ўйлар», «Розенталга» ва б.). Д. педагогика масалалари тўғрисида ҳам асарлар ёзган («Тарбия жараёнида обрўэътиборнинг аҳамияти», 1857; «Бутун Россияга хос бўлган хом хаёллар...», 1858 ва б.).

Ас.: Танланган адабий-танқидий мақолалар, Т., 1954.

ДОВГОСТОВ ОЛТИН КОНИ — Навоий вилоятида жойлашган кон. Зарафшон ш.дан 40 км жан.да. 1967 й.да Овминзатов — Белтовнинг марказий қисмидаги тепаликда топилган, разведка ва баҳолаш ишлари 1970—73 й.ларда бажарилган. 1977—82 й.ларда конда мукаммал разведка ишларининг 2-навбати олиб борилган. Коннинг геологик тузилишида юқори рифей терриген (алевролит, қумтош, сланецлар) ётқизиқлардан иборат бесопан свитаси иштирок этган. Д.о.к. узунлиги 2,5 км, қалинлиги 100—450 м минераллашган зонадан иборат. Руда жисмлари томирсимон, узунлиги бир неча ўн м бўлиб, 150—500 м чуқурликкача давом этган. 16 та руда жисми аниқланган. Д.о.к. асосий рудали минераллари пирит, олтин б-н арсенопирит, антимонит; норуда минераллар — кварц, кальцит, серицит; иккинчи даражалилари — марказит, сфалерит, аргентит. Д.о.к.— захирадаги кон.

ДОВЖЕНКО Александр Петрович (1894.11.9, Чернигов вилояти, Сосници қишлоғи — 1956.25.11, Москва) — кинорежиссёр, ёзувчи, сценарийчи. Кинематография асосчиларидан. Халқ артисти (1950), Украинада хизмат кўрсатган санъат арбоби (1950). Дастлабки фильмлари — «Дипкурьер сумкаси», «Звенигора» катта муваффақият қозонди. «Арсенал», «Ер» фильмлари жаҳон экранларида ҳам шуҳрат қозонди. Д.нинг илк овозли фильми «Иван», шунингдек, «Аэроград», «Шчорс» бадиий фильмлари, «Халос қорлик» каби ҳужжатли — публицистик ва «Мичурин» бадиий фильмлари кино санъати тараққиётида муҳим роль ўйнади. «Гулдаги ҳаёт» пьесаси ва «Денгиз ҳақида достон», «Сеҳрланган Десна» каби сценарийлар, анчагина ҳикоя, очерклар, кино тарихи ва назариясига оид мақолалар ҳам ёзган. 1957 й. Киев киностудиясига Д. номи берилган.

ДОВИДОВ Михаил Довидович [1913.12(25).5, Андижон — 1981.16.6, Тошкент] — опера хонандаси (лирик тенор), актёр ва педагог. Ўзбекистон халқ артисти (1978). Москвадаги Ўзбек опера студиясини тугатган (1939). 1933 й.дан Ўзбек давлат мусиқали театрида артист, 1939 й.дан Навоий номидаги опера ва балет театри яккахони. Майин ва ширали овоз соҳиби Д.нинг ижро услуби европа ва миллий хонандалик анъаналарининг мутаносиблиги б-н ажралиб туради. Ўзбек операларидан Назирий (С. Бобоев, «Ҳамза»), Олимжон (Т. Содиқов, Д. Зокиров ва б., «Зайнаб ва Омон») ва айниқса Ҳидоят (С. Юдаков, «Майсаранинг иши»), Шунингдек, Ленский (П. Чайковский, «Евгений Онегин»), Шуйский (М. Мусоргский, «Борис Годунов»), Альмавива (Ж. Россини, «Севилья сартароши») каби партияларни маҳорат б-н ижро этган. Концерт репертуаридан ўзбек, тожик, татар ва озарбайжон халқ кўшиқлари ўрин олган. 1966 й.дан Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида дарс берган.



М. Довидов Ҳидоятхон ролида («Майсаранинг иши»; ўнгда Ҳ. Носирова Майсара ролида).

ДОВИДОВА Берта (1922.20.12, Марғилон) — хонанда, мақом йўллари моҳир ижрочиси. Ўзбекистон халқ артисти (1964). Тошкент тиббиёт билим юртини тугатгач (1938), ҳамшира бўлиб ишлаган (1938—43). Аввал ҳаваскор хонанда сифатида танилган, кейинчалик Ю. Ражабий, Ш. Соҳибов, М. Юсупов, И. Икромов, Ё. Довидовлар ёрдамида хонандалик маҳоратини оширган. Ўзбекистон радиоси қошидаги хор жамоасида (1943), ўзбек ва тожик ансамбларида (1944—60), «*Маком ансамбли*»да (1960—87) етакчи хонанда. Мафтункор, майин ва ширадор овоз соҳибаси Д.нинг ижро услубида чуқур фалсафий мазмун нафис оҳангдорлик б-н уйғунлашган. Д. репертуаридан ўрин олган «Муножот» (И. Икромов), «Баёт I, II, V», «Наво» мақомидаги «Талқини Баёт», «Насри Баёт», Рост мақомидаги «Насри Ушшоқ», «Уфари Ушшоқ», Дугоҳ мақомидаги «Сарахбори Оромижон», «Уфари Оромижон», шунингдек, «Самарқанд Ушшоғи», «Фиғон», «Дугоҳ» ва б. мумтоз ашулалар унинг ижросида нозик, ички ҳиссиётларга бой, юксак бадиий ифодасини топган. Д. нинг ижро дастурида ўзбек ва тожик халқ қўшиқлари, бастакорлар ашулалари («Дилнавозим», С. Калонов; «Кўнглима», О. Қосимов; «Қиз севгиси», Н. Ҳасанов ва б.) ҳам ўрин олган. Москвада ўтказилган Ўзбек адабиёти ва санъати декадаси (1959) нинг қатнашчиси. Д. ижро этган кўпгина мақом йўллари грампластинка («Берта Довидова», 1969 ва б.) ва Ўзбекистон радиосида магнитофон тасмаларига ёзиб олинган. Хонанда ҳақида телефильм («Муножот», 1975) яратилган. «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (1999).

ДОВИЙ (тахаллуси; асл исми Абдулҳоди Абдулаҳад ўғли) (1893 — Кобул — 1982.19.8) — афғон маърифатпарвар шоири, давлат ва жамоат арбоби. Илк шеърий китоби («Тошқин», 1945) пушту тилида ёзилган. Садриддин *Айний*нинг «Мозий ва ҳол» («Ўтмиш ва бугун») номли шеърига татаббу сифатида «Жаридалар таърифи ва фойдалари ҳақида» («Дар таъриф ва фавойиде жаройид», 1914) сарлавҳали муҳаммас ёзиб, унинг биринчи мисрасида Маҳмудхўжа *Беҳбудий* (1875—1919) томонидан Самарқандда нашр этилган «*Ойина*» журнали (1913—15) ҳақида ижобий фикр билдиради. Маърифатпарварлик мавзуидаги «Бад набуд» («Ёмон бўлмасди», 1917), «То ба кай?» («Қачонгача», 1918) ҳамда эркпарварлик руҳида ёзилган «Булбуле герефтор» («Тутқун булбул», 1917) номли шеърий асарлари шуҳрат қозонган. Д. 1920—21 й.лар Афғонистоннинг Бухоро Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси вазифасида ишлаган, 1923 й.да эса у Афғонистон ҳукуматининг фавқулодда ҳайъати раҳбари сифатида иккинчи бор Бухорога келиб, расмий кишилар б-н музокаралар олиб борган. Бу сафарлари чоғида Д. Бухоро жадидлари б-н мулоқотда бўлган. Абдурауф *Фитрат* (1886—1938) у ҳақда яхши фикрда бўлган. Д. сиёсий, ижтимоий, адабий мавзуларда ёзилган 20 дан ортиқ китоб, рисола ва таржималар муаллифи.

Ад.: Иномхўжаев Р., Афғонистон маърифатпарварлик адабиёти очерклари, Т., 1999.

ДОВКАМПИР КЎЛИ — Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов туманидаги кўл. Амударё тармоғи Оқдарёнинг ўнг соҳилида, Довулбойўзак тармоғидан ва сизот сувларидан тўйинади. Сув юзасининг майдони (сувга тўлганда 300 гектар) ва чуқурлиги (энг чуқур жойи 1 м) ўзгариб туради. Туби текис, майдонининг катта қисми қамишзор ва турли ўтлар б-н қопланган. Суви тиниқ ва чучук. Д. к.да чўртан, чавоқ, қизил-

қанот, таран, тангабалиқ, олабуға балиқлари бор. Амударёда сув кам бўлган йиллари сув сатҳи пасайиб, баъзан дарёли қуриб қолади.

ДОВОН — тоғнинг ошиб ўтиш қулай бўлган жойи. Ўзбекистонда Д. сўзи б-н бирга *бел*, ошув атамалари ҳам ишлатилади. Тарихий манбаларда учрайдиган *арт*, *ақба*, *кўтал* сўзлари ҳам. Д.нинг синонимларидир. Илгарилари Д.дан пиёда ёки от-уловда ошишган. Ҳозир Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда бир қанча Д.лардан автомобиль йўли ўтади. Мас., Камчик Д.идан Тошкент—Қўқон йўли, Тахтақорача Д.идан Катта Ўзбекистон тракти ўтади ва ҳ.к.

ДОВОН — 1) хонаки тўқув дастгоҳининг *танда* ипни кўтариб турадиган қисми. Асосан икки шоти (қовурға), уларни ўртасидан бириктирувчи ўқ ва ўққа кийдирилган ғалтакдан иборат. Наманганда нарвонча, Марғилонда осмадон деб юритилади. Ҳоз. тўқув машиналарида Д. вазифасини махсус ғалтак бажаради; 2) калавачўп пояларини бирлаштирувчи силлиқ ёғоч чўп.

ДОВОТ (араб.— сиёҳдон) — қад. Шарқ мамлакатларида, жумладан Ўрта Осиёда кўпинча жездан қуйилган ёки лойдан (Хитойда чиннидан ҳам) ясалган сиёҳдон. *Қаламдон*нинг бир четига ўрнатилган тури довот-қаламдон деб аталган. Европада Д. шиша ва оқ чиннидан тайёрланган.

ДОВУД — Қуръонда номи зикр этилган пайғамбарлардан бири. Яҳудий ва христиан диний адабиётларида Давид номи б-н маълум бўлган. Тарихий маълумотларга кўра, Д. мил. ав. 11-а.да Исроил ва Иудеяни бирлаштириб, ягона яҳудий давлатини тузган подшо. Қуръонда ёзилишича, Д. Жолут (фаластинликлар лашкарбошиси) устидан ғалаба қозонган. «Аллоҳ унга (Д.га) подшоҳлик, пайғамбарлик ва Ўзи хоҳлаган нарсаларидан таълим берди» (Қуръон, 2:251), Д. алайҳиссаломга Мусо (ас)дан сўнг самовий китоб — Забур туширилган. Д. темирчиликнинг асосчиси ҳисобланади, ўз қўл меҳнати б-н тирикчилик ўтказган: темирдан ҳар хил асбоблар ясаб, уни сотиб кун кўрган. Айни чоғда Д. нинг ниҳоятда хушовоз бўлганлиги, тоғлару қушлар унга қўшилиб «тасбеҳ айтиши», даъволашувчи томонларни муросага келтириш, одилона ҳукм қилиш қобилиятига эга эканлиги ҳақида кўп ривоятлар бор. Д. алайҳиссалом вафотидан сўнг, барча мулк ва пайғамбарлик ўғли *Сулаймон* (ас)га мерос бўлиб қолган.

ДОВУД «ҚУРУВЧИ», Довуд «Бинокор», Давид IV Георгиевич (1073—1125) — Грузиянинг *багратионлар* сулоласи давридаги подшоларидан (1089—1125). Грузия князликларини марказлашган яхлит давлатга бирлаштиришга асос солган йирик давлат арбоби. Д. «Қ.» 1097 й. *салжуқийлар*га солиқ тўлашни тўхтатиб, Грузиянинг мустақиллигини тиклаган. 1104 й. Кахети, Эрети ва б. шаҳарларни ўз ҳудудига қўшиб олган. 1122 й. Тбилисини ишғол қилган ва пойтахтни Кутаисидан Тбилисига кўчирган. Д «Қ.» черковдаги юқори лавозимни наслдан-наслга ўтказишга барҳам бериб, унга ҳуқумат мансабдорларидан сайлаш тартибини жорий қилган. У зодагонларнинг кўнгилли лашкарларидан ташқари, бевосита подшога қарам бўлган доимий қўшин тузган (1118—20). Д «Қ.». қипчоқлар улуғ хонининг қизи — Гурандухтга уйланиб, 45 мингдан ортиқ қипчоқни аскарий хизматга жалб этган. Бундан ташқари у шаҳар, катта (шоҳ) кўчалар, кўприклар, қаср (сарой)лар, карвон саройлар қуришга, маориф ишларини ривожлантиришга катта аҳамият берган. Гелати ш.даги академияга асос солган. Унинг тараққийпарварлигини назарда тутиб «Қурувчи» деб ном берилган.

ДОВУДБЕК, Чағрибек (? —1061) — Марв ва Хуросон ҳокими (1037—61). *Салжуқийлар*дан. Жанд ҳокими Мекойилнинг ўғли, *Салжуқ*нинг набираси. Д. отаси вафотидан сўнг амакиси Ёбғу (Пайғу) ва акаси *Тўғрулбек* б-н 985 й. *сомонийлар* ҳузурига келиб, Нур қишлоғи атрофида истиқомат қилган. 1029 й. *қорахонийлар*дан бўлган Бухоро ҳокими *Алитегин* б-н салжуқийлар ўртасида низо келиб чиққан; Алитегиннинг фармонига кўра унинг лашкарбошиси Алп қора (Салжуқнинг набираси) Юсуфни ўлдирган. Илгари Алитегиннинг ўзи Юсуфни Инонч-Пайғу унвони б-н ўзининг хизматидаги турклар устидан раҳбар қилиб тайинлаганди, 1030 й. марҳумнинг амакиваччалари Тўғрул ва Д. қўзғолон қилиб, Алп қора ва унинг 1000 жангчисини қатл этадилар. Алитегин фарзандлари б-н уларга қарши чиққан, аҳоли ҳам уларни қўллаб-қувватлаган. Туркманлар тўла мағлубиятга учрашган, уларнинг молмулклари мусодара қилинган, аёллари ва болаларининг бир қисми асир олинган; ноиложликдан Д. акаси б-н Хоразм ҳокими Ҳорун ибн Олтунтош паноҳига ўтган. Ҳорун *Масъуд Ғазнавий* уюштирган фитна оқибатида ўлдирилгач (1035), Д. акаси б-н Хуросон томонга ўтиб кетган. Д. ва Тўғрулбек бошчилигидаги туркманлар Масъуд Ғазнавий устидан жангда голиб чиққач, Нишопурда имзоланган шартнома (1035)га кўра Тўғрулбек Нисога, Ёбғу Фаравага ва Д. Даҳистонга ҳукмдор (волий) қилиб тайинландилар. Уларга деҳқон унвони ва волийлик мансабига муносиб совғалар берилди. 1037 й.да Марвда Д. номи б-н танга зарб қилинади. 1040 й. *Данданакон жанги*дан сўнг салжуқийлар Хуросонни, 1043 й. Хоразмни забт этдилар. 1059 й. ғазнавийлардан Иброҳимбек б-н Д. ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, Балх Д. қарамоғига ўтган. Д. вафотидан сўнг салжуқийлар давлатининг Шарқий қисмига унинг ўғли *Алп Арслон* ҳукмдор бўлиб қолди.

ДОВУДБЕК ДУҒЛАТ, амир Довуд (14-а.) — *Амир Темур*нинг хос мулозими, сафдоши ва лашкарбошиси ва синглиси *Қутлуғ Туркон ога*нинг эри. Соҳибқироннинг илк фаолияти даврида у б-н елкама-елка турган, кўп жангларида катта жасорат кўрсатган. 1370 й. Амир Темур амир Ҳусайн устидан узилкесил галаба қозонганидан кейин Д.д. га Самарқанд волийлигини ва девонбеги лавозимини берган. 1374 й. мартида Хоразмга, *Жаҳонгир* мирзога қайлиқликка Севинбека (Хонзода)ни келтиришга юборилган.

ДОВУЛ — қ. *Тўфон*.

ДОВУЛ, дўл — гардишининг икки томонига тери қопланган катта шаклдаги ўрма чолғу. Товуши учи юмалоқ таёқча ёрдамида ҳосил қилинади. Д. ўтмишда асосан ҳарбий чолғу ҳисобланган. Ҳоз. кунда амалиётда деярли қўлланилмайди. Ташқи кўриниши, товуш ҳосил этиш йўллари билан Д.га яқин бўлган чолғулар қозоқларда — дабил, грузинларда — доли, арманларда — доол, ҳиндлар, эронликлар, афғонларда — дуҳул номлари б-н юритилади.



Довул.

ДОВҚОРАЕВ Нажим (1905.5.10. Қўнғирот тумани — 1953.20.7, Нукус) — қорақалпоқ адабиётшуноси, драматург ва адиб. Филол. фанлари д-ри (1951). Олмаота педагогика ин-тини тамомлаган (1926—30). Урал педагогика ин-тида ўқитувчи (1932), Тўрткўл ўқитувчилар тайёрлаш ин-тида кафедра мудири

(1934), Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб (1939—42), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг бадиий ҳаваскорлик ишлари бўйича бўлим мудири (1942—44), Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси (1946—48), Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон бўлими тасарруфидаги маданият ва иқтисодиёт ин-ти директори (1948—53). Д. «Адабиёт хрестоматияси» (И. Сагитов б-н ҳамкорликда, 1937), «Қорақалпоқ халқ эртаклари» (1949), «Бердақ шоир» (1950) каби рисолалар муаллифи. «Қорақалпоқ адабиёти тарихи очерки» қўлланмаси Д. вафотидан сўнг нашр қилинган (1959—61). «Равшан», «Хизматчи юраги» каби саҳна асарлари, айниқса, «Алпомиш» (1940) мусиқали драмаси қорақалпоқ драматургиясининг етук намуналаридан бири ҳисобланади. «Кўп кунлардан бири» (1929), «Бибихон» (1936), «Бахтли меҳнат» (1949) ва б. қисса ҳамда ҳикоялари бор. Бадиий таржима б-н ҳам шуғулланган. Ўзбекистон Республикаси ФА Қорақалпоғистон бўлими Тил ва адабиёт ин-тига Д. номи берилган. 3 жилдли «Танланган асарлар»и чоп этилган (1970—81).

ДОГА (Doga) Еугению (Евгений Дмитриевич) (1937.1.3, Молдавия, Мокра қишлоғи) — молдаван композитори. Молдавияда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1974), Молдавия халқ артисти (1982), Молдавия ФА акад. (1991). «Лучаферул» балети, кантаталар, симфоник ва камер асарлар, театр спектакллари ва 200 га яқин кино ва видеофильмлар учун мусиқалар ёзган. Мусиқа услубига ёрқин ифодавийлик, оҳангдорлик, жўшқинлик ва миллийлик хосдир. Молдаван халқ оҳанглари заминида яратган қўшиқлари («Гуллар уммони», «Шаҳрим ҳақида қўшиқ», «Днестр — менинг фахрим» ва б.) ва айниқса, кинофильмлар [«Лаутарлар», «Табор кўкка интилади», «Мария-Мирабелла», «Менинг нозик ва ёқимтой қоплоним», «Ёвойи» («Ўзбекфильм»), «Жамила» ва б.] учун ёзган мусиқалари машҳур. Молдавия Давлат мукофоти лауреати (1980). Халқаро мусиқали фильмлар фестивали (Брно, 1991) да кино мусиқаси соҳасида эришган буюк хизматлари учун Гран-при соврини б-н мукофотланган.

ДОГМА (юн. dogma — фикр, қоида, таълимот) — 1) қандай шароитда қўлланишидан қатъи назар, танқид қўзи б-н текширилмай кўр-кўрона қабул қилинаверадиган қоида, далил-исботсиз мухлик қилади (қ. *Догматизм*); 2) илоҳиётда диндорлар учун мажбурий ҳисобланган, муҳокама юритмасдан эътиқод қилинадиган таълимот (қ. *Ақида*).

ДОГМАТИЗМ, ақидапарастлик — танқидий нуқтаи назардан текширмай, аниқ шароитни ҳисобга олмай кўр-кўрона фикр юритиш усули. Фалсафада Д. бирор тезисни фалсафий тизимга асос қилиб олиб, унинг ҳақиқатлигини исбот қилиш шарт эмас деб фикр юритишда намоён бўлади. Қад. даврда фалсафада ҳамма нарсани шубҳа остига олувчи скептикларга қарамақарши ўлароқ ижобий фикр ва таълимотни илгари сурувчиларни догматиклар деб аташган. И. *Кант* тажриба ва кузатув б-н ҳисоблашмай, инсон ақлзаковати бунга ҳақлими-йўқми деб ўйламай метафизик фикрловчиларни догматиклар деб ҳисоблаган.

Д. диний таълимотда қатъий, ҳеч бир эътирозга йўл қўймайдиган ақидаларга риоя қилишда, фан соҳасида эса, тайин тарихий шароитларни ҳисобга олмай ўзгармас қонун ва қоидаларни олишда намоён бўлади. Д.га асосланган тафаккур усули илмий билишга зид, назария б-н амалиётнинг бириданж ажралиб қолиши натижасидир. Д. ҳукм сурган жойда турғунлик, жаҳолат, карахтлик, қотиб қолиш, мутассиблик пайдо бўлади. Яқин ўтмишдаги шўролар тузуми даврида фан, фалсафа, иқтисодиёт, адабиёт ва санъат соҳаларида догматик фикрлаш усули ҳукмронлик қилди. Иқтисодий, сиёсий ташкилотлар ва улар ишидаги бузилишлар илмда социализмнинг асосий моҳиятини ташкил этувчи томонлар сифатида кўрсатилар ва мутлақлаштирилар эди. Бу ҳулосалар эса ижтимоий фанларга бафслашиб бўлмайдиган догма сифатида киритилиб, назарий фикрларнинг ижодий тараққиётига тўсиқ бўлиб қолган эди. Шундай шароитда кимки янги илмий муаммони кўтариб чиқса, ижодий фикр юритишга уринса, у социализм душмани деб эълон қилинар эди. Натижада ижтимоий фан вакиллари орасида социалистик жамиятни танқидий таҳлил қилиш мумкин эмас, деган фикр кенг ёйилган эди. СССР парчаланган сўнг илм-фан ва б. назарий ҳамда амалий фаолиятда ижодий фикр юритиш имконияти вужудга келди.

ДОГУЗТОВ ТОҒИ — Марказий Қизилқумдаги тоғ. Овминзатов б-н Томдитов тоғлари оралиғида. Энг баланд жойи 444 м. Уз. 6—8 км. Д.т. жан.-ғарбдан шим.-шарққа йўналган. Ён бағирлари ўйдим-чуқур, қуруқ соғ кўп. Туб ва уларнинг нураши натижасида вужудга келган тошлоқ жинслар устида қўнғир бўз тупроқлар таркиб топган. Шувоқ, боялич, биюрғун, кейреук ўсади.

ДОДЕКАФОНИЯ (юн. dodeka — ўн икки ва phone — товуш) — *атонал мусиқа*ни муайян қоидаларга бўйсундириш мақсадида яратилган композиторлик техникаси. 1910-й.ларда Австрияда Й. М. Хауэр, Ф. Г. Клайн, шунингдек, рус композитори Н. Рославецлар Д.га яқин тарзда асарлар яратишга уринган. Мукаммал Д.нинг қонун-қоидаларини австрия композитори А. *Шёнберг* (10 йилдан зиёдроқ давр мобайнида) ишлаб чиқиб, муҳими, ижодий амалиётда қўллаган (1923 й., фортепиано учун 3 та пьеса). Д.да асарни ташкил этувчи куй ва ҳамоҳангликлар мажмуи серия деб аталиб, турли баландликдаги 12 хроматик, тенг ҳуқуқли товушнинг муайян изчиллигидан тузилади, бунда регистр, горизонтал ва вертикал йўналишлар эркин равишда алмашади. Д. усталари орасида А. Шёнбергнинг шогирдлари А. *Берг*, А. *Веберн*, рус композитори И. *Стравинский*, поляк В. Лютославский, итальян муаллифлари Л. Даллапиккола, Л. Ноно, япон композиторлари Ё. Мацудайра, Т. Маюдзуми, К. Фукусима ва б. танилган. Ўзбекистонда илк бор Ф. Янов-Яновский, М. Тожиев, Н. Зокиров, кейинчалик М. Маҳмудов, Н. Гиёсов, Д. Янов-Яновский ва б. композиторлар Д.нинг айрим хусусиятларидан фойдаланишган.

Ад.: Когоутек Ц., Техника композиции в музыке XX века, М., 1976.

ДОДЕКАЭДР (юн. dodeka — ўн икки ва hedra — томон) — ўн икки ёқли геометрик шакл. Мунтазам кўп ёқлиларнинг беш туридан бири. Мунтазам Д.нинг 12 ёғи, 20 учи ва 30 қирраси бўлади. Ёқлари — мунтазам беш бурчаклар.

ДОДОМА — Танзания Бирлашган Республикасининг пойтахти. Мамлакатнинг марказий қисмида. Аҳолиси 204 минг киши (1998). Дорусалом—Кигома т. й. ва Буюк Шим. автомобиль йўлидаги муҳим транспорт йўллари тугуни. Озиқ-овқат (вино, мева консервалари, мой и. ч. ва б.) саноати, қ. х. маҳсулотларини қайта ишлаш, ёғочсозлик корхоналари мавжуд. Геол. ва кончилик ишлари и. т. институти, геол. музейи бор. Мамлакат пойтахти 1993 й.дан *Дорусалом*дан Д.га кўчирила бошланди.

ДОДХОҲ, додхо (форс.— адолат истовчи) — 1) Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида: а) қалъа бошлиғи,

қўрбоши; б) қозихона ишлари устидан назорат олиб борувчи амалдор, раиси калон; Қўқон хонлигида бу мансаб амалдорлар рўйхатида тўққизинчи ўринда (*парвоначи*дан кейин, *бий*дан олдин) турган. Д. йилига хон хазинасидан 700 ботмон дон ва 1000 тилла пул олган; 2) Бухоро амирлигида арзчилар шикоятини амирга етказиб, жавобини шикоятчиларга билдирувчи амалдор. Қўқон хонлигида бундай амалдор ҳудайчи деб номланган.

ДОЖ (итальянча doge) — Венеция (7-а. охири — 18-а.лар) ва Генуя (14—18-а.лар) республикалари раҳбари. Умрбод сайланган, Генуяда эса 1528 й.дан бошлаб 2 йилга сайланган.

ДОЖЛАР САРОЙИ — Италия готика меъморлигининг улкан обидаси (9—15-а.лар). Сан-Марко собори ва кутубхонаси ҳамда бошқа бинолар б-н уйғунлашган ҳолда шаҳар меъморий ансамблини ташкил этган. Венеция давлати ҳукумат бошлиқлари (дожлар)нинг қароргоҳи бўлган ҳашаматли сарой (18-а. охиридан музей) готика (14—15-а.лар) ва ренессанс (15—16-а.лар) услубида қайта қурилган. «Катта маслаҳат» зали (54×25 м, бал. 15,4 м)да П. Веронезе, Тинторетто, Ж. Б. Тьеполо ва б. машҳур рассомларнинг асарлари, намоёнларга ишланган расмлари сақланган. Д. с. меъморлигида италия ва араб-мусулмонларнинг анъаналари (бош тарзининг юқори қисми яхлит ойнали, пешайвони серустунли, қатор равоқли ва б.) уйғунлашиб кетган.

ДОЗА (юн. dosis — порция, бўлак, улуш; бериш) — 1) тиббиётда — дори (препарат)нинг муайян миқдори. Д.ни врач беморнинг ёшига, организмнинг индивидуал хусусиятларига, шунингдек, касалликнинг хилига ва қандай ўтаётганига қараб аниқлайди. Д. дорини организмга киритиш усулига ҳам боғлиқ. Бир маҳал ичишга мўлжалланган галлик Д., бир кеча-кундузга мўлжалланган суткалик Д. деб аталади. Галлик ва суткалик Д. *фармакопея* томонидан белгилаб қўйилган. Лекин баъзан оғир касалликлар (мас., юқумли касалликлар)нинг ривожланишини тез тўхтатиш учун врач дорини галлик Д.дан ортиқ (зарб) Д.да буюриши ҳам мумкин. Суюқ дорилар дозаси қошиқ (ош қошиқ — 15 мл, десерт қошиқ — 7,5 мл, чой қошиқ — 5 мл) ва томчилар ҳисобида, қуруқ дорилар грамм ҳисобида кўрсатилади. Гормонлар, витаминлар, антибиотиклар ва айрим бошқа дорилар учун маълум таъсир бирлик (ТБ) қабул қилинган; 2) физикада ионловчи нурланиш Д.си — модданинг масса бирлигига узатиш учун мўлжалланган ионловчи нурланиш (γ- ва *рентген нурлар, электронлар, протонлар, нейтронлар, α-зарралар* ва ҳ.к.) энергияси. Модданинг масса бирлиги томонидан ютилган энергия ютилиш Д.си дейилади. *Халқаро бирликлар тизими* СИ да ютилиш Д.си Ж/кг да; тизимга кирмаган бирлиги *рад* (1 рад = 10^{-2} Ж/кг)да ўлчанади. γ- ва рентген нурланишнинг ионлаш характеристикасига экспозицион Д. дейилади. Бундай Д. ҳавонинг масса бирлигида ҳосил бўлган бир хил ишорали электр зарядлари сони б-н аниқланади. Экспозицион Д.нинг СИ даги бирлиги Кл/кг ва тизимга кирмаган бирлиги *рентген*. Нурланиш Д. си организмга зарарли таъсир этади.

ДОЗАТОР — суюқ ва сочилувчан моддалар массаси ёки ҳажмини автоматик тарзда ўлчайдиган (дозалайдиган) қурилма. Д.нинг оғирлик ва ҳажмий, даврий (дискрет) ва узлуксиз ишлайдиган, дастаки ва автоматик бошқариладиган, бир ва кўп компонентли хиллари бор. Даврий ишлайдигани технологик жисозлар тик ўрнатилган ҳолларда, узлуксиз ишлайдигани ётиқ ўрнатилган ҳолларда қўлланилади. Д.лар таъминлаш, қабул қилиш, ўлчаш қурилмалари (датчик), қайд қилиш ва ростлаш тизими ҳамда ижро этувчи қурилмалардан иборат. Д. хом ашёни тежаш, материаллар исрофини камайтириш ва б.га имкон беради. Д. қурилиш ва савдо корхоналарида, озиқ-овқат саноати ҳамда дори тайёрлаш ва б.да қўлланилади.




Дожлар саройи ҳовлиси.

ДОЗИМЕТРИК АСБОБЛАР (дозиметрлар) — ионловчи нурланиш дозаларини ёки доза б-н боғлиқ катталикларни ўлчашда ишлатиладиган асбоблар. Бир турдаги нурланишлар ёки аралаш нурланишлар миқдорини ўлчайдиган хилларга бўлинади. Радиация хавфи даражасини белгилайдиган эквивалент дозасини ўлчаш учун *бэр*ларда даражаларга бўлинган асбоб бэрметр деб аталади. Газда ҳосил бўлган ионлар токини ўлчашга мўлжалланган асбоблар ионизация дозиметрлари дейилади. Нурланиш туфайли ионлаш камерасида ҳосил бўлган ток кучи рентген бирлигида даражаланган асбобларда ўлчанади ва улар рентгенометрлар дейилади. Организмга таъсир этувчи нурланиш дозасини аниқлаш учун ишлатиладиган асбоб



Дозиметрик асбоблар: а — микрорентгенометр; б — чўнтак дозиметрлар.



девори плексиглас, полистиролдан ясалади. Радиометрларда γ, β-нурланиш оқимини ўлчаш учун зарядли зарралар ҳисоблагичлари ва сцинтилляция ҳисоблагичлари ишлатилади. Д. а. люминесценция, фото, сцинтилляция, яримўтказгич ва б. хилларга ҳам бўлинади. Қўзғалмас, кўчма, қўл ва чўнтак дозиметрлари ҳам бор. Катта дозаларни ўлчаш учун фотографик, кимёвий ва экзоэлектрон эмиссияга асосланган дозиметрлар ишлатилади. Дозани аниқлашда эса стрелкали аппаратлар, сезгир фотоплёнкалар қўлланилади.

ДОЗИМЕТРИЯ (юн. dosis — улуш, бўлак ва metreo —ўлчайман) — амалий ядро физикаси соҳаси; ионловчи нурларнинг жонли ва жонсиз табиат объектларига таъсирини ифодалайдиган физик миқдорларни ўрганиш, шу сусан нурланиш дозасини (меъёрини) аниқлаш, шу миқдорларни ўлчаш усуллари ва асбобларини яратиш б-н шуғулланади. Табиий ва сунъий радиоактив емирилишда, зарядланган зарралар тезлаткичлари (бетатрон, циклотрон ва б.) да, атом реакторларида, рентген аппаратларида радиоактив нурлар сочилади. Радий кашф этилганидан сўнг радиоактив моддалар β- ва γ- нурларининг тирик объектларга ҳудди рентген нурлари сингари таъсир қилиши аниқланди. Радиоактив моддалар б-н ишлаш вақтида шу нурларнинг организмга кириш хавфи туғилади. Нурланиш дозасини ўлчашдан асосий мақсад ана шу аппарат ва моддалар б-н ишловчи ходимлар хавфсизлигини таъминлашдир. Радиоактив нурларнинг ҳар хил жисмларга таъсири (физик, кимёвий ва биологик таъсири) шу жисмларга ютилган нурлар миқдори ва табиати б-н белгиланади. Ютилган доза *рад* б-н ўлчанади. Радиоактив нурлар (α, β, γ, η) жисмларга тушганда ҳар хил физик ҳодисалар рўй беради. Мас., гамма-нурлар ёки рентген нурлари ютилиши натижасида фотоэлектронлар, комптон электронлари ва электрон-позитрон жуфти ҳосил бўлади. Рентген, гамма (γ), бетта (β)-нурланиш ва нейтронлар дозасини ўлчашда ионлаш камераси, «Кактус» рентгенометри, универсал дозиметрлар ишлатилади. Интенсивлиги кам нурланиш дозасини ўлчашда *Гейгер — Мюллер ҳисоблагичи*, лаб.да *сцинтилляция ҳисоблагичи* ишлатилади. Д.нинг фотографик усули ҳам бор. У нурлар таъсирида фотоплёнканинг қорайишига асосланган. Оксидланиш ёки қайтарилиш реакцияларига асосланган кимёвий дозиметрлар, ферросульфат ва цезий сульфати дозиметрлари ҳам ишлатилади. Нурланишнинг объектларга иссиқлик таъсири калориметрик усул б-н ўлчанади.

ДОЗИМЕТРИЯ НАЗОРАТИ — шахсий таркиб, қурол-яроғ, жанговар техника, транспорт воситалари, ҳарбий анжомлар, озиқ-овқат, сув ва муайян ҳудуднинг радиоактив моддалар б-н зарланганлик даражасини аниқлаш учун ўтказиладиган тадбирлар мажмуи. Д. н. нурланиш ва радиоактив заҳарланишни назорат қилишга бўлинади. Нурланиш Д. н. шахсий таркиб радиоактив моддалардан заҳарланган жойларда ҳаракат қилганида ёки бошқа шароитларда юққан радиация дозасини ўлчашдан иборат. Унинг маълумотларига қараб шахсий таркибнинг радиоактив нурланишдан заҳарланишини олдини олиш чоралари кўрилади. Радиоактив заҳарланиш Д. н.да шахсий таркиб, қурол-яроғ, жанговар техника, транспорт воситалари, ҳарбий анжомлар, озиқ-овқат ва сувнинг радиоактив моддалар б-н заҳарланиш даражаси ўлчанади. Унинг маълумотлари кўра шахсий таркибни санитария текширувидан ўтказиш, қурол-яроғ, техника анжомларини зарарсизлантириш чоралари белгиланади. Бундай Д.н. қўшинлар заҳарланган зонадан чиқарилганидан кейин ўтказилади.

ДОЗОР (рус.)— қўриқлаш, разведка ва алоқа ишлари олиб борувчи ҳарбий қисм. Пиёда (ўқчи) аскарлар, жанговар машина ва ҳарбий-денгиз флоти кемаларидан кичик бўлинма тарзида ташкил топади. Вазифаси — юришда қўшинларни душман ҳужумидан огоҳлантириб туриш (қўриқловчи Д.), душманнинг қаерда жойлашганини аниқлаш (разведкачи Д.), жанговар тартибдаги қисмлар б-н алоқа қилиб туриш (алоқачи Д.) ва б. Д. таркиби вазифа ва шароитга боғлиқ бўлади.

ДОИМ ЯШИЛ ЎСИМЛИКЛАР — йил давомида барги тўкилмай ям-яшил бўлиб турадиган ўсимликлар. Уларнинг қари барглари узоқ вақт оз-оздан тўкилиб, ўрнига аста-секин янги ёш барглар чиқаверади. Тропик мамлакатларда кенг тарқалган. Бу типдаги ўсимликларга дафна, самбитғул, зайтун, магнолия каби кенг баргли, арча, қарағай сингари игна баргли дарахтлар киради.

ДОИМИЙ ВАКОЛАТХОНА — халқаро ҳуқуқда вакиллик тусидаги орган (миссия). Давлат томонидан ўзи аъзо бўлган бир ёки бир неча ҳукуматларо халқаро ташкилотлар ҳузурида таъсис этилади. Д. в. ўз мамлакати байроғи ва эмблемасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Д.в. ва унинг ходимлари ҳуқуқий мақоми, имтиёз ва иммунитетлари даражаси халқаро битимлар, шунингдек, ўзи истиқомат қилаётган мамлакат қонунлари орқали белгиланади. Ўзбекистон Республикаси БМТ, ЮНЕСКО ҳузурида ва б. халқаро ташкилотларда ўзининг Д.в.сига эга. Ўз навбатида Тошкентда БМТнинг бирлашган ваколатхонаси очилган (1993 й. 24 окт.), Жаҳон банки, Тинчлик корпуси, Қизил Хоч халқаро қўмитаси, Европа ҳамжамиятининг техникавий ҳамкорликни мувофиқлаштириш бўйича Ўзбекистон шўъбаси, Германия техникавий ҳамкорлик жамияти, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, *Конрад Аденауэр жамғармаси*, Халқаро валюта жамғармаси, Германия иқтисодиёти вакиллиги каби халқаро ташкилотлар ваколатхоналари ишлаб турибди.

ДОИМИЙ СУҒОРИШ ШОХОБЧАЛАРИ — экин майдонларини сув б-н етарли таъминлашга хизмат қиладиган ариқлар. Ҳар бир хўжаликнинг сувдан самарали фойдаланиш режасига асосан далага етарли миқдорда сув борадиган қилиб олинади, бунда ариқ дала чегараларидан ўтказилиб, экинларни машиналар воситасида парваришлашга халақит қилмаслиги назарда тутилади. Д.с.ш. ҳар йили кеч куздан эрта кўкламгача, айрим ҳолларда ёз фаслида ҳам тозаланади (яна қ. *Суғориш шохобчалари*).

ДОИРА, чилдирма, чирманда — юмалоқ шаклдаги ўзбек ва тожик урма мусиқа чолғуси. Унинг асосий қисми (гардиши) ток занги, сўнгги йилларда клён (заранг), акация, лўлиларда тол дарахтларидан ишланади. Гардишнинг ташқи томонига бузоқ, той ёки эчкининг ошланган териси қопланади. Ички томонига эса маъдандан ишланган ҳалқачалар осилади (ҳалқасизлари ҳам бўлади). Гардиш диаметри 400—510 мм ни ташкил этади. Доирада товуш икки қўл бармоқлари ёрдамида ҳосил қилинади. Ундан якка ижрода (мас. «Катта ўйин», «Шодиёна» каби йирик туркум асарларда) ҳамда турли хил миллий чолғу ансамбларида жўрнавоз чолғу сифатида фойдаланилади. Д. қадимий мусиқа чолғуларидан ҳисобланади. Марказий Осиё (Нисо ш., мил.ав. 2-а.)да топилган терракота ёдгорликларида доирачи аёллар тасвирланган. 20-а.да ўзбек доира ижрочилик анъаналарини *Уста Олим* Комилов, Т. Иноғомов, Д. Соттиҳўжаев, *Р. Исоҳўжаев*, F. Азимов, Қ. *Дадаев*, О. Камолхўжаев, ака-ука Исломовлар, М. Орипов, Р. Отабоев, Т. *Сайфиддинов*, Р. Самадов ва б. танитган. Д. ва унга яқин урма мусиқа чолғулари тожик, арман, озар, уйғурларда — дап, дапп, дафф, дэф деб номланади.



Доира.

ДОИРА — текисликнинг *айлана* б-н чегараланган қисми. Д. юзи πr^2 га тенг; бунда r — айлана радиуси. Уз. $2\pi r$ бўлган барча ёпиқ чизиқлар ичида радиуси r га тенг бўлган айлана энг катта юзали соҳани чегаралайди.

ДОИРА КВАДРАТУРАСИ — берилган доирага тенгдош квадрат ясаш масаласи. Қад. машҳур 3 масала (яъни бурчак трисекцияси, кубни иккилантириш ва Д. к.) нинг бири. Мил ав. 5-а.да юнон олимлари циркуль ва чизғич ёрдамида берилган доирага тенгдош квадрат ясаш масаласи б-н шуғулланишган (мас., *Гиппократ ойчалари*). Аммо уларнинг уринишлари беҳуда кетган. 1882 й.да немис математиги Ф. Линдеман Д. к. масаласини циркуль ва чизғич ёрдамида ҳал қилиб бўлмаслигини қатъий исботлади. Д. к. масаласини, мас., квадрат-

риса ёрдамида ечиш, тақрибий ва механик усуллар (хусусан, Леонардо да Винчи цилиндри) ёрдамида ечиш мумкин. Д. к.ни тақрибий ҳал қилишни, хусусан шунга боғлиқ π ни тақрибий ҳисоблашни қадимги ўрта осиёлик математиклар ҳам жуда яхши билишган. Мас., Муҳаммад ал-Хоразмий, Жамшид ал-Коши ва б. π сонини катта аниқлик б-н ҳисоблаганлар.

ДОИРА УСУЛИ — қ. *Усул.*

ДОИРАВИЙ ФУНКЦИЯЛАР — тескари *тригонометрик функциялар.* Арксфункциялар деб ҳам юритилади. Мас., x=Arcsinα ни бундай тушуниш керак: x шундай ёйки, унинг синуси α га тенг. Д. ф. *кўп қийматли функция* ҳисобланади.

ДОЙЗИ (Doisy) Эдуард Аделберт (1893—1986) — америкалик физиолог ва биокимёгар. АҚШ Миллий фанлар академияси акад. (1938), Гарвард ун-ти проф. (1954). Витаминлар, жинсий гормонлар ва ўт кислоталари кимёси устида тадқиқот олиб борган. Эстрон (1930), шунингдек, эстрол ва эстрадиол 17 В ни (1936) кристалл ҳолда олган. K_1 витамин (фоллихинон)ни соф ҳолда ажратиб олиб, унинг кимёвий тузилишини аниқлаган (1939). Гормонлар ва ўт кислоталарининг алмашинувини ўрганиб, ўзигача номаълум бўлган ўт кислоталарини кашф этган, уларнинг кимёвий тузилишини ўрганган ва синтез қилган. Нобель мукофоти лауреати (1943).

ДОЙЛ (Doyle) Артур Конан (1859.22.5, Эдинбург — 1930.7.7, Кроуборо) — инглиз ёзувчиси. Эдинбург ун-тини тамомлаган. Шифокор. Ижодини «Сэсасса водийсининг сири» (1879) ҳикояси б-н бошлаган. «Бадарға қилинганлар» (1893), «Сардор Жерар жасорати» (1894—95), «Родней Стон» (1896) тарихий-саргузашт романлар, «Йўқолган дунё» (1912), «Заҳарланган минтақа» (1913), «Маракот жарлиги» (1929) илмий-фантастик асарлар муаллифи. Д.га бош қаҳрамони изқувар Шерлок Холмс бўлган детектив жанрдаги «Тўртлар белгиси» (1890), «Баскервиллар ити» (1901—02), «Даҳшатлар водийси» (1914—15) саргузашт қиссалари ва «Шерлок Холмс саргузаштлари» (1891—92), «Шерлок Холмс ҳақида хотиралар» (1892—93) ҳикоялар тўпламлари ва б. катта шуҳрат келтирди. Лондонда Шерлок Холмс



ёдгорлик музейи ташкил этилган. Д.нинг «Баскервиллар ити» (1971), «Йўқолган дунё» (1983) ва б. асарлари ўзбек тилида нашр қилинган.

ДОЙНА — молдаван ва румин мусиқа фольклорининг асосий жанрларидан; Болгария, Украина, Югославия халқлари ижодида ҳам ўрин олган. Қўшиқ ҳамда чолғу куйларидан иборат. Д. дастлаб 2 қисм (биринчиси — ҳазин қўшиқ, иккинчиси — шўх рақс куйи)дан иборат бўлиб, кейинчалик шаклан ва мазмунан бойиган. Румин ва молдаван композиторлари (Ш. Няга, Д. Гершфельд, Е. *Дога* ва б.) Д. хусусиятларидан ижодий фойдаланган. Молдавия «Д.» давлат хор капелласи фаолият кўрсатмоқда (1930 й.дан).

ДОЙЧЕ БАНК (Deutshe Bank), Немис банки — ГФРдаги акциядорлик банклар концерни, жаҳондаги энг йирик 10 банк қаторига киради. Бош идораси Франкфурт-Майнда жойлашган. 1870 й.да Берлинда ташкил этилган, акциядорлик капитали 15 млн. марка бўлган. 2-жаҳон урушидан кейин 1947 й.да Д.б. филиаллари негизида Ғарб мамлакатлари ёрдами б-н 10 минтақавий ворис банклар ташкил этилган. 1957 й.да бу банклар ягона банк бўлиб бирлашди.

Банк Германия ва чет элларда юридик ва жисмоний шахслардан иборат мижозларига универсал банкларга хос жами хизматлар кўрсатади (кредитлар бериш, депозитларни сақлаш, қимматли қоғозлар савдоси, лойиҳаларни молиялаш, суғурталаш, маслаҳат хизматлари ва б.). 2494 бўлими, шу жумладан чет элларда жаҳон молия марказларида очилган 803 бўлими бор. Шулардан 550 таси Европа мамлакатларида жойлашган. 286 минг акциядор банк мулкдори ҳисобланади, устав капиталида хусусий шахслар ҳиссаси — 38% ёки 2,5 млрд. немис маркаси (1970 й.да 640 млн. марка). Баланс суммаси 722 млрд. марка, ўз капитали 39,9 млрд. немис маркаси (1995). Баланс миқдорининг ярмидан кўпи чет элларда жойлаштирилган. Д.б.нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Тошкент ш.да 1994 й. 2 фев. да очилган.

ДОЙЧЕ ПРЕССЕАГЕНТУР (ДПА), (Deutsche Presseagentur) — Германия халқаро ахборот агентлиги ҳиссадорлик жамияти. 1949 й.да Гамбургда ташкил этилган.

ДОК (инг. dock) — 1) кемаларнинг сувга ботиб турадиган қисмини қуриш, сувдан чиқариб кўздан кечириш ва таъмирлаш учун хизмат қиладиган иншоот. Д. қуруқ, сувли ва сузиб юрувчи хилларга бўлинади. Қуруқ Д. гавань ёки ҳавзанинг қирғоғига қурилади. У деворлари ва туби сув ўтказмайдиган камера, шлюз, насос ст-яси, кемаларни камерага киритиш ва ундан чиқариш жиҳозларидан иборат. Д. ёғоч, тош, пўлат, бетон ва темир-бетондан қурилади. Унга сув тўлдирилиб, таъмирланадиган кема киритилади ва сув чиқариб юборилади, шунда кема махсус тўсинларга ўтириб қолади. Сувли Д.да кема камера девори бўйлаб ясалган майдонга ўтиради. Бунинг учун майдонлар орасидаги каналга насос ёрдамида сув тўлдирилиб, кема киритилади ва сув чиқариб юборилади. Сувли Д.да бир вақтда икки кема таъмирланиши мумкин. Сузиб юрувчи Д. четларига кўтариш кранлари ўрнатилган узун *понтон*дан иборат. Кемани Д.га киритиш учун понтонга сув тўлдирилиб, кема кирадиган даражада сувга ботирилади ва кранлар орасига тўғри келтирилади, сўнгра насос ёрдамида понтондаги сув чиқариб ташланади, Д. сув бетига қалқиб чиқади ва кема понтон тубига ўтиради. Бундай Д.нинг афзаллиги уни исталган жойга олиб бориш мумкинлигидир. Сузиб юрувчи Д. пўлат ва темир-бетондан ясалади; 2) денгиз сатҳи кескин ўзгариб турадиган жойларда кемалар юк ортиш ёки юк туширишга қўйиладиган порт ҳавзаси (камераси). Бундай Д.да сув сатҳи ўзгармай туради.

ДОКА — пахта ипидан полотно ўрилишда жуда юпқа, сийрак қилиб тўқиладиган газлама. Илгари (19-а. 2-ярмигача) Ҳиндистон, Эрон ва б. мамлакатлардан келтирилган. Маҳаллий Д.лар хонаки дўконларда тўқилган. Д.ларнинг кўпчилиги асосан оқ, баъзилари кўк тусда бўлиб, салла, рўмол, пашшахона ва б. тикилган. Ҳозир тўқимачилик корхоналарида тўқилади. Д. уй-рўзғорда, тикувчиликда, хариталарни ёпиштиришда, айниқса, тиббиётда кенг ишлатилади.

ДОКТОР (лот. doctor — устоз) — 1) оғзаки нутқда *врач* маъносини англатади; 2) илмий даража (қ. *Фан доктори*).

ДОКТОРАНТУРА — олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар (фан д-рлари) тайёрлаш шакли. Ўзбекистонда узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми ва олий босқичи. Д. Ўзбекистон Республикаси ФА, вазирлик ва идоралар тасарруфидаги илмий муассасалар, олий ўқув юртлари ва ташкилотларда очилади. Обрўли илмий мактаблар, етарли илмий салоҳият ҳамда зарур лаб.-тадқиқот базаларига ва Ихтисослашган илмий кенгашга эга илмий тадқиқот ин-тлари, олий ўқув юртлари, илмий муассаса ва ташкилотлар қошида фан ва техниканинг энг муҳим мутахассисликлари бўйича фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш, республика ва унинг минтақаларида илмий-техника тараққиёти ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминловчи давлат илмий-техника дастурларини амалга ошириш мақсадида ташкил этилади. Д.га, одатда, ҳимоя қилинган номзодлик диссертациясига мос мутахассислиги бўйича д-рлик диссертациясига камида 50% ҳажмда асос бўла оладиган, илмий натижалари б-н салмоқли ютуқларга эришган, ўзини қобилиятли ҳамда истиқболли илмий ёки илмий-педагог ходим сифатида намоён қилган, фундаментал тадқиқотларни юксак савияда олиб бориш ва халқ хўжалиги ҳамда ижтимоий-иқтисодий муҳим илмий муаммоларни ҳал қилиш қобилиятига эга бўлган 45 ёшдан ошмаган фан номзодлари қабул қилинади. Д.да ўқиш муддати табақалаштирилган тарзда белгиланади (1—3 й.) ва у илмий ёки илмий-педагогик иш стажига қўшилади.

Идора ичида ва идоралараро мақсадли Д. ҳам мавжуд. Мақсадли Д.га тузилган шартнома асосида муассаса ва ташкилотлар томонидан юбориладиган фан номзоди илмий даражасига эга бўлган шахслар қабул қилинади. Д. асосан и.т. ишлари натижаларини, яъни д-рлик диссертациясини Ихтисослаштирилган илмий кенгашларда ҳимоя қилиш б-н якунланади. Диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилганларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси қарори б-н тегишли фан соҳаси бўйича «фан д-ри» илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом топширилади.

Ботир Мирзаҳмедов.

ДОКТРИНА (лот. doctrina) — таълимот, илмий ёки фалсафий назария, сиёсий тизим, бош назарий ёки сиёсий принцип.

ДОКУЧАЕВ Василий Васильевич (1846.1.3, Милюково қишлоғи, ҳоз. Смоленск вилояти Сичёвский тумани — 1903.8.11, Петербург) — рус табиатшунос олими, Петербург ун-ти проф. (1883—96). «Россия қора тупроғи» (1883), асарида генетик тупроқшунослик асосларини яратди, *тупроқшунослик* фанининг асосий қоидаларини таърифлаб берди. «Бизнинг даштлар ўтмишда ва ҳозир» (1892) асарида қурғоқчиликка қарши кураш мажмуининг илмий ечимларини кўрсатиб берган. Россияда б-



федрасига асос солган (1895). Д. гоялари табиий геогр., ўрмончунослик, мелиорация ва б. ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатди. Россия Қишлоқ хўжалиги ФА Тупроқшунослик ин-ти ва б. илмий муассасалар Д. номи б-н аталади.

ДОЛГОПРУДНИЙ — РФнинг Москва вилоятидаги шаҳар (1957 й.дан). Москва ш.дан 18 км шим.даги т.й. станцияси. Аҳолиси 73,1 минг киши (1995). Машинасозлик, нафис органик синтез з-длари, кема ремонти-механика з-ди, театр жиҳозлари ф-каси, Москва физика-техника ин-ти, Гидрометеорология хизмати Бош бошқармаси, Марказий аэрология расадхонаси бор. 30-й.ларда Д.да дастлабки дирижабль қуриш верфи қурилган.

ДОЛЕРИТ (юн. doleros — алдамчи) — кайнотип магматик тоғ жинси, интрузив тоғ жинсларига нисбатан юзароқда ҳосил бўлади. Ички тузилиши офит, пойкилофит, интерсертал, ташқи тузилиши массив, баъзан тошбодом. Ранги қорамтир кулранг. Минерал таркибига кўра Д.нинг оливинли, асл ва лейкодолерит хиллари мавжуд. Д.нинг эфузив аналоги *базальт* деб аталади. Асосан, плагиоклаз, пироксен, озроқ оливиндан иборат. Д. базальт таркибли лава оқимлари марказий қисмининг аста-секин совишидан ҳосил бўлади. Гипабиссал интрузив жинслар (дайка, силл) кўринишида учрайди. Континентлар, океан ости Ер пўсти, ороллар *трапп* формацияларида кўп тарқалган. Ўзбекистонда Чатқол, Қурама, Нуротa, Томди, Бўкантов, Молгузар тоғларида учрайди. Д. б-н мис, никель, кобальт, полиметалл (кўрғошин, рух) ва б. конлар боғлиқ. Д. қурилиш материали сифатида ҳам ишлатилади.

ДОЛИВО-ДОБРОВОЛЬСКИЙ Михаил Осипович (1862.21.12, Петербург — 1919.15.11, Германия) — рус электротехниги. Уч фазали ток техникасини ихтиро қилган (1888). Германиядаги Дармштадт олий техника билим юртида ўқиган (1881—84). Д.-Д. уч фазали асинхрон двигателни яратган, бир қанча электр машина ва аппаратлар (уч фазали трансформаторлар, фазометр, кучланиш бўлгичи, ишга тушириш реостатлари, ўлчаш асбоблари ва б.) ни лойиҳалаган. Франкфурт-Майнда 1891 й.да ўтказилган Халқаро электротехника кўргазмасида биринчи марта уч фазали ўзгарувчан ток энергиясини узоқ масофага (≈170 км га) узатиш мумкинлигини исботлаган.

ДОЛИМОВ Нўъмон Долимович (1906.1.2. — Тошкент — 1977.10.7) — географ олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1970). Тошкент кечки педагогика ин-тини тугатган (1940). Геогр. фанлари номзоди (1944), доцент (1945). Ўрта Осиё давлат ун-ти (кейинроқ ТошДУ деб аталган) география ф-ти декани (1945—68). Илмий фаолияти Ўзбекистон табиатини ўрганишга, луғатлар, табиий географиядан дарсликлар, ўқув географик хариталари, атласлар яратишга бағишланган. Ўқув адабиётларини ўзбек тилига таржима қилишда қатнашган.

Ас.: Географик терминларнинг қисқача русча-ўзбекча луғати, Т., 1953; Ўзбекистон географияси, Т., 1962 (ҳаммуаллиф); Ўзбекистон табиий географияси, Т., 1986 (ҳаммуаллиф).

ДОЛИМОВ Субутой (1907.23.1 — Тошкент — 1991.24.5) — адабиётшунос-педагог. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1967). Тошкент педагогика ин-тини тугатган (1939). Пед. фанлари илмий тадқиқот ин-тида илмий ходим, шўъба мудири (1943—57). ТошДУ да ўқитувчи (1957—62), доцент (1963 й.дан). Олий ва ўрта мактаблар учун дарслик («Ватан адабиёти», 1965) ва услубий қўлланмалар («Ўзбек адабиёти тарихини ўқитиш методикаси», 1976; «Адабиёт ўқитиш методикаси», 1978) муаллифи. *Оғаҳий* (F. Каримов б-н ҳамкорликда), *Алмаий, Лутфий* («Гул ва Наврўз»), *Гулханий* («Зарбулмасал») асарларини, фольклорга оид «Кенг уйнинг келинчаги»ни (1976) нашрга тайёрлаган. «*Қобуснома*»ни ўзбек тилига таржима қилган (1986).

Ас.: Умр сабоқлари, Т., 1982.

ДОЛИМОВ Султон Аминович (1915.5.5 — Тошкент — 1992.12.11) — топограф анатом, хирург. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1975), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач (1962), тиббиёт фанлари д-ри (1969), проф. (1969). ТошМИни тугатган (1937), Сурхондарё вилояти касалхонасининг бош врачи ва хирург (1937—39). 2-жаҳон уруши қатнашчиси. ТошМИ оператив хирургия кафедраси доценти (1948—69), проф., айни вақтда ўқув ишлари (1962—65) ва даволаш ишлари (1967—72) бўйича проректор, 1972 й.дан Ўрта Осиё педиатрия тиббиёт ин-ти (ҳоз. Тошкент педиатрия тиббиёт ин-ти) проректори. Сурункали меъда ярасининг модели ва морфологияси устида тадқиқот олиб борган.

ДОЛИМОВ Тўрабек Нўъмонович (1936.18.8 — Тошкент) — геолог олим. Ўзбекистон ФА акад. (1995). Геол.-минералогия фанлари д-ри (1981), проф. (1985) Н. *Долимов*нинг ўғли. ТошДУни тугатган (1960). Ўзбекистон ФА Геол. ва геофизика ин-тида аспирант (1962), илмий ходим (1965—83). 1973—74 й.ларда Ўзбекистон Геология вазирлиги қошидаги Ўрта Осиё геол. ва минерал хом ашё ин-тида шўъба мудири. 1983 й.дан ТошДУ геол. факультетида кафедра мудири, декан (1985—87). ТошДУ илмий ишлар бўйича проректори (1987—95), 1995 й.дан ҳоз. ЎзМУ ректори. Илмий ишлари бурмаланган ўлкалардаги вулкан жинсларининг петрологияси ва Тяньшаннинг геодинамикасига бағишланган.



Ўзбекистон «Халқ бирлиги» ҳаракати раиси (1995 й.дан), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати (1995 й.дан). «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Бош таҳрир ҳайъати аъзоси (1997 й.дан), «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (1998).

Ас.: Фациальность гранитных формаций. Т., 1972; Вулканогенные формации Узбекистана. Т., 1971; Рифтогенез в истории развития палеозоид. Т., 1988; Кислый вулканизм складчатых областей на примере Срединного и Южного Тянь-Шаня. Т., 1981; История магматизма Тянь-Шаня. Т., 1989.

ДОЛИНСК МАНЗИЛГОҲИ — Нальчик ш. яқинидаги Долинск шаҳарчасидан топилган жез даври (мил. ав. 2-минг йиллик) ёдгорлиги. Қазиш ишлари Шим. Кавказ экспедицияси томонидан олиб борилган (1930, 1932—33). Ҳар хил катталикдаги кулба қолдиқлари топилган. Кулбалар томи ва деворлари четандан, усти сомонли лой б-н сувалган. Ҳар бир кулбада бир неча тандирсимон ўчоқ қолдиғи, ғалла сақланадиган ўра, куйган суяк, сопол синиқлари, тош қуроллар учрайди. Кварц, обсидиан ва чақмоқтошдан ясалган пичоқ, қирғич, ўроқ қадамалари ва ойболталар топилган. Д. м.да мозорқўрғонлар кўп. Кулбалар ва қабрлардан топилган ашёлар қад. долинскликлар чорвачилик ва ибтидоий деҳқончилик б-н шуғулланганини кўрсатади. Уларнинг ижтимоий тузуми матриархат давридан патриархат даврига ўтиш босқичида бўлган.

ДОЛЛАР (инг. dollar, нем. «Taler» сўзидан) — 1) Америка Қўшма Штатлари пул бирлиги. 1786 й.дан муомалага (кумуш Д.) киритилган. 1 Д. = 100 цент. Халқаро ифодаси USD. АҚШ Д. халқаро ҳисоб-китобларда кенг қўлланилади. Муомалада 100, 50, 20, 10, 5 ва 1 Д.ли қоғоз пуллар; 1 ва 0,5, 0,25 0,1 Д.ли тангалар ва 5, 2, 1 центли тангалар ишлатилади. Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари = 694 сўм 83 тийин (2002 й. 5 фев.). 2) Австралия пул бирлиги. 1966 й. фев.да Австралия фунти ўрнига муомалага киритилган. 1 Д.= 100 цент. Халқаро ифодаси AUD. Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ Д.= 1.97 Австралия Д.; 3) Канада пул бирлиги. 1 Д.= 100 цент. Халқаро ифодаси KYD. Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ Д. = 1,53 Канада Д. Шунингдек, Багама, Барбадос Ороллари, Белиз, Бермуда Ороллари, Бруней, Гайана, Зимбабве, Кайман Ороллари, Либерия, Намибия, Сингапур, Соломон Ороллари, Тринидад ва Тобаго, Фижи, Ямайка, Янги Зеландия пул бирликлари ҳам Д. деб аталади.

ДОЛОМИТ (франц. минералоги Д. Доломье номидан) — карбонатлар синфига мансуб минерал. Кимёвий формуласи $CaMg(CO_3)_2$. Оз миқдорда темир, марганец, кобальт, баъзан мис, барий, кўргошин ва б. бўлади. Сингонияси тригонал. Ромб. донадор, буйраксимон шаклларда учрайди. Ранги кулранг оқ, сариқ, кулранг-яшил. Шишасимон ялтироқ. Қаттиқлиги 3,5—4. Зичлиги 2,9 г/см³. Табиатда кенг тарқалган. Д. конлари Россия (Урал), Украинада бор. Ўзбекистонда Д. гидротермал, полиметалл конларида (Хондиза, Учқулоч, Кўргошинкон ва б.) *кварц, барит, пирит, сфалерит, галенит* б-н ертомирлар ҳосил қилган. Зирабулоқ ва Зиёвуддин тоғларида силур даври, Чатқол, Қурама ва Нурота тоғларида девон даври чўкинди жинсларида Д.нинг қалин қатламлари мавжуд. Д. металлургия, кимё саноатида флюс, термоизоляция материали сифатида ва қурилишда ишлатилади.

ДОЛУХАНОВА Зара (Зарци Агасьевна; 1918.15.3, Москва) — опера ва асосан камер йўналишдаги арман хонандаси (меццо-сопрано). Арманистон (1952) ва Россия (1956) халқ артисти. Ереван опера ва балет театри (1939—40), Бутуниттифоқ радио ва телевидениеси (1944 й.дан), Москва филармониясида (1959 й.дан) яккахон хонанда. Ниҳоятда кенг диапазонли овоз соҳибаси. Мукаммал вокал техника, нозик дид ва мусиқий ифодавийлик, ўзига хос талқин Д.ижросига хос. Европа, Америка ва Осиё мамлакатларида (жумладан, Ўзбекистонда ҳам) бир неча марта гастролда бўлган.

ДОЛЧИН, дорчин (Cinnamomum Cassia Blume) — лаврдошлар оиласига мансуб дарахт. Жан. Хитой, Вьетнам, Лаос, Шри Ланка, Индонезия (Ява, Суматра) ва Лотин Америкасида экилади. Доим яшил ўсимлик. Барги қалин, гули майда. Ёш дарахтининг пўстлоғини қуритиб, долчин тайёрланади. Д. таркибида 75—90% долчин альдегиди, 1—2% эфир мойи, 2—3% ошловчи моддалар, 1,35% кальций оксалат ва цаманин борлиги аниқланган. Озиқ-овқат саноатида зиравор сифатида, фармацевтикада ва атир-упа и.ч.да (долчин мойи) ишлатилади.

ДОЛЬМЕНЛАР (бретонча tol — стол ва men — тош) — сўнгги неолит ва илк жез даврига оид дафн иншоотлари. Марҳумларни «доимий уй» б-н таъминлаш мақсадида ҳар бири бир неча тонна оғирликдаги катта тош бўлаклари ва тошталар тик ҳолда ерга ўрнатилиб, усти катта ҳажмдаги бир ёки бир неча массив тошталар б-н ёпилган. Д.нинг ичига алоҳида бўлмалар ясаб марҳум ўтирган ҳолда дафн этилган. Д.нинг ички деворларига ва шипларига қабартириб нақшлар ва бўёқ б-н суратлар ишланган. Д.нинг ичига ўлик кўмиш, дафн этилган мурдаларга «озиқ-овқат олиб кириш» ва қайтиб чиқиш учун жануб ёки шарқ томонларида махсус тошталар қилинган. «Эшик»лари бўлган. Д.нинг ичига юз йиллар давомида ўлик кўмилган. «Жон» ва «руҳ»ларнинг кириб-чиқиб туриши учун «эшик»лари тешиб қўйилган. Д. Европа, Осиё ва Африка қитъаларида топилган. Д. Қрим, Кавказнинг Қора ленгиз соҳилларида, Ўзбекистонда Тошпилди. 1955 й.да Ўзбекистон ФА нинг акад. Я. F. *Гуломов* бошчилигидаги археология отряди Жиззах ш. яқинидаги Қулфсар деган қад. қабристонда Д.ни топди. Унинг икки томони очиқ, атрофи тош териб ўраб қўйилган, тепасидаги тошталар тик ҳолда ўрнатилган. Д. ичидаги ўлик ёнбошлаган ҳолда, оёқлари бир томонга қийшайтирилган ҳолда ётқизилган. Ўлик ёнига ҳайвон қони изи бор. Қулфсар қабристонида топилган Д. жез даврига оид деган хулосага келинди.



Қулфсар қабристонидан топилган дольмен.

ДОМ — бирор жонивор (қуш, ҳайвон)ни тирик тутиш мақсадида қўйилган тузоқ, тўр, қопқон. Турли усул ва шакларда ясалади. Майна, саъва каби қушларни тирик тутиш учун махсус қафаслардан фойдаланилади, қашқир, тулки, кийик каби ҳайвонлар учун қопқон қўйилади, хавфлироқ ҳайвонлар учун эса чуқур қазилади.

ДОМ — қад. ҳинд оғирлик ўлчов бирлиги; Акбаршоҳ (16-а. охири) даврида 1 Д. — 20,963 г бўлган.

ДОМАГК (Domagk) Герхард (1895.30.10, Лагов, Бранденбург — 1964.24.4, Кёнигсфельд, Шварцвальд) — немис патологи ва микробиологи. Бактериялар қўзғатадиган касалликларни кимёвий препаратлар б-н даволаш устида тадқиқот олиб борган. Сўзакни даволаш учун биринчи самарали дори — долмигон (диметиламиносульфоакридин) ишлаб чиққан (1934), сил ва ўсмаларни кимёвий усулда даволаш учун янги препаратлар топган. Сульфаниламид препаратларининг бактерияларга қарши таъсир кўрсатишини асослаб берган ва даволаш амалиётида жорий этган. Нобель мукофоти лауреати (1939).

ДОМЕН (лот. dominium — мулк) — 1) Ғарбий Европада ўрта асрларда поместье (вотчина)нинг бир қисми, ер эгаси (феодал) унда ўз хўжалигини юргизган; 2) қиролга тегишли ворисий ерлар йиғиндиси (қирол Д.и).

ДОМЕНЛАР (франц. domaine — бу ерда соҳалар, қисмлар) — магнит, электр ёки эластиклик хоссалари б-н ёхуд зарраларнинг тартибли жойлашганлиги ёки эластиклик хоссалари б-н ёхуд зарраларнинг тартибли жойлашганлиги ёки йўналганлиги б-н бир-биридан фарқланувчи бир жинсли муҳит соҳалари. Ферромагнит ва антиферромагнит Д., сегнетоэлектр Д., Ганн Д.и, эластик Д., суюқ кристаллардаги Д. ва б. хиллари мавжуд. Ферромагнетикларнинг спонтан магнитланганлиги (атомлар магнит моментларининг параллел йўналганлиги) соҳаси (ўлчами 10^{-5}—10^{-2} см) — ферромагнит Д.ни, сегнетоэлектрикларнинг спонтан магнитланганлиги соҳаси (ўлчами 10^{-5}—10^{-3} см) — сегнетоэлектр Д.ни ҳосил қилади.

ДОМЕСТИКАЦИЯ (лот. domesticus — уйга, яъни хонага тегишли) — қ. *Хонакилаштириш.*

ДОМИНАНТА (лот. dominantis — устувор) — (физиологияда) ҳар қандай ташқи ва ички таъсирга организмларнинг муваққат жавоб реакциясини белгиловчи, ўзаро боғланган нерв марказларининг устувор системаси. Д. тўғрисидаги таълимотнинг асосий қоидаларини 1911—23 й.ларда рус физиологи А. А. Ухтомский кўрсатиб берган. У бир хил рефлектор ҳаракатларнинг тормозланиши б-н бирга содир бўладиган, организмнинг муайян фаолиятини бажаришга яширин тайёрлигини белгилайдиган «доминант марказий констеляция» тўғрисидаги тушунчани илгари сурди. Д. асословчи қўзғалиш асосида пайдо бўлади. Бирор нерв марказида қўзғалишнинг пайдо бўлиши бошқа марказда сезиларли торможланишга олиб келади. Д. нинг озиқланиш, жинсий муҳофаза ва б. хилларидаги мавжуд. Д. баҳорда бақалар қонида гормонлар концентрациясининг ошиши уларда кучли опичлаш рефлексини пайдо қилади. Шу сабабдан терининг қитиқланиши уларда мудофаа рефлекси ўрнига олдинги оёқларни букувчи мускуллар таранглигини оширувчи рефлексни пайдо қилади. Шундай қилиб, Д. да ўта қўзғалган марказ бошқа марказлар фаолиятини ўзгартириб, ўзига бўйсундиради ва нерв системасининг бир-бутун яхлит система сифатида фаолиятини таъминлайди. Д. хатти-ҳаракатларни йўналтирувчи ситфатида бир қанча мураккаб психик ҳодисаларнинг физиологик асоси ҳисобланади.

ДОМИНАНТЛИК (лот. dominans — ҳукмрон, устун) — аллелларнинг гомо- ва гетерозигота ҳолатларида белгиларнинг фенотипик намоён бўлиши. Ген аллелларининг ўзаро муносабатшакли Д.да бир аллель бошқа аллель устидан тўлиқ (тўлиқ Д.) ёки тўлиқсиз (чала Д.) устунлик қилади. «Д» тушунчасини генетика фанига Г. *Мендель* киритган. Д. қилувчи аллеллар (генлар) катта ҳарфлар (А, В), рецессив аллеллар кичик ҳарфлар (а, в) б-н ифодаланади. Организмлар генотипида доминант генларнинг йиғилиши кўпчилик ҳолларда ҳаётчанликни оширишга, хўжалик жиҳатдан қимматли белгиларни яхшилашга имкон беради. Д. тиббиёт ва қ.х.да муҳим аҳамиятга эга.

ДОМИНИКА — Кичик Антил о.лари архипелагидаги Шамолли о.лар гуруҳига мансуб вулканик орол. Оролда *Доминика* давлати жойлашган.

ДОМИНИКА (Dominica), Доминика Ҳамдўстлиги (The Commonwealfh of Dominica) — *Доминика* о.даги давлат. Маъмурий жиҳатдан 10 туманга бўлинади. Майд. 749,8 км². Аҳолиси 74,2 минг киши (1999). Пойтахти — Розо ш.

Давлат тузуми. Д. Буюк Британия бошчилигидаги *Ҳамдўстлик*ка кирган республика. Амалдаги конституцияси 1978 й. 30 нояб.да қабул қилинган. Давлат бошлиғи — президент (1998 й.дан В. Шоу). У Мажлис палатаси (бир палатали парламент) томонидан 5 й. муддатга сайланади. Конституцияга биноан президент лавозимига фақат бир марта қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Мажлис палатаси, ижроия ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади. Бош вазирни президент Мажлис палатаси аъзолари орасидан тайинлайди.

Табиати. Ер юзаси тоғлик, энг баланд жойи 1447 м (Дьяблотен вулкани). Иқлими тропик ва нам, аммо шим.-шарқдан эсувчи пассат шамоли туфайли иссиқ унчалик сезилмайди. Ўртача ойлик т-ра 25—27°. Йиллик ёғин миқдори 1500—2500 мм, июлдан сент.гача баъзан довуллар бўлиб туради. Тоғлардан ям-яшил ўрмонлар оралаб кўпгина майда сой ва дарёлар оқиб тушади, гўзал шаршаралар кўп, уларнинг энг чиройлиси Розо ш.дан 8 км наридаги Трафальгар шаршарасидир. Мамлакат кўкатлар, айниқса бутазорлар, бамбук ва турли пальмаларга бой. Иссиқ булоқлар, Морн-Труа-Питон миллий боғи бор.

Аҳолиси, асосан африкалик доминикаликлар. Инглиз ва французлар ҳам яшайди. Расмий тили — инглиз тили, маҳаллий креол тили кенг ёйилган. Диндорлар орасида католиклар кўпчиликни ташкил этади.





Доминика байроғи.

Тарихи. Д.ни 1493 й.да Х. *Колумб* кашф этган. Узоқ вақт французлар б-н инглизлар ўртасида талаш бўлиб келди. Париж шартномасига биноан 1763 й.дан узил-кесил Буюк Британия мустамлакасига айланди. 1958—62-й.ларда Вест-Индия Федерацияси таркибига кирди. 1967 й. 1 мартдан «Буюк Британия б-н уюшган давлат» мақомини олди. 1978 й. июлда Лондонда бўлиб ўтган конференцияда Д. конституцияси ишлаб чиқилди ва унга мустақиллик бериш ҳақида қарор қабул этилди. Ўша йил 3 нояб.да Д. мустақиллиги эълон қилинди. Д.— 1978 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 3 нояб.— Мустақиллик куни (1978).

Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. Д. лейбористлар партияси, 1985 й.да тузилган; Д. меҳнаткашлари бирлашган партияси, 1988 й.да тузилган; Д. Озодлик партияси, 70-й.ларнинг бошларида тузилган; Д. тараққийпарвар партияси, 1990 й.да асос солинган. Фуқаро хизмати иттифоқи касаба уюшма бирлашмаси, 1940 й.да тузилган; Д. ишчилари бирлашган иттифоқи, 1960 й.да асос солинган; Д. касаба уюшмаси, 1945 й.да тузилган.

Хўжалиги. Иқтисодиётининг асосини қ.х. ташкил этади. Ялпи ички маҳсулотда қ.х.нинг улуши 25%, саноатнинг улуши 7,9%. Ернинг кўп қисмини, айниқса соҳилларни бананзорлар, кокос пальмалари, цитрус мевалар, какао, манго, тамаки, токзорлар эгаллайди. Чорвачилик суст ривожланган. Ишчи кучининг салкам 40% қишлоқ ва ўрмон хўжалигида, балиқчиликда банд. Д. саноати қ.х. хом ашёсини қайта ишловчи майда корхоналардан иборат. Турли мева шарбатлари ва консервалари, копра (кокос ёнғоғининг мағзи), совун, эфир мойи ва сигара ишлаб чиқарилади. Озроқ миқдорда тўқимачилик маҳсулотлари, маҳаллий ёғочдан тахта ва фанера ҳам тайёрланади. Жилвир тош ва оҳак тош қазиб олинади. Хорижий сайёҳлик яхши даромад келтиради. Ишчи кучининг 20% шу тармоқда банд. Автомобиль йўллари уз. — 756 км. Халқаро аэропорт ва денгиз порти бор. Четга банан, мева шарбатлари ва консервалари, цитрус мевалар, копра, какао ва совун чиқарилади. Четдан озиқ-овқат, ёқилғи, турли асбоб-ускуналар, транспорт воситалари келтирилади. Савдо-сотиқдаги мингжозлари: Буюк Британия, АҚШ, Канада, Кариб ҳамдўстлигидаги мамлакатлар. Пул бирлиги — Шарқий Карибий доллари.



Доминиканинг Кариб денгизи соҳили.

Маданияти. Д.да катта ёшдаги аҳолининг саводхонлик даражаси — 95%. Пед. ин-ти мавжуд. Д.да «Офишл газетт» («Расмий газета», ҳукумат ҳафтаномаси), «Нью кроникл» («Янги хабарлар», ҳафталик газ., 1909 й.дан) газ.лари нашр этилади. «Доминика бродкастинг корпорейшн» ҳукумат радиоэшиттириш маҳкамаси мавжуд. Кабель телекўрсатуви ишлайди.

ДОМИНИКАНА РЕСПУБЛИКАСИ (Republica Dominicana) — Катта Антил о.лари гуруҳидаги Гаити о.нинг шарқий қисмида жойлашган давлат. Майд. 48,4 минг км². Аҳолиси 8,5 млн. киши (1999). Маъмурий жиҳатдан 29 вилоят ва 1 миллий округга бўлинади. Пойтахти — Санто-Доминго ш.

Давлат тузуми. Д. Р. — республика. Амалдаги конституцияси 1966 й. 28 нояб.да қабул қилинган; 1994 й. ўзгартишлар киритилган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи — президент, у умумий овоз бериш йўли б-н 4 й. муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий конгресс (парламент) амалга оширади. Парламентнинг иккала палатаси — сенат ва депутатлар палатаси умумий овоз бериш йўли б-н 4 й. муддатга сайланади. Ижрония ҳокимиятни президент томонидан тайинланадиган ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Д.Р.нинг соҳиллари кўпгина қўлтиқлар б-н парчаланган. Ҳудудининг ярмидан кўпи тоғ б-н қопланган. Марказий қисмида Кордильера-Сентраль (Дуарте тоғи, бал. 3175 м гача), шим.да Кордильера-Септентриональ (бал. 1249 м гача), шарқда Кордильера-Орьенталь (бал. 701 м гача) тизмалари бор. Жан. соҳили яқинидаги Саона, Каталина, Беата о.лари ҳам Д.Р.га қарайди. Тоғлар оралиғидаги Сибаова Вега-Реаль водийсининг тупроғи ғоят серунум бўлиб, у ерда қ.х. маҳсулотининг кўп қисми етиштирилади, қишлоқ аҳолисининг аксарияти яшайди. Д.Р.даги вулканлар сўнган бўлса ҳам, аммо тез-тез зилзила бўлиб туради. Иқлими — тропик, пассат иқлим. Пасттекисликларда ўртача ойлик т-ра 25—27°, тоғларда бундан 10—12° салқинроқ. Йилига 1000—2000 мм ёғин ёғади, тропик довуллар бўлиб туради. Тоғлардан бошланадиган дарёлар мамлакатни бошдан оёқ кесиб ўтади. Йирик дарёларда кема қатнайди. Тоғлар тропик ўрмон, саванна ва бутазорлар б-н қопланган. Қимматбаҳо ёғоч олинадиган дарахт тури кўп. Минерал булоқлар бор. Миллий боғлари: Арманд-до-Бермудес, Дель-Эсте, Лос-Айтисес.

Аҳолисининг асосий қисми доминиканлар, уларнинг 73% испан-негр дурагайлари, 11% негрлар, 15% оқ танлилардир. Расмий тил — испан тили. Аҳолисининг кўпчилиги католиклар. 60% дан ортиқ аҳоли шаҳарларда яшайди.

Тарихи. Бу ерда 15-а. охиригача уруғчилик босқичидаги индейс қабилалари: сибоней, аравак, таино, кариб қабилалар яшаган. Кўпчилик қабилалар ўтроқ ҳаёт кечирар, сибонейлар овчилик б-н шуғулланар эди. 1492 й.да Х. *Колумб* ороlга келганида уни Испанияга ўхшатиб, Эспаньола деб атади. Араваклар қабиласига мансуб таино индейслари эса уни Гаити дейишарди. Маҳаллий аҳоли оғир меҳнат ва ваҳшиёна муомала оқибатида қирилиб кетди. Шунда испанлар қўшни ороллардан ва Африкадан қулларни олиб келиб, шакаркамишзорларда, чорвачилик ва олтин конларида ишлатишга киришдилар. 16-а. охири ва 17-а. бошларида Франция б-н Буюк Британия оролни эгаллашга ҳаракат қила бошлади. 1697 й. Рисвик сулҳ шартномасига биноан Эспаньола о.нинг ғарбий қисми (ҳоз. Гаити ҳудуди) Францияга топширилди ва Санто-Доминго деб атала бошлади, шарқий қисми (ҳоз. Д.Р. ҳудуди) Испания қўл остида қолди. 1795 й. испанлар оролнинг шарқий қисмини ҳам Францияга топширди. 1804 й.да мустақиллик учун кураш натижасида француз лар оролдан қувиб чиқарилди ва Гаити давлати тузилди. 1844 й. Санто-Доминго озодликка эришиб, Д.Р. деб аталди. 19-а. ўрталаридан мамлакат иқтисодиётига чет эл сармояси кира бошлади. 1905 й. АҚШ Д.Р.ни асоратга солиб, мамлакат божхоналарини ўз назоратига олди. 1916 й. АҚШ қўшинлари ўз сиёсатига қарши кўтарилган исённи бостириш ниятида мамлакатга бостириб кирди ва ҳарбий-оккупация режимини ўрнатди. Бу режим 1924 й.гача жимини ўрнатди. 1930 й. АҚШдаги йирик монополиялар кўмагида Р. Л. Трухильо ҳокимиятни эгаллади. У мустабид режимни ўрнатди. 2-жаҳон урушидан сўнг Лотин Америкасида миллий озодлик ҳаракати кучайиб, Трухильо режимига қарши халқ ҳаракати авж олгач, у собиқ тарафдорлари томонидан ўлдирилди (1961). 1962 й. дек.даги сайловда голиб чиққан Х. Бош ҳокимият тепасига келди. У миллий иқтисодиётни мустаҳкамлаш, АҚШга қарамликни сусайтириш тадбирларини амалга оширди: аграр ислоҳот ўтказиш, сиёсий ва демократик озодлик ҳақида янги конституция қабул қилди. 1963 й. сент.да реакцион ҳарбийлар Х. Бош ҳокимиятини ағдарди. Мамлакатни ҳарбий хунта идора қила бошлади. У конституцияни бекор қилди, барча демократик партияларни тақиқлади. 1965 й. апр. халқ қўзғолони ҳарбий хунтани ағдариб ташлади. Мамлакатда Ф. Кааманьонинг конституцион ҳукумати тузилди. АҚШ эса ўз фуқароларини муҳофаза қилиш баҳонаси б-н Д.Р.га бостириб кирди. Ана шундай бир вазиятда (1966 й.да) сайлов ўтказилди. Реформистлар партиясининг раҳбари Х. Балагер 1966—78 й.ларда президент бўлиб, миллий монополия, ер эгаларининг ва руҳонийларнинг манфаатини ҳимоя қилди. 1978 й. 16 майда ўнг кучларнинг қаршилигига қарамай, инқилобий партия номзоди А. Гусман президент этиб сайланди. 1996 й. 30 июндаги сайловда эса Озодлик партиясининг раҳбари Фернандес Рейна ғалаба қозониб, президент лавозимини эгаллади. 2000 й.дан Д.Р. президенти И. Р. Мехиа Домингес. Д.Р. — 1945 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 27 фев. — Мустақиллик куни (1844).




Сиёсий партиялари, касаба уюшма бирлашмалари. Демократик интеграция ҳаракати, 1970 й.да реформистлар партиясидан ажралиб чиққан фракция негизида тузилган; Кискейяно (Доминикана) демократик партияси, 1968 й.да тузилган; Доминикана коммунистик партияси, 1944 й.да асос солинган; Доминикана озодлик партияси, 1973 й.да тузилган; Доминикана инқилобий партияси, 1939 й.да тузилган; Реформист социал-христиан партия, 1986 й.да тузилган. Мухтор қасаба уюшмалари конфедерацияси, 1962 й.да тузилган; Меҳнаткашлар умумий касаба маркази, 1972 й.да тузилган; Доминикана меҳнаткашлари миллий конфедерацияси, 1988 й.да тузилган.

Хўжалиги. Д.Р. — иқтисодий жиҳатдан заиф аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қ.х., ўрмон хўжалиги ва балиқчиликнинг улуши 15%, саноатнинг улуши 19,2%.

Қишлоқ хўжалигида мамлакат ҳудудининг 35% га яқини фойдаланилади; мамлакат ишчи кучининг 50% шу соҳада банд. Экинзорлар мамлакат шим. даги Сибао ва Вега-Реаль водийларида, жан. соҳилларда ва марказий текисликларда жойлашган. Меҳнат унумдорлиги ва техника б-н қуролланиш паст даражада. Асосий қ.х. экинлари: шакаркамиш, какао, банан, тамаки. Ички эҳтиёж учун шоли, маккажўхори, маниок, батат, ямс, ловия, сабзавот ва б. экилади. Яйлов чорвачилиги бирмунча ривожланган: қорамол, чўчқа, йилқи, парранда боқилади.

Саноати заиф, асосан қ.х. ва чорвачилик хом ашёсини қайта ишлайдиган, озиқ-овқат ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган майда корхоналардан иборат. Қанд-шакар саноати дурустроқ ривожланган. 2-жаҳон урушидан кейин кончилик тез юксала бошлади. Боксит, ферроникель қазиб олиш кўпайди, мис ва темир рудаси, мармар, олтин, кобальт, титан қазиб олинади. Цемент, ёғочсозлик, кимё, нефтни қайта ишлаш корхоналари мавжуд. 1975 й.да Санчес-Рамирес вилоятида Лотин Америкасидаги энг катта олтин ва кумуш карьери ишга туширилган. 20 та эркин иқтисодий зонада кийим-кечак ишлаб чиқарилади. Йилига ўртача 4,6 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Кейинги йилларда чет эл сайёҳлиги ривожланди.




Доминикана Республикаси байроғи.

Транспорти. Мамлакатда т.й. уз. — 1,6 минг км, автомобиль йўли уз. — 17 минг кмдан кўпроқ. Асосий денгиз портлари: Санто-Доминго, Пуэрто-Плата. 6 та аэропорт, шу жумладан Пунта-Кауседода халқаро аэропорт бор. Д.Р. четга қанд-шакар, ферроникель, олтин, кумуш, кофе, какао, банан, боксит, тамаки, мева ва б. чиқаради. Четдан озиқ-овқат, машина ва автомобиллар, электр асбоб-ускуналари, маъданли ўғит, дори-дармон, ёқилғи, пахта келтиради. Савдо-сотиқдаги миллий жозлари: АҚШ ва Европа Иқтисодий ҳамжамияти давлатлари. Пул бирлиги — Доминикана песоси.

Соғлиқни сақлаш. Кўпчилик аҳоли турмушининг тиббий-санитария шароити қониқарли эмас. Давлат бюджетининг 7% соғлиқни сақлашга ажратилади. Аҳолининг жуда оз қисми ижтимоий суғурта ҳисобига тиббий ёрдамдан фойдаланади. Юқумли касалликлардан таносил, иситма-безгак, сил таркалган. Шифокорларни 2 тиббий олий ўқув юрти тайёрлайди.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Д.Р.да 7—11 ёшдаги болалар учун бепул ва мажбурий таълим жорий этилган, бироқ аҳолининг ярмидан кўпроғи саводсиз. Катта ёшдагилар ва қишлоқ аҳолиси орасида саводсизлар айниқса кўп. Давлат мактабларидан ташқари хусусий ва черков мактаблари бор. Уларнинг ҳаммасида таълим давлат дастури асосида олиб борилади. Ўрта маълумот олиш учун бошланғич мактабдан кейин 3 йиллик 2-поғона мактабни ҳам битириш керак.



Домна печи: *1* — скип; *2* — қабул қилиш воронкаси; *3* — шахта тақсимлагич; *4* — кичик конус; *5* — катта конус; *6* — катта конус воронкаси; *7* — ҳимоя сегментлари; *8* — ҳаво фурмаси; *9* — чўян чиқиш тешиги; *10* — шлак чиқиш тешиги.

ДОМРА — рус халқ торли тирнама сози. Олимларнинг тахминларига кўра, туркий халқларнинг *дўмбира* чолғуси негизида пайдо бўлган. Кварта ёки квинта бўйича созланади. Овози ёқимли, диапазони 2,5 октава. Қад. тури 16—17-а.ларда скоморох (масхарабоз) лар ўртасида кенг тарқалган. 1896—1908 й.лари қайта ишланиб, 3 ва 4 торли Д.лари рус халқ чолғулари оркестри ҳамда турли ансамблар таркибига киритилган.



О. Домье. «Робер Макер» (ҳажвий расмлар туркумидан, 1836—38).


ДОМЬЕ (Daumier) Оноре Викторьен (1808.26.2, Марсель — 1879.11.2, Вильмондуа, Париж яқинида) — француз рангтасвири устаси, график рассоми ва ҳайкалтароши; танқидий реализмнинг йирик вакили. 1814 й.дан Парижда; 20-й.ларда расм, рангтасвирдан таълим олган, литография санъати асосларини ўрганган. 1830 й. инқилобидан кейин сиёсий карикатуралар, ҳажвий расмлар яратган, улар алоҳида варақларда ёки безакли нашрларда босилган. Сиёсий арбобларнинг ўткир сюжетли бюстлари (1830—36, 36 та бюст сақланган) кейинчалик портрет-шаржлар яратиш учун асос бўлган («Олтин кесимнинг машҳур кишилари», 1832—33). Д. литография асарларида («Қонун чиқарувчилар уяси», «Биз ҳаммамиз ҳалол одамлармиз, келинг кучоқлашайлик», «Бунисини озодликка чиқарса бўлади», 1934; «Транснонен кўчаси» ва б. туркумлар) бағритош, манман, иккиюзламачи ҳукмдорларни қаттиқ танқид остига олган. 1834 й.дан кейин Д. асосан маиший ҳажвий расмлар ишлаш б-н чегаралана бошлайди («Робер Макер», 1836—38; «Марҳаматли буржуа», 1846—49 ва б.). Д. рангтасвири романтизм б-н боғлиқ, образларнинг ўткир тавсифи, эркин ва моҳирона жамланган лирик ва жўшқин ҳаракатли ранг тизими, нурсоя ўйинидаги кескинлик асарларига алоҳида жозиба бахш этган («Қўзғолон», 1848; «Баррикададаги оила» ва б.). Оддий халқнинг ички қудрати ва маънавий гўзаллигини ифода этган «Кир ювувчи» (1859), «Учинчи класс вагони» (1862—63) ва б., диний мифологик мавзуда композициялар, портретлар, Дон Кихотга бағишланган қатор асарлар яратган («Дон Кихот», 1868 ва б.).

ДОН (юн. номи Танаис) — РФнинг Европа қисмидаги дарё. Уз. 1870 км. Ҳавзасининг майд. 422 минг км². Ўрта Россия қирларининг шарқий ён бағридан бошланиб, Азов денгизининг Таганрог қўлтиғига қуйилади. Юқори қисми тор водийдан оқади; ўнг қирғоғи баланд (90 м гача), соҳилида жар кўп. Чуқ. 20 м гача. Д.га ўнгдан Северский Донец, чапдан Медведица, Сал ирмоқлари қуйилади. Д.нинг қуйи қисмида Цимлянск сув омбори ва ГЭС бор. Ростов-Дон ш.дан қуйида Д.нинг дельтаси (майд. 340 км²) бошланади. Ўртача сув сарфи 935 м³/сек. Д. кема қатнайдиган Волга-Дон канали орқали Волга б-н боғланган. Асосан қор ва ёмғирдан сув олади. Нояб. ва дек.да муз б-н қопланиб, мартда муздан бўшайди. Д.да Сосна дарёси қуйилиш еридан 1604 км гача, Лиски ш.дан 1355 км масофада мунтазам кема қатнайди. Балиқ овланади. Д. бўйида Калач-Дон, Ростов-Дон, Азов ш.лари жойлашган.

ДОН, дончa (caryopsis) — ғалла экинлари меваси ёки дуккакли дон ўсимликлар уруғи; деҳқончиликда етиштириладиган асосий маҳсулотларнинг бири. Д. одам истеъмол қиладиган озиқ-овқат, ун, пиво, крахмал-патока, спирт, аралаш ем тайёрлаш учун хом ашё ҳамда қ.х. ҳайвонлари учун тўйимли озуқа. Д.ни қайта ишлаб олинган маҳсулотлар нон, макарон, қандолатчилик корхоналарида ишлатилади. Инсоният оқсилнинг 50%, углеводларнинг 70%, ёғларнинг 15% ини Д. маҳсулотларидан олади.

Ғалла экинлари дони бир уруғли қуруқ мева; буғдой, жавдар, маккажўхори ва арпа б-н сулининг ялангоч донли шаклларида пўстсиз ҳамда сули, арпа, шоли, тариқ ва б.да юпқа пўстли бўлади. Д.нинг асосий қисми эндоспермдан иборат. Д. тегирмонда тортилганда эндоспермдан уннинг муҳим қисми ҳосил бўлади. Эндосперм ҳужайраларининг кўп қисми крахмал ва оқсил моддалар б-н тўлган. Эндоспермнинг охирги қавати — алейрон қават оқсил ва ёғга бой. Навли ун тортишда бу қават кепакка қўшилиб кетади (одам организмида яхши ҳазм бўлмайди).

Д.нинг ички тузилиши ундаги крахмал доначаларининг жойлашиши ҳамда хоссаларига, оқсилларнинг хоссалари ва тақсимланишига қараб шаффоф (шишасимон), ярим шаффоф ва унсимон бўлади. Д.нинг учки қисмида муртак бўлиб, унда оқсил, ёғ, қанд, витаминлар ва ферментлар кўп. Буғдой дони вазнининг 81—84,2% эндосперм, 6,8—8,6% алейрон қават, 1,4—3,2% муртак ва 3,1—5,6% пўстдан иборат. Д.нинг озиқ-овқатлик ва емлик қиммати ундаги моддалар ва уларнинг таркибига боғлиқ.



Дон: *1*—уруғ пўсти; *2*—эндосперм; *3*—муртак учи; *4*—муртак илдизи; *5*—муртак уруғпалласи.

Турли экинлар донининг ўртача кимёвий таркиби, %

Экин тури	Сув	Оқсиллар	Углеводлар			Клечатка	Ёғлар	Кул	100 г. ининг энергетик қиммати (кЖ)да
			жами	моно- ва дисахаридлар	крахмал				
Юмшоқ буғдой (кузги)	14	11,6	68,7	2,6	53,7	2,4	1,6	1,7	1331
Жавдар	14	9,9	70,9	3,5	54	1,9	1,6	1,7	1339
Арпа	14	11,5	65,8	3,6	50,1	4,3	2	2,4	1301
Сули	14	11,5	65,8	3,6	50,1	4,3	2	2,4	1255
Маккажўхори	13,5	10,1	57,8	1,2	56,1	10,7	4,7	3,2	1406
Гуруч	14	10,3	67,5	2,7	56,9	2,1	4,9	1,2	1213
Гречиха	14	7,3	63,1	3,1	55,2	9	2	4,6	1284
Тариқ	14	11,6	59,5	1,5	54,9	10,8	2,3	1,8	1301
Сорго	13,5	11,2	60,7	2,5	54,7	7,9	3,8	2,9	1188
Нўхат	13,5	11,1	66,4	1,6	56	3,5	3,3	2,2	1268
Соя	14	23	53,3	4,2	46,5	5,7	1,2	2,8	1653
Ловия	12	34,9	26,5	9	2,5	4,3	17,3	5	1293
Чечевица	14	22,3	54,5	4,5	43,4	3,9	1,7	3,6	1297
	14	24,8	53,7	2,9	39,8	3,7	1,1	2,7	

Дуккакли Д. экинларининг пишган донида эндосперм бўлмайди. Уруғ пўст (қобиғи) б-н қопланган, унинг остида муртак жойлашган.

Д. таркибидаги углеводларнинг асосий қисми крахмалдир. Клечатка б-н гемицеллюлоза ҳужайра қобиғи таркибига киради. Қандлардан мальтоза, глюкоза ва фруктоза бор. Буғдой донининг оқсиллари, асосан, глиадин ва глютелинларга киради. Буғдой оқсиллари ҳамир қоришда сув б-н бирикиб клейковина ҳосил қилади, хамирнинг чўзилувчанлиги, ғоваклиги ва ноннинг ҳажми клейковинанинг миқдори ҳамда сифатига боғлиқ бўлади. Дуккакли дон экинлари донининг оқсиллари, асосан глобулинлар ва озроқ альбуминлардан иборат. Улар ғалла экинлари оқсилларига қараганда тўйимлироқдир. Ёғлар асосан муртакда, ер ёнғоқ б-н сояда уруғпаллаларда кўп бўлади. Д. кули таркибида фосфор, калий, магний, кальций, кремний ва б. элементлар бор. Ферментлар (амилаза, мальтоза, сахароза, липаза ва б.), асосан, муртакда тўпланган. Д. таркибида витаминлардан тиамин (B_1), рибофлавин (B_2), пиридоксин (B_6), никотинамид (PP), аскорбат кислота (C) ва б. бор.

Д.нинг сифати янгилиги, ранги, ҳиди, таъми, тоза-ифлослигига, зараркунанда ҳамда касалликлар б-н зарарланиш даражаси ва б. кўрсаткичларга қараб баҳоланади. Омборларда сақланиш даврида Д. намлиги 14—17%, ифлослиги 1% дан ортиқ бўлишига йўл қўйилмайди (яна қ. *Дон экинлари, Дуккакли дон экинлари*).

Рихсивой Жўраев.

ДОН ЕТИЛИШИ, дон тўлишиши — ғалла экинлари донининг истеъмол қилинадиган даражада пишиши. Д.е. думбуллик ва тўла (техник) пишиш (мум каби юмшоқроқ) даврларига бўлинади. Сутланиш даврида дон тўла шаклланган, ранги яшил, таркибида 50% атрофида сув бўлади, қуруқ модда тўпланиши б-н эзилганда ичидан сутга ўхшаш суюқлик чиқади. Ўсимликнинг энг пастки биринчи ва иккинчи тартиб барглари сарғайган, қолганлари яшил рангда бўлади. Мум пишиш даврида дон сал сарғаяди. Бу даврнинг бошларида донда қуруқ модда тўпланиши тўхтайди, у анча юмшоқ, сернам бўлади. Шу даврнинг охирига бориб, дондаги нам 22—30% гача камаяди, дон зичлашади. Бошоқли экинларда асосий поя сарғаяди, фақат поянинг юқори қисмигина яшиллигича қолади. Тўла пишиш даврига ўтганда ўсимлик тупи учигача сарғаяди, дони қотади. Маккажўхори, оқ жўхори, тариқ, шолида дон етилиши ва поялар қуриши ўзгача ўтади. Мас., маккажўхорининг айрим навларида дон тўла етилганда ҳам поя ва барглар яшил ҳолда қолаверади. Бу эса дон учун экилган маккажўхори пояларини силос қилиш имкониии беради.


ДОН ЖАМҒАРМАЛАРИ ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ — қ. *Омбор зараркунандалари.*

ДОН ЖУАН, Дон Хуан (Don Juan) — ўрта асрларда Европада яратилган кўпгина адабиёт ва санъат асарларининг қаҳрамони; маишатбоз, ахлоқий ва диний меъёрларни бузувчи, ҳаётини айш-ишратга бағишлаган рицарь образи. Унинг биринчи бадиий талқинини испан драматурги Тирсо де Молинанинг «Севилиялик шўх бола ёки Тош меҳмон» (1630) пьесасида кузатиш мумкин. Ундаги Д. Ж. аёлларни йўлдан уришга устасифаранг, шаҳватпараст шахс. Бу образ ижтимоий жиҳатдан гоят типик бўлганидан кўпгина ёзувчилар, мусиқачилар, рассомларнинг эътиборини тортган. Француз драматурги *Мольер* ҳам Д. Ж. ҳақидаги халқ афсоналарини қайта ишлаб, «Дон Жуан» реалистик комедиясини (1665) яратди. Д. Ж. образига 19-а.даги романтик ёзувчилар Э.Т.А. Гофман, А. Мюссе, инглиз шоири Ж. *Байрон*, рус шоири А. С. *Пушкин* ва б. ҳам мурожаат қилишган.

ДОН ЙИҒИШ КОМБАЙНИ, ғалла йиғиш комбайни — бошоқли дон экинлари (буғдой, арпа, шоли)ни бир йўла ўриш, ғалла массасини уюмдан ажратиб олиш ва бошоқларини янчиб донини ажратиш, тозаланган донни бункерга узатиш, сўнгра транспорт воситаларига ортиш, похол ва сомонларни уюм қилиб далада қолдириш ёки майдалаб далага сочиш ва б. ишларни бажарадиган қ. х. машинаси. Уни махсус мосламалар б-н жиҳозлаб, узел ва механизмлари иш режимини ўзгартириб ундан *дон ўриш машиналари* б-н ҳосил қилинган уюмлар қаторини йиғишда, силос бостиришда ва донга мўлжалланган маккажўхори, кунгабоқар ва б. экинларни ўришда фойдаланиш мумкин.

Д. й. к.нинг ўзиюрар ва тиркама хиллари бор. Тиркама Д. й. к.нинг иш органлари тиркалган трактор нинг қувват

Дон йиғиш комбайни схемаси.






«Массей фергусон» (АҚШ) дон йиғиш комбайни.

олиш валидан ёки комбайндаги двигателлар ёрдамида ҳаракатлантирилади. Ўзиюрар Д. й. к. эса комбайнга ўрнатилган двигателдан ҳаракатланади. Дастлабки Д. й. к. 19-а. охирида АҚШ да тайёрланган. Бу комбайн 20—30 от б-н тортиб юрилган. 20-а. 20-й.ларига келиб анча такомиллаштирилган; барча ёғоч қисмлар металлга алмаштирилган. Иш органлари ички ёнув двигателлари б-н ҳаракатга келтирилган. От ўрнига дастлаб локомотив, кейин трактордан фойдаланилган. 30-й.ларда кўпроқ тиркама Д. й. к. тайёрлашга эътибор берилган. Кейинчалик тиркама комбайнлари. ч. кескин қисқарди. 1962 й.дан бошлаб Россияда СК-4, СК-5, СК-5А «Нива», СК-6 «Колос» СК-6-8 русумли ўзиюрар комбайнлар чиқарила бошланди. Д. й. к. вазифасига, энергетика воситасига қўшилишига, ўрилган ғалланинг комбайн ичида ҳаракатланиш йўналишига, юриш қисми ва иш қурилмаларининг турига, бункер, мотор ва кабинанинг жойлашиш ўрнига ҳамда иш унумига қараб таснифланади. Д. й. к. ғалла ўриш, уюмлар қаторини йиғиш, янчиш-ажратиш-тозалаш, похол-сомонни ғарамлаш қисмларидан иборат. Янчиш қисми кўндаланг жойлашган бир ёки икки барабанли ва бўйлама йўналишда жойлашган аксиал-роторли бўлади. Бир барабанли Д. й. к. (1-расм) ҳаракатланганда мотовило пояларни қирқиш аппаратига узатади, қирқилган поялар шнек ёрдамида қия камерага узатилади. Камера ичидаги транспортёр ғаллани юқорига, янчгичнинг қабул битерига, қабул битерининг тишли планкалари ғалла-пояларни қисман майдалаб ва текис ёйиб, янчиш барабани (саваячили ва тишли) га узатади. Унда бошоқлар барабан остлигига зарб б-н урилиб ишқаланади. Бошоқлардан ажралган дон ва майда хас-чўплар барабан остлиги кўзларидан ўтиб пастга, элаш тахтасига тушади. Похол ва унинг ичида қолган бошоқлар ва донлар қайтариш битери ёрдамида клавишли похол элагичга узатилади. Унда эланган бошоқлар ва донлар ажралиб, элаш тахтасига тушади. Элаш тахтаси тебранганда донлар қуйи қатламда, енгил сомон-қипиқлар эса устки қатламда силжийди. Донлар тароқ кўзларидан тўкилиб, устки ғалвирнинг бошланиш қисмига, сомон-қипиқлар эса тароқ сиртидан ғалвирнинг ўрта қисмига тушади. Тоза дон остки ғалвирга, ундан элеватор орқали бункерга узатилади. Енгил сомон-қипиқларни вентилятор олиб кетади. Янчилмаган бошоқлар устки ғалвир охиридаги жалюзали узайтиргич кўзларидан тўкилиб, бошоқлар шнегига, ундан қайтариш битерига узатилади. Битер аралашмани қайта янчиш барабанига узатади. Похол-сомонлар ғарамлагичда зичланади. Похол-сомонларни анғизга уюм шаклида тўкишда ғарамлагич ва узатгичлар ечиб олинади. Похолларни майдалаб далага сочиш лозим бўлганда пичоқли ва вентиляторли махсус мослама ўрнатилади.

Аксиал-роторли Д. й. к. (Россиянинг Дон-2600, АҚШ нинг «Массей фергусон» дон йиғиш комбайнлари) қуйидагича тузилган (2-расм). Олд томонга қия ўрнатилган роторнинг бош қисмига жуда мустаҳкам икки куракли винтсимон паррак ўрнатилган. Паррак занжир-планкали қия транспортёрдан ғаллани қабул қилиб олиб, роторнинг иш қисмига йўналтиради. Роторнинг олдинги қисмида бошоқлар янчилади, кетинги қисмида эса похолдаги донлар ажратилади. Роторнинг янчиш қисмига винт йўналишида сават-чилар ўрнатилган, ажратиш қисмига эса, олдий тўғри планкалар бириктирилган. Барабан остлигидан ўтган донлар тўрт қатор ўрнатилган шнекларга, булардан эса шамол-ғалвирли тозалагичнинг устки, сўнгра остки жалюзали ғалвирларига, булардан эса дон шнегига тушади. Ҳаво оқими кучли диаметрал вентилятор б-н ҳосил қилинади. Ротор б-н барабан остлиги орасидаги тирқиш катта бўлганидан, донлар шикастланмайди, янчиш жараёни ротор бўйлаб давом этгани учун бошоқлар тўлиқ янчилиб, кўпроқ дон олинади. Похол-сомонлар пичоқ б-н майдаланиб далага сочилади ёки қатор уюмга ташланади.

ДОН КУЯСИ (Sitotroga cerealella Oliv.) — хавфли омбор зараркунандаси. Қурти (личинкаси) маккажўхори сўталари, арпа, шоли, бугдой, жавдар, шунингдек, сули, оқ жўхори ва дуккакли экинлар донини шикастлайди. Капалаги 6—9 мм, қаноти ёзилганда 11—19 мм. Олдинги қанотлари учли, учида ингичка тилларанг попуги бор, қаноти асосидан қора чизиқ ўтган. Қурти 7—8 мм, оқиш, боши қўнғир, ҳаракатчан, дон мағзини еб, шу жойда гумбакка айланади. Ғумбаги 6—6,5 мм, ранги тўқ қўнғир. Д. к. пиллага ўралган қуртлик ҳолида қишлайди, қўкламда ғумбакка айланади. Ғумбаклик даври 10—15 кунга боради, кейин капалакка айланиб, ургочиси дон юзасига 200 тагача тухум қўяди. Бир йилда 5—8 насл беради. Тухуми ривожланиши учун 27—28° ҳарорат ва дон намлиги 12%дан юқори бўлиши керак. Тухумдан 10—15 кунда қурт чиқади, дон б-н овқатланади. Кузда омборнинг девор ва полига ўрмалаб чиқиб, пилла ўрайди. Ўзбекистоннинг жанубий р-нларида дала экинларига ҳам зарар етказади.




Дон куяси: 1 — капалаги; 2 — қурти; 3 — куя зарарлаган буғдой.

Кураш чоралари: омбор ичи, асбоб-ускуналар янги ҳосил қабул қилингунча инсектицидлар ва б. препаратлар суспензияси ёки уларнинг эмульсияси б-н дориланади, эшик ва деразалари зич ёпилиб, метил бромид, хлорпикрин ёки дихлорэтан препаратлари б-н дезинфекция қилинади.

Лутфи Мирмақсудова.

ДОН ОТ ЗОТИ — салт миниладиган ва аравага қўшиладиган от зоти. Дон казаклари томонидан Дон дарёси ҳавзасидаги дашт минтақасида маҳаллий отларни, 15—19-а.ларда маҳаллий жанубий Россия зотларини Қорабоғ, форс, араб, соф насли туркман от зотлари б-н чатиштириб яратилган. Д.о.з. нинг туси малла, жийрон, гавдаси йирик. Ёзнинг жазирама иссиқ ва қишнинг



Дон от зоти.

совуқларига бардошли. Яғрини бал. 160—163 см, тана қия уз. 162—165 см, кўкрак айланаси 195—198 см, поча айланаси 20—21 см. Чопқирликда уч ёшлиси 2400 м масофани 2 мин. 43,2 сек.да босиб ўтган. Россиянинг Ростов, Қозоғистоннинг жан. вилоятларида урчитилади. Кўпгина мамлакатларда, жумладан, Ўрта Осиёда маҳаллий от зотларини яхшилашда фойдаланилади.

ДОН ПАРВОНАСИ, омбор парвонаси (Ephestia elutella Hв.) — парвоналар (Pyralididae) оиласига мансуб омбор зараркунандаси. Кавказ, Ўрта Осиёда кўп учрайди. Қурти дон, дон маҳсулотлари, какао дуккаги, кофе донн, мева қоқилари ва б. зарарлайди. Капалаги қаноти ёзилганда 12—17 мм. Олдинги қанотлари оч кулранг, чети қизғиш ёки қўнғир. Тухуми оқ, думалоқ (диаметри 0,35—0,45 мм). Қурти 12—13 мм, дуксимон, хира оқ. Ғумбаги 0,5—6,5 мм, сарғиш-қўнғир. Қуртлик даврида қишлайди. Ургочиси 150 тагача тухум қўяди. Тухумдан 4—5 кунда қурт чиқади. Қуртлик даври 40—80 кун, ғумбаклик даври 6—11 кун. Йилига 2—4 авлод беради.



Дон парвонаси: 1 — капалаги; 2 — қурти.

Кураш чоралари: омборлар янги ҳосилни қабул қилишдан олдин девор ёриқлари гексахлоран дусти аралаштирилган лой б-н сувалади, бино атрофи тозаланади. Бино ичи, асбоб-ускуналар препаратлар суспензияси ёки эмульсияси б-н дориланади ва аэрозол шашкалар тутатилади, омбор дераза ва эшиклари зич ёпилиб, метил бромид (1 м³ ҳажмга 40 г), хлорпикрин (1 м³ ҳажмга 25—40 г) ва дихлорэтан (1 м³ ҳажмга 280—300 г) б-н дезинфекция қилинади.

Лутфи Мирмақсудова.

ДОН СЕЯЛКАСИ — буғдой, арпа, сули ва б. донли экинлар уруғини қаторлаб экиш учун мўлжалланган машина (қ. *Сеялка*).

ДОН ЭКИНЛАРИ, донли экинлар — *дон* учун экиладиган энг муҳим қ. х. экинлари гуруҳи; Д. э. дони инсоннинг асосий озиқ-овқат маҳсулоти; саноатнинг кўпгина тармоқлари учун хом ашё, шунингдек, чорва молларн учун ем. Донининг таркиби ва маҳсулоти истеъмол қилиниши жиҳатдан ғалладошларга, монанд, балда экинлар (*шоли, сули, маккажўхори, жўхори* ва б.), шу жумладан ёрмабоп экинлар (*тариқ, жўхори* ва *маржумак* ва б.), дуккакдошларга мансуб дуккакли дон экинлари (*ловия, нўхат, соя, вика* ва б.) бўлинади. Д. э. ичида ғалла экинлари етакчи роль ўйнайди. Ботаник шакли хилма-хиллигига қарамай, улар кўпгина умумий морфологик хусусиятларга эга. Пояси — ҳавол похол-поя (бугдой, шоли, сули) ёки юмшоқ тўқималар б-н тўлган (маккажўхори, жўхори). Барги қин ҳамда тасмасимон шаклдаги барг пластинкасидан иборат. Қининг барг пластинкаси б-н туташ жойида ингичка тилча бўлиб, у похол-поя б-н туташган бўлади. Тилчанинг ҳар иккала томонида қулоқчалар жойлашади, аммо айрим ғалла экинлари (сули, шоли) да қулоқчалар бўлмайди. Тўпгулли бошоқ (бугдой, жавдар, арпа) ёки рўвак (сули, тариқ, шоли, жўхори). Ғалла экинлари тўпгули бир қанча бошоқлардан ташкил топади, улар бошоқ дўнгчаларида ёки рўвакнинг марказий ва ён шохчаларида жойлашади. Гуллари икки жинсли, маккажўхорида айрим жинсли. Меваси донча. Ғалла экинлари дони таркибида углеводлар (қуруқ моддага нисбатан 60—80%), оқсил (қуруқ моддага нисбатан 7—20%), ферментлар, витаминлар B_1, РР ва провитамин А кўп. Вегетация даврига қараб Д. э. кузги ҳамда баҳорги (эртаги ва кечки) га бўлинади.

Д. э. дунёнинг деҳқончилик қилинадиган жами минтақаларида тарқалган. Унинг жан. ва шим. тарқалиш чегаралари деҳқончилик чегаралари б-н мос келади. Бугдой барча қитъаларда экилади, шоли Осиёда, маккажўхори Шим. Америкада ва Европада, сули Шим. Осиё ва Африкада энг кўп майдонларни эгаллайди. Жаҳон бўйича Д.э.нинг жами майдони 679983 минг га, ялпи ҳосил 2064178 минг т, ҳосилдорлик 30,3 ц/га ни ташкил этади. Жумладан, бугдой 215272 минг га, ялпи ҳосил 583624 минг т, ҳосилдорлик 27,1 ц/га, маккажўхори 139214 минг га, ялпи ҳосил 600418 минг т, ҳосилдорлик 43,13 ц/га, арпа 56410 минг га, ялпи ҳосил 130064 минг т, ҳосилдорлик 23,06 ц/га, шоли 155128 минг га, ялпи ҳосил 596485 минг т, ҳосилдорлик 38,4 ц/га (1999). Ўзбекистоннинг суғориладиган шароитида 20-а.нинг 90-й.ларидан бошлаб Д. э. дан буғдой, маккажўхори, арпа, шоли гўза-ғалла-беда алмашлаб экишда асосий экин сифатида экилади. Республикада дон экинлари майдони 1611,9 минг га, шу жумладан буғдой 1354,8 минг га, шоли

Ялпи ҳосил жами дон экинлари бўйича 3915,7 минг т, ҳосилдорлик 26,9 ц/га, шу жумладан буғдой бўйича тегишлича 3521,7 минг т, 27,5 ц/га, шоли — 154,8 минг т, 23,9 ц/га, маккажўхори (дон учун) — 131,4 минг т, 31,6 ц/га бўлди. Д. э. ўтмишдоши ғўза ва унга йўлдош экинлар ҳисобланади. Суғориш шароитида Д. э. дан юқори ҳосил олишнинг асосий шартлари: серҳосил навларни экиш, ўғитни илмий асосланган меъёрда солиш, ўз вақтида суғориш, бегона ўтларни йўқотиш, ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш, *алмашиб экиш* қоидаларига риоя қилиш. Ўзбекистонда Д.э.ни етиштириш бўйича асосий ишлар (тупроққа ишлов бериш, экиш, ҳосилни йиғиб олиш ва б.) тўла механизациялашган.

Қўзибой Душамов.

ДОН ЎРИШ МАШИНАЛАРИ, ғалла ўриш машиналари — бошоқли ва дуккаклидон экинларини ўриб, далада қатор уюм шаклида қолдирувчи машиналар. Ўриладиган экин турига кўра ғаллаўргич, шолиўргич ва нўхатўргичларга; трактороа уланишига кўра тиркама ва ўрнатма хилларга бўлинади. Асосий қисмлари: мотовило, қирқиш (ўриш) аппарати, тасмали транспортёр ва тракторнинг кетинги қувват олиш валидан ҳаракат узатиш механизмидан иборат. Мотовило 5 ёки 6 планкали бўлиб, ғалла поляларини пичоққа, қирқилган поляларни эса транспортёрга узатади. Планкалар хаскашлар (тароқсимон жойлашган чивиқлар) б-н жиҳозланган. Хаскашни эксцентрикли механизм ёрдамида ҳаракат йўналишига нисбатан олд томонга —15° ёки орқага +15—30° қиялантириш мумкин. Сегмент-бармоқли қирқиш аппаратининг трапециясимон сегментли пичоғини кривошип-шатунли механизм илгариланма-қайтма ҳаракатга келтиради. Қўзғалмас бармоқларга қарши қирқиш пластиналари бириктирилади. Қатор уюмни шакллантириш усулига қараб бир, икки ва уч оқимли Д. ў. м. бўлади. Қатор уюмларда ғалла кўпи б-н 7 кун ётганда поляларнинг намлиги камаяди, донлари эса тўлишиб етилади, сўнгра *дон йиғиш комбайнлари* б-н йиғиб олинади. Комбайн керакли нагрузка б-н ишлаши учун қатор уюмнинг 1 м узунликдаги вазни 2,5—4 кг бўлиши лозим. Асосий кўрсаткичлар: қамраш кенглиги 5 ва 6 м (АҚШ нинг Кейс 8200 Д. ў. м.да 6,4—10,67 м); пичоқ йўли 76,2 мм; қирқиш бал. 50—400 мм; мотовилонинг айланиш тезлиги 32—50 айл/мин; иш тезлиги 7—12 км/соат. Тракторларга тиркаб ишлатилади.

ДОНА ГУЛ — *қоракўл* териси гулининг бир тури. Шакли ловияга ўхшашлигидан л о в и я г у л деб ҳам аталади. Д. г. худди қалами гуллилари каби ёпиқ, жингалак учлари гул тагига деярли бутунлай кирган. Бундай қоракўл терилари қиммати жиҳатдан қалами гуллилардан сўнг иккинчи ўринда туради. Тўлиқ жингалакланган чиройли гуллилари соф зот қоракўл қўйлари учун хос белгидир. Д. г. қисқа, энига нисбатан 1,5—2 марта узунроқ (уз. 8—13 мм). Д. г.нинг узунлиги, катта-кичиклиги тери сифатини белгилайди. Д. г.лари майда терилар — флер ва кирпук навга; Д. г. лари ўртача терилар — юпқа жакет; катталари — қалин жакет навга киради. Булардан иккинчиси қимматли ҳисобланади. Д. г.лар, асосан, терининг ёнбош ва сон қисмида, қарчиғайида, тўла сағри ва орқа чўққи қисмида кам шаклланган бўлади.

ДОНА ШЎРА [Gamanthus gamocarpus (Mog.) Bge.] — шўрадошлар (шўрагуллилар оиласи)га мансуб бир йиллик ўт. Пояси ингичка, сершох, барглари цилиндрсимон, этли, поядагилари кетма-кет жойлашган, гул олди барглари қарама-қарши ўрнашган, туби эса бир-бири б-н бирикиб кетган. Ҳар бир барг қўлтиғида биттадан гул етишади. Д. ш. май ойида гуллаб, авг.да уруғ беради. Д. асосан тақир ерларда, шўрхок тупроқда, қумларда ва гил тупроқларда ўсади. Куз ва қишда қўй ҳамда туялар учун яхши озуқа.

ДОНАДОР ОЗУҚА (чорвачиликда) — аралаш ем, ўт уни ва б.дан қаттиқ ғўлак кўринишида тайёрланадиган озуқалар аралашмаси. Юмалоқ, цилиндрсимон, куб шаклида, ўлчамлари (кўндаланг кесими) 1 мм дан 25 мм гача бўлади. Д.о.да озиқ ва минерал моддалар, витаминлар яхши сақланади, ташиш ва фермаларда молларга бериш қулай. Бундай озуқаларни моллар яхши ейди ва улар осон ҳазм бўлади. Д.о. махсус донадорлаш машиналарида тайёрланади. Д.о. ғалла омборлари ва миноралари сақланади.

ДОНАДОР ЎҒИТЛАР — майда доналаштирилган (катталиги 1—4 мм гранула) ўғитлар. Аммиакли селитра, аммофос, мочевина (карбамид) ва б. кўпгина мураккаб ўғитлар донадор ҳолда ишлаб чиқарилади. Сочилувчан, нам тортмайди, яхши агротехник хусусиятларига эга. Сочиб солинган Д. ў. нинг тупроқ, микрофлора ва ўсимлик б-н ўзаро таъсирлашиши кукунсимон ўғитларникидан фарқ қилади. Донадорланган суперфосфат тупроқ б-н анчагина кам таъсирлашади, фосфорнинг оз қисми ўсимлик қийин ўзлаштиради шаклга ўтади. Суперфосфат доналари тупроқда концентрацияси ҳар хил фосфорли манбалар ҳосил қилади; шунинг учун Д. ў. ўсимликларнинг озиқ моддаларни ўз табиатига мос келадиган манбалардан ўзлаштириб олишига имкон беради. Фосфор донадан ташқарига капилляр ва гравитацион сув ёрдамида тарқалади (диффузияланади). Ўсимликлар фосфорни донанинг айнан ўзидан эмас, балки уни ўраб турган тупроқдан (1,5—3 см ва камдан-кам 7 см гача радиусда) олади. Сувда эрийдиган минерал ўғитларни донадор ҳолда, фосфорит уни, оҳак ва б. ни кўпроқ кукун ҳолида ишлатган маъқул. Олмалиқ «Аммофос», Чирчиқ «Электркимёсаноат» акциядорлик жамиятлари, Самарқанд кимё з-дида Д. ў. ишлаб чиқарилади.

ДОНАК — оғирлик ўлчов бирлиги. Жуда қадимдан қўлланилиб келинган. Мавжуд адабиётларда Д.нинг доник ва данак кўринишлари ҳам учраб туради. Д.ни баъзан донг ҳам дейишади. *Донг* Д.нинг араблаштирилган кўринишидир. Бухорода 1 мисқол 4,8 г бўлгани учун 1Д.=1 донг = 0,80 г бўлади; Хоразм мисқоли (14—15 а.ларда) 4,53÷4,55 г бўлгани учун 1Д.=1 донг=0,755÷0,7583 г ёки яхлитланган ҳолда 0,76 г га тенг бўлган.

ДОНАТЕЛЛО (Donatello, асли Донато ди Никколо ди Бетто Барди, тахм. 1386 — Флоренция — 1466.13.12) — италиялик ҳайкалтарош, Италия Уйғониш даври ҳайкалтарошлиги асосчиларидан. Д. ижодида Уйғониш даврига хос бўлган воқеликни тасвирлашда янги, реалистик тасвир воситаларини излаш, инсонга ва унинг руҳий оламига эътибор ўз аксини топган. Флоренция собори ён пештоқлари учун ишланган авлиёлар ҳайкаллари (1406—08)да готикага хос хусусиятлар сақланган. Авлиё Георгий ҳайкали (мармар, 1416)да инсонпарварлик ва ватанпарварлик ғоялари кўтаринки руҳда акс эттирилган. Д. бўртма тасвир (рельеф)да чизиқ перспектива имкониятларидан фойдаланиб ўзига хос нафис рельеф санъатини яратишга муяссар бўлган (Падуядаги Сант-Антонио черкови меҳробига ишланган рельеф, 1446—50), антик давр шаклларини Уйғониш даврига мослаштириб ҳайкалтарошлик намуналарини («Давид», бронза, 1430), Уйғониш даврининг биринчи дунёвий ҳайкалини («Гаттамелате», бронза, мармар, 1447—53 ва б.) яратган.



Донателло. Гаттамелате ҳайкали (бронза 1447—53, Падуя).

ДОНГ — Вьетнам пул бирлиги. 1946 й.дан Вьетнам Демократик Республикасида муомалага киритилган. 1 Д.=10 хао (1 хао = 100 су). 1955—78 й.ларда Шим. Вьетнам ва Жан. Вьетнамда алоҳида-алоҳида янги Д. муомалада бўлди. 1978 й.дан Вьетнамнинг ягона пул бирлигига айланди. Халқаро ифодаси VND. Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари =15075,8 Д. (2002, янв.).

ДОНГ —1) *динор* ёки *дирҳам*нинг 1/6 га тенг оғирлик ўлчови ва шу вазндаги акча; 2) тарихий манбаларда учрайдиган ва қиймати бўйича *газ*нинг 1/6 ига тенг бўлган ўлчов бирлиги. Агар газ ўртача 71 см бўлса, 1Д.=1/6 газ = =1/6·71 см =11,83 см бўлади. Газнинг бошқа ўлчамлари қўйилса Д.нинг қиймати ҳам ўзгаради; 3) юза ўлчов бирлиги; жуда қадимдан Ўрта Осиёда асосан ернинг юза ўлчов бирликлари 1/6 *таноб*ни ва 1/6 *жариб*ларни белгилашда қўлланилган. 1 газ 71 см деб олинса, 1 таноб = 1 жариб = 1814,76 м² бўлади. Бу ҳолда 1Д. =1/6 таноб =1/6 жариб =1814,76 м²/6 = 302,46 м².

ДОНЕЦК (1924 й.гача Юзовка, 1961 й.гача Сталино) — Украинадаги шаҳар (1917 й.дан). Кальмиус дарёси бўйида. Донецк вилояти маркази. Т.й. тугуни. Аэропорт бор. Аҳолиси 1075 минг киши (1997). Ёндош шаҳарлар б-н бирга саноат тугуни ва шаҳар агломерацияси ни ташкил этган. Оғир саноатнинг энг йирик марказларидан. *Донецк тошкўмир ҳавзаси*дан кўмир қазиб олинади. Қора ва рангли металлургия, машинасозлик (кон, металлургия жиҳозлари ва б., музлатгич, кабель, велосипед ва б. ишлаб чиқарилади), кимё (кимёвий реактив, пластмасса з-длари), қурилиш материаллари, кокс кимёси, озиқ-овқат, енгил (шу жумладан ип-газлама) саноат корхоналари бор. Украина ФА нинг и. т. институтлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари (шу жумладан ун-т), 3 театр (шу жумладан опера ва балет театри), ўлкашунослик музейи ва бадиий музей мавжуд. Д.га 1869 й. асос солинган.

ДОНЕЦК ВИЛОЯТИ (1961 й.гача Сталино вилояти) — Украина таркибидаги вилоят. 1932 й. 17 июлда ташкил этилган. Украинанинг жан.-шарқида. Майд. 26,5 минг км². Аҳолиси 5125,4 минг киши (1997), асосан, украинлар, шунингдек, яҳудий, белорус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 18 туманга бўлинган, 49 шаҳар, 139 шаҳарча бор. Маркази — Донецк ш.

Д.в.нинг кўп қисми дарё водийлари, жарлар ўйиб юборган тўлқинсимон текисликдан иборат (бал. 200 м гача). Шим.-шарқида Донецк қирлари (бал. 350 м гача), ундан ғарбда Днепр бўйи пасттекислиги, жан.да Азов бўйи қирлари бор. Иқлими мўътадил континентал. Янв.нинг ўртача т-раси шим.-шарқда —7,8°, жан.да —5,4°, июлники шим.-шарқда 20,8°, жан.да 22,8°. Йиллига 450—500 мм ёғин ёғади. Йирик дарёлари: Северский Донец, Самара, Волчья ва б. Тупроғи кўп қисмида қора-тупроқ. Ўрмонлар бор. Азов денгизи соҳилида чўл ўсимликлари ўсади.

Д.в.да оғир саноат (кўмир қазиб олиш, металлургия ва машинасозлик) ривожланган. Д.в. тошкўмир қазиб олишда МДҲда Россиядан кейин 2-ўринда туради. Қора металлургияда маҳаллий кокс ва Кривой Рог ҳамда Керчь рудаси ва Никополь марганеци ишлатилади. Артёмовск рангли металл з-ди, Константиновка «Укрцинк» з-ди, Никитовка симоб к-ти ва Часовий Яр ўтга чидамли буюмлар к-ти ишлаб турибди.

Д.в. оғир машинасозликнинг йирик марказларидан. Кокс кимёси з-длари бор. Йирик қурилиш материаллари саноатида цемент, ойна, йиғма темирбетон, шифер, асбест ишлаб чиқарилади. Славянскда йирик қалам ф-каси бор. Енгил ва озиқ-овқат саноати ҳам ривожланган. Энергетика хўжалиги маҳаллий кўмир ва қисман бошқа ерлардан келтириладиган нефть б-н ишлайди. Йирик ГРЭСлар бор.

Қ.х. кўп тармоқли, юксак даражада механизациялашган. Галла ва техника экинлари, сабзавот-полиз, картошка ва ем-хашак экинлари экилади. Богдорчилик ҳам ривожланган. Токзорлар кенгайтирилмоқда. Чорвачиликда кўпроқ қорамол боқилади; чўчқачилик, қўйчилик ва паррандачилик ҳам ривожланган.

Т.й.нинг асосий магистраллари: Донбасс—Харьков ва Донбасс—Днепр бўйи ва б. Т.й.лар электрлаштирилган. Автомобиль йўллари уз. 8,2 минг км. Аэропортлари: Донецк, Мариуполь. Азов денгизи бўйидаги йирик порти — Мариуполь. Олий ўқув юртлари, жамоат кутубхоналари, музейлар, театрлар ишлаб турибди.

ДОНЕЦК КРЯЖИ — Шарқий Европа текислигининг жан.даги қир. Украинанинг жан.-шарқи ва РФнинг ғарбий қисмида. Шим.да Северский Донец водийсига тик тушган. Уз. 370 км, эни 120 км. Д. к. асосан тошкўмир даври қумтошларидан, сланец ва оҳактошлардан таркиб топган. Энг баланд жойи 367 м (Могила-Мечетная тепалиги). Карст рельеф шакли кўп. Д.к. дашт зонасида жойлашган. Сувайиргичлари тўлқинсимон текислик бўлиб, ҳайдалиб экин экилади. Янв.нинг ўртача т-раси —6° дан —8° гача, июлники 20,9—22,9°. Йиллик ёғин 556 мм (гарбида). Д. к. чеккаларида қоратупроқ, марказида сур тусли подзолланган тупроқ тарқалган. Д. к. ҳудудида Донецк кўмир ҳавзасининг бир қисми, рангли металл рудаси конлари бор.

ДОНЕЦК ТОШКЎМИР ҲАВЗАСИ — Европадаги муҳим кўмирли ҳавза. Украинанинг Луганск, Донецк, Днепропетровск, қисман Полтава, Харьков ва РФнинг Ростов вилоятларида жойлашган. Майдони 60 минг км². Шундан Украинадагиси 40 минг км² дан кўпроқ. Кўмирнинг баланс захираси А+В+С$_1$ тоифа бўйича 56 млрд. т, С$_2$ тоифа бўйича 18,1 млрд. т. Украинадаги кўмирнинг захираси юқоридагига мувофиқ 48,6 ва 14,2 млрд. т. Д. т. ҳ.нинг тектоник тузилиши Украина кристалли қалқони б-н Воронеж кристалли массиви оралиғидаги синклинорийдан иборат. Ҳавзанинг геологик тузилишида юқори палеозой, мезозой ва кайнозой эраларига мансуб чўкинди жинслар иштирок этган.



Донецк шаҳрининг соҳил қисми.

Кўмир қатламлари карбон даври ётқизиқларида жойлашган. Бу ётқизиқлар оҳактош, аргеллит ва алевролитлардан ташкил топган. Д. т. ҳ.нинг кўмирга самарадорлиги ўрта карбон даврига тўғри келади. Д. т. ҳ.да 330 га яқин кўмир қатлами маълум. Булар қуйи, ўрта ва юқори карбон ётқизиқларида. Кўмир таркибидаги учувчан моддаларнинг миқдори ва б. хоссаларига кўра Д.т.ҳ. кўмири 8 маркага бўлинган. Ёнганда 7150 ккал/кг дан 8600 ккал/кг гача иссиқлик чиқаради. Д.т.ҳ.нинг гидрогеологик шароити қатламлардан кўмир олишга жуда қулай. Шахталарни деярли сув босмайди.

Д.т.ҳ.да тошкўмир дастлаб 1721 й. Кундарюч дарёси ўзанидан топилган. 1864—70 й.ларда ҳавзанинг биринчи геологик харитаси тузилган. Кўмир дастлаб оддий усулда олинган. 1892—1926 й.ларда мукаммал геологик съёмка ўтказилган. Дастлабки шахта 1895 й.да Луганск металлургия з-дини ёқилғи б-н таъминлаш мақсадида қурилган. Д.т.ҳ.да кўмир шахта усулида қазиб олинади. Д.т.ҳ. кўмири қора металлургия, иссиқлик электр ст-ясида ва б. мақсадларда ишлатилади.

ДОНИЁЛБИЙ (?—1785) — *мангитлар*нинг нуфузли *бий*ларидан, *оталиқ*. Бухоро амири *Муҳаммад Раҳим*нинг катта амакиси. 1758 й. 24 мартда Муҳаммад Раҳим вафотидан сўнг унинг ўғиллари бўлмагани учун хонлик тахтига вояга етмаган набираси Фозилтўра ўтқазилган, *Миёнкол* ҳокими бўлган Д. унга оталиқ қилиб тайинланган. Бундан норози бўлган вилоят ҳокимлари, кенагас, юз, баҳрин, бурқут ва сарой қабилалари амирлари марказлашган ҳокимиятга қарши исён кўтариб, 10 минг йигитни қуроллантириб Бухоро томон юришган. Уларга қарши чиққан Д. исёнкор вилоят ҳокимлари б-н бир битимга келишган. Унга кўра, Фозилтўрани тахтдан тушириб, ўрнига аштархоний шаҳзодалардан бўлган Абулғози хонлик тахтига ўтқазилган (1758—85). Д. ҳам оталиқ мансабини, ҳам амалдаги ҳукмдорликни ўз қўлида сақлаб қолган. Д. оталиқ даврида ҳам ўзаро урушлар давом этиб, Кармана, Ўратепа, Нурота, Шеробод, Бойсун ва б. жойларда маҳаллий кучлар бош кўтариб, пойтахт измидан чиқишга ҳаракат қилганлар. 1781 й. Россия ҳукумати Бухоро б-н савдо битими тузишни таклиф этганида Д. бу битимни 92 ўзбек қабиласи бошлиқлари розилигисиз имзолай олмаслигини билдирган. Бу ҳолат Д. даврида Бухоро амирлигидаги сиёсий марказлашув даражаси Муҳаммад Раҳим давридан анча паст бўлганидан

дарак беради. Бу табиий суратда Бухоро ш. аҳолисининг норозилигига сабаб бўлган. Бундан ташқари Д. қўшин таъминоти учун кўплаб қўшимча солиқлар жорий этиб, бу б-н пойтахтдаги ҳунармандлар ва савдо аҳлини ўзига қарши қаратиб қўйганди. 1784 й. Бухорода қўзғолон кўтарилиб, унда мингга яқин киши ўлдирилган. Д. ҳокимиятни шаҳарликлар орасида обрўэътибори баланд бўлган ўғли *Шоҳмурод* (1785—1800) га топширишга мажбур бўлган. Бухоро хонлигини бирлаштириш ва марказлаштириш учун курашни Шоҳмурод давом эттирган. Шоҳмурод Д. жорий этган солиқларни бекор қилган.

Манғитлардан бўлган бухоролик тарихчи Муҳаммад Ёқубнинг ёзишича: «Д. сахий ва мурувватли ҳоким сифатида машҳур бўлган, лекин давлат (молия) ишлари б-н қизиқмаган. Бирон ишни бошлашдан олдин ишнинг кўзини биладиган кишилар б-н маслаҳатлашган». Д. хонлик унвонини қабул қилмаган, оталиқ унвони б-н қаноатланган.

Д. даврида меъморий ёдгорликлардан Халифа Худойдод мажмуаси (масжид, мадраса, сардоба ва мозор, 1777) қурилиши бошланган.

ДОНИЁР ҚЎҒИРЧОҚБОЗ (асли Шаҳсуворов Дониёр, 1876—1962, Бухоро) — халқ қўғирчоқ театри устаси. Томошани ўзбек ва тожик тилларида кўрсатган. Бобоси Абдулла, отаси Шаҳсувор санъаткор бўлганлар. Д.қ. сурнай чалишни отасидан ва Ашир қора меҳтардан ўрганган. Қўғирчоқ ўйнатишни эса машҳур қўғирчоқбоз *Зариф мискар*га шогирд тушиб ўзлаштирган (ҳам «чодир жамол», ҳам «чодир хаёл» театрини ўрганган). Зариф мискар бошчилигида Бухоронинг Лаби ҳовузида, амирнинг шаҳардан ташқаридаги боғида ҳам томошалар кўрсатган. Д.қ. 1910 й.да ўз тўпини тузган ва Кўрҳожи, Кенжа Жумаев каби қўғирчоқбозлар б-н ишлаган. Асосан «чодир жамол» қўғирчоқ театрини ривожлантирган. «Офтобхон ва Моҳтобхон» номли янги комедия яратган.



ДОНИЁРОВ Тошпўлат (1892 — Тошкент — 1953) — ўзбек халқ қўғирчоқбози, янги шаклдаги давлат қўғирчоқ театри ташкилотчиларидан. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1944). «Чодир хаёл» қўғирчоқ театрининг моҳир ижрочиси бўлган. Қад. қўғирчоқ ўйинлари анъаналаридан моҳирона фойдаланган ва уларни тарғиб қилган. 1928 й. Тошкентда иш бошлаган *Рус ёш томошабинлар театри* қошида Ҳ. Абдуллаев, М. Солиев, А. Ҳалимтоев ва б.дан иборат ўзбек қўғирчоқбозлари труппасини ташкил этган. Саҳналаштирган «Салтанат» (С. Абдулла) спектакли б-н Москвада ўтказилган ўзбек санъати декадаси (1937)да қатнашган. Қўғирчоқ концертларида иштирок этган. Д. ёғочдан, кейинроқ латта ва қоғоздан қаҳрамонлар характерига мос қўғирчоқлар ясаган. З. Исҳоқова, А. Сайдалиев, Н. Зайниддинов, М. Раҳматуллаева ва б. Д.нинг шогирдларидир.

Ад.: Кодиров М., Узбекский традиционный театр кукол, Т., 1979.

ДОНИШМАНД ҲОЖИБ (13-а.) — *Чингизхон* ва унинг ворислари давридаги нуфузли шахслардан бири. Чингизхоннинг кўпгина махсус топшириқларини бажарган. Мовароуннаҳрни мўғуллар томонидан истило қилинишида муҳим роль ўйнаган (мас., *Зарнуқ*ни эгаллашда, Чингизхон номидан *Муҳаммад* Хоразмшоҳнинг онаси Туркон хотуннинг кўнглига ғулғула солувчи, уни хиёнат йўлига чорловчи мактубни элтишда ва б.). *Хоразмшоҳлар давлати* қулагач, саройдаги аёллар мўғул амалдорларига бўлиб берилган. Д.ҳ. *Кутбиддин Ўзлоқшоҳ*нинг синглисига уйланган.

ДОНИШМАНДИЯ ДАВЛАТИ — *Каппадокия* вилояти ҳудудида бўлган қад. давлат (1071—1165). Пойтахти — Сивас ш. Д. д.га туркман амирларидан бири — Фози Аҳмад ибн Али ибн Наср Донишманд (?—1106) асос солган бўлиб, аббосий халифа Ал-Қоим Биамриллоҳ (1031—75) унга ўзи Румда фатҳ қилган ерлар (Малотия ёки Мелитена, Сивас) ни инъом этган. Кейин, у ўз давлати ҳудудини Қастамуний ш.га қадар кенгайтирганда, Никсор (Никсар) ни қамал қилаётганда шаҳид бўлган. Унинг авлодлари (Фози Муҳаммад ибн Донишманд, Ёғий Басон Абулмузаффар Низомуддин ибн Муҳаммад, Фози Жамолуддин ибн Низомуддин, Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Донишманд, Абулфидо Исмоил ибн Иброҳим) Амосия (Понт), Анқира (Анқара), Корум ва б. бир қанча шаҳарларни фатҳ этиб, Д. д. ҳудудини янада кенгайтирганлар, византияликлар ва салибчиларга қарши муваффақиятли уруш олиб борганлар, Малотия остонасида *франкла*рни тор-мор келтирганлар. Д. д. 1165 й. *салжуқийлар* томонидан тугатилган.


ДОНИШМАНДЧАХОН — *Чиғатой улуси* ҳукмдорларидан бири. *Чингизхон*нинг учинчи фарзанди *Ўқтойхон*нинг олтинчи пушти ҳисобланади. Амир Қазағон (ҳукмронлик йиллари 1346—58) Қозон Султонхонни қатл (1346) этиб, Д.ни хон деб эълон қилади ва унинг номи б-н танга зарб эттиради. Д. Мовароуннаҳр хони саналса-да, аслида давлат ишларини Қазағоннинг ўзи бошқарган. *Улуғбек*нинг таъкидлашича, Д. Чиғатойхон авлодидан бўлмаганлиги боис амир Қазағон томонидан ўлдирилган (1348). *Амир Темур* ҳокимият тепасига келгач, Д.нинг ўғли Суюрғатмишни хонлик шоҳсупасига (1370—88) кўтарган.

Ад.: Шарафиддин Али Яздий, Зафарнома, Мовароуннаҳр воқеалари, 1360—1370, Т., 1994; Мирзо Улуғбек, Тўрт улус тарихи, Т., 1994; Абулғозий, Шажарайи турк, Т., 1992.

«ДОНИШНОМА» — *Ибн Сино*нинг фалсафий асари. 1031—39 й.ларда ёзилган деб тахмин қилинади. Форс тилида ёзилган. «Д.» Ибн Синонинг кўп жилдли «Китоб аш-шифо» асарининг қисқартирилган нусхаси. «Д.» 4 бўлим: мантиқ, метафизика (илм ул-илоҳий), физика ва мат. (риёзиёт) дан иборат. Асар Ибн Синонинг дунёқарашини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Унда мантиқ илмининг моҳияти, тушунчалари, билишдаги роли, илмлар таснифи, умумий фалсафий тушунчалар, оламнинг моҳияти, вужудга келиши, модданинг абадийлиги, ҳаракати, умумий табиатшунослик (натурфалсафа), геом., арифметика, мусиқа тушунчалари ҳақида қисқа ва изчил фикр юритилади. «Д.» биринчи марта 1891 й.да Ҳайдарободда нашр этилди. 1957 й.да дастлабки 3 бўлими, 1967 й.да 4-бўлими Душанбада биринчи марта рус тилида чоп этилди. «Д.» нинг бир қисми ўзбек тилида босилган.


ДОНОР (лот. dono — ҳадя қиламан, бағишлайман) — бемор (реципиент)га қуйиш учун қонини, кўчириб ўтказиш учун кўмик, тери ёки бирор аъзосини берувчи киши. Қон бериш бўйича Д.лик кўпроқ тарқалган. Д.лик — ихтиёрий ҳисобланади. Ҳоз. бошқа мамлакатлардаги каби Ўзбекистонда ҳам асосан қон ўрнига унинг компонентлари — *эритроцитлар, лейкоцитлар, тромбоцитлар* концентратлари, *плазма* ва препаратлари ишлатилади. Шунинг учун Д.ликка қони беморга ирсият бўйича мос келадиган, қавм-қариндошларда қон препаратларига бўлган эҳтиёжни қоплаш учун эса ихтиёрий (бадалсиз) қон берувчи барча соғлом кишилар жалб этилади.

ДОНОР (физикада) — яримўтказгичларда ўтказувчанликни вужудга келтирувчи электронлар б-н таъминловчи аралашма атоми. Маълум концентрацияли бирор Д.ни киритиб, керакли физик хусусиятга эга бўлган яримўтказгичли асбоблар яратилади. Яримўтказгичнинг кристалл панжара тугунларида жойлашган айрим атомларнинг валентлиги асосий атомлар валентлигидан битта катта бўлган атомлар б-н алмаштирилганда электронлар б-н таъминланиш содир бўлади. Мас., германий панжарасидаги тўртта валент электронларга эга бўлган битта германий атоми бешта валент электронга эга бўлган аралашмалар (фосфор, мишьяк ёки сурма) атоми б-н алмаштирилган бўлсин. Аралашма атомнинг кўшни атомлар б-н ковалент боғланиш ҳосил қилиши учун тўртта электрони етарли. Унинг бешинчи валент электрони гўё ортиқча бўлиб қолади ва у атомдан иссиқлик ҳаракати энергияси ҳисобига осонгина ажралиб, бетартиб ҳаракат қилувчи эркин электронга айланади. Электр майдон таъсирида яримўтказгич кристаллидаги бундай электронлар тартибли ҳаракатга келиб, электрон ўтказувчанликни вужудга келтиради. Бундай яримўтказгичлар одатда *n*-турдаги яримўтказгичлар деб аталади. *n*-турдаги яримўтказгичларнинг электр, оптик ва б. хусусиятлари Д. концентрациясига боғлиқ.




Донор.

ДОНОР-АКЦЕПТОР БОҒ, координацион боғ — кимёвий (ковалент) боғнинг бир тури. Д.-а. б. бир атом (донор)нинг бир жуфт электронига бошқа атом (акцептор)нинг бўш (тўлмаган) электрон қавати тўғри келганда содир бўлади. Бу боғланишда ҳам электронлар икки атом учун умумий бўлади. Аммиак б-н водород иони (протон)нинг ўзаро таъсири натижасида аммоний иони ҳосил бўлиши бунга яққол мисолдир:



Ушбу реакция пировардида тўртинчи ковалент боғ N—H ҳосил бўлади. Аммоний ионидаги барча N—H боғлар ўзаро тенг кучлидир. Бу ҳолда аммиак молекуласи — донор, протон — акцептор (яна қ. *Кимёвий боғ*).

ДОНХЎР ҚЎНҒИЗЛАР (Bruchidae) — ўсимликхўр қўнғизлар оиласи. 1200 га яқин тури бор. Баргхўр қўнғизлар оиласига яқин туради. Танаси уз. 5 мм дан ортиқ. Яхши учади. Тухумдан эндигина чиққан личинкаларининг уч жуфт оёғи бўлиб, улар кейинчалик йўқолиб кетади. Улар, асосан, дуккаклилар уруғида, баъзан печакгулдошлар, соябонгулдошлар ва б. ўсимликлар уруғида ривожланади. Нўхат, ловия Д.қ.лари, хитойда Д.қ., тўрт нуқтали Д.қ. Ўзбекистонда ташқи *карантин* объекти ҳисобланади. Д.қ. ўсимликлар уруғи б-н осонгина тарқалади. Бир қанча тури (мас., ловияхўр, нўхатхўр ва б.) дуккакли ўсимликлар уруғини зарарлайди. Д.қ. тухумини дуккаклилар гулига ёки қўзогига қўяди, қуртлари қўзоқ қобиғини кемириб, уруғи ичига кириб олади. Уруғ ичида қуртлари барча ривожланиш даврларини ўтайди (кураш чоралари ҳақида қ. *Омбор зараркунандалари*).



Донхўр қўнғизлар: 1 — дон қўнғизи; 2 — личинкаси; 3 — зарарланган дон.

ДОПИНГ (инг. doping, dope — наркотиклар бермоқ) — организмнинг рухий ва жисмоний фаолиятини қисқа муддат кучайтирадиган моддалар. Спорт ўйинлари натижаларини яхшилаш мақсадида қўлланилган. Спортчилар орасида Д.дан заҳарланиш ва ўлим ҳолатлари кузатилганлиги учун 1967 й.дан Халқаро олимпиада қўмитаси спорт ўйинлари чоғида Д. қабул қилишни ман этган ва қатъий назорат ўрнатган. Д. ишлатган спортчилар ўйиндан четлаштирилади.

ДОПЛЕР ЭФФЕКТИ, Доплер ҳодисаси — тўлқинлар манбаи уларни қабул қилувчи воситага нисбатан ҳаракатланаётганда тўлқин тебранишлар частотасининг ўзгариши. Биринчи бўлиб австрия физиги ва астрономи Х. Доплер аниқлаган (1842). Барча тўлқинлар (ёруғлик, товуш ва б.)га хос. Манба ва қабул қилгич ўзаро яқинлашганда частота ортади, узоқлашганда камаяди. Мас., яқинлашаётган паровоз қичқириғи баландроқ, узоқлашганиники паст-роқдек туюлади. Манба ва кузатувчи муҳитга нисбатан v' ёки v тезлик б-н товуш тўлқини йўналишига нисбатан φ' ва φ бурчак остида ҳаракатланаётган бўлса, у ҳолда тўлқин частотаси:

$$\nu = \nu_0 \frac{1-\frac{v}{c}\cos\varphi}{1-\frac{v'}{c}\cos\varphi'},$$


бунда: ν_0 — манба чиқарган товуш частотаси, c — товуш тезлиги. Ушбу 2 ҳолни кўриб чиқамиз: 1) манба муҳитга нисбатан ҳаракатсиз ($v'=0$), кузатувчи манбадан узоқлашмоқда ($\cos\varphi = 1$), у ҳолда $\nu = \nu_0(1-v/c)$, яъни частота камаяди. Агар кузатувчи манбага яқинлашаётган бўлса, у ҳолда $\nu=\nu_0(1+v/c)$, яъни частота ортади; 2) кузатувчи ҳаракатсиз ($v=0$), манба кузатувчидан узоқлашганда ($\cos\varphi = 1$) частота камаяди, унга яқинлашганда эса ортади. Электромагнит тўлқинларда Д. э. нисбийлик назариясидан келиб чиқади, у фақат манба ва қабул қилгичнинг нисбий тезлигига боғлиқ бўлади. Ҳаракат йўналиши б-н кузатиш чизиғи орасидаги бурчак φ бўлса, қабул қилинаётган тўлқин частотаси (бу ерда вакуумда тўлқин тарқалиши кўзда тутилади) қуйидагича аниқланади:

$$\nu = \nu_0 \frac{\sqrt{1-v^2/c}}{1-v\cos\varphi/c},$$

бунда: c — ёруғлик тезлиги.

Радиолокация ва гидролокация, Ер сунъий йўлдошларини кузатиш ва б. соҳаларда Д. э. ҳисобга олинади.

ДОР — 1) дорбозлар ўйин кўрсатадиган қурилма. Махсус ёғоч, арқон, чигириқ, мачта, «киндик», ҳавозадан иборат. Икки томонга тўсин, дор маркази (ўртаси)га ёғочдан ясалган баланд мачта ўрнатилади, ҳар икки чекка баландлигига текис тахта («киндик») ўрнатилади, икки томонга чигириқ ва арғимчоқ, сал пастроққа «қулоққўп» боғлаб қўйилади, қурилма тепасига «гумбаз» ишланади. Д. баландлиги 40 м гача бўлган ва ён арқонлари 20—30 томошабин белига боғлаб тортиб турган. Ҳозир Д. бир-бирига уланган трос («арқон»)дан тортилади, дорбознинг оёғи сирғанмаслиги учун бинт ёки изолента б-н ўралади. Ҳозир Д. баландлиги 12—15 м бўлади (356-б.даги расмга қ.). Баъзида Д. б-н ёнма-ён симдор қурилади; яна қ. *Дорбозлик;* 2) осиб ўлдиришга ҳукм этилган жиноятчилар учун қурилган махсус қурилма. Оғир жазо сифатида Шарқ мамлакатларида қадимдан маълум; 3) ювилган кийимкечакни қуритиш, уй жиҳозлари, кийимларни шамоллатиш учун тортилган



Самарқанд Регистон майдонидаги дор ўйини.

арқон; 4) келиннинг уйига келин-куёв сепини намойиш қилиш учун тортиладиган мослама.

ДОР ул-БАҚО (араб. — абадий уй) — ислом динида абадийлик дунёси, охират (нариги дунё) ҳақидаги тушунча. Бунга кўра, у дунёда ўлим йўқ, доимий ҳаёт ҳукм суради, ноз-неъматлар завол топмайди, таомлар ўз-ўзидан ҳазм бўлади, чиқиндилар бўлмайди. Қуръонда охиратнинг абадийлигига далолат қилувчи оятлар бор.

ДОР ул-ФАНО (араб. — ўткинчи уй) — ислом динида инсон яшаётган дунё (бу дунё) «фоний» (ўткинчи) эканлигини билдирувчи тушунча. Унга кўра, бу дунё яхши ва эзгу амаллар, савоб ишлар қиладиган жой. Д. ул-ф.да *дор ул-бақо* учун тайёргарлик кўрилади. Тасаввуфда «фано филлоҳ», яъни Аллоҳ йўлида ўзини фоний ҳисоблаш мақоми қайд этилган. Бунда бу дунёга бефарқ қараш, дунё лаззатларидан воз кечиш каби хусусиятлар кўзда тутилади. Бу дунёни Д. ул-ф. деб аташ 9—10-а.ларда *маломатийлар* тариқатида айниқса кенг расм бўлган.

ДОР ус-СИЁДАТ («Саййидлар уйи») — Шаҳрисабздаги меъморий ёдгорлик (1379—80). Амир Темур қурдирган. 19—20-а. бошларида қисман таъмирланган. Фарзанди Жаҳонгир Мирзо мақбараси (Ҳазрати Имом мақбараси) ва Амир Темурга мўлжалланган ер ости гўрхонаси сақланиб қолган.

Дор ут-тиловат б-н бир ансамблни ташкил қилган. Шарафуддин Али Яздий «Зафарнома»сида ёзилишича, Амир Темур Шаҳрисабзда махсус бино қурдирган, унда ўз ўғли Амирзода Жаҳонгир ва б. амалдорлар ҳамда бузрукворларнинг дахмалари қўйилсин, деб фармон берган.

Д.ус-с. тарҳи *Яссавий мажмуаси*га ўхшаш, асосий ғарбий тарзи равоғи 20 м кенгликда бўлиб, кириш йўли ҳудойихона (ёки саройга), ундан қоқ ўртадаги Амир Темурга мўлжалланган ер ости сағанаси жойлашган бинога олиб боради. Хонанинг муюлишидаги узун йўлакдан ён хоналарга ўтилади. Бу хоналар ошхона, масжид, кутубхона, меҳмонлар турадиган ҳужралар бўлган деб тахмин қилинади.

Жаҳонгир мақбараси Ҳазрати Имом мақбараси номи б-н машҳур. Ислом дунёсида йирик олим ҳисобланган Эрон (Рай ш.)да вафот этган куфалик Имом Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ибн Воҳид Абу Абдуллоҳ Шайбоний хоки Амир Темур томонидан Шаҳрисабзга кўчирилган (1384) деган ривоят бор (тарихий манбалар буни тасдиқламайди). 1868—69 й.ларда ўрнатилган мақбара эшигида Ҳазрати Имом номи ўйиб ёзилган.

Мақбара ичкариси мурабба тарҳли, юза равоқлар ичи ва гумбаз ости бағаллари муқарнас б-н тўлдирилган. Ташқарисида 16 қиррали пойгумбаз устига баланд кулоҳий гумбаз ўрнатилган. Бу меъморий услуб Хоразм меъморлигига хос бўлиб, қурилишда хоразмлик усталар қатнашганлиги ҳақида «Зафарнома»да ёзилган. Ичкарида бағаллар остига зангори бўёқ б-н «Доно киши буюк мақсадлар б-н ҳаракат қилади, тентак одам юксак мақсадни тутиб туради» деган маънодаги ўгитлар ёзилган. Тарзлари сиркор ғиштчалар б-н қопланган. Жан.-ғарбий бурчагидаги минора сақланган. 19-а. ўрталарида мақбара ёнига синчкор катта айвон, ҳужралар ва гумбазли хонақоҳ-жоме масжиди барпо этилган. Масжид қурилиши вақтида Амир Темурнинг ер ости гўрхонасининг қуббаси очилган.

1995—96 й.ларда археологик қазишмалар натижасида мажмуанинг тарҳи аниқланди, пойдеворлари мустаҳкамланди, атрофи ободонлаштирилди. Умумий таъмирлаш тадбирлари Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва нишонлаш даврида амалга оширилди.

Умумий ўлчамлари: Д.ус-с. — 70×50 м, Жаҳонгир мақбараси — 25×15 м, Амир Темур гўрхонаси 5×5 м, масжиди 35×20 м.

Ад.: Маньковская Л. Ю., Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари, Т., 1979.

ДОР ут-ТИЛОВАТ (Қуръон ўқиладиган, тиловат қилинадиган жой) — Шаҳрисабз марказида *Дор ус-сиёдат* мажмуаси ғарбида темурийлар хонадонига мансуб қад. иншоотлар — *Шамсиддин кулол мақбараси, Гумбази Саййидон* ва мадраса ўрнида барпо этилган *Кўк гумбаз масжид*дан иборат мажмуа жойлашган.




Дор ус-сиёдат. Умумий кўриниши.

Амир Темур томонидан барпо этилган мақбарага 1370 й.да вафот этган пири Шайх Шамсиддин Кулол, кейинчалик пойига отаси Амир Тарағой дафн этилган. Мақбара қурилиши Улуғбек ҳукмронлиги даврида ниҳоясига етган. Унинг қаршисида масжид, жанда яна бир мақбара қад кўтарган. Мақбарадаги ёзувларда «Бу мақбара улуғ олимларнинг олими... (султонларнинг) аълоси... қонунчилик ва билимда... дин ва эътиқодда тенги йўқ олий ҳазрат Султон Улуғбек Кўрагонийнинг фармони б-н бунёд этилди, Аллоҳ унинг подшоҳлигини ва султонлигини узоқ қилсин, 841 й. ҳижрий» деган ёзув сақланган. Мақбара ичида қўшни қабристондан 15—18-а.ларда кўчириб келтирилган бир неча сағаналар бор. Уларнинг айримларидаги ёзувларда термизлик саййидларнинг номи сақланган.

Ҳовли томонга қаратиб қурилган масжид, мақбаралар ва Д.ут-т. мадрасасининг дарсхонаси, ҳужралари бузилиб, ўрнини кейинчалик қурилган қўшимча хоналар эгаллаган. Д. мажмуасида 18—19-а.ларда қурилган бинолар ҳам бор, бироқ уларни бадиий жиҳатдан Амир Темур ва Улуғбек даври меъморлиги б-н қиёс қилиб бўлмайди. 1994—96 й.ларда олиб борилган археологик тадқиқотлар асосида жоме масжиднинг икки тарафидаги ғиштин равоқли айвон қолдиқлари, мадраса, дарвозахона ва миноранинг пойдевор қолдиқлари аниқланди. Мажмуанинг тарихий шаклини тиклаш мақсадида масжид айвонлари, мадрасасининг бир қисми, минора тикланди. Кўк гумбаз ва Гумбази Саййидонда ҳам таъмир ишлари олиб борилди.

ДОРБОЗЛИК, дор ўйин — баланд *дор* устида томоша кўрсатиш санъати, цирк санъати жанри. Дор устида ҳар қандай нотурғун ҳолатда ҳам гавда мувозанатини сақлаш маҳорати намойиш этилади. Д. тахм. 2,5 минг йил муқаддам Шарқда пайдо бўлган, сўнг бутун дунёга тарқалган. Д. дастлаб паст қурилган, машқлари ҳам содда бўлган. Давр ўтиши б-н дор тобора баландроқ қурилиб, ўйинлари мураккаблаша борган. Д. ўйинлари аввал очиқ майдонларда, 18-а. охиридан эса цирк саҳнасида намойиш этиладиган бўлди ва цирк санъатининг ажралмас қисмига айланди, янги тараққиёт даврини бошлади.

Ўзбекистонда Д. қадим тарихга эга. Баъзи манбалар Амир Темур саройида ажойиб дор ўйинлари кўрсатилганини тасдиқлайди. Д. Ўзбекистоннинг барча йирик шаҳарларида, айниқса Қува, Асакада тараққий этган. Ўтмишда ўзбек дорбозлари Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, 18—19-а.ларда Россияда ўз маҳоратларини намойиш этганлари тўғрисида маълумотлар бор. Ўзбек дорбозлари 25—30 м баландликдаги устунларга қия қилиб тортиладиган арқон устида лангар-чўп б-н бўладиган ўйинларни: югуриш (олға, орқага), сакраш, оёқларга пичоқ ёки патнис боғлаб, шунингдек, кўзни боғлаб, бошга халта ёки қозон кийиб юриш, якка ва қўш чиғириқда ўйнаш каби турли-туман машқларни бажарган. Дор ўйинлари дор тагида раққосларнинг ўйинлари, қизиқчилар, аскиячиларнинг чиқишлари ҳамда анъанавий цирк турларидан симдор, ёғочоёқ, найрангбозлик, бесуяк, муаллақчилик, ўргатилган айиқ, илон, маймун, от, эчки ўйинлари б-н бирга олиб борилган.




Дор ут-тиловат. Умумий кўриниши.

20-а.да ўзбек Д. санъатини янги мазмунда ривожлантиришда ва анъаналарни давом эттиришда Асака дарбозлари сулоласининг атоқли намояндаси Тошканбой Эгамбердиевнинг хизмати жуда катта (қ. *Тошканбоевлар*), 20-а.нинг ўрталаридан бошлаб ўзбек дорбозлари репертуарига бирмунча ўзгаришлар киритилди. Муҳофаза воситаларидан фойдаланиш натижасида дор устида янги, мураккаб ўйинлар ижро этила бошлади. Якка киши машқлари б-н бир қаторда 2, 3, 4 киши ижро этадиган машқлар кўрсатиладиган бўлди. Жумладан, икки дорбознинг бир-бирини елкасида ёки бошида туриб дордан ўтиши, обкашнинг икки томонида ўтирган дорбозларни олиб ўтиш, дорда ўтирган дорбоз устидан сакраб ўтиш, умбалоқ ошиш, елкаси б-н дорга тиралиб, оёқни тепага чўзиш, икки дорбоз елкасига ўрнатилган тахта кўприкча устида тик туриш ва ҳ. к. Бу каби мураккаб ўйинлар 1950—70 й.лар фаолият кўрсатган Шокиржон Тошканбоев, Одамбой Иброҳимов, Усмонжон Нишонбоев, Эргаш ва Ҳакимжон Парпиевлар, Қосим Абдуллаев, Жўрахўжа Норхўжаев раҳбарлигидаги жамоаларда намойиш этилган. Ҳоз. кунда Юнусали Фозиев, Ноибжон Ҳакимов, Тўлқин Болтабоев, Аҳаджон Муродов, Аҳаджон Набиев, Анвар Мўйдинов раҳбарлигидаги жамоалар Д. анъаналарини давом эттириб келмоқда. Д. санъатини ривожлантириш ва тарғибот қилиш мақсадида мунтазам равишда дорбозлар кўрик-танлови ўтказилади.



Камолиддин Тошканбоев раҳбарлигидаги дорбозлар гуруҳининг чиқиши.



Мурод, Тоҳир ва Беҳзод Тошканбосвлар «Уч кишилик устун» ўйинини намойиш этмоқда.

Мустақилликдан сўнг ўзбек дорбозлари ўз санъатларини дунёнинг турли мамлакатларида намойиш этмоқдалар. «Ўзбекдавлатцирк» республика бирлашмасининг Олимжон, Тоҳир ва Мурод Тошканбоевлар раҳбарлигидаги «Ўзбекистон дорбозлари» жамоалари қад. Д. анъаналарини замонавий цирк-нинг бадиий ифода воситалари б-н бойитиб келмоқда.

Пўлат Тошканбоев.

ДОРЕ (Dore) Гюстав (1832.6.1, Страсбург — 1883.23.1, Париж) — француз график рассоми, иллюстрация устаси. Д. ижоди камолотида О. *Домье* санъатидан илҳомланган. Романтик хусусиятга эга бўлган жўшқин тасвирий, ҳажвий иллюстрациялари, ҳаётий қизиқ воқеалар, енгил юморли асарлари б-н ҳикоянавис уста рассом сифатида шуҳрат қозонган. Ф. Рабле («Гаргантюа ва Пантагрюэль», 1854), О. Бальзак («Қизиқ ҳикоялар», 1855—56), Данте («Илоҳий комедия», 1861), Сервантес («Дон Кихот», 1862—63) ва б. асарлари, Инжил (1864—66)га ишлаган расмларида Д.нинг ниҳоятда бой хаёлоти ва ўзига хослиги намоён бўлган. Маиший жанрда асарлар яратган («Кўприкдаги қашшоқлар. Лондон», 1873 ва б.), ҳайкалтарош сифатида ижод қилган (А. Дюма ёдгорлиги, бронза, 1882 ва б.).

ДОРИ — касалликларни даволаш ёки олдини олиш учун ишлатиладиган модда. Ҳар қандай Д.ни одамларга қўллашдан олдин ҳайвонларда синаб кўрилади ва клиникаларда кузатилади. Д.лар кимё-фармацевтика з-дларида синтетик моддалардан, ўсимлик, ҳайвон ёки микробиологик маҳсулотлардан, тез бузиладиган айрим Д.лар эса дорихоналарда тайёрланади. Д.лар турли хилда, мас., суюқ (қайнатма, тиндирма, эритма, суспензия ва б.), юмшоқ (суртма, *линимент*, крем, паста ва б.), қаттиқ (сочма, таблетка, драже, гранула ва б.) ҳамда алоҳида инъекция мақсадлари учун ампула ҳолида чиқарилади.

Таъсирига кўра, юрак Д.лари, сурги, сийдик ҳайдайдиган, оғриқ қолдирадиган, иссиқ туширадиган, наркотик, уйқу келтирадиган ва бошқа Д.лар бўлади. Бевосита касалликнинг қўзғатувчисига таъсир қиладиган Д.лар алоҳида гуруҳни ташкил этади, буларга *безгак, захм, сил*га қарши ва бошқа Д.лар киради. Улар кимёвий терапевтик воситалар деб аталади. Д.ларнинг шифобахш таъсири беморнинг ёши, аҳволи ва *доза*га боғлиқ. Катта доза организмни заҳарлаши, кам доза эса касаллик қўзғатувчисини ўша Д.га чидамли қилиб қўйиши мумкин. Шунинг учун Д.ни фақат врач буюрган дозада қабул қилиш керак.

Д.лар сиртга ишлатилади, ичирилади, нафас йўли орқали юборилади ва инъекция қилинади. Уларнинг кучи, таъсири организмга қай йўл б-н ва қанчалик тез киритилишига боғлиқ. Баъзи Д.лар такрор юборилганда организмда тўпланиб таъсир этади (қ. *Кумуляция*). Д.ни кўр-кўрона қабул қилиш ярамайди, чунки кўп касалликлар белгиси бирбирига ўхшайди, унинг учун кераксиз Д.ларни қабул қилиш соғлиққа зарар етказади. Организмга кирган Д.лар қисман парчаланади ва ўзгаради, кейин буйрак, ҳазм ва нафас йўллари, тер ва б. орқали чиқиб кетади.

Д.лар уйда болаларнинг бўйи етмайдиган жойда сақланиши керак. Ҳар бир Д.ни яроқлилик муддати ёрлиғида қайд қилинади, белгиланган муддатдан узоқ сақланганда таъсирини йўқотади. Кейинги йилларда хориждан келтирилган Д.лар хили бир қадар ортди, шу боис уни фақат врач маслаҳати б-н қабул қилиш зарур.

Ўзув Зокиров.

ДОРИ ЧАНГИТИШ — ўсимлик зараркунандалари ва касалликларига, шунингдек, бегона ўтларга қарши кукунсимон пестицид(дуст)ларни сепиш; махсус чанглатгичлар б-н сепилади. Д.ч. вақтида препарат заррачалари шамол таъсирида вазнга қараб ҳар хил узоқликка тарқалади. Заррачаларнинг ишлов берадиган юзага тушиш вақти уларнинг катталиги ва оғирлигига боғлиқ; дуст заррачаларининг катталиги ер аппаратлари учун 15—25 мкм бўлиши керак. Д.ч. асосан эрталаб ва кечқурун, фақат ҳаво салқин вақтларда кундузи ўтказилади, чунки баргларнинг нам сатҳи дустлар заррачаларини яхшироқ ушлаб қолади. Чангитиш муддати қ.х. экинлари зараркунандаларининг ва касаллик қўзғатувчиларининг биологик хусусиятлари ҳамда иқлим шароитига қараб белгиланади. Д.ч.ни шамол тезлиги 2 м/с бўлганда ўтказиш лозим. Баъзан препаратларнинг физик хусусиятлари таркибига 3—5% минерал мойлар қўшиб яхшиланади (бонификация). Баъзи пестицидларнинг чанглагичлардаги ҳаракати натижасида заррачалар электр зарядланади, бундан препаратларнинг ёпишқоқлиги ва барг сатҳида ушланиши ортади. Бундан ташқари, сертук, буришган, горизонтал жойлашган ва нам баргларда чангисимон препаратлар кўпроқ ушланиб қолади. Д.ч.нинг афзаллиги оддийлигидадир, камчиликлари — шамол таъсирида пестицидларнинг катта майдонларга тарқалиб кетиши, препарат сарф нормасининг юқорилиги, дустлар самарадорлигининг пастлиги. Шу сабабли қ.х.да Д.ч. ўрнига пестицидларни қўллашнинг пуркаш усули кенг қўлланилмоқда. Лекин чигирткалар маконида уларнинг ривожланишига қарши курашда Д.ч. асосий усул ҳисобланади. Ғўза майдонларида пайдо бўлган ўргимчаккана ўчоқларига олтингугурт чангитилади. Д.ч. ўтказишда пестицидлардан заҳарланишнинг олдини олиш учун эҳтиётқорлик чораларига амал қилиш керак (қ. *Хавфсизлик техникаси*).


Шомил Ҳўжаев.

ДОРИ ҚУТИЧА, аптечка — биринчи тиббий ёрдам кўрсатишда, шунингдек, ўз-ўзига ва ўзаро ёрдам беришда ишлатиладиган дори-дармонлар, боғлов материаллари ҳамда тиббий анжомлар жойлаштирилган қутича. Қандай мақсадда ишлатилишига қараб, оналар ва болалар Д.қ.си, индивидуал Д.қ.си, шунингдек, биринчи ёрдам кўрсатиш, универсал Д.қ.си ва б. турларга бўлинади. Д.қ.да, асосан, аналгин, нитроглицерин, корвалол ёки валидол каби дорилар ҳамда бинт, пахта, бактерицид лейкопластир, 5% ли йод, калий перманганат ва б. бўлиши керак.

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР — одам ва ҳайвонларни даволаш, касалликларнинг олдини олиш учун, шунингдек, озиқ-овқат, атир-упа ва косметика саноатида ишлатиладиган ўсимликлар — гиёҳлар. Ер юзида Д.ў.нинг 10—12 минг тури борлиги аниқланган. 1000 дан ортиқ ўсимлик турининг кимёвий, фармакологик ва дориворлик хоссалари текширилган. Ўзбекистонда Д.ў.нинг 700 дан ортиқ тури мавжуд. Шулардан табиий шароитда ўсадиган ва маданийлаштирилган 120 га яқин ўсимлик турларидан илмий ва халқ табобатида фойдаланилади. Ҳоз. даврда тиббиётда қўлланиладиган дори-дармонларнинг қарийиб 40—47% ўсимлик хом ашёларидан олинади. Ўсимликлар мураккаб тузилишига эга бўлган жонли табиий кимёвий лаб. бўлиб, оддий ноорганик моддалардан мураккаб органик моддалар ёки бирикмаларни яратиш қобилиятига эга. Д.ў.нинг қуритилган ўти, қуртаги, илдизи, илдизпояси, туганаги, пиёзи, пўстлоғи, барги, гули, ғунчаси, меваси (уруғи), данаги, шарбати, қиёми, тошчойи, эфир мойи ва б.дан дори-дармон тарзида фойдаланилади.

Д.ў.ни 2 хил таснифлаш қабул қилинган: 1) таъсир қилувчи моддаларнинг таркибига қараб — алкалоидли, гликозидли, эфир мойли, витаминли ва б., 2) фармакологик кўрсаткичларига қараб — тинчлантирувчи, оғриқ қолдирувчи, ухлатувчи, юрак-томир тизимига таъсир қилувчи, марказий нерв системасини қўзғатувчи, қон босимини пасайтирувчи ва бошқалар. Д.ў.нинг таъсир этувчи моддалари алкалоидлар, турли гликозидлар (антрагликозидлар, юракка таъсир этувчи гликозидлар, сапонинлар ва б.), флавоноидлар, кумаринлар, ошловчи ва шиллиқ моддалар, эфир мойлари, витаминлар, бўёқ моддалар, ферментлар, фитонцидлар, крахмал, оқсиллар, полисахаридлар, азотли моддалар, мой ҳамда мой кислоталари ва б. бирикмалар бўлиши мумкин.

Д.ў.нинг организмга таъсири унинг таркибидаги кимёвий бирикмаларнинг миқдорига боғлиқ. Бу бирикмалар ўсимликнинг қисмларида турли миқдорда тўпланади. Д.нинг таъсирчанлик қуввати ҳамда сифати юқори бўлиш даври уларнинг гуллаш ҳамда уруғлаш даврининг бошланиши вақтига тўғри келади. Доривор моддалар баъзи ўсимликларнинг куртаги, барги ёки пояси да, баъзи ўсимликларнинг гули ёки меваси да, баъзиларида илдизи ёки пўстлоғида тўпланади. Шунинг учун ўсимликларнинг асосан биологик актив моддалари кўп бўлган қисми йиғиб олинади. Ўсимликларнинг илдизи, илдизпояси, пиёзи ва туганаги, одатда, ўсимлик уйқуга кирган даврда — кеч кузда ёки ўсимлик уйғонмасдан олдин — эрта баҳорда тайёрланади. Ўсимликнинг мева ва уруғлари пишиб етилганда йиғилади, чунки улар бу пайтда дори моддаларига бой бўлади. Янги йиғиб олинган доривор ўсимлик маҳсулоти таркибида (ер устки аъзолари да 85% гача, илдизида 45% гача) нам бўлади. Бу нам йўқотилмаса (қуритиш йўли б-н), ўсимлик чириб, дори моддалари парчаланиб, яроқсиз бўлиб қолади.



Доривор ўсимликлар: *1* — сувқалампир (бўйчаракўт); *2* — зирк; *3* — андиз; *4* — мингтомир; *5* — торон; *6* — тоғтурбид; *7* — каттабош (бутун баргли); *8* — бодомча; *9* — ёввойи мойчечак; *10* — қизилларча.

Одамлар қадим замонлардан табиат неъматларидан фойдалана бошлаганидан буён доривор ўтлардан касалликларни даволашда фойдаланиб келганлар. Бундан 3—4 минг йил илгари Ҳиндистон, Хитой, Қад. Миср мамлакатларида шифобахш ўсимликлар ҳақида маълумотлар берувчи асарлар ёзилган. Шарқда, хусусан Ўрта Осиё халқ табобатида Д.ў.дан фойдаланиб даволаш ўзининг қад. анъаналарига эга. Шифобахш ўсимликлардан тиббий мақсадларда фойдаланиш борасида Абу Али Ибн Синонинг «Ал-қонун» асарида 476 га яқин ўсимликнинг шифобахш хусусиятлари ва уларни ишлатиш усуллари тўғрисида маълумотлар келтирилади. Ҳоз. вақтда Д.ў.нинг тури кўпайиб, халқ табобати шифобахш ўсимликлар б-н бойиган. Д.ў.дан кўпроқ, анор, ачиқмия, бодом, дўғбуй, доривор гулхайри, ёнғоқ, жағ-жағ, зубтурум, исириқ, итбурун, омонқора, писта дарахти, сачратқи, чойўт, шилдирбош, ширинмия, шувоқ, янтоқ, ялпиз, кийиқўт, тоғрайҳон, қизилча, қоқиўт ва б. тарқалган. Аччиқмиядан пахикарпин, оққурайдан песни даволашда қўлланиладиган псорален, исириқдан гармин, итсигекдан анабазин, омонқорадан галантамин, шилдирбошдан сферофизин ва б. алкалоидлар олинади. Анор пўстидан гижжа ҳайдовчи пельтерин танат ва экстракт тайёрланади. Доривор гулхайри препаратлари балғам кўчирувчи ва юмшатувчи, жағ-жағ ва лагохилусдан тайёрланган дорилари қон кетишини тўхтатувчи, писта бужғуни ва чойўтдан тайёрланган дорилар меъдачак касалликларини даволашда ишлатилади. С.Қ. Исломбеков номидаги Тошкент фармацевтика з-дида Ўзбекистонда ўсадиган ва экиладиган Д.ў.дан турли-туман дорилар тайёрланади. Д.ў.ни топиш ва улардан алколоидлар олишда Ўзбекистон ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтининг хизмати катта. Ин-тда 4000 дан ортиқ ўсимликнинг турли органлари алколоид олиш мақсадида ўрганилиб, улардан 1000 га яқин табиий бирикмалар ажратиб олинган. Шу асосда цитизин, галантамин каби 20 дан ортиқ қимматли препарат яратилган ва тиббиётга жорий қилинган. Ўзбекистон ФА Ботаника ин-ти ва Ботаника боғининг эфир мойли, доривор ва бўёқли ўсимликлар лаб. илмий ходимлари мутахассислар б-н ҳамкорликда Ўрта Осиё ҳудудида кўп тарқалган юқумли касалликлардан энг хавфлиси сариқ (гепатит)ни даволашда экологик жиҳатидан тоза, самарадорлиги юқори бўлган Д. ў. лар ҳом ашёларидан тайёрланган «Сафро ҳайдовчи Ҳожиматов йиғмаси»ни

яратдилар ва бу йиғма илмий тиббиётда қўллашга ва ишлаб чиқаришга рухсат этилди (1997). Шунингдек, СамДУ Ботаника кафедрасида, Тошкент давлат фармацевтика ин-тида Д.ў.ни экиб етиштириш технологияси ўрганилмоқда. Тошкент, Наманган, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ва Хоразм Маъмун академиясида Д.ў. етиштиладиган махсус хўжаликлар бор. Ёввойи Д.ў. хом ашёлари асосан «Ўзфармсаноат» республика давлат-акциядорлик концерни, матлубот ширкатлари ва Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлигининг «Шифобахш» ишлаб чиқариш бирлашмаси хўжаликлари томонидан тайёрланади (яна қ. *Фитотерапия*).

Ад.: Холматов Ҳ.Х., Ҳабибов З.Ҳ., Фармакогнозия [Дарслик]. Т., 1967; Набиев М., Шифобахш гиёҳлар, Т., 1980; Ҳожиматов Қ., Оллоёров М., Ўзбекистоннинг шифобахш ўсимликлари ва уларни муҳофаза қилиш. Т., 1988; Холиқов К., Ўзбекистон жанубидаги доривор ўсимликлар, Т., 1992; Ҳожиматов Қ.Ҳ., Йўлдошев К.Й., Шоғуломов У.Ш., Ҳожиматов О.Қ. Шифобахш гиёҳлар дардларга малҳам (Фитотерапия), Т., 1995; Мурдохаев Ю.М. Культура лекарственных растений в Узбекистане, Т., 1988.

Каҳҳор Ҳожиматов.

ДОРИЙЛАР — Юнонистоннинг тўрт асосий қабилаларидан бири. Мил. ав. 12-а.да Шим. ва Ўрта Юнонистондан Пелопоннеснинг жан.-ғарбига (Арголида, Мессения, Лакония), кейинчалик Родос, Крит, Кос о.лари ва Кичик Осиё (Книд) ҳамда Жан. Италия, Сицилиянинг турли жойларига бориб ўрнашганлар. Д. деҳқончилик ва чорвачилик б-н шуғулланган. Пелопоннесда Д. ҳукмрон элат бўлган, и. ч.да қуллар меҳнатидан фойдаланилган, давлат вужудга келган. Д. бошқа юнон қабилаларидан ўзининг ҳарбий интизоми, барқарор уруғчилик урф-одатлари, мағрурликлари ва оддий ҳаёт тарзи б-н ажралиб турган. Булар *Спарта* аҳли учун хос бўлган. Д. шеваси адабий тил ҳисобланган. Маданият соҳасида Д. бошқа юнон қабилаларидан, айниқса иониялик-лардан анча ортда қолганлар. Д. яшаган ҳудудларда йирик қулдорлик давлатлари вужудга келган.

ДОРИЛФУНУН (араб.) — Яқин Шарқ мамлакатларидаги ўқув юртларининг номи. Баъзи мамлакатлар (мас., Эрон) да ўрта ўқув юрти, бошқа айрим мамлакатлар (мас. Туркия)да эса олий ўқув юрти (ун-т) маъносида қўлланилади. 1920—30 й.ларда Ўрта Осиёда ҳам ун-т маъносида ишлатилган.

ДОРИМИЙ, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ибн Баҳром ибн Абдусамад ат-Термизий ас Самарқандий ад-Доримий (798— Самарқанд, Дорим қишлоғи — 869) — буюк муҳаддис. Дастлаб ўз юртида диний ва дунёвий фанларни, айниқса, ҳадис илмини ўрганди, кейин Қоҳира, Дамашқ, Бағдод, Макка, Мадинада, шунингдек, Хуросоннинг таниқли олимларидан сабоқ олди. Д., Имом ал-Бухорийнинг устози ҳисобланади. Д. ҳадис, тафсир, фиқҳ илмларининг алломаси даражасига кўтарилди. Д.нинг «Ал-Муснад» («Таянч»), «Ат-Тафсир» («Қуръон шарҳи»), «Ал-Жомеъ» («Тўплам»), «Ас-Сулосиёт фил ҳадийс» («Ҳадислардаги учликлар, яъни уч ўзак ҳарфли феъллар»), «Китоб ас-сунна фил ҳадийс» («Ҳадислардаги суннатлар ҳақида китоб») асарлари унинг илмий-маънавий меросини ташкил этади. Д.нинг энг муҳим асари «Ал-Муснад» бўлиб, «Сунан ад-Доримий» номи б-н машҳур. 2 жилддан иборат бу асар 1996 й.да Байрутда чоп этилган. Бу асарда ҳаж, закот, рўза, никоҳ ва талоқ, васиятнома ва б. кўплаб тушунчалар мазмуни, Муҳаммад (ас)нинг мусулмонлар ижтимоий ва маънавий ҳаётининг ҳамма соҳалари юзасидан айтган фикрлари тушунтириб берилади. Бу асар «Ас-Сиҳаҳ ас-ситта» (олтита саҳиҳ) китоблари жумласига (Ибн Можанинг «Саҳиҳ»и ўрнига) киритилган. Д. айрим манбаларга кўра, Самарқанд вилоятининг Тойлоқ тумани ҳудудида дафн этилган.

Маҳфуза Алимова.

ДОРИСОЙ — Навоий вилояти Навоий туманидаги сой. Зиёвуддин тоғларининг ғарбий ён бағридан оқиб тушадиган 14 та ирмоқнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. *Зарафшон* дарёсига етиб бормасдан Кармана ш.дан 3 км ғарбда тугайди. Уз. 18 км. Мавсумий қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Баҳорда, айниқса кучли жала қуйганда суви кўпаяди.

ДОРИХОНА, аптека — дори воситаларини тайёрлаш, қадоқлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда тайёр дори воситалари, тиббий буюмлар, санитария ва гигиена ашёлари, маъданли сувлар, даволаш-косметика маҳсулотларини сақлайдиган ва сотадиган тиббиёт муассасаси. Д.да тўсатдан касал бўлиб қолган ёки бахтсиз ҳодисага учраган кишиларга тез тиббий ёрдам ҳам кўрсатилади.

19-а.нинг 2-ярмида Ўзбекистоннинг баъзи шаҳарларида ташкил этилган госпиталь ва лазаретлар қошида Д.лар бўлган. Биринчи расмий Д. 1874 й. май ойида Тошкент ш.да маҳаллий аҳоли маблағи ҳисобига очилган.

Д. муассасалари мулкчиликнинг шаклига кўра, акциядорлик, жамоа ва хусусий Д.ларга, и.ч. хусусиятига кўра тайёр дори воситаларини сотадиган ҳамда дори тайёрлаб берадиган (рецептга мувофиқ), шунингдек, улгуржи савдо қиладиган ва касалхона ҳамда поликлиникалар қошидаги Д.ларга бўлинади.

Фармацевтика фаолияти б-н шуғулланаётган барча жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фармацевтика фаолияти кўрсатаётган чет эл ваколатхоналарининг субъектлари ушбу фаолият б-н шуғулланишлари учун лицензиялари бўлиши шарт.



Доро. Тахтда Доро I — қабул маросими ўтказмоқда.

ДОРО — қад. Эрондаги *ахоманийлар* сулоласига мансуб подшоҳлар: Д. I, Дарайаваухш (мил. ав. 522—486 й.ларда ҳукмронлик қилган). *Камбиз* I ўлимидан фойдаланиб ҳокимиятни қўлга олган коҳин *Гауматани* ўлдириб, тахтни эгаллаган. Мил. ав. 522—21 й.ларда 10 минг кишилик хос қўшини ёрдамида Бобил, Эрон, Мидия, Марғиёна, Элам, Миср, Саттагидия, Парфия, Суғд, Хоразм, Бақтрия ва б. мамлакатлардаги қўзғолонларни бостирган. Д. I Ҳиндистоннинг шим.-ғарбий қисмидаги бир қанча ўлкаларни ҳам ўз давлатига қўшиб олган (мил. ав. 518). Қора денгизнинг шим.даги скиф қабилаларини б-н урушиб мағлубият б-н қайтган (мил.ав. 514). Д. I даврида юнонлар б-н эронликлар ўртасида бошланган уруш бир неча йил давом этган (қ. *Юнон-форс урушлари*). Д. I мамлакатни бир неча ҳарбий-маъмурий вилоятлар (сатраплик) га бўлиб, уларга форс зодагонларидан ҳоким (сатрап)лар тайинлаган; янги солиқ тизимини жорий қилган. Мамлакатдаги мавжуд карвон йўлларининг мустаҳкамланиши ва янги савдо йўлларининг очилиши, Нилдан Сувайшгача бўлган каналнинг таъмир қилиниши, олтин танга (қ. *Дарик*) зарб қилиниши ўша даврдаги халқаро савдонинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшди. Д. I даврида ибодатхоналар (Мемфисда), қасрлар (Сузада), шоҳ қароргоҳи (Персеполда) қурилди. Д. I ҳукмронлик қилган йиллар ахоманийлар давлатининг энг юксалган даври ҳисобланади. Д. I даврида содир бўлган воқеалар, хусусан Турон қабилаларининг миллий озодлик ҳаракатлари *Бисҳистун китобаларида* акс эттирилган.

Д. II, қад. эронча Вахука, юнонча Нот (мил. ав. 423—404 й.ларда ҳукмронлик қилган). *Артаксеркс* I нинг ўғли. Д. II даврида Мидияда ахоманийлар зулмига қарши қўзғолон кўтарилган (мил. ав. 409), Миср мустақил вилоят бўлиб ажралиб чиққан (мил. ав. 404), Ахоманийлар давлатига тобе бўлган бошқа вилоятларда ҳам ҳокимларнинг марказий ҳукуматга қарши ҳаракатлари ва ўзаро урушлари кучайган.

Д. III, Кодоман — ахоманийлар сулоласининг энг охирги подшоси (мил. ав. 336—300). Мил. ав. 335 й.нинг охирида Миср қайта бўйсундирди, бироқ Искандар Зулқарнайн қўшинидан *Исс* (мил. ав. 333) ва *Гавгамела жанги* (мил. ав. 331) да тамоман мағлубиятга учраб, Шарқий Эронга қочган. Ўз амалдори, Бақтрия сатрапи *Бесс* томонидан ўлдирилган.

ДОРО — пул бирлиги. *Доро* I ўз мамлакатида ягона пул бирлиги — доро (1Д. = 8,416 г соф олтин) ни жорий қилди. 3000 Д. энг юқори пул ва вазн бирлиги бўлган *талант*ни ташкил этган.

ДОРО ҚАБРИ КИТОБАЛАРИ — Шероз ш. (Эрон) дан 50 км шим.-шарқда, *Доро* I қабри устидаги тошларга михҳат б-н ўйилган битиклар. Унда Доро I томонидан босиб олинган ўлка ва вилоятлар, жумладан Туроннинг қад. вилоятлари (Парфия, Бақтрия, Суғдиёна, Хоразм) ва халқлари, жумладан Амударёнинг ўнг соҳилида яшаган *саклар*, Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимларида яшаган чўққи қалпоқли саклар ҳақида ҳам маълумот келтирилган.

ДОРОЙИ (ахоманийлар давлати шоҳи Доро I номидан) — 1) ипакдан юпқа, нозик қилиб тўқилган йўл-йўл мато; 2) рўмол тури. Оқ ипакдан нафис, бежирим қилиб шарфга ўхшатиб тўқилади, уз. 2—2,5 *газ*ча келади. Ўриш ипи ҳом (ишқорланмаган) ипакдан, *арқоқ* ипи пишиқ (ишқорланган) ипакдан тўқилганлиги б-н шарфдан фарқ қилади.



Дорпеч (попопда кашта тикилган, 20-а.).

ДОРОЙИБОФЛИК — шойи-атлас, бекасам тўқишнинг қад. *усули; дорой* қасам тўқиш касби. Доройининг эни, тиғ ва гуласи шойи-атлас, беқасамнинг эни, тиғ ва гуласидан анча кенг бўлгани учун дорой тўқиш бошқа газламаларни тўқишдан қийин бўлган. Илгари бу иш б-н махсус усталар (доройибофлар) шуғулланган. 1920 й.лардан сўнг Д. саноат артелларига уюшган ҳолда давом эттирилди. Д. касби 20-а.нинг 50-й.ларигача давом этди.

ДОРОШУКУҲ (1616—59) — Оллоҳобод, Панжоб ва Мўлтон ҳокими. *Бобурийлар*дан. *Шоҳ Жаҳон*нинг катта ўғли ва валиаҳди. Д. отаси бетоблик кезларида унинг номидан салтанатни идора қилган. Шунда укалари — Шоҳ Шужо, *Аврангзеб* ва Муродбахш ҳасад қилиб унга қарши жангга ҳозирлик кўрган. 1657 й. дек.да Муродбахш Оллоҳободни, Шоҳ Шужо эса Бенгалияни эгаллаб, ўзларини мазкур ерлар подшоҳи деб эълон қилганлар. 1658 й. мартда Аврангзеб ва Муродбахш Ужайн ш. яқинида учрашиб, Д.га қарши курашишув учун ўзаро битим тузганлар. Сўнг, кўп ўтмай Баҳодирпурда икки томон қўшинлари ўртасида дастлабки тўқнашув содир бўлиб, унда Д. енгилган. 1658 й. 29 майда эса Агра яқинидаги Самугарх ш.да бўлган ҳал қилувчи жангда Д. қўшинлари бутунлай тор-мор келтирилиб, Аврангзеб салтанат тахтини эгаллаган. Д. қочиб, бирмунча вақт яшириниб юрган, аммо Дадар вилояти ҳокими Малик Жевоннинг хиёнати сабабли қўлга олиниб, 1659 й. 30 авг. да қатл қилинган.

Д. олим, адиб ва шоир эди. Унинг «Мажмаъ ул-баҳрайн» («Икки денгизнинг қўшилиш жойи»), «Сафийнат улавлиё» («Валийлар кемаси»), «Ҳасанот ул-орифийн» («Орифлар амали солиҳлари»), «Ҳақнома» номли насрий асарлари ва шеърий девони мавжуд. Шунингдек, у санскрит тилидаги бир неча асарни форсчага таржима қилган (мас., «Сирр ул-асрор»).

Турғун Файз ев.

ДОРПЕЧ — уй безаги; *кашта* тикиб безатиладиган бадиий буюм. Дўхоба, сидирға шойи, сатинга ранг баранг ипакларда қўлда кашта тикиб тайёрланади. Уй тўри—тахмон қисми деворининг юқорисига тутилиши б-н *зардевор*дан фарқ қилади. Ҳозир бадиий буюмлар ф-калари (мас., Тошкент, Андижон бадиий буюмлар ф-каси ва б.)да попоп машиналарида ҳам тикиб тайёрланади. Қизларнинг сепига кирган.

ДОРТМУНД — Германиядаги шаҳар, Шим. Рейн-Вестфалия ерида, Эмшер дарёси ва Дортмунд—Эмс канали бўйидаги порт. Аҳолиси 591,7 минг киши (1998). Германиянинг йирик саноат, айниқса қора металлургия саноати марказларидан бири. Транспорт йўллари тугуни, Рур саноат р-нининг шарқий «дарвозаси». Оғир машинасозлик, станоксозлик, электротехника, кимё, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Д.да йирик банклар, савдо ва саноат фирмалари жойлашган. Улгуржи савдо маркази. Ун-т, илмий тадқиқот ин-тлари, театр ва б. бор. Д. ёзма манбаларда дастлаб 885 й.дан Тротманния номи б-н тилга олинган. 12-а.да шаҳар ҳуқуқини олган. 12—15 а.ларга оид меъморий ёдгорликлар сақланган.

ДОРУССАЛОМ (араб.— Тинчлик уйи) — Танзаниядаги шаҳар, Соҳилбўйи вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 1,7 млн. киши (1998). Мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий маркази. Иқлими субэкваториал, ўртача т-раси авг.да 23°, янв.да 28°. Йилига 1500 мм ёғин ёғади.

Д. 1862 й.да Занзибар султони томонидан балиқчиларнинг Мзизима қишлоғи ўрнида бунёд этилган. 1887 й.да Германиянинг Шарқий Африка ком-





Доруссалом шаҳридаги замонавий бинолар.

паниями томонидан босиб олинган. 1891 й.дан Германия Шарқий Африкаси маъмурий маркази. 1919 й.да инглиз қўшинлари томонидан эгалланди. 1919—61 й.ларда Англиянинг Таньганика мустамлакаси маъмурий маркази, 1961 й.дан мустақил Таньганика давлатининг, 1964 й.дан 1993 й.гача Танзания давлати пойтахти. 1993 й.дан пойтахт *Додома* ш.га кўчирилди.


Д.мамлакатнинг Ҳинд океани соҳилидаги энг йирик порти. Автомобиль ва т. й. тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Нефтни қайта ишлаш, цемент, тайёр қисмлардан автомобиль йиғиш, тўқимачилик, электротехника, озиқ-овқат (гўшт-консерва, тамаки, ун тортиш), пойабзал ва б. саноат корхоналари бор. Мебель, металл идишлар, лок ва бўёқлар ишлаб чиқарилади. Кемасозлик ривожланган. Балиқ овланади. Д.дан Замбияга нефть қувури ўтказилган. Ун-т, ботаника боғи, тарих-этн. музейи бор. Шаҳар яқинида 13-а.да қурилган масжид қолдиқлари сақланган.

ДОРУҒА, даруҳачи, доруғачи (мўғулча — назоратчи, шаҳар бошлиғи) — 1) *Мўғуллар давлатида* маҳаллий ҳокимлар ҳузуридаги улуғ қоон вакили, ноиби. Д. зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилган: аҳолини рўйхатга олиш; маҳаллий халқдан қўшин тўплаш; почта алоқаларини йўлга қўйиш; солиқлар йиғиш; тўпланган солиқ-тўловларни улуғ қоон саройига етказиш; 2) Темурийлар ва шайбонийлар даврида вилоят, шаҳар ҳокими. Д.нинг вазифасига шаҳарни идора қилиш, аҳоли рўйхатини олиш ва уни ҳисоб-китоб қилиб бориш, солиқ ундириш кабилар кирган; 3) Бухоро хонлигида Д. шаҳарнинг ҳарбий коменданти.

Ад.: Ҳофиз Таниш ал-Бухорий, Абдуллаҳома (Шарафномайи шоҳий), I-ж., Т., 1999; Мирза Бади‘ Диван. Маджма‘ ал-аркам, М., 1981; Бартольд В.В., Сочинения, т.I, М., 1963.

ДОССЕ (Dausset) Жан (1916) — француз иммунологи. Франциядаги биринчи иши трансплантацияга оид. Асосий ишлари иммуногематологияга, жумладан *эритроцитлар, лейкоцитлар* ва *тромбоцитлар* иммунологиясига бағишланган. Лейкоцитар антигенларнинг янги системасини аниқлади ва уларнинг трансплантологиядаги ролини тадқиқ қилди. Буйрак етишмовчилигини даволаш йўлларини ишлаб чиқди. Нобель мукофоти лауреати (1980, Б. Бенасерраф ва Ж. Д. *Снелл* б-н ҳамкорликда).

ДОСТОЕВСКИЙ Фёдор Михайлович [1821.30.10(11.11), Москва — 1881.28.1 (9.2), Санкт-Петербург] — рус ёзувчиси. Ижодий фаолияти 1844 й.да бошланган. Биринчи романи — «Бечора одамлар»да (1846) хўрланган, ижтимоий адолатсизликка дучор бўлган «кичкина одамлар»нинг қисмати ҳикоя қилинган. «Қиёфадош» (1846), «Оқ тунлар» (1848) қиссалари ҳам ижтимоий мавзуда. Н. *Добролюбов*, В. *Белинский* каби демократ зиёлиларнинг инқилобий ғояларига маҳлиё бўлиб қолган Д. 1847 й.дан рус инқилобчиси ва хаёлий социалисти М.В. Петрашевский тўгарагига фаол қатнашиб, хаёлий социализм ғоясини қўллаб-қувватлайди. Мазкур тўгаракда қатнашиб, мавжуд давлат тузумини куч ишлатиб ўзгартиришга ҳаракат қилганлиги учун Д. ўлим жазосига ҳукм қилинади (1849). Нуфузли давлат ва жамоат арбобларининг аралашувидан сўнг, подшо Александр II ўлим жазосини 4 йиллик каторга сургуни б-н алмаштиради. Ёзувчи Омск каторга қамоқхонасида (1850—54) ва Семипалатинскда интизомий ҳарбий хизматда бўлди (1854—59). 1859 й.дан Петербургда яшади.



Узоқ муддатли тутқунлик ва сургун Д. ижодида ўз ифодасини топади, тушкунлик устувор мавзуга айланади. «Степанчиков қишлоғи ва унинг аҳолиси» (1859), «Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар» (1861), «Ўлик хонадондан мактублар» (1861—62) асарлари жаҳолат ботқоғига ботиб, инсоний қиёфасини йўқотган руслар ҳаётига бағишланган.

Д. М.М. Достоевский (акаси) б-н ҳамкорликда «Время» (1861—63), «Эпоха» (1864—65) жур.ларини нашр этади. Буларда Россиядаги крепостнойлик тартиби, аслзода (дворян) ларнинг маънавий-ахлоқий тубанлиги, меҳнаткашлар шафқатсиз эксплуатация қилинишини фош этишдан ташқари, миллатчилик, буюк давлатчилик (шовинизм) ғоялари, хусусан, чор Россияси томонидан Туркистоннинг забт этилиши тарғиб қилинади. «Биз Европага бостириб борсак, улар бизни варварлар сифатида қарши олади, Осиёда эса бизни маданиятли миллат каби кутиб олишади», деб, Кауфман, Скобелев сингари ҳарбийлар Туркистонни босиб олишга даъват этилади.

«Жиноят ва жазо» (1866), «Телба» (1868) романларида рус халқининг маънавий муаммолари бадиий бўёқларда яққол акс эттирилган. «Жинлар» (1871—72), «Ўсмир» (1875) романларида эса рус «оқсуяклари» табақаси, амалдорлари орасида маънавий қашшоқлик, амалпарастлик, очкўзлик ва худбинлик каби иллатлар чуқур илдиз отгани кўрсатилган, ички-миллий муаммоларни бошқа бир халқ ҳисобига ҳал этиб бўлмаслиги эътироф этилган. «Ога-ини Карамазовлар» (1879—80) романида жамият ва шахс ўртасидаги чуқур зиддият, руҳий инқироз ва фожиа ўз ифодасини топган.

Д. ижоди, гарчи зиддиятли бўлсада, рус ва жаҳон адабиётига катта таъсир кўрсатган. Д. 19-а.даги реалистик роман жанрини янги ўзига хос томонлар б-н бойитди. Адиб тўлақонли бадиий образларда нафақат воқеалар оқимини, инсонлар тақдирини, қалб курашини, балки жамият маънавий ҳаётидаги фожиавий конфликтларни ҳам бера олди. Ўзининг интеллектуал романларида фикрларнинг кескин курашини, ғоя ва дунёқарашнинг фожиавий тўқнашувини маҳорат б-н тасвирлади. Д. романлари ва мин тасвир услуби эмас, аксинча, соф драматик жанрларга хос кескинлиги ва лиро-публицистик пафоси б-н ажралади.

Д.нинг «Жиноят ва жазо», «Телба» ва б. асарлари Иброҳим Ғафуров томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Хўрланганлар ва ҳақоратланганлар, Т., 1966; Телба, Т., 1981.
Ад.: Ф.М. Достоевский туғилган кунининг 150 йиллиги (эсдаликлар), Т., 1971.

Набижон Боқий.

ДОСТОН, поэма — лиро-эпик жанр; шу жанрдаги бадиий асар. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ўзбек мумтоз адабиётида кенг тарқалган. Д.да муайян воқеа лиро-эпик тасвир воситалари ёрдамида ҳикоя қилинади. Унда ҳаёт, воқелик кенг кўламда қамраб олинади, бир ёки иккита бош қаҳрамон иштирок этади, персонажлар эса кўп бўлади. Сюжети сертармоқ, ранг-баранг. Халқ оғзаки ижодидаги Д.лар *назм* ва *насрда*, бунда наср воқеаларни богловчи вазифасини ўтайди. Ёзма адабиётдаги Д.ларда лиризм кучлироқ, айниқса, ҳоз. замон Д.ларида лирик асос янада салмоқлироқдир. Жаҳон мумтоз адабиётидаги Д.лар кенг қамровлиги ва ҳажмининг катталиги, кўтариб чиққан ижтимоий, сиёсий, ахлоқий муаммолари, сюжетининг ўткирлиги, персонажларининг кўплиги б-н ажралади. Бундай асарлар марказида жамият ва халқ тақдири туради, жамият, халқ ва қаҳрамон яхлит, бир бутунликда тасвирланади, улар ўртасида зиддият бўлмайди, балки шу халқ, шу қаҳрамон б-н ташқи душманлар ўртасидаги кураш, яхлит б-н ёмонлик ўртасидаги зиддият тасвирланади. Уларда ватанпарварлик, қаҳрамонлик, инсонпарварлик, меҳр-муҳаббат, дўстлик ва садоқат, меҳнатсеварлик ғоялари илгари сурилади. Илк достонлар Юнонистонда пайдо бўлди. Уларда афсонавий қаҳрамонларнинг жасорати, худоларнинг каромати ҳақида куйланган. Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея», Дантенинг «Илоҳий комедия», Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарлари Д. жанрининг қад. намуналаридир. Д.лар, ўз моҳиятига кўра, қаҳрамонлик («Алпомиш», «Фарҳод ва Ширин»), саргузашт-детектив («Саббаи сайёр»), ишқий-романтик («Тоҳир ва Зуҳра», «Лайли ва Мажнун»), *жангнома* («Юсуф ва Аҳмад», «Садди Искандарий»), тарихий-мемуар («Шайбонийнома», «Жиззах қўзғолони»), фалсафий («Ҳайрат ул-аброр»), фантастик-аллегорик («Лисон ут-тайр»), дидактик («Қутадғу билиг») турга бўлинади. Қаҳрамонлик Д.ларида халқ, жамият тақдири тасвирланса, ишқий-романтик Д.ларда ошиқ-маъшуқларнинг саргузашти бош ўринда туради. Тарихий-мемуар ёхуд тарихий-биографик Д.ларда бирор тарихий шахслар рамзийлаштирилиб, бўрттириб тасвирланади. Умуман, Д.ларда идеаллаштириш, муболағали тасвир устун бўлади, уларда турли афсоналар, асотирлар, ҳикоятлар, *дев*, *парилар*, *хизр*, *аждар*, ажабтовур отлар («Алпомиш»даги Бойчибор), сеҳр-жоду кўп иштирок этади. Халқ Д.лари *бахши*, достончи ва халқ шоирлари томонидан дутор, дўмбира ва халқ чолғу асбоблари жўрлигида ижро этилади. Фольклордаги Д.лар б-н ёзма адабиётдаги Д.лар шакл-шамойили жиҳатидан бир хил кўринишда бўлса-да, ёзма адабиётдаги Д.лар ёзувчининг дунёни ўзига хос тарзда идрок этиши, баҳолаши ва ўз фикр-ғоялари, орзу-армонларини ифодалаш тарзи, усулида фарқланади. Гарчанд, Навоийнинг аксар Д.лари, жумладан, «Лайли ва Мажнун», «Садди Искандарий» асарлари асосида фольклор мавзуи турган бўлса-да, шоир уларни ўз эстетик қарашлари ва бадиий ниятидан келиб чиқиб тубдан қайта яратган.

Ўзбек Д.чилиги асрлар давомида ўсиб, камол топиб, шакли ранг-баранглашиб борди. *Ўрхун-Енисей ёзувида*, *Авестода*, «Девону луғотит турк» даги қадимги Д. парчаларида, туркий халқлар мулки бўлмиш «*Китоби дадам Қўркут*»да ва айниқса «*Алпомиш*», «*Гўрўғли*» туркум Д.ларида ўзбек Д.чилигининг тараққиёт йўллари, даврларини кўриш мумкин. Навоий «Хамса»си ўзбек Д.чилиги тарихида юксак чўққи бўлди. «Хамса»да, Гегель иборасича айтганда, «дунёнинг қаҳрамонлик ҳолати»ни тасвирлаш кучли, унинг фалсафий-ахлоқий мазмуни чуқур, унда шахс баркамоллиги, фозил инсон ва адолатли жамият тарғиб этилади, яхшилик ва ёмонлик илдизлари қидирилади. 20-а.га келганда, ўзбек Д.лари ҳажман торайди, лиризм кучайди. Дунёни, воқеликни ва инсон руҳий оламини, руҳий кечинмаларини идрок этиш ва ҳаққоний тасвирлаш бош фазилат бўлиб қолди (*Миртемир*нинг «Сурат» достони). Ҳоз. Д.ларга А. *Ориповнинг* «Жаннатга йўл» Д.ларида ана шу янгиликлар яққол кўринади. Ҳоз. замон ўзбек Д.ларида драма жанри белгилари (конфликт, *диалог*), айниқса эпик тасвир унсурлари фаоллашди. (Э. Воҳидов, «Истанбул фожиаси», О. Матжон, «Паҳлавон Маҳмуд» ва б.). Бундан ташқари, шоирнинг ҳис-туйғулари, таассуротлари, ўй-мушоҳадалари, кечинмаларидан иборат бўлган лирик Д.лар ҳам яратилмоқда. 20-а. ўзбек адабиётида Д.лар камайишини *роман* жанри ривожи б-н изоҳлаш мумкин. Воқеликни *афсона*, асотирлар ва *эртак*лар асосида баён этиб, болаларга мўлжалланган йирик шеърий асарлар ёзишда ҳам Д. жанридан фойдаланилади.

Салоҳиддин Мамажонов.

«ДОСТОНФИЛЬМ» — киностудия. 1993 й.да ишга тушган «Достон» давлат ижодий и. ч. бирлашмаси асосида 1996 й.да ташкил топди. Шу йиллар ичида студияда «Авлодном», «Уйғониш», «Шоҳизинда», «Хўр», «Маркази Осиё — ядро қуролидан холи зона» каби ҳужжатли фильмлар, Амир Темур 660 йиллик таваллудига бағишланган 12 номдан иборат туркум фильмлар суратга олинди. Бу туркум фильмларни яратишда М. *Абзалов*, М. Тўйчиев, Н. Аббосов, Ж. Қосимов, Д. *Салимов*, Х. Иброҳимов, Н. Маҳмудов ва б. жонбозлик кўрсатдилар. Студиянинг бадиий раҳбари — Даврон Салимов.

ДОСТОНЧИЛИК — халқ оғзаки поэтик ижодидаги қад. эпик анъана. Достонлаб қўшиқ шаклидаги, мусиқа асбобида куйланадиган асарлар яратилган. Кейинчалик (10—11-а.лар) дўмбира жўрлигида айтиладиганлари юзага келган. Д.нинг бундай намуналари Каспий ва Орол денгизлари бўйларидаги қад. кўчманчи туркий қабилалар орасида вужудга келган. Эпик достонларни яратувчи ва куйловчи бадиғагўйлар кўпайиб борган сари устоз-шогирдлик анъаналари вужудга кела бошлади. Натижада 15—16-а.ларга келиб кўпгина *достончилик мактаби* пайдо бўлди. 17—18-а.лар Д. тараққиётида жиддий кўтарилиш босқичи, 19—20-а.лар эса унинг энг ривожланган даври ҳисобланади. Бу даврда бахшилар репертуарида 150 дан ортиқ халқ достонлари бўлиб, уларни Тилла кампир, Султон кампир, Жолмон бахши, Бўрон шоир, Жуманбул бул, Жоссоқ, Хонимжон халфа, Буви шоира, Суяв бахши, Амин бахши, Йўлдошбулбул, Султонмурод, Қурбонбек, Йўлдош шоир, Суяр шоир, Шерназ юзбоши каби машҳур бахшилар куйлаб келганлар. *Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан, Ислом шоир*, Саидмурод Паноҳ ўғли, *Берди бахши*, *Абдулла Нурали ўғли*, Умир шоир, *Бола бахши*, Аҳмад бахши каби етакчи санъаткорлар ўзларига замондош бошқа бахшилар б-н биргаликда

бу эпик анъанани давом эттирдилар. Д.да қатъий тартибга риоя қилинган: достон эшитиш учун махсус кечалар уюштирилган, тўй-ҳашамлар ҳам бахшиларсиз ўтмаган. Тингловчилар бахшини тўрга ўтқазиб, атрофида қўр тўкиб ўтирганлар. Бахши дўмбирасини созлаб, тингловчиларга «Нима айтай» термаси б-н мурожаат қилган, «Кунларим», «Дўмбирам» термаларини айтиб, тингловчилар эътиборини ўзига жалб этган. Бахши ижро давомида достондаги ҳар бир тасвирга мос сўз топиб, ўша сўзларга монанд хатти-ҳаракатлар қилган. Тингловчиларни қизиқтириш б-н, ўзи ҳам тобора авжга чиққан. Иқтидорли достончилар икки-уч кеча мобайнида, ҳатто ойлаб достон куйлай олганлар. Мас., Шерназар Бердиназар ўғли етти кеча давомида достон айта олган. Баъзи достонларнинг ҳажми ҳам икки-уч кеча муттасил ижро этишни тақозо этган. Достончи, одатда, воқеа энг қизиқ жойга етганда куйлашни тўхтатиб, танаффус қилган, бу эса тингловчиларнинг қизиқишини яна ҳам оширган. Д. кечаларига икки-уч бахши ташриф буюрган. Бундай ҳолларда достончилар ўзаро тортишувга киришганлар: бирбирларининг иқтидорларини, сўздаги чечанлигини, соз чалишдаги маҳоратларини синаганлар. Тингловчилар уларга баҳо берганлар. Халқ олқишини ололмаган достончи даврадан чиқиб кетган.

Д. анъанаси ҳоз. кунда ҳам давом этмоқда, аммо куйлаш тартиби ва шароитларида бирмунча ўзгаришлар бор. Эндиликда бахшилар театрларда, концерт залларида, катта сайил ва ҳашарларда, радио ва телевидение орқали уюштирилган олимпиада ва танловларда ўз маҳоратларини кенг томошабинлар олдида намойиш этмоқдалар.

Ад.: Мирзаев Т., Халқ бахшиларининг эпик репертуари, Т., 1979; Раззоқов Ҳ., Мирзаев Т. ва б., Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди, Т., 1980.

Тўра Мирзаев.

ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИ — *бахшилик* санъати маркази. Ўзбек фольклоршунослигида Булунғур, Нарпай, Кўрғон, Хоразм, Шаҳрисабз, Шеробод каби йирик достончилик мактабларидан ташқари, Қамай, Пискент, Қулбуқон, ўзбек-лақай ва б. шундай марказлар ҳам маълум. Улар репертуарлари, услуби, маълум ижод тамойили ва ижро усулларига кўра бир-биридан ажралиб туради. Мас., 19-а.да Қашқадарё вилояти, Қамаши туманининг Қамай қишлоғи б-н боғлиқ Қамай Д. м. мавжуд бўлган. Бу мактаб Деҳқонобод ва Ғузор туманлари атрофида яшовчи Абдукарим Жуйруқ (19-а.), Мулла Холназар ўғли (1910 й. в. э.), Бозор Шерқул ўғли (1887—1953), Ҳазратқул бахши Худойбердиев (1920 й. т.) каби 60 га яқин бахшиларни бирлаштирган. Улар *Шаҳрисабз достончилик мактаби* б-н ижодий ҳамкорликда бўлган. Қамай Д. м. вакиллари халқ достонларининг лирик йўналишига алоҳида эътибор беришган. Улар поэтик шакллар тараққиётида *Шеробод достончилик мактаби* вакилларига нисбатан илгарилаб кетганлар. Қамай достончиларидан «Нуралининг ёшлиги» (1972, 1977), «Хонимой» (1963) ва б. достонлар ёзиб олинган.

Пискент Д. м. *Берди бахши* номи б-н боғлиқ. Мазкур мактаб лирик йўналишга мойил, баъзи жиҳатдан *Эргаш Жуманбулбул ўғли*нинг ота-боболари асос солган *Кўрғон достончилик мактаби* бахшиларига яқин поэтик услубга эга бўлган. Жан. Тожикистонда яшовчи ўзбек-лақай бахшилари Данғара туманининг Жорубқўл қишлоғи б-н боғлиқ. Ҳайбат Шамол ўғли (19-а.), Тўла Ҳайбат ўғли (1884—1966), Мустафоқул Қундуз ўғли (1883—1966), Шомурод Шамол ўғли (1883—1964) ва б. бу мактабнинг истеъдодли вакилларидан ҳисобланган. Бу бахшилар репертуарининг асосини *«Гўрўғли»* достонлар туркуми ташкил қилган. Уларнинг матни ниҳоятда қисқа, ихчам.

Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидида Қўлбуқон Д. м. шаклланган. Ҳайдар Бойча ўғли, Раззоқ Қозоқ ўғли, Усмон Маматқул ўғли, *Бўри бахши,* Маллавой Ҳошимовлардан ёзиб олинган халқ оғзаки ижоди намуналари бу мактабга *Булунғур достончилик мактаби* таъсири кучли бўлганлигини кўрсатади.

Ад.: Раззоқов Ҳ., Мирзаев Т., Собиров О., Имомов К., Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди, Т., 1980.

ДОТАЦИЯ (лот. dotatio — туҳфа) — 1) маълум харажатларни қоплаш учун иқтисодиётнинг бир субъекти томонидан иккинчисига қайтариб бермаслик шарти б-н пул маблағи берилиши. Д., одатда, *давлат бюджети*дан ажратилади. Аммо фирмалар, корпорациялар ва уюшмалар ўз таркибига кирувчи турли бўлинма ва шохобчаларга ҳам молиявий кўмак тариқасида Д. беради. Д.дан мақсад молиявий кўмакка муҳтожларнинг кўшимча харажатларини қоплаб, уларнинг даромад ва харажатларини мувофиқлаштиришдир. Бюджетдан бериладиган Д. аҳолини ижтимоий ҳимоялашни ҳам мўлжаллайди. Бунда корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товар ва хизматларни арзон нархда сотишидан кўрадиган зарари қопланади. Ўзбекистонда *бозор ислоҳотлари*нинг дастлабки кезларида барча аҳолини қимматчиликдан ҳимоя этиш учун истеъмол товарлари халққа арзон нархда сотилиб, бундан кўрилган зарар давлат бюджети Д.си ҳисобидан қопланди. Шунингдек, коммунал уй-жой хизматларига ҳам Д. берилди. Бундай Д. учун 1988 й.да Ўзбекистон Республикаси бюджетидан 14,4 млрд. сўм, 1999 й. эса 19,3 млрд. сўм Д. ажратилди; 2) муайян фуқаро ёки алоҳида ташкилотларга кўрилган зарарни қоплаш ёки белгиланган мақсадлар учун давлат томонидан пул маблағларининг ажратилиши.

ДОУ-ЖОНС ИНДЕКСИ — АҚШнинг етакчи компаниялари акциялари курсининг Нью-Йорк биржасидаги ўртача кўрсаткичи, биржа индикатори. Бу индекс дастлаб 1884 й.дан «Доу-Жонс энд компани» фирмаси томонидан 11 компания акциялари курси бўйича «Уол стрит жорнэл»да эълон қилиниб борилган. 1928 й.дан 30 та компания акциялари бўйича ҳисобланиб, мунтазам матбуотда эълон қилиб борилади-ган бўлди. Ҳозир Д.-Ж. и. акциялар курсининг биржа ёпиладиган чоғда ҳар кунги ўртача қийматларини кўрсатади, муайян вақтдаги акцияларнинг ўртача нархи олдинги даврдаги нархга солиштирилади. Мас., олдинги нарх индекси 10, 100 ёки 1000 бирлик деб қабул қилинган бўлса, кейинги нарх шунга таққосланиб, нарх ошса, янги индекс 10,6, 106,1, 1010,5 деб баҳоланиши мумкин. Акциялар курси индексининг кўтарилиши унинг харидорларини кўпайтиради ёки аксинча. Компаниялар акцияларининг курс индексига қараб иқтисодий вазиятга баҳо берилади. Д.-Ж. и. фақат иқтисодий эмас, балки сиёсий вазиятга қараб ҳам ўзгариб туради.

ДОУ ЦЗЯНЬ-ДЭ (572—621) — Хитойда *Суй* давлати зулмига қарши кўтарилган деҳқонлар қўзғолони (610—624) нинг раҳбарларидан бири. Шаньдун вилоятидаги қишлоқлардан бирининг оқсоқоли бўлган вақтида қўзғолончиларга ёрдам бергани учун таъқиб остига олиниб, бутун уруғ-аймоғи қириб ташланган. Шундан сўнг у 617—621 й.ларда Хэбэй вилоятидаги қўзғолонга раҳбарлик қилган. Қўзғолончилар қўшини сони 100 минг кишидан ортган. Қўзғолончилар қўл остига ўтган ҳудудларда Д. Ц.-д. раҳбарлигида Ся номли деҳқонлар подшолиги ўрнатилган. Суй давлати қулагач, Д. Ц.-д. қўшинлари *Тан* ҳукуматига қарши курашган. Жанглардан бирида яраадор бўлиб, асир олинган ва қатл этилган.

ДОЦЕНТ (лот. dosene — таълим берувчи) — бир қанча мамлакатларда олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг илмий унвони ва лавозими. Ўзбекистонда Д. унвони кафедра мудири ва б. лавозимларга танлов бўйича сайланган ёки шу лавозимларда шартнома асосида ишлаётган ёхуд олий ўқув юртининг ректори (ўқув ва илмий ишлар бўйича проректори), малака ошириш ин-ти ва унга тенглаштирилган ўқув юртининг директори (директор ўринбосари) лавозимларини эгаллаб турган, уларда ўқув йили давомида муваффақиятли фаолият юритган, олий ўқув юртлари ёки малака ошириш ин-тларида камида 3 й. педагог бўлиб ишлаган ҳамда пед. амалиётида фойдаланилаётган, шу жумладан диссертация ҳимоясидан кейин матбуотда эълон қилинган илмий ва ўқув-методик ишларга эга бўлган фан д-рлари ва номзодларига берилади. Олий ўқув юртида камида 5 й.лик педагоглик иш стажига эга, коллеж, лицей, гимназия, ўрта махсус ва касб-ҳунар ўқув юртлари учун дарслик ёки ўқув қўлланмалари, умумий ўрта таълим мактаблари учун дарсликларнинг якка муаллифлари бўлиб, танлов бўйича ёки шартнома асосида кафедра мудири Д. лавозимига тайинланган ва мазкур лавозимларда ўқув йили давомида муваффақиятли ишлаган олий маълумотли юқори малакали мутахассисларга ҳам илмий даражаси борлигидан қатъи назар, Д. унвони берилиши мумкин. Д. унвонини, қайси йўқлигидан қатъи назар республика олий ўқув юртлари ва и. т. муассасалари илмий (илмий-техника) кенгашларининг тавсиясига биноан ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси беради. Д.ларга белгилаб қўйилган намунадаги аттестатлар топширилади. ЎзР да Олий аттестация комиссияси ташкил этилгандан бери (1992) 2002 й. 1 январгача 3088 киши Д. унвонига эга бўлган.

ДОШУМОВА Тамара Ғаниевна (1954.10.3, Нукус) — хонанда. Қорақалпоғистон (1977), Ўзбекистон (1980) ва Татаристон (1981) халқ артисти. Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати ин-тининг драма ва кино актёри ф-тини тугатган (1986).



Тамара Дошумова.

1968—96 й.лар Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат филармонияси қошидаги «Ойқулаш» ансамблининг яккахони, 1996 й.дан «Аму тўлқини» ансамблида хонанда. Кучли, нафаси кенг, баланд ва ёқимли овозга эга. Репертуаридан қорақалпоқ халқ («Нолиш», «Гулпақ» ва б.), хоразм («Бўлмас» ва б.) қўшиқлари, қорақалпоқ ҳамда ўзбек композитор ва бастакорлари асарлари («Кўнгил кўнгилдан сув ичар», Н. Муҳаммеддинов; «Қўшиғимга ўзинг қанот бўладсан», «Сенинг бу дунёда борлигинг», «Ёр этма», Х. Турдиқулов; «Бесик жыры» М. Жиемуратов; «Йўлларим», М. Ашрафий ва б.) ўрин олган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1981).

ДОШЧОНОВ Мухтор Бешчонович (1909.1.1, РФ Оренбург вилояти Буртин тумани — 1975.24.5, Тошкент) — инженер-мелиоратор-ўрмоншунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1969), қ. х. фанлари д-ри (1965), проф. (1966). Тошкент ирригация ва қ. х. ни механизациялаш инженерлари институтини тамомлаган (1936). Тошкент қишлоқ хўжалиги ин-тида доцент, ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси кафедраси мудири (1949—67), Ўрта Осиё ўрмончилик и. т. ин-ти директори (1967—73). 1973 й.дан Тошкент қишлоқ хўжалиги ин-тида ўрмон мелиорацияси кафедраси мудири. Илмий асарлари Ўзбекистоннинг тоғ ён бағирларида тупроқ эрозияси ва сел оқимларига қарши кураш, агроўрмон мелиорацияси масалаларига бағишланган.


Ас.: Регулирование селевых потоков в руслах горных рек Узбекистана, Т., 1944; Влияния террасирования и облеснения горных склонов на поверхностный сток, Т., 1965.

ДОЪИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Хожа Муҳаммад Юсуф Охунд) (1824 — Хива — 1909) — ўзбек шоири. Хива ва Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган. Хивадаги Араб Муҳаммадхон мадрасасида мударрис, шаҳар жоме масжидида воиз (ваъз айтувчи) бўлиб хизмат қилган. Чин севги ва садоқат, мурувват ва адолат, ҳақгўйлик ва замона носозлигидан шикоят Д. шеърларининг асосий мавзуини ташкил этади. Д. адабий меросининг умумий ҳажми 5 минг мисрага яқин, 2 та девони бор. Унда Д. битган ғазаллар, Навоий, Феруз, Рожий ва Мунис ғазалларига мухаммаслар ҳамда мустаҳзод, мураббалар жамланган. Айрим ғазал ва мухаммаслари 20-а. бошларида Хивада тузилган кўпгина баёз ва тазкираларда ҳам учрайди. Мазкур қўлёзмалар Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондида сақланади (инв. № 906/III, 908/II, 1152, 1172, 2036, 1143, 1195, 1128, 1131 ва б.).

ДОЯХОТИН ГАЗ-КОНДЕНСАТ КОНИ — Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида, Газли ш.дан 80 км ғарбда жойлашган. Дояхотин структураси 1952 й.да геологик съёмка натижасида аниқланган. 1966 й.да юра карбонатли ётқизиқлар горизонтидан суткасига 139,5 минг м³ газ олина бошлаган. Конда 1969 й.гача 8 та бурғи қудуғи қазилган. Қудуқларнинг ўртача чуқ. 2000 м. Коннинг геологик тузилишида юра, бўр, палеоген ва неоген-тўртламчи ётқизиқлари иштирок этган. Тектоник жиҳатдан Дояхотин структураси Чоржўй поғонасининг шим.-ғарбий қисмида жойлашган брахиантиклиналдан иборат. Унинг шим.-ғарбий қаноти қия, жан.-шарқи тикроқ. Структурасининг уз. 10 км, кенглиги 7 км, бал. 100 м. Саноат аҳамиятига молик газ юра даври карбонатли жинсларининг турли горизонтларида жойлашган.

Д. г.-к.даги газ енгил, ҳавога нисбатан с. оғ. 0,628—0,637, метан 90,99—91,7%, этан ва углеводородлар 0,77—1,91%. Газнинг таркибида олтингугурт водороди 0,11—0,12%, карбонат ангидриди 1,75—2,45%, азот оз. Конденсатнинг потенциал миқдори 32,5 см³/м³, зичлиги 0,7596—0,7737 г/см³.

ДОЯХОТИН КАРВОНСАРОЙИ — Туркманистондаги 12-а.га оид меъморий ёдгорлик. Қад. Амул (Чоржўй)дан Хоразмга борадиган карвон йўли (Амударёнинг чап қирғоғи)да жойлашган. Маҳаллий аҳоли орасида Бой хотин карвонсароийи номи б-н ҳам маълум (афсонага кўра, машҳур бир бой хотин қурдирган). Бинонинг тарҳи тўғри тўртбурчак (112×125 м), ташқи бурчакларидан бурж-минорали бўлиб, тўғри тўртбурчакли қўрғон ўртасига қурилган. Қарвонсарой ўртасида атрофи тоқили айвонлар б-н ўралган катта ҳовли (53×53 м) бўлган. Унда йўловчилар учун ҳужралар, от-уловга эса чўзинчоқ ҳо-



Дояхотин карвонсароийи ички кўриниши (12-а.).

налар қурилиб, тепаси балхи гумбаз б-н беркитилган. Ҳовлининг ҳар тарафи ўртасида пештоқли айвон ва чорси хона, ҳамда молхона ва ҳужраларга равоқлар орқали кирилган. Деворларнинг ташқи ва ички томони пишиқ ғиштдан, ораси эса хом ғиштдан терилган. Д. к.нинг олд (шим.-шарқ) томони улкан, гўзал пештоқ б-н безалган, ғиштлари бўёлама ва кўндаланг («арча» усулида) терилиб, куфий хатида тўрт халифа (Абу Бакр, Умар, Али, Усмон) нинг номи ёзилган. Д. к. Буюк ипак йўлидаги йирик жамоат савдо-сотиқ иншооти сифатида Ўрта Осиё меъморлиги санъатини ўзида мужассам этган ноёб намуна.

ДОҒ, доғ тушиши (ўсимликларда) — қ. х. экинларининг барг, поя, мева ва б. қисмларида нобуд бўлган ҳужайралардан вужудга келган доғ б-н тавсифланувчи касаллик. *Некроз*ларнинг бир кўриниши. Д. тупрокда озиқ моддаларнинг етишмаслигидан, саноат чиқинди газларининг ҳавони ифлослантиришидан, ўсимликларнинг куйиши, замбуруғлар (қ. *Замбуруғли касалликлар*), бактериялар (қ. *Бактериал касалликлар*), вируслар (қ. *Вирусли касалликлар*) б-н касалланиши ва б. дан пайдо бўлади. Доғ ҳосил қилувчи қўзғатувчилар, одатда, тўқималарга тарқалиш жараёнида ўсимлик-хўжайин томонидан кўрсатиладиган механик ва кимёвий тўсиққа дуч келади. Механик тўсиқ соғлом ва касалланган тўқималар ўртасида ҳосил бўлиб, инфекция ўчоғини чегаралаб қўядиган пўкак қатлам кўринишида намоён бўлади. Кимёвий тўсиқ ўсимликнинг касалланган ва унга қўшни ҳужайраларида паразит учун заҳарли бўлган фенолли моддаларнинг тўпланиши б-н боғлиқ. Д.нинг ташқи кўриниши паразит б-н ўсимлик-хўжайинининг ўзаро муносабатига боғлиқ бўлиб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари б-н белгиланади. Патоген ўсимликка кирганда ҳимоя реакцияси кучли бўлса, унда майда некротик Д. вужудга келади ва паразитнинг ривожланиши тўхтайди. Агар ҳимояланиш суст бўлиб, юқумни чегаралаб қўйишга кучи етмаса, унда Д. ҳажми аста-секин катталашиб боради (мас., гўза, помидор, картошкада *макроспориоз*, лавлаги фомози ва б.). Баъзан Д.да концентрик ҳалқа кўринишидаги тўхтаб турувчи зона кўзга яққол ташланади (зонал Д.). Патоген замбуруғлар келтириб чиқарадиган турли шакл ҳамда рангдаги қуруқ Д. юзасида замбуруғ спораларини кузатиш мумкин. Бактериал Д. майда, рангсиз ҳошия б-н ўралган бўлиб, баъзан улардан елимшак томчилар чиқиб туради (мас., гўза *гоммози*). Вирусли Д. барг томирлари бўйлаб жойлашади ёки ўзига хос ҳалқалар, шакллар ҳосил қилади. Д. ранги қизил, тўққўнғир, кулранг, қора, оқ бўлиши мумкин. Д. барг, мева, поя қисмларининг қуриб қолишига сабаб бўлиб, ўсимликнинг фотосинтетик сатҳини камайтиради ва ҳосилдорликни пасайтиради.

Қарши кураш чоралари ҳавола кўрсатилган мақолаларда берилган.

Абдукарим Зикирёев.

ДОҒВОЙ (Codonopsis clematidea) — қўнғироқгулдошлар оиласига мансуб, қўланса ҳидли кўп йиллик ўт. Бўйи 50—80 см. Илдизи бақувват, дуксимон. Барглари, асосан, қарама-қарши ўрнашган. Гули қўнғироқсимон. Тожбарглари оч ҳаворанг. Июнда гуллаб, авг. охирида мева беради. Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги тоғларнинг зах ерларида ва дараларнинг тубида ўсади. Д.дан кодонопсин ва кодонопсинин алкалоидлари олинади. Поя ва баргларида алкалоидларнинг умумий миқдори 0,04—0,08%. Маҳаллий халқ Д. пояси ва баргларидан тайёрланган дамламани *бош оғриғи, офтоб уриши, сариқ касаллиги* ва турли тери касалликларини даволашда ишлатади.

ДОҒИСТОН, Доғистон Республикаси — Россия Федерацияси таркибидаги республика. Майд. 50,3 минг км². Аҳолиси 2120 минг киши (1999). Пойтахти — Махачқала ш. 41 туман, 10 шаҳар ва 17 шаҳарча бор.

Давлат тузуми. Д. — республика. Давлат ҳокимиятининг олий органи — Давлат Кенгаши. Қонун чиқарувчи органи — парламент (Халқ мажлиси). Ижроия ҳокимият — ҳукумат.

Табиати. Д. Шим. Кавказ тоғларининг шарқий қисмида жойлашган. Шарқда Каспий денгизига туташади. Қирғоғи (уз. 530 км) кам парчаланган. Рельефи жиҳатидан Д. ҳудуди 4 қисмга бўлинади: Пасттекислик қисми — Каспий бўйи пасттекислигининг жан.-ғарби (бу ҳудуднинг анчагина қисми океан сатҳидан паст), Тоғ этаклари, Ички тоғли Д. — кенг плато ва камбар тизмалардан иборат. Бал. 2500 м гача. Дара ва каньон кўп. Энг чуқури Сулак дарёсида (1800 м гача). Баланд тоғли Д. — Катта Кавказнинг Бош тизмаси ёки Сувайиргич тизма ва унинг Ён тизмаси. Д.нинг энг баланд жойи — Бозордюзю чўққиси (4466 м). Д. заминида фойдали қазилмалардан нефть, ёнувчи газ, тошкўмир, олтингугурт, мергель, кварц қумлари, 200 дан ортиқ минерал булоқ бор. Иқлими умуман иссиқ ва қуруқ. Янв.-нинг ўртача т-раси пасттекисликда 1,4° дан —3° гача (тоғларда —5° дан —11° гача), июлда 24° гача. Йилига пасттекисликнинг шим.-шарқида 200—300 мм, тоғларда 600—800 мм ёғин ёғади. Асосий дарёлари: Терек, Сулак, Самур. Терек ва Сулак дарёлари этакларида кўл кўп. Тупроғи пасттекислик ва тоғ этакларида каштан тупроқ, баландроқда тоғ қоратупроғи, тоғ-ўрмон ва тоғ-ўтлоқи тупроқлари. Пасттекисликда ва тоғ этакларининг қуйи қисмида чўл шувоқ-шўра, чала чўл бошқли-шувоқ ўсимликлари ўсади. Тоғ ён бағирларида асосан дуб, граб, қорағайин, қайин, қарағай ўрмонлари мавжуд. Баланд тоғли жойларида домагистон такаси, безоар эчкиси, элик, тоғ эчкиси, қўнғир айиқ, асл бугу, баъзан қоплон ва б. сут эмизувчилар учрайди. Қушлардан тоғ куркаси (улар), каклик, бургут ва б. яшайди. Каспий денгизидан турли хил балиқ овланади.

Аҳолиси. Республикада авар, рус, даргин, қўмиқ, лазгин, лак, озарбайжон, табасаран, тат, чечен, нўғай ва б.лар яшайди. Шаҳар аҳолиси — 44%. Муҳим шаҳарлари: Махачқала, Дарбанд, Хасавюрт.

Тарихи. Д. ҳудудида одам палеолит давридан бошлаб яшаб келади. Мил. ав. 1-минг йилликнинг охирларида Д. аҳолиси Озарбайжон ҳудудида вужудга келган йирик давлат — *Кавказ Албанияси* фуқаролигига ўтган. Мил. 3-а.да жан. Д.ни *сосонийлар* босиб олган. 4-а.га келиб Каспий соҳилларини *гунлар* эгаллаган. 664 й. Д.ни араблар эгаллаб, аҳоли ислом динини қабул қилган.

11-а. ўрталарида Озарбайжонни ва Д.нинг кўпгина қисмини *салжуқийлар* босиб олди. 12-а. охирида Авар хонлиги деган йирик давлат вужудга келди. 13-а.нинг 20-й.ларида Д.га мўғуллар бостириб кирди ва мамлакат узоқ йиллар Олтин Ўрда зулми остида яшади. Марказлашган рус давлати ташкил топгач (16-а. ўрталарида), Россиянинг Д.га қизиқиши ошди. 1722 й. Пётр I қўшинлари Д.нинг денгиз соҳилларини босиб олди. *Ганжа шартномаси* (1735) дан сўнг бу жойлар Эронга топширилди. Гулистон сулҳ шартномаси (1813)га биноан Д. Россия қарамоғига ўтди. Аммо подшо ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати тоғликларнинг қўзғолонларига сабаб бўлди. 19-а.нинг 30-й.ларида мюридлик байроғи остида тоғликларнинг мустамлакачиликка қарши миллий озодлик ҳаракати бошланди. Ҳаракатга Д. ва Чеченистон имомлари — Ғози Муҳаммад, Ҳамзатбек ва *Шомил* раҳбарлик қилди. *Кавказ урушлари* (1817—64) натижасида қўзғолон бостирилди. 19-а. ўрталарида, айниқса 90-й.ларда Д.да бочкасозлик, нефть ҳайдаш з-длари, арқон ва қоғоз ф-калари, босмахона ва б. вужудга келди, 20-а. бошларида корхоналар кўпайди. 1917 й. 1 дек.да Петровск-Портдаги митинглда Шўро ҳокимияти ўрнатилганлиги эълон қилинди. Аммо, 1918—20 й.ларда немис-турк қўшинлари ва оқ гвардиячилар уни босиб олдилар. 1920 й. март ойида қизил армия кучи б-н Д.да яна Шўро ҳокимияти тикланди.

1920 й. 13 нояб.да Д. халқларининг фавқулодда қурултойида большевикларнинг тазйиқи б-н Шўро мухторияти тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. 1921 й. 20 янв.да Бутун Россия МИК декрети б-н РСФСР таркибида Доғистон АССР ташкил қилинди. Шу даврдан то 1991 й. майгача Д.даги иқтисодий тараққиёт, маориф, фан ва маданиятнинг ривожи бир ёқлама йўлдан борди. 1991 й. майдан Д. Республикаси деб номланди.

1970 й. 14 май куни Д.да қаттиқ зилзила бўлди. Табиий офат шаҳар ва қишлоқларга катта зиён етказди. Шу муносабат б-н Ўзбекистон ҳам Д.да уй-жой қурилиши ишларида катта ёрдам кўрсатди. Д.даги «Ўзбекистон» микрорайони ўзбек ва Д. халқлари дўстлигининг рамзидир.

Хўжалиги. Саноат маҳсулотининг 80% озиқ-овқат, машинасозлик, енгил саноат (гиламдўзлик)га тўғри келади. Иқтисодиётида электр энергетика ва нефть чиқариш, қурилиш материаллари, кимё саноати ҳам муҳим роль ўйнайди. Энг йирик электр ст-ялари — Чирюртов ГЭС, Гергебиль ГЭС ва Чиркей ГЭС. Табиий газ қазиб олинади. Терек-Кума пасттекислигининг шим. да нефть ва газ конлари бор. Машинасозлик ва металлсозлик корхоналарида (Махачқала, Избербаш, Дарбанд, Кизилюрт, Буйнакск) металл қирқувчи станоклар, кема механизмлари, дизеллар, электротермик асбоблар, электротехника аппаратлари, сепараторлар, насослар, турли хил прибор ва автоматика воситалари ишлаб чиқарилади. Қурилиш материаллари саноати йирик шиша з-ди, уйсозлик к-ти ва темирбетон конструкциялари з-дидан иборат. Кимё саноати корхоналари (Махачқала) лок, бўёқ ва шиша тола ишлаб чиқаради. Чирюртовда йирик фосфор тузлари з-ди бор. Озиқ-овқат саноати ривожланган. Тўқимачилик (асосан ип ва жун газлама), трикотаж, тикувчилик, кўн-пойабзал саноати ҳам мавжуд. Д. гилам тўқиш, заргарлик ва б. б-н азалдан машҳур.


Қ. х. боғдорчилик, токчилик ва ғалла (буғдой, арпа, маккажўхори, шоли) етиштиришга ихтисослаштирилган. Чорвачиликда қўйчилик асосий ўринни эгаллайди. Кўпроқ гўшт-жун берадиган қўйлар боқилади, майин жунли қўйлар ҳам кўп.


Т. й.лар уз. 435 км, автомобиль йўллари уз. 9600 км. Ҳаво транспорти Махачқалани бошқа шаҳарлар б-н боғлайди. Махачқала йирик денгиз порти ҳамдир.

Соғлиқни сақлаш. Д.да 10 мингдан ортиқ ўринли касалхоналар, амбулатория-поликлиника ёрдами кўрсатадиган муассаса, 7,7 минг врач (10 минг кишига 40,1 врач) ишлайди. Бир неча санаторий ва дам олиш уйи, 100 га яқин шифобахш сув манбаи, Талги курорти ҳамда Махачқала, Ричалсув, Гуниб, Буйнакск каби ҳоромгоҳлар бор.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. 295 мактабгача тарбия муассасасида 308 мингга яқин бола тарбияланади. 1589 умумий таълим мактаби (395 минг ўқувчи), 27 та махсус ўқув юрти (20,8 минг ўқувчи) бор. 5 олий ўқув юрти, жумладан Доғистон ун-ти (1957 й. ташкил этилган; 8 мингга яқин талаба)да 27,3 минг талаба ўқийди. 842 оммавий кутубхона (6,4 млн. китоб ва жур.), 1066 клуб муассасаси, 8 музей (жумладан, Махачқаладаги тасвирий санъат музейи, С. Стальский уй-музейи ва б.), 7 театр, 898 кино қурилма бор. Д.да 20 и. т. муассасаси ишлайди.

Адабиёти — кўп тилли (авар, лазгин, тат, нўғай ва б.). Д. халқларининг қад. қўшиқлари, ёдномалари, эртак, афсона, мақол ва ҳикматли сўзлари бу адабиётнинг яратилишига асос бўлган. Лакча «Парту Патима», «Нодиршоҳнинг тор-мор этилиши ҳақида», аварча «Хочбар ҳақида қўшиқ», қўмиқча «Ойғози ҳақида қўшиқ» каби қўшиқларда халқларнинг жабр-зулмга ва Эрон босқинчиларига қарши кураши куйланади. 17—18-а.ларда халқ оғзаки ижодида бахшичилик санъати ривожланди. Ёзма адабиётда эса *зуллисонайн* ижодкорлар кўпайди (Ҳожи Муҳаммад





Доғистондаги Чох овули.

ибн Муса ал-Кудутли, Ҳожи Довуд ал-Ўсиший, Муҳаммад ибн Али ал-Убрий ва б.). Араб графикаси асосида «ажам» ёзуви пайдо бўлди (18-а.).

19-а.да Д. адабиётида демократик ғоялар чуқур илдиз ота бошлади (қўмиқ Йирчи Қозоқ, лазгин Етим Эмин, даргин Умарла Ботирай ва Мунги Аҳмад, аварлар Элдарилав, батлайчалик Тожутдин ва б. ижодида). Бу даврда лирика яна ўсди. Даргин Суқур Курбон, лак Маллей, авар Маҳмуд, қўмиқ шоирлари Анхил-Марин ва Патимат, лазгин Г. Алқодирий, лак Г. Гузунов ва Ю. Муркелинский, қўмиқ М. Албеков, М. Осмонов, Н. Ботирмирзаев каби ижодкорларнинг асарларида жамият турмушини ўзгартириш, таълим-тарбия ҳақидаги илғор фикрлар илгари сурилган.

20-а.да С. Стальский, Ҳамзат Цадаса, С. Габиев, Г. Саидов, З. Ботирмирзаев, Р. Нуров, А. Иминоғаев, Ҳожи Ахтинский, тлохлик Муҳаммад каби шоир ва ёзувчилар ижод қилди. Драма асарлари яратила бошлади (Г. Саидовнинг «Мискарлар», З. Ботирмирзаевнинг пьесалари ва б.). 20—30-й.ларда авар З. Гажиев, даргин Р. Нуров, А. Иминоғаев, қўмиқ А. П. Салаватов, А. Магомедов, Б. Остемиров, Т. Бойбулатов, лак И. Қурбоналиев, М. Чаринов, лазгин А. Фатахов каби ижодкорлар етук бадиий асарлар яратишди.

2-жаҳон уруши йилларида Ҳ. Цадаса, Қозия Али, А. Ғафуров, А. Ажиев, А. В. Сулаймонов, Ю. Хаппалаев каби шоирлар халқни фашистларга қарши курашга чақирди. Урушдан кейинги йилларда Д. адабиётининг кўлами кенгайди, хилма-хил бадиий шакл, услуб ва жанрлар вужудга келди. Д. халқ шоири Р. Ҳамзатов «Туғилган куним», «Қалбим тоғларда», «Тоғ қизи» каби достонлари, жўшқин шеърлари б-н дунёга машҳур бўлди. Кейинги даврда Фазу Алиева, А. Саидов, С. Рабаданов, Г. Багандов, С. Изгияев, М. Отабоева, М. Аминовлар баракали ижод қилдилар. Д.да болалар адабиёти ҳам ривож топди (Р. Рашидов «Мен хуш кўрган болалар», «Овулимизга қиш келди»; Р. Ҳамзатов «Бобом»; З. Гажиев «Водий қушчалари», «Қорбобо тоғда»; А. Магомаев «Бобо ва набира»; Д. Атнилов «Биринчи дарс» ва б. тўпламлар). Драматургияда ҳам етук асарлар юзага келди (М. Алиев «Рамазоновлар оиласи»; М. Гаирбекова «Учрашув»; А. Ажаматов «Келинлар»; Т. Хурюгский «Ошиқ Саид»; А. Қурбонов «Қайтмаснинг тўйи»; Г. Рустамов «Райҳон» ва б.). Д. адабиётида барча адабий жанрлар, жумладан, кинодраматургия (Аҳмадхон Абу Бакар «Булутлар тарқалди», «Адам ва Ҳева») ва адабиётшунослик ривожланган.

С. Стальский шеърлари, Р. Ҳамзатовнинг «Юксак юлдузлар» шеърлар тўплами ва «Доғистоним» асари ўзбек китобхонларининг ҳам мулки бўлиб қолди.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Узунлиги 40 км дан ортиқ Дарбанд мудофа истеҳкомининг тош деворлари ва қалъалари 6-а.да барпо этилган. 8—9-а.ларда араб меъморлигининг таъсири кучайди (Дарбанддаги жоме масжид). Д. меъморлиги асрлар давомида, асосан халқ меъморлиги асосида ривожланган (бу ерда яшовчи ҳар бир халқ ўзига хос меъморлик усулига эга). Тоғли жойларда овуллар узун тор йўлакли ва зинали кўчалардан иборат бўлиб, тошдан турар жой, жоме масжид ва б. қурилган. 14—15-а.лар ва 17—18-а.лардаги ёдгорликлар Озарбайжон меъморлигига яқин услубда барпо этилган, Дарбандда маҳаллий меъморлик мактаби шаклланган. 18—19-а.ларда уйлар тоғларда тошдан, текисликда сомонли лойдан қурилиб, асосан ички безагига (нақшлар, ёғоч ўймакорлиги ва б.) аҳамият берилган.

20-а.да уларнинг ташқарисини ўймакори нақшлар б-н безаш авж олган. 19—20-а.ларда Д.да рус *классицизми* услубида бинолар барпо этилди. Кейинги даврда эски шаҳарлар қайта қурилди, кўплаб маиший-маъмурий ва турар жой бинолар (Махачқалада — ҳукумат уйи, меъмор А. М. Алхазов; «Доғистон» меҳмонхонаси, меъмор Г. Гримм; Драма театри, меъмор Г. Я. Мовчан ва б.) замонавий услубда яратилди.

Д. ҳудудида неолит ва жез даврларига оид сопол буюмлар, нақшланган тошлар, бадиий металл буюмлар топилган. Ўрта асрларда тоғдаги овулларнинг кўпи ҳунармандлик буюмлари ишлашда турли соҳалар бўйича ихтисослашган. Кўп туманларда гилам, гулдор пайпоқлар жуда қадимдан тўқилади.

20-а.нинг 2-ярмида тасвирий санъат ривожланди. Рассомлардан М. А. Жамол, Ю. А. Мўллаев, ҳайкалтарош Х. Н. Асқар-Сарижа Д. тасвирий санъатига асос солдилар. 1950—60-й.лардан А. И. Августович, К. А. Мурзабеков, А. И. Шарипов, ака-ука Сунгуровлар каби рассомлар ижод қила бошлади. 1959 й. Махачқалада М. А. Жамол номидаги Бадиий санъат билим юрти очилган.

Мусиқада қаҳрамонлйкни куйлаш ҳаббатни мадҳ этиш одат тусига кириб қолган. Пуфлама созлардан — зурна, дудук, балабан, кшул, торли мусиқа асбобларидан — ёғоч-қўмуз, тара, тамур, саз, каманча, урма чолғулардан — тэп, гавал, диплипито, шунингдек, баян, балалайка, мандолина, скрипка, гитара, кларнет каби хилма-хил чолғу асбоблари жўрнавозлигида куйлаш одат тусига кирган. Лезгинкалар б-н бирга шўх рақслар кўп тарқалган. Устозона мусиқа намояндалари (лазгин ва лакларда — ошиқ, қўмиқларда — йирчи, аварларда — шоир, кочохон, даргинларда — далайла ёки уста)нинг ижоди анъанавий мусиқа санъатининг асосий қисмини ташкил этади.

Д.да мусиқа билим юрти, симфоник оркестр, халқ чолғу асбоблари оркестри, ашула ва рақс ансамбли, филармония, мусиқа билим юрти ва бир неча мусиқа мактаби мавжуд.

Театр санъати қўмиқ, авар, лазгин, лак, даргин ва б. халқлар ижодидан ташкил топган. Паҳлавон-акробатлар, дорбозлар, жонглёр ва халқ қизиқчилари («домбайлар») санъати кенг тарқалган. 1914 й.да лезгинларнинг, 1915 й.да лакларнинг, 1916 й.да қўмиқлар-

нинг ҳаваскор драма тўгараклари вужудга келди. 30-й.ларда қўмиқ, лазгин, авар, лак мусиқали драма театрлари очилди. Шу театрларнинг ташкил топиши ва ривожланишида А. П. Салаватовнинг пьесалари, Р. Фатуевнинг «Тоғликлар», А. Ажаматовнинг «Ансор», М. Хуршиловнинг «Ўтган кунлар» каби асарлари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Р. Ҳамзатовнинг «Тоғ қизи», Б. Айдаевнинг «Сулаймон Стальский», У. Мантаевнинг «Тақдир», М. Сулаймоновнинг «Тоғдаги қалъа» ва б. пьесалари Д. театрининг кейинги даврдаги асосий маҳсулидир. Д. театр арбобларидан Б. М. Муродова, А. С. Курумов, С. А. Кухмазов, З. Н. Набиева, Г. А. Рустамов, М. Р. Рашидхонов, Ш. Абдуллаев, М. Абдухолиқов, А. Қурбонова ва б. машҳур.

ДОҒИСТОН ТИЛЛАРИ — *кавказ (ибер-кавказ) тилларининг* энг кўп тармоқли гуруҳи. Мазкур тилда сўзлашувчи элатлар Доғистон, Шим. Озарбайжон, Грузиянинг айрим жойлари, Чеченистон, Ингушия ҳудудларида тарқалган. Д. т. тиллар гуруҳи ва айрим тилларга бўлинади: 1) авар-андидой (цез) гуруҳи. Бу гуруҳга авар, анд, ботлих, каратин, ахвах, багулал, тиндин, чамалин, годоберн, дидой (цез, хварши, гинух, бежитин ёки капиччу, гунзиб) тиллари киради; 2) лак тили; 3) даргин тили. Бу тиллар бир-биридан кескин фарқ қилувчи бир неча диалектларга бўлинади (буларнинг баъзилари (мас., кубачи, қайтоғ)га, ҳатто алоҳида тил сифатида қаралган); 4) лазгин тиллари гуруҳи (лазгин, табасаран, оғул, рутул, цахур, крыз ёки жек, будух, хиналуг, удин, арчин); 5) тат тили. Бу тиллар таркибида лаҳжа ва шевалар ҳам мавжуд. Д. т. ичида фақат авар, лак, даргин, лазгин ва табасаран тилларигина ёзувга эга (1917 й.дан сўнг юзага келган). Аввал булар ёзуви араб алифбосига асосланган, 1928—38 й.ларда лотин графикасига ўтган, 1938 й.дан бошлаб кирилл алифбоси асосида. Ўзига хос товушларни ифодлаш мақсадида "ъ", "ь", "і" белгилари қўшиб фойдаланилади.

Д. т. бўйича илк маълумотлар 18-а. охирларида пайдо бўла бошлайди. 19-а. 2-ярмида П. К. Усларнинг Доғистондаги ишлари нашр этилади. 20-а. бошларида А. М. Дирр баъзи Д. т.ни тавсифини беради. 20-а. 20-й.ларидан бошлаб Д. т. (грамматикаси, луғати, диалектлари тавсифи, қиёсий-тарихий тадқиқи) ҳар томонлама ўрганила бошланди.

Д. т. фонетик ва грамматик қурилиши ўзига хос жиҳатлари б-н ажралиб туради. Талаффузда мураккаб консонант товушлар — латерал, увиляр бўғиз ва ҳиқилдоқда ҳосил бўладиган ундошлар мавжуд. Грамматикаси учун эрготив тузилмалар, кўп миқдордаги ўрин келишиги, кўпчилигига 2 дан то 4 тагача от категорияси хос.

ДОҒИСТОН ТОҒ ҚЎЙ ЗОТИ — майин жунли, гўшт-жун берадиган қўй зоти. Доғистонда дағал маҳаллий гуниб қўйларини Вюртемберг (Германия) тириб етиштирилган (1933—50) ва олинган 2-бўғин дурагайларини танлаш ва саралаш, тоғ яйловларига мослашиш қобилиятини ўрганган ҳолда яратилган. Тоғ-яйлов иқлимига яхши мослашган. Пуштдорлиги 130—135%. Қўчқорларининг тирик вазни 80—85 (айримлари 130) кг гача, совлиқлариники 50—45 (баъзида 95) кг. Қўчқорларидан 5,5—6,0 (10 кг) гача, совлиқларидан 3,3—3,5 (6,5 кг) гача жун қирқиб олинади. Тоза жун чиқиши 55—58%. Жуни оқ, толасининг уз. 8—11 см. Соф жун (тола) чиқими 55—56%. Д. т. қ. з. дағал жунли қўйлар сифатини яхшилашда фойдаланилади.

ДОҒЛАРЖА Фозил Ҳусну (1914, Истанбул) — турк шоири. Илк китоби «Ҳавога чизилган дунё» (1935). «Бола ва Аллоҳ» (1940) шеърий тўплами Д.га шуҳрат келтирган. Д. ўз даврининг энг сермаҳсул ижодкори ҳисобланади. 40 дан ортиқ шеърий тўпламлари нашр қилинган. Шеърларида одамларнинг ички ва ташқи дунёсини поэтик ифодалашга алоҳида эътибор берган («Тош даври», 1945; «Уч шаҳид достони», 1949). «Тупроқ она» (1950), «Истиқлол кураши — Инонулар» (1951), «АСУ» достони» (1965), (1955), «Чанаққалъа достони» (1963), «Гози Мустафо Камол Отатурк» (1973), «Ер юзи болалари» (1974), «Дилдаги гулбилимсевар» (1992) ва б. асарларида гуманист шоир сифатида инсонни улуғлайди. Шеърлари Тилак Жўра томонидан ўзбек тилига таржима қилинган (1980).

ДОҒЛИ АНТРАКНОЗ — ўсимликнинг поя, барг ва меваларида замбуруғ таъсирида пайдо бўладиган касаллик (қ. *Антракнозлар*).

ДРА, Водий-Дра — Марокаш жан. даги дарё. Уз. 1150 км чамасида, ҳавзасининг майд. 15,1 минг км². Юқори Атлас тоғларидан бошланиб, Саҳрои Кабирнинг ғарбий чеккасидан оқади. Тоғлардаги қорлар эриган мавсумдагина Атлантика океанига етиб боради. Дарёнинг бошланиш қисми (200 км чамаси)да сув мунтазам оқади, қуйи қисмида суғоришга сарфланади. Д. водийсида аҳоли зич.

ДРАВА — Европадаги дарё, Дунайнинг ўнг ирмоғи. Уз. 749 км, ҳавзасининг майд. 40,4 минг км². Альп тоғлари (Италия ва Австрия ҳудуди)дан бошланади. Асосан Ўрта Дунай текислигидан (Словения ва Хорватия)дан оқади. Ёз ва куз ойларида тошади, қишда суви камаяди. Қуйилиш жойида ўртача сув сарфи 610 м³/сек. Д.га йирик ГЭСлар қурилган. Қуйилиш еридан Филлах ш.гача (650 км масофада) кема қатнайди.

ДРАВИДЛАР — Жан. Ҳиндистонда яшовчи халқлар гуруҳи (телугулар, тамиллар, малаялилар, каннаралар, гондлар, ораонлар ва б.). Покистон ҳамда Эрон ва Афғонистоннинг қўшни р-нларида (брагуйлар) яшайди. Жан. ҳинд ирқига мансуб. Дравид тилларида сўзлашади. Ҳиндистон я. о.нинг туб жой аҳолиси. Д. ҳақидаги илк маълумотлар (Утанишад, Маҳабхарата) қад. ҳинд адабий ёдгорликларида келтирилади. Бу эса Д. орий қабилаларининг шим. Ҳиндистонга бостириб киргунига қадар туб аҳоли бўлганини кўрсатади. Баъзи тадқиқотчилар Д.ни мил. ав. 4-минг йилликда Гарбий Осиёдан кўчиб келган деб ҳисоблайдилар. Д. тарихий тараққиёт давомида ўзларининг бой маданиятлари (*Хараппа маданияти, Моҳенжо-Даро*)ни вужудга келтирганлар. Д. орасида ҳиндуизм, христианлик, ислом, тогли ва ўрмонзор р-нларида яшайдиган аҳоли ўртасида ибтидоий диний тасаввурлар ёйилган. Аҳолининг кўпчилиги қишлоқларда яшайди. Деҳқончилик (гуручдан йилига икки марта ҳосил олинади, кокс пальмаси, чой, кофе, каучук дарахти), чорвачилик (қўй, эчки), ҳунармандчилик б-н шуғулланадилар (қ. *Ҳиндистон*).

ДРАЙЗЕР (Dreiser) Теодор Герман Альберт (1871.27.8, Терре-Хот — 1945.28.12, Голливуд) — Америка ёзувчиси ва жамоат арбоби. «Чикаго дейли ньюс» («Chicago Daily News») газ. муҳаррири (1892). Биринчи йирик асари «Бахти қаро Керри» (1900) ва «Женни Герхардт» (1911) романларида оддий қизлар тақдиридаги ижтимоий-ахлоқий масалалар тасвирланган. «Истак трилогияси» («Молиячи», 1912; «Титан», 1914; «Матонат» 1947) юлғичликнинг фойдасизлигини тушуниб етган молиячи қаҳрамон шим. Ҳиндистонда бостириб киргунига қадар туб аҳоли бўлганини кўрсатади. Баъзи тадқиқотчилар Д.ни мил. ав. 4-минг йилликда Гарбий Осиёдан кўчиб келган деб ҳисоблайдилар. Д. тарихий тараққиёт давомида ўзларининг бой маданиятлари (*Хараппа маданияти, Моҳенжо-Даро*)ни вужудга келтирганлар. Д. орасида ҳиндуизм, христианлик, ислом, тогли ва ўрмонзор р-нларида яшайдиган аҳоли ўртасида ибтидоий диний тасаввурлар ёйилган. Аҳолининг кўпчилиги қишлоқларда яшайди. Деҳқончилик (гуручдан йилига икки марта ҳосил олинади, кокс пальмаси, чой, кофе, каучук дарахти), чорвачилик (қўй, эчки), ҳунармандчилик б-н шуғулланадилар (қ. *Ҳиндистон*).



новеллалари, «Барабан қоқ!» (1920), «Фожиавий Америка» (1931) ва б. публицистик тўпламлари нашр этилган. Д. Амстердамда ўтказилган тинчлик ва маданиятни сақлаш бўйича конгресс ташкилотчиларидан бири (1932). Д. ўз ижодида реализм б-н натурализм тамойилларини бирлаштирган. «Бахти қаро Керри» (1973), «Америка фожиаси» (1976), «Женни Герхардт» (1982) романлари ўзбек тилида нашр қилинган.

ДРАКОН ТОҒЛАРИ — Африканинг жан.-шарқидаги тоғлар. Шим.да Саби дарёсидан жан.да Грейт-Кей дарёсигача 900 км масофага чўзилган. Д. т.нинг ўрта қисмига Лесото тоғлигининг шарқий чеккаси ҳам киради. Жан. Африканинг энг баланд чўққилари (Табана-Нтленьяна тоғи, 3482 м ва б.) шу ерда. Ҳинд океанига қараган ён бағри зинапоясимон пасайиб тушган. Д. т. Ҳинд океани ҳавзасига оқувчи қисқа дарёлар б-н Оранж дарёси юқори оқими ўртасидаги сувайирғичдир. Асосан, қумтош ва базальтлардан тузилган. Шарқий ён бағрига йилига 2000 мм гача ёғин ёғади, тропик ўрмон, бутазор ва тоғ ўтлоқлари б-н қопланган. Ғарбий ён бағрида иқлим кескин континентал, саванна ва бутазорлар бор. Миллий парклар ташкил этилган.

ДРАКУНКУЛЁЗ (лот. drakunculus — кичкина аждаҳо) — гижжа касаллиги (қ. *Ришта*).

ДРАМ — Арманистон Республикаси пул бирлиги. 1993 й. 22 нояб.дан муомалага киритилган. 1 Д.=100 лумма. Халқаро ифодаси AMD. Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари = 565,16 Д. (2002, фев.).

ДРАМА (юн. drama — ҳаракат) — 1) бадиий адабиётнинг 3 асосий туридан бири (*эпос*, *лирика* б-н бир қаторда). Д. *театр*га ҳам тааллуқли. Сюжетлилик, ҳаракатларнинг зиддиятга асосланиши ва уларнинг саҳна, эпизодларга бўлиниши, баённинг йўқлиги, персонажлар муносабатларининг ўзаро сўзлашувга асосланиши Д.нинг ўзига хос хусусиятидир. Ижтимоий (конкрет тарихий ва умуминсоний) муаммоларни акс эттирувчи драматик зиддиятлар қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларида, аввало *диалог* ва *монолог*ларда ифодаланади. Д. матни кўришга (имошора, ҳаракат), шунингдек, эшитишга мўлжалланади; у саҳнавий макон, замон ва театр техникаси (мизансценалар қурилиши) имкониятларига ҳам мувофиқ келади. Д. адабий асар сифатида актёр, режиссёр томонидан саҳнада ўз талқинини топади. Д. туфайли театр санъати юзага келган ва у кино санъати учун ҳам асос бўлган (қ. *Кинодраматургия*). Д. жанрлари: *трагедия*, *комедия*, драма (жанр сифатида) ва трагикомедия. 2) *Драматургия* жанрларидан бири. Маърифатпарварлик даври (Дидро, Лессинг)дан бошлаб Д. бадиий адабиётнинг етакчи жанрларидан бирига айланган. Унда инсоннинг зиддиятли ҳаёти ифодаланади. Тарихий Д.га фожиавийлик хос. Ўзбек драматургияси 20-а. бошларигача оғзаки шаклда мавжуд эди. 20-а.нинг 1-ярмида дастлабки ёзма миллий саҳна асарлари яратилди: «Падаркуш ёки ўқимаган боланинг ҳоли» (*Беҳбудий*), «Тўй» (Нусратулла Қудратулла ва *Ҳожи Муъин*), «Бой ила хизматкор», «Кўкнор», «Мазлума хотин» (Ҳожи Муъин), «Жувонмарг», «Аҳмоқ» (Абдулла Бадрий), «Бахтсиз куёв» (*Абдулла Қодирий*), «Заҳарли ҳаёт», «Илм ҳидояти» (*Ҳамза*), «Пинак», «Адвокатлик осонми?» (*Авлоний*) ва б. Булар Д. жанри имкониятларини ўзида тўла ифодалади. 20—30-й.ларда ўзбек драматургияси *Гулом Зафарий*, *Фитрат*, *Чўлпон*, *Зиё Саид*, Хуршид, *Собир Абдулла* ва б. драматурглар ижоди туфайли янада ривожланди. 40-й.лар драматургияси 2-жаҳон уруши ва урушдан кейинги давр вазифаларига мувофиқ тараққий этди. Замонавий драматик асарларда ўзбек халқи тарихи, буюк сиймолар кўпроқ ёритилди. Ҳ. Олимжон, Иззат Султон, Уйғун, Шайхзода кабилар инсонпарварлик ва ватанпарварлик руҳи б-н суғорилган «Муқанна», «Жалолиддин», «Алишер Навоий», «Мирзо Улуғбек» каби трагедия ва драмалар яратдилар. Ўзбек драматургиясининг етук намуналари бу жанрнинг энг яхши анъаналари асосида яратилди. Д.да давр муаммолари ва ҳаётий зиддиятларни ички руҳий кечинмалар асосида ифодалаш ўзбек саҳна асарларининг етакчи хусусиятига айланди. А. Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана», «Тобутдан товуш», И. Султоннинг «Имон», Уйғуннинг «Парвона», Ў. Умарбековнинг «Қиёмат қарз» пьесалари шулар жумласидан.

Ад.: Белинский В. Г., Танланган асарлар, Т., 1955; Раҳмонов М., Ўзбек театри тарихи (XVIII асрдан XX аср аввалигача), Т., 1968; Имомов Б., Жўраев Қ., Ҳакимова Х., Ўзбек драматургияси тарихи, Т., 1995.

Мурод Иброҳимов.

ДРАМА ТЕАТРИ — қ. *Театр*.

ДРАМАТУРГИЯ (юн. dramaturgia) — 1) муайян санъаткор, давр ва халққа мансуб драматик асарлар мажмуи. Мас., Ҳамза, *Фитрат* Д.си, антик давр Д.си, Уйғониш даври Д.си, инглиз Д.си, ўзбек Д.си ва б.; 2) *кино* ва *спектакл*нинг образли талқини концепцияси. Театр Д.си бадиий драма асосида юзага келган, лекин ҳоз. театрда у режиссёр *сценарийси* ёрдамида амалга оширилади. Киносанъат учун сценарий шаклидаги Д. хос (яна қ. *Драма*).

ДРАНҒИЁНА, Дранга (қад. Эрон антик давр муаллифларидаги Заранг*иана* номи шундан олинган) — қад. Эрон вилояти; Ҳамун кўли ҳавзаси ва Ҳилманд дарёсининг қуйи оқими бўйларида жойлашган (ҳоз. Эрон б-н Афғонистоннинг қўшни р-нлари). Д.га сакларнинг келиши (мил ав. 2-а.нинг охири) б-н Д.нинг янги — Сакастан (Сейистон) номи жорий бўлган.

ДРАП (франц. drap — мовут) — жун матонинг бир хили. Йигирилган жун ипдан тўқилади. Патли ёки патсиз, сидирға ёки гулдор хиллари бўлади. Д. қалин, қўш қатлам бўлганлигидан киши танасини иссиқ тутади. Сиртқи қатлами ички қатламига қараганда сифати юқорироқ жундан тўқилади.

ДРАҲМА (юн. drachme) — 1) юнон оғирлик ва пул бирлиги; мил. ав. 6-а.дан бошлаб кумуш танга шаклида зарб қилинган, дастлабки вазни 4,25 г, кейинчалик 4,32 г бўлган; 2) Греция пул бирлиги. 1954 й.да муомалага чиқарилган. 1Д.=100 лета. Халқаро валюталар курси ифодаси GRD. Халқаро валюталар курси бўйича 1 АҚШ доллари = 385,57 Д., 10 Д. = 17,58 сўм (2002, фев.).

ДРАҲМИЙ — тиббиётда кўп қўлланиладиган оғирлик ўлчов бирлиги. Беруний ва Ибн Синолар ўз асарларида бу ўлчов бирлигидан фойдаланганлар. Улар қўллаган Д.нинг оғирлиги 4,25 г га тенг бўлган. Бошқа манбаларда 1 Д. юнон Д.сига, яъни 3,3105 г га тенг эканлиги кўрсатилган.

ДРЕЗДЕН — Германиядаги шаҳар, Эльба дарёси бўйида. Саксония ерининг маъмурий маркази. Аҳолиси 452,8 минг киши (1998). Мамлакатнинг йирик саноат ва маданият марказларидан бири. Дарё порти, т. й. ва автомобиль йўллари тугуни. Халқаро аэропорт бор. Машинасозлик, айниқса электротехника ва радиоэлектроника, приборсозлик, оптика буюмлари и. ч. ва аниқ машинасозлик (рентген ва кино аппаратуралари) саноати ривожланган. Қадимдан чинни ва шиша буюмлар ишлаб чиқарилади. Тикувчилик, трикотаж, пойабзал, кимё-фармацевтика, полиграфия, мебель ва озиқ-овқат (айниқса, тамаки ва шоколад) корхоналари бор.

Д. шаҳар сифатида дастлаб 1216 й.дан тилга олинган. 1485 й.дан Веттин герцоглари қароргоҳи, 1806 й.дан Саксония қироллигининг пойтахти. Наполеон урушлари даврида (1813 й. 26—27 авг.) Д. ёнида катта жанг бўлган. 2-жаҳон уруши охирида (1945 й. фев.) Д. қаттиқ бомбардимон қилинган.

Д.да меъморий ёдгорлик кўп, жумладан Япон саройи (1715—41), Пильниц сарой-боғ мажмуаси (1720—24), курфюрстлар қасри (1200), Цвингер саройи (1711—1722) ва б. Янги қурилган меъморий бинолари: Матбуот уйи (1960—68), Маданият саройи (1970) ва б. *Дрезден картиналар галереяси*, тарих музейи, чинни буюмлар музейи, халқ санъати музейи, техника ун-ти, пед. институти, йирик кутубхоналар бор. Д. ядро тадқиқотлари маркази. Туризм ривожланган.

ДРЕЗДЕН КАРТИНАЛАР ГАЛЕРЕЯСИ — рангтасвир асарлари тўпланган жаҳоннинг йирик музейларидан. Дрезден ш. (Германия)да. 1560 й.да сарой тўпламлари тарзида асос солинган. 1722 й.да кенгайтирилиб, омма учун очилган, махсус қурилган (1847—56) бинода жойлашган. 2-жаҳон уруши даврида музей биноси вайрон бўлган, санъат асарларининг бир қисми шикастланган. 1956 й.да музей қайта тикланган биносида ишга туширилди. Д. к. г.да нодир санъат асарларининг асл нусхалари, кекса санъаткорлардан Я. ван Эйк, Жоржоне, Рафаэл, Тициан, Корреджо, Веронезе, А. Дюрер, П. П. Рубенс, Рембрандт, Д. Веласкес, Н. Пуссен ва б., 19—20-а.лардаги бадиий мактаблар намояндалари асарлари ва б. нодир бадиий буюмлар сақланади.

ДРЕЗИНА (нем. Draisine) ярим масофага юк ёки одам ташийдиган, рельсда ҳаракатланувчи транспорт машина-



Дрезден шаҳри. Опера уйи.

си. Немис ихтирочиси К. Ф. Дреза (1785—1851) номи б-н аталади. Аввалги тўрт ғилдиракли Д. қўл б-н бошқарилган. Ҳозирги Д.ларга автомобиль ёки мотоциклнинг *ички ёнув двигатели* ўрнатилади (қ. *Автодрезина*).

ДРЕЙК (Drake) Фрэнсис (1540—96) — инглиз денгиз сайёҳи, вице-адмирали (1588). Вест-Индияга қилинган қароқчилик экспедициясининг раҳбари; 1577—80 й.ларда *Магеллан*дан сўнг 2-бўлиб дунё бўйлаб сузиб чиққан. Испанларнинг «Енгилмас армада»сини тор-мор қилишда амалда инглиз флотини бошқарган (1588).

ДРЕЙК БЎҒОЗИ — Оловли Ер архипелаги ва Жан. Шетленд о.лари оралиғида жойлашган. Атлантика океанини Тинч океан б-н боғлайди. Уз. 460 км; дунёдаги энг кенг бўғоз (1120 км гача). Чуқ. 5249 м гача (энг саёз жойи 276 м). Кучли бўронлар бўлади. Қиш ойларида жан. қисми муз б-н қопланади; ёзда айсберг (музтоғ) кўп. Бўғоз ўша жойдан 1578 й.да сузиб ўтган инглиз денгизчи сайёҳи Ф. *Дрейк* номи б-н аталган.

ДРЕЙССЕНАЛАР (Dreissenidae) — икки паллали моллюскалар оиласи. Чиғаноғи яшил ёки қўнғир тусли бир хил ёки ҳар хил паллалардан иборат; олдинги учки қисми ингичкалашган, кейинги қисми кенгайган; қулфи тишсиз. Оёғидаги биссус иплари ёрдамида сув тубидаги нарсаларга тўда бўлиб ёпишиб олади. Айрим жинсли, тухумлари сувда уруғланади. Личинкаси велигер планктонда эркин ҳаёт кечиради; кейинроқ сув тубига чўкади ва шўрланган сувларда тарқалган. Атлантика океанининг тропик қисми соҳилларида, Европа, Кичик Осиё, Қора денгиз, Каспий ва Орол денгизининг соҳиллари яқинида тарқалган. Орол денгизида дарё Д. (Dreissena polumorpha) ва Каспий Д. (D. kaspia) сувнинг унча чуқур бўлмаган, қирғоққа яқин жойларида учрайди. Дарё Д. жуда тез кўпаяди. Уларнинг массаси 7 кг гача етади. 7—8 йил яшайди. Д. — фаол фильтрловчилар; муаллақ заррачаларни чўктириб, сувнинг биологик тозаланишига имкон беради. Ёш Д. балиқлар учун озиқ. Айрим сув ҳавзаларида Д. тез кўпайиб кетиши туфайли сув ўтказадиган қувурларга тиқилиб қолиб, уларни ишдан чиқаради. Д.га қарши курашда гидротехник қурилмаларда катодли ва ультратовуш ҳимоя воситалари қўлланилади.

ДРЕЙФ ОҚИМ (голландча drijveh — сузиш, ҳайдаш) — шамол ва оқим таъсирида океан ва денгиз суви устки қатламининг ўзига хос ҳаракатга келиши. Ишқаланиш таъсирида сув денгиз тагига томон туша боради. Д. о. назариясини Ф. *Нансен* яратган; бу назарияни швед геофизиги ва океанографи В. Экман 1906 й.да математик йўл б-н исбот қилган. Ернинг айланиши натижасида Д. о. денгиз юзасида шим. ярим шарда 45° ўнгга, жан. ярим шарда 45° чапга бурилади. Денгиз тагига чуқурлашган сари оқим кўпроқ бурила боради ва муайян чуқурлик (200 м) да оқим сув юзасидагига нисбатан бошқача йўналишда оқади.

ДРЕЛЬ (нем. Drilibohrer — бурғилаш, пармалаш) — металл, ёғоч ва б.да кичик (50 мм гача) тешиклар очиш учун мўлжалланган асбоб. Пармаси дастаки, электр ва пневматик ҳаракатлантириладиган хиллари бор. Электр Д. электр двигатель, корпус, тишли узатма ва парма ўрнатиладиган патрондан иборат. Бундай Д. ўзгарувчан ток б-н, пневматик Д. *компрессор* ҳосил қиладиган сиқиқ ҳаво б-н ишлайди.

ДРЕНА (инг. drain — қуритмоқ, зах қочирмоқ) — тупроқ-грунтдаги ортиқча сувларини йиғиш ва чиқариб ташлаш ҳамда тупроқ аэрациясини яхшилаш учун қуриладиган ёпиқ канал (қувур). Д. *коллектор-дренаж тармоғи*нинг сув сатҳини тартибга солиш қисмидаги бирламчи бўғиндир. Доимий ёки муваққат бўлади. Доимий Д. мунтазам дренаж учун, муваққати эса ер шўрини ювиш даврида қурилади.

ДРЕНАЖ (тиббиётда) — жароҳат ёки тана бўшлиғидаги суюқликни шимиб ва сўриб ташқарига чиқариш учун қўлланиладиган махсус буюмлар, уларга шаша дока турундалар, резина ёки хлорвинилдан ясалган найчалар киради. Бу мосламалар қўкрак бўшлиғи, ўт йўли, сийдик йўли ва қовуқни дренажлаш учун ишлатилади. Д.лар фаол ва пассив, ички ва ташқи, клапанли ва клапансиз, резина ва пластмасса турларига бўлинади. Қайси аъзога қўлланилишига қараб: махсус ясалган баллонли, кўп каналли, резина пардали, ёпиқ система шаклида ишланган Д.лар танланади.

ДРЕНАЖ, қишлоқ хўжалиги ерларини дренажлаш — қ. х. мелиорациясининг муҳандислик усули; экинларнинг нормал ривожланишига халақит берадиган ортиқча тупроқ-грунт сувларини ва сувда эрувчан заҳарли тузларни тупроқ қатламларидан чиқариб ташлаш учун қуриладиган гидротехника иншоотлари тизими. Грунт сувлари тўпланиб қоладиган ёки унинг оқиб кетиши қийин бўлган жойларда шўрланиш ва ботқоқланишга учраган тупроқларда Д. барпо қилинади. Бундай ерларда Д. қуриш гурунт сувларининг оқиб кетишини ва натижада тупроқ қатламининг тадрижий шўрсизланишини, юза грунт сувлари сатҳини пасайтиришни таъминловчи мелиоратив комплекснинг асоси ҳисобланади. Шўрланган қурғоқчил зонадаги р-нларда гидротехник Д. грунт сувлари сатҳини шўр ювишни ўтказишга имкон берадиган чуқурликкача пасайтириш; дренажланадиган тупроқ-грунт қатламидан шўр ювишда сувда эрийдиган заҳарли тузларни чиқариб ташлаш; чучуклаштирилган грунт сувлари сатҳини илдиз тарқаладиган тупроқ қатламини шўрланишга олиб келмайдиган даражада сақлаш кабиларни таъминлайди.

Суғориладиган деҳқончилик минтақаларида *горизонтал дренаж, вертикал дренаж ва комбинацияланган дренаж* типлари қўлланилади. Д.нинг турли типлари ҳудуднинг геологик-литологик ва хўжалик шароитларига қараб қўлланилади. Уларнинг конкрет шароитдаги самарадорлиги грунтларнинг сув-физик хоссалари ва дренажланадиган объектнинг гидро-геологик-мелиоратив хусусиятлари (грунт сувларининг босими, уларнинг озиқланиш шароитлари) б-н белгиланади.

Ўзбекистонда ҳоз. суғорилаётган ва келгусида суғоришга яроқли ҳудудлар гидрогеологик шароитлар ҳамда Д. турини қўллаш бўйича типларга бўлинган (қ. *Мелиоратив районлаштириш*). 90-й.лар бошида Ўрта Осиёдаги деярли 7 млн.га суғориладиган ерларда 125 минг км очиқ ва 30 минг км дан ортиқ ёпиқ Д. тармоқлари, 5000 дан ортиқ вертикал Д. бурғи қудуқлари қурилган. Яна қ. *Шўр ерлар мелиорацияси.*

Машариф Боқиев.


Пластмасса қувури ётқизадиган дренаж машинаси.

ДРЕНАЖ МАШИНАЛАРИ — қ. х.да экин майдонларининг ҳолатини яхшилаш мақсадида сизот сувлари сатҳини пасайтириш, уларни тўплаш, яъни очиқ зовурлар қазиш ва дренлар ётқизиш (дренаж қуриш) учун фойдаланиладиган машиналар. Доимий ва муваққат дренаж қуриш машиналарига бўлинади. Доимий дренаж қуриш машиналари вазифасига қараб эни камида 0,5 м ли хандақ (траншея) қазиб, кетидан дренаж (сопол) қувур ётқизадиган; эни 0,1—0,4 м ли тор хандақ қазиб, бир йўла сопол (диаметри 100 мм) ёки пластмасса (диаметри 75 мм гача) қувурлар ётқизадиган; тупроқни тилиб, эни 0,2 м гача бўлган тирқиш тубига пластмасса қувурлар ётқизадиган хилларга бўлинади. Д. м. ер қазиб, хандақ очувчи (занжирли кўп чўмичли, ротор-куракли, шнекли, занжир-куракли) ёки тилиб тирқиш очувчи (пичоқли) иш органи ва хандақ (тирқиш) тубига дренаж қувурлар ётқизувчи мосламадан иборат. Хандақ чуқурлиги оғир қумоқ ерда 0,8—1 м, ўртача аралаш тупроқли ерда 1,0—1,2 м ва торфли ерда 1,5—1,8 м қазилади. Қувурларни узунасига зарур нишаблikда ётқизиш учун Д. м. хандақ очувчи иш органларини бошқарувчи нишаблик автомати б-н жиҳозланади. Муваққат дренаж қуриш машиналари сизот сувли оғир қумоқ ерларда 0,7—1,5 м чуқурликда дренаж туйнук ёки торфли ерларда 1,2—1,5 м чуқурликда дренаж тирқишлар ясайди. Д. м. трактор нинг орқасига осиладиган пичоқ ва дрендан иборат. Босим остида сув юбориб, дренаж қувурларни чўкиндилардан тозалайдиган машиналар ҳам Д. м. туркумига киради.

ДРЕНАЖ ОҚИМИ — муайян вақт давомида мелиорацияланадиган майдондан *коллектор-дренаж тармоғи* (ёки унинг қисмлари) орқали чиқариб юбориладиган сув ҳажми (ёки сарфи); л/с, м³/с, м³/га б-н (ой, йил ва б. учун) ифодаланади. Д. о. миқдори грунтнинг сув ўтказиш имконияти, майдонни дренажлаш даражаси, коллектор-дренаж тармоғи чуқурлиги, грунт сувларининг тўйиниш шароити, *дренаж оқими модули* миқдори ва б. омилларга боғлиқ. Суғорма деҳқончилик зоналари учун ерларнинг қулай мелиоратив ҳолатини таъминловчи Д. о. миқдори суғоришга берилган сувнинг 15—35% ини ёки йилига 1,5—10,0 м³/га ни ташкил этади (қ. *Ерларнинг мелиоратив ҳолати*). Дренажни лойиҳалашда Д. о. турли усуллар б-н аниқланади. Ўртача йиллик ва ўртача ойлик Д. о. миқдори сув баланси ҳисоблари асосида топилади. Ишлаб турган коллектор-дренаж тармоғи тизимларида Д. о. гидрометрик постларда сув сарфини ўлчаб ёки оқим модули миқдорини топиш мақсадида унинг айрим элементлари ишини ўрганиш йўли б-н аниқланади.

ДРЕНАЖ ОҚИМИ МОДУЛИ — захи қочириладиган майдон бирлиги (гектар)га тўғри келадиган сизот (грунт) суви оқимининг миқдорий тавсифи. Д. о. м. ($q_д$) 1 га учун л/с да ўлчанади. Д. о. м. оптимал мелиоратив режим сақланган шароитларда *дрена* ва *коллектор*лардаги сув сарфини аниқлашда фойдаланилади. Суғориладиган ерларда Д. о. м. 1 га майдонга 0,15—0,40 л/с тўғри келади. Унинг қиймати ҳисоблаш (аналитик) ва тажриба (экспериментал) усуллари б-н аниқланади. Д. о. м. қиймати босим таъсирига боғлиқ ҳолда вақт бўйича ўзгаради: $q_д=f(t)$. Д. о. м.нинг максимал миқдори шўр ювиш даврига, минимал миқдори эса грунт сувлари тўпланиши камайган (суғориш тўхтатилган) ёки бутунлай тўхтаган ва уларнинг сатҳи пасайган даврларга тўғри келади. Дрена ва коллекторларнинг сув сарфи ҳисоблари қуйидаги формула бўйича аниқланади: $Q_д=q_д·o_д$; $Q_к=q_д·o_к$; бунда $o_д$ — зовур б-н дренажланадиган майдон; $o_к$ — коллектор ёрдамида дренажланадиган майдон; $q_д$ — Д. о. м.нинг ҳисобий қиймати.

Грунт ва ер ости сувларининг дренаж иншоотларига энг кўп оқиб келиши даврида уларни қандай жадалликда оқизиб юбориш учун коллектор-дренаж тармоғининг доимий ва муваққат иншоотларини иқтисодий фойдали мутаносибликда қўллаш масаласи Д. о. м. қиймати асосида ҳал этилади.

Машариф Боқиев.

ДРЕНАЖ ҚУВУРЛАРИ — горизонтал ёпиқ дренажнинг сув йиғиш ва уни оқизиб юбориш вазифаларини бажарувчи қисми. Д. қ. сопол, асбест-цемент, бетон, темир-бетон, пластмасса, ғовак материаллар (пластобетон, керамзит

шиша) ва б.дан ясалади. Сопол Д. қ. кенг тарқалган, унинг девори бир хил ғовакли, зангламайди ва узоқ муддат чидайди (тажриба участкаларида улар 40 йилдан ортиқ хизмат қилади). Ҳозирги шароитларда мелиорацияда қ. х. ерларидаги дренаж шохобчаларини тўла механизациялашга имкон берадиган ва технологик жараённинг узлуксизлигини таъминлайдиган эгилувчан гофрирланган (қовурғали) пластмасса қувурлар кенг қўлланилмоқда. Ўзбекистонда ернинг мелиоратив ҳолатига қараб диаметри 100—300(сопол), 160—410, 100—250 (пластмасса), 500 (темир-бетон), 125—600 (канализация сопол қувурлари) мм ли Д. қ. ишлатилади. Д. қ. ётқизиш механизациялашган (қувурётқизгичлар ёрдамида) ва ярим механизациялашган (траншеялар драглайн экскаваторлари б-н кавланади, қувурлар қўлда ётқизилади) усулларда бажарилади.

ДРЕСВА — тоғ жинсларининг нураши-дан ҳосил бўлган цементланмаган ҳосилалар (майда шағал). 1—10 мм катталикдаги ўткир қиррали, тоғ жинси ёки минерал бўлакларидан иборат. Кўпинча туб жинслар атрофида йиғилади. Д.ни сунъий йўл б-н тошларни майдалаб ҳам олинади. Ўзбекистонда Чатқол, Қурама, Нурота, Зирабулоқ, Зиёвуддин, Қоратепа ва б. тоғларда интрузив жинслар — габбро, гранодиорит, гранит ва аляскитларнинг ер юзасида очилиб қолган жойларида учрайди. Қурилишда ишлатилади.

ДРЕССИРОВКА (франц. dresser — ўргатмоқ) — қ. *Ҳайвонларни ўргатиш.*

ДРИОПИТЕКЛАР (Dryopithecinae) — қирилиб кетган одамсимон маймунлар кенжа оиласи. Д.нинг скелет қолдиқлари (асосан тишлари, жағларининг синиқлари, баъзан бош суяги ва қўл-оёқлар скелети) миоцен ва илк плиоцен ётқизиқларидан Ғарбий Европа, Жан. Осиё ва Шарқий Африкада топилган. Айрим Д.да горилла ва шимпанзеникига ўхшаш белгилар пайдо бўла бошлаган. Кўпчилик олимларнинг фикрича, Д. кам ихтисослашган чала маймунлар ҳисобланади. Уларга ҳоз. Африка одамсимон маймунлари сифатида қараш мумкин. Улар орасида қолдиқлари Ўрта денгиз чўкиндилари (Австрия)да топилган дарвин дриопитеги (Dryopithecus darvini) бошқаларига нисбатан одамга энг яқин туради.

ДРОБОВ Василий Петрович (1885.30.7 — 1956.27.8, Тошкент) — ботаник олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1945), биол. фанлари номзоди (1938), проф. (1920), 1918 й.да Ўрта Осиё ун-тини ташкил этишда қатнашган. Ун-т (1920—30) ва Тошкент қ. х. ин-ти ботаника кафедрасининг мудири (1930—56). Ўрта Осиё бўйлаб экспедицияларда қатнашган. Ўрта Осиё, айниқса, Ўзбекистон қумлоқлари, қум ва тўқай ўсимликларининг генезисини ва динамикасини аниқлаган. 82 янги ўсимлик турини топган. «Ўзбекистон флораси»ни тузишда иштирок этган.

ДРОГОБИЧ — Украинанинг Львов вилоятидаги шаҳар. Тисменица дарёси бўйида, Карпат тоғлари этагида. Т. й. ва автомобиль йўллари тугуни. Аҳолиси 79 мингдан зиёд киши (1990-й.лар ўрталари). Нефтни қайта ишлаш, машинасозлик ва металлсозлик (автомобиль кранлари, газ аппаратуралари ва б. ишлаб чиқарилади), кончилик, кимё, ёғочсозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари, пед. ин-ти, олий ва махсус ўрта ўқув юртлари, театр, ўлкашунослик музейи бор. Д. атрофидан нефть қазиб олинади. Д. шаҳар сифатида 1238 й.дан маълум. Роман минораси (14-а. бошлари), готика костёли (15-а.). Воздвиженье (17-а.) ва авлиё Юра ёғоч черковлари сақланган. 1952 й. т. й. вокзали қурилган.

ДРОЗДОВА Галина Владимировна (1955.13.1, Тошкент) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Тошкент пед. ин-тини тугатган (1988). 1976 й.дан Тошкент ш.даги 3-кечки, 151-мактабда рус тили ва адабиёти ўқитувчиси, 1979 й.дан Ўзбекистон Маориф вазирлигида меҳнат таълими ва касбга йўналтириш бўйича катта методист, 1982 й.дан Ҳамза туманидаги 103-интернат мактабда ўқитувчи-дефектолог. У дарсларда тикиш-бичишдан назарий билимлар бериш б-н бирга, олинган билимларни амалда қўллашга ўргатади. Ноанъанавий ҳамда ижодий дарс шаклларидан унумли фойдаланади. Ёрдамчи мактабларнинг 4—9-синфлари учун «Меҳнат таълими» дастури муаллифи.

ДРОЗОФИЛАСИМОНЛИЛАР, мева пашшалари (Drosophilidae) — ҳашаротлар оиласи. Майда сариқ ёки қўнғир рангли, танаси 1—5 мм. Қанотлари ялтироқ, кўзлари қизил. Личинкалари органик қолдиқларга бой мухитда яшаб, асосан шу муҳитдаги ачитқилар ва чиритувчи микроорганизмлар б-н ҳамда чиритган мева б-н озиқланади. Д. токзорларда, боғларда кўплаб учрайди. Мевани қайта ишлаш з-дларида, айниқса, Drosophila funebris, D. fasciata ва Citona beckeri турлари кўп учрайди. Кузда бу турлар хонадонларга учиб киради. Drosophila уруғига киради. D. melano gaster Mg. ва унга яқин турлар биологик тадқиқотларда, хусусан генетика тадқиқотларида фойдаланилади (уларда мутагенез жараёни ўрганилган).

ДРОК (Genista) — бурчоқдошлар (дуккакдошлар) оиласига мансуб бута ва чала буталар туркуми. Бўйи 1 м ча, барги оддий, баъзан уч бўлакли, гули зигоморф, сариқ, баъзан оқимтир. Кўпинча тиканли, 70 тури бор. Улар асосан Ғарбий Европа, Ғарбий Осиё, Африка ва Канар оролларида ўсади. Уруғдан кўпаяди. Барги, пояси ва гулларидан сариқ бўёқ олинади, қайнатмаси сурги дори сифатида ишлатилади.

ДРОМЕДАР (Camelus dromedarius), бир ўркачли туя — туянинг бир тури. Ўркачининг битталиги б-н бактрия туясидан фарқ қилади (қ. *Бактриан*). Жуссаси икки ўркачли туяларга қараганда кичикроқ. Бўйи 210 см га боради, ранги қизғиш-кулранг. Бўғозлик даври 13 ой, 2—4 кг жун қирқиб олинади (қ. *Туя*).

ДРУЗА (нем. Druse) — кристаллар гуруҳидан иборат минераллар шакли, бунда кристаллар бир учи б-н умумий асосга (очилиб қолган ёриқ ёки бўшлиқ деворига) тақалиб ўсади. Уларнинг эркин қолган иккинчи учи тоғ жинслари бўшлиқларига йўналган, юзаси яхши қирралanган бўлади. Кварц, аметист (сафсар), кальцит, гипс, антимонит минераллари кўпинча Д. ҳосил қилади. Д.ларнинг тароқсимон ва чўткасимон хиллари маълум.

ДРУЗЛАР (араб. дуруз) — *шиалик*да вужудга келган фирқа (диний гуруҳ). Асосан Ливанда ва Суриядa яшайдилар. Уларнинг қарашлари *исмоилийлар* қарашларига яқин. Фирқанинг пайдо бўлиши 10—11- а.ларда фотимийлар сулоласидан бўлган халифа Ҳаким номи б-н боғлиқ. Ҳаким умрининг охирида ўзини худо деб эълон қилган ва ўзига эътиқод қилишни талаб этган. У сирли равишда ўлгач, Ливан ва Антиливан тоғларида яшовчи халқлар унга худо деб эътиқод қила бошлаганлар. Д. номи халифа Ҳакимнинг тарғиботчиларидан бўлган Дарозий (1019 й. в. э.) исми б-н боғлиқ. Д. ақидасига кўра, худо одам қиёфасига кириб, инсонлар ўртасида пайдо бўлиши мумкин (шунинг учун улар Ҳакимнинг қайтишига ишонадилар). Д. Қуръон мазмунини мажозий талқин қиладилар. Жоннинг кўчиб юриши тўғрисидаги тасаввур туфайли ўлимга бефарқ қарайдилар, ислом дини маросимларини бажаришни шарт деб ҳисобламайдилар. Диний байрамлардан фақат қурбон ҳайитини ва шиаларда


мотам маросими ҳисобланган *ашуро*ни нишонлайдилар. Д. суннийлар томонидан таъқиб қилингани учун шиаларга хос бўлган *тақийя* талабларига амал қиладилар. Барча исмоилийлар каби Д. ҳам шариатни тан олмайдилар. Д. икки қисмга; «омий» («бехабар») ва «уққол» («билимдонлар», «хабардорлар»)га бўлинадилар. Д.да масжидга бориш, намоз ўқиш одати йўқ. Уларнинг ибодатхоналари «халво» деб аталади. Бу ерда пайшанба кунлари фақат «уққол»ларгина тўпланадилар. Ўрта асрлардан бошлаб Д. ўзларининг меросий мулкларига ва ҳукмдор амирлар сулоласига эга бўлган. Ливанда друз амирлари ҳокимияти, айниқса, Фахриддин II Маон (1590—1633) ва Башир II Шихоб (1788/9 — 1840) даврларида жуда юксалган. Д. Сурия халқининг 1925—27 й.ларда французлар ҳукмронлигига ва 1958 й.да Исроилга қарши чиқишларида фаол иштирок этишган. Ҳоз. вақтда Д. Ливан миллий-ватанпарварлар кучлари таркибида жамиятни қайта қуриш учун кураш олиб бормоқда.

ДУАЙЕН (франц. doyen — сардор, бошчи) — *дипломатик корпус* бошчиси, ўзи ишлаётган мамлакатдаги ҳамкасблари орасида дипломатик даражаси катта ва аввалроқ аккредитация қилинган дипломатик вакил.

ДУАЛА — Камерун ғарбидаги шаҳар, Вури дарёси бўйида, Гвинея қўлтиғидан 21 км ичкарида. Соҳилбўйи провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 884 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Муҳим савдо, саноат, сиёсий ва маданий марказ. Мамлакатдаги энг катта океан порти, транспорт йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Д. орқали четга ёғоч, какао, кофе, пальма ёнғоғи ва мойи, пахта, алюминий чиқарилади. Кемасозлик, металлсозлик, ёғочсозлик, озиқ-овқат, тўқимачилик, кимё саноати, пойабзал корхоналари, ойна з-ди мавжуд. Кўплаб савдо фирмалари ва банклар, Панафрика ривожланиш ин-ти бор.

ДУАЛИЗМ (лот. dualis — икки ёқлама) — бир-бири б-н бирлаштириб бўлмайдиган ҳолатлар, тамойиллар, фикрлаш тарзи, дунёқараш, интилиш ва гносеологик тамойиллар ёнма-ён мавжудлигини тарғиб қилувчи таълимот. Д. *плюрализм* кўринишларидан бири. Д. терминини немис файласуфи Х. Вольф (1679—1754) киритган. Д. қуйидаги жуфт тушунчаларни ифодалайди: ғоялар дунёси ва воқеий дунё (Платон), худо ва иблис (яхшилик ва ёмонлик тамойили), худо ва дунё, руҳ ва материя, табиат ва руҳ, жон ва тан, объект ва субъект, билим ва эътиқод, у дунё ва бу дунё, табиат салтанати ва илоҳий марҳамат салтанати ва б. Д. фалсафий, диний, антропологик, этик шаклларда намоён бўлиши мумкин. Қад. даврда диний-этик Д. *Авесто*да учрайди. Унда дунё тараққиёти жараёни бир томондан яхшилик, ҳақиқат, ёруғлик, иккинчи томондан, ёмонлик, жаҳолат, қоронғулик ўртасида абадий кураш сифатида тасаввур қилинади. Д. фалсафада дунёнинг негизида бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки мустақил нарса — руҳ ва материя мавжуд деб билишида кўринади. Бу айниқса Р. *Декарт* ва И. *Кант* қарашларида кўзга яққол ташланиб туради. *Гегель* Д.ни идеалистик *монизм* асосида, яъни мутлақ ғоя ва борлиқ ўртасидаги қарама-қаршиликни диалектик синтез асосида бартараф қилишга уринади. Монизмнинг бошқа шакллари ҳам шу йўлдан боради. Д. кейинги вақтда психологиядаги *психофизик параллелизм* назариясига асос бўлди.

ДУАНТЛАР — тезлатгичнинг фаол қисми. *Циклотрон* ёки *фазотрон*да тезлатувчи кучланиш беришга ва тезлатишга ноқулай бўлган майдон фазасида зарраларни экранлашга хизмат қиладиган тезлатувчи электродлар. Ташқи кўриниши *D* га ўхшагани учун шундай аталади. Цилиндр шаклли металл қутини тенг иккига бўлинса, иккита дуант ҳосил бўлади (расмга қ.). Д. (D_1 ва D_2) юқори частотали генераторга уланади; генератор ҳосил қилган катта кучланишли электр майдони таъсирида ионлар тезланиш олади (ионлар манбаи Д. марказига жойлаштирилади). D_2 дуант D_1 дуантга нисбатан мусбат потенциалли бўлиб, манфий ионларни ўзига тортади ва уларга тезланиш беради. Д. ичида ионларга электр кучи таъсир қилмайди. Ионлар магнит майдони таъсирида айланма ҳаракатланиб, $\frac{T}{2}$ — ярим давр вақтдан кейин яна икки дуант ўртасида пайдо бўлади. $\frac{T}{2}$ вақт ичида Д. потенциалининг ишораси ўзгаради (D_2 манфий, D_1 мусбат бўлади), ионлар D_1 га тортилиб, яна тезланиш олади. Ионлар Д. орасида кўп марта тезланиш олади. Д. вакуум камерага жойлаштирилади.



Дуантлар.

ДУБ ИПАК ҚУРТИ — қ. *Эман ипак қурти*.

ДУБАЙ, Дибай — БАА таркибидаги шаҳар. Дубай амирлигининг маъмурий маркази. Арабистон я. о.нинг шим.-шарқида. Аҳолиси 669,1 минг киши (1995). Форс қўлтиғи соҳилидаги йирик порт. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Нефть олинадиган р-н маркази. Алюминий з-ди, қуруқ док (дунёда энг йирик), автомобиль таъмирлаш устахоналари, газ суюлтириш корхоналари, халқаро кутубхона бор. Д. жаҳондаги олтин савдоси марказларидан бири.

ДУБЛЕТЛАР (франц. doublet — иккиланма, қўш), спектрал дублетлар — энергия сатҳининг иккига ажралиши натижасида ҳосил бўладиган, бир-бирига яқин жойлашган спектр чизиқлар гуруҳи. Битта ташқи электронли атомлар (ёки ионлар) спектрларида кузатилади. Д. асосан ишқорли металларнинг атом спектрларига тегишли; уларнинг атом спектрлари чизиқли, яъни ҳар бири атом электрон қобиқлари орасидаги ўтиш энергиясига мос чизиқлардан иборат бўлади. Д. орбитал моментнинг электрон спини б-н таъсирлашуви натижасида ҳолат энергияси икки ташкил этувчига ажралишидан ҳосил бўлади.

ДУБЛЁР (франц. doubler — икки баравар оширмоқ) — 1) бир хил ишни параллел бажарувчи шахс, ташкилот (мас. Д. корхона; космонавтнинг Д.и — бир хил тайёргарликдан ўтувчи ва керак бўлганда асосий космонавтни алмаштирувчи); 2) театрда асосий роль ижрочисини алмаштира оладиган актёр, шунингдек, кинода фильмни дубляж қилишда матн таржимаси бўйича овоз берувчи актёр, махсус тайёргарликни талаб этувчи мураккаб ва акробатик машқларни актёр ўрнига бажарувчи шахс — каскадёр.

ДУБЛИН — Ирландия пойтахти. Ирландия о.нинг шарқида, Ливфи дарёсининг Дублин қўлтиғига қуйилиш ерида жойлашган. Аҳолиси 953 минг киши (1996, шаҳар атрофи б-н). Иқлими денгиз иқлими. Июлнинг ўртача т-раси 15—17°, янв.ники 5°, йилига 842 мм ёғин ёғади. Д. тўғрисида дастлабки маълумот Ирландия манбаларида 291 й.дан учрайди. 9-а.дан Д.ни норманнлар босиб олган. 1170 й.да инглиз-норманн феодаллари қўлига ўтди. 1922 й.дан мамлакат пойтахти. Д. мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази. Транспорт йўллари тугуни, Ирландия денгизи соҳилидаги мамлакатнинг энг йирик порти. Халқаро аэропорт бор. Д. порти орқали четга чорва



Дублин шаҳри. Ливфи дарёсига қурилган кўприк.

моллари, гўшт, тери ва бошқа қ. х. маҳсулотлари чиқарилади. Саноатининг етакчи тармоқлари — озиқ-овқат (пиво пиширыш, виски тайёрлаш, гўшт консерва ва б.) ва енгил саноат. Тўқимачилик (17-а.дан поплин тўқиш б-н машҳур), тикувчилик, кўн-тери, жут корхоналари бор. Кимё, кемасозлик, машинасозлик (электротехника, приборсозлик, қ. х. машинасозлиги), қурилиш саноати тармоқлари ривожланган. Меъморий ёдгорликлардан Дублин қасри — ҳоз. Адлия саройи (13-а.), Крайстчёрч черкови (1038), Сент-Патрик собори (1190), ратуша (1769) ва б. сақланган. Дублин ун-ти (1591), Миллий ун-т, Қироллик мусиқа академияси, кутубхоналар, музейлар, ҳайвонот боғи, Миллий галерея (1864), театрлар бор.

ДУБЛЯЖ (франц. doublage), кинофильмлар дубляжи — фильмни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиб яратилган янги фонограмма. Диалоглар таржимаси мазмун жиҳатдан тўғри, фильм қаҳрамонларининг сўзлашувига — оғиз ҳаракатига мос бўлиши шарт. Таржимон ёки янги матн муаллифи, муҳаррир, реж., актёр, овоз оператори, монтажчи, матн жойлаштирувчидан иборат ижодий гуруҳ амалга оширади. Аввал таржимон Д. қилиниши, аниқ билиб олиши лозим. Таржимадан сўнг муҳаррир ҳар бир сўзни актёр талаффузига солиштириб таҳрир қилади. Диалог пайтида лаб ҳаракати айтилаётган сўзга мувофиқ бўлиши лозим. Реж. фильм қаҳрамонлари овозига мослаб актёр танлайди. Ниҳоят актёр овозига турли шовқинлар (автомобиль, самолёт, шамол, денгиз тўлқини, ҳайвонлар овози ва б.) қўшиб ёзилади. Мусиқа ва табиий товушлар, одатда, фильмнинг аслидан олинади, баъзан янги вариант ҳам тайёрланади. «Ўзбекфильм»да ҳар йили 70—80 фильм Д. қилинади. Р. Аҳмедова, О. *Юнусов*, Т. *Тожиев*, О. *Бакирова*, Д. Исмоилова, М. Раҳимова, Ё. *Аҳмедов*, А. *Рафиқов* ва б. Д. санъатига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Моҳина Аширова.

ДУБНА — РФ Москва вилоятидаги шаҳар (1956 й.дан). Дубна дарёсининг Волга дарёсига қуйилиш ерига яқин жойда, Москва ш.дан 128 км шимолда. Т. й. станцияси. Аҳолиси 67,4 минг киши (1992). Халқаро Бирлашган ядро тадқиқотлари ин-ти бор. Д.дан Москва номидаги канал бошланади (Катта Волга пристани). Иваньково ГЭС ишлаб туриби. 1960 й.дан Д. таркибига Иваньково ш. ҳам кирган.



ДУБРОВНИК РЕСПУБЛИКАСИ — ўрта асрларда муҳим роль ўйнаган аристократик шаҳар республикаси. Адриатика денгизи соҳилида жойлашган. Дубровник ш. (республика маркази)ни, Далмация-нинг соҳил бўйи қисмини, Млет, Ластово о.лари ва б.ни ўз ичига олган. Д. р. Византия (1205 й.гача), Венеция (1358 й.гача), Венгрия (1526 й.гача), Туркия (19-а.бошларигача)нинг вассали бўлса-да, амалда 13-а.нинг 2-ярмидан мустақил бўлган. 1806 й.да Д. р.ни Франция босиб олиб, республикани бекор қилган (1808 й.), ҳудудини Иллирий вилоятлари таркибига киритган.

ДУВАХОН, Тувахон (? — 1307) — *Чиғатой улуси* хони (1305—07). *Бароқхон*нинг ўғли. Иқтидорли чингизий шаҳзодалардан. *Чиғатой*хон авлоди. *Хайду*нинг содиқ иттифоқчиси, унинг бошқа мўғул давлатларига қарши юришларида мунтазам иштирок этган. Хайду вафоти (1303)дан сўнг унинг ўғли Чопар тахтга ўтирган. Д. унинг даврида ҳам дастлаб бош маслаҳатчи (оталиқ) бўлиб турган. Чингизий шаҳзодаларнинг ўзаро низоларига хотима бериш, мўғуллар салтанатини федерация шаклида бўлса ҳам тиклаш учун ҳаракат қилган. Режага кўра, алоҳида мустақил бўлган мўғул давлатлари ностигагина бош бўлган қоон қўл остида ўзаро тотув яшашлари лозим бўлган; мўғуллар салтанатининг бутун ҳудудида савдо қилиш мутлақо эркин бўлиши керак эди. Бу режани қоон маъқуллайди, бироқ Ўрта Осиёдаги чингизий шаҳзодалар ўртасидаги низолар бу режани амалга оширишга имкон бермаган. Чопар қўшини чиғатоий шаҳзодалар б-н жанг қилиб ғалаба қозонган. Бироқ Д. бунда шаҳзодаларнинг томонини олиб, 1305 й. Чопарни тахтдан ағдариб уни ўзи эгаллаган. Шундан сўнг *чиғатой* истилоҳи Ўрта Осиёдаги мўғуллар давлатини англатувчи расмий номга айланган. «Чиғатой» давлатининг ҳарбий кучини ташкил этган кўчманчилар сулоланинг аждоди Чиғатойхон номи б-н чиғатойлар деб аталганлар, кейинчалик *Амир Темур* ва *темурийлар* даврида тўлиқ шаклланган эски ўзбек адабий тили ҳам «чиғатой тили» деб атала бошлаган. Чингизхоннинг бироната ўғли ҳам Чиғатой каби халқ хотирасида шунчалик мустаҳкам ўрнашиб қолмаган. Тарихчи *Вассаф*нинг маълумотига кўра Д. 1307 й. фалаж хасталигидан вафот этган.

Ад.: Бартольд В. В., Сочинения, т. II(I), М., 1963; Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи, Т., 1994.

Фахриддин Ҳасанов.

ДУВОЗДАҲ МАҚОМ — қ. *Ўн икки мақом*.

ДУГГА — Тунисдаги қад. меъморий ёдгорликлар сақланган шаҳар, мил. ав. 4-а.да финикияликлар шаҳри номи б-н машҳур бўлган. Мил. ав. 2-а.да юксак даражада ривожланиб, ҳашаматли ша-

ҳар деворлари харобалари, Атебан мақбараси (мил. ав. 200 й., меъмори карфагенлик Абариш; мурабба тарҳли, бал. 21 м.га яқин, 3 қатламли минора тепаси пирамидасимон шаклда тугалланган), Рим ҳукмронлиги даври (мил. ав. 46 й.)да эса капитолий форуми харобалари, Лициний *термн* (мил. ав. 260 й., 370 й.да қайта қурилган; кошин б-н безатилган), 3 минг томошабинга мўлжалланган театр (мил. ав. 168—169 й., диаметри 63 м), цирк (мил. ав. 224 й.), Север Септимий (мил. ав. 205 й.) ва Север Александр (мил. ав. 226 й.) *зафар арки*, турар жой, қуббасимон цистерн, Танит (ёки юнонликлар) ибодатхонаси (мил. ав. 222—223 й.лар), пунияликлар анъаналари асосида қурилган бинолар сақланган. Д.даги қурилишларда асосан тошдан фойдаланилган, кўп қисми ҳайкал ва кошин б-н безатилган. Ҳозир Д.да Бардо миллий музейи ташкил этилган.

ДУГДОН — хонаки пиллакашлик корхонасида хом ипакка тоб берадиган дастгоҳ. Ром шаклида, тепадон, тагдон, мунчоқлик, гўшлик, бағара каби қисмлардан иборат бўлиб, *девчарх* воситасида ҳаракатга келтирилади.

ДУГОҲ (форс. — икки жой, икки *парда,* икки пайт) — 1) *Ўн икки мақом* тизимидаги *шўъба* номи. Дастлаб бутун тон (204 цент) оралиғида жойлашган икки таянч пардали оҳанг ифодаси бўлиб, мазкур тизимдаги Ҳусайний, Ҳижоз каби мукаммал (7 поғонали) товушқаторлар асосида ривожлантирилган. Кейинчалик Ҳусайний мақомининг товушқаторига сингиб кетиши натижасида «мақом» номи б-н юритила бошланган; 2) *Шаймақом* ва *Хоразм мақомлари* туркумларида 4- мустақил мақом номи. *Фарғона—Тошкент мақомлари*да Дугоҳ-Ҳусайний I—VII ашула йўллари, шунингдек, сурнай Д.и, Мушкилоти Д. каби чолғу йўллари мавжуд.

ДУГОҲИ ҲУСАЙНИЙ, Дугоҳ Ҳусайн — 1) Ўрта аср *Ўн икки мақом* тизимида Ҳусайний мақомининг Дугоҳ шўъбаси; 2) Бухоро *Шашмақом*ида Дугоҳ мақомининг наср йўлидаги шўъбаларидан бири; 3) *Тошкент — Фарғона мақом йўлларид*аги туркум. У парда тузилиши ҳамда куй-оҳанглар муштараклигида турли вазн-усуллар негизида 7 қисмдан иборат туркумни ҳосил қилади.

ДУГУЙЛАН ҲАРАКАТИ (мўғулча дугуйлан — тўгарак) — 19-а.нинг 2-ярми — 20-а.нинг бошида мўғул аратларининг Ички Мўғулистон (Хитой) ва 1903—05 й.ларда Ташқи Мўғулистондаги демократик озодлик ҳаракати. Бирон-бир масалани муҳокама этиш чоғида ҳаракат қатнашчилари тенглик белгиси сифатида айлана бўлиб ўтириб, ҳар бир кишини фикр-мулоҳазасини эшитгач, ҳужжатга айлана бўйлаб имзо чекишган. *Тайпин қўзголони* (1851—64) таъсирида юзага келган. Д. ҳ. кенг кўламга ёйилиб Ички Мўғулистоннинг кўп қисмини қамраб олган. 10 мингдан ортиқ хонадонни ўз сафига бирлаштириб, оммавий қўзголончилар ҳаракатига айланган Ордоснинг Ушэн, Оток ва б. р-нларида дугуйланлар 3 й. (1905—08) давомида халқ ҳокимиятининг органи — халқ кенгашлари (хитойча гуйхуй) ҳисобланганлар. Улар мансабдан четлаштириш, мажбуриятларни бекор қилиш, солиқларни йиғиш, суд қилиш, мансабдор шахсларни тайинлаш ва б. б-н шуғулланишган. Д. ҳ. манжур-хитой қўшинлари томонидан бостирилган.

ДУДБУРА (форс.) — 1) темирчилар кўраси (ўчоғи) ёки кулоллар хумдонининг тугунни ташқарига чиқариб юборадиган карнайга ўхшаш қисми. Мўри, мўркон деб ҳам аталади; 2) кўра (ўчоқ)нинг шохнайза (дам келадиган қувур) ўрнатилган қисми.

ДУДЛАШ, фумигация, газлаш — 1) гўшт ва балиқ маҳсулотларини тутун дуди б-н қайта ишлаш. Маҳсулотларнинг сақлашга чидамини ошириш ва унга ўзига хос таъм, ранг ва хушбўйлик бериш мақсадларида қўлланилади. Д.дан олдин маҳсулот енгилроқ намакобга ботириб олинади. Д.да қисман сувсизланиш (қуриш), шунингдек, дуднинг оксидланишга қаршилик хусусияти ва бактерицидлик таъсири вужудга келади. Маҳсулотнинг таъми ва ҳиди дуд таркибидаги фенол бирикмалари ва органик кислоталарнинг маҳсулотга сингишига боғлиқ. Дуд ҳосил қилиш учун ўтин ва аксарият қаттиқ ёғочларнинг пайраҳаси ва қипиғи махсус жиҳозланган камераларда ёқилади ва дудлаш печларига ўтказилади. Совуқ Д. (18—22° — тузланган гўшт маҳсулотлари, 20—40° — балиқ маҳсулотлари) ва иссиқ Д. (30—50° — гўшт маҳсулотлари, 80—170° — балиқ маҳсулотлари) усуллари бор. Дудловчи моддалар таркибида ароматик углеводородлар (мас., 3,4-бензипирен) бор. Шу сабабли Д.да канцероген моддалари бўлмаган дудловчи суюқликлар б-н тутунсиз Д. усулларини жорий этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Д.да ишлатиладиган суюқликлар дуд концентратини дистиллаш, бир қатор кимёвий маҳсулотларни аралаштириш ва б. усулларда олинади. Бундай суюқлик Д. жараёнида маҳсулот таркибига киритилади (колбаса маҳсулотлари) ёки муайян муддат маҳсулот эритмада ивитиб қўйилади (балиқ);

2) пестицидлар гуруҳига кирадиган кимёвий моддалар (фумигантлар) ёрдамида қ. х. ўсимликлари зараркунандалари ва касаллик қўзғатувчиларига қарши кураш усули. Қаттиқ, суюқ, газсимон ҳолатдаги кимёвий моддалар ҳосил қиладиган заҳарли газ, тутун, аэрозоллардан фойдаланишга асосланган. Д.ни махсус жиҳозланган, пестицидлар буғи ёки газининг таъсир кўрсатувчи миқдорини сақлай оладиган жойларда фумигантларни ёқиш ва буғлатиш йўли б-н ўтказилади.

3) мевачиликда — қуритиладиган мевалардан мева қоқилари ва майиз солишда маҳсулотга газсимон сульфит ангидрид (олтингугурт гази) б-н ишлов бериш. Маҳсулот рангини ва сифатини яхшилаш, узоқ муддат бузилмай сақланишини таъминлаш мақсадида қўлланилади. Маҳсулотни сифатли Д. ва олтингугурт тутуни бир текис таъсир этиши учун мева ва узум тахта идишларда юпқа қатлам қилиб ёйилган ҳолда камераларда ёки фанердан ясалган махсус қутиларда дудлатилади. Идишларнинг сатҳи тахм. 60—90 см бўлса, қутининг уз. 120, эни 80, бал. 110 см бўлади. Олтингугурт чуқурроқ жойда ёки махсус тайёрланган ерда ёндирилади. Мева ва узумларни Д.да донадор олтингугурт ишлатилади. Ўрта ҳисобда қутининг 1 м³ га 250 г олтингугурт сарфланади. Дудлаш 30—120 мин. давом этади. Олтингугурт миқдори ва Д. муддатига алоҳида эътибор бериш керак. Қуритилган маҳсулотда сульфат ангидрид қолдиғи 0,01% дан ошмаслиги лозим. Д.да кўп камерали Д. бўлимининг уз. 3,5, эни 3,5, бал. 3,5 м. Ҳажми 27—30 м³ га тенг бўлади. Бундай камералар хом ғиштдан қурилади. Ҳар бир хоначанинг резина қистирмали эшикчаси бўлади. Эшикча тўғрисидаги деворда олтингугурт ёндириладиган печка ўрнатилади. Тагидан ўтин б-н иситиладиган чўян плитада олтингугурт ёндирилади. Олтингугурт гази махсус тешикчадан камерага ўтади. Боғдорчилик хўжаликларида ғиштдан қурилиган, уз. ва эни 3,5 м, бал. 2,5 м, ҳажми 27—80 м³ бўлган махсус Д. камера (хона)лари қурилади. Камеранинг ҳар бир хонасига бир йўла 200 та тахта патнис (ҳар бир патнисда 6—6,5 кг узум) жойланади. Бир иш кунида камерадан 3—4 марта фойдаланилади. Бир мавсумда камеранинг ҳар бир хонасида 100 т узумни Д. мумкин.

Рихсивой Жўраев, Рустам Ризаев.

ДУДУҚЛАНИШ — тутилиб гапириш; нутқ маромининг бузилиши, ҳарф ва бўғинларни тутилиб-тутилиб ёки бир неча марта қайтариб талаффуз қилиш. Кўпроқ болаларда учрайди. Туғма ирсий омиллар (*алкоголизм, гиёҳвандлик*), кўпинча қўрқиш, ҳаяжонланиш (камдан-кам ҳолларда тақлид қилиш), ҳомиладорлик давридаги турли зарарли иллатларнинг ҳомила жисмига таъсири, баъзан гўдакликда энди нутқ шаклланаётганда руҳий касалликлар б-н оғриш, бош мия шикастлари ва б. касалликлар сабаб бўлади. Айрим ҳолларда дудуқ боланинг беихтиёр қўл, оёқларини қимирлаб, юз мускуллари учиб туради. Дудуқлар уялганда, ҳаяжонланганда кўпроқ тутилиб қолади. Ўз вақтида тўғри даво қилинмаса, бола мактабга борганида Д. янада кучаяди, айниқса, ўсмирлар Д.дан уялиб, кам гапиришга, ўз фикрларини бош ва қўл ҳаракати б-н тушунтиришга интилишади. Д. ёш улғайган сари камайиб боради, баъзан Д. умрбод сақланиб қолади (яна қ. *Логопедия*).

ДУЙСБУРГ — Германиядаги шаҳар, Шим. Рейн-Вестфалия ерида. Рейн дарёсининг ўнг соҳилида, Рейн-Херне каналининг бошланишида жойлашган. Аҳолиси 523,3 минг киши (1998). Германиядаги энг катта дарё портларидан, денгиз кемалари ҳам кира олади (йилига 1 млн. т дан зиёд юк ортилади ва туширилади). Т. й. тугуни, Рур ҳавзасининг ғарбий «дарвозаси», асосий саноат марказларидан бири. Металлсозлик, пўлат конструкциялар и.ч., машинасозлик, дарё кемасозлиги, нефтни қайта ишлаш, кимё, озиқ-овқат саноати корхоналари, шаҳар атрофида тошкўмир конлари бор. Д. порти оқали четга кўмир, кокс, металлар, машиналар чиқарилади; четдан руда, нефть, ёғоч-тахта, ғалла келтирилади. Дарё кемасозлиги ва металл пайвандлаш ин-тлари бор. Шаҳар 13-а.дан маълум.

ДУК, йиик — момиқ пахта ёки пилладан ип йигириш ва пишитиш мосламаси (қ. *Ўрчуқ*).

ДУКАТ (лот. ducatus — герцоглик) — қад. кумуш ва олтин танга (баъзан, чехин ёки флорин деб ҳам аталган). Ғарбий Европанинг бир қанча мамлакатларида муомалада бўлган. Д. дастлаб Венецияда (1140), кейинчалик кўпгина ғарбий Европа мамлакатларида зарб этилган. 1559—1857 й.ларда Германия ва Австриянинг давлат пули ҳисобланган. Оғирлиги 3,44 г атрофида. Голландияда 1875 й.гача, Австрия-Венгрия 20-а. бошларигача муомалада бўлган.

ДУКЕНТСОЙ — Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги сой. *Оҳангарон* дарёсининг ўнг ирмоғи. Чатқол тизмасидаги Музбел довонининг жан. ёнбағирларидан оқиб тушувчи 60 дан зиёд ирмоқнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Юқори оқимида (чап ирмоғи — Чилтонсой қуйиладиган жойгача) Оламтанги, сўнг Д. деб аталади. Уз. 33 км, ҳавзасининг майд. 242 км². Д. қор-ёмғир ва булоқ сувларидан тўйинади, ўртача кўп йиллик сув сарфи 3,41 м³/сек, ўртача лойқалиги 120 г/м³. Д. йиллик оқимининг 70—80% март—июнда оқиб ўтади. Ёзнинг 2-ярми, куз ойларида эса сув 0,30 м³/сек гача камаяди. Д.дан апр.-майда кўпинча сел келади, сув сарфи секундига 56 м³ гача ортади. Қишда кўпинча музлайди.

ДУКИРЛАР, кокилдор антилопалар — қувушшохлилар оиласига мансуб сут эмизувчилар 2 та уруғининг умумий номи. Танасининг уз. 55—145 см, оғирлиги 4—80 кг. Урғочиси эркагига нисбатан йирикроқ. Бошида бир тутам узун юнги ва бир жуфт калта конуссимон шохи бор. Кокилдор, яъни уруғига 1 тур киради. Африканинг Саҳрои кабирдан Жанубқоқдаги пасттекисликлари ва тоғларидаги ўрмон ва бута-зорларида яшайди. Барг ва мевалар, баъзан ҳашаротлар, қушлар ва ҳайвонларнинг ўлимтиклари б-н озиқланади. Овланади.

ДУКИ-ДИ-КАШИАС — Бразилиянинг жан.-шарқидаги шаҳар, Рио-де-Жанейро штатида. Аҳолиси 770,8 минг киши (2000). Штатнинг энг йирик савдо ва саноат марказларидан. Машинасозлик, рангли металлургия, фармацевтика, кимё, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати корхоналари, нефтни қайта ишлаш з-ди бор. Шаҳарга 16-а. охирида асос солинган.

ДУККАК — дуккакдошлар меваси; битта уруғчибаргдан ҳосил бўлади. Кўпинча юқорисидан пастгача иккита чок б-н очилади (нўхат, ловия ва б.), баъзи турларида очилмайди (қашқарбеда, себарга, ерёнғоқ). *Ерёнғоқ*нинг дуккаги тупроқ ичида етилади. Д.да кўпинча бир нечта уруғ бўлиб, уруғбандчалари б-н қорин чокига бирикади. Д.нинг катталиги, шакли ва тузилиши ҳар хил: кўпчилик турларда тўғри, ясси (нўхат, ловия ва б.), бошқаларида думалоқ, спиралсимон (беда). Айрим тур ўсимликлардан Д. бир уруғли бўлакларга бўлинади. Ёввойи дуккакли ўсимликларнинг Д. тез буралиб очилади ва уруғлари сочилиб кетади.

ДУККАКДОШЛАР, дуккаклилар (Fabaceae, Leguminoasae) — икки паллали ўсимликлар оиласи (кўп йиллик ва бир йиллик ўтлар, чала буталар, буталар, лианалар ва дарахтлар), 500 дан ортиқ туркум, 12000 турни ўз ичига олади. Ер юзининг ҳамма ўлкаларида кенг тарқалган. Айрим систематикаларда Д. 3 кенжа оилага — мимозадошлар (Mimosaceae), цезалпиндошлар (Caesalpiniaceae) ва капалакгулдошлар (Papilionaceae ёки Fabaceae) ажратилган. Кўп турлари деҳқончиликда етиштирилади. Барглари мураккаб, пат шаклли (жуфт ёки тоқ), 3 бўлакли ёки панжасимон. Барглари асосида турли шакл ва катталикда ён барғчалари бор. Меваси бир уяли, битта мевабарғдан ташкил топган *дуккак*. Якка ёки тўпгулга йиғилган. Гулқўрғони 4—5 бўлакли, косача ва гултожга бўлинади. Гултожи эгри-бугри, 5 тожбаргдан иборат: 1 йирик (елкан), 2 ўртача (эшкак) ва 2 кичикроқ кемача ҳосил қилади. Чангчиси 10 та, баъзан 9—5 та, одатда, 9 таси иплар б-н бириккан бўлиб, битгаси эркин бўлади. Уруғчиси битта, усти тугунчали.


Д.нинг барча турлари ўсимликни азот б-н таъминловчи азот тўпловчи микроорганизмлар б-н симбиоз ҳолатда яшайди. Шунинг учун ҳам *дуккакли дон экинлари* бошқа экинлар учун энг яхши ўтмишдош ҳисобланади. Д. қимматбаҳо озиқ-овқат, техника, озуқабоп ҳамда манзарали ўсимликлардир. Дуккакли дон экинлари халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга, дони оқсил (мас., нўхат, соя, ясмиқ ва ҳ.к.), крахмал ва мойга бой (соя, ерёнғоқ ва б.). Суғорма деҳқончиликда Д.да энг қимматли-лари кўп йиллик ва бир йиллик экинлар ҳисобланади. Мас., беда ғўза-беда алмашиб экишнинг асосий экини. Айрим турларининг пўсти ҳамда ёғочлик қисмида қимматли техник моддалар — *гумми, бальзам*, смолалар бор. Д.дан дрок (сариқ гулли дуккакли чўл ўсимлиги), индиго ва б.дан бўёқлар олинади. Айрим Д. — *акация,* кўк нўхат, печакгул, бўридуккак манзарали, баъзилари эса — ширинмия ёки қизилмия, термопсис, сано, кассия ва б. доривор ўсимликлардир. Д.нинг кўпчилик турлари заҳарли, ўзида ҳар хил алкалоидлар ҳамда гликозидлар тўпланган.

Ад.: Саҳобиддинов С. С., Ўсимликлар систематикаси. Т., 1969; Ҳамидов А., Набиев М., Одилов Т., Ўзбекистон ўсимликлари аниқлагичи, Т., 1987.

Қўзибой Душамов.

Осиёда, жумладан Ўзбекистонда ўрисНўхат, соя, ловия, ясмиқ, бурчоқ, вика, нўхат, люпин ва б. тарқалган. Пояси тик (нўхат), чирмашиб (ловия), ўрмалаб (вика) ёки ер бағирлаб (мош, ясмиқ) ўсади. Барглари мураккаб патсимон ёки панжасимон. Илдизи ҳар хил шаклда, гул тузилиши капалакгулли-ларники сингари. Меваси — *дуккак* (2—9 уруғли). Уруғи майда (мас., ясмиқ) ва жуда йирик, думалоқ, буйраксимон, япасқи ва б. шаклда, батамом ёки нуқтали рангли пўстлоқ б-н ўралган. Уруғининг ўзига хос белгиси — уруғ кертимининг борлигидир. Ўрта Осиё шароитида ўсув даври 60—90 кундан (ўриснўхат, ясмиқ) 90—160 кунгача (нўхат, соя, ловия) давом этади. Гунчалаш ва гуллаш даврида ер устки қисмлари кучлироқ ўсади. Кўпчилик Д.д.э. мевалари бирин-кетин, пастдан юқорига қараб жойлашади, шунинг учун уруғлар баравар пишиб етилади. Соя, ловия иссиққа анча талабчан, майсалари 10—13°, люпин, нўхат уруғлари 5—6°, ясмиқ, бурчоқ 3—4° т-рада униб чиқади. Ўриснўхат, бурчоқ майсалари — 8°, соя — 4° гача чидамли, ловия эса — 1° да нобуд бўлади. Д.д.э. дон тўлишиши ва унинг пишиб етилиши фазасида иссиқликни кўп талаб қилади. Соя, люпин намга анча талабчан. Нўхат ва бурчоқ қурғоқчиликка чидамли. Д.д.э. енгил қумлоқ ва қумоқ тупроқларда жуда яхши ўсади. Нўхат, вика ҳамда дуккаклилар нейтрал реакцияли тупроқларда, ловия ва соя ним нордон, люпин нордон тупроқларда яхши ўсади. Д.д.э. фосфорли-калийли ўғитларга талабчан. Д.д.э. озиқ-овқат ҳамда озуқа аҳамиятига эга, оқсилга бой дон олиш учун экилади. Дони, айниқса, тўла пишиб етилмаган дони оқсил (12—60%), углевод (11—60%), ёғ (0,5—52%; қуруқ модда ҳисобида), витамин, каротинга бой. Пишиб етилган дони бевосита таомларга ишлатилади. Улардан ёрма, ун тайёрланади. Думбул мевалари сабзавот сифатида фойдаланилади. Д.д.э. дони, кунжараси, пояси ва похоли чорва моллари ҳамда парранда-лар учун қимматбаҳо, протеинга бой озуқадир. Д.д.э. тупроқни азотга бойитади ва экинлар учун муҳим ўтмишдош ўсимлик ҳисобланади. Суғорма деҳқончилик минтақаларида Д.д.э. анғиз ёки оралиқ экин сифатида (якка ўзини ёки бошоқдошлар б-н қўшиб кузқиш ва қиш-баҳор даврида) экилади. Кўк массаси қорамол учун озуқа ёки *кўкат ўғит* сифатида ишлатилади.


Қўзибой Душамов, Ҳалима Отабоева.



Дуккакли дон экинлари: Мош: *1* — мева туккан шохчаси; *1а* — гули; *1б* — дони. Соя: *2* — стук ўсимлик; *2а* — гули. Ловия: *3* — гуллаган шохчаси; *3а* — дуккаги. Ерёнғоқ: *4* — стук ўсимлик; *4а* — меваси. Нўхат: *5* — стук ўсимлик; *5а* — гули; *5б* — дуккаги; *5в* — дони.

ДУКЧИ ЭШОН ҚЎЗҒОЛОНИ — қ. *Андижон қўзғолони.*

ДУКЧИЛИК, йиккчилик — *дук* (йик) ясаш касби. Газлама қўлда тўқилган даврларда бу касб кенг тарқалган. Ўтмишда деярли барча шаҳар ва айрим йирик қишлоқ бозорларида Д. дўконлари бўлган. Дўконда дукчи ўз ўғиллари ёки 1—2 халфа ва шогирди б-н ишлаган. Газлама ф-када тўқила бошлагач, Д. касби деярли барҳам топди.



Дуклар: 1. Ипи дук. 2. Найча дук.

ДУЛО — қад. туркий булғорлар (прототоболгарлар) уруғи. Дунайбўйи Булғорияси ташкил этилгунга қадар маълум бўлган қад. хонлар сулоласи Д.дан бошланган. *Биринчи Булғор подшолиги* вужудга келган пайтдан эътиборан (681 й.) унинг вакиллари 739 й.гача мамлакатни идора этган. Сулоланинг машҳур намояндалари — *Кубратхон* (584—642), *Аспарух* (643—701), Тервель (701—718).

ДУЛЬБЕККО (Dulbecco) Ренато (1914) — америкалик вирусолог. Миллати итальян, 1947 й.дан АҚШ да. Таркибида дезоксирибонуклеин кислота (ДНК) бўлган онкоген вируслар-нинг нормал ҳужайралар б-н ўзаро таъсирлашиш механизмини тадқиқ қилди. Вируслар ДНК си ҳужайра геномларида жойлашиб, унинг таркибий қисмига айланиб кетишини тажрибада биринчи бўлиб исботлаб берди. 8V40 вирусининг ts — мутанти хусусиятини аниқлади (1973). Нобель мукофоти лауреати (1975).

ДУМ — умуртқали ҳайвонлар танасининг кейинги қисми. Д. сувда ҳаёт кечирувчи ҳайвонларда тана б-н бир текис қўшилиб кетган думсизгични ҳосил қилади. Кўпчилик қуруқликда яшайдиган ҳайвонларда Д. ҳаракатланиш функциясини бажармайди, фақат судралиб юрувчилар ва думли сувда ва қуруқликда яшовчилар Д.и ҳаракатланишга ёрдам беради. Қушларнинг Д. қисми қисқа бўлиб, унга бошқарув патлари бириккан. Сут эмизувчи ҳайвонлар (маймунлар, опоссум, айрим чумолихўрлар) Д.и дарахт шохларига илашиш, сакровчи ҳайвонлар (кенгуру, қўшоёқ, ер товушқони)да Д. таянч ва бошқарув ёки парашют (олмахон, тйин) вазифасини бажаради. Китсимонларнинг калта Д.ида сузгичлари жойлашган. Бир қанча сут эмизувчилар (одамсимон маймунлар) Д.и йўқолиб кетган. Кўп ҳолларда умуртқасиз ҳайвонлар танасининг кейинги қисми ёки ўсимтаси ҳам Д. дейилади.

ДУМА (рус. — фикрламоқ) — Россиядаги қонун чиқарувчи-кенгашувчи, ваколатли муассаса (Боярлар думаси, *Давлат думаси*); шаҳарнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари (шаҳар думаси).

ДУМАЛОҚКЎЛ — 1970 й.ларгача Амударёнинг қуйи оқимида мавжуд бўлган кўл. Майдони 720 га, ўртача чуқ. 2,5 м бўлиб, майдонининг 70%ни қамишзор ташкил этган. Кўл атрофини қалин тўқайзорлар ўраган. Д. Амударёнинг кичик тармоқларидан келган сув ҳисобига тўйинган. Кўлдан тангабалиқ, чавоқ ва қизилқанот балиқлар, ондатра овланган. Сув остида водород сульфид гази борлигидан балиқлар қирилиб турган. Д. кейинги йилларда қуриб қолган.

ДУМБА — думбали қўй зотларининг дум илдизи ва думғаза остонасида, тери остида ҳосил бўлувчи ёғ тўплами (думба ёғи номи б-н маълум). Д.ли қўйлар 10—15 кг гача, бўрдоқига боқилганда ўта семиз қўчқорлар 40—45 кг гача Д. ёғи тўплайди. Д.ли қўйлар асосан қуруқчил ва дашт иқлимли зоналарда боқилади. Организмда Д. тўпланиши хусусияти қурғоқчил зона шароитларига мослашув тарзида пайдо бўлган. Йилнинг қулай келиши ва табиий ўтлоқларнинг серҳосил мавсумларида, емхашак кўп бўлган шароитларда қўйлар танасида Д. ва б. ёғлар захирасини тўплайди. Қиш фасли, ноқулай об-ҳаво шароитлари, озуқа тақчиллиги пайдо бўлганда Д. озиқ модда ва сув манбаи тарзида организм эҳтиёжлари учун сарфланади. Сўйилган қўйлар Д.сининг ёғи ўзининг тўйимлилиги, мазаси б-н айниқса Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиё мамлакатларида қадрланади.

Ад.: Амиров А. К., Мясо-сальная продуктивность овец, разводимых в Узбекистане, Т., 1981.

ДУМБАДЗЕ Нодар Владимирович (1928.14.7 — Тбилиси — 1984.5.3) — грузин ёзувчиси. Илк ҳикоялар тўплами — «Қишлоқ болалари» (1958). Дастлабки йирик асарлари — «Мен, бувим, Илико ва Илларион» (1960) қиссаси ва «Қуёшни кўряпман» (1962) романида 2-жаҳон уруши йилларидаги грузин қишлоқларининг оғир ҳаёти акс этган. «Қуёш кечаси» (1967), «Оқ байроқлар» (1972) романларида замонавий муҳим ижтимоий-ахлоқий масалалар кўтарилган. «Абадият қонуни» (1978)да инсоннинг жамиятдаги ўрни, яшашнинг маъноси мавжуд ҳаётий лавҳалар, шахслар орқали акс эттирилган. Д. асарлари чуқур лиризм б-н суғорилган, уларда драматизм юмор б-н уйғунлашиб кетган. Асарлари ўзбек тилига таржима қилинган («Қуёшни кўряпман», 1969; «Кўрқманг онагинам», 1982; «Абадият қонуни», 1983 ва б.). «Абадият қонуни» асари асосида ўзбек тилида телеспектакль яратилган (1985).

ДУМБА-ЖИГАР — яхна таом. Қад. чорвадор қабилаларнинг ошхонасига мансуб. Қозоқ ва қирғиз пазандалигида «қўйруқ бовур» номи б-н ҳозиргача сақланиб келади. Қўйнинг думба ва жигари яхлитлигича алоҳида-алоҳида идишларда суст оловда думба 45 мин., жигар эса 30 мин. пиширилади. Пишган думба ва жигар совутилгач, япроқ (қалинлиги 1—2 см, эни 2—3 см, уз. 4—5 см) қилиб кесилади. Ликобчада бир бўлак жигар устига думба қўйилиб, дастурхонга тортилади.

ДУМБАЛИ ҚЎЙЛАР — гўшти ва ёғи учун боқиладиган дағал ва ярим дағал жунли думбали қўй зотлари. Чўл ва чала чўл минтақаларида боқишга мослашган, ўт-хашак танламайди, узоқ масофаларга ҳайдашга чидамли. Асрлар давомида яйлов шароитида боқилиши туфайли кескин экологик шароитларга мослашган. Йирик Д.қ.дан ҳисори, саража, эдилбай қўйлари машҳур. Қўчқорларининг тирик вазни 110 — 130 (баъзан 180) кг гача, совлиқлари 60—85 кг (баъзан 130 кг)гача боради. Думбаси қўйнинг семизлик даражасига қараб 6—15 кг, баъзи зотлар (ҳисори қўйлари) бўрдоқиларида 45 кг гача бўлиши мумкин. Думбасининг шаклига қараб «дўнгалак қўйруқ», «тегирмон қўйруқ», «айри қўйруқ», «кетмон қўйруқ», «солфи қўйруқ» деб юритилади. Бу зотлар яхши гўшт беради. Д.қ. сўйилганда гўшт чиқиши 53—60%, жун бўйича маҳсулдорлиги паст — 2,0—2,2 кг жун беради. Жуни дағал ва бир текис бўлмагани учун дағал мовут, гилам, кийиз ва б. маҳсулотлар таёрланади. Д.қ. совлиқларидан 120 кг гача сут согиб олиш мумкин. Серпуштлиги 105—120%. Эрон, Афғонистон, Арабистон я.о. мамлакатларида, Кавказ, Россиянинг жанубий, Ўрта Осиё, Қозоғистонда кўпроқ боқилади.

ДУМБУЛЛИК — 1) дон экинлари уруғи (эндосперм)нинг етилиши бошланадиган фаза; донининг сут ва мум пишиш даври. Экинлар гуллаганидан 12—16 кун (сутка) ўтганидан кейин бошланади, 7—15 кун давом этади. Бу вақтда уруғда сув (50% га қадар), эрувчан углеводлар ва азот бирикмалари кўп бўлади. Д. даврида муртак тўлиқ шаклланган ва эндоспермда озиқ моддалар кўп тўпланади (қ. *Дон*); 2) пишмаганлик, хомлик, ғўрлик (меваларда).

ДУМЛИ АМФИБИЯЛАР (Caudata Urodela) — *амфибиялар* синфининг бир туркуми. Д.а. Шим. ярим шарнинг ўрта минтақасида, бир нечта тури Жан. Америкада тарқалган. Ҳаммаси бўлиб 150 га яқин тури бор. Уларнинг ташқи кўриниши калтакесакка ўхшайди. Думи узун, оёқлари калта, баъзан рудимент ҳолда (амфиумада), баъзилари (сирен)да оёқ бўлмайди. Оёқлари сузишда иштирок этмайди. Танаси ва думи ёрдамида сузади. Бўйи 100 см ча. Сирень, протей каби турларида жабра ва ён чизиғи умрбод сақланиб қолади. Териси силлиқ, майда шилимшиқ безли бўлади. Д.а. кўпинча сувда яшайди; баъзилари фақат кўпайиш учун сувга тушади. Баъзи турларида *неотения* содир бўлади. Бир қанча турларида ички уруғланиш юз беради. Бунда эркагининг сперматофори урғочисининг клоакасидаги уруғлик халтасига тушади. 2 тадан бир неча юзтагача тухум қўяди. Баъзилари тирик туғади ёки тухумдан бола очади. Майда умуртқасиз ҳайвонлар б-н озиқланади. Сувда ва нам ерларда ҳаёт кечиради. Асосан, Шим. ярим шарнинг ўрта минтақасида тарқалган. Ўзбекистон ҳудудида Д. а. учрамайди. Аквариумда тритонлар боқилади.

ДУМЛИ ҚЎЙЛАР — тери олиш ва жуни учун боқиладиган, *думба* ўрнида 12—24 умуртқадан иборат думи бўлган қўйлар. Зотига қараб думи қисқа, ориқ («қотма»); узун, ориқ; қисқа, ёғли; узун, ёғли бўлади. Романов қўй зотининг дум умуртқаси 12 тагача, ёғсиз, эчки думига ўхшаш, решетилов, цигай ва барча меринос зотларининг дум умуртқаси 24 тагача, узун, қотма, сирти жун б-н қопланган. Қорақўл қўйларининг думи ёғли, узун, учи деярли ёғсиз. Кейинги йилларда *думбали қўйлар* жунини яхшилаш мақсадида меринос қўйлари б-н чатиштириб қотма ва ёғсиз думли дурагай қўйлар олинмоқда. Бу қўйлар маҳаллий шароитга чидамли, жунининг сифати яхши (қ. *Қўйчилик*).

ДУМЛУПИНАР — Ғарбий Анадолудаги қишлоқ. *Грек-турк уруши* даврида Д. ёнида Мустафо Камол (қ. *Отатурк*) кўмондонлиги остидаги турк армияси 1922 й. 30 авг.да грек босқинчилари устидан ғалаба қозонган. Бу ғалаба Антанта давлатларининг босқинчи қўшинларига қарши туркларнинг зафарли юришини бошлаб берган.

ДУМПАЛЬМА (Hyphaene) — пальмадошлар оиласига мансуб ўсимликлар туркуми. 30 дан ортиқ тури бор, айниқса, Африкада, МАРда кўп тарқалган. Шох-шаббаси кенг ёйилган. Барглари шохларининг учида елпиғичсимон жойлашган. Тўпгули кучаласимон, гуллари айрим жинсли, сарғиш ёки қизил. Меваси данакли, эти юмшоқ, ширин. Д.нинг машҳур турлари: асл думпальма (H. thebaica) ва дашт думпальмаси (H. coriacea). Асл Д. Миср-нинг дарё соҳилларидаги ўрмонларда, дашт Д.си эса Шарқий Африка саванналарида, Мадагаскар оролида ўсади, улар тропик мамлакатларда кўплаб экилади. Баргидан сават, бўйра ва чипта тўқилади ҳамда тўшакларга солинади.

ДУМПАРАСТ, узунқуйруқ (Tetrsiphone-paradisi) — чумчуқсимонлар туркумининг пашшахўрлар оиласига мансуб қуш. Катталиги чумчуқдек. Нарининг иккита дум пати жуда узун, 50 см гача етади. Д. номи шу тариқа юзага келган. Жан. Маньчжурия ва Приморьедан Ўрта Осиёгача тарқалган. Ўзбекистонда (Фарғона водийси, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларига) кеч баҳорда келиб, куз бошларида учиб кетади. Д. тоғ ҳамда тоғ этакларидаги ўрмон ва боғларда яшайди. Дарахтда уя қуради. 4—5 дона тухум қўяди. Турли ҳашаротлар б-н озиқланади. Ўзбекистонда алоҳида муҳофазага муҳтож.

ДУМПЕР (инг. dump — ағдармоқ) — сочилувчан юк (қум, шағал ва б.)ларни яқин (2 км гача) масофага ташиш учун мўлжалланган ихчам ўзиағдарар машина. Чаққонлиги, иш унумдорлиги юқорилиги, юкни тез ортиш ва бўшатиш имкони борлиги, қайрилиб олиши шарт эмаслиги (иккала йўналишда ҳам бир хил тезликда ҳаракатлана олиши) б-н оддий (катта) ўзиағдарар машиналардан фарқ қилади. Д. кузови ҳайдовчи ўриндиғининг олдида жойлашган, ҳайдовчининг ўриндиғи буриладиган қилиб ясалган, бошқариш қурилмалари Д.ни орқага ҳам ҳайдашга имкон берадиган қилиб тузилган. Д. қурилишда, саноат корхоналарида, аэропорт ва вокзалларда ишлатилади.

Думпер.



ДУМПКАР (инг. dampcar) — юкларни қисқа масофага (2 км гача) ташиб, ўзи ағдарадиган тепаси очиқ вагон. Д.да кўмир, руда, қурилиш материаллари ва б. ташилади. Д. кузови пневматик ёки гидравлик қурилма ёрдамида юкни ён томонга ағдаради. Д.га 60—180 т гача юк ортиш мумкин. Бошқа вагонлардан афзаллиги шуки, у исталган юкни 1,5 мин. да ағдаришга имкон беради.

ДУМСИЗ АМФИБИЯЛАР (Salientia, Ecaudata, Anura) — *амфибиялар* синфининг бир туркуми. 2500 тури маълум. Кенг тарқалган, амфибияларнинг энг юқори тузилган гуруҳи. Тузилиши бақага ўхшайди. Танаси калта, япалоқ ва кенг; думсиз, оёқлари яхши ривожланган, орқа оёғи олдингисига нисбатан анча узун бўлиб, сакраб юришга мослашган. Итбалиғида дастлаб орқа оёқлари, кейин олдинги оёқлари пайдо бўлади. Бўйни жуда қисқалигидан боши танасидан яққол ажралиб турмайди. Д. а., асосан, ҳашаротлар б-н озиқланади. Туҳуми (увилдириғи) сувда уруғланади. *Метаморфоз* орқали ривожланади. Туҳумдан чиққан итбалиғи жабра орқали нафас олади, сувда яшашга мослашган. Умуртқаларининг тузилишидаги тафовутларга қараб Д. а. 6 та кенжа туркумга бўлинади: 1) б и р л а м ч и д у м л и л а р — жуда қадимги Д.а. бўлиб, ҳозир қирилиб кетган, қолдиқлари қазилма ҳолида учрайди; 2) с и л л и қ о ё қ б а қ а л а р; 3) у в и л л о қ б а қ а л а р — пипалар, пихли бақалар ва б.; 4) с а с с и қ б а қ а л а р, 5) қ у р б а қ а л а р — *бақақуруллоқлар*, қисқабошли бақалар ва б; 6) *бақалар* — тор оғизли ва курак оёқли бақалар ва б.

Д. а.нинг типик вакиллари бақа ва *қурбақа*дир. Ўзбекистонда яшил қурбақа ва кўл бақаси тарқалган.

ДУМҒАЗА (sacrum) — 1) бешта думғаза умуртқасидан таркиб топган яхлит суяк; 15—16 ёшгача умуртқа оралиқ тоғайларидан иборат бўлади, кейинчалик суякланиб, бир бутун Д. суягига айланади. Д.нинг икки ёнбошидаги қулоқсимон юзаси ёнбош суягининг шу хил юзаси б-н бирлашиб, чаноқ бўшлиғини ҳосил қилишда иштирок этади. Д. умуртқаларининг кесимталаридан вужудга келган тешиклар орқали қон томир ва нервлар ўтади; 2) ҳайвонларда бир неча умуртқадан тузилган дум суяги ва устидаги гўшт б-н ёғ ҳам Д. деб аталади.

ДУНАЕВСКИЙ Исаак Осипович [1900.18(30).1, Лохвица, ҳоз. Полтава вилояти — 1955.25.7, Москва] — композитор, дирижёр, Россия халқ артисти (1950). Замонавий рус оперетта ҳамда мусиқали кинокомедия асосчиларидан, қўшиқ жанрининг йирик устаси. 12 та оперетта, 3 балет, кантаталар, драматик спектаклларга мусиқалар ёзган. Айниқса, «Кувноқ йигит-қизлар», «Дарвозабон», «Цирк», «Капитан Грант болалари», «Бой келин», «Волга-Волга», «Кубань казаклари» каби фильмлар учун яратган, *симфонизм* б-н йўғрилган мусиқалари ва қўшиқлари оммавийлашган. Ижодий услуби куйчанлик ва ҳатто гармониялари оҳангдорлиги, хилма-хиллиги, *жаз* ритмларидан унумли фойдаланилганлиги б-н ажралиб туради. Оммабоп қўшиқ жанрининг янги турларини кашф этган: қўшиқ — марш («Спорт марши», «Энтузиастлар марши», «Қувноқ шамол ҳақида қўшиқ» ва б.), қўшиқ — вальс («Мактаб вальси», «Вальс кечаси») ва б. Д.га бағишланган «Дунаевский оҳанглари» номли фильм ишланган (1963).



Ў г л и М а к с и м Д. (1945, Москва) — отаси анъаналари давомчиси, «Емелянинг бахти» (1975), «Капитан Грант болалари» (1987) каби мюзикллар, 30 дан ортиқ фильмлар («Хайр, Мэри Поппинз», «Уч мушкетёр» ва б.)га эсда қоларли мусиқалар яратган.

ДУНАЙ (юн. Istros — Истр; нем. Donau; венгерча Duna; болгар ва сербча Дунав; чехча Dunaj; руминча Dunarea) — Европадаги дарё, уз. жиҳатидан Волгадан кейин 2-ўринда. Уз. 2850 км, ҳавзасининг майд. 817 минг км². Бошланиш жойи қуйилиш жойидан 678 м баланд. Шварцвальд тоғларининг (Германия) шарқий ён бағридан бошланиб Қора денгизга катта дельта ҳосил қилиб қуйилади. Германия, Австрия, Словакия, Венгрия, Хорватия, Сербия, Болгария, Руминия, Украина ҳудудларидан оқиб ўтади. Д. оқиш тавсифига кўра юқори, ўрта ва қуйи Д.га бўлинади. Ю қ о р и Д. (Вена ш.гача) — тоғ дарёси, чуқур ва тор водийдан оқади. Ўзанининг кенглиги 350 м гача. Ў р т а Д. (Венадан Темир Дарвоза тангисигача) Ўрта Дунай текислигидан оқади. Водийси кенг (5—20 км). Тоғ ва тепаларни кесиб ўтган жойларда тангилар (Венгрия Дарвозаси, Вишеград йўлаги, Темир Дарвоза ва б.) ҳосил қилган. Бу жойларда ўзани 150 м гача торайиб, чуқ. 20—70 м га етади. Д.нинг Сербия-Руминия чегараси бўйлаб ўтган Жердап деб аталувчи 120 км узунликдаги водийси жуда тор (0,6—1,5 км). Дарёнинг серостона ва тезоқар жойларидаги ўзани кемалар ҳаракатини анча қийинлаштиради. Куйи Д. (Темир Дарвозадан қуйилишигача) Қуйи Дунай текислигидан оқади. Водийсининг кенглиги 7—20 км. Қуйилиш жойидан 80 км юқорида дельтаси (майд. 3500 км²) бошланади. Дельта қисмида 3 та асосий тармоққа бўлинган.

Д.нинг режими мураккаб: баҳорда тўлиб оқади, ёз ва кузда тошиб, қишда суви камаяди. Ўртача сув сарфи юқори оқимида 420 м³/сек, ўрта оқимида 1900 м³/сек, қуйилиш жойида 6430 м³/сек. Бир йилда келтирган сувининг ўртача ҳажми 203 км³. Д. Қора денгизга йилига 120 млн. т. оқизиқ ва минерал моддалар келтиради. Қиш сувуқ келганда 1,5 ойгача музлайди. Д.нинг 300 ирмоғи бор, шундан 34 тасида кема қатнайди. Энг йирик ирмоқлари: ўнгдан — Инн, Драва, Сава, Морава; чапдан — Морава, Тиса, Олт, Серет ва Прут. Д.нинг иқтисодий аҳамияти катта. Дарёдан транспорт қатнови, гидроэнергия олиш, суғориш, шаҳар ва саноат марказларини сув б-н таъминлашда фойдаланилади, балиқ овланади. 2 та йирик ГЭС (Руминия ва Сербия чегарасида), ГЭСлар каскади (Австрия ва Германияда) бор. Дельтасида қамишзор кўп. Регенсбург ш.дан (Германия) бошлаб Д.да йил давомида кема қатнайди. Дарё бўйида 100 дан ортиқ порт, шаҳар ва пристань жойлашган. Энг йириклари: Регенсбург, Вена, Братислава, Будапешт, Белград, Русе, Галац, Измаил ва б.

Д. — халқаро дарё. Дунайда кема қатнаш режими ҳақидаги 1948 й.да қабул қилинган конвенцияга кўра кемалар дарёда эркин сузиш ҳуқуқига эга; Дунайбўйи давлатларидан бошқа давлатларнинг ҳарбий кемалари қатнаши ман этилган; конвенциянинг бажарилишини назорат қилувчи Дунай комиссияси (барча Дунайбўйи давлатлари аъзо) тузилган.

ДУНАЙ МАДАНИЯТИ — неолит, энеолит ва жез даври археологик ёдгорликлари. Археологик тадқиқотлар Ўрта Дунай ҳавзаси (ҳоз. Австрия, Венгрия ва Чехия ҳудудлари) йирик маданият марказларидан бири бўлганини кўрсатади. Д. м. Дунай бўйида яшаган қабилалар ҳаётига оид. Бу даврларда кулолчилик кенг ривожланган. Сопол идишлар нақшлар б-н безатилиб, оқ, сариқ, қизил ранглар б-н бўялган. Аёл ҳайкалчалари кўп топилган. Бу даврларда аҳоли, асосан, овчилик, ибтидоий деҳқончилик ва хонаки чорвачилик б-н шуғулланган. Ойболта, теша, тўрт қирали мис бигиз ва б. меҳнат қуроллари пайдо бўлган, от қўлга ўргатилган. Мис ҳалқалар, билагузук ва бўйин тақинчоқлари, турли шаклдаги жўмракли, қулоқли, дастали, оёқли сопол идишлар бу давр маданиятининг асосий ёдгорликларидир. Топилган хилма-хил жез қуроллар, безаклар, олтин ва кумуш исирға ва б. тақинчоқларнинг хусусиятига кўра, бу даврда металл ишлаш техникаси анча ривожланган. Дунай бўйи аҳолиси Миср ва Месопотамия б-н яқин маданий алоқада бўлган. Д. м. заминида *Гальштат маданияти* вужудга келган.

ДУНАСР (форс. ду — икки ва араб. наср — ёрдам, ғалаба) — анъанавий мумтоз мусиқа шаклларининг таркибий тузилмаси; куй ривожини таъминловчи воситалардан бири. Д., асосан, мақом йўллари, шунингдек, бастакорлик ижодиётига молик ашула ва чолғу намуналарида учрайди; унда одатда бошланғич куй тузилмаси (сархат ёки *даромад*) бир октава баландликка кўчирилиб (ўзгармай ёки қисман ўзгарган ҳолда) такрорланади.

ДУНБУЛОҚ — Қирғизистоннинг Ўш вилоятидаги қад. турар жой харобаси (Ўзгандан 5 км шим.да, Ясси дарёсининг чап соҳилида). Майд. 30×270 м. Ички қўрғонининг майд. 90×50 м. Уч томони хандақ б-н ўралган, тўртинчи томони жар. Археологик қазишлар натижасида Д.нинг қалин маданий қатламлари (10 м атрофида) очилган. У 3 босқичдан иборат. Биринчиси мил. ав. 3—1-а.ларга оид, ундан чизиқли оч қизил нақш солинган кулолчилик буюмлари топилган; иккинчиси милоднинг дастлабки асрларига оид; унда сопол идишлар б-н бирга бўртма нақш солинган идишлар, ёрғучоқ, идиш бўялган зеб-зийнат тош ва суякдан ишланган буюмлари кўп учрайди; учинчиси 6—8-а.ларга оид; бу босқичда қўлда ясалган ва чизиқли, қабариқ ва кунгурали нақшлар солинган идишлар тарқалган. Д. ёдгорликлари Фарғона водийси қабилаларининг антик ва илк ўрта даврларига оид деҳқончилик маданиятини аниқлашга ёрдам беради.

ДУНГАН ТИЛИ — *дунганлар* тили. Сино-тибет тили оиласига мансуб. Бу тил вакиллари Шинжон вилояти (Хитой) ва Марказий Осиёда (асосан Қирғизистонда, қисман Қозоғистон ва Ўзбекистонда) истиқомат қилади. Д.т.да тахм. 70 мингдан ортиқ киши сўзлашади (1990 й.лар ўрталари). Д.т. таркибида туркий, араб, форс тилларидан ўзлаштирилган сўзлар кўп. Ёзуви кирилл алифбоси асосида.

ДУНГАНЛАР (ўзларини л а о х у э й х у э й ёки ч ж у н ь ю а н ь ж и н деб атайдилар) — Марказий Осиёда яшайдиган халқ. Умумий сони 70 минг киши атрофида (1990-й.лар ўрталари). Қозоғистон, Қирғизистон, қисман Ўзбекистонда яшайди. *Дунган тилида* гаплашади. Д. Хитойдаги *хуэй* халқи б-н этногенетик жиҳатдан бирдир. Д. рус графикасига асосланган ўз ёзувига эга. Исломнинг сунна ва шиа мазҳабларига эътиқод қилишади. Д. аждодларининг келиб чиқиши фанда ҳали узил-кесил ҳал қилинган эмас. Баъзи олимлар Д. араблар б-н аралашган хитойлар, баъзилар эса Хитойга келиб ўрнашиб қолган форс, турк қабилалари деб ҳисоблайди. «Дунган» номи Синьцзянь вилоятида 18-а.да пайдо бўлиб, Хитойнинг ички вилоятларидан кўчиб келиб, ўтроқлашиб қолган ҳарбий хизматчилар, савдогарлар, ҳунармандлар ва б.ни ифодалаган (баъзан «Дунган»нинг этимологиясини тун ғань — ҳаммаси Ғаньсудан» ёки двун янжинь — «Хитойда яшовчилар» деб талқин этадилар). Хитойнинг Ганьсу, Шэньси, Ланьжоу ва б. вилоятларида яшаганлар. 1861—78 й.ларда Хитойнинг шим.-ғарбида Цинь сулоласи зулмига қарши деҳқонлар қўзғолони бўлиб ўтди. Қўзғолонда Д. ва б. халқларнинг қамбағал табақаси асосий куч эди (қ. *Тайпин қўзғолони*). Қўзғолон енгилди, натижада 1877—78, 1881—84 й.ларда Д. тўда-тўда бўлиб Қозоғистон ва Қирғизистон ерларига кўчиб ўта бошлади ва шу ерларда ўрнашиб қолди. 20-а. бошларида Д. халқ бўлиб шаклланди, тили, маданияти, адабиёти ва ўз матбуотига эга бўлди. Д. асосан, деҳқончилик (буғдой, шоли, жўхори, қанд лавлаги, тамаки ва б.), боғдорчилик, ҳунармандчилик б-н шуғулланади.

ДУНЁ — 1) барча материя шаклларининг бир бутун мажмуи, ер курраси ва ундаги барча мавжудот; 2) моддий бойликлар мажмуи; 3) маълум бир ижтимоий тузумга, ўзига хос маданий, ижтимоий-тарихий хусусиятларга эга бўлган кишилик жамияти (мас., қадимги Д.); 4) диний тасаввурларда ердаги ва охиратдаги ҳаёт (бу Д., у Д.). Илмий қарашлар бўйича Д. моддий ва маънавий Д.га ажратилади.

ДУНЁ (б и о л о г и я д а) — *организмлар системасида* энг юқори таксономик категория.

ДУНЁ ВАҚТИ — бошланғич меридианнинг *ўртача Қуёш вақти*. Бошланғич меридиан қилиб шартли равишда Гринвич (Буюк Британия) расадхонасидаги меридиан олинади. Д. в. ярим тундан ҳисобланади ва Тошкент вақтидан 5 соат кеч бўлади (мас., Тошкентда соат 17 бўлганда Д. в. 12 бўлади). Астрономик йиллик журнал ва тақвимларда астрономик ҳодисаларнинг юз берадиган пайти Д. в.да берилади.

ДУНЁ ОКЕАНИ — Ер шарини ўраб турган сув қоплами (қ. *Океан*).

ДУНЁ ТОМОНЛАРИ (уфқ томонлари) — уфқ (горизонт)нинг 4 асосий нуқтаси: шимол (Ш. ёки N), жануб (Ж., S), шарқ (Ш., О ёки Е), ғарб (F., W). Баъзан уфқнинг тегишли чораги (шим., жан., шарқий ва ғарбий) томонларини ҳам Д. т. дейилади.

ДУНЁ ЎҚИ — қ. *Олам ўқи*.

ДУНЁ ҚУТБЛАРИ (Шимолий қутб ва Жанубий қутб) — қ. *Олам қутблари*.

ДУНЁВИЙ ЧИЗИҚ — нисбийлик назариясида тўрт ўлчовли фазода моддий зарранинг ҳаракати траекториясини ифодаловчи чизиқ. Тўрт ўлчовли фазо координаталари (x, y, z) га вақт координатаси (t) ҳам қўшилади. Тўрт ўлчовли фазода ҳар қандай зарра ҳаракатини ўзига мос Д. ч. б-н солиштириш мумкин. Бу чизиқда ётган нуқта (дунёвий нуқта) вақт оралиғида зарра ҳаракати координатасини ифодалайди. Хусусий ҳолда зарранинг текис ва тўғри чизиқли ҳаракатига тўғри Д. ч. мос келади. Баъзи ҳолларда тўртинчи координата учун мавҳум катталик $\tau = ict$ (c — ёруғлик тезлиги) олинади. Бунда $i = \sqrt{-1}$ — мавҳум сон. Д. ч. тушунчасидан махсус ва умумий нисбийлик назариясида кенг фойдаланилади.

ДУНЁВИЙ ЭФИР — қадимда бутун дунё бўшлиғини, шу жумладан жисмлардаги атомлар ва молекулалар оралиғини ҳам тўлдириб туради, деб тахмин қилинган яхлит муҳит (қ. *Эфир*).

ДУНЁНИНГ ЕТТИ МЎЪЖИЗАСИ — қ. *Етти мўъжиза*.

ДУНЁҚАРАШ — дунёга ва инсоннинг ундаги ўрнига, кишиларнинг ўз атрофидаги воқеликка ва ўз-ўзига муносабатига бўлган умумий қарашлар тизими, шунингдек, бу қарашларга асосланган одамларнинг эътиқодлари, идеаллари, билиш ва фаолият тамойиллари. Д. кишининг ёши, ҳаётий тажрибаси, билими, мафкураси б-н боғлиқ. Д.да жамиятда шаклланган фалсафий, илмий, диний, сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик билимлар, қарашлар ўз аксини топади. Шахснинг Д.и ижтимоий муносабатлар б-н чамбарчас боғланган. Д. инсоннинг ўзини ва дунёни зарурий равишда англаши ҳамда баҳолаши асосида шаклланади. Бу жиҳатдан Д. воқеликнинг инсон онгидаги субъектив инъикосидир. Айрим индивиднинг онги б-н боғланган индивидуал Д., муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, синф, миллат ва жамият миқёсидаги ижтимоий онг б-н боғланган ижтимоий Д. мавжуд. Булар бир-бирини тўлдиради, бир-бирига таъсир қилади, бир-бирини ривожлантиради. Дастлаб индивид дунёни ҳиссий сезади (дунёни ҳис қилиш). Бунда индивид воқеликни бевосита ҳиссий инъикос этиш натижасида англайди. Кейин воқелик ҳақида тўпланган билимлари асосида индивиднинг Д.и пайдо бўлади. Бу дунёни англаш дейилади. Шахснинг дунёни англаши орқали унинг ўзини англаши ҳам шаклланиб боради. Шу тариқа дунё ҳақидаги барча билимлар юксак даражада умумлаштирилади ва яхлит Д. шаклланади. Д. инсониятнинг тарихий тараққиёти мобайнида ривожланиб борган. Унинг қуйидаги шаклларини кўрсатиш мумкин: 1. Мифологик Д. ёки афсоналарга таянувчи Д. У воқелик ҳақидаги мифологик билимлар тўпланган ва тизимга солинган бир даврда вужудга келган, борлиқнинг инсон онгидаги хаёлий инъикоси сифатида қад. давр кишилари учун хос бўлган. Улар воқеликни турли ривоятлар ва афсоналар асосида тасвирлаб, уни қаҳрамонлар, ёвуз ва хайрли кучларни акс эттирувчи образлар тарзида билишган. Табиатдаги жонсиз жисмларни жонлантириб, олов, сув, ҳаво, табиат ҳодисаларини ҳам муайян жонли образларнинг намоён бўлиши деб ҳисоблашган. 2. Диний Д. У оламдаги воқеа ва ҳодисаларнинг сабабларини илоҳий, ғайритабиий куч б-н боғлаб тушунтиради. Диний эътиқод, туйғу, диний ақидаларга ишониш, илоҳий кучларга сиғиниш диний Д.нинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади. 3. Турмуш б-н боғланган (кундалик) Д. Унда ақлга сиғадиган тасаввурлар, олам ва одам тўғрисидаги оддий анъанавий қарашлар акс этади. 4. Фалсафий Д. Унда бутун борлиқ, табиат, жамият, инсон руҳияти ва тафаккурининг энг умумий жиҳатлари идрок этилади, шу асосда оламнинг умумлашган назарий модели яратилади. Фалсафий Д. дунёқарашнинг бошқа шаклларига таянади, улардаги умумий қонуниятларни, жиҳатларни англашга ҳаракат қилади. Фалсафий Д.нинг шаклланиши ва ривожланиши фалсафанинг пайдо бўлиши б-н узвий боғлиқ. Инсон воқеликка муайян мақсад, манфаат ва қизиқишлардан келиб чиқиб ёндашади. Д.нинг мафкура б-н боғланганлигининг сабаби ҳам шундадир. Д.нинг кўлами, мазмуни, маркази ёки таянч нуқтаси каби жиҳатлари бор. Д. кўлами индивиднинг бутун ҳаёти мобайнида ривожланиб, кенгайиб борувчи жиҳатини ифодалайди. Д. мазмуни индивид онгида воқеликнинг хилма-хил жиҳатлари қай даражада қамраб олинганлигини акс эттиради. Д. маркази ёки таянч нуқтаси деганда, индивиднинг қандай шахсий ҳамда ижтимоий манфаатлар мажмуаси доирасидан туриб олам ҳақида фикр юритиши тушунилади. Инсон ўз ҳаётида ўзидан илгари ўтган кишиларнинг турмуш тажрибасига, тўпланган билимларига таянади. Д. кишиларнинг ахлоқ меъёрлари, ҳаётдаги интилишлари, қизиқишлари, меҳнат ва турмушларига таъсир кўрсатиб, катта амалий маъно касб этади.

Бахтиёр Тўраев.

ДУНИМСАР — 1) оғирлик ўлчов бирлиги; қиймати 1 *ман* нинг 1/16 улушига тенг. Ўрта Осиёда кенг қўлланган.

Оғирлик ўлчов бирлиги маннинг улушли қиймати ишлатилган ва жойига қараб ҳар хил бўлгани учун Д.нинг қиймати ҳам ҳар хил бўлган. Бухорода 2,5 *истор* ҳам Д. деб юритилиб, 54 г га тенг бўлган (1 Д.=2,5 истор = 2,5·21,6 г = 54 г). Бухоронинг 25,6 кг ли мани бўйича 1 Д.=1,6 кг бўлган. 19-а.да катта Д. катта (16 пудли) маннинг 1/16 улуши, яъни 16,38 кг бўлган ва 1 пуд деб, кичик Д. кичик (8 пудли) маннинг 1/16 улуши, яъни 8,19 кг бўлган ва 0,5 пуд деб юритилган. Д. Тошкент, Фарғона, Хўжанд ва б. вилоятларда қарийб қўлланилмаган; 2) бугдой экиладиган ер майдонини ҳам тахм. белгилашда қўлланилган бирлик; 1 Д. бугдой экиладиган ер майдони 1 Д. майдон ҳисобланади.

ДУНИТ (Янги Зеландиядаги Дун тоғи номидан) — ўта асосли интрузив тоғ жинси. Асосан оливиндан (85—100%) иборат. Қўшимчалари хромит ва магнетит. Ранги қора, тўқ ва оч яшил. Д. бор жойда платина, никель, кобальт, хром, тальк, хризотил-асбест конлари учрайди. Д. одатда қисман серпентинлашган бўлади. Ўзбекистонда Томди тоғларининг шим.-ғарбида кичик линзасимон шаклда топилган. РФ (Урал, Байкалбўйи), Арманистон ва б. жойларда учрайди. Д.дан ўтга чидамли материаллар тайёрланади.

ДУНКАН (Duncan) Айседора (1878.27.5, Сан-Франциско — 1927.14.9, Ницца) — америкалик раққоса. «Модерн» рақс мактаби асосчиларидан. Мумтоз рақс мактабини инкор қилган ва «эркин ҳаракат»ни тарғиб этган. Юнон пластик ҳаракатларидан фойдаланган, балет кийимини юнонларнинг ички кийими — хитон б-н алмаштирган, оёқ яланг рақсга тушган. 1921—24 й.лар Россияда яшаган ва Москвада шахсий студиясини ташкил этган. 1922 й.да С. *Есенин*га турмушга чиқиб, совет фуқаролигини қабул қилган.

ДУНС СКОТ (Duns Scotus) Иоанн (тахм. 1266, Макстон, Шотландия — 1308.8.11, Кёльн) — шотланд схоласт илоҳиётчиси, файласуф. Унинг таълимоти (скотизм) *томизм*га қарши эди. *Фома Аквинский*ни кескин танқид қилди. Фалсафа б-н илоҳиётни бир-биридан ажратишга, фалсафани черков таъқибидан халос қилишга уринди. Д. С.нинг қарашлари ўз даврида Рим папаси ҳукмронлигига қарши қаратилган кучлар манфаатини ёқлади.

ДУНТИНХУ — Хитой шарқидаги кўл. Цзянхань текислигида, Янцзи дарёсининг ўнг соҳил водийсида жойлашган. Қирғоқлари паст, ботқоқлашган. Майдони қиш ойларида 4—5 минг км² дан ёз ойларида 10—12 минг км² га етади. Сув сатҳи мавсумий, 10—15 м гача ўзгаради. Чуқ. 8 м гача. Д.га кема қатнайдиган Сянцзян, Юаньцзян, Лишуй ва Цзишуй дарёларининг суви қуйилади. Янцзи дарёси оқимини (5 та ирмоғи орқали боғланган) тартибга солиб туради, ёз (май—сент.)да дарёнинг 40 дан 60% гача тошқин сувларини қабул қилади. Кўлда кема қатнайди, балиқ овланади. Д. атрофида шоличилик б-н шуғулланилади.

ДУН-ХУ («Шарқий ху») — қадимда Шарқий Мўғулистон ва Жан. Манжурияда яшаган қабилалар гуруҳининг хитойча номи. Мил. ав. 3-а. охирида ҳунлар томонидан тор-мор этилган. Д.-х.ларнинг қолган-қутганлари кейинчалик *ухуанлар* ва *сяньби* номи б-н машҳур бўлган.

ДУНЬХУАН — Хитойдаги қад. шаҳар, Ганьсу провинциясининг чекка ғарбида. Д. 1-минг йилликда Хитойни Жан. ва Ғарбий Осиё орқали Европа б-н боғлайдиган *Буюк ипак йўли*да муҳим манзил бўлган. Д.дан 14 км жан.-ғарбда ғорларга жойлашган будда монастири — Цяньфодун («Мингта Будда ғори»; 353—366) бор. 480 га яқин ғор сақланиб қолган (энг каттаси Могао, 366). 1899 й. ғорлардан бирида Хитой, Ҳиндистон, Марказий Осиё ва Кичик Осиё я. о.да яшаган халқлар тилида ёзилган 20 мингдан ортиқ қўлёзма топилган. 1907 й. бу топилмаларнинг кўп қисми А. Стейн экспедицияси томонидан Англияга олиб кетилган ва Британия музейига топширилган, бир қисми Пекин кутубхонасида сақланмоқда.

ДУО — худога илтижо қилиб, ўзи ёки бошқалар учун узоқ умр, бахт, нажот сўраш. Бунда Д. қилувчи маълум бир хатти-ҳаракатни адо этади (мас., мусулмонларда икки қўлини юзига тортиб фотиҳа қилади). Д. барча динларнинг асосий элементларидан бири ҳисобланади. У ибтидоий даврда сўзнинг сеҳрли кучига ишониш, унинг ёрдамида илоҳий кучлардан фойдаланиш мумкин деган ишонч асосида шаклланган. Д.ни қайси тилда қилишнинг аҳамияти йўқ. Лекин ислом дини ақидаси бўйича, агар талаффузини ўрнига қўя олса ва мазмунидан огоҳ бўлса, дуони араб тилида қилиш афзалдир. Д.нинг икки тури бўлади. Биринчиси, «маъсура», яъни матни Қуръон, ҳадис ёки бошқа диний манбаларда аниқ белгилаб қўйилган Д.лар. Уларни бузмай, қўшмай, қандай кўрсатилган бўлса ўша тарзда ўқийдилар. Иккинчиси, «муҳтараа», яъни Д. матнини ўзи тўқиб, эркин ҳолатда илтижо қилиш. Бут, санам ва сохта маъбудаларга ёлвориб илтижо қилиш ҳам Д. турига киради. Ислом ақидаси бўйича, фарзанд ато этиш, шифо бериш, балодан асраш, инсоф-тавфиқ каби ҳожатлар фақат Аллоҳнинг ўзидан сўраладан. Ундан бошқадан сўрашлик ширк ва куфр саналади.

ДУОБАСОЙ — Сурхондарё вилояти Сариосиё ва Узун туманларидаги сой. Юқори оқимида Чормоғолсой, қуйи оқимида Чошсой деб номланади. Тўпалон сув омборига қуйилади. Бойсунтоғ тизмасининг Хўжапирён ва Хурсандтоғ тармоқлари шарқий ён бағирларидан оқиб тушадиган 50 дан ортиқ ирмоғи бор. Уз. 33 км, сув тўплаш майд. 244 км². Д. юқори ва ўрта оқимида нишаби катта, чуқур ва тор водийда тез оқади. Ҳавзаси нисбатан баланд ва намгидан ёғин кўпроқ ёғади. Шу сабабли Д.да сув анча кўп, ўртача сув сарфи 5 м³/сек чамасида. Д. қор-музликлардан тўйинади. Тўлинсув даври май—июнда бўлади, дек.—январда суви камаяди. Д.дан Чош қишлоғи сув ичади.

ДУОДЕНОСТАЗ — ўн икки бармоқ ичак (қ. *Ингичка ичак*) ҳаракат фаолиятининг бузилиши. Бунда ичакда суюқ бўтқага ўхшаш овқат лукмаси (химус) туриб қолади. Ўн икки бармоқ ичак йўлининг механик сабабларга кўра қисман тўсилиб қолиши (яллиғланиш, ўсма ва ҳ. к. туфайли), унда нерв таъминотининг бузилиши ва б. сабаб бўлади. Меъда ва ичак соҳасида оғриқ, айниқса овқат истеъмол қилгандан сўнг кўнгил айниши, қусиш кузатилади. Рентгенологик, фиброскопик, монометрик ва б. текширишлар асосида ташхис қўйилади. Касаллик асосан жарроҳлик йўли б-н даволанади.

ДУОЙИ БАД (форс.— қарғиш) — кимнидир қарғаб, унинг зарарига қилинган *дуо*. Мас., ота-она қарғиши, мазлум қарғиши ва ҳ.к. Ҳадиси шарифда ота-она), мусофир ва мазлум (зулм қилинган)ларнинг дуолари шаксиз қабул қилиниши таъкидланган. Д. б.нинг зидди — дуойи хайрдир. Дуойи хайрда кимнидир алқаб ёки олқишлаб, унинг ҳаққига қилинган дуо тушунилади. Пайғамбарлардан Нуҳ (ас) ўз қавмларини Д. б. қилганлар. Натижада уларга Аллоҳ таоло тўфон балосини юборган. Ислом динида Д. б. қилиш тавсия этилмайди. Бир инсон ёки ҳатто фарзанд ёмонлик қилиб, кўп зарар келтирган тақдирда ҳам, уларнинг шаънига фақат дуойи хайр қилиб, яратгандан уларга инсоф-тавфиқ сўрашлик улуғ инсоний фазилатлардан эканлиги уқтирилади.

ДУОТУЗИ, манглайтузи — якка ҳолда пешонага, жуфт ҳолда чаккага тақиладиган тақинчоқ; зийнат буюми. Хоразм аёлларининг ёмон кўздан асровчи тумори. Тузилиши енгил шабака усулидаги айланма нақшлар б-н қопланган зарҳалланган кумуш турунж шаклида бўлиб, атрофи зигираклар б-н ҳошияланган. Қуйи қисмига шокилалар ўрнатилган. Юзасига қуръон оятлари битилган кўк рангли шишадан, атрофи феруза кўзлар б-н ўралган садафдан жилолаб тайёрланган хиллари ҳам бор, шунингдек, ичига дуо ёзилган қоғозча соладиган садафдан тайёрланган ҳуққача — қутича тури ҳам учрайди. Д. бош кийимига илгак б-н мустаҳкамланади. Ҳозир урфдан қолган.

ДУОХОНЛИК — дуо ўқиш, дам солиш б-н шуғулланиш. Ислом анъаналари бўйича Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда кўрсатилган муайян дуолар ўқиб турилади. Айни вақтда мантиқсиз, пойма-пой сўзларни ўзича ўқиб дам солиш ҳоллари ҳам учрайди. Ислом дини нуқтаи назаридан булардан биринчиси рухсат этилган бўлиб, уни тўғри ўқиб, кўрсатилган тартибда ижро этиш мумкин; иккинчиси эса мутлақо ман этилади ва у б-н шуғулланиш фирибгарлик, алдамчилик ва гуноҳ ҳисобланади. Умуман Д. касби б-н кифояланиб, жисмоний ёки ақлий меҳнат б-н шуғулланмаслик ҳам ақлан, ҳам шаръан салбий хусусиятлардан биридир (яна қ. *Азайимхонлик*).

ДУПЛЕКС АЛОҚА (лот. duplex — икки томонлама, қўш) — икки томонлама электр алоқа усули; бунда хабарларни бир вақтнинг ўзида ҳам узатиш, ҳам қабул қилиш мумкин. Д. а. пунктларининг ҳар бирида узатувчи ва қабул қилувчи икки аппарат ёки узатиш ва қабул қилиш занжирлари бир-биридан ажратилган битта аппарат бўлади (қ. *Симплекс алоқа*).

ДУПЛЕКС ЖАРАЁН (металлургияда) — кетма-кет жойлашган икки эритиш агрегатида пўлат олиш усули. Конвертер-мартен печи, конвертер-электр печи, индукцион вакуум печи-ваккумли ёй печи Д. ж.га мисол бўла олади. Сифатли пўлат олиш учун авval чўян конвертерда (бессемер ёки томас конвертерида) пўлатга айлантирилади, суюқ пўлат мартен печига қўйилиб, олтингугурт, фосфордан тозаланади ва кимёвий таркиби яхшиланади. Д. ж. болгаланувчан чўян олиш ва кулранг чўяндан сифатли қуймалар тайёрлаш учун ҳам ишлатилади. Бунда чўян аввал *вагранка*да эритилиб, сўнгра алангали печь ёки электр печда қиздириб ишлов бериш йўли б-н қиёмига етказилади.

ДУПЛИКАЦИЯ (лот. duplicatio — икки марта ортиш) — хромосомалар бир қисмининг икки ёки кўпроқ марта ортиши туфайли уларнинг ўзгариши. Д. хромосомалар қисмларининг ўзаро алмашинуви ёки гомологик хромосомалар ўртасидаги *кроссинговер* бир хил тенгликда содир бўлганида кузатилади. Хромосомаларнинг Д. бўлган қисмида шу жойда жойлашган генлар такрорланади. Бундай қўшимча генлар ўша хромосома ичида ёки унинг учларидан бирида жойлашиши, баъзан бирор бошқа хромосомага бирикиши мумкин. Д. янги генларнинг ҳосил бўлишида муҳим аҳамиятга эга (яна қ. *Мутация, Хромосомалар*).

ДУР, инжу (хитой тилидан) — 1) моллюскаларнинг мантия терисида шарсимон ёки нотўғри шаклда пайдо бўладиган маҳсулот. Д.нинг таркиби чиғаноқлар таркибидан фарқ қилмайди ва асосан кальцитдан иборат. Жуда оз миқдорда сув, органик ва б. моддалар бўлади. Энг йирик ва юқори сифатли Д.лар илиқ сувли океанларда ҳамда чучук сув ҳавзаларида яшайдиган Pteria ва Margaritana деб аталадиган икки тавақали моллюскаларда топилган.

Д.га ҳар хил ранглари б-н жилоланиб турадиган концентрик тузилишдаги марварид қатламлари хос бўлади. Табиатда пушти ранг ёки сарғиш оқ, баъзан қора рангдаги, каптар тухумидек келадиган Д. энг қимматбаҳо ҳисобланади. Д. Баҳрайн ороллари, Қизил денгиз, Япония, Шри-Ланка, Австралия қирғоқлари яқинида ва б. жойларда яшовчи моллюскалардан олинади. Россиянинг Мурманск вилояти, Узоқ Шарқ, Хитой, Шим. Америка атрофларидаги денгизларда ҳам Д. бор. Д.нинг табиий заҳиралари озайиб кетганлиги сабабли 20-а. бошларидан сунъий йўл б-н кўпайтирилмоқда (махсус ҳавзалар ва оқиб юрувчи катта идишларда кўпайтирилади. Бунинг учун ёш чиғаноқларнинг мантия териси сиртига майда шарсимон қум зарраларини жойлаштириб, тахм. 10 йил давомида боқиб йириклаштирилади). Бу усул ҳозир Япония ва Хитойда кенг қўлланилади; 2) зеб-зийнат буюми. Д.нинг йирик ва майда (марварид) доналари тақинчоқлар (тиллақош, исирға, узук, тўғноғич ва б.)ни безашда ишлатилади. Шунингдек, саралаб олинган йирик Д.лардан ипга тизиб тайёрлангани (мунчоқ) бўйинга тақилади. Д. қадимдан заргарликда кенг фойдаланилган, қимматбаҳо металлар (олтин, кумуш ва б.)дан тайёрланган буюмларга қимматбаҳо тошлар б-н бирга қадалган.

ДУР ЗИРАСИ, зира-ад-дур — узунлик ўлчов бирлиги; мусулмон мамлакатларининг кўпчилигида қўлланилган. Қиймати 50,3 см га тенг бўлган.

ДУРАГАЙ — ирсий белгилари б-н бир-биридан фарқ қиладиган организмларни жинсий ёки вегетатив усулда ўзаро чатиштириб олинган насл. Ўсимликшуносликда тур ичи ва узоқ шаклар (турлараро, туркумлараро) Д.лар учрайди. Тур ичи Д.лари бир турга мансуб икки навни, тур хилларнинг индивидларини чатиштириш йўли б-н олинади. География узоқ Д. (ҳар хил геномли) бир туркумга оид икки турни, икки ёки ундан ортиқ турга мансуб навларни, бир оилага мансуб икки туркумни чатиштириб олинади. Ҳоз. даврда қ.х. экинларининг тезпишарлиги, ҳосилдорлигини ошириш, ҳосил сифатини яхшилашда биринчи бўғин Д.лардан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Маккажўхори, кунгабоқар, помидор, қанд лавлаги ва б. уруғчилигида биринчи авлод Д. уруғларидан фойдаланиш юқори самара беради (қ. *Гетерозис*).

Ўзбекистонда Д. ипак қурти селекциясида катта ютуқларга эришилган. Чорвачиликда ҳар хил тур, авлод ёки зотларга мансуб ҳайвонларни ўзаро чатиштириш натижасида олинган янги насл Д. дейилади.

ДУРАГАЙ УРУҒ — ирсияти ҳар хил навлар, турлар ва туркумларни чатиштиришдан олинган уруғ. Д. у. ота-оналари генларининг қайта жуфтланиши ва трансгрессия (қўшилиб таъсир этиши) асосида янги белги ва хусусиятларни ўзида мужассам этади. Генлар назоратидаги белги ва хусусиятлар *дурагайлар*нинг ҳар бир бўғинида янгидан ривожланади.

Д. у. олиш усули ва тартиби сунъий *дурагайлаш*дан, яъни бир навнинг гулини (оналигини) иккинчи навнинг чанги (оталиги) б-н чанглашдан иборат. Д. у. генетик тадқиқотлар, шунингдек, селекцияда янги навлар яратишда ота-она организмларининг бирон-бир муҳим белгиларини янги навларга ўтказишда қўлланилади. Биринчи бўғиндаги Д. у. *гетерозис* белгиларига эга бўлади.


Деҳқончиликда Д. у.лардан ғўза, маккажўхори, оқ жўхори, қанд лавлаги, бодринг, сабзавот экинлари ҳамда кўпчилик ем-хашак экинлари ҳосилдорлигини оширишда кенг фойдаланилади. Айниқса маккажўхорининг Д. у.ни етиштириш бўйича махсус уруғчилик хўжаликлари тармоғи ташкил этилган. Шунингдек, бугдой ва мойли экинларнинг Д. у.ларидан фойдаланиш имкониятлари ҳам ўрганилмоқда. Асосан, биринчи бўғин Д. у.лар экилади. Иккинчи ва ундан кейинги бўғинларда уларнинг ҳосили пасаяди. Д. у.ларни кўплаб олиш усуллари топилган ҳолдагина улардан унумли фойдаланиш имконияти туғилади.

Д. у.ларни етиштириш усуллари ўсимликнинг биологик хусусиятларига, чунончи, гуллаш типига қараб белгиланади.

ДУРАГАЙЛАР КЎЧАТЗОРИ — энг яхши ўсимликларни танлаб олиш мақсадида дурагайларни ўстириш, кўпайтириш ва ўрганиш учун барпо этиладиган дала (майдон), бошланғич уруғлик материали экиладиган кўчатзор. Д. к.га 1-, 2-, 3-бўғин (F_1, F_2, F_3), аҳёнда — юқори бўғин дурагайлари экилади ва ўрганилади. Д. к.да нисбий генетик барқарорлаштириш ишлари ўтказилади ва *селекция кўчатзори*га экиш учун F_3 дан энг яхши элита ўсимликлари танланади. Агар дурагайлашда гомозигота ота-она шаклларидан фойдаланилган бўлса, Д. к.да танлаш F_2 дан, агар гетерозиготали (мураккаб чатиштиришларда) ота-она шаклларидан фойдаланилган бўлса F_1 дан бошланади. Д. к.да қиёсий баҳолаш учун дурагай комбинацияларининг ота-она шакллари ёки асосий районлаштирилган стандарт нав ҳам экилади.

ДУРАГАЙЛАШ — ирсий белги ва хусусиятлари б-н фарқланувчи ўсимликлар ва ҳайвонларни ўзаро чатиштириш. Натижада ота-она организмларининг белги ва хусусиятларига эга бўлган *дурагай* организм пайдо бўлади. Д.да чатиштириш учун олинган ота ва она организмлар Р ҳарфи б-н (P_1 — она; P_2 — ота), она шакли ♀ (кўзгу) оталик — ♂ (қалқон ва найза), чатиштириш эса × белгилари б-н; дурагай авлодлари (бўғинлари) лот. F ҳарфи остига қўйилган тартиб рақамлари б-н ифодаланади (мас.; F_1 — биринчи, F_2 — иккинчи ва ҳ.к. авлодлар). Д. жинсий ҳужайралар иштирокида ҳамда вегетатив тана органлари иштирокида ўтказилади. Жинсий ҳужайралар иштирокидаги Д.да асосан ирсий белгиларни белгиловчи генлар, хромосомалар қатнашади. Бунда оналик ва оталик шакллари ген ва хромосомаларининг ўзаро фавқулодда қўшилиши эвазига кўплаб рекомбинантлар — янги белги ва хусусиятларга эга ўсимликлар F_2 ва келгуси авлодда ажралиб чиқади ҳамда бу селекция ишини олиб бориш учун катта манба ҳисобланади.

Жинсий ҳужайралар иштирокида Д. табиий ва сунъий бўлиши мумкин. Табиий Д. табиатда жуда кенг тарқалган



Дурагайлаш (ҳайвонларда): 1 — ёввойи архар; 2 — перекос қўй зоти; 3 — архар-меринос қўй зоти.

ҳодиса бўлиб, фақат тур-хиллар, турлар ўртасидагина рўй бериб қолмай, ҳар хил турлар, ҳатто туркумлар ўртасида ҳам юз бериши мумкин. Пайдо бўлган табиий дурагайлар эволюция ёки селекция жараёнида танлаш учун материал бўлиб хизмат қилади. Сунъий Д. тезпишар, серҳосил, касаллик ва ҳашаротларга чидамли янги навларни, чорвачиликда эса сермаҳсул, табиий иқлим зоналарига мослашган ҳайвон зотларини яратишда қўлланилади. Дурагай популяциялари ичидан танлаш керакли белгилар мужассамланган янги навлар ва зотлар яратиш имкониятини беради. Д. генетика ва селекция фанлари асосида келиб чиққан бўлиб, генетикада ирсий белги ва хусусиятларнинг авлоддан-авлодга ўтиш қонунларини, белгиларнинг ўзаро узвий боғланиши — *корреляция* кўрсаткичларини ўрганиш ва б. мақсадларда; касалликларга ва ҳашаротларга чидамли, серҳосил, ҳосилнинг сифати юқори бўлган қ. х. экинларининг янги навларини, чорвачиликда сермаҳсул ҳайвон зотларини яратишда қўлланилади.

Д.нинг бир қанча услублари ва шакллари мавжуд. Д. тур ичида Д. (бир турга мансуб, лекин генетик жиҳатдан фарқланувчи индивидларни чатиштириш), турлараро Д. (ҳар хил турга мансуб индивидларни чатиштириш) ва туркумлараро Д. (турли туркумга мансуб индивидларни чатиштириш), навлараро Д. (генетик фарқланувчи иккита навга мансуб индивидларни чатиштириш) ва б.га бўлинади. Турлараро ва туркумлараро Д. *географик узоқ шаклларни дурагайлаш* ёки генетик узоқ Д., тур ичида ва навлараро, нав ичида чатиштириш тур ичида Д. дейилади. Географик узоқ Д.нинг генетик ҳамда селекцияда амалий ва назарий аҳамияти катта, чунки унда тур ичида дурагайлашда ҳосил қилиб бўлмайдиган белги ва хусусиятларга эга шакллар пайдо бўлади. Генетик узоқ Д. имкониятлари бир қатор омиллар: турларнинг хромосомалари сони ёки уларнинг генетик конституцияси б-н фарқланиши; турларнинг географик ажралиб қолиши; кўпайиш цикларининг мос келмаслиги; жинсий кўпайиш органлари тузилишидаги фарқлар; чанг найчалари ва уруғчи тўқималарининг номутаносиблиги сингари четдан чангланишга тўсқинлик қилувчи омиллар; қўшилувчи гаметаларнинг генетик номутаносиблиги, ядро ва цитоплазманинг физиологик номутаносиблиги; зиготанинг яшаш шароитига мослаша олмаганлиги туфайли ривожланишнинг бошланғич даврида нобуд бўлиши ва б. б-н чек-

ланган. Мас. ғўзада хромосомалари ҳар хил турларнинг узоқ Д.да чатишмаслигини бартараф этиш учун пайванд қилиш йўли б-н олдиндан вегетатив яқинлаштириш усули, ота-она ўсимлик турларининг чанги аралашмаси б-н чанглаш, F_1 дан воситачи сифатида фойдаланиш, чанглашни оналик гуллари устунча ва тумшуқчаларининг турли хил ривожланиш босқичларида ўтказиш, оналик шакллари гулининг тумшуқчасини ўсишни тезлаштирувчи моддалар б-н ишлаш, колхицин таъсир эттириб диплоид ота-она турларининг хромосомалари сонини икки баравар ошириш каби усуллардан фойдаланилади.

Д.нинг бир қанча усуллари бор. Оддий Д.да — ота ва она сифатида олинган (икки хил ирсий хусусиятга эга бўлган) бир турга мансуб икки ўсимлик бир-бири б-н чатиштирилади (А×Б). Оддий чатиштириш икки нав, икки тур, икки авлод ўртасида олиб борилиши мумкин. Мураккаб Д.да ҳар хил шаклларни — бир турга мансуб бир неча навни ўзаро чатиштиришдан олинган дурагайлар яна бир-бири б-н чатиштирилади [(А×Б) × (Б×Г)]. Такрорий чатиштиришда оддий чатиштиришдан олинган дурагай яна ўша она (А) ёки ота (Б) форма б-н [(А×Б) × А ёки (А×Б) ×Б]. Погонали чатиштиришда оддий дурагай (А×Б) ҳар йили бошқа бошқа формалар б-н чатиштирилади [(А×Б) × В]. Реципрок чатиштиришда биринчи галда она сифатида олинган ўсимлик иккинчи галда ота, ота эса она сифатида олинади (А×Б ва Б×А). Беккросс Д. — биринчи ёки учинчи бўғин дурагайларини ота-она шаклларининг бири б-н бир ёки кўп марта қайта чатиштиришдир. Булардан



Ўсимликларда дурагайлаш: 1 — 2И3 ингичка толали ғўза; 2 — кўп йиллик перу ғўзаси; 3 — фузариоз вилтга чидамли 10964 ингичка толали ғўза нави.

ташқари, яқин қариндошлик чатиштириш (инцухт — ўсимликларда, инбридинг — ҳайвонларда) усули ҳам мавжуд. Бунда четдан чангланувчи ўсимлик 5—6 йил ўзидан чатиштирилса, инцухт линия ҳосил бўлади. Бундай икки хил линиялар ўзаро чатиштирилса, линияларо дурагай, икки хил линияларо дурагай ўзаро чатиштирилса, қўш линияларо дурагай ҳосил бўлади. Оддий ва мураккаб Д. чорвачиликда янги зот етиштириш ва айрим ирсий белгиларни яхшилаш мақсадида, ўсимликшунослик да эса янги нав етиштириш б-н бирга ўсимликнинг гетерозис формаларини яратиш, экинлар ҳосилдорлигини оширишда қўлланади.

Вегетатив Д.нинг (тана қисмлари) куртак пайванд (куртаклар қўчатлар пўстлоғига ўтқазилади) ва иска-на пайванд кўринишлари бор (қ. *Пайванд*). Вегетатив Д. асосан мева-боғдорчиликда қўлланилади.

Д. микроорганизмларда ҳам ўтказилади. Бунга *генетик инженерия* ва *биотехнология* услубларида бир ҳужайрали организмдан ДНК таркиби ажратиб олинади ва унинг ўрнига инсон ёки бошқа ДНК моддаси киритилади ва шу ДНК топшириғига биноан янги дурагай организм ишлай бошлайди. Шу усулда ўстириш гормони, инсулин каби ўта керакли моддалар ишлаб чиқарилади.

Йўлдош Узоқов.


ДУРАДГОРЛИК — ёғочсозлик ҳунари; касб-ҳунар тури. Д. уйсозлик, асбобсозлик, аравасозлик, қайиқсозлик, жавонсозлик, эшиксозлик, бешиксозлик, эгарсозлик, элаксозлик, сандиқсозлик, панжарасозлик сингари жуда кўп тармоқлардан иборат. Д. б-н шуғулланувчилар халқ орасида уста, дурадгор, дурезгар, нажжор, эшиксоз, арагор, аравасоз, элаксоз каби номлар б-н аталади. Д. тармоқларининг ҳаммаси учун умумий бўлган иш жараёни — ёғоч қирқиш, тилиш, йўниш, рандалаш, парқиш, малаш ва ҳ. к. Шу туфайли Д. усталари ишлатадиган асбоблар (қ. *Дурадгорлик асбоблари*), хом ашёлар (тут, ёнғоқ, жийда, чинор, қайрағоч, тол, терак, эман, қарағай, арғувон, олча, олма, ўрик, нок ва б. дарахт тахталари, ғўлалари, елим, темир мих, ёғоч мих ва ҳ. к.) ҳам деярли бир хил.

Д. ҳунармандликнинг энг қад. турларидан. Жамият тараққиёти жараёнида инсон учун зарур ҳар хил буюмлар Д. усталари етишиб чиқишини тақозо этган. Ибтидоий жамиятда овчилик, балиқ овлаш, ўсимлик илдизларини кавлаб олиш каби жараёнларда тош асбоб-

лар қатори Д.нинг ибтидоий буюмлари ҳам қўлланилган. Тош даврига оид топилмалар орасида тош қуролларнинг ёғоч соплари, ёғоч қуроллар (таёқ, ёй, найза) ва ҳ. к. учрайди. Темир ва жез даври ёдгорликлари Д. касбининг анча мураккаблашганини, Д. буюмларининг хили кўпайганини кўрсатади. Кишиларнинг ғорлардан чиқиб уйлар (чайла, чордоқ, ертўла, пахса уй ва б.) қура бошлаши, чорвачилик ва деҳқончилик урф бўлиши [мол қўралар қуриш, омоч, ғалтакарава, ариқ қазиладиган буюмлар ва сув чиқариш воситалари (чиғир, тарнов) ясаш, меҳнат қуроллари (белкурак, болта, кетмон, ўроқ, пичоқ) учун соплар ишлаш] Д.нинг турли тармоқларига оид дастлабки намуналар вужудга келишига сабаб бўлди. Сув бўйида яшайдиган аҳоли орасида балиқ овлаш ва алоқа воситалари (ов асбоблари, соллар, қайиқлар) пайдо бўлди. Шу тарзда Д. ҳунармандликнинг муҳим қисмига айланди, мустақил касб сифатида ажралиб чиқди. Жамият тараққиётининг кейинги даврларида Д. тармоқларининг ҳар бири мустақил ривожланди ва мураккаблаша борди. Мас., энг қадимги юк ташув воситаларидан бири бўлган ғалтакарава ўрнини арава эгаллади (от, эшак, туя, ҳўкиз каби ҳайвонлар қўлга ўргатилгач) ва Д.нинг *аравасозлик* (эгарсозлик ҳам шунинг ичида) тармоғи ривожланди. Уйсозликнинг дастлабки кўринишлари (чайла, чордоқ, ертўла кабилар қуриш) тараққий этиб, пахса, тош, ғишт, ёғоч уйлар қурила бошлаши б-н бу тармоқ ичида янги-янги касблар (эшиксозлик, деразасозлик, панжарасозлик, жавонсозлик ва б.) юзага кела бошлади. Уйсоз дурадгорлар асосан уйнинг синч, устун, хари, тўсин, васса, шарафа каби қисмларини ясаб, уларни жой-жойига қўйганлар. Эшиксоз, деразасоз ва панжарасозлар уй учун махсус эшик, дераза, панжара, дарвоза ва ҳ. к. тайёрлаганлар. Сандиқсоз, бешиксоз дурадгорлар уй ичи жиҳозлари ясашга мутахассислаша борди. Кўп ҳолларда дурадгорлар бирваракайига Д.нинг бир неча тармоғи бўйича ҳам ишлайверганлар (мас., жавонсоз уста сандиқ ҳам, дераза ҳам ясайверган). Уйсоз дурадгорлар сафига кейинчалик полсоз, шифтсоз дурадгорлар қўшилди. Уй-рўзғор буюмларини ясайдиган дурадгорлар бора-бора Д.нинг махсус тармоғини ташкил этди. Д.нинг бир неча минг йиллик тараққиёти унинг баъзи тармоқларининг санъат даражасига ўсиб чиқишини таъминлади. Асбобсозлик, *ёғоч ўймакорлиги, панжарасозлик, сандиқсозлик* касбида ишловчи Д. усталар бу тармоқларнинг етук санъат намуналарини яратдилар. Мусиқа асбоблари (дутор, сетор, чортор, танбур, ғижжак, чанг, доира, най, сурнай ва ҳ. к.) ясовчи Д. касблари пайдо бўлди. Д. тарихида Хитой ёғоч пардозлаш (сайқал, жило бериш, бўяш, локлаш) санъати, Европа кемасозлиги, ўзбек ўймакорлиги ва ҳ. к. машҳур. Ўзбекистон ҳудудида қадимда қурилган масжид ва мадрасаларнинг эшиклари ўймакор нақшлар б-н безатилган. Самарқанд, Бухоро, Кўҳна Урганч, Хива, Панжикент ва б. шаҳарлардаги 9—12-а.ларга оид кўҳна ёдгорликларда ишлатилган ёғоч материаллардан Д. меъморликнинг ажралмас қисми бўлганлигини кўриш мумкин. Бу даврга оид ўймакорлик ва асбобсозлик буюмлари турли-туман гул ва ислимий нақшлар, Қуръон оятлари ва шеърий мисралар б-н безатилган. 14—15-а.ларга оид меъморий ёдгорликларида (айниқса Амир Темур даврида қурилган бино ва иншоотларда) Д. тармоқларининг янада мукаммаллашгани кўринади. Д. услубларида ёғочларни йўниш, уларга ишлов беришда, муайян композиция асосида уларни бирлаштиришда, деталларнинг аниқ, ихчам ва силлиқлигида давр руҳи акс этди. 19-асрнинг ўрталарigача ўзбек усталари анъанавий Д.ни давом эттирдилар, унинг баъзи тармоқларини шакллантирдилар. 19-а. охири ва 20-а. бошларидан ўзбек дурадгорлиги Европа ва рус Д. элементлари б-н бойиди. Д. маҳсулотларининг янги — европача нусха ва турлари пайдо бўлди. Собиқ Иттифоқ даврида Д.нинг ўзбек халқига хос анъанавий тармоқлари (аравасозлик, бешиксозлик, эгарсозлик ва б.) ўрнига мебель (стол, стул, шкаф, диван, пианино ва б.) ясаш авж олди, уйсозлик, дастгоҳсозлик, хўжалик жиҳозлари ясаш каби тармоқлар ривожланди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўзбек халқининг анъанавий Д. услублари қайта тикланиб, қадимий Д. услублари янгидан ривожланмоқда. Д.да Ўзбекистондаги ҳар вилоятнинг ўзига хос анъаналари ва услублари қайта тикланмоқда.

ДУРАДГОРЛИК АСБОБЛАРИ — ёғочни қайта ишлаш учун мўлжалланган дастаки ёки механик асбоблар. Д. а., асосан, рандалаш, арралаш, пармалаш-ўйиш, ўлчаш-белгилаш ва ёрдамчи асбобларга бўлинади. Ёғоч рандалашда ранданинг қуйидаги хиллари ишлатилади. Шерхебель — ёғочни бўйлама ва кўндаланг йўналишда дастлабки ғал рандалаш учун ишлатиладиган, пўлат кескичи ярим айлана шаклли энсиз ранда (расм, 1). Оддий ранда, арраланган ва шерхебель б-н рандаланган ёғоч устидан ишлов беришда қўлланилади (расм, 2). Пўлат кескичининг тиғи тўғри ва энли бўлади. Кескич ранданинг таги (кафти) б-н 45—50° бурчак ташкил этади. Пайраҳа синдиргичли ранда, ёғоч сиртини узил-кесил силлиқлаш учун қўлланилади (расм, 3). Пўлат кескичига ўтмас учли «тилча» маҳкамланади. «Тилча» пайраҳаларни синдириб туради. Жапс ранда (фуганка), катта юза ва узун қирраларни узил-кесил рандалашда қўлланилади (расм, 4). Шлифтик — икки кескичли калта ранда. Олдинги рандалашдан қолган нотекисликларни йўқотиш учун ишлатилади. Цинубель, ишлов берилган юзаларда майда ғудирликлар ҳосил қилиш учун ишлатилади. Пўлат кескичи майда тишли қилиб ясалади (расм, 5). Металл асосли ранда — рандаларнинг такомиллашган хили. Пўлат кескичи болға б-н урмасдан маҳкамланади (расм, 6).

Ранданинг қуйидаги хиллари профилли (нақшдор) юзаларни рандалашда ишлатилади. Букри ранда (горбач), ёғоч асосининг кафти бўйлама йўналишда ботиқ ёки қабариқ бўлиб, эгри юзаларни рандалашда ишлатилади (расм, 7). Кониш ранда (зензубель) — асоси баланд ва энсиз, кескичи куракча шаклли ранда. Деталь чеккаларидан чорак ва тирноқ (фальц)лар очиш ҳамда тозалашда қўлланилади (расм, 8). Фальцгобель — тахтада тирноқ ва чораклар очиш учун ишлатиладиган ранда (расм, 9). Кескичи битта бўлади. Гратобель — фальцгобелнинг бир тури. У б-н кўнадаланг кесими учбурчак шаклли тирноқ очилади. Шпунтубель (пазник), тахта ёнлари ёки юзасида тўғри бурчакли ўйиқ (шпунт) очиш учун ишлатиладиган ранда (расм, 10). Унда бир-бирига винт б-н бирлаштирилган иккита асос бор. Қўшқулоқ ранда (грунтубель), асосига иккита даста ўрнатилган, кескичи бир тиғли; илмоқ шаклли, трапеция шаклида очилган ўйиқларни текислаш ва тозалаш учун ишлатилади (расм, 11). Нов ранда (калевка), тахта четларида турли нақшли профиллар очиш учун ишлатилади (расм, 12). Ёғочларни арралашда саржин арра (расм, 13), бурч арра (расм, 14), дастарра (расм, 15) ҳамда калта арра (расм, 16) дан фойдаланилади. Ёғочда уя, ўйиқ ва тешик ўйиш учун пероли марказловчи парма (расм, 17), қўл парма (расм, 18), чуқур пармалайдиган бурғи (расм, 19) ва искана (расм, 20) дан фойдаланилади.



Дурадгорлик асбоблари: 1. Шерхебель; 2. Оддий ранда; 3. Пайраҳа синдиргичли ранда (*а* — кескични маҳкамловчи пона; *б* — асос; *в* — кескич; *г* — пайраҳа синдиргич); 4. Жапс ранда; 5. Цинубель (*а* — кескич; *б* — тиғнинг шакли); 6. Металл асосли ранда; 7. Букри ранда; 8. Кониш ранда; 9. Фальцгобель; 10. Шпунтубель; 11. Қўшқулоқ ранда; 12. Нов ранда; 13. Саржин арра; 14. Бурч арра; 15. Дастарра; 16. Калта арра; 17. Пероли марказловчи парма; 18. Коловорот (қўл парма); 19. Бурғи; 20. Искана; 21. Занжирли электр арра; 22. Дискли электр арра; 23. Ўлчаш-белгилаш асбоблари: *а* — рулетка; *б*— буклама метр; *в* — бурчаклик (гўния); 24. *а* — кронциркуль; *б* — нутромер.

Дурадгорлар ёғочни йўниш, текислашда теша, пойтеша ва б.дан фойдаланишади.

Механик қирқиш асбобларига турли электр арралар, мас., занжирли электр арра (расм, 21); дискли электр арра (расм, 22), электр ранда ва фреза, силлиқлаш станоклари ҳамда комбинацияланган (арралайдиган, фрезалайдиган ва пармалайдиган) станоклар киради.

Ўлчаш-белгилаш асбобларига рулетка, метр, бурчаклик — гўния (расм, 23), кронциркуль, нутромер (расм, 24), рейсмус, ватерпас, шовин, штангенциркуль, микрометр ва б. киради. Ёрдамчи асбоблар эгов, болға, омбур, қирққич (кусачка), ясси омбур, гайка калитлари ва отвёртка, шунингдек, ёғоч болғалардан иборат.

Ад.: Гурвич А. О., Дурадгорлик ишлари, Т., 1966.

ДУРА-ЕВРОПОС — Фурот дарёсининг ўрта оқими бўйида жойлашган қад. шаҳар харобаси (мил. ав. 300 — мил. 256 й.). Подшоҳ *Салавк I* томонидан бунёд этилган. Мил. ав. 2-а.нинг 2-ярмидан Парфия подшолиги, мил. 165 й.дан Рим империяси таркибида. 256 й. Эрон б-н бўлган урушдан кейин *сосонийлар* қўшини томонидан вайрон қилинган. Шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий тарихига оид папирус ва пергаментга битилган бизгача сақланиб қолган кўпгина ҳужжатлар, *салавкийлар* даврidan қалъа, агора (халқ мажлиси ўтказиладиган майдон), ибодатхоналар қолдиқлари, парфянлар давридан эса сарой, деворий нақш солинган кўплаб ибодатхоналар харобалари, Рим давридан бўлса истеҳкомлар, термалар (ҳаммомлар), черков, синагога ва Митра ибодатхонаси харобалари сақланган. Д.-Е. Сурия б-н Эрон ўртасидаги карвон савдосининг йирик маркази ҳамда мамлакат чегарасидаги муҳим қалъа вазифасини ўтаган.

ДУРАНГО — Мексикадаги шаҳар, Ғарбий Сьерра-Мадре тоғи этагида. Дуранго штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 350 минг киши дан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Муҳим транспорт йўллари тугуни. Кончилик (олтин, кумуш, темир рудаси, қалай) ва қ. х. райони маркази. Металлургия, ёғочсозлик, тўқимачилик, тери, озиқ-овқат саноати корхоналари, Хуарес ун-ти (1933), шаҳар ёнида йирик темир руда конлари бор. Д.га 1563 й.да асос солинган.

ДУРАНГО — Мексикадаги штат. Майд. 119,6 минг км². Аҳолиси 1445 минг киши (2000). Маъмурий маркази — *Дуранго* ш. Йирик шаҳарлари: Гомес-Паласьо, Сьюдад-Лердо. Штатнинг шарқий қисми Мексика тоғлигида жойлашган, Сьерра-Мадре тоғлари унинг ғарбини Тинч океан соҳилидан ажратиб туради. Иқлими қуруқ, иссиқ, тоғларда мўътадил иқлим, сернам. Янв. нинг ўртача т-раси 12°, йиллик ёғин ўртача 450 мм. Тоғларда саноат аҳами-

ятига эга бўлган игна баргли ўрмонлар сақланган.

Д. аграр штат, қ. х. етакчи ўринда. Озиқ-овқат (маккажўхори, ловия) ва техника экинлари экилади. Пахта тозалаш з-длари бор. Тоғ олди р-нларида ёғоч тайёрланади, кичикроқ тахта тилиш корхоналари жойлашган. Д.да кончилик саноати ривожланган. Дуранго ш. яқинида мамлакат қора металлургия саноатининг асосий базаси бўлган йирик темир руда конлари бор. Олтин, кумуш, қалай олинади. Шоссе ва т.й. орқали мамлакатнинг шим. районлари ва Тинч океан б-н боғланган.

ДУРАФТОР — *нақш* тури; нақш мужассамотида икки таноб ёки икки бандининг жуфт ҳолда такрорланишидан таркиб топади. Мас., икки йўлли илон изи шаклидаги нақш. Амалий санъатда кенг қўлланилади.


ДУРБАН, Порт-Наталь — ЖАР нинг шарқидаги шаҳар, Наталь провинциясида. Ҳинд океани соҳилидаги йирик порт, йиллик юк ортиб-тушириш 18 млн. т. Аҳолиси 720 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Кимё, нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат, тўқимачилик, ойнасозлик, қоғоз, кемасозлик ва кема таъмирловчи корхоналар, т. й. устахоналари мавжуд. Наталь провинцияси ун-ти факультетлари бор. Иқлим курорти. Европаликлар Д.га дастлаб 1824 й.да келиб ўрнашган.

ДУРБЕК (14-а. охири — Балх — 15-а. боши) — ўзбек шоири. Унинг «Юсуф ва Зулайҳо» достонигина етиб келган. Д.нинг «Юсуф ва Зулайҳо» достони 1409 й. ёзилган. Достон асосини Шарқда машҳур Юсуф ва Зулайҳо ҳақидаги ривоят ташкил этган. Шарқ адабиётида сайёр сюжетга айланиб кетган бу мавзу ўзига хос услубда қайтадан (ўзбек тилида) баён этилган. Д. ўзи яшаган давр манзараларини достон руҳига сингдириб юборган. Асарда Балх ш.нинг қамал қилиниши, шаҳар халқи бошига тушган оғир фожиалар юксак маҳорат б-н тасвирланган. Қамал туфайли юз берган очлик, сувсизлик каби қийинчиликларни шаҳар ташқарисидаги маъмурчиликка қарама-қарши қўйган. Достондаги қаҳрамонлар фаолияти Марказий Осиё шаҳар ва қишлоқларига хос табиат манзаралари, турмуш ҳодисалари, халқ урф-одатлари тасвири орқали акс эттирилган. Шоир бош қаҳрамон Юсуфнинг тақдири ва унинг ҳаётга бўлган муносабатини турли вазиятларда тасвирлайди. Юсуфнинг инсоний фазилатлари унинг зеҳни ва заковати одамларга, ўз элига муҳаббатида кўзга яққол ташланади. У беҳуда қон тўкмасдан, ақл-идрок б-н мамлакатни бошқарувчи одил шоҳ даражасига кўтарилади. Д. хотин-қизлар латофати ва заковатини янги жиҳатлар б-н бойитган, Зулайҳо тимсолида садоқатли севги соҳибаси образини ярата олган. «Юсуф ва Зулайҳо» достонининг қўлёзма нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида (инв. №185), Париж ва Истанбул кутубхоналарида сақланади.

ДУРБИН (форс. — узоқни кўрувчи), бинокль — узоқдаги нарсаларни кўриш ва кузатиш учун хизмат қиладиган оптик асбоб. Ҳар қандай Д. бирбирига ёнма-ён ўрнатилган икки трубага маълум тартибда жойлашган объектив линза ва окулярдан иборат. Д.нинг узоққа қаратиладиган катта «кўзлари» объектив, кузатувчи қарайдиган кичик «кўзлари» окуляр дейилади. Амалда икки хил Д.дан фойдаланилади: 1) Галилей Д.и 2,5—4 марта катталаштириб кўрсатади. Бу Д.да ёруғликни ёювчи линза окуляр вазифасини ўтайди. Галилей Д.и оддий, ихчам, ёруғликни яхши ўтказадиган, аммо кўриш майдони тор бўлганлиги учун кўпинча театр томошаларини кўришда ишлатилади; 2) призмали Д. — фойдаланиш учун қулай. Кўриш майдонининг бурчаги катта, *стереоскоп*га хос хусусиятлари яхшиланган Д. ёрдамида масофаларни ўлчаш ҳам мумкин. Амалда қўлланилаётган Д. нарсаларни 2—22 марта катталаштириб кўрсатади.

ДУРБОР (форс. дарбор — қабул маросими, зал, шоҳ саройи) — Яқин ва Ўрта Шарқ давлатларида ўрта асрларда подшоҳ ҳузуридаги сарой амалдорлари кенгаши, тантанали қабул маросими.

ДУРГАПУР — Ҳиндистон шим.-шарқидаги шаҳар, Дамодар дарёси бўйида, Ғарбий Бенгалия штатида. Аҳолиси 426 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Муҳим транспорт йўллари тугуни. Ҳиндистондаги энг йирик кўмир-металлургия р-нининг маркази. Металлургия к-ти, оғир машинасозлик, кимё ва махсус пўлат тайёрлаш з-длари бор. Д. яқинида Дамодар гидроэнергосистемасининг йирик тўғони қурилган.



Дурафтор. Ислимий нақш, ганч ўймакорлиги (9—10-асрлар, Афросиёб).

ДУРГ-БХИЛАИНАГАР — Ҳиндистоннинг марказий қисмидаги шаҳар. Декан тоғларининг ғарбида, Мадҳя-Прадеш штатида жойлашган. Аҳолиси 500 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Дург ва *Бхилаи* саноат марказларининг бирлашувидан вужудга келган.

ДУРДА — 1) сариёғ эритилганда ҳосил бўладиган қуйқа жизза; 2) сариёғга қатиқ қўшиб тайёрланадиган тамадди; сариёғни паст оловда қиздириб, унга қатиқ ва туз солиб қайнатилади. Тайёр бўлгач, дурданинг устки қисми тилла рангда қумоқ-қумоқ бўлиб қолади, тагида эса жигарранг жизза ҳосил бўлади. Д. нордонроқ, ёқимли ва мазали бўлиб, нонга қўшиб истеъмол қилинади, баъзида таомларга ҳам қўшилади.

ДУРДИ ҚИЛИЧ (1886 — Тошҳовуз вилояти Тахта тумани Хожақумбат қишлоғи — 1950.14.12) — Туркманистон халқ шоири (1946), бахшиси ва халқ оғзаки ижодининг билимдони. Болалигидан кўзи ожиз бўлган. Бахшилардан достон айтишни ўрганган. Ижоди 1916 й.дан бошланган. 20—30-й.ларда ёзган шеърларида Туркманистоннинг ўтмиши, қишлоқ меҳнаткашларининг ҳаёти («Эшакли», «Чиғир» ва б.), туркман аёлларининг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш масалалари ўз ифодасини топган («Туморли»). «Халқим», «Халқлар дўстлиги» шеърлари 30-й.лардаги туркман шеъриятининг юксак намуналаридан. 2-жаҳон уруши йилларида жанговар руҳда қўшиқлар яратиб, кишиларни ғалабага руҳлантирган. Шеър ва қўшиқлари, туркман ва қорақалпоқ халқлари ўртасида кенг тарқалган.

ДУРДИЕВ Ота (1910.1.1, Кеши қишлоғи — 1981.5.11, Ашхобод) — туркман актёри. Туркманистон халқ артисти (1955). Туркман театр санъатининг асосчиларидан. 1929 й.дан Мулланапасов номидаги Туркман драма театрида ишлаган. Ҳажвий ва характерли роллар устаси сифатида танилган. Яратган образлари индивидуал хусусиятларнинг ёрқинлиги, сатирик ўткирлиги б-н ажралиб туради. Энг яхши роллари: Бобохон («Тоҳир ва Зуҳра»), Абу Сардор («Каймир-Кўр»), Муродов («Чўпон ўғли»), Хоразм хони («Маҳтумқули»), Кент («Қирол Лир»), Ота («Алланнинг оиласи») ва б. «Дурсун», «Чўпоннинг ўғли», «Махсус топшириқ» каби фильмларда суратга тушган.

ДУРМУСОГЛУ Ефимос Хурмузос (1917.7.11, Греция — 1976.31.12, Тошкент) — кинорежиссёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1975). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1955). «Ўзбекфильм»да (1956—65), Ўзбекистон илмий оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида (1965—76) реж. Фильмлари: «Ватаним, сени ўйлаб», «Чўл ҳақида қисса», «Қуёшли Ўзбекистон», «Венгриядаги учрашувлар», «Ўзбекистоннинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси» ва б.

ДУРОВЛАР— цирк артистлари, масхарабозлар ва ҳайвон ўргатувчилар оиласи. Сулола асосчилари: Анатолий Леонидович (1864—1916) — машҳур масхарабоз-сатирик, публицист, кичик уй ҳайвонлари б-н ишлаган, унинг акаси Владимир Леонидович (1863—1934), ҳайвонларни ўргатиш соҳасида янги рус мактаби (ҳайвонларни жонини оғритмай, эркалаб тарбиялаш)нинг асосчиси. Ака-укалар сатирик монологлар ижро этишган. Улар анъанасининг давомчилари Владимир Леонидовичнинг қизи Анна Владимировна (1900—78), Анатолий Леонидовичнинг набираси Владимир Григорьевич (1909—1972), Владимир Леонидовичнинг набираси Юрий Владимирович (1909/10—1971), унинг қизи Наталья Юрьевна (1934), 1978 й.дан В. Л. Дуров номидаги ҳайвонлар театрининг бадиий раҳбари. Цирк мавзусида яратилган қисса ва ҳикоялар муаллифи. Шунингдек, Д. оиласининг бошқа вакиллари ҳам циркда ишлашади.

ДУРРА, майло (Sorghum durra) — донли жўхорининг бир тури, ғалладошлар (ғаллагуллилар) оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик; озиқ-овқат (ун, ёрма) ва ем-хашак (кўк масса, пичан) экини. 16 тури мавжуд. Бошоқчаси ва шаклига қараб қуйидаги кенжа турларга бўлинади: эфиопия жўхориси (S. durra ssp. aethiopicum); нубия жўхориси (S. durra ssp. nubicum); арабистон жўхориси (S. durra ssp. arabicum). Бўйи 2—3 м га боради. Иссиқсевар, қурғоқчиликка бардошли. Гули ғуж жойлашиб (оқ жўхорига ўхшаш) рўвак ҳосил қилади. Рўвагининг зичлиги, тик ўсганлиги, бармоқсимон тўпгули б-н оқ жўхоридан фарқ қилади.

Д. АҚШ, Африканинг тропик минтақаларида, Афғонистон, Жан. Европа мамлакатларида, Япония ва Ўрта Осиёда экилади. Ўсиш даври 3—4 ой. Д. суғориладиган ерларда ғалла экини сифатида экилади. Д.нинг уни деярли оқ. Қуруқ поялари чорва молларига берилади. Яшил майсасида заҳарли дуррин гликозиди, баъзиларида цианид кислота бўлади. Шунинг учун молларга бошқа озуқаларга аралаштириб бериш тавсия қилинади (қ. *Жўхори*).

ДУРРЕС — Албания ғарбидаги шаҳар. Адриатика денгизининг Дуррес қўлтиғи бўйида. Дуррес ретининг маъмурий маркази. Аҳолиси 70 минг кишидан зиёд. Мамлакатнинг энг катта порти. Шоссе ва т. й.лар тугуни. Кемасозлик, металлсозлик, озиқ-овқат, тамаки, кўн, резина саноати корхоналари, шаҳар четида курортлар бор. Йирик балиқ овлаш базаси. Иқлими юмшоқ, янв.нинг ўртача т-раси 5°, июлники 25°, йиллик ёғин 1100—1800 мм. Шаҳарга мил. ав. 7-а.да асос солинган. Антик шаҳар қолдиқлари сақланган. Туризм ривожланган.

ДУРРОНИЙЛАР — афғонларнинг йирик қабилалар уюшмаси. Умумий сони 3 млн. дан ортиқ (1996). Афғонистонинг жан.-ғарбий қисмида, шунингдек, мамлакатнинг йирик шаҳарларида, қисман Покистонда яшайдилар. *Пушту тили*да гаплашади. Исломнинг сунна мазҳабига эътиқод қилади. Д. илгари абдаллар деб номланган. Афғон давлатининг асосчиси Аҳмадшоҳ Дурроний деб ўзгартирилган (1747). Д. зирак ва панжпо тармоқларига бўлинади. Зирак папалзои, алкозои, баракзои ва атсакзои қабилалари, панжпо нурзои, ализои, исҳоқзои қабилаларидан иборат. Деҳқончилик, кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачилик б-н шуғулланадилар (яна қ. *Афғонистон, Дурроний лар давлати*).

ДУРРОНИЙЛАР ДАВЛАТИ — дастлабки мустақил афғон давлати (1747—1818). Асосчиси — *Аҳмадшоҳ Дурроний*. *Нодиршоҳ* салтанати емирилгач пайдо бўлган. 1761 й.га келиб, Д. д.га шарқдан Панжоб, Кашмир, Синд ва Белужистон, ғарбдан Хуросон ва Шарқий Сеистон, шим.дан Жан. Туркистон (Балх, Бадахшон ва б.) кирган. Бу даврда Афғонистон шаҳарларининг иқтисоди, маданияти ривожланди. Транзит савдо кўпайди, Ҳиндистон ва Эрондан асир олинган ҳунармандлар келтирилди. Пойтахти — Қандаҳор ш. (1773/74 й.гача). Темуршоҳ (1773—93) эса пойтахтни Кобулга кўчирди. Дурроний шоҳлари саройида Ҳофиз Раҳматхон, Абдулҳамид, Афзалхон Хаттак каби етук шоирлар ижод қилган. Афғон қабила хонларининг йирик мулкдорларга айланиши мамлакат бирлиги учун қаттиқ зарба бўлди. Аҳмадшоҳнинг невараси Замоншоҳ (1793—1801) мулкдорларнинг ўзаро урушлари, сардорларнинг бебошлигига чек қўйишга уринса-да, унга эришолмади. Панжоб ва Жан. Туркистонда кўзғолонлар кўтарилиб (1768, 1779, 1789), мустақил амирликлар (Ҳирот, Кобул, Қандаҳор, Пешавор ва б.) вужудга келди (1818).

ДУРУН — ўрта асрларга оид шаҳар харобаси. Жан. Туркманистоннинг Баҳарден т. й. станциясидан 5 км шарқда. Мустаҳкам арк-қалъа, шаҳристон ва рабоддан иборат бўлган. Арк-қалъа тўртбурчак шаклида, майд. 120×50 м, бал. 11—12 м. Шаҳристоннинг мудофаа деворлари жан. ва ғарб томондан аркка туташган. Шаҳар атрофи очиқ. Д. 15-а. манбаларида тилга олинади. Энг қад. ёдгорликлари 9-а.га оид. Шаҳарнинг гуллаган даври 14-а.га тўғри келади.

ДУР-ШАРРУКИН — Оссурия подшоси *Саргон II* (мил. ав. 722—705) томонидан қурилган шаҳар. Мил. ав. 7-а. охирида мидияликлар томонидан вайрон қилинган. Ҳоз. Д.-Ш. ўрнида Хорсабод ш. (Ироқ) жойлашган. Д.-Ш. дан қад. истеҳкомлар, саройлар, ибодатхоналар, ҳайкалтарошлик намуналари ва б. топилган.

ДУРЎЯ (форс. ду — икки, рўй — юз) — 1) икки томонлама гулли мато; 2) икки томонлама қоплаб тикиладиган бадиий чок тури; 3) икки томони ҳам пардозланган эшик табақаси.

ДУСАННИ — Оссурияннинг Мидиядаги Сапарда вилояти аҳолиси оқсоқоли (доҳийси). Мил. ав. 676—670 й.ларда (тахм. 672 й.дан сўнг) *Каштарити* ва Мамитиаршулар б-н биргаликда Оссурияга қарши кўтарилган қўзғолонга раҳбарлик қилган. Қўзғолон натижасида мустақил *Мидия* подшолиги вужудга келган.

ДУСЕН (Malus pumila var. praecox) — паст бўйли олма дарахтининг бир тури, қаламча ва пархиш б-н кўпайтирилади. Бал. 5—6 м га боради. Ним пакана пайвандтаг сифатида кўп ишлатилади. Барча навларига мос келади. Д.нинг EM-II, EM-III, EM-IV, EM-V пайвандтаг типлари кенг тарқалган. Д.га пайванд қилинган дарахтларнинг бўйи 5—7 м, илдиз тармоғи бирмунча юза жойлашади. Кўчати ўтказилгач, 3—4-йили ҳосил беради. 30—40 й. яшайди. Қурғоқчиликка, шамолга чидамли.

ДУСТЛАР (инг. dust — чанг) — кукун шаклидаги *пестицидлар*. Экинларга тушган зараркунандалар, бегона ўтларга қарши сепилади, уруғларни упалашда ишлатилади. Инсектицид, фунгицид, акарицид ёки гербициднинг инерт тўлдиргич б-н оддий аралашмасидан иборат. Тўлдиргич сифатида тальк, пирофилит, бўр, каолин, трепел, силикагель ва ҳар хил таркибли тупроқдан фойдаланилади. Кўпинча пирофилит ва тальк қўшилади, чунки улар ўсимликка яхши ёпишади. Д. чангининг учиб

кетишини камайтириш учун 3—5% ли минерал мой аралаштирилади (қ. *Минерал мойлар*). Суғорма деҳқончилик минтақаларида кемирувчи зараркунандалар (кузги тунлам, симқуртлар ва б.), ўргимчакканага қарши (олтингугурт кукуни) курашда яхши натижа беради.

ДУТОВ Александр Ильич (1879—1921) — рус генерал-лейтенанти (1919). 1917 й. сент.дан Оренбург казаклари атамани, 1917 й. нояб.да Оренбургдаги шўролар ҳокимиятига қарши қуролли чиқишга раҳбарлик қилган. 1918—19 й.ларда Оренбург армияси қўмондони. 1919 й. сент.да Туркистон фронти (қўмондон — М. В. Фрунзе) қўшинларидан енгилгач, Хитойга қочган ва ўша ерда ўлдирилган.

ДУТОР (форс.— икки *тор*) — 1) торли чертма миллий мусиқа чолғуси. Ўзбек, тожик, уйғур, туркман, қорақалпоқ халқлари орасида кенг тарқалган. Ўзбек Д.и мулойим, нафис ва ширали овози б-н бошқа чолғулардан ажралиб туради. У асосан тут, ўрик ёғочларидан ясалади. Чолғунинг косахонаси (резонатори) 8—12 та юпқа, бир-бирига ёнма-ён ёпиштирилган тахтача



Дутор.

(қовурға)дан ишланади. Косахонанинг устки, очиқ қисмига юпқа қопқоқ ёпилади ва косахона бўғиз орқали дастага уланади. Д.нинг узун ва ингичка дастасига 13—17 та парда боғланади. Косахона ва дастага суяк ва садафдан ишланган безак нақшлар ўйиб ёпиштирилади. Торлари ипак ипларидан эшилади. Улар Танавор сози (кварта), Муножот сози (квинта), Қўштор сози (унисон)га созланади. Уйғурларда Д. каттароқ шаклда, Туркманистонда фақат ўйма (қазма) тури, Хоразм ва Қорақалпоғистонда косахонаси қовурғалик Д.лар б-н бирга ҳажми кичик, ўйма хиллари ҳам учрайди. Д. якканавоз ва жўрнавоз чолғу сози бўлиб, созандадан катта ижро маҳоратини талаб этади. Д.да якка зарб, қўшзарб, билак зарб, бидратма, тескари зарб каби ижро усуллари мавжуд. Д. ҳақидаги дастлабки ёзма маълумотларни Навоийнинг замондоши *Зайнулобидин ал-Ҳусайний* «Мусиқанинг илмий ва амалий қоидалари» номли рисоласи (16-боби)да учратамиз. 16—17- а.ларда «Дуторий» тахаллуси б-н ижод этган (ҳиротлик Юсуф Мавдудий Дуторий, машҳадлик Мирқулий Дуторий каби) созандаларнинг номлари манбаларда сақланган. Ҳозирда миллий Д. ижрочилигининг ўзига хос услублари 4 та асосий (Андижон, Тошкент, Самарқанд ва Хоразм) мактаблари орқали намоён бўлади. 20-а.да Андижон мактаби намояндаларидан Дорип дуторчи, М. *Наҳмиддинов*, О. Рустамов, К. *Жабборов*, Фарғонада Қўзихон Мадраҳимов ижросида «Нолиш», «Чўпон», «Андижон Курди», «Андижон Сайқали», «Туя бўзлоқ», «Қўштор»; Тошкент мактаби йирик вакилларидан Солихон Ҳожи, А. *Ваҳобов*, Ф. *Содиқов*, М. Юнусов, Т. *Алиматов*, З. Обидов, С. Йўлдошевлар талқинида «Шароб 1, 2», «Шафоат 1, 2, 3», Тошкент Сайқали», «Тошкент Курди», «Ражабий 1, 2», «Кураш», «Дутор Баёти», «Дутор Навоси»; Самарқанд мактаби устозларидан *Ҳожи Абдулазиз*, Қори Сирож Юсуповлар ижросида «Гулузорим», «Бебокча», «Бозургоний», «Гуллар водийси»; Хоразм мактаби вакилларидан Н. Болтаев, Ю. Жабборовлар ижросида «Қорадали», «Алиқамбар», «Сақили Наво» сингари мумтоз куйларда ўз ифодасини топган. 1970-й.лардан якка Д.да Шашмақом чолғу ва ашула йўллари ҳам ижро этила бошланди. Ўзбек бастакорларидан Н. Ҳасанов «Гилос», Ф. Содиқов «Дуторим», С. Йўлдошев «Дил куйласин», З. Обидов «Тоғ гўзали», О. Қосимов «Янгра созим» каби асарларни Д. учун яратганлар; 2) дутор-альт — анъанавий Д.ни 1930-й.ларда қайта ишлаш натижасида пайдо бўлган тури. Торлари капрон (ёки бошқа полимер иплари)дан ишланади. Дастасига хроматик тартибда жойлашган ёғоч ёки суяк пардалари елимлаб ёпиштирила-



Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг дуторчи қизлар ансамбли.

ди. Репертуаридан асосан ўзбек композиторлари томонидан қайта ишланган (гармонизациялашган) халқ куйлари, фортепиано жўрлигида ижро этилаётган асарлар ўрин олган. Мазкур Д. асосида (*Ўзбек халқ чолғулари оркестрига* мослаб) турли ҳажмдаги Д. хиллари (Д.— бас, Д.— контрабас) ишланди.

Жасур Расултоев, Абдураҳим Ҳамидов.

ДУТОРЧИ ҚИЗЛАР АНСАМБЛИ, Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг Ғанижон Тошматов номидаги дуторчи қизлар ансамбли — хотин-қизлардан ташкил топган миллий мусиқа ансамбли. Дастлаб Ўзбек давлат филармонияси қошида «Дуторчи қиз-жувонлар» ансамбли (1939 й.) ташкил этилган. Бадиий раҳбари — Л. *Саримсоқова*, мусиқа раҳбари — Ю. *Ражабий*, балетмейстер — Г. *Раҳимова*. Репертуаридан ўзбек халқ ва бастакорларининг куй ва қўшиқлари ўрин олган: «Ўзганча», «Қулинг», «Танавор», «Ҳаккалакам ўйнасам ман», «Ёргинам» ва б. 2- жаҳон уруши йилларида ансамбль аъзолари фронт концерт бригадалари таркибида концертлар берган. Репертуаридан ўзбек, рус, қозоқ, татар, тожик, уйғур ва б. халқларнинг қўшиқлари ўрин олган. Кейинчалик у «Ашула ва рақс ансамбли» деб номланган. Ансамблда Р. *Багланова*, К. *Исмоилова*, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М. Абдуллаева ва б. хизмат қилган. 1958 й. янгидан «Дуторчи хотин-қизлар ансамбли» ташкил этилган (бадиий раҳбари — М. Абдуллаева). 1964 й.да тарқалган.

1977 й.да Тошкент шаҳар Маданият уйида А. Илёсов бошчилигида «Дуторчи қизлар ансамбли» тузилди. Мазкур ансамбль иштирокчилари 1979 й. Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси қошида ташкил этилган Д.қ.а. таркибига кирган. Бад. раҳбари ва ташкилотчиси Ғ. *Тошматов*, мусиқа раҳбарлари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист З. Раҳматуллаева (1979—84 ва 1990 й.дан), З. *Суюнова* (1985—90); 1994 й.дан бадиий раҳбари — З. Суюнова. 1996 й.дан — Ғанижон Тошматов номида, 30 кишидан иборат (2002). Етакчи хонанда ва созандалар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар З. Раҳматуллаева, С. Каримова ва Қ. Эсонова; артистлар О. Мадраҳимова, Р. Ҳожиева, Д. Муҳамедова, М. Қурбонова, Х. Шораҳмедова ва б. Ансамбль Фарғона-Тошкент миллий қўшиқчилик анъаналарини давом эттирмоқда, унинг ижрочилигига маҳорат, мусиқий дилкашлик хос. Репертуаридан юзлаб ўзбек халқ қўшиқлари («Чаманнор», «Ёр-ёрахон-Гулёрахон», «Симсим оралаб», «Йўл бўлсин», «Ёр-ёр» лар, лапарлар, ўланлар), бастакор ва композитор (Ғ. Тошматов, К. Жабборов, С. Калонов, Ф. Содиқов, М. Мурозоев, Қ. Искандаров, А. Исмоилов, Р. Турсунов, Т. Отабоев, Қ. Комилов, Сайфи Жалил ва б.)лар асарлари («Қошинг қароси бало», «Бахтимдан», «Диёримсан», «Уёламан», «Келасан», «Таманно», «Ҳумо», «Аввал Ватан, кейин жон», «Севги»), шунингдек, ансамбль иштирокчилари (З. Суюнова, З. Раҳматуллаева, Қ. Эсонова) басталаган қўшиқлар («Бой қайнона», «Аёл», «Гул очилса», «Узоқ кутдим» ва б.) ва турли халқлар (афғон, ҳинд, уйғур, қорақалпоқ, испан) қўшиқлари ўрин олган. Ансамбль Тожикистон, Россия, Франция, Германия, Туркия мамлакатларида гастролда бўлган.

Ўзбекистон вилоятлари ва ўқув юртларида ҳам Д.қ.а.лари (мас., Нукус ш. 1-Маданият уйи қошида «Қирқ қиз» Д.қ.а., 1967; Фарғона давлат пед. институтининг «Ниҳол» Д.қ.а., 1977) ташкил этилган.

ДУХОБА — ипак ёки сунъий ипакдан тўқилган патли газлама (қ. *Бахмал*).

ДУХОВОЙ МУСИҚА — қ. *Пуфлама созлар мусиқаси*.

ДУХОВОЙ ОРКЕСТР — қ. *Пуфлама созлар оркестри*.

ДУЧАВА, дучўба (форс.— икки чўп) — 1) анъанавий ўзбек ноғора ва доира усулларидан. Айрим турларини *Уста Олим* Комиловдан Илёс *Акбаров* нотага ёзиб олган. «*Катта ўйин*» рақслар туркумидаги асосий рақслардан бўлиб, унда ноғора чўплари дамба-дам урилгани учун шу номни олган; 2) дорбозлар ўйинлари жўрлигида фойдаланиладиган куй ва усул; 3) «Шодиёна» усуллар туркумининг 9-қисми; 4) сурнай йўлларидаги албат қисмларидан бири; 5) ўзбек халқ ашулаларидан (Д. усулидан ижодий фойдаланган ҳолда, Ҳамид Олимжон шеъри б-н О. *Алимахсумов* ва б. айтадиган «На бўлғай...» машҳур).

ДУШ (итал. doccia — сув қувури) — сувнинг баданга зарб б-н урилишидан иборат сув муолажаси; гигиеник ва даволаш мақсадида қўлланилади. Сув оқимининг шаклига кўра ёмғирсимон (сув 1—2 мл ли майда найлардан отилиб чиқади), циркуляр (бунда бирталай ингичка сув оқимлари ҳамма томондан бир текис баданга урилади), оқимли (Шарко Д., 1—4 ат. босимдаги сув оқими навбатма-навбат баданнинг турли қисмига йўналтирилади) ва б. Д. фарқ қилинади. Сув т-раси совуқ (20°дан паст), салқин (20—33°), илиқ (34—38°), иссиқ (40° атрофида ва ундан юқори) бўлиши мумкин. Бир-бирига зид бўлган, яъни гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ оқимли Д. шотланд души дейилади. Сув оқимининг йўналишига қараб бир текис, кўтарилувчи, тушувчи, шунингдек, сув босимига кўра паст (0,3—1 ат.), ўртача (1,5—2 ат.) ва юқори (3—4 ат.) босимли Д.лар ажратилади.

Сув ичида ўтказиладиган массаж-Д. ҳам муҳим муолажа ҳисобланади. Бунда ваннадаги иссиқ сувда ётган кишининг бадани қўл б-н эмас, балки махсус аппарат орқали босим остида юборилиб массаж қилинади. Сувнинг т-раси ва баданга урилиши Д.нинг физиологик таъсир этиш негизидир.

Нерв системаси ва моддалар алмашинувининг бузилиши б-н боғлиқ функционал касалликларда Д. дан даво мақсадида фойдаланилади (яна қ. *Сув билан даволаш*).

ДУШАН ФАЙЗИЙ (1927.5.2, Қизилтепа тумани) — шоир ва драматург. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1977). 2-жаҳон уруши қатнашчиси. Самарқанд ун-тининг филология ф-тини тугатган (1952). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими котиби (1957—72), Самарқанд вилояти телевидение ва радиоэшиттириш қўмитаси раиси (1972—77), СамДУ проректори (1977—94), «Имом ал-Бухорий» Халқаро хайрия жамғармасининг раиси ўринбосари (1996 й.дан). Ижоди 2-жаҳон уруши йилларида бошланган. «Туғилган куним» (1957), «Қалбим сеники» (1961), «Наво» (1965), «Ёр хаёли» (1967), «Онаизор» (1969), «Буюклик» (1970), «Самарқанднома» (1973), «Севгилим» (1980) ва б. шеърий тўпламлар муаллифи. «Зарафшон қизи» (1961), «Биринчи учрашув», «Келин келди» (1964), «Қорасоч» (1966), «Ғазал ва муҳаббат» (1968), «Ўн етти ёшлилар» (1972) ва б. саҳна асарларида хотин-қизларнинг меҳнат жасорати, ёшлар ҳаёти ёритилган. Д.Ф. нинг «Дўстлик қўшиғи» (1968), «Асрим монологи» (1969), «Ургут қасидаси» (1994), «Темурнома» (1996) достонлари, «Имом ал-Бухорий» (1998) шеърий романи бор. «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (1997).


Ас.: Танланган асарлар, Т., 1976; Сайланма, 1-жилд, Самарқанд, 1997.

ДУШАНБА (форс.) — ҳафтанинг биринчи куни (қ. *Ҳафта*).

ДУШАНБА (тож. Душанбе; 1929—61 й.ларда Сталинобод) — шаҳар, Тожикистон Республикаси пойтахти (1929 й.дан). Ҳисор водийсида, Варзоб дарёсининг денгиз сатҳидан 750—930 м баландликдаги кенг террасаларида жойлашган. Д.ни Варзоб дарёси шим.-дан жан.га, Кофарниҳон дарёси шарқдан ғарбга кесиб ўтган. Термиз—Душанба ва Душанба—Кофарниҳон т.й. ва шоссе йўллар тугуни. Халқаро аэропорт бор. Иқлими континентал. Янв.нинг ўртача т-раси 1°, июлники 28°, йилига 625—630 мм ёғин ёғади. Майд. 125 км². Аҳолиси 512,5 минг киши (1997). Д.да 4 та шаҳар тумани бор.

Д.— Тожикистоннинг йирик саноат маркази, республика саноат и.ч.нинг қарийб 1/3 қисми жойлашган. Машинасозлик ва металлсозлик саноати, тўқимачилик машинасозлиги, қ.х. машинасозлиги, савдо машинасозлиги, рўзғор совиткичлари, арматуралар, «Тожиккабель», йўл қуриш машиналари ремонти з-длари мавжуд. Қурилиш материаллари (цемент, ёғочсозлик корхоналари, уйсозлик к-ти, темир-бетон





Душанба шаҳри. С. Айний номидаги Тожикистон давлат опера ва балет театри.

конструкциялар з-ди) ишлаб чиқарилади. Шаҳар саноатида енгил (тикувчилик, кўн пойабзал, ип газлама, трикотаж, шойи ф-калари) ва озиқ-овқат, (сут к-ти, қандолатчилик, тамаки ф-калари, вино, пиво, нон, ёғ-мой з-длари) саноати корхоналари ҳам салмоқли ўрин тутади. Д.ни Душанба-Вахш энергетика системаси (шаҳар иссиқлик электр маркази, Норак, Перепадная, Марказий, Бош ГЭСлар ва Варзобдаги ГЭСлар) электр энергия б-н таъминлаб туради. Шаҳар ичида автобус ва троллейбус қатнайди.

Д. дастлаб Варзоб дарёсининг бўйидаги учта кичик ёндош қишлоқ — Сариосиё, Шоҳмансур ва Душанба ўрнида пайдо бўлган, булардан энг йириги Душанба қишлоғи эди. Шаҳар ҳудудидан юнон-бақтрия даври (мил.ав. 2-а.)га оид археологик ёдгорликлар топилган. Қўлёзмаларда Душанба қишлоғи 17-а. бошидан тилга олинган. 1924 й.дан Тожикистон Мухтор республикаси пойтахти (1925 й.дан шаҳар). 1926 й. Д. аҳолиси 5,6 минг киши бўлган. Кейинги йилларда Д.да кўплаб чиройли маъмурий, ўқув, маданий ва маиший бинолар (Ҳукумат уйи, Мажлиси Олий, С. Айний номидаги опера ва балет театри, Фирдавсий номидаги республика миллий кутубхонаси, «Тожикконцерт», Борбад номидаги киноконцерт зали, «Душанба», «Тожикистон» меҳмонхоналари, Тожикистон давлат мил-



«Бирдамлик саройи».

лий ун-ти, аэровокзал, «Роҳат», «Саодат» чойхоналари, «Садбарг» маиший хизмат уйи, Касаба уюшмалари Сароийи, ёзувчилар уйи) ва кўп қаватли турар жой бинолари қурилган. Вахлат, Галаба, Вокзал олди майдонлари, Айний номидаги боғ бор. Тожик мумтоз адабиёти асосчиси Абу Абдулло Рудакийга, Абу Али ибн Сино ва Садриддин Айнийга ҳайкал ўрнатилган, Айний ва Мирзо Турсунзодага мақбара барпо қилинган. Ботаника боғи, минералогия музейи ва б. бор.

Д. 20-а. ўрталаридан йирик илмий ва маданий марказга айланди. Д.да Тожикистон Республикаси ФА ва илмий тадқиқот ин-тлари ишлаб турибди. 15 олий ўқув юртида қарийб 50 минг толиб, ўрта махсус ўқув юртларида 6 мингга яқин ўқувчи, ҳунар-техника билим юртлари, лицей ва коллежда 6 мингдан зиёд ўқувчи таълим олмоқда.

Д.да 7 театр (С. Айний номли Академик опера ва балет театри, А. Лоҳутий номли Тожикистон академик драма театри ва б.), филармония, цирк, 8 кинотеатр, «Тожикфильм» киностудияси, Фирдавсий номли Миллий кутубхона, ФА нинг Марказий илмий кутубхонаси, А. Лоҳутий номли шаҳар Марказий кутубхонаси, қарийб 180 жамоат кутубхонаси, 7 музей, Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, радио, телемарказ, республика телеграф агентлиги ва б. бор.

Д.да полиграфия к-ти, «Ирфон», «Адиб», «Маориф», «Дониш», «Шарқи озод» нашриётлари, Тожикистон энциклопедияси Бош илмий таҳририяти мавжуд. 30 га яқин номда тожик, ўзбек, рус, инглиз ва б. тилларда газета, 13 номда журнал нашр этилади. Шаҳарда 27 касалхона, 60 врачлик амбулатория-поликлиника муассасаси (шу жумладан 10 та махсус диспансер), 8 санитария-эпидемиология ст-яси, 5 стадион, спорт саройи, 7 сузиш ҳавзаси мавжуд. Д. атрофидаги (Ҳисор тоғларининг жан. ён бағирларида) манзарали тоғ даралари да дам олиш уйлари ва санаторийлар бор.

ДУШОХАСОЙ — Навоий вилояти *Конимех туманидаги* сой. Уз. 20 км. Мавсумий қор ва ёмғирлардан тўйинади. Баҳорда кучли жала пайтларида суви кўпаяди. Д.нинг суви қуйи оқимида қумга сингиб кетади. Умумий уз. 72 км бўлган 25 та ирмоғи бор.

ДУЭРО (португалча — Дору) — Пиреней я. о.даги дарё. Испаниядаги Иберия тоғларидан бошланиб, Португалиянинг Порту ш. ёнида Атлантика океанига қуйилади. Уз. 925 км, ҳавзасининг майд. 95 минг км². Эски Кастилия ясситоғлигини кесиб ўтган қисмида чуқ. 30—40 м ли каньон ҳосил қилган. Португалия ҳудудида кенг водийдан оқади. Қиш ва баҳорда серсув, бу мавсумларда сув сатҳи даралардан ўтган жойида 15—20 м гача кўтарилади. Қуйилиш жойида ўртача сув сарфи 700 м³/сек. Қуйилиш жойидан бошлаб 200 км масофада кема қатнайди. Сув омбори ва ГЭС қурилган. Д.дан суғоришда фойдаланилади.

ДУЭТ (лот. duo — икки) — 1) икки ижрочидан иборат ансамбль. Мазкур ансамбль учун мўлжалланган созлар жўрлигидаги ёки жўрсиз мусиқий (асосан вокал) асар. Мустақил жанр сифатида ҳамда мусиқий-саҳнавий (опера, мусиқали драма) ва вокал-симфоник (оратория, кантата ва б.) асарлар таркибига киради.

ДУЮНОВА Вера Илларионовна (1945.11.4, Краснодар) — волейболчи, икки карра олимпиада чемпиони. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси (1995), хизмат кўрсатган спорт устаси (1968). ТошДУ журналистика фтини тугатган (1975). 1965—78 й.ларда «Автомобилист» (Тошкент) волейбол жамоаси ҳамда Ўзбекистон волейбол терма жамоаси ўйинчиси. Олимпиада ўйинларида 2 марта олтин медаль б-н тақдирланган (1968, Мехико; 1972, Мюнхен). Жаҳон чемпиони (1970, Болгария), Жаҳон кубогининг (Уругвай) ва Бутунжаҳон универсиадасининг ғолиби (Москва, 1973). Жаҳон биринчилигининг кумуш медаль совриндори (Мексика, 1974). 1982 й.дан Тошкентдаги болалар ва ўсмирлар олимпия ўринбосарлари спорт мактаби директори. I даражали «Соғлом авлод учун» ордени б-н мукофотланган (1997).

ДУ-ЯК (форс.— икки-бир) — қад. ноғора-доира усулларидан. Доираи Д. деб ҳам аталади. Икки қисқа ва бир узун бўғинли «бака-бум» усулига мувофиқ келади. Бу усул тузилишининг оддийлиги, кўтаринки, шодиёна кайфият уйғотиши б-н таърифланади. Шу сабабли ноғора базмлари қадимдан Д. усули б-н бошланган. Халқ қўшиқларининг жўрлик усули сифатида ҳам кенг қўлланилади, мақомларда *сарахбор* усулига яқин.

ДУҒЛАТ — қад. туркий қавмлардан бири. Булар 13-а.да *Чиғатой улуси*нинг шарқий минтақаларида яшовчи етакчи қабилалардан бўлган. Д.лар Шарқий Туркистонда, Иссиққўлнинг жан.да, Фарғона водийсининг шим. р-нларида кўчиб юрганлар. Асосий машғулоти чорвачилик бўлган. *Мўғулистон* давлатига итоат қилмаган Д.лар ўз мустақилликлари учун бетиним курашиб, 1427—28 й.ларда Қашқарни эгаллайди ва бу вилоятни то 16-а.нинг 1-чорагигача мустақил идора қилади. Заҳириддин Муҳаммад *Бобур*нинг онаси Қутлуғ Нигор хоним ва «*Тарихий Рашидий*» муаллифи Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Д.дан бўлганлар. 15—16-а.лар давомида Д.лар бир қанча гуруҳларга бўлиниб кетган. Улар Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Қоратегин ва Ҳисор вилоятларига келиб жойлашган. Д.лар ҳозирда ўзбек, қозоқ ва қирғиз халқлари таркибига сингиб кетган.

ДУҲУЛ (урдуча — катта ноғора) — қад. дўл ноғора, Туркистон ва Ҳиндистон халқлари орасида ҳарбий юришлардан, овга чиқишдан ва жазолаш пайтидан дарак бериш учун чалинган. Қоровул алмашувида, лашкар йиғишда ҳам Д. қўлланган (яна қ. *Довул*).

ДХАРМА (санскритча) — 1) ҳинд фалсафаси ва кўпгина динларидаги бир неча маънога эга бўлган асосий тушунчалардан бири; абадий ахлоқий қонун; тўғри яшаш учун белгиланган ахлоқий-ижтимоий қоида (бурч) — бу маънода ҳар қайси одам ўз Д. сига эга. 2) Будда диний таълимотига кўра, — бутун мавжудот ва одам ҳаёти психофизик белгиларининг бирламчи унсурлари. Д. абадийдир, доимо пайдо бўлиб, йўқолиб туради; уларнинг туғёни азоб-уқубатлар манбаи бўлиб, *нирвана* ҳолатида тўхтайди.

ДЬЁР — Венгриянинг шим.-ғарбидаги шаҳар, Раба дарёси бўйида, Дьёр-Шопре медьесининг маъмурий маркази. Аҳолиси 127,4 минг киши (1997). Муҳим т. й. тугуни, дарё порти. Будапешт ва Мишкольцдан кейин 3- ўриндаги саноат маркази. Асосий саноат тармоғи — машинасозлик (вагонсозлик ва станоксозлик). Тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё саноати корхоналари бор. Лок, бўёқ, сунъий чарм, мебель, қурилиш материаллари ҳам ишлаб чиқарилади. Пед. ин-ти, театр, музей ва б. бор. Ўрта асрларга оид меъморий ёдгорликлар сақланган.

ДЬЯКОВО МАДАНИЯТИ — юқори Волга ва Ока дарёси ҳавзаларида яшаган қад. (мил.ав. 1-минг йилликнинг 2-ярми — милоднинг бошлари) фин-ўғур қабилаларидан қолган археологик ёдгорликлар. Биринчи марта Дьяковское қишлоғи (Москва вилояти) да топилгани учун шу ном б-н юритилади. Дастлаб 19-а. охирларида ўрганилган. Д. чик-кичик турар жойлардан иборат. Улар патриархал уруғчилик жамоа қишлоқлари бўлиб, асосан, дарёларнинг тик қирғоқларида қурилган. Аҳолиси овчилик ва балиқчиликдан деҳқончилик ва чорвачилик б-н шуғулланишга ўтган. Жез ва темирчиликдан ташқари тўқимачилик ва ўймакорлик (суяк ва шохларга нақш солиш) ҳам ривожланган. Сопол идишлар қўлда ясалиб, катак нақшлар б-н безатилган.

ДЬЯЧКОВ Иван Никитич (1905.23.8, ҳоз. РФ Воронеж вилояти Терновка тумани Ново-Троицкое қишлоғи — 1985.18.8, Самарқанд) — зоотехник олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган зоотехник (1959), қ. х. фанлари д-ри (1969), проф. (1971). Москва қўйчилик ин-тини тамомлаган (1932). Самарқанддаги қоракўлчилик и.т. ин-тида катта илмий ходим, лаб. ва бўлим мудири (1935—60), ин-т директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари (1943—54 ва 1970—75). Илмий ишлари қоракўлчиликда селекция ва наслчилик масалаларига бағишланган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофти лауреати (1970).

ДЭВИССОН (Дейвиссон) (Davisson) Клинтон Жозеф (1881.22.10, Блумингтон —1958.1.2, Шарлотсвилл)— америкалик физик, АҚШ Миллий ФА аъзоси. Чикаго (1908) ва Принстон (1911) ун-тларини тугатган. Илмий ишлари термоэлектрон ва термоион эмиссия, термоэлектрон микроскоп, иссиқлик нурланиш, кристаллар физикаси, Борнинг атом назариясига бағишланган. Америкалик физик Л. Жермер (1896—1971) б-н ҳамкорликда ва Ж. П. *Томсон*дан мустақил равишда никель монокристаллида электронлар дифракцияси ҳодисасини очган (Д. ва Жермер тажрибаси, 1927) ва Л. де *Бройль*нинг материянинг тўлқин хусусияти тўғрисидаги гипотезасини амалда тасдиқлаган. Нобель мукофоти лауреати (Ж. П. Томсон б-н ҳамкорликда, 1937).

ДЭН СЯОПИН (1904, Сичуан — 1997, Пекин) — Хитой давлат ва сиёсат арбоби, Хитой Компартияси (ХКП) масъулятчилар Марказий комиссиясининг раиси (1982—87). ХХР Марказий ҳарбий кенгаши раиси (1983—90). 1975—76 ва 1977—82 й.ларда ХКП Марказий Комитети раисининг ўринбосари. ХКП МК бош котиби (1956—66). ХХР Давлат маъмурий кенгаши бош вазирининг ўринбосари (1952—54), ХХР Давлат кенгаши бош вазирининг ўринбосари (1954—66). ХКП МК Ҳарбий кенгашининг раиси (1981—89). «Маданий инқилоб» даврида (1966—76) «Мао Цзедунга қарши қаратилган йўлни ўтказганлиги» учун Д. С. таъқибга учраган ва сургун қилинган. Мао Цзедун ўлимидан кейин (1976 й. сент.) раҳбарлик ишига қайтарилди ва аввалги ҳамма лавозимларига тикланди (1977). ХКП МК 11-чақириқ 3-пленумида (1978 й.дек.) Д. С. ташаббуси б-н мамлакат миқёсида туб иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш, бозор тизимини яратиш, хорижий мамлакатлар б-н савдо, саноат, молия соҳаларида ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш ва б. йирик тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди ва муваффақиятли амалга оширила бошланди. Д. С. бутун дунёда «Хитойни қайта қуриш меъмори», «Хитой ислоҳотининг отаси» сифатида тан олинди. Унинг Хитойда бозор муносабатларини қарор топтиришга оид фикрлари «Ҳозирги Хитойнинг асосий масалалари» китобида (1988) баён қилинган.

«ДЭУ» КОРПОРАЦИЯСИ (DAEWOO Corporation) — Жанубий Кореянинг йирик саноат компаниялари гуруҳи, жаҳондаги энг йирик корпорацияларидан бири. Асосан автомобиллар, шунингдек, қурилиш, кемасозлик, оғир саноат жиҳозлари, станоксозлик, асбобсозлик, телекоммуникация жиҳозлари, электротехника, маиший асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш, савдо, молиявий хизмат кўрсатиш, телекоммуникация хизмати, меҳмонхона бизнеси ва б. б-н шуғулланади. «ДЭУ»нинг тўқимачилик маҳсулотлари и. ч. ва уни экспорт қилиш б-н шуғулланадиган биринчи компанияси — «Daewoo Industrial Co.Ltd.» 1967 й.да ташкил қилинган. 1975 й.да умумий савдо компанияси мақомини олди. 1976—80 й.ларда қурилиш, молиявий хизмат, кемасозлик, оғир саноат, автомобилсозлик (1978 й.дан), алоқа, электроника ва б. тармоқларда фаолият бошлади. 1982 й.дан трансмиллий корпорацияга айланди. 1995 й.да чет элларда 102 ваколатхонаси очилди, унга қарашли 155 компания ишлади.

1990—95 й.ларда «ДЭУ» ўзининг умумий менежмент режасига мувофиқ енгил автомобиллари б-н Европа бозорида савдо қила бошлади. 1995 й.да корпорация дунё бўйича 636 минг дона автомобилларини сотди. Шу давр мобайнида «ДЭУ» Польша, Руминия, Чехия, Ўзбекистон, Вьетнам, Мексика ва Лотин Америкаси давлатларига асосий инвестицияларини киритди.

1992 й.да Ўзбекистон Республикаси ва «ДЭУ» корпорацияси ўртасида «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасини тузиш бўйича битим имзоланди ва 1996 й. мартга келиб з-д ишга туширилди (қ. *Асака автомобиль заводи*). Бундан ташқари «ДЭУ» Ўзбекистонда коммуникация соҳасида ҳам фаолият юритади (мас., «ДЭУ юнитель» уяли алоқа воситалари компанияси). «ДЭУ» Африка, Осиё, Шарқий Европа, Лотин Америкаси, Шим. Америкадаги 85 дан ортиқ мамлакатда 380 инвестиция лойиҳаларида қатнашди, жами савдо ҳажми 72 млрд. АҚШ долларига етди (1998). 1997—98 й.ларда Жан.-Шарқий Осиё мамлакатларида юз берган молиявий инқироз «ДЭУ»ни ҳам четлаб ўтмади. 2001 й.да автомобилсозлик соҳасида «ДЭУ мотор» акцияларининг 35 фоизини АҚШнинг «Женерал Моторс» компанияси сотиб олди.

Ҳамид Азизқориев.

ДЮ Винью Винсет (1901.18.5, Чикаго — 1978.11.12) — америкалик биокимёгар. Сент Луисдаги Ж. Вашингтон ун-ти (1932 й.дан) ва Корнелл ун-ти Тиббиёт коллежи проф. (1938 й.дан). Илмий ишлари асосан гормонлар, витаминлар, антибиотиклар кимёсига оид. Д. инсулиннинг кимёвий тузилишини текширган, окситоцин (1932) ва вазопрессинларнинг ҳар бири ёпиқ ҳалқа шаклидаги S—S боғлар ҳосил қилувчи 8 та аминокислотадан ташкил топганлигини аниқлаган. Австриялик биокимёгар Э. Туппига боғлиқ бўлмаган ҳолда окситоцинни кристалл ҳолатда ажратиб олган (1953). Пенициллинни синтез қилиш мумкинлигини кўрсатиб берган, В гуруҳи витаминларининг олиниш усулларини ишлаб чиққан. Нобель мукофоти лауреати (1955).

ДЮБА, Дю Бойс (Dudois, Du Bois) Уильям Эдуард Бёркхард (1868. 23.2, Грейт-Баррингтон, АҚШ,— 1963.27.8, Аккра, Гана) — америка ёзувчиси, тарихчиси, жамоат арбоби, АҚШ даги замонавий негр адабиётининг асосчиларидан. 1895 й.да фалсафа д-ри унвонини олган. Атлантадаги ун-т иқтисодиёт ва тарих проф. (1897—1910), ижтимоий ф-т декани (1933—44). 1961 й.да Ганага кўчиб келиб, «Африка энциклопедияси» («Encyclopedia Africana») нашрига раҳбарлик қилган. Д. бутун Африка халқларини бирлаштиришга бағишланган бир нечта конгрессларнинг (1-си — 1919, охиргиси — 1945) ташаббускори бўлган. Негр халқи ҳақидаги тарихий ва ижтимоий асарлар муаллифи. «Қора кишилар қалби» (1903) очерклар тўплами, «Кумушранг тери излаб» (1911) романи, «Тим қора сув» (1920) ҳикоялар, очерклар ва шеърлар тўплами, «Қора аланга» («Мансарт синовда», 1957; «Мансарт мактаб қурмоқда», 1959; «Қора аланга», 1961) трилогияси ва б. асарларида негр халқининг сўнгги бир ярим асрдан ортиқ вақт мобайнидаги меҳнати, ирқчиликка ва ижтимоий адолатсизликларга қарши кураши ўз бадиий ифодасини топган.

ДЮГОНЬ, дюгонлар (Dugong dugong) — сиреналар туркумига мансуб сут эмизувчи ҳайвон. Сувда яшайди. Битта тури бор. Гавдаси дуксимон, уз. 3,5 м ча, оғирлиги 140—170 кг гача, танасининг охирида кўндаланг жойлашган икки бўлакли сузғич қаноти бор. Олдинги оёқлари куракка айланган, орқа оёқлари скелетидан фақат рудимент ҳолдаги чаноқ суяклари сақланиб қолган. Эркагининг уз. 7 см гача бўлган курак тиши филникига ўхшаш ташқарига чиқиб туради. Ҳомиладорлик даври 1 йилгача. Битта бола туғади. Қизил денгиз, Африканинг шарқий қирғоқлари, Ҳиндистон ярим ороли, Ҳинд-Малайя ва Филиппин архипелагида, Тайвань, Янги Гвинея, Шим. Австралия, Соломон, Янги Каледония оролларида тарқалган. Гўшти ейилади, терисидан тагчарм тайёрлади. Д. ҳозир кам қолган. Халқаро Қизил китобга киритилган.

ДЮЙМ (голландча duim — бош бармоқ) — 1) инглиз ўлчовлар бирлигида улуший узунлик бирлиги. 1Д.=1/12 *фут* = 0,0254 м. Д. улуши — микродюйм (10^{-6} Д. ёки 25,4 нм) ва милли Д. (10^{-3} Д. ёки 25,4 мкм) ҳам ишлатилади; 2) метрик бирликлар тизими қабул қилингунга қадар рус узунлик бирлиги. 1 Д.=1/12 фут = 2,54 см.



Дюкер: Катта Фарғона каналининг Асака ташламасидан дюкер орқали ўтиши.

ДЮКЕР (нем. Duker), қайнама — канал сувини дарё ёки бошқа канал ўзани, чуқур водий, йўл ва ш.к. тўсиқлар б-н кесишган жойдан ўтказиш учун ётқизиладиган қувур шаклидаги босимли сув ўтказгич. Каналлаги сув сатҳи кесиб ўтиладиган тўсиқ сатҳига яқин бўлган ва *акведук* орқали сувни ўтказиш мумкин бўлмаган ҳолларда қўлланилади.

Д. бетон, темир-бетон, пўлат, ёғочдан қилинган бўлиши мумкин. Материал сув босими кучига қараб танланади. Босим 30—50 м бўлганда бетондан, 50—100 м бўлганда олдиндан кучлантирилган темир-бетондан, 100 м ва ундан ортиқ бўлган ҳолларда ва босими паст бўлса-да, дарё ўзани остидан ўтказилса, металлдан қурилади. Ёғоч Д. узоқ чидамаслиги учун камдан-кам қўлланилади.

Д. конструкцияси бўйича бир қувурли ёки кўп қувурли; шакли (кўндаланг кесими) тўғри бурчакли ёки айлана бўлади. Д. узунлиги кесиб ўтиладиган жойнинг катта-кичиклигига қараб бир неча ўн м дан бир неча км гача бўлиши мумкин. Д. дарё ва канал остидан ўтказилганда махсус ўйилган чуқурликка ётқизилиб, 1 м дан кам бўлмаган қалинликда тупроқ б-н кўмилади. Д. сувсиз сойликларни кесиб ўтганда кўмилмай, очиқ қолдирилади. Канал Д. боши ва қайнама участкаси б-н равон бирлаштирилади. Қувурнинг лойқа босишига йўл қўймаслик учун Д.да кўпинча оқим тезлиги 1,5—4,0 м/с оралиғида қабул қилинади. Оқизиқлар чўкиб тўпланишини бартараф қилиш мақсадида қум ушлагич ва балчиқ тўсгич қудуқлар қурилади. Д. бошида чўп-хасларни ушлаб қоладиган панжара ўрнатилади. Д.нинг сув ўтказиш қуввати муайян материал (ёғоч, темир-бетон, металл)дан ясалган босимли қувурлар каби махсус гидравлик ҳисоблаш йўли б-н аниқланади.

Д. конструкцияси эксплуатация қилиш даврида иншоотни мунтазам кузатиб туриш, тузатиш ва тозалашни; қувурлар уланган ва Д. боши канал б-н туташтирилган чоклардан сув сизмаслигини; канал тозаланаётган ёки сув боғланмаган даврларда уни сувдан бўшатишни таъминлаши лозим.

Ад.: Гидротехнические сооружения: [Учеб. пособие], Под ред. Н. П. Розанова, М., 1985; Хусанхўжаев З. Ҳ., Гидротехника иншоотлари, Т., 1968.

Машариф Боқиев.

ДЮЛЛЕН Шарль (1885.12.5, Йен, Савойя — 1949.12.12, Париж) — француз реж., актёр, педагог. 1922 й. «Ателье» Париж театрига асос солган (1940 й. гача ишлаган). 1940 й.дан «де Пари театри», «Сара Бернар театри» каби театрларда реж. ва актёр. Ўзи саҳналаштирган спектаклларда бош ролларни ижро этган. «Мария Магдалина», «Ҳаёт ширази», «Ишбилармон», «Архипелаг Ленуар» ва б. энг яхши спектакларидан. Миллий театрнинг танилган актёр ва реж.лари сулоласини етиштирди.

ДЮЛОНГ ВА ПТИ ҚОНУНИ — қатиқ жисмнинг иссиқлик сиғими ўзгармас ҳажмда т-рага боғлиқ эмас ва у тахм. 6 кал/(моль·К) ёки 25,12 Ж/(моль·К) га тенг эканлиги ҳақидаги эмпирик қоида. 1819 й.да француз физиклари П. Дюлонг (1785—1838) ва А. Пти (1791—1820) топган. Д. ва П. қ. кўпгина кимёвий элементлар ва оддий бирикмалар учун ҳона т-расида ўринли.

ДЮМА (Dumas), Александр [Дюма-ота; 1802.24.7, Виллер-Котре (Эн департаменти) — 1870.5.12, Пюи (Куйи Сена департаменти)] — француз ёзувчиси. Адабий фаолиятини драматург сифатида бошлаган — «Ов ва муҳаббат» (1825) кичик пьесаси. «Генрих III ва унинг саройи» (1829) драмаси ёзувчига муваффақият келтирди. Д.нинг «Антони» (1831), «Нель минораси» (1832) ва б. пьесалари романтик театр тарихидаги муҳим воқеадир.

1835 й.да Д. биринчи тарихий романи «Изабелла Баварская»ни эълон қилди. 19-а.нинг 40-й.ларида кетма-кет «Уч мушкетёр» (1844), «Йигирма йилдан сўнг» (1845), «Виконт де Бражелон» (1848—50) тарихий-саргузашт романлари пайдо бўлди. Трилогияни ташкил этган бу романларнинг қаҳрамонлари умумий — асардан-асарга ўтиб юради. «Кироличка Марго» (1845), «Монсоро хоним» (1846), «Қирқ беш» (1847—48) — Генрих Наваррский ҳақидаги трилогиядир. «Граф Монте-Кристо»



(1845—46) замонавий ҳаёт ҳақидаги саргузашт роман. Д. романлар ва пьесалардан ташқари эсдаликлар, йўл очерклари ва б. асарлар ёзган. «Париждан Астрахонгача» (1858) китоби Россияга саёҳати ҳақида. Д.нинг романлари қизиқарли, уларда ҳаётга фаол муносабат сезилиб туради, воқеалар тез ривожланади, қаҳрамонлари жасур, хушчақчақ, топқир, қийинчиликларни осон бартараф қилади ва ҳамиша ғолиб чиқади.

Д.нинг бир қатор асарлари дунёнинг турли мамлакатларида экранлаштирилган. «Граф Монте-Кристо», «Уч мушкетёр» романлари ўзбек тилида нашр этилган. «Нель минораси» пьесаси «Ажал минораси» номи б-н ўзбек тилида саҳналаштирилган (1972).

ДЮНА (нем. Dune) — шамол тўпланган қум тепалари. Денгиз, даре, кўлларнинг тўзийдиган қумли соҳилларида пайдо бўлади. Д.нинг шамолга қараган томони сал қия (8—20°), шамолга терс томони тик (30—40°) бўлади. Бал. 10—30 м, баъзан 100 м га етади. Д. шамол таъсирида йилига бир неча м силжиб туриши мумкин. Ғарб адабиётида ҳар қандай қум уюми, иқлим шароити ва шаклидан қатъи назар, Д. деб аталади. РФ да чўлдан бошқа ерлар (денгиз, кўл, дарё қирғоқлари, зандр далалари)даги қум уюмлари Д. дейилади. Шамолга рўпара томони узун ва олдидаги тик томони дўмбоқ бўлиши б-н Д. чўлдаги *барханлардан* фарқ қилади.

ДЮПОНЛАР — АҚШдаги молия гуруҳи. Бу гуруҳ оилавий тарзда шаклланди ва тараққий этди, асосчиси Э. И. Дюпон бўлиб, у 1802 й.да Делавэр штатида порох з-ди қурди. Д. 1812—14 й.лардаги инглиз-америка урушида, АҚШнинг Мексика б-н бўлган урушида (1846—48), АҚШ фуқаролар урушида (1861—65), айниқса биринчи (1914—18) ва 2-жаҳон урушларида кўп маҳсулот сотиб бойиб кетди. Германия урушда мағлубиятга учрагач, Д. фирмаси «И. Г. Фарбениндустри» патентларига эга бўлди ва дунёдаги йирик кимёвий трестга айланди. Д.нинг саноат ўзагини «Дюпон де Немур» кимё ва нефтгаз кимёси концерни ташкил қилади. Концерн 1982 й.да АҚШдаги «Конока» нефть фирмасини сотиб олиб, ўз кудратини янада мустаҳкамлаб олди. АҚШда концернинг синтетик толалар, пластмассалар, газ, нефть, кимёвий моддалар, ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, кўмир қазиб оладиган ўнлаб корхоналари фаолият кўрсатди. Шунингдек, Буюк Британия, Франция, Германия, Бельгия, Нидерландия, Швейцария, Испания, Норвегия, Япония, Канада, Аргентина, Бразилия, Чили, Колумбия, Венесуэла ва б. давлатларда ҳам з-длари бор. Д. «Юнийойл», «Рокуэлл интернэшонал» каби энг йирик саноат корпорацияларини, бир қанча молия-кредит ин-тларини назорат қилади. *Моргандар* б-н мустаҳкам алоқаси бор.

ДЮРАЛЮМИНИЙ, дюраль (нем. Durek — алюминий ва қотишмалар ишлаб чиқариш бошланган биринчи шаҳар номидан) — алюминийнинг мис (2,2—5,2%), магний (0,2—2,7%) ва марганец (0,2—1,0%)ли қотишмаси. 500° га яқин т-рагача қиздирилгандан кейин сувда тобланади ва табиий ёки сунъий тарзда чиниқтириб мустаҳкамланади. Д. транспорт ва авиация машинасозлигида конструкцион материал сифатида кенг ишлатилади. Д.нинг коррозияланиш (занглаш) хоссаси юқори бўлмаганлиги сабабли, улардан тайёрланган листларга тоза алюминийнинг юпқа қатлами қопланади.

ДЮРЕР (Durer) Альбрехт (1471.21.5 — Нюрнберг — 1528.6.4) — немис рангтасвири устаси, график рассоми, ўймакор наққоши (гравёр), санъат назариётчиси; немис Уйғониш даври санъатининг асосчиси. Заргардлик санъатини отасидан ўрганган; М. Вольгемут устахонасида рангтасвирдан таълим олган (1486—89). Дастлаб сўнгги готика услубида гравюралар, китобларга расмлар ишлаган. Италия сафарлари (1494—95 ва 1505—07) таъсирида ижодида инсонпарварлик ғоялари кучайган, бадиий билишда илмий асосланган услубларга таянган, натурадан расм ишлашга алоҳида эътибор берган («Кўл бўйида-ги уйча», тахм. 1495—97 ва б.). Умумжаҳон тарихий ўзгаришларини кутилиши ифодаланган «Апокалипсис» гравюралар туркуми (1498)да рассомнинг бадиий ифода воситасида сўнгги немис готикаси б-н италия рассомлик услублари уйғунлиги, композиция тугаллиги, образ аниқлиги кўзга ташланади. Кўплаб портретлар, автопортретларида инсонни шахс сифатида тасвирлаган («Автопортрет», 1498; «Ёш йигит портрети», 1521 ва б.); расмлар (900 дан ортиқ) ва гравюралар яратиш соҳасида кўп ижод қилган («Одам Ато ва Момо Ҳаво», 1504; «Оила байрами», 1506; «Тўрт ҳаворий», 1526 ва б.). Санъат назариётчиси сифатида илмий-на-



А. Дюрер. Автопортрет (1498).

зарий соҳада самарали меҳнат қилган. «Ўлчов олиш учун қўлланма» (1525), «Инсон танаси нисбатлари ҳақида тўрт китоб» (1528) ва б. асарларида унинг ижодига хос аниқлик, борлиқни билишга бўлган кучли иштиёқ намоён бўлган.

ДЮРКХЕЙМ (Durkheim) Эмиль (1858.15.4, Эпиналь — 1917.15.11, Париж) — француз социологи, француз социологик мактаби асосчиси. Индивидуал-психологик ва биологик йўналишларга қарши чиққан, жамиятга индивидлар маҳмуи бўлмаган реаллик деб қараган. Айни вақтда жамиятда «коллектив онг»нинг ҳал қилувчи ролини алоҳида кўрсатган. Меҳнат тақсимотини ижтимоий бирдамликнинг асоси деб ҳисоблаб, ижтимоий низоларни жамият иллати деб талқин қилган. Асосий асарлари: «Ижтимоий меҳнат тақсимоти ҳақида» (1893), «Ўз-ўзини ўлдириш» (1897), «Диний ҳаётнинг оддий шакллари» (1912).

ДЮССЕЛЬДОРФ — Германиядаги шаҳар, Дюссель дарёсининг Рейн дарёсига қуйилиш ерида жойлашган. Шим. Рейн-Вестфалия ерининг маъмурий маркази, мамлакатнинг йирик иқтисодий марказларидан. Аҳолиси 568,4 минг киши (1998). Д. тарихий манбаларда 12-а.дан, шаҳар сифатида 1288 й.дан тилга олинган. Транспорт йўлларининг муҳим тугуни. Дарё порти, халқаро аэропорт бор. Рурнинг иқтисодий-молиявий маркази. Пўлат эритиш ва прокат и. ч., умумий ва транспорт машинасозлиги, станоксозлик, электротехника, қора металлургия ва кон саноати учун ускуналар и.ч., кимё, ойна, ёғочсозлик, тўқимачилик саноати корхоналари бор. Д.да Германиядаги асосий банкларнинг бўлимлари, кўпгина концернларнинг бошқарув органлари жойлашган. Ун-т (1965), тиббиёт академияси, БА, маъмурий ҳўжалик академияси, қора металлургия инти, Бадиий, иқтисод ва Гёте музейлари, консерватория, опера театри бор. Д. — машҳур немис шоири *Гейне*нинг ватани. Шаҳарда ўрта асрларга оид меъморий ёдгорлик кўп.

ДЎЗАХ, жаҳаннам — кўпчилик диний таълимотларга кўра, дин талабларини бажармаган гуноҳкорлар охиратда жазоланадиган жой. Яҳудийлик, христианлик, ислом динларидаги асосий тушунчалардан бири. Қуръонда Д. ҳақида бир неча ўринда таъкидлаб ўтилган (6:128; 11:106, 107). Диний ақидага кўра, Д.ни Аллоҳ кофирларга ва гуноҳкор бандаларга жазо бериш учун яратган. Д. ичида олов ёниб турадиган даҳшатли чуқурликдир. Д.га маҳкум қилинган бандалар шу оловга ташланади, улар қайноқ сув ичишади, у ерда ўсадиган заққум дарахтининг (шайтон бошига ўхшаган) меваси б-н овқатланишади ва б. азоблар чекишади. Қуръонда «қачонки терилари куйиб битиши б-н ҳақиқий азобни тотиб кўришлари учун ўрнига бошқа териларни алмаштирамиз» деб қайд этилади (4:56). Д. азобларидан яна бири — ачиштирувчи совуқдир. Д. бир неча табақадан иборат бўлиб, ҳар бир гуноҳкор ўз гуноҳига қараб табақаларда азобланади. Д.нинг етти дарвозаси бор: Ҳовия — энг чуқурликда жойлашган бўлиб, ундан мунофиқлар, Фиръавнга ўхшаган ашаддий кофирлар киради; Жаҳим — мушриклар; Сақар — диндан қайтган муртадлар; Лазо — шайтон-Иблис, унинг дўстлари ва мажуслар; Ҳутама — Аллоҳнинг амрига бўйсунмаган кофир кимсалар; Саир — Аллоҳга ширк келтирган насоролар; Жаҳаннам — гуноҳи кабиралар қилиб, тавбасиз ўтган мусулмонлар киради-ган дарвозалардир. Д.ни Молик исмли фаришта бошчилигидаги фаришталар қўриқлайди. Қалбида Аллоҳга имони бўлган бандалар Д.да маълум вақт азоб тортганларидан сўнг ўша имонлари шарофати б-н Д.дан чиқарилиб, жаннатга киритилади. Фақир-фуқаро, етим-есирларга раҳм-шафқатлилик, мусулмонлар ва инсон боласининг оғирини енгил қилиш кўплаб бандаларнинг Д. ўтидан озод этилишига сабаб бўлади. Аммо, иймонсиз кишилар, кофир ва мушриклар Д.дан чиқмай доимий азобда қолади.

ДЎКОН (араб.) — 1) мол чакана сотиладиган жой — магазин; 2) ҳунарманд, косибнинг устахонаси, ҳунармандлик ишхонаси; 3) тўқувчининг дастгоҳи; 4) Кавказ ва Яқин Шарқ мамлакатларида вино сотиладиган кичикроқ майхона.

ДЎЛ — юмалоқ ёки турли шаклдаги муз парчаларидан иборат атмосфера ёғини. Катталиги 5—55 мм ва ундан ортиқроқ, баъзан товуқ тухумидек ҳам бўлади. Йилнинг илиқ вақтларида (т-ра 20° дан юқори бўлганда), одатда, тўп-тўп ёмғирли булутлардан кундузи жала б-н бирга ёғади. Ёғиннинг жадаллиги 0,21 дан 60 мм/с ўртасида ўзгариб туради; 1 сек.дан то 50 мин. гача давом этиши мумкин. Чўл минтақаларида Д., одатда, март—апрель, водийларда эса май—июнь ойларида ёғади.

Д. қишлоқ хўжалигига катта зарар етказади; экинзор, токзорлар, боғларни нобуд қилади. Д. келтирадиган зарар ҳажми унинг жадаллиги ва давом этиш вақтига, дўл доналарининг катталиги, зичлиги ва тезлигига, шамолнинг кучи ва селнинг кўламига, ўсимликнинг тури ва ривожланиш фазасига боғлиқ. Д. айниқса гўза майсалари униб чиққан ва шоналаш даврида, ҳосилдор мевали боғлар ва узумзорларга кўпроқ зарар келтиради. Кўпгина мамлакатларда Д. га қарши махсус оператив кураш хизмати ташкил қилинган. Зенит артиллерияси, ракеталар ва б. воситалар ёрдамида Д. ҳосил қилувчи булутга кимёвий реагент (одатда, кумуш йод, карбонат кислота) сочилади. Реагент ўта совуган томчиларни музлатади ва уларни майда доначаларга айлантиради. Майда Д. эса ўз навбатида атмосферанинг ерга яқин қатламларида эриб, ёмғир томчилари кўринишида ер юзасига ёғади. Реагент етказиладиган жой (Д. ўчоғи) радиолокатор ёрдамида аниқланади. Д. га қарши курашнинг замонавий воситаларини амалда қўллаш қ. х. экинлари ҳосилига етказиладиган зарарни бирмунча камайтиришга имкон туғдиради.

Ўзбекистонда «*Бошгидромет*» тармоғида гидрометеорологик жарёнларга фаол таъсир кўрсатиш бошқармасининг махсус хизмати Фарғона водийси, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида Д. хавфи бўлган 1 млн. гектарга яқин майдондаги қ. х. экинларини Д.дан ҳимоя қилади (2002).

Ад.: Опасные гидрометеорологические явления в Средней Азии [Под ред. А. Д. Джураева], Л., 1977.

Ҳамидулла Абдуллаев.

ДЎЛАНА (Crataegus L.) — раънодошлар оиласига мансуб дарахт ёки бута. Бал. 6—10 м, танасининг йўғонлиги 40—50 см, сершох. 890 тури бор, шундан 10 тури Ўзбекистонда ўсади, Ҳиндистой, Испания, Италия, Жазоир, Америка ва б. мамлакатларда ҳам тарқалган. Барг чети йирик тишли ёки патсимон бўлинган, пояга кетма-кет


Дўлана.



ўрнашган. Гули майда, тўпгулга йиғилган. Меваси 1—5 данакли. Д.нинг мазарали ўсимлик сифатида ўстириладиган, шунингдек, бўрикўз Д., сариқ Д., қизил Д. деган турлари бор. Д. ёввойи ҳолда Ўзбекистоннинг тоғли туманларида, денгиз сатҳидан 1000—1500 м баландликда, кўпинча, якка ҳолда ўсади, баъзан кичик Д. зорлар ҳам учрайди. Баъзи турларининг меваси йирик, кўп истеъмол қилинади. Сариқ Д. гули нектар (гулшира)га бой. Д. май—июнда гуллайди, сент. охирларида пишади, 25—30 ёшли дарахти 70—80 кг ҳосил беради. Меваси таркибида 11,5—15,9% қанд, 8% ёғ, 0,67—0,88% олма кислота бор. Халқ табобатида иштаҳа очувчи, ични қотирувчи дори сифатида қўлланилади. Д. барги, пўстлоғи ва илдизи қайнатмаси б-н матоларни сариқ ва қўнғир рангга бўяш мумкин. Д. олма, нок, беҳи учун яхши пайвандтаг бўлади. Уруғи, илдизи, илдиз бачкиси ва илдиз поясидан, пархиш йўли б-н ҳам кўпайтирилади.

Данагининг қобиғи жуда қаттиқ, экилгандан кейин 2- ёки 3- йили униб чиқади. Уни сульфат кислотага 12 соат солиниб, нам қумда баҳоргача сақланса, 1-йилиёқ унади. Д. совуққа, қурғоқчиликка чидамли. Д.дан яшил девор ва иҳота дарахтзорлари ҳосил қилишда, эрозияга қарши тоғ ён бағирларини мустаҳкамлашда фойдаланилади.

ДЎЛАНА КАПАЛАГИ (Aporia crataegi L.) — оқ капалаклар оиласига мансуб, мева дарахтлари (олма, нок, олхўри, ўрик ва б.)га катта зарар етказадиган Американи-нг мўътадил минтақаларида тарқалган. Ўрта Осиёнинг тоғли зоналарида учрайди, дарахт куртаги, барги, гули б-н озиқланади. Кўп урчиган йиллари мевали дарахтларини яланғочлаб, хўжаликка жиддий зарар етказади. Д.к.нинг катталиги қанотлари ёзилганда 6—6,5 см, оқ. Қанотлари хира оқиш, қанот томирлари қора ва йўғон. Қурти 4,5 см, танаси калта туклар б-н қопланган. Қуртининг орқа томонида узунасига ўтган учта кулранг ва иккита сарғиш йўли бор, остки ва ён томонлари кулранг. Гумбаги кўп қиррали, уз. 2 см, ранги сарғиш-оқ ёки оч яшил, қора доғчалари бор. Д. к. дарахт шохларида қуртлик даврида қишлайди. Апр.да уясини ташлаб чиқиб, дастлаб куртак, кейинроқ ёш барглар б-н озиқланади. Қуртлар май бошларида ғумбакка айланади, 1,5 ҳафтада капалак чиқади. Урғочи капалаклар барг устига 30 дан 200 тагача тухум қўяди, икки ҳафтада тухумдан қурт чиқади. Д. к. йилига бир марта насл беради.



Дўлана капалаги ва унинг қурти.

Қураш чоралари: Д. к. нинг қишки уялари йиғиб олинади, дарахтлар нугор, молфос, митак, фозалон препаратлари б-н дориланади.

ДЎЛБАСОЙ — Сурхондарё вилояти Кумқўрғон туманидаги сой, Қўшчекасойнинг чап ирмоғи. Боботоғнинг ғарбий ён бағридаги Оқбулоқ булоғидан бошланади. Битта ирмоғи бор. Уз. 24 км. Д.нинг сув тўплаш майдони кичик ва ёғин кам ёғадиган паст тоғларда жойлашганлигидан ёмғирли мавсумларда-гина суви кўпаяди.

ДЎЛГОНЛАР, долганлар (ўзлари-ни дулгаан, тиа-кихи, саха деб атайдилар) — элат, Таймир миллий округининг асосий аҳолиси. Умумий сони 7 минг киши (1992). *Ёқут тили*нинг дўлгон шевасида гаплашадилар. Динлари Таймир я. о.дан узоқда, Лена дарёсининг Вилюй ва Муна ирмоқлари ўр-нида яшаган. 18-а. давомида шим.-ғарбга силжиб, ҳоз. яшайдиган жойларига кўчиб келганлар. «Дўлгон» 19-а.дағи уруғлардан бирининг номи. Д.нинг ўзагини асли тунгус бўлган дўлгон, эжен, каринтуо, донгот уруғлари ташкил этган. Д. буғучилик, овчилик (мўйнали тайёрлаш), балиқчилик б-н шуғулланадилар.

ДЎЛМА — қуюқ таом тури. Мол ёки қўй гўштининг қоракесак жойидан кесиб олиб, майда тўғраб ёки қиймалаб, баъзида гуруч қўшиб тайёрланади. Д.нинг карам Д., болгари Д., чарви Д., помидор Д., коваток Д. ва б. турлари бор. Карам Д.— суяклари ажратилган гўшт гўштқиймалагичдан ўтказилгач, гуруч, майда тўғралган пиёз, туз, мурч ва 2—3 дона помидорнинг суви ва бир дона тухум солиб аралаштирилади. Карам қайнаб турган сувга 5—10 мин. солиб, юмшагач, барглари ажратиб олинади. Ҳар бир карам баргига қиймадан солиб бир чеккасидан думалатиб бодрингсимон Д. лар ўралади. Қозонга гўштдан ажратилган суяклар солиниб, сўнгра Д.лар териб чиқилади ва сув қуйиб, усти зич қопқоқ б-н беркитилади. Баъзан ёғ қиздирилиб, гўшт, пиёз, помидор солиб қовурилади, сўнг бир оз сув қуйилиб устига Д.лар терилади. Қозон қайнагач, устига ликопча ёпилади ва паст оловда 40—45 мин. димланади. Тайёр Д.лар лаганга сузилади, устига тўғралган кўкатлар сепиб дастурхонга тортилади. Болгар қалампири Д.— болгар қалампирининг банд томони очилиб, уруғидан тозаланиб ювилади. Қиймаси карам Д.ники сингари тайёрланади. Қалампирнинг ичи қийма б-н тўлдирилади ва қозонга терилиб 35 мин. чамаси пиширилади (яна қ. *Коваток*).

ДЎЛТАЛИТОВ ҚИРИ — Қашқадарё вилоятидаги қир. Қарши чўлининг шарқий қисмидаги Нишон даштининг шарқий чеккасида жойлашган. Энг баланд жойи 512 м (Дўлталитов), уз. 12 км, жан.-ғарбдан шим.-шарққа йўналган. Д.қда усти ясси тепаликлар бор, қуруқ ўзан кўп. Неогеннинг қумтош, гил, конгломерат ва қуйи тўртламчи даврнинг лёссимон жинслари қатламларидан таркиб топган. Бўз тупроқларда қўлоқ тарқалган. Д. қ.нинг этагидан Қарши магистрал канали ўтган.

ДЎЛЧА — рўзғор буюми. Мисдан чуқур косага ўхшатиб ясалган, кандакори нақшлар б-н безатилган. Идишдан сув олишда ишлатиладиган дастали Д. ҳамда жўмракли Д. (кўпроқ обжувозчилар фойдаланган) тури бор. Шунингдек, Шаҳрисабзда сополдан чой ичиш учун ишланган идиш ҳам Д. деб аталади.

ДЎМБИРА (*танбура* сўзидан) — торли чертма халқ мусиқа чолғуси. Ўзбек ва қозоқ Д. турлари мавжуд: 1) ўзбек Д.сининг дастаси силлиқ, парда-лари белгиланмаган бўлади. Чолғунинг асосий қисми (косахона ва дастаси) ўрик, тоғолча ёки арча дарахтидан яхлит тарзда, косахонаси ўйиб ишланади. Пай торлари кварта, квинта, баъзида октава оралигида созланади. Диапазони тахм. 2 октава бўлади. Асосан Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари, шунингдек, бошқа вилоятларнинг айрим туманларида тарқалган. Мазкур чолғудан *бахши*лар халқ достонларини, термаларни куйлашда

Ўзбек дўмбираси.



жўровоз сифатида, дўмбиракашлар эса «Чўпонча», «Дўмбира куй», «Бахши куй», «Келиной», «Қўнғироти» каби Д. куйларини ижро қилишда фойдаланадилар. Ташқи кўриниши, тузилиши ва тембри Д.га ўхшаш бўлган чолғу созлари олтойларда (топшур), тожикларда, афғонларда (дўмбироқ) мавжуд; 2) қозоқ дўмбирасининг 2 асосий тури мавжуд. Ғарбий Қозоғистон Д.си ноксимон, косахонаси ўйилган, узун ва тор дастасида 13—14 парда боғланади. Унда асосан Қўрманғози, Даулеткерей, Байсерке, Таттимбет, Қазанғап каби қозоқ куйшилари басталаган чолғу куйлари ижро этилади. Шарқий Қозоғистон Д.си учбурчак ёки куракча шаклида бўлиб, унинг нисбатан кенг ва калта дастасига 7—9 парда боғланади. Кўпроқ *оқин*лар томонидан жўровоз соз сифатида фойдаланилади. Қозоқ Д.си ижро усулларининг хилма-хиллиги, ифодавий имкониятларининг кенглиги туфайли қозоқларнинг энг севимли халқ ҳамда профессионал (18-а.дан) мусиқа чолғусига айланган. 1930-й.лардан ўзбек ва қозоқ Д.сининг қайта ишланган турлари (прима, альт, тенор, бас, контрабас) халқ чолғулари оркестрлари таркибига киритилди.

Ад.: Карематов Ф., Узбекская домбровая музыка, Т., 1962.

ДЎНГ ҚУМЛАР — ўсимликлар б-н мустаҳкамланган ёки чала мустаҳкамланган айлана ёки узунчоқ шаклдаги қум уюмлари. Д. қ. сочилувчан («тўп қумлар») ва зичланган қумларга бўлинади. Д. қ. айниқса Марказий Осиё чўлларида, кўпинча чучук ёки шўртоб ер ости сувлари 3 м дан 5 м гача чуқурликда бўлган жойларда вужудга келади. Ўрта Осиёда Қизилқум, Қорақум, Қорақалпоқ чўлида кўпроқ учрайди.

ДЎНОН — уч ёшга тўлиб, тўрт ёшга ўтган от ёки туя. Д.лик даври, асосан, ҳайвоннинг тишига ва б. белгиларига қараб аниқланади. Мас., Д. отнинг ҳамма сут тишлари ўрнига доимий тишлар чиқади. Ёли, думи, туёқлари ўсган бўлиб, кўриниши катта ёшдаги отларга ўхшайди, жинсий вояга етади, наслчилик ишларида фойдаланила бошлайди.

ДЎППИ — енгил бош кийими. Қадимдан эрон ва туркий халқлар орасида кенг тарқалган. Туркистон халқлари орасида (айниқса Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудида) миллий кийим турига айланган. Бошқа халқлар Д.ларидан ўзбек Д.лари ўзига хос шакли, безаги б-н фарқланади. Д. уч қисмдан — тепа (айлана ва тўртбурчак шаклида бичилади), кизак (гардиш шаклида) ва жиякдан тузилган, республиканинг турли жойларида турлича безатилади; қисмлари бирлаштирилганда турлича кўринишга эга бўлади. Д. тикувчи уста дўппидўз, Д. тикиш касби эса *дўппидўзлик* деб аталади.

Д. асосан бахмал, сидирға шойи, сатинга ип, ипак, зар иплар б-н кашта тикиб тайёрланади. Тайёрланган жойи (Чуст, Марғилон, Тошкент, Шаҳрисабз ва б.), мўлжалланган кишиларнинг ёши ва жинси (эркак, аёл, болалар), шакли (ўткир учли, коннуссимон, ярим доира, чуқур тубли, думалоқ, каржли ва б.)га кўра Д.лар хилма-хил ва ранг-барангдир. Дастлабки Д.лар шакли ўткир учли қилиб салла б-н кийишга мўлжаллаб кизаги кенг жиякли қилиб тайёрланган. 20-а. 20-й.ларидан Д. шакли ўзгарди: тепаси думалоқ ёки мурабба шаклга эга бўлди, кизакдаги жияги ингичкалашди.

Ўзбекистонда Чуст, Андижон, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Бойсун, Шаҳрисабз Д.лари машҳур. Чуст Д.си тўқ яшил шойи ёки сатиндан 4 каржли қилиб тайёрланади: тепасининг ҳар бир каржида қалампирнусха ёки бодом шакли, кизагининг ҳар бир каржида 4 тадан меҳроб (ярим доира) шакли кашта б-н сидирға қоплаб оқ (ип ёки ипак) ипда тикилади. Тайёр Д.нинг тепаси кизагидан мурабба шаклда бўртиб чиқади (бошқа Д.ларнинг тепаси ярим доира шаклида бўлади). Шакли кўп жиҳатдан чуст Д.сига ўхшаш бўлган марғилон Д.си гуллари (нисбатан ингичка ва узун қалампир шакли)нинг сидирға қопланмаслиги б-н фарқланади.

Тошкентнинг духоба Д.си сидирға бахмалдан, бухоро Д.си сидирға ёки гулли бахмалдан тайёрланади; бухоро Д.сига ранг-баранг ипак ипларда йўрма усулида кашта тикиб безатилган жияк тутилади.

Ироқи Д. Шаҳрисабзда кенг урф бўлган, кейинчалик бошқа жойларга тарқалиб, ҳар бир маҳаллий жойнинг ўзига хос безак усулида яратила бошланди. Д.нинг бу турида кашта иплари суғирилиб тўр ҳолига келтирилган мато (сурп)га рангли ипак ёки ингичка толали пахта ипи б-н ироқи чок (терма ва босма усули)да тикилади (номи шундан). Ироқи Д.нинг энг яхши намуналари Шаҳрисабз ва Китоб дўппидўзлари томонидан тайёрланади. Тошкент ва Фарғона водийсида кенг тарқалган ироқи нусха Д.нинг нақш мужассамоти ранг-баранг гулли новдалар, улар орасидаги яшил, кўк тусли қушча (булбул)лар шаклидан иборат. Тошкентнинг ироқи Д.сида оқ заминга атиргуллар тўқ ва оч қизил ипакларда (баъзан «Раъно», «Гули», «Фарғона тонг отгунча» ва б.) ёзувлар қўшиб тикилади.



1. Чуст дўппи. 2. Духоба дўппи. 3. Марғилон дўппи. 4. Шаҳрисабз дўпписи. 5, 7. Ироқи дўппи. 6. Бойсун дўпписи. 8. Зардўзи дўппи.

Шаҳрисабзнинг тепа ва кизаги яхлит (ипак ва ипдан) тўқилган гилам Д.си ҳам машҳур. Самарқанд (Ургут) ва Сурхондарё (Бойсун)нинг думалоқ шаклли пилтадўзи Д.сининг нақши содда, гуллари марказга томон йўналган, қавиқ чоклари эса қовурғали юзанинг зардўзи-гулдўзи ва зардўзи-заминдўзи («Юлдуз», «Товус» ва б.) Д.лари бадиий жиҳатдан юқори баҳоланади. Тошкентнинг сидирға парчадан 4 каржли (каржлари ўзаро қора ҳошия йўллар б-н бўлинган, ҳар бир каржга ёрқин гуллаган новдалар тикилган) Д.си ва б. Д.лар жозибали қилиб тайёрланади.

Гулноз Шарипова.

ДЎППИДЎЗЛИК — *дўппи* тикиш касби; бадиий ҳунармандликнинг кенг тарқалган соҳаси. Дўппи бахмал, сидирға шойи, сатиндан бичилиб, ип, ипак, зар иплар б-н кашта тикилади. Кашта тикиб безатилган бўлаклар (тепа, кизак) га астар ёпиштирилиб майда нозик чокда қавилади, қавиқлар орасига пахта ёки қоғоздан пилта урилади. Сўнг тайёр бўлаклар бир-бирига уланади, кизак атрофи жияк (тасма) б-н ҳошияланади. Елимланган дўппилар тахтакачча қўйилади. Тайёр бўлган дўппи бичимига қараб мурабба, конуссимон (думалоқ) шаклга эга бўлади. Д. б-н асосан аёллар, қисман эркаклар ҳам шуғулланади.

20-а. 20-й.ларидан ҳунарманд усталар артелларга бирлаштирилди, кейинчалик ф-каларда меҳнат қила бошладилар. Д. ҳозир Бухоро («Зардўз» акциядорлик жамияти), Тошкент («Шарқ гули» LTD), Чуст ва б. корхоналарда, қисман хонадонларда давом эттирилмоқда.

Сайёра Маҳкамова.

ДЎРМОН — ўзбек қавмларидан бири. Д. мўғулча тўрт демакдир. Тўртта уруғдан ташкил топгани учун шундай аталган бўлиши эҳтимол. Д. қабиласи *Абулхайрхон* (1428—68), умуман Ўзбек улусила катта нуфузга эга бўлган. Д.лар Ўзбекистон, Тожикистон ва Афғонистон ҳудудларига *Дашти Қипчоқ*дан 16—17-а. давомида келиб ўрнашган. Д.лар Бухоро амирлигининг сиёсий ҳаётида фаол қатнашиб келган. Ўзбекистон ҳудудида Д. қавми кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб тарқоқ ҳолда яшаган. Булар, асосан, Зарафшон дарёсининг ўрта оқими, Сурхондарё вилоятидаги Қоратоғ дарёсининг ўрта оқими, Сурхон дарёсининг юқори оқимларида, Боботоғ этакларида, Тошкент воҳасида, қисман Хоразм вилоятида жойлашган. Д. қавмининг таркибида оқ қўйли, увоқ, уч уруғ, кўк челак, нўғай, гурдак, ой тамғали ва б. бўлинмалари бўлган. Марказий Осиёда Д. атамаси жой номлари сифатида сақланиб қолган (мас. Тошкент ш. яқинидаги Дўрмон қишлоғи ва б.).

ДЎРМОНТЕПА — қад. шаҳар харобаси (мил. ав. 3-а.— 13-а. боши). Самарқандан 2 фарсах (12—14 км) нарида, Пастдаргом туманида. Умумий майд. 25 га. Икки қисм — шаҳристон I (арк б-н бирга) ва шаҳристон II дан иборат. Шаҳристон I нинг майд. 16 га, шаҳристон II ники 6 га бўлиб, арк тарҳи 115×110 м ни ташкил этади. Д. Самарқандни Бухоро б-н боғлаган Буюк ипак йўлида жойлашган ва савдо карвонлари учун муҳим қўнимгоҳ вазифасини ўтаган. Тарихчи ва археологлар уни ўрта аср ёзма манбаларида қайд этилган Хохсар (Ёқут алҲамавий асарларида — Ал-Хохасро) деб ҳисоблашади. Д. 13-а. бошида мўғуллар томонидан вайрон қилинган.

ДЎСМАНАҒИ ТОҒИ — Сурхондарё вилоятидаги тоғ. *Боботоғ* тизмасининг жан. давоми. Бал. шим.да ва марказий қисмида 670 м дан зиёд, жан.да қарийб 480 м. Уз. 12—14 км. шим.дан жан.-ғарбга томон йўналган, қуруқ сой кўп. Шарқий ён бағри тик. Неоген ва палеогеннинг қумтош, гил ва конгломератларидан ташкил топган. Дағал механик таркибли тўқ бўз тупроқларда ранг, қўнғирбош, ялтирбош, шувоқ ўсади. Яйлов сифатида фойдаланилади.

ДЎСПАНОВ Ўроқбой (1938.4.3, Мўйноқ ш.) — қорақалпоқ тилшуноси. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1989), филол. фанлари д-ри (1981), проф. (1992). Қорақалпоғистон давлат педагогика ин-тини тугатган (1960), шу ин-тда ўқитувчи (1960—61), Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон бўлими Н. Довқораев номидаги Тил ва адабиёт ин-тида илмий ходим (1961—81), бўлим мудири (1981—92), директор ўринбосари (1985—89), Нукус давлат педагогика ин-тида кафедра мудири (1992—94), декан (1994 й.дан), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси раисининг ўринбосари (1993—94). Илмий ишлари қорақалпоқ тилининг тарихи, диалектологияси, грамматикаси, лексикография, лингвогеография каби масалаларга бағишланган. Д. олий ўқув юртлари ва ўрта мактаб ўқувчилари учун қорақалпоқ тилидан дарсликлар муаллифи. «Қорақалпоқ тилининг имло луғати» (1980—90), «Қорақалпоқча-русча луғат» (1990), «Русча-қорақалпоқча луғат» (1995) каби бир қанча луғат тузувчиларидан бири.

Ас.: Қорақалпоқ исмлари, Т., 1994; Қорақалпоқ адабиёти классиклари асарлари тили, Т., 1995.

ДЎСТ МУҲАММАД ибн Сулаймон (?—1550) — хаттот ва мусаввир. Сафавийлардан Баҳром Мирзо ва мусаввир Таҳмосб саройида хизмат қилган. Баҳром Мирзо кутубхонасида тузилган мураққага сўз боши сифатида хаттотлик ва мусаввирликка оид рисола битган (1544—45, Истанбулдаги Тўпқопу музейида). Тадқиқотчилар рисолани «Ҳолати ҳунарварон» («Санъаткорлар аҳволи») деб номлаган. Унда хат-ёзувнинг келиб чиқиши, марказий осиёлик, таълиқ ва настаълиқ ёзувлари усталари, мусаввирлик санъати ва мусаввирлар (жумладан, Абдулҳай Жаҳонгир Бухорий ва б.) ҳақидаги маълумотлар баён қилинган. Д. М. кўчирган қўлёзма ва хат намуналари Санкт-Петербургдаги омавий кутубхонада сақланади.

«ДЎСТ» СОНЛАР — ҳар бири иккинчисининг бўлувчилари йиғиндисига тенг бўлган икки сон (m ва n). Мас., 220 ва 284 «Д» с.дир. 220 сонининг бўлувчилари: 1, 2, 4, 5, 10, 11, 20, 22, 44, 55, 110; буларнинг йиғиндиси 284 га тенг. 284 сонининг бўлувчилари: 1, 2, 4, 71, 142; буларнинг йиғиндиси 220. «Д».с. тушунчасини дастлаб *Пифагор* киритган. 13-а.да яшаган шарқ математиги Маҳмуд бин ал Вусудий «Д» с.ни аниқлаш мезонини қуйидагича берган:

Агар

$$p=(2^{k+1}-1)-\tfrac{1}{4}2^{k+1}=3\cdot 2^{k-1}-1,$$

$$q=(2^{k+1}-1)+\tfrac{1}{4}2^{k+1}=3\cdot 2^{k}-1,$$

$$r=2^{k+1}(2^{k+1}\tfrac{1}{8}2^{k+1})-1=9\cdot 2^{2k+1}-1$$

сонларнинг ҳар бири туб сон бўлса, у вақтда «Д» с.нинг биринчиси $m=2^k\cdot p\cdot q$, иккинчиси $n=2^k$. r бўлади. У шу мезон ёрдамида 17296 ва 18416 сонларнинг «дўст»лигини кўрсатган эди (k=4 га тўғри келади). Бу «Д» с.ларни *Ферма* ва *Декарт* 17-а.да қайта топдилар. «Д» с.нинг чекли ёки чексиз эканлиги маълум эмас.

ДЎСТИ ХУДО МАСЖИДИ — Фарғонадаги меъморий ёдгорлик (20-а. бошлари). Маҳаллий эшон Алихон буюртмаси б-н уста Ёқуб раҳбарлигида қурилган. *Халфа Тилло мажмуаси*нинг ишим. қисмида жойлашган. Халфа Тилло мақбараси б-н масжидни улар ўртасидаги дарвозахона ўзаро боғлаб турасидаги дарвозахона ўзаро боғлаб турадилар. Масжид миллий меъморлик анъаналари асосида серҳашам безатилган. Ёғоч устунлар танаси қиррали, кўзагиси кунгирасимон, шаклдор, каллаги мукарнаслар б-н якунланган. Шифтларидаги ранг-баранг ислимий нақшлар заминида кўк, тўсинлардаги жимжима ҳошиялар ичидаги гул безаклари замис

ДЎСТМУҲАММАД (17-а.) — халқ меъмори. Нодир Муҳаммад девонбеги саъй-эҳтимоми б-н 1638 й.да Самарқанд ташқарисида Хўжа Аҳрор масжид-мадрасасига туташ қурилган мадрасанинг кошинкор безаклари орасида меъмор номи ёзиб қўйилган.

ДЎСТМУҲАММАДХОН (1790/93 — 1863) — афғон амири (1834—40, 1842—63), баракзоилар сулоласининг асосчиси. *Дурронийлар давлати* емирилгач, Ғазна ва Кобул амири (1834). Афғон ерларини бирлаштириш мақсадида майда хонликларга қарши курашган. Инглизлар ва афғонлар ўртасидаги урушда асир тушган (1840 й. охири), Ҳиндистонга сургун қилинган. 1842 й.да инглизлар урушда енгилгач, Д.ни озод қилишга мажбур бўлган. Д. қайта Афғонистон тахтига чиққан. 1855—63 й.ларда Қандаҳор, Ҳирот ва майда хонликлар (Оқча, Қундуз, Хулм) ни ўз давлатига қўшиб олган. Д. ҳукмронлиги йилларида Афғонистон ҳоз. чегарасигача кенгайган.

ДЎСТОБОД — Тошкент вилоятидаги шаҳар (1983 й.дан). Қуйи Чирчиқ тумани маркази. 1996 й.гача Солдатский қишлоғи. Ангрен дарёси Сирдарёга қуйилиш жойига яқин ерда жойлашган. Яқин т. й. станцияси — Кучлуккача 38 км. Д.дан Тошкентгача бўлган масофа 66 км. Аҳолиси 13,6 минг киши (2000), асосан ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, корейс, рус, тожик ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Д.да 3 саноат корхонаси, 2 қурилиш идораси, 3 умумий таълим мактаби, 20 дан зиёд маъмурий, давлат ташкилотлари, 40 дан ортиқ хусусий корхона, 1 қўшма корхона, 300 ўринли касалхона, поликлиника, маданият уйи, маданият ва истироҳат боғи, спорт мажмуи мавжуд. Автобус, такси қатновлари мунтазам йўлга қўйилган.

ДЎСТУМ СУЛТОН, Абдулқуддус султон (?—1598) — Тошкент ҳокими (1580 й.дан). *Шайбонийлар*дан. *Искандархон* ибн Жонибекхоннинг ўғли. *Абдуллахон II* нинг иниси. Дастлаб Кармана (1560 й.дан), сўнг Тошкент (1580 й.дан) ҳокими. Ҳасанхожа *Нисорий* 1560—66 й.ларда Карманада Д. с. ҳузурида хизматда бўлган. Д. с. шеъриятга ҳавасманд бўлиб, ўзи ҳам шеърлар ёзган. 1598 й. жияни *Абдулмўминхон* томонидан фарзандлари б-н биргаликда Тошкентда қатл этилган.

ДЎСУМОВ Янгибой Муҳаммедович (1905.15.7, Тўрткўл — 1973.14.8, Нукус) — педагог, тарихчи олим, Ўзбекистон ФАнинг мухбир аъзоси (1956), Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1965). Қорақалпоғистонда биринчи тарих фанлари номзоди (1939) ва д-ри (1961), проф. (1965), Нукус ўқитувчилар ин-ти директор ўринбосари, кейин директор (1935—40), Қорақалпоғистон Маориф халқ комиссари ва Педагогика ин-ти тарих кафедраси мудири (1940—41). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941—45). Қорақалпоғистон Маориф вазири (1945—49). Қорақалпоғистон Иқтисод ва маданий ин-ти бўлим мудири (1949—59). Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон филиали Тарих, тил ва адабиёт ин-ти директори (1959—64), сектор мудири (1964—73). Илмий ишлари Қорақалпоғистоннинг янги давр тарихига, хусусан, 20-а. 1-чорагидаги маорифи ҳамда ижтимоий-сиёсий тарихига бағишланган.

ДЎШАКАЕВ Шомурод (1871—1952) — ўймакор уста, Қўнғирот ва Шуманай ёғоч ўймакорлиги мактабининг йирик вакили. Уста Дўшака оиласида туғилган. Ўймакорликни отасидан ўрганган. Д. яратган буюмлари нақшларга бойлиги, гўзал ва соддалиги б-н ажралиб туради. У «қўчқор мугуз», «айланма мугуз» ва б. турли-туман шаклдаги нақшлар б-н безаган панжара (эрганак), сандиқ (аржа), аравaнинг олд тахтаси, устун ва б. буюмлар машҳур. Д. яратган буюмлардан намуналар республика ва чет мамлакатлар музейларида сақланади.

ДЎҲА, Ад-Дўҳа — Қатар давлатининг пойтахти. Арабистон я. о.да, Форс қўлтиғи соҳилида жойлашган. Қатар я. о.нинг шарқий қирғоғидаги йирик порт. Аҳолиси 410 минг киши (2000, шаҳар атрофи б-н). Муҳим савдо маркази. Металлсозлик, цемент, мебель, қурилиш материаллари, гилам, озиқ-овқат маҳсулотлари, ўғит ишлаб чиқарувчи майда корхоналар, иссиқлик электр стяси, халқаро аҳамиятга эга аэропорт, кўплаб масжид ва мактаблар, ун-т бор. Денгиздан балиқ овланади, марварид олинади.



Дўҳа шаҳри маркази.

Е

Е — ўзбек-кирилл алифбосининг олтинчи ҳарфи. «Й» ва «э (е)» товушлари бирикмасини ифодалайди (мас., йеттн). Ўзбек адабий тилида ўрта кўтарилишдаги тил олди, ярим тор, лабланмаган, унли товуш. Урхун-Енисей, туркий (уйғур) ёзув ёдгорликларида учрамайди. Соф ўзбек сўзларида, асосан, сўз боши ва бўғин бошида (ер, ел ва б.) учрайди. Бошқа тиллардан ўзлашган сўзларда сўз охирида ҳам келади (мас., бульдозер ва б.). Сўз бошида й+е ва сўз ўртасида э шаклида талаффуз қилинади: елим (й+е-лим), едим (й+е-дим). Жаҳон ёзуви тарихида туркий халқлар, шу жумладан, ўзбек халқи учун умумий бўлган ёзувларда Е ҳарфи ўзига хос шаклдадир. Улар қуйида келтирилди.

Ёзув тури	Белги	Сана
Авесто	𐬎	Мил. ав. 6 – 4 - а
Урхун - Енисей ёзуви	𐰇	5 – 8 - а
Туркий (уйғур) ёзуви	𐽆	8 – 13 - а
Суғд ёзуви	—	Мил. ав. 1 - минг й. охири – 13 - а
Араб ёзуви	إ	13 - а – 1929 й.
Лотин ёзуви	E	1929 – 1939 й.
Кирилл ёзуви	Е	1940 – 1995 й.
Лотин ёзуви	—	1995 й. дан

ЕВГЕНИЙ САВОЙСКИЙ (Eugen von Savoyen) (1663.18.10, Париж — 1736.21.4, Вена) — шаҳзода, Австрия саркардаси. 17-а.нинг 90-й.ларида Италияда француз қўшинларини бир неча марта енгган; туркларни 2 марта (1697, 1716) мағлубиятга учратган; Испания тахти ворислиги учун бўлган жангларда (шу жумладан, Мальплаке ёнида) француз ва француз-бавар қўшинлари устидан ғалаба қозонган; лекин Денен ёнида мағлубиятга учраган. 1703 й.дан император қошидаги ҳарбий, кейинчалик маҳфий кенгаш раиси. Унга ғалабалари учун генералиссимус (1697) ҳарбий унвони берилган.

ЕВГЕНИКА (юн. eugenes — яхши зурриёт) — одам саломатлиги ирсияти ва уни яхшилаш тўғрисидаги таълимот. Е.нинг тамойиллари биринчи марта 1869 й. инглиз палеонтологи Ф. Гальтон томонидан ишлаб чиқилган.У келгуси авлод ирсий хусусиятлари (саломатлиги, ақли, қобилияти, иқтидори) нинг яхшиланишига таъсир этишни ўрганишни таклиф этган. Е.га қизиқиш айниқса 20-а.нинг 1-чорагида генетиканинг жадал суръатлар б-н ривожланиши ҳамда одам белгиларининг ирсийланиши тўғрисида кўплаб далиллар тўпланиб бориши б-н ошиб кетди. Илгор олимлар (Ф. Гальтон, Г. Меллер, Н. К. Кольцов) Е. олдига инсонпарварлик вазифасини қўйишган эди. Лекин Е. ғояларидан кўпинча ирқчиликни оқлаш (мас., фашизм ирқчилик ғояси) мақсадларида фойдаланилганлиги туфайли илмий ғоя ва тушунча сифатида Е.нинг обрўси тушиб кетди. Ҳозир Е.нинг кўпгина муаммолари, айниқса инсоннинг ирсий касалликларига қарши кураш масалалари одам генетикаси, жумладан, тиббий генетика доирасида ўрганилади.

ЕВДОКС Книдлик (Eudoxos Knidios) (тахм. мил. ав. 408—355 йиллар) — юнон математиги ва астрономи. Мил. ав. тахм. 380 й. Мисрга саёҳат қилиб, у ерда астрономия ва мат. бўйича маълумотлар тўплади. Она юрти Книд ш.да математиклар ва астрономлар мактабини ташкил қилди, расадхона қурди, сайёраклар ҳаракатининг математик назариясини ишлаб чиқишга уринди. Нисбатлар назариясини ва унга асосланган олтин кесим қоидасини ҳамда қамраш усули деб аталган усулни яратди. Шу усул ёрдамида *пирамида* ҳажми у б-н бир хил асос ва баландликка эга бўлган *призма* ҳажмининг учдан бирига тенг, деган теоремани исбот қилди. Е. асарлари бизгача етиб келмаган.

ЕВЕНКО Виктор Иванович (1925.2.3, Тошкент — 1986.19.8) — график рассом, Ўзбекистон халқ рассоми (1967). П. Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртида таълим олган (1946—50). Рассомлик фаолиятини 2-жаҳон уруши фронтларида бошлади. Ўзбек халқининг тарихи («Бек келаяпти», 1954), меҳнати («Қарздорлиги учун», 1954; «Ҳосил» 1955)га бағишланган асарлари бор. 50-й.ларнинг охирларидан, асосан, графикада ижод қилди. Бир қатор бадиий асарларни безади (Р. Файзийнинг «Чўлга баҳор келди» қиссаси, А. Алматинскаянинг «Зулм», Ойбекнинг «Қутлуғ қон», Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар» романлари ва б.), долзарб мавзуларда плакатлар яратди («Тинчлик ва дўстлик», 1957; «Одамлар, тинчликни сақланг», «Пахта», 1966; «Нейтрон бомбасига йўл йўқ», 1979; «Оқ олтиннинг юксак сифати учун», 1981 ва б.), жамоат бинолари интерьерларини, кўргазма ва байрамларни безатишда самарали ишлади.

ЕВКЛИД, Эвклид (Eukleides) (мил. ав. 3-а.) — юнон математиги; мат., оптика, механика, мусиқага оид асарлар муаллифи. Е. асли тир (Ливан)лик бўлиб, Искандарияда яшаб, ижод этган ва у ерда ўз илмий мактабини яратган. Асосий математик асари — «Негизлар». Унда Е. ўзигача Юнонистонда тўпланган бой математик материални мантиқий тартибга туширган, мат.нинг келгуси тараққиётига асос солган. Бу асар мат. тараққиётида муҳим ўрин тутди. «Шаклларни бўлакларга бўлиш тўғрисида» асарининг арабча таржимаси сақланиб қолган (яна қ. *Евклид геометрияси, Евклид «негизлари»*).

ЕВКЛИД ГЕОМЕТРИЯСИ — мил. ав. 3-а.да *Евклид* изчил асослаган геометрия. Параллеллик аксиомасига (тўғри чизиқда ётмаган нуқта орқали шу тўғри чизиқ б-н кесишмайдиган фақат битта тўғри чизиқ ўтказиш мумкин, деган аксиомага) ҳамда мутлақ геометрия аксиомалари системалари деб аталувчи 5 гуруҳ (боғланиш, тартиб, ҳаракат, узлуксизлик, параллелликдан иборат) аксиомаларга асосланган. Е. г. аксиомалар системалари нуқта, тўғри чизиқ, текислик, ҳаракат ва нуқта, тўғри чизиқ ва текислик орасидаги муносабатларга суянади. Е. г. биринчи марта изчил равишда *Евклид «Негизлари»*да баён этилган. Е. г.дан фарқли геометрияни биринчи марта рус геометри Н. И. *Лобачевский* яратди. Е.г. ўрта мактабда ўқитилади ва «элементар геометрия» деб аталади.

ЕВКЛИД «НЕГИЗЛАРИ» — *Евклид*нинг асосий математик асари. 13 китобдан иборат бўлган. Евклиддан кейин Гипсикл (мил. ав. 2-а.) ва милетлик Исидор (мил. ав. 6-а.) Е. «Н.» га XIV ва XV китобларни қўшганлар; шунинг учун асар 15 китобдан иборат ҳам дейилади. Асарда Евклид давригача бўлган юнон мат.си баён этилади. Е. «Н.»да геом. дедуктив асосда, яъни аксиоматик усулда ёритилади; биринчи жумла (тасдиқ) лар исботсиз қабул қилиниб, қолган ҳамма даъволар — теоремалар шу аксиомалардан хулоса тариқасида чиқарилади. Е. «Н.»нинг I—IV китоблари планеметрик китоблар бўлиб, асосан, ҳозирги ўрта мактаб дастурига кирган планеметрия баён этилади. V—VI китобларида геометрик миқдорлар (кесмалар, юзалар)нинг нисбатлари назарияси баён этилади. Бунда *Евдокс* Книдликнинг нисбатлар назарияси асос қилиб олинган. VII—IX китоблар арифметик китоблар бўлиб, бутун сонларга асосланган назарий арифметика баён этилади. X китобда иррационалликлар назарияси ва таснифи берилади. XI—XIII ва қўшимча XIV—XV китоблар стереометрияга бағишланган. Е. «Н.» камчиликлардан ҳам холи эмас. Мас., нуқта, тўғри чизиқ ва б. геометрик образларнинг таърифи мантиқий нуқтаи назардан нуқсонли ҳисобланади. Асарда заруриятсиз киритилган аксиомалар мавжуд (мас., аксиома сифатида олинган «Ҳамма тўғри бурчаклар ўзаро тенг», деган иборани исботлаш мумкин), геометрияни аксиоматик асосда қуриш учун зарур бўлган ҳаракат аксиомалари ва тартиб аксиомалари берилмаган, ваҳоланки асарда улардан фойдаланилган.

ЕВКЛИД ФАЗОСИ — *Евклид геометриясида* ўрганиладиган текислик ва уч ўлчовли фазонинг умумлашгани. Агар вектор фазода ихтиёрий x, y векторга қуйида келтирилган аксиомаларни қаноатлантирувчи ва (x, y) деб белгиланувчи сон мос қўйилган бўлса, бу вектор фазо Е. ф., (x, y) сони эса скаляр кўпайтма дейилади. Аксиомалар: 1) $(x, x)>0$; $x=0$ бўлган ҳолдагина $(x, x)=0$; 2) $(x, y)=(x, y)$; 3) $(\lambda x, y)=\lambda(x, y)$; 4) $(x+y, z)=(x, z)+(y, z)$.

Скалярнинг ҳақиқий ёки комплекслигига қараб мос равишда ҳақиқий Е. ф., комплекс Е. ф. деб юритилади. Агар Е. ф. ҳосил қилган вектор фазо n — ўлчовли бўлса, Е. ф. ҳам n — ўлчовли дейилади. Баъзан, фақат чекли ўлчовли фазоларгина Е. ф. деб аталади.

Е. ф.да $\sqrt{(x, x)} = |x|$ формула б-н вектор узунлиги, $\cos\varphi = \frac{|x,y|}{|x|\,|y|}$ формула б-н икки вектор орасидаги бурчак аниқланади. Е. ф. математика ва физиканинг турли соҳаларида қўлланилади.



Евпатория. «Днепр» пансионати.

ЕВКРАДИТ (? — мил. ав. 155) — Юнон-Бақтрия подшолиги шоҳи (мил. ав. тахм. 171—155), дастлаб Бақтриядаги ҳарбий гарнизон бошлиғи. *Деметрий I* нинг Ҳиндистонга қилган юришидан фойдаланиб, мил. ав. тахм. 174 й.да Бақтрияда қўзғолон кўтарган ва ҳокимиятни ўз қўлига олган. Бақтрияликлар Е. бошчилигида суғдийлар, арахотлар, дранғлар, арейлар ва ҳиндлар б-н бетиним урушлар олиб боришган. Деметрий I бир қисм қўшини б-н Ҳиндистон юришидан қайтиб Е. қўшини б-н курашга киришган ва Бақтра ш.ни қамал қилган. Қамал 5 ойга чўзилган. Е. 300 жангчиси б-н бот-бот қалъадан чиқиб 60 минглик қўшинга эга рақибига кетма-кет зарбалар бериб ғалабага эришган, Деметрий I жангда ҳалок бўлган. Деметрий I нинг ворислари Ҳинд водийсидаги ҳокимиятни ўз қўлларида сақлаб қолган. 2 та мустақил ҳокимият: Юнон-Бақтрия ва Юнон-Ҳинд подшолиги вужудга келган. Мил. ав. 162 й.да Е. Парапамисадга бостириб кириб Деметрий I нинг ворисларидан Панжобни тортиб олган. Аммо, унинг ҳужуми Ҳинд воҳасидаги Юнон-Ҳинд подшолигининг шоҳи Менандр томонидан тўхтатилган. Е. Ҳиндистондан қайтаётганида ўғли ва тахтдоши Гелиокл томонидан ўлдирилган. Е. зарб этган тангалар археологлар томонидан Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон ва Афғонистон ҳудудидан кўплаб топилган (яна қ. *Юнон-Бақтрия подшолиги*).

ЕВНУХОИДИЗМ (юн. eunuchos — бичилган одам), эркакларда — ҳезалаклик, аёлларда — эркакчалишлик — жинсий безларнинг туғма камчилиги ёки жароҳатланиши, ёхуд гипофиздан гонадотроп гормонлар кам чиқиши сабабли рўй берадиган касаллик. Эркакларда кўпроқ учрайди. Евнухоид гигантизм ва евнухоид семириш (ёғ босиш) деган икки тури бор. Одатда, аралаш хили учрайди. Белгилари: бўй ўсиб кетади, скелет номутаносиб ўсади (қўл-оёқ, айниқса оёқ узун бўлади), суяклар ингичка, елка тор, чаноқ кенг (аёллар чаноғи тор), мускуллар бўш (илвиллаган) бўлади. Кўкрак, қорин ва сонни ёғ босади, жинсий безлар етилмайди, *иккиламчи жинсий белгилар* унча билинмайди, қов ва қўлтиқда жун ўсмайди, овоз ингичка (болаларга хос), жинсий ҳис сусайган бўлади. Жисмоний меҳнатга ярайди, аммо сусткаш, зеҳни паст бўлади. Ўтмишда болалигида бичилганлар (ғуломлар)да ҳам шунга ўхшаш ҳодиса кузатиларди. Беморлар генетик ва эндокринолог назоратида жинсий гормонлар б-н узоқ даволаниши керак.

ЕВПАТИЙ КОЛОВРАТ (13-а.) — ярим-афсонавий баҳодир, рязанлик бояр. 1237/38 й.нинг қишида «полк»и (1700 киши) б-н Владимир-Суздаль ерида мўғулларни маглубиятга учратган. Жанг-да ҳалок бўлган. «Рязаннинг Боту томонидан вайрон қилиниши ҳақида ҳикоялар» (14-а. 1-ярми)да Е. К.нинг қаҳрамонлиги баён этилган.

ЕВПАТОРИЯ — Украинанинг Қрим Республикасидаги шаҳар (1784 й.дан), Қора денгиздаги порт. Симферополдан 64 км шим.-ғарбда. Т. й. станцияси. Аҳолиси 110 минг кишидан зиёд (1990 й.лар ўрталари). Денгиз бўйи иқлимий ва бальнеобалчиқ (асосан болалар) курорти. Озиқ-овқат (сут, балиқ ва б.) саноат корхоналари, механика з-ди бор. Ҳоз. Е. ўрнида мил. ав. 6—2-а.ларда юнонларнинг Каркинитид колонияси бўлган, сўнгра уни скифлар эгаллаб олган. 16—17-а.ларда туркларнинг Гезлов қалъаси. Россия Қримни босиб олгач, Гезлов 1784 й.дан Е. деб аталди. Жоме масжиди (1552, Хожа Синон) сақланган.

ЕВРАТОМ — *қ. Атом энергияси бўйича Европа ҳамкорлиги.*

ЕВРИПИД, Эврипид (Euripides), (тахм. мил. ав. 480, Афина — мил. ав. 406, Македония) — юнон шоири, драматург. Ижодини шеъриятдан бошлаган. Афиналик уч буюк фожианавис (*Эсхил, Софокл*)нинг сўнггиси. Жами 92 пьеса ёзган, шундан 17 фожиа ва бир ҳажвий драмаси бизгача етиб келган («Киклоп»). Улар мифологик сюжет асосида яратилган бўлса-да, инсон шахси асосий ўринда туради. Е. ижоди Афина давлат-шаҳар сифатида таназзулга учраган ва ахлоқий меъёрлар инқирози юз берган йилларда шаклланган бўлиб, мифология, ахлоқий ва анъанавий тартибларга танқидий муносабати б-н ажралиб туради. У драматик воқеалар тасвирида кўпинча фалсафий мунозара ёки суд музокаралари оҳангига хос мулоҳаза юритганки, бунда ўта рационализм руҳий ҳолатларнинг чуқур тасвири б-н қўшилиб кетади («Вакханка», «Геракл»). Е. драматургиясининг объектив мазмуни Афина демократияси дунёқараши анъаналарига кескин зиддир. Афинада ўша даврда юз берган ижтимоий ўзгаришлар Е.нинг инсон шахсияти, унинг ички дунёсига қизиқиши кучайишига олиб келди. Е. асарларида маиший унсурлар тасвирига зўр бериш, кишиларнинг шахсий тақдирига қизиқиш каби антик фожиага хос бўлмаган хусусиятлар мавжуд («Медея», «Ипполит»). Е. ижоди Европа драматургиясига самарали таъсир кўрсатган.

ЕВРО (Euro) — Европа Иттифоқи таркибидаги Европа иқтисодий ва пул ҳамжамияти аъзолари (Австрия, Бельгия, Германия, Греция, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Финляндия ва Франция)нинг пул бирлиги. Халқаро ифодаси EUR. 1999 йил 1 янв.дан муомалага чиқарилган. 1Е=100цент. 1999 й. 1 янв.дан 2002 й. 1 янв.га қадар Е. нақд пулсиз тўловларда ишлатилди, Е. б-н бир қаторда бу мамлакатларнинг миллий пул бирликлари ҳам муомалада юрди. Е. муомалага киритилиши б-н ілгари шу мамлакатлар ўртасида халқаро тўловларда фойдаланилган *экю* муомаладан чиқарилди ва улар экюнинг сўнгги қиймати (1998 й. 31 янв. ҳолати) бўйича Е.га тенгма-тенг алмаштирилди. Айни пайтда миллий пул бирликларининг Е.га нисбатан валюта курслари ҳам белгиланди (мас., 1 Е=1,95583 немис маркаси; 1 Е=1936,27 итальян лираси; 1 Е.=200,482 португал эскудоси ва б.; 1998, 31 дек.). 2002 й. 1 янв.дан 5,10, 20, 50, 100, 200, 500 Е. қоғоз банкнотлари, 1,2 Е. ва 1, 2, 5, 10, 20, 50 центли тангалар муомалага киритилди (Европа иқтисодий ва пул ҳамжамиятига аъзо мамлакатларнинг эски миллий пул бирликлари муомаласи тўхтатилди). Халқаро валюталар курси

бўйича 1 АҚШ доллари =1,13 Е., Ўзбекистон Республикаси миллий пул бирлиги — сўмга нисбатан 1 Е.=599 сўм 01 тийин (2002 й. фев.).

Акрамжон Мирзахолов.

ЕВРОВИДЕНИЕ (Европа кўрсатуви) — Европа радиоэшиттириш уюшмаси доирасида телевизион дастурларни халқаро айирбошлаш бўйича ташкилий-техник тизим. 1954 й.да ташкил топган. Е.га 50 мамлакатдан 69 телевизион ташкилот ҳал қилувчи овоз б-н, 49 ташкилот маслаҳат овози б-н иштирок этади (2002). Барча кўрсатувларни айирбошлашни Европа телерадиоэшиттириш уюшмаси мувофиқлаштиради. У 1991 й.нинг 1 янв.дан *Интервидение* халқаро телевизион тармоқ б-н қўшилиб, умумевропа ташкилотига айланди. Уюшма исталган пайтда Ер курраси нинг исталган нуқтасидан муҳим воқеа-ҳодисаларни олиб кўрсатиш имкониятига эга. Унинг йўлдош тармоғи орқали қитъадаги барча пойтахт шаҳарлар радиотелеканаллар б-н ўзаро боғланган. Е.нинг дастурий мувофиқлаштириш маркази Женевада, Техник маркази Брюсселда. Е. дастурининг ярмидан ортиғини кундалик ахборот айирбошлаш (1958 й.дан) ташкил этади, уларнинг асосий таъминотчиси Буюк Британия, Германия, Франция, АҚШ телеташкилотлари.

Ўзбекистон телерадиокомпанияси Е. б-н ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. У МДҲ мамлакатлари орасида Россия телекомпанияларидан кейин иккинчи бўлиб Е.нинг йўлдош алоқа тизимига тўла қўлламдаги чиқиш ва ундан фойдаланиш лицензиясига эга бўлди (2001). Бу қулайлик ЎзРга дунё миқёсида тезкор ахборот айирбошлаш тизимидан фойдаланиш имкониятларини яратди.


Анвар Каримов.

ЕВРОДОЛЛАРЛАР — Европа хусусий банкларидаги АҚШ долларидаги жамғармалар; ривожланган давлатлардаги ташкилотлар ва хусусий шахслар томонидан АҚШ чегараларидан ташқарида жойлаштирилган. Турли банклардаги мавжуд Е.дан халқаро бозорда ссуда капитали операцияларида фойдаланилади. Шунингдек, доллар *жаҳон пули* сифатида ҳам тан олинган.

ЕВРОПА (юн. Europe, осурий тилида «эреб» — ғарб) — қитъа, *Евросиё* материгининг ғарбий қисми. Майд. 10507 минг км²; 730 минг км² ни ороллар ташкил этади. Қитъа Шим. ярим шарда жойлашган, Осиё б-н чегараси шартли равишда Урал тоғларининг шарқий этаги, Эмба дарёси, Каспий денгизи, Кума-Манич ботиғи орқали ва Дон дарёсининг қуйилиш жойидан ўтказилган. Шим.дан Шимолий Муз океани ва унинг денгизлари (Кара, Баренц, Оқ, Норвегия) б-н, ғарб ва жан.дан Атлантика океани ва унинг денгизлари (Болтиқ, Шимолий, Ўрта, Мармар, Қора ва Азов) б-н чегараланган. Е.нинг материкдаги чекка нуқталари: шим.да — Нордкин бурни (71°08′ ш. к.), жан.да — Марроки бурни (36°00′ ш. к.), ғарбда — Рока бурни (9°34′ ғ. у.), шарқда — Қутбий Урал тоғининг шарқий этаги (67°20′ шқ. у.). Е. ҳудудининг 25% ини ярим ороллар ташкил этади, уларнинг энг йириклари: Кола, Скандинавия, Ютландия, Бретань, Пиреней, Апеннин, Болқон, Қрим ярим ороллари. Е.га қарашли орол ва архипелаглардан энг йириклари: Новая Земля, Франц-Иосиф Ери, Шпицберген, Британия, Исландия, Ирландия, Корсика, Сардиния, Сицилия, Крит. Е. қирғоқ чизиғининг умумий уз. 38 минг км. Қирғоқлари кучли емирилган, денгиз ва қўлтиқлар қуруқлик ичкарисига кириб борган.

Табиати. Рельефининг аксари қисми пасттекислик ва қирлардан, 1/5 қисми тоғлардан иборат. Е. ўртача (300 м чамаси) ва максимал (4807 м, Альп тоғларидаги Монблан чўққиси) баландлиги жиҳатдан бошқа қитъалардан (Австралия бундан мустасно) кейинда туради. Баъзи р-нлари (Каспий бўйи пасттекислиги — 28 м, Шим. ва Болтиқ денгизлари соҳили) денгиз сатҳидан паст. Е. рельефи тектоник тузилиши ва таркиб топиши тарихи жиҳатидан хилма-хил. Е.нинг шарқий қисмини Шарқий Европа текислиги эгаллайди. Унинг юзаси тўлқинсимон, тепалик кўп, ўртача бал. 170 м. Баъзи жойлари 200 м ва ундан ҳам баланд-роқ бўлиб, қуйидаги қирлар бор: Вал-

Рока бурни — Европанинг ғарбий энг чекка нуқтаси.





Альп тоғларидаги турар жойлар.

дай, Ўрта Рус, Волга бўйи, Днепр бўйи, Волинь, Подольск ва б. Шарқий Европа текислиги аста-секин Ўрта Европа текислигига ўтиб боради. Ғарбий Е.нинг катта қисми тоғлардан иборат. Жан.да ёш бурмали тоғлар кўтарилиб туради, булар — Пиреней, Альп, Апеннин, Карпат, Стара-Планина тоғлари, Динара ясситоғлиги. Е.нинг ўрта қисми қад. тоғлар — Севенна, Юра, Гарц, Шварцвальд, Судет ва б.лардан иборат. Қад. тоғларга яна Грампиан, Пеннин, Скандинавия тоғлари ва Урални киритадилар. Е. рельефининг тараққиётида плейстоцен муз босишларининг роли катта. Кўп жойларда музлик изларини ҳозиргача сақланган. Музликнинг асосий маркази — Скандинавия, кичикроқ марказлари — Британия о.лари, Альп ва Карпат тоғлари бўлган. Муз қалинлиги 2,0—2,5 км га етган.

Геологик тузилиши. Е. ҳудуди геологик тузилиши жиҳатидан тўрт қисмга бўлинади: Шарқий Европа платформаси; каледон бурмаланиши структуралари; герцин бурмаланиши структуралари (Англия жануби, Франция, Испаниянинг бир қисми, Польша ва Чехия массиви) ва Жанубий Е.даги Альп бурмаланиши структуралари.

Шарқий Европа платформасини кембрийгача пайдо бўлган кристалли бурмаланган фундамент ташкил қилади. Бу фундамент Болтиқ қалқони (Финляндия, Швеция, Норвегия жануби, Карелия, Кола я. о.), Украина қалқони (Днепрнинг ўнг соҳили, Азов бўйи, Воронеж тепаликлари) ва Тиман кряжида ер юзасига чиққан, бошқа жойларда чуқур жойлашган бўлиб, палеозой, мезозой ва кайнозой ётқизиқлари б-н қопланган. Каспий бўйи (8—10 км), Днепр-Донецк (4—5 км), Москва (2—3 км), Польша-Литва ва Печора ботиқларини жуда қалин тоғ жинслари қатлами қоплаб ётади. Силур даврининг охирида ҳосил бўлган каледон бурмаланиши структуралари (Скандинавия, Буюк Британия ва Ирландия тоғлари) кембрийгача ҳосил бўлган кристалли сланецлар, кембрий, ордовик ва силур даврларига мансуб чўкинди ва вулкан жинсларидан таркиб топган.

Герцин бурмаланиши структуралари палеозой эрасининг охирида ҳосил бўлиб, кембрийдан олдинги ва палеозой эрасида вужудга келган чўкинди, вулкан ва отқинди жинслардан иборат. Унга Англия жануби, Испаниянинг ғарби, Португалия, Бретань я. о., Марказий Франция массиви, Вогеза, Шварцвальд, Арденна, Сланецли Рейн, Гарц тоғлари, Урал ва Новая Землядаги бурмаланган ётқизиқлар киради.

Альп бурмаланиши структуралари токембрий, палеозой, мезозой, кайнозой эраларига мансуб чўкинди ва отқинди жинслардан таркиб топган. Уларга Қрим, Стара-Планина, Карпат, Альп, Апеннин, Корсика, Сардиния, Пиреней, Иберия ва Бет тоғлари киради. Неоген бошида кўтарилган тоғ тизмалари этагида Аквитания, Швейцария-Бавария, Карпат олди ва Кавказ олди ботиқлари, Вена, Венгрия ботиқлари каби тоғлараро ботиқлар пайдо бўлган ҳамда улар неоген-тўртламчи даврлар ётқизиқлари б-н тўлган. Неоген ётқизиқлари мавжуд Қора ва Ўрта денгизлар ботиқлари кайнозой эрасида ҳосил бўлган. Неогенда чуқур синиқлар пайдо бўлиши б-н Карпат тоғларида, Рейн дарёси бўйида ва б. жойларда вулканлар отилган. Кейинги даврда вулкан отилиши Италияда (Везувий, Этна ва б.) давом этмоқда. Тоғ тизмаларининг кўтарилиши ва пастликларнинг чўкиши Ер пўстининг энг янги ҳаракатларидан далолат беради.

Фойдали қазилмалари. Е.да нефть ва газ конлари палеозой ва мезозой ётқизиқлари орасидан (Волга-Урал, Каспий бўйи, Днепр-Донецк, Польша, ГФР, Нидерландия, Буюк Британия ҳамда Шим. денгиз туби ва б. жойлардан); Альп тоғлари этаги ва тоғ оралиғидаги букилмаларда (Руминия, Венгрия, Болгария, Италия ва б.) нефть неоген ётқизиқлари орасидан топилган. Тошкўмир ва қўнғир кўмирнинг катта конлари (Дон, Львов-Волинь, Москва ёни, Печора ҳавзалари, Польша, ГФР, Бельгия, Буюк Британия) бор. Темир ва марганец рудалари, боксит, рангли металлардан мис, никель, кобальт, қўргошин, кумуш конлари асосан герцинид минтақасида мавжуд, калий ва тош тузлари Украина, Белоруссия, Каспий бўйи ва Урал олдида ҳамда пермь ётқизиқлари орасида учрайди. Апатит-нефелин рудаларининг йирик конлари Кола я. о.да, катта туз конлари Дания, ГФР ва Польша ҳудудларида топилган.

Иқлими. Е.нинг аксарият қисми ўртача кенгликларда жойлашган. Е.да арктика, субарктика, мўътадил ва субтропик минтақалар иқлим типлари бор. Е.нинг арктика минтақасидаги оролларида иқлим совуқ, қиш узоқ, ёз қисқа (июлнинг ўртача т-раси 5° дан паст). Субарктика минтақасида (Исландия, Фенноскандия, Шим. ва Шарқий Европа текислигида) ёз узоқроқ ва илиқроқ, июлда ўртача т-ра 10—12°. Қиш ғарбий р-нларда юмшоқ, шарқда совуқ; ёғин 400—1000 мм, бугланиш ёғинга нисбатан кам. Мўътадил минтақанинг (Е.нинг Ўрта денгиз бўйи ва Қримнинг жан.дан бошқа қисми) шим.да иқлим совуқ, жан.да илиқ, ғарбида денгиз иқлими, шарқида эса мўътадил континентал, қиш совуқ, ёз шим.да салқин, марказида илиқ, жан.да иссиқ. Субтропик минтақада иқлим Ўрта денгиз типли, қиш илиқ, серёмғир (янв.нинг ўртача т-раси 4—12°), ёз иссиқ ва қуруқ.

Қишда энг паст ойлик т-ралар Е.нинг шим.-шарқида Печора дарёси ҳавзасида бўлади (бу ерда энг паст т-ра —52° қайд қилинган). Умуман қиш Шарқий Е.да совуқ. Шарқий Е.нинг жан.да қор бир ой, шим.да 7—9 ой эримайди. Июлда ўртача т-ра Е.да Ўрта денгиз атрофида (28—30°) ва Каспий денгизи бўйида (24—26°) энг юқори, Арктика о.ларида энг паст (2—4°) бўлади. Энг юқори т-ра (48°) Пиреней я. о.нинг жан.да кузатилган.

Е.да йиллик ёғин миқдори ғарбдан шарққа томон камайиб боради. Атлантика океанига яқин р-нларда йиллига 1000—2000 мм ёғин ёғади. Шарқий Е.да йиллик ёғин миқдори 300—500 мм, Каспий денгизи бўйида 200 мм ва ундан кам, Арктика ороллари да 300—400 мм. Е.нинг катта қисмида йиллик ёғин миқдори буғланишга нисбатан кўпроқ.

Ички сувлари. Оқиб турадиган сувнинг ҳажми (2850 км³) жиҳатидан Е. Ер юзида Жан. Америкадан кейин 2-ўринда. Е.да сув оқими ғарбдан шарққа ва шим.дан жанубга томон камайиб боради. Е.нинг катта қисми Атлантика океани ва унинг денгизлари ҳавзасига, оз қисми Шим. Муз океани ва ички ҳавза — Каспий денгизига мансуб.

Йирик дарёлари Шарқий Е. текисликларида жойлашган. Волга дарёси уз. (3530 км), ҳавзасининг майд. (1360 минг км²) ва ўртача йиллик сув сарфи (8000 м³/сек) бўйича 1-ўринда. Бошқа дарёлари: Урал, Днепр, Дон, Печора, Днестр, Шим. Двина. Ғарбий Е.даги энг катта дарёлар: Дунай (уз. 2850 км, ҳавзасининг майд. 817 минг км²), Рейн, Эльба, Висла, Луара, Тахо, Одра. Дарёлар Шарқий Е. текисликларида қордан, қисман ёмғирдан, Ўрта Е. текисликларида, асосан, ёмғирдан, Альп тоғларида қор, ёмғир, қисман музликларнинг эришидан, Ўрта денгиз бўйидаги карст рельефли р-нларда грунт сувларидан тўйинади. Е. дарёларига оқимни тартибга солиб турувчи кўплаб сув омборлари ва б. сув иншоотлари қурилган, уларнинг кўпчилиги ўзаро ва кўллар б-н каналлар орқали боғланган, натижада уларнинг транспорт аҳамияти ортган.


Кўллар Е.да нотекис тақсимланган. Улар асосан, тўртламчи даврда музлик босган ерларда жойлашган. Текисликлардаги кўллар: Ладога, Онега, Венерн, Балатон, Веттерн, Меларен, Иманд ра; тоғ этагида жойлашган кўллар: Женева, Лаго-Мажоре, Комо, Гарда ва б. Баланд тоғ тепаларида «альп» кўллари, Апеннин я. о. ва Исландияда вулкан кўллари бор. Кўлларнинг суви чучук. Жан.-шарқдаги арид р-нларда кўл суви шўр ва жуда минераллашган (Эльтон, Боскунчок). Е.нинг Осиё б-н чегарасида дунёдаги энг катта кўл — Каспий денгизи жойлашган. Е.нинг шим. ва шим.-шарқида ботқоқлик кўп.

Музликлари. Е.даги музликларнинг умумий майд. 118 минг км² дан зиёд. Энг йирик музликлари Шпицберген (58 минг км²), Новая Земля, Франц-Иосиф Ери, Исландияда ва Скандинавия тоғларида.

Музликларнинг қалинлиги 400 — 600 м, айрим жойларда 1000 м гача. Альп тоғлари, Уралнинг шим., Пиреней, Сьерра-Невада тоғларида ҳам музликлар бор.

Тупроқлари ўз хусусиятига кўра 4 минтақа (арктика, бореал, суббореал ва субтропик) зоналарига бўлинган. Бореал ва суббореал минтақа тупроқлари катта майдонни эгаллаган. Тупроқларининг зоналлик структураси ва типларига кўра Ғарбий Е.нинг океан иқлимли р-нлари Шарқий Е.нинг континентал иқлимли р-нларидан фарқ қилади. Арктика минтақасида арктика ва тундра тупроқлари шаклланган. Бореал минтақада подзоллашган, сур тусли ўрмон, чимли торфсимон тупроқлар тарқалган. Бу зонада интрозонал тупроқлардан аллювиал, чимли-карбонатли, торфли ботқоқ тупроқлари ва б. бор. Тоғли р-нларда тоғ-тундра, чимли-подзоллашган, сур тусли ўрмон тупроқлари учрайди. Суббореал минтақанинг мўътадил континентал р-нларида қора ва каштан, қўнғир чала чўл тупроқлари, океан иқлимли р-нларда қўнғир ўрмон, чимли-карбонатли, тоғларда подзоллашган, тоғ-ўтлоқ тупроқлари тарқалган. Субтропик минтақада қўнғир, қизил, сариқ, бўз-қўнғир, Ўрта денгиз атрофидаги тоғларда тоғ қўнғир ва жигарранг тупроқлар бор. Қора, қўнғир ва сур тусли ўрмон ҳамда жигарранг тупроқли ерлардан деҳқончиликда кўпроқ фойдаланилади.

Ўсимликлари. Флористик таркибига кўра Е. ўсимликлари *Голарктика области*га киради. Е. флорасида Осиё, Африка ва Шим. Америка ўсимликларига хос оила, туркум ва турлар кўп, эндемиклар эса кам. Е.да қуйидаги ўсимлик типлари мавжуд: тундра, бореал ёки тайга, дашт, чўл, субтропик ўсимликлари. Ўрмон ўсимликлари энг катта майдонни эгаллаган, тундра ва чўл ўсимликлари у қадар кўп эмас. Е. ҳудудида табиий ландшафтлар деярли қолмаган, улар ўрнини ўзгартирилган маданий ландшафтлар деярли барча ва тоғларнинг ландшафти ва фаунаси кам ўзгарган. Ўрта ва Жанубий Е.да кенг баргли ўрмонлар кўплаб қирқиб юборилган. Тундрада йўсин ва лишайник, ўт, буталар, жан.да дарахтлар ўсади. Тайга ўсимликлари кенг майдонда тарқалган, жан. чегараси 57—58° ш. к.дан ўтади. Тайга зонасида игна баргли ўрмонлар, ўтлоқлар, ботқоқликлар бор. Кенг баргли ва игна баргли аралаш ўрмонлар тайгадан жан.да жойлашган ва Скандинавия жан.дан Уралгача чўзилган. Кенг баргли ўрмонларнинг жан. чегараси Ғарбий Е.да 40° ш. к.дан, Шарқий Е.да 53—54° ш. к.дан ўтган. Тоғ оралигидаги текисликлар (Чехия текислиги, Ўрта Дунай текисликлари)да ўтлоқли даштлар бор. Тоғ ён бағрилари (пастдан юқорига) кенг баргли, игна баргли, субальп бутазорлари,




Норвегиядаги шаршара.

альп ўтлоқлари б-н қопланган. Ўтлоқлардан яйлов сифатида фойдаланилади. Кенг баргли ўрмонлардан жан. да ўрмонли дашт ва дашт зонаси бўлиб, бу ерлар асосий деҳқончилик р-ни. Табиий ўсимликлар фақат қўриқхоналардагина яхши сақланиб қолган. Чала чўл ва чўл зоналаридан қўй боқиладиган яйлов сифатида фойдаланилади. Е.нинг субтропик р-нларидаги текислик ва тоғ этакларида доим яшил ксерофил ўрмон ва бутазорлар бор. Ўрта денгиз атрофидаги ўрмонлар кесилиб, ўрни экинзор, токзор ва цитрус ўсимликлар плантацияларига айлантирилган.

Ҳайвонот дунёси Голарктика зоогеографик областига мансуб. Ҳайвон турлари географик зоналар бўйича, асосан ўсимлик типларининг жойлашишига мувофиқ тарқалган. Тундрада иқлим совуқлигидан ҳайвон тури кам. Майда кемирувчилар, шимол буғуси, қутб тулкиси, бўри, тюлень, ҳар хил қушлар яшайди. Шпицбергенда мушкули қўчқорбуқа иқлимлаштирилган. Тайга ҳайвон турига бой. Сут эмизувчилардан қўнғир айиқ, бўри, тулки, соболь, тийин ва б., турли қуш, ҳашарот кўп. Аралаш ва кенг баргли ўрмонларда ёввойи мушук, асл буғу, тўнғиз, лось ва б.; қўриқхоналарда зубр яшайди. Қушлардан какку, булбул, бойўғли ва б. бор. Ўрмон ҳайвонлари, айниқса йирик сут эмизувчилар жуда камайиб кетган.

Шарқий Е.нинг дашт ва чала чўл р-нлари учун кемирувчилардан юмронқозиқ, қўён, қўшоёқ, сув каламуши ва б. хос. Каспий денгизи бўйида сайғоқ, қарсоқ тулки, қумсичқон; қушлардан бургут, бедана ва б. кўпроқ учрайди. Ўрта денгиз атрофида тоғ ҳайвонлари яшайди. У ерда судралувчилар, сувда ва қуруқликда яшовчилар кўп. Сут эмизувчилардан безоар ва альп эчкилари,


Франция жанубидаги токзорлар.

ёввойи қўй, жайра, Гибралтарда магот маймуни; қушлардан чумчуқ, зағизғон, қалдирғоч; судралувчилардан калтакесак, геккон, илонлар, тошбақа; сувда яшовчилардан — бақа, қурбақа, саламандра, тритон бор.

География тадқиқотлар тарихи. Е. қитъасининг айрим қисмларини кашф этишни критликлар бошлаб беришган. Улар мил. ав. 16-а.дан олдинроқ Киклада архипелагини эгалладилар. Пелопоннес я. о.да яшовчи ахейлар мил. ав. 15—13-а.ларда Пинд ва Олимп тоғларини, Халкидия я. о., Шим. Спорада, Лемнос ва Иони о.ларини кашф қилдилар. Мил. ав. 9-а.да финикиялик денгизчилар Апеннин я. о., Мальта, Сицилия, Сардиния, Балеар о.лари, Пиреней я. о. соҳилларига сузиб бордилар. Мил. ав. 1-минг йиллик ўрталарига келганда юнонлар Жанубий Е. соҳилларини кашф этиб бўлдилар. Мил. ав. 320 й.гача юнонистонлик Пифей Е.нинг ғарбий соҳилларини — Бискай қўлтиғидан Шим. денгизгача ўрганди. Мил. ав. 4-а.гача юнонлар Болқон ва Апеннин тоғлари орқали ўтиб, Шарқий Альп тоғларигача борганлар. Мил. ав. 58—51 й.ларда Юлий Цезарь легионлари Франциянинг кўп дарёлари ва Буюк Британиянинг Темза дарёсигача бўлган жойларни ўргандилар. Мил. ав. 35 — мил. 9 й.да Октавиан Август саркардалари Марказий Е.га бостириб кириб, Рейн, Дунай водийлари, Фриз о.лари б-н танишдилар. 43—84 й.ларда римликлар Уэльс я. о., Мэн ва Англси о.лари, Пеннин тоғларигача бордилар.

8-а.да ирландлар Фарер о.лари ва Исландияга биринчи бўлиб бордилар. 9-а.да бу оролларни норманнлар эгалладилар. Улар Скандинавия ва Кола я. о.ларини шим.дан айланиб, Оқ денгизгача етиб бордилар. Болтиқ денгизининг Ботник, Рига, Фин қўлтиқларида сузиб, барча йирик оролларни, Неман ва Ғарбий Двина дарёлари этакларини кашф этдилар. 8—9-а.ларда араблар бутун Жанубий Е., 711—718 й.ларда ўзлари босиб олган Пиреней я. о. б-н жан.-шарқ ва шарқда Эмба ва Ёйиқ (Урал) дарёлари ҳамда Волга бўйининг унга Кама дарёси қуйилишигача бўлган жойларини ўргандилар.

Шарқий Е.нинг қолган ҳамма р-нлари ва бутун Шимолий Е.ни Болтиқ денгизи қўлтиқлари ва Оқ денгиздан Уралгача руслар тадқиқ қилди. 15—16-а.ларда рус денгизчи сайёҳлари Шимолий Е.нинг бутун қирғоқлари бўйлаб сузиб, Канин я. о., Колгуев, Вайгач, Новая Земля ва Шпицберген о.ларини ўргандилар. 16-а. 2-ярмида рус ер ўлчовчилари Шарқий Е.даги дарё, йирик кўллар, орол ҳамда ярим оролларни тадқиқ қилиб, харитага туширдилар. 18-а.да рус сайёҳлари Урал тоғлари, Ялпи Сирт, Каспий бўйи пасттекислиги, Кума-Манич ботиғи, Валдай қирлари ва б. жойларни ўргандилар.

Жанубий Е. денгизлари соҳили ва Атлантика океани соҳилининг бир қисмини 13—15-а.ларда, асосан Италия денгизчилари батафсил тадқиқ қилиб харитага туширдилар. 18-а. охирларида француз, итальян, поляк ва б. олимлар Апеннин, Альп, Карпат, Пиреней, Динара тоғлари, Марказий Франция массивини ўрганишни давом эттирдилар. 19-а.да геолог ва географлар Альп ва Фенноскандия тоғларининг тузилишини, Буюк Британия о.нинг рельеф хусусиятларини аниқладилар.


Альп тоғларидаги Маттерхорн чўққиси.

Аҳолиси 2000 й.га келиб 725,5 млн. кишига етди.

Антропологик таркиби. Е.нинг деярли барча аҳолиси катта европоид ирқига мансуб бўлиб, бир неча кичик ирқларга бўлинади. Скандинавия мамлакатлари, Буюк Британия, Ирландия, Исландия, Нидерландия, Эстония ва Латвия ҳудудларида атлантика-болтиқ ирқига мансуб аҳоли яшайди. Е.нинг марказий вилоятлари ва унинг шарқий қисмида ўрта европа ирқига мансуб турли халқлар бор. Адриатика денгизи шарқидаги мамлакатларда, Греция шимоли, Болгария, Австрия жануби ва Италия шимоли (Тироль), Қора денгизнинг шим., ғарби ва шарқида истиқомат қилувчи аҳоли болқон-кавказ ирқига киради. Испания, Италиянинг катта қисми, Франция, Греция жануби, Ўрта денгиз оролларида ҳинд-ўрта денгиз ирқига, Литва, қисман Латвия ва Шимолий Е.нинг Россия қисмида оқ денгиз-болтиқ ирқига мансуб халқлар яшайди. Е.нинг Урал ва Волга ҳавзалари ва б. ҳудудларда турли ирққа мансуб халқлар бор.

Этник таркиби. Е. халқлари тилларининг кўпчилиги ҳинд-европа тиллари оиласига мансуб. Шарқий ва Жан.-Шарқий Е.да славянлар гуруҳига мансуб халқлар жойлашган. Руслар, украинлар, белоруслар — шарқий славянлар; поляклар, чехлар, словаклар — ғарбий славянлар; болгарлар, македонлар, серблар ва черногорлар жан. славянларни ташкил этади. Шим. ва Марказий Е.да герман тилларида сўзлашувчи халқлар — немислар, австриялик-лар, швейцарияликлар, люксембургларлар, голландлар, фламандлар, инглизлар, шотландлар, данлар, шведлар, норвеглар, исландлар ва б. яшайди, Жан.-Ғарбий Е. аҳолиси роман тилларида сўзлашувчи халқлар — итальянлар, французлар, испанлар, португаллар, руминлар, молдаванлар ва б.дан иборат.

Жан.-Шарқий Е.даги ҳинд-ориялар гуруҳига мансуб лўлиларнинг кўпчилиги ва барча мамлакатларда истиқомат қилувчи деярли ҳамма яҳудийлар (расмий тили — идиш, иврит тили) маҳаллий тилда сўзлашади. Грек тили ва албанлар тили ҳинд-европа тилларининг алоҳида гуруҳига киради. Е. аҳолисининг салмоқли қисмини уралолтой халқлари тилларида сўзлашувчилар ташкил этади. Финлар, эстонлар, кареллар, мордвалар, марилар, удмуртлар, венгерлар ва б. угор-фин тилларида, чувашлар, татарлар, бошқирдлар, гагаузлар ва б. туркий тилларда гаплашади.

Е.да христиан дини, асосан икки оқим (православие ва католицизм)га бўлинади; шунингдек, 16—17-а.лардаги реформация даврида католик черковидан ажралиб чиққан протестантизм ва б. диний оқимлар бор. Шарқий ва Жан.-Шарқий Е. халқларида православие, Жан.-Ғарбий Е. аҳолиси ўртасида католицизм кенг ёйилган. Е.даги туркий халқлар, албанлар, лўлиларнинг кўпчилиги, шунингдек, босний-лар ва болгарларнинг бир қисми ислом динига, яҳудийлар иудаизмга эътиқод қилади.

Сиёсий бўлиниши. Е.нинг ҳоз. сиёсий харитаси 1990-й.лардаги сиёсий ўзгаришлардан сўнг янгиланди. Бир қанча давлатлар, жумладан шўролар иттифоқининг барҳам топиши, Югославиянинг парчаланиши, Чехословакиянинг Чехия ва Словакияга бўлиниши натижасида бир қанча янги давлатлар вужудга келди, ГДР ва ГФР бирлашди. Жадвалда Е.да жойлашган давлатлар рўйхати берилган. 577-б.даги рангли харитага қ.

ЕВРОПА — *Юпитер*нинг иккинчи табиий йўлдоши. Г. *Галилей* 1610 й.да кашф этган. Диаметри тахм. 3000 км, юлдуз катталиги 5.2 га тенг, Юпитердан узоқлиги 671000 км, Юпитер атрофида 3 сутка 13 соат 18 мин.да тўлиқ айланиб чиқади. Ҳаво тиниқ ва ойсиз кечаларда оддий кўз б-н ҳам кўрса бўлади. Е. номи берилган кичик сайёра ҳам бор.

ЕВРОПА ВАЛЮТА БИТИМИ (European Monetary Agreement) — Европа тўлов иттифоқига аъзо бўлган мамлакатларнинг валюта муносабатлари, қисқа муддатли кредитлаш ва кўп томонлама ўзаро (ҳамкорлик) ҳисоб-китоблар бўйича ҳамкорлик битими. 1955 й. 5 авг.да тузилиб, 1958 й. дек.да (1950 й.да тузилган Европа тўлов иттифоқи тугатилиб, унга аъзо бўлган кўпгина мамлакатларнинг валюталари муомалага киритилгач) жорий этилди. Е. в. б.нинг мақсади кўп томонлама ҳисоб-китоб ишларини бажариш орқали иқтисодий муносабатларни ривожлантириш эди. 1973 й.га келиб, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти доирасида бўлган *Европа валюта ҳамкорлиги фонди* ташкил этилди. Европа валюта ҳамкорлиги фондига Директорлар кенгаши раҳбарлик қилади. Ҳисоб-китоб ишларини Базелдаги халқаро банк бажаради.

ЕВРОПА ВАЛЮТА ҲАМКОРЛИГИ ФОНДИ (European Monetary Cooperation Fund) — *Европа Иттифоқи*нинг махсус фонди. 1972 й. Базелда

Европанинг сиёсий бўлиниши

Давлатлар	Майд.(минг км²)	Аҳолиси, минг киши (2000 й.)	Пойтахти, маъмурий маркази
Австрия	83,8	8094	Вена
Албания	28,7	3431	Тирана
Андорра	0,465	67	Андорра-ла-Велья
Белоруссия	207,6	10004	Минск
Бельгия	30,5	10246	Брюссель
Болгария	111,0	8152	София
Босния ва Герцеговина	51,1	3809	Сараево
Буюк Британия	244,9	59750	Лондон
Ватикан	0,0044	466 (1997 й.)	—
Венгрия	93,0	10020	Будапешт
Германия	357,0	82141	Берлин
Греция	131,9	10596	Афина
Дания	43,043	5330	Копенгаген
Ирландия	70,3	3795	Дублин
Исландия	103,0	281	Рейкьявик
Испания	504,75	39466	Мадрид
Италия	301,3	57820	Рим
Латвия	64,589	2416	Рига
Литва	65,3	3697	Вильнюс
Лихтенштейн	0,157	33	Вадуц
Люксембург	2,586	438	Люксембург
Македония	25,713	2033	Скопье
Мальта	0,316	390	Валлетта
Молдавия	33,7	4276	Кишинёв
Монако	0,001	34	Монако
Нидерландия	33937	15921	Амстердам
Норвегия	324,2	4487	Осло
Польша	312,683	38648	Варшава
Португалия	92,0	10013	Лиссабон
Россия	17075,4*	145231*	Москва
Руминия	237,5	22432	Бухарест
Сан-Марино	0,061	27	Сан-Марино
Сербия ва Черногория	102,2	10662	Белград
Словакия	49,0	5401	Братислава
Словения	20,251	1968	Любляна
Туркия (Европа қисми)	23,6	—	Анқара
Украина	603,7	49509	Киев
Финляндия	377,0	5177	Хельсинки
Франция	551,6	59353	Париж
Хорватия	56,538	4600	Загреб
Чехия	78,864	10275	Прага
Швейцария	41,3	7142	Берн
Швеция	449,8	8866	Стокгольм
Эстония	45,1	1433	Таллин

Эслатма: * — Осиё қисми б-н бирга.

имзоланган тартибга солинадиган валюта йўлагини яратиш тўғрисидаги битимни амалиётга жорий этиш мақсадида 1973 й.да тузилган. Фонд Халқаро ҳисоб-китоблар банки ёрдамида Иттифоқ мамлакатлари валюта бозорида интервенциялар туфайли юзага келадиган ўзаро дебет ва кредит операцияларида клиринг агент сифатида фаолият юритади. Бундан ташқари фонд Иттифоқ доирасида иштирокчи мамлакатлар тўлов балансларида юзага келадиган вақтинчалик қийинчиликларни енгиллатиш имкониятини берувчи қисқа муддатли кредитлар тизимини бошқаради. Фонд Европа валюта тизими доирасида ҳам шундай вазифаларни бажариб келмоқда.

ЕВРОПА ЖАНУБИЙ РАСАДХОНАСИ (ЕЖР) — Европа халқаро астрономия и. т. ташкилоти. 1962 й.да 8 давлат — Бельгия, Дания, Германия, Франция, Италия, Голландия, Швеция ва Швейцария ҳамкорликда ташкил этган. Қароргоҳи Германиянинг Гаршинг ш.да жойлашган. Замонавий телескопларни ўрнатиш учун дунё бўйлаб астроиқлимни ўрганиш натижасида Чилидаги Ла Силла тоғида (2440 м) жой топилиб, у ерга ЕЖР телескоплари ўрнатилган. Ла Силлага ўрнатилган энг замонавий 14 та телескоп ичида кўзгусининг диаметри 3,6 м бўлган телескоп ҳам бор. Бу ердаги кўпгина телескоплар космик йўлдош алоқаси орқали Германиядан туриб бошқарилади. Изланишлар натижасида Чилида яна бир жой Параналь тоғида (2660 м) топилди. Бу ерга 1990 й. дан бошлаб кўзгусининг диаметри 8,2 м бўлган 4 та телескоп ўрнатилаяпти. Лойиҳага мувофиқ бу телескопларда тўпланган ёруғлик бир нуқтага йиғилади, ўшанда бу система ёруғлик кучи жиҳатдан 16 м диаметрли кўзгунинг кучини, ажрата олиш қобилияти бўйича эса 200 м ли телескоп кучини беради.

ЕВРОПА ИНВЕСТИЦИЯ БАНКИ (European Investment Bank) — *Европа Иттифоқи*га аъзо мамлакатларнинг ҳукуматлараро кредит ташкилоти. 1958 й.да ташкил этилган. Дастлабки банк ҳамжамият доирасидаги қолоқ минтақаларни инвестицион молиялаш, саноат модернизацияси ва конверсиясини, шунингдек, ҳамкорликдаги лойиҳаларни молиялаш каби масалаларда узоқ муддатли кредитлар бериш ва уларни кафолатлаш йўли б-н Европа умумий бозорини ривожлантиришни кўзда тутган эди. Кейинги пайтда турли битимларнинг имзоланиши натижасида Е. и. б. Европа ҳамжамиятига алоқаси бўлмаган Африка, Кариб денгизи ва Тинч океани ҳавзалари ҳудудидаги мамлакатларга, шунингдек, Европа ҳамжамияти б-н ҳамкорлик қилиш тўғрисида битимга эга бўлган Ўрта Ер денгизи атрофидаги давлатларга ҳам банк хизмати кўрсатиш имкониятига эга бўлди. Е. и. б. ўз операцияларини Европа Иттифоқи капитал бозори ҳамда халқаро капитал бозоридан олинган маблағлар ҳисобига амалга оширади. Шунингдек, банк лойиҳаларни молия-кредит ташкилотлари томонидан бериладиган «жаҳоншумул заём» лар ҳисобига ҳам молиялаши мумкин. 1981 й.дан Европа тўлов иттифоқи ҳисоб бирлиги ўрнида экюдан фойдаланди, 1999 й. 1 янв.дан экю ўрнини янги халқаро пул бирлиги — *евро* эгаллади. Банкни иштирокчи мамлакатлар молия вазирларидан иборат Директорлар кенгаши бошқаради. Бошқарув Люксембург ш.да жойлашган.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ (ЕИ) — ўзида халқаро ташкилот ва федератив давлат хусусиятларини мужассамлаштирган давлатлараро уюшма. Дастлаб Европа ҳамжамияти (*«Умумий бозор»*) номи б-н аталган. ЕИ тўғрисидаги шартнома 1992 й. Маастрихт ш.да (Нидерландия) Европа ҳамжамиятига аъзо бўлган 12 давлат ва ҳукумат бошлиқлари имзо чекан Европа мамлакатларининг сиёсий ва валюта-иқтисодий иттифоқини вужудга келтириш тўғрисидаги бу шартнома 1993 й. 1 нояб.дан кучга кирган. ЕИнинг мақсадлари: Европа халқларининг мустаҳкам иттифоқини вужудга келтириш, ички чегаралари бўлмаган макон яратиш, иқтисодий ва ижтимоий ўзаро таъсирни кучайтириш йўли б-н мувофиқлаштирилган узоқ муддатли иқтисодий тараққиётга ёрдам бериш; иқтисодий ва валюта иттифоқини ташкил қилиш ва ягона валюта яратиш (бу мақсадга 2002 й. янв.да асосан эришилди); биргаликда ташқи сиёсат олиб бориш ва хавфсизлик борасида сиёсат юритиш, келгусида эса биргаликда мудофаа сиёсатини ҳам олиб бориш йўли б-н халқаро соҳада ўзига хос бир хилликни қарор топтириш; аддлия ва ички ишлар соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш; умумий бойликни сақлаб қолиш ва кўпайтириш. ЕИ органлари: Европа машварати, *Европа парламенти*, Европа Иттифоқи Кенгаши, Европа комиссияси, Европа суди. Ташкилотга 15 мамлакат (Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Греция, Дания, Ирландия, Испания, Италия, Люксембург, Нидерландия, Португалия, Финляндия, Франция, Швеция) аъзо (2002 й. янв.). Қароргоҳи Страсбур ш.да (Франция). Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида ЕИ б-н ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Ташкилот ТАСИС дастури доирасида Ўзбекистонга техникавий ёрдам кўрсатади. 1999 й. 1 июлда Ўзбекистон б-н ЕИ ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим ратификация қилинди. Бу битим сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий, маданий-маърифий алоқалар ривожи учун имконият туғдирди. Жумладан, томонлар ўзаро савдода бир-бирларига энг қулай шароит яратадилар, бир-бирларига тегишли товарларни ўз ҳудудлари орқали эркин транзит қилишни таъминлайдилар.

ЕВРОПА ИҚТИСОДИЙ ҲАМЖАМИЯТИ (ЕИҲ) — минтақавий интеграция ташкилотларидан бири. 1957 й.да Рим шартномасига кўра тузилган, баъзида «Умумий бозор» деб ҳам аталган. Дастлаб Европадаги 6 мамлакат (Франция, Германия, Италия, Бельгия, Нидерландия, Люксембург) ташкилот аъзоси бўлган, кейин Буюк Британия, Дания, Ирландия (1973 й.дан), Греция (1981 й.дан), Испания, Португалия (1986 й.дан) қўшилган. ЕИҲ қитъада — иқтисодий тараққиёт даражасини кўтариш йўли б-н ягона иқтисодий маконни вужудга келтиришга хизмат қилди. 1993 й. *Европа Иттифоқи*га тарқибий қисм бўлиб кирди.

ЕВРОПА КЕНГАШИ (ЕК) — Европа давлатларининг ҳар томонлама ҳамкорлик қилишига кўмаклашувчи халқаро ташкилот. 1949 й. таъсис этилган. ЕК нинг мақсади: аъзо мамлакатлар ўртасида яқин алоқаларни таъминлаш; Европанинг демократик ва хавфсиз маконга айланишига, плюралистик демократияни ва инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлашга, европача ўзини ўзи англаш ва маданий бир хилликни ривожлантиришга ёрдам бериш. Европадаги 40 дан ортиқ давлат аъзо ҳисобланади. ЕКга аъзо бўлиб киришни истаган давлат муайян талабларга жавоб бериши керак: унинг давлат муассасалари ва ҳуқуқий тузилиши демократиянинг асосий принципларига, инсон ҳуқуқларига риоя этилишига мувофиқ бўлиши лозим, халқ вакиллари эса эркин, тенг ва умумий сайловлар йўли б-н сайланиши керак. ЕКга қабул қилишда, жумладан, фикрни ифодалаш эркинлиги бўлиши, миллий озчиликлар ҳимояланиши, халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя этилиши мезон ҳисобланади. ЕК аъзоси инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг қатнашчиси бўлиши шарт.

ЕКнинг қуйидаги органлари бор: 1. Вазирлар қўмитаси. 2. Парламент ассамблеяси. 3. Тармоқ вазирлари кенгаши. 4. Котибият. Вазирлар қўмитаси ЕКнинг олий органидир. У аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирларидан ташкил топади ва ЕКнинг иш дастури юзасидан қарорлар қабул қилади, турли ҳукуматлараро ихтисослашган қўмиталар, тармоқ вазирлар кенгашлари таклифлари бўйича қарорлар чиқаради, ЕК бюджетини қабул қилади ва инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссияси аъзоларини тайинлайди. Одатда, йилига 2 марта вазирлар даражасида йиғилиш ўтказади. Парламент ассамблеяси миллий парламентлар депутатларидан ташкил топган депутатлар ва уларнинг ўринбосарларидан иборат. Ассамблея кун тартибида турган масалаларни муҳокама қилади, тавсиялар ишлаб чиқади, конференция, коллоквиум ва очиқ парламент мажлисларини ташкил қилади. Бош котибни ва унинг ўринбосарини, инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди судьяларини сайлайди. Котибиятни 5 й. муддатга сайланадиган Бош котиб бошқаради. ЕК органлари Страсбур ш.да (Франция) жойлашган.

ЕВРОПА КОСМИК АГЕНТЛИГИ (ЕКА) — Европадаги 10 та давлат ўртасида тузилган халқаро ташкилот; 1975 й.да тузилган. Коммерция ва хўжалик-амалий ишларга мўлжалланган космик аппаратларни ишлаб чиқади. ЕКА космик аппаратларнинг учишини кузатиш станциялари тармоғига эга. Уларни бошқариш маркази Дармштадтда (Германия) жойлашган.

ЕВРОПА КЎМИР ВА ПЎЛАТ БИРЛАШМАСИ — Европа ҳамжамиятини ташкил этган мамлакатларнинг кўмир ва пўлат умумий бозорини бошқарган биринчи раҳбар орган. 1950 й.да Франция ташқи ишлар вазири Р. Шуман таклиф этган режага асосан 1951 й.да кўмир, темир рудаси қазиб олиш, пўлат и. ч.ни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган. Дастлаб бирлашмага Европа ҳамжамиятининг олти мамлакати (Франция, Германия, Италия, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург) кирган, кейинчалик *Европа Иттифоқи*нинг бошқа аъзолари ҳам қўшилди. Барбий Европада қазиб олинадиган деярли барча тошкўмирни, чўян ва пўлат эритишнинг 90%ни, темир руда си қазиб олишнинг 90%ни назорат қилади.

ЕВРОПА МАРКАЗИЙ БАНКИ (ЕМБ) — Европа валюта иттифоқининг асосий муассасаси. *Европа Иттифоқи* қарорига кўра 1998 й. 1 июнда ташкил этилган. Бошқаруви Германиянинг Франкфурт-Майн ш.да жойлашган. Асосий вазифаси ягона валюта — *евро*ни муомалага киритган Европа валюта иттифоқига аъзо мамлакатлар пул сиёсатини амалга оширишдан иборат. ЕМБ тизими икки босқичли бўлиб, юқори босқичда ЕМБ ва қуйи босқичда Европа иқтисодий ва пул ҳамжамиятига аъзо мамлакатларнинг миллий Марказий банклари туради. Бу Марказий банклар айни пайтда ЕМБ б-н бирга Европа Марказий банклари тизимини ҳосил қилади. ЕМБ ва миллий Марказий банклар бошқа ҳар қандай Европа ёки миллий органларнинг кўрсатмаларидан фойдаланмайди ёки уларга амал қилмайди. Банк барча ҳисоб-китоб ларни еврода олиб боради ва унинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. 1999 й. 1 янв.дан бошлаб пул сиёсатини тартибга солиш ЕМБ бошқарувчилари Кенгашининг мутлақи ваколатига киради. Миллий Марказий банклар бошқарувчилари Кенгаш аъзолари ҳисобланади.

ЕВРОПА ПАРЛАМЕНТИ — *Европа Иттифоқи* муассасаларидан бири. Уни Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар фуқаролари тўғридан-тўғри сайловлар орқали 5 й. муддатга сайлайди. Бунда давлатларнинг аҳоли сони ва Иттифоқ доирасидаги улуши ҳисобга олинади (мас., Германия 99 мандатга, Франция, Италия, Буюк Британия — 87 тадан, Испания — 64 ва ҳ. к. мандатга эга). Е. п.нинг ҳар ойда бўладиган сессиялари Страсбур (Франция)да, фавқулодда мажлислари — Брюссель (Бельгия)да ўтади. Бу шаҳарларда Е. п. қўмиталари ишлайди, котибияти — Люксембург ш.да.

ЕВРОПА ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ (ЕТТБ) (The European Bank for Reconstruktion and Development) — Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари, шунингдек, МДҲ га аъзо мамлакатларни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришга ёрдам кўрсатувчи халқаро банк. 1990 й.да 42 аъзо мамлакат ҳукуматлари томонидан 10 млрд. *экю* маблағ б-н ташкил этилган. 1991 й.дан фаолият олиб боради. Штаб-квартираси Лондонда. ЕТТБ бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бўлган мамлакатларда амалга оширилаётган ислоҳотлар (давлат мулки ва корхоналарини хусусийлаштириш ҳамда монополиядан чиқариш; тадбиркорликни ривожлантириш; и. ч., хизмат кўрсатиш ва молия секторларига инвестицияларни жалб этиш; капитал бозорини шакллантириш ва ҳ. к.)га молиявий ёрдам кўрсатади ва уларнинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига тезроқ қўшилишига кўмаклашади. Банк кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлар синфини шакллантириш масалаларига катта эътибор беради, транспорт, энергетика, и. ч. соҳалардаги йирик инфратузилма лойиҳаларини молиялашда иштирок этади. Банк ресурсларининг камида 60% хусусийлаштирилаётган давлат корхоналари ёки хусусий сектор корхоналарига, 40% инфратузилма ёки бошқа лойиҳаларга йўналтирилади. 1997 й.да банк томонидан Европа Иттифоқи б-н ҳамкорликда молиявий таъминланган лойиҳалар қиймати 240 млн. экюни ташкил этди.

Ўзбекистон 1992 й. бошида ЕТТБга аъзо бўлди ва шу йили Тошкент ш.да унинг ваколатхонаси очилди. 1993 й.дан Ўзбекистонда лойиҳаларни амалга оширишда иштирок эта бошлади. 1994 й. 10 янв.да ЕТТБнинг Директорлар кенгаши Ўзбекистон Республикасига лойиҳаларни молиялаш масалалари бўйича салбий гаров шартларини бекор қилди.

ЕТТБ Ўзбекистонда молиявий сектор ва банк инфратузилмасини ривожлантириш, энергетика мажмуи, туризмни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, бозор инфратузилмасини шакллантириш, табиий ресурсларни ўзлаштириш, пахтани қайта ишлаш ва енгил саноатнинг бошқа тармоқларини тараққий эттириш каби етти йўналишда фаолият юритади. ЕТТБ Фарғона нефтни қайта ишлаш з-дини жиҳозлаш (умумий қиймати 81,5 млн. экю); энергетика и. ч. қувватларини ошириш ва Сирдарё ГРЭСнинг халқаро андозаларга мувофиқлигини таъминлашга қаратилган (умумий қиймати 25,2 млн. экю) ва Тошкент халқаро аэропортини таъмирлаш, шунингдек, хавфсизликни ошириш учун махсус жиҳозлаш сотиб олиш (умумий қиймати 43,5 млн. экю) лойиҳаларни амалга ошириш учун кредит ҳам ажратди.

Ҳоз. вақтда Ўзбекистонда ЕТТБ иштирокида умумий қиймати 1 млрд. АҚШ долларидан ортиқ бўлган 15 лойиҳа амалиётга жорий этилмоқда (бунда банкнинг бевосита молиялашдаги улуши 597,7 млн. АҚШ долларига тенг). Хусусан, ЕТТБ томонидан Ўзбекистонда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида 120 млн. АҚШ долларидан иборат кредит берилди. Шундан 60 млн. АҚШ доллари ҳукумат кафолатисиз Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига, 60 млн. доллари эса ҳукумат кафолати б-н бошқа тижорат банкларига берилган (2001).

Ашур Қодиров.

ЕВРОПА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ (ЕХҲТ) — давлатлар ўртасида хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлашга қаратилган ҳаракатларни мувофиқлаштирувчи ва уларнинг ривожланиш тамойилларини белгилаб берувчи, шунингдек, ижтимоий-сиёсий жараёнларни демократлаштиришга кўмаклашувчи халқаро ташкилот. Дастлаб умум Европа кенгаши (АҚШ ва Канада иштирокида) сифатида фаолият кўрсатиб Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгаш номи б-н аталган (1973—91). 1973 й. 3—7 июлда Хельсинки ш.да кенгашнинг 1- босқич (Европадаги 33 давлат ташқи ишлар вазирлари иштирокида), 1973 й. 18 сент.дан 1975 й. 21 июлигача Женева ш.да 2-босқич (35 давлат вакиллари иштирокида) ва 1975 й. 30 июлдан 1 авг.гача Хельсинки ш.да 3-босқич (35 мамлакат сиёсий ва давлат раҳбарлари иштирокида) учрашувлари бўлган. Пировардида Якунловчи ҳужжат қабул қилиниб, у Европада тинчликни таъминлашнинг муҳим омилига айланган. Кенгашнинг Мадрид конференцияси (1991 й. апр.)да ЕХҲТ Парламент ассамблеясини ташкил этишга қарор қилинди (1991 й. июлда таъсис этилган). Европада юз берган жараёнлар, «совуқ уруш»нинг тугаши натижасида вужудга келган ўзгаришлар кенгашнинг ташкилот сифатида тўлиқ шаклланишига олиб келди. ЕХҲТга 54 давлат аъзо (2002 й. янв.). Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари 2 йилда бир марта олий даражада учрашув ўтказадилар. ЕХҲТнинг Истанбул ш.да бўлган саммитида (1999 й. 18—19 нояб.) Европада хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг 21-а.даги янги тамойиллари белгиланди. Ташкилотга аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари ҳар йили учрашиб турадилар (Вазирлар кенгаши). Ташкилотнинг яна бир органи — Бошқарувчи кенгаш ҳар йили 3 марта Прага ш.да йиғилади, бир марта иқтисодий форум ўтказади. Мунтазам ишловчи доимий кенгашнинг мажлислари ҳафтада 1 марта бўлади. Хавфсизлик ва ишончни мустаҳкамлаш, қуролланиш устидан назорат масалаларини муҳокама қилувчи Хавфсизлик бўйича ҳамкорлик форуми мавжуд. Унинг мажлислари ҳам ҳар ҳафтада ўтади. ЕХҲТ қароргоҳи Вена ш.да.

Ўзбекистон 1992 й. 30 янв.да ЕХҲТга қабул қилинди. Бу б-н Ўзбекистоннинг Европа давлатлари, шунингдек, АҚШ, Канада б-н ҳар томонлама ҳамкорлик қилишига янги йўл очилди. ЕХҲТнинг кўплаб талбирлари орқали Ўзбекистон раҳбарияти халқаро миқёсдаги ташаббусларни, дунёнинг долзарб масалаларига муносабатини жаҳон ҳамжамияти эътиборига ҳавола қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ЕХҲТнинг Лиссабон саммитида (1996 й. дек.) можаролар юз бериб турган ҳудудларга яширинча қуроляроғ етказиб беришни тўхтатиш, Истанбул саммитида (1999 й. нояб.) терроризмга қарши кураш бўйича халқаро марказ тузиш ҳақида таклиф б-н чиқди. Ўзбекистон ЕХҲТ раҳнамолигидаги кўплаб анжуманларга мезбонлик қилиб келади. Тошкентда ЕХҲТнинг Марказий Осиё давлатлари б-н алоқалар бўйича бюроси иш олиб боради.

ЕВРОПА ЯДРО ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ (франц. Conseil Europeen pour La Recherche Nucleare — CERN) Европадаги 12 мамлакат (Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Греция, Дания, Италия, Нидерландия, Норвегия, Франция, Германия, Швейцария, Швеция) и. т. муассасаси. Унда элементар зарралар физикаси соҳасида назарий ва экспериментал тадқиқотлар олиб борилади. ЮНЕСКО раҳнамолигида 1954 й. ташкил қилинган (марказ Женева яқинида). Ғарбий Европадаги шундай тадқиқотларни мувофиқлаштириб туради. Юқори органи — Кенгаш. 600 МэВ қувватли синхротрон (1957), 28 ГэВ ли (1959), 400 ГэВ ли (1959) ва 400 ГэВ ли (1975) синхрофазотронлар, йиғувчи протон ҳалқалари ва ҳ. к. бор.

ЕВРОПА ҲАМЖАМИЯТЛАРИ — Ғарбий Европа мамлакатларининг давлатлараро бирлашмаси; Ғарбий Европа минтақавий ташкилотлари (*Европа иқтисодий ҳамжамияти, Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси* ҳамда *Атом энергияси бўйича Европа ҳамкорлиги*)нинг умумий номи. 1957 й.да Римда имзоланган махсус конвенцияга асосан Е. ҳ.нинг ягона Европа парламенти ассамблеяси (1962 й.дан Европа парламенти) таъсис этилди. 1967 й.дан Е. ҳ.нинг Вазирлар Кенгаши Страсбурда ва Комиссиялари Брюсселда жойлашган.

ЕВРОПА — КАВКАЗ — ОСИЁ ТРАНСПОРТ ЙЎЛАГИ, TRACECA — Европани Кавказ орқали Осиё б-н боғлайдиган автомобиль ва т. й.лари мажмуи. Дастлаб Брюсселда 1993 й. май ойида Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон, Озарбайжон, Арманистон, Грузия давлатларининг савдо ва транспорт вазирлари иштирокида ўтказилган конференцияда бу йўлакни қуриш дастури қабул қилинган. Конференцияда Европа Иттифоқи томонидан молияланадиган Ғарб-Шарқ йўналишида Европадан Қора денгизни кесиб ўтиб, Кавказ, Каспий денгизи орқали Ўрта Осиё ва ундан Хитойга чиқадиган транспорт йўлагини қуриш бўйича техникавий ҳамкорлик ҳақида битим имзоланди.

Дастурни амалга ошириш мақсадлари Марказий Осиё ва Закавказье республикаларининг Европа ва жаҳон бозорларига муқобил транспорт йўлаклари орқали чиқишига имконият яратиш б-н уларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини қўллаб-қувватлаш; бу республикалар ўртасида минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантиришга кўмаклашиш; бу йўлакни Трансевропа тармоқлари (TENs) б-н боғлаш ва б.дан иборат; Е. — К. — О. т. й. Марказий Осиёдан юкларни жаҳон бозорларига хизмат кўрсатадиган йирик тоннажли денгиз кемаларига етказиб бериш учун энг қисқа ва энг арзон йўлдир. 2000 й.га қадар техникавий ҳамкорликнинг 28 тадқиқоти (37 млн. евро) ва инфратузилмаларни тиклаш бўйича 10 инвестиция лойиҳаси (48 млн. евро) маблағ б-н таъминланди.



Йўлакни барпо қилишда йирик халқаро молиявий муассасалар иштирок этади. *Европа тикланиш ва тараққиёт банки* йўналиш бўйича портлар, т. й.лар ва автомобиль йўллари капитал лойиҳалари (умумий миқдори 250 млн. АҚШ доллари), *Жаҳон банки* Арманистон ва Грузиядаги автомобиль йўллари бўйича капитал лойиҳаларини (40 млн. АҚШ доллари) ва *Осиё тараққиёт банки* автомобиль ва т. й.ларни такомиллаштиришни молиялаш мажбуриятини олган. Европа Иттифоқидаги хусусий инвесторлар Марказий Осиё ва Кавказдаги транспорт компаниялари б-н қўшма корхоналар ташкил қилган.

Е. — К. — О. т. й.нинг умумий уз. 10 минг км.дан ортиқ. Унинг 677 км (Олот — Бухоро — Навоий — Самарқанд — Жиззах — Тошкент — Фиштқўприк йўналиши) Ўзбекистон ҳудудидан ўтади (харита-схемага қ.).

Тоҳиржон Мирзаев.

ЕВРОПА—ОСИЁ ТРАНСКОНТИНЕНТАЛ АВТОМАГИСТРАЛИ — Хитой ва Марказий Осиё мамлакатларини Россия орқали Ғарбий Европа мамлакатлари б-н боғлайдиган автомагистраль. Жаҳондаги энг йирик автомагистраллардан бири. Роттердам (Голландия) — Шанхай (Хитой) портларини боғлайди. Умумий уз. 10 минг км.дан ортиқ. Автомагистралининг Ўзбекистон ҳудудидан ўтадиган қисми — Андижон — Тошкент — Нукус — Қўнғирот трассаси умумий уз. 1422 км, барча кириш йўлларининг уз. 500 км бўлиб, Фарғона водийси вилоятларидан бошланиб, сўнгра Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари, Қизилқум орқали Хоразм вилояти ҳудудидан ўтиб, Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахти Нукусга чиқади. Трасса Афғонистон ва Туркманистон йўналишидаги халқаро трассаларни ҳам кесиб ўтади. Трассани лойиҳаловчи ишлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 й. 18 авг. қарори асосида 1999—2000 й.ларда амалга оширилди. Лойиҳалаштиришнинг субпудрат шартномаларида илғор хорижий давлатларнинг лойиҳалаш ин-тлари ҳам иштирок этган. Лойиҳалаш ечимлари жаҳон стандартларига даражасида қабул қилиниб, қурилган янги трасса автотранспорт воситаларининг катта тезликдаги ҳаракатни таъминловчи Ўзбекистон миллий магистралига айланади.



Европа-Осиё трансконтинентал автомобиль йўлининг Ўзбекистондан ўтадиган қисми схемаси.

Трасса автотранспорт воситаларининг катта тезликдаги ҳаракатини таъминлайди ва мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади. Трассанинг қурилиши б-н яқин келажакда йўл атрофи чўл ҳудудларини ўзлаштиришга янада қулай имкониятлар яратилади, саноатни бир текисда жойлаштириш, аҳолини зич жойлашган ҳудудлардан тарқоқ жойлашган ҳудудларга кўчириш ва республика ҳудудларининг бир текис ривожланиши таъминланади.

Тоҳиржон Мирзаев.

ЕВРОПЕОИД ИРҚИ, Европеоид ирқи — инсониятнинг асосий катта ирқларидан бири. Терисининг тиниқлиги, майин ва жингалак сочлари, сержунлиги (эркакларда), олдинга туртиб чиққан ингичка бурни, юпқа лаби, ортогнатизм (юз ва жағ суякларининг олдинга туртиб чиқмаганлиги) ва б. белгилари б-н ажралиб туради. Европа, Шим. Африка, Олд Осиё, Шим. Хиндистонда тарқалган; европаликларнинг кўчиб бориши натижасида Америка, Австралия ва Жан. Африкага ҳам ёйилган.

ЕВРОПИЙ (лот. Europa — Европа сўзидан олинган, Europium), Eu — Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент; *лантаноидлар*га киради; тартиб рақами 63, ат. м. 151,96. Е.ни 1901 й.да француз олими Э. Демарс кашф этган. Иккита барқарор изотоп (^{151}Eu — 47,82% ва ^{153}Eu — 52,18%)дан ташкил топган. Ер пўстининг оғирлик жиҳатидан $1{,}3\cdot10^{-4}$% ини ташкил этади. Нодир металлар б-н бирга табиий минераллар — монацит, лопарит, бостнезит, оз миқдорда ксенотим, эвксенит, гадолинит ва апатитлар таркибида учрайди. Денгиз сувлари таркибидаги миқдори $1{,}1\cdot10^{-6}$ мг/л. Е. — оқиш кулранг металл, суюқланиш т-раси 826°, қайнаш т-раси 1559°, зичлиги 5,245 г/см^3. Оддий шароитда сув, минерал кислоталар б-н, қиздирилганда азот ва водород б-н реакцияга киришади. Е.нинг икки оксиди маълум: Eu (II)-оксид EuO — қизғиш-жигаранг, кубик панжарали кристалл модда. Суюқланиш т-раси 1980°. 1000° да Eu_2O_3 га Eu таъсир эттириб, Eu ни оксидлаб, вакуумда $Eu(OH)_2$ ни парчалаш усули б-н олинади. Eu (III)-оксид Eu_2O_3 — рангсиз кристалл модда. Кубик ва моноклин панжарали икки модификацияси бор. E^{3+} тузлари (оксалат, сульфат, нитрат ва б.)ни 800—1000° да парчалаш усули б-н олинади. Ядро реакциялари учун керамик ҳимоя қопламалари тайёрлашда қўлланилади. Металл ҳолдаги Е. Eu_2O_3 ни 1200° да вакуумда лантан ёки аргон муҳитида углерод б-н қайтариб, шунингдек, $EuCl_3$ эритмасини электролиз қилиб олинади. Е. ядро техникасида нейтронларни ютувчи, қизил рангда шуълалануvчи молекулалар тайёрлашда фаоллаштирувчи модда сифатида ишлатилади. Сунъий радиоактив изотоплари: радиоактив ^{152}Eu (ярим емирилиш даври $T_{1/2}$ 12,7 й.) кимёвий тадқиқотларда индикатор, ^{154}Eu ($T_{1/2}$ 16 й.) ва ^{155}Eu ($T_{1/2}$ 11,7 й.) — дефектоскопияда нурланиш манбаи сифатида, ^{155}Eu — тиббиётда ташхис қўйишда қўлланилади.

ЕВРОСИЁ — Ер шаридаги энг катта материк, икки қитъа — *Европа* ва *Осиё*дан иборат. Е. майд. 54,9 млн. км^2, шундан 2,75 млн. км^2 ороллар. Материкнинг уз. (ғарбдан шарққа) 16 минг км, эни (шим.дан жан.га) 8 минг км. Е.нинг материкдаги энг чекка нуқталари: шим. да — Челюскин бурни (77°43′ ш. к.), жан.да — Пиай бурни (1°16′ ш. к.), ғарбда — Рока бурни (9°34′ ғ. у.), шарқда — Дежнев бурни (169°40′ ғ. у.). Е.га Ер шаридаги қуруқликнинг 36,6% тўғри келади, материкда Ердаги жами аҳоли-


нинг қарийб 74% яшайди. Аҳолиси 4396 млн. киши (1999). Е.нинг жан.-шарқидаги бир қанча ороллар Жан. ярим шарда жойлашган. Е.ни ғарбдан Атлантика, шим.дан Шимолий Муз, жан.дан Ҳинд, шарқдан Тинч океанлари ва уларнинг чекка денгизлари ўраб олган. Е. — энг қад. маданият майдонидир. Е.нинг иқтисодий ва маънавий тараққиётида Е. материгининг турли қисмларини боғловчи *«Буюк Ипак йўли»*нинг аҳамияти катта бўлган. Қуруқликнинг яхлитлиги, кўпгина иқлимий жараёнларнинг умумийлиги, органик дунё тараққиётининг ва б. табиий-тарихий ҳодисаларнинг ўхшашлиги Европа б-н Осиёни ягона ном — Евросиё деб аташга имкон беради. «Евросиё» тушунчаси геол. ва геогр. фанларига 1883 й.да Э. *Зюсс* томонидан киритилди.

ЕВРОСИЁ ИРҚИ — қ. *Европеоид ирқи.*

ЕВСТАХИЙ НАЙИ — қуруқликда яшайдиган умуртқали ҳайвонларда ютқунни ўрта қулоқ бўшлиғига туташтирадиган канал. 1563 й.да итальян олими Б. Евстахий (1510—74) тасвир этган. Ўрта қулоқдаги ҳаво босимини теварак муҳитдагига баравараш учун хизмат қилади. Е. н. жабра ёриғининг рудиментидан келиб чиққан. Тимсоҳларда ўзаро туташувчи каналларнинг мураккаб системасини ҳосил қилади. Илонларда ўрта қулоқ редукцияланганини учун Е. н. йўқ.

Одамда ўрта қулоқ бўшлиғи б-н ютқиннинг бурун қисми оралиғида жойлашган эшитув найи (қ. *Эшитиш аъзолари*), уз. ўрта ёшдаги одамларда 30—40 мм, суяк ва тоғайдан тузилган. Суяк қисми (10—15 мм) чакка суяги таркибида бўлса, тоғай ($^2/_3$) қисми 20—25 мм бўлиб, ютқин томонда жойлашган. Найнинг бир учи кенгайиб ўрта қулоққа очилса, иккинчи учи кенгайиб ютқинга очилади. Най ютқин орқали ўрта қулоқ бўшлиғини ташқи муҳит б-н боғлаб туради. У ўрта қулоқ бўшлиғидаги ҳавони алмаштириб, бир мувозанатда сақлайди ва товуш тўлқинларининг нормал ўтишини таъминлайди. Най шиллиқ қавати яллиғланиб, тешиги беркилиб қолса, одам эшитиш қобилиятини йўқотади. Шу сабабли самолётда ҳавога кўтарилиш, замбарак отиш, кучли ер портлашларида оғизни очиб туриш тавсия этилади. Акс ҳолда ташқаридан кучли ҳаво тўлқини ноғора пардага (ўрта қулоқ бўшлиғини чегаралаб туради) таъсир этиб пардани йиртиши мумкин. Юқори нафас йўллари касалликлари (шамоллаш, *ангина*, бурун ёндош бўшлиқларининг яллиғланиши) евстахиитга (Е. н.нинг яллиғланиши) сабаб бўлади.

ЕВТИДЕМ (мил. ав. 3-а. 2-ярми) — Юнон-Бақтрия подшолиги шоҳи (мил. ав. 230 й.дан). Асли Кичик Осиёнинг Магнесия ш.дан. Дастлаб (мил. ав. тахм. 250 й.дан) *салавкийлар*дан ажраб чиққан Суғд подшоси *Диодот*ни тахтдан ағдаргач (мил. ав. 230 й.), Юнон-Бақтрия подшоси. Мил. ав. тахм. 230—220 й.ларда кўчманчи *саклар*, тохарлар, қонқалар тазйиқи остида Суғдни ташлаб *Бақтра*га кўчиб ўтган. Суғд мил. ав. 206 й.дан сўнг кўчманчилар таъсирига ўтган. Мил. ав. 208 й. салавкийлар подшоси Антиох III Турон сатрапликларини қайтариб олишга ҳаракат қилган.



Евтидем тангаси.

У Ох (Тажан) дарёси этакларида, Марғиёна ҳудудида Е. суворийларини тормор келтириб, Зариаспа ш. (ҳоз. Балх)ни қамал қилган. Тарихчи *Полибий*нинг хабар беришича, бу «тарихий қамал» 2 йил давом этган. Е. кўчманчиларни ёрдамга чақираман деб пўписа қилгандан кейингина Антиох, қамални бўшатган. Мил. ав. 206 й.да тузилган сулҳга кўра, Антиох III Е.нинг шоҳлигини тан олган. Юнон-Бақтрия подшолигининг энг кучайган даври Е. ва унинг ўғли *Деметрий* I ҳукмронлиги даврига тўғри келган. Е. эллинистик типдаги тангаларни Суғдда зарб эттирган дастлабки подшоҳ эди. Ўрта Осиё ҳудудидан Е.нинг Суғд, Бақтрияда зарб этган тангалари кўплаб топилган.

Фахриддин Ҳасанов.

ЕВТУШЕНКО Евгений Александрович (1933.18.7, Иркутск вилояти) — рус шоири. Биринчи шеърий тўплами «Келажак разведкачилари» (1952). Е. адабиётни компартиянинг ғоявий қуролига айлантирмай, асл ҳолига қайтаришга — инсониятнинг мададкорига айлантиришга ҳаракат қилган. Энг яхши асарларида мураккаб ахлоқий ва тарихий масалаларни («Сталин ворислари», «Бабий Яр» шеърлари), халқаро сиёсатга дахлдор муаммоларни ўртага ташлайди, ижодида фуқаролик руҳи устувор мавқега эга. «Учинчи қор» (1955), «Ташабускорлар кўчаси» (1956), «Назокат» (1962), «Братск ГЭСи» (1965), «Алоқа қайиғи» (1966), «Оппоқ қор ёғяпти» (1969), «Қозон дорилфунуни» (1970), «Ишқий лирика» (1973), «Эрталабки халқ» (1978), «Фуку» (1985) каби тўпламлари ва достонлари нашр этилган. «Мевали жойлар» (1981) романи ахлоқий мавзуда. «Истеъдод — бетакрор мўъжиза» (1983) мақолалар тўплами адабиётшунослик масалалари тўғрисида. «Болалар боғчаси» (1984), «Сталиннинг дафн этилиши» (1990) фильмлари муаллифи. Е.нинг «Оқ қорлар» шеърий тўплами ўзбек тилида нашр қилинган (1982).



ЕВФРАТ (арамийча — чучук сув; араб. Шатт ул-Фурот) — Ғарбий Осиёдаги энг йирик дарё (қ. *Фурот*).

ЕЙИЛИШ — буюмлар сиртининг ўзаро ишқаланиши, ташқи муҳитнинг бевосита таъсири туфайли уларнинг ўлчамлари, шакли, массаси ёки сиртқи ҳолатининг аста-секин ўзгариши. Машина деталлари, иншоотларнинг қисмлари, кийимлар ва б. учун Е. ишқаланиш шароитига, материалнинг хоссасига ва буюмнинг тузилишига боғлиқ бўлади. Ташқи таъсирларнинг табиатига кўра буюмларнинг сиртқи қатламлари абразив, механикавий, кимёвий оқсидланиб, термик Е. хилларига бўлинади. Абразив Е.га асосан ишқаланиш сабаб бўлади. Механикавий Е.да ишқаланиш, эзилиш, толиқиш натижасида буюм ўлчамлари ва массаси ёки иш сиртининг ҳолати ўзгаради. Кимёвий, оксидланиб ва термик Е.да буюм об-ҳаво (ёғингарчилик, ҳароратнинг кескин ўзгариши, чанг) ва емирувчи (оксидли ва ишқорли) муҳитлар таъсирида коррозияланиб (металлда), эскириб ейилади. Е. буюмларнинг сифатини пасайтиришга, истеъмол (ишлатиш) қийматини йўқотишга олиб келади. Машина деталларининг ейилишини камайтириш учун махсус мойлар ва сурков мойларини ишлатиш, занглашга чидамли материаллардан фойдаланиш ва б. тавсия этилади. Буюмлар (машина деталлари ва б. ишқаланувчи буюмлар) материалининг Е.га қаршилик кўрсата олиш хусусияти ейилишга чидамлилик деб аталади. У ишлаш жараёнида буюмнинг массаси камайиши ва ўлчами кичрайиб бориши б-н баҳоланади.

ЕКАТЕРИНА I Алексеевна (Марта Скавронская) (1684.5.4 — 1727.6.5) — Россия императори (1725—27). Литва деҳқони Скавронский оиласида туғилган. 1702 й.да Мариенбургда рус қўшинига асир тушган. 1712 й. Пётр I га никоҳланган. Пётр I вафотидан сўнг (1725) дворянлар ёрдамида тахтга ўтирди. Е. I давлат ишлари б-н аслда шуғулланмаган. Унинг даврида Олий махфий кенгаш таъсис этилиб (1726), кенгашга А. Д. Меньшиков бошчилик қилган. Е. I Пётрнинг чет эл саёҳатлари ва ҳарбий юришларида қатнашган.

ЕКАТЕРИНА II Алексеевна (1729.21.4 — 1796.6.11) — Россия императори (1762—96). Немис князлари авлодидан, асли исми София Фредерика Августа Ангальт-Цербстская. 1744 й.да Россия императори Елизавета Петровна паноҳига келгач, православ динига ўтган ва Екатерина Алексеевна номини қабул қилган. 1745 й.да Пётр III га никоҳланган. Е. II гвардиячи офицерлар ёрдамида сарой тўнтариши ясаган (1762 й. 28 июнь). Пётр III ни қамоққа олдириб, 5 июлда ўлдиртирган ва ўзи тахтга ўтирган. Унинг ички ва ташқи сиёсати дворянлар манфаатини ҳимоя қилишга, крепостнойлик ва мустабид ҳокимиятни кучайтиришга қаратилган 1775 й.ги губерня ислоҳоти, 1785 й.да дворянларга берилган имтиёзлар ва б. тадбирлар дворянлар ҳукмронлигини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Е. II даврида *Пугачёв қўзғолони* (1773—75) бўлган; рус-турк уруши (1768—74, 1787—91) натижасида Россия Қора денгизда узил-кесил мустаҳкамланиб олган; Шим. Қора денгиз бўйи, Қрим, Кубань чўллари қўшиб олинган. Шарқий Грузия Россия тобелигига қабул қилинган (1783). Украина ва Белоруссиянинг бир қисми Россияга қўшиб олинган. Вольтер ва б. француз маърифатпарварлари б-н хат ёзишган. Кўпгина драматик, публицистик, илмий-оммабоп мақолалар муаллифи.

ЕКАТЕРИНА МЕДИЧИ (1519.13.4 — 1589.5.1) — Франция қироличаси (1547 й.дан), Генрих II нинг хотини. Ўғиллари: Франциск II (1559—60), Карл IX (1560—74), Генрих III (1574—89) даврининг ҳукмронлик йилларида давлат сиёсатини белгилашда Е. М.нинг роли катта бўлган. Варфоломей туни ташкилотчиларидан бири.

ЕКАТЕРИНБУРГ (1924—91 й.ларда Свердловск) — РФ Свердловск вилоятидаги шаҳар. Муҳим саноат, маданий ва илмий марказ. Исеть дарёси (Тобольнинг ҳар икки соҳилида. Трансирмоғи)нинг порт йўллари тугуни. Аҳолиси 1272 минг киши (1997). Оғир машинасозлигининг йирик маркази («Уралмаш», «Уралхиммаш», «Урал электротяжмаш», «Турбомотор заводи» ва бошқа и. ч. бирлашмалари, бурғилаш ва металлургия саноати учун жиҳозлар, транспорт машинасозлиги, подшипник



Екатеринбург ш. Шаҳар ҳовузи жойлашган қисми.

з-длари ишлаб турибди). Приборсозлик, электротехника (кабель, трансформаторлар ва б.) саноати корхоналари, аниқ механика, оптика, холодильник з-длари бор. Қора металлургия (Верх-Исеть металлургия з-ди), кимё (шина, пластмасса ва б.), кимё-фармацевтика, енгил, озиқ-овқат саноати корхоналари, аэропорт бор. Тош кесиш ривожланган («Уральские самоцветы» з-ди). Метрополитен қурилмоқда (1991 й.дан). Россия ФАнинг Урал бўлими, 14 олий ўқув юрти (шу жумладан Урал ун-ти), 5 театр, ўлкашунослик, Урал ёзувчилари, тиббиёт тарихи музейлари, суратлар галереяси, П. П. Бажов, Д. Н. Мамин-Сибиряк, Ф. М. Решетников ва б.нинг уй-музейлари мавжуд. Е.га 1723 й. металлургия з-ди қурилиши муносабати б-н асос солинган. 1918 й. июлда Е.да собиқ император Николай II оиласи б-н бирга большевиклар томонидан отиб ташланган.

Классицизм услубидаги тарихий ёдгорликдан Расторгуев-Харитонов кўрғони (19-а. боши), кон канцелярияси (18—19-а.лар), Верх-Исеть з-дининг идораси ва госпитали (19-а), Александр Невский собори (19-а.нинг 1-ярми) сақланган.

ЕЛБЎҒОЗ, тухум истиқоси (Mola hydatidosa) — трофобластик касаллик; хавфсиз ўсма деб ҳам юритилади, чунки баъзан айрим беморларда Е. метастази кузатилади. Е. ўсиши ҳомила тухумининг илк муддатларида содир бўлиб, бунда хорион ворсинкалари узум шингилига ўхшаш пуфакчалар тўпламига айланади. Ҳомила тухуми бутунлай Е. пуфакчаларига айланиши ёки айрим ҳолларда эмбрион сақланиб, плацента Е.га айланиши кузатилади. Баъзан Е. пуфакчалари бачадоннинг мускул (миометрий) қаватига ҳам ўсиб киради ва бачадон деворининг сиртига, шунингдек, атрофидаги тўқималарга ҳам ўтиши (деструкцион Е.) мумкин. Е. дастлаб худди ҳомиладорликдай кечса-да, тезда қон кета бошлаб, узлуксиз давом этади. Бачадон ҳомиладорликнинг тегишли ойидагига нисбатан каттароқ бўлади; она организми б-н ҳомила орасидаги моддалар алмашинуви издан чиқади, кўпинча ҳомила нобуд бўлади. Ультратовуш (УЗИ) аппарати Е.ни осон аниқлаш имконини беради. Е.ни ўз вақтида аниқлаб олдини олиш зарур, акс ҳолда қон кетиши, инфекция ривожланиши, хавфли ўсма (хорионэпителиома)га айланиб кетиши мумкин. Даволаш: бачадонни қириб тозалаб Е. олиб ташланади ва аёл маълум муддатгача тиббий текширувдан ўтиб туради. Е. бўлган аёлга бир йилгача такрор ҳомиладор бўлишига рухсат этилмайди.

ЕЛГАВА (1917 й.гача расмий номи Митава) — Латвиядаги шаҳар (1573 й.дан), Лиелупе дарёсидаги пристань. Т. й. тугуни. Аҳолиси 73,9 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Машинасозлик («РАФ» микроавтобуслари, қ. х. машинасозлиги з-длари), енгил, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Латвия қ. х. академияси, тарих ва бадиий музейлар ишлаб турибди. Е. 1226 й.дан маълум. 1561 й.дан Курляндия герцоглиги пойтахти. Аннас черкови (17—18-а.лар), Елгава саройи (18-а., меъмори В. В. Растрелли); Петрин Академияси (18-а.), Медем Вилласи (19-а.) сақланган.

ЕЛЕЦ — РФ Липецк вилоятидаги шаҳар, Сосна дарёси (Доннинг ирмоғи) соҳилида. Т. й. тугуни. Аҳолиси 117,7 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Машинасозлик ва металлсозлик (машинасозлик, трактор гидроагрегатлари, тиббий асбоб-ускуналари з-длари), шакар-қанд, пиво, кўн з-длари, тамаки фабрикаси, пед. ин-ти, ўлкашунослик музейи бор. Е. тўр (кружева) ишлаб чиқариш б-н машҳур.

Е. солномаларда 12-а.дан тилга олинган. 13—15-а.ларда мўғуллар тасарруфида бўлган. 1395 й. *Амир Темур* кўп мингли қўшин б-н Олтин Ўрда хони *Тўхтамишни* ва унинг жангдан кейин тўзиб кетган қўшинини таъқиб қилиб Е.гача борган ва у ерда икки ҳафта туриб қўшинларига дам берган. Амир Темур лашкарининг Москвага яқинлашиб боришги рус князларини, айниқса Москва аҳолисини ниҳоятда ваҳимага солган. Улар Амир Темурга қарши курашиш у ёқда турсин, ҳатто мудофаага ўтиш ҳам бефойда деган хулосага келганлар. Чор атроф ўрмон ва ботқоқли ерларни кўрган соҳибқирон амирлар машваратидан кейин 26 авг. (8 сент.) да шаҳарчани ташлаб, қўшинларни Самарқандга қайтишга фармон берган.

ЕЛИЗАВЕТА II (Elizabeth) (1926.21.3, Лондон) — Буюк Британия ва Шим. Ирландия Қўшма Қироллиги қироличаси. Виндзор сулоласидан. Қирол Георг VI ва қиролича Елизаветанинг қизи. Отасининг вафотидан сўнг 1952 й. 6 фев.да тахтга ўтирган. Суд тизими бошлиғи, қуролли кучлар олий бош қўмондони ҳамдир.



ЕЛИЗАВЕТА ПЕТРОВНА (1709.18.12 — 1761/62.25.12) — Россия императори (1741 й.дан), *Петр I* нинг қизи. Гвардия томонидан тахтга ўтқазилган. Е. П. даврида Россияда хўжалик, маданият (М. В. Ломоносов, П. И. Шувалов ва И. И. Шувалов, А. П. Бестужев-Рюмин ва б.ларнинг фаолиятлари) ва ташқи сиёсатнинг ривожланишида сезиларли муваффақиятларга эришилган.

ЕЛИЗАРОВ Юсуф Ифраимович (1920.3.10, Самарқанд — 1974.6.3, Тошкент) — рассом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1965). Суриков номидаги Москва рассомлик институтида таълим олган (1944—49). Е. чуқур психологик портретлар ва кўп шаклли композиция устаси. Портретлар («Пахтакор қиз», 1949; С. Айний, 1951; М. Ашрафий, «Кабутар ушлаб турган қиз», 1953; Ў. Тансиқбоев, 1958; Ўзбекистон адабиёти ва санъати арбобларининг гуруҳ портрети, 1958 ва б.), натюрмортлар («Сўзанали натюрморт», 1957), маиший лавҳалар («Пахтакорлар», «Оналик», 1957; «Механизатор қизлар», 1962) ва б. асарлар яратган.



Ю. Елизаров. «Сўзанали натюрморт» (1957).

ЕЛИК (Capreolus capreolus) — кийиклар оиласига мансуб жуфт туёқли ҳайвон, Е. уруғининг ягона тури. Урғочиси танасининг уз. 140 см гача, бўйи 90 см гача, оғирлиги 55 кг гача. Эркаклари кичикроқ, думи калта, 3, баъзан 4 қисқа бутоқли кичик шохи бор. Ёзги жуни жуда калта ва силлиқ, орқаси сарғиш-малла, биқинларидаги жуни оқиш. Кўкраги, қорни ва оёқлари сарғиш. Қишки жуни узун, орқаси қорнига нисбатан қорамтир, қўнғир тусда товланади. Сонида оқ доғи бор. Е. Европа ва Осиёда тарқалган. Ёзда ўтлоқлар ва тоғ ён бағирларида яшайди. Қишда тоғдан водийларга тушади. Кўпинча 2 та, баъзан 3 та бола туғади. Е. дарахт барги ва новдалари, резавор-мевалар, йўсин ҳамда лишайниклар б-н озиқланади. Мазали гўшти ва териси учун овланади. 2 кенжа тури: Европа Е. (C. c. capreolus) ва Сибирь Е. (C. c. pygargus) бор. Ўзбекистонда фақат Тошкент вилоятининг тоғли ҳудудларида учрайди.

ЕЛИК, енглик — тандирга нон ёпишда ишлатиладиган анжом. Нон ёпишда қўлни тандир иссиғидан ҳимоя қилиш учун кийилади. Уз. 30—40 см гача бўлади. Чопон енги синғари астарланади.

ЕЛИКИШ — оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасининг яллиғланиши. Катарал ва ярали-гангреноз хиллари бор (қ. *Стоматит*).

ЕЛИМ, елимлар — асосан суюқланган юқори молекуляр анорганик, кўпинча органик моддалар ёки уларнинг эритмалари. Турли материалларни бир-бирига ёпиштириш учун ишлатилади. Е. таркибида қотирувчи моддалар ва қўшимчалар, мас., тўлдирувчилар, эритувчилар, стабилизаторлар, пластификаторлар, эластификаторлар бўлади. Қўшимчалар Е.нинг қовушқоқлигини, қотиш тезлигини, мустаҳкамлигини, қаттиқлигини, иссиққа ва совуққа чидамлилигини оширади. Е. суюқ (эритмалар, эмульсиялар, якка мономерлар), қуюқ ёки қаттиқ (донадор, унсимон, ипсимон) бўлиши мумкин. Е.лар оддий, конструкцион (машиналар, учувчи аппаратлар, қурилиш конструкциялари ва б.ни йиғишда қўлланиладиган) ва махсус (ёпишқоқ тасмалар) турларга ажратилади. Бундан ташқари, улар табиий ва синтетик бўлади. Табиий Е. ҳайвонлар ва ўсимликлар (крахмал) маҳсулотларидан олинади. Аксариси намликка чидамсиз, ўз кучини анча тез йўқотади, чирийди. Ёғоч, қоғоз ва б. буюмларни елимлаш учун қўлланилади. Синтетик Е. (смола) — полимерлар эритмаси, эмульсияси, шунингдек; эритувчи қўшилмаган смолалардан иборат. Намлик, иссиқ-совуққа, ҳар хил т-ра, мойлар, суюқ ёнилғилар, турли замбуруғлар таъсирига яхши чидайди. Металл, чинни, ёғоч, фанер, пенопласт, пластмасса, органик ойналарни елимлаш учун ишлатилади.

Резина Е. — каучуклар (табиий ва синтетик) ёки резинали аралашмаларнинг органик эритувчилари (асосан, бензин)даги эритмаси. Резинани металлга, ёғочга, цементга ёпиштиришда ишлатилади (қ. *Латекс*).

ЕЛИМ ОҚИШ — данакли мевалар, тут, жийда дарахтлари, ўрмон дарахтлари ва цитрус ўсимликларида учрайдиган касаллик белгиларидан бири. Яхши парвариш қилмаслик, ернинг ортиқча намиқиши, озиқ моддаларнинг етишмаслиги, шох-шаббаларни нотўғри ва бевақт кесиш, ҳашарот-файли ёки бошқа сабаблар б-н елим оқади. Аксарият ҳолларда дарахт танаси ва шохларида пўстлоқ остидан оқиб чиққан шаффоф суюқлик қотиб, елимсимон модда ҳосил қилади. Ўсимлик пўстлоғининг елим чиққан жойларида ҳар хил шиш ва ғоваклар пайдо бўлиб, ўсимлик аста-секин қурийди. Елимдаги замбуруғ, бактериялар ёмғир, шамол ва ҳашаротлар орқали бошқа дарахтларга юқади.

Кураш чоралари: дарахт танаси 2 челак сувга 1 челак сўндирилмаган оҳак, 100 г елим, 200 г темир купороси қўшиб тайёрланган оҳак сути б-н оқланади, жароҳатланган жойлари формалин эритмаси (1:100) ёки темир купороси (5% ли) б-н дорилананади. Дарахт танасидаги елим қириб олинади, ўрни фунгицидлар (1% ли мис купороси эритмаси) б-н ювилади.

ЕЛИМ РАССОМЛИГИ — *рангтасвир*да асар яратиш усулларидан бири. Бўёқ (пигмент)нинг боғловчи моддаси ҳайвон суякларини қайнатиб олинадиган елимдан иборат бўлгани учун шундай номланади. Айрим ҳолларда ўсимлик елими, синтетик елимлар ҳам ишлатилади. Кўпинча асар бўр асос устида яратилади. Қадимдан маълум бўлган Е. р. тасвирнинг ёркинлигини таъминлайди, лекин ташқи таъсирга чидамсиз, тез ювилиб кетади, асоси қалинроқ (дағалроқ) бўлганда қаснокланиб тушади. Шунинг учун хона ичларини безашда — *деворий рассомлик*да ишлатилади. Ҳозир асосан кино ва театр декорацияларини, байрам намоёнлари, муваққат плакатлар яратишда қўлланилади.

ЕЛИМЛИ БИРИКМА — машина деталлари, қурилиш конструкциялари, мебеллар, енгил саноат буюмлари ва б.нинг елим ёрдамида тайёрланадиган ажралмас бирикмалари. Е. б. турли хил материалларни маҳкамлашга имкон беради. Пўлат, алюминий, жез, текстолит, гетинакс, шиша, фанер, ёғоч, газлама, пластмасса, резина ва б. материаллардан буюмлар тайёрлашда Е. б. фойдаланилади. Жиҳозларни йиғиш ва иншоотларни қуришда Е. б. пайвандлаш, парчинлаш ва б. усулларнинг ўрнини қоплаши мумкин. Силжишга ёки бир текис узилишга дучор бўладиган бирикмаларда Е. б. усули қўлланилади. Е. б. чоки жуда мустаҳкам бўлиб чиқади. Мас., пластмассаларнинг елимланган чоки мустаҳкамлиги материал мустаҳкамлигидан ҳам юқори бўлади, лекин Е. б. узоққа чидамайди. Е. б. учун дурадгорлик елимлари, универсал (ҳаммабоп) елимлар, органик ва анорганик елимлар ишлатилади (қ. *Елим*).

ЕЛИН (uber) — урғочи ҳайвонларнинг сут безлари. Чўчқаларда якка-якка, бошқа чорва молларида ташқи томондан умумлашган, аммо ички томондан пардалар б-н ажралган. Сигирларда тўрт, қўй ва эчкиларда икки паллали ва шунча сўрғичли бўлади. Ҳар қайси сут бези қон томирлари, нерв, ёғ тўқималари ва безли паренхималардан иборат. Сўрғич каналларини ҳалқасимон мушак тўқима беркитиб туради. Е. териси майин жун б-н қопланган. Е. ҳажми, шакли, узунлиги ва кенглиги бўйича баҳоланади. Косасимон Е.ли сигирлар маҳсулдорлиги б-н ажралиб туради. Массаж қилиш орқали Е.ни ривожлантириш мумкин (Е.да сут ҳосил бўлиши ҳақида *Сут, Соғим даври;* Е. касалликлари ҳақида *Мастит* мақолаларига қ.).

ЕЛКА, кифт — қўлнинг бошланиш қисми; унинг асосини елка скелети ташкил этади. У ташқи томондан қўлнинг эркин (осилиб турган) қисмига ўтса, ички томондан умуртқа погонасига тақалади. Елка камари суяклари (курак суягининг елка ўсиғи б-н ўмров суяги) бойламлар б-н ўзаро бирлашиб мускуллар, тери ости ёғ қавати, тери б-н қопланган. Е. мускуллари олдиндаги — букувчи ва орқадаги ёзувчи мускуллардан тузилган. Е. қўлтиқ ва елка артериясидан қон олади. Терисига елка чигалидан, букувчи мускулларга мускул-тери нервидан, ёзувчи мускулларга билак нервидан толалар кетор бўлиши уни қоплаб турган дельтасимон мускул ҳолатига боғлиқ. Жисмоний меҳнат, спорт б-н шуғулланган одамларда кифт ривожланган, кенг, забардаст бўлади. Аёллар елкаси бир оз нозикроқ тузилган.

ЕЛКА ОЁҚЛИЛАР (Brachiopoda) — умуртқасиз ҳайвонлар типи, денгизларда ўтроқ ҳаёт кечиради. Танаси пушти ранг икки паллали оҳак чиғаноқ б-н қопланган. Чиғаноғининг уз. 10 см гача. Чиғаноқ паллалари махсус ўсиқлар ёки фақат мускуллар ёрдамида туташган.

Танаси чиғаноқ бўшлиғининг кейинги қисмида жойлашган, чиғаноқнинг олдинги кенгайган қисмида тери ўсимталари, яъни киприклар б-н қопланган «қўллар» бор. Киприклар ҳаракати туфайли мантия бўшлиғига сув кириб туради. Оғиз бўшлиғи «қўллар»нинг асосида жойлашган. Айрим Е. о.да кўричак мавжуд. Тана бўшлиғи иккиламчи, юраги, қон томирлари, ҳалқум олди нерв ҳалқаси ва нерв толалари бор. Айрим жинсли, личинкаси трохофора. Болтиқ, Қора ва Каспий денгизларидан ташқари ҳамма денгизларда яшайди. Е. о. — қадимги ҳайвонлар, кембрий давридан маълум. 280 дан ортиқ тури тарқалган. Е. о. палеозойнинг стратиграфиясида муҳим аҳамиятга эга.

ЕЛКАДА КУРАШ — миллий ёшлар ўйини. Ўзбек курашидан келиб чиққан. Ўйиннинг оддий курашдан фарқи — мусобақа фақат тепада, елка («иккинчи қават»)да бўлади. Курашни фақат елкадаги ўйинчилар олиб боради, пастдаги ўйинчининг вазифаси елкадаги одамнинг тиззаларидан маҳкам ушлаб унга кўмаклашишдан иборат. Курашда ким биринчи бўлиб рақибини тўшакка ёки ерга ағдариб туширса ўша ғолиб ҳисобланади. Агар иккала курашчи баравар ағдарилиб тушса, қайтадан курашиши лозим. Бу ўйин майсазорда ёки тўшаклар тўшалган спорт залида ўтказилиши мумкин. Рақиблар жамоаларга бўлиниб ҳам мусобақалашадилар. Е. к. *«Алпомиш ўйинлари» фестивали* мусобақаларига киритилган. Е. к. ўйини болалар ва ёшларнинг жисмоний ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

ЕЛКАН КАПАЛАКЛАР (Papilionidae) — кундузги капалаклар оиласи. Қанотлари ёзилганда кенглиги 25 см гача (Papilio homerus) боради. Қанотининг ранги тиниқ, жуда турли-туман, айрим тропик турларида (Ornithohoptera) ялтироқ; орқа қанотларида кўпинча «дум» шаклида ўсимтаси бўлади. Ҳамма қанотларда тарқалган, айниқса тропик минтақаларда кўп учрайди. 550 дан ортиқ тури маълум. Ўрта Осиёда 18 тури учрайди. Улар орасида Papilio авлоди турларидан махаон (P. machaon) айниқса кенг тарқалган; унинг қаноти сариқ, четлари кенг қора ҳошияли; қурти катта, кўк, семиз танасида кўндаланг қора чизиқлар ва қизил нуқталар бор.

«ЕЛКАНЛАР» (лот. Vela) — осмоннинг Жан. ярим шаридаги юлдуз туркуми. Белгиси Vel. *Компас, Центавр, Устун, Кема қўйруғи* ва *Насос* юлдуз туркумлари ораларида жойлашган. Унда икки марта (1969 ва 1971 й.ларда) PSR0833 *пульсар* кузатилган. Ўзбекистон ҳудудида қиш пайтларида кўринади.

ЕЛКАНЛИ КЕМА — дарё, кўл, денгизларда елканлар ёрдамида шамол кучи б-н сузадиган кема. Спорт мусобақаларида, балиқ овлаш ва сайр қилишда қўлланилади.

ЕЛКАНЛИ КЕМА СПОРТИ — елканли кемалар пойгаси. Бундай пойгалар белгиланган йўналишлар бўйича турли масофаларга ўтказилади. Ғолиб барча пойгалар натижасига кўра аниқланади. Е. к. с. 18-а.да Буюк Британияда пайдо бўлган. 1907 йилда Е. к. с. халқаро уюшмаси (IYRU)га асос солинган; у 100 га яқин мамлакат федерацияларини бирлаштиради. 1932 й.дан Европа, 1922 й.дан жаҳон биринчиликлари ўтказилади; 1900 й.дан Олимпия ўйинлари дастурига киритилган.

ЕЛКАНЛИ ЧАНА — муз ва қор устида елкан ёрдамида шамол кучи б-н ҳаракатга келадиган чана. Соатига ўртача 100 км тезликда ҳаракат қилади. Е. ч. транспорт воситаси сифатида ва спорт мусобақаларида қўлланилади. Асосан, шимолда ишлатилади.

ЕЛКАНТЕПА, Елкендепе — Копетдоғ этаклари (Туркманистон)да жойлашган *жез даври* археологик ёдгорлиги. Қишлоқда ҳаёт мил. ав. 7—6-а.ларда тараққий этган. Бу даврда қишлоқ маркази бал. 6 м, диаметри 130 м га етадиган ҳисор қад кўтарган. Ҳисорнинг атрофидаги 500×290 м га чўзилган майдонда атрофи девор б-н ўраб олинган аҳоли турар жойлари жойлашган. Девор олдига хандақ қазилган. Кейинчалик Е.даги аҳоли кўпайиб, қишлоқнинг кенгайиши туфайли у янги девор б-н ўралган. Е.даги мудофаа деворлари қўшалоқ бўлиб, умумий қалинлиги 10,5 м га етган, деворларнинг орасида кенглиги 6 м ли йўлак бўлган. Шундай девор ҳисор атрофига ҳам қурилган. Улар тўғри бурчакли хом ғиштдан бунёд этилган. Е.дан темирдан (пичоқлар, ўроқлар), жездан (пайконлар), тошдан (ёрғучоқлар) қилинган буюмлар, мис эритиш, темирни қайта ишлаш устахоналари қолдиқлари сақланган.

ЕЛПИҒИЧ ДУМЛИ ҚУШЛАР, янги қушлар (Ornithuare, яъни Neornithes) — қушлар кенжа синфи. Археоптериксдан ташқари ҳамма қушларни ўз ичига олади. Тумшуғи мугуз б-н қопланган, умуртқалари эгарсимон (гетероцель), охирги дум умуртқалари ўзаро қўшилиб пигостилни ҳосил қилади. Бу жойга дум патлари елпиғич ҳосил қилиб бирикади (Е. д. қ. номи шундан олинган), қанотларидаги бармоқлари скелети ўзаро бириккан ва қисман редукцияга учраган, мияси йирик ва мураккаб тузилган. Замонавий таснифга биноан тишли қушлар, сузувчи қуш-

лар, ихтиорнислар ва янги танглайли қушлар катта туркумларига бўлинади, 34 туркум ва 9600 (жумладан ҳоз. 8660) турни ўз ичига олади. Барча муҳит — сув, ҳаво, қуруқлик, ҳатто қисман ер ости муҳитини эгаллаган (гуахаро ва салангалар ғорларда яшайди). Одатда яхши учади, кўпчилиги қуруқлик юзасида ва сувда яшайди. Айрим турлари иккиламчи тарзда учиш қобилиятини йўқотган. Е. д. қ.нинг хатти-ҳаракати жуда мураккаб бўлиб, мукаммал товуш ва кўриш сигналларига эга; овози, патларининг ранги ва шакли хилма-хил бўлади. Улар анча мукаммал тузилишга эга бўлган колония, тўда, доимий жуфт ва б. уюшмалар ҳосил қилади (қ. *Қушлар*).

ЕЛПИҒИЧ ҚАНОТЛИЛАР (Strepsiptera, яъни Rhipiptera) — паразит ҳашаротлар туркуми. 300 тури маълум. Пардақанотлилар, саратонлар, тўғриқанотлилар, бешиктерватарлар, қандалалар, икки қанотлилар ва қилдумли ҳашаротларда паразитлик қилади. Жуда майда ҳашаротлар (уз. 1,5—4 мм). Жинсий диморфизм яққол кўзга ташланади. Эркакларининг танаси бош, кўкрак ва қорингa бўлинади; оғиз органлари кучли редукцияланган, озиқланмайди; олдинги қаноти ўсимта шаклида; кейинги қаноти кенг пардасимон, тинч ҳолатда елпиғичга ўхшаб, тахланиб туради. Урғочи Е. қ. ҳаёти давомида ҳашаротлар ички органларида паразитлик қилади; оёғи ва қаноти бўлмайди; боши кўкраги б-н қўшилиб, бошкўкракни ҳосил қилади. Е. қ.нинг қуртлари одатда ўсимликка ўрнашиб олиб, ўз хўжайинининг яқинлашишини кутиб туради. Хўжайини танасига ёпишиб олган паразит махсус фермент ёрдамида унинг хитин пўстини эритиб, тана бўшлиғига кириб олади.

ЕЛЬЦИН Борис Николаевич (1931.1.2, Свердловск вилояти Талица туманининг Бутка қишлоғи) — РФнинг биринчи президенти (1991 й. 12 июндаги умумий сайловда сайланган; 1996 й. 3 июлда иккинчи муддатга сайланган). Деҳқон оиласида туғилган. Урал (Свердловск) политехника ин-тини тугатган (1955). 1955 й.дан қурилиш ташкилотларида ишлаган. 1963 й.дан Свердловск уйсозлик к-тида бош муҳандис, директор. 1968 й.дан КПСС Свердловск вилоят қўмитаси қурилиш бўлими мудири, котиби. 1976 й.дан Свердловск вилоят қўмитасининг биринчи котиби, 1985 й.дан КПСС МК котиби, КПСС Москва ш. қўмитаси биринчи котиби. 1986 й.дан КПСС МК Сиёсий бюроси аъзолигига номзод. МКнинг 1987 й. окт. Пленумидаги танқидий чиқишидан сўнг



Москва ш. қўмитаси биринчи котиблигидан олиб ташланди, сўнг КПСС МК Сиёсий бюросидан чиқарилди; СССР Давлат қурилиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари — СССР вазири этиб тайинланди. 1989 й. демократик кучлар кўмагида СССР халқ депутати этиб сайланди. 1990 й. КПСС сафидан чиқди. 1990—91 й.ларда РСФСР Олий Кенгаши раиси. 1991 й. июндан 2000 й.гача Россия Федерацияси президенти. 1991 й. авг.да Фавқулодда ҳолат бўйича давлат қўмитаси фаолиятига қаршилик кўрсатишга бошчилик қилди. 1991 й. дек.да Украина ва Белоруссия раҳбарлари б-н биргаликда СССРнинг тугатилганлиги ва МДҲнинг тузилганлиги тўғрисидаги Белая Вежа пушчаси битимини имзолади. 1999 й. 31 дек.да РФ президенти лавозимидан муддатидан илгари истеъфога чиқди. «Мавжуд масала юзасидан дил изҳори» (1990), «Президент хотиралари» (1994) китобларининг муаллифи.

ЕЛЮЙ ЧУЦАЙ (1189.3.8—1243.2.6) — Хитойдаги Юань (мўғул) сулоласининг давлат ва ҳарбий арбоби, олим ва ёзувчи. *Кидонлар*нинг Ляо салтанати ҳукмдорлари авлодидан. 1214 й. чжурчжэнларнинг Цзинь давлати ҳокимлари томонидан Пекин ш. ноиблигига тайинланган. Мўғуллар томонидан Пекин босиб олингандан (1215) кейин *Чингизхон*нинг хизматига ўтган. Марказий Осиёга (1219) ва Ҳиндистонга (1224) қилинган босқинчилик юришларида Чингизхонга ҳамроҳ бўлган. Чингизхон вафотидан сўнг мўғул хонларидан *Ўқтойхон* ва *Хубилай*нинг энг яқин маслаҳатчиси бўлган. Мўғуллар босиб олган ерларда турли хил солиқ, тўловлар тизимини жорий этишда катта роль ўйнаган. «Ғарбга қилинган саёҳат хотиралари» асарида сафар таассуротлари баён этган. Асар мўғуллар босқинини даврида Мовароуннаҳр ҳақида кўплаб тарихий, географик, этнографик маълумотларга бой.

ЕМ — 1) молларга бериладиган тўйимли озуқа. Чорвачиликда сули, арпа, маккажўхори, оқ жўхори, буғдой, қора буғдой, соя, вика, нўхат донлари ва б. Е. ўрнида ишлатилади. Е. бўладиган донлар таркибида 75% гача углеводлар, 12% протеин, 2—5% ёғ, 1—4% минерал моддалар ҳамда В гуруҳига мансуб витаминлар мавжуд. 100 кг Е.да 38—133 озуқа бирлиги, 6,7—14,2 кг ҳазм бўлувчи протеин бор. Барча ҳайвонлар ва паррандаларга Е. *аралаш ем* ва ем аралашмаси кўринишида берилади. Е.нинг тўйимлилигини ошириш мақсадида кепак, кунжара, пиво, спирт, шакар заводлари чиқити, балиқ уни, гўшт уни, гўшт-суяк уни, қон уни ва б. Е.га аралаштирилади ёки бошқа турдаги озуқаларга Е. аралаштириб терт қилинади. Е. енгил ҳазм бўлиши учун майдаланади, туйилади, тегирмонда ун қилиб тортилади, ачитилади ва ҳ. к. Могорлаган, қўланса ҳидли, қора ёки қўнғир тусдаги, ранги айниган, заҳарли моддалари бўлган дон ва дон маҳсулотларини Е. ўрнида ишлатиб бўлмайди (яна қ. *Аралаш ем, Ем-хашак*); 2) от оёқларида ҳосил бўладиган чиқиқ, шиш касаллиги («ем тушиши»).

ЕМ-ХАШАК — қ. х. ҳайвонларини боқишда ишлатиладиган, таркибида ўзлаштириладиган (ҳазм бўладиган) озуқа моддалари бўлган, асосан, ўсимлик, ҳайвонот, микробиологик ва кимёвий маҳсулотлардан иборат озуқалар.

Олинадиган манбаи, и. ч. технологияси, тайёрлаш ва қўллаш усули, ҳайвонларнинг озиқланишидаги аҳамиятига қараб Е.-х. бир неча гуруҳларга бўлинади. Е.-х., одатда, кўкат, хашак, ем, минерал ва ширали озуқаларга бўлинади.

Яйловлардаги табиий ҳамда экилган ўтлар кўкат озуқага киради. Кўкатнинг қуруқ моддаси таркибида протеин (6,5—20%), азотсиз экстрактив моддалар (35—45%), ёғ, минерал моддалар, клетчатка ва қуритилмаган да кўп миқдорда каротин, витамин А, С, Е бўлади. Силос, илдизмевалар, ҳашаки полиз экинлари маҳсулотлари ширали озуқага киради. Булар таркибида 75—90% ҳужайра ширасi, турли витаминлар бор. Мол боқишда қанд лавлаги саноати, спирт ва пивочилик корхоналари чиқиндиларидан ҳам ширали озуқа сифатида фойдаланилади. Қуруқ беда, пичан, сомон, похол, галла чориси, шох-шаббадан тайёрланган озуқалар, чигит шулхаси ва б. хашак (дағал хашак) озуқага киради. Булар таркибида 25—40% клетчатка бўлади. Пичан, айниқса, дуккаклилардан тайёрланганда, оқсил, минерал моддалар ва витаминларга бой. Ҳашак ҳайвонларни озиқлантиришда тўйимли моддалар манбаи бўлиб, овқат ҳазм қилиш системаси ишини нормаллаштиради. 1 кг беда пичанида 0,5—0,52 озуқа бирлиги, 120 г ҳазм бўлувчи протеин, 30—50 мг/кг каротин бор.

Арпа, сули, маккажўхори, оқ жўхори, нўхат, тегирмон чиқиндилари (кепак, ун гарди ва б.), ёғ-мой саноати чиқиндилари (кунжара, шрот — кукун кунжара ва б.) *ем*га киради. Булар оқсил, углевод ва б. турли моддаларга бой бўлиб, тўйимлилиги жиҳатдан бошқа озуқалардан устун туради. Ош тузи, бўр, суяк уни, фторсизлантирилган преципитат, синтетик азотли бирикмалар (аминокислоталар, карбамид, аммоний тузлари, витаминли ва ферментли препаратлар, озуқа антибиотиклари, дори-дармон моддалари ва б.лар) минерал озуқага киради. Йирик шаҳарлар атрофидаги хўжаликларда мол боқишда ошхона ва б. овқатланиш корхоналаридан чиқадиган озиқ-овқат қолдиқларидан ҳам озуқа сифатида фойдаланилади (яна қ. *Озуқалар*).

Кауденбай Карибаев, Қурбонхўжа Ғуломқодиров.

ЕМ-ХАШАК БАЛАНСИ — хўжаликдаги мавжуд ем-хашак миқдорини унга бўлган эҳтиёж б-н қиёслаш. Одатда, у чорва молларининг белгиланган даврда ем-хашак б-н қанчалик таъминланганлигини аниқлаш, агар камчил бўлса, уни тайёрлаш тадбирларини кўриш мақсадида келгуси йил учун, шунингдек, истиқбол режага асосан бир неча йилга мўлжаллаб тузилади. Ем-хашакка бўлган эҳтиёж чорва молларининг миқдорини ва ёшини ҳисобга олган ҳолда, уларни тўғри боқишдаги илмий кўрсатмаларга асосан белгиланади. Мавжуд ем-хашак молхонада боқиш даврида сақлашга қўйилган ем-хашак миқдорига ва ем-хашак экинлари ҳамда яйловлар майдонига, улардан олинадиган ҳосилнинг салмоғига қараб аниқланади. Кейин турли хил ем-хашак миқдори алоҳида ҳисобланиб, унинг қанча *озуқа бирлиги*га тенглиги ва таркибидаги ҳазм бўладиган оқсил миқдори аниқланади. Е.-х. б.нинг кирим ва чиқим қисмлари бор, кирим қисмида йил бошидан қолган озуқалар қолдиқлари, хўжаликда ишлаб чиқарилган озуқалар, молларни озиқлантиришга яроқли чиқиндилар ва бошқа хўжаликлардан олинадиган озуқалар (ошхона ва саноат чиқиндилари); чиқим қисмида чорва молларининг режалаштирилган даврдаги ем-хашакка бўлган эҳтиёжи ва бошқа хўжаликларга сотиш мўлжалланган ем-хашак миқдори, озуқанинг эҳтиёж фоизи кўрсатилади. Мавжуд ем-хашак миқдори ем-хашакка бўлган эҳтиёжга тенг келиши керак. Е.-х. б. ёзги ва қишки даврларга алоҳида тузилади. Бу даврларнинг давомийлиги хўжалик жойлашган ҳудуднинг табиий шарт-шароитлари б-н белгиланади.

Е.-х. б. моллар турлари ва уларнинг сут маҳсулотларига, тирик вазни, ёшига қараб алоҳида гуруҳлар бўйича (мас., сигирлар, ғунажинлар, буқалар, 1 ёшгача бўлган бузоқлар, бўрдоқига боқилаётган сўқимлар) мол боши сонини даврлар бўйича кунларга кўпайтириб, озуқа-кун миқдори, сўнгра озуқа турларига кўра суткалик рационини озуқа-кун миқдорига кўпайтириб умумий озуқа миқдори топилади. Е.-х. б. озуқаларнинг табиий ҳолати, озуқа бирлиги, ҳазм бўлувчи протеин бўйича ҳам тузилади. Е.-х. б. келаси йиллар учун озуқа базасини мустаҳкамлаш ва уни ривожлантириш режаси ҳамдир.

Кауденбай Карибаев.

ЕМ-ХАШАК БРИКЕТЛАРИ — тахтача озуқа, тахтача (брикет) кўринишида пресланган озуқа. Дағал хашаклар (пичан, сомон ва б.) ёки минерални, витаминли ёки бошқа қўшимчалар қўшилган концентрланган озуқалар (кунжара, шрот ва б.), шунингдек, бу озуқалар аралашмаларидан тайёрланади. Озуқалар брикетланганда исроф бўлиши камаяди, омборхоналарда кам жойни эгаллайди, озуқа тўла истеъмол бўлади, ташиш қулайлашади. Брикетлашда бириктирувчи ва таъмини яхшиловчи компонент сифатида *мелласса*дан фойдаланилади. Е.-х. б. зичлиги гик ҳолати ва маҳсулдорлигига қараб алоҳида рецептларда ишлаб чиқарилади. Уларни қуруқ ҳолида, майдалаб ёки ивитиб молларга бериш мумкин. Брикетларни тайёрлашда махсус ем-хашак брикетлаш машиналари қўлланилади.

Ад.: Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини озиқлантириш, Т., 1999.

Новвослар ва қўзиларни боқишда ишлатиладиган брикетлар рецепти, г

Брикетлар таркиби	Новвослар	Қўзилар
Арпа сомони	50	—
Беда пичани	24	—
Аралаш ем	20	—
Ўт уни	5	5,5
Карбамид	0,5	—
Ош тузи	0,5	0,5
Табиий хашак	—	21
Жавдар сомони	—	60
Майдаланган маккажўхори	—	13
Брикетнинг 1 кг да:		
озуқа бирлиги	0,55	0,48
ҳазм бўлувчи протеин	68	46
кальций	5,8	5,6
фосфор	2,5	2,3
каротин, мг	20	20

ЕМ-ХАШАК РАЦИОНИ — озиқ моддалари б-н чорва молларининг талаб ва эҳтиёжини қондирувчи, хўжаликдаги мавжуд турли ем-хашакдан тузилган суткалик озиқ режаси. Р. ҳайвоннинг саломатлигига зиён етказилмаган ҳолда улардан сифатли ва мўлжалланган миқдордаги маҳсулот олишни таъминлаши керак. Е.-х. р. таннархи бўйича арзон, биологик тўла қимматли ва иложи борича хўжаликда мавжуд бўлган ресурслардан тузилиши керак. Молларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари ва хўжаликдаги озуқа турларига қараб рацион вақти-вақти б-н ўзгартириб турилади.

Соғин сигирлар Е.-х. р. 100 кг тирик вазнига 3,5—5 кг қуруқ модда миқдорида бўлиши керак. Бир кунда 12—13 кг сут берадиган соғин сигирлар учун бир кунлик Е.-х. р. қуйидагилардан иборат: силос — 25 кг, сенаж — 8 кг, пичан — 3 кг, омихта ем — 3 кг, ош тузи — 100 г. Рацион 1 суткага, 1 ойга мўлжаллаб тузилади.

ЕМ-ХАШАК ТЎЙИМЛИГИ — ем-хашакнинг ҳайвон организмини зарур озиқ моддалар ва энергия б-н таъминлай олиш даражасини ифодалайдиган сифат кўрсаткич. Ҳар қандай озуқанинг тўйимлилиги озуқа бирлиги б-н ўлчанади ҳамда озуқа таркибидаги ҳазм бўладиган оқсил, органик ва минерал моддалар, микроэлементлар, витаминлар миқдори ҳам ҳисобга олинади. Е.-х. т.ни баҳолаш негизини озуқанинг кимёвий таркиби, ҳазм бўлиши, маҳсулдорликка таъсирини аниқлаш (сув, қуруқ модда, протеин, ёғ, клетчатка, азотсиз экстракт моддалар, кул) ташкил этади ва тўйимлилик умумий энергетик тўйимлилик ва протеинли тўйимлиликка ажратилади.

1933 й.дан ҳар хил озуқаларнинг тўйимлилигига баҳо беришда 1 кг ўртача сифатли сули дони тўйимлиги қабул қилинди. 2005 ккал алмашинувчи энергия бир энергетик озуқа бирлиги сифатида қабул қилинган. Алмашинувчи энергия — бу озуқа таркибидаги органик моддаларнинг ҳайвон организмида ҳазм бўлиб, қон ва лимфаларга сингган қисми энергиясидир. 1 кг озуқа бирлиги 10,5 мЖ (мегажоул)га тенг (1 калория ≈ 4,18 жоуль).

Е.-х. т. асосида озуқа рациони тузишда махсус жадваллардан фойдаланилади.

ЕМ-ХАШАК ЭКИНЛАРИ — чорва моллари ва паррандаларга ем-хашак (кўкат, пичан, ем, силос) тайёрлаш мақсадида экиладиган ўсимликлар. Е.-х. э.га бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар, хашаки илдизмевали, картошкали

ўсимликлар, хашаки полиз экинлари, ширин картошка (батат), силос бостириш ва ем учун экиладиган донли экинлар киради. Ҳозир жадаллашган деҳқончилик тизими шароитида ем-хашак экинлари етиштириш мустақил тармоқ бўлиб ажратилади ва ем-хашакчилик деб аталади.

Е.-х. э.ларининг энг катта гуруҳини кўп йиллик ўтлар: дуккаклилар — себарга, беда, шабдар, берсим, эспарцет, қашқарбеда, оқ нилуфар ва ғалладошлар (ажриқбош, бетага, сувбуғдойиқ, оқсўхта, эркакўт) ташкил қилади. Кўп йиллик ўтлар соф ҳолда ва аралаш (мас., себарга б-н ажриқбош, беда б-н эркакўт) экилади. Улар яйлов озиғи сифатида ҳамда кўк массаси пичан, сенаж, силос, ўт уни, донадор озиқ ва брикетлар тайёрлаш учун ишлатилади. Бу Е.-х. э. оқсилга (айниқса, дуккаклилар), витаминларга ва минерал тузларга бой бўлади. Бундан ташқари, кўп йиллик ўтлар ерни азотга бойитади, чунки улар илдизидаги туганак бактериялар ҳаводаги азотни ўзлаштириш хусусиятига эга. Кўп йиллик ўтларнинг аксарияти намсевар ўсимликлардир. Нам етишмаса, уларнинг ҳосили камайиб кетади ёки бутунлай нобуд бўлади (қуриб қолади), шунинг учун қурғоқчил районларда кўп йиллик ўтлар (энг аввало беда) асосан суғориладиган ерларга экилади.

Яшил конвейр ҳосил қилиш учун бир йиллик ўтлар экилади. Улардан ҳам пичан ва б. озуқалар тайёрланади. Бир йиллик дуккаклилардан шабдар, берсим, баҳорги ва кузги ёввойи нўхат, нўхат экилади. Оқсилга бой бу ўсимликлар, одатда, бир йиллик галла экинлари — сули, арпага қўшиб экилади. Ўзбекистоннинг қурғоқчилик районларида қурғоқчиликка чидамли бир йиллик ўтлар — суданўт, оқжўхори, оқжўхори-суданўт дурагайлари, могар, қўноқ, шунингдек, чекланган миқдорда вика, бурчоқ экилади. Кўп районларда кўкат озуқа учун бир йиллик ўт сифатида кузги жавдар, тариқ, соя, ўрис нўхат, шунингдек, янги экин — *тритикале* экилади. Яқин вақтдан бошлаб кўк масса олиш мақсадида рапс (баҳорги ва кузги), перко экиладиган бўлди.

Сершира озиқ учун хашаки илдизмевалар: нимширин ва хашаки лавлаги, сабзи, турнепс экилади (қ. *Илдизмевалилар*). Чорва молларига қанд лавлаги ҳам берилади, шунингдек, уларнинг барги — палагидан, асосан силос тайёрланади. Ўсимликларнинг бу гуруҳига кирадиган асосий экин — хашаки лавлаги. Унинг илдизмеваси йирик бўлиб, яхши сақланади. Ҳосилдорлиги 1000 ц/га гача етади. Турнепс эртапишар илдизмева, лекин лавлагига қараганда кам тўйимли бўлади ва яхши сақланмайди.

Силос тайёрланадиган экинлар (маккажўхори, кунгабоқар, хашаки карам ва б.лар) ва ем учун экиладиган донли экинлар (сули, арпа, маккажўхори ва б.лар) ҳам хашаки экинларга киради.

ЕМШИТЕПА — антик шаҳар харобаси. *Тиллатепа* (Афғонистон) яқинида жойлашган. Майд. 18 га. Е. тарҳи айлана шаклида бўлиб, қалинлиги 10 м, бал. 12 м келадиган мустаҳкам мудофаа девори б-н ўраб олинган. Е. ҳудудидаги маданий қатламнинг қалинлиги 8,5 м га етади. Шаҳар *Кушон подшолиги* даврида (1—4-а.лар) равнақ топган. Ўрта асрларда шаҳарнинг кичик бир қисмидагина ҳаёт давом этган. Қадимда бу ердан *Буюк ипак йўли* ўтган. Олимлар (Ш. Камолиддинов)нинг фикрича, антик манбаларда қайд этиб ўтилган қад. Бақтриянинг Сурогана ш. айнан шу ерда жойлашган бўлган.

Ад.: Камалиддинов Ш. С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начала XIII вв., Т., 1996.

ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЛАР — 2 кишидан 8 кишигача мўлжалланган автомобиллар. Двигатели цилиндрларининг иш ҳажмига қараб, микролитражли (ҳажми 1200 см³ гача), кичик литражли (1200 дан 1800 см³ гача), ўрта литражли (1800 дан 3500 см³ гача) ва катта литражли (3500 см³ дан ортиқ) Е. а. бўлади. Микролитражли ва кичик литражли Е. а.нинг барча ғилдиракларига мустақил осмали, ўрта литражли Е. а.нинг олд ғилдиракларига мустақил осмали, кетинги ғилдираклари рессорали бўлади. Катта литражли Е. а.да автоматик трансмиссия, рулни буришни енгиллаштирадиган гидравлик кучайтиргич, ғилдиракларнинг автоматик тизимлари қўлланилади. Е. а. ёпиқ, очиқ ва очиладиган кузовли бўлиши мумкин.


Кузовининг хилига қараб, Е. а. қуйидагича номланади: 1) седан — икки қатор ўриндиқли, 4—6 ўринли, тўрт эшикли, ёпиқ кузовли; 2) лимузин — уч қатор ўриндиқли, 7—8 ўринли, тўрт эшикли, ёпиқ кузовли; 3) купе — икки қатор ўриндиқли, 4—6 ўринли, икки



«Матиз» автомобили.

эшикли, ёпиқ кузовли; 4) кабриолет — тепаси очиладиган кузовли; 5) фаэтон — усти очиқ, йўловчиларни куёш нури, ёмғирдан тўсувчи соябон ва олинадиган ён деворлари бор; 6) спорт — икки ўринли Е. а.; 7) универсал — 3 ёки 5 эшикли, усти чўзинчоқ кузовли, унинг кетинги қаторидаги ўриндиғини йиғиб қўйиш мумкин; 8) пикап — 2—3 ўринли ёпиқ, кетинги юк ташиладиган қисми очиқ; 9) 9 ўринли ёпиқ. Ўзбекистон автомобиль саноатида ишлаб чиқарилаётган «Нексия», «Дамас», «Тико», «Матиз» автомобиллари Е. а. ҳисобланади (қ. *Автомобиль, Автомобиль саноати*).

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА — спортнинг энг оммавий турларидан бири; турли масофаларга югуриш, спортча юриш, сакраш (баландликка, узунликка, ҳатлаб, лангарчўп б-н), улоқтириш (найза, лаппак, босқон), ядро иргитиш, кўпкураш (ўнкураш, еттикураш) машқларини ўз ичига олади. Е.а.да 50 дан зиёд машқ бор, улардан 49 таси Олимпиада ўйинлари дастурига киритилган (2000 й.ги Сидней олимпиадасида эркаклар Е.а.нинг 22, аёллар 20 турида мусобақалашишди). Бундан ташқари, Е.а. замонавий бешкураш ва триатлон спорт турларининг бир машқларининг ўқув, ҳарбий-тайёргарлик, саломатлик машқлари, ўқувчи-ёшлар нинг «Алпомиш» ва «Барчиной» спорт синовлари дастуридан жой олган. Гомернинг «Илиада», Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» ва б. китобларда Е.а. машқларига оид маълумотлар учрайди. Қад. Олимпиада ўйинларида (мил. ав. 776 й.дан мил. 394 й. гача) асосан Е.а. бўйича мусобақалар уюштирилган. Замонавий Е.а.нинг ривожланишида 19-а.да



Енгил автомобиллар кузовларининг турлари: *а* — седан; *б* — лимузин; *в* — купе; *г* — универсал; *д* — кабриолет; *е* — спорт.

Англияда (1837 й.дан) мусобақалар, Афинада (1859 й.дан) умумгрек ўйинлари ўтказилиши ва олимпиада тикланиши (1896 й.дан)нинг аҳамияти катта бўлди. 1912 й.да Халқаро ҳаваскор Е. а.чилар федерацияси (IAAF) тузилган, унга 200 мамлакат аъзо (2001 й.; Ўзбекистон Е.а. федерацияси 1993 й.дан аъзо). IAAF 1977 й.дан жаҳон кубоги (ҳоз. кунда Гран-при мусобақалари), 1983 й.дан жаҳон биринчилиги мусобақаларини ўтказиб келади. Ўзбекистонда Е.а.га қизиқиш 1885 й.да Марғилонда шу турга мослаштирилган ўйингоҳ барпо этилгандан кейин кучайди. Тошкентда 1902 й.дан Е.а. мусобақалари, 1919 й.дан мамлакат биринчиликлари, 1927 й.дан спартакиада ўтказила бошлаган. Ўзбекистонда 135 мингдан зиёд киши 140 дан ортиқ мураббий қўл остида Е.а. б-н шуғулланади, мураббийлардан 3 нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи, 10 нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози унвонига эга (2001). Ўзбекистонлик Е.а.чилар 1952 й.дан Олимпиада ўйинларида қатнашади. Олимпиадаларда Марина Шмонина (4×100 м га эстафетали югуриш, 1992) олтин, Родион Гатаулин (лангарчўп б-н сакраш, 1988) кумуш медални қўлга киритган, Рамиль Ғаниев (ўнкураш, 1996) 8-ўринни эгаллаган. Олег Ряховский (уч хатлаб сакраш), Роза Бабич (200 м га тўсиқлар оша югуриш) ва Татьяна Бирюлина (найза улоқтириш) жаҳон рекордини янгилаган. Ашур Нормуродов (узоқ масофага югуриш) уч марта собиқ Иттифоқ чемпиони бўлган (1967—69). Осиё ўйинларида 1994 й.да Светлана Мунькова (баландликка сакраш), Рамиль Ғаниев (ўнкураш), Оксана Яригина (найза улоқтириш), 1998 й.да Олег Веретельников (ўнкураш), Сергей Войнов (найза улоқтириш) олтин медаль б-н тақдирланган, Е.а. АҚШ, Буюк Британия, Германия, Куба, Хитой каби мамлакатларда яхши ривожланган.

ЕНГИЛ БЕТОН — қуруқ ҳолатдаги ҳажмий массаси 500—1800 кг/м³ бўлган *бетон*. Тайёрланишига кўра, ғовак тўлдиргичлар асосидаги табиий (мас., пемзобетон, туфобетон) ва сунъий (аглопорит-бетон, керамзит-бетон ва б.); йирик ғовакли ва ячейкали хилларга; вазифасига кўра, иссиқлик изоляция, конструкцион ва конструкцион-иссиқлик изоляцияли хилларга бўлинади. Е. б. асосан бино ва иншоотларнинг тўсувчи қурилмаларида қўлланилади.

ЕНГИЛ САНОАТ — хилма-хил хом ашёдан кенг истеъмол маҳсулотлари ва буюмлари и.ч.га ихтисослашган саноат тармоқлари мажмуи. Е.с.да хом ашёга ҳам дастлабки ишлов бериш, ҳам тайёр маҳсулот и.ч. амалга оширилади. Е.с.да пахта, ипак, зиғир, каноп, жут толалари, ҳайвонлар териси, жуни, сунъий толалар, сунъий чарм хом ашё сифатида фойдаланилади. Унинг асосий тармоқлари тўқимачилик, тикувчилик, кўнчилик, мўйнадўзлик, пойабзал саноатлари ҳисобланади. Е.с. маҳсулотлари, шунингдек, мебелсозлик, авиация, автомобиль, озиқ-овқат ва б. саноат тармоқларида, қ.х., транспорт, соғлиқни сақлаш ва б. соҳаларда ишлатилади.

Е.с. йирик ф-ка индустриясининг тармоғи тарзида 18-а.нинг 2-ярмида барпо қилинди. Е.с.нинг қад. тармоқларидан бири бўлган тўқимачилик саноатида техника тараққиёти тўқимачилик саноатининг капиталистик мануфактура босқичидан йирик машинали индустрия босқичига ўтиши учун база яратган 18-а.даги улкан кашфиётлар б-н боғлиқ. Лекин қўлда пахта ва жундан ип тайёрлаш ва тўқиш, чармдан пойабзал тикиш учун терини қайта ишлашнинг оддий усуллари Ҳиндистон, Миср, Ўрта Осиёда мил. ав. бир неча аср илгари маълум бўлгани тарихий адабиётларда қайд этилган археологик топилмалар б-н тасдиқланган. Ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида 19-а.нинг охирига қадар хўжалик тараққиёти хонаки, косибчилиқ, ҳунармандчилик ишлаб чиқаришидан иборат эди. Саноат усулида ишлаб чиқарилган кийим-кечак, пойабзал, трикотаж маҳсулотлари, газмоллар асосан Россиянинг марказий шаҳарларидан олиб кетилган, четга, асосан Россияга пахта толаси, хом ипак, тери ва б. хом ашё турлари чиқарилган.

Ўзбекистонда Е.с. маҳсулотларини саноат асосида и.ч.га 19-а.нинг охирида, 1874 й.да Тошкент ш.да пахта тозалаш з-ди қурилиши б-н асос солинган. 20-а. бошларида Е.с. соҳаси асосан пахтани қайта ишлаш корхоналаридан иборат бўлиб, ялпи саноат маҳсулотининг қарийб 4/5 қисми шу соҳага тўғри келган. 1920-й.лардан пахта тозалаш з-длари, пиллакашлик, йигирув-тўқув, тикувчилик, чарм-галантерея, пойабзал ф-калари қурила бошлади, республиканинг ўзида етиштирилган хом ашёдан тайёр маҳсулот и.ч. мақсадларида майда тарқоқ ҳунармандларни бирлаштириб, саноат асоси яратилди. 1926 й.да Тошкентда «Қизил тонг» тикувчилик ф-каси, 1927 й.да Тошкент пойабзал ф-каси, 1928 й.да Тошкент кўн з-ди, 1926 й.да Фарғона тикувчилик ф-касининг биринчи навбати (10000 урчуқ ва 300 тўқув дастгоҳи) ишга туширилди. Фарғона (1927), Самарқанд (1927), Бухоро ва Марғилон (1928) пиллакашлик ф-калари, Самарқанд шойи тўқиш ф-каси (1930) ишга туширилиши б-н Ўзбекистонда ипакчилик саноати пойдевори яратилди. 1937 й.да тўқимачилик саноати гигантларидан бири — Тошкент тўқимачилик комбинати ишлай бошлади. 2-жаҳон урушигача бўлган даврда трикотаж саноати тармоғида Қўқон ип йигирув-пайпоқ тўқув комбинати, Фарғона ва Тошкентда трикотаж буюмлари ф-калари ишга туширилди. Урушдан кейинги йилларда Е.с. тармоқлари янада ривожланди, бу саноатнинг техника базаси такомиллаштирилди.

60-й.ларда республикада трикотаж и.ч. анча тараққиётга эришди, Тошкент «Малика» трикотаж и.ч. бирлашмаси, Андижонда ички трикотаж буюмлари ф-каси қурилди. 70—80-й.ларда Хивада гилам комбинати, Бухоро тўқимачилик комбинатининг 1-навбати, Андижон тўқимачилик комбинати, вилоятларнинг кичик шаҳарлари ва туман марказларида нисбатан кичик қувватли йигирув, тўқув, йигирув-тўқув ф-калари ишга туширилди. Республикада Е.с.нинг энг янги соҳаси бўлган чинни ва фаянс буюмлари Тошкент (1952), Самарқанд (1970), Қувасой (1978) чинни з-длари, Ангрен керамика комбинати (1967)да ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши б-н Е.с. тармоқлари янги сифат босқичига кўтарилди. Республика ҳукумати қарорига кўра тармоқдаги деярли ҳамма корхоналар давлат тасарруфидан чиқариш дастурига кўра очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига ва мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантирилди. 1991 й.да республика Енгил саноати вазирлиги тугатилиб, унинг негизида мажмуада давлат бошқарувини амалга оширадиган, Е.с. маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган давлат уюшмаси — *«Ўзбекенгилсаноат»*, 1998 й. 30 мартда пиллачилик ва ипакчилик тармоқларига раҳбарликни амалга оширадиган *«Ўзбек ипаги»* уюшмаси ташкил қилинди (қ. *Ипакчилик саноати*). 2000 й. 4 мартда кўн-пойабзал саноати корхоналари «Ўзбекчармпойабзал» уюшмасига бирлашди.

1991—2000 й.ларда тармоқ бўйича 22 лойиҳа амалга оширилди, жумладан Корея Республикасининг «Кабул Текстайлз» фирмаси иштирокида Тошкент ва Тўйтепа шаҳарларида жойлашган «Кабул-Узбек К°» (қуввати йилига 47,0 минг т йигирилган пахта ип ва 24 млн. м газлама), Фарғона тўқимачилик комбинатини қайта жиҳозлаш асосида «Ка-

бул-Фарғона К°» (лойиҳа қиймати 110 млн. АҚШ доллари) қўшма корхоналари ишга туширилди. Наманганда Туркиянинг «Астон» фирмаси б-н ҳамкорликда «Аснам текстиль» (қуввати йилига 30,2 минг т йигирилган ип), «Тимас» ва «ТИМИ» фирмалари б-н «Косонсой-Текмен» (йиллик қуввати 4,2 млн. м жун ва мовут газламалар) қўшма корхоналари, Қаршида «Каштекс», Гурланда «Гурлантекс», Андижонда «Антекс» тўқимачилик мажмуалари ва б. қурилди ва ишга туширилди (уларнинг йиллик қуввати 18,0 млн. дона тикувчилик ва трикотаж буюмлари). «Фарғонапойабзал» акциядорлик жамияти б-н Германиянинг «Саламандер» фирмаси иштирокида «Ўзсаламан» қўшма корхона ишга туширилди (1995, йиллик лойиҳа қуввати 500 минг жуфт пойабзал).

Ҳоз. даврда Ўзбекистон Е. с. кўп тармоқли индустриал мажмуа бўлиб, унинг таркибида пахта тозалаш з-длари, тўқимачилик, трикотаж, пиллакашлик, шойи тўқиш, тикувчилик, кўн-пойабзал, гиламчилик, чинни-фаянс буюмлари ва атторлик моллари и.ч. соҳаларида 150 га яқин корхона бор. Шулардан 14 таси 1994—2000 й.ларда чет эл капитали иштирокида ташкил қилинган қўшма корхоналардир [(бу корхоналар тармоқда ишлаб чиқарилган умумий маҳсулот ҳажмининг 20,6% ни, экспортга чиқарилган маҳсулот ҳажмининг 88,1% ни беради (2000)]. Республика саноат маҳсулоти умумий ҳажмида Е.с. ҳиссаси энг катта салмоққа эга ва 2000 й.да 20,1% ни ташкил қилди (1995 й.да 19%).

«Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси томонидан республика Е.с.ни ривожлантиришнинг 2000—2005 й.ларга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилган. Дастурда Ўзбекистонга четдан илғор технологияни келтириш, чет эл инвестициясини жалб этиш, банк кредитидан фойдаланиб янги замонавий корхоналар қуриш, жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулотлар чиқариш, экспорт имкониятларини ошириш ва б. белгиланган. Дастурга кўра 2000—2005 й.ларда ип-газлама тармоғида 33 та корхонани қайта жиҳозлаш, 17 корхонани қуриб битказиш, тикувчилик-трикотаж тармоғида 5 корхонани қайта жиҳозлаш, 1 корхонани қуриб тугаллаш мўлжалланган. Республика ҳудудида қайта ишланадиган пахта толаси ҳажми 1999 й.даги 110,2 минг т дан 2005 й.да 476,4 минг т га етказилади, ип газлама и.ч.ни 1,8 марта, гилам и.ч.ни 2,7 марта, трикотаж матоларини 2,9 марта, тиббиёт момиғини 30,9 марта, трикотаж буюмлари и.ч.ни 1,5 марта кўпайтириш кўзда тутилади, қўшимча 37,7 минг дан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилади. Е.с. тармоқларидаги илмий-технологик, лойиҳалаш, конструкторлик муаммолари б-н «Енгилсаноат» лойиҳа ин-ти (Тошкент), «Шойи» тадқиқот ин-ти (Марғилон ш.) ва унинг Тошкентдаги шўъбаси, Республика кийимлар моделлари уйи, Республика пойабзал моделлари уйи, Республика трикотаж маҳсулотлари моделлари уйи ва б. шуғулланади.

Тармоқлардаги корхоналар учун инженер-техник кадрлар Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати ин-ти ва унинг шўъбалари, Тошкент кимё-технология ин-ти, Тошкент политехникуми ва вилоятлардаги коллежларда тайёрланади. Республика Е.с.да ишлаб чиқариш кўрсаткичлари жадвалда берилган.

Ўзбекистон Республикасида энг муҳим енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

Маҳсулотлар номи	2000 й.
Ип газлама, млн. м²	354,9
Жун газлама, минг м²	2831
Шойи газлама, млн. м²	5,33
Гилам ва гиламчилик маҳсулотлари, минг м²	1572
Пайпоқлар, млн.жуфт	23,2
Трикотаж маҳсулотлари, млн.дона	38,88
Пойабзал, млн.жуфт	4,2

Е.с. жаҳондаги кўпгина мамлакатларда, жумладан Италия, Франция, Чехия, АҚШ, ва б.да ғоят тараққий этган ва шу мамлакатлар экспортида муҳим ўринда туради (яна қ. *Кўн-пойабзал саноати, Трикотаж саноати, Тўқимачилик саноати, Чинни-фаянс саноати*).

Нуриддин Мусаев, Эркин Алимбоев.

ЕНГИЛ ҚОТИШМАЛАР — алюминий, магний, титан, бериллий асосидаги конструкцион қотишмалар. С. оғ. 5 г/см³ дан кичик бўлади. Солиштирма мустаҳкамлиги (мустаҳкамлик кўрсаткичларининг зичликка нисбати) юқорилиги, механик ва технологик хоссаларининг яхшилиги б-н темир ёки никель асосидаги қотишмалардан фарқ қилади. Деформациялаб ва қуйиб тайёрланадиган хиллари бор. Энг кенг тарқалган Е. қ.га *алюминий қотишмалари* киради. Е. қ. самолётсозлик, ракетасозлик, автомобилсозлик, кемасозлик, аспобсозликда, т. й. саноатида, электр симлари тайёрлашда кенг қўлланилади. Яна қ. *Бериллий қотишмалари, Магний қотишмалари, Титан қотишмалари.*

ЕНИКЕЕВ Усмон Юсупович (1933, Пенза вилояти) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Душанба пед. ин-тининг мат. ф-тини тугатган (1965). 1951—89 й.ларда Ангор ва Денов туманларидаги мактабларда физика-мат. ўқитувчиси, 1989 й.дан Тошкент ш. Акмал Икромов туманидаги 287-мактабда мат. ўқитувчиси. Дарс ва дарсдан ташқари вақтларда ўқувчилар б-н турли кўргазмали қуроллар тайёрлаб, улардан оқилона фойдаланади, «ёш математиклар» тўгарагига раҳбарлик қилади.

ЕНИСЕЙ — Осиёдаги дарё. Бий-Хем (Катта Е.) ва Ка-Хем (Кичик Е.) дарёларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Юқори оқими (ёки Улуғ-Хем) Тува сойлиги бўйлаб оқиб, сўнг Ғарбий Саян тоғ системасини кесиб ўтади ва Ғарбий Сибирь чегараси бўйлаб оқади, Кара денгизининг Енисей кўлтиғига қуйилади. Уз. 3487 км (Ка-Хем дарёси бошидан 4092 км), ҳавзасининг майд. 2580 минг км².

Е., асосан, қор ва ёмғирдан тўйинади. Тошқин даври дарёнинг юқори қисмида апр. охирларидан сент.гача, қуйи қисмида эса май ўрталаридан авг.гача давом этади. Е. РФ нинг энг сершув дарёси. Ўртача йиллик сув сарфи 19800 м³/сек. Қуйи қисми окт. дан июнгача, юқори қисми ноябрдан майгача музлаб ётади. Е.нинг гидроэнергия запаси катта. Дарёда Красноярск ГЭС, Саяно-Шушенск ГЭС қурилган. Е. нинг транспорт аҳамияти катта. Саяногорскдан мунтазам кема қатнайди; денгиз кемалари дарёнинг қуйилиш жойидан Игарка ш.гача кириб боради. Балиқ овланади (асосан қуйи оқимида). Е. бўйида Минусинск, Красноярск, Енисейск, Игарка, Дудинка ва б. шаҳарлар жойлашган. Е.нинг ирмоқлари: Ангара, Тошлоқ Тунгуска.

ЕНОТСИМОН ИТ (Nyctereutes procyonoides) — йиртқич сут эмизувчилар туркумининг итсимонлар оиласига мансуб ҳайвон. Танасининг уз. 65—80 см, думи 15—25 см, оғирлиги 4—10 кг, оёқлари қисқа, бўйи паст. Бошининг икки томонидаги жунлар «чакка соқол» ҳосил қилади. Мўйнаси сарғиш, тўқ кулранг ёки кўпинча қора. Россия, Япония, Хитой ва Кореяда тарқалган. Ўрта Осиё, Белоруссия, Украина, Қозоғистон ва Олтойда иқлимлаштирилган. Ўзбекистонда дарё ва кўллар бўйидаги қамишзорларда, бутазорлар ва тўқайларда учраб қолади. Ерни ковлаб уя ясайди. Кўпинча бўрсиқ ёки тулкининг ташлаб кетган уяларидан ва табиий бошпаналардан фойдаланади. 5—6 таси тўпланиб, қишни карахт ҳолда ўтказади. Майда жониворлар ва ўсимликлар б-н озиқланади. Мартда урчийди. Ҳомиладорлик даври 64 кун, 6—8 тагача бола туғади. Баҳорда туллайди. Мўйнаси учун овланади.

ЕНОТСИМОНЛАР (Procyonidae) — йиртқич сут эмизувчилар туркуми оиласи. Ташқи кўриниши бесўнақай, оёқлари калта, товонда ёки ярим товонда юрувчи беш бармоқли ҳайвонлар. Мўйнаси қалин, юмшоқ. Думи узун (фақат катта пандада калта), кўпчилигида — қорамтир ҳалқали, кинкажу турида — тутувчи. 8 уруғи (какомицли, енотлар, узунбурунлилар, олинго, кинкажу, кичик пандалар ва б.), 15 тури маълум. Охирги икки уруғи баъзан айиқсимонлар оиласига киритилади. Кўпчилик тури Шим., Марказий ва Жан. Америкада, фақат кичик ва катта пандалар Жан.-Шарқий ва Марказий Осиёда учрайди. Кичик панда Жан.-Ғарбий Хитой, Непал, Шим. Мьянма ва Шим.-Шарқий Ҳиндистонда, катта панда Хитойнинг Сичзань, Шэньси, Ганьсу вилоятлари ва Тибетда тарқалган.



Енот.

Шим. ва Марказий Америкада яшайдиган чаювчи енот (Procyon lotor), Озарбайжон, Белоруссия, Ўрта Осиё ва Узоқ Шарқда иқлимлаштирилган. Аралаш ўрмонларда яшайди. Шим. ҳудудларда қишда уйқуга кетади. Ҳар йили бир марта туллайди. Тупроқда қазиган инида, баъзан дарахтларнинг ковагида 2 тадан 8 тагача болалайди. Қимматли мўйнаси учун овланади. Катта панда Халқаро Қизил китобга киритилган.

ЕПИСКОП (юн. episkopos — нозир, назорат қилувчи) — православ, католик, англикан черковларида олий мартабали руҳонийлардан бири, черковга қарашли маъмурий-ҳудудий бирлик (епархия) бошлиғи. Е.лик даражалари (4-а.дан бошлаб): патриарх, митрополит (митрополитларнинг бир қисми архиепископ унвонига эга) ва Е.

ЕПИШЕВ Владимир Александрович (1925.21.12, Саратов губерняси) — стоматолог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1979), тиббиёт фанлари д-ри (1970), проф. (1971). Киев тиббиёт стоматология ин-тини тугатган (1955). ТошТИ терапевтик стоматология кафедраси мудири (1965—90), 1990 й.дан I ТошТИ терапевтик стоматология кафедраси проф.-консультанти. 2-жаҳон уруши қатнашчиси. Илмий фаолияти оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари, стоматитларга бағишланган.

ЕР — Қуёш системасидаги Қуёшдан узоқлиги жиҳатдан учинчи (*Меркурий, Венера* сайёраларидан кейин) сайёра. У ўз ўқи атрофида ва айланага жуда яқин бўлган эллиптик орбита бўйича Қуёш атрофида айланиб туради. Ҳажми ва массаси жиҳатидан Е. катта сайёралар ичида (*Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун*дан кейин) бешинчи ўринда. Е.да ҳаёт борлиги б-н у Қуёш системасидаги бошқа сайёралардан фарқ қилади. Биороқ ҳаёт материя тараққиётининг табиий босқичи бўлганлиги сабабли Е.ни коннотнинг ҳаёт мавжуд бўлган ягона космик жисми, ҳаётнинг Е.даги шаклларини эса мавжудотнинг ягона шакллари деб бўлмайди (қ. *Ердан ташқаридаги цивилизациялар*).

Ҳоз. замон *космогония* назарияларига кўра, Е. Қуёш атрофидаги фазода газчанг ҳолатда бўлган кимёвий элементларнинг гравитацион конденсатланиши (бир-бирига қўшилиши) йўли б-н ~4,7 млрд. йил муқаддам пайдо бўлган. Е. таркиб топиб бораётган вақтда радиоактив элементларнинг парчаланиши натижасида ажралиб чиқадиган иссиқлик ҳисобига Е.нинг ички қисми аста-секин қизиб, Е. моддасининг дифференцияланишига олиб келган, оқибатда Е.нинг концентрик жойлашган турли қатламлари — кимёвий таркиби, агрегат ҳолати ва физик хоссалари жиҳатидан бир-биридан фарқ қиладиган *геосфералари* ҳосил бўлган. Е. ички қисмининг тузилиши, сейсмик тўлқинларнинг ер сирти ва бутун ҳажми бўйича тарқалишини тадқиқ этиш асосида аниқланган. Бу тўлқинлар бўйлама ва кўндаланг тўлқинлар бўйлаб, уларнинг Е. ички қисмини ташкил этган қаттиқ, суюқ қатламларида тарқалиши турлича кўриниш касб этади. Бу замонавий методлар асосида Е. ички қатламларини ўрганиш қуйидаги натижаларни берди.

Ер пўсти деб аталувчи қатлам ўртача 30 км қалинликка эга бўлиб, унинг остидаги Ер *мантияси* 2900 км чуқурликкача боради. Ундан пастда — 5500 км ли чуқурликкача суюқ ташқи ядро жойлашган бўлиб, марказда диаметри 1500 км чамасидаги қаттиқ субъядро ётади. Ердан ташқарида ташқи геосфералар — сув сфераси (*гидросфера*) ва ҳаво сфераси (*атмосфера*) жойлашган.

Е. юзасининг катта қисмини Дунё океани эгаллайди (361,1 млн. км² ёки 70,8%), қуруқлик 149,1 млн. км² (29,2%)ни ташкил этади (қуруқлик олти катта материк ва кўпдан-кўп оролларидан иборат). *Евросиё* материги икки қитъага: *Европа* ва *Осиё*га бўлинади, Шим. ва Жан. Америка материклари эса бир қитъа ҳисобланади, баъзан Тинч океан ороллари Океания деб аталади ва одатда унинг майдони Австралия б-н қўшиб ҳисобланади.

Материклар Дунё океанини Тинч, Атлантика, Ҳинд ва Шим. Муз океанларига ажратиб юборган, баъзи тадқиқотчилар Атлантика, Тинч ва Ҳинд океанларининг Антарктида ёнидаги қисмларини Жан. океан деб алоҳида ажратадилар.

Е.нинг Шим. ярим шари, асосан, қитъалардан (қуруқлик 39%), Жан. ярим шари — океанлардан (қуруқлик атиги 19%) иборат. Ғарбий ярим шарнинг кўп қисми сув, Шарқий ярим шарнинг кўп қисми эса қуруқликдир.

Е.нинг энг баланд нуқтаси б-н энг паст нуқтаси орасидаги фарқ қарийб 20 км га етади, дунёдаги энг баланд Жомолунгма (Эверест) чўққиси (Ҳимолай тоғларида) 8848 м бўлса, энг чуқур Мариана сув ости ботиғи (Тинч океанда) 11022 м дир.

1- жадвал

Ернинг тузилиши (атмосферанинг юқори қисми ва магнитосфера бунга кирмайди)

Геосфералар	Ер юзасидан ҳисобланганда қуйи чегараси	Ҳажми, 10^{18} м³	Массаси, 10^{21} кг	Шу геосфера массаси Ер массасининг қанча улушини ташкил этади, %
Атмосфера	2000 км*)	1320	~0,005	~10^{-6}
Гидросфера	+11 км га боради	1,4	1,4	0,02
Ер пўсти	5—70 км	10,2	28	0,48
Мантия	2900 км га боради	896,6	40,13	67,2
Ядро	6371 км (Ер маркази)	175,2	1934	32,3

*) Атмосфера умуман ~20 минг км баландликкача давом этади.

2-жадвал

Материклар (ороллар б-н)

Материклар номи	Майдони, млн.км²	Ўртача баландлиги, м	Материкдаги тоғларнинг энг баланд нуқтаси, м
Евросиё	53,45	840	8848
Африка	30,30	750	5895
Шимолий Америка	24,25	720	6194
Жанубий Америка	18,28	590	6960
Антарктида	13,97	2040	5140
Австралия (Океания б-н бирга)	8,89	340	2230

Е. гравитацион (тортиш), иссиқлик, магнит ва электр майдонларига эга. Е.нинг гравитацион кучи Ой ва сунъий йўлдошларни Е. орбитасида тутиб туради. Е.нинг сферик (думалоқ) шаклда бўлиши, Е. усти рельефининг кўп хусусиятлари, дарёлар оқими, музликлар силжиши ва б. жараёнлар ҳам гравитацион майдон оқибатидир.

Магнит майдони Е. ядроси ва мантиядаги турли жараёнлардан келиб чиқади (қ. *Ер магнетизми*). Е.нинг электр майдони ҳам магнит майдони б-н чамбарчас боғлиқ (қ. *Атмосфера электри*). Атмосфера ва магнитосферада бирламчи космик омиллар катта ўзгаришга учрайди. *Космик нурлар, қуёш шамоли*, қуёшнинг рентген, ультрабинафша, оптик ва радио нурлари ютилади ва б. ўзгаришларга учрайди, бу эса Е. юзасидаги жараёнлар учун муҳим аҳамиятга эга. Магнитосфера, хусусан, атмосфера электромагнит ва корпускуляр радиациянинг кўп қисмини тутиб қолиб, тирик организмларни унинг ҳалокатли таъсиридан сақлайди.

Е. Қуёшдан $1{,}7 \cdot 10^{17}$ Ж/с миқдорида нур энергияси олади, лекин унинг атиги 50% Е. юзасигача етиб келади ва Е. юзасидаги кўп жараёнларнинг энергия манбаи бўлиб хизмат қилади.

Е. юзаси, гидросфера, шунингдек, атмосфера ва Е. пўстининг ер юзасига яқин қатламлари географик қобиқ ёки ландшафт қобиғи деган умумий ном б-н аталади. Ҳаёт *географик қобиқда* пайдо бўлган. Тирик модда айни пайтда геологик куч ҳам бўлиб, географик қобиқни тубдан ўзгартириб юборган. Е.нинг ҳаёт ва биоген маҳсулотлар тарқалган соҳаси *биосфера* деб аталадиган бўлди.

Е., унинг шакли, тузилиши ва Коинотда тутган ўрни тўғрисидаги ҳоз. билимлар узоқ даврлар давомидаги изланишлар жараёнида таркиб топди. Қадимда (мил. ав. 7-а., Фалес) Е.ни — сув б-н ўралган ясси жисм деб, кейинроқ (мил. ав. 6-а., Анаксимандр) цилиндрик шаклда деб ва, ниҳоят, мил. ав. 6-а. 2-ярмида (Пифагор) шар шаклида деб тасаввур қилдилар. Мил. ав. 4-а. да Аристотель Ойнинг Е. соясига кириш (Ой тутилиши) ҳодисасини ўрганиб, Е.нинг шар шаклдалигини биринчи бўлиб исбот қилди. Е.нинг диаметрини мил. ав. 3-а. да александриялик Эратосфен етарлича катта аниқликда ўлчади. 9-а. да *Хоразмий* ва *Аҳмад ал-Фарғоний* Е. меридиани ёйини ўлчаш асосида Е. диаметрини янада аниқроқ ўлчашга эришдилар. Е. радиуси узунлигини ва 1° узунлиқни қиялик бурчагининг пасайиши ёрдамида оддий усулда ўлчаган олим Абу Райҳон *Беруний* ҳисобланади.

Узоқ йиллар Е. — Коинот маркази деб қаралди. Фақат 16-а.га келиб, сайёраларнинг юлдузлар фонидаги сиртмоқсимон ҳаракатларини тушунтириш асосида поляк астрономи Н. *Коперник* Е. Қуёш атрофида айланувчи оддий сайёралардан бири эканлигини исбот қилди.

17-а. бошларида немис астрономи И. *Кеплер* томонидан сайёралар ҳаракати қонуни кашф этилиб, 1687 й. да И. *Ньютон* томонидан *Бутун олам тортишиш қонуни* исбот қилинганидан сўнг гелиоцентрик система назарияси узил-кесил қарор топди. «Қаттиқ» Е. тузилиши, асосан, 20-а. да *сейсмология* ютуқлари туфайли аниқланди.

Элементларнинг радиоактив парчаланиши ҳодисаси кашф этилгач, кўпгина фундаментал концепцияларни қайта кўриб чиқишга тўғри келди. Жумладан, Е. энг аввал суюқ олов эди, деган тушунча ўрнига Е. қаттиқ совуқ заррадан вужудга келган деган назария пайдо бўлди (қ. *Шмидт гипотезаси*). Тоғ жинсларининг мутлақ ёшини аниқлашнинг радиоактив методлари ишлаб чиқилди. Бу эса Е. тарихи қанча давом этганини, ер юзаси ва бағридаги жараёнларнинг тезлигини аниқлашга имкон берди.

20-а. 2-ярмида ракета ва сунъий йўлдошлардан фойдаланиб, атмосферанинг юқори қатламлари ва магнитосфера ҳақида тасаввурлар шаклланди.

Ер—сайёра

Е.нинг массаси $5976 \cdot 10^{21}$ кг, бу эса Қуёш массасининг 1/330000 қисмига тенг. Қуёшнинг тортиш кучи таъсирида Е. Қуёш системасидаги бошқа сайёралар каби, Қуёш атрофида доирадан жуда оз фарқ қиладиган эллиптик орбита бўйлаб айланади. Қуёш Е.нинг эллиптик орбитаси фокусларидан бирида туради. Шунинг учун ҳам Е. б-н Қуёш орасидаги масофа йил давомида 147,117 млн. км дан (*перигелийда*) 152,083 млн. км гача (*афелийда*) ўзгариб туради. Е. орбитасининг 149,6 млн. км га тенг катта ярим ўқи Қуёш системаси доирасида масофаларни ўлчашда бирлик деб қабул қилинади (қ. *Астрономик бирлик*). Е.нинг орбита бўйлаб қиладиган ҳаракат тезлиги, ўрта ҳисобда, 29,765 км/с бўлиб, 30,27 км/с дан (перигелийда) 29,27 км/с гача (афелийда) ўзгариб туради. Е. Қуёш б-н бирга *Галактика* маркази атрофида ҳам айланади, галактик айланиш даври 200 млн. йилга яқин вақтга тенг, ҳаракатнинг ўртача тезлиги 250 км/с. Энг яқин юлдузларга нисбатан Қуёш Е. б-н биргаликда *Геркулес* юлдузлар туркумига томон ~19,5 км/с тезликда ҳаракат қилади.

Е.нинг Қуёш атрофида айланиш даври *йил* деб аталади ва Е. ҳаракати осмон жисмларининг қайси бирига ва осмон гумбазининг қайси нуқтасига нисбатан олинишига қараб йил ҳар хил аталади. Қуёш марказининг баҳорги тенгкунлик нуқтасидан икки марта кетма-кет ўтиши учун кетган вақтга тропик йил деб аталади. Тропик йил фида айланиш даври бир асрда ўртача бир неча м/с га ортиб бормоқда (500 млн. йил олдин сутка 20,8 соат бўлган). Е.нинг айланиш тезлиги ҳаво массалари ва намликнинг мавсумий алмашиниб туриши натижасида ҳам йил давомида ўзгариб туради. Е. қутблари ботиқ (экватор атрофи массаси каттароқ) бўлганлиги ва Ой орбитаси Е. экватори текислигида ётмаганлигидан Ойнинг тортиши *прецессия*ни вужудга келтиради, яъни Е. ўқи фазода эклиптика ўқи атрофида секин бурилиб боради ва 26 минг йил деганда бир марта тўлиқ конус сирт чизади. Бу ҳаракатга ўқ йўналишининг даврий тебранишлари — *нутация* ҳам қўшилиб кетади (асосий даври 18,6 йил). Айланиш ўқининг Е. танасига нисбатан ҳолати даврий равишда ҳам (бунда қутблар ўртача ҳолатдан 10—15 м оғади), асрлар давомида ҳам ўзгариб туради, Шим. қутбнинг ўртача ҳолати Шим. Америка томонга йилига ~11 см дан сурилиб боради (қ. *География қутблари*).

3-жадвал

Океанлар

Океанлар	Сатҳи, млн.км²	Ўртача чуқурлиги, м	Энг чуқур жойи, м
Тинч океан	179,68	3984	11022
Атлантика океани	93,36*)	3926	8428
Ҳинд океани	74,92	3897	7130
Шимолий Муз океани	13,10	1205	5449

*) Бошқа маълумотларга кўра 91,14 млн.км².



Ернинг сунъий йўлдош орқали олинган сурати.

Қуёш тақвимлари учун асос қилиб олинган ва у 365,2422 ўртача қуёш суткасига тенг (қ. *Тақвим*).

Бошқа сайёраларнинг тортиши таъсирида эклиптика текислигининг ҳолати ва Е. орбитасининг шакли млн. йиллар мобайнида секин ўзгаради. Бунда эклиптиканинг *Лаплас текислиги*га оғишганлиги 0° дан 2,9° гача, Е. орбитаси *эксцентриситети* эса 0 дан 0,067 гача ўзгаради. Ҳоз. эксцентриситет 0,0167 га тенг бўлиб, йилига $4 \cdot 10^{-7}$ дан камая боради. Олам Шим. Қутбидан туриб Е. шарига қаралса, Е.нинг орбита бўйлаб соат милига тескари йўналишда айланаётганини кўриш мумкин бўлар эди. Гравитация, Е.нинг ўз ўқи атрофида айланиши натижасида юзага келадиган марказдан қочма куч, шунингдек, рельеф ҳосил қилувчи ички ва ташқи кучлар таъсирида Е. мураккаб шаклга кирган. Гравитацион потенциалнинг сатҳ юзаси (яъни ҳамма нуқталарда *шоқул* йўналишига перпендикуляр (тик) бўлган ва океан сатҳига тўғри келадиган юза) тақрибан Е. шаклини тўлқин, сув кўтарилиши, оқим ва атмосфера босими таъсирида сув сатҳининг ўзгариб туриши эътиборга олинмайди). Бу *геоид* шакл деб аталади. Ана шу юза б-н чегараланган ҳажм Е. ҳажми деб ҳисобланади (қитъаларнинг денгиз сатҳидан юқори жойлашган қисмлари ҳажми бунга кирмайди). Геодезия, харитаграфия ва б. да бир қанча илмий ва амалий масалаларни ҳал қилиш учун Е. шаклининг эллипсоид юзасини Е. шакли деб қабул қилинади. Е. эллипсоиди параметрларини, Е.даги ҳолатини, шунингдек, *Ернинг гравитацион майдони*ни билиш, сунъий космик жисмларнинг ҳаракат қонунларини ўрганадиган астродинамикада катта аҳамиятга эга (қ. *Геодезия, Гравиметрия*).

Е. шар шаклида деб ҳисобланса, экватордаги ҳар бир нуқта 462 м/с, φ кенгликдаги нуқталар эса 463 cos φ (м/с) тезлик б-н ҳаракатланади. Айланиш чизиқли тезлигининг, бинобарин марказдан қочма кучнинг кенгликка боғлиқлиги турли кенгликларда оғирлик кучи тезланишининг турлича бўлишига олиб келади (*4-жадвалга қ.*).

4-жадвал

Ернинг геометрик ва физик кўрсаткичлари

Экваториал радиуси	6378,160 км
Қутбий радиуси	6356,777 км
Ер эллипсоиди қисилганлиги	1:298,25
Ўрта радиуси	6371,032 км
Экватор айланаси узунлиги	40075,696 км
Юзаси (сатҳи)	$510{,}2 \cdot 10^6$ км²
Ҳажми	$1{,}083 \cdot 10^{12}$ км³
Массаси	$5976 \cdot 10^{21}$ кг
Ўртача зичлиги	5518 кг/м³
Оғирлик кучи тезланиши (денгиз сатҳида)	9,78049 м/с²
а) экваторда	9,83235 м/с²
б) қутбда	9,83235 м/с²
в) стандарт тезланиши	$8{,}104 \cdot 10^{37}$ кг·м²
Айланиш ўқига нисбатан инерция моменти	

Е.нинг айланиш ўқи эклиптика текислигига туширилган перпендикулярдан 23°26,5′ оғишгандир (20-а. ўрталарида); ҳозир бу бурчак йилига 0,47″ дан кичрайиб бормоқда. Е. Қуёш атрофида орбита бўйлаб ҳаракат қилганда айланиш ўқи фазода доимий йўналишини деярли сақлайди. Бу эса *йил фаслларини* ҳосил қилади. Е.нинг ўз ўқи атрофида айланиши натижасида кун ва тун ҳосил бўлади. Е.нинг ўз ўқи атрофида бир марта айланиш даври *сутка* дейилади. Ой, Қуёш ва б. сайёраларнинг гравитацион таъсирида Е. ўқи қиялиги ва орбитаси эксцентриситетининг узоқ давом этадиган даврий ўзгаришлари юзага келади, бу эса, ўз навбатида, иқлимнинг кўп асрлар давомида қисман ўзгариб боришига сабаб бўлади.

Ой ва Қуёшнинг тортиши таъсирида Е.нинг айланиш даври мунтазам равишда ортиб бормоқда. Ойнинг тортиши атмосфера, сув қобиғи ва «қаттиқ» Е.да ҳам деформацияланишни юзага келтиради. Ой тортиши натижасида Е. пўстидаги кўтарилиш-пасайиш амплитудаси 43 см га, очиқ океанда кўпи б-н 2 м га етади; атмосферада эса босим бир неча юз Н/м² (бир неча мм сим. уст.)гача ўзгаради. Кўтарилиш-пасайиш ҳаракатида рўй берадиган ишқаланиш таъсирида Е.-Ой системаси энергия йўқотади ва ҳаракат миқдори моменти Е.дан Ойга ўтади. Оқибатда Е.нинг айланиши секинлашади, Ой эса Е.дан узоқлашади. Е.нинг ўз ўқи атрофида айланиш даври ортиб бормоқда.

Ернинг тузилиши

Магнитосфера. Ернинг энг ташқи ва энг қалин пўсти Е.га энг яқин фазо — магнитосфера, унинг физик хоссалари Е. магнит майдонига ва бу майдоннинг космик зарралар оқими б-н ўзаро таъсирлашувига боғлиқ. Космик зондлар ва *Ер сунъий йўлдошлари* ёрдамида олиб борилган текширишлар Е. доимо Қуёшдан келадиган корпускуляр зарралар оқими (қуёш шамоли)да туришини кўрсатади. Е. орбитаси яқинида бу зарралар оқимининг тезлиги 300 дан 800 км/с гача етади. Қуёш плазмасида кучланганлиги ўртача $4{,}8 \cdot 10^{-3}$ а/м ($6 \cdot 10^{-5}$)га тенг магнит майдони мавжуд.

Қуёш плазмаси оқими Е. магнит майдони б-н тўқнашганда зарба тўлқини пайдо бўлади, унинг Е. марказидан узоқлиги 13—14 $R_\oplus$ га тенг ($R_\oplus$ — Ер радиуси), шу тўлқиндан кейин 20 минг км қалинликдаги қатлам (оралиқ соҳа) келади. Қуёш плазмасидаги магнит майдонида зарралар тартибсиз ҳаракатланади. Бу майдонда плазма т-раси 200 минг даражадан 10 млн. даражагача кўтарилади.

Магнитосферага қуёш шамоли оралиқ соҳа орқали ўтади. Оралиқ соҳа б-н магнитосфера чегараси — магнитопауза босими Е. магнит майдони босими мувозанатлаб турадиган жойдан ўтади. У Е. марказидан 10—12 $R_\oplus$ (70—80 минг км), қалинлиги 100 км; магнитопауза атрофида магнит майдони кучланганлиги $8 \cdot 10^{-2}$ а/м (10^{-3}). Қуёш фаоллиги пайдо бўлиши натижасида магнитосфера ўзгаради. Қуёш фаоллиги туфайли

вертикал ҳамда горизонтал йўналишда силжийди, Е. пўстининг ички тузилиши деформацияланади ва ўзгаради. Буларнинг ҳаммаси тектоник жараёнлар бўлиб, бу жараёнлар намоён бўлган жой тектоносфера деб аталади. Тектоник жараёнлар б-н ўзаро боғланган ҳолда магматик жараёнлар ҳам содир бўлиб туради, бу жараёнлар натижасида *магма* пастдан юқорига кўтарилади ва лава ҳолатида ёриқлардан Е. юзасига оқиб чиқади (вулканизм). Тектоник деформациялар (дислокациялар) ва магманинг сингиши натижасида тоғ жинслари метаморфизм жараёнига учрайди — юқори босим ва т-ра таъсирида минерал очиқ таркиби ва структураси ўзгаради.

Е. юзаси ва пўстининг юқори қатламларига экзоген жараёнлар ҳам таъсир этади. Тоғ жинсларининг нураши, емирилган тоғ жинсларини шамол ва оқар сувлар олиб кетиши, ер юзасининг дарё-сойлар, ер ости сувлари, музликлар томонидан ўзгартириб юборилиши, қуруқликдаги пастликларда, денгиз ва кўлларда тўпланиб қолиб, кейинчалик чўкинди тоғ жинсларига айланиши экзоген жараёнлардир.

Эндоген ва экзоген жараёнларнинг ер юзасига таъсири бир-бирига қарама-қарши. Эндоген жараёнлар (асосан, тектоник ҳаракатлар) катта паст-баландликлар ҳосил қилади, экзоген жараёнлар эса кўтарилган жойларни парчалайди, бўлиб-бўлиб юборади, емирилган маҳсулотларни пастқам жойларга элтади, яъни ер юзасини текислаб, мувозанатни сақлашга интилади. Ички ва ташқи жараёнларнинг ўзаро таъсири натижасида ер юзасида турли хил нотекисликлар пайдо бўлади, натижада ер юзасининг рельефи таркиб топади. Ички ва ташқи кучлар нисбатининг турлича бўлишига қараб тоғлар, адирлар ёки текисликлар ҳосил бўлади.

Эндоген жараёнлар таъсирида Е. ичидаги жинслар унинг юзасига чиқиб қолиб, денудация ва аккумуляцияга учрайди ва чўкинди жинслар ҳосил қиладиган асосий манбалардан бирига айланади. Е. пўсти чўкканда чўкинди жинслар Е. ичига кириб, эндоген жараёнлар таъсирига тортилади, баъзан эриб магмага айланади ва яна тектоник ҳаракатлар таъсирида Е. юзасига чиқиб қолади.

Ер пўсти структурасининг асосий хусусиятлари. Е. пўсти — ички геосфералар ичида бевосита ўрганиш имконияти бўлган ягона геосфера. Шунинг учун ҳам Е. пўстининг структурасини ўрганиш фақат Е. пўстини эмас, балки умуман Е.нинг ривожланиши тарихи тўғрисида фикр юритиш учун муҳимдир. Е. пўсти 2 асосий қисм — материк Е. пўсти ва океан ости Е. пўстидан иборат, шулардан материклар Е. пўсти яхшироқ ўрганилган. Материклари Е. пўстининг энг қад. таркибий унсурлари қад. (токембрий) платформалар — тектоник жиҳатдан кам ҳаракат қиладиган (барқарор) кенг қуруқликлардир. Платформа ҳудудларининг анчагина қисми геологик тарих давомида деярли горизонтал ётган чўкинди жинслар б-н қопланган плиталарга айланган. Уларнинг остида қад. бурмаланган фундамент жойлашган. Бундай фундамент чўкинди жинслар бўлмаган қалқонларда ер юзасига чиқиб қолган ва бурмаланган метаморфик жинслардан ташкил топган, буларни асосан гранит таркибли чуқур магматик *интрузиялар* ёриб чиққан. Қад. платформалар бир-биридан фаол геосинклиналь минтақалар б-н ажралган; геосинклиналь минтақалар бир қанча геосинклиналь системалардан иборат. Геосинклиналь минтақалар узунасига ўнларча минг км га чўзилган, уларда Е. пўсти қалин, катта амплитудали вертикал ҳаракатлар содир бўлган, тоғ жинслари кучли бурмаланган, вулкан ҳаракатлари фаоллашган ва сейсмик ҳаракатлар шиддатли тус олган.

Океан ости Е. пўсти кам ўрганилган ва бу соҳада кўпроқ фараз қилинади. Кенг ва нисбатан текис бўлган океан тубида вулканизм кам, сейсмик ҳаракатлар суст, Е. пўстининг вертикал ҳаракатлари секин ўтади. Бундай майдонлар океан платформалари деб аталади. Айни вақтда океан остида тектоник ҳаракатлар бўлиб турадиган зоналар ҳам бор, улар океан рифт минтақалари деб аталади ва бутун океанлар бўйлаб ўрталиқ тоғ тизмаларининг шаклида чўзилиб ётади. Уларда вулканизм, кучли сейсмиклик ва Е. қатъридан келадиган иссиқлик оқими катта. Тизмалари бўйлама кетган ер ёриқлари б-н мураккаблашган шундай жойларда қатор чуқур рифт ботиқлари пайдо бўлган. Материк ва океан ости Е. пўстларининг ўзаро структуравий нисбатига кўра уларнинг бир-биридан принципал фарқ қиладиган 2 типини ажратиш мумкин. Атлантика типи деб аталувчи биринчиси, асосан Атлантика, Ҳинд ва Шим. Муз океанларига хос. Бу ерда материк ва океан чегараси материк пўсти структураларини кўндалангига кесиб ўтади, ундан океан ости Е. пўстига ўтиши эса кескин бўлиб «грани» қатламини материк ён бағрига кириб йўқолишидан амалга ошади. Иккинчи, ёки тинч океан типи Тинч океан чеккалари. Атлантика океанининг Кариб денгизи ва ороллари, Жан. Гебрид о.лари ва Ҳинд океанининг Индонезия қирғоқларига тегишлидир. Бунга мезозой ва кайнозой бурмали системалари ва ҳоз. замон геосинклиналларининг континент четига параллел ётиши хосдир. Ўтиш зонаси таркибида геоантиклиналь кўтарилмалар мавжуд. Ҳоз. рельефда булар ороллар ёйининг тоғлик архипелаги кўринишида намоён бўлган. Булар б-н чекка денгизларнинг чуқур сув ости ботиқлари ва камбар узун океан новлари кўринишидаги геосинклиналь букилмалар ёнма ён жойлашган.

Тинч океан қирғоқларининг бундай хусусиятларини кўпинча унинг қадимийлигидан деб изоҳлайдилар. Айни пайтда атлантика типидаги океанларнинг нисбатан ёш эканлигига шубҳа йўқ. Тарихий геол. маълумотларига кўра палеозой эрасининг охирида Жан. Америка, Африка, Австралия ва Антарктида материклари, Мадагаскар о. ва қад. Ҳинд платформаси б-н биргаликда *Гондвана* деб аталмиш ягона континентал массивни ташкил этган. Фақат мезозой давомида у бўлакларга ажралган, натижада ҳоз. Ҳинд ва Атлантика океанлари ботиқлари пайдо бўлган. Бу фактни ҳамма томонидан яқдил тан олиниши уни турлича талқин этилишини инкор қилмайди. Баъзи бир олимлар бу ҳодисани «океанланиш» натижаси, яъни материк Е. пўстини океан ости Е. пўстига айланиши деб ҳисоблайдилар. Айни вақтда океанлар материк Е. пўсти блокларининг сурилиши ва таг субстратнинг очилиб қолишидан ҳосил бўлади деган фикрлар кенг тарқалмоқда. Материклар дрейфи тўғрисидаги бундай фиқрлар палеогеография маълумотлари асосида тасдиқланган.

20-а.нинг 60-й.ларида олға сурилган мобилистик гипотезалардан «янги глобал тектоника» ёки «плиталар тектоникаси» деб аталмиш гипотеза кенг тарқалди. Бу гипотезалар океанларда олиб борилган геофизик тадқиқотларга асосланган. Унда океан ости Е. пўстининг океан ўрталиқ тизмаларидан икки томонга қараб «оқиши» ва бунинг натижасида океан чўкмаларининг кенгайиши тахмин қилинади.

Ер рельефи. Е.нинг энг йирик (сайёравий кўламдаги) рельеф шакллари Е. пўстининг энг улкан структурали унсурларига мувофиқ келади. Уларнинг морфологик тафовутлари Е. пўсти айрим қисмларининг тузилиши ва тарихидаги фарққа ҳамда тектоник ҳаракатларнинг йўналишига қараб белгиланади. Е. юзи рельефининг асосан

ички (эндоген) жараёнлар таъсирида пайдо бўладиган бу шакллари морфоструктуралар деб аталади.

Сайёра масштабидаги морфоструктуралар нисбатан кичикроқ, лекин бари бир йирик морфоструктуралар — айрим қирлар, тоғ тизмалари, платолар, ботиқлар ва б. рельеф шаклларига ажралади. Бу морфоструктуралар устида морфоскульптуралар деб аталадиган ва аксари ташқи кучлар таъсирида вужудга келган ҳилма-хил майда рельеф шакллари жойлашган.

Морфоструктуралар Е. юзасидаги йирик паст-баландликлар, материк дўнгликлари ва океан ботиқларини ҳосил қилади. Қуруқлик рельефининг энг йирик унсурлари — текислик-платформа ва тоғ (ороген) областлари.

Текислик-платформа областлари қад. ва ёш платформаларнинг текислик қисмларини ўз ичига олади ва қуруқликнинг қарийб 64%ини эгаллаган. Дастлабки текислик юзаларининг аксари майдонни эгаллаган, улар деярли горизонтал ётувчи чўкинди жинслар қатламларидан иборат. Бу областларнинг жойланишида симметрия-лик кузатилади: Шим. ярим шарда Шим. Америка, Шарқий Европа ва Сибирь текисликлари, Жан. ярим шарда Жан. Америка (Бразилия), Африка-Арабистон ва Австралия текисликлари жойлашган. Платформа текисликларида алоҳида пасттекисликлар ва қирлар, плато, ясситоғликлар ва анча баланд тоғ массивлари бор. Текислик-платформа областлари мутлақ бал. 100—300 м ли паст областлар (Шарқий Европа, Ғарбий Сибирь, Турон, Шим. Америка) ва Е. пўстининг энг янги ҳаракатлари натижасида кўтарилган (400—1000 м) баланд областларга (Ўрта Сибирь ясситоғлиги, Африка-Арабистон, Ҳиндистон текисликлари ҳамда Австралия ва Жан. Америка текисликларининг анча қисми) бўлинади. Қуруқлик рельефида баланд текисликлар аксариятни ташкил этади.

Тоғли (ороген) областлар қуруқликнинг 36% га яқинини эгаллайди. Булар икки типга бўлинади: дастлаб кайнозой геосинклиналь системалари ривожланишининг ороген босқичида пайдо бўлган ёш ёки эпигеосинклиналь (Евросиё жан.даги, Шим. ва Жан. Американинг ғарбидаги) тоғлар ва қайтадан вужудга келган ёки эпиплатформа тоғлари; улар Е. пўстидаги қад. бурмали областларнинг текисланган ёки ярим емирилган жойларида кейинги ҳаракатлар натижасида ёшариши ва қайтадан пайдо бўлишидан бунёдга келган (мас., Тяньшан, Куньлун, Жан. Сибирь ва Монголия шим.даги тоғлар, Шим. Америкадаги Қояли тоғлар ва б.).

Океанларнинг туби қуйидаги қисмларга ажралади: материкларнинг сув ости чеккалари, орол ёйлари зонаси (ёки оралиқ зона), океан туби ва океан ўрталиқ тизмалари. Материкнинг сув ости чеккаси (Ер юзасининг 14% часи) материк саёзлиги (*шельф*), минтақасининг текис қисми (*материк ён бағри* ва 2500 дан 6000 м гача чуқурликда жойлашган *материк этагини* ўз ичига олади. Материк ён бағри ва материк этагини океан қаъри деб аталадиган океан тубининг асосий қисмидан қуруқлик ва шельфдан ташкил топган материк дўнгликлари ажратиб туради.

Ороллар ёйи зонаси. Океан қаъри Е. қуррасининг ҳамма областларида ҳам материк этаклари б-н чегарадош бўлавермайди. Геосинклиналь режими ҳозиргача сақланган Тинч океан ғарбий чеккалари, Малай архипелаги областлари, Антил о.лари, Скоша денгизи ва б. ҳудудларда материк б-н океан қаъри оралиғида ўтувчи зона жойлашган. Бу зона океан туби қисмларининг кенглиги ва кўтарилган ҳамда чуқур чўккан жойларининг кескин алмашиши б-н фарқ қилади. Бу ҳудудларда ороллар ёйи архипелаглари, чекка денгизлар ҳавзалари (мас., Беринг, Охота ва б. денгизлар), улар ҳудудида тоғлар ва кўтарилмалар, шунингдек, чуқур сув ости новлари жойлашган. Ороллар ёйлари (Курил, Зонд, Антил о.лари ва б.) қатор ороллар кўринишида сув сатҳидан кўтарилган; чуқур сув ости новлари — океан тубининг 7—11 км чуқурликдаги узун ва камбар ботиқларидан иборат.

Асл океан қаъри нинг кўп қисми (Е. юзасининг 40% гача) океан платформалари (талассократон)га тўғри келадиган чуқур сув ости (ўртача чуқ. 3—4 минг м) текисликлари б-н банд. Ясси (субгоризонтал), қия ва бал. 1000 м гача бўлган дўнг текисликлар мавжуд. Океан қаъридаги текисликлар ораларидан алоҳида жойлашган кўп сонли сув ости тоғликлари (вулканлар) кўтарилиб туради.

Сув ости рельефининг энг йирик унсури океан ўрталиқ тизмалари дир (Е. юзасининг 10% гача). Уларнинг умумий уз. 60 минг км дан кўпроқ. Улар нишабли баландликлар бўлиб, кенглиги бир неча ўн км дан минг км гача, қўшни ҳавзалар тубидан 2—3 км кўтарилиб туради. Тизмаларнинг айрим чўққилари океан сатҳидан вулкан ороллари шаклида кўтарилган (Тристан-да-Кунья, Буве, Санта-Елена ва б.).

Е. юзасининг тузилишида Е. пўстини бутунлай кесиб ўтадиган ва кўпинча мантиягача борадиган чуқур Е. ёриқлари муҳим роль ўйнайди. Улар Е. пўстини рельефда яхши ифодаланиб турадиган катта бўлакларга ажратиб туради. Йирик Е. ёриқлари океанлар тубида кенглик ва субкенглик бўйича 1000 км гача чўзилган. Бундай Е ёриқлари океан ўрталиқ тизмаларини кесиб ўтган, уларни бири иккинчисига нисбатан 10—100 км га силжиган сегментларга ажратиб юборган ва рельефда тепалик, камбар ботиқлар ва улар устидан кўтарилган тоғ тизмалари шаклида намоён бўлган.


Морфоскульптуралар. Морфоскульптураларнинг шаклланишида дарё ва вақтинча оқар сувларнинг роли катта. Сув кенг тарқалган флювиал (эрозион ва аккумулятив) шаклларни (дарё водийлари, сойликлар, жарлар ва б.) ҳосил қилган. Музлик шакллари ҳам кўп. Улар ҳоз. ва қад. музликлар фаолияти б-н боғлиқ. Осиё ва Шим. Америкада кўп йиллик музлоқ қатламли жинслар тарқалган жойларда турли шаклдаги музлаган ерлар (криоген) рельефи ривожланган. Чўл ва чала чўл ўлкаларда физик нураш, шамол ва вақтинча оқар сув оқимлари туфайли юзага келган арид рельеф шакллари кенг тарқалган.

Биосфера

Таркиби, тузилиши, энергетикаси тирик организмлар фаолияти б-н чамбарчас боғланган биологик қобиқ, яъни биосферанинг мавжудлиги Е.нинг сайёра сифатидаги ўзига хос энг муҳим хусусиятидир. Биосферага Е.нинг фақат ҳоз. ҳаёт тарқалган устки қисмигина эмас, балки бошқа геосферларнинг тирик модда кириб борадиган ҳамда унинг фаолияти таъсирида қачонлардир қайтадан ўзгарган қисмлари ҳам киради. Шу сабабдан биосфера тирик организмларнинг фақат ҳоз. яшаш муҳитини эмас, балки қад. муҳитини ҳам ўз ичига олади. Турли маълумотларга кўра, Е.да 2,5 млн. турга яқин тирик организмлар тарқалган. Шундан фақат 1/5 қисмини ўсимликлар ташкил қилади. Ҳайвонлар орасида турлар сони жиҳатидан бўғимоёқлилар биринчи (1500000 турдан ортиқ), моллюскалар — иккинчи (130000 тур), хордалилар (40000 тур) учинчи, ўсимликлардан ёпиқ уруғлилар биринчи (350000 тур), замбуруғлар (100000 тур) иккинчи ўринда туради. Бироқ турлар сони индивидлар сонига ҳар доим мос келавермайди, чунки ўсимлик ва ҳайвонлар айрим систематик гуруҳлари-



IV. Кечки палеозой (ўрта ва кечки карбон, пермь)



III. Ўрта палеозой (силур, девон ва эрта карбон)



II. Эрта палеозой (кембрий, ордовик)



I. Кечки протерозой (венд)

I. Кечки протерозой: 1 — сувўтлар; 2 — булутлар; 3,6 — ковакичлилар; 3 — медузалар, 6 — саккиз нурли маржонлар; 4,8 — юмалоқ чувалчанглар; 5 — игнатанлилар (систематик ўрни ноаниқ); 7 — бўғимоёқлилар (систематик ўрни ноаниқ); 9 — строматолитлар кўк-яшил сувўтлар ҳаёт фаолиятининг маҳсули.
II. Эрта палеозой: 1 — археоциатлар; 2,3 — ковакичлилар; 2 — тўрт нурли якка маржонлар (ругозлар); 3 — медуза; 4 — бўғимоёқлилар (трилобит); 5,6 — моллюскалар; 5 — бошоёқли, 6 — қориноёқли; 7 — брахиоподалар; 8 — яримхордалилар (граптолит).
III. Ўрта палеозой: 1 — ковакичлилар (якка ва колония бўлиб яшайдиган маржонлар — ругозлар); 2,3 — моллюскалар; 2 — қориноёқли, 3 — бошоёқли (гониатит); 4 — брахиоподалар; 5, 6, 8 — игнатанлилар; 5 — денгиз юлдузлари, 6 — денгиз нилуфарлари; 7 — жағсуяксиз балиқсимонлар; 8 — цистоидеялар; 9 — тоғайли балиқлар; 10 — сувда ва қуруқда яшовчи; 11, 12 — судралиб юрувчилар; 11 — диметродон, 12 — скутозавр, 13—15 — ўсимликлар; 13 — бўғимпоялилар (каламитлар), 14 — плаунсимонлар (лепидодендронлар ва сигиллариялар), 15 — папоротниклар.
IV. Кечки палеозой: 1, 2 — балиқлар; 1 — патпанжали; 2 — қалқонли; 3—6 — ўсимликлар; 3 — псилофитлар, 4 — бўғимпоялилар (каламитлар), 5 — плаунсимонлар (лепидодендронлар ва сигиллариялар), 6 — кордаитлар, 7 — сувда ва қуруқда яшовчи, 8 — иностранцевия.

нинг турлари кам бўлгани ҳолда индивидлар сони ҳаддан ташқари кўп бўлиши мумкин. Шу сабабдан ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини таърифлашда биомасса ва *биологик маҳсулдорлик* тушунчаларидан фойдаланилади. Таркиби жиҳатидан биосфера моддаси тирик (организмлар), биоген (тирик организмлар барпо этган маҳсулотлар), биокос (биологик ва анорганик жараёнларнинг биргаликлаги таъсири натижасида ҳам ҳосил бўлган) ва кос (анорганик) моддаларга бўлинади (қ. *Биосфера*).

География қобиқ (ландшафт қобиғи) қиёсан қалин бўлмаса ҳам, Е.нинг ўзига хос хусусиятларини мужассамлаштирган. Бу сферада 3 геосфера атмосферанинг қисмлари, гидросфера ва Е. пўсти бир-бири б-н туташади ва ўзаро муносабатда бўлади. Ландшафт сфераси Қуёш нури энергиясининг асосий қисмини ютади ва б. космик таъсирларни қабул қилади. Унда Е. ичидаги радиоактив парчаланиш ва б. жараёнлар таъсирида пайдо бўладиган тектоник ҳаракатлар рўй беради, минераллар қайта кристалланади ва ҳ. к.

Турли хил манба (асосан, Қуёш) энергиялари ландшафт сферасида иссиқлик, молекуляр, кимёвий, кинетик, потенциал, электр энергияга айланади ва натижада бу ерда Қуёшдан келадиган иссиқлик тўпланиб, тирик организмлар учун хилма-хил шароит яратилади (қ. *География қобиқ*).

Геологик тарих ва ердаги ҳаёт эволюцияси

Ернинг геологик тарихи Е. пўстининг геологик тузилиши ва тоғ жинслари мажмуасини ўрганиш асосида аниқланган. Е.даги энг қад. тоғ жинсларининг мутлақ ёши 4,5 млрд. йилдан кўпроқ, сайёра шаклидаги Е.нинг ёши эса қарийб 4,7 млрд. йилга тенг. Е.нинг пайдо бўлиши ва дастлабки ривожланиши унинг геологик тарихидан олдинроқ кечган. Е.нинг геологик тарихи бирбирига тенг бўлмаган 2 босқичга бўлинади: Ер тарихининг тахм. 5/6 қисмини ўз ичига олган *токембрий* (3 млрд. йилдан ортиқ) ва сўнгги 570 млн. йилни ўз ичига олган фанерозой (қ. *Фанерозой эони*). Токембрий архей ва протерозойга бўлинади. Фанерозой эраларига — палеозой, мезозой ва кайнозой эраларини ўз ичига олади (қ. *Геохронология*).

Е. пўсти материк қисмининг тарихи яхшироқ ўрганилган, ана шу қисмда қад. (токембрий) платформалар бундан 1500—1600 млн. йилча олдин таркиб топган; булар Европадаги Шарқий Европа, Сибирь (Россия); Хитой-Корея, Жан. Хитой ва Ҳиндистон, Африка, Австралия, Жан. Америка ва Шим. Америка (Канада), шунингдек, Антарктида платформаларидир. Материклар Е. пўсти тарихи геосинклиналь системалардан иборат геосинклиналь минтақаларнинг таркиб топиш тарихидан иборат (қ. *Геосинклиналь*).


Фанерозой геосинклиналь системаларининг кўпчилиги тектоник циклар давомида вужудга келган. Тектоник цикллардан ҳар бирининг бошланиши ва охири турли ҳолларда ўнларча млн. йил фарқ қилса ҳам, бу цикллар материк Е. пўсти структураси умумий эволюциясининг табиий босқичлари ҳисобланади. Булардан иккитаси — каледон ва герцин цикли палеозой эрасига тўғри келади (бундан 570—248 млн. йил олдин ўтган). Мана шу цикллар охирида тугаган *каледон* ва *герцин бурмаланиши* энг катта эпипалеозой ёш платформаларининг фундаментларини ҳосил қилган. Бундан кейинги тектоник тарих кўпинча ягона альп цикли деб қаралади (қ. *Альп бурмаланиши*). Бироқ бу цикл ҳам Е. шарининг муайян қисмлари тараққиётида мустақил аҳамиятга эга бўлган бир қанча кичик цикларга ажралади (мезозой цикли, ҳақиқий альп цикли, кайнозой цикли).

Бутун тектоник цикл давомида вертикал ҳаракатларнинг даврий такрорланиб туриши (цикл бошида ернинг кўпроқ чўкиши ва цикл охирида кўпроқ кўтарилиши) ҳар сафар Е. юзасидаги рельефининг ўзгаришига, трансгрессия ва регрессия бўлиб туришига олиб келган. Бу даврий ҳаракатлар чўкинди жинслар табиатига, шунингдек, иқлимга таъсир этган, оқибатда иқлим даврий равишда ўзгариб турган. Палеозойда Бразилия, Жан. Африка, Ҳиндистон ва Австралияни вақти-вақти б-н муз босган. Шим. ярим шарнинг бир қанча жойларини охирги марта антропогенда муз қоплаган.


Ҳар бир тектоник циклнинг биринчи ярмида материкларни кўпроқ денгиз босган — платформалар ва геосинклиналларнинг кўпроқ қисми сув остида қолган. Денгизларда дастлаб кўпроқ қум-гиллар чўккан, денгизлар майдони кенгайган сари оҳактошлар тўпланишни кўпая борган. Цикл ўрталарига келиб Е. пўсти тобора кўтарила борган денгиз чекинган, қуруқлик ва геосинклиналларда тоғлар пайдо бўлган. Тектоник цикл охирларида деярли ҳамма жойда материклар денгиз ҳавзаларидан ҳоли бўлган. Ботиқларда пайдо бўладиган чўкинди жинслар ҳам ўзгарган. Дастлаб денгиз чўкиндилари қум, гиллардан иборат бўлган, саёз ва



VII. Кайнозой (антропоген)



VI. Кайнозой (палеоген, неоген)



V. Мезозой (триас, юра, бўр)

V. Мезозой: *1* — ковакичлилар (олти нурли маржонлар); *2—6* — моллюскалар: *2, 3* — икки тавақалилар, *4* — қориноёқлилар, *5, 6* — бошоёқлилар (*5* — аммонит, *6* — белемнит); *7* — археоптерикс (қадимги қуш); *8—11* — қуруқликдаги судралиб юрувчилар: *8* — стегозавр, *9* — диплодок, *10* — трицератопс, *11* — тиранозавр; *12, 13* — сувда яшовчилар: *12* — плезиозавр, *13* — ихтиозавр; *14—15* — учадиганлар: *14* — рамфориних, *15* — птеронодон; *16—20* — ўсимликлар: *16* — папоротник, *17* — беннеттитлар, *18* — цикала (саратон ўсимлиги), *19* — гинкго, *20* — игнабарглилар.
VI. Кайнозой: *1* — ковакичлилар (олти нурли маржонлар); *2, 3* — моллюскалар: *2* — икки тавақалилар, *3* — қориноёқли; *4* — бўғимоёқлилар (денгиз қисқичбақаси); *5, 6* — балиқлар; *5* — суяклилар, *6* — тоғайлилар (акула); *7* — қуш; *8—13* — сут эмизувчилар: *8* — эогиппус, *9* — қилич тишли йўлбарс, *10* — гиппарион, *11* — индрикотерий, *12* — динотерий, *13* — лемур; *14—16* — ўсимликлар: *14* — пальмалар, *15* — игнабарглилар ва икки тавақалилар, *2* — бошоёқли (кальмар); *3* — балиқ; *4, 5* — сув сут эмизувчилари: *4* — кит, *5* — дельфин; *6—10* — қуруқликда яшовчилар: *6* — йирик шохли буғу, *7* — мамонт, *8* — каркидон, *9* — гор айиғи, *10* — одам; *11* — қуш, *12—13* — ўсимликлар, *12* — қайин, *13* — қорақарағай (чапда) ва қарағай (ўнгда).

берк денгиз ҳавзаларида эса сувнинг бугланиб кетишидан хемоген лагуна ётқизиқлари (туз, гипс) ҳосил бўлган.

Чўкинди ҳосил бўлиш шароити даврий ўзгариб турганидан, турли тектоник цикларнинг бир хил босқичларида ҳосил бўлган чўкинди формациялари бир-бирига ўхшайди. Бу эса бир қанча ҳолларда чўкинди фойдали қазилма конларининг ҳосил бўлишига олиб келган. Мас., энг катта тошкўмир конлари герцин ва альп цикл-

ларининг эндигина Е. пўсти кўтарила бошлаган босқичларида вужудга келган. Тектоник цикларнинг охирларида ош ва калий тузининг йирик конлари ҳосил бўлган.

Платформаларда геологик тарих давомида тектоник ҳаракатлар бир неча бор кучайган. Бу неоген охирида айниқса яққол намоён бўлган — каледон ёки герцин цикллари охирларида пайдо бўлган ва текисланиб қолган тоғлар (мас., Тяньшан, Олтой, Саян тоғлари ва б.) бу пайтда платформаларда яна баланд кўтарилиб қолган; худди ана шу даврда йирик грабенлар — рифт системалари (Байкал рифтлари, Шарқий Африка грабенлари) вужудга келган.

Ташқи ва ички кучларнинг ўзаро таъсиридан Е. юзасининг табиати бутун геологик тарих давомида ўзгариб турган. Рельеф, материк ва океанларнинг қиёфаси, иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси бир неча бор ўзгарган. Органик дунё тараққиёти Е. тараққиётининг асосий босқичлари б-н чамбарчас боғлиқдир; ана шу босқичлар орасида нисбатан тинч давом этган узоқ даврлар б-н бирга Е. пўсти ҳамда юзасидаги табиий шароит қисқа вақт давомида ўзгариб кетган даврлар ҳам бўлган.

Органик дунёнинг ривожланиш тарихи

Е.да ҳаётнинг пайдо бўлиши ва унинг дастлабки тараққиёт даври тўғрисида турли гипотезалар мавжуд. Кўпчилик олимларнинг фикрига кўра, биологик эволюциядан олдин сув ҳавзаларида аминокислоталар, оқсиллар ва б. органик бирикмалар пайдо бўлиши б-н боғлиқ, узоқ давом этган кимёвий эволюция бўлиб ўтган. Дастлабки атмосфера таркибида кислород бўлмаган. Атмосфера, асосан, метан, карбонат ангидрид, сув буғи ва водороддан ташкил топган бўлиб, кислород бириккан ҳолда бўлган. Эволюция туфайли дастлабки мураккаб органик бирикмалардан аста-секин ибтидоий организмлар вужудга келган. Улар оқсил ва нуклеин кислотадан таркиб топган ва ирсий ўзгариш қобилиятига эга бўлган (қ. *Мутация*). Табиий танланиш таъсирида кўпроқ такомиллашган ва органик моддалар б-н озиқланган ибтидоий организмларгина яшаб қолган (қ. *Гетеротроф организмлар*). Кейинроқ анорганик моддалардан кимёвий синтез ва фотосинтез йўли б-н органик моддаларни синтез қила оладиган организмлар пайдо бўлган (қ. *Автотроф организмлар*). Фотосинтез туфайли ҳосил бўладиган эркин кислород атмосферада тўплана борган. Автотроф организмлар келиб чиқиши б-н ўсимлик ва ҳайвонлар эволюцияси учун кенг имконият туғилган.

Ҳаёт тарихи тоғ жинсларида сақланиб қолган ҳайвон ва ўсимликларнинг тош қотган қолдиқлари ва улар фаолиятининг изларига қараб ўрганилади. Лекин бу маълумотлар тўла эмас, чунки кўпгина организмлар, хусусан скелетсиз организмлар бутунлай йўқолиб кетган.

Организмлар ҳаёт фаолиятининг энг қад. излари бундан 2,6—3,2 млрд. йил ва ундан ҳам олдинроқ пайдо бўлган архей жинсларида сақланган; улар бактерия ва кўк-яшил сувўтлар қолдиқларидан иборат. Протерозой жинсларида топилган органик моддалар анча хилма-хилдир. Куйи протерозойдан аксари сувўтлар (строматолитлар) ва бактериялар (жумладан, темир руداси конлари ҳосил қилган темир бактериялари) ҳаёт фаолияти маҳсулотлари топилган. Протерозойда дастлабки кўп ҳужайрали ҳайвонлар пайдо бўлган, чунки протерозой охиридаги ётқизиқларда скелетсиз бир қанча ҳайвонлар — булутлар, медузалар, маржонлар, чувалчанг ва б. баъзи организмларнинг излари ва ядролари аниқланган. Медузалар қолдиғи кўп топилганидан протерозой охирини «медузалар асри» деб аташади. Протерозойда бошқа организмлар ҳам бўлган, чунки илк палеозой ётқизиқларидан бутун ҳайвонот оламининг деярли барча типлари вакилларининг қолдиқлари ва излари топилган.

Илк кембрий ва фанерозой чегарасида органик ёки минерал скелетли организмларнинг дунёга келиши органик дунё тараққиётида жуда муҳим воқеа бўлди. Фанерозой ётқизиқларидаги кўпдан-кўп органик қолдиқлар органик дунё тараққиёт тарихининг қандай кечганини билиб олиш б-н бир қаторда уни муайян босқичларга (эралар, даврлар ва б.) бўлишга, палеогеографик реконструкция қилишга (денгиз ва континентларнинг, иқлим зоналарининг чегараларини аниқлашга, денгиз ҳавзалари ва материклар тарихини билиб олишга, ўтмишда организмларнинг қандай қилиб ва қайси шароитда яшаганини аниқлашга) имкон беради.

Эволюция муҳитга мослашиш жараёни тарзида борган ва ирсий ўзгарувчанлик, яшаш учун кураш, табиий танланиш унинг асосий омили бўлган. Баъзан организмлар жуда катта сифат ўзгаришларига учраган (мас., иссиқ қонли организмлар пайдо бўлган). Эволюция, одатда, оддий шаклдан мураккаб шаклга ўтишдан иборат бўлган; бир хил организмларнинг ривожланиши муҳитга унча мослашмаган иккинчи бир хил организмларнинг ҳалок булиб йўқ бўлишига олиб келган.

Органик дунёга қараб айтиладиган бўлса, палеозой эраси икки босқичга ажратилади. Биринчи босқич (кембрий, ордовик ва силур)да денгиз организмлари устун турган. Ордовикда дастлабки умуртқалилар пайдо бўлган. Силур охирида жағ суякли чинакам балиқлар вужудга келган. Иккинчи босқич — ўрта палеозойда қуруқликда яшайдиган ўсимлик ва ҳайвонлар пайдо бўлиб, кенг тарқалган. Девон бошида биринчи ҳашаротлар ва қуруқликда яшайдиган хелицералилар (чаёнлар, ўргимчаклар ва каналар) пайдо бўлган. Девонда, айниқса, балиқлар тез тараққий этган, шунинг учун баъзан девон даврини «балиқлар асри» деб аташади.

Палеозой охирида (карбон ва пермь) турли организмлар, аввало ўсимликлар қуруқликни ҳам эгаллай бошлаган. Дарахтлар пайдо бўлиб кўпайган. Ўрта ва кечки карбонда 3 ботаник-географик область: тропик, шим. (Ангара) ва жан. (Гондвана) областлари пайдо бўлган. Ўсимликлар б-н бир қаторда қуруқликда яшайдиган кўпгина ҳайвонлар, биринчи навбатда бўғимоёқлилар (ҳашаротлар) кўпайган, дастлабки судралувчилар вужудга келган. Пермь даврининг ўрталарида денгизларнинг ҳажми кичрайган, материклар майдони кенгайган. Очиқ уруғлилар — игнабарглилар кенг тарқалган.

Мезозой эрасининг бошларида сувда яшовчи судралувчилар — тошбақалар, тимсоҳлар, *ихтиозаврлар;* қуруқлик ҳайвонлари — биринчи динозаврлар, ибтидоий сут эмизувчилар (триконодонтлар) пайдо бўлган. Триас даври охирида қирққулоқлар, игнабарглилар ва б. кўпайган. Юра даври охирида судралувчилардан қад. қушлар (*археоптерикс*) келиб чиққан.

Бўр даврида тишли қушлар тарқалиб, баҳайбат динозаврлар пайдо бўлган. Бўр даври охирида кўп организм гуруҳлари қирилиб кетган ва ўзгарган.

Кайнозой эрасининг бошига келганда органик дунё янада мураккаблашган. Бир қанча қушлар ва сут эмизувчилар пайдо бўлган; мияси мураккаб иссиқ қонли қушлар ташқи муҳитга нисбатан анча мустақил бўлиб, ҳаётга кўпроқ мослашган. Баъзи сут эмизувчилар қуруқликда, бошқалари денгизда яшашга, бир хиллари учишга мослашган. Тропик, субтропик ва мўътадил ботаник-географик областлар яққол ажралган; тропик ва субтропик областларда доимий яшил пальма ва дарахтсимон қирққулоқ (папоротник) кўпчиликни ташкил этган. Мўътадил областда игнабаргли ва кенгбаргли ўрмонлар тарқалган.

Палеогеннинг охири ва неогеннинг бошида ҳоз. ҳайвонларга ўхшаб кетадиган умуртқасизлар ривожланишда давом этган. Амфибиялар ва судралиб юрувчилар янада тараққий этган; қушлар кенгроқ ҳудудларга тарқалган. Неоген бошида уч панжали отлар, каркидонлар, мастодонтлар, жирафалар, буғулар, йиртқичлар (қилич тишли йўлбарслар, сиртлонлар), Ғарбий Европада тундра, тайга ўсимликлари таркиб топган. Европа ва Шим. Америкада ўтлоқ ўсимликли текисликлар пайдо бўлган. Антропоген даврида ҳоз. флора ва фауна ривожланишда давом этган. Шим. ярим шарнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси катта музликлар босган даврда жуда ҳам ўзгариб кетган. Ўзига хос баъзи ҳайвонлар (мамонт, узун жунли каркидонлар) пайдо бўлиб, яна қирилиб кетган. Одамнинг пайдо бўлиши бу даврдаги энг муҳим воқеа эди.

Инсон ва Ер

Маълумотларга қараганда, энг қад. одамлар бундан 2 млн. йил олдин (баъзи олимларнинг фикрича, 1 млн. йил олдин) пайдо бўлган. Одамнинг пайдо бўлган жойи ҳақидаги масала ҳали узил-кесил ҳал этилмаган. Баъзи олимлар одамнинг дастлабки макони Африка бўлган дейишса, бошқалари — Евросиёнинг жан. ҳудудлари, учинчилари — Ўрта денгиз ўлкалари деб ҳисоблашади. Илк *палеолит* давридаёқ (яна қ. *Тош асри*) одам Марказий ва Жан. Европа, Африка ва Осиёнинг кўпгина жойларида яшаган; юқори палеолит даврига келиб жисмоний жиҳатдан ҳоз. замон типидаги одам (Homo Sapiens — «ақлли одам») шаклланди, шу даврнинг ўзидаёқ уруғ жамоалари ҳам вужудга келган бўлса керак (қ. *Антропогенез, Ибтидоий жамоа тузуми*). Юқори палеолит даврида одамлар яна кенгроқ ерларга тарқала бошлаган, жумладан Европа ва Осиёнинг муздан бўшаган катта-катта ҳудудларига ўрнашган; Осиёнинг шим.-шарқий чеккаларига етиб, Шим. Америкага ҳам кириб борган. Жан. Осиёдан Австралия ва Янги Гвинеяга одам ўта бошлаган. Мезолит даврида Шотландия ва Скандинавия, Болтиқ денгизи соҳиллари, Шим. Муз океани соҳилларининг бир қисмига одам жойлашган. Неолит даврида Япония ороллари ва Океанияга ўрнашган.

Ижтимоий и. ч. жараёнида одам теварак-атрофдаги муҳитга таъсир этади, уни ўзгартиради.

Кишининг табиатга таъсир этиш шакллари турлича. Бу таъсир натижасида сув ресурслари қайта тақсимланади, маҳаллий иқлим ўзгаради, рельефнинг баъзи хусусиятлари бошқа қиёфага киради. Инсон таъсирида географик ландшафт компонентларидан бирининг ўзгариши бошқа компонентларнинг ҳам ўзгаришига олиб келади. Табиий шароит хўжалик фаолияти йўналишига ва маданиятнинг кўпгина унсурларига (уй-жой, кийим-кечак, озиқ-овқат ва б.) катта таъсир кўрсатади, лекин бу таъсир ҳал қилувчи эмас. Табиатдан оқилона, мақсадга мувофиқ равишда ва ваҳшийларча, аёвсиз фойдаланиш йўллари бор. Биринчи усулда табиий бойликлар муҳофаза қилинади, мақсадга мувофиқ ўзгартирилади. Иккинчи муносабат эса табиатни қашшоқлаштиради, фазилатини пасайтиради.

Илмий-техника инқилоби натижасида табиий ресурслардан фойдаланиш жадал суръатда олиб борилди. Табиий бойликлар тикланмайдиган (мас., фойдали қазилмалар) ва янгиланадиган (мас., тупроқ, ўсимликлар, ҳайвонлар) ресурсларга бўлинади. Шу сабабли инсоният олдида табиий муҳитни йўқ бўлиб кетишдан сақлаб қолишдек муҳим вазифа турибди.

Ҳоз. пайтда табиий муҳитни ифлосланишдан сақлаш вазифаси муҳим аҳамият касб этади; табиий муҳит, асосан, корхоналар, электр ст-ялар, автотранспорт ажратиб чиқарадиган чанг, сульфит ангидрид, карбон (II)-оксид, кул ва шлак, металл бирикмалари, ишлатилган сувлар, тупроққа ҳаддан ташқари кўп бериладиган заҳарли дорилардан ифлос бўлади. Муҳитнинг радиоактив моддалардан зарарланиши айниқса хавфли. Табиатни қўриқлаш ва табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш масалалари БМТ ва ЮНЕСКО томонидан чақириладиган халқаро конференцияларда муҳокама қилинади.

Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш ва тиклаш масалаларига муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган иш деб қаралади. Республикада табиатни қўриқлаш тўғрисида аҳолида қонунлар қабул қилинган (қ. *Табиат бойликлари ва табиатни қўриқлаш*).

Аҳоли сонининг ўсиши б-н табий ресурсларнинг камайиб бориши инсоният олдида турган энг долзарб масала ҳисобланади. Милод бошида ер юзида 200 млн. киши бор эди. 1000 й.да ер юзидаги аҳоли 275 млн., 17-а.да 500 млн. 1950 й.да 2,5 млрд., 1970 й.да 3,6 млрд., 2000 й.да 6 млрд.га етди. Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатларида аҳоли сони айниқса тез ўсмоқда. Бу эса ўша мамлакатлар олдига аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари б-н таъминлаш масаласини қўймоқда. Аҳолини озиқ-овқат б-н тўла таъминлаш учун экин майдонларини кенгайтириш, айниқса, ҳосилдорликни тобора ошириб бориш, чорвачилик махсулотларини кўпайтириш зарур. Денгиз ва океан ресурслари ҳам озиқ-овқат манбаи бўлиши мумкин. Шунинг учун сувларни тоза сақлаш инсониятни сув б-н таъминлаш масаласи ҳоз. долзарб масалалардан бири ҳисобланади (қ. *Сув ресурслари*).

Ад.: Монин А. С., История Земли, Л., 1977; Куликов К. А., Сидоренков Н. С., Планета Земля, М., 1977; Бялко А. В., Наша планета — Земля, М., 1983; Будыко М. И., Эволюция биосферы, Л., 1984; Гафуров А. Т., Дарвинизм, Т., 1992.

Қаҳҳорбек Абдуллабеков,
Абдумажид Раҳимов,
Мамадмусо Мамадазимов,
Очил Мавлонов.

ЕР (ишлаб чиқариш воситаси сифатида) — меҳнат жараёнининг зарурий моддий шарт-шароити ва энг муҳим ашёвий омилларидан бири. Е. инсон ҳаёти учун зарур бўлган моддий шароитлар орасида тупроқ қоплами, ер ости бойликлари, ўрмонлари, суви б-н алоҳида аҳамиятга эга. И.ч. жараёнига киритилган Е.га жонли ва буюмлашган меҳнат сарф этилиши б-н у и.ч. воситаси бўлиб қолади. Аммо моддий и.ч.-даги турли тармоқларнинг ривожланишида Е.нинг иқтисодий ўрни турличадир. Ундирувчи саноатда Е. жамият учун зарур бўлган бойликлар қазиб олинадиган хазина бўлиб хизмат қилади. Қ.х. ишлаб чиқариши Е., тупроқ унумдорлиги, табиий, биологик жараёнлар б-н бевосита боғлиқдир. Қ.х.да Е. меҳнат жараёни кечадиган умумий шароит ва майдон бўлишидан ташқари яна 2 муҳим вазифани бажаради: и.ч. жараёнида инсон таъсир кўрсатадиган меҳнат предмети ва инсон ўзи етиштирадиган қ.х. ўсимликларига таъсир кўрсатишини таъминлайдиган и.ч. қуролидир.

Е. такрор ишлаб чиқарилмайдиган и.ч. воситаси бўлиб, геологик, иқлимий ва б. омилларга боғлиқ. Ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш йўли б-н янги Е.ларни ўзлаштириб, қ.х. учун яроқли Е.ларга айлантириш мумкин. Бироқ унинг ҳам ниҳояси бор. Е.нинг табиий чегараланганлиги ундан интенсив фойдаланиш зарурлигини тақозо қилади. Е. ўрнини тўлдириб бўлмайдиган и.ч. воситасига мансуб. Техника б-н қуролланишнинг ўсиши ва ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши

Ривожланган давлатларда ҳам Е.к. юритилади. Унинг маълумотларидан ер эгаларига солиқ солиш, ердан фойдаланиш б-н боғлиқ бўлган тижорат ишларини тартибга солиш, ер бўйича битишув ва низоларни ҳал этиш, ерни гаровга қўйиш ва б.да фойдаланилади. Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш ва ерларни миқдорий ва сифатини ҳисобга олиш Ер ресурслари давлат қўмитаси томонидан қабул қилинган низомлар ва меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Е.к.ни юритиш ЎзР Ер ресурслари давлат қўмитасининг ер ресурслари бўйича туман хизматлари томонидан, шаҳар ва шаҳарчаларда эса ЎзР Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, харитаграфия ва давлат кадастри бош бошқармасининг кўчмас мулк давлат кадастри туман ва шаҳар хизматлари томонидан амалга оширилади.

Қосимжон Раҳмонов.

ЕР КАДАСТРИ КИТОБИ — ерга эгалик қилувчиларнинг асосий ер ҳисоби ҳужжати. Е.к.к. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган шакл (форма)да ерга эгалик қилувчи ташкилот, корхона, муассаса, уюшма, кичик корхона, қўшма корхона, деҳқон ва фермер хўжаликларига туман ёки шаҳар ҳокимлиги томонидан берилади. Е.к.к. ерга эгалик қилувчилар ёки ердан фойдаланувчиларга муддатсиз, узоқ муддат ёки қисқа муддатга фойдаланиш учун берилган ерларга бўлган ҳуқуқларни, ерларнинг табиий ва иқтисодий баҳоси, ер турларининг таркиби ҳамда фуқаролар томорқа ерлари ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Е.к.к.ни тўғри ва ўз вақтида олиб бориш хўжалик раҳбари ва ер тузувчи мутахассисга юклатилади. Е.к.к.га ўз вақтида ўзгартириш киритиб бориш, уни дахлсиз сақлаш масалаларини туман (шаҳар) ер ресурслари хизмати бошлиғи назорат қилади.

Давлат Е.к.к. 4 бўлимдан иборат: 1) ер майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгаликни рўйхатга олиш — туман (шаҳар)даги ердан фойдаланувчиларнинг номи ва эгаси, эгалик қилиш ҳуқуқи ва ижараси, фойдаланиш муддати ва мақсади, ер участкасининг жойлашган ўрни ва майдони, ер участкасининг кадастр рақами, ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатнинг номи, ўртача тупроқ бонитет бали ва унинг кадастр баҳоси қайд этилади; 2) ер майдонлари турлари сони — барча ердан фойдаланувчилар бўйича суғориладиган экин майдонларининг алоҳида ҳисоби, шунингдек шаҳар ерларининг туман таркибига кириши, давлат захира ерларига кирувчи шаҳар туридаги қўргонлар қайд этилади; 3) ер турларининг сифати — маданий-техника, озуқа экин турларининг ҳосилдорлигини ва ерларнинг тупроқ унумдорлигига кўра тавсифи ҳисобга олинади. Ер турларининг тафсилоти ерларнинг сифат тафсилоти ва қишлоқ хўжалик ер турларининг бонитет бали бўйича кадастр баҳоси келтирилади; 4) ер турлари — қ.х. ер турлари (шудгор, кўп йиллик дарахтзорлар, яйлов ва пичанзор ерлар, бўз ерлар), ўрмон ерлари ва уларнинг таркибига кирувчи ер турларининг номлари ҳамда улардан фойдаланиш мақсадига оид изоҳ берилади.

Е.к.к. ер участкасининг миқдор ва сифат ҳолати ҳамда баҳоси тўғрисидаги ахборот манбаи ҳисобланади (яна қ. *Ер кадастри, Ерни иқтисодий баҳолаш*).

Ад.: Ер муносабатларини тартибга солишга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами [I қисм], Т., 2000.


Қосимжон Раҳмонов.

ЕР КАЛАМУШЛАРИ, пластинка тишли каламушлар (Nesokia) — кемирувчи сут эмизувчилар уруғи. Озиқ тишлари эмал қавати б-н қопланмасдан алоҳида пластинкаларга ўхшаб кўринади (пластинка тишли каламушлар деган номи шундан). Ҳиндистон я. о., Ўрта Осиё, Ғарбий Осиё ва Шим. Африкада тарқалган. Копетдоғ, Мурғоб, Амударё ва Зарафшон водийларида ҳинд ер каламуши, яъни незокия (N. Indica) учрайди. Танасининг уз. 22 см гача, думи 15 см ча. Усти тўқ қизил, қорни кулранг. Йилига (3—6 тадан) 2—3 марта болалайди. Асосан, ўсимликлар (картошка, сабзи ва б.)нинг ерости қисмлари б-н озиқланади. Экинларга зиён келтиради. Ер остини чуқур қазиб, суғориш иншоотларининг бузилишига, ернинг чўкиши ва б.га сабаб бўлади; юқумли касалликлар (мас., тоун касаллиги) қўзғатувчиларини ҳам тарқатади.

ЕР КОДЕКСИ — ердан фойдаланиш муносабатларини тартибга солувчи қонунлар мажмуи. 20-а.га қадар ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида мазкур муносабатлар шариат қўрсатмалари асосида олиб борилган. Ўзбекистонда биринчи марта Е.к. 1927 й.да қабул қилинган, 1929 й.да эса Е.к. ўрнига Ер-сув кодекси қабул қилинган. Бу ҳужжат 1970 й. 25 сент.да янги Е.к. қабул қилингунига қадар амалда бўлди. 1990 й. 20 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги янги қонуни 1991 й. 1 янв.дан амалга киритилди. Ўзбекистон Республикасида ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, ерга доир ҳуқуқий муносабатларни такомиллаштириш мақсадида 1998 й. 30 апр.да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ўзбекистон Республикасининг Е.к.ни тасдиқлади (1998 й. 1 июлдан амалга киритилди). Ўзбекистон Республикасининг Е.к. 91 моддани ўз ичига оладиган 14 бобдан иборат. Е.к. ва ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий вазифалари ҳоз. ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб, ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишни, табиий муҳитни асраш ва яхшилашни, хўжалик юритишнинг барча шаклларини тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш масқадида ер муносабатларини тартибга солишдан, шунингдек, бу соҳада қонунийликни мустаҳкамлашдан иборат. Ер умуммиллий бойлик бўлгани сабабли ундан оқилона фойдаланиш талаб этилади ва ер давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Қосимжон Раҳмонов.

ЕР МАГНЕТИЗМИ, геомагнетизм — 1) Ернинг магнит майдони; 2) геофизика бўлими. Ер магнит майдонининг фазода тақсимланишини ва вақт давомида ўзгаришини, шунингдек, у б-н боғлиқ равишда Ерда ва атмосферада содир бўладиган физик жараёнларни ўрганади. Магнит майдонининг кучланиши T вектор б-н белгиланади (расмга қ.). T векторнинг миқдори Е. м. элементлари, яъни магнит майдонининг оғиш бурчаги D, горизонтал ташкил этувчиси H, эгилиш бурчаги I ва вертикал ташкил этувчиси Z б-н ифодаланади. Е. м. элементлари тўғри бурчакли координаталар системасида қуйидагича жойлашган: X — географик меридиан, Y — географик кенглик ва Z — вертикал чизиқ бўйлаб йўналган координата ўқлари. T векторнинг X, Y, Z ўқларига бўлган проекциялари магнит майдонининг шим., шарқий ва вертикал ташкил этувчилари деб аталади. T нинг горизонтал текисликдаги проекцияси магнит майдонининг горизонтал ташкил этувчиси H ни ҳосил қилади. T вектор жойлашган HOZ текислик магнит меридиани текислиги дейилади. HOZ текислиги б-н XOZ текислиги орасидаги бурчак магнит майдонининг оғиш бурчаги D ни ва кучланиши (T вектор) б-н горизонтал ташкил этувчиси H орасидаги бурчак магнит майдонининг эгилиш бурчаги I ни ташкил этади.



Ер магнетизми. Ер магнит векторларининг йўналиши.

Е. м. элементлари компас, магнит теодолити, турли магнитометрлар, магнит тарозиси, магнит вариометри ва б. ёрдамида ўлчанади. Бундан ташқари, денгизда, ҳавода ўлчаш учун кема, самолёт ва вертолётларга махсус асбоблар ўрнатилади.

Ернинг магнит майдони доимий ва ўзгарувчан бўлади. Доимий магнит майдони ер юзининг ҳамма жойида бўлиб, жуда секин, «асрий» ўзгаради. У Ер магнит майдонининг 99% ини ташкил қилади. Доимий магнит майдонининг мавжуд бўлишига Ер ички қатламларида бўладиган турли жараёнлар сабаб бўлади. Ўзгарувчан магнит майдони Ер магнит майдонининг 1% ини ташкил этади ва ер атмосферасининг юқори қатламларида оқадиган электр токларидан вужудга келади. Шу б-н бирга, Ер магнит майдонининг тасодифий ўзгаришлари мавжуд. Тасодифий ўзгаришлар Қуёшда содир бўладиган чақнаш ҳодисаларига ҳам боғлиқ, улар магнит бўронларига сабаб бўлади, радиоалоқаларни бузади.

Космосда ўтказилган и. т.лар Ер магнит майдони кўп миқдорда катта энергияли электрон ва протонларни қамраб олганлигини кўрсатади ҳамда уларнинг энергияси ва концентрацияси Ердан узоқдаги геомагнит кенгликка қараб ўзгаради. Ер гўё магнит майдони б-н қамраб олинган улкан радиацион минтақа б-н ўралгандай кўринади. Ички минтақа 45° кенглик б-н чегараланиб, Ер сатҳидан 500—5000 км узоқликда жойлашган. Ташқи минтақа 12000—32000 км баландликда. Геомагнит майдонининг вариациялари даврий ва даврий бўлмаган хилларга бўлинади. Даврий вариацияларга йиллик, суткалик вариациялар киради. Даврий бўлмаган вариацияларга қисқа вақтли кучли магнит бўронлари, тўлқинлари киради. Бу вариациялар, асосан, тўсатдан, тартибсиз равишда рўй беради. Магнит тўлқинларидан ҳосил бўладиган вариациялар, асосан, Қуёшдаги ўзгаришларга ва фазодаги турли жараёнларга боғлиқ. Ер магнит майдонининг ҳосил бўлиш сабаблари ва унга боғлиқ бўлган ҳодисаларни геофизиканинг магнитометрия соҳаси ўрганади.

Ер магнит майдони Ернинг ҳар бир нуқтасига қўйилган магнит милига бир хил таъсир этади. Е. м.ни ўрганиш натижасида олинган маълумотлар ҳар 5 йилда тузиладиган магнит хариталарида тасвирланади. Изогон чизиқларнинг бир хил қийматга эга бўлган нуқталарини бирлаштиради. Бу чизиқларнинг шимол ва жанубдаги тугун бўлиб йилган жойлари шим. ва жан. магнит қутблари дейилади. Шим. ва жан. қутбларни бирлаштирувчи изогон чизиқлар магнит меридиани дейилади. Шунингдек, магнит майдонининг эгилиш бурчаги I ни тасвирловчи изоклин чизиқлар магнит кенглик чизиқларидир. Ноль миқдорга эга бўлган изоклин чизиқ магнит экватори деб аталади. Е. м.ни ўрганиш Ернинг чуқур қатламларида бўлаётган тектоник жараёнларни ўрганиш, кон қидириш, фазода радионавигация муҳим масалаларни ҳал этишда аҳамиятли. Ўзбекистон ФА Сейсмологияинститута зилзилалар ўчоғини аниқлаш ва ер қимирлашини олдиндан билиш масалаларини ҳал этишда геомагнит вариациялардан кенг фойдаланилади.

Қаҳҳорбек Абдуллабеков.

ЕР МАНТИЯСИ — *Ер пўсти* б-н *Ер ядроси* орасида жойлашган қатлам. Е. м. Ер (атмосферасиз) ҳажмининг 83% ини, массасининг 67% ини эгаллайди. Ер пўстидан *Мохоровичич юзаси* б-н ажралган. Қалинлиги 2865 км бўлиб юқори чегараси (Мохоровичич юзаси) ўрта ҳисобда ер юзидан 33 км ва остки чегараси Мохоровичич юзасидан қарийб 2900 км чуқурликдан ўтади. Чегаралар қатламлардан ўтувчи сейсмик тўлқин тезлигининг кескин ўзгариши б-н аниқланади (устки чегарада 1,5 км/сек, остки чегарада 5,54 км/сек). Е. м. *юқори мантия* ўтказувчанлик обл. ва остки мантияга бўлинади. Юқори мантия ўз навбатида (юқоридан пастга) субстрат, Гутенберг қатлами (сейсмик тўлқинларнинг пасайган тезлиги қатлами) ва Голицин қатламига (баъзида у ўрта мантия деб номланади) бўлинади. Е. м.нинг этажидан қалинлиги 100 км дан камроқ бўлган қатлам мавжуд. Қатламдаги сейсмик тўлқинларнинг тезлиги чуқурлашган сари ошмайди, ҳатто сал пасаяди.

Юқори мантиянинг таркиби перидотитга ўхшаш массадан иборат деб фараз қилинади; қалинлиги 850—900 км, ҳажми Ер шари ҳажмининг 0,1667 қисмига тенг. Унда сейсмик тўлқинларнинг тезлиги 8,00—8,97 км/сек, зичлиги 3,34—3,64 г/сек^3, гравитацион майдон 985 см/см^2, босим $0{,}009\times10^{12}$ дин/см^2 дан $0{,}141\times10^{12}$ дин/см^2 гача ўзгаради. Ўтказувчанлик обл.ининг таркиби ўзгариб туради, қалинлиги 571 км. Ер шари ҳажмининг 0,2131 қисмини ташкил қилади. Сейсмик тўлқинларнинг тезлиги 8,97—11,0 км/сек. Зичлиги 3,64—4,68 г/см^3, гравитацион майдон 998—997 см/сек^2, босим $0{,}141\times10^{12}$ дин/см^2 дан $0{,}392\times10^{12}$ дин/см^2 гача ўзгаради.

Остки мантиянинг таркиби бир хил, қалинлиги 1914 км. Ер шари ҳажмининг 0,4428 қисмини ташкил қилади. Сейсмик тўлқинларнинг тезлиги 11,42—13,64 км/сек. Зичлиги 4,68—5,68 г/см^3, гравитацион майдон 995—1037 см/сек^2, босим $0{,}392\times10^{12}$ дин/см^2 дан $1{,}37\times10^{12}$ дин/см^2 гача ўзгаради.

Е. м. Ернинг вужудга келган даврида қаттиқ ҳолатда бўлган ёки қаттиқ кимёвий бирикмалар таркибига кирган кимёвий элементлардан ташкил топганлиги тахмин қилинади. Бу элементлар ичида: O, Si, Mg, Fe аксари қисмини ташкил этади. Ҳоз. тасаввурларга кўра Е.м.нинг таркиби тош метеоритлар таркибига яқин туради.

Баъзи олимлар эса уни катта куч б-н сиқилган суюқлик ҳолатида деб ҳисоблайдилар. Вулкан отилишларидан ҳосил бўлган *лава*лар Е.м. моддасини тўлиқ бўлмаса ҳам суюқ ҳолатда эканлиги тўғрисида гувоҳлик беради. Шунингдек, модда ва унинг айрим қисмларини суюқ ҳолатда эканлигини сейсмометрик маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Е.м.нинг т-раси ва босими чуқурлашган сари ўзгариб боради. Ер пўсти остидаги босим 1,3—1,4 млн. атмосферага яқин деб ҳисобланиб, океан ости Ер пўсти босими континентал босимдан анча кам эканлиги таъкидланади. Турли тадқиқотчиларнинг фикрича, Е.м. пастки горизонтларининг т-раси 1500 дан 10000° гача, юқори горизонтларининг т-раси базальтоид тоғ жинслари эриш т-раси чегарасида (1000—1300°)дир. Шунингдек, Е.м.нинг электр ўтказувчанлиги ҳам чуқурлашган сари ортиб боради. Е.м.даги моддаларнинг физик ҳолати ва унда содир бўлаётган геокимёвий жараёнларни ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Ер пўстининг *тектоник ҳаракатлари* ва темир, мис рудалари, олтин, платина конлари ва б.нинг пайдо бўлиши ушбу жараёнлар б-н боғлиқдир (яна қ. *Ер*).

Ад.: Проблемы строения земной коры и верхней мантии, сб. ст., М., 1970; Бугаевский Г. Н., Сейсмологические исследования неоднородностей мантии Земли, Киев, 1978; Субботин С. И., Вопросы гравиметрии, исследования земной коры и мантии, теория тектогенеза, Киев, 1979.

ЕР НУРЛАНИШИ — ер сиртининг иссиқлик нурланиши; Ер сиртининг тераси унча юқори бўлмаганлиги учун ундан тўлқин уз. 3—80 мкм гача бўлган электромагнит нурланишлар чиқиб туради. Ер сиртидан чиқадиган тўлқинлар атмосферада ютилиб, уни қиздиради. Атмосфера ҳам Ерга деярли ўшандай узунликдаги электромагнит тўлқинлари юборади ва ер сирти йўқотган иссиқлик ўрнини қисман қоплайди. Е. н. б-н атмосфера нурланиши орасидаги фарқни, яъни эффектив нурланишни махсус асбоблар (пиргеометрлар) б-н ўлчаш мумкин. Ҳаво очиқ бўлган кечаларда атмосфера нурланиши кичик, яъни эффектив нурланиш (мин.га 1 см² сиртдан 0,1—0,2 кал) катта бўлгани учун ер сирти ҳамда ҳавонинг пастки қатламлари тезда совийди. Ҳаво булутли кечаларда эффектив нурланиш кичик бўлгани учун ер сирти унча совимайди. Кундуз кунлари атмосфера нурланишидан ташқари ер сиртига қуёш радиацияси тушади ва ер сирти анча қизийди.

ЕР ОСТИ ИНШООТЛАРИ — ер қатламида сунъий усул б-н ҳосил қилинадиган иншоотлар. Иқлим шароитлари қулай бўлмаган (ҳаво т-раси кескин ўзгариб турадиган, ёғингарчилик узоқ вақт давом этадиган, сел кўп бўладиган ва б.) жойларга, паст-баланд рельефли ерларга Е. о. и. қурилади. Шартли равишда транспорт ва гидротехник тунннеллари, метрополитен, электр ст-ялар, база омборлари ҳамда совиткичлар, шаҳар хўжалиги объектлари (йўловчилар ўтиш жойлари, гаражлар, коллекторлар ва б.), ичимлик суви резервуарлари, нефть ва газ омборлари, заррли и.ч. чиқиндилари кўмиладиган ўралар, даволаш муассасалари, ҳарбий объектлар учун қуриладиган иншоотлар Е. о. и. жумласига киради. Е. о. и. қурилиши айниқса кон саноатида анча ривожланган.

ЕР ОСТИ МУЗИ — Ер пўстидаги келиб чиқиши ва ётиш шакли ҳар хил бўлган муз. Ҳосил бўлган вақтига кўра ҳоз. замон ва қазилма, келиб чиқиши бўйича бирламчи (сингенетик), иккиламчи (эпигенетик) ва кўмилган музлар бўлади. Бирламчи Е. о. м. — сув дастлаб бўш жинсларда тўпланади, сўнгра музлайди; булар Е.о.м.нинг кўп қисмини ташкил этиб, кўпинча контакт, ғовак, пардали базал муз-цемент кўринишида, шунингдек, сегрегацион ва инъекцион муз деб аталмишлари ҳам йирик линза ва қатлам шаклида учрайди. Кейинги иккитасининг шаклланиши Ер юзасида совуқдан кўпчишни келтириб чиқаради, натижада иншоотлар деформацияга учрайди ёки жойидан силжийди. Иккиламчи Е.о.м. — музлаган зич ёки музлаётган жинсларнинг ёриқ (томир музи), кавак ва бўшлиқларида (ғор музи) сув ва сув бугларининг совиб кристалланишидан вужудга келади.

Ёриқлардаги табиий музхоналарни ҳар йили муз б-н тўлишидан қайта томирли муз ҳосил бўлади. Музтомирларнинг ҳосил бўлиши б-н бир пайтда янги чўкиндилар йиғилса, кўтарилиб бораётган муз юзасининг орқасидан музтомирлар аста-секин ўсиб боради. Музлаётган чўкиндилардаги сингенетик музтомирларнинг кенглиги 8 м гача, бўйи 40—80 м. Булар Сибирь шимоли ва Аляскадаги денгиз олди текисликларининг 70% гача майдонини эгаллаган.

Кўмилган муз аввал ер юзасида (денгиз, дарё, кўл музи ва б.) ҳосил бўлиб, кейинчалик чўкинди жинслар б-н кўмилиб қолади. Кўмилган музларнинг энг йирик массивлари ўлик муз деб аталади. Е.о.м. кўп йиллаб музлаб ётган тоғ жинслари тарқалган областларда мавжуд. У литосферанинг энг бекарор қатлами бўлиб, тоғ жинсларини музлатади, уларнинг физик-механик хусусиятларини ўзгартириб юборади. Е.о.м.нинг Ер куррасидаги ўртача ҳажми 0,3—0,5 млн. км³. Ўрта Осиё тоғларида Е.о.м. баланд тоғ музликлари ҳудудида 3500 м дан юқоридаги қатламларда учрайди. Ер шарида иқлимнинг ўзгариши (исиб бориши) музларнинг ортиқча эришига, термокарстларнинг ўпирилишига, солифлюкция муз сурилмалари каби хавфли геологик ҳодисаларнинг содир бўлишига олиб келади. Иншоотлар ва б. объектларни лойиҳалашда Е.о.м.ни ҳисобга олиш зарур.

ЕР ОСТИ НАМАКОБЛАРИ — таркибида эриган минерал моддалар, асосан нитратлар ёки сульфатлар концентрацияси 36 г/л дан ортиқ бўлган ер ости сувлари. Е.о.н. седиментация ҳавзаларида кенг тарқалган. Шунингдек, Е.о.н. шельфларда (Флорида я.о. яқинида) ҳамда кристалли қалқонларнинг (Болтиқ, Украина, Канада) гиперген дарзланиш зоналарида маълум. Улар одатда чучук ва шўр сувлар остида чўкинди ғилофнинг қалин қатламлари жойлашган. Баъзи бир денгизлар (Каспий, Қизил денгизлар, Мексика қўлтиғи ва б.) тубидаги чўкиндилар остидан ҳам топилган. Таркибидаги анионларнинг миқдорига қараб хлоридли (натрий, кальций, магнийли), сульфатли ва гидрокарбонатли бўлади (хлоридлиси кўп тарқалган). Ётиш шароитига қараб седиментация ҳавзаларида Е.о.н.нинг туз усти, оралиқ ва туз ости турлари ажратилади. Туз усти намакоблари деярли натрийли бўлиб, шўрлиги 300—320 г/л; туз оралиғи ва туз ости намакоблари кўп компонентли, шўрлиги 600 г/л гача.

Е.о.н.дан йод, бром, ош тузи, магний, кальций, калий олинади. Бор, рубидий, цезий, стронций учун потенциал хом ашё ҳисобланади. Е.о.н. даволанишда намакоб ванналарида ишлатилади.

Ўзбекистонда Е.о.н. Устюрт, жан. Оролбўйи, Бухоро-Қарши, Сурхондарё, шунингдек, Фарғона артезиан ҳавзаларида мавжуд. Улар 500 м ва ундан чуқурроқда чучук ва шўр сув қатламлари остида жойлашган. Бухоро-Қарши артезиан ҳавзасининг юқори юра даври тузли қатламида ўта қуюқ (540 г/л гача) намакоблар борлиги аниқланган.

ЕР ОСТИ СУВЛАРИ — Ер пўстининг юқори қисмидаги тоғ жинслари қатламларининг ғовак бўшлиқларида жойлашган суюқ, қаттиқ (муз), бугсимон ҳолатдаги сувлар. Е.о.с. умумий *сув ресурслари*нинг бир қисми бўлиб, сув таъминоти ва суғориш манбаи сифатида халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив аҳволи грунт сувларининг ҳолати б-н белгиланади. Е.о.с.ни *гидрогеология* фани ўрганади. Сув молекуляр кучлар тутиб турадиган боғланган ҳамда оғирлик кучи ёки босим фарқи таъсирида ҳаракатда бўладиган гравитацион ёки эркин ҳолатда бўлиши мумкин. Боғланмаган сув б-н тўйинган тоғ жинслари қатламлари сувли горизонт дейилади, улар сувли комплексларни ҳосил қилади. Е.о.с. сув сақловчи жинсларда тўпланиш характерига кўра ғовак (юмшоқ жинсларда), дара (томир) — қаттиқ жинсларда ва карст (ғор) (дарз-карст-енгил эрийдиган карбонат ва гипсли жинсларда) сувларига бўлинади. Жойлашиш шароитига кўра Е.о.с. тупроқ суви (қ. *Тупроқ сув режими*), мавсумий сувлар (юза сувлар; аэрация зонасидаги сув сақловчи қатламлар устида ёғинлар ёки суғориш сувларининг шимилишидан ҳосил бўлади); грунт сувлари (ер юзасига энг яқин биринчи сув ўтказмайдиган қатлам устида тўпланади) ва қатламлараро (босимсиз, босимли, артезиан, сув ўтказмайдиган қатламлар ўртасида жойлашган сувли қатламлар) сувларга бўлинади.

Келиб чиқишига кўра Е.о.с. атмосфера ёғинлари, дарё ва суғориш сувларининг шимилиши натижасида

ҳосил бўлувчи инфильтрацион; тоғ жинслари қатламларида сув буғларининг қуюқлашувидан ҳосил бўлувчи конденсацион; чўкинди тоғ жинслари пайдо бўлиш жараёнида денгиз сувларининг кўмилиб қолиши натижасида ҳосил бўлган седиментацион ва магма совиганда ёки Ер мантиясидан чиқадиган ювинильсувларига бўлинади. Е.о.с. нинг ер юзига табиий чиқиши *булоқ* (чашма) дейилади ва оқиб чиқувчи ва қайнаб чиқувчи (қайнар булоқ)ларга бўлинади.

Е.о.с. табиий эритмалар бўлиб, таркибида деярли барча маълум кимёвий элементлар учрайди. Минераллашуви (сувда эриган моддаларнинг умумий миқдори, г/л) бўйича Е.о.с. чучук (1,0 гача), шўртам (1,0—10,0), шўр (10,0—50,0) ва намакоб (50 дан кўп) турларига бўлинади. Ҳарорати бўйича эса совиган (4° гача), совуқ (4—20°), илиқ (20—37°), иссиқ (37—42°), қайноқ (42—100°) ва ўта қайноқ (100° дан юқори) Е.о.с. га бўлинади.

Инфильтрацион сув табиатда кенг тарқалган, қолганлари соф ҳолда жуда кам учрайди. Аҳоли, саноат ва яйловларни сув б-н таъминлашда, ерларни суғоришда, тиббиётда (минерал сувлар), иссиқлик б-н таъминлашда (иссиқ сувлар), ҳар хил туз ва кимёвий элементлар (йод, бор, бром ва б.) олишда Е.о.с. дан фойдаланилади. Е.о.с. ерларнинг ботқоқланиши ва шўрланишига сабаб бўлади. Бунга қарши курашиш учун очиқ ва ёпиқ *горизонтал дренажлар* ва бурғи қудуқлари қавланади. Чўлларда Е.о.с.дан кенг фойдаланилади. Қорақум, Қизилқум ва Устюрт яйловлари асосан Е.о.с. б-н таъминланган.

Ўрта Осиё ҳудудида 150 дан ортиқ йирик Е.о.с. конлари аниқланган. Уларнинг ҳар йили тикланиб турадиган эксплуатацион захираси 1500 м³/с дан ортиқ, чучук сувлар ҳиссаси 1000 м³/с яқин, қолган қисми эса турли даражада (2—3 дан 15 г/л гача) минераллашган. Ўрта Осиёда 40 мингдан ортиқ фойдаланиладиган бурғи қудуқлари мавжуд, улардан 5 мингга яқини суви отилиб чиқадиган артезиан қудуқларидир; уларнинг кўпчилигидан экинларни суғоришда фойдаланилади (қ. *Артезиан сувлари*).

Ад.: Мавлонов Ғ. О., Кенесарин Н. А., Ер ости сув хазинаси, Т., 1960; Кенесарин Н. А., Султонхўжаев А. Н., Ер ости сувлари ва улардан халқ хўжалигида фойдаланиш, Т., 1962; Мирзаев С. Ш.,Формирование и размещение запасов подземных вод Узбекистана [Вопросы методики их изучения и проблемы хозяйственного использования], Т., 1974; Ҳасанов А., Шарипов Э., Ер ости сувлари сирли хазина, Т., 1970.

Саидраҳмон Мирзаев.


ЕР ПЎСТИ — Ернинг ташқи қаттиқ қобиғи, геосфералардан бири, литосферанинг юқори қисми. Е. п.нинг пастки чегараси бўйлама ва кўндаланг сейсмик тўлқинлар тезлиги бирданига ўзгарадиган (6,7—7,6 км/сек дан 7,9—8,2 км/сек гача) юза — *Мохоровичич юзаси*)дан ўтади. Шу юза б-н Е.п. мантиядан ажралади. Е. п.нинг қуруқлик ва океандаги турлари фарқ қилинади. Қуруқликда Е. п.нинг қалинлиги текисликларда 35—45 км, тоғликларда 50—75 км гача. Океан ости Е. п.ники 5—10 км. Қуруқликда Е. п. уч қатлам: юқоридаги чўкинди (қалинлиги 15—20 км гача), ўрталаги шартли равишда «гранит» (10—20 км), пастдаги «базальт» (ўртача 15—20 км)дан ташкил топган. Океан ости Е. п.да «гранит» қатлами йўқ, чўкинди қатлами ҳам юпқа. Қуруқликда Е. п.нинг юқори қатлами чўкинди ва вулкан жинсларидан ташкил топган бўлиб, кўпинча бурмаланган, узилмалар б-н узилган ва сурилган. «Гранит» қатлам гранит ва гнейслардан, «базальт» эса базальт, габбро ва кучли метаморфизмга учраган жинслардан иборат.

Океан ости Е.п. 3 қатламдан: биринчиси зичланмаган денгиз чўкиндилари (1 км гача), унинг остидагиси зичланган чўкиндилар (1—2 км), учинчиси қуйи океан базальт қатлами (4—8 км) габбродан ташкил топган, деган тахминлар бор.

Океандан қуруқликка ўтадиган жойда оралиқ (субконтинентал ёки субокеан) Е. п. (8—25 км) жойлашган. Е. п.да мунтазам тектоник ҳаракатлар бўлиб туради. Шунга биноан Е. п. ҳаракатчан (бурмаланган минтақалар) ва нисбатан тинчиган областлар — платформаларга бўлинган. Е. п.нинг ёши 3,5—4,5 млрд. йилга тенг. Е. п.нинг ривожланиши Ер қаъридаги физик-кимёвий жараёнларга боғлиқ бўлса керак деб фараз қилинади. Е. п. изостазия (мувозанат) ҳолатига яқин: яъни Е. п.нинг қандайдир участкаси оғирроқ ёки қалинроқ, зичроқ бўлса, у субстратга чуқурроқ чўккан бўлади. Тектоник кучлар Е. п.нинг изостазия ҳолатини бузиб юборади, аммо тектоник кучлар сусайганда Е. п. яна қайтадан мувозанат ҳолига қайтади. Е.п.нинг геологик тузилишини ўрганиш фойдали қазилмаларни қидиришда муҳим роль ўйнайди.

ЕР ПЎСТИ ГАЗЛАРИ — Ер пўстида эркин, сув ва нефтда эритма, жинслларда (айниқса қазилма кўмирларда) сорбит (шимилган) ҳолатларда учрайдиган газлар. Ер геосфераларида сайёранинг марказига томон газларнинг миқдори кўпайиб боради. 1—2 км чуқурликда термокаталик ёки нефть-газ зонаси 7 км га етгач, метан зонаси бошланади. Газ ҳосил бўлиши жараёнларининг моҳиятига қараб Е.п.г.нинг 9 тага яқин генетик тури фарқ қилинади. Буларнинг энг муҳимлари катагенетик, метаморфик, вулканик, биокимёвий, радиоактив ва ҳавода ҳосил бўлган газлардир. Қолган гуруҳлари (ядро реакцияси газлари, радиокимёвий ва Ер пўсти остидаги газлар) иккинчи даражали газлар.

Катагенетик газлар чўкинди жинсларнинг чуқурликка чўкиши ва айни пайта босимнинг 100 дан 2000—2500 атмосферагача, т-ранинг 25—30° дан 250—300° гача ошиши натижасида чўкинди жинслардаги органик моддаларнинг тубдан ўзгаришидан ҳосил бўлади (қ. *Ёнувчи табиий газлар*). Т-ра ва босимнинг янада ошиши б-н ме-



Ер пўстининг тузилиши: 1 — сув; 2 — чўкинди қатлам; 3 — гранит қатлам; 4 — континентал пўстдаги базальт қатлами; 5 — океан ости Ер пўстининг базальт қатлами; 6 — океан ости Ер пўстининг магматик қатлами; 7 — мантия (ультраасосли магматик жинслар); 8,9 — Ер пўстидан пастда жойлашган вулкан ороллари (ўта асосли магматик жинслар).

таморфик газлар пайдо бўла бошлайди. Катагенетик газларнинг асосий таркиби сув буғлари, карбон (II) оксиди, метан, азот, баъзан инерт газлар ва учувчан хлоридлардан иборат. Вулкан газлари Ернинг чуқур қисмидан келади ва мантиянинг газсизланиши б-н боғлиқ (қ. *Вулкан газлари*).

Органик моддаларнинг бактериологик парчаланиши ва баъзи минерал тузларнинг қайта тикланишидан биокимёвий газлар ҳосил бўлади. Буларга метан ва унинг гомологлари (этан ва б.), карбон оксиди, водород сульфиди, азот, кислород, гоҳо водород ва б. киради. Радиоактив газлар радиоактив элементларнинг парчаланишидан таркиб топади; булар гелий, торий ва б.дан иборат. Ҳавода ҳосил бўлган газларга Ер пўстининг чуқур қисмига сувли эритмалар ҳолида кириб борган газлар мансуб. Бундай газларга азот, кислород ва инерт газлар (аргон, криптон ва ксенон) киради.

Кимёвий таркибига кўра Е.п.г. углеводородли, азот ва карбонат ангидритлиларга бўлинади.

Ёнувчи (углеводородли) газларнинг ғоят катта массалари ер ости сувларида эриган ва асосан молекуляр эритма ҳолида бўлади. Мас., азот NH_4, NO_2, NO_3 шаклида. Углеводородли газларнинг кўп қисми тарқоқ чўкинди жинслар ва қазилма кўмирлар таркибида ҳам органик моддалар б-н боғлиқ. 1960 й.да Японияда газнинг 30% ер ости сувларидан олинган. Биокимёвий жараёнлар натижасида кислороднинг ер юзасида карбонат ангидридига айланиши газ ҳосил бўлишининг асосий омили ҳисобланади. Ўзбекистонда Қизилқумда 44 триллион м³, Қорақумда (Устюрт б-н биргаликда) 86 триллион м³ углеводород гази борлиги аниқланган.

Абдулла Мавлонов.

ЕР ПЎСТИ ТЕБРАНМА ҲАРАКАТЛАРИ, эпейрогеник ҳаракатлар — Ер пўстида содир бўладиган доимий тектоник ҳаракатлар. Ер куррасининг ҳамма қисмида содир бўлиб, узлуксиз давом этади. Е.п.т.ҳ. натижасида айрим қитъалар ва бир неча ёки ўнлаб км² келадиган майдонлар кўтарилиши ёки пасайиши мумкин. Бу ҳодиса Ер геологик ривожланиш тарихининг барча даврларида давом этган.

Е.п.т.ҳ. ривожланишининг асосий қонуниятлари ва уларнинг Ер геологик тузилишидаги аҳамияти А.П.*Карпинский* томонидан кўрсатиб ўтилган. Тадқиқотлар давомида Е. п.т. ҳ.нинг умумий ва тўлқинсимон турлари аниқланган. Умумий турлари бутун қитъа ёки унинг катта қисмини эгаллаган кенг ҳудудларнинг бир вақтда кўтарилиши ва пасайишида намоён бўлади. Тўлқинсимон турлари умумий тебранишлар устига қопланади ва Ер юзаси ҳар қайси йирик ҳудудини узоқ муддатли кўтарилиш ёки букилиш зоналарига парчалаши б-н ифодаланади. Бу ҳаракатлар Ер юзаси рельефи ва фацияларнинг бўлиниши ва чўкинди ётқизиқларнинг қалинлигида кўринади. Е. п. т. ҳ.ни ўрганиш усуллари Ер пўсти ҳаракатларининг давом йилигига қараб танланади. Яқин замонларда (ва тарихий, голоцен даври — 10 минг йил) намоён бўлган ҳаракатлар — геодезик асбоблар (нивелир, теодолит, футшток, деформометр), археологик ва геоморфологик усуллар б-н, янги даврдаги (25—40 млн. йил олдин) Е. п. т. ҳ. геоморфологик ва геологик усуллар б-н, Ер пўстининг қад. (неогендан олдинги) тебранма ҳаракатлари асосан геологик усул б-н ўрганилади. Шу маълумотлар асосида қад. географик шароитни кўрсатувчи хариталар тузилади. Хариталарда қуруқлик, денгиз ва унинг соҳили, кўтарилма, букилма, чўкмалар қандай ёшдаги тоғ жинсларидан ташкил топганлиги, уларнинг қалинлиги, фациялари кўрсатилади.

Е. п. т. ҳ.ни ўрганиш катта амалий аҳамиятга эга. Чунки у фойдали қазилма конлари (нефть, газ, кўмир, чўкинди рудалар Fe, Mn, фосфоритлар, бокситлар ва б.) б-н боғлиқ бўлган чўкинди жинслар формацияларининг Ер пўстидаги тақсимланиш қонуниятларини аниқлашда ёрдам беради. Йирик бинолар, сув омборлари ва б. қуришда ҳам муҳимдир.

ЕР ПЎСТИНИНГ АСРИЙ ТЕБРАНИШИ — ер юзасининг узоқ давом этадиган аста-секин кўтарилиши ва пасайиши. Ер пўстининг вертикал ҳаракатларидан содир бўлади (қ. *Ер пўсти тебранма ҳаракатлари*).

ЕР РЕКУЛЬТИВАЦИЯСИ, ландшафт рекультивацияси (лот. ге — қайтариш, тиклаш маъносини берадиган олд қўшимча; cultivo — ишлов бераман, етиштираман) — фойдали қазилмаларни қазиб олиш, сув иншоотлари қуриш, шаҳарлар қурилиши ва б. сабабларга кўра фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган ерларни қайта тиклаш, атроф муҳит шароитларини, экологик ҳолатларни яхшилашга қаратилган тадбирлар мажмуи. Е.р. асосий вазифаси тупроқнинг бузилган унумдор қатламини тиклаш ва қ.х. ёки ўрмон хўжалигини самарали юритишни таъминлайдиган шароитни яратишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасида, жумладан суғорма деҳқончилик ҳудудида учрайдиган яроқсиз ҳолга келтирилган ер турларига қуйидагилар киради ва Е.р. га муҳтож ҳисобланади: қурилиш учун материаллар қазиб олинган (қум, шағал, тош ва б.) ерлар; газ ва нефть маҳсулотларини қидирув-текшириш ишлари ва улардан фойдаланишга ажратилган ерлар; суғориш, зах қочириш, йўл тармоқларини қуриш ва таъмирлаш оқибатида меъёрдан ортиқча банд бўлган пастликлар, дўнгликлар ёки чуқурликларнинг пайдо бўлиш натижасида унумдор қатлами бузилган ерлар; турли қурилиш иншоотлари ва биноларни барпо этишда ерларнинг вақтинча фойдаланишга ажратилган қисми ва б.

Е.р. 2 босқичдан иборат тадбирлар ёрдамида амалга оширилади: техник ва биологик. Дастлаб яроқсиз ерларни аниқлаш, ўрганиш, истиқболда фойдаланиш режасини тузиш ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш каби тайёргарлик ишлари амалга оширилади. Е.р.нинг техник босқичи халқ хўжалиги учун ерни мақсадли фойдаланишга тайёрлаш бўлса, биологик босқич да эса ландшафт ва тупроқни қайта тиклаш, қишлоқ ёки ўрмон хўжалиги учун яроқли ҳолга келтириш тадбирлари амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 200 минг га яроқсиз ҳолга келтирилган ерлар мавжуд бўлиб, шундан 65 минг га қ.х. тармоқлари яхши ривожланган ҳудудларга тўғри келади (2000). Улар асосан суғориш, зах қочириш ва йўл тармоқларини қуриш оқибатида пайдо бўлган. Уларни қ.х, оборотига қайтариш натижасида ҳар йили қўшимча 300—400 минг т пахта ва кўплаб сабзавот, мева ҳамда чорвачилик учун зарур бўлган емхашак етиштириш мумкин.

Қосимжон Раҳмонов.

ЕР РЕНТАСИ (нем. Rente — ортга қайтарилган) — ер эгасининг ўз ерини табиий ресурс тарзида ижарага тақдим этганлиги учун оладиган даромади; бевосита қ.х. ишлаб чиқарувчилари томонидан яратилган қўшимча маҳсулотнинг ер эгалари томонидан мулк эгалиги ҳуқуқига кўра ўзлаштириладиган қисми. Қ.х.да фойдаланиладиган ер майдонлари табиатан чекланганлиги сабабли (инсон ер ресурсларини кўпайтиришга қодир эмас) барча ерлар мустақил товар ишлаб чиқарувчилар томонидан эгаллаб олинади ва ерга хўжалик объекти сифатида монополия жудга келади. Натижада ер б-н боғлиқ рента муносабатлари пайдо бўлади.

Қ.х.да ер эгаси фойдаланувчилардан ердан фойдаланганлик учун тўлов олади, яъни ер эгаси (давлат, ширкат, хусусий шахс) фақат ер эгаси бўлганлиги учун яратилган қўшимча маҳсулотнинг бир қисмини ижара ҳақи кўринишида ўзлаштириб олади. Давлат оладиган ер солиғи, хусусий ер эгалари ердан фойдаланганлик учун ундириладиган тўловлар Е.р. ҳисобланади. Е.р.нинг, мас., баршчина (ишлаб бериш), оброк (натурал солиқ) ва пул солиғи (мас., хирож) каби бир қанча тарихий кўринишлари бор.

Ҳоз. даврда Е.р.нинг асосан, дифференциал рента ва абсолют рента кўринишлари мавжуд. Ер участкаларининг табиий ва иқтисодий унумдорлиги ҳамда жойлашган ўрнидаги фарқлар натижасида олинадиган қўшимча соф даромад — дифференциал рента дейилади (қ. *Дифференциал рента*). Кўпгина мамлакатларда сифатидан қатъи назар экин экиладиган ернинг хусусий мулк бўлиши уни ижарачиларга фойдаланиш учун беришдан муқаррар суратда даромад келтиради.

Ер эгалари ерни ишловчи ижарачиларга фойдаланиш учун ижарага бериши ва улардан ердан фойдаланганлик учун тўловлар олиши натижасида абсолют Е.р.си вужудга келади. Шунингдек, рентанинг яна бир тури — монопол рента ҳам мавжуд. Бошқа ерда учрамайдиган табиий шароит, баъзан ноёб қ.х. маҳсулотлари етиштириш учун имконият яратади. Бундай маҳсулотлар монопол нархларда сотилади. Бу нархларнинг юқори бўлиши кўпинча тўловга қодир талаб даражаси б-н белгиланади. Натижада монопол нархлар шундай маҳсулотларнинг индивидуал қийматидан анча юқори бўлиши мумкин. Бу эса ер эгаларига монопол рента олиш имкониятини беради (яна қ. *Рента*).

Рисолат Ишмуратова.

ЕР РЕСУРСЛАРИ — халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун фойдаланиш мумкин бўлган ерлар. Ўзбекистонда Е.р. таркибига фойдаланиб келинаётган ерлар ва истиқболда фойдаланиш мумкин бўлган ерлар киради (жадвалга қ.). Е.р. майдони ва сифати жиҳатидан баҳоланади. Е.р.дан фойдаланиш даражасини таҳлил (қ. *Ердан фойдаланиш таҳлили*) этиш ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш натижасида ер майдони бирлигига тўғри келадиган ялпи ва соф даромад, меҳнат унумдорлиги аниқланади ҳамда ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар фаолиятига баҳо берилади.

ЎзРда Е.р. шартли равишда қуйидаги тартибда тақсимот қилинган: ер турларининг тоифалари бўйича (қишлоқ хўжалиги; аҳоли яшаш жойлари; саноат, транспорт, мудофаа, алоқа ва б. мақсадлар учун; ўрмон хўжалиги, гидротехника ва б. сув хўжалик иншоотлари учун; табиат муҳофазаси, соғломлаштириш, рекреацион ва тарихий-маданий аҳамиятга эга ерлар; захира ерлари); ер эгаликлари ва ердан фойдаланувчилар бўйича; Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича (яна қ. *Ер таркиби*).

ЕР СОЛИҒИ — ердан фойдаланганлик учун давлатга мажбурий тўланадиган солиқ тури. Иқтисодий моҳияти бўйича *ер рентасини* ифода этади. Ерга мулкчиликнинг пайдо бўлиши б-н юзага келган. Жаҳондаги деярли барча мамлакатларда давлат мулки ҳисобланадиган ердан фойдаланганлик ва фуқаролар мулк ерлари учун давлат бюджетига тўланади.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, мил. 3-а.дан *Сосонийлар давлати*да жорий қилинган. Кейинги асрларда *закот, хирож, ўлпон, таноб, ушр* ва б. номлар б-н юритилган. Мусулмон мамлакатларида ер майдони бирлигидан пулда ёки ер сифати ҳамда сув б-н таъминланиш даражасига қараб ҳосилнинг 1/4, 1/3, 1/2 қисми ҳажмида ундирилган. Ўрта Осиёда 8-а. бошида араблар томонидан жорий қилинган.

Ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида 19-а. бошларидаги хонликларда Е.с. асосан пул шаклида олинган. Мас., Бухоро амирлигида амир ихтиёрида мулк ерлари бўлган давлат (подшолик) ерлари *амлок ерлар* деб аталган, унга экин эккан деҳқонлар Е.с. — хирож тўлаганлар. Е.с. ни йиғувчи амлокдор деб аталган. Хонлардан ҳадяга олинган *танҳо* ер эгалари давлатга Е.с. тўлашдан озод бўлган.

Ўзбекистон Республикасида Е.с.ни ўз мулкида, эгалигида ва фойдаланишида ер участкалари бўлган юридик ва жисмоний шахслар тўлайдилар. Е.с.га доир муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили инфляция даражасидан келиб чиқиб, ер участкасининг бирлигига (га, м²) сўм ҳисобида тасдиқланади. Ноқишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари учун уларнинг қаерда жойлашганлиги, шаҳар ва ша-

Ўзбекистон Республикаси ер ресурсларининг ҳудудий тақсимоти (2001 й. 1 янв., минг га)

	Жами ер ресурслари майдони	Шу жумладан суғориладиган ерлар	Экин ерлар	Қишлоқ хўжалиги ер турлари, жами	Томорқа ерлар, боғдорчилик уюшмалари ерлари	Ўрмонзорлар	Бошқа ерлар
Қорақалпоғистон Республикаси	16100,6	500,9	419,2	5294,4	44,6	592,2	10142,3
Андижон вилояти	430,3	227,1	199,1	253,0	52,2	3,5	119,7
Бухоро вилояти	4193,7	273,6	200,3	2914,6	55,3	232,5	987,3
Жиззах вилояти	2117,8	300,5	477,5	1241,4	31,8	173,3	664,1
Навоий вилояти	10937,4	124,7	112,6	10140,0	20,3	0,7	773,6
Наманган вилояти	717,5	277,8	197,2	395,8	45,1	24,6	250,6
Самарқанд вилояти	1677,4	373,0	437,4	1301,3	80,1	11,7	279,8
Сирдарё вилояти	427,6	293,7	256,2	298,5	18,8	3,4	102,3
Сурхондарё вилояти	2009,9	328,2	284,7	1185,6	58,2	201,5	564,4
Тошкент вилояти	1513,2	390,9	333,9	774,9	57,7	81,1	598,2
Фарғона вилояти	715,3	356,9	256,3	319,2	66,9	17,7	310,0
Хоразм вилояти	681,6	275,3	212,5	403 7	41,5	58,5	176,0
Қашқадарё вилояти	2856,8	504,6	669,7	2201,0	73,6	109,8	421,5
Тошкент шаҳри	31,2	5,4	—	0,2	5,3	1,4	24,3
Жами	44410,3	4277,6	4056,6	26753,6	651,4	1511,9	15414,1

ҳарчаларда ҳамда уларнинг ҳудудларида инфратузилмаларнинг ривожланганига қараб бўлинган минтақалар бўйича ҳар хил ставкалар белгиланади. Қишлоқ жойлари учун Е.с. ставкалари суғориладиган ва лалми-яйлов минтақалари бўйича алоҳида белгиланади. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари барча солиқлар ўрнига (алкоголь маҳсулотларига тўланадиган акциз солиғидан ташқари) ягона Е.с. тўлайдилар.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида ер асосий восита ва ерларнинг сифати алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ҳамда деҳқончиликнинг ривожланиш даражасини ҳисобга олиб, суғориладиган ерлар бонитет балларидан келиб чиқиб, 10 синфга бўлинган. Е.с.ни ҳисоблашда базавий ставкаларга ҳукумат томонидан тасдиқланган кўпайтириш коэффициентлари қўлланилади. Ҳар бир туман бўйича суғориладиган энг паст сифатли ерларга алоҳида базавий ставкалар белгиланган.

Мас., ягона ер солиғи тўлайдиган товар ишлаб чиқарувчилар учун суғориладиган ерларда 1-синфга мансуб 1 га учун солиқнинг базавий ставкаси Паркент туманида 986,4 сўм, Зангиота туманида 1487,5 сўм, Мўйноқ туманида 668 сўм қилиб белгиланган. Е.с.ни ҳисоблашда шу туманларда базавий ставкалар 5-синфга кирадиган ерларга 4,57, 6-синфга кирадиган ерларга 6,54, 10-синфга кирадиган ерларга 17,5 коэффициентларига кўпайтирилади (2002). Суғорилмайдиган лалми ва яйлов ерлари ёғингарчилик б-н таъминланганлигини ҳисобга олган ҳолда текислик, адир, тоғ ва тоғ олди минтақаларига бўлинади. Лалми (мас., Тошкент вилоятида 1,19—1,67 коэффициентлари б-н ҳар га учун 84,4 сўмдан 167,5 сўмгача) ва яйлов ерларга (чўл зоналари учун 16—30 сўм, 1,51—2,05 коэффициентлари б-н адир ва тоғ олди зоналари учун 25—34,2 сўм) ҳам алоҳида солиқ ставкалари бор.


Қишлоқ хўжалиги корхоналари иморатлар эгаллаган (Тошкент вилоятида базавий ставка 13285,6 сўм, коэффициенти 20,44), зовурлар, йўллар (24,4 сўм/га) б-н банд бўлган ва бошқа фойдаланилмайдиган ерлари учун ҳам Е.с. ни тўлайдилар. Аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида жисмоний шахсларга ер участкаларининг жойлашган жойига қараб Е.с. ставкалари 10—25 карра кам белгиланади. Корхоналарнинг ривожланишини рағбатлантириш ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида уларнинг айрим гуруҳларига давлат томонидан Е.с. бўйича имтиёзлар берилган. Юридик ва жисмоний шахслар Е.с.ни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда маҳаллий бюджетга тўлайдилар.

Арзит Латипов.

ЕР СУНЪИЙ ЙЎЛДОШЛАРИ (ЕСЙ) — Ер атрофидаги (геоцентрик) орбитага илмий ёки амалий (ҳаётий) муаммоларни ҳал қилиш учун чиқарилган космик аппаратлар (КА). Биринчи сунъий йўлдош собиқ Иттифоқ ҳудудидан 1957 й. 4 окт.да учирилган. ЕСЙ га ўрнатилган аппаратлар ёрдамида атмосферанинг юқори қатламларида унинг зичлиги, ионосферада радиосигналларнинг тарқалиши ўрганилди. 1958 й. 1 фев.да АҚШ «Эксплорер-1» сунъий йўлдошини учирди. 1965 й. 26 окт.да Франция, 1970 й. 11 фев.да Япония, 1970 й. 24 апр.да ХХР, 1980 й. 18 июлда Ҳиндистон биринчи ЕСЙ ни учиришди.

Вазифасига кўра, ЕСЙ илмий тадқиқот ёки амалий хилларга бўлинади. И. т. ЕСЙ Ерни, бошқа осмон жисмларини, космик фазони тадқиқ этиш ёки биологик экспериментлар ўтказиш учун хизмат қилади. Уларга геофизик, геодезик тадқиқот ЕСЙ ва б. киради. Амалий ЕСЙ га эса алоқа, метеорологик ЕСЙ, Ер табиий ресурсларини ўрганишга мўлжалланган ЕСЙ, навигация ЕСЙ, техник вазифаларни бажаришга мўлжалланган ва ҳарбий мақсадлар учун учирилган ЕСЙ киради. Айрим ЕСЙ ҳам илмий, ҳам амалий масқадларни кўзлаб учирилади.

Орбитал космик кемалар (КК) ва орбитал ст-ялар (ОС) ЕСЙ нинг алоҳида турига киради. Миллий космик дастурлар бўйича учирилган ЕСЙ туркуми кўпинча махсус номлар б-н [«Космос» (Россия), «Эксплорер» (АҚШ), «Диадем» (Франция)] юритилади. Кўпчилик ЕСЙ борт аппаратлари Қуёш батареялари (ҚБ) орқали энергия б-н таъминланади. ЕСЙ нинг иссиқлик режими терморостлаш тизими орқали амалга оширилади. ЕСЙ дан Ерга илмий ва б. ахборотлар радиотелеметрия тизими ёрдамида узатилади. ЕСЙ орбитага элтувчи ракеталар (ЭР) ёрдамида чиқарилади. ЕСЙ ни орбитага элтувчи бу йўл ЭР ҳаракатининг фаол (актив) йўли дейилиб, бир неча юз км дан 2—3 минг км гача боради. ЭР двигателлари фаол йўл сўнггида олдиндан ҳисобланган тезликка эришгач, учирилади ва бу нуқта ЕСЙ нинг орбитага чиқиш нуқтаси дейилади. Бу нуқтада ЭРнинг охирги босқичи сунъий йўлдошдан ажралади ва йўлдош орбита бўйлаб эркин ҳаракатлана бошлайди. ЕСЙ нинг ҳаракати Ердаги махсус кузатиш ст-яларидан амалга оширилади. Бу кузатишлар ЕСЙ нинг орбита элементларини аниқлаб, келгуси кузатишлар учун унинг эфемеридаларини ҳисобланади. И. т. йўлдошларига «Пробиқ Иттифоқнинг «Электрон», «Пробиқ Иттифоқнинг «Космос», АҚШ нинг «Авангард», «Эксплорер», «ОГО», «ОСО», «ОАО», Англиянинг «Ариель», Франциянинг «Диадем» сунъий йўлдошлари киради. Амалий сунъий йўлдошлар жумласига собиқ Иттифоқнинг «Экран», «Космос», «Метеор», «Молния», АҚШнинг «Тирос», «Эсса», «Нимбус», «Лендстат», «Синком», «Интелсат» ва «АЭМ» сунъий йўлдошлари киради.



Ернинг алоқа сунъий йўлдоши: «Молния-1» (1965 й. 23 апр.): *1* — корпус; *2* — қуёш батареяси; *3* — антенна; *4* — антеннани Ерга мўлжаллайдиган датчик; *5* — радиатор-совитгич; *6* — кичик тузатишлар киритиш учун мўлжалланган эҳтиёт юклар; *7* — тузатиш киритувчи двигатель; *8* — қиздиргич панели; *9* — Қуёшга мўлжаллайдиган датчик (эслатма: ҳаммаси бўлиб еттита «М-1» учирилган).

ЕР ТАРКИБИ — давлат ер фондининг халқ хўжалиги тармоқлари ўртасидаги тақсимоти, ер турларининг нисбати, салмоғи ва майдон кўрсаткичлари бўйича маълумотлар йиғиндиси. Ўзбекистон Республикасининг яхлит *ер фонди* қандай мақсадда фойдаланишига қараб қуйидагиларга бўлинади: қ.х. ерлари; аҳоли пунктлари ерлари (шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқ аҳоли пунктлари ерлари); саноат, транспорт, алоқа ва б.нинг ерлари; табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреацион ва тарихий-маданий мақсадларга мўлжалланган ерлар; ўрмон фонди ерлари, сув фонди ерлари, захира ерлар. Қ.х. эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадларга атаб ажратилган ерлар қ.х.га мўлжалланган ерлар деб ҳисобланади.

ЕР ТЕКИСЛАГИЧЛАР — ўзлаштириладиган ерларни ва экин экиладиган далаларни экин экиш ва суғориш учун қулай ҳолатга келтириб текислайдиган қ. ҳ. машиналари; узун рамали, чўмичли ва ағдаргичли хиллари бор. Узун рамали Е. т. тракторларга тиркаб ишлатилади. Чўмичли Е. т. далаларни узилкесил текислашда қўлланилади. Иш органи олди, усти ва туби очиқ чўмич ковшдан иборат. У рамага маҳкамланади. Чўмичнинг қуйи қисмига дўнгликларни кесувчи пичоқ ўрнатилган. Е. т.да чўмични маълум баландликка ўрнатадиган механизм бор. Е. т. ҳаракатланганда чўмич 20 см гача бўлган дўнгликларни кесиб, пастқам жойларга суриб текислайди. Е. т. гидравлик механизм ва лазер нурлари б-н ишлайдиган автоматик ростлаш механизмлари б-н ростланади.

Ағдаргичли Е. т. экин экиш олдидан тупроққа ишлов бериш учун хизмат қилади; иш органи ҳаракат йўналишига нисбатан бир оз қия ўрнатилган бир ёки бир нечта ясси ёки ёйсимон ағдаргичлардан иборат. Булар 3 гуруҳга бўлинади: ер текислагич-мола, экин экиш олдидан тупроқни текислагич-ёйгич ва судратма (волокуша)ли Е. т. шоли экиш учун сув бостириладиган далалардаги нотекисликлар 3 см, эгатдан суғориладиган далаларда 5 см, сунъий ёмғирлатиб суғориладиган далаларда эса 10 см дан ошмаслиги лозим. Ағдаргичли Е. т.нинг қамров кенглиги 6—8 м. Ер текислагич-моланинг иш органи гидроцилиндр ёрдамида олд томонга қиялантирилганда тупроқ нотекисликларни кесади, орқага қиялантирилганда эса дала бетини бир оз зичлайди (молалайди). Текислагич-юмшатқич тишли тирма (борона) б-н қўшиб ишлатилади, у дала бетини 10 см чуқурликда юмашатиб, кетидан текислаб кетади.

ЕР ТУЗИШ, ер тузиш тартиби — мамлакатда ерга бўлган муносабатларни тартибга солиш ва мукаммаллаштириш, ерни и.ч. воситаси сифатида муҳофаза қилиш ва ундан самарали фойдаланишга қаратилган давлат тадбирлари тизими. Ердан тўлиқ илмий асосланган тарзда оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, деҳқончилик маданиятини ошириш ва ерларни муҳофаза қилиш мақсадларини кўзлайди. Е.т. лойиҳа-қидирув, жой тафсилотини (съёмка) ва дала тадқиқот ишларини ўз ичига олади, уни ер тузувчи ташкилотлар амалга оширади. Е.т. ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ташкил қилишга, ер ресурсларини ҳисобга олиш ва баҳолашга, қулай экологик муҳитни вужудга келтиришга ва табиий ландшафтларни яхшилашга, Е.т.нинг ҳудудий ва ички хўжалик Е.т. режаларини тузишга қаратилган тадбирлар тизимини ўз ичига олади.



Тракторга тиркалган чўмичли ер текислагич.

Е.т.нинг иқтисодий (ерни асосий и.ч. воситаси сифатида ташкил этиш), ҳуқуқий (ердан фойдаланиш соҳасида давлат органлари қарорларини амалга оширишга қаратилган давлат тадбирлари тизими мажмуи); техникавий (лойиҳа-қидирув, жой тафсилотини тасвирлаш ва дала тадқиқотларини ташкил қилиш ва мавжуд ер участкаларини тартибга солиш лойиҳалари тузилади, ер муносабатларига доир турли ҳужжатлар, иш лойиҳаларини тузилади, ерларни баҳолаш тадбирлари ва б. ўтказилади.

Ички хўжалик Е.т. турли қ.х. корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ҳудудини ички хўжалик негизида белгилаб олиб, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий қилиш, барча қ.х. ерларини (пичанзорлар, яйловлар, боғлар, токзорлар ва б.) жойлаштириш, тупроқ эрозиясига қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқиш, шунингдек, суғориладиган ерларни тўла реконструкциялашдан иборат.

Е.т. таркибида топография-геодезия, харитаграфия, тупроқ, агрокимё, геоботаника жиҳатидан, тарихий-маданий ва б. йўналишларда ҳам текширишлар олиб борилади. Е.т. жараёнида фойдаланишни қулайлаштириш учун чегаралари турғун бўлган оптимал ўлчамдаги ихчам майдонлар ташкил этилади. Айни пайтда қ.х. корхоналарининг ички Е.т. ишлари суғориш шохобчалари ва зовурлар тармоғини қайта қуриш асосида такомиллаштирилади: алмашлаб экиш жорий қилинади, ҳамма экин майдонлари батафсил белгилаб қўйилади.

Е.т. ишларини бажаришда туманлар ва хўжаликларнинг табиий, иқтисодий ва мелиоратив шароитлари: и.ч. ҳажми, хўжаликлар ва уларнинг бўлинмаларидаги ихтисослашув, тармоқлар нисбати ва уларнинг ривожланиш кўрсаткичлари, ишчи кучи ва и.ч. воситалари б-н таъминланганлик, аҳолининг жойлашув тизими, сув ресурслари, суғориш тармоқларининг ҳолати ва б. ҳисобга олинади.

Е.т. бўйича белгиланган ҳамма тадбирлар қ.х., сув хўжалиги ва турар жой қурилишига зарур капитал сарфлар ҳисоб-китоблари б-н асослаб берилади.

Ад.: Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Т., 1998; Ер тузиш асослари, Т., 1998.

Қосимжон Раҳмонов.

ЕР ТУЗИШ ЛОЙИҲАСИ — *ер тузиш* ишларини бажариш натижаларига асосан ерга эгалик қилувчи хўжаликнинг амалда ва истиқболда ердан фойдаланиш даражасини аниқлаб берувчи ҳужжат. Е.т.л. 4 қисмдан: тушунтириш хати, ҳисоб жадваллари, лойиҳа чизмалари, ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуасидан иборат. Тушунтириш хатида Е.т.л.да бажарилиши кўзда тутилган тадбирларни асослаш нуқтаи назари ва ер тузиш манбаи (объект)нинг табиий-иқтисодий шароитлари баён этилади. Е.т.л.нинг ҳисоб қисми зарур жадвал ва лойиҳа ечимлари бўйича ҳисоблаш қайдномаларидан иборат. Барча ҳисоб-китоб ишлари ўз навбатида тушунтириш хатида асослаб берилади. Лойиҳа чизмаларида қабул қилинган шартли белгиларга асосланган, лойиҳаланаётган жой тафсилотининг амалдаги ва истиқболдаги ҳолатлари кўрсатилади. Е.т.л. таркибига кирувчи ҳужжатлар тўпламида шу лойиҳани тегишли ташкилотлар

ва муассасаларда кўриб чиқиш, тасдиқлаш, амалга ошириш тадбирлари, лойиҳани жойга кўчириш тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

Е.т.л. хўжаликлараро ва хўжаликда ер тузиш турларига бўлинади. Е.т.л. барча иштирокчи мутахассислар, лойиҳа ташкилоти раҳбарияти ва буюртмачилар томонидан имзоланади. Тайёрланган Е.т.л. белгиланган тартибда кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Е.т.л. мунтазам равишда муаллифлик назоратида бўлади. Е.т.л.ни амалга ошириш жараёнида айрим ўзгартиришлар ёки аниқликлар киритилиши мумкин. Ҳар бир ҳолатда зарур ҳуқуқий ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Е.т.л. натижаларига кўра, айрим тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш учун бир босқичли иш лойиҳалари ҳам тузилади.

Қосимжон Раҳмонов.

ЕР ТУЗИШ ХАРИТАСИ — ерга эгалик қилувчи хўжаликлар ҳудудидаги тафсилотлар (суғориш ва йўл тармоқлари, аҳоли яшаш жойлари ва ҳ.к.) ва ер турлари (ҳайдаладиган ерлар, боғлар, яйловлар ва б.) горизонтал проекциясининг кичрайтирилган тасвири. Е.т.х. аэрофотосуратлар асосида махсус фотография асбоблари ёрдамида жой тасвирининг тўла маълумотлари б-н тузилади. Айрим ҳолларда Е.т.х. дала ўлчов ишлари натижасида тузилиши мумкин.

Е.т.х. 1:10000 ва 1:25000, баъзан 1:5000, 1:50000 масштабларда тузилади. Аҳоли яшайдиган жойлар, ер турлари, экинзорлар ва б. ер участкаларининг Е.т.х.да тасвирлаш ер тузиш ишларида қўллаш учун тавсия қилинган шартли белгилар б-н ифодаланади. Е.т.х. ер тузиш лойиҳаларининг чизма қисмини бажаришда, тупроқ, суғориш, ерларни баҳолаш ва ҳисоблаш хариталарини тузишда, махсус агротехник, агрокимёвий, гидротехник ва б. тадқиқотлар ўтказишда, шунингдек, хўжаликнинг ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат далолатномасини изоҳловчи ҳужжат сифатида қабул қилинади. Е.т.х.ларининг кўпайтирилган нусхалари вилоят ва туман миқёсидаги ер тузиш, қ.х. хариталарини тайёрлашда асос қилиб олинади. Е.т.х. барча ер тузиш лойиҳаларининг таркибий қисмига киради.

ЕР ТУРЛАРИ — қ. *Ер фонди.*

ЕР ТУРЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ — ердан фойдаланишнинг бир турини бошқаси б-н алмаштириш; ердан унумли фойдаланиш ёки тупроқ эрозиясининг олдини олиш мақсадларида қўлланилади. Бундай тадбир фойдаланиладиган қ.х. ерларини жойлаштиришдаги камчиликларни тугатиш ҳамда қ.х. ерларининг таркиби ва нисбатини тартибга келтиришга қаратилган.

Ўзбекистоннинг суғорма деҳқончилик минтақаларида Е.т.ў. тамойилларидан бири — хўжаликка бириктирилган ер майдонидан мақсадга мувофиқ ва тўлиқ фойдаланишни таъминлашдан иборат. Е.т.ў. ҳажми ва уни амалга ошириш йўллари асосан хўжаликда ерлардан янада унумлироқ фойдаланиш истиқболлари белгиланадиган *ер тузиш*да аниқланади. Е.т.ў. иқтисодий жиҳатдан асосланади: бунда Е.т.ў.га кетадиган бир йўла харажатлар, бу ерлардан фойдаланиш туфайли олинадиган қўшимча соф даромад, экинзорларни дарахтзорларга айлантириш натижасида йўқотиладиган маҳсулот, шунингдек, бу харажатларнинг қопланиши ҳисобга олинади.

Ердан фойдаланишда ва уни тармоқлар ҳамда тармоқ ичидаги тақсимоти жараёнларида бир тоифадан бошқа тоифага ўтказиш бўйича тадбирлар ҳам қўлланилади. Бунда Е.т.ў. ерлардан асосий фойдаланиш мақсади ўзгарган тақдирда амалга оширилади (қ. *Ер тақсими, Ер ресурслари*).

Ерларни ер тоифаларига бўлиш ва бир тоифадан бошқасига ўтказиш ерни эгалик қилишга ва фойдаланишга бериш ҳуқуқига эга бўлган идоралар томонидан амалга оширилади. Е.т.ў. ер участкаларига бўлган ҳуқуқни бериш тўғрисидаги қарорларда, уни тасдиқловчи гувоҳномаларда, шартномаларда ва давлат ер кадастри ҳужжатларида кўрсатилади.

Ад.: Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари, Т., 1999.

ЕР ФИЗИКАСИ, геофизика — Ер, унинг ички тузилиши, физик хоссалари ва «қаттиқ» қобиқларида содир бўлувчи физик жараёнлар, шунингдек, *гидросфера* ва *атмосфера* тўғрисидаги фанлар мажмуи.

Е. ф. ўрганилаётган физик майдон ва тадқиқотлар характерига қараб, *ер магнетизми, гравиметрия, сейсмология, геотермика, атмосфера физикаси,* денгиз физикаси, разведка, саноат геофизикаси ва б. бўлимларга бўлинади (қ. *Геофизика, Ер*).

ЕР ФОНДИ — мамлакатнинг жами ер ресурслари майдони. Е.ф. ерлардан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадга кўра қуйидаги тоифаларга бўлинади: 1) қ.х.га мўлжалланган ерлар — суғориладиган ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерлар, ҳайдаладиган ерлар, пичанзорлар, яйловлар, кўп йиллик мевали (мевасиз) дарахтзорлар ва токзорлар ва б. экинлар б-н банд ерлар ва б.; 2) аҳоли пунктлари (шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пункти) ерлари — шаҳарлар ва шаҳарчалар, шунингдек, қишлоқ аҳоли пунктлари чегараси доирасидаги ерлар; 3) саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва б. мақсадларга мўлжалланган ерлар — кўрсатилган мақсадларга фойдаланиш учун юридик шахсларга берилган ерлар; 4) табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар — алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эгаллаган, табиий даволаш омилларига эга бўлган ерлар, шунингдек, оммавий дам олиш ва туризм учун фойдаланиладиган ерлар; 5) тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар — тарихий-маданий ёдгорликлар жойлашган ерлар; 6) ўрмон фонди ерлари — ўрмон б-н қопланган, шунингдек, ўрмон б-н қопланмаган бўлса ҳам, ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ерлар; 7) сув фонди ерлари — сув объектлари, сув хўжалиги иншоотлари эгалланган ерлар ва сув объектларининг қирғоқлари бўйлаб ажратилган минтақадаги ерлар; 8) захира ерлар — юқоридаги номланган Е.ф. тоифаларига ажратилмаган, маълум ижтимоий, иқтисодий ва экологик сабабларга кўра халқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш имкониятлари бўлмаган ерлар.

Е.ф. тўғрисидаги маълумотлар ҳар хўжалик йилнинг 1-янв.га нисбатан тузилади. Е.ф. маълумотлари хўжалик, туман, вилоят ва мамлакат миқёсида берилади (жадвалга қ.). Бунда Е.ф. тақсимидаги ер турларининг майдон ва сифат ўзгаришлари ўз аксини топади.

Ўзбекистонда Е.ф.нинг асосий қисми (62% га яқини) қ.х. ер турлари тоифаларига мансуб, қолган қисми фу-ларол ерлари — томорқа (1%), ўрмон ва тўқайзорлар (3,2%) ва қ.х.да фойдаланилмайдиган ерлардан (34,2%) иборат. Шундан суғориладиган ерлар жами ер ресурсларининг 9,6% ташкил этишига қарамай республика қ.х.да етиштириладиган ялпи маҳсулотнинг 90% шу ерлардан олинади (Ўзбекистон Республикаси Е.ф.нинг тоифалар бўйича тақсимоти 445-б.даги жадвалда берилган).

Ад.: Ер муносабатларини тартибга солишга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами [I қисм], Т., 2000.

Қосимжон Раҳмонов.

ЕР ШЎРИНИ ЮВИШ, шўр ювиш, шўрланган тупроқларни ювиш — тупроқдаги ўсимлик учун зарарли тузларни эритиб, тупроқ-грунтнинг юқори қатламларидан қуйига ва сўнг шўри ювиладиган майдон ташқарисига чиқариб юбориш; *мелиорация* тадбирларидан бири. Ўзбекистонда шўр ва шўрланишга дучор бўлган ерларни сув б-н ювиб ўзлаштиришни биринчи марта А. *Миддендорф,* кейинчалик В. В. *Докучаев,* М.М. *Бушуев,* Н. А. *Димо* назарий асослаб бердилар. Шўри ювиладиган майдон юзасига берилган сувда тупроқ заррачаларидаги туз кристаллари эрийди. Ҳосил бўлган эритмани шимилишда давом этаётган сув ўз ҳарорига олиб тушади ва шундай қилиб, тупроқнинг ўсимлик илдизи тарқалади-диган қисми зарарли тузлардан тозаланади.

Е. ш. ю. капитал (ерларни ўзлаштириш даврида ўтказилади) ва эксплуатацион ёки профилактик (жорий) турларга бўлинади. Капитал шўр ювишда аэрация зонасидаги тупроқ-грунт қатламини керакли чуқурликда (2,5—3,0 м) ва грунт сувларнинг 3—4 м дан кам бўлмаган юқори қатламини шўрсизлантириш мақсадида ўтказилади. Асосан қадимдан суғориладиган зоналардаги жуда шўрланган партов (қўриқ ва бўз участкаларни ёки янги суғориладиган майдонлардаги шу каби шўрланган) ерларни ўзлаштиришда қўлланилади. Ўзлаштириш суви катта нормалар б-н ўтказилади (10—25 минг м³/га). Кучли шўрланган, механик таркиби оғир, вертикал сув айирбошлашни қийинлаштирадиган, қатламли тузилишга эга бўлган тупроқларни ўзлаштириш куз-қиш ёки эрта баҳорда 2—3 мавсумга чўзилиши мумкин. Бир мавсумнинг ўзида катта шўр ювиш норма-лик оралиқ б-н, илгари тахм. 20 см маси (5—10 минг м³/га). 5—12 суткаланинликда берилган сув тўлиқ шимилганидан кейин 2,5—3,0 минг м³/га миқдорда бўлиб-бўлиб ёки эгатлар бўйлаб узлуксиз оқизиб берилади. Баъзан Е. ш. ю.да тупроқнинг фильтрация хусусиятига қараб бир-биридан 15—25 м узоқликда, чуқ. 1,2—1,8 м бўлган зовур-сув қуйигичлар очилади. Сув бериш 1,5—2 м қалинликдаги тупроқ-грунт қатлами тўла чуччулангунига қадар давом эттирилади (қ. *Шўр ерлар мелиорацияси*). Капитал шўр ювиш турларидан бири шоли экиб шўр ювишдир. Умумий 20—30 минг м³/га нормада капитал шўр ювиш тупроқ-грунтнинг сув-физик хоссаларига ва ҳудуднинг дренаж қилинганлигига қараб 3—4 ой вақт керак бўлади. Эксплуатацион ёки профилактик (жорий) Е. ш. ю. далалар экиндан бўшаган даврда амалга оширилади ва тупроқ-грунтнинг юқори қатламини мавсум давомида тўпланган тузлардан тозалаш учун ўтказилади. Шундай шўр ювишларни бир неча йил давомида узлуксиз ўтказиш натижасида *тупроқни шўрсизлантириш*га эришилади. Бундай усул капитал шўр ювишлади. Бундай капитал шўр ювишга нисбатан ерларни қ.х. оборотидан чиқариш, қўшимча дренаж қилиш ва суғориш тармоғини кучайтириш ёки қайта қуришни талаб қилмайди. Айрим ҳолларда жорий шўр ювишни тупроқ-

Ўзбекистон Республикаси ер фондининг тонфалар бўйича тақсимоти (2001 й. 1 янв., минг га)

Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар бўйича ер тарқиби	Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар сони	Умумий майдони	Экин ерлар	шу жумладан иссиқхоналар (га)	Кўп йиллик дарахтзорлар					Бўз ерлар	Пичанзорлар	Яйловлар		Қишлоқ хўжалиги ер турлари, жами
					жами	шу жумладан						жами	сув билан таъминланган	
						боғлар	узумзорлар	тутзорлар	мева кўчатзорлари					
Жами қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлар эгалик қиладиган ва вақтинча фойдаланадиган ерлар	5160	25789,8	4037,9	472	339,4	159,2	103,0	68,9	8,3	79,7	110,0	15938,3	13741,5	20505,3
Захира ерлар	159	7582,5	1,0	—	—	—	—	—	—	0,4	0,1	2740,3	2426,7	2741,8
Ўрмон хўжалиги корхоналари ерлари	133	8050,4	12,4	—	9,6	8,3	0,2	—	1,1	0,6	2,0	3302,1	3168,7	3326,7
Аҳоли яшаш жойлари (шаҳар ва шаҳар туридаги қишлоқлар)	308	230,6	1,2	1	1,4	0,6	0,3	0,2	0,3	—	—	6,5	6,5	9,1
Саноат, транспорт, мудофаа, алоқа ва бошқа мақсадлар учун белгиланган ерлар	22043	1934,2	1,9	3	1,60	1,3	0,2	—	0,1	—	—	146,1	87,8	149,6
Табиат муҳофазаси, соғломлаштириш, рекреацион ва тарихий-маданий аҳамиятга эга ерлар	356	12,6	0,1	1	0,2	0,2	—	—	—	—	—	7,0	7,0	7,3
Гидротехник, бошқа сув хўжалиги иншоотлари учун ажратилган ва канал бўйидаги ерлар	3289	810,2	2,1	—	0,7	0,4	—	0,3	—	—	—	11,0	11,0	13,8
Жами	31448	44410,3	4056,6	477	352,9	170,0	103,7	69,4	9,8	80,7	112,1	22151,3	19449,2	26753,6

да нам жамғариш учун ўтказиладиган сув бериш — *яхоб* ҳам бажаради. Суғорма деҳқончилик зоналарида эксплуатацион шўр ювиш куз-қиш фаслида 3—4, айрим ерларда эса 6—8 минг м³/га умумий нормада, 6—8 кун оралатиб, 2—3 марта сув бериш йўли б-н ўтказилади. Атмосфера ёғинлари кўп (250 мм) ерларда профилактик шўр ювишни куз-қиш даврида ўтказиш мақсадига мувофиқдир. Ёғинлар кам тушадиган минтақалар (Хоразм, Қорақалпоғистон)да ерларни кузда (нояб.) 2—3 марта ва албатта экиш олдидан қўшимча (фев.—март) ювиш тавсия этилади. Кам шўрланган ва механик таркиби енгил типроқларда фақат баҳорги ювиш б-н чекланиш мумкин. Бундай сув айни вақтда яхоб вазифасини ҳам бажаради.

Ад.: Мирзаев А., Суғориш ва зах қочириш мелиорацияси, Т., 1979; Освоение засоленных орошаемых почв и охрана почвенного покрова, М., 1980; Накопление и вымывание солей из оструктуренных почв, М., 1984.

Обид Рамазонов, Қосимжон Раҳмонов.

ЕР ЭГАЛИГИ — муайян ҳуқуқий асослар (мулкка, ерни тасарруф этиш ва мерос қолган ердан умрбод фойдаланишга ва ижарага оид ҳуқуқлар)га мувофиқ ерга эгалик қилиш; хўжалик оборотига ва бозор иқтисодий механизми таркибига киритиладиган ердан фойдаланиш шакли. Е. э. ер эгалари зиммасига тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклайди. Марказий Осиёда Е. э.нинг *амлок, вақф, мулк, танҳо* ва б. шакллари мавжуд эди. Бухоро, Қўқон ва Хива хонликларида кўп ерлар хонликлар қўлида, хон ёки амирларнинг ихтиёрида бўлган. Бу ерлар асосан наслдан-наслга ўтиб, ижарага бериш йўли б-н деҳқонлар томонидан ишланган. Е. э.нинг бу шакли 19-а. ўрталарида Бухоро хонлигидаги барча ер майдонларининг 65% ини ташкил қилган. Кўпинча хонлар амлок ерларини йирик заминдор, зодагон, руҳоний ва яқин кишиларига хизмати эвазига тортиқ қилиб, улар муваққат ва шартли ер эгалари — танҳоларга айлантирилган. Россия империяси Туркистонни босиб олгач, Е. э. шаклларини ўзгартирди. Амлок ерлар — бутунлигича, мулк ер ва вақф ерлар — қисман подшолик мулки деб эъло қилинди. Шу ерни ишлаб, ҳосил олган шахсларга меросий мулк тариқасида сотиш ҳуқуқи берилиб, бириктириб қўйилди. Шўролар даврида ерга хусусий мулкчиликнинг ҳамма шакллари тугатилиб, «ер — умумхалқ давлат мулки», деб эълон этилди, асосий қисми «бепул ва абадий фойдаланиш» учун жамоа хўжаликларига берилди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг, 1998 й. 30 апр.да қабул қилинган Ер кодексига биноан, Ер — давлат мулки, умуммиллий бойлик ҳисобланади. Ер давлат томонидан муҳофаза этилади, олди-сотди қилинмайди, айирбошланмайди, ҳадя этилмайди, гаровга қўйилмайди (ЎзР қонунларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно, 16-модда). Ер кодекси ва б. қонун ҳужжатларига мувофиқ, юридик шахслар доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида; жисмоний шахслар эса мерос қилиб қолдириладиган ерга умрбод эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин. Ер участкаларини эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш (реализация қилиш) ер ажратиш тариқасида амалга оширилади. Ер участкаларини ажратиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар, Тошкент ш., туманлар, шаҳарлар ҳокимлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда амалга оширилади. Ер участкаларини ижарага бериш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади (Ер кодекси, 17—24-моддалар).

«ЕР ЮЗИ» — ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнал. 1925—31 й.ларда нашр этилган (қ. *«Гулистон»*).

ЕР ЯДРОСИ — Ернинг марказий энг чуқур геосфераси. Е. я.нинг юқори чегараси 2900 км чуқурликда, радиуси қарийб 3500 км. Ернинг марказида т-ра 5000°, зичлик қарийб 12,5 минг т/м³, босим 361 ГПа гача. Е. я.нинг юқори чегарасида бўйлама тўлқинларнинг тарқалиш тезлиги кескин сакраб 13,7 дан 8,1 км/сек гача камаяди ва аксинча Ернинг маркази атрофида 11,2 км/сек гача кўпайиб боради. Е. я.нинг тузилиши, физик хоссалари тўғрисидаги маълумотлар геофизика тадқиқот методларидан фойдаланиб олинган. Е. я. ташқи ва ички ядро (субъядро)дан иборат. Субъядронинг радиуси 1300 км чамасида. Ташқи ядрода кўндаланг сейсмик тўлқинлар тарқалмайди. Шунинг учун ҳам ташқи ядро суюқ бўлса керак деб тахмин қилинади. Ташқи ядродан ичкисига ўтишда бўйлама тўлқинлар кўндаланг тўлқинларни кўзғатиб юборади. Шу боис ички ядро қаттиқ бўлса керак деб фараз қилинади. Е. я.нинг тарқиби тўғрисида ягона фикр йўқ. Баъзи олимлар Е. я. темир ва никелдан иборат дейишса, бошқалари металлашган силикатлардан, учинчи гуруҳ олимлар эса темир оксидларидан ташкил топган деб ҳисоблайдилар. Геофизик маълумотлар ва энг кучли босим шароитида бажарилган тажрибалардан олинган маълумотлар асосида Е. я. эҳтимол никель ва олтингугурт аралашмали темирдан ташкил топган деб фараз қилинади. Ер магнит майдонининг пайдо бўлишини ташқи ядродаги механик-электромагнит жараёнлари б-н боғлайдилар.

ЕР ҚАЗИРЛАР, ер сичқонлар (Soricidae) — ҳашаротхўрлар (сут эмизувчилар) туркумининг оиласи. Осиё, Европа, Африка ва Америка қитъаларида кенг тарқалган, 21 тача уруғи бор. Ўзбекистонда митти оқтиш (Suncus etruscus), кичик оқтиш (Crocidura suaveolens), ола путорак (Diplomesodon pulchellum) ва оққорин оқтиш (Crocidura leucodon) учрайди. Е. қ. сут эмизувчиларнинг ичида энг майдаси, мас., митти ер сичқон танасининг уз. 3,5 см, думи 2,5 см ча. Кўриниши сичқонга ўхшайди, лекин бошининг катталиги, бурнидаги узун хартумчаси ва кўзининг кичиклиги б-н улардан фарқ қилади. Танасининг усти бахмалдек силлиқ ва майин қорамтир қисқа жун б-н қопланган. Тишлари курак ва озиқ тишлардан иборат. Оёқлари калта, тумшугида мўйлови бор. Кўп турлари ҳар хил ўрмонларда, баъзи турлари чўл ва даштларда яшайди. Кутор деган тури ҳатто сувда яшашга мослашган. Е. қ. жуда хўра. Зараркунанда ҳашаротлар ва уларнинг личинкаларини кўплаб еб фойда келтиради.

ЕР ҚАЗИШ МАШИНАЛАРИ — тупроқ ва тоғ жинсларини қазиш, кесиш, ўпириш, майдалаш ва маълум масофага тўкиш учун мўлжалланган машиналар. Қуруқликда ва сув остида ишлайдиган ҳамда гидравлик (сув отиб ишлайдиган) турлари бор. Қуруқликда ишлайдиганлари ер қазиш-ташиш машиналари ва экскаваторларга бўлинади. Ер



Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган экскаватор.

қазиш-ташиш машиналарига *скрепер, бульдозер, грейдер, автогрейдер*, грейдер-элеватор ва б. киради. Бундай машиналар қазилган тупроқ ёки тоғ жинсини бир неча метрдан 5 км гача масофага тўкиши мумкин. *Экскаватор* қуруқликда ишлайдиган Е. қ. м.нинг энг кенг тарқалгани ҳисобланади. Сув остида ишлайдиган ва гидравлик Е. қ. м.га *гидромонитор*, землесослар, землесосли снарядлар ва б. киради. Е. қ. м. ер қазиш, тоғ жинсларини кесиш-ўпириш ишларини тўла механизациялаштиришга имкон беради.

ЕР ҚИМИРЛАШ — қ. *Зилзила*.

ЕР ҚУТБЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ — Ер географик қутбларининг ер сатҳида силжиши. География кенгликларни бир қанча пунктларда кўп йиллардан бери кузатиш натижасида уларнинг ўртача қийматидан 0″, 3 гача ўзгариши сезилган. Бирор пунктнинг кенглиги Δφ га ортса, қарама-қарши меридианда шунча камаяди. Ерга Ой ва Қуёшнинг гравитацион таъсири туфайли Ер ўқи ўз вазиятини ўзгартиради, натижада ер қутблари силжийди. Ўртача вазиятга нисбатан қутбнинг ер сатҳида силжиши 15 м дан ортмайди; у соат мили йўналишида тескари йўналишда даврий равишда силжийди.

Уни 12 ойлик, йиллик давр ва 14 ойлик Чандлер даврига ажратиш мумкин. Йиллик давр Ер атмосферасида ҳаво массасининг фасл сари қайта тақсимланишига, сув массасининг қор ва муз тарзида ернинг бир ярим шаридан иккинчисига ўтишига ва б. сабабларга боғлиқ. Чандлер даври ернинг таянч тебранишига ва ички деформацияларига боғлиқ. Буни биринчи марта назарий жиҳатдан 1790 й.да *Эйлер* тушунтириб берган. Агар Ер мутлақ қаттиқ жисм бўлганда эди, унинг табиий тебраниши тахм. 10 ой бўларди. Аммо Ер пластик бўлиб, турли деформацияларга мойил, шу сабабли унинг табиий тебраниш даври тахм. 14 ойга тенг. Е. қ. ҳ. 19-а. охирларида кашф қилинди. 1898 й.да Ер шарининг бир хил (φ=+39°08′) кенгликлардаги олти пунктида халқаро кенглик хизмати ст-ялари ташкил этилди (учтаси АҚШ да, учтаси Италия, Россия ва Японияда). Халқаро кенгликлар хизмати дастурига мувофиқ ишлаётган ст-ялар 40 га яқин, улар турли географик кенгликларда жойлашган. Улардан бири Китоб шаҳрида 1899 й.дан бошлаб барча ст-ялар-нинг изчил кузатишлари асосида шим. қутбнинг Ер сатҳидаги вазияти йилнинг ҳар $\frac{1}{10}$ бўлаги учун аниқланиб, илмий матбуотда эълон қилинади.

ЕР ҲАЙДАШ, шудгор қилиш, шудгорлаш — ерни ишлашнинг асосий усули; ерни экишга тайёрлаш мақсадида ағдаргичли плуглар б-н типроқнинг сув, озиқ, ҳаво ҳамда иссиқлик режимларини яхшилаш. Тупроқ механик, физик-кимёвий, метеорологик ва биологик (атмосфера ёғинлари, микроорганизмлар ва б.) омиллар ва агротехника шароити таъсирида ўзгариб туради. Ҳайдашда ернинг устки қисми остига ва пастки қатлам эса юқорига ағдарилади, бунда тупроқ аралашади, бегона ўт уруғлари, зараркунанда ҳашаротлар, ўғит, анғиз қолдиқлари ва б. тупроққа чуқур кўмилиб, ер унумдорлиги ортади. Ер ҳайдалгач, ҳайдалма қатламнинг пастки қисми ер бетига чиқарилганда қисқа муддат ичида аэрация, қайта намланиш ва фойдали типроқ флорасининг тез фаоллашуви таъсирида ўсимлик ўзлаштириши мумкин бўлган озиқ моддалар миқдори кўпаяди. Тубига ағдарилган устки қатлам эса узоқ вақт ўзида ижобий хусусиятларни сақлаб қолади.

Е. ҳ. турлари. Тупроқ қатламини ағдариш — ҳайдалма қатламни ағдаргичли плугда 180° ағдариб ҳайдаш. Бунда ҳайдалма қатламнинг усти пастга, ости эса юзага чиқади; Биринчи ҳайдов — тупроқ ярим винтсимон плугда 135° га ағдарилади, ағдаргичли плугда 135° га ағдарилади, қатламлар ернинг устки қисмига нисбатан 45° бурчак б-н жойлашиб, бирбирига зич тиралади. Бундай ҳайдашда кўп йиллик бегона ўтлар батамом йўқолмайди. Бунда ер бир неча марта дискаланади ва бороналанади; шунинг учун қадимдан ҳайдаладиган ерларда қўлланилмайди. Маданий ҳайдаш — чимқирқарли плугда ҳайдаш. Чимқирқар типроқнинг юза қаватини (8—12 см) қирқиб, остига ташлайди, асосий корпус эса ундан кейинги типроқнинг заранг қаватини (22—30 см) қирқиб, юза қават устига ағдаради. Натижада юза қатламдаги бегона ўтлар, ўсимлик қолдиқлари, зараркунандалар, сепилган органик ва минерал ўғитлар яхши кўмилади. Бундай Е. ҳ. агротехникавий талабларга тўла жавоб беради ҳамда типроқни маданийлаштиришга, ҳосилдорликни оширишга ёрдам беради. Қўш ярусли плугда ҳайдаш — маданий ҳайдашнинг янги, илғор усулларидан бири. Оддий ҳайдашга қараганда бегона ўт босишини 2—3 марта камайтиради. Қўш ярусли ҳайдашда бедапоялар қатлама-қатлам ҳайдалади, натижада келаси йили қайта кўкламайди, илдиз қолдиқлари типроқ горизонтлари бўйича бир хилда тақсимланиб, унумдорликнинг ошиши учун қулай шароит яратилади.



Ер ҳайдаш: Тупроқ қатламини навбатлаб ичкарига (I) ва ташқарига (II) ағдариб ҳайдаш усуллари схемаси.

Е. ҳ. чуқурлиги типроқ ва иқлим зоналари, шунингдек, алмашлаб экиш далаларига қараб табақалаштирилади. Е. ҳ. чуқурлиги ҳайдалма қатламнинг сиятлари, ўтмишдош экин қандай ишланганлиги, далани қанчалик ўт босганлигига қараб белгиланади. Ерни 20 см чуқурликда ҳайдаш нормал, ундан ошиғи чуқур, камроғи саёз ҳайдашга киради. Ер ҳамиша бир хил чуқурликда ҳайдалса, ҳайдалма қатлам тубида заранг қатлам (плуг товони) ҳосил бўлиб, ўсимлик учун ноқулай шароит туғилади. Шунга кўра, алмашлаб экиладиган ҳар қайси далани вақт-вақти б-н турли чуқурликда ҳайдаш маъқул.

Ҳайдалма қатлами қалин, эскидан ишланиб келинган ерлар 28—30 см, ҳайдалма қатлами юпқа, шағал ва қум юза ерлар саёз ҳайдалади. Ҳайдалма қатлами 20—22 см дан кам ерлар ҳар йили 2—3 см дан чуқурлатиб, 28—30 см га етказилади. Чириндили қатлами 15—18 см дан ошмайдиган янги ерлар биринчи-иккинчи йили 20—22 см, кейин 22—24 см чуқурликда ҳайдаланади. Ўрта Осиёнинг шим. ва ўрта зоналарида, типик ва оч сур типроқли ерларда 30 см чуқурликда, қалин агроирригацион ётқизиқли ўтлоқи-типроқли ерларда 30—35 см; пахта экиладиган жан. зона ҳамда баҳор эрта келиб, кузи илиқ ва узоқ муддатли ҳудудларда 35—40 см, тагзамини кам унумли оч сур типроқли қадимдан ҳайдаладиган ерлар (Мирзачўл) 20 см чуқурликда ҳайдалиб, 40—50 см чуқурликда юмшатилади. Е. ҳ.нинг бу тури типроқ чуқурлатқич ва чуқур юмшатқич ёрдамида ўтказилади. Камқувват қумлоқ ва тошлоқ ерлар қум ёки шағалини чиқармасдан ҳайдалади. Бўз ерлар 20—22 см чуқурликда ҳайдалиб, кейинги йиллари чуқ. 30 см ва ундан кўпроққа етказилади.

Е. ҳ. вақти экиш муддати ва б.га боғлиқ. Е. ҳ.га тупроқ етилиши б-н киришилади. Ҳаддан ташқари нам ёки қуруқ Е. ҳ.да палахсалар кўчади. Е. ҳ. кузги шудгорлашнинг энг мувофиқ муддати окт. нинг иккинчи ярми ва нояб. Сизот сувлари чуқур жойлашган ва кузда ёғин кам тушадиган ерлар ҳайдашдан 10—25 кун илгари суғорилади. Тупроқ нами ўртача ерлар ҳосил йиғиштириб олиниши биланоқ ҳайдалади. Ёзги Е. ҳ. шудгорни экин экишга тайёрлаш ва такрорий экин экиш олдидан ўтказилади. Кўкламги, ёзги ва айрим ҳолларда кузги Е. ҳ. бороналаш б-н бирга олиб борилади. Асосий Е. ҳ.нинг қулай вақти — куз боши (қ. *Кузги шудгор*). Тупроқнинг юзага ағдарилган қатлами қиш вақтида музлаб ва муздан тушиб туради, бунинг натижасида уларнинг физикавий хусусияти яхшиланади. Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон ҳамда Фарғона вилоятининг Қўқон гуруҳи туманлари ўзига хос тупроқ-иқлим шароитига эгалиги (ерларнинг шўрланганлиги, шамол) туфайли ер баҳорда шўри ювилгандан кейин ҳайдалади. Баҳорги Е. ҳ. тупроқ донадорлигини яхшилаш, намини кўпроқ сақлаш мақсадида бороналаш ҳамда мола бостириш б-н қўшиб олиб борилиши керак.

Е. ҳ. усуллари ва техникаси. Ҳоз. деҳқончилик тизимида ерни пайкал тахталарга бўлиб ҳайдаш кенг тарқалган. Пайкални ичкарига ва ташқарига ағдариб ҳайдаш усуллари қўлланилади. Ичкарига қараб ҳайдаш пайкалнинг ўртасидан, ташқарига қараб ҳайдаш чеккасидан бошланади (расм). Тоғ олди зоналарида ер нишабига нисбатан кўндаланг ҳайдалади. Тупроғи енгил ва кучли шамол эсиб турадиган р-нларда ер шамол йўналишига кўндаланг ҳайдалади. Ҳар бир конкрет шароитда Е. ҳ. йўналиши ер нишаби ҳамда қандай агротехника тадбирлари ўтказилиши назарда тутилган ҳолда белгиланади. Е. ҳ. олдидан гектарига 15—20 т гўнг, фосфорли ўғитлар йиллик миқдорининг 60—70%, калийли ўғитларнинг 50% солинади. Тупроқнинг юқори қатлами сурилиб, капитал текисланган участкаларда чириган гўнг меъёри гектарига 30—40 т га етказилади.

Е. ҳ. сифати ерларни ўз вақтида, яъни энг қулай муддатларда, ҳеч қандай ариқча ёки марза ҳосил қилмасдан, бир хил чуқурликда тупроқ ҳайдалма қатламини ағдариб ҳайдалишини таъминлаш ва б.дан иборат. Ҳайдаш сифати мунтазам равишда назорат қилинади (қ. *Дала ишлари сифатини баҳолаш*). Ернинг сифатсиз ҳайдалиши плуг, ағдаргичларнинг нотўғри созланганлигини ёки ер қайдашга қониқарсиз тайёрланганлигини кўрсатади.

Ад.: Кондратюк В. П., Обработка почвы под посев хлопчатника в Средней Азии, Т., 1972; Эрматов А., Суғориладиган деҳқончилик, Т., 1983.

Абдураҳим Эрматов.

ЕР ҲАРОРАТИ БИРЛИГИ — Ер пўстининг ҳар хил чуқурликдаги ҳароратини Цельсий градуси бирлигида ўлчанадиган миқдори. 100° изотермалар 2,2 км дан 6,2 км гача чуқурликда, 500° ли изотермалар 9 км дан 53 км гача чуқурликда намоён бўлиши аниқланган. Е.ҳ.б. асосан *геотермик градиент* б-н боғлиқ. Шим. ва Марказий Тяньшанда т-ра градиенти 7—40°/км ни ташкил қилади, ўртачаси 25°/км га тенг. Мас., Тяньшан тоғларидаги ботиқларда бурғилаш б-н очилган Ер пўстидаги тоғ жинслари ҳароратини бевосита ўлчаш натижалари асосида 100° ва ундан ортиқ изотермалар харитаси тузилган. Иссиқлик оқимининг зичлиги 16—134 Вт/м² миқдорда бўлиб, ўртачаси 55 Вт/м² га тенг. Чатқол-Қурама р-нида 30°/км ва ундан ортиқ миқдорга эга.

ЕР ҲУҚУҚИ — ҳуқуқнинг ер муносабатларини тартибга солувчи соҳаси. Ер муносабатлари *ердан фойдаланиш*, айрим турдаги ерларнинг ҳуқуқий тартиби, *ер тузиш* ва ҳ.к.ни ўз ичига олади. Фуқаролик ҳуқуқи нормалари Е.ҳ.нинг ўзагини ташкил этади. Е.ҳ.да, шунингдек, маъмурий ва экология ҳуқуқи нормалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Е.ҳ.нинг норматив ҳуқуқий асосини ЎзР Конституцияси, Ер кодекси, Ер кадастри тўғрисидаги, «Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар ташкил этади. ЎзР Конституциясига кўра, ер умуммиллий бойлик, у давлат муҳофазасида бўлиб, ердан оқилона фойдаланиш талаб этилади. Ерга эгалик қилиш Ўзбекистон Республикаси Ер кодексига кўра, хусусий мулк, доимий ёки вақтинчалик фойдаланиш, ижара, бир умрлик мерос қилиб қолдириладиган эгалик ҳуқуқи асосида амалга оширилади.


Е.ҳ. маълум тизимга эга. Бу тизим умумий, алоҳида ва махсус қисмларга бўлиниб, улар бир қанча тартиботлардан иборат. Е.ҳ.нинг умумий қисми тартиботлари фан тармоғи ва қонунчиликнинг ривожланиши учун асос бўладиган энг муҳим ҳолатлар, қоидалар ёки тамойилларни акс эттиради. У ерга нисбатан мулк ҳуқуқи, ер участкаларига бўлган ҳуқуқ, давлат бошқаруви, ер тузиш ва ер кадастрини юритиш, ерни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик каби тартиботларни ўз ичига олади. Е.ҳ.нинг алоҳида қисмига қ.х.га мўлжалланган ерлар, аҳоли пункти ерлари, саноат, транспорт, мудофаа ерлари, алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар ерлари, ўрмон фонди, сув фонди ерлари, захира ерлар тартиботлари киради. Е.ҳ.нинг махсус қисмида чет давлатлар Е.ҳ. тўғрисида маълумот берилиши мумкин.

Муҳаммади Усмонов.

ЕРБОДОМ, чуфа (Cyperus esculentus L.) — ҳилолдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимлик; бир йиллик мойли экин. Ватани—Африка. Африкада (Оқ Нил ҳавзасида) ёввойи ҳолда ўсади. Мисрда мил.ав. 3-асрдан бошлаб экиб келинган. Бўйи 50—100 см, бардисимон шаклда ўсади. Гуллари майда, икки жинсли, илдизпоялаларининг учи туганаксимон, йўғонлашган. Намсевар ва иссиқсевар ўсимлик. Вегетацион даври 110—120 кун. Ўрта денгиз мамлакатлари, Испанияда, тропик ва Жан. Африкада, Ҳиндистон, Шим. Америка, қисман Ўрта Осиёда, Россияда (Волгабўйида) бир йиллик экин сифатида экилади. Туганагида 30—35% крахмал, 15—20% шакар, 20—25% гача мой, 3—7% оқсил мавжуд. Ҳосилдорлиги қуритилмаган туганак бўйича 2—4 т/га. Е. туганагидан овқатга ишлатиладиган, қуриб қолмайдиган ёғ олинади; парфюмерия, тиббиёт ва техникада ҳам ишлатилади. Баргидан қоғоз ва арқон тайёрланади. Туганак меваларининг мазаси бодомни эслатади.

Дилором Ёрматова.

ЕРГА УЛАШ (заземление) — электр аппаратлар, машиналар, жиҳозлар, яшин қайтаргичлар ва б.ни ер б-н вуташтириш. Ерга улагичлар воситасида амалга оширилади. Ерга улагич ерга кўмиладиган металл (пўлат, мис) электрод ва қурилмаларнинг ерга уланадиган қисмларини электрод б-н бириктирадиган ўтказгичдан иборат. Ерга тик қоқиладиган пўлат қувур (водопровод тармоғи, марказий иситиш ёки газ тармоқларидан бошқа) ҳам электрод вазифасини бажаради. Ерга уланадиган қисм б-н ер орасидаги қаршиликни камайтириш учун электрод сизот сувлари сатҳи чуқурлигида кўмилади; ернинг қаршилиги катта бўлганда электродга намакоб қуйилади. Е. у.



Ерга улаш: Е — ток манбаи; У — ерга улагич; Қ — қўшимча ерга улагич; З — зонд.

радиоэшиттириш тармоқларида, радиотехникада, симли алоқада (бунда ер ўтказгич вазифасини бажаради), яшин қайтаргич ва б. аппаратларда (уларни ортиқча кучланишдан ҳимоя қилиш, яъни токни ерга ўтказиб юбориш учун) ишлатилади. Е. у. ташқи майдон таъсирида ҳосил бўладиган қаршиликларни камайтиради. Кишиларни ток уришидан ҳимоя қилиш учун кучланиш остидаги қурилмаларнинг ташқи металл қисмлари (машина, аппарат корпуслари ва б.) ерга уланади. Е. у. қаршилиги ўзгарувчан ток кўприги б-н ўлчанади.

ЕРГА ЯҚИН ҲАВО ҚАТЛАМИ — 1) Ер сиртидан то 50—100 м гача қалинликдаги ҳаво қатлами. Бу қатламда баландлик ошган сари турбулент (тартибсиз) алмашиш коэффициенти ҳам орта боради, натижада метеорологик элементларнинг вертикал градиентлари (баландлик бўйича масофа бирлигида ўзгариш катталиги) юқори ҳаво қатламларидагига нисбатан ўн ва юзларча марта катта бўлади. Шамол тезлиги орта боради, йўналиши эса деярли ўзгармайди. Баландлик ортиши б-н ҳаво тараси кундузи пасаяди, кечаси кўтарила боради; 2) Ер сиртидан то 1,5—2,0 м баландликкача бўлган ҳаво қатлами. Бу қатламда метеорологик ҳодиса ва жараёнлар маълум жойнинг хусусиятига узвий боғлиқ ҳолда юз беради, кечаси т-ра ва намликнинг катта вертикал градиентлари кузатилади.

ЕРДАН ТАШҚАРИДАГИ ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАР — ҳоз. замон илмий тасаввурларига кўра, Ердан бошқа (мас., узоқ юлдузлар атрофида айланадиган) сайёраларда яшаши мумкин бўлган ақлли мавжудотлар жамиятлари. Уларнинг тараққиёт даражаси инсониятнинг тараққиёт даражасига яқин ёки ундан юқори деб фараз қилинади. Ердаги ҳаёт эволюцияси (бир ҳужайралилардан кўп ҳужайралилар сари, кўп ҳужайрали турлар сари тараққий этиш), шунингдек, бан организмлардан юқори организмларнинг вертикал градиентлари ҳужайралилар сари, кўп ҳужайрали тур-Метагалактиканинг миллиард-миллиард сайёраларидан ташкил топганлиги ва бу сайёраларнинг айримларида органик ҳаёт пайдо бўлиб ривожланиши учун шарт-шароитлар мавжудлиги эҳтимоли Ердан ташқарида, *Коинот*нинг бирор қисмида ҳаётнинг мавжуд бўлишини тақозо этади. Мазкур умумий мулоҳаза асосида, шунингдек, Ерга яқин *Марс* ва *Венера*да атмосфера ва б. физик шарт-шароитлар мавжудлигига қараб, бу сайёраларда ҳаётнинг энг оддий шакллари бор деган тахминлар пайдо бўлган. 20-а.нинг 50—60-й.ларида сайёралардаги ҳаёт учун зарур бўлган физик шароитларни ўрганиш натижасида Ойда, Венера, Марс ва *Қуёш системаси*даги бошқа сайёраларда Ердагидек олий ҳаёт шакллари бўлмаслиги исботланди. Лекин Марсдагина энг оддий ҳаёт шакллари бўлиши мумкин деб тахмин қилинади. Қуёш системасига яқин турган ва ўз сайёралар системасига эга бўлган кўпгина юлдузларнинг табиий шароитларини ўрганиш ана шу сайёралар системасида ҳаёт пайдо бўлиб, ривожланиши мумкин деган эҳтимолни деярли йўққа чиқарди. Ҳозир жуда камдан-кам юлдузлардагина ҳаёт бунёдга кела оладиган сайёралар бўлиши мумкин деб тахмин қилинади.

Е. т. ц.нинг мавжудлиги ҳақидаги масала ҳоз. вақтда эҳтимолдан холи бўлмаган гипотеза бўлиб, ҳали экспериментал далиллар б-н тасдиқланган йўқ. *Космонавтика*нинг кейинги тараққиёти ва Коинотдан келаётган электромагнит нурларни ўрганиш соҳасидаги текширишлар Е. т. ц. бор деган тахминни қувватлайдиган ёки бўлиш эҳтимолини камайтирадиган далилларни беради.

ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ — ердан фойдаланиш тартиби, шартлари ва шакллари. Турли мамлакатларда турлича бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшайдиган халқларнинг ерга мулкчилик ҳуқуқи давлат томонидан амалга оширилади. Ер қ.х. ва ўрмон хўжалигини юритиш учун ширкат (жамоа) хўжаликларига, давлат, кооператив, жамоат корхоналарига, муассасалар ва ташкилотларга, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, қўшма корхоналарга, халқаро бирлашмалар ва б.га доимий ёки вақтинча фойдаланиш учун берилади. Е.ф. тартиб ва шартлари *Ер кодекси* б-н белгиланади. Ерни фойдаланишга бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят ва туман (шаҳар) ҳокимликлари қарорлари асосида амалга оширилади. Одатда, ерга эгалик қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган корхона, муассаса, ташкилот ва фуқаролар ердан доимий фойдаланувчилар деб ҳисобланади.

Ердан вақтинча фойдаланиш қисқа (3 й.гача) ва узоқ (3 й.дан 10 й.гача) бўлиши мумкин. Фермер хўжаликлари учун 50 й.гача, яйлов чорвачилиги учун ер майдонлари 25 й.гача муддатга берилиши мумкин. Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги корхона, ташкилот ва муассасаларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқи давлат далолатномаси б-н гувоҳланади ҳамда ерга эгалик қилиш ҳуқуқининг ҳимоя қилиниши давлат томонидан таъминланади. Ер эгаликларига қарашли ерларни вақтинча фойдаланишга берилганда белгиланган муддатдан сўнг тупроқнинг унумдорлигини дастлабки ҳолатига келтириб қўйилиши шарт (қ. *Ер рекультивацияси*).

Қ.х.да ердан оқилона фойдаланиш мақсадида бошқа ёрдамчи тармоқларни ҳам мутаносиб ривожлантириш учун экинзор ерлар ажратилади. Бунда алмашлаб экишни жорий этиш чорвачилик, сабзавотчилик, пиллачилик, боғдорчилик каби қўшимча тармоқлар талаби ҳам ҳисобга олинади.

Қосимжон Раҳмонов.

ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАҲЛИЛИ — ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчиларнинг фаолиятини баҳолашда қ.х.да асосий и.ч. воситаси бўлган ердан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш. Е.ф.т. қишлоқ хўжалиги ерлари майдони ва таркибий ўзгаришлар, ҳудудни ташкил этиш ва *алмашлаб экиш*ни ўзлаштириш ҳолати, ер сифатини яхшилаш режасининг бажарилиши, хўжаликда ердан фойдаланиш самарадорлиги; ўзлаштириладиган ерлар миқдори ва капитал харажатлар; ердан фойдаланиш даражасига таъсир этувчи омиллар (тупроқнинг табиий унумдорлиги, жойнинг иқлим шароитлари, сув ресурсларининг миқдори ва б.) сингари масалаларни ўз ичига олади. Е.ф.т.да хўжалик *ер кадастри китоби*, статистик ҳисоботлар, йиллик ҳисоботлар, участкалар бўйича майдон ҳисоблаш қайдномалари, ердан фойдаланиш тарҳи (чизмада) ва бухгалтерия ҳисобот материаллари асосий манбалар ҳисобланади. Ер сифат ўзгаришларини таҳлил қилиш ва ердан фойдаланиш даражасини аниқлаш учун:

а) жами ер майдонида қ.х. ерларининг умумий салмоғи; б) умумий ҳайдаладиган ер майдонида суғориладиган ерлар салмоғи; в) ҳайдалма ерлардан экин экиб фойдаланиш даражаси; г) ҳайдалма ерларнинг шудгорлик даражаси кўрсаткичлари ўрганилади.

Е.ф.т. материаллари *ер тузиш лойиҳасини* ишлаб чиқишда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Бунда таҳлил лойиҳада қамраб олинган барча майдон бўйича ўтказилади (хўжалик, бир гуруҳ хўжаликлар, туман, вилоят, мамлакат).

Ердан фойдаланишни миқдор жиҳатидан баҳоловчи махсус қайднома (ҳисобот) маъмурий бирликлар доирасида ҳар йили 1 янв.гача бўлган маълумот асосида ҳамда 5 йилда бир марта умумлаштириб тузилади. Қ.х.нинг самарадорлигига таъсир этувчи табиий ва ижтимоий омилларни эътиборга олган

ҳолда тупроқ бонитировкаси ёки ернинг иқтисодий баҳосини билмай туриб (қ. *Ерни иқтисодий баҳолаш*) ердан фойдаланиш даражасини тўғри аниқлаш мумкин эмас. Хўжаликларда Е.ф.т. бириктирилган ерларнинг сифатини (табиий унумдорлигини) ҳисобга олиш (ернинг иқтисодий баҳоси бўлса янада мақбул) катта аҳамиятга эга. Бунда хўжаликдаги ўртача тупроқ бали (Бі)га нисбатан 1 га (100 га) учун ялпи маҳсулот ($= \frac{ЯМ \cdot 100}{Бі}$), ялпи даромад ($= \frac{ЯД \cdot 100}{Бі}$), соф даромад ($= \frac{СД \cdot 100}{Бі}$) кўрсаткичлари аниқланади.

Ернинг табиий унумдорлигидан тўла ва тўғри фойдаланиш самарадорлик омилларидан бири. Ердан фойдаланиш даражасининг асосий кўрсаткичларидан бири бўлган маҳсулот таннархини ернинг сифати асосида таҳлил қилишда (энг арзон таннарх эталон қилиб олинади) қуйидаги формуладан фойдаланилади:


$$С = С_1 — Ц(Б — Б_1),$$

бунда, $С_1$ — кўрилаётган хўжаликда 1 ц маҳсулот таннархи (ц/сўм); Ц — эталон учун олинган хўжаликда 1 баллга тўғри келадиган нарх (сўм); Б — эталон учун олинган хўжалик бали (балл); $Б_1$ — кўрилаётган хўжалик ер бали.

Қосимжон Раҳмонов.

ЕРЕВАН (1936 й.гача Эривань) — Арманистон Республикаси пойтахти. Арманистоннинг маъмурий, маданий ва илмий маркази. Арарат текислигининг шим. чеккасида, Раздан дарёси (Араксннинг чап ирмоғи) бўйида. Иқлими кескин континентал. Ёзи қуруқ ва иссиқ, қиши қисқа, совуқ. Авг.нинг ўртача тераси 24,8°, янв.ники —4,2°. Йилига 320—350 мм ёғин ёғади. Аҳолиси 1249 минг киши (1995).

Археологик қазишларда топилган миххатли тош бўлагидан маълум бўлишича, Урарту подшоси Аргишти I мил.



Ереван шаҳрининг марказий майдони.



ав. 782 й.да Эребуни қалъасини қурдирган (шаҳар номи ҳам шундан). Ўша қалъа ёнида ҳоз. Е. вужудга келган. 13-а. ўрталаридан сиёсий ва иқтисодий мавқеи орта борган. 1604 й. Е.ни Эрон шоҳи Аббос I қўшинлари эгаллаганидан кейин шаҳар *Ереван хонлиги*нинг марказига айланди. 17-а.да Е. йирик карвон савдоси ва ҳунармандчилик марказларидан бири. Россия-Эрон уруши (1826—28)дан сўнг Е.ни 1827 й. 1 окт.да рус қўшинлари эгаллади ва Туркманчой шартномаси (1828)га биноан Е. Россияга ўтди. 1828—40 й.ларда Е. Арманистон вилояти маркази, сўнг уезд шаҳри, 1849 й.дан Эривань губерняси маркази. Е.нинг Александрополь (ҳоз. Гюмри) т. й. орқали Тбилиси (1902) ва Жульфа (1908) б-н боғланиши шаҳарнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланишига олиб келди.

Е.да 1920 й. 29 ноябрда шўролар ҳокимияти ўрнатилди. 1921 й. 2 апр.да Е. Арманистон ССР пойтахти деб эълон қилинди. 1991 й. авг.да советлар ҳокимияти барҳам топгач, ўша йилнинг 24 сент.дан Е. мустақил Арманистоннинг пойтахти бўлди.

Е. — Арманистоннинг муҳим саноат маркази. Машинасозлик, кимё ва нефть кимёси, озиқ-овқат, енгил саноат, машинасозлик (электроника саноати ва б.), кимё ва нефть кимёси (пластмасса, кимёвий тола ва реактивлар, шина ва б.) саноатлари тараққий этган. Синтетик каучук к-ти, «Поливинилацетат», «Пластик», лак-бўёқ з-длари, фармацевтика корхонаси, иссиқлик электр ст-яси мавжуд. Асосий озиқ-овқат саноати корхоналари — вино, гўшт, ёғмой, экспериментал тамаки к-тлари, коньяк, шампань винолари, консерва з-длари, енгил саноат корхоналари — ипак ва камволь к-тлари, мовут, трикотаж, ип, қўлқоп, тикувчилик, гилам, кўн пойабзал ф-калари, қурилиш материаллари корхоналари мавжуд. Алюминий ишлаб чиқарилади. Е. — Арманистоннинг муҳим транспорт тугуни. Тбилиси, Боку ва Севан б-н т. й. линиялари орқали боғланган. Автомобиль йўллари тугуни. 2 аэропорт, метрополитен (1981 й.дан), телемарказ (1956 й.дан) бор.

Арманистон Республикаси Фанлар академияси (1943 й.дан), 11 олий ўқув юрти (Ереван университети, политехника, тиббиёт, зоотехния-ветеринария ин-тлари, консерватория ва б.), «Матенадаран» қад. қўлёзмалар ин-ти, 13 театр (шу жумладан опера ва балет театри, мусиқали комедия театри, филармония, консерватория), 21 музей (шу жумладан Арманистон тарихи музейи, Картиналар галереяси, Болалар картина галереяси, Театр музейи), Ҳукумат уйи (1955) бор.

Ад.: Акопян Т. Х., История Еревана (1801—1879 гг.), Ереван, 1959.

ЕРЕВАН-3 — ўртапишар *бақлажон* нави. Арманистон Республикаси сабзавот ва полиз экинлари селекцияси тажриба ст-ясида маҳаллий Ереван навидан танлаб олиш йўли б-н яратилган (1950). Ўзбекистонда 1953 й.дан экилади. Шакли чўзиқ, цилиндрсимон, тик ўсади, бўйи 50—100 см, мевасининг узун 15—30 см, қора, бинафшаранг, пишган даврда тўқ сариқ, сирти силлиқ. Бир дона мевасининг оғирлиги 195—240 г. Таркибида 3,2—4,6% қанд, 19% аскорбат кислота, витамин B_1, B_2 бор. Ниҳоллар униб чиққандан сўнг меваси 123—139 кунда етилади. Ўртача ҳосилдорлиги 400 ц/га боради.

ЕРЕВАН УНИВЕРСИТЕТИ — 1920 й.да ташкил этилган. Мат., кибернетика, физика, кимё, биол., филол., тарих, ҳуқуқшунослик, геол., шарқшунослик, фалсафа ва б. ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди. Аспирантура, кутубхонаси (1,5 млн.га яқин асар) бор. «Илмий асарлар» нашр этади. 7 мингга яқин талаба ўқийди. Ташкил этилгандан бери 35 мингдан ортиқ мутахассис тайёрлади.



Ереван шаҳри. «Она-Арманистон» ҳайкали.

ЕРЕВАН ХОНЛИГИ (Эривань хонлиги) — Шарқий Арманистондаги хонлик (1604—1828). Эронга қарши ўзининг миллий озодлик курашида Грузияга, кейинчалик Россияга суянган. 1826—28 й.лардаги Россия—Эрон урушини якунлаган Туркманчой шартномаси (1828) га кўра Россия империяси таркибига кирган.

ЕРЕМЯН Варшам Никитович [1897.6(19).12, Тоғли Қорабоғ, Дарнаварз қишлоғи — 1963.12.2, Тошкент] — кино рассоми, график, рангтасвирчи рассом. Ўзбекистон халқ рассоми (1944). Самарқанд рассомлик мактабида (1918—21), Ўзбекистон Рассомлари уюшмаси қошидаги рассомлар малакасини ошириш студиясида (1939—40) ўқитувчи. 1934 й.дан кинода, 1944 й.дан «Ўзбекфильм»да бош рассом. Ижодини Самарқанд манзаралари акс эттирилган этюдлар яратиш б-н бошлаган (Самарқанд меъморий обидалари акс этган этюдлар туркуми, 1910—50 й.лар). Е.нинг кинодаги ижоди («Насриддин Бухорода», 1944; «Тоҳир ва Зуҳра», 1946; «Алишер Навоий», 1947 ва б.) Ўрта Осиё халқлари маданияти ва маиший ҳаётини тарихий бадиий ёритилишининг теранлиги, колоритни чуқур ҳис қилиниши, композиция ечими б-н ажралиб туради. Шунингдек, портретлар («Автопортрет», 1926) чизган, китобларни бадиий безаган (С. Айнийнинг «Қуллар», «Эски мактаб» асарларини биринчи бўлиб безаган; «Тожик фольклори», «Ўзбек халқ эртаклари» ва б.).

ЕРЁМЕНКО Виктор Емельянович (1901.24.8, ҳоз. Украина, Николаев вилояти — 1962.9.6, Тошкент) — агроном олим, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1956), проф. (1954). Краснодар қишлоқ хўжалиги ин-тини тугатган (1936). СоюзНИХИда илмий ходим, бўлим мудири (1942—54), Тошкент қишлоқ хўжалиги ин-ти умумий деҳқончилик ва қ.х. мелиорацияси кафедраси мудири (1954—61), айни пайтда ЎзССР Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари (1954—56). Е.нинг илмий ишлари гўза, беда ва б. экинлар агротехникаси масалаларига бағишланган.

«ЕРКИН ҚАРАҚАЛПАҚСТАН» («Еркин Қорақалпоғистон») — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши ва Вазирлар Кенгашининг маркази. Қорақалпоқ тилида ҳафтада 3 марта чиқади. Газ. дастлаб 1924 й. дек.да «Биринши адым» («Биринчи қадам») номи б-н чоп этилган. Кейинчалик «Е. Қ.» (1928), «Мийнеткеш қарақалпоқ», «Қалпақ» («Меҳнаткаш қорақалпоқ», 1928—32), «Қызыл Қарақалпақстан» («Совет Қорақалпоғистон», 1932—57), «Совет Қарақалпақстаны» («Совет Қорақалпоғистони», 1957—92) номларида нашр этилган. 1992 й.дан ҳоз. номда. Газ.га турли йилларда А. Қудабаев, Қ. Аўезов, Ж. Курбанов, С. Мажитов, К. Худойбергенов, Т. *Қаипбергенов*, Э. Муртазаев, Қ. Бегжанов, Қ. Юсупов ва б. журналист ва ёзувчилар муҳаррирлик қилишган. Газ. ўз саҳифаларида қорақалпоқ халқининг тафаккур тарзи, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий қарашларини акс эттиришга ҳаракат қилади, республика халқ хўжалигининг турли соҳаларига оид етилган муаммоларни кўтариб чиқади. 1994 й.да «Е.Қ.»нинг 70 йиллиги нишонланди. Унда газ. ўтган даврда Қорақалпоғистон ҳаётининг солномасига айланганлиги таъкидланди. Адади 2553 (2002).



В.Н. Еремян. «Дам олиш» (1949).

ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИ — ер майдонларини қ.х.да фойдаланишга яроқлилиги нуқтаи назаридан баҳолаш. Мелиоратив ҳолати қониқарли ерларга тупроқ унумдорлигини тубдан яхшилаш талаб қилинмайдиган, деҳқончилик қилишга монелик қиладиган нуқсонлари бўлмаган ерлар киради. Мелиоратив ноқулайлик тоифаси ёки тури биринчи навбатда, табиий — географик шароитларга, шунингдек, дала мелиоратив шароитларининг деҳқончилик юритишга мос келмаслигига боғлиқ. Мелиоратив жиҳатдан ноқулай ерларга қатъий аниқ тупроқ-иқлим ва гидрогеологик шароитларда жойлашган ботқоқлашган, жарликлар б-н ўйилган, тошлоқ, тупроғи ювилиб кетган, шўрланган, шўртоблар ва шўрхок ерлар киради. Мелиоратив ҳолатига кўра ноқулай сув режимига эга бўлган ерлар суғориш, зах қочириш, сув чиқариш; ноқулай физик ва кимёвий хоссали ерлар текислаш, шўр ювиш, кимёвий мелиорантлар қўллаш, оҳаклаш, гипслаш, сув ва шамол таъсирида эрозияга учраган ерларда иҳота ўрмонзорлари ташкил этиш, илмий асосланган суғориш усуллари ва меъёрларини қўллаш каби тадбирларни талаб қилади (қ. *Мелиорация*).

ЕРМАК, Ярмоқ (асл исми Василий) Тимофеевич (?—1585.6.8) — казак атамани. Подшо Иван IV қўлида хизмат қилган. Сибирга қилган юриши б-н Россиянинг Сибирни босиб олишини бошлаб берди. Катта Нўғой ўрдаси хони Урмуҳаммад, Е. 1581 й. ёзида унинг 1060 бош отини ҳайдаб кетгани учун Иван IV дан Е.ни тутиб беришни сўраб, элчи жўнатади. Иван IV рози бўлади. Е. ўз тўдаси б-н Волга бўйларини ташлаб, Кама дарёси ҳавзасидаги туз конлари эгаси катта саноатчи Строгановлар мулкига келишга мажбур бўлади. Строгановлар Е.дан ўз мулкларини Сибирь хони *Кучумхон*дан қўриқлашни сўрайди. 1582 й. Е. казаклари б-н Сибирнинг ичкарисигача юриш қилади. 1582 й. Иртиш бўйида 3 кунлик (23—25 окт.) жангда Кучумхоннинг қўшинини енгиб пойтахт Қошлик (Тобольскдан 17 км узоқликда) ни эгаллайди. Е. Қошликда 2 йил туради. Е. 100 нафар казаги б-н қўшинларни озуқа ва кийим б-н таъминлаш учун Иртишнинг юқори оқимига қараб юриб, Бегиш қалъасини эгаллайди. Е.ни катта куч б-н таъқиб қилиб юрган Кучумхон унга қарши

Кучугай бошлиқ қўшинни жўнатган. 1585 й. 6 авг.га ўтар тунда тўсатдан қилинган ҳужум натижасида Е. дружинаси тор-мор қилинган. Е. яраdор ҳолда Вагай дарёсидан сузиб ўтиш чоғида чўкиб ўлган. Е. дружинасининг қолган-кутганлари Қошликни ташлаб қочганлар.

Ад.: Никитин Н. И., Освоение Сибири в XVII в., М., 1990; Шунков В. И., Очерки по истории колонизации Сибири в XVII — нач. XVIII в., М.—Л., 1946; Скриннико в Р. Г., Сибирская экспедиция Ермака, Новосибирск, 1986.

Наим Норқулов.

ЕРМАНОВ Мурадбай Ерманович (1947.23.10, Учқудуқ тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Бухоро пед. ин-тининг мат. ф-тини тугатган (1969). 1969 й.дан Учқудуқ туманидаги 6-мактабда мат. ўқитувчиси, 1990 й.дан мактаб директори ўринбосари. У мактабда намунали мат. кабинетини ташкил этган. Дарсда кўргазмали қуроллардан унумли фойдаланади.

ЕРМОЛОВА Мария Николаевна (1853—1928) — рус актрисаси. Россия халқ артисти (1920), Меҳнат Қаҳрамони (1924). 1871 й.дан Кичик театрда ишлаган. Фожиавий роллар устаси. Е. ижодининг аҳамияти рус ва жаҳон театри санъати тарихида ниҳоятда буюкдир. У қатнашган ҳар бир спектакль ижтимоий ҳодисага айланган. Асосий роллари: Мария Стюарт («Мария Стюарт»), Иоанна д'Арк («Орлеан қизи»), Кручинина («Айбсиз айбдорлар»), Офелия, Леди Макбет («Ҳамлет», «Макбет») ва б. Ўз қаҳрамонлари образини оташин эҳтирос, чуқур психологизм, ҳаққонийлик б-н ифодалаган.

ЕРНАЗАР Олакўз (тахм. 1806—1856) — *Хива хонлиги*да кўтарилган қорақалпоқлар ғалаёни (1855—56) раҳбари. У қорақалпоқларни Хива хонлигидан ажратиб олиш ниятида 1855 й. ўрталарида Хива хонига қарши ғалаён кўтарган. Амударёнинг ўнг соҳилида Қорақалпоқ хонлигини тузиб, Зорлиқ тўрани хон, ўзини эса унга бош вазир деб эълон қилган. 1856 й. фев.да Хива хони *Саид Муҳаммадхон* Хўжайли ёнида Е.га қатиқ зарба берган, Зорлиқ тўра ва Е. қатл этилган.

ЕРНЕ (Jerhe) Нильс Кай (1911.11.23, Лондон — 1994) — инглиз иммунологи. Даниялик. Швейцарияда ишлаган. Е. 1974 й.да «тўр» назариясини, М. Бёрнет б-н ҳамкорликда эса иммунитетнинг клональ-селекцион назариясини яратган. Нобель мукофоти лауреати (Г. Кёлер ва С. Мильштейн б-н ҳамкорликда, 1984).

ЕРНИ ИШЛАШ — экинларнинг ўсиши учун энг қулай шароит яратиш ва унумдорлигини ошириш мақсадида тупроққа механик таъсир кўрсатиш усуллари. Е. и.дан асосий мақсад ўсимликлар илдизининг яхши ривожланиши учун ернинг ҳайдалма қатлам тузилишини ва тупроқнинг тузилма хоссаларини ўзгартириш, тупроқнинг юза қатламидаги озиқ моддаларни ўсимлик илдизи тарқаладиган қатламларга тушириш йўли б-н озиқ моддаларнинг айланишини тезлаштиришдан ва тупроқдаги микробиологик жараёнларга таъсир этишдан иборат. Ер яхши ишланса, бегона ўтлар, касаллик қўзғатувчилар ва зараркунандалар йўқолади, ўсимликлар қолдиғи ва ўғит тупроққа аралашади, эрозия жараёнларининг олди олинади ва тупроқдан нам ва озиқ моддалар исроф бўлиши камаяди, экин уруғининг меъёрдаги чуқурликка кўмилиши учун қулай шароит яратилади. Қурғоқчил р-нларда Е. и. даги вазифа тупроқда нам тўплаш б-н бирга унинг бехуда буғланиб кетишига ҳам йўл қўймасликдан иборат.

Ерни асосий, махсус ва юза ишлаш усуллари бор. Ерни асосий ишлаш деганда, олдинги экин йиғиб олингандан кейинги дастлабки энг чуқур ҳайдаш тушунилади. Эрозияга учрамаган ерларда бу, одатда, қатламни ағдариб ҳайдашдир. Ерни махсус ишлашнинг усуллари фрезерли, плантажли, қатламлаб ҳайдаш (мас., қўш ярусли)дан иборат. Юза ишлашда юмшатиш чуқурлиги баъзан 12—14 см юза юмшатиш, культивациялаш, бороналаш, шлейфлаш усулларидан фойдаланилади. Ерни ишлашнинг алоҳида олинган ҳар бир усули бир ёки бир нечта технологик операцияни ўз ичига олади ва ерни ишлашдаги барча вазифаларни таъминлай олмайди. Шу сабабли Е. и.да бир неча усулдан фойдаланиш зарурати келиб чиқади. Тупроқ-иқлим шароитига мос келадиган, изчиллик б-н бажарилган ва асосий вазифаларни амалга оширишга мўлжалланган Е. и. усулларининг мажмуи Е. и. тизими дейилади. У асосий, экиш олдидан ва экишдан кейинги ишлов беришни ўз ичига олади.

Е. и.нинг технологик операциялари: қатламни ағдариш, юмшатиш, аралаштириш, зичлаш, текислаш, бегона ўтлар илдизини кесиш, эгат, ариқ, жўяк олиш, қатлам юзасида анғизни сақлаш ва б.дан иборат.

Қатламни ағдариш, яъни тупроқ қатламларини алмаштириш агрономик хоссалари б-н фарқ қиладиган қатламларини аралаштиришдан иборат. Анғиз қолдиқларини, чим, ўғитларни, бегона ўтлар уруғини, касаллик қўзғатувчилар ва зараркунандаларни дастлабки ривожланиш давридаёқ тупроққа кўмиб юбориш учун ҳам қатламни ағдариш зарур. Бунинг учун далалар ағдаргичли плугда ҳайдалади. Ерни қўш ярусли плугда 35—40 см ёки чимқирқарли плугда 30—40 см чуқурликда ағдариб ҳайдаш яхши самара беради. Ерни юмшатиш далада трактор ва механизмлар кўп марта юриб ўтиши, кузқиш-ға ва баҳорда кўп ёғин ёғиши, вегетацион ва шўр ювишдаги суғориш натижасида тупроқнинг ҳайдалма қатлами ва ҳайдалма қатлам ости жуда зичлашиб кетганда амалга оширилади. Бу иш алоҳида ёки бошқа операциялар (ағдариш, аралаштириш) б-н бирга бажарилади. Ерни юза 6—8 см чуқурликда юмшатишда «зигзаг» боронадан, айланувчи мотигадан, 12—16 см чуқурликда юмшатишда дискли борона, чизель культиватордан; 20 см ва ундан ортиқ чуқурликда юмшатишда ағдаргичли олинган плугдан, чуқур юмшаткичли плугдан, ясси кескич — чуқур юмшаткичли қуроллар ва б.дан фойдаланилади. Тупроқни аралаштириш натижасида ҳайдалма қатлам бирхиллашади, органик моддаларнинг парчаланишидан ҳосил бўладиган моддаларнинг сулотлар, минерал ўғитлар бир текис тақсимланади. Тупроқни зичлашда тупроқ увоқлари бир-бирига янада зич жойлашиши таъминланади, кесакслар майдаланади, ҳайдалган ер тупроғи бирмунча ўтиради; бунда тупроқни шамол кам учиради, уруғ унииши учун қулай шароит вужудга келади ва ҳ.к. Ер юзасини текислаш шўр ювиш ишлари сифатли бўлишини таъминлайди, шудгорланган ерни экин экиш олдидан жорий текислаш натижасида экиш, экинларни парвариш қилиш ва ҳосилни йиғиб олиш учун қулай шароит яратилади. Ерни жорий текислаш ишлари бороналаш ва мола бостириш б-н қисман қўлда бажарилади. Яна қ. *Деҳқончилик, Ер ҳайдаш.*

Ад.: Экиш олдидан тупроқни ишлашда машина-трактор агрегатларидан тўғри фойдаланишга оид тавсиялар, Т., 1980; Байметов Р. И., Мирахматов М., Тухтакузиев А., Обработка почвы на повышенных скоростях движения в зоне хлопководства, Т., 1985.

Абдураҳим Эрматов.

ЕРНИ ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШ — қ.х.да асосий и.ч. воситаси бўлган ернинг аниқ табиий-иқлим шароитларидаги қиёсий даромаддорлигини аниқлаш. Е.и.б. балл кўрсаткичлари бир ер майдонининг иккинчи хил ер майдонидан қанчалик юқори ёки паст сифатли эканлигини кўрсатади. Е.и.б.да қуйидаги ишларни амалга ошириш кўзда тутилади: тайёргарлик ишлари, маълумотлар йиғиш, уларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш; ер баҳолашни туманлар бўйича режалаштириш; тупроқни агрономик и.ч. бўйича гуруҳлаш; ўртача ҳосилдорликни ва ҳаражатлар миқдорини ҳисоблаш (майдон бирлиги ҳисобида); баҳолаш шкаласини тузиш ва ернинг баҳолаш кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш; ер эгаликларида Е.и.б.ни ўтказиш; баҳолаш ҳужжатларини кўриб чиқиш, тасдиқлаш, тайёрлаш ва топшириш.

Е.и.б. қишлоқ хўжалиги корхоналари учун такрор и.ч. шароитларини тенглаштиришнинг муҳим воситаларидан бири, хўжаликларда қ.х. ерларидан амалда фойдаланиш даражасини аниқлашга, сифати ҳар хил бўлган ерлардаги хўжалик фаолияти натижаларини қиёслаш ва таҳлил этишга, улардан фойдаланишни яхшилаш ҳамда унумдорлигини кўтаришга қаратилган тадбирларни асослашга имкон беради. Е.и.б. кадастр жиҳатидан баҳолашнинг охирги босқичи бўлиб, унгача ўтказиладиган барча тадбирларга — ердан фойдаланишнинг давлат қайди, миқдорий ер ҳисоби ва тупроқ бонитировкасига асосланади (қ. *Ер кадастри*).

Е.и.б. 2 йўналишда олиб борилади: умумий баҳолаш (қ.х.даги ер турлари бўйича) ва хусусий баҳолаш (айрим экинларни етиштириш самарадорлиги бўйича). Умумий баҳолашда маҳсулдорлик (ялпи маҳсулот қиймати, сўм/га), харажатларнинг қопланиши (харажат бирлигига, мас., 100 сўмга тўғри келадиган маҳсулот қиймати) ва дифференциал даромад (сифати яхши ва қулай жойлашган ерлардан олинган қўшимча соф даромад, сўм/га) ҳисобга олинади. Хусусий баҳолашда ҳосилдорлик (ц/га), харажатларнинг қопланиши (сўм) ва дифференциал даромад (сўм/га) эътиборга олинади.

Е.и.б.да қ.х. экинлари ва боғларнинг ҳосилдорлиги, табиий ем-хашак майдонларининг маҳсулдорлиги, деҳқончиликдаги ялпи маҳсулот қиймати, ер баҳоланаётган ҳудуддаги хўжаликларнинг кўп йиллик ўртача кўрсаткичлари бўйича ҳисобланган маҳсулот и.ч. харажатлари баҳоланаётган гуруҳлар бўйича базис баҳо кўрсаткичларини ҳисоблаш учун асосий маълумотлар бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистонда хусусий баҳолаш ғалла ҳамда макажўхори (дон учун) ҳиссаси кўрсатилган ҳолда пахта-ғалла-беда мажмуидаги экинлар бўйича, айрим минтақалар учун эса шоли, тамаки, каноп ва сабзавот бўйича ўтказилади. Ҳисобланган базис баҳолари асосида жадвал — туп-роқ гуруҳлари бўйича ер баҳолари жадвали тузилади. Бундай баҳолашда энг юқори иқтисодий самара (ялпи маҳсулот, харажатларни қоплаш ва дифференциал даромад) қадимдан суғориб келинадиган, жуда маданийлашган ерларга тўғри келади.

Ўзбекистон Республикасида қ.х.га мўлжалланган ерларнинг сифат, иқтисодий ва қиймат баҳосини аниқлаш банклардан ипотека қарзлари беришда, хусусий турар жойлар қуриш учун ер ажратиб бериш ва деҳқон хўжаликларига меъёрий ортиқча ер ажратиб беришда, ер солиғи ставкалари миқдорини аниқлаш, кимошди савдолари орқали ер участкаларини сотиш ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда шу ер участкасининг дастлабки баҳосини белгилаш учун қўлланилади. Е.и.б.да тупроқ бонитировкаси, асосий экинларнинг меъёрий ҳосилдорлиги, ялпи маҳсулот ва соф даромад (фойда) кўрсаткичи мезон бўлиб хизмат қилади.

Ад.: Қурбонов Э. Қ. ва б., Ер кадастри асослари, Т., 1999; Толипов Ғ. А., Фуломов Ҳ. Ғ. ва б., Ўзбекистон Республикаси Ер кадастри, Т., 1994.

Қосимжон Раҳмонов.

ЕРНИ МУСОДАРА ҚИЛИШ — давлатнинг ерни эгаларидан мажбурий равишда, бирон-бир ҳақ тўламай тортиб олиши. Мас., 18—19-а.лардаги инқилобларнинг давомида Ғарбий Европа мамлакатларида заминдорларнинг ерлари мусодара этилди. 1917 й. окт. тўнтариши натижасида ҳам шундай ерлар тортиб олиниб, давлат («умумхалқ») мулки деб эълон қилинди ва деҳқонларга фойдаланиш учун берилди. 1928—29 й.лардан бошлаб эса собиқ Иттифоқда (жумладан Ўзбекистонда) деҳқон хўжаликларини «ёппасига коллективлаштириш», «қулоқларни синф сифатида тугатиш»дан иборат сталинча сиёсат юритилди. Оқибатда ўн минглаб ўрта ҳол ва бой деҳқонларнинг ерлари тортиб олиниб, жамоа хўжаликларининг ихтиёрига зўрлаб ўтказилди. Омилкор деҳқонлар ер-сув мулкларидан мажбурий тарзда маҳрум этилиб, кўплари мамлакатнинг узоқ жойларига кўчириб юборилди. Мас., 1930 й. окт.га кўчириб юборилди. Мас., 1930 й. окт. ойига келиб 115231, 1931 й.да 265795 деҳқон оилалари Шимол, Урал, Сибирь ва Қозоғистон минтақаларига жўнатилди. 200—250 минг «қулоқ» ўз оиласи б-н ерини, мулкини ташлаб қочиб, шаҳарларга кўчиб ўтди. Шу тариқа жами 1—1,1 миллион деҳқон хўжалиги ерларидан мосуво бўлиб, бутунлай тугатилди.

ЕРНИНГ ГЕОГРАФИК ҚОБИҒИ — қ. *Географик қобиқ.*

ЕРНИНГ МАГНИТ МАЙДОНИ — қ. *Ер магнетизми.*

ЕРНИНГ МЕТЕОРОЛОГИК СУНЪИЙ ЙЎЛДОШЛАРИ — булут қатламининг атмосферада тақсимланишини кузатиш, Ер сирти ва атмосферанинг иссиқлик нурланишини ва Қуёшнинг қайтган радиациясини ўлчаш учун мўлжалланган аппаратлар. Об-ҳавони олдиндан айтиш учун метеорологик маълумотлар олиш мақсадида фойдаланилади. Мас., «Космос», «Молния» типидаги сунъий йўлдошларнинг базилари, «Метеор»; америка сунъий йўлдошлари — «Тирос», «Нимбус» ва б. Булар, одатда, 500—1200 км баландликда учади.

Е.м.с. й.га ўрнатилган асбоблар ёрдамида Ернинг ёруғ томонидаги булутлар расмга туширилади ва Ерга узатилади. Ернинг қоронғи томонидаги булутларни ҳам улар ёрдамида аниқлаш мумкин. Бунда инфрақизил нурлардан фойдаланилади. Е. м. с. й.даги баъзи асбоблар б-н Ерга ва атмосферага келаётган ҳамда чексиз фазога чиқиб кетаётган радиация ўлчанади. Шу асосда иссиқлик баланси ҳисобланади. Е. м. с. й. ёрдамида океан суви сатҳи, ер юзаси ва атмосферанинг ҳар хил қатламларидаги ҳаво т-раси намлиги ўлчанади.

Океан, чўл ва тоғларда метеорологик ст-ялар кам бўлганидан бу ерларнинг иқлими кам ўрганилган. Е. м. с. й.дан олинган маълумотлар ёрдамида шу ҳудудларнинг иқлими ҳам ўрганилади. Денгиз музининг биринчи расми Е. м. с. й. ёрдамида олинган (1960). Қор ва муз соҳаларининг фаслларга боғлиқ равишда ўзгариш хариталари тузиб чиқилган. Е. м. с. й. ёрдамида циклонлар ўрганилади. Космонавтлар ҳам Ернинг об-ҳавосини кузатишади, булутлар, қор ва музлик соҳалари, дарё ва океанлар, чўл ва тоғларнинг турли рангдаги расмларини олишади.

ЕРНИНГ СУВ БАЛАНСИ — муайян вақт ичида Ер юзасига ёғин кўринишида тушадиган сув миқдори б-н қуруқлик ва Дунё океани юзасидан буғланадиган сув миқдорининг нисбати. Яъни Ерда сув айланишининг сонли ифодаси. У сув баланси тенгламалари кўринишида акс эттирилади. Бунда сув кирим ва чиқимининг суюқ, буғли ва қаттиқ (муз) ҳолатидаги барча шакллари тавсифланади. Гидросферадаги $1{,}4—10^9$ км³ умумий сув массасининг (В. И. Вернадский бўйича) табиатдаги сув айланишида йил давомида 518600 км³ сув қатнашади ва ерга тушадиган сув (атмосфера ёғинлари) б-н ундан

сарф бўладиган (бугланиш, оқим) сув миқдори деярли тенг бўлади. Бу тенглик (баланс) Ер ва унинг айрим қисмлари Дунё океани, чекка оқимли ҳудуд, ички оқими бор ҳудуд учун сув баланси тенгламалари кўринишида бўлади. Тенгламаларда кирим қисми элементлари сифатида Дунё океани юзасига (X_0), қуруқликнинг чекка оқимли ҳудудига (X_z), қуруқликнинг ички оқимли (берк) ҳудудига (X_U) ва уларнинг йиғиндиси сифатида бутун Ер сиртига ($X_{ЕР}$) ёғадиган йиллик ёғин миқдорларини ҳисобга олиш зарур.

Шуларга мос равишда Дунё океани юзасидан (Z_0), қуруқликнинг ички (берк) оқимли ҳудудидан (Z_U) ва уларнинг йиғиндиси — Ер курраси юзасидан ($Z_{ЕР}$) бўладиган йиллик бугланиш миқдорлари тенгламаларнинг чиқим қисмини ташкил этади. Сув баланси тенгламаларида қуруқликдан Дунё океанига ёки у б-н туташ бўлган денгизларга дарёлар оқизиб келтирадиган йиллик оқим миқдори (Y_z) ҳам ҳисобга олинади. Кирим ва чиқим қисмларининг қабул қилинган белгиларига асосан сув баланси тенгламалари дастлаб Ер сиртининг айрим қисмлари учун тузилади:

а) Дунё океани учун қуйидагича ифодаланади:

$$Z_0=X_0+Y_z;$$

б) чекка оқимли ҳудуд учун:

$$Z_z=X_z+Y_z;$$

в) ички оқимли ҳудуд учун эса: $Z_u=X_u$ кўринишида ёзилади. Юқоридаги тенгламаларнинг йиғиндиси бутун Ер учун сув мувозанатини ифодалайди:

$$Z_0+Z_z+Z_u=X_0+X_z+X_u$$
$$Z_{ЕР}=X_{ЕР}.$$

Охирги ифода Ер сиртига тушадиган ёғин миқдори ($X_{ЕР}$) ундан бўладиган бугланиш ($Z_{ЕР}$)га тенглигини кўрсатади. Олимларнинг ҳисобига кўра, Ер юзасига ҳар йили ўртача 577 минг км^3 ёки 1130 мм ёғин тушса, худди шунча миқдордаги сув бугланади.

Дарё, кўл ва ер ости сувларидан суғориш, аҳоли ва саноатни сув б-н таъминлашда фойдаланилиши Е.с.б. элементлари нисбатини ўзгартиради. Агротехник ва агроўрмонмелиоратив тадбирлар тупроқнинг инфильтрацион хусусиятларини оширади. Бу эса ўз навбатида далалардан келган сувларнинг юза оқимини камайтиради, тупроқ нами, унинг бугланиши ва транспирациясини оширади ҳамда грунт сувлари ҳажмини бир оз кўпайишига сабаб бўлади.

Шаҳарлар ривожланиши, саноат корхоналари ва йўллар қурилиши тупроқнинг инфильтрация хусусиятларини камайтиради, юза оқимини кўпайтириб ер ости сувларнинг озиқланишини заифлаштиради. Грунт сувларининг миқдори мелиоратив тадбирлар, шахта ва карьерлардан ер ости сувларини сўриб олиш натижасида анча ўзгаради.

Е.с.б.ни ташкил қилувчи ҳисоблар сув режимини ўрганиш учун гидрология ва метеорологияда кенг қўлланилади.

ЕРНИНГ СУТКАЛИК АЙЛАНИШИ — дунёнинг Шим. қутбидан қараганда, Ернинг ўз ўқи атрофида ғарбдан шарққа томон ёки соат стрелкасига тескари айланиши. Е. с. а. натижасида кун б-н тун алмашинади; сутканинг узунлиги ҳам шунга боғлиқ. Ер бир маромда айланмайди; уни Ой ва Қуёш тортиши туфайли сутканинг узунлиги ҳар юз йилда 1—2 с га тўхтовсиз ортиб боради, мавсумий ўзгаришлар (ёғинлар ва б.), тектоник жараёнлар ва б. натижасида эса сутка узунлиги йил давомида 1—2 с атрофида ўзгариб туради. Е. с. а.да Ер ўқининг ҳолати, бинобарин, Ернинг геогр. қутблари *прецессия* ва *нутация* натижасида ўзгариб туради.

ЕРСОВУН, тасби (Leotice eversmannii) — зирқдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Ўрта Осиёда 4 тури бор. Пояси тик, 25—50 см. Тўпгули мураккаб шингил. Эллипссимон ён баргчаларининг уз. 3—12 см. Гули сариқ, гулбанди ётиқ, уз. 1,5—3,5 см. Уруғи қўнғир, диаметри 5 мм. Е.дан олинадиган сапонин пенобетон тайёрлашда ишлатилади.

ЕР-СУВ ИСЛОҲОТИ — қ. *Ўрта Осиёда ер-сув ислоҳоти.*

ЕРТАНА — қ. *Илдизпоя.*

ЕРТОМИРЛАР — тоғ жинси ёриқларини тўлдирган минерал жисмлар. Икки йўналишда чўзилган бўлади. Тоғ жинсларидаги ёриқларнинг минерал моддалар б-н тўлишидан ёки ёриқлар бўйлаб минерал моддаларнинг тоғ жинси б-н метасоматик ўрин алмашинишидан ҳосил бўлади. Е. оддий — якка минералли ёриқлар ва мураккаб — ўзаро чигаллашиб кетган ёриқлар тўплами, майдаланган ёки сланецлашган зоналар ҳолида учрайди. Тассимон, беҳсимон, тўрсимон, камерали, линзасимон, шохсимон, эгарсимон, зинасимон, патсимон ва б. хиллари учрайди. Атроф жинслар б-н бўлган алоқасига кўра кесиб ўтувчи ва қатламли Е. бўлади. Е. узунлиги 1 км дан 200 км гача (Калифорниядаги олтин рудали ертомир), чуқ. 3 км дан зиёд (Ҳиндистондаги Колар конида). Ўлчами ва ётиш шароитига кўра апофиза ва томирчалар шакллари фарқ қилинади. Е. б-н кўпчилик минерал хом ашё конлари боғлиқ (олтин, кўргошин-рух рудалари, вольфрам, симоб ва б.). Е.нинг геологик ва ишланадиган эксплуатация қатлам қалинлиги фарқ қилинади.

ЕРТОШСОЙ — Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги сой, Оҳангарон дарёсининг ўнг ирмоғи. Чатқол тизмасидаги Одамтош довонининг жан. ён бағридан бошланади. Е.нинг 60 дан зиёд ирмоғи бор, энг йирик ирмоғи Қизилчасойдир. Уз. 17 км, ҳавзасининг майд. 151 км^2. Е. асосан қор, ёмғир ва булоқ сувларидан тўйинади. Ўртача кўп йиллик сув сарфи 3 м^3/сек, сувининг асосий қисми (65—70%) март—июнь ойларида оқиб ўтади. Баъзан сел тошқинлари бўлиб, сув сарфи 65 м^3/сек гача етади (1953.18.5). Е. бўйида Ертошсой қишлоғи жойлашган.

ЕРТУТ — қ. *Қулупнай*

ЕРТЎЛА — 1) қад. ерни ўйиб қурилган турар жой; бошпана. Тўртбурчак, думалоқ шаклда қурилган, баъзилари эса ердан бир оз юқори кўтарилиб, томи ёғоч б-н, унинг устига шох-шабба ва тупроқ ташлаб ёпилган; ўртасида ўчоқ, девор ёнларида тахта ёки тупроқдан қилинган супачалар бўлган. Юқори палеолит давридан бошлаб бошпана сифатида кенг фойдаланилган; ҳозир ҳам ўзлаштирилаётган ерларда, уруш ҳаракатлари кетаётган жойларда учраб туради; 2) уйлар тагига ер сатҳидан 1,5 м ва ундан ортиқ чуқур қилиб қурилади. Е.дан маҳсулотлар сақланадиган омбор сифатида ва б. мақсадларда фойдаланилади.

ЕРЧОЙ (Orthurus kokanicis) — раънодошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт, бўйи 45 см ча. Бўғиз барглари одий, поядагилари қисқа бандли ёки бандсиз. Гуллари сариқ, 2—7 тадан бурама тўпгулга йиғилган. Меваси — мураккаб, писта, Ўзбекистоннинг тоғли туманларида ўсади. Е.нинг ер остки қисми таркибида геин гликозиди, 0,42% гача эфир мойи, 36% дан ортиқроқ ошловчи моддалар, органик кислоталар ва б. бор. Эфир мойининг 85% таси эвгенол. Е. халқ табобатида тиш касалликларини даволаш ва оғриқни қолдиришда, дамлама ва экстракти меъда-ичак касалликларини даволашда ишлатилади.

ЕРҚАЛАМПИР, хрен (Armoracia) — карамдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик тури, сабзавот экини. Евросиёда 2 тури бор. Оддий Е. (A. rusticana) — Европа, Ҳиндистон, АҚШ, Хитой, Ўрта Осиёда экилади (илдизида С витамини, эфир мойлари,



Ерқалампир: илдизи ва барги.

фитонцидлар бор). Истеъмол учун йўғон этли илдизпояси (зиравор сифатида) ва барги ишлатилади. Тупи сербарг. Барги яшил, чўзиқ, тўп-тўп бўлиб ўсади. Илдизи тупроққа 80—100 см гача кириб боради, илдизпояси эса тупроқнинг 30 см гача бўлган қисмида жойлашади. Е. юқори ҳароратга чидамли, намга талабчан. Илдиз пояларидан тайёрланган қаламчалардан (уз. 15—20 см, йўғонлиги 1—1,5 см) кўпайтирилади. Кузда қаламчалар ертўла ёки иссиқхоналарда сақланади. Эрта баҳорда ёки авг. ойида далаларга қаторлаб ёки қўш қаторлаб экилади. 1 га майдонга 40—55 минг кўчат кетади. Кузда ўсув даври тугагач, илдизмевалари кавлаб олинади. 120—150 ц/га илдизпоя ва 350—400 ц/га барг олинади. Е. илдизи ва баргида турли минерал тузлар, витаминлар ва аччиқ таъм берувчи синергин гликозиди мавжуд. Ундан ошқозон касалликларини даволашда фойдаланилади. Е. ўзига хос ўткир ҳид ва хушбўй таъм беради. Озиқ-овқат саноатида, турли маҳсулотларни (помидор, бодринг ва б.) тузлашда ишлатилади. Валковский, Атлант, Суздаль навлари экилади. Ўзбекистонда шахсий томорқаларда, фермер хўжаликларида етиштирилади. Ўтлоқ Е. (A. sisymbrioides) — ёввойи ҳолда учрайди. Илдизи истеъмол қилинади.

Дилором Ёрматова.

ЕРҚЎРҒОН — қад. шаҳар харобаси (мил. ав. 9—8-а.лар — мил. 6-а.). Қарши ш.дан 10 км шим.да жойлашган. Тарихий манбаларда Бахл, Боло, Валаам, Нашеболо деб тилга олинган. Е.да дастлаб *Туркистон археология ҳаваскорлари тўгараги* аъзолари (Л. И. Зимин, И. Кастанье), кейинчалик археологлар А. И. Тереножкин (1946), С. К. Кабанов (1946—72 танаффус б-н), Я. *Гуломов* (1959—64), М. Е. *Массон* (1963—64) текширишлар олиб борган. 1973 й.дан Ўзбекистон ФА Археология ин-тининг Қашқадарё экспедицияси қазиш ишлари олиб боради. Е. харобаси қалъа ва шаҳристондан иборат бўлиб, умумий майд. 150 га, буржлар б-н мустаҳкамланган 2 қатор мудофаа девори б-н ўралган. Ички девори (бал. 8 м гача) бешбурчак тарҳли бўлиб, тахм. 40 га майдонни ўраган атрофи хандақ бўлган. Унда қалъа, сарой мажмуаси, ибодатхона, кулоллар маҳалласи, турар жойлар ва б. жойлашган. Кулоллар маҳалласидан бир неча хона, устахона қазиб очилган, унинг тагидан энг қад. мудофаа девори қолдиқлари топилди (мил. ав. 8—7-а.лар). Ибодатхона целла (сажадагоҳ), бир неча кичик хона ҳамда айвондан иборат бўлган. Шаҳар иккинчи қатор деворлари ичидан дахма, мақбара, темирчилар маҳалласи кавлаб ўрганилган. Қазиш вақтида сопол идиш (хум, хумча, ҳўқача, косалар, това, қозон, тоғора, қадаҳ ва б.), диний мақсадларда ишлатиладиган асбоблар, маъбудаларнинг сопол ҳайкалчалари, Нахшаб тангаси (3—6-а.лар), суғд ёзуви намуналари, муҳр нусхаси топилган.

Ад.: Исамиддинов М. Х., Сулейманов Р. Х., Еркурган, Т., 1984; Сулейманов Р. Х., Древний Нахшаб, Т., 2000.

Рустам Сулаймонов.

ЕСБЕРГЕН — Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманидаги кўл. Есбергеншағанақ қишлоғидан 3 км жан.да, Амударёнинг чап қайирида, 68 м баландликда жойлашган. Амударёдан тошган сувлар ва сизот сувларидан тўйинади. Сувга тўлган пайтда майд. 128 га, чуқ. 1—1,5 м бўлади, суви озайганда эса кўл анча кичрайиб қолади. Е. қирғоғи ва майдонида қамиш, қўға ўсади.

ЕСБЎЛАЕВ Амангелди Кушекбаевич (1945.14.2, Томди тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-тини тугатган (1968). 1968 й.дан Томди туманидаги 1-мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси. У ўз ўқувчиларини соғлом ва бақувват бўлиб ўсиши учун дарсларда турли машқлардан фойдаланади.

ЕСЕМУРАТ ЖИРОВ Нурабулла ўғли (1894 — Қўнғирот тумани Ақшанглоқ овули — 1979) — қорақалпоқ достончиси. *Нурабулла жировнинг* ўғли ва шогирди. Е. ж. анъанавий достонларга ижодий ёндашиб, баъзиларини қайта ишлаган, шунингдек, замонавий мавзуларда термалар яратган. Кўбизда «Қиз мулойим», «Бўзатов», «Ушбўй» каби куйларни маҳорат б-н чертиб ижро этган. Ундан «Қўблон», «Алпамис», «Шаҳриёр», «Эдига» достонлари ёзиб олинган.

ЕСЕНБОЕВ Зиёд Исломович (1921.21.6, Қибрай тумани) — журналист, ношир ва жамоат арбоби. 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1939—46). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1967). «Қизил Ўзбекистон» газ.да бўлим мудири, масъул котиб ва муҳаррир ўринбосари (1948—54), муҳаррир (1961—63). «Тошкент ҳақиқати» газ. муҳаррири (1954—61). Ўзбекистон давлат матбуот қўмитаси раиси (1963—84), айни пайтда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқаруви раиси (1962—84). «Мухбир» — «Корреспондент» жур. бош муҳаррири ўринбосари (1984—90), Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқаруви раиси (1993—95). «Ўзбекистон матбуоти» жур. бош муҳаррири (1991—2002). Бир қанча китоблар ва публицистик мақолалар муаллифи. Уч китобдан иборат «Матбуотимиз фидойилари» тўпламини тузган ва нашрга тайёрлаган. «Эл-юрт ҳурмати» ордени (1998), «Жасорат» медали (1995) б-н мукофотланган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1981).

Ас.: Брюссель виставкаси хотиралари, Т., 1959; Минг орол мамлакатида, Т., 1964; Здравствуй, товарищ книга, Т., 1972.

ЕСЕНИН Сергей Александрович [1895.21.9 (3.10), Рязань вилояти Константинов, ҳоз. Есенин қишлоғи — 1925.28.12, Санкт-Петербург, Москвада дафн этилган] — рус шоири. Илк шеърий тўпламаи «Радуница» (1916) даёқ қалб ҳолатларини нозик туйғуларда беришни, табиат б-н боғлиқ руҳий кечинмаларни ифодалашнинг устаси, қишлоқ ҳаёти, халқ тили ва қалбининг билимдони эканлигини намойиш этган. 1919—22 й.ларда Е. имажинист (ижоднинг мақсадини асарнинг мазмунига мос келиши шарт бўлмаган образларни ўйлаб топишда деб тушунувчи)лар гуруҳида бўлган. «Москва майхоналари» (1924) ва б. туркум шеърларида, «Қора одам» (1925) достонида шаҳар ҳаётининг ярамас томонлари, қишлоқни ҳонавайрон қилаётган «тараққиёт» ҳаққоний акс эттирилган. Е. «Анна Снегина» (1925) достони ҳамда «Шўро Руси», «Замин дарғаси» (1925) тўпламларида «коммуна оёққа турғизаётган Рус»ни англашга ҳаракат қилса




ҳам, ўзини «ўтмишга айланаётган Рус»нинг шоири деб билди.

«Форс тароналари» шеърлар туркуми (1924—25) Ҳофиз, Саъдий, Хайём каби Шарқ ижодкорларига чексиз ҳурмат-эҳтиром маҳсули сифатида дунёга келди. «Жар» (1916) қиссаси, «Бобил ва Дружок» (1917) ҳикояси, «Темир Миргород» очеркида Е. насрий имкониятларини намойиш этди. Е. 1921 й. Тошкент ва Самарқанд ш.ларида бўлган. «Танланган шеърлар», «Замин дарғаси», «Лирика: шеърлар, достонлар» шеърий тўпламлари Э. *Воҳидов* томонидан ўзбек тилига таржима қилинган (1965, 1970, 1981). Тошкентда шоирнинг уй-музейи очилган (1985). Е.нинг шахсий ҳаёти фожиалар ичида кечган. У оғир руҳий ҳолатга тушиб қолиб, Санкт-Петербургдаги меҳмонхоналардан бирида ўзини-ўзи ўлдиради.

ЕСИПОВ Иван Нилович (1901.4.2 — Тошкент — 1963.6.10) — опера хонандаси (бас), Ўзбекистон халқ артисти (1952). Тўлиқ диапазонли, ёқимли овоз соҳиби. Москва ва Тбилиси консерваторияларида ўқиган. Тошкент рус опера ва балет театри (1939—48), Навоий номидаги опера ва балет театри (1948—60) яккахони. Аловуддин Шоший (А. Козловский, «Улуғбек»), Борис Годунов (М. Мусоргский, «Борис Годунов»), Иван Сусанин (М. Глинка, «Иван Сусанин»), Гремин (П. Чайковский, «Евгений Онегин»), Сторожев (Т. Хренников, «Бўронда»), Мефистофель (Ш. Гуно, «Фауст»), Ниликанта (Л. Делиб, «Лакме») ва б. партияларни маҳорат б-н ижро этган.

ЕСИПОВ Матвей Акимович (1897, Чкалов вилояти — 1968, Самарқанд) — театр рассоми, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1950). Москва рассомлик билим юртида таълим олган (1918—20). Самарқанддаги «Мусулмон агитгуруҳи»да рассом (1921—23). 1923 й.дан Самарқанд вилоятлараро рус драма театри, 1924 й.дан Самарқанд вилоят мусиқали драма театрининг бош рассоми ҳамда Самарқанд рассомлик билим юртида педагог. Дастлаб спектаклларни бадиий безашда агитплакат услубидан фойдаланган Е. 30-й.ларнинг 2-ярмидан спектакллар руҳига мос саҳна безаклари яратган. Ғ. Зафарийнинг «Ҳалима» (1931), Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин» (1934), «Лайли ва Мажнун» (1955), С. Абдулланинг «Тоҳир ва Зуҳра» (1948), «Алпомиш» (1950), Абдулла Қаҳҳорнинг «Янги ер» (1950), «Оғриқ тишлар» (1955) ва б. асарлар асосида яратилган спектаклларни бадиий безаган.

ЕССЕНТУКИ — РФ Ставрополь ўлкасидаги шаҳар (1917 й.дан). Т.й. станцияси. Аҳолиси 88 минг киши (1990-й.лар ўрталари). *Кавказ минерал сувлари* гуруҳидаги бальнеологик курорт. Подкумок дарёси водийсида, 600—640 м баландликда жойлашган. Иқлими мўътадил континентал. Ёзи илиқ, қиши юмшоқ. Июлнинг ўртача т-раси 20°, янв.ники −4°. Йилига 520 мм ёғин ёғади. Минерал карбонатли булоқлар суви ичилади ва қадоқланиб жўнатилади, ессентуки, нарзан суви ваннасига тушилади. Тамбукан кўлидан келтирилган балчиқ б-н даволаш ҳам қўлланилади. Меъда-ичак, жигар, жигар ва ўт йўллари, моддалар алмашинуви бузилиши (ортиқча семириш, подагра, қандли диабет) касалликлари б-н оғриган беморлар даволанади. Е. 1798 й.да қурил-



Ессентуки. Минерал сувни ичиб даволаниш айвончаси.

ган ҳарбий истеҳком ўрнида 1839 й.да вужудга келган. Ўша йилдан курорт сифатида ривожланмоқда. Озиқ-овқат (жумладан, минерал сув қадоқлаш) ва енгил саноат корхоналари бор.

ЕСУ МУНКЭ (?—1251) — *Чиғатой улуси* хони (1246—51). *Чиғатой*нинг ўғли, *Чингизхон*нинг набираси. Улуғ қоон *Гуюкхон* (1246—48) фармонига кўра Қора Ҳулагунинг ўрнига улус тахтига унинг яқин дўсти Е. М. ўтирган. *Рашидуддин*нинг ёзишича, Е. М. ичкиликка шу қадар майл қўйганки, нафақат давлат ишлари б-н, балки ўзининг ўрдаси ишлари б-н ҳам шуғуллана олмай қолган. Барча ишларни хотини Тукаши бошқарган. Е. М. *Мўғуллар давлати*га Мункенинг улуғ қоон бўлишига қарши чиққан. Е. М. 1251 й.ги қурултойга келганида Мунке тарафдорлари томонидан қўлга олиниб, *Бохухон* ўрдасига юборилган. Боту Е. М.ни юртига қайтариб юборган, Қора Ҳулагунинг беваси Орқина хотун эса уни қатл этган.

ЕТАРЛИ АСОС ҚОНУНИ — ҳар бир фикрнинг асосли, исботланган бўлиши, бошқа фикрлар б-н зарурий боғлиқлиги ҳақидаги мантиқий қонун. Унда ҳар қандай чин фикр асосланган бўлмоғи, яъни унинг чинлиги бошқа чин фикр б-н асосланган, ундан мантиқий келиб чиққан, у б-н исботланган бўлиши лозим. Акс ҳолда фикрдаги изчиллик, мантиқий тартиб бузилади. Е.а.қ. объектив муносабатларни, хусусан, борлиқдаги сабабий боғланишларни акс эттириш асосида шаклланган-дир. Мас., қирда буғдойнинг яхши кўкариши, мўл ҳосил бериши ёмғирнинг ўз вақтида ёғиб туришига боғлиқ. Ёмғир ёғиши булутнинг пайдо бўлиши ва тўпланишига, бу эса, ўз навбатида, ердаги сувларнинг етарли даражада буғланишига боғлиқ. Демак, сабаб ва оқибат мавжудлиги мутлақо ўзгармас хусусият эмас. Бироқ, оламда ҳар бир нарса ва ҳодиса сабаб ва оқибат шаклида кўриниши мумкин, чунки тайин нарса ва ҳодисалар эмас, умумий боғланиш, ўзгариш, ривожланиш абадийдир. Е.а.қ. объектив реалликни тўғри акс эттириш, жумладан фаннинг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга.

ЕТИМ — 1) ота-онаси ёки улардан бири ўлган бола. Халқ ўртасида ота-онаси вафот қилиб ёлғиз қолган бола «чин Е.», онаси б-н қолган бола «гул Е.», отаси б-н қолган бола «шум Е.», айрим ҳолларда отаси ҳамда онаси томонидан ташлаб кетилган болалар «тирик Е.» деб аталган. Жаҳонда кўпгина халқларда бўлгани каби, Ўрта Осиё халқларида ҳам бола Е. қолган бўлса, уларни қариндошлари ёки ҳамқишлоқ-маҳалладошлари ўз қарамоқларига олиб тарбиялаганлар (улар «асранди бола» деб аталган). Ўзбекистон Республикаси Е. ва қаровсиз болалар тарбиясини ўз оталиғига олган, махсус меҳрибонлик уйлари, тарбияхона (интернат)лар ташкил этилган; 2) Туркистон ўлкасида ёшлигидан бой хўжаликларга ёлланиб ишловчи қарол, хизматкор. Бундай Е. чорвадорларга бир йил, деҳқонларга 8—10 ой муддат б-н ёлланар эди. Агар Е. пода боқса, унинг ҳақи 6—8 қўй, ёзлик ва қишлик кийим, кундалик овқат, деҳқончилик ишларида эса 4—5 *ботмон* ғалла (ёки 120—150 танга пул), ёзлик кийимдан иборат бўлар эди. Шартлашилган муддат тамом бўлгач, Е. ҳақини олиб кетиши ёки янги муддатга ёлланиши мумкин эди. Чорванинг йўқолиши ёки ўлиши, табиий офат натижасида етган зарарни тўлаш Е. гарданига тушган.

ЕТИМ ТОБУЛҒИ (Spiraea pilosa) — раънодошлар оиласига мансуб бута. Бўйи 30—70 см. Барглари оддий, тескари тухумсимон, баъзан ромбсимон, бўйи 4—20 мм, эни 3—18 мм, тукли.

Етим тобулғи.



Гуллари соябонсимон ёки қалқонсимон тўпгулда жойлашган. Июнь—июлда гуллайди. Меваси авг.да етилади. Тоғ ён бағирларида, арчазор ва ёнғоқзорларда, шағалли очиқ ерларда ўсади. Ўзбекистонда Тошкент вилоятининг тоғли туманларида тарқалган. Е. т. ширали ва манзарали ўсимлик ҳисобланади.

ЕТИМКАЛОС ТИЗМАСИ — Сурхондарё вилоятидаги Сурхон-Шеробод қатор тепалари таркибига кирувчи тизма. Энг баланд жойи 1216 м. Уз. 8—10 км. Жан.-ғарбдан шим.-шарққа йўналган. Шим.-ғарбий ён бағри анча тик. Жан.-шарқий ён бағри ётиқроқ, қуруқ сой ва тор даралар б-н ўйилган. Е.т. бўр ва палеогеннинг қумтош, алевролит, оҳактош ва гипсидан ташкил топган. Айрим жойларда дағал тўқ бўз тупроқлар ювилиб кетганлиги туфайли туб жинслар очилиб қолган. Ён бағирларда қўнғирбош, илоқ, эфемероидлар, шунингдек, шаир б-н бирга тоғ шувоғи, биюрғун, шўра, гулхайри, оққурай кенг тарқалган. Е.т. яйлов сифатида фойдаланилади.

ЕТИМТОҒ, Етимтов, Етимчўққи — бошқа тоғлардан ажралиб турган якка тоғ, чўққи; атрофидаги тоғлар емирилиб кетган кўҳна тоғли р-нларда кўп учрайди. Қизилқумда *Етимтоғ* деган тоғ бор.


ЕТИМТОҒ — Марказий Қизилқумдаги қолдиқ тоғ. Овминзатов б-н Томдитов тоғлари оралиғида жойлашган. Энг баланд жойи 622 м. Уз. 18 км. Жан.-ғарбдан шим.-шарққа йўналган. Шим.-ғарбий ён бағри тикроқ. Е. герцин орогенезида кўтарилган, девон ва карбон давларининг оҳактош ва кремнийли сланецларидан таркиб топган. Тоғ этаклари кенг проловиал шлейфдан иборат. Ён бағирлари қуруқ сой ўзанлари б-н парчаланган. Туб жинслар нураган жинс парчалари б-н кўмилиб кетган, фақат сойларнинг кучли ўйилган жойлари ва сувайиргич қисмида усти очиталь, йиллик ўртача т-ра 13°, йиллик ёғин миқдори 100—150 мм. Этаклари бўр ва палеогеннинг чўкинди жинслари б-н қопланган. Қўнғир бўз тупроқларда боялич, кейреук, шувоқ, изен, биюрғун ўсади. Яйловларда қоракўл қўйлари боқилади.

ЕТИМТОҒ ҚАБРИСТОНЛАРИ — Жиззах вилояти ҳудудидаги тоғ номи б-н аталган қад. қабристонлар (мил. ав. 1-минг йиллик). Етимтоғ яқинида жами 3 та қабристон бор: Етимтоғ I, II, III. Ҳар бир қабристон 5—10 та қабрқўрғондан иборат. Етимтоғ I 1970 й. Жиззах археология отряди томонидан ўрганилган. Ундаги 6 қабрқўрғондан биттаси қазилган. Унинг ичидан ёнма-ён иккита қабр қолдиғи топилди. Қабрқўрғоннинг шим.-ғарбий девори орасидан мил. ав. 7-а.га оид уч қиррали жез пайкон (ўқ учи), деворнинг шим. қисмидан эса қўлда ясалган сопол идиш бўлаклари ва жез зеб-зийнат буюмлари топилди. Етимтоғ II, III қабристонларида қазиш ишлари олиб борилмаган.

ЕТИМХОНА — ота-онасиз ва қаровсиз болалар учун очилган муассаса. Тарихий маълумотларга қараганда Туркистондаги хонлик ва бекликларда ҳам Е.лар бўлган. Хусусан Қўқон хонлиги архив материалларидан топилган «Сарғия», «Қуллар» деб номланган дафтарларда Марғилон беклигида сағира мактаблари учун сарфланган маблағлар ҳақида маълумотлар келтирилади. 1918 й. Е.лар ёпилиб, ота-онасиз ва қаровсиз болалар давлат томонидан таъминланадиган ва тарбияланадиган болалар уйлари ташкил этилди (қ. *Меҳрибонлик уйлари*).

ЕТМАК (Acanthophyllum) — чиннигулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўсимликлар бир неча турларининг умумий номи. Ўзбекистоннинг адир ва тоғ ён бағирларида A.gypsophiloides ва A.paniculatum ўсади. Бўйи 50—80 см, барглари қарама-қарши, шапалоқ, қалами ёки наштарсимон. Барг банди ва сершох пояси туксиз ёки майда тукчалар б-н қопланган. Гуллари майда, шохларининг учида иккитадан жойлашган. Гулбарги 5 та, оч пушти, чангчиси 10 та, 2 қатор жойлашган. Меваси бир уруғли. Уруғи оч жигарранг ёки кўнғир, қаттиқ қобиқли. Илдизи бурама ўқ илдиздан иборат бўлиб, 2 м дан ортиқ чуқурликка боради.

Е. илдизининг таркибида 10—30% сапонин моддаси, шунингдек, агликоногипсоген, 3 молекула ксилоза ва бир молекула глюкурон кислота, галактоза, рамноза, фуроза ва арабиноза каби моддалар бор. Илдизидан аҳоли нишолда тайёрлашда кўпиртирувчи модда сифатида фойдаланиб келади. Е. озиқ-овқат, қандолат ва виночилик саноатида, тиббиётда (балғам кўчирувчи ва организмни мустаҳкамловчи дорилар




Етмак.

тайёрлашда) қўлланилади, тўқимачилик саноатида газламаларни оқартириш, ипак ва жун газламаларни ювиш учун ҳам ишлатилади.


ЕТТИ ИҚЛИМ — тарихий-географик тушунча. Ерни юнон ва Ўрта аср Шарқ фанида минтақаларга бўлиш усули. Кенг маънода ернинг табиий, сиёсий ва маъмурий бўлинишлари тарихига ҳам алоқадор. Қадимда Ер шарини яхлит тасаввур этиш б-н бирга, уни маълум қисмларга ажратиб ҳам ўрганганлар. Ривоятларда Нуҳ пайғамбар Ер юзини 3 қисмга ажратиб, 3 ўғлига — шим.даги ўлкаларни Ёфасга, ўртадаги мамлакатларни Сомга ва жан.даги жойларни Ҳомга берган дейилади. Қадим замоннинг афсонавий қаҳрамони Афридун эса, Ер юзини шарқ — ғарб йўналишида тақсимлаб, уни ўғилларига белгилабди: шарқий ерларни Турга, ўртадаги жойларни Эражга ва ғарбий қисмни Салимга.

Абу Райҳон Берунийнинг «Геодезия» асарида қад. эронликлар Ерни 7 қисмга бўлиб, ҳар бир қисмни «кишвар» деб атаганликлари қайд этилган. Ерни 7 кишварга бўлиш сиёсий-географик услубга асосланган эди. Уларнинг тасаввурида 7 кишвар 7 доирада: 1 доира марказда, қолганлари унинг атрофида туташ жойлаштирилган. Марказий доира (тўртинчи кишвар)дан Ироқ,



Дунёнинг 7 кишварга бўлиниш схемаси (Беруний, «Геодезия»).

Етти иқлим схемаси



Форс, Жабал, Хуросон, Сижистон, Забулистон, Тохаристон ўлкалари ўрин олган.

Е. и. тушунчаси дастлаб юнон фанида вужудга келган, ўрта асрларда мусулмон Шарқи илм-фанида кенг тарқалган. Умуман, «иқлим» истилоҳи юнончча «клима»дан олинган ва ер юзининг қуёш нурларига нисбатан қиялиги деган маънони англатган. Беруний «Геодезия» асарида «Улар (юнонлар) одам яшайдиган ерни аниқроқ бўлган (кеча ва кундуз орасидаги) тафовутга мувофиқ бир-бирига (параллел) бўлган чизиқлар б-н 7 иқлимга бўлганлар. У чизиқлар Машриқда маъмур ерларнинг энг узоғидан тортиб Мағрибнинг охирига боради. Улар биринчи иқлимнинг ўртасидан бошлаб энг узуни 13 соат бўладиган ёз куни, иккинчи иқлимнинг ўртасини энг узуни 13 ярим соат бўладиган ёзнинг кунига илаштирдилар. Шундай қилиб, иқлимнинг ўртасини ярим соатдан ошириб бориб, энг узуни 16 соат бўладиган ёз кунига илаштирдилар», деб ёзади. Маълум бўладики, юнонлар Ерни астрономик услубда, яъни Қуёш нурининг Ерга қия тушиши асосида экватордан шим. томонга Е. и.га бўлганлар ва уларнинг чегаралари энг узун ёз куни ярим соатдан фарқ қиладиган жойдан ўтган. Шарқ геогр.сида юнон фанидаги «етти иқлим» тушунчаси қабул қилинган. Чунончи, юнонлар Е. и. га ернинг улар тушунчасидаги аҳоли яшайдиган обод қисмини (Шарқий ярим шарнинг шим. палласини) киритганлар ва уни «ойкумена» ёки «ойкумена» (юн. «ойкео» — обод қилмоқ) деб атаганлар. Шарқ геогр.сида мазкур тушунча арабча «маъмура» (обод жойлар) ёки «рубъи маскун» (Ернинг одамлар яшайдиган чораги) деган сўзлар б-н ифода этилди. Дунёнинг обод қисми, асосан, Е. и. доирасида жойлашган, деб тушунилган бўлса-да, унинг чегараларига бирмунча аниқликлар киритилди, мазмунан бойитилди. Мас., юнон олимлари Марин Тир ва Клавдий Птолемей ойкуменанинг чегараларини жан.да экватордан, шим.да 63° ш.к.гача деб белгиланган. Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий ҳам Е. и.нинг жан. чегарасини экватордан ҳисоблаган, лекин шим. ниҳоясини 48° ш.к.да ифодалаган.

Абу Райҳон Беруний ўз кузатишлари ва ҳисоб-китоблари асосида фандаги иқлимлар тўғрисидаги тафовутли фикрларга барҳам берди. Беруний Е. и.нинг жан. чегарасини 12° 39′ 5″ ш.к.дан ўтказди ва ундан экваторгача бўлган оралиқни «биринчи иқлимнинг нариёғидаги ерлар» деб атади. Кейинги иқлимларни шунга параллел равишда шим.га давом эттириб, еттинчи иқлимнинг шим. чегарасини 50° 24′ 34″ ш.к.гача етказди. Абу Райҳон Беруний Е. и. доирасидаги ерларни обод жойлар деб, Е. и.дан шим.даги ва биринчи иқлимдан жан.даги маълум ерларни ободонлиги нисбатан камроқ ерлар қаторига киритди.

Е. и. тушунчаси моҳиятидан Ер юзасини табиий-географик зоналарга бўлишнинг дастлабки энг оддий кўриниши бўлса-да, бироқ ундан анча фарқ қилади. Зеро ҳоз. табиат зоналарини аниқлашда рельеф, иқлим, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳам эътиборга олинади. Шунга қарамасдан Е. и. тушунчаси Шарқ геогр.сида 19-а.гача сақланиб келди.

Е. и.га бўлишнинг ўз даври учун бевосита илмий амалий аҳамияти бор эди. Қўлёзмаларда иқлимлар воситасида мамлакатлар, шаҳарлар ва б. турли жойларнинг географик ўрни ифодаланган. Шаҳар ва қишлоқлар рўйхати тузилган, кўпинча улар иқлимлар тартибида жойлаштирилган. Бундай жадваллар Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийнинг «Китоб сурат ал-арз» («Ер сурати»), Абу Райҳон Берунийнинг «Ал-Қонун ул Масъудий» («Маъсуд қонуни»), Улуғбекнинг «Зижи жадиди Кўрагоний» («Кўрагоний янги астрономик жадвали») асарларида мавжуд. Иқлим чизиқлари ёки кўрсаткичлари хариталарда ҳам белгиланган.

Омонулло Бўриев.

ЕТТИ ЙИЛЛИК МАКТАБ — тўлиқсиз ўрта маълумот берган 7 йиллик умумий таълим мактаби. Ўзбекистонда 1926/27 ўқув йилидан очила бошлаган (бунгача фақат рус мактаблари бўлган). 1928/29 ўқув йили Ўзбекистонда 107 Е.й.м. бўлиб (жумладан 47 рус мактаби) уларда 43 минг ўқувчи ўқиган. Бу мактабларни битириш 1930 й.дан бошланган. «Бошланғич ва ўрта мактаб тизими ҳақида»ги қарор (1934 й. 15 май) асосида умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич (1—4 синф), тўлиқсиз ўрта (1—7 синф) ва ўрта (1—10 синф) мактаб турларига ажратилган. Шунингдек, 1934/35 ўқув йилидан босқичма-босқич 7 й.лик мажбурий политехника таълими ҳам жорий қилинган. 1934/35 ўқув йилидан йирик шаҳарларда, 1937/38 ўқув йилидан қишлоқ жойларда амалга оширилган. Е.й.м.ларни тугатганлар умумий ўрта маълумот олиш ёки ўрта махсус ҳамда ҳунар-техника ўқув юртларида ўқишни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлганлар. 1958 й.дан 8 й.лик умумий мажбурий таълим жорий қилиниши муносабати б-н Е.й.м.лар *саккиз йиллик мактаб*ларга айлантирилган.

ЕТТИ ЙИЛЛИК УРУШ (1756—63) — Австрия, Франция, Россия, Испания, Саксония ва Швеция б-н Пруссия, Буюк Британия, Португалия ўртасида бўлган уруш. Англия ва Франциянинг ўзга ҳудуллар учун кураши ҳамда Пруссия сиёсий манфаатларининг Австрия, Франция ва Россия манфаатлари б-н тўқнашуви туфайли келиб чиққан. 1761 й.да Пруссия ҳалокат ёқасида эди, аммо янги рус шоҳи Пётр III у б-н сулҳ тузган (1762) (Екатерина II уни бекор қилган, бироқ урушни давом эттирмаган). Шиддатли курашлар мустамлакаларда ва денгизда ҳам содир бўлган. Пруссия Губертусбург сулҳи (1763) га асосан, Австрия ва Саксония б-н Силезияни ўзига қўшиб олган. Париж тинчлик битими (1763) га асосан, Франциядан Буюк Британияга Канада, Шарқий Луизиана, французларнинг Ҳиндистондаги мулкларининг кўпгина қисми ўтган. Е.й.у.нинг асосий натижаси — Буюк Британиянинг Франция устидан мустамлака ва савдо соҳасидаги кураша қозонган ғалабаси бўлган.

ЕТТИ МЎЪЖИЗА — қад. дунёда машҳур бўлган меъморлик ва ҳайкалтарошлик обидалари. Улканлиги, катта маҳорат б-н яратилгани, жозибадорлиги туфайли асрлар мобайнида «Дунёнинг етти мўъжизаси» ҳисобланган: 1) *Миср эҳромлари* — йўниб тайёрланган катта тошлардан пирамида шаклида қурилган қад. миср фиръавнларининг мақбаралари (мил. ав. 2—3-минг йилликлар). Уларнинг энг йириги — Хеопс эҳроми (бал. 146,6 м, асоси 233×233 м)нинг ҳар бири 2,5 т лик 2300000 блок б-н (баъзи қисмларида 30 т лик блоклар ҳам бор) 30 й. мобайнида қурилган, гўрхонадан ташқари икки қаватли ибодатхонаси ҳам бор; 2) «Семирамида осма боғлари» — Оссурия маликаси Семирамида (Шаммурамат) *Бобил*да махсус иншоотлар қурдириб бунёд этган (мил. ав. 6-а.); 3) Родос о.даги Артемида ибодатхонаси (тахм. мил. ав. 550 й.); 4) *Зевс*нинг Юнонистоннинг Олимпия ш.ларидаги улкан ҳайкали (тахм. мил. ав. 430 й., ҳайкалтарош *Фидий* олтин ва фил суягидан ишлаган); 5) Родос о. кўрфазидаги юнонларнинг қуёш маъбуди Гелиос ҳайкали (тахм. мил. ав. 292—280 й., ҳайкалтарош Харос мисдан ишлаган); 6) Кария шоҳи Мавсол (*мавзолей* унинг номидан) ўзи учун қурган Галикарнас (ҳоз. Туркия ҳудуди)даги мақбара — монумент (тахм. мил. ав. 377—352 й.); 7) *Искандария* (Александрия) ш.даги улкан маёқ (тахм. мил. ав. 280 й., меъмори Сострат). Е.м. дан фақат Миср эҳромлари деярли бутун ҳолда сақланган, баъзилари (Артемида ибодатхонаси, Галикарнасдаги Мавсол мақбараси)нинг айрим бўлакларидангина қолганлари қад. ёзма манбалардангина маълум.

«ЕТТИ ЭРКИН САНЪАТ» (лот. «septem artes liberales») — ўрта асрлар мактабларида ва ун-тларнинг «артистик» (тайёрлов) ф-тларида ўргатиладиган ўқув фанлари. 2 босқич — тривиум (грамматика, риторика, диалектика) ва квадривиум (арифметика, геом., астрономия, мусиқа)дан иборат бўлган. «Е.э.с.» антик даврдаёқ шаклланган. Ўрта асрлар даврида диннинг ҳукмронлиги ортиши ва маданиятнинг инқирози сабабли қад. давр олимлари томонидан илмнинг бу соҳаларига қўшилган бой мазмун диний мақсадда фойдаланиладиган оддий маълумотларнинг чекланган миқдоридан иборат қилиб қўйилди. Уйғониш даврида и.ч. эҳтиёжлари ортиши туфайли таълимнинг мазмуни ўзгарди. «Е.э.с»нинг дунёвий шакли тикланди. «Е.э.с» тизими ўрнини астасекин мумтоз *гимназия*лар тизими эгаллади.

ЕТТИБЎҒИМ (Aegilops cylindrica) — бугдойдошлар (бошоқдошлар) оиласига мансуб бир йиллик ўт. Пояси туксиз, бўғимларидан эгилган. Барги дағал, туксиз ёки сийрак тукли. Бошоғи цилиндрсимон, уз. 7—12 см. Бошоқчалари 7—12 та, бошоқпояга биттадан жойлашган. Май—июнда гуллаб, уруғ беради. Ўзбекистоннинг чўл ва адир зоналаридаги бўз тупроқда кўп ўсади, экин майдонларининг чеккаларида ҳам учрайди. Бошоқлагунча моллар яхши ейди.

ЕТТИСОЙ БОТИҒИ — *Мирзачўл*даги ботиқ. Гулистон ва Янгиер ш.лари оралиғидаги т.й.дан 10—12 км шарқ (Дарвозақум)дан бошланиб, жан.-шарқдан шим.-ғарбга йўналган. Мирзачўлнинг марказидаги Сардоба ботиғига бориб туташади. Иккала ботиқ ўртасида Каттта Шуйбек сувайирғичи мавжуд. Уз. 45 км, энг кенг жойи 10—13 км. Е.б. ўзансимон берк ботиқ бўлиб, шим.-шарқда Сирдарёнинг аллювиал, жан.да Туркистон тизма тоғларидан оқиб келувчи сой ва кичик дарёларнинг аллювиал-пролювиал ётқизиқларининг тўпланишидан вужудга келган. Тубида дўнгликлар, марзалар (бал. 2—5 м) ва пастқамликлар (чуқ. 1—5 м) мавжуд. Е.б. 30 м қалинликкача асосан қумлоқ ва қумоқ ётқизиқлардан ташкил топган. Тупроғи асосан, қатқалоқ ва пўрсилдоқ шўрхоклардан иборат, баландроқ дўнг ва марзаларда шўртоб оч бўз тупроқ, пастқамликларда ботқоқли шўрхоклар учрайди. Е.б. га жан.дан ва шим.дан суғориладиган ерлардан грунт сувларининг оқими йўналган. Рельефнинг ўйдим-чуқурлиги ва шўрхокларнинг кенг тарқалганлиги туфайли Е.б. нинг ерлари суғориш учун яроқсиз.

ЕТТИСУВ (қозоқча Жетису) — Қозоғистоннинг жан.-шарқий қисми. Шим. да Балхаш кўли, шим.-шарқда Сасиққўл ва Олакўл, жан.-шарқда Жунғария Олатови тизмаси, жан.да Шим. Тяньшан тизма тоғлари ҳамда ғарбда Чу-Или тоғлари б-н чегараланган. Е. атамаси Балхаш кўлига қуйиладиган 7

дарё (Или, Қоратол, Биён, Оқсув, Лепса, Баскон, Сарканд)дан олинган. Е.нинг шим.-ғарбий ва шим. текислик қисми Товқум, Сариэшикўтров, Луққум, Ёмонқум каби қумли ва қисман шўрхок чўллардан иборат. Шувоқ-шўра, саксовулзор ва бутазорлар, дарё бўйларида тўқайлар, жан.-шарқида 2000 м гача баландликда баргли ўрмонлар, юқорирокда қарағайзор ва альп ҳамда субальп ўтлоқлари бор.

Тарихий манбаларда Е.деганда анча катта ҳудуд (Чу дарёси водийси б–н бирга) тушунилган. Е. — Марказий Осиё маданиятининг қад. марказларидан бири. Е.да *саклар,* кейинчалик *усунлар* яшаган. Мил. 6-а. охирларида Е.да Ғарбий Турк хоқонлиги, кейинчалик туркашлар (8-а.нинг ўрталаригача) ва қарлуқлар (766—940) ҳукмронлик қилишган. Е.ни 10-а.нинг ўрталаридан *Қорахонийлар,* 12-а.нинг 30-й.ларидан *Қорахитойлар* бошқарган. Мўғуллар босқинчилиги даври (1219—21)да Е.нинг деҳқончилик воҳалари ва шаҳарлари қаттиқ зарар кўрган. 16-а.да Е.да қозоқларнинг *Катта жузи* ташкил топган. 19-а.нинг ўрталарида Россия томонидан босиб олинган.

ЕТТИУРУҒ — ўзбек-қипчоқлар таркибидаги йирик уруғлар гуруҳи. Асосан, Зарафшон дарёсининг ўрта оқимида, қисман Тошкент воҳасида яшаган. Е. қозоқ ва қирғизлар таркибида ҳам бор. Е. ойтамғали, қўштамғали, сирғали, қамчили, жувонли, саманотли, чўмичли уруғларидан иборат бўлган. Е. таркибидаги бу уруғ номлари ўзбекларнинг бошқа йирик қабилалари таркибида ҳам учрайди. Мас., ойтамғали *қўнғирот, дўрмон, қурама*да; қўштамғали-*найман, юз,* Сурхондарё вилоятида яшовчи чағатой ва б. қабилаларда. Е. ўзбек халқи таркибига сингиб кетган.

ЕТТИХЎЖА ҚЎЗҒОЛОНИ — *Қашқар*да Офоқхўжа авлодларидан еттита хўжа (Каттахонтўра, Кичикхонтўра, Валихонтўра, Таваккалхонтўра ва б.) раҳбарлигида *манжур* ҳокимларининг зулмига қарши кўтарилган қўзғолон (1846—47). Бу қўзғолонга Тангритоғ қирғизлари ҳам қатнашган. Ғалаёнчилар 30 кунлик жангдан сўнг 1846 й.нинг кузида Қашқар ш.ни эгаллаб, мустақил ҳокимият ўрнатдилар. Каттахонтўра Қашқар ҳокими деб эълон қилинди. Хўжалар Қашқарда Қўқон хонлигининг идора тартибини қўлладилар, катта лавозимларга Қўқондан келган шахсларни тайинладилар. Айрим бекларнинг мол-мулки мусодара қилинган. Бу ҳол қўзғолоннинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Янги ҳокимиятни Ёркент, Хўтан вилоятлари қўллаб-қувватламади. Бундан фойдаланган манжур қўшинлари хўжалар устидан осонлик б-н ғалаба қозонди (1847). Хўжалар б-н Қўқонга қочган 20 минг кишининг кўпчилиги Тирак довони (Қашқар — Ўш йўли) дан ўтишда совуқдан ҳалок бўлди.

Ад.: Валиханов Ч. Ч., Собр. соч. [в 5-ти т.], т.2, Алма-Ата, 1962.

ЕТТИШАҲАР УЙҒУР ДАВЛАТИ — Хитойдаги Манжур империясига қарши миллий озодлик кураши даврида Шарқий Туркистонда вужудга келган давлат (1864—78). Унинг ҳудуди ҳоз. Шинжонг Уйғур Мухтор Ўлкасининг Қулжа (Или султонлиги), Олтой, Чугучак вилоятларидан ташқари 7 шаҳарни (Қашқар, Ёркент, Хўтан, Кучар, Оқсу, Қорашаҳар, Турфан) ўз ичига олганлигидан мазкур мамлакат Е.у.д. деб номланган.

1864 й. мустақиллик учун Манжур империясига қарши халқ кўзғолонлари бошланиб кетган. Қашқарда Сиддиқбек бошчилигидаги кўзғолончилар *Қўқон хонлиги*дан Ёркент хонлигининг тахт ворисларидан бирини юборишни сўрайди. *Алимқул* собиқ Ёркент хони Бурҳониддин хожанинг набираси Жаҳонгир хожанинг ўғли Бузрук хожани ва унга *Ёқуббек* қушбегини ҳарбий маслаҳатчи қилиб тайинлаб, 50 га яқин одамни Қашқарга жўнатади. Бузрук хожа 1865 й. янв.да Қашқарга етиб келиши б–н ўзини хон деб эълон қилади. Аммо Бузрук хожанинг қобилиятсизлигидан фойдаланиб, аста-секин ҳокимиятни ўз қўлига олади. У бошда Бузрук хожа номидан иш юритиб, Ёркент, Хўтан, Кучар хонликларини бирлаштиради. 1870 й. Урумчи хонлиги қўшилиб, Е. у. д. яна ҳам кенгаяди. Мустақилликка эришгандан сўнг мазкур давлатда халқларнинг иқтисодий аҳволи юксалиб, савдо-тижорат ривожланди. Эски тарихий обидалар таъмирланиб, янги бинолар, карвонсаройлар, ҳарбий иншоотлар қурилади. 1877 й. Урумчи вилоятини эгаллаган манжурлар катта қўшин б–н уруш бошлайди. Ёқуббек русларнинг орқа томондан ҳужум қилиб қолишидан ташвишланиб бир қисм кучни Қашқар атрофида қолдириб, Қорашаҳарга келиб, қўшинга қўмондонлик қилади. Аммо у кўп ўтмасдан хоинлар томонидан заҳар берилиб ўлдирилади. Ёқуббекнинг катта ўғли Бекқулибек хоин Ниёзбек қўшинларини тор-мор қилиб, Ҳокимхон тўра қўшинларига зарба берган бўлса-да, манжурларни бутунлай енголмайди. 1878 й. Е. у. д. тугатилади.

Ад.: Ходжаев А., Цинская империя, Джунгария и Восточный Туркестан, М., 1979; Исиев Д. А., Уйгурское государство Йэттишар, М., 1981.

Абдуҳолиқ Айтбоев.

ЕТТИҚАШҚА — ўзбек-қипчоқлар таркибидаги уруғлардан бири. 16—17-а.ларда Жан. Қозоғистон (Қулон ва Қарқара) да яшаган. 18-а. бошида қалмоқлар ҳужуми натижасида Е.нинг катта қисми бошқа қипчоқ уруғлари б-н бирга Сирдарёнинг юқори оқимига, дастлаб Тошкент воҳасига, сўнг Фарғона водийсига кўчиб, тоғ этакларида яшаган. Е.нинг бир қисми эса ҳоз. Қирғизистон (Иссиққўл бўйи) га ўрнашди ва кейинчалик қирғизлар таркибига қўшилиб кетди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаган Е. ўзбеклар таркибига сингиб кетган.

ЕФРЕЙТОР (нем. Gefreiter) — ҳарбий қисмлардаги энг кичик унвон. Рус армиясида Пётр I томонидан 1716 й.да жорий этилган. Ўзбекистон Қуролли Кучларида Е. ҳарбий унвони йўқ.

ЕФРЕМОВ Филипп Сергеевич (1750, Вятка — 1811 й.дан сўнг вафот этган) — рус сайёҳи, Ўрта Осиё, Тибет ва Ҳиндистон бўйлаб саёҳат қилган. Оренбург чегара р-нида хизмат қилаётганида (1774) қозоқлар асирга олиб, Бухорога келтирилган. У Бухоро оталиғи Дониёлбий қўлида хизмат қилган. Кейинчалик ўнбоши, элликбоши, юзбоши қилиб тайинланган. Оталиқнинг Самарқанд, Хива ва Эрон юришларида қатнашган. Кейинроқ Қўқон хонлигига қочиб ўтган. У ердан Қашқар, Тибет, Кашмир орқали Ҳиндистонга борган. Инглизлар кемасида Калькуттадан Америка жан. орқали Англияга, у ердан 1782 й.да Санкт-Петербургга қайтиб борган. Кейинчалик Кавказ, Украина ва Ғарбий Сибирдаги божхоналарда ишлаган. Е. Ўрта Осиё, Тибет ва Ҳиндистон мамлакатларининг сиёсий тузуми, табиати, ҳарбий қудрати, аҳолиси, урф-одатлари ва ҳаётига оид саёҳатнома ёзиб [«Тўққиз йиллик саёҳат (1774—1782)»] 1786 й. Петербургда нашр эттирди. Унда кўплаб форс ва ўзбек сўзларига изоҳ берган.

Ас.: Девятилетнее странствование, 5 изд. [под. ред. Э. Мурзаева], М., 1952.
Ад.: Ҳасанов Ҳ., Хофизи Абру, Ҳайдар Мирза, Филипп Ефремов, Т., 1964.

ЕФРЕМОВА Клавдия Григорьевна (1916.7.11, Перовск, ҳоз. Қизилўрда — 2000.12.7, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (1959). Қирғизистонда хизмат кўрсатган артист (1943). 1936—41 й.ларда Қирғизистон ёш томошабинлар театрида, 1941—43 й.ларда Пржевальск театрида, 1943—47 ва



К. Ефремова Алина ролида («Қашшоқ қалб эгаси»).

1951—52 й.ларда Фрунзе (ҳоз. Бишкек) драма театрида, 1952—2000 й.лар Ўзбекистон академик рус драма театрида актриса. Лирик-драматик роллар ижрочиси. Образлари таъсирчан, содда ва самимийлиги б-н ажралиб туради. Энг яхши роллари: Марта («Балиқчининг ўғли»), Люся, Таня, Валя («Саргардонлик йиллари», «Таня», «Иркутск воқеаси»), Холисхон («Паранжи сирлари»), Чжоу Фань-и («Тайфун»), Алина («Қашшоқ қалб эгаси»), Кольцова («Фавқулодда элчи»), Элейн Бендшаль («Қонли сароб»), Мария («Мария»), Матица («Учовлон») ва б.

ЕХИДНАЛАР (Tachyglossidae) — тухум қўйиб кўпаювчи сут эмизувчилар тур-



Ехидна.

кумининг бир оиласи. Калта тумшуқ ва узун тумшуқ Е. уруғига бўлинади. Биринчи уруғнинг 2, иккинчисининг эса 3 тури бор. Улар орасида Австралия калта тумшуқ ехиднаси анча кенг тарқалган. Танаси катта, уз. 50 см гача, усти учли ниналар б-н қопланган. Оёқлари калта ва йўғон, тирноқлари бақувват, ер ковлашга мослашган. Думи жуда калта. Жағи мугуз тумшуққа айланган, тили узун, чувалчангсимон, тиши йўқ. Ургочисида ҳақиқий бачадон бўлмайди. 2 та тухумдонининг тухум йўллари клоакага очилади, одатда битта тухум қўяди, бола очиб чиққунигача тухумини қорин халтачасида олиб юради. Шарқий Австралия, Янги Гвинея ва Тасманияда яшайди. Е. чумолилар, термитлар, чувалчанглар ва б. б-н озиқланади. Тунда ҳаёт кечиради.

ЕХИДНАЛАР, ёвуз илонлар, баттол илонлар (Psedechis) — аспидлар оиласига мансуб заҳарли илонлар уруғи. Танасининг уз. 3 м гача, тухумдан тирик туғади. Асосан майда умуртқали ҳайвонлар б-н озиқланади. 4 (ёки 5) тури бор. 2 тури Янги Гвинеяда, қолганлари Австралияда тарқалган. Е. заҳари организм оқсилларини ивитиш хусусиятига эга. Заҳарли қора Е. (P. Prophyriacus) кўпроқ маълум.

ЕЧИМ — бадиий асар каҳрамонлари ўртасидаги қарама-қаршиликнинг ҳал этилиши. Е. бадиий асарнинг муқаддимасида ҳам, ўртасида ҳам, хотимасида ҳам келиши мумкин. Лекин хотима ёки муқаддимадан кескин фарқ қилади, яъни асар воқеаларининг таркибий қисмини ташкил этади — асосий воқеалар б-н бевосита боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, асарнинг «тугуни», албатта, муайян Е.ни талаб қилади. Е. воқеаларнинг энг юқори нуқтасидан сўнг бошланади. Мас., «Ўтган кунлар» (Абдулла Қодирий) романида Кумушбибининг ўлими — асар ечимидир. Отабекнинг ўлими эса романнинг хотимаси, холос. Чунки, Отабекнинг ўлими асардаги асосий воқеаларга узвий боғлиқ бўлмай, ўқувчига шунчаки ахборот бериш учун хизмат қилади. Детектив йўналишидаги асарларда Е. ҳатто муқаддима ўрнида келиши мумкин (мас., Ўлмас Умарбековнинг «Ёз ёмғири» асари). Е. баъзан асарда бевосита акс эттирилмасдан, китобхон ҳукмига ҳавола этилади. Е. муаллифнинг бадиий мақсадини рўёбга чиқарадиган самарали воситалардан бири ҳисобланади.

ЕШЧАНОВ Турсунбой Бойжанович (1940.5.5, Кегайли тумани) — терапевт, Ўзбекистон ФА акад. (1995), Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1984), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими (1994). Тиббиёт фанлари д-ри (1984). СамТИни тугатган (1965). Ўзбекистон дерматология ва венерология и.т. институти Қорақалпоғистон филиали (1972—85), Қорақалпоғистон Клиник ва экспериментал тиббиёт и.т. институти директори (1987—90; 1998 й.дан), Қорақалпоғистон соғлиқни сақлаш вазири (1990—97), 1997 й.дан Ўзбекистон ФА вице президенти, академиянинг Қорақалпоғистон бўлими Президиуми раиси, Қорақалпоғистон давлат ун-ти фармакология, клиник фармакология ва патологик физиология кафедраси мудири. Е.нинг илмий асарлари аллергик касалликларнинг этиологияси, эпидемиологияси, клиникаси ва давосига бағишланган.



Ё

Ё — ўзбек-кирилл алифбосининг еттинчи ҳарфи. Ўзбек адабий тилида ёлашган унли бўлиб, «й» ва «о» товушлари бирикмасини ифодалайди. Сўз бошида (ён — йон, ёш — йош ва б.), ўртасида (таёқ — тайоқ, оёқ — ойоқ ва б.) ва охирида (дарё — дарйо, қиё — қийо ва б.) келади. Авесто, Урхун-Енисей, суғд ёзув ёдгорликларида, лотин, араб графикаси асосидаги алифболарда учрамайди.

Ёзув тури	*Белги*	*Сана*
Авесто	—	*Мил. ав. 6 – 4 - а*
Урхун - Енисей ёзуви	—	*5 – 8 - а*
Туркий (уйғур) ёзув	ځ	*8 – 13 - а*
Суғд ёзуви	—	*Мил. ав. 1 - минг й. охири – 13 - а*
Араб ёзуви	—	*13 - а – 1929 й.*
Лотин ёзуви	—	*1929 – 1939 й.*
Кирилл ёзуви	Ё	*1940 – 1995 й.*
Лотин ёзуви	—	*1995 й. дан*

ЁБУ, Жобу — ўзбек уруғи. Ё. қозоқлар таркибида ҳам бўлган, тарқоқ ҳолда Зарафшоннинг ўрта ва қуйи оқими (Пайариқ, Пастдарғом, Каттақўрғон, Нарпай, Ғиждувон) да Қарши чўлида яшаган. Чорвачилик ҳамда деҳқончилик б-н шуғулланишган. Ё. авлодлари ўзбек халқи таркибига сингиб кетган.

ЁВАР (форс.) — *Кўқон хонлиги*да юз жангчидан иборат тўпчи қисм қўмондони. Ушбу ҳарбий унвон эгаси хирождан озод этилган.

ЁВВОЙИ МУШУК (Felis manul) — йиртқичлар туркумига мансуб ҳайвон (қ. *Манул*).

ЁВВОЙИ НАША (Cannabis ruderalis Janisch.) — тутдошларга мансуб бир йиллик бегона ўт. Пояси тик ўсади, қобирғали, сершох, бўйи 60—150 см. Асосидаги барглари қарама-қарши, юқоридагилари кетма-кет жойлашган, бармоқсимон кесикли. Эркак гуллари юқори шодаларида, уруғочи гуллари юқоридаги барг қўлтиқларида жойлашади. Меваси ёнғоқча, июнь—сент.да гуллаб мевалайди. Уруғидан кўпаяди. Бир тупи 2000 тагача уруғ беради. Уруғлари майда, 2—3° т-рада униб чиқади. Ниҳоллари апр.да кўкаради. Европа, Осиё, шу жумладан, Ўрта Осиёда тарқалган. Суғориладиган экинлар орасида ўсади. Шунингдек, йўл ёқалари, дала уватлари, боғлар, ташландиқ ерларда учрайди. Ўрилгандан кейин тез ўсади. Кўпгина зараркунандаларга макон.

Кураш чоралари: чуқур кузги шудгор; экишгача тупроққа ишлов бериш.

ЁВВОЙИ ОЛМА — *олма* авлодига мансуб ёввойи ҳолда ўсадиган олма турлари. Боғдорчиликда уруғидан пайвандтаг ва янги навларни чиқаришда селекцион материал сифатида фойдаланилади, мевасидан повидло, жем каби маҳсулотлар тайёрланади. Ўзбекистонда 10 тури учрайди. Ё.о.нинг турлари, асосан, Тошкент вилояти (Бўстонлиқ, Паркент, Оҳангарон туманлари)нинг тоғли зоналарида тарқалган. Асосий турлари: Ўрмон олмаси (M.silvestril Mill.) — унинг жуда кўп тур хиллари ва шакллари бор. Европа ўрмонларида тарқалган. Дарахти кам бачки чиқарадиган узун танали. Қурғоқчиликка ва совуққа чидамли, энг яхши пайвандтаг ҳисобланади. Олхўри баргли олма — китайка (M.prunifolia Borkh.) — Сибирь, Узоқ Шарқ, Қозоғистон, Қиргизистонда ўсади. Совуққа чидамли. Бал. 10 м, илдизлари бақувват, меваси майда, қизғиш-сариқ ёки қизил. Паст бўйли олма (M. pumila Mill.) — Европа, Кавказ, Қрим, Ўрта Осиёда тарқалган. Паст бўйли дарахтининг новдалари тукли ва илдизи бақувват, бир неча тур-хиллари бор. Иссиқсевар, бу турга дусен ва парадизка киради. Парадизка, райка (M.paralisiaca Schn.) — пакана бутасимон дарахт. Бал. 2 м, совуққа чидамсиз. Пакана пайвандтаг сифатида экилади. Шарқ ёки Кавказ олмаси (M.orientalis Uglitz.) — Кавказда, Қрим ва Ўрта Осиёнинг тоғли минтақаларида ўсади. Совуққа чидамсиз, қурғоқчиликка чидамли. Маҳаллий Кавказ навлари богдорчиликда ўстириб маданийлаштирилган. Сиверс олмаси (M.Siversii) — ёввойи ҳолда Ўрта Осиё тоғларида ўсади. Совуққа чидамлилиги ўртача, вегетатив кўпайиш хусусиятига эга. Ўрта Осиё боғларидаги олмаларнинг асосий пайвандтаги. Туркман олмаси (M.turkmenorum Jus et.pop.) — Копетдоғ тоғларида ўсади. Бўйи 3—5 м, илдиз бачкилари кўп бўлгани учун тез кўпаяди, тупи кичикроқ. Меваси ўртача йирик, оч яшилжигарранг (баъзан қизғиш), иссиққа чиламли. Ер ости суви юза жойларда яхши ўсади. Туркистонда «бабоараб олмаси», Хоразмда «хазорасп» ёки «хоразм олмаси» номи б-н машҳур. Қизил олма ёки Недзеведский олмаси (M.Niedzwetskiana Duck.) — Тянь-Шанда ва Ўрта Осиёда экма ҳолда учрайди. Ёввойи турлари, асосан, Тошкент вилояти тоғларида кўп. Айрим турлари манзарали ўсимлик сифатида экилади.

19-а.нинг охирига қадар Ўзбекистонда Ё.о.нинг тур-хиллари экиб келинган. 19-а.нинг охири — 20-а.нинг 20-й.ларидан чет элларда чиқарилган маданий навлар тарқала бошлади.

Султон Холмазаров.

ЁВВОЙИ ПИЁЗ — қ. *Пиёзи анзур.*

ЁВВОЙИ ТАБИАТНИНГ УМУМЖАҲОН ФОНДИ — ёввойи ҳайвонлар ва табиий жамоаларни муҳофаза қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун давлатлар, ташкилотлар ва хусусий шахслардан маблағ йиғиш мақсадида тузилган нодавлат ташкилот. 1961 й.да таъсис этилган. ЮНЕСКО, ФАО Табиатни муҳофаза қилиш халқаро ташкилоти ва б. ташкилотлар б-н ҳамкорликда ишлайди. Ташкилот ҳар хил ташкилий ишлар (асосан ривожланаётган мамлакатларда) — ноёб ва йўқолиб бораётган ҳайвонлар турларини ўрганиш бўйича илмий экспедициялар ва муҳофаза қилишга мўлжалланган янги жойлар ташкил этиш мақсадида ерни ижарага олиш, миллий боғлар, қўриқхоналар ва б. учун транспорт, алоқа воситалари ва б.ни сотиб олиш б-н шуғулланади. Жумладан фонднинг маблағи ва бевосита кўмаги б-н Кото-Доньян миллий боғидаги (Испания) энг сўнгги қиронқора бургутлар сақлаб қолинди. Фонд денгиз қўриқхоналарини ташкил этиш, ўлардаги экосистемалар ва айрим турларни ўрганишга кўмаклашади. Фонд «World Wildlite» («Дунё ёввойи ҳайвонлари») йиллик журнали ва ВВФ — янгиликлар (WWT—news) газ.ни нашр қилади; китоблар, плакатлар чоп этади. Дунё табиатини муҳофаза қилиш б-н шуғулланадиган шахсларни рағбатлантириш мақсадида олтин медаль таъсис этилган. Фонд штаб-квартираси Глан ш. (Швейцария)да, 30 дан ортиқ мамлакатларда унинг бўлимлари бор.

ЁВВОЙИ ТОК — *ток*симонлар оиласининг ҳар хил туркумларига мансуб чирмашиб ўсувчи ёввойи турлар (ёғочсимон лианалар); 1) уруғочи ток туркуми (Parthenocissus) — гули икки жинсли ёки соҳта икки жинсли (тугунчаси ривожланмаган, чангчилари пуштсиз), меваси майда, қора, 1—3 дона уруғли. Новдадаги учки жингалаклари кенгайган доирасимон бўлганидан ўсимлик, тош, девор ва б.га чирмашиб ўсади. Шим. Америка ва Осиёда 15 тури бор. Узоқ Шарқда уч қиррали уруғочи ток (P. trucuspidata) ўсади, 5 тожбаргли тури (P. quinquefolia) ва боғ ёввойи токи (P. inserta) турлари манзарали ўсимлик сифатида истироҳат боғларида ўстирилади. Бу турларнинг мураккаб панжасимон барглари кузда қизил рангга киради, қурғоқчилик, 40° иссиққа ва 30° совуққа, филлоксера зараркунандасига ва замбуруғли касалликларга чидамли; 2) чин ёввойи ток ёки ампелопсис (Ampelopsis) — гули турли жинсли, бир уйли, гултожбарги бешта, баъзан тўртта. Мевалари майда, ейишга яроқсиз, оқ, кўкимтир ёки тўқ сариқ. 2—4 та уруғи бор. Асосан Шим. Америка ва Осиёда 20 га яқин тури учрайди. Узоқ Шарқда 3 тури, Тожикистон тоғларида 1 тури ўсади. Тожикистонда ўсадиган қисқа гулбандли (A. brevipedunculata) тури чирмашиб ўсувчи манзарали ўсимлик сифатида маданийлаштирилган; 3) Vitis токининг ёввойи турлари — гуллари турли жинсли, икки уйли, аҳёнда икки жинсли, гули очилганда қалпоқчасимон кўринишдаги гулкосаси тўкилиб тушади. Мевалари майда, қора. Осиё ва Европада тарқалган. 7 тури учрайди. Ўрта Осиёда Копетдоғда ўсади. Ёввойи ўрмон токи (V. silvestris) маданий ток (V. vinifera)га жуда яқин (ундан бир жинсли, икки уйли гуллари б-н фарқ қилади), совуққа ва қурғоқчиликка чидамли. Ёввойи амур токи (V. amurensis) совуққа ниҳоятда чидамли, селекция ишларида маданий ток навлари учун пайвандтак сифатида ҳамда дурагайлашда фойдаланилади.

Жамолиддин Файзиев.

ЁВВОЙИ ТУНЛАМ, жануб тунлами [Euxoa conspicua Hp. (Oria musculosa Hb.)] — тунламлар оиласига мансуб капалак. Қаноти ёйилганда 25—38 мм. Олдинги қанотлари тўқ-кулранггидан жигарранггача бўлиб, ўртасидан оч тусли йўллар ўтади, буйраксимон ҳамда думалоқ доғлари бор. Кейинги қанотлари очрангда. Тухуми оч-сариқ. Қуртлари 30 мм ча, ним яшил товланувчи тупроқранг, кулранг. Устидан бўйлама иккита қорамтир йўл ўтган. Ғумбаги қизғиш жигарранг. Шаклланган қурти тухум ҳолида қишлайди. Суткалик ўртача ҳарорат 6—8° бўлганда қуртлари чиқа бошлайди. Тупроқнинг 5—10 см чуқурлигида ғумбакка айланади. Ғумбаклик даври 20—24 кун. Июнда учиб чиққан капалаклари бир ой ўтгач (июлда) ёзги диапаузани кечиради ва ўртача ҳарорат 18—20° бўлганда ҳаракатга киради. Уруғочилари тухумини тўп-тўп қилиб (8—130 тагача) озиқланадиган ўсимлиги яқинидаги тупроққа қўяди (ҳаммаси бўлиб 100—350 гача). Йилда битта авлод ривожланади. Ўрта Осиё, Қозоғистон ва б. жойларда тарқалган. Ғўза, бугдой, жавдар, арпа, маккажўхори, беда, суданўт, оқ жўхори ва б. экинларга зарар келтиради.

Кураш чоралари: бошоқли беғона ўтларни йўқотиш; ангизни чуқур ҳайдаш, алмашлаб экишда бошоқли ларни кетма-кет экмаслик; экинларга хлорофоснинг 80% ли ҳ.к. (1,5—1,8 кг/га)ни пуркаш ёки пестицидлар дустларини чангитиш; зарарланган далаларга *трихограмма* тарқатиш.

ЁВВОЙИ ЧЎЧҚАЛАР, қобонлар (Sus) — чўчқалар уруғи (қ. *Тўнғизлар*).

ЁВВОЙИ ЭЧКИЛАР (Capra) — қувушшохлилар оиласига мансуб жуфт туёқли ҳайвонларнинг бир уруғи. Кўйлар уруғи б-н биргаликда эчкисимонлар кенжа оиласи (Capravinae)ни ташкил этади. Тузилиши ва яшаш мухити жиҳатдан кўйларга ўхшайди, лекин улардан соқоли ва такаларининг думи устида сассиқ ҳидли секрет чиқарадиган тери безлари борлиги, туёқ ораси ва кўзолди безлари йўқлиги, манглайи кенглиги, думининг калталиги ҳамда думи остида юнг бўлмаслиги б-н фарқ қилади. Такасининг шохи йирик, шакли ва тузилиши хилма-хил. Уруғочиларининг шохи кичик ва деярли бир хил. Юнги дағал қилдан ва қалин тивитдан иборат. Шим.-Ғарбий Африка, Европа ва Осиё тоғларида 8 тури тарқалган. Денгиз сатҳидан 5,5 минг м баландликкача кўтарилади. Бўғозлик даври 5 ой. Май—июнда 2 та бола туғади. Боласи 2 ёшда вояга етади. Гўшти ва териси учун овланади. Қўлга тез ўрганиб, урчийди. Ўсимликлар б-н озиқланади.



Бурама шохли эчки.

Ё. э. шохларининг тузилишига кўра 3 гуруҳга бўлинади: 1-гуруҳга уч қиррали ва камалаксимон шохли эчкилар киради. Бу гуруҳга Жан. Сибирь, Марказий Осиё тоғларида яшайдиган тоғ такалари (Capra sibirica), Альп тоғларида яшайдиган альп эчкилари (Capra severtzovi) киради. 2-гуруҳга ясси шохли эчкилар, яъни Ўзбекистон, Тожикистон ва Афғонистон тоғларида учрайдиган морхўр (Capra falconeri), Жан. Осиё, Кичик Осиё, Кавказ, Туркманистон тоғларида яшайдиган безоар эчки ёки тоғ кийиги (Capra aegagrus) кабилар киради. 3-гуруҳга спиралсимон бурама шохли эчкилар — Катта Кавказ тоғларининг шарқий қисмида яшайдиган доғистон турлари (Capra cylindricornis), Периней ярим оролидаги тоғларда тарқалган испан эчкилари (Capra pyrenaica) киради.

ЁВВОЙИ ЎРДАК, қизил бўйин ўрдак (Anos platyrhynchus) — ўрдаксимонлар оиласига мансуб жуфт туёқли ҳайвонларнинг бир уруғи. Кўйлар уруғи б-н биргаликда эчкисимонлар кенжа оиласи (Caprinae)ни ташкил этади. Тузилиши ва яшаш мухити жиҳатдан кўйларга ўхшайди, лекин улардан соқоли ва такаларининг думи устида сассиқ ҳидли секрет чиқарадиган тери безлари борлиги, туёқ ораси ва кўзолди безлари йўқлиги, манглайи кенглиги, думининг калталиги ҳамда думи остида юнг бўлмаслиги б-н фарқ қилади. Такасининг шохи йирик, шакли ва тузилиши хилма-хил. Уруғочиларининг шохи кичик ва деярли бир хил. Юнги дағал қилдан ва қалин тивитдан иборат. Шим.-Ғарбий Африка, Европа ва Осиё тоғларида 8 тури тарқалган. Денгиз сатҳидан 5,5 минг м баландликкача кўтарилади. Бўғозлик даври 5 ой. Май—июнда 2 та бола туғади. Боласи 2 ёшда вояга етади. Гўшти ва териси учун овланади. Қўлга тез ўрганиб, урчийди. Ўсимликлар б-н озиқланади.



Ёввойи ўрдак.

тухум қўяди. Тухум босиши 26 кун давом этади. 60 кунда жўжалари яхши учиш қобилиятига эга бўлади. Асосан, ўсимликлар, баъзан сувдаги умуртқасиз ҳайвонлар б-н озиқланади. Ё. ў. муҳим ов объекти ҳисобланади. Хонаки ўрдаклар шу турдан келиб чиққан.


ЁВВОЙИ ҚЎЙЛАР, муфлонлар — тоғ қўйлари уруғига мансуб жуфт туёқли сут эмизувчилар (қ. *Архар*).

ЁВВОЙИ ҒЎЗАЛАР, ғўзанинг ёввойи турлари — Cossypium L. туркумига мансуб 50 тур ғўзадан 45 тасини ўз ичига оладиган ёввойи турлар. Хромосомаларининг сонига қараб Ё.ғ. 2 гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга кўпроқ диплоид турлар (2n=26), иккинчи гуруҳга тетраплоид турлар (2n=52) киради. Барча диплоид турлар хромосомаларининг тузилишига қараб 6 геномли — A, B, D, E, C, F гуруҳидан иборат; тетраплоид турлар АД геномли бўлади. Ё.ғ. Ер шарининг неотропик, палеотропик ва Австралиянинг флористик ўлкаларида тарқалган. Улар маданий ғўзалардан тарқалиш ареалининг торлиги, турлараро полиморфизмнинг жуда суст ифодаланганлиги, шохланишининг моноподиал ёки аралаш бўлиши, кўсакларининг жуда майдалиги, тола ва чигит туклари орасида аниқ чегара йўқлиги б-н фарқланади. Толасининг уз. 0,5—15 мм. Толаси оч сариқ, тўқ сариқ, қорамтир-қўнғир яшил, кумушсимон-кўк бўлади. Деярли ҳамма тур чигити тошчигит бўлганлиги туфайли табиий шароитда жуда узоқ вақт яхшилаб намлангандагина униб чиқади. Бу хусусият турнинг узоқ вақт давом этадиган қурғоқчилик ва б. ноқулай шароитларда ўсиши ва сақланиб қолишига ёрдам беради. Ё.ғ. узоқ давом этган эволюция жараёнида нисбатан қисқа кунга ўрганиб, узун кунда ҳосил бериш қобилиятини йўқотган. Улар тропик минтақада яхши ўсиб ривожланади; куз-қиш-баҳор шароитида кун 11—12 соат ёруғ бўладиган даврда бемалол гуллаб, ҳосил беради.

Ё.ғ. ҳосил олиш мақсадида экилмайди, бироқ, уларнинг ҳар бири ноёб ва қимматли хусусиятларга эга: совуқ, қурғоқчилик, вилтга чидамли, толаси мустаҳкам ва ниҳоятда серҳосил. Шунинг учун улардан генетика-селекция тадқиқотларда фойдаланиш мумкин (яна қ. *Ғўза систематикаси*).

Ад.: Ғўза, 1-ж., Т., 1957; Жуковский П. М., Культурные растения и их сородичи, 3 изд., Л., 1971; Абдуллаев А. А., Омельченко М. В., Ғўза турлари, Т., 1977.

Абдумавлон Абдуллаев.



Ёввойи ғўзалар: А) Стурт ғўзаси; Б) Давидзон ғўзаси: *1*– пояси; *2*– барги; *3*– гули; *4*– кўсаги; *5*– чаноги.

ЁВВОЙИЛИК — инсоният тарихи 3 даврининг (Ё., ваҳшийлик, цивилизация) биринчи босқичи. Бу тушунчани фанга америка тарихчиси ва этнографи Л. Г. Морган (1818—81) киритган. У одамнинг пайдо бўлишидан бошлаб кулолчиликнинг келиб чиқиши б-н тугайдиган босқични Ё. даври деб ҳисоблаган. Ё. даври одамнинг шаклланиш ва илк уруғчилик тузуми вақти (археологик даврлаштиришга кўра палеолит ва мезолит даврлари)га тўғри келади. Ё. кўчма маънода — ўта маданиятсизликни билдиради.

ЁВМУТ, йовмут — туркман қабилаларидан бири. Ё.лар 19—20-а.ларнинг бошида Хоразм, Шим. ва Ғарбий Туркманистонда, Эроннинг Астробод вилоятида яшаган. Улар бир қанча тира — бўғин (отли темир, қутли темир) ларга, тиралар уруғларга бўлинган. Уруғлардан энг йириклари: қора чақа, байрамшали, шарифжафарбайли, отабайли; кичиклари: саллах, окуз, ўрсукчи, ушак, гужак ва б. 19-а.нинг охирларида Россия б-н Эрон ўртасида чегара белгиланганда Ё.ларнинг бир қисми Россия босиб олган жойларда, бир қисми Эрон ҳудудида қолиб кетди. Эрон ҳудудида яшайдиган Ё.лар орасида тира-уруғларга бўлиниш сақланиб келаётган бўлса, Туркманистоннинг (Тошҳовуз вилояти)даги Ё.лар туркман халқи таркибига сингиб кетди.

Ад.: Карпов Г. И., Племенной и родовой состав туркмен, Ашхабад, 1925; Дикиев А., Очерки происхождения и формирования туркменского народа в эпоху Средневековья, Ашгабад, 1991.

ЁВМУТ ОТИ — салт миниладиган жайдари от зотларидан бири. Туркманларнинг *ёвмут* қабиласи етиштирган. Бу зотнинг келиб чиқишида араб, мўғул, қозоқи ва ахалтака от зотларининг ҳам таъсири бўлган. Шу от зотларига хос белгилар Ё. отларида сақланиб қолган. Ё. о. қуруқ иссиқ иқлимга мослашгани, ниҳоятда чопқирлиги б-н ажралиб туради. Аравага қўшиб ҳам ишлатилади.

Ё. о. нинг пешонаси кенг, ўрта бўйли, бўйини узун, кўпинча йўғон. Ё. о., асосан, кулранг, тўриқ, жийрон ёки қорача бўлади. Ё. о. айғирларининг қарчиғайигача бал. 152,4 см, кўкрак қафаси айланаси 163,6 см, гавдасининг уз. 151,2



Ёвмут от зоти.

см, поччасининг айланаси 18,5 см, бияларининг қарчиғайигача бал. 148,0 см, гавдасининг уз. 149,0 см, кўкрак қафасининг айланаси 164,0 см, поччасининг айланаси 17,9 см. Асосан Туркманистон, Эронда боқилади. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонда ҳам учрайди.

ЁВОН, ёбон — чўл, дашт, текислик. Ўрта Осиёга доир тарихий манбаларда

ва бадиий адабиётда кўп учрайди. Жой номлари таркибида қолган: Ёвон дашти, Ёвонсув сойи (Жан. Тожикистон), Ёзёвон чўли ((Фарғона водийси).

ЁВШАН, оқ жўсан (Artemisia diffusa H. Krasch) — қоқидошлар (мураккабгуллдошлар) оиласига мансуб сершох ўт ёки чала бута. Бўйи 25—45 см, қалин туклар б-н қопланган. Барги ипсимон бўлакларга бўлинган. Тўпгули рўваксимон саватча. Гуллари майда, сариқ, икки жинсли. Чўлларда, баъзан адирларда ўсади. Фев.нинг 2-ярмидан барг чиқаради, июль ва авг.да ўсишдан тўхтаб, барглари тўкилади. Сент.да яна кўкариб гуллайди, нояб.да уруғи пишади ва совуқ ургунча яшил барглари сақланиб туради. Ўтлоқларда асосий озиқбоп ўсимлик ҳисобланади. Бир йиллик новдалари таркибида оқсил, ёғ, клетчатка, 43,1% азотсиз экстракт моддалар, умуман, ер усти қисмида 0,81—1,25% эфир мойи бор. Ё.ни моллар қишда ва баҳорда хуш кўриб ейди.

ЁВҒОН — гўштсиз, ёғсиз тайёрланадиган суюқ овқат. Ё. хўрда – гуручнинг қуруқ ўзи қайнатилган суюқ ош; пиёва — пиёздан қайнатилган шўрва; Ё. шўрва — сабзавот қайнатмалари. Ё. овқатлар парҳез таом ҳисобланади. Ё. тайёрлаш учун оқшоқ ёки гуруч қозонда қайнаб турган сувга солиб, юмшагунча қайнатилади. Гуруч эзилиб пишгач, тузи ростланади, сўнг косаларга сузиб, 1 ош қошиғида қатиқ солинади ва юзига кашнич сепиб дастурхонга тортилади.

«ЁДГОР» — ўзбек халқ қаҳрамонлик достони. *Фозил Йўлдош ўғли*дан фольклоршунос Ҳ. *Зарифов* ёзиб олган (1937). «Ё.» «*Алпомиш*» достонининг давоми бўлиб, наслий туркумлик таомойили асосида яратилган. Алпомишнинг мард ўғли Ёдгор фаолиятига бағишланган. Достонда Бойсин элида Алпомиш йўқлигида ўзини ўзи бек кўтарган Ултонтоз зулмидан безган бир гуруҳ қўнғиротликларнинг Аймоқ элига кўчиб кетиши, у ерда аймоқ полвонлари ўртасида талашда қолган Ойдинойни қутқариш учун Ёдгорнинг олиб борган мардонавор курашлари, Ойдиной ва уруғдошларини юртига олиб қайтиши тасвирланади. «Ё.»да «Алпомиш»даги қатор мавзуларнинг янгича талқини орқали мардлик, жасурлик, севги-садоқат, душманга нафрат, ватанга муҳаббат, тотувлик ғоялари таннум этилади. «Ё.» фақат Ўзбекистонда машҳур. Қозоқларда Ёдгорнинг ўғиллари (Алпомишнинг невaралари) ҳақида «Олатой ва Жапарқул» достони яратилган.

ЁДГОР БАРЛОС БИННИ ЛОЛА (14-а.) — *Амир Темур*нинг хос мулозими, *Чиғатой*нинг маслаҳатчиси *Қорачор нўён*нинг авлоди. Соҳибқирон унга муҳим вазифаларни топширган: 1374 й. баҳорида у элчилик б-н Хоразмга юборилган; 1388 й. соҳибқирон Тўхтамишхонни Саброн тарафидан таъқиб қилганида уни беклардан Сулаймоншоҳ, Шамсуддин Аббос ва Ғиёсуддин Тарҳон б-н бирга Туркистоннинг муҳофазасига қўйган; «беш йиллик юриш» пайтида (1393, 1395 й.лар) бир қанча беклар б-н бирга уни *ўғруқ*нинг муҳофазасига қўйган.

ЁДГОР ВАЛЛОМА МАДРАСАСИ — Қашқадарё вилояти, Яккабоғ тумани марказидаги меъморий ёдгорлик (тахм. 1625). Мадраса маҳаллий бек номи б-н аталган (унинг мақбарага қурилган). Мадраса бош тарзининг асосий қисми ва ён деворларидан бири сақланган. Мақбара (жан.-шарқий қисми)да Ёдгор Валломанинг сағанаси бор. Ё.В.м. ташқи бурчакларига бурж-гулдаста ишланган. Мақбара ва масжид гумбаз томли, миёнсарой ясси гумбаз томли, деворлари сиркор ғишт б-н безатилган. Гулдаста безагидаги оқ, зангори сиркор ғиштчалар яхши сақланган.

ЁДГОР МИРЗО, Мирзо Ёдгор Муҳаммад ибн Мирзо Султон Муҳаммад ибн Мирзо Бойсунғур ибн Муъинуддин Шоҳрух ибн Темур (1449—70) — Султон *Абу Саид* қатл этилгач, Оққўюнли давлати ҳукмдори *Узун Ҳасан*нинг ёрдамида б-н Хуросон тахтини эгаллаган (1468). Икки йил ҳукмдорлик қилгач, 1470 й. Султон *Ҳусайн Бойқаро* б-н бўлган жангда ҳалок бўлган.

ЁДГОРЛИК — 1) кенг маънода – мамлакат, халқ маданий меросининг бир бўлаги; унинг таркибига музейларда намойиш этиладиган тарихий ва маданий Ё.лар ҳамда кўзғалмас (бино ва б.) Ё.лар киради. Умумий хусусиятларига кўра, археологик, тарихий, меъморий ва маҳобатли санъат Ё.ларига бўлинади, шунингдек, тарихий бадиий қимматга эга бўлган ёзма Ё.лар ҳам унга тааллуқлидир. Тарихий ва маданий Ё.ларни сақлаш вазифаси умумдавлат аҳамиятига эга бўлиб, у маънавий тарбиянинг асосий қисмини ташкил қилади; 2) тор маънода – маълум сана, воқеа ва шахсларни абадийлаштириш мақсадида яратилган санъат асари (*ҳайкал, мақбара, қабртош, эҳром, зафар тоқи* ва ҳ.к.); уларга фаол ижтимоий таъсир этиш хос бўлиб, бу уларнинг ғоясида, қўйилиши ва шаклий талқинида намоён бўлади. Ё. умум омма диққатига мўлжалланган ҳамда атроф муҳитни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Қад. кишилик жамоаларида яратилган дафн иншоотлари (мегалит ва қўрғонлар), кейинроқ обелиск, эҳром ва ҳ.к. Ё.нинг илк намуналаридир. Кейинги даврларда мақбара ва қабртошлар кўпинча Ё. вазифасини ўтаган, уларда дафн ва диний вазифадан кўра мемориал Ё. вазифаси устунлик қилган.

Мужассамотли Ё.лар антик санъатда яратила бошланган: мажозий ёки портрет, ҳайкал ва ҳайкаллар гуруҳи, чавандозлар ҳайкаллари, *стела*, зафар тоқи ва зафар устунлари қатори ва б.

Ё.лар муқаддас ҳисобланган жойларда, мил.ав. 6-а.дан шаҳар марказларида бунёд этилган. Кўп мамлакатларда улуғ ишлар диний иншоотларда абадийлаштирилган. Дунёвий Ё.лар яратиш анъанаси Италияда Уйғониш даврида вужудга келган. Барокко ва классицизм даврида шаҳарсозликда муҳим ўрин тутган, ампир даврида меъморий Ё. барпо этиш кенг тарқалган. 18-а. 2-ярмидан жамоат арбоблари ва буюк шахсларга Ё. ўрнатила бошланди, 19-а. охири ва 20-а. бошида бир қатор йирик қўлами б-н диққатга сазовор монументлар юзага келди.

20-а.да меъморий ва меъморий ҳайкалтарошлик Ё. мажмуа (*мемориал иншоот*)лари алоҳида долзарблиги б-н аҳамият касб этди. Мажозий ва портрет шаклларидан холи майда меъморий шаклларга яқин янги тасвирий бўлмаган Ё. тури пайдо бўлди, Ё.лар мамлакат тарихий солномасининг образи талқинини ҳосил қилди. Дастлаб шакл жиҳатдан кичик бўлган Ё.лар дастгоҳ ҳайкалтарошлигига яқин бўлган, 30-й.лардан шаҳар ансамбли ва атроф муҳит манзараси б-н уйғунликни юзага келтирадиган маҳобатли қўшимча образлар ёрдамида асосий ғояни ифодаловчи кўп шаклли мужассамотли Ё. яратила бошланди.

ЁДНОМА — қад. туркий халқлар бадиий ижодининг битиктошлар (эпитафия) тарзидаги жанри; туркий рун (*Урхун-Енисей ёзувлари*) ёзувида битилган, мил. 6—8-а.ларга мансуб (мас., *Билга хоқон битиктоши, Култегин битиктоши* ва б.). Ё.ларнинг насрий ва эпик турлари бор. Насрий Ё.ларда мисралар сўнгида қофия ва шеъриятнинг ягона белгиси бўлган банд йўқ (*«Девону луғотит турк»*, Алп Эр Тўнга марсияси). Эпик Ё.лар мемуар шаклида ҳам ёзилган (*Тўнюқуқ битиктоши*). Бу Ё.ларда турк хоқонлигининг келиб чиқиши, раҳбарлик тизими, ҳарбий юришлар, мамлакатнинг аҳволи акс этган бўлиб, сиёсий руҳ кучли; ички ва ташқи куч ҳукмронлигидан озод этилиши ай-

тилган. Ё.ларнинг баъзи хусусиятлари кейинчалик оғзаки ва ёзма ижодда ривожлантирилган (қ. *Марсия*).

Ад.: Абдураҳмонов F., Рустамов А., Қадимги туркий тил, Т., 1982; Раҳмонов Н., Турк хоқонлиги, Т., 1993.

ЁЗ — йилнинг энг иссиқ фасли; мўътадил минтақада (мас., Ўзбекистонда) июнь, июль, авг. ойлари Ё. ҳисобланади. Халқ орасида йилнинг иссиқ ярми Ё. дейилади. Ёз фаслининг астрономик давомийлиги 93,6 суткадан иборат. Баъзи тарихий манбаларда, чунончи, «Бобирнома»да баҳор фасли Ё. дейилган.

ЁЗГИ ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ — қ. *Олимпиада ўйинлари.*

ЁЗГИ ТЕРМИК ДЕПРЕССИЯ — *тропосфера*нинг қуйи қисмидаги паст босимли зонада юз берадиган синоптик ҳодиса; булутсиз иссиқ об-ҳавода рўй берадиган циклонларнинг ҳаракати туфайли келиб чиқади. Марказий Осиёнинг жан.-шарқида содир бўлади. Одатда, 2—3 кун, баъзан, бутун табиий синоптик даврга чўзилади. Айрим йилларда Ё. т. д. бир хилда такрорланмайди, аммо қанча тез-тез вужудга келиб, узоқ давом этса, ёз шунча иссиқ келади. Оддий шароитда Марказий Осиёнинг текислик ва тоғ олди қисмларида ҳавонинг энг юқори ҳарорати ёзда 35—40° гача кўтарилса, Ё. т. д. авжига чиққан пайтларда воҳаларда 43—45° гача, чўлларда 48—50° гача кўтарилади. Чўлларда ҳавонинг кучли исишидан Ё. т. д. вужудга келади.

ЁЗГИ ҚУЁШ ТУРИШИ — қоқ пешинда, Қуёш уфқдан энг баланд турган пайтдаги *эклиптика* (Қуёшнинг йиллик кўринма йўли)га тегишли нуқта. *Эгизаклар* юлдуз туркумида ётади. Қуёш бу нуқтадан 21—22 июнь куни ўтади (қ. *Қуёш туриши*).

ЁЗЁВОН — Фарғона вилоятидаги шаҳарча (1974 й.дан). Ёзёвон тумани маркази. Ё. номи ёзи ёвон, яъни ёзги чўл, текислик маъносини билдиради. Ё. Фарғона ш.дан 30 км, яқин т. й. стояси — Марғилон (22 км). Аҳолиси 10,9 минг киши (2000); Умумий таълим мактаблари, 1 коллеж, 2 лицей, 3 кутубхона, 2 касалхона, 3 тиббий пункт, алоқа бўлими, музей, бозор, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, кичик ва хусусий корхоналар бор. Қўқон, Фарғона, Наманган ш.ларини бирлаштирувчи автомобиль йўллари ўтган.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ — Фарғона вилоятидаги туман. 1952 й. 16 апр.да ташкил этилган (1959 й. 14 дек.да Тошлоқ тумани б-н бирлаштирилиб Охунбобоев номи берилган, 1962 й. 24 дек.да Охунбобоев туманига Марғилон тумани ҳам қўшилган. 1980 й. 27 дек.да Ё.т. қайта тузилди). Ё. т. вилоятнинг Тошлоқ, Охунбобоев, Олтиариқ, Бувайда туманлари, Наманган вилоятининг Поп тумани, Андижон вилоятининг Улуғнор, Бўз туманлари б-н чегарадош. Майд. 0,41 минг км². Аҳолиси 71,6 минг киши (2000). Ё. т.да 1 шаҳарча (Ёзёвон), 10 қишлоқ фуқаролари йиғини (Гулистон, Ёзёвон, Иштирхон, Хонобод, Чўлигулистон, Янгибўстон, Янгиобод, Қатортол, Қорасоқол, Қоратепа) бор. Маркази — Ёзёвон шаҳарчаси.


Табиати. Ё. т. Фарғона водийсининг марказида, Ёзёвон чўлида жойлашган. Рельефи асосан текислик бўлиб, шим.га томон қия. Ер юзаси гил, қумоқ, қумлоқ ва қумдан иборат. Шим.-ғарбий қисмида барханлар — дўнг қум, марза қум шакллари учрайди. Қумли чўлнинг бир қисмини сақлаб қолиш мақсадида 1991 й.да «Ёзёвон чўли» табиат ёдгорлиги (майд. 1842 га) ташкил этилган. Иқлими кескин континентал, ёзи иссиқ, қиши совуқ. Ёғиннинг кўп қисми баҳор ва қишда ёғади. Июлнинг ўртача т-раси 27°, янв. ники — 2,2°. Вегетация даври 218 кун. Йилига 120—130 мм ёғин тушади. Фарғона (Хўжанд) дарвозаси орқали водий ичкарисига эсувчи кучли «Қўқон шамоли» экинларга катта зарар келтиради. Қишда тез-тез туман тушади. Ё. т.дан Катта Андижон канали ва Ёзёвон сойи оқиб ўтади. Сув иншоотлари, артезиан ва дренаж қудуқлари ёрдамида ер ости сувларидан фойдаланилади. Тупроқлари асосан сугориладиган ўтлоқ, қисман қумли ва қумли ўтлоқ тупроқлар ҳамда шўрхоклардан иборат. Воҳаларда маданий экинлар, мевали ва манзарали дарахтлар, буталар, бегона ўтлар, қумликларда қора саксовул ва оқ саксовул, қандим,черкез, юлғун ўсади. Хилма-хил қушлар, турли калтакесаклар, тулки, бўри, чиябўри яшайди. «Қизил китоб»га киритилган қизил астрагал, фарғона чипор калтакесаги, штраух қурбақабоши, эчкемар учрайди.

Аҳолиси, асосан ўзбеклар, шунингдек, қирғиз, тожик, рус, татар, қорақалпоқ ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 174 киши тўғри келади (2000).

Хўжалиги. Ё. т. асосан қ. х.га ихтисослашган бўлиб, етакчи тармоғи пахтачиликдир. Суғориладиган ерлар 18,5 минг га, шу жумладан 7,8 минг га пахта, 6,9 минг га донли экинлар, 2 минг гадан зиёд ер ем-хашак экинлари, 424 га сабзавот-полиз экинлари, 924 га мева ва токзорлар б-н банд. Ё. т. фермер ва шахсий хўжаликларида 15,6 минг қорамол, 18,6 минг қўй ва эчки, 270 дан зиёд йилқи, 10,5 минг паррандада, 600 га яқин асалари уяси бор. Пилачилик ривожланган. Ё. т.да 2 ғишт з-ди, 5 қурилиш-таъмирлаш устахонаси, автокорхона, 910 кичик ва хусусий корхоналар бор. Ё. т.дан Фарғона—Наманган, Қўқон—Андижон автомобиль йўллари ўтган.

Ё. т.даги 33 умумий таълим мактаби, 1 коллеж, 2 лицей, спорт мактабида 18,3 минг ўқувчи таълим олмоқда, 35 жамоат кутубхонаси, музей, 10 дорихона, 801 ўринли 8 касалхона, 4 поликлиника, 23 тиббий шохобча мавжуд. Аҳолига 230 савдо шохобчаси хизмат кўрсатмоқда. 1952 й.дан «Марказий Фарғона» туман газ. чиқади (адади 9000).

ЁЗЁВОН ЧЎЛИ — Фарғона водийсининг марказий қисмидаги чўл. Қўқон, Марғилон, Андижон ва Наманган воҳалари б-н ўралган. Шим.дан Сирдарё оқиб ўтади, замини палеозой жинсларидан таркиб топган, ср юзаси тўртламчи давр аллювиал ва пролювиал ётқизиқлари б-н қопланган. Рельефи, асосан, текис. Баланд-паст қум тепалари,



қўллар, шўрхоклар ва ботқоқлашган ерлар учрайди. Иқлими континентал: ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши қисқа, бир оз совуқ. Июлнинг ўртача т-раси 25—27°, янв.ники —3°, вегетация даври 220—240 кун. Йиллик ёғин 170—200 мм.

Ё. ч.ни ўзлаштириш мақсадида бир қанча канал (Усмон Юсупов номли Катта Фарғона канали, Охунбобоев номли канал ва б.) ва коллекторлар (Ёзёвон, Саржўға, Сариқсув, Қизилтепа, Ғарбий Ёзёвон коллекторлари) қазилган. Чўлда янтоқ, қамиш, шўра, шувоқ, юлғун ўсади, канал ҳамда ариқлар бўйига терак, тол, қайрағоч, тут, жийда, чинор, акация ва б. экилган. Ер ости суви 0,5—1,2 м чуқурликда. Қизилтепа массивида ва Жомашўйда ер остидан иссиқ шифобахш сув топилган. Ё. ч. деярли ўзлаштирилган. Чўл орқали Фарғона—Наманган, Марғилон—Қўқон, Қўқон—Шаҳрихон, Ёзёвон—Бўз, Ёзёвон—Балиқчи автомобиль йўллари ўтган.

«ЁЗИ БИЛАН ЗЕБО» — ўзбек халқ достони. Достонда чорвадор Поёндабойнинг қизи Зебо б -н хизматкор Ёзинанинг ишқий саргузаштлари акс этган. Меҳнат ва муҳаббат, вафо ва садоқат туйғулари, севгида мард, саботли бўлиш, инсон эрки, бахт-саодати учун кураш ғоялари б-н чатишиб кетади. «Ё. б-н З.» парчалари деҳқончилик б-н боғлиқ ишларда меҳнат қўшиқлари сифатида куйланади. Достон ўзининг халқчил руҳи, инсонпарварлик ғояларидаги б-н тингловчи ва ўқувчиларга маънавий ва ахлоқий завқ бағишлайди. Бу достон парчаларини куйловчилар ёзигўй, ёзичи, ёзикаш деб аталади. Йигирмадан ортиқ варианти ёзиб олинган. Нисбатан тўла варианти Қодир бахши Раҳимовга тааллуқлидир (1936—86). Достоннинг бир неча нусхалар асосида тайёрланган йиғма варианти нашр қилинган (1962).

ЁЗИШМА СИРЛИГИ — инсоннинг конституциявий ҳуқуқларидан бири. Ё. с. почта ва телеграф орқали барча жўнатмалар (хатлар, телеграммалар, посилкалар, ўтказмалар), телефонда сўзлашув ва б. хабарларнинг дахлсизлигини; ёзишма ва хат-хабарларни очиб кўриш ва улар мазмунини ошкор этиш тақиқланишини билдиради. Ўзбекистонда жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартиботини ва давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадларида қонунда кўзда тутилган ҳоллардагина Ё.с.ни чеклашга йўл қўйилади. ЎзР Конституцияси 27-моддасига биноан, қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, ҳеч ким ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

ЁЗТЕПА, Ёздепе — илк темир даврига оид қишлоқ харобаси (мил. ав. 9—4-а.лар). Туркманистоннинг Мурғоб воҳасида, Байрамали ш.дан 34 км шим.-ғарбда жойлашган. Майд. 16 га га яқин. 1954—56 й.ларда проф. В. М. Массон ўрганган. Тепалик устига йирик хом ғиштдан қурилган ҳисор атрофи девор б-н ўраб олинган. Ҳисорнинг жан. қисмидан жамоат биноси — сарой ёхуд ибодатхона қолдиқлари қазиб ўрганилган. Бу ерда усти ёпиқ бир нечта тор хона ҳамда катта, тархи тўртбурчак зал ҳолда янтоқ, қамиш, шўра, шувоқ, юлғун ўсади, канал ҳамда ариқлар бўйига терак, тол, қайрағоч, тут, жийда, чинор, акация ва б. экилган. Ер ости суви 0,5—1,2 м чуқурликда. Қизилтепа массивида ва Жомашўйда ер остидан иссиқ шифобахш сув топилган. Ё. ч. деярли ўзлаштирилган. Чўл орқали Фарғона—Наманган, Марғилон—Қўқон, Қўқон—Шаҳрихон, Ёзёвон—Бўз, Ёзёвон—Балиқчи автомобиль йўллари ўтган.



Тошга ўйиб битилган ёзув (расм)лар: «Такатош» (Жиззах вилояти).

пайдо бўлганига эса 4—5 минг йиллар бўлган). Оғзаки тил (нутқ)нинг замон (вақт) ва макон (масофа) нуқтаи назаридан чекланганлиги ва уни бартараф этиш зарурияти Ё.нинг пайдо бўлишига олиб келган. Оғзаки тил талаффуз вақтидагина ва айни пайтда муайян масофадаги (товуш тўлқинлари етиб бориши мумкин бўлган) киши учунгина мавжуддир. Бошқа шароитларда тилга эҳтиёж пайдо бўлиши б-н инсон даҳоси бу эҳтиёжни қондира олувчи воситаларни қидира бошлаган, натижада белгилар тизимидан иборат Ё. дунёга келган.

Ё.нинг пайдо бўлиши ва тараққиёти жамият ривожи, шунингдек, муайян масофадаги кишиларнинг ўзаро алоқа қилиш эҳтиёжи, сиёсий, ҳуқуқий, диний ва эстетик характердаги ахборотларни қайд этиш, сақлаш зарурияти б-н бевосита боғлиқ. Халқларнинг давлат сифатида бирлашуви нутқий алоқа доирасини кенгайтиради ва мураккаблаштиради; и.ч. ва савдо кенгаяди; бошқа халқлар ва давлатлар б-н ҳарбий, сиёсий ва б. шартномалар тузилади; қонунлар пайдо бўлади ва мустаҳкамланади; диний қарашлар ва мафкурани нг бошқа турли кўринишлари шаклланади; халқларнинг ўз тарихини билишга бўлган эҳтиёж кучаяди. Буларнинг барчасини фақат оғзаки нутқ воситасида амалга ошириш мумкин эмас. Бу шароитда Ё. зарурияти айланади.

Ё. оғзаки тилга нисбатан иккиламчи, қўшимча алоқа воситаси бўлса-да, унга қараганда кўп афзалликларга эга. Хусусан, тилнинг асосий вазифаси — кишилар ўртасидаги алоқани таъминлашдир. Тилнинг коммуникатив вазифаси Ё. сиз амалга ошиши мумкин эмас. Тилнинг эстетик, гносеологик (дунёни билиш) каби асосий вазифаларини


Ад.: Толстов С. П., По следам древнехорезмийской цивилизации, М.—Л., 1948; Массон В. М., Древнеземледельческая культура Маргианы, М.—Л., 1959.

ЁЗУВ — муайян бир тилда қабул этилган ва кишилар ўртасидаги мулоқатга хизмат қиладиган ёзма белгилар ёки тасвирлар тизими. Ё.— кишилик жамияти маданий тараққиётининг том маънодаги ибтидоси, башариятнинг узоқ ва мураккаб тадрижий такомили жараёнидаги омилларнинг энг асосийларидан бири. Ё. *тил*дан анча кейин пайдо бўлган (товуш тили 400—500 минг йиллар илгари юзага келган, Ё.нинг

ҳам Ё.сиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, тилнинг инсоният қўлга киритган тажриба-билимларни сақлаш ва авлодларга етказишдан иборат вазифаси бевосита Ё. орқали бажарилади. Кишилик жамияти яратган билим ва тажрибалар, кашфиётлар, сўз санъати дурдоналари ва б. қимматли ахборотларнинг барча-барчаси авлодлардан авлодларга Ё. орқали етиб боради.


Тил жамият тарихи б-н қанчалик боғлиқ бўлса, Ё. ҳам шунчалик боғлиқдир. Дастлабки қарашларда Ё.нинг келиб чиқишини илоҳиётга боғлаш учрайди. Бу аслида Ё.нинг тенгсиз имкониятларини тасаввурга сиғдира олмаслик, Ё. магияси («Ёзув сеҳрли қудратга эга» деган ишонч) оқибатида келиб чиққан жўн тасаввурлар маҳсулидир.

Ё. кишилик жамиятининг зарурий эҳтиёжи асосида пайдо бўлиб, ривожланиб борган. Бугунги шаклини олгунга қадар узоқ ва мураккаб тадрижий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Инсон ақли Ё.дай мукаммал алоқа воситасини кашф қилгунча узоқ изланган. Энг қад. даврларда дунё халқларининг деярли барчасида кенг тарқалган «эслатувчи» белгилар ана шу изланишларнинг илк кўринишлари эди. Мас., муайян миқдорни ифодалаш учун турли тошлар, чиғаноқлардан фойдаланилган, таёқлар, дарахтларга ҳар хил ип-лар боғлаш, тугунлар тугиб қўйиш ва б. воситалар б-н муайян ахборотни эсда сақлаш ёки муайян масофага юборишга ҳаракат қилинган. Ёки бир хабарни узоқ масофага етказиш учун тутун, гулхан, барабан овози ва ш.к. қўлланган. Хабарни узоқ вақт сақлаш учун рамзий маъно берилган буюмлардан фойдаланилган: қўрғон — марҳум кўмилган жой белгиси; славян қабилаларида нон-туз — дўстлик белгиси; трубка — тинчлик, сулҳ белгиси ва б. «Буюмли ёзув» номи б-н юритиладиган бундай ахборот воситаларининг қолдиқлари ҳозирда ҳам баъзан сақланган. Мас., бирор фикрни эсдан чиқариб қўймаслик учун рўмолчанинг учини тугиб қўйиш одатини ёдга олиш мумкин.




Бақтрия ёзуви (Мирзакўлтепадан топилган сопол идишдаги ёзув).

Расмли Ё. (*пиктография*) Ё. яратиш йўлидаги биринчи қадам бўлган. Расм б-н Ё. ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд, аввало, ҳар иккаласи ҳам кўриш орқали идрок қилинади. Пиктографик ёзувни ибтидоий тасвирий санъат ичида юзага келган дейиш мумкин. Археолог олимларнинг бундан жуда кўп минг йилликлар илгари инсонлар томонидан чизилган турли расмларнинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотлари маълум. Тошларга, суякларга, ғор деворларига ўйиб ишланган хилма-хил ҳайвонларнинг расмлари, умумий мазмунга бирлашувчи тасвирий лавҳалар — буларнинг бари пиктографик Ё.нинг асосларидир. Ана шу ибтидоий тасвирий санъат икки йўналишда — умуман расмлар ва муайян ахборот воситаси, яъни Ё. сифатида шаклланган борган. Буни дунё тилларининг жуда кўпчилигидаги «ёзмоқ» маъносидаги сўзларнинг этимологиясига эътибор қилганда ҳам билиш мумкин. Бундай сўзларнинг этимологиясида асосий мазмун расм чизиш жараёни б-н боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Мас., қадимги туркий тилларда «ёзмоқ» тушунчаси «бит(и)моқ» феъли («битик» — ёзув, китоб) б-н ифодаланган. Бу феълнинг ўзаги хитойча «би» (мўйқалам) сўзи б-н алоқадор бўлиб, дастлабки маъноси «ўймоқ, ўйиб безамоқ», ундан кейин «ёзмоқ» демакдир. Славян тилларидаги «писати» (рус. «писать» — «ёзмоқ») феълининг маъноси ҳам дастлаб мўйқаламда расм чизиш б-н боғлиқ бўлган (рус. «живопись» — рангтасвир сўзи б-н қиёслланг). Бу феълнинг ўзаги лот. «pingere» (расм солмоқ) сўзи б-н алоқадордир, «писати» феълининг дастлабки маъноси, кўринадики, «расм солмоқ», «безамоқ»-дан иборат бўлган. Готча «melian» (ёзмоқ) феълининг дастлабки маъноси ҳам мўйқаламда «расм солмоқ» бўлиб, бу феъл ҳоз. немис тилида «malen» шаклида ва «расм солмоқ» маъносида қўлланади. Юнон тилидан кўпгина тилларга ўтган «графика» сўзи ҳам этимологик жиҳатдан ўйиш, тирнаш тушунчаларини ифодалайди. Бу мисоллар Ё.нинг расм б-н бениҳоя боғлиқ эканлигини яққол кўрсатади, Ё. жараёни механикасини ҳам очиб беради.



Миср ёзуви.



Хоразм архивига оид ҳужжат (3—4- асрлар). Тупроққалъа ёдгорлиги.

Расмлар ёрдамида муайян фикр-ахборотни ифодалаш, юбориш мумкин эканлигини одамлар жуда қад. даврларда англаб етганлар. Шунинг учун ҳам расмли Ё. (пиктография) дунёдаги мавжуд барча Ё.ларнинг келиб чиқиши учун асос бўлган дейиш мумкин. Пиктографиянинг оғзаки тил б-н боғлиқ бўлмаганлиги унинг турли тил вакиллари томонидан ҳам тушунилаверишини таъмин этган, аммо унда ифодаланган мазмуннинг турлича, ихтиёрий талқин этилишига йўл қўйган, абстракт тушунчаларни бундай Ё. орқали ифодалаш деярли мумкин бўлмаган. Давлат тузуми ривожланиб, турли ёзишмаларга ва бу ёзишмаларнинг айни бир хил талқин қилинишига бўлган эҳтиёж кучайиб борган сари пиктографик Ё.нинг ожиз томонлари кўпроқ кўзга ташлана бошлаган. Бу ҳол пиктографик Ё.нинг тараққиётига, идеографик ва иероглифик Ё.нинг шаклланишига олиб келган.

Расмларнинг соддалашуви, уларнинг ўзлари ифода этган буюмларнинг номига, рамзига айланиши ва аста-секин бу рамзларнинг оғзаки тил б-н доимий боғланиши Ё.нинг такомиллашиб боришини белгилаб беради. Ё. белгиларни идеографик, иероглифик белгилар сифатида муайян сўзларнинг ифодачиларига айланади, бу Ё. «сўз ёзуви» ёки «логографик ёзув» номи б-н умумлаштирилади. Энг қад. логографик Ё. тизимлари (миср иероглификаси, шумер миххатлари, хитой иероглификаси ва б.) мил. ав. 4-минг йилликнинг охиридан мил. ав. 2-минг йилликларнинг бошларигача бўлган даврда шаклланган. Ҳақиқий маънодаги Ё. тизимлари дастлаб Қад. Шарқда вужудга келган.


Ё.нинг кейинги тараққиёт босқичи бўғин Ё.и бўлиб, у мил. ав. 2-минг йилликларнинг ўрталарида пайдо бўлган. Тилдаги сўзлар сонига қараганда бўғинлар сони анча кам, шунинг учун ҳам бўғин Ё.и логографик Ё.га нисбатан сезиларли даражада оз белгилар тизими б-н иш кўради. Мас., деванагари (ҳинд) Ё. бўғин Ё.идир.

Ҳарф-товуш Ё.нинг шаклланиши бутун Ё. тараққиёти тарихида инқилоб бўлган. Бу йўналишдаги илк Ё. *финикий ёзуви*дир. Финикий алифбосининг пайдо бўлиши инсоният учун Ё.ни такомиллаштириш борасида олға қўйилган қадам бўлган. Биринчи марта соф товуш Ё.и, саноқли ҳарфлардан иборат мукаммал алифбонинг юзага келиши жамиятдаги Ё.ни биладиган кишилар доирасини кенгайтириб юборган. Шунинг учун ҳам финикий ёзуви жуда тезлик б-н бошқа халқлар орасида ҳам тарқалган. Бу жараён мил. ав. 9-а.дан бошланган. Финикияликлар б-н иқтисодий ва маданий алоқада бўлган қўшни халқлар мазкур Ё. б-н танишиб, тез орада уни ўз тилларига мослаштириб олганлар. Ҳоз. кунда бизга маълум бўлган ҳарф-товуш тизимидаги Ё.ларнинг $^4/_5$ қисмидан кўпроғи финикий ёзувидан келиб чиққан.

Нутқни энг кичик бўлакларга — товушларга ажратиб тасаввур қилиш, идрок этиш дастлабки пайтларда у қадар осон иш бўлмаганлиги сабабли ҳарф-товуш Ё. и ёки алифболи Ё.нинг пайдо бўлиши жараёни узоқ давом этди. Бунда инсон дастлаб нутқни сўзларга, кейин бўғинларга, ундан кейин эса товушларга ажратиб тасаввур қила олишдай беҳад мураккаб ва узоқ йўлни босиб ўтган. Тилдаги товушларни алоҳида-алоҳида идрок қилиш товуш Ё.нинг ибтидосидир. Ҳарф-товуш Ё.нинг муҳим афзаллиги унинг кам миқдордаги, яъни 20—30 атрофидаги белгилар б-нгина иш кўра олишидир. Ҳарф-товуш Ё.и дунё халқлари орасида жуда тез тарқалган ва бу жараён, асосан, ўзлаштириш, у ёки бу тилнинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда мослаштириш йўли б-н бўлган.

Ўрта Осиёдаги халқлар, жумладан, ўзбек халқи турли Ё.лардан фойдаланиб келган. Бу Ё.лар авесто, паҳлавий, урхун-енисей (руник), туркий (уйғур), суғд, араб, кирилл, лотин Ё.ларидир.

Ё. б-н тил ўзаро чамбарчас боғлиқ. Бирор тилни шу тилнинг Ё.ини ўрганмасдан, ёки аксинча, бирор Ё.ни шу Ё. тегишли бўлган тилни билмасдан ўрганиш мумкин эмас. Аммо Ё. оғзаки тил (нутқ)ни айнан акс эттира олмайди. Зотан, Ё. шундай хусусиятга эга бўлганда, имло қоидаларига, талаффуз меъзонларига мутлақо эҳтиёж қолмаган бўларди.



Араб ёзувлари: 1—Муҳаққақ; 2—Куфий.

Юксак такомиллаштирилган алифболардаги бир ҳарф муайян бир товушни ифодалаши, бир товуш муайян бир ҳарф б-н ифодаланиши лозим. Аммо дунёда бундай алифбо йўқ. Ана шундай маънодаги алифбога фин алифбоси бирмунча яқинлашади, лекин барибир тўлиқ эмас. Ҳоз. инглиз, француз ва б. тиллар алифболари бундай мукаммалликдан йироқ. Мана шу ҳолат дунё тилларининг барчасида хилма-хил ва жуда кўплаб график ва имло қоидаларининг ишлаб чиқилишига сабаб бўлган.

Ё. б-н тил ўртасида, алифбо ва тилнинг товуш тизими ўртасида бундай фарқли ҳолатларни юзага келтирган сабаблар хилма-хил. Аввало, дунёдаги ҳозирда мавжуд алифболарнинг деярли ҳаммаси ҳам мустақил ва тегишли тил хусусиятларини тўлиқ ҳисобга олган ҳолда яратилган эмас. Кўпчилик халқлар ўз Ё.ларини бошқа тил Ё.ини ўз тилларига имконият даражасида мослаштириш йўли б-н яратганлар. Бу ҳол Ё. ва тил муносабатларида ўз изини қолдирган.

Айни пайтда Ё. ва тилнинг тараққиёти бир хил, бир-бири б-н тўла мос келадиган жараён эмас. Тилнинг тараққиёти тарихий ва узлуксиз жараён, одамлар тилга атайлаб, онгли равишда бирон-бир ўзгартириш кирита олмайдилар. Тилдаги у ёки бу ўзгариш тадрижий равишда, аста-секин юз беради. Ё. ҳақида эса бундай деб бўлмайди. Одамлар тил хусусиятларига янада мослаштириш учун Ё.га турли ўзгартишлар киритадилар, ислоҳотлар қиладилар, бир Ё. тизимини бошқаси б-н алмаштирадилар ва ҳ.к. Мас., ўзбек халқи асрлар давомида араб алифбосидан фойдаланиб келган, 1923—26 й.ларда бу Ё.ни ўзбек тили товуш қурилишини тўлароқ ифодалашга мослаштириш мақсадида бир қатор ҳарфий ўзгартиришлар киритилган. Ўзбекистонда 1929 й.дан лотин Ё.и асосидаги ўзбек алифбосига ўтилган, 1940 й.дан эса кирилл Ё.и жорий этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1993 й. 2 сент.да «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунни қабул қилди. Бу қонунга ва уни амалга киритиш тартиби ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарорига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 й. 6 майда ўзгаришлар киритадиган қонун қабул қилди. Бу ҳужжатга кўра лотин Ё.ига асосланган янги ўзбек алифбоси 26 та ҳарф ва 3 та ҳарфлар қўшилмасидан иборат. Янги алифбога тўла ўтиш 1996 й.дан бошланиб, 2005 й.да тугалланиши белгиланган.



Ўрта аср лотин ёзуви (пергаментдаги ёзув: 14-аср).

Ё. тараққиёти тилнинг табиий тараққиётидан анча орқада юрганлиги учун муайян сўз ёки сўз шаклининг ёзилиши б-н талаффузи айнан мос келавермайди. Бу табиий ва қонуний ҳол бўлиб, Ё. ва оғзаки нутқ ўртасидаги бундай номувофиқликларни имло қоидалари тартибга солиб туради. Дунёдаги *алифбо*ларнинг ҳаммасида ҳам ҳарфлар сони тегишли тилдаги товушлар (фонемалар) сонидан сезиларли даражада кам. Табиийки, бу ҳол Ё.ни ўзлаштиришни осонлаштиради. Шунинг учун ҳам алифболардаги асосий тамойил ундаги ҳарфлар сонини кўпайтириш эмас.

Алифбо Ё.нинг асосини ташкил этади. Тиниш белгилари ва б. ёзма белгилар ҳам Ё.нинг унсурлари ҳисобланади.

Ад.: Фридрих И., История письма, М., 1979; Гельб И. Е., Опыт изучения письма. Основы грамматологии, М., 1982; Истрин В. А., Возникновение и развитие письма, М., 1965; Маҳмудов Н., Ёзув тарихидан қисқача лугат-маълумотнома, Т., 1990.


Низомиддин Маҳмудов.

ЁЗУВ МАШИНКАСИ, ҳарф босиш машинаси — ҳарф, рақам ва б. белгиларнинг стандарт тасвирларини қоғозга навбатма-навбат тушириб, матн, жадвал ва б.ни босиш учун мўлжалланган қурилма. Клавиатурали босиш механизми Ё. м.нинг асосий элементи ҳисобланади. Клавиатура учларига босиладиган белгилар (ҳарф, рақам ва б.)нинг бўртма тасвири туширилган ричагга ёки учларида босиш белгилари жойлаштирилган сегментли (дискли) шрифт элтгичларга бирлаштирилган. Бундан ташқари, Ё. м.га валикли каретка, кареткани ҳаракатлантириш механизми, лента тортиш механизми, кареткани босиш механизмига нисбатан автоматик ўрнатадиган табулятор киради. Босиш механизмини ҳаракатлантириш усулига кўра, Ё. м. механик ва электр хилларга; вазифасига кўра, қўлда олиб юриладиган (портатив), идорада ишлатиладиган ва махсус хилларга бўлинади. Компьютерлар пайдо бўлгандан сўнг Ё. м.га эҳтиёж бир оз сусайди.

Ё. м.ни яратишга уриниш 16-а.да бошланган, биринчи патентни инглиз ихтирочиси Г. Милл 1714 й.да олган, 19-а. охирларига келиб оммавий тарзда ишлаб чиқарила бошланган (АҚШ).

ЁЙ — 1) математикада — эгри чизиқ ёки айлананинг исталган икки нуқтаси орасидаги қисми. Мас., айлана ёйи. Бир айланада ёки бир-бирига тенг икки айланада тенг Ё.ларга тенг *ватар*лар мос келади ва, аксинча, катталари Ё.га каттароқ ватар тўғри келади; 2) қад. уруш ва ов қуроли, камалак. Ҳозир ундан спорт мақсадларида фойдаланилади; 3) ёмғир томчиларида ёруғликнинг синиши, қайтиши ва *дифракция*си туфайли осмонда ҳосил бўладиган ярим доира шаклидаги ранг-баранг *камалак*.

ЁЙ ПЕЧИ — металл ва б. материалларни эритиш учун электр ёйи иссиқлигидан фойдаланиладиган электр печи. Биринчи марта 1898—1901 й.ларда Францияда П. Эру, Италияда Э. Стассаносолар саноатда қўллашган. Қиздириш усулига кўра, бевосита ва билвосита қиздириладиган ҳамда ёйи берк печларга бўлинади. Бевосита (тўғридан-тўғри) қиздириладиган Ё. п.да ёй электродлар ва қиздириладиган жисм орасида ёнади (расм, *а*). Билвосита қиздириладиган Ё. п.да ёй электродлар орасида, қиздириладиган материаллардан бир оз нарида ёнади; бунда иссиқлик ёйдан нурланиш орқали узатилади (расм, *б*). Ёйи берк печларда ёй электродларни қуршаб олган қаттиқ шихта қатламлари остида ёнади (расм, *в*); бунда шихта ёйдан ажралиб чиқадиган иссиқлик б-н, шунингдек, шихтадан ток ўтаётганда ҳосил бўладиган жоул иссиқлик б-н қизийди. Бевосита қиздириладиган Ё. п. кенг тарқалган бўлиб, унда кўпинча пўлат эритилади. Ёйи берк печларда рангли металлар, ферроқотишмалар, электр корунлар ва б. эритилади. Бевосита қиздириладиган Ё. п.нинг ҳажми 360—400 т бўлиб, металл ва шлакни юклаш ёки бўшатиш вақтида оғдирилади. Булардан ташқари электроди сарф қилинадиган (қайта эритиладиган металлдан тайёрланади) ва электроди сарф қилинмайдиган (вольфрам ёки графитдан тайёрланади) вакуумли Ё. п. бор. Бундай печлар металл ва қотишмаларни вакуум-ёй ёрдамида қайта эритишда қўлланилади.



Ёй печларининг схемалари: *а* — бевосита қиздириладиган; *б*—билвосита қиздириладиган; *в*—ёйи берк.

ЁЙ РАЗРЯД — электродлар орасида (газларда) рўй берадиган электр разряд. Кўмир ёки металл электродлар орасида ҳосил бўладиган вольта ёйи Ё. р.га мисол бўлиши мумкин. Иккита кўмир электрод орасида ҳавода Ё. р. содир бўлганини биринчи марта 1802 й.да рус олими В. В. Петров ва ундан мустасно 1808 й.да ҳинд олими Г. Девилар кузатишган. Электр манбаига уланган иккита кўмир электрод бир-бирига яқинлаштирилганда чўғланади ва катоддан электронлар чиқа бошлайди. Электродлар бир-биридан узоқлаштирилганда улар орасида ёркин ёй ҳосил бўлади. Электроллар (асосан, катод)нинг т-раси 3000—3600 К га етади. Газ босими 20 атм га етганда ёй т-раси 6000 К га яқинлашади. Ёйнинг юқори т-раси туфайли ионланиш рўй беради. Шунинг учун электродлар орасида яхши электр ўтказувчанлик пайдо бўлади. Бундан ташқари, *электрон эмиссия* туфайли катодга яқин соҳа қаршилиги кичик бўлади. Булар кичик кучланишда ҳам электродлар орасида Ё. р. юз беришига сабаб бўлади. Электродлар жуда (бир неча см гача) яқинлашганда Ё. р. кучланиши 40—50 В га етади.

Ё. р.дан электротехника, электр пайвандлаш, *ёй печ*ларида металл эритишда, газ разрядли ёруғлик манбаида, *плазматрон*лар, люминесцент лампалар, *газотрон* ва б.да фойдаланилади.

ЁЙИЛМА КОНУС — текисликка ёки водийларнинг кенгроқ қисмига оқар сувлар келтирган жинсларнинг тўпланишидан ҳосил бўлган ярим конус кўринишидаги бир оз қабариқ рельеф. Ё. к. ҳар хил катталикдаги тоғ жинсларидан иборат бўлади. Тупроқлари ёш, ўсимликлари сийрак, майдони бир неча 10 м² дан ўнлаб км² гача етиши мумкин. Ё. к. Ўзбекистонда тоғ этакларидаги текисликларда, водийларда кўп учрайди.

ЁЙИЛУВЧАНЛИК — қаттиқ жисмлар (мас., металл ва қотишмалар)нинг механик кучланиш ва ўзгармас (статик) нагрузка (юк, куч) таъсирида сезилмаган узлуксиз пластик деформацияланиши (қ. *Деформация*). Ё. ҳодисаси бир неча юз йиллар олдин сезилган. Бироқ металл ва қотишмалар, резина, шишаларнинг Ё. хоссалари 1940 й.лардан бошлаб изчил равишда текширила бошланган. Техниканинг ривожланиши б-н юқори т-ра ва нагрузкада ишлайдиган машина деталлари (буг ва газ турбиналари, реактив двигателлар ва ракеталарнинг диск ва кураклари)нинг Ё. хоссалари аниқланган. Натижада бу деталларни махсус конструкцион материаллар (оловбардош қотишмалар)дан тайёрлашга тўғри келди. Ё. фақат юқори т-ралардагина эмас, балки паст т-раларда ҳам вужудга келади. Мас., кадмийда — 269° да, темирда — 169° да Ё. сезилади. Суюқланиш т-раси паст бўлган металлар (қўргошин, алюминий), бетон, ёғоч, резина, каучук, пластмассаларда Ё.ни хона т-расида ҳам кузатиш мумкин. Бетонга хос Ё. унинг қанчалик янгилигига боғлиқ бўлади.

Металл ва қотишмалардаги Ё.ни чўзиш, бураш ва эгиш усули б-н аниқлаш мумкин. Булардан энг кенг тарқалгани чўзиш усулидир. Бунда синаладиган металлдан намуна тайёрланади ва унинг икки учини қисқичларга маҳкамлаб, печга киритилади ва зарур т-рагача қиздирилади. Намунага ўзгармас нагрузка узоқ таъсир эттирилади. Т-ра термоэлектрик пирометр б-н, деформация эса махсус асбоб б-н ўлчанади. Ўзгармас нагрузка қанча кичик бўлса, Ё. шунча секин боради ва намуна шунча узоқ вақтга чидайди. Металл ва қотишмаларнинг узоқ давом этадиган ўзгармас нагрузкага қаршилик кўрсатиш хоссаси унинг Ё. чегараси деб аталади. Металларнинг юқори т-радаги механик хоссалари уларнинг Ё. чегараларига боғлиқ. Машиналарнинг юқори т-рада механик нагрузкаларда ишлайдиган деталлари учун Ё.нинг аҳамияти катта.

ЁЙИҚ — *Урал* дарёсининг 1775 й.гача бўлган номи (дарё кенг ўзанда ёйилиб оққанлиги учун шундай ном б-н аталган деган тахмин бор).

ЁЙИҚ ГУЛ — қоракўл терисининг жингалаксиз, силлиқ жунли қисми. Бу хилдаги гуллар ялоқ ёки ясси гул деб ҳам юритилади (қ. *Қоракўл*).

ЁЙМА — ўқлоғи ёки жўва б-н ёйилган ошхамир. Доира шаклида бўлиб, диаметри 10 см дан (манти учун) то 1 м гача (угра кесиш учун), қалинлиги эса тайёрланадиган таомнинг турига қараб 1, 2, 3 мм гача бўлади. Ё. угра, манти, чучвара, сомса каби таомлар тайёрлашда ишлатилади.

ЁЙСИМОН ПАРДА (iris), рангдор парда — кўз соққаси томирли пардасининг олд қисми; киприкли танадан бошланади. Рангдор парда олдинда қорачиқ тешигида тугайди, унинг олдинги юзаси кўз соққасининг олдинги бўшлиғига, орқа юзаси кўз гавҳари бўшлиғига қараган. Ё. п. рангли бўлиб, мугуз (шох) парда орқали кўриниб туради. Парда таркибидаги пигментлар миқдорига қараб кўз ҳар хил рангли (қора, жигарранг, кўк ва ҳ.к.) бўлиб товланади, пигмент бўлмаган рангдор парда қизил бўлиб кўринади. Кўз қорачиғи қирраларида айланасига жойлашган мускул қисқариб, қорачиқни торайтирса, узунасига жойлашган мускул кенгайтиради. Ё. п.нинг орқасида тиниқ, икки томони қавариқ линза — кўз гавҳари бор.

ЁЛ — от, ҳачир, эшак, шунингдек, ёввойи кўчқор, бўри, арслон сингари ҳайвонларнинг бўйнидан чиқадиган узун қил тутамлари.

ЁЛЛАНМА МЕҲНАТ — ёлланма ходимлар меҳнати. Ё.м. бозор иқтисодиётида амал қиладиган *меҳнат бозори*да олди-сотди қилинадиган асосий товар ҳисобланади. Иш берувчилар (тадбиркор, корхона, ташкилот) ва иш кучи эгаси (ёлланувчи) ўртасида маълум муддатга ёки аниқ бир ишни бажариш учун меҳнат шароитлари ва тўланадиган ҳақ тўғрисида ёзма равишда шартнома тузилади. Бундай шартнома вақтинча — синов муддати б-н, маълум бир даврга ёки муддати белгиламасдан (умрбод) тузилиши мумкин. Томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнатни ташкил этиш шароитлари меҳнат қонунларига мувофиқ ўзаро келишган ҳолда ҳал этилади. Шартномада меҳнатни қўшимча рағбатлантириш мақсадида ҳар хил имтиёзлар берилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида Ё.м. ва умуман меҳнатга оид муносабатлар 1996 й. 1 апр.дан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (1995.21.12) ва б. меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа шартномалари ва б. меъёрий ҳужжатлар б-н тартибга солинади.


ЁЛЛАНМА ҚЎШИНЛАР — давлатлар, шаҳарлар, айрим бадавлат мулкдорлар томонидан ёлланган профессионал жангчилардан тузилган қўшинлар. Қад. Миср, Эрон ва б. давлатларда кенг қўлланилган; 15—18-а.ларда Ғарбий Европадаги қуролли кучларнинг асосини ташкил этган. Мас., *Етти йиллик уруш* даврида Фридрих II қўшинининг ярмидан кўпи чет элликлардан иборат бўлган. Ҳоз. бир қатор давлатлар (АҚШ, Буюк Британия ва б.) да қуролли кучлар таркибини Ё. қ. асосида тўлдириш тизими тикланган.

ЁЛҒОН ГУВОҲЛИК БЕРИШ — қ. *Гувоҳ*.

ЁЛҒОН ХАБАР БЕРИШ — жиноят тўғрисида била туриб, ёлғон хабар бериш. Ё.х.б. одил судловни тўғри юритишга путур етказиши, тергов органларини ёки суд фаолиятини нотўғри йўлга солиб, ишнинг чигаллаштириб юборилишига сабаб бўлиши мумкин. Жиноят ҳақида била туриб Ё.х.б.нинг ўзи б-н жиноят тугалланган ҳисобланади ва бундан бирон-бир оқибатнинг келиб чиқанлиги ва чиқмаганлиги аҳамиятсиздир. Ўзбекистон Республикаси ЖКга кўра, 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс шу жиноят субъекти бўлиши мумкин. Ёлғон хабар берган шахс энг кам ойлик иш ҳақининг 25 бараваридан 50 бараваригача миқдорда жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 6 ойгача қамоқ б-н жазоланади. Ё.х.б. сунъий айблов далилларини вужудга келтирган; разгўйлик ниятларида қилинган; уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаган бўлса жазо кучайтирилади. Ё.х.б. оғир оқибатларга сабаб бўлса айбдорга нисбатан янада оғирроқ жазо қўлланилади.


ЁМ, жом (мўғулча — йўл) — чопарлар, йўловчилар қўнадиган ва от алмаштирадиган жой, бекат. Ё. да доим отлар шай туриб, бир қанча киши хизмат қилган. 13-а.да ташкил этилган. Ё. хизматчиси ёмчи деб аталган (русча ямщик шундан олинган).

ЁМБИ (хитойча «Юань бао» — бойлик тўплашнинг бошланиши) — қуйма олтин ва қуйма кумуш бўлаги. Хитойда биринчи пуллар мил. ав. 7-а.да пайдо бўлган; улар кумушдан эмас, балки мис (ёки бронза)дан қуйиб тайёрланган. Бу пулларнинг қиймати жуда паст бўлиб, бир мискол (3,7 г) кумушга 1000, ҳатто 2000 дона мис (бронза) пул алмаштирилган. Бу пулларнинг оғирлиги ярим пуд келган, 10—20 минг



Ўзбекистон олтин ёмбилари.

мис (бронза) пулларни ҳамёнда эмас, балки от-аравада ташишга мажбур бўлинган. Мил. 7—10-а.ларга келиб «Буюк ипак йўли» бўйлаб халқаро савдо-сотиқ ривожланган даврда Хитойда халқаро валюта (олтин ва кумуш) пуллар ўрнида қуйма Ё.лардан фойдаланилган. Ё. пул эмас, балки йирик савдо-сотиқларда тўлов ва бойлик жамғариш воситаси бўлган. Ё.ларнинг вазни бир хил эмас, балки 5 г дан 2000 г гача бўлиб, савдо муомаласида уларни тарозида тортиб олинган. Ё.ларнинг катталари «Туя туёқ», «От туёқ» деб аталган, нисбатан кичиклари «Қўй туёқ»,



1885 йил Хитойда чиқарилган ёмби.

«Эчки туёқ», ундан кичиклари эса «Чучвара қулоқ» деб юритилган. Соф кумушдан тайёрланганлигини тасдиқлаш учун давлат томонидан чиқарилган Ё.ларга хитой императори ўз тамғасини босган (расмга қ.). Агар Ё.ларни шахслар чиқарган бўлса, унинг сифатлигини шаҳар ва туман ҳокимлари тасдиқлаб, ўз тамғасини босган. Шу б-н бирга, кумуш Ё.ни тайёрлаган шахс ва фирмалар ҳам ўз тамғасини босиб кафолат берган. Ё.лар 19-а. охиригача Марказий Осиё ва Хитой савдо муомаласида кенг юритилган.

Ўзбекистон Республикаси олтин конларидан қазиб олинадиган олтинлар махсус қолипларга қуйилиб, Ё. ҳолига келтирилади. Унинг оғирлиги 12 кг.

ЁМОН ЖАРОҲАТ, Боровский касаллиги, Тошкент яраси, Қўқон яраси — *лейшманиоз*нинг бир хили, тери лейшманиози. Инфекцияни тарқатувчи *искабтопарлар* бор жойда — Европанинг Ўрта денгиз бўйидаги мамлакатларида, Шим. Африкада.

Кичик ва Жан. Осиё мамлакатларида, шунингдек, Туркманистон, Тожикистон ва Ўзбекистонда учрайди. Лейшмания юққан искабтопар баданни чақиб, ғудда (дўмбоғча) қилади, кейин бу ғудда ярага айланади. Ё.ж.нинг икки хили учрайди: 1) шаҳарга хос хили (қуруқ хили, Ашхобод яраси) — яширин даври 6—8 ой, касаллик 8—12 ой (баъзан ортиқ) давом этади; инфекция бемордан тарқалади; 2) чўлга ёки қишлоқда хос хили (ҳўл хили, Пенди яраси) — яширин даври 10—12 кун, касаллик 2—4 ой давом этади. Инфекция лейшмания юққан кемирувчи ҳайвонлар (қум сичқон, юмронқозиқ ва б.) дан, шунингдек, касал кишилардан тарқалади. Ё. ж. бўлиб ўтган организмда мустаҳкам иммунитет вужудга келади. Ё. ж. ғуддалигида даволанмаса, яра битгач, ўрни чандиқ бўлиб қолади.

Олдини олиш. Уй-жой атрофидаги кемирувчилар, уларнинг уяси ва искабтопарларни йўқотиш, пашшахона тутиш, репеллентлар (ҳашаротлардан сақланиш учун баданнинг очиқ жойларига суртиладиган ва кийим-бошларга пуркаладиган кимёвий модалар)дан фойдаланиш тавсия этилади. Ё. ж. тарқалган жойга кўчиб келувчилар эҳтиётдан эмланади, натижада Ё. ж.нинг шаҳар ва қишлоқ хилига қарши иммунитет тез вужудга келади. Ё. ж. ҳозир деярли йўқотилган.

ЁМОН ҚАШҚИРТОВ — Марказий Қизилқумдаги тоғ. Бўкантов тоғларининг жан.-шарқий қисмида жойлашган. Энг баланд жойи 578 м, уз. 14—15 км, жан.-ғарбдан шим.-шарққа томон йўналган. Тоғ жан.-ғарбга, Мингбулоқ ботиғи томон пасайиб боради. Марказий қисми баланд, бу жойда ён бағирлари анча тик ва ўйдим-чуқур, туб жинслар ер юзасига чиқиб қолган, қиррали, турли эрозия ва нураш жараёнлари вужудга келган. Бошқа жойларида туб жинслар усти нураган жинслар б-н қопланган. Ж. қ. палеозойнинг кристалли жинслари (сланец, оҳактош, конгломерат, қумтош ва б.)дан ташкил топган. Бўз қўнғир тупроқларда сийрак ҳолда биюргун, боялич, шувоқ ўсади.

ЁМОНЛИК — қ. *Яхшилик ва ёмонлик.*

ЁМОНСОЙ — Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги сой кўринишидаги кўл. Ё.нинг асосий ҳавзаси Амударёнинг ўнг тармоғи — Кўкдарёнинг тугаш жойидан 10 км шарқда. Майдони (сувга тўлган пайтда 168 га) ва сув ҳажми ўзгариб туради. Кўп қисмини қамиш ва қўға босган, саёз. Ё.га Амударёдан тошган сувлар ва экин майдонларининг сизот сувлари қуйилади.

ЁМОНТОВ — Марказий Қизилқумдаги тоғ. Қозоқтов тоғининг жан.ида жойлашган. Энг баланд жойи 340 м. Шим.-ғарбдан жанг.- шарққа йўналган. Уз. 8—10 км. Жан.-ғарбий ён бағирлари қияроқ, зинапоясимон пасайиб пролювиал шлейфга туташган. Шим.-ғарбий ён бағирлари тикроқ ва қуруқ сойлар б-н ўйилган. Ё.т. кристалли палеозой, бўр ва палеоген даврларининг чўкинди жинсларидан ташкил топган. Шим.-ғарбий ён бағирлари айрим жойларда эол қумлари б-н банд. Бўз-қўнғир тупроқларда биюргун, кейреук, шувоқ боялич ўсади. Яйлов сифатида фойдаланилади.

ЁМОНТОВ ТОҒИ — Марказий Қизилқумдаги тоғ. Томдитов тоғларининг энг чекка жан.-ғарбида жойлашган. Энг баланд жойи 506 м (Сизтов чўққиси). Ё.т.нинг сувайиргич қисми кескин кўтарилган. Жан.-ғарбдан шим.-шарққа йўналган. Ён бағирларида қуруқ сой ва ўзан кўп. Ё.т.нинг чўққиси қуйи палеозойнинг туб жинсларидан иборат, қолган жойлар нураган жинслар б-н қопланган. Этакларида бўр ва палеогеннинг чўкинди жинслари (гил, алевролит, қум ва б.) кенг тарқалган. Бўз, қўнғир тупроқларда шувоқ, кейреук, биюргун, изен ва б. ксерофитлар ўсади. Ён бағирларидан қоракўл қўйлари боқишда фойдаланилади.

ЁМОНҚУМ ЧЎЛИ — Марказий Қизилқумдаги чўл. Томдитов б-н Бўкантов тоғлари оралиғида жойлашган. Ғарбда Мингбулоқ, шарқда Мўлали ботиқлари б-н чегарадош. Энг баланд жойи шарқида 303 м, ғарбида 169 м. Кўзанакли (чуқ. 5—8 м), дўнг (бал. 4—6 м) ва марзали қум (бал. 6—9 м) шакллари учрайди, қудуқлар атрофида барханли қумлар вужудга келган. Мингбулоқ ботиғи яқинида рельеф сатҳи пасайиб, қумли қоплам қалинлиги камайиб боради, баъзан туб жинслар юзаси очилиб қолган, айрим жойларда кичик ботиқлар учрайди. Ё.ч.да Тубелек (бал. 258 м), Тулятош (268 м), Қоратепа (141 м), Дарвоза (248 м) каби тепалар мавжуд бўлиб, улар бўр, палеоген, баъзан неогеннинг чўкинди жинсларидан тузилган, жан. ён бағирлари тик ва қуруқ ўзанлар б-н парчаланган. Қумликда чўл ўсимликларидан черкез, оқсаксовул, жузгун, қуёнсуяк, селин, исириқ, эфемерлар (қўнғирбош, ранг, коврак ва б.), шўрхокларда бир йиллик шўралар (балиққўз, қорашўра ва қизилшўра), юлғун, қорабароқ, кермак ва б. тарқалган. Яйлов сифатида фойдаланилади. Ё.ч.ни Зарафшон—Учқудуқ т.й. ва автомобиль йўллари кесиб ўтган.

ЁМҒИР — булутлардан диаметри 0,5 мм дан 6—7 мм гача бўлган сув томчилари ҳолида ёғадиган ёғин. Қоплама булутли Ё. ҳамда жала Ё.га бўлинади (қ. *Атмосфера ёғинлари, Жала*). Ўрта Осиёнинг текислик ва тоғ олди ҳудудларида Ё. йил давомида кузатилади; ёмғирли кунлар сони қорли кунлар сонига қараганда 2—3 марта ортиқ. Ё. март—апр. ойларида энг кўп, июль—авг.да эса энг кам ёғади. Ўрта Осиёда Ё.ли кунлар сони ўрта ҳисобда бир йилда 30—40 кунни ташкил қилади. Жойнинг баландлик ортиб бориши б-н (тоққа яқинлашган сари) Ё.ли кунлар сони 50—60 кунга етади. Чўл ҳудудларида, Фарғона водийси (сойлиги)нинг ғарбий ва марказий қисмида йиллик Ё. миқдори энг кам. Мас., Орол денгизининг жан.даги баъзи жойларда ўртача йиллик ёғин миқдори 80—90 мм. Нам ҳаво оқими йўналишига қулай жойлашган тоғ олди ва водийлар (2000 м бал. гача бўлган зона)да, айниқса, жан.-ғарбга қараган водийларда Ё. катта жадаллик б-н ёғади.

Апр. ва май ойларида мўътадил ёғиб турадиган булутли Ё. тупроқда нам захирасининг кўпайишига ёрдам беради, экинларнинг ялпи кўкаришига қулай шароит туғдиради. Тупроқ ва ҳаво т-раси пасайган шароитларда қоплама булутли Ё. униб чиққан айрим экинлар, мас., ғўзада *илдиз чириши, гоммоз* касалликларининг авж олишига сабаб бўлади. Қисқа муддатли момақалдироқ (суткалик ёғин миқдори 10 мм дан ортиқ) тупроқ юза қатламини тиғизлаб, қатқалоқ ҳосил қилади.

Ҳамидулла Абдуллаев.

ЁМҒИР ЧУВАЛЧАНГЛАРИ, ер чувалчанглари — кам тукли ҳалқалилар синфига мансуб чувалчанглар бир неча оиласининг умумий номи. Танасининг узунлиги бир неча см дан тропик турлари 2,5 м гача. Ўзбекистонда учрайдиган турлари 15—20 см дан ошмайди. Танасидаги ҳалқалар сони 80 дан 450 гача. Ҳар бир ҳалқасида 4 жуфтдан ёки ундан кўпроқ тук бор. Туклар Ё.ч. ўрмалаганида таянч бўлади. Махсус сезги органлари ривожланмаган, бироқ терисида жуда кўп сезгир ҳужайралари бор. Териси орқали нафас олади. Қон айланиш системаси туташ, юраги бўлмайди. Қони қизил, унинг таркибида гемоглобин бор. Нерв системаси битта ҳалқум усти нерв тугунидан ва қорин нерв занжирини ҳосил қилувчи бирмунча майда қорин нерв тугунларидан иборат. Чириётган органик қолдиқлар б-н озиқланади. Тупроқда яшайди, ёмғирдан сўнг тупроқ юзасига чиққанлиги сабабли «Ё.ч.» номини олган. Гермафродит, тухумини пиллага қўяди. Ё. ч. ин қазиб тупроқни юмшатади, унинг чуқур қатламларига ҳаво ўтиши ва сув шимилишига имкон беради; тупроқ қатламларини аралаштиради; ўсимлик қолдиқлари чиришини тезлаштиради; тупроқни гумусга бойитиб, унумдор қилади. Ё. ч. аралашмаси, ўрмончўл ва қора тупроқли нам иқлимли минтақаларда айниқса кўп (1 м² тупроқда 300 дан ортиқ) бўлади. Ё. ч. Ўрта Осиё минтақасида асосан ариқлар яқинида, суғориладиган нам тупроқли ерларда учрайди. Ё. ч.нинг 1500 га яқин, жумладан Ўзбекистонда 20 дан ортиқ тури маълум. Суғориладиган ерларда Nicodrilus caliginosus, Oxtolasium lacteum кенг тарқалган. Айрим Ё. ч. биологик гумус олиш мақсадида кўпайтирилади.

ЁМҒИР ЎЛЧАГИЧ — атмосфера ёғинлари (шу жумладан, ёмғир) миқдорини ўлчаш учун мўлжалланган асбоб (қ. *Ёғин ўлчагич*).

ЁМҒИРЛАТИБ СУҒОРИШ — қ.х. экинларига сувни ёмғир шаклида бериш усули; сунъий ёмғир ҳосил қилишда кўчма ёки кўчмас ёмғирлатиш машиналари ва қурилмалари ишлатилади. Ё.с. бўйича тадқиқотлар бир неча мамлакатларда 19-а.да ўтказилган, 20-а. бошларидан и.ч.да қўлланила бошлади. Кўпгина чет мамлакатларда (АҚШ, Италия, Германия, Венгрия, Болгария., Чехия ва б.) Ё.с. кенг миқёсда қўлланилади. Қозоғистонда ва Қирғизистонда экин майдонларининг катта қисми шу усулда суғорилади. Ё.с. айниқса намланиш беқарор бўлган майдонларда сабзавот, ем-хашак, ғалла, техника экинлари, мева ва резаворлар етиштиришда кўп қўлланилади.

Суғорма деҳқончилик зонасида чучук ва қисман минераллашган грунт сувлари ер юзасига яқин жойлашган ўтлоқи ва бўз-ўтлоқи тупроқларда ҳамда сув ўтказиш қобилияти юқори бўлган тупроқларда Ё.с. қўлланилади.



Ёмғир чувалчанглари. Тупроқдаги ва пиллали ёмғир чувалчанглари.

Эгатлар орқали ёки тупроқ сиртидан суғоришнинг бошқа турларига қараганда Ё.с. қатор афзалликларга эга: ўсимлик ривожи учун қулай шароит яратади, фақат тупроқ намини оширибгина қолмай, ҳавонинг ер юзасига ёндош қатламида ҳам намликни кўпайтиради, ҳаво ҳароратини пасайтириб, буғланиш ва ўсимлик транспирацияси сарфини камайтиради. Ё. с. ўсимликдаги чангни ювиб, уларнинг нафас олишини, органик моддалар тўпланишини кучайтиради, ўсимлик ривожланишини яхшилайди, барча физиологик жараёнларни фаоллаштиради. Ё.с. рельефи мураккаб ҳамда сув ўтказувчанлиги юқори бўлган жинсларда жойлашган ерларда, тупроқ қатлами юпқа жойларда, сувни оқизиб суғориш катта ҳажмдаги тупроқ текислаш ишларини талаб этадиган ёки сув фильтрацияси сарфи катта бўлган далаларда ўсимлик учун қулай намликни сақлашга имконият яратади. Ё.с.да муваққат суғориш шохобчаларига эҳтиёж қолмайди, натижада ер майдонида тўлароқ фойдаланилади. Ё.с.да оқизиб суғоришга нисбатан грунт сувлари ер юзасига яқин (1—2 м) чуқурликда жойлашган ўтлоқи тупроқларда суғориш нормаси 1,5—2,0 марта, типик сур тупроқларда 15—20% га камаяди. Ё.с. сувни сарфлашда тежамкорлик таъминлаш б-н бирга сув б-н бирга ўғит беришга имкон беради, меҳнат унумдорлигини оширади. ДДА-100М маркали битта ёмғирлатиш машинаси суткасига 8—10 га ерни суғориб, 12—15 сувчининг ишини бажаради. Ё.с.ни ғалла—ғўза—беда алмашлаб экиш комплексига киритиш беда, жўхори, суданўт ва ш.к. ўсимликлар экилган майдонларда ҳам қўллаш мумкин.


Ё.с. самараси асосан сув томчиларининг жадаллиги ва ўлчамларига боғлиқ. Томчилар диаметри 1,5—2,0 мм атрофида, ёмғир жадаллиги тупроқнинг сув ўтказиш қобилиятидан кичик бўлганда суғоришда яхши сифатга эришиш мумкин. Муайян шароит учун бу кўрсаткичлар, одатда, тажриба йўли б-н аниқланади. Механик таркиби оғир бўлган (мас., типик сур) тупроқ шароитида ёмғир тезлиги мин.га 0,1 дан 0,2 мм гача, ўтлоқи-аллювиал, ўтлоқи-ботқоқи тупроқларда 0,25—0,3 мм, ўрта ва енгил тупроқларда 0,3—0,4 мм ни ташкил этади. Суғориладиган майдонда сувнинг бир текис тарқалишини, қўлоб ва оқим ҳосил бўлмаслигини таъминлаш лозим.

Ё.с. учун дарё, канал ва б. сув манбаларидан фойдаланиш мумкин. Сув келтиргич (каналлар, доимий сув қувурлари) ва тарқатгич (очиқ, ёпиқ ва аралаш) тармоқлари орқали суғориладиган участкадаги ёмғирлатиш машиналари ва қурилмаларига берилади. Ё. с. усули қўлланилганда сув келтиргич ва тарқатгич тармоқларни жойлаштиришда суғориладиган участка шакли мумкин қадар тўғри бурчакли бўлиши, унинг кенглиги ёмғирлатиш машинасининг қаноти узунлигидан 2 марта катта бўлиши керак. Ариқ ва сув қувурлари бир-бирига параллел жойлаштирилади.

Ад.: Саттаров Ф. М., Меднис М. Н., Состояния и перспективы механизации и автоматизации полива хлопчатника, Т., 1976; Аҳмедов Х. А., Суғориш мелиорацияси, Т., 1977.

Машариф Боқиев.

ЁМҒИРЛАТИШ МАШИНАЛАРИ ВА ҚУРИЛМАЛАРИ — қ. х. экинларини сунъий (ёмғирлатиб) суғориш агрегатлари. Ёмғирлатиш машиналари далада тракторларга ўрнатиб ишлатилади ёки гидравлик юритмали ўз таянчларида ҳаракатланади. Ёмғирлатиш қурилмалари ёмғирлатиш машиналаридан мустақил ҳаракат қила олмаслиги (муқимлиги) б-н фарқ қилади. Асосий иш органлари пуркагич (учлик) ва ёмғирлатиш аппаратларидан иборат (расмга қ.). Босим кучи ва сув сарфига кўра, Ё.м. ва қ. яқинга отар (сув 5—8 м узоқликка отилади), ўртача масофага (15—35 м) отар ва узоққа (40—80 м га) отар хилларга; ишлаш тарзига кўра, позиторли учлик (*1*—дефлектор, *2*—воронка); б—узоққа отар ёмғирлатиш аппарати (*1*—стволлар; *2*—сопло; *3*—айланувчи таянчлар; *4*—қувур; *5*—қаноткча). 2. Ҳаракатланувчи яқинга отар ёмғирлатиш машинаси. *3.* Позицион яқинга отар ёмғирлатиш машинаси.



1. Ёмғирлатиш машинаси ва қурилмаларининг иш органлари: а— яқинга отар дефлектор

ционвава ҳаракатланувчи хилларга бўлинади. Позицион Ё.м.қ. гидратли тақсимлаш қувурлари ва яқинга отар учликлари ёки ўртача масофага отар аппаратлари бўлган иккита ёмғирлатиш қанотларидан иборат. Бир қаноти ишлаётганда иккинчиси бошқа вазият (позиция) га ўрнатилади. Ҳаракатланувчи Ё. м. ва қ. тракторга ўрнатилган яқинга отар учликли, икки консолли фермадан иборат. Пуркаш (ёмғирлатиш) учун мўлжалланган сув ариқлардан марказдан қочма насослар ёрдамида олинади.

ЁМҒУРЧИ — 1) нўғай мирзаси; 1481 й. шайбонийлардан Ибоқхон б-н бирга Катта Ўрда хони *Аҳмад*га қарши курашда қатнашган. 1487 й. Ё. *Иван III* Васильевичдан *Қозон хонлиги* тахтидан ағдарилган Алихонни рус тутқунлигидан озод этишни сўраган. 1500 й. Қозон хони, русларнинг вассали Абдуллатифга қарши кураши чоғида Қозонни қамал қилган; 2) Астрахон (Аштархон) хони (1547—54). Иван IV Васильевич (*Иван IV Грозний*) 1554 й. Астрахон хонлигига қарши юриши чоғида тахтдан туширилган. Ё. Азовга қочган, унинг ўрнига тахтга бир неча йил аввалроқ Астрахондан қувғин қилинган русларнинг вассали Дарвишали ўтқазилган.

ЁН НЕРВЛИЛАР (Amphineura) — тубан моллюскалар кенжа типи. Чиганоғи ўзаро ҳаракатчан бириккан 8 та пластинкадан иборат ёки бўлмайди. Нерв системаси ҳалқум атрофи нерв ҳалқаси ва ундан кетадиган икки жуфт бўйлама нерв поялари, жумладан иккитаси плевровицерал нервлар тана бўйлаб жабра (галсама) эгатчалари устида, иккитаси (педал) нервлар оёғи устида жойлашган. Ё. н. совутлилар ва эгат қоринлилар синфларига бўлинади. Ё. н. орасида хитонлар денгизларнинг соҳилга яқин жойларида кенг тарқалган. Хитонлар ясси оёқлари ёрдамида тошларга ёпишиб ҳаёт кечиради. Эгат қоринлилар синфига денгиз тубида яшовчи чувалчангсимон, содда тузилган йиртқич моллюскалар киради. Танасининг уз. 30 см га етади. Ён нервли моллюскалардан Neomenia ва Chaetoderma уруғлари кенг тарқалган.

ЁН ОРГАНЛАР — қ. *Ён чизиқ*.

ЁН ТИЗМА — *Катта Кавказ*нинг шим.-шарқида Бош тизмага параллел жойлашган тоғ. Ғарбда Лаба дарёси ҳавзасидан, шарқда Дюлтитоғгача давом этади. Ё. т. да *Эльбрус* (5642 м), *Казбек* (5033 м) ва Дихтов (5203 м) чўққилари бор. Баланд тоғ ўтлоқлари, марказий қисмида музликлар мавжуд.

ЁН ЧИЗИҚ (linea lateralis), ён органлар — сувда яшовчи тубан умуртқасиз ҳайвонлар (тўғарак оғизлилар, сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг итбалиқ даври)даги сезги органлари системаси. Тананинг ҳар икки ёни ва бош қисмида жойлашган. Ё. ч. махсус ион таркибга эга бўлган суюқлик б-н тўлган найчалар — ампулалардан ҳамда улар сиртида жойлашган эпидермал органлардан иборат. Ё. ч. органларининг асосий қисмини эшитиш органи ва вестибуляр аппарат сенсор ҳужайраларига ўхшаш сезгир тукли ҳужайраларга эга бўлган невромаст ташкил этади. Афферент ва эфферент нерв толалари ана шу невромаст рецептор ҳужайраларида шохланган бўлади. Рецепторлар сув оқими ва муҳитнинг паст частотали тебраниши таъсирида қўзғалиш пайдо бўлади. Ё.ч. органлари сув оқими йўналиши ва тезлигини сезади. Ҳайвонлар Ё. ч. ёрдамида кўриш органисиз ҳам сувда ўз йўлини топади, тўсиқларни сезиб айланиб ўтади. Айрим тўғарак оғизлилар ва кўпчилик балиқларнинг Ё. ч. органлари ўзига хос тузилган жуда сезгир электрорецепторларга эга.

ЁН ЭРОЗИЯ — оқар сувнинг ўзан (дарё водийси, жар) ён томонини ювиши; Ё. э. натижасида дарё водийси, жар кенгая боради, *меандр* ҳосил бўлади. Ё. э. чуқурлатиш эрозияси б-н бир вақтда давом этади, лекин эрозия базиси баланд бўлиб, дарё текисликдан оққанда айниқса кучаяди (қ. *Эрозия*).

ЁНБОШ — чаноқ суягининг бир қисми, таянч-ёнбош суяги. У тепадан ёнбош суягининг тепа қирраси, пастдан чаноқ-сон бўғими б-н чегараланади. Ё. суяк, мускуллар, тери ости ёғ қавати ва тери б-н қопланган. Ё. танани оёққа қўшиб туради.

ЁНБОШ (спортда) — ўзбек кураши атамаларидан бири. Ё. курашчи усул қўллаб рақибининг битта курагини ерга теккизганда ёки рақиби иккинчи бор огоҳлантирилганда (дакки олганда) бериладиган баҳо. Ё. ярим ғалаба бўлиб, 5 баҳога тенг.

ЁНДИРУВЧИ ВОСИТАЛАР — душманнинг ҳарбий-саноат объектлари, иншоотлари, жанговар техникаси, жонли кучларини ёндириш орқали шикастлайдиган қурол-аслаҳа ва моддалар. Ё. в. жуда юқори иссиқлик ҳосил қилади ва мўлжалдаги объектларни ёндириб юборади.

Ҳарбий ишда Ё. в. (порох, турли мойлар) дан фойдаланиш қадим замонлардан маълум. 1-жаҳон урушида, айниқса 2-жаҳон урушида кенг қўлланилган. Ё. в. ёндирувчи бомбалар, ёндирувчи снарядлар, ёндирувчи ўқ, ёндирувчи бак, ёндирувчи моддалардан иборат (авиация, артиллерия ва б. техника ёрдамида ишлатилади). Бомбалар душманнинг ўт олиши қийин бўлган омборлари, жанговар техникаси, саноат объектларини ёндиришда ишлатилади. Бундай бомбалар термитли (78—72% темир оксиди б-н 22—28% алюминий кукуни аралашмаси) ёки напалмли (қуюлтирилган нефть маҳсулотлари) бўлади. Портлаганда 1000° дан 2500° гача иссиқлик ҳосил қилади. Ёндирувчи снарядлар термит б-н тўлдирилган артиллерия снарядлари ва миналаридир. Бундай снарядлар портлаганда 3000° иссиқлик ажралади. Ўқ осон аланга-ланадиган нарсалар ва моддалар (бензин, ёғоч иншоотлар, пичан-сомон гарамларини) ёндиришда қўлланилади. Нишонга текканда ўт оладиган ёндирувчи модда ўқ учига жойланган бўлади. Душманнинг иншоотлари, ўқ-дори ва ёнилғи омборлари, қўшини, т. й. таркибларини йўқ қилишда ёнувчи суюқликлар (бензин, керосин, нефть, тошкўмир смоласи) аралашмаси авиация ёрдамида махсус ёндирувчи бакларда пуркалади. Ё. в. сифатида оқ фосфор б-н углерод сульфид аралашмаси (20:1 нисбатда) ҳам ишлатилади. Бундай аралашма б-н тўлдирилган снаряд ва миналар портлаганда катта майдонларга сочилиб кетади, иншоот, техника ва одамларга шикаст етказади. Ҳоз. замон армиялари ихтиёрида Ё. в.нинг турли-туман хиллари бор.


ЁНДОР, ёндори — эшик ёки дарвозанинг кесакиси. Остки ва устки томонларидан, турум (уч)лари бўлиб, эшик ёки дарвоза табақасининг очилиб-ёпилишини осонлаштиради. Кейинги пайтларда Ё. б-н эшикка металлдан ясалган ошиқ-мошиқ қоқиладиган бўлди.

ЁНДЎКОН — дегрезларнинг чўян эритадиган ишхонаси. Қадим замонлардан 20-а. бошларигача амалда бўлган. Ишхона (дўкон)нинг ёнида қурилганидан шундай аталган. Ё.да қозон, омоч тиши (поза), ҳовонча ва б. қуйилган (яна қ. *Чўянгарлик*).

ЁНИЛҒИ — *ички ёнув двигателида* ишлатиладиган ёниш маҳсулоти (қ. *Ёқилғи*).

ЁНИЛҒИ НАСОСИ — *ички ёнув двигатели*нинг ёнилғи б-н таъминлаш тизимидаги қурилма. *Дизель* двигателидаги Ё.н. корпус, кулачокли вал, турткич, плунжерлар жуфти, ҳайдаш клапанлари жойлашган насос каллаги, ёнилғи миқдорини ростлаб турадиган механизмлардан иборат. Карбюраторли ички ёнув двигателида ёнилғи бакидан ёнилғини карбюраторнинг қалқовучли камерасига зарур миқдорда узлуксиз оқим б-н узатиб туради, *дизелларда* эса ёнилғини аниқ белгиланган вақтларда ҳар қайси *форсунка*га узатади ва ёниш камерасига пуркаш учун етарли босим (12,5—17,5 МПа) ҳосил қилади. Карбюраторли ички ёнув двигателларида диафрагмали, дизелларда кўп плунжерли ва бир плунжерли Ё. н. ишлатилади. Дизелларда ишлатиладиган Ё. н. юқори ва паст босимли хилларга бўлинади. Юқори босимли Ё. н. ёнилғини форсункага, паст босимлиси эса насос-форсункага узатиш учун хизмат қилади. Ёнилғи миқдорини ростлаш усулига қараб, плунжер йўли ўзгарувчан; ёнилғи ўтишини ростловчи игнали; бурилувчи плунжерли хилларга бўлинади. Бурилувчи плунжерли Ё. н. энг кенг тарқалган. Бунда ёнилғи миқдори ричаг ва эксцентрик ёрдамида клапаннинг очилиш пайтини ўзгартириб ростланади. Двигателда нечта цилиндр бўлса, шунча плунжер бўлади. Мас., 2, 4, 6 плунжерли Ё. н. бор.

ЁНИЛҒИ ФИЛЬТРИ — ёнилғини механик аралашмалар ва сувдан тозалайдиган қурилма. *Ички ёнув двигатели*нинг ёнилғи б-н таъминлаш тизимида қўлланилади. Ёнилғи яхши тозаланмаса, карбюраторли двигателда жиклёрларни, *дизелда ёнилғи насоси* ва форсункани ифлослантириб, уларни ишдан чиқариши мумкин. Дизель двигателларида бир йўла дағал ва майин тозаловчи Ё. ф.дан фойдаланилади. Дағал тозаловчи Ё. ф. тирқишли металл лента ёки пластинкалардан иборат бўлиб, йирик зарраларни тутиб қолади. Майин тозаловчи Ё. ф. пахта, ип (қоғоз) ва фетр (махсус жун)дан тайёрланиб, ёнилғини жуда майда аралашмалардан тозалайди. Карбюраторли двигателларда тўрли ва пластинкали фильтрлар қўлланилади.



Дағал тозалаш ёнилғи фильтри: *1* — фильтрловчи элемент; *2*—тиндиргич; *3*— стойка; *4* — тўкиш тиқини.

Майин тозалаш ёнилғи фильтри: *1*— кронштейн; *2*—қистирма; *3*—стакан; *4*—фильтрловчи элемент; *5*—пружина; *6*—тиндиргич; *7*—тиндиргични маҳкамлаш скобаси; *8*—гайка.

ЁНИШ — муайян миқдорда иссиқлик ва ёруғлик (аланга) чиқариб, шиддат б-н ўтадиган мураккаб физик-кимёвий жараён. Кўпинча, Ё. асосини моддаларнинг оксидловчи экзотермик реакцияси ташкил этади. Физик-кимёвий нази зарияга кўра, моддалардаги иссиқлик ёки диффузион ўзгариш жараёнлари, портловчи моддалар, озон, ацетиленнинг ажралиши, моддаларнинг хлор, фтор б-н бирикиши, металларнинг хлор, натрий оксиди ва б. б-н ўзаро таъсири Ё. ҳисобланади. Ё.нинг диффузион (фаол зарраларнинг диффузиялаши натижасида тарқалиши) ва исиқлик (иссиқлик узатиш натижасида тарқалиши) турлари бор. Диффузион Ё. паст босимда рўй беради (мас., газ ва ҳаво аралашмасининг ёниши). Исиқлик Ё. и печлар, ички ёнув двигателларида ўтади. Ёнувчи модда ва оксидловчининг агрегат ҳолатига кўра, гомоген Ё., портловчи моддалар ва порохларнинг ёниши, гетероген Ё. фарқ қилинади.

Гомоген Ё. — газ ва буғсимон ёнувчи моддаларнинг газсимон оксидловчи (мас., ҳаво кислороди) муҳитида ёниши. Газ печлари, камералари, колонкалари ва б.да шундай Ё. рўй беради.

Портловчи моддаларнинг ёниши — портловчи моддаларнинг бўлиниш экзотермик кимёвий реакцияси зонасининг ўз-ўзидан тарқалиши ёки бир қатламдан иккинчи қатламга реакция энергияси (иссиқлик)нинг ўтиши натижасида портловчи модда компонентларининг ўзаро таъсирлашуви. Бунда Ё. тезлиги портловчи моддани табиатига, зарядининг босими, тараси, зичлигига боғлиқ бўлади. Бундай Ё.да ташқаридан ҳаво бериш шарт эмас.

Гетероген Ё. — суюқ ва қаттиқ ёнилғининг газсимон оксидловчи муҳитида ёниши. Суюқ моддаларнинг ёнишида уларнинг бугланиши муҳим роль ўйнайди. Тез буғланадиган суюқликларнинг ёнишини гомоген Ё.га киритиш мумкин. Қаттиқ моддалар ёнганда, кўпинча, уларнинг моддалар ёнги учувчи компонентлар ажралмайди (мас., металларнинг ёниши). Техникада таркибида углерод ва маълум миқдорда органик моддалар бўлган қаттиқ ёқилғи, мас., кўмирнинг ёниши муҳим ўрин тутади.

Ё.нинг исталган турида икки босқич — алангаланиш ва ёнувчи модданинг ёниши ҳамда Ё. маҳсулотлари ҳосил бўлгунча ёниб тугаши рўй беради. Иккала босқич учун кетган вақт умумий Ё. вақтини ташкил қилади. Ёнилғини тўла ёндириш учун кам вақт сарфлаш ёқиш техникасининг асосий вазифасидир.

Қаттиқ, суюқ ёки газсимон ёқилғи тўла ёнганда ажраладиган иссиқлик миқдори ёқилғининг ёниш иссиқлиги дейилади. Ёниш иссиқлигининг паст ва юқори, солиштирма ва ҳажмий хиллари бор. Паст ёниш иссиқлиги юқори ёниш иссиқлигидан ёқилғи ёнганда ҳосил бўладиган сувнинг буғланиши учун сарфланадиган иссиқлик миқдорича кичик бўлади. Мас., тош кўмирнинг солиштирма ёниш иссиқлиги 28—34 МЖ/кг, бензинники 44 МЖ/кг, табиий газнинг ҳажмий ёниш иссиқлиги 31 — 38 МЖ/м³ (1Ж=0,239 кал). Ё. жараёнини ўрганиш фан ва техникада, ҳарбий ишда, космик ракеталарни учиришда, кундалик турмушда жуда муҳим ўрин тутади.

ЁНИШ КАМЕРАСИ — газсимон, суюқ ёки қаттиқ ёқилғиларни ёқиш учун мўлжалланган бўшлиқ. Даврий ишлайдиган (поршенли *ички ёнув двигатели*) ва узлуксиз ишлайдиган (*газ турбинали двигатель, турбореактив двигатель*) суюқликли ракета двигателлари ва б. хилларга бўлинади. Поршенли ички ёнув двигателида цилиндр қопқоғи б-н юқори (энг чекка) ҳолатдаги поршень асоси оралиғи Ё. к. ҳисобланади. Ё. к.нинг бир неча тури бор. Газ турбинали двигателларда (қ. *Газ турбинаси*) Ё. к. компрессор б-н турбина орасидаги газ-ҳаво йўлида жойлашган. Бундаги Ё. к.га кирадиган ҳаво икки қисмга бўлинади: биринчиси Ё. к.нинг олд томонига йўналиб, асосий ёнилғи массасининг ёнишини; иккинчи қисми аралашиш зонасида ёниш маҳсулотларига қўшилиб, бошланғич зонада ёнмай қолган ёнилғининг ёнишини таъминлайди. Двигателнинг қуввати, тежамлилиги Ё. к.нинг шаклига, ҳажмига ва унда жойлашган шам (свеча)лар (карбюраторли двигателда) ёки форсункалар (дизель двигателида) сони ва вазиятига боғлиқ.

ЁНЛАБ СУЗАРЛАР, ҳар хил оёқлилар (Amphipoda) — қисқичбақасимонлар туркуми. Танасининг уз. 1—2 см дан 28 см гача, кўпинча икки ён томондан сиқиқ. 1—2 кўкрак бўғими боши б-н қўшилиб кетган. 2 жуфт

Ёнлаб сузарлар.



олдинги кўкрак оёқларида қисқичлари, барча оёқларида жабралари бўлади. Қорин бўлимида 3 жуфтдан икки шохли сузгичлари ва сакровчи оёқлари бор. Саёз сувда ёнида сузади (номи шундан олинган). 4500 га яқин тури маълум. Кўпчилиги денгиз ва чучук сув ҳавзалари тубида ёки планктонда, айрим турлари тупроқда ҳаёт кечиради. Чучук сув ҳавзаларида, айниқса, Байкал кўлида Ё. с.лар кўп (240 тур). Ҳаммахўр, фақат планктонда яшайдиган турлари орасида йиртқичлари бор. Кит битлари (Guamidae) китларда эктопаразитлик қилади. Тухумлари урғочиси кўкрагидаги тухум халтасида ривожланади. Чучук сувларда Gammarus авлоди турлари кенг тарқалган. Ё. с. сув ҳайвонлари, айниқса, балиқларнинг асосий озиғи сифатида катта аҳамиятга эга.

ЁНОҚ — юзнинг бир қисми. Кўз косасининг паст, юқори жағ суягидан уст томони; таянчи — ёноқ суяги. Юз суяклари ичида энг қаттиғи, юқори жағ суягини чакка, пешона суякларига ҳамда понасимон суякка бирлаштиради ва калланинг юз қисмини мия жойлашган қисмига бириктириб туради.

ЁНУВЧИ АРАЛАШМА — двигателларда ёнилғи б-н ҳаво (оксиген)нинг маълум нисбатдаги аралашмаси. Ё. а. карбюраторли *ички ёнув двигатели* (ИЁД) да цилиндрдан ташқарида (карбюраторда) бензин буғлари б-н ҳаво (оксиген)дан, газ б-н ишлайдиган ИЁД да газ б-н ҳаводан, *дизель* двигателларида цилиндрга киритилган қисилишидан қизиган ҳаво б-н унга пуркалган дизель ёнилғисидан ҳосил бўлади. Ё. а. таркибидаги 1 кг ёнилғига тўғри келадиган ҳаво (оксиген) миқдорига қараб, меъёрдаги (1:15), суюқ (1:18), суюқлашган (1:16,5), қуюқлашган (1:13) ва қуюқ (1:12) хилларга бўлинади. Бу миқдор ИЁДга тушадиган юк (нагрузка)га қараб танланади. Мас., двигателни ишга туширишда қуюқ, ортиқча юк б-н ишлашда (тепаликка кўтарилишда) қуюқлашган, текис йўлда бир маромда ҳаракатланишда меъёрдаги (нормал), пастликка тушишда суюқлашган ва салт ишлашда суюқ Ё. а. ҳосил қилинади. Автотрактор двигателларида совуқ двигателни ишга туширишда сўриладиган ҳаво йўлини тўсиб (заслонка ёрдамида), бошқа ҳолларда эса *акселератор* тепкиси (педали)ни босиб-бўшатиб Ё. а. миқдори ростланади.

ЁНУВЧИ СЛАНЕЦЛАР — қаттиқ *каустобиолитлар* гуруҳига мансуб фойдали қазилма. Таркиби органик (массасининг 10—30 дан 50—70% гачаси сапропель ёки гумус-сапропель) ва минерал (гилли, кремнийли ва б.) қисмлардан иборат. Қуруқ ҳайдалганда кўп миқдорда кимё маҳсулотлари манбаи ҳисобланган сланец мойи, ёнувчи газлар ва смола суви олинади. Ё. с., асосан, кальцит, доломит, гидрослюдалар, монтмориллонит, каолинит ҳамда 10—30% органик бирикмалардан тузилган. Сув кўкатлари ва гумусларнинг миқдорига қараб сапропелитли ҳамда гумит-сапропелитлиларга бўлинади. Сапропелитли Ё. с. гумит-сапропелитлилардан таркибида водороднинг кўплиги (8—10%) ва гумин кислоталарнинг камлиги (0,5%) б-н фарқ қилади. Смола 30% гача бўлади ва иссиқлик бериш қуввати 3500—4000 ккал/кг гача. Ё. с. ҳосил бўлишига кўра денгиз, лагуна ва кўл сапропелитларига бўлинади, таркибига қараб эса гил, карбонат, кремнийли бўлиши мумкин.

Ё. с. палеозой, мезозой ва кайнозойнинг ҳамма геологик системалари ётқизиқларида мавжуд. Тектоник жиҳатдан қараганда Ё. с. асосан платформаларда, камроқ геосинклиналь областларда тарқалган. Ер шарида Ё. с.нинг умумий потенциал ресурслари 450 трлн. т деб баҳоланади, шундан 431 трлн. т. АҚШда. Ўзбекистонда Ё. с. Бойсун ва Яккабоғда топилган. Энг йирик конлари Эстония, Белоруссия, Россия (шимғарби), Украина (Болтиш), Қозоғистон, АҚШ (Колорадо, Юта, Вайоминг), Канада, Хитой, Бразилия, Англия ва б. давлатларда бор. Ё. с.дан саноатда мой ва газ олишда ҳамда қаттиқ ёқилғи сифатида, сланецли смолалардан кимёвий хом ашё (фенол, пластификатор, ихтиол ва б. олинади), чиқиндиси (кули)дан қурилиш материали (цемент ва б.) сифатида фойдаланилади.

ЁНУВЧИ ТАБИИЙ ГАЗЛАР — Ер пўстининг чўкинди ғилофида эркин тўпламлар ҳамда эриган (нефтда ва қатлам сувларида), тарқоқ (жинсларда шимилган) газ конденсати ва қаттиқ (газогидрат уюмларида) ҳолда учрайдиган метан қаторидаги углеводородлар ва углеводород бўлмаган компонентлар аралашмалари. Ё. т. г.га асосан метан (85—90%), этан, пропан, бутан, изобутан ва пентан киради. Ё. т. г.дан олинадиган энергия жаҳон энергетика балансининг 22% ни ташкил этади. Табиатдаги барча *газлар*нинг асосий қисми (90% дан ортиқ) Ё. т. г.дан иборат. Ё. т. г. конлари 1,5 км дан чуқурда жойлашганда деярли фақат метандан, қисман унинг гомологлари (этан, пропан, бутан), азот, аргон гоҳо карбонат ангидриди ва водород сульфиди қўшимчаларидан иборат бўлади. Чуқурлик ортиши б-н метан гомологларининг миқдори кўпайиб боради. Газ конденсати конларида метанга нисбатан унинг гомологлари кўпроқ учрайди. Баъзи бир газ конларида карбонат ангидриди, водород сульфиди ва азотнинг кўплиги кузатилади.


Ё. т. г. конлари ҳамма геологик системалар ётқизиқларида, протерозойнинг охиридан бошлаб турли чуқурликларда, кўпинча 3 км гача учрайди. Ё. т. г. чўкинди тоғ жинсларидаги органик моддаларнинг катагеник қайта ўзгаришидан ҳосил бўлади (қ. *Ер пўсти газлари*) ва миграция йўлларидаги тутқичларда тўпланади. Газ уюмлари тузилишига кўра массив ва қатламли бўлади. Қатламли уюмларда газ маълум қатлам (коллектор)да тўпланади, массив уюмларда эса маълум қатламларда тўпланмайди. Қатламли уюмларнинг қуббали тури кўпроқ тарқалган. Ё. т. г.нинг дунё бўйича захираси континент, шельф зоналари ва саёз денгизларда жойлашган. Ё. т. г.нинг жаҳондаги захираси 113 трлн. м³ дан кўпроқ (1992). Энг йирик газ конлари Россия, АҚШ, Эрон, Нидерландия, Жазоир, Туркманистон, Ўзбекистон (Шўртан) да бор. Ё. т. г. иқтисодий жиҳатдан энг тежамли ёнилғи ҳисобланади. Ёниш иссиқлиги ўртача 32,7 МЖ/м³ (7800 ккал/м³). Электр ст-ялари, металлургия, цемент ва шиша саноатида, қурилиш материалларини и.ч.да, коммунал маиший эҳтиёжларда, хонадонларни газлаштиришда кенг ишлатилади. Ё. т. г. таркибидаги углеводородлар метил спирти, формальдегид, ацетальдегид, сирка кислотаси, ацетон ва органик бирикмаларни и. ч.да хом ашё ҳисобланади.

Ад.: Ширковский А. И., Разработка и эксплуатация газ и газоконденсатных месторождений, М., 1979; Соколов В. А., Газы земли, М., 1966; Жижченко Б. П., Углеводородные газы недра, М., 1984.

ЁНҒИН — бир зумда шиддат б-н рўй берадиган ва тез тарқаладиган ёниш жараёни. Моддий бойликларни йўқотади ва инсон ҳаёти учун хавф солади. Ё.га, асосан, оловдан эҳтиётсизлик б-н фойдаланиш, электр ва газ асбобларидан ҳамда ишлаб чиқариш жиҳозларидан фойдаланишнинг қоида ва меъёрларини бузиш, моддалар (материаллар)нинг ўз-ўзидан алангаланиши сабаб бўлади. Ташқи (очиқ), мас., чўл, ўрмон, нефть ва газ фавворалари Ё.и; ички (берк), мас., шахта, бино ичидаги Ё. хилларга бўлинади. Ё. ишғол қилган фазони шартли равишда зоналарга: фаол ёниш, иссиқлик таъсир этувчи ва тутун б-н қоплаш зоналарига бўлинади. Фаол ёниш зонаси (Ё. ўчоғи) юқори иссиқлик ва тутун ҳосил қилади. Бунда материаллар кўпинча атмосфера ҳавосининг кислороди б-н ўзаро таъсирлашиб тутайди, алангаланади, натижада иссиқлик ва тутун ҳосил бўлади. Ёнаётган қурилмалар ва материаллар иссиқлик таъсирида қизийди ва алангаланади, ёнмайдиганлари деформацияланади. Бу зонадаги энг юқори т-ра ташқи Ё.да содир бўлиб, қаттиқ материаллар 1000°—1250°, суюқликлар 1100°—1300°, ёнувчи газлар 1250°—1350° т-ра чиқаради. Фаол ёниш зонасини бошқа зона — иссиқлик таъсир этувчи зона қуршаб олади. Унинг иссиқлик таъсири тахм. 60—80° пастроқ бўлиб, атрофдаги объект ва инсонлар учун хавфли бўлади. Ё. вақтида ажралиб чиқадиган ёниш маҳсулоти (тутун) б-н қоплаш зонасини ҳосил қилади. Тутун таркибида, одатда, азот, кислород, углерод оксиди, карбонат ангидрид, сув буғлари, кул ва б. моддалар бўлади. Тутун таркибига кирувчи тўла ва чала ёниш маҳсулотлари жуда заҳарли, айниқса, полимер материаллар ёнганда ўта заҳарли бўлади. Баъзи ҳолларда чала ёнган маҳсулотлар, мас., углерод оксиди кислород б-н ёнувчи ва портлашга хавфли аралашма ҳосил қилиши мумкин. Ё. б-н курашишда ўт ўчириш техникасидан фойдаланилади.

ЁНҒИНДАН САҚЛАНИШ ТАДБИРЛАРИ — ёнғиннинг олдини олиш ва тарқалишига йўл қўймаслик тадбирларини мажмуи. Саноат ва фуқаролар объектларини лойиҳалаш ва қуришда бу тадбирлар кўзда тутилади, объектлардан фойдаланиш даврида уларга риоя қилинади. Технологик қурилмалар ва электр ускуналар тизимининг ёнғинга нисбатан хавфсизлигини таъминлаш; ўтга чидамли қурилмаларни танлаш, сув б-н таъминлаш йўлларини қуриш; бино ёки иншоотларнинг бир қисмидан қўшни қисмига ёнғин тарқалишига йўл қўймаслик учун ёнғинга қарши девор (брандмауэр)лар, ёнмайдиган ёпма ва пардалар қуриш ишлари Ё. с. т.га киради. Ёнғинга қарши деворлар қуриш мумкин бўлмаган ҳолларда ёнғинга қарши зоналар, яъни бинонинг ўтга чидамли материаллардан қурилган ва секцияларга ажратилган участкалари ҳосил қилинади. Пахта саноати корхоналари ёнғинга қарши кураш қоидаларига риоя қилган ҳолда шамолнинг аксарият йўналиши бўйича турар жой р-нларидан кейин қурилади. Пахта омборлари ва б. катта иншоотлар шамолнинг аксарият йўналиши уларнинг дирлади ва бу йўналиш бўйича аввал ёнғин чиқиш хавфи кўпроқ бўлган объектлар, кейин учқун чиқиш хавфи бўлган бинолар жойлаштирилади. Пахта омборлари ёки *бунт*лари орасида ёки улар б-н бошқа бинолар орасида ёнғин етиб бормайдиган даражада масофа қолдирилади. Мас., пахта омборлари ораси 30 м дан, пахта бунтлари ораси 20 м дан кам бўлмаслиги керак. Саноат корхоналари ҳовлиларида мойли латта-путалар йиғиштирилиб, алоҳида ажратилган жойларда сақланиши лозим. Ёнғин чиққанлигини ва унинг ўчоғини аниқлаш учун ёнғин сигнализацияси воситалари (ёнғин билдиргичлари, алоқа линиялари ва б.) ўрнатилади. Замонавий бинолар ёнғинга қарши автоматик (дренчерли ёки спринклерли) тизимлар б-н жиҳозланади. Бунда бинонинг шипларига ўрнатилган *датчик*лар ҳона ичидаги т-ра кескин кўтарилганда ёки тутун концентрацияси кўпайганда сигнал беради ва трашияси кўпайганда сигнал беради ва сув ёки газли ўт ўчириш тизимини ишга туширади. Кўпгина самолёт ва кемалар ҳам ана шундай тизимлар б-н жиҳозланади.

Ёнғин кўпинча кишиларнинг бепарволиги ва эҳтиётсизлиги оқибатида, мас., ёнғин хавфсизлиги ёки хавфсизлик техникасига риоя қилинмаганда, газ плиталари ёқиқ ҳолда, электр қиздириш асбоблари уланган ҳолда қаровсиз қолдирилиши оқибатида келиб чиқади. Корхона ва идораларнинг ичига ўт ўчиргичлар, ўт ўчириш шланглари, ҳовлиларида ўт ўчириш тегишли анжомлар сақланадиган шчитлар ўрнатилади. Ё. с. т. ва ўт ўчириш б-н боғлиқ масалалар б-н махсус ташкилот (ёнғин муҳофазаси ташкилоти) шуғулланади (яна қ. *Ўт ўчириш, Ўт ўчириш техникаси*).



Ёнғоқ: *а* — тўпгули (кучаласи); *б* — мевали шохчаси; *в* — меваси; *г* — магизи.

ЁНҒОҚ (Juglans regia L.) — ёнғоқдошлар оиласига мансуб дарахтлар тури, ёнғоқмевали дарахт. Ёввойи ҳолда Кичик Осиё, Болқон ярим ороли, Кавказ, Эрон, Хитой, Корея я. о., Афғонистонда ўсади. Ўрта Осиё тоғларида табиий ёнғоқзорлар кўп. Жаҳондаги кўпгина мамлакатларда экма ёнғоқзорлар барпо қилинган. Ё. Ўзбекистоннинг тоғли зоналарида ва деярли барча суғориладиган минтақаларида ўстирилади. Бўйи 15—30 м, йўғонлиги 1,5—2 м гача боради. Шох-шаббаси қалин, кенг шарсимон ёки қуббасимон, илдиз тармоғи бақувват, 4 м ва ундан ортиқ чуқурликка боради. Барги йирик (20—40 см), 5—11 баргчалардан тузилган мураккаб барг, ҳушбўй (эфир мойли). Гули бир уйли, айрим жинсли, чангчиси (оталик гули) — кучаласи ўтган йилги новдада тўда-тўда, уруғчиси (оналик гули) янги новда учида ва барг қўлтиғида битта ёки 2—3 тадан, айрим навларида 5—10 донадан шингил шаклида жойлашади. Меваси — ёнғоқ, думалоқ ёки чўзиқроқ, пўчоғи қаттиқ, ғовшоқ, ғалвирак тузилишга эга. Бир дона ёнғоғи 5—23 г атрофида (магзи 40—75%). 150—200 йил ҳосил беради, 300—400 йил яшайди. Ё. ёруғсевар ўсимлик. Ер ости сувлари юза бўлмаган, лекин нами етарли, карбонатли, қумоқ, шағалли тупроқларда яхши ўсади. Вегетация даври 165—210 кун. Апр.—майда гуллайди, меваси сент.—окт.да пишади. Ёнғоқзорлардан 30—50 ц/га ҳосил олиш мумкин. Ё. барги, пўсти, пўстлоғида катта миқдорда ошловчи моддалар, магзи таркибида 45—72% ёғ, 8—21% оқсил, 20% углеводлар, витамин В, С, провитамин А ва б. моддалар бор. Ё. асалли ўсимликлардан ҳисобланади. Ё. магзи ейилади ва қандолатчиликда, барги ва мева қобиғи эса тиббиёт ва парфюмерияда ишлатилади; мағиз мойидан озиқ-овқат сифатида, лок тайёрлашда, юқори сифатли совун, босмахона сиёҳи ва тушь олишда, ёғочи ва ғуддасидан мебель, машинасозлик саноатида фойдаланилади. Барги, пўстлоғи ва мевасининг яшил қобиғидан газмол, жун, гилам тайёрлашда ишлатиладиган бўёқлар, ошловчи моддалар (витамин концентратлари) тайёрланади. Иҳота ва агроўрмон мелиорация дарахтзорлари барпо этиш-

да, манзарали боғдорчиликда аҳамияти катта.

Ё., асосан, ёнғоғидан ва пайвандлаш йўли б-н кўпайтирилади. Пайванд қилинган дарахти эртароқ (4—6 йили), ёнғоғидан ўсган кўчатлар 6—10-йилда ҳосилга киради. Тўнкасидан чиққан янги новдалар ҳам яхши ўсиб, 3—4-йили ҳосил беради. Кўчати 10×10 ёки 12×12 м оралиқда ўтқазилади. Ёнғоқзорлар ҳар йили гектарига 120 кг азот, 60—90 кг фосфор ҳисобидан ҳар 3 йилда бир марта гектарига 30—40 т ҳисобидан гўнг б-н ўғитланади.

Навлари. Р. Р. Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и. т. ин-тининг Бўстонлиқ (Хумсон) филиалида Ё.нинг кўпгина навлари яратилган. Ўзбекистонда асосан қуйидаги навлари экилади. Бўстонлиқ — дарахти бал. 16 м гача боради. Меваси йирик (13,3 г), тухум шаклида, пўчоғи оч сариқ, юпқа. Мағзи пўчоғидан осон ажралади. Мағзи чиқиши 48,6%. Таркибида 68,8% ёғ ва 2,2% қанд бор. Галвирак (юпқа пўчоқ) — дарахти 16 м гача. Меваси ўртача (9—9,5 г), тухум шаклида, пўчоғи оқиш-сариқ, юпқа. Мағзи пўчоғидан осон ажралади, таркибида 68,8% ёғ ва 3% қанд бор. Антиқа — дарахти 9 м гача, гули олдинма-кейин очилади, эрта кўкламда гуллайди, лекин ёз ойларида ҳам қайта гуллаши мумкин. Дастлаб туккан ҳосили сент. охирларида, сўнггиси дастлабкисидан 6—7 кун кейин пишади. Меваси ўртача (10—10,5 г), ясси-юмалоқ, пўчоғи оқиш-сариқ. Мағзи пўчоғидан яхши ажралади, таркибида 67,1% ёғ ва 3% қанд бор. Ўзбекистонда Ё.нинг яна Консой, Пионер, Ватан, Юбилей, Дўрмон-1, Дўрмон-2 ва б. навлари ўстирилади.

Асосий зараркунандалари: ёнғоқ қурти, ёнғоқ галла канаси, барг ўровчилар. Уларга қарши курашда инсектицидлар, 0,5% ли оҳак-олтингугурт қайнатмаси ва б. қўлланилади.

Ад.: Тўйчиев М., Ёнғоқ, Т., 1971; Камолов Ш., Ўзбекистоннинг табиий ёнғоқзорлари, Т., 1971.

Абдушукур Хоназаров, Рихсивой Жўраев.

ЁНҒОҚ ҚУРТИ (Sarrothypus musculana Srsh.) — *ёнғоқмевалилар* зараркунандаси. Капалаги 8—9 мм, қаноти ёзилганда 13—23 мм. Қаноти кулранг. Тухуми 0,5 мм. Қурти 16 мм гача, қизғиш ёки оч яшил-қўнғир, узун туклар б-н сийрак қопланган, боши ва кўкрак оёқлари қўнғир. Ғумбаги 11 мм, жигарранг, усти оқ, ости ялтироқ. Ё. қ., асосан, Ўрта Осиё ва Жан. Қозоғистонда тарқалган. Ёнғоқ мевасини ва ёш новдаларини зараралайди. Қурт тушган ёнғоқ пишмасдан тўкилади. Ё. қ. дарахт пўстлоғи остида ва ёриқларида пилла ўраб қишлайди, эрта кўкламда ғумбакка айланади, капалаклари апр.да уча бошлайди. Тухумини хом ёнғоққа 1—2 тадан қўяди. Тухумдан чиққан қуртлар ёнғоқ мағзини ейди. Ё. қ. йилига 2—3 авлод беради.

Кураш чоралари: дарахт танасига қурт ушлагич — дориланган похол, қоп белбоғ боғлаб қўйилади. Ё. қ. капалаги учиш даврида (биринчи авлоди май, иккинчи авлоди июнь — июль ойлари) дарахтга залон (2,4—4 л/га), децис (0,5—1,0 л/га) каби инсектицидларнинг 0,2—0,3% эритмаси пуркалади.

ЁНҒОҚДОШЛАР (Juglandaceae) — ёпиқ уруғлилар тоифасига мансуб айри тожбаргли дарахтлар оиласи. Барглари йирик, тоқ патсимон, эфир мойли. Гуллари бир жинсли, чангчи гуллари кучаладан иборат. Уруғчи гуллари новда учида биттадан ёки бир нечтадан жойлашган. Гулқўргони оддий, 4 баргчали. Уруғчи гули 2 мевабаргчали. Меваси ошловчи моддаларга бой қалин пўст б-н ўралган. Мағзи буришган, йирик уруғпаллали. 50 га яқин тури бор. Осиёнинг шарқида ва Американинг тропик қисмларида кўп ўсади. Ўзбекистонда ёнғоқ туркумига мансуб 1 та тури ёввойи ҳолда ўсади. Мағзида 77% гача ёғ бор. Бағридан, мева пўстидан тўқ жигарранг бўёқ ва витаминлар олинади. Ёғочи мебель тайёрлашда ишлатилади.

ЁНҒОҚМЕВАЛИЛАР — ёнғоқ ва ёнғоқсимон мева берувчи дарахт турларининг баъзи адабиётларда учрайдиган умумий номи. *Ёнғоқ, бодом, пекан, писта, лещина, каштан, фундук,* сибирь кедри каби ўсимлик (дарахт)лар Ё. дир Ё.м.нинг деярли барчаси катта-катта майдонларда ёввойи ҳолда ўсади. Ё. ўсган табиий ўрмонзорлардан ёнғоқлари (меваси) териб олинади.

ЁП, Ёб — Хоразм воҳасидаги ўрта ва кичик канал. Баъзан ариқ ҳам Ёп дейилади (Қорақалпоғистон ва Ғарбий Қозоғистонда — жан.) Тожикистоннинг айрим жойлари (Тоғли Бадахшон)да дарёни Ё. дейишади. Ўзбекистон ва Туркманистонда Ё. сўзидан тарвонёп, Калтаминорёп ва ҳ. к.

ЁПИНЧИҚ — аёллар боши устидан ёпадиган кийим; аёллар қоматини киши кўзидан яшириб турадиган кенг тўртбурчак шаклидаги мато. Ранг-баранг ип (ипак) б-н кашта тикиб, пистон, нозик, кўзлар қадаб безатилади. Тўйларда ва кўчага чиққанда Ё. тутилган. Ё. кишилик кийими бўлиши б-н бирга келинлар сепига ҳам киритилган, никоҳ либосининг асосий қисмига айланган. Ўзбекистон ҳудудида Ё.нинг *паранжи, сарандоз, желак* ва б. турлари мавжуд. Елкага ташлаб юриладиган енги узун чопон шаклидаги тури мил. ав. 1-минг йиллик ўрталарида юзага келган. Ўзбекистон ҳудудидан топилган қад. давр маданий ёдгорликлари (майда сопол ҳайкалчалар) бу ерда қадимдан Ё. бўлганлигини кўрсатади; кушанлар даврида Ё. четлари (бари ва этаги) айлана шаклидаги металл нишонлар б-н ҳошияланиб, кейинроқ қора мағиз ва ёқасида 1—2 учбурчакли қайтарма б-н безатилган. Ислом дини ҳукмронлиги давридан бошлаб бошга (баъзан қора тўр б-н юзни беркитган ҳолда) ёпа бошлаганлар; шу тарзда паранжининг дастлабки нусхалари пайдо бўлган (16—17-а.лар). 18—19-а.ларда кенг тарқалган, 20-а. ўрталаригача сақланган. 20-а. ўрталаридан яна Ё. урф бўла бошлади, фақат Фарғона водийсида Ё. ўрнига катта гулли (шол) рўмоллардан фойдаланилади.

ЁПИШҚОҚ БАКТЕРИОЗ — гўзанинг бактериал касаллиги. Кўсаклар етилаётган даврда ҳашаротлар (беда қандаласи ва б.) жароҳатлаган жойида замбуруғ ва бактериялар таъсирида пайдо бўлади. Натижада тола чиришга, бижгийди ва кўсакдан қўнғир-сарғиш елим ширa — ёпишқоқ модда ажралиб туради (номи шундан). Касаллик авж олганда тола бутунлай ёки қисман қўнғир-сариқ, саноатда фойдаланиб бўлмайдиган ёпишқоқ ҳолга келади. Касаллик кучсизроқ бўлганда тола шакли қисман ўзгаради. Ўрта Осиёнинг суғорма деҳқончилик минтақасида Ё. б. ҳамма ерда учраб, унинг тарқалишида беда қандаласининг иштироки катта.

Кураш чоралари: беда қандаласига қарши хлорофос ёки карбофос, пиретроидлардан амбушнинг 25%ли (0,6 кг/га), шерпанинг 25% ли эмульгирланувчи концентрати (0,3 кг/га) пуркалади.

ЁПИШҚОҚ БАЛИҚЛАР (Echeneidae) — олабугасимонлар туркумига мансуб балиқлар оиласи. Танасининг уз. 30—90 см. У барча тропик ва субтропик океанларда тарқалган. Орқа сузгичи бош томонига сурилиб, сўрғич ҳосил қилган. Ё. б. сўрғичида 14 дан 27 тагача пластинкалари бўлади. Пластинкалар ёрдамида улар турли балиқлар, денгиз тошбақалари, китлар терисига ва кемалар остига ёпишиб олади. Айрим турлари эркин ҳаёт кечиради. 7 уруғи ва 7 тури мавжуд. Планктон ва қисман бошқа ҳайвонлар терисидаги паразитлар б-н озиқланади. Баъзан кичик балиқларни овлайди.

ЁПИШҚОҚ ЎТ (Lappula gilib) — говзабондошлар оиласига мансуб бир ва кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Гули ҳаворанг, кўк, баъзан оқ. Меваси ғадир-будур, учи илмоқчали ўсимталар ёки дағал туклар б-н қопланган. Ер юзида 50 га яқин тури бор. Шундан 19 таси Ўзбекистонда чўл, адир ва тоғ зоналаридаги қуруқ, айниқса қум ва шағалли ерларда, йўл ёқаларида ўсади. Айрим турлари экинлар орасида бегона ўт ҳолида учрайди.

ЁПИШҚОҚЛИК, қовушоқлик — оқувчан моддалар (суюқликлар ва газлар)нинг улардаги бир қисмнинг иккинчи қисмга нисбатан ҳаракатига (силжишига) қаршилик кўрсатиш хоссаси. Ёпишқоқ оқишнинг асосий қонунини И. *Ньютон* топган (1687); у ушбу формулада ифодаланади:

$$F = \eta \frac{v_2 - v_1}{z_2 - z_1} S,$$

бунда F — суюқлик (газ) қатламларининг бир-бирига нисбатан силжишини юзага келтирувчи тангенциал (уринма) куч, S — силжиш юз бераётган қатлам юзаси, $(v_2 - v_1)/(z_2 - z_1)$ — оқиш тезлиги градиенти (оқиш тезлигининг бир қатламдан иккинчи қатламга ўтгандаги ўзгариш жадаллиги), яъни силжиш тезлиги, η — динамик ёпишқоқлик доимийси; у суюқлик (газ)нинг ўз қатламлари силжишига қаршилик кўрсатишини билдиради. $\varphi = \frac{1}{\eta}$ катталик оқувчанликни ифодалайди.

Формулага кўра, η — миқдоран бир-биридан муайян масофадаги суюқлик (газ)нинг параллел қатламлари орасида муайян тезликлар фарқини таъминлаш учун юза бирлигига қўйиш лозим бўлган тангенциал кучга тенг. СИ тизимида динамик Ё. бирлиги η — Па·с (СГСда — пуаз)да ифодаланади. Турғунлашган ламинар оқишда доимий т-рада газлар ва нормал (ньютон суюқликлари деб аталувчи) суюқликларнинг Ё.и ўзгармас катталик; у тезлик градиентига боғлиқ бўлмайди. Эриган металлар ҳам одатдаги суюқликлар каби Ё.га эга бўлади.

Суюқ гелий алоҳида Ё. хоссасига эга. 2,172 К т-рада у ўта оқувчан ҳолатга ўтиб, унинг Ё.и нолга тенг бўлиб қолади. Молекуляр-кинетик назария Ё.ни молекулаларнинг ҳаракати ва ўзаро таъсири хусусиятлари б-н тушунтиради.

ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — акциялари фақат ўзининг таъсисчилари ёки олдиндан белгилаб қўйилган бошқа шахслар ўртасида тақсимланадиган жамият (қ. *Акциядорлар жамияти*).

ЁПИҚ БИОТЕХНИК ТИЗИМ (космонавтикада) — космик кеманинг ташқи муҳит б-н модда алмашинмайдиган, лекин ташқаридан энергия оладиган ва уни ўша миқдорда сарфлайдиган тизими. Бир қанча тирик организмлар мажмуидан иборат; уларнинг модда алмашинув мароми бир-бирига мосланган бўлади. Зич (герметик) ёпиқ тизимда одамларнинг яшаши учун шарт бўлган моддалар (озиқ-овқат, сув ва кислород) биокомплексга кирадиган тирик организмлар (ўсимлик, ҳайвонлар, одам ва б.)нинг яшаш жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндиларни қайта ишлаб тайёрланади. Ё. б. т.ни тузишда биокомплексга кирувчилар сонини имкон борича кам олиш, модда алмашинувини тезлаштириш, бу айланма жараёндан четга чиқиб қоладиган моддалар пайдо бўладиган жараёнларни бартараф қилиш лозим ва ҳ. к. Одамларнинг узоқ муддат (мас., 1 йил) Ё. б. т.да яшаши мумкинлиги амалда синаб кўрилган.

ЁПИҚ ДРЕНАЖ — *горизонтал дренаж* тури.

ЁПИҚ СУҒОРИШ ТИЗИМИ — суғориладиган майдонларга сув узатадиган қувурлар тармоғи. Қувурлар 0,6—1,5 м чуқурликда (қувур устигача) ёки ер юзасига ётқизилади. Ер ости қувурлари ўтирмайдиган ва кўпчимайдиган қумлик, шағал ва ш. к. мустаҳкам грунтларга ётқизилади. Сув текканда ўтирадиган грунтларда аввал траншея қазиб сув қуйилади, кўпчийдиган грунтларда эса қувур тагига 20 см дан кам бўлмаган қалинликда қум солинади. Ё. с. т. учун асбест-цемент, темир-бетон, полиэтилен, металл ва шу каби қувурлардан фойдаланилади.

Сув узатиш усули бўйича Ё. с. т. босимли (сув насос ёрдамида берилади) ва ўзиоқар босимли (жойнинг табиий нишаби ҳисобига босим ҳосил бўлади) суғориш шохобчаларига бўлинади, одатда, бунга нишаблик 0,025 дан юқори бўлган жойларда эришилади. Қувурлардаги сувнинг минимал оқим тезлиги лойқа-чўкиндиларни оқизиб кетишни, максимал тезлиги эса суғориш тўхтатилгандан сўнг қувурларни чўкиндилардан ювиб, чиқариб ташлашни таъминлаши лозим. Босимли Ё. с. т.нинг асосий элементлари: сув манбаи (дарё, канал, сув омбори, ер ости сувлари ва б.); насос стяси, сув тарқатгич қувурлар тармоғи; ёмғирлатиш ва суғориш машиналари; кўчма ёки кўчмас сув қуйиш қувурлари; қувурлар йўлидаги иншоотлар ва очиб-беркитадиган қурилмалар; сув ташлама ва оқова каналлари.

Ўзиоқар-босимли Ё. с. т. босимли шохобчадан фақат насос ст-ясининг йўқлиги б-н фарқ қилади. Ё. с. т. конструкцияси бўйича кўчмас, ярим кўчма ва кўчма бўлади. Кўчмас тизимларда сув босим остида доимий гидрантлар ўрнатилган сув қувурларга берилади, улар орқали эса кўчмас суғориш машиналари ёки бошқа суғориш қурилмаларига оқиб келади. Ярим кўчма Ё. с. т.да сув ёмғирлатиш қурилмалари ёки сувни тупроқ ичидан томчилаб ёки эгатларга оқизиб берадиган жўмракларга доимий ер ости ва кўчма ер усти сув қувурларидан берилади. Кўчма қувурли суғориш тармоғи ер юзасига ётқизиладиган йиғма сув қувурдан иборат; уни осонгина бўлакларга ажратиб, бошқа жойга кўчириш мумкин.

Суғорма деҳқончилик зонасида ўзиоқар-босимли суғориш шохобчалари энг кўп қурилган. Мас., Мирзачўлда 65 минг га, Далварзин чўлида 35 минг га дан кўпроқ ер шу усулда суғорилади (2001).

Ё. с. т. суғорма деҳқончиликни комплекс механизациялаш талабларига тўла жавоб беради, унумдор суғориш техникасини қўллашга имкон яратади; Ё. с. т. да ф.и. к. очиқ суғориш тармоқларинikига қараганда анча юқори бўлиб (0,95—0,98), ариқ ва каналлар б-н банд бўладиган ерлардан ҳам фойдаланишга имкон беради. Ё. с. т.да ердан фойдаланиш коэффициенти 0,92—0,98 га тенг.

Шариф Ҳамдамов, Николай Солохин.

ЁПИҚ ТЕЛЕВИЗИОН ТИЗИМ — узатувчи камералари қабул қилувчи қурилмалар б-н маҳаллий алоқа кабель линиялари ёрдамида туташган телевизион тизим. Тасвир ва товуш сигналларини узатувчи телевизион эшиттириш тизимларидан Ё. т. т.нинг фарқи шуки, унда фақат тасвир сигналлари узатилади. Унинг узатиш камерасида оғдириш тизими бўлган узатувчи камера (суперортикон ёки видикон) ва видеосигналларни олдиндан кучайтиргич қурилма жойлаштирилган. Камера масофадан туриб ёки автоматик тарзда бошқарилади. Улардан энг оддийси бир каналли Ё. т. т. ҳисобланади. У узатувчи камера ва қабул қилувчи қурилмалардан иборат. Узатувчи ва қабул қилувчи трубкаларнинг оғдирувчи тизимларига қабул қилувчи қурилмада жойлашган умумий генератордан ток келади. Ё. т. т.дан саноатда, транспортда, тиббиёт ва б.да турли амалий масалаларни ечишда фойдаланилади.

ЁПИҚ ТЎПЛАМЛАР (мат.) — барча лимит нуқталарини ўз ичига олган тўпламлар. Ё. т. мисоллари: 1) $[a, b]$ кесма; 2) сонлар ўқи, n ўлчовли метрик фазодаги саноқли нуқталардан иборат тўплам; 3) текислик ёки фазодаги тўғри чизиқ ёки кесма нуқталари тўплами; 4) текисликдаги айлана ёки ўраб турган айланаси б-н олинган доира.

ЁПИҚ УРУҒЛИЛАР (Angiospermae) — гулли ўсимликлар — юксак ўсимликлар бўлими (типи). Уруғчисининг бўлиши, қўш уруғланиши Ё. у.нинг ўзига хос белгисидир. Уруғчиси гулнинг марказида жойлашиб, тугунча, устунча ва тумшуқчадан иборат. Уруғчи тугунчасидаги ковакда уруғкуртак ривожланади. Уруғланган тугунча мевага айланиб, унинг ичидаги уруғкуртакдан битта ёки бир нечта уруғ ҳосил бўлади (номи ҳам шундан келиб чиққан). 200 мингга яқин тури бўлиб, 300 оилага мансуб 10 мингдан ортиқ туркуми бор. Таснифи 16-а.дан бошланган бўлса ҳам фан томонидан қабул қилинган тизими ҳали ишлаб чиқилган эмас. Ўнлаб тизими таклиф қилинган, шулардан иккитаси — икки паллалилар ва бир паллалилар синфи кўпроқ қабул қилинган. Одамлар учун фойдали кўпгина ўсимликлар, жумладан озиқ-овқат ўсимликлари (зиғир, ғўза, буғдой ва б.), ем-хашак ўсимликлари (сули, беда ва б.), хушбўй, доривор, мевали ва каучукли ўсимликлар Ё. у.га киради. Баъзи турларидан қурилиш материаллари олинади.

ЁППАСИГА ТАНЛАШ — ўсимликларни нав стандартларига мувофиқ келадиган ташқи белгилари (фенотип)га қараб танлаш. Ўсимликлар селекцияси усулларидан бири. Танлаб олинган ўсимликлардан олинган уруғлик, лаб. таҳлили ўтказилиб, саралангач (яроқсизлари ажратилгач), бир пайкалга экилади. Шунга кўра, бўлажак нав сараланган энг яхши ўсимликлар авлоди бўлади. Ё. т.ни баъзан позитив усул деб аталади. Бу усул АҚШ ва б. мамлакатларда ғўза уруғчилигида кенг қўлланилади. Ё. т.нинг бир кўриниши бўлган негатив танлаш (нотипик ва аралашма ўсимликларни яроқсизга чиқариш) асосан Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистонда қўлланилади.

Ё. т.ни бир марта ва кўп марта ўтказиш мумкин. Бир мартали Ё. т. ўзидан чангланувчи экинларда, кўп мартали-си четдан чангланувчи ўсимликларда яхшироқ самара беради. Четдан чангланувчи экинларда қимматли хўжалик белгиларини сақлаб қолиш учун нав и.ч.дан олингунига қадар бўлган давр давомида Ё. т. ўтказилади. Бундай танлаш узлуксиз танлаш деб аталади. Популяциялар экиладиган шароитларга яхши мослашган ҳоллардагина Ё. т. яхши натижа беради. Ё. т. усули б-н турли экинларнинг халқ селекциясида маҳаллий навлари ҳам яратилган. Ё. т.нинг камчиликларидан бири танланаётган ўсимликларнинг келиб чиқишини текшириш имконияти йўқлигидир. Бу камчилик селекцияда кенг тарқалган *якка танлаш* усули б-н бартараф этилади (яна қ. *Танлаш*).

Йўлдош Узоқов.

ЁРДАМЧИ МАКТАБ — ақли заиф болалар ўқийдиган махсус таълим-тарбия муассасаси. Ўзбекистонда дастлаб 1935 й. Тошкент ш.да очилган. Асосан ақли заиф (*олигофрения*нинг дебиллик даражасидаги) ҳамда кейинчалик турли касалликлар туфайли ақли заиф бўлиб қолган болалар қабул қилинади. Махсус таълимга муҳтож бўлган болалар тиббий психологик-педагогик комиссия томонидан белгиланади. Ё. м.даги ақли заиф болаларга махсус таълим давлат стандартларига мувофиқ мактабларнинг бошланғич синфи ҳажмига тўғри келадиган ва қисман умумий ўрта таълимни амалга оширувчи махсус таълим дастури, режаси ва дарсликлар асосида олиб борилади. Ўқиш муддати — 9 й. Ё. м.да ҳар бир синфга 10—12 ўқувчи қабул қилинади. Мактабдаги ўқув вақтининг 1/3 қисми (4-синфдан бошлаб) меҳнат таълимига ажратилади. Ё. м.ларда дурадгорлик, каштачилик, тикувчилик, қишлоқлардаги Ё. м.ларда қ. х. ишлари ўргатилади. Ё. м.ларнинг асосий мақсади болаларни ақлий жиҳатдан коррекциялаш (тузатиш) ва жисмоний жиҳатдан соғломлаштириш, тарбиялаш, Ё. м. ҳажмида билим, кўникма ва малакалар б-н қуроллантириш, уларни амалий фаолиятга тайёрлаш, нутқидаги нуқсонларни тузатиш ҳамда ижтимоий ҳаётга мослаштиришдан иборат. Ё. м.да таълим-тарбия ишларини олигофренопедагог мутахассислар олиб боради. Ё. м.да врач-психоневролог, тиббиёт ҳамширалари ҳам ишлайди. 2000/2001 ўқув йили боши ЎзРда 19 Ё. м. (4769 ўқувчи) ва 32 ёрдамчи интернат мактаби (6502 ўқувчи) ишлади.

Лола Мўминова.

ЁРДАМЧИ СЎЗЛАР — мустақил гап бўлаги вазифасида кела олмайдиган, ёрдамчи маъно ва функцияда қўлланадиган сўзлар. Булар гапда мустақил бўлак бўлиб келувчи сўзларни боғлайди ёки уларга грамматик (синтактик) тавсиф беради (мас., *артикль*). Ўзбек тилида вазифасига кўра, Ё. с. 3 турга бўлинади: *кўмакчи; боғловчи; юклама.*

ЁРДАМЧИ ТАРМОҚ (қишлоқ хўжалигида) — хўжаликда асосий (бош) тармоқни тўлдирадиган ва товар берадиган соҳа. Аксарият хўжаликларда асосий тармоқ б-н бирга 2—3 Ё. т. бўлиши мумкин. Ҳар бир Ё. т. технологик, ташкилий ва иқтисодий жиҳатлардан асосланган, унинг ҳажми биринчи навбатда асосий тармоқ б-н боғланган ҳамда и. ч.нинг рентабелли бўлишини таъминлаши керак.

Ўзбекистонда сабзавотчилик хўжаликларида пиллачилик, боғдорчилик хўжаликларида асаларичилик, пахтакор хўжаликларда полизчилик, ем-хашак етиштириш, пиллачилик, чорвачилик Ё. т. ҳисобланади.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАР — корхона ва ташкилотларнинг асосий фаолиятига бевосита боғлиқ бўлмаган, лекин уларнинг ички и. ч. имкониятларини кенгайтириш мақсадида ташкил этиладиган қўшимча таркибий хўжалик юритиш бўлинмаси. Ё. х. ташкил этишнинг муҳим талабларидан бири корхонанинг асосий фаолияти натижасида у ёки бу қўшимча маҳсулот ёки буюм и. ч.га керакли бўлган чиқит ва шунга ўхшаш ресурсларнинг етарли миқдорда доимий мавжуд бўлишидир. Ё. х.да асосан корхонанинг ўз ишчи-ходимлари ишлайдилар.

Ноқишлоқ хўжалик корхона ва ташкилотлар таркибида Ё. х. кўп ҳолларда асосан ўз ишчи-ходимларини қ. х. маҳсулотлари б-н таъминлаш мақсадида ташкил этилади. Ишлаб чиқарилган сабзавот, мева, узум, гўшт, сут ва б. маҳсулотлар корхонанинг ошхонаси, боғчаси, дам олиш уйларига берилади ва айрим ҳолларда махсус магазинлари орқали ишчи-ходимларга арзон нархларда сотилади. Умуман истеъмол товарларини кўпайтириш, корхона ва ташкилотларнинг ички ресурсларидан тўлиқ фойдаланишда Ё. х. муайян аҳамиятга эга.

Қурбон Чориев.

ЁР-ЁР — никоҳ тўйи маросимлари жараёнида айтиладиган халқ қўшиғи. Қадим замонлардан ўзбек, тожик, уйғур ва туркман халқлари орасида кенг тарқалган. Иккилик ёки тўртлик шаклидаги термалардан иборат бўлиб, ҳар бандининг охири, баъзан ўртасида «Ёр-ёр, айланаман» каби сўзлар қўшиб айтилади. Одатда, доира жўрлигида, келинни кузатаётган аёллар томонидан, Фарғона водийси (Фарғона, Ўш, Хўжанд) ва Зарафшон воҳасида келинникига кетаётган йигитлар томонидан ҳам ижро этилади. Ёр-ёрда келиннинг хусусиятлари, унинг ҳаёти, орзу-истаклари, яхши тилак ва қутловлари куйланади. Ёр-ёрларнинг фавқулодда таъсирчанлиги уларда бир вақтнинг ўзида ҳам мунгли йиғи (оҳангида), ҳам байрамона шодиёналик (усулда) кайфиятлари мужассам этилганлигидадир. Халқ ёр-ёрлари таъсирида ёзма адабиётда ҳам ёр-ёрлар яратилган. Навоийнинг «Мезон ул-авзон», Бобурнинг «Муфассал» асарларидаги ёр-ёр матнлари теранлиги ва жозибадорлиги б-н ажралиб туради. Ўзбекистон вилоятлари (Бухоро, Фарғона, Наманган, Сурхондарё, Хоразм ва б.) нинг ёр-ёрлари ўзига хос хусусиятларга эга. Куйлари мунгли, жозибали, ўйноқи, мазмуни лирик, ҳажв, мадҳия ҳам бўлиши мумкин. Ёр-ёрлар турли фольклор-этнографик ансамбллар репертуаридан, ўзбек бастакор ва композиторлари ижодидан ҳам салмоқли ўрин олган.

ЁРИБ ЎТИШ (ҳарбийда) — ҳужум ҳаракатлари усулларидан бири. Душманнинг жанговар техникаси ва аскарий кучларини тор-мор қилган ҳолда унинг аввалдан тайёрлаб қўйилган ёки ташкил этилган мудофаа-шошилинч участкадаги душман мудофааси артиллерия ўқи, авиация зарбалари ва б. восини босиб ўтиш. Ё. ў. орқали маълум ситасида емириб ташланади ва фронтнинг ичкариси томон қуруқликдаги қўшинларни шиддатли ҳужуми учун қулайлик яратилади. Баъзан душман мудофаа чизиғи очиқ қанотлар мавжуд бўлганда ҳужум операциялари Ё. ў. сиз ҳал қилиниши мумкин. Ё. ў. ҳужум операцияларида асосий ва ҳал қилувчи босқич ҳисобланади. Ё. ў. усуллари янги қурол-яроғларнинг пайдо бўлиши ва армияларнинг қуроллланганлигига қараб янги жанговар имкониятлар б-н бойиб боради.

«ЁРИЛТОШ» — ўзбек халқ эртаги. Мавзуи кенг тарқалган. Хоразмда «Олтин бешик», Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Фарғонада «Ё.», «Очил, очил қамишлар» номи б-н машҳур. Мазкур вариантларнинг мавзу ва ғояси муштарак, айрим эпизодларидагина фарқ бор. Ҳақиқат ва эзгуликнинг ёмонлик устидан тантанаси «Ё.»нинг ғоявий мазмунини ташкил этади. Эртак қаҳрамонлари сеҳр-жоду таъсирида бўладиган. Сингилнинг тош ва кийикка айланиши, аёлнинг сув остида икки фар-

занд кўриши каби ҳодисалар тилсим б-н боғлиқ бўлиб, сеҳр ечилганда улар ўз аслига қайтадилар. Опа-сингилларнинг табиат кучларини илоҳийлаштириб, муқаддас билиб топиниши, мадад сўрашида ибтидоий инсон тафаккури б-н боғлиқ бўлган мифологик ва анимистик тасаввурлар акс этган. Р. Мўминнинг бу эртак асосида яратган асари 20-й.ларда қатор ўзбек театрларида саҳналаштирилган. Кейинчалик Шукур Саъдулла «Ё.» драмасини (1939) ва композитор С. *Бобоев* б-н ҳамкорликда «Ё.» операсини (1967) яратган.

ЁРИТИЛГАНЛИК — 1) физикада — юза бирлиги (мас., 1 м²)га тушаётган ёруғлик оқими. Ёруғлик оқимининг ўзи тушаётган сирт юзига нисбати б-н ифодаланади:

$$\Delta E = \frac{\Delta \Phi}{\Delta S},$$

бунда ΔE — ёритилганлик, $\Delta \Phi$ — ёруғлик оқими, ΔS — ёритилаётган сирт юзи. Формуладан ёруғлик оқими сирт бўйича бир текис тақсимланганда Ё. сон қиймати жиҳатдан юза бирлигига тушаётган ёруғлик оқимига тенг эканлиги кўриниб туради. СИ бирликлар тизимида Ё. бирлиги қилиб люкс (лк) қабул қилинган: бир м² сиртга бир люмен ёруғлик оқими нормал тушиб, текис тақсимланганда ҳосил бўлган Ё.ни ифодалайди:

$$1\text{лк} = \frac{1\text{лм}}{1\text{м}^2} = 1\,\frac{\text{лм}}{\text{м}^2}.$$


2) қишлоқ хўжалигида — ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши, *фотосинтез* жараёни асосан Қуёш спектрининг кўзга кўринадиган қисми таъсирида содир бўлади Қуёш таъсирида Ё. нолдан (Қуёш чиқиши ва ботиши-да) 100 минг лк гача (тушга яқин) ўзгаради. Булутсиз осмонда сочма нурдан Ё. камдан-кам вақтда 15 минг лк гача етади. Осмонда парсимон ёки парсимон-қатламли булутлар бўлганда ва Қуёш тиккага келганда горизонтал юзанинг Ё. 70 минг лк гача етиши мумкин. Қалин паст булутлар, айниқса, момақалдироқ ҳосил қиладиган булутлар Ё.ни кескин камайтиради. Ё. миқдори б-н ялпи ҳамда сочма радиация оқими ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Уларнинг нисбати ялпи (Ка) ва сочма (Кg) радиациянинг ёруғлик эквиваленти ёки ўтказиш (ўтиш) коэффициенти деб аталади. Ўсимликлар муҳитида ялпи радиациянинг вертикал тақсимланишини ҳамда ялпи ва сочма радиациянинг ёруғлик эквивалентини билган ҳолда ўсимлик қопламида, хусусан экинзорларда Ё.нинг тақсимланишини аниқлаш мумкин. Экинларнинг Ё. катталиги ялпи (ёки сочма) радиациянинг унга мувофиқ келадиган ёруғлик эквивалентига кўпайтмаси сифатида аниқланади. Ўрта Осиё ҳудудида булутлилик жуда кам бўлгани учун ғўза ёки бошқа экин майдонларида Ё. танқислиги сезилмайди (яна қ. *Қуёш радиацияси*).

ЁРИТИШ — объектларнинг кўриниш сезгирлигини яхшилаш ёки уларни ёруғлик сезгир материалларга туширишни таъминлаш мақсадида маълум миқдорда *ёритилганлик* яратиш. Ё.нинг табиий, сунъий ва аралаш хиллари бор. Табиий Ё. инсон учун энг қулайи бўлиб, Қуёш, осмон ёритқичлари, атмосфера электр разрядлари ва б. б-н яратилади. Уйлар ва алоҳида хоналарда керакли даражада ёритилганликни таъминлаш учун уларнинг деворлари, ораёпмалари ёруғлик ўтказадиган материаллардан тайёрланади, деразалар тепасига туйнуклар қилинади. Яхшиси уйларни қуришда ёруғлик тушишни тўғри танлаш керак. Сунъий Ё., одатда, *ёритиш жиҳозлари*, ёритиш қурилмалари ёрдамида ҳосил қилинади. Унинг умумий, маҳаллий (иш жойини ёритиш) ва аралаш, иш (ҳар куни ишлатиш учун) ҳамда авария ҳолатдаги (иш Ё. ўчганда ишлатиладиган) хиллари бор. Сунъий Ё. аҳоли яшайдиган жойлар, транспорт ҳаракатланадиган магистраллар, кўчалар, майдонлар ва б.ни Ё.га татбиқ этилади. Хоналарни табиий Ё. ва сунъий Ё. қурилиш нормалари ва қоидаларига асосланиб бажарилади.

ЁРИТИШ ЖИҲОЗЛАРИ — бино, кўча, хиёбонлар ва б.ни ёритиш учун фойдаланиладиган қурилмалар (ёритиш асбоблари ва ёритиш қурилмалари, ёритиш арматуралари). Ёритиш асбоблари — ёритиш, нурлатиш, ёруғлик сигнализацияси ёки проекциялаш учун мўлжалланган асбоблар; ёритувчи, нурлатувчи, сигнал берувчи ва проекцияловчи хиллари бор. Улар оптик нурлатиш манбаи (қ. *Ёруғлик манбалари*), ёруғлик нури оқимини фазода берилган йўналиш бўйича қайта тақсимлаш қурилмалари, конструкцион деталлардан иборат. Конструкцион деталлар ёритиш асбобларининг барча қисмларини бирлаштиради ва нурланиш манбаини ҳамда ёруғликни қайта тақсимлайдиган қурилмаларни шикастланишдан ва атроф муҳит таъсирларидан ҳимоя қилади. Ёруғлик оқимини тўплаш даражасига қараб, ёруғлик оқимини оптик ўқ бўйлаб тўла тўплайдиган (*прожекторлар*), ёруғлик оқимини оптик ўқнинг баъзи участкасида кичик ҳажмда тўла тўплайдиган (*проекторлар*), ёруғлик оқимини катта фазовий бурчакда қайта тақсимлайдиган



(ёритиш жиҳозлари) хилларга бўлинади. Ёруғлик оқимини қайта тақсимлашда турли шаклдаги қайтаргичлардан фойдаланилади. Ёруғлик асбоблари йиғиндисидан иборат ёритқич ёритиш қурилмалари дейилади. Булар ёрдамида майдон, хона ёки айрим объектлар ёритилади. Ёритиш арматуралари — ёруғлик оқимини фазода маълум томонга йўналтирадиган, тақсимлайдиган ва кўзни қамашишдан сақлайдиган қурилмалар. Ўрнатилишига қараб, осма, шипга, деворга, полга ўрнатиладиган, столга қўйиладиган; вазифасига қараб, оддий ва безак хилларга бўлинади. Оддий ёритиш арматураларига саноат биноларини ёритиш учун ишлатиладиган қайтаргичи эмалли, з-дларнинг баланд цехлари ва хоналари, шунингдек, катта кўчаларни ёритадиган қайтаргич ойнали, нам ўтказмайдиган ва портлашдан сақлайдиган, столга қўйиладиган ва б. Ё. ж. киради. Безак ёритиш арматураларига абажур, лампалар, музей, театр ва б. жойларга ўрнатиладиган люстра — қандиллар, столга ўрнатиладиган лампалар, ётоқхоналар, йўлакчалар ва поезд вагонларида ишлатиладиган лампа



Кўча ёритқичи (Тошкент ш.).



Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуидаги масжид қандили ва девор шамчироғи.

ва б. киради. Лампаларни маҳкамлашда, ёруғликнинг спектр таркибини ўзгартиришда, лампочкаларни чангдан, намликдан шикастланишдан сақлашда ёки ўтга ўч муҳитлардан ажратишда турли мосламалар қўлланилади.


ЁРИТҚИЧ БАЛАНДЛИГИ (h) — уфқ текислиги б-н ёритқич (юлдуз, сайёра ва б.)га йўналган чизиқ орасидаги бурчак. Вертикал доира ёйи б-н ўлчанади. Осмон гумбази кўринма суткали айланганлиги сабабли Ё. б. ўзгариб туради ва *меридиан*да энг юқори қийматларга эришади. Ёритқич баландлигининг 90° га тўлдирувчиси зенит масофаси дейилади.

ЁРИТҚИЧЛАР (астрономияда) — ёруғлик сочувчи осмон жисмлари (юлдуз, сайёралар ва б.) (қ. *Осмон ёритқичлари*).


ЁРИТҚИЧЛАРНИНГ ТЎСИЛИШИ, Қуёш ва Ой тутилишлари — Ой ўзининг Ер атрофидаги ҳаракати даврида узоқ ёритқичлар (юлдузлар) олдидан ўтиб, уларни тўсиши ҳодисаси. Кўпинча, юлдузлар тўсилади. Юлдуз қанчалик равшан бўлмасин, у Ой б-н тўсилганда Ой четида тўсатдан йўқолади (тўсилишнинг бошланиши) ва тўсатдан пайдо бўлади (тўсилишнинг охири). Сайёраларнинг тўсилиш ҳодисалари ҳам учрайди. Ер Ойдан тушган сояга ёки Ой Ердан тушган сояга тўғри келиб қолганда Қуёш ва Ой тутилишлари рўй беради. Тўлиқ Қуёш тутилиши 7,5 мин. дан, қисман (катта фазали) Қуёш тутилиши 2 соатдан ошмайди. Ойдан тушган соя Ерда тахм. 1 км/с тезликда ҳаракатланади ва 15 км гача масофани босиб ўтади. Унинг диаметри 270 км чамасида бўлади. Бу эса тўлиқ Қуёш тутилишининг энг кенг энини ташкил қилади. Тўлиқ Ой тутилиши 1 соат 45 мин.гача чўзилиши мумкин. Бу ҳодиса Қуёш, Ой ва Ой орбитаси тугунларининг осмон гумбазидаги ўзаро вазиятлари даврий равишда такрорланиши б-н боғлиқ. Ҳар йили кўпи б-н 7 Қуёш ва Ой тутилишлари юз беради (бундан 3 таси Ойга тўғри келади), камида 2 тутилиш (иккаласи ҳам Қуёшга тўғри келади) рўй беради. Ё. т. расадхоналар ва махсус ст-ялардан асбоблар орқали кузатилади. Уларни оддий кўз б-н (қорайтирилган шиша орқали) ҳам кузатиш мумкин.

Қуёш тутилишлари янгиой (Қуёш б-н Ой бир чизиққа тўғри келган) пайтдагина юз беради. Ой орбитаси текислиги *эклиптика* текислиги б-н устма-уст тушганда, ҳар янгиой пайтида Қуёш тутилиши юз берар эди. Аммо Ой орбитаси эклиптикага оғма бўлганидан бундай бўлмайди. Янгиой эклиптика яқинида бўлгандагина тутилиш рўй беради. Қуёш тутилиши Ер сиртининг ҳар хил нуқталари учун турли кўринишда бўлади. Ой ғарбдан шарққа ҳаракатланганлиги учун тутилиш Қуёш дискининг ғарб (ўнг) четидан бошланади. Қуёш аста-секин ингичка ўроқ шаклини ола бошлайди. Қуёш дискининг охирги нуқталари йўқолиб, тўла тутилиш бошланганда Ойнинг қора диски атрофида ёруғ шуъла ярақлаб кўринади (бу Қуёш тожидир). Осмон бирдан қораяди, атрофда қизғиш шуъла («шафақ ҳалқа») кўринади. Тутилиш 2 соатча давом қилиши мумкин, аммо тўла фаза бир неча минутгина давом этади, чунки Ой диски Қуёш дискидан озгина каттароқ холос, шунинг учун бутунлай тўсиб туриш узоққа чўзилмайди.

Ой тутилиши тўлиной пайтларидагина, яъни Ой Қуёшга қарши турганда рўй беради. Ой ғарбдан шарққа ҳаракат қилганидан Ер соясига Ойнинг шарқий (чап) чети олдин киради. Ой ўроқ шаклига кира боради. Бу шакл одатдаги Ой фазаларидан фарқ қилади. Ой Ернинг соясига бутунлай кирса, у ҳолда тўла тутилиш юз беради. Агар Ой соянинг четидан ўтса, тутилиш қисман бўлади. Ер соясининг диаметри Ой дискидан деярли 2,5 марта катта бўлганидан Ойнинг тўла тутилиши 2 соатча давом қилиши мумкин. Тўла



Ёритқичларнинг тўсилиши.



Юпитер ва унинг йўлдошларини ой тўсиши.

тутилиш вақтида ҳам Ой бутунлай йўқолиб кетмайди, фақат одатдагига нисбатан кучсиз нур сочади, қизғиш сим рангга киради.

Ҳар бир тутилиш 18 йил 11 кун ёки 18 йил 10 кунда (кабиса йилнинг номига қараб) такрорланиб турганидан тутилишларни олдиндан айтиш мумкин. Шунча вақт ўтгандан сўнг Қуёш, Ой ва Ой орбитасининг тугунлари бир-бирларига нисбатан тахм. дастлабки вазиятларига қайтиб келади (қ. *Сарос*). Ҳар бир Ой тутилиши Ер ярим шарининг ҳамма жойида кўринади, Қуёш тутилишлари эса тор бир оралиқдагина кўринади. Айниқса, Қуёшнинг тўла тутилиши аҳён-аҳёнда кўринади.

ЁРИҚ СУВЛАРИ — интрузив, метаморфик, чўкинди ва вулкан тоғ жинслари ёриқларида тўпланган эркин (гравитацион) ер ости сувлари. Асосан қор, ёмғир, баъзан, оқар сувларнинг йиғилишидан пайдо бўлади. Ё. с.нинг қуйидаги турлари фарқ қилинади: тектоник ёриқлар б-н боғлиқ ёриқ-томирли (кўпинча босимли) сувлар, ёриқли-грунт (босимсиз) сувлар, айниқса нураш дарзликлари б-н боғлиқ; ёриқ-қатламли (одатда босимли) — сув ўтказмайдиган жинслар б-н қат-қатлашган кам метаморфлашган сув ўтказувчан жинсларнинг литогенетик ёриқларида тўпланади; ёриқли-карст сувлари — босимли ва босимсиз бўлади. Ё. с. кўпинча бири иккинчиси б-н боғлиқ, уларнинг динамик шароити мураккаб, минераллашганлиги ва кимёвий таркиби турлича. Ё. с.нинг ҳароратланиши фильтрациянинг чўзиқли қонуни асосида бўлади. Ё. с. айниқса қалқонларда (Украина қалқони), шунингдек, платформа ва тоғлик р-нларда тарқалган. Ё. с.дан хўжаликни ва саноат корхоналарини техник сув б-н таъминлашда фойдаланилади. Минераллашган Ё. с. тиббиётда ишлатилади. иб кетиши фойдали қазилмаларни кавлаб олишни анча қийинлаштиради.

ЁРИҚТИШЛИЛАР (Solenodontidae) — тубан ҳашаротхўрлар оиласи. Юқори ва ўрта олигоцендан маълум. Оёқлари бешбармоқли, олд оёқлари б-н товонда, орқа оёқлари б-н бармоқда юради. Қўлтиғи ва човлари остида кучли ҳидли суюқлик ажратадиган безлари бўлади. Заҳарли сўлак ажратадиган жағ ости безининг йўли иккинчи курак тиши асосига очилади. Бу тишнинг олд юзасида тарновчаси (ёриғи) бўлади (номи шундан олинган). Уз 28—32 см, думи 17,5—25,5 см, 1 уруғ 2 тури: гаити ёриқтиши (Solenodon paradous) ва куба ёриқтиши (S. cubanus) Гаити ва Куба о.да тарқалган. Ўрмон ва бутали чакалакзорларда яшайди. Ҳар йили 3 тадан болалайди. Иккала тур ҳам Халқаро Қизил китобга киритилган.

ЁРКЕНД (қад. номи Сакараўл, хитойча Шачэ) — Хитойнинг Синьцзян-Уйғур мухтор р-нидаги шаҳар, Қашқар вилоятининг Ёркенд тумани маркази (1980 й.гача Қашқар вилояти маркази). Тақламакон чўлининг ғарбий қисмида, Ёркенддарёнинг ўнг соҳилида, 1200 м баландликда жойлашган. Аҳолиси қарийб 547,5 минг киши, асосан уйғурлар, қисман ўзбеклар, хитойлар ҳам яшайди.

Ё. 2 қисм — мусулмонлар яшайдиган ва хитойлар яшайдиган Шачэдан иборат. Муҳим савдо ва транзит пункти. Ё. йирик деҳқончилик (галлакорлик, пахтачилик), боғдорчилик ва ипакчилик р-нининг маркази. Озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Ҳунармандчиликда гилам, ип газлама ва шойи тўқилади.

Хитой манбаларида қайд этилишича, мил. ав 65 й. Ё.да 2300 дан зиёд хонадон бўлган, аҳолиси сак (юн. манбаларида скиф)лар деб кўрсатилган. Ё. 1465—1759 й.ларда бутун Шарқий Туркистонни ўз ичига олган Ёркенд хонлигининг маркази эди. Шаҳар атрофидан темир рудаси ва қимматбаҳо яшма тоши олинган. Ё. орқали қадимда Ўрта Осиёдан Шарқий Туркистоннинг бошқа шаҳарлари ва Ҳиндистонга борадиган карвон йўли ўтган. Шаҳар Буюк ипак йўлида жойлашганлигидан қадимдан ҳунармандчилик (гилам, ип газлама, шойи тўқиш) равнақ топган. Шаҳарда қад. обидалардан малика ҳамда шоира Омонисахон (16-а.) мақбараси ва хон дахмалари (Олтунум) сақланган. Ўзбек шоири *Фурқат* (1859—1909) умрининг сўнгги йиллари Ё.да яшаб ижод қилган, 1990 й.да шоир қабри устига мақбара қурилган.

ЁРКЕНД ЗИЛЗИЛАСИ — Хитойнинг Синьцзян-Уйғур мухтор р-ни Ёркенд воҳасида 1897 й. 22 авг.да рўй берган. Марказий Осиёда содир бўлган энг кучли зилзилалардан. Бу зилзила оқибатида Ёркенд, Қашқар ш. ва унга яқин жойлашган бошқа шаҳар ва қишлоқлар вайронага айланган.

Зилзилани бошидан кечирган одамларнинг тахмини бўйича бу табиий офат натижасида 6—7 минг киши ҳалок бўлган. Ё. з. тебраниш кучи эпицентрда тахм. 9—10 балл, магнитудаси 8,1 дан зиёд эканлиги қайд қилинган. Ер силкиниши бир йил давомида 9 марта такрорланиб, кучи 7—8 баллдан, магнитудаси 6 дан ошган. Силкинишлар кучи Олмаотадан тортиб Андижон, Тошкент, Самарқандгача сезилган. Ё. з.га Фарғона тизмасининг шарқий қисмида жойлашган Талас-Фарғона ер узилмаси сабаб бўлган.

ЁРКЕНДДАРЁ — Марказий Осиёдаги дарё, Хитойнинг шим.-ғарбида, Тарим дарёсининг энг узун ўнг ирмоғи. Уз. 1068 км. Ҳавзасининг майд. 81,4 минг км². Қорақурум тизмасидаги музликлардан бошланади. Юқори оқими Куньлунь тизмасининг ғарбий тармоқларини кесиб ўтади. Ўрта ва қуйи оқимида Қашқар ботиғидан оқади. Бу дарё Ёркенд ва б. воҳаларни суғоради. Июль ва авг.да тўлиб оқади. Ўртача сув сарфи тоғлардан чиққач 170 м³/сек. Баҳорда экинларни суғориш даврида дарё Марқат ш.дан ўтгач, суви тугайди. Ё. бўйида Ёркенд ш. жойлашган.

ЁРЛАҚАБ БАХШИ Бекназар ўғли— (1888 — Зомин тумани — 1971) — ўзбек достончиси. Дастлаб Қарапчи қишлоғилик Омон бахшига, сўнгра Сўлоқ қишлоғилик Худойназар шоирга шогирд тушиб, моҳир достончи сифатида танилган. 1917—32 й.ларда Фарғона водийсининг туман ва қишлоқларида, Қирғизистоннинг Ўш вилоятида достончилик б-н шуғулланган. 1932 й. Зоминга қайтган. 2-жаҳон уруши йилларида яратган термаларида ўзбек жангчиларининг қаҳрамонлигини мадҳ этган. «Бекобод», «Фарҳод қурилиши» каби термаларида улкан қурилишлар, ўзбек халқининг улуғ яратувчилик меҳнатини акс эттирган. «Гўрўғлининг туғилиши», «Интизор», «Ҳасанхон», «Муродхон», «Ширин б-н Шакар» каби халқ достонларини маҳорат б-н куйлаган. Ё. б.дан бир қанча анъанавий ва замонавий термалар, «*Алпомиш*», «Маликаи айёр», «Чорёр» достонлари ёзиб олинган.

ЁРЛИҚ — 1) турк-мўғул хонлари эълон қилган ёзма хужжатлар. Дипломатик ноталар ва давлатлараро битим-

лар матни ҳам хон Ё.и жумласига кирган. Бироқ кўпинча бу Ё. *Олтин Ўрда,* Қозон ва Қрим хонлари томонидан ўзларига тобе турли амалдорларга, диний арбобларга берилган шахсий дахлсизлик ҳақидаги имтиёзли ҳужжат саналган. Ё. рус князларини ўз ерларида ҳукмрон бўлишларини тасдиқлаган. Рус митрополитлари хонларни дуо қилганлари туфайли, бу Ё. бўйича рус черкови Ўрда маъмуриятига тобеликдан, ўзларига қарашли ерлардан олинадиган солиқлардан, турли мажбуриятларни ўташдан халос этилган. Ё. Олтин Ўрданинг ҳудудий бўлиниши, унга тобе ерлар, уларнинг маъмурий тузилиши, ер эгалиги ва б. ҳақида муҳим тарихий манба саналади; 2) амирлар ва руҳонийларга бирон имтиёз берилиши ҳақида подшо, хон муҳри босилган расмий ҳужжат (мас., ишонч ёрлиғи); 3) товарнинг устига қўйилган ва унинг хили, ўлчами, миқдори, баҳоси ва ш. к.ни кўрсатадиган белги; 4) расмий ҳужжат (мас., фахрий ёрлиқ).

ЁРМА — озиқ-овқат маҳсулоти; кўпинча шоли, буғдой, сули, арпа, гречиха, маккажўхори, нўхат сингари донларни махсус машинада оқлаб (бутун) ёки майдалаб тайёрланади. Тариқдан оқланган сўк, шолидан гуруч (оқшоқ), буғдойдан манний ёрмаси, оқланган буғдой, арпадан оқланган арпа (перловка), оқланган оқ жўхори, майдаланган маккажўхори дони кўп ишлатилади. Таркибида крахмал, азотли моддалар, оқсил, ёғ, углеводлар, клечатка, минерал тузлар (калий, кальций, магний, фосфор, темир) витаминлар мавжуд. Клечаткаси камроқ бўлгани учун моллларга яхши ем бўлади, паррандаларга ҳам берилади. Доннинг пўсти олиб ташлангани сабабли Ё.нинг озиқ-овқатлиги жиҳатидан қадри юқори, яхши ҳазм бўлади, тўйимли ва калорияли. Ё.нинг айниқса болалар ва турли касаллик б-н оғриган беморлар учун аҳамияти муҳим. Одамнинг озиқ-овқатида Ё. углеводлар (крахмал) ва ўсимлик оқсилларининг асосий манбаи. Пазандачиликда Ё.дан бўтқа, суюқ ошлар, гарнирлар ва б. таомлар тайёрланади. Физиологик асосланган овқатланиш меъёрларига кўра, овқат учун 1 йилда аҳоли жон бошига ўртача 14—15 кг турли Ё. маҳсулотлари истеъмол этиш тавсия этилади.

ЁРМАТ МАҲСУМ — (тахм. 1882—1929) — Фарғона водийсида мустабид совет режими ва босқинчи қизил армияга қарши курашган истиқлолчиларнинг сўнгги бош қўмондони (1923—29). Уламо оиласида туғилиб, ёшлигида мукаммал диний тарбия олган. Ё. м. 1920 й.дан бошлаб қизил армияга қарши жангларда қатнашиб, моҳир қўрбоши сифатида ном чиқарди. Кўпроқ Ўш уездида Олай воҳасида ҳаракат қилган. 1923 й. 17 июлда Олтиариқдаги Шункмозор қишлоғида бўлган Фарғона водийси қўрбошиларининг қурултойида у Фарғона истиқлолчиларининг бош қўмондони этиб сайланди. Унга амир лашкарбоши унвони берилди. Аҳмад полвон, Қорабой, Умар Али, Мама Рўзи каби қўрбошилар ва укаси Ҳожи понсод унинг энг яқин ёрдамчилари эди. Ё. м. мураккаб бир даврда истиқлолчиларга раҳбарлик қилди. 1923 й. авг.да Сўх қишлоғида бўлган қурултойдан кейин у ўз ҳарбий кучларини 2 қисмга ажратиб, бирини Сўхда қолдиради, иккинчи қисмини эса Олай воҳасига жўнатади. Ё. м. 1924 й.да бўлган жангларда асосий кучлардан ажралса ҳам, у 1925—29 й.ларда Марғилон, Қўқон, Сўх томонларда курашни давом эттирди. Бу пайтда унинг ихтиёрида 2000 йигит ва 10 та қўрбоши бўлган. 20-й.ларнинг охирида унинг асосий қароргоҳи Сўх яқинидаги Ҳайдаркон қишлоғи (ҳоз. Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти ҳудудида) эди. 1929 й. Ҳайдарконда бўлган жангларнинг бирида Ё. м. мардларча ҳалок бўлди.

Ад.: Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Ўзбекистон тарихи (1917—1991). Т., 2000.

Қаҳрамон Ражабов.

ЁРМАТОВ Комил (1904.2.5, Конибодом — 1978.17.11, Тошкент) — ўзбек кинореж., тожик киносининг асосчиси. Ўзбекистон халқ артисти (1955), Тожикистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1939), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1943). Биринчи фильми — «Муҳожир» (1934) Тожикистон киностудиясида суратга олинган (ўзи сценарий муаллифи, реж., бош роль ижрочиси). «Фахрий ҳуқуқ», «Узоқ чегарада», «Дўстлар қайта учрашганда» фильмлари ҳам «Тожикфильм»да ишланган. Бу фильмларда унинг ўзига хос услуби, кескин драматизмга интилиши, мураккаб декорациялардан фойдаланиши кўзга ташланади. 1941 й.дан «Ўзбекфильм»нинг бадиий раҳбари. Уруш йиллари «Ватан совғаси», «Фронт учун концерт» сингари концерт-фильмлар, «Уйқусиз йиллар» бадиий фильмини яратди. «Алишер Навоий» фильми (1947) реж. га катта шуҳрат келтирди. Бир қанча ўзбек фильмларида актёр сифатида қатнашган.



Комил Ёрматов (Баҳодир Жалолов асари, 1988).

Ё.нинг ҳар бир ижодий босқичи янги-янги бўёқлар б-н сайқаллаша бориб, яратган фильмлари миллий кино олдида турган аниқ ва муҳим вазифаларни ҳал эта борди. Замонавий мавзуларда «Опа-сингил Раҳмоновалар», «Гулнор очилганда», тарихий мавзуда «Абу Али ибн Сино» каби фильмлари, «Пахтаой» эртак-фильми кинофестивалларда I-даражали дипломлар б-н тақдирланган.

60-й.ларда Ё. кинотрилогия яратиб, ўзбек кино санъатини янги босқичга кўтарди. Афсона характеридаги «Икки дил достони» (1966; халқаро кинофестивалнинг «Олтин Абсора» мукофоти, 1968), ўзбек шоираси ҳаётига бағишланган «Нодирабегим», «Узоқ-яқин йиллар» (кинофестивалнинг махсус совриниси, Рига, 1978) каби фильмлари ҳам шуҳрат қозонди. «Киносценарийлар» (М. Мелкумов б-н ҳамкорликда) тўплами, «Эсда-ликлар»и нашр этилган. Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмасининг котиби (1958—78). «Ўзбекфильм»га Ё. номли берилган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1967).

Ад.: Алиев М., Комил Ёрматов, Т., 1960; Тешабаев Джура, Камил Ярматов, М., 1964; Тешабаев Джура, Счастье мастера, Т., 1975.

ЁРМАТОВ Шермат (1939.17.10, Фарғона тумани) — хор дирижёри, композитор, болалар хори санъатининг фаол тарғиботчиси. Ўзбекистон халқ артисти (1997). Тошкент давлат консерваториясини хор дирижёрлиги мутахассислиги бўйича тугатган (1967). Тошкент ш. даги 99- ўрта мактабда мусиқа ўқитувчиси ва

(1962—82). Ўзтелерадиосида хор жамоаси дирижёри (1967—70), «*Булбулча*» болалар хорининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри (1971 й. дан), ЎзР Маънавият ва маърифат маркази раиси ўринбосари (1996—99). Айни пайтда А. Қодирий номидаги Маданият ин-ти (1980—95) да ўқитувчи, доцент (1994). Композитор ижодида вокал мусиқа (айниқса болалар учун яратган қўшиқлари) асосий ўрин тутади: «Салом мактаб», «Ғилдирагим», «Икки қўйманг, ўқитувчи!», «Сумалак», «Оймоможон ром бўлди», «Қизалоқ», «Хон атлас», «Бу юртнинг ёшлари», «Читти гул» (фольклор-этнографик сюита), «Ассалом ҳаёт» кантатаси (Т. Илҳомов сўзи) ва б. Аксарият қўшиқлари турли мусиқа тўпламларида нашр этилган. 1970-й.лар ўртасидан бошлаб ўзбек болалар қўшиғи ҳамда хор санъатига бағишланган доимий «Қўшиғим — жон қўшиғим», «Биргаликда куйлаймиз» телекўрсатувларини олиб боради. «Соғлом авлод учун» ордени б-н мукофотланган (1994).



ЁРОНГУЛ, хушбўй ёронгул (Pelargonium roseum Willd.) — ёронгулдошлар оиласига мансуб бир йиллик ёки кўп йиллик ўт ёки чала бута, эфир мойли ва манзарали ўсимлик. Ўрта Денгиз соҳилларида, Закавказье ва Ўрта Осиёда (21 га яқин тури бор) тарқалган. Ёввойи тури чўл, адир ва тоғ зоналарда учрайди. Барги панжасимон, баъзида патсимон ажралган, майда кертикли, чиройли. Турига қараб гули оч қизил, ҳаворанг, ним жигарранг, тўқ қизил рангда. Ё.нинг ер устки қисмида ошловчи моддалари мавжуд турлари ҳам бор. Унинг яшил баргидан ва гулидан хушбўй эфир мойи олинади. Айрим турлари халқ табобатида дори сифатида ишлатилади. Истироҳат боғларида, хонадонларда гул сифатида ўстирилади.



Ёронгул.

ЁРОНГУЛДОШЛАР (Geraniceae) — икки уруғпаллалилар синфига мансуб оила. Кўп йиллик ва бир йиллик ўтлардан, баъзан ярим буталардан иборат. Барглари бўлмали ёки бутун, баъзан патсимон ажралган. Кўпчилик турларининг гуллари тўғри, икки жинсли, кўпроқ қизил ёки бинафша рангли бўлади. Ер юзида оиланинг 650 га яқин тури ва 11 туркуми маълум. Асосан ўртача иссиқ ва субтропик зоналарда тарқалган. Шулардан 4 туркумига мансуб 20 тури Ўзбекистонда ўсади. Жан. Африкада ўсувчи Pespargonum туркумига мансуб турлар ва уларнинг дурагайлари манзарали ва эфирмойли ўсимлик сифатида экилади. Оиланинг *ёронгул* туркуми Ўзбекистонда кенг тарқалган.

ЁРУҚҚА ҚАРАЙ ОЛМАСЛИК, фотофобия — кўзнинг табиий ёки сунъий ёруққа ўта сезувчанлиги. Бунда кўздан ёш оқади, худди бир нарса қадалаётгандек кўз қовоқлари тортишиб, мал ёруғликка қарай олади, агар ёруғлик ошиб кетса, ноҳушлик сезилади, кўриш ёмонлашади. Бу табиий ҳол бўлиб, касаллик белгиси ҳисобланмайди. Ё. қ. о.да киши нормал ёруғликка ҳам қарай олмайди. Кўзга чанг, турли зарралар ва б. *ёт жисмлар* тушганда, кўз турли газлардан таъсирланганда Ё. қ. о. рўй беради. Кўзнинг мугуз пардаси шикастланганда, тўр пардага ортиқча ёруғ таъсир этганда, унинг ташқи пардалари (мугуз ва рангдор пардалар) яллиғланганда, баъзи инфекцион касалликлар (*грипп, қизамиқ* ва б.)дан асорат қолганда ҳам киши ёруққа қарай олмайди. Кўз касалликлари — конъюнктивит, кератит, иридоциклит ва б.да ёруғни сезувчанлик ортади. Шунинг учун Ё. қ. о. аломати пайдо бўлганда дарҳол кўз докторига мурожаат қилиш зарур. Давоси: асосий касаллик бартараф қилинади, қора кўзойнак тақиб юриш тавсия этилади.

ЁРУҒЛИК — инсон кўзи сезадиган (тебраниш частотаси $4{,}0 \cdot 10^{14}$—$7{,}5 \cdot 10^{14}$ Гц) электромагнит тўлқинлар. Бу *вакуумда* тўлқин узунлиги ~ 400 Нм дан ~ 760 Нм гача бўлган тўлқинлар узунлигига мос келади. Спектрнинг *инфрақизил нурланиш* ва *ультрабинафша нурланиш* соҳалари ҳам Ё. деб аталади. Спектрнинг инфрақизил нурланиш соҳаси б-н рентген нурлари орасида кескин чегара йўқ.

Турли ёритқичлар (Қуёш, юлдузлар, электр лампочкалар ва б.) Ё. чиқаради. Ё. тўлқин хоссага ҳамда корпускуляр хоссага эга. Баъзи ҳодисалар (*дифракция, интерференция,* қутбланиш)да Ё.нинг тўлқин хоссаси, бошқа ҳодисалар (*фотоэффект, люминесценция,* атом ва молекулалар спектрлари)да корпускуляр хоссаси намоён бўлади. Ё.нинг тўлқин хоссасини тўлқинлар назарияси, корпускуляр хоссасини квант назария тавсифлаб беради; ҳар иккала хоссаси бир-бирини тўлдиради.

Ё.нинг корпускуляр назариясини И. *Ньютон,* тўлқин назариясини Х. *Гюйгенс,* квант назариясини А. *Эйнштейн* ишлаб чиққан. Ё. қонуниятлари *оптика*да ўрганилади. Ё. босими, яъни механик таъсири борлигини Ж. К. *Максвелл* назарий исботлаган. Ё.нинг иссиқлик, электр, фотокимёвий ва б. таъсирлари мавжуд. Баъзи қўнғизлар, ўсимликлар, элементлар ҳам ўзидан Ё. чиқаради.

Ёруғлик бирликлари — Ё. кучи, ёритилганлик, равшанлик, Ё. оқими ва б. ёруғлик катталиклари бирликлари. *Халқаро бирликлар тизими*да Ё. кучи бирлиги сифатида *кандела* ишлатилади. Ё. оқими бирлиги қилиб *люмен* қабул қилинган. Сиртнинг ёритилиши сиртга тушаётган Ё. оқими, яъни Ё. кванти зичлиги б-н аниқланади. 1 $см^2$ сиртга тушаётган 1 люмен Ё. оқими *фот (ф)* б-н ифодаланади. Фот б-н бир қаторда радфот (радиация) ишлатилади. Равшанлик сиртга тик тушаётган Ё. кучи б-н ўлчанади; равшанлик бирлиги — *стильб* (сб). Фотометрияда Ё. энергияси жоуль, Ё. оқими ваттлар б-н ўлчанади.

Ёруғлик босими — Ё.нинг уни қайтарувчи ва ютувчи жисмларга, зарраларга, шунингдек, айрим молекула ва атомларга кўрсатадиган таъсири. Ё. босими ҳақидаги фаразни биринчи марта 1619 й.да И. *Кеплер* комета думларининг Қуёш яқинидан учиб ўтишидаги оғишини тушунтириш учун ишлатган эди. 1873 й.да Ж. К. Максвелл электромагнит назария асосида Ё. босими катталигини ҳисоблаб чиқди. У энг кучли Ё. манбалари (Қуёш, электр ёй) учун ҳам жуда кичик миқдор экан. Ер шароитида у ёнаки ҳодисалар (конвекцион токлар, радиометрик кучлар) б-н ниқобланади. Шу сабабли, Ё. босимини соф ҳолда ўлчаш мураккаб иш. Уни биринчи марта 1899 й.да П. Н. *Лебедев* тажрибада аниқлаган. Унинг олган натижалари Ж. К. Максвеллнинг ҳисоблашларига мос келган эди. У Ё.нинг газларга берадиган босимини ўлчаш мумкинлигини 1908 й.да исботлади. Думли юлдузлар Ё. босими таъсирида пайдо бўлади, деб тахмин қилинади.

Электромагнит назарияга кўра, жисм сиртига тик тушувчи ясси электромагнит тўлқин юзага келтирувчи босим электромагнит энергиянинг сирт яқинидаги зичлиги *и* га тенг. Ушбу

энергия жисмга тушувчи ва ундан қайтувчи тўлқинлар энергиясидан ташкил топади. Агар жисм сиртининг 1 см² га тушувчи электромагнит тўлқин қуввати Q эрг/см²·с, қайтариш коэффициенти R бўлса, у ҳолда сирт яқинида энергия зичлиги $u=Q(1+R)/c$. Бундан Ё.нинг жисм сиртига босими $p=Q(1+R)/c$ бўлади. Ё. босими қўламлари бир-биридан жиддий фарқ қилувчи астрофизика ва атом соҳаларида жуда муҳимдир. Лазерлар пайдо бўлиши б-н Ё. босимидан турли соҳаларда фойдаланиш имкони кескин кенгайди (қ. *Комптон эффекти, Мёссбауэр эффекти* ва б.).

Ёруғлик вектори (Ё. майдон назариясида) — Ё. энергиясининг катталигини ва кўчирилиш йўналишини аниқлаб берувчи Ё. оқими зичлигини ифодалайдиган вектор. У фотометрияда амалий аҳамиятга эга, унинг ёрдамида Ё.нинг ҳажм зичлиги, Ё. оқимининг ютилиши, сиртнинг ёритилганлиги ва б. аниқланади.


Ёруғлик кванти — фотон энергияси. Ё. тўлқин тарқатиш б-н бирга корпускуляр, яъни квант табиатга ҳам эга бўлишини М. *Планк* исботлаган. Планк назариясига кўра, Ё. модданинг атом, молекулаларидан узлуксиз оқим тарзида эмас, балки аниқ миқдордаги айрим улушлар тарзида чиқади ва ларга шундай улушлар тарзида ютилади. Бу улушлар квантлардир. *Фотоэффект* ҳодисасини шу назарияга асосланиб тушунтириш мумкин. Квант механика қонунлари ҳам шу назарияга асосланган.

Ёруғлик кучи — кўринувчи нурланиш манбаининг муайян йўналишда ёруғланишини ифодалайдиган Ё. катталиги. Ё. манбаидан фазовий бурчак бирлиги Ω да тарқалаётган Ё. оқими Φ ни ифодалайди: $J=\Phi/\Omega$. Халқаро бирликлар тизими СИда кандела (кд) Ё. кучи ўлчов бирлиги деб қабул қилинган. Ё. кучини аниқлаш ёритиш техникасида (уй-жойларни ёритиш), тиббиётда (ёруғлик б-н даволаш), и. т. ишларида амалий аҳамиятга эга.

Ёруғлик оқими. Ё. энергиясини сезишда, табиийки, кўз алоҳида аҳамиятга эга. Инсон кўзининг турли рангдаги Ё.ни сезиш қобилияти ҳам турлича. Шунинг учун бирор сирт орқали ўтаётган Ё.нинг тўлқин энергияси эмас, балки бу Ё. энергиясининг бевосита кўзга таъсир этиб кўриш сезгиси уйғотадиган қисми аҳамиятли. Бирор сирт орқали вақт бирлиги ичида ўтадиган ва кўриш сезгиси б-н баҳоланадиган ёруғлик энергияси Ё. оқими деб аталади, яъни $\Phi=W/t$, бунда Φ — Ё. оқими; t — Ё. тушаётган вақт оралиғи; W — сирт орқали ўтаётган, яъни фазовий бурчак Ω да тарқалаётган Ё. энергияси. Агар W — нуқтавий манбадан барча йўналишлар бўйича тарқалаётган Ё. энергиясини ифодаласа, Φ — тўла Ё. оқимини билдиради. Ё. оқимининг ўлчов бирлиги қилиб люмен (лм) қабул қилинган. У Ё. кучи 1 кд бўлган манбанинг фазовий бурчак 1 ср да ҳосил қиладиган Ё. оқимини ифодалайди: 1 кд·1 ср=1 лм.

Ёруғлик энергияси — инсон кўзи сезадиган электромагнит тўлқинлар энергияси қисми. У Ё. оқимининг ёритиш давомлилигига кўпайтмасига тенг. Ё. энергияси бирлиги — люмен× ×секунд (лм·с).

ЁРУҒЛИК АБЕРРАЦИЯСИ — астрономик ҳодиса; ёруғлик тезлигининг чеклилиги ва кузатувчининг ёритқичга нисбатан Ер б-н бирга ҳаракатланиши туфайли осмон жисмларидан келаётган ёруғлик нури йўналишининг ўзгариши. Кузатувчидан ёритқичга хаёлан ўтказилган уринма ва ҳақиқий йўналишлар орасидаги бурчак аберрацион бурчак σ дейилади. Ёритқичдан келаётган нур объектив O га тушиб (расм), c тезликда окуляр T га келгунича t вақтда F масофани ўтади. Шу вақтда Ер ўз ўқи атрофида ва Қуёш атрофида айланиши сабабли, кузатувчи телескоп б-н бирга v тезликда ҳаракатланиб, Δl масофани ўтади. Тасвирни окуляр марказида кўриш учун телескопни ҳаракат йўналиши (апекс) томонга (σ бурчакка) буриш керак. Шаклда аберрацион бурчак $\sigma=(206\ 264{,}8'' \frac{v}{c})\cdot\sin\theta$.



Ёруғлик аберрацияси схемаси.

Ё. а. суткалик, йиллик ва асрий хилларга бўлинади. Суткалик Ё. а. Ернинг ўз ўқи атрофида ҳаракатланишидан содир бўлади. Йиллик Ё. а. Ернинг Қуёш атрофида ҳаракатланиши натижасидир. Асрий Ё. а. Қуёш системасининг фазода ҳаракатланишидан келиб чиқади (яна қ. *Аберрация*).

ЁРУҒЛИК АБСОРБЦИЯСИ — қ. *Ёруғликнинг ютилиши*.

ЁРУҒЛИК БИЛАН ДАВОЛАШ, фототерапия — қуёш нури ёки сунъий манбалар ёруғлигини профилактика ва даволаш мақсадида қўллаш; *физиотерапия*нинг бир бўлими. Сунъий манбаларга ўғлан фракизил ва кўзга кўринадиган нурлар б-н нурлантирадиган аппаратлар (инфрақизил нурлар б-н нурлантиргич, ёруғлик иссиқлиги б-н нурлантиргич — соллюкс. Минин лампаси, маҳаллий электр ёруғлик ванналари, шунингдек, ультрабинафша нурлар б-н нурлантириш учун симоб-кварцли лампалар) киради. Инфрақизил нурларнинг физиологик таъсири иссиқликнинг наф беришига асосланган. Ана шу нурлар таъсирида ҳароратнинг кўтарилиши тўқималарда моддалар алмашинуви жараёнининг тезлашишига, томирларнинг рефлектор кенгайишига сабаб бўлади, бу эса тўқималар озиқланишининг яхшиланиши, инфильтратларнинг сўрилиб кетишига ёрдам беради ва ҳ. к. Ультрабинафша нурлар б-н нурлантирилганда терида биологик фаол моддалар (гистамин, Д витамин) ҳосил бўлади, улар организмга умумий таъсир кўрсатиб, унинг инфекцияларга чидамлилигини оширади. Ультрабинафша нурлар б-н нурлантириш жарёнида иссиқ сезилмайди, лекин 2—6 соат ўтгач, терининг нур теккан жойи қизаради (эритема). Қиздириш даражаси нурлантириш тезлигига ва терининг сезувчанлигига боғлиқ. Ё. б. д.да нур дозасини тўғри танлаш муҳим (уни тиббиёт ходими белгилаб беради). Уй шароитида врач кўрсатмасига мувофиқ фақат Минин лампасидан фойдаланиш мумкин, бунда нурлантириш тартиби ва қоидаларига қатъий амал қилиш керак. Касалхона, поликлиника, санаторийлар ва б. даволаш-профилактика муассасаларида Ё. б. д. аппаратлари мавжуд. Совқотиш, турли шикастланишларда тикланиш ҳамда инфильтратларнинг сўрилиб кетиш жараёнини тезлатиш; *фурункулёз, сарамас, невралгия, артрит* ва б.ни даволаш, шунингдек, рахитнинг олдини олиш ва даволашда Ё. б. д. қўлланилади. Силнинг фаол шакли, хавфли ўсмалар, юрак-томир етишмовчилигининг рўй-рост кўриниши, *гипертония касаллиги*нинг 2-, 3-босқичи, *ёруққа қарай олмаслик*, қалқонсимон без фаолиятининг кучайиши, буйрак етишмовчилиги ва б. айрим ҳолатларда Ё. б. д. тавсия этилмайди.

ЁРУҒЛИК БОСИМИ — қ. *Ёруғлик*.


ЁРУҒЛИК ДИСПЕРСИЯСИ — модда синдириш кўрсаткичи n нинг ёруғлик частотаси ν га ёки ёруғлик тўлқинлари фаза тезлигининг уларнинг частотасига боғлиқлиги. Ё. д. туфайли оқ ёруғлик дастаси призма орқали ўтганида спектрга ажралиши юз беради. Спектрга ажралиш ҳодисасини ўрганиши оқибатида И. *Ньютон* Ё. д. ҳодисасини кашф

бўлган моддада ν нинг катталашиши (λ нинг кичрайиши) б-н n ортади: n нинг λ га бундай боғланишини нормал Ё. д. дейилади. Модданинг ютиш соҳаси яқинида n нинг тўлқин узунлиги λ га боғлиқ тарзда ўзгариши анча мураккаб. Мас., цианин эритмасидан ясалган юпқа призманинг ютиш соҳасида қизил нурлар бинафша нурларга нисбатан кучлироқ, яшил нур, сўнгра кўк нур энг кам синади. Бундай ҳолатни аномал Ё. д. (λ нинг кичрайиши б-н n нинг камайиши) дейилади.

Моддада ёруғликнинг синиши ёруғлик фазавий тезлигининг ўзгариши натижасида юз беради; модданинг синдириш кўрсаткичи $n=c/c_\phi$; бунда c_ϕ — ёруғликнинг муҳитдаги фазавий тезлиги. Ёруғликнинг электромагнит назариясига кўра $c_\phi=c/\sqrt{\varepsilon\mu}$, бунда ε — диэлектрик сингдирувчанлик, μ — магнит сингдирувчанлик. Спектрнинг оптик соҳасида барча моддалар учун μ бирга жуда яқин. Шу сабабли $n=\sqrt{\varepsilon}$ бўлгани учун Ё. д. ε нинг частотага боғлиқлиги б-н тушунтирилади.

ЁРУҒЛИК ДИФРАКЦИЯСИ — тор маънода — ёруғликнинг ношаффоф жисмлар (экранлар) чегараларини айланиб ўтиш ҳодисаси (қ. *Дифракция*); ёруғликнинг геометрик соя соҳасига ўтиши (расмга қ.). Кенг маънода — тўлқин оптикасидан геометрик оптикага ўтиш чегаравий шароитларида ёруғлик тўлқин хоссаларининг намоён бўлиши. Туман томчиларида ёруғликнинг сочилиши, оптик системалар (микроскоп)да тасвирнинг шаклланиши ва б. бунга мисол бўла олади. Ё. д. ёруғлик тўлқин узунлиги λ га боғлиқ; у λ→0 да йўқолади. Қизил нур бинафша нурга нисбатан кучлироқ дифракцияланади. Бу ҳодисадан фойдаланиб, оқ ёруғликни дифракция спектрига ажратиш мумкин.

Ё. д.нинг тақрибий назариясини 1816 й.да О. *Френель* яратган. Бу назарияга кўра, Ё. д. иккиламчи тўлқинлар *интерференция*си натижасидир. Бу назариядан асбоблар оптикасида дифракцион эффектларни ҳисоблашда кенг фойдаланилади. Экранлар системаси орқасидаги ёритилганликни Френель зоналари воситасида ҳисоблаш усули зонавий пластинкалар назарияси асосини ташкил қилади.


Думалоқ экран атрофида ёруғлик нурларидан ҳосил бўлган дифракцион ҳалқа.

Френель зоналари усули дифракция манзарасини фақат бир нечта зона ташкил қилган ҳолда самаралидир. Ушбу ҳолларни Френель дифракцияси ёки йиғилувчи нурлардаги дифракция дейилади. Агар S сирт зонанинг кичик қисмини ташкил қилса ёки дифракция узоқдан кузатилса (Фраунгофер дифракцияси), уни тушунтириш учун муайян нуқтага йиғилувчи иккиламчи тўлқинлар фазаларидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш лозим. Ё. д.нинг тўлиқ назариясини 1882 й.да Г. Р. *Кирхгоф* яратган.

Ё. д. оптика ва физикада катта аҳамиятга эга. Мас., у оптик асбоблар имкониятлари чегараларини, микроскоплар ва телескопларнинг ажрата олиш қобилиятларини, очиқ резонаторларнинг асллигини ва б.ни аниқлашга имкон беради. Лазерларнинг яратилиши Ё. д.га оид янги ҳодиса ва масалаларни юзага келтирди. Булар жумласига қисман когерент майдонлар дифракцияси ёки ночизиғий оптик муҳитлардаги ўздифракция ҳодисаси ва б. киради.

ЁРУҒЛИК ИНТЕРФЕРЕНЦИЯСИ — иккита ёки бир нечта ёруғлик тўлқинларининг қўшилиши натижасида ёруғлик нурланиши энергиясининг фазода қайта тақсимланиши (қ. *Интерференция*); тўлқин интерференциясининг хусусий ҳоли. Ё. и. экран ёки б. сиртда ёруғ ёки қоронғи йўллар ёки доғлар (монохроматик ёруғлик учун) ёхуд ранггор қисмлар (оқ ёруғлик учун) ёнма-ён жойлашган ҳолда кўринади. Ё. и. 17-а.да И. *Ньютон* томонидан тадқиқ қилинган бўлса-да, унинг корпускуляр назарияси ушбу ҳодисани тушунтира олмади. Уни 19-а. бошида Т. *Юнг* ва О. *Френел*лар тўлқин ҳодиса сифатида назарий талқин қилиб бердилар. Доимий фаза фарқи шароитида, яъни когерент ёруғлик дасталарининг қўшилиши натижасида вужудга келувчи, фазода кузатиладиган ва сусайган интенсивликларнинг мунтазам алмашинувидан иборат бўлган Ё. и. энг кенг тарқалган — стационар интерференция дир.

Ё. и. турлари асосан ёруғликнинг когерент дасталарини ҳосил қилиш усулларига кўра бир-бирига ўхшаш бўлади. Когерент дасталарини ҳосил қилишнинг икки усули: тўлқин фронтини бўлиш усули ва амплитудани бўлиш усулидан кенг фойдаланилади. Тўлқин фронтини амплитудани бўлиш тузилмаларида бирламчи манбанинг нурланиши оптик муҳитларнинг ярим шаффоф бўлиниш чегараларида б-н бўлинади. Мас., совун пуфакларида, сувдаги ёғ пардаларида шундай тур Ё. и. вужудга келади. Бу ҳолларнинг барчасида иккита сиртдан қайтган ёруғликларнинг интерференцияси ҳосил бўлади. Амплитудани бўлиш усули интерферометрларда кенг қўлланилиб, унда тўлқин майдонлари махсус ярим шаффоф кўзгулар воситасида бўлинади.

Юқоридаги икки нурли интерференциядан ташқари, кўп нурли Ё. и.лар ҳам мавжуд. Фабри — Перо интерферометри кўп каррали қайтувчи нурларда ишласа, дифракция панжаралари ва Майкельсон эшелонлари кўп элементли даврий тузилмаларга асосланган. Ё. и.дан ёруғликнинг спектрал таҳлилида, масофалар, бурчаклар ва тезликларни аниқ ўлчаш ҳамда рефрактометрияда кенг қўлланилади. Ё. и. *голография* асосини ташкил қилади.

ЁРУҒЛИК ЙИЛИ — юлдузлараро масофаларни ўлчаш бирлиги; ёруғлик нурининг бир *тропик йилда* ўтадиган йўли. Бир Ё. й. = 63277 *астрономик бирлик* = 0,3068 *парсек* = 9,46·10¹² км.

ЁРУҒЛИК МАНБАЛАРИ — кўриш сезгиси б-н идрок этиладиган электромагнит тўлқинлар (тўлқин узунлиги, тахм., 400 дан 750 мм гача) манбаларидир. Ё. м. иссиқлик, электр ёйи, электр учқуни ва газ ёритқич манбаларга бўлинади. Юқори т-рада қиздирилганда нурланадиган *мутлақ қора жисмлар* (ёруғлик эталони), чўғланма электр лампалар, Қуёш, юлдузлар ва б. иссиқлик Ё. м.дир. Суюқ ёки, кўпинча, газсимон ёнилғи алангаси иссиқлик Ё. м. га яқин. Инфрақизил Ё. м. ҳосил қилиш учун аланга ва чўғланиш манбаи уйғунлаштирилади. Электр ёйи ва электр учқунидан иборат Ё. м. спектрал эмиссион анализида муҳим. Баъзан, инерт газлар (неон, гелий, аргон) муҳитига жойлаштирилган вольфрам шарчалар ёки вольфрам ўтказгичлар орасида электр ёйи ҳосил қилинади. Булар ёритқич лампалар сифатида ишлатилади, уларнинг сирт равшанлиги жуда юқори (1800—2000 стильб). Газ ёритқич манбаларда электр токи газ ёки металл буғларидан ўтганда электр энергияси ёруғлик энергиясига айланади. Бундай Ё. м. ҳар хил босим остида газлар (кўпинча, инерт газлар) ва айрим ҳолларда оз миқдорда жуда эластик металл (симоб) буғлари б-н тўлдирилган цилиндр, сферик ва б. шаклли шиша колбадан иборат бўлади. Колба ичидаги кавшарланган электродлар орасида электр разряди ҳосил бўлади. Газ ёритқич лампалар учга бўлинади: 1) паст (0,2 дан бир неча мм сим. уст.гача) босимда газ ёки металл буғи б-н тўлдирилган газ ёритқич лампалар, уларда асосий нурланиш манбаи атомлар (молекулалар) ёки рекомбинацияланувчи

ионлар; 2) юқори (10,2 дан 15 атм гача) босимда газ ёки металл буғи б-н тўлдирилган лампалар — фотолюминесценция лампалари, уларда асосий нурланиш манбаи газ разряди б-н қиздирилган люминофорлар; 3) ўта юқори (20 дан 100 атм ва ундан юқори) босимда газ ва металл буғлари б-н тўлдирилган лампалар — электр ёритқич лампалар, уларда асосий нурланиш манбаи газ разряди б-н қиздириладиган электродлардир.

Жадвалда ҳар хил ёруғлик манбаларининг сирт равшанлиги келтирилган

Ёруғлик манбалари	Равшанлик, сб (стильб)
Неонли газ-ёритқич лампа	0,1
Паст босимли симоб лампаси	2—3
Ацетилен алангаси	3,0
Натрий газ-ёритқич лампа	10—20
Кўмир толали чўғланма лампа	50—100
Металл толали чўғланма лампа	150—200
2360 К даги "мутлақ қора жисм"	296
Газ тўлдирилган вольфрам спирал толали чўғланма лампа	500—700
Вольфрам шарикли лампа	2000
Оддий кўмир ёйи кратери	13000
Ўта юқори босимли симобли лампа	120000
Атмосфера орқали ўтган қуёш нури (ўртача равшанлиги)	150000
Ўта юқори босимли газли лампа	250000

ЁРУҒЛИК СЕЗГИР МАТЕРИАЛЛАР — ёруғлик нури таъсирида физик-кимёвий жиҳатдан ўзгарадиган материаллар (фото- ёки киноплёнкалар, фото қоғозлар). Фотография ва кинематографияда Ё. с. м. тайёрлашда ишлатиладиган ёруғлик сезгир модда сифатида, кўпинча, кумушнинг галоид тузлари (кумуш бромид, кумуш хлорид, кумуш йодид) ишлатилади. Фотопластинка, фотоплёнка, киноплёнка (целлулоид, триацетат ёки ацетилцеллюлоза) ва фотоқоғозга шундай моддалар суркалади (яна қ. *Фотоматериаллар*).

ЁРУҒЛИК ТЕЗЛИГИ — электромагнит (жумладан, ёруғлик) тўлқинларининг тарқалиш тезлиги; физиканинг асосий доимийларидан бири; ҳар қандай физик таъсирларнинг энг юқори чегаравий тарқалиш тезлиги; энг аниқ қиймати c=299 792 458 ± 1,2 м/с (1980). Ё. т. моддий жисмларнинг тўлиқ энергиясини уларнинг массаси б-н боғлайди: $E=mc^2$. Ёруғликнинг муҳитдаги тезлиги c' муҳитларнинг синдириш кўрсаткичи n б-н боғланган бўлиб, ҳар доим c дан кичик бўлади: $c'=c/n<c$.

Ё. т.ни бевосита ва билвосита аниқлаш мумкин. Ё. т.ни дастлаб 1676 й.да даниялик астроном О. К. Рёмер аниқлади. У *Юпитер* сайёраси йўлдошларининг тутилишлари орасидаги вақт ўзгаришига қараб c=300 870 ± 2 700 км/с га тенг эканлигини топди. Сўнгра (1728 й.да) инглиз астрономи Ж. Брадлей юлдузларнинг ёруғлик аберрацияларини кузатиб Ё. т.ни аниқлади. Ерда Ё. т.нинг қийматини биринчи бўлиб 1849 й.да француз физиги А. И. Л. Физо тишли ғилдиракларнинг айланиши натижасида ҳосил бўлган ёруғлик нурининг аниқ масофага бориб қайтиш вақтини ўлчаш усули орқали топди. У олган натижа: 313 300 км/с. Кейинги қадамни 1862 й.да француз физиги Ж. Б. Л. Фуко қўйди. У юртдоши Д. Араго томонидан 1838 й.да таклиф қилинган айлана кўзгу усулидан фойдаланган ҳолда тажриба ўтказиб, c = 298 000 ± 500 км/с эканлигини аниқлади. Фуко ёруғликнинг сувдаги тезлиги ҳаводаги тезлигидан камлигини кўрсатди.

Физо ва Фуко усулига мослашган тажрибалар кейинроқ кўп марта ҳар хил ўзгаришлар киритилган ҳолда бошқа олимлар томонидан ҳам ўтказилган. Булар орасида америкалик физик А. Майкельсон ўзининг айланма призма усулида Физонинг тишли ғилдирак ва Фуконинг айланма кўзгу усулларидаги камчиликларни бартараф қилиб Ё. т.нинг «янги» қийматини топди. Бу усул натижаси: c= 299 890 ± 60 км/с. Ҳавонинг бир жинсли эмаслиги Ё. т.ни аниқроқ ўлчашга таъсир қилади. Майкельсон ҳавосиз трубадан фойдаланади ва c=299 796 ± 4 км /с натижани олади (1926). Ё. т.нинг бу қийматига ўша вақтда энг тўғриси бўлиб, у физик катталикларнинг халқаро жадвалига киритилган. 19-а.да Ё. т.ни ўлчаш физикада катта аҳамиятга эга бўлиши б-н бирга, яна бир марта ёруғликнинг тўлқинлар назариясини тасдиқлади, оптиканинг электромагнетизм назарияси б-н боғлиқлигини билиш ҳамда Ж. К. *Максвелл* томонидан 1864—73 й.ларда ёруғликнинг электромагнетизм назариясини яратишда катта таянч бўлди.

Билвосита усуллар қуйидагилар: барча юлдузлар осмон гумбазида эллипс (сфера) бўйлаб ҳаракатланади; уларнинг қисқа ўқлари Ердан $\Delta\varphi = 20{,}47''$ бурчак остида кўринади. Бу *ёруғлик аберрацияси* туфайли, яъни Ернинг Қуёш атрофида υ=29,8 км/с тезлик б-н ҳаракатланишидан ҳосил бўлади. Ердан юлдузларни кузатиш учун телескоп трубасини Ер ҳаракати томонга оғдириш керак. У вақтда оғиш бурчаги тангенси $\operatorname{tg}\varphi = \frac{\upsilon}{c}$. Бу усул натижаси: c = =299 640 ± 750 км/с. Электр заряди ва электростатик ўлчаш бирликлари нисбатидан иборат электродинамик доимийни аниқлаш (немис физиклари Р. Кольрауш ва В. Вебер; 1856), ёруғликнинг частота ва тўлқин узунлиги маълум бўлганда Ё. т.ни аниқлаш усуллари ҳам бор.

Ҳозирги вақтда Ё. т.ни ўлчаш Физо усулларининг замонавийлаштирилган усулларини, ёруғлик модуляциясини қўллаш орқали амалга оширилади. Лазер нурларидан ва частотаси барқарорлаштирилган ультратовуш модуляторидан фойдаланиш усули орқали ўлчанган Ё. т.нинг аниқлик даражаси анчагина юқори бўлиб, олинган натижа c= 299 792,5 ± 0,15 км/с ни ташкил қилади. 1972 й.да америкалик олим К. Ивенсон ўз ходимлари б-н бирга цезий частота стандарти орқали аниқроқ натижа олган: c= 299 792 456,2 ± 0,2 м/с. Халқаро фан ва техника соний маълумотлар қўмитаси бош ассамблеясининг 1973 й.даги қарорига биноан вакуумдаги Ё. т.нинг қиймати c = 299 792 458 ± 1,2 м/с деб қабул қилинган.

ЁРУҒЛИК ТЕХНИКАСИ — нур (инфрақизил, ультрабинафша ва кўринадиган нурлар) энергиясини ҳосил қилиш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш ҳамда ёруғлик энергиясини бошқа тур энергияга айлантириш масалалари б-н шуғулланадиган фан ва техника соҳаси. 17-а.дан бошлаб кучли ёритувчи шамлар ишлаб чиқилди. 18-а. охири, 19-а. бошидан кўмир газидан иситиш ва ёритишда фойдалана бошладилар. 19-а. охирларига келиб, электр лампочкалар пайдо бўлди. Аввал Ё. т., асосан, кўзга кўринадиган нурлар ва ёруғликдан фойдаланиш б-н чегараланиб келар эди. Ё. т.нинг кўзга кўринадиган нурларни ўлчаш б-н шуғулланадиган соҳаси фотометрия, ёруғлик спектридаги барча нурларни (инфрақизил ва ультрабинафша, рентген, α-, β-нурларни ҳам) ўлчаш б-н шуғулланадиган соҳаси радиометрия дейилади.

Ёритиш манбаларидан олинадиган нур энергияси ёритишда, ёруғлик сигналлари ҳосил қилишда, проекциялаш ва нур бериш техникасида қўлланилади. Ё. т.нинг энг қадимги, яхши ўрганилган соҳаси ёритиш техникасидир; бунда биноларни, цехлар, ишлаб чиқариш майдонларини, цехлар, кўчаларни, истироҳат боғлари, театр саҳналарини ёритиш ва б. масалалар ишлаб чиқилади. Ёруғлик сигналлари техникасига кўринадиган турли рангли сигналларни узатишда қўлланиладиган асбоблар киради. Проекциялаш техникаси проекциялашда фойдаланиладиган ёруғлик асбобларини қўллаш масалаларини ишлаб чиқади. Ё. т.нинг бу соҳаси кинонинг ривожланиши муносабати б-н тўла кинотехника соҳасига айланди (қ. *Кинопроекцион аппарат*). Нур бериш техникаси турли объектларни кўринадиган ёки кўринмайдиган нурлар (ёки аралаш нурлар) б-н нурлатиш учун мўлжалланган асбобларга асосланади. Ўсимликларнинг ўсишини кучайтириш учун улар, асосан, катта лампочкалар б-н нурлатилади. Спектрнинг оптик соҳасидаги нур энергияси тиббиётда қўлланилади. Ё. т. ишлаб чиқариш эстетикасида жуда муҳим ўрин тутади.

ЁРУҒЛИК ЭТАЛОНЛАРИ — ёруғлик бирликлари: равшанлик, ёруғлик кучи, ёруғлик оқими, ёритилганликни аниқ ўлчаш учун қабул қилинадиган намуналар. Асосий эталон, эталон-нусха ва иш эталонлари бор. Платинанинг қотиш т-раси 2042,1 К да нурланадиган, равшанлиги 60 стильб бўлган мутлақ қора жисм асосий эталон деб қабул қилинган. Эталон-нусха лампалар гуруҳидан иборат: унинг нурланиш т-раси 2042,1 К. Эталон-нусхага асосан нурланиш т-раси 2365 К ва 2800 К бўлган ёруғлик кучи иш эталони ва ёруғлик оқими иш эталони ясалган. Иш эталонлари ёруғлик техникасида ўлчов намунаси сифатида ишлатилади.

ЁРУҒЛИК ЎТКАЗГИЧ — ёруғлик энергиясини маълум масофага йўналтириб узатувчи қурилма. Металл б-н қопланган, яхши силлиқланган, ички сирти ёруғлик нурини жуда яхши қайтара оладиган цилиндр ёки конус шаклидаги найлардан иборат; улар, асосан спектрнинг кўзга кўринадиган ва инфрақизил қисмини ўтказади. Оптик тола (диаметри 0,3 мм дан кичик Ё. ў.) деб аталувчи шаффоф диэлектриклардан ясалган, сиртига металл қопланган толалар ҳам Ё. ў. сифатида ишлатилади. Тола ўзаги доира, олти ёқли кўп бурчак ва кесик конус шаклида, қопламаси эса ўзакка киядирилган най кўринишида бўлади. Ё. ў.ларда нурларнинг исроф бўлмасдан тарқалиши ёруғликнинг тўла ички қайтиши ҳодисасига асосланган. Ёруғлик энергиясининг деярли ютилмай, тўла қайтиши учун Ё. ў.ларнинг ўзаги нур синдириш кўрсаткичи катта, қопламаси эса нур синдириш кўрсаткичи кичик бўлган моддалардан ясалади. Нурларнинг толада батамом қайтиб тарқалиши учун тола узунлиги нур тўлқин узунлигидан бир неча баравар катта бўлиши керак. Шунга кўра, тола қандай нурга ишлатилишига қараб, унинг диаметри ҳар хил бўлади: кўзга кўринадиган нурлар (λ=0,38—0,77 мкм) учун тола диаметри бир неча микрометр, инфрақизил нурлар (λ=0,77—10 мкм) учун бир неча ўн микрометр, ультрабинафша нурлар (λ=0,38—0,2 мкм) учун эса жуда кичик бўлиши керак. Оптик толалар ўзаро параллел қилиб зич ёпиштирилади.

Ё. ў.лар қаттиқ ёки эгилувчан, силиндирсимон, когерент қилиб ясалади. Бундай Ё. ў. (фиберскоп) лардан тасвирлар, ёруғлик оқими ёки бошқа кўринишдаги нурларни эгри чизиқ бўйлаб узатишда ишлатилади. Фиберскоплардан перископ, эндоскоп, гастроскопларда, атом реакторларнинг ҳохавфли зоналарида, ракеталарнинг плосини кузатиш ва б. мақсадларда фойдаланилади.

Кўп толали қаттиқ Ё. ў. унча мураккаб бўлмаган тасвирларни узатишда, ингичка найчаларнинг ички деворини, одамнинг қорин, қулоқ, томоқ ва б. органларини кўришда ёки қулоқ, кўз, томоқ ва юрак операцияларини бажаришда ишлатилади.

Толали Ё. ў.нинг боши ва охиридаги толаларни аниқ бир тартибда жойлаштириб, тасвирнинг шаклини ўзгартириш, яъни кадрни битта сатрга, узун шаклни квадратга, тўғри сатрни ҳалқага айлантириш мумкин. Бундай Ё. ў. ёрдамида тасвирни ўзгартирувчи кинокамера б-н кинокадрларни битта сатрга туширса бўлади. Оптик тола диаметри 10 мкм га тенг бўлганда 1 м узунликдаги кинолентага 100000 та тасвир тушириш мумкин. Толали Ё. ў.дан қилинган игна объективли микроскоп операциясиз ташҳис қўйишда, ўсмаларнинг тузилишини аниқлашда ишлатилади. Толалари чалкаштирилган Ё. ў.лар ёрдамида шифрланган (махфий) тасвирни почта ёки телевидение орқали узатиш мумкин. Тасвир қабул қилинган жойда худди шундай Ё. ў. ёрдамида аниқ ва ўз ҳолига келтириб қабул қилинади. Ё. ў.лар техниканинг кўп соҳаларида, электрон-оптика асбобсозлигида кенг ишлатилади. Лампалардан фойдаланиш ўринсиз бўлган жойлар (мас., порох з-ди цехлари) одатда Ё. ў.лар б-н жиҳозланади.

ЁРУҒЛИК ҚАБУЛ ҚИЛГИЧЛАР — электромагнит тўлқинларни, яъни оптик нурланишлар энергиясини бошқа турдаги энергияга айлантирадиган, ёруғлик оқимини қайд қилиш ёки ўлчашга имкон берадиган қурилма. Уларнинг хоссаларини, турларини ифодалайдиган муҳим параметрлари бўсағa сезгирлиги, ўзгартириш коэффициенти, спектрал кўрсаткичлари, вақт доимийси ва б. ҳисобланади. Ё. қ. қ. иссиқлик, фотоэлектр, фотокимёвий ва визуал ҳилларга бўлинади. Радиометрлар, пневматик ёки оптик акустик қабул қилгичлар, термоэлементлар, термоустунлар, болометрлар иссиқлик Ё. қ. қ. ҳисобланади.

Фотоэлектр Ё. қ. қ. — ташқи ва ички фотоэффектга асосланган, уларнинг иши тушаётган ёруғликнинг квант энергияси $h\nu$ га боғлиқ (h — Планк доимийси, ν — ёруғлик частотаси). Бундай Ё. қ. қ.га ташқи фотоэффектли фотоэлементлар, беркитувчи қатламли фотоэлементлар — вентиль фотоэлементлар, ички фотоэффектли фотоқаршиликлар, фотодиодлар, фотоэлектрон кучайтиргичлар ва фотон ҳисоблагичлар мисол бўлади.

Фотокимёвий Ё. қ. қ. электромагнит нур таъсирида фотокимёвий реакциялар ўтишига асосланган. Бунга замонавий фотографияда ишлатиладиган барча турдаги фотоқатламлар тааллуқли. Визуал Ё. қ. қ. нурларнинг физиологик таъсирига асосланади (қ. *Кўз*). Ё. қ. қ. техникада, и. т.ларда, кимё саноати ва ҳ. к.ларда муҳим.

ЁРУҒЛИКНИНГ СИНИШИ — ёруғлик икки шаффоф муҳитнинг бўлиниш чегарасидан ўтаётганда тарқалиш йўналишининг ўзгариши (расмга қ.). Бир жинсли изотроп шаффоф муҳитларнинг ясси ва узун бўлиниш чегарасида ёруғлик нурларининг синиши Снеллиус — Декарт синиши қонуни бўйича юз беради. Бу қонунга биноан ёруғлик тушиш бурчаги синусининг синиш бурчаги синусига нисбати доимий катталикдир:

$$\frac{\sin\varphi}{\sin\beta} = \frac{\upsilon_1}{\upsilon_2} = \frac{n_2}{n_1},$$

бунда φ ва β тушиш ва синиш бурчаклари, булар тушиш ва синиш ёруғлик нурлари ҳамда бўлиниш сиртига туширилган нормал орасидаги бурчаклар; n_1 ва n_2 — биринчи ва иккинчи муҳитларнинг синдириш кўрсаткичлари; υ_1 ва υ_2 — улардаги ёруғликнинг тезликлари. Икки нур ва нормал бир текисликда ётади. Ёруғликнинг синиши ёруғликнинг қайтиши б-н бирга содир бўлади. Шу б-н бирга синган ва қайтган нурлар дасталари энергияларининг йиғиндиси тушаётган нур дастаси-



нинг энергиясига тенг (қ. *Френель формулалари*). $n_2<n_1$ ва тушиш бурчаги $\varphi \geq \arcsin(n_2/n_1)$ бўлганда, ёруғликнинг синиши рўй бермайди, бўлиниш чегарасига келтирилган барча энергия қайтган тўлқин орқали зичроқ бўлган биринчи муҳитга узатилади. Ушбу ҳолатни тўла ички қайтиш ҳодисаси дейилади.

Ёруғликнинг синиш қонунини 1620 й.да голланд олими В. Снеллиус тажрибалар натижаларига асосланиб очди. Лекин бу қонун нашр қилинмаган эди. Француз олими Р. Декарт 1627 й.да араб олими Ал-Ҳасан ибн ал-Хайсамнинг асарлари устида ишлаши натижасида ёруғлик тезлигини ташкил этувчиларга ажратиш орқали ўзининг ёруғликнинг синиши қонунини яратади ва 1637 й.да «Диоптрика» асарида нашр этади. Шунинг учун ҳам бу қонунни Снеллиус—Декарт қонуни дейилади.

ЁРУҒЛИКНИНГ СОЧИЛИШИ — муҳитда тарқалаётган ёруғлик дастасининг мумкин бўлган барча йўналишларда оғиши. Муҳитнинг ҳар хил жинсларилиги ва ёруғликнинг модда заррала-ри б-н ўзаро таъсири Ё. с.га сабаб бўлади. Бунда ёруғликнинг интенсивлиги, спектри ва қутбланиши ўзгаради. Ё. с. асосида молекулалар, суюқликлар ва ҳ. к.нинг тузилиши ўрганилади. Ёруғликнинг Рэлей сочилиши (*Рэлей қонуни*), ёруғликнинг молекуляр сочилиши, ёруғликнинг комбинацион сочилиши ва б. хиллари мавжуд.


Ё. с. ҳодисасидан физика, кимё ва техниканинг турли соҳаларида, турлитуман тадқиқотларда кенг фойдаланилади. Ё. с. спектри ёрдамида моддаларнинг атом ва молекуляр характеристикалари, уларнинг эластиклик, релаксацион ва б. доимийлари аниқланади. Зарраларнинг ўлчамлари ва шаклларини аниқлашнинг кўпгина усуллари Ё. с. ҳодисасига асосланган. *Лазер спектроскопия* асосида ёруғликнинг мажбурий сочилиш жараёни ётади ва ундан *лазер*ларда кенг фойдаланилади.

ЁРУҒЛИКНИНГ ЮТИЛИШИ — муҳитдан ўтаётган ёруғлик интенсивлигининг ёруғликнинг муҳитдаги зарралар б-н ўзаро таъсири натижасида камайиши. Бунда, одатда, муҳит исиши, ионланиши ёки атом ва молекулалари ғалаёнланиши мумкин. Ютилган ёруғлик кванти ютувчи муҳит электронлари б-н ўзаро таъсирлашиб, энергиясини уларга узатади. Демак, ёруғлик ютилса, унинг интенсивлиги камаяди; интенсивлик камайиши қуйидагича ифодаланади: $I=I_0e^{-\mu x}$. *Бугер—Ламберт—Бэр қонуни*га асосан ёруғлик интенсивлиги ютувчи муҳит қатлами қалинлиги x га боғлиқ ҳолда экспоненциал камаяди. $I-x$ қатламдан ўтган ёруғлик интенсивлиги; I_0 — муҳитга тушаётган ёруғлик интенсивлиги; μ — муҳит хоссасига боғлиқ ютиш коэффициенти. Ютиш коэффициенти ютилган ёруғлик частотаси ν (тўлқин узунлиги λ) га боғлиқ, лекин унинг интенсивлигига ва демак, ютувчи муҳит қатламининг қалинлигига боғлиқ эмас. Формуладаги $x=\frac{1}{\mu}$ деб олинса, $I/I_0=e$ бўлади, яъни бундай муҳитда ёруғлик интенсивлиги e=2,72 марта камаяди.

Ютиш коэффициенти ёруғлик частотаси (тўлқин узунлиги)га боғлиқ. Атом ёки молекулалари ўзаро таъсирлашмайдиган муҳит (паст босимда газ ёки металл буғлари) учун ютиш коэффициенти баъзи тўлқин узунликларда нолга тенг бўлади.


Металлда эркин электронлар мавжудлиги сабабли, металларнинг ютиш коэффициенти жуда катта, юпқа қатлами ҳам ёруғликни деярли тўла ютади. Ёруғлик таъсирида эркин электронларнинг ҳаракатчанлиги кучаяди, катта частотали ток ҳосил қилади. Натижада ёруғлик энергияси металлнинг ички энергиясига айланиши туфайли, интенсивлиги тез камаяди. Яримўтказгичлар ёруғликни металлардан камроқ, диэлектриклар яримўтказгичлардан ҳам камроқ ютади. Диэлектрикларда барча электронлар боғланган. Боғланган электронларнинг мажбурий тебраниш частотаси катта, амплитудаси кичик, демак, ютиш коэффициенти ҳам кичик бўлади. Диэлектрикнинг ютиши селектив (танловчан) характерга эга, яъни ютилган ёруғликнинг частотаси электроннинг мажбурий тебраниш частотасига мос келгандагина ютилиш коэффициенти ортади. Эритмаларда Ё. ю. уларнинг концентрацияси, т-раси ва хоссаларига боғлиқ бўлади. Жисмлар тузилишини ўрганишда, гелиотехника ва кимё саноатида Ё. ю. ҳодисасидан фойдаланилади.

ЁРУҒЛИКНИНГ ҚАЙТИШИ — синдириш коэффициенти турлича бўлган икки муҳит чегараси сиртига тушувчи ёруғликнинг ўзи келаётган муҳитга қисман ёки тўла қайтиши. Икки муҳит чегарасининг хоссалари қандай бўлишига қараб, Ё. қ.нинг табиати ҳам турлича бўлиши мумкин. Агар чегара нотекисликлари ўлчами ёруғлик тўлқини узунлигидан кичик бўлса, бундай сирт кўзгусимон сирт деб аталади. Шундай сирт (мас., силлиқ шиша сирти, яхшилаб жилоланган металл сирти, симоб томчисининг сирти ва б.)га ингичка параллел нурлар дастаси тарзида тушадиган ёруғлик нурлари сиртдан қайтгандан кейин ҳам параллел нурлар дастаси кўринишида қолади. Ёруғликнинг бундай қайтиши текис қайтиш деб (1-расм), ёруғлик-



1-расм.


ни текис қайтарувчи сирт кўзгу деб аталади. Бу ҳолда тушаётган AC нур б-н MM_1 сиртнинг нур тушаётган C нуқтасига ўтказилган CN нормал орасидаги бурчак α га ёруғликнинг тушиш бурчаги дейилади. Қайтган CB нур б-н CN нормал орасидаги α' бурчак ёруғликнинг қайтиш бурчаги бўлади. Синган CD нур б-н CN_1 нормал орасидаги β бурчак синиш бурчаги



2-расм.

дейилади (2-расм). Ёруғликнинг қайтиши қуйидаги қонунга бўйсунади: 1) тушувчи AC нур ва икки муҳит чегарасида нурнинг тушиш нуқтасидан чиқарилган CN нормал қайси текисликда ётса, қайтган нур CB ҳам шу текисликда ётади; 2) қайтиш бурчаги тушиш бурчагига тенг бўлади, яъни $\alpha=\alpha'$. Қайтган ёруғликнинг интенсивлиги тушаётган ёруғлик нурининг қутбланишига, тушиш бурчагига ҳамда биринчи ва иккинчи муҳитларнинг синдириш кўрсаткичлари n_1 ва n_2 нинг ўзаро муносабатига боғлиқ.

Агар сиртдаги нотекисликларнинг ўлчами ёруғлик тўлқини узунлигига ўлчовдош ёки ундан катта бўлса, ингичка шуъла чегарада сочилади. Ёруғлик нурлари қайтгандан кейин турли йўналишларда тарқалса, бундай қайтиш тарқоқ қайтиш (ёки диффуз қайтиш) деб аталади (3-расм). Ёруғликнинг фазо бўйича тақсимоти



3-расм.

тахм. Ламберт қонуни бўйича аниқланади. Ўзи ёруғлик тарқатмайдиган буюмларни улардан ёруғликнинг худди шу тарқоқ қайтиши туфайлигина кўрамиз. Ҳатто жуда силлиқ сиртдан ҳам ёруғлик жуда оз даражада сочилади. Акс ҳолда биз бундай жисмларнинг сиртини кўра олмаган бўлар эдик. Баъзи табиий ҳодисалар, мас., саҳродаги сароб Ё. қ. ҳодисасига асосланади.

ЁРУҒЛИКНИНГ ҚУТБЛАНИШИ — ёруғлик тўлқинлари электр $\vec{E}$ ва магнит $\vec{H}$ майдони кучланганликлари векторларининг ёруғлик нурига тик текисликда тартибли жойлашуви. Ё. қ. атамасини фанга И. *Ньютон* киритган, унинг табиатини Ж. К. *Максвелл* ёруғликнинг электромагнит назариясида тушунтириб берган. Француз физиги Э. Малюс исландия шпати парчаси орқали Париждаги Люксембург саройининг ботаётган қуёш нурларидан ялтираб турган ойналарини кузатиб, кристаллнинг маълум вазиятда фақат биттагина тасвир кўринишини ажаблаиб пайқади. Шу ва б. тажрибалар асосида ҳамда И. Ньютоннинг ёруғликнинг корпускуляр назариясига таяниб, Э. Малюс Қуёш ёруғлигида тартибсиз йўналган корпускула (зарра) лар бирор сиртдан қайтгандан ёки анизотроп кристаллдан ўтгандан кейин маълум йўналишга эга бўлиб қолади, деб фараз қилди. Бундай «тартибланган» ёруғликни у қутбланган ёруғлик деб атади.

Ёруғлик манбаларидан чиққан ёруғлик тўлқинлари тартибсиз тарқалади, яъни тўлқинлар турли текисликларда тебранади. Бундай тўлқинли ёруғлик табиий ёруғлик деб аталади. Табиий ёруғликдан фарқли равишда $\vec{E}$ ва $\vec{H}$ векторларнинг ўзаро перпендикуляр ташкил этувчилари орасида доимий фазалар фарқи мавжуд бўлган ёруғлик қутбланган ёруғлик деб аталади. Ёруғлик манбаининг ҳамма элементар қисмларидан бир хил тўлқинли ёруғлик нурлари чиқса, бундай ёруғликка тўла қутбланган ёруғлик дейилади. Табиий ёруғлик таркибида чизиқли, эллиптик ва доиравий қутбланган ёруғлик тўлқинлари бўлади. $\vec{E}$ нинг учи ёруғлик нурига тик текисликда эллипс чизса, у ҳолда ёруғлик тўлқинлари эллиптик қутбланган ёруғлик, айлана чизса, доиравий қутбланган ёруғлик, $\vec{E}$ текисликда доимий йўналишини сақласа, бундай ҳолатда чизиқли қутбланган ёруғлик деб аталади.

Вакуумда ёруғликнинг тарқалиши унинг қутбланганлигига боғлиқ бўлмайди. Агар ёруғлик бирор муҳитда тарқалса, ёруғликнинг ютилиши, тарқалиш йўналиши ва тезлиги унинг қутбланганлигига боғлиқ бўлади. Табиий ёруғликдан қутбланган ёруғлик ҳосил қилиш учун қутблаш асбоби (поляризатор)дан фойдаланилади. Ё. қ. моддаларнинг анизотропик хусусиятларини ўрганишга ёрдам беради. Кристаллооптикада кристалларнинг тузилиши, минералогия ва петрографияда минераллар ва тоғ жинслари қутбланган ёруғлик ёрдамида ўрганилади.


ЁРУҒСЕВАР ЎСИМЛИКЛАР, геофил ўсимликлар — қуёш нури тушадиган жойларда ўсадиган, сояга чидамсиз ўсимликлар. Ё. ў.нинг барглари нисбатан қалин, барг ҳужайралари майда, устунсимон ва ғовак тўқималарга яхши ажралган, оғизчалари кўп, барг тўрлари яхши ривожланган. Барг ҳужайраларида хлоропластлари сояда ўсадиган ўсимликларга нисбатан анча кўп, фотосинтез интенсивлиги жуда юқори бўлади. Ё. ў.га зубтурум, акация, гўза, эрта баҳорда кўкариб чиқадиган ва дашт ўсимликлари киради.

ЁРҒУ — 1) ўрта асрларда (жумладан, Мўғуллар ва Темурийлар давлатида) фуқароларнинг турли даъво ва шикоятларига оид ёки жиноий ишларни кўриб, тегишли ҳукм чиқарадиган давлат органи, маҳкама, суд; 2) маҳкама, суд чиқарган ҳукм; 3) *Хива хонлигида* жазо маъносида қўлланган атама. Чингизхон *Ясаси* асосида чиқарилган суд қарорини расмийлаштирадиган ёрлиқ — Ё. нома деб аталган.

ЁРҒУЧИ — 1) Марказий Осиёда ҳукм сурган туркий салтанатларда давлат ва шариат қонун-қоидалари асосида иш кўрган амалдор шахс. Ё. маҳкамага тушган турли ишларни кўриш ва ҳукм чиқариш б-н банд бўлган. Ё. атамаси араб тилидан ўзлашган *қози* истилоҳининг фаол қўлланиши туфайли ўзбек тили луғат хазинасидан сиқиб чиқарилган; 2) *Мўғуллар давлатида* (мас. *Олтин Ўрдада*) Яса бўйича иш кўрувчи судья, суд аъзоси.

Ад.: Дадабоев Х., Общественно-политическая и социально-экономическая терминологии в тюркоязычных письменных памятниках 11—14 вв., Т., 1991.

ЁРҒУЧОҚ — донни ёрмалаш ва ун қилиш учун тошни йўниб тайёрланган қад. асбоб. Ё. илк неолит даври (мил. ав. 4-минг йиллик)да пайдо бўлган, мил.



Ёрғучоқ (Самарқанд).

3—4-а.ларгача фойдаланилган. Ё. 2 ясси тошдан иборат, остки тоши кенгроқ, бироқ тайпоқ, усткиси эса қабариқ юзли бўлган. Донни устки тошдаги махсус тешикдан пастки тош устига солиб, устки тош б-н ишқалаб майдаланган. 3—4-а.ларда думалоқ тошли қўл тегирмони пайдо бўлгач, Ё. деярли ишлатилмаган. Тоғли жойлар ва даштчўлларда яшовчи кишилар орасида 20-а. 20-й.ларигача кенг тарқалган.


ЁСИН — Қуръон 36-сурасининг номи. 83 оятдан иборат. Маккада нозил бўлган. Арабча «ё» ва «син» ҳарфларидан олинган. Айрим муаллифлар бу ҳарфлар арабча «ё, инсон» иборасининг қисқартирилган шакли деб ҳисоблайдилар. Бу сурада Қуръоннинг муқаддас китоб сифатида Аллоҳ томонидан юборилгани, унда мусулмонлар учун тўғри йўл кўрсатилгани, Муҳаммаднинг пайғамбарлиги, унинг панд-насиҳатларига амал қилган диндорлар охиратда Аллоҳ ҳузурига қайтиб бориши каби ислом динининг асосий ақидавий ғоялари ифодаланган. Шунинг учун Ё. Қуръоннинг энг кўп ўқиладиган сураларидан бири саналади [мас., касал одам бошида (қ. *Чилёсин*), жаноза, рўза тутганда ўқилади]. Бу сура ёзилган қоғоз баъзан тумор хизматини бажаради. Ё. сураси мазмуни Муҳаммад (ас) таълимотининг моҳиятини ташкил этади. Муҳаммад (ас) бу сурани Қуръоннинг «мағзи» деб ҳисоблаганлиги ҳақида ривоят бор.

ЁСИН ТИЗМАСИ — Қашқадарё вилоятининг жан.-шарқидаги тизма. *Кўҳитанг тизмаси*нинг шим.-ғарбий чеккасида жойлашган. Энг баланд жойи 1401 м, тизма жан.-ғарбга томон (1100 м) пасайиб боради. Уз. 18 км. Ё. т.нинг жан.-шарқий ён бағри жуда тик. Сувайирғич қисми палеогеннинг қаттиқ оҳактошларидан (бухоро яруси), ён бағирлари палеоген, бўр ва юра даврларининг шўртоб гил, оҳактош, карбонатли қумтош, конгломератларидан ташкил топган. Дағал механик таркибли тўқ бўз тупроқларда эфемероидлар ва шувоқ тарқалган.

ЁСМИН, жасмин (Jasminum) — зайтундошларнинг бир туркуми. Тропик ва субтропик ўлкаларда 200 га яқин тури бор. Шулардан 2 тури доривор (J. Officinall — Грузияда ва J. fruticans — Копетдоғда) ёввойи ҳолда ўсади. Абхазияда йирик гулли Ё. (Jasminum grandiflorum L.) экилади, гулидан парфюмерия саноатида қимматли эфир мойи олинади (янги терилган гулида 0,1% гача эфир мойи бор), чойга хушбўй ҳид бериш учун ишлатилади. Ўзбекистонда Ё. (J. fruticans) манзарали ўсимлик сифатида (1,2×0,75 ёки 1×1 м схемада) экилади. Ё. экилган майдонлардан 20—25 йил гул олиш мумкин. Бўйи 100—150 см, барглари оддий ёки 3 бўлакли, устки баргчалари кураксимон. Косачаси қўнғир, бигизсимон, узун бўлакларга бўлинган. Гули сариқ. Май ойида қийғос гуллайди.

ЁСТИҚ — 1) бош қўйиб ётиладиган, ёнбошлаб ёки суяниб ўтириладиган уй ашёси. Жилди газламадан томонлари тенг (мурабба), тўртбурчак ёки думалоқ (*болиш*) шаклида тайёрланади, ичига пар, пахта, жун солиб тикилади; 2) арава гупчагига қоқилган ёғоч бўлак; 3) обжувоз ўқининг туруми жойланадиган куйма чўян бўлак, турумларни текис айланишини таъминлайди; 4) Ё. шаклидаги нақш.

ЁСТИҚПЎШ — *ёстиқ* устига ташлаб қўйиладиган ёпқич. Матодан тўртбурчак шаклли қилиб тайёрланади, турли чоклар (йўрма, ироқи, баҳя ва б.)да кашта тикиб безатилади.



Зардўзи усулида безатилган ёстиқпўш.

ЁСТИҚТУМОР — зийнат буюми, аёллар бўйнига илиб, қўлтиғи остига тушириб қўядиган тақинчоғи. Металл (асосан кумуш ва б.)дан ёстиқ шаклида ясалади, тана қисмининг устидаги занжири б-н бўйинга осилади; тана қисмининг остида 6 қатор панжара оёқ, уларнинг остига шокилалар ўрнатилади. Тананинг бир томонида очилиб-ёпиладиган қопқоғи бор. Ё. ичига хат, пул ва ҳ. к. солинади.

ЁСУМАН — фольклор ва ёзма адабиётда маккорлик рамзи бўлган салбий персонаж. Ё. одатда алдов, ҳийла б-н пок инсонларнинг ҳаётига зомин бўлади. Қиз б-н ота, она б-н ўғил, ошиқ б-н маъшуқ орасига нифоқ солади. Мас., Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Ё. енгилмас Фарҳодни ҳийла б-н беҳуш қилиб, Хисрав ҳузурига келтиради. Ё. афсона, эртак ва достонларда жодугар, айёр, маккор, ҳийлагар кампир номлари б-н ҳам юритилади.

ЁТ ЖИСМЛАР — тери, қулоқ, бурун, кўз ва б. орқали организмга тасодифан кириб, тўқималар, аъзолар ва бўшлиқларда туриб қолган нарсалар (ўқ, нина, зирапча ва ҳ. к.). Турмушда организмга кўпинча майда Ё. ж. — нина ёки унинг бир бўлакчаси, зирапча, шиша ва б. кириб кетиши мумкин. Организмга кириб қолган, лекин инфекция юқмаган Ё. ж. тўқималарда «чандиқланиб», узоқ вақт, ҳатто умр бўйи оғритмайдиган бўлиб сақланиб қолиши ёки, аксинча, микробли Ё. ж. атрофи маълум вақтдан кейин яллиғланиши мумкин. Терининг ичига кирган зирапча оғритади ва яллиғланиб йиринг бойлайди. Бармоққа, тирноқ остига кирган зирапча анча ёмон, у кўпинча *хасмол*га сабаб бўлади. Шунинг учун кўз илғайдиган зирапчани ўткир учли игна б-н кишининг ўзи олиб ташлаши мумкин. Нина ва терининг нина кирган жойи спирт ёки йод эритмаси б-н артиб тозаланиши керак. Бунинг иложи бўлмаса ёки Ё. ж. заҳарли бўлса (мас., кимёвий қалам парчаси) зудлик б-н шифокорга кўриниш лозим. Ё. ж. кўзга, бурунга, қулоққа кирган ҳолларда ҳам фақат врач маслаҳати б-н иш кўрган маъқул.

ЁТОҚ ЯРА — кўпинча дармонсиз, оғир хасталик оқибатида узоқ вақт кўрпатўшак қилиб ётиб қолган беморларда тананинг суяк бўртиб чиққан жойлари (думғаза, тирсак, товон, калланинг энса қисми)да пайдо бўладиган яра. Асосан бўртиб чиққан суяклар тери ости ёғ қатламининг юқалиги ва терининг доимо босилиб, маҳаллий қон айланишининг бузилиши сабаб бўлади.



Бунда юмшоқ тўқималар ирийди. Узоқ вақт битмайдиган чуқур Ё. я. орқа мия шикастланганда, шунингдек, орқа миянинг сиқилиб қолиши б-н кечадиган касалликларда; йирик нервлар, мас., қуймич нерви зарарланганда эса товонда ҳосил бўлади. Витамин етишмовчилигида, моддалар алмашинуви бузилганда Ё. я.нинг пайдо бўлиш хавфи кўпаяди. Юрак-томир системаси етишмовчилигига чалиниб, тинка-мадори қуриган беморларда Ё. я. тез — бир кун ичида ҳосил бўлиши мумкин. Ё. я.да юқумли касалликлар (тошмали терлама, ич терлама ва б.) зўрайиб кетади. Шиллиқ қаватни ёт жисмлар қисиб қўйганида ҳам Ё. я. пайдо бўлиши эҳтимоли бор. Беморни нотекис тўшакка ётқизиш, чойшабнинг ифлосланиб, йиғилиб қолиши, ич кийимнинг чоклари ва бурмалари қалин бўлиши, ўринга тўкилган овқат қолдиқлари, беморни пала-партиш парвариш қилиш Ё. я. ҳосил бўлишига олиб келади. Ё. я. астасекин ривожланганда аввалига чегараси ноаниқ кўкимтир-қизил соҳа кўзга ташланади, сўнгра эпидермис (терининг юза қавати) кўчиб туша бошлаб, пуфакчалар ҳосил бўлади (бу жараён бўлмаслиги ҳам мумкин). Ичкарига ва ён томонларга йирингли шиш тарқалиб, мускул, пай ва суяклар усти очилиб қолиб, некроз (тўқималарнинг ириши) рўй беради. Ё. я.дан *сарамас, флегмона, сепсис, газли гангрена* каби асоратлар қолиши мумкин.

Олдини олиш. Беморни тўғри парвариш қилиш ва ҳолатини мунтазам равишда ўзгартириб туриш (агар бунга монелик бўлмаса, миясига қон қуйилмаган ва миокард инфаркти бўлмаган бўлса); уни чойшаб текис қилиб ёзилган махсус тўшакка ётқизиш ва ҳ. к. Ё. я. ҳосил бўлиши эҳтимоли бўлган жойларга, мас., думғаза ва қуймич тагига чойшаб ўралган ёки жилд кийдирилган резина тувак, товон тагига ичига пахта солинган дока доиралар қўйилади; бемор қорни б-н ётганда эса бундай доиралар тизза қопқоғи, дўнглар ва ёнбош суяклари тагида бўлади. Баданнинг энг кўп тадиган жойлари кунига 1—2 маҳал камфора спирти ёки бошқа спиртли эритмалар б-н артиб турилади. Бунда енгил массаж (уқалаш) ҳам қилиб борилади (яна қ. *Беморни парвариш қилиш*). Асосан ультрабинафша нурлар, антисептик воситалар, марганцовка (калий перманганат) ва ҳ. к. б-н даволанилади. Ё. я. пайдо бўлганда беморнинг умумий аҳволини ҳисобга олган ҳолда дориларни врач тайинлайди.

Ғанижонхўжа Раҳмонов.

ЁТУҒОН — қонунсимон кўп торли соз. Ўтмишда Ўрта Шарқда, шу жумладан туркий халқларда машҳур бўлган. Ёғочдан ўйиб (уз. 100—150 см), тўнкарилган чўзиқ тогора шаклида ясалган. Ҳар бир тори остида (созлаш учун) ҳаракатчан хараги бўлган. Созанда Ё.ни олдига ётиқ ҳолда қўйиб («ётиқ арфа» номи шундан), ўнг қўли б-н торларни чертган, чап қўли б-н торлар тебранишини тўхтатган. Абдуқодир Марофийнинг «Мақосид ул алҳон» («Куйларнинг мақсадлари») китобида 17 торли Ё. таърифланган. Ғарбий Сибирнинг баъзи халқлари (хакас, тува, тофа)да Ё.га ўхшаш чатган, чаттиган, чалаган номли чолғу асбоблар мавжуд. 1960-й.ларда Қозоғистонда 7 торли «жетиген» номли соз яратилган (18-а. этнографик маълумотлари асосида) ва миллий чол-ғулар оркестрига киритилган.

ЁФАС, Абу Турк (ғарб манбаларида Иафет, Яфет) — қад. диний ақидаларга кўра, *Нуҳ*(ас)нинг 3 фарзандидан бири (*Сом, Ҳом* б-н бирга). *Тўфон*дан сўнг омон қолган Нуҳ(ас) ўғилларига Ер юзини бўлиб берган. Жумладан, Ё. «отасининг ҳукми бирлан... Атил (Итил) ва Ёйиқ сувининг ёқосиға борди. Икки юз эллик йил анда турди. Тақи вафот тобди. Саккиз ўғли бор эди (*Турк*, Хазар, Сақлаб, Рус, Минг, Чин, Қамари, Тарих)» («Шажарайи турк»). Тўнғич ўғли номидан Ё.ни «Абу Турк» («Туркнинг отаси») деб ҳам аташган. Мирзо Улуғбекнинг ёзишига қараганда, Ё.га «Чин Машриқининг бошқа муҳитлари, Қомарун тоғлари ва рус ерлари охиригача чўзилган оқ чўққилар ва бешинчи иқлимнинг қолган учдан бир қисми то маъмур ерларнинг охиригача ва Шимолнинг зулуммотигача ерлар бахш этилган эди... Айтадиларки, Турон замин ва Туркистонни Ёфас(ас) ўзига асраб қўйган эди. Шу сабабли уни Абут-турк дейишган». Қадимда туркий ўлкаларда ёмғир ёғдирувчи тош (қ. *Яда тоши*) ёрдамида дуо ўқиб осмондан ёмғир-қор ёғдирувчи кишилар бўлган. Мана шу яда илмини Ё.га отаси Нуҳ(ас) ўргатган деган нақл бор. Ё. вафотидан сўнг Турк отаси ўрнига ўтириб юртни бошқарган. Халқ уни Ёфас ўғлон деб атаган.

Ад.: Мирзо Улуғбек, Тўрт улус тарихи, Т., 1995; Абулғозий, Шажарайи турк, Т., 1992; Иброҳимов А., Султонов Ҳ., Жўраев Н., Ватан туйғуси, Т., 1996.

Фахриддин Ҳасанов.

ЁШ (биологияда) — организмнинг туғилганидан бошлаб унинг ўсиши, ривожланиши, вояга етиши ва қаришидан иборат ҳаёти давомийлиги. Одамлар Ё. и. Одамда календарь Ё. (туғилгандан бошлаб муайян вақтгача ўтган давр) ва биологик Ё. бўлади. Биологик Ё. организмдаги моддалар алмашинуви ҳолати ва бу жараёнларнинг муайян популяция учун мос келишига қараб белгиланади.

Одам ҳаётининг ёш даврлари

Давр	Жинс	Ёш
Чақалоқлик		1—10 кунлик
Гўдаклик		10 кундан 1 ёшгача
Илк болалик		1—3
Ёш болалик		4—7
Болалик	ўғил болалар	8—12
	қизлар	8—11
Ўспиринлик	ўғил болалар	12—16
	қизлар	12—15
Балоғат	ўғил болалар	17—21
	қизлар	16—20
Етуклик:		
1-даври	эркаклар	22—35
	аёллар	21—35
2-даври	эркаклар	36—60
	аёллар	36—55
Кексалик	эркаклар	61—74
	аёллар	55—74
Нуронийлик	эркаклар ва аёлларда	75—90
Умрбоқийлик		90 ёшдан юқори

Умрнинг узайиши ва *акцелерация*нинг ривожланиши б-н Ё. чегараси тўғрисидаги тасаввур ҳам ўзгариб боради. Одам учун Ё.нинг энг юқори чегараси 115—125 йил ҳисобланади. Агар биологик Ё. календарь Ё.дан илгарилаб кетса, у ҳолда вақтидан олдин қариш дейилади. Одам Ё.ига ижтимоий ва иқтисодий шароит ҳам таъсир кўрсатади.

Ҳайвонлар Ё. и. Ёввойи ҳайвонлар Ё.и уларни тутқинликда (мас., ҳайвонот боғида) кузатиш ёки ҳалқалаш, қ. х. ҳайвонлари Ё.и улар туғилган вақтни қайд қилиб қўйиш ёки уларни нишонлаш орқали, кўпчилик сут эмизувчилар Ё.и тишларининг едирилиши ёки шохларининг ҳолатига, балиқлар Ё.и тангачаларига, қушлар Ё.и патларига қараб аниқланади.

Ўсимликлар Ё.и уруғнинг униб чиқиши ёки ниҳолнинг ривожлана бошлашидан Ё. ҳисобга олинадиган давргача ўтган вақт б-н ўлчанади. Ўсимликлар умри ўсимлик турига ва у ўсаётган шароитга боғлиқ. Ўсимликлар орасида бир неча ҳафтадан (мас., баҳор эрофиласи, эфемерлар) бир неча минг йилгача умр кўрадиган турлари (мас., австралия микрозалияси) бор. Кўпчилик дарахтлар узоқ яшайди.

ЁШ (ҳуқуқда) — қонунчиликда ҳисобга олинадиган омил. Қонун муайян ҳуқуқий оқибатлар бошланишида одамнинг ёшини назарда тутади. Чунончи, шахс маълум ёшдан *муомалага лаёқатлилик*, ҳарбий хизматни ўташ, *пенсия*лар тайинланиш ва ш. к. билан боғлиқ ҳуқуқларга эга бўлади. Балоғат ёши, яъни 18 ёшга тўлган шахс сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар (ваколатли органларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ва ҳ. к.)дан фойдаланади. Ё.нинг бошқа ҳуқуқий муносабатлар учун ҳам аҳамияти бор. Чунончи, никоҳ ёши Ўзбекистон Республикасида эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланган. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда вояга етмаганлар меҳнати б-н боғлиқ масалалар ҳисобга олинади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида ёшлар учун қўшимча кафолатлар белгиланган. 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат ҳуқуқлари, улар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланадиган ишлар, улар учун қисқартирилган иш вақтининг муддати, меҳнат таътили бериш ва ш. к. белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси ЖК га кўра, содир этилган жиноят учун 16 ёшга тўлган жисмоний шахслар, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик учун — 13 ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортилади. Одамнинг неча Ё.далигини фуқаролик ҳолатлари ҳужжатларини қайд этиш идоралари берган гувоҳнома тасдиқлайди. Агар бундай ҳужжат йўқ тақдирда, амалдаги қонунчиликда бошқа тартиб назарда тутилмаган бўлса, Ё. тўғрисидаги масала суд томонидан кўриб чиқилади.

ЁШ АФҒОНЛАР — 20-а. бошида Афғонистондаги миллий ҳаракатнинг қатнашчилари. Бу ҳаракатда зиёлилар, дин арбоблари, йирик ер эгалари ва савдогарлар иштирок этган. Ё. а.нинг ғоявий раҳбарларидан бири — Маҳмуд Тарзий (1866—1935). Уларнинг дунёқараши шаклланишида *панисломизм* (асосчиси — *Жамолиддин ал-Афғоний;* 1839—97) ва *жадидчилик* ғоялари, *Ёш туркlар* ва *Ёш бухороликлар* ҳаракатлари муҳим ўрин тутади. Ё. а. асосан, Афғонистон миллий мустақиллиги ва озодлиги, амир ҳокимиятини чеклаш, мактабларда дунёвий фанлар ўқитишни кенгайтириш, миллий савдо ва саноатни ривожлантириш учун курашганлар. Бу кураш, хусусан, *Биринчи жаҳон уруши* даврида авж олди. 1919 й.да Ё. а. ўтказган давлат тўнтариши натижасида амир

Ҳабибуллохон (1901—19 ҳукмронлик йиллари) ўлдирилиб, тахтга унинг ислоҳотларга мойил ўғли Омонуллахон (1892—1960) ўтирди. Омонуллахон Афғонистонни мустақил деб эълон қилди (1919 й. 28 фев.). Абдулқуддусхон Иттимадий бош вазир ва Маҳмуд Тарзий ташқи ишлар вазири лавозимларини эгаллади. Бироқ Ё. а. ҳукуматида консерватив ва тараққийпарвар кучлар ўртасидаги ўзаро кураш давом этди. Бу ҳукумат совет Россияси б-н яқинлашди. 1921 й. 28 фев. Москвада совет-афғон шартномаси имзоланди. Ўша йили Германия, Туркия, Россия, Италия, Ҳиндистонга афғон ёшлари ўқишга жўнатилди. Ё. а. ҳукумати афғон халқининг инглиз мустамлакачиларига қарши қуролли курашига (1922) раҳбарлик қилди, мамлакатда Конституция қабул қилинди (1923). Асосий қонунга кўра Афғонистонда конституцион монархия ўрнатилди. Ислоҳотлар маҳаллий бошқарув соҳасида ҳам ўтказилиб, мамлакат 5 та провинция (Кобул, Қандаҳор, Ҳирот, Мозори Шариф, Қатағон-Бадахшон) ва 4 та вилоят (Шарқий, Жанубий, Фараҳ, Маймана)га ажратилди. Ислоҳотлар ислом қонуншунослиги ва жиноят ҳуқуқи, миллий ва этник каби соҳаларни ҳам қамраб олди. Сунний ва шиалар ўзаро тенг деб эълон қилинди, ҳиндларнинг ҳуқуқи афғонларга тенглаштирилди. Ё. а.нинг ташаббуси б-н Кобулда кутубхона очилди, «Ситораи Афғон» («Афғон юлдузи») газ. нашр қилинди. Бироқ Ё. а. ҳукумати ичидаги консерватив кучлар фаоллашди. Ҳарбий вазир Муҳаммад Нодирхон ҳукумат таркибидан чиқиб, мухолифатга қўшилди (1924). Ислоҳотларнинг 1-босқичи (1919—24) ана шундай якунланди. Омонуллахонга қарши жан. ва шарқдаги қабилалар ҳамда деҳқонлар ғалаён кўтаришди (1924—28). Омонуллахон ҳукумати ғалаёнларни бостириб, 1928 й.дан ислоҳотларнинг 2-босқичини бошлади ва асосий эътиборни маданий-маиший масалаларни ҳал этишга қаратди. Бироқ, ҳукумат таркибидан Тарзий, Валихон, Абдулҳоди Дави ва б. Ё. а. чиқариб ташланди. Сиёсатдаги кескин ўзгаришлар ғалаёнларни қайтадан кучайишига олиб келди. 1928—29 й.ларда тожик деҳқони Ҳабибулла — Бачаи Саққо (1890—1929) раҳбарлигида Шим. провинцияда кўтарилган исён натижасида Омонуллахон тахтдан ағдарилди (1929 й. 14 янв.) ва Қандаҳорга қочиб кетди. Ҳабибуллахон Афғонистон амири деб эълон қилинди (1929 й. янв.—окт.). У туркистонлик муҳожирлар ва ўзбек, тожик каби туб аҳолига катта эркинликлар берди. Омонуллахон ҳукуматининг ташқи ишлар вазири Ғулом Сиддиқхон ва Москвадаги элчиси Ғулом Набихон Чархий б-н СССР раҳбари И. В. *Сталин* ўзаро учрашгач, 1929 й. 15 апр.да В. Примаков бошчилигидаги совет қўшинлари Афғонистонга бостириб кирди. Уларга қарши жангда Ҳабибуллахон армиясидан ташқари Иброҳимбек (1889—1932) йигитлари ва Халифа Эшоннинг 2000 кишилик туркман гуруҳи ҳам қатнашди. Бироқ май ойининг охирида Омонуллахон ва укаси Иноятуллахон катта миқдордаги бойликни олиб, аввал Ҳиндистонга, сўнгра Ғарбга жўнаб кетди. Сталиннинг буйруғи б-н 31 майда қизил аскарлар СССРга қайтди. Бироқ Омонуллахон даврида ҳарбий вазир бўлган генерал Муҳаммад Нодирхон Англиянинг ёрдамида 1929 й. 15 окт.да Ҳабибуллахонни ҳокимиятдан ағдариб, Афғонистон подшоси (1929—33) бўлди. 1 нояб.да Ҳабибуллахон ва унинг 12 вазири қатл қилинди. Ё. а.нинг Абдураҳмон Лўдий, Ғулом Муҳиддинхон Ортиқ, Мирзо Абдураҳмон, Абдулҳоди Дави, Ғулом Ҳайдархон Кўнарий, Ғулом Ризохон, Саид Қосимхон каби етакчилари Муҳаммад Нодиршоҳнинг буйруғи б-н отиб ўлдирилди ёхуд қамоққа ташланди. Нодиршоҳ даврида афғон бўлмаган бошқа туб халқлар ва туркистонлик муҳожирларнинг аҳволи ниҳоятда оғирлашади. Ё. а.нинг ислоҳотлари буткул бекор қилинди.

Ад.: Назаров Х., Социальные движения 20-х годов XX век в Афганистане, Душанбе, 1989.

Қаҳрамон Раҳабов.

ЁШ БУХОРОЛИКЛАР — Бухоро амирлигидаги жадидлар партияси (фирқаси). Дастлаб «*Тарбияи атфол*» («Болалар тарбияси») махфий жамияти шаклида тузилган. 1910—20 й.ларда «Ё. б.» партияси деб аталган. Унга тараққийпарвар зиёлилар, савдогарлар ва шаҳар камбағаллари вакиллари кирган. Улар бошида мавжуд амирлик тузуми доирасида демократик ислоҳотлар ўтказиш, конституциявий монархия ўрнатиш орқали амирнинг мутлақ ҳокимлигини чеклаб қўйиш тарафдори бўлган. Абдулвоҳид *Бурҳонов*, Мукаммил *Бурҳонов*, Садриддин *Айний*, Усмонхўжа *Пўлатхўжаев* (Усмон Хўжа), Отаулла Хўжаев, Аҳмаджон Ҳамдий (Абусаидов), Ҳомидхўжа Меҳрий, Муса Саиджонов, Мирзо Сирож Ҳаким Ё. б.нинг дастлабки ташкилотчилари эди. Кейинчалик унинг фаолиятида *Фитрат*, Файзулла Хўжаев ва Муҳиддин Мансуров катта роль ўйнашди. Ё.б. иқтидорли ёшларни Истанбул, Қозон, Уфа, Боқчасаройга ўқишга жўнатди. Улар партиянинг моддий маблағи ҳисобидан таълим олишган. Файзулла Хўжаев ва Муҳиддин Мансуров партияга катта маблағ ажратган. Истанбулда «Бухоро таълими маориф жамияти» ташкил қилиниб, жамият аъзолари Туркистонда маориф тизимини ривожлантиришда муҳим ишлар қилишди. Жамиятнинг кўмаги б-н Фитрат ва б. тараққийпарварларнинг асарлари Истанбулда нашр қилиниб, Туркистон минтақасига тарқатилди. Ё. б.нинг мақсади янги усул мактабларини очиш, болаларнинг саводини тезроқ чиқариш, ижтимоий онгини ўстириш, мактаб, мадраса, ўқув тизимини ислоҳ қилиш эди. Бухорода бошланган ҳаракат тезда Шаҳрисабз ва Каркигача тарқалди.

1912 й. Бухорода дастлабки газ.лар — тожик тилида «*Бухоройи шариф*» ва ўзбек тилида «*Турон*» чиқа бошлади. Газ.ларни моддий жиҳатдан таъминлаш ва нашр ишларини йўлга қўйишда Муҳиддин Мансуров ва Мирзо Сирож Ҳаким муҳим роль ўйнашди. Бироқ 1913 й. янв.да бу газ.ларнинг фаолияти рус маъмурлари томонидан тақиқлаб қўйилди. Истанбулда таълим олган кўплаб бухороликларнинг юртига қайтиши б-н маориф ишлари яна жонланди. 1914 й.дан бошлаб Ё. б. маърифатчиликдан сиёсат соҳасига ўтдилар. Ё. б. амирлик тузумини ислоҳ қилиш тўғрисида дадил фикрлар б-н майдонга чиқишди. Уларнинг ижтимоий, сиёсий, маърифатпарварлик фаолияти партия мазмунида эндиликда янгича мақсад ва йўналиш касб этди. Бухорода «Маърифат» кутубхонаси ва «Баракат ширкати» тузилиб, улар китоблар нашр қилиш ва хорижда чиқарилган турли адабиётлар, газ. ва жур.ларни Бухорода тарқатиш б-н шуғулланадилар. Бу ишларда А. Бурҳонов, А. Ҳамдий, Мирзо Сирож Ҳаким фаоллик кўрсатишди. Бироқ уларнинг маърифатпарварлик интилишлари аввал амир *Абдулаҳад*, сўнгра унинг ўғли *Олимхон* томонидан катта қаршиликка учради.

1917 й. фев. инқилоби Ё. б. ичида кучлар нисбатининг қайта гуруҳланишини тезлаштирди. Аста-секин ислоҳ қилиш тарафдорлари бўлган жадидларга Абдулвоҳид Бурҳонов, ислоҳот сохасида фаол ҳаракатларни кўлловчи, нисбатан оз сонли ёш жадидларга Фитрат етакчилик қилди. Ё. б. Петроградда мократик ислоҳотлар ўтказишни сўраб, 2 марта телеграмма юборди, Фитрат ва У. Пўлатхўжаев Петроградга жўнатилди. Улар Россиядан махсус комиссия келаётгани сабабли Оренбургдан Бухорога қайтишди. Рус резиденти А. Я. Миллер Бухорода У. Пўлатхўжаев, А. Бурҳонов ва б. б-н учрашиб, Ё. б. талаблари б-н қизиқди. Ё. б. янги усул мактаблари очиш, матбуотга эркинлик бериш, халқ ҳукумати тузиш талабларини илгари сурди. Бухоро амири Олимхон Миллер ва унинг ёрдамчиси Шульга тузган манифест матнини айрим тузатишлар б-н фармони олий тарзида эълон қилди (1917 й. 7 апр.). Амир фармонида нуфузли кишилардан иборат мажлис тузиш, давлат хазинасини таъсис этиш ва мамлакат бюджетини белгилаш, пойтахтда босмахона очиш, саноат ва савдони ривожлантириш, солиқларни тартибга солиш, амалдорлар устидан назорат ўрнатиш ва уларга мояна тўлаш кабилар тилга олинган эди. Ё. б.нинг Фитрат, Файзулла Хўжаев ва Усмон Хўжаев бошчилигидаги сўл қаноти фармон эълон қилинган кунинг эртасига Бухоро ш.да катта намойиш уюштирди ва Регистонда митинг ўтказди (қ. *Бухорода 1917 йил апрель намойиши*). 14 апр.да амир ўз фармонини бекор қилди. Ё. б. энди амир ҳокимиятига қарши яширин кураш йўлига ўтди. Улар Бухоро ш.ни тарк этишга мажбур бўлди ва Янги Бухоро (Когон)га келиб ўрнашди. Когонда улар сафига Бухородан аввал чиқиб кетган йирик савдогар Муҳиддин Мансуров ўғиллари (Абдулқодир, Амин, Исом Муҳиддинов) ва б. б-н келиб қўшилди. 1917 й. апр. воқеалари Ё. б. партияси ичидаги бўлинишни чуқурлаштирди ва унда А. Бурҳонов бошчилигидаги ўнг қанот вақтинчалик устун келди. Кейинчалик Ё. б. партиясидан қисман ислоҳотлар ўтказиш тарафдори бўлган жадидларнинг уламолар б-н боғланган Икром домла бошчилигидаги гуруҳи ажралиб чиқди. Ё. б. сафидан йирик савдогарлар чиқиб, унга кўпроқ шаҳар камбағаллари кирди.

1917 й. окт.—нояб. ойларида Петроград ва Тошкентда содир бўлган воқеалар Бухоро амирлигида катта акс-садо берди. Тошкент ва Фарғонадаги жадидлар Туркистонда мухторият эълон қилиш учун ҳаракат қилган бўлса, Ё. б. Бухорода амирнинг истибдод тузумига қарши курашни давом эттирди. Ё. б. партияси ичида турли гуруҳларнинг борлиги, қарашларнинг хилма-хиллиги туфайли ягона дастур тузишга эҳтиёж туғилди. Марказий қўмита бу вазифани 1917 й. нояб.да Фитратга топширди. Фитрат бу пайтда Самарқандда чиқаётган «*Ҳуррият*» газ.нинг бош муҳаррири эди. Марказий қўмита Фитрат томонидан 1918 й. янв.да ёзилган Ё. б. партиясининг дастурини тасдиқлади ва ислоҳот лойиҳаси сифатида эълон қилди. Унда мамлакатда конституциявий монархия ўрнатиш, Бухоронинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий мустақиллигини таъминлаш, маданий тараққиёт, деҳқончилик ва солиқ тизими масалаларига алоҳида эътибор берилди, замонавий армияни ташкил этиш, 2 йиллик мажбурий ҳарбий хизматни жорий қилиш, давлат ҳисобидан мактаблар ва олий ўқув юртлари очиш, 10 нозирликдан иборат Нозирлар кенгаши тузиш таклиф этилди. Файзулла Хўжаев Фитрат лойиҳасининг анча чекланганлигини танқид қилиб, унда бошқарувнинг республика усулини жорий этиш талаб қилинмаганлигини таъкидлади. Окт. тўнтаришидан кейин совет Россияси б-н Бухоро ўртасидаги муносабатлар ёмонлашди. Қўқон ш.да фаолият кўрсатаётган *Туркистон Мухторияти* ҳукуматини қизил аскарлар ва арман дашноқларининг қуролли кучлари ёрдамида 1918 й. 19—12 фев.да ағдариб ташлаган большевиклар энди Бухорода бир зарб б-н амирлик ҳокимиятини ҳам тугатмоқчи эди. Улар шу мақсадда Файзулла Хўжаев бошчилигидаги Ё. б.ни қўллаб-қувватлашди. Ё. б. эса ўз кучлари б-н ҳукуматни қўлга ололмасди. 1918 й. фев. ойининг охирида Туркистон ХҚС ранси Ф. И. Колесов Ашхободдан Тошкентга қайтаётганда Когон ш.да Ё. б. раҳбарлари б-н учрашиб, амир ҳокимиятига қарши курашда ўз «хизмат»ини таклиф қилди. Ё. б.нинг 7 кишидан иборат инқилобий қўмитаси (ранс—Файзулла Хўжаев) тузилди. Ана шундай мураккаб бир вазиятда Бухорода 1918 й. март фожиалари содир бўлди (қ. *Колесов воқеаси*). Оқибатда 3 мингдан ортиқ Ё. б. ўлдирилди. Бухородан ташқари Ғиждувон, Шофиркон, Вобкент, Қоракўл туманлари ва Чоржўй, Хатирчи, Кармана, Қарши, Шаҳрисабз бекликларида ҳам минглаб кишилар жадидликда ноҳақ айбланиб, қатл этилди. Ё. б. амирлик ҳудудидан дарҳол чиқиб кетишга мажбур бўлди ва Туркистон республикасидан сиёсий бошпана сўради. Совет Туркистони раҳбарлари Ё. б.га нохуш муносабатда бўлди. Муҳожирликдаги Ё. б.нинг кўпчилиги очарчилик натижасида қирилиб кетди. Ё. б. партиясида ғоявий тушкунлик, гуруҳбозлик ва порокандалик юз берди. Муҳожирликнинг дастлабки даврида (1918 й. март—июнь) Ф. Хўжаев Ё. б. қўмитасининг раиси сифатида сафдошларини ишга жойлаштириш ва моддий жиҳатдан таъминлаш б-н фаол шуғулланди. Тошкентда 1918 й. апр.—май ойларида У. Пўлатхўжаев бошчилигида Ё. б.нинг сўл эсерлар гуруҳи ташкил топди. Самарқанддаги шундай гуруҳга Отаулла Хўжаев раҳбарлик қилди (бу гуруҳ 1918 й. 25 сент. гача ишлади).

Муҳожирликнинг 2-даврида (1918 й. ўрталаридан то 1919 й. гача) РСФСР ва Туркистон Миллатлар иши бўйича комиссарликлари қошида Ё. б.нинг бўлимлари очилди, Файзулла Хўжаев Туркистон республикасининг РСФСР ҳукумати ҳузуридаги мухтор ваколатхонасида Ё. б. партиясининг бўлимини ташкил қилди (1918 й. окт.). Бухоро амирлигида демократик ғояларни тарғиб қилиш учун Ё. б. томонидан ойида 2 марта ўзбек ва тожик тилларида жур. нашр этила бошланди. 1918 й. 16 нояб.да Москвада Ё. б.нинг Туркистон МИК-даги мухтор ваколатхонаси йиғилишида Файзулла Хўжаев тайёрлаган дастур (программа) қабул қилинди. Унда Бухородаги ижтимоий тузум ва халқ аҳволи ёритилди, Бухородаги амир ҳукуматини ағдариб ташлаш учун ташвиқотчи ходимлар тарбиялаш, Бухоро ва Туркистон халқлари б-н алоқа боғлаш, амирга қарши халқ қўзғолонини тайёрлаш ва унга раҳбарлик қилиш, қўзғолончиларни қурол-яроғ б-н таъминлаш масалалари кўзда тутилди. Ё. б.нинг мақсади — Бухорода демократик халқ республикаси ўрнатиш, деб эълон этилди. 1919 й. ўрталарига келиб, Ё. б.нинг Тошкент, Самарқанд, Мари, Карки, Каттақўрғонда бўлимлари ва Когонда шаҳар бюроси тузилди. Шу йил дек.гача уларнинг 3 марта қурултойи чақирилди. 1920 й. янв.да Тошкентда Файзулла Хўжаев бошчилигида инқилобчи Ё. б. партияси Туркистон Марказий бюроси ташкил этилди. 1920 й. 15 апр.дан Ё. б. партиясининг органи «Учқун» газ. чиқа бошлади (муҳаррир — Файзулла Хўжаев). У Тошкентда чоп қилиниб, Бухорода махфий равишда тарқатилди.

Инқилобчи Ё. б. партиясининг Туркистон Марказий бюроси 1920 й. 13—14 июндаги бирлашган конференциясида Ф. Хўжаев тузган дастурни қабул қилди. Дастур «Зулмга қарши бирлашингиз!» деган шиор ва кириш қисми б-н бошланади. Бу қисмда Бухоронинг умумий аҳволи ва Ё. б.нинг асосий мақсадлари, 2-қисмида эса Ё. б.нинг амалий таклифлари, ислоҳот ва мамлакатни идора қилишни ташкил этиш режаси баён этилди. Шариат—адлия ишларини олиб боришнинг негизи деб эътироф қилинди. Дастурда амирликни қурол кучи б-н ағдариб ташлаш ва Бухорони демократик халқ республикаси деб эълон қилиш талаби қўйила-

ди. Катта бойлар қўлидаги ерларни мусодара қилиш, бепул бошланғич таълим жорий этиш, қ. х., ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдонинг аҳволини яхшилаш йўлида амалий чоратадбирлар кўриш зарурлиги таъкидланади. Марказий бюро Бухоро халқи ва аскарларига қарата ўзбек ва тожик тилларида «Хитобнома» чиқариб, амир ҳокимиятини ағдариб ташлаш учун халқ қўзғолони бошлашга даъват қилди. 17.000 нусха хитобнома ва 10.000 нусха партия дастури тарқатилди. Ё. б. ташкилотлари бутун амирлик ҳудуди бўйлаб тузилган, ҳатто Эски Бухорода унинг 12 шўъбаси мавжуд эди.

Большевиклар Ё. б.дан амирлик ҳокимиятини ағдаришда фойдаланди. Ё. б. ҳам тактик мақсадларни кўзлаган ҳолда большевиклар б-н яқинлашди. 1920 й. 2 сент.да Туркфронт қўмондони М. В. Фрунзе бошчилигидаги қизил аскарлар кескин жанглардан сўнг Бухоро ш.ни босиб олди (қ. *Бухоро босқини*). Амир Олимхон ҳокимияти ағдариб ташланди. Халқ Нозирлар Шўроси, Инқилобий қўмита ва БКП МКнинг умумий йиғилишида (1920 й. 14 сент.) 9 кишидан иборат Бутун Бухоро инқилобий қўмитаси (раиси—Абдулқодир Муҳиддинов) ва республика ҳукумати — 11 кишидан иборат Халқ Нозирлар Шўроси (раиси — Файзулла Хўжаев) тузилди (қ. *Бухоро Халқ Совет Республикаси*). Ё. б. ўз ислоҳотчилик ғояларини янги ҳукуматдаги фаолияти давомида амалга оширишга ҳаракат қилди. Бухорода амирлик тузумини ағдариб ташлашдек ўз тарихий вазифасини бажарган Ё. б. партиясининг аъзолари 1920 й. 11 сент.да умумий асосда Бухоро компартияси сафига кирди.

Ё. б. партиясининг айрим аъзолари (Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Абдулҳамид Орипов ва б.) кейинчалик Бухородаги *истиқлолчилик ҳаракати* сафларига ўтиб, қизил аскарларга қарши курашда қатнашди. 1923 й. июнда Москванинг қатъий талаби б-н Отаулла Хўжаев (ташқи ишлар нозири), Фитрат (маориф нозири), Саттор Хўжаев (молия нозири), Муинжон Аминов (Экосо раиси) ва б. собиқ Ё. б. лавозимларидан олиниб, Бухоро давлати ҳудудидан чиқариб юборилди. Ё. б. сафидаги жадидларнинг деярли ҳаммаси 30-й.ларнинг ўрталарида қатағон қилинди.

Ад.: Айний С., Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар, М., 1926; Хўжаев Ф. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар, Т., 1997; Файзулла Хўжаев ҳаёти ва фаолияти ҳақида янги мулоҳазалар, Т., 1997; Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш, Т., 1999; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости, Т., 2000; Алимова Д. А., Джадидизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость, Т., 2000; Ражабов Қ. К., Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар, Т., 2000; Бухоро: тарих саҳифалари, Бухоро, 1999; Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари, Т., 2001; Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари, Т., 2001; Гафаров Н., История культурно-просветительской деятельности джадидов в Бухарском эмирате, Худжанд, 2000.

Қаҳрамон Ражабов.

ЁШ ГЕГЕЛЧИЛАР — қ. *Гегелчилик.*

«ЁШ КУЧ» — ўсмирларнинг ижтимоий, адабий-бадиий журнали. Муассиси: Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати. Тошкент ш.да ойда 1 марта чиқади. Дастлаб Самарқанд ш.да болаларга мўлжалланган биринчи ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадиий жур. сифатида ташкил этилган (1929), сўнг жур. таҳририяти Тошкент ш.га кўчирилган (1934). Туркистонда ёш авлодни замон талабига мос этиб тарбиялаш мақсадида махсус болалар нашрлари ташкил этишга бўлган саъй-ҳаракатлар 20-а.нинг 10-й.ларида бошланган. «Ё. к.»нинг ташкил этилиши ана шу саъй-ҳаракатларнинг ҳосиласи эди. «Ё. к.» айниқса болалар ва ёшлар нашрларининг тилини шакллантиришга муҳим ҳисса қўшган. Жур.нинг 1940—41-й.лардаги сонларида кўпгина адабий асарлар, адабий-танқидий мақолалар ёритилган. Хусусан, Навоийнинг 500 йиллик юбилейи муносабати б-н бир қатор мақолалар, шоир адабий меросидан намуналар берилган. *Низомий, Фузулий* каби улкан адибларнинг асарлари, шарқшунос олим Е. Э. Бертельснинг бир неча илмий мақолалари, Тўхтасин Жалоловнинг «Хамса талқинлари» туркум мақолалари илк бор «Ё. к.» саҳифаларида ёритилган. 1941 й.да уруш бошланганлиги муносабати б-н кўпгина нашрлар қатори «Ё. к.» фаолияти ҳам тўхтатилган. 1986 й. июль ойида «Ё. к.» яна қайта тикланди. Муҳаррири — Эркин Абдураҳмонов (1996 й.дан). Жур.да турли даврларда Қосим Бобоев (1934—35), Акмал Пўлат (1935—36), Жалил Қодирий (1939—41), Худойберди *Тўхтабоев* (1986—93), Хуршид Дўстмуҳаммад (1993—96) ва б. муҳаррирлик қилишган. Адади 25000 (2002).

Абдувоҳид Ҳайитов.

ЁШ ПСИХОЛОГИЯСИ — турли ёшдаги одамлар хусусиятларини, бир ёш давридан бошқа ёш даврига ўтишда уларнинг психик ривожланишини ўрганувчи психология фани соҳаси. Ё. п. одамнинг туғилганидан бошлаб то кексайгунича бўлган давр (онтогенез)да амалга ошадиган руҳий ривожланиши ва шаклланиши босқичларини ўрганади. Ё. п. мустақил фан сифатида 19-а.нинг охирларида шаклланди. Даставвал *болалар психологияси* сифатида юзага келган. Ё. п. узоқ вақт бола руҳий ривожланиши механизмларини ўрганиш б-н чекланиб келган, бироқ инсоният тараққиётининг кейинги даражалари одам онтогенетик ривожланишини янада кенгроқ ва чуқурроқ ўрганишни тақозо этганлиги муносабати б-н бу фаннинг тадқиқот доираси кенгайиб борди. Ҳоз. вақтга келиб Ё. п.нинг болалар психологияси, етуклик даври психологияси, геронтопсихология (кексалик психологияси) каби соҳалари фарқланади.

ЁШ САЙЁҲЛАР ВА ЎЛКАШУНОСЛАР МАРКАЗИ — Ўзбекистонда халқ таълими тизимида ўқувчи-ёшларга қўшимча таълим-тарбия берувчи болалар муассасаси. Ўқувчи ёшларнинг қизиқишлари, интилишлари, иқтидорларига мос тўгарак ишларига жалб этади, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ва фойдали ўтказишни уюштиради, болалар истеъдодларини аниқлаш, уни тўғри тарбиялаш орқали касб-ҳунар танлашларига ёрдам беради. Марказ экскурсия, саёҳат, сафар, экспедиция, сайёҳлик юришлари уюштириб, улар орқали ўқувчи-ёшлар дунёқарашини бойитади, билим доираларини кенгайтиради ва мустаҳкамлайди, жисмонан бақувват, ҳар томонлама баркамол инсон қилиб етиштиради, табиат б-н тўғри муносабатда бўлишга ўргатади, спортчи-альпинистлар, қутқарув хизмати мутахассислари, ўқитувчи-тарбиячи каби касб асосларини беради. Ўзбекистонда дастлабки Ё. с. ва ў. м. Болалар сайёҳлик базаси номи б-н 1936 й.да ташкил этилган.ЎзР Халқ таълими вазирлигига қарашли Республика Ё. с. ва ў. м. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ш. ва вилоятлардаги 43 та Ё. с. ва ў. м. фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда уларга методик ёрдам кўрсатади. Ўзбекистондаги Ё. с. ва ў. м.да тўгараклар йўналишлари сони 22 та бўлиб, уларда йилига ўртача 80 минг ўқувчи шуғулланади, 285 минг ўқувчи турли экскурсия, экспедиция, сайёҳлик юришларида иштирок этади (2001).

ЁШ ТАБИАТШУНОСЛАР — Ўзбекистонда табиатшунослик билимини бойитиш, қ. х.нинг муайян тармоғини амалда билиб бориш ва тажриба ортириш мақсадида атроф муҳит, табиатни кузатувчи ёшлар. Мактаб ва мактабдан ташқари болалар муассасалари (ўқувчилар саройи, болалар оромгоҳи, меҳрибонлик уйлари)да ташкил қилинадиган тўгаракларда тажриба кузатув ишлари олиб борадилар. Ё. т.нинг биринчи тўгараги Ўзбекистонда 1922 й. Тошкентдаги Карл Либкнехт номидаги мактаб, *Алмаий номидаги намуна иш мактаби*, Чернишевский номидаги мактаб ҳузурида ташкил этилган. Ё. т. тўгарагидаги машғулотларда ўқувчи болалар ҳайвонлар ва паррандаларни кузатади, ўсимликлар ўстириб, парвариш қилади, коллекциялар тўплайди, турли хил тажриба ишларини ўтказади. Ўрта ва катта ёшдаги табиатшунослар табиатни, жумладан ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини, қ. х. ишлаб чиқаришига боғлиқ тажрибаларни амалга оширади. Ё. т. ўқувчиларни ўқув-тажриба майдончаларига, қ. х. ишлаб чиқариш экскурсияларига, кўргазмали ўқув қуролларини тайёрлашга жалб этиб, уларнинг атроф муҳитга бўлган онгли муносабатларини ривожлантиради. 2001 й. Ўзбекистонда 70963 бола Ё. т. тўгаракларида иштирок этди.

ЁШ ТОМОШАБИНЛАР ТЕАТРИ, Йўлдош Охунбобоев номидаги Ўзбек давлат республика ёш томошабинлар театри — болалар театри. Тошкентда *рус ёш томошабинлар театри* таркибидаги ўзбек қўғирчоқ труппаси замирида 1929 й.да миллий студия сифатида ташкил этилган. Театрнинг биринчи реж. ва актёри Нурхон Эшмуҳамедов, биринчи рассоми Шоназир Шораҳимов. 1930 й. студиячилар бир неча пьесаларни саҳналаштириб профессионал театр даражасига кўтарилди. 1943 й.дан Йўлдош Охунбобоев номида. 1968 й. театр рус ёш томошабинлар театридан ажралиб чиқди. Театр асосини А. *Исмоилов* (асосий реж.), Н. Эшмуҳамедов, С. Қобулова, Ҳ. Абдуллаев, М. Усмонова, М. Солиев, И. Одилов, З. Соқиев, А. Мавлонов, Қ. Мавлонова, О. Иброҳимов, Ж. *Тожиев*, Қ. Сиддиқов, Р. Сирожиддинов, У. Раҳмон,Ш. Шораҳимов ва б. ташкил этганлар. Дастлабки йиллар театр репертуари ёш томошабинлар қизиқишидан йироқ, асосан ташвиқот ва тарғибот асарларидан иборат бўлган. 1931 й. труппа Бухоро театрига бирлаштирилиб Ф. Хўжаев номидаги Бухоро ўзбек давлат драма ва Биринчи ўзбек ёш томошабинлар театри деб аталган. Я. *Бобожонов* бадиий раҳбар ва бош реж. қилиб тайинланган. Жамоа қизиқарли спектакллар қўйишига қарамай, ўз

томошабинига эга бўла олмади, натижада актёрлар тарқаб кетди ва 1933 й. театр вақтинча ўз фаолиятини тўхтатди. 1934 й. Тошкентда Ё. т. т.нинг фаолияти қайта тикланди ва театр жамоаси янги актёрлар ҳисобига кенгайди. Қисқа вақт ичида «Қутқариш», «Кураш боласи» (А. Исмоилов) каби тўлақонли спектакллар саҳналаштирилди. 1937 й. да театр труппаси Лоҳутий номидаги Тошкент театр студиясини битирувчилари ҳисобига тўлдирилди. Бу даврда театрда И. Аҳмедов, Т. Тўла, О. *Толипов*, С. Баязитова, К. Аъзамова, Й. Ҳусанбоев, В. Усмонов, Н. Дўстхўжаев, М. Қориев, М. *Йўлдошева*, М. *Ҳамидова* каби актёрлар, Ҳ. Исматуллаев, У. Исмоилов, Т. Сачакова, Т. Иброҳимова, Ж. Обидов (бадиий раҳбар), Й. *Аъзамов*, А. *Турдиев*, А. *Исмоилов*, Б. Хўжаев, А. Григорян каби реж.лар ижод қилганлар. Театр репертуари «Зўраки тағин чол», «Икки сергак», «Мен кураш боласи», «Ёрилтош», «Ревизор» спектакллар б-н бойиди. 1947 й.да алоҳида санъат асарлари ва арбоблари фаолиятига нисбатан субъектив ёндашув ҳамда иқтисодий қийинчиликлар туфайли труппа фаолиятини вақтинча тўхтатиб Тошкентдан гастроль сафарига жўнаб кетади. Фақат 1948 й.нинг охирида қайта ташкил қилинган жамоа фаолият кўрсата бошлади. Театр олдинги энг яхши спектакларни тиклаш б-н бир қаторда, эътиборни асосан эртак жанрига ва мумтоз асарларга қаратди. «Семурғ», «Тўғри ва эгри», «Скапеннинг найранглари» ва б. шулар жумласидан. 50-й.ларнинг охирларидан театр олий маълумотли реж. ва актёрлар (В. *Қодиров*, К. *Хонкелдиев*, Б. *Нурмуҳамедов* ва б.) б-н таъминланади. 50—80-й.лар театр саҳнасидан болаларга бағишланган «Чиранма ғоз...», «Алиғишланган «Қовоқвой ва Чаноқвой», Вали», «Доктор Ҳакимнинг ғаройиб ихтироси», ёшлар ҳаётига бағишланган «Дил тортса», «Ўн саккиз ёшлигим», ҳаҳратмонлик, тарихий-биографик мавзуда «Абдулла Набиев», «Аму қаҳрамонлари», «Тошкент — нон шаҳри», «Донишмандниинг ёшлиги», мумтоз асарлардан «Уч мушкетёр», «Гаврош», «Ревизор», «Норасо», «Олтин тулпор», шунингдек, «Шум бола» каби спектакллар саҳналаштирилди. Ё. т. т.нинг фаолияти республикада болалар театрига асос солиб, бу соҳада тараққиёт йўлини белгилаб берди. Театрда турли йилларда Р. *Пирмуҳамедов*, А. *Исматов*, М. *Кузнецова*, Я. *Бобожонов*, И. *Ладигин*, А. *Гинзбург*, Н. *Иванов*, Қ. *Хўжаев*, Х. *Саъдиев* ва б. ижод қилган.



«От кишнаган оқшомда» спектаклидан кўриниш.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг театр ижодий ҳаётида гарчанд кескин бурилишлар рўй бермаган бўлса-да, унинг ижодий йўналиши қайта кўриб чиқилди. Асосий эътибор миллий драматургияни ривожлантириш, ёш томошабинлар онгида миллий мафкурани шакллантириш, руҳан озиқлантиришда миллий драматургияга таянган ҳолда иш олиб бориш аста-секин йўлга қўйила бошланди. «Кеча ва кундуз» (Чўлпон), «Меҳр кўп кўргаздим» (М. Ҳазратқулов), «Минг бир кеча» (М. Турсунов), «Ҳасан кайфий» (F. Ғулом), «Осмондан танга ёққан кун» (Ж. Маҳмуд), «Эски жўва гаврошлари» (Ш. Бошбеков) каби спектакллар биринчидан ўтмиш тарихимизга янгича назар б-н қарашга ундаса, иккинчидан миллий қадриятлар, урф-одатлар, ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқатни тарбиялайди. Кейинги йиллар ижтимоий, ахлоқий масалаларни ёритувчи, ёш томошабинлар идроки ва тафаккурини ривожлантиришга қаратилган, эркин фикрлашга ўргатадиган спектакллар театр репертуаридан ўрин олди: «Оқ кема» (Ч. Айтматов), «Ўз уйингдасан» (М. Бобоев), «Донишмандинг ёшлиги» (И. Султон), «Беозор лайлаклар» (С. Сирожиддинов), «Қалдирғочлар» (М. Ҳазратқулов), «Қоринботир» (А. Обиджон), «Эссиз умр» (Ё. Мирзо, О. Шарипов), «Ҳаётбахш томчи» (Ж. Маҳмуд), «От кишнаган оқшомда» (Тоғай Мурод, Республика фестивалида гран При мукофоти, 1994), «Алпомиш» (Н. Тўлахўжаев), «Боз масхарабоз» (О. Салимов), «Адвокатлик осонми» (А. Авлоний) ва б. Театрда М. Йўлдошева, Т. Ҳамдамова, Лутфулла ва Гулчеҳра Саъдуллаевлар,



«Боз масхарабоз» спектаклидан кўриниш.

Д. Абдулазизова, Ё. Зиёмуҳамедова, В. Сафъянова, Х. Тошпўлатов, Ф. Аминов, А. Исмоилов, А. Исломов, Б. Фозилов, Ф. Умарова, З. Асқаров, А. Жўрабоев, Х. Отахонова, Ҳ. Абдуллаев, М. Қодиров, Р. Маҳкамов, Ш. Мансурова, З. Йўлдошева ва б. актёрлар ижод қилмоқда. Реж. лардан (турли йилларда ишлаган) Н. Дўстхўжаев, А. Турдиев, И. Аҳмедов, Э. Масофаев, О. *Салимов,* М. Бобоев, О. Солиев, М. *Маҳаметов,* О. Шариповларнинг театр равнақ топишида хизматлари катта. Театрнинг бадиий раҳбари — Олимжон Салимов (2001).

Ҳамиджон Икромов, Жўра Маҳмудов.

«ЁШ ТУРКИСТОН» («Yas Turkistan») — хорижда нашр этилган ижтимоий-сиёсий журнал. Парижда туркий тилда, араб алифбосида чоп этилган (1929—39). 117 та сони (баъзилари қўшма сон) нашрдан чиққан. У муҳожиротдаги туркистонликлар маблағи б-н нашр этилган. Жур.га *Мустафо Чўқай* муҳаррирлик қилган. Тоҳир Чиғатой, Абдуваҳоб Ўқтой, А. Тошкентли, Усмон Хўжа ва Валидий фаол қатнашди. Жур.ни ташкил этишдан мақсад совет мустабид тузуми кирдикорларини фош этиш, мустамлакачилик сиёсати оқибатида Туркистонда юз бераётган фожиалар хусусида ошкора сўз юритиш, шу йўл б-н жаҳон афкор оммасининг эътиборини ўлкага қаратишдан иборат бўлган. Жур. саҳифаларидан ўрин олган мақолаларда ўша кезлари ўлкада долзарб бўлган қатор ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммолар ҳақида сўз юритилган. Халқни юрт озодлиги учун курашга даъват этилган. Жур.да адабий-бадиий асарларга ҳам кенг ўрин ажратилган. Абдурауф *Фитрат,* Абдулҳамид *Чўлпон,* Мағжон Жумабой, *Элбек,* Абдуваҳоб Ўқтой каби адиблар ва ҳаваскор шоирлар ижодидан намуналар берилган. Ҳоз. «Ё. Т.»нинг тўлиқ тахлами Нью-Йоркдаги Колумбия ун-ти, Берлин ун-ти, Анқарадаги Аёз-Тоҳир Туркистон Идил-Ўрол вақфи кутубхоналарида сақланади. Усмон Хўжанинг ўғли Темур Хўжа «Ё. Т.»нинг 1929—30 й.ларга оид қисмини бир китоб шаклида қайта нашр қилдирди (Истанбул, 1997, 1-жилди).

Норали Очилов.

ЁШ ТУРКЛАР — 19-а. охири ва 20-а. бошларида Усмонли турк империясидаги инқилобий ҳаракат қатнашчилари, *«Иттиҳод ва тараққий»* партияси аъзолари. Ё. т. (улар дастлаб ўзларини Янги усмонлилар деб аташган)нинг асосий мақсади султон *Абдулҳамид II* (1842—1918)нинг истибдодини конституцион тузум б-н алмаштириш, Туркияда ажнабийлар ҳукмронлигига қарши кураш ва демократик жамият қуриш бўлган. *Зиё Гўкалп* (1876—1924) Ё. т.нинг асосий мафкурачиси эди. Ё. т. мамлакатда норозилик митинглари ва намойишларни доимий равишда ўтказиб турган. Абдулҳамид II уларга қарши шафқатсиз кураш олиб борди. 1908 й. султонликка қарашли Македонияда Ё. т.нинг таъсири ниҳоятда кучайди, уларнинг ташкилотига 15000 киши аъзо бўлди. Бу пайтда Македонияда ижтимоий-сиёсий ва этник вазият ҳам анча кескинлашган эди. 1908 й. 3 июлда Ресне ш.да лейтенант Аҳмад Ниёзий раҳбарлигида партизан отрядлари, 6 июлда майор Анварбей (қ. *Анвар Пошо*) бошчилигида аскарлар султон зулмига қарши кўзголон кўтарди. Орадан кўп ўтмай бу инқилобга Македониядаги турк ҳарбий қисмлари қўшилди. Ё. т.нинг Салоникидаги «Иттиҳод ва тараққий» қўмитаси унга раҳбарлик қилди. 23 июлда Ё. т.нинг инқилобчи отрядлари Македониянинг Салоники, Монастир ва б. шаҳарларига тантанали равишда кириб келди. Инқилоб тез орада мамлакатнинг Синоп, Трабзон, Диёрбакр, Бадлис, Измир каби марказий шаҳарларига ҳам тарқалди. 24 июль кечқурун султон Абдулҳамид II Туркияда 1876 й.даги Конституцияни қайта тиклаш ва парламентга сайлов ўтказиш тўғрисидаги фармонни имзолашга мажбур бўлди. Мамлакатда Ё. т. инқилоби ғалаба қозонди.

Туркияда демократик эркинликлар ўрнатилди, 40000 сиёсий маҳбус озод қилинди, сиёсий муҳожирларга ўз ватанига қайтиш учун рухсат берилди. Салтанатдаги барча фуқаролар тенг ҳуқуқли усмонлилар деб эълон этилди, кўплаб газ. ва жур.лар чиқарилди. Бироқ 1909 й. апр.да Абдулҳамид II Ғарб давлатларининг ёрдамига таяниб, истибдод сиёсатини қайта ўрнатди. Македониядан чақирилган армия ёрдамида аксилинқилоб тез орада бостирилди. Аммо 27 апр.да Абдулҳамид II тахтдан туширилиб, Ё. т. Муҳаммад V Рашидни (ҳукмронлиги: 1909—18) султон деб эълон қилдилар. Ҳокимиятда асосий ўринни Ё. т.нинг йўлбошчилари *Талъат Пошо,* Анвар Пошо, *Жамол Пошо* эгаллай бошлади.

Италия-Туркия уруши (1911—12)да Туркия енгилгач, 1911 й.да иттиҳодчилардан ажралиб чиққан мухолифатдаги «Ҳуррият ва иътилоф» жамияти бундан фойдаланиб, 1912 й. ҳокимиятни эгаллади. Лекин 1913 й. янв.да бўлган ҳарбий тўнтариш натижасида Туркияда яна Ё. т. ҳокимияти тўлиқ ўрнатилди. Талъат Пошо, Анвар Пошо, Жамол Пошодан иборат триумвират (учлик) ҳокимиятни бошқара бошлади. Улар туркчилик ва исломчилик сиёсатини изчил давом эттириб, ташқи фаолиятда Германияга яқинлашдилар. Туркия Германия томонида туриб *Биринчи жаҳон урушига* тортилди. Туркия Ироқ, Ҳижоз ва Мисрда Англияга қарши, Кавказ ва Эронда Россияга қарши жанг ҳаракатларини олиб борди. Туркия урушда енгилгач, Ё. т. ҳукумати истеъфога чиқди. Жамол Пошо ва Анвар Пошо кейинчалик Туркистонга келишди. Ё. т. фаолияти тақиқланди.

Ад.: Зиё Гўкалп, Туркчилик асослари, Т., 1994; Ражабов Қ. К., Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар, Т., 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 1-китоб [Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида], Т., 2000.

Қаҳрамон Ражабов.

ЁШ ХИВАЛИКЛАР — Хива хонлигида жадидлар ташкил қилган партия (фирқа) (1914—21). Ўз сафида миллий зиёлилар, ҳунарманд, деҳқон, савдогарлар, ислом уламолари ва айрим давлат амалдорларини бирлаштирган. 1914 й. авг.да Ё. х. партиясига Полвонниёз ҳожи Юсупов асос солди. Жуманиёз Бобониёзов, Бобожон Ёқубов, Жуманиёз Султонмуродов, Назир Шоликоров, Султонқори Жуманиёзов, Худойберган *Девонов,* Ҳусайнбек девонбеги Матмуродов, Муҳаммадёрхўжа Абдуллаев партиянинг фаоллари эди. Партиянинг эълон қилинган дастурида хон ҳокимиятини чеклайдиган ислоҳотлар ўтказиш, мамлакатда конституциявий монархия ўрнатиш, халқни маърифатли қилиш мўлжалланган. Хива хонлигидаги 1916 й. қўзғолонида фаол қатнашган Ё. х.нинг раҳбарларидан бири қозикалон Бобоохун *Салимов* (1874—1929) қўзғолончилар фаолиятини яширин равишда бошқарди. 1917 й. фев. инқилоби Ё. х. фаолиятига кучли таъсир кўрсатди, улар очиқ кураш йўлига ўтди. 1917 й. 5 апр.да Хива хони *Асфандиёрхон* Ё. х. тақдим этган манифестни имзолашга мажбур бўлди. Манифестда *янги усул мактаблари* очилиши, мамлакатда т. й., почта, телеграф барпо этилиши зарурлиги, давлат хазинаси назорат остига олиниши, барча амалдорларнинг сайланиши ва маош б-н таъминланиши, бутун аҳолининг шариат олдида тенглиги таъкидланган эди. Ислоҳотлар амалга оширилишини назорат қилиш учун 30 вакилдан иборат муваққат қўмита ташкил топди. 8 апр.да мамлакатни бошқариш учун Хивада хон ҳузурида Мажлис (раиси — Бобоохун Салимов) ва Нозирлар Кенгаши (раиси Ҳусайнбек девонбеги Матмуродов) тузилди. П. Юсупов (1861—1936)га Россия ҳукумати ва рус қўшинлари б-н муносабатларни барқарорлаштириш вазифаси юклатилди. Муваққат қўмита таркибига кейинчалик яна 19 киши, шунингдек, 7 туркман киритилди. Ё. х. Хива хонлигида ҳокимиятни бошқарувчи ҳукмрон кучга айланди. 1917 й. майда Мажлис раиси Бобоохун Салимов бошчилигидаги делегация Муваққат ҳукумат вакиллари б-н музокара ўтказиш учун Тошкентга жўнади. Асфандиёрхон Муваққат ҳукуматнинг Хивадаги вакили генерал Хўжа Мирбадалов (миллати татар) бошчилигидаги ҳарбий кучларга таяниб, июнда Мажлисни тарқатиб юборди. Хон ўзига маъқул кишилардан янги таркибдаги Мажлис (раиси — Ортиқ Охун) ва Нозирлар Кенгаши (раиси — Исҳоқхўжа Хўжаев)ни тайинлади, Ё. х.дан шафқатсиз ўч олишга киришди. Ҳ. Матмуродов бошчилигидаги собиқ Мажлиснинг 17 аъзоси қамоққа олинди, Бобоохун Салимов устидан кучли назорат ўрнатилди, Ё. х. партиясининг барча аъзолари кофир, деб эълон қилинди. 1917 й. сент.да Хивага полковник Зайцев катта казак отряди б-н етиб келди. 21 нояб.да Ё. х. устидан «қозиларнинг шариат суди» ўтказилди. 1917 й. нояб.да Асфандиёрхон рус казаклари ёрдамида Мажлисни бутунлай тугатди. Хоннинг истибдод тузуми б-н кураша мағлубиятга учраган Ё. х. мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлди. 1917 й. нояб.—дек.да П. Юсупов, Н. Шоликоров (1881—1938) Тошкентга, мулла Жуманиёз Султонмуродов — Петро-Александровск (ҳоз. Тўрткўл)га етиб боришди. Ё. х. партиясининг бошқа етакчилари Ҳусайнбек Матмуродов, Исҳоқхўжа Хўжаев, Абдусалом Ҳожи Исломхўжаев, Ҳожи Авазберди Эшонов хон буйруғи б-н қатл қилинди (1918 й. 18 май). 1918 й. бошларида Тошкентда Ё. х. қўмитаси тузилди (раиси — Полвонниёз Юсупов). Ё. х. тактик мақсадларни кўзлаб, большевиклар б-н яқинлашди. Тўрткўлдаги Ё. х. дан бир гуруҳ инқилобчилар б-н ажралиб, 1919 й. бошида коммунистик гуруҳ (фракция) тузганлигини эълон қилди (раиси — Жуманиёз Султонмуродов). Ё. х. партиясига қўплаб аъзолар келиб қўшилди. Унинг янги дастури қабул қилиниб, унда демократик ислоҳотлар дастури баён этилди. Хива хони, тўралар ва бекларга қарашли бутун мол-мулкни халққа бериш, катта бойларнинг ерларини камбағалларга тақсимлаш, бепул шифохоналар ва мактаблар очиш, йўллар ва кўприклар қуриш, сиёсий эркинлик, миллий тенгҳуқуқлилик, хонлик тузумини ағдариб ташлаб, демократик халқ ҳокимияти — республикани барпо қилиш кўзда тутилди. Россия ва Туркистоннинг большевик раҳбарлари Хива хонлигидаги барча муҳолиф кучларни жипслаштиришга зўр бериб интилди. 1919 й. нояб.да Ё. х., Тўрткўлдаги инқилобчи коммунистлар гуруҳи ҳамда Қўшмамедхон Сапиев (? — 1920) ва Гуломалихон Баҳодир (тахм. 1885—1925) бошчилигидаги туркман қабилалари Хива хони Саид Абдуллахон (? — 1933) ва туркман ёвмутларининг етакчиси *Жунаидхон*га қарши кураш бошлаш учун ўзаро иттифоқ тузиб, Хивани эгаллаш учун қизил аскарларни ёрдамга чақирди. 1919 й. нояб. — 1920 й. янв. ойларидаги кескин жанглар натижасида Туркистон фронти Амударё жасида Туркистон фронти Амударё (Хива) гуруҳининг қўшинлари (қўмондон — Н. М. Шчербаков, сиёсий раҳбар — Г. Б. Скалов) 1920 й. 1 фев.да хонлик пойтахти Хивани босиб олди. Хива хони Саид Абуллахон тахтдан воз кечди, Жунаидхон жанглар б-н Қоракўмга чекинди. 2 фев.да Муваққат инқилобий қўмита тузилди. Унга Тўрткўлдаги Ё. х. инқилобий қўмитасининг бошлиғи Жуманиёз Султонмуродов — раис, Мажлиснинг собиқ раиси Бобоохун Салимов, уламолар вакили Одамохун Ортиқов, йирик савдогар Матпанобой Мадраҳимов, туркманлар вакиллари Мулла Ўроз Ҳўжамуҳамедов ва Мулла Наврўз Рўзибоев аъзо бўлди. 9 апр.да Муваққат инқилобий қўмита ишини яхшилаш учун унинг таркибида 10 кишидан иборат дастлабки халқ ҳукумати — Нозирлар Шўроси ташкил қилинди. Кундалик масалаларни ҳал қилиш учун Жуманиёз Султонмуродов (раис), Полвонниёз Ҳожи Юсупов, Бобоохун Салимовдан иборат ҳайъат сайланди. 1920 й. 26—30 апр.да Бутун Хоразм халқ вакилларининг I қурултойида *Хоразм Халқ Совет Республикаси* (ХХСР) ташкил топди. Ё. х. дастури қурултойда қабул этилган муваққат конституцияга асос қилиб олинди. Унда Хива хонлиги тугатилганлиги ва Хоразм Халқ Республикаси тузилганлиги эълон этилди. Қурултойда 15 кишидан иборат республика ҳукумати — Халқ Нозирлари Шўроси тузилди. Полвонниёз Ҳожи Юсупов бошчилигидаги ҳукумат таркибига Жуманиёз Султонмуродов (раиснинг 1-муовини), Бобоохун Салимов (адлия), Бекжон Раҳмонов (маориф), Эшчонқори Жабборқулов (халқ хўжалиги), Ўроз Хўжамуҳамедов (ташқи ишлар), Наврўз Рўзибоев (ҳукумат котиби), Қўшмамедхон Сапиев (раиснинг 2-муовини), Гуломалихон Баҳодир (ижтимоий таъминот), Шомурод Бахши (соғлиқни сақлаш), Муҳаммадпанобой Абдуллаев (молия), Худойберган Девонов (олий муфаттиш-назорат), Ризо Шокиров (ҳарбий), Ҳаким Бобожонов (зироат-деҳқончилик), Назир Шоликоров (ички ишлар) нозир сифатида киритилди. Нозирларнинг аксарияти жадидлардан иборат бўлган ва шу сабабли ҳукумат Ё. х. ҳукумати деб юритилган. Ё. х. мамлакатда хонликдан қолган асоратларни тугатиш, республикада демократик тузумни қарор топтириш, мустақил Хоразм давлатини барпо қилиш учун курашди. Россия расмий доиралари, Турккомиссия ва Туркфронт вакиллари мустақил сиёсат юритишга интилаётган Ё. х. ҳукуматини бадном қилиш учун жон-жаҳди б-н ҳаракат қилди. Шўролар давлатининг қуролли ифвогарликларига қарамай, Ё. х. ҳукумати қарийб бир йил яшади. 1921 й. 6 мартда қизил аскарлар Хивада 2-марта давлат тўнтариши ясаб, Ё. х. ҳукуматини ағдариб ташлади. Большевиклар халқ нозирларини қамоққа олиб, кўпчилигини отиб ташлади. Айрим нозирлар Жунаидхон ва истиқлолчилар сафига қўшилди, баъзилари чет элларга ўтиб кетди. Ё. х.нинг бир қисми кейинчалик афв қилинди ва улар Хоразмдаги шўро давлати қурилишида фаол иштирок этди (1923 й. окт.гача). Уларнинг аксарият қисми 30-й.лар қатағонларида *ёш бухороликлар* сингари ҳалок бўлди.

Ад.: Юсупов Полвонниёз Ҳожи, Ёш хиваликлар тарихи (Хотиралар), Урганч, 1999; Хоразм тарихи, 1—2-ж.лар, Урганч,

1997; Маткаримов М., Хоразм республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди, Урганч, 1993; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 1-китоб [Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости, Т., 2000; Алимова Д. ва б., Ўзбекистон тарихи (1917—1991 й.), Т., 2000; Ражабов Қ. К., Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар, Т., 2000; Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари, Т., 2000; Очерки по истории государственности Узбекистана, Т., 2001.

Қаҳрамон Ражабов.

ЁШЛАР МУСИҚАСИ — *оммавий мусиқа* тури, 20-а.нинг 2-ярмида ёшлар орасида кенг тарқалган турли мусиқий услубларнинг умумий ифодаси. Рақсбоп мусиқа йўналишлари (рок-н-ролл, биг-бит, *диско*, брейк-данс, электро-поп, рэйв, транс каби) ҳамда турли мавзудаги қўшиқ асарлари (*рок-мусиқа*, фанк, реггей, рэп ва ҳ. к.)дан таркиб топган. Ё. м. намуналари *дискотека*, ёшлар клуби, дансинг (рақс майдончаси), стадион каби махсус жойларда замонавий техника воситалари ёрдамида ижро этилади, ёшларнинг маънавий ва жисмоний эҳтиёжларини қондириб, уларнинг дунёқараши, ҳис-туйғулари ва интилишларини акс эттиради. Оммавий ўйин тарзидаги намуналари — жўшқин, қувноқ кайфиятли, баъзан сершовқин ўйин руҳида яратилади. Қўшиқлар мазмунида ёшларга хос эркинлик, баъзан ахлоқ-одобдан чиқиб кетиш, шунингдек, умуминсоний мавзу (севги-муҳаббат, дўстлик, ватан ҳақида ва ҳ. к.) ўрин олган. Ё. м. асосчиларидан америка хонандаси Элвис Пресли, «*Битлз*» ва б. машҳур. Ўзбекистонда Ё. м. 1960-й.лар охири — 1970-й.лар ўртасида асосан *ВИА* ёки рок-ансамбль шаклида («Синтез», «*Ялла*», кейинчалик «Наво», «Садо» ва б. гуруҳлар) пайдо бўлиб, айниқса мустақиллик даврида ривож топди («Анор», «Байрам», «Болалар», «Дадо», «Нола», «Сетора», «Шаҳзод» гуруҳлари ва б.). 2000—2001 й.лар Ўзбекистоннинг турли вилоятларида ёшлар учун «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон» мавзуидаги ҳамда гиёҳвандликка қарши адабий-мусиқий шоулар бўлиб ўтди. Ёш ижодкорлар (жумладан Ё. м. ижрочилари) учун «Ниҳол» (2000 й. дан) каби Республика мукофотлари таъсис этилган.

«ЁШЛИК» — ёшларнинг ижтимоий-адабий журнали. Тошкентда ойда 1 марта чиқади. Муассислари: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати. Дастлаб 1982 й. ташкил этилган. 1991 й.да ҳоз. ном б-н қайта тикланди. Жур. ёш истеъдодларни кашф этиш, ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара асарларини эълон қилиш борасида бир қатор хайрли ишларга қўл урди. Жур. саҳифаларида янги бадиий асарлар б-н бир қаторда бугунги ёшларнинг орзу-умидлари, ўй-ташвишлари, маънавияти, дунёқарашлари ҳақида баҳс юритувчи мақолалар ва суҳбатлар мунтазам бериб борилади. Муҳаррири — Абдуқаюм Йўлдошев (1999 й.дан). «Ё.»да турли даврларда Эркин *Воҳидов*, *Омон Матжон*, Гаффор Ҳотамов. *Тоҳир Малик*, Собир Ўнар муҳаррирлик қилишган. Адади 10000 (2002).

«ЁШЛИК» КЎНГИЛЛИ СПОРТ ЖАМИЯТИ — ЎзРдаги умумтаълим мактаб ва б. ўқув муассасаларининг кўнгилли спорт жамияти. ЎзР халқ таълими вазирлиги ҳузурида тузилган (1998 й. 21 апр.). Мактаб ўқувчилари ўртасида спорт ишларини кенг йўлга қўйиш ва спортни оммалаштиришга даъват этилган. «Ё». к. с. ж. ҳар ўқув йилида «Умид ниҳоллари» ўйинларини ўтказади. Бу ўйинлар кузги таътилда мактаб ва туман, қишки таътилда вилоят, баҳорги таътилда мамлакат миқёсида бўлиб ўтади. Ўйинлар ёшларни фойдали ва мазмунли ҳаракатга йўналтириш, курашда чиниқтириш, жамоа бўлиб ҳаракат қилиш, ғалабага интилиш фазилатларини тарбиялаш ва спортни ёшларнинг ҳаётий эҳтиёжига айлантиришга хизмат қилади. Жамият сафида 5672482 аъзо, шулардан 311830 разрядли спортчи, 2727 та 1 разрядли, спорт усталигига номзод ва 86 спорт устаси бор (2001). 4619 та спорт зали, 6157 та баскетбол, 9394 та волейбол майдончаси, 119 та сузиш ҳавзаси, 27 та стадион, 4552 та қўл тўпи майдони, 4748 та футбол майдони ва 1830 та тир жамият ихтиёридадир.

ЁҚИЛҒИ — ёнганда муайян миқдорда иссиқлик ажратадиган углерод ва углеводородли моддалар, энергия манбаи. Қаттиқ, суюқ ва газ ҳолатида бўлади, табиий ҳамда сунъий хилларга бўлинади. Табиий қаттиқ Ё. — ёғоч, торф, сланец, тошкўмир, антрацит ва б., сунъий Ё. — писта кўмир, кокс, агломерат ва б. Табиий суюқ Ё. — нефть, сунъийси — бензин, керосин, мазут ва б., табиий газсимон Ё. — табиий газ, сунъийси — домна гази, генератор гази ва б. Атом энергияси ва яримўтказгичлардан фойдаланиш техникаси ҳамда назариясининг ривожланиши б-н янги хил Ё. — ядро Ё.си пайдо бўлди. Иқтисодий нуқтаи назардан энг арзон Ё. — нефть ва табиий газ. Двигателларда ишлатиладиган Ё. (мас., бензин, керосин, ядро Ё.си, реактив Ё. ва б.) ёнилғи деб аталади. Ҳар қандай Ё. ва ёнилғи иссиқлик ажратувчанлик хоссаси б-н ифодаланади. Жадвалда иш ҳолатидаги, яъни истеъмолчиларга бериладиган ҳолатдаги Ё. ва ёнилғиларнинг иссиқлик ажратувчанлиги (калорияси) келтирилган:

Ёқилғи (ёнилғи)	Ўлчов бирлиги	Иссиқлик ажратувчанлиги
Ўтин	ккал/кг	2000—2500
Торф	"	2500—3500
Қўнғир кўмир	"	5000—6000
Тошкўмир	"	7000—8600
Антрацит	"	7800—8350
Ёнувчи сланецлар	"	1750—3600
Писта кўмир	"	6500—7400
Чала кокс	"	6000—7500
Кокс	"	6700—7500
Нефть	"	10400—11000
Мазут	"	10500—11000
Керосин	"	10500—11000
Бензин	"	10500—11250
Табиий газ	ккал/нм³	6500—9000
Нефть гази	"	10000—17000
Кокс гази	"	3600—5000
Домна гази	"	850—1000
Генератор гази	"	1100—1700
Сув гази	"	2500—2800

Ё.нинг турли хиллари ҳақидаги маълумотлар тегишли мақолаларда берилади (мас., *газлар*, *кўмир*, *ўтин*, *торф* ва ҳ. к.).

ЁҚИЛҒИ БАЛАНСИ — мамлакат миқёсида ҳар хил ёқилғи турларини қазиб олиш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш баланси. Ўзбекистон ёқилғи-энергетика ресурсларида ёқилғи ҳиссаси 99,2% ни ташкил қилади (2000). 20-а. бошларида Ўзбекистоннинг Ё. б.да ўтин ва қисман нефть (оз даражада тошкўмир) асосий ўринни эгаллаган. 20-а.нинг 50-й.лари ўрталаридан бошлаб янги нефть ва газ конлари очилди ва ишга туширилди. Натижада Ё. б.да ўтин ва кўмир ҳиссаси камайиб, ёқилғи қазиб олишда нефть ва газ ҳиссаси узлуксиз ошиб борди. Ўзбекистон Ё. б.да табиий газнинг ялпи миқдори 1958 й. дан 1965 й.гача 4% дан 80 % га ортди, нефть ҳиссаси 48,8% дан 10,5% га, кўмир ҳиссаси 46,6% дан 9,2% га, ўтин ҳиссаси 0,6% дан 0,2% га камайди.

Ўзбекистон Ё. б.нинг чиқим қисми таркиби ҳам ўзгарди: ёқилғининг катта қисми саноат ва транспорт и. ч. эҳтиёжлари учун, бир қисми аҳоли эҳтиёжлари учун сарфланади. Ёқилғидан саноатнинг қора металлургия, машинасозлик, кимё саноати, қурилиш материаллари саноати каби тармоқларида фойдаланилади. Айниқса саноатда технологик ёқилғи ва хом ашё сифатида газ кўп ишлатилади.

Ўзбекистонда 2000 й.га келиб республиканинг ёқилғи-энергетика баланси асосини газ, нефть ва кўмирни қазиб олиш ташкил қилади (қ. жадвал).

Ўзбекистон Республикасида ёқилғи ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида айрим ёқилғи турлари ҳиссаси, %

(7000 ккал шартли ёқилғи ҳисобида).

	1990	1995	2000
Газ	85,9	81,3	83,9
Нефть	7,3	15,6	13,8
Кўмир	5,3	2,0	1,5
Гидроэнергия	1,5	1,1	0,8

Чет мамлакатлардан АҚШ ва Канада нефть ва газ қазиб олишда олдинги ўринларда туради. Буюк Британия, Франция, Японияда асосан кўмир қазиб олинади, лекин бу мамлакатларда импорт орқали нефть ва газ истеъмоли биринчи ўринда туради.

Ҳожиакбар Абдубеков.

ЁҚИЛҒИ САНОАТИ — ҳар хил ёқилғи турларини қазиб олиш ва қайта ишлаш б-н банд бўлган саноат тармоқлари мажмуи; нефть қазиб олиш, нефтни қайта ишлаш, газ, кўмир, торф, сланец саноатларини ўз ичига олади. Ё. с. энергетиканинг етакчи тармоқларидан бири. Техника тараққиёти ва у б-н чамбарчас боғлиқ ҳолда халқ хўжалигида энергия истеъмолини жадал кўпайтирадиган и. ч.ни механизациялаш, автоматлаштириш, электрлаштириш, иссиқлик б-н таъминлашнинг ривожланиши ёқилғининг аҳамиятини тобора ошириб боради. Ёқилғи моддалари, айниқса нефть ва газ кимё саноатида хом ашё сифатида ишлатилади.

Туркистон ўлкасида саноат асосида нефть қазиб олиш 19-а.нинг 80-й.ларига тўғри келади (1870—72 й.ларда Фарғона водийсида 200 дан зиёд манбалари аниқланган ва ҳисобга олинган). 1885 й.да рус нефтчиси Д. П. Петров Фарғона водийси (Чимён нефть кони) да иккита қудуқдан нефть қазиб олишга ва уни Ванновск (ҳоз. Олтиариқ) темир йўл ст-ясидаги ўзининг шахсий кичик з-дида қайта ишлашга муваффақ бўлган. Қайта ишлаш натижасида олинган керосин араваларга ва туяларга юкланиб, Андижон, Тошкент, Қўқон пахта з-дларига, мойжувозларга ва аҳолига сотилган. Нефть қолдиқлари эса т. й. транспортида ёқилғи сифатида ишлатилган. Ўзбекистонда 1913 й.да 13 минг т нефть олинган.

Ўзбекистонда *газ саноати*нинг таркиб топиши ва ривожланиши тарихи асосан 1953 й.да Қизилқум чўлида Сеталонтепа ҳудудида биринчи газ кони очилиши б-н бошланган. Бухоро вилоятининг газ-нефтли ҳудудларида катта ҳажмда ишлар олиб борилди. 1956 й.нинг 17 окт.да Газли майдонидаги 600 метрлик қудуқдан кучли газ фавворасы отилиб чиқди. Бу б-н Ўзбекистон нефть-газ саноатида янги давр бошланди.

Ўзбекистонда кўмирни саноат усулида қазиб олиш 1930-й.лар охирида бошланган. Кўмир Тошкент вилояти Оҳангарон водийсида Ангрен қўнғир кўмир, Сурхондарё вилоятида Шарғун, Бойсунтоғ тошкўмир конларидан қазиб олинади.

21-а. бошида Ўзбекистон бирламчи ёнилғи—энергетика манбалари б-н ўзини ўзи таъминлайдиган давлатлар сирасига киради. 2000 й.да 7533,6 минг т нефть (газ конденсати б-н бирга), 56401,1 млн.м³ табиий газ, 2500 минг т кўмир қазиб олинди. Нефтни қайта ишлаш з-дларида 1,7 млн. т бензин, 1,9 млн. т дизель ёқилғиси, 0,4 млн. т керосин, 1,7 млн. мазут ишлаб чиқарилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нефть-газ саноатининг келгуси тараққиёти учун ўта муҳим бўлган ноёб иншоотлар бунёд этилди. Кўкдумалоқ нефть-газ конденсат кони жадал суръатлар б-н ўзлаштирилди. Бу ерда 1997 й. 14 июлда 500 атмосфера босимда газни ҳайдаш компрессор ст-яси ишга туширилди. Кўкдумалоқ конининг нефть ва газ конденсатини қайта ишлаш учун Бухоро вилоятида йилига 2,5 млн. т маҳсулот ишлаб чиқарадиган замонавий *Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи* қурилди, *Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи* тўлиқ таъмирланди (2000).

Умуман Ўзбекистонда қазиб олинаётган газнинг асосий қисми Муборак газни қайта ишлаш заводи ва Шўртан газ конденсати мажмуасининг олтингугуртдан тозалаш иншоотларида қайта ишланмоқда.

Ўзбекистонда табиий газ 12 минг км дан зиёд магистрал газ қувурлари орқали ташилмоқда ва тақсимланмоқда. Республиканинг газ узатиш тармоғи МДҲ мамлакатлари ягона газ тизимига уланган.

Ўзбекистонда аҳолини табиий газ б-н таъминлашнинг ишлаб чиқилган дастури изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда қазиб олинаётган табиий газнинг 85% идан халқ хўжалиги тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжи учун фойдаланилмоқда. Унинг 15% қўшни мамлакатларга экспорт қилинди. Газнинг 25% электр ст-яларига, 10% тармоқнинг ўз технология эҳтиёжларига, 19% саноатга ва 30% дан зиёди коммунал-маиший эҳтиёжларга йўналтирилган.

Ё. с. чет мамлакатлардан АҚШ, Россия, Канада, ГФР ва б.да ривожланган. Ёқилғи қазиб олишда АҚШ жаҳонда биринчи ўринда туради. Лекин шунга қарамай айрим ривожланган мамлакатларда ҳам энергия хом ашёси етишмаслиги б-н боғлиқ бўлган энергетика тангликлари учраб туради. Яна қ. *Газ саноати*, *Ёқилғи баланси*, *Кўмир саноати*, *Нефть саноати*.

Ад.: Каримов И. А., Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари, Т., 1997; Джуракулов А. Д., Развитие газовой промышленности Узбекистана, Т., 1976; Ливитин З. С., Ходжиматов А. Х., История нефтяной промышленности Узбекистана, Т., 1985.

Асрор Обидов.

ЁҚУББЕК (Муҳаммад Ёқуббек Бадавлат, Оталиқ ғозий) (1820, Пискент — 1877, Шарқий Туркистоннинг Кўрла ш.) — Қўқон хонлигининг ҳарбий ва давлат арбоби, Еттишаҳар Уйғур давлатининг ҳукмдори (1865—77). Отаси Пирмуҳаммад Мирзо Қўқон хонлигидаги Курама қишлоғи қозиси, онаси пискентлик қози шайх Низомиддиннинг синглиси. Ё. 1845 й. Тошкентда аскарликка чақирилган. Тоғаси Тошкент қозиси бўлиб тайинланиши ва синглисининг Тошкент ҳокимига турмушга чиқиши муносабати б-н унинг мавқеи тез ўсган, хон ўрдасида *маҳрам*, кейинчалик *элликбоши*, *юзбоши*, *понсод* (бешюзбоши) бўлган, Чиноз ва Авлиёота (1846)га, Оқмачит (1847) га бек қилиб тайинланган. Ё. Оқмачитда *қушбеги* лавозимига кўтарилиб, рус босқинчиларига қарши курашда жасур саркарда эканлигини кўрсатган. Тошкент ҳокими уни чақиртириб, *ботурбоши* этиб, Қўқон хони Худоёрхон эса, уни Хўжанд (1852) беги қилиб тайинлайди. Худоёрхонга қилган муваффақиятсиз фитнасидан кейин (1853) Бухорога қочган. Худоёрхон тахтдан агдарилгандан сўнг Қўқонга қайтган (1858). 1864 й.да Шарқий Туркистонда Манжур империясининг зулмига қарши мустақиллик учун кураш бошланиб, бешта хонлик юзага келади. Қашқар хонлиги мамлакатни бирлаштириш мақсадида Қўқон хонлигидан Ёркент хонлигининг тахт ворисларидан бирини Шарқий Туркистонга юборишини илтимос қилган. Ё. Бузрукхўжага қушбеги қилиб тайинланиб Қашқарга юборилган (1865). У Бузрукхўжанинг давлат ишларига қобилиятсизлигидан

фойдаланиб, ҳокимиятни ўз қўлига олган. У бошда Бузрукхўжа ва б. хўжалар номидан иш юргизиб, Или султонлигидан ташқари (мазкур хонликни 1871 й. руслар босиб олган) 4 хонликни (Қашқар, Хўтан, Кучор, Урумчи хонликларини) бирлаштириб Еттишаҳар Уйғур давлатини тузган. Ё. Еттишаҳарнинг равнақ топиши ва дунёга танитиш учун катта ишларни қилган. Ё. давлатининг асосий таянчи маҳаллий ер эгалари ва руҳонийлар бўлган. Ё. қатъий ташқи сиёсий йўналишга эга бўлмагани туфайли Буюк Британия, гоҳ Туркия, гоҳ Россиянинг кўмагидан умидвор бўлган, бунда уларнинг Ўрта Осиёдаги манфаатлари ўзаро зиддиятли эканлигидан фойдаланмоқчи бўлган. Туркистон генерал-губернатори К. П. *Кауфман* б-н чегара чизиғини белгилаш ҳақида музокаралар олиб борган. Ё. хонлиги даврида кўплаб масжид, мадраса, карвонсарой қурилган. Ё.ни энг яқин кишиларидан бири, Хўтан беги Ниёз Ҳаким заҳар бериб ўлдирган. Ё. ўлимидан кейин тахт учун кураш бошланган. Хитой ички зиддиятлардан фойдаланиб, 1878 й.да Еттишаҳар давлатини тугатган. Шарқий Туркистонда Хитой ҳукмронлиги қайта тикланган.

Ад.: Гедин Свен, В сердце Азии, т. 1—2, СПб., 1899; 1913.

Абдухолиқ Айтбоев.

ЁҚУБОВ Бекжон (1893, Хива — 1979) — ўймакор уста, кандакор. Хивалик уста Каримдан меъморлик ва наққошликни ўрганган. *Нуриллабой саройи*ни безашда қатнашган. Навоий театрининг Хива залини уста Рўзимат арбоб, А. Болтаевлар б-н бирга ганч ўймакорлиги б-н безаган. Ё. яратган офтоба, чойдиш, патнис, мис коса, қанддон, гулдонлар халқ амалий санъатининг ажойиб намуналаридир. 1952 й.дан Ё. асарлари республика ва халқаро кўргазмаларда намойиш қилинади, республика ва чет мамлакатлар музейларида сақланади.



Уста Бекжон Ёқубов

ЁҚУБОВ Дадахон (1954.20.4, Жалолқудуқ тумани) — журналист. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1990). ТошДУни тугатган (1979). Иш фаолиятини тележурналист сифатида бошлаган. «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» телекўрсатуви, «Наврўз» узлуксиз кўрсатуви б-н элга танилди. 1992 й. май ойидан «Наврўз» хайрия жамғармаси тузилди ва шу йилдан Ё. жамғармасининг раиси. «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари», «Муҳаббат мавсуми» бадиий-публицистик китобларида инсонни эъзозлаш, миллий қадриятларни улуғлаш, «Наврўз» анъаналарини кенг тарғиб қилиш, теран, айни вақтда оддий ижтимоий-фалсафий фикрлар орқали Ватанга муҳаббат ғоялари акс этган. Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати (1990—95). «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н тақдирланган (1999).

ЁҚУБОВ Иса Рафаилович (1938.21.10, Тошкент) — реж. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1974). Тошкент политехника ин-ти (1956), Тошкент давлат санъат ин-тини (1965) тугатган. Республика қўғирчоқ театрида реж. (1966 й.дан), бош реж. (1967—90 й.лар). Ё. ҳар бир асар мазмуни ва жанрига мос саҳнавий шакл топишга, спектаклларнинг қизиқарли бўлишига интилади. «Шавкатнинг бошидан кечирганлари» (Л. Бобохонов, А. Қобулов), «Қўзичоғим» (Н. Рўзимуҳамедов), «Кул, кулавер, Ойхон» (М. Ушац), «Бир чигитдан минг чигит» (Н. Рўзимуҳамедов, И. Ёқубов), «Фарҳод ва Ширин» (А. Навоий) ва б. унинг энг яхши спектаклларидир. Болгария қўғирчоқ театрида «Семург» (Зулфия, С. Сомова), «Сенимни, шошмай тур» (А. Курляндский, А. Хайт), Афғонистон театрида «Олабўжи» (М. Супонин), «Ғаройиб мусобақа» (Е. Сперанский) каби қўғирчоқ спектаклларини саҳналаштирган.

ЁҚУБОВ Одил (1926.20.10, ҳоз. Жанубий Қозоғистон вилояти Қарноқ қишлоғи) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1985). 2-жаҳон уруши қатнашчиси. ТошДУ филология ф-тини тугатган (1956). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи (1955—59), «Литературная газета»нинг Ўзбекистондаги махсус мухбири (1959—63; 1967—70), «Ўзбекфильм» киностудияси ва Ўзбекистон давлат кинематография қўмитасида бош муҳаррир (1963—67), Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир (1970—82), «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газ. бош муҳаррири (1982—87), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби (1987—91). Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Атамашунослик қўмитаси раиси (1991 й.дан) ва айни вақтда Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеясининг биринчи вице-президенти (1995 й.дан).



Дастлабки асари — «Тенгдошлар» қиссаси 1951 й.да эълон қилинган. «Дастлабки қадам» (1953), «Икки муҳаббат» (1955) ҳикоялар тўплами, «Тилла узук» (1961) қисса ва ҳикоялар тўпламида муҳаббатни инсонга хос улуғ, муқаддас хислат сифатида тасвирлайди. «Муқаддас» қиссасида (1960) Ё.нинг чинакам ёзувчига хос услуби ва йўли намоён бўлди. Мазкур асарда худбинлик йўлига туша бошлаган йигитнинг тўғри йўлга қайтиши масаласи қаламга олинган. «Эр бошига иш тушса...» романи (1966) 2-жаҳон урушидаги фронт орқасидаги ҳаёт, меҳнат қаҳрамонликлари, халқимизнинг ватанпарварлиги ва мардлиги ҳақида. «Бир фельетон қиссаси» (1961), «Қанот жуфт бўлади», «Матлуба» (1970) қиссалари ва кўпгина ҳикояларида ёшларнинг турмушда юз берган зиддиятларга қарши мардонавор кураши, муҳаббати тасвирланган. «Улуғбек хазинаси» романи (1973) олим ва ҳукмдор Улуғбек давридаги ижтимоий муносабатлар, олис ўтмишимиздаги нур ва зулмат ўртасидаги кураш ҳақидаги асардир. Романда аянчли тақдирлар, фожиалар кўп, аммо оптимистик руҳ — инсон тафаккури ва эзгуликнинг тантанасига ишонч бор. «Кўҳна дунё» (1982) романида ўрта асрда яшаб жасур фани тараққиётига улкан ҳиссаси қўшган олимлар Ибн Сино ва Беруний ҳаёти ва фаолияти тақдири қаламга олинган. «Диёнат» (1977), «Оқ қушлар, оппоқ қушлар» (1988), «Адолат манзили» (1998) романларида ўзбек халқининг 20-а.нинг 60—70-й.ларидаги ҳаёти ва кураши манзаралари ҳаққоний тасвирланган. Гарчи бу асарларнинг асосий қаҳрамонлари турли соҳаларнинг вакиллари, характерлари ҳам турлича бўлса-да, тақдирлари, мақсад ва интилишлари б-н бир-бирларига ўхшайдилар. Улар нопоб тузумда яшаб кўп ноҳақликларни, фожиаларни бошдан кечирган, аммо тинмай меҳнат қилган ва курашган, миллий мустақиллик пойдеворини қурган, мустаҳкам иродали, мард ва олижаноб инсонлардир. Ё. мазридаги характерлар, психологизмни сезиларли даражада кучайтирди, уни янги характерлар, янги бадиий хулосалар б-н бойитди.

Ё. «Чин муҳаббат» (1955), «Айтсам тилим, айтмасам дилим куяди», «Юрак ёнмоғи керак» (1958), «Олма гуллаганда» (1961), «Музаффар Темур» (1996), «Бир кошона сирлари» (2000) каби пьесалар, «Дилбарим», «Баҳор ёмғирлари» киносценарийлари (1971) муаллифи. Ё. моҳир таржимон, мунаққид, публицист. Унинг Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Абдулла Орипов ва б. ижодига бағишланган адабий портрет ва мақолалари бор. Асарлари чет тилларга, шунингдек, қардош туркий халқлар тилларига таржима қилинган. Ё. ижоди ҳақида адабиётшунослар Матёқуб *Қўшжонов*, Озод *Шарафиддинов*, Леонид Теракоян, Умарали *Норматов*, Норбой Худойберганов, Ботир Норбоев ва б. илмий тадқиқот ишлари қилишган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1977), «Дўстлик» (1994), «Эл-юрт ҳурмати» (1998) орденлари б-н мукофотланган.

Ас.: Сайланма [3 жилдли], Т., 1987.

Ад.: Қўшжонов М., Ҳаёт ва маҳорат, Т., 1962.

Ҳабибулло Бектемиров, Алиназар Эгамназаров.

ЁҚУБОВ Осмон (1911.21.8, ҳоз. Шаҳрихон тумани — 1944.22.6, Витебск вилояти), Белоруссия — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 1941 й. дек.дан армияда; 1942 й. янв.дан фронтда. 201-гвардиячи ўқчи полки (1-Болтиқбўйи фронти 6-гвардиячи армиянинг 67-гвардиячи ўқчи дивизияси) автоматчиси. Ё. Витебск вилоятининг Сирожино туманидаги Орехи қишлоғида бўлган жангларда жасорат кўрсатиб, шу жангда ҳалок бўлган. 1944 й. 23 июлда (вафотидан сўнг) Қаҳрамон унвони берилган. Андижондаги ўзи ўқиган 22-мактабга Ё. номи берилган.

ЁҚУБОВ Пўлат (1937.1.4, Паркент тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1997). Тошкент пед. ин-тининг расм ва чизмачилик ф-тини тугатган (1961). 1960—61 й.ларда Тошкент ш.даги 73-мактабда, 1961 й.дан Паркент туманидаги 1-мактабда ўқитувчи, 1988 й.дан методист-ўқитувчи, 1994 й.дан олий тоифали мутахассис. Республика, вилоят пед. ўқишларида ўқитишнинг янги услублари ҳақида ўз маърузалари б-н қатнашган. 1998/99 ўқув йили Республика таълим марказининг мактаблар учун чизмачилик ва тасвирий санъат фанлари бўйича синов дастурини ўзи ишлаётган мактабда синаб, ушбу дастурни яратилишига ўз ҳиссасини қўшган.

ЁҚУБОВ Қосим Бешимович (1911.15.10, Қўқон — 1954.9.11, Фарғона) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, кичик лейтенант. 1942 й.дан фронтда. 1323-ўқчи полки (Марказий фронт, 61-армиянинг 415-ўқчи дивизияси) взвод командири ёрдамчиси бўлиб хизмат қилган. Ё. 1943 й. Чернигов вилояти Репки р-нида Днепрни кечиб ўтиб, плацдармни эгаллаш учун бўлган жангда жасорат кўрсатгани учун Қаҳрамон унвонига сазовор бўлган (1944). Урушдан кейин Фарғонада маъмурий хўжалик ишларида ишлаган. Фарғона ш. кўчаларидан бирига Ё. номи қўйилган.



ЁҚУБОВ Ғулом (1915.15.2, ҳоз. Асака тумани — 1945.24.3, Могилёв вилояти, Белоруссия) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, капитан. 1942 й.дан фронтда. 556-ўқчи полкининг (1-Белоруссия фронти 3-армиянинг 169-ўқчи дивизияси) капитани. Ё. раҳбарлик қилган рота Лудчици қишлоғида душман ичкарисига ёриб кириб катта жасорат кўрсатган. Рота кўп талофат кўрганига қарамай, эгалланган маррани сақлаб қолган. Ё. шу жангда ҳалок бўлган. 1945 й. Қаҳрамон унвонига сазовор бўлган (вафотидан сўнг).



ЁҚУБОВ Ғуломиддин Тошпўлатович (1950.1.3, Тошкент) — хонанда, Ўзбекистон (1987) ва Қорақалпоғистон (1991) халқ артисти. Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1973). Жиззах мусиқали драма театрида (1973—74), Ўзбек давлат филармонияси (1967—68 ва 1974 й.дан) да якка хон хонанда. Кучли, жарангдор ва ёқимли овозга эга. Ижрочилик услуби эмоционал кўтаринки руҳи б-н ажралиб туради. Репертуари муҳаббат, гўзаллик, Ватан мавзуидаги, шунингдек, рақсбоп қўшиқ ва ашулалардан иборат. Созанда ва бастакор А. *Исмоилов* б-н ҳамкорликда яратган қўшиқлари оммавийлашган: «Зилола», «Сен ўзинг», «Қарайсан», «Ошиқнома» ва б. Репертуаридан турли халқлар (озарбайжон, эрон, турк, ҳинд, уйғур ва б.) қўшиқлари, шунингдек, «Сегоҳ», «Дугоҳ»,



F. Ёқубов оммавий саҳнада.

«Гулузорим», «Феруз I—II» каби ўзбек мумтоз ашулалар ўрин олган. 1990-й.лардан бошлаб композитор А. Расулов б-н ҳамкорликда замонавий эстрада қўшиқчилиги услубида ижод этмоқда: «Дилором», «Бегойим», «Қомат», «Кетолмайсан», «Элим деб», «Хуш келдинг, муборак сарварим Наврўз» ва б. Баъзи қўшиқлар куйларини Ё. ўзи яратган: «Муҳаббат», «Унутилмасин», «Мажнунтол», «Ўйласам», «Сенинг кулишларинг», «Парвардигор асрасин», «Бир қарасам» ва б. «Мажнунтол» грампластинкаси «Мелодия» грамёзув фирмасининг «Олтин диск» мукофотига сазовор бўлган (1985). «Дўстлик» (1996), «Эл-юрт ҳурмати» (1999) орденлари б-н мукофотланган.

ЁҚУБОВ Ҳомил Исломович (1907.14.9 — Тошкент — 1998.3.2) — адабиётшунос, адабий танқидчи. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1968), филол. фанлари д-ри (1967), проф. (1970). Ленинград давлат педагогика ин-тида ўқиган (1926—27), Ўрта Осиё Режалаштириш-иқтисод ин-тини тугатган (1932). Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида илмий ходим, директор ўринбосари, бўлим бошлиғи, проф.-маслаҳатчи (1934—97). Шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи (1934—35; 1944—45), Тошкент кечки педагогика ин-ти (1939—42) ҳамда Ўрта Осиё давлат ун-тида дарс берган (1948—51; 1956—59). Ё.нинг адабий-танқидчилик фаолияти 30-й. лардан бошланган. «Ҳамид Олимжоннинг ижодий йўли» (1936), «Заҳириддин Муҳаммад Бобур. (1940), «А. Қаҳҳор новеллалари» (1946), «Ғафур Ғулом». (1959), «Ойбек» (1959), «Адибнинг маҳорати» (1966) каби мақола ва монографиялари ўзбек мумтоз ва замонавий

адабиётининг муҳим масалаларига бағишланган. Мактаблар учун адабиёт дарсликлари, хрестоматия ва ўқув дастурларини тузиш ва нашр эттиришда фаол қатнашган. Ё.нинг бевосита илмий раҳбарлиги ва иштирокида ҳоз. замон ўзбек адабиёти тарихига оид 2 жилдли (1961—62) ва русча нашри — 1 жилдли (М., 1967) очерклар тўпламлари ҳамда ҳоз. ўзбек адабиётининг кўп жилдли тарихлари нашр этилган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1970).

Ас.: Боявийлик ва маҳорат, Т., 1966; Сайланма, 1—2-ж., Т., 1983—84; Чўлпон ва Навоий, Т., 1998.

Ад.: Имомов Б., Ҳомил Ёқубов [Адабий портрет], Т., 1978.

ЁҚУБОВА Гулсара (1937.15.4, Урганч) — Ўзбекистон халқ артисти (1999). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1963). Болаликдан хоразм лапар, қўшиқ ва рақсларини ижро этиб, турли кўрик-танловларда, шу жумладан 6- Жаҳон ёшлари фестивалида қатнашган (1957, Москва). Ўзбек давлат филармонияси қошидаги Хоразм ашула ва рақс ансамблининг яккахон хонандаси (1957—59), Муқимий театрида хор хонандаси ва актриса (1959—68), *«Лазги»* ансамблида яккахон хонанда (1968-й.дан) ва унинг директори (1994 й.дан). Саҳнада Саломат («Тошболта ошиқ»), Жонсулув («Жон қизлар»), Шакарой («Ишқинг билан») каби ролларни ижро этган. Концерт репертуаридан асосан хоразм лапар ва қўшиқлари, шунингдек, ўзбек бастакорлари асарлари ўрин олган: «Бобойжоним» (А. Отажонов), «Ёшлар вальси», «Милиционер ёрим бор», «Далалар сўлим-сўлим» (М. Мирзаев), «Хива дилбари» (М. Юсупов), «Омономона гелдик» (Р. Қурбонов) ва б.



Гулсара Ёқубова Арка момо ролида («Арка момонинг ният китоби» мусиқий томошаси).

ЁҚУБОВА Марям (1931.12.5, Урганч) — Халқ ўқитувчиси (1986). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1978). Ўзбекистон халқ таълими аълочиси (1958). Хоразм пед. ин-тининг физика-мат. ф-тини тугатган (1952). 1952 й.дан Урганч ш.даги 1-мактабда физика-мат. ўқитувчиси, 1958—62 й.ларда Урганч ш. халқ таълими бўлими мудири, 1962—92 й.ларда Урганч ш.даги 94-интернат мактаб директори. Ё. раҳбарлик қилган интернат мактаб бу даврда республикадаги намунавий таълим-тарбия масканларидан бирига айланди.

ЁҚУБОВА Марям (1909.19.10, Бухоро — 1987.2.2, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (1955). Москва кино мактабини тугатган (1928). 1929—32 й.ларда Ҳамза театри қошидаги ишчи-сайёр театрида, 1935—38 й.ларда Ўзбек давлат мусиқали драма театрида, 1939—41 й.ларда Муқимий театрида, 1941—66 й.ларда Ҳамза театрида актриса. Мусиқавий иқтидорга эга бўлган актриса драматик ролларнинг моҳир ижрочиси, ҳажвий ва салбий роллар усталари сифатида танилган. Яратган образлари ёркин, маънодор ва маиший бўёқларга бойлиги б-н ажралиб туради. Энг яхши роллари: Рўзвон («Гулсара»), Жаҳон хола, Зебо («Аршин мол олон»), Майсара («Майсаранинг иши»), графиня Диана («Ит пичан емайди, ўзгага ҳам бермайди»), Кирополича Изабелла («Қўзибулоқ қишлоғи»), Огудалова, Феклуша («Сепсиз қиз», «Момақалдироқ»), Султонбегим («Жалолиддин»), Хонзода («Бой ила хизматчи»), Гертруда («Ҳамлет»), Мастура сатанг («Холисхон»), Войницкая («Ваня тоға») ва б. Ё. кинода ҳам серҳосил ижод қилиб, ўзбек миллий киноси равнақига ўз ҳиссасини қўшди. Хонзода («Бой ила хизматчи»), судья («Опа-сингил Раҳмоновалар»), Ойпошша («Маҳаллада дув-дув гап»), Ўзбекойим («Ўтган кунлар») кабилар шулар жумласидан. Телеспектакллар ва Ўзбекистон радиосининг болалар учун эшиттиришларида фаол иштирок этган.



Марям Ёқубова Мастура сатанг ролида («Холисхон»).

ЁҚУТ — минерал, таркибида оз миқдорда (2% гача) хром ионлари ($Cr3+$) бўлган *корунд* (Al_2O_3)нинг қизил рангли тури. Ранги оч пуштидан тўқ қизилгача. Биринчи тоифали қимматбаҳо тошлар туркумига мансуб. Шим. Мьянманинг Ё. конлари қадимдан маълум бўлиб, Ўрта Осиё ва Европага ҳам шу ердан келтирилган. Бадахшондаги Ё. кони жуда машҳур бўлган. 18-а.да Ўрта ва Жан. Уралдаги сочмаларда ҳам топилган. Энг катта конлари Мьянма, Таиланд, Шри Ланка да. Ё.нинг йирик шаффоф хиллари сунъий йўл б-н олинади. Сунъий Ё. соат механизмлари, квант электроникаси ҳамда заргарликда ишлатилади.

ЁҚУТ ҲАМАВИЙ (тўлиқ насаби Ёқут Абу Абдуллоҳ Шаҳобиддин Ёқуб ибн Абдуллоҳ ар-Румий ал-Ҳамавий) (1179, Кичик Осиё — 1229.20.8, Ҳалаб) — машҳур сайёҳ, географ, адиб, тарихчи. Болалик чоғида асир олинган. Уни бағдодлик савдогар Асқар ал-Ҳамавий Суриянинг Ҳама (Ҳамот) ш.да сотиб олган ва қулларга хос исм-лардан Ёқут исмини бериб, Ҳамавий нисбаси б-н атаган. Ё. Ҳ. савод чиқаргач, хўжасининг тижорат ишларини тартибга солиб турган. Кейинроқ савдо ишлари б-н хўжасига ҳамроҳлик қилиб кўп мамлакатларни кезган. 20 ёшида қулликдан озод қилингач, Бағдод ш.га бориб, илм ўрганишни давом эттирган. *Хоразмшоҳлар*га маслакдош бўлган. 13-а. бошида Хуросоннинг Марв ш.да яшаган. 1213 й. сафарга чиқиб, 16 йил давомида Сурия, Фаластин, Миср, Арабистон я. о. жануби, Ироқ, Эрон, ҳоз. Афғонистон, Мовароуннаҳрда бўлиб, геогр., тарих, филол., этн.га оид маълумотлар тўплади. Манбалардан Ё. Ҳ.нинг қарийб ўнта асарининг номи маълум. Шулардан 1224 й. ёзиб тугатган 14 жилдли топонимик асари «Муъжам ул-булдон» («Мамлакатлар луғати»)да Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқларига оид маълумотлар ҳам бор. 7 жилдли «Муъжам ул-удабо» («Адиблар луғати») биографик асарида 7—13-а. бошигача яшаган ва араб тилида ижод қилган қарийб 1100 адиб ва олимлар ҳақида маълумот жамлаган. Асарда, жумладан, Ўрта Осиёнинг Хоразм, Бухоро, Марв, Ахсикат, Самарқанд, Фарғона, Фороб каби шаҳар ва вилоятларидан чиққан олимлар (Абулвафо Муҳаммад Ахсикатий, Абу Рашод Аҳмад Ахсикатий, Абу Наср Форобий, Мансур-аш-Шоший, Абулҳасан Ўзгандий ва б.)нинг номи зикр қилинган. «Муъжам ул-удабо»да муаллиф бухоролик *Иффиқий* ижодидан баҳраманд бўлганлигини таъкидлаган. Бу икки йирик асар қўлёзмаси бизгача етиб келган, улар Европа ва Яқин Шарқ мамлакатлари кутубхоналарида сақланмоқда. Ё. Ҳ. асарлари 13-а.гача бўлган давр геогр.си, адабиёти, тили, тарихини ўрганишда муҳим манба саналади.

Ад.: Крачковский И. Ю.., Изб. Соч., 4 т., М.—Л., 1957, С. 330—42; Ҳикматуллаев Ҳ., Шоисломов Ш., Ёқут Ҳамавий (Ҳаёти, ижоди ва саёҳати), Т., 1965; Сб. материалы из истории Средней и Центральной Азии X—XIX вв., Т., 1988.

ЁF, мой — органик моддалар; глицерин б-н бир асосли ёғ кислоталар (триглицеридлар)нинг тўлиқ мураккаб эфирлари; *липидлар* синфига мансуб. Углеводлар ва оқсиллар б-н бир қаторда Ё. — ҳайвон, ўсимлик ва микроорганизмлар ҳужайрасининг асосий таркибий қисмларидан бири. Умумий формуласи:

$$\begin{array}{l} CH_2{-}O{-}CO{-}R' \\ | \\ CH{-}O{-}CO{-}R'' \\ | \\ CH_2{-}O{-}CO{-}R''' \end{array}$$

бу ерда R′, R″ ва R‴ — ёғ кислоталарнинг радикаллари. Булар бир хил ёки турли ёғ кислоталарнинг радикаллари бўлиши мумкин. Ё. молекуласида тўйинган ёғ кислоталардан стеарин ва пальмитин кислоталар кўпроқ, тўйинмаган ёғ кислоталардан олеин, линол ва линолен кислоталар учрайди. Ё.нинг физик-кимёвий ва кимёвий хоссалари таркибидаги тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталар нисбатига боғлиқ.

Ё. сувда эримайди, органик эритувчиларда яхши эрийди, спиртда оз эрийди. Ўта қизиган буғ, минерал кислоталар ёки ишқор таъсир эттирилганда гидролизланиб (совунланиб), глицерин ва ёғ кислоталар ёки уларнинг тузлари (совунлар)ни ҳосил қилади. Сув қўшиб қаттиқ чайқатилганда эмульсиялар вужудга келади. Ё.нинг барқарор эмульсиясига сут мисол бўла олади.

Табиий Ё. ҳайвонларнинг ёғ тўқималаридан олинадиган Ё.лар (қорамол, қўй, сут, балиқ ва б. ёғи) ва ўсимлик мойларига бўлинади. Уй ҳайвонларининг ёғ тўқималаридан олинадиган Ё.ларнинг таркиби ва хоссалари жадвалда келтирилган.

Таркибида тўйинган ёғ кислоталар кўпроқ бўлса — қаттиқ Ё., суюқланиш т-раси юқори (мас., мол, қўй ёғи), тўйинмаган ёғ кислоталар кўпроқ бўлса — суюқ Ё. бўлади (мас., денгиз-ларда яшайдиган сут эмизувчилар ва балиқлардан олинадиган Ё.). Сут ёғи алоҳида ўринда туради (сариёғда 81—82,5% гача, сигир сутида 2,7—5,0%, эчки сутида 5—5,5%, қўй сутида 6,9%, буғу сутида 17%, дельфин сутида 46% гача сут ёғи бор). Сут ёғида 32% гача олеин, 24% пальмитин, 10% миристин, 9% стеарин ва б. кислоталар бор. Ҳайвонларнинг ёғ тўқималаридан олинадиган Ё.да триглицеридлардан ташқари шикастдан сақлайди. Ҳайвон ва одам организмида Ё.нинг ҳазм бўлиши (ўзгариши) ва қайта синтезланиши (ресинтез) Ё. алмашинуви деб аталади. Ё. оғиз бўшлиғида ўзгармайди, чунки унда Ё.ни парчаловчи ферментлар йўқ. Ё. меъдада парчалана бошлайди, лекин бу жараён секин боради, чунки меъда ширасидаги *липаза* фақат эмульсияланган Ё.га таъсир эта олади, ҳолбуки меъдада Ё. эмульсиялана олмайди. Эмульсияланган сутни онасидан оладиган *ғўдак* болалардагина меъдада 5% гача Ё. парчаланиши мумкин. Ё. ичакда ўт кислоталарнинг тузлари б-н эмульсия ҳолига келгандагина липаза таъсирида моноглицеридларгача ва қисман глицерин ҳамда Ё. кислоталаргача парчаланади. Ўт кислоталар ичак липазасини фаоллаштиради ва Ё.ларни эмульсия ҳолига келтиради, эркин Ё. кислоталарнинг сўрилишига ёрдам беради. Ингичка ичак шиллиқ пардасидан сўрилган Ё. кислоталардан шу организмга хос Ё. ва липидлар қайта синтезланади, қисман ўзи ҳам қонга сўрилади. Янгидан синтезланган триглицеридлар, шунингдек, парчаланмай сўрилган триглицеридлар ва эркин ёғ кислоталар ичак деворидан лимфа системасига, шунингдек, қопқа вена системасига ўтиши мумкин. Лимфа системасига кўкрак лимфа йўли орқали триглицеридлар умумий қон айланиш доирасига оз-оздан қўшилиб, организмнинг Ё. деполари (тери ости, чарви, буйрак атрофи)да тўпланади. Қопқа вена системасига кирган триглицеридлар ва ёғ кислоталарнинг кўпчилиги эса жигарда ушланиб қолиб, янада ўзгаради. Тўқималардаги оралиқ алмашинув жараёнида Ё. тўқималардаги липазалар таъсирида глицерин ва Ё. кислоталаргача парчаланади, булар эса янада оксидланиб, кўплаб энергия ажралиб чиқади, ана шу энергия аденозинтрифосфат кислота шаклида йиғилади. Глицерин оксидланганда сирка кислота ҳосил бўлади, бу кислота эса ацетил-КоА шаклида трикарбон кислоталар циклига қўшилади. Шу босқичда Ё.лар алмашинуви оқсил ва углеводлар алмашинуви б-н тўқнашади. Одам ва ҳайвон тўқималарида юқори Ё. кислоталар карнитин б-н реакцияга киришади, бунинг ҳосилалари эса митохондриялар мембранасидан ўтиб кета олади. Митохондриялар ичида Ё. кислоталар кетма-кет оксидланиб, қўш углеродли фаол компонент — ацетил-КоА ни юзага чиқаради. Бу модда эса трикарбон кислоталар циклига қўшилади ёки бошқа биосинтез реакцияларида сарфланади. Ё.лар алмашинувини нерв системаси, гипофиз, буйрак усти безлари ва жинсий безларнинг гормонлари назорат қилиб туради.

Ўсимликларда Ё. углеводлардан ҳосил бўлади. Бу жараён пишаётган уруғ ва меваларда тезроқ боради. Уруғ унаётганда тескариси бўлади: Ё.лар липазалар таъсирида глицерин ва ёғ кислоталарга парчаланади, булардан эса углеводлар ҳосил бўлади.

Уй ҳайвонларининг ёғ тўқималаридан олинадиган ёғларнинг таркиби ва хоссалари

Кўрсаткич	Мол ёғи	Қўй ёғи	От ёғи	Сут ёғи
Кислоталар миқдори % ҳисобида				
Тўйинган кислоталар:				
лаурин $C_{12}P_{24}O_2$	—	0,1	0,4	3,7—4,7
миристин $C_{14}H_{28}O_2$	3,0—3,3	3,0	1,1—1,9	9,0—10,1
пальмитин $C_{16}H_{32}O_2$	24,0—29,2	23,6	25,9—27,3	25,3—31,7
стеарин $C_{18}H_{36}O_2$	21,0—24,9	31,7	1,7—5,3	8,3—12,7
арахин $C_{20}H_{40}O_2$	0,4	—	—	0,4—1,2
Тўйинмаган кислоталар:				
тетрадецен $C_{14}H_{26}O_2$	0,4—0,6	0,2	0,8—1,4	0,6—1,6
гексадецен $C_{16}H_{30}O_2$	2,4—2,7	1,3	7,2—10,5	2,0—2,7
олеин $C_{18}H_{34}O_2$	41,1—41,8	35,4	41,5—49,5	26,6—28,5
линол $C_{18}H_{32}O_2$	1,8	3,9	5,5—7,5	2,5—4,0
линолен $C_{18}H_{30}O_2$	0,4	—	—	1,0—1,6
арахидон $C_{20}H_{32}O_2$	0,2	0,8	—	0,2—1,6
15°С даги зичлиги, кг/м³	937—953	937—961	916—922	936—944
Суюқланиш т-раси, °С	42—52	44—55	29—39	28—38
Қотиш т-раси, °С	34—38	34—45	20—34	15—25
Йод сони	32—47	35—46	71—86,3	21—47
Калориялиги, ж/кг (ккал/100 г)	$3980 \cdot 10^4$(950,5)	$3956 \cdot 10^4$(944,9)	—	—
Ўзлаштирилиши, %	80—94	80—90	83—90	96—98

Ё. аввало, озиқ-овқат сифатида кўп ишлатилади. Денгиз сут эмизувчилари ва балиқларнинг ёғ тўқималаридан овқатбоп, тиббиёт, ветеринария ва техникада ишлатиладиган Ё. тайёрланади. Мўйловдор китларнинг ёғ тўқималаридан олинган Ё.ни гидрогенлаб (қ. *Ёғларни гидрогенлаш*), маргарин тайёрланади. Тиббиётда ишлатиладиган А. витаминли Ё. треска балиқларининг жигаридан олинади. Ветеринарияда ишлатиладиган Ё. денгиз сут эмизувчилари б-н балиқлар тўқимаси ва жигарининг ёғидан тайёрланиб, қ. х. ҳайвонларига ҳамда парандаларга берилади. Техникада ишлатиладиган балиқ ёғи асосан, турли чиқиндилар (балиқ боши, суяклари, ичак-чавоғи, сузгич қанотлари)дан хашаки ун ишлаб чиқаришда олинади ва терини ишлаш, ювувчи моддалар, крем ва б. тайёрлашга кетади.

Пазандачиликда Ё.ни ишлатишдан олдин ўта кучли оловда оқ тутун чиққунча қорланади. Доғлаш охирида қозондаги Ё.га йирик туз ва бирон бир сабзавот, кўпинча арчилган бутун пиёз ташланади. Бу ҳол Ё.ни тотли қилиш б-н бирга унинг ҳазм бўлишини осонлаштиради. Пахта Ё.и яхши доғланса, унинг таркибидаги *госсипол* безарар ҳолга келади. Ёғни қаттиқ қиздириб доғлаш технологиясининг келиб чиқишига қадимдан ўзбек пазандачилигида доғланиши қийин бўлган зиғир Ё.и, кунжут мойи, қўй ёғи, эндиликда эса кўпроқ пахта мойидан фойдаланиш сабаб бўлган. Сариёғ, кунгабоқар, зайтун мойи бир оз қизитилгандаёқ доғ бўлади. Ё. доғлашни халқда «Ё.ни чучитиш» деб юритилади. Доғлаш муддати ёғнинг миқдорига боғлиқ. 1 кг ёғни 30—35 мин., 3—5 кг ёғни эса 60—70 мин. давомида чучитилади.

Йўлдошхон Қодиров, Ҳожиакбар Муслимов.

ЁҒ БЕЗЛАРИ — қушлар, сут эмизувчи ҳайвонлар ва одамлар терисининг ёғ чиқарадиган безлари. Оддий альвеоляр безларга киради, ёғ чиқариш йўллари соч (жун) халталарига очилади. Кунига қарийб 20 г ёғ чиқаради. Ёғ безларининг маҳсули (тери ёғи) терини юпқа қатлам каби қоплаб, уни қуриб қолишдан сақлайди. Қўл-оёқ кафтида Ё. б. йўқ. Балоғатга (вояга) етиш даврида Ё. б. зўр бериб ишлайди. Одамда Ё. б. касалликларидан *атерома* ва *ҳуснбузар* кўпроқ учрайди.

ЁҒ БОСИШ, семириб кетиш — организм тўқималарида, асосан тери остидаги ёғ клетчаткасида, шунингдек, қорин бўшлиғида ортиқча ёғ (кўпроқ чарви) йиғилиши. Гавда вазнининг анча ортганлиги организмда сув тўпланишига алоқадор бўлмаса, деярли ҳамиша Ё. б.дан дарак беради. Ё. б.да кўпинча организмга зўр келади: юрак иши, қон айланиши қийинлашади, киши ҳаллослайди, тез чарчайди, иш қобилияти ва инфекцион касалликларга чидамлилиги камаяди, атеросклероз ва б. баъзи касалликлар пайдо бўлишига имкон туғилади. Бунда киши организми эҳтиёжи (сарф қиладиган энергияси)га нисбатан ортиқ овқатни ўзлаштиради. Аммо кўп кишилар кўп овқат ейиш б-н бирга, уларда энергия ҳам кўп сарфланади, моддалар алмашинуви кучли бўлади, уларни ёғ босмайди. Моддалар алмашинуви сусайганда ҳам ёғ босиши мумкин. Овқат кўп ейилганда Ё. б. ички секреция безлари б-н нерв системасининг ҳолатига анча боғлиқ. Ё. б. моддалар алмашинуви бузилишидан келиб чиқадиган турли касалликлар (подагра, диабет ва ҳ. к.) б-н бирга, жинсий безлар фаолияти сусайган даврда кўпроқ кузатилади. Ҳар қандай жисмоний иш энергия сарфини оширади ва моддалар алмашинувини кучайтиради.

Ё. б.нинг олдини олиш учун бадан тарбия б-н шуғулланиш, пиёда юриш, жисмоний иш қилиш, айни вақтда овқатни камроқ (тўймасдан) ейиш керак. Осон ҳазм бўладиган углеводлар (оқнон, хамир овқатлар, картошка, қандшакар, асал, мураббо ва ш. к.) айниқса кам истеъмол қилиниши лозим. Сувса кам истеъмол қилиниши лозим. Сувни ҳам камроқ ичиш, спиртли ичимликларни мутлақо ичмаслик зарур. Ҳадан ташқари семириб кетган кишиларга *парҳез овқатлар* буюрилади. Асосан сабзавот, ошкўк, шираси кам мевалар истеъмол қилинади. Бемор врач назорати остида даволанади. 7—9 кунда бир кун нуқул олма (1500 г) ейилади ёки бир фақат сут (5 стакан) ичилади, ёки бир кун 3 маҳал ширгуруч ва 800—1000 г олма ейилади, ёки шираси кам мева б-н сабзавот (1500 г) 4—5 маҳал истеъмол қилинади. Ё. б.га даво қилишда даволаш бадан тарбияси ва физиотерапия тадбирлари (сув, массаж)нинг аҳамияти катта.

ЁҒ ОЛИШ УСУЛЛАРИ — чигит, лобия, соя, зиғир, кунжут, ёнғоқ, кунгабоқар, зайтун, махсар ва б. мағзидан ёғ олиш. Саноатда, асосан, пресслаш (эзиш) ва *экстракция* (сиқиш) усулидан фойдаланилади. Илгари ёғ фақат *жувоз*да, кейинчалик саноатда оддий гидравлик прессларда олинган. Ёғ з-длари экстракция батареялари ва узлуксиз ишлайдиган автомат шнекли пресслар б-н жиҳозланган. Мағздан ёғ икки босқичда олинади. Биринчи босқич — мағзни пресслаш ёки экстракцияга тайёрлаш. Бунда мағз турли аралашмалардан (чигит эса майда тукларидан ҳам), қобиғидан ажратилади ва махсус жўвалаш (вальцовка) станогида эзилади. Иккинчи босқич — пресслаш ёки экстракциялаш.

Пресслаш усулида эзилган мағз буғли иситкичдан ўтказилиб, шнекли прессларда эзилади. Прессдан чиққан кунжарада 4% дан 5% гача ёғ қолади. Мағздан ажралган ёғ фильтрдан ўтказилади. Айрим з-дларда ёғ олдин эзилган мағзни махсус аппарат—форчанда қиздириб, шнекли прессда сиқиб олинади.

Экстракция усулида ёғ шнекли прессдан чиққан массадан экстракторларда эритувчи (бензин ёки дихлорэтан) таъсир эттириб олинади. Экстракцияланган ёғ дистилланади ва тозаланади. Пресслаб олинган ёғ озиқ-овқат саноатида, экстракциялаб олингани техникада ишлатилади.

«ЁДУ» — киностудия. 1994 й. ташкил топган. Ташкилотчиси ва бадиий раҳбари — Исамат Эргашев. «Тилла бола», (1995, реж. И. Эргашев), «Чапани Раж Капургинам» (1998, реж. Д. Абдуллаев) каби фильмлар суратга олинган.

ЁҒИН РАДИОАКТИВЛИГИ — қ. *Ёғинлар.*

ЁҒИН ЎЛЧАГИЧ — атмосфера ёғинлари (ёмғир, қор, дўл) миқдорини ўлчаш учун мўлжалланган асбоб. Энг кенг тарқалган хили (В. Д. Третьяков Ё. ў.и) ёғин йиғиладиган челаксимон идиш (ёғин тушадиган юза 200 $см^2$, баландлиги 40 см) ва махсус ҳимоя қурилмаси (челак атрофига маҳкамланган пластиналар)дан иборат. Ё. ў. ердан тахм. 2 м баландликда идиш юзаси қатъий горизонтал турадиган қилиб ўрнатилади. Ёғин миқдори ўлчов стакани ёрдамида ўлчанади. Ўлчов бирлиги — мм. Қаттиқ ёғинлар — қор, дўл эриб сувга айланганидан сўнг ўлчанади.

ЁҒИНЛАР — 1) атмосфера (булутлар ёки ҳаво)дан Ер (ёки сув) юзига тушадиган суюқ ёки қаттиқ ҳолатдаги сув. Ё. булутлардан ёмғир, қор, дўл ва муз зарралари кўринишида, ҳаво қатламидан шудринг ҳамда қиров шаклида тушади.

Ёғин миқдори тушган Ё.нинг ҳолатидаги қатлами қалинлигини (мм) ўлчаб аниқланади. Ё. жадаллиги маълум вақт (сутка, соат ва б.) ичида тушган Ё. миқдори б-н белгиланади. Ё. миқдори метеорология ст-яларида махсус асбоблар — ёғин ўлчагичлар, плювиографлар ёрдамида, қор қопламининг қалинлиги махсус ўлчаш рейкаси б-н; зичлиги зичлик ўлчагич б-н ўлчанади. Ҳар бир жой бир кунлик, ўн кунлик, ойлик, йиллик ва ўртача кўп йиллик Ё. миқдори — Ё. йиғиндиси ҳисобланиб чиқилади. Жойнинг географик кенглигига, денгиз ва океанлардан узоқ-яқинлигига, шамол йўналишига ва жойнинг рельефига қараб, ер юзининг турли жойларида Ё. миқдори ҳар хил бўлади. Тропикларда йилига 1000 мм дан ортиқ, ҳатто 12000 мм гача (мас., Ҳиндистонда), мўътадил кенгликларда 250 мм дан 1000 мм гача, чўллар ва юқори кенгликларда 250 мм дан кам (мас., Мисрда) Ё. тушади. Умуман Ер юзига тушадиган бир йиллик Ё. миқдори ўрта ҳисобда 1000 мм (50 минг $км^3$ дан кўпроқ сув)ни ташкил этади. Ўзбекистон ҳудудида йиллик ёғин миқдори 80—90 мм дан 1000 мм гача етади. Ё. тарқибида сувдан ташқари чанг зарралари, микроорганизмлар, шунингдек, радиоактив элементларнинг парчаланишидан ҳосил бўладиган маҳсулотлар ҳам бўлади. Ё. радиоактивлиги ўрта ҳисобда ҳар бир грамм ёғин 10^{-11} — 10^{-12} кюри. Момақалдироқ пайтида ёғаётган Ё.нинг радиоактивлиги бошқа вақтдаги Ё.никига нисбатан кўпроқ бўлади; 2) сунъий Ё. — ўта совиган булутларга махсус кимёвий модда (реагент)лар таъсир эттириб, сунъий муз кристаллари ҳосил қилиш натижасида улардан тушадиган Ё. Кимёвий моддалар булутларга самолётлардан ёки ерлардаги махсус қурилмалар ёрдамида сода чилади. Бу усул ёғингарчилик жуда кам бўлган минтақаларда қўлланилади.

ЁҒЛАРНИ ГИДРОГЕНЛАШ — глицерин ва тўйинмаган ёғ кислоталарнинг мураккаб эфирларига катализ йўли б-н водород бириктириш. Ё. г. усулини рус олимлари Норман ва С. А. Фокинлар 1902—1903 й.ларда таклиф этишган. Биринчи марта 1908 й.да Россияда саноатда қўлланилган. Қотирилган ёғлар (саломас) олиш учун денгиз ҳайвонлари ва балиқларнинг суюқ ёғлари ва моддалардан холи қилиш. Уруғ мураккаб коллоид система бўлиб, ўсимликнинг тури, агротехника усули ва сақлаш шароитларига қараб унинг таркибида триглицеридлардан ташқари эркин ҳолдаги ёғ кислоталари, фосфолипидлар, оқсиллар, карбон сувлар, ҳар хил ранг ҳамда ҳид берувчи моддалар бўлади. Ёғ олиш жараёнида юқорида қайд этилган моддалар ҳам ёғ б-н бирга чиқади. Овқатга ишлатиладиган ёғлар триглицерид бўлмаган аралашмалардан тозаланиши — рафинация қилиниши шарт. Аралашмаларнинг таркиби ва хусусияти ҳамда ёғнинг қайси мақсадда ишлатилишига қараб рафинация жараёни кўп босқичли бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда рафинация ёғларни сув б-н ишлаб (гидратация) фосфолипид — оқсил-карбон сувлар комплексини ажратиб олишдан бошланади. Ёғларни эркин ҳолдаги ёғ кислоталари ва б. йўлакай аралашмалардан тозалаш учун, мас., пахта ёғини ишқор (NaOH) эритмаси б-н ишланади. Ҳосил бўлган совунли эритма (соапсток) тиндириш ва сузиш йўли б-н ёғдан ажратиб олинади. Сўнгра ёғ ош тузи эритмаси ва сув б-н ювилади, қуритилади. Бунда у эркин ёғ кислоталари, қисман ранг ва ҳид берувчи моддалардан тозаланади. Айрим ҳолларда, мас., паст навли пахта чигити ёғини оқартириш, яъни ранг берувчи госсипол ва йўлакай моддалардан тозалаш учун турли адсорбентлардан фойдаланилади. Ёғлардаги қўланса ҳидни йўқотиш (дезодарация) учун ёғ 160—200° гача қиздирилиб, вакуумда 220—240° ли сув буғи б-н ишланади. Тозаланган ёғ озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашда, чиқиндиларни эса совун, сирт фаол моддалар, дори-дармонлар, фосфолипидлар ва б. олишга ишлатилади.

ЁҒЛИҚҚОРА (Leptaleum filifolium) — карамдошлар (крестдошлар) оиласига мансуб бир йиллик ўт, эфемер ўсимлик, бўйи 5—20 см. Пояси сершох, майда туклар б-н қопланган. Барги энсиз, қалами ёки патсимон қирқилган. Гули пушти, тожбарги 1 см. Қўзоғи қалами, ўткир учли, уз. 1—4 см. Уруғи қўзоқда 2 қатор жойлашган. Март—майда гуллаб мевалайди. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларидаги чўл ва адирларда, тоғ ён бағирларида кўп ўсади. Эрта баҳорда моллар учун яхши озуқа бўлади.

ЁҒЛОҒИ — сув идиш; тунука ёки мисдан чўмичга ўхшатиб ишланади; дастали, тайпоқ шаклда бўлади. Сув олиш, сув кўтариш, идишдан идишга суюқлик қуйиш каби юмушларда фойдаланилади. Унда ёғ ҳам қиздириш мумкин (номи шундан).

ЁҒ-МОЙ САНОАТИ — озиқ-овқат саноатининг ўсимлик мойи и. ч., ёғларни тозалаш, гидрогенлаш, дезодорациялаш, глицерин, маргарин, майонез, хўжалик совунлари, синтетик мой кислоталари асосида кир ювиш воситалари, алифлар ва б. маҳсулотлар тайёрлашни ўз ичига оладиган тармоғи. Ўзбекистонда Ё.-м.с. озиқ-овқат саноатининг етакчи тармоқларидан ҳисоб-

ланади. Мамлакатда ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат саноати умумий маҳсулоти ҳажмининг 40% га яқинини беради. ЎзРда Ё.-м. с. ривожланиши пахта етиштиришнинг ўсиши б-н боғлиқ бўлгани сабабли ёғ-мой корхоналари хом ашёга яқин ерларга қурилган ва республиканинг ҳамма вилоятларида (Навоий вилоятидан ташқари) мавжуд. Ўзбекистоннинг замонавий Ё.-м. с.да йилига 3,5 млн. тонна чигит ва б. мойли ўсимликлар уруғларини қайта ишлаш қувватига эга бўлган 21 корхона ишлайди (2001). Корхоналар «Ёғмойтамаксаноат» уюшмаси таркибига киради, тармоқдаги энг йирик корхоналар: «Янгийўл ёғ-мой», «Каттақўрғон ёғ-мой», «Бухоро ёғ-экстракция», «Қарши ёғ-экстракция», «Қўқон ёғ-мой», «Фарғона ёғ-мой», «Андижон ёғ-мой», «Асака экстракция», «Учқўрғон ёғ-экстракция», «Наманган ёғ-экстракция», «Тошмаргёғ» (Тошкент ш.), «Сурхонозиқ-овқатсаноат» (Денов ш.), «Гулистон ёғ-экстракция», «Когон ёғ-экстракция», «Урганч ёғ-мой», «Косон ёғ-экстракция», «Хўжайлимой», «Ёғгар» (Қорақалпоғистон Республикаси Беруний ш.), «Чимбоймой» акциядорлик жамиятлари. Корхоналарда жами 227 минг т ўсимлик мойи ишлаб чиқарилди (2000).

Ўрта Осиёда жуда қадимдан турли ўсимликлар, мойли экинлар уруғларидан ёғ олиш б-н шуғулланиб келинган. Ёғ асосан *жувоз*ларда олинган. Хом ашё сифатида пахта чигити, кунжут, зиғир, маҳсар, ер ёнғоқ, данаклар ва б.дан фойдаланилган. Туркистон ўлкасида т. й. қурилиши ва ташқи бозорлар б-н алоқанинг яхшиланиши натижасида Ё.-м. с. ҳам ривожланди. Ўзбекистонда пахта чигитидан мой олувчи гидравлик прессли биринчи з-д 1884 й.да Қўқонда ишга туширилган, 1896 й.да Каттақўрғон ш.да (Самарқанд вилояти) ёғ з-ди қурилди. 1913—14 й.ларда 30 та ёғ з-ди бўлиб, 57 минг т ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилган. Октябрь тўнтаришидан кейин Шўролар ҳукумати барча саноат корхоналари каби, ёғ з-дларини ҳам национализация қилиши натижасида з-длар фаолияти тўхтаб қолган. 1922 й. бор-йўғи 2 та ёғ з-ди ишлаб турган. Ўзбекистонда пахта майдонларининг кенгайиши ва пахта етиштиришнинг кўпайиб бориши б-н боғлиқ ҳолда 30-й.лардан бошлаб Ё.-м. с. сезиларли тараққий этди, 1929—33 й.ларда 1612 минг т чигит қайта ишланди ва 247,3 минг т ўсимлик ёғи тайёрланди. 1971—75 й.ларда 11 млн. т га яқин чигит қайта ишланиб 1549,6 минг т ўсимлик мойи тайёрланди. 1930-й.ларда ҳозирги қувва-

ва Каттақўрғон ёғ-мой к-тлари, 1980 й.да қуввати 1200 т/сутка чигит бўлган Косон ва Гулистон ёғ-экстракция з-длари қурилиб, ишга туширилди.

Ё.-м. с. тараққий этиши натижасида янги хил маҳсулотлар ҳам тайёрлана бошлади. Аввал фақат тозаланмаган (қора) пахта ёғи тайёрланган бўлса, кейинчалик ёғни тозалаш йўлга қўйилди ва олий навли тозаланган ёғ ишлаб чиқарилди, озиқ-овқат учун ва техникада ишлатиладиган саломас, глицерин, мой кислоталари, маргарин, майонез, совунлар, синтетик кир ювиш воситалари, турли локлар, бўёқ моддалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Ё.-м. с. чиқиндиларсиз ишлаш схемасида ишлайди. Ўсимлик мойи пресслаш ва экстракция йўли б-н олиниб, кетма-кет тозаланади ва дезодорацияланади. Айрим корхоналарда кейинги йилларда кунгабоқар пистаси ва маҳсар уруғларидан ёғ и. ч. йўлга қўйилди. И. ч. қувватларидан тўлиқ фойдаланиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини кўпайтириш мақсадида импорт бўйича соя дуккаги олинмоқда. Уларни қайта ишлашдан чиққан соя шротлари чорва моллари ва паррандалар учун тўйимли озуқа ҳисобланади. Истеъмол мойларининг қимматли турларини и. ч.да консерва з-дларининг чиқиндилари бўлган мева-сабзавот ва полиз экинларининг данак ва уруғларидан фойдаланилади. Ишлаб чиқарилаётган ўсимлик мойи турлари кўпайтирилмоқда. «Қўқон ёғ-мой» акциядорлик жамиятида мева-сабзавот данакларидан, шу жумладан, шафтоли, ўрик, узум, бодом, тарвуз, қовун, помидор ва б. уруғларидан ишлаб чиқарилаётган ёғ-мой маҳсулотлари атторлик ва озиқ-овқат саноатида катта талаб б-н фойдаланилмоқда.

90-й.ларнинг 2-ярмидан ёғ-мой маҳсулотларини и. ч., қайта ишлаш, истеъмол ва сақлаш учун қулай идишларга қадоқлаш бўйича янги технологиялар кенг миқёсда ўзлаштирилмоқда. Маргарин маҳсулотлари «Ташмаргёғ» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилмоқда (и. ч. йиллик қуввати 22,4 минг т).

Бухоро шаҳрида Ўзбекистон-Исроил «Бух-Тел» майонез ишлаб чиқарадиган замонавий қўшма корхонаси ташкил этилди.

Кирсовун ва атирсовун тармоқдаги 10 та корхонада — Фарғона, Янгийўл, Андижон, Урганч, Каттақўрғон, Керилес ш.даги корхоналарда ишлаб чиқарилади (ялпи йиллик қуввати 103,7 минг т). 1996 й.

сифатли хом ашё б-н таъминлаш учун «Урганчёғ» акциядорлик жамиятида чигит соапстоки асосида ёғ кислоталари (пальмитин ва олеин кислоталари) и. ч. йўлга қўйилди.

Тармоқ корхоналарида технологик жараёнларни автоматлаштириш, хорижий фирмалар ускуналари б-н жиҳозлаш ишлари давом эттирилмоқда. Корхоналарни техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлашда «Крупп», «Скет» (Германия), «Альфа-Лаваль» (Швеция), «Жон Браун», «Карвер», «Краун» (АҚШ), «Моцциони», «Боллистра» (Италия), Польша, Украина, Россия фирмалари б-н ҳамкорлик яхши самара бермоқда. 1996 й.дан бошлаб Ё.-м. с. тармоғига тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари жалб қилинмоқда. Бунинг натижасида тармоқда 9 қўшма корхона ташкил этилди ва фаолият юритмоқда.

Хорижий мамлакатлардан Италия, Германия, Россия, Украина, Франция ва АҚШда Ё.-м. с. ривожланган. Ўз хом ашё базасида ишлайди, асосан кунгабоқар, зайтун ва б. ўсимлик мойлари, маргарин маҳсулотлари, совун ва синтетик ювиш воситалари катта ҳажмларда ишлаб чиқарилади.

Ад.: Бакиров А., Эл чўмичини мой қилаётганлар, Т., 1996; Сотволдиев А., Навқиронлик сари қадам, Т., 2000.

Азамат Жамолов, Нуриддин Мусаев.

ЁҒОҶ — 1) ксилема — сув ва унда эриган тузларни дарахт илдизидан барг ва б. органларга ўтказувчи ёғочланган деворли ҳужайралардан иборат ўсимлик тўқимаси. Ё. массасининг 95% ини ҳужайра қобиғи ташкил этади; қобиқ, асосан, целлюлоза (43—56%) ва лигнин (19—30%) дан иборат. Ё. дарахтсимон ўсимликлар танаси, илдизлари ва шохларининг асосий қисми ҳисобланади. Ўзакли ва пўстлоқ ости қатламли турларга бўлинади. Ўзакли турлари (қарағай, тилоғоч, дуб ва б.) ўзакларини бир-биридан ранги б-н фарқланади ва марказий қисм деб аталади, чекка зонасини эса пўстлоқ ости қатлами деб йилади. Пўстлоқ ости қатламли турлар (заранг, қайин ва б.)нинг марказий қисми четки қисмидан фарқ қилмайди. Ё.нинг физик хоссалари ташқи кўриниши (ранги, ялтираши, текстураси), зичлиги, намлиги, гигроскопиклиги (нам ўтказиши), иссиқлик сиғими ва б. хоссалари б-н ифодаланади; 2) ҳар хил *дарахт* жинсларидан олинадиган қурилиш материали. Ё. олинадиган дарахт жинслари баргли ва игнабаргли жинсларга бўлинади. Баргли

вон ва б., игнабаргли жинсларга қарағай, арча, тилоғоч, кедр, пихта ва б. дарахтлар киради. Ё. дарахтнинг кимёвий ва табиий хусусиятларини ўзида сақлайди. Асосан, дарахт танасидан тайёрланади; дарахтнинг шох-шаббаларидан ҳам фойдаланилади. Ё. думалоқ ғўла, хода, тахта, фанер, тўртбурчак брус, *ёғоч плиталар*, шпал, рейка ва б. кўринишда ишлатилади. Ё. ишлов берилган ва ишлов берилмаган хилларга бўлинади. Дарахтни ағдариб, шохларини бутаб, танасини маълум узунликда (3 м дан 7,5 м гача) қирқиб, пўстлоғини шилиб тайёрланадиган думалоқ ғўла, хода ишлов берилмаган Ё. ҳисобланади. Ё.нинг бошқа турлари (тахта, фанер ва б.) шу думалоқ Ё.ни аралаб, тилиб, йўниб, рандалаб, силлиқлаб олинади. Булар ишлов берилган Ё. ҳисобланади. Ё. қурилишда, мебелсозликда, халқ амалий санъатида (бешикчилик, сандиқчилик, чолғу асбоблари ясаш ва б.), кимё саноатида, кончиликда, энергетика, кўприксозликда, қоплама-пардозлаш материали, целлюлоза, қоғоз, этил спирти ва б. ишлаб чиқаришда хом-ашё, шунингдек, ёқилғи сифатида ишлатилади (қ. *Ёғоч материаллар, Ёғоч пластикалар, Ёғоч плиталар*).

ЁҒОҶ — қад. ўлчов бирлиги; катта масофалардаги йўл узунлигини ўлчашда қўлланилган. Баъзи адабиётларда фарсанг, санг, тош тарзида ҳам учраб туради (фарсанг Ё. б-н, санг эса *тош* б-н бир хил бўлиб, Ё.нинг 2/3 қисмига тенг).

Маълумотларга кўра, 12 минг *қадам* 1 Ё. деб қабул қилинган. Агар бир қадам 0,75 м бўлса, у ҳолда 1 Ё. 9 км га тенг бўлади (1Ё=12000 қадам=9 км). Агар бир қадам 1,5 *қари*, 1 қари 6 *тутам*, 1 тутам 9 см эканлиги инобатга олинса, 1Ё.=12000 қадам=12000·1,5 қари =18000·6 тутам=18000·6·9 см =972000 см =9,72 км. Бу натижа Бобурнинг Самарқанд б-н Бухоро оралиғидаги масофа 25 Ё.га тенг деб берган маълумотига анча яқин келади (Бобурнома, Т., 1990). Лекин кейинчалик мамлакатимизнинг бир неча вилоятларида бир қадамни тахм. 0,71 м га яқин деб қабул қилиб, 1Ё.ни ўртача 8,5 км (аслида 8,52 км) деб қўллашган. Ё.нинг қўлланилган даври ва жойига қараб яна 6 км дан 9 км гача бўлган бошқа қийматлари ҳам баъзи адабиётларда учраб туради. Лекин 0,75 м ли қадам бўйича ҳисоблаб аниқланган 9 км Ё.нинг амалда энг кўп қўлланилган қиймати ҳисобланади.

Ад.: Аҳроров Н., Қадимий ўлчов бирликлари, Т., 1996.

ЁҒОҶ ЗАМБУРУҒЛАРИ — гименомицетлар

га мансуб гуруҳи. Дарахтларнинг ёғоч қисмини, айниқса ўзагини ҳамда турли ёғоч қурилмаларни чиритади. Ё. з.дан ли ёғоч қурилмаларни чиритади. Ё. з.дан чин пўкак (Fomes fomentarius), тангачали пўкак (Polyporus squamosus), дағал тукли пўкак (Inonotus hispidus) Ўзбекистонда кўп (Inonotus hispidus) Ўзбекистонда кўп тарқалган. Ё. з.нинг таналари (мицелий-тарқалган. Ё. з.нинг таналари (мицелийси) дарахтларнинг ўзагида ёки ёғоч қисмида ҳужайралар орасига жойлашиб, дарахт сиртига йирик бўртмалар — меватаналар чиқаради. Ё. з. ўзи ажратадиган турли ферментлар таъсирида ёғоч таркибидаги целлюлоза ва лигнинни глюкозага айлантириб озиқланади. Шу туфайли дарахтларнинг ўзаги чирийди. Ё. з., айниқса уй замбуруғи (Serpula lacrymans) турли ёғоч қурилмалар (уйларнинг поли, шпаллар, ёғоч кўприклар устуни)да ўсиб, уларни чиритади. Ё. з. ҳавонинг ҳарорати 18—22° ва нисбий намлиги 80—85%, ёғочнинг намлиги эса 28—60% бўлганда яхши ривожланади. Ё. з. пайдо бўлмаслиги ва ёғоч қисмлар чиримаслиги учун улар турли антисептик моддалар (крезет ёғи, карболинеум, натрий фторат ва б.) б-н тўйинтирилади.

ЁҒОҶ КЕМИРУВЧИ ҚЎНҒИЗЛАР (Anobiidae) — қаттиққанотлилар туркуми оиласи (қ. *Парчаловчи қўнғизлар*).

ЁҒОҶ МАТЕРИАЛЛАР — табиий ёғочдан тайёрланадиган тахта, хари, хода ва б.; табиий ёғочга боғловчи моддалар (синтетик смолалар) шимдириб ва юқори т-раларда босим остида ишлов бериб, елимлаб олинадиган қурилиш, мебелсозлик, кемасозлик материаллари. Тайёрланиш усулига кўра тилинган ва тилинмаган, прессланган, модда шимдирилган, қатлам-қатлам қилиб елимлаб ёпиштирилган ёғочларга, ёғоч пластика ва плиталарга бўлинади. Табиий Ё. м. — хари, хода, ғўла; йўнилган, ёрилган материаллар, тилинган (тахта), пайраха, фанер, қипиқ ва б. материаллар. Модда шимдирилган Ё. м. — *антисептик воситалар* ва *ёғоч смоласи* шимдирилган материаллар. Прессланган Ё. м. — толанинг қўндаланг йўналиши бўйича 30МН/м² (300 кг. куч/см²) босим остида ва 100—250° т-рада қиздириб бир томонлама, икки томонлама ва контур бўйича зичлаб олинадиган материаллар. Бундай Ё. м.нинг зичлиги 1200—1450 кг/м³ бўлади.

Елимланган Ё. м. — физик-механик хоссалари деярли бир хил бўлган ёғоч қатламларини бир-бирига ёпиштириб (елимлаб ва пресслаб) олинадиган қалин, узун ва энли материаллар.

Қатлам-қатлам Ё. м. — шпон ёки рандаланган фанерларни синтетик смола ёки оқсил елим б-н ёпиштириб олинадиган материал.

Пластик Ё. м. — пайраха, қипиқ, майдаланган ёғоч ва б. органик ёки минерал боғловчилар (10—30%) дан тайёрланадиган плиталар, ёғоч пластика, фиброплиталар ва б. Ёғоч толали плиталар ёғоч массасидан пресслаб тайёрланади. Ё. м.дан қоғоз-целлюлоза тайёрлаш ва кимёвий маҳсулотлар и. ч.да ҳам фойдаланилади. Ё. м. қурилиш, кемасозлик ва мебелсозликда ҳамда ёқилғи сифатида ишлатилади. Табиий Ё. м. дарахт танасидан олинади. Дарахт танаси ўзак, ёғочлик, тола ва пўстлоқдан иборат. Айрим дарахтларнинг фақат пўстлоқ ва ўзак қисми ишлатилади. Ўзбекистонда Ё. м. тол, ёнғоқ, тут, арча, терак, қайрағочдан тайёрланади. Қайрағоч ёғочидан арава ғилдираги ва ўқлари ҳам ясалади.

ЁҒОҶ ПЛАСТИКАЛАР — ёғочга механик, иссиқлик ва кимёвий ишлов бериб (физик-механик хоссаларини яхшилаб) олинадиган материаллар. Ё. п. прессланган ёғоч (пластификацияланган), ёғоч қатламли пластикалар (лигнофоль, дельта-ёғоч, балинит ва б.), ёғоч-пластик массаларга бўлинади. Прессланган ёғоч табиий ёғочни 15—30 МН/м² (150—300 кг·куч/см²) босим ва 120° т-рада зичлаб олинади. Бундай ёғочлар тахта, брус, плитавтулка ва б. кўринишда ишлаб чиқарилади. Улар зарбга чидамли, пластик, намга чидамли бўлади. Ёғоч қатламли пластикалар юпқа ёғоч лист (шпон)га термореактив синтетик смола эритмаси шимдириб ва қуритиб, пакет ҳолида йиғиб, 120—150° т-рада гидравлик прессда 10—17,5 МН/м² (100—175 кг·куч/см²) босим остида олинади. Мустаҳкамлиги ва эластиклигини ошириш учун унга металл тўр, зар қоғоз, резина ва б. аралаштириб арматураланади. Унга графит ва мой қўшилса, антифрикцион (ишқаланишга қарши) хоссаси ошади. Бундай ёғочлар машинасозлик ва кемасозликда конструкцион материал сифатида ишлатилади. Ёғоч пластик массалар майдаланган ёғоч (қипиқ, пайраха, тола, шпонлар) га синтетик смола эритмаси шимдириб ва қуритиб, пресс-қолипларда иссиқлайин пресслаб профиль буюмлар ёки плита материаллар ҳолида ишлаб чиқарилади. Бундай ёғочларнинг мустаҳкамлиги, электр изоляция ва антифрикцион хоссалари юқори бўлади. Улардан вкладишлар, подшипник втулкалари, тишли ғилдираклар ва б. тайёрланади.

ЁҒОҶ ПЛИТАЛАР — *ёғоч* толаси ёки қипиғига ишлов бериб тайёрланадиган материаллар. Ёғоч толали плиталар — ёғоч (ёки бошқа толали ўсим-

лик пояси)нинг толали массасини қолипга қуйиб, прессlаб ва қуритиб олинадиган ёғоч материаллар. Асосий маҳаллий хом ашёлар (қурилишга ишлатилмайдиган ёғоч, яъни ўтин, ёғочга ишлов беришда чиқадиган чиқиндилар, қоғоз макулатура, сомон, ўсимлик ўзаклари) нинг кўплиги ва арзонлиги туфайли бундай плиталар кўплаб ишлаб чиқарилади. Толали масса термомеханик, механик ва кимёвий механик усулларда олинади. Бунинг учун масса нам ҳолатда боғловчи моддалар қўшилмасдан, қуруқ ҳолатда толали массага 4—8% синтетик смола қўшиб тайёрланади. Плиталарнинг хоссаларини яхшилаш учун уларга парафин, канифоль, синтетик смола, антисептик моддалар қўшилади. Уларнинг сувга чидамлилигини ошириш учун тола массасига парафин, смола, мойли эмульсиялар, алюминий сульфат қўшилади. Плиталар қуйиш машиналарида қолипланади. Плиталарнинг ўта қаттиқ, чала қаттиқ, ҳимоя-пардозлашда ва изоляцияда ишлатиладиган хиллари бор. Қаттиқ ва ўртача қаттиқ плиталар кўп қаватли прессларда 135—180° т-рада, қаттиқ ҳамда ўта қаттиқ плиталар 150—170° т-рада «тобланиб», массасига нисбатан 5—7% намланиб прессланади. Ўта қаттиқ ва қаттиқ плиталарнинг мустаҳкамлик чегараси 50 МН/м² (500 кг·куч/см²) гача; уз. 1200—3600 мм, эни 1000—1800 мм, қалинлиги 3—8 мм ли қилиб ишлаб чиқарилади. Улар турар жой ва саноат биноларида қаватлараро ораёпмалар, том ҳамда деворларни иссиқлик сақлайдиган қилиш, хонани безаш ва б. учун ишлатилади.

Ёғоч қипиқли плиталар — (ёғоч қипиғи)ни боғловчи моддалар б-н иссиқлайин прессlаб олинадиган қурилиш ва мебелчилик материали. Бир, уч, беш ва кўп қатламли; бир қатламли яхлит ҳамда ичи тешикли; зичлиги жуда кам (350—450 кг/м³), кам (450—650 кг/м³), ўртача (650—800 кг/м³) ва юқори (700—800 кг/м³) хиллари бор. Боғловчи модда сифатида мочевиноформальдегид, фенол-формальдегид ва б. смола (қатрон)лар ишлатилади. Бир қатламли плиталарда қипиқларнинг ўлчамлари ва боғловчи моддалар миқдори плитанинг бутун қалинлиги бўйича бир хил бўлади. Уч ва беш қатламли плиталарнинг бир ёки иккала томони ички қатламига нисбатан анча майда қипиқ ҳамда боғловчи моддалар кўпроқ бўлади. Бундай плиталарнинг сирти силлиқ ва мустаҳкам бўлади. Плиталарнинг физик-механик хоссалари ҳажмий массасига, қипиқларнинг шакли ва ўлчамларига, қатламлар сонига, боғловчи моддалар сифатига боғлиқ бўлади. Бундай плиталар яхлит ёғоч плиталарга қараганда биологик таъсирларга чидамли. Улар мебель саноатида, қурилишда, халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ишлатилади.

ЁҒОЧ СМОЛАСИ, ёғоч қатрони — ёғочни қуруқ ҳайдаб ёки газлаштириб (қ. *Газлаш*) олинадиган маҳсулот; ёпишқоқ, ранги қўнғирдан тортиб қорагача, ўткир ҳидли модда. Термик қайта ишланган ёғочни сувли дистиллятда тиндириб олинадиган тиндирилган, шу дистиллятда эриган ҳолатда бўладиган эритилган, сувли дистиллятда экстракция йўли б-н олинадиган экстракцион Ё. с. бор. Зичлиги 1,0—1,15 г/см³. Ё. с.дан ёғочга шимдириш (креозот), рудани бойитиш (флотация) ва б. мақсадларда ишлатиладиган моддалар олинади.

ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ — *ўймакорлик* тури, бадиий ҳунармандликнинг қад. ва кенг тарқалган соҳаси. Ёғочни кесиб, ўйиб, чизиб, заминни тешиб нақш, бўртма шакллар ҳосил қилиб, ёғоч тахтача ва бўлакларини бир-бирига улаб, ёпиштириб (асосан *панжара*да) ҳандасий шакллар, ўсимликсимон тасвирлар, ислимий нақшлар ҳосил қилинади. Уста нақшни безатиладиган сиртга ахта воситасида туширади, устидан нақш чизиқлари чизиб чиқилади, сўнг асбоб (искана)лар ёрдамида ўйилади. Ўйишда турли усуллар (*паргари, бағдоди*) кенг қўлланилади. Ё. ў. кўп меҳнат талаб қиладиган соҳа, унда Ўзбекистонда ўсадиган маҳаллий дарахтлар (қайрағоч, арча, ёнғоқ, тут, ўрик, чинор, тол, терак ва б.)дан фойдаланилади. Ўймакор усталар дарахт ёғочларининг хусусиятларини яхши билишган (дарахт ёғочларининг қуёш нури кўп тушган томони пишиқ, зич толали бўлади). Ёғочлар 6 ойдан 1 йилгача сув (ҳовузлар)да сақланади, сояда қуритилади. Нақш мужассаматида гириҳ, ислимий нақшлар кенг ишлатилади, мустақил равишда гириҳ камдан кам ҳолларда қўлланилади; гириҳ ва ислимий нақшлар уйғунлаштирилиб, ранг-баранг жозибали мужассамотлар, намоёнлар яратилади. Безак (нақшлар) яратишда паргардан кўпроқ фойдаланилиши туфайли нақшлар паргари деб аталади.



Ёғоч ўймакорлиги. Уста Ортиқ Файзуллаев иш устида.

Ё. ў. қадимдан тараққий этган. Қад. Шарқда, антик дунё меъморлигида кенг тарқалган, Европа, Осиё мамлакатларида хилма-хил услублари вужудга келган. Ўзбекистон ҳудудида ҳам қадимдан меъморликда, рўзғор буюмларида кўп қўлланилган. Мовароуннаҳрда ислом дини тарқалгунига қадар ёғоч санамлар тайёрлаш ривож топган. Наршахий «Бухоро тарихи» асарида 8-а.да эшиклар ўйма тасвирлар б-н безатилгани ҳақида ёзади. Ёғоч ташқи муҳит таъсирига анча чидамсизлигидан Ё. ў.нинг қад. намуналари сақланмаган. Сақланганларининг энг қад.си 9—12-а.ларга мансуб. Қусам ибн Аббос мақбараси бино шарафалари нақшлар б-н безатилган, забарравларида қушлар, афсонавий махлуқларнинг тасвирлари ишланган (Самарқанд, 11—12-а.лар). Бухорода Сайфиддин Боҳарзий мақбарасининг тўсинлари (14-а.), Самарқандда Руҳобод мақбараси, Амир Темур мақбараси эшикларига ишланган нақшлар улкан маҳорат самарасидир. Бухородаги Улуғбек мадрасасининг эшиклари қисмларига ёғоч тахтачалардан елимсиз, мих ишлатмай гириҳ нақшлар ҳосил қилинган. 19-а.да Хоразм услуби юксакка кўтарилгани Хивадаги Тошҳовли айвонлари, хоналаридаги устунларнинг каллаги, бошаларига ишланган муқарнасларда, эшикларнинг безакларида кўзга ташланади. Ўзбекистон ҳудудида ўзига хос хусусиятлари б-н ажралиб турувчи Тошкент, Хива, Қўқон, Фарғона, Бухоро Ё. ў. шаклланган. Тошкентлик усталар ўйма нақшларда ясси бўртмали, заминсиз чизмани кенг қўллаганлар. Хивада маҳобатли Ё. ў. кенг тарқалган, нақшнинг майдалиги, заминнинг камлиги, ўйноқилиги б-н ажралиб туради, бу ерлик усталар ёғочнинг табиий рангини сақлаб қолганлар, бўямаганлар. Самарқандлик усталар замин ва бўртмани локлаганлар. Қўқон, Фарғонада


эшик, устунларни чуқур ясси бўртма нақшлар б-н безаб, нақш юзасига тўқроқ ранг бериб сўнг локлаганлар. Бухоролик усталар ўйма нақшларни олтин, кумуш суви б-н безаганлар, нақш заминини ранглар б-н бўяганлар.

20-а.да Ё. ў.нинг заминни ўйиб бир неча қават бўртма тасвир ҳосил қилинадиган (1,5 мм дан 30 мм гача ўйиладиган) мураккаб ва жозибали тури шаклланган. Тошкентлик Т. Айюбхўжаев, А. Турсунбоев, С. Хўжаев, М. Қосимов, Н. Иброҳимов, О. Файзуллаев ва б., хивалик О. Полвонов, С. Боғбеков ва б., қўқонлик А. Абдураҳмонов, Қ. Ҳайдаров ва б., марғилонлик Ю. Маъруфжонов, У. Аҳмедов ва б., самарқандлик Н. Назруллаев ва б., бухоролик ака-ука С. ва Р. Гафуровлар, Ш. Саидов ва б. ўнларча халқ усталари Ё. ў. анъаналарини давом эттириб, янги оҳанглар б-н бойитдилар, кўплаб жамоат биноларини Ё. ў. б-н безадилар.


40-й.ларда кўпгина жамоат бинолари (Бадиий кўргазмалар дирекцияси, Муқимий театри, Навоий театри ва б.) учун Ё. ў. б-н безатилган эшик, дераза, панжара, намоёнлар, бадиий буюмлар тайёрланди. 70-й.лардан усталар томонидан Ё. ў.даги нақш мужассамотлари янги мавзулар, янги безак турлари б-н бойитиб борилмоқда (Халқлар Дўстлиги саройи, Ўзбекистон халқлари тарихи музейи, Ўзбекистон БА Марказий кўргазмалар зали ва б.).

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, барча соҳаларда бўлганидек амалий санъатга, шу жумладан Ё. ў.ни ривожлантиришга ҳам катта эътибор б-н қаралмоқда. Тарихий қадриятларни тиклаш, ривожлантириш, янги хусусиятлар б-н бойитишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Халқ усталари Ё. ў. усул ва услубларини ривожлантириб, кўплаб барпо қилинаётган биноларни ушбу усулда безамоқдалар (Темурийлар тарихи давлат музейи, Бухорий мажмуаси, Хотира майдони мемориал мажмуаси, Олий Мажлис бинолари ва б.).

ЁҒОЧ ҚУРИЛМАЛАР — ёғочдан ишланган қурилиш қисмлари. Баъзиларига металл қўшиб тайёрланади. Вазифасига кўра, юк кўтарувчи девор ва юк тушмайдиган пардевор (1-расм); турига қараб, тўсин, ферма, равоқ, ром, қубба, қобиқ кўринишидаги қисмлар; ўзаро бириктирилишига кўра, мих, михчўп ва болтлар б-н ҳамда елимлаб бириктириладиган хилларга бўлинади. Ё. қ. қурилиш қисмларининг қадимги турларидан бири. Қадимда ёғоч мих ишлатилган ёки ҳеч қандай мих ишлатмасдан қилинган. Мас., синч деворларга, равоқларга мих ишлатилмаган. Ё. қ. арка ва тўсин шаклида яхлит қилиб ёки ғўла, тахта, фанердан ферма шаклида қурилади (2-расм). Ҳоз. замон қурилишларида бир-бирига михлар ёрдамида маҳкамланадиган ва елимлаб ёпиштириладиган Ё. қ. кўп қўлланилади. Айниқса бир-бирига елимлаб ёпиштириладиган Ё. қ.дан турли шакл ва



1-расм. **Ёғоч пардеворларнинг вертикал кесимлари:** А — бир қаватли тахта пардевор кесими; Б — икки қаватли тахта пардевор кесими; 1— брус-рейка; 2— ёпма тўсини ёки пол тўсини; 3— тоВуш изоляцияси қатлами.




2-расм. **Бир ва икки нишабли томларнинг стеропилларини ўрнатиш:** А— бир нишабли том стеропиллари; Б — икки нишабли том стеропиллари; *1*— оралиқ тиргаксиз; *2*— бир тиргакли; *3*— марказий устунларга эга; *4*— ассимметрик бир қатор устунларга эга; *5*— тиргак ва тўсинларга эга; *6*— икки қатор устунларга эга.

ўлчамдаги иморатлар ҳамда иншоотлар қуриш қўл келади. Ё. қ.дан қ. х., саноат, жамоат биноларида, спорт ва кўргазма залларида ҳамда кўприклар қуришда фойдаланилади. Ё. қ.ни чиришдан сақлаш учун уларга антисептик моддалар, ёнғиндан сақлаш учун эса махсус суюқликлар шимдирилади.


ЁҒОЧГА ИШЛОВ БЕРИШ ЖИҲОЗЛАРИ — ёғочга зарур шакл ва ўлчам беришда қўлланиладиган асбоб ҳамда станоклар. Уларнинг ёрдамида ёғочдан турли хил материаллар ва ярим фабрикатлар (тахта, брус, фанер, қипиқ плиталар, ёғоч плиталар ва б.), буюм ҳамда қурилмаларнинг деталлари (мебель, вагон, кема ва б. ясаш учун); тайёр буюмлар (дераза, эшик, музика асбоблари, мебель ва б.) тайёрланади. Ё. и. б. ж. б-н ёғоч арраланади, тилинади, тешилади, фрезаланади, силлиқланади, йўнилади, рандаланади, ўйилади, кесилади ва ёрилади. Улар дастаки ва механик хилларга бўлинади. Дастаки асбобларга арралар, рандалар, искана, бурғи, дреллар (пармалар тўплами б-н), жилвирлар ва б. киради. Улар устахоналарда, қурилиш майдонларида, и. ч. корхоналарида қўлланилади. Механик Ё. и. б. ж., асосан, станокка ёки машинага ўрнатиб ишлатилади. Бажарадиган иш турига кўра улар ёғоч кесиш, тилиш, эгиш, йиғиш, елимлаш ва пардозлаш асбоб ҳамда жиҳозларига бўлинади. Ёғоч деталларни йиғиш учун дастаки, электр ва пневматик асбоблардан фойдаланилади. Саноатда ёғоч кесиш, тилиш, рандалаш, эгиш, букиш станоклари кенг тарқалган. Бу станоклар б-н зарур ўлчам ва шаклдаги ёғоч заготовка, деталь ҳамда буюмлар тайёрланади. Ёғоч кесиш ва тилишда арра; фрезалашда — фреза; рандалашда — ранда; пармалашда — парма; ўйишда — ўйғич; силлиқлашда — жилвир ва б.дан фойдаланилади. Ёғочдан чиққан қипиқ ва пайраҳадан бошқа материаллар (мас., плиталар) и. ч.да фойдаланиш мумкин (қ. *Ёғоч плиталар*).

Ёғочга ишлов бериш станоклари аррали станоклар; илгариланма-қайтма ҳаракатланадиган ёки қўзғалмас пичоқли рандалаш станоги; деталларга доиравий кескич б-н ишлов берадиган фрезалаш станоги; тешик ёки ўйиқлар очиш учун ишлатиладиган пармалаш станоги; фанерлар, гугурт чўплари, гугурт қутилари ва б. тайёрлайдиган йўниш станоклари; юмалоқ шаклли деталлар тайёрлайдиган токарлик станоклари; деталларни силлиқлаш учун ишлатиладиган жилвирлаш станокларидан иборат.

Эгиш станоклари чанғилар, мебеллар ясаш учун ёғочни эгиб беради. Елимлаб йиғиш станокларига елим суркаш, шчит йиғиш станоклари, узел ва буюмларни йиғиш қурилмалари, пардозлаш станокларига бўяш, қоплама (ҳимоя ва безак) қоплаш ва жилолаш машиналари ки-



Ёғочга ишлов бериш жиҳозлари. Станокка ўрнатиладиган ёғоч кесиш асбоби: *а* ва *б*—пармалар; *в* — учлик фреза; *г* — зенкер; *д* — искана.



Ёғочга ишлов бериш жиҳозлари: *1*—ёғоч арралайдиган (ёғоч арралаш рамаси); *2*—лента аррали; *3* ва *4*—доиравий аррали; *5*—арраси илгариланма-қайтма ҳаракатланадиган; *6*—лобзикли; *7*—тирноқ очадиган; *8*—цилиндрик арраси бўлган доиравий аррали; *9*—пармалаш-зенкерлаш; *10*—пармалаш-фрезалаш; *11*—пармалаш-ўйиш; *12*—токарлик; *13*—доиравий таёқ ясайдиган; *14*—токарлик-фрезалаш; *15*—занжирли фрезалаш; *16*—рандалайдиган; *17*—рейсмусли; *18*—тўрт тозалаш; *19*—фрезалайдиган; *20*—паз очиш-фрезалаш; *21*—нусха кўчириш-фрезалаш; *22*—тирноқ очиш-фрезалаш; *23*—кўндаланг рандалайдиган; *24*—циклевал (силлиқлайдиган); *25*—бўйлама рандалайдиган; *26*—чала шиладиган; *27*—майдалайдиган; *28*—ёрадиган; *29*—контакт-текислагичли; *30*—дискли; *31*—контакт бармоқли; *32*—цилиндрли; *33*—букадиган; *34*—елим суркайдиган; *35*—йиғадиган; *36*—бўёқ отиб бўяйдиган; *37*—юқори кўчалашнишли майдонда бўёқ берадиган; *38*—валли бўёқ берадиган; *39*—валли лок берадиган; *40*—лок берадиган; *41*—цилиндрли жилолайдиган; *42*—дискли жилолайдиган.

ради. Кўп қатламли фанерлар, ёғоч плиталар, ёғоч пластиналар ясаш учун ёғочни зичлашда прессла ишлатилади (яна қ. *Дурадгорлик асбоблари*).

ЁҒОЧКЕСАР ҚЎНҒИЗЛАР (Cerambucidae) — қаттиққанотлилар туркумининг оиласи (қ. *Мўйловдор қўнғизлар*).

ЁҒОЧНИ БУКИШ — яхлит ёки қатлам-қатлам (елимлаб ёпиштирилган) ёғоч заготовкаларни эгиб, шу ҳолича мустаҳкамлаш; ёғочнинг пластиклик (қайшқоқлик) хоссасига асосланади. Ёғочнинг пластиклиги қанчалик юқори бўлса, шунчалик яхши букилади. Букишда заготовканинг қабариқ томони чўзилади, ботиқ томони қисилади. Исқилайин ва совуқлайин букиш усуллари бор. Иссиқлайин букиш усули яхлит ва елимлаб ёпиштириладиган кўп қатламли заготовкалардан букик деталлар олишда қўл келади. Ёғоч заготовка 80—120° гача қиздирилганда пластиклиги кескин ошади. Иссиқлайин букишда ёғоч буғда ёки қайнаётган сувда тутиб турилади (юмшатилади). Юмшатилган заготовка андаза бўйича букилади, қисиш қурилмасида маҳкамланади ва 10—15% намликкача қуритилиб, кейин совитилади. Совуқлайин букиш усули табиий букулувчан ёғочдан кўп қатламли елимланган деталлар олишда қўлланилади. Зарур шакл ва кесимдаги деталлар олиш учун етарли миқдорда елим суркалган қуруқ ёғоч пластинкалар (тахта, шпон ёки фанер) пресс қолипга пакет кўринишида тахланади ҳамда елим қотгунга қадар тутиб турилади. Совуқлайин букиш усулида олинган деталларнинг шакли иссиқлайин букиш усулида олинган деталларга нисбатан турғун бўлади. Ё. б. усуллари вагонсозлик, кемасозлик, мебелсозлик ва б.да кенг қўлланилади.

ЁҒОЧОЁҚ — ўзбек халқ цирк санъати жанрларидан. Ижрочи оёқларига 3—3,5 м узунликдаги ёғочларни боғлаб устидан узун шим кийиб олади ва қайроқ б-н рақс («Жонон», «Андижон полкаси», «Норим-норим», «Лазги»)га тушади. Унга сурнай, ноғора, доира жўр бўлади. Ё. ўйинлари халқ саройларида айниқса, дорбоз труппаларида кенг кўрсатилади. Мас., Андижондаги Кимсан Назаралиев, Тошкентдаги Тўлқин Болтаев, Бухородан Раббим Соҳибов, Шаҳрисабздан Саъдулла Мамадалиев, Самарқандан Бозорбой Қурбоновларнинг шогирдлари ва б. бор. Ё.чилар ўйин пайтида қўлида пичоқлар, булавалар, коптоқчалар ва айниқса гардишга 12 та чойнак б-н пиёлани устма-уст қўйиб пирамида қилиб айлантириб ўйнашади. Шоҳимардонлик Аҳаджон Набиев дорбозлари Ё.да дор устида юриб томоша кўрсатади. Ё. ўйинлари байрам ва сайилларда ҳозир ҳам кўрсатилади.

ЁҒОЧОТ — қад. ўзбек цирки томошаларидан. Масхарабознинг от ва чавандоз ҳаракатларига пародияси. Ёғочдан отнинг танаси ва бош қисми ясалиб, устидан ўйинчи сиғадиган жой қолдирилиб, ялтироқ мато б-н қопланган. Унга дум ясалиб, юган солинган, қўнғироқчалар осилган. Ясама соқолли, юзига ун суртган ўйинчи «от»ни белига боғлаб олган ҳолда юганни торгиб, қамчин уриб от ва чавандоз ҳаракатларига тақлид қилиб ўйнайди. Ўйинчининг оёқларини солланиб тур-



«Ёғочоёқ». «Ёғочот».

ган мато яширган, «от» устига эса сохта оёқлар қўйилган. Ўйинчи чинакам от устида ўтиргандай, барча ҳаракатларни от бажараётгандай қилиб кўрсатади. Кулгили — пародия туридаги Ё. ҳозир ҳам анъанавий цирк томошаларида, сайилларда, миллий байрамларда намойиш этилади.

Пўлат Тошканбоев.

ЁҒОЧСОЗЛИК — ёғоч тилиш, ёғочдан турли буюмлар ясаш, ёғоч ўймакорлиги касби. Ёғоч буюмлар ишловчи уста ёғочсоз, ёғочдан иморат қурувчи, ром эшиклар ясовчи уста дурадгор дейилади (қ. *Дурадгорлик*).

ЁҒОЧСОЗЛИК САНОАТИ — ўрмон саноатининг ёғочга механик ва кимёвий-механик ишлов бериш, қайта ишлаш ҳамда хом ашё сифатида ўз эҳтиёжлари учун турли ёғочлардан фойдаланадиган тармоғи. Ё. с. маҳсулотларига арралланган ёғоч, шпал, фанер, ёғоч тўсинлар, қурилишда ишлатиладиган ёғоч деталлар, мебель, ёғоч қипиқларидан ва толаларидан плиталар, паркет, эшик, ром, автомобилсозлик, самолётсозлик, кемасозлик, вагон қурилиши, қ. х. машиналари учун хомаки ва тайёр деталлар, қ. х. маҳсулотлари учун қутилар, тўқимачилик саноатига галтаклар, турли мосламалар, пойабзал қолиплар, асбоб-ускуналар ва уларга гилофлар, чанги ва б. спорт анжомлари, гугурт ва б. киради.

Ўзбекистонда ёғочсозлик, ёғочдан турли анжомлар ясаш қадимдан ҳунармандликнинг ривожланган тури тарзида маҳаллий хом ашё ресурслари б-н чегараланган ҳолда мавжуд бўлиб келган. Ёғочсозлик ёки дурадгорлик (ёғочни қирқиш, тилиш, йўниш, рандалаш, пармалаш), уйсозлик, асбобсозлик, аравасозлик, эгарсозлик, сандиқсозлик, бешиксозлик, панжарасозлик, ўймакорлик сингари жуда кўп тармоқлардан иборат бўлган. Бу соҳада узоқ вақтгача кичик корхоналар, оддий мебель ишлаб чиқарадиган артеллар, кераклари асбоб-ускуна б-н таъминланган цехлар ишлаб келган.

20-а.нинг 50—70-й.ларида Ўзбекистонда республиканинг ёғоч ва ёғочдан ишланган буюмларга бўлган эҳтиёжи тўлароқ таъминланишини инобатга олган ҳолда Ё. с. тараққий эта бошлади. Қурилиш к-тларининг дурадгорлик цехлари асосида йирик ёғочсозлик корхоналари ташкил этилди, уларда дераза ва эшик, арралланган ёғоч, тўсин, паркет ва б. дурадгорлик маҳсулотларини саноат усулида тайёрлашга ўтилди. Германия, Швеция, Италия ва Россия машинасозлик корхоналари б-н ҳамкорликда Тошкент дурадгорлик бу-юмлари з-ди (1968), «Тошкент» ёғочсозлик бирлашмаси (1972 й., қуввати 400 минг м² ром, 500 минг м² эшик тавақалари), Тошкент қуёшдан ҳимоя ускуналари з-ди (1974 й., қуввати 400 минг м²), ёғоч чиқиндиларидан пресслланган қурилиш тахтачалари ишлаб чиқарадиган з-д (1976 й., қуввати 20 минг м³) ишга туширилганидан ташқари Шарқий Сибирда Ўзбекистон ташкилотлари қарамоғида 11 ўрмон саноати (дарахт кесиш) хўжаликлари ҳам иш юритди. Дарахт кесиш хўжаликларида йилига 500 минг м³ дан кўпроқ ёғоч ва тахта тайёрланиб, республикага келтириб турилди. 1978 й.га келиб Ўзбекистон Шарқий Сибирда ёғоч тайёрлашдан ёғоч ва тахтани сотиб олишга ўтди. Ўзбекистонда ёғочсозлик корхоналари сонини ва уларнинг и. ч. қувватларини кўпайтириш ишлари узлуксиз давом эттирилди. 1979—1995 й.ларда Тошкент, Асака, Қўқон ш.ларида янги дурадгорлик цехлари очилди. 1991 й.да қуёшдан ҳимоя ускуналари з-дида пластмассадан дераза ромлари ишлаб чиқарадиган линиялар, 1994 й. Тошкентда Марказий Осиёда биринчи бўлган «Ўз-Эллас» гугурт з-ди (Ўзбекистон — Греция қўшма корхонаси; йиллик қуввати 300 млн. қути гугурт) маҳсулот чиқара бошлади. 1995—2000 й.ларда иқтисодий ислоҳотлар туфайли ёғочни қайта ишлаш соҳасидаги барча корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб, улар асосида акциядорлик, жамоа ва хусусий корхоналар ташкил қилинди. Қатор вилоятларда қисқа вақт ичида пластмасса ва металлдан ҳар бирининг қувватини 10—20 минг м³ бўлган замонавий кўринишдаги эшик ва ром тайёрлайдиган қўшма ва хусусий кичик корхоналар жадал суръатда ташкил қилинди. Бу маҳсулотларнинг афзаллиги ром ва ойналар блок шаклда тайёрланиб, чанг, совуқ ва шовқинни ўтказмайди, иссиқликни тежайди.

Ўзбекистонда Ё. с. таркибидаги корхоналар йилига 3 млн. м² эшик ва дераза ромлари, 233 минг м³ паркет, 1 млн. м узун ўлчовли буюмлар (плинтус, қопламалар ва б.), 50 минг м² қуёшдан ҳимоя ускуналари, 2,5 млн. дона ошиқмошиқ, 50 минг м³ тахта ва бошқа маҳсулот и. ч. қувватига эга (2001). Шунингдек, кўпгина жамоа ва ширкат хўжаликлари, қурилиш ташкилотларида арралланган ёғочга ишлов бериш ва ғўла ёғочни тилиш б-н шуғулланадиган корхоналар бор.

Республика халқ хўжалиги ва аҳолининг ёғоч — тахтага бўлган йиллик эҳтиёжи 10 млн. м³ га боради. Ёғоч хом ашёси тақчиллиги туфайли Ё. с.даги мавжуд қувватларнинг ярмидан фойдаланилмоқда. Республиканинг ёғоч, тахта, қоғоз, целлюлоза, гугурт ва б. бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, ёғочни қайта ишлаш саноати корхоналарининг хом ашё базаси мустақиллигини таъминлаш учун республика Вазирлар Маҳкамаси 1994 й. 8 фев.да «Саноат теракчилигини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларни барпо этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳар йили 10 минг га, 10 й.да 100 минг га теракзор ташкил этиш, яқин келажакда ҳар йили 3 млн. м³ саноатбоп ва қурилиш ёғочи тайёрлаш режалаштирилган.

Хорижий мамлакатлардан Россия, АҚШ, Швеция, Финляндия, Норвегия ва Канада каби мамлакатлар иқтисодиётида Ё. с. муҳим ўринда туради. Бу мамлакатлардан ўрмон ресурслари кам бўлган давлатларга ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари экспорт қилинади. Германия ва Францияда ҳам Ё. с. ривож топган.

Мирҳамид Тўраев.

ЁҒОЧТЕШАРЛАР (Cossidae) — тунлам капалаклар оиласи. Австралия Ё.нинг қанотлари ёйилганида 220 мм га етади, хартуми редукцияга учраган. Хилма-хил рангда, Шим. ярим шарда тарқалган Ё. кўпроқ кулранг ёки қўнғир, қанотлари тўрсимон бўлади. 800 тури бор, кўпинча тропик Осиё ва Африкада тарқалган. Ўрта Осиёда ўнлаб тури учрайди. Ё.нинг қуртлари ялангоч, этдор; дарахтларнинг ёғочлигида узун йўл очади (номи шундан олинган), баъзан ўтлар илдизи, пиёзи ва поясида ҳам учрайди. Ё. ривожланиши 2—3 й. давом этади, қуртлик даврида қишлайди.

Ж

Ж — ўзбек кирилл алифбосининг саккизинчи ҳарфи. Ундош, жарангли, тил олди, портловчи товуш. Сўз бошида (жийда, жар, жайран), ўртасида (гижда, ажрим) ва сўз охирида (бож, тож) кела олади. Қипчоқ шеваларида адабий тилдаги «й» ўрнида (йўл-жўл, йомон-жомон) келади. Ўзлаштирилган сўзларда сирғалувчи ҳолатда сўз бошида (журнал), ўртасида (аждар) ва охирида (гараж) учрайди. Туб ўзбекча сўзларда сўз охирида қўлланилмайди. Туркий халқлар, шу жумладан ўзбек халқи учун умумий бўлган ёзувларда Ж ҳарфи ўзига хос шаклда бўлган. Улар қуйида келтирилди.

Ёзув тури	Белги	Сана
Авесто	𐬎	Мил. ав. 6 – 4 - а
Урхун - Енисей ёзуви	𐰋	5 – 8 - а
Туркий (уйғур) ёзув	𐽆	8 – 13 - а
Суғд ёзуви	𐼎	Мил. ав. 1 - минг й. охири – 13 - а
Араб ёзуви	ج	13 - а – 1929 й.
Лотин ёзуви	J Ž	1929 – 1939 й.
Кирилл ёзуви	Ж	1940 – 1995 й.
Лотин ёзуви	J	1995 й. дан

ЖАБАЛ МАКОНИ — мезолит, неолит ва жез даври (мил. ав. 7—2-минг йилликлар)га оид макон. Туркманистондаги Катта Болхон тоғларида, Туркманбоши — Ашхобод т. й.даги Жабал ст-ясидан 3,5—4 км шарқдаги ғорда жойлашган. Ғор икки тармоқдан иборат бўлиб, оғзи жан.га қараган, кенглиги 9 м, чуқ. 7,5 м, бал. 4 м. 1949—50 й.ларда А. П. *Окладников* томонидан ўрганилган. Ж. м.нинг маданий қатлами 3 м қалинликка эга. Ж. м.нинг пастки 6-маданий қатламида ўрта тош даврига, кейинги қатламларидан неолит ва жез даврига оид чақмоқтошдан ишланган қирғич, пайкон ва кўплаб чақмоқтош чиқиндилари, жайран, ёввойи эчки, балиқ ва б. ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари, сопол идишлар топилган. Бу нарсалар хўжалик ҳаётида овчилик, балиқчилик ва теримчилик асосий ўринни эгаллаганини кўрсатади.

ЖАБАЛ-ДРУЗ, Ад-Друз — Сурия жан. ва Иорданиядаги вулканик массив. Энг баланд жойи 1803 м. Ён бағри ва чўққилари плиоцен даврида ҳаракатда бўлган вулкан кратерларидан иборат. Асосан базальтлардан тузилган. Кенг лава майдонлари б-н ўралган. Чўл ўсимликлари ўсади.

ЖАБАЛПУР — Ҳиндистоннинг марказий қисмидаги шаҳар, Мадҳья-Прадеш штатида, Нарбада дарёси бўйида. Аҳолиси 740 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Савдо-саноат маркази. Тўқимачилик (ип-газлама), керамика, ёғочсозлик, металлсозлик, автомобилсозлик саноати корхоналари бор. Ёғоч савдо қилинади. Д. ёнидан боксит олинади. Ж. 19-а.нинг 1-ярмида инглизларнинг ҳарбий базаси сифатида бунёдга келган.

ЖАБАРИЙЛАР (араб. «жабр» сўзидан — зўрлик ишлатиш, мажбур қилиш маъносида) — 7-а. охири — 8-а. бошида ислом илоҳиётида пайдо бўлган оқимлардан бири. Ж. инсон тақдирини худо мутлақ олдиндан белгилаб қўйган, ҳеч қандай ирода ва фаолият эркинлиги йўқ, булар фақат худода мавжуд, инсон эса ана шу фаолиятни ўзлаштириб олиш имкониятига эга, деган ақидаларни илгари сурганлар. Ирода эркинлиги тарафдори бўлган *қадарийлар*га қарши бўлганлар. Муҳаммад (сав) нинг пайғамбарлигини, халифалар ҳукмронлигини илоҳий ва қонуний деб асослашда, жаҳон урушларида мусулмон жангчисининг ўлимини тақдир б-н боғлаб мутаассибликни кучайтиришда Ж. таълимотининг аҳамияти катта бўлган. Шунинг учун Ж.ни ҳокимият тепасида турган умавийлар қўллабқувватлаб, уларга қарши бўлган диний фирқа ва сиёсий гуруҳларни таъқиб остига олганлар.

ЖАББОРОВ Жуманиёз (1930.25.10, Косон тумани) — Ўзбекистон халқ шоири (1997). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1980). ТошДУ филология ф-тини тугатган (1952). «Шарқ юлдузи» жур.да бўлим мудири, масъул котиб (1953—62), «Гулхан» жур. бош муҳаррири (1962—64), Республика газ. («Совет Ўзбекистони»)да бўлим мудири (1964—67), бош муҳаррир ўринбосари (1967—76), маъмурий ташкилотда шўъба мудири (1976—81), Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида директор (1981—85), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида таржима кенгашининг маслаҳатчиси (1985—90). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ўзбекистон Давлат мукофотлари қўмитасида масъул котиб (1990 й.дан).

«Баҳор нафаси» (1956), «Мақсад йўлида» (1958), «Субҳидам хаёллари» (1964), «Саҳро санами» (1967), «Лирика» (1970), «Илҳом дақиқалари» (1971), «Достонлар» (1974), «Эътиқод» (1978), «Хаёлимда ўзинг» (1985), «Кўнглим гўзали» (1991) ва б. тўпламларига кирган шеър ва достонларида юртга муҳаббат, инсон қалби ва маънавий оламини теранроқ акс эттиришга интилиш, ҳаётсеварлик ғоялари бадиий ифодаланган. «Ажаб дунё — севги дунёси» (1996) тўпламидан 100 дан ортиқ ғазаллар ўрин олган. Унинг шеърлари фалсафийлиги, воқеликка фаол муносабат б-н ажралиб турса, ғазаллари образларининг тиниқлиги, ўйноқилиги б-н ўзига хосдир. «Гулжаҳон ва Ҳасанжон» (1967), «Саҳро гуллари» (1976), «Тоғдаги учрашув» (1986) тўпламлари болаларга бағишланган. Ж.нинг «Гулшан» (1957) достонида муҳаббат ва садоқат мавзуи асосий ўрин тутади. «Тоғлар садоси» (1961) ва «Йўлдаги ўйлар» (1968) достонлари яхшилик б-н ёмонлик ўртасидаги азалий кураш, адабиёт ва санъатнинг инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақида. «Онагер қўшиғи» (1962), «20 кун дафтари» (1967), «Соҳиллар ҳикояси» (1974) каби насрий асарлари нашр этилган. «Таллимаржон достони» (1976), «Қуёш юрти» (1981) шеърий асарлари мазмунан ўзаро боғлиқ бўлиб, Қарши чўли



ғулари улуғланган. «Ўжарлар» (1973), «Йиллар ўтиб...» (1977), «Тўйдан олдин томоша» (1979), «Менинг оппоқ кабутарларим» (1991) драматик асарларида инсон эрки, бахти, оилавий турмуш муаммолари ёритилган. Р. Тагорнинг «Қурбонлик» драмасини, Ҳофиз Шерозий, Убайд Зоконий, Байрон, Ю. Лермонтов, А. Блок ва б.нинг шеърларини ўзбек тилига таржима қилган. Драматик асарлари асосан Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театрида ва вилоят театрларида, шунингдек, тожик, қирғиз, қозоқ театрларида ҳам саҳналаштирилган. Алишер Навоий номидаги Катта академик театрда саҳналаштирилган «Ал-Фарғоний» операси либреттоси (1998) муаллифи.

Ас.: Сайланма [2 жилдли], Т., 1980—81.

ЖАББОРОВ Илҳом (1945.30.6, Ўрта Чирчиқ тумани) — ҳайкалтарош, Ўзбекистон ҲА нинг акад. (1997), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1989). Республика рассомлик билим юрти (1965) ва Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-ти (1971)ни тугатган. 1995 й.дан Республика рассомлик коллежида ўқитувчи. 1997 й.дан Миллий рассомлик ва дизайн ин-тида ҳайкалтарошлик устахонаси раҳбари, проф. Ж. асарларида анъанавий реалистик ҳайкалтарошлик услубига хос хусусиятлар миллий мавзу ва таъсирчан образларни ифодалашда ўз аксини топган. Дастгоҳли ва маҳобатли асарлари (портрет, тарихий шахслар қиёфаси акс эттирилган) умумлашма ва рамзийлик йўлида яратилган. «Хаёл» (ёғоч, 1974), «Машраб» (ёғоч, 1974), «Оқшом» (ёғоч, шамот, 1980), «Дам олиш» (шамот, 1982), «Фалакнинг гардиши» (шамот, 1983), «1941—45 йиллар» триптихи (шамот, 1985) ва б. Тошкентдаги Фурқат (бронза, гранит, 1982;.меъмори С. Сутягин), Ургутдаги Навоий (мис, 1985), Намангандаги Машраб (мис, 1988), Тошкент (1992), Самарқанд (1997) ва Шаҳрисабз (1997) даги Амир Темур ҳайкаллари (бронза; меъмори Ф. Ашрафий), Фарғонадаги Ал-Фарғоний (бронза, 1998), Тошкентдаги «Она» (бронза, 1999), Урганчдаги Жалолиддин Мангуберди (2000) ҳайкаллари Ж.нинг маҳобатли асарларидан. «Меҳнат Шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (2001).



ЖАББОРОВ Исо (1929.30.12, Тошҳовуз ш., Туркманистон) — этнограф ва файласуф олим. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби (1995), фалсафа фанлари д-ри (1973), проф. (1974). Москва давлат ун-тини тугатган (1951). Ўзбекистон ФА Тарих ин-ти катта илмий ходими (1954—1964), ТошДУ доценти (1964—1967), партия ишларида (1967—70), Ижтимоий фанлар академияси докторанти (1970—1972), ТошДУ кафедра мудири (1973—1997), Темурийлар тарихи давлат музейи бўлим мудири (1997 й.дан).

Илмий ишлари этн., тарих, фалсафа, диншунослик муаммоларига бағишланган. Унинг Г. Дресвянская б-н ҳаммуаллифликдаги «Руҳлар, авлиёлар, Ўрта Осиё худолари. Дин тарихи ҳақида» («Духи, святые, боги Средней Азии. Очерки по истории религии», Т., 1993) китоби хитой тилида нашр қилинган (Пекин, 2002). «Шуҳрат» медали б-н мукофотланган (1995).

Ас.: Кўҳна харобалар сири, Т., 1968; Жаҳон халқлари этнографияси, Т., 1994; Антик маданият ва маънавият хазинаси, Т., 1999; Буюк хоразмшоҳлар давлати, Т., 1999.

ЖАББОРОВ Комилжон (1914, Андижон — 1975.4.9, Тошкент) — созанда (ғижжак, дутор, танбур), бастакор. Ўзбекистон халқ артисти (1973). Созандаликни Р. Исабоев, С. Сиддиқовдан, бастакорликни Т. Жалиловдан ўрганган. Андижон миллий мусиқа тўгарагида (1924—30). Ҳамза номидаги қатнашган (1930—31), Андижон (1931—Тошкент (1930—31), Андижон (1931—42) ва Янгийўл (1942—47) театрларида, Ўзбекистон радиоси ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри (1947—75) да созанда. «Дугоҳи Ҳусайний», «Ироқ», «Наво» ва б. куйларни ғижжакда, «Нолиш», «Нимчўпоний», «Курд» ва б. асарларни дутарда, «Самарқанд ушшоғи», «Гулёр» ва «Шаҳноз»дек ашула йўлларини танбурда катта маҳорат б-н ижро этган. «Гулсара» (К. Яшин, 1936), «Лайли ва Мажнун» (Хуршид, Н. Салахов б-н биргаликда, 1938) спектаклларини мусиқалаштиришда қатнашган ҳамда «Гулжа устида нур» (С. Тилла, А. Исматулла, 1950, П. Раҳимов б-н ҳамкорликда), «Нодира» (Ҳ. Раззоқов, 1962, С. Ҳайитбоев б-н), «Менинг Жаннатим» (С. Абдулла, 1971, Д. Зокиров б-н) мусиқали драмаларини яратган. 100 дан ортиқ — «Диёримсан», «Наззора қил», «Мубтало бўлдим сенга», «Эй, пари», «Сенга», «Тошкент пиёласи», «Шифокорлар», «Обод ўлкам» каби ашула, қўшиқ ва қатор чолғу куйлар муаллифи. Буларнинг сўнгги учтаси кўп йиллар давомида Ўзтелерадиосининг туркум дастурларининг бошланғич садолари эди. Умрининг охирида «Чўлпон-ойнинг алласи», «Чоргоҳ», «Машъал», «Зебуннисо» сингари телепостановкаларнинг мусиқасини яратган.



Ж. ижодий услуби тез ёдда қолувчи жозибали оҳангларга бойлиги, анъанавий *пешраў*, ашула ва қўшиқ шаклларининг эркин уйғунлашишига асосланган.

Ад.: Ғофурбекова Х., Бастакор Комилжон Жабборов [Мусиқа ижодиёти масалалари], Т., 1997.

ЖАББОРОВА Дилафрўз Абдураҳимовна (1950.5.7, Тошкент) — раққоса. Ўзбекистон халқ артисти (1984). Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг халқ рақслари бўлимини (1967), Тошкент давлат маданият ин-тининг хореография бўлимини (1983) тугатган. «Шодлик» ашула ва рақс ансамблида (1967—78), Навоий театрида (1978—82), «Ўзбекконцерт» бирлашмасида (1982—86), 1986 й.дан М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармония гастроль-концерт бирлашмасида яккахон раққоса. 1990—2001 й.лар «Шодлик» (1996 й.дан «Ўзбекистон») ашула ва рақс ансамблининг бадиий раҳбари. Ижросидаги рақслар шўхчанлиги, жўшқин ҳаракатларга бой ва ифодавийлиги, аёл қалбидаги ишқ, дарду алам, қувончларни нозик ишораларда ифода этувчи чиройли хироми б-н ажралиб туради. Энг яхши рақслари: «Дил куйласин», «Гулруҳ», «Дарёи азим», «Сурнай лазгиси», «Ноз этар»,



Дилафрўз Жабборова. «Талъати Зебо» рақси.

«Ўсма қўйибди қошига», «Раққоса», «Танавор», «Ўйнасангиз», «Муножат» ва б. «Кармен» (Ж. Бизе) операсида Фарандоу партиясини ижро этган. Репертуаридан ҳинд, чили, уйғур, рус, эрон, турк, афғон, лўли ва б. халқлар

рақслари ўрин олган. АҚШ, Австралия, Бельгия, Вьетнам, Германия, Сурия, Ғарбий Берлин ва б. мамлакатларда гастролда бўлган. Ж. ижодига бағишланган «Дилафрўз Жабборова рақсга тушади» телефильми суратга олинган (1984).

ЖАБРА (branchtae), ойқулоқ — сув ҳайвонларининг газ алмашинув органи. Келиб чиқиши ва тузилиши ҳар хил бўлган тана ўсимтасидан иборат. Ж.да қон (ёки лимфа) томирлари қалин тўр шаклида тармоқланган. Томирларнинг юпқа девори орқали қон ёки тана суюқлигидан атроф муҳитга CO_2 ажралиб, ундан O_2 ютилади. Ҳалқали чувалчанглар Ж.си жуда оддий тузилган бўлиб, параподийларида (эркин ўрмалаб яшовчилар) ёки бошида (най ичида яшовчилар), кўпчилик юксак қисқичбақасимонларда эса кўкрак оёқлари асосида ёки танасининг икки ёнида жойлашган. Ҳашаротлар сувда яшайдиган личинкаларининг трахея Ж.лари юпқа деворли ўсимтадан иборат бўлиб, тананинг ҳар хил жойида ўрнашган ўсимтага учи берк трахея найчалари кириб туради. Моллюскалар Ж.си ктенидий ёки пластинкасимон. Игнатерилиларники (денгиз типратиканлари ва юлдузлари)ники ичи суюқлик б-н тўлган тери ўсимталаридан иборат.

Сувда яшовчи хордалилар ҳалқуми деворида бевосита ёки жабра олди бўшлиғи орқали ташқи муҳитга очиладиган Ж. ёриқлари бўлади. Ичак б-н нафас олувчилар, қобиқлилар ва бош қутисизлар Ж. ёриқлари оралиғидаги тўсиқ қон капиллярлари б-н таъминланган. Ж. ёриқлари орқали сув б-н қон ўртасида газ алмашинуви рўй беради. Балиқлар Ж. ёриқлари Ж. ёйлари б-н тўсилган. Тоғайли балиқлар Ж. ёйларида Ж. варақлари жойлашган. Суякли ва айрим тоғайли балиқлар Ж. варақлари 2 қатор бўлиб сиртдан Ж. қопқоқлари б-н ёпилган. Бу қопқоқлар оғиз б-н бир вақтда очилиб ёпилади. Ж. варақлари сиртидаги юпқа бурмалар Ж.нинг нафас олиш юзасини кенгайтиради. Фаол сузадиган балиқлар Ж. юзаси кам ҳаракат балиқларга нисбатан анча кенг. Сувда ва қуруқликда яшовчилар личинкаларида ташқи Ж. бўлади. Ж. сув-туз алмашинуви, сув ва туз ионларини шимиб олиш ва ажратишда ҳамда аммиак ва мочевина ионларини ажратиб юборишда муҳим аҳамиятга эга.

ЖАБРА ОРҚАЛИ НАФАС ОЛУВЧИЛАР (Branchiata) — бўғимоёқлилар кенжа типи; I синф — қисқичбақасимонларни ўз ичига олади. Бирламчи сув ҳайвонлари, айрим турлари қуруқликда яшашга мослашган. Одатда жабралар орқали нафас олади. Ж. о. н. о. жабраси оёқлари эпиподат ўсимтаси ёки шаклан ўзгарган оёқлар ҳисобланади. Жуда майда турларида жабра бўлмаганлиги учун тана юзаси орқали нафас олади. Қуруқликда яшашга мослашган айрим турлари (заҳкашлар)да ўзига хос трахеялар бўлади. Ж. о. н. о.нинг бошида 2 жуфт мўйловлар — антеннула ва антенналар бўлади. Шунинг учун уларни баъзан 2 жуфт мўйловлилар (Diantennata) деб ҳам аталади.

ЖАБРАОЁҚЛИЛАР (Branchiopoda) — энг содда тузилган қисқичбақасимонлар кенжа синфи. Боши (протоцефалон) кўкрак бўғимлари б-н қўшилмаган. Фасеткали кўзи ва науплиус кўзчаси бор. Баргсимон кўкрак оёқлари сузиш, нафас олиш ва озиқни оғзига ҳайдаш учун хизмат қилади. Қорни оёқсиз, айри б-н тугайди. 740 га яқин тури бор. Чучук сувда яшайди, денгизларда кам учрайди. Метаморфоз орқали ривожланади. Личинкаси — науплиус, метанауплиус 2 туркум: баргоёқлилар (Phyllopoda) ва Ж.



Жабраоёқли қисқичбақа.

(Anostraca)га бўлинади. Ж. турларининг танаси чўзиқ, уз. 5 мм дан 3 см, баъзан 10 см гача. Кўкрак сегментлари (11, баъзан 17—19), одатда бир жуфтдан оёқларга эга. 180 тури маълум. Ж. кенг тарқалган, чучук сув ҳавзалари, кўлмак сувларда яшайди. Фақат артемия шўр ва шўрланган сувли ҳавзаларда учрайди. Ж. — микроскопик сув ўтлари, детрит б-н озиқланади. Кўпчилиги дастлаб тухумини тухум халтасига қўяди, сўнгра сувга чиқаради. Тухумлари сув тубига чўкиб, ривожланади. Улар узоқ вақт давом этадиган қурғоқчиликка ва ҳароратнинг кенг чегарада ўзгариб туришига чидамли; шамол орқали тарқалиши мумкин.

ЖАБРЛАНУВЧИ — жиноят оқибатида ёхуд ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар кўрган шахс. Маънавий зарар фуқаронинг ор-номуси ва инсоний қадр-қимматини топташда, уни бошқа фуқаролар олдида камситишда, жамоатчилик олдида обрўини туширишда ва бадном қилишда ифодаланади. Жисмоний зарар — фуқаронинг баданига шикаст ва соғлиғига путур етказиш, жисмоний азоб ва оғриқ, қийноқ, мулкий зарар — шахсий мулкни ғайриқонуний равишда олиш, унга шикаст етказиш ёки мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини бузиш демакдир. Фуқарони Ж. деб топиш ҳақида суриштирувчи, терговчи ва прокурор — қарор, суд эса — ажрим чиқаради. Агар Ж. воягa етмаган ёки муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, ишда унинг қонуний вакили иштирок этади. Ж.нинг ўлими б-н тугаган жиноят ишларида Ж. ҳуқуқлари қонунга биноан яқин қариндошларига ўтади.

Ж.га жиноят ишида фаол иштирок этиш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун кенг ваколатлар берилган. Ж.: кўрсатувлар бериш, далиллар тақдим қилиш, илтимоснома бериш ва рад этиш, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ҳаракатлари устидан шикоят қилишга; *дастлабки тергов* тугагандан кейин ишдаги барча материаллар б-н танишиб чиқишга; суд муҳокамаси олиб борилаётган тилни билмаса, ўз она тилида гапириш ва таржимон хизматидан фойдаланишга ҳақли. Ж. ўз манфаатларини шахсан ўзи ёки ўз вакили орқали ҳимоя қилиши мумкин. Ж. суд муҳокамасида қатнашаётиб, гувоҳларга, экспертга, судланувчига, бошқа Ж.ларга, *фуқаролик даъвогари* ва *фуқаролик жавобгари*га саволлар, суд терговининг исталган пайтида суд текшираётган иш ҳолатлари юзасидан кўрсатув бериш, арз қилинган фуқаролик даъвосини қувватлаш ҳуқуқига эга. Ж. ашёвий далиллар ва ҳужжатларни ҳамда жиноят содир бўлган жойни кўздан кечиришда иштирок этиши, суд мажлиси протоколи б-н танишиши ва протокол юзасидан ўз мулоҳазаларини маълум қилиши мумкин. Ж. ҳукм устидан шикоят қилишга, бошқа шахсларнинг шикоят ва прокурор протести б-н танишишга, улар юзасидан эътирозлар билдиришга ҳақли. Ж. иш юзасидан билганларини маълум қилишга ва қўйилган саволларга жавоб беришга мажбур. Кўрсатувлар беришдан бош тортганлиги ва била туриб ёлғон кўрсатувлар берганлиги учун Ж. жиноий жавобгарликка тортилади (ЎзР ЖПК, 54—55-моддалар).

ЖАБРОИЛ — исломда тўрт бош фариштадан бири (*Микоил, Исрофил, Азроил* б-н бирга). Диний ақидага кўра, Аллоҳ иродасини пайғамбарларга етказиб, *ваҳий* келтирувчи (хабар берувчи), самовий офатларни ер юзида ижро қилувчи фариштa; барча пайғамбарларга худо тарафидан келадиган ваҳийлар фаришталар улуғи Ж. (ас) орқали келади. Ж. Аллоҳнинг иродаси б-н Мулкази, Ж. суд ҳукмини бажаришга раҳбарлик қилади. Ж. ҳақида турли ривоятлар мавжуд.

казиб берган. Қуръони каримда Ж. «муқаддас руҳ», «олижаноб элчи» номи б-н тилга олинади.

Ж. христианликда Гавриил номи б-н маълум.

ЖАБҒУ, ябғу — 1) *кушонлар* даврида олий унвонлардан бири; 2) Турк хоқонлигида қаған ва тегин (хонзода, тахт вориси) каби маъмурий-ҳарбий мансаблардан кейин турадиган унвон. Ҳарбий саркарда сифатида қўшиннинг ўнг қанотига сардорлик қилган. Бу мансабни эгаллашга фақат қаған уруғидан чиққан шахсларгина ҳақли бўлган. Хитой солномаларида таъкидланишича, Ж. ҳукмдордан сўнг олий маъмурий-ҳарбий мансаб сифатида фаолият кўрсатган. Ғарбий турк хоқонлигида Ж. истилоҳи давлат бошлиғи ва олий бош кўмондон маъносида истеъмолда бўлган. «Тарихи Табарий»да қайд этилишича, Тохаристон ҳукмдори Ж. унвонини эгаллаб турган. Биринчи Турк хоқонлиги барпо бўлгунга қадар, Ашина уруғига мансуб бўлган туркслар элида энг олий маъмурий-ҳарбий унвон Ж. ҳисобланган. Хоқонлик ташкил этилгач, давлат бошлиғи қаған, унинг нойби эса Ж. деб аталган. Турк хоқонлигига асос солингандан сўнг Ж. унвонини эгаллаб турган *Бумин*га қаған, унинг иниси *Истами*га баҳодур-жабғу унвони берилади. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида Ж. «йафғу» фонетик шаклида қўлланган бўлиб, «хоқондан икки даража паст ўринда бўлган одам» тарзида изоҳланган; 3) *Ўғузлар* ва *қарлуқлар* ҳукмдори.

ЖАБҒУКАТ (*жабғу* ва суғдча кат — шаҳар) — Бинкат (қад. Тошкент) шаҳридан тахм. 12—14 км шим.-шарқдаги қад. шаҳар. Ж. номи «Ҳудуд ул-олам» (10-а.) асарида қайд қилинган: «Жабғукат гўзал шаҳар, Чочнинг ҳарбий лашкаргоҳи шу ерда бўлган». Ж. ўрнида ҳоз. *Бўзгонтепа* археологик ёдгорлиги жойлашган.

ЖАВДАР, қора буғдой (Secale) — ғалладошлар оиласига мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар туркуми, дон экини. 13 туридан 11 таси ёввойи бўлиб, Кичик ва Ўрта Осиёда, Эрон, Афғонистон, Закавказье, Жан. Африкада ўсади, қолган 2 туридан бири — далаларда бегона ўт тариқасида учрайди (S. segetale), бири асосан Шим. ярим шар мамлакатларида етиштириладиган маданий ёки экиладиган Ж. (S. cereale) дир. Ж.нинг ватани Кавказ, Кичик ва Ўрта Осиёнинг тоғ олди минтақалари. Кузги ва баҳорги шакллари бор, асосан кузгиси экилади. Жаҳон бўйича экин майдони 9,9 млн.га ўртача ҳосилдорлик 20,3 ц/га, ялпи ҳосили 20,1 млн. т (1999). Асосан Е[illegible] мамлакатларида кўп экилади (Польшада — 2,2, Россияда 3,5, Украинада 0,6 млн.га). Ўзбекистонда Ж. кам экилади (8 минг га, 1999).

Ж. илдиз тизими попук илдиз, бақувват, ерга асосан 120 см (айрим илдизлари 2 м) гача кириб боради. Пояси похол, 5—6 бўғимдан иборат, бўйи 60 см дан 2—2,5 м гача. Битта ўсимликда 4—8 та поя бўлади. Барги барг қини ва ханжарсимон учли барг пластинкасидан иборат: тўпгули — бошоқ, гуллари икки жинсли, меваси дон, ялангоч, чўзинчоқ, асосан кулранг. Ж. четдан чанглanадиган ўсимлик. Ж. дан озиқ-овқат, ем-хашак ва техника мақсадларида фойдаланилади. Жавдар нон (буғдой нон б-н биргаликда) энг мураккаб ошхоналарда ҳам озиқ-овқат маҳсулотидир. Ёрмаси ем-хашак массаси, уни чорва моллари ва кўк массаси, уни чорва моллари учун қимматли озуқа; донидан аралаш озуқа, спирт ва крахмал, патока ишлаб чиқарилади, сомонидан қоғоз, целлюлоза, лигнин ва б. олинади, шунингдек, молларга едирилади ва тўшама сифатида фойдаланилади. Кузги Ж.нинг ўрнида фойдаланилади. Кузги Ж.нинг фаол вегетация даври (120—150 сутка) иккига бўлинади: вегетатив органлари ривожланиб борадиган кузги давр (40—50 сутка) ва генератив органлари шаклланадиган ва ўсимлик ҳосил берадиган баҳорги-ёзги давр (75—100 сутка). Уруғи 1—2° иссиқда униб чиқади, майсалари совуққа чидамли. Ж. апр. нинг охири — майнинг бошларида бошоқ чиқаради, июнь ойида пишади. Суғориладиган минтақаларда кузги Ж.ни маккажўхори, ғўза, картошка ва б. дала экинларидан бўшаган унумдор ерларга экиш тавсия этилади. Ўзбекистонда суғориладиган ерларда, асосан, кузда 4—6 см чуқурликда экилади (гектарига 2—2,5 ц уруғ сарфланади). Суғориладиган ерларда ҳосилдорлиги 20—50 ц/га, баҳорикор ерларда 10—20 ц/га боради. Баъзи жойларда Ж.ни оралиқ экин тариқасида кўкатини молларга бериш учун ҳам экилади.

Навлари. Ж.нинг Вятка, Қозон, Дурагай 2, Вахш 116 (баҳори) ва б. экилади.

Зараркунандалари: швед пашшаси, гессен пашшаси, кузги пашшалар, хасва ва б. Касалликлари: илдиз чириш, қоракуя, қоракўсов ва б.

Ад.: Ёрматова Д., Дала экинлари биологияси ва етиштириш технологияси, Т., 2000.

Қўзибой Душамов.

ЖАВЗА — қад. оғирлик ўлчови. Қийматлари: 1) 1 Ж.=1 мисқол/драҳмий. Агар мисқолнинг 4,25÷5 г га, драҳмийнинг 3,3105÷4,25 г га тенглиги ҳисобга олинса, 1Ж. 7 г÷10,57 г га тўғри келади. Ж.нинг шоҳ Ж.си ҳам бор, у 6 мисқол/дирҳамга тенг. Агар дирҳам мисқолнинг 7/10 бўлагига тенглиги ҳисобга олинса, унда 1 Ж.=6 мисқол/дирҳам = 6 · 10/7 = 8,57 г бўлади.

Баъзи манбаларда Ж.нинг бошқа қийматлари тўғрисида маълумотлар берилган. Мас., Ибн Синонинг «Тиб қонунлари»даги жадвалда 1 Ж. = 38,75 г, баъзан 1 Ж. = 17,0 г деб берилган бўлса, бошқа адабиётларда 1 Ж. = 29,75 г ёки 1 Ж. = 25,5 г деб берилган.

ЖАВЗИЙ (араб.— эгизак) — қ. *Ўн икки мақом.*

ЖАВЗО — 1) *зодиак* юлдуз туркумларининг бири. Белгиси Gem (лот. Gemini). Осмон гумбазининг Шим. ярим шарида *Саратон* ва *Савр* юлдуз туркумлари ораларида жойлашган. Энг ёруғ юлдузлари Кастор (2-катталикда) ва Поллукс (1-катталикда). Ж.ни куз, қиш ва баҳор пайтларида кузатиш мумкин; 2) ҳижрий-шамсий йил ҳисобининг учинчи ойи. Эрон календарида Ж. 1925 й.гача ишлатилган. Афғон календарида 1911 й.дан қўлланилади. Ж. 31 кундан иборат бўлиб, биринчи куни 21—22 майга тўғри келади (яна қ. *Бурж*).

ЖАВЛОНОВ Ҳикмат (1933.13.2, Фориш тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). СамДУ ни тугатган (1955). 1955 й.дан Фориш туманидаги 1-мактабда физика ўқитувчиси, мактаб директори ўринбосари, 1972 й.дан 33-мактабда директор, 1995 й.дан физика ўқитувчиси. У ўқувчилар б-н биргаликда 1200 дан ортиқ кўргазмали қурол тайёрлаган ва намунали физика хонасини ташкил этган.

ЖАВОБГАРЛИК — қ. *Жиноий жавобгарлик, Интизомий жавобгарлик, Моддий жавобгарлик.*

ЖАВОН — хона (меҳмонхона)нинг ички деворидаги *токчалар* қатори, ойнаванд шкаф.

ЖАВОНШИР (?—670) — *Кавказ Албанияси*нинг ҳокими (638—670). Меҳронийлар сулоласидан. Унинг даврида араблар томонидан Албанияни босиб олиш бошланган. *Қодисия жанги* (636 й.)да арман князи Мушег Мамиконян ва Сюник ҳокими Григорий б-н биргаликда арабларга қарши *сосонийлар* қўшини тарафида туриб жангда қатнашган. Форслар тор-мор келтиргач, Ж. Закавказье ҳудудида қолган-қутган форс аскарлари б-н кураш олиб борган. 660 й.да *Халифалик*ка қарши Византия б-н иттифоқ тузган. 667 й. жан. дан араблар ва шим.дан хазарлар истилоси хавфи туғилгач, ўзини Халифалик вассали деб тан олган. Ж. марказлашган ҳокимият мухолифлари фитнаси натижасида ўлдирилган.



Жавоҳирлардан ишланган буюмлар: 1. Гулласта. Олтин, қимматбаҳо тошлар. Санкт-Петербург, 18-а. ўрталари. Давлат эрмитажи. Санкт-Петербург. 2. Тўғноғич (зумрад, гавҳар, олтин, кумуш). 3. Кўза (ёқут, зумрад, марварид). 4. Ханжар дастаси (нефрит, гавҳар, ёқут). 5. «Шоҳ олмос (88,7 карат). Олмос фонди. Москва.

ЖАВОҲИРЛАР, қимматбаҳо тошлар — қимматбаҳо безак буюмлари тайёрлаш учун ишлатиладиган ўзига хос хусусиятли минераллар. Ж. чиройлилиги, рангининг тиниқлиги ва бир хиллиги, ялтироқлиги, жилоланиши, қаттиқлиги, қирралаш мумкинлиги каби хусусиятлари б-н қадрланади. Сунъий усулда қирралган, тарашланган ва сайқал берилган *олмос*га *гавҳар* дейилади. Ж. шартли равишда 4 синфга бўлинади: 1-синф — олмос, ёқут, сапфир, зумрад; 2-синф — александрит, сапфирнинг турли ранглилари, асл қора опал, асл жадеит; 3-синф — демантоид, шпинель, асл оқ ва олов ранг опал, аквамарин, топаз, турмалин; 4-синф — хризолит, циркон, кунцит, ойтош, қуёш тоши, сариқ, яшил ва пушти ранг берилл, пироп, альмандин, феруза, аметист (сафсар), хризопраз, цитрин. Ж.нинг баъзилари, мас., олмос, зумрад, ёқут ва б. сунъий йўл б-н ҳам олинади. Шпинель ва корунднинг таркибига бошқа кимёвий элементлар аралашмалари (хром, титан, ванадий, темир ва б.)ни қўшиш йўли б-н «аметист», «александрит», «аквамарин» олинади. Деярли барча Ж.ни сунъий йўл б-н олиш мумкин.

Ж. одамзодга жуда қадим замонлардан маълум. Қадимда табиий олмосни қирралаш б-н биринчи марта Шарқ мамлакатларида, асосан Ҳиндистонда шуғулланилган. Бундан 4000 йил илгари Хитойда нефритдан ҳар хил буюм (пичоқ, болта ва б.) ва безаклар ясашган.

Ёқут, лаъл, феруза, нефрит, ақиқ, зумрад, гавҳар каби Ж. Ўрта Осиёда узоқ тарихга эга. Улар Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва б. шаҳар бозорларида 6—7-а.лардаёқ кўплаб сотилган. Ўрта аср Шарқ меъморлигида девор ва мақбараларни қимматбаҳо тош бўлаклари ва тахтачалари б-н безаш урф бўлган.

Буюк олим *Беруний* ҳам Ж.нинг пайдо бўлиши, уларнинг физик, кимёвий хоссалари ҳамда ишлатилиш тарихига оид тадқиқотлар ўтказган. Текшириш натижаларини ўзининг «Китоб ул-Жамоҳир фи Маърифат ал-Жавоҳир» («Минералогия») китобида баён қилган.

Европада илк ўрта асрларда қимматбаҳо ва зийнат тошларига сайқал бериш фақатгина Ж.ни қайта ишлаш жараёнида уларнинг табиий қиррасини сақлаб қолиш ва тозалаш, кристалларни тоғ жинсларидан ажратиб олишдан иборат бўлган. 1456 й.да голландиялик Лодевейк ван Беркем олмосни қирралашда олмос кукунидан фойдаланган, шундан кейин бу усул бошқа қаттиқ тошларни қирралашда кенг қўлланила бошлаган. 1725 й.да Санкт-Петербургда Пётр I кўрсатмасига биноан биринчи марта «олмос тегирмони» — жилолаш ф-каси очилган. Унда дастлаб фақат қимматбаҳо тошлар қирраланган, кейинчалик безак тошларига ҳам жило бера бошлаганлар.

Ж. табиатда турли жараёнларда: 1) магний ва темирга бой магмаларнинг кристалланиши жараёнида (олмос ва пироп); 2) гранитли пегматитларнинг кристалланиши натижасида (зумрад, аквамарин, циркон, топаз, турмалин, амазонит); 3) минераллашган эритмаларнинг кристалланишидан (опал, биллур, аметист, феруза, агат, малахит); 4) метаморфизм жараёнида (ёқут, сапфир, шпинель, ложувард, гранатлар) ҳосил бўлади.

Ж. конлари дунёда кўп, аммо конлар бир хил тарқалмаган. Жан. Африка ва Мадагаскар о.да (олмос, зумрад, берилл, аквамарин, турмалин, биллур, топаз, пироп ва б.), Жан. Америка, асосан Бразилия ва Колумбияда (зумрад, берилл, олмос, турмалин ва б.) кўплаб қазиб олинади. Осиё мамлакатларида нефрит (Хитой), феруза ва лазурит (Эрон, Афғонистон), ёқут, шпинель, циркон, жадеит, альмандин (Ҳиндистон, Шри Ланка, Таиланд), олмос, зумрад, малахит, топаз, аметист, турмалин (РФ) конлари мавжуд. Ўрта Осиё қадимдан ўзининг феруза, ёқут, биллур, мармар оникси б-н машҳур. Ўзбекистонда малахит (Писком тоғи), феруза (Қизилқум, Султон Увайс, Қурама тоғи), родонит (Қурама, Султон Увайс), аметист (Писком, Қурама тоғи) мавжуд, айниқса феруза қадимдан қазиб олинади.

ЖАВШАН (форс.— совут, зирҳ) — қадимда ва ўрта асрларда жангчининг баданини жароҳатланишдан сақлаш мақсадида кийиладиган совутнинг бир тури. Ж. *жуббага* нисбатан оғир. Дастлабки вақтларда у жез (бронза)дан, кейинчалик темир ва пўлатдан ишланган. Ж. баргсимон темир парчаларидан майин ҳалқа симлар ёрдамида тўқилган. Ж.ни эгилув-



Жавшан кийган аскар (Кушонлар даври).

чан, букилувчан бўлиши учун уни махсус тайёрланган металл тахтачаларни бириктириб ҳам ясаганлар. Йирик лашкарбошилар, саркардалар учун баъзан махсус Ж. тўқилган. Мил. ав. I-минг йилликдаёқ Марказий Осиё халқлари жанг пайтида отларга Ж. ёпишган (яна қ. *Баргуствон, Бактар, Совут, Зирҳ*).

ЖАВҲАРИЙ, Абу Наср Исмоил ибн Ҳаммод ал-Форобий (940—1002 ёки 1008) — туркистонлик тилшунос олим. *Фороб*да дунёга келиб, ватандоши Тойисий Иброҳим Форобий ва б. алломалардан таҳсил олган. Сўнг, Ироқ, Жазира, Мисрга бориб, узоқ муддат араб тили грамматикасини ўрганган. Хуросонга қайтиб, бир муддат Нишопурда яшаган. У 1002 й. улкан қанотлар ясаб, уларни қўлларига боғлаган-да, учмоқ учун томдан сакраб вафот этган. Ж.нинг «Тожу-л-луға ва саҳоҳу-л-арабийа» («Луғат тожи ва арабчанинг ҳақиқийси») асари тилшунослик фанида Ферузободий (1329—1414)нинг «Қомус»идан кейинги энг мукаммал китобдир. Бу асарга кўплаб шарҳлар битилган. Асар форс, турк тилларига таржима қилинган, Туркияда нашр этилган.

ЖАВҲАРЛИМУ — лимон эссенцияси. Лимон меваси, шунингдек, глюкозани ачитиш усули б-н олинади. Қандолатчиликда мураббо, нишолда, парварда сингари ширинликларни тайёрлашда ишлатилади.

ЖАДВАЛ — 1) маълум изчилликда устунлар, катаклар, сатрлар тарзида кўрсатилган маълумотлар, рақамлар (мас., дарс Ж.и, поездларнинг қатнов Ж.и).

ЖАДЕИТ (испанча ijada — ён) — силикатлар синфига мансуб минерал, кимёвий формуласи $NaAl(Si_2O_6)$. Моноклин сингонияли. Ранги яшил, кўкимтир ва оқ, шишасимон ялтироқ. Қаттиқлиги 6,5—7. Зичлиги 3200—3500 кг/м³. Метаморфик жинсларда, баъзан контакт-метасоматик ишқорли жинсларда учрайди. Ж. Мьянма ва АҚШ (Калифорния), Қозоғистон, Тожикистон (Помир), РФ (Қутбий Урал, Ғарбий Саян тоғлари) ва б. жойларда топилган. Ўзбекистонда метаморфик жинсларда учрайди. Ж.дан заргарлик ва бадиий безак буюмлари тайёрланади.

ЖАДИДЧИЛИК (араб. жадид — янги) — 19-а. охири 20-а. бошида Туркистон, Кавказ, Қрим, Татаристон ҳаётида муҳим аҳамият касб этган ижтимоий-сиёсий, маърифий ҳаракат. Ж. дастлаб 19-а.нинг 80-й.ларида Қримда Исмоилбек *Гаспринский* раҳбарлигида қрим татарлари ўртасида вужудга келди. Ж. ҳаракати намояндалари кўпинча ўзларини тараққийпарварлар, кейинчалик жадидлар деб аташган. Ўша даврнинг илғор тараққийпарвар кучлари, биринчи навбатда, зиёлилар маҳаллий аҳолининг умумжаҳон тараққиётидан орқада қолаётганлигини ҳис этиб, жамиятни ислоҳ қилиш зарурлигини тушуниб етгандилар. Ж. моҳият эътибори б-н аввало сиёсий ҳаракат эди. Унинг шаклланиш ва мағлубиятга учраш даврлари бўлиб, уларни шартли равишда хоро ва Хива ҳудудида бу даврлар 1895—1905; 1906—16; 1917—20; 1921—29 й.ларни ўз ичига олади.

Биринчи даврда Туркистонда подшо Россиясининг мустаҳкам ўрнашиб олиши кузатилади. У ўз сиёсий агентлари (вакиллари) ёрдамида маҳаллий хон ва амир ваколатларини чеклабгина қолмай, уларни қўғирчоққа айлантириб, рус ва ғарб сармоядорларининг ишларини ва яшаши учун шароит яратади, турли компаниялар, акциядорлик жамиятлари манфаатини кўзлайди. Айни чоғда маҳаллий аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари назарга олинмай қўйилди, диний эътиқодлари, урф-одатлари б-н ҳисоблашмаслик, уларни менсимаслик кучайди. Ҳаётий, илмий савияси юқори бўлган қозилар тажрибасиз кишилар б-н алмаштирилди, порахўрлик, ижтимоий-сиёсий адолатсизлик авж олди. Мадраса ва мактаблар фаолиятини чеклаш, маҳаллий жой номларини русча атамалар б-н алмаштириш, маҳкама жараёнида қозилар бўйнига хоч тақтириш борилдики, ерли аҳолини бу хилда таҳқирлаш ҳоллари мустамлакачиларнинг бедодлигини яққол кўрсатарди. Ўша давр аҳволини *Муҳаммадали халфа Собир ўғли* (Дукчи эшон) халқа қарата ўз «Хитобнома»си (1898)да яхши баён қилган (яна қ. *Андижон қўзғолони*).

Миллат истиқболини ўйловчи тараққийпарвар кучлар халқнинг деярли барча табақалари — ҳунарманд, деҳқон, савдогар, мулкдор, уламолар орасида мавжуд эди. Зиёлилар дастлаб чоризмга қарши курашни халқни асрий қолоқликдан уйғотиш — сиёсий-маърифий жабҳадан бошлашга қарор қилдилар. Ж. ҳаракати ана шундай тарихий бир шароитда Туркистон минтақасида ривожланиш учун ўзига қулай замин топди.

Жадидлар орасидан етук олимлар, саноат ва зироатчилик соҳаларининг замонавий билимдон мутахассислари, маданият арбоблари етишиб чиқиб, юртни обод ва Ватанни мустақил кўришни орзу қилдилар ва шу йўлда фидойиларча курашдилар. Жадидларнинг Туркистон мустақиллиги учун курашида асосан қуйидаги йўналишлар устувор эди: янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш; қобилиятли ёшларни чет элга ўқишга юбориш; турли маърифий жамиятлар ва театр труппалари тузиш; газ. ва жур.лар чоп қилиш, халқнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш б-н Туркистонда миллий демократик давлат қуриш. Жадид зиёлиларининг кучли партияси ташкил қилинган тақдирдагина бу ишларни амалга ошириш мумкин эди.

Ж.нинг асосий ғоя ва мақсадлари қуйидагилар эди: Туркистонни ўрта асрларга хос қолоқлик ва диний хурофотдан озод этиш, шариатни ислоҳ қилиш, халққа маърифат тарқатиш, Туркистонда мухторият ҳукуматини барпо этиш учун кураш, Бухоро ва Хивада конституцион монархия ва парламент, кейинчалик демократик республика тузумини ўрнатиш орқали озод ва фаровон жамият қуриш, барқарор миллий валютани жорий қилиш ва миллий қўшин тузиш. Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқанд ва Хивада ҳур фикрли ва тараққийпарвар кишиларнинг айрим гуруҳлари томонидан очилган маданий-маърифий йўналишдаги жамият ва уюшмалардан Ж. ҳаракати шаклланди.

Туркистонда Ж. ҳаракатини вужудга келтирувчилар тепасида Маҳмудхўжа *Беҳбудий*, *Абдуқодир Шукурий* (Шакурий), Саидаҳмад Сиддиқий—*Ажзий* (Самарқанд), *Мунавварқори* Абдурашидхонов, Абдулла *Авлоний*, Убайдулла *Асадуллахўжаев* (Убайдулла Хўжаев), Тошпўлатбек Норбўтабеков (Тошкент), *Фитрат*, Файзулла *Хўжаев*, Усмонхўжа *Пўлатхўжаев*, Абдулвоҳид *Бурҳонов*, Садриддин *Айний*, Абдулқодир *Муҳиддинов* (Бухоро), Обиджон Маҳмудов, *Ҳамза*, *Чўлпон*, Исҳоқхон *Ибрат*, Муҳаммадшариф *Сўфизода* (Фарғона водийси), Полвонниёз ҳожи *Юсупов*, Бобоохун *Салимов* (Хоразм) турарди.

Туркистон минтақасидаги Ж. ҳаракати, тарқалиш жойи ва йўналишига кўра, учга бўлинади: Туркистон, Бухоро ва Хива жадидчилиги. Туркистон жадидлари б-н Бухоро ва Хива жадидлари ўртасида бир мунча тафовут бор. Туркистон ўлкасидаги Ж.нинг ижтимоий асосини зиёлилар ташкил қилди. Улар чор Россияси мустамлакачилигига қарши курашнинг олдинги сафларида туриб, чоризмнинг хом ашё манбаига айлантирилган Туркистоннинг дастлаб мухтор, сўнг мустақил давлат бўлишини ёқлаб чиқдилар.

Бухородаги Ж. Туркистондагига нисбатан оғир ижтимоий-сиёсий шароит-

да юзага келди. Унинг таркиби асосан Бухородаги шаҳар аҳолисининг тараққийпарвар қисми: зиёлилар, муллавачалар, майда дўкондорлар ва маъмурлар, ҳунармандлар, савдогарлардан иборат эди. Жадидларнинг деҳқонлар ва аскарлар ўртасида нуфузи аввалига паст бўлган. Жадидлар иқтисод ва бошқарув соҳасида бир қатор талаблар, чунончи, солиқларни камайтириш талаби б-н чиқишди. Улар дастлаб Бухородаги амирлик тузуми доирасида ислоҳотлар жорий қилмоқчи бўлишди. Бухорода вобкентлик деҳқон Жўрабой илк янги усул мактабини очган эди. Бухородаги Ж. ҳаракатига айрим жоҳил муллалар, ҳар қандай янгилик ва ислоҳотларнинг душмани бўлган қадимийлар оқими қарши чиқди. 20-а. бошларида Бухоро жамияти 2 гуруҳга: Иқром домла раҳбарлигидаги тараққийпарварлар ва Мулла Абдураззоқ бошчилигидаги қадимийларга бўлинган эди. 1908 й. «Бухорои шариф ширкати» тузилиб, дарсликлар нашр этиш ва китоб савдоси б-н шуғулланди. Аҳмаджон Ҳамдий (Абусаидов), Усмонхўжа Пўлатхўжаев (Усмон Хўжа), Ҳомидхўжа Меҳрий, Абдулвоҳид Бурҳонов, Абдулқодир Муҳиддинов, Садриддин Айний, Абдураҳмон Саъдий ширкатнинг ташкилотчилари эди. 1909 й. дек.да жадидлар Бухорода *«Тарбияи атфол»* («Болалар тарбияси») махфий жамиятини тузишди (асосчилари: Абдулвоҳид Бурҳонов, Ҳомидхўжа Меҳрий, Аҳмаджон Ҳамдий, Мукаммил *Бурҳонов*, Ҳожи Рафе). Бу жамият туркистонлик ва бухоролик ёшларни Истанбулдаги «Бухоро таъмими маориф жамияти» бўлимига ўқишга жўнатди. Хориждаги таълим ёшлар дунёқарашида тубдан бурилиш ясади. Ж. Бухоро ва Туркистонда бир вақтда бошланган бўлса ҳам, амирликдаги оғир муҳит унинг тараққиётини тезлаштирди. 1910 й.дан бошлаб Бухорода Ж. ҳаракати ташкилий тус олди ва «Тарбияи атфол» махфий жамияти асосида партия ташкил топди (қ. *Ёш бухороликлар*).

20-а. бошларида Хивада шаклланган Ж. бир қадар бошқачароқ тарихий шарт-шароитда вужудга келди. У бу ерда асосан иккита оқимдан иборат эди. Унинг ўнг оқими хонликда ривожланаётган савдо-саноат корхоналари эгалари ҳамда йирик бойларнинг вакилларини ўзига бирлаштирган эди. Бу оқимга Хива хони *Асфандиёрхон*нинг бош вазири *Исломхўжа* бошчилик қилган. Ж.нинг ўнг оқими ўз олдига мамлакатда хон ҳокимиятини сақлаб қолган ҳолда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш орқали эркин бозор муносабатларининг ривожланишига кенг йўл очиб беришни мақсад қилиб қўйган эди. Хивада Ж.нинг сўл оқими эса майда сармоядорлар, ҳунармандлар ва халқнинг турли табақа вакилларини бирлаштирган бўлиб, қозикалон Бобоохун Салимов унинг раҳбари эди. Улар Хива хонлигида янги усул мактаблари ташкил қилиш орқали халқ оммасининг сиёсий фаоллигини ўстириш мақсадини қўйишган эди. 1904 й. «жамияти хайрия» тузилиб, унинг кўмаги б-н Хива ш.да дастлабки янги усул мактаби очилди (1904 й. 10 нояб.). Хива жадидлари маърифий ишлар б-н кифояланиб қолмасдан, хон тузумига қарши кураш ҳам олиб бордилар. *Биринчи жаҳон урушига*ча Хива жадидларининг ягона маркази ва дастурий ҳужжатлари бўлмаган. Бироқ Ж. ҳаракати Хива хонлигида катта ижтимоий-сиёсий кучга айланиб, 1914 й. авг.да у партия шаклини олган (қ. *Ёш хиваликлар*).

1904—05 й.лардаги рус-япон уруши, 1905—07 й.ларда бўлган 1-рус инқилоби, 1905—11 й.лардаги Эрон инқилоби, 1908 й. Туркияда бўлган *Ёш туркlар* инқилоби жадидлар дунёқарашига кучли таъсир кўрсатди. Жадидлар ўз газ. ва жур.лари, янги усул мактаблари, турли кутубхона ва қироатхоналар, ҳаваскор театр труппалари теварагида тўпланишар эди. Уларнинг кўпчилиги шу даврнинг кўзга кўринган ижодкорлари — шоиру ёзувчилар эди. Улар ўз асарлари б-н тарихан янги миллий адабиёт яратдилар. Адабиёт давр воқеаларига ҳамоҳанг борди. 1910-й.лардаёқ маърифат ва озодлик ғоялари унинг марказий мавзуига айланди. Адабиётга «миллат» ва «ватан» тушунчалари кириб келди. Миллий шеърларга рағбат кучайди. Янги замонавий достончилик майдонга келди, публицистика (Беҳбудий, Фитрат, Мунавварқори, Мирмуҳсин) ривожланди, реалистик проза шаклланди. Шунинг учун ҳам бу давр адабиёти Ўзбекистон мустақиллигидан кейин ҳақли равишда миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти деб даврлаштирилди. Адабиётдаги бундай уйғониш, айни вақтда, шу давр маданий ҳаётида ҳам рўй берди. Жадидлар ўзбек халқи ҳаётига том маънодаги миллий *театр*ни олиб кирди. Миллий матбаанинг вужудга келиши б-н китоб босиш иши йўлга қўйила бошланди. Европа кўпровозли мусиқа санъати б-н танишган жадидлар ўзбек анъанавий мусиқа услубларини ҳам ислоҳ қилишга даъват этишган. 1919 й.да Тошкентнинг Эски шаҳар қисми (ҳоз. «Турон» кутубхонаси ёнидаги бино)да жадидлар ташаббуси б-н Туркистон халқ консерваториясининг миллий (эски шаҳар) бўлими ташкил этилди. Шу тарзда жадидлар санъат воситаси б-н миллат қадрини кўтариш, санъатнинг деярли барча турларини юксалтиришга интилдилар («Ўзбекистон Республикаси» махсус жилдининг тегишли бўлимларига — *Адабиёти, Театри, Мусиқаси*га қ.).

Ж.нинг аксар вакиллари ёшларга даставвал диний таълим б-н бир қаторда дунёвий фанларни ўқитиш масаласини кун тартибига қўйдилар. Улар мусулмон мактабларининг таълим усули ва дастурларини ислоҳ қилиб, янгича усулдаги мактабларни очдилар. Беҳбудий, Мунавварқори, А. Бурҳонов, А. Авлоний ва б. янги усул мактаблари учун дарсликлар ёзиб, нашр этишган (қ. *Янги усул мактаблари*).

Ж. ҳаракати давомида уларнинг ўз матбуоти шаклланди. Жадидлар Тошкентда 1905—06 й.ларда *«Тараққий»* (муҳаррири — Исмоил Обидий), *«Хуршид»* (муҳаррири — Мунавварқори), 1907—08 й.ларда *«Шуҳрат»* (муҳаррири — А. Авлоний), *«Осиё»* (муҳаррири — Аҳмаджон Бектемиров), «Тужжор» (муҳаррири — Саидкаримбой Сандзимбой ўғли), Бухорода 1912 й.да *«Бухоройи шариф»* (муҳаррири — Мирзо Жалол Юсуфзода), *«Турон»* (муҳаррири — Фиёс махсум Ҳусайний), Самаркандда 1913 й.да *«Самарқанд»* (муҳаррири — М. Беҳбудий), Тошкентда *«Садойи Туркистон»* (муҳаррири — Убайдулла Хўжаев), Қўқонда *«Садойи Фарғона»* (муҳаррири — Обиджон Маҳмудов) газ.лари ва Самаркандда 1913—15 й.ларда *«Ойина»* (муҳаррири — М. Беҳбудий), Тошкентда 1915 й. «Ислоҳ» (муҳаррири — Абдураҳмон Содиқ ўғли) жур.ларини нашр қилишди. Шунингдек, 1917—18 й.ларда Тошкентда *«Нажот»* (муҳаррири — Мунавварқори), «Кенгаш» (муҳаррирлари — Аҳмад Закий Валидий ва Мунавварқори), *«Турон»* (муҳаррирлари — М. Афандизода, А. Авлоний), «Улуг Туркистон» (муҳаррири — Кабир Бакиров), «Шўрои Ислом» (муҳаррири — Абдулла Баттол), «Турк сўзи» (муҳаррири — Темирбек Худоёрхонов), «Турк эли» (таҳрир ҳайъати), Самаркандда *«Хуррият»* (муҳаррирлари — Мардонқул Шоҳмуҳаммадзода, Акобир Шомансуров, Фитрат), Қўқонда «Тирик сўз» (муҳаррири — Обиджон Маҳмудов), «Эл байроғи» (муҳаррири — Бўлат Солиев) газ.лари ва «Кенгаш» (муҳаррири — Ҳамза), «Юрт» (муҳаррири — Ашурали Зоҳирий) жур.лари чоп қилинди. Матбуот миллат дилидаги гапларни ўз саҳифаларига кўчириш б-н

кифояланмай, қандай ишларни биринчи навбатда амалга ошириш масаласини ўртага қўйди. 1909 й.да Тошкент ёш зиёлилари томонидан «Жамияти хайрия» ташкил этилди. Маҳаллий ёшлардан давлат маҳкамаларида, саноат, тижорат соҳасида ишлайдиган мутахассислар тайёрлаш, камбағал мусулмонларга маданий-маънавий ёрдам кўрсатиш масаласи қўйилди. Бу миллатнинг бошқа халқлар ичига сингиб кетмаслиги йўлида кўрилган тадбирлар эди.

Бу даврда жадидлар ижтимоий-сиёсий куч сифатида кўриндилар. Халқ уларда ўз ҳимоячиларини ҳис этди. Сирдарё вилоятидан Петербургда ўтадиган Давлат думасига аъзоликка сайланган Абдувоҳидқори Абдурауфқориевга Тошкент, Чимкент ва б. жойларнинг аҳолисидан 12 моддадан иборат талабномани Давлат думасига топшириш юкланди. Бу ҳужжатда кўпгина ижтимоий талаблар кўрсатилган эди. Абдувоҳидқори 1907 й. 20 фев.—3 июнда Петербургда Садри Мақсудий (1879—1957), Мусо Жориллоҳ, Алимардон Тўпчибошев каби мусулмон зиёлилари б-н танишиб, мусулмон фракциясининг раиси Бигловга Туркистон халқи дардини етказди. Бироқ Абдувоҳидқори, орадан кўп ўтмай, қамоққа олинди ва Тулага сургун қилинди.

Шу тарзда, Ж. ҳаракати 1906—16 й.ларда ўзининг асосий йўлини белгилаб олди. Жадидларнинг нашрлари халқни янги давр бошлангани б-н таништирар экан, ўзлигини англаб, уюшишга чақирди. Ўлка моддий ва маънавий бойликлари талонаётганини ошкор қилди. Чўлпон шеър ва мақолаларида мустамлакачиларнинг асл қиёфаларини очиб ташлади. Машҳур адвокат У. Хўжаев олий ўқув юртини ташкил этиш, солиқларни тартибга солиш, болалар тарбиясига жиддий эътибор бериш масаласини баён қилди. Лев Толстой б-н фикрлашиш чоғида машҳур ёзувчини ён беришга мажбур этган У. Хўжаев чор ҳукумати маъмурларининг пораҳўрлиги ва золимлигини фош этиб, айримларини давлат ишидан четлатишга эришди. Мусулмон аҳолисига амалий тарзда ёрдам бериб, мавжуд ҳокимият қонун-қоидаларини тушунтира борди.

Жадид матбуоти ўз вакилларининг фикрларини эълон қилар экан, халқни «ҳар вақт ғафлат уйқусидан уйғотувчи» «миллат онгининг очқичи» эканлигини намоён этиш б-н бирга Туркистон халқини ҳур фикрлашга ва катта сиёсий курашга ҳозирлай олди. Бу даврда «Эрк», «Турон», «Ўқитувчилар жамияти» каби уюшмалар пайдо бўлди. Мунавварқори айтганидек, «Уларнинг бутун умиди Россиядаги инқилоб жараёнида маҳаллий аҳолини миллий, диний чеклаш ва жабрлашдан озод қилиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини овруполиклар б-н тенглаштириш, хилма-хил мактаб ва матбуот ишлари ҳамда турли-туман жамиятлар ташкил этишга кенг имконият яратиб беришга қаратилган эди».

Жадидлар бу даврда «Озодлик, тенглик ва адолат» шиори остида ишладилар. Уларнинг 1916 й. мардикорликка олиш воқеасига муносабати ғоятда эътиборга моликдир. Мардикорликка олиш — Биринчи жаҳон уруши кетаётган жойлардаги ишларга туркистонликларни жалб қилиш оқ подшонинг 1916 й. 25 июнь фармонига мувофиқ амалга оширилди. Бу кутилмаган тадбир, биринчидан, 1865 й. шартномасига зид эди. Иккинчидан, генерал Куропаткин (1848—1925)нинг хулосасига кўра, «Аҳоли ва маъмурият турар жойда ташқаридаги ишларга мутлақо тайёрланмаган ва бундай шошилинч амалга оширилган тадбир оғир тартибсизликларни келтириб чиқарган». Аҳоли учун ана шундай мусибатли пайтда жадидларнинг кўзга кўринган намояндаларидан У. Хўжаев («Туркистон мардаларидан У. Хўжаев раиси) ва дикорликка олиш қўмитаси раиси) ва миллатпарвар бой Миркомилбой Мирмўминбоев Россия жамоатчилигининг фармони Россия империясининг қонунчилигида кўрсатилган ҳолларга зид равишда қабул қилингани тан олинди. Фармон Думада муҳокама қилингунга қадар июнь—авг. ойида жадидлар ҳаракати орқали бир неча эшелон тўхтатиб қолинди. Жадидларнинг мардикорларни қайтаришга уринишлари б-н тўла амалга ошди. Бу ҳодиса эл орасида уларнинг обрўсини кўтарди. Мазкур ҳолат жадидлар маърифатпарварликдан сиёсий курашга аллақачон ўтганликларини билдирар эди.

1917 й. Ж. ҳаракати ўзининг янги босқичига қадам қўйди. Фев. инқилобидан сўнг ўзбек, татар ва қозоқлар бирлашишга аҳд қиладилар ва «Турон» уюшмаси заминида *«Шўрои Исломия»* жамияти тузилди (асосчилари Мунавварқори, Абдувоҳидқори Абдурауфқориев, У. Хўжаев). 1917 й. 14 мартда ишбошлаган бу жамият қишлоқ ва шаҳарларга тарғиботчилар юбориб, озодлик, тенглик ҳақида тушунтириш олиб бориш, сайлов тўғрисида маълумот бериш б-н шуғулланди. Унинг дастурини Мунавварқори ёзган эди. Жадидлар жойларда «Шўрои Исломия» тизими яратилишининг ташаббускори бўлдилар. Туркистонга мухторият мақомини бериш ҳаракати Туркистон мустақиллиги учун курашга айланди.

Туркий халқларни бирлаштириш ғояси қун тартибидан мустаҳкам ўрин олди. Ўзбек, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ, бошқирд, татар, туркман каби негизи битта халқларни бирлаштириш ва шу асосда федератив ёки мухторият ёки давлат қуриш масаласи бўй кўрсата борди. Аммо, Мунавварқори сўзи б-н айтганда, кўпгина кишилар жумҳурият б-н мухторият ўртасидаги фарқни тушунмаган эди. Хусусан, Туркистон намояндалари чин маънодаги республикани барпо этиш ва унинг давлат таркибини ташкил этишга тўлиқ тайёр бўлишмаган. Қозоқ ва бошқирд намояндалари — *Мустафо Чўқай*, Закий Валидий ва б. Петербург уларга ҳеч қачон мустақиллик ҳам, мухторият ҳам бермаслигини сезгач, Туркистонга келиб, маҳаллий жадидлар б-н бирга иш бошладилар.

Тошкентда «Шўрои Исломия», «Турон», «Шўрои Уламо», «Иттифоқи муслимин», Қўқонда «Ғайрат», Бухорода Ёш бухороликлар, Хивада Ёш хиваликлардан ташқари, Самарқандда «Иттифоқ», «Мирваж ул-ислом», «Мифтаҳ ул-маориф» каби ташкилотлар фаолият кўрсата бошлади. Буларнинг ижтимоий-сиёсий йўналишини белгилашда Мунавварқори, У. Хўжаев, М. Беҳбудий, А. Зоҳирий, А.З.Валидий, Мустафо Чўқай, Фитрат, Ф. Хўжаев, У. Пўлатхўжаев, Шерали Лапин, М. Мирмўминбоев, О. Маҳмудов, Полвонниёз ҳожи Юсупов, Т. Норбўтабеков ва б. фаоллик кўрсатдилар.

«Шўрои Исломия»нинг ташаббуси б-н 1917 й. 16—22 апр. кунлари Бутун Туркистон мусулмонларининг 1-қурултойи чақирилди. Қурултой иштирокчилари бир қанча масалалар қаторида Туркистон ўлкасининг давлат мақоми масаласини ҳам муҳокама қилдилар. 1-қурултойда Туркистон ўлка мусулмонлари Шўроси (Краймуссовет) — Миллий марказни ташкил этишга қарор қилинди. Миллий марказга раис бўлиб Мустафо Чўқай, унга ўринбосарлар қилиб Валидий ва У. Хўжаев сайланди. Бу эса ташкилотларни бирлаштириш б-н бирга миллий озодлик ҳаракатини изга солиб, ташкилий жиҳатдан марказлаштирар эди.

Миллий марказнинг 1917 й. 12 июн-

да бўлиб ўтган йиғилишида барча жамият ва уюшмаларнинг Марказий мусулмон депутатлари Шўросига бўйсуниши ҳақида Низом қабул қилинади. Марказнинг мақсади халқнинг энг қуйи қатламлари — мардикор ва деҳқонларга тўлиқ ҳуқуқ бериш ва Туркистон мусулмонларини маданий, илмий, иқтисодий ва ғоявий тарбиялаш эди.

1917 й. апр.—июнь ойлари орасида жадидлар кўпгина сиёсий масалаларни ва уларга ўз муносабатларини белгилаб олдилар. Пировардида ҳудудий мухторият учун сиёсий вазият пишиб етилганини англаб етдилар.

1917 й. 1—11 майда Москвада бўлган Бутун Россия мусулмонларининг 1-қурултойи берган туртки натижасида мухторият масаласи янада жиддийлашди. 1917 й. 12—14 июлда Фарғонада бўлиб ўтган мусулмон ташкилотларининг қурултойида дастурий масалалар кўриб чиқилди. Унда «Турк Адами Марказият (Федералистлар)» фирқасининг дастури (маромномаси) ва 22 моддадан иборат Низоми қабул қилинди.

1917 й. 17—20 сент.да Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон ва Қозоғистон мусулмонларининг қурултойида «Шўрои Исломия» ва «Шўрои Уламо», «Турон» ва б. сиёсий ташкилотларни бирлаштириш йўли б-н «Иттифоқи муслимин» сиёсий партиясини тузишга келишилди.

Туркистонни бошқариш шакли тўғрисидаги масала 1917 й. 26—28 нояб. да Қўқонда бўлган Туркистон ўлка мусулмонларининг фавқулодда 4-қурултойининг диққат марказида турди. Мухторият ва мустақилликни эълон қилиш фикрини ҳамма қўллаб-қувватлади. *Туркистон Мухторияти* ҳукумати (раиси — Муҳаммаджон *Тинишбоев,* сўнгра Мустафо Чўқай) ташкил қилинди. Фитрат, Чўлпон, Ҳамза сингари оташқалб жадид шоирлари Туркистон Мухториятини алқаб, ўтли сатрлар битишди.

1918 й. фев.да Туркистон Мухторияти большевиклар томонидан қонга ботирилгач, Ж. ҳаракати кучли ўзгаришга учради. Совет режими б-н муроса қилишни хоҳламаган Туркистон жадидларининг катта қисми *истиқлолчилик ҳаракати* сафларида ва яширин миллий ташкилотларда фаолият кўрсатган бўлса, айримлари совет ҳукумати идораларида иш бошлашга мажбур бўлдилар.

Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида аҳвол сал бошқачароқ кечди. 1920 й.да қизил армия ҳар икки давлат ҳудудига бостириб кирди. *Бухоро Халқ Совет Республикаси* ва *Хоразм Халқ Совет Республикаси* тузилиб, жадидлар ҳокимият тепасига келишди. Демак, 1920 й.дан Ж. ҳаракати ўз тараққиётининг янги босқичига, яъни советлар б-н муроса йўлига қадам қўйди.

1920 й. 1—7 сент.да Бокуда Шарқ халқлари қурултойи чақирилди. Қурултойда қабул қилинган қарорлар Туркистон халқларининг кейинги тақдирида муайян роль ўйнади. Унда Мунавварқори, Турор Рисқулов, Чўлпон, Салимхон Тиллахонов, Ражаб Муҳамедов, Қудратилла Юнусов, Тошпўлатбек Норбўтабеков, Обиджон Маҳмудов, Тўрақул Жонузоқов, Зайниддин қори Насриддинов, Ҳожи Сафо Жўрабоев, Ғози Юнус каби туркистонлик миллат фидойиларидан жами 90 киши иштирок этди. Қурултой ишида Туркиядан келган ва шахсан Ленининг ўзи юборган *Анвар пошо* ҳам қатнашди. Бироқ мазкур қурултой большевикларнинг Англияга қарши қаратилган дўқпўписаси эканлиги мажлисларда аён бўлди. Шу боис туркистонлик 40 нафар делегат қурултой тугагач, ўзаро кенгаш ўтказиб, унда «Туркистондаги совет ҳокимиятига қарши ташвиқот ишлари»ни авж олдиришга ва «Октябрь инқилобининг уч йиллиги кунида умумхалқ қўзғолони кўтариш»га аҳд қилдилар. Бироқ, уларнинг бу режаси тўлиқ амалга ошмади.

Туркистон жадидлари фаолияти бутун ўлкани қамрайдиган, инглизларнинг скаутинг мактаб дастурига яқин дастур асосида ишлайдиган «Турон кучи», «Турк кучи», «Темур», «Изчилар», «Лочин» каби гуруҳларни тузди-лар. Бу гуруҳлар ўрта мактаб таълими, ҳунар, санъатдан ташқари, ҳарбий машқлар б-н шуғулланиб, шўроларга асосий зарба берувчи куч сифатида кўрина бошлади. 1920 й. совет режими бу гуруҳлар фаолиятини тугатди.

Фарғона ва Тошкентдаги воқеалар якуни жадидларнинг умидларини сўндира олмади. Улар Бухоро республикаси раҳбарлари б-н бир ёқадан бош чиқариб, иш бошладилар. Бухорода Жадид тараққийпарварлар фирқаси тузилди. Бу фирқа дастурига кўра, давлатни жумҳурият раиси (президент) ва парламент бошқариши кўзда тутилган эди.

1921 й. 2—5 авг.да Бухорода Валидий бошчилигида *Туркистон миллий бирлиги* ташкилоти тузилди. У истиқлолчилик ҳаракатини жипслаштиришда муҳим роль ўйнайди. Туркистон миллий бирлиги ташкилоти б-н Мунавварқори раҳбарлигидаги «Миллий иттиҳод» (1919 й. тузилган) ташкилоти ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатди. Ҳар икки ташкилотнинг асосий мақсади Бухоро республикаси, умуман, Туркистон минтақасини советлаштириш ва руслаштириш таъсиридан сақлаб қолиш, Туркистоннинг мустақиллигига эришиш бўлган. 1925 й. «Миллий иттиҳод» ташкилоти асосида «Миллий истиқлол» ташкилоти тузилади.

Ж. ҳаракатининг сўнгги йиллари фаол сиёсий курашлар б-н ажралиб турмайди. Бу даврда совет режими турли сиёсий ишлар («Ўн саккизлар гуруҳи», «Иногомовчилик», «Қосимовчилик», «Бадриддиновчилик» ва б.) тузиб, миллий зиёлиларни оммавий равишда қатағон қилишга киришди. 1929 й. нояб.да Мунавварқори бошчилигидаги 38 кишининг қамоққа олиниши (кейинчалик уларнинг сони 87 кишига етган) б-н Ж. ҳаракатига кучли зарба берилди. Бироқ истиқлол гояси ўз кучида қолаверди.

Ж. ҳаракати сиёсий маърифатпарварликдан Жадид тараққийпарварлар фирқаси даражасига кўтарила олди. Бу ҳаракат ҳамда фирқа аъзолари ўз фаолияти ва дастурига кўра, шўро адабиётларида айтилганидек, «бир ҳовуч бойлар манфаатига хизмат қилувчи либерал буржуазия вакиллари» эмас, балки Туркистоннинг барча халқлари тақдирини ўйлаб иш кўрган демократик жараённинг энг саводли, олижаноб намояндалари эди.

Туркистонда совет ҳокимияти зўравонлик йўли б-н ўрнатилгач, жадидларнинг бир қисми фаол сиёсий ҳаётдан четлашиб, фақат бадиий ижод б-н шуғулланди (А. Бурҳонов, А. Авлоний, С. Айний ва б.). Айрим жадидлар совет идоралари маданий-маърифий шохобчаларида меҳнат қилишди (У. Хўжаев, Мунавварқори, Ҳамза, С. Турсунхўжаев, Т. Норбўтабеков ва б.). Баъзи жадидлар «маҳаллий коммунистлар» сифатида юқори давлат ва ҳукумат лавозимларида ишлашни давом эттирди (Файзулла Хўжаев, Абдулқодир Муҳиддинов, Низомиддин Хўжаев ва б.). Айрим жадидлар бўлса, Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракати сафларига бориб қўшилди ва хорижга муҳожирликка жўнаб кетди (Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Садриддинхон Шарифхўжаев, Абдулҳамид Орипов ва ҳ.к.).

Ж. ҳаракатининг барча таниқли намояндалари (С. Айнийдан ташқари) 30-й.ларда совет мустабид режими томонидан амалга оширилган қирғин натижасида ҳалок бўлди. Ж. ҳаракатига совет даврида «миллатчилик», *пантуркизм, панисломизм* тамғалари босилиб, ноҳақ қораланди. Жадид адабиётини ўқиш тақиқланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, Ж. ҳаракати ва унинг

намояндалари номига ёпиштирилган тавқи лаънат ва сохта ёрлиқлар олиб ташланиб, уларнинг асл номлари қайта тикланди. Тарихчи, адабиётшунос, тилшунос, файласуф, ҳуқуқшунос, санъатшунос ва педагог олимлар жадидларнинг бой илмий ва адабий меросини ўрганишда дастлабки натижаларни қўлга киритишди. Мустақиллик йилларида Фитрат, Чўлпон, А. Авлонийнинг 2 жилдли, Беҳбудий, Абдулла Қодирий, Сидқий Хондайлиқий, Ибрат, Ажзий, Сўфизоданинг 1 жилдли, шунингдек, Файзулла Хўжаев, Мунавварқори, П. Юсуповнинг асарлари чоп қилинди. Жадидларнинг 20 та машҳур вакили киритилган «Унутилмас сиймолар. Жадидчилик ҳаракатининг намояндалари» (Т., 1999) альбом-китоби нашрдан чиқди. Уларнинг серқирра фаолияти дарслик ва қўлланмаларга киритилди. 1999 й. 16—18 сент.да Тошкентда «Марказий Осиё 20-а. бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш (Ж., Мухториятчилик, Истиқлолчилик)» мавзуида халқаро конференция ўтказилиб, унда АҚШ, Германия, Франция, Италия, Нидерландия, Туркия, Россия, Ҳиндистон ва б. мамлакатлардан келган нуфузли олимлар Ж. ва истиқлолчилик ҳаракатлари тўғрисида жаҳон илм-фанида тўпланган сўнгги хулосалар юзасидан ўзбекистонлик ҳамкасблари б-н ўзаро фикр алмашдилар. Ж. ҳаракати жаҳоншумул аҳамиятга молик ҳодиса эканлиги эътироф қилинди. Конференцияда ушбу муаммони тадқиқ қилувчи халқаро илмий кенгаш тузилди.

Ад.: Айний С., Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар, М., 1926; Рисқулов Т., Революция и коренное население, Т., 1926; Зиё Саид, Ўзбек вақтли матбуотига оид материаллар (1870—1927), Т., 1927; Программные документы мусульманских политических партий (1917—1920), Оксфорд, 1985; Революция в Средней Азии глазами мусульманских большевиков, Оксфорд, 1985; Политическая жизнь русских мусульман до февральской революции, Оксфорд, 1987; Мустафо Чўқай ўғли, Истиқлол жаллодлари, Т., 1992; Чўлпон, Асарлар, 1—2-ж.лар, Т. 1994; Ражабова Р. ва б., Ўзбекистон тарихи (1917—1993 й.), Т., 1994; Хўжаев Ф., Бухоро инқилобининг тарихига материаллар, Т., 1997; Валидий, Бўлиғанни бўри ер (Хотиралар), Т., 1997, Авлоний А., Танланган асарлар, 1—2-ж.лар, Т., 1998; Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар, Т., 1998; Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш, Т., 1999; Беҳбудий М., Танланган асарлар, Т., 1999; Фитрат, Танланган асарлар, 1—2-ж.лар, Т., 2000; Алимова Д., Джадидизм в Средней Азии. Пути обновления, реформы, борьба за независимость, Т., 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб [Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Юсупов П., Ёш хиваликлар тарихи (Хотиралар), Урганч, 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости, Т., 2000; Абдурашидхонов М., Хотираларимдан, Т., 2001; Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари, Т., 2001; Марказий Осиё XX аср бошида: ислоҳотлар, янгиланиш, тараққиёт ва мустақиллик учун кураш, Т., 2001.

Сирожиддин Аҳмедов, Қаҳрамон Ражабов.

ЖАДИЙ (араб.), тоғ така — 1) *зодиак* юлдуз туркумларидан бири. Белгиси Сар. Осмоннинг Жан. ярим шаригида *Далв, Бургут, Қавс, Микроскоп* ва да *Жанубий балиқ* юлдуз туркумлари оралари жойлашган. Энг ёруғ юлдузларида 3-катталикда. Ўзбекистонда ёз ва куз ойларида кўринади; 2) ҳижрий-шамсий йил ҳисобининг ўнинчи ойи (мил. йил ҳисобининг 22 дек.—19 янв.га тўғри келади) (яна қ. *Бурж*).

ЖАЗ (инг. jazz) — профессионал мусиқа тури, замонавий оммабоп, хусусан *эстрада мусиқаси*нинг асосий уссулубий манбаларидан бири. 19-а. охири — 20-а. бошларида Африка ва Европа мусиқа маданиятининг элементлари бир-бирига қўшилиши натижасида Нью-Орлеан афро-америкаликлари ижодида юзага келган. Африка халқлари фольклорининг белгилари — бир йўла турли усулларнинг янграши, деярли ҳар гал ўзгариб турувчи асосий куйининг кўп такрорланиши, ўзига хос нолаларга бойлиги, ҳаяжонли куйлаш услуби, муайян йўналишдаги ижровий бадиҳагўйлик — Ж.нинг туб хусусиятларига айланган.

Дастлаб 7—8 созандадан иборат ансамбль қатнашчилари яратган ва ўзлари ижро этган асарлар Ж. ёки «жаз банд» деб аталган. Ж. асосчилари Л.С. Армстронг, Ж.К. Оливер, Ж. Додс, Э. К. Ори, Ж.Р.Мортон ва б. ана шундай ансамбларнинг раҳбари бўлган. Кейинчалик уларга тақлидан *диксиленд* гуруҳлари пайдо бўлиб, Ж. санъатини Америка ва Европа мамлакатларида тарғиб этган. 1930-й.ларги «свинг» (Д. Эллингтон, У. К. Бейси), 40-й.лари «бибоп» (Ч. Паркер, Д. Д. Гиллеспи), кейинчалик «кул» (М. Дейвис) ва б. услублар юзага келган, йирик Ж. оркестрлар ташкил топган. Б. Гудмен (1962 й. Тошкентда ўз оркестри б-н гастролда бўлган), Г. Миллер ва Ж. Колтрейн (АҚШ), Ж. Данкворт (Англия), М. Легран (Франция), К. Влах ва Г. Бром (Чехословакия), К. Эдельхаген (Германия), Л. К. Комеда (Польша), А. Цфасман, Л. Утёсов, О. Лундстрем (Россия) машҳур Ж. оркестрларининг асосчиларидир.

Ўзбекистонда Ж. мусиқаси 1940-й.ларнинг 2-ярмида юзага кела бошлаган. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон каби шаҳарларнинг кинотеатр, маданият саройи, шаҳар боғларида Д. Соколов, А. Поздняков, М. Азатьян ва б. раҳбарлигида ташкил топган мусиқа ансамбллари Ж. ва эстрада мусиқаси намуналарини ижро этган. 1958 й.да Ўзбекистон эстрада оркестри, 1963 й.да Ўзтелерадио қошида Эстрада-симфоник оркестрларнинг таркиб топиши Ж. ривожи учун туртки бўлган. Бунда айниқса А. Кролл, А. Малахов, Е. Живаев каби дирижёрларнинг қўшган ҳиссаси салмоқли бўлган. «Наманганнинг олмаси» (Ш. Рамазонов), «Қиз бола» (Э. Солиҳов) қўшиқларининг Ж. услубида қайта ишланган вариантлари, А. Малаховнинг ўзбек оҳанг ва усулларидан фойдаланиб ёзилган «Юлдуз доираси», «Қора кўзлар» оркестр асарлари миллий Ж. мусиқасининг илк намуналаридандир. Ж. мусиқаси кейинги даврда ҳам тараққий этди. 1968 й.да Тошкентда 1- Ж. мусиқаси фестивали бўлиб ўтди; 1977, 1978, 1984 й.лари Фарғонада Ж. мусиқаси халқаро фестивалли ўтказилган; мазкур шаҳарларда Ж. клублари, Бухоро, Навоий ва б. шаҳарларда Ж. гуруҳлари ташкил топган. Булардан Э. Қаландаров, С. Гилёв («Интер»), Л. Отабеков («Сато»), Б. Сметанов («Радуга»), Г. Каприелов («Осиё») раҳбарлигидаги гуруҳлар халқаро Ж. фестивали ва эстрада танловларида совринли ўринларга эга бўлдилар. Ҳозирда Ж. мусиқаси ижрочиларидан «Ўзбекнаво» қошидаги Б. Зокиров номидаги эстрада оркестри (Е. Живаев), Тошкент давлат консерваториясининг биг бэнди (жаз оркестри) (Б. Муртазаев), Г. Бугданов, А. Хабирханов раҳбарлигидаги гуруҳлар фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон Ж. мусиқаси намуналари «Мелодия» фирмаси томонидан грампластинкага ёзилган: «Шарқ сюитаси» (Тошкент Ж. клуби гуруҳи), «Эфсане» («Сато» гуруҳи) ва б.

Сергей Гилёв.

ЖАЗ ОРКЕСТРИ, биг-бенд (инг. big band — катта оркестр) — *жаз* ва эстрада мусиқаси анъаналаридаги оркестр. 1930-й.лари Америка ва Европада ташкил топган. Тўлиқ таркиби 3—4 саксофон, 3 труба, 3 тромбон ҳамда ритм-гуруҳи (урма созлар, фортепиано, гитаралар, туба ва б.)дан иборат. Биг-бэндга торли созлар гуруҳи (скрипка, альт, виолончеллар) қўшилиши натижасида катта Ж. о. (симфожаз) қарор топади. Асарларининг композитор ёки

аранжировкачи томонидан олдиндан тайёрланганлиги, якка созларнинг навбатма-навбат ижро этаётган бадиҳа (импровизация) эпизодлари б-н жамоавий бадиҳагўйликка асосланган *диксиленд* ҳамда илк жаз ансамбларининг ижодидан фарқ қилади (яна қ. *Эстрада оркестри*).

ЖАЗАВА — кучли асаб қўзғалиши, ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилолмай қолиш, хаёлот ва воқелик ўртасидаги мувозанатнинг йўқолиши натижасида юзага келадиган ҳолат. Ж. ҳолатидаги инсонда ҳаяжонли рақслар, ўзини ўзи қийнаш, бедорлик, диққат-эътиборни бир йўналишга қаратиш, оғриқ сезмаслик ҳоллари кузатилади. Гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ва б. воситалар ёрдамида Ж.ни сунъий қўзғатиш ҳоллари ҳам мавжуд. Ж.нинг энг кўп турлари, одатда, *шомонлик*да, *шаилик*даги *«шахсей-вахсей»*да учрайди. Тасаввуф истилоҳида эса Ж. тариқат аҳлининг илоҳий ишқ таъсирида шавқу завққа тўлиши, зикр ва само асносида ўзидан кетиш ҳолатлари сифатида талқин этилади.

ЖАЗЗОР ПОШО, Жаззор, Аҳмад пошо (тахм. 1735—1804, апр., Акка) — Фаластин ва Суриянинг кўпгина қисми ҳокими (1775—1804). Босниялик. Ўз фаолиятини Мисрда мамлук сифатида бошлаган (1756); бадавийлар қўзғолонини бостиришда кўрсатган шафқатсизлиги учун «қассоб» (араб. «жаззор») лақабини олган. 1775 й.да Сайда волийси (ҳокими) этиб тайинланган. 1790 й.да Дамашқ *пошоси* бўлган. Турк султони ҳокимиятини номигагина тан олган, бутун Сурия ва Фаластиннинг амалдаги ҳокими. Ўзининг армияси бўлган. Савдо ва қ. х. монополияси тизимини жорий қилган. Халқ қўзғолонларини шафқатсиз бостирган. *Наполеон I* Бонапарт қўшинлари Аккани қамал қилишганда (1799 й. 21 март — 20 май) Ж.п. қўшинлари унга бардош бериб, рақибларини чекинишга мажбур қилишган. 18-а.даги Миср тарихи бўйича муҳим бўлган «Низомномайи Миср» («Миср тавсифи») муаллифи.

ЖАЗИРА, Ал-Жазира — Ироқ, Сурия, Туркиядаги плато, Месопотамия пасттекислигининг шим. қисми. Шим. ва шарқдан Тавр ва Загрос тоғ тизмалари б-н чегараланган, ғарб ва жан.-ғарбда Сурия чўли ва Арабистон я.о. платосига туташган, жан.-шарқда Месопотамиянинг паст жан. қисмидан тик ён бағир б-н ажралган. Баландлиги шим.-ғарбда 450 м, жан.-шарқда 200 м. Текислик Дажла ва Фурот дарёларининг террасалашган водийлари б-н кесилган. Ж. бўр ва миоцен даврларининг қумтош ва оҳактошларидан, аллювий ва базальт майдонларидан ташкил топган. Шим.да йирик нефть конлари (Киркук ва б.) топилган. Иқлими иссиқ, қуруқ ёз ва нам баҳорли субтропик, ўрта денгиз иқлими. Чала чўл, чўл ва тўқай ўсимликлари ўсади. Воҳа деҳқончилиги б-н шуғулланилади.

ЖАЗЛИҚ — эгар ёки тўқим тагидан қўйиладиган бир жуфт юмшоқ от абзали. Икки хили бўлади: салт Ж. — салт (арава қўшилмаган) от эгари учун, арава Ж.— арава қўшилган от эгари учун. Ж. юмшоқ мато — намат (кигиз) дан тайёрланади. У от терлаганда намни шимиб туради, отни яғир бўлишдан асрайди.

ЖАЗО (ҳуқуқда) — ҳуқуқбузарлик содир этишда айбланган шахсларга нисбатан қўлланадиган маънавий, моддий ёки жисмоний чеклашлар б-н боғлиқ бўлган мажбурлов чораси. Ж. ҳуқуқий тартибот сифатида *давлат* ва *ҳуқуқ*, шунингдек, бундай ҳуқуқни қўллаш ваколати бўлган махсус органлар вужудга келган пайтдан бошлаб пайдо бўлган. Ж. ижтимоий адолатни тиклаш, жиноят содир этган шахсни ахлоқан тузатиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноий фаолият давом этишига тўсқинлик қилиш, янги ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Содир этилган ҳуқуқбузарликнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, Ж.лар интизомий, маъмурий ва жиноий бўлиши мумкин. Ана шу Ж.лардан қайси бири қўлланилмасин, ҳуқуқ бузишда айбланаётган шахсга нисбатан қонун ва норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда маънавий, моддий ёки жисмоний характердаги чеклаш қўлланилади. Шу б-н бирга ҳуқуқ бузиш содир этишда фойдаланилган қурол, восита, ҳуқуқ бузиш орқали қўлга киритилган нарсалар мусодара қилиниши мумкин.

Интизомий Ж. — мулкчилик шаклидан қатъи назар ҳар қандай *юридик шахс* мақомига эга бўлган корхона, муассаса, ташкилотда белгиланган ички *меҳнат интизоми*ни бузган шахсга нисбатан *иш берувчилар* томонидан қўлланадиган мажбурлов чораси бўлиб, хайфсан бериш, *жарима* солиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш (ишдан бўшатиш) тарзида бўлиши мумкин. Интизомий Ж. шахсларни ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахс (орган) томонидан, *маъмурий жазо* — маъмурий ишлар бўйича туман (шаҳар) судьяси, *фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари* қошидаги маъмурий комиссиялар, вояга етмаганлар ишлари б-н шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссиялари, ички ишлар (милиция) органларининг, давлат инспекцияси органларининг мансабдор шахслари, шунингдек, маъмурий Ж. қўллаш ваколати берилган бошқа органларнинг мансабдор шахслари томонидан, *жиноий жазо* эса — давлат номидан суд ҳукми б-н берилади.

Мамажон Усмоналиев.

ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИШ — баъзи жиноят қилганларга жазо тайинламаслик, тайинланган жазони ўташдан батамом ёки қисман озод қилиш. Ж. о. қ. жиноят ҳуқуқининг муҳим инсонпарварлик тамойилларидан бири бўлиб, шахсга нисбатан тайинланган жиноий жазони ижро этмасдан ҳам уни тарбиялаш мумкин, у жамият учун ҳеч қандай хавф туғдирмайди ёки жазонинг қолган қисмини реал равишда ўташи мақсадга мувофиқ эмас, деган қатъий хулосага келинса қўлланилади. ЎзР жиноят ҳуқуқига кўра, Ж. о. қ. суд томонидан айблов ҳукми чиқарилиб жазо тайинланганидан кейингина қўлланилади. Жиноий жазодан фақат суд озод қилади. Шунингдек, ЎзРнинг Президентига *афв этиш* ва *амнистия* акти орқали Ж. о. қ. ваколати берилган. Ж. о. қ. 2 гуруҳга бўлинади: 1) жазодан тўла озод этиш; 2) жазодан қисман озод этиш. Жазодан тўла озод этишда суд айблов ҳукмини чиқарган ва жазо тайинланган ҳолда жиноий жазони ижро этмаслик ҳақида қарор қабул қилади. Бу гуруҳга Ж. о. қ.нинг қуйидаги турлари киради: жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги; шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши; айбдорнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги; шартли ҳукм қилиш. Жазодан қисман озод этишда маҳкум суд томонидан тайинланган жазонинг бир қисмини ўтайди ҳамда жазонинг ўталмаган қисмидан озод этилади ёхуд ушбу жазо енгилроғи б-н алмаштирилади. Бу гуруҳга қуйидагилар киради: жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш; жазони енгилроғи б-н алмаштириш. Касаллик ёки меҳнат қобилиятини йўқотиш оқибатида Ж. о. қ., амнистия акти ёки афв этиш асосида Ж. о. қ. хусусиятига кўра, тўла ёки қисман Ж. о. қ.га мисол бўлиши мумкин. Бу лардан ташқари вояга етмаганларга нисбатан тарбиявий хусусиятдаги мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда Ж. о. қ. ҳам бор. Ж. о. қ. нинг ҳар бир турини қўллаш асослари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаларида кўрсатилган.

Мамажон Усмоналиев.

ЖАЗОИР, Жазоир Халқ Демократик Республикаси (араб. — Ал-Жумҳурия ал-Жазоирия Демократия аш-Шаабия) — Африканинг шим.-ғарбидаги давлат. *Мағриб* мамлакатларидан бири. Майд. 2381,7 минг км². Аҳолиси 30,6 млн. киши (2001). Пойтахти — Жазоир ш. Ж. ҳудуди маъмурий жиҳатдан 47 вилойа (вилоят) ва Катта Жазоир пойтахт округига бўлинади.

Давлат тузуми. Ж. — республика. Амалдаги конституция 1996 й. 28 нояб.даги референдумда маъқулланган. Давлат бошлиғи — президент (1999 й.дан А. Бутефлика). У умумий ва тўғри яширин овоз бериш йўли б-н 5 й. муддатга сайланади ва яна 1 марта қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимият — бир палатали Миллий халқ мажлиси. Ижрочи ҳокимият — президент бошчилигидаги Вазирлар кенгаши.

Табиати. Ж. Атлас тоғларининг марказий қисмида ва Саҳрои Кабирда жойлашган. Ўрта денгиз соҳили субтропик, қолган қисми тропик минтақада. Тел-Атлас, Саҳрои Кабир Атласи тизмалари, Орес ва Варсенис тоғларини чуқур даралар кесиб ўтган. Тоғ оралиридаги текислик ва платоларда шўр кўл (себх)лар, шим.-шарқдаги катта пасттекисликда қумликлар учрайди. Жан.-шарқда зинапоясимон платолар б-н ўралган Ахаггар вулкан тоғлиги (Тахат чўққиси 3005 м) жойлашган. Қумли (Катта Ғарбий Эрг, Катта Шарқий Эрг, Игиди, Шеш ва б.) ва тошлоқ, катта чўллар бор. Ж.да нефть, табиий газ, уран, темир, кўрғошин ва рух рудалари, фосфорит, симоб қазиб олинади. Ж. нефть захираси бўйича Африкада 3-ўринда (200 га яқин нефть ва газ конлари бор).

Ж.нинг шим.да иқлим субтропик, ўрта денгиз иқлими, қиши серёмғир, илиқ, ёзи иссиқ, қуруқ. Янв.нинг ўртача т-раси соҳилда 12°, тоғ оралиғидаги текисликларда 5°, июлники 25°. Энг юқори т-ра ҳамма жойда 40° дан баланд. Ёзда қуруқ шамол ва қаттиқ қуруқчилик бўлиб туради. Нояб.—янв.да ёғингарчилик кўпроқ бўлади. Йиллик ёғин Тел-Атласда 400—800 мм, Кабилия тоғларида 1200 мм гача. Қишда қор тоғ чўққиларида 10—20 кунгина сақланиб туради. Саҳрои Кабир қисмида июлнинг ўртача т-раси 30°, йиллик ёғин 200—400 мм. Саҳрои Кабирда чўл иқлими, йиллик ёғин 50 мм дан кам. Т-ранинг суткалик фарқи 30° га етади. Қумли бўрон бўлиб туради.


Қуруқ дарё ўзанлари — водий кўп. Энг каттаси — Шалиф (уз. 700 км). Дарёларда қисқа вақтли тошқинлар бўлиб туради. Ж.нинг шим.даги водийларда тўғон, сув омборлари ва ГЭСлар қурилган. Суғоришда фойдаланилади. Саҳрои Кабирда ер ости сувларининг захираси катта. Шимолий Ж.да жигарранг тупроқлар, баландлик минтақаларида эса жигарранг ва қўнғир ўрмон тупроқлари тарқалган. Тоғ этакларида шўрхоклар учрайди. Саҳрои Кабирда тошлоқ чўл тупроқлари, шамолда кўчиб юрувчи қумлар бор.

Соҳилларда Ўрта денгизга хос ўсимликлар, тоғларнинг 800—1000 м баландликлари оралиғида доимий яшил бутазорлар, зайтун, хандон писта, ундан юқорида пўкак дарахти, дуб, қарағай, арча, сарв ва б. ўсади. 1500—2000 м баландликда туйя ва арчазорлар, 2000 м дан юқорида кедрзорлар бор. Тел-Атласдан жан.да чала чўл ўсимликлари, Саҳрои Кабир қумларида шўра, эфемер ўсимликлар ўсади.

Арслон, қоплон, ғизол, туяқуш, баклаҳнинг кўпи қириб юборилган. Шимолий Ж.да маймун, тўнғиз, қуён, Саҳрои Кабирда сиртлон, чиябўри, тулки, ғизол ва жайраплар учрайди. Кемирувчилар, йиртқич қушлар, судралиб юрувчилар, ҳашаротлар (чигиртка) ва б. кўп.

Аҳолиси асосан *жазоир араблари* (83%) ва *барбарлар*дан иборат. Европаликлар ҳам бор. Шаҳар аҳолиси — 51,7%. Расмий тили — *араб тили*нинг жазоир лаҳжаси. Араб ва барбарлар ислом динининг сунна масҳабида. Йирик шаҳарлари: Жазоир, Оран, Константина, Аннаба.

Тарихи. Ж. ҳудудидан топилган қуйи ва ўрта палеолит даврига мансуб тош қуроллар буерда 300—400 минг йил илгари ибтидоий одамлар яшаганидан далолат беради. Мил. ав. 12-а.да финикияликларнинг биринчи манзилгоҳлари пайдо бўлган. Мил. ав. 3-а.да Ж. ҳудудида вужудга келган Нумидия давлатида шаҳарлар қурилган, деҳқончилик ривожланган. Кейинчалик у Римнинг бир вилоятига айланиб қолган (мил. ав. 46 й.).



Римликлар ҳукмронлиги вақтида лотин тили, 2-а.дан христиан дини тарқалди. 5-а.да Ж. ҳудудини *вандаллар*, 6-а.да византияликлар эгаллаган. 7-а.да Ж. Араб халифалиги таркибига қўшиб олинди. Барбарлар ислом динини қабул қилди. 8-а.га келиб, Мағрибда бир неча султонликлар Араб халифалигидан ажралиб чиқди. Булардан энг йириги хорижийлар *имомат*лиги эди. Кейинчалик бу ерда *фотимийлар, зиёрийлар,* ҳаммодийлар давлати вужудга келди. 11-а.да икки йирик араб қабиласи (Бану Ҳилол ва Бану Сулаймон)нинг Ж.га кириб келиши араблаштиришни тезлаштирди. Мамлакатнинг ғарбий қисмида *Ал-Муробитун*, кейинчалик *Ал-Муваҳҳидун* давлати пайдо бўлди.

16-а. бошларида Ж.нинг қирғоқ бўйи шаҳарларини испанлар босиб олди. Ж. заминдорлари мамлакатни ҳимоя қилишда «денгиз қароқчилари» деб ном чиқарган ака-ука *Барбаросса*дан ёрдам сўрашди. Лекин Хайруддин Барбаросса (1519—46 й.лар ҳукмронлик қилган) ҳарбий тартиб ўрнатиб, ўзини турк султонининг ноиби деб эълон қилди. 16-а.нинг 2-ярмида Ж. Усмонли турк салтанатининг пошолиги (вилояти)га айлантирилди. Юқори табақа вакиллари томонидан сайланган дей (йўлбошчи) Бобо Али туркларга бож тўламай, мустақил бўлиб олди (1711). Европа давлатлари Ж. мустақиллигини тан олиб, у б-н шартнома туза бошладилар. Лекин французлар дей армиясини енгиб (1830), мамлакат пойтахти — Жазоирни эгаллади. Мамлакат ичкарисида амир Абдулқодир бошчилигидаги қабилалар французларга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Лекин бу ҳаракат бостирилди. Франция ҳукумати европаликларга Ж. ерларидан фойдаланишга рухсат бер-



Жазоир герби.

ди. Мамлакатда европалик ишчилар, хизматчилар ва зиёлилар сони орта бошлади. Аммо маҳаллий аҳолининг сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ва европаликлар тузган ташкилотларга аъзо бўлиши ман қилинган эди. 20-а. бошларида ёш жазоирликлар ҳаракати бошланди. Бу ҳаракат қатнашчилари жазоирликларга Франция фуқароларининг сиёсий ҳуқуқлари берилишини талаб қилдилар. 1-жаҳон уруши йилларида жазоирликлар Франция армиясига сафарбар қилинди, бу эса маҳаллий аҳоли норозилигини янада кучайтирди.

Мустамлакачилар ҳукумати озодлик ҳаракати тазйиқи остида айрим жазоирликларга (сармоядор, мансабдор ва ер эгаларига) ўзини ўзи бошқариш органларига сайловда иштирок этишларига розилик берди (1919). 1926 й. Франциядаги жазоирлик ишчиларнинг кўпчилиги «Шимолий Африка юлдузи» номли миллий инқилобий ташкилотга бирлашди. Лекин бу ташкилот 1929 й.дан Парижда, 1936 й.дан Ж.да яширин ишлашга мажбур бўлди. 1931 й. тузилган Уламолар уюшмаси маданият ва таълимнинг араб тилида олиб борилишини талаб қилиб чиқди. Натижада маҳаллий аҳоли бирмунча сиёсий эркинликларга, сиёсий партиялар ва касаба уюшмаларига аъзо бўлиш ҳуқуқига эга бўлди. Сиёсий ташкилотлар Ж.ни тинч йўл б-н демократлаштириш тарафдорлари ташкилоти — Мусулмонлар Конгресси (1936 й. тузилган)га бирлашди. Аммо 2-жаҳон уруши бошланиши б-н мамлакатда реакция кучайиб, бир неча партиялар фаолияти тақиқлаб қўйилди. Мамлакатда ишсизлар тобора кўпайди. Бу эса мустамлака тузумига қарши норозиликни янада кучайтирди. 1947 й. Ж.нинг тоғли жойларида партизан отрядлари (фидойилар) пайдо бўлди. 1954 й. мартда «Бирликда ҳаракат қилиш инқилобий қўмитаси» тузилиб, кейинчалик у Миллий озодлик фронти (МОФ)га айлантирилди. МОФ секин-аста қуролли кўзғолонга тайёрланди. 1954 й. 1 нояб. да қўзғолон бошланди. Франция ҳукумати қўзғолонни бостириш учун Ж.даги армиясининг сонини кўпайтирди. Ж. Миллий озодлик армияси (ЖМОА, 1954 й. тузилган) барча ватанпарварлар б-н бирлашиб, мустамлакачиларга қаттиқ қаршилик кўрсатди. 1958 й.да ЖМОА раҳбарлари б-н Марокаш ва Тунис ҳукмрон партиялари вакиллари иштирокида Танжер ва Тунис ш.ларидаги анжуманда тузилган Ж. Республикасининг Муваққат ҳукуматини Осиё ва Африканинг кўпгина давлатлари тан олди. Ж.даги миллий озодлик курашини бостира олмаган Франция ҳукумати ён беришга мажбур бўлди. 1962 й. 18 мартда Эвиан ш.да тузилган шартномага мувофиқ уруш ҳаракатлари тўхтатилиб, Франция Ж.дан ўз армиясини, Саҳрои Кабирдан ҳарбий базаларини олиб кетди. 1962 й. ўтказилган сайловда Ж. Халқ Демократик Республикаси тузилганлиги эълон қилинди. Республиканинг биринчи ҳукуматини Аҳмад Бин Белла бошқарди.

1963 й. авг. конституциясига биноан президентлик ва якка партиялик тизими жорий қилиниб, Аҳмад Бин Белла президент деб эълон қилинди. Шундан сўнг тескаричи кучлар қўзғолон уюштирди ва бу қўзғолон вақти-вақти б-н 1965 й.гача давом этди.

Аграр ислоҳот ўтказилишининг чўзилиб кетиши, мамлакатда ишсизлик кўплиги натижасида аҳоли ўртасида ҳукуматга қарши норозилик пайдо бўлди. 1965 й. 19 июнда армия Бин Белани ҳокимиятдан четлатди. Ҳокимият Инқилобий Кенгаш қўлига ўтди ва Хуари *Бумиддин* раҳбарлигида янги ҳукумат тузилди. Инқилобий Кенгаш Американинг нефть трестлари устидан назорат ўрнатди (1967), Франциянинг 12 банкидан 11 тасини (1968) ва чет эл (асосан Франция) саноат компанияларини давлат ихтиёрига олди. 1979 й.дан буён президент лавозимини эгаллаб келган Ш. Бинжадид 1992 й.да истеъфога чиқди. 1995 й. 16 нояб.да ўтказилган сайловда Лиамин Зеруал, 1999 й. 15 апр.да ўтказилган сайловда Абдулазиз Бутефлика президент этиб сайланди.

Ж. — 1962 й.дан БМТ аъзоси. ЎзР б-н дипломатия муносабатларини 1992 й. 30 июнда ўрнатган. Миллий байрами — 1 нояб. — Инқилоб куни (1954).

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. 1989 й.гача Миллий озодлик фронти мамлакатдаги бирдан-бир партия эди. Ўша йили бошқа партияларнинг фаолиятига ҳам ижозат берилди. Асосий партиялари: Миллий озодлик фронти, 1954 й. тузилган; Социалистик кучлар фронти; 1963 й.да тузилган; Маданият ва демократия учун бирлашма, 1989 й.да асос солинган;



Жазоир байроғи.

Миллий демократик бирлашма, 1997 й.да тузилган; «Ан-Нахда» ҳаракати, 1990 й.да ташкил этилган; Ислом нажот фронти, 1989 й.да асос солинган; Тинчлик учун курашувчи жамият ҳаракати, 1990. й.да тузилган, 1997 й.гача Ислом жамияти ҳаракати деб аталган; Миллий ислоҳотлар ҳаракати, 1999 й.да асос солинган. Ж. меҳнаткашлари умумий иттифоқи касаба уюшмаси 1956 й.да тузилган, Африка касаба уюшмалари бирлиги ташкилоти ва Араб касаба уюшмалари халқаро конфедерацияси аъзоси.

Хўжалиги. Ж. — саноати (хусусан кон саноати) нисбатан ривожланган аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши — 37,7%, қ. х.нинг улуши — 14,9%. Ж. Африка мамлакатлари ичида табиий газ чиқариш, узум етиштириш ва вино тайёрлашда, нефть қазиб олиш, буғдой, арпа етиштириш ва зайтун мойи тайёрлашда, цитрус мевалари етиштиришда етакчи ўринда туради. Ж. мустақилликка эришгандан сўнг иқтисодиётни тиклаш ва ривожлантириш йўлига ўтди. Иқтисодиётда давлат сектори устун мавқени эгаллайди (ялпи ички маҳсулотнинг салкам 80%). Аммо давлат корхоналарининг аксарияти ўз қувватининг 40—50% атрофида ишлайди. Енгил ва озиқ-овқат саноатида хусусий сармоя устун — 70—90%, қурилишда 60%, хизмат кўрсатиш, улгуржи ва чакана савдода 80% гача.

Саноатда нефть (йилига ўртача 35 млн. тонна), газ (163 млрд. м³), темир рудаси, фосфат ва рангли металлар қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш етакчи тармоқларга айланган. Темир ва қўрғошин-рух рудалари, тошкўмир, бирмунча миқдор мис рудаси ҳам қазиб олинади. Бир йилда 17,3 млрд. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Маҳсулот и. ч. саноати металлургия, машинасозлик, нефтни қайта ишлаш, кимё ва электротехника тармоқлари, қ. х. хом ашёсини қайта ишлаш корхоналаридан иборат. Озиқ-овқат, айниқса виночилик, тамаки, консерва саноати, зайтун ёғи и. ч. ривожланган. Тўқимачилик, металл ишлаш корхоналари бор.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи — деҳқончилик. Буғдой, арпа, шоли, жавдар, маккажўхори ва б. дон экинлари экилади. Аммо табиий шароитлари ғоят қулай бўлишига қарамай, қ. х. мамлакат озиқ-овқат эҳтиёжининг атиги $^1/_3$ қисмини таъминлайди. Йилига донли экинлар ҳосили 4—5 млн. тоннани ташкил этади. Ж.да сабзавот ва мевалар ҳам етиштирилади. Воҳаларда токзор, зайтунзор ва хурмозорлар бор. Ж.да қорамол (1,5 млн.га яқин), қўй (15 млн.), эчки, туя боқилади. Балиқчилик ривожланган. Пўкакбоп дуб пўстлоғи, энг яхши нав қоғоз и. ч.да ишлатиладиган альфа ўти (дунёда 1-ўрин) териб олиш йўлга қўйилган. 1980-й.лар охиридан мамлакатда хўжаликни бозор иқтисодиёти изига кўчиришга киришилди. Ислоҳот доирасида давлат хўжаликларининг мустақиллиги кенгайтирилди, уларнинг бир қисми акциядорлик жамиятларига айлантирилди ва хусусий кишилар қўлига берилди. Хорижий сармояни фаол жалб этиш сиёсати олиб борилди. Аграр ислоҳот ўтказилиши натижасида социалистик типдаги давлат хўжаликлари тарқатиб юборилди ва улар ўрнида 22 мингга яқин майда кооперативлар тузилди. Ерларнинг бир қисми яккаҳол деҳқонларга топширилди.

Транспортида т. й. муҳим аҳамиятга эга (4,3 минг км, шундан 240 км электрлаштирилган). Асосий т. й. магистрали Ужда (Марокаш) — Оран — Жазоир — Константина — Гардимав (Тунис). Автомобиль йўлларининг уз. 88 минг км. Асосий магистраль соҳил бўйлаб кетган. Нефть ва газ қувурлари бор. Денгиз транспорти ташқи савдо учун хизмат қилади. Муҳим денгиз портлари: Жазоир, Оран, Аннаба, Бажоия, Арзев. Ҳаво транспорти ривожланган. 31 та аэродром бор. Халқаро аҳамиятга эга аэропортлари Жазоир, Аннаба ва Оран ш.ларида.

Ж. четга нефть, газ, вино, цитрус маҳсулотлари, тамаки, пўкак, қоғоз ва б. чиқаради. Четдан машиналар, саноат ускуналари, озиқ-овқат (дон, сут, гўшт), кийим-кечак ва б. келтирилади. Ташқи савдодаги асосий мижозлари: АҚШ, Франция, Германия, Италия, Япония. Пул бирлиги — динор.

Соғлиқни сақлаш. 1974 й.дан мамлакатда бепул тиббий хизмат жорий этилган. 40 мингдан ортиқ ўринли 200 га яқин касалхона ва тиббий муассаса бор. Мамлакатда 7,6 минг шифокор ишлайди. Шифокор ва доришунослар Жазоир ун-тида тайёрланади. Ўрта малакали тиббий ходимларни 20 тиббиёт мактаби етиштириб чиқаради. Ун-тларнинг тиббиёт ф-тларида, соғлиқни сақлаш, гигиена, тропик офтальмология, стоматология илмий-тадқиқот ин-тларида тиббиётга оид илмий тадқиқотлар олиб борилади.

Маорифи, маданий-маърифий ва илмий муассасалари. Ж. мустақилликка эришгач, маориф соҳасида катта ютуқларга эришилди. 7 та ун-т, 170 та бошқа олий ўқув юртлари, 700 та ҳунар-техника таълими марказлари бор. Мамлакатдаги умумтаълим мактабларида 260 мингдан ортиқ ўқувчи, олий ўқув юртларида 200 минг талаба таълим олади. Энг йирик кутубхонаси — Жазоир ш.даги Миллий кутубхона (1 млн.га яқин асар). Йирик музейлари — Ж. Миллий музейи (1930), Антик дунё ёдгорликлари миллий музейи (1897) ва б. Асосий илмий муассасалар Жазоир ш.да. Ядро тадқиқот ин-ти (1966), Океанография ин-ти, Астрономия, астрофизика ва метеорология расадхонаси, Биокимё ин-ти мавжуд. Тиббиёт муаммолари б-н Ракка қарши марказ, Пастер ин-ти (паразитология ва микробиол.), гигиена, трахома ва тропик офтальмология, стоматология ин-тлари шуғулланади. Ветеринария, виночилик технологияси, чигиртка қарши кураш муаммолари Миллий агрономия ин-тида ўрганилади.

И. т.ларни ривожлантириш ва кадрлар тайёрлашда Жазоир ун-ти ва унинг Оран ҳамда Константинадаги филиаллари етакчи роль ўйнайди. Турли соҳа мутахассислари Жазоир ш.даги махсус мактаблар (политехника, пед., журналистика, савдо ва б.)да тайёрланади.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Асосий газ. ва жур.лари: «Ал-Мужоҳид» («Курашчи», 1963 й.дан араб тилида ва 1965 й.дан француз тилида чиқадиган газ.), «Аш-Шааб» («Халқ», 1962 й.дан араб тилида чиқадиган газ.), «Революссьон африкэн» («Африка инқилоби», 1963 й.дан француз тилида чиқадиган жур.), «Революсьон э травай» («Инқилоб ва меҳнат», 1963 й.дан француз ва араб тилида чиқадиган ойлик жур.), «Альжери—актюалите» («Жазоир — сўнгги хабарлар», 1965 й.дан француз тилида чиқадиган газ.), «Ал-Жумҳурия» («Республика», 1963 й.дан араб тилида чиқадиган газ.,), «Журнал офисьел де ла Репюблик Альжерьен Демократик э Популер» («Жазоир Халқ Демократик Республикасининг расмий газетаси», 1962 й.дан француз ва араб тилларида чиқади). Ж. расмий ахборот агентлиги — Альжери Пресс-Сервис 1961 й.да тузилган. Ж. радиотелевидениеси 1962 й.дан ишлайди. Радиоэшиттирув араб, кабил, француз тилларида, телекўрсатув араб ва француз тилларида олиб борилади.

Адабиёти араб, кабил ва француз тилларида. Араб ва кабил тилларидаги адабиёт испан ва турк мустамлакачиларига қарши кураш даври (16—18-а.лар)да юзага келган. 19-а. адабиётида Ж.да миллатларнинг шаклланиши ва француз мустамлакачиларига тобе бўлиб қолиш жараёни акс этди. Халқ оғзаки ижоди ривожланди. 20-а.да мустамлакачиларни фош этувчи асарлар пайдо бўлди. «Халқнинг диний шеърият хазинаси» тўпламини араб тилида биринчи бор нашр этилди (1928). Араб сўзлашув тилининг Ж. лаҳжасида яратилган ҳамда табақачилик сарқитлари ва мустамлакачиликни қораловчи драма асарлари, новеллалар катта муваффақият қозонди. 2-жаҳон урушидан кейинги давр адабиётида хотин-қизлар эркини ҳимоя қилиш Аҳмад Ридо-Ҳухунинг «Маккалик қиз» романида, Ж. халқининг келажак учун олиб бораётган қаҳрамонона кураши Мустафо ал-Ашраф ва Абдуллоҳ Нақ-

Жазоир шаҳрининг умумий кўриниши.





Саҳрои Кабир чўли.

лий драмаларида ўз ифодасини топди. Муфди Закария ёзган миллий мадҳия (1958) инқилобий руҳ б-н суғорилган.

Француз тилидаги адабиёт 20-а.нинг 20-й.ларида шаклланди. У дастлаб турмушнинг турли кўринишларини, 2-жаҳон уруши арафасида ва ундан кейин маҳаллий халқ онгининг ўсиб боришини акс эттирди. 50—60-й.ларда Ж. ватанпарварларининг француз қамоқхоналарида азоб чекишини кўрсатувчи асарлар яратилди (Мезиан Нуриддиннинг «Гангрена», Анри Аллегнинг «Асирликдаги жангчилар» ва б.). 1963 й. Ж. Ёзувчилар уюшмаси тузилди, 1964 й.дан «Новомбр» («Ноябрь») адабий жур. чиқа бошлади.

Ж. адабиётининг энг яхши намуналари (Муҳаммад Дибнинг «Катта хонадон» романи ва б.) ўзбек тилига таржима қилинган.

Меъморлиги. Денгиз бўйларида Финикия, Рим, Византия даврига оид ибодатхона, театр, зафар тоқи, кўприк, ҳаммом, бозор, турар жой харобалари, Гиппон, Картенна ва Тимгад шаҳар қолдиқлари сақланиб қолган. Ўрта аср шаҳар кўчалари қинғир-қийшиқ, тор бўлиб, уларда арк («касба»), масжид, мадраса, раста ва саройлар (Қалъа-Бени-Ҳаммаддаги мажмуа) кўплаб қурилган. 10-а.да Жазоир ш.га, 12—13-а.ларда Тлемсен ш.га асос солинди. Жазоир ва Константинада турк ҳокимларининг 16—18-а.ларга оид сарой ва боғлари сақланган. Турар жойлар шаҳарда 2—3 қаватли қилиб ғиштдан, қишлоқда бир қаватли қилиб лой-гуваладан (томлари текис қилиб) солинган. 1930 й.дан Жазоир, Оран, Аннаба каби шаҳарларда Европа меъморлиги (М. Корбюзье ғояси) таъсирида кўп қаватли уй-жой ва жамоат бинолари қурилди. Ж. мустақилликка эришгач, маъмурий бинолар, ун-т мажмуаси (меъмори О. Нимейр), мактаб ва турар жойлар қуриш тезлашди.

Тасвирий санъати. Ж. ҳудудидан неолит даврига хос қояларга ишланган одам ва жонивор тасвирлари, ов ҳамда маросим манзаралари ва б. расмлар, римликлардан қолган мозаика қолдиқлари топилган. Ўрта аср иншоотлари (12—13-а. масжидлари) ганч ўймакорлиги ва кошинкорлик б-н зийнатланган. Ж. замонавий тасвирий санъати француз рассомлари иштироки ва таъсирида ривожланган. Жазоирлик мўйқалам усталари орасида ака-ука Муҳаммад ва Умар Расимлар, Темам Ранем, Х. Бенанбур, М. Бузид, М. Алдан машҳур. 20-а.нинг 20—30-й.ларига келиб тасвирий санъатда маҳаллий рассомлар ижоди устунлик қила бошлади. 60—90-й.ларда баъзи рассомлар реалистик мавзуда, айримлари эса абстракт услубда ижод қилди. Қад. амалий безак санъати (кандакорлик, ўймакорлик, тўқимачилик, кулолчилик, заргарлик) анъаналари замонавий руҳда ривожланаётир. Маҳаллий меъморлар, рассом, ҳайкалтарош ва амалий санъат усталари Жазоир ш.даги Миллий меъморлик ва нафис санъат мактабида (1881 й. асос солинган) тарбияланади.

Мусиқаси араб мусиқасининг маҳаллий-ҳудудий услубларидан бири бўлиб, 7—8-а.ларда умавийлар, 10-а.да Андалусия (араб Испанияси), 15—16-а.лардан бошлаб турк мусиқа анъаналари таъсирида шаклланган. Кўчманчи ва ўтроқ жазоирликлар мусиқа фольклорида туя боқувчиларининг қўшиқлари — «ҳуда», тўй маросим қўшиқларидан «зажал», лирик-ишқий — «лаяли», «маввал», диний айтимларидан «риса», «зикр» маросим туркуми, «ағани рамазон», «ағани мавлуд» қўшиқлари, мумтоз ашула — «муашшах» ва б. вокал жанрлар кенг тарқалган. Ж. анъанавий касбий мусиқанинг асосий жанри — нуба туркуми 8—9-а.лардан таркиб топган бўлиб (машҳур бастакор, хонанда ва созанда Зирёд мактаби), ҳар бир нуба 5 асосий қисм (Бтайхи, Мсаддар, Башраф, Дарж, Инсираф ёки Хлас)дан иборат. Ж. мумтоз мусиқасида 3 маҳаллий услуб фарқланади: Жазоир (пойтахт, марказий), Тлемсен ва Кустантания (Константина). Кустантания нуба туркуми энг қад. ҳисобланади ва яратилган жойига нисбатан «ал-Қарнатия» (Гренада) деб ҳам аталади. Нуба туркуми таркибида расд (рост), нава (наво), чарка (чоргоҳ), ирак (ироқ), сика (сегоҳ), ҳсин (ҳусайний) каби ўзбек мақомларига номдош нубалар мавжуд. Нуба ижрочилигида торли чолғулардан уд, камонли рабоб, қонун, пуфлама чолғулардан — най, урма чолғулардан — дарбукка, тор, дафф ва наққора, 20-а.дан бошлаб (турк маданияти таъсирида) европа созлари (скрипка, альт, виолончель, кларнет) ҳам кенг қўлланилади. Анъанавий мумтоз ва халқ мусиқа жанрлари ўзаро яқинлашуви туфайли 20-а.дан янги оммабоп мусиқа услуби тараққий этди. Созанда ва бастакор Ҳожи Муҳаммад ал-Анқо бу услубнинг ёркин намояндасидир. Хонандалардан Зёрок Муҳаммад, Муҳаммад Тобил, Марям Вафо, созандалардан Бин Ҳамза, Саад, Билқосим, Халфалар машҳур. Жазоир ш.да Миллий мусиқа ин-ти мавжуд.

Театри. Ж. халқининг қад. ўйинлари, диний маросимларида театр санъати нишоналари бўлган. Биринчи Ж. театр труппаси (араб тилида) 20-а.нинг 20-й.ларида ташкил топган. Унинг асосчиси — 100 дан ортиқ пьеса ёзган драматург, актёр ва реж. Р. Ксентини. Унинг «Бу-Борма», «Истанбулдаги амаким», «Зед-Алех» ва б. пьесалари машҳур. Ксентинининг издоши Б. Муҳиддиннинг «Хоинлар», «Хушомадгўйлар қабиласи» пьесаларида озодлик ғоялари кўтарилди. Муҳиддин труппаси А. Накли, Мольер, Софокл ва Ибсенларнинг асарларини саҳналаштирди. Кўп актёрлар Миллий-демократик инқилоб (1954)да қатнашдилар ва кейинчалик чет эл (Тунис)га ўтиб кетишга мажбур бўлдилар. Улар Тунисда бадиий даста туздилар. Мамлакат мустақилликка эришгач, 1962 й.да шу даста асосида актёр ва реж. М. Котиб бошчилигида Ж. миллий театри ташкил этилди.

Киноси. Миллий кинематография Миллий-демократик инқилоб даври (1954—62) да юзага келди. 1957 й. миллий озодлик фронти кинематографияга тайёрлов мактабини очди, 1961 й. эса муваққат инқилобий ҳукумат махсус кино бўлимини ташкил этди. Бу ташкилотлар озодлик учун курашга бағишланган бир қанча ҳужжатли ва ташвиқий фильмлар и. ч.га шароит яратди. 1962 й.дан Ж. кинематографияси анча кенгайиб, бадиий фильмлар ҳам ишлаб чиқарила бошлади. 1967 й. Миллий кинематография савдо ва саноати бошқармаси (1974 й. Ж. хроника хизмати б-н бирлаштирилган) ташкил этилган. «Жазоир шаҳри учун кураш», «Аурес-дан эсган шамол», «Оловли йиллар солномаси», «Декабрь», «Қочқин», «Сир калити», «Мерос», «Биринчи қадам», «Келин» каби лента лар Ж. кинематографиясининг энг яхши фильмларидир. Уларда озодлик ҳаракати тарихи, долзарб ижтимоий-сиёсий масалалар, хотин-қизлар озодлиги муаммолари кўтарилган.

Ўзбекистон — Ж. муносабатлари. Икки мамлакатнинг иқтисодий ҳамкорлиги ва савдо-сотиқ алоқалари энгдигина йўлга қўйила бошлади. Икки давлат ўртасидаги товар айланмаси

2000 й.да 1,3 минг АҚШ долларини ташкил этди. ЎзРда жазоирлик сармоядорлар иштирокидаги 2 корхона ташкил этилган. ЎзР билан Ж. ўртасида имзоланган «Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳужжат»га қўшимча равишда савдо-иқтисодий ҳамкорлик, инвестицияларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, иккиёқлама солиқ солинишига йўл қўймаслик, бож иши соҳасида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳақида битимлар тайёрланаётир.

ЖАЗОИР — Жазоир Халқ Демократик Республикасининг пойтахти. Жазоир вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 2,5 млн. киши (1998).


Ўрта денгиз бўйида жойлашган. Иқлими субтропик, ўрта денгиз иқлими, қиши илиқ, ёзи қуруқ ва иссиқ. Ўртача т-ра янв.да 12°, июлда 25°; йиллига 700 мм ёғин ёғади.

Ж.га финикияликлар томонидан мил. ав. 9-а. охирида Эй-Қози бандаргоҳи сифатида асос солинган, кейинчалик римликлар томонидан Икозиум деб номланган. Икозиум вайроналари ўрнида 935 й.да барбар амири Бологгин ибн Зири янги шаҳар бунёд қилди ва кейинчалик бу шаҳар Ж. деб аталди. 11-а.дан Ж. Ўрта денгизнинг йирик савдо порти, 13-а.дан Испаниядан қувғин қилинган мавр муҳожирлари маркази бўлди. 16-а.гача турли давлатлар таркибида бўлиб келган. 16-а.дан Усмонли туркла салтанатига қарам бўлган Жазоирнинг маркази. 1830 й.да француз-лар босиб олгач, 130 йил давомида Франциянинг Жазоир мустамлакасининг маъмурий маркази бўлди. Ж.да 2-жаҳон уруши даврида иттифоқчи давлатлар қўмондонлигининг Ўрта денгиздаги штаб квартираси жойлашган. Ж. 1962 й.дан мустақил Жазоир давлатининг пойтахти.

Ж. — транспорт йўллари тугуни, халқаро аэропорт бор. Ўрта денгиз бўйидаги йирик порт (йиллик юк оргиб-тушириш 5,8 млн. т). Мамлакатнинг иқтисодий, илмий ва маданий марка-



Жазоир шаҳри. Замонавий бинолар.



зи. Машинасозлик (автомобиль ва қ. х. машиналари), металлсозлик, озиқ-овқат (виночилик, ёғ, тамаки, ун тортиш), кимё, нефтни қайта ишлаш, цемент, целлюлоза-қоғоз, тўқимачилик корхоналари, ойна з-ди, ёғочсозлик ф-калари, иссиқлик электр ст-ялари, метрополитен бор.

Ж. Жазоир қўлтиғи бўйлаб 15 км га чўзилган, боғ ва парклар кўп. Ж.нинг қад. қисмида қалъа, Катта масжид (1096), Сиди Абдураҳмон масжид-мақбараси (1611), Жоме ул-Жадид масжиди (1660), Ж.нинг Европача услубда қурилган қисмида Ҳукумат уйи (1930) бор. 1960 й.лардан янги турар жой бинолари қурилган. Ун-т, ин-тлар, мактаб, Кабир ин-ти, расадхона, ботаника боғи, Миллий драма театри ва б. бор. Ҳар йили халқаро ярмарка ўтказилади.

ЖАЗОИРЛАР, Жазоир арабларининг асосий аҳолиси. Умумий сони 22,2 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Жазоирда 21,2 млн. киши, Францияда 820 минг киши яшайди. *Араб тилида* гаплашадилар. Диндорлари — сунний мусулмонлар.

ЖАЗОНИ ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАР — содир этилган жиноятнинг ва жиноят содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасини камайтирувчи ҳамда енгилроқ жазо тайинлаш учун асос бўладиган ҳолатлар. Ўзбекистон ЖК (55-модда)да Ж. е. ҳ.нинг рўйхати берилган, у қатъий бўлмай, суд айбдорга жазо тайинлаш вақтида мазкур моддада кўрсатилмаган бошқа ҳолатларни ҳам енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаши мумкин. Мас., айбдорнинг қарамоғида ёш болалари, қари ёки ногирон ота-оналари борлиги Ж. е. ҳ. ҳисобланади. Ж. е. ҳ. жиноят таркибига кирувчи белги бўлмай, балки ундан ташқарида бўлган ҳолат ҳисобланади. Шу боисдан Ж. е. ҳ. жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди, айбдорнинг қилмиши квалификация этилган моддада назарда тутилган жазонинг енгилроқ турини ёки камроқ қисмини тайинлашга асос бўлади.

ЖАЗОНИ ЕНГИЛРОҚИ БИЛАН АЛМАШТИРИШ — тайинланган жиноий жазонинг муайян қисми ўтаб бўлингандан кейин қолган қисмини енгилроқ турдаги бошқа жиноий жазо б-н алмаштириш. Ж. е. б. а. жиноят қонунининг инсонпарварлик принципига асосланган бўлиб, у озодликдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилади. Енгилроқ турдаги жазони танлаш масаласи иш ҳолатларига қараб ҳал қилинади. Ўзбекистон Республикасининг ЖК Ж. е. б. а.да ҳисобга олинадиган талаблар, қонун-қоидаларни белгилаб берган.

ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ МУАССАСАСИ — суд ҳукмига биноан белгиланган жазоларни ижро этувчи муассасалар ва органлар. Жазоларнинг турларига қараб бу жазоларни ижро этувчи орган ва муассасалар бир-биридан фарқ қилади. Ўзбекистон Республикаси ЖИКга биноан, жарима тариқасидаги жазо суд томонидан, озодликдан маҳрум қилиш, қамоқ, ахлоқ тузатиш ишлари, ўлим жазоси ички ишлар органлари томонидан ижро этилади. Озодликдан маҳрум қилиш — Ички ишлар вазирлиги қошидаги жазоларни ижро этишнинг бош бошқармаси ташкил қиладиган жазоларни ижро этиш колониялари, турма қамоғи ва тарбия колониялари томонидан, қамоқ жазоси — қамоқ уйлари ва тергов изо-

ляторлари томонидан, ахлоқ тузатиш ишлари — ички ишлар органларининг инспекциялари томонидан ижро этилади. Ахлоқ тузатиш ишларини ижро этишда корхона ва ташкилотлар маъмурияти ёрдам беради. Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳукм талаби — маҳкумнинг иш жойидаги маъмурият томонидан, шунингдек, тегишли фаолият турлари б-н шуғулланишга берилган рухсатномани бекор қилишга ваколатли органлар томонидан ижро этилади. Ҳарбий хизматчиларга нисбатан: хизмат бўйича чеклаш тариқасидаги жазо — улар хизматни ўтаётган жойдаги ҳарбий қисмлар (муассасалар)нинг қўмондонлиги томонидан; қамоқ тариқасидаги жазо — гарнизон гауптвахталари томонидан; интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазо — махсус ташкил этилган ҳарбий қисмлар томонидан; ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш — мазкур унвонни берган орган томонидан ижро этилади. Бундан ташқари тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини, шунингдек, вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чораларини қайси муассасалар қай йўсинда ижро этиши ҳам белгилаб қўйилган (Ўзбекистон Республикаси ЖИК, 15-модда).

Баҳром Аҳроров.

ЖАЗОНИ ОҒИРЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАР — содир этилган жиноятнинг ва жиноят содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасини оширувчи ҳамда оғирроқ жазо тайинлашга асос бўладиган ҳолатлар. Ўзбекистон ЖК (56-модда)да Ж. о. ҳ.нинг қатъий рўйхати берилган, суд жазо тайинлаш вақтида мазкур моддада кўрсатилган ҳолатлардан бошқа ҳолатларни Ж. о. ҳ. деб ҳисоблашга ҳақли эмас, лекин жиноят хусусиятини эътиборга олиб, шу ҳолатларни Ж. о. ҳ. деб топмаслиги ҳам мумкин. Ж. о. ҳ. жиноят таркибига кирувчи белги бўлмай, жиноят таркибидан ташқаридаги ҳолат ҳисобланади. Шу сабабли бундай ҳолатлар жиноятни квалификация қилишга таъсир этмайди, балки айбдор қилмиши квалификация қилинган моддада кўзда тутилган жазонинг оғирроқ турини ёки кўпроқ қисмини тайинлашга асос бўлади.

ЖАЙДАРИ ЗОТ — бирор мамлакат ёки ўлкада қадимдан боқиб келинаётган, шу жойнинг шароитига яхши мослашган маҳаллий мол зотлари. Мас., маҳаллий зебусимон қорамол зоти Ўзбекистоннинг иссиқ ва қуруқ иқлим шароитига яхши мослашган, қон паразити касалликларига чидамли; маҳаллий озуқаларни яхши ҳазм қилади.

Ўзбекистонда боқиладиган ҳисори, қоракўл, дағал жунли думбали қўй зотлари, қорабайир ва лақай от зотлари ҳам Ж. з. бўлиб, халқ селекционерлари томонидан яратилган ёки табиий популяциялардир. Ж. з.лар, одатда, бирор-бир хўжалик белгиларига кўра унча маҳсулдор бўлмайди (мас., Ўзбекистон думбали жайдари ва ҳисори қўйлари яхши гўшт-ёғ беради, жун миқдори кам ва сифати замонавий талабларга жавоб бермайди; уларнинг жунидан наматлар тайёрланади), лекин уларнинг тоза насллари қимматли генофонд ҳисобланади ва селекция ишларида фойдаланилади. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда жайдари қорамол сигирларини қўнғир ва қора-ола зот буқаларидан чатиштириб маҳаллий қорамолнинг янги Ўзбекистон қўнғир ва қора-ола хили яратилмоқда.

Суендик Ҳожибеков.

ЖАЙДАРИ ҒЎЗА — Ўзбекистонда қадимдан экиб келинган ғўза. Маҳаллий шароитларга яхши мослашган. Кўсаклари майда ва ўртача, думалоқ, учи суйри, яхши очилмайди, кўсак бандида осилиб туради. Ж. г. жойнинг номи ёки бирор муҳим белгиси б-н аталган. Мас., «қўқон ғўзаси», «хоразм ғўзаси», «хива ғўзаси», «малла ғўза», «қизил ғўза» ва б. Кейинчалик серҳосил янги ғўза навлари яратилганидан кейин Ж. г. 1929 й.дан бошлаб Ўзбекистонда бутунлай экилмайдиган бўлди (яна қ. *Африка — Осиё ғўзаси, Ғўза*).

ЖАЙЕВЕР (Живер) (Giaever) Айвар (1929.5.6, Берген, Норвегия) — америкалик физик. Илмий ишлари *туннель эффекти* ва *ўта ўтказувчанлик*ка оид. 1960 й.да биринчи бўлиб ўта ўтказгичларда туннель эффектини, яъни электронлар бир ўта ўтказгичдан бошқасига ўта бошлашини кузатган. Б. *Жозефсон* номи б-н аталувчи ностационар эффектни кашф этган. Туннель эффекти ёрдамида т-рани ўлчаш мумкинлигини биринчи марта кўриб чиққан. 1965 й.да туннель ўтишнинг бошқа ўтиш ёрдамида нурланишини қайд этган. Нобель мукофоти лауреати (1973, Б. Жозефсон ва Л. *Эсаки* б-н ҳамкорликда).

ЖАЙНИЗМ — 1) Ҳиндистонда тарқалган динлардан бири (қарийб 3 млн. киши эътиқод қилади). Мил. ав. 6-а.да пайдо бўлган. Ривоятларга кўра, Ж. асрлар оша 24 устоз-пайғамбар орқали етиб келган. Буларнинг энг сўнггиси Жинна (яъни ғолиб, диннинг номи шундан) ва Махавира тахаллусини олган Вардхамана бўлиб, шу дин асосчиси ҳисобланади. Ж. қад. ҳинд жамиятидаги ҳарбийлар (кшатрий) б-н руҳоний — брахманлар табақаларининг ўртасидаги ғоявий-сиёсий курашлар натижасида, ўша даврдаги мавжуд диний-фалсафий таълимотларнинг ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашуви оқибатида вужудга келган. Баъзи тадқиқотчилар фикрича, Ж. *буддизм*нинг бир мазҳабидир. Ж. буддизм каби *брахманизм*нинг мураккаб расм-русумларига ва ташқи шаклига қарши чиқди. *Веда*ларнинг муқаддаслигини, қурбонликлар қилишни, руҳонийлар ва худоларнинг инсон тақдирига ҳал қилувчи таъсирини инкор этди. Жайнлар ўз жамоасига кириш учун барча варна (каста)даги эркак ва аёлларга йўл очди. Ж.да марказий ўринни жон ҳақидаги таълимот эгаллайди. Бунга кўра, инсон жони барча қилмишлари учун жавобгар, чунки бу қилмишлар *карма* қонуни асосида рўй беради, карма қонуни танни жон б-н боғлайди, инсонни ердаги ишларга занжирбанд этади ва унинг кейинги қайта туғилишларини белгилаб беради. Кишилар «ўз жонини ўзи халос қилиши», «қайта туғилишлардан озод бўлиши» мумкин. Бунга эришиш учун Жиннага эътиқод қилиш, Жинна таълимотига ишониш, Жинна белгилаган ахлоқ меъёрларига риоя қилиши керак. Ж.да ахлоқий камолатга етишишнинг ва карма қонунидан қутулишнинг бирдан-бир йўли зоҳидлик ҳисобланади. Жайнлар зоҳидроҳиблар ва фуқаролар (савдо-судхўрлик б-н шуғулланувчилар)га бўлинади. Ж. тарафдорлари ҳоз. кунда асосан банкдорлар, судхўрлар, саррофлар ва зардгарлардан иборат. Улар жондорлар б-н савдо қиладилар, бошқа тижорат ишлари б-н ҳам шуғулланадилар; 2) фалсафий таълимотлардан бири. Мил. ав. 2—1-а.ларда Ж. дини асосида шаклланган. Ж. фалсафасининг асосий манбаи «Жайна сутра» («Жайна афоризмлари») ҳисобланади. Ж. фалсафасига таттвалар — моҳиятлар ҳақидаги таълимот асос қилиб олинган. Икки асосий таттва бўлиб, бири — моҳияти онг бўлган руҳ (жива), иккинчиси — руҳ бўлмаган ҳамма нарса (ажива). Руҳ бўлмаган нарса (материя) сезиш, эшитиш, ҳид, ранг ва таъм сифатларига эгадир. У яратилмаган, ибтидоси ва интиҳоси йўқ, муайян ҳолатга эга бўлиши ва ўзгариши мумкин. Модда дағал нарса бўлиб, инсон аъзолари томонидан ҳис этиладиган ёки кармага ўхшаб нозик бўлиши мумкин. Модданинг зарраси — атом, у маконнинг бир нуқтасинигина ишғол этади, оғирликка эга, катта тезлик б-н ҳаракат қила олади. Ж. фалсафасида икки замон хусусияти мавжуд: руҳнинг айни ҳолатда мужассамлашган муддати (ёки ҳаёт вақти) ва руҳнинг шу берилган ҳолатда мужассамлашган муддати (ёки ҳаёт миқдори, бошқа

яшаши зарурлиги). Мас., инсон бир неча ўн йиллар яшайди, аммо унинг юқорироқ ҳолатга ўтиши бир неча ҳаётий муддатни тақозо этади.

Ж.нинг ахлоқий таълимоти якка шахснинг ўзигагина қаратилган. Инсон фақат ўзини озод қилиши мумкин; бошқа одамга ёрдам бериш мутлақо бўлмаган ва иложи йўқ нарса. Ж. фалсафий тизими ҳоз. вақтгача деярли илк кўринишида сақланиб қолган.

Муҳаммаджон Қодиров.

ЖАЙПУР — Ҳиндистоннинг шим.-ғарбидаги шаҳар, Аравали тоғлари этагида. Рожастҳон штатининг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази. Аҳолиси 1,5 млн.дан зиёд киши (1990-й.лар ўрталари). Ж.га 1728 й.да асос солинган. 18-а.да равнақ топган рожпут маданиятининг маркази бўлган. Шаҳар марказидаги қўрғонда 18-а.да қурилган сарой комплекси бўлиб, унда Чандра Маҳал саройи, бадиий музей, Жантар-Мантар расадхонаси, Ҳаво Маҳал (Шамоллар Саройи; 1751—68) ва б. меъморий ёдгорликлари сақланган. Шаҳар деворидан ташқарида, жан.да 19-а. ўрталари ва 20-а.да Ж.нинг янги қисми қурилган.

Ж.—савдо маркази, транспорт йўлларн тугуни. Ип газлама, кўн пойабзал, керамика, электротехника, озиқ-овқат саноати корхоналари, т. й. ва автомобиль таъмирлаш устахоналари бор. Қўлда фил суяги, мармар, металлдан бадиий буюмлар, заргарлик буюмлари тайёрланади, ҳар хил газлама тўқилади. Ун-т бор. Туризм ривожланган.

ЖАЙРАЛАР (Nystricidae) — кемирувчи сут эмизувчилар туркумининг бир оиласи. Танасининг уз. 90 см гача, оғирлиги 15 кг ча. Усти ва ёнлари уз. 40 см гача бўлган узун, қаттиқ жун, қорин томони қаттиқ қиллар б-н қопланган. 10 га яқин турни ўз ичига олган 4 уруғдан иборат. Африка, Жан. Европа, Жан. ва Ғарбий Осиёда учрайди. Nystrix



Жайра.

nirsutirostris Кавказ, Қозоғистон ва Ўрта Осиёда яшайди. Ж. тоғ ва тоғ этакларида, текисликлардаги сой ва жарликларда, аҳоли пунктларига яқин жойларда чуқур уя қазиб яшайди. Баҳорда урчийди, 2—4 та бола туғади. Қишда ўсимликларнинг пиёзи, илдизпояси ва уруғи, кўкламда ўт, ёзда маккажўхори, тарвуз, қовун, узум, тўкилган мевалар б-н озиқланади. Ж. экинлар завалар б-н озиқланади. Ж.нинг гўшти ейилади.

ЖАЙРАН, кийик, оҳу (Gazella subgutturosa) — оҳулар (ғизоллар) уругига мансуб сут эмизувчи ҳайвон. Танасининг уз. 94—115 см, бўйи 60—65



Жайран.

см, оғирлиги 25—30 кг. Урғочиси шохсиз. Эркагининг шохи қора, йўғон ва бўғимли (уз. 40 см гача). Марказий Осиё ва Ғарбий Осиёда, жумладан Закавказье, Туркманистон, Ўзбекистон, Жан. Қозоғистоннинг чўл ва чалачўлларида тарқалган. Баҳор ва ёзда 4—7 тадан, қишда 15—20 тадан, баъзан бир неча юздан пода бўлиб ўтлайди. Кўкламда ғалласимонлар ва эфемер ўсимликлар, кузда шўрак ва шувоқлар; қишда бута-лар новдаси ва меваси б-н озиқланади. Ж.нинг оёқлари ингичка, тез (соатига 60 км гача) югуради. Апр.—майда 1—2 бола туғади. Тутқинликда яхши кўпаяди, лекин узоқ яшамайди. Гўшти ва териси учун кўплаб овланиши туфайли сони жуда камайиб кетган. Бухоро ва Сурхондарёда Ж.ни кўпайтириш учун махсус питомник (парваришхона)лар ташкил этилган. Халқаро ва Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

ЖАЙРАНХОНА ҚИРИ — Сурхондарё вилоятидаги қир. Боботоғ тизмасининг жан.-ғарбида жойлашган. Энг баланд жойи 479 м (Қизилмозор чўққиси). Нисбий бал. 40—100 м, қуруқ ўзанлар б-н парчаланган. Ж. қ. неогеннинг гил, карбонатли ва сульфатли жинсларидан ташкил топган. Ён бағирлари эол қумлари б-н қопланган. Этакларидаги пролювиал шлейфларда бўз қўнғир тупроқлар, айрим жойларда чўл қум тупроқлари ва қумликлар тарқалган. Бўз-қўнғир тупроқларда шувоқ, қумликларда эфемер ва эфемероидлар, шунингдек, жузғун, селин, тароқбош, астрагал ўсади.


ЖАЙРАНЎТ (Frankenia hirsutra) — уччаноқдошлар (франкениядошлар)га мансуб чала бута. Бўйи 8—20 см. Барглари наштарсимон. Гуллари майда, тожбарги 5 та, қўнғир-пушти, косачаси 5 тишли. Кўсакчаси тухумсимон, уз. 3 мм, эни 163 мм ча. Май—сент.да гуллаб, уруғлайди. Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида тарқалган. Эрта баҳорда ёш новдалари ва баргларини жайранлар хуш кўриб ейди, номи ҳам шундан.

ЖАЙХУН — 1) *Амударё*нинг қад. номларидан бири; 2) ҳар қандай дарё; 3) машҳур дарёлар — Амударё, Сирдарё, Фурот, Дажла ва б. Мас., Жайхуни Чочий — Сирдарё, Жайхуни Хоразм — Амударё.

ЖАЙҲОНИЙ, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад (10-а.) — олим, *Сомонийлар* амири *Наср ибн Аҳмад*нинг (914—943) вазири. Фалсафа, астрология, астрономияни қунт б-н ўрганган, геогр.га оид бир қанча асар ёзган. «Китоб ал-масолик вал-мамолик»(«Йиллар ва мамлакатлар ҳақида китоб») номли асари ҳақида маълумотлар бор, холос. Араб географи ал-Масъудийнинг ёзишича, бу асарда шаҳарлар, денгиз ва дарёлар, шунингдек, турли халқлар ҳақида маълумотлар берилган, турли-туман ривоятлар ва воқеалар ҳикоя қилинган. Бу асардан Шарқнинг кўп олимлари, жумладан Беруний ҳам фойдаланган.

ЖАКАРТА — Индонезиянинг пойтахти. Ява о.нинг шим.-ғарбий соҳилида, Чиливунг дарёсининг Ява денгизига қуйилиш жойида. Иқлими тропик экваториал; йиллик ўртача т-ра 27°. Йиллига 1800 мм ёғин ёғади; ҳавонинг намлиги 80%. Аҳолиси 9,5 млн. киши (1996).


16-а. бошида ҳозирги Ж. ўрнида Тажаддаран князлигининг Сундакелапа порт шаҳри бўлган. 1527 й.да уни Бантам князлиги эгаллаган ва шаҳар Жаякерта (улкан қалъа) деб аталган. 17-а.да голландларнинг Ост-Индия компанияси босиб олиб вайрон қилган. 1619 й.да голландлар шаҳар ўрнида Батавия



қалъасини қурганлар. Кейинчалик унинг атрофида шаҳар вужудга келиб, 1945 й.гача генерал-губернатор қароргоҳи ва мустамлака маркази бўлган. 1945 й. 17 авг.дан мустақил Индонезия давлатининг пойтахти. Голландия агрессияси вақтида (1946—49) пойтахт вақтинча Жокьякартага кўчирилди; 1949 й.дан Батавия яна Ж. деб атала бошлади.

Ж. — мамлакатнинг йирик иқтисодий маркази. Озиқ-овқат (чой, кофени қайта ишлаш, шоли оқлаш, ун тортиш, ёғ, балиқ консервалаш ва б.), каучукка ишлов бериш, резина ва кўн пойабзал, тўқимачилик, металлсозлик ва машинасозлик корхоналари, механика устахоналари, кема верфи, автомобиль йиғув з-ди ва б. бор. Ҳунармандчилик қадимдан ривожланган.

Ж. — халқаро денгиз ва ҳаво йўлларининг тугуни. Халқаро Кемайоран аэропорти бор. Ж. порти (Танжунгприок аванпорти) орқали четга каучук, чой, кофе, хинин, шакар-қанд ва б. чиқарилади; четдан кўпроқ саноат ускуналари келтирилади. Меъморий ёдгорликлардан Пенанг дарвозаси (1671), черков (1695), шаҳар бошқармаси биноси (1710—12), 17—18-а.ларда қурилган бинолар, канал ва кўприклар ва б. сақланган. Замонавий бинолардан спорт мажмуаси (1956—62), марказий госпиталь (1962—63), Президент саройи (19—20-а.лар), Мустақиллик монументи (1964) Ж.нинг янги қурилган қисмида жойлашган. Ж.да давлат ун-ти, бир неча хусусий ун-тлар, Миллий техника ин-ти, Фанлар ин-ти, Маданият ин-ти, кутубхоналар, музейлар, Картиналар галереяси, театрлар ва б. бор.



Жакарта шаҳридаги жоме масжиди.

ЖАКЕРИЯ (Jacquerie, «Jacques Bonhomme» сўзидан — «Жак Гўл» — дворянлар томонидан деҳқонларга берилган камситувчи лақаб) — Францияда 1358 й. мулкдорларга қарши кўтарилган деҳқонлар қўзғолони. Ж. *Юз йиллик уруш* (1337—1453) натижасида вужудга келган иқтисодий танглик, ёлланган аскарларнинг талон-торожи ва янги солиқлар солиниши туфайли келиб чиққан. Қўзғолон 28 майда Бовези вилоятидан бошланди. Ж. иштирокчилари, асосан, деҳқонлардан иборат бўлиб, аҳолининг бошқа табақалари ҳам қатнашган. Қўзғолончиларга Гильом Каль бошчилик қилган. Наварра қироли Карл 10 июнда Ж. раҳбарларини музокарага чақиради. Музокара пайтида Г. Каль хиёнаткорона қўлга олиниб, қаттиқ қийноқлардан сўнг боши танасидан жудо қилинади. Карл қўшинлари тўсатдан қўзғолончи деҳқонларга ҳужум қилиб уларни тор-мор келтиради. 20 мингдан зиёд деҳқонлар қириб ташланган. Раҳбарсиз, уюшмаган ва аниқ режаси бўлмаган Ж. енгилади. У деҳқонларни шахсий қарамликдан озод бўлишларига имкон яратган.

ЖАККАРД МАШИНАСИ — тўқув станогининг ҳомуза (зев) очиш механизми. Йирик гулли ва катта *раппортли* газламалар (мас., дастурхон, адёл, чойшаб, дераза парда ва б.) тўқишда қўлланилади. Француз механиги Ж. М. Жаккард кашф этган (1808). Ж. м. асосан икки қисм: кўтариш механизми ва гул (нақш) механизмидан иборат. Ҳар қайси *танда* ипини ёки танда иплар дастасини алоҳида йўналтиришга имкон беради. Унда *арқоқ* ипи бир-биридан мустақил ҳаракатланадиган илмоқлар ёрдамида кўтарилади. Ж. м.нинг бошқа ҳомуза очиш машиналаридан фарқи шундаки, унинг ёрдамида танда иплари қисмлар бўйича эмас, балки ҳар бири алоҳида кўтарилади ва туширилади. Ж. м. бир кўтарилмали ва икки кўтарилмали бўлиши мумкин. Бир кўтарилмалисида очиқ ёки ёпиқ, икки кўтарилмалисида очиқ ёки ярим очиқ ҳомуза, яъни газлама тўқиш учун танда ипларининг бир қисми кўтарилиб, иккинчи қисми пастга тушиб турганда бўшлиқ ҳосил бўлади. Унга моки ёрдамида арқоқ иплари ташланади. Кўтариш механизми асосан пичоқ ва илгаклардан иборат бўлади. Ж. м. асосан 400, 600, 800, 1320 ва ундан кўп илгакли бўлиши мумкин (қ. *Тўқувчилик*).

ЖАКО, бўз тўти (Psittacus erithacus) — тўтилар туркумига мансуб қуш. Танасининг уз. 40 см гача. Тумшуғи бақувват, пастга қайрилган. Оёқлари дарахтда ўрмалаб юришга мослашган.



Жако.

Думи қизил, ҳар хил товланадиган пати бўз тусда, шунинг учун бўз тўти деб ҳам аталади. Африканинг тропик ўрмонларида тарқалган. Гвинеядан то Анголагача ва Ньяса кўлларигача учрайди. Уясини дарахт ковакларига солади. 2 та тухум қўяди. Кечаси 100—200 тадан бўлиб, баланд дарахтларда тунайди. Маккажўхори донини жуда яхши кўради. Ж. қафасда сақланади ва сўзлашга ўргатилади. Қўлда 70 йилдан ортиқ яшагани маълум. Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқининг Қизил китобига киритилган.


ЖАКОБ (Jacob) Франсуа (1920.17.6, Нанси) — француз микробиологи, генетиги. Бактерия ҳужайраларида генетик ахборотнинг ташилиши ва оқсил синтезининг бошқарилиши (оперон концепция) гипотезаси муаллифларидан бири. Асарлари лизогенияга (эпизом концепция, 1958) оид, Нобель мукофоти лауреати (1965, А. *Львов* ва Ж. *Моно* б-н ҳамкорликда).

ЖАКСОН Сидней Львович (1886.14.4, Нью-Йорк — 1966.5.1, Тошкент) — боксчи, хизмат кўрсатган спорт устози (1938). 1-жаҳон урушидан олдин АҚШнинг кучли боксчиларидан бири саналган. Нью-Йорк терма жамоасининг аъзоси сифатида Россияга келди, уруш туфайли ватанига қайтиб боролмади. 1922 й.дан умрининг охиригача Тошкентда яшади. Бу ерда биринчи бокс тўгараги ташкил этди ва Ўзбекистонда спортнинг бу тури ривожланишига катта ҳисса қўшди. Республика терма жамоасининг доимий мураббийси сифатида бокс бўйича юзлаб спорт усталари тайёрлади. 1938—42 й.ларда Тошкент педагогика ин-тида ўқиди, сўнгра шу ерда инглиз тилидан дарс берди. Ўзбекистонда Ж. хотирасига бағишлаб анъанавий халқаро бокс мусобақалари ўтказилади.

ЖАКУБЕК БАРЛОС, амир Жоку, тўлиқ исми Жакубек ибн Муборак ибн Тўғон ибн Қодон ибн Шаръа ибн Қарочор нўён (?—1384) — барлос уруғининг йирик бекларидан. *Амир Темур*нинг қариндоши, сафдоши ва қайнотаси, хос кишиси. У 1371 й. Зинда Чашманинг Амир Темурга қарши уюштирган фитнасини бостирган. Шу воқеадан бир оз кейин Амир Темур уни Кобул ш. ва вилоятининг ҳокими этиб тайинлайди. 1384 й. бошида у Кобулда вафот этганидан сўнг соҳибқирон унга тааллуқли Кобулистон мулкини ўғли *Жаҳоншоҳ баҳодур*га ва кейинги авлодларига мулк қилиб беради.

ЖАЛА — шиддат б-н ёғадиган қисқа муддатли атмосфера ёғини; кучли ёмғир. Баъзан, ҳўл қор, қор учқунлари аралаш ёғади. Ж.нинг ёғиш жадаллиги ҳар соатда 100 мм гача етади. Ж. булутдан эмас, балки атмосферадаги совуқ фронтда (қ. *Атмосфера фронтлари*) жойлашган нобарқарор ҳаво массаларидан ёки *конвекция* натижасида ёғади. Халқ хўжалигига, айниқса қ. х.га зарар етказиши, сув тошқинларига сабаб бўлиши мумкин.

ЖАЛАНДҲАР, Жалландар — Ҳиндистоннинг шим.-ғарбидаги шаҳар. Панжоб штатида. Биас ва Сатлаж дарёлари оралиғида, Кичик Осиё я. о. ва Марказий Осиёдан Ҳиндистонга боришда муҳим қадимий карвон йўлида вужудга келган. Аҳолиси 520 мингдан зиёд киши (1990-й.лар ўрталари). Транспорт йўлларининг муҳим тугуни. Штатнинг йирик савдо маркази. Тўқимачилик, озиқ-овқат, металлсозлик, кўнчилик корхоналари бор. Спорт буюмлари, ўйинчоқлар ва бадиий ҳунармандчилик буюмлари ишлаб чиқарилади.



Абдуҳафиз Жалилов. Калонтаров уйининг шифти (Самарқанд ш.).

ЖАЛАТОРСОЙ — Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги сой. Қаламжарсой (Селсой)нинг ўнг ирмоғи. Нурота тоғ тизмасининг тармоғи — Қоранкўл тоғларининг жан. ён бағридаги булоқлардан бошланадиган 30 га яқин майда ирмоқнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Жалатор қишлоғи ёнида Ж.га чапдан уз. 9 км бўлган Ойдинсой қўшилади. Қуйи оқимда Жўшсой ҳам дейилади. Уз 21 км, ҳавзасининг майд. 71 км². Оқмачит қишлоғи ёнида Каттасой б-н қўшилиб, Қаламжарсойни ҳосил қилади. Ж. асосан мавсумий қор, ёмғир ва булоқ сувларидан тўйинади. Йиллик оқимининг 60—70% фев.—апр.да оқиб ўтади, бошқа вақтларда суви жуда камайиб кетади, баъзан қуриб қолади. Ўртача йиллик сув сарфи 120—150 л/сек.

ЖАЛИЛОВ Абдуҳафиз (1869 — Самарқанд — 1954) — дурадгор, ёғочсоз уста, наққош. Самарқанд меъморлик мактабининг вакили. Дастлаб уста Неъматдан ҳунар ўрганган. Синчли уй қуриш, эшик, сандиқларга безаклар ясаш, ислимий нақшлар чизишга моҳир бўлган. Уста Файзулла б-н бирга ишлаган, уста *Абдуқодир муҳандис* Боқиев гуруҳида ишлаб, ундан муқарнас ва гириҳ тузиш сирларини пухта эгаллаган. Самарқанддаги Калонтаров уйи (ҳоз. Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейи биноси), Хўжа Аҳрор масжидининг мураккаб шаклли шифтларини ишлаган, Хўжа Юсуф масжиди ва б. жамоат биноларини қурган, безаган.

ЖАЛИЛОВ Икром (1922.10.2, Чимкент) — ҳуқуқшунос олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1990), юридик фанлари д-ри (1972), проф. (1988). 2-жаҳон уруши қатнашчиси. Тошкент давлат юридик ин-тини (1946), шу ин-т аспирантурасини (1953) тугатган. Андижон вилоятида туман ва шаҳар прокурори (1947—50), Тошкент давлат юридик ин-тида ўқитувчи (1954—55). Адлия ва прокуратура соҳаларида ишлаган. 1958 й.дан Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг илмий ходими, сектор мудири, катта илмий ходим. Илмий ишлари ер ҳуқуқини ва аграр қонунчиликни такомиллаштириш масалаларига бағишланган. «Жасорат» медали б-н тақдирланган (1994).

ЖАЛИЛОВ Исмоил Тўлаганович (1948.29.1, Тошкент) — опера хонандаси (драматик тенор). Ўзбекистон халқ артисти (2000). Москва консерваториясида таълим олган (1976—80). *«Ялла»* ансамбли (1975—76), *Катта театр* (1979—81), А. Навоий номидаги опера ва балет театри (1981—90), Россия радио ва телевидение қошидаги Эстрада-симфоник оркестри (1990—98) да яккахон хонанда. 1998 й.дан Ўзбекистон миллий симфоник оркестрининг директори ва бадиий раҳбари. Нафис, кучли ва кенг диапазонли овоз соҳиби. Ўзбек ва Европа операларида асосий ролларни маҳорат б-н ижро этган: Чўпон (С. Юдаков, «Майсаранинг иши»), Розий (С. Жалил, «Зебуннисо»), Герцог, Альфред (Ж. Верди, «Риголетто», «Травиата»), Хозе (Ж. Бизе, «Кармен») ва б. Концерт репертуаридан ўзбек (С. Юдаков, Ҳ. Раҳимов, Ик. Акбаров, А. Эргашев ва б.) ва чет эл (С. Рахманинов, П. Чайковский, Э. Григ, Ж. Гершвин, А. Бабажанян, Тости ва б.) композиторларининг асарлари, турли халқ (жумладан, итальян) қўшиқлари ўрин олган. АҚШ, Европа ва Осиё мамлакатларида гастролда бўлган. Рио-де Жанейро халқаро танлови ғолиби (1979).



ЖАЛИЛОВ Обид (1896.10.11 — Тошкент — 1963.27.9) — Ўзбекистон халқ артисти (1939). Саводсизликни тугатиш мактабида ўқиган (1918—20). 1919 й.дан ўзбек драма труппаси (1929 й.дан Ҳамза театри)нинг етакчи актёри. Актёрлик маҳорати интеллектуал психологик йўсинда шаклланган. Ж. қаҳрамонлари кучли, ўз ҳиссиётларини бошқара оладиган кишилар образи бўлиб, актёр уларнинг ички дунёсини лўнда ва ифодали талқин этди. Ҳар қандай катта-кичик образнинг ғоявий-фалсафий йўналишининг ижтимоий моҳиятини очишга, қарама-қаршиликларни ҳал қилишдаги ўрнини аниқ белгилаб олишга, бутун диққат-эътиборини, ҳаракатларини қаҳрамоннинг мақсадини мантиқан исботлашга, образни психологик жиҳатдан чуқурлаштиришга интилган, уни воқеалар жараёнида муттасил, саҳнама-саҳна ривожлантириб борган. Бемор («Туркистон табиби»), Подколёсин («Уйланиш») ва б. актёрнинг саҳнадаги илк йирик образларидир. 30-й.лар Толипов («Ниқоб йиртилди»), Арслон, Пўлатов («Тормор», «Номус ва муҳаббат») каби роллари б-н танилди. Энг яхши роллари: Комилов («Навбаҳор»), Мавлон («Шоҳи сўзана»), Солиҳбой («Бой ила хизматчи»), Маждиддин («Алишер Навоий»), Клавдий («Ҳамлет»), Дикой («Момақалдироқ») ва б. образларида актёр ижодининг янги қирралари намоён бўлиб, салбий образлар устаси сифатида шуҳрат қозонди. Ж. миллий кино равнақига ҳам улкан ҳисса қўшди. Вазир («Тоҳир ва Зуҳра»), Маждиддин («Алишер Навоий»), Солиҳбой («Бой ила хизматчи»), Қодир («Гуллар очилганда»), Маҳкам ота («Сен етим эмассан») ва б. кинодаги энг яхши ролларидир. Бу образлар Ж. ижросида ўзининг бадиий ифодасини тўлиқича топган ва улар ўзбек киноси тарихининг зарварақларидан ўрин олган. Давлат мукофоти лауреати (1949).



Обид Жалилов Маждиддин ролида («Алишер Навоий» фильми, ўнгда).



ЖАЛИЛОВ Остон (1937.17.9, Нарпай тумани) — селекционер-генетик олим, Ўзбекистон ФА акад. (2000). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1989), қ. х. фанлари д-ри (1981), проф. (1991). ТошДУ биол.-тупроқшунослик ф-тини тамомлаган (1961). Ўзбекистон ФА Ядро физикаси ин-тида катта лаборант (1962—63), Ўсимликлар экспериментал биол.си ин-тида кичик илмий ходим (1963—71), катта илмий ходим (1971—75), ғўза гетерозиси ва амалий селекцияси лаб.си мудири (1975 й.дан), Ўзбекистон ФА «Биолог» ИИБ бош директори (1991—97). 1997 й.дан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси ин-тида селекция ва уруғчиликнинг генетик асослари бўлими бошлиғи.



Илмий ишлари радиацион нурланишнинг ғўза генетик аппаратига таъсирини ва шу йўл б-н олинадиган фойдали йўналишдаги мутацияларнинг наслдан наслга ўтишини ўрганишга бағишланган. Ж. селекция ишларида нурланишдан фойдаланиш усулини таклиф этди. Бу усул кейинги авлодлардаги айрим белгиларни барқарорлаштириш, мутантларнинг қимматли хусусиятларини саноат навларининг хўжалик потенциали б-н чатиштириш, селекция муддатини 2—3 йилга қисқартириш имконини берди. Ж. 15 дан ортиқ ғўза навларини яратди, улардан 5 таси р-нлаштирилган ва катта майдонларда экилади (АН-Самарқанд-2, Самарқанд-3, Фарҳод, Оқолтин, Юлдуз ва б.).

Ас.: Использование радиомутантов в селекции хлопчатника, Т., 1979; Генетические аспекты фотосинтеза и адаптивности хлопчатника, Т., 1996 (С. М. Газиянц б-н ҳамкорликда).

ЖАЛИЛОВ Халил Мадёрович (1911.17.10, Олтиариқ тумани — 2001.26.12, Тошкент) — иқтисодчи олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1971), иқтисод фанлари д-ри (1971), проф. (1973). Саратов қишлоқ хўжалиги ин-тини тамомлаган (1939). 1939—41 й.ларда Андижон қ. х. техникумида ўқитувчи. 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941—43). Урушдан қайтгач, Ўзбекистонда маъмурий ва қ. х. соҳасида раҳбар лавозимларда ишлади. Ўзбекистон ФА Иқтисодиёт ин-ти директори ўринбосари (1956—57), Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ин-ти директори (1957—59), ЎзКП МК Қишлоқ хўжалиги бўлими мудири (1959—61), Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти и. т. ин-ти директори (1961—65, 1967—76). 1976 й.дан Тошкент халқ хўжалиги ин-ти қ. х. иқтисодиёти ва уни ташкил қилиш кафедраси проф. Илмий ишлари қ.х. иқтисодиёти, жумладан пахтачиликнинг иқтисодий самарадорлигини кўтариш масалаларига бағишланган.

ЖАЛИЛОВ Қули (1890 — Самарқанд — 1960) — ганч ўймакори, бинокор. Отаси уста Абдужалил б-н бирга ишлаган. Бухорода яшаб амакиси уста Абдумаликдан ҳунар ўрганган, Амир мадрасаси қурилишида қатнашган (1900—15). Самарқанд ва унинг атрофида бир қатор жамоат бинолари (Самарқандда ЎзДУ корпуслари, мактаб, касалхона, ҳаммомлар) қурган. Самарқанддаги меъморий обидалар (Улуғбек мадрасаси, Шердор мадраса, Амир Темур мақбараси ва б.)ни таъмирлашда қатнашган. Шаҳрисабздаги Оқсарой ва Кўкгумбаз (1936—37), Туркистондаги Хўжа Аҳмад Яссавий мажмуаси (1939—40)ни таъмирлаш ва консервация қилиш ишларини бажарган. Навоий театрининг Самарқанд хонаси (1946—47), Муқимий театрининг томоша зали (1948)ни безаган. Ганч ўймакорлиги б-н безатилган намоёнлар яратган (1940, Ўзбекистон давлат санъат музейида сақланади).

Қули Жалилов. Намоён (ганч ўймакорлиги усулида ишланган, 1940).



ЖАЛИЛОВЛАР — ўзбек санъаткорлар оиласи. Жалилов Тўхтасин (1895, Андижон — 1966.10.5, Тошкент) — атоқли созанда (ғижжакчи) ва бастакор, ўзбек мусиқали драма жанри асосчиларидан. Ўзбекистон халқ артисти (1937). Уста Офоқ Охун ва Муҳаммад Усмон танбурчидан таълим олган. 1918—20 й.ларда ташвиқот бригадасида хонанда ва созанда. Миллий мусиқа тўгараги (1923—26), Андижон мусиқали драма театри (1929—34), Тошкентдаги Ўзбек давлат мусиқали театри (1934—36), Ўзбек давлат филармониясининг ашула ва рақс ансамбли (1937—40), Муқимий театрида бадиий раҳбар (1940—52), мусиқа раҳбари (1952—66).

1927—29 й.ларда Ғ. Зафарийнинг «Ҳалима», К. Яшиннинг «Ўртоқлар», С. Абдулланинг «Ойхон», 1935 й.да К. Яшин ва М. Муҳамедовнинг «Гулсара» пьесаларига, ўзбек санъати декадаси (Москва, 1937)да кўрсатилган «Сайил» ва «Колхоз тўйи» томошаларига ўзбек мусиқа мероси намуналарини мослаштирган ва мустақил мусиқа номерлари яратган. «Тоҳир ва Зуҳра» (С. Абдулла либреттоси, 1940), «Нурхон» (К. Яшин, 1942) каби асарлари мусиқали драма жанрининг юксак намуналарига айланган. А. С. Пушкиннинг «Руслан ва Людмила» достонидаги «Бағишлов» матнига Ж. яратган романс бастакорлик ижодиётидаги камёб асардир. 2-жаҳон уруши йилларида Т. Содиқов, М. Бурҳонов ва б. композиторлар ҳамда бастакор Н. Ҳасанов б-н биргаликда «Ўзбекистон қиличи» (1942,29 апр.) концерт-спектаклига мусиқа яратган. Урушдан кейинги йилларда «Муқимий» (С. Абдулла, 1949), «Равшан ва Зулхумор» (К. Яшин, 1957) мусиқали драмаларини Г. Мушель, «Алпомиш»ни (С. Абдулла, 1949) Б. Надеждин, «Ғунчалар»ни (З. Фатхуллин, 1945) Б. Бровцин, сўнгги мусиқали драмаси — «Фарғона ҳикояси»ни (Ҳ. Гулом, 1962) Б. Зейдман б-н ҳамкорликда яратган. Б. Бровцин б-н «Тоҳир ва Зуҳра» мусиқали драмаси асосида яратилган шу номдаги опера (1949, 2-таҳрири 1955) ва опера-балет ҳаммуаллифи. Ж. жами 40 дан ортиқ мусиқавий саҳна асарлари яратишда қатнашган. «Ойхон», «Тоҳир ва Зуҳра», «Алпомиш» мусиқали драмалари қатор республикаларда ва чет элларда саҳналаштирилган. Ўзбек мумтоз шоирларидан Навоий, Фурқат («Баҳор айёмида»), Муқимий («Гулистоним мева нинг») ва б. ғазалларига басталаган ашулалари, «Сигнал» (халқ сўзи), «Довруқ» (К. Аҳмадий шеъри), «Азиз Ватаним» (Ҳабибий), «Кокилинг» (С. Зуннунова), «Ялла» ва «Ўйнасин» (Уйғун) каби қўшиқлари оммавийлашиб кетган. С. Абдулла шеърига басталаган «Тўйлар муборак!» қўшиғи никоҳ тўйларининг албат асарига айланган.



Эътибор Жалилова Офтобхон ролида («Офтобхон»).



1925—27 й.ларда Ўзбек концерт-этнографик ансамблининг Қозон, Москва, Ленинград, Боку ш.лари бўйлаб ва чет эл (Париж, Берлин)да берган концертларида фаол қатнашган. Халқ рақслари жаҳон фестивали (Лондон, 1935)да иштирок этиб, Олтин медалга сазовор бўлган. Эронга гастролга борган концерт бригадасининг ўзбек труппасига раҳбарлик қилган (1942). Шогирдлари: С. *Калонов*, К. *Жабборов*, Ғ. *Тошматов*, М. *Мирзаев*, Д. *Зокиров* ва б. Катта қизи Эътибор Жалилова — Ўзбекистон халқ артисти, ўғиллари Деҳқон Жалилов — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, оммавийлашган — «Айлагач» (Навоий) каби ашулалар муаллифи Холҳўжа (1919—71) ва моҳир созанда Салоҳиддин Тўхтасиновлар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, кичик қизи Холида Жалилова — хонанда-педагог. Ўзбек давлат филармониясининг ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрига Тўхтасин Жалилов номи берилган (1967).

Ас.: Мусиқали драмалардан парчалар, Т., 1958; Танланган асарлар, Т., 1968; Қўшиқлар гулдастаси, Т., 1989.

Ад.: Акбаров И., Тўхтасин Жалилов, Т., 1978.

Жалилова Эътибор (1924.15.3, Андижон — 1983.22.6, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (1964). Москва консерваторияси қошида очилган ўзбек опера студиясида (1940—41), Тошкент консерваториясида (1944) ўқиган. 1941 й.дан Муқимий театрида ишлаган. Актёрлик ва хонандалик истеъдоди маҳаллий муаллифларнинг мусиқали драма ва комедияларида, ўзбекчага таржима қилинган асарларда — эстетик тугал, реалистик чуқур, услубан тўлиқ ва ишонарли саҳна характерлари яратишига имкон берган. Роллари самимий, жўшқин, романтик ва юксаклиги б-н ажралиб туради. Энг яхши роллари: Зуҳра («Тоҳир ва Зуҳра»), Гулчеҳра («Аршин мол олон»), Шоҳиста («Олтин кўл»), Ширин («Фарҳод ва Ширин»), Лауренсия («Кўзибулоқ қишлоғи») ва б. Унинг ижросидаги Офтобхон («Офтобхон»), Нурхон («Нурхон»), Фазилат, Нигор («Кумуш тўй», «Ғунчалар») образлари теран психологик характерлар намунасидир.

Жалилов Деҳқон (1930.2.6, Андижон — 1992.7.6, Фарғона) — ўзбек дирижёри, бастакор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1980). Москва ўзбек опера студиясининг симфоник оркестр дирижёрлиги бўлимини тугатган (1951), Тошкент консерваториясининг хор дирижёрлиги ф-тида сиртдан таълим олган (1953—56). Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали театри (1941—47), Андижон (1954—55), Бухоро (1956—59), 1960 й.дан Фарғона мусиқали драма театрларида дирижёр. «Холисхон» (Ҳамза, 1950), «Номаълум киши» (И. Султон, 1965) каби мусиқали драмалар, «Янги ерда» (Т. Тўла), «Санъатчи қизга», «Базми гулёри бўлса» (П. Мўмин), «Ёр кутиб» (Т. Маҳмудов), «Замонам менинг» (Ҳ. Муҳаммад) ва б. қўшиқлар муаллифи. Т. Жалиловнинг сайланма асарлари тўпламлари — «Қўшиқлар гулдастаси»ни нашр эттирган (1989).

Тўхтасин Ғафурбеков.

ЖАЛЛОБ (араб.) — савдогар, олиб сотар. Асосан, чорва моллари, шунингдек, туя ва йилқи б-н савдо қилган. Улар Туркистон шаҳар ва вилоятларига бориб, чорва молларини арзонга олиб, мол кам ҳамда қиммат бўлган бозорларда фойдасига сотиб катта бойлик орттирганлар. Ж.лар қандай мол сотишига қараб «қўй Ж.», «от Ж.» каби номлар б-н аталган.

ЖАЛЛОД (араб. — дарра урувчи) — 1) тан жазоси ва қатлни ижро қилувчи шахс. Ж. атамаси Ўрта Осиёда араблар келгандан сўнг пайдо бўлган. Ж. ҳукмдорларнинг гуноҳкор кишиларни дарра б-н уриш, бўғиб, бўғизлаб, бошини танасидан жудо қилиб ўлдириш каби фармонларини бажарган; 2) кўчма маънода — каллакесар, қотил.

ЖАЛОЙИРИЙЛАР ДАВЛАТИ (1336—1411) — *Ҳулокуийлар давлати* емирилгач, Ироқ ҳудудида тузилган давлат. Унга жалойирлардан Шайх Ҳасан Бузург (1356 й. вафот этган) асос солган. Тахт учун курашда у чупонийларни енгиб, ҳокимиятни эгаллаган ва Бағдодни пойтахт қилган. Ж. д.да ҳукмронлик қилган сулола жалойирийлар деб номланган. Жалойирийлардан Увайс I даврида (1356—74) бу давлат жуда юксалган. У *музаффарийлар*, Олтин Ўрда хони Тўхтамиш ва *қора қўюнлилар* б-н уруш олиб борган. Курдистон, Озарбайжон, Табриз (1358), Мавсил, Диёрбакр (1365) Ж. д.га қўшиб олинган. Пойтахт Табризга кўчирилган. Увайс I нинг ўғли Султон Аҳмад даврида (1382—1410) Амир Темур Шим. Эрон, Арманистон (1384—87), Бағдод, Месопотамия, Диёрбакр (1393) ни эгаллаган.

Амир Темур вафоти (1405) дан сўнг Султон Аҳмад Бағдодни қўлга киритган. Жалойирийлардан Шоҳ Валад қора қўюнлилар Бағдодни эгаллагунларига қадар (1411) ҳокимият тепасида турган, Султон Аҳмаднинг кейинги авлодлари *Шоҳрух*га тобе бўлган ҳолда Восит, Шустар ва Басра мулкларига эгалик қилган. 1432 й. жалойирийлардан бўлган сўнгги ҳукмдор Ҳасан II қора қўюнлилар томонидан ўлдирилган.

ЖАЛОЙИРЛАР, жалоирлар — туркий халқлардан бири. *Рашидуддин*нинг ёзишига кўра, Ж. 12-а.да Онон ва Керулен дарёлари бўйида яшашган. Улар 10 бўлакка (қабилага) бўлинган, ҳар бир қабиланинг ўз саркардаси (қабила бошлиғи) бўлган. Ж.нинг катта бир қисми кидонлар б-н бўлган урушда енгилгач, *Чингизхон* аждодларига тобе бўлган. Чингизхон ҳукмронлиги даврида, Ж.дан бир қанча эътиборли беклар ва лашкарбошилар етишиб чиққан. 12-а.нинг охири ва 13-а.нинг бошларида Ж.нинг катта қисми Етисув ва Мовароуннаҳрнинг айрим вилоятлари (Оҳангарон водийси ва Ҳўжанд тумани)га кўчиб келиб ўрнашган. 1370 й.да Амир Темур бу гуруҳни ўзига тобе этади, аммо Ж. тез-тез қўзғолон кўтариб туришган. 1376 й.даги қўзғолон бостирилгач, улар бир қанча гуруҳларга ажратилиб, бир бўлаги Тошкент воҳасида қолдирилган, қолганлари Мовароуннаҳрнинг бир қанча туманларига (асосан, Зарафшон бўйларига) кўчирилган. Шу тарзда Амир Темур Ж.нинг Оҳангарон ва Ҳўжанд улусини тарқатиб юборади. Ўзбекистонда Жалойир номи б-н боғлиқ қишлоқлар бор.

13-а. давомида Ж.нинг катта бир гуруҳи Озарбайжон ва Ироққа кўчиб ўз давлатини барпо этганлар (қ. *Жалойирийлар давлати*).

Ўрта Осиё ва Қозоғистонда яшовчи Ж. кейинчалик ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ ва қирғиз миллатлари таркибига кирган. Қозоқлар таркибидаги Ж. йирик уруғларга бўлинган: сирмоноқ, ориқтиним, бойчегир, қайчили, сигирчи, болғали, кучук, қорачопон, андас, қалпс, мирза, ўроқли, оқбўйим. Қирғизлар таркибида Ж.нинг кучук, минғитай, супатай уруғлари бўлган. Ўзбеклар таркибида Ж.нинг икки йирик қайчили ва болғали уруғлари ҳамда бир қанча уруғ бўлинмалари бўлган (қарғали, бошқирд, қароабудал, қоракўли, қорачопон, чувулдоқ, жастабан ва б.).

ЖАЛОЛИДДИН ДАВОНИЙ — қ. *Давоний*.

ЖАЛОЛИДДИН ИМОДИЙ (? — ?)— тилшунос олим. «Таржамат ул-л-алфоз ил-латий варадат бил-хоразмиййа фи аснои-л-китоби-л-мавсум би-«Қунятил-муня» («Тилакка эришиш» китобига кирган хоразмийча сўзларнинг таржимаси») китобининг муаллифи. Асарда қад. хоразмий тилига оид сўз ва ибораларнинг форсча ёки арабча изоҳи берилган. Хоразмий ёзувида битилган бошқа асар ва ҳужжатлар ниҳоятда кам бўлганлиги учун бу асарнинг илмий аҳамияти катта. Ж. И. асарни устози Разиюддин Қисорийнинг таклифи б-н ёзганлигини айтади. Асар 1382 й. котиб Иброҳим бин Сулаймон Қаласоний томонидан кўчирилган. Қўлёзма Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади (инв. № 3246).

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ, Жалолиддин (тўлиқ исми Жалолиддин ибн Аловуддин Муҳаммад) (1198—1231) — *Хоразмшоҳлар давлати*нинг сўнгги ҳукмдори (1220—31), моҳир саркарда. *Ануштегинийлар*дан. Хоразмшоҳлардан *Муҳаммад*нинг катта ўғли. Онаси — Ойчечак туркман қанизаклардан бўлган. Жалолиддин бурнида холи (манк) бўлгани учун Манкбурни номи б-н аталган. Кейинчалик бу ном талаффузда ўзгариб «Мангуберди» номи б-н машҳур бўлиб кетган.

Ж. М. вояга етгач, отаси уни Ғазна, Бомиён, Ғур, Буст, Такинобод, Заминдовар ва Ҳиндистон ҳудудларигача бўлган ерларга ҳоким ва тахт вориси этиб тайинлаган (1215). Бироқ *Туркон хотун* ва қипчоқ амирларининг қатъий норозилиги сабабли Қутбиддин *Ўзлоқшоҳ* фойдасига воирисликдан маҳрум этилган. Ж. М. отасининг ҳарбий юришларида иштирок этиб, ўзининг жасур жангчи, иқтидорли саркардалик қобилиятларини намойиш этган (қ. *Ирғиз дарёси бўйидаги жанг*).

Чингизхон бошчилигидаги мўғул қўшинлари Мовароуннаҳрга бостириб кириб бирин-кетин шаҳарларни эгаллаб, Самарқандга яқинлашганларида хоразмшоҳ Муҳаммад Каспий денгизи бўйида жойлашган Обескун ш. яқинидаги Ашур ада о.дан паноҳ топган. Оғир бемор бўлган Муҳаммад ўғилларини ёнига чорлаб, сўнгги дамда Ж. М.ни ўз ўрнига хоразмшоҳ этиб тайинлаган. Ж. М. укалари *Оқшоҳ* ва Қутбиддин Ўзлоқшоҳлар б-н бирга Гурганж мудофаасига ошиқади. Лекин Гурганждаги қипчоқ амирлари Туркон хотуннинг акаси Хумортегинни султон деб эълон қилиб, Ж. М.га қарши суиқасд уюштирмоқчи бўлдилар. Бундан хабар топган Ж. М. *Темур Малик* бошчилигидаги 300 суворий б-н Гурганжни тарк этиб Хуросонга йўл олган. Нисо ш. яқинида уни 700 нафар мўғул суворийси кутарди. Ж. М. шиддатли жангдан сўнг уларни тор-мор келтириб, Нишопурга келди. Бу ердан у барча вилоят ҳокимларига номалар жўнатиб, мўғул босқинчиларига қарши бирлашишга даъват этди, бир ойдан сўнг Ғазни томон юрди. Йўлда унга Ҳирот волийси, қайнотаси Аминалмулк 10 минг кишилик қўшин б-н келиб қўшилди. Қандаҳорни қамал қилиб турган мўғул қўшинлари б-н 3 кунлик жангда Ж. М. уларни тор-мор келтирган. У Ғазнига 1221 й. келди. Бу ерда унга халаж қабиласи бошлиғи Сайфуддин Иғроқ, Балх волийси Аъзам малик, афғонлар сардори Мусаффар малик, *қарлуқлар* бошлиғи Ҳасан Қарлуқ келиб қўшилдилар. Уларнинг ҳар бири ихтиёрида 30 минглик қўшин бор эди. Ж. М.нинг ўзида ги кучлар эса 60 минг суворий эди. Ж. М. Валиён қалъасини қамал қилаётган Такажук ва Малғур бошчилигидаги мўғул қўшинига ҳужум қилиб, 3 кунлик жангдан сўнг уларни тор-мор келтирган, 1000 дан ортиқ мўғул аскари ўлдирилган, омон қолган қисми Панжшир дарёсидан ўтиб, кўприкни бузиб ташлашган. Бу Ж. М.нинг мўғуллар устидан қозонган дастлабки йирик ғалабаси эди.



Жалолиддин Мангуберди (рассом Т. Қурёзов асари).

Чингизхон Ж. М.га қарши Шики Хутуху нўённи 45 минглик қўшин б-н жўнатади. Ғазни яқинидаги *Парвон жанги*да Ж. М. мўғуллар устидан ажойиб ғалабани қўлга киритади. Бироқ жангдан сўнг Ж. М.нинг лашкарбошилари ўлжа устида ўзаро жанжаллашиб қолиб, оқибатда Сайфуддин Иғроқ, Аъзам малик ва Музаффар маликлар Ж. М.ни тарк этганлар. Ж. М.нинг ёнида фақат Аминалмулк ўз лашкари б-н қолган, холос.

Чингизхон катта қўшин тўплаб Ж. М.га қарши шахсан ўзи отланган. Гардиз қалъаси яқинида Ж. М. Чингизхон қўшинининг *илғор*ини тор-мор келтирди ва кучи озлиги сабабли Синд (Ҳинд) дарёси томон чекинади. Чингизхон қўшини Ж.М.ни дарёдан ўтишига имкон бермай қуршаб олади. 1221 й. 25 нояб.да бўлган тенгсиз жангда (қ. *Синд дарёси бўйидаги жанг*) мағлубиятга учраган Ж. М. 4000 жангчиси б-н Синднинг ўнг соҳилига сузиб ўтиб, чўл ичкарисига кириб кетди (Бу чўл ҳозирда ҳам Чўли Жалолий деб аталади). Чингизхон Ж. М.нинг бу жасоратидан ҳайратда қолиб, ўз ўғилларига қараб: «Ота ўғил мана шундай бўлиши лозим!», деган. Орадан бир неча кун ўтгач, Ж. М. қўшини сони 7 мингга етди. Унга Кўлбарс баҳодир, Кабкуҳ ва Саъдиддин Али аш-Шарабдор каби лашкарбошилар ўз кишилари б-н келиб қўшилди. Ж. М. Шим. Ҳиндистоннинг нотаниш чўлида оч, жулдур кийимли жангчилари б-н саргардонликда қолди. Унинг бу қолларидан фойдаланмоқчи бўлган Шатра вилояти рана (шоҳ) си Ж. М.га ҳужум қилган. Ж. М.нинг мерганлик б-н отган камон ўқидан рана ҳалок бўлади, қўшини эса пароканда бўлиб қочади. Ж. М. катта ўлжани қўлга киритади.

Бу ғалабадан сўнг Синд, Учча, Мўлтон, Лоҳур ва Пешавор ҳокими Носириддин Қубача (1205—27)нинг Нандана ва Сакундаги нойби Қамариддин Кармоний Ж. М.га ўзини хайрихоҳлигини изҳор этиб, совға-саломлар жўнатган. *Ғиёсиддин Пиршоҳ*дан ажралиб кетган амирлардан Санжоқонхон, Элчи паҳлавон, Ўрхон, Сойирча, Текжоруқ Ҳонкишилар ўз лашкарлари б-н келиб Ж. М.га қўшилдилар. Ж. М. Калолор ш., Паросравар, Тарнуж қалъаларини қўлга киритди. Мулкларининг катта қисмидан ажралган Қубача 10 минг отлиқ қўшини ҳамда мамлуклар сулоласидан бўлган Деҳли султони *Шамсуддин Элтутмиш*дан олган қўшимча куч б-н Ж. М.га қарши жанг қилган, бироқ мағлубиятга учраган, унинг хазинаси, қурол-яроғлари ўлжа тушган. 1222 й. Чингизхон Ж. М. изидан Тўрбай Тўқшин ва Бола нўённи 20 минглик қўшин б-н жўнатади. Лекин улар Мўлтонга қадар бориб, шаҳарни ололмай, жазирама иссиққа дош беролмай қайтишади. Ж. М. ўзига қарши мўғул қўшинлари жўнатилгани хабарини Паросравар қалъасини олгандан сўнг эшитган. Ж. М. Мўлтон томон йўл олиб Қубача мулкларидан Учча, Садусан, Хатисор, Девал ва Дамрилларни қамал қилади, қўшини учун туялар заруррлиги туфайли Гужарот вилояти маркази Наҳрвалга Хосхон бошчилигида қўшин жўнатади. Шамсуддин Элтутмиш Ж. М. устига катта қўшин (30 минг отлиқ, 100 минг пиёда, 300 та фил) тортади. Ж. М. мардонаворлик б-н рақибига қарши чиқади. Ж. М.нинг Ўзбек Той Жаҳон Паҳлавон қўмондонлиги остидаги илғори Элтутмиш илғори б-н тўқнашиб рақибидан устун келади. Элтутмиш Ж. М. ҳузурига элчисини юборib сулҳ сўрайди.

Ж. М. Ҳиндистонда ўз номидан қуруш ва мис тангалар зарб қилади, унга тобе ҳинд мулкларида унинг номи хутбага қўшиб ўқилган. Бироқ вазият борган сари мураккаблашиб бормоқда эди. Элтутмиш, Қубача, шунингдек, Ҳиндистоннинг бошқа вилоят ҳокимлари ўзаро тил бириктириб Ж.М.га қарши иттифоқ тузмоқчи эканликлари аён бўлиб қолди. Ж. М.нинг икки лашкарбошиси Язидак паҳлавон ва Сунқуржиқ Тойсилар хиёнат қилиб Элтутмиш томонига ўтганлар. Қийин вазиятдан қутулиш учун Ж. М. ҳарбий кенгаш чақирган. Амирларнинг кўпчилиги Ироқ томон юриш қилиб, уни Ғиёсиддин Пиршоҳдан тортиб олишни таклиф қилади. Ироқда сиёсий парокандалик ҳукм сурарди. Ироқ томон кетишга қарор қилинди. Ж. М. ўзининг Ҳиндистонда забт этган мулкларига Ўзбек Той Жаҳон Паҳлавонни, Ғур ва Ғазни вилоятларига Ҳасан Қарлуқни ноиб сифатида қолдириб, Ироққа йўл олган. Чўлу биёбонларни кесиб ўтишда Ж. М.нинг кўп жангчилари нобуд бўлган, ниҳоят у 4 минг жангчиси б-н Кирмонга етиб келган. Ғиёсиддин Пиршоҳнинг Кирмондаги нойби Бароқ ҳожиб Ж. М.га тобелик изҳор қилади. Шундан сўнг Ж. М. Форс вилояти маркази Шерозга келган. Форс ҳокими отабек Саъд ибн Зангий ва Йазд ҳокими отабек Алоуддавла ибн Тўғоншоҳ унга тобелик билдиришади. Ж. М. Исфаҳонга келганда аҳоли уни катта тантана б-н кутиб олади, қўшини қурол-аслаҳа б-н таъминланади. Бу ҳол Ғиёсиддин Пиршоҳга ёқмайди, у акасига қарши 30 минг отлиқ қўшин б-н йўлга чиқади. Бироқ Ж. М. унга совға-саломлар б-н мироҳур Одекни элчи сифатида жўнатган ва ўзаро низони тинчлик б-н ҳал этган. Қўшин бошлиқлари Ж. М. томонига ўтган. 1225 й. Ж. М. Озарбайжонга юриш қилади. Сўнг Бағдодга қарши юришга ҳозирлик кўради. Халифа Носирга элчи жўнатиб, мўғулларга қарши бирлашишга чақирди. Бунга жавобан Халифа М. Ж. М.га қарши ўзининг мамлуки амир Жамолиддин Қуштемур бошлиқ 20 минглик қўшин жўнатди. Басра яқинидаги жангда Халифа қўшинлари тор-мор келтирилди. Халифа Бағдод мудофааси б-н машғул бўлади. Ж. М. Бағдод атрофида 12 кун тургач, Озар-



Жалолиддин Мангуберди нинг мўғуллар б-н кураши (рассом В. Соседов асари).



Жалолиддин Мангуберди ёдгорлиги (ҳайкалтарош И. Жабборов, Урганч ш., 2000 й.).

байжон томон кетади. Озарбайжон ва *Аррон* отабеги Ўзбек ичкилик, маишатга берилиб давлат ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйган эди, давлатни амалда унинг хотини Малика хотун бошқарарди. 1225 й. майда Ж. М. Мароға ш.ни жангсиз қўлга киритади. Дамашқ, Эрбил ҳокимлари у б-н иттифоқ тузишга рози бўладилар. Отабек Ўзбек Табризни ташлаб Ганжага, сўнг Алинжо қалъасига қочиб ўша ерда вафот этади. Ж. М. Малика хотунга уйланади. Табризда бир неча кун турғандан сўнг ўз қўшинини Грузия томон бошлайди. 1225 й. авг.да Гарни қалъаси яқинида гуржиларнинг Иване Мхаргрдзели бошлиқ 60 минглик қўшинини тор-мор келтиради ва Тифлисга қараб юради. Грузия маликаси Русудана Кутаисига кўчиб ўтган. Ж. М. Двин, Лори ш.ларини эгаллайди, Сурмари ш. ҳокимлари ўз тобеликларини билдиришган.

1227 й. сент.да Исфаҳондан 30 чақирим шарқдаги Син қишлоғи яқинида Ж. М. мўғулларнинг Тайнол нўён бошлиқ қўшинини енгган. Тайнол нўён Ж. М. ҳақида: «Замонасининг ҳақиқий баҳодири экан, ўз тенгқурларининг сарвари экан», деган. Ж. М.нинг Кўния султони *Алоуддин Кайқубод,* Жазира ҳокими ал-Малик ал-Ашраф Музаффариддин Мусо, Дамашқ ҳокими ал-Малик ал-Муаззам Шарафиддин Исо ва Миср ҳокими ал-Малик ал-Комил Муҳаммадга номалар ёзиб, уларни мўғулларга қарши курашиш йўлида бирлаштириш йўлидаги хатти-ҳаракатлари беҳуда кетди. Устига устак Алоуддин Кайқубод мухолиф кучларни Ж. М.га қарши бирлаштиришга муваффақ бўлди. 1230 й. 10 авг.да Арзинжон яқинидаги жангда Ж. М. кучлари маглубиятга учради. Ж. М.нинг кучсизланганидан фойдаланган мўғуллар катта қўшин б-н Озарбайжонга бостириб кириб Мароға, Табризни эгаллаб (1231 й.) Ж. М.ни таъқиб этишган. Майофариқин вилоятидаги қишлоқлардан бирида мўғуллар тунги ҳужум натижасида Ж. М.нинг оз сонли қўшинини тормор келтирадилар, Ж. М.ни ўзи эса таъқибдан қутулиб Курдистон тоғларига чиқиб кетган. Бу ерда қароқчи курдлар қўлига асир тушиб, фожиали равишда ҳалок бўлган. Ж. М. ҳақида унинг шахсий котиби, тарихчи *Насавий* шундай ёзади: «Жалолиддин қорачадан келган, ўрта бўйли, турк лафзли одам эди. Форс тилини ҳам яхши биларди. Унинг ботирлигига келганда шуни айтиш керакки, султон арслонлар орасидаги энг кучли шер эди. Бир сўзли, кек сақламайдиган, очиқ кўнгил, тўғри одам эди. У жиддий шахс эди. Ҳеч қачон кулмасди. Жуда нари борса, жилмайиб қўярди. У адолатсизликларни ёмон кўрарди. Жалолиддин ўта қатъиятли, ниҳоятда иродали, мураккаб вазиятларда, тақдирнинг қалтис синовларида ўзини йўқотиб қўймайдиган фавқулодда мард ва ботир саркарда эди».

Ўзбекистон ҳукумати Ж. М.нинг мўғул босқинчиларига қарши курашда кўрсатган мислсиз жасорати, ватанга ва ўз халқига садоқат ва чексиз муҳаббатини қадрлаш ва унинг порлоқ руҳини абадийлаштириш мақсадида «Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш ҳақида» қарор қабул қилди (1998 й.). Қарорга кўра, унинг юрти Хоразмда Ж. М.га ҳайкал ўрнатилди, йирик кўча, майдон, жамоа корхоналари ва б.га унинг номи қўйилди. Ж. М. ҳақида видеофильм, достон, пьеса ва б. яратилган. *«Жалолиддин Мангуберди» ордени* таъсис этилган (2000 й. 30 авг.).

Ад.: Шахобиддин Муҳаммад ал-Насавий, Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти, Т., 1999; Жалолиддин Мангуберди (ўзбек, инглиз, рус тилида), Т., 1999; Жалолиддин Мангуберди, Ватан, юрт ҳимоячиси, Т., 1999; Буниётов З., Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати (1097—1231), Т., 1998; Тошев Н., Жалолиддин Мангуберди, Т., 1999; Бўриев О., Тошев Н., Жалолиддин Мангуберди, Т., 1999; Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди, Т., 1999; Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарида Жалолиддин Мангуберди зикри, Т., 1999; Тонарий О., Жалолиддин Хоразмшоҳ ва унинг даври, Т., 1999.

Наим Норқулов.

«ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ» ОРДЕНИ — ЎзР нинг давлат мукофотларидан бири, мамлакатнинг олий ҳарбий мукофоти. Бу орден б-н мамлакат мустақиллигини, Ватан сарҳадларини, она юрт тупроғини ҳимоя қилишда ҳамда уни кўз қорачиғидай асрашда юксак ҳарбий маҳорат, қаҳрамонлик ва жасорат намуналарини кўрсатган, давлатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган қўмондонлик таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар мукофотланадилар. 2000 й. 30 авг. да таъсис этилган. Орден 925 пробали кумушдан тайёрланади, қиррадор кумушранг нурлар таралган бешбурчак шаклга эга. Орденнинг марказида, оқ айлана б-н ҳошияланган доирада тараллаётган нурлар фонида *Жалолиддин Мангубердин*инг қабариқ зарҳал тасвири жойлашган. «Ж. М.» о. кўкракнинг ўнг томонига, *«Амир Темур» орденидан* кейин тақилади.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ — қ. *Румий.*

ЖАЛОЛИЙЛАР — Усмонли турк салтанати (асосан, Кичик Осиё)да ҳукуматга қарши 16—17-а.ларда кўтарилган қўзғолонларнинг қатнашчилари. 1519 й. Тўкат ш.да бўлиб ўтган қўзғолон раҳбари Жалол номи б-н аталганлар. Ж.нинг кўпчилигини деҳқонлар, сипоҳийлар ташкил этган.

ЖАЛОЛОБОД — Афғонистоннинг жан.-шарқидаги шаҳар, Нангарҳор вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 65 минг киши чамасида. Кобул — Пешовар (Покистон) автомобиль йўлидаги муҳим транзит ва савдо тақсимот маркази. Кобул дарёси водийсидаги маркази. Ж.да йирик воҳа (шакарқамиш, цитрус мейвалар, хурмо, ғалла етиштирилади) маркази. Ж.да йирик ирригация системаси қурилган. Ун-т бор.

ЖАЛОЛОБОД — Қирғизистон Республикасидаги шаҳар, *Жалолобод вилоятин*инг маъмурий маркази. Фарғона тизмасидаги Кўгарт водийсида, ўртача 764 м баландликда, Бишкек—Ўш автомобиль йўлида жойлашган. Бишкек ш.дан 550 км жан.да. Аҳолиси 78 минг киши

«Жалолобод» курорти корпусларидан бири.




(2000). 1877 ва 1927 й.ларда шаҳар мақомини олган.

Республиканинг саноат ва маданият марказларидан. Металлсозлик, енгил, озиқ-овқат, машинасозлик, электроника саноатлари, қурилиш материаллари ва мебель и. ч. ривожланган. Йирик корхоналари: «Нур», «Оқ пахта», «Моможемиш», «Темиртош», «Мингбулоқ», «Аюббулоқ», «Жалолободтаттуусу», «Қурилиш-материаллари» и. ч. бирлашмаси ва б. Уларда тикувчилик буюмлари, ип-газлама, пойабзал, мебель ишлаб чиқарилади. Металлсозлик корхоналарида насослар, электр иситиш приборлари, қ. х. қуроллари, электроника саноати маҳсулотлари, «Нур» корхонасида автомобиллар чиқарилади. Озиқ-овқат саноати корхоналари (ун тортиш, сут-гўшт, сабзавот ва мева консервалаш, минерал сув қадоқлаш), нефтни қайта ишлаш з-ди (қуввати йилига 500 минг т) мавжуд. Т. й. орқали Бишкек, Ўш, Қорасув, Кўкёнғоқ ш.лари; Ўзбекистон ва Тожикистоннинг саноат марказлари б-н боғланган. Аэропорт бор. Ж.да олий ўқув юртлари, мусиқа ва бадиий мактаблар, музей, театр, филармония, кутубхоналар мавжуд. Шаҳарда қирғиз, ўзбек ва рус тилларида 10 та газ. нашр қилинади. Шаҳар яқинида бальнеологик курорт жойлашган.

ЖАЛОЛОБОД ВИЛОЯТИ — Қирғизистон Республикаси таркибидаги вилоят. Мамлакатнинг жан. қисмида жойлашган. 1930 й. 21 нояб.да ташкил этилган (1958—89 й.ларда Ўш вилояти таркибида, 1990 й.дан алоҳида вилоят). Шим. ва шим.-ғарбдан Қирғизистоннинг Талас ва Чу; шарқ ва шим.-шарқдан Норин, жан.-шарқдан Ўш вилоятлари, жан ва жан.-ғарбдан ЎзР б-н чегарадош. Майд. 33,7 минг км². Ж. в. тарқибида 8 туман, 5 шаҳар ва 8 шаҳарча бор. Маъмурий маркази — *Жалолобод* ш. Аҳолиси 880,8 минг киши (республика аҳолисининг 19%); шундан 668,5 минги қишлоқ аҳолиси (77,2%). Аҳоли зичлиги республика ўртача кўрсаткичидан бир қадар юқори бўлиб, 1 км² га 26 киши тўғри келади (2000).

Вилоятнинг катта қисмини Тяньшан тоғларининг жан.-ғарбий тармоқлари эгаллаган. Шим.-ғарбида Писком, Сандалаш, Чатқол тизмалари; шим.да Талас Олатови, Сусамиртов, Мўлдатов ва б.; жанубида кенг тоғлараро тектоник ботиқлар — Кетмонтепа, Тўғузторо водийси жойлашган. Норин дарёсидан ғарбда — Отойнак тизмаси, шарқда Бобошота (бал. 4490 м гача, вилоятнинг энг баланд жойи), жан.-шарқда Олатов этакларида.



Фарғона тизмаси, жан.-ғарбда бир мунча текис ва камбар тоғ олди текисликлари бор. Дарё водийларидаги текисликларда Жалолобод, Қораунгур, Нанай ш.лари жойлашган. Фойдали қазилмалардан тошкўмир, олтингугурт, нефть, газ, тош тузи ва б. учрайди.

Иқлими континентал, илиқ ва қуруқ иқлим. Ўртача т-ра янв.да —2°, июлда 25—28°. Энг кўп ёғин Фарғона тизмасининг жан.-ғарбий ён бағирларига тушади. Қуйи қисмларида 400—500 мм, 2500 м баландликда — 1000 мм ва ундан кўп; вилоятнинг ўрта қисмларида 300—350 мм гача ёғади. Энг йирик дарёси — Норин. Унга чапдан Қорасув, ўнгдан Торкент, Узунаҳмат, Қорасув дарёлари қуйилади. Шарқида Сирдарё ҳавзасига мансуб Қорадарё (Кўгарт, Тентаксой, Мойлисув ирмоқлари б-н) оқади. Дарёлари гидроэнергия захирасига бой (Норин дарёсига ГЭС каскади қурилган). Суғоришда кенг фойдаланилади. Йирик кўллари: Сариҷёлак, Кўкола, Ойкўл, Кутманкўл, Қорасув ва б.; улар асосан музликнинг эриши, тоғ қулаши натижасида .ва тектоник йўл б-н ҳосил бўлган кўллар. Тоғларда 1200 м гача сур тупроқли қуруқ дашт ва эфемерли чала чўл ландшафти; 1200 м дан 2000 м гача бўлган тоғ ён бағирлари каштан тупроқли тоғ даштларидан иборат. Чатқол, Фарғона тизмалари ён бағирлари 1200—1300 м гача баландликда ёнғоқзор, мевазор ўрмонлар ва ўсимлик турларига бой тоғ даштлари; 2000—3000 м да аралаш ва игна баргли ўрмонлар, баландроқ жойлари субальп ва альп ўтлоқлари, энг баланд жойлари қояли чўққилар, қор ва музликлардан иборат. Ҳайвонот дунёси турли туман: тоғларда тоғ эчкилари, буғу, қобон, оқ тирноқли айиқ, қор қоплони, турли-туман қуш ва судралувчилар учрайди.

Хўжалиги. Мавжуд саноат корхоналари 1990-й.лардаги иқтисодий ислоҳотлар натижасида хусусий и. ч. ва хизмат кўрсатиш корхоналарига, қ. х.да жамоа хўжаликлари деҳқон, фермер, шунингдек, хусусий деҳқон хўжаликларига айлантирилди. Саноатининг асосий тармоқлари: электр энергетика (саноат и. ч.нинг 63,4%), рангли металлургия (10%), озиқ-овқат (5,2%) саноати. Ёқилғи, рангли металлургия саноати ривожланган. Асосий и. ч. маҳсулотлари: электр энергияси (1999 й.да 11905,7 млн. кВт/соат), нефть (76,9 минг т), электр лампалари (156,7 млн. дона) ва ярим ўтказувчи материаллардан иборат. Жалолобод, Тошкўмирда 1996 й. нефтни қайта ишлаш з-длари ишга туширилди. Қурилиш материаллари, кийим-кечак, ун, гўшт, сут, ичимликлар, сабзавот консервалари, тамаки, пойабзал, мебель ишлаб чиқарилади.

Умумий ер майд. 1922,1 минг га, шундан қ. х.га яроқли ерлар 154,2 минг га бўлиб, мевали дарахтзор, пичанзор ва яйловдан иборат (2000). Бошоқли донли экинлар, дон учун маккажўхори, пахта (23271 га), полиз экинлари, картошка (4874 га), мойли экинлар (21708 га), тамаки (4002 га) экилади. 1999 й.га келиб к-з ва с-злар ўрнида янги хўжаликлар (хусусий хўжалик, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, қ. х. кооперативлари, жамоа хўжалиги, акциядорлик жамиятлари) ташкил топди. Чорвачиликда қорамол, қўй ва эчки, йилқи, парранда боқилади.

Бишкек—Ўш автомобиль йўли, Қорасув — Жалолобод — Кўкёнғоқ ва Наманган — Учқўрғон — Тошкўмир т. й. ўтган. Ҳаво транспорти Жалолобод — Бишкек, Жалолобод — Қорақўл, Жалолобод — Чўлпонота йўналишларида қатнайди.

Ж. в.да 3 олий ўқув юрти (ун-т, тиҷорат ин-ти, Бишкек физкультура ин-ти факультети), 3 ўрта махсус (тиббиёт, маданий маориф ва қ. х.) ўқув муассасаси бор (2000). Театр, филармония, 117 маданият саройи ва клублари, 180 кутубхона мавжуд (2000). Вилоятда 303 даволаш-профилактика муассасаси, касалхоналар ва б. (қишлоқ амбулаторияларн, фельдшер-акушерлик пункт-


лари) бор. Уларда 1664 врач, 7066 тиббий ходим ишлайди. Жалолобод ш. яқинида минерал булоқлар асосида ташкил этилган бальнеологик курорт жойлашган.

ЖАЛОЛОБОД ЗИЛЗИЛАСИ — 1959 й. 28 майда Фарғона водийсининг шарқий қисмида *Жалолобод* ш. ёнида содир бўлган. Зилзила кучи эпицентрда 7 балл, магнитудаси 5,3. Зилзила 18 км чуқурликда жойлашган гранит қатламлар орасидаги ёриқларнинг силжиши натижасида рўй берган. Зилзила оқибатида Жалолобод ш. ва унга яқин бўлган аҳоли яшайдиган ерларда бир қанча иморатлар бузилган. Зилзила кучи Ўзбекистоннинг Хонобод, Андижон, Учқўрғон ва Наманган ш.ларида 3—4 балл атрофида сезилган.

ЖАЛОЛОВ Баҳодир Фазлиддинович (1948.27.5, Тошкент) — рангтасвир устаси, Ўзбекистон халқ рассоми (1992), Ўзбекистон (1997) ва Қирғизистон (1998) БА акад. И. Репин номидаги рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меъморлик ин-тини тугатган (1974). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида ўқитувчи (1974—80); 1997 й.дан Миллий рассомлик ва дизайн ин-тида маҳобатли рангтасвир устахонаси раҳбари, проф. (2000). Ўзбекистон рассомлари уюшмаси бошқаруви раиси (1987—92). Ижодини портретлар яратиш б-н бошлаган. Портретларида кишиларнинг касби ҳақида тасаввур берувчи ҳолатлар акс эттирилган, ижодий меҳнат жараёни, чуқур психологик ҳолат маҳорат б-н кўрсатилган («Меъмор», 1972; «Масхарабоз Акром Юсупов», 1974; «Автопортрет», 1975; «Кулол аёл. Халқ устаси Ҳамро Раҳимова», 1975; «Сония ва мангулик. Ўрол Тансиқбоев хотирасига», 1977; «Порлоқ эрта. Рассом Ш. Абдурашидов хотираси», 1980; «Тиклаш. Халқ устаси Муҳиддин Раҳимов», 1980). 70-й.ларнинг охири — 80-й.ларнинг бошларидан маҳобатли рассомлик соҳасида самарали ижод қилади: Қарши мусиқали драма театри биносига, «Чимён» санаторийси ошхонаси фойесига (1981), Тошкентдаги Киночилар уйига (1982) ишлаган деворий расмлари рассомни бетиним изланаётган, ўзига хос услуб яратган рассом сифатида танитди. «Баҳор» концерт зали фойесига ишланган «Рақснинг туғилиши» (1982), Қашқадарё вилояти Таллимаржон насос станцияси клуби деворига (1983), Кўқон театри фойеларига (1987), Тожикистоннинг Хўжанд ш.даги мактаб биносига (1988), Бельгиянинг Кортрейк ш.даги «Кортрейк 200» (1990), Тошкентдаги Туркистон саройига («Умар Хайём тушлари», 1993) ва б.га ишланган деворий расмлар, манзаралар («Исфарада баҳор», «Тоғ қишлоғи. Сўқмоқ», «Эски Гурзуф кўчаси» ва б.), китобларга яратилган иллюстрациялар (Навоий, Т. Тўла, У. Носир ва б. асарлари), дастгоҳ картиналари («Афғонистон — 83», «Афғонистон тонги» ва б.) муаллифидир.



Баҳодир Жалолов. Ўзбек театрининг ривожланиш тарихи (1987, Кўқон театри биносидаги деворий расмдан парча).



Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати (1991).

ЖАЛОЛОВ Тўхтасин (1909.21.7, Фарғона тумани — 1984.13.4, Тошкент) — ёзувчи, адабиётшунос ва таржимон. Фарғонадаги пед. курсини тугатгач (1925), Шаҳрихонда ўқитувчилик қилган. Самарқанд пед. ин-тида ўқиган (1931—33). Тошкентдаги кечки педагогика ин-тини тугатиб (1938), шу ин-тда, «Қизил Ўзбекистон» газ.да (1938—41) ишлаган. Қатағон қилиниб, Сибирь ва Узоқ Шарқдаги қамоқ лагерларида ва сургунда бўлган (1941 й. июль — 1955 й. янв.). 1955 й.да оқланган, Ўзбекистон давлат нашриётида ва Бадиий адабиёт нашриётида (1955—61), Ўзбекистон ФА нинг Тил ва адабиёт ин-тида (1961), «Шарқ юлдузи» жур.да (1962—63) ишлаган. Адабиётшунослик фаолиятида Навоий ижодини таҳлил қилиш («Хамса талқинлари», 1960, 1968), ўзбек шоиралари меросини тўплаш ва тадқиқ этиш («Ўзбек шоиралари», 1959, 1970, 1980; «Бону» 1963; «Қизлар қасидаси», 1976) ҳамда ўзбек адабиёти, хусусан шеърияти масалалари бўйича тадқиқотлар («Яшасин табассум», 1965; «Нафосат оламида», 1974) асосий ўрин тутади. «Паҳлавон Маҳмуд» (1961) илмий асарини ёзган, «Ўзбек адабиёти тарихи» хрестоматияси 1-жилдини (1941) тузган. «Олтин қафас» (1962) қиссаси муҳаббат мавзуига бағишланган. Асарда моддий бой, аммо маънавий қашшоқ инсонлар оилавий ҳаётда ҳеч қачон бахтли бўлолмайдилар, деган фикр олға сурилган. Р. Тагор, С. Айний, Паҳлавон Маҳмуд, Лотҳутий, В. Смирнова-Ракитина ва б. ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Ад.: Юнусов М., Сахий қаламлар, Т., 1975.

ЖАЛОЛОВ Ғиёсиддин (1903 — Тошкент — 1984.9.4) — биринчи ўзбек астрономларидан бири. Ўзбекистонда астрономиянинг ривожланишига самарали ҳисса қўшган. Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1937). Илмий ва амалий ишлари ўрта асрлар Ўрта Осиё астрономия тарихига оид. Ж. «Секстант — Улуғбек расадхонасининг асосий қуроли» (М., 1974), «Самарқанд расадхонасининг сайёралар жадвалини тузиш саласига доир» (М., 1955), «Кўрагоний зижининг бошқа зижлардан фарқи» (М., 1955), «Ғиёсиддин Жамшид — 15-а.нинг йирик астрономи, математиги» (М., 1957) ва б. асарлар муаллифи.

ЖАЛОЛҚУДУҚ ТУМАНИ — *Андижон вилоятида*ги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган (1962 й. 24 дек.да Хўжаобод тумани б-н бирлаштирилган. 1973 й. 12 апр.да қайта тузилди). Туман вилоятининг Қўрғонтепа, Хўжаобод, Андижон туманлари ҳамда қўшни Қирғизистон Республикаси б-н чегарадош. Майд. 0,37 минг км². Аҳолиси 132,6 минг киши (2000). Ж. т.да 1 шаҳар (Охунбобоев), 1 шаҳарча (Жанубий Оламушук), 8 қишлоқ фуқаролари йиғини (Абдуллабий, Бештол, Ёрқишлоқ, Жалолқудуқ, Қолхозқишлоқ, Ойим, Тешиктош, Қатортол) бор. Маркази — *Охунбобоев ш.*

Жалолқудуқ ва унга ёндош қишлоқлар ўрамида ёғингарчилик кўпроқ бўлганлигидан у ерлар илгари қамишзор, тўқайзор бўлган. Туман номи «жела» ёки «желак» сўзидан келиб чиққан деган ривоятлар бор: ўтмишда маҳаллий аҳоли зовур, булоқ ва қудуқларга жела ташлаб балиқ овлаган экан. Жела қўйиладиган қудуқлар аста-секин «желақудуқ» деб аталадиган бўлганмиш. Кейинчалик бу ном талаффузда ўзгариб «жалақудуқ», «жалолқудуқ» шаклида қишлоқ, сўнгра туманга ном бўлиб қолган дейилади.

Табиати. Ж. т. вилоятининг шим.-шарқида жойлашган. Рельефи пасттекислик, қир ва адирлардан иборат. Иқлими кескин континентал. Июлнинг ўртача т-раси 27°, янв.ники —3°. Вегетация даври 160—180 кун. Йилига ўртача 250 мм ёғин ёғади. Туман ҳудудидан Андижонсой (3,5 км), Шаҳрихонсой, Савай каналлари, Қорадарё оқиб ўтади. Туман ерлари оч тусли ўтлоқи бўз тупроқдан иборат. Адирларда эфемер ўсимликлар, экин экилмайдиган ерларда шувоқ-шўра ўсади.

Аҳолиси, асосан ўзбеклар. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 358 киши. Қишлоқ аҳолиси 80% ни, шаҳарликлар 20% ни ташкил қилади.

Ж. т. ҳудудида 11 археологик тепалик, 5 меъморий ёдгорлик сақланиб қолган. Далварзинтепа, Қоратепа, Эшонтоға ва Қиличмозор тепаликлари энг қад. археологик ёдгорликлар, Тошмасжид эса миллий меъморлик намунасидир. Фарғоналиклар 8-а. бошида Фарғона водийсига бостириб келган Қутайба ибн Муслим бошчилигидаги араб қўшинларига қаттиқ қаршилик кўрсатганлар. Қутайба янги сайланган халифа Сулаймонга бўйсунишдан бош тортганлиги учун хос аскарлари томонидан 715 й.да ҳозирги Ж. т. ҳудудида ўлдирилган. Тарихчи Наршахийнинг ёзишича, Қутайбанинг қабри Коҳ қишлоғида. Бу қишлоқ ёнидаги қабристон «Работи сарҳанг» (ҳоз. «Мозорбува») деб аталади.




Сўфиқишлоқ пахта тозалаш заводида пахта қабул қилиш.

Хўжалиги. Ж. т.да Сўфиқишлоқ пахта з-ди, Ойимда «Бунёд» момиқ и. ч. корхонаси, давлат подшипник з-ди, паррандачилик ф-каси, Охунбобоев макка саралаш корхонаси, Ёрқишлоқда ип йигирув-тўқув к-ти, Гурунчмозор нефть базаси, механизациялашган кўчма колонна фаолият кўрсатмоқда. «Ас-Ойимтекстил», «Топас», Ўзбекистон-Туркия, Ўзбекистон-Россия қўшма корхоналари ташкил этилган (1999). 200 дан зиёд кичик корхона ва фирма мавжуд.

Туман қ. х. асосан пахтачиликка ихтисослашган. Ғаллачилик, богдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик б-н ҳам шуғулланилади. Қ. х.да фойдаланиладиган ер майд. 25,1 минг га. Пахта, ғалла экинлари, сабзавот-полиз экинлари етиштирилади. Пилла етиштириш йўлга қўйилган. Қ. х.да корпорация, деҳқон-фермер хўжалиги уюшмалари, ширкатлар ташкил қилинган. Чорвачилик фермалари хусусийлаштирилган. Қ. х.даги ялпи маҳсулотнинг 99% мулкчиликнинг нодавлат секторига тўғри келади. Деҳқон-фермер хўжаликлари ва хусусийлаштирилган шахсий фермаларда 5,3 минг қорамол, 6,7 минг қўй-эчки, 391 йилқи, 70 мингга яқин парранда боқилади.

Туман ҳудудидан қарийб 25 км т. й. ўтган. Андижон—Хонобод т. й. электрлаштирилган.

30 га яқин умумий таълим мактабида 28 мингдан зиёд ўқувчи билим олмоқда. 2 лицей, тиллар лицей-интернати, 3 гимназия, 3 мусиқа мактаби, 800 ўринли 6 касалхона, Жанубий Оламушукда физиотерапия санаторийси, «Пиллакор», «Андижон» дам олиш уйлари, Ёрқишлоқда «Нефтчи» даволаш санаторийси, 34 жамоат кутубхонаси, 14 клуб, Охунбобоев ш.да ўлкашунослик музейи, маданият ва истироҳат боғи бор. 1931 й.дан «Учқун», сўнгра «Олға» туман газ. нашр этилган. 1999 й.дан «Жалолқудуқ ҳаёти» туман газ. чоп этилмоқда (адади 3000).





Жанубий Оламушук шаҳарчасидаги дам олиш ва даволаниш маскани.

ЖАЛЮЗИ (франц. jalousie) — 1) хоналарни қуёш нури, ёғин-сочин ва б.дан муҳофаза қилиш учун деразаларнинг ташқи томонига ўрнатиладиган панжарасимон мослама. Темир-бетон, алюминий, пластмасса, ёғоч ва б. материаллардан бир-бирига параллел ўрнатилган пластинкалар тарзида ясалади. Ж. ёрдамида хонага тушадиган ёруғликни ва кирадиган ҳавони бир меъёрда тутиб туриш мумкин; 2) *ички ёнув двигатели*нинг совитиш тизимида радиатор олдига ўрнатиладиган металл пластинкалар. Ҳайдовчи кабинада ўтириб Ж. ёрдамида радиаторни совитадиган ҳаво оқимини ростлаб туриши мумкин. Ж. кўпинча, радиаторнинг юқори бакчасига ўрнатиладиган ва радиатордаги совитувчи суюқликнинг т-расига қараб пластинкаларнинг вазиятини ўзгартирадиган *термостат* ёрдамида ўз-ўзидан бошқарилади.

ЖАМ (араб. — мажмуа) — ўтмиш Шарқ мусиқа илмида *жинс*лар мажмуасидан ҳосил бўладиган мураккаб лад (парда) тузилмаларининг умумий номи. Ж.ларнинг муайян турлари *мақом, шўъба, овоза,* мураккаботлар деб юритилади. Ж.лар жинслар таркиби ва ўрнига кўра турли хилларга ажратилади. Форобий, Ибн Сино, Ибн Зайла, Сафиуддин Урмавий, Қутбиддин Шерозий, Абдуқодир Марофий, Абдураҳмон Жомий, Зайнулобиддин ал-Ҳусайний, Дарвишали Чангийнинг мусиқий рисолаларида Ж.ларнинг таркибий ва бадиий хусусиятлари ҳақида маълумот берилган. Ж.лар *Ўн икки мақом* тизимини ўрганишда ҳамда *Шашмақом* лад асосларини аниқлашда катта аҳамиятга эга. Ж.лар орасида ҳозир ўзбек ва тожик мусиқасининг асоси ҳисобланган Шашмақом шўъбаларидаги лад тузилмаларига мос келадиганлари ҳам мавжуд.

ЖАМАҚДОР (форс.) — *Анушегинийлар* сулоласи даврида хоразмшоҳлар саройида, девон ул-хосда хизмат қилувчи шахс. Ж. асосан, султоннинг паҳлавонлардан ташкил этилган хос навкарлари (гвардия)ни давлат томонидан белгиланган миқдордаги маош б-н таъминлашга масъул ҳисобланган (қ. *Ориз, Хазиначи*).

ЖАМБИЛ (Satureja hortensis) — лабгуллдошлар оиласига мансуб бир йиллик хушбўй ўсимлик. Таркибида эфир мойи, алколоидлар, ошловчи модда-лар, фитонцидлар бор. Ўзбекистонда суғориладиган ерларда зиравор ўсимлик сифатида экилади. Хонадонларда дастлаб уруғини сепиб, сўнгра ниҳолини кўчат қилиб етиштирилади. Бўйи 20—30 см, пояси юқори қисмидан шохлайди, барг четлари текис. Гуллари пушти, бошоқсимон тўпгулларга йиғилган, поя ва шохларининг учига жойлашган. Июль—окт.да гуллаб, уруғлайди. Пазандаликда шўрва ва суюқ ошларга шохчаси б-н солинади. Меъда-ичак касалликларини даволашда ва йўтал, тиш оғриғига қарши қўллаш мумкин.

ЖАМБУЛ, Жабаев Жамбул [1846. 16(28).2, Еттисув вилояти — 1945.22.6, Олмаота] — қозоқ халқ шоири ва оқини. 15 ёшидан ўлан айта бошлаган. Ўлан айтиш сирларини Суюмбой оқиндан ўрганган. «Манас» эпоси, «Гўрўғли» ҳамда ўзи яратган «Ўтаган ботир», «Суранчи ботир» каби достонларни, шунингдек, «Минг бир кеча», «Шоҳнома» асарларини қозоқ халқи орасида айтиб юрган. Қозоғистоннинг йирик оқинлари — Қулмамбет, Саимбек, Сарбас, Дўстмағамбет, Шошубойлар б-н айтишувда ғолиб чиққан. Унинг «Шикоят», «Жанис оқинга», «Қувғин», «Камбағалнинг улуши», «Васият», «Хон ва оқин», «Ўғлимга хат», «Ўғлимнинг ўлими», «Отамга» ва б. асарларида қозоқ халқининг ўтмиши ва замонавий ҳаёти, туркий халқлар дўстлиги ва биродарлиги тасвирланган. Ж.га М. Шайхзода «Жамбул», Уйғун «Ўлан», Қ. Муҳаммадий «Дўмбира» шеърларини бағишлаганлар. Асарлари ўзбек тилига таржима қилинган («Жамбул ўланлари», 1946). Қозоғистондаги вилоят унинг номи б-н аталади.



Ас.: Тандамалы, 2 томдық, Алма-аты, 1996.

ЖАМБУЛ ВИЛОЯТИ — Қозоғистон Республикаси жан.даги вилоят. 1939 й. 14 окт.да ташкил этилган. Қозоқ халқ оқини *Жамбул* номига қўйилган. Майд. 144,3 минг км². Аҳолиси 999,6 минг киши (1999), асосан қозоқлар, шунингдек, ўзбек, рус, немис, украин, татар, дунган ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Маркази — *Тароз* ш.

Вилоят ҳудуди асосан текислик. Шим. қисмини (вилоят ҳудудининг $^1/_3$) Бетпакдала чўли эгаллаган. Чу дарёси водийсидан жан.да Мўйинқум чўли жойлашган. Вилоят жан.-ғарбида Қоратов тизмаси (1600 м), шарқ ва жан.-шарқида Желтов ва Айтов тоғлари (1506 м), жан.да Қирғизистон тизмасининг шим. ён бағри (4000 м гача) бор. Шим. қисмида иқлим кескин континентал (янв. нинг ўртача т-раси —10° дан —14° гача, июлнинг ўртача т-раси 25—27°). Йилига 100—200 мм ёғин ёғади. Тоғ олди қисмларида иқлим юмшоқроқ (ўртача т-ра январда —5° дан —8° гача, июлда 20—22°). Йилига 350 мм, тоғларда 500—600 мм дан 700—900 мм гача ёғин ёғади. Вегетация даври 200—225 кун. Асосий дарёлари: Чу, Талас, Асса. Йирик кўллари: Балхаш (жан.-ғарбий қисми), Бийли кўли, Оққўл. Текислик ва ён бағирлардаги сур-қўнғир тупроқларда шувоқ-шўра ўсади; баъзан тақир ва шўрхоклар учрайди. Қумларда саксовул, 800—1500 м баландликлардаги бўз тупроқларда шувоқ-бошоқлилар ва чалов-бетага, 1500—1700 м дан 2000 м гача баландликлардаги каштан тупроқларда тоғ тераги ва тяньшан қорақарағайи ўсади. 2100 м дан баландда субальп ва альп ўтлоқлари бор. Чўлларда қум юмронқозиғи, қўшоёқ, жайран, елик, сайғоқ; тоғларда тоғ эчкиси, архар; йиртқичлардан бўри, тулки, бўрсиқ; судралувчилардан илон, тошбақа, калтакесак; умуртқасизлардан бий, қорақурт, чаён; кўл ва дарёларда окунь (олабуға), маринка (қорабалиқ), сазан, судак (оқ марка), лешч (тўрта) каби балиқлар бор.

Ж. в.да обикор деҳқончилик ва яйлов чорвачилиги б-н бирга ҳар хил саноат тармоқлари ривожланган. Фосфорит кон-кимё к-ти (Қоратовда), Тарозда суперфосфат, хром, резина буюмлари з-длари, чарм пойабзал корхонаси, жун, тикувчилик, атторлик ф-калари (Тарозда), сут ва пишлоқ з-длари (Тароз, Қоратов, Чу ва туман марказларида) бор. Металлсозлик — эҳтиёт қисмлар, коммунал асбоб-ускуналар, агрегат-тузатиш, технологик металл конструкциялари, тузатиш-механика (Тароз, Чу, Луговаяда), автомобиль ремонти (Гранитогорскда) з-дларидан иборат. Ғишт, гипс, кўприк ва темир-бетон буюмлари, уйсозлик з-длари, қурилиш деталлари ва конструкциялари к-тлари, мебель ф-каси (Тарозда), қурилиш материаллари к-тлари (Тароз, Қоратов) бор. Қ. х.да чорвачилик ҳамда деҳқончилик етакчи тармоқ ҳисобланади. Донли экинлар, техника экинлари (шу жумладан қанд лавлаги), сабзавот-полиз ва картошка, ем-хашак экинлари экиларди. Боғдорчилик, токчилик ривожланган. Чорвачиликда асосан майин жунли ва ярим майин жунли ҳамда қоракўл қўйлари боқилади.

Ж. в. ҳудудидан Тароз—Қоратов—Жанатас, Луговая—Бишкек, Чу—Мўйинти т. й. тармоқлари ўтган. Автомобиль йўлининг асосий автомагистрали Тошкент—Бишкек—Олмаота. Ҳаво йўллари Тарозни Москва, Олмаота ва б. шаҳарлар, вилоятнинг туманлари б-н боғлайди. 3 олий ўқув юрти, ўлкашунослик музейи, 2 драма театри бор.

ЖАМБУЛ ЗИЛЗИЛАСИ — 1917 й. 10 майда соат 14 дан 51 мин. ўтганда Қозоғистоннинг *Жамбул вилоятид*а рўй берган. Зилзила эпицентри Қирғизистон тизмаси (Қирғизистон Олатови)нинг ғарбий чеккасида қарийб 20 км чуқурликда жойлашган. Зилзила кучи эпицентрда (Жалпоқтепа ва Гродеково қишлоқлари) 7 баллга, магнитудаси 5,7 га етган. Бу жойлардаги бинолар-нинг кўп қисми шикастланган. Ер қимирлаш зилзила ўчоғи атрофидаги 90 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқларда қайд қилинган. Тебранишлар Бишкекдан тортиб Андижон ва Тошкентгача сезилган.

ЖАМИЛОВА Гулчеҳра (1946.2.7, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (1992). Ўзбекистон хореография билим юртини (1964), Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати ин-тини (1968) тугатган. Ижодий фаолиятини «Баҳор» давлат халқ рақс ансамблида раққосаликдан бошлаган. 1966 й.дан ҳоз. Ўзбекистон миллий академик драма театрининг актрисаси (1987—91 й.лар Аброр Ҳидоятов номидаги драма театрида ишлаган). Ж. ижодининг бошланиш даврида-ёқ Сильвия («Вероналик икки йигит»), Ақиқа («Қонли сароб»), Кинода Кумуш («Ўтган кунлар») роллари-ни ижро этиб, бегубор ёшликка хос мафтункор чирой, покиза орзу ва интилиш ҳиссиётлари-ю, мушкул қисматнинг фожиали туғёнларини табиий ва таъсирчан воситалар б-н тасвирлади. Театрдаги энг яхши роллари: Феруза («Мирзо Улуғбек»), Гулсанам («Абу Райҳон Беруний»), Озода («Имон»), Шакунтала («Йўқолган узук»), Гулчеҳра («Кўрмайин босдим тиконни»), Камола («Ганг дарёсининг қизи»), Жамила («Бой ила хизматчи»), Зебуннисо («Зебуннисо»), Дездемона («Отелло»), Ойсара («Алла»), Нодирабегим («Фиғон»), Бибихоним («Соҳибқирон») ва б. Актриса кинода ҳам бир қанча роллар ижро этган: Гулчеҳра («Қалбингда қуёш»), Гири («Нур ва соялар»), Манзура («Шиддат»), Гулнора («Эҳтирос қурбонлари»), Малькане («Севги афсонаси»), Офтобойим («Ўтган кунлар») кабилар шулар жумласидан. Шунингдек, видеофильмлар (Азиза, «Имон»; Хадича, «Сўнгги ўқ»; Манзура, «Шайтанат»), телефильмлар (Зулайҳо, «Тўлқинлар»; Фарида, «Кунда изғирин» ва б.)да ҳам қисмати, табиати, ёши бирбирига ўхшамаган бадиий образлар оламини яратди.



Гулчеҳра Жамилова Нодирабегим ролида («Фиғон»).

ЖАМИЯТ — кишиларнинг тарихан қарор топган ҳамкорлик фаолиятлари мажмуи. Ж.даги ҳамма нарса (моддий ва маънавий бойликлар, инсонлар ҳаёти учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш ва б.) муайян фаолият жараёнида амалга ошади. Инсонлар фаолияти ва улар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар Ж.нинг асосий мазмунини ташкил этади. Булар и. ч., оилавий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, эстетик фаолиятлари ва уларга мос келувчи муносабатлардир. Ж. модрнинг озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва б.га бўлган эҳтиёжлари қондирилади. И. ч.да жамиятнинг *табиат* б-н ўзаро таъсири намоён бўлади. Одамлар ўзининг моддий и. ч. фаолиятида ирода-си ва онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда *ишлаб чиқариш муносабатларига* киришади. Ж. тараққиёти табиий-тарихий, қонуний жараёндир. Моддий и. ч. Ж.нинг ижтимоий тузилиши, яъни муайян ижтимоий қатлам, тоифа ва гуруҳларнинг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Ж.да турли қатлам ва тоифаларнинг мавжудлиги меҳнат тақсимоти, шунингдек, и. ч. воситаларига бўлган мулкчилик муносабатларидан оладиган улушига боғлиқ. Булар Ж.даги кишиларнинг фаолияти ҳамда даромадига қараб турли касбий ва ижтимоий гуруҳларга ажралишининг негизидир. Ж. ҳаёти иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий-маънавий соҳаларга ажралади. Иқтисодий соҳа моддий бойликларни и. ч., тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишни ўз ичига олади. Унда мамлакатнинг хўжалик ҳаёти ташкил этилади, унинг турли тармоқларининг ўзаро боғлиқлиги ҳамда халқаро иқтисодий ҳамкорлик амалга оширилади Бу Ж. тараққиёти учун энг асосий соҳадир. Ижтимоий соҳа Ж.даги ижтимоий гуруҳлар, табақалар, тоифалар ҳамда миллий бирликлар, уларнинг ижтимоий ҳаёти ва фаолиятини уйғунлаштиради (қ. *Ижтимоий гуруҳлар*). Сиёсий соҳа турли ижтимоий тоифа ва гуруҳлар, миллий бирликлар, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, жамоат ташкилотларнинг ўз сиёсий фаолиятини амалга оширувчи макондир. Уларнинг фаолияти Ж.даги ўрнатилган сиёсий муносабатлар асосида ўз сиёсий манфаатларини амалга оширишга қаратилади (қ. *Жамиятнинг сиёсий тизими*). Маънавий соҳада кишилар турли маънавий қадриятларни яратади, тарқатади ва Ж.нинг турли қатламлари томонидан ўзлаштирилади. Бу соҳага адабиёт, санъат, мусиқа асарлари б-н бир қаторда кишиларнинг билим савияси, фан, ахлоқий меъёр ва, умуман олганда, Ж. ҳаётининг маънавий мазмунини ташкил қилувчи нарсалар киради (қ. *Маънавият*).

Ҳозир Ўзбекистонда Ж. тараққиётининг энг асосий муаммоси инсонларнинг, айниқса ёш авлоднинг маънавий дунёсини шакллантириш ва бойитиш, уларни истиқлол мафкураси асосида тарбиялаш, ўзбек халқининг бой маданий ва маънавий мероси, қадриятлари, анъаналари ва урф-одатларини эгаллашлари учун шарт-шароит яратишдир. Ўзбекистонда фуқаролик, ҳуқуқий, демократик, дунёвий Ж. барпо этилмоқда.

Абдулҳай Валиев.

ЖАМИЯТ ОРОЛЛАРИ — Тинч океанинг Полинезия о.лари гуруҳида. Франция мулки. Ж. о. — Шамолли ва Шамолсиз ороллар гуруҳидан иборат. Майд. 1,6 минг км². Маъмурий маркази — Папеэте (Таити о.да). Ороллар-нинг кўпи вулкан ороллар бўлиб, маржон рифлари б-н ўралган. Бал. 2241 м гача. Энг катта ороли — Таити. Иқлими тропик иқлим. Ўртача т-ра мартда 26°, авг. да 20°. Йиллик ёғин 1500—2500 мм. Кокос пальмаси, сандал, ванил дарахтлари, банан, шакарқамиш, пахта, ананас ва б. ўстирилади. Балиқ овланади, марварид йиғилади.

ЖАМИЯТНИНГ СИЁСИЙ ТИЗИМИ — давлат сифатида ташкил топган жамиятнинг муайян сиёсий вазифаларни амалга оширувчи ижтимоий муассасалари мажмуи. Давлат, партиялар, касаба уюшмалари, диний ташкилотлар, шунингдек, сиёсий мақсадларни кўзловчи барча ташкилот ва ҳаракатларни ўз ичига олади. Ж. с. т.нинг бош бўғини *давлат*дир. Давлат жамиятнинг ижтимоий муассасалари ҳуқуқлари ва

қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратади. Сиёсий тизим — давлат ички тузилиши жиҳатларининг ўзаро алоқалари ва таъсирининг энг муҳим, доимий хусусиятларини ифодаловчи ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизими ҳам бўлиб, сиёсий ҳокимиятни, умуман давлат муассасалари тизимини ва уларнинг асосий ташкилий шаклларини белгилаб беради. Сиёсий тизим ҳар бир мамлакатнинг мавжуд шарт-шароитлари бағрида шаклланади, одатда, мамлакат конституциясида ва б. қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилади. Жамият демократлаша борган сари сиёсий тизимнинг хилма-хил кўринишлари ўз фаолиятини намоён эта боради. Халқнинг кенг қатлами ва турли ёш, касб ҳамда соҳа вакилларининг бу тизимда иштирок этиш имконияти кучаяди.

Ўзбекистоннинг сиёсий тизими *Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси*да, шу асосда қабул қилинган қонунлар ҳамда бошқа расмий ҳужжатларда ўз ифодасини топган, ҳокимиятни *қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият* ва *суд ҳокимияти*га тақсимлаш тамойили асосида тузилган. Ўзбекистонда қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар (*Ўзбекистон Халқ демократик партияси* (ХДП), *Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси, Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси*), «Халқ бирлиги» ҳаракати, Ёшларнинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, диний ташкилот ва бирлашмалар, ижтимоий жамғармалар фаолият кўрсатади. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (*омбудсман*), инсон ҳуқуқлари бўйича республика миллий марказининг фаолияти инсон ҳуқуқларига риоя этишни умуммиллат даражасида ривожлантиришга қаратилган. Ўзбекистоннинг сиёсий тизими ҳоз. даврдаги илғор демократик давлатлар тажрибасини ўзида акс эттиради.

ЖАММУ — Ҳиндистоннинг шим.даги шаҳар. Жамму ва Кашмир штатида, Тави дарёси водийсида. Штатнинг иккинчи маъмурий маркази (қишки қароргоҳ). Аҳолиси 250 мингдан зиёд киши (1990-й.лар ўрталари). Ҳимолай тоғлари этагидаги муҳим транспорт йўллари тугуни. Савдо маркази. Кимё, тўқимачилик саноати, ҳунармандчилик ривожланган. Ипак йигириш, шоли оқлаш корхоналари бор. Кулолчилик буюмлари, дори-дармон, резина ва чармдан турли буюмлар ишлаб чиқарилади.

ЖАММУ ВА КАШМИР — Ҳиндистон штати (1947 й.дан). Майд. 222 минг км². Ҳудуднинг бир қисмини Покистон ҳукумати назорат қилиб келмоқда. Маъмурий маркази — *Сринагар* ш., қишки қароргоҳи — *Жамму* ш. Ж. ва К. Ҳиндистоннинг шим.-ғарбидаги энг чеккасида жойлашган, ғарбда Покистон, шим. да Афғонистон, шим.-шарқда Хитой б-н чегарадош.

Мил. ав. 3-а.да император Ашока даврида Ж. ва К.га будда дини кириб келган, кейинчалик Кушонлар ҳукмронлик қилган даврда ҳам буддизмга эътиқод қилинган. У ерда ўша даврда ҳинду ва будда маданиятининг уйғунлашуви вужудга келди. 4—6-а.ларда Кашмир *Гупталар давлати,* сўнгра Ужжайн салтанати тасарруфига ўтди. 697—738 й.ларда Кашмир ҳинд ҳукмдорларининг энг машҳури бўлган Лалитадития тузган давлат таркибида бўлди. Ислом Ж. ва К.га 13—14-а.ларда кириб борган. 16-а. охирларида Ж. ва К. бобурийлар сулоласининг вакили *Акбар* давлати таркибига кирган.

Аҳолиси 10,1 млн. киши (2001). Асосий тиллари: кашмири, догри, гижри, урду, балти, пахари, дадри, ладакҳи. Штат аҳолисининг 66% мусулмонлар бўлиб, Ҳиндистоннинг мусулмон аҳолиси энг кўп бўлган штати ҳисобланади. Аҳолининг 30% ни ҳиндулар, 4% ни сикхлар ва буддавийлар ташкил этади.

Табиати. Ж. ва К. ҳудудини шим.-ғарбдан жан.-шарққа Қорақурум ва Ғарбий Ҳимолай тоғларининг тизмалари кесиб ўтган. Жан.-ғарбида, Пир-Панжал ва Катта Ҳимолай тизмалари орасида Кашмир водийси жойлашган (ўртача бал. 1600 м). Тоғ ён бағирларида кенг баргли ва игна баргли ўрмонлар, тоғ тепаларида уз. 60—70 км ли музликлар бор. Иқлими тоғ субтропик иқлим, қиши шим.-шарқида совуқ, қуруқ, жан.-ғарбида муссонли ва илиқ. Йирик дарёлари: Ҳинд дарёси ва унинг ирмоқлари — Гилгит ва Жалат. Гидроэнергия ресурсларига бой. Кашмир водийси Ж. ва К.нинг энг обод қилинган қисми.

Хўжалиги. Штат аҳолисининг 80% қ. х.да банд. Асосий экинлари: шоли, маккажўхори, буғдой. Сабзавотчилик, полизчилик ва боғдорчиликда (ёнғоқ, бодом, олма, нок, шафтоли ва б.) товар маҳсулот етиштирилади. Доривор ўсимликлар плантациялари бор. Яйлов чорвачилиги ривожланган: қўй, қорамол боқилади. Аҳоли пиллачилик б-н ҳам шуғулланади.

Штатда ҳунармандчилик ривожланган. 40 мингга яқин майда саноат корхонаси бор. Пиллакашлик ва жун газлама ф-калари, дурадгорлик ва механика устахоналари, кўн-чарм ва гилам корхоналари бор. Ёғоч ўймакорлиги буюмлари и. ч., гилам ва шол рўмол тўқиш, кашта тикиш, кумуш буюмлари и. ч., заргарлик буюмлари тайёрлаш қадимдан кенг тарқалган.

Т. й. Жамму ш.гача қурилган. Автомобиль йўлларининг уз. 12,7 минг км. Штатда 3 та аэропорт бор: Сринагар, Жамму, Лех.

Ж. ва К.дан мамлакатнинг бошқа р-нларига ёғоч-тахта чиқарилади. Ўрмонларда смола йиғиб олинади. Мўйнали ҳайвонлар овланади. Кашмир водийси иқлимининг юмшоқлиги ва манзарали жойларнинг кўплигидан халқаро туризмнинг муҳим марказларидан.

ЖАМНА, Ямуна — Ҳиндистондаги дарё, *Ганг* дарёсининг энг узун ва серсув ўнг ирмоғи. Уз. 1384 км, ҳавзасининг майд. 351 минг км². Заскар тизмасининг (Марказий Ҳимолай тоғлари) жан. ён бағридан бошланади. Юқори қисми ақсар чуқур даралардан, ўрта ва қуйи оқими Ҳинд-Ганг текислигидан оқади. Ўртача сув сарфи 2,5 минг м³/сек. Ёзги муссон ёмғирлари даврида айниқса серсув бўлиб, кўпинча тошади. Қуйилиш ери дан Деҳли ш.гача кемалар қатнайди. Дарё сувидан суғоришда кенг фойдаланилади. Ж. бўйида Деҳли, Агра, Илоҳобод ш.лари жойлашган.

ЖАМНАГАР, Наванагар — Ҳиндистоннинг ғарбидаги шаҳар. Гужарот штатида. Кач қўлтиғи соҳилидаги порт. Аҳолиси 345 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Т. й. станцияси. Қатхиявар я. о.даги муҳим савдо маркази. Ипак, жун, кўн, кимё, цемент, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Қадимдан бўёқчилик ривожланган. Каштачилик, тикувчилик ва кулолчилик буюмлари тайёрланади. Ж. яқинидан боксит олинади.

ЖАМОА — кишиларнинг қад. уюшув шакли. Бунда и. ч. воситалари ҳаммасининг мулки ҳисобланган. Ж. тамоман ёки қисман ўзини-ўзи бошқарган. Уруғ, оила, хонадон, қишлоқ (кўшничилик) Ж.лари мавжуд бўлганлиги маълум.

Россияда Ж. тор табақавий бирлик (1861 й.ги деҳқонлар ислоҳотидан кейин ер эгаси) бўлиб, ўлпон йиғишда ундан восита сифатида фойдаланилган. Кенг маънода Ж. номи бошқа тарихий бирликларга нисбатан ҳам қўлланилади (мас., диний Ж., деҳқончилик Ж.си).

ЖАМОА КЕЛИШУВИ — муайян касб, тармоқ, ҳудуд ходимлари учун меҳнат шартлари, иш б-н таъминлаш ва ижтимоий кафолатлар белгилаш борасидаги мажбуриятларни ўз ичига оладиган меъёрий ҳужжат. Ходимлар б-н иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини тартибга солиш, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам бериш мақсадида тузилади. Ҳар қайси тараф Ж. к.ни тузиш ва ўзгартириш юзасидан музокаралар олиб бориш ташаббуси б-н чиқишга ҳақлидир. Касаба уюшмаси, ходимларнинг бошқа вакиллик органи ўзларини вакил қилган ходимлар номидан музокара юритиш, Ж. к.га ўзларини вакил қилган ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи илова киритишни таклиф этиш ва уни имзолашга ҳақлидир. Ж. к.ни тузиш, ўзгартириш ва тўлдириш учун иш берувчи, иш берувчилар бирлашмаси (уларнинг вакиллари) б-н касаба уюшмалари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари ўртасида музокара ўтказилади. Зарур ҳолларда унда ижрочи ҳокимият органлари қатнашади. Музокара юритиш ва Ж. к. лойиҳасини тайёрлаш учун тарафлар тенг ҳуқуқлилик асосида тегишли ваколатларга эга бўлган вакиллардан иборат комиссия тузади. Ж. к.ни ишлаб чиқиш ва тузиш тартиби, муддатлари комиссия томонидан белгиланади ва унинг қарори б-н расмийлаштирилади, комиссия ишлаб чиққан лойиҳа келишув қатнашчиларининг ваколат берилган вакиллари томонидан имзоланади ва иловалари б-н 7 кунлик муддат ичида келишув иштирокчиларига, шунингдек, билдириш рўйхатидан ўтказиш учун ЎзР Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тегишли органларига юборилади.

Ж. к. мазмунини тарафлар белгилайди. Ж. к.да меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат шартлари, уни муҳофаза қилиш, меҳнат ва дам олиш тартиби; ходимларнинг ишга жойлашишига, уларни қайта ўқитишга кўмаклашиш; ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича махсус тадбирлар; давлат корхоналарини хусусийлаштириш чоғида ходимларнинг манфаатларига риоя қилиш; ногиронлар ва ёшлар (шу жумладан 18 ёшга тўлмаган шахслар) меҳнатидан фойдаланиш мақсадида улар учун қўшимча иш жойлари ташкил этувчи корхоналарга бериладиган имтиёзлар ва ҳ. к. назарда тутилиши мумкин. Ж. к.га унинг ўзида белгиланган тартибда тарафларнинг ўзаро розилиги б-н ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади, у имзоланган пайтдан ёки келишувда белгиланган вақтдан бошлаб кучга киради, унинг амал қилиш муддати тарафлар томонидан белгиланади ва уч йилдан ошиб кетмаслиги лозим. Барча поғонадаги жамоа келишувларининг бажарилиши бевосита тарафлар ёки улар вакколат берган вакиллар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тегишли органлари томонидан текшириб турилади. Тартибга солинадиган муносабатлар соҳаси, ҳал қилинадиган масалаларнинг хусусиятларига қараб, бош, тармоқ ва ҳудудий (минтақавий) Ж. к. тузилиши мумкин.

ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ — мулкий пай ва жамоавий меҳнат асосида ихтиёрий уюшган кишиларнинг ширкат (ширкатлик) ташкилоти; хўжалик юритиш шакли. Ж. х.нинг бир қанча турлари бор ва улар турли мамлакатларда турлича номланади. Шўролар ҳукуматининг дастлабки тикланиш даврида қ. х. ишлаб чиқаришини коллективлаштириш мақсадида (1-босқич) 1918—20 й.ларда ерларни ҳамкорликда ишловчи ширкачилик мақомидаги хўжалик юритиш шакллари (ширкатлар) ташкил этилган. Уларнинг аъзолари ўзларининг и. ч. буюм ва воситаларини фақат у ёки бу меҳнат жараёнини бажариш даврида жамоа ишига қўшган, бошқа пайтда эса ўз тасарруфларида сақлаган. Олинган даромад маҳсулот ҳолида и. ч. жараёнига жалб этилган воситаларга нисбатан тақсимланган. Аъзоларнинг бевосита меҳнатда иштироки ва улушининг ҳисобга олинмаслиги каби сабаблар мазкур и. ч.ни ташкил этиш шаклини такомиллаштиришни тақозо этди. Натижада коммуна шаклидаги хўжаликлар тузилди (уларнинг мол-мулки аъзолари ихтиёридаги и. ч. воситаларининг бирлаштирилиши асосида пайдо бўлди). Ҳар бир аъзо улуши қўшилган буюм ва воситаларнинг қийматларини аниқлаш асосида ҳар бир аъзога тегишли мулкий пай б-н белгиланган ҳамда шунга мувофиқ йил якуни бўйича олинган даромад тақсимланган. Кейинги босқичда ташкил этилган қ. х. артеллари да мулкий пай миқдорини аниқлашда аъзолар мулки қийматидан ташқари уларнинг меҳнатдаги бевосита иштироклари ҳам эътиборга олинадиган бўлди. Кейинчалик ички и. ч. ва иқтисодий усул ҳамда тамойилларга тегишли ўзгартиришлар киритиш асосида қ. х. артеллари *колхоз*ларга айлантирилди.

Ж. х.нинг кейинги ривожланиш босқичларида собиқ Иттифоқнинг номукаммал иқтисодий сиёсати туфайли колхозларда пайчилик тамойилларига барҳам берилди ва яратилган мол-мулклар умумжамоа мулки сифатида (ўша давр қонунчилик ҳужжатларида) белгилаб қўйилди. Шунга асосан умумжамоа мулки Ж. х. юритишнинг моддий, Намунавий устав эса ҳуқуқий асос бўлиб қолди.

Ўзбекистонда 1990-й.лар бошидан собиқ колхозлар ўрнида фаолият кўрсатаётган Ж. х.да аъзоларнинг умумий йиғилиши бошқарувнинг олий органи ҳисобланган. Бироқ умумий йиғилиш Ж. х. аъзоларининг иштирокида ўтказилса-да, аслида алоҳида аъзо хўжалик фаолияти юзасидан қабул қилинадиган тегишли қарорлар бўйича ҳал этувчи овозга эга бўлмаган. Умумий йиғилишлар оралиғида хўжаликни юритиш б-н боғлиқ масалаларни ҳал этиш Бошқарув томонидан амалга оширилган. Бошқарувга ва ҳамма ишга раис раҳбарлик қилган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида Ўзбекистонда Ж. х. ҳам шаклан, ҳам мазмунан хўжалик юритишнинг бозор усули ва тамойилларига мос эмаслиги маълум бўлиб қолди. 1998 й. 30 апр.да Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида» қонуни қабул қилинди. Республика ҳукуматининг 1998 й. 15 июлдаги 299-сонли «Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга оид қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжаликлари кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тузиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан барча Ж. х. ширкат хўжаликларига айлантирила бошланди. Ўзбекистонда 1754 ширкат хўжалиги фаолият кўрсатади (2000).

Ж. х.ни ширкат хўжаликларига ўзгартириш *мулкий пай* ва *ошла пудрат*ига асосланган бўлиб, мақсад қишлоқда мулкдорлар синфини яратиш, уларнинг мулкий ҳуқуқларини қайта тиклаш ва ҳимоя қилиш, бозор иқтисодиёти талаб ва усулларига жавоб берадиган хўжалик юритиш шаклини ривожлантириш мақсадларини кўзлайди (яна қ. *Қишлоқ хўжалиги ширкати*).

Курбон Чориев.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ — корхонада иш берувчи б-н ходимлар ўртасидаги меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга соладиган меъёрий ҳужжат. Иш берувчи б-н Ж. ш. тузиш зарурлиги тўғрисидаги қарор қабул қилиш ҳуқуқига касаба уюшмаси (ўз вакиллик органи орқали), ходимлар ваколат берган бошқа вакиллик органи ёки бевосита меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси) эга. Ж. ш. корхоналарда, уларнинг юридик шахс ҳуқуқи берилган тармоқ ва ҳудудий тармоқ ва ҳудудларда тарафларнинг ваколатли вакиллари ўртасида тузилади. Ж. ш.нинг бир қанча турлари бор ва улар турли мамлакатларда турлича номланади. Шўролар ҳукуматининг дастлабки тикланиш даврида қ. х. ишлаб чиқаришини коллективлаштириш мақсадида (1-босқич) 1918—20 й.ларда ерларни ҳамкорликда ишловчи ширкачилик мақомидаги хўжалик юритиш шакллари (ширкатлар) ташкил этилган. Уларнинг аъзолари ўзларининг и. ч. буюм ва воситаларини фақат у ёки бу меҳнат жараёнини бажариш даврида жамоа ишига қўшган, бошқа пайтда эса ўз тасарруфларида сақлаган. Олинган даромад маҳсулот ҳолида и. ч. жараёнига жалб этилган воситаларга нисбатан тақсимланган. Аъзоларнинг бевосита меҳнатда иштироки ва улушининг ҳисобга олинмаслиги каби сабаблар мазкур и. ч.ни ташкил этиш шаклини такомиллаштиришни тақозо этди. Натижада коммуна шаклидаги хўжаликлар тузилди (уларнинг мол-мулки аъзолари ихтиёридаги и. ч. воситаларининг бирлаштирилиши асосида пайдо бўлди). Ҳар бир аъзо улуши қўшилган буюм ва воситаларнинг қийматларини аниқлаш асосида ҳар бир аъзога тегишли мулкий пай б-н белгиланган ҳамда шунга мувофиқ йил якуни бўйича олинган даромад тақсимланган. Кейинги босқичда ташкил этилган қ. х. артеллари да мулкий пай миқдорини аниқлашда аъзолар мулки қийматидан ташқари уларнинг меҳнатдаги бевосита иштироклари ҳам эътиборга олинадиган бўлди. Кейинчалик ички и. ч. ва иқтисодий усул ҳамда тамойилларга тегишли ўзгартиришлар киритиш асосида қ. х. артеллари *колхоз*ларга айлантирилди.

Ж. х.нинг кейинги ривожланиш босқичларида собиқ Иттифоқнинг номукаммал иқтисодий сиёсати туфайли колхозларда пайчилик тамойилларига барҳам берилди ва яратилган мол-мулклар умумжамоа мулки сифатида (ўша давр қонунчилик ҳужжатларида) белгилаб қўйилди. Шунга асосан умумжамоа мулки Ж. х. юритишнинг моддий, Намунавий устав эса ҳуқуқий асос бўлиб қолди.

Ўзбекистонда 1990-й.лар бошидан собиқ колхозлар ўрнида фаолият кўрсатаётган Ж. х.да аъзоларнинг умумий йиғилиши бошқарувнинг олий органи ҳисобланган. Бироқ умумий йиғилиш Ж. х. аъзоларининг иштирокида ўтказилса-да, аслида алоҳида аъзо хўжалик фаолияти юзасидан қабул қилинадиган тегишли қарорлар бўйича ҳал этувчи овозга эга бўлмаган. Умумий йиғилишлар оралиғида хўжаликни юритиш б-н боғлиқ масалаларни ҳал этиш Бошқарув томонидан амалга оширилган. Бошқарувга ва ҳамма ишга раис раҳбарлик қилган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида Ўзбекистонда Ж. х. ҳам шаклан, ҳам мазмунан хўжалик юритишнинг бозор усули ва тамойилларига мос эмаслиги маълум бўлиб қолди. 1998 й. 30 апр.да Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида» қонуни қабул қилинди. Республика ҳукуматининг 1998 й. 15 июлдаги 299-сонли «Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга оид қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжаликлари кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тузиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан барча Ж. х. ширкат хўжаликларига айлантирила бошланди. Ўзбекистонда 1754 ширкат хўжалиги фаолият кўрсатади (2000).

Ж. х.ни ширкат хўжаликларига ўзгартириш *мулкий пай* ва *ошла пудрат*ига асосланган бўлиб, мақсад қишлоқда мулкдорлар синфини яратиш, уларнинг мулкий ҳуқуқларини қайта тиклаш ва ҳимоя қилиш, бозор иқтисодиёти талаб ва усулларига жавоб берадиган хўжалик юритиш шаклини ривожлантириш мақсадларини кўзлайди (яна қ. *Қишлоқ хўжалиги ширкати*).

Курбон Чориев.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ — корхонада иш берувчи б-н ходимлар ўртасидаги меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга соладиган меъёрий ҳужжат. Иш берувчи б-н Ж. ш. тузиш зарурлиги тўғрисидаги қарор қабул қилиш ҳуқуқига касаба уюшмаси (ўз вакиллик органи орқали), ходимлар ваколат берган бошқа вакиллик органи ёки бевосита меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси) эга. Ж. ш. корхоналарда, уларнинг юридик шахс ҳуқуқи берилган тармоқ ва ҳудудий тармоқ ва ҳудудларда тарафларнинг ваколатли вакиллари ўртасида тузилади. Ж. ш.нинг бир қанча турлари бор ва улар турли мамлакатларда турлича номланади. Шўролар ҳукуматининг дастлабки тикланиш даврида қ. х. ишлаб чиқаришини коллективлаштириш мақсадида (1-босқич) 1918—20 й.ларда ерларни ҳамкорликда ишловчи ширкачилик мақомидаги хўжалик юритиш шакллари (ширкатлар) ташкил этилган. Уларнинг аъзолари ўзларининг и. ч. буюм ва воситаларини фақат у ёки бу меҳнат жараёнини бажариш даврида жамоа ишига қўшган, бошқа пайтда эса ўз тасарруфларида сақлаган. Олинган даромад маҳсулот ҳолида и. ч. жараёнига жалб этилган воситаларга нисбатан тақсимланган. Аъзоларнинг бевосита меҳнатда иштироки ва улушининг ҳисобга олинмаслиги каби сабаблар мазкур и. ч.ни ташкил этиш шаклини такомиллаштиришни тақозо этди. Натижада коммуна шаклидаги хўжаликлар тузилди (уларнинг мол-мулки аъзолари ихтиёридаги и. ч. воситаларининг бирлаштирилиши асосида пайдо бўлди). Ҳар бир аъзо улуши қўшилган буюм ва воситаларнинг қийматларини аниқлаш асосида ҳар бир аъзога тегишли мулкий пай б-н белгиланган ҳамда шунга мувофиқ йил якуни бўйича олинган даромад тақсимланган. Кейинги босқичда ташкил этилган қ. х. артеллари да мулкий пай миқдорини аниқлашда аъзолар мулки қийматидан ташқари уларнинг меҳнатдаги бевосита иштироклари ҳам эътиборга олинадиган бўлди. Кейинчалик ички и. ч. ва иқтисодий усул ҳамда тамойилларга тегишли ўзгартиришлар киритиш асосида қ. х. артеллари *колхоз*ларга айлантирилди.

Ж. х.нинг кейинги ривожланиш босқичларида собиқ Иттифоқнинг номукаммал иқтисодий сиёсати туфайли колхозларда пайчилик тамойилларига барҳам

монидан юқоридаги вакиллик органлари орқали, 2-тарафдан — бевосита иш берувчи ёки у ваколат берган вакиллар ўртасида тузилади. Унинг мазмуни ва тузилишини тарафлар белгилайди. Ж. ш.га иш берувчи ва ходимларнинг қуйидаги масалалар бўйича ўзаро мажбуриятлари киритилиши мумкин: меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ва миқдори, пул мукофотлари, нафақалар, компенсациялар, қўшимча тўловлар; нархлар ўзгариб боришига, инфляция даражасига, Ж. ш.да белгиланган кўрсаткичлар бажарилишига қараб меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизми; ходимларни иш б-н таъминлаш, қайта ўқитиш, ишдан бўшатиш шартлари; иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнат таътилларининг муддатлари; ходимлар, жумладан, аёллар ва 18 ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнат шароити ва меҳнат муҳофазасини яхшилаш, экология жиҳатидан хавфсизликни таъминлаш; корхонани ва идорага қарашли турар жойни хусусийлаштириш вақтида ходимларнинг манфаатларига риоя қилиш; ишлаб туриб ўқийдиган ходимларнинг имтиёзлари; ихтиёрий ва мажбурий тарздаги тиббий ҳамда ижтимоий суғурта ва ҳ. к. Ж. ш. лойиҳаси корхона бўлинмаларида ходимлар томонидан муҳокама қилиниб, фикр ва таклифлари ҳисобга олинган ҳолда такомилга етказилади ва меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференция)да муҳокамага қўйилади. Ж. ш. умумий йиғилиш (конференция)да маъқулланган кейин тарафларнинг вакиллари томонидан уч кун ичида имзоланади ва имзо чекилган вақтдан эътиборан ёки Ж. ш.да кўрсатилган кундан бошлаб кучга киради ҳамда тарафлар белгилаган муддат давомида амал қилади. Ж. ш.га оид қонун-қоидалар ЎзР Меҳнат кодексида белгилаб берилган (35—46-моддалар).

ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ — фуқароларнинг қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бирлашмалари. ЎзРда Ж. б. сирасига касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, фахрийлар ва ёшларнинг ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари киради. Ж. б. — халқ ташаббускорлиги, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишининг намоён бўлиши, демократия ва ҳуқуқий давлатнинг таркибий қисми, фуқаролик жамиятига хос турмуш шаклидир. Ж. б. қуйидаги мақсадларда тузилади: кишиларнинг фуқаролик, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш, давлат ва жамоат ишларини бошқаришдаги иштирокини кучайтириш, касб ва ҳаваскорликка оид қизиқишларини қондириш, илмий-техник ва бадиий ижодкорликни ривожлантириш, аҳоли саломатлигини сақлаш, хайрия ишларида қатнашиш, касб, маданият, соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт, табиатни, тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза этиш соҳасида тадбирлар ўтказиш, фуқароларни ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, халқаро алоқаларни кенгайтириш ва қонун б-н тақиқланмаган бошқа соҳаларда фаолият юритиш. Ж. б. ҳақидаги қонун-қоидалар ЎзР Конституцияси XIII бобида ва «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги (1991 й. 15 фев.) қонунда белгилаб берилган. Уларда таъкидланишича, давлат Ж. б.нинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, Ж. б.да иштирок этиш учун барчага тенг ҳуқуқий имкониятлар яратади. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг Ж. б. фаолиятига, Ж. б.нинг эса давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди.

ЖАМОАТ ИШЛАРИ — ташкилотлар, хўжаликлар ва муассасаларда юқори малака талаб қилмайдиган ва мавсумий, вақтинчалик, ҳақ тўланадиган ишлар; бозор иқтисодиёти мамлакатларида ишсизларни тезкор тарзда ҳақ тўланадиган иш б-н таъминлаш усулларидан бири. Ж. и. мавсумий, ҳудудий ёки аҳолининг алоҳида тоифаларини қамраб олган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ташкил этилади. Ж. и. аксарият ҳолларда вақт жиҳатдан қисқа муддат давом этиб, алоҳида ихтисосликни талаб этмайди. Одатда, Ж. и.ни кўпроқ жисмоний меҳнат талаб қилувчи ишлар (қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, майда ирригация ишларини бажариш, арзон мактаб ва уй-жойлар қуриш, ўрмончилик, шаҳарлардаги ободончилик ишлари ва б.) ва ижтимоий тавсифга эга ишлар (мас., ногиронлар, беморлар, қариялар ва б. хизматлар) га ажратилади.

Дастлаб Ж. и. махсус умуммиллий дастурлар асосида 20-а.нинг 30-й.ларда АҚШда ташкил қилинган. Ҳоз. жаҳонинг аксарият ривожланган мамлакатларида Ж. и.га ёшларни жалб қилиш анъанаси мавжуд (мас., Францияда 1984 й.дан 16—21 ёшдаги ўқишни ташлаган ишсизларни Ж. и.га жалб қилиш дастури жорий қилинган, Англияда эса ишсизлик даври узоқ чўзилган ишсизлар учун шундай дастур амал қилади).

Ўзбекистонда Ж. и.ни ташкил қилиш Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида» қонуни (1992 й.) қабул қилиниши б-н аҳолини иш б-н таъминлашнинг чора-тадбири сифатида амалга оширила бошланди. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органлари Ж.и. ни меҳнат органларининг таклифи ва бевосита иштироки б-н ўз мулкидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳамда шартномалар асосида турли мулкчилик шаклидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ташкил этади. Меҳнат органларида рўйхатга олинган ва ишсиз деб эътироф қилинган фуқаролар икки ойгача узайтириш ҳуқуқи б-н муддатли шартномалар асосида Ж. и.да иштирок этишлари мумкин. Уларга тўланадиган иш ҳақи бажарилаётган ишга қараб, лекин 15% оширилган ишсизлик нафақасидан кам бўлмаслиги, иш даврининг меҳнат стажига қўшилиши, пенсия таъминоти ва вақтинча ишга лаёқатсизлик юзасидан нафақалар олиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ўзбекистонда Ж. и.га жалб қилинган фуқароларга тўланадиган иш ҳақининг камида 50% корхона, ташкилот ва муассасалар маблағлари ҳисобидан, қолган қисми эса маҳаллий бюджетлар ёки аҳолини иш б-н таъминлашга кўмаклашувчи Давлат жамғармаси ҳисобидан қопланади.

Фазлиддин Мамарасулов.

«ЖАМОАТИ ИСЛОМИЙ» («Ислом жамоати») — Ҳиндистонда 1941 й. барпо бўлган умумҳиндистон партияси. 1948 й. унинг асосида мустақил «Жамоати исломии ҳинд» («Ҳиндистон мусулмонлари жамоати») таркиб топди. Сўл ислом оқимларининг умумий ғоявий уюшмаси сифатида Покистон, Ҳиндистон ва Бангладешда (1971 й.дан) фаолият олиб боради. «Ж. и.»нинг назарий дастурини покистонлик Абул Аъло Мавдудий (1981 й. в. э.) ишлаб чиққан. Партиянинг низомига кўра, раҳбарият таркиби исломий тамойил — мушовара (маслаҳат) асосида тузилади. Ташкилотни барча аъзолар томонидан сайланган амир бошқаради. Партияга аъзолик чекланган. Унга шахсий ва ижтимоий ҳаётда шариат қонунларига қатъий риоя қиладиган, синов муддатини ўтаган ҳамда қасамёд қилган шахслар қабул этилади. Абул Аъло Мавдудий Покистоннинг атиги 4—5% аҳолисинигина ҳақиқий мусулмон деб ҳисоблайди. Шу боисдан партиянинг тўла ҳуқуқли аъзолари сони унча катта эмас (2500—3000), аммо унинг асосий кучини беҳисоб «тарафдорлар» ва «хайрихоҳлар» ташкил этади. «Ж. и.» ижтимоий жиҳатдан зиёлилар, талабалар, кичик мулкдорлар ва шаҳар қуйи табақалари ҳамда ҳарбийларнинг консерватив тоифаларидан таркиб топган. Партиянинг асосий мақсади — ислом давлатини тузишдир. Бундай давлат тузумини Мавдудий «теодемократия» деб атади ва у «янги типдаги (яъни ўзига ўхшаган) уламолар томонидан бошқарилиши керак». А. Мавдудий вафот этгач, партияга Миан Моҳаммад, Гафур Аҳмад ва Мавдудийнинг ўғли — Мавлоно Фаруқий Мавдудийлар раҳбарлик қилмоқдалар.

Аҳаджон Ҳасанов.

ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ — ижтимоий воқеаларга, турли гуруҳлар, ташкилотлар ва айрим шахслар фаолиятига бўлган яширин ёки ошкора муносабатларни ўз ичига олувчи оммавий онг шакли; муайян ижтимоий масалаларни маъқуллаш ёки қоралашда намоён бўлади, индивидлар, ижтимоий гуруҳлар хатти-ҳаракатини ва ижтимоий муносабатларда муайян меъёрларни белгилайди; умуман жамият доирасида ҳам, турли ижтимоий гуруҳлар доирасида ҳам амал қилади. Ж. ф.нинг фаоллиги ва аҳамияти жамиятнинг структуравий характери, ишлаб чиқарувчи кучларнинг, маданиятнинг, демократик ҳуқуқий меъёрлар ва эркинликларнинг тараққиёт даражаси б-н белгиланади. Ж. ф. ҳокимият органларини сайлашда, оммавий коммуникация воситаларида, аҳоли сўровлари ва б.да ўз ифодасини топади.

Ўзбекистонда «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази тузилган (1997). Марказ мамлакат ижтимоий, иқтисодий ҳаёти, давлат сиёсати ва ҳукумат фаолияти тўғрисидаги Ж. ф.ни таҳлил қилади ва умумлаштиради.

ЖАМОЛ АБДУЛ НОСИР — қ. *Носир.*

ЖАМОЛ КАМОЛ (Камолов Жамол; 1938.26.4, Шофиркон тумани) — Ўзбекистон халқ шоири (1992). Бухоро педагогика ин-тининг филология ф-тини тугатган (1959). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилояти бўлимида масъул котиб (1970—72), Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида аспирант ва илмий ходим (1972—86). Лирик шеър тузилиши бўйича и. т. олиб борган. Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир (1986—88), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси (1991—96). Ж. К.нинг илк шеърий тўплами «Олам кирар юрагимга» 1968 й.да нашр этилган. «Чўққиларга ёғилди ёғду» (1970), «Тош туғёни» (1972), «Ҳасан ва ой» (1974), «Қуёш чашмаси» (1975), «Қадаҳ» (1978), «Достонлар» (1980), «Сувайдо» (1982), «Умидли дунё» (1988) каби шеърий тўпламларига кирган шеърларида мумтоз шеърий анъаналар б-н замонавий шеърий жараён ўзаро уйғунлаштирилган. Ж. К. француз мумтоз адабиётининг намояндаси *Буало*нинг «Шеърий санъат» асарини, озарбайжон шоири Баҳат» асарини, озарбайжон шоири Баҳтиёр Ваҳобзоданинг Муҳаммад *Фузулий* ҳақидаги «Шабиҳижрон» достони, *Шекспир*, А. С. Пушкин, Я. Райнис асарларини, Жалолиддин Румий, Сотим Улуғзода сингари адибларнинг сара асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

ЖАМОЛ ПОШО (1872, Истанбул — 1922.21.7, Тбилиси) — *Ёш туркlар* ининг фаол иштирокчиси, «Иттиҳод ва тараққий» партияси раҳбарларидан бири. 1908 й.дан Туркияда мухим ҳарбий лавозимларда ишлади. 1913 й. 10 янв.да бўлган ҳарбий давлат тўнтаришидан сўнг *Анвар пошо* ва Талъат пошо б-н биргаликда мамлакатни бошқаришга киришди. Туркия ҳарбий денгиз кучлари вазири (1913—18). *Биринчи жаҳон уруши* даврида Туркия сиёсатида муҳим роль ўйнади. Урушда Туркиянинг енгилиши натижасида иттиҳодчилар ҳукумати истеъфога чиққач, сафдошлари Анвар пошо ва Талъат пошо б-н биргаликда Туркияни тарк этди (1918 й. 3 нояб.). Ж. п. Берлиндан 1920 й. майда Москвага келди. Совет режими унинг ёрдамида Туркистондаги «босмачилар» (истиқлолчилар)га таянган ҳолда Афғонистон орқали Ҳиндистонда турган инглизларга қарши кураш олиб бормоқчи бўлди. Халил пошо б-н биргаликда Туркистонга келгач, ўзининг ёрдамчиси Рагиббей ва фарғоналик Қори Камолни кўрбошилар ҳузурига жўнатди. Туркистон матбуотида ёзилишича, *Бухоро босқини* даври — 1920 й. 1 сент.да у *Туркистон фронти* қўмондони М. В. *Фрунзе* ўрнашган Самарқандда эди. 1920 й. кузида у Тошкент ва Бухоро орқали Кобулга жўнатилди. БХСР Афғонистон томонидан тан олинишида сезиларли ҳисса қўшди. 1921 й. сент.да советларнинг талаби б-н Кобулдан орқага қайтди. Бу пайтда Бухорода бўлган Анвар пошо б-н Талъат ли К. К. Юренев йўл қўймади ва Ж. п. Чоржўй орқали Москвага жўнайди. РСФСР ташқи ишлар комиссари ўринбосари Л. М. Карахан б-н учрашгач, у большевиклар б-н ҳамкорликни тўхтатди. 1922 й. юртига қайтаётганда Тифлис (Тбилиси)да Карапет бошлиқ арман террорчилари (совет чекистлари) (қ. *Дашноқцутюн*) томонидан сирли равишда ўлдирилди.

Ад.: Ахмад Закий Валидий Тўғон, Бўлинганни бўри ер (Хотиралар), Т., 1997.

Қаҳрамон Ражабов.

ЖАМОЛ ҚАРШИЙ (тахаллуси; асл исми Абулфазл Муҳаммад ибн Умар ибн Холид) (13—14-а.лар) — тилшунос олим. «Ас-Сароҳ мин ас-Саҳоҳ» («Ас-Саҳоҳдан олинган аниқ сўзлар») арабча-форсча луғат муаллифи. Луғат ўша давр тили лексикасини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Луғатнинг қўлёзма нусхалари Париж, Берлин, Лондон қўлёзмалар фондида сақланади. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида бу асарнинг 1511 й.да котиб Хусом Муҳаммад Баҳорий (инв. № 2723) ва 1703—04 й.ларда Мулла Феруз кўчирган нусхалари мавжуд (инв № 2400).

ЖАМОЛЗОДА, Саид Муҳаммад Али (1890, Исфаҳон ш., Эрон, — 1992, Женева, Швейцария) — ёзувчи. Исфаҳон, Теҳрон ва Францияда ўқиган. Ҳуқуқшунослик д-ри. Адабий фаолияти 20-й.лардан бошланган. Биринчи ҳажвий ҳикоялар тўплами — «Бир бор экан, бир йўқ экан» (1921) б-н ҳозирги Эрон ҳажвий прозасини бошлаб берган. Ҳикояларида Эрондаги турли табақа вакиллари қиёфаси тасвирланган. Ж. «Ҳусайн Али амаки» (1942), «Аччиқ ва ширин» (1955) каби ҳикоялар тўпламлари ва «Жиннихона» (1942), «Маҳшар саҳроси» (1944), «Култашан-девон» (1945), «Сув йўли» (1947), «Ўнги-чапи бир хил мато» (1955) каби қиссалар, шунингдек, қатор пьесалар ва мақолалар муаллифи. У *Шиллер, Мольер* ва б. ёзувчиларнинг асарларини форсчага таржима қилган. Ж.нинг бир қанча асарлари ўзбек тилида нашр қилинган.

ЖАМОЛИДДИН ал-АФҒОНИЙ, Муҳаммад бин Сафдор Жамолиддин (1839, Шарқий Афғонистоннинг Асадобод ш. — 1897, Истанбул ш.) — диний ва сиёсий арбоб, исломчилик назариясининг асосчиси. Кобулда диний, Ҳиндистонда дунёвий билим олди. 1869 й.гача афғон амирлари хизматида бўлди, уларнинг ҳокимият учун ўзаро курашларида қатнашди. Ҳаётининг кўп қисми Ҳиндистон, Миср, Ироқ, Россия, Франция, Англия, Туркия каби давлатларда муҳожирликда кечди. Ислом динини ислоҳ қилиш ва мусулмон оламини ислом байроғи остида бир-

лашишга қилган даъватлари б-н танилди. 1871—79 й.ларда Миср ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашди. Истибдодни танқид қилиб, конституциявий тузум ўрнатиш учун курашда ислом динининг маънавий-ахлоқий ақидаларига асосланган ижтимоий тенглик ва адолат ғояларини тарғиб қилди. 1879 й. у Искандарияда Ёш мисрликлар жамиятини тузди. Фаол сиёсий фаолияти учун Мисрдан чиқариб юборилди. Полиция назорати остида Калькутта ва Ҳайдаробод (Ҳиндистон)да яшади. 1883 й.дан Европа (Лондон, Париж)да истиқомат қилди. Парижда шайх Муҳаммад *Абду* б-н бирга «Ал-урват ал-вуққа» («Мустаҳкам бирлик») яширин жамиятини тузди ва шу номдаги газ.ни нашр этди. Москва ва Петербургда ҳам бўлди. Россия мусулмонлари б-н учрашган чоғида (1888) ислом динини ислоҳ қилиш ва янгилаш б-н бир қаторда мусулмонлар олдига фан ва техника ютуқларини эгаллаш вазифасини қўйди. Унинг фикрича, бу ҳолат Европа маданияти унсурларини Шарқ муҳитига юзаки жорий этишни англатмай, балки Шарқнинг ғоят бой маънавий маданиятини ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, уларни бир-бирига уйғунлаштириш эди. Шарқ халқлари маданий ва илмий меросини камситишга қарши қаратилган европоцентризм назариясига қарши фаол курашган. Инқилобий миллатпарвар доиралар б-н ҳамкорлик ўрнатди. 1892 й. Туркияга қайтди ва шу ерда вафот этди. 1944 й. хоки Кобулга олиб келинди ва дафн этилди. Қабри устида мақбара ўрнатилган. Ж. А. араб, форс ва француз тилларида ислом тарихи ва *шариат* бўйича кўплаб асарлар ёзди. Улардан асосийлари: «Материалистларни инкор қилиш», «Ренанга ал-Афғонийнинг жавоби», «Ўқитиш ва таълимнинг фойдаси ҳақида», «Экзегетни экзегези» ва б.

Ж. А. Мисрда шайх Муҳаммад Абду, Татаристонда Ризоуддин ибн Фахруддин (1859—1936), Туркияда шоир Меҳмед Эмин кабиларни тарбиялаб етиштирган ислом мужтаҳиди ҳисобланади. Унинг таълимоти вафотидан сўнг ҳам кенг тарқалди. Туркистон минтақасида Россияга қарши олиб борилган миллий озодлик ҳаракатларида унинг ғоялари муайян даражада ижобий роль ўйнади. Шарқ мамлакатлари (Эрон, Туркия ва б.)да бўлган инқилобларда бу ғоя мусулмон халқларини бирлаштирувчи таълимот бўлиб майдонга чиқди. *Иккинчи жаҳон урушида* кейин Шарқда мустамлакачилик тизимининг емирилишида Ж. А. таълимотининг ҳам ўз ҳиссаси бор.

Ад.: Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000.

Қаҳрамон Ражабов.

ЖАМОЛИДДИН ТУРКИЙ (?—?) — ўзбек тилшунос олими. Миср ва Сурияда яшаб, ижод қилган. Араб ва туркий тилларнинг диалектларини мукаммал билган. Бизгача фақат бир асари — «Китоби булғат ул-муштоқ фи-л-луғат ит-турк ва-л-кифчоқ» («Туркий ва қипчоқ тилларига муштоқларни қониқтирувчи китоб») етиб келган.

ЖАМОЛОВ Камол Давлатович (1920.15.7 — Бухоро тумани — 1977.8.11) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 1940 й.дан армияда, 1943 й. мартдан фронтда. Дастлаб 8-танк дивизияси, 8-понтон батальонида понтончи, сўнгра 123-алоҳида инженер-сапёрлар батальони (Дашт фронти 7-гвардиячи армиянинг 8-инженер-сапёрлар бригадаси)да сапёр. Ж. Полтава вилояти Кременчуг ш.нинг жан.-шарқида Днепр дарёсидан понтонда жангчиларни соҳилга олиб ўтишда жасорат кўрсатганлиги учун Қаҳрамон унвонига сазовор бўлган (1943.26.10).



ЖАМОЛОВ Ўнер Боимбетович (1912, Жанубий Қозоғистон вилояти Сембе қишлоғи — 1975.8.8, Тошкент) — иқтисодчи олим, Ўзбекистон ФАнинг мухбир аъзоси (1966), иқтисод фанлари д-ри (1958), проф. (1959). Тошкент молия-иқтисод ин-тини тугатган (1939). 1940—53 й.ларда Тошкент ш.даги олий ўқув юртларида сиёсий иқтисод ўқитувчиси. Ўрта Осиё ун-тида доцент (1955—58), Ўзбекистон ФА Иқтисод ин-тининг директори (1958—71), Ўзбекистон ФА Фалсафа, иқтисод ва ҳуқуқ бўлимининг акад. котиби (1971—75). Илмий ишлари қ. х. ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, бошқариш, ривожлантириш, иқтисодиёт назарияси масалаларига бағишланган.

ЖАМОЛУДДИН АТОУЛЛОҲ, Жамол ал-Ҳусайний (?—1511) — хуросонлик тарихчи. Ҳиротда яшаб ижод этган. Бирмунча вақт *Ҳусайн Бойқаро*нинг вазири ҳам бўлган (лақаби Атоуллоҳ Шерозий). Тарихий асарлар ёзган. Улардан энг муҳими «Китоб ал-аҳбоб фий сияри ан-Набий вал-ол вал-асҳоб» («Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва саллам, ул зотнинг хонадонлари ва саҳобаи киромлари хусусида дўстлар китоби») номли асаридир. Бу асар Туркияда қайта-қайта нашр этилган, қўлёзма нусхаси Лондонда сақланади.

ЖАМОЛУДДИН ҲУСАЙН ИНЖУ (16-а.) — йирик тилшунос олим. *Бобурийлардан Жаҳонгиршоҳ*га атаб «Фарҳанги Жаҳонгирий» («Жаҳонгир луғати»)ни ёзган. Ж. Ҳ. И. аждоди асли Шероз саййидларидан бўлиб, отаси Кашмирга келиб ўша ерда муқим яшаб қолганди. 1584 й. Ж. Ҳ. И. *Акбар* хизматига кириб, унинг энг яқин надимларидан бирига айланган, Жаҳонгир даврида эса «Азд уд-давла» («Давлат таянчи») деган фахрий унвонга сазовор бўлган.

ЖАМУК (туркийча — «жавоҳир» маъносини билдирган) — илк ўрта асрларда Турк хоқонлигида аслзодалар унвони. Ж. Бухорода зодагон-деҳқон маъносида ҳам қўлланилган. Русча «жемчуг» (марварид) Ж. сўзидан келиб чиққан деган фикр ҳам бор.

ЖАМУКАТ, Ҳамукат — Еттисувда, Талас дарёсининг сўл томонида суғдлар қурган шаҳар (6-а.). *Наршахий*нинг «Бухоро тарихи»да: «Бухороликлар... Туркистон ва Тароз яқинида бир шаҳар бино қилиб, уни Ҳамукат деб атадилар, чунки Бухородан қочиб кетган тоифанинг раиси бўлмиш бир катта деққоннинг номи Ҳамук эди; «Ҳамук» деб, Бухоро тилида гавҳарга айтилади, «кет» эса — шаҳар, яъни Ҳамукат «Ҳамук — гавҳарнинг шаҳари» демакдир. Бухоро тилида катта одамни «ҳамук», яъни фалончи гавҳар дейдилар», деб ёзилган. Кейинги асрларда шаҳар янада тараққий этган. Араб географи Муқаддасий Ж.ни Исфижоб (Сайрам) вилояти шаҳарлари рўйхатида кўрсатиб: «Ж. қалъаси ва жоме масжиди, девор б-н ўралган рабодида бозорлари бўлган каттагина шаҳар эди», деб ёзади.

ЖАМШИД — қад. афсоналарга кўра, Эронда энг аввал ҳукмдорлик қилган *пешдодийлар* сулоласининг тўртинчи ва энг буюк ҳукмдори. Шоҳ Таҳмурасдан сўнг 700 йил подшолик қилган Ж. Исмаҳар ш.ни бунёд этиб, мамлакатда бетараддий фаровонлик вужудга келтирган, шаробни ихтиро қилиб, *Наврўзни* янги йил байрами сифатида нишонлашни жорий этган эмиш. У ҳатто Зардуштдан илгари Эронда мавжуд бўлган бир диний масҳабга асос солган, ойна (*Ойини* жам) ихтиро қилган ҳамда одамларни ҳайвон терисига ўраниш ўрнига газламадан тикилган кийим кийишга ўргатган, давлат тузумини ташкил этиб, аҳолини табақаларга бўлган. Бу масҳаб ва ойна қуёшу табиатга боғлиқ ва айшу ишрат б-н уйғунлашган бир суратда таърифланади. Гўёки Ж. ўз шону шавкати ва салтанатидан мағрурланиб кетиб, худолик даъвосини қилган эмиш. Оқибатда Арабистон я. о.дан, эҳтимол Ямандаги од қавмидан Заҳҳок исмли бир ҳукмдор бостириб келиб, Эронни Ж.дан тортиб олган экан. Сўнг, Заҳҳок икки елкасидаги икки илонга маҳаллий аҳолининг навқирон ўғиллари миясини едира бошлабди. Шунда ўғилларидан ажраган бир Кова исмли темирчи бош кўтариб, Заҳҳокни ўлдирибди-да, тахтни Ж. наслидан бўлмиш Фаридунга олиб берибди. Фаридун адолат б-н давлатни идора қилиб, кексайгач уч ўғлига мамлакатни бўлиб бериш б-н Ҳазрат Нуҳнинг мақомларига эришибди.

Ж.ни баъзилар Ҳазрат Сулаймоннинг айнан ўзлари, деб таъкидлашади. Ж., шаробни ихтиро этганлиги боисидан, шоирлар ўртасида «Қадаҳий» (Жоми Жам) номи б-н ҳам машҳурдир. Кейинчалик топилган қад. ҳинд браҳманлари афсоналарига кўра, бу ҳикоянинг ҳинд афсоналаридан нақл этилгани маълум бўлади. Ҳақиқатан, Зардушт браҳманийлар динидан ажралиб чиқиб, алоҳида бир масҳаб таъсис этгани учун ватанидан бадарға қилиниб, Эронга келиб қолган. Шунга биноан эроний-лар қад. ҳинд афсоналарини ўрганишган. Қад. Эроннинг тарихи Зардуштнинг китоби бўлмиш Зандовастодан олингандир. Қад. ҳинд афсоналарида Ж. ёки Жомо Шайдо қуёшни англатувчи бир маъбуд исми бўлиб, бу исмни ташкил қилувчи сўзларнинг биринчиси — «ҳукмдор» ва иккинчиси — «қуёш» маъносидадир, яъни «қуёш подшоҳ» демакдир.

Ж. ҳақида Навоий, Фирдавсий, Табарий, Беруний асарларида ҳам эслатиб ўтилган.

ЖАМШИДЛАР — қ. *Чораймоқлар.*

ЖАМШИДПУР, Татанагар — Ҳиндистоннинг шим.-шарқидаги шаҳар, Биҳар штатида. Аҳолиси 500 минг киши чамасида. Т. й. тугуни. Ж. 20-а. бошида Гхота-Нагпур ясситоғлигидаги чангалзор ўрнида йирик ҳинд монополистик бирлашмаси — «Тата» томонидан ишчилар шаҳарчаси сифатида қурилган. Қора металлургиянинг маркази. Шаҳар атрофидан юқори сифатли темир рудаси, коксланадиган кўмир, флюслар, ўтга чидамли материаллар қазиб чиқарилади. «Тата» компаниясига қарашли йирик з-длар бор. Оғир машинасозлик (қувур, қ. х. инвентарлари ва б.) ва кимё саноатлари ривожланган. Йирик электр станция бор.

ЖАМҒАРМАЛАР — 1) харажатлардан, чиқимлардан орттириб, тежаб тўпланган пул; 2) келгусидаги эҳтиёжлар учун даромаднинг бир қисмини ажратиб қўйиш; 3) доимий бадаллар ва реинвестиция йўли б-н капитал қўйилмаларни пул кўринишида жамлаш; 4) пул ва моддий воситаларни маълум бир мақсад йўлида фойдаланиш учун жалб этиш (мас., пенсия жамғармаси, инвестиция жамғармаси); 5) маълум бир фаолият турига, кишиларнинг муайян ижтимоий гуруҳига кўмаклашиш мақсадида тузилган ташкилот (қ. *Ижтимоий жамғармалар*); 6) акциялар назорат пакетини қўлга киритиш мақсадида, нархига таъсир этмаган ҳолда уларни доимий равишда сотиб олиш.

ЖАНАТАЕВА Жумагул (1953.12.3, Кегайли тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Чимликаси халқ ўқитувчиси (1974), Нукус бой пед. билим юртини (1974), Нукус ун-тини (1983) тугатган. 1974 й.дан Қораўзак туманидаги 7-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси, 1976 й.дан 10-мактабда қорақалпоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси. Мактабда намунали қорақалпоқ тили ва адабиёти ҳонаси-газмали қуроллар ва б. техник воситалар б-н жиҳозлади.

ЖАНАТАС — Қозоғистон Республикасининг *Жамбул вилоятид*аги шаҳар (1969 й.дан). Жамбул т. й. шохобчасининг охирги ст-яси. Аҳолиси 53 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Фосфорит («Қоратов» и. ч. бирлашмаси), кварцит қазиб олинади. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади.

ЖАНГ — ҳарбий бўлинмалар, қисмлар (кемалар), қўшилмаларнинг уюшган тўқнашуви, ерда (умумқўшин Ж.и) ҳавода (ҳаво Ж.и) ва денгизда (денгиз Ж.и) олиб борилади. Ж.лар мудофаа Ж.и, ҳужумкорлик Ж.и, муқобил Ж. Ж.и, қаби турларга бўлинади. 2-жаҳон урушида ўзаро боғлиқ бир неча йирик стратегик операциялар Ж. деб аталган (мас., Сталинград Ж.и, Курск Ж.и). Ж.лар жанг бўлаётган пайтдаги муҳим воқеа-ҳодиса ёки жой, даре ва б. номлар б-н боғланиб тарихга киради (мас., *Жанги лой, Анқара жанги*).

ЖАНГГОҲ — жанг майдони. Бу маъно ўтмишда маъракагоҳ, дорул-ҳарб каби истилоҳлар б-н ҳам ифодаланган. Бўлажак жангдан олдин ҳар бир саркарда Ж.ни бевосита ўзи танлаган, кўздан кечирган. Ж.нинг текис, кенг ва қўшин қисмларини жойлаштиришга қулай бўлиши талаб қилинган. Айниқса, Ж.нинг ички сув манбаига яқин бўлиши ҳамда жанг пайтида қуёш нурининг аскарлар кўзига тушмаслиги мақсадга мувофиқ ҳисобланган. Ж. танлаш — *товочи* зиммасида бўлган. Ж.нинг ноқулайлиги баъзан мағлубиятга ҳам сабаб бўлган. Мас.: *Анқара жангид*а Амир Темурнинг усталик б-н Ж.ни танлаши ва бу б-н рақиби турк султони Боязидни ўзи учун ноқулай Ж.да жанг қилишга мажбур қилиши туркларнинг бу жангда мағлубиятга учраш сабабларидан бири бўлган.

ЖАНГИ ЛОЙ, Лой жанги — *Амир Темур* ва амир *Ҳусайн ибн Мусаллаб*нинг *Жета* (Мўғулистон) хони *Илёсхўжа*га қарши жанги (*Низомиддин Шомий*нинг «Зафарнома»сига кўра 1360 й. 16 июнда, *Шарафиддин Али Яздий*нинг «Зафарнома»сига биноан эса 1365 й. 22 майда бўлиб ўтган). 1361 й. Амир Темур ва амир Ҳусайн мўғуллар истилосига қарши бош кўтариб, 3 йил давом этган жанглардан сўнг, ниҳоят 1364 й. охирида уларни Моваройуннаҳр ҳудудидан қувиб чиқаришга муваффақ бўлишади. Бироқ, 1364 й. баҳорида Илёсхўжа Моваройуннаҳрга катта қўшин б-н юриш қилади. Шунда Амир Темур ва амир Ҳусайн Тошкент б-н Чинос оралиғида, Чирчиқ дарёси бўйида унга қарши лашкар тўплайди. Илёсхўжа Кониводом томонидан уларга яқинлашиб келгач, икки тараф лашкарлари қарама-қарши саф тортади. Амир Ҳусайн қўшинининг *баранғар*ига, унинг *қунбулиг*а эса арлот қабиласидан Тилончи, *ҳировулиг*а Ўлжайту қўмондонлик қиларди. *Жувангар*га Амир Темур, унинг қунбулига қипчоқ қавмидан Сори Буғо, ҳировулига Темир Хўжа Ўғлон бош бўлади. *Ғулға* Жоку, Сайфуддин, Мурод, Аббос Баҳодир каби атоқли амир ва беклар жангга ҳозир туради. Амир Темур ва амир Ҳусайннинг бирлашган бу қўшини сон жиҳатдан душман лашкаридан анча кўп эди. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, шунда Илёсхўжа ҳалол жангда ғолиб келолмаслигини пайқаб, бир ҳийла ишлатади: ядачи *яда тоши* ёрдамида кучли жала ёғдиради. Натижада жанг майдони лойланиб, Амир Темур ва амир Ҳусайн қўшини мушкул аҳволда қолади, кийим-кечак, қурол-яроғлар шу даражада намиқиб кетадики, отлиқнинг ҳам, пиёданинг ҳам қимирлашга мажоли етмайди (шу боис бу жанг тарихда Ж. л. номи б-н машҳур). Илёсхўжа лашкари эса кигиз ёпиниб, ўзларини ёмғирдан пана қилади. Шундай оғир шароитга қарамай, Амир Темур душманнинг баранғарига қаттиқ зарба беради. Лекин, шу аснода душман қўшинининг қунбули Тилончи етакчилигидаги қунбулдан устун келиб, уни амир Ҳусайн бошчилигидаги жувангаргача қувиб боради. Амир Ҳусайн аскарлари саросимага тушиб, қоча бошлайди. Қўшиннинг ўнг қаноти даги бу хатарли вазиятни кўрган

Амир Темур ўз қўл остидаги навкарлар б-н душманнинг амир Шамсуддин бошчилигидаги жуванғарига кучли зарба бериб, уни тўзитиб юборади. Сўнг, у амир Ҳусайнга чопар юбориб, қўлга киритилган ғалабани мустаҳкамлаш учун душманнинг асосий кучларига биргаликда ҳужум қилиш лозимлигини маълум қилади. Аммо, амир Ҳусайн бунга кўнмайди. Эртаси эрталаб яна жанг бошланиб, Илёсхўжа қўшини енгилади. Амир Темур ва амир Ҳусайн уни қувиб кетаётиб, амир Шамсуддин бошчилигидаги жуванғардан ажралиб қолган мўғуллар тўдасига дуч келиб, улар б-н жанг қилишга мажбур бўлади. Шунда душман пароканда навкарларини тўплаб, қайта тартибга келтиришга муваффақ бўлади-да, ташаббусни ўз қўлига олиб, кучли зарба б-н Амир Темур ва амир Ҳусайн қўшинини иккига ажратиб юборади ва ғалаба қозонади. 10 мингдан ортиқ аскаридан айрилган Амир Темур ва амир Ҳусайн Кеш томон чекинади.

Ад.: Шарафиддин Али Яздий, Зафарнома, Т., 1994; Низомиддин Шомий, Зафарнома, Т., 1996; Дадабоев Ҳ., Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати, Т., 1996.

Ҳамидулла Дадабоев.

ЖАНГЛИШ — Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидаги қуриб қолган кўл. Орол денгизининг жан.даги Оққалъа овули ёнида. Сувга тўлган пайтларида майд. 2,24 км² бўлган. Саёз, кўп жойларида қамиш ва қўға ўсган. Ж.га Амударё тармоқларидан тошган сувлар ва сизот сувлари қуйилган. Кичик ўзанлар орқали Амударё ва Думалоққўл б-н туташиб турган. Ж.да ондатра урчитилган ва овланган, ҳар хил балиқ ва сув паррандалари яшаган.

ЖАНГНОМА — эпик жанр. Бунда тарихий ва афсонавий жанглар, айрим афсонавий ва тарихий шахслар кўрсатган мардлик ва қаҳрамонликлар муболағали ҳамда кўтаринки руҳ б-н баён қилинади. Мустақил жанр сифатида у қад. қаҳрамонлик достонлари таъсирида шаклланган. Ж.ларда қаҳрамонларнинг, хусусан, бош қаҳрамоннинг кучқудрати, қурол-яроқлари, жанги ва жасорати ғоят бўрттириб тасвирланади. Ж.лар насрий ҳамда шеърий шаклларда бўлиши мумкин. Кўпгина Ж.лар насрда ёзилиб, баъзан асар таркибига шеърий парчалар ҳам киритилади. Ж.нинг қад. кўринишларига қад. мифик қаҳрамонлар ҳақидаги «Жангномаи Жамшид», «Қаҳрамон Қотил», «Ҳўшанг», «Искандар пошшо» каби асарлар киради.

Ўрта асрларда эса Ж.лар («Жангномаи Амир Ҳамза», «Абу Муслим жангномаси», «Жангномаи Саййид Баттоли Ғозий», «Аҳмад Замжий», «Мусайбнома», «Етмиш ғазот» ва б.) халқ орасида кенг тарқалган. Ўзбек халқининг маданий ҳаётида жангномахонлик анъанаси кенг ўрин тутган. Чунки бундай асарларнинг яхши намуналари кишиларни юртпарварлик, қаҳрамонлик ва элга фидойилик каби юксак ғоялар руҳида тарбиялашда катта аҳамият касб этган.

ЖАНГОВАР БУЙРУҚ — жанговар вазифани бажариш учун қўмондон томонидан қўшин (армия, флот, қўшилма, қисм, бўлинма ва ҳ. к.)ларга бериладиган буйруқ. Ж. б. огзаки ёки ёзма тарзда бўлиб, унда душман гуруҳи ва унинг ҳаракатига баҳо берилади, қисм (бўлинма)ларнинг жанг пайтидаги ҳаракат тартиби ва вазифалари, қўшин қисмларнинг вазифалари, итоатда бўлган қисмларнинг вазифалари ва тайёргарлик вақти, бошқариш пунктининг ўрни ва б. зарур маълумотлар кўрсатилади. Ж. б. қисқа, солда ва тушунарли бўлади.

ЖАНГОВАР ВАЗИЯТ — муайян жойда, маълум даврда жанговар ҳаракатларга таъсир кўрсатадиган омил ва шароитларнинг мажмуи. Ж. в. душман кучларининг ҳолати (таркиби, ишғол қилган ўрни, кўзда тутаётган мақсади), ўз қўшинларининг ҳолати (таъминланиш даражаси, жанговар имкониятлари) ва қўшин қисмларнинг ҳолати, радиацион, кимёвий ва бактериологик вазиятнинг характери; ер шароити, жой — р-ннинг иқтисоди, ерлик аҳолининг ижтимоий-сиёсий таркиби ва кайфияти; метеорологик ва иқлимга оид маълумотлар, жанговар топшириқ бажарилиши лозим бўлган муддат ва б.ни ўз ичига олади. Ж. в. ҳамма турдаги разведка маълумотлари, кичик қўмондонларнинг ҳисоботлари, қўмондон (штаб) ахборотлари; асирларни ва қочиб ўтганларни сўроқ қилиш ва б.га қараб белгиланади.

ЖАНГОВАР ТАРТИБ — қўшинларнинг жанг қилиш учун жойланиш тартиби. Бўлинма, қисм ва қўшилмалар жанговар топшириқни бажариш учун тактик ҳамда техник имкониятлар ва қуролланиш даражасига қараб жойлаштирилади. Муайян р-н (доира)да жанговар топшириқни биргаликда адо этадиган қўшинлар куч ва воситалари, қоидага биноан, биргаликда ҳаракат қилувчи барча бўлинма, қисм, қўшилмаларни ўз ичига оладиган ягона Ж. т.га уюшади. Жанговар ҳаракатнинг ҳар бир тури ўзига мос Ж. т. қўллашни талаб этади. Қўшинларнинг Ж. т.и бўлажак жанг талабларини куч ва воситаларнинг ҳолати ҳамда жанговар имкониятларини, душман қўшинларининг жойланиши ва ҳаракатини, жойнинг шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Армия махсус ҳарбий ташкилот сифатида таркиб топмаган ибтидоий жамоа тузумида қабилалар орасидаги тўқнашувларда одамлар тўда-тўда бўлиб, меҳнат ва ов қуроли бўлган тош, суйил ва б. б-н жанг қилардилар. Ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши ва синфий жамият пайдо бўлиши б-н уруғнинг қуролланган ҳамма аъзолари қаторида уруғ зодагон (асл зода)ларининг дружиналари ҳам вужудга келиб, кейинчалик улар доимий армиянинг негизи бўлиб қолди. Кураш қуроллари ҳам бирмунча такомиллашиб, найза, қилич, камон ва б. пайдо бўлди. Бу қуроллардан самарали фойдаланиш учун жангчиларни сафга тизиш зарурати туғилди. Шу йўсинда қўшинларни жанговар сафга тизишнинг дастлабки шакллари пайдо бўлди. Кейин тиғли ва ўт отувчи, 20-а.нинг 40—50-й.ларидан бошлаб эса ядро қуроллари юзага кела бошлади.

Қад. Шарқ қулдорлик давлатлари (Қад. Миср, Оссурия, Эрон, Қад. Хитой, Ҳиндистон ва б.)нинг қўшини пиёда аскарлар, отлиқлар ҳамда жанг аравалари, туя ва фил минган жангчи қисмларга бўлинган. Улар найза, ойболта, қилич, камон ва б. б-н қуролланган. Бу уруш воситаларининг душманга таъсир этиш даражаси жангчиларнинг жисмоний жиҳатдан бақувватлигига ва уларнинг миқдорига боғлиқ бўлган. Қўшинларни сафга тизиш ҳам шунга қараб белгиланган. Мас., Мисрнинг оғир қуролланган пиёда аскарларини дастлаб кўп қаторли зич устун тарзида сафлантирилган. Кейинчалик қуролларнинг такомиллашуви ва жанговар тажрибаларнинг ортиши, жанг аравааларининг пайдо бўлиши б-н уларнинг ҳаракат тезлигидан самарали фойдаланиш кўзда тутилган; жанг аравалари биринчи қаторга жойлаштирилган.

Юнонистон, Қад. Рим ва Карфагеннинг ҳарбий санъати Ж. т.нинг янада такомиллашган шаклларини яратди. Юнонистоннинг қулдорлик давлатлари Афина ва Спартада (мил. ав. 6—4-а.лар) қўшиннинг асосий тури оғир қуролли пиёда аскарлар ҳисобланган. Улар найза ва қилич б-н қуролланган ҳамда ҳимоя сифатида совут, дубулға кийиб, қалқон тутишган. Мил. ав. 6-а.дан бошлаб юнон қўшинлари фалангалар (пиёда аскарларнинг жипс саф тортиб турган бир неча қатори) ва қанотлардан ташкил этилган. Олдинда ва ўнг-сўл қанотларда енгил қуроллланган пиёда ва отлиқ аскарлар жойлаштирилган. Лекин фалангалар эпчил ҳаракат қилиш имконига эга бўлмагани сабабли фақат текис жойлардагина жанг қилолган. Шундай бўлса-да, у душманга дастлабки кучли зарба бериш қудратига эга бўлган. Фалангаларнинг бу имкониятидан юнон лашкарбошилари моҳирона фойдаланган. Мас., Левктра ёнида бўлган жангда (мил. ав. 371 й.) *Эпаминонд* янгича Ж. т. қўллади. У чап қанотга сараланган жангчилардан 50 қатор жойлаштирган ва бу б-н душманнинг кучли ўнг қанотига оғир зарба бериш учун қўшинларни фронт бўйлаб нотекис тақсимлаш тактик усули майдонга келди. Кейинчалик бу усул Искандар Зулқарнайн армиясида янада такомиллашди (мил. ав. 4-а.). Искандар Зулқарнайн қўшинлари Ж. т.и асосини оғир ва ўрта қуролли пиёда фалангалар ташкил этган. Қанотларга эса отлиқ аскарлар жойлаштирилган, улар фалангаларнинг тўғридан беражак зарбалари б-н биргаликда душманга асосий зарба берган. Ўрта пиёда аскарлар ёриб кириш эҳтимоли бўлган душманга қарши орқарокка — иккинчи чизиққа жойлаштирилган. Захира қисм сақлаш ғояси шу тариқа келиб чиққан. Бундай Ж. т. мил. ав. 331 й.да Гавгамела ёнидаги жангда бўлган.

Ўрта Осиёда қўшинлар Ж. т.ининг энг яхши шакллари *Амир Темур* армиясида мавжуд эди. Темур шароитга қараб Ж. т. белгилаган. Душман кучларининг хусусияти ва вазиятига қараб Ж. т.га тизилишнинг махсус 12 қоидаси қўлланган ҳамда бу қоидаларни ҳар бир аскар яхши билиши талаб қилинган. Амир Темур душман кучи қанча бўлса, унга қарши шунча куч ташлаган. Мас., ўн икки минг отлиқ аскардан иборат қўшин тўққиз бўлукка, бу бўлукларнинг ҳар бири яна бўлукларга бўлиниб, саф тортишган. Ғўл (марказ) — бир бўлук, *баранғар* (ўнг қанот) — бир бўлук, *жуванғар* (сўл қанот) — уч бўлук, *ҳировул* (қўшиннинг илғор қисми) — бир бўлук, *қоровул* (илғор соқчилар) — бир бўлук. Ҳар бир қанотнинг бир бўлуги — ҳировул, иккинчи бўлуги *чоповул*, учинчи бўлуги шоқовул (эҳтиёт тўда). Қўшиннинг сони кўпайиши б-н бу Ж. т. ҳам шу асосда мураккаблаша борган.

Ж. т. шаклларининг ривожланишига Ғарбий Европа ва Россияга порох ва ўточар қуролларнинг тарқалиши (14-а.) катта таъсир кўрсатди. 15—16-а.ларда Россияда бўлган урушларда Ж. т., асосан, 3 қатор 1-авангард полк, 2-катта полк (пиёда аскарлар) 3-захира полкдан иборат бўлган. Пиёда аскарлар 4—5 қатордан, икки чизиқ бўлиб сафланишарди. Кейинчалик 18-а.даги рус саркардалари — П. А. Румянцев, А. В. Суворовлар рус жангчиларининг жанговар фазилатларини ўрганиб, чизиқли Ж. т.ни бирмунча такомиллаштирдилар.

18-а. охирларидаги инқилобий урушлар Ж. т. шаклларининг тараққий этишида янги босқич бўлди. Шим. Америкадаги мустақиллик учун олиб борилган уруш даврида (1775—83) оломон тарзидаги инқилобий қўшинлар учун жангчидан катта малака талаб қиладиган чизиқли Ж. т. мос келмай қолди ва вужудга келди. Бу ёйилган саф Буюк Француз инқилоби (1789—94) ва Наполеон урушлари (19-а. бошлари) давридa устун тарзида уйғунлаштирилиб, бирмунча тараққий топди.

Биринчи ва иккинчи жаҳон урушларида жаҳоннинг ҳамма армияларида Ж. т. шаклларининг ўзгариши янгича жанговар техника-артиллерия, танк, автомат қуроллар ва б. қирғин қуроллари нинг қўлланиши ва уларнинг бундан кейинги тараққиёти заминида рўй берди. 1941—45 й.лар уруши даврида содир бўлган Иттифоқ армиясининг Ж. т.и янада ривожланди. 1942 й. кузида қўшилма, қисм ва бўлинмаларда куч ва воситаларни ҳаддан ташқари эшелонлаштириш бекор қилинди. Рота, батальон, полк ва дивизияларнинг Ж. т.и 1 эшелонли қилиб тузилди, ўқчи взвод ва бўлинмалар эса занжирсимон ёйилди. Бу — биринчи эшелонда пиёда аскарлар ўт очиш воситаларининг кўп бўлишига ва талафотларнинг камайишига имкон берди. 1943 й. немис-фашист армиясининг мудофаага ўтиб, траншеяли чуқур мудофаа доирасидан фойдаланиш қўшилма ва қисмлар Ж. т.ининг янада такомиллаштириш зарурати туғдирди.

Урушдан кейинги даврда ядро қуролларининг пайдо бўлиши, ракета, товушдан тез учадиган самолёт ва ҳ. к. қуролларнинг пайдо бўлиши, зирҳли машина, танклар миқдорининг ортиши, қурол-яроғларнинг хусусияти ўсганлиги, алоқа воситалари, муҳандислик техникаси ва б.нинг ривожланганлиги қўшинларнинг Ж. т.ига янгича замонавий тус берди. Қуруқликдаги қўшинлардан фарқли ўлароқ авиация Ж. т.и 3 ўлчамда бўлади: оралиқ (дистанция), ўртадаги масофа (интервал), баландлик. Мана шу ўлчамларга қараб, ҳар хил турдаги авиация қисм ва бўлинмаларининг Ж. т.и зич, ёйиқ ҳамда тарқоқ бўлиши мумкин. Зич Ж. т.да — экипажлар (бўлинмалар) жанговар учишни аниқ масофа ва оралиқда авиация хавфсизлигини сақлаган ҳолда; ёйиқ Ж. т.да — узун оралиқ ва ўрта масофада, кўз б-н кўра оладиган узоқликда; тарқоқ Ж. т.да эса кўз б-н илғаб бўлмас узоқликда бажаради.

Самолётлар звеноси (ҳар звенода 3 та самолёт бўлади) ёки жуфти жанговар топшириқни бажариш вақтида, одатда, зич ёки ёйиқ Ж. т.да ҳаракат қилади. Эскадрильялар — ёйиқ ва тарқоқ Ж. т. б-н деворсимон, устунсимон, илон изи, пона, доира, сингари шаклларда ҳаракат қиладиган самолётлар звеноси (жуфти) сифатида жанговар топшириқни адо этади.

Ҳарбий денгиз флоти кемаларининг Ж. т.и, аввало, кемаларнинг ва улардаги қурол-яроғнинг ривожланиши б-н боғлиқ суратда ўзгариб келмоқда. Эшкакли кемалар ёки икки қатор тизилган, ёки ён томонлари олға туртиб чиққан ярим доира шаклдаги Ж. т.лардан фойдаланишган. Жанговар елканли кемалар 17-а.да ўзлари учун Ж. т. сифатида кильватер («Қулф-калит») шаклини танладилар. Буғ б-н юрадиган кемалар вужудга келиши, кейинроқ сув ости кемаларининг яратилиши б-н (19-а. охири) флотнинг Ж. т.и ҳам ўзгарди. Бу соҳадаги янада катта ўзгаришлар алоқанинг техник воситалари, айниқса, радио алоқанинг пайдо бўлиши, денгиз авиацияси ва уларни олиб юрадиган авиаташувчилар майдонга келиши б-н рўй берди. Ҳоз. замон шароитида Ҳарбий денгиз флоти қўшилмалари зарбдор гуруҳлар таркибида ёки алоҳида илғор кемалар гуруҳи сифатида ҳамда ёлғиз ўзи жанговар ҳаракатлар қилади.

Ад.: Строков А. А., История военного искусства, т. 1—3, М., 1955—1967; Тактика, М., 1966.

ЖАНГОВАР ТРЕВОГА — қўшинларни қисқа муддатда жанговар ҳолатга келтириш. Ж. т. катта бошлиқ кўрсатмасига биноан огзаки, алоқа воситалари, белгиланган шартли сигналлар ёрдамида ва буйруқ бериш йўли б-н эълон қилинади. Ж. т. умумий ва қисман бўлиши мумкин: агар маълум гарнизоннинг барча қўшинларини жанговар шайлик ҳолатига келтирса — умумий, айрим бўлинмаларгагина тааллуқли бўлса — қисман дейилади. Ж. т. сигнали берилиши б-н қўшин жуда қисқа муддатда йиғилиб, жанговар (ўт очиш, старт олиш) ҳолатини эгаллайди. Ж. т. бўйича қўшинларга хабар бе-

риш, уларни тўплаш ва жанговар ҳаракат бошлаш, одатда, яширинча амалга оширилади.

ЖАНД — Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган ўрта аср шаҳри. *Хоразмшоҳлар давлати*нинг шарқий истеҳкоми ҳисобланган. Бу ерларни *Салжуқ* босиб олмасдан олдин ҳам, Сирдарё этаги қипчоқлар қўлида мустақил ўлка (мулк) бўлган. 12-а. ўрталсига келиб, Ж. б-н Фороб оралиғи бутунлай Хоразмшоҳлар (*Такаш*) қўлига ўтган. Хоразмшоҳлар Ж.дан туриб қипчоқлар ерига ҳарбий юришлар қилган. Ўша даврда Орол денгизи ҳам Жанд кўли деб аталган. 1220 й. Ж.ни *Жўжихон* эгаллаган. С. П. *Толстов* тадқиқотлари Ж. Қозоғистоннинг Қизилўрда ш. яқинидаги Жанқалъа харобалари ўрнида бўлганлигини кўрсатади.

ЖАНДА (форс. — кўҳна, эски) — 1) устки кийим. Мато бўлакларидан (қуроқ усулида) узун ва кенг қилиб тикилган. Асосан қаландар ва шайхлар кийган (хирқа). Ҳоз. маънода — жулдур чопон, яктак; 2) қўлда тўқилган ип мато тури. Асосан қўлда, кейинроқ ф-када йигирилган ипдан йўл-йўл катак гулли қилиб ўзига хос тарзда қалин қилиб тўқилган. Нақш мужассамоти ингичка йўллар майда катаклардан иборат кенг йўллар б-н бир маромда алмашиниб келишига асосланган, ҳар бир рангли ип ўз йўғонлигига эга бўлган (мас., қизил ранг 2 ва қора ранг 6 ипдан иборат бўлган). Ж. матоси ўта пишиқлиги ва рангининг одмилиги б-н ажралиб турган. Туркистон (Тожикистон, Ўзбекистон)да Ж.дан тўн тайёрланган. 20-а. 20-й.ларидан Ж. тўқиш деярли барҳам топган.

ЖАНДАРМЕРИЯ (франц. gendarmerie) — ҳарбий ташкилотга эга бўлиб мамлакат ичкарисида ва армияда (дала Ж.) соқчилик вазифаларини бажарган полиция. Дастлаб 1791 й. Францияда вужудга келган. 1815 й.да рус армиясида жандарм қисмлари тузилган. 1827—1917 й.ларда Россияда сиёсий полиция вазифасини бажарувчи Алоҳида жандарм корпуси мавжуд бўлган.

ЖАНДАРМЛАР (франц. gens d'armes, айнан — қуролланган кишилар) — 1) *жандармерия*нинг шахсий таркиби; 2) 13—17-а.ларда Францияда оғир кавалерия тури.

ЖАНКЕНТ — қад. шаҳар харобаси (мил. 1-а. — 16-а. боши). Орол денгизининг шим.-шарқий қирғоғида, ҳоз. Казалинск ш. яқинида жойлашган. 9—13-а. манбаларида Янгикент номи б-н машҳур бўлган. 10-а. манбаларида айтилишича, Ж. ўғузлар мамлакатининг асосий шаҳри ҳисобланган. Ж. мўғуллар истилоси (13-а.)га қадар Сирдарёнинг қуйи оқимида яшаган аҳолининг сиёсий қароргоҳи, савдо ва ҳунармандчилик маркази бўлган. Волга бўйи, Киев ва Новгород б-н алоқа қилиб турган. 16-а. бошларида, *шайбонийлар* даврида Ж. хароба ҳолга келган.

ЖАННА Д'АРК (Jeanne d'Arc), Орлеан қизи, (тахм. 1412, Домреми қишлоғи — 1431.30.5, Руан) — Франциянинг миллий қаҳрамони. Оддий деҳқон оиласида туғилган, ёшлигидан тақводор бўлиб ўсган. *Юз йиллик уруш* (1337—1453) даврида инглиз босқинчиларига қарши француз халқининг умумхалқ курашига раҳбарлик қилиб, урушда тубдан бурилиш ясалишига сабабчи бўлган. Орлеан қамалини эшитгач, у Вокулер ш.га келиб, қалъа бошлиғини ўзининг зиммасига Францияни инглизлардан халос этиш вазифаси юклатилганлигига ишонтира олди. Эркакча кийинган ва қуролланган Жанна катта қийинчиликлар б-н валиаҳд шаҳзода Карл қабулига кириб (1429 й. фев.) уни кескин ҳарбий ҳаракатларни бошлашга даъват эта олган. Ёшгина қизалоққа француз қўшинига қўмондонлик қилиш топширилгач, Ж.д'А. илоҳий муждалар ёрдамида бирин-кетин ажойиб ғалабаларни қўлга кирита бошлаган. Ж.д'А. ҳамалдаги Орлеанни халос қилгач (1429 й. 8 май), унга Орлеан қизи номи берилган. Патэ ёнидаги жангдаги ғалаба (1429 й. 18 июнь), Шампань графлигини озод қилиниши унинг обрўсини янада ошишига сабаб бўлган. Жанна Реймсни озод қилиб валиаҳд Карл VII ни Франция қироли деб эълон қилган ва унга тож кийдириш маросимини ўтказган (1429 й. 17 июль). Ж.д'А.нинг оддий халқ ва аскарлар ўртасида обрўси ошиб кетиши қирол ва сарой аристократиясига ёқмаган. Уни ҳарбий ҳаракатларга раҳбарлик қилишдан четлатганлар. Компьен остоналарида бўлган жангда Ж.д'А. инглизларга иттифоқчи бўлган бургундлар томонидан асир олинган (1430 й. 24 май) ва Бургундия герцоги уни 10000 ливрга инглизларга сотган. 1430 й. охирида инглизлар Ж.д'А.ни Руан ш.га келтириб, черков судига топширганлар. Черков суди уни даҳрийлик ва жодугарликда айблаган. Ж.д'А.ни Руаннинг марказий майдонида ёқишган.



Юз йиллик уруш тугагач, Францияда чақирилган Оқлов жараёнида Ж.д'А.нинг айбсизлиги тўла исботланган (1456). Рим папаси кейинчалик уни авлиёлар қаторига қўшган (1920). Ҳоз. кунда Жанна қатл этилган жой оқ бут чекилган мармартош б-н белгиланган. У ҳақида жуда кўп илмий ва бадиий асарлар яратилган. Ф. *Шиллер* «Орлеан қизи», А. Франс «Жанна д'Арк тарихи», Б. Шоу «Авлиё Жанна» пьеса-хроникаларини ёзишган. М. Твеннинг «Жанна д'Арк» тарихий романи ўзбек тилида нашр қилинган (Т., 1965).

Қаҳрамон Ражабов.


ЖАННАТ — кўпчилик диний таълимотларга кўра, тақводор диндорлар нариги дунёда роҳат ва фароғатда яшайдиган жой. Яҳудийлик, христианлик, ислом динларидаги асосий тушунчалардан бири. Барча динларда Ж. *дўзах*га қарама-қарши қўйилади. Библия (Қадимги аҳд)да Ж. гўзал боғ сифатида тасвирланади, унда Одамато б-н Момоҳаво яшагани, улар гуноҳ иш қилиб қўйганларидан кейин Ж.дан қувилгани ҳақида ёзилган. Қуръонда Ж. ҳақида бир неча ерда баён қилинган (47: 15; 55: 46—78; 76: 11—22). Диний ақида бўйича, бу дунёдаги ҳаёти давомида имонли ҳолида эзгу ишлар б-н ўтган, шунингдек, ҳаётлигида Аллоҳ томонидан Ж.дан жой берилади. Ж.даги ҳаёт абадий, безаволдир. Ж.дагиларни Аллоҳ турли неъматлар б-н таъминлайди. У ерда ғам-ғусса ва ташвиш йўқ. Одамларнинг яхши кўрган барча нарсаси муҳайё этилади. Қуръонда Ж. дарахтзор, ариқларда зилол сувлар оқиб туради, деб таърифланади. У ерда инсонлар қаримайди ва касал ҳам бўлмайди. Диний таълимотда таъкидланишича, Ж.да ҳавзи Кавсар мавжуд бўлиб, унинг суви оқ ва муздайлиги ҳамда хислатлари таърифланади. Ҳавзи Кавсардан Ж. аҳли сув ичади.

Ислом динига кўра, Ж.нинг 8 та дарвозаси бор. Булар: 1) Пайғамбарлар, шаҳидлар, сиддиқ бандалар ва сахийлар; 2) намозхонлар; 3) закот берувчилар; 4) амри маъруф, наҳйи мункар қилган мўминлар; 5) нафсу шаҳватини жиловлаб юрганлар; 6) ҳаж ва умра қилганлар; 7) Аллоҳ йўлида жидду жаҳд қилганлар; 8) тақводорлар ва ота-онасини рози қилганлар кирадиган дарвозалардир. Ж.ни қўриқловчи фариштa «Ризвони жаннат» деб аталади. Ж.да энг олий неъмат Аллоҳнинг дийдорини кўришлик ҳисобланади.

Абдуғани Абдуллаев, Абдулазиз Мансур.

ЖАННАТ ПАШШАХЎРЛАРИ, жаннат чивинхўрлари (Terpsiphone) — пашшахўр (чивинхўр)лар оиласи уруғига мансуб қуш. Нарисининг бошида кокили бўлади, думидаги патларидан бир жуфти жуда узун. 10 га яқин тури бор, тропик Африка, Австралия, Жан. ва Шарқий Осиёда учрайди. Ўзбекистонда *думпараст* (T. paradisi) тоғли ўрмонларда яшайди.

ЖАННАТҚУШЛАР (Paradiseidae) — чумчуқсимонлар туркумининг оиласи. Пати жуда чиройли, ялтироқ. Нарилларининг «безатувчи» пати узун бўлади. 43 тури маълум. Молукка я. о.дан то Луизиада архипелагигача бўлган жойларда ва Шарқий Австралияда яшайди. Ж. қораялоқдан қузғунгача катталикда бўлади. Баъзиларининг думи жуда узун. Тропик ўрмонларда, бутазорларда, айрим турлари тоғларда яшайди. Косасимон уя қуриб, 1—2 та тухум босади. Ўсимлик уруғлари, мевалари, ҳашаротлар ва уларнинг личинкалари, ўргимчаклар, моллюскалар, калтакесаклар, қурбақалар, баъзилари нектар б-н озиқланади. Пати бош кийим ва кийим-кечакларни безашда ишлатилади. Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи Қизил китобига 9 тури киритилган.



Жаннатқушлар: 1 — катта жаннатқуш; 2 — пашшатутар жаннатқуш; 3 — бокира жаннатқуш.

ЖАНОЗА — кенг маънода — исломдаги дафн этиш маросими (қ. *Дафн маросими*); майит; тобут. Тор маънода — вафот этган мусулмон эркак ва аёл жасадини кўмиш олдидан ўқиладиган намоз (салоти Ж.). Ж. маросимлари турли мусулмон мамлакатларида турлича бўлиб, улар тегишли урф-одатлар б-н боғлангандир. Шариат кўрсатмаларига қараганда, Ж. намози тирик туғилган бегуноҳ чақалоқдан тортиб, гуноҳ қилган, қилмаганлигидан қатъи назар барча марҳум ва марҳумаларга ўқилади. Қуръон оятлари ва ҳадиси шарифларда ифода этилган қоидаларга кўра, мурдани ювиб, кафанга ўраб, тобутга жойлагач мусулмонлар жамоати иштирокида имом бошчилигида адо этиладиган Ж. намозини қиблага юзланган ҳолда, саф-саф бўлиб ўқийдилар. «Азобда ўлганлар», шаҳид бўлганлар ювилмайди ва Ж. ўқилмай кўмилаверади. Бирор сабаб б-н Ж.сиз кўмилган бўлса, мурда айнимай туриб, қабр устида Ж. намози ўқилиши мумкин. Ж. намозини ўқиш тириклар зиммасидаги фарзи кифоя амаллардан бўлиб, уни бир гуруҳ мусулмонлар ўқиши б-н бошқа кишилар зиммасидан соқит бўлади. Ислом динига кўра, марҳум Ж.сиз кўмилган тақдирда имконият бўла турриб Ж. ўқимаган кишилар гуноҳкор ҳисобланадилар. Ж. намози 5 вақт ўқиладиган намоздан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Мас., Ж. намозида тўрт такбир, сано, саловат, дуо ва салом б-н кифояланилади. Унда руку, сажда, қироат, қаъда, ташаҳҳуд каби амаллар йўқ.

Абдулазиз Мансур.



Жанпиқ қалъа топилмалари: 1—кўза; 2—човли; 3—ёғлоғи; 4—ташнобнинг қопқоғи; 5—чироғдон; 6—тошдан ясалган буюмлар.

ЖАНПИҚ ҚАЛЪА, Жампиқ қалъа — Хоразм воҳасида қад. шаҳар-қалъа харобаси (мил. 3—4—12—14-а.лар). Қорақалпоғистоннинг Беруний тумани рақалпоғистонининг Беруний тумани шим.-ғарбида, Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Ж.қ. дастлаб С. П. *Толстов* томонидан аниқланган (1940), қазишма ишлари Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон филиалининг археологик отряди томонидан илк бор 1965 й. (сўнгра 1968—71, 1979—86) олиб борилган. Ж.қ.нинг майдони тахм. 12 га. Ж.қ.га антик даврда асос солинган. Ж.қ.нинг устки маданий қатлами Амударё суви ювиб кетиши натижасида яхши сақланмаган. Ж.қ.дан мудофаа деворлари, кўчалар, ҳаммомлар, турар жойлар, ҳунармандлар яшайдиган маҳалла қолдиқлари очилган. Сув қувурлари, хўжалик ўралари; турар жойлардан тандир, ўчоқ, ташноб; ҳунармандлар маҳалласидан заргарлик буюмлари, шунингдек, кичик шиша идишлар, дераза ойна, сопол ва темир буюмлар ясайдиган, газламаларга, кўн-терига ишлов берадиган устахоналар қолдиқлари топилган. *Олтин Ўрда* тангалари, береста ўрамлари, чавандозлар тасвири туширилган эроний сопол идишлар, кўплаб кошин, ички ва ташқи томони феруза ранг б-н сирланган идишларнинг топилиши, Ж.қ.кларнинг 13—14-а.ларда Олтин Ўрда, Шарқий Европа ва Яқин Шарқ мамлакатлари б-н савдо муносабатларида фаол иштирок этганлигидан гувоҳлик беради. Ж.қ.кликлар ҳаётида чорвачилик ҳам муҳим ўрин тутган. Бу Ж.қ.да хўжалик ва маиший ҳаёт анча ривожланганини кўрсатади.

Ад.: Кдырниязов М., Материальная культура городов Хорезма в XIII—XIV веках, Нукус, 1989; Алнакбарова А. А., Аршавская З. А., Жампыккала. Жилая архитектура пограничного города правобережного Хорезма, Т., 1990.

ЖАНР (франц. genre — жинс, тур) — санъат турларида тарихан шаклланган ички бўлиниш ҳамда мазкур бўлинишни ифодаловчи тушунча; шакл ва мазмун бирлигидаги ўзига хос хусусиятларига эга бўлган санъат асарининг алоҳида тури. Санъат асарларининг Ж. гуруҳларига бўлиниши турли (танланган мавзу, бадиий-ғоявий мазмун, шакл жиҳатлари ва б.) мезонларга таяниб амалга оширилади; ҳар бир санъат турида Ж. таснифи ўзига хос тизимни ташкил этади.

Адабиёт (бадиий-адабий ижод)да Ж. асарнинг қайси адабий турга тааллуқлилиги, ҳажми ва образларининг қурилиши усули (рамзийлиги, мажозийлиги, ҳужжатлилиги) б-н белгиланади. Ж.нинг 3 асосий тури мавжуд: эпик Ж. (қаҳрамонлик *достон*лари, *роман* ва *ҳикоя*), лирик Ж. (*қасида, элегия, шеър, қўшиқ* ва б.)., драматик Ж. (*трагедия, драма, комедия*). Мазкур

Ж.лар асар мавзуига кўра янада майдароқ қисмларга ҳам бўлинади (мас., маиший, психологик мавзудаги романлар; ҳажвий, лирик комедиялар ва *водевиль* ва б.).

Тасвирий санъатда, аввало, тасвирланаётган нарсага, баъзан тасвир хусусиятига кўра асосий Ж.лар белгиланади (мас. *портрет, манзара* ва б.). Кейинги (янада майда) бўлинишлар бадиий ижодда билиш, ғоявий баҳолаш, бадиий образ бўлаклари аралашуви б-н аниқланади. Шунга кўра, портретчи рассом нуқтаи назари умумий (портрет)гина бўлиб қолмай, шунингдек, истеҳзоли (шарж) ва қаҳрли фош этувчи (карикатура) шаклига эга бўлиши мумкин. Асосий Ж.ларнинг жанрчалари тасвир соҳасини хусусийни янада хусусийларга бўлишларда ҳосил бўлади (мас., денгиз кўриниши *марина — манзара*нинг бир тури ва ш. к.).

Мусиқада асарларнинг ҳаётдаги ўрни, ижро этилиш жойи ва шароитига кўра, маиший, маросим, базм ва байрам, *ҳарбий мусиқа, концерт, камер мусиқаси* каби; ижро хусусиятларига қараб, *вокал* ва *чолғу мусиқаси*, шунингдек, *якка, ансамбль, хор, оркестр* мусиқаси ва б. гуруҳлар ажратилади. Мазмун ва бадиий моҳияти нуқтаи назаридан мусиқада ҳам эпик (мас., китобхонлик йўллари, достон *термалари*, *баллада* ва б.), лирик (*ашула, ария, мадҳия, поэма* ва б.) ҳамда драматик (мусиқий томоша, *мусиқали драма, опера* ва *симфония* каби) турларини белгилаш мумкин.

Қад., ўрта асрлар ва Уйғониш даври санъатларида Ж.лар орасида аниқ чегара қўйилмаган. *Классицизм* даври (Франция) дагина қатъий Ж. тизими яратилди. 19-а.да Ж.лар орасига қатъий чегара қўйилиши б-н айрим Ж.лар ўз аҳамияти ва етакчилигини йўқотди, айримлари (портрет, манзара, концерт, симфония ва б.)нинг ўзаро таъсирда, янги турларининг пайдо бўлиши каби мураккаб жараёнлар юзага келди. Санъатшуносликда Ж. тушунчаси 17-а.да пайдо бўлиб, жаҳон санъати тарихининг барча даврларига нисбатан асарларнинг ифодавий ва мазмун хусусиятларини таҳлил қилишда қўлланилади.

ЖАНУБ, жануб нуқтаси — математик (ҳақиқий) уфқ б-н осмон меридиани кесишган нуқта. Уфқда дунёнинг жан. қутбига энг яқин жойлашган. Ж. уфқнинг асосий нуқталаридан бўлиб, шимол нуқтасига қарама-қарши жойлашган (қ. *Осмон гумбази*). Ўзбек тилидаги хариталарда Ж. ёки халқаро хариталарда S ҳарфлари б-н белгиланади.

ЖАНУБ ТУНЛАМИ — қ. *Ёввойи тунлам.*

ЖАНУБИЙ АВСТРАЛИЯ — Австралия Иттифоқидаги штат. Ҳинд океанининг Катта Австралия қўлтиғи соҳилида. Майд. 984 минг км². Аҳолиси 1,5 млн. киши (2000). Маъмурий маркази — Аделаида ш.

Штат ҳудудининг рельефи асосан, текислик, тоғ массивлари ҳам учрайди (Стюарт, Масгрейв ва б.). Қуруқ ўзанлар ва кўллар (Эйр, Гэрднер, Торренс) бор. Энг катта дарёси — Муррей. Штат ҳудудининг чўл ва чала чўлдан иборат шим. ва шим.-ғарбида йилига 100—200 мм ёғин тушади. Жан. ва жан.-шарқида иқлим мўътадил, 500—1000 мм ёғин ёғади, тупроғи унумдор. Йиллик ўртача т-ра 20°, янв.ники — 30°.

Штат экин майдонининг қарийб 25% ига бугдой экилади. Боғ кўп. Мевачилик ва токчилик ривожланган. Хўжалигининг асосий тармоғи — яйлов чорвачилиги (қўй, қорамол, от, чўчқа боқилади).

Кончилик (мис ва темир рудалари, тошкўмир, табиий газ олинади) ривожланган. Саноатда қора ва рангли металлургия етакчи ўринда. Кемасозлик, машинасозлик (қ. х. машиналари, автомобилсозлик, ракетасозлик), нефть кимёси саноати корхоналари бор. Штатнинг жан. қисмида қ. х. маҳсулотларини қайта ишловчи саноат корхоналари жойлашган. Вино ишлаб чиқариш яхши йўлга қўйилган. Йирик саноат марказлари: Аделаида ва Порт-Агаста.

ЖАНУБИЙ АЛИЧУР ТИЗМАСИ — Помирнинг жан.даги баланд тоғ тизмаси (Тожикистонда). Уз. 150 км. Аличур водийси ва Яшилкўл ҳавзаси б-н Помир водийси ҳамда Зўркўл ҳавзаси орасидаги сувайиргич. Тизманинг тепалари қоялар, қиррали чўққилар ва музлик водийларидан иборат бўлиб, доимий қор ва музликлар б-н қопланган. Энг баланд чўққиси 5706 м. Ж. А. т. гранит, гнейс, кристалли сланецлардан таркиб топган. Ўсимлик сийрак, ён бағирларида шўра-шувоқ типли баланд тоғ-чўл ўсимликлари ўсади. Музликлар бор.

ЖАНУБИЙ АМЕРИКА — Ғарбий ярим шарнинг жан. қисмидаги материк, Америка қитъасининг жан. ярми. Шарқдан Атлантика океани, ғарбдан Тинч океан ўраб туради. 12°25′ ш. к. (Гальинас бурни) б-н 53°54′ ж. к. (Фроуэрд бурни) ва 81°20′ ғ. у. (Париньяс бурни) б-н 34°46′ ғ. у. (Кабу-Бранку бурни) оралиғида. Шим.да Панама бўйини орқали Шим. Америка б-н туташ, жан. да Дрейк бўғози орқали Антарктидадан ажралиб туради. Материкнинг энг узун жойи 7150 км, энг кенг жойи 5100 км. Ж. А. таркибига Шамолсиз о.лар, Тринидад о., Фолкленд, Оловли Ер ва Чили архипелаглари, Галапагос о.лари киради. Майд. (ороллар б-н бирга) 18,28 млн. км². (577- б. олдидаги рангли харитага қ.).

Табиати. Ж. А.нинг қирғоқлари кам парчаланган. Шим.да Венесуэла қўлтиғи, ғарбида Гуаякиль, жан.-ғарбида фьордлар, жан.-шарқида Ла-Плата, Сан-Хорхе ва б. қўлтиқлари бор.

Рельефи ва геологик тузилиши. Ж. А.нинг шарқида ўртача баландликдаги ясситоғликлар, баланд текисликлар, пасттекисликлар, ғарбида материкни ғарб ва шимол томондан ўраб турган *Анд тоғлари* (ўртача бал. 5000—6000 м, энг баланд жойи — 6960 м, Аконкагуа тоғи) жойлашган. Анд тоғлари шарқида Жан. Америка платформасининг Гвиана ясситоғлиги (Неблин тоғи, 3014 м) ва Бразилия ясситоғлиги (Бандейра тоғи, 2200 м) бор. Анд тоғлари ва ясситоғликлар оралиғида учламчи ва тўртламчи давр ётқизиқлари б-н тўлган Ориноко, Амазонка, Ла-Плата пасттекисликлари ва Ички текисликлар (Пампа, Гран-Чако, Икки дарё оралиғи ва б.) жойлашган. Материкнинг чекка жан.-шарқида мезо-кайнозой чўкинди жинслари ва муз келтирган ётқизиқлар б-н қопланган қад. Патагония платформаси бор.

Ж. А. материги 2 асосий структурали бўлак — марказий қисмидаги Жан. Америка платформаси ва материкни шим., ғарб ва жан.дан ўраб турган Анд бурмали тоғ минтақасидан иборат.

Жан. Америка платформаси архей, протерозой эраларида ва қисман кембрий даврида бирлашган турли ёшдаги блоклардан тузилган. Фундаментининг энг йирик кўтарилмалари — Гвиана, Ғарбий Бразилия ва Шарқий Бразилия қалқонларидир. Гвиана ва Ғарбий Бразилия қалқонлари архей ва қуйи протерозойнинг чуқур метаморфикланиш ўзгарган (деформациялашган) қатламларидан, шунингдек, ўрта ва юқори протерозой гранитларидан ташкил топган. Шарқий Бразилия қалқони кембрийгача даврда ҳосил бўлган алоҳида блоклардан иборат бўлиб, юқори протерозойнинг геосинклиналь бурмали системаси б-н ўраб олинган. Кенг Амазонка ботиғи протерозой охири — палеозой бошларида вужудга келиб, Гвиана ва Ғарбий Бразилия қалқонларини ажратиб турувчи катта сиқиқ зона бўйлаб жойлашган. Меридиан бўйлаб чўзилган бошқа ботиқ Шарқий Бразилия қалқонини Ғарбий Бразилия қалқонидан ажратиб туради;

унинг ўрта қисми — Сан-Франсиску ботиғи, асосан, протерозой охирида шаклланган. Шим. ва жан. ботиқлар — Мараньян (Паранаиба) ва Парана синеклизалари ўрта ва юқори палеозой ва мезозойда вужудга келган. Жан. Америка платформасининг жан. қисмида қуйи палеозой фундаментини ўз ичига олган Патагония платформаси анча ёш. Унда иккита кўтарилма — Шим. Патагония ва Жан. Патагония, иккита букилма: Неукен-Сан-Матиас ва Чубут-Сан-Хорхе мавжуд.

Ж. А.нинг ғарбидаги 9000 км га чўзилган Анд тоғлари ўзининг геологик тарихи ва тузилиши б-н фарқ қилувчи бир неча системадан иборат. Улар альп бурмаланиши (мезо-кайнозой) даврида шаклланган, шу б-н бирга, тоғ асоси мезо-кайнозойдан олдин вужудга келган шарқий тоғ тизмаларини ҳам ўз ичига олади. Ғарбий тизмалар мезозой-палеоген ётқизиқлари ва қалин вулкан жинсларидан ҳосил бўлган. Бу жойларда тез-тез ҳалокатли зилзилалар бўлиб туради [мас., Чили (1960) ва Перу (1970) зилзилалари]. Анд тоғларининг кўпгина чўққилари ҳаракатдаги ва сўнган вулканлардир (Мисти, Чимборасо, Котопахи, Сакама ва б.). Кўпгина тизмаларда доимий қор ва музликлар (майд. 25 минг км² чамасида) учрайди. Анд тоғларининг марказий қисмидаги тизмалари орасида, 3500—4600 м баландликда чўл иқлимли плато — пуналар бор.

Фойдали қазилмалари. Гвиана ва Бразилия ясситоғларида темир, марганец, боксит, нодир металларнинг йирик конлари, Анд тоғларининг этакларида нефть, юқорироғида мис, полиметаллар, кўрғошин, молибден, вольфрам, платина конлари бор. Селитра, йод ва бромнинг йирик конлари топилган.

Иқлими. Ж. А.ни экватор кесиб ўтган, унинг катта қисми экваторга яқин. Материкда 6 иқлим минтақаси (экваториал, шим. субэкваториал, жан. субэкваториал, тропик, субтропик ва мўътадил минтақалар) мавжуд. Амазония ва Колумбиянинг ғарбида доим сернам ва иссиқ, Экваториал Анд тоғларининг Эквадор ва Колумбия жан. даги қисмида тоғ-экваториал иқлим. Материкнинг чекка шим. ва маркази, Ички текисликлар шим. ва Эквадор ғарби ёз сернам, қиш қуруқ бўладиган субэкваториал иссиқ минтақада. Тропик иссиқ минтақадаги Бразилия ясситоғлигининг шарқида йил бўйи сернам. Гран-Чакода ўртача континентал, Марказий Анд тоғлари ва 5°—28° ж. к. орасидаги соҳилда чўл иқлими. Субтропик минтақанинг шарқи (Уругвай, Икки дарё оралиғи ва Пампанинг шарқи)да иқлим доим сернам, ёз иссиқ, қиш илиқ, маркази (Пампанинг ғарби, Кордильера тоғлари этаги)да континентал, ёзда тез-тез жала ёғиб туради, ғарби (Чилининг ўрта қисми)да Ўрта денгизга хос, ёз қуруқ, қиш сернам, салқин; шарқи (Патагония)да мўътадил континентал иқлим. Энг кўп ёғин Анд тоғларининг Колумбия ғарби ва Чили жан.даги шамолга рўпара ён бағирларига ёғади (йилига 5000 мм гача). Амазония ғарби, Гвиана ва Бразилия ясситоғларининг шарқий ён бағири ва Парана платосида йилига 2000—3000 мм, материк шарқининг 35° ж. к.гача бўлган қисмида 1000—2000 мм, Патагония ва Кордильера этакларида 150—250 мм ёғин ёғади. Тинч океан соҳилининг 22—27° ж. к.лар орасида *Атакама* чўли бор. Субтропик ва ўрта кенгликлар ҳамда тоғ тропик иқлимли ўлкаларда ҳарорат мавсумга қараб ўзгариб туради. Материкнинг жан. тропик-кача бўлган ҳамма шим. текислик қисмида ўртача ойлик т-ра 20—28°. Энг юқори т-ра Гран-Чакода кузатилган (47°). Қишда (июль) ўртача ойлик т-ра Бразилия ясситоғлигида 12—16°, Пампада 6—10°, Патагония платоларида 0° (энг паст т-ра —35°).

Ички сувлари. Йирик дарёлари — *Амазонка* (ҳавзасининг катталиги ва серсувлиги б-н Ер юзида 1-ўринда), Парана, Ориноко, Уругвай, Магдалена, Сан-Франсиско ва б. Атлантика океани ҳавзасига мансуб. Анд тоғлари икки океан ўртасидаги асосий сувайиргичдир. Дарёлар, асосан, ёмғирдан, тоғлардан бошланадиганлари эса қор ва музликлардан сув олади. Анд тоғларининг йил бўйи сернам жойларидан оқиб тушувчи дарёлар катта гидроэнергия ресурсларига эга. Анд тоғларидаги дарёлар серостона, шаршара (дунёдаги энг баланд — *Анхель* шаршараси, 1054 м) кўп. Ички ўлкаларда дарёларнинг транспорт аҳамияти катта. Йирик кўллари Патагония, Анд тоғлари ва Чилининг ўрта қисмидадир. Марказий Анд тоғларида дунёда энг баланд йирик тектоник кўл — *Титикака* жойлашган. Материкнинг шим. ва жан.-шарқида лагуна-кўллар (Лагоа-Мирин, Патус, Маракайбо) бор.



Рио-де-Жанейро шаҳридаги Пан-ди Асукар тоғи.

Тупроқ ва ўсимликлари. Ж. А.нинг 40° ж. к.гача бўлган катта қисми неотропик области, жан. қисми Антарктика областига мансуб. Материкнинг шим.да доим яшил ўрмонлар, саванна ва буталар ҳамда латерит тупроқлар катта майдонни эгаллаган. Анд тоғларида баландлик минтақалари аниқ сезилиб туради. Экваториал сернам ўрмон — гилеялар, асосан, Амазония ва Колумбия ғарбида жойлашган, уларнинг тупроғи подзоллашган латерит тупроқ. Анд тоғларининг текисликларга туташган ён бағирларида тоғ гилеялари, юқорироқда дарахтсимон папоротник ва бамбуклар, хин ва кока дарахтлари, тоғ тепасида буталар ўсади, 3200 м баландликдан тоғ экватриал ўтлоқлари бошланади. Экваториал ўрмонлардан жан. ва шим.да субэкваториал ўрмонлар жойлашган. Льянос-Ориноко текислигининг жан., Магдалена пасттекислиги, Бразилия ясситоғлигининг шим.даги қизил тупроқли ерларда сернам саванналар, материкнинг шим. чеккаси ва Бразилия ясситоғлигининг шим.-шарқидаги қизил-жигарранг ва қизил-қўнғир тупроқли ерларда суккулент ва бутазор қуруқ саванналар бор. Бўз жигарранг тупроқли Гран-Чакода сийрак дарахтли қуруқ



Гуахиро индейслари.

ўрмонлар кўпроқ. Субтропикларнинг тупроқ-ўсимлик зоналари, худди Шим. Америкадаги каби, асосан меридионал йўналишда. Субтропик ўрмонли дашт зонасидаги қизғиш-қора тупроқли ерларда қарағай ўрмонлари, саванналар, Кордильера тоғлари этагидаги бўз тупроқли чала чўл ва чўлларда тиканакли бута ва кактуслар ўсади. Патагониядаги бўз тупроқли чала чўлларда буталар, Жан. Анд тоғларидаги қўнғир тупроқларда аралаш қалин ўрмонлар бор. Ж. А. озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон, саноат хом ашёси ва қимматбаҳо ёғоч берадиган ўсимликлар (шоколад дарахти, какао, хин ва қизил дарахтлар, гевея, кебрачо ва б.)га бой.

Ҳайвонот дунёси неотропик областга мансуб. Бу область Ж. А.да материкнинг шим. катта қисмини ўз ичига олган Гвиана-Бразилия кичик области ва жан. текисликлар ҳамда Анд тоғларини (Эквадоргача) ўз ичига олган Патагония-Анд кичик областига бўлинади. Эндемик ҳайвонлар (нанду туяқуши ва б.) кўп. Қалин ўрмонларда кенг бурунли маймунлар, ялқов, чумолихўр, дарахт жайраси (коэнду), халтали каламуш (опоссум), кинкажу айиғи, кўршапалаклар ва б. яшайди. Ерда яшовчи ҳайвонлардан қалқондор, тапир, ягуар, қора чўчқа, ўрмон ити, ҳоз. замондаги энг йирик кемирувчи — сув чўчқаси (капибара) бор. Дарёларида дарё дельфини (иния), тимсоҳ, балиқларнинг 2000 тача тури ва дарахт бақалари яшайди. Қушлар (тўтилар, колибри, кондор ва б.) ҳамда судралиб юрувчилар (заҳарли ва бўғма илонлар, калтакесаклар) кўп. Эндемик ҳашаротлар (улкан капалаклар, чумолилар), саванналарда кийик, нанду туяқуши, кемирувчилар бор. Материкнинг жан. қисмидаги очиқ дашт ва чала чўлларда пума, кийик, пампа мушуги ва тулкиси, магеллан ити, ёлдор бўри; кемирувчилардан видра, ботқоқ нутрияси, мара, туко-туко, қушлардан бургут, паламедея ва б. яшайди.

География тадқиқотлар тарихи. 11-а.да Абу Райҳон Беруний Ғарбий ярим шарда, яъни Атлантика океанининг ортида катта қуруқлик бўлиши керак деб башорат қилган. Американинг европаликларга расман кашф қилиниши Ҳиндистонга, яъни Шарқий ва Жан. Осиёга ғарбдан сув йўли орқали боришни мақсад қилган Х. *Колумб* экспедициясидан бошланди. 1498 й.да Х. Колумб Тринидад о. ва Ж. А.нинг Ориноко дарёси дельтаси атрофидаги соҳилини, 1499—1501 й.ларда А. Ниньо (А. Охеда ва А. *Веспуччи* б-н бирга) ва Р. Бастидас бошчилигидаги испан экспедициялари материкнинг бутун шим. соҳилларини, 1500 й.да испанлардан В. Я. Пинсон ва Д. Лепе бошлиқ экспедициялар ҳамда португал П. Я. Кабрал экспедицияси шарқий соҳилини кашф этди. 1507 й.да лотарингиялик хариташунос М. Вальдземюллер жан. материкни флоренциялик Америго Веспуччи шарафига Америка деб аташни таклиф қилди. 1541 й.дан кейин бу ном Шим. Америка учун ҳам расм бўлди.

1516 й.да испан денгизчиси Х. Д. Солис Уругвай ва Парана дарёларининг қуйи оқимидаги ерларни ўрганди. 1520 й.да Ф. *Магеллан* бошлиқ испан экспедицияси яна ҳам жануброққа сузиб борди ва Патагония (ҳоз. Магеллан) бўғози орқали ўтиб Тинч океанга чиқди. Бўғознинг жан. соҳилини Магеллан Оловли Ер деб атади. Ж. А.нинг Тинч океан соҳилларини ҳам 1522—58 й.ларда испан денгиз экспедициялари ўрганди. 1578 й.да инглиз Ф. Дрейк Оловли Ернинг архипелаг эканлигини аниқлади. 1592 й.да инглиз Д. *Дейвис* Атлантика океанининг 52° ж. к.да «Дева Ери» ни тадқиқ қилди. Д. Стронг «Янги ер» ни ўрганиб, уни Фолкленд о.лари деб атади (1690). Ж. А. соҳилларини мустамлакага айлантириш ва ички қисмларини босиб олиш индейсларни кўплаб ўлдириш ва плантацияларда қул қилиб ишлатиш б-н бирга давом этди. Мустамлакачилар бойлик қидириш мақсадида материкни турли йўналишларда кесиб ўтдилар.



Ананас плантациялари.

Ж. А.нинг Шим.-ғарбий ва Экваториал Анд тоғларини ҳамда Ориноко дарёси ҳавзасини олимлардан А. *Гумбольдт* ва француз Э. Бонплан комплекс ўргандилар (1799—1802). Материк асосан 19-а. 1-ярмидан ҳар томонлама тадқиқ қилина бошланди. Ж. А.да рус сайёҳларидан А. С. Ионин (1889—92), Н. М. Албов (1895—96), Г. Г. Манизер (1914—15) ва Н. И. Вавилов (1932—33) бўлган.

Аҳолиси. Америка европаликларга маълум бўлгунга қадар Ж. А. аҳолиси индейс қабилалари ва халқларидан иборат эди. Улар бундан 17—20 минг йил илгари Осиёдан Беринг бўғози, Шим. Америка орқали кириб борган деб ҳисобланади. Ж. А.га европаликлар келгач, маҳаллий аҳолининг кўпчилиги юқумли касалликлар, шафқатсиз эксплуатация ва б. сабаблар туфайли қириб кетган. Ж. А.нинг ҳоз. аҳолиси Европадан кўчиб борганларнинг авлодлари ва метислардан (Африкадан келтирилган қуллар б-н маҳаллий индейсларнинг аралашувидан) ташкил топган.

Антропологик жиҳатдан Ж. А. аҳолиси ҳар хил: унда европоид, монголоид, экваториал (негр-австралоид) ирқлар аралашиб кетган. Креол, метис, мулат ва самбо аҳоли гуруҳлари пайдо бўлган.

Ж. А. аҳолисининг кўпчилиги, асосан, португал ва испан тилларида гаплашади. Лекин йирик маҳаллий халқ (кечуа, аймара ва ацтеклар) ўз она тилларини сақлаб келмоқда. Африкадан келтирилган негр авлодлари ўз она тилини сақламаган.

Ж. А. аҳолисини этник хусусиятлари ва тарқалишига кўра шартли равишда учга бўлиш мумкин: 1. Боливия, Перу, Парагвай ва Чилида, асосан, метис, индейс, европаликлар авлоди яшайди. 2. Уругвай ва Аргентина аҳолисининг кўпчилигини европаликлар ташкил этади. 3. Индейс, метис, европаликлар авлодидан ташқари сони ва этногенези жиҳатдан кўпчиликни ташкил қилган негрлар Бразилия, Колумбия, Венесуэла ва Эквадорда яшайди. Ж. А. аҳолисининг кўпчилиги, асосан, христиан динига эътиқод қилади. Негрлар ва мулатлар ўртасида католицизм б-н бирга африкаликларнинг анъанавий динлари ва одатлари сақланиб келмоқда. Тоғлик жойларда яшовчи индейсларнинг айрим қабилаларигина ибтидоий динига эътиқод қилади.

Жанубий Американинг сиёсий бўлиниши

Давлатлар ва мустамлака мамлакатлар	Майдони (минг км²)	Аҳолиси (минг киши), 2000 й.	Пойтахти, маъмурий маркази
Аргентина	2766.8	36955	Буэнос-Айрес
Боливия	1098,6	8153	Ла-Пас
Бразилия	8512	172860	Бразилия
Венесуэла	912,1	23543	Каракас
Гайана	215	697,3	Жоржтаун
Гвиана (Фр.)	90	190(1999)	Кайенна
Колумбия	1138,9	39685	Богота
Парагвай	496,8	5586	Асунсьон
Перу	1285,2	27012	Лима
Суринам	163,3	433,3	Парамарибо
Уругвай	176,2	3334	Монтевидео
Фолькленд (Мальвин) ороллари*	12,2	2,5(1996)	Стэнли
Чили	756,9	15154	Сантьяго
Эквадор	283,6	12920	Кито

* Буюк Британия мулки.

Сиёсий бўлиниши. Ж. А.нинг ҳоз. сиёсий харитаси, асосан, кўпгина давлатларнинг мустақиллик учун олиб борган кураши ва 2-жаҳон урушидан кейинги сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар натижасида вужудга келди.

ЖАНУБИЙ АМЕРИКА КОРДИЛЬЕРА ТОҒЛАРИ — қ. *Анд тоғлари.*

ЖАНУБИЙ АМЕРИКА ҒЎЗАСИ — қ. *Перу ғўзаси.*

ЖАНУБИЙ АФРИКА — *Африка*даги табиий область. Конго-Замбези сувайирғич платосидан жан.да. Майд. 5 млн. км² атрофида. Ғарбдан Атлантика, шарқдан Ҳинд океанлари ўраб туради. Ж. А.да Африканинг деярли ҳамма ландшафт типлари кичрайтирилган масштабда такрорланади, шунинг учун уни баъзан Кичик Африка деб ҳам аташади. Геологик жиҳатдан Африка платформасининг бир қисми. Баланд ерларида кембрийгача пайдо бўлган кристалл ва палеозой интрузив жинслари ер юзасига чиқиб ётади. Калахари ботиғи палеоген жинслари б-н қопланган. Жан. қисми герцин бурмаланишида вужудга келган. Ж. А. заминида қазилма бойлик кўп, улардан олтин, уран, қалай, марганец, мис, хромит, асбест, олмос ва б. саноат аҳамиятига эга. Пермь даври ётқизиқларида катта тошқўмир конлари бор. Ж. А.нинг марказий қисмида 900—1000 м ли баланд текислик, чеккалари асосан 1500—2800 м ли платодан иборат. Йирик дарёлари: Замбези, Лимпопо, Оранж ва Кунене. Ж. А. экваториал, тропик, субтропик иқлим минтақаларида жойлашган. Ёғин кам ёғадиган барг тўкувчи сийрак ўрмонлар, турли типдаги саванна ва чўллар, энг жан. қисмида субтропик доим яшил ўрмонлар бор. Ж. А.да қуйидаги давлатлар жойлашган: Ботсвана, Зимбабве, Лесото, Намибия, Свазиленд, ЖАР, Қисман — Ангола, Замбия, Малави ва Мозамбик; ороллардан — Комор ороллари, Мадагаскар, Маврикий, Сейшель о.лари, Франция мулки бўлган — Реюньон.

ЖАНУБИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИ (ЖАР) (африкаансча Republiek van Suid-Africa; инг. Republic of South Africa) — Африка жан.даги мамлакат. Майд. 1221 минг км². Аҳолиси 43 млн. кишидан ортиқ (2001). Пойтахти—Претория ш. Маъмурий жиҳатдан 9 вилоят (провинция)га бўлинади.

Давлат тузуми. ЖАР — федерализм принциплари бўйича унитар республика. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига киради. 1997 й. 4 фев.дан кучга кирган конституция амал қилади. Давлат бошлиғи — президент. Миллий ассамблея томонидан унинг аъзолари орасидан 5 й. муддатга сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият — 2 палатали парламент. У вилоятларнинг Миллий кенгаши (юқори палата) ва Миллий ассамблея (қуйи палата)дан иборат. Ижрочи ҳокимиятни президент бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. ЖАР ҳудудининг ер юзаси, асосан, плато ва ясситоғликлардан иборат. Қирғоқлари деярли текис, соҳил бўйлаб тоғ тизмалари жойлашган. Оранж дарёсидан шим.да Калахари текислиги бор. Платоларнинг шарқий соҳилидаги камбар пасттекисликка, жан.да Катта Карру сойлигига тик тушган қисми Катта Жарлик деб аталади. Дракон тоғлари унинг шарқий қисмидир. Дракон тоғларидаги Табана-Нтленяна чўққиси (3482 м) Жан. Африкадаги энг баланд нуқтадир. Катта Карру сойлигидан жан.да Кап тоғлари (бал. 2326 м гача) бор. Иқлими, асосан, тропик, 30° ж. к.дан жан.да субтропик. Катта Жарлик Ҳинд океанидан эсувчи нам шамолларни тўсиб, ички ҳудудларга ўтказмайди. Шарқий соҳилда ва Катта Жарликнинг шарқий ён бағрида денгиз иқлими, йиллик ёғин 1000—2000 мм, энг иссиқ ойнинг ўртача т-раси 25°, совуқ ойники 18°. Континентал иқлимли ички платоларда йиллик ёғин шарқда 750 мм гача, ғарбда 150 мм гача. Ёз ойларининг ўртача т-раси 27°, жан.-ғарбида 18°. Субтропик иқлимли жан.-шарқида йиллик ёғин 600—1000 мм, ёз ойларининг ўртача т-раси 21—24°, қиш ойлариники 14—17°. Чўл ва чала чўл иқлимли ғарбий соҳили совуқ Бенгела оқими таъсирида, йиллик ёғин 60—100 мм, ёз ойларининг ўртача т-раси 15°, қиш ойларники 11°.


Энг йирик дарёси — Оранж (Валь ва Каледон ирмоқлари б-н). Шим.-шарқида Лимпопо дарёси бор. Ҳинд океанига қуйилувчи бошқа дарёлари қисқа, сершув ва серостона. Ички платоларда-ги дарёлар йилнинг кўп вақтида қуриб ётади. Мамлакат ҳудудининг 2% ўрмон. Мамлакатнинг шарқий соҳилида шим. чегарадан 30° ж. к.гача қизил ва қизғиш-қўнғир тупроқли ерларда саванна, дарё водийларида пальма ўрмонлари бор. Тоғ водийларида тропик сернам ўрмонлар учрайди. Дурбандан Мосселбай ш.гача бўлган соҳилдаги қўнғир тупроқли ерларда субтропик ўрмонлар, Кап тоғларида ён бағрида доим яшил бутазорлар, платолардаги қизил-қўнғир ва қора тупроқли ерларда баобаб ва бутали саванналар бор. Калахари текислигида чўл ўсимликлари ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан арслон, қоплон, ёввойи мушук, қашқир, кийик, зебра, жирафа, фил, каркидон, ҳашаротлардан термитлар, цеце пашшаси, безгак чивини ва б. бор.

Йирик ҳайвонлари кам қолган. Крюгер, Калахари-Гемсбок миллий боғлари ва қўриқхоналар бор.

Аҳолисининг 3/4 қисми африкалик банту халқлари (шу жумладан 38,5% зулулар, 27,5% сотолар, 11,6% косалар, 6,6% шангаан-тсонга ва тсванаалар). Европаликлар 5,1 млн. (шундан голланд, француз, немис келгиндиларининг авлодлари бўлмиш африканербурлар тахм. 57,5%), ҳиндилар 1 млн.га яқин, қора танлилар 3,4 млн. Расмий тиллари — африкаанс (бур), инглиз, исиндебеле, сесото са лебоа, сесото, савати, хитсонга, сетсвана, тшивенда, исикоса ва исизулу тиллари. Динлари: христианлик (аҳолининг 77%), анъанавий динлар (18%), ҳиндулик, мусулмонлик, яҳудийлик (3,2%) ва б. Аҳолининг 60% шаҳарларда яшайди. Йирик шаҳарлари: Йоханнесбург, Кейптаун (Капстад), Дурбан, Претория ва б.

Тарихи. ЖАР аҳолисининг қад. ва ўрта асрларга оид тарихи кам ўрганилган. ЖАРнинг қад. аҳолиси готтентот (койкоин)лар, бушмен (сан)лар ва кейинчалик бу ерга келиб ўрнашган банту халқларидир. Археологик қазишлар (топилган олтин ва б. буюмлар)дан маълум бўлишича, Трансвааль ҳудуди (мил. 1-минг йиллик)да маданият юқори бўлган, темир, мис ва б. металлар эритилган.

17-а. 50-й.ларида Голландиянинг Ост-Индия компанияси ЖАРда Кап мансилгоҳини тузди. Манзилгоҳ ҳудуди секин-аста кенгая борди. Голланд ва француз келгиндилари — бурлар (кейинчалик ўзларини африканерлар деб аташган) маҳаллий аҳолини бўш ерларга сиқиб чиқариб, қулдорлик хўжаликларини тузди. Бу хўжаликларда маҳаллий аҳоли ва Ғарбий Африка, Мадагаскар, Осиёнинг турли давлатларидан келтирилган қуллар меҳнат қилди. ЖАР маҳаллий аҳолисининг мустамлакачилик зулмига қарши кураши 17-а.даёқ бошланиб, 1870—80 й.ларда кучайди. 1838, 1879 ва 1906 й.лардаги зулу халқининг уруши ва қўзғолонлари, басутоларнинг 1880 й.гача давом этган қуролли ҳаракатлари Африка халқининг мустамлакачиликка қарши курашида энг муҳим тарихий воқеалардан ҳисобланади. 18-а. охири ва 19-а. бошларида Буюк Британия Кап манзилгоҳини босиб олди. Инглиз ҳукуматининг зулми бурларни Кап манзилгоҳидан шим.га — коса, зулу, басуто, ботсван ва б. банту халқлари ерларига кириб боришга мажбур қилди. 19-а. 50-й.ларида бур республикалари — Жан. Африка Республикаси (Трансвааль) ва Озод Оранж давлати тузилди.



Жанубий Африка Республикаси байроғи.

19-а. 60-й.лари охири ва 80-й.лари ўрталарида Жан. Африкада олмос конлари топилгач, инглизлар банту халқларининг мустақил ҳудудларини шафқатсизлик б-н тортиб ола бошлади. 1899—1902 й.лардаги инглиз-бурлар урушидан кейин бур республикалари Англия қўл остига ўтди. 1910 й.да эса Британия империясининг доминиони бўлган Жан. Африка Иттифоқи (ЖАИ) тузилди.

Жан. Африкада олмос ва олтин конларининг очилиши б-н жамиятнинг ижтимоий таркиби кескин ўзгарди: ишчилар ва социалистик ҳаракатлар пайдо бўлди. 19-а.нинг 40—50-й.ларида касаба уюшмаларининг биринчи ташкилотлари тузилди. 80-й.ларга келиб, улар европалик ишчиларнинг йирик касаба уюшмаларига айланди.



1912 й. ҳукуматнинг *апартеид* сиёсатига қарши Африка миллий конгресси (Саҳрои Кабирдан жан.да яшовчи африкаликларнинг энг йирик ташкилоти) тузилди. 1-жаҳон урушида ЖАИ Буюк Британия томонида иштирок этди. Урушдан сўнг Германия Жан.-Ғарбий Африка (Намибия)ни бошқариш учун Миллатлар Иттифоқи мандатини олди.

ЖАИда ишчи ва миллий озодлик ҳаракати авж олди. Оқ танли ишчилар ва африкаликларнинг йирик иш ташлашлари бошланди. 1920 й. бошларида африкалик кончиларнинг биринчи умумий иш ташлаши (70 мингдан ошиқ киши), 1922 й. мартда оқ танли кончиларнинг қуролли қўзғолони бўлиб ўтди.

2-жаҳон урушида ЖАИ гитлерчиларга қарши коалиция томонида қатнашди, аммо африканерларнинг ашаддий миллатчилари фашист Германияси б-н ҳамкорлик қилишди.

Урушдан сўнг ЖАРнинг Европадаги давлатлар б-н алоқаси кучайди. Ҳокимият Миллат партияси қўлига ўтгач (1948), мамлакатда реакция кучайди. Бу партия раҳбарларидан Д. Ф. Малан (1948—54), И. Г. Стрейдом (1954—58), Х. Ф. Ферворд (1958—66), Б. Форстер (1966—79) ва П. Бота (1980—89) даврида террор ва ирқий камситиш кучайди. Партиянинг апартеид сиёсати туфайли африкаликлар, метислар, индейслар ҳаёти янада оғирлашди. 1961 й. 31 майда ЖАИ ҳукумати «оқ танли»лар ўртасида референдум ўтказиб, мамлакатни Жанубий Африка Республикаси деб эълон қилди.

Апартеид сиёсатига қарши кураш 1980-й.ларда айниқса кучайди. Ҳукмрон Миллат партияси ҳукумати ирқчилик қонунларини бекор қилишга мажбур бўлди, сиёсий партияларнинг, шу жумладан Африкаликлар Миллий Конгресси фаолиятига рухсат берилди. 1991 й.да парламент турар жойларда ер эгалигида ирқий айримачиликни бекор қилди. 1994 й.да муваққат конституция кучга кирди. Шу йил апр.да Миллий ассамблеяга кўп ирқли сайлов бўлди. Африкаликлар Миллий Конгресси раиси Н. Мандела ЖАР президенти этиб сайланди. 1999 й.дан президент Т. Мбеки.

ЖАР — 1945 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 27 апр. — Озодлик куни (1994). ЎзР б-н дипломатия муносабатларини 1992 й. 12 авг.да ўрнатган.

Асосий сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. Жан. Африка Африкаликлар Миллий Конгресси, ҳукмрон партия, 1912 й.да асос солинган; Янги миллат партияси, 1914 й.да ташкил этилган; Демократик партия, 1989 й. ташкил этилган; Жан. Африка конструктив партияси, 1982 й. тузилган; Миллий халқ партияси; Панафрика конгресси, 1959 й. тузилган; Жан. Африка Коммунистик партияси, 1921 й. тузилган. Жан. Африка касаба уюшмалари конгресси, 1985 й. ташкил этилган.

Хўжалиги. ЖАР — хўжалиги юксак даражада ривожланган индустриал-аграр мамлакат, Африкада иқтисодий жиҳатдан энг тараққий этган давлат. Унда саноати ривож топган мамлакатларга хос кўрсаткичлар ҳам, учинчи дунё мамлакатлари учун хос бўлган айрим иқтисодий белгилар ҳам учрайди. Саноат и. ч. ҳажми жиҳатидан ЖАР дунёдаги 20 етакчи индустриал мамлакат қаторига киради. Бутун Африка ҳудудининг 5% ни ва аҳолисининг 9% ни эгалловчи ЖАР улушига қитъа ялпи ички маҳсулотининг 27%, саноат маҳсулотининг 40%, қ. х. маҳсулотининг 30% тўғри келади.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари — ишлаб чиқарувчи саноат (ялпи ички маҳсулотнинг 22,6%), кончилик саноати (13%), молия (15,21%), савдо ва сайёҳлик индустрияси (11,52%), транспорт ва алоқа (9,11%), қ. х. (5%) ва балиқчилик (4,7%). Хизмат кўрсатиш соҳаси, нефть ва газ қазиб олиш ҳамда қайта ишлашни истиқболли соҳалар қаторига қўшиш мумкин.

Саноати. ЖАР олтин (йилига ўртача 530 т дан кўпроқ), платина металлари гуруҳи (100 т га яқин), ванадий, хром ва марганец рудалари, сурма, олмос қазиб олишда дунёда олдинги ўринларда, кўмир қазиб чиқаришда 5-ўрин, уран қазиб чиқаришда 7-ўринда туради. Темир руداси, мис, асбест ва б. ҳам қазиб олинади. Йилига ўртача 170 млрд. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Қора металлургия, машинасозлик, кимё, нефтни қайта ишлаш, цемент, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ривожланган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг деярли ҳаммаси оқ танлиларга қарашли фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Асосий экинлари: маккажўхори (7,7 млн. тонна, 1999), шакарқамиш (21 млн. тонна), буғдой (1,5 млн. тонна), картошка, тамаки, цитрус ва б. мевалар. Мамлакат ҳудудининг тахм. 80% (98 млн. гектар)дан қ. х. мақсадлари учун фойдаланилади. Қарийб 1,4 млн. гектар ер суғорилади. Экинларни суғориш учун Вааль, Улифантс, Крокодайл, Грейт-Фиш ва б. дарёлардан сув олинади. Чорвачиликда қорамол, қўй, эчки, чўчқа боқилади. Қўй жуни етиштиришда мамлакат фақат Австралия, Янги Зеландия, Аргентинадан кейинги ўринда туради. Сут чорвачилиги асосан йирик шаҳарлар атрофида.



Кейптаун шаҳри.

Транспорти. Т.й.ларнинг уз. — 33,8 минг км, шундан 5 минг км га яқини электрлаштирилган. Қаттиқ қопламали автомобиль йўлларининг уз. — 56,4 минг км. Нефть ва нефть маҳсулотлари портлардан асосий саноат марказларига қувурлар орқали оқизилади. Денгиз флоти ривожланган. Энг муҳим портлари: Дурбан, Кейптаун, Порт-Элизабет, Ист-Лондон. 3 та халқаро аэропорт бор.

Ташқи савдо айланмаси йилига 40 млрд. АҚШ долларидан ошади. Четдан асосан машина ва асбоб-ускуналар сотиб олади, четга минерал ва қ. х. хом ашёси, олмос ва металлар, кимё ва қ. х. маҳсулотлари чиқаради. ЖАР жун экспорт қилишда дунёда 4-ўринда туради. Йилига салкам 70 млн. литр вино экспорт қилади. Ташқи савдодаги асосий мижозлари: АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Швейцария.

Пул бирлиги — ранд.

Тиббий хизмати. ЖАРда апартеидга барҳам берилгунга қадар соғлиқни сақлаш соҳасида оқ танли ва қора танли аҳоли орасида катта айирмачилик ҳукмсурар эди. Ўртача умр кўриш, болаларнинг нобуд бўлиши, касалхоналардаги ўринлар каби кўрсаткичлар кескин фарқ қиларди. Кўпчиликни ташкил этувчи қора танлилар вакиллари ҳокимиятни қўлга олгач, тиббиёт соҳасида ҳам тенгликка эришиш чоралари кўрила бошлади. Соғлиқни сақлашга ажратиладиган маблағ кўпайди. Шифокорлар 7 та ун-тнинг тиббиёт ф-тларида тайёрланади.

Маорифи, маданий-маърифий ва илмий муассасалари. Ҳоз. ЖАР ҳудудига европаликлар келгунга қадар (17-а. ўрталаригача) африкалик ёшларга таълим бериш анъанавий африкача йўлдан борган: кексалар ёш авлодга турмуш кўникмалари ва ҳаёт фалсафасини ўргатар эди. Европаликларнинг дастлабки манзилгоҳлари барпо этилгач, уларнинг фарзандлари черков руҳонийсидан диний китоб ўқишни ўрганарди. Сўнг «сайёҳ ўқитувчилар» пайдо бўлди. Христиан дини тарғиботчилари (миссионерлар) 18-а. охири — 19-а. бошларида дастлабки мактабларни очишди. Инглизлар аввал бошданоқ бу мактабларда европаликлар ва маҳаллий миллат болаларининг алоҳида-алоҳида ўқишини жорий этдилар. Апартеид тугатилгунча маориф қатъий ирқий тамойилга асосланган ва оқ танлилар, қора танлилар, бантулар, ҳиндларнинг фарзандлари турли мактабларда, ҳар хил дастур асосида ўқитиб келинди, улардаги таълим даражаси, моддий шароит бир-биридан мутлақо фарқ қилар эди. Апартеидга барҳам берилгандан сўнг маориф соҳасида ҳам ирмачиликни тугатиш чоралари кўрилди. 1995/96 ўқув йилида маориф эҳтиёжлари учун 8,9 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ, яъни давлат бюджетининг 21,2% сарфланди. Жами ўқувчилар 9,3 млн. кишига етди. Бошланғич мактаб ўқитувчилари коллежларда, ўрта мактаб ўқитувчилари 17 ун-т ва 3 политехника ин-тида тайёрланади. Йирик ун-тлар: Претория, Витватерсранд, Стелленбош, Кейптаун ун-тлари. Йирик кутубхоналари: Блумфонтейндаги оммавий кутубхона (1875 й.да ташкил этилган), Кейптаундаги шаҳар (1952), Парламент (1857), Жан. Африка оммавий (1818) кутубхоналари, Кейптаун ун-тининг кутубхонаси (1829). Асосий музейлари: Блумфонтейндаги Миллий музей, Жан. Африка табиат тарихи музейи, Жан. Африка маданият тарихи музейи, Кейптаундаги Миллий галерея.


Илмий ишларни уюштириш ва мувофиқлаштириш давлат маркази — Илмий ва саноат тадқиқотлар кенгаши 1945 й.да ташкил этилган. Унинг

қарамоғида электротехника, мат., ўрмончилик ва б. ин-тлар, Космик нурларни тадқиқ қилиш бирлашмаси, бир қанча лаб., расадхона ва илмий ст-ялар бор. Атом энергияси комиссияси (1948 й.да тузилган), ЖАР илмий ва техникавий жамиятлари уюшмаси (1920), Жан. Африка фан ва санъат академияси (1909), Ижтимоий тадқиқотлар кенгаши (1969), Жан. Африка қироллик жамияти (1877) ва б. энг йирик илмий ташкилотлардир.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. ЖАРда 20 дан кўпроқ умуммиллий (ҳаммаси бўлиб 220 дан зиёд) газ. ва 700 га яқин жур. нашр этилади. Энг йирик газ.лари: «Санди таймс» («Якшанба вақти», 1906 й.дан), «Раппорт» (1970 й.дан), «Сояэтан» («Соуэтоликлар», 1981 й.дан), «Стар» («Юлдуз», 1887 й.дан). Жан. Африка радиоэшиттириш корпорацияси 1936 й.да ташкил этилган. Телекўрсатувлар 1976 й.дан олиб борилади. Жан. Африка матбуот уюшмаси (Саут Африкэн Пресс Ассошиэйшн — САПА) акциядорлик ахборот агентлиги 1938 й. ташкил этилган.

Адабиёти банту халқлари (зулу, сото, коса, тсвана), шунингдек, инглиз ва африкаанс тилларида ривожланмоқда. Фольклори илк мустамлакачилик даврида вужудга келган қаҳрамонлик достонларини, афсоналарни, зулу афсона эртакларини, жониворлар ҳақидаги бушмен ва готтентот ривоятларини, ҳикматли мақоллар ва маталларини ўз ичига олади. Африкаликларнинг ёзма адабиёти 19-а.нинг 2-ярмида маҳаллий тилларда лотин графикаси асосидаги алифбо жорий этилиши б-н бошланди.

ЖАР табиати кўриниши.



Христиан даъваткорлари назоратидаги африкалик адиблар европача жанр шаклларидан фойдаланиб, азалий маҳаллий анъана ва қадриятларнинг европача қадриятлар б-н тўқнашувини тасвирлашга ҳамда уларни бир-бири б-н муросага келтиришга уриндилар. 19-а. охирида мустамлакачиликка, ирқчиликка қарши норозилик адабиёти вужудга келди.

19-а. охири — 20-а. бошларида публицистика, ҳикоя, романлар пайдо бўлди. Атоқли демократ адиба О. Шрейнернинг «Африка фермаси» асари қаҳрамонлари буржуа жамияти иллатларини фош қилдилар. Биринчи басуто ёзувчиси Т. Мофолонинг зулулар доҳийси ҳақидаги «Чака» романи диққатга сазовор. ЖАР адабиётида ирқий муносабат асосий мавзу бўлиб қолди. 20-а.нинг 20—30-й.ларида Ж. Дубе, М. Фузе, Р. Зломо ва б.нинг тарихий ва публицистик романлари пайдо бўлди.

2-жаҳон урушидан кейин «норозилик адабиёти» тез суръатлар б-н ривожланди. А. Пейтоннинг «Йиғла, севимли юртим», «Лойхўрак, жуда кечикдинг», Н. Гордимернинг «Келгиндилар ери», «Матбуот учун эмас» ва б. асарлари ирқчилик ва ирқий хурофотни қоралаш руҳида ёзилган. И. Абрахамснинг «Кончи», Ж. Коупнинг «Ажойиб уй», Ж. Гордоннинг «Бу кунга лаънат» ва Э. Мпахлеленинг «Иккинчи кўча бўйлаб» романлари, шунингдек, Г. Блумнинг «Трансваалдаги воқеа», Ф. Альтманнинг «Кузғунлар қонуни» романлари ва б. асарларда ишчиларнинг бирдамлиги, зулуларнинг талончиларга қарши қаҳрамонона кураши ва б. воқеалар акс эттирилган, ирқчилик фош этилган.

ЖАР адабиётининг энг яхши намуналари (Ж. Коупнинг «Дарз кетган осмон» ҳикоялар тўплами ва б.) ўзбек тилига таржима қилинган.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Мил. ав. 7-минг йилликка ва мил.нинг охирги асрларига мансуб қоятошларга йўниб ва ўйиб ишланган расмлар (фил, каркидон, бегемот, жирафа, зебра, кийик ва б.) сақланган. Африкаликларнинг турар жойлари асосан тахта, тунука ва б.лардан қурилган кулба-чайлалардан иборат. Претория, Кейптаун, Йоханнесбург каби йирик шаҳарларда 17—18-а.ларда қурилган голланд меъморлигига хос бинолар бор. 1666—72 й.ларда тарҳи 5 бурчакли тош қўрғон қурилган (меъмори П. Домбаер). 18-а. охирларида меъмор Л. М. Тибо Кап мансизими услубини олиб кирди. 19-а.дан Порт-Элизабет, Дурбан, Блумфонтейн, Претория, Йоханнесбург ва б. шаҳарлардаги кўплаб иморатлар тўғри чизиқли режага биноан ва қоришиқ услубда қурилди. Кейптаунда янги готика, Йоханнесбургда янги классика услублари устунлик қилган бўлса, Претория «Кап меъморлиги анъаналари»га риоя қилинди. Шаҳарларнинг чеккаларида африкаликлар яшайдиган пастқам кулбалар пайдо бўлди. ЖАР меъморлигига 20-а.нинг 20-й.ларида Р. Мартинсен, У. Макинтош каби меъморлар янгилик киритишди, ҳашаматли жамоат бинолари нинг лойиҳаларини туза бошлашди. 30-й.ларда Европа ва Америка машҳур меъморлари (Ле Корбюзье, Л. Кан, О. Нимейер ва б.) самарали таъсир ўтказдилар. 60—70-й.лар Претория маркази қайта қурилди, Йоханнесбургда маҳобатли театр (меъмор Д. Росс) ва 50 қаватли Карлтон-марказ (меъморлар Родс-Харрисон, Мэллоус, Хоффе) ва б. иншоотлар барпо этилди. Жамоат ва маъмурий бинолар юксак бадиий дид, мураккаб меъморий ечимлар б-н қурилганлиги, уларда ҳайкалтарошлик, рассомлик, мозаика унсурларидан фойдаланилганлиги кўзга ташланади. Шаҳар ташқарисидаги боғларда бадавлат оилалар учун шинам кошоналар барпо этилди. Зулу, коса, ндебеле, басуто каби маҳаллий аҳоли вакиллари ҳамон лой, бўйра ва хашакдан қурилиб, турли нақшлар б-н безатилган кулбаларда яшашни афзал кўрадилар. Шаҳарлардаги замонавий меъморликда темирбетон, ойна ва пластмассадан кенг фойдаланилади. Пойтахтда расмий муассасалар, банк, дўкон, меҳмонхоналар, уларнинг атрофида турар жойлар қурилган.

ЖАР миллий бадиий санъат мактаби 17-а. ўрталарида узоқ вақтдан бери шу ерда истиқомат қилувчи европаликлар санъати таъсирида вужудга келди. Жан. Африканинг биринчи ҳайкалтароши А. Анрейтнинг немис барокко ва рококо услубидаги асарлари Кейптаун ва б. баъзи шаҳарлар йирик меъморий ёдгорликларини безаган. 19-а. ўрталаридаги европалик рассомлардан Т. У. Бодулер ва Д. У. Ангас африкаликлар қиёфасини меҳр б-н тасвирлаган. Африкалик рассомлардан Ж. Секотонинг қитъа табиати ва ҳаётини тасвирловчи асарлари биринчи бўлиб европаликлар эътирофига сазовор бўлди. Ёғоч ўймакори Ж. Кекан, рассом С. Мвуси, ҳайкалтарош С. Кумало, тош ўймакори Ж. Кубхек ва б. кўпгина жамоат бинолари нини барпо этишда ўз санъати б-н ҳисса қўшдилар. Мамлакат амалий санъатида металлсозлик (темир болта, пичоқ, мис билагузук, мунчоқ), кулолчилик, ўймакорлик, кунчилик, тўқимачилик, ёғоч буюмлар ишлаш қадимдан ривожланган. 20-а. ўрталарида Кейптаунда Жан. Африка рассомлари уюшмаси тузилди. И. Стерн (рассом аёл), график ва ёғоч ўймакори Л. Липшиц, манзарачи рассомлардан С. Седибане, С. Зонди, М. Зване ва б.ларнинг Жан. Африка воқелиги ва манзараларини акс эттирувчи асарлари машҳур.

Мусиқий маданияти мамлакат туб жой аҳолиси ва оқ танлилар мусиқасидан иборат. Бушмен ва готтентотларнинг қад. мусиқий шакллари б-н бир қаторда зулу, коса, венда ва б.нинг ривожланган бадиий ижодиёти мавжуд. Мас., матебеле ва шона халқларининг оммавий қўшиқларида кўп овозли усуллардан кенг фойдаланилади. 20-а.да туб жой аҳолисининг ижоди гуркираб ривожлана бошлади. Миллий, европа (христиан диний қўшиқлари) ҳамда америка (*жаз*, Лотин Америка рақс усуллари ва б.) мусиқа анъаналарининг уйғунлашуви негизида 1930—50 й.ларидаги анъанавий қўшиқчиликнинг янги — «квела», «мбубе», кейинчалик — «жайв» услублари юзага келди. ЖАРнинг шаҳар ва қишлоқларида яшовчи оқ танли аҳолининг қўшиқ ва рақслари ҳам ўзига хос. Инглиз мусиқачиси У. Г. Белл 1912 й. Кейптаундаги Жан. Африка колледжига директор бўлган пайтдан мусиқий маданиятни ривожлантириш йўлида кўп иш қилди. 20-а.нинг 1-ярмида П. Рейнир, Г. Фаган, Б. Герстман, А. ван Вейк ва б.нинг композиторлик мактаби юзага келди. 20-а.нинг 2-ярмида миллий опера жанри яратилди. Унинг энг яхши намуналаридан бири — «Кинг-Конг» (муаллифи Т. Матчиза, 1959) Европа ва АҚШ саҳналарида ҳам ижро этилди. Г. Скосан ва Б. Лешоайнинг долзарб мавзудаги операларига халқ қўшиқчилиги анъаналари сингдириб юборилган. Қўшиқчилардан М. Макеба, Ж. Моготон, Н. Мдледле, П. Фанго, Т. Кумалолар машҳур. ЖАР ун-тларининг мусиқа ф-тлари мусиқа таълими ва бу соҳадаги илмий фаолият марказларидир. Йоханнесбург, Претория ва б. йирик шаҳарлардаги санъат ишлари кенгашлари ва мусиқа жамиятлари катта ташкилотчилик ишларини олиб боради.

Театри қишлоқларда қад. маиший ва диний маросимлар, мусиқа, рақс, қўшиқлар асосида шаклланган. Европалик труппалар 18-а. охирларида дастлабки театр томошаларини кўрсатишди. 1801 й.да Кейптаунда театр биноси қурилди. Унда четдан келган труппалар б-н бир қаторда Буюк Британия, Нидерландия, Германия, Франциядан

кўчиб келиб ўрнашиб қолганларнинг маҳаллий ҳаваскорлик жамоалари ҳам томоша кўрсата бошлади. Драматург, бастакор, саҳналаштирувчи Ш. Э. Бонифас ва Л. А. Мёраннинг фаолияти 19-а. бошларида театрни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. 19-а. 2-ярмида Европадан, асосан Буюк Британиядан профессионал жамоалар кўплаб келиб, бутун мамлакатда инглизча томошалар кўрсата бошлади. Африкаанс тилидаги театр 20-а. бошларида ривожланди. Драматурглардан М. Бринк ва Я. Х. де Ваалнинг хизмати катта бўлди. 20-й.ларда африкаанс тилида дастлабки профессионал театрлар вужудга келди. Театр арбоблари ирқчилик ва апартеидга қарши курашга, қора танли аҳолининг сиёсий онгини ўстиришга ва унинг инсоний қадр-қимматини қарор топтиришга ҳисса қўшдилар. «Кинг-конг», «Қонли тугун», «Яшаш учун кураш», «Вука» каби спектакларда ирқий айирмачиликка қарши кураш акс этган.

ЖАРда қора танли артистлар федерацияси, Претория театр ташкилоти тузилган. Улар африкаликлардан артист ва драматурглар тайёрлайди. Зулуленд университетида драма кафедраси бор. Турли миллат ва ирқ намояндалари иштирокидаги театр труппалари вужудга келган.

Киноси. ЖАР ҳудудидаги дастлабки ҳужжатли фильмлар 1898 й.да яратилган. 1912 й.дан кинохроникалар чиқарила бошлаган. 1915 й.дан «Киларни филм» студиясида бадиий фильмлар и. ч. мунтазам тус олди. Товушли кино пайдо бўлгач, африкаанс ва инглиз тилларида фильмлар суратга олишга киришилди. 1964 й.да тузилган Миллий кинематография кенгаши хроника фильмлари чиқарилишига раҳбарлик қилди. Ихтиёрида катта кино жамғармаси мавжуд бўлган Жан. Африка кино ин-ти мамлакат сайёҳлик фильмларини чет элларда тарғиб қилиш б-н ҳам шуғулланади. Тарихий эпопеялар («Шанганлаги соқчи», реж. Д. Милин), турли комедия, мелодрама, мусиқий лентала яратилди. 70—80-й.лардаги айрим фильмларда («Босман ва Лена», «Мехмон» — реж. Р. Девениша, «Беҳуда гап» — реж. В. Кентриж, «Бобожон, ўнғайгингиздан ажралдингиз» — реж. Ю. Эшмед) ирқчиликни танқид қилишга ҳаракат қилинган. Бироқ ЖАРдаги апартеид тартиботини айбловчи фильмлар — «Аслингга қайт, Африка», «Уйғон, вулкан», «Мулоқотнинг интиҳоси», «Димбаздаги сўнгги қабр», «Қаршилик авлоди», «Беш тақдир» ширин тарзда суратга олинди ва ўша вақтда мамлакат экранларига чиқмади.

Ирқчилик кишанларидан қутулган ЖАР киночилари эндигина эркин ижод йўлига чиқиб олдилар.

ЖАНУБИЙ БАЛИҚ (лот. Piscis Austrinus) — осмоннинг Жан. ярим шаридаги юлдузлар туркуми. Белгиси Ps A. *Далв, Жадий, Микроскоп,* Жаннат Қуши ва *Ҳайкалтарош* юлдуз туркумлари ораларида жойлашган. Ўзбекистон ҳудудида ёз ва кузда яхши кўринади. Энг ёруғ юлдузи — Фомальгаут (1-катталикда).

ЖАНУБИЙ БУГ — Украинанинг жан.-ғарбидаги дарё. Уз. 806 км. Ҳавзасининг майд. 63,7 минг км². Волинь-Подолия қирларидан бошланиб, Қора денгизининг Буг лиманига қуйилади. Мавсумий қор ва ёмғирлардан сув олади. Ўртача сув сарфи қуйилиш жойида 90 м³/сек. Суви суғоришга сарфланади. Нояб.нинг бошидан янв.нинг ўрталаригача музлайди. Асосий ирмоқлари: ўнгда — Бакшала, Волк, Згар, Ров, Кодима, Савранка, Чичиклея, чапда — Соб, Синюха, Мертвовод, Ингул. Винница ш. яқинида ва Вознесенск ш.дан кема қатнайди. Ж. б. соҳилида Николаев, Первомайск, Винница, Гайворон, Хмельницкий ш.лари бор. ГЭС қурилган.

ЖАНУБИЙ БУТ (лот. Crux) — осмоннинг Жан. ярим шаридаги юлдузлар туркуми. Белгиси Cru. *Центавр* ва *Пашша* юлдуз туркумлари ораларида жойлашган. Тўртта энг ёруғ юлдузи ромб ҳосил қилади; улардан бири 1-катталикда. Ж. б., баъзан, Бут деб аталади. Ўзбекистон ҳудудида кўринмайди.

ЖАНУБИЙ ГИДРА (лот. Hudrus) — осмоннинг Жан. ярим шаридаги юлдузлар туркуми. Белгиси Nуі. *Эридан, Тулар, Тўр* ва *Соат* юлдуз туркумлари ораларида жойлашган. Ўзбекистон ҳудудида кўринмайди.

ЖАНУБИЙ ДАКОТА — АҚШнинг шим. қисмидаги штат. Майд. 199,7 минг км². Аҳолиси 756,6 минг киши (2001). Маъмурий маркази — Пирр ш. Ж. Д. Ҳудудининг жан.-шарқи Марказий текисликларда, ғарби Буюк текисликларда. Ғарбий қисмида чуқур водий ва жарлик кўп. Ер юзасининг баландлиги шарқида, асосан, 330 м дан ғарбида 1000 м гача (Блэк-Хилс тоғ массиви). Янв. нинг ўртача т-раси —10°, —12°; июлники 20—22°. Йиллик ўртача ёғин 400—500 мм. Энг катта дарёси — Миссури. Хўжалигининг асоси — қ. х. Гўшт-сут чорвачилиги ривожланган. Қорамол ва чўчқа боқилади. Буғдой, сули, арпа, зиғир, ем-хашак экинлари, маккажўхори экилади. Кончилик саноати ривожланган. Олтин, кумуш, уран руда-

лари қазиб чиқарилади. Озиқ-овқат (гўшт консервалаш, ун тортиш, ёғ, пишлоқ) корхоналари бор. Қ. х. иш қуроллари ишлаб чиқарилади.

ЖАНУБИЙ КАРОЛИНА — АҚШнинг жан.-шарқидаги штат. Атлантика океани соҳилида. Майд. 80,5 минг км². Аҳолиси 4,06 млн. киши (2001). Маъмурий маркази — Колумбия ш. Штатнинг жан.-шарқи Атлантика бўйи пасттекислигида, шим.-ғарбида Пидмонт платоси ва Аппалачи тоғининг тармоқлари бор. Энг баланд жойи 1087 м. Дарё кўп. Иқлими субтропик, янв.нинг ўртача т-раси 4—10°, июлники 24—26°. Ўртача йиллик ёғин 1000—1200 мм. Йирик дарёларида кема қатнайди. Ғарбида аралаш ўрмонлар бор.

Ж. К. хўжалигида саноат етакчи ўринда. Тўқимачилик саноати ривожланган. Штатдаги ишчиларнинг ярмига яқини шу саноатда банд. Йирик марказлари: Огаста, Колумбия, Гринвилл ва б. Металлсозлик, кемасозлик, трикотаж, тикувчилик, ёғочсозлик, целлюлоза-қоғоз, кимё, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Атом саноати марказларидан бири. Деҳқончилик қ. х. товар маҳсулотининг қарийб 70% ини беради. Асосий экинлари — пахта, тамаки, маккажўхори. Буғдой, шоли, ер ёнғоқ ҳам экилади. Боғдорчилик ва полизчилик ривожланган. Чорвачиликда қорамол ва чўчқа боқилади. Энг катта порти — Чарлстон.

ЖАНУБИЙ КАСПИЙ НЕФТЬ-ГАЗЛИ ПРОВИНЦИЯ — Озарбайжон, Туркманистоннинг ғарби ва Грузиянинг шарқий қисми ҳамда Каспий денгизининг жан. соҳилини эгаллаган. Ж.к.н.-г.п. тоғ оралиғи ботиғидан иборат бўлиб, жан.да Эльбурс ва ғарбда Копетдоғ тизмаларига туташган. Майд. қарийб 200 минг км². Турли даражада дислокацияланган, антиклиналь структуралар ҳосил қилган юқори плиоцендан қуйи бўргача бўлган ётқизиқлардан ташкил топган.

Ботиқнинг жан. қисми Каспий денгизининг жан. соҳилида — Эроннинг шим.да жойлашган бўлиб, шу ердаги кайнозой ётқизиқларининг кўп қисмида нефть-газ белгилари мавжуд. Нефть, газ ва асфальт маҳсулотлари Озарбайжонда — Намин, Шакарли, Мирдкамир, Харванеси қишлоқлари, Эронда — Сероб ш. яқинида, Гилон ва Мозандарон остоналарида, Гўргон атрофида. Саноат аҳамиятига молик биринчи газ кони Каспий денгизининг жан.-шарқий соҳилида топилган. Газ уюми 2000 м чуқурда жойлашган. Ж.к.н.-г.п.да 80 дан ортиқ нефть ва газ конлари топилган. Асосий нефть конлари: Болхон-Сабунчи-Романин, Нефть Дошлари, Кюровдоғ, Қўтиртепа, Қамишлижа, Окарам ва б.

ЖАНУБИЙ КАСПИЙ ПАСТТЕКИСЛИГИ — Эрон шим.даги пасттекислик, Каспий денгизининг жан. соҳилида Эльбурс тоғи этагига туташган. Уз. қарийб 500 км, эни 40 км гача. Иқлими субтропик иқлим, ўртача йиллик ёғин 1000 мм. Нам субтропик ўрмонлар, ботқоқлик кўп. Соҳил бўйларида бир қанча қўриқхоналар бор. Мамлакатнинг муҳим қ. х. районларидан (шоли, цитрус ўсимликлар, боғлар) бири. Нефть ва газ конлари топилган. Йирик шаҳарлари: Рашт, Энзели.

ЖАНУБИЙ МИРЗАЧЎЛ КАНАЛИ (ЖМК), А. А. Саркисов номидаги Жанубий Мирзачўл канали — Ўзбекистондаги йирик каналлардан бири. Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳудудидан ўтади. Фарҳод гидроузелининг уловчи каналидан бошланади (Бекобод ш.дан 7 км берида). ЖМК ва унинг йирик тармоқлари 1957—62 й.ларда қурилган. Мирзачўлнинг жан. да шарқдан ғарбга оқади. Уз. 127,7 км. Бош қисмида сув ўтказиш имконияти 545 м³/с. Каналнинг 35 км да Янгиер ш. жойлашган, қуйи қисми Жиззах ш.дан 10—20 км шимолроқдан ўтади ва бир қанча майда каналларга бўлиниб кетади. 345 минг га дан ортиқ ерларни суғоради (Сирдарё вилоятида 153,6 минг га, Жиззах вилоятида 191,8 минг га).

Каналда 80 дан зиёд гидротехника иншооти, бошқариш шлюзлари, 6 автомобиль ва 4 т. й. кўприги, 9 сув тўсгич иншоот, 44 қулоқ, 6 дюкер, 12 сел ўтказгичлар қурилган. 1954—71 й.ларда Мирзачўлни ўзлаштириш ишларига раҳбарлик қилган А. А. Саркисов (1907—1971) номи берилган.



ЖАНУБИЙ ОКЕАН — Дунё океани (Атлантика, Ҳинд, Тинч океанлари)нинг Антарктидани ўраб турган қисмининг шартли номи. Дастлаб голланд географи Б. Варениус 1650 й.да мустақил океан сифатида ажратган. Океаннинг чегараси Жан. Америка, Африка, Австралия материкларининг ва Тасмания ҳамда Янги Зеландия о.ларининг жан. чеккалари орқали ўтказилган шартли чизиқ ва жан. қутбий доира, 35—60° ж. к.лар орқали ўтказилган. Антарктика атласида Ж. о.нинг шартли чегараси қилиб Антарктика конвергенция зонаси (55° ж. к. яқинида) ҳисобланади. Ж. о.ни алоҳида океан қилиб ажратишда иқлимнинг совуқлиги, гидрологик шароитлар асос қилиб олинган. Аммо кейинги тадқиқотлар натижасида Ж. о.нинг Атлантика, Тинч ва Ҳинд океанларига ёндош секторларида унинг иқлимий ва гидрологик шароитлари ўша океанларникига ўхшашлиги маълум бўлди. Денгизчилик амалиётида Ж. о. термини қўлланилмайди, чунки денгизчиликка оид ўқув қўлланмаларида бу тушунча учрамайди.

ЖАНУБИЙ ОЛАМУШУК — Андижон вилояти *Жалолқудуқ туман*идаги шаҳарча (1947 й.дан). Туманнинг шим.даги адирда жойлашган. Яқин т. й. станцияси — Гурунчмозордан 6 км. Аҳолиси 6,7 минг киши (2000), асосан ўзбеклар. Ж. О. 1943 й. нефть конининг топилиши муносабати б-н вужудга келган. Аҳолининг кўпчилиги нефть конида ишлайди. Ж. О.да 2 умумий таълим мактаби, мусиқа мактаби, тикувчилик ф-каси, автокорхона, маданий-маиший хизмат к-ти, савдо шохобчалари, физиотерапия санаторийси бор. Ўрта осиёлик тарихчи Наршахий (10-а. 1-ярми) ҳозирги Ж. О. яқинида Коҳ қишлоғи бўлганлиги, унинг ёнида «Работи сарҳанг» қабристони борлигини ёзган.

ЖАНУБИЙ ОЛАМУШУК НЕФТЬ КОНИ — Андижон ш.дан 27 км шарқда Хўжаобод туманида жойлашган нефть кони. Конда геологик съёмка ишлари 1933 й.да бошланган, кон структураси ҳам 1933 й.да аниқланган. Қидирув ишлари 1943 й.да бошланиб, 1944 й. биринчи бурғи қудуғида палеоген ётқизиқларидан нефть топилган. 1945 й. кон фойдаланишга топширилган. Конда чуқур бурғи қудуғи ковланиб неоген, палеоген, бўр, юра даври ва палеозой эраси ётқизиқлари очилган. Неоген даври жинслари оч жигарранг, оч пушти, кўнғир рангли гилтош ва конгломерат қатламларидан иборат. Уларнинг ўртача қалинлиги 665 м. Палеоген даври ётқизиқлари орасида оҳактош, қумтош ва б. жинс қатламлари бўлиб, ўртача қалинлиги 450 м. Бўр даври ётқизиқларининг қалинлиги 1400 м бўлиб, ўзаро такрорланган қумтош, гилтош, оҳактош, гипс қатламларидан иборат. Юра даври ётқизиқлари ҳам ўзаро такрорланувчи қумтош ва гил қатламларидан ташкил топган, умумий қалинлиги 120—130 м. Тектоник жиҳатдан Жан. Оламушук структураси Андижон гуруҳи тепаликларига мансуб бўлиб, Фарғона ботиғининг жан.да.

Кон жан.-ғарбдан шим.-шарққа йўналган, уз. 13 км, эни 5 км ли антиклиналь бурмада. Ж. О. н. к.да нефтга бой горизонтлар неоген, палеоген ва юра ётқизиқларида жойлашган. Айрим бурғи қудуқларидан суткада 25 т гача нефть олинган (1969). Ж. О. н. к.да 3-, 5-, 6-, 7-горизонтлар нефтга бой. Ҳар бир горизонтнинг қалинлиги 25—30 м. Юра ётқизиқларидаги асосий маҳсулдор горизонтлардан бири 26-горизонтдир. Бу горизонт қумтошлардан ташкил топган. Бўр ётқизиқларида нефть бошқа ётқизиқларга нисбатан кам. Коннинг нефти енгил, с. оғ. 0,823—0,833, олтингугурт 0,013—0,27%, кўп смолали (10—16%), парафиннинг миқдори 1,76 дан 8,2% гача. Асфальтенлар 0,2 дан 0,7% гача, кокс 0,25—2,1%. Газнинг миқдори 5,4 дан 24% гача, зичлиги 0,632—0,823, олтингугурт кам (0—0,04%), азот кўп (10—52,3%), метаннинг миқдори 38—68%. Ж. О. н. к. 1996 й.гача ишлаган. 2 та қудуқдан техник сув, 6 та қудуқдан артезиан суви олинмоқда.

ЖАНУБИЙ ОРКНИ ОРОЛЛАРИ — Атлантика океанининг жан. қисмидаги бир тўда (4 та катта ва 40 тача майда) орол, Антарктикада. Майд. 621 км². Ер юзаси тоғлик (бал. 1266 м гача), қор ва музлар б-н қопланган. Ўсимлиги мох ва лишайниклардан иборат. Денгиз қушлари ва тюленлар яшайди. Доимий аҳолиси йўқ. Британия ва Аргентина давлатларига қарашли илмий ст-ялар ишлаб турибди. Орол 1821 й.да инглиз ва америкалик саноатчилар Ж. Поуэлл ва Н. Палмер томонидан кашф қилинган.

ЖАНУБИЙ ОРОЛ — Янги Зеландиянинг катта ороли. Шимолий о.дан Кук бўғози, Стьюарт о.дан Фаво бўғози орқали ажралган. Майд. 150,5 минг км². Аҳолиси 880 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Рельефи тоғли, ҳудудининг кўп қисми Жан. Альп тоғларидан (Кук тоғи, 3764 м, мамлакатдаги энг баланд чўққи) иборат. Иқлими субтропик денгиз, жан.да мўътадил иқлим. Тоғ ўрмонлари, яйловлар, тоғларнинг юқори қисми қор ва музликлар б-н қопланган. Фьордленд, Маунт-Кук миллий парклари ташкил этилган. Ороднинг шарқий қисмидаги Кентербери текислиги — мамлакатнинг асосий деҳқончилик р-ни. Бош шаҳри — Крайстчерч.

ЖАНУБИЙ ОСЕТИЯ (Жанубий Осетия мухтор вилояти) — Грузия Республикаси таркибида 1922 й. 20 апр.да ташкил этилган. 1990 й. дек.да Грузия Олий Кенгаши томонидан бекор қилинган. 1990-й.лар бошида Ж. О. ўзини республика деб эълон қилди, лекин у ҳеч ким томонидан тан олинмаган.

ЖАНУБИЙ ОСИЁ — Осиё қитъасидаги табиий область. Унга Ҳиндистон ва Ҳиндихитой я. о.лари, Ҳимолай тоғлари, Ҳинд-Ганг текислиги, Малай архипелаги, шуниингдек, Ҳинд океанининг шарқий қисмидаги вулкан ва маржон ороллари киради. Майд. 5,1 млн. км². Ж. О.нинг геологик тузилиши ва рельефи ҳар хил. Бутун ўлка иқлими муссон циркуляцияси таъсирида. Тропик, субэкваториал, экваториал иқлим ва ландшафт типлари мавжуд. Ғарбий қисми чўллардан иборат. Ҳайвонот дунёси асосан Ҳиндистон-Малай фауна областига киради. Қ. х.да (асосан текислик қисмида) тропик экинлар ва шоли етиштириш етакчи ўринда. Ж. О. ҳудудида Бангладеш, Бутан, Непал, Ҳиндистон, Мальдив, Покистон, Шри Ланка давлатлари жойлашган. Баъзан Жан.-Шарқий Осиё давлатларини ҳам Ж. О. таркибига киритадилар.

ЖАНУБИЙ ПАССАТ ОҚИМЛАРИ — Дунё океанининг жан. тропик кенгликларидаги шарқдан ғарбга йўналган илиқ юза оқимлар. Пассат шамоллари таъсирида вужудга келади. Тинч океанда Перу оқими, Атлантика океанида Бенгалия оқими, Ҳинд океанида Ғарбий Австралия оқимининг давоми бўлиб, улар экваторга яқинлашган сари ҳамда ғарбга бурилгач исийди ва Ж. п. о.га айланади.

ЖАНУБИЙ РОДЕЗИЯ (Souther Rhodesia) — 19-а.нинг 80-й.лари — 1980 й.да Буюк Британиянинг Жан. Африкадаги мустамлакаси (1953—63 й.ларда Буюк Британия томонидан тузилган Родезия ва Ньясаленд федерацияси таркибида). 1965 й. озчиликни ташкил этган европаликлар ҳукумати томонидан эълон қилинган Ж. Р. мустақиллиги расмий тан олинмади. 1980 й.дан мустақил *Зимбабве* Республикаси.

ЖАНУБИЙ САНДВИЧ ОРОЛЛАРИ — Атлантика океанининг жан. қисмидаги вулкан ороллари, Антарктикада. 8 та йирик ва бир неча майда орол ва қоялардан иборат. Майд. 300 км². Ер юзаси тоғлик (бал. 1372 м гача), вулкан жинсларидан тузилган (базальт, туф ва б.), қор ва муз б-н қопланган. Сўнмаган вулканлар бор. Ҳар хил қуш, тюлень кўп. Қиргоқ яқинидаги сувларда китлар учрайди. Доимий аҳолиси йўқ. 1775 й. инглиз денгизчи сайёҳи Ж. Кук экспедицияси кашф қилган.

ЖАНУБИЙ СУРХОН СУВ ОМБОРИ, Мирзааҳмад Қорабоев номидаги Жанубий Сурхон сув омбори — Ўзбекистондаги йирик сув омбори. Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани ҳудудида, Сурхондарёнинг ўрта оқимида, Заркамар ва Хўжамулки тўқайи ўрнида 1958—67 й.ларда бунёд этилган. Дарё ҳавзасининг энг тор ерида тўғон қурилган. Дарё сувини мавсумий тартибга солади. Уз. 20 км, максимал эни 6,2 км, ўртача эни 2,96 км, максимал чуқурлиги 27 м, ўртача чуқ. 12 м. Тўла сув сиғими 800 млн. м³, фойдали сув сиғими 610 млн. м³. Сув сатҳи юзаси 65 км². Ж. С. с. о. дарёнинг қайири ва уч террасасида жойлашган. Асосий иншоотлар таркибига тупроқ тўғон, эҳтиёт ташлама ва Шеробод магистрал каналига сув берадиган ўнгқирғоқ сув чиқаргич (сув сарфи 150 м³/с) киради. Сув омбори Шеробод чўлидаги 71 минг га ерни ўзлаштириш ҳамда илгаридан суғориладиган 52 минг га ернинг сув таъминотини яхшилаш имконини берди. Сув омборида кўпгина балиқ турлари урчитиб кўпайтирилади ва овланади. 1969 й.да Ж.с.с.о. қурилишга раҳбарлик қилган Мирзааҳмад Қорабоев (1931—1969) номи берилган.

ЖАНУБИЙ ТИНЧ ОКЕАН ҚИРИ — Тинч океаннинг жан. қисмидаги сув ости тизмаси. Австралия-Антарктида сув ости тизмасининг шарқий давоми. Шим.-шарққа томон 4100 км масофага чўзилган, эни 500—1000 км. Устини қумоқ жинслар, органик қолдиқлар қоплаган. Тизманинг устида океан чуқ. 878 м дан 2500—3000 м гача. Бошқа сув ости тизмаларидан энининг кенглиги ва рифт зонасининг яққол акс этмаслиги б-н фарқ қилади.

ЖАНУБИЙ ТОЖ (лот. Corona Australis) — осмоннинг Жан. ярим шаридаги юлдузлар туркуми. Белгиси CrA. *Қавс, Ақраб, Қурбонғоҳ* ва *Телескоп* юлдуз туркумлари оралари жойлашган. Ўзбекистон ҳудудида ёзда кўринади.

ЖАНУБИЙ ТУРКМАНИСТОН АРХЕОЛОГИК КОМПЛЕКС ЭКСПЕДИЦИЯСИ (ЖТАКЭ) — Туркманистон ФА Президиуми қошида проф. М. Е. *Массон* бошчилигида ташкил қилинган (1945). ЖТАКЭ тош даври (*Жабал макони*), неолит (*Жойтун маданияти*), энеолит (*Анов, Намозғоҳ тепа, Гўксур*), жез (*Олтинтепа*) ва илк темир (*Ёзтепа,* Даҳистон) даврлари, айниқса Парфия маданияти бўйича муҳим археологик тадқиқотлар олиб бориб, янги ва эски *Нисо*даги қазишмалар вақтида жаҳон тарих фани учун ўта муҳим ашёвий далиллар топди, улардан ритонлар (фил суягидан ишланган) хусусидаги маълумотлар (М. Е. Массон, Г. А. *Пугаченкова*) Италияда, Парфия ёзма ҳужжатлари (В. А. Лившиц, И. М. Дьяконов) эса Англияда нашр этилди. ЖТАКЭ шаҳарлар тарихий топографияси ва қад. карвон йўлларини ўрганиш борасида ҳам муҳим и. т.лар олиб борди: *Эрк қалъа, Габр қалъа* ҳамда Султон қалъа харобаларидан топилган идиш ва буюмларга таяниб, Марв тарихи даврларга бўлинди (З. И. Усмонова, М. И. Филанович), Марв воҳасида 11—12-а.да ҳунармандчилик тараққий этганлиги аниқланди. ЖТАКЭ томонидан Исломдан аввалги давр (маздакийлик, буддизм, христианлик)га оид ёдгорликлар ўрганилди (Г. Я. Дресвянская). Жумладан Габр қалъа ва Харобакошухдаги черков харобаси ҳамда Туркманистон ФАнинг 50-й.ларда бошланган (С. А. Ершова) ва айниқса, ЖТАКЭ томонидан 60-й.ларда Марв атрофидаги некрополь тўла текширилди. Марвда Исломга доир археологик ёдгорликлар (Марвдаги дастлабки масжид, Номозгоҳ тепа) харобаларини қазиб ўрганмоқда (Т. Хўжаниёзов, Б. Д. Кочнев), туркман қабилалари этногенези (Д. И. Овезов), қад. меъморлик услублари ва антик ўрта аср санъати бўйича и. т.лар (Г. А. Пугаченкова) олиб бормоқда. ЖТАКЭнинг 860 дан зиёд илмий ишлари, «Труды ЮТАКЭ»нинг 19 жилди, «ЖТАКЭ материаллари»нинг 2 нашри ва бир қанча монографиялар нашр этилган.

ЖАНУБИЙ УРАЛ — *Урал* тоғларининг Уфа дарёси б-н Урал дарёси оралиғидаги қисми. Уз. 550 км. Бал. 1640 м гача (Ёмонтов тоғи). Эни 250 км гача. Кенг ва баланд қисми кварцит, гнейс, кристалли сланецлардан тузилган. Шарқий ён бағирларида тоғ дашти ўсимликлари, ундан юқорида игнабаргли ўрмонлар ўсади (яна қ. *Урал*).

ЖАНУБИЙ УЧБУРЧАК (лот. Triangulum Australe) — осмоннинг Жан. ярим шаридаги кичик юлдузлар туркуми. Белгиси TrA. *Бурчак чизиғи, Циркуль,* Жаннат Қуши ва *Қурбонғоҳ* юлдуз туркумлари оралари жойлашган. Энг ёруғ юлдузлари 2—3 катталикда. Ўзбекистон ҳудудида кўринмайди.

ЖАНУБИЙ ФАРҒОНА КАНАЛИ — Фарғона водийсидаги йирик ирригация канали. Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳудудидан ўтади. Олай тоғларидан оқиб тушадиган сойлар сувини тартибга солиш ва Фарғона водийсининг шарқий ва жан. қисмида сув таъминотини яхшилаш мақсадида ҳашар йўли б-н қазилган (1940). *Шаҳрихонсой* каналининг (*Қорадарё*нинг чап соҳилида) йирик шохобчаси. Дастлаб Исфайрамсойдаги Бешолиш узелигача қазилган, кейинчалик Маргилонсойгача етказилди. 1946 й.да Олтиариқсойгача давом эттирилди. Уз. 120 км, эни бошланишида 12 м, қуйи қисмида 2 м. Бош қисмида сув сарфи 85 м³/с. Полвонсўнг 30 м³/с сув оқади. Шаҳрихонсойда бош тақсимлагичи бўлган тўсувчи иншоот қурилган. Марҳамат қишлоғидан 6 км юқорироқда *Каркидон сув омбори*дан сув олади (18 м³/с). Каналда 3 тезоқар, 35 сув туширгич, 52 қулоқ бор. 75,8 минг га ерни суғоради (25,2 минг га Андижон вилоятида, 48 минг га Фарғона вилоятида, 2,6 минг га Қирғизистоннинг Аравон туманида).

ЖАНУБИЙ ХИТОЙ ДЕНГИЗИ — Тинч океан ғарбидаги ярим ёпиқ денгиз. Жан.-Шарқий Осиё соҳили б-н Тайвань, Лусон, Палаван ва Калимантан о.лари оралиғида. Майд. 3537 минг км²; ҳажми 3622 минг км³. Чуқурлиги жан.-ғарбида 200 м, шим.-шарқида 5560 м гача, ўртача чуқ. 1140 м. Ж. Х.д.га Синцзян, Хонгха, Меконг, Менам ва б. дарёлар қуйилади. Қирғоғи анча текис. Йирик қўлтиқлари: Бакбо (Тонкин) ва Сиём. Энг йирик ороли — Хайнань. Майда оролларнинг кўпчилиги маржон ороллардир. Сув ости зилзилалари ва вулкан отилишлари бўлиб туради. Иқлими субэкваториал иқлим. Қишда шим.-шарқий, ёзда жан. ва жан.-ғарбий шамоллар эсади. Ёз ва қузда тез-тез тайфунлар раси февралда 20—28°, авг.да 28—29°. Шўрлиги 32—34‰. Ёғингарчилик йилига 2000—2500 мм. Сув қалқиши 5,9 м гача. Балиқ ва б. денгиз ҳайвонлари овланади. Йирик портлари: Бангкок, Хошимин, Сянган, Гуанчжоу, Шаньтоу, Хайфон, Манила. Ж. Х. д.дан муҳим халқаро денгиз йўллари ўтган.

ЖАНУБИЙ ХИТОЙ ПЛАТФОРМАСИ — токембрий даври платформаси, Янцзи дарёсининг қуйи оқими ҳавзасида жойлашган. Платформадаги антеклиза ларда палеозой ётқизиқларининг ғилофи сақланган. Мезозой эрасида кучли тектономагматик фаоллашиш бўлган. Ж. Х. п. *Хитой-Корея платформаси*дан Циньлин тоғининг бурмаланган минтақаси орқали ажралган. Ж. Х. п.нинг токембрий кристалли замини (гнейслар, метаморфик сланецлар) Янцзи дарёсининг жан.даги Хунань ва Цзянси провинцияларида ер юзасига чиқиб қолган. Ж. Х. п.нинг кўп қисми кечки протерозой (синий ётқизиқлари), палеозой ва триас (денгиз ётқизиқлари: оҳактошлар, қумтош, гилли ва карбонатли қатламлар), шунингдек, пермь, юра, бўр даври континентал кўмирли ётқизиқлардан иборат. Чўкиндилар ғилофидан ташкил топган. Ж. Х. п. бўр даврида шиддатли деформацияланган. Платформанинг шарқий қисмидаги гранитларда вольфрам, қалай, сурма, симоб ва б. конлар, унинг чўкинди ғилофида эса боксит, темир, марганец, тошкўмир, ёнувчи сланец, нефть ва туз конлари мавжуд.

ЖАНУБИЙ ШЕТЛЕНД ОРОЛЛАРИ — Атлантика океанининг жан.даги вулкан ороллари. Жан. Америкасининг жан. да, Дрейк бўғозида. 11 та йирик ва бир қанча майда орол ҳамда қоялардан иборат. Майд. 4300 км². Ер юзаси тоғлик, бал. 2300 м гача, кўп қисми қор ва муз б-н қопланган. Янв.нинг ўртача т-раси 1°, июлники —10°. Мох ва лишайниклар ўсади. Росс тюлени, денгиз мушуги, денгиз фили бор. Доимий аҳолиси йўқ. Аргентина, Буюк Британия, Чили давлатларига қарашли илмий ст-ялар жойлашган. Орол 1819 й.да англиз денгизчи сайёҳи У. Смит томонидан кашф қилинган.

ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ — боғдорчилик, узумчилик ва субтропик экинлар бўйича и. т. ишлари олиб борадиган муассаса. Сурхондарё вилоятининг Денов ш.да жойлашган. Ст-я Бутуниттифоқ селекция и. т. ин-тининг Денов таянч пункти (1932) асосида 1945 йили ташкил этилган. 1956 й.дан Р. Р. Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва ночилик и. т. ин-ти таркибида. Асосий вазифаси боғдорчилик, узумчилик ва субтропик мевалар (анор, анжир, хурмо)нинг агротехникаси услубларини ишлаб чиқиш, энг яхши маҳаллий ва четдан келтирилган мева, узум, субтропик экинлар навларини ўрганиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилишдан иборат. Ст-яда узумчилик ва боғдорчилик, субтропик экинлар бўлимлари, агрокимё лаб. бор. Ст-я ҳудудида *Давлат нав синаш тармоғи*нинг субтропик экинлар нав участкаси, Ўзбекистонда ягона бўлган субтропик ва ўрмон дарахтларининг 200 дан ортиқ турини ўз ичига олган ноёб дендрарий бор. Экспериментал базасининг умумий майдони 136 га, шу жумладан боғ ва узумзорларнинг экспериментал ва коллекцион экинлари майд. 42,1 га. Ст-я коллекциясида анорнинг 140, анжирнинг 92, шарқ хурмосининг 62, уруғли (олма, нок, беҳи ва б.) меваларнинг 46, данакли (ўрик, олхўри, шафтоли ва б.) меваларнинг 55, узумнинг 125 нави тўпланган. Ст-я кўчатзорларида ҳар йили энг яхши субтропик мевали экинлар ва узум навларининг 500 мингдан ортиқ кўчатлари етиштирилади. Юқори ҳосилдор анор (Десерт), хурмо (Денов қандаги, Ўзбекистон пионери) навлари яратилган, анжирнинг истиқболли навлари ажратиб олинган.

Юрий Жавакянц.

ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН ВИЛОЯТИ — Қозоғистон Республикаси жан.-даги вилоят. 1932 й. 10 мартда ташкил этилган (1962—64 й. ларда Жанубий Қозоғистон ўлкасининг бир қисми, 1964 й.дан 1992 й. 6 майгача Чимкент вилояти). Майд. 117,3 минг км². Аҳолиси 2018 минг киши (2000), асосан қозоқлар ва ўзбеклар, шунингдек, рус, украин, татар, озарбайжон, тожик ва б. миллат вакиллари яшайди. Маркази — Чимкент ш.

Ж. Қ. в. Турон пасттекислигининг шарқий қисми ва Тяньшаннинг ғарбий тармоқларида жойлашган. Ҳудудининг кўп қисми текислик (бал. 200—300 м). Чекка жан.да Мирзачўлнинг шим. қисми, шим.да Бетпакдала чўли бор. Вилоятнинг марказий қисмида Қоратов тизмаси (энг баланд жойи 2176 м), жан.-шарқида Талас Олатовининг ғарбий чеккалари, Қоржонтов (2824 м) ва Угом (4238 м) тизмалари қад кўтарган. Иқлими кескин континентал. Ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши қисқа, илиқ, қор кам ёғади. Июлнинг ўртача т-раси шим. ва жан.-ғарбида 28°, жан.-шарқида 16—24°. Янв.нинг ўртача т-раси шим.да —9°, жан.да —2°. Йилига 100—400 мм дан 1000 мм гача ёғин тушади. Вегетация даври 230—290 кун. Йирик дарёси — Сирдарё ва унинг ирмоқлари Келес, Қуруққелес, Арис. Шим.да Чу дарёси оқиб ўтади. Сирдарёда Чордара сув омбори қурилган. Дўстлик, Арис ва Туркистон магистрал ирригация каналлари мавжуд. Сирдарё қайирида чучук сувли кўллар, Чу дарёси қуйи оқимида шўр кўл кўп. Текисликларда қумли ва қумоқ-қўнғир ва бўз-қўнғир тупроқларда бошоқли-шувоқ ҳамда шўра, қора ва оқ саксовул, юлғун ўсади. Сирдарё ва Чу дарёлари қайирида ўтлоқ, шўрланган тупроқларда қамиш ўсади. Тоғларда вертикал минтақалар — чўл зонасидан альп ўтлоқлари ва музликларгача учрайди. Чўлда кемирувчилар (юмронқозиқ, қумсичқон, қўшоёқ), тоғларда тоғ такаси ва тоғ қўйи (архар), қоплон, айиқ, қушлардан тасқара, тўқайларда бўри, тулки, оқ сичқон, сассиққўзан, қобон, қирғовул, кўлларда ғоз, ўрдак, чўлда судралувчилардан илон, тошбақа, калтакесак яшайди.

Вилоят иқтисодида кон саноати ва қ. х. хом ашёларини қайта ишлаш саноати б-н бирга интенсив обикор деҳқончилик ва чорвачилик ривожланган. Энергетикаси асосан табиий газ (Ўзбекистон), тошкўмир (Қарағанда), маҳаллий қўнғир кўмир (Ланғар) ва мазутда ишлайди. Кон саноати (Кентов ш. ва Ачисой ҳамда Байжонсой шаҳарчаларида полиметалл конлари ва бойитиш ф-калари), рангли металлургия (Чимкентда кўрғошин эритиш ф-каси), машинасозлик (прессавтоматлар, кардан валлари, автотрактор деталлари и. ч., экскаватор з-длари), кимё ва фармацевтика (чорва молларига бериладиган антибиотиклар, фосфорли тузлар з-длари), енгил (ип газлама к-ти, пахта тозалаш ва қоракўл тери з-длари, пайпоқ-трикотаж, тикувчилик, пойабзал ф-калари), озиқ-овқат (мой экстракция, сут ва мева консерва, вино з-длари) саноати тармоқлари ривожланган. Цемент, гишт, керамзит, нефтни қайта ишлаш з-длари бор. Ж. Қ. в. обикор деҳқончилик, пахтачилик, токчилик ва боғдорчилик р-ни. Қ. х.да ғалла экинлари, техника экинлари, емхашак экинлари, сабзавот, полиз экинлари экилади. Токчилик ва боғдорчилик ривожланган. Чорвачиликда яйлов қоракўлчилиги, майин жунли ва гўштмой қўйчилиги, гўшт-сут қорамолчилиги ривожланган. Қўй, эчки, қорамол, йилқи, туя ва парранда боқилади. Тошкент—Арис—Оренбург, Олмаота—Арис—Оренбург т. й. магистралининг бир қисми ўтган. Муҳим автомобиль йўллари: Чимкент—Тошкент, Чимкент—Тароз, Чимкент—Туркистон—Қизилўрда, Авиалиниялар Чимкентни Тошкент, Москва, Бишкек, Олмаота, шунингдек, вилоят туманлари б-н боғлайди. Ж. Қ. в.да олий ўқув юртлари, 2-театр, ўлкашунослик музейи, Сариогоч бальнеологик курорти бор.

ЖАНУБИЙ ҚУТБ — Ер айланишининг фараз қилинадиган ўқи, Жан. ярим шарда ер юзаси б-н кесишган нуқта. Ж. қ. Антарктиданинг Тинч океан қирғоғига яқин қисмида 280 м баландликда жойлашган. Бу ерда музнинг қалинлиги 2810 м га етади. Ер юзасидаги ҳар қандай нуқта Ж. қ.га нисбатан жойлашган бўлиб, ҳар доим шим. йўналишда бўлади. Ж. қ. атрофида иқлим жуда ҳам совуқ, муттасил шамол ва изғирин, бўрон бўлиб туради. Ҳавонинг ўртача т-раси 1957—61 й.ларда —48,6°, энг паст т-ра —78,9° бўлган. Қутб куни қарийб 179 сутка давом этади (23 сент. дан 20—21 мартгача). (яна қ. *Географик қутблар*). Р. *Амундсен* бошчилигидаги норвег экспедицияси 1911 й. 14 дек.да биринчи бўлиб Ж. қ.га етиб борган.

ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ — Осиёнинг жан.-шарқидаги табиий географик область. Ҳиндихитой я. о., Малай архипелаги ва унга ёндош ҳудудларни ўз ичига олади. Майд. 4,5 млн. км². Аҳолиси 463 млн. киши (1990-й.лар ўртаси). Рельефи ўртача баландликдаги тоғ ва текисликлардан иборат. Тропик ўрмон ва саванналар кенг тарқалган. Иқлими нам экваториал ва субэкваториал муссонли иқлим. Ж.-Ш. О.да Бруней, Вьетнам, Индонезия, Камбожа, Лаос, Малайзия, Мьянма, Сингапур, Таиланд, Филиппин давлатлари жойлашган. Баъзан Ж.-Ш.О.да жойлашган давлатларни Жан. Осиё таркибига ҳам киритадилар.

ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ УЮШМАСИ (АСЭАН) — регионал сиёсий-иқтисодий ташкилот. Индонезия, Малайзия, Сингапур, Таиланд ва Филиппин давлатлари таркибида тузилган (1967). Кейинчалик унга Бруней ва Вьетнам қабул қилинган. Мақсади — мазкур давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий ҳамкорлигини ривожлантириш, Жануби-Шарқий Осиёда тинчлик ва барқарорликни ўрнатишга кўмаклашиш. Ташкилот сўнгги йилларда регионда тинчлик ва бетарафлик зонаси, шунингдек, ядросиз зона вужудга келтириш йўлида ҳаракат қилмоқда. Қароргоҳи — Жакарта (Индонезия)да.

ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ ОСИЁ — Ғарбий Осиёнинг жан. қисмидаги табиий область. Арабистон я. о. ва унга ёндош ҳудудлар киради. Майд. 3 млн. км² дан зиёд. Ж.-Ғ. О. заминининг кўп қисми қад. *Гондвана* материгининг бир бўлаги. Текисликлар, супасимон қирлар, куэстали плато шакллари кенг тарқалган. Яман, Ҳижоз, Асир, Ливан, Антиливан тоғларида ҳозир ҳам зилзила бўлиб туради. Месопотамия пасттекислиги (букилмаси) аллювиал чўкиндилар б-н тўлган. Ж.-Ғ. О.да фойдали қазилма (ай-

ниқса нефть) кўп. Иқлими иссиқ ва қуруқ. Ўртача т-раси шим.да январда 5°, июлда 31°, жан.да январда 24°, июлда 34°. Йиллик ёғин 100—150 мм, Ливан, Антиливан, Уммон ва Яман тоғларида ўртача 500—760 мм. Иқлими қуруқлигидан аксар қисмининг ландшафти чўл ва чала чўл. Месопотамиядан Фурот ва Дажла дарёлари оқиб ўтади. Ер ости сувлари аҳоли учун асосий сув манбаидир. Қудуқ кўп. Тупроқлари қўнғир, жигарранг, қизил чўл тупроқлардир. Ўрта денгиз бўйидаги тоғларда ливан кедри, ҳалаб қарағайи, яшил бутазорлар, чўлларда сийрак ёстиқсимон буталар, шўра ўсади, Яман ва Уммон тоғларида саванналар бор. Ҳайвонот дунёси шим.да Палеарктика области ва жан.-ғарбда Эфиопия областига мансуб. Ж.-F. О.да Саудия Арабистони, Қувайт, Баҳрайн, Қатар, БАА, Уммон, Яман, Ироқ ва Иорданиянинг жан. қисми жойлашган.

ЖАПАРКЎЛ — Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидаги қуриб қолган кўл. Амударё дельтасидаги Тахтақайир овулидан 5 км жан.да, ботқоқлашган тўқайзорлар орасида жойлашган. Сувга тўлган 50—60-й.ларда майд. 1,42 км², ўртача чуқ. қарийб 1 м бўлган, қамиш, қўға ва б. сув ўсимликлари б-н қопланган. Амударёнинг ён тармоқларидан тошган сувлар ва қисман сизот сувлар ҳисобига тўйинган. Ўша пайтларда ҳам кўл тўлинсув даврида катталашиб, тошқин тугагач, саёзлашиб кичрая борган. Ж.да ҳар хил балиқ ва сув паррандалари бўлган, ондатра боқилган ва овланган.


ЖАПАҚ БАХШИ (аслида Жабборберган) Шомуратов (1893, ҳоз. Амударё тумани, Назархон овули — 1973, Нукус) — қорақалпоқ бахшиси ва бастакор. Ороллик ўзбеклардан. Қорақалпоғистон (1940) ва Ўзбекистон (1944) халқ артисти. Ёшлигида Суяв бахши, Отажон бахши, Жума бахшилардан достон ва термалар ўрганган. 1911 й.дан қўшиқ айта бошлаган. «Гариб ошиқ», «Хирмондали», «Юсуф Аҳмад», «Гўрўғли», «Саётхон Ҳамро», «Бозиргон» достонларини маҳорат б-н куйлаган. Тўрткўл радиосида (1932 й.дан), Қорақалпоқ театри (1936—52), Қорақалпоқ филармонияси ва радиоқўмитасида (1952 й.дан) ишлаган. 200 га яқин куй ва қўшиқ муаллифи, айниқса «Амударё», «Тўлқин», «Туғишган ўзбек халқига», «Боғлар», «Ботир қизлар», «Чўпонлар» ва б. машҳур. Композитор О. Ҳалимов б-н ҳамкорликда «Суймаганга суйканма» (С. Хўжаниёзов, 1945), «Ойгул Обод», «Орол қизи», «Зиёда», «Бердақ» (Ж. Оймирзаев, 1946, 1947, 1948, 1950) мусиқали драма ва комедиялар муаллифи. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти лауреати (1967).



ЖАПАҚОВ Навруз (1914.16.5 — Тахтакўпир тумани — 1975.13.3) — қорақалпоқ шоири ва адабиётшуноси. Ўзбекистонда (1974) ва Қорақалпоғистонда (1964) хизмат кўрсатган фан арбоби. Филол. фанлари д-ри (1967). Кўп йиллар юқори раҳбарлик идораларида ишлаган. Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-ти (1961—67) ва Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон бўлими Н. Довқораев номидаги тарих, тил ва адабиёт ин-тида (1967—75) катта илмий ходим. Илк шеърлар тўплами — «Қуёш» (1940). «Шоир сўзи» достони (1949, Ж. Оймурзаев б-н ҳамкорликда) Навоийга бағишланган. «Узоқдаги яйловлар» (1955, Х. Сеитов б-н ҳамкорликда), «Сувчи» (1958) достонларида қорақалпоқ халқининг турмуши ва яратувчилик меҳнати акс этган. «Орол балиқчилари» киносценарийси (М. Мелкумов б-н ҳамкорликда) ва адабиётшуносликка оид бир қанча асарлар муаллифи («Қорақалпоқ адабиётида реализм масаласига доир», 1972; «Адабиётимиз ҳақида ўйлар», 1974 ва б.).

Ас.: Аму бўйларида, Т., 1956; Тириклар билан бирга: Поэма ва шеърлар, Т., 1962; Танламалы шығармалари, 3 томлик, Нөкис, 1978—80.

ЖАР — вақтинчалик оқар сувлар ерни ўйиб ювиб кетишидан ҳосил бўладиган турли катталикдаги чуқурлик. Ж. асосан, юмшоқ жинслар (лёсс, лёссисимон қумоқ)дан тузилган баланд текисликларда, тоғ этаги қияликларида кўп учрайди. Ж. оқова ва ташлама сувни оқизиб қўйиш, ўрмонларни кесиб юбориш, агротехника қоидаларига хилоф ер ҳайдаш, тартибсиз мол боқиш натижасида ҳам вужудга келади. Ж.нинг узунлиги бир неча ўн км гача, кенглиги ва чуқурлиги бир неча ўн м гача бўлади. Ж.лар, одатда, юқори қисмининг ўйилиши ҳисобига ўсади, таги ер ости сувига етгандан кейин чуқурлашишдан тўхтайди. Ж.лар Ўрта Осиёда (Фарғона водийси), Волга бўйининг ўрмон-дашт ва дашт зоналарида, Хитойнинг лёссли вилоятларида, АҚШ ва тропик мамлакатларда кўпроқ тарқалган. Улар экинзорларни парчалаб катта зарар келтиради. Ж. кўпайиб кетмаслиги учун дарахтлар ўтқазилади, тўғон ва тўсиқлар, тарновлар, сув омборлари қурилади.



«Жар» спорт соғломлаштириш мажмуининг олд томонидан кўриниши.

«ЖАР» — спорт-соғломлаштириш мажмуи. Меъморлар С. Ф. Хўжаев, Л. А. Мухамедшин раҳбарлигида Т. К. Матёқубова, С. Е. Цой, А. И. Надиршин ва б. томонидан қурилган (1997). Тошкент ш. Шайхонтоҳур тумани «Чорсу» майдони яқинидаги жарликда бунёд этилган. Ж. кўп тармоқли спорт иншооти бўлиб, республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган мусобақаларни ўтказишга мўлжалланган. Унда спорт заллари ва 1000 ўриндиқли сув ҳавзаси ва яна 2 та кичик ёпиқ сув ҳавзаси, сауна, 10000 ўриндиқли футбол майдони, очиқ теннис кортлари (5 та ёзги ва 2 та қишки, 1000 ўриндиқли), енгил атлетика майдони (2000 ўриндиқли), соғломлаштириш, тиббиёт, машқ қилиш ва умумий овқатланиш хоналари мавжуд. Томоша заллари: теннис зали, бокс зали (760 ўриндиқли), кураш (ҳар хил турлари) зали (850 ўриндиқли) ва б. мажлислар зали (200 ўриндиқли) ва б. Касса, буфет, гардеробхона, санузеллар (пастки қаватда), шунингдек, меҳмонлар учун хоналар, матбуот маркази, маъмурий хоналар аралаш жойлашган.

Спорт б-н шуғулланувчилар учун 5 та машқ ва тренаж заллари (24×12 м), кийим алмаштириш хоналари бор. Мураббийлар, ҳакам, маъмурият хоналари турли қаватларда жойлашган. Устига очиқ, қишда суви иссиқ сув ҳавзасига

сақрайдиган минора ўрнатилган. Дзюдо, каратэ, таэквандо, таэк-жунри, таэк-субхарге каби 13 та спорт тўгараги ишлаб турибди (2001). Тиббий назорат ҳоналарида турли соҳадаги врачлар қабули, диагностика, физиотерапевтик муолажалар ўтказилади. Вестибюль ва ҳовли боғида умумий овқатланиш хонаси, қаҳвахона, буфет, бар ташкил қилинган.

Томошабин ўриндиқлари поғонали, майдон икки томонидан соябон б-н тўсилган. Минбар остида қўшимча хоналар бор. Мажмуа майдони 15 га, боғ зонаси 4 га ни ташкил қилади.

ЖАРАЁН — 1) бирон нарсанинг ривожланишида ҳодиса, ҳолатларнинг бирин-кетин алмашинуви; 2) бирон-бир натижага эришиш учун бўладиган кетма-кет ҳаракатларнинг мажмуи (мас., ишлаб чиқариш Ж.и); 3) судда ишни кўриш тартиби, суд ишини юритиш; суд мажлиси, муҳокама.

ЖАРГОН (франц. jargon. — сафсата) — бирор ижтимоий гуруҳнинг ўзига хос лексикаси, фонетикаси ва грамматикаси б-н умумсўзлашув тили ва маҳаллий диалектлардан фарқ қиладиган тили. Ж. муайян ижтимоий муҳитда юзага келади ва шулар манфаатига хизмат қилади (мас., талабалар, ҳарбий хизматчилар, турли касб, машғулот эгалари орасидаги Ж.). Бундай Ж.ларни кучли ривожланган ва аниқ терминларга эга бирор касб тили б-н аралаштирмаслик лозим. Ж. ҳам лексик, ҳам услубий жиҳатдан турли-туман, тезда ўзгарувчан, барқарор бўлмайди. Мас., ёшлар орасида «кетдим» ўрнида «сирпандим», «пул» ўрнида «соққа», «доллар» ўрнида «кўки»; санъаткорлар орасида «хизмат учун ҳақ олмаслик» ўрнида «том сувоқ», «пул» ўрнида «яқан» ва ҳ. к. Ж.лар учрайди. Ж. бадиий ижодда асар қаҳрамони хусусияти, табиатини очиб бериш учун хизмат қилади. Ж.лар турли тилларда сўзлашувчи халқлар вакилларининг бир-бирлари б-н алоқа қилишида ёки турли халқ вакиллари йиғиладиган жойлар (мас., чегара, портлар)да ҳам пайдо бўлади. Ж.лар қайси ижтимоий гуруҳ орасида юзага келган бўлса, деярли фақат шу гуруҳ вакиллари учун тушунарли бўлади, шу тоифадагиларнинг вазият, шароит тақозасига кўра бошқалардан яширин тутиладиган мақсадларига хизмат қилади.

ЖАРИБ (араб.) — юза, ҳажм ва оғирлик ўлчов бирлиги; шарқ мамлакатларида, жумладан Марказий Осиёда 7-а.дан бошлаб қўлланилган. Юза ўлчов бирлиги, айнан *таноб*га тенг: 1Ж.=1 таноб = 3600 кв. газ.

Баъзи адабиётларда Ж. 1 газ = 66,5 см бўйича аниқланган, яъни 1Ж. = 1592 м². Ж. илк ўрта асрда 1592 м² (кичик жариб), 5837 м² (катта жариб) бўлган. 15-а. дан бошлаб 960 м². Ҳоз. вақтда Эронда 1Ж. расман 1 гектарга тенг бўлса-да, Ж.нинг тахм. 400 м² дан 1450 м² гача ўзгариб турувчи маҳаллий турлари ҳам мавжуд: жариби шоҳий 1200 м² га, жариби расмий 760 м² га тенг. Ўрта Осиёнинг ҳуқуқий ҳужжатларида Ж. б-н таноб бир хил юза ўлчовини ифода этган. Ер ўлчовчи мансабдор жарибкаш ёки жариб амин деб аталган; оғирлик ўлчов бирлиги: қиймати ишлатилиш вақти ва жойига қараб ҳар хил бўлган. Мадинада 7—9-а.да 22,825 кг, Эроннинг турли ерларида 10-а.да 32,5 кг дан 108,3 кг (138 л) гача, 14-а.да эса 1Ж. 100 кг бўлган; ҳажм ўлчов бирлиги: қиймати ишлатилиш жойига қараб ҳар хил бўлган. 7-а.да Мадинада Умар халифалиги даврида 1Ж. 3,245 кг буғдой сиғадиган 4,2125 л ҳажмга тенг бўлган. Эрон ва Ўрта Осиёнинг турли ерларида 1Ж. 100 кг буғдой сиғадиган 130 л ҳажмга тенг бўлган (1Ж.=130 л).

ЖАРИБИ РАСМИЙ — қад. юза ўлчов бирлиги; *жариб*нинг бир тури; қиймати 760 кв. м га тенг.

ЖАРИБИ ШОҲИЙ — қад. юза ўлчов бирлиги; *жариб*нинг бир тури; қиймати 1200 кв. м га тенг.

ЖАРИБКАШ — қад. ер ўлчовчи мансабдорларга нисбатан ишлатилган ибора (қ. *Жариб*).

ЖАРИД, жерид, жид — қамиш найза тури. Турк-мўғул халқларида, шунингдек, арабларда муомалада бўлган. Мўғуллар орқали русларга ўтган. Ўрта Осиё халқларида ҳарбий машқ пайтида жангчи йигитларни бир-бирига улоқтирадиган қамиш пояси ҳам баъзан Ж. деб аталган.

ЖАРИМА — 1) қонунда белгиланган ҳолларда ундириладиган маблағ. Ж. жиноий жазо, маъмурий ва жамоатчилик таъсири чораси сифатида қўлланилади. Фуқаролик ҳуқуқида Ж. шартномани бажармаган ёки унинг бажариш муддатини ўтказиб юборган корхона, ташкилот, муассасаларга, жиноят ҳуқуқида жиноятчига (суд томонидан асосий ёки қўшимча жазо сифатида), маъмурий ҳуқуқда жамоат тартиби, транспортдан фойдаланиш, ов қилиш ва б. тартибларни бузганларга солинади. Ўзбекистон МЖКга мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор жисмоний ва юридик шахсдан давлат ҳисобига пул ундирилади. Фуқароларга солинадиган Ж.нинг энг кам миқдори энг кам иш ҳақининг 50 дан бир қисмидан, мансабдор шахсларга эса — 10 дан бир қисмидан кам бўлмаслиги, энг кўп миқдори энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан, мансабдор шахсларга эса 10 бараваридан ошмаслиги керак (қонунда назарда тутилган айрим ҳолларда баъзи ҳуқуқбузарликлар учун Ж. миқдори оширилиши мумкин). Ж. маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, қонун б-н ваколат берилган бошқа органлар ёки мансабдор шахслар томонидан солинади; 2) спортда — қоидани бузганлик учун бериладиган жазо (мас., Ж. тўпи).

ЖАРИНҚУДУҚ БОТИҒИ — Устюрт платосининг шим.-ғарбидаги ботиқ. Бир қисми Ўзбекистон Республикаси, қолгани Қозоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган. Ж. б. неоген (сармат)нинг оҳактош, мергел жинсларидан таркиб топган. Мутлақ бал. шим.-шарқида 72—73 м. Нисбий чуқ. 3—5 м. Уз. 60—65 км, эни 12—14 км. Туби ясси текислик, марзасимон баландлик ва дўнгликлар мавжуд, қатқалоқ ва пўрсилдоқ шўрхоклар б-н банд. Ер ости сувлари Ж. б.да юқорига кўтарилиши туфайли бугланиш жараёнида туз тўпланади. Грунт сувларининг шўрлиги ҳар л да 80—100 г ва ундан кўп, сульфат-хлорид турига оид. Шўр жойларда ўсимлик ўсмайди, фақат ботиқнинг чеккаларида бир йиллик шўралар, сарисазан, қорабароқ, онда-сонда саксовул ўсади.

ЖАРМИШКЎЛ — Хоразм вилояти Урганч туманидаги кўл. Урганч ш.дан 12 км, Гулистон қишлоғидан эса 2 км жан.да, Полвонёп каналининг чап соҳилида жойлашган. 1960-й.ларда майд. 4,8 км², ўртача чуқ. 1,0—1,2 м бўлган. Кейинчалик майдони анча кичрайган. Ж.га ташлама ва сизот сувлари қуйилади, турли балиқлар (зоғора балиқ, чўртан, лаққа) бор.

ЖАРМО МАНЗИЛГОҲИ — Месопотамиядаги илк неолит даври (мил. ав. 7-минг йиллик)га оид манзилгоҳ. Киркук ш.нинг яқинида, 1948 й.да америкалик археолог Р. Брейдвуд топиб текширган. Унинг 3 га га яқин майдони кавлаб очилган. Маданий қатламининг қалинлиги 7 м га етади. Р. Брейдвуднинг тахминича, Ж. м.да 25 га яқин алоҳида хонадон бўлиб, уларда 150 га яқин киши истиқомат қилган. Деворлари сомонли, хом ғиштдан қурилган. Сопол ва мармарсимон тошлардан ясалган идиш бўлаклари, одам ва ҳайвон ҳайкалчалари топилган. Сопол идишлар қизил бўёқ б-н содда безатилган. Чақмоқтошдан ясалган мотига, ёрғучоқ, ўроқ қадамаси, қиргич, су-

якдан ясалган игна, арпа-буғдой қолдиғи, уй ва ёввойи ҳайвон суяклари ва б. нарсалар топилиши Ж. м.ликлар ҳаётида овчилик ва ибтидоий деҳқончилик катта роль ўйнаганини кўрсатади.

Ад.: Массон В. М., Средняя Азия и Древний Восток, М.—Л., 1964.

ЖАРОҲАТ — гавда тўқималарининг механик шикастланган жойи (тери, шиллиқ парда, кўпинча мускул, нерв, йирик томир, суяк, бўғим, ички аъзо ва гавда бўшлиқларининг бутунлигига путур етиши). Тўқиманинг оғриши, қонаши ва очилиб қолиши Ж.нинг асосий белгиларидир. Пайдо бўлиш шароитига қараб хирургик (операцион) Ж., жангда яраланиш ва тасодифий Ж. ажратилади; жароҳатловчи қурол қандай шикаст етказганлигига қараб, кесилган, санчилган, чопилган, йиртилган (юлинган), лат еган, эзилган, тишланган ва ўқ (снаряд парчаси) теккан Ж. фарқ қилинади. Заҳарловчи моддалар Ж.га тушганда, заҳарли жониворлар (қорақурт, илон) чаққанда заҳарланган Ж. пайдо бўлади. Қутурган ҳайвонларнинг тишлаши (қопиши)дан вужудга келган Ж. айниқса хавфли. Ж.лар тананинг айрим бўшлиқларга (мия, кўкрак, қорин, бўғин) нисбатан уларнинг деворидан ўтган ва ўтмаган турларга ҳам бўлинади. Мас., кўкрак бўшлиғидаги Ж. ўтувчи характерда бўлса, у ҳолда кўкрак бўшлиғидаги аъзолар (юрак, ўпка, кўкрак бўшлиги аъзолари, трахея, қизилўнгач, аорта ва ҳ. к.) шикастланиши ёки шикастланмаслиги мумкин. Аъзолар шикастланганда бемор зудлик б-н хирургик бўлимларнинг мураккаб шикастларга ихтисослашган марказларида (нейрохирургия, кардиохирургия ва ҳ. к.) даволаниши керак. У ерда нозик аъзолар (мия, кўз, юрак ва б.) микроскоп орқали ниҳоятда такомиллашган асбоблар б-н операция қилинади.

Тасодифий Ж.га микроблар (асосан, йиринг туғдирувчи микроблар) тушган бўлади. Тасодифий ёки жанговар Ж. жароҳатланиш пайтида ёки кейин (боғлаб қўйилмаса) ифлосланиши мумкин. Микроблар (стрептококк, стафилококк ва б.) Ж.га жароҳатловчи қуролдан, теварак-атрофдаги тери, кийим, тупроқ ва б.дан ўтиб, томирдан чиққан қонда, мажақланган тўқималарда ривожланади ва уни яллиғлантиради, *сепсис, қоқшол, газли гангрена* каби инфекцион касалликларга сабаб бўлади. Жароҳатланган кишига ўз вақтида ёрдам бериб, микроблар ривожланишининг олдини олса бўлади.

Ж.нинг битиши мураккаб жараён бўлиб, организмнинг умумий ва маҳаллий реакциясига боғлиқ. Организмнинг ҳолдан тойиши, авитаминозлар, диабет, камқонлик, моддалар алмашинувининг бузилиши Ж.нинг битишини қийинлаштиради. Жароҳатланган аъзонинг қон б-н қанчалик таъминланиши, тўқималарнинг шикастланиш характери ҳам муҳим. Аъзонинг қон б-н яхшироқ таъминланиши Ж.нинг битишини тезлатади. Мас., бош ва юздаги Ж. болдирнинг олдинги юзасидаги Ж.га нисбатан тезроқ, мажақланган, юлинган Ж. силлиқ кесилган Ж.га қараганда секин битади. Ж. йирингламаган, четлари бир-бирига тегиб турган (мас., чокланган) бўлса, 5—7 кунда битади. Бу бирламчи тортишиб (тарангланиб) битиш дейилади. Инфекция тушган (йирингламаган) Ж., шунингдек, четлари бир-биридан «қочган» Ж. иккиламчи тортишиб (тарангланиб) битади. Бунинг ўзига хослиги шуки, бириктирувчи тўқима (грануляцион тўқима) ривожланиб, жароҳат юзини тўлдиради. Шу тариқа пастроқдаги (ичкаридаги) тўқималарни ташқи таъсирлардан сақлайди ва Ж.нинг битишига ёрдам беради. Ж. грануляциялар б-н тўлишидан ташқари, тери четларидан янги ҳосил бўлган эпителий қоплами ўсади. Бирламчи тортишиб битган Ж. билинармас чандиқ (ямоқ), иккиламчи тортишиб битган Ж. эса катта чандиқ ҳосил қилади.

Биринчи ёрдам: кетаётган қон тўхтатилади, Ж. атрофидаги терига спиртли йод (йод настойкаси) суртгач, асептика қоидаларига риоя қилган ҳолда ва антисептика воситаларидан фойдаланиб, Ж.ни ифлосланишдан сақлаш, жароҳатланган аъзони қимирламайдиган қилиб қўйиш (қ. *Иммобилизация*), шундан кейин беморни даволаш муассасасига етказиб бориш керак.

Ҳайвон тишлаган (мас., ит қопган) кишини яқин орадаги санитария-эпидемиология станциясига ёки Пастер пунктига дарҳол юборib, қутуришга қарши эмланади; тишлаган ит ёки бошқа ҳайвон ветеринария пунктларига олиб борилади.

Бадан тирналганда, чақаланганда, зирапча кирганда, пичоқ кесганда тери ифлосланмаган бўлса, Ж. ва атрофидаги терига спиртли йод эритмаси суртиб, қуруқ асептик материал (мас., бинт) б-н боғлаб қўйилади. Бойламни 6—7 кунгача ечмай туриш керак. Узоқ турган гўштни бўлиш ёки балиқни тузалаш вақтида салгина бўлса-да жароҳатланган, баданига игна ва б. нарсалар кирган, шунингдек, Ж.ига тупроқ тушган кишини ҳам врачга кўрсатиш керак.

Ж.ни инфекциядан сақлаш ва қон тўхтатиш учун биринчи ёрдам боғлов пакети ва индивидуал боғлов пакети ишлатилади.

Биринчи ёрдам боғлов пакети тайёр асептик ва антисептик боғлов бўлиб, ўрови бор. Сиртқи ўрови резина югиртирилган, сув ўтказмайдиган матодан, ичкаридагиси қоғоз (пергамент)дан иборат бўлиб, ичида стерилланган бойлам — дока бинт б-н 1—2 та пахта-дока ёстиқча бор. Ёстиқчалардан бири бинт охирига чатиб қўйилган, иккинчисини бинт бўйлаб суриш мумкин. Пакетдан фойдаланишда сиртқи ўрови четидан йиртилади. Ичкаридаги (пергамент) қоғози ичига ёпиштирилган ипдан тортиб очилади. Бинтни пича очиб, битта ёки иккала ёстиқча Ж.га ёпилади, бунда ёстиқчаларнинг Ж.га қараган томонига қўл тегизилмайди. Боғловни Ж.га ёпишдан олдин унинг четларига йод сурилади.

Ж. ўқ тешиб ўтишдан вужудга келган бўлса, иккинчи ёстиқча бинт бўйлаб Ж.нинг чиқиш тешигигача суриб борилади ва унга ёпилади. Ёстиқчалар устидан бинт ўраб, унинг учи боғлов пакетидаги қўшалоқ тўғноғич б-н маҳкамлаб қўйилади.

Индивидуал боғлов пакети — жанговар шароитда Ж.ларга ва куйган юзаларга ёпиладиган стерил боғлов. Биринчи ёрдам боғлов пакетига ўхшайди: пахта-вискоза бинти ва иккита пахта-дока ёстиқчаси бор. Ёстиқчалар сирти рангли ип б-н қавилган. Боғлов пергамент қоғозга ўралган. Фойдаланиш тартиби: пакет шокиласидаги кертик бўйлаб сиртқи ўрови йиртилади, пергамент қоғозга ўралган боғлов, бурмасидан эса хавфсиз тўғноғич олинади; қоғоз пардани олиб ташланади; бинтнинг ёстиқча чатиб қўйилган эркин учини чап қўл, юмалоқланган учини эса ўнг қўл б-н ушланади. Куйган юза катта бўлса, ёстиқчалар бир-бирига яқинлаштирилиб, умумий компресс ҳосил қилинади, куйган юза кичкина бўлса, ёстиқчалар устма-уст қўйилади. Сўнгра бинтни гир айлантириб ўраб, учига тўғноғич қадалади.

Ад.: Орипов Ў. О., Каримов Ш. И., Умумий хирургия, Т., 1994.

Раҳматилла Раҳмонов.

ЖАРРА — қад. оғирлик ўлчов бирлиги; Шарқ мамлакатларида қўлланилган: Қиймати икки хил бўлган: а) 1Ж. = 12240 г = 12,240 кг; б) 1 кичик Ж. = 2040 г = 2,040 кг (Ибн Синонинг «Тиб қонунлари»да).

ЖАРРОҲ БАЛИҚЛАР (Acanthuridae) — окунсимонлар туркумига мансуб балиқлар оиласи. Танаси ён томондан яссилашган, майда тангачалар б-н қопланган, уз. 15—60 см. Думининг икки ёнида ҳаракатчан ўткир пихи бўлади. Пихлар теридаги чуқурчага кириб туради, хавф туғилганида бир зумда тўғриланиб чиқади. 300 га яқин тури тропик денгизларда тарқалган. Ранги чиройли, коралл рифлари ва сув ости қоялари орасида учрайди. Увилдириғи сувда қалқиб туради. Чавоқлари планктон б-н, вояга етган балиқлар сув ўтлари б-н озиқланади. Сузғичлардаги тиканлари ва думидаги пихлари санчилганида огритади.

ЖАРСОЙ — Тошкент вилоятидаги илк ва ўрта палеолит даври ёдгорлиги. *Кўлбулоқ маконида*н 1 км шим.-шарқда жойлашган. Оҳангарон водийсида, 1994—95 й.ларда Ў. *Исломов* раҳбарлигида олиб борилган экспедиция текширишлари натижасида аниқланган. Ж.дан кўплаб тош қуроллар, жумладан нуклеуслар, *левалуа техникаси* б-н ишланган қирғичлар, чопқилар ва б. топилган.

ЖАРСОЙ — Қашқадарё вилояти Китоб ва Чироқчи туманларидаги сой. *Қашқадарё*нинг ўнг ирмоғи. Қоратепа тоғларининг жан. ва жан.-ғарбий ён бағирларидан оқиб тушадиган юздан ортиқ майда ирмоқдан ташкил топган, энг йирик ирмоғи Елсой. Юқори қисмида Оёқчисой, ўрта қисмида Кичик Ж. номи б-н аталади. Чироқчи ш. яқинида Қашқадарёга қуйилади. Уз. 64 км, ҳавзасининг майд. 348 км². Ж. ёмғир, қор ва булоқ сувларидан тўйинади. Ж.нинг ўртача йиллик сув сарфи Чироқчи ш. ёнида 1,08 м³/сек. бўлиб, у йилдан бу йилга 0,42—5,30 м³/сек. ўртасида ўзгариб туради. Сувининг асосий қисми (75—80%) март—май ойларида оқиб ўтади, ёзда камсув, қуйи оқимида баъзан қуриб қолади. Баҳорги жалалардан сўнг Ж.да тез-тез сел тошқинлари бўлиб туради, сув сарфи ва унинг лойқалиги кескин ортади: 1969 й. 24 мартдаги сел вақтида Ж.нинг сув сарфи 91,8 м³/сек. бўлган, 1978 й. 14 мартдаги селда 96 м³/сек.га етган, лойқалиги эса 11 кг/м³ бўлган. Ж.нинг суви асосан Китоб ва Чироқчи туманлари ерларини суғоришга сарфланади.

ЖАРЧИ — 1) ўтмишда ҳукмдорнинг эл-улусга қарата чиқарган фармони, ҳарбий юришга чиқиш, ҳарбий сафардан қайтиш, бирор тантанали маросим ўтказиш, баъзи номдор шахсларни тақдирлаш ёки жиноятчиларни жазолаш ҳақидаги олий буйруқни ва шунга ўхшаш хабарларни бозор майдони ёки кишилар кўп йиғиладиган жойларда баланд овоз б-н эълон қиладиган шахс; 2) кўчма маънода — бирон нарсани эълон қилувчи, қарор топтирувчи (мас., ҳақиқат Ж.си). Бухоро хонлигида Ж. ўз мавқеига кўра *чуҳра оқоси* б-н ёнма-ён турган.

ЖАРҚАЛДИРҒОЧЛАР (Apodes) — узунқанотлилар туркумига мансуб қушларнинг кенжа туркуми. 86 тури бор. Чекка шимол б-н чет жанубдан бошқа ҳамма жойда, текислик ва тог ялангликларида учрайди. Дарахт коваклларига, уйларга, тик қоялардаги ёриқлар ва б. жойларга уя солади. Қора Ж. Ҳиндистон ва Африкада қишлайди. Ўзбекистонда 5 тури яшайди, шундан 3 тури уя қуради. Қора Ж. мартнинг ўрталарида учиб келади. 2—3 ҳафта ўтгандан кейин уя қуришга киришади. 4 тагача тухум қўяди. 11—16 кунда тухумдан жўжа чиқади. Жўжаси 38—40 кунда учирма бўлади. Об-ҳаво ноқулай йиллари уяда 56 кунгача қолиб кетади. Ж. ҳашоратлар, ўргимчаклар б-н озиқланади. Ҳашоратларни қириб, хўжаликка фойда келтиради.



Жарқалдирғоч.

ЖАРҚАНОТЛАР, қизилқанотлар (Tichodroma muraria)— чумчуқсимонлар туркумининг бир тури. Жан. ва Ўрта Европа ҳамда Осиёнинг жан.даги тоғларда учрайди. Ўзбекистон тоғларининг ўрмонсиз тик жарликлари ва қояларида ўтроқ яшайди. 3—4 та тухум қўяди. Қишда водийларга тушади. Майда ҳашаротлар, уларнинг личинка ва ғумбаклари б-н озиқланади.



Жарқанот.

ЖАРҚОҚ НЕФТЬ-ГАЗ КОНИ — Бухоро вилоятидаги Қоровулбозор ш.нинг шим.-шарқида жойлашган кон. Нефть ва газ Жарқоқ структурасида тўпланган. 1955 й.да бурғи қудуғи қазилган. 1956 й.да қуйи бўр ётқизиқларининг 12-горизонтидан газ олинган. Коннинг геологик тузилишида палеозой, юра, бўр ва палеоген ётқизиқлари иштирок этган. Тектоник жиҳатдан Жарқоқ структураси Когон тепалигининг жан.-шарқ қисмида жойлашган, уз. 17 км, кенглиги 7 км, бал. 100 м. Структура 3 гумбаздан иборат. Уларнинг ўлчами минус 570 м изогипси бўйича: шим. гумбаз 2,6 км × 0,7 км, бал. 10 м, марказий гумбаз — 6,7 км × 3,3 км, бал. 50 м, жан. гумбаз 2,3 км × 1,0 км, бал. 20 м. 1955—57 й.ларда конда 13 бурғи қудуғи қазилган. Уларнинг биттасида нефть, 6 тасида газ, 1 тасида газ б-н нефть, 1 тасида сув б-н нефть, 4 тасида сув б-н газ, қолганларида сув борлиги аниқланган.

12-, 13-, 15-горизонтда газ, 13-, 15- ва 15а-горизонтда нефть ва газ бор. Кондаги газнинг ҳавога нисбатан зичлиги 0,580—0,612 кг/м³, карбонат ангидриди 0,09—1,08%, азот ва камёб газлар 0,24—0,5%, метан 94—96%, нефти енгил (0,823 г/см³), олтингугурт миқдори 0,7%, парафин 1,42%, қатрон 10%. Кондан нефть ва газ олинади.

ЖАРҚОҚ ПЛАТОСИ — Бухоро вилоятидаги плато. Аму-Бухоро машина каналининг ўнг соҳилида жойлашган. Энг баланд жойи 393 м, уз. 12 км, эни 3—4 км. Плато атрофдаги текисликка нисбатан гумбазсимон кўтарилган. Ён бағирлари, айниқса, жан.-шарқи ва шим.-ғарби анча тик. Шим.-ғарбий ён бағри текисликка зинапоясимон пасайиб боради, сувайиргич қисми ясси. Ён бағирлари туб жинслар (оҳактош, қумтош, конгломерат)дан иборат қатламлардан ташкил топган. Этакларида майда шағал ва қум аралаш дағал жинслардан иборат пролювиал шлейф бор. Бўз-қўнғир тупроқларда асосан шувоқ, биюргун, бояличи, кейреук тарқалган.

ЖАРҚУДУҚСОЙ — Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги сой. Зирабулоқ тоғларидаги булоқлардан бошланиб, шим-шарқий йўналишда оқади. Уз. 23 км. Ҳавзаси ёғин кам ёғадиган паст тоғларда жойлашганидан фақат эрта баҳорда ва жала ёққанда сув оқади.

ЖАРҚЎРҒОН — Сурхондарё вилояти *Жарқўрғон туманид*аги шаҳар (1973). Туман маркази. 1951 й.да шаҳарча сифатида ташкил этилган. Вилоят маркази — Термиздан 42 км шим.да. Яқин т. й. станцияси — Жарқўрғондан 2 км. Сурхон дарёсининг ўнг соҳилида, 350 м баландликда жойлашган. Шаҳар орқали Занг канали оқиб ўтади. Аҳолиси 20,5 минг киши (2000). Ж. номи қадимда жар ёқасида жойлашган Жўрғон номидан келиб чиққан. 8—12-а.ларда Ж. ўрнида Чарманган (Сарманган) ш. бўлиб, араб-форс географик адабиётларида кўп тилга олинган. 8-а.да араблар, 10-а.да ғазнавийлар, 11-а.да салжуқийлар, 12-а. 1-ярмида Бомиён ғурийлари, 13-а. бошларида хоразмшоҳлар қўлида, 13-а. ўрталарида Чиғатой

улусига кирган. Ўша даврларда Ж. (Чарманган) мавқеи жиҳатидан Термиз ш.дан кейин 2-ўринда бўлган. Географик ўрнининг қулайлигидан Ж. қадимдан муҳим хўжалик маркази бўлиб келган. 1929 й.да т. й. ўтказилиши, 30-й.ларда бир неча нефть конининг очилиши Ж. хўжалигининг тез ўсишига сабаб бўлди. Шаҳар атрофидан нефть қазиб олинади. Пахта тозалаш, қурилиш материаллари з-длари, «Жарқўрғоннефть» кон бошқармаси, нефть-кон машиналарини таъмирлаш устахоналари, тикувчилик ф-каси, автотранспорт корхонаси, ёқилғи сақлаш; қ. х. маҳсулотларини қабул қилиш омборхоналари мавжуд. Ж.да маъмурий, савдо ва маданий муассасалар, касалхона, амбулатория, ўрта мактаблар, халқ театри, кутубхона, алоқа бўлими, стадион, истироҳат ва маданият боғи фаолият кўрсатади.

ЖАРҚЎРҒОН МИНОРАСИ — Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани Минор қишлоғида жойлашган меъморий ёдгорлик (1108—09). Хуросон меъморлик мактаби анъаналари асосида барпо этилган. Ёнида бир вақтлар пишиқ ғиштдан қурилган Жоме масжид бўлган (сақланмаган). Ж. м. 8 қиррали пойдевор устига ғиштдан мавзшаклида терилган 16 плитавор қобиғадан иборат. 20 м баландликда ғиштин панжарали равоқлар ишланиб, унинг устида куфий ёзувли белбоғ ҳошия бор. Белбоғ устида яна қирралар давом эттирилган, лекин минора тепаси сақланмаган. Н. Н. Каразин расмида масжид ва минора харобаси акс эттирилган (1879 й.). Миноранинг ҳозирги бал. 21,6 м, асоси (диаметри — 5,4 м)нинг китобасида меъмор номи Али ибн Муҳаммад Сарахсий ва қурилган санаси ёзилган (В. А. Шишкин томонидан ўқилган). Ж. м. таъмирланган, давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Жарқўрғон минорасидаги китоба.





Жарқўрғон минораси.

ЖАРҚЎРҒОН ТУМАНИ — *Сурхондарё вилоятида*ги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган (1962 й. 24 дек.да Шўрчи тумани б-н бирлаштирилган, 1964 й. 31 дек.да қайта тузилган). Шим.да вилоятнинг Қизириқ ва Бандихон туманлари, шарқда Қумқўрғон тумани, жан.-ғарбда Термиз ва Ангор туманлари, шарқда Тожикистон Республикаси б-н чегарадош. Майд. 1,14 минг км². Аҳолиси 142,2 минг киши (2000). Яқин т. й. станцияси — Жарқўрғон. Ж. т.да 1 шаҳар (*Жарқўрғон*), 1 шаҳарча (Какайди) ва 7 қишлоқ фуқаролари йиғини (Деҳқонобод, Жарқўрғон, Минор, Оққўрғон, Сурхон, Чоржўй, Шарқ Юлдузи) бор. Маркази — Жарқўрғон ш.

Табиати. Рельефи, асосан текислик бўлиб, Сурхондарё водийси бўйлаб жан.га томон пасайиб боради. Қиши қисқа ва илиқ, ёғин нисбатан кам, ёзи узоқ, қуруқ ва иссиқ. Июлнинг ўртача т-раси 28—32°, янв.ники 2,8—3,6°. Йиллига ўртача 130—140 мм ёғин тушади, асосан қиш ва баҳорда ёғади. Ғарбий, жан.-ғарбий, шим.-шарқий шамоллар кўп эсади. Туманнинг жан. ва шарқидан бир неча кун давом этадиган қуюқ чанг-тўзонли *Афғон шамоли* эсади. Сурхондарёдан ва Аму-Занг, Боботоғ каналларидан суғоришда фойдаланилади. Ж.т.нинг шарқий қисмида доимий сув танқислигига барҳам бериш учун «Оқтепа» сув омбори, Жарқўрғон гидроузели ва б. ирригация иншоотлари қурилган; ер ости сувларидан ҳам фойдаланилади. Ж. т.да оқ саксовул, черкез, қандим, тересken, янтоқ, дарё бўйларида юлғун, жийда, туранғил, терак, қиёқ, қамиш, тол, ёнғоқ, бодом ўсади. Қир-адирларда жайран, жайра, силовсин, бўри, чиябўри, тулки, қушлардан қирғовул, каклик, майна, чўғурчиқ, чумчуқлар яшайди. Дарё ва каналларда оқ амур, зоғора балиқ, лаққа балиқлар бор.

Аҳолиси, асосан ўзбеклар (90,2%), шунингдек, тожик, рус, татар, туркман, қозоқ, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1км² га ўртача 124 киши тўғри келади.

Хўжалиги. Туманда пахта тозалаш, қурилиш материаллари з-длари, ремонт устахоналари, ҳунармандчилик к-тлари, «Сурхонтўқимачи» каби 10 дан ортиқ саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Кичик ва ўрта тадбиркорлик б-н шуғулланувчи корхоналар ва қ. х. корхоналарининг ёрдамчи хўжаликларида саноат маҳсулотлари и. ч. кўпайтирилмоқда. Туман ҳудудидан нефть конлари (Какайди, Лалмикор, Учқизил) топилган. Лалмикорда газ кони бор.

Қ. х.нинг асосий тармоқлари: пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, токчилик. Суғориладиган ерлар 114,2 минг га. 11,2 минг га ерда пахта, 9,6 минг га ерда ғалла етиштирилади. Яйловларда қорамол, қўй боқилади. Туманда ширкат, фермер хўжаликлари, бўрдоқичилик корхонаси бор.

1999/2000 ўқув йилида 56 умумий таълим мактаби, шу жумладан болалар санъат мактаби, болалар мусиқа мактаби, лицей, касб-ҳунар мактабларида 37,5 минг ўқувчи таълим олди. Туманда 31 жамоат кутубхонаси (337 мингдан зиёд китоб), 14 клуб, 2 маданият ва истироҳат боғи, 3 халқ ансамбли, халқ театри бор. 4 касалхона, 9 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 3 қишлоқ врачлик пункти, 4 поликлиника, 4 фельдшер-акушерлик пункти, 2 диспансерда аҳолига 1400 дан зиёд тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатади. 1932 й.дан «Жарқўрғон ҳақиқати» газ. чиқади (адади





Жарқўрғон тўқимачилик фабрикасида.

2000). *Бароттепа* қишлоқ харобаси, *Жарқўрғон минораси* (12-а.) бор.

ЖАРҚЎТОН — қад. шаҳар харобаси (мил. ав. 2-минг йилликнинг иккинчи ярми). Шеробод тумани (Шеробод дарё ирмоғи Бўстонсой ўзанининг чап соҳили)да жойлашган. *Сополли маданиятига* мансуб қабилаларнинг жез даври ёдгорлиги. Ж. аҳолиси суғорма деҳқончилик ва чорвачилик б-н шуғулланган. Ўзбекистон ФА Археология ин-тининг А. *Асқаров* раҳбарлигидаги экспедицияси қазиш ишлари олиб борган (1973 й.дан). Ж. (майд. 100 га) мудофаа девори б-н ўралган марказий қўрғон, оташпарастлар ибодатхонаси (қ. *Жарқўтон оташкадаси*), қабристон (майд. 20 га), бир неча даҳалардан иборат бўлган. Ж.да турар жой қолдиқлари, ибодатхона, кулолчилик маҳалласи, металл эритиладиган устахоналар, 1000 дан ортиқ қабрлар очиб ўрганилди. Турар жой бинолари катта бичимли хом ғиштдан (55×29×9 см) бир ёки бир неча хонали қилиб қурилган. Хоналар саҳни ва девори сомонли лой б-н суваланган. Кўчалар тор, даҳа ибодатхонасига борувчи йўлга шағал ётқизилган. Эркаклар ўнг ёнбоши, аёллар чап ёнбоши б-н ғужанак ҳолда кўмилган. Ж.дан тошдан ясалган омоч тиши, кўплаб сопол идиш (хумча, кўзача, тоғора, коса, пиёла, тоғорача, лаган) лар жез игна, бигиз, ханжар, сопол андава, чақмоқтошдан ишланган пайконлар, жез тақинчоқлар (рангли тошлар қадалган кўплаб тўғноғич, билагузук, зирак, ойна) қимматбаҳо тошлар ва суякдан ясалган мунчоқлар, жез сурмадон, қабила муҳр-тамғалари, ип мато қолдиғи ва б. топилган.

Ж. ашёларига ўхшаш ёдгорликлар Сурхондарё вилоятидан ташқари Жан. Тожикистон, Туркманистон ва Шим. Афғонистон, Эрон ҳудудларида учрайди.

Ад.: Асқаров А. А., Абдуллаев Б. Н., Джаркутан, Т., 1983.

ЖАРҚЎТОН ОТАШКАДАСИ — Сурхондарё вилояти Жарқўтон ш. харобасидаги оташпарастлар ибодатхонаси. Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқдаги энг қад. оташкада ҳисобланади. Ж. о.да А. *Асқаров* раҳбарлигидаги археологик экспедиция тадқиқот ишлари олиб борган (1973 й.дан). Ж. о.нинг тарҳи тўғри тўртбурчак (44×64 м) бўлиб, девор (қалинлиги 4,5 м) б-н ўралган. Унда доира шаклидаги 6 саждагоҳ, 5 муқаддас қудуқ, табаррук ашёлар сақланадиган махсус хона ва б. ҳўжалик хоналари бўлган. Ибодатхона марказида катта супа (очиқ платформа) бўлиб, унинг марказида чор минор қолдиқлари ва катта саждагоҳ топилган. Коҳинлар яшайдиган супали хоналар, муқаддас олов ва кул сақланадиган оташгоҳлар, муқаддас ичимлик (саома — хаома) тайёрланадиган хоналар очилган. Ж. о.дан сирланган, безакли сопол идишлар, лойдан ишланган одам ҳайкалчалари, афсонавий қуш Геруда — Ҳумо тасвирланган идиш, сопол қувурлар ва б. топилган.

Жарқўтон оташкадаси.

ЖАСЛИҚ (Ёшлик) — Қорақалпоғистон Республикасининг *Қўнғирот тумани*даги шаҳарча (1975 й.дан). Аҳолиси 4,1 минг киши (2000), қорақалпоқ, ўзбек, қозоқ, рус, татар, туркман ва б. миллат вакиллари яшайди. Т. й. станцияси. Ж.да «Тулей» газ компрессор ст-яси, локомотив депоси, т. й.ни таъмирлаш корхонаси мавжуд. Ж. орқали йўловчилар ташувчи халқаро поездлар қатнайди. Умумий таълим мактаби, клуб, маданий-спорт мажмуаси, кутубхона, касалхона, дорихона, ҳаммом, нонвойхона бор. Ж. ёнида қад. ипак йўли бўйидаги «Белевли» карвонсаройининг қолдиқлари сақланган.

ЖАТЛАР — милодиннг бошларида Панжобнинг ғарбий туманларида яшаган қабилаларнинг йирик гуруҳи. Кейинчалик улар Шим. Ҳиндистонга тарқалиб кетиб, *панжобилар*нинг этник асосини ташкил қилганлар ва *сиқлар* жамоаси таркибига кирганлар. Ҳиндистонда Ж.нинг кўпчилиги Ж. деб аталувчи деҳқонлар табақасига айланган. *Деҳли султонлиги* ва Бобурийлар давлатида Ж.дан ёлланма аскар сифатида ҳам фойдаланилган. 17-а. охирида Ж. бобурийларга қарши бир неча марта (1669, 1672, 1686—91) қўзғолон кўтарган. Мас., 1669 й. Матхура вилоятида *Гокла* раҳбарлигида кўтарилган қўзғолон тарихда айниқса машҳур. Уларнинг шундан кейинги (18-а.даги) қўзғолонлари натижасида мустақил Ж. султонлиги тузилди. 1763 й. бобурийлар армияси зарбасидан сўнг султонлик парчаланиб кетиб, ундан фақат кичик Бхаратпур князлигини сақлаб қолган.

Ҳоз. Ж. (10 минг киши, 1990-й.лар ўрталари) Ҳиндистон республикаси Шим.да ва Покистонда яшайди.

ЖАУС — Ўрта Осиёда кенг тарқалган ўртапишар узум нави (қ. *Султоний*).

ЖАФНА, Вапаная, Япаная — Шри Ланкадаги шаҳар ва порт. Жафна я. о.да. Шимолий провинциянинг маъмурий маркази. Қад. Тамиль давлатининг пойтахти бўлган. Аҳолиси 130 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари; аҳолисининг сони жиҳатидан мамлакатда 2-ўринда). Савдо маркази. Ж.дан мамлакат жанубига борувчи т. й. ва автомобиль магистрал йўли бошланади. Мамлакатнинг Ҳиндистон ва Мьянма б-н иқтисодий алоқаларининг анча қисми Ж. орқали олиб борилади. Тўқимачилик, озиқ-овқат саноати ҳамда қ. х. хом ашёсини қайта ишлайдиган корхоналар бор. Балиқ овланади.

ЖАЪФАР ас-СОДИҚ, Жаъфар ибн Муҳаммад Абу Абдуллоҳ (тахм. 700—Мадина — 765) — шиаликдаги *жаъфарийлик* мазҳаби асосчиси, шиаларнинг 6-имоми. «Содиқ» лақабини тўғри сўз бўлганлиги учун олган. Ж. С. шажараси ота томондан ҳазрат Алига, она томондан ҳазрат Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалади. Ж. С. сиёсий фаолиятда мутлақо қатнашмади, имомликка даъвогарлик ҳам қилмади. У ҳокимият учун қуролли кураш олиб боришнинг душмани эди, ўз қариндошларининг чиқишларини (739—740 й.ларда Зайд ибн Алининг Куфада, 762 й. Муҳаммад ан-Нафс аз-Закийнинг Хижозда) қоралади. Лекин диний фанлар (ҳадислар, тафсир, фиқх)ни ўрганишда оиладаги анъанани давом эттирди ва «мўътадил» шиаларнинг маънавий раҳбари бўлиб қолди. У фиқҳ ва илоҳиёт масалаларини муҳокама қилинадиган мажлислар ташкил этарди. Расулуллоҳ авлодлари (аҳли байт)нинг энг кўзга кўринган олимларидан бирига айланади.

Ж. С. дин усулларини ишлаб чиққан, унинг кимёга оид бир неча рисолала-

ри бўлган. Ҳоз. баъзи мусулмон уламолари Ж. С. «араб илмий анъанасининг отаси» деган фикр билдирадилар.

ЖАЪФАР ибн МУҲАММАД ал-Ҳусайний (15-а.) — хуросонлик тарихчи. Темурийлардан *Бойсунғур*га бағишлаб «Мунтахаб ут-таворих» («Танланган солномалар китоби») номли асар ёзган (1416). У форс тилида битилган бўлиб, дастлабки одамнинг яратилишидан то *Шоҳрух* ҳукмдорлиги давригача бўлган воқеаларни баён қилади.

ЖАЪФАРИЙ Али Сардор (1913.29.2, Балрампур, Ганда округи) — ҳинд ёзувчиси, жамоат арбоби. Урду тилида ижод қилади. Деҳлидаги ун-тни тамомлаган. «Ҳинд халқ театрлари Ассоциацияси»нинг асосчиларидан бири. «Янги дунёга салом!» (1947), «Оламнинг қуёши» (1950), «Осиё уйғонди» (1950), «Яна битта орзу» (1965), «Қон даъвати» (1978) каби шеърий тўпламлар ва достонлар муаллифи. «Бу кимнинг қони?» (1943) пьесаси фашизмга қарши руҳда ёзилган. Урду адабиёти учун янгилик бўлган «оқ шеър» ва б. услубий йўналишларда самарали ижод қилган. «Тараққийпарвар адабиёт» (1951) номли китобида ҳинд адабиёти тарихини илғор ижтимоий-эстетик нуқтаи назардан таҳлил этган. *Мирзо Ғолиб*, Мир Тоқи Мир каби урду адабиётининг йирик намояндалари асарларини тўплаб, нашр эттирган.

ЖАЪФАРИЙЛИК — *шиалик*даги диний-ҳуқуқий тизим. Унга *Жаъфар ас-Содиқ* асос солган деб ҳисобланади, аслида 9—10-а.ларда бир қатор мужтаҳид ва илоҳиётчилар томонидан ишлаб чиқилган. Ж. суннийликдаги 4 мазҳаб (ҳанафийлик, моликийлик, шофиъийлик ва ҳанбалийлик) қатори исломда 5-диний-ҳуқуқий мазҳаб (имомийлар) деб тан олинган. Ж. мазҳабининг суннийликдаги мазҳабларидан асосий фарқи: жаъфарийлар қиёсни Қуръон, сунна, ижмъдан кейинги шариат манбаи эканлигини рад қиладилар. Шиаликдаги имомлар нақлларинигина тан оладилар, вақтинчалик никоҳ (мутъа)га йўл қўядилар, хавф пайдо бўлган чоғда ўз эътиқодларини яширадилар, *ижтиҳод*га имкон яратадилар. Ж. 16-а. бошларида Эронда ҳукмрон диний-ҳуқуқий тизимга айланган.

ЖАЪФАРОВА Турсунхон Йўлдошевна (1915.15.8, Наманган — 1997.17.3, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (1952). 1931—40 й.ларда Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрида, 1941 й.дан Муқимий театрида актриса. Энг яхши роллари: Ҳалима («Ҳалима»), Лайли («Лайли ва Мажнун»), Гулсара («Гулсара»), Нурхон («Нурхон»), Офтобхон («Офтобхон»), Ин Сен («38-параллел жануброгида»), Рисолат («Тошболта ошиқ»), Нодира («Нодира»), Тўлганой («Момо ер»), Лутфи хола («Она қизим»), Зуҳра, Мастура сатанг, («Паранжи сирлари»), Биби («Гули сиёҳ») ва б. Ж. ижоди кучли драматизм, аниқ саҳна ҳаракати, ёрқин ифодавийлик, бадиий тугал талқини б-н, қаҳрамонларининг маънан бойлиги, аёллик назокати-ю, фикру мулоҳазасининг теранлиги, ўзига хослиги б-н ажралиб туради. Ж. бир қанча фильмларда ҳам суратга тушган: Хола («Учрашув»), она («Ўн уч терак кўчаси»), Буви («Шашмақом»; «Бувимни қайтаринг»), Фармонбиби («Келинлар кўзголони») ва б. шулар жумласидан.



Турсунхон Жаъфарова Тўлганой ролида («Момо ер»; чапда).

ЖАҒ — 1) ҳайвонларда озиқни тутиб туриш ва майдалаш функциясини бажарадиган аъзо. Бўғимоёқлиларда Ж. функциясини шаклан ўзгарган бош ўсимталари: оёқжағлар, мандибулалар, максиллалар, хемицераллар, педипалпалар (оёқпайпаслагичлар) бажаради. 2) Жағоғизили ҳайвонлар ва одамда — юз скелетининг бир қисми. Ж. эволюция жараёнида дастлаб балиқларда ҳосил бўлган. Тоғайли балиқларнинг тоғайдан иборат бирламчи Ж.и плакоид тангачалардан вужудга келади. Суякли балиқлар, сувда ва қуруқликда яшовчилар, судралиб юрувчилар ҳамда қушларда юқори ва пастки Ж.нинг кейинги қисмида иккиламчи Ж. ҳосил бўлади. Суякли балиқлардан бошлаб юқори Ж. иккиламчи ҳисобланади. Биринчи ламчи юқори Ж. бош скелетининг тенглай қисмига силжийди; судралиб юрувчилар, қушлар ва сут эмизувчиларда тишларини йўқотади. Айрим ҳайвонлар Ж.ида тишлар бўлмайди; улар ўрнига мугуз тумшуқ ҳосил бўлади (қушлар).


Одамда юз скелетидаги энг йирик суяк. Юқори ва пастки Ж.ларга бўлинади. Юқори Ж.нинг альвеоляр ўсиғида ва пастки Ж. танасининг тепа қирраларида тишлар турадиган катакчалар бор. Юқори Ж. (бир жуфт) мураккаб тузилган бурун, кўз косаси ва оғиз бўшлиқларини ҳосил қилишда фаол қатнашади. Унинг танаси ва 4 та ўсиғи бор, чакка ости ва қанот-танглай чуқурларининг тузилишида иштирок этиб, юзнинг ҳамма суяклари б-н бирлашади.

Пастки Ж. (тоқ) — жуда қаттиқ ва йўғон суяк. У чакка суяги б-н бўғим тузиб бирлашади, оғизни очиб-юмиш ва ён томонга ҳаракат шу бўғимда бажарилади. Пастки Ж. суяги бағрида канал бўлиб, ундан томир ва нервлар ўтади. Юқори Ж. касалликларидан *гайморит*, пастки Ж.да эса *остеомиелит* ва суяк синиши кўпроқ учрайди (яна қ. *Тиш*).

ЖАҒ ОСТИ БЕЗИ — сўлак безлари системасига кирадиган жуфт без, пастки жағда. Без йўли тил юганчаси яқинидаги оғиз бўшлиғига очилади. Секрети (сўлак)да птиалин ферменти бор, у углеводларни парчалашда қатнашади. Сўлак овқатни ҳўллаб, ютишни осонлаштиради.

ЖАҒАЛБАЙЛИ, жағалбой — 1) ўзбек уруғларидан бири. 19-а.нинг бошида ўзбекларнинг *қипчоқлар, найман, қурама* ва б. қабилалари таркибида учрайди. Ўрта асрларда аслида қабила бўлган. Ж. ўзаро қурашлар натижасида емирилиб, кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб кетган. Кейинчалик Ж.га мансуб кишилар бир қанча қабила ва халқлар таркибига қўшилиб, ўз номини сақлаб келганлар. Ж.нинг катта бир қисми қипчоқлар таркибида қолиб, Амир Темур ва унинг ворислари даврида (14—15-а.лар) *Дашти Қипчоқ*дан Мовароуннаҳрга ва Шим. Афғонистонга кўчиб келиб ўрнашган. 19-а.нинг 70-й.ларида Ж.нинг катта бир гуруҳи Афғонистондан Самарқанд вилоятининг ҳоз. Пастдарғом туманига келиб ўрнашди. Ўзбекистон ҳудудидаги Ж.лар ўзбек халқи таркибига сингиб кетган; 2) қозоқларнинг Кичик жуз таркибига кирган уруғ номи.

ЖАҒ-ЖАҒ, оддий жағ-жағ, очамбити [Capsella bursa pastories (L.) Medic] — карамдошларга мансуб бир йиллик бегона ўт. 6 тури маълум. Ўзбекистонда 1 тури — *C. bursa pastoris* учрайди. Тукли, баъзан туксиз пояси оддий ёки шохланган, бўйи 10—50 см. Тўпбарггдаги барглари бандли, оддий, кўпчилиги патсимон. Гуллари майда, сийрак шингилга тўпланган. Тожбарги оқ. Меваси тескари юраксимон-учбурчак шаклли ёки понасимон қўзоқ. Бир ўсимлик 70 минггача яшовчан уруғ беради. Ўсимлик эрта баҳорда уна бошлайди ва кеч кузгача ривожланиши давом этади. Майсалари ер бетида тўпбарг ҳосил қилади. Ж.-ж. қор остида қишлаб, эрта баҳорда яна ривожланишини давом эттиради. Ҳамма ерда тарқалган. Кўпгина экинзорларда, бегона ўт сифатида ўсади. Шунингдек, йўл ёқалари, ариқ бўйларида ўсади.



Жағ-жағ.

Қураш чоралари: кузги шудгор, экишдан олдин тупроққа ишлов бериш, қатор ораларини культивация қилиш. Бороналашдан аввал трефланнинг (4—6 кг/га) сувли эмульсиясини пуркаш ва тезда борона қилиш. Шунингдек, которан (1,0—1,6 кг/га), котофор (0,8—1,3 кг/га), прометрин (1,3—2,5 кг/га) сепилади.

ЖАҲМ ибн САФВОН, Абу Муҳриз (?—745, Марв) — машҳур илоҳиётчи, *жабариййлар* вакили ва воиз. Умавийларнинг Хуросондаги нойби Наср ибн Сайёрга қарши қаратилган қўзғолонда қатнашиб асирликка тушган ва қатл этилган; Ж.и.С. мусулмонлар анъаналарида Қуръоннинг яратилганлиги ғоясини биринчи бўлиб айтган Жоид ибн Дирҳамнинг шогирди. У қазо ва қадарга ишониш тарафдори бўлиб, антропоморфизм (худони инсонга ўхшаш қиёфада деб билиш)нинг душмани эди. Ж. и. С. таъкидлашича, инсоннинг ихтиёри ўзида эмас, унинг хоҳиши ва орзулари амалга ошмайди, у мустақил ҳаракат қилишдан маҳрумдир. Имон — Аллоҳ ҳақидаги билимнарса билмасликдир. Агар инсон Аллоҳни таниган-у, сўнгра сўзда ундан юз ўгирган бўлса ҳам, у имонли бўлиб қолаверади. Имон (Аллоҳ ҳақидаги билим) пайғамбардан оддий мусулмонгача — ҳаммада бир хилдир. Муътазилийлар каби Ж. и. С. ҳам худони кўз б-н кўриш имкониятини рад қилди. У Аллоҳ имкониятларининг ҳам чегараси борлиги ҳақида мулоҳаза юритди. Вафотидан кейин унинг номи б-н аталувчи жаҳмия илоҳиёт мактаби шаклланди.

«ЖАҲОН АДАБИЁТИ» — адабий-бадиий, ижтимоий-публицистик журнал. Муассислари: Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат кенгаши. Тошкент ш.да ҳар ойда 1 марта чиқади. «Ж. а.» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 й. 27 февдаги қарорига асосан ташкил этилган. Унда жаҳон адабиётидаги истиқлол мафкурасига мос ватанпарварлик, инсонпарварлик каби юксак ғояларни улугловчи, турли миллатларнинг серқирра ҳаётини теран образларда акс эттирувчи бадиий баркамол асарлар ўзбек тилида чоп қилинади. Муҳаррири Озод *Шарафиддинов*. Адади 1500 га яқин (2002).

«ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг ахборот агентлиги. 1995 й. 8 нояб.да тузилган. Асосий вазифаси — хорижий мамлакатларни Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти тўғрисида ўз вақтида, малакали хабардор қилиш учун миллий ахборот агентликлари ва халқаро ахборот марказлари б-н доимий алоқани таъминлаш; республика ҳаётига оид ахборот бюллетенлари, маълумотномалар, каталоглар, буклетлар, газ. ва жур.лар нашр этиш, компьютер, фото ҳамда аудио-визуал маҳсулотлари тайёрлаш ва чет эллларда тарқатиш; хорижий мамлакатлар иқтисодиёти, жаҳон бозори конъюнктураси, халқаро ташкилотлар, Ўзбекистон б-н ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган етакчи хорижий компаниялар ва фирмаларнинг фаолияти тўғрисида ахборот тўплаш ва уни республикада оммалаштиришдан иборат. «Ж.»а. а. Россия, Бельгия, Хитой, Миср, Туркия, Буюк Британия, Франция, АҚШ, Ҳиндистон, Германия мамлакатларида ўз ходимларига эга. Улар элчихоналарда матбуот котиби вазифасини бажариш б-н бирга «Ж.» а. а.нинг ўз мухбири ҳисобланади. Барча минтақаларда «Ж.» а. а.нинг ҳамкорлари бор. Улардан олинаётган хабарлар Ўзбекистон матбуоти саҳифаларида мунтазам ёритилади. «Ж.»а. а.нинг таркибига тезкор ахборот агентликлари ва халқаро ахборот марказлари б-н алоқа, реклама ва маркетинг, таржима хизматлари (бўлимлари) киради.

ЖАҲОН БАНКИ — халқаро молия муассасаси. Таркибига БМТнинг ихтисослашган муассасаси мақомига эга бўлган 3 мустақил халқаро молия инти (*Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси* ҳамда *Халқаро тараққиёт уюшмаси*) киради. Баъзи адабиётларда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки норасмий ҳолда Ж. б. деб ҳам аталади.

ЖАҲОН БОЗОРИ — халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш б-н ўзаро боғланган мамлакатлар ўртасидаги барқарор товар-пул муносабатлари тизими. Халқаро савдо муносабатлари қадимда ҳам мавжуд бўлган, мамлакатлар ўртасида иқтисодий ва сиёсий алоқалар миллий давлатларнинг пайдо бўлиши б-н юзага келган, аммо кўпгина мамлакатлар, сўнгра жаҳондаги барча мамлакатлар савдосини қамрайдиган Ж. б. (унинг негизида жаҳон хўжалиги) фақат йирик машиналашган индустрияга ўтиш б-н шакллана бошлади ва 20-а. бошига келиб қарор топди. Йирик машиналашган ишлаб чиқаришга ўтиш миллий бозор чегараларини кенгайтирди, ташқи савдо у ёки бу мамлакатнинг ички тараққиётини тўлдирадиган омилдан мамлакат хўжалиги тараққиётининг зарурий шартига айланди. Ихтисослашув бир мамлакатда муайян товарни арзон ва сифатли и. ч. имконини берса, товарларни и. ч.да ресурслардан самарали фойдаланишни таъминласа, шу товарлар кўплаб яратилади ва Ж. б.ига етказиб берилади. Бирор мамлакатда ресурсларни сарфлаш қулай бўлмаган ёки и. ч. имкони бўлмаган товарлар Ж. б.дан сотиб олинади. Ж. б.да алоқида нархлар — жаҳон нархлари амал қилади; айирбошлаш улгуржи шаклда ва халқаро биржалар воситасида олиб борилади.

Ж. б. товар, меҳнат, капитал ва валюта бозорлари мажмуидан ташкил топади (қ. *Меҳнат бозори, Ишчи кучи бозори*). Ж. б.да барча мамлакатлар ташқи савдосининг мажмуини ифода этадиган халқаро савдо амалга оширилади. Бу таркибан жаҳон миқёсидаги *экспорт* ва *импорт*дан иборат, уларнинг қиймат буйича нисбати савдо балансини деб юритилади.

Ж. б. халқаро биржалар, савдо уйлари, банклар, сугурта компанияларидан иборат бўлган уз инфратузилмасига эга Ж. б. тўловлар ва ҳисоб-китоблар хал-

қаро пул вазифасини ўтовчи барқарор, эркин алмаштириладиган валюталар, мас., АҚШ доллари, Япония иенаси ва *евро*да олиб борилади. Ж. б. ихтисослашган халқаро биржалардан иборат йирик сегментларига эга. Мас., Чикаго дон биржаси, Ливерпул пахта биржаси ва Лондон рангли металлар биржаси ва б. Ж. б.да савдо-сотиқ халқаро биржа битимлари, икки томонлама ёки кўп томонлама биржадан ташқари битимлар йўналишларида боради.

Ж. б.даги савдо-сотиқни махсус ташкилот — *Жаҳон савдо ташкилоти* бошқариб боради, давлатлараро савдо тартиби ва қоидаларини белгилаб беради, унга аъзо бўлганлар ўзлари учун қулай савдо қилиш ҳуқуқини оладилар.

Ж. б.да *инвестиция*лар ҳаракати ҳам юз беради, бу чет элда янги корхоналарни қуриш, эски корхоналарни сотиб олиш ёки ўзига бирлаштириш шаклларига эга. Бу ишни асосан трансмиллий-халқаро корпорациялар олиб боради. 2000 й. жаҳондаги бевосита хориж инвестициялари 865 млрд. АҚШ долларига тенг бўлди. Улар амалга оширган олди-сотди операциялари 1999 й.да 14 трлн. долларни ташкил этди.

Ж. б.нинг улкан салоҳияти миллий бозорларга жуда катта таъсир ўтказади, бу таъсир мамлакатларнинг манфаатлари нуқтаи назаридан ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ж. б. сиғими жами мамлакатлар бозор талабининг импорт ҳисобига қондириладиган қисмлари йиғиндисига тенг.

Ж. б.да саноати ривожланган мамлакатлар иштироки устунлик қилади ва улар тайёр маҳсулот б-н (жаҳон товар экспортининг 70% дан кўпроғи) қатнашадилар, ривожланаётган мамлакатлар асосан хом ашё ва ишчи кучи экспорти б-н иштирок этадилар.

Ж. б.да иштирок этадиган жами мамлакатларнинг экспорти 6,48 трлн. долларни, импорти 6,41 трлн. долларни ташкил қилди (1996; 1980 й.да тегишлича 2,44 ва 2,42 трлн. доллар).

Ўзбекистон Ж. б.да хом ашё, энергия, рангли металл ва б. экспорти б-н қатнашади, аксарият технология, кимё маҳсулотлари, озиқ-овқат товарларини импорт қилади (яна қ. *Халқаро савдо*).

Аҳмаджон Ўлмасов.

ЖАҲОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ТАШКИЛОТИ — халқаро ҳукуматлараро ташкилот, БМТнинг ихтисослашган муассасаси (1974 й.дан). Саноат мулкини муҳофаза қилиш Париж уюшмасига аъзо давлатлар, Адабиёт ва санъат асарларини муҳофаза қилиш Берн уюшмаси ва б. айрим ихтисослашган уюшмаларнинг дипломатик конференцияси (Стокгольм, 1967)да қабул қилинган конвенцияга мувофиқ тузилган. Ж. и. м. т.нинг мақсади давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг ҳамкорлиги орқали *интеллектуал мулк*ни муҳофаза қилишга кўмаклашиш, юқоридаги уюшмаларнинг самарали фаолият олиб боришини таъминлашдан иборат. Ж. и. м. т.га 147 мамлакат (2000 й), шу жумладан Ўзбекистон Республикаси (1991 й. 25 дек.дан) аъзо. Ташкилотнинг олий органи — Бош ассамблея; маъмурий органи — Халқаро бюро. Қароргоҳи — Женева ш.да.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ — халқаро иқтисодий муносабатлар, халқаро ҳуқуқ, халқаро муносабатлар соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти ва йирик илмий марказ. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига қарайди. Тошкент ш.да жойлашган. 1992 й. 23 сент. ташкил этилган. Таркибида халқаро иқтисодий муносабатлар, халқаро ҳуқуқ, халқаро муносабатлар ф-тлари, 25 кафедра, Тил маркази (жаҳон тиллари, француз тили, немис тили, ўзбек тили кафедралари б-н), компьютер; тест-лар; «Маънавият ва маърифат» марказлари; Бошқарув ин-ти; таҳрир ва нашриёт бўлими; «Бизнес олами» ва «Зиёкор» ўқув марказлари, «Интернет» клуби ва юридик клиника фаолият юритади. Жаҳон иқтисодиёти, халқаро иқтисодий муносабатлар, халқаро ҳуқуқ соҳалари, сиёсий ва ижтимоий муаммолар, дипломатия ва б. ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди. Ун-тда 2001—2002 ўқув йилида 1300 талаба ўқиди, 200 дан ортиқ проф.-ўқитувчилар, шу жумладан 20 фан д-ри, 80 фан номзоди ва доц. ишлади. Ташкил этилгандан бери 1300 га яқин мутахассис тайёрлади. Ун-т илмий кутубхонага эга (300 минг асар). Ун-тда ўқув ишларига хорижий мамлакатлардан проф. лар, мамлакатимиздаги амалиётчи мутахассислар таклиф қилинади, замонавий компьютер технологиясидан кенг фойдаланилади. Халқаро Интернет тизимига уланган. Ун-тда БМТ, ЮНЕСКО, ТАСИСнинг Тошкентдаги ваколатхонаси ходимлари, хорижий давлат арбоблари, дипломатлари, Ўзбекистондаги чет мамлакатлар элчихоналари вакиллари б-н учрашувлар ўтказилади.

Д-рлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган илмий кенгаш ишлайди. Аспирантура, докторантура бор. Ўқув қўлланмалари, дастурлар, илмий ва услубий қўлланмалар чоп этади, «Халқаро муносабатлар» журнали нашр этилади.

Адҳам Бекмуродов.

ЖАҲОН МЕРОСИ — бутун инсоният мулкини ташкил этувчи буюк маданий ва табиий ёдгорлик (бойлик)лар. 1972 й. ЮНЕСКО Жаҳон маданий ва табиий ёдгорликларини сақлаш тўғрисидаги конвенцияни қабул қилган (1975 й.дан кучга кирган). Конвенцияни ратификация қилиш (1992 й. бошлари)да 123 мамлакат қатнашган. Ж. м. рўйхатида 80 мамлакатнинг 358 қурилиш майдони (1992 й. бошлари): алоҳида меъморий иншоот ва ансамблар — Акрополь, Амьен ва Шартр (Франция)даги соборлар, Миср эҳромлари, *Тожмаҳал*, *Боробудур* қасри, Варшаванинг тарихий маркази, Москва Кремли ва Қизил майдони (Россия) ва б.; шаҳарлар — *Бразилия*, *Венеция* (қўлтиқлари б-н бирга) ва б.; археологик қўриқхоналар — *Дельфа* ва б.; миллий боғлари ва б. Ҳудудларида Ж. м. жойлашган давлат ёдгорликларни сақлашга жавобгардир. Ж. м. ўз нишони (эмблема, 1978 й. тасдиқланган) ва жамғармасига эга. ЮНЕСКОнинг Ж. м. рўйхатига дунё бўйича 721 та маданий ва табиий ёдгорликлар киритилган (2002). Булар ичида Ўзбекистон (1993)дан Хивада *Ичан қалъа* (1990). Бухоро, Шаҳрисабз (2000) ва Самарқанд (2001)нинг тарихий марказлари бор.

ЖАҲОН МЕТЕОРОЛОГИЯ ТАШКИЛОТИ (ЖМТ) — халқаро ташкилот, метеорологик тадқиқотлар ва кузатишлар бўйича халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам кўрсатиш ҳамда миллий метеорологик ва гидрометеорологик хизматлар ишини мувофиқлаштириш ишларини олиб боради. 1947 й. сент.да БМТ ҳузурида ташкил этилган. ЖМТ тузилишига қадар бу ишларни 1871 й.да ташкил этилган Халқаро метеорология ташкилоти олиб борган. ЖМТга 150 дан ортиқ давлат аъзо (2002), Ўзбекистон Республикаси 1992 й. 23 декабрда аъзоликка қабул қилинган. ЖМТнинг олий органи Жаҳон метеорология Конгресси бўлиб, 4 йилда бир марта чиқарилади. Ижроия қўмитаси 24 миллий хизмат директорларидан ташкил топган ва ҳар йили камида бир марта йиғилиш ўтказади. ЖМТнинг 6 минтақавий уюшмаси (Африка, Осиё, Жан. Америка, Шим. ва Марказий Америка, Тинч океаннинг жан.-ғарби, Европа) йирик географик минтақалардаги хизматлар фаолиятини мувофиқлаштиради. ЖМТнинг доимий ишлайдиган органи — котибият Женева (Швейцария)да жойлашган.

Метеорологик кузатишларни олиб бориш ва стандартлаш, метеорологик ахборотларни айирбошлаш, об-ҳавони прогнозлаш, метеорологик тадқиқотлар ва амалий метеорология муаммолари б-н боғлиқ махсус техникавий масалаларни ҳал қилиш учун бир неча комиссиялар ташкил этилган. ЖМТ миллий гидрометеорология хизматлари фаолиятини яхшилаш, Ер курраси аҳолисини озиқ-овқат б-н таъминлаш муаммосини ҳал этишда қатнашиш, БМТнинг ташқи муҳитни кузатиш ва муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенцияга қатъий амал қилиш ва б.да фаол иштирок этади. Айниқса ЖМТнинг Жаҳон об-ҳаво хизмати дастурлари (Жаҳон миқёсида кузатиш тизими, телеалоқа тизими, метеорологик маълумотларни қайта ишлаш тизими) катта амалий аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология бош бошқармаси (*«Бошгидромет»*) ЖМТ нинг Жаҳон об-ҳаво хизмати дастурида фаол қатнашади. Тошкентда Жаҳон об-ҳаво хизматининг жаҳон миқёсидаги телеалоқа тизими минтақавий телеалоқа тармоғи, метеорологик маълумотларни қайта ишлаш тизимининг минтақавий ихтисослаштирилган метеорологик маркази (Жаҳондаги шундай 20 та марказдан бири) иш олиб боради. Тошкент гидрометеорология техникуми негизида ЖМТнинг минтақавий ўқув маркази ташкил этилган. «Бошгидромет» ҳар йили ЖМТ Котибиятига ўз фаолияти ҳақида ҳисобот юборади.

Ҳамидулла Абдуллаев.

ЖАҲОН ОБ-ҲАВО ХИЗМАТИ — ер шари миқёсида об-ҳаво ўзгаришларини кузатиб туриш б-н шуғулланадиган тизим. Дунё аҳамиятига молик марказлар ҳамда ҳудудий аҳамиятга молик метеорология марказларидан иборат. Ж. о-ҳ. х. режаси 1967 й.да қабул қилинган. Бу марказлар ўзаро тезкор алоқа каналлари орқали ўзаро боғланган. Дунё аҳамиятига молик марказлар Вашингтон, Мельбурн ва Москвада жойлашган. Ҳудудий аҳамиятга молик метеорология марказлари 20 дан ортиқ ҳудудда, шу жумладан Ўрта Осиё ҳудудида ҳам мавжуд. Бундан ташқари, ҳар қайси мамлакатда, шу жумладан, Ўзбекистонда об-ҳаво хизматлари фаолият кўрсатади. Буларнинг фаолиятини *Жаҳон метеорология ташкилоти* уйғунлаштириб туради. Ж. о.-ҳ. х. марказлари бутун ер шаридаги об-ҳавонинг ҳолати ҳақидаги маълумотларни марказлашган усулда тўплайди, уларни автоматик тарзда ишлаб чиқади, узлуксиз ишлаб турадиган метеорология ва аэрология тармоқлари, об-ҳавони кузатиш кемалари ва метеорология сунъий йўлдошлари кузатувларидан фойдаланади, тайёр маълумотларни, об-ҳаво хариталарини, об-ҳавони олдиндан айтишга доир материалларни тарқатади.

ЖАҲОН ПОЧТА ИТТИФОҚИ — халқаро давлатлараро ташкилот; БМТнинг ихтисослашган муассасаси (1947 й.дан). 1 Халқаро почта конгрессида ташкил этилган (1875). 1878 й. гача Умумий почта иттифоқи деб аталган. Вазифаси почта хизматини яхшилаш, шу соҳада ҳамкорликни тараққий эттириш, ривожланаётган мамлакатларда почта хизматини ташкил этиш ва такомиллаштиришда техника ёрдами кўрсатишдан иборат. 2002 й. 1 янв.да унда 189 давлат аъзо бўлган. Ўзбекистон Республикаси 1994 й.дан аъзо. Асосий органлари: Жаҳон почта конгресси, Ижроия кенгаши, Почта эксплуатацияси кенгаши ва Халқаро бюро. Олий органи — конгресс, 5 йилда 1 марта чақирилади. Ж. п. и.нинг расмий тили француз тили, иш жараёнидаги тили — инглиз, испан, рус тиллари. «Почта иттифоқи» журнали, конгресслар ҳисоботи ва б.ни нашр қилади. Ўзбекистон вакиллари 21-конгресс (1994 й. Сеул ш.), 22-конгресс (1999 й. Пекин ш.) да қатнашган. Ж. п. и. идораси *Берн* ш.да жойлашган.

ЖАҲОН ПУЛЛАРИ — умумий универсал тўлов воситаси сифатида тан олинган, халқаро миқёсда ҳамма учун харид воситаси, бойликларнинг умумий ўлчов бирлиги, қийматнинг халқаро ифодаси бўлган пуллар; *жаҳон бозори*да амал қилувчи юксак ликвидли пуллар. Ж. п. миллий пуллардан барча мамлакатларнинг халқаро муомаласида ишлатилиши б-н фарқ қилади. Ж. п. қадимда халқаро савдо пайдо бўлиши б-н вужудга келган. Дастлаб Ж. п. вазифасини бой, давлатлараро савдода фаол қатнашадиган мамлакатнинг олтин ва кумуш тангалари, кейинчалик олтин қуймалар, ёмбилар бажарган (улар тангаларга нисбатан катта вазнга эга бўлиб, савдо айланмаси катта бўлган, бир йўла кўп пул талаб қилинадиган муомалада қўлланилган). 20-а.нинг 1-чорагидан олтин пуллар муомаладан чиқарилиб, улар ўрнини бир пул бирлигига тўғри келадиган соф олтин миқдори (г) б-н таъминланган *қоғоз пуллар* эгаллади. Шу пайтдан бошлаб, иқтисодиёти кучли мамлакатларнинг барқарор деб тан олинган қоғоз пуллари Ж. п. вазифасини ўтай бошлади (2-жаҳон урушидан сўнг Ж. п. вазифасини АҚШ доллари ўз зиммасига олди). 20-а.нинг 70-й.ларига келиб кўпгина мамлакатларда қоғоз пул бирликларининг олтин таъминоти бекор қилинди. Лекин шунга қарамай қоғоз Ж. п. доираси кенгайди ва улар қаторига эркин алмаштириладиган инглиз фунт стерлинги, Германия маркаси, Япония иенаси, Швейцария франки қўшилди. Кейинги йилларда бу миллий пуллар ичида рақобат кучайиб, дунё миқёсида АҚШ доллари ва Япония иенасининг мавқеи кўтарилди, натижада жаҳон бозори асосан икки зона — АҚШ доллари ва Япония иенаси зоналарига ажралди. 1999 й. 1 янв.да Европа Иттифоқининг 11 мамлакати учун умумий бўлган янги пул — *евро* давлатлараро ҳисоб-китобларда муомалага киритилди (2002 й. 1 янв.дан Е. банкнотлари ва тангалари муомалага чиқарилди). Бундан кўзланган мақсад Европада АҚШ долларининг тазйиқига қарши курашиш, унинг ҳукмронлигига барҳам беришдир. Ж. п. сифатида евро АҚШ долларининг жиддий рақобатчиси (1 АҚШ доллари = 1,13 евро; 2002, фев.). Халқаро иқтисодий интеграция кучайиши б-н Ж. п.нинг турлари қисқариб, унинг вазифасини озчилик валюта бажаради.

Аҳмаджон Ўлмасов.

ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИ (ЖСТ) — жаҳон мамлакатларининг ўзаро савдо ҳамда савдо сиёсати режимини бошқарувчи халқаро ташкилот. Халқаро савдода ташкилотга аъзо ва иштирокчи мамлакатлар учун мажбурий бўлган тамойиллар ва қоидалар белгиланган ҳукуматлараро кўп томонлама шартномалар асосида фаолият олиб боради. 1995 й.да 1948—94 й.ларда иш олиб борган Тарифлар ва савдо бўйича Бош келишув (General Agreement on Tarifs and Trade — GATT) негизида ташкил қилинган. БМТ тизимига киради. Идораси Швейцария (Женева)да. ЖСТ жаҳон савдоси қоидаларини ишлаб чиқиш йўли б-н давлатлар савдо сиёсатига таъсир кўрсатиш, савдо муносабатларини эркинлаштиради-ган ва қатъий тартиб-қоидага солади-ган музокаралар учун йиғилишлар ўтказиш, давлатлараро савдода юзага келадиган низоларни ҳал қилиш ва б. вазифаларни бажаради. ЖСТнинг олий органи — барча аъзо мамлакатлар Вазирлар Конференцияси бўлиб, камида 2 йилда бир марта ўтказилади. Жорий ишларга Бош кенгаш (товарлар савдоси бўйича кенгаш, хизматлар савдоси бўйича кенгаш, интеллектуал мулк масалалари бўйича кенгаш), секретариат, доимий қўмиталар раҳбарлик қилади. ЖСТ фаолияти аъзо мамлакатларнинг ўзаро манфаатларини турли тадбирлар (асосан бож имтиёзлари, тўсиқлари ва б.)ни қўллаш б-н ҳимоя

қилишга қаратилган. Аъзо мамлакатлар ЖСТ талабларини бажариш б-н бирга ташкилотнинг бошқа аъзоларига савдода мумкин қадар қулайлик бериш режимини (биринчи навбатда бож тарифларини пасайтириш) қўллайди, ўз ички бозорини чет эл корпорациялари учун очиқ қилиш мажбуриятини олади.

133 мамлакат тўла ҳуқуқли аъзо, 30 мамлакат, шу жумладан Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон ЖСТ да кузатувчи мақомига эга ва 1992—93 й.ларда ташкилотга аъзо бўлиш учун ариза берган.

Шоҳия Тўлағанова.

ЖАҲОН СОБОРЛАРИ — христиан черкови олий руҳонийлари йиғилишлари. Уларда диний таълимот ва диний маросим тизими ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, каноник меъёрлар ҳамда ибодат қилиш қоидалари шакллантирилган, илоҳиётдаги турли концепцияларга баҳо берилган, бидъатчиликка қарши кураш усуллари белгиланган. Православ черкови дастлабки 7 та Ж. с.ни (4—8-а.лар) ваколатли бўлган деб ҳисоблайди. Христианлик черкови православие ва католицизмга ажралган (1054 й.)дан кейин Рим папалари 12-а.дан бошлаб католик черкови олий руҳонийлари йиғилишларини қайтадан тиклади ва уларни яна Ж. с. номи б-н атай бошлади.

ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ — халқаро тиббий ташкилот; Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг ихтисослашган махсус муассасаси. 1945 й. февралда БМТ конференциясида Ж. с. с. т.ни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. 1946 й.да соғлиқни сақлаш бўйича Нью-Йоркда ўтказилган Халқаро конференцияда БМТга аъзо 26 та мамлакат ташкилот уставини ратификация қилгач, Ж. с. с. т. тузилди (1948.7.4). Шу кун бутун дунёда сиҳат-саломатлик куни сифатида нишонланади. Ташкилот ўз олдига «ҳамма халқларнинг иложи борича соғ-саломат бўлишига эришиш»ни мақсад қилиб қўйган. Ж. с. с. т. касалликларга қарши кураш олиб боради, уларни тугатиш тадбирларини кўради; атроф муҳит муҳофазаси, юқумли ва юқумсиз (сил, венерик ва паразитар касалликлар, юрак-томир касалликлари, хавфли ўсмалар ва б.)га қарши кураш учун халқаро стандартлар белгилаш, дори моддалар сифати ва қўшимча таъсири ҳамда наркотик моддалар устидан халқаро назорат ўрнатиш; тиббиёт фанининг энг муҳим масалалари (токсикология, фармакология, атроф муҳит гигиенаси ва б.) бўйича ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги тадқиқотларни координациялаш ва уларни ўтказишга кўмаклашиш ҳам Ж. с. с. т.нинг вазифаси. Ж. с. с. т. халқаро карантин соҳасида қатор тадбирларни амалга оширади: чечак, вабо ва б. б-н касалланиш ҳоллари тўғрисида мамлакатларга ўз вақтида хабар беради.

Ташкилот таркибига 6 регионал ташкилот киради. Улар ҳар бирининг ўз ижроия органлари ва регионал бюролари бор. Ж. с. с. т.нинг олий органи — Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясини мамлакатлар сайлайди, унинг сессияси йил сайин чақириб турилади. Ж. с. с. т.нинг марказий маъмурий органи — Секретариатга (штаб-квартираси Женевада) генерал директор раҳбарлик қилади. Ташкилот маблағининг асосий манбаи унга аъзо бўлган давлатлардан тушадиган бадал пулидир. Ж. с. с. т. журналлар, бюллетенлар, номунтазам нашрлар чоп этади. Ж. с. с. т.нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги биносида фаолият кўрсатади (1995 й.дан).

Парахат Меликулов.

ЖАҲОН ТИЛЛАРИ — ер юзида ҳоз. яшаётган ва қад. яшаб ўтган халқларнинг тиллари. Ж. т. умумий сони турли манбаларда 2500 дан 5000 ва ундан ортиқ деб кўрсатилади (буларнинг аниқ сонини белгилаш жуда мураккаб, чунки тиллар ўртасидаги ва бир тилнинг диалектлари орасидаги фарқлар ниҳоятда шартлидир). Ж. т. ичида кенг тарқалганлари (сўзлашувчилар сонига кўра) қуйидагилар: хитой, инглиз, рус, испан, ҳинд ва урду, индонез, араб, бенгал, португал, япон, немис, француз, итальян, панжоб, телугу, кодошлигига кўра Ж. т. *тиллар оиласига* бирлашади. Булардан энг кенг тарқалгани *ҳинд-европа тиллари* оиласига мансуб тиллардир. Мазкур тиллар тараққиёти тарихида қад. ҳинд даври — ведалар, санскрит тили, ўрта ҳинд даври — пали ва пракрити тили, сўнгги ҳинд даври — ҳоз. ҳинд ва унга яқин бўлган урду, бенгал, маратҳа, панжоб, гужорат, орий синдхи, непал, сингал ва б. алоҳида ажралиб туради. *Эрон тиллари* генетик жиҳатдан ҳинд тилларига энг яқин тиллар ҳисобланади. Булар орасида қад. эрон тили — қад. форс, овasта, скиф тиллари; ўрта эрон — ўрта форс (паҳлавий), парфия, суғд, хоразм ва б.; сўнгги эрон — форс, пушту (афғон), курд, осетин, помир, тожик ва б. тиллар алоҳида ажратиб кўрсатилади. Бу тиллар вакиллари мил. ав. 3-минг йилликда Ғарбий Осиё ва Шим. Қора денгиз ва Каспий бўйи ҳудудларига тарқай бошлайди. Қад. ҳинд тилидаги матнларнинг дастлабкилари мил. ав. 1-минг йилликда ёзилган бўлиб, пракрити тиллари улардан ривожланиб, ажралиб чиққан, ўз навбатида бу тиллардан сўнгги ҳинд тиллари — ҳинд, урду, бенгал, маратҳа, панжоб, ражастхон, гужорат, орий ва б. тиллар вужудга келган. Мил. ав. 1-минг йилликдан бошлаб Европада ҳинд-европа тилларининг ғарбий гуруҳига мансуб тиллардаги ёзув ёдгорликлар маълум. Булар ўлик италий тиллар бўлиб, лотин, фалисий, оск, умбарс ва б. шу гуруҳга мансуб. Лотин тилининг маҳаллий туридан *роман тиллари* таркиб топади: булар — испан, португал, француз, каталон, провансал, итальян, сардин, рето-роман, румин, молдован ва б. тиллардир. *Кельт тиллари* ҳам италий тилларига яқин туради ва ҳинд-европа тиллари оиласининг алоҳида гуруҳини ташкил этади. Бунинг таркибига ҳоз. бретон, вал (уэльс-бретон), ирланд, шотланд, гэль, мена, шунингдек, ўлик галла ва корнуэл (корн) тиллари киради. Қад. ҳинд-европа тиллари оиласи гуруҳига *герман тиллари* ҳам киради. Ҳоз. герман тиллари қуйидаги гуруҳчаларга бўлинади: 1) шим. герман (ёки скандинавия) гуруҳчаси. Бунинг таркибига швед, норвег, дан, исланд ва фарерия тиллари киради; 2) ғарбий герман тиллари киради. Бунинг таркибига инглиз, немис, нидерланд (голланд), фриз, идиш ва африкаанс тиллари киради. Собиқ шарқий герман гуруҳчасига кирган тиллар (гот ва б.) ўлик тилга айланган. Ҳинд-европа тиллари оиласига кирувчи балтслав тиллари гуруҳлари бирлар ва славян тиллари гуруҳлари бирига яқин туради. *Болтиқ тиллари* таркибига ҳоз. латиш, литва, шунингдек, ўликпрусс ва б. тиллар киради. *Славян тиллари* гуруҳида: шарқий славян — рус, украин ва белорус; ғарбий славян — поляк, чех, словак, лужица ва ўлик полаб тиллари; жан. славян тиллари гуруҳида эса серб-хорват, словен, болгар, македон, шунингдек, эски славян тиллари бор. Грек, арман ва албан тиллари ҳинд-европа тиллари оиласининг алоҳида гуруҳини ташкил этади. *Хет тили, тохар тили,* фригий, фракий, иллирий ва б. тиллар кўҳна ҳинд-европа тилларидан ҳисобланади.

Сом-хом тиллари (анъанага кўра африка-осиё тиллари оиласи деб ҳам аталади) таркибига *сом тиллари* (ўлик аккад, эблаит, кўҳна ханаан, қад. яҳудий, қад. оромий, эфиоп ва б. тиллар, шунингдек, ҳоз. иврит, араб, амхара, тикрика ва б. тиллар), барбарал

Британия, Италия етакчи ўринни эгаллайди, 90-й.лар ўрталарида жаҳон саноат и. ч.нинг 60%, товарлар экспортининг 63% ва хизматлар экспортининг 47% шу мамлакатлар ҳиссасига тўғри келган.

Ж. х.да кишиларнинг турмуш даражаси иқтисодиётга боғлиқ ҳолда жиддий фарқланади. Бой мамлакатларда юксак турмуш даражаси мавжуд бўлгани ҳолда қолоқ мамлакатларда камбағаллар аҳолининг катта қисмини ташкил этади. 21-а.га келиб бу икки гуруҳ мамлакатларидаги турмуш даражасининг фарқи 12 мартадан зиёдроқ бўлди. Қолоқ мамлакатларда даромаднинг нисбатан кўп қисми истеъмолга сарфланса-да, даромаднинг кам бўлиши ҳисобидан бу мамлакатларда турмуш даражаси пастлигича қолади.

Ҳоз. даврда Ж. х.нинг ривожланиши 3 йўналишда бормоқда: 1) Ж. х.га киритувчи мамлакатлар сафи кенгайиб, унинг таркибига 90-й.ларда собиқ социализм тизимидан ажралиб чиққан 25 та ёш мамлакат хўжалиги қўшилди. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон ҳам Ж. х.га кириб келди, жаҳон иқтисодиётининг тенг ҳуқуқли иштирокчисига айланди, халқаро ташкилотларга аъзо бўлди, жаҳон савдосида иштирок этиб, 1996—2001 й.ларда, унинг ташқи савдо оборати 63,3 млрд. долларни ташкил этди; 2) Ж. х.да и. ч.нинг ўсиши юз бермоқда. 1998 й. дунёда яратилган жами товар ва хизматлар қиймати 36,5 трлн. доллар бўлса, 2001 й. келиб 40 трлн. доллардан зиёд бўлди; 3) Ж. х.да *иқтисодий интеграция* (иқтисодий иштирокчилар фаолиятининг бирлашиб кетиши) ва *глобализация* (жаҳон иқтисодиётининг умумбашарий тус олиши, миллий иқтисодиётларнинг ҳар бири унинг таркибий қисми бўлиб қолиши) юз бериб, сифат ўзгаришлари юзага келмоқда.

Ж. х. ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиёти ва жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш омили ҳисобланади. Ж. х. доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари фан-техника тараққиётини жадаллаштиради, иш кучи сифатини оширади, энг янги маҳсулотларни ўзлаштириш, ресурсларни тежаш, меҳнат унумдорлигини оширишга йўл очади.

Аҳмаджон Ўлмасов.

ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ ГЕОГРАФИЯСИ — иқтисодий ва ижтимоий геогр. соҳаси, халқаро географик меҳнат тақсимотининг шаклланиши, мамлакатларнинг ихтисослашуви, ҳар хил ижтимоий-сиёсий вазият ҳукмрон бўлган шароитда дунёдаги иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганади. Халқаро географик меҳнат тақсимоти жаҳон хўжалигини ҳаракатлантирувчи кучи ва негизидир.

Жаҳон хўжалигининг географик модели 20-а. арафасида тўла-тўкис шаклланиб бўлди. Унинг ривожланиши 20-а.нинг 1-ярмида айрим ҳудудларни қамраб олиниши, мазкур асрнинг иккинчи ярмида эса ҳудудий ва айниқса тармоқлар таркибининг такомиллаштирилиши ҳисобига амалга ошди.

Ҳоз. замон илмий-техника тараққиёти шароитида жаҳон хўжалиги ва унинг тармоқлари структурасида содир бўлаётган кескин силжишлар Ж. х. г.да катта ўзгаришлар бўлишига олиб келмоқда. Шу боис Ж. х. г.даги структурали силжишларни ўз вақтида ўрганиш ниҳоятда муҳимдир.

Жаҳон хўжалигининг ҳозирги вақтдаги географик модели кундан-кунга мураккаблашиб бормоқда. Жаҳон хўжалиги таркибида 10 та энг муҳим ва йирик марказларни (Шим. Америка, Европа, Япония, Хитой, Жан.-Шарқий Осиё, Бразилия, Жан.-Ғарбий Осиё, Россия, Австралия ва Ҳиндистон) ажратиш мумкин. Мана шу ва б. мамлакатлар ҳамда регионлар доирасидаги ва ўртасидаги иқтисодий-сиёсий муносабатларни, уларга хос хусусиятлар ва қонуниятларни аниқлаб бериш Ж. х. г.сининг муҳим вазифасидир.

Иқтисодиётнинг ҳудудий жойлашувига таъсир этувчи табиий (табиий шароит ва ресурслар, табиий алоқа йўлларининг мавжудлиги) ва ижтимоий-иқтисодий (моддий бойликлар и. ч. усуллари, иқтисодий географик ўрни, меҳнат ресурслари, транспорт-иқтисодий ва б. иқтисодий шароитлар, техник ривожланиш даражаси, саноат ва қ. х. ўртасидаги нисбат, миллий даромад даражаси ва ҳ. к.) омиллар тадқиқ қилинади ва улар б-н боғлиқ муаммоларни ҳал этиш йўллари изланади.

Ж. х. г. 2 қисмдан иборат бўлиб, биринчи — асосий қисми муҳим тушунчалар, тамойиллар, қонуниятлар ҳамда дунё регионлари ва айрим мамлакатлар миқёсида иқтисодий салоҳиятни белгилаб берувчи ресурслар ва омиллар системаси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Иккинчи — регионал мамлакатшунослик қисмида дунё миқёсида иқтисодий-сиёсий вазиятни белгилаб берувчи регионлар ҳамда айрим иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг мажмуали иқтисодий-ижтимоий ҳолати ўрганилади. Шунингдек, дунё миқёсида аҳолисининг сони, ҳудудининг катталиги, яъни иқтисодий салоҳияти улкан бўлган давлатлар ҳам мавжуд. Айрим мамлакатларнинг иқтисодий ва ижтимоий географияси тавсифи, уларнинг географик ўрни, табиий ресурс омиллари, аҳолиси ва меҳнат ресурслари, хўжалиги, ички тафовутлари ҳамда ташқи иқтисодий алоқалари бўйича мавжуд маълумотларга асосланади.

Ж. х. г. иқтисодий қонуниятларга амал қилган ҳолдагина мамлакатлар ва регионларга уларга хос тармоқлар ва ҳудудий таркибларни глобал, регионал ва айрим давлатлар миқёсида ҳаққоний тадқиқ этиш вазифасини муваффақиятли бажариши мумкин.

Ж. х. г.да ҳар бир мамлакатнинг дунё иқтисодиёти ва сиёсатида тутган ўрни ва ролини баҳолашга муҳим аҳамият берилиши керак. Ўзбекистон Республикаси жаҳон хўжалиги структурасида саноат (пахта толаси, автомобиллар, самолётлар, электр энергия, табиий газ, рангли, нодир ва қимматбаҳо металлар, қурилиш хом ашёси ва б.) ва қ. х. (пахта ва қоракўл териси, сабзавот, мева ва узум, полиз экинлари ва б.) маҳсулотларини и. ч. ва етиштиришда муайян мавқега эга.

Абдуҳаким Қаюмов.

ЖАҲОН ЧЕРКОВЛАРИ КЕНГАШИ — экумен (христианлик конфессияларини бирлаштириш тарафдори бўлган) ҳаракатнинг раҳбар органи. Уч протестант ҳаракати («Эътиқод ва тартиб», «Ҳаёт ва фаолият», Халқаро миссионерлик кенгаши)нинг қўшилиши йўли б-н 1948 й.да Амстердамда Ж. ч. к.нинг 1-ассамблеясида тузилган. Мақсади черковлар ўртасида диний эътиқод соҳасида мавжуд бўлган тафовутларни қиёсан ўрганиб чиқиш ва амалий фаолият соҳасида уларни бирлаштириш йўли б-н ягона христиан уюшмасини вужудга келтириш бўлган. Ж. ч. к.га 100 га яқин мамлакатнинг 300 дан ортиқ черкови киради. Қароргоҳи — Женева ш.да.

ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ — жаҳонда мавжуд давлатларнинг ҳозирда инсоният олдида турган глобал муаммоларини ҳамкорликда ҳал қилишда, умумий мақсад йўлида фаолият кўрсатишда бирлигини англатувчи тушунча. Ж. х. барча давлатларнинг суверен тенглиги ҳалқаро ҳуқуқий тамойилига асосланган. Ж. ҳ. халқаро ҳуқуқда ташкилот ҳисобланмайди. Ж. ҳ.ни акс эттирувчи универсал ташкилот — *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти*дир. Ўзбекистон 1992 й. 2 мартдан БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида белгиланишича, «Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир». Ўзбекистон Республикаси ўзини Ж. ҳ.нинг

бир қисми, деб билади, у инсоният олдида турган муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок этади.

ЖАҲОНГИР МАҚБАРАСИ — қ. *Дор ус-сиёдат.*

ЖАҲОНГИР МИРЗО (1396—1433.24.6) — Моваройуннаҳр хони (1405—09), Ҳисор ҳокими (1409—33). *Темурийлар*дан. *Муҳаммад Султон* Мирзонинг катта ўғли. 1405 й. *Амир Темур* вафотидан сўнг, *Халил Султон* Самарқанд тахтига ўтиргач, 9 ёшли Ж. М.ни хон кўтариб, ўзи отабеклик мансабида ҳукмронлик қилган. 1409 й. *Шоҳрух* Мирзо Моваройуннаҳрни эгаллаб Самарқанд тахтига *Улуғбек*ни ўтқазган. Ж. М.га Ҳисор ҳокимлигини бериб, унга ёш бўлганлиги учун Ҳамза Сулдузни отабек қилиб тайинлаган. Моваройуннаҳрдаги ҳокимиятни қайта эгаллаш учун Улуғбекка қарши курашган. Бироқ Қизил Работ мавзеида Шоҳрух қўшини б-н бўлган жангда (12 июль 1410 й.) енгилган.

«ЖАҲОНГИРНОМА», «Тузуки Жаҳонгири» («Жаҳонгир тузуклари») — *Бобурийлар*дан *Жаҳонгиршоҳ*нинг асари. «Ж.» услуби ва тузилиши жиҳатдан «*Бобурнома*»га ўхшаш, форс тилида ёзилган. Асарда 17-а.нинг 1-чорагида Ҳиндистонда бўлиб ўтган сиёсий воқеалар, Декандаги хонликларнинг бўйсундирилиши, Ҳиндистоннинг табиати, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, шаҳар ва ўлкаларнинг иқтисодий, маданий ҳаёти, меъморлиги, машҳур олим ва шоирлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Мусаввир Абулҳасан «Ж.»нинг биринчи нусхасига муаллифнинг расми ва б. миниатюраларни моҳирона чизган. «Ж.»га Жаҳонгиршоҳнинг шеърий мисралари ҳам киритилган. Асарда сарой ҳаёти, ҳинд ҳалқларининг урф-одати, ҳинд-мусулмон масалалари устида ҳам бирмунча фикр юритилган. «Ж.» Ҳиндистон, Моваройуннаҳр ва Эрон ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатлар тўғрисидаги маълумотларга бой манбадир.

ЖАҲОНГИРШОҲ Нуриддин (1569—1627) — Ҳиндистондаги *Бобурийлар давлати*нинг тўртинчи ҳукмдори (1605—27), *Акбар*нинг ўғли. Асл исми Султон Салим. Ж. давлатни идора этиш юзасидан «Ўн икки дастур» эълон қилган. Дастурга, асосан, деҳқонларга ношаръий солиқлар солиш, маҳаллий ҳокимларга савдогарларнинг молларини очиб кўриш, гуноҳкорларнинг қулоқ-бурунларини кесиш, шароб и. ч., маълум кундан бўлак вақтда жониворларни сўйиш, туғилган қизларни ўлдириш (Рожастхонда), солиқ ҳисобига болаларни тортиб олиш (Бенгалияда) ва б. ман этилган. Ж. даврида империя таркибига Мевар (1614), Аҳмаднагар (1620), Бижапур ва Голконда (1621) ҳамда Панжоб (бир қисми) қўшиб олинди. Ж. давлатни ҳинд рожалари б-н келишиб идора қилишга интилди. Ж. даврида тасвирий санъат, миниатюра ва адабиёт ривож топди, бир неча мақбара, жумладан Акбар мақбараси қурилди. Ж.нинг ўзи ҳам шеърлар ёзган. Унинг «*Жаҳонгирнома*» асари машҳур. Салтанатининг сўнгги йилларида давлат ишларини хотини *Нуржаҳон бегим* бошқарган.

ЖАҲОНДОРШОҲ (18-а.) — *бобурийлар* сулоласига мансуб ҳукмдор. Баҳодиршоҳ I (1643—1712) нинг ўғли. Отаси вафот этгач (1712), тахтга ўтирган. Аммо, биродарлари — Азимушшаън, Рафиъушшаън ва Жаҳоншоҳлар ўзаро тахт талашиб унга қарши уруш бошлаганлар. Натижада Ж. 11 ой ҳукмдорлик қилгач, Аграда бўлган жангда Азимушшаъннинг ўғли — Фарах томонидан ўлдирилган.

ЖАҲОНОБОД МАСЖИДИ — Фарғона вилояти Риштон туманидаги меъморий ёдгорлик (1912). Маҳаллий бой Мадалибобо буюртмаси б-н Исабой Ҳожи ўғли раҳбарлигида қурилган. Масжид тарҳи 15,2×15,6 м, икки устунли хона ва унинг олдида (шарқ томонга туташ) қурилган айвондан иборат. Хонақоҳ ва айвон ички деворлари ганч б-н сувалган. Меҳроб ва токчалари бор. Айвон деворидаги намоёнлар манзарали нақш-гуллар, шифт эса гириҳ, ҳовузак, муқарнас б-н безатилган. Ж. м.ни қўқонлик наққошлар уста Бойбобо ва унинг ўғли Ғани безаган.

ЖАҲОНОРО БЕГИМ (1614 — Деҳли — 1681) — *бобурийлар*дан бўлган малика, шоира. *Шоҳ Жаҳон*нинг катта қизи. Онаси — *Мумтоз Маҳалбегим*. Онаси вафот этганда Ж. б. 17 ёшда бўлиб, онасининг васиятига кўра шоҳ оиласини бошқариш унинг зиммасига тушган. Ҳусн-латофатда, ақл-идрокда ва илму одобда беназир бўлган. Ж. б. оилада ака-укалар ўртасидаги келишмовчиликлар, ҳатто отаси б-н укаси *Аврангзеб* ораларида келиб чиқадиган можароларни усталик б-н бартараф қилган. Ж. б. салтанат ишларини бошқариш, ички ва ташқи сиёсат ҳамда дипломатия масалаларида отасига ўзининг оқилона маслаҳатлари б-н ёрдамлашган. Меъморлик, ободонлаштириш ишларига раҳнамолик қилган. Аграда қурилган жоме масжидининг тарҳини Ж. б. чизган. Шунингдек, Деҳли, Сурат, Амбола, Беҳал ва Панипат ш.ларида карвонсаройлар қурдирган. Лоҳур да катта боғ, Кашмирда «Пари Маҳал» (Парилар саройи) бунёд эттирган. Шаҳдхоноббда Алимардонхон ариғини қаздириб, нақшинкор ҳовуз қурдирган. Ж. б. газаллар, илм-фан бобида эса «Рисолайи Соҳибия» («Дўстлик ҳақида рисола») номли асар ёзган.

1658 й. Аврангзеб тахт учун курашда ғолиб чиқиб, ҳаста отасини ҳибсга олган. Ака-укаларнинг, ота-боланинг ва дўстларнинг орасига тушган низо ҳамда уларнинг фожиали қисмати Ж. б.ни қаттиқ изтиробга солган. Дилхаста малика дунё ишларидан қўл ювиб, маҳбусликда кун кечираётган ҳаста отасига хизмат қилиш б-н ўзига таскин берган. Деҳлидаги Зарзари Бахш қабристонига дафн этилган.

Турғун Файзиев.

ЖАҲОНШОҲ, Мирзо Жаҳоншоҳ (15-а.) — *қора қўюнлилар* сулоласига мансуб ҳукмдор, Қора қўюнлилар давлати асосчиси — Қора Юсуфнинг ўғли. Ж. 1437 й. темурийлардан *Шоҳрух* томонидан Озарбайжонга ҳоким этиб тайинланиб, Грузия ҳудудининг талайгина қисмини забт этган. Шоҳрух вафот этгач эса Темурийлар давлатига қарши юриш қилиб Эроннинг анчагина қисмини ва Хуросонни қўлга киритгандан сўнг, *Оқ қўюнлилар* давлатига ҳужум қилган, аммо, *Узун Ҳасан* томонидан тор-мор этилиб, қочган ва 1467 й. қўлга олиниб, қатл этилган.

ЖАҲОНШОҲ БАҲОДУР (14-а. охири — 15-а. боши) *Амир Темур*нинг лашкарбошиларидан; *Жакубек барлос*нинг ўғли, 1384 й. бошида отаси вафот этганидан сўнг Кобулистон вилояти унга хос мулк қилиб берилади. 1392 й. баҳорида бутун Афғонистон ва Ғарбий Ҳиндистон ерлари Пирмуҳаммад Жаҳонгирга мулк қилиб берилганидан сўнг Ж. б. Қундуз ва Баглоннинг ҳокими этиб тайинланади ва мазкур амирзоданинг хос амирлари қаторига киритилади. Шу б-н бирга у соҳибқирон-нинг деярли барча катта ҳарбий юришларида иштирок этган. Жумладан, у 1391, 1395 й.лардаги *Тўхтамишхон* б-н бўлган жангларда катта ҳарбий маҳорат ва идрокни намойиш қилган. 1404 й. баҳорида ғарбга қилинган «етти йиллик юриш»дан қайтаётиб, Амир Темур мирзо Умар ибн Мироншоҳга *Ҳулокухонга* тааллуқли улусни («Рум ва Истанбулгача, Шому Миср гача, Ироқ ва Форсгача») мерос қилиб беради ва Ж. б.ни унинг маслаҳатчиси этиб, «Жаҳоншоҳбек сўзидан чиқмагайсен ва ҳар неким ул маслаҳат кўрса, анинг бирла амал қилғайсен» деб таъкидлайди.

Ашраф Аҳмедов.

ЖГУТ (рус.) — қон тўхтатишда қўлланиладиган восита; эластик резина найча ёки бинт. 1873 й.да немис хирурги Ф. Эсмарх тавсия этган. Қўл-оёқ жароҳатланганда ёки операция қилинганда қон тўхтатиш учун, шунингдек, венадан қон олишда, *вена*га дори юборишда ва қон қуйишда ишлатилади.

ЖЕБЕ НЎЁН, Жаба, Жеба, Жэбэ, Чжебе (12-а. охири — 13-а. 1-ярми) — *Чингизхон*нинг атоқли саркарда — *нўён*ларидан бири. Нирун қабиласининг йисут уруғидан. Чингизхонга қўшилгунча тайжиут қабиласи бошлиқларидан саналган Қадан тайжининг ўғли Туданинг хос йигити бўлган. Ж. н. нинг лашкарбошилик салоҳиятини юқори баҳолаган Чингизхон уни ўта масъулиятли ҳарбий амалиётларга тайинлаган, жумладан, 1216 й.нинг кўкламида найманлар хони *Кучлуққа* қарши ўғли Жўжи ва Ж. н. бошчилигида 20 минг кишилик қўшин жўнатган. Бу қўшин зафар б-н қайтаётганда *Иргиз дарёси бўйидаги жанг*да Муҳаммад Хоразмшоҳнинг 60 минг кишилик қўшинига рўбарў келган. Чингизхоннинг Шим. Хитойга юриши (1211) пайтида Ж. н. Журжа вилоятининг йирик шаҳри Тункинни эгаллаш учун жўнатилган. Ж. н. ўзига хос ҳарбий тактик усул қўллаб шаҳарни эгаллайди. Шу йили Чамчил дарасига кириш йўлини қўриқлаш топширилган Ж. н. хитойликларнинг Удун қўмондонлигидаги аскарий қисмларига қўққисдан ҳужум қилиб, уларни тор-мор келтиради. 1220 й. Мовароуннаҳрни истило қилиш чоғида Чингизхон 20 минг кишилик қўшин б-н Ж. н. ва *Субутой баҳодир*ни юртни тарк этган Муҳаммад Хоразмшоҳни таъқиб этиш ва унинг тасарруфидаги Аррон, Озарбайжон, Эрон ва Ширвон ерларини забт этишга жўнатган. Улар даставвал Ироқи ажамнинг Ҳар, Симнон, Рай, Қум, Ҳамадон, Қазвин, Озарбайжоннинг Табриз, Мароға, Нахичеван, Сароб, Ганжа, Байлақон каби ш.ларини эгаллашган. Гуржилар (грузинлар)нинг 30 минг кишилик қўшинини ҳарбий ҳийла б-н яксон этган Ж. н. ва Субутой баҳодир қўшини Ширвоншоҳлар сулоласининг бош шаҳри Шамохий (Шемаха)ни ғорат қилади ва Дарбанддан ўтиб, Шим. Кавказга *аланлар* юртига босиб киради, уларнинг қаршилигини синдириб, қўққисдан қипчоқларга ҳужум қилади. Омон қолган қипчоқлар Рус ерларига қочишга мажбур бўлишган. Қиш мавсумини қипчоқларнинг серсув яйловларида ўтказган Ж. н. ва Субутой баҳодир Қримнинг жан.даги Суғдақни забт этади. *Калка жанги*да рус князлари ва қипчоқларнинг бирлашган қўшинини енгган мўғуллар русларнинг кўплан кўп шаҳарларини ғорат қилганлар, сўнгра *Волга-Кама Булғорияси*да қаттиқ қаршиликка дуч келгач, орқага қайтиб, *Қорақурум*га қайтаётган Чингизхонга келиб қўшилганлар.

Ад.: Рашид ад-Дин, Сборник летописей, т.1, Книга вторая, М. — Л., 1952; Шихаб ад-Дин Муҳаммад ан-Насави, Жизнеописание султана Джалал ад-Дина Манкбурны, Баку, 1973; Бартольд В. В., Туркестан в эпоху монгольского нашествия, Соч., т. 1, М., 1963.

Ҳамидулла Дадабоев.

ЖЕВАК, жавак (форс. жев — арпа) — аёллар бўйнига тақадиган безак бутун, кумуш ва б.дан тайёрланган ҳуққачалардан тузилган: битта йирик, битта кичик ҳуққача эшилган ипак ипга маржон қилиб тизилади; ҳар бир йирик ҳуққачага қолипаки усулида тайёрланган арпа шаклидаги шокилалар осилади. Ҳуққачалар юзига нақшлар



Жевак.

ишланиб, рангдор тошлар қадаб безатилади. Тангаларни бир-бирига улаб 5 қатор шода қилиб ишланган тангажевак, шодасига маржон тақилган маржонжевак ва б. турлари бор. Тошкентда Ж., Самарқандда арпажевак, Андижон, Марғилон, Қўқонда жавак (Андижонда, шунингдек, бешқатор), Пискентда манғити деб аталади.

ЖЕВАЧИ, жибачи — совутдор; ўрта асрларда совут кийган отлиқ ва пиёда аскар; ҳар хил темир қурол эгаси; қурол-аслаҳа сақланадиган махсус омбор — жевахона мутасаддиси (бошқарувчиси); ҳарбий юриш вақтида подшоҳ ва хоннинг совут ва оғир қурол-аслаҳаларини олиб юрадиган кичик мансабдор — жибачигири. Тошкентдаги қад. жевахона ўрни Эскижўва (жева сўзининг бузиб талаффуз этилиши) деб аталади.

ЖЕДИН АСРИ ВА ЯРУСИ, жедин (Бельгиядаги Жединн ш. номидан) — *девон даври* эрта эпохасининг бошланиш асри ва ўша вақтда ҳосил бўлган ётқизиқлар. 1848 й.да англиялик А. Дюмон алоҳида ярус сифатида ажратган. Ярусниинг тоғ жинслари *кембрий даври* ётқизиқларига трансгрессив ҳолда ётади, асоси конгломерат, юқориси қумтош, алевролит ва аргиллитдан ташкил топган. Қуйи ва юқори Ж.а. ва я.га бўлинган. Қуйисига (Monograptus uniformis ва Icriodus woschmidti Liege) ва юқорисига — Belgicospis crouchi Lank фаунаси хос. Ж.а. ва я. ётқизиқлари Ўзбекистонда Туркистон ва Ҳисор тоғларида учрайди, Бельгия, Германия, Англия, Чехия, Марокаш, АҚШ, Украина (Подолия), РФ (Урал, Сибирь)да тарқалган. Ётқизиқларининг қалинлиги бир неча метрдан 650 м гача.

ЖЕЖАНОВ Келдибой (1943.10.10, Шаҳрихон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1991). Фарғона пед. ин-тининг тарих-география ф-тини тугатган (1968). 1968 й.дан Шаҳрихон туманидаги 22-мактабда ўқитувчи, 1994 й.дан директор. Ж. фаолиятида ўқувчиларни олимпиадаларга тайёрлаш ва иштирок эттириш ишлари алоҳида ўрин тутади.

ЖЕЗ, латунь — асосан, мис б-н рухдан (50% гача) иборат қотишма. Ж. олиш қадимдан (мил. ав.) маълум. Илгари (18-а.гача) мисни писта кўмир қўшилган рух рудаси б-н бирга эритиб Ж. олишган, 19-а.га келиб мисни тўғридан-тўғри рух б-н бирга эритиб ола бошлашган. Таркибида рух миқдори ортган сари Ж. ранги қизғишдан оч сариқ ранггача ўзгаради. Кўркамлиги, арзонлиги, механик хоссалари яхшилиги учун мис қотишмалари ичида Ж. энг кўп ишлатилади.

Оддий Ж. — миснинг фақат рух б-н қотишмаси. Таркибида 10% гача рух бўлган Ж. томпак, 10—20% гача рух



Жевачи. Жиба кийган суғд аскари (6—8-а.лар).

бўлгани ярим топак деб аталади. Буларнинг занглашга чидамлилиги ва пластиклиги юқори бўлгани учун улардан радиатор ва конденсатор қувурлари, лист ва ленталар тайёрланади. Таркибида тахм. 30% рух бўлган Ж. патрон латуни дейилади ва совуқлайин штамплаш, пресслаш йўли б-н ундан турли буюмлар олинади. Таркибида 39% гача рух бўлган Ж. бир фазали (α), 39 дан 45% гача рух бўлгани икки фазали (β) қотишмалардир.


Ж. таркибида рух миқдори камайган сари қотишманинг пластиклиги ортиб боради. Энг пластик Ж. α — латундир. Таркибида 45% дан ортиқ рух бўлган Ж.лар жуда қаттиқ ва мўрт бўлганлигидан техникада ишлатилмайди. Ж.нинг хоссаларини янада яхшилаш учун алюминий, қалайи, темир, марганец, никель, кремний, қўрғошин ва б. элементлар (ҳаммаси бўлиб 10% гача) қўшилади. Шунда қўп аралашмали (махсус) Ж. ҳосил бўлади. Таркибида чамаси 15% рух ва 0,5% алюминий бўлган Ж. тилларанг бўлгани учун ундан заргарлик ва безак буюмлари тайёрланади. Таркибида 1,5% гача қалайи бўлган Ж. денгиз латуни дейилиб, денгиз сувига чидамли бўлгани учун кемаларга ишлатилади, 3% гача қўрғошин қўшилган Ж. (қ. *Автомат латуни)* автомобиль ва соатсозликда қўлланилади.

Ж. деформациябоп ва қуймабоп хилларга бўлинади. Деформациябоп Ж.дан қувурлар, лист, тасма, чивиқ ва б. прокатланади, қуймабоп Ж.дан эса арматуралар, антифрикцион деталлар, подшипник втулкалари ва б. қуйилади. Ж. умумий машинасозликда, асбобсозликда, иссиқлик техникаси ва б. соҳаларда ишлатилади.

ЖЕЗ ДАВРИ (мил. ав.3—2-минг йиллик) — ибтидоий жамоа даврида жездан меҳнат қуроллари ишланган тарихий босқич. Ибтидоий одамлар бир неча юз ва минг йиллар давомида меҳнат қуролларини фақат тошдан ясаб келдилар. Мил. ав. 4-минг йилликнинг бошларига келиб, айрим жойларда (Ўзбекистон ерларида мил. ав. 3-минг йиллик охири — 2-минг йилликда) турли зеб-зийнат безакларини, баъзи меҳнат қуролларини мисдан ясай бошлайдилар. Бу даврда мисдан ясалган меҳнат қуроллари мўрт ва юмшоқ бўлганлигидан мустаҳкамроқ қотишма олиш учун изланиш давом этган ва маълум даврдан сўнг қалайни мисга қориштириб жез (бронза) кашф этилди. Натижада меҳнат қуролларининг тури кўпайди, жездан кескир-роқ тиғли қурол-яроғлар, рўзғор ва косметика буюмлари, маъбудалар, нақшдор муҳрлар ясала бошлади. Овчилик ва теримчилик ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда ўзининг дастлабки аҳамиятини йўқотди. От, эшак, туя ва ҳўкиздан транспорт воситаси сифатида фойдаланилди. Ҳайвонларга қўшиладиган аравалар вужудга келди.

Бу даврда хўжаликнинг, асосан, яйлов чорвачилиги ва деҳқончиликка асосланган и. ч. шакли қарор топди. Амударё ва Зарафшоннинг қуйи қисми, Фарғона водийсининг шим.-шарқий қисми ва жан. Сурхон воҳаси табиий географик жиҳатдан қад. деҳқончиликнинг келиб чиқиши ва ривожланиши учун қулай бўлган. Атрофдаги чўл ва даштларда, асосан, чорвадор қабилалар яшаган. Бу даврда Ўзбекистон жан. ва Афғонистон шим.да ривожланган Бақтрия (Амударё бўйи) деҳқончилик маданияти вужудга келди. Ўзбекистонда учта асосий деҳқопчилик воҳаси — Шеробод, Шўрчи ва Бандихон шаклланган. Бу жойларда қад. илк шаҳар маданияти шаклана бошлаган. Ж. д.га мансуб *Сополлитепа,* Миршоди, Мўлали, *Жарқўтон* каби уруғ жамоасининг турар жойлари — қишлоқ қўрғонлари, илк шаҳарлари ва қабрлар топилган. Уларнинг баъзилари қалъали, мустаҳкамланган ва айримлари мустаҳкамланмаган. Деҳқонлар воҳаларда буғдой, арпа, сули, пахта етиштирганлар. Уйлардан дон омборхоналари, ёрғучоқлар, кетмонча, ҳовонча дасталари топилган. Кулолчиликда чархдан фойдаланганлар. Сополлитепадан топилган ашёлар аҳолининг ўша даврдаги ҳунармандчилиги, турмуши, санъати ҳақида бой материал берди. Бу ерда мураккаб ва ўзига хос 3 қаторли мудофаа девори бўлган, майдони қарийб 1 га квадрат шаклдаги қўрғон қазиб очилди. Қўрғондаги маҳаллалар кўчалар б-н бўлинган. Уйларда мўрили ўчоқ, айрим хоналарда сандал ўрни, ганч сувоқ қолдиқлари топилди. Топилмалар ҳунармандчилик, хусусан, металлургия (меҳнат ва мудофаа қуроллари, идишлар, безак, кўзгу), кулолчилик, тўқимачилик (ип ва ипакдан тўқилган мато қолдиқлари), ёғочсозлик (қурилиш конструкциялари, уй жиҳозлари) ва б. юксак ривожланганлигини кўрсатди. Қалъада 20 дан зиёд кулолчилик хумдони очиб ўрганилди. Кулолчиликда юқори сифатли нафис идишлар (қадаҳ, кўза, хум, чойнак, пиёла, коса, лаган ва ҳ.к.) тайёрланган.

Хоразмда мил. ав. 2-минг йилликнинг 2-ярмида Ж. д.нинг *Тозабоғён маданияти* мавжуд бўлган. Бу маданият *Бургут қалъа* воҳасидаги Тозабоғён



Жез даври қуроллари (Фарғона подийси).

канали яқинидан топилган. Деҳқончилик ва ирригация тармоқлари анча ривожланганлиги б-н фарқ қилади (Онгқа-2, Қават-3 маконлари, Кўкча-3 ва б. мозорқўрғонлар). Аҳоли, асосан, чўл зоналарида томи қамиш б-н ёпилган кулба ва ярим ертўлали чайлаларда яшаган, хонаки чорвачилик, захкаш ва нам ерларда обикор деҳқончилик б-н шуғулланган. Бу даврда металл қуйиш техникаси юксак бўлган. Ясси тубли чизма бошқосимон нақшланган идишлар топилган. Жез металлургияси кенг ривожланган. Хоразмда сўнгги жез — илк темир даврига Сувёрган (мил. ав. 2-минг йиллик) ва Амиробод (мил. ав. 1-минг йиллик боши) маданиятлари мансуб. *Сувёрган маданияти* қабилаларининг ёғоч устунли тўғри бурчакли чайлаларда яшаган. Ўчоқ атрофидан сирти қизилга бўялган сопол идишлар топилган. Топилмалар ичида микролитлар кўп учрайди. Бу маданият 3 босқични (Қамишли, Бозорқалъа, Қовунчи) ўтган. Уруғ жамоалари овчилик, подачилик ва деҳқончилик б-н шуғулланган. Ижтимоий ҳаётда дастлаб она уруғи анъаналари кучли бўлган, лекин кейинги икки босқичда эркакларнинг жамоадаги мавқеи ортган. Аёллар ерларга иқтисодий жиҳатдан қарам бўла борди. Катта оила жамоаларида ота ҳуқуқи қарор топиб мустаҳкамланди. Энди қариндошлик отага қараб белгиланди, уруғлар ичидаги муносабатлар отанинг иқтисодий ва ҳуқуқий ҳукмронлиги асосида қурилиб, болалар ота мулкига меросхўр бўла бошлади. *Амиробод маданияти* одамлари ярим ертўла уйларда яшаган, уйларнинг марказида катта ўчоқ бўлган. Сопол идишлари таги ясси, дағал ишланиб, бошқосимон нақш берилган. Аҳоли уруғ жамоаларига

бирлашиб деҳқончилик ва чорвачилик б-н шуғулланган. Суғориш тармоқлари яхши ривожланган. Яккапорсон-2 дан жез игна, ўроқ, суяк дастали бигиз, ўқ-ёй пайконлари топилган.

Фарғона водийсида сўнгги Ж.д.га мансуб *Чуст маданияти* аҳолисининг асосий машғулоти деҳқончилик, чорвачиликдан иборат бўлган. Хом ғиштдан уйлар ясалган, мудофаа иншоотлари қад кўтарган. (қ. *Далварзинтепа*).

Қуйи Зарафшоннинг *Замонбобо маданияти* сўнгги Ж. д.нинг *Андроново маданиятига* жуда яқиндир. Андроново маданиятининг юқори босқичига мансуб ёдгорликлар Хоразмда, Тошкентдаги Кўкча мозорида, Бухоро вилояти Қоракўл туманида, Ургут туманининг Мўминобод қишлоғида, Чирчиқ дарёси бўйида — Аччиққўл ва Сергели тепаларида топилган. Тошкент воҳасида сўнгги жез — илк темир даври *Бурганли маданиятида* аксини топган. Бу вақтда ибтидоий жамоа даври шиддат б-н емирилиб, қабилалар ўртасида дастлабки синфий муносабатлар вужудга келди.

Жуда кенг тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқландики, мил. ав. 2-минг йилликнинг охири ва 1-минг йилликнинг биринчи чорагида Ўрта Осиё ҳудудида дастлабки қад. давлат тузилмаларининг пайдо бўлиши кузатилади. Қарнаб чўлдан шу маданиятга оид қад. маъдан конини топилиши (1999) қад. Хоразмдаги давлатчиликнинг иқтисодий негизлари кучли бўлганидан далолат беради.

Аҳмадали Асқаров, Абдулаҳад Муҳаммаджонов.

ЖЕЗЛАШ, латунлаш — металл (асосан, пўлат) буюмлар сиртига таркиби мис (70%) ва рух (30%) дан иборат юпқа (бир неча мкм) қатламни қоплаш. Асосан, электр-гальваник усулда, яъни гальваник ваннасида жезни чўктириш усулида амалга оширилади. Ж. титан ва титан қотишмаларининг едирилишига қарши хоссаларини яхшилаш, буюмларни занглаш (коррозия) дан асраш, қиздириб пресслашда пўлат ҳамда алюминий буюмларнинг резина б-н яхши тишлашишини таъминлаш мақсадида қилинади.

ЖЕЗОЙНА — жез ва илк темир даврида ишланган металл кўзгу. Милоднинг бошларигача шиша ойна бўлмаганлиги сабабли ойна жездан қилинган. Қад. мозорларда Ж. кўпинча аёлларнинг зийнат буюмлари қаторида учрайди. Ж., асосан, доира шаклида бўлиб, аввал дастасиз, кейинроқ (темир даврида) дастали қилиниб, турли хил нақшлар берилган. Ж. ўрта асрларда ҳам учрайди. Ялтироқлигини доимий сақлаш учун Ж. юзаси теридан қилинган нафис пардозлагич б-н ишқаб турилган.



Жезойна (Кампиртепа кўзгулари).

ЖЕЗҚАЗҒАН (қозоқча — мис қазимоқ) — Қозоғистон Республикаси Қарағанда вилоятидаги шаҳар (1954 й. гача шаҳарча). Кенгир сув омборининг ўнг соҳилида жойлашган. Қарағанда ш.дан 520 км. 1997 й.дан Ж.га маъмурий жиҳатдан Сатпаев ш. бўйсунади. Т.й. станцияси. Аҳолиси 148,7 минг киши (Сатпев ш. б-н бирга, 1999). Ж.да мис рудаси борлиги маҳаллий аҳолига қадимдан маълум бўлган. 1771 й. Марказий Қозоғистонга барон Траунберг экспедицияси келган ва Улуғтов жан. этакларида мис рудалари борлигини аниқлаган. 1847 й. екатеринбурглик савдогар Николай Ушаков чорвадор Ботир Бакасиндан мис захиралари бор деб тахмин қилинган майдонни ижарага олган.

1890 й. Ж. конини инглизлар сотиб олган ва 1913 й. баҳорида мис эритиш з-ди ва Қарсақпайда бойитиш ф-касини қуриш учун тайёргарлик кўрган. Мис. рудаси 20-а. бошидан оз миқдорда қазиб олина бошлаган. 1925 й. Отбосар рангли металлар трести ташкил этилиб, унинг таркибида Қарсақпай к-ти бўлган. 1928 й. Қарсақпай мис эритиш з-ди биринчи маҳсулотини берди. 1947 й. Ж. бойитиш ф-каси қурила бошлади, 1954 й. фойдаланишга топширилди.

Ж. регионида марганец концентрати ишлаб чиқариладиган ва олтин рудаси қазиб олинадиган конлар ва ф-калар, мис з-ди ва сим и.ч. цехи жойлашган. Ж. рудаси таркибида кўргошин, рух, кумуш, олтингугурт, олтин ва нодир ҳамда тарқоқ элементлар мавжуд. Гидрометаллургия, қуйиш-механика з-длари, трикотаж ф-каси, гўшт к-ти, сут з-ди, эмаль цехи ишлаб турибди. Ж. кони асосида мисдан ташқари рангли металлургия ривожланган бўлиб, «Қазақмыс» корпорациясининг «Жезказганцветмет» акциядорлик жамияти корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Ж. мис кони аниқланган захираси бўйича дунёдаги йирик конлардан бири. Ж. ҳудудида комплекс рудалар, мис, қўрғошин, кумуш, олтин, вольфрам, молибден, темир, марганец, оптик кварцнинг катта захиралари бор. Ундан ташқари кўмир, нефть, газ, табиий қурилиш материаллари, қоплама ва зийнат тошлари конлари мавжуд. Ж.да 2 олий ўқув юрти, ўрта махсус ўқув юртлари, тарих-ўлкашунослик музейи фаолият кўрсатади.

ЖЕЗҚАЗҒАН МИС КОНИ — Қозоғистоннинг Жезқазған ш. яқинидаги мис кони. Кон тўғрисидаги дастлабки маълумот манбаларда 1771 й.да қайд этилган, мис рудаси уюмлари 18-а. охирида маълум бўлган. Кон мукаммал ўрганилиб, 1928 й. ишга туширилган. Тектоник жиҳатдан Ж.м.к. Жезқазған-Сарису мульдасининг шим.да жойлашган. Унинг пастида қуйи девон ётқизиқлари (қумтош қатламчалари аралаш турли таркибли қизил рангли вулканоген жинслар) жойлашган. Булар ўрта девон терриген (қизил рангли қумтош ва конгломератлар) ва карбонатли (кремнийлашган оҳактошлар, мергеллар) жинслар б-н қопланган. Ж.м.к. саларадор Жезқазған свитасида жойлашган. Жезқазған свитаси навбатланган кулранг ва қизил рангли кўп ярусли қумтош қатламларидан ташкил топган. Фақат кулранг қумтошлар рудали. Руда жинсларининг қалинлиги 1,5 м дан 30 м гача ва ундан ортиқ, 110° гача бурчак остида энкайган. Руданинг асосий захираси 300—350 м чуқурликдаги бирламчи сульфидли руда уюмларида жойлашган. Руда минераллари: *халькозин, борнит, галенит* ва *сфалерит*. Кондан мисдан ташқари кўргошин, кумуш ва б. рудалар ҳам олинади. Коннинг саноат аҳамияти катта.

ЖЕЙМС (James) Жойс [1882.2.2, Дублин (Ирландия) — 1941.13.1, Париж] — инглиз ёзувчиси. «Дублинликлар» (1914) ҳикоялар тўплами, «Рассомнинг ёшликдаги портрети» (1916), «Улисс» (1922), «Финнеганча маърака» (1939) романларининг муаллифи. Ж. сўнгги икки роман б-н роман жанрини ислоҳ қилди ва 20-а.нинг атоқли ёзувчиси, *модернизм*нинг асосчиларидан бири бўлиб қолди. Унинг бу асарлари ўз тузилиши б-н анъанавий романлардан фарқланади, улар нутқ шакллари ва ҳикоя қилиш усули мунтазам ўзгариб туриши, афсоналар ва тарихий воқеаларга мурожаат қилиниши б-н ички тарҳи мураккаб қасрни эслатади.

ЖЕЛАК — хотин-қизлар бошига ташлаб юрадиган ёпинчиқ; бичими эркаклар тўнининг кичик ҳажмдаги шаклида. Фақат бўйин ўмизига тўғри бурчакли узун ёқа қўшилган, айримларида ёқа ўрнига тува (10×20 см) қўйилган. Ж.нинг узунлиги 115—120 см, тана ва енг қисми ўта тор қилиб бичилган, енглари одатдагидан узунроқ бўлиб, *паранжи*ники каби орқа томонда бирлаштирилиб этаккача тушиб турган. Ж.нинг авраси баъзан қуроқ усулида мато парчаларидан улаб тикилган; ёқа (тува)си ёркин рангли ипларда кашта б-н сидирға қоплаб, ёқа, енглари ҳошия нақш (ромб, учбурчак, хочсимон ва б. шаклли), ёқадан орқа томонга, енгларга шоҳча («ҳаёт дарахти») шакли кашта б-н тикилиб, турли хил пулакча, пистон, тугма, нозиклар б-н безатилган, шунингдек, энли жияклар (асосан қўлтиқ ости ва енг учларига) тикилган. Жияклар охири попуклар б-н тугалланган. Самарқанд, Сурхондарё, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё, Қорақалпоғистонда кенг тарқалган Ж. маҳаллий хусусиятлар асосида турлича безатилган.

ЖЕЛАТИНА (лот. gelatus — музлаган, совиган) — ҳайвон териси, пайи ва суякларини сувда қайнатиш йўли б-н олинадиган оқсил моддалар аралашмаси. Бунда тўқималар таркибига кирадиган коллаген глютинга айланади. Олинган эритма ҳайдалади, тиндирилади, ивиқ ҳосил бўлгунча совитилади, сўнгра бўлак-бўлак қилиб кесилади ва қуритилади. Тайёр ҳолдаги қуруқ Ж. — таъмсиз, ҳидсиз, шаффоф, рангсиз ёки оч сарғиш бўлади; совуқ сувда ва суюлтирилган кислоталарда шишади. Қиздирилган коллоид эритма совиганда ивиққа айланади. Ж. қандолатчиликда (мармелад ва б. тайёрлашда), фотоплёнкалар, пластинкалар, фотоқоғоз ва картон тайёрлашда, *гемофилия* касаллигини даволашда ҳамда меъда, ичак ва ўпкадан қон кетишини тўхтатишда (5—10% ли эритмаси, мазь ва шамчалар таркибида) ишлатилади, шунингдек, микробиологияда (озиқли муҳит олишда) қўлланилади.

ЖЕЛЕ (франц. gelee) — ширинлик; нок, олма, олхўри ва б. резаворлар шарбатларидан тайёрланади. Шарбат қайнатилиб, қиёмга шакар, совуқ сувга солиб қўйилган желатин қўшилади. Таркибида 65—70% моддаси қолгунча қайнатилади. Ж. иссиқ ҳолатда 75—80% ҳароратда шакл бериладиган идишларга солиниб совитилади. Ж. тиниқ бўлиб, қайси мева шарбатидан олинган бўлса, унинг ранги, таъми ва хушбўйлиги сақланади.

ЖЕЛЕЗНОВОДСК — РФ Ставрополь ўлкасидаги шаҳар (1917 й.дан), Кавказ Минерал сувлари гуруҳига кирувчи бальнеобалчиқ курорт. Ж. 600—630 м баландликда жойлашган. Т. й. шохобчаси (6 км) орқали Бештов станцияси б-н боғланган. Аҳолиси 29,4 минг киши (1992). 19-а. бошларидан курорт сифатида танила бошлаган. Ёзи илиқ (июлнинг ўртача т-раси 21°), қуруқ, қиши мўътадил юмшоқ (янв.нинг ўртача т-раси — 4°); йилига ўртача 605 мм ёғин ёғади. Славяновск ва Смирновск карбонатли минерал булоқлари суви ичилади, қадоқлаб жўнатилади, бошқа булоқларнинг суви ваннага берилади. Овқат ҳазм органлари, урологик ва модда алмашинуви бузилиши каби касалликлар б-н оғриган беморлар даволанади. Тамбукан кўлидан шифобахш балчиқ олинади.



Железноводск шаҳридаги санаторийлардан бири.

ЖЕМ (инг. jam) — шакар қиёмида пиширилган мева ва резаворлар. Ж. қиёми мураббо қиёмидан қуюқлиги б-н ажралиб туради. Ж. пиширш учун таркибида кислота ва желесимон кўриниш ҳосил қилиш учун етарли пектини бўлган мевалар (олма, олхўри, беҳи ва б.) ишлатилади. Бошқа мевалардан фойдаланилганда уларга олма, крижовник каби пектин моддасига бой мева ва резавор мевалар шарбати ёки пюреси қўшилади. Резавор мевалар шакарни шимиши учун пиширишдан аввал эзилади. Ж. учун тайёрланган мевалар тоғара ёки қозонга солиниб, шакар ёки қиём қўшилади ва кўпиги ўртага йиғилиб, мевалар ширани яхши шимиб, қуюқлашиб, тиниқ бўлгунга қадар пиширилади. 1 кг мевага 800 г шакар солинади.


«ЖЕМИНАЙ» (Gemmi) — икки ўринли космик кемалар номи (АҚШ). Ер атрофидаги орбитада учиришга мўлжалланган. Оғирлиги 3,2 т дан 3,8 т гача. «Ж.» герметик капсула (қўниш аппарати), кабина, асбоблар бўлмаси ва тормозлаш двигателидан иборат. Капсуланинг диаметри 2,25 м, уз. 5,70 м. Кабина ҳажми 2,33 м³. Орбитада бошқа аппаратларга яқинлашиш тизими ҳам бор. Астронавтларнинг 14 кун яшай олишига мўлжалланган. Бортидаги аппаратлар иссиқлик элементлари воситасида энергия б-н таъминланади. «Ж.» фақат сувга қўндирилади. «Ж.»да ўтказилган асосий тадқиқотлардан бири шуки, дунёда иккинчи марта (космонавт А. А. *Леонов*дан кейин) очиқ космосга чиқиш масаласи текшириб кўрилди («Ж-4», Э. Уайт). 1965 й. 23 мартдан 1966 й. 11 ноябргача бўлган вақт мобайнида 10 та «Ж.» учирилган, уларда 16 астронавт парвоз қилган, улардан 5 киши (Э. Уайт, Ю. Сернан, М. Коллинз, Р. Гордон, Э. Олдрин) парвоз пайтида кемадан ташқарига чиқиб, очиқ космосга чиқишга доир масалаларни текшириб кўрди.

ЖЕМС (James) Уильям (1842.11.1, Нью-Йорк — 1910.26.8, Чокоруа, Нью-Хэмпшир) — америкалик файласуф ва психолог. Гарвард ун-ти проф. (1872—1907). Материализмга қарши «радикал эмпиризм» намояндаси ва *прагматизм* асосчиси. Ж. эркин ижодий шахс ҳамда воқеликнинг кўп шакллилиги (қ. *Плюрализм*) ғояларини илгари сурди. Психологияда ассоциатив назария (қ. *Ассоциация*)га қарши бўлди. Асосий асарлари: «Психологиянинг илмий асослари» (1890), «Прагматизм» (1902), «Коинот плюралистик нуқтаи назардан» (1909), «Диний тажрибанинг хилма-хиллиги» (1902).

ЖЕМСОНИТ (шотландиялик минералог Р. Жеймсон номи б-н аталган) — мураккаб сульфидлар синфига мансуб минерал. Кимёвий формуласи $Pb_3FeSb_6S_{14}$. Қўшимчалари: Cu, Ag, Zn. Моноклин сингонияли. Игнасимон, сочисмон, кигизсимон ва донадор агрегатлар ҳолида учрайди. Кулранг. Ялтироқлиги металлсимон. Қаттиқлиги 2—3. Гидротермал конларнинг кўрғошин-рухли рудаларида учрайди. Ўзбекистонда Қўшбулоқ (Қурама тоғи) даги олтин, Чептан ва Бурчмулла (Чатқол тоғи) даги маргимуш конларида топилган. Россия (Дарасун), Англия (Корнуолл), Арманистон (Азатек) ва б. жойларда маълум.

ЖЕНЕВА — Швейцариянинг жан.-ғарбидаги шаҳар. Женева кантонининг маъмурий маркази. Женева кўлининг жан.-ғарбий соҳилида, 372 м баландликдаги хушманзара ерда жойлашган. Кўлдан оқиб чиқадиган Рона дарёси шаҳар ўртасидан ўтган. Иқлими юмшоқ, йиллик ёғин 1000 мм чамасида. Аҳолиси 172 минг киши, шаҳар атрофи б-н 390 минг (1998).

Ж. (лот. Genava) дастлаб Юлий Цезарь томонидан мил. ав. 1-а.да тилга олинган. Савдо йўллари чорраҳасида жойлашганидан шаҳарнинг иқтисодий мавқеи кучайиб борди. 14—15-а.ларда ўзининг ярмаркалари б-н машҳур эди. 16-а.дан Швейцария таркибидаги иттифоқдош ер; Кальвин даврида (16-а.) реформация маркази бўлган. 16—17-а



Женева шаҳрининг соҳил қисми.

ларда Ж.да саноат, жумладан соатсозлик ривожланди. 1798—1814 й.ларда Франция таркибида бўлди. 1815 й.дан Швейцариянинг 22-кантони. Ж.— бир қанча халқаро ташкилотлар, жумладан, Миллатлар Лигаси (1919—39), Қизил Крест органлари, БМТ турли бўлимларининг доимий қароргоҳи. Ж.да халқаро конгресслар, конференциялар, кўргазмалар ва фестивуллар ўтказилиб турилади. Курорт шаҳар, чет эл туризмининг марказларидан.

Ж.— транспорт йўллари тугуни, кўл порти. Йирик аэропорт бор. Мамлакатнинг муҳим сиёсий, саноат ва савдо-молия марказларидан. Заргарлик буюмлари, аниқ механика (соатлар, геодезия асбоблари, аниқ аппаратура ва б.), станоксозлик, электротехника машинасозлиги, двигателлар и.ч., фармацевтика, парфюмерия, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Ун-т ва б. олий ўқув юртлари, театрлар, музейлар бор. Ж.нинг қад. қисми Ронанинг сўл соҳилида жойлашган. Меъморий ёдгорликлардан Сен-Пьер собори (12—18-а.лар), Сент-Мари-Мадлен ва Сен-Жермен (14-а.) черковлари (14—15-а.лар), ратуша (15-а.), Энар саройи (1817—21), Уйғониш даври ва мумтоз кўшклар (17—19-а.лар) сақланган. Янги шаҳар қисмида Миллатлар саройи, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) биноси ва б. замонавий иншоотлар жойлашган.

ЖЕНЕВА БИТИМЛАРИ (1954) — АҚШ, Буюк Британия, ХХР, Франция ва собиқ СССР ташқи ишлар вазирлари кенгашида (1954 й. 26 апр. — 21 июль) қабул қилинган битимлар (битимларни тайёрлашда ВДР, Камбожа, Лаос ва Жан. Вьетнам вакиллари ҳам иштирок этган). Франциянинг 1945 й. сент.дан бошланган Вьетнам, Лаос ва Камбожага қарши урушига нуқта қўйган. Корея масаласи, Ҳиндихитойда тинчлик ўрнатиш масалалари муҳокама этилган. Битимларда Вьетнам, Лаос, Камбожа ҳудудидаги чет эл ҳарбий базаларини тугатиш, бу давлатларнинг ҳарбий блокларга аъзо бўлмасликлари кўрсатиб ўтилган. Ҳиндихитойда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш, Лаос ва Камбожада 1955 й.да, Вьетнамда 1956 й.да умумий эркин сайлов ўтказилиши таъкидланган. Ҳиндихитой давлатларининг ҳудудий дахлсизлиги ва мустақиллигини ҳурмат қилиш, ички ишларига аралашмаслик қайд этилган.

ЖЕНЕВА КОНВЕНЦИЯЛАРИ (1949) — уруш жабр етказганларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги халқаро конвенциялар, 1949 й. 12 авг.да Женева ш.да қабул этилган битим. Бу битимга: 1) ҳаракатдаги армия ҳисобидаги яралар ва касаллар аҳволини яхшилаш; 2) денгиз қуролли кучлари таркибидаги яралар, касаллар ва кема ҳалокатига учраганлар аҳволини яхшилаш; 3) ҳарбий асирлар б-н муомала қилиш; 4) уруш даврида аҳолини муҳофаза этиш тўғрисидаги конвенциялар киради. Конвенциялар қабул қилинган конференция ишида 56 давлат қатнашган. Ж.к.га 1907 ва 1929 й.лардаги халқаро конвенциялар асос бўлган.

ЖЕНЕВА КЎЛИ, Леман — Швейцария ва Франциядаги кўл, Альп тоғларидаги кўллар ичида энг йириги. Майд. 582 км², уз. 72 км, кенглиги 14 км гача, энг чуқур жойи 310 м, сув ҳажми 89 км³. Ғарбий Альп ва Юра тоғлари оралиғидаги сойликда, 372 м баландликда жойлашган. Кўл Альп тоғларидан силжиб тушган музлик ўрнида ҳосил бўлган. Қирғоқлари ғарбида ётиқ, шарқида тик. Ж. к. орқали Рона дарёси оқиб ўтади (кўл сувининг 72% шу дарёдан йиғилади). Дарёнинг кўлдан чиқиш жойига тўғон қурилган. Соҳилида иқлим юмшоқ, илиқ; кўл қишда музламайди. Кема қатнайди. Кўл атрофи хушманзара: Швейцария соҳилида туристик базалар, шифохоналар, иқлим ва бальнеологик курортлар, Женева, Лозанна ва б. шаҳарлар жойлашган.

«ЖЕНЕРАЛ МОТОРС» (General Motors) — жаҳондаги автомобиль ишлаб чиқарувчи энг йирик корпорация. 1908 й.да ташкил этилган. «Ж.М.» енгил ва юк машиналари, автомобиль системалари, оғир юк машиналари учун трансмиссиялар, ҳарбий жиҳозлар ва т.й. локомотивлари лойиҳаларини яратади, уларни ишлаб чиқаради ва сотади. Компания корхоналари АҚШдан ташқари жаҳондаги 50 дан ортиқ мамлакатда жойлашган. Унинг маҳсулотлари 190 дан ортиқ давлатда сотилади. АҚШда автомобиль и.ч.нинг саккам 50%ни, бошқа мамлакатлардаги автомобиллар и.ч.нинг 20%ни назорат қилади. Йиллик савдо ҳажми 121,1 млрд. доллар (жаҳондаги саноат компаниялари орасида биринчи ўринда), соф фойдаси 4,9 млрд. доллар, АҚШнинг ўзида 5,1 млн. дона автомобиль ишлаб чиқаради. 766 минг ишчи-хизматчи банд (1980-й.лар охири).

«Ж.М.» ривожланиш ва кенгайиш дастурини давом эттириб, 1990-й.лар бошидан бошлаб компаниянинг Европа бўлими Туркия, Венгрия, Польша ва Татаристон (Россия)да автомобиль йиғув корхоналарини ишга туширди.

ЖЕНКИНСОН Антоний (?—1611) — инглиз сайёҳи; савдо агенти ва дипломат. Европа, Осиё ва Африкага саёҳат қилган, 1557—72 й.ларда Россияга 4 марта келган. Ж. Англия б-н Россия ўртасида иттифоқ шартномаси тузилгудек бўлса, инглизларни савдо-сотиқда монопол ҳуқуққа эга бўлишига, Иван IVнинг розилигини олишга эришган (1567—69). Англия шартномани имзолашдан воз кечган, Иван IV бу имтиёзларни бекор қилган (1570). Ж. 1558—59, 1562—64 й.ларда Иван Грозний нинг рухсати б-н Россия орқали Эрон ва Ўрта Осиега элчилик саёҳати қилган. Унинг мақсади Ўрта Осиё орқали Хитой ва Шарқий Ҳиндистонга олиб борадиган савдо йўлини очиш бўлган, бироқ у мақсадига эриша олмаган. Ж. элчилиги 21 ой (1558 й. апр.-дан 1559 й. 2 сент.гача) давом этган. Унда Ричард ва Роберт Жонсонлар ва Азиз исмли таржимон (татар) ҳамроҳлик қилган. Ж. бу элчилик саёҳати ҳақида «Россиядаги Москов шаҳридан Бақтриядаги Бухоро шаҳрига саёҳат» номли эсдаликларини ёзиб қолдирган. У Хитойга олиб борадиган йўллар тўғрисида маълумотлар тўплаган. У Саройчиқ, Хоразмдаги Вазир ва Урганч шлари ҳақида қимматли маълумотларни келтирган. Ж. Амударё, Мангит улуси, Хоразм ва Бухоро хонлигининг 16-а. ўртасидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, шунингдек, Ўрта Осиё халқларининг турмуши, одатлари ва б. ҳақида муҳим тарихий маълумотлар ёзиб қолдирган.

Ад.: Путешествие Дженкинсона в Хиву и Бухару. Путешествие в Среднюю Азию 1558—1559 гг. [В кн.: Английские путешественники в Московском государстве в XVI в., перевод с английского Ю.В. Готье], Л., 1937; Ахмедов Б. А., Историко-географическая литература Средней Азии XVI—XVIII вв., Письменные памятники, Т., 1985.

Наим Норқулов.

ЖЕННЕР Эдуард (1749—1823) — инглиз врачи, чин чечакка қарши эмлаш усулининг асосчиси. Сигир чечаги б-н оғриб тузалган сут соғувчилар чин чечак б-н оғримаслигини аниқлаган. 1769 й. 14 майда 8 яшар Жеймс Фипс исмли болага сигир чечагини, бир ярим ойдан кейин одам чечагини эмлаган; бола чечак б-н оғримаган. Бир неча ой ва бир неча йилдан кейин Фипсни яна қайта эмлаб чечакка қарши эмлаш мумкинлигини ва жуда яхши натижа беришини исботлаган. 1803 й.да Лондонда чечакка қарши эмлаш ин-ти (Женнер ин-ти) очилди, Ж. умрининг охиригача унга раҳбарлик қилган.

ЖЕНТЕЛЬМЕН (инг. gentleman — тағтахтли одам, дворян) — 1) Буюк Британияда ва инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатларда киборларнинг ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилувчи, мулозаматли одам; 2) инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатларда эркакларнинг тавозе б-н муомалада бўлиши; 3) кўчма маънода — хушмуомала, тарбияли киши.

ЖЕНЬШЕНЬ (Panax ginseng) — аралиядошларга (Araliceae) мансуб кўп йиллик ўт. Шарқий Осиё, Хитой ва Кореяда табиий ҳолда ўсувчи қад. ўсимлик. Жуда қадимдан доривор ўсимлик сифатида маълум (илдизидан олинган препаратлар организмнинг қувватини



Женьшень.

оширади). Бўйи 30—50 см, барглари панжасимон қирқма, гуллари майда, кўкиш, соябонсимон тўпгулга йиғилган. Меваси юмшоқ. Этли илдизи цилиндрсимон, хушбўй, таъми аччиқроқ. Илдизининг юқори қисми йўғонроқ, пастки қисми шохланган, қисман одам гавдасини эслатади. Шу боис унга «женьшень», яъни хитойча «одам-илдиз» деб ном берилган. Илдизининг оғирлиги 20—25 г келади. Ж.нинг табиий захиралари жуда ҳам камайиб кетган. Шунинг учун кўп жойларда экиб ўстира бошланди. Ўзбекистонда ботаника боғида ўстирилади.

ЖЕОДА (франц. geode) — юмалоқ ёки овал шаклдаги минерал агрегатлар. Чўкинди тоғ жинсларидаги бўшлиқларни минераллар б-н тўлишидан ҳосил бўлади. Ж.нинг кўндаланг кесими бир неча миллиметрдан 1 м гача ва ундан каттароқ. Ж. марказига томон минераллар қат-қат жойлашиб концентрик қаватлар ҳосил қилади (мас., агатлар). Минерал қаватлари ранги ва таркиби б-н бир-биридан фарқ қилади. Ж.нинг ичидаги бўш жойлар кўпинча минерал друзалари б-н тўлади. Ж.лар яхши жилоланади. Ундан безак буюмлари тайёрланади.

ЖЕРЕХ, оқ қайроқ (Aspius aspius) — карпсимонлар оиласига мансуб балиқ. Уз. 60—80 см, вазни 12 кг гача. Шим. Болтиқ, Қора, Орол денгизлари ҳавзаларида, Ўзбекистоннинг деярли барча сув ҳавзаларида, жумладан Амударё ва Сирдарёда учрайди. 3—5 ёшида вояга етади. Майда балиқлар, планк-



Жерех.

тон, вояга етган даврида эса балиқ чавоқлари б-н озиқланади. Мартдан майгача 40 тадан 300 минг гача увулдириқ ташлайди. Қисман саноат аҳамиятига эга.

ЖЕРИКО (Gericault) Теодор (1791.26.9, Руан — 1824.26.1, Париж) — француз рассоми ва графиги; француз рассомлик санъатида *романтизм* асосчиси. К. Верне (1808—10) ва П. Герен (1810—11)да таълим олган, А. Гродан илҳомланган. Ж. француз санъатида илк бор романтизмга хос бўлган дунё қарама-қаршиликларини ўткир ҳис этишни ифодалаган, даврининг муҳим ҳодиса ва кучли туйғуларини жўшқин гавдалантиришга интилган: «Ҳужумга бораётган Император гвардияси егерлари офицери» (1812), «Жанг майдонини тарк этаётган яралар кирасир» (1814) ва б. Италия (1816—17), Буюк Британия (1820—22) ва б.да ижодий сафарларда бўлган, италия классицизми (айниқса, Микеланжело) таъсирида Ж. асарларида умумлашма шакл ва мақобатлилик, расмининг аниқлиги орттади («Римда озод отларнинг чопиши», 1817), долзарб мавзудаги «Медуза соли» (1818—19) асарида инсон туйғуларининг мураккаб уйғунлиги тасвирланган; «20 яшар Делакруа портрети» (1819) ва автопортретларида романтик рассом қиёфасини ифодалаган; маиший лавҳалар, манзаралар яратган. Ж. ижоди 19-а. ўрталарида яшаган реалист рассомларга таъсир кўрсатган.



Т.Жерико. Римда озод отларнинг чопиши (1817).

ЖЕРСЕ, жерси (инг. jersey) — ипак, жун, пахта толаси ёки синтетик толалардан тандаси кўп ипли қилиб тўқиладиган газлама; мато ва ундан тайёрланган буюм. Англия тасарруфидаги Жерси (Jersey) о. номидан.

ЖЕРСИ ҚОРАМОЛ ЗОТИ — сути учун боқиладиган зот. Энг қад. маданий зотлардан бири. Англия тасарруфидаги Жерси о.да чиқарилган. Аждоди Нормандия ва Бретаннинг жайдари зотларидан. *Инбридинг*ни кўп қўллаш орқали гавда тузилишининг нозик бўлишига эришилган. Ранги малла, сариғимтир, тўқ қўнғир. Сигирларида қорнининг пастки қисми ва оёқларида ола (оқ) жойлари бор. Буқаларининг тирик вазни 600—700, сигирлариники 360—400 кг, соғим даврида 3000—3500 кг сут беради. Сутининг ёғлилик даражаси 5—6%, баъзида 8%га боради. Ж.қ.з. сути ёғлилиги энг юқори бўлган зот ҳисобланади. Европанинг кўпгина мамлакатлари, АҚШ, Канада, Австралия ва б. мамлакатларда тарқалган. Ж.қ.з. буқаларидан сут йўналишидаги зотларда сут ёғлилигини ошириш йўналишидаги чатиштириш ишларида фойдаланилади. Ж.қ.з. буқалари 1968 й.да Ўзбекистонга келтирилди, 1979—85 й.ларда мавжуд зотлар сути ёғлилигини ошириш йўлида қисман фойдаланилди. Лекин бу ишлар яхши натижа бермади, олинган дурагай молларда сутнинг ёғ миқдори кўтарилган бўлса-да, уларнинг серсутлиги ва тирик вазни нисбатан камайди.



Жерси қорамол зоти.

ЖЕТА, Жете — қ. *Мўғулистон.*

ЖЕТИБОЙ НЕФТЬ-ГАЗ КОНИ — Қозоғистон Республикасининг Манғишлоқ вилоятидаги Ералив шаҳарчаси яқинида жойлашган. Ж. н. к. 1961 й.да очилган. 1970 й.да ишга туширилган. Конда 13 та самарадор қатлам ва 26 та уюм аниқланган, улардан биттасида газ, 13 тасида нефть-газ, 12 тасида нефть бор. Энг катта уюми — 12-горизонтда. Жетибой кони брахиантиклиналь структурасидан иборат бўлиб, уз. 22 км, эни 6 км, бал. 100 м. Конда триас, юра, бўр, палеоген, неоген ва тўртламчи давр ётқизиқлари мавжуд, уларнинг қалинлиги 3000 м га тенг. Самарадор қатламлар юра ётқизиқларида жойлашган.

Кондан олинаётган нефтнинг зичлиги 0,85—0,86 г/см^3, қовушқоқлиги 50° да 10—37 СПЗ га тенг. Нефть 28—34° да қотади. Таркибидаги қатроннинг миқдори 8—15%, парафин 20—24%, олтингугурт 0,1—0,7%. Кондан 1973 й.да энг кўп — 3,8 млн.т, 1981 й.гача 34,2 млн.т нефть олинган. Қазиб олиш маркази — Оқтов.

ЖЕТИМТОВ (Етимтоғ) — Ички Тяньшандаги тоғ тизмаси, Терскай Олатовининг жан.да. Уз. 120 км, бал. 4931 м гача. Жан. этаклари бўйлаб Норин дарёси оқади. Ён бағирларида ўтлоқ-чўл ва чўл ўсимликлари ўсади, қояли чўққиларида доимий қор, шарқий қисмида музликлар бор.

ЖЕТИСОЙ, Еттисой — Қозоғистон Республикасининг Жан. Қозоғистон вилоятидаги шаҳар (1969 й. дан). Жетисой тумани маркази. Мирзачўлнинг шимолида. Т.й. станцияси. Аҳолиси 30 минг киши. Пахта тозалаш з-ди, театр бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Ўрта махсус ўқув юртлари мавжуд.


ЖЕТИЎҒУЗ — Қирғизистон Республикасидаги бальнеологик курорт, Қорақай Олатовнинг шим. ён бағрида, Жетиўғуз сойи бўйида, 2200—2400 м баландликда. Ёзи мўътадил илиқ (июлнинг ўртача т-раси 16°), қиши юмшоқ (янв.нинг ўртача т-раси — 6°), йилига 350 мм ёғин ёғади. Радонли иссиқ (37,5°—43,5°) ва натрий-кальций хлоридли булоқлар бор. Шу булоқларнинг суви ваннага ишлатилади. Таянч-ҳаракат органлари, периферик нерв системаси, гинекологик, тери касалликлари б-н оғриган беморлар даволанади.

ЖЕТИҒАРА — Қозоғистон Республикаси Шимолий Қозоғистон вилоятидаги шаҳар (1939 й.дан). Шўртанди дарёси соҳилида, Қартали — Остона т. й. шохобчасининг охирги ст-яси. Аҳолиси 50 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Ж. атрофида асбест олинади. Асбест, гўшт к-тлари, ёғ з-ди бор. Асбест кон бойитиш к-ти мавжуд. Ж.га 1915 й.да асос солинган.

ЖЕТИҒАРА ХРИЗОТИЛ АСБЕСТ КОНИ — Қозоғистон шим.даги кон. Тобол дарёси ирмоғи ҳавзасида Жетиғара ўта асос тоғ жинслари массивининг жан. қисмида жойлашган. 1916 й.да очилган, 1939—42 й.ларда разведка қилиниб 1965 й.дан ишга туширилган. Кон 4 та асбест уюмидан иборат. Энг йирик «асосий» уюми ишлаб чиқаришда. Асбест захираси (37 млн. т) нинг 80% шу уюмда. Уюмнинг уз. 3800 м, қалинлиги 80—100 м дан (шим. да) 450—500 м. гача (жан.да). Хризотил-асбест жойлашган жинслар серпентинит ва серпентинлашган перидотитлардан иборат. Рудадаги хризотил-асбестнинг миқдори 3,88%. Қазиб олиш ва қайта ишлаш маркази — Жетиғара.

ЖЕТОН (франц. jeton) — 1) бирор тўғарак, ташкилот аъзолари кўкракка тақиб юрадиган нишон; 2) тантанали маросим (мас., юбилей) муносабати б-н бериладиган эсдалик белгиси, металл нишон; 3) баъзи ўйинлар ва автоматлардан буюм харид қилишда, транспорт воситасида (мас., метрода), телефон-автоматларда пул ўрнида ишлатиладиган металл ёки пластмасса тўғарак парча.

ЖЕТТИОСОР, етти осор (етти ёдгорлик) — Сирдарёнинг эски ўзани Қувондарё ҳавзасида жойлашган 20 га га яқин қад. кўргон-қалъа харобалари мажмуаси (мил. ав. 3—2-а. — мил. 7—8-а.). 1946, 1949—62 й.ларда С. П. *Толстов* раҳбарлигидаги *Хоразм археология-этнография экспедицияси* тадқиқот ишлари олиб борган. Қад. суғориш иншоотлари қолдиқлари топилган. Мустаҳкамланган қўрғонлар (улардаги турар жой бинолари), қалъалар, истеҳкомли кўрғон-қалъа ва мозорқўрғонлар текширилган. Уларнинг деворлари сомонли гиштдан қурилган. Деворларнинг пастки қисмида қамиш (Хоразм маҳаллий меъморлигида ҳозир ҳам ишлатилади) қолдиқлари топилган. Истеҳкомли қўрғон-қалъа — Олтиносор бу хароба лар ичида энг йириги бўлиб, майд. 17 га. Девори (кенглиги 1,5—2 м, бал. 3,5 м) пахса ва хом гиштдан. Ташқи девори шинак ва буржли бўлган. 2 қаватли катта турар жой биноси ўрни очилган. Ж.да ёргучоқ, тегирмон тоши, турли шаклдаги сопол идишлар (кувача, хумча, хумлар ва б.), камон ўқ учи —пайкон, турли тақинчоқ (узуклар ва б.) лар топилган. Сопол идишлар оч-сариқ, қора жигарранг, қизил, кўк, оқ ангоб б-н бўялган, айримларининг пастки қисмида қора заминга оқ чизиқ тортилган. Ж. моддий маданияти Хоразмдаги *афригийлар маданияти*га сезиларли таъсир кўрсатган. С. П. Толстовнинг фикрига кўра, Ж. ёдгорликлари *тохарлар*га мансуб бўлган. Аҳоли патриархал-уруғчилик тузумида яшаб суғорма деҳқончилик, чорвачилик ва балиқчилик б-н машғул бўлган. Кейинчалик Ж. аҳолиси Амударё ва Сирдарё бўйларига кўчиб ўтган.



Жеттиосор топилмалари (сопол буюмлар).

Ад.: Толстов С. П., По древним дельтам Окса и Яксарта, М., 1962; Левина Л. М., Қадимги Хоразм маданиятини излаб, Т., 1964.

ЖЕФФЕРСОН (Jefferson) Томас (1743.13.4—1826.4.7) — АҚШнинг 3-президенти (1801—09); давлат котиби (1790—93), вице-президент (1797—1801), Шим. Америкада мустақиллик учун бўлган урушлар даври (1775—83) да демократик йўналиш мафкурачиси; АҚШ Мустақиллик декларацияси лойиҳаси муаллифи.

ЖЕШУВ — Польшанинг жан.-шарқидаги шаҳар. Вислок дарёси бўйида. Жешув воеводалигининг маъмурий маркази. Аҳолиси 162 минг киши (1999). Т. й. тугуни. Машинасозлик (жумладан автомобиль ва авиация двигателлари и. ч.), озиқ-овқат (гўшт ва мева-консерва) саноати корхоналари, техник чинни з-ди, педагогика ин-ти, Жешув ўлкаси музейи бор. 15—18-а.ларга оид меъморий ёдгорликлар сақланган. Ж.га 14-а.да асос солинган.

ЖИБИЛАЖИБОНСИМОНЛАР (Motacillidae) — чумчуқсимонлар туркумининг оиласи. 54 тури маълум. Ўзбекистонда 15 тури учрайди. Танасининг уз. 12—23 см, оғирлиги 20—30 г. Ранги ҳар хил. Тумшуғи ингичка, тўғри. Оёқлари ингичка, узун, ерда юришга ва чопишга яхши мослашган. Кўпчилиги келиб-кетувчи қушлар. Уяси косасимон бўлиб, уни ўсимлик, ҳайвон жунларидан ясайди ва ерга, дарахтлар ёки биноларга қуради, 4—6 та тухум қўяди. Тухумни модаси 12—16 кун босади. 14 кунда жўжалари учирма бўлади. Ўзбекистонда оқ жибилажибон (Motacilla alba), сариқ жибилажибон (Motacilla flava) энг кўп тарқалган. Майда умуртқасиз ҳайвонлар, асосан ҳашаротлар, миграция даврида эса ўсимликлар уруғи ва вегетатив қисмлари б-н озиқланади.



Оқ жибилажибон.

ЖИБУТИ, Жибути Республикаси (Republigue de Djibouti) — Африканинг шим.-шарқидаги давлат. Майд. 23,4 минг км^2. Аҳолиси 650 минг киши (1999). Пойтахти — Жибути ш. Маъмурий жиҳатдан Жибути тумани ва 4 округга бўлинади.


Давлат тузуми. Ж. — республика. Амалдаги конституцияси 1992 й. 15 сент.да кучга кирган. Давлат бошлиғи — президент (1999 й.дан Исмоил Умар Геллех). Қонун чиқарувчи ҳокимияти — бир палатали парламент — Миллат мажлиси. Ижроия ҳокимияти — президент ва ҳукумат (Вазирлар кенгаши).

Табиати. Ж. ҳудуди шим.-ғарбда Адан қўлтиғига туташ, қирғоқлари унчалик парчаланмаган. Бирдан бир йирик қўлтиғи — Тажура мамлакат ҳудудига 58 км кириб боради. Ер юзасида кенг тоғли жойлар ва лава излари қолган паст платолар учраб туради, ўчган вулканларнинг конуслари кўзга ташланади. Шим.-шарқда Данакил тоғ тизмасининг этаклари (Мусо Али чўққиси, 2022 м — мамлакатнинг энг баланд нуқтаси) жойлашган; Ж. ҳудудининг Тажура қўлтиғидан ғарб ва жан.даги қисми Афар ботиғи доирасида. Мамлакатнинг марказий қисмини тошлоқ, қумлоқ ёки тупроқли водийлар эгаллайди, уларнинг пастқам жойларида шўр кўл кўп. Бу кўлларнинг энг каттаси денгиз сатҳидан 153 м пастдаги Ассаль кўлидир. Иқлими тропик, қуруқ иқлим. Янв.нинг ўртача т-раси 27°, июлники 35°. Ёғин жуда кам ёғади: йилига Ассал кўли соҳилида 45 мм дан Жибути ш. атрофида 130 мм гача. Доимий оқадиган дарёлари йўқ. Ўсимлик қоплами чўл ва ярим чўлга хос ўт-ўлан ва буталардан иборат. Данакил тизмаси чўққиларида ва шамолга рўпара ён бағирларида қора арча, зайтун дарахтлари, мимоза ва акас ўсадиган сийрак ўрмонлар, воҳаларда пальмалар учрайди. Ҳайвонот дунёси ночор: воҳалар атрофида йирик сут эмизувчилардан орикс кийиклари, сиртлон, чиябўри, ўрмонларда маймунлар яшайди. Қирғоққа яқин сувларида балиқ кўп. Миллий боғлари: Дай, Маскали-Мусша.

Аҳолисининг 90% га яқини кушит тилларида сўзлашувчи халқлардан: шим. ва шим.-ғарбда афарлардан, жан.да ва жан.-шарқда исса, исҳак ва гадабурслардан иборат. Пойтахтда асосан иссалар, европалик (француз, итальян, грек)лар ва араблар яшайди. Расмий тили — араб ва француз тиллари. Туб жой аҳолининг аксарияти исломнинг сунний мазҳабига, европаликлар христиан динига, афарларнинг бир қисми маҳаллий анъанавий динга эътиқод қилади. Шаҳар аҳолиси — 81%. Йирик шаҳарлари: Жибути, Диккиль, Али-Сабие, Тажура, Обок.




Жибути герби.



Жибути байроғи.

Тарихи. Ж. ҳудудида сақланиб қолган ирригация иншоотларининг қолдиқларига қараганда, аҳоли қадим замонларда деҳқончилик б-н шуғулланган. Мил. ав. 3-а.да бу ерга ҳинд, юнон, форс савдогарлари ва Жан. Арабистон араблари кела бошлаган. 7-а. ислом дини тарқалиши муносабати б-н Ж. араб мусулмон султонларига қарам бўлиб қолган. 16-а.да Сомали я.о. португал, турк ва маҳаллий аҳоли ўртасидаги шиддатли урушлар майдонига айланган пайтда Ж. португаллар ҳокимияти измига ўтди. 17-а.да яна араблар ҳукмронлиги ўрнатилди. Туб жой аҳоли кўчманчи ҳаёт кечирган. Бошқарувчилар ва савдо-сотиқ табақаси араблар бўлган.





Жибути табиати кўриниши.

19-а. ўрталарида Сувайш канали қурилиши муносабати б-н Европа давлатлари Ж.ни қўлга киритишга интилдилар. 1832 й.да Франция Ж. ҳудудининг бир қисмини эгаллаб олди. Канал очилгач (1869), Ж.нинг аҳамияти янада ошди. 1881—85 й.ларда Франция астасекин бутун Ж.ни ўз измига ўтказди ва ҳоз. Жибути ш.ни қура бошлади. 1887 й.да Франция маҳаллий султонлар б-н бир қанча шартномалар тузиш орқали бу ерни ўз мустамлакасига айлантирди ва унинг бойликларини ўзлаштиришга киришди, Жибути ш.ни Қизил денгиз бўйидаги муҳим савдо портига айлантирди. Бу ерда йирик ҳарбий-денгиз базаси барпо этилди. 1896—1946 й.ларда мамлакат Франция Сомалиси номи б-н аталиб келди. 1946 й.да у Франциянинг «денгиз орти ҳудуди» деб эълон қилинди. 1967 й.да Франциянинг Афар ва иссалар ҳудуди номини олди. Ж. аҳолиси мустақиллик учун зўр бериб курашди. Бу курашда аҳолининг барча табақалари бирлашди. Ж. озодлиги ҳаракати деб аталган яширин ташкилот тузилди. 1975 й.да исса ва афар халқларининг сиёсий ташкилотлари ўзаро иттифоқ тузиб, ҳақиқий мустақиллик учун курашни кучайтирдилар. Ниҳоят, Франция 1977 й.да Ж.га мустақиллик беришга мажбур бўлди ва у Ж. Республикаси деб аталди. Ж. — 1977 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 27 июнь — Мустақиллик куни (1977).

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Тараққиёт учун халқ бирлиги, ҳукмрон партия, 1979 й.да тузилган; Демократик янгиланиш партияси, 1992 й.дан ошкора фаолият олиб боради; Бирлик ва демократияни тиклаш фронти, 1991 й. асос солинган. Касаба уюшмалари маркази — Меҳнат умумий бирлашмаси 1992 й. Ж. меҳнаткашлари умумий бирлашмаси ўрнида ташкил этилган.

Хўжалиги. БМТ таснифига биноан Ж. — иқтисодий жиҳатдан нисбатан кам ривожланган мамлакатлар қаторига киради. Ялпи миллий маҳсулотда хизмат кўрсатиш тармоғи ўртача 77%, саноат ва қурилиш 17%, қ.х. 3%ни ташкил этади.

Ялпи ички маҳсулотнинг 2,4% ни берувчи саноат озиқ-овқат маҳсулотлари, кўнчилик буюмлари, қурилиш ашёлари ишлаб чиқарувчи майда корхоналардан, механика ва тикувчилик устахоналаридан иборат. Электр ст-ялар, нефть компаниялари, транспорт (қисман) ва алоқа, маъданли сув з-ди, сут з-ди ва омихта ем з-ди давлатга қарашлидир. 1 йилда ўртача 176 млн. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради.

Қ.х.нинг асосий йўналиши — кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачилик-дир. Қ.х. экинлари етиштиришга яроқли ерлар 6 минг га дан кўпроқ. Ж. ҳар йили озиқ-овқат маҳсулотларининг 90% дан кўпини четдан келтиради. Балиқчилик, марварид, коралл, булут (сув жонивори) овлаш, денгиз сувини буғлатиб туз олиш ривожланган. Асосий қ.х. экинлари — кофе, хурмо, мева ва сабзавот.

Транспорт — мамлакат иқтисодиётининг энг ривож топган тармоғи. Яхши жиҳозланган кема тузатиш корхоналари бўлган Жибути порти Ҳинд океани ҳавзасининг ғарбий қисмидаги энг муҳим портлардан биридир. Йилига 2,5 млн. тонна юк қабул қилиб олинади ва жўнатилади. Т.й. узунлиги — 106 км, автомобиль йўллари уз. — 3,1 минг км, шундан 281 км қаттиқ қопламали.

Ж. четдан озиқ-овқат, саноат моллари, асбоб-ускуна ва б. олади. Четга гўшт, тирик қорамол, чарм ва хом тери чиқаради. Савдо-сотиқдаги асосий мижозлари: Франция, Эфиопия, Италия, Япония, Кения. Пул бирлиги — Ж. франки.

Маданияти. Ж.да ягона пулли маориф тизими жорий этилган. Бу тизим бошланғич ва тўлиқсиз ўрта мактабларни, 3 лицейни ўз ичига олади. Олий ўқув юртлари йўқ. Олий илмий-техника ин-тида (1979 й.да ташкил этилган) Ж. табиати, тарихи бўйича экспозициялар, археологияси ва анъанавий маданиятини ўрганиш ишлари олиб борилади. Ҳафталик ҳукумат газ. — «Ревей де Жибути» («Жибутининг уйғониши»), «Насьон де Жибути» («Жибути халқи») ҳафтаномаси, «Жибути ожурдюи» («Бугунги Жибути») ойномаси ва «Карфур африкэн» («Африка чорраҳаси») католик жур. нашр этилади. Ж. ахборот агентлиги 1979 й. ташкил этилган. Ж. радиоэшиттириш ва телевидениеси ҳукумат назоратида; 1956 й. асос солинган.



ЖИБУТИ — Жибути давлатининг пойтахти. Аҳолиси 395 минг киши (1999). Иқлими тропик қуруқ иқлим, ўртача ойлик т-ра 25° дан 35°гача (максимум 40°), йиллик ёғин 130 мм. Ж.га 1888 й. французлар асос солган. 1896—1946 й.лар Франция Сомалисининг, 1946 й.дан Франциянинг «денгиз орти ҳудуди» нинг маъмурий маркази. 1977 й. 27 июндан Жибути Республикаси пойтахти.

Боб ул-Мандаб бўғозидан жан.даги Тажура қўлтиғи соҳилидаги порт. Сувайш канали орқали ўтадиган денгиз йўлидаги транзит пункт. Эфиопиянинг ташқи савдосига ҳам хизмат қилади. Халқаро аҳамиятга эга аэропорт бор. Ж. орқали четга кофе, мой олинадиган уруғлар, тери, туз ва б. чиқарилади.



Жибути шаҳри. Жоме масжиди.

Четдан нефть ва нефть маҳсулотлари келтирилади. Суюқ газ тайёрлаш з-ди, озиқ-овқат, кемасозлик саноати корхоналари бор. 1981 й.дан Ж. эркин порт.

ЖИВЕТ АСРИ ВА ЯРУСИ (Франция шим.даги Живе ш. номидан) — девон даври ўрта эпохасининг кечки асри ва ўша вақтда ҳосил бўлган ётқизиқлар. Бельгиялик геолог Ж. Госслэ (1880) Арденнада аниқлаган. Ж.а. ва я. асосан гилмоя, қумтош, алевролит, гравелит, доломит ва оҳактошлардан иборат. Денгиз ётқизиқларидан брахиоподали (Stringocephalus burtinii Defr. ва б.), баъзан гониатитли (Maenioceras, Agoniatites ва б.) оҳактошлар кўпроқ учрайди. Ўзбекистонда Чатқол, Қурама, Олай тоғларида ва Қизилқумдаги тоғликларда Ж.а.ва я. ётқизиқлари кенг тарқалган. Ярус ётқизиқлари Англия, Америка, Австрия, Марказий Козоғистон, РФ (Сибирь ва Урал), Ўрта Осиёда ҳам учрайди. (яна қ. *Девон даври*).

ЖИГАНОВ Нозиб Гаязович [1911.2(15).1, Уральск — 1988, Қозон] — татар композитори, педагог, жамоат арбоби, миллий композиторлик мактаби асосчиларидан. Халқ артисти (1957), Татаристон (1939)да, Россия (1940) да, Чувашия (1969) да хизмат кўрсатган санъат арбоби. Москва консерваториясини тугатган (1938). 1945 й.дан Қозон консерваториясида ректор ва ўқитувчи, проф. (1953 й.дан). «Қочқин» (1939), «Олтин соч» (1941), «Жалил» (1957) ва б. опералари, татар куйлари асосида ёзилган сюита (1949), «Нафиса» поэмаси (1952), 4 та симфония, қўшиқлари машҳур. Давлат мукофоти лауреати (1948, 1950, 1970).

ЖИГАР — ҳазм бези. Одам ва ҳайвонларда овқатнинг ҳазм бўлиши ва сўрилишида қатнашади, ёғ ва углеводларни захирага йиғади. Хордали ҳайвонлар ва одамда Ж. — мураккаб, ҳаёт учун муҳим аъзо. Балиқ ва амфибияларда Ж. судралиб юрувчилар, қушлар ва сут эмизувчилардагига нисбатан каттароқ; йиртқич ҳайвонларда ўтхўр ҳайвонларникига нисбатан катта. Ж. шакли ҳайвоннинг гавда тузилишига боғлиқ.


Одамда Ж. — организмдаги энг катта без (вазни 1200—2200 г). Қорин бўшлиғида, диафрагманинг тагида, ўнг қовурғалар ва қисман чап қовурғалар остида ётади. Ранги қизғиш-қўнғир, каттароқ ўнг бўлаги б-н кичикроқ чап бўлаги бор. Ўрта қисмининг пастки юзасидаги қўндаланг чуқурча Ж. дарвозаси ёки қопқаси деб аталади. Шу жойдан Ж.га артерия, дарвоза венаси, нервлар киради ва Ж.нинг ўт йўли, жигар венаси чиқади. Бу ўт йўли ўт пуфагидан чиққан йўлга қўшилиб, ўн икки бармоқ ичакка қуйиладиган умумий ўт йўлини ҳосил қилади.

Ж. организмнинг марказий биокимёвий лаб.си бўлиб, турли-туман функцияларни бажаради; Ж. бўлмаса, одам, ҳайвон яшай олмайди. Ж. бир суткада 600—700 г ўт (сафро) ишлаб чиқариб, овқат ҳазм бўлишида ва озиқ моддаларнинг ичакдан қонга сўрилишида муҳим роль ўйнайди; оқсиллар, ёғлар ва углеводлар алмашинувида қатнашади; бундан ташқари, моддалар алмашинувида ҳосил бўладиган ёки ташқаридан кирган заҳарли моддаларни зарарсизлантириб, ҳимоя функциясини бажаради. Ж.нинг махсус юлдузсимон ҳужайралари *фагоцитоз*га ва *антителолар* ҳосил қилишга қодир. Ж. қонни йиғиб тура олади. Ж. эмбрионал ривожланишида қон элементлари ва гемоглобинни ҳосил қилишда ҳам иштирок этади. Организмдаги жами қоннинг 1/5 қисми Ж. томирларига сиғиши мумкин. Қондаги ортиқча сув қисман Ж.да ажралиб чиқиб, ўт ва лимфа ҳосил бўлишига кетади. Ж. ўтни узлуксиз ишлаб, ўзининг ўт йўли орқали чиқаради; ўн икки бармоқ ичакка ўт кириши овқатланиш вақтида бошланиб, меъда овқатдан бўшамагунча давом этади. Бошқа вақтда эса умумий ўт йўлининг ҳалқасимон мускули (сфинктери) қисқариб, шу йўлнинг тешигини беркитиб туради. Ж.да ҳосил бўладиган ўт ўт пуфагига киргач, қуюлиб қораяди, чунки ундаги сув ва қисман бошқа баъзи моддалар ўт пуфаги деворидан қонга ўтади.

Ҳазм системасидан қонга ўтган ҳамма моддалар Ж.га келиб, қисман мураккаб моддалар тузилишига сарф бўлади, қисман эса парчаланади. Мас., қон б-н келган аминокислоталардан қон оқсиллари (альбуминлар, глобулинлар ва б.) ҳосил бўлади, бир қанча моддалар (фруктоза, галактоза, лактоза, глицерин)дан Ж.да глюкоза синтезланади, бундан эса гликоген вужудга келади. Гликоген Ж. ҳужайраларида захирада туради ва организм кўпроқ энергия сарфлаётган вақтда глюкозага айланиб, қонга ўтади.

Ж. пигментлар алмашинувида қатнашади; унда *гемоглобин* емирилади ва *билирубин* ҳосил бўлиб, эрийдиган ҳолга келади. Ж.да ёғсимон моддалар (липоидлар) ишланиб чиқади ва қон б-н бошқа аъзо, тўқималарга бориб, *моддалар алмашинувида* қатнашади. Ж.да *холестерин, протромбин* ва гепарин ҳам синтезланади.

Қон б-н Ж.га келадиган моддалардан баъзилари организмга зарарли бўлиши мумкин. Шу моддаларни зарсизлантириш, қисман эса ўт б-н чиқариб юбориш Ж.нинг вазифасидир. Мас., кўрғошин, мишьяк ва б. заҳарли моддалар Ж.да ушланиб қолади, сўнгра безарар органик моддалар (кўпинча оқсил моддалар) шаклида организмдан чиқиб кетади. Организмда оқсиллар парчаланишидан ҳосил бўладиган аммиак, қисман сийдик кислота ҳам Ж.да мочевинага айланиб, организмдан сийдик б-н чиқиб кетади (мочевина эса камроқ заҳарли ва яхши эрийдиган моддадир).



Жигарнинг схематик тасвири (чапда-пастдан кўриниши; ўнгда—юқоридан кўриниши): 1—пастки ковак вена; 2—қопқа вена; 3—умумий ўт йўли; 4—жигарнинг ўнг бўлаги; 5—ўт пуфагининг жигардаги йўли; 6—ўт пуфаги; 7—ўт пуфагининг жигардаги йўли; 8—жигарнинг чап бўлаги; 9—жигар бойлами.

Организмда зарарли моддалар кўплаб пайдо бўлганда (мас., ҳазм аъзоларининг сурункали касаллигида, алкоголизмда) Ж. функциялари бузилади, бу эса оғир касалликларга олиб келади. Ж. касалликларидан ўткир ва сурункали яллиғланиш жараёнлари, шунингдек, паразитар касалликлар учрайди (қ. *Гепатит, Жигар циррози, Эхинококкоз*).

Носир Аҳмедов.

«ЖИГАР ПОРА» (мажозий — жигарбанд, фарзанд) — оммавийлашган ўзбек мумтоз чолғу куйи, «Дил куйи» номи б-н ҳам юритилади. Танбур ва дутор анъанавий ижрочилигида кенг ўрин тутади. «Ж.п.» куйига Муқимий ғазалини боғлаб айтиладиган ашула йўли ҳам мавжуд.

ЖИГАР ЦИРРОЗИ — жигарнинг сурункали ривожланиб борадиган касаллиги; бунда жигар тўқимаси яллиғланиб, унинг бир қисми бириктирувчи тўқима б-н алмашинади. Жигарнинг ўткир яллиғланиши — гепатитда, унинг B, C, D шаклларида, ўткир гепатит сурункали гепатитга айланаётганда, безгак, сил, захм, бруцеллёз каби юқумли касалликларда, ўт пуфаги ва ўт йўлларининг сурункали яллиғланишида, турли қимёвий моддалардан мунтазам заҳарланишда, шунингдек, алкоголизмда ва б. сабабларга кўра пайдо бўлади. Ж.ц. — секин ривожланадиган сурункали касаллик. Ж.ц. турлича намоён бўлади ва у хасталикнинг қайси шаклида кечиши ҳамда даврига боғлиқ; текширганда жигарнинг қаттиқлашга-

ни ва функциясининг бузилганлигига қарамай, киши узоқ вақт ҳеч қандай хасталик аломатини сезмай юриши мумкин. Касаллик зўрайганда бемор дармонсизланади, озиб кетади, иштаҳадан қолади, кекиради, қўнгли айнийди, баъзан қусади, ичи кетади ёки қотади, қорни дам бўлади, т-раси кўтарилади, қорин бўшлиғида суюқлик тўпланиши натижасида у кўтарилади (истисқо), бурни қонайди, бадани қичишади, баъзан сарғаяди; камқонлик авжига чиқади; жигари ва айниқса талоғи катталашади ва қаттиқлашади.

Давони врач тайинлайди. Ж.ц. узоқ вақт даволанади, касаллик зўрайганда беморни дарҳол касалхонага ётқизиш керак. Парҳезга қатъий риоя қилишнинг аҳамияти катта. Беморга, асосан, енгил ҳазм бўладиган, қанд, оқсил ва витаминлар (айниқса, С витамин ва В группа)га бой сутли ва ўсимлик овқатлар берилади. Творог (осон ҳазм бўладиган оқсилларга эга), ёғсиз гўшт, балиқ, шунингдек, озгина сариёғ б-н қаймоқ ёки сметана истеъмол қилиш мумкин; спиртли ичимликлар ичиш қатъий тақиқланади. Ж.ц.нинг авж олишига йўл қўймайдиган дорилар буюрилади. Ж.ц.ни даволашда аввало унга сабаб бўладиган омилларни бартараф этиш муҳим. Ж.ц.га олиб келган инфекция аниқланса, уни тугатиш чоралари кўрилади. Ж.ц.нинг олдини олиш учун меҳнат ва турмуш шароитини соғломлаштириш, алкоголизмга қарши кураш олиб бориш керак.

Ад.: Подимова С. Д., Болезни печени, М., 1990.

Эркин Қосимов.

ЖИГАР ЯЛЛИҒЛАНИШИ — қ. *Гепатит.*

ЖИГАР ҚУРТИ (Fasciola hepatica) — сўрғичлилар синфига мансуб паразит чувалчанг тури. Танасининг ранги оқиш ёки жигарранг, шакли япроқсимон. Уз. 20—30 мм, эни 8—13 мм; олдинги учки қисми конуссимон торайган. Сўрғичлари иккита. Олдинги оғиз сўрғичи ўртасида оғиз тешиги бўлади. Оғиз сўрғичидан орқароқда иккинчи қўшимча қорин сўрғичи жойлашган. 1- ва 2-сўрғичлар ўртасида жинсий тешиги, танасининг орқа учида айириш органи тешиги бор. Ж. қ., асосан, туёқли сут эмизувчилар (қорамол, қўй, эчки, туя, от, чўчқа ва б.) ҳамда одам жигари ўт суюқлиги йўлларида паразитлик қилади; ўт ва ўт йўлидаги емирилган ҳужайраларнинг парчаланиш маҳсулотлари б-н озиқланади, Ж. қ. б-н зарарланиш фасциолёз дейилади. Ж. қ. 2 хўжайинда ривожланади. Тухумлари ахлат б-н сувга тушганида улардан киприкли мирацидий личинкаси чиқади. Личинка сувда сузиб юриб, ўзининг оралиқ хўжайини — кичик сув шиллиғи (Galba truncatula)ни топиб, унинг ичига кириб олади. Мирацидийдан спороцисталар; редиялар ва церкариялар ривожланади. Церкариялар шиллиқ қурт танасидан ташқарига чиқади ва навбатдаги личинкалик даври — адолескарияга айланади. Ж. қ.нинг асосий хўжайинлари — чорва моллари сув ичганда ёки сув ичида ўсган ўтларни еганда цистага ўралган адолескарияни ҳам ютиб юборади. Чорва моллари ичагида циста ёрилиб, ёш жигар қурти чиқади. Қурт ичак деворини тешиб қонга ўтади; қон орқали жигарнинг ўт суюқлиги йўлига ўтиб, бу ерда вояга етади. Одамлар ҳам кўлмак сув ҳавзаларидан сув ичганида Ж. қ. б-н зарарланиши мумкин.

ЖИГАРБАНД — Амударёнинг Туямўйин қоялари орасида (360 м гача тойрайган жойида) бино қилинган қад. истеҳком харобаси. Маҳаллий номи форсча — даҳани шер (шер оғзи), арабча — акад. Я. F. *Гуломов* томонидан текширилиб, *Чингизхон* истилоси (13-а.) дан таликдаги Ж. муҳим стратегик аҳамиятяқинида шу номдаги работ ва қишлоқ бўлган. Ж. Хоразм воҳасига бориладиган сув ва қуруқликлаги йўлни муҳофаза қилиб турган. В. *Бартольд* фикрича, Ж. қишлоғи ўрнида ўрта асрда Жаъфарбанд ш. жойлашган.

ЖИГАРИСТОН СУРИЛМАСИ — Тошкент вилоятининг Ангрен тумани Жигаристон қишлоғидаги сурилма. 1991 й. 4 майда соат 6 дан 45 мин. ўтганда содир бўлган. Жинсларнинг сурилиши 1969 й.да ҳосил бўлган дарзлик бўйича 170 минг м³ ҳажмда, 35—40° қияликда, 140 м баландликда рўй берган. Дарзликнинг ривожланиши бир неча йил давом этган. Натижада у цирк шаклини олган, ён чегаралари аниқ кўринишда бўлиб сурилманинг юқори қисми 0,5 м га чўккан. 1-май куни юз берган ер силкиниши, каръердаги портлатиш ва ёмғир сувларининг сурилма қатлами остида тўпланиши жараённи тезлаштирган. Сурилиш ниҳоятда тез суръатда кечган, натижада аҳоли орасида қурбонлар бўлган. Сурилган тупроқнинг қалинлиги баъзи жойларда 20 м га етган. Жигаристон қишлоғининг сурилма остида қолган қисми шаҳидлар қабристони деб номланди. Жигаристонлик бир қанча оила бошпанасиз қолди. Табиий офатдан жабр кўрган аҳоли учун қисқа муддат ичида давлат томонидан хавфсиз жойда янги Жигаристон шаҳарчаси қурилди.

ЖИГАРСИМОН ЙЎСИНЛАР, мохлар (Hepaticae) — йўсинсимонларга мансуб ўсимликлар синфи (қ. *Йўсин*).

ЖИД (Gibe) Андре Поль Гийом (1869.22.11 — Париж — 1951.19.2) — француз ёзувчиси. «Имморалист» (1902), «Тор дарвоза» (1909), «Ватикан ертўласи» (1914), «Қалбаки пул ясовчилар» (1925) каби романлари, «Андре Вальтернинг дафтари» (1891) шеърлар китоби бор. «Ботқоқлик» (1895), «Ёмон ҳолда михланган Прометей» (1899), «Пасторал симфония» (1919) сатирик руҳдаги қиссалари ҳамда «Шоҳ Кандавл» (1901), «Саул» (1903), «Эдип» (1930) драматик асарлари муаллифи. Ж.нинг кундаликлари, очерклар китоби ва «Достоевский» (1923) номли адабий-илмий рисоласи ҳам чоп этилган. Асарларида ғарб модернистларига хос хусусиятлар — инсоннинг руҳий олами, индивидуал қиёфасини, шунингдек, ёлғизланиш ҳолатларини тасвирлаш стакчилик қилади. Нобель мукофоти лауреати (1947).

ЖИДДА — Саудия Арабистонидаги шаҳар. Аҳолиси 1,2 млн.дан зиёд киши (1990-й.лар ўрталари). Қизил денгиз бўйидаги порт. Халқаро аэропорт бор.



Жидда шаҳрининг соҳил қисми.

Ҳижоз вилоятининг йирик савдо ва саноат маркази. Мармарга ишлов берилади. Нефтни қайта ишлаш, нефтькимё, цемент, мебель, кўн пойабзал, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари; пўлат қуйиш, эҳтиёт қисмлардан автомобиль йиғиш ва кема ремонти, қоғоз, ёғ-мой з-длари бор. Ҳар хил диний маросим буюмлари тайёрлаб сотилади. Ж. Макка ва Мадинага зиёратга борувчилар йўлидаги транзит пункт. Ун-т (1967) бор. Ж. 1946 й.гача кичик савдо шаҳри бўлган. Ж. ташқаридан келтириладиган ичимлик суви б-н таъминланган. Янги замонавий турар жойлар, кенг кўчалар, боғлар, саноат иншоотлари барпо этилган. Ҳоз. вақтда Ж. мамлакатнинг дипломатия ишлари ва элчихоналар жойлашган маркази.

ЖИЕНМУРАТ ЖИРОВ Бекмуҳаммад ўғли (1836 — Тўрткўл тумани — 1908) — қорақалпоқ достончиси. Куйлаган достонларидан энг йириги «Алпамис» ни фольклоршунос А. Диваев (1856—1933) Тошкентда нашр эттирган (1902). Ж.ж. бадиҳагўй шоир сифатида ҳам танилган — «Алпамис» достонини ўзи ижод этган қўшиқ б-н тугаллаган.

Ад.: Айимбетов Қ., Халық даналығы, Нокис, 1968.

ЖИЖКА Ян (тахм. 1360—1424) — чех халқининг миллий қаҳрамони, саркарда, *гусчилар ҳаракати* арбоби. *Грюнвальд жанги* (1410) қатнашчиси. *Таборийлар*нинг 1-гетмани (1420 й.дан). Армия тизимига вагенбург тизимини жорий этган. Унга кўра, таборийлар маълум бир тепаликни истеҳком қилиб олиб атрофини аравалар б-н тўсишган, фақат бир томонгина душман ҳужуми учун атайин очиқ қолдирилган (қ. *Аробa туро*). Ж. Пршибислава ш.ни қамал қилиш пайтида ўлатга чалиниб вафот этган.


ЖИЗЗА — ўз ёғида қовурилган тўғрамча думба. Қўйнинг ёғи (думба) тўғри тўртбурчак шаклида тўғралиб, паст оловда қовурилади, сўнгра ёғлари эриб, ёғ тўқималари ва қолдиқ ёғлардан Ж. ҳосил бўлади. Асосан қўйнинг думбасидан тайёрланади, шунингдек, қорамол ва б. ҳайвон ёғи эритилиб ҳам Ж. олинади. Думба Ж.си иссиғида туз ва пиёз аралаштириб, нон б-н ейилади ёки хамирга солиб Ж.ли нон (патир) ёпилади. Халқ табобатида Ж.ни ўрик, бодом ёки ёнғоқ мағзи б-н бирга туйилиб, яра-чақани даволашда (малҳам сифатида) ҳам ишлатилади.

ЖИЗЗАХ — *Жиззах вилояти*даги шаҳар. Вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази. Сангзор дарёси бўйида, 460 м баландликда жойлашган. Тошкент—Самарқанд т.й. ва Катта Ўзбекистон тракти ёқасида. Майд. 0,7 минг км². Аҳолиси 132,5 минг киши (2000; 1939 й. — 9 минг, 1959 й.— 15 минг, 1970 й. — 35 минг киши), асосан ўзбеклар; рус, татар, украин, эроний ва б. ҳам яшайди. Тошкентдан 203 км. Т.й. станцияси. Иқлими кескин континентал. Янв.нинг ўртача т-раси 1,5°, минимум т-ра —35°, июлнинг ўртача т-раси 28,5°, максимум т-ра —46°.

Юнон солномачилари Кирополь ва Газони алоҳида тилга олишади. Археологлар Газо ш.нинг ўрнини аниқ ва асосли тайин этмасалар-да, тарихий манбаларда уни Самарқанд ва Тошкент оралиғида жойлашганлиги айтилади. Олимлар Газони қад. Ж. деб тахмин қиладилар. Топонимист олимлар Ж. номини суғдийча «Дизак» («қалъача») сўзи б-н боғлайдилар. Тарихда у Дизах номи б-н юритилган.

Ж. Ўрта Осиёдан ўтган бир неча қад. карвон йўлининг туташган жойида вужудга келган. Ёзма манбаларда илк бор араб географ олимлари ва сайёҳларидан *Ибн Ҳавкал* ва *Муқаддасий*ларнинг асарларида Уструшонанинг Факнон вилоятидаги шаҳар деб тилга олинади. Шаҳар араблар истилосидан олдин ҳам мавжуд бўлган.

Ж. 9—10-а.ларда сомонийлар, 11—13-а. бошида қорахонийлар, Хоразмшоҳлар давлати, 14—15-а.ларда темурийлар давлати,



16—18-а. 1-ярмида Бухоро хонлиги, 18-а. 2-ярмидан 1866 й.гача Бухоро амирлигига тобе бўлган. Шаҳар бир неча марта инқирозга учраб, яна қайта тикланган. 16—17-а.ларда аҳоли ҳоз. эски бозордаги Ўратепага кўчган. 19-а. 60-й.ларида у ҳам харобага айланган. Кейинчалик яна тикланган. 19-а. 2-ярмидан Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилган. Ж.да тегирмон, жувозхона, темирчилик устахоналари, кулолчилик корхоналари ва б. ишлаб турган. Шаҳар 16—19-а.ларда кўпгина тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлган. 1571 й.да Абдуллахоннинг Дашти қипчоқ хони Бобохон ва Тошкент ҳокими Дарвешхон б-н Ж.даги тўқнашуви шаҳарга кўп талафот етказган. 1866 й. 12—18 окт.да Ж. қалъаси рус босқинчилари томонидан тўпга тутилиб, вайронага айлантирилган. 1916 й.даги *Жиззах қўзғолони*да шаҳар рус мустамлакачилари томонидан яна вайрон қилиниб, аҳоли шафқатсиз қирилган.

Ж.да 1920 й.лардан бошлаб янги корхоналар қурилган. 1930 й. маҳаллий хом ашё б-н ишлайдиган оҳак з-ди, 1932 й. шаҳар электр ст-яси, 1942 й.да пахта з-ди, 1943 й.да қ.х. машиналарини таъмирлайдиган з-д, 1949 й.да ёғ-пишлоқ з-ди, 1960 й.да Ўзбекистонда энг йи-



Жиззах шаҳри. Замонавий бинолар.

рик бинокорлик материаллари к-ти ишга тушди. Мирзачўл ва Қарши чўлларини суғориш учун полиэтилен қувурлар ва полихлорвинил маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган кимё к-ти (1969), элеватор, ун з-ди ва аралаш ем ишлаб чиқариладиган цехдан иборат ун к-ти қурилди (1970). 1971 й.да ғишт з-ди ва Тошкент трикотаж фирмаси филиалининг биринчи босқичи фойдаланишга топширилди. Шунингдек, нон з-ди, тикувчилик ф-каси маҳсулот бера бошлади.

Ж.да 30 дан ортиқ саноат корхонаси ишлаб турибди. Улар орасида бадиий кулолчилик буюмлари корхонаси, «Сўғдиёна» фирмасининг тиббиёт маркази, сут-ёғ, электромеханика з-ди, қурилиш материаллари к-ти, темирбетон плиталар и.ч. корхонаси, ип йигирув, пайпоқ тўқиш, устки трикотаж, мебель ф-калари бор. Ж.да «Согпластмаскан» (Ўзбекистон—Сурия), «Базальт» (Ўзбекистон—Украина), «Кумуш» (Ўзбекистон—Тожикистон), «Жибри» (Ўзбекистон—Англия) қўшма корхоналари ишлаб турибди. 30 дан зиёд қурилиш ташкилоти фаолият кўрсатади. Шаҳарда истиқлол боғи, ёпиқ сув ҳавзаси, маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими, «Пахтабанк», «Асакабанк», «Ғаллабанк», «Уй-жой қурилиш саноат банки», «Осиё» бозори, «Бахмал» савдо уйи, Хотира хиёбони, болалар истироҳат боғи каби йирик иншоотлар фойдаланишга топширилди. Шаҳар маҳаллаларида яшовчи аҳоли учун Олмазор, Тошлоқ, Улуғбек, Заргарлик, Кимёгар, Бобур, Ҳамзаобод, Ўратепалик, Ҳайробод, Раваллик номли замонавий маҳалла гузарлари мавжуд. Шаҳардаги 280 га яқин кўчанинг узунлиги қарийб 240 км ни ташкил қилади. Ж.дан Тошкент ш.га, шунингдек, республиканинг бошқа вилоят марказларига автобус қатнайди. Шаҳар ичида троллейбус қатнови йўлга қўйилган. Аҳолига 600 дан зиёд савдо ва бир қанча маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари хизмат қилади.

Шаҳарда 3 олий, 7 ўрта махсус ўқув юрти, 2 касб-ҳунар, 2 академик ҳамда бизнес лицейи, гимназия, 30 га яқин умумий таълим мактаби бор. Мусиқали драма, қўғирчоқ театри, телемарказ, 8 болалар кутубхонаси (87 минг китоб), «Ўзбекнаво» вилоят концерт бўлими, «Ўзбекракс» бирлашмасининг вилоят бўлими, 2 музей, 2 мусиқа, 4 санъат мактаби мавжуд. 3 спорт мактаби, марказий стадион, 2 футбол майдони, 2 сузиш ҳавзаси, теннис корти, 32 спорт зали ва бир қанча спорт майдонлари фаолият кўрсатади.

Ўрда, Бобо Як, Қалиятепа, Нуриддин Ҳожи мадрасаси каби тарихий ва меъморий ёдгорликлар сақланиб қолган.

Ж.да Я.Ғ. Ғуломов (1951, 1960—61), Ҳ. Муҳамедов (1956—59), М. Аминжонова (1964), С. Раҳимов (1966—70), Р. А. Балахов (1980), Ў. Алимов (1982—84) ва б. археологик қазишлар олиб борганлар. Ж. ҳудудидаги Учтепа мавзесидаги 3—4-а.ларга оид мозортепалардан турли сопол парчалари, тангалар топилди. Ж. яқинида 1955 й. Я. Ғ. Ғуломов жез даврига оид тош курсини топган.

Ж.дан кўпгина машҳур кишилар: давлат арбоби ва ёзувчи Шароф *Рашидов*, шоир *Ҳамид Олимжон*, адиб Сарвар *Азимов*, Ўзбекистон халқ артисти Ҳосият *Азимова*, 1941—45 й.лар уруши қаҳрамонлари Ж. Тўраев, Е.И. Иванин, Г.М. Губарьков, Меҳнат Қаҳрамони Б. Пирматов ва б. етишиб чиққан. Шаҳарда «Жиззах овози» газ. мунтазам нашр этилади (адади 2000).

Ад.: Ҳайдаров Ҳ., Жиззах вилояти тарихи, Т., 1996.

ЖИЗЗАХ АВИАЦИЯ ОЛИЙ ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТИ — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига ҳарбий учувчи ва авиация-муҳандислик мутахассислар тайёрловчи билим юрти. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1994 й. 18 мартдаги қарорига мувофиқ Жиззах ш.да ташкил этилган. Билим юртида олий ҳарбий-махсус маълумотга эга офицерлар тайёрлаш, ҳарбий-ҳаво кучларининг учувчи ва авиация-муҳандис таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, ҳарбий-илмий ишлар амалга оширилади. Билим юртида самолёт ва вертолётларнинг учувчи-муҳандиси, шахсий таркиб б-н ишлаш офицери, штурман ва жанговар бошқарув офицери, самолёт, вертолёт двигателлари техниги, авиация, радиоэлектрон жиҳозлар ва авиация қуроллари техниги ихтисосликлари бўйича офицерлар тайёрланади. Курсантларнинг таълим жараёни назарий ва учиш тайёргарликларидан иборат бўлиб, улар босқичма-босқич амалга оширилади. Учиш тайёргарликлари — учувчи инструкторлар б-н назорат парвозларини бажариш ва мустақил парвозлардан иборат таълим жараёнида умумий парвоз 180 соатни ташкил этади. Учувчи (вертолётчи)лар конкрет типдаги самолёт (вертолёт)да ихтисослигини ўтаб бўлгач, билим юртини тугатиб, учувчилик қисмларига йўл олишади.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ — болалар театри. 1983 й. Жиззах ш.да ташкил этилган. А. Маматов, З. Маҳмудовалар театрнинг илк актёрларидир. «Ўжар қуёнча» (М. Супонин) спектакли б-н очилган. Энг яхши спектакллари: «Фарҳод ва Ширин» (А. Навоий), «Томошада томоша» (М. Ашурова), «Маккор тулкича» (В. Павловскис), «Кашмир қўшиғи» (Ш. Рашидов), «Томоша» (К. Қодиров, Н. Нормат), «Бўғирсоқ» (Е. Патрик), «Қувноқ айиқчалар» (М. Поливанова), «Оби ҳаёт» (М. Ашурова), «Шўх хўтикча» (Темурбек), «Семурғ» (Ҳ. Олимжон) ва б. Ж. Мухторов, Ж. Мамараҳимов, З. Мамараҳимова, З. Маҳмудова, Ғ. Йўлдошев, Ф. Ҳасанов ва б. театрнинг етакчи актёрларидир. Ўзбекистон Республикаси қўғирчоқ театрлари 3-фестивалида «Фарҳод ва Ширин» спектакли б-н фестивалнинг энг олий мукофотига сазовор бўлган (1992). Театрнинг саҳналаштирувчи реж. — Рустам Алиев (2002). 1998 й. АҚШда гастролда бўлган.

Абдувоҳид Ҳўжаев.





Жиззах. «Ўзбекистон» меҳмонхонаси.

Жиззах. Шаҳар болалар боғи.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ — ЎзР таркибидаги вилоят. Республиканинг марказий қисмида. 1973 й. 28 дек.да ташкил этилган. Шим.-шарқда Қозоғистон Республикаси ва Сирдарё вилояти, жан.-ғарбда Самарқанд, Навоий вилоятлари, жан.-шарқда Тожикистон Республикаси б-н чегарадош. Майд. 21,1 минг км². Аҳолиси 991 минг киши (2001). Ж. в.да 12 қишлоқ тумани (Арнасой, Бахмал, Дўстлик, Жиззах, Зарбдор, Зафаробод, Зомин, Мирзачўл, Пахтакор, Янгиобод, Фориш, Ғаллаорол), 7 шаҳар (Ғаллаорол, Маржонбулоқ, Пахтакор, Ғаллаорол), 8 шаҳарча (Бўстон, Зарбдор, Зафаробод, Зомин, Усмат, Учқулоч, Янгиқишлоқ, Қўйтош), 95 қишлоқ фуқаролари йиғини бор (2001). Маркази — *Жиззах* ш. (Ж. в. туманлари ҳақида тегишли мақолаларга қ.)

Табиати. Рельефи тоғлик, қир ва тепаликлардан иборат. Жан. қисмини Туркистон тизмасининг тармоқлари (Молгузар тизмаси), ғарбини Нурота тизмасининг шарқий қисми эгаллаган. Шим., шим.-ғарби ва шарқий қисми (Мирзачўл ва Қизилқум чўлининг жан.-шарқи) текисликдан иборат. Иқлими кескин континентал. Янв.нинг ўртача т-раси —1° дан —4° гача, июлники 28°. Тоғ олдиларида иқлим чўл ва даштларга нисбатан юмшоқ. Йиллик ёғин миқдори жан.да 400—500 мм, шим. да 250—300 мм. Вегетация даври 210—240 кун. Йиллик қуёшли кунлар 2800—3000 соат. Энг йирик дарёлари — Сангзор, Зомин-сув. Тоғлардан оқиб тушувчи сой кўп. Экинларни суғориш учун Туятортар канали, 1- ва 2-Жан. Мирзачўл каналлари, Жиззах, Зомин, Қоровултепа сув омборлари қурилган. 2001 й.да Арнасой сув омбори қурила бошланди. Арнасой, Айдаркўл ва Тузкон кўлларидан балиқчиликда фойдаланилади. Тоғ ён бағирларида ёввойи жийда, арча, бодом, кабилар ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан оқ тирноқли айиқ, чиябўри, тулки, қуён, қобон, бўрсиқ, жайра учрайди; бургут, лочин, қора турна, булдуруқ, тувалоқ, тустовуқ, қирғовул, ёввойи ўрдак, каклик каби қушларнинг 150 дан ортиқ тури мавжуд. Вилоятда Зомин миллий боғи, Зомин ва Нурота давлат қўриқхоналари ташкил қилинган.



Амир Темур дарвозаси.

Таркибида темир, олтингугурт, водород, радий, кремний кислотаси, карбон гази, ишқор бўлган шифобахш минерал сувлар бор. Ғаллаорол, Фориш, Мирзачўл туманларида бальнеологик санаторийлар фаолият кўрсатади. Сульфат-хлорид натрийли Чимқўрғон балчиғидан физиотерапия ва даволаш-профилактика муассасаларида фойдаланилади.

Фойдали қазилмалардан олтин, кумуш, вольфрам, қўрғошин, рух, темир, молибден, мармар, волластонит, базальт, гранит, корунд, оҳак бор.

Аҳолиси 1 км² га 46,9 киши тўғри келади (2001). Аҳолининг кўпчилиги ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, қирғиз, тожик, рус, татар, турк, украин, немис, форс, арман ва б. Жами 70 дан ортиқ миллат вакили яшайди. Шаҳарликлар 30%, қишлоқ аҳолиси 70% ни ташкил этади.

Хўжалиги. Ж. в. республика и. ч.да ва маданий тараққиётида салмоқли ўрин тутади. Хусусан, пахта, ғалла, сабзавот, мева, чорва маҳсулотлари етиштирилади. Боғдорчиликни ривожлантиришга эътибор берилмоқда. Қурилиш материаллари, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган корхоналар салмоғи ошди. Вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида 2,5 млрд. сўмдан зиёд кредит маблағлари ажратилди. Фаолият кўрсатаётган 9400 га яқин хўжалик субъектларининг қарийб 8300 таси нодавлат хўжаликларидир.

Саноати. Ҳоз. Ж. в. қадимдан Буюк ипак йўлида жойлашганлиги бу ҳудудда савдо маданиятининг тез ривожланишига таъсир этди. Илк ўрта асрларда жаҳон бозорида Жиззахда жун ва теридан тайёрланган маҳсулотларга талаб катта бўлган. 8—9-а.ларда кулоллик,



Жиззах шаҳридаги Шароф Рашидов хиёбони ва шоҳкўчаси.

Ғаллаорол тумани. Сурув.



заргарлик, аравасозлик каби маҳаллаларининг мавжудлиги миллий ҳунармандчиликнинг ўша даврларда ривожланганлигидан дарак беради.

Вилоятдаги и. ч. саноат тармоқларини ҳудудий жиҳатдан Жиззах, Ғаллаорол, Даштобод, Дўстлик ш.ларидаги саноат тармоқларига ажратиш мумкин. Булар фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш, пахтачилик ва ирригация б-н боғлиқ бўлган тармоқлар, пахтани қайта ишлаш, электротехника саноати, қурилиш материаллари и. ч., кимё, енгил саноат (ип йигирув, пайпоқ тўқиш, устки трикотаж ф-калари), озиқ-овқат саноатидир. Вилоятда қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг салмоғи сезиларли. Шулардан Даштобод қурилиш материаллари, Зомин оникс, Бахмал мармар, ғишт з-длари, Даштобод, Дўстлик ун к-тлари, Жиззах мебель ф-каси ишлаб турибди. Ж. в.да кончилик тармоғи ҳам ривожланган. Маржонбулоқ олтин кони, Қўйтошдаги оҳак, волластонит, вольфрам, Кўтармада оҳак, Учқулочда қўрғошин конлари фаолият кўрсатмоқда. 1991—2001 й.лар давомида Ж. в.да жаҳон андозаси даражасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи замонавий қўшма корхоналар ташкил қилинди. Вилоятда қўшма, кичик ва хусусий корхоналар мавжуд. Қўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг салмоғи тобора ортиб бормоқда. «Жибри» (Ўзбекистон—Буюк Британия) қўшма корхонаси йилига 50 минг т чигитни қайта ишлаб ўсимлик ёғи ишлаб чиқаради, «Кумуш тола» (Ўзбекистон—Тожикистон) қўшма корхонаси йилига 80 т дан зиёд ипак толасини тайёрлайди, «Пахта-интернейшнл» (Ўзбекистон—Сурия) қўшма корхонаси йилига 10 минг т линтдан целлюлоза и. ч. қувватига эга, «Бахмалшароб» (Ўзбекистон—Польша) қўшма корхонасида минерал суви қадоқланади. Шунингдек, пахта толасидан эшилган ип тайёрловчи «Иржартекстиль» (Ўзбекистон—Покистон), ёғ-мой ва совун ишлаб чиқарувчи «Мадина» (Ўзбекистон—Хитой), «Жиззах—Телеком» (Ўзбекистон—Индонезия), Қўйтош шаҳарчасида «Волластонит» и. ч. цехи (Ўзбекистон—Россия), саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Восток ЛТД», «Белогорск» қўшма корхоналарининг ҳиссаси сезиларлидир. Йилига 1 млн. дона аккумулятор тайёрловчи «Ўзэксайд» қўшма корхонаси фаолият кўрсатади (2002). «Зилолатекс» акциядорлик жамиятида 250 т нитрон матоси и. ч. қуввати ишга туширилди.

Қишлоқ хўжалиги. Вилоят қ. х.нинг асосий тармоғи — пахтачилик. Пахта экини майдони вилоятдаги суғориладиган ер майдонининг асосий қисми (110 минг га)ни ташкил этади. Вилоятнинг 12 туманидан 10 тасида пахта экилади. 1994 й.дан Ж. в.да ғалла экиладиган майдон кескин оширилди. 2000 й.да 317,7 минг т ғалла тайёрланди. Ғаллачиликни ривожлантириш учун табиий шароитлар ва б. имкониятлар мавжуд. Вилоят қ. х.да пиллачилик ҳам салмоқли ўрин тутади. Жойларда йилига 440—480 т пилла етиштириш имконини берадиган табиий ресурслар яратилди.

Қ. х.да картошка, полиз, сабзавот, узум, ҳўл мева етиштириш б-н ҳам шуғулланилади. Бир йилда 25—30 минг т картошка етиштирилади. Полиз ва сабзавотдан йилига ўртача 70 минг т дан ҳосил олинади.

Ж. в.да 9,4 минг га дан ортиқ майдон мевали боғ (олма, беҳи, шафтоли, ўрик, олча, гилос, анор), 7,9 минг га токзор, 2,4 минг га тутзор, 410 га кўчатзор. 78,7 минг га ер қўриқхонага айлантирилган.

Қ. х.да фойдаланиладиган ерлар 1241,4 минг га, шу жумладан ҳайдаладиган ерлар 478,5 минг га, шундан суғориладиган ерлар 266 минг га, лалми ерлар 212,5 минг га, яйловлар 850 минг га, пичанзорлар 12,5 минг га, кўп йиллик дарахтзорлар 21,5 минг га.

Дон экинлари 212 минг га, пахта экиладиган майдон 110,8 минг га, сабзавот-полиз экинлари 10 минг га, озуқа экинлари 12,5 минг га, 165 минг га ўрмонзор бор. (2001).

Ж. в.да жамоа, давлат, ширкат ва фермер хўжаликлари мавжуд. Фермер хўжаликларининг салмоғи ортиб бормоқда. Вилоят қ. х.да чорвачилик алоҳида ўрин тутади. Барча хўжаликларда 280 мингдан зиёд қорамол, 800 мингдан кўпроқ қўй ва эчки, қарийб 15 минг от, 410 мингга яқин парранда боқилади (2000).

Транспорти. Т. й. вилоятда асосий транспорт турларидан. Умумий уз. 217 км (2001). Автомобиль йўллари ҳам салмоқли ўрин тутади. Ҳаво йўллари Жиззах ш.ни Тошкент ва б. вилоят марказлари, шунингдек, Кавказ, Қрим б-н боғлайди. Жиззах ш. кўчаларида тролейбус қатнови йўлга қўйилган.

Маданий-маориф, соғлиқни сақлаш ва спорти. 2000/01 ўқув йилида вилоятда 530 умумий таълим мактабида 253 минг ўқувчи ўқиди. Гимназиялар, 2 академик лицейда 647 ўқувчи таълим олади (2002). Мусиқа ва спорт мактаблари, гимназиялар фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда 2 олий ўқув юрти бор: *Жиззах педагогика институти* ва *Жиззах политехника институти*.


Ўзбекистон ғаллачилик илмий тадқиқот ин-ти, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш илмий маркази фаолият кўрсатмоқда. Вилоят шаҳар ва туманларида 1998—2001 й.ларда 7 коллеж ва 2 академик лицей бинолари қурилиб ишга туширилди. Улар замонавий ўқув қуроллари ва техника б-н жиҳозланди. 32 касб-ҳунар коллежида 17293 ўқувчи таълим олади. Академик лицейларда тайёрлов, асосан, 4 йўналишда олиб борилаётган бўлса, касб-ҳунар коллежларида 33 мутахассислик бўйича ўқитилади (2002).

Вилоятда 5 музей (Жиззах вилоят ўлкашунослик музейи, Шароф Рашидов музейи, Зомин тарихи музейи, Ҳамид Олимжон музейи, Меҳнат Қаҳрамони Х. Носиров музейи), 289 жамоат кутубхонаси (8 млн. нусхадан ортиқ асар), 126 клуб, 12 туман маркази, 73 қишлоқ ва шаҳар маданият уйлари, 77 бадиий ҳаваскорлик, 54 фольклор-этнографик жамоалар, 12 мақомчилар гуруҳи, 60 хореографик рақс дасталари, вокал ва эстрада гуруҳлари фаолият кўрсатади.

Ж. в.да 3 театр: Юнус Ражабий номидаги вилоят мусиқали драма театри, вилоят қўғирчоқ театри, Гагарин ш.да қозоқ миллий театри бор.

Вилоятда 1996 й.да ташкил этилган «Ўзбекнаво» гастроль концерт бирлашмаси бўлимининг ёш иқтидорли санъаткорларидан Л. Москалёва, Ф. Ибрагимова, Г. Султонова, О. Маликовлар «Ўзбекистон—Ватаним маним», «Янги тароналар», «Садо—99» кўрик-танловларининг голиби бўлишди.

Авлиёота булоқ-ҳовузи.



Ж. в.да 5 маданият ва истироҳат боғи, 2 болалар боғи, «Сангзор кўли» истироҳат боғи, Ҳ. Олимжон номидаги шоирлар боғи, «Ўрда» оромгоҳи, Жиззах, Зомин, Ғаллаорол, Пахтакор ш.ларида Хотира боғлари, «Маънавият ва маърифат», «Саломатлик ва гўзаллик», маҳалла ва ёшлар марказлари, «Истиқлол» ёшлар форуми, Бахт уйлари бор. Вилоятда Парпиота, Навкатота, Авлиёота Маликаждарота, Саъд ибн Ваққос, Сайфинота, Саврикота, Қавсота зиёратгоҳлари, Темур дарвоза, Хуттот, Қуёш тақвими обидалари, қад. Жиззах, Ҳошимқўргон, Абдуллахон қўргони, Кўкработ, Сабат каби археологик ёдгорликлар мавжуд.

Ж. в.да 67 касалхона, 47 та ҳудудий ва 13 марказий касалхона, 1 даволаш маркази, 16 махсус диспансер, 2,3 минг врач, шу жумладан стоматологлар, 9,9 минг ўрта маълумотли тиббий ходим бор. Вилоят тез ёрдам маркази, оналар ва болаларни муҳофаза қилиш илмий маркази, марказий болалар шифохонаси, вилоят туғруқхонаси, реабилитация маркази, ўсмирлар диспансери каби муассасалар ташкил этилди, 34 та хусусий шифохона, 170 дорихона, 7 та фитобар ишлаб турибди. Санаторий бор (2002).

Ж. в.да спортнинг кураш, бокс, мотопойга, енгил атлетика, каратэ каби турларида республика ва халқаро мусобақалар ўтказиш одатга айланди. 2001 й.да Жиззахда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув юртлари талабаларининг «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ўтказилди. Спортнинг 8 тури бўйича 2000 га яқин спортчи ёшлар Жиззах ш., Пахтакор, Ғаллаорол, Бахмал туманларидаги стадион ва спорт залларида беллашдилар.

Вилоятда жами 28 стадион, 2 та сув спорти саройи, 18 теннис корти, 136 спорт зали мавжуд. Жиззах ш.да Олимпия захиралари коллежи ишга туширилди. Коллежда умумий майд. 9 га (72×102 м ёпиқ спорт манежи) спорт мажмуида бир вақтда 11 турдаги спорт машғулотлари олиб борилади. Коллеж 4 теннис корти, 1 сузиш ҳавзаси, 200 ўринли ётоқхонага эга. Шунингдек, 2 футбол мактаби фаолият кўрсатади. Вилоят ёш спортчилари орасида бокс бўйича Осиё чемпиони Лазизбек Зокиров, бир неча йилларда буён шахмат бўйича халқаро мусобақалар совриндори, республика чемпиони, ўқувчи Юлдуз Ҳамроқуловалар бор.

Адабиёти. Ж. в. қадимдан илм-фан ва ижодкорлар ўсиб улгайган юрт. Бу заминда ўрта асрларда шайх Абулҳасан Хараконий (950—1034), шайх Аба Али Фаюмардий (1084), Абу Тала ибн Наср ибн Жундабек ал-Усрушоний, Поянда Заминий, Соқи Заминий каби исломшунос маърифати ва фиқҳ илмига улкан ҳисса қўшган алломалар яшаб ўтган. Кейинроқ 19—20-а.ларда Махмур Коризий, Убайдуллоҳ Аламкаш, Нарзулло Нарзий, Иномхон Маҳжур сингари ижодкорлар бой адабий мерос қолдирган. 20-а. ўзбек адабиёти ривожида Жиззахда туғилиб ўсган *Ҳамид Олимжон*, Шароф *Рашидов*, Назир *Сафаров*, Шукур Саъдулла, Саррар *Азимов* каби адибларнинг муносиб ҳиссаси бор. 20-а.нинг охирларида Жиззахдан Келди Қодир, Жонибек Қувноқ, Эргаш Муҳаммад, Саъдулла Ҳаким, Рустам Ғаниев, Асрор Мўминов, Оқилжон Ҳусанов, Шарофат Ботирова, Иброҳим Дониш, Сайёра Тўйчиева, Венера Иброҳимова, Саттор Қорабоев, Мели Норматов, Фароғат Камолова каби ижодкорлар ўз маҳоратлари б-н адабий жамоатчиликка танилди. Гулчеҳра Шаҳобиддин қизи, Шаҳло Аҳроровалар шеърияти, қўшиқчилик маҳорати б-н ажралиб турди.

Матбуоти, радио ва телевидениеси. Ж.в.да 2 вилоят газ. («*Жиззах ҳақиқати*», «*Джизакская правда*»), туман ва шаҳар газ.лари чиқади. Вилоятда, шунингдек, тармоқ газ.лари, журналлар ҳам нашр этилади.

Вилоят радиоси ўз эшиттиришлари б-н вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида

Жиззах вилояти пахта далаларида.







Жиззах шаҳри. Олимпия захиралари спорт коллежи.

нинг сўнгги кунида бир кеча тунаган. Жиззах руслар томонидан босиб олингандан сўнг рус ҳарбий ишбошилари назоратида маҳаллий аҳоли кучи б-н барпо этилган бир қанча иморатлар (уезд ҳокими биноси, рус аскарлари қароргоҳи, қамоқхона, черков) сақланиб қолган.

593-б. олдидаги табиий ва иқтисодий хариталарга қ.

Ўрол Носиров, Рая Нуркулова.

«ЖИЗЗАХ ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — озиқ-овқат саноати корхонаси. Жиззах вилояти Жиззах туманида жойлашган. *«Ўздонмаҳсулот»* давлат-акциядорлик корпорацияси таркибига киради. 1972 й.да ишга туширилган. Асосан ун, аралаш ем ва макарон ишлаб чиқаради. Корхона суткасига 240 т буғдой уни, 210 т аралаш ем, 180 кг макарон ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхона 1972—83 й.ларда Жиззах ун к-ти, 1983— 92 й.ларда Жиззах дон маҳсулотлари к-ти, 1992—95 й.ларда «Жиззах дон маҳсулотлари» и.ч. бирлашмасининг бош корхонаси, 1995 й.дан ҳоз. номда ва очиқ турдаги акциядорлик жамияти. 1972 й. корхонада 47 минг т сиғимга эга элеватор (дон сақлаш бўлими), 2 минг т ун сақлашга мўлжалланган омборхона қурилган, 1976 й.дан 17 минг т сиғимга эга элеватор ишлайди. Корхона Швейцариянинг «Бюллер» фирмаси технологик ускуналари б-н жиҳозланган.

ЖИЗЗАХ «ЗИЛОЛАТЕКС» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — трикотаж (уст кийим, болалар кийими) маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган саноат корхонаси, «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси тизимида фаолият кўрсатади. Корхона 1976 й.да Тошкент «Малика» трикотаж бирлашмаси филиали негизида Жиззах ш.да ташкил қилинган. 1982 й.да Жиззах трикотаж бирлашмасига айлантирилгач, унинг қошида Ҳамроқул Носиров номидаги ва «Маржонбулоқ» тикув ф-калари ташкил этилган. 1994 й.да эса ҳоз. номдаги акциядорлик жалиятига айлантирилди. Ишлаб чиқаришдаётган маҳсулотларнинг асосий қисми ЎзР Ички ишлар вазирлиги, чегара қўшинлари, шунингдек, халқ таълими тизимидаги корхона ҳамда муассасаларга етказиб берилади. Хом ашё асосан Навоий, Тошкент ва Наманган вилоятларидан келтирилади. Корхона йилига 3400 минг дона трикотаж маҳсулотлари и.ч. қувватига эга бўлиб, технологиялар Германия, Япония, Украина ва Россиядан келтирилган. Жамият қошида 1997 й.дан нитрон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона ишлайди (йиллик қуввати 270 т нитрон).

Корхона 2000 й. Франция (Париж)-да бўлиб ўтган енгил саноатчилар миллий ассоциациясининг олтин медали ҳамда сертификати б-н тақдирланган.

ЖИЗЗАХ «ИССИҚНОН» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси тизимида фаолият кўрсатади. Жиззах нон заводи 1953 й.да Жиззах ш.да ташкил қилинган. 1994 й.да ҳоз. номдаги акциядорлик жамиятига айлантирилган. Корхона суткасига 12 т нон ва нон маҳсулотларини и.ч. қувватига эга. Корхонада 20 турдаги нон ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Қўшимча қандолат маҳсулотлари, яхна ичимликлар ва маҳсулотнинг бошқа турларини и.ч. йўлга қўйилган. Италия технологияси асосида макарон маҳсулотлари и.ч. цехи тўла қуввати б-н ишлайди (2001).

ЖИЗЗАХ МЕБЕЛЬ ФАБРИКАСИ — 1994 й.да «Ўзбекмебель» давлат-акциядорлик бирлашмаси тизимида Жиззах ш.да ташкил этилган. 2001 й.дан вилоят ҳокимлиги тасарруфига ўтказилган. Фабрика цехларида каравот, шкаф, диван, кресло, ўриндиқлар, стол, ишхона жиҳозлари, ўқувчилар парталари ва мебель маҳсулотлари ҳамда маҳаллий хом ашё (ғўзапоя)дан ДВП (ёғоч-тола плиталари) маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг асосий қисми вилоятдаги истеъмолчиларга жўнатилади. Мебель ва мебель маҳсулотлари учун хом ашё Германия, Италия, Россия ва Болтиқбўйи мамлакатларидан келтирилади.

ЖИЗЗАХ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ, Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика ин-ти — педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1974 й. ташкил этилган. 1989 й. Абдулла Қодирий номи берилган. Ин-тда 8 ф-т (ўзбек тили ва адабиёти, тарих ва ҳуқуқ, пед., хорижий тиллар, физика-мат., кимё-биол., касб таълими, жисмоний тарбия), 5 бўлим (мусиқа, пед.-психология, геогр., қозоқ, сиртқи), 36 кафедра, 31 ўқув ва амалий лаб., устахона, тажриба и.ч. майдони, профилакторий ва спорт-соғломлаштириш муассасалари бор (2002). Ин-т қошида иқтидорли болалар гимназияси ва академик лицей мавжуд. Ин-т ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, инглиз тили, пед. ва бошланғич таълим услуби, кимё-экология, биол., мат.-информатика, физика-астрономия, касб таълими, тарих-ҳуқуқшунослик, мусиқа-пед., геогр., жисмоний тарбия, ҳуқуқ ва маънавият асослари, мактабгача таълим, тасвирий санъат, пед.-психология бўйича мутахассислар тайёрлайди. 2001/2002 ўқув йили ин-тда 3573 талаба таълим олди, 295 проф.-ўқитувчи, жумладан 14 фан д-ри ва проф., 122 фан номзоди ва доцент ишлади. 2002 й.гача ин-тда 6 мингдан зиёд мутахассис тайёрланди.

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ — кимё технологияси, автомобиль ва автомобиль хўжалиги, бино ва иншоотлар қурилишлари, фермер хўжаликлари ва б. бўйича мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1989 й.да Тошкент политехника ин-ти Жиззах бўлими ташкил этилиб, 1990 й.да Тошкент архитектура-қурилиш ин-ти Жиззах бўлимига айлантирилди. 1992 й.да Тошкент кимё-технология ин-ти Жиззах бўлими, Тошкент автомобиль транспорти ва йўллари ин-ти Жиззах умумтехника ф-ти, Тошкент архитектура-қурилиш ин-ти Жиззах бўлимлари бирлаштирилиб Ж. п. и. ташкил этилди. Ин-тда автоматика, муҳандислик иқтисодиёти, саноат технологияси ва қурилиш ф-тлари ҳамда сиртқи ф-тлари мавжуд. Ин-тда кундузги бўлимда 13 та йўналиш бўйича *бакалавр*лар, 4 та мутахассислик бўйича *магистр*лар; сиртқи бўлимда 16 та йўналиш бўйича бакалаврлар тайёрланади. 2000/2001 ўқув йилида 1900 дан ортиқ талаба таълим олди; 18 та кафедра ва 4 та илмий лаб. бўлиб, унда 143 проф.-ўқитувчи, жумладан 1 акад., 13 фан д-ри ва проф., 49 фан номзоди, 20 доцент ишлади. Ин-тда аспирантура, 40 ўқувчига



Жиззах педагогика институти.

мўлжалланган тайёрлов курси мавжуд. Ин-т кутубхонасида 67 мингдан зиёд асар сақланади. 2002 й.гача 6500 дан ортиқ мутахассис тайёрланди.

ЖИЗЗАХ СУВ ОМБОРИ — Сирдарё вилоятидаги сув омбори. Жиззах шаҳридан 9 км жан.-шарқда, Ёйилмасой жарлигида жойлашган. 1963—68 йилларда қурилган. Майд. 12,7 км², чуқурлиги 26 м, сув ҳажми 87,5 млн. м³, кенг жойи 5,1 км, уз. 3,3 км. Сув омборига 25 м³/сек сув келтирадиган (уз. 9 км) ва сув омборидан 10 м³/сек сув чиқарадиган (уз. 15 км) канал қурилган. Ж.с.о.га *Сангзор* дарёсининг суви тўпланади. Сув омбори Жиззах туманидаги 15 минг га дан ортган ерни сув б-н таъминлайди.

ЖИЗЗАХ ТЕАТРИ, Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театри — Ўзбекистондаги театрлардан бири. Тарихи асосан 1921 й.дан бошланади. Дастлаб ҳаваскорлик драма тўгараги асосида сайёр театр труппаси ташкил қилинган. 1927 й. сиёсий-оқартув бўлими ихтиёрига олиниб, «Кўк қўйлак» агиттеатри номи берилди. А. Аҳмедов, Б. Ойматов, С. Қосимов, А. Абдураззоқов, О. Шерназаров, Т. Шарипов, Ю. Йўлдошев, П. Носиров, И. Каримов, С. Холдоров, М. Саъдуллаева, А. Йўлдошева, Х. Усмонова, И. Ҳақбердиева кабилар театрнинг дастлабки ижодкорларидир. «Ҳалима» (реж. П. Носиров) театрда саҳналаштирилган илк спектаклдир. Кейинроқ «Аршин-мол-олон» (У. Ҳожибеков), «Бухоро жаллодлари» (С. Айний), «Туҳматчилар жазоси» (Ҳамза), «Лолахон» (К. Яшин) каби спектакллар қўйилди. 1932 й. «Кўк кўйлак» агиттеатри Самарқанд колхозсовхоз театрига айлантирилди. С. Жўрабоев бадиий раҳбар этиб тайинланди. Театр репертуаридан «Пахта шумғиялари» (У. Исмоилов), «Гулсара» (К. Яшин, М. Муҳамедов пьесаси, Т. Жалилов мусиқаси), «Уйғониш» (Н. Сафаров), «Маликаи Турандот» (К. Гоцци) ва б. спектакллар ўрин олди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида театр давр руҳига мослаб «Даврон ота» (К. Яшин, С. Абдулла; Т. Содиқов, А. Козловский мусиқаси), «Фронт» (А. Корнейчук), «Қурбон Умаров» (С. Абдулла, А. Чустий; Т. Жалилов мусиқаси), «Ўлим босқинчиларга» (К. Яшин) сингари асарларни саҳнага қўйди.

Урушдан кейин театр репертуари мазмунан бойиди, театр саҳнасидан асосан қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, тенгсизлик мавзуи, янги ерлар очишдаги қаҳрамонликлар, ватанпарварлик руҳидаги спектакллар ўрин олди. «Бой ила хизматчи», «Холисхон» (Ҳамза), «Нурхон» (К. Яшин), «Шоҳи сўзана» (А. Қаҳҳор), «Далада байрам» (Ш. Саъдулла) ва б. шулар жумласидан. 1957 й. колхоз-совхоз театрларининг бирлашиши муносабати б-н Жиззах колхоз-совхоз театри труппаси аъзолари Самарқанд ва Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрлари ихтиёрига ўтказилади. Актёрларнинг бир қисми Жиззахда қолиб, С. Холдоров ва Х. Тошпўлатов раҳбарлигида Н. Азимов, М. Раҳматова, С. Жўраев, Р. Сатторовалар б-н бирга драма тўгараги ташкил этишди. «Заҳарли ҳаёт», «Туҳматчилар жазоси» (Ҳамза), «Шоҳи сўзана» (А. Қаҳҳор) каби спектакларни саҳналаштирдилар. 1960 й.да «халқ театри» унвонига сазовор бўлди. 1964 й. янги Сирдарё вилояти ташкил этилиши муносабати б-н мазкур халқ театри ўзатгида Сирдарё вилоят мусиқали драма театри ташкил қилинди. Юнус Хўжаев бош реж., А. Шодмонқулов бош рассом этиб тайинланди. Жиззахда фаолият кўрсатаётган халқ театри артистлари ҳам театрга келиб қўшилди. «Жон қизлар» (К. Шанғитбоев, К. Бойсеитов; А. Муҳамедов мусиқаси) спектакли б-н ўз фаолиятини бошлади. «Тошболта ошиқ» (Ҳ. Ғулом; М. Левиев мусиқаси), «Аяжонларим» (А. Қаҳҳор), «Паркавона» (Уйғун), «Ёшликда берган кўнгил» (З. Фатхуллин; Д. Зокиров мусиқаси), «Лайли ва Мажнун» (Хуршид; Т. Содиқов, Р. Глиэр мусиқаси), «Алпомиш» (С. Абдулла; Т. Жалилов, Г. Собитов мусиқаси), «Алишер Навоий» (Уйғун, И. Султон), «Алдар кўса» (Ш. Хусаинов), «Макр ва муҳаббат» (Ф. Шиллер), «Зўраки табиб» (Ж. Мольер) ва б. пьесалар саҳналаштирилди. 1974 й. Жиззах вилояти ташкил этилиши муносабати б-н Сирдарё театри Жиззах вилоят мусиқали драма театрига айлантирилиб, 1988 й.да Ю. Ражабий номи берилди. F. Ҳамидуллаев, кейинчалик F. *Искандаров* бош реж., С. Нажафов бош рассом, А. Абдураҳимов бош дирижёр, Д. Каримов бош балетмейстер қилиб тайинланди. Шу вақтларда театр камолот сари юксалиб борди. Шунинг-

«Жиззах дон маҳсулотлари» комбинати.





Жиззах театрининг «Оқ кема», «Ўлдинг, азиз бўлдинг» спектакллари-дан кўриниш.



лек, актёрлардан Ҳ. *Амирқулов*, Ғ. Ҳасанов, М. Раҳматова, А. Ғафуров ва б. саҳна образларини яратишда етакчилик қилдилар. Театр репертуари «Олтин девор» (Э. Воҳидов), «Холисхон» (Ҳамза), «Аслзода келин» (М. Шамхалов), «Келинлар қўзғолони» (С. Аҳмад), «Қорақум фожиаси» (У. Бадиқов), «Хонума хоним» (А. Цагарели), «Монсерро» (Э. Роблес), «Гули сиёҳ» (С. Жамол) ва б. спектакллар б-н бойиди.

Театрда турли йилларда А. *Жўраев*, Б. Назаров каби реж.лар, Г. *Визель*, В. Рифтин, М. *Мусаев* каби рассомлар, Ҳ. *Азимова*, Т. Содиқов, Х. Бекжонов сингари актёрлар ижод қилганлар.

Театрнинг етакчи актёрлари: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Г. Оринова, О. Эштўхтарова, А. Лапасов, Ғ. Йўлдошев; артистлар А. Норматов, Ж. Деҳқонова ва б. Бош реж. — Ғофир Ҳамидуллаев (1999 й.дан). 1980 й. театр жамоаси 700 ўринли янги бинога кўчиб ўтди.

Анвар Ёқубхўжаев, Ўктам Мамажонов.


ЖИЗЗАХ ТЕМИР-БЕТОН БУЮМЛАРИ ЗАВОДИ — том устини ёпиш учун ишлатиладиган плиталар, лотоклар ва уларнинг жиҳозлари, фундамент блоклари, қудуқлар ҳамда уларни жиҳозлаш учун ишлатиладиган мосламалар ва б. маҳсулот турлари ишлаб чиқариладиган давлат корхонаси. 1980 й.да ташкил қилинган. Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги «Сувтаъминотмаш» уюшмаси таркибида фаолият кўрсатади. Корхона йилига 50 минг дона темир-бетон маҳсулотлари и.ч. қувватига эга. 3 та асосий ишлаб чиқариш цехи ва бўлимлари бор.

ЖИЗЗАХ ТУМАНИ — *Жиззах вилоятида*ги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Шим.да вилоятнинг Фориш, Зафаробод, Пахтакор туманлари, ғарбда Ғаллаорол тумани, шарқда Зарбдор, Зомин туманлари, жан.да Бахмал тумани б-н чегарадош. Майд. 1,44 минг км². Аҳолиси 142,3 минг киши (2001). Ж. т.да 13 қишлоқ фуқаролари йиғини (Гандумтош, Иттифоқ, Охунбобоев, Оқолтин, Пахтаобод, Равот, Самарқандқудуқ, Токчилик, Учтепа, Хайробод, Қулама, Қўшбармоқ, Ҳамзаобод) бор. Маркази — *Учтепа* қишлоғи.

Табиати Ж. т. рельефи пасттекислик, қир ва тоғлардан иборат. Ғарбида Қўйтош ва жан.да Молгузар тоғ тизмалари жойлашган. Фойдали қазилмалардан вольфрам, оҳактош ва б. бор. Иқлими кескин континентал. Июлнинг ўртача т-раси 28—30°, янв.ники —2 дан —4° гача, Йилига ўртача 425 мм ёғин тушади. Вегетация даври 210—215 кун. Асосан бўз, оч бўз тупроқлар тарқалган. Туман *Сангзор* дарёси ва Туятортар канали орқали Зарафшондан сугорилади. Ж. т.дан Равотсой ва бир неча кичик сойлар оқиб ўтади. Ёввойи ўсимликлардан янтоқ, шўра, шувоқ, қиёқ қамиш, юлғун, гумай, итузум ва б. ўсади. Баҳорда қирлардан яйлов сифатида фойдаланилади. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, бўри, чиябўри, қуён, каламуш, тошбақа, илон, калтакесак, қушлардан каптар, қарға, майна, чуғурчиқ, калхат яшайди.

Аҳолиси асосан ўзбеклар; шунингдек, қозоқ, эроний, тожик, лўли, қирғиз, рус, бошқирдлар ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 98,8 киши тўғри келади.

Хўжалиги. Туман, асосан пахта етиштиришга ихтисослашган. Ғаллачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик б-н ҳам шуғулланилади. Жами экин майд. 41,1 минг га, шу жумладан ғалла экинлари 22 минг га, сабзавот 882 га, попахта 12 минг га, ем-хашак экинлари 1,3 минг га, ем-хашак экинлари 3,4 минг га, боғлар 648 га, токзорлар 329 га ерни ташкил қилади. Барча хўжаликларда 25,1 минг қорамол, 40,6 минг қўй ва эчки, 1,5 минг от бор.



Туманда «Жиззах дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти, шунингдек, Учтепа нон к-ти ва маҳсулотларни қадоқлаш корхонаси фаолият кўрсатади. 4 авток корхона мавжуд. Учтепа сингил саноат ва касб-ҳунар коллежлари (500 талаба), лицей, 2 мусиқа мактаби, 52 умумий таълим мактаби (33,4 минг ўқувчи), 40 жамоат ва болалар кутубхоналари (392 минг китобга эга), музей, стадион бор. 3 қишлоқ касалхонаси, махсус диспансер, 2 қишлоқ врачлик пункти, 32 фельдшер-акушерлик пункти бўлиб, яйловларда 166 врач, 898 ўрта тиббий ходим ишлайди. «Жиззах овози» туман газ. чиқади (адади 2000).

ЖИЗЗАХ «ЎЗЭКСАЙД» ҚЎШМА КОРХОНАСИ — 1998 й. «Жиззахаккумулятор» акциядорлик жамияти негизида Ўзбекистон-АҚШ ҳамкорлигида 147 млн. АҚШ доллари устав фонди б-н ташкил этилган. 2001 й. охирида Жиззах ш.да ишга туширилди. Йиллик лойиҳа қуввати 1,0 млн. дона ҳар хил турдаги аккумуляторлар. Маҳсулот АҚШ нинг илғор фирмалари технологиялари асосида ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқарилган аккумуляторларнинг ярмини четга экспорт қилиш мўлжалланган.

ЖИЗЗАХ ҚЎЗҒОЛОНИ — Жиззах ва унинг атрофи аҳолисининг чор мустамлакачиларига қарши олиб борган миллий озодлик ҳаракати. *Ўрта Осиё қўзғолони*нинг таркибий қисми.

Биринчи жаҳон урушида Россия Германия ва Туркияга қарши курашида ўзининг нўноқлиги, уқувсизлиги туфайли ўринсиз қурбонлар бериб, Россиянинг урушга тараддуди пухта бўлмаганини кўрсатди. Рус қўмондонлиги уруш оғирлигини мустамлакалар елкасига ортиб, уларни аёвсиз эзиш сиёсатига ўтди. Император Николай II 1916 й. 25 июнда «Империядаги рус бўлмаган эркак аҳолининг ҳаракатдаги армия р-нида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш учун олиб бориладиган ишларга, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб қилиш ҳақида» фармон чиқарди. Унга кўра, Туркистон, Сибирь ва Кавказ халқларидан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркакларни сафарбар қилиш кўзланган эди. Бу фармоннинг эълон қилиниши аҳоли ўртасида қонли воқеаларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. 4 июлда Хўжанд халқи кўзғолон кўтарди, айни пайтда, Самарқанд, Жиззах ва Каттақўрғон туманларида ҳам ғалаёнлар бошланди. Фарғона, Сирдарё, Самарқанд, Еттисув, Закаспий вилоятларида авж олган ғалаёнлар кескинлашиб халқ кўзғолонига айланди. Айниқса Самарқанд вилоятининг Жиззах уездида бу воқеалар уюшган ва ошкора тус олди. Ж.қ. аниқ мақсадлар — Россиядан ажралиб, мустақил бўлиш мақсади остида, уюшган тарзда олиб борилган эди.

Қўзғолон арафасида Жиззахда ҳам бутун ўлкадаги каби зулм-зўравонлик, адолатсизлик чексиз эди. Аҳоли, асосан, дон, ғалла етиштириш б-н машғул эди. Маҳаллий аҳоли ерлари тортиб олиниб, т.й., ўрмон хўжалигида банд бўлган рус оилаларига берилган, яйловлар қисқартирилган, ўрмонлар қаттиқ назоратда бўлиб, ҳатто ўтин олишга рухсат берилмасди, суғориш иншоотлари ҳам маъмурият қўлида бўлиб, ер, сув солиқлари тобора оширилмоқда эди. Жиззах уезди бошлиғининг маълумотномасида қайд этилишича, «аҳолининг иқтисодий аҳволи шу даражада оғир бўлганки, улар қишдан баҳорга чиққунча, гадойлар даражасига тушиб қолган, садақа б-н кун кўриб, бир бурда нон у ёқда турсин, тариққа ҳам зор бўлган». Ана шундай аҳволда кун кечираётган аҳолидан 1-жаҳон уруши йилларида Россияга ҳарбий эҳтиёжлар учун жуда кўп маҳсулот мажбуран ташиб кетилди. Мардикорликка олиш ҳақидаги фармон эълон қилингач (3 июль), норозилик кескин ғалаёнларга айланди. Маъмурият тақсимотига кўра, Жиззах уезди 11 минг мардикор, бутун Самарқанд вилояти 38 минг мардикор бериши керак эди. Бусиз ҳам ҳалокат ёқасига келиб қолган аҳоли орасидан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркакларни номаълум муддатга, айни қ. х. ишлари қизиган мавсумда олиб кетилиши минглаб оилаларнинг боқувчисидан айириб, ҳалок этиши турган гап эди. 5 июль куниёқ дастлабки ғалаёнлар бошланди. Аҳоли фармонни бекор этишни, рўйхат тузишни тўхтатишни талаб эта бошлади. Жиззах аҳли бошқа шаҳарлардаги аҳволдан хабардор бўлиш учун Тошкент ва Самарқандга ўз вакилларини (Тошкентга жиззахлик Назир Ҳожи, Самарқандга боғдонлик Худоёрқул Ҳожи) жўнатилади. Назир Ҳожи Тошкент аҳолиси қўзғолон кўтарганидан хабар топиб, 12 июль куни Жиззахга қайтади. Шу куни Жиззахнинг эски шаҳар қисмида тўпланган халойиқ фармонга бўйсунмасликка, кураш бошлашга аҳд қилади. Туни б-н шаҳар аҳолиси бундан огоҳ этилади. Эртаси куни — 13 июлда эрта тонгда Жиззах аҳли қўзғалади. Дамин кулол бошчилигида бир неча минг кишидан иборат оломон мардикорликка рўйхат тузган элликбоши Мирзаёр Худоёрни жазолайди. Шу ерда қўзғолончилар сафи кенгайиб, Жиззахни босқинчилардан озод қилиб, мустақил беклик тузиш режаси илгари сурилади. Назир Ҳожи эшон Жиззах беки деб эълон қилинади. Энг оддий қуроллар — кетмон, калтак, пичоқ, тўқмоқлар б-н қуролланган халойиқ Жиззахнинг янги шаҳар қисмига йўл олади. Бундан хабар топган уезд бошлиғи полковник Рукин ўз ёрдамчилари б-н ғалаёнчилар қаршисидан чиқиб, уларни алдаб, тинчитмоқчи бўлади. Бироқ, ғалаёнчилар унга ишонмай, ёнидаги шериклари б-н қўшиб жазолайдилар, қуролларини тортиб оладилар. Бу орада етиб келган полковник Афанасьев бошлиқ ҳарбий кучлар ҳам қўзғолончиларни қайтара олмади. Ўзаро тўқнашувдан сўнг ғалаёнчилар бир неча ўн кишини йўқотиб чекиндилар ва шаҳарнинг эски қисмида ғалаёнга тайёргарлик бошланди, атроф қишлоқларга чопарлар юборилди. Темирчилар қурол-аслаҳа тайёрлашга киришдилар. Тошкентдан Абдураҳмон жевачининг олдига вакил келиб, «Сиз Жиззахда одамларни курашга бошланг, биз Тошкентдан т.й.ни қирқамиз, рус аскарлари келолмайди, ҳамма ёқни эгаллаймиз», деб огоҳлантирган.

Тошкент т.й.га ҳужум қилиш имкони бўлмаган, чунки бу ерда ҳарбий қисмлар тайёр турарди. Бироқ Жиззахда бу иш жуда эпчиллик б-н амалга оширилган. Қўзғолончилар 13 июль куни т. й. ст-яларига, кўприкларга ҳужум қилиб, яксон қилганлар, телеграф симларини узиб ташлаганлар. Улар алоқа воситаларини яксон этиб, ҳукуматга ёрдам кучи юборишга имда 65 км масофадаги т.й. бузиб ташланган. Ломакино, Куропаткино, Обручево, Ростовцево ст-ялари яксон этилган. Ўша куниёқ Назир Ҳожи эшон бир неча киши б-н Боғдонга, Абдураҳмон жевачиникига етиб келади, унинг уйида бўлиб ўтган кенгашда Жиззахни Россиядан ажратиб олиш, мустақил беклик ташкил этишга қатъий келишилади. 21 июль куни Жиззахдан 12 чақирим нарида Кли (халқ орасида «Куя боши») деган жойда тўпланишга қарор қилинади. Тўрақул Тўрабеков Сангзор беки деб эълон қилинади. Сангзор аҳолиси Жиззах қўзғолончиларини қўллаб-қувватлашга аҳд қилади. Зоминда ҳам шундай ғалаёнлар бошланиб, Қосимҳожи эшон бек деб эълон қилинади. Абдураҳмон жевачи, Назир Ҳожилар атроф қишлоқ, овулларга чопарлар юбориб, ўзлари ҳам бориб халқни курашга чорлайдилар. Абдураҳмон жевачи Бухоро амирига мактуб орқали мурожаат этиб, ёрдам сўради, бироқ мактуб миршаблар қўлига тушиб қолади. Работ, Боғдон, Хайробод, Фориш, Синтоб, Нурота даҳаларига чопарлар юборилиб, курашга даъват этилган. Ниҳоят Жиззах яқинидаги «Куя боши» да 4 минг атрофида олимон тўпланади. Шаҳардаги нонвойхоналар узлуксиз ишлаб, қўзғолончиларга нон ёпиб, араваларда ташиб келтирилади. Халойиқ имкон даражасида кетмон, лўм, оз бўлса-да милтиқ б-н қуролланади.

Юз бераётган воқеалар ҳукуматни саросимага солиб қўяди. 18 июль куни

Туркистонда ҳарбий ҳолат эълон қилинади. 15 июль куниёқ Жиззахга полковник Иванов бошчилигидаги жазо отряди юборилади. Бутун уездга полковник Иванов тайёрлаган эълонлар тарқатилади. Унда барча қўзғолончилар қириб ташланиши, уларнинг мол-мулки хазинага (давлат ихтиёрига) ўтказилиши таъкидланади.

Мустабид ҳукумат уездга 13 та рота солдат, 2 та артиллерия қисми, казак отрядлари, сапёрлар қисми юборади. Жазо отряди шафқатсизлик б-н деярли қуролсиз бўлган қўзғолончиларга қарши жангга киришади. Қўзғолончилар «Йўқолсин оқ подшо», деб ҳайқириб, курашга киришадилар. Бу воқеалар шоҳиди Ўзбекистон ёзувчиси Назир Сафаровнинг таъкидлашича, Жиззах ш. 1,5 кун қўзғолончилар қўлида бўлган.

Жазо отряди пулемётларни ишга солиб, аввал Жиззахни, кейин Зоминни эгаллайди, сўнгра Сангзорга юриш қилади. Тенгсиз жангларда деярли қуролсиз ғалаёнчилар оммаси тутдек тўкиб ташланади, омон қолганлар қувғин этилади.

21 июль куни жазо отряди «Куя боши»да тўпланган қўзғолончилар ҳужумига учрайди. Жангда қўзғолончилар бир соат давомида пулемётдан ўққа тутилади. Қўзғолончилар бу жангда енгиладилар, уларнинг сардорлари Абдураҳмон жевачи, Назир Ҳожи эшонлар қўлга олинади, мустабид ҳукумат қўзғолон кўтарган халқдан ваҳшиёна ўч олишга киришади. Қўзғолонни уюштирган раҳбарлар: Абдураҳмон жевачи, Назир Ҳожи эшон, ака-ука Тўрақул ва Эшонқул Тўрабековлар, Қосим Ҳожи эшонлар ўлим жазосига ҳукм этилади. Жиззах ш. ва яна бир неча қишлоққа ўт қўйилиб, яксон этилади. Минглаб кишилар бошпанасиз, уй-жойсиз қолади.

Ж. қ. мустабид ҳукуматни қаттиқ саросимага солди, мазлум Туркистоннинг мағрур халқлари ҳали кўп нарсаларга қодир эканлигидан, улар учун эрк, озодлик ҳамиша муқаддас эканлигидан огоҳлантирди. Ҳатто рус маъмурлари ҳам Туркистонда 1916 й. қўзғолони давомида Жиззах ғалаёни алоҳида ўрин тутиши, ошкора кураш тусини олганини қайта-қайта таъкидлайдилар. Аламзада ҳукумат бундай воқеанинг қайтарилишига йўл қўймаслик учун аҳолини «адабини бериш», уларни шафқатсиз жазолашни буюрди. 3 авг. куни Жиззахда 3 кун ичида ғалаён айбдорларини топиш, агар тутиб берилмаса, аҳолиси ва уй-жойларини йўқ қилиб ташлаш буюрилди. Ғалаён сардорлари тутилган, ўлим жазосига ҳукм этилган бўлса-да, аҳоли орасидаги ҳукуматга қарши кайфиятдаги одамларни йўқ қилиш учун шундай чора белгиланди. 3 кун ўтгач, 7 авг. куни буйруқ бажарилди. Жазо отрядлари шаҳар аҳолисини бир жойга тўпладилар. Пулемёт ўқлари остида шаҳардан қувиб, чўлга ҳайдадилар. Уларни кўпчилиги аёллар, қариялар, болалар бўлиб, беаёв жазоланди.

Бу фожиалар ҳақида Туркистондаги жадидлардан Мустафо Чўқаев, Убайдулло Хўжа Асадуллахўжаевлар Петербургга бориб Россия Думасига арз қилдилар. Аҳоли номидан мурожаат этиб, зўравонликни тўхтатиш, фармонни бекор этиш, Туркистондаги аҳволни ўрганиш учун вакил юборишни талаб қилдилар. Россия Думаси бу талаблар асосида махсус комиссия тузиб, ўлкага юборди.

Комиссия Жиззахда ҳам бўлди. Кейинчалик Думанинг ёпиқ кенгашида бўлиб ўтган муҳокамада (1916 й., 13—15 дек.) бу ҳақда депутат А. Керенский шундай деган эди: «Мен Жиззах вайроналарини бориб кўрдим, жанобларга турма, сургун белгиланди. Ҳаммаси бўлиб 3 минг киши ҳибсга олинганлари қувилди. Ж. қ. тарихда «Жиззах фожиаси» деган ном қолдирди. У *Фозил Йўлдош ўғли*нинг «Жиззах қўзғолони» номли достонида ўзининг тўлиқ аксини топган.

Ж. қ. ўзбек халқининг мустақиллик учун кураши тарихининг энг қонли, унутилмас саҳифаси бўлиб қолди.

Ад.: Сафаров Н., Унутилмас кун [1916 й.ги Жиззах қўзғолонидан хотираларим], Т., Боку, 1932; Ҳайдаров Х., Жиззах вилояти тарихи, Т., 1996; Зияева Д., Туркистон миллий озодлик ҳаракати, Т., 2000; Зиёев Ҳ., Туркистонда мустақиллик учун курашлар тарихи, Т., 2001; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 1-китоб [Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Чориев З., Туркистон мардликорлари: саъфарбарлик ва унинг оқибатлари (1916—17), Т., 1999.

Доно Зияева.

«ЖИЗЗАХ ҲАҚИҚАТИ» — Жиззах вилояти ҳокимлигининг ижтимоий-сиёсий газ. Жиззах ш.да ўзбек тилида ҳафтада 2 марта чиқади. Газ.нинг биринчи сони 1974 й. 1 майда нашр этилган. Таниқли журналистлар Ислом Усмонов, Нушар Қаршибоев, Холмуҳаммад Нуруллаев ва б. ўз фаолиятларини мазкур газ.да бошлаганлар. Газ. вилоят ҳаётини, ундаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни ёритади. Унинг саҳифаларида Жиззах дашти, Зомин, Фориш чўлларини комплекс ўзлаштириш, Маржонбулоқ олтин кони, Фориш темир ва кўрғошин конларини, Жиззах аккумулятор заводи, пластмасса қувурлари з-ди, ип йигирув ф-каси каби корхоналарнинг қурилиши ва ишга туширилиши ҳақида мақолалар берилган. Бундан ташқари, қишлоқ маданиятини ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, мамлакат ва вилоят миқёсидаги спорт янгиликларини кенг ёритиш мазкур газ.нинг доимий мавзуларидир. Газ. таҳририяти ташаббуси б-н 1974 й.да ташкил этилган ишчи ва қишлоқ мухбирлари халқ ун-тини 1800 тингловчи битирди (2001). Газ.нинг маҳаллий бошқарув, ижтимоий масалалар ва маънавият, иқтисодиёт, агросаноат, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот, хатлар ва оммавий ишлар бўлимлари бор. Адади 7000 нусха (2002).

«ЖИЗЗАХПЛАСТМАССА» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона. «Ўзкимёсаноат» уюшмаси тизимида фаолият кўрсатади. Республика саноатини ривожлантириш ва Жиззах вилоятидаги чўл зонасини ўзлаштириш мақсадида 1960 й.да Жиззах пластмасса қувурлари з-ди қурилиши лойиҳаштирилди. 3-д ўзининг биринчи маҳсулоти — полиэтилен плёнкалар ва машинасозлик учун бутловчи буюмлар. 1972 й.дан бошлаб ишлаб чиқарилган. 1980 й.да з-д қайта реконструкция қилинди ва полиэтилен қувурлар ишлаб чиқарадиган пластмасса з-дига айлантирилди. 1996 й.да Германия ва Хитойда ишлаб чиқарилган замонавий технологиялар ўрнатилиб, полиэтилен плёнка ишлаб чиқарила бошланди ва шу йили ҳоз. номидаги акциядорлик жамиятига айлантирилди. Йилига 10 минг т гача пластмасса қувур, 18200 т полиэтилен плёнка и.ч. қувватига эга. Шўртангаз мажмуининг ишга туширилиши муносабати б-н қўшимча 3 минг т юқори иссиқликка чидамли полиэтилен плёнкалар ва халқ истеъмоли моллари и.ч. йўлга қўйилди. Маҳсулотлари республика ички эҳтиёжларига ишлатилади.

ЖИЗЯ (араб. — жон солиғи) — даставлаб араб халифалигида, кейинчалик бошқа мусулмон давлатлари (жумладан, Ўрта Осиёда мусулмон бўлмаган фуқаролардан олинган жон солиғи. Давлат мусулмон бўлмаган фуқароларнинг

ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, уларни ташқи ва ички тажовузлардан сақлаши лозим бўлган. Шунинг эвазига улардан Ж. ундирилган. Ж. балоғатга етганларга солинган (қариялар, аёллар, болалар, қул ва ишга яроқсизлар эса ундан озод қилинган). Ж. асосан пул ва натура тарзида ундирилган.

ЖИЙДА (Elaeagnus L.) — жийдадошлар оиласига мансуб дарахт ёки бута. Жан. Европа, Марказий ва Шарқий Осиё, Шим. Америкада ўсадиган 40 га яқин тури бор. Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистонда Ж.нинг қарғажийда (E. angustifola; ёввойи ҳолда ўсади), шарқ жийдаси (E. orientalis), тиканакли Ж. (E. pungens), кумушсимон Ж. (E. argentea), нон Ж. (E. edulls) турлари ўсади. Шарқ Ж.сининг барги оддий, энсиз, кумушранг. Дарахти 8—10 м, шохлари сийрак, тиканли ёки тикансиз. Гули икки жинсли, сариқ, серасал, ҳушбўй, эфир мойли. Меваси сариғиш, мағизсиз данакли, эти 31,2—88,7%, унсимон, хушхўр. Таркибида 46—65% қанд, 10% оқсил, 1,3% кислота, 200 мг% С витамини мавжуд. Ж.нинг меваси янгилигида ёки қуритиб истеъмол этилади. Мевасидан спирт ва кучсиз алкоголли ичимликлар тайёрланади. Табобатда ошқозон-ичак касалликларини даволашда ишлатилади. Ёғочидан турли хил буюмлар ясалади, парфюмерия саноатида, гулидан эфир мой олинади.

Ж. қурғоқчиликка чидамли, ер ости сувлари юза ва шўр тупроқларда ҳам ўсаверади. Данагидан, илдиз бачкисидан ва қаламчасидан кўпаяди. Кўчати ўтказилгач, 3—5- йили ҳосилга киради. Май—июнь ойида гуллайди, меваси сент.—окт.да пишади. Бир тупи 50 кг гача ҳосил беради. Ж. 60—80 й. яшайди. Нон Ж. мевали дарахт сифатида экилади, ўрта бўйли дарахт. Сернам ерларда яхши ўсади. Серҳосил. Меваси йирик, мазали, қизғиш-қўнғир рангли. Ўзбекистон ўрмончилик и.т. ин-тида унинг 20 га яқин нави таърифланган (Қизил Ж., Раъно, Урганч, Хурмои, Тошкент десерти, Чўли қандак, Қизил қандак ва б.). Ҳоз. даврга келиб саноат аҳамиятини йўқотди. Ўзбекистон, Тожикистон ва кўпгина мамлакатларда айрим томорқа боғларида ҳаваскорлар экади. Кўпроқ йўл ёқалари, канал бўйлари, дала-иҳота ўрмон минтақалари, ташландиқ ерларга экилади. Тупроқни азот б-н бойитади.



Жийда.

Ад.: Азимов Э., Нон жийда, Т., 1967.

ЖИЙДАСОЙ — Наманган вилояти Поп туманидаги сой. *Сирдарёнинг* ўнг ирмоғи. Қурама тизмасининг жан.-шарқий ён бағридан бошланади. 30 дан ортиқ ирмоғи бор. Уз. 25 км. Юқори қисмида тор ва анча чуқур водийда, жуда нишаб тошлоқ ўзанда оқади. Бақорнинг серёғин ойларида суви кўпаяди, баъзан сел келади. Ёзда суви жуда озайиб кетади. Ж. суви суғоришга сарфланиши туфайли, унинг этак қисмида кўпинча сув бўлмайди.

ЖИЙРОН ҚАРҚАРА, қизил қўтон (Ardea purpurea) — узун оёқлилар туркумининг қарқаралар оиласига мансуб қуш. Осиёда, Европанинг жанубида ва Африкада тарқалган. Ўзбекистонда Сирдарё, Амударё атрофларида, Чирчиқ ва Оҳангарон водийларида учрайди. Қамишзорларга, баъзан бутазорларга уя солади. 3—5 та тухум қўяди. Бошидаги пати ва узун кокилининг бинафша рангли ҳамда қанотининг атрофидаги патлар қизил бўлиши б-н оқ ва кўк қарқарадан фарқ қилади. Балиқ, бақа, калтакесак ва ҳар хил ҳашаротлар б-н озиқланади. Чигиртка, сичқон ва каламушларни қириб, фойда келтиради.

ЖИКЛЁР (франц. gicler — пуркаш, тўзитиш) — *ички ёнув двигатели* цилиндрларига бериладиган ёнилғи (ҳаво) миқдорини чеклайдиган ва меъёрлайдиган деталдаги калибрланган тешик. *Карбюратор*да бўлади. Асосий, қўшимча, салт юриш, экономайзер, тезлаткич ва ҳаво Ж.лари бор. Асосий ва қўшимча Ж.лар тўзитувчи найчага бериладиган ёнилғини, салт юриш Ж.и салт юриш каналларига бериладиган ёнилғини, экономайзер Ж.и экономайзердан, тезлаткич Ж.и тезлатиш насосидан келадиган ёнилғини, ҳаво Ж.и салт юриш тизими каналига бериладиган ҳавони чеклаб ва меъёрлаб туради.

ЖИЛВОН, Жилбон — Бухоро воҳасининг шим. чеккасидаги чўл ландшафтли ҳудуд. Қизилқум чегарасида, Шофиркон ва қисман Ғиждувон туманлари ҳудудида жойлашган. Унинг бир қисми ўрта асрлардаёқ ўзлаштирила бошланган. Айрим кўчманчи гуруҳлар, қароқчилар ҳужумидан воҳа аҳолиси ва карвонларни ҳимоя қилиш учун ҳонлик томонидан у ерда жилбон (чегара посбони) мансаби жорий қилинган. Жилбонлар Бухоро ва Вардонзе ш.ларига келиб кетаётган карвонларни ҳам назорат қилишган. Кейинроқ жилбон атамаси жой номига айланган. Шайбонийлар даврида Ж. руди (ариғи) қазилган. 1640, 1880 ва 1920-й.ларда содир бўлган кучли қум кўчишлари оқибатида Ж. этагидаги қишлоқлар қум остида қолган. Аҳолининг бир қисми бошқа жойларга кўчиб ўтган. Бу С. Айнийнинг асарларида ҳам қайд қилинган. 1926 й.да *Шофиркон туманини* ташкил қилингач, Ж. чўлини ўзлаштириш ва обод қилиш ишларига бухоролик Ҳамро Полвон бошчилик қилди. 1927—28 й.ларда Ғиждувон ва Шофиркон туманларини кесиб ўтувчи 35 км узунликдаги янги Жилвон ариғи қазилди. 2000 й.да унинг уз. 50 км га етди. Ж.ни ўзлаштириш асосан тугалланди; чўл ўрнида янги қишлоқлар барпо қилинди. Ҳоз. кунда ўша жойдаги қишлоқлардан бештаси «Ж» номи б-н маълум.

ЖИЛД (араб.) — 1) бирор нарса устидан кийдириб, қоплаб қўйиладиган буюм, ғилоф. Мас., ёстиқ Ж., кўрпа Ж.; 2) китобни яхши сақлаш учун унинг муқовасига ўлчаб тикилган, одатда, тери-чармдан ясалган қин; 3) илгари ўқувчилар ўқув ашёлари солиб юриши учун портфель ўрнида ишлатган халта. Ж. бирор матодан конверт тахлитида тикилиб, икки ёнидан латта тасмага бириктирилган ва елкага ўтказиб бўйинга осиб юрилган; 4) бирор катта асарнинг алоҳида китоб ҳолидаги қисми, шунингдек, бир неча китобдан иборат асарнинг ҳар бири, том. Мас., Алишер Навоий асарларининг 10-ж. и.

ЖИЛЛАВЗА — қад. оғирлик ўлчови; *бундука* оғирлигига тенг: 1Ж=1 бундука = 4,25 г.

ЖИЛО — металл (олтин, кумуш, мис, бронза, темир) ёки ёғоч буюмлар, ипак матолар юзидаги ялтироқлик. Буюмлар юзини жилвир б-н ишқалаш, сиртга махсус мой суркаш, мато (адрас, атлас) ни кудунглаш (кудунг—тўқмоқсимон асбоб б-н уриш) натижасида Ж. ҳосил қилинади.

ЖИЛОВ, тизгин — от ёки эшак юганининг икки томонидан сувлуқ ҳалқаларга уланиб, икки учи тугиб бирлаштирилган қайиш. Ҳар бир бўлагининг уз. 1—1,5 м бўлади. Ж.дан от ва эшакни бошқаришда фойдаланилади.

ЖИЛОВДОР — ўтмишда ҳукмдор отидор отини жиловлаш б-н бирга, унинг отга миниши ва тушишига кўмаклашган. Ж. ҳоким отхонасига яқин хонада истиқомат қилган ва бу хона жиловхона деб аталган. Ҳукмдор қароргоҳига келган меҳмонларнинг отларини

Ж. олиб қолиб, то ўз юртига қайтунига қадар озиқлантирган. Ҳар бир вилоят ҳокимининг махсус Ж.и бўлган. Бухоро амирлигида Ж. сарой мансабларидан бири ҳисобланиб, ўз вазифасига кўра зинбардор «отни эгарловчи», аврангбардор «сафар тахти (курси) ни кўтариб юрувчи» ҳамда роиз «отларни парвариш қилувчи, отбоқар» б-н тенг мавқега эга бўлган.

ЖИЛОЛАШ, пардозлаш, сайқаллаш — буюмлар юзаларига кўзгусимон шаффофлик (силлиқлик, сайқал) бериш учун механик ёки дастаки усулда ишлов бериш. Металл буюмларга Ж. станокларида, шунингдек, электролитик ва электромеханик усул б-н ишлов берилади. Ж. станокларининг Ж. қурилмалари фетра, кигиз, бўз, духоба, чарм ва б.дан тайёрланган доира ва тасмалардан иборат бўлиб, уларга олдиндан ёки ишлов бериш вақтида Ж. пасталари (кукунлар) суркалган бўлади. Бунда буюмни столга, Ж. қурилмасини шпинделга маҳкамлаб, Ж. қурилмаси буюм устида ҳаракатлантирилади. Ёғоч буюмларни Ж. юзаларга ялтироқ смола (политуралар) суркаб ишқалашдан ёки лок-буёқ қоплашдан иборат. Тош буюмларнинг юзаларини Ж. учун уларга Ж. кукунлари сепиб, намланган кигиз б-н ишлов берилади. Пластмасса буюмлар барабанларда ёки Ж. станокларида жилоланади. Барабанларда Ж.да унга буюмлар б-н бирга Ж. аралашмаси (мас., машина мойи ёки вазелин мой шимдирилган пемза кукуни) солинади.

ЖИЛОНБУЗГАН ДЕВОРЛАРИ — Оҳангарон водийсини жан.-шарқий томондан ўраган қад. мудофаа деворлари. Ж. д. Чатқол тоғларидан бошланиб, Оҳангарон дарёсининг ўнг ва чап соҳилларидаги қад. суғорилган ерларни ўз ичига олган ҳолда Сирдарёнинг ўнг қирғоғига келиб тақалади ва Сирдарёнинг чап қирғоқ томонида ҳам давом этади. Ж. д. Марказий Осиёда араблар ҳукмронлиги даврида (8—9-а.лар) Оҳангарон водийсидаги обод ерларни кўчманчиларнинг ҳужумларидан мудофаа қилиш учун барпо этилган. Ж. д.ни 1957, 1959, 1967 й.ларда археолог Х. Муҳамедов текширган.

Ж. д. бир-бирига параллел ҳолда 2—3 қатор пахса девор уриб, уларнинг оралиғидаги махсус қолдирилган бўшлиқ лой (лўмбоз) ва тупроқ б-н тўлдирилган. Шу сабабли Ж. д.нинг харобалари бир-бирига параллел икки-уч қатор сунъий марзалар (кенглиги 35—45 м ва бал. 2—3 м) ҳолида сақланган.

Ад.: Муҳамедов Х., Ўзбекистоннинг қадимий мудофаа иншоотлари тарихидан, Т., 1961.

ЖИЛОНТАМҒАЛИ, илон тамғали — уруғ номи. 20-а. бошларида Нурота тоғининг жан. ён бағирларида яшовчи ўзбек-туркманлар, Зарафшон водийсидаги *найман*лар, Сурхондарё вилоятидаги юз, қўнғирот қабилалари таркибида учрар эди. Ж. номи топоним тарзида ҳам учрайди.

ЖИЛТЕМАСОЙ — Самарқанд вилояти Нурота туманидаги сой. *Қаламжарсой* (Селсой)нинг чап ирмоғи. Оқтог тизмасининг шим. ён бағридаги Лангар қишлоғи ёнидан бошланиб, шим.-га томон оқади. Киричсой қўшилганидан сўнг Нурота текислигига чиқади ва Чуямой деб аталади. Қаламжарсойгача етиб бормасдан Сойкечар қишлоғидан 3 км жан.-ғарбда қуриб қолади. Уз. 18 км, ҳавзасининг майд. (тоғли қисми) 25 км². Ж. қисман қор, асосан ёмғир, булоқ сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 80—100 л/сек. Суви фев.—апр.да кўпаяди, май, айниқса, июн-дан камайиб кетади. Лекин ҳавзасида булоқлар кўп бўлганидан бутунлай қуриб қолмайди.

ЖИЛТИРБОС — Орол денгизининг жан. қирғоғидаги ботқоқлашган кўл. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган. 1960-й.лар бошигача Орол денгизининг кўлтиғи бўлган. 60—70-й.ларда денгизнинг қуриб бориши туфайли қуруқликка айланди. Лекин Амударёнинг ўнг тармоғи ва иккита ташлама орқали зовур сувининг келиб туриши натижасида қуриган кўлтиқ ўрнида кўл вужудга келди (2000). Дарё ва ташламалардан кўлга қуйилаётган сув ҳажми йиллар давомида кескин фарқ қилгани учун кўл сатҳи турғун эмас. Сувнинг минераллашув даражаси ҳар литрда 10—15 г. Ўртача чуқ. 1—3 м, уз. 45 км, эни жан.да 10 км, шим.да 6 км (1997). Мутлақ бал. 53—42 м, жан. дан шимолга чўзилган. Сувда қўға, қамиш ва б. сув ўсимликлари мавжуд, қирғоқлари ҳам қамишзор. Тўқайзорда қобон, сувли жойларда бирқозон, балиқчи қуш, ўрдак ва б. яшайди. Ж. балиқчиликда (лаққа балиқ, зогора балиқ, илонбош ва б.) ва овчиликда фойдаланилади.


ЖИЛЬБЕРТ УИЛЬЯМ — қ. *Гильберт* У.

ЖИЛҒА, йилға — унча баланд бўлмаган тоғ ён бағирларида қор-ёмғир сувлари ҳамда булоқлардан вужудга келган оқар сувлар, кичик сой, дарёча. Ўрта Осиёда кўпгина Ж.лар ёзда қуриб қолади. Тарихий манбаларда (чунончи «Бобурнома»да) водий, сойлик жулга деб аталган; мас., Оҳангарон жулгаси.


ЖИН МАШИНА (инг. gin<engine — машина), тола ажратқич — пахта толаларини чигитдан ажратиб олади-ган машина. Аррали ва валикли хиллари бор. Аррали Ж. м. (1-расм) ўрта толали, валиклиси (3-расм) ингичка толали пахта чигитидан толани ажратишда ишлатилади.

Аррали Ж. м.нинг асосий иш қисмлари (2-расм) иш камераси *1* ва аррали цилиндр *2* дан иборат. Аррали цилиндр 80—130 дона аррали дисклардан йиғилади. Чигитли пахта (1-расм) иш камераси *1* га тушади. Айланиб турган цилиндр арраларига илинган толаларнинг бир қисми чигитдан ажралиб, панжара *3* орасига ўтади, сопло *4* ва машина бўғзи *5* орқали батарея конденсорига йиғилади. Чигитли пахта цилиндр б-н бир неча марта учрашгач, чигит толалардан деярли тозаланади ва сирпаниб, тароқ *8* б-н панжара орасидан ўтиб, чигит конвейерига тушади. «Ўлик» тола ажратиш мосламаси *6* тоқладан «ўлик» тола ва ифлосларни ажратиб, шнекли «ўлик» тола конвейери *7* га йўналтиради.


Валикли Ж. м.нинг иш қисмлари (4-расм) ҳайвон терисидан, сунъий ресма-қарши томонга айланиб турадиган валиклар *2* қозиқчали титкилаш барабани *3* га бир меъёрда узатади, барабан қозиқчалари уни илаштириб, тўр *4* сиртидан судраб ўтади. Пахтадан ажралган хас-чўплар тўр кўзларидан ўтиб ташқарига чиқади, титилган пахта эса




1-расм. Аррали жин машина схемаси.



2-расм. Аррали жинниинг асосий иш қисмлари.



3-расм. Валикли жин машина схемаси.



4-расм. Валикли жинининг асосий иш қисмлари.

қия *5* дан сирпаниб, игнали барабан *6* га йўналади. Текисловчи валик *8* чигитли пахта қатламини текислаб тураги. Тезлатиш барабани *9* игнали барабан *6* дан чигитли пахтани ажратиб олиб, бир-бирига тескари айланаётган иш валиги *11* ва ториш валиги *10* орасига келтиради. Чигит пичоқ остидан ўта олмайди, толалар чигитдан ажралади ва иш валигига ёпишиб, пичоқ остидан ўтиб кетади. Чигит толалардан тўлиқ ажралмагунча бу жараён такрорланади. Чигитдан ажралган тола нов *15* га тушиб, ундан тола қувурига, чигитлар эса тўр *7* нинг кўзларидан ўтиб, нов *14* орқали йиғиш шнегира йўналади. Пахта тозалаш корхоналарида бир неча Ж. м. батарея тарзида (аррализи ҳар қаторда 2—5 тадан, валиклиси 8—10 тадан) ўрнатилади. Ўзбекистон пахта корхоналарида автоматлаштирилган Ж. м. лари ишлатилади.

Ад.: Жабборов Ғ. Ш., Отаметов Т. У., Ҳамидов А., Чигитли пахтани дастлабки ишлаш технологияси, Т., 1987.

ЖИНЖА — Угандадаги шаҳар, Бусога провинциясининг маъмурий маркази. Виктория кўли бўйидаги порт, Виктория-Нил дарёсининг бошланиш ерида. Аҳолиси 65 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Т. й. орқали Ҳинд океани бўйидаги Момбаса порти (Кения) б-н боғланган. Мамлакатнинг йирик савдо-саноат маркази. Металлургия (мис эритиш ва пўлат прокати) з-длари, мебель, тўқимачилик ф-калари, озиқ-овқат (пиво, қанд-шакар, ун, ёғ), қ. х. маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар бор. Ж. яқинида ГЭС қурилган.

ЖИННИДАРЁ — Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги дарё, *Қашқадарё*нинг чап ирмоғи, бошланишида Зўғатасой деб ҳам номланади. Зарафшон ва Ҳисор тоғ тизмаларини туташтирувчи Шертоғнинг ғарбий ён бағирлари (2500 м)дан оқиб тушувчи 100 дан ортиқ ирмоқнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Ғарбий йўналишда оқади. Уз. 57 км, ҳавзасининг майд. 367 км². Қор, ёмғир ва булоқ сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 1,35 м³/сек (Жовуз қишлоғи яқинида). Йиллик оқимининг 56% баҳорги тўлинсув даври (март—июн)да оқиб ўтади. Сув энг кўп бўладиган ой — апрелдаги ўртача сув сарфи 3,30 м³/сек га яқин. Жала ёққан пайтларда Ж.дан сел келади, бу вақтда сув сарфи секундига 46,2м³ гача (26.3.1970) ортади.

ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК — юридик жавобгарлик турларидан бири, *жиноят* содир этишнинг ҳуқуқий оқибати. Ж. ж. айбдорга нисбатан жазолаш шаклидаги давлат мажбурлов чорасини қўллашдан иборат. Ж. ж.ка жалб этиш *жиноят ишини қўзғатиш*ни, *тергов* қилишни ва судда муҳокама қилишни (қ. *Суд муҳокамаси*) билдиради. Ҳуқуқий давлатда киноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахс иши судда қонуний тартибда, ошкора равишда кўриб чиқилиб, айби аниқланмагунча у *айбдор* ҳисобланмайди. Ж. ж.ка тортиш масаласи қонунларнинг тегишли моддаларини қўлланиш ортидан ҳал қилинади. Бу ҳол фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг муҳим кафолати ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ЖК га кўра, ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш пайтида қонунда белгиланган ёшга етган ва ақли расо шахсларгина Ж. ж.ка тортилади. Ж. ж.ка жалб этилаётганлиги ҳақида аниқ била туриб, тегишли органларга хабар бермаслик ёки жиноят воситаси ёки жиноят натижасида қўлга киритилган нарсаларни олиш ёки сотиш; шунингдек, жиноят содир этилишига қизиқтирганлиқ (далолатчи), ташкил қилганлик (ташкилотчи) ва ёрдам берганлик (ёрдамчи) ҳам жиноят ҳисобланади ва Ж. ж.ни вужудга келтиради (яна қ. *Жиноятда иштирокчилик*).

Ўзбекистон Республикаси ЖК бўйича жиноят содир қилган шахс муайян муддат давомида (3 й.дан 15 й.гача) Ж. ж.га тортилиши керак. Агар шу муддат ичида тортилмаган бўлса кейин уни Ж. ж.га тортиш мумкин эмас. Бироқ терговдан ёки суддан яшириниб юрганларга нисбатан бу муддат 25 й. қилиб белгиланган. Тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир қилган шахс эса муддат ўтиб кетганлигидан қатъи назар жавобгарликка тортилади.

Мамажон Усмоналиев.

ЖИНОИЙ ЖАЗО — жиноят содир этишда айбланган шахсга нисбатан давлатнинг мажбурлов чораси. Суд ҳукми б-н қўлланилади. Ж. ж.нинг қатъий рўйхати фақат жиноят қонунида берилади ва ЖКда кўрсатилмаган бошқа бирорта чора Ж. ж. чораси ҳисобланмайди. Жиноят содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан тайинланадиган Ж. ж.нинг тури ва оғирлик даражаси содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги даражасига боғлиқдир. Ж. ж.нинг бошқа мажбурлов чораларидан фарқи унинг давлат номидан суд томонидан тайинланиши, жазолаш (маънавий, моддий, жисмоний чеклаш) даражасининг анча юқори бўлиши, маҳкумнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунда белгиланган тартибда жиддий чеклашидадир. Ўзбекистон Республикасининг ЖКга кўра, Ж. ж. чоралари қуйидагилардан иборат: *жарима*, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, *ахлоқ тузатиш ишлари*, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ, интизомий қисмга жўнатиш, *озодликдан маҳрум қилиш*, *ўлим жазоси*, ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум этиш.

ЖИНОИЙ УЮШМА — 2 ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият б-н шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши. Ж. у. гуруҳ аъзоларининг миқдори, уюшманинг тузилиши ва бошқа белгиларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Ж. у. тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш жиноий тузилмани шакллантириш учун номзодларни танлаш, уларни жалб қилиш, Ж. у., гуруҳ ёки унинг бўлинмалари иштирокчилари ўртасида вазифаларни бўлиш, жиноий фаолиятнинг умумий режаси ёки алоҳида тажовузлар режасини тузиш каби хатти-ҳаракатларда кўринади. Ж. у.нинг яшаши ва амал қилишига қаратилган фаолиятни олиб бориш Ж. у. учун пул маблағлари, транспорт воситалари, хоналар ажратиш, Ж. у. ёки бўлинмаларининг ишлаши учун шарт-шароитларни яратиш кабиларда намоён бўлади. Ҳар қандай турдаги жиноий фао-

лият б-н шуғулланиш учун Ж. у.га бирлашишнинг ўзи тугал жиноят ҳисобланади. Ж. у. ёхуд унинг бўлинмаларини тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш, шунингдек, уларнинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолият учун Ўзбекистон Республикасининг ЖК тегишли моддасига кўра жиноий жазо белгиланган.

ЖИНОИЙ ҚИЛМИШ — қ. *Жиноят.*

ЖИНОЯТ — жиноят қонунида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш. Муайян қилмишни Ж. деб ҳисоблаш масаласи ҳар бир давлатда ўзининг ижтимоий тузуми, аҳолининг турмуш тарзи, миллий хусусиятлари, урф-одатлари, анъаналари ва ҳ. к.га мувофиқ халқаро ҳуқуқ меъёрлари эътиборга олинган ҳолда ҳал этилади. Қилмиш Ж. эканлигини аниқлаш учун қуйидаги умумий белгилар назарга олинади: 1) қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги; 2) айбнинг мавжудлиги; 3) жазога сазоворлиги. Ҳар қандай жиноий қилмишда мазкур белгиларнинг барчаси бирданига мавжуд бўлиши шарт, улардан бири мавжуд бўлмаса, қилмишни Ж. эмас, деб ҳисоблашга асос топилади. Ж.лар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра: ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир Ж.ларга бўлинади. Ж.лар тажовуз объектига кўра, шахсга қарши Ж., иқтисодиёт соҳасидаги Ж., жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши Ж., давлат ҳокимиятига қарши Ж., экология соҳасидаги Ж., ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши Ж., тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши Ж.га бўлинади. Айбнинг шаклига кўра эса қасддан содир этилган Ж. ва эҳтиётсизлик орқасида содир этилган Ж.га бўлинади. Шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигини ва бундан келиб чиқадиган жиноий оқибатни англаган, ўз ҳаракатларини бошқара оладиган бўлсагина қилмиши Ж. ҳисобланади. Субъект ёшига етмаган ва ақли норасо шахслар томонидан содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш Ж. саналмайди ва уларга нисбатан Ж. қонунида назарда тутилган мажбурлов чораларини қўллаш мумкин эмас. ЎзР Жиноят кодексида қилмишнинг жиноийлигини истисно этадиган ҳолатларнинг қуйидаги 6 тури белгиланган: 1) кам аҳамиятли қилмишлар; 2) зарурий мудофаа; 3) охирги зарурат; 4) ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш; 5) буйруқ ёки бошқа вазифаларни ижро этиш; 6) касб ёки хўжалик фаолияти б-н боғлиқ асосли тавакалчилик (36—41-моддалар). Мазкур ҳаракатлар туфайли келиб чиққан оқибатлар жиноий оқибат ҳисобланмайди, қилмиш ҳам Ж. саналмайди. Алоҳида олинган муайян бир Ж. ва умуман жиноятчилик содир этилишига таъсир кўрсатувчи ижтимоий омиллар, ҳодисалар, жараёнлар бўлади. Ж. сабаблари ўрганилаётганда ана шулар ҳисобга олинади. Жумладан, биринчидан шахснинг ўзи, унинг дунёқараши, қизиқишлари, жамият ва давлатга, ён атрофидаги кишилар ва оилага муносабати, унда салбий сифатларнинг шаклланиши ва кучайиши; иккинчидан — шахс тарбияланган, вояга етган оилавий ва ижтимоий муҳит; учинчидан — Ж. содир этилган вақтдаги шароит, вазиятга эътибор берилади.

Мамажон Усмоналиев.

ЖИНОЯТ ИШИДА ФУҚАРОВИЙ ДАЪВО —жисмоний ёки юридик шахснинг жиноят оқибатида ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида келтирилган моддий зарарни ундириш тўғрисидаги талаби. Бу даъво жиноят иши юзасидан *тергов* ва *суд* бўлаётган вақтда айбдорга ёки унинг ҳаракатлари учун зиммасига моддий жавобгарлик юклатилган шахсларга нисбатан қўзғатилиб, судда жиноят иши б-н бирга кўрилади (Ўзбекистон ЖПК, 276-модда). Бундай даъвони жабрланган ҳар қандай шахс, шу жумладан, вафот этган одамнинг қарамоғида бўлганлар ҳам қўзғатишга ҳақли. Ж. и. ф. д. давлат пошлинаси тўлашдан озод қилинади ва бундай даъво жиноят иши қўзғатилган вақтдан бошлаб суд тергови бошлангунга қадар қўзғатилиши мумкин. Даъво жиноят иши бўйича тергов олиб бораётган орган ёки судга берилади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор — қарор, суд эса — ажрим чиқариб, даъво қўзғатган шахсни *фуқаровий даъвогар* деб тан олади. Давлат ёки жамоат манфаатларини, шунингдек, фуқаро ҳуқуқларини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган ҳолларда прокурор ҳам даъво қўзғатади ёки *жабрланувчи*нинг даъвосини қўллаб-қувватлайди. Ж. и. ф. д.ни таъминлаш мақсадида айбланувчининг, гумон остидаги шахснинг ёки фуқаровий жавобгарнинг мулки хатлаб қўйилади (290-модда). Қўзғатилган даъвонинг асослилиги маласаси суд ҳукм чиқараётган пайтда ҳал қилинади (457-модда). Суд судланувчини айбдор деб топиб, Ж. и. ф. д.нинг асослари ва миқдорини қанчалик исбот этганига қараб, уни тўла ёки қисман қаноатлантиради ёхуд жиноят оқибатида моддий зарар етказилмаган деб топса, даъвони рад қилади.

ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ — *дастлабки тергов, суриштирув* олиб борилаётган ёки судда кўрилаётган ишнинг ҳукм чиқарилмай тугатилиши. Жиноят юз бермаган; мазкур қилмишда *жиноят таркиби* бўлмаган; жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтган; *амнистия* эълон қилиниб, унда мазкур жиноят учун жазо қўлланмаслиги кўрсатилган; айбланувчи, судланувчи вафот этган; қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган; шахс вазият ўзгариши б-н ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолган; у қилмишига чин кўнгилдан пушаймон қилган ва б. ҳолларда жиноят иши тугатилади. Бу ҳолатларнинг биронтаси аввалдан маълум бўлса, жиноят иши қўзғатилмайди. Ж. и. т. ҳақида терговчи — қарор, суд — ажрим чиқаради. Манфаатдор шахс ёки ташкилот бундай қарор (ажрим) устидан 5 кун ичида прокурорга (юқори судга) шикоят қилиши мумкин (ЎзР ЖПК, 373—374, 401-моддалар).

ЖИНОЯТ ИШИНИ ТЎХТАТИШ — *дастлабки тергов* ва *суриштирувни* тўхтатиш. Судья — ажрим, терговчи, прокурор — қарор чиқариб, *айбланувчи*нинг қаердалиги номаълум бўлган, у руҳий ёки бошқа оғир, давомли, лекин даволаб бўладиган касалликка чалинган ёхуд жиноятчи аниқланмаган ҳолларда жиноят ишини вақтинча тўхтатади. Бу даврда терговчи жиноятчини аниқлаш ва қидириш ишини давом эттиради. Терговни тамомлашга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар (мас., тафтиш ёки экспертизанинг чўзилиши, гувоҳларнинг йўқлиги ва б.) Ж. и. т. учун асос бўла олмайди. Иш тўхтатилган давр жиноий жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетса, иш бутунлай тугатилади (ЎзР ЖПК, 364—370-моддалар).

ЖИНОЯТ ИШИНИ ҚАЙТА ҲАРАКАТГА КЕЛТИРИШ — *ҳукм* чиқарилгандан сўнг ишни қонунда кўрсатилган янги ҳолатлар очилиши муносабати б-н қайта қўзғатиш. Жиноят иши гувоҳ кўрсатуви ёки эксперт ҳулосаси нотўғрилиги маълум бўлган; ишдаги далиллардан биронтаси қалбаки бўлиб чиққан; судьянинг суд муҳокамасида ёки терговчининг *тергов* даврида ўз вазифасини суиистеъмол қилганлиги аниқланган; суд ҳукм чиқараётганда маълум бўлмаган ҳолатлар очилган, судланган шахснинг айбсизлиги ёхуд ҳукмда кўрсатилгандан енгил ёки аксинча, оғир жиноят қилганлиги аниқланган, шунингдек, оқланган ёки судда жиноят иши тугатилган шахснинг айбдорлиги тасдиқланган ҳолларда қайта ҳаракатга келтирилиши мумкин (ЎзР ЖПК, 522—527-моддалар).

ЖИНОЯТ ИШИНИ ҚЎЗҒАТИШ — жиноят содир этилган ёки жиноятга тайёргарлик ҳақида берилган ҳабар ва ариза юзасидан прокурор, терговчи, суриштирувчи ёки судьянинг дастлабки ҳаракати. Улар содир этилган жиноят ҳақидаги ариза ёки хабар юзасидан 3 кун, алоҳида ҳолларда эса 10 кун ичида Ж. и. қ. ёки уни рад қилиш, ариза ёки хабарни бошқа тегишли идорага юбориш тўғрисида бир қарорга келишга мажбур. Жиноят иши жиноят аломатлари борлигини кўрсатувчи асослар мавжуд ҳоллардагина қўзғатилади. Фуқароларнинг аризалари, муассаса, корхона, ташкилот, мансабдор шахс ва жамоат бирлашмалари берган хабарлар, матбуотда босилиб чиққан ахборот ёки мақола, шахснинг айбни бўйнига олиши ҳақидаги арзи, жиноят қилганлигини кўрсатувчи ҳолатларнинг прокурор, терговчи, суриштирувчи ёки суднинг ўзи томонидан топилиши Ж. и. қ. учун асос бўлади. Шахсларнинг жиноят тўғрисидаги аризалари ёзма ёки оғзаки бўлиши мумкин. Ёзма ариза арз қилувчи шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим. Жиноят ҳақидаги имзосиз, қалбаки имзоли ёки уйдирма шахс номидан ёзилган хат, ариза ёки бошқа аноним хабарлар жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб бўла олмайди (ЎзР ЖПК, 321—338-моддалар).

ЖИНОЯТ КОДЕКСИ (ЖК) — ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмиш жиноят эканлигини аниқлаб берадиган, уни содир этганлик учун жазо ва б. ҳуқуқий таъсир чораларини белгилайдиган жиноят қонунлари мажмуи. Унда жиноят қонунининг меъёрлари муайян тизимга солиниб, ЖК шаклига келтирилган. ЎзР Жиноят кодекси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган меъёрларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган. Ҳозирги ЖК 1994 й. 22 сент.да тасдиқланган ва 1995 й. 1 апр.дан амалга киритилган. 2 қисмдан — умумий қисм ва махсус қисмдан иборат, улар ягона жиноят қонунини ташкил этади. Умумий қисмда жиноят қонунининг умумий қоидалари, жавобгарлик асослари, қилмишнинг жиноийлигини истисно этадиган ҳолатлар, жазо ва уни тайинлаш, жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш, вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари белгилаб берилган. Махсус қисмда жиноятларнинг турлари ва улар учун тегишли жазоларни тайинлайдиган меъёрлар кўрсатилган. Умумий қисмда Махсус қисмдаги ҳуқуқий меъёрларни амалда тадбиқ қилиш йўллари баён этилган.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ — жиноят ишини тергов қилиш ва судда кўриш вақтида суриштирув, тергов, прокуратура органлари ва суд бажарадиган ҳаракатлар жараёни. Ж. п., одатда, иш қўзғатилгандан то ҳукм чиқарилгунча давом этади, баъзан эса ҳукмни қайта кўриш ва унинг ижроси масалаларини ҳал қилишни ҳам ўз ичига олади. Ж. п. жиноятларни очиш ва жиноятчиларни жазолаш учун хизмат қилади; барча фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги, суднинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниши, судлов ишлари ошкора ва кўпчиликни ташкил этган аҳоли тилида олиб борилиб, бу тилни билмаганларга таржимон ёрдам бериши, айбланувчи ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлиши каби демократик тамойилларга асосланади. Мансабдор шахсларнинг Ж. п.да ваколатлари қонун б-н тартибга солинади. Улар Ж. п.да иштирок этадиган айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, эксперт ва б.нинг ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланишлари ва мажбуриятларини тўла бажаришлари учун масъулиятли. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ўз ваколати доирасидан ташқари чиқиши, қонунда белгиланмаган ҳаракатларни қилиши, шунингдек, айбланувчи ва жабрланувчилар ҳуқуқининг асоссиз чегараланиши — тергов хулосаларининг нотўғри деб ҳисобланишига, ҳукмнинг бекор қилинишига сабаб бўлади.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ (ЖПК) — жиноят иши юзасидан тергов қилиш ва ишни судда кўриш тартибини белгилайдиган қонунларнинг муайян тизимга солинган мажмуи. ЖПК суриштирув, дастлабки тергов органлари, прокурор ва суднинг жиноят ишини қўзғатишдан бошлаб, судда кўрилиб ҳал қилингунгача бўлган фаолиятини, тергов, суд ҳаракатларини ўтказиш, далил йиғиш, процессуал муҳлатлар, жиноят ишини қўзғатиш, рад этиш, уни тугатиш ва тўхтатиш, айбдорни судга беришни, шунингдек, ишни апелляция, кассация, назорат тартибида ва янги очилган ҳолатлар бўйича қайтадан кўришни ҳамда ҳукм ижросига оид масалаларни тартибга солади. Ўзбекистон Республикаси ЖПК 1994 й. 22 сент.да қабул қилинган. Унда жиноят ишини текширишда фуқароларнинг, жамоатчилик, корхона, муассаса ва ташкилот вакилларининг қатнашуви ва процессуал ҳуқуқлари ҳам баён қилинган. ЖПК нормалари жиноятни тез ва тўла очиш, ҳақиқатни аниқлаш, айбдорни одилоқилона жазолаш учун хизмат қилади. Кодекснинг охирги боблари алоҳида тартибда юргизиладиган, жумладан вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларга бағишланган.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ — *ҳуқуқ* тармоғи; жиноят ишини тергов қилиш ва ҳал қилишда суд, прокуратура, тергов ва суриштирув органларининг фаолиятини, уларнинг бу борада фуқаролар ва муассасалар б-н муносабатини ҳамда айбланувчи, жабрланувчи, ҳимоячи ва б. процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчларини белгилайдиган ҳуқуқий нормалар йиғиндиси. Ўзбекистон Республикасининг Ж. п. ҳ. демократик принципларга ва қонунийликка асосланган бўлиб, вазифаси жиноятларни тез ва тўла очиш, айбдорни фош этиш, жиноят қилган ҳар бир шахсга одилона жазо бериш ва ҳеч кимни айбсиз жиноий жавобгарликка тортмасликни таъминлашдан иборат. Суд, прокуратура, тергов ва суриштирув органлари ҳамда процесснинг бошқа иштирокчилари фақат қонунда кўрсатилган ваколат доирасида ҳаракат қиладилар. Ж. п. ҳ. Ўзбекистон Республикасининг ЖПК ва бошқа қонун актларида ифодаланган.

ЖИНОЯТ ТАРКИБИ — *жиноят ҳуқуқида* қонунда кўзда тутилган, қилмишни жиноятнинг муайян бир тури сифатида характерловчи аломатлар йиғиндиси; жиноий жавобгарликнинг зарурий асоси, ижтимоий хавфли қилмишнинг жиноийлигини аниқлаш воситаси. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 16-моддасида кўрсатилганидек, қилмишда ЖКда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлсагина, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос топилади. Ҳар қандай тайин Ж. т. объектив ва субъектив аломатлар йиғиндисидан иборат. Жиноятнинг нимага қарши қаратилгани — жиноят объекти, унинг ўзи содир этилиши — объектив томони, шахснинг қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик б-н содир этилаётган жиноий ҳаракатга психик муносабати, яъни жиноятнинг қасддан ёки эҳтиётсизлик б-н қилиниши — субъектив томони, жиноят ким ва қандай шахс томонидан қилинганлиги — жиноят субъекти ҳисобланади. Ана шу аломатлар аниқ бўлмаса, Ж. т. ҳам тўла бўлмайди. Жиноятни содир қилиш пайтида қонунда белгиланган ёшга тўлган ва ақли расо шахс жиноят субъектидир. Мас., ўғирлик ва талончилик қилиш пайтида 14 ёшга, эҳтиётсизликдан одам ўлдириш ва фирибгарлик содир этган

пайтда 16 ёшга, пора олган пайтда 18 ёшга тўлган шахслар жавобгар бўла олади.

ЖИНОЯТ ҚИДИРУВИ — ички ишлар органларининг бир тизими; тезкор-қидирувни ва ўз ваколат доирасига кирувчи бошқа ишлар — шахсга, фуқароларнинг шахсий мулкига, жамоат тартибига ва хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш, пайини қирқиш ҳамда уларни очиш ва ҳ. к. чора-тадбирларни амалга оширади. Жиноят аломатлари, жиноят содир этган шахсларни аниқлаш, қидириш ва топиш ишлари ЎзРда ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан бажарилади. ЖПК қоидаларига биноан жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотлар аниқланади. *Айбланувчи*нинг турган жойи номаълум бўлган тақдирда тергов шу жойни аниқлаш учун барча чораларни кўриши, зарур ҳолларда, айбланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб этилиши тўғрисида қарор чиқарилган шахсга нисбатан қидирув эълон қилиши лозим. *Дастлабки тергов* ўтказилаётганида ҳам, бундай тергов тўхтатилганидан кейин ҳам қидирув эълон этилиши мумкин. Қамоққа олиш асослари мавжуд бўлган, прокурор санкцияси б-н қидирилаётган айбланувчи топилган тақдирда терговчи қамоққа олиш тариқасида эҳтиёт чорасини қўллайди. Айбланувчи бирон жойда ушланган тақдирда эса, ўша жойдаги прокурор мазкур шахс айни қидирилаётган айбланувчи эканлигини аниқлаши ва уни қамоққа олиш учун қонуний асослар мавжудлигига ишонч ҳосил қилиши даркор.

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ — ҳуқуқ тизимининг бир тармоғи; олий давлат ҳокимияти органи томонидан ўрнатилган, қонун б-н қўриқланадиган, ижтимоий муносабатлар учун хавфли бўлган тажовузларнинг жиноят эканлиги ва жазога лойиқлигини, жазо чоралари тайинлаш шартлари ва тартибини ҳамда жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилишни белгилайдиган ҳуқуқий меъёрлар йиғиндиси. ЎзРда Ж. ҳ.нинг асосий манбаи Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва жиноят қонунидир. Ж. ҳ. жиноят қонунининг амалда татбиқ қилинишидан келиб чиқадиган муносабатларни ўрганади, жиноий жавобгарлик асослари ва тамойилларини белгилайди. Ж. ҳ.нинг вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек, жиноятларнинг олдини олишдан, фуқароларни Конституция ва қонунларга риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборат. Ж. ҳ. лавр талабидан келиб чиққан ҳолда қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги қоидаларига асосланади. Ж. ҳ. 2 қисмдан иборат. Булар: Умумий қисм ва Махсус қисм. Умумий қисм Ж. ҳ.нинг вазифалари ва тамойилларини амалда қўлланиш доираси, жавобгарликнинг асослари, *жазо* турлари ва уларни тайинлаш, жавобгарликдан ва *жазодан озод қилиш, вояга етмаганлар жавобгарлиги* ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тўғрисидаги масалаларни ўз ичига олади. Махсус қисм эса алоҳида жиноятлар ва шу жиноятлар учун тайинланадиган жазоларни ўз ичига олади.

Ж. ҳ. фани жиноят қонунчилигининг ижтимоий вазифалари ва ижтимоий салмарадорлигини, ривожланиш тамойилларини ва муаммоларини ҳам ўрганади.

ЖИНОЯТДА ИШТИРОКЧИЛИК — икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши. Ж. и.нинг бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи каби турлари бор. Жиноятни бевосита содир этган шахс — *бажарувчи*, жиноятга тайёргарлик кўрилишига ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахс — *ташкилотчи*, жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс — *далолатчи*, жиноят содир этилишига кўмаклашган, шунингдек, жиноятчини жиноят содир этиш қуроли, изларини ва воситаларини ёхуд жиноий йўл б-н қўлга киритилган нарсаларни яширишга, шунингдек, бундай нарсаларни олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда берган шахс — *ёрдамчи* ҳисобланади. Ж. и. оддий иштирокчилик, мураккаб иштирокчилик, *уюшган гуруҳ, жиноий уюшма* шаклида бўлади, 2 ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда қатнашиши — оддий иштирокчилик, олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида иштирок этиши — мураккаб иштирокчилик деб топилади. Иштирокчилик нафақат тугалланган жиноятда, балки шу б-н бирга жиноятга тайёргарликда ва жиноят қилишга қасд этишда ҳам намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси ЖКда жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарлик доираси, Ж. и.нинг шакллари учун қўлланиладиган жазо белгилаб берилган.

ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ КОДЕКСИ (ЖИК) — жиноий жазоларни ижро этиш ва ўташ тартиби ҳамда шартларини белгилаб берувчи жиноят ижроия қонун ҳужжатлари мажмуи. Ўзбекистон Республикаси ЖИК 1997 и. 25 апр.да тасдиқланиб, шу йил 1 окт.дан амалга киритилган. ЖИК умумий ва махсус қисмлардан, 9 бўлим, 34 боб, 197 моддадан иборат. Уларда, шунингдек, ЖИКга мувофиқ қабул қилинадиган бошқа қонун ҳужжатларида жиноий жазони, бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этиш принциплари, тартиби ва шартлари курсатилган; маҳкумларнинг ҳуқуқий мақоми; маҳкумларни ахлоқан тузатиш воситалари ҳамда уларни қўллаш; маҳкумларни жазони ўташдан озод қилиш; жазони ижро этувчи муассаса ва органлар фаолияти тартиби; маҳкумларни ахлоқан тузатишда давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўзини ўзи бошқарини органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг иштироки белгилаб берилган.

ЖИНОЯТЛАРНИ ТАСНИФЛАШ — жиноий ҳаракатга аниқ жиноий-ҳуқуқий баҳо бериш. Бунда жиноий қилмиш белгиларининг жиноят қонунида назарда тутилган *жиноят таркиби* белгиларига мувофиқлиги аниқланади. Ж. т. дастлаб тергов органлари томонидан, якуний равишда эса суд ҳукми б-н амалга оширилади. Амалдаги жиноят ҳуқуқида Ж. т.нинг 2 асосий гуруҳи назарда тутилган. Булар: 1) жиноятларни объектига қараб таснифлаш; 2) жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлаш.

Ўзбекистон Республикасининг ЖКда жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра: ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир жиноятларга бўлинган. *Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга:* қонунда озодликдан маҳрум қилишга нисбатан енгилроқ жазолар назарда тутилган жиноятлар; қасддан содир этилиб, қонунда энг оғир жазо сифатида 3 й.дан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар; эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда 5 й.дан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзида жазо назарда тутилган жиноятлар киради. *Унча оғир бўлмаган жиноятларга:* қасддан содир этилиб, қонунда энг оғир жазо сифатида 3 й.дан ортиқ, лекин 5 й.дан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган; эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда энг оғир жазо сифатида 5 й.дан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради. Қасддан содир этилиб, қонунда оғир жазо сифатида 5 й.дан ортиқ, лекин 10 й.дан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган жиноятлар оғир жиноятларни ташкил этади. Қасддан содир этилиб, қонунда 10 й.дан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар ўта оғир жиноятлар ҳисобланади. Ж. т. барча жиноятларни уларнинг хусусияти, ижтимоий хавфлилик даражасига қараб муайян туркумларга бўлиш имкониятини бериш б-н бирга, *жавобгарлик*ни белгилаш, адолатли *жазо* тайинлаш, қонунийлик ва инсонпарварлик тамойилларини амалга оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

ЖИНС (Jeans) Жеймс Хопвуд (1877.11.9, Лондон — 1946.17.9, Суррей графлиги) — инглиз физиги ва астрономи, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1906), Қироллик астрономия жамияти президенти (1925—27). Асосий илмий ишлари назарий физика (газлар кинетик назарияси, нурланиш назарияси) ва астрофизикага доир. Ж. *мутлақ қора жисм* спектрида энергиянинг тарқалиш формуласини чиқарди (Ж. У. *Релей*дан мустақил равишда). Астрономия бўйича — Ж. тез айланаётган суюқ жисмлар эволюцияси натижасида қўшалоқ юлдузлар пайдо бўлиши ёки жисмнинг ясси-ланиб спирал туманликлар пайдо бўлиши назариясини илгари сурди. Ж.нинг қатор ишлари юлдузларнинг ички тузилиши ва эволюция назариясига бағишланган. Ж. космогоник гипотеза муаллифи.

ЖИНС (биологияда) — *жинсий кўпайиш*ни таъминлайдиган ҳамда эркак ва урғочи организмларни фарқ қилишга имкон берадиган белгилар мажмуи. Ҳайвонларда Ж. белгилари организмнинг морфологик, физиологик, биокимёвий хусусиятлари, мураккаб хатти-ҳаракатлари ва б. орқали намоён бўлади. Ж. белгилари бирламчи ва иккиламчи бўлади. Бирламчи жинсий белгилар (*жинсий безлар*, жинсий йўллар ва б.) гаметалар ҳосил бўлиши ва уруғланишни таъминлайди. Иккиламчи жинсий белгилар (тана ўлчами ва тузилиши, боши, пат ёки жун ранги, таркиби ва б.) жинсий кўпайишда муайян аҳамиятга эга. Эркаклик жинсий безлари (уруғдонлар) *сперматозоид*лар, урғочилик жинсий безлари (тухумдонлар) тухум ҳужайралари ишлаб чиқаради. Сперматозоиднинг тухум ҳужайра б-н қўшилиши туфайли зигота ҳосил бўлади. Зиготадан янги организм ривожланади. Жинсий безлар ишлаб чиқарадиган *жинсий гормонлар* организмнинг ривожланиши, иккиламчи жинсий белгиларнинг шаклланиши ва физиологик жараёнларнинг бошқарилишида муҳим аҳамиятга эга. Айрим жинсли организмларда урғочилик (тухум) ва эркаклик (уруғ) гаметалари урғочи ва эркак организмларда ҳосил бўлади. Гермафродит организмларда (қ. *Гермафродитизм*) урғочилик ва эркаклик жинсий безлари битта организмнинг ўзида ривожланади. Гулли ўсимликлар гулининг тузилишига кўра бир Ж.ли ва икки Ж.ли бўлади (қ. *Гул*). Бир Ж.ли гуллар битта ўсимликнинг ўзида (қ. *Бир уйли ўсимликлар*) ёки бошқа-бошқа ўсимликларда (қ. *Икки уйли ўсимликлар*) жойлашган бўлиши мумкин. Баъзан битта ўсимликнинг ўзи бир жинсли ва икки жинсли гулларга эга бўлади (қ. *Полигамия*). Ж. *жинсий хромосомалар* назорати остида ривожланади. Сут эмизувчилар урғочиси ланади. Сут эмизувчилар урғочиси ҳужайрларида иккита жинсий (XX) хромосомалар, эркаги ҳужайраларида биттадан Х ва У хромосомалар бўлади. Жинсий кўпайишда урғочи организм фақат бир хил, яъни Х хромосомага эга бўлган гамета (тухум ҳужайра)лар, эркак организм эса икки хил, яъни Х ва У хромосомаларга эга бўлган гамета (уруғ ҳужайра)лар ҳосил қилади. Уруғланиш жараёнида Х ва У хромосомага эга бўлган уруғ ҳужайраларнинг Х хромосомали тухум ҳужайра б-н қўшилиш имконияти тенг бўлади. Шунинг учун уруғланишдан сўнг ХХ ва ХУ хромосомали зиготалар, яъни урғочи ва эркак организмлар тенг нисбатда ҳосил бўлади. Ана шу жараён туфайли табиатда урғочи ва эркак организмларнинг ўзаро тенг нисбати сақланиб қолади.

Бакриддин Зарипов, Очил Мавлонов.

ЖИНС (геологияда) — муайян белги ва хоссаларга эга бўлган структура, модда (мас., тоғ жинслари).

ЖИНС (мусиқада) — ўтмиш Шарқ мусиқа илмида бир нечта *бўғ*длар қўшилишидан ҳосил бўладиган мусиқа товушқатори. Асосан 4 ва 5 *поғона*ли гуруҳларга ажратилади; 3, 6—7 поғонали жинслар ҳам бўлиши мумкин. *Жамлар* тарли ҳам бўлиши мумкин. *Жамлар* таркибига кириб, уларнинг пастки ёки юқоридаги қисмини ташкил этади (яна қ. *Ажнос*).

ЖИНС БИЛАН БИРИКИБ ИРСИЙЛАНИШ — *генлари жинсий хромосомалар*да жойлашган белгиларнинг *ирсийланиш* ҳодисаси. Бу ҳодиса америкалик Т. Морган ва унинг шогирдлари томонидан дастлаб капалакларда кузатилган, кейинчалик дрозофилада батафсил ўрганилган. Дрозофилада гетерогаметали жинснинг У-хромосомаси ўзида бошқа белгиларнинг генларини деярли сақламайди, яъни ирсий жиҳатдан инерт бўлади. Шу сабабдан Х-хромосомада ўз аллел жуфтига эга бўлмайди. Дрозофилада кўзнинг қизил ранги доминант А гени, оқ ранги эса унинг рецессив аллели а орқали бошқарилиши ҳамда уларнинг Х-хромосомада жойлашганлиги аниқланган. Қизил кўзли эркак дрозофила пашшаси оқ кўзли урғочи пашша б-н чатиштирилганида уларнинг авлоди (F_1)да фақат оқ кўзли эркак пашшалар ва фақат қизил кўзли урғочи пашшалар пайдо бўлган. Бунда гомогаметали она организмнинг X^a -хромосомаси ҳам эркак, ҳам урғочи пашшаларга, гетерогаметали ота организмнинг ягона X^A -хромосомаси эса урғочи пашшаларга ўтганлигини кўрамиз.

Одамда дальтонизм, гемофилия касалликларининг белгилари жинс б-н бирикиб ирсийланади. Иккала касаллик ҳам рецессив генлар томонидан бошқарилади, бу генлар Х — хромосомада жойлашган.

ЖИНС ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ МИНЕРАЛЛАР — тоғ жинслари таркибига доимий асосий компонент сифатида кирувчи минераллар. Силикатлар энг кўп тарқалган (*Ер пўсти* массасининг қарийб 75% ини ташкил этади). Минералларнинг хиллари 3000 дан зиёд бўлишига қарамай фақат 100 дан ортиқроғи Ж. ҳ. қ. м., улардан 60 тачаси энг кўп тарқалган. Ж. ҳ. қ. м. асосий, иккинчи даражали ва акцессор минералларга бўлинади. Асосий минераллар яхши ўрганилган, улар тоғ жинсларининг номини аниқлашда муҳим омил ҳисобланади. Иккинчи даражалиларининг борлиги ёки йўқлиги тоғ жинсининг номини аниқлашга таъсир этмайди. Ҳар қайси тоғ жинси гуруҳи ўзига хос минералларга эга. *Магматик тоғ жинслари* учун *дала шпатлари*, кварц, слюдалар, пироксенлар, оливинлар; *чўкинди тоғ жинслари* учун гипс, ангидрит, гидрослюдалар, галит, каолинит, галлуазит, кальций ва б.; *метаморфик тоғ жинслари*га кианит, андалузит, силлиманит, глаукофан ва б. характерли. Магматик ва метаморфик тоғ жинсларидаги Ж. ҳ. қ. м. уларнинг ҳосил бўлиш шароитини билишда муҳим ҳисобланади. Бир хил тоғ жинслари учун асосий ҳисобланган минераллар бошқа тоғ жинсларида иккинчи даражали ролни ўташи мумкин. Ж. ҳ. қ. м. тоғ жинсларининг физик хоссалари-

ни белгилайди. Шунинг учун ҳам Ж. ҳ. қ. м.ни ўрганиш илмий (айниқса геофизик тадқиқотларда) ва амалий аҳамиятга эгадир.

ЖИНСИЙ АЪЗОЛАР — кўпайиш аъзолари. Ҳайвонларнинг жинсий аъзолари жинсий безлар — гонадалар (уруғдон ва тухумдон), жинсий йўллар (уруғ ва тухум ўтадиган йўллар) ва копулятив аъзолардан иборат (бир қанча ҳайвонларда тухум йўлларидан *бачадон* ва *қин* ажралиб чиққан). Тирик туғадиган ҳайвонларда юқоридагилардан ташқари, бола етиладиган аъзолар ҳам Ж. а.га киради. Кўп ҳайвонлар айрим жинсли, яъни эркак ҳайвонларда фақат эркак Ж. а., урғочи ҳайвонларда фақат урғочи Ж. а. бўлади. Баъзи ҳайвонлар (мас., булутлар, баъзи ковакичлилар, чувалчанглар, бўшлиқичлилар) қўш жинсли (қ. *Гермафродитизм*). Ж. а. *бирламчи жинсий белгилардир* (яна қ. *Иккиламчи жинсий белгилар*).

Одамда Ж. а. ички ва ташқи Ж. а.га бўлинади: ички Ж. а. (эркакларда бир жуфт мояк, ортиқлари б-н, уруғ чиқариш йўллари, уруғ пуфакчалари ва простата бези; аёлларда тухумдон, бачадон, унинг найлари ва қин) асосан кичик чаноқда жойлашган; ташқи Ж. а. [эркакларда эрлик олати б-н ёрғоқ, аёлларда катта ва кичик жинсий (уятли) лаблар, қин даҳлизи, клитор, қизлик пардаси ва Бартолин безлари] қов бирлашмаси (симфиз) тагида жойлашган. Ёрғоқда турадиган бир жуфт аъзо — мояк эркак жинсий ҳужайралари (сперматозоидлар)ни етиштириб чиқаради. Моякнинг орқа чеккасига мояк ортиғи тақалиб туради. Мояк ортиғининг думидан уруғ чиқариш йўли бошланади. Бу йўл уруғ тизимчаси таркибида чов канали орқали кичик чаноққа киради ва қовуқ тубига етиб бориб, кенгаяди (уруғ чиқариш йўлининг ампуласи). Ампуланинг охирги қисми уруғ пуфакчасининг йўлига қўшилиб, уруғ отиш йўлига айланади. Бу йўл простата безини тешиб ўтиб, сийдик чиқариш канали (уретра)нинг простатик қисмига очилади. Уруғ пуфакчасида уруғ йиғилиб туради. Эрлик олати (закар) иккита ғорсимон тана б-н битта ғовак танадан тузилган. Ғовак тананинг охирги қисми кенгайиб, олат бошчасини ҳосил қилади. Ғовак тана ичидан уретра (сийдик чиқариш канали) ўтади, у олат бошчасига очилади. Эрлик олати соҳасида тери йиғилиб, бурмаланади (чекка кертмак). Ғорсимон тана тўқимасида веноз қон бўлади: жинсий қўзғалишда шу танага қон шиддат б-н келиб, эрекция рўй беради.

Аёллар жинсий бези — *тухумдон*нинг пўстлоқ ва мағиз (мия) қавати бор. Пўстлоқ қаватда жуда кичик ва секин-аста катталашиб етиладиган *Граафпуфакчалари* туради. Ҳар қайси пуфакчада 28 кунда биттадан жинсий ҳужайра — тухум етилади. У бачадон найлари орқали бачадонга келади. Бачадон бўйни б-н ташқи Ж. а. ўртасидаги канал — қиннинг устки қисмига бачадон бўйини кириб туради, қин тешиги эса жинсий лаблар орасидан ташқарига очилади. Кичик жинсий лаб тубининг икки томонида ғорсимон тана бор, унинг орқа учи тагидаги жуфт безлар (Бартолин безлари)дан ишланиб чиқадиган секрет кичик жинсий лаб б-н қин даҳлизи шиллиқ пардасини намлаб туради. Клитор эркак олати каби ғорсимон танадан тузилган, қон томирлар ва нервларга бой, терисида нерв охирлари кўп бўлиб, у жинсий ҳис аъзосидир. Қин даҳлизи — олдинги томондан клитор, орқа томондан катта жинсий лабларнинг орқадаги битишмаси, икки ён томондан кичик жинсий лабларнинг ички юзаси б-н чегараланган. Қин даҳлизига сийдик чиқариш канали (уретра) очилади. Уретранинг бўйи аёлларда 3—4 см, эни ўзгарувчан, канали осон чўзилади. Қиз болаларда қин тешиги юпқа парда (қизлик пардаси) б-н бекилиб туради. Парда ўртасида кичкина тешик бор (яна қ. *Балоғатга етиш, Жинсий гигиена*).

Ад.: Аҳмедов Н. Қ., Нормал ва патологик анатомия билан физиология, Т., 1997.

Носир Аҳмедов.

ЖИНСИЙ БЕЗЛАР, гонадалар — одам ва ҳайвонларда жинсий ҳужайралар (*тухум* ва *сперматозоид*лар) ҳамда *жинсий гормонлар*ни ҳосил қилувчи аъзолар. Ж. б. *жинси*ни белгилайди. Аёллар жинсий бези тухумдон одамда кичик чаноқ бўшлиғида, кўпчилик сут эмизувчиларда буйракнинг орқа қисмида жойлашган. Тухумдоннинг пўстлоқ ва мағиз (мия) қавати бўлиб, унда кўплаб фолликулалар мавжуд, уларнинг ҳар бирида битта тухум етилади. Тухумдонда эстрогенлар, прогестинлар, релаксин ва б. гормонлар ҳосил бўлади. Эркаклар жинсий бези — мояк одамда ва талайгина сут эмизувчиларда уруғ ҳалтачаси (ёрғоқ)да, бошқа ҳайвонларда қорин бўшлиғида жойлашган. Моякда тестостерон ва б. гормонлар ишлаб чиқарадиган эркак жинсий ҳужайралари (сперматозоидлар) ва б. махсус ҳужайралар етилади.

Умуртқали ва умуртқасиз ҳайвонларнинг бошқа вакилларида Ж. б.нинг жойланиши ва тузилиши хилма-хил. Ж. б.нинг секретор фаолияти *гонадатроп гормонлар* орқали бошқарилади.

ЖИНСИЙ БЎЙИН — қ. *Проталлий.*

ЖИНСИЙ ГИГИЕНА — *жинсий аъзолар* касалликларидан, шунингдек, *венерик касалликлар*дан сақланиш, туғиладиган фарзандининг соғлом, оиланинг мустаҳкам бўлишини таъминлаш мақсадида кўриладиган тадбирлар.

Эркакларнинг жинсий гигиенаси жинсий аъзоларни тоза тутиш, венерик касалликлар юқишининг олдини олиш учун тасодифий жинсий алоқалардан ўзини тийиш ва ҳ. к.дан иборат (қ. *Жинсий тарбия*). Жинсий аъзоларни ҳар куни илиқ сувда совунлаб ювиш, ўғил бола ҳали гўдаклигидаёқ унинг жинсий олатини тоза тутишга, у улғайгани сайин жинсий аъзосини бот-бот совунлаб ювиб туриш ва қуруқ қилиб артишга одатлантириб бориш лозим. Ёш болаларга тор иштон, шим кийгизиш ярамайди, акс ҳолда, жинсий олатни қисиб қўйиши ёки унга инфекция тушиб яллиғланиши (фимоз)га олиб келиши мумкин.

Аёлларнинг жинсий гигиенаси. Аёл организмининг анатомик-физиологик хусусиятлари (ҳайз кўриш, ҳомиладорлик, бола туғиш, эмизиш), шунингдек, уларни жинсий аъзолар касалликлари ва венерик касалликлардан сақлаш ҳамда олдини олиш учун алоҳида озодалик талаб этилади. Ташқи жинсий аъзоларни гўдаклик давриданоқ ҳар куни эрталаб ва кечқурун илиқ (қайнаган) сув ёки калий перманганатнинг ним пушти эритмаси б-н ювиш керак. Жинсий аъзоларни ювишдан олдин қўлни обдан совунлаб ювилади. Қиз бола чақалоқлик ва болалик даврида унда ҳали жинсий гормонлар бўлмагани сабабли жинсий аъзолари алоҳида анатомик ва физиологик хусусиятларга эга бўлади; қин эпителийси 2—3 қават ҳужайралардан иборат (етук ёшдаги аёлда 40—50 қават), қинда махсус микроорганизмлар — қин таёқчалари бўлмайди. Шу сабабли бу аъзода турли яллиғланиш касалликлари осон юзага келади. Қизамиқ, скарлатина ва б. умумий касалликлар оқибатида қингага инфекция тушиши мумкин. Ҳатто гижжалар тўғри ичакдан чиқиб қинга кириш ҳоллари ҳам кузатилади. Бунда қизалоқ қичинганлиги учун тери ва шиллиқ пардалари тирналиб, инфекция кириди ва яллиғланиш касалликлари вужудга келади. Бу эса оғирроқ оқибатларга олиб келиши мумкин — қизлик пардаси, қин беркилиб қолиши (қ. *Битов*) ёки сурункали яллиғланиш касалликлари — кольпит (қин яллиғ-

ланиши) ва б. юзага келиши мумкин. Жинсий аъзолар гигиенаси учун ишлатиладиган буюмлар тоза жойда алоҳида сақланиши, уларни ҳеч ким тутмаслиги керак. Қиз болаларнинг жинсий аъзолари қай аҳволда эканлигига доим кўз-қулоқ бўлиб туриш лозим: тозаликка риоя қилиш, жинсий аъзоларини, оралиқ соҳасини мунтазам ювиб туриш, ич кийимларини тез-тез алмаштириб, уларни қайнатиб ювиш ва дазмоллаш, қиз бола кийимлари, сочиқ ва б. ни алоҳида сақлаш ва ҳ. к. Қиз боланинг балоғатга етиш даври алоҳида эътиборни талаб этади. Унга ҳайз бошланиши, унинг моҳияти ва у касаллик эмас, балки физиологик ҳолат эканини олдиндан тушунтириш лозим, токи кутилмаганда ҳайз бошланса, у саросимага тушмасин. Ҳайз кўриш кунларида баданни тоза тутиш ва ташқи жинсий аъзоларни ювишдан ташқари, қўшимча гигиена чораларини кўриш зарур. Бу даврда шамоллаш, грипп ва б. инфекциялардан эҳтиёт бўлиш, очиқ ҳавзаларда, ваннада чўмилмаслик, оғир иш қилмаслик лозим. Фақат енгил душ қабул қилиш мумкин.

Эри б-н турган аёл *жинсий ҳаёт* гигиенасига айниқса жиддий риоя қилиши, йилига камида бир марта аёллар консультациясига бориб туриши керак. Жинсий аъзоларда ўзгариш сезилса (оғриқ, ҳайз қонининг кўп ёки оз кетиши, оқчил келиши ва ҳ. к.) врачга мурожаат қилиш зарур. Юқорида айтилган гигиена чоралари аёл ҳаётининг климактерий ва қарилик даврларида ҳам амалга оширилади. Умуман хоҳ аёл, хоҳ эркак Ж. г.га тўла-тўкис амал қилса, ҳар қандай нохушликларнинг олди олинади.

Бердимурод Саидқориев.

ЖИНСИЙ ГОРМОНЛАР — одам ва умуртқали ҳайвонлар *жинсий безлари*да ишланадиган биологик фаол моддалар. *Бирламчи жинсий белгилар* (гонадалардан ташқари) ва иккиламчи жинсий белгилар намоён бўлишини таъминлайди. Ж. г. кимёвий тузилишига кўра, стероидлар ва полипептидларга ажратилади. Стероид гормонлар *андрогенлар, эстрогенлар* ва *прогестинлар* (гестагенлар)га бўлинади.

Эркаклар жинсий гормонлари — андрогенлар уруғдоннинг маълум ҳужайраларида синтезланади; молекуласи 19 углерод атомидан иборат. Энг асосийси — *тестостерон*. Аёллар жинсий гормонлари — эстрадиол, эстрон тухумдон фолликулаларида ишлаб чиқарилади, улар 18 углерод атомидан тузилган; прогестинлар тухумдоннинг сариқ танасида ва б. структур элементларда синтезланади. Молекуласи 21 углерод атомидан ташкил топган. Энг асосийси — *прогестерон*. Ж. г. буйракнинг мағиз қаватида, ҳомиладорликда эса плацентада ҳам ишланади. Ж. г. организмнинг эркаклик ёки урғочилик характерини белгилайди. Организм балоғатга етиши даврида Ж. г. жинсий ҳисни шакллантириш ҳамда марказий нерв системасини фаоллаштириш функциясини бажаради. Эстроген ва гестаген гормонларнинг ўзаро таъсири туфайли оталанган уруғ ҳужайра бачадонга ўрнашиб (қ. *Имплантация*), ҳомиладорлик ва туғруқнинг маромида кечишини таъминлайди. Бевосита тухумдонда сариқ танада, шунингдек, бачадон ва б. аъзоларда ҳосил бўладиган оқсил табиатли Ж. г.дан релаксин (ҳомиладорликни сақлайди, бачадон тонусини сусайтиради ҳамда чаноқ суяги бўғимлари бойламини бўшаштиради); уруғдон, уруғ каналчалари ва тухумдон фолликулаларида етиладиган ингибин (гипофизда фолликулни стимулловчи гормон ажралишини бошқаради) муҳим аҳамиятга эга. Ж. г. тиббиётда эндокрин, акушер-гинекологик касалликларни даволаш ҳамда кўкрак бези, простата безида хавфли ўсмалар ҳосил бўлиши жараёнининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

ЖИНСИЙ ЕТИЛИШ, вояга етиш, пубертат давр (лот. pubertas — бўйига етиш, жинсий етилиш) — одам (қ. *Балоғатга етиш*) ва ҳайвонларда организмнинг *жинсий кўпайиш* қобилиятига эга бўлган индивидуал ривожланиш даври. Ж. е.дан сўнг репродуктив давр келади. Тана ўлчами, умрнинг қисқа ёки узоқ бўлиши ҳамда Ж. е. вақти ўртасида боғланиш мавжуд. Қисқа умр кўрадиган майда ҳайвонлар эрта жинсий етилади. Мас., 30—35 сутка умр кўрадиган бошалоғанғичлилар 4—5 сутка, майда балиқ — гамбузия ҳаётининг 1-йили, ўн йиллаб умр кўрадиган йирик балиқлар 5—15 й.да ва ҳатто ундан ҳам кечроқ вояга етади. Кўпчилик қушлар ҳаётининг 1- ёки 2-йили жинсий етилади. Опосеиум, кўрсичқон ва б. баъзи ҳашаротхўрлар, кўршапалаклар, товушқонлар ва жайралар 10 й. умр кўради, умрининг 1-йили вояга етади. Ялқовлар, чумолихўрлар, панголиналар, куракоёқлилар 15—30 й. яшайди, 2—5 й.да вояга етади. Аммо ҳудди шунча умр кўрадиган бўрисимонлар 6—8 ойда вояга етади. 30 й. гача умр кўрадиган йирик йиртқичлар (пантера, йўлбарс, леопард, арслон) 3—5 й.да, 60—70 й. яшайдиган филлар 12—20 й.да, тубан маймунлар 2—4 й.да, одамсимон маймунлар 8—10 й.да вояга етади. Кўпчилик ҳайвонлар урғочиси эркакларига нисбатан эрта вояга етади. Маймунларда Ж. е. даври бир неча ойга, одамда бир неча й.га чўзилади.

ЖИНСИЙ ЖИНОЯТЛАР — жинсий эркинлик ва дахлсизликка жиноий тарзда тажовуз қилиш. Жиноят ҳуқуқига биноан, жамиятда шаклланган жинсий ахлоқ қонун-қоидаларини қўпол равишда бузган шахслар қонунга кўра тегишлича жазоланади. Ўзбекистон Республикаси ЖКга мувофиқ, қуйидаги қилмишлар Ж. ж. сирасига киради: номусга тегиш; жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабиий усулда қондириш; бесоқолбозлик; аёлни жинсий алоқага мажбур этиш; 16 ёшга тўлмаган шахс б-н жинсий алоқа қилиш. Бу хил жиноятлар, одатда, жабрланувчига зўрлик ишлатиб, кўрқитиб, руҳий заифлигидан, ёшлигидан фойдаланиб содир этилади. Ж. ж. учун қаттиқ жазо белгиланган (Ўзбекистон Республикаси ЖК 118—121, 128—129 моддалар).

ЖИНСИЙ ЗАИФЛИК — қ. *Импотенция.*

ЖИНСИЙ КЎПАЙИШ — урғочи ва эркак жинсий ҳужайралар — гаметаларнинг қўшилишидан ҳосил бўладиган зиготадан янги организмнинг ривожланиши, организмлар кўпайишининг ҳар хил шакллари. Ж. к.да генетик жиҳатдан ҳар хил гаметаларнинг уруғланиш жараёнида қўшилиши туфайли бир-бирига ўхшамайдиган организмлар пайдо бўлади, яъни уруғнинг ўзгарувчанлиги ортади. Эволюция жараёнида Ж. к.нинг келиб чиқиши гаметаларнинг дифференциацияси ва организмларда жинсий белгиларнинг ривожланиши б-н боғлиқ. Ж. к. барча эукариотлар учун хос бўлса-да, бироқ ҳайвонлар ва юксак ўсимликларда кўп учрайди. Инфузориялар ва айрим бактериялар учун хос бўлган конъюгация жараёни ҳам ирсий материал алмашинувидан иборат бўлгани туфайли генетик жиҳатдан Ж. к.га яқин туради. Ж. к.нинг партеногенез шакли эволюцион жиҳатдан кейинроқ пайдо бўлган. Ҳайвонлар орасида айрим жинсли турлари б-н бир қаторда гермафродитлар ҳам кўп учрайди. Гаметаларнинг шакли, катта-кичиклиги ва ҳаракатчанлигига биноан Ж. к.нинг изогамия, оогамия, гетерогамия шакллари бўлади (яна қ. *Жинссиз кўпайиш, Вегетатив кўпайиш*).

ЖИНСИЙ СОВУҚЛИК, фригидлик — сексуал таъсиротга жавобан эротик қиснинг сустлиги (қ. *Сексопатология*). Ж. с. деганда аёллар хулқ-атвори-

даги хатти-ҳаракатлар, жумладан, жинсий майлнинг сусайиши ва жинсий қониқиш — хуш ёқиш (оргазм) сезгисининг айниши тушунилади. Ж. с.нинг бир неча хили тафовут қилинади: б и р л а м ч и (конституционал) — Ж. с. жинсий майлнинг норасолиги туфайли юзага келади; р е т а р д а ц и о н Ж. с. — сексуал ҳиснинг ёшга мос ҳолда ривожланмаслиги; п с и х о г е н Ж. с., бунда Ж. с.ка психик омиллар сабаб бўлади; с и м п т о м а т и к Ж. с. — асабий, руҳий ёки бошқа бирор касаллик натижасида рўй беради; эндокрин Ж. с. жинсий безларнинг кам-кўстлиги ёки эндокрин касалликлар (*диабет, гипотиреоз, Базедов касаллиги*) сабаб бўлади; г е н и т а л - р е ц е п т и в Ж. с. — жинсий аъзоларнинг жиддий касалликларида кузатилади; ж и н с и й д и с к о м ф о р т — аёлнинг жисмоний ёки руҳий ожизлиги туфайли рўй беради; Ж. с.нинг аралаш хили юқорида келтирилган омилларнинг турли кўринишлари туфайли содир бўлади. Ж. с.ни даволаш кўпинча яхши натижа беради. Ҳар қандай ҳолатда ҳам врач сексопатолог б-н маслаҳатлашиб, унинг кўрсатмаларига амал қилиш лозим.

Ад.: Ходаков Н. М., Ёш келин-куёвларга [2-нашри], Т., 1986; Салимов Э., Лазатланиш санъати, Т., 1997.

ЖИНСИЙ ТАНЛАНИШ — бир қанча ҳайвонларда *табиий танланиш* шаклларидан бири. Ж. т. бир хил (одатда, эркак) жинсга мансуб индивидларнинг (мас., эркаклар ўртасида содир бўлиб турадиган) бошқа жинс б-н қўшилиш имконига эга бўлишдаги ўзаро муносабатлардан иборат. *Иккиламчи жинсий белгилари* (мас., пати, ранги, йиртқич тишлари ва шохлари) кучли ривожланган эркак ҳайвонлар бошқаларига нисбатан қарама-қарши жинсни кўпроқ жалб қилади, бинобарин кўпроқ кўпайиш имкониятига эга бўлади. Ж. т. тушунчасини илк бор Ч. *Дарвин* таклиф этган. Ж. т. орқали тур учун мутлақо фойдасиз, ҳатто зарарли белгилар (мас., буғулар эркагининг йирик шохи, баъзи нари қушларда жуда узун дум)нинг пайдо бўлишини тушунтириб беради. Ж. т. яшаш, яъни ҳаёт учун зарур шароит (озиқ-овқат, жой ва б.)га эга бўлиш учун курашдан иборат бўлмайди. Ж. т.да мағлуб индивид яшаб қолади, ҳатто ғолибдан ҳам узоқроқ умр кўриши, келгуси мавсумда ғолиб бўлиши ҳам мумкин. Кўпчилик ҳайвонлар ва барча ўсимликларда Ж. т. бўлмайди. Ж. т. филогенетик ривожланиш омили сифатида энг юксак ривожланган ҳайвонлар, асосан қушлар ва сут эмизувчиларда намоён бўлади.

ЖИНСИЙ ТАРБИЯ — болалар, ўсмирлар ва ёшларда жинс масалаларига нисбатан тўғри муносабатни шакллантириб боришга қаратилган тиббий ва педагогик тадбирлар тизими; *тарбия* жараёнининг муҳим қисми. Ж. т. шахснинг жисмоний, ақлий, маънавий ва эстетик ривожланиши б-н бевосита боғлиқ. Ж. т.нинг асосий вазифаси ёш авлоднинг яхши ўсиб-унишига, зурриёт бериш функциясини бекаму кўст қилиб шакллантиришга, никоҳ ва оилани мустаҳкамлашга ёрдам беришдан иборат. Ж. т.ни болаларнинг ёши, жинси ва малакасига мос тушадиган қилиб олиб бориш зарур. Кўплар Ж. т.ни балоғат ёшида бошлаш керак деб ҳисоблашади. Бу нотўғри, чунки бунга тааллуқли айрим масалаларни боланинг ёшлигидан бошлаб ҳал қила бориш керак. Кўпгина ота-оналар жинс масаласини муҳокама қилиш одобдан эмас деб ўйлаб ёшларни қизиқтирадиган масалалар тўғрисида сўзлашмасликни лозим кўришади. Натижада, болалар атрофдагилардан, кўпинча тасодифий манбалардан кўр-кўрона маълумотлар олиб, ўзларини қизиқтирган мавзулар юзасидан аксари нотўғри тасаввурга эга бўлиб қоладилар. Аввало, ёшлар жинс орасидаги тафовутлар, улар жинсий аъзоларининг тузилиши ва моҳияти ҳақида тасаввурга эга бўлишлари лозим. Буни мактаб ёшидан бошлаган маъқул. Маълумки ўсмирлик даврига келиб гормонал ўзгаришлар, балоғатга етиш, жисмоний етилиш туфайли қарама-қарши жинсга қизиқиш пайдо бўлади. Худди шу даврда улар жинсий аъзоларнинг анатомик ва физиологик хусусиятларидан бохабар бўлишлари лозим.

Ж. т. жараёнини шартли равишда бир нечта босқичга ажратиш мумкин. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларга одий гигиена малакалари ва юриш-туриш қоидаларини ўргатиб бориш, организмнни чиниқтириш муҳим, чунки уларнинг жинсий жиҳатдан ривожланиши умумий жисмоний ривожланишига боғлиқ. Болалар тарбияси ва парваришида баданнинг эроген зона деб аталадиган (қ. *Жинсий ҳаёт*) жойлари таъсирланмаслигига эътибор бериш, уларга ноқулай, тор кийим кийгазмаслик, гижжа касалликлари бўлса, вақтида даволатиш зарур. Шу ёшдаги болаларда, одатда, рўзғор ишларига қарашиш истаги пайдо бўлади, ота-оналар бу истакни рағбатлантириб туришлари, ўғил болалардан қизларга ёрдам беришни талаб қилишлари лозим. Болада жавобгарлик, бурч, бошқаларга меҳр-муҳаббат ва ҳурмат б-н қараш ҳиссини шакллантириб бориш муҳим. Болалар уйда бирор иш, мактабда эса тайинли бир вазифа б-н банд бўлиши Ж. т.да муҳим аҳамиятга эга. Балоғатга етиш давридаги Ж. т., биринчи галда, шу даврда ўсмирнинг организм ва шахсиятида бўладиган ўзгаришларни ҳисобга олиши лозим. Қизлар 12—14 ёшда, ўғил болалар эса 13—15 ёшда ўсмирликка қадам қўйишади, бу даврда уларнинг ички дунёси бойиб, эндокрин безлари, айниқса, жинсий безларининг фаолияти кучаяди, аста-секин жинсий майл уйғона бошлайди (қ. *Балоғатга етиш*). Балоғатга етиш жараёнида жинсий онг қарор топа бошлайди. Оналар шарқона феълимиздаги қон-қонига ўтиб келаётган орият туйғуси, авлодларнинг шаънини пок сақлаш йўлидаги андиша туйғуси қизлар учун жавоҳирлардан ҳам юксакроқ эканлигини йўл-йўлакай уқтириб боришлари лозим. Қизларни маънавий камол топтириш учун улар руҳиятига масъуллик, бурч, уят, меҳрибонлик, фидойилик, вафо фазилатларини сингириб боришлари даркор. Шунингдек, иффат, виждоний поклик, номус, ҳаё қизлар табиатига хос фазилат эканлигини тушунтириб қўйиш муҳим. Балоғат ёшидагилар бу даврдаги гигиена масалалари тушунчаларини тасодифий ўртоқларидан эмас, балки ота-оналари, педагоглар ва мактаб врачларидан олишлари муҳим. Хусусан бу даврда қизларни *ҳайз* кўришга, ўғил болаларни эса *ихтилом* бўлиб туришга тайёрлаш, бу физиологик ҳодисалар табиий ҳол эканлигини, улар бошланганида қандай гигиена қоидаларига амал қилиш кераклигини қизларга онаси, ўғилларига отаси ёки яқин кишилари тушунтириб бериши керак. Ёшлар ўзларида пайдо бўлиб борадиган алланечук истакларни ҳамиша ҳам жиловлаб ололмайди, қарама-қарши жинсдаги ўз тенгқурлари олдида энди ўзларини ноқулай ҳис қиладиган бўлишади. Мана шу даврда ёшлар ўзларини қизиқтираётган ишлар б-н банд бўлса, кўнгли одамларга хайрихоҳлик б-н тўлиб-тошиб турса, уларда жинс масалаларига одатдан ташқари қизиқиш пайдо бўлмайди. Шунинг учун ёшлардаги ижодий майлларни, кўп қиррали қизиқишларни тарбиялаб бориш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт б-н шуғулланишларини тарғиб қилиш ниҳоятда муҳим. Чунки жисмоний тарбия ва спорт ёшларнинг ортиқча куч-қуввати ва вақтини банд қилиб, организмнинг ҳар томонлама камол топишига, бақувват бўлишига ёрдам беради (қ. *Жисмоний тарбия, Ақлий тарбия*). Ота-она-

лар ва педагоглар ёшларни ҳурмат қилиб, уларнинг фикрлари б-н қизиқишлари ва ўртоқлашишлари лозим. Одам жисмонан ва руҳан балоғатга етганидан кейин чин муҳаббат пайдо бўлади. Бундай муҳаббат ўзаро ҳурмат, дунёқараш ва қизиқишларга ҳамоҳанг бўлса инсоннинг ҳаётини бойитади ва мустаҳкам оила қуриш учун негиз яратади.

Ад.: Ходаков Н. М., Ёш келин-куёвларга [2-нашри] Т., 1986; Шоумаров Ш., Шоумаров Ғ., Муҳаббат ва оилавий ҳаёт, Т., 1990.

Бердимурод Саидқориев.

ЖИНСИЙ ХРОМОСОМАЛАР — айрим жинсли организмларда ҳар хил жинсларга кирувчи индивидларнинг кариотипларидаги фарқларни белгиловчи *хромосомалар*. Х (икс) б-н белгиланган иккита бир хил жинсий хромосомаларга эга бўлган организмлар гомогаметали *жинс* деб аталади. Одам, сут эмизувчилар, бир қанча ҳашаротлар, мас., дрозофилада уруғчиси гомогаметали, яъни ХХ хромосомали, эркаклари гетерогаметали ҳисобланади. Гетерогаметали жинс хромосомалари ХУ (ХУ типи) ёки ягона Х хромосомалига (ХО типи) эга бўлади. Мейозда гомогаметали жинс фақат бир хил, яъни Х хромосомали гаметаларни, гетерогаметали жинс тенг миқдорда Х ва У хромосомали гаметаларни ҳосил қилади (ХУ типида). ХО типида ҳужайраларнинг тенг ярми хромосомали, қолган ярми жинсий хромосомага эга бўлмайди. Тухум ҳужайра Х хромосомали уруғ ҳужайра б-н уруғланганида зигота ХХ хромосомали бўлиб, ундан уруғчи организм, У хромосомали уруғ б-н уруғланганида эса зигота ХУ хромосомали бўлиб, ундан эркак организм ривожланади. Қандала ва чигиртқаларнинг уруғчиси гомогаметали (ХХ), эркаклари, аксарият ҳолларда, гетерогаметали (ХО) бўлади. Қушлар, капалаклар, айрим судралиб юрувчилар, сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг уруғчилари гетерогаметали (ХУ), эркаклари гомогаметали (ХХ)дир. Бундай ҳолларда тухум ҳужайралар Х ёки У хромосомага, уруғ ҳужайралари эса фақат бир хилдаги Х хромосомага эга бўлади (яна қ. *Жинс*).

ЖИНСИЙ ЦИКЛ — жинсий вояга етган уруғчи ҳайвонларда кўпайиш б-н боғлиқ ҳолда такрорланиб турадиган морфофизиологик жараён. Йил давомида кўпаядиган ҳайвонларда бу жараён кўп марта ва тўхтовсиз такрорланиб туради (полициклик ҳайвонлар). Полициклик Ж. ц. мавсумий кўпаядиган ва кўпайиш даврида бир Ж. ц. ҳосил қиладиган турлар учун хос (мас., қон сўрувчи пашшаларнинг гонадотрофик цикли). Мўътадил ва ўрта минтақаларда тарқалган ҳайвонларнинг битта гонотрофик цикли бўлади (моноцикллик ҳайвонлар). Ҳар хил ҳайвон турлари ва ҳатто айрим индивидларнинг Ж. ц. даври бир хил бўлмайди. Энг оддий ҳолда Ж. ц. фақат фолликуляр даврдан иборат. Бу давр мобайнида тухум ўсиб ривожланади ва ташқи муҳитга чиқарилади (балиқлар ва сувда ҳамда қуруқликда яшовчиларнинг увилдириқ ташлаши, судралиб юрувчиларнинг тухум қўйиши). Қушлар Ж. ц. 3 давр: фолликуляр (ўсиш, етилиш, тухумдондаги овуляция), тухум босиш ва жўжа боқиш даврларидан иборат.

Тўлиқ Ж. ц. йўлдошли сут эмизувчилар учун хос бўлиб, 4 даврдан иборат. Ф о л л и к у л я р д а в р и д а тухумдонларда эстроген гормон ажратиб чиқаради. Эстроген урғочи ҳайвонларда маълум шароитда жинсий қўзғалиш пайдо қилади ва жинсий органларга қон оқиб келишини кескин кучайтиради. Фолликулалар етилган сайин ёрилади (*овуляция* содир бўлади), ҳосил бўлган тухумлар тухумдонга тушади. Тухум йўлида тухум уруғланиши мумкин. Тухум йўлидан тухум бачадонга ўтади. Л ю т е и н, яъни сариқ тана даврида бўшаб қолган тухум фолликулалари қонга прогестерон ажратиб чиқарадиган сариқ танага айланади. Прогестерон таъсирида фолликулаларнинг ривожланиши тўхтайди, бачадон деворн қалинлашиб, сут безлари йириклашади. Уруғланган тухумнинг бачадон деворига имплантацияси (ёпишиши)дан сўнг ҳомилалик даври, ундан сўнг л а к т а ц и я даври бошланади. Сариқ тана функцияси сўнгги 2 давр мобайнида давом этади. Тухум ҳужайра уруғланмай қолса, у ҳолда Ж. ц. дастлабки 2 давр б-н чекланади. Тухум ичида кечадиган жараёнларнинг ритмик алмашинуви (о в а р и а л ц и к л) бачадон ва жинсий қинлардаги циклик ўзгаришларга, бачадондаги г и т и н ч давр тухумдаги фолликуляр фазага мос келади. Ундан кейинги п р о л и ф е р а т и в даврида бачадонни ва унинг деворини қоплаб турган эпителийнинг қалинлашуви кузатилади. Овуляциядан кейинги с е к р е т о р л и к даврида прогестерон таъсирида бачадон зиготани имплантация қилишга тайёр бўлади. Агар тухум ҳужайра уруғланмаса, и н в о л ю ц и я даври бошланади; сариқ тана йўқолади ва тухумдон тинч даврга қайтади.

Жинсий қиндаги циклик давр (эстрал цикл) ҳам 4 даврдан, хусусан кузйиқишдан олдинги (проэструс), с ликуляр фаза ва овуляцияга мос ладиган куйиқиш (эструс), лютеин зага мос бўлган метаэструс ва т давр (диэструс)дан иборат. Кўпчи сут эмизувчиларнинг Ж. ц. эстрал, п матлар ва одамларда эса менстр бўлади.

Муайян фаслда кўпаядиган ҳайв ларнинг эркагида куйиқиш даври бо ланиши б-н жинсий безларида у ҳужайралари ўсиб етила бошлайди. жараён урғочисининг куйиқиш бо ланиши б-н бир вақтда охирига ета Полициклик ҳайвонларнинг эрка доимий потенцияга эга. Уларда пот ция урғочисининг оталанишга тай лигига қараб реализация қилинади.

Ж. ц. нерв ва эндокрин система орқали бошқарилади. Умуртқалилар бу жараён жинсий гормонлар орқа амалга ошади. Жинсий гормонлар се рецияси марказий нерв системасини назорати остида гипоталамусдан кел диган сигналлар орқали гипофизни гонадотроп гормонлари ёрдамида бо қарилади.

Очил Мавлон

ЖИНСИЙ ҲАЁТ — жинсий ҳалов қарор топишига қаратилган мураккаб жисмоний, руҳий ва ижтимоий жараёнлар мажмуи. Ж. ҳ. уруғ (авлод)ни давом эттириши б-н бирга эркак ва ай ўртасидаги маънавий яқинликни ҳа ифода этади. Ж. ҳ.даги руҳий ва жисмо ний томоннинг нисбати, шунингде сексуалликнинг ҳар хил шаклига му носабат турли жамиятда турлича бўлиб ҳар бир жамиятнинг ўз жинсий ахло нормалари бор. Сексуалликка тегишл нарсалар инсон турмушида катт аҳамиятга эга, лекин уни инсон ҳаёти ни белгилаб берадиган асосий омил де қарамаслик лозим (қ. *Жинсий тарбия*) Ҳар бир кишининг Ж. ҳ. хусусиятлар кўпгина омилларга — ирсияти (туғма) гормонлари (қ. *Жинсий гормонлар*) асабларига алоқадор омилларга, шу нингдек, шахснинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ. Одамнинг ёши жинси, шахсий хусусиятлари ва б омилларга қараб Ж. ҳ. ҳар хил бўлади Ж. ҳ. балоғат ёшига қараб бошланади (қ *Балоғатга етиш*). Ж. ҳ.ни 18—20 ёшдан кейин бошлаш керак. Қиз боланинг 12—14 ёшда *ҳайз* кўриши — уни бу ёшда Ж. ҳ.га тайёрлигини билдирмайди. Унинг организми 18—20 га бориб мукаммал шаклланади. Қиз б-н йигит ўртасидаги муҳаббат ёки эр-хотин орасидаги яқинлик муносабатлари ЎзРда *оила* ва *никоҳ* нормалари асосида белгиланган. Ўғил болаларга нисбатан қизлар эртароқ (2—3 йил) балоғатга ета-

ди, лекин эркакнинг ёши улғайганига қарамай уларда бола туғдира олиш функцияси ҳийла узоқ давом этади. Эр-хотинлик муносабатлари улар ўртасидаги ёш тафовутларига ҳам боғлиқ бўлиб, турмуш қураётганда уни назарда тутиш лозим. Ж. ҳ.нинг асосини жинсий алоқа ташкил этади, унинг муҳим томонлари либидо — жинсий майл, эрекция — жинсий қўзғалиш, эякуляция — шаҳват тўкилиши ва хуш ёқиш — оргазмдир. Жинсий алоқанинг тез-тез ёки вақт-вақти б-н бўлиши одамнинг туғма хусусиятлари, ёши, соғлиғи, ижтимоий омиллар (олган тарбияси, турмуш шароити ва б.)га боғлиқ. Турмуш қургандан кейин жинсий алоқа бир маромга тушади. Жинсий яқинлик қилишни ҳаммага бир хил қилиб — қолипга тушириб қўйиш ярамайди, чунки бир киши учун нормал ҳисобланган нарса бошқа одам учун одатдан ташқаридек бўлиб кўриниши мумкин. Ж. ҳ. одам организмидан жуда катта куч, ҳис-ҳаяжон ва эҳтирос талаб этади. Шу сабабли ўткир миокард инфаркти, инсульт, гипертония кризи, меъда яранинг бот-бот қонаб туриши ва б. оғирроқ ҳолларда жинсий яқинлик қилиш хавфли ҳисобланади.

Аёл бўйида бўлиб қолганида жинсий алоқани давом эттириб борса бўладими, деган масала муҳим. Гинеколог ва сексопатолог мутахассислар бу даврда жинсий яқинликдан бутунлай воз кечиш шарт эмас, лекин алоқа вақтида бир қадар эҳтиёт бўлиш керак, деб ҳисоблайдилар. Ҳомиладорликнинг дастлабки ва охирги 2—3 ойи давомида, шунингдек, аёлнинг кўзи ёриганидан кейин дастлабки 2 ой ичида жинсий алоқадан ўзни тийиб туриш керак. Бу эркак кишига, агар у жинсий жиҳатдан жуда фаол бўлиб келган бўлса ҳам, ҳеч бир зиён-заҳмат бермайди. Қандай бўлмасин бирор ишга берилиб кетиш одатда кишининг диққатини ҳирс қўзишидан чалғитади. Маромида овқатланиш, оилада тотувлик, шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш, соғлом турмуш тарзи Ж. ҳ.да ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Жинсий алоқага биринчи марта киришаётган ёш қизда сексуаллик кўпинча «мудроқ ҳолда» бўлади, шу боис куёв унинг розилигига қарши, биринчи кечанинг ўзида яқинлик қилишни талаб этмаслиги, у ўз хотинининг майлини ҳам ўйлаб кўриши, унинг кўнглидан ваҳимаси ёзилиб, янги шароитга ўрганиб олиши учун имкон бериши керак; жинсий алоқа эр-хотиннинг розилиги б-н қилинадиган ва кўнгил ўрнига тушадиган шароитда ўтадиган бўлса, у эрга ҳам, хотинга ҳам ҳузур беради. Ж. ҳ.ни соддалаштириб, вақт-вақтида шунчаки такрорланиб турадиган жинсий алоқадан иборат қилиб қўйиш ва шунинг натижасида эр-хотин ўртасидаги муносабатларнинг зерикарли бир қолипда бўлиб қолиши кўпгина нохушликларга олиб келиши мумкин. Мудом ичкилик ичиб, чекиб юриш эркаклар мизожини сусайтириб юборади. Мастликда бунёдга келган болалар ақлий ва жисмоний заиф бўлиб туғилишини унутмаслик керак. Киши умрининг турли даврларида жинсий функция турлича бўлади. Расталик даврида жинсий майл (либидо) уйғониб, ўғил болаларда ихтилом, қиз болаларда ҳайз бошланади. Кейинги давр (20—26 яшарлик пайт), одатда, никоҳ б-н тугайди. Ж. ҳ.ни барвақт бошлаш жинсий аъзолар кучининг қирқилишига, жинсий фаолликнинг сусайиб кетишига олиб келади. Етук сексуаллик даврлик пайт жинсий фаолликнинг бекаму кўст бўлиши б-н ифодаланади. Кейинпасайиб, сўниб боради.

Жинсий функция аслида инстинктга, шартсиз рефлексларга асосланган ҳам ҳар қалай жуда нозик функция, чунки инсонда у нерв системаси олий бўлимларининг фаол иштирокида юзага чиқади ва кишининг ҳис-туйғулари, кечинмаларига боғлиқ бўлади. Бу — ҳаёт учун муҳим функциялар жумласига кирмаса-да, унинг бирор тарзда бузилиши, дилхиралик, мудом асабийлашиб юриш, оилавий жанжаллар, ҳатто оиланинг бузилиб кетишига олиб келади; шунинг учун Ж. ҳ.нинг тотувлик, осойишталик б-н ўтишини таъминлаш ижтимоий жиҳатдан ҳам аҳамиятга эга. Бунда Ж. ҳ. гигиенасининг роли катта (қ. *Жинсий гигиена*). Ж. ҳ.да одамга фалон нарса норма бўлади деб аниқ белгилаб бериб бўлмаса-да, киши ўзига мос келадиган баъзи меъёрга амал қилиб бориши; жинсий табиатни қондиришда икки киши иштирок этгани учун яқинлик шу иккала одамга ҳам тўла қаноат берадиган бўлишига эришиш зарур. Кишининг ёши қайтиб қолган чоғида жинсий фаолликнинг аста-секин пасайиб бориши табиий ҳодиса. Лекин бу момила физиологик ҳодиса. Лекин бу турли кишиларда турлича муддатларда бошланади. Ёш қайтган чоғда жинсий фаолликни сунъий йўллар б-н кучайтириш соғлиқ учун зарарли. Тўғри кун тартибига амал қилиш, вақтида овқатланиш, бадан тарбия ва спорт б-н шуғулланиш Ж. ҳ.нинг бир маромда кечишига ёрдам беради.

Жинсий аъзоларнинг расо ишлаб туриши бошқа ички аъзолар, хусусан ичак ва қовуқнинг ҳолатига ҳам боғлиқ. Жинсий аъзоларни, айниқса аёллар жинсий аъзоларини совқотишдан ва турли яллиғланиш касалликларидан сақлаш муҳим. Баъзан Ж. ҳ.ни одатдагидек йўлга солиб олиш учун мутахассис сексопатолог б-н маслаҳатлашиб олишга тўғри келади. Жинсий томондан ўзгаришлар бўлганда, албатта, врачга мурожаат қилиш лозим.

Ад.: Раҳматов Б. Р., Қулоққа айтиладиган гаплар [2-нашри], Т., 1995.

Бердимурод Саидқориев.

ЖИНССИЗ КЎПАЙИШ — организмларнинг жинсий жараён содир бўлмайдиган, жинсий ҳужайралар иштирок этмайдиган кўпайиш усули. Ж. к. айниқса бир ҳужайрали организмлар орасида кўп учрайди, аммо кўпчилик кўп ҳужайралилар: замбуруғлар, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳам жинсий кўпайиш хусусиятига эга. Ж. к. фақат тўгарак чувалчанглар ва моллюскаларда учрамайди, бўғимоёқлилар ва умуртқалиларда истисно тариқасида (полиэмбриония шаклида) учрайди. Ж. к. она организмдан унинг бир қисмини ажралиб чиққан, янги қиз организмга айланиши, шунингдек, кўпайиш вазифасини бажарадиган махсус тузилмалар (бир ҳужайралиларда — споралар, ғовактанлиларда — геммулалар, мшанкаларда — статобластлар) ҳосил қилиб, кейинчалик янги қизлик организмини ҳосил қилиш орқали содир бўлиши мумкин. Немис биологи М. Гартман (1924) ва айрим биологлар Ж. к. агам цитогония, яъни жинссиз ҳужайраларнинг тенг иккига ва кўп марта (шизогония) бўлиниши (бир ҳужайралиларда) ва айрим ҳужайралар (споралар)нинг бўлиниши (кўп ҳужайрали ўсимликларда) тарзида содир бўлишини кўрсатишади. Она организмдан унинг бир қисм ҳужайралари ажралиши орқали кўпайиш *вегетатив кўпайиш* дейилади. Одатда, бир турнинг ўзида Ж. к. б-н бирга *жинсий кўпайиш* ҳам бўлади. Шунинг б-н бирга битта тур бир неча хил усулда Ж. к. мумкин. Мас., ўсимликлар спора ҳосил қилиш, новдаси, илдизмеваси, туганаги орқали; ғовактанлилар ташқи ва ички куртаклар (геммулалар, статобластлар) орқали кўпаяди. Ж. к. жинсий кўпайиш б-н галланиб туриши мумкин (қ. *Наслланиши*).

ЖИНЧАК [Lagonichium faretum (Banks et. Bobr.)] — дуккакдошларга мансуб илдиз бачкили, сершох ва сертикан бута. Пояси 20—45 см, энг асосидан шохланади, барглари жуфт патсимон,

мураккаб, туклар б-н қопланган. Гуллари сариқ, тупгули шода. Меваси чўзинчоқ дуккак. Июндан сент.гача гуллайди ва мевалайди. Уруғлари одатда 20—30° ҳароратда униб чиқади. Майсалари кеч баҳорда кўкаради. Асосан илдиз бачкиларидан кўпаяди. Илдизи кучли ўсади, асосий илдизидан 1—3 м чуқурга кириб борадиган бақувват ён илдизлар чиқади, илдизида 8,11, пўстлоғида 12,09%, дуккагида 31,0% танин бор. Ўзбекистоннинг Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё адирлари ва тог этакларидаги сур тупроқларда ўсади. У табиий равишда тарқалган минтақаларда ҳамма экинлар орасида учрайди, янгидан ўзлаштирилган ерларда эса беда ва гўза майдонларида йўқотиш қийин бегона ўсимлик.

ЖИНҒАРЧАЛАР (Sorex) — сут эмизувчи ҳайвонларнинг ер қазувчилар оиласига мансуб бир уруғи. Ҳашаротхўрлар туркумига киради. Ташқи кўриниши сичқонга ўхшайди, лекин тумшуғининг хартумсимон чўзиқлиги б-н ундан фарқ қилади. Танасининг уз. 30—80 мм. Тишларининг юқори ярми қизғиш-кўнғир. Европа ва Осиёнинг тундра, ўрмон-дашт зоналарида кўп учрайди. Танасининг уз. 38—53 мм келадиган митти Ж. — ҳоз. энг кичик сут эмизувчилардандир.

ЖИНҒИЛ — қ. *Юлғун*.

ЖИНҒИЛСОЙ — Навоий вилояти Нурота туманидаги сой. Нурота тоғ тизмасининг ғарбий тармоғи — Қоратоғнинг шим. ён бағирларидаги (880 м) булоқлардан бошланиб, асосан ғарбий ва шим. йўналишда оқади. Уз. 30 км, ҳавзасининг майд. 71 км² бўлиб, Қизилқум чўли б-н туташиб кетган паст тоғларда жойлашганлигидан кам сувли. Кучли жала қуйганда ва эрта баҳорда Ж. тўлиб оқади, ёзда суви камаяди ва қуриб қолади. Юқори оқимида, айрим жойларида булоқ сувлари чиқиб туради.


ЖИОК (Gianque) Уильям Фрэнсис [1895.12.5, Ниагара-Фолс (Канада) — 1982.29.3] — америкалик физик-кимёгар, АҚШ Миллий ФА аъзоси (1936 й.дан). Калифорния ун-ти проф. (1934 й.дан). Асосий ишлари моддаларнинг термодинамик хоссаларини, шу жумладан конденсирланган газларнинг ўта паст т-ралардаги хоссаларини текширишга бағишланган. Термодинамиканинг 3-бошланишини амалий тадқиқотлар ўтказиш натижасида текширган. Д. Мак-Дугал б-н ҳамкорликда 1К дан паст т-ралар ҳосил қилиш ва ўта паст т-раларни ўлчаш мақсадида адиабатик магнитсизланиш усулини ишлаб чиққан (1927). 0,5 К т-ра ҳосил қилишга эришган. Г. Жонстон б-н ҳамкорликда кислороднинг ^{17}O ва ^{18}O изотоплари мавжудлигини исботлаган (1929). Нобель мукофоти лауреати (1949).

ЖИР, йир — бир қанча туркий халқларда қўшиқ, шеър маъносини англатувчи тушунча. Татарларда умуман халқ қўшиқлари, қозоқ ва қорақалпоқларда сюжет асосига қурилган халқ шеърияти, кўпроқ достонлар Ж. деб аталади.

ЖИРАФ (лот. Camelopardalis) — юлдузлар осмонининг Шим. қутбга яқин жойлашган катта юлдузлар туркуми. Белгиси Cam. Энг ёруғ юлдузи 4,0 визуал юлдуз катталигида. *Курси, Цефей, Кичик айиқ, Аждар, Катта айиқ, Силовсин, Аравакаш* ва *Персей* юлдуз туркумлари оралариға жойлашган. Ж.ни йил бўйи кўриш мумкин.

ЖИРАФ, жирафа (Giraffa camelopardalis) — жирафалар оиласининг бир тури. Танаси калта, бўйни жуда узун, бал. 5,5 м гача, вазни 1000 кг гача. Эркаги ургочисига нисбатан йирик. Бошқа сут эмизувчиларга қараганда қон босими юқори (ўртача 220/160 мм симоб устуни). Ж. тез ҳаракатланганида бўйин венасидаги клапанлар қон босимининг кескин кўтарилиб тушишига имкон бермайди. Олдинги оёқлари орқа оёқларига нисбатан анча узун ва кучли. Ургочи ва эркак Ж. бошида юнгли тери б-н қопланган 1—2 жуфт калта суяк шохлари бор. Ранги ҳар хил, одатда очиқ сарғиш тусли юнгида йирик қора холлари бўлади. Африка қитъасининг Саҳрои Кабирдан жан.-даги ҳудудларнинг саванналари ва жуда сийраклашган ўрмонларида, кўпинча 10—12 та ҳайвондан иборат пода бўлиб

Жирафалар.



яшайди. Кундузи фаол ҳаёт кечиради. Дарахтлар, асосан, акация барглари ва новдалари б-н озиқланади. Битта бола туғади. Ж., асосан, миллий боғларда сақланиб қолган. Тутқинликда кўпаяди.

ЖИРИШ НОН — кепакдан ёки ун ва кепакдан пиширилади ган нон. Ж. н.нинг шифо ва парҳез хусусияти бор. Тайёрлаш усули — хамиртуруш илиқ сут (сув)да ийланади. Сўнг кепак ёки кепак аралаштирилган ун солиб (0,5 кг ун, 1,5 кг кепак, 0,5 л сут) хамир қорилади. Хамир қалин дастурхонга ўралади, ошириш учун илиқроқ жойга қўйилади. Сўнгра 200 г ли зувалачалар ясаб, ўртасининг қалинлиги 0,5 см, чекка ҳошияларининг қалинлиги 2 см келадиган тўгарак нон ясалади. Юзига чақич урилгач, тандирга ёпилади.

ЖИРМ, Журм — *Бадахшон*даги ўрта аср шаҳарларидан бири. Файзобод (Афғонистон)дан 30 км жан.-шарқда жойлашган. Маҳаллий ривоятларга кўра, қадимда Ж. Голан деб аталиб, Бадахшондаги қалъалар ичида энг йириги бўлган. Тарихий манбалар («Шоҳнома»)да илк бор 5—6-а.ларга оид воқеалар муносабати б-н қайд этилган. 9-а.да Ж. Балх вилоятининг Тибетга борадиган шарқдаги энг чекка шаҳри ҳисобланиб, унинг жоме масжиди бўлган. Араб географи Ёқут Ҳамавийнинг таъкидлашича, Ж. Бадахшоннинг бош шаҳри бўлган. 10-а.да *сомонийлар* даврида Ж.да зарбхона мавжуд бўлиб, унда кумуш тангалар зарб қилинган. 20-а. бошида Кўкча дарёсининг ҳар икки соҳилида жойлашган Ж.нинг катта бозори ва бир неча карвонсаройи бўлган. Ҳозирда Ж. Афғонистон Бадахшонидаги кенг туманнинг маъмурий маркази ҳисобланади.

Ад.: Камалиддинов Ш. С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начала XIII вв., Т., 1996.

ЖИРМУНСКИЙ Виктор Максимович [1891.21.7 (2.8), Петербург — 1971.3.1, Ленинград] — рус тилшуноси, адабиётшунос ва фольклоршуноси. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1944), акад. (1966). Петербург ун-тини тамомлаган (1912), Ленинград ун-ти проф. (1919—41; 1945—49), Ўрта Осиё давлат ун-ти проф., шу ун-т ҳузуридаги тарих-филология и. т. институти директори, Тошкент давлат педагогика ин-тида кафедра мудири (1942—44), собиқ Иттифоқ ФА Тилшунослик инти Ленинград бўлимида ҳинд-европа шўъбаси мудири (1957—71). Илк асари немис романтизмига бағишланган (1913), Шарқ халқлари эпоси масалаларига оид «Ўзбек халқ қаҳрамонлик

эпоси» (Ҳ. Т. *Зарифов* б-н ҳамкорликда, 1947), «Алпомиш ҳақидаги ривоят ва баҳодирлик эртаклари» (1960) каби монографиялар муаллифи. Немис тили тарихи ва диалектологияси, туркий тиллар шеваларини қиёсий ўрганиш масалаларига оид илмий ишлари бор.

Ас.: Народный героический эпос. М. –Л., 1962.

ЖИРО (итал. giro — муомала, ўтказма), жирочеклар — мижознинг ўз ҳисобварағидан муайян пул миқдорини бошқа бир шахс ҳисобварағига ўтказиш тўғрисида банкка берган ёзма буйруғи.

ЖИРОБУС, гиробус (юн. geros — доира ва лот. (omni) bus — барча учун) — механик энергия аккумулятори — *ғалвар массаси* (маховиги) бўлган рельссиз ўзиюрар арава. Маховик тўплаган кинетик энергия ҳисобига ҳаракатланади. Қисқа масофаларда ёрдамчи транспорт воситаси ҳисобланади; Ж.дан портлаш хавфи бўлган объектларга хизмат кўрсатиш учун фойдаланилади. 1955 й.дан электробуслар ҳам амалда қисман қўлланилмоқда. Улар маховикли асинхрон двигатель-генератор ва тортувчи электр двигателлардан иборат ҳаракатлантириш агрегати б-н жиҳозланади. АҚШ да 12 км узунликдаги йўловчилар трассасига хизмат кўрсатадиган Ж. тажриба нусхалари таййёрланган.

ЖИРОВ — қозоқ, ўзбек ва қорақалпоқ халқларида *достон, терма* ижод этиб куйловчи халқ шоири. Қадимда катта жамоат йиғинларида, тўй-маъракаларда Ж.лар қўбиз жўрлигида термалар ижро этишган. Халқ орасида катта обрў орттирган айрим (мас., 15—17-а.ларда Қизтувған, Дўстпамбет, Жиенбатар каби қозоқ) Ж.лар ўз уруғи, улусига бошчилик ҳам қилган, халқ ботири бўлган. Улар уруш ва б. нотинч вақтларда ўткир сўзи, таъсирчан термалари б-н оммани бирлаштириб ўзига эргаштирган. Қозоқларда Ж. жирчи (тайёр фольклор намуналарини ижро этувчи)дан ижодкорлиги б-н фарқ қилади. Ж.лар ўзбек бахшилари каби устоз-шогирд муносабатлари асосида етишиб чиққан. Қорақалпоқларда *Есемурат жиров, Жиен жиров, Нурабулла жиров,* Шанхай жиров (1814—84), қозоқларда Бухар жиров (18-а.), Мусабой жиров (18-а.)лар халқ орасида кенг танилган.

ЖИСКАР Д 'ЭСТЕН (Giscard d'Estaing) Валери (1926.2.2, Кобленц, Германия) — Франция президенти (1974—81), иқтисодиёт ва молия вазири (1962—66, 1969—74). Француз демократияси учун иттифоқ раҳбарларидан бири, раиси (1988 й.дан). 1989 й. июндан Европа парламенти депутати, либераллар, демократлар ва реформаторлар гуруҳи (ўнг оқим тарафдорлари уюшмаси) раҳбари.

ЖИСМ — 1) геометрик жисм — фазонинг ёпиқ сирт б-н чегараланган қисми. Евклид «Негизлари» китобида узунликка, кенгликка ва қалинликка эга ҳар қандай нарса Ж. деб аталган; 2) тан, тана, вужуд; 3) маълум жойни эгаллаб, ишғол қилиб турган материя, модда. Мас., қаттиқ Ж.лар, суюқ Ж.лар, газсимон Ж.лар.

ЖИСМЛАРНИНГ ЭРКИН ТУШИШИ — Ернинг тортиш кучи майдонида жисмларнинг нолга тенг бошланғич тезликда ҳаракатланиши. Ж. э. т. тезлиги v Ер марказигача бўлган масофага ва муҳит (ҳаво, сув)нинг қаршилик кучига боғлиқ. Агар ҳавонинг қаршилиги ҳисобга олинмаса, жисм унча баланд бўлмаган жойдан тушганда тезлик $v=\sqrt{2gh}$ га тенг бўлади (бунда g — эркин тушиш тезланиши; у ўртача 9,8 м/с^2 га тенг; h — жисмларнинг тушиш баландлиги; бу баландлик бошланғич вазиятдан ҳисобланади). Барча жисмлар Ернинг айни бир нуқтасида бир хил тезланишда Ерга тушади. Амалда ҳаво қаршилиги ҳам ҳисобга олинади. Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши туфайли Ж. э. т. тезланиши экваторда қутблардагидан кичик бўлади.

ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ — умуминсоний маданиятнинг бир қисми, инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний қобилиятини ривожлантиришга қаратилган ижтимоий фаолият соҳаси. Жамиятдаги Ж. м. ҳолатининг асосий кўрсаткичлари: одамларнинг согломлиги ва жисмонан чиниққанлиги, Ж. м.нинг тарбия ва таълим соҳасида, и. ч.да, турмушда қай даражада татбиқ қилинаётганлиги, спортдаги ютуқлар ва ҳ. к. Ж. м. халқ ўйинлари, *жисмоний машқлар, спорт*ни ва *туризм*нинг фаол ҳаракат талаб қиладиган кўринишларини ўз ичига олади. Ж. м. тиббиёт, экология, пед., психология каби фанлар б-н боғлиқ ҳолда шаклланган ва ривожланган. У жамият тараққиёти, одамларнинг самарали меҳнат қилиши, ақлий имкониятларнинг равнақ топиши, ахлоқий покланиш, келажак наслларнинг жисмоний аҳволига тўғридан-тўғри таъсир ўтказади (яна қ. *Жисмоний тарбия, Спорт*).

ЖИСМОНИЙ МАШҚЛАР — кишининг жисмоний тараққиёт даражасини ошириш учун махсус танланган ҳаракатлар. Мунтазам ва изчил бажарилиган Ж. м. *жисмоний тарбия*нинг асосини ташкил этади. Жисмоний тарбия амалиётида таркиб топган Ж. м. (одамнинг меҳнат, турмуш, ҳарбий фаолиятидан олинган ҳаракат ва амаллар асосида – югуриш, сакраш, ирғитиш, тош кўтариш, сувда сузиш ва б.) *гимнастика, енгил атлетика, оғир атлетика,* ҳаракатли ва *спорт ўйинлари,* спорт туризми ва ҳ.к.ни келтириб чиқарди. Илмий асосда танланган Ж.м. барча ҳаракат органларининг фаолиятини яхшилайди, меҳнат қобилиятини оширади. Ж.м. турлари тўғри ва аниқ таснифқилинишини тақозо этади. Шунда улардан кўзланган самарага эришиш мумкин.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ, бадан тарбия — соғлиқни мустаҳкамлашга, одам организмини уйғун равишда ривожлантиришга қаратилган умумий тарбиянинг узвий қисми. Жамиятдаги *жисмоний маданият*нинг аҳволини белдирувчи кўрсаткичлардан бири. Ж. т.нинг асосий воситалари: жисмоний машғулотлар, организмни чиниқтириш, меҳнат ва турмуш гигиенаси. Ж. т. ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тарбия б-н қўшиб олиб борилади.

Ибтидоий даврдан бошлаб Ж. т.га алоҳида эътибор қаратилган. Дастлаб у *жисмоний машқлар*, турли ўйинлар, меҳнат жараёнлари, овчилик, ҳарбий ҳаракатларга ўхшатилган мусобақалар синовлар шаклида мавжуд бўлган, турли мавсимларни акс эттирган. Кейинчалик ёшларни қиличбозлик, чавандозлик, камондан отиш, яккама-якка кураш маҳоратига ўргатиш жамиятнинг асосий вазифаларидан бирига айлана борган. Уйғониш даврида Ж. т.га эътибор янада кучайди. Гуманистлар Ж. т.ни ўқув дастурига киритишга уринганлар. Ж. т.га ўрта асрларда Европада оилавий тарбия ва мактабдаги педагогик жараённинг муҳим қисми сифатида қарала бошланди. Ж. Ж. Руссо «Эмиль, ёки Тарбия тўғрисида» деб аталган педагогик рисоласида Ж. т.нинг болаларнинг ақлий камолоти ва меҳнат тарбиясидаги аҳамиятини таъкидлаган. 18-а.да асосан Руссо ғоялари таъсирида Германияда пайдо бўлган «инсонпарварлик ва яхши хулқ мактаблари» — филантропинлар Ж. т.нинг шакл ва услубларининг такомиллашувига олиб келади. Гимнастика машқлари мактаб дастурларидан мустаҳкам ўрин олади. 19-а. охири ва 20-а. бошида Франция, Буюк Британия ва б. мамлакатларда Ж. т.нинг миллий тизимлари таркиб топди.

Ўзбекистонда Ж. т.га жуда қадимдан саломатликни мустаҳкамлашнинг асосий воситаси деб қаралган. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида 100 дан зиёд халқ ўйинлари тўғрисида маълумот берилган. «Алпомиш» ўзбек халқ қаҳрамонлик достони, Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», Заҳириддин Восифийнинг «Бадое ул-вақое» («Нодир воқеалар»), Бобурнинг «Бобурнома» асари ва б.да жисмоний, жанговар машқлар, кучлилик баҳс-мунозараларининг хилма-хил намуналаридан ҳикоя қилинади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларига келиб Ж. т. ва *спорт* давлат сиёсати даражасига кўтарилди. 1992 й.да (2000 й.да эса янги таҳрирда) «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, 1993 й.да Соғлом авлод давлат дастурининг ишлаб чиқилиши, Вазирлар Маҳкамасининг спортнинг алоҳида турларини ривожлантиришга оид ва ниҳоят 1999 й.да «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори Ж. т.нинг ҳуқуқий асосларини яратди.

Ж. т.нинг кенг тармоқли тизими: оилавий-мактабгача давр (чақалоқликдан бошлаб боғча ёшидаги), мактаб ёши, ўрта махсус ва олий таълим даври ҳамда катта ёшдаги (эркак ва аёл)лар Ж. т.сини ўз ичига олади. Ўзбекистонда умумтаълим мактабларидаги Ж. т. педагогик жараён ҳисобланиб, Ж. т. дарслари, спорт секцияларидаги машғулотлар орқали амалга оширилади. «Умумий ўрта таълим мактаблари учун жисмоний тарбиядан давлат таълими стандарти» бўйича 1—9-синфларда ҳафтасига 2 соатдан Ж. т. дарслари жорий этилган. Ўқувчи-ёшлар ўртасида Ж. т.ни янада оммалаштириш ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида 1999 й.да махсус тест синовлари ишлаб чиқилди. Мазкур тестларни муваффақиятли топширганлар учун 3 даражали «Алпомиш» ва «Барчиной» нишонлари таъсис этилди. 1.588.298 нафар ўқувчи мазкур тестларни муваффақиятли топширди (2002). Шунингдек, мактаб ўқувчилари учун «*Умид ниҳоллари*», лицей-коллеж ўқувчилари учун «Баркамол авлод», олий ўқув юрти талабалари учун «*Универсиада*» оммавий мусобақаларини ҳар 2 й.да ўтказиш йўлга қўйилди. Халқ ўйинлари ва оммавий спорт турлари бўйича ҳар 2 й.да «*Алпомиш ўйинлари*» *фестивали* ҳамда «*Тўмарис ўйинлари*» ўтказиб келинади.

Ж. т.нинг илмий-амалий асослари ва шу соҳа мутахассислари *Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти,* олий ўқув юртларининг ф-тлари ҳамда бўлимларида тайёрланади. Республикада 6 та олимпия ўринбосарлари билим юрти, 8 та олий спорт маҳорати мактаби ва 369 та болалар-ўсмирлар мактабида ҳам ўқувчиларга Ж. т.дан сабоқ берилади. *«Ёшлик» кўнгилли спорт ташкилоти,* «Ватанпарвар» мудофаага кўмаклашувчи ташкилоти, *«Динамо»* спорт клуби каби спорт жамиятлари аҳолининг турли қатламларини Ж. т. машғулотларига жалб этишга хизмат қилади.

Асрор Мўминов.

ЖИСМОНИЙ ШАХС (фуқаролик ҳуқуқида) — ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси бўлган алоҳида фуқаро (чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар)ни ифодаловчи тушунча. У жамоавий тузилма бўлган *юридик шахс*дан фарқ қилади: Ж. ш. бевосита ўз номидан иш юритади — фаолият юргизиши учун жамоавий тузилма — тегишли фирма ёки корхонани қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши шарт эмас, Ж. ш.нинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатининг вужудга келиши ҳамда барҳам топиши тартиби ҳам юридик шахслардан фарқланади. Ж. ш. мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлиши, уни мерос қилиб олиши ва васият этиб қолдириши; банкда ўз жамғармаларини сақлаши; тадбиркорлик, деҳқон (фермер) хўжалиги б-н, қонунда тақиқланмаган бошқа фаолият б-н шуғулланиши; ёлланма меҳнатдан фойдаланиши; юридик шахс ташкил этиши; шартнома, битимлар тузиши ва мажбуриятларини бажариши; ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланишини талаб қилиши; машғулот турини ва яшаш жойини танлаши; фан, адабиёт ва санъат асарлари, қонун б-н қўриқланадиган бошқа интеллектуал фаолият самараларининг муаллифи ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида фуқаролар — Ж. ш.ларнинг ҳуқуқ ва бурчларига оид қонун-қоидалар ФК да белгилаб берилган (16—38-моддалар).

ЖИТОВ Константин Евлампиевич (1904, Иркутск вилояти — 1995, Тошкент) — тарихчи олим. Ўзбекистон ФА акад. (1952), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1964), Тарих фанлари д-ри (1958), проф. (1960). 1952—56 й.лар Ўзбекистон ФА вице-президенти. 1980 й.дан ТошДУ проф. Асосий илмий ишлари Туркистонда «окт. инқилоби» масалаларига бағишланган.

ЖИТОМИР — Украинадаги шаҳар, Житомир вилоятининг маркази. Тетерев дарёси (Днепр ирмоғи) соҳилида. Шоссе ва т. й.лар тугуни. Аэропорт бор. Аҳолиси 302,3 минг киши (1997). 9-а.да асос солинган. Машинасозлик ва металлсозлик (электр ўлчов асбоблари и. ч. бирлашмаси, станок-автоматлар, уй-рўзғор приборлари з-длари), енгил саноат (зиғир тола к-ти), озиқ-овқат саноати (ун корхоналари, гўшт ва консерва к-тлари), ёғочсозлик (мебель к-ти, мусиқа асбоблари ф-каси), кимёвий тола, доривор ўсимликлар хом ашёлари з-длари ишлаб турибди. 2 олий ўқув юрти, мусиқали драма театри, қўғирчоқ театри, филармония, ўлкашунослик, табиат музейлари, ёзувчи В. Г. *Короленко,* акад. С. П. *Королёв* уй-музейлари бор.

ЖИТОМИР ВИЛОЯТИ — Украинадаги вилоят. 1937 й. 22 сент.да тузилган. Майд. 29,9 минг км^2. Аҳолиси 1467,9 минг киши (1997), асосан украинлар, шунингдек, рус, поляк, яҳудий ва б. ҳам яшайди. Ж. в.да 22 туман, 9 шаҳар, 40 шаҳарча бор. Маркази — *Житомир* ш.

Рельефи тепалик ва пасттекисликлардан иборат. Фойдали қазилмалари: гранит, гнейс, лабрадорит, яшма, топаз, кварцит, мармар, пирофиллит, оҳактош, мергель, охра, кварц қуми, каолин, ўтга чидамли тупроқ, темир ва титан рудалари, қўнғир кўмир, торф. Иқлими мўътадил континентал. Янв.нинг ўртача т-раси —5,7°, июлники 18,9°. Йиллик ёғин 570—600 мм. Вегетация даври 240 кун. Дарёлари Днепр ҳавзасига мансуб. Қоратупроқ ва кулранг ўрмон тупроғи, чимли подзол ва ботқоқ тупроқлар тарқалган. Вилоят ҳудуди аралаш ўрмонлар (Полесье) ва ўрмонли дашт зоналарида жойлашган.

Асосий саноат тармоқлари: руда ва кўмир қазиб чиқариш, машинасозлик, тўқимачилик, автомобилсозлик ва б. Озиқ-овқат саноати (шакар-қанд, спирт-арақ, пиво, гўшт, ёғ-пишлоқ, сут, ун, сабзавот консерва) ривожланган. Тўқимачилик, тикувчилик, кўн пойабзал, маданий моллар и. ч. корхоналари бор. Электр асбоблари, кимё саноати учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилади. Ёғочсозлик корхоналари ва 4 қоғоз ф-каси, шу жумладан электротехника саноати учун экспортга энг юпқа конденсатор қоғози ишлаб чи-

Житомир шаҳри. Космонавтика музейи.




қарадиган Малин қоғоз ф-каси бор. Ойна-шиша (Житомир), чинни з-длари ва кўзгу ф-каси ишлаб турибди. Кон саноатида қора металлургия саноати учун ўтга чидамли динас кварцитлари, титанли ильменит, пуштиранг сланец-пирофиллит ишлаб чиқарилади.

Қ. х.да зиғир тола, картошка, ғалла, қанд лавлаги етиштирилади, ўрмонлидашт қисмида сут-гўшт чорвачилиги ривожланган. Богдорчилик ва резавормевачилик ҳам салмоқли ўрин тутади. Асалари боқилади. Балиқ хўжалиги бор. Асосий т. й. магистраллари: Киев—Брест, Киев—Львов. Асосий автомобиль магистрали: Киев—Львов. 3 олий ўқув юрти, мусиқали драма, қўғирчоқ театрлари, филармония, 8 музей бор.

ЖИУ-ЖИЦУ — японча ўзини ўзи ҳимоя этиш ва қуролсиз ҳужум қилиш йўли. Унда рақибнинг энг нозик жойлари — қўёш чигали (қоринда), уйқу артерияси, жигар ва ҳ. к.га зарба бериш; қўл ва оёқ бўғимларини қайириш, турли ташланиш, босиб олиш каби усуллар ишлатилади. Бундай усуллар жисмоний жиҳатдан бақувват ёки қуролланган рақибга қарши курашда алоҳида аҳамиятга эга. Ж.-ж. 13-а.да пайдо бўлган. Унинг асосида дзюдо кураши келиб чиққан (қ. *Дзюдо, Каратэ*).

ЖИШ ЖЎЖА ОЧУВЧИ ҚУШЛАР — тухумдаң кучсиз, оёқ мускуллари яхши ривожланмаган, кўзи юмуқ, тана ҳарорати барқарор бўлмаган *жўжа очувчи қушлар*. Ж. ж. о. қ.да насли тўғрисида ғамхўрлик яхши ривожланган. Нари ва модаси анча мукаммал ин қуради, жўжаларини боқади, ўз танаси б-н иситади, қуёш тафтидан ҳимоя қилади. Жўжаларини уясида 10—14 кундан (майда чумчуқсимонлар) 3 ойгача (йирик йиртқич қушлар) боқади. Ж. ж. о. қ. кўпинча дарахтлар ва буталарда, бинолар-нинг бўғотларида ин қуради (чумчуқсимонлар, қизилиштонсимонлар, каптарсимонлар, каккусимонлар, тўтиқушлар). Ж. ж. о. қ. жўжасининг танаси сийрак пат б-н қопланган, тумшуғи сарғиш. Аммо лайлаксимонлар, найбурунлилар, лочинлар ва бойқушлар жўжасининг танаси қалин пат б-н қопланган, кўзи очиқ (бойқушлар жўжасиники ёпиқ) бўлади. Ж. ж. о. қ. кам тухум қўяди.

ЖИЯК, зеҳ — энсиз тасма. Кийимларнинг олдига, ёқа, енг, чўнтак, этак четларига, дўппининг кизагига, каштали безак буюмларига тикилади. Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган. Бухоро, Самарқандда зеҳ, Сурхондарёда шерози ва б. номлар б-н юритилади. Тайёрлаш усулига кўра бир неча турларга бўлинади: қўлда



Жияк.

тўқиладиган содда Ж., бир неча киши томонидан тўқиладиган рангдор, гулли мураккаб Ж., махсус дастгоҳ (жияк дўкон)да тўқиладиган Ж., матога каштата тикиб тайёрланадиган Ж. ва б. Ж. каштаси анъанавий ҳандасий, ислимий нақшлар ва уларнинг уйғунлигидан иборат бўлиб, баъзан нақш мужассамотига рўзғор буюмлари, асбоб ва б. буюмларнинг шакллари, ёзувлар киритилади. Ҳозир ҳам Ж. тайёрлаш ва тикиш кенг тарқалган.

ЖИҚ-ЖИҚ (Scotocerca inquieta) — чумчуқсимонлар туркумининг мойқутлар оиласига мансуб кичкина қуш, вазни 8—9 г. Чўл ва даштлардаги паст бўйли буталар орасида яшайди. Юлғун, баъзан шувоқлар орасига ин қуради. Ўзбекистонда Қизилқумда учрайди. Март—июнда 5—8 тадан тухум қўяди. Ёзда ҳашаротлар, қишда ўсимлик уруғи б-н озиқланади.

ЖИҚТОҚЛАР (Glareola) — *балиқчилар* туркуми уруғига мансуб қушлар. Танасининг уз. 25 см гача. Тумшуғи калта, оғзининг катталиги б-н бошқа балчиқчилардан фарқ қилади. 7 тури бор. Европа, Осиё, Африкада (қишда Австралияда ҳам) учрайди. Ўзбекистонда 2 тури яшайди. Далалар, чўллар ва ўтлоқларда тарқалган. Ёзда учиб келиб, кишда учиб кетувчи қушлардан. Одатда, тўдалашиб уя солади. Ҳашаротлар б-н озиқланади. Чигиртка ва б. зараркунандаларни қириб, фойда келтиради.



Жиқтоқ.

ЖИҒА — бош кийим (салла, дўппи, тож) устига ўрнатиладиган безак, таянчоқ. Тузилиши қирғоқлари ўзаро жипслаштирилган икки палла юпқа кумушдан иборат бўлиб, юқори қисмида товус, укки патлари ўрнатиш учун найчаси бўлган, сиртига босма нақшлар ишланиб, тилла суви югуртирилган, марварид, феруза ва б. тош ва рангдор шишалар қадаб безатилган Ж. қадимий бўлиб, езма манбаларда у ҳақда маълумотлар, миниатюраларда тасвирлари сақланган. Қадимдан туй ва тантаналарда, баъзан «кўз тегиш»дан сақланиш ниятида ҳам тикилган. Шоҳ, шаҳзода, бекзодалар таққан якка қадалувчи Ж., асосан аеллар дўпписининг икки чаккасига қадаладиган қўшжиға (Хоразмда кўпроқ учрайди), болалар бош кийимига «ёмон кўздан асраш» ниятида қадаладиган қаторжиға каби турлари бор. Тошкентда, шунингдек, ишкоҳ тўйида куёвлар (қизнинг отаси совға қилган Ж.ни тақиб, уларга кўриниш берган), болаларнинг суннат тўйида уларнинг бош кийимларига Ж. тақилган.



Жиға.

Шунингдек, от, туя ва б.га тақиладиган Ж.лар ҳам бўлган, улар, одатда, ҳайвонлар нўхтасига қадалган.

ЖИҒАТОЙ — қ. *Қулон*.

ЖИҒИЛДОН — бир қанча умуртқасиз ҳайвонлар (кўпчилик моллюскалар, чувалчанглар, ҳашаротлар) ва қушларда қизилўнгачнинг кенгайган қисми. Ж. озиқни тўплаш ва сақлаш, баъзан уни қисман кимёвий қайта ишлаш учун хизмат қилади. Ҳашаротлар Ж.ида нектар асалга айланади. Қушларда Ж. ўмров суяги олдида жойлашган, унда йирик безлар бўлади. Ж. мускулларининг перистал-тик қисқариши туфайли ундаги озиқ меъдага тушади ёки боласини озиқлантириш учун оғзига қайтарилади, ҳазм бўлмаган озиқ қолдиғи чиқариб ташланади. Каптарларда тухум босишнинг 8-кунидан бошлаб Ж. эпителийси ва Ж. безлари ўзгариб, оқиш суюқлик (Ж. сути) ишлаб чиқара бошлайди. Бу суюқлик б-н каптарлар ўз жўжаларини боқади. Чўл қушлари (оқбовур, қорабовур) Ж.ида жўжалари учун сув олиб келади. Ж. озиқни қийинчилик б-н, лекин бирданига кўп топадиган йиртқич ёки нисбатан секин ҳазм бўладиган қаттиқ озиқ б-н озиқланадиган донхўр қушларда ҳам ривожланган.

ЖИҒИЛДОН ҚАЙНАШИ, меъда қайнаши, ғарда қайнаши — тўш остида ва қизилўнгач бўйлаб ачишиш сезиши пайдо бўлиши, меъда суюқлиги аралашган овқат қизилўнгачга чиқиб, унинг шиллиқ пардасига таъсир этиши Ж. қ.га сабаб бўлади. Одатда, меъда ширасида кислота кўпайганда рўй беради. Қизилўнгач ва меъда шиллиқ пардасининг сезувчанлиги ошганда, меъда ширасидаги кислота миқдори ўзгарганда, дағал овқат ейилганда, меъладан шира чиқишини кучайтирадиган моддалар истеъмол қилинганда ҳам жиғилдон қайнайди. *Гастрит*, меъда-ичак яраси, холецистит, асабий ҳолатлар ва б. касалликларда кузатилади.

Ж. қ.да, албатта, врач буюрганча даволаниш керак, чунки турли дориларни ҳалеб пала-партиш ичавериш меъда ва қизилўнгач шиллиқ пардасига ёмон таъсир этиши мумкин. Жиғилдон қайнаганда сабзи ейиш ёки унинг сувини ичиш ва гази чиқарилган Тошкент минерал сувини ичиш яхши наф беради. Асосийси Ж. қ.га сабаб бўлган касалликни даволаш лозим.

ЖИҒОЛТОЙ (Falo subbuteo) — лочинсимонлар оиласига мансуб йиртқич қуш. Катталиги каптардек. Осиё, Европа ва қисман Африкада тарқалган. Ўрта Осиёнинг тоғли ўрмонларида, боғ ва чакалакзорларда учрайди. Ўзбекистонга келиб, қишлаш учун Африка ва Ҳиндистонга учиб кетади. Бошқа қушлар инидан фойдаланади. 3 та, баъзан 4—5 та тухум қўяди. Июнь—июлда бола очади. Йирик ҳашаротлар ва майда қушлар б-н озиқланади.

ЖИҲОД, ғазовот (араб. — ғайрат қилиш, кучни ишга солиш) — ислом-да дин йўлида кураш. Дастлаб Ж. дейилганда исломни ҳимоя қилиш ва ёйиш учун кураш тушунилган. Бу курашга нисбатан Қуръонда Муҳаммад (сав)нинг Макка ва Мадинада кечган ҳаёт фаолиятининг муайян шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда турлича кўрсатмалар бор: 1) кўпхудоликлар б-н можарога бормаслик ва уларни оқиллик ва одоб б-н ҳақиқий динга оғдириш; 2) ислом душманларига қарши мудофаа уруши олиб бориш; 3) ғайридинларга ҳужум қилиш, лекин муқаддас ойларда ҳарбий ҳаракатлар олиб бормаслик.

Ж.нинг келиб чиқиш тарихи 624 й. бошларида юз берган воқеа — мусулмон аскарининг қурайш қабиласининг кичик карвонига ражаб ойида (4 муқаддас ойнинг бирида) ҳужум қилганини б-н боғлиқ. Мушрик — қурайшийлар шу омилга ургу бериб, Муҳаммад (сав) ва мусулмонларни бутун Арабистон бўйлаб ёмон отлиққа чиқаришга, уларга қарши катта иттифоқ тузишга ҳаракат қилдилар. Айни шу кезларда Қуръоннинг бир неча оятлари (Ҳаж, 39; Бақара, 190; Нисо, 75) нозил бўлдики, исломда биринчи бор Ж.га, яъни муайян ҳолларда душманга қарши кураш олиб боришга изн (рухсат) берилди. Ёш мусулмон давлати (Мадина) ўз чегаралари дахлсизлигини мудофаа қилиш учун куч ишлатишга мажбур эди. Шу тарзда илк исломда Ж. Аллоҳ йўлига, ислом динини ёйиш мақсадига бутун куч ва имкониятларни сарф қилиш маъносини англатиб келган ва фақат баъзи ҳолларда ҳарбий куч ишлатишни ҳам тақозо этган. Шу маънода Ж.ни «муқаддас уруш» деб талқин қилиш одат тусига кириб қолган.

9—10-а.лардан Ж. янги мазмун б-н тўлдирилди: Аллоҳ йўлида ўзни такомиллаштириш тушунчаси (яъни мажнавий Ж.)га 4 Ж. — қилич Ж.и, қалб Ж.и, қўл Ж.и ва тил Ж.и ҳақидаги тасаввурлар қўшилди. Миллий озодлик ҳаракатлари даврида Ж. ғоясидан мустамлакачиликка қарши курашда фойдаланилди. Умуман, ҳоз. замон мусулмон назариётчилари Ж.ни исломни тинч йўл б-н ёйиш, уни ташқи тажавсидан ҳимоя қилиш учун мусулмонларнинг куч ва ғайратларини сафарбар этиш воситаси деб таърифлайди. Мўътадил ислом (аҳл ас-сунна вал жамоа) тарафдорларининг эътиқодига кўра, Ж. ҳеч қачон бирор мусулмонга ёки мусулмонлар яшайдиган юртга қарши эълон қилинмайди.

Туркия, Кавказ ва Марказий Осиёда Ж. кўпроқ «ғазовот» номи б-н маълум бўлган.

Аҳаджон Ҳасанов.

ЖМАКИН Валентин Иванович (1928.5.3, Горький вилояти) — рассом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1964). П. Беньков номидаги Республика рассомлик билим юрти (1944—48), Москва амалий безак санъати ин-ти (1948—52) ва Бадиий саноат олий ўқув юрти (1952—54)да таълим олган. Ж. асарлари ўзбек халқи ҳаётидаги муҳим воқеаларни акс эттиргани б-н диққатга сазовор, уларда образлар ёрқин бўёқларда, жонли ифодаланган. «Паранжи ташлаган аёл» (1957), «Андгрен ГРЭС қурилиши» (1958), «Индустриал Ўзбекистон» триптихи (ҳамкорликда, 1957—60), «Ҳамза» (1960), «Ҳовли» (1970), «Эшелонлар» (1985) ва б. картиналар, шунингдек, Тошкентдаги жамоат биноларига ишланган намоёнлар ва маҳобатли безак санъатига оид асарлар муаллифи.

ЖОБИР ибн ҲАЙЁМ (тахм. 721—813) — араб олими. Турли соҳаларда асарлар ёзган; айниқса алкимёга доир китоблари машҳур. Ж.и.Х. металларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиққан (қ. *Алкимё*). Унинг асарларида моддаларни ҳайдаш, эритиш, кристаллаш ва б. амалий ишларнинг тасвирига катта ўрин берилган. Шунингдек, кўп кимёвий препаратлар (мас., аччиқтош, тўтиё, кумуш нитрат, новшадил, сулема ва б.)ни олиш, металларни эритиш, газламаларни бўяш усуллари аниқ баён қилинган.

ЖОВАНЬОЛИ (Giovagnoli) Раффаэлло (1838.13.3 — Рим — 1915.15.8) — итальян ёзувчиси. *Рисоржименто* қатнашчиси, *Ж. Гарибальди* сафдоши бўлган. Ж.нинг Қадимги Рим ҳақидаги «Плаутилла» (1878), «Сатурнино» (1879), «Мессалина» (1855) ва б. тарихий романларида мустабид тузумга қарши романтик кураш оҳанги жаранглаб туради. Мил.гача бўлган 1-а.даги қуллар ва гладиаторларнинг қўзғолони ҳақидаги «Спартак» (1874) романи Ж.га шуҳрат келтирди. Бу роман бир оз сентимental руҳда ёзилганига қарамасдан, қад. ўтмишда зулмга қарши курашган исёнкор образини улуғлайди. Муаллиф романида ижтимоий адолат ва тенг ҳуқуқлилик учун курашга даъват этади. Ж.нинг «Спартак» романи Рустам Абдураҳмонов томонидан ўзбек тилига таржима қилинган (1970).

ЖОВҚОСИН (Tulipa lehmanniana) — лоладошлар (пиёздошлар) оиласига мансуб кўп йиллик ўт. Пиёзи тухумсимон, йўғонлиги 1,5—4 см. Пояси 20—25 см. Барги 4 та, буралган, туксиз, учига қараб ингичкалашиб боради, пасткиси наштарсимон ёки қалами наштарсимон, эни 1,5—2,5 см. Гултожлари сариқ қизғиш ёки қизил, бўйи 2,5—7 см. Чангчи иплари туксиз, сариқ, юқори қисми қорамтирбинафша. Чангдонлари сариқ. Кўсагининг эни 1—1,5 см, бўйи 2,5—3 см. Апр.да гуллаб, майда уруғ беради. Бухоро вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида тарқалган. Асосан, манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.

ЖОГИР, жойгир (форс. — жой ол) — Бобурийлар салтанати даврида Ҳиндистонда кенг тарқалган ер эгалиги шаклларидан бири. Ж. эгаси — жогирдор — Ж.дан ундирилган давлат солиғининг бир қисмини олган. Бунинг эвазига муайян миқдорда қуролланган

отлиқлар, артиллерия ва юк ташувчи ҳайвонлар сақлаши ҳамда кўприк, суғориш иншоотлари қуриши ва уларни таъмир қилиб туриши лозим бўлган. Ж. ер-лари тез-тез алмаштириб турилган. 17-а.нинг 2-ярмидан бошлаб Ж. ер эгаларининг хусусий мулкига айлана бошлаган.

ЖОДИ, кажкорд — 1) беда ва пояларни қирқиб, молларга озуқа тайёрлаш учун ишлатиладиган асбоб. Дами пичоқ ёки ўроқникн сингари текис ва тишли (аррасимон) хиллари бор; 2) игна ясовчи ҳунармандларнинг игнага мўлжалланган симни қирқадиган асбоби.

ЖОДРЕЛЛ-БЭНК РАДИОАСТРОНОМИК РАСАДХОНАСИ — Англиядаги энг катта радиоастрономик расадхона. Жодрелл-Бэнк ш.да жойлашган; 1946 й.да ташкил қилинган. Асосий асбоблари: диаметри 76,66, 38 ва 9 м ли радиотелескоплар. Расадхонада радиогалактикаларнинг физик табиати, радиоманбалар спектри (Оққуш, Курси ва б. юлдуз туркумларида), водороднинг коинотда тақсимланиши ва б. тадқиқот ишлари олиб борилади, метеорлар оқими, Ой ва сайёралар радиолокация йўли б-н ўрганилади.

ЖОДУГАРЛИК — қ. *Сеҳргарлик.*

ЖОДҲПУР, Марвар — Ҳиндистоннинг шим.-ғарбидаги шаҳар. Тар чўлининг чеккасида, Ражастхон штатида. Аҳолиси 510 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Транспорт йўллари тугуни. Тўқимачилик, тери, фармацевтика корхоналари, механика устахоналари ва б. бор. Бадиий ҳунармандчилик (фил суягига ишлов берилади, диний либослар, шишадан зийнат буюмлари ва б. тайёрланади) ривожланган. Шаҳарга 15-а. ўрталарида асос солинган.

ЖОЗЕФСОН (Josephson) Брайан Девид (1940) — инглиз физиги. Илмий ишлари ўта ўтказгичларга ва туннеллаш масалаларига бағишланган. Иккита ўта ўтказгични ажратиб турувчи юпқа (~10Å=10^{-9} м) диэлектрик қатламдан ўта ўтказувчан ток оқаётганда ностационар эффект содир бўлишини башорат қилган. Бу эффект *Жозефсон эффекти* деб аталади. Нобель мукофоти лауреати (1973, А. *Жайевер* ва Л. *Эсаки* б-н ҳамкорликда).

ЖОЗЕФСОН ЭФФЕКТИ — ўта ўтказувчанлик токининг иккита ўта ўтказгични ажратиб турадиган юпқа ўтиши. Ўта ўтказувчанлик назарияси асосида Б. Д. *Жозефсон* олдиндан айтиб берган (1962). Уни АҚШ физиклари П. Андерсон ва Ж. Роуэлл кашф этганлар (1963). Диэлектрик (одатда ~10Å қалинликдаги металл оксиди)да электрон ўтказувчанлик туннель эффекти туфайли рўй беради. Агар диэлектрик қатлам орқали ўтган ток критик қиймати (бирор маълум катталик)дан ортиқ бўлмаса, контактда кучланиш пасаймайди, ток критик қийматдан катта бўлса, контактда кучланиш U пасаяди, у ҳолда контактда кучланишнинг пасайиш частотаси $\nu = \frac{2eU}{h}$ бўлади, бунда e — электрон заряд, h — *Планк доимийси.* Ж. э.га асосланиб жуда сезгир (10^{-9} Гс ёки 10^{-13} Тл гача) магнитометрлар ясалган. Ж. э.дан кичик генераторлар, детекторлар, кучайтиргичлар ва б. электрон асбобларда фойдаланилади.

ЖОЙНАМОЗ — *намоз* ўқиладиган тўшама. Ж. ибодат вақтида кишини бу дунёдан ажратувчи омил, деб тасаввур қилинади. Ж. устида намоз ўқиш илк ислом даврида кенг тарқалмаган, ерда, бўйрада ҳам ўқилаверган. Ж. бўлмаган тақдирда турли покиза буюмлар (чопон, рўмол, шолча, қийиқ, мато ва б.)дан Ж. сифатида фойдаланиш мумкин. Ҳозирда Ж. кенг кўламда қўлланилишидан қатъи назар, зарурат тақозо қилган пайтларда пок тупроқ ёки ўтлоқ устида ибодат қилиш мумкинлиги назарда тутилиши лозим. Ж. атамаси Қуръонда тилга олинмаган.

Ж. тайёрлаш мусулмон мамлакатларида амалий санъатнинг анъанавий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ж. матодан тўртбурчак шаклида тайёрланади, кашталар тикиб безатилади. Кашта мужассамоти меҳроб шаклида ҳошияланган ислимий нақшлардан иборат. Матодан безаксиз тайёрланган Ж.нинг бош томонига рамзий меҳроб шакли тикилади, намоз ўқиш пайтида бу шакл Макка (қибла) томонга гилам Ж.лар ҳам тайёрланмоқда.

ЖОЙТУН МАДАНИЯТИ — Ўрта Осиёнинг неолит даврига оид энг қад. ўтроқ деҳқончилик маданияти марказларидан бири (мил. ав. 6—5-минг йиллик). Ашхободдан 30 км шим.да жойлашган қад. ўтроқ деҳқонлар қишлоғи харобаси номидан олинган. 1952 й.дан *Жанубий Туркманистон археология комплекс экспедицияси* қазиш ишлари олиб борган. 10 дан ортиқ ёдгорликлар (Чағиллитепа, Пессежиктепа, Чопонтепа, Найзатепа, Жойтун ва б.)ни текширган. Бу уруғдошлик манзилгоҳларининг ҳар бири 0,5—2 га майдонни эгаллаган. Сомонли гувалдан қурилган бир хонали уйлар (25—45 м²) саҳни оқ ганчли лой б-н сувалган, айримлари қизил ва қора рангга бўялган. Ҳар бир хонада ўчоқ, ғалла ўраси, супа бўлган. Айрим хоналар ўртасида катта оташкада бўлиб, умумий саждагоҳ вазифасини ўтаган. Манзилгоҳларда омбор, сопол идишлар пишириладиган майдончалар бўлган. 3 маданий қатламдан иборат Жойтун манзилгоҳи (Ж. м. шу номдан олинган) тўла ўрганилган. Унинг майд. 0,5 га, юқори қатлами 35—40 хонадан, ўрта қатлами 29 хонадан иборат. Манзилгоҳлардан болалар суяги топилган, катталар ташқарига кўмилган. Аҳоли, асосан, деҳқончилик, чорвачилик, овчилик б-н шуғулланган. Аҳоли чақмоқтошдан қирғич, ўроқ, ранда, пичоқ; суякдан игна, бигиз; тош ўғир ва б. буюмлар ясаган. Сопол идишлар сомонли лойдан ишланиб, баъзиларининг сирти қизил ангоб б-н бўялган. Тош ва лой (сопол)дан ишланган аёл ва ҳайвон ҳайкалчалари, тош, суяк ва чиғаноқлардан ясалган тумор, мунчоқ ва б. турли тақинчоқлар кенг тарқалган. Ж. м. Каспий бўйидаги мезолит даври маданияти асосида вужудга келган. У — ибтидоий деҳқончилик маданиятининг жаҳондаги ноёб обидаларидан бири.


Ад.: Массон В. М., Поселение Джейтун, Л., 1971; Массон В. М., Средняя Азия и Ближний Восток, М.—Л., 1964.

ЖОКЬЯКАРТА, Йогьякарта — Индонезиядаги шаҳар, Ява о.да. Алоҳида маъмурий бирлик сифатида ажратилган. Аҳолиси 3,1 млн. киши (2000, шаҳар атрофи б-н). Т. й. ва шоссе йўллар

Жойтун маданияти: 1—чақмоқтошдан ясалган қуроллар;



1



2

2 — сопол идиш синиқлари.

тугуни. Халқаро аэропорт бор. Ж. қадимдан ҳунармандчилик марказн. махсус усулда газлама (батика) тўқилади, кумушдан бадиий буюмлар тайёрланади, ёғоч ўймакорлиги ривожланган. Шоли оқлаш, шакар-қанд, тамаки ва тўқимачилик корхоналари бор. Ж. мамлакатнинг қад. маданият маркази. Меъморий ёдгорликларидан Ж. султонининг саройи (1755—60) ва б. сақланган. Хусусий музей, табиий боғ, мусулмонлар ун-тлари бор. Туристлар кўп келади.

Тарихий манбаларда Ж. дастлаб 18-а. бошидан тилга олинган. 1755 й.дан голландлар назоратидаги Ж. султонлигининг пойтахти, 1946—49 й.ларда Индонезия Республикасининг вақтинча пойтахти бўлган.

ЖОЛИНУС — *Гален*нинг ажам халқлари ўртасидаги номи.

ЖОЛИО-КЮРИ (Joliot-Curie) Ирен (1897.12.9 — Париж — 1956.17.3) — француз физиги ва радиокимёгари. П. *Кюри* ва М. *Склодовская-Кюри*ларнинг қизи. 1926 й.да Ф. *Жолио-Кюри*га турмушга чиққан ва шундан бошлаб умрининг охиригача биргаликда и. т.лар олиб борганлар. Илмий ишлари радиоактивлик, ядро физикаси ва ядро кимёсига оид. 1934 й.да Ф. Жолио-Кюри б-н ҳамкорликда сунъий радиоактивлик ҳодисасини очган. Югослав физиги П. Савич б-н ҳамкорликда 1939 й.да нейтронлар б-н уранни нурлаш туфайли ҳосил бўлган ядровий реакция маҳсули — лантан ҳосил бўлишини аниқлаган (аввал трансуран элемент деб тушунилган). Бу иши ядронинг бўлиниш реакциясини кашф қилишда муҳим бўлган. Кимёвий элементларнинг сунъий радиоактив изотопларини, позитрон радиоактивликни кашф қилган. Нобель мукофоти лауреати (1935).



ЖОЛИО-КЮРИ (Joliot-Curie) Фредерик (1900.19.3 — Париж — 1958.14.8) — француз физиги. Халқаро тинчлик тарафдорлари ҳаракати асосчилари ва раҳбарларидан бири. Илмий ишлари ядро физикаси, ядро кимёси, ядро техникасига оид. И. *Жолио-Кюри* б-н биргаликда биринчи бўлиб гамма-квантдан ҳосил бўлган электрон-позитрон жуфтлари изининг фотосуратини олдилар (1933) ва шу йилнинг ўзида француз физиги Ж. Тибо б-н ҳамкорликда биринчи марта электрон-позитрон жуфтлари *аннигиляция*сини кузатдилар. Француз олимлари Г. Альбан ва Л. Коварскихлар б-н ҳамкорликда биринчи бўлиб ядро портлашида занжир реакция бўлишини исботлаган (1939), нейтрон массасининг протон массасига нисбатан бир қанча катталигини кўрсатган (1939). Коллеж де Франс ядро физика ва кимё лаб. сида биринчи француз циклотронини ишга туширган. 1948 й. 15 дек.да Ж.-К. раҳбарлигида Францияда биринчи атом реактори ишга туширилди. 1940 й.дан Ж.-К. Тинчлик тарафдорлари халқаро конгресси доимий қўмитасининг, 1951 й.дан эса Халқаро Тинчлик Кенгашининг раиси. Нобель мукофоти (1935), «Халқаро тинчликни сақлаш учун» мукофоти (1951) лауреати.



ЖОМ — 1) уй-рўзғор буюми; ичи чуқур ва ёйиқ (кенг) зиҳи юқорига анча кўтарилган тўғарак шаклдаги мис тогора; баъзан 2 та қулоғи ҳам бўлади. Хамир қориш, гуруч ивитишда, қуюқ овқат солишда, тўй, маросимлар ва б.да фойдаланилади. Катта ҳажмлилиги Кўқон, Наманганда мис тогора, нисбатан кичик тури Ж. деб аталади; 2) металл қалаҳ (коса, пиёла).



Жом (20-аср).

ЖОМ — Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги сой. Зарафшон тоғ тизмасининг тармоғи — Қоратепа тоғининг ғарбий ён бағридан бошланиб, Жом чўли бўйлаб оқади ва Айритомсойга қуйилади. Уз. 20 км. Ж.га юқори қисмида жуда кўп майда сой келиб қўшилади. Бу қисмида водийси тор, ён бағирлари тик. Текисликка чиққач, водийси кенгаяди, иккита кўҳна қайир (терраса) ҳосил бўлган. Сойнинг ўзани сел келтирган шағал ва харсанг тошлар б-н қопланган. Асосан мавсумий ёмғир ва бўлоқ сувларидан тўйинади. Баҳор ойларидаги сув сарфи 3 м³/сек., ёзда эса камаяди, қуйи оқимида умуман қуриб қолади.

ЖОМ ЖАНГИ (1528.24/28.9)— шайбоний султонлар б-н *сафавий*лардан бўлган Эрон шоҳи *Таҳмасп I* қўшинлари ўртасида Жом вилояти (Хуросон)нинг Харгерд (Хусравжирд) ноҳиясига қарашли Зуробод мавзеида содир бўлган жанг. Шайбонийлар Эронга қилган юришларига диний тус бериб, шиаларга қарши газот эълон қилганлар. Натижада қўшин таркибида савобталаб дарвешлару руҳонийлар, олимлару санъат аҳллари, косиб-ҳунармандлару деҳқонлар ҳам қўшилиб, жами 105 минг кишини ташкил қилган. Шоҳ Тахмасп I қўшини 24 минг жангчидан иборат бўлган. Жанг шу куннинг пешинигача давом этган, сафавийлар енгилиб, Тахмасп I оз сонли аскарлари б-н жанг майдонидан қочган. Бироқ ғалаба нашидасини барвақт суришга киришиб кетган шайбонийлар қўшини ўлжа излаш учун тарқаб кетган. Шунда, *Искандар Мунший*нинг ёзишига кўра, сафавийларнинг 3 минг нафар отлиқ қўшини (шундан 1700 таси *қурчилар*) *Убайдуллахон* ва *Кўчкунчихон* раҳбарлик қилаётган шайбонийлар қўшинининг марказига тўсатдан зарба бериб, рақибларини пароканда қилиб юборади. Шайбоний султонлар жанг майдонини ташлаб қочади. Минглаб кишилар қилич зарбидан ва яна қанчалари дарёга чўкиб, кўплар эса тоғу даштларда адашиб ҳалок бўлади.

Ад.: Ахмедов Б. А., История Балха, Т., 1982.

ЖОМ ЧЎЛИ — Самарқанд вилоятидаги чўл. Зарафшон тизма тоғларининг ғарбий ва Зирабулоқ тоғларининг шарқий этакларида жойлашган. Ж. ч.да бўйлама чўзилган қирлар, тўлқинсимон лёссли текисликлар бор. Ўртача бал. 500—600 м, асосий баландликлар Зарафшон тоғлари этакларидан жан.-ғарб томон пасайиб боради. Рельефи ўйдим-чуқур (1—10 м ва ундан зиёд). Ж. ч.нинг жан.-ғарбида сойликлар (Собирсой, Тошбақасой, Каттасой, Қўшилишсой ва б.), шарқида Зарафшон тоғлари этакларидан бошланувчи сойлар (Жомсой, Сайиджилғасой, Каттасой, Сариқулсой) ғарбга томон йўналган. Зарафшондан бошланувчи Эски Анҳор ва Жом каналлари чўлни кесиб ўтади, улардан Қашқадарё воҳасида суғоришда фойдаланилади.

Ж.ч.нинг ўрни Зарафшон ва Зирабулоқ тизмалари ўртасидаги тектоник ботиқдан иборат. Тўртламчи даврнинг лёсс ва лёссимон жинслари тоғ этакларида 10—15 м, марказий қисмида 70 м гача қалинликда тўпланган. Грунт сувлари сатҳининг чуқурлиги шим.да (Улус кенглигида) 10—20 м, шўрлиги камроқ (1—3 г/л). Артезиан сувлари бўр, палеоген ва неоген ётқизиқларида мавжуд, уларнинг аксарияти шўрроқ. Эфемер, эфемероидлар, қўзиқулоқ, оққурай, каррак ва б. ўт ўсимликлар кенг тарқалган. Тупроғи, асосан, типик бўз

тупроқ. Ер ости сувлари суғоришда ва чорва молларини сув б-н таъминлашда ишлатилади. Тоғ этакларига яқин ва б. айрим жойлар лалми деҳқончиликда, сойликлар суғориладиган деҳқончиликда фойдаланилади.

ЖОМАШЎЙ — Наманган вилоятидаги шаҳарча (1972 й.гача Катта Жомашўй қишлоғи). *Мингбулоқ тумани* маркази. Яқин т. й. станцияси — Оқтошдан 12 км. Вилоят маркази — Намангандан 29 км. 383 м баландликда. Аҳолиси 10,1 минг киши (2000). Дастлаб 1952 й.да чўлда ташкил этилган Жомашўй туманининг маркази бўлган. Ж. номи жаманша уруғи номидан деган тахмин мавжуд. Ж.да 3 умумий таълим мактаби, марказий кутубхона, марказий касалхона, маиший хизмат уйи, савдо маркази, санъат саройи, алоқа уйи, деҳқон бозори ва б. бор.

ЖОМБОЙ — Самарқанд вилоятидаги шаҳар (1977 й.дан). *Жомбой тумани* маркази. Туманнинг жан.-шарқий қисмида, т.й. станцияси ёнида жойлашган. Ж. этник уруғ номидан келиб чиққан. Ж.дан Самарқандгача 13 км. Аҳолиси қарийб 14 минг киши (2000). Ж.да 4 умумий таълим мактаби, маиший хизмат коллежи, ҳунар лицейи, Акрология ва паразитология илмий тадқиқот ин-ти, 2 кутубхона, маданият уйи, Мотамсаро она хиёбони, ўлкашунослик музейи бор. Шаҳарга кираверишда рамзий дарвоза ўрнатилган.

1502 й.да Шайбонийхон Бухородан Самарқандга қайтишида Зарафшон дарёсининг Ж.дан ўтувчи қисмида 7 равоқдан иборат кўприк қурдирган. Замонлар ўтиши б-н равоқлар бузилиб, 19-а.нинг 40-й.ларида 3 та равоқ бутун қолган. Ҳоз. кўприкнинг биргина равоғи сақланган. 1899 й.Ж. орқали т.й. ўтказилган. Ж.да 1911 й.да Маҳмудхўжа *Беҳбудий* ташабусси б-н янги усулда мактаб очилган.

ЖОМБОЙ ТУМАНИ — *Самарқанд вилоятид*аги туман. 1935 й. 9 фев.да ташкил этилган (1962 й. 24 дек.да Булунғур тумани б-н бирлаштирилган, 1970 й. 7 дек.да қайта тузилган). Шим.да вилоятнинг Пайариқ тумани, Жиззах вилояти, ғарбда Окдарё, Самарқанд туманлари, шарқда Булунғур тумани, жан.да Тойлоқ тумани б-н чегарадош. Майд. 0,55 минг км². Аҳолиси 114,3 минг киши (2000). Ж.т.да 8 қишлоқ фуқаролари йиғини (Деҳқонобод, Жомбой, Жўрият, Холвойи, Шерқўрғон, Қанғли, Қорамўйин, Қўнғирот), 1 шаҳар (Жомбой) бор. Маркази — *Жомбой* ш.

Табиати. Ж.т. вилоятнинг жан.-шарқий қисмида жойлашган, ер юзаси пасттекислик ва қирлардан иборат. Шим.да Губдин тоғи ва тоғ олди текислиги жойлашган. Иқлими кескин континентал. Июлнинг ўртача т-раси 27°, янв.ники −2,6°. Йилига 317 мм ёғин тушади. Вегетация даври 240 кун. Типик бўз тупроқ, аллювиал ўтлоқи, ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар тарқалган. Туман жан.да Зарафшон дарёси оқиб ўтади. Сарисув, Полвон, Ўрта, Булунғур, Мирза ва б. каналлари бор. Тоғ олди қисмида чўл ўсимликлари, текисликда эса бешбармоқ, қирқбўғим, қўға, қамиш ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, чиябўри, қуён, юмронқозиқ, қушлардан кўккарға, булбул, какку, лайлак ва б. учрайди. Ж.т. ҳудудида Зарафшон қўриқхонаси жойлашган. Ўрта асрларда туман ҳудудида Бедана қўриғи деб аталган мавзе бўлган.



Аҳолиси, асосан ўзбеклар; шунингдек, тожик, татар, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га 208 киши тўғри келади. Қишлоқ аҳолиси 100,6 минг, шаҳарликлар 13,7 минг.

Хўжалиги. Ж. т.да 11 саноат корхонаси, жумладан пахта тозалаш з-ди, 3 та қўшма корхона, (энг муҳими «Самжинтекс» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси, қарийб 150 та кичик корхона бор. Қ.х.да пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, чорвачилик б-н шуғулланилади. Жами ер фонди 55,9 минг га, шу жумладан суғориладиган ерлар 28,1 минг га. Қ.х.га яроқли ерлар 46,9 минг га, ўрмон фонди ерлари 2,4 минг га. Пахта 6,2 минг га, ғалла 12,3 минг га, сабзавот 350 га ерга экилади. Туманда 13 жамоа, 5 ширкат, 1 ўрмон, 1 чорва хўжалиги мавжуд. Туман жамоа хўжаликлари ва шахсий хўжаликларда қарийб 42 минг қорамол, 20 мингга яқин қуй-эчки бор. Ўрмон майд. 277 га. Ўрмон хўжалигида асосан, терак ўстирилади. Туман ҳудудидан Тошкент—Самарқанд т. й. ўтган (17 км). Халқаро автомобиль йўли 20 км. Жами 56 умумий таълим мактабида 31 мингдан зиёд ўқувчи, ҳунар лицейида 600 га яқин ўқувчи таълим олмоқда. Марказий кутубхона, марказий болалар кутубхонаси, 43 қишлоқ кутубхонаси, марказий маданият уйи, 18 қишлоқ маданият уйи, клуб, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор. 446 ўринли 3 касалхонада 198 врач бўлиб, ҳар 10 минг кишига 17,3 врач тўғри келади. 1935 й.дан «Жомбой тонги» газ. нашр этилади (адади 1310).

«ЖОМЕ ат-ТАВОРИХ» («Тарихлар тўплами») — тарихий асар. Муаллифи — *Рашиддин* Фазлуллоҳ 1302—10/11 й.ларда форс тилида ёзилган, 3 қисмдан иборат: 1-қисм «Таърихи Ғозоний» деб аталиб, *Ғозонхон* фармонига биноан битилган. Унда мўғуллар, *Чингизхон* ва мўғуллар барпо қилган давлатлар, хусусан, *Ҳулокуийлар давлати* тарихи (1304 й.гача) ёритилган. 2- қисм *Ўлжойтухон* топшириғига кўра кашмирлик Камалашри, хитойлик Ли Да-чжи, франциялик бир монах ва икки форс олими иштирокида яратилган бўлиб, у Ислом оламининг *мўғуллар истилосидан* илгариги тарихи, қад. яҳудийлар, франклар, Рим императорлари, Шунингдек, дистон ва Хитой тарихи, шунингдек, Шарқий Европа халқларига доир маълумотлардан иборат. 3- қисм эса *Етти иқлим* географиясига бағишланган. Ҳофиз Абру бу асарга Шоҳрух фармонига биноан «Зайли Жоме ат-таворих» номли илова ёзиб, унда Эрон тарихи баёнини 1371 й.гача етказган. «Ж. ат-т.»нинг 16-а.да эски ўзбек тилига ўгирилган икки нусхаси (Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти, Туркманистон ФА Тил ва адабиёт ин-ти фондларида) мавжуд бўлиб, улардан бири-



«Жоме ат-таворих» қўлёзмасининг муқоваси.


нинг таржимони Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али Бухорий, иккинчисиники Солур бобо ибн Қул Алидир. «Ж. ат-т.» француз (1836, 1911), чех (1941), рус (1858, 1868, 1888, 1968) ва б. тилларга ҳам таржима қилиниб нашр этилган.

Ад.: Аҳмедов Б. А., Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари, Т., 1991.

ЖОМЕ МАСЖИД — шаҳар марказидаги ёки нисбатан катта ҳудуддаги асосий ва энг катта бош *масжид*. Жамоа учун зарур турли хабарлар эълон қилинадиган, ҳафталик жума, ҳайит намозлари жамоа бўлиб ўқиладиган махсус бино. Шаҳар ташқарисида мусалло, намозгоҳ. Жума масжид, гузар (маҳалла) масжидларига нисбатан унинг тузилиши салобатли. Ўрта Осиёда Ж. м.нинг умумий тарҳи мурабба ёки тўғри тўртбурчакли хонақоҳ бўлиб, бир (олд ёки ён) томони, икки (жан. ва шарқий ёки шим. ва шарқий) ёки уч томони айвон б-н ўралган. Хонақоҳ томи гумбазли ёки тўсинли. Айвон ва хонақоҳ катталиги тўсинлар сони ва қатори б-н белгиланган, баъзан хонақоҳ 1, 2, 4 гумбазли, айвонлар атрофи қатор устунли, бурчакда азон айтишга мўлжалланган мезана ва ҳовли ўртасида ҳовуз бўлган. Бухорода биринчи Ж. м. 713 й. Қутайба ибн Муслим томонидан ишга туширилган. Ушбу масжид учун маҳаллий мажусийлар ибодатхонаси мослаштирилган. 14—15-а.ларда Ж. м. қурилишига даврнинг машҳур меъмор ва муҳандислари сафарбар қилинган (қ. *Ал-масжид ал-Ақсо, Ал-масжид ал-Ҳаром, Масжиди калон, Бибихоним жоме масжиди, Деҳли жоме масжиди*).

«ЖОМЕ ул-УЛУМ» («Илмлар мажмуаси») — Фахруддин ар-Розий (1149—1210) томонидан хоразмшоҳ *Эларслон* (1172—93) га атаб ёзилган асар. 60 илм (боб) дан иборат, унда шариат қонунқоидалари б-н бирга дунёвий илмлар ҳақида маълумот берилган. Унинг таркиби, грамматика, аруз, қофия, шеър тузилиши, мантиқ, табобат, овчилик, минералогия, деҳқончилик, мат., тогеография, ҳарбий фан, астрономия, ахлоқ, сиёсат, шатранжга оид илм (боб)лари муҳим аҳамиятга эга. Асар 1913 й. Тошкентда тошбосмада чоп этилган. Нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади (инв. № 2923).

ЖОМИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Нуриддин Абдураҳмон ибн Аҳмад) (1414.7.11, Жом — 1492.8.11, Ҳирот) — форс-тожик шоири, *нақшбандийлик* тариқатининг йирик вакили. Ж.нинг



Жомий (П. Пантюхин асари, 1968).

ота-боболари асли Даштдан бўлиб, Жомда, кейинчалик Ҳиротда ҳаёт кечиришган. Ж. мадраса ёшидан анча эрта Ҳиротдаги «Дилкаш» (Навоий маълумотига кўра, «Низомия») мадрасасига кириб, ўз даврининг таниқли тил, адабиёт олимлари ва мударрислари қўлида таҳсил олган. Шу даврдаёқ у араб тилини мукаммал ўргана бошлаган. Кейинроқ Ж. ўз билимини ошириш учун Самарқандга келади ва Улуғбек мадрасасида буюк фалакиётшунос Қозизода Румий, Али Қушчи, фиққашунос Фазлуллоҳ Абуллайс кабилардан таълим олади. Бу йилларда у тил ва адабиётнигина эмас, риёзиёт, фалакиёт, фалсафа, ҳуқуқшунослик фанларини, дин асослари, ҳадис ва тафсир илмларини ҳам чуқур ўрганади, олимларнинг турли мавзулардаги мунозара ва мубоҳасаларида қатнашиб, етук олимлиги б-н танила бошлайди. Ж. Ҳиротга қайтгач, тасаввуф йўлига киришни, ўз билим ва фаолиятини шу йўлга қолаверса, ижодга, илм-фанга бағишлашни афзал кўради. У ўзига пир қилиб Шайх Саъдиддин Кошғарий (вафоти — 1456)ни танлайди, Ҳиротнинг жоме масжидида унинг суҳбатларини тинглайди. Саъдиддин Кошғарий тасаввуфда Муҳаммад Нақшбанд силсилига мансуб эди. Ж. машҳур суфийлар б-н яқиндан мулоқотда бўлади. Муҳйиддин ибн ал-Арабийнинг асарларини чуқур мутолаа қилади. Ўзининг мутасаввифлик фаолиятида *Баҳоуддин Нақшбанд* ғояларини шу силсилнинг иккинчи бир йирик намояндаси — *Ҳўжа Аҳрор* б-н яқин муносабатда бўлган ҳолда янада ривожлантирди. Расман ўзини кундалик «Маломатия» тариқатига мансуб деб ҳисобласа-да, асарларида Нақшбандга ихлоси баланд бўлган. Ж. Хуросонда темурийлардан Шоҳрух, Абулқосим Бобур, Абу Саид ва Ҳусайн Бойқаро подшоҳлиги даврида яшади. Хуросонда Ҳирот тахтига темурий Султон Ҳусайн Бойқаро ўтиргандан сўнг Ж.нинг мамлакатдаги мавқеи жуда ортади, чунки Султон Ҳусайн ва унинг кўп авлодлари ўзларини унга мурид, деб эълон қилганлар.

Ж. 1472 й. ҳажга боради. Бу сафари вақтида Нишопур, Сабзавор, Бастом, Домғон, Қазвин, Ҳамадон, Карбало, Бағдод, Дамашқ, Ҳалаб, Табриз каби бир қанча шаҳарларда бўлади. Унинг шахсий мактубларидан маълум бўлишича, яқин дўсти Хўжа Аҳрор таклифи б-н Тошкентда ҳам бўлган ва улуғ мозоратларни зиёрат қилган.

Ж. катта ер-мулк эгаси бўлган. Ж. Алишер Навоий б-н биринчи марта Абу Саид ҳукмронлиги даврида Хиёбон мавзесида ҳамма қатори кўришган. Шунда Ж. унга ўзининг бир расмини тақдим қилган. 1476—77 й.ларда Навоий ҳам Ж.ни ўзига пир, деб танийди. Гарчи Ж.нинг Навоийдан ёши анча улуғ, расман пир ҳисобланса ҳам, моҳиятан улар чин дўст ва ҳамкор бўлганлар. Ж. ўзининг («Нафаҳот ул-унс», «Баҳористон» ва б.) бир қанча асарларида Навоийни, Навоий ҳам ўз асарлари («Ҳамсат ул-мутаҳаййирин», «Мажолис ун-нафоис» ва б.)да Ж.ни ҳурмат б-н тилга олади. Ж. «Нафаҳот ул-унс» («Азизлар нафаси»), «Рисолаи мусиқи» («Мусиқа рисоласи»), «Рисолаи муаммо» («Муаммо рисоласи») каби ўндан ортиқ асарини Навоий маслаҳати б-н ёзган. Ж. вафотидан сал бурун лирик шеърларини 3 девонга бўлиб, уларга «Фотиҳат уш-шабоб» («Ёшликнинг бошланиши»), «Воситат ул-иқд» («Ўртадаги дур») ва «Хотимат ул-ҳаёт» («Ҳаёт хотимаси», 1479—91) деб ном берар экан, бунда Навоий маслаҳатини эътиборга олган эди. Навоий ва Ж.нинг дўстлиги алабий ҳамкорлик б-н чегараланмаган. Навоий Ҳусайн Бойқаро саройида бош вазир бўлиб турар экан, ўз сиёсий ва ижтимоий фаолиятида Ж.дан маслаҳатлар олиб турган. Мас., Султон Ҳусайн Қундуз вилоятига қарши юришга отланмоқчи бўлганда, Ж. Навоийдан подшоҳни бу сафардан қайтаришни илтимос қилган. Саройдаги фитна ва фужурлар Навоийнинг жонига тегиб, у ўз вазифасидан кетмоқчи бўлганда Ж. уни бундай қарордан воз кечтирган. Чунки Навоийдек халқпарвар арбоб саройдан кетса, халқ ва мамлакат аҳволи янада оғирлашишини у яхши тушунар эди.



Самарқанддаги Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий ҳайкали.

Ж. ўз асарларини форс-тожик тилида ёзган, араб тилини ҳам яхши билган. Хоразмлик тилшунос Ибн ал-Ҳожибнинг араб тили наҳв (синтаксис)и ҳақидаги «Ал-Кофия» дарслигига 1492 й.да ғоят яхши шарҳ битган. Бу китоб Марказий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларида сўнгги вақтларгача мактаб ва мадрасаларда араб тилидан қўлланма бўлиб келди. Навоий берган маълумотга кўра, Ж. туркий тилни яхши билган.

Ж.дан улкан ва ранг-баранг адабий ҳамда илмий мерос қолган. Баъзи олимлар Ж. асарларининг умумий сони 100 га яқин деб тахмин қиладилар. Навоий «Хамсат ул-мутаҳаййирин»да унинг 38 асарини номма-ном санаб кўрсатади. Ж. асарлари фалсафа, тасаввуф, тилшунослик, адабиётшунослик, санъат соҳаларига ҳамда назм ва насрнинг ҳар хил жанрларига оид. Ж.нинг ижодий фаолияти кўп қиррали бўлса ҳам у Шарқ халқлари маданияти тарихида кўпроқ гениал шоир ва мутафаккир — олим сифатида танилган. Бу жиҳатдан унинг эпик ва лирик мероси ғоят диққатга сазовордир. Сўнгги аср адабиётшунослари ҳақли равишда уни форс-тожик адабиётининг илк тараққиёт даврдаги (10—15- а.лар) буюк мутафаккир-ижодкор деб атайдилар. Ж. асарларининг бир қисми диний ва фалсафий мазмунга эга бўлиб, уларда шоир ислом дини ва шарқ фалсафасининг бир қатор масалаларини ўз қарашича талқин этади, тасаввуфнинг 15- а.даги йирик арбоби сифатида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этади. Бунга унинг «Нақши фусус» («Маънолар нақши»), «Шавоҳиди нубувва» («Пайғамбарликка далиллар»), «Шарҳи қасидайи «Тоия» («Радифда «то» ҳарфидан фойдаланиб ёзилган қасида шарҳи»), «Нақди нусус» («Матнни танқид»), «Шарҳи қасидайи «Хамрия» («Хамрия» қасидаси шарҳи»), «Нақшбандия таълимоти ҳақида рисола», «Воҳид» атамаси ҳақида рисола», «Зикр» шартлари ҳақида рисола», «Ҳаж қилиш йўллари ҳақида рисола» каби бир қанча асарларини шу гуруҳга киритиш мумкин. Ж. фалсафасининг асосини тасаввуфий ғоялар ташкил этади. Унинг тасаввурида Худо жонли мавжудот бўлмай, ёруғ нур кўринишига эга. Ҳамма нарсани яратган ягона Худо гўзал маъшуқага ўхшаган бўлиб, мингларча ойнада турли қиёфада ва кўринишда намоён бўлади. У юнон файласуфи *Плотин*нинг жилоланиш («эманация») фалсафасини давом эттиради ва янада ривожлантиради. Унинг фикрича, дунёдаги ҳамма нарсалар келиб чиқиши ва моҳияти эътибори б-н илоҳийдир.

Ж.нинг «Лужжат ул-асрор» («Сирлар денгизи», 1475), «Ашиат ул-ламоат» («Йилтилаган нур», 1476) диний-фалсафий қасидаси *Ибн Сино*га бағишланган. Достонларида халқ оммасининг энг яхши орзу-умидларини куйлаган. 7 достондан иборат «Ҳафт авранг» («Етти тахт» ёки «Катта айиқ», 1480—87)даги «Силсилат уз-заҳаб» («Олтин занжир, 1472), «Туҳфат ул-аҳрор» («Нуроний-лар туҳфаси», 1481—82), «Сибҳат ул-аброр» («Тақводорлар тасбеҳи», 1482—83) достонларида юксак хулқ-атвор мезонларини тарғиб қилган, кишиларни маърифатга, юртпарварликка, тўғрилик, инсоф ва иймонга чақирган. «Юсуф ва Зулайҳо» (1483), «Лайли ва Мажнун» (1484), «Саломон ва Абсол» (1479—80) достонлари ишқий мавзуда. «Хиралномаи Искандарий» достони (1485) Низомийнинг «Искандарнома»сига тақлидан ёзилган. 18- а. охири ва 19- а.нинг бошларида Муҳаммад Ризо *Огаҳий* Ж.нинг «Юсуф ва Зулайҳо»сини ўзбек тилига таржима қилган.

Адабиётшунос ва тилшунос олим сифатида ҳам Ж. хизмати улкандир. У ўзининг «Баҳористон» тазкирасида форс-тожик адабиётининг бир қанча намояндалари ва Навоий ҳақида қимматли маълумотлар беради. Унинг «Рисолаи аруз» асари аруз ҳақидаги энг «Нафаҳот ул-унс» асарини ёзиш б-н мукаммал қўлланмалардан биридир. Ж. тасаввуф тарихини ўрганишга катта ҳисса қўшди. Унда 616 мутасаввиф ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берилган бўлиб, улардан 34 нафари аёллардир. Ушбу асарни Навоий маълум бир тўлдиришлар б-н ўзбек тилига таржима қилган. Ж. фақат машҳур суфийлар ҳақида маълумот бериш б-н чекланмай, қатор шоир ва адибларнинг ҳаёти ва ижодига ҳам тўхталади. Навоий бу асарни ўзбек тилига «Насоим ул-муҳаббат» («Муҳаббат шабадалари») номи б-н таржима қилар экан, уни ўзбек шоирлари ва адиблари ҳақидаги маълумотлар б-н тўлдиради. Ж. муаммо ҳақида 4 рисола («Рисолаи муаммойи кабир», «Рисолаи муаммойи мутавассит», «Рисолаи муаммойи сағир», «Рисолаи муаммойи манзум»), рубоийлар шарҳи, кофия ҳақида 2 рисола ёзган, машҳур қасидаларнинг бир қанчаларига алоҳида-алоҳида шарҳлар битган.

Ж. мусиқа соҳасида ҳам катта обрўга эга булиб, «Нақши Мулло» («Нақши Имома») асари муаллифидир. Шарқ мусиқа илми тарихида Ж.нинг «Рисолаи мусиқи»си ҳам алоҳида ўрин тутади. Рисола кириш, икки йирик қисм — «илми таълиф» ва «илми ийқоъ» ҳамда хотималан ташкил топган бўлиб, улар ўз ичига 23 фаслни қамраб олган. Ж. ўзининг мусиқий назарий ва мусиқий-эстетик қарашларида Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Сафиуддин Урмавий ва Абдулқодир Марогийларнинг мумтоз анъаналарини давом эттирган. Асосий диққатини ўша давр амалиёти б-н боғлиқ бўлган парда (лад) тизимлари (жинс, жам, «Ўн икки мақом», шўъба ва б.) ҳамда усул (ритм) масалаларига қаратган. Ж.нинг мусиқавий тафаккури адабий-бадиий ижодида ҳам ўз ифодасини топган.

Асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, бир неча марта нашр этилган. «Қофия шарҳи рисоласи», «Шарҳи Мулло» (ёки «Мулло Жомий») Марказий Осиё ва Идил (Волга) бўйи тақлидий мадрасаларида араб тили грамматикасидан дарслик сифатида ўқитилган. Ўзбекистон ва Тожикистоннинг бир қанча жамоа хўжаликлари, кўчалар, мактаблар Ж. номи б-н аталади. Самарқанд ш.да Навоий б-н Ж. ҳайкали ўрнатилган (1970).

Ас.: Танланган асарлар, Т., 1970; Искандар хиралномаси, Т., 1978; Юсуф ва Зулайҳо, Т., 1983; Рисолаи мусиқи, Т., 1997.

Ад.: Шомуҳамедов Ш. М., *Форс-тожик адабиёти классиклари*, Т., 1963; Ҳ. Ғ. Йитметов А., Абдураҳмон Жомий, 1989.

Абдуқодир Ҳайитметов, Шоислом Шомуҳамедов.

ЖОМОЛУНГМА, Эверест, Гарматха — Ер юзидаги энг баланд чўққи, Ҳимолай тоғларида, Непал б-н Хитой чегарасида. Ж. қисман Сагарматха (Непал) миллий боғи таркибида. Бал. 8848 м. Замини кембрийгача вужудга келган гнейс ва гранитлардан, 7000 м дан юқори қисми мезозойнинг кристалли оҳактош ва сланецларидан таркиб топган. Шакли пирамидасимон. Тоғ тепасидан атрофга 5000 м баландликкача музликлар оқиб тушган. Жан. ён бағри тик бўлгани учун бу ерда қор турмайди. Ж. чўққисига 1953 й. 29 майда Ж. Хант бошлиқ инглиз экспедицияси аъзолари — непаллик Тенцинг ва янгизеландиялик Э. Хиллари чиқиб етдилар. Аёллардан биринчи бўлиб япониялик альпинист Ю. Табей (1976) чиққан. 1998 й. 22 майда 11 кишидан иборат Ўзбекистон альпинистлари Ж. чўққисини забт этдилар (ЎзМЭ 1- жилд 246- бетдаги суратга қ.).

ЖОМОНТОВ — Тяньшандаги тоғ тизмаси (Қирғизистонда). Чатир кўлининг шим.-ғарбида. Ғарбда Фарғона тизмасига ёндош. Уз. 70 км. Энг баланд жойи 4718 м. Чўкинди ва метаморфик жинслардан ташкил топган. Жан. ён бағри Арпа дарёси (Норин ҳавзаси) водийсига тик тушган, шим. ён бағри қия. Дашт ва ўтлоқ-дашт ўсимликлари б-н қопланган, юқори қисмида тоғ ўтлоқлари бор.

ЖОН — инсоннинг ички дунёси тўғрисидаги қарашларни ифодаловчи тушунча. Бу тушунча тарихан ўзгариб турган. Келиб чиқиши инсон ва ҳайвон танасида яшайдиган, уйқу вақтида ёки ўлган вақтда танадан чиқиб кетадиган алоҳида куч ҳақидаги ибтидоий тасаввурларга бориб тақалади. Ибтидоий одамларнинг тасаввурида Ж. қандайдир моддий нарса (соя, қон, нафас ва б.) деб қаралган. Диний тушунчаларга кўра, Ж. — қандайдир жисмсиз, ўлмайдиган, танадан мустақил ҳолда яшай оладиган моддий кучдир. Киши танида бўлганда унга ҳаёт бахш этади, у ҳеч қачон ўлмайди, уни худо ато қилади ва худо қайтиб олади. Сўнг нариги дунёда абадий яшайди. Туш кўриш ҳам Ж.нинг танадан вақтинча кўчиши б-н изоҳланади.

Ж. ҳақидаги фикрлар Шарқ фалсафасида ҳам кенг тарқалган. Форобий, Ибн Сино, Ибн Рушд таълимотларида у инсон танаси б-н узвий боғлиқ ҳолда талқин этилган. Форобий Ж.ни танадан мустақил ажратиб қўйишни, уни танадан танага кўчиб юради, деган таълимотни танқид қилди.

Коинотнинг ёпасига жонлилиги ғояси (*силозоизм*) оламий Ж. ҳақидаги таълимотнинг асоси бўлди (*Платон*, неоплатонизм). *Аристотель* Ж.ни тирик танадан ажралмайдиган, фаол мақсадга мувофиқ ибтидо («шакл») деб билган. Пантеистик қарашларда Ж. ягона руҳий субстанциянинг алоҳида кўриниши саналади. *Декарт*нинг дуалистик метафизикаси Ж. ва танни икки мустақил субстанциядан ажратади. Ҳоз. замон психологиясида Ж. ғайришуурийликни билдирадиган тушунча сифатида ишлатилади.

ЖОН ВАФО МИРЗО, Жон Вафобий (?— 1510— *Шайбонийхон*нинг лашкарбошиларидан бири; найман қабиласидан. 1486 й. Султон *Ҳусайн Бойқаро* мулки бўлган Хоразмга, хусусан, Шаҳри Вазирга (қ. *Вазир*) чопқун уюштирилганда Ж. В. м. шайбонийлардан Ибоқхондан ажралиб Шайбонийхонга қўшилган. Шайбонийхон Мовароуннаҳрга бостириб келганда Ж. В.м.ни Самарқанд доруғаси этиб тайинлаган (1500). Ж.В.м. илгари Хўжа Яҳъё (Хўжа Аҳрорнинг ўғли)га тегишли уйга жойлашган. *Бобур* Шайбонийхонни асосий кучлар б-н шаҳар четидаги Боғи Майдонда эканлигидан ва 500—600 аскардан фойдаланиб 1500 й. июлида, ярим тунда Самарқандни эгаллаб олган. Ж.В.м. Шайбонийхон ҳузурига қочган. 100 кунлик ҳукмронликдан сўнг Бобур Самарқандни ташлаб чиқишга мажбур бўлган. 1507 й. Ж.В.м. Ҳирот ш. доруғаси этиб тайинланган. Шоҳ *Исмоил I* сафавийнинг буйруғига кўра қатл этилган.

Ад.: Бабурнаме, Т., 1993; Бобурнома, Т., 1960; Ахмедов Б. А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI—XVIII вв. Письменные памятники, Т., 1985; История Узбекистана, Т., 1993.

ЖОН СОЛИҒИ — қ. *Жизя*.




Жомолунгма чўққиси.

ЖОНАТАН — кечпишар олма нави. Америкадан келтирилган. Жаҳон сортиментидаги асосий навлардан бири. Дарахти ўрта бўйли, шох-шаббаси кенг. Кўчати ўтқазилгач, 5-йили ҳосилга киради. Апр.нинг ўрталарида гуллайди. Меваси ўртача (100—120 г), юмалоқчўзиқ, сирти текис, оч қизил рангда. Эти сарғиш, ширин, сершира, хушбўй. Таркибида 16,9% қуруқ модда, 12,2% қанд, 0,5% кислота, 6,8 мг% витамин С мавжуд. Меваси авг. охирида етилади, нояб. охири — дек. бошларигача яхши сақланади. Тўлиқ ҳосилга кирганда тупидан 150—200 кг ҳосил олинади. Совуққа чидамли. Унумдор тупроқларда ва яхши парвариш қилинганда мўл ҳосил беради. Айрим вақтларда меваси сақланганда доғлар ҳосил бўлиб, мазаси, кўриниши ўзгаради. Дарахти *уншудринг* б-н касалланади. 1963 й.дан Ўзбекистоннинг барча вилоятлари учун р-нлаштирилган.



Жонатан олма нави.

ЖОНБОС IV — Ўзбекистонда биринчи топилган неолит даврига (мил. ав. 4—3- минг йиллик) оид *Калтаминор маданияти*нинг энг нодир ва муҳим ёдгорлиги. Хоразм археология-этнография экспедицияси текширган (1938—40, 1945). Ж.IV да майд. 300 м² бўлган чайла қолдиғи топилган. Чайла каттагина



Жонбос IV. Неолит даврининг тош қуроллари

уруғ жамоасининг яшаш жойи бўлиб, унда қарийб 100—120 киши яшаган. Куйган қамиш ва хода қолдиқларига қараганда чайла устунли, овал шаклида бўлиб, қамиш б-н ёпилган. Унда битта катта ва йигирмадан ортиқ кичик ўчоқ ўрни қайд этилган. Ўчоқлар гирди ва чайладан балиқ (чўртан, зоғора, лаққа), ҳайвон (тўнғиз, жайран, Бухоро буғуси), қуш суяклари ва тухум пўчоқлари ҳамда бир қанча майда тош қуроллар топилган. Тош қуроллар орасида тош болта ва поналар, кескич, ўроқ ҳамда ўқ-ёй пайконлари учрайди. Топилган сопол идишларнинг туби юмалоқ бўлиб, сиртига чизма нақш берилган.


ЖОНБОС ҚАЛЪА, Ёнбош қалъа — қад. қалъа харобаси. Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл туманидаги Султон Уваис тоғи жан.-шарқида жойлашган (мил. ав. 4-а.—мил. 2- а.). С. П. *Толстов* раҳбарлигидаги Хоразм археология-этнография экспедицияси текширган (1938—39). Ж.қ. майд. 200×170 м; хом



Жонбос қалъа. Дарвоза ёнидаги қурилиш иншоотларининг кўриниши.

ғишт ва пахсадан қилинган қалин ва қўш деворлар б-н ўралган. Деворларининг бал. 10—11 м, қалинлиги 1—13 м, улар ўртасидаги 2,8 м кенгликда йўлак бўлиб, ташқи деворда шахмат тахтаси тарзида икки қатор қия шинаклар бўлган. Дарвозадан бошланган йўл қалъани тенг икки дахага ажратган, йўл охирида оташпарастлар ибодатхонаси — оташкада харобаси, қалъа ичида 300 дан ошиқ уй ва кичик ҳовлилар, сопол пиширадиган хумдон қазиб очилган. Чархда ясалган жуда кўп сифатли сопол идишлар (катта-кичик кўза, хум, узун тутқичли қадаҳ, чуқур коса, қозон ва б.) топилган. Айрим кўзалар бандининг юқори қисми идиш четини тишлаб турган арслон ва б. жонзоллар шаклидан иборат. Турли рангдаги каттакичик маржон-мунчоқлар орасида Сурия, Миср, Шим. Қора денгиз бўйи шаҳарларидан келтирилганлари ҳам учрайди. Ж. қ. мил. 2-а.да харобага айланган.

Жонбос қалъа (реконструкцияси).



ЖОНБОС ҚАЛЪА МАКОНИ — *Жонбос қалъа*нинг жан.даги пасттекислик ва тақирликларнинг чегараси бўйлаб жойлашган неолит даврига оид 18 макон (мил. ав. 4—3 минг йиллик). 1938—40 ва 1945 й.ларда С. П. *Толстов* раҳбарлигидаги Хоразм археология-этнография экспедицияси ўрганган. Ўтказилган илмий тадқиқотлар балиқчилик ва овчилик б-н шуғулланган аҳолининг ҳаёти ҳақида маълумот беради. Ж. қ. м.да яшаган халқлар яратган ёдгорликлар тарихда *Калтаминор маданияти* деб юритилади.

Ад.: Толстов С. П., Қадимги Хоразм маданиятини излаб, Т., 1964.

ЖОНГЛЁРЛИК (лот. joculator — қизиқчи)— цирк санъати жанри. Маҳаллий халқларнинг урф-одатлари б-н боғлиқ равишда ривож топган. Кичик саҳна томошалари кўрсатишдан ташқари ҳикоячилик, хонандалик, соз чалиш, фокус кўрсатиш ва б. б-н шуғулланилган. Ижрочи (жонглёр) турли бюмлар (3 тадан ортиқ) ни маълум маромда отиб, илиб олиб ўйнайди ва ҳ.к.Ж. кўп жиҳатдан балансирлик (*мувозанат сақлаш*), *эквилибристика, акробатика, масхарабозлик*ка қўшилиб кетади. Миср, Юнонистон, Рим ва Марказий Осиёда қадимдан маълум бўлган. Ўзбек циркида кўза ўйин, лаган ўйин, ликоб ўйин, пичоқ ўйин, Ҳалқа ўйин ва б. қадимдан мавжул. Ўзбек санъаткорлари бу ўйинларни кўпинча рақс б-н кўрсатадилар. Қодир Гуломнинг туя устидаги акробатик томошаларида, Ф. Шарифбоев ва б. ижодида (мас., «Лаган ўйин») Ж. элементлари кўп бўлган. Гардишга пиёла, косаларни пирамида шаклида тахлаб қўл б-н айлантириш (мас., Абдуллаев, Бухоро), катта хумларни бошда, орқада кўтариб пичоқлар б-н мураккаб машқларни бажариш каби Ж. дастурлари миллий халқ циркида ривож топган.

ЖОНДАВЛАТТЕПА — шаҳар харобаси (мил.ав. 1- минг йиллик ўрталари — мил. 1 минг йиллик ўрталари). Шеробод (Сурхондарё вилояти)нинг шим.-шарқий томонида жойлашган. Майд. 8 га. Тарҳи кўп бурчакли. Шаҳарнинг 2 та дарвозаси бўлган. 1-си шарқий деворнинг ўртасида, 2-си жан. деворнинг марказида жойлашган. Дарвозалар икки томондан миноралар б-н мустаҳкамланган. Ҳоз. пайтда шаҳар харобасининг катта қисмидан қабристон сифатида фойдаланилмоқда. Кушонлар даврида Ж. гуллаб-яшнаган. Шаҳарнинг шим.-ғарбий бурчагида мурабба тарҳли кўрғон (бал. 19 м) бўлган. Ж.дан кўплаб сопол идишлар ва б. моддий-маданият ёдгорликлари топилган.

Ад.: Пидаев Ш. Р., Поселения Кушанского времени Северной Бактрии, Т., 1978.


ЖОНДОР, силоҳдор — сарой лавозимларидан бири. 1) Моваройуннаҳрда хусусан *қорахонийлар* ва хоразмшоҳлар даврида ясовулбоши; *Салжуқийлар* даврида Ж.лар қўриқчилик ва жаллодлик вазифаларини адо этган жангчилар бўлиб, уларнинг бошлиғи амири Ж. унвонига эга бўлган. Улар *сомонийлар* даврида соҳиби харос (амири харос) деб аталган. Хоразмшоҳ *Такаш* ҳужжатларида Ж. шурат (шахсий гвардия)нинг донгдор кишиларидан; сўнгги хоразмшоҳ *Жалолиддин Мангуберди* вақтида (1220—31) Шом волийларидан бири Ж. унвонига эга бўлган; 2) тирик мавжудот, жонивор; 3) жой номи. Мас.: Бухоро вилоятидаги Жондор, Бозоржойжондор, Каттажондор қишлоқлари.

ЖОНДОР — Бухоро вилоятидаги шаҳарча (1981 й.дан.) *Жондор туманининг* маркази. Бухоро воҳасининг жан.-ғарбида, қад. Зарафшон ўзанининг ўнг соҳилида жойлашган. Аҳолиси 8,7 минг киши (2001). Пластмасса, вино, консерва, сут, нон з-длари ишлаб турибди. «Хадан» (Ўзбекистон-Хитой) қўшма корхонаси фаолият кўрсатади. Ж.дан халқаро аҳамиятга молик Бухоро — Туркманобод (Чоржўй) автомагистрали ўтган. Ж.— Бухоро, Ж.—Қоракўл йўналишларида автобуслар қатнайди.

Ж.да 2 умумий таълим мактаби, 2 иқтидорли болалар лицейи, интернат мактаби, 2 кутубхона, жамоатчилик музейи, марказий касалхона мавжуд. Ж.да 1941—45 й.лардаги уруш қатнашчиларига янги мажмуа барпо этилган (2001).

ЖОНДОР ТУМАНИ — *Бухоро вилояти*даги туман (1935 й. 17 янв.да ташкил этилган. 1962 й. 24 дек.дан Бухоро ва Ромитан туманлари таркибида бўлган, 1967 й. 9 янв.да қайта тузилган). Ж. т. жан.-ғарбдан Олот, Қоракўл туманлари, шарқ ва шим.-шарқдан Бухоро, Ромитан, Пешку туманлари б-н чегарадош. Майд. 5,17 минг км². Аҳолиси 123,7 минг киши (2001). Ж. т.да 1 шаҳарча (Жондор), 13 қишлоқ фуқаролари йиғини (Алели, Далмун, Лоло, Мирзаён, Навработ, Оқших, Ромиш, Пўлоти, Самончуқ, Сепатта, Хумданак, Хумин, Қорали) бор. Маркази — *Жондор* шаҳарчаси.

Табиати. Ж. т. Бухоро воҳасида Зарафшон дарёси қуйи оқимининг шим.-ғарбида, чўл зонасида жойлашган. Рельефи, асосан, текислик, қисман ботқоқ ва шўрхоклар ҳам бор. Ҳудудининг қолган қисми чўл (Урганччўл ва Ўртачўл) яйловларидан иборат. Текисликлар бағрида алоҳида дўнгликлар (Учбош, Шўрқудуқ) учрайди. Иқлими кескин континентал, чўл иқлими. Баъзан, Урганччўлдан гармсел эсиб туради. Вегетация даври 218 кун. Баҳор сернам, ёз узоқ давом этади, серқуёш, қуруқ, жазирама иссиқ, куз қисқа ва қиши илиқ, баъзан аёзли. Янв.нинг ўртача т-раси 0—0,1°, июлники 28—30°. Йиллик ўртача т-ра 15—16°. Минимал т-ра —27°, максимал т-ра 45°. Йиллик ёғин қарийб 125—130 мм, аксарият қисми фев.—март ойларига тўғри келади. Туман ҳудудидаги обикор ерлар дастлаб Зарафшон дарёсидан суғорилган. Аму-Бухоро машина каналининг, айниқса Жондор тармоғининг ишга туширилиши туфайли ҳоз. кунда Амударё суви б-н таъминланади. Воҳадаги обикор ерларнинг тупроғи маданий ўтлоқи, бўз тупроқлар (баъзи жойларда бу тупроқлар шўрланган). Чўл қисмини қумли, гипсли, гилли, қумли чўл, қўнғир тусли сур, тақир, тақирли ва шўрхок тупроқлар эгаллаган. Ёввойи



усимликлардан дарё терраса ва қайирларида қамиш, рўвак, бугдойиқ, шўражриқ, кампирсоч, итгунафша, юлғун, шўрхок ерларда пашмакшўра, оқшўра, қумли чўлларда оқ саксовул, боялич, қуёнсуяк, селин, астрагал ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан қумли чўлда судралувчи ва кемирувчилар, қушлардан қирғовул, лойхўрак, сўфитўрғай, зарғалдоқ чумчуқ ва б. яшайди.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар (95,6%); шунингдек, рус, тожик, қозоқ, туркман ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га 24 киши тўғри келади, воҳада эса 250—300 кишига етади. Аҳолининг 93% қишлоқларда яшайди.

Хўжалигида етакчи тармоқ қ. х. дир. Асосан, пахта экилади. Чорвачилик, полизчилик, пиллачилик ҳам ривожланган. Токзор ва мевазорлар бор. Озиқ-овқат ва енгил саноат тармоқлари мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти туман марказида жойлашган. Пластмасса, вино, консерва з-длари, нон, сут к-тлари, Навоий жамоа хўжалиги ҳудудида Бухоро пахта тозалаш з-дининг филиали, «Хадан» (Ўзбекистон—Хитой) қўшма корхонаси мавжуд. Туманда жамоа, ширкат, ижара, деҳқон, фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Суғориладиган ер майдони 28,2 минг га. Шу жумладан донли экинлар 7,5 минг га, техника экинлари 17,5 минг га, картошка, полиз, сабзавот 1,3 минг га, ем-хашак 1,9 минг га ер майдонини эгаллайди (1999). Чорвачилик гўшт-сут ва жун-тери етиштиришга ихтисослашган. Ж. т. хўжаликларида 45,4 минг қорамол, 105,3 минг қўй ва эчки, 35,8 минг парранда боқилади. Ўрмон хўжалиги 66,4 минг га майдонда жойлашган. Бу ерда кўчат етиштириш йўлга қўйилган. Қумли жойларида, асосан, саксовул, қандим, черкез ўсади.

Ж.т.да 52 умумий таълим мактаби (30 минг ўқувчи), лицей, санаторий-интернат, мусиқа мактаби, иқтидорли болалар интернати, 42 кутубхона, маданият уйлари, 2 музей бор.

Туманда 365 ўринли касалхона, 20 қишлоқ врачлик пункти, 12 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 1 поликлиника ва 23 фельдшер-акушерлик пункти бўлиб, уларда 194 врач хизмат қилмоқда. Туман ҳудудидан Бухоро—Туркманобод халқаро автомагистрали ўтади.

Ж. т.да тўртта йирик тарихий обида мавжуд: Маҳмуд Торобий дахмаси (13-а.), *Варахша* ёдгорлиги (7-а.), Шаҳри Ислом қалъаси, Қизбиби меъморий мажмуаси (16-а.). 1935 й.дан «Жондор овози» газ. чиқади.

Ад.: Турсунов М., Жондор ва жондорликлар, Бухоро, 1995.

ЖОНИБЕК (?—1357)— *Олтин Ўрда* хони (1342—57), *Ўзбекхон*нинг иккинчи ўғли. Рус ва Литва князларининг ички ишларига аралашган. Москванинг улуғ князлари Семён Иванович Гордий ва Иван II Иванович Красний Ж.га қарам бўлишган. Ж. ўз ҳукмронлиги даврида Жан. Озарбайжонни Олтин Ўрдага қўшиш учун курашиб Табризни эгаллаган (1356) ва у ерда ўғли Бердибекни ҳоким қилиб қолдирган. Ж. ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун Олтин Ўрдада ислом динини тарқата бошлаган (масжид ва мадрасалар қурдирган, уламоларни саройга жалб этган). Тож-тахт учун бўлган курашда бир гуруҳ фитначилар тарафидан ўлдирилган. Ж. ўлимидан сал аввал Табризда қўзғолон бўлиб, халқ Олтин Ўрда ноибини ҳайдаб чиқарган. *Жалойирийлар* бу воқеадан фойдаланганлар ва ҳокимият амир Увайс қўлига (1356—74) ўтган.

Ад.: Греков Б. Д., Якубовский А. Ю., Олтин Ўрда ва унинг қулаши, Т., 1956.

ЖОНИБЕК ибн Бароқхон ибн Қўйручук ўғлон ибн Ўрусхон (15-а.) — қозоқ хони. *Жўжихон* авлодидан. *Ўзбек улуси*га эгалик қилиш учун Абулхайрхонга қарши кураш олиб борган. Лекин Абулхайрхондан мағлуб бўлгач, *Кирайхон* б-н бирга *Мўғулистон*га Эсонбуғахон ҳузурига қочган (1428). Хон улар ихтиёрига Мўғулистоннинг ғарбий чеккаси бўлган Чу ва Қўзибоши вилоятларини берган. Абулхайрхон вафотидан сўнг Ўзбек улусида пароканлалик, ўзаро ички низолар кучайган. Улусни

кўпгина аҳолиси (200 минг киши) Ж. ва Кирайхон паноҳига кўчиб келган. Уларни ўзбек-қозоқ деб атай бошлаганлар. Қозоқ султонлари 1466 й.дан ҳукмронлик қила бошлаганлар. Ж. вафотидан сўнг катта ўғли Адик султон тахтга ўтирган. *Шайбонийхон* Хуросонга юриш қилганда Адик султон ҳам ушбу юришда қатнашиб ўша ерда вафот этган (1510).

ЖОНИБЕК СУЛТОН (тўлиқ исми: Жонибек ибн Хожа Муҳаммад ибн Абулхайрхон) (? — 1529.20.3, Миёнкол) — *шайбонийлар*дан. *Абулхайрхон*нинг невараси, Муҳаммад *Шайбонийхон*нинг амакиваччаси. 16-а. бошида Шайбонийхон қўшини таркибида Мовароуннаҳрни эгаллашда иштирок этган. Шайбонийхон томонидан Фарғона (Ахси) ҳокими этиб тайинланган (1503—09), сўнгра (1510 й.дан) Қарманада ўғиллари б-н ҳукмронлик қилган. Ж. с. фарғоналик пири — Жалолиддин Аҳмад Косоний — Маҳдуми Аъзамни Қарманага чақиртириб олган (1514—16). Шайбонийхон вафоти (1510 й.дек.)дан сўнг Мовароуннаҳрга юриш қилган *Бобур* 1511 й. окт.да Самарқандни қўлга киритали. Ж.с. бошқа шайбоний султонлар қатори Туркистонга қочган. 1512 й. Убайдулло султон (қ. *Убайдуллахон*) б-н бирга Мовароуннаҳрга қайтиб *Кўли Малик жанги*да Бобурни енгиб Бухоро ва Самарқандни эгаллашда иштирок этган. Бобур *сафавийлар*дан ҳарбий қўшин (Нажми Соний бошчилигидаги қўшин) олиб Ж. с. турган Ғиждувонни қамал қилади (1512). Ж. с.нинг оз сонли қўшини қалъадан чиқиб тенгсиз тўқнашувда Бобурдан енгилади. Бироқ Убайдулло султоннинг пухта ҳарбий режаси туфайли шайбонийлар ғалаба қиладилар (қ. *Ғиждувон жанги*). Шоир *Подшоҳхожа* (1480—1545) Ж. с.га атаб «Мақсад ул-атвор» достонини ёзган (1515—20).

Манба: Ҳасанхожа Нисорий, Музаккири аҳбоб, Т., 1993; Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий, Абдулланома, 1-ж., Т., 1999.

Ад.: Ахмедов Б. А., Историко-географическая литература Средней Азии XVI—XVIIIвв., Т., 1985; Материалы по истории казахских ханств XV—XVIII веков, Алма-Ата, 1969; Бартольд В. В., Сочинения, 2 т., часть 2. М., 1964.

Фахриддин Ҳасанов.

ЖОНИБЕКОВ Владимир Александрович (1942.13.5, Тошкент вилояти, Искандар қишлоғи) — учувчи-космонавт, авиация генерал-майори (1985). Икки марта Қаҳрамон унвонига сазовор бўлган (1978, 1981). Монголия Халқ Республикаси Қаҳрамони (1981). Тошкент Суворов билим юртини (1960), Ейск (Россия Федерацияси) учувчилар ни (1965) тугатган. 1970 й.дан космонавтлар отрядида. Ж. 1985—88 й.ларда Космонавтлар тайёрлаш маркази (КТМ) да космонавтлар отрядининг командири, 1988 й.дан КТМ Назарий ва и. т. тайёргарлик бошқармаси бошлиғи. Биринчи космик парвозини 1978 й. 10—16 янв.да «Союз-27» КК (кема командири) (О. Г. Макаров б-н бирга) ва «Салют-6» — «Союз-26» (экипаж Ю. В. Романенко ва Г. М. Гречко) — «Союз-27» орбитал мажмуада бажарган. Ерга «Союз-26» КК да қайтган. Ж. иккинчи космик парвозини 1981 й. 22—30 мартда «Союз-39» КК (кема командири) (монгол космонавти Ж. Гуррагча б-н бирга) ва «Салют-6» — «Союз Т-4» (экипаж В. В. Коваленок ва В. П. Савиних) — «Союз-39» орбитал мажмуада «Интеркосмос» дастури бўйича амалга оширди. У учинчи космик парвозини 1982 й. 24 июнь — 2 июлда «Союз Т-6» КК (кема командири) (А.С. Иванченко ва француз космонавти Жан-Лу Жак Мари Кретьен б-н бирга) ва «Салют-7 — «Союз Т-5» (экипаж А.Н. Березовой ва В.В. Лебедев) — «Союз Т-6» орбитал мажмуада бажарди. Ж. тўртинчи космик парвозини 1984 й. 17—29 июлда «Союз Т-12» КК (кема командири) (С. Е. Савицкая ва И. П. Волк б-н бирга) ва «Салют Т-7» — «Союз Т-11» (экипаж Л. Ю. Кизим, В. А. Соловьёв ва О. Ю. Атьков) — «Союз Т-12» орбитал мажмуада амалга оширди. 25 июлда Светлана Евгеньевна Савицкая б-н очиқ космосга чиқиб, янги универсал дастаки асбобни синашга доир ишларни уддалади. Ж. бешинчи космик парвозини 1985 й. 6 июнь — 26 сент.да «Союз Т-13» КК (кема командири) (В. П. Савиних б-н бирга) ва «Салют-7» — «Союз Т-13» орбитал мажмуада бажарди. В. П. Савиних б-н бирга дунёда биринчи марта ўзи парвоз қилаётган КК — «Союз Т-13» ни космосда назоратсиз парвоз қилаётган орбитал станция — «Салют-7» га туташтирди. Космонавтлар «Салют-7» га ўтганларидан сўнг унинг ишга яроқлилигини тиклашга доир ишларни бажаришди. 1985 й. 2 авг.да Ж. космонавт В. П. Савиних б-н бирга очиқ космосга чиқиб, қўшимча қуёш батареялари панелларини ўрнатишди. Унумли и. т. ва амалий ишларни бажарганидан сўнг Ж. 1985 й. 26 сент.да ўша пайтда «Союз Т-14» КК да В. В. Васютин ва А. А. Волков б-н бирга парвоз қилаётган Г. М. Гречко б-н бирга «Союз Т-13» КК да ерга қайтиб тушди. Ж. ўзининг космосга қилган беш парвози мобайнида космосда 145 кун 15 соат 58 мин. 29 сек. бўлган.



В.А. Жонибеков (Тошкентдаги Космонавтлар хиёбонида ўрнатилган бюсти).

Ж. тасвирий санъат б-н ҳам шуғулланган. Унинг космос мавзуидаги баъзи расмлари бадиий кўргазмаларда намойиш қилинган. Помир-Олай тоғларидаги мутлақ бал. 4912 м бўлган чўққи «Владимир Жонибеков чўққиси» деб аталган (1985). Тошкентдаги Космонавтлар хиёбонида Ж.га бюст ўрнатилган (1984).

Собит Илёсов.

ЖОНИЙЛАР — қ. *Аштархонийлар.*

ЖОНИКМАР ТОҒИ — Қашқадарё вилоятидаги тоғ. Ҳисор тизма тоғларининг жан.-ғарбий тармоғи. Энг баланд жойи 1319 м, уз. 14 км. Шим.дан жан.га ва жан.-ғарбга йўналган. Ж. т.нинг шим.-ғарбий ён бағри зинапоясимон пасайиб Арабдашт ва Қуюқдашт текисликларига туташган. Ён бағирлари қуруқ сой ва жарлар б-н ўйилган. Ён бағирларидаги тўқ бўз тупроқларда буғдойиқ, тоғ шувоғи, тоғолча, дўлана ва б. ўсади.

ЖОНИҚУЛОВА Сайёра (1951, Қўшработ тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). СамДУ ни тугатган (1973). 1973 й.дан Қўшрабод туманидаги 82-, 1987 й.дан 49-мактабда она тили ва адабиёти ўқитувчиси. Ж. дарс жараёнида кўргазмали қуроллар, техника воситалари, илғор педагогик технологиялардан унумли фойдаланади.

ЖОНЛАНТИРИШ — қ. *Реанимация.*

ЖОНЛАНТИРИШ (адабиётда) — *истиора* турларидан бири, одамларга хос сифатларни жонсиз ҳодиса ва буюмларга кўчириш. Ж. инсон тафаккури б-н боғлиқ. Инсон воқеликдаги нарса ва ҳодисаларни қиёслаш, ўхшатишлар, бўрттиришлар орқали жонлироқ ва аниқроқ тасаввур қилишга, аниқ, илмий тафаккур қилиш б-н бирга бадиий фикрлашга ҳам интилади. Шунинг учун Ж. фақат бадиий асарларда эмас, жонли тилда ҳам учрайди: «денгиз ҳайқиради», «дарахт йиғлайди» ва б. Ж. ўзбек адабиёти тарихида 2 хил кўринишда намоён бўлган: т а ш қ и с (шахс б-н боғлиқ) — шахсга хос сифатларни жонсиз нарсалар ва ҳодисаларга бериш: и н т о қ (нутқ б-н боғлиқ) — нарса ва ҳодисаларни нутқ эгаси қилиб кўрсатиш. Ж. эртак ва масалларда, шунингдек, мунозараларда кенг қўлланилади. Мас., *Гулханий*нинг «Зарбулмасал»ида, Солоҳийнинг «Гул-булбул»ида, *Мажлисий*нинг «Қиссаи Сайфулмулук» асарларида Ж.нинг ҳар икки тури кўп учрайди. Ҳоз. ўзбек адабиётида ҳам Ж.нинг ажойиб намуналари мавжуд.

ЖОНЛИ МУШОҲАДА — қ. *Билиш назарияси.*

ЖОНС (Jones) Иниго (1573.15.7 — Лондон — 1652.21.6) — инглиз меъмори. Меъморликни Италия ва Францияда (1596 ва 1614 й.лар оралиғида) ўрганган. 1615—43 й.ларда қиролга қарашли биноларнинг бош назоратчиси. Ж. ўз қурилишларида (Лондондаги Уайтхолл саройи ансамбли лойиҳаси, 1619—22; фақат «Банкет» зали лойиҳаси яратилган. Гринвичдаги қиролича вилласи, 1616—35; Кентдаги Кобемхолл саройининг марказий қисми, 1620 ва б.) мужассамот ёрқинлиги ва салобатли шаклларнинг оддийлигига эътибор қилган. Меъморликда мумтоз мавзулардан кенг фойдаланиши ва ўзига хос ижоди б-н инглиз классицизми яратилишига таъсир этган. Шунингдек, театр рассоми сифатида ҳам фаолият кўрсатган.

ЖОНСОН (Johnson) Линдон (1908.27.8, Стоунуолл яқинида, Техас штати — 1973.23.1, Сан-Антонио, Техас штати) — АҚШнинг 36-президенти (1963—69); Демократлар партиясидан; вице-президент (1961—63). Ж. ҳукумати Вьетнамга қарши уруш бошлаган, Доминикана Республикасининг ички ишларига қуролли йўл б-н аралашган (1965).

ЖОНСОН (Johnson) Филип (1906.8.7, Кливленд) — америка меъмори. Гарвард ун-тининг меъморлик мактабида М. Л. Брейер раҳбарлигида ўқиган (1940—50). Л. *Мис ван дер Роэ* шогирди ва у б-н ҳамкорликда ишлаган (Коннектикутдаги Нью-Канаан ётиқ шиша параллелепипед кўринишидаги хусусий уй, 1949 ва б.). Ўз қурилишларида замонавий меъморлик материаллари ва қоидаларини қўллашда анъанавий меъморлик шаклларидан эркин фойдаланиб, уларни услублаштирган (Нью-Йоркдаги замонавий санъат музейи, 1951, 1965; Исроилдаги ядро реактори гумбази, 1960; Нью-Йоркдаги Линкольн марказий давлат театри, 1964 ва б.).

ЖОНУЗОҚОВ Тўрақул [1893, Жамбул ш. (Авлиёота) — 1921.18.11, Фарғона водийси]— Туркистон АССР МИК раиси ўринбосари (1920), истиқлолчилик ҳаракати ғоявий раҳбарларидан бири. Рус-тузем мактабида ўқиган. 1909 й.да Туркистон генерал-губернаторлигида таржимон. Ўлкада совет режими ўрнатилгач, дастлаб шўро идораларида ишлади. Боку шида ўтказилган Шарқ халқлари 1-қурултойида (1920 й., 1—7 сент.) қатнашиб, тарғибот ва ҳаракат кенгашига аъзо этиб сайланди. Қурултойдан сўнг совет тузумидан норози бўлиб, большевиклар партиясига қарши кураш эълон қилган 40 нафар делегат сафида бўлди. 1920 й. кузида истиқлолчилар томонига ўтди. *Шермуҳаммадбек* бошлиқ истиқлолчилар қароргоҳида бўлиб, унинг ҳарбий штабида мафкуравий ишларга раҳбарлик қилди. Ж. тайёрлаган махсус варақа ва мурожаатномалар Фарғона аҳолиси ҳамда истиқлолчилар ўртасида тарқатилди. 1921 й. июнида Андижон уездига борди. Исроил қўрбоши гуруҳида бўлиб, ташкилий ва ғоявий ёрдам кўрсатди. Канаев тахаллуси остида қизил армия жангчилари орасида истиқлолчилик ҳаракатининг асл моҳиятини тушунтириш борасида иш олиб борди, натижада кўпгина рус зобитлари ва аскарлари босқинчи қизил армияни ташлаб кетди, айримлари истиқлолчилар томонига ўтди. Ж. Самарқандда *Туркистон Миллий бирлиги* 6-конгрессини (1921 й. 5—7 сент.) тайёрлаш ва ўтказишда фаол иштирок этди. *Валидий* ва Мунавварқори Абдурашидхонов б-н бирга Туркистон Миллий бирлигининг байроғини тайёрлади. Ж. қизил аскарлар б-н бўлган тўқнашувларнинг бирида ўлдирилди.

Ад.: Валидий, Бўлиғанини бўри ер (хотиралар), Т., 1997; Ражабов Қ. К., Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар, Т., 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости, Т., 2000.

Қаҳрамон Ражабов.

ЖОРЖИО Виктор Антонович (1907.29.9, Шахти, Ростов вилояти — 1974.1.1, Тошкент) — геофизик олим, география фанлари д-ри (1944), проф. (1944). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1960). Ростов ун-тини тугатган (1930). Шим. Кавказ метеорология бюросида, Ўрта Осиё обҳаво бюросида (1933—35), Ўрта Осиё ун-тида (1935—74) ишлаган. Ж. Ўзбекистон ФА Математика ин-тининг назарий геофизика бўлимини ташкил этишда қатнашган ва ушбу ин-т директори (1947—1953). Асосий илмий ишлари Ўрта Осиё синоптик жараёнлари, ҳаво массалари ва фронтлари, динамик иқлимшунослик, изэнтропик таҳлил, авиация метеорологияси, синоптик жараёнларга статистик-стохастик таҳлил усулини татбиқ этишга бағишланган. Т. А. *Сарымсоқов* ва В. А. *Бугаевлар* б-н ҳамкорликда *Марков занжири* назариясини бу соҳага татбиқ этган. У атмосферадаги тез ҳаво оқимларини текшириш мақсадида ун-тда махсус лаб. ташкил этган (1960). Тошкент метеорология мактабининг асосчиларидан бири.

ЖОРЖИЯ — АҚШнинг жан.-шарқидаги штат. Майд. 153 минг км². Аҳолиси 8,4 млн. киши (2001). Маъмурий маркази ва энг катта шаҳри — Атланта. Ж. ҳудудининг кўп қисми пасттекислик, кемалар қатнайдиган Саванна, Олтамаҳо, Флинт дарёлари кесиб ўтган. Шим. ва шим.-ғарбида Аппалачи тоғларининг тизмалари жойлашган. Иқлими субтропик, сернам; йиллик ёғин 1300—1600 мм. Тоғларда дуб, қарағай ва қора қайин ўрмонлари бор.

Ж.— индустриал-аграр штат. Машинасозлик, тўқимачилик, целлюлоза-қоғоз ва озиқ-овқат саноатлари ривожланган. Йирик авиация (Локхид фирмаси), автомобилсозлик, кимё корхоналари бор. Қ. х. товар маҳсулоти қийматининг ярмидан кўпроғини чорвачилик (асосан паррандачилик) беради. Асосий экинлари (маҳсулот қиймати бўйича): ер ёнғоқ, маккажўхори, тамаки, пахта. Мева ва сабзавот ҳам етиштирилади. Транспорт йўллари тугуни — Атланта; асосий денгиз порти — Саванна; четга қ. х. ва ўрмон маҳсулотлари чиқарилади, четдан нефть келтирилади.

Ж.— АҚШда дастлаб тузилган 13 штатдан бири. 1776 й.да бошқа 12 та Англия мустамлакаси б-н бирга ўзини мустақил деб эълон қилиб, АҚШни тузишда иштирок этган.

ЖОРЖОНЕ (Giorgione; асли Жоржо Барбарелли да Кастельфранко, Barbarelli da Castelfranco, 1476 ёки 1477, Кастельфранко — 1510, Венеция) — италиялик рассом, Венеция мактаби намояндаси; Юксак Уйғониш даври асосчиларидан. Табиат, инсон ва ҳаётга муҳаббатни кўтаринки руҳдаги рангтасвир асарларида ифодалаган. Ж. ижодида тасвирий бутунликка, шаффоф нурсоя, бўёқ суртмалари воситасида инсон қиёфасини табиат (манзара) б-н уйғунлаштувига эришган. Диний мавзудаги («Чўпонларнинг сиғиниши» ва б.)



Жоржоне. «Юдифь» асари.

асарлар б-н бир қаторда муҳим аҳамиятга эга бўлган дунёвий мазмундаги (асосан афсоналар асосида) асарлар ҳам яратган: «Юдифь» (тахм. 1502), «Уч файласуф», «Уйқудаги Венера» ва б. Ж.нинг бадиий мероси замондошлари томонидан кенг эътироф этилган, шогирдлари (*Тициан* ва б.) томонидан ривожлантирилган.

ЖОРЖТАУН — *Гайана*нинг пойтахти ва асосий иқтисодий маркази. Демерара дарёсининг Атлантика океанига қуйилиш жойида. Аҳолиси 200 минг киши (1995). Иқлими субэкваториал, сернам иқлим. Йиллик ёғин 2230 мм. Янв.нинг ўртача т-раси 26^0, сент.ники 28^0.

Ж.га 1781 й.да голландияликлар асос солган ва 1812 й.гача Таброк (ёки Стабрук) деб аталган. 1831 й.дан Британия Гвианасининг маркази. 1966 й. май ойидан мустақил Гайана давлатининг пойтахти. Т.й. станцияси. Халқаро аҳамиятга эга Тимери аэропорти бор. Г. мамлакатнинг йирик порти. Четга боксит,

Жоржтаун шаҳрининг бир қисми.



Жотто. «Исога аза тутиш» асари (Падуядаги дель Арена капелласидаги фрескадан парча, 1305—13).



ёғоч-тахта, шакар-қанд, ром ва б. чиқарилади; четдан галла ва саноат моллари келтирилади. Қ. х. маҳсулотлари қайта ишланади. Озиқ-овқат (шакар-қанд, тамаки, пиво, ун тортиш), ёғочсозлик (тахта тилиш) саноати корхоналари мавжуд. Меъморий ёдгорликларидан соборлар, ёғочдан ишланган дунёдаги энг катта собор (19-а.), Миллий мажлис ва суд бинолари, ратуша ва б. сақланган. Ун-т, кутубхона, Гайана музейи, драма театри, ботаника боғи бор.

ЖОРЖТАУН, Пинанг — Малайзиядаги шаҳар, Пинанг я. о.да. Пинанг штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 220 минг зиёд кишидан (1990- й.лар ўрталари). Денгиз порти, автомобиль йўлли кўприк орқали Малакка я. о. б-н боғланган. Савдо маркази. Каучук қайта ишланади, қалай эритувчи з-д, озиқ-овқат, электротехника, тўқимачилик, машинасозлик саноати корхоналари бор. Денгиз курорти. Д. яқинида Кеклоклар будда ҳрами жойлашган.

ЖОРИЯ — қ. *Чўри*.

ЖОС — Африка ғарбидаги плато, Нигер ва Бенуэ дарёлари оралиғида, Нигериянинг марказий қисмида жойлашган. Кристалли жинслардан тузилган. Ўртача бал. 1200—1400 м, энг баланд жойи — 1735 м. Паст-баланд юзаларда баъзан гранитли чўққилар, ясси юзали тепаликлар ва сўнган вулкан кратерлари кўтарилиб туради. Ж. платосидан Нигер дарёси ва Чад кўлининг кўплаб ирмоқлари бошланади. Иқлими экваториал муссонли, нам иқлим; йилига 1000 мм чамасида ёғин ёғади. Иккиламчи бўлиқ ўтли саванналар б-н қопланган. Қалай, тантал ва ниобий конлари бор.

ЖОСЕР, Жесер — Миср фиръавни (мил. ав. тахм. 2780—2760), III сулола асосчиси. Юқори ва Қуйи Мисрни бирлаштириб, қудратли салтанат тузган, пойтахти — Мемфис ш. Ж. эҳромидан кейин, Миср эҳромларини қуриш бошланган.

ЖОСУСЛИК — давлат хавфсизлигига қарши жиноят; шахснинг давлат сири ҳисобланадиган маълумотларни чет давлат ёки унинг агентурасига етказиш, бундай маълумотларни етказиш мақсадида қўлга киритиш ёки тўплаш. Давлат сири ҳисобланадиган маълумотлар ижтимоий, иқтисодий ёки ҳарбий хусусиятга эга бўлиши мумкин. Ж. ўта оғир жиноят ҳисобланиб, жуда кўп мамлакатларда бундай жиноят учун узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки ўлим жазоси белгиланган. ЎзР да қонунга кўра, Ж. республика суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги, хавфсизлиги, мудофаа салоҳияти ёки иқтисодиётига зарар етказган ҳолда қасддан содир этилган қилмиш ҳисобланиб, у давлатга хоинлик қилиш деб баҳоланади. Бу хилдаги жиноят учун 10 йилдан 20 й. гача муддатга озодликдан маҳрум этиш ёки ўлим жазоси белгиланган. Чет эл разведкаси б-н ҳамкорлик қилишга жалб этилган шахс, башарти ўзига юклатилган топшириқни бажариш юзасидан ҳеч қандай ҳаракат содир этмасдан, бу ҳақда ўз ихтиёри б-н ҳокимият органларига хабар берса, жавобгарликдан; ўзининг жиноий фаолиятини ихтиёрий равишда тўхтатган ва қилмиши ҳақида ҳокимият органларига маълум қилиб, жиноят очилишига фаол ёрдам берган шахс, башарти, давлат учун келиб чиқиши мумкин бўлган оғир оқибатларнинг олди олинган бўлса, жазодан озод этилади (Ўзбекистон Республикаси ЖК, 160-модда).

ЖОТТО ди Бондоне (*Giotto di Bondone*, 1266 ёки 1267, Колле ди Веспиньяно — 1337, Флоренция) — италиялик рассом, Уйғониш даври Европа рассомлик санъатида *реализм* асосчиси. Ўрта асрлар диний рисолладаги қонунлар б-н алоқани узган Ж. диний лавҳаларга дунёвийлик бахш этган, диний мавзуларни ўта ҳаётийлик б-н

талқин этган: Падуядаги дель Арена капелласи (1304—06), Флоренциядаги Санта-Кроче черкови (тахм. 1320—25) фрескалари образларининг ички қудрати ва улуғворлиги, композиция қурилиши, қатъий колорити б-н диққатга сазовор. Ж. ижоди кўпгина йирик рассомлар (Мазаччо, Микеланжело ва б.)га сезиларли таъсир кўрсатган.

ЖОУ — қад. узунлик ва оғирлик ўлчов бирлиги; тарихий манбаларда кўп учрайди; *арпа дони*нинг айнан ўзи (ўртача 0,04 г га тенг).

ЖОУЛЬ (Joule) Жеймс Прескотт (1818.24.12, Солфорд, Ланкашир — 1889.11.10, Сейл, Чешир) — инглиз физиги. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1850 й.дан). Илмий ишлари электромагнетизм ва иссиқликка оид. *Энергиянинг сақланиши қонуни*ни тажрибада асослаган. Иссиқликнинг механик эквивалентини топган. Ж. ўтказгичдан ток ўтганда ажралиб чиқадиган иссиқлик миқдори ток миқдори квадратига ва электр қаршилигига тўғри мутаносиб эканлигини (*Жоуль—Ленц қонуни*ни, Э. Х. Ленцдан мустақил равишда) асослаган (1841), иссиқликнинг механик эквивалентини аниқлаган (1843). Ж. инглиз физиги У. Томсон б-н бирга газ ғовак тўсиқлардан ўтганида унинг т-раси ўзгаришини тажрибада кўрсатиб берган (1854). Бу ҳодиса Ж. — Томсон эффекти деб аталади ва у газларни суюлтиришда муҳим ўрин эгаллайди. Ж. термодинамик т-ра шкаласини ҳисоблади, т-ра Т тушунчасини фанга киритди, магнитнинг тўйинишини пайқади ва б. ишлар б-н шуғулланди.



ЖОУЛЬ — *Халқаро бирликлар тизими* СИ да иш, энергия ва иссиқлик миқдори бирлиги. Нуқтага қўйилган 1Н кучнинг нуқтани шу кучнинг таъсир йўналишида 1 м масофага силжитишда бажарадиган ишига тенг. Ж. П. *Жоуль* шарафига қўйилган. Ж. б-н белгиланади. 1Ж=1 Н·м=10^7 эрг=0,2388 кал.

ЖОУЛЬ ҚОНУНИ — идеал газ ички энергиясининг фақат т-рага боғлиқ бўлиб, ҳажмга боғлиқ эмас, деб ҳисобланадиган термодинамика қонуни. Ж. П. *Жоуль* 1843 й.да аниқлаган. Идеал газ учун ўзгармас ҳажмдаги молекуляр иссиқлик сиғими C т-рага боғлиқ бўлмаса, $U = \int_0^T C_v dT = C_v T$ формула б-н ифодаланади. Бунда U — ички энергия, T — т-ра. Ж. қ. идеал газ учун тўғри бўлиб, реал газларга татбиқ қилинганда бир оз хатога йўл қўйилади. Шунга қарамай, техник ҳисоблашларда кенг татбиқ қилинади. Ж. қ. юқори т-раларда татбиқ қилинганида молекулаларнинг тебраниш ҳаракати ва уларнинг атомларга ажралиб кетиши натижасида иссиқлик сиғими C нинг ортишини ҳисобга олиш керак.

ЖОУЛЬ—ЛЕНЦ ҚОНУНИ — ўтказгичдан электр токи ўтганда унда ажраладиган иссиқлик миқдорини ифодаловчи қонун. Ўтказгич бир жинсли бўлса, электр токининг иши фақат иссиқлик ҳосил қилиш учун сарф бўлиб, ажралган иссиқлик миқдори Q ток кучи I квадрати, ўтказгич қаршилиги R ва токнинг ўтиш вақти t га тўғри мутаносиб бўлади. У $Q=kI^2Rt$, бунда k — мутаносиблик коэффициенти бўлиб, у ўлчаш бирликларининг танланишига боғлиқ бўлади. Ток амперларда, қаршилик Ом да, вақт c да олинса, коэффициент k=0,239≈0,24 бўлганда Q калорияларда, k=1 бўлганда Q Жоулларда ифодаланади. Ж.—Л. қ.ни Ж. П. *Жоуль* 1841 й.да яратган, ундан мустақил равишда Э. Х. *Ленц* 1842 й.да тажрибада тасдиқлаган. Ж.—Л. қ.нинг амалий аҳамияти катта; электр чўғланма лампалари, электр иситкичлар ва электр иситиш қурилмалари шу қонунга асосланиб лойиҳаланади.

ЖОХОР-БАРУ — Малайзиядаги шаҳар. Жохор штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 330 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Малакка я.о. жан. даги порт. Сингапур ш. б-н т.й. орқали боғланган. Каучук қайта ишланади, тахта тилиш, машинасозлик корхоналари мавжуд. Резинатехника, тери буюмлари, пойабзал, кокос мойи, ананас консервалари ишлаб чиқарилади. Ботаника боғи бор.

ЖОҲИЗ, ал-Жоҳиз Абу Усмон Амир ибн Баҳр (тахм. 767 — Басра — 868) — араб мутафаккири, ёзувчи. *Муътазилийлар* назариётчиларидан бири. «Ал-жоҳизия» деб ном олган илоҳиёт мактабига асос солган. Юнон табиат фалсафаси ғоялари таъсирида модданинг абадийлиги ва хусусиятларининг доимий ўзгариб туриши ҳақидаги фикрларни баён қилган. Ж. тирик ва ноорганик жисмлар ўзига хос табиий хусусиятларга эга, деб ҳисоблайди. У инсоннинг ирода эркинлигини табиий интилиш сифатида талқин этган. 100 дан ортиқ фалсафий асарлар ва бадиий тўпламлар муаллифи. Булар орасида «Олибсотарлар ҳақида китоб» ҳажвий новеллалар тўплами, стилистика ва риторикага оид «Жойлаштириш ва иқботлаш китоби», тарихий-сиёсий мазмундаги «Араблар ва уларнинг мижозлари ҳақида китоб» рисолалари машҳур. Уларда ўрта аср араб Шарқи шаҳарларидаги аҳолисининг шахсий ва ижтимоий ҳаёти, урф-одати, ахлоқи тўғрисида маълумотлар берилган. Ж. асарларида кичик ҳикоялар, шеърлар, эртаклар бор. Ж. араб адабиёти, хусусан, адаб жанри тараққиётига таъсир кўрсатган.


ЖОҲИЛИЯ (араб.— билимсизлик ҳолати, жаҳолат) — араблар тарихининг исломдан илгариги даврига берилган ном. Асосан, одамлар ҳаётида Исо (ас) б-н Муҳаммад (ас) оралигидаги пайғамбарсиз ўтган давр тушунилади. Ж. тушунчаси Қуръоннинг бир неча сураларида учрайди. «Ж-ҳ-л» ўзакли «жоҳилуна», «ҳажҳалуна» шаклидаги сўзлар ҳам яна бир қанча сураларда келади. Уларнинг барчаси Мадина сураларидан эканлиги, Ж. сўзи 622 й. (ҳижра)дан олдинги замон учун ишлатилганига далилдир. Ж. атамасининг пайдо бўлишига объектив сабаблар бор эди. Зеро исломдан олдинги араблар-нинг кўпчилигига «жаҳл» туйғуси хос эди. Бу бошқаларга нисбатан бешафқат ва ваҳшиёна муносабатда бўлишда ўз ифодасини топарди (қасос олиш зарурати, ғўдак қизларни тириклайин кўмиш, ўзга қабила вакилига душман сифатида қараш ва б.). Исломдан илгари Арабистонда қонунсизлик, ахлоқсизлик, зўравонлик ҳукм сургани учун ҳам кейинги авлод ўша даврни ҳақли равишда Ж. деб атаган. Бундан ташқари Ж. даври арабларининг диний тассаввурлари ҳам кам тараққий қилган, содда ҳолда бўлгани маълум. Улар асосан «васания»да, яъни кўпхудоликда бўлганлар. Қадим замонлардан бери барча араблар учун Макка ш.даги Каъба ибодатхонаси муқаддас ҳисобланган, ҳудолар пантеонига айланган бу масканда 300 дан ортиқ санам қўйилган эди. Хубал ҳамда «Аллоҳ қизлари» номини олган ал-Лот, Манот ва ал-Уззо шу санамларнинг энг машҳурлари эди. Баъзилар «Аллоҳ» санамига сиғинардилар. Аммо у исломдаги Аллоҳдан фарқ қилар, мақоми жиҳатидан Яхве, Зевс, Юпитер каби бош ҳудоларга тенг қўйилган бўлса-да, мавҳум ва кўз илғамас баландликда деб тасаввур қилингани учун унинг исми б-н бўлиқ ибодат мунтазам адо этилмас эди. Ж. арабларининг кўпчилиги нариги дунёга ишонмасдилар: фақат бу дунё бор, яшаймизу — ўламиз. Бизнинг тақдиримизни даҳр (вақт) ҳал қилади, деб фикр юритардилар (Жосия сураси, 24). Ислом талабасидан сўнг «даҳрий» сўзи

нинг «мўмин»га нисбатан антоним сифатида ишлатилганини шу б-н изоҳлаш мумкин. Аллоҳ тўғрисида муайян тушунчага эга бўлган ҳолда унга бошқа худоларни шерик қилганлари сабабли Ж. араблари «мушрик»лар деган номни олдилар.

ЖУБА, Жубба — Африканинг шим.-шарқидаги дарё. Эфиопия ва Сомали давлатлари ҳудудидан оқиб ўтади. Эфиопия ясситоғлигидан 3 та ирмоқ б-н бошланиб Доло ш. ёнида улар қўшилгач, Ж. номини олади. Сомали платосидан ўтиб Ҳинд океанига қуйилади. Узунлиги Ганале-Дория ирмоғи б-н 1600 км, ҳавзасининг майд. 750 минг км². Ўртача йиллик сув сарфи 550 м³/сек. Ёнгингарчилик мавсумлари (апр.—июнь, сент.—нояб.) да Бардера ш.гача кема қатнай олади. Қуйилиш жойида Касмайо порти (Сомали) бор.

ЖУБАНОВ Аҳмад Қуанович [1906.16(29).4, Қозоғистоннинг ҳоз. Оқтўба вилояти — 1968.30.5, Олмаота] — қозоқ мусиқашуноси, композитор ва дирижёр. Қозоқ композиторлик мусиқаси ва мусиқашунослигининг асосчиларидан. Қозоғистон халқ артисти (1944). Қозоғистон ФАнинг акад. (1946), Олмаота консерваториясининг проф. (1947). Ленинград консерваториясини тугатган (1932). Кўрмонғози номидаги қозоқ халқ чолғулари оркестрининг ташкилотчиси ва дирижёри (1934—45). Санъат ин-тида халқ чолғулари кафедрасининг мудири (1945—47; 1954—61), ректор (1945—62), Авезов номидаги Адабиёт ва санъат и.-т. институтидаги мусиқа бўлими мудири (1961—68). Қозоқ халқ мусиқаси ҳақидаги китоб, очерк ва мақолалар муаллифи. «Абай» ва «Тўлеген Тўхтаров» (иккаласи Л. Ҳамиди б-н) опералари, увертюра-фантазия, «Абай» симфоник поэмаси, қозоқ чолғулари учун сюиталар, фортепиано учун пьесалар, қўшиқ ва романслар, спектакль ва кинофильмларга мусиқалар ёзган.

ЖУББА, жиба, жева — 1) Ўрта Осиё ва Шарқ армиясида жангчини ёй ўқи, қилич ва найзадан сақлаш учун симдан тўқилган махсус ҳарбий кийим. Ж., асосан, жанг пайтларида кийилган. 1,5—2 мм диаметрдаги темир симларни қалин тўр сингари тўқиб, қўйлак ва калта шим шаклида тайёрланган. Ж. илк ўрта асрларда кенг тарқалган. Ж. оғир бўлса ҳам, жангчининг гавдасини ихчам тутиб, унга халақит бермаган. Жангчи Ж. б-н биргаликда елка, билак ва кўкракни ҳимоя қилиш учун «чор ойна» деб аталган пўлат тахталар тақиб, қалқон б-н ўзини ҳимоя қилган. 15—16-а.ларда милтиқ асосий уруш қуролига айлана бошлаши б-н



Жубба кийган аскар (ўрта асрлар).

Ж.га эҳтиёж қолмаган; 2) авра-астарли, ичига пахта солиб қавилган кенг ва узун махсус чопон. Кўпинча қаландарлар, шайхлар кийган. Ж.нинг мўйна ва теридан қилинган турлари ҳам бўлган; 3) болалар ва эркакларнинг пахтали ички кийими (гуппи). Ихчам ҳажмда, гавдага ёпишиб турадиган қилиб тайёрланади, шунинг учун 2 ён томонида 28—30 см йиртмочи бўлади. Ж. 3 қаватли: астар ва авра орасига пахта ёки туя жуни солиниб, сийрак чоклар б-н кўндалангига қавилади. Ён томонидан ораси яқин (5—6 см) қилиб қатор тугмалар тақилади.

ЖУБРОН, Халил Жуброн (1883.6.1, Ливан, Бширро қишлоғи — 1931) — араб ёзувчиси, файласуф, рассом. Араб, инглиз тилларида ижод қилган. Илк ижоди романтик руҳда («Халил-Кофир», «Исёнкор руҳлар» ҳикоялар тўпламлари). «Синган қанотлар» (1912) қиссаси машҳур. «Кўз ёшлари ва табассум» (1914) тўплами 60 га яқин саж (қофияланган наср) б-н ёзилган кичик шеърий парчалардан иборат бўлиб, унга «Менинг туғилган куним», «Шоир авлоди» каби романтик асарлари киритилган. «Намойишкорона юриш» (1918) фалсафий-шеърий асари ёзувчи дунёқарашини акс эттирса, «Бўрон» (1920) тўпламида ҳаётда учрайдиган лоқайдлик, боқимандалик, иккиюзламачилик (мунофиқлик) каби иллатлар танқид қилинади. «Ақлдан озган» (1918), «Олдинда юрувчи» (1920), «Пайғамбар» (1923), «Қум ва кўпик» (1926), «Исо — инсон ўғли» (1928), «Ер худолари» ва б. асарлари Ғарб китобхонларига мўлжалланган. Ж. ижодида ўз фалсафий қарашларини тарғиб қилишга ҳаракат қилган. Унингча, фақат маънавият энг юксак қадрият намунаси бўла олади ва руҳнинг буюклигини акс эттиради. ЮНЕСКО қарори б-н 1983 й.да бутун жаҳонда Ж. таваллудининг 100 йиллиги нишонланган.

ЖУВАЙН — Хуросондаги *Нишопур* б-н Бистом ш.лари оралиғида жойлашган қад. ноҳия. Жан.да Байҳақ, шим.да Жожарм ноҳиялари б-н чегарадош. Маркази Озодвор ш. *Ёқут Ҳамавий* Ж.да 189 қишлоқ бўлиб, улар бир-бирига жуда яқин эканлигини ёзади. Машҳур фақиҳ, муҳаддис, муфассир ва муаррихлардан Абулмаъолий Зиёвуддин Абдулмалик ибн Абдуллоҳ *Жувайний*, Хожа Шамсуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад *Жувайний*, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Юсуф Жувайний, Алоуддин Отамалик ибн Баҳоуддин Муҳаммад *Жувайний* ва б. Ж.да яшаб ижод этган.

ЖУВАЙНИЙ, Абулмаъолий Зиёвуддин Абдулмалик ибн Абдуллоҳ Жувайний (1027—1086) — нишопурлик машҳур олим, фақиҳ, мударрис. Дастлаб фиққ, ҳадис, тафсир ва адаб илмлари бобида ўз замонасининг алломаси бўлмиш отаси Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Юсуф Жувайний (?—1043) дан таҳсил олган. Отаси вафот этгач, бир муддат унинг ўрнида мударрислик қилган. Сўнг илм талабида Ироққа сафар қилиб, бир оз вақт Бағдодда яшаган. Кейин, Ҳижозга бориб, аввал Маккаи Мукаррамада, сўнг Мадинаи Мунавварада тоат-ибодат, таҳсили илм б-н машғул бўлмоқ баробарида муфтилик ҳам қилган ва шу боис «Имом ул-Ҳарамайн» («Икки Ҳарам — Маккаи Мукаррама ва Мадинаи Мунаввара имоми») деган унвонга сазовор бўлган. *Салжуқийлар* султони *Алп Арслон* ҳукмдорлиги (1063—72)нинг дастлабки йилларида Нишопурга қайтган. Султоннинг машҳур вазири *Низомулмулк* Ж. учун Нишопурда «Низомийя мадрасаси»ни ташкил қилган. Ж. 30 йил мазкур мадрасада мударрислик қилиш б-н бирга фатво, ваъз, хутба ва вақф ишларини ҳам адо этган, фиққ, тафсир ва ҳадисга доир кўплаб асарлар ёзган.

ЖУВАЙНИЙ, Алоуддин Отамалик ибн Баҳоуддин Муҳаммад ал-Жувайний (1226, Ғарбий Хуросон, Жувайн вилояти, Озодвор қишлоғи — 1283, Аррон) — тарихчи олим ва давлат арбоби. Ёшлигидан араб, форс, мўғул, уйғур тилларини мукаммал ўрганган. Хуросондаги мўғул ҳукмдорлари Қирқўз, Арғун оға ва Ҳулоқу девонида хизмат қилган. 1247—53 й.ларда *Қорақурум* (Мўғулистон)га борган. *Элхонлар*нинг Бағдоддаги ноиби (1259—83, ғанаффуслар б-н).

Ж. Мўғулистон, Ўрта Осиё ҳамда Эроннинг 13-а.даги ижтимоий-сиёсий тарихидан ҳикоя қилувчи «Тарихи жаҳонкушой» (1260) номли шоҳ асари б-н шуҳрат топди. Асар 3 қисмдан иборат: 1) мўғуллар; уларнинг Чингизхон давридаги истилочилик юришларидан то *Гуюкхон* даври (1246—48) гача, шунингдек, *Жўжихон*, *Чиғатой* ва авлодларининг тарихи; 2) Хоразмшоҳлар ва Хуросоннинг мўғул ҳукмдорлари даври-даги (1258 и.гача) тарихи; 3) Ҳулокухоннинг Эронни забт этиши (1256—58), шунингдек, *исмоилийлар* ва уларнинг давлати тарихи батафсил баён этилган. Ўрта Осиё тарихи учун асарнинг 1—2 қисмлари алоҳида қимматга эга.

ЖУВАЙНИЙ, Хожа Шамсуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Жувайний (?—1284) — *Ҳулокуийлар давлати* арбоби. Тарихчи Алоуддин *Жувайний*нинг биродари. *Ҳулокуийлар (элхонлар)*дан *Ҳулоку* (1256—82) ҳукмронлиги даврида қарийб 30 йил соҳиби девон (вазир) бўлган. Аҳмад б-н шаҳзода Арғун (1284—91 й.ларда ҳукмдорлик қилган) ўртасидаги тахт учун курашда Арғун енгиб чиққач, Ж. ва унинг тўрт ўғли Табризда қатл қилинган.

Ж. раиятпарвар, ҳалол киши бўлиб, халқ ва давлат равнақига катта ҳисса қўшган. У ўзи олим, адиб ва шоир бўлиш б-н бирга илм ва санъат аҳли ҳомийси эди. Мантиққа оид «Шамсиййа» номли рисола унинг қаламига мансуб бўлиб, *Саъдий* ўзининг «Соҳибиййа» номли ҳикматли туркум шеърларида Ж. ва унинг фаолиятини назарда тутган.

ЖУВАНҒАР, Жавонғор, Жунғар (туркийча — чап қўл) — 1) мозийда Марказий Осиёда давлат тасарруфидаги ерларнинг чап томони. Кўчманчи халқларда мамлакат ва унинг аҳолисини икки қанотга ўнг ва сўлга тақсимлаш қадимдан одат тусини олган; 2) қўшиннинг сўл қаноти. Ж. истилоҳи бу маънода ўзбек тилига 13-а.нинг 30-й.ларида ўзлашган. Чингизхон қўшини Ж.инининг сони 62 минг аскардан иборат бўлган. Темур ва темурийлар қўшинида Ж.га темурийзодалар ва атоқли лашкарбошилар қўмондонлик қилган. Одатга кўра, Ж. жангчисининг *баранғар*дан ўрин олиши ҳарбий интизомни бузиш деб баҳоланган. Ж. истилоҳи ҳарбий маънода 20-а. бошигача истеъмолда бўлган. Ж. топонимик ном сифатида Жунғария атамасида сақланиб қолган.

ЖУВОЗ (форс. — ўғир) — мойли ўсимликлар уруғидан (мас., чигитдан) мой чиқарадиган дастгоҳ, мойжувоз. Ж. қандай ўсимлик уруғидан мой и. ч.ига кўра бир неча хил бўлади, чунончи: мой Ж., шоли оқланадигани — *обжувоз*, қоғоз Ж. Улов (от, ҳўкиз) ёки сув кучи б-н юритилади. Ж. кунда, ўқ, қайиқ, гажак, ёғоч (мўмиқ), тўғин каби қисмлардан иборат бўлади. Кунда (уз. 3 м ча, йўғон томонининг диаметри 55—60 см) ўрик, тут, қайрағочдан тайёрланади. Ингичка томони ерга 2 м ча кўмилиб, устки юзаси ўғир шаклида ўйилади ва юкхона деб аталади, унга чигит, кунжут, зиғир, турли уруғ (қовун, кунгабоқар ва б.), яъни ҳом ашё солинади. Юкхонанинг ўртасидан ўқ учи сингари қилиб газна ўйилади. Газна чуқурчасида ўқнинг айланиши натижасида ҳом ашёдан сизиб тушган ёғ тўпланади. Ўқни айлантириш учун унинг учига гажак (уз. 1,2 м ча ёғоч) бириктирилади. Гажакнинг пастки учи қайиқ (уз. 1 м ча, йўғон юзасининг бир томони ўйиб ичига тош тўлатилган, икки ёнидаги тешикларига кундани ўраб ўтган тўғиннинг учлари қоқилган қурилма) ўртасидаги ёғоч (мўмиқ)га боғланади. Ж.га қўшилган улов юрганида қайиқни олдинга суради, қайиқ эса гажакни, гажак ўз навбатида ўқни айлантиради, ўқ ҳом ашёни эзиб, таркибидаги мойни газнага ҳайдайди. Газна мойга тўлгач, жувозкаш Ж.ни тўхтатиб, мойни олади. Мой берувчи ўсимлик уруғларидан жувозларда олинадиган мой Ж. мойи деб аталади (асосан зиғир уруғидан тайёрлангани учун зиғир ёғи деб ҳам юритилади). Ж. мойи кунжут, кунгабоқар, қовун уруғи, чигит ва ёнғоқ мағизидан аралаштириб тайёрланганда шифобахш неъматга айланади. Қоғоз Ж.да эски увада, ёғоч кукуни ва б. эзиб, ун қилинган, сўнг қайнатиб, ундан қоғоз қуйилган.

Ж. ҳайдайдиган киши жувозкаш, унинг машғулоти, касби жувозкашлик дейилади. Жувозкашлик қадим замонлардаёқ пайдо бўлган Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон қишлоқларидаги йирик деҳқон хўжаликлари мой ишлаб сотиш учун, баъзан майда деҳқон хўжаликлари эса ўз эҳтиёжи учун шахсий жувозхонага эга бўлганлар. Ёғ ва қоғоз саноатининг ривожланиши туфайли жувозкашлик касби анча сусайди. Ҳозир ҳам Ж. учраб туради.

ЖУВОЛДИЗ, жуволдўз — қоп, шолча чокларини тикиш учун мўлжалланган учи эгри, игнасимон асбоб. Игна ва сўзандан каттароқ (16—18 см) бўлади. Ж. қадимда (темир бўлмаган даврда) дарахт новдаси (аксар юлғун) ва суяклардан ишланган, ҳозир темирдан ясалади.

ЖУВОНМАРД АЛИХОН, Жувонмард султон, Муиниддин Жавонмардали султон бин *Абу Саидхон* (?—1578.6.10) — Самарқанд ҳокими (1572—78). *Шайбонийлар*дан. *Кўчкунчихон*нинг набираси. Хоразмдаги ўзаро ички низолардан фойдаланиб Мовароуннаҳрдаги шайбонийлардан *Убайдуллахон*. *Бароқхон* (Наврўз Аҳмалхон) ва Ҳисор султонлари б-н биргаликда 1532/33 й.ларда Хоразмга қилинган юришда қатнашган. Бароқхон даврида акаси Ғалойхон б-н Фарғонада ҳоким бўлган, сўнгра улар *Абдуллахон II* б-н иттифоқ бўлиб Бароқхон вафотидан сўнг Самарқандни эгаллаган Бобохондан шаҳарни тортиб олишади (1557). Самарқанд Ж. А.нинг акаси Султон Саъидга топширилади (1557—72). Унинг вафотидан сўнг Ж. А. тахтга ўтиради. Ж. А. Абдуллахоннинг Тошкент ва Туркистон ҳокимлари Бобохон ва *Дарвешхон*ларга қарши курашида фаол иштирок этган, жумладан қўшиннинг ўнг қанотига ўғиллари Абулхайр султон ва Музаффар султонлар б-н бирга бош бўлган. 1578 й. баҳорида ота-болалар ўртасида низо чиқади. Абдуллахон 2 ойлик қамалдан сўнг (12 апр.—13 июнь) шаҳарни эгаллайди. Ж. А. оила аъзолари б-н Навқо қалъасига қамалган. 1578 й. 6 окт.да Абулхайр султон Абдуллахоннинг иниси *Ибодулла султон* ўрдугоҳида ўлдирилгач, *Ҳофиз Таниш Бухорий*нинг ёзишича, «қутли ҳукмга мувофиқ Эшимбий жалоир Навқога бостириб кириб... Жувонмард(хон)ни икки боласи б-н (бирга) нобуд қилди...» («Абдулланома», 1-ж., 314 б.). Ж. А. Самарқанд ободончилигига катта эътибор берган, жумладан уни катта ҳаммом солдиргани (1574) маълум. Ж. А. шеъриятга ихлосманд бўлиб, ўзи ҳам шеърлар ёзган. «Тазкират уш-шуаро» муаллифи *Мутрибий* унинг саройида (70-й.лар) хизмат қилган. *Жўйбор хожалари*дан Муҳаммад Ислом унинг пири бўлиб, Ж. А. у б-н хат ёзишиб турган.

Ад.: Ҳасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб, Т., 1993; Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома, 1-китоб, Т., 1999; Аҳмедов Б. А., Историко-географическая литература Средней Азии XVI—XVIII вв, Т., 1985.

ЖУВОНТЕПА ҚАБРИСТОНИ — қад. қабристон (мил. ав. 9—7-а.лар). Қозоғистоннинг Олмаота вилояти Челак дарёсининг ўнг соҳилида, Жувонтепа қишлоғи харобасидан шарқ томонда. 33 мозорқўрғон ўрганилган. Мозорқўрғонларнинг диаметри 3 м дан 113 м гача, бал. 0,1 м дан 13 м гача. Мурдалар тўртбурчак тик ўра-мозорларга боши шарқ, оёғи ғарбга қаратилиб кўмилган. Улар ёнидан сопол идишлар, тош шашасимон мунчоқлар, темир ва жез пичоқлар, жез зеб-зийнатлар, суяк тароқ, қўй суяклари топилган. Баъзи гўрларнинг деворига ёғоч қалаб, усти ҳам ёғоч б-н ёпилган.

ЖУГЖУР — Охота денгизининг шим.-ғарбий соҳилидаги тоғлар. РФнинг Хабаровск ўлкасида. Узунлиги қарийб 700 км. Бал. 800—1200 м, энг баланд жойи Топко тоғи (1906 м). Жан.-ғарбий қисми гнейс ва гранит, шим.-шарқий қис-

ми сланец ва оҳактошлардан (устини лава ва туфлар қоплаган) тузилган. Иқлими қаттиқ қишли муссон иқлими. Соҳил бўйида кедр буталари, 1300 м баландликкача аян қарағайи, даур тилоғочи ўсади.

ЖУЖАН (АВАР) ХОНЛИГИ (тахм. 402—555-й.лар) — илк ўрта асрдаги *жужанлар* хонлиги. Шарқда Корея, шим.да Байкал кўли, жан.да Мўғулистон чўллари, ғарбда Қорашаҳаргача бўлган ҳудудни эгаллаган. Мил. 5-а. бошларида жужанлар хони Шелун (Тўлунхон (402—410) теле ёхуд гочи (баланд қончқиликлар, ҳоз. уйғурлар аждоди) қабилаларини ўз атрофига тўплаб хонликка асос солган. Хулюй (Хўлиу 410—414) даврида эса шим.-даги, Енисей бўйларидаги негу ва хэвэй қабилалари буйсундирилган. Ж.(А).х ҳудуди Толан қоғон даврида (414—431) анча кенгайган. Ўтия қоғон (431—444) қўшни Тўбо хонлиги б-н куда тутиниб, 438 й. Олтой туркларини бўйсундирган ва улар ёрдамида темирдан ишланган қуроллар б-н ўз қўшинини қуроллантирган.

Ж.(А)х. Чулун (Тўғочин 444—464) ва Йўчинг (Учин 464—485) қоғонлар даврида Шарқий Туркистондаги Қутқу хун давлатини ағдариб (460), Турфан хонлигини тиклаган ва Хўтан вилоятига қадар босиб келган (470), Тўлунхон II (Бўккуду 485—492) даврида Ж(А).х. ички низолар туфайли заифлашган, қўшни Баланд қончқи хонлигини барпо этилиши кучли рақиб пайдо бўлганидан дарак берарди. Кейинчалик *эфталийлар* (оқ ҳунлар) қончқиликлар б-н биргаликда Ж(А).х. б-н уруш олиб борган. Ойноғой (Анахуань 522—552) қоғон туркий қавмлар б-н бўлган жангда маглуб бўлиб, ўзини ўзи ўлдирган. 555 й. Ж(А).х. туркийлар томонидан батамом тугатилган. Жужанларнинг бир қисми Ғарбга йўл олиб, Дунай дарёсининг ўрта оқими бўйларида *Авар хонлиги*ни барпо этганлар.

ЖУЖАНЛАР, жоужан, жуан-жуан, жужу, жуйжуй — Ғарбий Манжурия, Монголия ва Туркистон даштларида илк ўрта асрларда яшаган кўчманчи қабилалар иттифоқи. Ж.нинг юксалиши Шелунхон (402—410) номи б-н боғлиқ, у ўз атрофига тарқоқ қабилаларни бирлаштириб кучли ҳарбий иттифоқ тузган. Туркийлар, хитойликлар, уйғурлар б-н бўлган урушлар, шунингдек, тўхтовсиз ички низолар Ж.ни заифлаштирган. 6-а. ўрталарида жужан қабилалари иттифоқи тарқаб кетган. Ж.нинг бир қисми туркийлар ва б. халқлар таркибига сингиб кетган, қолган қисми (тахм. 30 минг чодир) узоқ Ғарбга кўчиб кетиб Дунай дарёсининг ўрта оқими соҳилларида 9-а.гача мавжуд бўлган.

ЖУЖУНЧА (хитойча «чу санча») — қалин тўқилган ипак мато; ипакнинг махсус навидан тайёрланган. Ранги сариш-кулранг. Хитой, кейинроқ Россиядан келтирилган. 19-а. ўрталари — 20-а. да Ж.дан асосан эркаклар кийими (кўйлак, камзул, шим ва б.) тикилган.

ЖУЗ — 1) ўзбек қабила уюшмаларидан бири — *юзнинг* «ж» ловчи шевалардаги номи; 2) маъмурий-ҳудудий бирлик. Қозоқлар 16-а. охирида Ж.ларга бўлинганлар (қ. *Катта жуз, Кичик жуз, Ўрта жуз*); 3) қисм, улуш; 4) ёзув қоғозининг метрик тизимда эллик тахтага тенг ўлчов бирлиги; 5) лафтар, китобча ёки китобнинг бир бўлаги.

ЖУЗВ (араб. — қисм, бўлак) — *аруз*нинг энг кичик унсури. Ҳарф ва ҳаракатларни унли ва ундош товушларга ажратиш мумкин, *араб ёзувида* 28 ундош ҳарф (товуш) бор. Унли ҳарфлар эса учта: алиф (ا — *а*), ё (و — и, э), вов (و — у, ў), бу 3 унлини чўзиқ деб ҳам айтишади, шу б-н бирга, ундош ҳарфларнинг ости ё устига қўйиладиган ост, уст белгилар б-н кўрсатилувчи (қисқа) унлилар ҳам бор, улар учта: забар ـَ а; зир ـِ и, э; пиш ـُ у, ў. Арузнинг кичик бўлаги бўлган Ж. шу ҳарф ва ҳаракатлардан ясалади, бу ҳол бўғин тушунчасига зид эмас, чунки бўғин ҳам шу унли ва ундош ҳарф (товуш)лардан ташкил топади.

Ундош ҳарфлар ости ё устига ҳаракатлар (забар, зир, пиш) қўйиб очиқ бўғинлар, устига сукун (ـْ) қўйиб, ёпиқ бўғин ясалиб келинган. Унли б-н тугаган бўғин очиқ, ундош б-н тугаган бўғин ёпиқ дейилади: камар сўзида биринчи бўғин (ка —) очиқ, иккинчи бўғин (— мар) ёпиқдир. Алишер Навоий туркий арузда ҳаракат ҳарфга, ҳарф ҳаракатга ўтиши мумкин деб таъкидлайди. Мас., «қилди» сўзини - — тармумкин бўлади. Ж.лар учта: 1) сабаб (араб. арқон), у икки хил бўлади: а) енгил сабаб (араб. сабаби хафиф) — бир ҳаракатли ва бир сукунли ҳарфдан тузилади: май (مَيْ:—); б) оғир сабаб (араб. сабаби сақил) — иккита ҳаракатли ҳарфдан тузилади: кўзи (كوزى :VV); 2) ватад (араб. қозиқча), у икки хил: а) йиғиқ ватад (ватади мажмуъ), — иккита ҳаракатли ҳарф ва бир ҳаракатсиз — сукунли ҳарфдан ясалади: самар (سَمَر: V —); б) ёйиқ ватад (ватади мафуқ) — иккита ҳаракатли ҳарф орасида бир ҳаракатсиз ҳарф келишига боғлиқ: нома (نامه:—V); 3) фосила (араб. палос), бу ҳам икки хил: а) кичик фосила (фосили суғро) — учта ҳаракатли ҳарф ва охир ва бир ҳаракатсиз ҳарф иштирокига қарайди: юрагим (يورَگيم:VV—); б) катта фосила (фосилаи кубро) — тўртта ҳаракатли, сўнг бир ҳаракатсиз, яъни сукунли ҳарфдан пайдо бўлади: яшамаган (يَشَمَاگان: VVV —). Араблар чодир уйларда яшаб келганлар ва бу уйни «байт» деб атаган, улар икки мисра шеърни ҳам байт (уй) деб аташганлари учун, байтдаги метрик унсурларни чодирда ишлатувчи нарсалар номи б-н арқон (сабаб), қозиқ (ватад), палос (фосила) деб номлашган ва бу ҳол кўчма маъно олади. Арузнинг таянчи бўлган рукнлар шу Ж.лардан юзага келади (қ. *Рукн*). Ж.нинг ўзгачароқ талқинлари ҳам бор, аммо моҳияти битта.

Ад.: Алишер Навоий, Мезон ул-авзон, Т., 1949; Бобур, Мухтасар, Т., 1971; Тўйчиев У., Ўзбек поэзиясида аруз системаси, Т., 1985.

ЖУЗДОН, жузгир — қоғоз солиш учун ишлатиладиган жилд, ғилоф. Бадиий ҳунармандликда теридан ишланиб, кўпинча босма нақш ёки ироқи кашта б-н безатилган. 19—20-а. бошларида Туркистонда кенг тарқалган.

ЖУЗЖОН, Гузгон — Афғонистоннинг шим.даги тарихий шаҳар ва вилоят (ҳоз. Жоузжон). *«Шоҳнома»*да Турон шоҳи *Афросиёб* б-н боғлиқ воқеалар муносабати б-н қайд этиб ўтилган. Хитой манбаларида («Таншу») Ху-чже-кйен деб номланиб унинг подшоси 50 минг кишилик қўшинга эга эканлиги ва у Тохаристоннинг туркий қавмлардан бўлган олий *ябғу*сига тобе эканлиги айтилган. Араблар истилосидан аввалги даврда Ж. ҳокимлари «гузгон-худот» ёки «Гузганон шоҳ» унвонига эга бўлишган. 10-а.да Ж.да ҳукмронлик қилган Фариғуний лар сулоласи вакиллари ана шу унвон б-н айтилган. *Араб халифалиги* даврида Ж. вилоятидан атиги 152 минг дирҳам хирож олинган. 10-а.да Ж. кенг ҳудудни қамраган бадавлат, гуллаб-яшнаган вилоят бўлган. Ғарбда у Гарчистон ва Марв, шарқда Балх, Тохаристон ва Бомиён, жан.да Ғур ва Буст, шим.да Амударё б-н чегараланган. Ж. ҳокими шу қадар кучли бўлганки, ҳатто *Сомонийлар*га хирож тўламай фақатгина совға-салом жўнатиб турган. «Ҳудуд ул-олам»га кўра Ж. шоҳи ўз замонасидаги ҳукмдорлар ичида энг обрўли, қудратли, ақлли, доно ва ўқимишлиси бўлган. Унинг мулкида адолат, тинчлик ва осойишталик ҳукм сурган. 9-а.да Ж.нинг пойтахти Анбар ш. (ҳоз. Сарипул) бўлиб, унда халифалик волийсининг қароргоҳи жойлашган. 10-а.да унда Фариғуний лар нинг қишки қароргоҳи бўлиб, ёзги қароргоҳ Гурзувон ш.да бўлган. «Ҳудуд ул-олам»га кўра Анбар бой шаҳар бўлиб, савдо аҳли гавжум бўлган марказ саналган. Бу ерда машҳур «гузгон териси» тайёрланиб, у турли мамлакатларга чиқарилган. Шаҳарда ўзининг зарбхонаси, улкан жоме масжиди бўлган. 1019 й. фариғуний лар сулоласи тахтдан ағдарилгач, *Маҳмуд Ғазнавий* Ж.ни Ғазнавийлар салтанати таркибига қўшиб олган. Ж. бу даврда йирик иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган. 1198 й. апр.да Ж. *қорахитойлар* босқинига учраган. 13-а. бошида уни мўғуллар, 14—15-а.ларда *темурийлар* эгаллаган. 16-а.да *шайбонийлар*, 17-а.да *аштархонийлар*га тобе бўлиб Балх мулкига тегишли бўлган. 18-а. ўрталаридан афғонларнинг *Дурроний лар давлати*, 1919 й.да мустақил Афғонистон давлати тузилгач, унинг вилоятларидан бири.

Ад.: Ахмедов Б., История Балха, Т., 1982; Камалиддинов Ш. С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начала XIII вв. Т., 1996.

ЖУЗЖОНИЙ Абу Убайд Абдулвоҳид ибн Муҳаммад (туғилган йили номаълум — 1047) — тиб олими. Абу Али *ибн Сино*нинг шогирдларидан. Афғонистоннинг Жузжон вилоятида туғилган. У Ибн Синонинг ўзи ёзган таржимаи ҳолини унинг вафотидан сўнг ниҳоясига етказган. Бу манба Ибн Сино ҳақидаги энг ишончли манба бўлиб, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланади (инв. № 2385).

ЖУЗЖОНИЙ (Журжоний) Абу Умар Минҳожиддин Усмон ибн Сирожиддин (1193—1262) — ўрта аср тарихчиси. Асли эронлик бўлиб, Ҳиндистонда яшаган. Деҳли султони Носириддин Маҳмудга бағишлаб «Табақоти Носирий» («Носир туркумлари») номли тарихий асар ёзган. Бу унинг энг йирик асари бўлиб, у кичик муқаддима ва умавийлар, аббосийлар, тоҳирийлар, саффорийлар, сомонийлар, ғазнавийлар, салжуқийлар, санжарийлар, хоразмшоҳлар тарихига оид 23 табақа (туркум, бўлим)дан иборат. Ж. ушбу асарининг бир қисмини тарихий асарларга, суриштириб билган воқеаларга асосланиб ёзган. Асар мўғулларнинг Хоразмга юриши, Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердининг Ғазнага келиши, Ҳиндистоннинг бу даврдаги сиёсий ва дипломатик муносабатлари ҳақида ҳам маълумот беради. Унинг 1963—64 й.ларда 2 жилдда босилган Кобул нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланади (инв. № 1658).

ЖУЗҒУН, қандим (Calligonum) — торондошлар оиласининг бир туркуми. Ўрта Осиёда 45 га яқин тури бор, асосан, чўлларда ўсади. Бўйи 50 см дан 3 м гача. Меваси қуруқ. 4—8 қанотчали, чангчилари 12—18 та. Барглари кўримсиз, уз. 5—7 мм, тасмасимон. Гуллари оқ, майда, хушбўй. Ўзбекистонда, асосан, Қизилқумда ва Марказий Фарғона қумларида қора жузғун (C. aphyllum), норжузғун (C. eriopodum), оқ жузғун (C. junceum), қизил жузғун (C. caput-medusae) ва б. турлари ўсади. Ж.лар, асосан, кўчма қумларни тўхтатиш учун экилади. Айрим турлари таркибида ошловчи моддалар ва *алкалоидлар* бор. Ж.ни моллар ейди. Манзарали ўсимлик сифатида ҳам экилади.

ЖУКОВ Борис Самойлович (1906.2.12, Туркманистоннинг Қизилравот ш. — 1987) — график рассом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1969). Москва полиграфия ин-тида таълим олган (1928—31). 1931 й.дан Ўзбекистонда. Ўзбекистон давлат нашриётида бадиий муҳаррир-рассом бўлиб ишлаган ҳамда «Муштум» жур.да фаол қатнашган. 2-жаҳон уруши даврида фронтлар (Шим. Кавказ фронти)да бўлиб, жангчиларнинг жасоратлари тасвирланган асарлар яратган («Душман чекинди», «Партизанларнинг иши», «Кубанда» ва б.). Китобларни безаган, плакатлар ишлаган («Қаҳрамон халқ Фарҳод ГЭС қурилишида», 1942 ва б.).

ЖУКОВ Георгий Константинович [1896.19.11 (1.12), Калуга вилояти, Стрелковка қишлоғи — 1974.18.6, Москва] — ҳарбий арбоб, саркарда. Собиқ Иттифоқ маршали (1943), тўрт марта Иттифоқ Қаҳрамони (1939, 1944, 1945, 1956) Халхин-Гол дарёси бўйидаги жангда қатнашган (1939). Киев ҳарбий округи қўшинлари қўмондони (1940 й.дан). 1941 й. янв.—июлда Бош штаб бошлиғи — СССР Мудофаа халқ комиссари ўринбосари. Ж. 2-жаҳон урушида немис-фашист босқинчиларини тормор келтиришда муҳим роль ўйнаган: Москва ва Ленинград жанглари (1941—42), Ленинград қамалини ёриб ўтиш, Сталинград ва Курск жанглари (1942—43), Ўнг қирғоқ Украинасидаги ҳужум, Белоруссия операцияси (1943—44), Висла-Одер ва Берлин операциялари (1944—45)да ўзининг моҳир саркарда эканлигини кўрсатган. 1942 й. авг.дан урушнинг охиригача Мудофаа халқ комиссари ўринбосари, Олий Бош қўмондон ўринбосари. Олий Бош қўмондонлигидан 1945 й. 8 майда фашистлар Германиясининг сўзсиз таслим бўлганлик (капитуляция) ҳақидаги ҳужжатни қабул қилган. 1945—46 й.лар Германиядаги совет қўшинлари гуруҳи бош қўмондони ва Совет ҳарбий маъмурияти бошлиғи. 1946 й. мартдан Қуруқликдаги қўшинлар бош қўмондони, СССР Қуролли Кучлар вазири ўринбосари. Шу йилнинг ўзида И. В. *Сталин* томонидан ишдан четлатилган. 1946 й. июндан Одесса ҳарбий округи, 1948 й.дан Урал ҳарбий округи қўшинлари қўмондони. 1953 й.дан СССР мудофаа вазири 1-ўринбосари, 1955 й.дан мудофаа вазири. 1956—57 й.ларда КПСС МК Президиуми аъзолигига номзод, аъзоси. 1957 й. окт.дан Н. С. *Хрушчев* кўрсатмасига биноан вазифасидан озод қилинган. 1958 й. Қуролли Кучлар сафларидан бўшатилган.



Ас.: Воспоминания и размышления, 10-изд., т. 1—3, М., 1990.

ЖУКОВСКИЙ Василий Андреевич [1783.29.1(9.2), Тула вилояти — 1852.12(24).4, Баден-Баден, Германия] — рус шоири. Петербург ФА фахрий аъзоси (1827), акад. (1841). Ижодини сентименталист сифатида бошлаб («Қишлоқ қабристони», 1802), рус *романтизми*нинг асосчиларидан бирига айланган. Шеърияти ғамгин ўйларга, романтик руҳда қайта ишланган халқ тасаввуридаги образларга бой («Людмила», 1808; «Светлана», 1808—12; «Кассандра», 1809; «Эолова арфа», 1814 ва б. балладалари). «Ухлаётган ўн икки дев» (1817) достони муаллифи. Гомер («Одиссея»), Ф. Шиллер, Ж. Байрон асарларини, *«Шоҳнома»* (Фирдавсий), Ҳиндистон халқлари эпоси *«Маҳабҳарата»*дан парчалар таржима қилган. «Одиссея», «Маҳабҳарата» асарлари ўзбек тилига Ж.нинг рус тилидаги таржима варианти асосида ўгирилган.

ЖУКОВСКИЙ Николай Егорович [1847.5(17).1, Орехов қишлоғи, Россия — 1921.17.3, Москва] — механика соҳасидаги рус олими, гидроаэромеханиси асосчиси. Петербург ФА мухбир аъзоси (1894). Москва ун-тини тугатган (1868), шу ун-тда (1885 й.дан), Москва Олий техника ўқув юртида ишлаган (1872 й.дан). Ж. қушларнинг учиш динамикасини ҳар томонлама текширган. Ж.нинг аэродинамика ва авиация соҳасидаги ишлари ҳоз. авиация фанига асос бўлди. Ж. раҳбарлигида дунёда би-



ринчи аэродинамик қувур қурилган (1902); самолёт винтларини синаш асбоби яратилган. Ж. самолёт қанотининг кўтариш кучини аниқловчи қонунни очди (1904); самолёт қаноти ва винтларнинг энг қулай шаклларини аниқлаган (1910—11). Ж. раҳбарлигида 1904 й.да Москва яқинидаги Кучина қ.да Европада биринчи аэрогидродинамика ин-ти ташкил этилди. Ж. экспериментал ва назарий аэродинамика фанини яратди, аэроплан қанотининг кўтариш кучини ҳосил қилиш принципини очди ҳамда унинг қийматини аниқлашга имкон берувчи теоремани формула орқали баён қилди. Ж. гидродинамика, физика, астрономия, мат., гидродинамика ва гидравлика, амалий механика, машиналарни ростлаш назарияси ва б. соҳаларга оид тадқиқотлар, ун-тлар ва олий техника ўқув юртлари учун мўлжалланган классик дарсликлар муаллифи.

ЖУКОВСКИЙ — РФ Москва вилоятидаги шаҳар, Москва дарёси бўйида, Москвадан 40 км жан.-шарқда. Т. й. станцияси, Аҳолиси 100 минг кишига яқин (1994). Марказий аэрогидродинамика ин-ти, Синовчи-учувчилар ин-ти бор. Рус олими Н. Е. *Жуковский* номига қўйилган.

ЖУЛ — 1) от ёпиғи, абзал; эгар устидан ёпилади. Отни қишда совуқдан асрайди. Астари кигиздан, авраси гулдор жун шолча ёки қалин мато (бахмал, мовут ва б.)дан тайёрланади; матодан тайёрланганлари кашта тикиб безатилади; 2) кўл (дўкон)да тўқилган қалин жун мато.

ЖУЛАЙТОВ — Қурама тоғларининг жан.-шарқий қисмидаги тоғ. Сарваксой б-н Чодаксой оралиғида, Қурама тизмасининг сувайирғич қисмидан бошланади ва тоғ этаги адирларга туташади. Энг баланд жойи 2645 м. Герцин бурмаланиши даврида кўтарилган. Сувайирғич қисмида гранит ва гранодиоритлардан, қолган қисми порфир-туф жинсларидан тузилган. Кўпгина тектоник узилмалар учрайди. Сийрак арчазор ва буталар б-н қопланган. Ж.да Қорамозор рудали ҳавза жойлашган.

ЖУЛБОЕВА Зулпин (1951.29.3, Шеробод тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Термиз пед. билим юртини (1969) ва ин-тини (1984) тугатган. 1969 й.дан Термиз туманидаги 42-, Шеробод туманидаги 12-, Қизириқ туманидаги 1-, 1983 й.дан 2-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси. Ж. синф б-н ишлашдан ташқари ҳар бир ўқувчи б-н алоҳида ишлашга катта эътибор беради. Дарсларни ҳоз. давр талаблари асосида олиб боради.

ЖУЛТААЛИ ҒОРИ — Нурота тоғларининг жан. ён бағридаги гор. 970 м баландликда. Қуруқсой ўзанидан 20 м баландда. Девон даврига мансуб оҳактошларда ҳосил бўлган. Ғорнинг оғзи (эни 1,7 м, бал. 3,7 м) жан.-шарққа қараган. Ғор йўлак (уз. 8 м) дан бошланиб, у тугагач кенг хонага (уз. 24 м, эни 7,2 м, бал. 6 м гача) кирилади. Сўнгра ғорнинг эни торайиб, 11 м га давом этади. Ғор ичида сталактитлар (уз. 3 м гача) мавжуд. Ж.ғ.нинг умумий ўлчамлари: уз. 51 м. майдони 132 м², ҳажми 230 м³.

ЖУЛФА — Озарбайжоннинг Нахичеван Мухтор Республикасидаги шаҳар (1948 й.дан). Аракс дарёси чап соҳилида. Боку—Ереван йўналишидаги т. й. станцияси (шу ердан Табриз ш.га т. й. линияси ва шоссе йўл ўтказилган). Аҳолиси 9 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Ж. — қад. шаҳарлардан. 16-а.дан, халқаро ипак савдоси марказларидан бири бўлган. Венеция, Генуя, Амстердам каби Ғарбий Европа шаҳарлари б-н савдо қилган. Шаҳарда 17-а. яшаган. 1605 й. Эрон шоҳи Аббос I ипак савдосини пойтахтга кўчириш мақсадида Ж.нинг савдо ва ҳунарманд аҳолини Исфаҳон атрофига кўчирган. 1828 й.да Ж.ни Россия босиб олган.

Озиқ-овқат саноати корхоналари, асфальт з-ди бор. Гулистон мақбараси (13-а. боши), ўрта аср меъморий ёдгорликлари харобалари, карвонсаройлар сақланган.

ЖУЛФА — Эроннинг шим.-ғарбидаги шаҳар. Аракс дарёсининг ўнг соҳилида. Дарёнинг чап соҳилидаги *Жулфа* ш.нинг (Озарбайжон Республикаси) қаршисида. Т. й. ва шоссе йўллар орқали Табриз ш. б-н боғланган. Ж. орқали МДҲ давлатлари ва Эрон ўртасида юк ташилади.

ЖУЛХИРС, жулварақ — узун патли (7—15 мм дан 20 мм гача) гилам. Одатда, алоҳида тўқилган бўлаклардан иборат: ўртадаги икки бўлакнинг эни 0,5 м, икки чеккадаги бўлакники 0,2 м; уз. 2,0—2,5 м, эни 1,0—1,4 м. Сандал устига, қора уй ичидаги учоқ олдига. баъзан меҳмонхонага тўшалган (Ж.нинг бўйи 3,26 м, эни 1,07 м бўлган нақшли нусхаси Ўзбекистон давлат санъат музейида сақланади). Ж. чорвачилик б-н шуғулланган ўзбек кўчманчи қабилаларида туя, қўй, эчки жунидан махсус усулда тўқилган. Замини тўқ рангда, нақшлари ранг-баранг (қизил, сариқ, кўк ва уларнинг туслари ҳамда жуннинг табиий ранги — оқ, кулранг, жигарранг, қорадан иборат), мужассамотида марказий майдон чегараланган: нақшлар бўйига тенг қаторларда ингичка йўллар б-н ажратилган ҳолда жойлашган ёки ичи нақшлар б-н безатилган турли ромб, олти, саккиз бурчакли мураббаларнинг бир-бири б-н туташган ҳандасий шаклларидан иборат бўлган. Ж. бўйига йўл-йўл нақшли гилам — ҳошия тикилган. Жиззах (Ғаллаорол, Бахмал ва б.), Самарқанд (Ургут тумани) вилоятларида халқ усталари томонидан ҳозир ҳам Ж. тайёрланади.



Жулхирс.

Ад.: Мошкова В. Г., Ковры народов Средней Азии конца 19-начало 20 вв., Т., 1970.

ЖУЛҚУНБОЙ — қ. *Абдулла Қодирий.*

ЖУМА (араб. — жам бўлиш) — 1) Григорий календарида ҳафта таркибига кирган кунлардан бешинчисининг номи; 2) мусулмонлар тақвимида олтинчи кун номи. Ислом динида «саййид ул-айём» — кунларнинг улуғи сифатида эъзозланади. Ж. куни пешин намози ўрнига Ж. намози ўқилади. Имом-хатиблар намоз олдидан ярим соат чамасида мавъиза (диний ваъз) ўқийдилар. Сўнг икки бор азон айтилиб, катта жамоат б-н намоз адо этилади. Мусулмон мамлакатларида Ж. кунини дам олиш куни деб белгилаган бўлсалар-да, асли бу кунда дам олиш шарт эмас. Чунки Қуръони каримнинг «Жумъа» сурасида: «Жума намозини ўқиб бўлганларингиздан кейин (касб-ҳунар, савдо-сотиқ ишларингиз сари) тарқаб кетингизлар ва Аллоҳнинг фазли (ризқи)ни сўрангизлар» (Абдулазиз Мансур таржимаси) дейилган.

ЖУМА — Самарқанд вилоятидаги шаҳар (1973 й.дан). Пастдарғом тумани маркази. 1893—96 й.ларда т. й. станцияси қурилиши муносабати б-н вужудга келган. Шаҳар жан.дан Тошкент — Бухоро автомобиль йўли ўтган. Самарқанд ш.дан 25 км шим.-ғарбда. Аҳолиси 26 минг киши (1999). Ж.да пахта тозалаш, тузатиш-механика з-длари, «Илғор» к-ти, 2 та МТП, автомобиль-автобус парклари, дон базаси (тегирмони б-н) бор. Ж.дан Тошкент, Самарқанд, Каттақўрғон ва Қарши йўналишлари бўйича автобус қатнайди. Ж.да Эски Жума (1890) ва Нурулислом (1993) жоме масжидлари фаолият кўрсатади. Шаҳарда 3 умумий таълим мактаби, амалий ва тасвирий санъат лицейи, 300 ўринли қ. х. касб-ҳунар лицейи, ёшлар ва ўсмирлар спорт мактаби, меҳрибонлик уйи, 3 кутубхона, 2 маданият уйи, маданият ва истироҳат боғи, 3 боғча-гимназия, 1941—45 йиллар уруши қатнашчиларига қўйилган ёдгорлик бор.


ЖУМА МАСЖИД — жума кунлари кенг жамоа намоз ўқийдиган катта *масжид*. Меъморий тузилиши *Жоме масжид*га нисбатан кичик ва оддийроқ. Ж.м.лар ҳар бир шаҳарда бир ёки бир нечта бўлиб, уларни қуриш ва безашда даврнинг машҳур меъморлари, нақшлари сафарбар қилинган, шунинг учун ҳам кўпгина Ж. м.лар халқ меъморлиги ва амалий безак санъатининг намунаси сифатида муҳофаза қилинади. Ўзбекистонда айниқса Хивадаги *Жума масжид* машҳур.

ЖУМА МАСЖИД, Хива жума масжиди — Хива (Хоразм)даги меъморий ёдгорлик (10—18-а.лар). *Ичан қалъа*нинг марказий қисмида *Ота дарвоза* ва *Полвон дарвоза*ларни бирлаштирувчи кўчада жойлашган. Ж. м. ҳақидаги илк маълумот 10-а.да Хоразмга келган араб сайёҳлари ал-Муқаддасий (Мақдисий) ва ал-Истахрий ёзмаларида учрайди. Манбаларга кўра, Ж. м.нинг дастлабки биноси бузилиб кетган ва ўрнига Абдураҳмон Меҳтар буйруғига биноан худди шу усулда каттароқ янги масжид қурилган (1788). Масжид ўзига хос тарҳи ва ҳажми б-н ажралиб турган. Бир қаватли бўлиб, атрофи ғиштин девор б-н ўралган. Унинг бошқа масжидлардан фарқи қад. араб меъморлигига хос услубда (ёпиқ, кўп устунли ҳамда ҳовлисиз қилиб) қурилганлигидадир. Унда айвонлар б-н ўралган ҳовли ҳам, улкан пештоқ ҳам, гумбазли хоналар ҳам йўқ. Хонақоҳ ичи шипдаги



Жума масжиднинг ички кўриниши.

икки туйнук орқали ёритилади. Томи ясси, тўсинли, шипини 212 устун кўтариб туради. Устунлар 17 қаторли, оралиғи 3,15×3,15 м. Меҳроби жан. девор марказида жойлашган. Ташқи деворлари оддий безаксиз. Бош тарзидаги эшик ёғоч ўймакорлигида ишланган ноёб намуна ҳисобланади. Ички безаклари содда ганч суворқилинган. Меҳроб равоғида ироқи мукарнас ва кўк рангли бўяма нақш (18-а.га оид) сақланган. Устунлар масжид тузилишининг асосини ташкил этиш б-н бирга унинг бадиий безаги ҳамдир. Улар ўзига хос мутаносиблик ва кўринишга эга. 212 устундан 10—14-а.ларга оид 25 устун энг қад.си бўлиб, тузилишида бир қанча услуб намуналари бор. 10—11-асрларга оид 4 устун чуқур бўртма нақшли, куфий хати ислимий нақш б-н уйғунлашган. Унда фақиҳ Абул Фадал Муҳаммад Лайси фармони б-н қурилгани ёзилган. 11—12-а.ларга оид 17 устун нисбатан саёз ўйилган, ундаги ҳандасий нақшлар оралиғи услублаштирилган, наботий шакллар б-н тўлдирилган, ёзувлари куфий хатида битилган (яхши сақланмаган) 15-а.га оид 3 устун ислимий, гириҳ нақшлар ва насх хатида ҳошия қилиб терилган. Бу услубдаги ўймакорлик безаклари меҳроб яқинидаги ёғоч тахтачаларда ва эшик табақаларида учрайди. Устунларнинг бирида мил. 1510 й. сақланган. Улар меҳроб яқинидаги мармар тахта-



Жума масжиднинг ёғоч устунларига ишланган нақшлар.

лар б-н бир вақтда ўрнатилган бўлиши мумкин. Кичик мармар тахтада 1666 й., иккинчи мармар тахта ёзувидаги вақфномада вазир Абдураҳмон амри б-н Қуюқтом ва Бекобод қишлоқларида масжидга вақф ерлари ажратилганлиги ва даромадни хайр-эҳсонга ҳамда масжид зарурияти га сарф қилиш лозимлиги ёзилган (1788—89). Қолган устунлар Хоразмдаги турли бинолардан йиғиб келтирилган. Уларни масжид қурилишига мослаб қирқилган, калтароқлари мурабба шаклдаги тош *пойустун* устига *кўзаги* ва *каллак*лар ишланиб ўрнатилган. Ҳамма устунлар муайян мужассамот асосида жойлаштирилган. Масжид ёнидаги минора 17-а.да қулаб тушган, 18-а.да майда пишиқ ғиштдан қайта тикланган. Минора юқорига томон ингичкалашиб боради. Тепасига шарафа ва ғиштдан дандана ҳошия белбоғлар ишланган. Ж. м. бир неча бор таъмирланган. Охирги таъмири 1990 й.да Хиванинг 2500 йиллиги арафасида бажарилган.

Умумий ўлчамлари: масжид — 55×46 м, минора бал. 42 м.

Ад.: Маньковская Л., Булатова В., Памятники зодчества Хорезма, Т., 1978.

ЖУМАБОЕВ Йўлдош (1932.15.2, Урганч — 1998.21.3, Тошкент) — файласуф олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1982), фалсафа фанлари д-ри (1976), проф. (1977). Хоразм давлат педагогика ин-тини тугатган (1954). Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат ин-тида кафедра мудири (1965—78), Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида бошқарма бошлиғи (1978—98). Илмий ишлари Ўрта Осиё фалсафий-ахлоқий фикрлар тарихи ва ҳоз. замон ахлоқшунослигига бағишланган.

Ас.: Ўрта Осиё этика тарихи очерклари, Т., 1980; Ўзбекистонда фалсафа ва ахлоқий фикрлар тараққиёти тарихидан, Т., 1997.

ЖУМАБОЙ ЖИРОВ (Бозоров Жумабой) (1927.22.10, Тошҳовуз вилояти, Туркманистон) — қорақалпоқ бахшиси, Нурабулла жиров (1862—1927) мактабининг намояндаси. Ўзбекистон халқ бахшиси (2000). 1928 й.дан Қорақалпоғистоннинг Хўжайли, 1960-й.лардан Шўманай туманида истиқомат қилади. Ёшлик давридан бахшилик санъатига қизиқишни унда Абдурасул (Кал бола), Қуламет, Ўтенияз каби атоқли қорақалпоқ жировлари уйғотган. 1948—50-й.лари Есемурод жиров (1893—1980) га шогирд тушган. 1950 й.дан мустақил ижод қилади. Репертуаридан қорақалпоқ достонлари («Қоблан», «Шарьяр», «Едиге»), тўлғов («Ўрманбет бий») ва халқ термалари («Даркор йигитга», «Шўманай» ва б.) ўрин олган. Туркманистон, Қозоғистон, шунингдек, Германияда бир неча бор гастролда бўлган. Ж. ж. ҳақида «Жиров» кинофильми (1998) суратга олинган.

ЖУМАДУҚХОН (? — 1428) — Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмини идора этган қозоқ хони. *Шайбонийлар*дан. *Абулхайрхон* ёшлигида Ж. ҳузурида тарбияланган, лекин кейинчалик унга қарши қуролли кураш олиб борган исёнкор амирларга қўшилган. Ж. қўшини жангда тор-мор қилиниб, ўзи ҳалок бўлган. Унинг ўрнига тахтни Абулхайрхон эгаллаган. *Масъуд ибн Усмон Кўҳистонийнинг* ёзишича, Ж. Шайбон уруғидан чиққан шавкатли подшоҳлардан бўлиб, қўшин тузилиши ва давлатни бошқариш ишларида шижоат кўрсатган.

ЖУМАЕВ Тавур (1918.6.11, Бухоро тумани — 1983.13.11, Тошкент) — мусиқашунос, педагог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1967). Тошкент консерваториясини тугатган (1956). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941—45). Бухоро театри директори ўринбосари (1947—49), Ўзбек давлат филармонияси (1949—54, 1970—72), Навоий номидаги опера ва балет театри (1954—57), Ўзбек давлат эстрадаси (1961—63), Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юрти (1974—83) директори, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги ўқув юртлари ва кадрлар бошқармаси бошлиги (1972—74). Композиторлик ижодига оид мақолалар, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар муаллифи.

ЖУМАЕВ Тўхтамурод Муртазоевич (1945.15.8, Олот тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Бухоро пед. ин-тини тугатган (1967). 1963 й.дан Олот туманидаги 3-, Қоракўл туманидаги 8-мактабда мат. ўқитувчиси, мактаб директори ўринбосари, 1990 й.дан 164-ихтисослаштирилган лицей, 1999 й.дан 1-ихтисослаштирилган иқтидорли болалар интернат мактаб директори. Ж. ўқув-тарбия ишларини такомиллаштира бориб, дарс сифатини яхшилашга эришди. Таълим беришда замонавий ўқув қуроллари ва компьютерлар асосида янги педагогик технологияларни қўллади. Ж. мат. бўйича бир неча дидактик қўлланмалар муаллифи.

ЖУМАЛОҚТЕПА — археологик ёдгорлик. Сурхондарё вилояти, *Ангор тумани* марказида. Сунъий тепалик устига қурилган. Квадрат тарҳли (30×30 м) кўшк харобаси (5—12-а.лар). Икки даврда обод бўлган. Биринчи даврда тўрт устунли зал ва унга туташ турли катталикдаги хоналар қурилган. Иккинчи даврда зал қайта қурилган. Топилмалар ичида ўйма нақшинкор ёғоч бусуратлари бор.

ЖУМАМУРАТОВ Тиловберган (1915.27.12, Мўйноқ тумани — 1990.20.4, Нукус) — Ўзбекистон (1969) ва Қорақалпоғистон (1967) халқ шоири. Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1948). «Юрак муҳаббати» (1956), «Дўстлик» (1959), «Давримиз юлдузлари» (1962), «Мўъжизакор сиймо» (1965), «Тўлқинда» (1970) достон ва шеърлар тўплами, «Гўзал Макарья» шеърий романи (1965) бор. «Қирғиз дўстларимга», «Ўзбек шоири Ғафур Ғуломга», «Навоий ҳақида» (1967) каби шеърларида халқлар дўстлиги, қардошлиги куйланган. «Меҳнатда тобланганлар» (1957), «Муҳаббат сири» (1958) ҳикоя ва очерклар тўплами, «Қизлар ҳазили» (1967), «Оғир кунлар» (1977) пьесалари муаллифи. Бир қатор асарлари ўзбек тилига таржима қилинган («Менинг замондошларим», 1962; «Аму қўшиқлари», 1965 ва б.). Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти лауреати (1972).

ЖУМАНБУЛБУЛ Мулла Холмурод ўғли (1818 — Нурота тумани — 1886) — ўзбек достончиси. *Эргаш Жуманбулбулнинг* отаси. Ж.нинг ота-боболари, момоси Тилла кампир, акалари Жасоқ Холмурод ўғли ва *Ёрлақаб бахши*лар ўз замонасининг йирик достончиларидан бўлган. Халқ достонларини мамнун олган. Ж.нинг айрим ҳажвий термалари оғиздан-оғизга ўтиб, бизгача етиб келган.

ЖУМАНИЁЗОВ Бектурди (1939.20.1, Хива тумани) — уста деҳқон, Ўзбекистон Қаҳрамони (2000). 1957 й.дан Хива туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аъзоси, шу хўжаликда қисобчи (1963—68), 1968 й.дан бригада бошлиги ва 1998 й.дан «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида бош пудратчи. Ж. раҳбарлик қилган бригада узоқ йиллар давомида пахтачилик, лавлагикорлик ва дончиликда деҳқончиликни илмий асосда олиб бориб муттасил юқори кўрсаткичларга эришди. 1999 й.да пахталан 34,8 ц/га, қанд лавлагидан 315 ц/га, кузги буғдойдан 62 ц/га ҳосил олишга эришди. Меҳнат фаолияти давомида кўп шогирдлар тарбиялади.



ЖУМАНИЁЗОВ Рўзмат (1933.12.20 — Урганч тумани — 2001.5.12) — хонанда, Ўзбекистон халқ ҳофизи (1992). Хоразм мақом, сувора ва б. мумтоз ашула йўллари ижрочиси. Ҳожихон ва Нурмуҳаммад *Болтаев*ларининг шогирди. Йирик ашула ва сувора йўлларини Х. Отажонов, Қ. Ҳожиевлардан ўрганди. Хоразм вилояти театрида актёр, яккахон ашулачи сифатида бир неча образлар яратган. Урганч шаҳар маданият уйида мақомчилар ансамбли (1966—81), Урганч тумани «Дилнавоз» ансамбли (1981—88), Хоразм вилояти телевидение ва радиоси қошидаги «Мақом» ансамбли (1988 й.дан) раҳбари. Кучли ва кенг ҳажмдаги овоз соҳиби. Эски анъаналарга кўра дутор жўрлигида ҳамда торни танбур услубида чалиб айтишга одатланган. Овоз имкониятларидан фойдаланиб йирик авжларда икки-уч жумлани бир нафасда айтиш, усул ва куй қочиримларини моҳирона ўйнатиш Ж. услубига хосдир. «Рост», «Бузрук», «Наво» Хоразм мақомлари Ж. раҳбарлигида Республика радио ва телевидениесида ёзиб олинган (1989—90).



ЖУМАНИЁЗОВ Шомурот Алломович (1941, Шовот тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Хоразм пед. ин-тининг физика-мат. ф-тини тугатган (1964). 1963 й.дан Шовот туманидаги мактабларда физика-мат. ўқитувчиси, мактаб, интернат мактаб директори ўринбосари, 1988—99 й.ларда 27-мактабда илмий бўлим мудири. У ўз иш фаолиятида дарсларнинг ноанъанавий усуллари, янги педагогик технологиялар, кўргазмали қуроллар, техника воситаларидан унумли фойдаланган.

ЖУМАНИЁЗОВ Ўрозбой (1924, Қорақалпоғистон, Беруний тумани — 1943.12.12, бедарак иуқолган) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 1942 й.дан фронтда. 985-ўқчи полки (Марказий фронт 60-армиянинг 226-ўқчи дивизияси) автоматчиси. Ж. 1943 й. 26 сент. да Киев вилоятининг Вишгород туманидаги Толокунская Рудня қишлоғи р-нида биринчилардан бўлиб Днепр дарёсини кечиб ўтиб, жангда жасорат кўрсатган. 1943 й. 17 окт.да Қаҳрамон унвонига сазовор бўлган. 1943 й. 12 дек.даги жангда бедарак йўқолган. Беруний ш. марказий кўчаларидан бири, Ж.нинг ўзи ўқиган 48-ўрта мактаб унинг номига қўйилган.



ЖУМОДУЛАВВАЛ (араб.) — қамария йил ҳисобида, яъни Ой тақвимида, шунингдек, мусулмонларнинг *ҳижрий-қамарий йил ҳисобида* бешинчи ойининг арабча номи; 30 кунга тенг.

ЖУМОДУЛОХИР (араб.) — қамария йил ҳисобида, яъни Ой тақвимида, шунингдек, мусулмонларнинг *ҳижрий-қамарий йил ҳисобида* олтинчи ойининг арабча номи; 29 кунга тенг.

ЖУМРУТ, бўрибағир (Rhamnus cogiacea Kom.) — чилонжийдадошлар (жумрутдошлар) оиласига мансуб йирик бута ёки паст бўйли дарахт. Гуллари майда, саргиш-яшил, тўпгули ярим соябон. Барги оддий, тухумсимон, тукси̇з, уз. 2—5 см. Меваси қора, данакли. Май—июнда гуллайди, меваси июль—авг.да етилади. Тошкент, Фарғона, Самарқанд вилоятларидаги тоғли туманларнинг сернам ерларида ўсади. Халқ табобатида меваси ва пўстлоғининг қайнатмаси қустирувчи дори, сурги сифатида ишлатилади.

ЖУМУРТОВ — Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги шаҳарча (1968 й.дан). Аҳолиси 3,5 минг киши (2000), асосан, қорақалпоқлар ва ўзбеклар яшайди, шунингдек, рус, татар, туркман ва б. миллат вакиллари ҳам истиқомат қилади. Яқин т. й. станцияси Урганчгача 70 км.

Ж. Амударё туманининг шарқида, асосан, Жумуртов тоғи этакларида жойлашган. Ж.да тош майдалаш-саралаш, норуда материаллар и. ч., асфальт, шағал, оҳактош з-длари, қурилиш материаллари и. ч. бирлашмаси, нефть базаси, нон ёниш цехи, автокорхона, 2 мактаб, кутубхона бор.

ЖУМҒЎЛТОВ — Тянь-шан тоғларининг шим. тизмаларидан бири (Қирғизистонда). Кенглик бўйлаб йўналган. Ғарбда Кўкумерен дарёси дараси орқали Сусамир тоғ тизмасидан ажралиб туради. Жан.да Жумғўл сойлиги бор. Уз. 100 км дан зиёд. Энг баланд жойи 3948 м. Туфоген қумтошлар, оҳактош-слюда сланецлари ва гранитлардан таркиб топган. Ён бағирларида ер бағирлаб ўсадиган арчали ўтлоқлар, ўтлоқ-дашт чангалзорлари, қора қарағай ўрмонлари бор.

«ЖУМҲУРИЯ», «ал-Жумҳурия» — МАРда чиқадиган кундалик расмий газета. 1953 й.дан Қоҳирада араб тилида нашр этилади. Сиёсат соҳасида мамлакат ҳукуматининг сиёсий йўлига яқин йўлни тарғиб қилади. Адади 1 млн. атрофида (2002).

«ЖУМҲУРИЯТ» — («Cumhuriyet» — «Республика») — Туркиядаги оммавий кундалик газета. Истанбулда нашр этилади. 1923 й.да ёзувчи ва журналист Юнус Нади томонидан ташкил этилган. Буржуа-либерал доираларининг қарашларини ифодалайди.

ЖУН — 1) сут эмизувчиларнинг йигирилувчанлик ёки наматланиш сифатларига эга бўлган қил (тук) қоплами; 2) Ж.ни қайта ишлаш саноатида ишлатиладиган хом ашё, асосий тўқималиклик толаларидан бири. Саноатда ишлатиладиган Ж. асосий қисмини қўй жуни ташкил этади; шунингдек, эчки, туя, қуён, қўтос, от, сигир, буғу, ит ва б. ҳайвонлардан олинадиган Ж. ҳам ишлатилади. Ж. толасининг сифати унинг йигирилиш хусусияти, ингичкалиги, узунлиги, пухталиги, ранги, чўзилувчанлиги, намлик ютиши ва б. хоссалари б-н белгиланади. Кимёвий тузилиши жиҳатидан оқсилли бирикмаларга киради. Ж.дан газламалар, трималарга кирадн. Ж.дан газламалар, трикотаж, гилам, техник мовут, адёл, пойабзал, намат, фетр ва б. маҳсулотлар тайёрланади.

Жониворлардан қирқиб олинадиган (қўй, эчки ва б.), тараб олинадиган (туя, ит, эчки ва қуён момиғи) ёки (туя, ит, эчки ва қуён момиғи) ёки (ситуллаш пайтида йиғиб олинадиган (сигир, от) Ж. табиий Ж., сўйилган ҳайвонлар терисини қайта ишлаш корхоналарида олинадиган жун завод Ж. дейилади.

Ж. толаси тангачасимон, қобиқ ва қувур қатламларидан иборат. Тангачасимон қатлам толани ташқаридан қоплаб турган шохсимон, ярим ҳалқасимон ва доирасимон бўлиши мумкин. Бу қатлам тола танасини емирилишдан сақлайди, толани товлантириб туради ва толаларнинг наматланиш хоссасини яхшилайди. Қобиқ қатлам Ж. толасини ҳосил қиладиган урчуқсимон ҳужайралардан иборат бўлиб, пишиқлиги, қайишқоқлиги ва б. сифатларини белгилайдиган асосий қатлам ҳисобланади. Ж. толаси терининг маҳсули ҳисобланади. Ж. толаси узунлиги ва ингичкалиги муҳим ўринда туради. Ж. қатлами қилдан ва қил ости (тук, тивит) қисмдан иборат.

Қўй Ж. толалар типига қараб бир типли толалардан иборат бир турли ва ҳар хил толалардан иборат бир турли бўлмаган Ж.га бўлинади. Бир турли жунда тивит толалар гуруҳларга бирлашиб, штапель ҳосил қилади (узун жунли қўй зотларидаги оралиқ толалар — бир турли ўрама). Бир турли бўлмаган Ж.да тивит, оралиқ ва ўзак толалар ўрамачаларга бирлашади. Ж.нинг физик хусусиятлари унинг технологик ва буюмларда кўримлилик сифатларини белгилайди (ингичкалик, узунлик, бурамдорлик, мустаҳкамлик, қайишқоқлик ва б.). Ўртача ингичкалиги (мкм): тивит тола 10—25; оралиқ тола —30—50; ўзак (қил) —50 ва ундан ортиқ; узунлиги 50 дан 300 мм гача бўлиши мумкин. Ж. ранги унинг қобиқ қатламида толанинг бутун узунлиги ёки маълум бир қисмида меланин пигменти мавжудлиги ва унинг ёрқинлиги (жигарранг-қора ёки сариқ-қизил) б-н белгиланади.

Технологик жиҳатдан ҳар қандай рангга бўяш имкони мавжуд оқ жун қадрланади. Қўй Ж.ни таркибидаги толалар типига кўра бир типдаги бир турли (майин, ярим майин) ва турли типдаги толалардан иборат (бир турли бўлмаган) (ярим дағал, дағал) Ж.ларга ажратилади. Ж. қирқиб олингач, навларга ажратилади, 35—46% ли совунсода эритмасида ювилиб, сўнгра қуритилади. Саноатда қайта ишлаш учун асосан соф (ювилган) Ж. ишлатилади. Ювилган (соф) Ж. оғирлигининг ювилмаган Ж. оғирлигига нисбатининг фоиз миқдори соф жун чиқиши миқдори деб аталади. Ювилиб, ёғ ва б. аралашмалардан тозалангач, майин толали Ж.дан 40—50%, ярим майин Ж.дан 45—65%, дағал Ж.дан 55—80% тоза Ж. олинади. Майин Ж. бир турли бўлиб, тивит толалардан иборат (ингичкалиги 18—25 мкм). Штапелдаги толаларнинг ингичкалиги ва узунлиги бўйича бир текислиги, толанинг узунлиги бўйича бир текис бурамдорлиги юқори физик-технологик хусусиятларини таъминлайди. Ранги асосан оқ рангда бўла-

ди. Ярим майин Ж. — бир турли, тивит толалардан ёки оралиқ қиллардан иборат (ўртача ингичкалиги 25—40 мкм). Ранги кўпинча оқ рангда. Ярим дағал Ж. — бир турли бўлмаган, тивит толалардан, оралиқ қил ва оз миқдорда ингичка ўзак толалардан иборат. Толаларининг ингичкалиги ва узунлиги бўйича нотекис таркибга эга. Ранги оқдан қорагача. Дағал Ж. — бир турли бўлмаган тивит толалардан, оралиқ қилдан, ўзак толалардан иборат. Ярим дағал жундан толаларининг ингичкалиги ва узунлиги бўйича бир текис бўлмаслиги б-н ажралиб туради. Бу тўрт гуруҳ тайёрлаш ва саноат давлат стандартларида навларга (олий 1, 2, 3, 4) ажратилади. Ярим дағал Ж. толалари момиқ қисмининг узунлиги бўйича олий, 1, 2, 3, 4 навларга, дағал Ж. эса 1, 2, 3, 4 навларга, қоракўл қўйлари Ж.и эса 1, 2, 3, навларга ажратилади.

Эчки Ж. — бир турли (оқ) ва бир турли бўлмаган (оқ рангдан қора ранггача) бўлади; бир турли бўлмаган эчки Ж.нинг асосан тивити ишлатилади. Туя Ж. — асосан момиқдан ташкил топади, жигарранг бўлади.

Ж.дан мовут газлама, гилам, устки трикотаж, намат, рўмол, пойабзал ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Қ. *Жун саноати.*

Мирпўлат Қулметов, Маҳмуджон Олтиев.

ЖУН ГАЗЛАМА — *жун* толасидан тўқиладиган мато. Тоза жунли ва ярим жунли хиллари бўлади. Тоза Ж. г.лар 100% жун ипдан тўқилади. Жунли кийим-кечакларнинг ташқи кўринишини яхшилаш мақсадида жун таркибига 6—10% гача (умумий оғирлигига нисбатан) пахта ипи, вискоза, сунъий ипак, штапель толаси ва б. аралаштирилган газлама ҳам тоза Ж. г. жумласига киритилади. Ярим жунли газламалар таркибида 85% гача табиий ёки сунъий жун бўлади. Ипларнинг сифатига қараб Ж. г.лар, асосан, камволь ва мовут газламаларга бўлинади. Камволь газламалар юқори ва ўрта рақамли жун ипдан тўқилади. Камволь газлама сирти текис, кўпинча, туксиз пишиқ, енгил, чангни ўзига кам олади, ундан тикилган кийим чидамли бўлади, тахи тез бузилмайди, чанг ва б. ифлосликлардан осон тозаланади. Эркаклар, аёллар ва болалар кийимлари тикиш учун ишлатилади. Кўйлакбоп, костюмбоп, шимбоп, пальтобоп ва махсус камволь газламалар бор. Ж. г.лардан кийим-кечак, адёл, рўмол, гилам ва б. маҳсулотлар ҳам тайёрланади.

ЖУН САНОАТИ — *тўқимачилик саноати*нинг етакчи тармоқларидан бири. Тармоқ корхоналарида *жун*ни қайта ишлаш, соф жундан ёки унинг бошқа толалар (асосан кимёвий толалар) аралашмасидан ҳар хил чизиқли зичликдаги иплар, *жун газлама*лар, ҳар хил техник ва махсус газламалар, гилам ва гилам маҳсулотлари, кигиз-намат ва фетр буюмлар, нотўқима материаллар ишлаб чиқарилади.

Жунни қайта ишлаш табиий жунни дастлабки ишлаш, яъни саралаш, титиш, ювиш, қуритиш, зичлаш, тойлаш босқичидан бошланади. Жун йигирув корхоналарида ҳар хил йигириш тизими ва усулларида соф жундан ёки ярим жундан карда, қайта тараланган ва аппарат иплари и. ч. иккинчи босқич; маҳсулот ёки буюмлар: трикотаж ёки тўқима матолар, трикотаж буюмлари, адёл, гилам, фетр, нотўқима материаллар олиш учинчи босқич; маҳсулот босиш, иссиқлик б-н ишлов бериш каби жараёнлар тўртинчи босқич ҳисобланади.

Жунни қайта ишлаш инсоният тарихида тўқимачилик маҳсулотларини и. ч. каби бир неча минг йиллар аввал пайдо бўлган. Қўлда ип тайёрлаш ва газлама тўқиш Ҳиндистон, Хитой, Миср ва Ўрта Осиёда милоддан бир неча минг йил илгари бошланган. Хоразмда археологик қазишмалар пайтида мил. ав. I-минг йилликка мансуб гиламлар топилган.

Ўзбекистонда қадимда жундан, айниқса қўй ва туя жунидан кигиз босиш, гилам тўқиш бой анъанага эга. 20-а.нинг 20-й.ларида майда тарқоқ ҳунармандлар артелларга бирлашиб, саноат тарзида маҳсулот и. ч. ташкил этилиши б-н жунни қайта ишлаш саноатига пойдевор қўйилди. Жунни дастлабки қайта ишлаш корхонаси дастлаб 1930 й. ишга туширилган. 2-жаҳон уруши йилларида Қўқон йигирув-тўқув ф-касида ярим жун адёллар и. ч. йўлга қўйилган. 1970 й. лойиҳа қуввати 2 млн. м² бўлган Хива гилам комбинати ишга туширилди. Унинг таркибида аппарат тизимида жун ва кимёвий толалар аралашмасидан йигирилган ип ишлаб чиқарувчи ф-ка, тўқув корхонаси ва пардозлаш цехлари мавжуд. 1980 й. Фарғона вилоятида Олтиариқ ип йигирув ф-касида пневмомеханик йигириш усулида йўғон жун иплари и. ч. бошланди. 1990 й.дан шу корхонада Франция б-н жун толасини дастлабки қайта ишлаш қўшма корхонаси ишга туширилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин республикада товар и. ч.да тадбиркорликка ва хусусий секторга эътибор кучайтирилди. Натижада жун маҳсулотлари и. ч. бўйича кичик хусусий корхоналар, турли фирмалар ташкил этилди. 1997 й.да Наманган вилоятида қурилиб ишга туширилган «Косонсой-Тикмен» Ўзбекистон—Туркия қўшма корхонасида жун толасидан костюм ва пальтолар тикиладиган мовут матолар, адёл каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

2000 й.да Ўзбекистонда 2,8 млн. м² жун газламалар, 1,5 млн. м² гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Жунни қайта ишлаш ва юқори сифатли маҳсулотлар и. ч. Англия, Австралия, Бельгия, Россия, Финляндия, Польша каби қатор давлатларда кенг ривожланган. Янги Зеландия, Австралия, Киргизистон, Қозоғистон жаҳон бозорига сифатли жун толалари стказиб беради (яна қ. *Тўқимачилик саноати*).

Мирпўлат Қулметов.

ЖУН ҚИРҚИШ АГРЕГАТИ — қўйчилик фермалари ва яйловлардаги пунктларда қўй жунини қирқишда ишлатиладиган технологик жиҳозлар мажмуи. Электр-механик (1, 12 ва 24 машинкали) ва механик (4 машинкали) хиллари бор. Асосан бир МСО=77Б машинкали ЭСА=1Д (500 та қўйга), 12 та машинкали ЭСА=12Г (8—12 минг қўйга), юқори частотали 6 та МСУ — 200 машинкали ЭСА-6/200 ёки 24 та шундай машинкали ВСЦ-24/200 ва КТО-24 Ж. қ. а. (20 минг қўйга) ишлатилади.

Электр машинкалар АОЛ-012-3С уч фазали асинхрон электр двигатели ёрдамида эгилувчан вал орқали ишлайди. Ҳар қайси машинканинг қуввати 0,12 кВт; кучланиши 220/380 В; ток кучи 0,59—0,35 А; айланиш частотаси 46,6 с⁻¹.

Ж. қ. а. ишлатиладиган жойда жуни қирқилган қўйларни ветеринария ишловидан ўтказиш, қўзиларни ажратиш, қўйларни сақлаш жойлари бўлади. 24 машинкали Ж. қ. а. ишлатиладиган пунктда бундан ташқари, жун транспортёри, жунни зичлаш пресси, саралаш столи, тарози, пичоқ ва тароқларни чархлаш ҳамда етилтириш аппаратлари бўлади.



Жун қирқиш агрегати: *1*—жун қирқиш машинаси; *2*—эгилувчан вал; *3*—электр двигатель, *4*—осма; *5*—ток кабели; *6*—юргизиб юборгич.

ЖУНАИДХОН Қурбон Мамед (Муҳаммад) сардор (1857, ҳоз. Тахта тумани, Туркманистон — 1938, Ҳирот атрофи, Афғонистон) — *Истиқлолчилик ҳаракати* намояндаларидан. Мустамлакачи чор Россияси ҳамда шўро қўшинларига қарши курашган. Ёвмут қабиласи байрамали уруғининг жунайд тармоғига мансуб. Низоли масалаларни адолатли ҳал қилганлиги ва жасурлиги учун туркманлар орасида унинг шуҳрати кенг ёйилган. У узоқ йиллар мобайнида ўз уруғининг мироби, қозиси, оқсоқоли, ҳарбий бошлиғи бўлган. Чоризмнинг Хива юришлари пайтида ёш Қурбон Мамед туркман ёвмут йигитлари қаторида рус босқинчиларига қарши жангларда қатнашган. *Асфандиёрхон* Ж.ни туркман қабилаларининг сардори этиб тайинлаган (1915). Туркман оқсоқолларидан уни Жунаидхон деб эълон қилишган. Туркман давлатини тузиш мақсадида Ж. Хивага юриш қилган (1916). Хивани эгаллаган Ж. қўшини хондан катта миқдорда товон пули олгач, 15 фев.да пойтахтни тарк қилади. Туркистон ҳарбий губернатори зудлик б-н Хивага Тошкентдан генерал Галкининг жазо отрядини юборади. 16 мартда Газоватда Ж. қўшини руслардан енгилгач, Қорақумга чекинган, сўнгра Эрон ва Афғонистонга ўтиб кетган. Ж. 1917 й. ёзида Хоразмга қайтиб келиб, сиёсий ҳокимият учун курашни давом эттирган. 1918 й. 10 янв.да Асфандиёрхон Ж.ни Хивага таклиф қилиб, хонлик қўшинларининг бош қўмондони қилиб тайинлашга мажбур бўлган. Ж. 1918 й. окт.да Асфандиёрхонга суиқасд уюштириб, уни ўлдирган ва хоннинг ақаси *Саид Абдуллахон*ни Хива тахтига ўтқазган, амалда Ж. хонликнинг мутлақ ҳукмдорига айланган. Россияга (1918 й. янв. — 1920 янв) қарам бўлган Хива хонлиги амалда мустақил давлатга айланган. Ж. 1918 й. ўрталари — 1920 й. янв.да шўро қўшинларига қарши кескин кураш олиб борган, бироқ мағлубиятга учраб чўлга чекинган. Хивада хонлик тузуми ағдарилиб *Хоразм Халқ Совет Республикаси* (ХХСР) тузилган. Ж. туркман, ўзбек, қорақалпоқ, қозоқлардан иборат 30 минг кишилик қўшин тузиб курашни давом эттирган. Шўро ҳукумати Ж.га қарши курашда бошқа туркман сардорлари Қўшмамадхон ва Ғуломалихонларни жалб қилган. Натижада 1920 й. авг.да улар Ж. қўшинига зарба берishган. Ж. Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракати кучларини ягона қўмондонлик остига бирлаштириш мақсадида 1922 й. бошида *Анвар пошо* ва Фарғонадаги қўрбошилар б-н алоқа ўрнатган. У ўз қўшинида қаттиқ тартиб интизом ўрнатди ва хориждан замонавий қуроллар сотиб олди. Ж. 1922 й. апр.да Порсу қалъасини қизиллардан озод қилган. 1923 й. дек.да Питнак, Ҳазорасп, Боғот, Хонқа туманларида шўро тузумига қарши деҳқонларнинг оммавий қўзғолонлари бошланган. Ж. қўзғолончиларга мадад бериш учун 15 минг кишилик қўшини б-н Хивани ғарбдан қуршовга олган (1924 й. 10 янв.) Шўро ҳукумати унга қарши бутун воситалар ишга солиб фев. бошларида Хивага Тошкент, Тўрткўл, Актюбинск (Оқтўба)дан қўшимча куч ташлаган, Ж. Афғонистонга чекиниш (1924.17.6)га мажбур бўлган. Бироқ шу йилнинг кузида Хоразм воҳасига қайтиб курашни давом эттирган. Туркманистон ССР Советларининг 1-съезди янги ҳукумат бошлиғи Қ. Отабоевнинг қатъий талаби б-н Ж. ва унинг сафдошларини афв этган (1925 й. фев.). Бироқ Ж. 1927 й. 19 сент.да Тошҳовуз округидаги Оқтепада шўро ҳокимиятига қарши қўзғолон кўтарган. Туркманистон ХКС ва МИК дарҳол Ж.ни қонундан ташқари деб эълон қилган. Ж. лашкари Тошҳовуз округи Тахта ва Кўҳна Урганч туманларидаги қўплаб овулларда шўро ҳокимиятини тугатишган. Тенгсиз жангларда Ж. маглубиятга учраган бўлса-да, С. М. Будённий*нинг сараланган махсус отлиқ қўшини уни қўлга туширa олмаган. Ж. Хоразм воҳасида айрим танаффуслар б-н 1931 й.гача кураш олиб бориб, ниҳоят Эрон орқали Афғонистонга ўтиб кетган.

Ад.: Юсупов П., Ёш хиваликлар тарихи (хотиралар), Урганч, 2000; Ражабов Қ. К., Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар, Т., 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб (Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида), Т., 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости, Т., 2000; Хива — минг гумбаз шаҳри, Т., 1997; Валидий А. З., Бўлинганни бўри ер (хотиралар), Т., 1997.

Қаҳрамон Ражабов.

ЖУНАЙД ибн АБДУРАҲМОН (?—734) — *умавийлар*нинг Хуросондаги ноиби (729—734, Марв). Халифа Язид II ибн Абдулмалик (720—724) даврида халифаликнинг Ҳиндистондаги ислом мулкларини идора қилган. 724 й. Ҳишом ибн Абдулмалик халифа бўлгач, уни Хуросон ноиби этиб тайинлаган. Ж. и. А. 730 й. беш юз аскар б-н Хуросонга келиб, айни вақтда Бухоро ва Суғд аҳлига қарши жанг қилаётган собиқ Хуросон ноиби Ашрас ибн Абдуллоҳдан ҳарбий ёрдам олди. Сўнг, у Хуросон томон йўлга чиққан турк хоқони б-н Ҳинд дарёси бўйида жанг қилиб, уни енгди ва қўплаб ўлжалар олди. 731 й. хоқон яна Хуросонга юриш қилди. Шунда Ж. и. А. Самарқанд ҳокими Савра ибн ал-Ҳурр ад-Доримийдан мадад олиб, уни тор-мор келтирди. Самарқанд ва Бухоро Ж. и. А. тасарруфига ўтди. Ж. и. А. халифа Ҳишом ибн Абдулмалик б-н оралари келишмай қолгани боисидан 734 й. амалдан туширилиб, ўша йили вафот этган.

ЖУНГЛИ — [чангал (зор) сўзининг инг. бузиб талаффуз этилиши]. Қ. *чангалзор.*

ЖУНДОР МАЙМУНЛАР (Zagothrix) — илмоқ думли маймунлар уруғи. Танасининг уз. 39—58 см, думи 56—73 см. Танаси миқти, олдинги оёғи кейингисига нисбатан бирмунча калта, панжасининг бош бармоғи яхши ривожланган. Жуни калта ва қалин, сарғиш ёки тўқ қўнғир рангли, бошида қорамтир-роқ, қорнида — очиқроқ тусда. Боши нисбатан катта, юзи жунсиз, деярли қора. 2 тури: сариқдум жундор маймун (Z. flavicauda) ва гумбольдт жундор маймун (Z. lagothricha) маълум. Амазонка водийси ўрмонларида тарқалган. Дарахтда яшайди, ерга ҳам тез-тез тушиб туради. Олдинги оёқлари ёрдамида дарахтга осилиб олиб ҳаракат қилади. 15—20 ҳайвондан иборат гуруҳ бўлиб яшайди. Мевалар ва барглар б-н озиқланади. Ҳомиладорлик даври 225 суткага яқин. Битта бола туғади.

ЖУНЖИШ, жунжикиш, қалтираш, эт увишиши — тери томирларининг тортишиб қисқариши (спазм) натижасида совуқ сезиш, совқотиш, қалтираш; айни вақтда қон ички аъзоларга (асосан қорин бўшлиғига) кетиб, соч (жун) типпа-тик бўлади, аввал чайнов, кейин елка, орқа ва қўл-оёқ мускуллари титрайди. Одам кўпинча иситмалашдан олдин ёки совуқ таъсирида жунжийди. Ж.да организмдан ташқарига иссиқлик чиқиши камаяди, мускуллар қисқариши натижасида иссиқлик кўпроқ ҳосил бўлади, шу туфайли гавдада иссиқлик тўпланиб, т-ра кўтарилади, шундан кейин Ж. тугайди. Гавда т-раси кескин ўзгариб, иситма авжига чиққанда ҳам Ж. кузатилади. Соғлом одамда Ж. совуқ таъсирига жавобан нормал реакция, ҳимояланиш чораси ҳисобланади. Асабий қисилларда Ж. кучли қаяжон ёки қўрқувдан кейин ҳам пайдо бўлади.

ЖУНО — АҚШдаги шаҳар, Аляска штатининг маъмурий маркази. Аляскани-нг жан.-шарқида, Гастино бўғози бўйидаги порт. Аҳолиси 20 минг киши. Ёғочсозлик, целлюлоза-қоғоз саноати, балиқ консерва корхоналари, аэропорт бор. Денгиздан балиқ овланади. Туризм ривожланган. Ж.га 1880 й.да асос солинган.

ЖУНОИТ (Австралияда дастлаб топилган жойи Жуно номидан) – минерал, кимёвий формуласи $Pb_3Cu_2Bi_8(S, Se)_{18}$. Моноклин сингонияли. Тахтасимон, пластинкасимон, шаклсиз агрегатлар ҳолида учрайди. Ранги оқ. Ялтироқлиги металлсимон. Д. гидротермал ертомирларида ҳосил бўлади. Ўзбекистонда фақат Қўшбулоқ олтин конида топилган. Хорижда Австралия (Жуно Майн) ва Канада (Кидд Крик)да маълум.

ЖУНУСБЕКОВ Елмурот (1940.2.3, Томди тумани) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1997). Бухоро пед. ин-тининг бошланғич таълим методикаси ф-тини тугатган (1967). 1960–67 й.ларда Томди туманидаги 13-мактабда ўқитувчи, 1967 й.дан 16-мактаб (1971 й.гача саккиз йиллик) директори. Ж. халқ таълими соҳасидаги янгиликларни мактаб ҳаётига жорий этади.

ЖУНХЎРЛАР (Irichodectidae) – пархўрлар туркумининг оиласи. Уз. 10 мм гача. Танаси қора рангли, қанотсиз ҳашаротлар. 200 дан ортиқ тури маълум. Сут эмизувчилар ичида паразитлик қилади. Терининг мугузлашган қисмлари б-н озиқланиб, уни тешади. Айрим ихтисослашган турлари бирор муайян турдаги ҳайвон терисида паразитлик қилади. Ж. тасмасимон чувалчанглардан – қовоқсимон гижжанинг оралиқ хўжайини.

ЖУНЧЎП (Scorzonera circumflexa) – қоқидошлар (мураккабгулдошлар) оиласига мансуб кўп йиллик ўт. Илдизи туганаксимон йўғонлашган, 1–3 пояли, майин қўнғир туклар б-н қопланган. Барги наштарсимон, дағал. Тўпгули цилиндрсимон. Апр.–майда гуллайди. Ўзбекистоннинг тоғ ён бағирларида кўп ўсади. Таркибида каучук бор.

ЖУНҒАРИЯ ДАРВОЗАСИ – ғарбда Жунғария Олатови ва шарқда Борлиқ тизмаси ҳамда Мойлитов тизмалари оралиғидаги тоғ йўлаги. Қозоғистонда, Хитой б-н бўлган чегара яқинида. Бал. 300–400 м. Уз. қарийб 50 км, эни 10 км гача. Иқлими қуруқ, тез-тез кучли шамол («елвизак»)лар бўлиб туради. Чала чўл ландшафтига эга. Ж.д. Балхаш—Олакўл сойлиги ва Жунғария текислигини бирлаштириб туради. Ж.д. қадимда Марказий Осиё чорвадор халқлари ва ҳарбий қўшин ўтадиган йўл бўлган. Оқтўғай – Дружба т.й. қурилган.

ЖУНҒАРИЯ ОЛАТОВИ (Еттисув Олатови) – Қозоғистоннинг жан.-шарқий қисми ва Хитойдаги тоғлар. Олакўл ва Или дарёси орасида. Уз. қарийб 450 км, эни 50–190 км. Бир неча параллел тизмалардан иборат. Бал. 1500–3000 м. Энг баланд жойи 4464 м (Бесбаскан тоғи). Музликлар (майд. 1120 км²) мавжуд. Ж.О.да полиметалл, мис, нодир металл конлари бор. Чала чўл ва дашт ўсимликлари ўсади, 2600 м дан юқорида субальп ва альп ўтлоқлари мавжуд.

ЖУНҒАРИЯ ТЕКИСЛИГИ, Жунғария ботиғи, Жунғария – Хитойнинг шим.-ғарбидаги табиий вилоят. Майд. 700 минг км² чамасида, ўртача бал. 600–800 м. Шим.да Монголия Олтойи, жан.да Шарқий Тяньшан тоғ тизмалари б-н чегараланган. Ж.т. янги тектоник чўкиш натижасида ҳосил бўлиб, қад. ва янги юмшоқ ётқизиқлар б-н қопланган. Улар орасида нефтнинг катта захиралари, тошкўмир, олтин, рангли металл конлари бор. Ж.т.нинг ер юзаси паст тоғлар ва тепаликлардан, тоғ этакларида ўсимликсиз тошлоқ ерлардан, қуйироқда шўрхоклардан иборат. Марказий қисмида катта ерларни чўллар эгаллаган.

Иқлими мўътадил континентал, ёзи қуруқ, иссиқ, қиши совуқ. Янв.нинг ўртача т-раси –20° дан –25° гача, июлники 20–25°. Тез-тез кучли шамоллар да 800 мм гача. Дарё кам. Дарёлар Ж.т.нинг чекка қисмларидаги воҳалардан ўтгач қумга сингиб тугайди. Энг м.да Иртишнинг юқори оқими. Барнаул, Улунғур) бор. Ўсимликлари сийрак: саксовул, юлғун, жузғун, шувоқ, шўрхокли чўлларда шўра, чўл ботиқларида қиёқ ва қамиш ўсади. Яйлов чорвачилиги ривожланган. Суғориладиган жойларда буғдой, тариқ, пахта, гаолян (жўхорининг бир тури) етиштирилади.

ЖУНҒАРИЯ ХОНЛИГИ – 17-а. 30-й.ларида Марказий Осиёда ташкил топган Ойрот давлатининг тарихий адабиётларда қўлланилган номи (қ. *Ойрот хонлиги*).

ЖУРАВЕЛЬ Михаил Семёнович (1904.21.11, Черкасси вилояти Яблонев тумани – 1987.11.8, Кишинёв) – узумчилик соҳасидаги селекционер олим, Маслово селекция ва уруғчилик институтини тугатган (1930). Молдавия Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби (1979). 1935–60 й.ларда Н.И. *Вавилов*нинг раҳбарлигида Бутуниттифоқ ўсимликшунослик ин-тининг Ўрта Осиё филиали (ҳоз. Ўзбекистон ўсимликшунослик и.т. ин-ти)да ишлади. А.М. *Негруль* б-н ҳамкорликда ҳосилдорлиги юқори 16 янги узум навини яратди, улардан 7 нав р-нлаштирилган, Ўзбекистонда ва қўшни давлатларда катта майдонларга экилади (*Гўзал қора, Жўра-узум, Тарнов, Ўзбекистон мускати, Мускат чарос,* Победа ва б.). 1960–79 й.ларда Молдова узумчилик ва виночилик и.т. ин-тида селекция бўлими мудири (шу даврда 11 янги узум навини чиқарди). Токчиликка бағишланган бир қанча дарсликлар, қўлланмалар муаллифи. Янги узум навларини чиқаришда эришган ютуқлари учун Давлат мукофотига сазовор бўлган (1948).

ЖУРЖОН, Журжония (форс. Гўргон) – ўрта асрлардаги вилоят ва шаҳар. Каспий денгизининг жан.-шарқида, Эроннинг шим.да жойлашган. Араблар Ж. вилоятини Хуросонга нисбатан кеч забт этганлар (717 й.). Ж. шаҳри араблар даврида бунёд этилган. 10–11-а.ларда Ж. шаҳри маҳаллий *зиёрийлар* сулоласи пойтахти бўлган. Ж.нинг сиёсий мавқеи пасайган бўлса ҳам, араб географларининг таъкидлашларига қараганда, Каспий бўйи вилоятларида энг катта шаҳар ҳисобланган. Ж. вилояти ҳосилдорлиги, турли хилдаги маданий ўсимликлари, ўзининг ипаги б-н шуҳрат қозонган. Ж. шаҳридан ўтган дарё уни 2 қисмга: Шаҳристон ва Бакроботдга ажратган, улар ўзаро кўприк б-н боғланган. Шаҳристон ўнг қирғоқда, Бакробод сўл қирғоқда жойлашган. 10-а.даёқ шаҳар *Сомонийлар* ва *Бувайҳийлар* ўртасидаги урушлар натижасида таназзулга учраган, зиёрийлар ким ғолиб бўлса ўша томонга ўтиб туришган. Зиёрийлар даврида қурилган Қобус ибн Вашмгир мақбараси (1006–07) ҳозиргача сақланиб қолган. Ж.нинг денгиз порти бўлиб Гўргон дарёси қуйи оқимида, ҳоз. Кумуштепа қишлоғи ўрнида жойлашган Абескун гавани хизмат қилган. Унинг ёнида саноат шаҳри ситфатида Астробод ҳам қайд этиб ўтилган. *Амир Темур* ва *темурийлар* даврида Астробод ш. юксалиб, вилоят ҳам унинг номи б-н машҳур бўлган. Ўрта асрларда илм-фан тараққий этган Ж.дан кўплаб олиму фузалолар етишиб чиққан.

Ад.: Бартольд В. В., Сочинения, т. 7, М., 1971.

ЖУРЖОНИЙ, Абулҳасан Али ибн Муҳаммад Саййид Шариф [1339, *Астробод* яқинидаги Тоғу (Тожу) қишлоғи – 1413, *Шероз*] – *Амир Темур* даврида яшаб ижод этган йирик мутакаллим, файласуф, шоир ва мунажжим. Шероздаги «Дор уш-шифо» мадрасасида 10 йил мударрислик қилган, *Олтинбек* даври (1341–1357)да йирик аллома сифатида шуҳрат қозонган, мазкур ҳонликка атаб араб тили грамматикасига доир «Мутаввал» асарини ёзган. Амир Темур Шерозни забт этгач, уни Самарқандга олиб келган (1387). Ж. Самарқандда бутун Моваройуннаҳр олимлари раҳбари даражасига кўтарилган. У бу ерда мударрислик қилиш б-н бирга араб ва форс тилларида илми калом, фалсафа, мантиқ, наҳвга доир кўплаб рисолалар («Ал-Усул ул-мантиқийна», «Таржумон ул-Қуръон», «Фанн ул-муаммо ва усули ва тасорифи бафорсий» – «Муаммо фани ва унинг форс тилидаги усули ва турланиши» ва б.) битди, усули фиқҳ, фалсафага оид энг муҳим асарлар (мас., Саккокий, Замахшарий, Қутбуддин Розий, Тафтазоний ва б. рисолалари)га шарҳлар ёзди. Ж. шеърият мухлиси бўлиб, ўзи ҳам гўзал ғазаллар битган. У Амир Темур вафотидан кейин Шерозга қайтиб кетиб, ўша ерда вафот этган.

ЖУРИН Владимир Дмитриевич (1891.4.5, ҳоз. Татаристон Республикаси Тетюши ш. – 1962.19.8, Москва) – гидротехник-муҳандис, техника фанлари д-ри (1945), проф. (1928), муҳандислик-техника хизмати генерал-майори (1943). Туркистондаги ирригация ишлари бошқармаси (Москва)да ишлади (1918–21). Мирзачўл ва Чуй (Қирғизистон) водийсини ўзлаштириш лойиҳасида қатнашган. Ўрта Осиё ун-тининг мелиоратив-муҳандислик ф-тида ўқитувчи, декан (1921–25). Унинг ташаббуси ва раҳбарлигида Тошкент ш.да ташкил қилинган Ўрта Осиёдаги биринчи Сув хўжалиги тажриба-тадқиқот ин-ти (1932 й.дан ҳоз. В.Д.Журин номидаги Ўрта Осиё ирригация и.т. ин-ти)да директор (1926–30). 30-й.лардан Россиядаги йирик гидроузел қурилишларида раҳбар лавозимларида ишлади. Илмий ишлари ирригация қурилишларида гидромеханизация усулларини қўллаш, иншоотларини лойиҳалаш масалаларига бағишланган.

ЖУРНАЛ (франц. journal – кундалик дафтар) – босма даврий нашр. Ахборотни танлаш, таҳлил этиш ва баҳолашнинг асосий воситаларидан бири. Ж. *газета* каби жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш йўли б-н уни шакллантиришга хизмат қилади; омма ижтимоий онгига муайян ғоя ва қадриятларни сингдиради. Ж.лар дастлаб Францияда нашр қилинган. Инг. «Magazine», франц. «Revue», немисча «Zei schrift», испанча «Relista» сўзлари ҳам Ж. маъносини англатади. Чоп этиш муддати (даврийлиги) жиҳатдан Ж.лар, одатда, ҳафтада, ўн кунда, икки ҳафтада, ойда, икки ойда, ҳар уч ойда, ярим йилда бир марта нашр қилинади. Бундай даврийлик Ж.ларда турмуш воқеаларини кундалик газ.га нисбатан батафсилроқ ва чуқурроқ таҳлил қилиш имконини беради. Ж.лар мундарижа йўналишига кўра фарқланади: ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий, ишлаб чиқариш-техникавий, илмий, илмий-оммабоп ва б. Ж.лар жамиятдаги турли ёшдаги кишиларга мўлжалланади.

Оммавий ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадиий Ж.ларда суҳбат, публицистик кузатув, маълум мавзуни шарҳловчи мақолалардан ташқари, репортажлар, шеърлар, ҳикоялар, қисса ва романлар босилади. Сўнгги пайтларда оммавий Ж. саҳифаларидан кроссворд-лар, амалий санъат асарлари, модалар, уй бекаларига маслаҳатлар, шахмат этюдлари ва ҳ.к. тобора кенгроқ ўрин олмоқда. Ҳафталик, ўн кунлик Ж.ларда чизма расм ва фотосуратлардан фойдаланилади. Илмий Ж.ларда ҳажман катта мақолалар б-н бирга рефератлар, аннотациялар, хулосалар, илмий ҳаётга оид ихчам хабарлар ҳам эълон қилинади.

Ж. ҳажмини ва уни безаш унсурларини белгилашда Ж. мундарижаси ва унинг ўқувчилари доирасидан келиб чиқилади. Одатда оммавий Ж.лар – ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадиий, илмий-оммабоп, болалар, аёллар ва ўсмирлар учун мўлжалланган нашрлар катта ҳажмда чиқарилади.

Ж. чилик тараққиёти. Ж.чилик тарихи Францияда «Журнал де Саван» («Олимлар журнали») (Journal des scavans», кейинроқ «Journal des savants») Ж.дан бошланади. Унинг биринчи сони 1665 й.нинг 5 янв.да босмадан чиққан. Унда адабиёт, фалсафа, табиий фанлар соҳаси бўйича Европанинг турли мамлакатларида нашр қилинган китоблар ҳақида маълумотлар босилган. Шунингдек, шу йили Лондонда «Философишал транзекшнс of Ройял сосаенти» («Қиролик жамиятидаги фалсафий ўзгаришлар») Ж. нашр қилинган. Турли китоблар шарҳидан иборат бўлган бундай Ж.лар кейинроқ Италия, Германия, Испания, АҚШ, Венгрия, Россия сингари мамлакатларда ҳам пайдо бўлган, фақат мавзулар доираси тор бўлганлиги учун бу Ж.лар омма орасида кенг тарқалмаган.

Ж.чилик 19-а. 2-ярмида жадал ривожланди. Бу даврда Ж. тарғиботининг усул ва воситаларида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Ж.лар адади узлуксиз ўсиб борди. 19-а. охири ва 20-а. бошларида Ж.ларнинг асосий турлари шаклланди, расмли-безакли оммабоп нашрлар етакчи ўрин эгаллай бошлади. 1960 й. охирида АҚШда 9400, Англияда 4600, Францияда 14600 (бу мамлакатда сиёсий газ.лардан ташқари, даврий нашрларнинг ҳаммаси Ж.лар рўйхатига киритилади), ГФРда 2200, Японияда 5800 га яқин Ж. нашр қилинган. Айрим мамлакатларда (АҚШ, Франция, Англия) Ж.лар кундалик газ.ларга нисбатан тез тарқалади. Расмли-безакли оммабоп Ж.лар миқдори ва адади бўйича АҚШ дунёда олдинги ўринда туради (1960 й. охирида «The Reader's Digest» 17,5 млн.; «Pazad» 8 млн.; «Life» 7,3 млн. нусхада чоп қилинган).

Ўзбекистонда Ж.чилик. Туркистонда даврий матбуотга 19-а.нинг сўнгги ўн йиллигида асос солинган: 1896 й. Тошкентда «Среднеазиатский вестник» («Ўрта Осиё дараксчиси») Ж.нинг биринчи сони босмадан чиқади. Кейинчалик «Туркестанский скорпион» («Туркистон чаёни», 1907), «Средная Азия» («Ўрта Осиё», 1912), «Степные миражи» («Саҳродаги сароб», 1914) Ж.лари нашр қилинади. Бу Ж.ларда асосан адабий жанрларда ёзилган асарлар чоп этилган. «Средная Азия» Ж.да Туркистондаги маҳаллий аҳолининг маданий ҳаётига оид материаллар ҳам ўрин олган.

Туркистонда миллий Ж.чилик тарихига атоқли маърифатпарвар адиб ва публицист *Беҳбудий* асос солган. Унинг муҳаррирлигида 1913–1915 й.ларда Самарқанд ш.да «*Ойина*» жур. нашр қилинган. Мазкур Ж. туркистонликларни замонавий илму урфондан, маърифатдан баҳраманд этиш, ўлкадаги миллий таълим тизимини ислоҳ қилиш каби давр учун долзарб масалалардан баҳс юритган. Ўзбек тилидаги иккинчи Ж. «*Ал-Ислоҳ*» номи б-н Тошкентда нашр қилинган.

1917–18 й.ларда Туркистонда ижтимоий-сиёсий ва адабий йўналишдаги бир қанча янги ўзбекча Ж.лар пайдо бўлди. Қўқонда 1-сони Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий муҳаррирлигида «*Кенгаш*» (кейинчалик «Ҳуррият» номи б-н чиққан), таниқли олим ва публицист *Ашурали Зоҳирий* раҳбарлигида «*Юрт*» Ж.лари нашр қилинган. Тошкентда «*Чаён*» (1917), «*Ишчилар дунёси*» (1918) каби янги Ж.лар чиқа бошлаган. «Юрт» ва «Чаён» Ж.лари Туркистон мухторияти ғояларини қўллаб-қувватлаган ва тарғиб қилган. «Ишчилар дунёси» большевикларнинг хусусий мулкни тугатиш соҳасидаги сиёсатини танқид қилгани учун шўро ҳукумати томонидан ёпиб қўйилган.

1918—24 й.лар Туркистонда жами 129 номда Ж. ва бюллетенлар нашр қилинган. Уларнинг асосий қисми рус тилидаги тармоқ нашрларидан иборат бўлиб, айрим Ж.лар бор-йўғи 1—2 сони чиққан, холос. Шу даврда ўзбек тилида нашр қилинган *«Ўзгаришчи ёшлар»* (1922—24), *«Инқилоб»* (1922—24) ва *«Муштум»* (1923) Ж.лари нисбатан кенг тарқалган. Бу нашрларда Назир Тўрақулов, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмонхон Эшонхўжаев, Гози Юнус сингари истеъдодли ўзбек адиблари ва публицистлари фаол ҳамкорлик қилганлар.

20-й.ларнинг 2-ярмида Ўзбекистонда ўзбек тилида «Ер юзи» (ҳоз. *«Гулистон»)*, «Янги йўл» (ҳоз. *«Саодат»)*, *«Маориф ва ўқитувчи»*, *«Янги қишлоқ»*, *«Аланга»* каби ижтимоий-сиёсий ва адабий йўналишдаги янги Ж.лар ташкил топди. «Ер юзи» ўзбек тилидаги биринчи расмли-безакли оммабоп нашр ҳисобланади. 1930 й. бошида у 10000 нусхада чиққан.

2-жаҳон уруши йилларида Ж.лар тармоғи кескин қисқарди. Уруш тугагач, кўп Ж.лар қайтадан чиқа бошлади, янги Ж.лар пайдо бўлди. 1975 й.да Ўзбекистонда жами 134 номда Ж. чоп қилинган. Ж.лар фаолияти ҳам газ.лар каби ўша давр тузуми кўзлаган сиёсий ва мафкуравий мақсадларга бўйсундирилган.

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги эълон қилингач, кенг оммага мўлжалланган мавжуд Ж.лар фаолияти қайта ташкил қилинди. Республикада жами 165 Ж. нашр этилади, уларнинг йиллик ўртача адади 704,7 минг нусха (2002). Янги ижтимоий муносабатларни шакллантиришда, миллий онгни ўстиришда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва адабий-бадиий Ж.лар етакчилик қилмоқда. Бу туркумга мансуб *«Шарқ юлдузи»*, «Гулистон», «Саодат», *«Мулоқот»*, *«Фан ва турмуш»*, *«Ёшлик»*, «Муштум» Ж.лари қаторига истиқлол даври Ж.лари — *«Тафаккур»*, *«Соғлом авлод учун»*, *«Жаҳон адабиёти»* қўшилди.

Булардан ташқари, янги ижтимоий, иқтисодий, молиявий муносабатларни аск эттирувчи махсус Ж.лар — «Бозор, пул, кредит», «Менеджер», «Оптовик», «Жамият ва бошқарув», «Бухгалтер кутубхонаси», «Тижорат», «Экономическое обозрение» (рус ва инг. тилларида) ҳам ташкил топди. Автомобилчилар учун мўлжалланган «Автоолам», «Авто ПрессТИЖ» сингари янги нашрлар пайдо бўлди, «Наш футбол» (ойлик нашр) ва «Приложение к журналу Наш футбол», «ПрессТИЖ» ва «Бизнес Осиё» ҳафталик Ж.лари чиқмоқда. Булардан реклама материаллари кенг ўрин олган. «ПрессТИЖ» таҳририяти томонидан тайёрланаётган «ПрессТИЖ-ТВ» ҳафталиги 53 минг нусхада (1999) тарқалади. 1998 й.дан республикада «Саида» номли расмли-безакли аёллар Ж.ли ўзбек ва рус тилларида нашр қилинади.

Ўзбекистонда илмий Ж.ларнинг кенг тармоғи мавжуд. Ўзбекистон ФА илмий тадқиқот ин-тлари томонидан 12 та илмий академик Ж. нашр қилинади (2002). Уларда мамлакат олимларининг назарий ва амалий тадқиқотлари, тажрибалари якунлари ёритилади. «ЎзР Фанлар академияси маърузалари» Ж.и илмий академик нашрларнинг етакчиси ҳисобланади. Ж. саҳифаларида фаннинг барча соҳаларига оид тадқиқотлар натижасининг қисқа мазмуни эълон қилинади. *«Ўзбекистонда ижтимоий фанлар»*, *«Ўзбек тили ва адабиёти»* Ж.лари ижтимоий фан соҳалари, «Информатика ва энергетика муаммолари», «Механика муаммолари», «Узбекский химический журнал», «Узбекский биологический журнал» нашрлари аниқ ва табиий фанлар тармоғидаги илмий ютуқларни акс эттиради. «Табиий бирикмалар кимёси» ва «Гелиотехника» Ж.лари 1965 й.дан нашр этилмоқда. Ушбу Ж.лар АҚШда инглиз тилига таржима қилиб чиқарилади. Ўзбекистон илмий Ж.ларининг кўпи АҚШ, Англия, Франция, Германия ва б. мамлакатларнинг илмий марказларида ҳам тарқалади.

Тоҳир Пидаев.

ЖУРНАЛИСТИКА — ижтимоий фаолият тури. Бу фаолият эгалари (журналистлар) ижтимоий долзарб ахборотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва оммавий ахборот воситалари (матбуот, радио, телевидение, ахборот агентликлари ва б.) орқали тарқатиш б-н шуғулланади. Ж. оммавий тарғибот ва ташвиқот шаклларидан бири. Ж.нинг хусусияти, мақсади жамиятнинг ижтимоий табиатига боғлиқ. Ж. атамаси дастлаб *журнал*лар мажмуига, кейинчалик барча даврий нашрларга нисбатан қўлланилган. Эндиликда Ж. ибораси Ж. фаолияти маҳсулини, шу б-н боғлиқ касблар мажмуини, шунингдек, шу соҳага оид таълимни ва фан тармоғини ҳам англатади. Ж. фаолияти таркибига матбуот, радио, телевидение, ахборот агентликлари, ҳужжатли кино ва б. киради.

Ж. тизимидаги ахборот воситалари оммананинг кундалик долзарб ижтимоий ва махсус ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришда асосан *публицистика*га таянади, шунингдек, муҳим ижтимоий масалаларни талқин қилувчи илмий, бадиий ва б. асарлардан ҳам фойдаланади. Ж. тизимидаги ахборот воситалари ўз фаолиятида маълум даврийликка ва тезкорликка амал қилади.

Ахборотни тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатишга йўналтирилган ижтимоий фаолиятнинг дастлабки куртаклари қадим-қадимда пайдо бўлган. Одамларни ижтимоий турмушда содир бўлаётган воқеалардан хабардор қилиш, уларга ахборот воситасида маълум ғоявий-руҳий таъсир ўтказиш турли шакл ва усулларда намоён бўлган. Оғзаки ахборот нотиқлар, жарчилар томонидан етказилган. Ёзма маълумотлар эса, мас., Қад. Миср папирусларга битилиб, тарқатилган. Қад. Рим да эълонлардан, қўлёзмалардан фойдаланилган.

Ҳоз. давр Ж.си дастлаб 17-а. бошидаги илк даврий босма нашрлар қиёфасида юзага келган. 19-а.нинг 2-ярми ва 20-а.да *фотография* ҳамда *кинематография*нинг кашф қилиниши туфайли фото ва киножурналистика ташкил топди. 20-а.нинг 20-й.ларидан эътиборан радиотехника ютуқлари асосида радиожурналистика тараққий қила бошлади, 40-й.ларда эса тележурналистика майдонга келди.

Оммавий ахборот пайдо бўлиши ва ривожланиши б-н умумий савияси ва касбий маҳорати юксак журналистларга эҳтиёж кучая борди. Ана шу эҳтиёж тақозоси турли мамлакатларда махсус Ж. таълимини юзага келтирди. Ж.нинг сиёсий йўналиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи бир нечта тури таркиб топди, фаолиятнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва вазифасига доир турлича қарашлар юзага келди. Чунончи, коммунистик Ж. фаолиятига партиявийлик, синфийлик асос қилиб олинди. Бу ҳол кўп ҳолларда умуминсоний маънода ахборот соҳасида инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларининг чеклани шига, қўпол равишда поймол қилинишига олиб келди.

Ж. тараққиёти қатор омилларга боғлиқ бўлиб, сиёсий эркинликлар, биринчи галда, матбуот эркинлиги бу омиллар орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Матбуот эркинлиги демократик жамият ривожининг зарурий шарти ҳисобланади. Ж. эркин фаолият шароитидагина жамият аъзоларини холис ва ҳаққоний ахборот б-н таъминлай олади, давлат ва жамият ўртасида ўзини воситачи сифатида намоён этади.

Ўзбекистонда Ж. 19-а.нинг 2-ярмида пайдо бўлди. Унинг тарихи Тошкентда чиқарилган *«Туркестанские ведомости»* ва *«Туркистон вилоятининг газети»* каби расмий даврий нашрлардан бошланади. 20-а.нинг 1- ва 2-ўн йиллигида Ўзбекистонда асосий эътиборни миллий тараққиётни таъминлашга қодир маърифатли инсонларни тарбиялашга йўналтирилган хусусий миллий газ. ва жур.лар *(«Тараққий»*, *«Хуршид»*, *«Садои Туркистон»*, *«Самарқанд»*, *«Ойина»* ва б.) ҳам фаолият кўрсатди. Шўро тузуми даврида Ўзбекистонда даврий матбуот тармоғи республика, вилоят ва туман миқёсида чиқадиган умумсиёсий ва тармоқ газ.лари, шунингдек, янги жур.лар ҳисобига кенгайди, айни пайтда Ўзбекистонда радиожурналистика ва тележурналистика ҳам таркиб топди. Лекин булар мустабид тузум кўзлаган сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий мақсадларга хизмат қилишга маҳкум эди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, республика Ж.си демократик босқичга қадам қўйди ва жамиятни демократик тарзда янгилаш, ҳуқуқий демократик давлат барпо қилишга кўмаклашаётган янги тизим шакллана бошлади. 1997 й.да «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 й. 26 февралида «Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Мазкур ҳужжатлар республикамизда журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда дунё андозалари даражасига кўтариш йўлида ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Шундан бери ўтган вақт мобайнида бу қонунлар ва қарорни амалга ошириш йўлида анча ишлар қилинди. Истиқлол туфайли республика журналистларининг ижтимоий ҳаёт воқеа ва ҳодисаларини таҳлил қилиш ва ёритишга ёндашуви ҳам тубдан ўзгарди. Эндиликда журналистлар ижтимоий жараёнларни таҳлил қилиш ва ёритишда илмий билимларга, умуминсоний ва миллий қадриятларга, халқаро ҳамжамият эътироф этган умумдемократик қоидаларга таянмоқда.

Ж. тизимининг шаклланиш жараёнида республикада журналист ихтисоси бўйича махсус олий таълимга ҳам асос солинди. 1949 й. Ўрта Осиё давлат ун-ти (ҳоз. ЎзМУ)нинг филология ф-ти қошида олий маълумотли журналистлар тайёрлайдиган махсус бўлим ташкил қилинди. Бу бўлим 1967 й.да мустақил ф-тга айлантирилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори б-н (1996 й. 26 апр.) «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони таъсис этилди. Олий маълумотли журналистлар ЎзМУдан ташқари, Нукус давлат ун-тида, шунингдек, Ўзбекистон жаҳон тиллари ун-тида ҳам тайёрланади. 1997 й.дан ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида журналистларни қайта тайёрлаш Халқаро ижтимоий маркази фаолият кўрсатади.

Ад.: Черепахов М. С, Проблемы теории публицистики, М., 1973; Матбуотимиз фидойилари [3 жилдли; тузувчи ва нашрга тайёрловчи З. И. Есенбоев], 1—2-ж.лар, Т., 1991, 1993; Пидаев Т., Матбуот — миллат чироғи, Т., 1999; Сулаймонов И., Мен—журналистман, Т., 2001.

Тоҳир Пидаев.

ЖУРУА — Бразилиянинг ғарбидаги дарё, *Амазонканинг* ўнг ирмоғи. Уз. 3280 км, ҳавзасининг майд. 224 минг км². Перу Анд тоғлари (Мантанья тоғлари) этагидан бошланиб, ўрта ва қуйи оқимида Амазонка пасттекислигидан ўтади. Ёмғирдан сув олади. Янв.дан майгача сершув, авг.—окт.да саёзланиб қолади. Ўртача сув сарфи 9000 м³/сек. Крузейру-ду-Сул ш.дан бошлаб кема қатнайди.

ЖУТ (Corchorus), калькутта канопи — жўкадошлар оиласига мансуб луб толали бир йиллик ўсимлик, тола олинадиган экин. Ватани — Ҳиндистон. Осиё, Африка, Жан. Америка ва Австралиянинг тропик ва субтропик минтақаларида ўсадиган 100 га яқин тури бор. Асосан Осиё мамлакатларида толаси учун бир йиллик 2 тури — чўзиқ мевали Ж. (C. olitorius) ва йирик мевали Ж. (C. capcularis) экилади. Ўзбекистонда 20-а.нинг 30-й.лардан чўзиқ мевалиси ўстирилади.

Пояси тўғри ўсади, яшил рангда, бўйи 2,5—3,5 м; учки қисми шохланиб, уч-тўртта мева шохча ҳосил қилади. Илдизи ўқ илдиз, шохланган, ерга 1 — 1,5 м гача кириб боради. Барглари



Жут: 1—узун мевали жут поясининг юқори қисми; 2—гули; 3—етилган очиқ меваси; 4—пишган пояси.

кетма-кет жойлашган, узун бандли, наштарсимон, арра тишли. Гули майда, икки жинсли, сариқ. Меваси қовурғали кўсакча, чўзиқ, 5—10 см, йирик мевалисиники 1—2 см. Уруғи майда, уч қиррали, тўқ яшил, сарғиш-жигарранг ёки тўқ жигарранг, 1000 донасининг вазни 1,5—2 г. Уруғида 14% гача мой бор. Толаси уз. 2—3 м. Ж. ўзидан чангланувчи намсевар, ёруғсевар, иссиқсевар, совуққа чидамсиз ўсимлик. Уруғи 16—18° да нормал униб чиқади. Вегетация даври 140—160 кун. Ж. *канон*га қараганда, айниқса ўсиш даврида, сувга жуда талабчан. Сур, ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқи тупроқларда яхши ўсади, шўрга чидамсиз.

Ж. толаси етиштириш ҳажми дунёда ишлаб чиқариладиган ўсимлик толалари ичида пахта толасидан кейин 2-ўринда туради. Ж.нинг қуруқ пояси (пўстлоғи)дан 20—25% юқори гигроскопик пишиқ тола чиқади. Ж. толасидан тўқимачилик маҳсулотлари, гиламлар, қоп, арқон, техник ва ўров газмоллари, жун, пахта толалари б-н аралаш толаларидан кийим-кечак газмоллари тайёрланади. Ҳиндистонда Ж. барги овқатга ишлатилади. Ж. уруғидан мой, юрак-қон томирлари касалликларини даволашда ишлатиладиган гликозидлар олинади.

Алмашлаб экишда беда, дуккаклидон экинларидан кейин 28—30 см чуқурликда кузги шудгор қилинган майдонларга экилади. Ўғитлаш нормаси: 10—20 т/га гўнг, 90—120 кг/га азот ва P_2O_5, 60—90 кг/га K_2O. Тола олиш учун қўш қаторлаб 60x12—13, 50x20 см схемада экилади. Уруғ 3—4 см чуқурликка кўмилади. Гектарига тола учун 12—14, уруғ олиш учун 6 кг уруғлик сарфланади. Вегетация давомида 5—8 марта суғорилади, қатор оралари юмшатилади, ўтоқ қилинади, озиқлантирилади, суғориш нормаси 5000—7000 м³/га. Техник жиҳатдан етилган, 50% ўсимликда 1—2 кўсакча ҳосил бўлганда тола учун ўрилади, махсус машиналарда пўстлоғи ажратиб олиниб, далада қуритилади ва луб (каноп) з-дларига топширилади.

Ҳосилдорлиги 90—100 ц/га (қуруқ поя ҳисобида), 10—14 ц/га тола, 3—6 ц/га уруғ. МДҲ давлатларида фақат Ўзбекистоннинг Тошкент вилоятида (50-й.ларда қисман Тожикистон ва Туркманистонда экилган) етиштирилади (республикада 90-й.ларда Ж. экин майдони 1000 га атрофида).

Навлари. Ўрта Осиёда экиш учун Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш Марказининг Луб экинлари тажриба ст-ясида чиқарил-

ган Ўзбекистон ва Ўзбекистон 53 навлари р-нлаштирилган.

Ж. илдиз чириш касаллиги ва кузги тунламдан зарарланади.

Ад.: Иоффер Р. Ф., Капралова Н. П., Агротехника джута, М., 1951; Назиров Х. Н., Биологические особенности роста и развития джута в Узбекистане, Т., 1966.

Ҳалима Отабоева.

ЖУФТ (асли «жуфти гов», яъни қўшҳўкиз) — қад. ер ўлчови сифатида ишлатилган ибора; бир фаслда бир жуфт ҳўкиз б-н ишлов бериб ҳосил олиниши мумкин бўлган ер майдонини англатган.

ЖУФТ ВА ТОҚ СОНЛАР — 1) ж у ф т с о н л а р — 2 га каррали бўлган бутун сонлар; мас., 0, 2, 4, 6, 8 ва ҳ. к. Сон ўнли саноқ тизимида ёзилган охирги рақами жуфт бўлганда (0, 2, 4, 6 ёки 8) ва фақат шу ҳолда у жуфт бўлади; 2) т о қ с о н л а р — 2 га бўлинмайдиган бутун (мусбат ёки манфий) сон. Тоқ сон ҳар хил шаклда ёзилиши мумкин, мас., $2n+1$, $2n-1$, $4n\pm3$ (*n* — исталган бутун сон). Тоқ сон квадрати яна тоқ сон бўлади, иккита исталган тоқ сон кўпайтмаси ҳам тоқ сон бўлади.

ЖУФТ ВА ТОҚ ФУНКЦИЯЛАР (мат.) — 1) ж у ф т ф у н к ц и я — аниқланиш соҳаси нолга нисбатан симметрик ҳамда $f(-x)=f(x)$ хоссага эга бўлган $y=f(x)$ функция. Унинг графиги *y* ўқига нисбатан симметрик бўлади. Мисоллар:

а) $y=\sqrt{1-x^2}$, $-1\le x\le 1$; б) $y=\cos x$, $-\infty<x<\infty$; 2) т о қ ф у н к ц и я — *аргумент* ишораси ўзгарганда ўз ишорасини ўзгартирадиган функция; унинг учун $f(x)=-f(-x)$ тенглик ўринли ҳамда аниқланиш соҳаси нолга нисбатан симметрик бўлган $f(x)$ функция. Мисоллар: $y=ax$; $y=\sin x$; $y=\operatorname{tg} x$, $y=x^3$; $y=\arcsin x$. Тоқ функциялар графиги координаталар бошига нисбатан симметрик жойлашади, яъни унинг симметрия маркази координата бошида бўлади.

ЖУФТ КУЧ — миқдор жиҳатдан тенг, қарама-қарши томонга йўналган, устма-уст тушмайдиган параллел кучлар. Кучларнинг таъсир чизиғи орасидаги энг қисқа масофа Ж. к. е л к а с и, бу чизиқ орқали ўтувчи текислик Ж. к. т е к и с л и г и дейилади. Ж. к.нинг қаттиқ жисмга механик таъсирини ифодалаш учун Ж. к. моменти қабул қилинган. У эркин вектор бўлиб, учидан қараганда соат мили ҳаракатига тескари йўналган, миқдор жиҳатдан эса Ж. к.ни ташкил қилувчи кучлардан бирининг модули б-н унинг елкаси кўпайтмасига тенг. Гайка калит б-н бураланда Ж. к. ҳосил бўлади. Калит гайканинг қайси ёқларига қўйилишига қарамай, унинг гайкага таъсири ўзгармайди.



ЖУФТ ТУЁҚЛИЛАР (Artiodactyla) — сут эмизувчилар синфининг туркуми. Қуйи эоцендан маълум. Оёқлари ўқи кучли ривожланган бўлиб, 3- ва 4-бармоқлари ўртасидан ўтади. 2- ва 3-бармоқлари кучсиз ривожланган, 1-бармоғи бўлмайди. Оёқларининг сагиттал қисмидан букилиши ва ёзилиши туфайли ҳаракат қилади, ўмров суяги йўқ. 2 кенжа туркум: кавшавчи ва кавшамайдиган кенжа туркумга бўлинади. Ҳоз. замон фаунасида 150 га яқин тури маълум. Кенг тарқалган, Австралия ва Янги Зеландияга интродукция қилинган. Ўзбекистонда 8 тури маълум. Ўсимликхўр, баъзан ҳаммахўр (тўнғиз). Бир қанча турлари (эчки, қўй, сигир) хонакилаштирилган. Кўпчилик ёввойи турларининг сони камайиб кетмоқда. Бир қанча турлари (жайран, архар, тоғ эчкиси) Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

ЖУФТ ЧАТИШТИРИШ — ота-она ўсимлик ўртасида бир марта ўтказиладиган чатиштириш; селекция усули, оддий чатиштиришнинг бир хили. Ж. ч. йўли б-н олинган дурагайлар популяциясида янги нусхалар пайдо бўлиш жараёни муртакка бир жуфт ота-онадан тенг миқдорда ўтган ирсий материалларнинг қайта жуфтланиши асосида боради. *Реципрок чатиштириш* ҳам Ж. ч.нинг бир хили. Бу усул ўсимликлар селекциясида кенг қўлланилади.

ЖУФТАБОД — атлас, бекасам, шойи каби матолар тандасидаги икки тақа-боднинг бирикиб жуфтланган ҳолати. Тўқиш дастгоҳига солинган тандадаги Ж.ни тарқатмай (жуфтлаб) тутиб турадиган шода Ж. шода дейилади. Танданинг Ж. шодадан ўтадиган ҳар иккала ипини қўл б-н ажратиб, териб чиқиш Ж. териш деб аталади. Ж. териш натижасида гула ва тиғдан ип осон ўтади.

ЖУФТАК — мискарлик асбоби. Асосан мис идишларни кавшарлашда ишлатилади. Омбирга ўхшайди, бироқ ундан анча кичик, юпқа ва нозик бўлади. Ж. соатсозликда ҳам (соат қисмларини қимтиб олиб, жой-жойига қўйишда) ишлатилади. Ж.ни илгари чилангар усталар ясаган. Ҳозир Ж. ўрнида асбобсозлик з-дларида ишланган қисқич (пинцет) ва б. асбоблар қўлланилади.

ЖУФТЛАМА — 1) таҳта ёғочлардан зич ёпиштириб ясалган эшик; 2) *сочпопук*нинг кумуш бўлакларини бир-бирига жуфтлаб ёпиштирилган иккита косачадан иборат қисми.

ЖУФТҚАНОТЛИЛАР (Diptera) — ҳашаротлар туркуми (қ. *Икки қанотлилар*).

ЖУҒРОФИЯ (араб.) — *география*нинг 20-а. бошидан 40-й.ларгача ўзбек тилида ишлатилиб келинган эски номи. Ҳозир ҳам айрим шарқ тилларида қўлланилади.

ЖЭКСОН (Jackson)) Эндрю (1767.15.3, Уэксхоу — 1845.8.6, Хермитиж, Теннесси штати) — АҚШнинг 7-президенти (1829—37); Флорида штати губернатори (1821); сенатор (1823). Демократлар партияси асосчиларидан (1828). Д. даврида сайловда ютиб чиққан партия тарафдорларига расмий лавозимларни бериш тизими жорий этилган.

ЖЭКСОН — АҚШ жан.даги шаҳар, Мексикабўйи пасттекислигида, Перл дарёси бўйида. Миссисипи штатининг маъмурий маркази ва энг катта шаҳри. Аҳолиси 196,6 минг киши (2000; шаҳар атрофи б-н бирга 400 минг). Транспорт йўлларининг муҳим тугуни. Қ. х. районининг савдо-молия маркази. Озиқ-овқат, ўрмончилик, ёғочсозлик, электротехника, силикат-керамика, мебель саноати корхоналари, йирик аэропорт бор. Автомобиль эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарилади. Шаҳарга 1790 й.да асос солинган.

ЖЭКСОНВИЛЛ — АҚШнинг жан.-шарқидаги шаҳар. Аҳолиси 735,6 минг киши (2000). Флорида штатининг шим.-шарқий қисмининг иқтисодий маркази. Денгиз порти (йиллик юк ортиб-тушириш 15 млн. т), муҳим т. й. ва шоссе йўллар тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Қ. х. маҳсулотлари (тамаки, ер ёнғоқ ва мевалар) етиштириладиган ва ўрмончилик р-нининг савдо маркази. Қора металлургия, металлсозлик саноати ривожланган. Целлюлоза-қоғоз, ёғочсозлик, полиграфия, кимё, ойна-шиша, озиқ-овқат, тамаки, кемасозлик ва кема ремонти корхоналари, ун-т бор. Шаҳарга 1822 й.да асос солинган. АҚШнинг ҳарбий-денгиз базаси.

«ЖЭНЬМИНЬ ЖИБАО» («Халқ газетаси») — кундалик газета, Хитой Коммунистик партияси МК органи. 1948 й. 15 июндан бери нашр этилади (Шицзячжуан ва Ханьданда, 1949 й. мартдан — Пекинда).

ЖЮЛЬ ВЕРН — қ. *Верн Жюль.*

ЖЮРИ (инг. ва франц. jury, лот. juro — қасамёд қиламан) — 1) танловлар, кўргазмалар, спорт мусобақалари ва ш. к.да мукофотлар бериш масаласини ҳал қилувчи мутахассислар гуруҳи; 2) жиноят процессида фуқаровий ва жиноий ишларни кўришда қатнашувчи нопрофессионал судьялар — маслаҳатчилар ҳайъати.

ЖЎВА — жилд ҳамир ёйиш учун ишлатиладиган калта ўқлоқ. Ж. қаттиқ ёғоч (ўрик, тут, ёнғоқ, олма, қайрағоч, чинор)дан тайёрланади. Уз. 25—30 см, ўртаси йўғон — диаметри 4—6 см, икки томонида ингичкароқ дастаси бўлади.

ЖЎГИЛАР — *лўлилар*нинг айрим ўзбек шеваларидаги номи.

ЖЎЖА — *товуқ* ва б. парранда палапони. Товуқ Ж.лари 1 кунлигида 35—40 г, 1 ойлигида 240—270 г, 2 ойлигида 550— 600 г, 3 ойлигида 900—1100 г, 4 ойлигида 1200—1500 г, 5 ойлигида 1500—1800 г бўлади. Гўшт (бройлер) йўналишидаги товуқ зотларнинг 7—8 ҳафталик Ж.лари вазни 1,5—1,8 кг га етади. Ж.лар 2 ойликкача катакли батареяларда ёки полига похол тўшалган хоналарда сақланади, 4—5 кунлигидан бошлаб илиқ кунларда яйратиш майдончасига, кейинчалик майсазорларга чиқариб турилади. Хонаки усулда боқишда Ж.ларга биринчи ҳафтада сувда қайнатиб пиширилган тухум, творог, кўк барра пиёз ёки саримсоқ майда тўғраб берилади. Катакли батареяларда ҳар 1м² га 1— 20 кунлик Ж.лардан 25—30; 21—40 кунлигидан 15—20 ва 41—60 кунлигидан 9—12 та; полига похол тўшалган хоналарда ҳар 1м² га 1—30 кунлигидан 8—24; 30—60 кунлигидан 16—18 та жойлаштирилади. Хонанинг ҳарорати биринчи 20 кунликда 20—22°, 21—40 кунлигида 20—18°, 41—60 кунликда 17—16° бўлиши керак. 2 ойлик макиён Ж.лар жўжахўрозлардан ажратилиб, яйратиш майдончасининг атрофи симтўр б-н ўралган хоналарига, енгил типда қурилган айвонларга ўтказилади. Ж.лар махсус тайёрланган аралаш озуқа бериб боқилади. Биринчи ойда ҳар 2 соатда, иккинчи ойда ҳар 3 соатда, кейинчалик кунига 2—4 марта дон ва аралаш озуқа бериб турилади (қ. *Бройлер, Инкубация*).

Сайфиддин Азимов.

ЖЎЖА — қушларнинг болалик даври, тухумдан чиққандан то жинсий вояга етгунгача бўлган давр. Тухумдан чиққан Ж.нинг ривожланиш даражаларига биноан қушлар Ж. очувчи ва жиш жўжа (палапон) очувчи гуруҳларга бўлинади. *Жўжа очувчи қушлар* тухумидан чиққан жўжаларининг кўзи очиқ, танаси пат б-н қопланган, мустақил юриш қобилиятига эга. Бу гуруҳга туяқушлар, товуқсимонлар, сув-мошаклар киради. *Жиш жўжа очувчи қушлар* палапони ожиз, кўзи юмуқ, танаси яланғоч бўлиб, уларни узоқ вақт ота-онаси боқади. Бу гуруҳга чумчуқсимонлар, қизилиштонлар, қалдирғочлар ва б. киради. Бойқушлар ва қундузги йиртқичлар жиш жўжа очувчи бўлса ҳам палапонлари пат б-н қопланган ва кўзи очиқ бўлади. Турли қушларда жўжалик даври ҳам турлича, мас., майда чумчуқсимонларда 8—12 ой, кундузги йиртқичларда 1 йилдан ортиқ, йирик қушлар — *балиқчилар, гагаралар, бургутлар,* ғозларда 3 йилгача.

ЖЎЖА ОЧУВЧИ ҚУШЛАР (nidifugae ёки praecoces) — тухумдан танаси пар б-н қопланган, мустақил яшай оладиган, кўзлари очиқ, эшитиш органи яхши ривожланган жўжа очувчи қушлар гуруҳи. Кўп қушларнинг тухумдан чиққан жўжалари мустақил яшай олади ва озиқланади, лекин маълум вақтгача ота-онаси б-н бирга юради (мас., ўрдак, турна ва б.), товуқсимонларда эса ота-онаси жўжаларига озиқни кўрсатиб беради (яна қ. *Жиш жўжа очувчи қушлар*).

ЖЎЖАБУРУН — қовун нави (қ. *Гулоби*).

ЖЎЖИ УЛУСИ — *Чингизхон* томонидан 1224 й. қилинган тақсимга кўра *Жўжихон* ва унинг хонадонига мерос бўлиб теккан ер мулки. Унга Иртиш дарёсидан Уралга қадар ва ундан Ғарбга томон «мўғул отлари туёғи етгунга қадар» бўлган ерлар кирган; Жанубда Ж. у. *Чиғатой улуси* б-н чегарадош бўлган. Шим. Хоразм, Амударё ва Сирдарёнинг қуйи этаклари ҳам Ж. у.га тобе бўлган. Жўжихоннинг қароргоҳи Иртиш дарёси водийсида бўлган. *Ботухон*нинг Шарқий Европага қилган истилочилик юришлари натижасида Ж. у. жуда улкан ҳудудни қамраб олган ва у 13-а. ўрталарига келиб *Мўғуллар давлати*дан амалда мустақил бўлган (яна қ. *Олтин Ўрда*).

ЖЎЖИХОН, Ж ў ч и, Ж ў ж и, Ч ж о ч и (тахм. 1184—1227) — мўғулларнинг йирик саркардаси, *Чингизхон*нинг катта ўғли; унинг ҳарбий режаларини рўёбга чиқарган. Ривоятларга кўра, Чингизхоннинг хотини Борте (Бўрта фужин) ҳомиладорлик пайтида маркит қабиласи томонидан асирликка олинган. Кейинчалик уни асирликдан халос этишгач, Ж. туғилган. *Абулғозий Баҳодирхон*нинг ёзишига кўра, «Жўчи»нинг маъноси «меҳмон» бўлган («Шажарайи турк», 47-б.). Ж. Хитой (1211—15), Ўрта Осиё (1219—21), *Дашти Қипчоқ*ни босиб олишда фаол иштирок этган. Ж. бошчилигидаги 20 минг нафар мўғул қўшини *Иргиз дарёси бўйидаги жангда Муҳаммад* Хоразмшоҳнинг 60 минглик қўшини б-н жанг қилган, бу ислом лашкарларининг мўғуллар б-н дастлабки тўқнашуви бўлган. Фақатгина *Жалолиддин Мангуберди*нинг ҳарбий маҳоратигина Хоразмшоҳ қўшинини мағлубиятдан сақлаб қолган. Чингизхон қўшини Ўрта Осиёга юриш қилганда отаси Ж.ни Сирдарё бўйидаги Жанд, Ўзганд, Сиғноқ каби шаҳар, қалъаларни эгаллашга буюрган. Ж. бу қалъаларни олгач, уколари *Чиғатой* ва *Ўқтойхон* б-н биргаликда Хоразм пойтахти *Урганч*ни қамал қилган, шаҳарни етти ойлик жанглардан сўнггина эгаллаган. Чингизхон мўғуллар забт этган ерларни ўғилларига тақсимлаб берганида (1224) Ж.га Иртишдан Уралгача ва ундан Ғарбга томон чўзилган ерлар мулк қилиб берилган (қ. *Жўжи улуси*). Ж. Шарқий Европага қилмоқчи бўлган ҳарбий юриши бошланмасидан олдин вафот этган; баъзи маълумотларга кўра, Ж.ни марказий ҳокимиятдан ажраллб чиқмоқчи эканликда гумонсираган Чингизхон махфий буйруқ бериб қатл эттирган. Ж.нинг қабри Жезқазған ш. (Қозоғистон)дан 45 км. шим.-шарқда, Қора-Кенгир дарёсининг сўл қирғоғида жойлашган.

Фахриддин Ҳасанов.

ЖЎЙ — айриқ, канал (тарихий манбаларда). Ҳоз. пайтда эса, асосан, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ариқ, баъзан кичикроқ канал Ж. деб аталади. Ҳоз. ўзбек адабий тилида бу сўзнинг кичрайтирилган (диминутив) шакли — *жўяк* сақланиб қолган. Ж. жой номлари таркибида учрайди (Жўйидам, Жўйинав, Жўйиқўрчи ва ҳ. к.).


ЖЎЙБОР — 1) Бухоро ш.нинг жан.-ғарбида жойлашган мавзе. 11-а. охирида бу жой обод қилиниб шоҳона сарой қурилган. Бу сарой Бухоро ҳукмдорларининг қароргоҳи бўлган. 15-а. бошларида бу ерга *Жўйбор хожалари* келиб жойлашган (номи шундан); 2) канал, дарё, баъзан ариқ бўйидаги жойлар; тарихий манбаларда, хусусан, вақфномаларда кўп учрайди.

ЖЎЙБОР ХОЖАЛАРИ, ж ў й б о р ш а й х л а р и — *нақшбандийлик* тариқатининг вакиллари. Уларнинг Ж. х. номини олиши Хожа Муҳаммад Исломнинг бобоси Хожа Муҳаммад Яҳё Бухородаги *Жўйбор* деган ерга кўчиб келиши б-н боғлиқдир. Ж. х. ўзларини ислом динини тарғиб қилиш учун Маккадан Нишопурга, ундан Бухорога келган Имом Али Муртазо авлоди деб ҳисоблаганлар. Ж. х.дан Абу Бакр Саъдга ва унинг авлодларига сомонийлар даврида Бухоронинг шайх ул-исломи деган мансаб берилади. Абу Бакр Саъднинг невараси Муҳаммад Ислом Ж. х.нинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан

катта нуфузга эга бўлишида асосий роль ўйнайди. У 16-а.нинг 50-й.ларида Шайбонийлар давлатидаги тож-тахт учун бўлган курашларга аралашиб, ўз мурид*и Абдуллахон* II нинг тахтга чиқишига ёрдам беради. Бу даврга келиб Ж. х.га Бухородаги Сумитон қишлоғи инъом этилади. Ж. х.нинг ота-боболари Бухородаги Чор Бакр мозорига қўйилганлиги учун 16-а.дан бошлаб Ж. х. бу жойдаги қабрлар устига ҳашаматли мақбара қуриб, зиёратгоҳга айлантиришган (қ. *Чорбакр ансамбли)*. Бу зиёратгоҳлар катта вақф ерларига эга бўлиб, уларга Ж. х. меросхўрлар тариқасида эгалик қилишган ва бу ерлар Ж. х. хўжалигининг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилган. Катта лавозим, вақф даромадлари ва б. туфайли Ж. х. тез орада бойиб кетадилар. Ж. х. катта ер-мулкка, юзлаб қулларга, кўплаб чорва молларига, суғориш иншоотларига, савдо корхоналарига эга бўлганлар. Уларнинг савдо карвонлари 16-а.нинг 2-ярмидаёқ хориж б-н савдо алоқалари олиб борган. Мустаҳкам иқтисодий пойдеворга эга бўлган Ж. х. шайбонийлар давлатининг сиёсий ҳаётида жуда катта роль ўйнаган. Инглиз сайёҳи А. *Женкинсон* 1559 й.да Бухорода бўлиб, бу ердаги руҳонийларнинг раҳбарлари бўлган Ж. х. ҳақида шундай деган эди: «Бухорода диний раҳбар бор. Унга қиролга нисбатан кўпроқ қулоқ соладилар, у ўз хоҳиши б-н қиролни ўрнидан олиб, бошқасини қўя олади». Ж. х., 17-а.нинг 1-ярмида мамлакатда пайдо бўлган қийин сиёсий вазиятдан сўнг ўзларининг олдинги мавқеини йўқотганлар.

Ад.: Ҳофиз Таниш ал-Бухорий, Абдулланома, 1-ж. Т., 1999; Вяткин В. В., Шейхи Джуйбари, «В. В. Бартольду туркестанские друзья, ученики и почитатели» китобида, Т., 1927.

ЖЎЙИ АРЗИЗ (форс. — қўрғошин ариқ) — *Афросиёб*ни сув б-н таъмин этган қад. канал. Тахм. 8-а. охири — 9-а. бошларида қурилган. Ж. а. пишиқ ғиштдан қурилиб, ички қисми қалай б-н қопланганлиги учун тарихий манбаларда «Ж.а.» номи б-н тилга олинади. Ж. а. қолдиқларини 1946 й.да археолог А. И. Тереножкин Самарқанд деҳқон бозорининг рўпарасидан топган. Ж. а. катталиги 59х40х9 см, 42х42х9 см, 28х49х9 см, 36х49х9 см лик пишиқ ғишт б-н кул аралаш оҳак қоришмасидан қурилган. Самарқандни сув б-н таъмин этишда муҳим иншоот бўлган Ж. а.ни муҳофаза қилишга алоҳида аҳамият берилган. *Истахрий*нинг (10-а.) ёзишича, бу иншоотга йил давомида қараб туриш оташтарастлар зиммасига юкланган. Бу хизматлари учун улар жон солиғидан озод этилган. Ж. а. 1220 й. мўғуллар томонидан вайрон қилингач, Афросиёб сувсиз қолиб, харобага айланган.



Жўйи арзиз осма новасининг умумий кўриниши. 10-аср (схема-конструкция).

ЖЎЙИ МЎЛИЁН, Жўйи маволиён — Бухородан 4—5 км шимолда жойлашган қад. манзилгоҳ ва ариқ номи. Ж. м.да Я. Ғ. *Ғуломов* ва А. Қосимзода археологик тадқиқот ишлари олиб борганлар (1956). *Наршахий*нинг ёзишига кўра, *Исмоил Сомоний* бу ерларни халифа ал-Мустаъин ибн ал-Муътасимнинг лашкарбошиси бўлган Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Толутдан 10 минг дирҳамга сотиб олган. Исмоил Ж. м.да саройлар ва боғлар барпо қилиб, унинг кўпроқ қисмини маволий (хожа, жаноб, валий)ларга вақф қилаталган. Кўпчилик халқ эса уни «Жўйи ган. Исмоилдан кейинги сомоний мўлиён» — «Мўлиён ариғи» деб ата-амирлари гўзаллиги, тоза ва хушҳаволиги туфайли Ж. м.да ўзлари учун боғ ва кўшклар бино қилганлар. Мам-лакат сомонийлар қўлидан кетгач, Ж. м. хароб бўлган.

Ад.: Наршахий, Бухоро тарихи, Т., 1966.

ЖЎКА (Tilia) — жўкадошлар оиласига мансуб бута ва дарахтлар туркуми. Ўзбекистонда 9 тури ўстирилади. 3 тури — йирик баргли Ж., майда баргли Ж. ва юраксимон баргли Ж. доривор ҳисобланади. Улар бўйи 25 м гача келадиган дарахтлардир. 300—400 йил ўсади. Барглари узун бандли, кетма-кет жойлашган. Гуллари таркибида эфир мойи, С витамин, каротин ва б. моддалар бор. Қуритилган барги ва препаратлари терлатувчи дори сифатида, шунингдек, дамламаси оғизни чайқаш учун ишлатилади. Ёғочи оқ, юмшоқ бўлиб, мебель, фанер ва б. тайёрлашда ишлатилади.



Жўка.

ЖЎН КАНАЛИ — Тошкент вилоятидаги канал. Тошкент ш.нинг жанубишарқ қисмидан ўтадиган Салор каналининг Жўн-Салор сув тақсимлагичидан бошланади. Уз. 54 км. Қадимги каналлардан бири. Шим.-шарқдан жанубий-ғарбга эгри-бугри бўлиб оқади. Бош қисмининг максимал сув сарфи 32,0 м³/сек. Эни 4—9 м, чуқурлиги максимал сув сарфи даврида 2—3,5 м. Атрофдаги ерларни суғориш учун каналдан жуда кўп тармоқлар чиқарилган. Каналнинг кўп қисми жарлик ва ноқулай жойлардан ўтади. 1927—28 й.ларда канал гидротехник иншоотлар б-н тўла таъминланди. Кейинги йилларда канал реконструкция қилинди ва йўналиши йилдан йилга тўғриланиб, узайтириб борилди. Бош қисми бетонлаштирилган. Ж. к. Янгийўл туманида 20 минг га дан кўпроқ ерни суғоради. Шу туман ҳудудида ариқларга бўлиниб тугайди.

ЖЎН МАДАНИЯТИ — *Қовунчи маданияти* турларидан бири. Тошкент воҳасидаги *Жўн канали* бўйидан топилган ёдгорликлар (3—4-а.лар). Ж. м., асосан, Сирдарёнинг ўрта оқими бўйлаб кенг тарқалган. Г. В. Григорьев, М. Э. Воронец, Т. Г. Оболдуева ва б. қазиш ишлари олиб борган (1937—39). Ж. м.га оид мозорқўрғонлар, шаҳар харобаси текширилган. Турар жойлар хом ва пишиқ ғиштдан қурилган. Аҳоли деҳқончилик (буғдой, тариқ, арпа ва б.) ва чорвачилик б-н шуғулланган. Текшириш натижасида турли ранг ангоб б-н бўялган сопол идиш (кўза, хум, хумча, хўқача, товоқ ва б.)лар, темир қилич, ханжар, ўқ ёй учи, камон, ойна, турли мунчоқ тақинчоқлар, тош ўғир даста, қўл тегирмон топилган. Қуроллар — ҳатто аёл қабрларида ҳам учрайди.

Ад.: Оболдуева Т. Г., Курганы Каунчинской и джунской культуры в Ташкентской области, М.— Л., 1948.

Светлана Лунина.

ЖЎРА ҚАЙРОҚ АВЛОДИ — ғиждувонлик халқ қўғирчоқбозлари: 1) Жўра қайроқ (1796—1898) — машҳур халқ қўғирчоқбози, раққос (қайроқ б-н рақсга тушган, лақаби шундан), сурнайчи, қўғирчоқбозлар тўдасининг раҳбари; 2) Ҳамро (1818—1910) — «чодир жамол» халқ қўғирчоқ театрининг таниқли устаси, анъанавий «Качал Полвоннинг саргузаштлари» халқ комедиясини яратган; 3) Нарзулло (1908—62) — халқ қўғирчоқбози. Ўз тўпи б-н «Данғаса эр ва зарбдор хотин» комедиясини яратган; 4) Насрулло Ҳамроев (1936) — халқ қўғирчоқбози. Халқ қўғирчоқ театрини ҳоз. замон талаблари даражасида ривожлантиришга интилади. 1966 й.да анъанавий сюжетлар асосида ёзилган «Качал Полвон уйланади» (М. Халил), «Лақма лайча» (Ҳ. Раҳмат, Т. Маҳрамов), «Қуёнбойнинг туғилган куни» (Б. Омонов) ва б. пьесалар саҳналаштирилди.

Ад.: Қодиров М., Халқ қўғирчоқ театри, Т., 1972.

Муҳсин Қодиров.

ЖЎРАБЕК, Жўрабек додхоҳ Қаландар ўғли (тахм. 1840— 1906.25.1, Тошкент) — Бухоро амирлиги таркибидаги Китоб беги (1862—70), ҳарбий арбоб, маърифатпарвар, рус армияси генерали (1901). 1852—53 й.лардан амир *Насрулло* хизматида. 1856 й. Ж. тўқсобо амир томонидан Китоб беги Оллоёрбек хизматига юборилган. 1861 й.да амир *Музаффар* томонидан Китобга ҳоким қилиб тайинланган Зокирбек юритган сиёсат халқнинг норозилик чиқишларига сабаб бўлади ва унинг ўрнига халқ хоҳиш-истагига кўра Ж. ҳокимликка кўтарилади. Ж.нинг ҳокимлик қилган даврида бекликнинг Бухоро амирлигидан сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги кучая боради. Бекликнинг иқтисодий тизими: савдо-сотиқ, солиқлар, экинтикин масалалари тартибга солинади. Йўллар, мудофаа иншоотлари тартибга келтирилади. Бухоро ва Қўқон хонликларида қувғинга учраган сиёсат ва маданият арбоблари шу бекликдан паноҳ топишади.

Ўрта Осиёга чоризм босқини бошланган даврда Ж. босқинчиларга қарши қатъий кураш позициясида турган. Бухоро амири рус армияси тажовузларига қарши мудофаага тайёргарлик кўраётган бир даврда Ж. Шаҳрисабз ҳокими *Бобобек* б-н биргаликда амир Музаффардан ўзаро низоларни унутишни сўраб ва ёғийга қарши жиҳодда барча мусулмонлар б-н бир сафда туриб курашиш истагини билдириб мактуб йўллашади. Аммо уларнинг бу истаги амирнинг уларга ишончи бўлмаганлиги туфайли ижобатсиз қолади. Ж. амирнинг босқинчиларга нисбатан юритган таслимчилик, кейинчалик эса келишувчанлик сиёсатидан норози бўлган кучларга бошчи сифатида сиёсий майдонга келган *Абдумалик* тўра ҳаракатининг фаол иштирокчиларидан бирига айланади.

1868 й. 1—8 июнь кунлари Самарқандни рус қўшинларидан қайтариб олиш мақсадида амалга оширилган раҳбарларидан бири. Баъзи замондошлари фикрига кўра, муваффақиятсиз тугаган Самарқанд қамали Ж. томонидан ишлаб чиқилган Ваританни озод қилиш режасининг тарқитбий қисми бўлган. 1870 й. 14 авг.да Шаҳрисабз ва Китоб бекликлари чор армияси томонидан босиб олинганидан кейин Ж. Бобобек б-н бирга Қўқон хонлиги орқали Қашқарга қочишга уринади, лекин Худоёрхон томонидан тутиб Туркистон генерал-губернатори К. П. фон Кауфманга топширилади. 1870—1906 й.лар мобайнида Ж. Тошкентда яшаб, ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштирок этади. 1871—82 й.ларда Туркистон генерал-губернаторлиги маъмуриятида таржимонлик қилади. Чор армиясининг Қўқон хонлигини тугатиш мақсадида амалга оширган юришларида иштирок этади. К. П. фон Кауфмандан кейинги даврда ўлкани бошқарган генерал-губернаторлар давридан ўзининг ўлка устидан рус ҳукмронлиги тўғрисидаги, маҳаллий аҳолининг аянчли аҳволи борасидаги кескин фикрлари учун фаол сиёсий фаолиятдан бир қадар четлаштирилади. 1895 й.да Тошкент ш. Думасининг аъзоси сифатида Бобобек б-н бирга Николай II нинг тахтга ўтириши муносабати б-н унга табрикнома ва совға-салом юборишига қарши чиққан.

Илм-маърифатга катта аҳамият берган. Шарқ қўлёзмаларининг, хусусан, нодир асарларнинг бой кутубхонасига эга бўлган. Шарқ тиллари ҳамда рус тилини яхши билган. 1876 й. Петербургда бўлиб ўтган шарқшуносларнинг 3-халқаро конгрессида қатнашиб маъруза қилган. 1902 й.да Туркистонга ташриф буюрган жадидлар етакчиси И. *Гаспринский* б-н учрашади. Жадидлар б-н ҳамфикр бўлган Ж. «Таржимон» газетасининг Туркистондаги фаолларидан бирига айланади. Ўзбек мутафаккир шоири Фурқат б-н дўстона муносабатда бўлган. Россияда 1905 й. янв.да бошланган воқеалар туфайли Туркистон халқлари орасида содир бўлган кўтарилишлар даврида Тошкентда Ж. бошчилигида бир неча марта халқ йиғинлари ўтказилади ва уларда мамлакатда вужудга келган вазиятдан фойдаланган ҳолда ўлкани чидаб бўлмас оғир аҳволдан қутқариш чораларини кўриш масаласи кун тартибига қўйилади. Ж. сирли тарзда ўлдирилган.

Ад.: Юсупов Ш., Худоёрхон ва Фурқат, Т., 1995.

Бахтиёр Ёқубов

ЖЎРАЕВ Асрор (1911.22.11 — Самарқанд — 1983.28.11) — реж. ва актёр. Ўзбекистон халқ артисти (1950). Махсус реж.-лик курсини тугатган (Москва, 1939, 1948). Ижодий фаолиятини «Кўк қўйлак» ҳаваскорлик труппасида бошлаган. 1930 й.дан Самарқанд театрида актёр, 1933 й.дан реж. (1940—44, 1948—57 й.ларда бош реж.). 1964 й.дан Самарқанд опера ва балет театрида реж. Актёр сифатида Ўлмас («Ёндирамиз»), Егор («Оила») каби образларни яратган.



Энг яхши спектакллари: «Даврон ота», «Ҳамшаҳар йигит», «Нурхон», «Алишер Навоий», «Шоҳи сўзана», «Сепсиз қиз», «Нодира» ва б. Шунингдек, «Дилором» (М. Ашрафий), «Тоҳир ва Зуҳра» (Т. Жалилов), «Майсаранинг иши» (С. Юдаков), «Фарҳод ва Ширин» (В. Успенский, Г. Мушель) каби операларни саҳналаштирган. Жиззах, Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрлари, Каттақўрғон драма театри саҳналарида ҳам спектакллар қўйган.

ЖЎРАЕВ Менгниёр Сатторович (1942.15.1, Жарқўрғон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). СамДУни тугатган (1966). 1966 й.дан Жарқўрғон туманидаги 47-мактабда биол. ўқитувчиси, 1967 й.дан Қумқўрғон туманидаги 13-мактабда директор ўринбосари, 2000 й.дан кимё-биол. ўқитувчиси. Ж. дарсларни ҳоз. давр талаби асосида ташкил этади, таълим жараёнида янги педагогик технологияларни қўллайди, кўргазмали қуроллар ва ўқув техника воситаларидан унумли фойдаланади.

ЖЎРАЕВ Нурали (1941.10.7, Балиқчи тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1990). Наманган пед. ин-тининг мат. факультетини тугатган (1966). 1966 й.дан Балиқчи туманидаги 1-мактабда, сўнгра 14-мактабда мат. ўқитувчиси. 1998 й.дан нафақада. Ж. дарсларни қизиқарли, кўргазмали қуроллар ва техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтган; у мактабда замонавий мат. кабинетини ташкил этган. Ж. юқори синф ўқувчиларини фан йўналишлари бўйича ўқитиш ташаббускори.

ЖЎРАЕВ Раҳмат (1941.20.2, Марҳамат тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Андижон пед. ин-тининг бошланғич таълим методикаси фтини тугатган (1975). Меҳнат фаолияти 1961 й.дан бошланган. 1964 й.дан Марҳамат туманидаги 4-мактабда, 1971 й.дан

6-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси. Ж. ҳар бир дарсга ижодий ёндашиб, иш жараёнида юзлаб кўргазмали қуролларни қўлда тайёрлади.

ЖЎРАЕВ Тўхтамурод Жўраевич (1934.25.10, Тошкент) — математик олим, Ўзбекистон ФА акад. (1989), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1991), физ.-мат. фанлари д-ри (1972), проф. (1973). ТошДУ ни тугатган (1958), Ўзбекистон ФА Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ин-ти директори (1974-85), Ўзбекистон ФА Математика ин-тида директор (1985—92 ва 1997 й.дан), ТошДУ ректори (1992— 95), Ўзбекистон ФА президенти (1995— 2000). Илмий ишлари хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар ва чегаравий қатлам назариясига оид. Унинг аралаш ва аралаш-қўшма типли тенгламаларга оид ишларида янги чегаравий масалалар ўрганилиб, муҳим натижалар олинган; математик физикада муҳим татбиқларга эга бўлган чегаравий қатлам назариясига оид ишларининг аҳамияти катта. Ж. бир қанча халқаро академиялар ва халқаро жамиятлар аъзоси. Кўп жилдли (1-, 2-ж., Т, 1999) «Олий математика асослари» дарслиги ҳаммуаллифи. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши (1992—95), 1-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1974). «Дўстлик» (1996), «Меҳнат шуҳрати» (1999) орденлари б-н мукофотланган.



Ас.: Краевые задачи для уравнений смешанного и смешанно-составного типов, Т., 1979.

ЖЎРАЕВ Фрунзе Содиқович (1929.12.11, Бухоро) — театршунос. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1989). Тошкент давлат санъат ин-тини тугатган (1952). Ҳамза номидаги Санъатшунослик ин-тида кичик илмий ходим (1952-55, 1958-68), кейинчалик катта илмий ходим (1968— 70 ва 1984—92), республика газеталарида адабий ходим (1955—58), Маданият ишлари вазирлигида репертуар таҳрир ҳайъати бош муҳаррири (1970—73); театр ва мусиқа ташкилотлари бош бошқармаси бошлиғи (1981—84). Навоий театри директори (1978—81).

ЖЎРАЕВ Ҳайрулла Равшанович (1945.20.1, Зомин тумани) — кинорежиссёр. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1983). ТошДУнинг журналистика ф-тини тугатган (1970). Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида реж., муҳаррир, бош муҳаррир (1976—87). «Видеофильм» марказининг директори (1988—89). Президент девонида масъул ходим (1990—92), Ўзбекистон Республикаси Давлат кинокомпаниясининг раиси (1992—93), Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси (1993—96), 1996 й. 1 ноябрдан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири. Кисқаметражли: «Аҳматовлар оиласи», «Абдуманнон Умаров», «Абдулла Қодирий», «Ҳамид Олимжон» ва б.; тўламетражли: «Фуқаро», «Барча фазилатлар сенда мужассам», «Афғонистон, 85-йил кузи», «Икки миллион таниш чеҳра» (М. Қаюмов б-н ҳамкорликда) ва б. фильмлар яратган. «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (2000).

ЖЎРАЕВ Шерали (1947.3.9, Асака тумани) — хонанда. Ўзбекистон халқ артисти (1987). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1972). Ўзбек давлат эстрадаси (1972—73), «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли (1972—79), Андижон вилояти филармонияси (1979—86), Ўзбек давлат филармонияси (1986—96), «Ўзбекнаво» бирлашмаси (1999 й.дан)да яккахон хонанда. Табиатан ширали овозга эга. Ижро услуби монологик, драматик изтиробларга асосланган. Унинг ижросидаги қўшиқлар халқчиллиги, мушоҳадали, фалсафий мазмунга бойлиги, беназир жозибаси ва теран инсоний дарҳлилиги б-н ажралиб туради. Ж. репертуари кўп қиррали ва ранг-баранг. Қўшиқлари асосини Шарқ мумтоз (Навоий, Бобур, Шерозий, Ҳофиз, Машраб, Огаҳий ва б.) ва замонавий (Э. Воҳидов, А. Орипов ва б.) шоирларнинг шеърлари ташкил этади. Кўпгина қўшиқлари куйини Ж. ўзи яратади (жумладан: «Биринчи муҳаббатим», «Ўзбегим», «Карвон», «Аччиқ ҳақиқат», «Яралган», «Ошиқлар сардори», «Инсон қасидаси», «Ошиқ бўлинг» ва ҳ. к.). Баъзи қўшиқларининг матнини ҳам ўзи ёзган: «Бобо Деҳқон», «Замон», «Қарашларга», «Она Туркистон», «Соҳибқирон», «Дўст бўлсанг, ёнимда тур», «Қаён кетмоқдасиз?». 1992 й.да Ўзтелерадиокомпанияси Ж. ижодига бағишланган «Бир улуғ эл бор жаҳонда» фильм-эссе яратган. Европа, Осиё мамлакатларида гастролда бўлган. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутати (1990—95). Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати (1991).



Ас.: Бола дунёни тебратар, Т., 1988; Санъатим (нашрга тайёрловчи С. Саййид), Т, 2000.

ЖЎРАЕВ Юрсинбой (1944.10.4, Олтиариқ тумани) — уста пахтакор, Ўзбекистон Қаҳрамони (2000). Меҳнат фаолиятини Олтиариқ туманидаги Б. Отақулов номли жамоа хўжалиги аъзолигидан бошлаган (1960—64). Шу жамоа хўжалигида ҳисобчи (1964—70), бригада бошлиғи (1970—71), 1991 й.дан бош пудратчи. Ж. раҳбарлик қилган бригада узоқ йиллар давомида пахтачилик ва дончиликда деҳқончиликни илмий асосда олиб бориб муттасил юқори кўрсаткичларга эришди. 1999 й.да пахтадан 54 ц/га, 2000 й.да ғалладан 60 ц/га ҳосил олишга эришди. Меҳнат фаолияти давомида кўплаб шогирдлар тарбиялади, республикада қ.х. соҳасидаги ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этди.



ЖЎРАЕВА Гулсум Темировна (1954.24.6, Вобкент тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Бухоро пед. ин-тини тугатган (1975). 1975 й.дан Вобкент туманидаги 8-мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси. Ж. таълим-тарбия жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланади. Мактабда ўзбек тили ва адабиёти бўйича синфдан ташқари ишларни ташкил этиб, ўқувчиларнинг ёзма ва оғзаки нутқини ривожлантириш, ўзбек халқининг бой адабий меросини ўрганиш ва шу орқали уларнинг маънавиятини шакллантиришга катта эътибор беради.

ЖЎРАЕВЛАР — самарқандлик ака-ука тоштарош усталар: 1) Жалил Жўраев (1892—1977) тоштарошликни тоғаси Абдурайим Обидовдан ўрганган. Ўрта Осиё давлат ун-ти (ишчилар фти)да таълим олган (1923—25). Самарқанддаги «Мармар» (1927—35). «Горняк» (1936—43) артелларида ишлаган; 2) Болта Жўраев (1893-1973) меъморликни отаси уста Жўрадан ўрганган. «Мармар» (1929—35), «Горняк» (1937—43) артелларида ишлаган. Ж. Самарқанд, Тошкентда кўпгина биноларни безашда қатнашган: Тошкент т.й. вокзалининг эски биноси, Тошкент куранти, Ўзбекистон ФА Президиуми биноси, ҳоз. «Баҳор» концерт зали; Навоий театри биносининг мармар зиналари безаги учун Давлат мукофотига сазовор булган (1948). Асарларидан намуналар республика музейларида сақланади.

ЖЎРАУЗУМ — кечпишар хўраки узум нави. Ҳоз. Ўзбекистон ўсимликшунослик и.т. ин-тида Нимранг ва Пушти Тоифи навларини чатиштириб чиқарилган (А.М. *Негруль* ва М.С. *Журавель*). Тупи кучли ўсади. Гули қўш жинсли. Барги ўртача, беш бўлакли, арра тишли, барг банди узун. Узум боши катта (ўртача вазни 500—550 г), сершингил, гужумлари йирик, тухумсимон, оч яшил. Пўсти қаттиқ, юпқа, серэт, серсув, мазаси ёқимли. Сент.нинг охирида пишади. Таркибида 22—23% қанд, 6,5—7,5 мг% кислота бор. Гектаридан 400—500 ц гача ҳосил беради. Тошкент, Самарқанд вилоятларида экилади. Янгилигида истеъмол қилинади, винолар тайёрланади.

ЖЎРАҚАНД — қовуннинг ўртапишар нави. Халқ селекциясида яратилган. Шакли чўзиқ, эллипссимон ёки тухумсимон. Пўсти силлиқ, бир оз ғадир-будур, уз. 18—23 см, оғирлиги 2—3 кг. Ёппасига тўр б-н қопланган, тўрлари йирик, дағалроқ. Эти қалин (4—4,5 см), оқ, баъзан оч яшил, мулойим, сал карсиллайди, ширин. Таркибида 12,1% қуруқ модда, 9,5% қанд, шу жумладан 7,2% сахароза бор. Уруғи ўртача, сарғиш. Уруғидан униб чиққандан сўнг биринчи ҳосили 78—90 кунда пишади. Оқпалак касаллигига чидамлироқ. Ҳосилдорлиги 20—28 т/га. Асосан Тошкент, Фарғона вилоятларида экилади.



Жўрақанд қовун нави.

ЖЎРАҚУЛОВ Умарқул (1894 — Самарқанд — 1973.22.3) — кулол, Ўзбекистон халқ рассоми (1953). Отаси уста Жўрақул Қобуловдан ҳунар ўрганган. Сопол идишлар, бадиий буюмлар тайёрлаш б-н шуғулланган. Самарқанд ҳунармандчилик саноат техникумида дарс берган (1930—32). Бўртма нақшлари бўяб безатилган лаган, товоқ, коса каби идишлар (ўрдак, лаган, шокоса, кўза ва б.), ўйинчоқ (ҳуштак)лар ишлаб, кулолликнинг Самарқандгагина хос услуби (кулоллик мактаби)ни яратган. Ж. ишлаган бадиий буюмлар республика ва чет мамлакатлар музейларида сақланади. Кўплаб шогирдлар тайёрлаган.



Умарқул Жўрақулов ишлаган бадиий буюмлардан намуналар: бодия ва кўза.

ЖЎРНАВОЗЛИК, жўровозлик, аккомпанемент — 1) мусиқа ижрочилигида яккахон хонанда, созанда, раққоса ёки ижрочилар гуруҳига бир ёки бир неча мусиқа чолғулар (ансамбль, оркестр)нинг жўр бўлиши. Ўзбекистонда қадимдан ривожланиб келган. Айритом, Афросиёб, Варахша ва б. жойлардан топилган ёдгорликларда ҳамда улардан кейинги даврларга оид миниатюраларда яккахон ва гуруҳ-гуруҳ созандалар, раққосалар тасвирланган. Қадимдан, мас., «*Катта ўйин*» туркумидаги рақслар ноғора (ёки доира), *Шашмақом*нинг наср (ашула) йўллари танбур жўрлигида ижро этилган. Ўзбек анъанавий ижрочилигида тор, дутор, танбур, рубоб каби якка (ёки доира б-н биргаликдаги) созлар ва чолғу ансамбли жўрлигидан фойдаланилади; 2) *Гармония, гомофония* каби кўп овозли мусиқа услубларида етакчи, оҳангдор овозга бошқа, кўмакдош овоз (*аккорд*)ларнинг жўр бўлиши.

ЖЎРЧИ, кал жўрчи (Neophron percnopterus) — қарчиғайлар оиласига мансуб йиртқич қуш. Бўйи 60—70 см, вазни 2,5 кг ча. Жан. Европа, Африка, Ҳиндистон ва Осиёнинг ғарбий қисмида яшайди. Ўзбекистонда тоғ этаклари ва қарши чўлида учрайди. Тухум қўйиш даврида тоғ, қир ва жарликларда, бошқа даврда эса очиқ текисликларда, шаҳар ва қишлоқларда яшайди. Қоя ва жарликка ин қуради. Апр.—майда 2 та тухум қўяди. Тухумини 40 кунгача босиб ётади. Жўжалари июль—авг. да учирма бўлади. Ж. асосан, ўлимтиклар ва ҳар хил ташландиқлар б-н озиқланади.



Оддий жўрчи.

ЖЎХОРИ (Sorghum Pers.) — ғалладошлар (ғаллагуллилар) оиласига мансуб бир ва кўп йиллик ўсимликлар туркуми, дон ва ем-хашак экини. Ж.нинг 50 га яқин ёввойи ва маданий тури бор. Донли Ж. (S. cernuum; оқ жўхори, қўқон жўхори, ғаолян ва б.), ширин Ж. (S. saccharatum), дурра (S. durra), сунъурги Ж. (S. technicum), ўтсимон Ж. (судан ўти — S. Sudanense, ўтсимон Ж. — S. almum) каби бир йиллик турлари кўпроқ экилади. Ватани — Марказий Африка. Мил. ав. 4—3-минг йилликдан бери экиб келинади. Эрон, Ҳиндистон, Хитой, АҚШда ва Африка, Океания, Австралия, Ўрта Осиё, Украина жан.да экилади. Жаҳон бўйича Ж. экин майдонлари 43,6 млн.га дан ортиқ, ялпи ҳосили 68,2 млн. т, ҳосилдорлиги 14,4 ц/га. Ўзбекистонда экин майдони 9 минг га (1999). Ж.нинг илдиз тармоғи попук илдиз бўлиб, асосий қисми ернинг ҳайдалма қатламида ривожланади, айрим илдизлар эса 2,5 м чуқурликка кириб боради. Пояси сомон поя, бўйи 0,5—7 м гача, ўртача 2—3 м, поянинг ичи ғовак паренхима тўқималари б-н тўлган. Пояси тупланади (1—8). Барги кенг, 10—25 та бўлади. Тўпгули рўвак, уз. 15—60 см, ён шохлари учларида 2 та бошоқча чиқаради, биттасида мева ҳосил бўлади. Ж. четдан чангланади. Дони қобиқли ва қобиқсиз, думалоқ, тухумсимон; ранги оқ ёки сариқ. 1000 та дони вазни 20—70 г. Донининг тиним даври йўқ, ҳосил йиғилгандан сўнг экиш мумкин. Ж. муҳим дон экини, дони озиқ-овқатга ишлатилади. Донидан ёрма, ун, спирт, крахмал тайёрланади, унидан нон ёпилади, мол ва паррандаларга тўйимли ем сифатида берилади. Кўк массаси силосланади. Дони тўйимли, таркибида 65—75% крахмал, 10—15% оқсил (лизин), 3,5% гача ёғ бор. 100 кг Ж. дони 119 озуқа бирлигига тенг. 100 кг кўк массасида — 23,5, силосида — 22, пичанида — 49,2 озуқа бирлиги бор. Поя ширасида 10—15% қанд бўлиб, шинни ишлаб чиқарилади. Супургибоп Ж.дан супургилар ва чўткалар тайёрланади. Ж. такрорий экин сифатида ҳам экилади. Ж. бир йиллик ўсимлик. Қурғоқчиликка ва иссиқликка чидамли. Тупроқ ва ҳаво қурғоқчилигига бардош беради. Майсаси — 1° да нобуд бўлади. 30—40° ҳароратга чидайди. Ёруғсевар, қисқа кун ўсимлиги. Тупроққа талабчан эмас, аммо ғовак тупроқларда яхши

Жўхори.



ўсади. Шўрга чидамли, ўсув даврининг бошланишида секин ўсади. Экилган уруғлар 10—15 кунда майсалайди, 25—30 кундан кейин тупланади, 40—50 кунда най ўраш даврига киради, рўвак чиқариш даври 55—65 кунга боради, рўвак чиқаришдан 5—6 кундан кейин гуллаш бошланади. Ўсув даври 75—100 кун. Ж. ғўза, нўхат, бошқа дуккакли экинлардан бўшаган ерларга экилади. Чимқир-қар плуг б-н 28— 30 см чуқурликда шудгор қилинади. Ер қуриган бўлса шудгордан олдин суғорилади. Шудгорлашдан олдин гектарига 10—15 т гўнг, 50—60 кг фосфор, 40—50 кг калий солинади. Баҳорда (апр.—май) ҳарорат 13—15° бўлганда кенг қаторлаб экилади (қатор ораси 60, 70 см). Уруғлик экиш нормаси 5—10 кг/га, экиш чуқ. 3—5 см, кўчат қалинлиги ҳар гектарда 70—100 минг тупга боради. Қатор ораларига 2—3 ишлов берилади. Суғориладиган майдонларда 25—30 ц/га дон, 300—400 ц/га кўк масса беради (интенсив технология усуллари қўлланилганда 100—115 ц/га дон, 1000—1200 ц/га кўкпоя).

Навлари. Ўзбекистонда Ж.нинг 3 тури (донли Ж., ширин Ж. ва супурги Ж. гуруҳлари) кўпроқ Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро вилоятлари, Фарғона ва Мирзачўлнинг суғориладиган шўр ерларида ўстирилади. Суғориладиган майдонларда Каттабош, Чиллаки, Ўзбекистон 5, Сангзор, Ўзбекистон 18, Карлик (Пастак) ва б. навлари экилади.

Ж. зараркунандалари: битлар, симқуртлар, тунламлар, поя парвонаси, каradрина; касалликлари: чанг қоракуя, поя ва илдиз чириши, бактериозлар.

Халима Отабоева.

ЖЎША — қизил гил (кесак). Кулолчиликда ранг тайёрлашда муҳим хом ашё ҳисобланади. Сопол идишларга қизил ранг ёки нақш беришда қўлланилади. Бунинг учун буюм сувда суюлтирилган Ж.га чайиб олинади ёки суюқлик б-н унга нақш берилади. Ж. Ўзбекистоннинг айрим жойлари (мас., Андижон ва Марғилон)да рўша ҳам дейилади.

ЖЎЯК — тупроқнинг механик таркиби, экин тури ва экиш усулига кўра кузда ёки баҳорда ер етилганда олинадиган экиш ариғи; икки пушта ўртасидаги ариқ. Кўпроқ картошка ва полиз экинлари Ж. олиб экилади. Ж.нинг «илон изи»,«дандана», тўғри (эгат) хиллари бор. Ж.нинг эгат хили кенг тарқалган. «Илон изи» («айланма») шаклида олинган Ж. нинг кенглиги 80— 90 см, чуқ. 40—50 см, пуштаси (икки ариғи ўртаси) полиз экинлари учун 1,5—2,5 м, бошқа экинлар учун 60— 80 см кенгликда олинади. Унинг бир бурилиши б-н иккинчи бурилиши ўртасидаги оралиқ ер нишабига қараб 4—7 м. Ж.га қуйилган сув оёқлагач, этагидан бошлаб, Ж. сув б-н (2/3 қисмгача) тўлишига қараб, қулоқ боғлаб чиқилади (ҳар 1—2 ариқнинг сув б-н тўлган жойи тупроқ тортиб бекитилади). Ж.нинг нам чиққан ерига уруғ экилади. Экин бутун ўсув даврида Ж.дан суғориб турилади. Ж.нинг бурилган жойига чим босиб, сувни оқова қилиб қуйиш ҳам мумкин. Ж.нинг «дандана» усулида Ж. бармоқ шаклида олинади, узунасига тортилган ўқ ариқдаги сув боши берк (бармоқ) ариқларга тўлдириб қўйилади. Ж.нинг «илон изи» ва «дандана» турлари асосан кетмон б-н очилади (механизациядан фойдаланиб бўлмайди). Эгат — 100—150 м ва ундан ортиқ узунликда бир-бирига параллел олинган Ж.лардир. Пахтачиликда маркёр ташлаб 120 ёки 180 см кенгликда ва 25—30 см чуқурликда олинади. Экин Ж.нинг икки томонига ёки икки қирғоғига экилади. Гуллаш фазасида экилган қаторлар ўртасидан эгат очилганда 90 ёки 60 см ли қатор оралиғи ҳосил бўлади, экин пушта ўртасида қолади. Текис далага нисбатан Ж.даги тупроқнинг ҳаво-иссиқлик ва сув режими қулай бўлади. Ж.да уруғ тушган атроф ва ундан пастроқда тупроқ ҳарорати бошқа жойларга қараганда 0,9—3,0° кўпроқ исийди.

Абдураҳим Эрматов.

ЖЎЯК ҚУМЛАР — бир-бирига параллел жойлашган камбар қатор-қатор қум дўнглари. Ж. қ. кўп эсадиган шамоллар йўналишига мос жойлашган бўлади. Узунлиги бир неча км га етади, бал. 1 м дан 70 м гача бўлади. Жўяклар оралигидаги пастликнинг кенглиги 2—4 км га тенг. Ўрта Осиё чўлларида чала мустаҳкамланган ва ўсимликлар қоплаган Ж. қ. кўп тарқалган. Ж. қ. Австралия ва Африкада ҳам бор.

ЖЎЯКЛАБ ЭКИШ — қ. х. экинларини жўякнинг икки томонига ёки икки қирғоғига экиш. Полиз экинлари, томорқа хўжаликларида помидор, картошка, маккажўхори стиштиришда қўлланилади.

ЖҲАНГАР МАДАНИЯТИ — Синд (Покистон)нинг аҳоли яшайдиган бир қанча турар жойларидан топилган сўнгги Хараппа (тахм. мил. ав. 12—11-а. лар) археологик маданияти. Биринчи марта 20-а.нинг 20-й.ларида Синд вилоятининг Жҳангар аҳоли турар жойидан топилган. Асосий ёдгорлиги Чанху-Даро бўлиб, *Жҳукар маданиятининг* биринчи қатлами ҳисобланади. Асосан, лойдан ясалган кўзачалар, турли идишлардан иборат. Археологик маълумотларга кўра, Ж. м.ни яратувчиларнинг кичикроқ гуруҳи Чанху-Даро ва Чанху-Даро (2 қатлам). Ж. м. уйлари пишиқ ғиштдан, ўчоқлар қурилганлиги б-н ўзига хос. Сопол идишларидаги геометрик ва ўсимликсимон нақшлар сарғиш фонда қора ва қизил бўёқ б-н чизилган. Жез буюмларидан кенг фойдаланилган (болта, бандак, тамға ва ҳ. к.). Тамға-муҳрлар сопол, тошдан тайёрланган, турли геометрик шакллар, баъзан ҳайвонларнинг расмлари б-н безатилган. Ж. м.нинг тамға-муҳрлари Хараппа тамға-муҳрларидан ёзуви йўқлиги б-н фарқ қилади. Ж. м. кўп жиҳатдан Балужистон, Шим. Эрон ва Ўрта Осиё маданиятига ўхшаб кетади.

Ад.: Массон В. М., Древнеземледельческая культура Маргианы, М., Л., 1959.

З

З — ўзбек-кирилл алифбосининг тўққизинчи ҳарфи. Тил олди, сирғалувчи, жарангли ундош товуш. Сўзнинг бошi (зар, зарур), ўртаси (озиқ, чизиқ), охирида (куз, туз) кела олади. Сўз охирида жарангсизланиб «с» товушига томон бир оз ўзгаради (сиз — сис, кўрасиз — кўрасис), бу ҳол имлода акс этмайди. Туб ўзбекча сўзларда сўз бошида деярли қўлланмайди. Жаҳон ёзуви тарихида туркий халқлар, шу жумладан, ўзбек халқи учун умумий бўлган ёзувларда З ҳарфи ўзига хос шаклда бўлган. Улар қуйида келтирилди.

Ёзув тури	Белги	Сана
Авесто		*Мил. ав. 6 – 4 - а*
Орхун - Енисей ёзуви		*5 – 8 - а*
Туркий (уйғур) ёзуви		*8 – 13 - а*
Суғд ёзуви		*Мил. ав. 1 - минг й. охири – 13 - а*
Араб ёзуви		*13 - а – 1929 й.*
Лотин ёзуви	Z	*1929 – 1939 й.*
Кирилл ёзуви	З	*1940 – 1995 й.*
Лотин ёзуви	Z	*1995 й. дан*

ЗААНЕ ЭЧКИ ЗОТИ — сути учун боқиладиган зот. 19-а. ўрталарида Швейцариянинг Заане (Saane) дарёси водийсида чиқарилган. Эчкилари йирик, гавдаси тузилиши мустаҳкам, аксариятининг елини катта, сўғичлари яхши шаклланган. Териси юпқа, туси, асосан, оқ рангда. Такасининг яғрин бал. 75—80 см, вазни 70—80 кг, эчкилари 50—60 кг, думғазаси тор, жуни калта, қилтиқлари ингичка. Эчкилари бир йилда ўртача 600—700 кг сут беради (рекорд сут маҳсулотдорлиги 2235 л), сутининг ёғлилиги 3,5—4,5%. Ҳар юз бош эчкидан 180—200 улоқ олиш мумкин. Бу зот Ғарбий ва Марказий Европада кенг тарқалган. Европа, Осиё, Америкадаги кўпгина мамлакатларда сут йўналишидаги эчкичиликни ривожлантиришга катта таъсир кўрсатди. 20-а. бошларида Россияга келтирилган, ундан қисман Ўзбекистонда тарқалган (шахсий хўжаликларда боқилади). Маҳаллий жайдари рус эчки зотларининг сут маҳсулдорлигини яхшилашда фойдаланилган. Дурагайлари бир йилда 500—1000 кг сут беради. Россиянинг марказий ва шим.-ғарбий вилоятларида кўп боқилади.

Бозорбой Сувонқулов.

ЗАБАЙКАЛЬЕ — *Байкал* кўлидан шарқда жойлашган тоғли ҳудуд. Шим.-ғарбий қисмида Байкал бўйи баланд тизмалари (Хамар-Дабан, Баргузин, Жида, бал. 2500—3000 м гача) ва З. тоғлари ҳамда катта сойликлар жойлашган. Бу қисмида 9—10 балли, шарқроқдаги ўртача, паст тоғларда ва ясси текисликларда 6—7 балли зилзила бўлиб туради. Иқлими кескин континентал. Янв.нинг ўртача т-раси —20° (—35° гача), июлники сойликларда 15°, тоғларда 7—10°. Йилига ўртача 250 мм дан 1000 мм гача ёғин тушади. Йирик дарёлари: Витим, Олёкма, Селенга, Шилка, Аргунь. Кўллари: Байкал, Торей, Баунт, Еравное, Гусиное.

ЗАБАРЖАД — минерал, заргарлик тоши, *оливин*нинг арабча номи.

ЗАБЖЕ — Польшанинг жан.даги шаҳар. Аҳолиси 200,1 минг киши (1999). Юқори Силезия агломерацияси таркибида. З. ёнидан кўмир қазиб олинади, кокс ишлаб чиқарилади. Металлсозлик ва оғир машинасозлик (кон ускуналари, пўлат конструкциялар, кўтарма кранлар), кимё, кокс кимёси, радиоэлектроника, озиқ-овқат, ойна саноати корхоналари мавжуд. Театр, тиббиёт академияси, музей бор. Шаҳарга 13-а.да асос солинган.

ЗАБОЙ (рус.) — фойдали қазилма бойликлари ва қопловчи жинслар қазиб олинадиган иш жойи; кон иншоотлари (шурф, штольня ва бурғи коваги)нинг энг пастки юзаси, мас., бурғи ковагининг туби. Кон ишлари натижасида З. сурилиши мумкин. Ишлар олиб борилаётган З. ишлаб турган ва, аксинча, ишлар тўхтатилган З. ишламаётган З. дейилади. Шахта ва конларда З. горизонтал (ётиқ), вертикал (тик) ва қия, очиқ конларда З. ёнлама ва фронтал (олд тарафда) бўлади. З.нинг майдони фойдаланиш мақсадига қараб 5 см² дан бир неча 100 м² гача боради. З.даги ишлар тайёрлаш ва тозалаш ишларига бўлинади. Тайёрлаш ишларида ҳамма кон иншоотлари фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун маълум тизим асосида тайёрланади. Тайёрлаш ишлари фойдали қазилмаларнинг жойлашиш қонуниятлари, қалинлиги ва б. физик хоссаларини аниқлашга ёрдам беради. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ўтказиладиган барча ишлар йиғиндиси тозалаш ишларига киради; 2) қудуқлар бурғилашда бурғилаш асбоблари б-н қовлаб боришда қудуқнинг ўйиладиган ён сирти.

ЗАБОНИ ГОВ (форс.-тож. — ҳўкиз тили) — тандир нонининг қад. турларидан бири. Уни Самарқанд новвойлари темурийлар даврида кашф этишган. Инқилобга қадар ҳам бундай нон Самарқанд бозорида сотилиб турган. З.г. хамири ширмой нон хамири каби қорилган, одатдагича юмалоқ эмас, балки қайиқсимон-овал шаклида ясалиб, ўртаси нафис — 1 см, чекка ҳошиялари 2—3 см қалинликда бўлган. Ўртасига чакич урилган, чеккалари пичоқ б-н тилиниб, нақш берилган. Тандирга ёпиб гўзапоя чўғида пиширилган. З.г.ни пиширишни биладиган новвойлар ҳозир ҳам Самарқанд ва Шаҳрисабзда бор.

ЗАВОД (рус.) — 1) и.ч. жараёнлари механизациялашган саноат корхонаси. Сиёсий иқтисодда З. ва ф-ка тушунчалари тенг маънода («корхона» маъносида) ишлатилади; 2) зотли ва наслдор чорва молларини етиштирадиган хўжалик (мас., от з-ди; қорақўлчилик з-длари).

ЗАВҚИЙ (таҳаллуси; асл исм-шарифи Убайдулло Солиҳ ўғли) (1853 — Қўқон — 1921) — ўзбек шоири. Қўқондаги «Мадрасаи олий» ва «Мадрасаи чалпак»да таҳсил олган (1870—74). Махсидўзлик б-н шуғулланган. Маълум муд-

ЗАЙНИДДИН ЖУРЖОНИЙ, Абу Иброҳим ибн Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Ҳусайний (?— 1137) — тиб олими, Хоразмнинг Журжон ш.да туғилган. Дастлаб у отасиз Хоразмшоҳнинг шахсий табиби бўлган, сўнг Марвга кетиб, умрининг охиригача шу ерда яшаган. Араб, форс тилларида ижод қилган. Олим тибга оид «Ал-аъроз ат-тиббийя» («Касалликлар белгилари») асарини отсиз Хоразмшоҳнинг вазири, олим Мажидуддин Абу-Муҳаммад илтимосига кўра ёзган. У «Захирайи Хоразмшоҳий» («Хоразмшоҳ хазинаси»), «Таълиқ шайх ирраис» [«Олимлар олими (Ибн Сино) шарҳи»], «Зубдат ут-тибб» («Тиб илмининг асосий мағзи») каби асарлар муаллифидир.

ЗАЙНИДДИНБОБО, Шайх Зайниддин бобо Кўҳи Орифон Тошканлий (1164—1259, Тошкент) — шайх. Отаси Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Суҳравардий Бағдоднинг катта мутасаввифларидан бўлган, суҳравардия тариқатини яратган. Ўғли Зайниддинни Шош (Тошкент)га юборган. З. ҳоз. Кўкча даҳасида ҳаёт кечирган ва тасаввуф илми б-н шуғулланган. Тарихий манбаларда З. «саййидларнинг улуғи ва шариф кишиларнинг кароматлиси ва буюги», «орифларнинг қутби ва ишончли раҳнамоси» деб таърифланади. Амир Темур 1391—92 ва 1402 й.лар З. мақбарасини зиёрат қилган ва таъмир эттирган.

З. авлодлари «Шайх Зайниддин бува» қабристони деб аталувчи зиёратгоҳ маскан яқинида яшаб келади. Шоир Хислат, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси Жорулла Файзуллаев, ёзувчи Нажибулло Ҳабибуллаев, навоийшунос олим Ҳамид Сулаймон ва б. ушбу шажара вакилларидир.

ЗАЙНУЛОБИДИН ҲУСАЙНИЙ, Зайнулобидин бин Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳусайний (тахм. 1463 — Ҳирот — тахм. 1519) — мусиқа назариётчиси, бастакор, созанда ва шоир. Ҳиротдаги «Ихлосия» мадрасасида риёзиёт, фалсафа, мусиқа назарияси ва бадиъ илмидан таҳсил олган. Унга мусиқадан Хожа Абдуллоҳ Марварид, бадиъ илмидан Алишер Навоий устодлик қилишган. Навоийнинг буюртмаси б-н форс тилида «Қонун» (замонавий адабиётда «Қонуни илми ва амали мусиқий» — «Мусиқанинг илмий ва амалий қонунлари») асарини ёзтан. Асар Навоийга бағишланган қасида ва 24 бобдан (сўнгги икки боби сақданмаган) иборат. Ж. *Султонов* томонидан топилган унинг ягона нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик и.т. ин-тида сақланади. Рисола З. Ҳ. яшаган давр мусиқа санъатининг назарий ва амалий масалаларини ёритади. Мусиқа истилоҳоти, жумладан *Ўн икки мақом, овоза* ва *шўъба* тушунчаларига қатор аниқликлар киритган. Охирги боблар чолғуларнинг сози ва усул туркумларига бағишланган. Шунингдек, «Қонун»да дутор, унинг тузилиши, созланиши ва товуш қаторлари хусусида илк маълумотлар беради.

ЗАЙОНЧКОВСКИЙ (Zajaczkowski) Ананиаш (1903.12.11, Вильнюс — 1970.6.4, Рим) — поляк шарқшуноси. Польша ФА акад. (1952). Краков университетининг шарқ ф-тида ўқиган (1925— 29). Варшава ун-ти проф. (1935). Польша ФА Шарқшунослик ин-ти директори (1953—68). З. туркий халқларнинг тили, тарихи, маданиятига оид кўпгина асарлар муаллифи. Мамлуклар давлати, Хазар хоқонлиги, Олтин Ўрданинг этник таркибига бағишланган тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга. У туркий халқларнинг тарқалиш йўлларини, усмонли турклар адабий ёдгорликларини ва палеографиясини ўрганган.

ЗАЙСАН — Қозоғистон Республикасидаги кўл. Жан. Олтой ва Тарбағатой тоғ тизмалари оралиғида, денгиз сатҳидан 395 м баландликда жойлашган. Майд. 1800 км², уз. 111 км, эни 30 км, чуқ. 4—10 м. З.га Қора Иртиш дарёси қуйилади, Иртиш (Оқ Иртиш) дарёси оқиб чиқади. Ноябрдан майгача музлаб ётади. Иртиш дарёсида Бухтарма сув омбори қурилиши натижасида З. шу сув омбори б-н туташиб, унинг сув сатҳи 7 м га кўтарилди, юзаси 5500 км² га етди. З.нинг суви чучук ва тиниқ. Кўлда кема қатнайди.

ЗАЙСАН СОЙЛИГИ — Қозоғистон Республикасидаги сойлик, шим.да Жан. Олтой, жан.да Тарбағатой ва Саур тизмалари оралиғида. З. с. тубининг баландлиги тоғлар этагида 370 м (Зайсан кўли)дан 900—1000 м гача. Ер юзаси кайнозой кўл ва дарё балчиқлари ва қумдан тузилган. Онда-сонда сойлик текисликларидан қолдиқ тоғ массивлари кўтарилиб туради. Жан. Олтой ва Тарбағатойдан оқиб тушувчи дарёлар суви суғоришга сарфланиб, Зайсан кўлига етиб бормайди, фақатгина Қора Иртиш қуйилади. Сойликда чала чўл ландшафти бўлиб, асосан яйлов сифатида фойдаланилади. Қора Иртиш дельтасида тўқайзорлар бор.

ЗАЙТУН (Olea) — *зайтундошлар* оиласига мансуб ўсимлик туркуми. 600 га яқин тури маълум. Фақат бир тури — Европа зайтуни (O. europaea, З. дарахти) хўжалик аҳамиятига эга. Европа, Осиё, Америка, Африкада экилади. З. етиштирадиган асосий мамлакатлар Яқин Шарқ ва Ўрта денгиз мамлакатлари — Испания (2 млн. га дан ортиқ), Италия (1,5 млн. га), Греция (500 минг га) ва Португалиядир. Озарбайжон, Грузия, Қрим, Туркманистон, Россиянинг Краснодар ўлкасида ҳам зайтунзорлар бор.

Экиладиган З. дарахти бал. 4—12 м, шох-шаббаси тарвақайлаган. Барглари майда, учли ёки тўмтоқ, тўқ яшил, ялтироқ, пояда қарама-қарши жойлашган. Гуллари икки жинсли, оқиш, шингил ёки рўваксимон, 3—5 мм, хушбўй ҳидли. Меваси — резавор, данакли, туси қора, тўқ бинафша. Меваси этида 80% гача, мағзида 30% гача мой, оқсил, витамин С ва каротин бор. Қурғоқчиликка чидамли, —13—18° совуққа бардош беради. 300—400 (1000 гача) йил яшайди. Ҳар тупидан 20—40 кг ҳосил олинади. Унумдор, қумоқ ва қумлоқ, оҳакли тупроқларда яхши ўсади. Данагидан стиштирилган кўчати 10—12-й., қаламчасидан 4—5-й. ҳосилга киради. З. данаги, илдиз бачки, қаламчасидан кўпайтирилади, асосан пайванд қилинган 2—3 йиллик кўчати 10х10 м, 10х8 м (бута шаклида ўстирилганда 6х6 м) қилиб боғларда экилади. Агротехникаси бошқа субтропик мева дарахтларникига ўхшаш.



1 2

Зайтун: *1* — етилган мевали шохи; *2* — гўза меваси.

Меваси маринадланади, гўраси ва пишган меваси консерва қилинади. З.нинг пишган меваси этида (25—80%) қуримайдиган мой бор. З., асосан, мойи учун стиштирилади. Мевасини совуқлайин пресслаб олинадиган биринчи фракция З. мойи озиқ-овқат учун, шунингдек, консерва саноати ва тиббиётда ишлатилади. Турпи ва данагини қиздириб пресслаб олинадиган иккинчи фракция З. мойи техникада ва совун пиширишда қўлланилади. Кунжараси чорва учун ем, ёғочидан қимматбаҳо буюмлар тайёрланади.

Рихсивой Жўраев.

ЗАЙТУНДОШЛАР (Oleaceae) — доим яшил дарахт ва буталар оиласи. Барглари қарама-қарши жойлашган, оддий, баъзан мураккаб, чети текис ёки тишли. Гуллари рўваксимон тўпгулда ўрнашган, тўғри, қўшгулқўрғонли, икки, баъзан айрим жинсли, косачаси майда, кўпинча, тўрт тишли. Чангчиси иккита, уруғчиси битта. Уруғкуртаги икки ёки ундан ортиқ бўлиб, одатда, фақат биттасигина уруққа айланади. Меваси ҳар хил — кўсакча, қанотча, данакча ёки резавор-мева. З.нинг 600 турини бирлаштирган 29 туркуми бор. Троник, субтроник ва мўътадил иқлимли мамлакатларда, асосан, Шим. ярим шарда кўп. Экиладиган З.нинг меваси тузланган ва консерваланган ҳолда истеъмол қилинади. Доривор ва йирик гулли зайтундан эфир мойи олинади. Настарин, лигуструм ва б. манзарали ўсимлик сифатида экилади.

ЗАЙЦЕВ Александр Михайлович (1841.20.6, Қозон — 1910.19.8) — рус органик кимёгари, Петербург ФА мухбир аъзоси (1885). Қозон ун-тининг проф. (1871). Диэтилкарбинолни синтез қилган ва органик бирикмаларнинг янги синфи — лактонларни кашф этган (1873). Галогенводородларнинг тўйинмаган углеводородларга бириниш ва галогенводородларнинг алкилгалогенидлардан ажралиш қонуниятини кашф этган (бу қонуният Зайцев қоидаси деб аталади). Алкилгалогенид б-н кетон аралашмасига рух таъсир эттириб, учламчи тўйинган спирт синтез қилишнинг янги усулини таклиф этган (1885). Рух органик бирикмалар ёрдамида кетонлардан учламчи спиртлар олиш усулини ишлаб чиққан (бу усул Зайцев реакцияси деб аталади). Шогирдлари б-н бир қанча тўйинмаган углеводородлар (бутилен, диаллил ва б.) синтез қилган.

ЗАЙЦЕВ Гавриил Семёнович (1887.13.3 — Москва — 1929.17.1) — рус биолог олими, селекционер, *пахтачилик* илми асосчиларидан бири. Москва деҳқончилик мактабини (1909), Петровск қ.х. академиясини (1914) тугатган. Мирзачўл қ.х. тажриба даласи селекция бўлими мудири (1914—18), Туркистон селекция ст-яси асосчиси ва директори (1922—29). З. ғўза систематикаси, морфологияси, генетикаси, физиологияси, селекцияси соҳаларида тадқиқотлар олиб борди, шунингдек, маккажўхори, беда, ерёнғоқ, кунжут сингари экинлар селекцияси муаммолари б-н шуғулланди. З. Ўзбекистонда биринчи бўлиб ғўза қадимдан экиладиган мамлакатлардан йиғилган жаҳон ғўза коллекциясини тўплади; ғўзанинг ривожланиш фазалари қонуниятларини аниқлади; ғўзанинг ўсишида фотодаврийликнинг аҳамиятини очиб берди, натижада ғўзанинг кўп йиллик тропик шаклларини бир йиллик ўсимликларга айлантириш имкониятлари очилди. Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги и. т. ин-тига З. номи берилган (1971).



Ас.: Цветение, плодообразование и раскрытие коробочек у хлопчатника, Л., 1924; Влияние температуры на развитие хлопчатника, М., 1927; К классификации рода Cossypium L., М.—Л., 1928.

ЗАКАВКАЗЬЕ (рус. — Кавказорти) — Кавказнинг Катта Кавказ ёки Бош Кавказнинг Катта Кавказ жан.даги (Сувайирғич) тизмасидан жан.даги қисми. З.га Катта Кавказ жан. ён бағрининг кўп қисми, Колхида пасттекислиги ва Кура-Аракс пасттекислиги кириди. З.да Озаркоран пасттекислиги кириди. З.да Озарбайжон, Арманистон ва Грузия республикаларининг аксари қисми жойлашган.

ЗАКАЗНИК (рус.) — қ. *Буюртма қўриқхона.*

ЗАКАРИАДЗЕ Сергей Александрович [1909.18.6 (1.7), Боку — 1971.13.4, Тбилиси] — грузин актёри. 1928—56 й.лар Маржанишвили номидаги, 1956 й.дан Ш. Руставели номидаги грузин театрларида актёр (1969 й.дан бадиий раҳбар). Мураккаб характерли кишилар образини юксак санъат б-н яратган. Доментия («Учқундан...»), Гигаури («Унинг юлдузи»), Эдип («Шоҳ Эдип») ва б. театр саҳнасида ўйнаган энг яхши ролларидир. Кинода эса Баграташвили («Георгий Саакадзе»), Багратион («Кутузов»), Георгий Махарашвили («Солдат отаси») каби бадиий етук образлар яратган.

ЗАКАРИЁ — Қуръонда тилга олинган пайғамбарлардан бири, *Яҳё*нинг отаси. Қуръонда 8 жойда зикр қилинган, унинг насаби ҳақида бирон нарса деймаган. Қуръонда айтилишича, Марйилгани ғойибдан қизга ямни тарбиялаётган З. ғойибдан қизга ҳар кун турли таому шарбатлар, янги мевалар инъом этилаётганини кўради. Бу Аллоҳнинг марҳамати эканлигини, унинг ҳар нарсага қодирлигини билади ва қариб, заиф бўлиб қолгани, бефарзандлик доғи куйдираётганини арз этиб илтижо б-н Аллоҳдан фарзанд сўрайди. Аллоҳ малоикаларни юбориб, унга фарзанд ато этишлиги башоратини беради. Фаришталар унга нидо қилдилар: «(эй, Закариё), Аллоҳ сенга Аллоҳнинг сўзини тасдиқ этадиган, (ўз қавмига) хожа бўладиган, (шаҳватлардан ўзини) тиядиган ва солиҳ пайғамбарлардан бўладиган Яҳё исмли фарзанд хушхабарини берур» (3:39). Шунда З., менга кексалик етган, хотиним туғмас бўлса, мендан қандай фарзанд бўлсин, деди. З.га белги берилди: уч кунгача З.нинг тили Аллоҳнинг зикридан ўзга сўзга айланмай қолди. Одамларга эса фақат имо-ишора б-н муомала қилди. Бу З.нинг хотини ҳомиладор бўлганидан дарак эди. Ривоятда айтилишича, З. шайтоннинг сотқинлиги туфайли шаҳид бўлган.

ЗАКАРПАТЬЕ ВИЛОЯТИ — Украина таркибидаги вилоят. 1946 й. 22 янв.да (Закарпатье Украинаси Украинага қўшилгандан сўнг) ташкил этилган. Майд. 12,8 минг км². Аҳолиси 1288,6 минг киши (1997), асосан украинлар, шунингдек, венгер, рус, румин, словаклар ҳам яшайди. Маркази — *Ужгород* ш.

З. в. Шарқий Карпат тоғларида ва Ўрта Дунай текислигида жойлашган. Вилоят ҳудудининг 80% тоғ (энг баланд жойи Говерла тоғи, 2061 м). Фойдали қазилмалари: тошгуз, қурилиш материаллари, қўнғир кўмир, темир ва симоб рудалари. Иқлими мўътадил континентал. Янв.нинг ўртача т-раси пасттекисликда —2°, —3°, тоғларда — 5°, —9°; июлники пасттекисликда 19°—20°, тоғларда 6°. Йилига пасттекисликда 600 — 700 мм, тоғларда 1000—1400 мм ёғин ёғади. Вегетация даври 90—230 кун. Асосий дарёси Тиса. Минерал булоқлар бор. Тупроқлари пасттекисликларда чимли ва аллювиал, тоғ этакларида қўнғир-подзол, тоғларда қўнғир тоғ-ўрмон, чимли қўнғир ва чимли тоғ-ўтлоқи ҳамда торфсимон тупроқлар. Вилоят ҳудудининг 50%и ўрмон, асосан, қорақайин, қорақарағай, эман, оқ қарағай, граб ўсади. Ўрмонларда ўрмон мушуги, силовсин, бўри, тулки, қўнғир айиқ, ёввойи тўнғиз, европа елиги, асл буғу, сувсар, тийин, малла қуён яшайди. З. в. Украинанинг курорт ва туристик р-нларидан бири.

Озиқ-овқат саноатида виночилик, мева-консерва, гўшт, мой-сир ва сут, ун, мой-ёғ ва б. тармоқлар мавжуд. Минерал сув қадоқланади.

Ўрмон кимёси, ёғочсозлик, мебелсозлик, картон и. ч. корхоналари бор. Енгил саноат тармоқларидан кўнчилик, пойабзал, тикувчилик, трикотаж корхоналари мавжуд. Машинасозлик, металлсозлик, асосан, станоксозлик, приборсозлик ривожланган. Пластмасса санитария-техника буюмлари, арма-

тура, гуллдор сопол буюмлар, ғишт-черепица ишлаб чиқарилади.

Қ. х. сут-гўшт чорвачилигига ихтисослашган, қўйчилик, боғдорчилик, токчилик, ғаллакорлик б-н шуғулланилади. Пичанзор, яйловлар бор. Ғалла экинлари, техника экинлари (асосан, тамаки, кунгабоқар), картошка, сабзавот, ем-хашак экинлари экилади.

Қорамол, чўчқа, қўй ва эчки боқилади. Асосий т. й. линиялари: Чоп — Ужгород — Ужок — Львов, Чоп — Солотвина. Асосий автомобиль йўллари: Ужгород — Мукачево — Хуст — Тячев — Рахов — Ивано-Франковск ва б. Ужгород ун-ти, жамоат кутубхоналари, 3 музей, мусиқали драма театри, филармония, 800 га яқин клуб, Поляна ва Синяк бальнеологик курортлар, Ужгородда аэропорт бор.

ЗАКАРПАТЬЕ УКРАИНАСИ — Украинадаги ҳоз. *Закарпатье вилоятининг* ҳудуди. 10—11-а.ларда Киев Руси таркибида. Қад. аҳолиси — славянлар. 11-а. да Венгрия томонидан босиб олинган, сўнгра Австрия ва Австрия-Венгрия, 1919 й.дан эса Чехословакия таркибида; 1938 й. Венгрия томонидан ишғол қилинган. 1944 й. қизил қўшинлар томонидан озод қилинган, 1945 й.дан Украина таркибида.

ЗАКАСПИЙ АНТРОПОЛОГИК ТИПИ — асосий вакиллари туркманлардан ташкил топган антропологик тип. Қорақалпоқлар (Хоразм воҳасидаги), балузжлар ва эронийларнинг таркибида ҳам учрайди. Л. В. *Ошанин* Ўрта Осиёнинг жан. вилоятларида, яъни Амударёнинг жан.-ғарбида яшайдиган антропологик типни З. а. т. деб номлаган. З. а. т. вакиллари баланд бўйли, боши узун мезокефал (қ. *Бош кўрсаткичи),* кўзи, сочлари ва баданидаги жунлар қора, юзи чўзинчоқ, тор ва ўрта кенгликда, бурни тўғри ва ўрта кенгликда. З. а. т.га мансуб одам аждодларининг суяклари Жан. Туркманистонда неолит ва жез даврига оид. Тожикистон, Ўзбекистон, Оролнинг жан. томонлари ва Ғарбий Қозоғистоннинг баъзи жойларида жез даврига оид ёдгорликларда ҳам топилган. Жан. Помир саклари, Еттисув усунлари ҳам З. а. т.га мансуб бўлган.

Ад.: Ошанин Л. В., Зезенкова В. Я., Вопросы этногенеза народов Средней Азии в свете данних антропологии, сб. статей, Т., 1953; Ошанин Л. В., Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез её народов, в 3-х ч., ч. 1—3, Ереван, 1957—59.

ЗАКАТАЛИ — Озарбайжон Республикасидаги шаҳар (1840 й.дан). Закатали тумани маркази. Катта Кавказ этакларида жойлашган. Т. й. станцияси. Евлах — Шеки — Тбилиси шоссе йўли ёнида, Евлах т. й. тугунидан 152 км шим.-ғарбда. Аҳолиси 20 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Озиқ-овқат (мева-сабзавот консерва, тамаки, чой қадоқлаш ва б.) саноати корхоналари, мебель ф-каси, тарих-ўлкашунослик музейи бор. Туризм ривожланган. З.га 1830 й. Янги З. сифатида асос солинган.

ЗАКОПАНЕ — Польшадаги шаҳар, Татра тоғлари этагида, 850 м баландликдаги тоғ оралиғидаги сойликда жойлашган. Аҳолиси 30 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). З. — тоғ иқлим курорти. Июлнинг ўртача т-раси 15°, янв.ники —5°, ўртача йиллик ёғин 1000 мм. Қишда қуёшли кунлар кўп бўлади, қор узоқ сақланади. Санаторийлар, дам олиш уйлари, меҳмонхоналар, пансионатлар бор. Альпинизм, туризм ва қишки спорт мусобақаларининг миллий маркази. З. ёғочдан бадиий буюмлар ясаш ва спорт чанғилари ишлаб чиқариш б-н машҳур. Татра музейи бор.

ЗАКОТ (араб. — тозаланиш, садақа бериш) — мол-мулк ва даромаддан бериладиган садақа, хайр-эҳсон. Ислом-нинг 5 асосий талабларидан бири. *Шариатга* мувофиқ, муайян бойликка эга бўлган катта ёшдаги мусулмон З. берави ва қарамоғидагиларнинг зарурий эҳтиёжларидан ортиқча бўлиши лозим. Бу маблағга кишининг жамғармаси, лўконда сотиладиган нарсалари, сотаман деб олиб қўйган нарсалари, бировга берган қарзи киради. Қуръони каримнинг айрим сураларида З. намоз б-н ёнма-ён зикр этилган. У йилда бир марта берилиши шарт бўлган хайр-эҳсон (садақа) қаторига киради ва айни вақтда ибодат ҳисобланади, З. миқдори маблағларнинг 1/40 улуши (2,5%)га тенг. З.ни закот беролмайдиган мусулмонлар олишга ҳақли. З. аввал қариндай қариндошлар орасидаги муҳтожларга, бундошлар орасидаги муҳтожларга, бунқарздор, мусофирларга берилади. Дехқонлар ва чорвадорлардан олинадиган З. миқдори бир оз бошқачароқ белгиланган. З.нинг асл ҳикмати фақир ва муҳтожларнинг ҳожатини чиқармоқдир.

Ад.: Имомал-Бухорий, Ҳадис, 1-ж. Т., 1991; Марғиноний Бурҳониддин, Ҳидоя, 1-ж., Т., 2000.

ЗАКС Нелли (1891—1970) — немис шоираси. 1940 й.дан Швецияга эмиграцияга кетган. «Ўлим масканлари» (1947), «Ғамгин юлдузлар» (1949), «Келажакни ҳеч ким билмайди» (1957), «Қочиш ва эврилиш» (1959), «Тирик ларни излаш» (1971) каби шеърий китоблари бор. 1943—44 й.ларда диний мавзуда «Эли» номли драма ёзган. 1951 й. нашр этилган. З. шеърларида диний мавзу, христианлик мотивларига таяниш, шунингдек, Инжилга хос рамзларни қўллаш асосий ўрин тутади. Нобель мукофоти лауреати (1966).

ЗАКСЕНХАУЗЕН (Sachsenhausen) — немис фашистларининг Потсдам ш. яқинидаги концлагери. 1936 й.да ташкил этилган. Лагерда 100 мингдан ортиқ маҳбус ўлдирилган. 1945 й. апр.да Совет Армияси томонидан озод этилган. 1961 й.да З.да халқаро музей ташкил қилинган.

ЗАЛ (нем. Saal) — кўпчиликка мўлжалланган катта хона, хонақоҳ, талор. З.лар ҳашаматли саройларнинг асосий қисми сифатида барпо этилган. Бундай З.ларда ҳар хил қабул маросимлари, зиёфат ва тантанали мажлислар ўтказилган. З.нинг қурилиши ва безакларида турли халқларнинг ўзига хос миллий меъморлик анъаналари ўз ифодасини топган. Уйғониш даврида З.лар қурилиши юксак даражада ривожланган. Кейинчалик З.ларнинг омма ижтимоий-сиёсий ва маданий хизмат кўрсатадиган турли кўринишлари яратилди: мажлис З.лари, концерт, спорт, клуб, музей, кутубхона, қироатхона З.лари, вокзал, аэропорт З.лари, кино ва театр биноларининг томоша З.лари ва ҳ.к.

ЗАЛВАР МАССА, маховик — пўлат ёки чўяндан ясалган катта гардишли ғилдирак. Поршенли двигателлар, компрессорлар, насослар ва б. машиналарнинг етакчи валига валнинг бир текисда айланишини таъминлаш учун ўрнатилади. З. м. айланувчи тизимнинг бурчак тезлиги ошган пайтдаги кинетик энергияни тўплайди (аккумуляциялайди), бурчак тезлик пасайган пайтда уни валга беради. Булардан ташқари З. м. поршенли двигателларда поршеннинг чекка ҳолатлар (юқориги ва пастки) ни енгиб ўтишга имкон беради. Инерцион двигателларда З. м. йиғган энергиядан машинани юргизиб юборишда фойдаланилади (қ. *Жиробус).*

ЗАЛЗАЛ Мансур ибн Жаъфар ад-Доконлик созанда (барбат, уд). Тоғаси Иброҳим ал-Мавсилийдан таълим олган. Бағдоддаги саройларда моҳир созанда сифатида шуҳрат топган. Машҳур «Бағдод санъат академияси» асосчиларидан. Удни такомиллаштирган, уднинг 22:27 нисбатли *пардасини* асослаштиро қилган, кейинчалик у «вустаи Залзал» номи б-н юритилган.

ЗАЛИЛИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Муҳаммад Содиқ) (тахм. 1674, Ёркент — ?) — уйғур шоири. Уйғур адабиётида реализм асосчиларидан. Ёркентдаги мадрасада таҳсил олган. Араб ва форс тилларини ўрганган. Бизгача битта тўплами етиб келган. Унга «Сафарнома» (1720), «Тазкираи чистон» (1736), «Тазкираи Муҳаммад Шариф Бузургвор» (1744) каби достонлар ҳамда 2 қасида, 133 ғазал, 19 мухаммас, 26 рубоий, 5 мустаҳзод ва форс тилида ёзилган 46 ғазали жамланган. Асарларида ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳи етакчилик қилади.

ЗАЛТИКАТ — Тошкент вилоятининг Зангиота қишлоғи ўрнида бўлган қад. шаҳар харобаси (6—15-а.лар). З. *Бинкат*дан Самарқандга борадиган савдо йўлидаги дастлабки йирик марказ бўлган (Истахрий). З. катта тепа (220×400 м²) ва унинг жан.-шарқида жойлашган икки кичик тепадан ташкил топган. Катта тепанинг шим.-шарқий бурчагида арк (200 м²) жойлашган. Унинг қалин девори (1,5 м) хом ғиштдан (40×40×10×14 куб см) ишланган бўлиб, 5 м гача баландликда сақланган. Турар жой қолдиқлари, сопол идишлари, тақинчоқлар топилган.

ЗАЛЬКАЛН, Залькалнс Теодор [1876.18 (30).11, ҳоз. Латвиянинг Рига тумани — 1972.6.12, Рига] — латиш ҳайкалтароши, Халқ рассоми (1957), БА нинг ҳақиқий аъзоси (1947), Меҳнат Қаҳрамони (1971). Петербург (1893—99), Париж (1899—1901, О. Роден устахонаси)да таҳсил кўрган. 1920 й.дан Ригада яшаган. Латвия БАда ҳайкалтарошлик кафедраси мудири (проф., 1944—58). З. асарлари умумлашма шаклли, тектоникасининг қатъийлиги б-н ажралиб туради. Портретлар («А. Кирхенштейн», гипс, 1946; «Ф. Блумбах», терракота, 1956 ва б.), қабр тошлар («Я. Порук», гранит, 1930; «О. Лацис», гранит, 1945 ва б.), ҳайкаллар («Р. Блауманис», гранит, 1929; «А. Кронвальд», бронза, 1938 ва б.), анималистика асарлари, медаллар яратган.

ЗАЛЬЦБУРГ (нем. Salz—туз ва burg—шаҳар) — Австриянинг марказий қисмидаги шаҳар. Зальцах дарёсининг ҳар икки соҳилида, 1300—2000 м баландликда, Зальцбург сойлигида жойлашган. Зальцбург ерининг маъмурий маркази. Аҳолиси 144,2 минг киши (2000). Транспорт йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Тўқимачилик, озиқ-овқат, машинасозлик, полиграфия, ёғочсозлик саноати корхоналари мавжуд. Мусиқа асбоблари ишлаб чиқарилади; мармар қайта ишланади.

З. ўрнида қадимда кельтлар яшаган, римликлар З.ни Ювавум деб атаган. 11—12-а.лардан З. атрофидан кўплаб туз қазиб олина бошлаган. 1805 й.дан З. Австрия, 1810 й.дан Бавария, 1815 й.дан яна Австрия таркибида. З.да В. Моцарт туғилган уй, Каролина Августа музейи бор. Меъморий ёдгорликларидан эски шаҳар қисмида (дарёнинг чап соҳили) барокко услубидаги собор (1611—28), архиепископ қароргоҳи (1120), черковлар ва б. сақланган. Янги замонавий бинолар дарёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Фестивалларидан халқаро фестивалларидан бўлиб туради. Туризм маркази. Ун-т бор.

ЗАМА — Шим. Африкадаги қад. шаҳар; ҳоз. Ал-Каф ш. (Тунис) яқинида жойлашган. З. яқинида *Сципион* армияси мил. ав. 202.19.10.да карфагенликларнинг *Ганнибал* қўмондонлиги остидаги армиясини енгган, натижада 2-*Пуни уруши* (мил. ав. 218—201) Рим фойдасига якунланган.

ЗАМАХШАР, Зумухшир, Зумукшир — Хоразмдаги қад. шаҳар, баъзи маълумотларга кўра қишлоқ; Маҳмуд ибн Умар *Замахшарий* ватани. Ҳоз. Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти Тахта туманидаги қишлоқ ўрнида бўлган. З. араб географи Муқаддасий асарида шундай таърифланган: «... унча катта бўлмаган қишлоқ, унда девор, хандақ, қамоқхона, темир б-н қопланган дарвозалар, ҳар кеча кўтариб қўйиладиган кўприклар бор. Уни катта йўл кесиб ўтади; жоме масжиди чиройли. У бозорнинг четига жойлашган». В.В. *Бартольд* фикрича, З. Хивадан 80, *Қўҳна Урганч*дан 125 чақирим келадиган Зумукшир харобалари ўрнида бўлган. Туркманлар уни Измихшир деб аташган. З. харобаларини М.В. Воеводский (1934), Я. Ғуломов (1936), С.П. Толстов (1938) бошчилигидаги экспедициялар текширган.

ЗАМАХШАРИЙ (нисбаси; тўлиқ исм-шарифи Абулқосим Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад) (1075.18.3, Хоразм, Замахшар қишлоғи — 1144, ҳоз. Кўҳна Урганч) — тилшунос, адиб, тафсир ва ҳадис олими. Оиласи исломнинг муътазила таълимотига эътиқод қўйган бўлиб, З. дунёқараши диндор, тақводор отасининг таъсирида шаклланган, дастлабки билимини ҳам ўз отасидан олган. З. илм-фаннинг турли соҳалари, айниқса, араб тили ва адабиётини, диний илмларни, шунингдек, ўша даврда илм аҳли орасида қадрланган хаттотлик санъатини ҳам мукаммал эгаллайди. Устози — тил, луғат ва адабиёт соҳасида машҳур олим Абу Мудар Исфахоний (1113 й. Марвда вафот этган) дан илм ўрганади. Талабалик ёшига етгач, билимини янада ошириш, ҳар томонлама камол топтириш мақсадида Бухорога йўл олади. Бу ерда у шайх улислом Абумансур Наср Ҳорисий, Абусаъд Шаққоний ва Абулхаттоб ибн Абулбатр каби олимлардан сабоқ олади. Бухорода ўқишни тугатгач, бир неча йил *Хоразмшоҳлар* хизматида бўлиб, котиблик б-н шуғулланади, ҳукмдорларга яқинлашишга уринади. Бироқ қобилияти, илми, фазилатига яраша бирор мансаб ва муносиб эътибор кўрмагач, ўзга юртларга сафар қилади. Марв, Нишопур, Исфаҳон, Дамашқ, Бағдод ва Ҳижозда, 2 марта Маккада бўлади. Бу ерда илмий ишларини давом эттириб, араб тили грамматикаси ва луғатини ҳамда маҳаллий қабилаларнинг лаҳжалари, мақоллари ва урф-одатларини чуқур ўрганади, минтақа географиясига оид хилма-хил маълумотларни тўплайди. З. кўп асарларини Маккада ёзади. Шу боисдан у Жоруллоҳ («Аллоҳнинг қўшниси») деган шарафли лақабга муяссар бўлган.

З. араб грамматикаси, луғатшунослик, адабиёт, аруз илми, география, тафсир, ҳадис ва фиқҳга оид 50 дан ортиқ асарлар яратган. Уларнинг аксарияти бизгача етиб келган. З.нинг «Ал-Муфассал» («Грамматика бўйича муфассал китоб», 1121) асари араб тили наҳву сарфини ўрганишда йирик қўлланма сифатида азалдан Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам шуҳрат топган. Шом (Сурия) ҳокими Музаффариддин Мусо кимда-ким З.нинг ушбу асарини ёд олса, унга 5 минг кумуш танга ва саруполо совға қилишни ваъда берган. Бир қанча кишилар асарни ёд олиб, мукофотга сазовор бўлишган. «Ал-Муфассал»нинг ихчамлаштирилиб, мухтасар ҳолатга келтирилган нусхаси «Ал-Унмузаж» («Намуна») номи б-н аталади. Грамматикага оид асарларидан «Шарҳ абйат китоб Сибавайҳ» («Сибавайҳ китобининг шарҳи») — араб тилшуноси Сибавайҳ (796 й. вафот этган)нинг китобига ёзилган мукаммал шарҳдир. З.нинг Отсиз Хоразмшоҳга бағишлаб ёзилган «Муқаддимат ул-адаб» («Адаб илмига муқаддима», 1137) асаридаги арабча сўзлар остида форсий ва туркий таржималарнинг берилиши ўзбек тарихий лексикологияси учун қимматлидир. Асар 5 катта қисмга бўлинган бўлиб — отлар, феъллар, боғловчилар, от ўзгаришлари ва феъл ўзгаришлари ҳақида баҳс юритади. Ушбу асарда З. ўша давр араб тилининг истеъмолда бўлган барча сўзлари, ибораларини қамрашга интилган, уларнинг этимо-

логиясига катта эътибор берган. Асар арабчадан форс, чиғатой, мўғул ва турк тилларига, биринчи марта 1706 й. Хўжа Исҳоқ афанди томонидан усмонли турк тилига таржима қилинган. З. асарларида услубшунослик ва шеършунослик ҳақида ҳам фикр юритилган; бадиий тасвир воситаларига қисқа, аниқ ва нозик изоҳлар берилган. Мас., киноя б-н таъриз санъатлари орасидаги фарқ кўрсатиб берилган. 3500 га яқин араб мақолларини тўплаб, уларни изоҳлаган («Ал-Мустақсо фил-амсол» — «Камолга етган мақоллар»).

«Китоб ал-жибол вал-амкина валмийоҳ» («Тоғлар, жойлар ва сувлар ҳақида китоб») асарида географик жойлар, тоғлар ва денгизларга доир қимматли маълумотлар келтирилган. З.нинг бу асари Ғарб олимлари ўртасида ҳам машҳур бўлган, 1856 й. голландиялик арабшунос олим Сальверда де Граве томонидан мукаммал тадқиқ қилинган ҳолда нашр этилган. «Асос ал-балоғат» («Нотиқлик асослари») асари луғатшуносликка бағишланган. Унда араб тилининг фасоҳати, мукаммаллиги ҳақида сўз боради. Фикрни чиройли ибора ва сўзлар б-н ифодалаш, сўз бойлигидан усталик б-н фойдаланиш учун киши фасоҳат, балоғат илмларидан яхши хабардор бўлиши керак. Бунинг учун сўзни тўғри, ўз ўрнида ишлатиш, қоидага мувофиқ сўзлаш ва ёзиш ҳам керак бўлган. Бу асарда адабиётнинг асосий қисмлари, фразеологик сўз бирикмалари, уларнинг амалда тадбиқ этиш йўллари чуқур таҳлил этилган. «Ал-фоиқ фи ғариб ал-ҳадис» («Ғариб ҳадислар ҳақида қимматли китоб») асари ҳадисда учрайдиган, маъносини англаш қийин бўлган иборалар, сўзлар ҳақида. «Атвоқ уз-заҳаб фил-мавоъиз вал-хутаб» («Хутбалар ва ваъзлар баёнида олтин шодалар») — насиҳатомуз мақолалар тўпламидан иборат. «Рабиъ ул-аброр ва нусус ул-ахйар» («Эзгулар баҳори ва яхшилар баёни») асарида адабиёт, тарих ва б. фанларга оид ҳикоялар, латифалар, суҳбатларнинг энг саралари жамланган. З.нинг аруз вазни ҳақида баҳс юритувчи «Ал-Қустос фил-аруз» («Арузда ўлчов») асари муҳим манбалардан ҳисобланади. «Мақомат» («Мақомлар») — 50 мақомдан иборат бўлиб, қофияли наср — сажъ услубининг нозик намуналарини ўзида мужассам этган муҳим асардир. З. ҳикматли сўзлардан иборат «Навобиғ ул-калим» («Нозик иборалар»); дидактик руҳдаги «Ан-насоуҳ ус-сиғор вал баволиғ ул-кибор» («Кичикларга насиҳатлар ва улуғлар етуклиги») ҳамда лирик ва фалсафий шеърлар, қасида, фахрия, назмий мактубларни ўз ичига олган «Девон уз-Замахшарий» каби асарлар ҳам яратган. «Ал-Кашшоф ан ҳақоиқ итганзийл ва уйун ил-ақовийл фи вужуҳ ит-таъвийл» («Қуръон ҳақиқатлари ва уни шарҳлаш орқали сўзлар кўзларини очиш», 1132—34) асари Қуръон тафсирига бағишланган. Дунёнинг турли қўлёзма хазиналарида «Ал-Кашшоф»нинг 100 га яқин қўлёзмалари ва асарнинг ўзига битилган 20 дан ортиқ шарҳ ҳамда ҳошиялар мавжуд. Қоҳирадаги машҳур Ал-Азҳар дорилфунунининг талабалари ҳам бошқа тафсирлар б-н бир қаторда З.нинг ушбу асари асосида Қуръон ўрганадилар. Асарларининг қўлёзмалари Германия, Миср, Туркия, Эрон, Франция ва Россияда сақланади. З. асарлари немис, француз ва б. тилларда нашр этилган. Замондошлари Абусамад Муҳаммад Самъоний, *Ёқут Ҳамавий*, Жамолиддин Қифтий З. ижодига юксак баҳо берганлар.

З. ижодининг айрим томонларини Шарқ (А. З. *Валидий*, Муҳаммад Козимбек), ўзбек (А. *Рустамов*, У. *Турсунов*, У. Уватов, З. Исломов, М. Ҳакимжонов ва ғарб (*Брокельман, Зайончковский* ва б.) олимлари тадқиқ этганлар. Тошкент кўчаларидан бирига, мактаб, жоме масжидига З. номи берилган.

Ад.: Рустамов А., Маҳмуд Замахшарий, Т., 1971; Уватов У., Нозик иборалар, Т., 1992; Уватов У., Маҳмуд аз-Замахшарий, Т., 1995; Маънавият юлдузлари, Т., 2001.

Алибек Рустамов, Убайдулло Уватов.

ЗАМБАРАК, тўп — душманнинг жонли кучларига талофат етказиш, жанговар техникани ишдан чиқариш ҳамда мудофаа иншоотларини вайрон қилишга мўлжалланган артиллерия қуроли (қ. *Артиллерия, Тўп*).

ЗАМБЕЗИ — Африканинг жан.даги (Жазоир, Замбия, Намибия, Зимбабве, Мозамбик ҳудуди) дарё. Уз. 2660 км, ҳавзасининг майд. 1330 км². Замбия ҳудудидаги Лунда платосидан, 1100 м баландликдан бошланади. Асосий ирмоқлари — Кафуэ, Луангва, Шире. Баъзи йилларда З. ҳавзасига Окаванго (Кубанго) дарёси ҳам қўшилиб кетади. Африканинг энг йирик кўлларидан бири Ньяса ҳам З. ҳавзасига мансуб. Юқори оқимида 1200 км масофада текисликдан оқади. Ўрта оқимида қаттиқ жинслар устидан ўтган жойларда остона ва шаршаралар (Виктория шаршараси ва б.) ҳосил қилган. Қуйи оқимида водийси ва ўзани жуда кенг. Мозамбик қўлтиғига 120 км қолганда дельтаси бошланади. Асосан, ёмғирдан сув олади. Ёнгингарчилик даври (дек.—апр.) да тўлиб оқади. Йилига 100 млн. т оқизиқ келтиради. Қуйилиш жойида ўртача сув сарфи 16 минг м³/с. З.нинг гидроэнергия ресурслари ниҳоятда катта. Ўрта оқимида Кариба сув омбори (майд. 5200 км²) ва ГЭС (705 минг кВт) қурилган. Кемалар, асосан, З.нинг Замбия ҳудудида қатнайди. Дельтасида Шинде порти бор. З. ва унинг ирмоқларидан балиқ овланади. З. ҳавзасини биринчи марта инглиз сайёҳи Д. *Ливингстон* 1851—56 ва 1858—62 й.ларда тадқиқ қилган.

ЗАМБИЛ, замбар, занбил — 1) тюк (гишт, тош, шағал, гўнг ва б.) ташиладиган хўжалик ва қурилиш асбоби; тўқима З. ва тахта З. турлари бор. Тўқима З. ясашда 2 м ча узунликдаги икки параллел ходачани 80—100 см оралиқда ўрнатиб, унга тут, тол хипчини тўқиб чиқилади. Тахта З. учун параллел рейкалар ўртасига тахта қоқилади. З.да юкни икки киши ташийди. З.нинг замбилғалтак тури ҳам бор. Унинг торроқ бўлган олд томонига ғалтак (ғилдирак) ўрнатилади. Замбилғалтак З.га нисбатан қулай ва енгил, унда юкни бир киши ташийди; 2) бемор (яradор) ларни даволаш муассасасига элтишда ишлатиладиган мослама. Бундай З., одатда, санитария З.и деб аталади. Уни икки киши кўтаради; 3) зилдай оғир, зил каби мажозий маъноларда ҳам ишлатилади.

ЗАМБИЯ (Zambia) Замбия республикаси (Republic of Zambia) — Марказий Африкадаги давлат. Майд. 752,6 минг км². Аҳолиси 10,3 млн. киши (2001). Пойтахти — Лусака ш. Маъмурий жиҳатдан 9 вилоят (провинция)га бўлинади.

Давлат тузуми. З. — республика. Буюк Британия бошчилигидаги *Ҳамдўстлик* таркибига киради. Амалдаги конституция 1996 й.да қабул қилинган. Давлат бошлиғи — президент. У умумий ва тўғри овоз бериш йўли б-н 5 й. муддатга сайланади. Президент Вазирлар Маҳкамаси раиси ҳамдир. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни президент ва бир палатали парламент — Миллий ассамблея, ижрочи ҳокимиятни президент ва ҳукумат амалга оширади.

Табиати. З. Шарқий Африка ясситолигида, Жан. ярим шарнинг субэкваториал минтақасида жойлашган. Ҳудуда тоғ ва тепаликлар учрайди, аксар қисмининг бал. — 1000—1350 м. Энг баланд жойи — Мучинга тоғидаги Мумпу чўққиси (1893 м). Кенг ясси ботиқларининг кўпи Шарқий Африка



Замбия герби.

синиқлари зонасига киради. З.да мис, рух, қўрғошин, ванадий, темир, уран рудалари, марганец, графит, олтин, қалай, тошкўмир конлари бор.

Иқлими субэкваториал. З.да йил давомида аниқ уч мавсум кузатилади: иссиқ ва қуруқ (авг.—окт.), илиқ ва сернам (нояб.—апр.), қуруқ ва салқин (май—июль). Энг иссиқ ой (окт.)нинг ўртача т-раси 23—27°, энг салқин ой (июль)ники 15—20°. Йиллик ўртача ёғин жан.да 700 мм дан шим.да 1400 мм гача. Йирик дарёлари: Замбези ва унинг ирмоқлари — Кафуэ ва Луангва. Дарёлари серостона бўлганидан кемалар дарёларнинг баъзи жойларидагина қатнайди. Замбези дарёсида *Виктория* шаршараси бор. Энг йирик кўли — Бангвеулу; Танганьика кўлининг жан., Мверу кўлининг шарқий қисми ҳам З. ҳудудида. Ёғин кўпроқ ёғадиган жойлардаги қизил латерит тупроқли ерлар мавсумий сернам тропик ўрмон ва баланд ўсадиган ўтли саванналардан иборат. Қуруқ иқлимли жойларида жигарранг-қизил ва қизил-қўнғир тупроқлар тарқалган. Мамлакат ҳудудининг 1/2 қисмини сийрак дарахтли қуруқ тропик ўрмонлар эгаллаган. Саванналарда фил, буйвол, каркидон (2 тури), зебра, кийик, арслон, қоплон, чиябўри ва б. бор. Қуш ва судралувчилар (жумладан нил тимсоҳи, кобра ва б.) кўп. Дарё ва кўллари балиққа бой. Цеце пашшаси чорвачиликка катта зиён етказади. 20 га яқин миллий боғи (Кафуэ, Сиома-Нгвези, Шим. ва Жан. Луангва ва б.) бор.

Аҳолисининг 99% банту оиласининг турли гуруҳига мансуб африкаликлар; асосийлари бемба, тонга, лози, лунда, малави ва б. Европаликларнинг аксарияти инглиз ва африканерлар. Осиёликлар ҳам бор. Расмий тил — инглиз тили. Аҳолисининг 80%и христианлар бўлиб, уларнинг кўплари маҳаллий анъанавий динларга ҳам эътиқод қилади. Шаҳар аҳолиси 42%. Йирик шаҳарлари: Лусака, Китве-Нкана, Ндола, Муфулира.

Тарихи. З. ҳудудида узоқ ўтмишда одамлар яшагани маълум. Аниқланган ёдгорликлар палеолит даврига мансуб. Кабве ш. атрофида ибтидоий инсон суяклари топилган. Гуишо булоғи яқинида ва Начикуфу ғорида истиқомат қилган кишилар ов ва ёввойи меваларни териш, балиқчилик б-н шуғулланганликлари аниқланган. 17—18-а.ларда З.да банту тилида сўзлашувчи қабилалар ҳукмронлик қилган. Бу даврда деҳқончилик, чорвачилик ва темирчилик ривожланган. 18-а. охирида З.га португаллар, кейинчалик инглизлар кириб келган пайтда кичик-кичик давлатлар ва қабила уюшмалари бўлган. Уларнинг моддий маданияти юқори даражада ривожланган эди. 19-а.нинг 90-й.ларида З.ни Британиянинг С. Родс бошчилигидаги Жан. Африка компанияси босиб олиб, дастлаб икки ҳудудга бўлиб бошқарди. 1911 й. бу икки ҳудуд Шим. Родезия номи б-н бирлаштирилди. 1924 й. Шим. Родезия Британия протекторати деб эълон қилинди. Йирик мис ва полиметалл руда конлари топилиши б-н кончилик саноати ривожланди, шаҳарлар ва т.й.лар қурила бошлади. Анъанавий деҳқончилик таназзулга учраб, деҳқонлар хонавайрон бўлди. 20—30-й.ларда мустамлака тузумига қарши уюшган ҳолда кураш бошланди. 1935 ва 1940 й.лари мис конларида йирик ғалаёнлар бўлиб ўтди. Норозиликлар қурол ёрдамида бостирилди. 2-жаҳон урушидан сўнг Шим. Родезияда мустамлакачиларга қарши кураш кучайди. Бунга Африка миллий конгресси, Африка кон ишчилари касаба уюшмаси раҳбарлик қилди. 1953 й. Родезия Федерацияси ва Ньясаленд тузилиб, унга Шим. Родезия ҳам қўшиб олинди. 1958 й. З. миллий конгресси Африка миллий конгрессидан алоҳида партия бўлиб ажралиб чиқди. Кейинчалик унинг асосида К. Каунда раҳбарлигида Миллий мустақиллик бирлашган партияси тузилди (1959). 60-й.лар бошида мамлакатда федерациядан чиқиш ва мустақил давлат тузиш учун кураш кучайди. Натижада Шим. Родезия 1964 й. янв.да ўзини ўзи идора қилиш ҳуқуқини олди. 24 окт.да эса мустақил З. Республикаси деб эълон қилинди ва президентликка К. Каунда сайланди. 1968—69 й.ларда З. ҳукумати мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш мақсадида энг йирик чет эл савдо, саноат ва мис конлари компаниялари устидан назорат ўрнатди. 1973 й.даги конституцияга кўра, «Замбия инсонпарварлиги» сиёсий дастури қабул этилди. У хусусий мулкчиликни сақлаб қолган ҳолда оддий инсон эҳтиёжларини тўлиқ қондириш мақсадини қўйди. 1991 й. кўп партияли асосдаги сайловда Ф. Чилуба




Замбия байроғи.

З. президенти этиб сайланди. З. 1964 й.дан БМТ аъзоси. ЎзР б-н дипломатия муносабатлари 1994 й. 1 фев.да ўрнатилган. Миллий байрами — 24 окт. — Мустақиллик эълон қилинган кун (1964).

Асосий сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Кўп партияли демократия учун ҳаракат, 1990 й.да тузилган; Миллий мустақиллик бирлашган партияси, 1959 й.да тузилган; З. демократик конгресси, 1995 й. тузилган; Миллий партия, 1993 й. тузилган; З. кун тартиби, 1996 й. асос солинган; Демократия ва тараққиёт учун анжуман, 2001 й.да Кўп партияли демократия учун ҳаракат партияси парчаланиши натижасида тузилган. З. касаба уюшмалари конгресси 1965 й.да тузилган, Умум Африка касаба уюшмалари федерацияси аъзоси.

Хўжалиги. З. мустамлакага айланган давридан унинг иқтисодиёти дунё бозорига, асосан, Буюк Британияга фақат мис ва полиметаллар етказиб беришга ихтисослашиб, хўжалигининг бошқа тармоқлари кон саноатига хизмат қилиб келди. Ялпи ички маҳсулотда тоғ-кон саноати 9%, и.ч. саноати 31,8%, қ.х. 18% ни ташкил этади.

Саноати. Тоғ-кон саноати ва рангли металлургия ривожланган. З. мис рудаси захираси бўйича дунёда олдинги ўринларда туради. Мис 6 йирик конидан қазиб олинади. Мис б-н бирга кобальт, кумуш ва олтин ҳам чиқади. Полиметалл рудалари ва кадмий, гипс, тальк ва қурилиш материаллари конлари ҳам бор. И.ч. саноати рангли ме-



таллургия корхоналаридан ташқари озиқ-овқат, нефтни қайта ишлаш, машинасозлик, металлсозлик, цемент саноати тармоқларидан иборат. Тегирмонлар ва новвойхоналар, кушхоналар, қанд з-длари, сут маҳсулотлари, сариёғ, мол ёғи ва ўсимлик мойи и.ч. корхоналари, тамаки корхоналари ишлайди. Кафуэда тўқимачилик, Лусакада пахта тозалаш ф-калари бор. Кимё ва нефтни қайта ишлаш саноати ўғитлар, бўёқлар, локлар, автошиналар, пластмасса ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Қоғоз саноати ривожланмоқда. Чиланга ва Ндоладаги цемент з-длари бинокорлик ашёлари саноатида етакчилик қилади. Капири-Мпошида ойна ва шиша идишлар ишлаб чиқарувчи з-длар, Луаншьеда электр симлари, кабель, шпатлар, мис ва алюминий буюмлари, Лусакада қора металлардан турли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи з-длар мавжуд. Машинасозлик корхоналари орасида энг йириги — Ливингстондаги автомобиль йиғув з-дидир. Радиоаппаратлар, қ.х. анжомлари ишлаб чиқарувчи з-длар ҳам бор. Бир йилда ўртача 7,8 млрд. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

Қишлоқ хўжалигида мамлакат иқтисодий фаол аҳолисининг 76% банд. Faллачилик — деҳқончиликнинг асоси. Асосий қ.х. экини маккажўхори бўлиб, у Лунда, Мазабука, Тонга платоси, Баротса текислиги, Луангва дарёси водийси ерларида, тариқ ва жўхори Луапула, Шим. ва Шим.-ғарб вилоятларида, Луангва, Замбези дарёлари водийларида етиштирилади. Оз миқдорда буғдой экилади, у ички эҳтиёжнинг атиги 10% ини қондиради. Шоли, пахта, ер ёнғоқ, соя, кунгабоқар, шакарқамиш, тамаки, чой, кофе, мева ҳам етиштирилади. Мамлакат озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларини ўзи қоплай олмайди. Чорвачиликдаги моллар асосан яйловда боқилади. Яйловларда озиқ камлиги ва цеце пашшасининг кўплиги чорвачиликни ривожлантиришга йўл қўймайди. Мамлакатда гўшт, сут ва сут маҳсулотлари етишмайди. З. ҳудудининг 17% га яқини ўрмон б-н қопланган. Ўрмонлардаги қарағай, эвкалипт дарахтларидан асосан кончиликда шпал ва мустаҳкамлагич сифатида фойдаланилади, родезия тики (қаттиқ ёғоч) ички бозорни таъминлайди ва четга сотилади. Ўрмонлардаги дарахтларни кесиш ва қайта ишлаш б-н давлат компаниялари шуғулланади.

Балиқчилик — африкалик аҳолининг анъанавий машғулоти. Балиқ, асосан, Бангвеулу, Мверу, Чиши, Танганьика кўлларида, Кафуэ, Замбези, Луапула дарёларида, Луканга ботқоқлигида овланади.

Транспорти. З.да 2 т.й. линияси бўлиб, улар давлат томонидан бошқарилади. Т.й.нинг уз. — 2,2 минг км. Автомобиль йўллари уз. — 37,4 минг км, шундан 14 минг км қаттиқ қопламали. Ички сув йўлларининг уз. — 2250 км. Ички порти Танганьика кўлидаги Мпулунгу портидир. З. ҳудуди орқали Дор ус-салом—Ндола нефть қувури ўтказилган. Халқаро аэропортлари: Лусака, Ндола, Ливингстонда.

З. четга мис, рух, кобальт, қўрғошин чиқаради. Четдан машина ва асбоб-ускуналар, ёқилғи, кимё маҳсулотлари, озиқ-овқат олади. Асосий мижозлари: АҚШ, Франция, Япония, Италия, Буюк Британия. Пул бирлиги — квача.

Соғлиқни сақлаш. Давлатга қарашли даволаш муассасалари бепул. Бундан ташқари Лусака ва Коппербелтда хусусий тиббий муассасалар фаолият кўрсатади. Врачлар З. ун-ти ҳузуридаги тиббиёт мактабида тайёрланади.

Маорифи, маданий-маърифий ва илмий муассасалари. З. мустақилликка эришгач, бошланғич мактабларда африкалик болалар европаликлар б-н бирга ўқитила бошлади. Болалар 7 ёшдан бошлаб 7 й.лик бошланғич мактабда ўқийди. Бошланғич мактабнинг 1—4-синфларида дарслар она тилида, сўнг инглиз тилида олиб борилади. Ўрта мактаб 5 й.лик. Бошланғич мактаблар учун ўқитувчилар кичик (тўлиқсиз) ўрта мактаб негизида пед. билим юртларида 2—3 й. давомида тайёрланади. Кичик ўрта мактаб ўқитувчилари эса тўлиқ ўрта мактаб негизида пед. колежларида 2 й. давомида, тўлиқ ўрта мактаб ўқитувчилари ун-тда тайёрланади. Ҳунар-техника таълими бошланғич мактаб негизидаги ҳунар мактабларида ва ҳунармандчилик ўқув юртларида амалга оширилади. Лусакада ун-т (8 ф-т), Китве-Нканада унинг филиали бор. З.да яна бир қанча ин-т ва коллежлар, шу жумладан Миллий ижтимоий бошқарув ин-ти, амалий ҳунармандчилик ва тижорат коллежи, техника коллежи, миллий ресурсларни ривожлантириш коллежи (ҳаммаси Лусакада), бошқа шаҳарларда ҳам турли коллежлар мавжуд.

Йирик кутубхоналари: Лусакада З. унти кутубхонаси, З. кутубхоналар маҳкамаси, З. миллий архиви, шаҳар оммавий кутубхонаси. Ндола ва Китве-Нканада оммавий кутубхоналар бор. Музейлари: Лусакада К. Каунда уй-музейи, Миллий мустақиллик бирлашган партияси сиёсий музейи, Ливингстондаги музей, Ндола ва Мбаладаги музейлар.

Илмий муассасалари: Лусакада Миллий и.т. кенгаши, Геол. хизмати, З. ун-ти ҳузуридаги Африка тадқиқотлари ин-ти, Пед. тадқиқот бюроси, Чиланида Балиқчилик марказий тадқиқот ин-ти, Мазабукада Марказий ветеринария ст-яси, Китве-Нканада Ўрмон-техника тадқиқот бюроси, Тиббиет тадқиқот бюроси ва б. Бир қанча илмий жамият ва уюшмалар бор.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. З.да бир қанча газ. ва жур. лар нашр этилади. Йириклари: «Замбия гавернмент газетт» («Замбия ҳукумат газетаси», инглиз тилидаги кундалик газ., 1911 й. ташкил этилган), «Замбия дейли мейл» («Замбия кундалик хабарлари», инглиз тилидаги кундалик газ., 1960), «Таймс оф Замбия» («Замбия вақти», инглиз тилидаги кундалик газ., 1943), «Интанда» («Юлдуз», тонга тилидаги ойлик газ., 1958), «Санди таймс оф Замбия» («Замбиянинг якшанба вақти», инглиз тилидаги ҳафталик газ., 1965), «Юс» («Ёшлар», инглиз тилида ҳар чоракда чиқадиган жур., 1974). З. Ахборот агентлиги 1969 й. тузилган. З. радиоэшиттириш хизмати 1966 й. ташкил этилган бўлиб, ҳукумат томонидан назорат қилинади. Телекўрсатувлар Лусака шаҳридан олиб борилади.

Адабиёти. З. адабиёти халқ оғзаки ижодиёти анъаналари асосида ривожланмоқда. Ж. Чиваленинг бемба ва луба халқлари тилларидаги «Марказий бантуларнинг тарихий тузуқлари» китоби (1962) ва Ж. Мусапунинг «Аламанго» достонлар тўплами (1962) адабий ҳаётда муҳим воқеа бўлди. Бироқ маҳаллий тилладаги бадиий адабиёт унчалик оммалашмади. 70-й.ларда З. ёзувчиларининг инглиз тилидаги асарлари пайдо бўлди. Д. Мулайшонинг «Соқовлар тили» романи машҳур бўлди. Унда замонавий жамият ахлоқий муаммолари мажозий тарзда тасвирланган. М. Лисванисо таҳрири остида «Замбия овозлари» номли б-н қисқа ҳикоялар мажмуаси, Г. Пирининг «Тақдир қисмати», «Қалтис қилиқ» романлари ва б. асарлар босилиб чиқди. П. Муленга, М. Кассесе, О. Симпсон, Анна Штиглер, Р. Бапти каби шоирлар, Ч. Вьяс, У. Сайди каби ёзувчилар машҳур бўлди. 1978 й.да З. ёзувчиларининг миллий уюшмаси тузилиб, барча адиблар унга бирлашдилар.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. З.нинг шим. ва шарқий минтақаларида қоя тошларига чизилган турли расм ва тасвирлар топилди, уларнинг илк намуналари мил. ав. 4-минг йилликка мансублиги қайд этилган. Маълум бўёқлар (аксари қизил, сариқ, оқ, қора рангда) б-н туширилган тасвирларда жонивор (фил, кийик, туяқуш)лар, одамлар қиёфаси ва ов манзараси гавдалантирилган. З.даги турар жойлар, асосан, хашак ва қамишдан айлана тарҳли қилиб қурилган, деворлари лой сувоқли чайласимон уйлардан иборат бўлиб, уларнинг томи қамишдан қулоҳий шаклда ишланган, бўғоти остида айвонча ҳосил қилинади. Уй девори лой б-н сувалиб, ранг-баранг қилиб бўялади. З.нинг 20-а. бошларида қад кўтарган шаҳарлари — Лусака, Ливингстон, Ндола эркин лойиҳада, кўчалари кенг, атрофига темир-бетон ва хом ғиштлардан кам қаватли иморатлар қурилган. Кафуэ дарёси қирғоғида шу номда саноат маркази барпо этилган. Виктория шаршараси ёнида қурилган сайёҳлар мажмуи миллий турар жой услубида безатилган. З.нинг касбий санъати яқинда пайдо бўлди. Рассомлардан Р. Силило алоҳида ажралиб туради. Унинг мўйқаламига мансуб халқ тарихи ва замонавий қишлоқ турмуши манзаралари Лусакадаги музейни безаб турибди. Рангтасвир ва ҳайкалтарошлик усталари Г. Таяли, Р. Сичалве, рассомлар Б. Кабамба, Ф. Чиньяма, Р. Каусу, Б. Калулулар ижоди таҳсинга сазовор. З. санъат маркази ҳар йили тасвирий ва амалий санъат асарлари танловини ўтказиб туради.



Лусака шаҳридаги замонавий бино.

Мусиқаси. Африкалик бошқа халқлар каби З. халқининг мусиқа санъатида ҳам қўшиқ, рақс ва соз чамбарчас боғланган. Тўп-тўп бўлиб тушиладиган нгома рақси, барабанлар жўрлигидаги ичила рақси расм бўлган. Аллалар, тўй маросим қўшиқлари, марсиялар кенг тарқалган. Диний маросим қўшиқ ва рақслари (зикр тушиш, инс-жинсларни қувиш, жинлар базми каби) ҳамон учраб туради.

Мамлакатга европаликлар келиши б-н (18—19-а.лар) христиан муножатлари оммалаша бошлади, африкача ва европача мусиқа услублари қоришган қўшиқчилик шаклланди, қўшни халқларнинг мусиқа ва қўшиқлари ҳам кириб кела бошлади. Мустақилликка эришилгандан кейин мамлакатда кўпгина мусиқа жамоалари вужудга келди. Лусака радиоси дастаси, ака-ука Макома квартети, «Салибчилар» квартети шулар жумласидан. Анъанавий мусиқа ижрочиларидан — созандалар М. Маталияна, А. Мулена, Э. Манда, хонандалар Д. Мазука, П. Маддиларни кўрсатиш мумкин. Рок мусиқаси, диско, регги каби замонавий оммабоп услубларда ижод қилувчи вокал-чолғу ансамбллиридан «Катта олтин олтилик», «Сеҳргар», «Маома»лар машҳур. З. маданият маҳкамаси анъанавий санъатни сақлаш ва ривожлантириш, ижодий жамоалар ташкил этиш б-н шуғулланади.

Театри. 1964 й.га қадар Шим. Родезияда европалик ҳаваскорларнинг театр гуруҳларигина бўлган. 7 шаҳарда литл-тиэтр деб аталган кичик-кичик театр бинолари бўлган. Мустақиллик эълон қилингандан кейин Африка театр жамоалари вужудга келди, З. санъат уюшмаси тузилиб, унга драматургрежлар Г. Лумпа ва К. Нкхата раҳбарлик қилди. Эсхилнинг «Орестея» пьесаси маҳаллий фолклор услубидаги мусиқа ва рақслар б-н саҳналаштирилди. Жо де Графтнинг «Ўғил ва қизлар» спектакли қўйилди. З.да профессионал театр йўқ. Кўпгина театр жамиятлари, гуруҳлари ва клублар бор. Уларнинг кўпи З. миллий театр санъати уюшмаси ва З. театр санъати иттифоқига киради. Турли-туман труппа ва дасталар мамлакат ичкари туманларига бориб томошалар кўрсатади. Труппалар репертуаридан мумтоз асарлар, замонавий Европа ва Америка драматургларининг пьесалари асосий ўрин олган. Кўпинча фалсафий, баъзан диний мавзудаги асарлар саҳналаштирилади.

ЗАМБОАНГА — Филиппиндаги шаҳар. Минданао о.нинг жан.-ғарбидаги порт. Аҳолиси 600 минг киши (2000). Халқаро аҳамиятга эга аэропорт бор. Ёғочсозлик, озиқ-овқат, тикувчилик саноати корхоналари мавжуд. Қ.х. (кокос ёнғоғи, абака толаси, копра) ва ўрмон маҳсулотлари четга чиқарилади. Шаҳарга 1635 й.да асос солинган.

ЗАМБУРУҒ ТАНАСИ — қ. *Мицелий.*

ЗАМБУРУҒЛАР (Fungi ёки Mycetes) — эукариот организмлар дунёси (бўлими). З. тайёр органик моддалар ҳисобига яшайди, яъни гетеротроф организм ҳисобланади. Одатда ўсимликларда, тупроқда, сувда, ҳайвонларда ёки уларнинг қолдиқларида ҳаёт кечиради. Озиқланиш усулига қараб паразит ва сапрофит З.га бўлинади. З.нинг одамлар ва ҳайвонлар учун зарарли ва фойдали юз мингдан ортиқ тури учрайди. З. ҳақидаги фан *микология* деб аталади.

Тузилиши. Кўпчилик З.нинг (баъзи ҳужайра ички паразитларидан ташқари) вегетатив танаси мицелий кўринишида, яъни озиқланиш субстрати сиртига ёки ичига тараливд, учидан ўсадиган ингичка ипча — гифалардан иборат.

Кўпайиши. З. вегетатив ва репродуктив (жинссиз ва жинсий) кўпаяди. Вегетатив кўпайиш мицелий ипчаларининг бўлиниши ёки склероциялар б-н амалга ошади. Бу бўлакчалар ҳар хил йўл б-н тарқалиб, қулай шароитга тушганда янги мицелийси ҳосил бўлади.

Жинссиз кўпайиш мицелийнинг махсус шохчаларида ҳосил бўладиган споралар орқали рўй беради. Споралар ҳосил бўлишига қараб эндоген ва экзоген бўлади. Эндоген споралар одатда гифа (спорангий ёки зооспорангий)нинг шарсимон учларида кўп миқдорда ривожланади. Экзоген споралар (конидиялар) мицелийнинг махсус шохларида якка, гуруҳ бўлиб, кўпинча занжирсимон ривожланади.

Жинсий кўпайиш иккита ҳар хил жинсий ҳужайранинг қўшилишидан ҳосил бўладиган зиготалар орқали рўй беради.

З. ҳамма жойда кенг тарқалган. Аксари З.нинг табиатда умри қисқа. Уларнинг мицелийси бир неча суткада ривожланиб, спора ҳосил қилгач, ўсишдан тўхтаб, нобуд бўлади. Мицелийси кўп йил яшайдиган З. ҳам бор. Жумладан, патоген ва паразит З. мицелийси бир неча йиллаб яшайди. Шунингдек, склероцийлари ва турли-туман споралари б-н узоқ вақтгача сақланадиган З. ҳам бўлади. Кўп споралар қуруқ ҳолатда ҳаётчанлигини ўн йиллаб сақлаши мумкин.

Муҳим физиологик хусусиятлари. З. ривожланиши учун кислород зарур бўлиб, аэроб организм ҳисобланади. Лекин айрим З., мас., ачитқи З. ига озгина кислород ҳам етарли. Кўп З. турли хил (спиртли, лимонли) ачитиш хусусиятига эга. З. 20—25° да яхши ўсади, баъзилари 2—4° да ҳам ўсаверади. З.нинг ўсиши учун ёруғлик зарур эмас, лекин қуёш нури уларнинг ўсиши ва спора ҳосил қилишига салбий таъсир этади.

Табиат ва инсон ҳаётидаги аҳамияти. Тупроқда яшайдиган З. ўсимлик қолдиқлари (жумладан қий-

ин парчаланадиган целлюлоза ва лигнин)ни емиради ва минераллаштиради. Ёғочларни, асосан, пўкак З. емиради. Кўпчилик З. ўсимликларда турли касалликларни қўзғатади. Одамлардаги қатор касалликлар: *кал*, қирма *темиратки* ва бошқаларни З. қўзғатади. Фойдали З. ҳам кўп. Penicullium ва Aspergillus туркумига мансуб З.дан витаминлар, антибиотиклар, лимон кислота ва стероид препаратлар олишда фойдаланилади. Ачитқи З. вино, нон, пиво тайёрлашда ишлатилади. З.дан кўнчилик, тўқимачиликда ва саноатнинг б. тармоқларида қўлланиладиган турли хил ферментлар олинади. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида З. овқатга ишлатилади; истеъмол қилинадиган З.нинг тури 100 дан ортади. Булардан кўплари қимматли бўлиб, таркибида оқсил моддалари, *витаминлар* ва *ферментлар* бор. З., асосан, консервалаб (қуритиб, тузлаб, зиралаб) истеъмол қилинади.

З. таснифи: I синф — тубан замбуруғлар ёки фикомицетлар (Phycomycetes); II синф — халтали замбуруғлар ёки аксоциметлар (Ascomycetes); III синф — базидиомицетлар (Basidiomycetes); IV синф — такомиллашмаган замбуруғлар (Deuteromycetes ёки Fungi imperfecti).

З. ўсимлик, ҳайвон ва одамларда касаллик қўзғатиш хусусиятига эга, озиқ-овқат маҳсулотларини бузади. Ғўзада *вилт* ва *чириш* касалликларини пайдо қилади (яна қ. *Замбуруғли касалликлар*). Баъзи З. ҳашаротлар сонини ҳамда касаллик туғдирувчи (патоген) З. ривожини сусайтиришда ижобий аҳамиятга эга. Вертициллёз сўлишни қўзғатувчи З. кушандаси (З. — антагонист)га Trichoderma lignorum Hars., Aspergilius sp., Penicillim sp. ва б. киради.

З. тупроқда бактериялар, актиномицетлар ва микроорганизмлар б-н биргаликда органик моддаларни парчалаб, санитарлик вазифасини бажаради ва табиатда моддалар айланишида иштирок этади. Шу б-н бирга тупроқда ўсимлик касалликларини қўзғатувчи З. тўпланиб ҳам қолади. Монокультура натижасида ўсимликларнинг маълум турларигагина ихтисослашган З. йиғилади. Aspergilius, Penicillium, Mucor, Trichothecium, Rhizopus ва б. туркумга мансуб баъзи тур З. уруғлик материалнинг моғорлашига сабаб бўлиб, уларнинг унувчанлигини пасайтиради. Кўпгина моғор З. хом ашёни сақлаш даврида пахта толаси сифатини бузади. Баъзи турлари истеъмол қилинади (жумладан, қўзиқорин). З.нинг ферментатив, антибиотик, токсик ва паразитлик хусусиятларидан ветеринарияда ҳамда ўсимликларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилишда, шунингдек, енгил саноатда, озиқ-овқат ва фармацевтика саноатида фойдаланилади.

ЗАМБУРУҒЛИ КАСАЛЛИКЛАР, микофтозлар (ўсимликларда) — паразит ва ярим паразит *замбуруғлар* қўзғатадиган инфекцион касалликлар. Замбуруғлар таъсирида ўсимликларда бутун организм ёки унинг маълум қисми тузилиши ва физиологик функциясининг бузилишига сабаб бўлувчи касаллик (патология) жараёни вужудга келади. Бошқа ўсимлик касалликларига нисбатан кўп тарқалган ва зарарли; улар ўсимлик ҳосилини ва маҳсулот сифатини пасайтиради, мевали ва резавор ўсимликларнинг ҳосил бериш муддатини қисқартиради. Энг кўп тарқалган З.к.: сўлиш, чириш (илдиз, тўпгул, мева, илдизмевалар, туганаклар ва б.да), бўртма, ўсимта, шиш, яра, баргда доғлар пайдо бўлиши б-н кечадиган касалликлар, ўсимликнинг паканалиги, мажруҳлиги ва б. Бир турдаги ўсимлик бир неча ўнлаб хил З.к. б-н зарарланиши мумкин. З.к. энг кўп зарар келтирадиган ва кўп тарқалган касалликлардан ҳисобланади. Мас., ғўзанинг вилт касаллиги, бугдойнинг қоракуя ва занг, илдиз чириши касалликлари, картошканинг фитофтороз касаллиги ва б.ларда ҳосил жуда камайиб кетади.

З.к. б-н зарарланган ўсимликнинг уруғи, туганаги, пиёзлари, қаламчалари, кўчатлари ва б. инфекция манбаи бўлиши мумкин. Инфекция ҳосил йиғимидан кейин тупроқда қолган ўсимлик қолдиқларида сақланиши ва ўсимлик илдизи, илдиз бўғизи ва б. тупроқ ости органларига тушиб касаллик қўзғаши мумкин. Баъзи патоген замбуруғ споралари шамол, ёмғир, ҳашаротлар, сут эмизувчилар, шунингдек, ифлосланган идишлар, қ.х. машиналари ва асбоблари орқали ҳам ўтади. Ўсимлик тўқималарига патоген замбуруғлар оғзича, ясмиқчалар, ҳужайра эпидермиси ва кутикуласи (картошка раки), дўлдан ҳосил бўлган яралар (маккажўхорининг қоракуя касаллиги), офтоб урган, ёрилган жой орқали кириши мумкин. Касаллик ривожланиши ташқи шароитга ҳам боғлиқ. Мас., тупроқда фосфор ва калий етишмаслигидан донли экинларнинг занг касаллиги, картошканинг фитофтороз б-н зарарланиши ортади. Зарарланиш характерига қараб маҳаллий ва умумий таъсирли бўлади. Маҳаллий зарарланишга *доғлар*, замбуруғ губорлари, яралар, шишлар пайдо бўлиши мисол бўлади. Доғлар баргнинг алоҳида қисм (тўқима)ларини некрозга олиб келади, кучли ривожланганда барглар тўкилиши мумкин (қ. *Макроспориозлар*). Замбуруғ губорларини ўсимликлар *уншудринг* (кул) ва сохта уншудринг (*рага*) б-н касалланганида кузатиш мумкин. Ўсимликнинг маҳаллий зарарланиши, кўпинча, турли органларда четлари рангли ҳошия б-н ўралган яра кўринишида бўлади (мас., ғўза гоммозининг поя формасида). Занг замбуруғи б-н зарарланган ғалладошлар, дон-дуккаклилар ва б. экинлар барг ҳамда б. органларида замбуруғ споралари тўпланган ёстиқча кўринишидаги занг тусли шишлар (мас., жавдарнинг қўнғир занг касалида) пайдо бўлади. Кузга бориб шишлар қораяди. Ўсимликнинг сув ва озиқ моддаларга бой органлари, кўпинча чириш б-н касалланади (мас., ғўза чаноқларидаги *пуштиранг чириш, кулранг чириш*). Ўсимликнинг замбуруғ б-н умумий касалланганлиги белгиси — сўлишдир. Бу турли органлардаги рангликнинг (тургор)нинг йўқолиши б-н характерланади. Ғўза, зиғир, картошка ва б. ўсимликлар сўлиши кўп тарқалган. Касалликнинг ривожланиш тезлигини экологик омиллар белгилайди: маълум шароитлар замбуруғнинг спора ҳосил қилишига салбий таъсир кўрсатади, спораларнинг ўсиши ва ўсимликнинг касалланишига тўсқинлик қилади.



Замбуруғли касалликлар: 1—буғдой қаттиқ қоракуяси; 2—буғдой чанг қоракуяси; 3—маккажўхори пуфаксимон қоракуяси; 4—картошка фитофторози; 5—олма калмарази; 6—кулранг кулранг чириши.

З.к.га қарши агротехник, кимёвий ва физик-механик чора-тадбирлар мажмуи қўлланилади. Касалликка чидамли навлар экилади, микробиопрепаратлардан фойдаланилади, экинлар уруғлиги кимёвий препарат (дори)лар б-н дориланади, ўсимликларга пестицидлар, фунгицидлар пуркалади ёки чангитилади. З.к.га қарши курашда чидамли навларни яратиб, уларни и.ч.га жорий қилиш катта аҳамиятга эга (яна қ. *Ўсимликларни ҳимоя қилиш*).

Ад.: Сербинов В.И. Қишлоқ хўжалик экинларининг касалликлари, Т., 1964; Каримов М. А., Ғўза касалликлари, Т., 1979.

Султон Алимуҳамедов.

ЗАМЕНГОФ (Zamenhof) Людвик (Лазарь Маркович) [1859.15(27).12, Белосток — 1917.14(27).4, Варшава] — *эсперанто тили* асосчиси, врач. 1887—97 й.ларда Украина (Херсон, Львов, Одесса ва б.)да яшаган. Д-р Эсперанто тахаллуси б-н халқаро ёрдамчи сунъий тил лойиҳасини нашр эттирган. Шу тилда ўзининг бир қанча илмий ишларини яратган («Байналминал тил» ва б.). З. «Халқаро тил» (1887), «Халқаро тилнинг моҳияти ва келажаги» (1900) каби илмий асарлар муаллифи.

ЗАМЗАМ, Оби замзам — Макка ш.даги *Ал-масжид ал-Ҳаром* саҳнидаги муқаддас булоқ. *Каъба* ёнида бўлиб, ҳоз. вақтда пастда — алоҳида ва махсус жойга ўтказилган сув жўмраклари орқали ичилади. Булоқ суви кенглиги бир қаричдан ортиқроқ пўлат қувур орқали чиқади, ойнабанд хонада хизматчилар уни масжиднинг биринчи, иккинчи ва учинчи қавати (томи)га тарқалишини назорат қилиб турадилар. Сув тарқатгич ускуналар кеча-кундуз бетўхтов ишлайди.

З. тарихи узоқ. Ривоятларга кўра, булоқнинг пайдо бўлиши Иброҳим (ас)нинг ўғли Исмоилнинг таваллуди б-н боғланади: чўлда қолдириб кетилган биби Ҳожар чақалоғи (Исмоил) дунёга келгач, ювиниш ва чанқовини босиш мақсадида сув ахтариб шу яқиндаги Сафо ва Марва тепаликлари орасида етти марта елиб-югуради. Сув тополмай обдон толиққан она чақалоғи ёнига қайтса, унинг оёқлари остидан сув чиқаётганлигини кўради. Нима қиларини билмай шошиб қолган биби Ҳожар «зам, зам!» (яъни «тўхта, тўхта!»), дейди. Бошқа бир ривоятда онанинг мушкул аҳволидан бохабар бўлган Жаброил (ас) ердан сув чиқариб берган, дейилади. Лекин орадан кўп асрлар ўтиб булоқ кўзи ёпилиб қолади. Вақти келиб Муҳаммад (сав)нинг буваси Абдулмуталлиб булоқ кўзини қайта очади. З. Қуръони каримда тилга олинган. З. сувига юз-қўлларни ювиш, ундан ичиш ҳаж ва умра амалларини бажаришнинг муҳим белгиси ҳисобланади. Зиёратчилар қайтишда ундан олиб кетиб кўпчиликка тарқатадилар. Ҳозир Маккада сувни турли ҳажмдаги идишларга қуядиган мослама ишга туширилган. З. суви ўзига хос хусусиятга эга. Таркиби киши организми учун фойдали маъданларга бойлиги, ошқозоничак, қон томири ва б. баъзи касалликларга даво эканлиги аниқланган.

Қудратҳожи Ахмеров.

ЗАМЗАМА (суғдийча — секин овоз б-н ашула айтиш, хиргойи қилиш) — 1) зардуштийларнинг маросим дуоларини оҳиста ва майин оҳангда ўқилиши; 2) ўрта аср мусулмон Шарқи тасаввуф анъаналарида шеър ва ғазалларни оҳанг б-н ижро этиш шаклларидан бири. Боқиё Ноинийнинг (17-а.) «Замзамаи ваҳдат» («Ёлғизлик айтимлари») мусиқа рисоласи мавжуд.

Ад.: Низамов А., Суфизм в контексте музыкальной культуры Центральной Азии. Душанбе, 2000.

ЗАМИН, фон — 1) ўйма ва бўяма нақш безагининг асоси, нақш шаклари орасидаги жой; 2) ер, тупроқ; хонанинг таги.

«ЗАМИН» БАНКИ — Ўзбекистондаги ихтисослаштирилган давлат-акциядорлик ипотека банки. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1995 й. 7 сент.даги қарорига кўра, очиқ акциядорлик жамияти шаклида 20 млн. сўмлик устав жамғармаси б-н ташкил этилган. Бошқаруви Тошкент ш.да жойлашган. Республиканинг барча вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида 13 филиали бор. Банкнинг асосий акциядорлари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси (60,7%), Молия вазирлиги (5,5%), «Бектемир универсал бозори» очиқ акциядорлик жамияти (8,8%), «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси (4,6%) ва б. 1996 й.дан амалиётларни хорижий валютада олиб бориш учун лицензия олган. Республикадаги ер майдонлари ва б. кўчмас мулкни гаровга қўйиш асосида молия маблағларини жамлаш ва инвестициялаш; жисмоний ва юридик шахсларга қисқа ва узоқ муддатли ҳамда ипотека кредитлари бериш; ер эгаларига комплекс кредит-ҳисоб хизмати кўрсатиш; муомалага ипотека облигацияларини чиқариш ва жойлаштириш; кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналарини кредитлаш, ипотека кредитлари соҳасида илғор жаҳон тажрибаларини жорий этиш ва б. вазифаларни бажаради. Банк портфелининг асосий қисми хусусий, кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредитлар (3,5 млрд. сўм)дан иборат.

Устав жамғармаси 1,235 млрд. сўм, ўз капитали 1,5 млрд. сўм, жами активлари 5,7 млрд. сўм, кредит қўйилмалари 4 млрд. сўмни ташкил қилди (2002).

Одил Мавлонов.

ЗАМИНДАВОР, Заминдавер, Заминдовар — ўрта асрларда Хуросондаги вилоят. Ғур ва Бўст вилоятлари оралиғида жойлашган. З. орқали Ҳиротдан Ҳиндистонга борадиган йўл ўтган. 10-а.даёқ З. *ғурийлар* ва халажлар б-н чегарадош мулк сифатида машҳур бўлган. З. аҳолиси ўзларининг жанговар эканликлари б-н шуҳрат қозонганлар. *Маҳмуд Ғазнавий* Ғурга З.дан бир неча бор юришлар уюштирган. *Маҳмуд ибн Вали* (17-а.) З. мустаҳкам ва олиб бўлмас қалъа эканлиги, унда ғалла ва мевалар мўл-кўл ва арзонлигини ёзган.

ЗАМИНДОР (форс. — ер эгаси) —1) Ғарб (Европа) адабиётидаги «феодал» истилоҳини (қ. *Феодал*) Моваройуннаҳр халқлари орасидаги номланиши бўлиб, Ўрта Осиё хонликларида йирик ер эгасини англатган; 2) ўрта асрларда Ҳиндистонда йирик ер эгаси. *Деҳли султонлиги*да ва Бобурийлар салтанатида вассал ҳокимлар (рожа, султон ва маҳаллий элат бошлиқлари) 17—18-а.ларда Бенгалия, Биҳар, Марказий Ҳиндистонда ижарадор, Шим-Ғарбий Ҳиндистонда жамоанинг тўла ҳуқуқли аъзоси (деҳқон) ҳам З. дейилган. Инглизлар мустамлакаси вақтида *заминдори* тизими бўйича ер солиғи тўлайдиган хусусий ер эгалари ҳам З. деб аталган. З. ерлари *жогир* ерларидан фарқли ўлароқ меросга қолдирилган. Ҳиндистон мустақилликка эришгач, заминдорлик тизими туғатилди.

ЗАМИНДОРИ — 18-а. охири — 19-а.ларда инглиз мустамлакачилари томонидан Шим., Шарқий ва Марказий Ҳиндистонда жорий этилган ер солиқ тизими. Ер эгаларининг юқори табақаси, *заминдор*ларнинг меросхўрлик ҳуқуқларини мустаҳкамлаган. Мустамлака ҳокимияти ернинг олий эгаси ҳисобланган. Доимий З. (мустамлака ҳокимияти фойдасига ундириладиган ер солиғи абадий қилиб белгиланган) ва муваққат З. (ер солиғи ҳар 20—40 й.да қайта кўриб чиқилган) фарқланган. Ҳиндистон ва Шарқий Покистон

(1971 й.дан мустақил Бангладеш республикаси)да 20-а. 50-й.ларда ўтказилган ислоҳотлар натижасида ер рентаси бериш ҳуқуқи давлат ихтиёрига ўтди, бу б-н йирик ер эгаларининг ижтимоий-иқтисодий мавқеи пасайган.

ЗАМИНДЎЗИ — *зардўзлик*да тикиш усули. Безатиладиган буюм юзаси (гули ва замини) кашта б-н сидирға қоплаб тикилади. Бунда кашта тўғридан-тўғри матога ёки мато устидаги тўшама (сиддий) устидан зар, кумуш ёки ипак иплар б-н тикилади. З.да майда ҳандасий шакллар («чашми булбул», «чордарчор», «шашхол», «самбуса» ва б.), диагонал ва зигзаг йўллар («мавжи якрўя», «мавжи дурўя», «мавжи чашми булбул» ва б.) ҳосил қиладиган безак чоклардан фойдаланилади. З.да бадиий анъаналар, зардўз устанинг маҳорати намоён бўлади. З. 19-а.да сарой амалдорларининг кийимларини тайёрлашда кенг қўлланилган. Ҳозир З., асосан, гулдўзи усулида безатиладиган буюмларнинг айрим бўлакларини тикишда ишлатилади.

ЗАМИНКОРИ, заминли ўйма — *ўймакорлик* тури; ёғоч, ганч, тош ўймакорлигида кенг қўлланилади. З.да искана-қалам нақш чизиладиган текисликка тикка (кўндаланг) қўйилиб, заминдан тўғри бурчак ҳосил қилиб туширилади. З. махсус замин қаламлар б-н ўйилади. З. усулида бажарилган нақш мужассаматида нур ва соянинг нозик ўйини сақланади. Тўғри бурчакли бўртманинг юзаси бепардоз ёки пардозсиз ўйма дейилади (яна қ. *Пардоз*).

ЗАМИНСИЗ ЎЙМА — алоҳида ажратилган замини бўлмаган ўймакорлик пардози. Икки тури — *чизма* ва *занжира* пардоз тури кенг тарқалган.

ЗАММ, Зам — Амударё бўйидаги ўрта аср (7-а.)ларга оид шаҳар ва кечув номи. *Бальъамий*нинг маълумотига кўра, З. Термиз ва Кубодиён қаторида подшоҳ Қубод асос солган шаҳарлардан саналган. 8-а. бошида *Қутайба ибн Муслим* Марвдан Бухорога юриш қилганда З. кечуви орқали Амударёдан ўтган. З. орқали Марварруд ва Гузгонондан Мовароуннаҳр шаҳарларига борадиган карвон йўли ўтган. 10-а.да З. катталиги жиҳатидан *Амул*га тенг бўлиб, бироқ аҳолиси жиҳатидан ундан кейин турган. 10-а. охирида *Муқаддасий* З.ни усти ёпиқ бозорлар ўртасида жойлашган жоме масжидига эга бўлган «катта шаҳар» деб атаган. Амударё тошган пайтларда унинг суви З.нинг ўртасига қадар борган. З.нинг атрофи чўл б-н ўралган. 1032 й. З. *ғазнавий*лардан султон Масъуднинг *қорахоний*лардан Алитегинга қарши урушида қўшинлар тўпланадиган асосий жойлардан бири бўлган. З. ўрта аср шаҳар харобаси Амударёнинг сўл қирғоғида, Карки ш.нинг қаршисида жойлашган. Умумий майд. 3,5 га га яқин бўлган. З. атрофида боғ-роғлар, экинзорлар, чорвадорларнинг уйлари, қудуқлар, яйловлар бўлган; шаҳарга Амударёдан Фохир канали орқали сув чиқарилган. *Маҳмуд ибн Валий*нинг маълумотларига кўра, ўрта асрда З. вилояти Марвга қадар чўзилган. 826—827 й.ларда З. вилоятидан халифаликка тўланадиган солиқ миқдори 106 минг дирҳамни ташкил этган. Карки ш.дан шим.-ғарбда жойлашган Останабобо қишлоғида Аламбардор мақбараси сақланган. Ривоятларга кўра, у ерга *сомонийлар*нинг 1005 й.да ўлдирилган сўнгги амири ал-Мунтасир дафн этилган.

ЗАМОН (фалсафада) — ҳодисаларнинг ва материя ҳолатларининг изчил алмашиниш шакли (қ. *Фазо ва вақт*).


ЗАМОНАВИЙ БЕШКУРАШ — спорт кўпкураши. От устида тўсиқлардан ўтиш, қиличбозлик (биринчи санчгунча олишув), пистолетдан ўқ узиш (4 карра 20 тадан отиш), сувда сузиш (300 м га эркин услубда) ва енгил атлетика кросси (4 км масофага)ни ўз ичига олади. Юқоридагича тартибдаги мусобақалар 5 кун мобайнида — бир кунда биттадан тур бўйича ўтказилади. Спортамалий машқлари бўйича комплекс мусобақалар қад. замонлардан маълум (мас. Юнонистон олимпия ўйинларидаги пентатлон — «пент» — беш, «атлон» — кураш). З. б. 19-а. 2-ярмида Швецияда пайдо бўлган. 1948 й.дан шу номда. Халқаро З. б. ва биатлон уюшмаси (UIPMB, 1948 й. тузилган)га 70 дан зиёд мамлакат аъзо. Ўзбекистон 1991 й.да қабул қилинган. 1912 й.дан олимпия ўйинлари дастурига киритилган. 1949 й.дан жаҳон биринчилиги ўтказиб турилади.

ЗАМОНБОБО — сўнгги жез даврига оид ўтроқ деҳқонлар манзилгоҳи ва қабристони (мил. ав. 2-минг йиллик ўртаси). Бухоро воҳасининг ғарбидаги Замонбобо кўли ёқасидан топилган. З. турар жойлари усти чайла қилиб беркитилган ертўлалардан иборат бўлган. 45 та қабр очилган. Таги ясси ва думалоқ, безаксиз сопол идишлар, жез буюмлар, пайконлар, тош мунчоқлар, тош ўроқ парчалари ва б. топилган.




Одамлар яшаган турар жой.

ЗАМОНБОБО МАДАНИЯТИ — Ўзбекистонда жез даври уруғ жамоаси маданияти (мил. ав. 2-минг йилликнинг биринчи ярми). Бухоро вилояти *Қоракўл тумани* марказидан 15 км шим.-ғарбда жойлашган Замонбобо (номи шундан) кўли соҳилидаги макон (майд. 170 м²) ва қабристон (44 қабр) ўрганилган. Қабристонда Я. *Гуломов* (1950—51, 1953—54), А. *Асқаров* (1961, 1964) археологик қазиш ишлари олиб борган. Қабилалар ярим ертўла, енгил чайлаларда яшаган. Ертўла ўтов шаклида, устунлари чуқурчаларга ўрнатилган, усти қамиш б-н ёпилган ва сомонли лой б-н сувалган. Ўчоқ ва дон сақланадиган ўралар девор яқинида бўлган. Қабрларда мурдалар якка, жуфт, аралаш ҳолда учтадан (эркак, аёл, бола) ёнбошлатиб кўмилган. Қазилмаларда сопол синиқлари, чақмоқтошдан ишланган қуроллар — япроқсимон пайконлар, пичоқсимон тош парчалар, сурма тошлар, жез ойна, пичоқ, кураракчалар, лазурит, ақиқ, феруза, сердолик, жилвир тошдан ишланган мунчоқлар, олтин маржон топилган. Сопол идиш (таги текис ва думалоқ хум, хумча, тўғри бурчакли сувдон, товоқча)лар нақшсиз бўлиб, асосан, қўлда, айримлари чархда ясалган. Уларнинг деярли барчаси юпқа, жарангдор, баъзилари қизил ангоб б-н бўялган. Чақмоқтошдан ишланган қадама ўроқлар, ёргучоқ бўлаклари, ҳовонча дасталар ва кўмирга айланган бугдой, арпа донлари, сигир, қўй, эчки суякларининг топилиши, З. м. даврида қабилалар ибтидоий деҳқончилик ва ўтроқ чорвачилик б-н шуғулланганлигидан далолат беради. Ҳосилдорлик маъбудасининг кичик сопол ҳайкалчасига мўлкўлчилик рамзи сифатида эътиқод қилинган бўлса керак. Бадахшон тошидан ишланган мунчоқ, Жан. Туркманистондаги қабилаларнинг сопол идиши ва б. буюмлари З. м. қабилаларининг қўшни қабилалар б-н иқтисодий ҳамда



Замонбобо маданияти: 1 — пайкон; 2 — қадама ўроқ; 3—4 — суяк бигизлар; 5 — тош ўзак; 6—7 — пичоқсимон пластинкалар; 8 — тўғноғич боши; 9 — урчуқбош; 10 — кураква; 11—18 — тош мунчоқлар; 19 — маъбуда танаси; 20 — сопол синиқлари.



1—2 — сопол идишлар; 3 — кураква; 4 — аёл маъбуда танаси.

маданий алоқада бўлганлигини кўрсатади. Бу р-нда неолит даврида Калтаминор маданиятига мансуб қабилалар яшаганлиги ҳам аниқланди. Кейинчалик З. м. ўрнида *Андроново маданияти* тарқалган.

Ад.: Гулямов Я. Г., Исламов У., Асқаров А. А., Первобытная культура и возникновение орашаемого земледелия в низовьях Зарафшана, Т., 1966.

ЗАМОНШОҲ (?—1810) — Афғонистон шоҳи (1793—1800). *Аҳмадшоҳ Дурроний*нинг набираси, *Темуршоҳ*нинг ўғли. 1796 й.да Ҳиндистоннинг ички ишларига аралашиб бобурийлардан Шоҳ Оламни маратҳалар қўлидан халос этиш учун Деҳлига қараб юрган. Бу ҳаракат Ҳиндистондаги инглизларни саросимага солиб қўйган. З. Деҳлига етиб бормай, ўз пойтахти Кобулга қайтиб келганда халқ ғалаён кўтарган. З. баракзои қабиласи бошлиғи Сарафрозхон ёрдамида тахтга чиққан эди, лекин 1799 й. у Сарафрозхонни қатл қилишга ҳукм қилган, бу б-н тахтга даъвогар укаси Маҳмуд томонига ўтган барча баракзоиларни ўзига қарши қўйган. Сарафрозхоннинг ўғли, баракзоилар раҳбари Фатҳхон, З.ни қўлга тушириб, кўзини ўйиб олишни буюрган (1800); тахтга Маҳмудшоҳ ўтирган.

ЗАМЧА — қовуннинг эртапишар нави. Халқ селекциясида яратилган. З.нинг сариқ З.ва олаз. турлари бор. Сариқ З. (M. chandalak) эртапишар нав.



Замча қовун нави.

Шакли сал ясси, ҳар хил катталикда. Энг каттасининг диаметри 15—18 см. Оғирлиги 0,8—2 кг. Сирти сал тилимтилим, дум ва уч томони тўр б-н қоплангган. Тилимларни ажратадиган йўллари мавжуд. Пўсти юмшоқ, эти қалин (4—4,5 см), хушбўй, тиғиз, ўртача ширин, ранги оқ ёки оч яшил. Таркибида 6—7,5% қанд, 4—6% сахароза, 8,5—10% қуруқ модда бор. Уруғи йирик, узунчоқ, оқ. Уруғидан униб чиққандан кейин ҳосили 65—70 кунда пишади. Асосан, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистонда экилади. Узоқ жойларга юборишга чидамайди.

ЗАМША (нем. Samisch Leder) — қўй, буғу ва тоғ эчкиси терисидан формальдегид-мой б-н ошлаб тайёрланадиган чарм. Майин ва юмшоқ бўлади, сув ўтказмайди. Турли рангга бўяш мумкин. Бўялмагани оч сариқ рангда. З. серковак ва енгил бўлиб, пойабзал, қўлқоп ва б. тайёрлашда, бензинни тозалашда, оптик шишаларни артиш ва б. мақсадларда ишлатилади. Тўқима З. ҳам бор. У атласга ўхшаб тўқилган мовут. Ундан спорт кийим-бошлари, куртка ва б. тикилади. Сунъий З. замшга ўхшаш тукни матога резина елими б-н шимдириб ёки матога резина елими суркалиб, устига майдаланган ип-газлама толалари сепилиб тайёрланади. Сунъий З.дан пойабзал ва атторлик буюмлари тайёрланади.


ЗАМЯТИН Евгений Иванович [1884.20.1 (1.2), Тамбов губерняси (ҳоз. Липецкий вилояти) Лебедяни ш. — 1937.10.3, Париж] — рус ёзувчиси. Петербургдаги Политехника ин-тининг кемасозлик бўлимини тамомлаган (1908). З. адабий фаолиятини эрта бошлаган бўлса-да, «Уездной» (1913) қиссаси чоп этилгандан кейин ҳақиқий ёзувчи сифатида танилди. «Аждар», «Гор», «Икс», «Гуноҳкорлар ҳамроҳи», «Мамай» ва б. асарларида 1917 й. октябрь давлат тўнтаришидан кейинги шафқатсиз ҳаётни аёвсиз фош этади. «Биз» фантастик романида (1924) «инқилоб бешиги»да рўй бераётган зўровонлик, хўрлик, ҳуқуқсизлик маҳорат б-н кўрсатиб берилган. Шу боис бу романи чет элда (1931) босилиб чиқади. З. 20-й.ларнинг охирларида «Аттила» номли тарихий трагедия ёзади. Унда *ғуннлар*нинг подшоҳи Аттиланинг шоҳ ва инсон сифатидаги фожиаси баён қилинган. Бу асарни ёзиш жараёнида тўплаган тарихий ҳужжатлар асосида «Тангри қамчиси» романини яратади. Роман ўзбек тилига таржима қилинган (1998).

ЗАНГ ЗАМБУРУҒЛАРИ (Uredinales) — базидияли *замбуруғлар*нинг бир туркуми. 4500 тури бор. Кўпгина ўсимликларда паразитлик қилиб, занг касаллигини қўзғатади. Ўсимликларда занг тусли, қўнғир, қора доғ ёки чизиқчизиқ йўллар пайдо бўлади. З. з. номи ҳам шундан олинган. Ўзбекистонда донли ўсимликларда чизиқсимон З. з. кўп учрайди.

Кураш чоралари: уруғлик донни касаллик тарқалмаган далалардан йиғиш, дорилаш ва кузги дала ишларини сифатли ўтказиш.

ЗАНГ КАНАЛИ — Сурхондарё вилоятидаги суғориш канали. Уз. 96 км, сув ўтказиш имконияти 85 м³/сек. Канал Арпапоя қишлоғи яқинида Сурхондарёдан сув олади. З. к. — қадимги каналлардан бири (тахм. 9—10-а.ларда қазилган), бир неча марта қайта тикланган. Ҳозирги З. к. деярли қадимги канал ўрнида 1912 й. қайта қазилган. 30-й.ларда Ангор-Таллимарон, 50-й.ларда Бешқўтон, Музрабод массивлари ўзлаштирилиши б-н канал узайтирилди ва кенгайтирилди. Таллимарон тармоғи Музрабодсойгача узайтирилди, 1967 й.да каналнинг бош қисмида Жарқўрғон гидроузели қурилди (З. к. шу гидроузел системасига киради). 1972 й.да, *Аму-Занг канали* қурилгач, З. к. Амударёдан сув ола бошлади. З. қ. Жарқўрғон, Термиз, Музрабод туманларидаги 60 минг га яқин ерни суғоради ва Учқизил сув омборини сув б-н таъминлайди. Каналнинг 40 км га яқин қисмига бетон ётқизилган. Суғориш мавсумидан бошқа даврда канал суви Учқизил сув омборига берилади.

ЗАНГ КАСАЛЛИГИ, ўсимликлар занг касаллиги — ўсимликларда *замбуруғлар* келтириб чиқарадиган касаллик. З. к. б-н ғалла экинлари, беда,



Занг касаллиги: 1 — буғдой занг касали; 2—малина занг касали; 3—нок занг касали.

лавлаги, зиғир, нўхат, кунгабоқар, бодом, олма, нок касалланади. Касалланган ўсимлик барги, пояси ва қисман мевасида зарғалдоқ, кейинчалик жигарранг спора дўмбоқчалари пайдо бўлади, ўсимлик яхши ривожланмайди, баъзан барглари қурийди, ғалла экинлари бошоқламайди. Занг замбуруғларининг баҳор, ёз ва қишки споралари ривожланиш циклини икки хил ўсимликда ўтказади. Мас., буғдой, сули, жавдарда учрайдиган чизиқсимон занг (қўзғатувчиси Puccinia graminis) замбуруғлари дон экинлари похолида қишлаб, баҳорда зиркка ўтади, сўнг яна дон экинларини зararлайди. Олма ва нокдаги занг замбуруғлари арчада қишлаб баҳорда унинг споралари яна мевали дарахтларга ўтади.

Кураш чоралари: алмашлаб экиш жорий қилинади, касалликка чидамли навлар экилади, дала атрофида зирк, арча ўстирилмайди, касалликнинг бошланиш даврида экинлар олтингугурт б-н чангланади (яна қ. *Замбуруғли касалликлар*).

«ЗАНГ ЎЙИН» — 1) билак, бел, тўпиққа боғланган қўнғироқчалар товушига жўр бўлиб тушиладиган рақс. Раққос(а)га боғланган қўнғироқчалар тана, қўл ва оёқ ҳаракатланганда маълум оҳанг беради. Раққос(а)нинг ўз ҳаракатларига ўзи жўрнавозлик қилиши «З. ў.»нинг асосий хусусиятидир. Бухоро ва Хоразмда кенг тарқалган; 2) Фарғонада рақс мактабига тааллуқли «Катта ўйин» усулларидан бири; 3) қадимда никоҳ тўйларида кўп қисмли рақс.

ЗАНГИОТА (асл исми Ойхўжа ибн Тошхўжа) (?—1258) — авлиё, *тасаввуф*нинг таниқли вакили. *Арслонбоб*нинг авлоди (авараси). Тошкент ш.нинг Самарқанд дарвоза кўчасидаги Зангиота маҳалласида туғилиб ўсган деган тахмин бор. Араб наслидан, қора танли бўлганлиги учун занги (занжи), ҳурмат юзасидан ва олий ҳимматлиги учун Зангибобо Ҳимматий деб аташган. З. ёшлигида отасидан таълим олди. Отаси вафотидан кейин Аҳмад *Яссавий*нинг халифаси ва шогирди бўлмиш Ҳаким ота (Сулаймон *Боқирғоний*) ҳузурига борди. Бир неча йил унинг мулозаматида бўлиб, ундан *яссавийлик* тариқати сир-асрорлари, одобини ўрганди ва бу тариқатнинг етук намояндаси бўлиб етишди. Сўнг ўз ватани — Шош вилоятига қайтиб келиб, аҳолини илоҳий-ахлоқий, тасаввуфий йўл-йўриқлар б-н тарбиялашга киришди, кўплаб мутасаввифлар тайёрлади. З.нинг бутун ҳаёти Мовароуннаҳр халқларининг оғир ва даҳшатли даврига тўғри келди. Мўғул истилочилари мамлакатни хонавайрон қилиб, халқ оммасини қуллик исканжасига солган бир пайтда З. ва унинг издошлари халқ орасида ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, адлу инсоф, поклик, яхшилик, меҳр-шафқат, художўйлик каби умуминсоний ғояларни тарғиб қилди. З.нинг мурид ва шогирдлари, хусусан, Узун Ҳасанота, Саййидота, Садрота ва Бадрота Дашти Қипчоқ ўзбеклари, Волгабўйи ва Урал тоғи этакларидаги татар ва бошқирдлар орасида ислом динининг ёйилишига ҳисса қўшди. З. подачилик қилиб, ҳалол ризқ топиб ҳаёт кечирган. Намоз ва зикрни канда қилмаган. З.нинг кароматлари ва фазилатларини *Хўжа Аҳрор*, шоирлар *Махтумқули*, *Камий* Тошкандий ва б. тилга олиб, шеър ва хотиралар ёзиб қолдирганлар, халқ ривоятлар тўқиган. Баъзи манбаларга кўра, З. устози Ҳаким ота ва-фотидан сўнг унинг хотини Анбар бибини никоҳига олиб, ундан бир неча фарзанд кўради. Фарзандлар ҳам З. каби эътиқодли, инсофли кишилар бўлиб етишадилар, халқни ҳақиқат йўлига бошлашда раҳнамолик қиладилар. З. ва Анбар бибининг қабри *Зангиота туманид*аги Зангиота қишлоғида. З. дафн этилган мозор ёнида масжид ва мадраса қад кўтарган. Бу жой зиёратгоҳ ҳисобланади (қ. *Зангиота мажмуаси*).



Зангиота мажмуасидаги минора.

ЗАНГИОТА МАЖМУАСИ — Тошкент вилояти Зангиота қишлоғидаги меъморий ёдгорлик (15—20-а.лар). З. м. *Зангиота, Анбар биби мақбараси*, дарвозахона, мадраса, масжид, хонақоҳ-шийпон, минора ва ҳовуздан иборат. Анбар биби мақбараси, ҳовуз, шийпон ва дарвозахона алоҳида-алоҳида қилиб қурилган. Зангиота мақбараси эса мадраса ва масжид б-н ёнма-ён тушган бўлиб, ҳовлига шим.-шарқ ва шим.-ғарбдаги дарвозалар орқали ўтилади. Минора ҳам шу ҳовлининг ўртароғига, масжид ва мақбарага яқинроқ қилиб қурилган.

З. м.га икки томони тераксорли хиёбон орқали борилади. Мажмуага жан.-дан қад. қабристон туташган, унинг атрофи девор б-н ўралган. Зангиота мақбараси пештоқи ҳовлига қараган, қолган уч томони эса қабристонга ёндош қилиб қурилган.

Зангиота мақбараси дастлаб 4 хонали (зиёратхона, гўрхона ва унинг икки ёнида кичик хона қодиқлари сақланган), безаксиз бўлган. Ички хона деворлари равоқли чорси асосдан, бурчакларидаги бағал саккиз қиррали, гумбазлари ҳар хил. Дарча ва тобадонлар ишланган. Гўрхонадаги оқ мармар қабртошига нафис ўйма нақш ва арабий хатлар битилган. Кейинчалик мақбара олдига пештоқ қурилиб кошинкори безак берилган. Пештоқ ва хоналар ташқи девори, зиёратхона ва гўрхона пойгумбази сайқалланган ғиштчалар, ўймакор ранг-баранг кошинлар б-н безатилган. Ички хона изораси парчинли, меҳробига «П» шаклида кошин ва арабий ёзув битилган. Гумбаз ости безаклари устига зарҳал берилган. Пештоғидаги намоён қошиялари сопол, сиркор ғишт ва йиғма кошин терилиб, унга саккиз бурчакли турунжлар ишланган. Мақбара *Амир Темур* томонидан қурилганлиги (14-а. 80-й.лари) ва *Улуғбек* даврида (15-а.нинг 20-й.лари) безак ишлари бажарилганлиги аниқланган. 16—17-а.ларда пештоқ ва гумбазлари таъмирланган. Мақбара ёнига бир қаватли мадраса ва намозгоҳ масжиди қурилган (1832). Мадраса бир қаватли қатор ҳужра, 2 дарвозахона ва 3 йирикроқ хона (дарсхона)дан иборат. 1870 й.да З. м. таъмирланиб, намозгоҳ масжидининг пешайвони қурилган. Қўқонлик уста ҳожи Муҳаммад безаган. Мажмуа атрофи ободонлаштирилиб, тарихий ёдгорлик сифатида давлат муҳофазасига олинган.

ЗАНГИОТА ТУМАНИ — *Тошкент вилоятид*аги туман. 1933 й. 1 дек.да ташкил этилган (1992 й. майгача Калинин тумани деб аталган). Ҳудуди Тошкент ш.нинг ғарби ва жан.га туташ. Шим.да *Тошкент тумани*, ғарбда Қозоғистоннинг Жан. Қозоғистон вилояти, шарқда Қибрай, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ туманлари, жан.да Янгийўл тумани б-н чегарадош.

Майд. 0,22 минг км². Аҳолиси 160,6 минг киши (2002). З. т.да 2 шаҳарча (Эшонгузар, Ўртаовул), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини (Бўзсув, Зангиота, Иттифоқ, Назарбек, Хонобод, Чиғатой-Оқтепа, Эркин, Ўзгариш, Қатортол) бор. Маркази — *Эшонгузар* шаҳарчаси. Туман номи шу ўрамдаги Зангиота қишлоғи номи б-н боғлиқ. Бу қишлоқда 13-а. 1-ярмида *Зангиота* яшаб ўтган. *Зангиота мажмуаси* мусулмонларнинг катта зиёратгоҳига айланган.





Зангиота маданий-маърифий маркази.

Табиати. З. т. ҳудуди Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида, шим.-ғарбда қисман Келес дарёсининг чап соҳилига туташ. Рельефи, асосан, текис, шим.-шарқдан жан.-ғарбга пасайиб боради. Туман ерларида жуда қадимдан деҳончилик қилиб келинади. Тупроқлари типик бўз тупроқ, дарё соҳилларида унумдор ўтлоқи тупроқ. Туман ҳудудидан Бўзсув, Зах, Юқори Жўн, Юқори Тошкент, Анҳор, Толариқ, Баротхўжа, Найман каналлари ва б. ариқлар ўтади.

Иқлими мўътадил иссиқ. Июлнинг ўртача т-раси 26,9°, янв.да —0,9°. Йилига 350 мм ёғин тушади, асосан, қишнинг иккинчи ярми ва баҳорда ёғади. Вегетация даври 263 кун. Туман ҳудуди бутунлай ўзлаштирилганлиги боис ёввойи ўсимлик ва ҳайвонлар жуда кам қолган. Фойдали қазилмалардан гипс, гил ва б. қурилиш материаллари мавжуд, шунингдек, иссиқ минерал булоқлар ҳам бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, татар, тожик, корейс ва б. 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 730 киши тўғри келади. Шаҳарликлар 24,6 минг, қишлоқ аҳолиси 136 минг киши.

Хўжалиги. Туман ҳудудидаги саноат корхоналари, асосан, қ. х. маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. 20 дан ортиқ қўшма корхона, 400 дан зиёд кичик ва хусусий корхона, 20 дан зиёд саноат корхонаси, 7 автокорхона, 100 га яқин маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ишлаб турибди. АҚШ, Исроил компаниялари б-н биргаликда арақ, шампан виноси, шарбатли ичимликлар, Германиянинг «Ландтехник» компанияси б-н биргаликда «Морал—125» комбайни, «Гидравлика» акциядорлик жамиятида Голландия фирмалари б-н ҳамкорликда қ. х. техникаси ва асбоб-ускуналари ишлаб чиқарилмоқда. «Тошкентгўшт» акциядорлик жамияти Шим. Ирландия б-н қўшма корхона тузиб фаолиятини кенгайтирди. «Мони-Мебель ЛТД» қўшма корхонаси пластмассадан ром ва эшиклар, «Нур-Бажаху» қўшма корхонаси паролон, Ўзбекистон-Исроил «Фар-Ваб» қўшма корхонаси спиртли ва яхна ичимликлар и. ч., «Виртех-Агро» қўшма корхонаси парранда гўшти ва тухум етиштиришга ихтисослашган. Туман қ. х.да сабзавотчилик, сут чорвачилиги, богдорчилик ва токчилик асосий ўрин эгаллайди. Тумандаги «Бўзсув» ва «Эркин» ширкат хўжаликлари турли сабзавот уруғлари етказиб беришга ихтисослашган. Туман хўжаликлари пойтахт аҳолисини ҳўл мева, сабзавот, полиз ва б. озиқ-овқат маҳсулотлари б-н таъминлайди. Шундай хўжаликлардан «Қўйлиқ» агрофирмаси машҳур. З. т.нинг жами экин майд. 8,2 минг га, шундан 7,9 минг га суғориладиган ерлар. Лалмикор ерлар 344 га. Чорвачиликда, асосан, сут, гўшт етиштирилади. Қарийб 22 минг бош қорамол (шу жумладан 8,4 мингдан ортиқ сигир), 7,5 минг қўй ва эчки, 439,6 мингдан зиёд парранда бор (2002). «Ўзбекистон» ва «Дўстлик» паррандачилик фермалари, «Баракат» бўрдоқичилик фермаси, «Дамачи» балиқчилик корхонаси мавжуд.

З. т.да транспорт йўллари анча зич. Туман ҳудудидан уч йўналишда т. й. (Тошкент—Янгийўл, Келес—Ўртаовул ва Тошкент—Ангрен) ва умумдавлат аҳамиятига эга бўлган Катта Ўзбекистон тракти ўтган. Туман маркази Тошкент б-н йўловчилар ташиш ва автомобиль транспорти орқали боғланган. Тумандан Тошкент ш.нинг «Жанубий» т. й. вокзалигача 3 км.

2001—2002 ўқув йилида 43 умумий таълим мактабида қарийб 31 минг ўқувчи таълим олди. Коллеж, касб-ҳунар мактаби ва б. ўқув муассасалари бор. Ўзбекистон ФАнинг Сув муаммолари ин-тининг тажриба-экспериментал хўжалиги, Генетика ва ўсимликлар биологияси ин-тининг тажриба участ-



«Иттифоқ» қишлоғи ҳудудидаги санаторий.



Назарбек қишлоғи. Аҳолига хизмат кўрсатувчи дурадгорлик устахонаси.

касида и. т. ишлари олиб борилмоқда. 5 касалхона, 3 поликлиника, 10 қишлоқ даволаш амбулаторияси, 21 фельдшер-акушерлик пунктида 360 дан зиёд олий маълумотли шифокор ва 1376 ўрта тиббий ходим ишлайди. 34 кутубхона, 12 маданият уйи, 5 стадион, спорт сув ҳавзаси, 2 теннис корти бор. Йилига 5 минг кишини даволаш имкониятига эга бўлган «Назарбек», «Зангиота», «Алгоритм» санаторийлари фаолият кўрсатади. 1965 й.дан «Истиқбол» туман газ. нашр этилади (адади 2000).

ЗАНГЛАМАС ПЎЛАТ — атмосфера шароитида ва баъзи зарарли муҳитларда занглашга (коррозияга) қарши турғун пўлат; *легирланган пўлат* тури. Пўлатнинг занглашга қаршилик хоссасини яхшиловчи асосий легирловчи элемент хром (12—20%) ҳисобланади (қ. *Металлар коррозияси*). Пўлат сиртида ҳимоя пардаси ҳосил қиладиган элементлар — алюминий, кремний, никель ва б.нинг ҳам бўлиши пўлатнинг занглашга турғунлигини оширади. Булардан ташқари, юзанинг ҳолатига мос келувчи металлнинг бир жинслилиги, кристаллитлараро коррозия, ўта юқори (металл ва пайванд бирикмаларда дарзлар ҳосил қилувчи) кучланишлар таъсирида емирилишга мойил бўлмаслик хоссалари муҳим аҳамиятга эга. Хромли, хром-никелли ва хром-никель-марганецли хиллари бор. Хромли З. п.дан печь жиҳозлари, қиздириш печларининг элементлари тайёрланади. Хром-никелли ва хром-никель-марганецли З. п.дан юқори т-раларда босим остида ишлайдиган аппарат ва буюмларнинг деталлари тайёрланади.

ЗАНГЛАШ — металлнинг ташқи муҳит (намлик, карбонат ангидрид ва б.) таъсирида ҳаво кислороди б-н оксидланиб, қўнғир ғовак парда (занг) б-н қопланиши (қ. *Металлар коррозияси*).

ЗАНГПОЯ, бодиёни руми (Conium maculatium L.) — қоқидошлар оиласига мансуб икки йиллик ўсимлик. Пояси 1—2 м, пастки қисмида қизил холлари бор. Барглари кетмакет жойлашган, патсимон қирқилган. Гуллари оқ, майда, мураккаб соябонга тўпланган. Шим. ярим шарда тарқалган. Ўрта Осиёнинг бутазорларида ва дарё қирғоқларида, жан.да кўпроқ тоғларда учрайди. З. заҳарли ўсимлик, таркибида кониин алкалоиди бор.

ЗАНГУЛА (форс. — қўнғироқ) — қ. *Ўн икки мақом.*

ЗАНДОНА, Зандана — қад. қишлоқлардан бири. Бухоро вилояти Пешку туманида жойлашган. *Наршахий*нинг ёзишича, бу қишлоқда катта қалъа, жоме масжиди ва бозорлар бўлган. З.да илк яъни З. қишлоғидан чиқадиган газлама деб аталган. Бухоронинг кўплаб қишлоқларида (мас., *Вардонзе,* Искажкат, Ромитан, *Афшона* ва б.) тўқиб чиқарилган бундай газламалар ҳам шундай номланиб, ўрта асрларда Ҳиндистон, Яқин ва Ўрта Шарқ ва Европа давлатларига олиб чиқилган. «Занданийчи» газламасининг шуҳрати сўнгги ўрта асрларда ҳам баланд эди. Ҳукмдорлар ва улуғ кишилар бу матодан кийим тиктирганлар ва уни кийишни ўзлари учун шараф ҳисоблаганлар. *Амир Темур* Туронда ҳокимиятни эгаллашдан аввал опаси ва б. яқинларини З. ва Вардонзеда қолдирган. 1920-й.ларда З. қишлоғи *истиқлолчилик ҳаракати*нинг Бухородаги марказларидан бири эди. Бугунги кунда қишлоқ қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарган.

Ад.: Наршахий, Бухоро тарихи, Т., 1966.

ЗАНДОНАЧИ — мураккаб гулли бадиий безакли мато. 7-а.дан ипак, 10-а.дан ип газлама сифатида шуҳрат қозонган. З. жонли мавжудотлар тасвири (9-а.гача), ўсимликсимон ва ҳандасий нақшлар б-н безатилган. Сидирға З. Россияда машҳур бўлган (рус манбаларида «зендень» деб юритилган). 10-а. араб манбаларига кўра, Бухоро яқинидаги *Зандона* қишлоғида тайёрланган (номи шундан). З.дан кийимлар, безак буюмлар (чойшаб, ёпқич ва б.) тайёрланган. Наршахий ўз асари («Бухоро тарихи»)да Шарқда парча б-н тенг қимматга эга бўлган ип газламалар қаторида тилга олган. З. Эрон, Византия, Сурия, Россия ва б. мамлакатларга кўплаб чиқарилган. З. намуналари Бельгия (Юн. Льеж ш. соборлари), Франция (Нанси ш.), Россия (Москвадаги Қурол аслаҳалар палатаси, Эрмитаж) ва б.да сақланади.

ЗАНЖАБИЛ (Zingiber officinale) — бир паллалилар синфига, занжабилдошлар оиласига мансуб, йўғон илдизпояли кўп йиллик ўт ўсимлик. Асосан, тропик ва субтропикларда тарқалган. Жан. ва Жан.-Шарқий Осиёда ўстирилади. З. ер ости танасининг ҳамма қисмида эфир мойи бор. Қуриган илдизи хушбўй ҳидли ва мазали бўлиб, эфир мойига бой. Майдаланмаган З.нинг хушбўй ҳиди майдаланганига нисбатан узоқ сақланади. Туйиб элаки қилинган талқони табобатда жигар, юрак, меъда хасталигини даволашда ишлатилади (асал билан бирга чойнакка дамлаб ичилади). Озиқ-овқат саноатида кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ва пазандачиликда баъзи овқатларга (пишиш олдидан) майдаланган ҳолда зиравор сифатида ишлатилади.

ЗАНЖАБИЛДОШЛАР (Zingiberaceae) — бир паллалилар синфига мансуб йўғон илдизпояли ёки тугунак илдизли кўп йиллик ўтлар оиласи. Пояси жуда қисқа ёки бўлмайди, новдасининг ривожланган қисми сохта поя вазифасини ўтайди. Барглари йирик, наштарсимон, очиқ қинли, тилчали, икки қатор жойлашган. Тўпгули бошоқсимон ёки рўваксимон. Гуллари зигоморф, қўш гулқўрғонли, икки жинсли, баъзан айрим жинсли ва икки уйли. Косача ва тожбарглари учтадан. Чангчиси битта, қолганлари редукцияланган. Тугунчаси остки, бир ёки уч уяли, тўғри уруғкуртакли. Меваси кўпинча уч паллага ажраладиган кўсакча ёки резавормева. 1300 турни ўз ичига олган 45 тур-куми бор. Асосан, тропик ва субтропикларда тарқалган. Жан. ва Шарқий Осиёда ҳам учрайди. З. ер ости танасининг ҳамма қисмида эфир мойи бор. *Занжабил,* кардамон, калган ва б. турларидан зиравор олинади, ошловчи ва бўёқ моддалар тайёрланади.


ЗАНЖИБАР — Ҳинд океанидаги орол. Африканинг шарқий қирғоғи яқинида. Танзания таркибида. Майд. 1658 км². З.нинг ер юзаси пасттекислик (энг баланд жойи 120 м); маржон оҳактошлардан ташкил топган, карст рельеф шакли кўп. Иқлими экваториал-муссонли. Янв.нинг ўртача т-раси 28°, июлники 23°. Йиллик ёғин 1500—2000 мм. Ўрмонларнинг кўп қисми қирқиб, ўрни бутазорга айланган, соҳилда мангра ўрмонлари, қалампирмунчоқ, кокос пальмаси плантациялари бор. Энг катта шаҳри ва порти — Занжибар. З.ни 8-а.да Уммон араблари эгаллаган. 1528 — 17-а.да Португалия мулки, сўнгра Уммон қўл остида бўлган. 1856—90 й.ларда мустақил султонлик (Пемба о. ва б. ороллар б-н бирга), 1890—1963 й.ларда Британия протектorати, 1963—64 й.лардан мустақил.

ЗАНЖИБАР — Танзаниядаги шаҳар, Занжибар о.нинг ғарбий соҳилидаги йирик денгиз порти ва савдо маркази. Аҳолиси 375,5 минг киши (1998). 1964 й.гача Занжибар султонлигининг пойтахти бўлган. Ўша йилдан З. Танзания орол қисмининг маъмурий маркази. Электротехника, ёғочсозлик, кимё, озиқ-овқат, кемасозлик саноати корхоналари бор. Шаҳарда қ. х. хом ашёсини қайта ишлайдиган корхоналар мавжуд. З. орқали четга қалампирмунчоқ, кокос ёғи, копра чиқарилади. Ҳунармандчилик ривожланган. Давлат музейи ва З. архиви бор. Денгиз балиқчилиги муаммоларини ўрганувчи Шарқий Африка уюшмасининг қароргоҳи жойлашган.

ЗАНЖИЛАР — 1) 7—9-а.ларда араб ва эроний қул савдогарлари Занжибар о. (Шарқий Африка)дан Ироққа келтирган қуллар. З.ни махсус лагерларда сақлашган. Улар Шатт ал-Араб дарёси соҳилидаги шўрхок ерларни тозалашда, қўриқ очишда, суғориш ишларида, Жан. Ироқда селитра қазишда, Хузистонда шакарқамиш экинзорларида ишлатилган. Бағдод халифалигида З.дан махсус соқчи гуруҳлари тузилган; 2) негроид ирқи вакиллари (негрлар)нинг арабча ва форсча номи.

ЗАНЖИЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ — Шарқий африкалик қуллар (*занжилар*)нинг Ироқ ва Хузистондаги қўзғолони (869—883). Етакчиси ва назариётчиси — *ишо* мазҳаби тарғиботчиси Али ибн Муҳаммад. Қўзғолончи қулларга маҳаллий деҳқонлар ва бадавийларнинг тамим қабиласи ҳам қўшилган. Қўзғолончилар тез орада Оболла, Ободон, Аҳвоз, Басра ш.ларини эгаллаган. Улар қулдорлар ва назоратчиларни ўлдириб, шаҳарликларнинг молларини талаганлар, африкалик қулларни озод қилганлар. Занжилар Жан. Ироқ ва Хузистонда ўз давлатларини тузиб, Бағдодга таҳдид солганлар. Аммо, айрим қуллар қулдорга айланиб, тинч аҳолини ҳам талаган. Натижада деҳқонлар қўзғолондан четлашган. Халифалик аскарлари занжилар пойтахти Мухтарани 3 йил қамал қилиб қўлга киритган. З. қ. шафқатсизлик б-н бостирилган, занжилар қайтадан қулликка солинган.

ЗАНЖИР — 1) бирин-кетин бириктирилган металл ҳалқалардан тайёрланадиган эгилувчан буюм. Қадимдан хўжаликда, заргарликда ишлатиб келинган; 2) машина ва иншоотларнинг кетма-кет бириктирилган звенолардан иборат эгилувчан қисми. Вазифасига кўра, ҳаракатни узатувчи, юк кўтарувчи, тортувчи (юкни бир жойдан иккинчи жойга ташувчи), аррабоп (моторли арраларда), ўювчи, кесувчи (зовур қазиш, фойдали қазилма қазиб олиш машиналарида) ва б; тузилиши ҳамда ясалишига кўра, доира звеноли, пайванд ва қуймали, пластинкали, илмоқли, блокли ва б. хилларга бўлинади. Ҳаракатни узатувчи З. *занжирли узатма*да қўлланилади. Унинг втулкароликли, пластинка-тишли (расм, *а, б*) хиллари бор. Юк кўтарувчи З. юк кўтариш машина ва қурилмаларида ишлатилади. Унинг пластинка-шарнирли, пайвандланган юмалоқ ҳалқали (расм, *в, г*) хиллари бўлади. Тортувчи З. конвейер, эскалатор ва б. қўлланилади (расм, *д*). Кемалар якори ҳам З. ёрдамида кўтариб-туширилади; 3) қ. *Электр занжири.*



Занжир турлари.

ЗАНЖИР РЕАКЦИЯЛАР — кимёвий реакцияларнинг бир тури. Бу реакцияларда фаол зарра (эркин радикал ёки атом) пайдо бўлиши туфайли бошланғич модданинг кўплаб молекулалари кетма-кет ўзгаришларга учраб туради. Ёниш, портлаш жараёнлари З. р.га киради. Кўп кимёвий реакциялар З. р. тарзида боради. Мас., хлор ва водород аралашмасидан ёруғлик таъсирида водород хлорид ҳосил бўлиши З. р.дир. Молекуладан вужудга келаётган хлор атомлари ($Cl_2 \rightarrow 2\dot{Cl}$) водород молекулалари б-н реакцияга киришади: $\dot{Cl} + H_2 \rightarrow HCl + \dot{H}$. Ҳосил бўлган водород атоми, ўз навбатида, хлор молекуласи б-н реакцияга киришади: $\dot{H} + Cl_2 \rightarrow HCl + \dot{Cl}$. Шу тариқа, эркин водород ва хлор атомлари иштирокида навбатланувчи реакциялар занжири ҳосил бўлади, натижада ютилган ҳар бир ёруғлик квантга тахм. 100000 молекула водород хлорид вужудга келади.

З. р. ўтиши учун фаол зарралар (эркин радикаллар ёки атомлар) бўлиши зарур шартдир, булар молекулаларидаги боғлардан бири узилганда вужудга келади, энергия шунинг учун сарф бўлади. Фаол зарралар турли йўл б-н (электр разрядида электронларнинг уриlиш энергияси ҳисобига, ёруғлик нури, рентген нури ва ионлаштирувчи бошқа нурлар таъсир этганда) ҳосил бўлади. Иссиқлик ҳисобига эркин радикаллар олиш ғоятда муҳим. Лекин аксари молекулаларнинг боғланиш энергияси катта бўлгани учун З. р. бир қадар юксак т-раларда рўёбга чиқади. З. р.ни юқори бўлмаган т-раларда ўтказиш учун эркин радикалларни осонгина ҳосил қилувчи ҳар хил аралашмалар (инициаторлар) қўлланилади. Мас., саноатда полимерлаш жараёнини рўёбга чиқариш учун органик пероксидлар кўп ишлатилади, булар парчаланганда фаол радикаллар вужудга келади.

Эркин радикалларнинг ўзаро реакцияга киришиб, эркин молекулалар ҳосил қилиши (рекомбинация реакцияси) натижасида З. р. тўхтаб, занжир узилади. Баъзи фаол аралашмалар-секинлаштирувчи моддалар таъсирида ҳам барча З. р. тўхтаб қолади. З. р.ни батамом тўхтатиш учун секинлаштирувчи моддадан озгина қўшиш кифоя (қ. *Ингибиторлар*).

Баъзи З. р.нинг айрим босқичларида биттадан ортиқ (кўпинча учта) янги эркин радикал вужудга келади. Улардан бири занжирни гўё давом эттиради, бошқа иккитаси эса иккита янги занжирни бошлаб, тармоқ тузади (тармоқланган З. р.). Водороднинг оксидланиши тармоқланган З. р.га мисол бўла олади. Водород қуйидаги схемага мувофиқ оксидланади: 1) $\dot{H}_2 + O_2 \rightarrow OH + \dot{O}$; 2) $\dot{O}H + H_2 \rightarrow H_2O + \dot{H}$; 3) $\dot{O} + H_2 \rightarrow OH + \dot{H}$ ва ҳ. к. 1- ва 2-реакцияларда OH ва H радикаллари ҳосил бўлади, булар тармоқланмаган занжирнинг ривожланишини таъминлайди, 1-реакцияда кислород атоми вужудга келади. У иккита эркин валентликка эга бўлиб, З. р.га осон киришади ва иккита қўшимча радикал ($\dot{O}H$ ва $\dot{H}$) ҳосил қилади, булар эса занжирлар — тармоқни бошлаб беради.

Табиат ва техникада З. р. ғоят катта аҳамиятга эга. Кимё ва нефть саноати-

да крекинг, хлорлаш, оксидлаш ва полимерлаш каби муҳим реакциялар ҳам З. р.дир. Ёқилғилар ҳам З. р. асосида ёнади. Ядро З. р.и б-н тармоқланган З. р. табиатан ҳар хил бўлса ҳам кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшайди (қ. *Ядро реакциялари*).

Насриддин Сирожиддинов.

ЗАНЖИР ЧИЗИҚ — учлари икки нуқтага маҳкамланган бир жинсли чўзилмас ип (мас., занжир, телеграф сими) нинг оғирлик таъсирида салқи бўлиб турадиган ҳолатига ўхшаш эгри чизиқ. Тенгламаси


$$y = ach\frac{x}{a} = \frac{a}{2}\left(e^{\frac{x}{a}} + e^{\frac{x}{a}}\right).$$

Салқилиги кичик бўлган З. ч. тенгламаси $y = a\left(1 + \frac{x^2}{2a^2}\right)$ бўлган параболадан унча фарқ қилмайди. Бундан тақрибий ҳисоблашларда фойдаланилади. З. ч. абсциссаси $x = 0$ бўлган нуқтадан бошлаб ҳисобланадиган ёй узунлиги $l = ach\frac{x}{a}$, эгрилик радиуси эса $R = \frac{y^2}{a} = ach^2\frac{x}{a}$ формула ёрдамида топилади. З. ч. ёйининг Ox ўқ атрофида айланишидан катеноид деб аталадиган сирт ҳосил бўлади.

ЗАНЖИРА — нақш тури; турли-туман шакллар бир-бирига уланиб, узлуксиз такрорланишидан ҳосил қилинадиган ҳошия нақш. Нақш мужассаматида кўпинча доира атрофига ёки икки чизиқ орасига ишланади. Ислимий З. ва ҳандисий З. тури бор. Ганч, ёғоч, металл, тош ўймакорлигида, каштадўзлик, зардўзлик, заргарлик, нақкошлик ва б.да кенг фойдаланилади.

ЗАНЖИРЛИ КАСР — қ. *Узлуксиз каср.*

ЗАНЖИРЛИ УЗАТМА — бир валдан иккинчи валга айланма ҳаракат узатувчи занжирли механизм. Иккала валга бикр ўрнатилган тишли ғилдираклар (юлдузлар)га кийдирилган берк («узлуксиз») занжир ҳалқадан иборат. Занжирнинг тузилиши, юлдузчалар сони, етакчи юлдузчанинг айланиш йўналиши, етакчи валнинг айланиш частотаси (айланишлар сони)га, мойланиши ва б.га кўра турли хилларга бўлинади.



Занжирли узатма.


Тишли ғилдираклар занжир ҳалқа б-н тегиш ишлаши учун ғилдирак тишлари занжирнинг тузилиши (типи)га қараб ясалади. З. у.лар бир текис ва шовқинсиз ишлайди. Втулкали ва втулка-роликли занжирлар пайдо бўлиши б-н З. у.лар катта қувват 700 Мн (70000 кг·куч)ни катта (35 м/с гача) айланиш тезликларида узата оладиган бўлди. Турли машиналар, механизмлар, мотоцикл ва велосипедларда қўлланилади.

ЗАНЖИРЛИ ЯДРО РЕАКЦИЯСИ — қ. *Ядро реакциялари.*

ЗАНЖОН — Эроннинг шим.-ғарбидаги шаҳар. Занжон остони маъмурий маркази. Аҳолиси 286,3 минг киши (1997). Теҳрон—Табриз т. й. ва автомобиль йўли ёқасида. Савдо маркази. Гулари бор. Ҳунармандчиликда гиламжойнамоз тўқилади, металл ва чарм буюмлар тайёрланади.

ЗАНЬКОВЕЦКАЯ (асл фамилияси Адасовская) Мария Константиновна [1860.22.7 (3.8), Заньки қишлоғи — 1934.4.10, Киев] — Украина халқ артисти (1922), театр арбоби. Украин миллий профессионал театри асосчиларидан. Саҳнада Катря, Аза («Тақдир эмас», «Лўли қиз Аза»), Аксюша («Ўрмон»), Наталка, Терпелиха («Наталка-Полтавка») каби ролларни маҳорат б-н ижро этган. 1918 й. у П. К. Саксаганский б-н биргаликда Киевда Халқ театри ташкил этди (ҳоз. театр З. номидаги Украина драма театри). «Наталка Полтавка», «Батрик аёл», «Остап Бандура» каби фильмларда ҳам суратга тушган.

ЗАПАЛ (рус.) (ҳарбий ишда) — снаряд, бомба, мина, қўл гранаталари ва б. портловчи қуролларда портловчи модда (заряд)ни ўт олдириш учун ишлатиладиган мослама; алангалатувчи ўт (ол-



Елпиғич занжира.

дирувчи) таркибли ғильза. Металл ёки пластмассадан ясалади. Қуролни портлатиш вақтида механизмнинг санчқичи капсулага урилади, капсуладаги ўқдори ёниб, портлаш рўй беради. З. 15—17-а.ларда ишлатилган артиллерия қуроллари (тўплар)да ҳам қўлланилган. Лекин у пайтлардаги З. очиқ олов тарзида бўлган.

ЗАПАШЧИКОВА Лилия Ивановна (1938.28.3, Қўқон) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Тошдунинг филол. ф-тини тугатган (1960). 1960 й.дан Қўқон ш.даги 4-мактабда гуруҳ, сўнг бошлангич синф ўқитувчиси, 1966 й.дан Тошкентдаги тўқимачилар маданият саройида кутубхоначи, болалар сектори педагоги, 1974—97 й.ларда Яккасарой туманидаги 89-мактаб рус тили ва адабиёти ўқитувчиси. З. дарсларни юқори услубий даражада ўтган ва ноанъанавий дарс усуллари (мунозара, семинар, адабий баҳс, адабий матнни бадиий таҳлил қилиш, мустақил фикрлаш)дан унумли фойдаланган.

ЗАПОРОЖЬЕ (1921 й.гача Александровск) — Украинадаги шаҳар (1806 й.дан). Запорожье вилояти маркази. Днепр соҳилидаги порт. Т. й. тугуни. Аҳолиси 871,0 минг киши (1997).

Қора металлургия («Запорожсталь» к-ти, «Днепроспецсталь» з-ди ва б.) ва рангли металлургия (титан-магний к-ти, алюминий з-ди ва б.), машинасозлик (электротехника саноати корхоналари, «АвтоЗАЗ», «Мотористроитель» и. ч. корхоналари ва б.), кимё ва кокс кимёси, енгил, озиқ-овқат саноати корхоналари, Днепр ГЭС (Днепрогэс), 4 олий ўқув юрти (шу жумладан ун-т), 3 театр, ўлкашунослик ва бадиий музейлар бор. З.га 1770 й. асос солинган.

ЗАПОРОЖЬЕ ВИЛОЯТИ — Украинадаги вилоят. 1939 й. 10 янв.да ташкил этилган. Майд. 27,2 минг км$_2$. Аҳолиси 2059,2 минг киши. (1997), асосан, украинлар, шунингдек, рус, болгар ва б. яшайди. 18 р-н, 13 шаҳар, 20 шаҳарча бор. Маркази — *Запорожье ш.*

З. в. ер юзаси бир оз ўр-қир текислик. Жан.да Қора денгиз бўйи пасттекислигига қўшилиб кетади. Жан.-шарқида Азов бўйи қирлари (200—220 м) жойлашган. Иқлими мўътадил континентал. Ёзи иссиқ (июлнинг ўртача т-раси 22 дан 24° гача), қиши унчалик совуқ эмас, қор кам ёғади (янв.нинг ўртача т-раси —4 дан —5° гача). Йилига 300—450 мм ёғин ёғади. Вегетация даври 210 кун. Асосий дарёси — Днепр. Тупроғи унумдор, асосан, қоратупроқ. З. в. дашт зонасида. Дашт ўсимликлари жар ва

сойликларда сақланиб қолган. Ўрмон ва бутазорлар вилоят майдонининг 3,4% ни ташкил этади. Тулки, малла қуён, бўри; қушлардан бедана, ёввойи ўрдак, дашт ва дала тўрғайлари яшайди.

З. в.да қора ва рангли металлургия етакчи ўринда. Электроэнергетикасининг асосини Днепрогэс, Запорожье ГРЭС ва иссиқлик электр станциялари ташкил этади. «Днепроспецсталь», «Запорожсталь» электрометаллургия з-длари, Запорожье титан-магний к-ти, алюминий, электрод, ферроқотишма з-длари ва Запорожье ўтга чидамли з-ди бор. Белозёрск темир руда кони асосида кон қазиш саноати (Запорожье темир руда к-ти) ривожланган. Машинасозлик саноати («Запорожтрансформатормотор» з-ди, юқори вольтли аппаратуралар, кабель з-длари, «АвтоЗАЗ» мотор, автогидроагрегат ва «Автоцветмет», «Преобразователь», электроаппарат з-длари мавжуд. Бердянск ўриш машиналари, Токмак дизельсозлик и. ч. бирлашмалари, Запорожье абразив к-ти, Бердянск йўл машиналари з-ди, «Бытмаш», станоксозлик, Орехов қ. х. машинасозлиги з-длари) кенг ривож топган. Кимё ва нефть кимёси муҳим ўрин эгаллайди. Уйсозлик к-ти, ғиштчерепица, девор блоклари з-длари бор. Озиқ-овқат саноатида ун, ёғ-мой, гўшт, консерва, балиқ, сут ва енгил саноатда тикувчилик, пойабзал, трикотаж, кўн-чарм тармоқлари ҳам ривожланган.

З. в. ғаллачилик ва гўшт-сут етиштиришга ихтисослашган муҳим р-н. Асосий экинлари: кузги буғдой, баҳорги арпа, кунгабоқар. Суғориладиган ерларда сабзавотчилик б-н шуғулланилади. Боғдорчилик (гилос, олча, ўрик, олхўри, олма, нок ва б.), токчилик ривожланган. Чорвачиликда гўшт-сут чорвачилиги етакчи ўринда. Чўчқачилик ва паррандачилик тараққий этган. Қорамол, майин жунли қўй боқилади. Азов денгизида балиқ овланади. Транспорт йўллари зич. Аэропорт бор. 7 олий ўқув юрти, 800 дан зиёд жамоат кутубхонаси, 3 театр, 70 дан ортиқ музей мавжуд.

ЗАПОРОЖЬЕ СЕЧИ — 16—18-а.ларда украин казакларининг Днепр остоналари ортидаги ташкилоти. Асосий истеҳком — Сечь номидан олинган. 1654 й.гача казаклар «республикаси» бўлиб, унинг юқори органи Сечь радаси ҳисобланган. Қўшбоши атаман томонидан бошқарилган. Қўш (қўшин)ларга бўлинган. Қрим хонлиги, Усмонли турк салтанати, поляк-украин ҳукмрон доираларига қарши кураш олиб борган. 16—17-а.ларда украин халқининг озодлик курашида катта роль ўйнаган. 1709 й. «Эски Сечь» деб аталмиш ташкилот тугатилган, 1734 й. ҳукумат томонидан «Янги Сечь» деб аталган ташкилот ташкил этилган; 1775 й. тугатилган.

ЗАПРОМЕТОВ Николай Георгиевич (1893.25.12, Тошкент — 1983.1.4, Москва) — энтомолог, фитопатолог олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1950), қ. х. фанлари д-ри (1943), проф. (1929). Петроград ун-тини тамомлаган (1916). Туркистон энтомология ст-ясида илмий ходим, Ўсимликларни ҳимоя қилиш тажриба ст-яси фтопатология бўлими мудири (1918—29). СоюзНИХИ ўсимликларни ҳимоя қилиш ст-яси директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари (1929—31). З. Ўзбекистонда фитопатология ва микология мактабини яратганлардан бири. Илмий ишлари, асосан, микрофлора, зарарли фитопатологик микроорганизмларнинг морфологияси, биол.си, систематикаси, маданий ўсимликларнинг, жумладан, ғўзанинг замбуруғли, бактерияли касалликларига қарши кураш муаммоларига бағишланган.


Ас.: Материалы по микрофлоре Средней Азии, Т., 1928; Ғўзанинг кўсак ва тола касалликлари, Т., 1952.

ЗАР — қ. *Заркоғоз, Олтин.*

ЗАР — қад. узунлик ўлчов бирлиги; *газ*нинг бошқача номи. Ўзбекистоннинг баъзи жойларида шундай деб аталган.

ЗАР СУВИ — концентрланган нитрат кислота (HNO_3) б-н хлорид кислота (HCl) аралашмаси, 1 ҳажм нитрат кислотага 3 ҳажм хлорид кислота қўшиб тайёрланади. Кучли оксидловчи. Бу аралашма олтин ва платинани ҳамда кислоталарда эримайдиган баъзи металларни эритади («З. с.» деган ном шундан келиб чиққан).

ЗАРАНГ (Acer L.) — зарангдошлар оиласининг бир туркуми. Барги қарама-қарши жойлашган, текис қиррали, сарпатсимон мураккаб; гули шингил, сарғиш-кўкимтир, актиноморф. Меваси қуруқ, қўшқанотли, икки уруғли, Евроπа, Осиё, Шим. Африка, Шим. ва Марказий Америка ва б. ерларда 120 га яқин тури бор. Ўзбекистонда 14 тури ўсади, шундан 9 тури парк ва хиёбонларда манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. Иккита ёввойи тури — A. turkestanicum Pax ва A. semenovii Rgl. Et Herd Ўзбекистонда кенг тарқалган бўлиб, тоғларда 2000 м гача баландликда ҳам ўсади. З. чўл ва адирларни кўкаламзорлаштириш мақсадида кўплаб экилади. Ёғочи дурадгорликда ишлатилади.



1 2 3

Заранг: 1—тўпгули; 2—меваси; 3—барги.

ЗАРАНГДОШЛАР (Aceraceae) — икки уруғпаллалилар синфига мансуб, барглари тўкилувчи, доим яшил дарахт ва бутали ўсимликлар оиласи. Икки туркумни ўз ичига олади. Барглари қарама-қарши жойлашган, панжасимон бўлмали ёки патсимон мураккаб. Гуллари тўғри. Меваси қуруқ, қўш қанотчали ва икки уруғли. З. оиласи 121 турдан иборат, шундан 120 тури заранг туркумига мансуб. Битта турдан иборат иккинчи туркум (диптерония) Марказий Хитойда тарқалган.

ЗАРАР (ицтисодиётда) — хўжалик фаолиятидан кўрилган йўқотишлар; пул шаклида ифода этилади. Корхона, хўжалик, тадбиркор и. ч. харажатларининг олинган даромаддан ортиб кетиши натижасида юз беради. З. моддий ва пул ресурсларининг камайишини келтириб чиқаради (манфий сальдо бўлганлиги сабабли ўз капитали камаяди).

ЗАРАР (ҳуқуқда) — бир шахсга иккинчи бир шахснинг ҳуқуқбузарлиги туфайли етказилган пул шаклидаги зиён. З. деганда, биринчидан, *кредитор*нинг сарф-харажати, иккинчидан, унинг мол-мулкининг йўқолиши ёки унга шикаст етказилиши ва учинчидан, қарздор *мажбурият*ни лозим даражада бажарганида олиши мумкин бўлган даромад (олинмаган фойда) тушунилади. З. моддий ва маънавий кўринишда бўлади. Моддий З. — шахснинг мол-мулкига, маънавий З. эса — шахсга, унинг ҳаёти ва соғлиғига, ишчанлик обрўсига путур етказишдан иборат. Қонунчиликда З.ни тўла ҳажмда қоплаш тамойили амал қилади. Одатда, қарздорнинг айби бўлган ҳоллардагина З. ундирилади. Қонун айрим турдаги мажбуриятлар бўйича қарздорнинг жавобгарлигини чеклаши мумкин. Мас., сақлаш учун топширилган мулк йўқолганда, камомад ёки шикаст етказилганда, агар қонун ёки шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, сақловчи мулк эгасига олинмаган фойдани тўлаши шарт эмас. Юк йўқолганда ёки камомад бўлганда, транспорт ташкилоти фақат унинг ҳақиқий нар-

хини тўлашга мажбур, агар юкка шикаст етказилган ёки бузилган бўлса — фақат унинг камайган қиймати тўланади. Маънавий З., тўланиши лозим бўлган мулкий З.дан қатъи назар, пул б-н қопланади, уни қоплаш миқдори суд томонидан аниқланади. З. ва уни қоплашнинг ҳуқуқий жиҳатлари Ўзбекистон Республикасининг ФК ва ЖК нинг тегишли моддаларида белгиланган.

ЗАРАРКУНАНДА ҲАШАРОТЛАР — қ. *Ўсимликлар зараркунандалари, Омбор зараркунандалари.*

ЗАРАРКУНАНДАЛАРНИНГ ТАБИИЙ КУШАНДАЛАРИ — қ. *Фойдали ҳашаротлар.*

ЗАРАУТСОЙ РАСМЛАРИ — Ўзбекистон ҳудудидаги энг қад. қоятош расмлари. Ҳисор тизмасининг жан.-ғарбида. Кўҳитанг тоғининг шарқий ён бағридаги Зараутсой дарасидаги унгир ва камар тошларига ишланган *ибтидоий санъат*нинг нодир намуналари. Сурхондарё вилоятида, Термиздан 100—110 км шим.-ғарбда. 1912 й.да И. Фёдоров томонидан топилган. Археолог Г. Парфёнов (1940—45), кейинчалик А. Рогинская (рассом), А. Формозов, А. Кабировлар томонидан ўрганилган. 200 дан ортиқ расмлар мезолит, неолит ва кейинги даврларга мансуб. Расмлар чизма тарзида контур ва соя услубида қизил ангоб (охра) б-н чизилган. З.р.да одамларнинг итлар ёрдамида ёввойи буқаларни ов қилиш манзараси тасвирланган. Ҳайвонлар (ёввойи буқа, ит, тулки, ёввойи чўчқа, бурама шохли эчки, жайран, тоғ эчкиси, ҳашарот ва б.), турли буюмлар (ўқ-ёй, найза, ўроқсимон қуроллар), ниқобланган одамлар ва б. ўзига хос тарзда ҳаётий қилиб ишланган. З.р. ибтидоий санъатнинг ноёб ёдгорлиги сифатида ёдгорликларни муҳофаза қилиш «қизил китоб»ига киритилган.



Зараутсой расмлари.

Ад.: Рогинская А., Зараут-сай М.—Л., 1950; Пугаченкова Г. А., Ремпель Л. И., Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана, Т., 1960; Формозов А. А., Очерки по первобытному искусству, М., 1969.

ЗАРАФШОН (форс. зар — олтин, афшон — сочувчи) — Тожикистон ва Ўзбекистондаги дарё. Авесто ёдгорликларида «Дайтия» — «Эзгу сув» деб юритилган; юнонлар ҳукмронлиги даврида «Дайтия» сўзи юнончага айнан таржима қилиниб, Политимет — «Кўп эзгу сув» деб аталган; дарёнинг Суғд, Жирт, Жон, Сомжан шаклидаги номлари ҳам маълум; паҳлавий (қад. форсча) тилида «Номиқ» («Машҳур», «Эзгу»), форс тилидаги манбаларда Руди Мосаф, Руди Шарг дейилган; арабча манбаларда эса Ҳарамком — «Муқаддас дарё», Водий ус-Суғд, Наҳр ул-Бухоро каби номлари қайд этилган; «Бобурнома»да Оби Кўҳак деб тилга олинган; кейинроқ Дарёйи Кўҳак, 18-а.дан З. деб атала бошлаган. Уз. 877 км, ҳавзасининг майд. 41860 км², шундан тоғли қисми 17710 км², қолгани тоғ олди қирлари ва текисликка тўғри келади.

З. воҳасида мил. ав. 2-минг йиллик — 1-минг йиллик бошларида яшаган ўтроқ аҳоли З.дан канал-ариқлар чиқариб деҳқончилик қилган. I—4-а.ларда З.дан сув оладиган Даргом, Қалқонота, Шаҳруд, Ромитан каби йирик каналлар, Санги-Салоҳ, Катта Беглик, Дамдарё каби ариқлар қазилган.

З.дан қад. Варақсар (ҳоз. Работхожа) қишлоғи яқинида араблар истилоси (712)дан анча олдин қурилган тўғондан учта ариқ чиқарилган. Энг шим.-дагиси — Даргом ариғи, қолган иккитаси темурийлар даврида Аббос ва Қоравунас деб аталган, кейинчалик улар Янгиариқ ва Қозонариқ номини олган. Бу ариқлардан Самарқанд ш.дан жанубдаги ерлар суғорилган. Самарқанд ш.дан шарқдаги ерларга сув келтирилувчи Мирзаариқ, Туятортар ариқлари 5—6-а.ларда қазилган деган маълумотлар бор. Қад. ариқлардан бўлган Нарпай (Наҳрпой) Суғднинг энг йирик ирригация иншооти ҳисобланган. Табиий ўша даврларда Самарқанд ш. ҳам З.дан сув ичган.



Зарафшон дарёсининг юқори қисми.

Навоий ва Бухоро вилоятларидаги Шофиркон (Шопурком), Харканруд (ҳоз. Қалқонруд), Хитраф ёки Говхитфар (ҳоз. Вобкентдарё), Бухоро ш.ни сув б-н таъминловчи Рудизар (ҳоз. Шоҳруд) каналлари ҳам қад. сув иншоотларидандир. Улар ҳақидаги маълумотлар *Наршахий, Истахрий, Муқаддасий* асарлари (10-а.)да келтирилади.

З. сувидан қадимдан Самарқанд, Бухоро, Кармана музофотлари б-н бирга Қашқадарё (Эски Ангор канали орқали) ва Жиззах (Эски Туятортар канали орқали) музофотлари ерлари ҳам баҳраманд бўлиб келган.

З. Туркистон, Зарафшон ва Олай тоғ тизмалари бириккан жой — Мастчоҳ (Кўксув) тоғ тугунидаги *Зарафшон музлиги*дан *Мастчоҳ* дарёси номи б-н бошланади. Бошланиш жойидан қарийб 189 км қуйида, чапдан Фондарё қўшилади ва З. номини олади. З.га музликлар ва булоқлардан бошланадиган 4200 га яқин ирмоқ қуйилади. Энг йириклари — Фондарё, Қўштутдарё, Мағиёндарё.

Тожикистон ҳудудига қарашли юқори оқимида З. Туркистон ва Зарафшон тоғ тизмалари оралиғида ён бағирлари баланд ва тик кўтарилган, кўпчилик жойларида дара ва тангиллардан иборат тор водийда жуда тез оқади. Дарё водийси йирик ирмоқлар келиб қўшиладиган жойлардагина бир оз кенгаяди. З. Работхожа тўғони яқинида Тожикистон ҳудудидан чиқиб, Ўзбекистон Республикаси чегарасига киради ва Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятларидан оқиб ўтади. Самарқанд ш. яқинида (шарқроқда), Чўпонота тепалиги ёнида З. икки тармоққа — Оқдарё (ўнг) ва Қорадарё (чап)га ажралади. Улар *Миёнкол* о.ни ҳосил қилиб, Навоий вилояти Хатирчи тумани маркази — Янгиработ шаҳарчаси яқинида бирлашади ва яна З. номи б-н оқади. З. сувининг 70—75% қисми Қорадарё тармоғидан оқади. Бу ораликда атрофдаги тоғлардан кўплаб сой оқиб тушади, сувнинг озлиги ва суғоришга олиниши натижасида сойлар З. ва унинг тармоқларигача етиб келмай қуриб қолади.

Навоий ш. яқинида, Бойқўт ва Тошработ қишлоқлари оралиғида дарё водийси анча тораяди. Сўнг жан.-ғарбий йўналишда оқиб, Қизилқум чўлига кириб боради, Бухоро, сўнг Қоракўл воҳаларидан оқиб ўтади. Мана шу қисмида (Қоракўл ш.гача) Қоракўлдарё деб ҳам аталади. Қоракўл ш.дан 3 км юқорида қурилган тўғон — сув тақсимлагичда З. суви каналларга бўлиб юборилган. Тўғондан қуйида дарё ўзани яна икки тармоққа ажралади: чапдагиси (каттароғи) — Тойқир, ўнгдагиси эса Сарибозор деб аталади. Ҳар икки тармоқнинг юқори қисми суғориш канали сифатида хизмат қилади. Суғоришдан ортган ва қайтарма сувлар Тойқир ўзани орқали Денгизкўлга қуйилади. Сарибозор тармоғи ҳам Қоракўл воҳасидан анча наригача давом этади, лекин қуйи оқимида ўзани кўпинча қуруқ бўлади. З. Амударёга етиб бормайди.

Мил. ав. З. суви Амударёга қуйилган деган фикр бор. Акад. Я. Ғ. Буломов бошчилигида 50-й.ларда шу ҳудудда ўтказилган археологик тадқиқотлар натижасида дарёнинг музлик давридан сўнг, мил. ав. 4-минг йилликкача Амударёга қуйилганлигини кўрсатувчи излар борлиги аниқланди. Бироқ юнон манбаларида, мас., Искандар Мақдуний (*Александр*)нинг тарихчиси Квинт Курций Руф, географ Страбон (мил. ав. 1-а.), тарихчи Арриан (мил. ав. 2-а. охири — 1-а. боши)лар «Политимет (З.) сери сув бўлишига қарамай, қумга сингиб кетади» деб ёзишган. Лекин, Ҳофизи Абру (1362—1431) «Оби Кўҳак (З.) суви тошганда Амударёга етиб боради» дейди. Демак, З. маълум даврлардаги табиий иқлим шароитларида Амударёга қуйилган.

З.нинг сув тўплаш майдони анча баланд жойлашган: Дупули кўпригидан юқоридаги қисмининг ўртача бал. 3100 м. Шу туфайли ҳавзасида доимий қор ва музликлар кўплаб учрайди. З. ҳавзасида майд. 1 га ва ундан катта бўлган 424 музлик ҳисобга олинган, уларнинг умумий майд. 557 км². З. музлик, доимий қор, мавсумий қор қоплами ва булоқ сувларидан тўйинади. З. ҳавзасининг тоғли қисмида 80 га яқин кўл бор.

З.да тўлинсув даври апр.—сент. ойларида кузатилади. Бу даврда дарё йиллик оқимининг 80—85% оқиб ўтади, оқимининг қолган қисми кузги-қишки (окт.—март) кам сувли даврга тўғри келади. Июль—авг. ойларида З.да сув энг кўп бўлади.

З.нинг Дупули кўпригида ўлчанган ўртача кўп йиллик сув сарфи 154 м³/сек ёки 4,86 км³ (1914—21, 1923—89). З.нинг ўртача йиллик сув сарфи йилларараро кам ўзгаради: Дупули кўпригида унинг энг кичик ўртача йиллик сув сарфи 112 м³/сек (1957), энг катта ўртача йиллик сув сарфи 201 м³/сек (1973). Дарёнинг сув миқдори йил давомида катта оралиқда ўзгариб туради: энг катта сув сарфи 1964 й. 31 майди: энг катта сув сарфи 996 м³/сек, энг кичик сув сарфи 1928 й. 31 янв.да 24 м³/сек га тенг бўлган.

З.нинг ўртача кўп йиллик лойқа оқизиқлари сарфи Дупули кўприги яқинида 130 кг/сек ёки йилига 4200 минг т ни ташкил этади, сувининг ўртача лойқалиги 0,80 кг/м³; дарё ҳавзасининг ҳар бир км² сув йиғилиш майдонини юзасидан ўрта ҳисобида йилига 412 т тупроқ ва б. тоғ жинслари ювилиб туради.

З.да 60-й.лар охиридан дарё суви минераллашуви ортиб борди. 70-й.ларнинг бошларида сувининг минераллашуви қуйи оқимида тоғли қисмига нисбатан 2,9 марта кўпайди. Кейинги йилларда ҳам дарё сувининг минераллашуви унинг қуйи қисми томон борган сари ортиб бораверди. Мас., 1979 й.да З.нинг юқори оқимида минераллашув даражаси 0,22—0,39 г/л бўлган бўлса, Навоий ш. яқинида 0,58—1,05 г/л ортган. Натижада З. сувидан унинг қуйи оқимида ичимлик суви сифатида фойдаланиш имконияти бутунлай йўқолди.

З. тоғли қисмида музламайди, лекин *шовуш* кузатилади. Қиш фаслининг обҳаво шароитига (иссиқ ёки совуқ келишига) боғлиқ ҳолда бу ҳодиса 2—70 кун давом этади. З. қуйи оқимида баъзан қисқа муддат муз б-н қопланиши мумкин. Қишда дарё, асосан, ер ости (булоқ) сувлари ҳисобига тўйинади.

Пахта майдонларини кенгайтириш мақсадида З.дан Ўнгқирғоқ канали, Янги Даргом, Миёнқол-Хатирчи, Марказий Миёнқол каби янги каналлар чиқарилган, эскилари таъмирланган. З. сувидан самарали фойдаланиш мақсадида Самарқанд вилоятининг Каттадида Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон сув омбори, Бухоро вилоятида эса Қуйимозор сув омбори ва гидроузеллар қурилган.

З.нинг қуйи оқимидаги экинзорларга *Амў-Қоракўл канали, Амў-Бухоро машина канали* орқали Амударё суви ҳам келтирилган. Воҳада суғориладиган экин майдонлари кенгайиши ва улардан чиқадиган сувнинг кўпайиши натижасида кўплаб янги кўллар пайдо бўлди, эскилари (Денгизкўл, Шўркўл) катталашди (уларнинг сони 40 дан ортди).

З. воҳасида *Самарқанд, Бухоро, Каттақўрғон, Ғиждувон, Ромитан, Навоий* (Кармана б-н бирга) каби шаҳарлар жойлашган.

Ад.: Гулямов Я. Г., Исламов У., Аскаров А., Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана, Т., 1966; Шульц В. Л., Машрапов Р., Ўрта Осиё гидрографияси, Т., 1969; Муҳаммаджонов А. Р., Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи, Т., 1972; Чембарисов Э. И., Баҳриддинов Б. О., Ўрта Осиёнинг дарё ва зовур сувлари гидрохимияси, Т., 1983; Ҳасанов Ҳ. Ҳ., Географик номлар сири, Т., 1985; Расулов А. Р., Ҳикматов Ф. Ҳ., Ўзбекистоннинг сув ресурслари, уларни тежаш ва муҳофаза қилиш йўллари, Т., 1989.

ЗАРАФШОН — *Навоий вилоят*идаги шаҳар (1972 й.дан). Т. й. станцияси (Янги Зарафшон). Аэропорт бор. Қизилқум чўлининг марказий қисмида. Томдитовнинг ғарбий ён бағрида. Иқлими кескин континентал. Июлнинг ўртача т-раси 30—32°, янв.ники —3°. Йилига 100—120 мм ёғин тушади. 8 балли зилзила зонасида жойлашган. Аҳолиси 53,3 минг киши (2000).

З. Мурунтов олтин конининг ишга туширилиши муносабати б-н 1967 й. посёлка сифатида вужудга келган. З. — Ўзбекистонда олтин қазиб чиқарувчи саноат маркази. Асосий и. ч. кон-руда саноати б-н боғлиқ (кончилик-металлургия з-ди №2, Мурунтов кони, заргарлик з-ди, «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси). З.да «Агама» давлат трикотаж фирмаси, 150 га яқин нодавлат кичик корхона ва ташкилотлар бор. Шаҳарлараро йўловчилар ташишини «Олтин водий» акционерлик жамияти амалга оширади. «Амударё—Зарафшон» сув узатиш иншооти узайтирилмоқда. Учқудуқ—Нукус т. й. қурилган.

З.да 13 умумий таълим мактаби, касб-ҳунар мактаби, тиббиёт билим юрти, Навоий кончилик ин-тининг филиали (230 талаба), 2 маданият уйи, «Галактика» дискоклуби, 6 кутубхона, «Қизилқумни ўзлаштириш тарихи» музейи бор.

Зарафшондаги кон-руда саноати К. Б. Шулятников (биринчи кон очган геолог), Ўзбекистон қаҳрамони Н. И. *Кучерский* номи б-н боғлиқ.



«Зарафшон» ашула ва рақс ансамбли (2002).

«ЗАРАФШОН» — ашула ва рақс ансамбли. Ўзбек давлат филармонияси қошида 1986 й. «Бухоро» номи б-н ташкил этилган. 1988 й.дан «З.» номида. 1997 й.дан *«Ўзбекрақс»* бирлашмаси таркибида. Ташкилотчиси ва биринчи бадиий раҳбари Аҳмаджон *Шукуров.* Ансамблнинг ташкил этилишида балетмейстер Ю. *Исматова,* раққосалар Г. Юсупова, В. Пашкова, Д. Шукуржонова, мусиқа раҳбари Ю. Ғойипов, хонанда М. Норқуловларнинг хизматлари катта. Ансамблда балетмейстерлар В. *Оқилова,* Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист З. Мадраҳимова, хонанда М. *Йўлчиева,* созанда ва бастакорлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ш. Мирзаев, Ў. Расуловлар фаолият кўрсатган. «З.» ансамбли репертуаридан, асосан, *Бухоро-Самарқанд мусиқа услуби*даги, шунингдек, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларига хос анъанавий ашула, қўшиқ ва рақслар («Соқийномаи Мустаҳзоди Наво», «Талқинчаи Муғулчаи Сегоҳ», «Таронаи Наврўзи Ажам», «Бухоро тўлқини», «Мавриги», «Чорзарб», «Аз чеҳраи ёр», «Гули савсар», «Сандиқ», «Тоғли Бадахшон», «Ёввойи танавор» ва б.), шунингдек, ўзбек бастакорларининг асарлари (М. Мирзаев, «Навоийнома», «Этмас эдим» ва б.) ўрин олган. «З.»нинг етакчи раққос ва раққосалари — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Х. Ихтиёрова, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Э. Норбоева, Л. Рихсиева, Э. ва Ў. Қаҳҳоровлар. 1998 й.дан бош балетмейстери — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Назритдин Шерматов. Ансамбль Осиё, Европа мамлакатларида гастролда бўлган.

«ЗАРАФШОН» — Самарқанд вилояти ҳокимлигининг ижтимоий-сиёсий газ. Самарқанд ш.да ўзбек тилида ҳафтада 3 марта чиқади. Дастлаб «Самарқанд» (1904), сўнгра «Ҳуррият» (1917), «Меҳнаткашлар ўқи», «Меҳнаткашлар товуши» (1918), «Камбағаллар товуши» (1921), «Зарафшон» (1922), «Ленин йўли» (1930) номларида чоп этилган. 1991 й.дан ҳоз. номида. Газ.га турли даврларда М. Расулов, У. Абдушукуров, Р. Абдураҳмонов, З. Сатторов, Ш. Рашидов, О. Ҳомидов, Л. Ҳамроев ва б. муҳаррирлик қилишган. Акобир Шомансуров, Саидризо Ализода, Ғози Юнус, Ҳожи Муин, Анқабой, Абдулҳамид Мажидий, Фотеҳ Ниёзий, Нормурод Нарзуллаев каби таниқли журналист ва ёзувчилар меҳнат қилган. М. Нажмиддинов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, И. Ўлмасов, Ғ. Алиев, С. Ҳусайнов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист унвонига сазовор бўлишган. Газ. барча даврларда ҳам ҳаёт б-н ҳамнафас қадам ташлаб, самарқандликларнинг эркин минбари бўлиб келган. «З.» Самарқанд вилояти ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳаётини, дунёда рўй бераётган воқеалар, янгиликларни кенг ёритади. Газ.нинг хатлар ва ижтимоий тадқиқотлар, иқтисодиёт, ёшлар б-н ишлаш, фан ва таълим, ахборот ва спорт, ижтимоий масалалар ва маънавият, адабиёт ва санъат бўлимлари бор. Адади 5000 (2002).

ЗАРАФШОН — эртапишар маҳаллий олма нави. Р. Р. Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот ин-тининг Самарқанд филиалида географик узоқ бўлган Ландсберг ренети б-н Самарқанд эртагиси навларини чатиштириб чиқарилган (В. В. Кузнецов, А. А. Леплинская). Дарахти ўрта бўйли, шох-шаббаси кенг, тана шохлари йўғон. Кўчати ўтқазилгач, 4—5-йили ҳосилга киради. Мартнинг ўрталарида гуллайди. Меваси ўртача (110—150 г), кенг конуссимон, сирти текис, қизғиш. Эти оқ, нафис, серсув, майда уруғли, хушхўр, ҳиди ёқимли. Таркибида 13% қуруқ модда, 9,6% қанд, 1,1 % кислота, 1,49 мг% витамин С мавжуд. Меваси июль бошида пишади. Тупидан 100—120 кг ҳосил олинади. Совуққа чидамли. Асосан, томорқа ерларига экилади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларидаги боғдорчиликка ихтисослашган хўжаликлар учун тавсия этилган.

ЗАРАФШОН — эртапишар серҳосил картошка нави. Самарқанд қишлоқ хўжалиги ин-тида жаҳон коллекциясидан К-5 ва К-6234 навларини чатиштириш йўли б-н яратилган (Д. Т. Абдукаримов, 1981). 1985 й.дан Ўзбекистоннинг барча вилоятларида р-нлаштирилган. Тупининг баландлиги ўртача, кучли шохлайди. Барг ёстиғи, томири ва ўзаги тўқ яшил, барг бўлмалари тор ва узун. Гули оч қизил, бинафша, учи оқ. Чангдони сариқ. Картошкаси тухумсимон, узун, оч сариқ, туганак пўстлоғи силлиқ. Кўзчалари жуда кўп, эти оч сариқ. Туганакларининг ўртача оғирлиги 80—90 г. Турли касалликлар, жумладан, вирусли касалликларга, нематодаларга чидамли. Майсалари кўкариб чиққанидан кейин 100—130 кунда етилади, таркибида 15,3% крахмал бор. Ҳосилдорлиги 15—17 т/га боради. Яхши сақланади, мазаси яхши.

ЗАРАФШОН АРХЕОЛОГИЯ ЭКСПЕДИЦИЯСИ — Бухоро воҳасидаги археологик ёдгорликларни тадқиқ этиш мақсадида тузилган дастлабки илмий экспедиция (1934, 1939—40). Қад. ёдгорликларни сақлаш Ўзбекистон комитети, Давлат Эрмитажи, Моддий маданият тарихи ин-ти томонидан ташкил этилган бу экспедицияга *А. Ю. Якубовский* раҳбарлик қилган. Унда М. М. Дьяконов, *В. А: Шишкин, Т. Мирғиёсов,* В. Ю. Кесаев ва б. қатнашган. 1934 й. Бухоро б-н Самарқанд ўртасидаги қад. карвон йўлида археологик қидирув ишлари ўтказилган ва бу йўл ёқасида жойлашган сўнгги антик ҳамда илк ўрта аср ёдгорликлари: Қизилтепа, Шоҳшаҳидон, Шаҳривайрон, Абумуслимтепа, Бўрихона, Ганчхона, Ҳазора, Дингак ва б. ёдгорликлар тадқиқ этилган, шунингдек, *Кампир девор* қолдиқлари ўрганилган. 1939—40 й.лар З. а. э. Пойканд ш. харобалари топографиясини ўрганди, арк ва шаҳристонда дастлабки қидирув ишлари олиб борди.

Ад.: Якубовский А. Ю., Археологическая экспедиция в Заравшанскую долину в 1934 г.; Труды Отделения Востока Эрмитажа, т. 2, Л., 1940; Якубовский А. Ю., Краткий полевой отчет о работе Заравшанской археологической экспедиции Эрмитажа и ИИМК в 1939 г.; Труды Отделения Востока Эрмитажа, т. 2, Л., 1940.

ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ — Ўрта Осиёнинг марказий қисмида, Туркистон-Оқтов б-н Зарафшон тизмалари орасида жойлашган кўндаланг водий. З. в.нинг шарқий тоғли қисми Тожикистон, ғарбий тоғ этаги ва текислик қисми Ўзбекистон ҳудудида. Тектоник йўл б-н вужудга келган. Ҳоз. рельефининг шаклланишида Зарафшон дарёсининг доимий ва вақтли ирмоқлари ҳамда шамол муҳим роль ўйнаган.

З. в. Зарафшон музлигидан (бал. 2775 м) бошланиб, ғарбда Сандиқли қумигача (бал. 185 м) 781 км га чўзилган. Водий шу масофада ғарбий, жан.-ғарбий йўналишда давом этади ва астасекин пасайиб ҳамда кенгайиб боради. З. в., асосан, устини тўртламчи давр аллювиал жинслари қоплаган учламчи давр чўкинди жинсларидан таркиб топган. Бу ерда неоген давригача денгиз бўлган. Альп орогенезида водий қуруқликка айланган. Зарафшон дарёси ўз ўзанини чуқурлаштириб, терраса (кўҳна қайир)лар ҳосил қилган. З. в.нинг шарқий тоғли қисмида 6 та терраса бор. Панжакент ш.гача (300 км масофада) водий тор ва чуқур, Туркистон ва Зарафшон тизмалари ундан тик кўтарилиб туради. Зарафшон дарёси юқори қисмида муз ҳаракати б-н вужудга келган анча кенг (4—5 км) водий ҳосил қилган. Киштутсойнинг Зарафшонга қуйиладиган ерида водий жуда тор, тоғ ён бағри дарё қирғоғидан тик кўтарилган. Қуйи қисмида водий кенгайиб, Ўзбекистон ҳудудига ўтгач, кенглиги айрим жойларда 60—70 км га (Бухоро воҳасида) етади.

Ўзбекистон ҳудудида З. в.нинг узунлиги қарийб 480 км бўлиб, бу қисмида Самарқанд, Бухоро, Қоракўл воҳалари жойлашган.

Самарқанд воҳаси Самарқанд ботигида жойлашган, шим.дан Ғубдинтоғ—Оқтоғ—Қоратоғ, жан.дан Қоратепа—Зирабулоқ—Зиёвуддин каби унча баланд бўлмаган тоғлар б-н ўралган. З. в. бу воҳада анча (50 км гача) кенг. Навоий ш.дан ўтгач, водий яна тораяди. Қизилтепа ва Офтобачи қирлари бир-бирига жуда яқинлашиб, Ҳазар йўлагини (кенглиги 8—10 км) ҳосил қилади. Воҳанинг ер юзаси текис; уни Зарафшон дарёси ва вақтинча оқар сойлар кесиб парчалаган, баъзи ерларида жарлар ҳосил қилган.

Ҳазар йўлагидан ўтгач, водий яна кенгаяди ва жан.-ғарбга бурилиб, Бухоро воҳасини ҳосил қилади. Бу қисмида З. в.нинг кенглиги 70 км га етади ҳамда текисликка айланади. Воҳа шим.дан Қизилқум б-н, шарқдан Қўштепа, Аскамар, Қуйимозор, Қайнағач, Қумсултон каби тепаликлар, жануб ва жан.-ғарбдан эса Қоракўл платоси б-н ўралган. Бухоро воҳаси жан.-ғарбга, ғарб ва шим.-ғарбга бир оз нишаб. Унинг мутлақ бал. 200—280 м. Воҳани каналлар, ариқлар кесиб ўтган. З. в. Бухоро воҳасида жан.-ғарбга торайиб боради ҳамда Қоракўл платоси ёнида анча торайиб Қоракўл йўлагини ҳосил қилади. Сўнгра водий яна кенгайиб Қоракўл воҳаси бошланади.

Қоракўл воҳасини жан.-ғарбдан Сандиқли қуми, шим.-шарқдан Қоракўл платоси ва жан.дан Эшакчи қумлиги ўраб туради. Бу ерда водийнинг кенглиги 48—50 км, мутлақ бал. 185—200 м. Кичик шўр кўл, пастликлар бор.

З. в. Ўрта Осиёнинг марказий қисмида жойлашганлигидан иқлими континентал. Водий ғарбдан шарққа анча чўзилганлиги ва рельефнинг баландлашиб бориши туфайли т-ра режими ва ёғинлар миқдори ҳар жойда турлича. Йиллик ўртача т-ра текислик қисмида 12—15°, тоғли қисмида 12—0,7°. Ёз водийнинг текислик қисмида иссиқ бўлиб, узоқ давом этади, июлнинг ўртача т-раси 25—29°, тоғли қисмида эса 20—7,7°. Баъзан т-ра текислик қисмида 44° га, тоғли қисмида 33° га чиқади. Қиш водийнинг текислик қисмида анча илиқ бўлиб, янв.нинг ўртача т-раси 0° дан —1,3° гача, тоғли қисмида —3° дан —10° гача бўлади. Энг паст т-ра —35°. Йиллик ёғин 114—400 мм (ғарбдан шарққа ортиб боради), фақат Зарафшон тизмасининг ғарбий қисми — Омонқўтонда 881 мм. Ёғиннинг кўп қисми текислик қисмида йилнинг совуқ фаслида, тоғли қисмида эса иссиқ фаслда ҳам тушади. Водийнинг асосий дарёси — *Зарафшон.* Кўлларидан энг йириги — *Денгизкўл.* З. в. ботиқда жойлашганлиги сабабли ер ости сувлари мавжуд.

Водийда тупроқ ва ўсимлик қоплами баландлик минтақалари ҳосил қилган. Водийнинг энг пастки 400—500 м баландликкача бўлган ерлари чўл минтақасига киради. Бу минтақанинг тупроғи оч бўз тупроқ, унда, асосан, арпағон, тароқбош, лолақизғалдоқ, қорамашоқ, коврак, читир, тошлоқ ерларда эса шувоқ, бурган ва б. ўсади.


Чўл минтақасидан сўнг адирлар бошланиб, бал. 500 м дан 1200 м гача бўлган ерларни ўз ичига олади. Бу ерларда типик ва тўқ тусли бўз тупроқ тарқалган. Қўнғирбош, ранг, нўхатак, йўнғичқа, ялтирбош, оққурай, гулхайри, сасир, қасмалдоқ, чалов, етмак каби ўтлар; зирк, наъматак каби буталар ўсади.

Водийнинг 1200 м дан 2700 м гача бўлган қисми тоғ минтақасидан иборат бўлиб, бу ерларда жигарранг ва қўнғир тоғ-ўрмон тупроқлари учрайди. Ўтлардан так-так, тароқбош, чайир, буталардан учқат, бодомча, дарахтлардан арча ўсади. Водийнинг 2700 м дан баланд қисми яйлов минтақасидан иборат, тупроғи жигарранг.

Ҳайвонлардан бўри, тулки, қуён, чиябўри ва б., паррандалардан қирғовул, лойхўрак, ўрдак, чуғурчиқ, чумчуқ, сўфитўрғай ва б., булардан ташқари, ҳар хил илон, калтакесак, типратикан, каламуш, кўрсичқон ва б. учрайди.

З. в. Ўзбекистон ва Тожикистон хўжалигида муҳим ўрин тутади. Водийда суғориладиган ва суғоришга яроқли ер кўп. Чорвачиликни ривожлантириш учун табиий ўтлоқ ва пичанзорлар бор.

З. в. ўзининг кўркам боғ ва мевазорлари б-н қадимдан машҳур. Водийда газ, кўмир, олтин, турли хил қурилиш материаллари конлари, минерал сувлар ва б. бор.



ЗАРАФШОН ДАВЛАТ ҚЎРИҚХОНАСИ — Самарқанд вилояти (*Зарафшон* дарёсининг ўнг қирғоғи) ҳудудидаги қўриқхона. 1975 й.да ташкил қилинган. Қўриқхона майд. 2352 га, шу жумладан ўрмонзорлар б-н қопланган майд. 868 га. Самарқанд ш.дан 5 км жануби-шарқда жойлашган. Қўриқхона ҳудуди дарё соҳили бўйлаб эни 150 м дан 1400 м гача бўлган 35 км масофага чўзилган. Асосий вазифаси — тўқай ўсимликлари ва ҳайвонот оламига мансуб табиий муҳитни, ноёб ва йўқолиб бораётган ўсимликлар ва ҳайвонлар генофондини сақлаш, ўрганиш ҳамда тиклашдан иборат.

Қўриқхона иқлим шароитлари континентал субтропикларга хос. Ҳаво ҳарорати ёзда +41° га етади, қишда —27° гача пасаяди. Ўртача йиллик ёғин миқдори 100—400 мм. Ўсимлик дунёси терак, тол, жийда, чаканда каби дарахт, бута ва ўт тўқайзорлардан иборат. Қўриқхона ҳудудида ўсимликларнинг 266, қушларнинг 172, балиқларнинг 8 тури учрайди. Қўриқхонада зарафшон қирғовули муҳофаза қилинади ва уни катакларда боқиб кўпайтириш масалалари ўрганилган. 1996 й.дан қўриқхонада Бадайтўқай ва Қизилқум қўриқхоналаридан келтирилган 6 бош бухоро буғуси (*хонгул*)ни иқлимлаштириш бўйича ишлар олиб борилади. 1998 й.да улардан биринчи насл олинди ва бу ноёб ҳайвонни кўпайтириш ишлари давом этмоқда.

Борис Дьякин.

ЗАРАФШОН МУЗЛИГИ — Олай, Туркистон ва Зарафшон тизмалари бир-бири б-н қўшилган жойдаги музлик. Мастчоҳ тоғ тугунида жойлашган. Уз. 27,8 км, энг кенг жойи 2 км, майд. 43 км² (ирмоқлари б-н бирга 132,6 км²), ўртача қалинлиги 200 м. Музликнинг 24 км² қисми морена б-н қопланган. З. м.нинг умумий ҳажми 14,9 км³. Бошланиш жойининг бал. 4900 м, қуйи чегарасининг бал. эса 2772 м. 30 дан ортиқ ирмоғи бор. Энг йириклари: Толстой музлиги (уз. 12 км, майд. 19 км²), Фарахнов (уз. 14,4 км, майд. 14 км²), Мирамин (уз. 7 км, майд. 10 км²) ва Скачков (уз. 6,5 км майд. 9 км²) музликларидир. З. м.нинг сув захираси (ирмоқлари б-н) қарийб 19 млрд. м³. Музлик учи анча пастга тушиб келганидан ёзда кўп эрийди.

Ад.: Крупнейшие ледники Средней Азии — ледники Федченко и Зарафшанский [Результаты метеорологических и гидрологических исследований], Л., 1967; Крейтер А. А., Насыров М. А. и др., Современное оледенение в бассейне реки Зарафшан, Т., 1972; Шульц В. Л., Машрапов Р., Ўрта Осиё гидрографияси, Т., 1969.

ЗАРАФШОН ОКРУГИ — *Туркистон генерал-губернаторлиги* таркибига кирган тарихий округ (1868—1886). Самарқанд Россия томонидан босиб олингач (1868), Самарқанд ва Каттақўрғон бекликлари бирлаштирилиши натижасида тузилган. Кейинчалик З. о.га Панжикент ва Зарафшон водийси шим. даги тоғли р-нлар қўшилган. З. о.ни бошқариш генерал-губернатор К. П. фон *Кауфман* томонидан тасдиқланган «Муваққат низом» асосида амалга оширилган. 1886 й. 12 июнда «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида Низом»нинг қабул қилиниши б-н З. о. *Самарқанд вилояти* (области)га айлантирилган.

ЗАРАФШОН СУВАЙИРҒИЧ КЎПРИГИ — Самарқанд ш. марказидан 7—8 км шим.-шарқда, *Зарафшон* дарёсининг сўл қирғоғида пишиқ ғиштдан қурилган кўприк. У тарихий адабиётларда «Темур равоғи», «Пули Шодмон малик», «Абдуллахон кўприги» ва «Шайбонийхон сувайирғич кўприги» номлари б-н юритилади. Гарчи кўприк тарихи Амир Темур ва Абдуллахон номи б-н боғланса-да, аслида у 16-а. бошида Шайбонийхон томонидан қурилган. Тарихчи ва адиб Камолиддин Биноийнинг *«Шайбонийнома»* асарида ёзишича, Шайбонийхон Бухородан Самарқандга қайтишда (1502) шаҳарга кириш олдидан ўз лашкарлари б-н Зарафшон дарёсининг ўнг соҳилига тушади ва дарёга янги кўприк қуришни буюради (Чўпонота яқинидаги Зарафшон устига қурилган кўприк бузиб кетган бўлса керак). Қурилишга унинг барча аскарлари сафарбар этилади. Тош ва шох-шаббалардан катта-катта қорабура (фашина)лар ясалиб, Зарафшонга тўғон ўрнатиш ва дарё оқимини тўсишга киришадилар. Аммо дарёни бўғолмайдилар. Шундан сўнг Шайбонийхон Самарқанддан муҳандислар чақиртиради. Хоннинг бевосита кўрсатмасига биноан, улар дарёни боғлаш йўлини аниқлаб, кўприк лойиҳасини тузадилар. Тўғон ўрнатилиб, дарё боғлангач, бир ой мобайнида кўприк қуриб битказилади (1502 й. 3 воғининг катталигига қараганда, кўприк 7 равоқдан иборат бўлган деб ҳисоблаш мумкин.

Дарёнинг ҳоз. мавжуд кенглигини ҳисобга олганда, кўприкнинг уз. 200 м дан ошиқроқ бўлгани шубҳасиз. Аммо иншоот қачондан бошлаб шикастланиб, унинг равоқлари бирин-кетин бузилиб кетганлиги маълум эмас. Аммо 19-а.нинг 40-й.ларида унинг 3 равоғи бутун бўлган. 1841—42 й.ларда Россиядан Бухорога юборилган К. Ф. Бутенев бошлиқ дипломатик миссия иштирокчиси муҳандис Ф. Богословскийнинг ёзишича, ўша вақтда Қорадарёнинг ярим оқими шу 3 равоқ остидан оққан. 19-а.нинг ўрталарида иншоотнинг учинчи равоғи вайрон бўлиб, 2 равоғи қолган. Самарқандда бўлган зилзила (1898 й. авг.) натижасида кўприкнинг иккинчи равоғи ҳам қулаб тушиб, фақат охирги бир равоғи қолган. А. *Муҳаммаджонов* ўтказган (1962) археологик қазишлар натижасида иншоотнинг қулаб тушган иккинчи ва учинчи равоқларининг қолдиқлари топиб текширилди. Иншоотнинг бўйи ва эни 26 ёки 27 см, қалинлиги 5 см ли тўртбурчак пишиқ ғиштлардан қурилган. Ҳозиргача сақланган равоғининг кенглиги 21 м 60 см, бал. 11 м 85 см ва эни эса 9 м 10 см га тенг. Равоқ бирининг устига иккинчиси ўрнатилган. Икки қават тоқидан иборат бўлиб, унинг юқори тоқи пастки тоқига нисбатан ярим ғишт чиқарилиб ишланган. Пастки тоқининг қалинлиги 165 см ва юқори тоқиники — эса 125 см га тенг. Равоқ таянчини мустаҳкамлаш ва унинг ажралиб кетмаслиги учун равоқнинг дарёнинг ўнг соҳилига ўрнатилган жан. қанотининг икки томони махсус бозу (тиргак) шаклида ишланган.

Яхлит қоядан иборат табиий пойдевор устига ўрнатилган мазкур равоқ Зарафшон сувайирғичининг қисқа сўл қаноти бўлиб, унинг бир неча равоқлардан иборат ўнг қаноти биринчи равоққа нисбатан 102° бурчак ҳосил қилиб, шарққа томон йўналган. Иккинчи равоқдан фақат унинг пастки пойдевор қисмигина сақланган. Бу дарё ўзани ичида харсанглардан ишланган кўприк устунларидан бири бўлиб, унинг уз. 8,5 м ва эни 3 м 80 см га тенг. Равоқнинг кенглиги эса 20 м 75 см, уз. 8,5 мга тенг бўлган. Иншоотнинг учинчи равоғидан фақат пойдеворининг бир қисми сақланиб, бошқа равоқларидан эса асорат ҳам қолмаган. Равоқ усти қисмининг эни 7 м дан ортиқ бўлган. Икки четининг баландлиги ҳам, эни ҳам 1 м лик ғов қилиб, пишиқ ғиштдан ишланганлиги мазкур иншоотни лойиҳалаштирган 16-а. муҳандислари дарё устидан ўтувчиларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш чораларини ҳисобга олганлигини кўрсатади. Кўприкда ишлатилган қурилиш қоришмалари ҳам алоҳида диққатга сазовордир. Цемент каби мустаҳкам бириктирувчи қоришма ҳали ихтиро этилмаган ўрта аср шароитида сув иншоотларини бино қилишда доимий намликка чидамли қурилиш қоришма-



Зарафшон сувайирғич кўприги қолдиғи.

си топиб ишлатилган. Мас., кўприк устунларининг доимий сув остида турадиган қисми ўсимлик кули ва ганч аралаш оҳакдан тайёрланган сувга чидамли махсус турувчи қисмлари ўсимлик кули аралаш ганч қоришмаси б-н ва ниҳоят, иншоотнинг доимий қуруқ шароитда турадиган юқори қисми фақат ганч б-н ишлаб чиқилган. З. с. к. Самарқанд ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Кўприк орқали ўтган карвон йўллари Самарқанд шим.да Тошкент воҳаси ва Сирдарё бўйларидаги туманлар,. шарқда Фарғона водийси ҳамда Нурота орқали Бухоро б-н боғланган. Бундан ташқари, бу иншоот Зарафшоннинг Оқдарё ва Қорадарёларга бўлинишида сувайирғич сифатида ҳам хизмат қилган. Зарафшоннинг сувини тенг иккига тақсимлаш мақсадида Оқдарё ва Қорадарёлар ўртасига қурилган тўғон З. с. к.нинг марказий равоқларидан бирига бориб туташган. Натижада Зарафшоннинг оқими кўприк остидан ўтиши б-н иккига: Оқдарё ва Қорадарё ўзанларига бўлиниб оққан. Шунинг учун ҳам бу иншоот тарихда сувайирғич кўприги номини олган. Бу айирғичнинг яна бир катта аҳамияти шундаки, у Зарафшон сувини тартибга солган, Миёнкол ва б. туманларни баробар суғоришда катта роль ўйнаган. Кўприкдан ҳоз. вақтда сақланиб қолган ягона равоқ Ўзбекистонда гидротехника тараққиёти тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. З. с. к. нодир тарихий ёдгорлик сифатида давлат муҳофазасига олинган.

Ад.: Муҳаммаджонов А., Шайбонийхон сувайирғич кўприги, Т., 1969; Муҳаммаджонов А., Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи, Т., 1972; Муҳаммаджонов А., Ўзбекистоннинг қадимги гидротехника иншоотлари, Т., 1997.

Абдулаҳад Муҳаммаджонов.

ЗАРАФШОН ТИЗМАСИ — *Помир-Олай тоғлари*га мансуб тоғ тизмаси. *Зарафшон* дарёсидан жан.да, Мастчоҳ (Кўксув) тоғ тугунидан бошланиб, Туркистон тизмасига параллел ҳолда шарқдан ғарбга 420 км га (Жом чўлигача) чўзилган. Герцин бурмаланишида ҳосил бўлган, кейинчалик емирилган ва учламчи даврда қайта кўтарилиб ҳоз. қиёфага келган. Замини асосан палеозой оҳактошлари, кристалли сланецлар ва қисман гранитлардан (ғарбида) тузилган. З. т.да қоя, тик жарлик ва чуқур водийлар кўп. Оҳактошли жойларида карст ҳодисалари учрайди. З. т.нинг ғарбий қисмидаги Қирқтоғ платосида (Зиёвуддин тоғлари яқинида) Ўрта Осиёда энг чуқур, дунёдаги йирик карст ғорларидан бири Кили (ёки Киев) ғори (тубидаги кўл б-н бирга чуқ. 950 м) жойлашган. Тизманинг шарқий қисми Мастчоҳ ва Яғноб дарёлари ҳавзаларини, ғарбий қисми Зарафшон ва Қашқадарё ҳавзаларини бир-биридан ажратиб туради. Шарқий қисмининг ўртача бал. 4000—4500 м.

З. т.да бир қанча бўйлама депрессия (грабен) ва кўндаланг водийлар мавжуд. Зарафшон дарёсининг ирмоқлари — Фондарё, Киштутсой, Мағиёндарё З. т.ни кўндаланг кесиб ўтиб, тизмани уч қисмга бўлади. Фондарёгача бўлган шарқий камбар қисми Мастчоҳ тоғлари деб аталади, унда қиррали чўққи кўп. Шим. ён бағри қия, жанубийси тик. Бал. 4500—5000 м, энг баланд жойи Тутак чўққиси, 5433 м. Баланд қисмида қор ва музлик кўп. Шарқда Фондарё ва ғарбда Киштутсой оралиғида Фон тоғлари жойлашган. Шим. ён бағри (Зарафшон водийси томон) тик ва қояли бўлиб, жан. Ҳисор тоғларига туташиб кетади. Сланец ва оҳактошларидан тузилган шим. ён бағрида ёриқ кўп. Бу ёриқлар ташқи кучлар таъсирида кенгайиб бормоқда; тоғларда кўчкилар бўлиб туради. З. т.нинг кичикроқ музликлар б-н қопланган энг баланд Чимтарға чўққиси (5489 м) шу қисмида. Музликларнинг умумий майд. 307 км².

Киштутсойдан ғарбга томон тоғ пасайиб, у ерда ўртача бал. 2500 м бўлган платосимон тоғлар бор. Магиёндарёдан Тахтақорача довонигача Чақаликалон тоғи давом этади, унинг шарқий қисми баланд, шим. ён бағри тик. Довоннинг ғарбидаги Қоратепа тоғи ғарбга томон пасая бориб, бал. 500—600 м ли адирлар б-н тугайди. Адирлар Каттақўрғон ш.дан жан.да баландлаша бориб, Зирабулоқ тоғларига туташади. Зирабулоқ ва Зиёвуддин тоғлари З. т.нинг ғарбий давомидир.

З. т. иқлими континентал. Тоғ олди қияликлари ва ён бағирларининг иқлими иссиқ ва қуруқ, юқорига кўтарилган сари иқлими салқинлашади ва ёғин кўпаяди. Янв.нинг ўртача т-раси пастроқ қисмида —0,5° дан 2° гача, 2500—3000 м баландликда эса —6° дан —10° гача. Июлнинг ўртача т-раси паст жойларда 25—29°, баланд қисмида эса 15—18°. Максимум т-ра 40—42°. Йиллик ёғин миқдори 200—400 мм.

Тоғ ён бағирлари сийрак ўрмон (асосан арчазор) б-н қопланган. Тоғнинг 800 м гача бўлган ва лёсс ҳамда лёссли қумлоқ жинслардан тузилган қисмларида оддий ва типик бўз тупроқ, 800—1500 м баландликда қўнғир бўз тупроқ тарқалган. 1500—2000 м баландликда тоғ ўрмон-дашт минтақасидаги жигарранг ва жигарранг-қўнғир тупроқларда заранг, арча, ёнғоқ, бодом, қатранғи, писта, дўлана, итбурун, чия ўсади. 2500—3000 м баландликлар субальп минтақасидан иборат, у ерларда мушукқўйруқ, қўнғирбош, оқсўхта, коврак, бетага ўсади. 3000 м дан баланд қисмидаги альп минтақасида тўқ қўнғир ва қўнғир ўтлоқи, ўтлоқи тупроқларда оқмомиқ, тўнғизсирт, сувранг, чойўт, чалов, бетага, қизилтикан, пахтак ўсади.

З. т.даги ўрмон ва бутазорларда ўрмон каламуши, олмахон учрайди, альп минтақасида эса қизил думли суғур, қизил пишчуха, кулранг сассиққўзан, тибет бургути, каптар, силовсин, тош сувсари, жайра, ёввойи эчкилар яшайди.

З. т. яйловларидан чорвачиликда кенг фойдаланилади. Дарё водийларида қишлоқлар, экинзорлар, боғлар бор.

Ад.: Баратов П., Орография долины реки Зарафшон, в сб. «Вопросы изучения и использования природы и природных ресурсов Средней Азии и сопредельных стран», Т., 1970.

ЗАРАФШОН ТРАКТИ — Ўзбекистондаги йирик автомобиль йўли, Самарқанд — Ашхобод автомобиль йўлининг бир қисми. Зарафшон водийсининг асосий транспорт магистрали. Самарқанд—Каттақўрғон—Навоий—Бухоро—Қоракўл—Олот—Туркманистон чегараси йўналишида ўтади. 1933—37 й.ларда қурилган. 1965 й.дан қора қоришмали қоплама ётқизилган. Умумий уз. 365 км, унинг 62 км цементбетонли, 289 км асфальтбетон ва 14 км қора қопламали. Йўлнинг 297 км I тоифага, 57 км II тоифага, 11 км III тоифага киритилган. Йўлда 2098 м узунликдаги 62 кўприк, 14578 м узунликдаги 668 дона қувур иншоотлари бор. З. т. орқали халқ хўжалигининг барча турдаги юклари ва йўловчилар ташилади. Қатнов жадаллиги суткасига 10—15 минг автомобилга етади.

«ЗАРАФШОН-НЬЮМОНТ» — олтин қазиб олиш бўйича Ўзбекистон—Америка қўшма корхонаси. Навоий вилоятининг Мурунтов шаҳарчасида жойлашган (Тошкент ш.да ваколатхонаси бор). Корхона муассислари: Ўзбекистон томонидан Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Навоий кон-металлургия комбинати (устав фондининг 25% дан), хорижий иштирокчи «Ньюмонт-Ўзбекистон ЛТД» (устав фондининг 50%).

Қўшма корхонани ташкил қилиш тўғрисидаги шартнома 1992 й. фев.да имзоланди. 1993 й. окт.да техник-иқтисодий асослаш ишлари якунланди. Корхона 1993 й. окт. — 1995 й. май ойларида қурилди ва илгари қазиб олинган, таркибида олтин миқдори саноат аҳамиятига эга бўлмаган маъданларни қайта ишлаш бўйича з-д фойдаланишга топширилди. 1995 й. 20 июнда уюмли танлаб ишқорсизлантириш жараёнида остки геоэкологик хавфсизликни таъминловчи қатламсимон тўсиқ (таглик)нинг 1-босқичи, 1997 й. 30 янв.да 2-босқичи фойдаланишга топширилди, 2001 й. март ойидан унинг 3-босқичи қурилиши бошланди. Лойиҳа қуввати бир йилда 13,8 млн. т рудани қайта ишлашга мўлжалланган (таркибида камида 1,59 г/т олтин бўлган рудадан 65%, 1,09 г/т олтин бўлган рудадан 55% олтин ажратиб олинади). 2000 й.да 14,1 млн. т рудага ишлов берилди.

Ўзбекистонда бу корхона қурилишига қадар олтин ажратиб олишда уюмли танлаб ишқорсизлантириш усули саноат даражасида қўлланилмаган. 2000 й. дек.да қўшма корхона ихтиёрига 120 млн. т минераллашган руда (масса)ни бериш ва корхона ишини 2012 й.га қадар узайтириш тўғрисида қўшимча битим имзоланди.

Корхонада АҚШ, Финляндия, Германия, Бельгия, ЖАР ва б. кўплаб мамлакатлардаги технологик материаллар ва жиҳозлар етказиб берувчи корхоналар б-н ўзаро алоқалар йўлга қўйилган.

Геннадий Яблоков.



Зарафшон-Ньюмонт корхонаси.

ЗАРБА, зарб (физикада) — ҳаракатланаётган қаттиқ жисмлар тўқнашганда, қаттиқ жисм суюқлик ёки газ б-н ўзаро таъсирлашганда юзага келадиган ҳодисалар мажмуи. З. давом этадиган вақт оралиғи, одатда, жуда қисқа (секунднинг ўн минглик улушларидан млн.лик улушларигача), бир-бирига урилувчи жисмларнинг контакт (туташувчи) юзаларидаги кучлар (З. кучлари) эса жуда катта оний кучлар бўлади. Тўқнашган системалар учун оний кучлар ички кучлар ҳисобланади. З. вақтида пайдо бўладиган импульслар оний импульслар дейилади. З. туфайли жисмларнинг йўналиши, тезлиги, шакли ўзгаради, қолдиқ деформациялар, товуш тебранишлари, жисмларнинг қизиши ва б.лар содир бўлади. Икки томонлама урилиш тезлиги критик тезликдан катта бўлган ҳолларда эса жисмларнинг З. таъсир этган жойи емирилиши мумкин. З. тўғри, марказий, бурчакли, пластик, эластик ва ҳ. к. бўлиши мумкин. З. кучи $F_з$ нинг шу куч таъсир этиб турган вақт τ га кўпайтмаси $F_з \cdot \tau = S_з$ зарба импульси дейилади. З. вақтида $F_з$ жуда катта, τ жуда кичик бўлади. Шу сабабли, З. вақтида З. кучи ўрнига З. импульси ишлатилади.

З.нинг элементар назариясига кўра, жисм тезлигининг З. вақтидаги ўзгариши тикланиш коэффициенти $k<1$ б-н ифодаланади; бу коэффициентнинг қиймати урилаётган жисмлар материалига боғлиқ. Мас., ёғоч шар учун $k = \frac{1}{2}$, пўлат шар учун $\frac{5}{9}$; $k=1$ бўлса мутлақ эластик З., $k=0$ бўлганда мутлақ ноэластик З. дейилади.

Машина ва механизмлар, иншоот элементларини ҳисоблашда уларнинг З.га чидамлилиги эътиборга олинади. З.дан жисмларни деформациялаш (яссилаш, майдалаш, штамплаш ва б.) ҳамда ҳаракатлантириш (мас., қозиқ, мих қоқиш ва б.) мақсадида фойдаланиш мумкин.

ЗАРБАНДТОҒ — Нурота тоғ системасидаги Оқтоғнинг ён тизмаси, Оқтепасойдан ғарбда. Уз. 10 км, энг баланд жойи Зарбанд қишлоғи яқинида (1280 м). З. палеозой ётқизиқлари, асосан, сланецлардан таркиб топган, рельефи асосан текис. Типик ва тўқ бўз тупроқ кенг тарқалган. Эфемер ва эфемероид ўсимликлар ўсади. З.дан хўжаликда яйлов сифатида фойдаланилади.

ЗАРБДОР — Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги шаҳарча (1992 й.дан), *Зарбдор тумани*нинг маркази. Туманнинг жан.да жойлашган. Т. й. станцияси. Вилоят маркази — Жиззах ш.дан 30 км шарқда. Аҳолиси 9 минг киши (2001). З.да туман ҳокимияти биноси, ун к-ти, пахта тозалаш з-ди, автокорхоналар, деҳқон бозори, маиший хизмат ва савдо шохобчалари, маданият саройи, клублар, 2 умумий таълим мактаби, касб-ҳунар лицейи, стадион ва б. бор. Шаҳарча муҳим автотранспорт йўллари ёқасида жойлашган. Вилоят маркази ва б. аҳоли пунктлари б-н автомобиль йўли орқали боғланган.

ЗАРБДОР ТУМАНИ — *Жиззах вилояти*даги туман. 1979 й. 4 дек.да ташкил этилган. Шим.-шарқда Сирдарё вилояти, ғарбда Жиззах тумани, шарқда Янгиобод тумани, жан.да Зомин тумани б-н чегарадош. Майд. 0,51 минг км², Аҳолиси 45,7 минг киши (2000). З. т.да 5 қишлоқ фуқаролари йиғини (Адиробод, Андижон, Лалмикор, Шарқ Юлдузи, Янгикент) ва 2 шаҳарча (Бўстон, Зарбдор) бор. Маркази — *Зарбдор* шаҳарчаси.

Табиати. Туман ҳудуди Мирзачўлнинг жан.да жойлашган. Рельефи асосан текисликдан иборат. Иқлими кескин континентал. Янв.нинг ўртача т-раси —4°, —6°, июлники 28—30°. Йилига 300—350 мм ёғин тушади. Вегетация даври 205—210 кун.

Тупроғи бўз, қўнғир тупроқ. Ер ости сувлари юза, шўр. Туман ҳудудида қасувлари бор. Оқова шўр сувларни қочириш учун ариқ ва зовурлар қазилган. Ёввойи ўсимликлардан янтоқ, шўра, шувоқ, қўнғирбош, қиёқ, қамиш, юлғун, оқбош, итузум, тол, жийда ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, чиябўри, каламуш, тошбақа, илон, қалтакесак, ёввойи паррандалардан ўрдак, тустовуқ, қирғовул, калхат, чуғурчиқ, қарға, сўфитўрғай, майна яшайди.

Аҳолиси, асосан ўзбеклар, шунингдек, тожик, қозоқ, рус, украин, қирғиз, туркман, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га 89 киши тўғри келади. Қишлоқ аҳолиси 27,8 минг киши, шаҳарликлар 17,9 минг киши.



Хўжалиги. Қ. х.да пахтачилик, ғаллачилик асосий ўринни эгаллайди. 13 та ширкат хўжалиги мавжуд. Жами қ. х. ерлари 34,5 минг га, шу жумладан суғориладиган ерлар 32,8 минг га, лалми ерлар 430 га. Тумандаги барча тоифадаги хўжаликларда 12 мингдан зиёд қорамол, 14 мингдан ортиқ қўй-эчки, 370 тача от бор. 325 деҳқон хўжалиги бўлиб, 13,7 минг га ер ажратилган. Туманда Зарбдор ун к-ти, 20 кичик, 20 хусусий корхона, 4 савдо ташкилоти, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.

Туманда 12 умумий таълим мактаби (12,4 минг ўқувчи), «Оқбулоқ» фольклор этн. гуруҳи, 230 ўринли касалхона, 8 қишлоқ врачлик амбулаторияси, қишлоқ врачлик пункти, 8 фельдшер-акушерлик пункти, 2 поликлиника, 8 дорихона бор. Зарбдор—Гулистон, Зарбдор—Тошкент, Зарбдор—Самарқанд ва б. йўналишлар бўйича шаҳарлараро автобус ва такси қатнови йўлга қўйилган. «Зарбдор» туман газ. 1000 нусхада нашр этилади.

ЗАРБИЙ ТЕЗЛАНИШ (космонавтикада) — космик парвозда космонавт катапульталанганда, авария ҳолатларида, кабина космонавт б-н бирга элтувчи ракетадан ажралганда ва космик кема (КК) қуруқликка қўндирилганда вужудга келадиган тезланиш. Қисқа вақт (1 с чамаси) давом этади ва тез (бир неча д/с дан минг д/с гача) ўсиб боради. Одамнинг шикастланмай ерга тушишида З. т.нинг таъсир йўналиши, тезлигининг ортиб бориши, ўриндиқнинг шакли, боғлаш системаси, гавда ҳолати, космонавт организмининг тайёргарлиги муҳим аҳамиятга эга. Агар З. т. вектори умуртқа поғонаси йўналишига тўғри келса (ёки шу йўналишга яқинлашса), уни синдиришга интилади. Мас., катапультланиш вақтида (З. т. 200—500 д/с тезликдан ортганда ва З. т. 0,1—0,2 с таъсир қилганда) чидаш чегараси 20—22 д ни ташкил қилади. Қўндаланг йўналишдаги З. т. учун бу чегара анча юқори бўлади. Аммо бунда паренхиматоз органлар, айниқса, ўпка жароҳатланиши мумкин. Авария юз берганда КК ни ерга қаттиқ қўндиришда З. т.нинг ўсиб бориш тезлиги 2000—3000 д/с га етиши мумкин. Агар бунда З. т. 25—30 д дан ортса, мия шикастланиши, ҳатто ўлим юз бериши мумкин. КК ни ерга қўндириш пайтида пайдо бўладиган зарбларни камайтириш мақсадида парашют системасидан ташқари махсус қўндириш қурилмаси ёки тормозловчи ракета қурилмалари қўлланилади.

ЗАРБИЙ ТЎЛҚИН — товуш тезлигидан катта тезликка эга жисмнинг ёки зичлиги, босими ва т-раси кескин юқори бўлган муҳит қатламининг ҳаракати таъсирида муҳитда пайдо бўладиган тўлқин. Портлаш ва *детонация* натижасида жисмлар ёки жисм қатламлари товуш тезлигидан катта тезликда ҳаракатланганда, лазер (ёки электрон) нури фокусида ва ҳ. к.да ҳосил бўлади. З. т. натижасида моддаларнинг зичлиги, босими ва т-раси кескин ошиб кетади. З. т. фронти орқасидан атмосфера босимидан катта босимли сиқилган ҳаво (сув, тупроқ) қатлами, булар орқасидан эса атмосфера босимидан кичик босимли сийрак ҳаво (сув, тупроқ) қатлами ҳаракатланади. З. т. сиқилган ҳаво қатламидан тезроқ силжийди, вақт ўтиши б-н З. т. ҳаракати сусаяди, бир оздан сўнг тезлиги товуш тўлқини тезлигига бараварлашади. Атом бомбаси портлаганда ҳосил бўладиган З. т. бундай қуролнинг асосий шикастловчи омили ҳисобланади. Мас., тротил эквиваленти 20 минг т бўлган бомба портлаганда ҳосил бўладиган З. т. 4 км наридаги биноларни вайрон қилиши, жанговар техникани йўқ қилиши ёки ишдан чиқариши мумкин. Бундай З. т. 1,5 км наридаги кишилар ва ҳайвонларни ҳам шикастлайди. Оддий ҳимоя воситалари (окоплар, блиндажлар, ўрмонлар) З. т. таъсирини анча камайтиради.



Зарбхона. Тошкент зарбхонаси.

ЗАРБОФТ (форс.— олтин, тўқима) — зар ип б-н тўқилган матоларнинг умумий номи. Асосан, хон, амалдорлар ва уларнинг оила аъзолари З.дан тайёрланган либослар кийган.

ЗАРБУЛМАСАЛ — *мақол, матал* ва рамзли ҳикоя асосида яратилган таълимий ҳикоялар. З.да муайян ҳикоялар таркибида, уларнинг ҳулосаси сифатида металлар келтирилади. Баъзан масал, маталларнинг мазмуни асосида ҳикоялар яратилади. Бундай ҳикоялар кўпинча панд-насиҳат маъносида бўлиб, маълум ғояни ёритиш учун хизмат қилади. З.да мажозий маъно, киноя, рамз етакчи бадиий восита сифатида қўлланилади. «*Калила ва Димна*», «Марзбоннома», «*Синдбоднома*», «*Қобуснома*» ва *Саъдий* Шерозийнинг «Гулистон»и, Муҳаммад Али Ҳабалийнинг «Жоме уттамсил» асари З.га мисол бўлади. *Гулханий* ва *Рожий*нинг «Зарбулмасал»лари, З.нинг мукаммал намуналари ҳисобланади.

ЗАРБХОНА, танга саройи — тангалар зарб қилиш, орден, медаллар, кўкрак нишонлари ва б. давлат унвон белгилари, шунингдек, зарҳаллаш, кумушлаш ва заргарлик сирлаш усуллари б-н металдан ўйма ва босма маҳсулотлар тайёрлайдиган давлат корхонаси. З. миллий давлат барпо бўлиши б-н танга зарб қилиш давлат монополиясига айланган шароитларда ташкил қилинади.

Энг қад. З.лар мил. ав. Юнонистонда ва Римда ташкил этилган эди. Дастлабки тангалар металлнинг оддий кичик бўлагидан иборат бўлган. Кейинчалик расмли ва ёзувли тангалар зарб қилина бошлаган. Мас., Эрон шоҳи Доро I 8,4 г оғирликдаги олтин тангалар зарб эттирган. Ўрта Осиёда давлат пуллари зарб этадиган З.лар 8—10 а.ларда пайдо бўлган. Амир Темур ҳукмронлиги даврида Самарқанддаги зарбхона Темурийлар давлати учун танга пуллар зарб этган.

19-а.нинг 40-й.ларида Хива, Бухоро, Қўқон хонликларидаги З.ларда аверси

(ўнг томони)да ҳукмдор номи ва зарб қилинган йили, реверси (терси)да зарб қилинган шаҳри ёзилган олтиндан тилла, кумушдан танга, мисдан пул деб аталадиган тангалар (мас., Бухорода 1 тилла=21 танга=44 пул) зарб қилинган.


Собиқ Иттифоқда 1921 й.гача Петроград (ҳозирги Санкт-Петербург) З.сида орденлар ва юбилей медаллари тайёрланган. 1921 й. авг.дан кумуш, 1924 й.дан мис, кейинчалик бронза ва никелли, 1961 й.дан бошлаб эса жез ва нейзильбердан тангалар зарб қилина бошлади. 1942 й.да ташкил этилган Москва зарбхонасида орден, медаллар, қимматбаҳо металлардан кўкрак нишонлари ва б. маҳсулотлар тайёрланган.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин 1992 й.да Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузурида *«Давлат Белгиси» ишлаб чиқариш бирлашмаси* ташкил қилинди. Шу бирлашма таркибида Тошкент зарбхонаси 1997 й. 20 мартда ишга туширилди. З.да ЎзРнинг тангалари, орден, медаллари, кўкрак нишонлари ва б. ишлаб чиқарилади.

Ад.: История Узбекистана в источниках // Узбекистан в сообщениях путешественников и учёных (20—80 годы XIX в), Т., 1990.

ЗАРВАРАҚ, шмуқтитул — китобнинг *сарварағи*дан ёки ҳар бир боб, бўлим, қисмдан олдин қўйиладиган икки ёки бир саҳифали алоҳида варағи. З.да китобнинг қисқа номи, айрим ҳолларда фақат китоб ва нашриёт номи берилади. Баъзида китобнинг мазмунига монанд безаклар ишланади. Китоб ичидаги З.да китобнинг алоҳида қисм ва боблари олдидан шу қисм ёки бобнинг номи, расм ҳамда безаклар жойлаштирилади.

Китобат санъатида лаввоҳ (китобга жило берувчилар) томонидан З. саҳифалари четларига ранг-баранг чизиқлар, нақшлар чизиш, китоб номини олтин ҳал б-н ёзиш китоб безашнинг одатдаги услубига айланган. Алишер Навоий асарлари учун ўз даврида ғоят маҳорат б-н З.лар ишланган (қ. *Китобат санъати*).



Алишер Навоийнинг «Хамса» асарига ишланган зарварақ (Ҳирот, 1492—93 й.лар; хаттот Султонали Машҳадий, музаҳҳиб Мавлоно Ёрий. Санкт-Петербург Давлат халқ кутубхонаси қўлёзмалар фондида сақланади).





Зарғарлик: тиллақош (Тошкент, 1880 й.); Далварзинтепадан топилган бўйин тақинчоғи (пектораль, мил. ав. 1-а.).

ЗАРҒАРЛИК — бадиий ҳунармандлик соҳаси; *олтин, кумуш, мис,* қалай каби рангли металлардан *зеб-зийнат буюмлари* (тақинчоқлар), безак буюмлари ясаш касби. Зарғарлар безак буюмларни тайёрлашда қуйиш, болғалаб (зарб бесуви юритиш), ўйиб ёки бўрттириб нақш ясаш, босма, *зиғирак,* совткокенг фойдаланади. Қимматбаҳо тошлар (*гавҳар, феруза, дур, ҳақиқ* ва б.)га ишлов бериб, З. буюмлари (*баргак, бибишак, билагузук, бозубанд,* бозгардон, *болдоқ, булоқи, бўйинтумор, гажак, дуотузи, жевак, жиға, заркокил, зебигардон, зулф, исирға, кокил, ойболдоқ, осматузи, санчоқ, тавқ, тилла баргак, тилла тузи, тиллақош, турунж, узук, шокила, қашқарболдоқ, ҳалқа* каби) яратилган.

Археологик топилмалар З. қадимдан мавжудлигини кўрсатади. Қад. Миср, Юнонистон, Эрон, Хитой зарғарлари З. буюмлари тайёрлашда маржон, нефрит, каҳрабо ва б.дан кенг фойдаланган. Европада, айниқса, роман ва готика даврида (12—15- а.лар) З. санъати юксак погонага кўтарилган, З.нинг янги усул ва услублари вужудга келган. ЎзРнинг кўпгина музейларида сақланаётган топилмалар республика ҳудудида (Юнон-Бақтрия подшолиги, мил. ав. 3—2-а.; Қад. Хоразм, асосан, мил. ав. 1-минг йиллик ўрталаридан мил. 8-а. гача) З. ривож топганини кўрсатади. Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива, Қўқон, Шаҳрисабз ва б. шаҳарларда З. ривожланган. 19-а. охири 20-а. бошида ўзига хос ишланиши, шакли, безаклари, хусусиятлари б-н бир-биридан фарқ қилган хилма-хил З. буюмлари кенг тарқалган, зийнат буюмлари тўпламлари вужудга келган. Асрлар оша авлоддан авлодга ўтиб келаётган З. санъати 20- а. бошларида инқирозга юз тутди, халқ усталарининг сони қисқара бошлади. Усталарга қимматбаҳо ҳом ашёлардан фойдаланишга йўл қўйилмади. З. ф-каларида ижод қилган усталар иш жараёнида аста-секинлик б-н мавжуд анъаналардан йироқлаша бордилар. Натижада улар томонидан ишлаб чиқарилган буюмларнинг шаклишамойили ўзгариб «эклектик» манзарани юзага келтирди ва баъзи анъаналарни буткул йўқолишига олиб келди.





Билагузуклар: илон шаклидаги билагузук (Бақтрия, мил. ав. 3-а.); соатли билагузук (20-а.).

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг З. санъати жонланди. Қимматбаҳо металл материаллардан фойдаланишга имкон яратилди.

Ижод қилаётган усталар, асосан, 2 йўналишда: маҳаллий З. (унутилиб бораётган анъаналарни қайта тиклаш) ва анъанавий замонавий услубда З. буюмлари яратиш устида ижод қилмоқдалар. Анъанавий З. буюмлари — туморлар, исирғалардан «уч кўзача», «ой болдоқ», «ер бидор», «қашқарболдоқ» ва б. яратилди. Усталардан Даламуҳамедовлар сулоласи, Г. Йўлдошева, Р. Мухаметшин, М. Нозирхонов, Ш. Низомов, И. Олимов, Г. Тошева ва бошқалар З. анъаналарини ўрганиш, ривожлантириш ва янги йўналишларни кашф этиш борасида қатор ишларни амалга оширдилар. Бухоро, Хоразм, Сурхондарё ва бошқа З. мактабларнинг айрим чизгилари бир-бирига уйғунлаштирилиб, янги замонавий З. буюмлари яратилмоқда. А. Улумбековнинг «Аёл» (1998), «Африка» (1999), «Балиқча» (1999); Э. Гостевнинг «Парвоз» (1998) асарлари, Р. Мухаметшин ижодий намуналари («Ҳаёт дарахти», 1993; «Тоғ ирмоғи», 2001) ўзининг безакдорлиги, тасвирининг нозиклиги ҳамда халқ санъатининг мумтоз намуналари асосида яратилиши б-н фарқланади.

Ҳоз. кунда уста — зарғарлар б-н бир қаторда бир неча бирлашмалар — «Фонон» ва «Кумуш» бирлашмаси, «Нур» давлат З. маркази, «Мусаввир», «Уздавлат З. маркази, «Мусаввир», «Устозода» каби марказлар ҳам ички ботзорни З. буюмлари б-н тўлдирмоқда. Ўзбекистон БА нинг ташаббуси б-н Тошкентда 2001 й. апр.да «Зарғарлик — 2000», 2002 й. апр.да «Зарғарлик — 2002» халқаро кўргазмалари намойиши ўтказилди. Ушбу кўргазмада кўпгина асарлари б-н қатнашди (яна қ. *Зарғарлик саноати*); 2) бозорда зарғар усталарнинг дўконлари жойлашган раста ёки маҳалла.

Ад.: Фахретдинова Д. А., Ювелирное искусство Узбекистана, Т., 1988.

ЗАРҒАРЛИК САНОАТИ — юксак бадиий ишлов бериш йўли б-н нодир металлар ва қимматбаҳо тошлардан, шунингдек, бошқа металлардан буюмлар, тақинчоқлар ишлаб чиқарадиган саноат тармоғи. З.с.да хом ашё сифатида қимматбаҳо ва рангли металлар (платина, олтин, кумуш ва б.), уларнинг қотишмалари, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар (феруза, фионит, олмос, ақиқ, зумрад, ёқут), табиий тошлар, пластмасса, суяк, эмаль, шиша ва б. ишлатилади.

Ўзбекистонда З.с. корхоналари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар қўмитаси ҳузуридаги «Фонон» илмий и. ч. бирлашмаси тар-





Олтин, дур ва ёқутдан ишланган исирғалар: юқорида, «қашқарболдоқ» (20-а.); «шибирма».

Хотам-муҳр узук (Хоразм, 19-а.); олтин узук (Бухоро, 1960); тўғноғич (1972).





кибида. Уларнинг йириклари: «1-Тошкент зарғарлик корхонаси», «2-сонли зарғарлик заводи», «Нур» давлат бадиий зарғарлик маркази, «3-сонли зарғарлик заводи», «Кумуш» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси, «Эйшн-Рейз» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси (Тошкент ш.), Шаҳрисабз зарғарлик корхонаси (Шаҳрисабз ш.), Бурчмулла зарғарлик з-ди (Бурчмулла қишлоғи). 1992 й.да ишга тушган Зарафшон шаҳридаги Навоий зарғарлик з-ди (авваллги «Зариспарк» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси) республикадаги етакчи зарғарлик корхонаси ҳисобланади.

Бу корхоналар 585 ва 750 асиллик даражали (пробали) тилла қотишмаси, 925 асиллик даражали кумуш қотишмасидан турли хилдаги зарғарлик буюмлари (сирға, узук, зарғарлик занжирлари, совғабоп маҳсулотлар, кумушдан ясалган ошхона анжомлари, юқори бадиий сифатга эга бўлган зарғарлик буюмлари, якка буюртмалар, янги зарғарлик буюмларининг моделлари)ни ишлаб чиқаради. Шаҳрисабз ва Бурчмулла зарғарлик корхоналарида зарғарлик буюмларини и.ч. б-н бирга қимматбаҳо ва қимматбаҳо бўлмаган тошларга қиррали ишлов берилади. «Фонон» ИИБ илмий-техника лаб.ларида зарғарлик соҳасида ишлатиладиган турли рангдаги сунъий кристаллар ўстирилади.

З.с. корхоналари б-н бир қаторда Республикада буюртмачининг ашёсидан зарғарлик буюмлари тайёрлаш ва уларни таъмирлаш б-н шуғулланувчи зарғарлик устахоналари ва якка тартибда ишловчи зарғарлар ҳам фаолият кўрсатмоқда (қ. *Зарғарлик*). Республикада ишлаб чиқариладиган ва четдан келтириладиган З.с. маҳсулотлари сифати ва асиллик даражасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 й. 8 фев.даги фармони б-н ташкил қилинган Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси назорат қилади. 2001 й. 7 дек.да «Қимматбаҳо металлардан ясалган буюмларнинг асиллик даражаси ва тамғаланиши тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. 1999 й.нинг 4-июнида Ўзбекистон Республикасининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси Асиллик даражаси палаталарининг Европа уюшмасига тўла ҳуқуқли аъзо бўлди.

Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси қимматбаҳо металлардан ясалган буюмларнинг софлигини текшириш ва тамғалаш Халқаро конвенциясига кириш масалалари б-н 1996 й.дан шуғулланиб келади ва кузатувчи

мамлакат мақомида унинг барча кенгашларида қатнашади.

Ўзбекистон З.с.да хом ашё сифатида ишлатиладиган рангли металлар, қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар республиканинг ўзидаги саноат корхоналарида ишлаб чиқарилади ва конлардан қазиб олинади.

Хорижда З.с. ривожланган мамлакатлар қаторига АҚШ, Италия, Буюк Британия, Германия, Франция, Россия, Украина, Ҳиндистон, Хитой ва б. мамлакатлар киради.

Дилшод Миртолипов.

ЗАРГАРТЕПА — археологик ёдгорлик, қаср харобаси (7—10- а.лар). Самарқанд ш.нинг шарқий қисмида, Саттепа мавзесида. 1936 й. Ўзбекистон давлат тарих музейи экспедицияси топиб ўрганган, 1986—87 й.ларда эса Археология институтининг Самарқанд отряди у ерда қазиш ишлари олиб борган. З. эни 10 м, бал. 9 м келадиган тепаликдан иборат бўлиб, у қазиб очилганда пахса супа, шатранж хоналари тартибида беш қатор қилиб ўрнатилган эҳромсимон устунлар бўлаклари, пахса ва хом ғиштдан қурилган девор қолдиқлари, сопол идиш синиқлари, тангалар (7—8 ва 10-а.лар) топилган.

ЗАРГАРТОҒ (Ҳаётбоши тоғи) — Шим. Нурота тизмасидаги тоғ. Самарқанд ва Жиззах вилоятлари чегарасида жойлашган. Уз. 15 км. Марказий қисмининг бал. 2000 м дан зиёд. Энг баланд жойи — 2169 м. З.— Нурота тизмасининг энг баланд қисми. Ялангоч қоялардан иборат тоғ массиви карбоннинг гранит ва гранодиоритларидан тузилган. Эрозия шаклларн кенг ривожланган, сойлар чуқур (400—700 м) даралар ҳосил қилган. З.да гумусга бой жигарранг тупроқлар тарқалган, уларда бошоқли ўтлар, тоғ ксерофитлари ва барг тўқувчи буталар ўсади.

ЗАРДЕВОР — кашта тикиб безатиладиган бадиий буюм; уй безаги. Эни 40—70 см, узунлиги уй деворини қамраб оладиган қилинади. Уй деворининг юқори қисмига шифтга тақаб гир айлантириб қоқилади. Бахмал, сидирға шойи, сатинга йўрма, босма, илма чокларда ранг-баранг ипаклар, зар ип

Зардевор.



б-н қўлда кашта тикиб, гажим тутиб безатилади. Безак мужассамотини ўсимликсимон нақшлар ташкил қилади: гул, шохчалардан тузилган бир маромда такрорланувчи меҳроблар қатори ҳошия нақш б-н ўралган. Қизларнинг сепига кирган З.ни қадимдан хонадонларда хотин-қизлар тайёрлаган, ҳозир бадиий буюмлар ф-каларида (мас., Тошкент, Андижон ва б.да попоп машиналарида ҳам кашта тикиб) ишлаб чиқарилади. 19-а. ўрталари 20-а. бошларида Самарқанд, Тошкент, Сурхондарё ва б. жойларда тайёрланган З.лардан намуналар республика музейларида сақланади.

ЗАРДОБ, зардоблар — юқумли касалликларнинг ёки микроблар ва ҳайвонлар заҳаридан заҳарланишнинг олдини олиш ва даволаш мақсадида организмга юбориладиган модда. З.ни илон, қорақурт, чаён, шунингдек, бошқа заҳарли ҳайвонлар заҳарига қарши қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Бундай ҳолларда З. бирдан-бир шифобахш восита ҳисобланади. Вируслар ва бактериялар келтириб чиқарадиган инфекцион касалликлар диагностикасида З. кенг қўлланилади (яна қ. *Иммун зардоблар, Қон зардоби*).

ЗАРДОБ КАСАЛЛИГИ — даволаш ёки махсус —серопрофилактика мақсадида одам организмига бегона оқсил (ҳайвонларнинг *иммун зардоблари*) юборилганда рўй берадиган аллергик реакция. Илгари тегишли зардоб (мас., *қоқшол* ёки *дифтерия*га қарши зардоб) қабул қилмаган кишиларда ушбу зардоблардан бири юборилгандан кейин, одатда, 8—12 кун ўтгач, баъзан эса бир неча дақиқадан сўнг З.к.нинг белгилари пайдо бўлади. Аввал укол қилинган жой ва унинг атрофига, кейин бутун баданга *эшакем*га ўхшаш тошма тошади, қичишади, бемор иситмалайди, укол ўрни атрофидаги, сўнгра бошқа лимфа тугунлари катталашади, бўғимлар, бош ва юрак соҳасида оғриқ пайдо бўлади, баъзан бош мия шикастланишига хос ўзгаришлар (*коллапс, ҳушсизлик,* тиришиш ва б.), буйрак ва б. аъзолар функцияларининг бузилиш ҳолатлари кузатилади. Касаллик бир лаҳзада ўтиб кетиши ёки бот-бот қўзиб туриши мумкин. Беморда пайдо бўлган ўзгаришларга қараб кальций препаратлари, оғир ҳолларда эса *кортикостероидлар* ва б. буюрилади (яна қ. *Сероте-рапия*). Бемор ўз вақтида шифокорга кўриниб, керакли дори-дармонларни қабул қилса, тузалиб кетади.

ЗАРДУШТ, Заратуштра (Авесто тили бўйича), Зороастр (юн.) (мил. ав. тахм. 618, Хоразм — мил.ав. 554, Балх)— *зардуштийлик* асосчиси; Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эрон халқларининг биринчи воизи, шоир, дин пешвоси; пайғамбар. З. Спитама уруғининг раиси Пурушасп хонадонида туғилган. Онасининг номи Дугдова. З. 15 ёшгача замонасининг донишманди Барзин Курас қўлида диний қонунлар, табиатшунослик, воизлик, каломи бадиъ фанлари бўйича таълим олади, ҳарбий ҳунарларни эгаллайди. 16 ёшида Турон — Эрон жангида иштирок этади. Ўз қавм ва қабилалари пешқадам вакилларининг кўпхудолик удумларига қарши ҳаракатига қўшилди ва 19 ёшида якка тангрини кашф этиш умидида Саблон тоғига чиқиб кетади. 20 й. гор-да яшайди. Ривоятларга кўра, З. наврўз кунларининг бирида коҳинлар бошчилигида муқаддас ичимлик — «Ҳум» тайёрлашга киришган. Эрта тонгда у дарёдан сув олиш учун қирғоққа тушган. Сув олиб бўлгач, кўзига қирғоқда турган порлоқ хилқат — «Воҳумана» кўринади ва унинг сеҳрли нурига эргашади. Ниҳоят, у эзгу ва улуғ худо *Аҳурамазда* ҳузурига боради. Аҳурамазда ўзининг бутун борлиқни яратган худо экани ҳақидаги хабарни билдириш учун одамлар орасидан З.ни танлаганини айтади (бу вақтда у 40 ёшга тўлган эди). Шу кундан бошлаб З. зардуштийлик динининг пайғамбарига айланади. «Гатлар» деб аталган, қўшиқ қилиб айтишга мўлжалланган шеърлар яратади. Сўнгра шаҳару қишлоқ кезиб, якка тангри ғоясини тарғиб этади, тарафдорлар орттиради. Бундан хавфсираган Турон шоҳи Аржасп З.ни дорга осиш ҳақида фармон чиқаради. З. 300 маслакдоши б-н Балхга, сўнг Сейистонга кочиб кетади. Шим. Эронда зардуштийлик динига асос солади. З. Эрон шоҳи Гуштасп қабулида бўлиб, уни ва дониш-манд вазири Жомаспни якка тангри Аҳурамазда ҳақидаги таълимотига ишонтиради. Шундан сўнг, Гуштасп фармонига кўра, Эрон ҳудудида зардуштийлик дини жорий этилади. Буни эшитган Аржасп Гуштаспга З.ни ҳибсга олиб ҳузурига жўнатиш ҳақида талабнома юборади. Гуштасп бу талабни рад этади. Аржасп 300 минг лашкар б-н Эронга ҳужум қилиб, Балх, Сейистон, Беҳруз ш.ларини вайрон қилади.

Гуштаспнинг 4 ўғлини жангда ўлдиради, кексайиб қолган отаси Луҳраспни қатл этиб, Гуштаспнинг ўғли Исфандиёрни зиндонбанд қилиб, кўп ўлжа б-н қайтади. Аржаспнинг иккинчи ҳужуми пайтида зиндондан қочган Исфандиёр мудофаа жангларини яхши уюштириб, ғанимларни тор-мор этади. Натижада туронликлар ҳам зардуштийлик динини қабул қиладилар. Гуштасп фармонига кўра, шаҳар ва қишлоқларда янги ибодатхона — *оташкада*лар қурила бошланади. З. Балхда қурилган шундай оташкаданинг очилишида иштирок этади ва ибодат пайтида кўпхудолик тарафдори Братарвахш томонидан чавоқлаб ўлдирилади. З.нинг Иставатр, Уруватр, Пуручитра исмли ўғиллари, Фрини, Трини, Пуручисто исмли қизлари бўлган. З. ўз таълимотини — *Авесто*да баён этади. Тилшунослик маълумотлари ва китоб мазмуни Авестонинг фақат айрим қисми тахм. бир вақтда ёзилганлигини кўрсатади.

Ад.: Мокавельский А. О., Авеста, Баку, 1960; Мэри Бойс, Зороастрийцы, М., 1988; Ҳомидов Ҳ., «Шоҳнома»нинг шуҳрати, Т., 1991.

Ҳамиджон Ҳомидий.

ЗАРДУШТИЙЛИК, зороастризм — мил. ав. 7—6-а.ларда вужудга келган дин. Асосчиси — *Зардушт*. Сўнгги тадқиқот хулосаларига қараганда, Ўрта Осиё, хусусан, Хоразм З. ватани бўлган. Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Озарбайжон ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқнинг бир неча мамлакатларида тарқалган. Қад. паҳлавий тилида «Зардушт» сўзи «Магупта» деб аталган. Паҳлавий тилидаги ёдгорликларни араб тилига таржима қилган олимлар уни «мажус» шаклида қўллаган. Натижада ўрта асрлардан бери «Зардушт» «мажус», «зардуштийлик» эса «мажусийлик» сифатида қўлланиб келинган. З.да «оташ» ва «қуёш» тангри *Аҳурамазда*нинг ўғли деб ҳисобланган. «Нур», «оташ» З.нинг рамзи, тимсолидир. З.да Аҳурамазда олий худо ҳисобланганлиги учун З. — маздаизм ёки маздаийлик деб ҳам аталган.

З. таълимоти унинг муқаддас китоби — *Авесто*да баён этилган. З. таълимоти дунёдаги ҳамма тартиблар яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва қоронғулик, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги курашга боғлиқ, деб тушунтиради. Оламдаги ҳамма яхшиликларни Аҳурамазда, ёмонликларни *Анхрамайну* ифодалайди. Анхрамайну Аҳурамаздага қарши курашади, лекин уни енгишга ожизлик қилади. Бу кураш абадий давом этади. Яхшилик б-н ёмонлик ўртасидаги кураш оламдаги жараёнлар мазмунини ташкил этади. Одам бу курашда танлаш эркинлигига эга бўлган, ўз фаоллиги б-н дунёда адолат тантанасига таъсир эта оладиган шахсдир. Авестода кўчманчилик ва деҳқончилик ҳаёт тарзи ўртасидаги қарама-қаршилик баён этилади, кўчманчиликка ҳамма ёвузликларни келтириб чиқарадиган ҳаёт тарзи деб қаралади ва у қораланади, деҳқончилик эса яхшилик белгиси сифатида рағбатлантирилади. З. динида олов гуноҳлардан тозаловчи сеҳрли куч деб қаралади. З.нинг ахлоқий таълимоти «эзгу фикр», «эзгу сўз» ва «эзгу амал»дан иборат муқаддас учлик (ахлоқий триада)да ўз ифодасини топган. З. талабига кўра, ҳар бир инсон тангрининг яккаю ягоналигини эътироф этиши, хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин илм ўрганиши, турли касбларни эгаллаши, чорвачилик, деҳқончилик, боғдорчилик б-н шуғулланиши, канал қазиши, ер очиши лозим. Энг асосийси — З.да эътиқод эркинлиги мавжуд бўлган. З. инсонларни тенгликка, ҳамжиҳатликка, бир-бирига яхшилик қилишга, ер юзида тинч-тотув ҳаётни таъминлаш учун курашга чорлаган, унда маърифат зулматга, адолат зулмга қарамақарши қўйилган. З.да ҳар бир инсон бутун кучини ўзини камолатга етказиш йўлига сарф этмоғи лозим.

З. мурдани тупроққа кўмиш ёки куйдиришни тақиқлайди. Бу дин жоннинг ўлмаслигини, унинг абадийлигини тан олади, жаннат ва дўзахни ҳам эътироф этади. *Оташкада* зардуштийларнинг ибодатхонаси ҳисобланади. З. руҳонийлари алоҳида табақа сифатида ажратилиб, уларга махсус имтиёзлар берилган. З. аршакийлар ва сосонийлар подшоҳлиги даврида ҳукмрон динга айланган. З. 13 а. давомида ажам мамлакатларида асосий дин бўлиб келган. Араблар 7-а. ўрталари — 8-а. бошларида Эрон ва Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин ислом дини ҳукмрон динга айлангач, зардуштийлар қувғин қилиндилар. Зардуштийлар Ҳиндистон ва Эронда ҳозир ҳам мавжуд. Эроннинг Язд ва Гилон вилоятларида уларнинг сони 100 мингдан, Ҳиндистоннинг Маҳараштра, Гужарот штатларида 115 мингдан зиёдни ташкил қилади.

Ад.: Маковельский А. О., Авеста, Баку, 1960; Мэри Бойс, Зороастрийцы, М., 1988; Авесто (Асқар Маҳкам таржимаси). Т., 2001; Авесто (Мирсодиқ Исҳоқов таржимаси), Т., 2001; Ҳомидов Ҳ., Авесто файзлари, Т., 2001; Бобоев Ҳ., Ҳасанов С., Авесто — маънавиятимиз сарчашмаси, Т., 2001.

Ҳамиджон Ҳомидий.

ЗАРДЎЗИ — зар (тилла ёки кумуш суви юритилган) ип, ипак ва б. б-н *кашта* тикиб безак яратиш усули ва шу усулда безатиб тайёрланган кийим, бадиий буюмларнинг номи (мас., З. дўппи, З. телпак, З. нимча ва б.). Яна қ. *Зардўзлик.*

ЗАРДЎЗЛИК — *безак санъати* тури; амалий санъатнинг зар (тилла ва кумуш суви юритилган) ип, нозик сим, ипак б-н кашта тикиб безак яратадиган соҳаси. Тўртбурчак чамбаракка (корчўпга) ўрнатилган *бахмал*, шойи, мовут, чарм ва б. матоларга зардўзи усулида кашта (гул, нақш, тасвир) тикилади. Каштада баъзан металл, тош, шиша мунчоқлар ҳам ишлатилади, турли матолар (бахмал, шойи ва б.)дан қуроқ қилинади. Олдиндан тайёрланган (рассомлар томонидан яратилган мужассамот нусхаси кўчирилган) ахта қоғозлардан кенг фойдаланилади. Матога мустаҳкамланган (тикилган ёки ёпиштирилган) ахта қоғоз зар ип б-н бир томонлама қоплаб тикилади (мустаҳкамловчи чоқ учун зар ипга мос рангдаги ипдан фойдаланилади), натижада нақш-гул юзаси зар иплар б-н қопланади, матонинг тескарисида нақш-гул шаклигина ҳосил бўлади. Зардўзлар безак яратишда бир неча усулни қўллайдилар: зардўзи *заминдўзи* ва зардўзи *гулдўзи*, шунингдек, биришимдўзи (ипак ишлатилганда), пулакдўзи (тугмасимон металл япроқчалар қўлланганда) ва б. Мустаҳкамловчи ва таҳрир чокларнинг бир неча хилини моҳирона қўлланилиши ҳамда уларнинг нақш мужассамоти б-н уйғунлашуви зардўзи буюмларга жозиба ва нафосат бахш этади; уларнинг бадиий қиммати нақш мужассамоти, хом ашёси, тикилиши ҳамда зардўз устанинг дид ва маҳоратига боғлиқ. Нақш мужассамотида кенг тарқалган анъана-



Зардўзлик. Чопон (1905—10. Бухоро).

вий ўсимликсимон нақшлар ва ҳандасий шакллар — давқур, дарҳам, донача, бодомой, бутадор ва б.дан фойдаланилади.

З. бадиий ҳунармандлик тури сифатида Яқин ва Ўрта Шарқда кенг тарқалган. Асосан, бинолар ичини безайдиган буюмлар, аёлларнинг байрам либослари З. б-н тайёрланган. Археологик топилмалар, тарихий қўлёзмалар Ўрта Осиё халқлари орасида зардўзи кийим ва бадиий буюмлар тикиш қадимдан ривожланганлигини кўрсатади. Испан элчиси *Клавихо* ўз эсдаликларида З. усулида тикилган кўрпа-тўшаклар, ипак матога зар тақилган қимматбаҳо дарпардалар ва чодирлар ҳақида, эркак ва аёлларнинг зар ипда тикилган кийимлари ҳақида завқ б-н ёзади. Абдураззоқ Самарқандий ўзининг «Ҳиндистон сафарномаси» рисоласида Шоҳрух (1442) Ҳиндистоннинг Калькутта вилояти ҳукмдори ҳузурига юборган элчилари орқали унга зардўзи дўппи совға қилгани қайд этилган. Восифий ўзининг рисолаларида З. касби тўғрисида сўз юритган. Дарҳақиқат, 15—18-а.ларда Бухоро, Самарқанд, Ҳиротда З. юксак поғонага кўтарилган. Унинг 19-а.даги тараққиёти Бухоро б-н боғлиқ. Бухорода сақланиб келаётган З. касби узоқ давр мобайнида сайқал топиб, такомиллаша борган. З. б-н, асосан, эркаклар шуғулланган (ҳозир аёллар орасида ҳам кенг тарқалган), улар устахоналарга уюшиб ишлашган. 19-а. ўрталари 20-а. бошларида яратилган зардўзи буюмлар (тўн, камзул, чакмон, чалвор, пойабзал, белбоғ, салла, кулоҳ ва жул каби)нинг деярли барчаси амир ва унинг оиласи, сарой аъёнлари учун тайёрланган, қисман бадавлат хонадонлар буюртмалари ҳам бажарилган. 19-а. 30—60-й.ларида З.да акс эттирилган мужассамотлар қанчалик оддий бўлса, кашта — гуллар ҳам шунчалик равон ва жозибадор бўлган. 19-а. 70—80-й.ларида зар ип ёки зар аралаштириб эшилган ипак ип (пушти, тўқ қизил, мовий, яшил)дан фойдаланилган. З.нинг зардўзи биришимдўзи номли ўзига хос тури шу даврга хосдир. 1893 й.дан зар ипларнинг янги навлари кўп миқдорда ишлаб чиқарилиб, улар рангли ипак ипларни сиқиб чиқарди ва умумий тикиш услубини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

1890—1900-й.лардаги З. заргарона ўта нозиклиги б-н ажралиб туради. Турли кўринишдаги бўртма гириҳлар, юлдузчалар ва шунга ўхшаган бошқа безаклар буюмга ўзгача зеб бериб турган, айниқса, *давқур* мужассамоти алоҳида ўрин тутган. 20-а. 20-й.ларида барча амалий санъат усталари қатори зардўзлар ҳам артелларга бирлаштирилди, улар хом ашё б-н таъминланди, кейинчалик артеллар бирлашиб ф-кага айлантирилди.



Деворий намоён («Макка»).

Зардўзи буюмларнинг турлари ўзгарди, аввалги ҳашамдор буюмлар ўрнини нафис ишланган, давр талабига мос буюмлар эгаллади, нақш мужассамоти соддалаштирилди, анъанавий нақшлар давр руҳини ифода этувчи шакллар б-н бойитилди. Зардўзлар аёлларнинг байрам либослари (кўйлак, нимча, дўппи, камар, кавуш, сумкача), анъанавий буюмлар, эркаклар учун совға тўнлар, дўппилар тайёрлай бошладилар. 40—50-й.лар бошида маҳобатли зардўзи намоёнлар яратиш сезиларли даражада ривожланди. Дастлабки йирик иш Навоий театри учун тикилган зардўзи парда бўлди (1947, А. Шчусев чизгиси, ҳажми 7×27 м). Рассомларнинг амалий санъат усталари б-н ҳамкорлиги ҳамда ижодий изланишлар натижасида янги мужассамотли майда буюмлар, бадиий жиҳатдан қимматли намоёнлар яратилди ва яратилмоқда: «Китоба» (1952, Н. Аминов чизгиси), «Пахта» (1955, М. Прутская чизгиси), «Байрам» (1959, В. Столяров ва М. Аҳмедова чизгиси), «Гириҳ» (1962, В. Столяров чизгиси), Алишер Навоийнинг 525 йиллигига (1968) ва б.га бағишланган намоёнлар З.нинг катта ютуғи бўлди. 90-й.ларга келиб З. қайта тикланди. Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Ургут, Қарши, Жиззах ш.лари, Сурхондарё вилояти замонавий З. санъатининг марказлари ҳисобланиб, зардўз усталар (Н. Аминов, Б. Жумаев, С. Акбарова, Т. Содиқова, Г. Бозорова, Г. Пиримқулова, М. Ҳабибова, Г. Нуртоева, М. Муҳиддинова, Д. Тошева ва б.) чопон, дўппи, нимчакаби либослар қаторида мавзули намоёнлар, театр пардалари ҳамда совға буюмлар, игнадонлар, кўзойнак ғилофи, упа-элик сумкачаларини З. усулларида безатишни ривожлантирдилар. Б. Жумаев рафиқаси М. Жумаева б-н биргаликда Бухоро зардўзлик санъати мактабини тиклаш ва ривожлантириш мақсадида марказ ташкил қилди (1995). Б. Жумаевнинг «Баҳоуддин Нақшбандий» (1997), «Бухоройи Шариф» (1997), «Қўштовус» (1998), «Гултувак» (1998), «Алишер Навоий» (1998) мавзуларидаги деворий намоёнларининг юқори даражадаги техник ижроси ҳамда муаллифнинг ўзига хос услуби ва бадиий анъаналарнинг уйғунлашганлиги б-н ажралиб туради. Усталар ва рассомлар яратаётган йирик мавзули зардўзи буюмлар республика ва чет мамлакатлар кўргазмаларида намойиш этилмоқда, музейларида сақланмоқда (яна қ. *Бухоро «Зардўзи» ассоциядорлик жамияти*).

Ад.: Сидоренко А. И., Артыков А. Р., Раджабов Р. Р., Золотое шитьё Бухары, Т., 1984.

Сайёра Маҳкамова.

ЗАРЕТДИНОВ Курбанбай (1953.25.2, Кегейли тумани) — қорақалпоқ дирижёри ва композитори. Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (2000). Тошкент консерваториясининг хор дирижёрлиги ф-тини тугатган (1975). Нукус санъат билим юртида ўқитувчи ва директор муовини (1975—81), Қорақалпоқ давлат филармониясининг симфоник оркестри да дирижёр, бош дирижёр ва бадиий раҳбар (1981—89), Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрида бош хормейстер (1989 й.дан), Қорақалпоқ унитининг «Мусиқий таълим ва тарбия» кафедраси мудири (1999 й.дан). Мусиқали образни ҳар томонлама очиб беришда симфоник оркестр имкониятларидан унумли фойдалана олиш, шунингдек оркестр чолғуларининг ранг-баранг товуш оҳангларини қаҳрамоннинг ҳаракат ҳолатига мос келтира олиш дирижёрлик услубига хос. Композитор сифатида «Туғилган жой», «Азамат ва мен», «Умрим», «Тоғасининг қизи» каби кўшиқ ва ҳор асарларини яратган. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати (1997).

«ЗАРИАДР ВА ОДАТИДА» — Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган эпик асар. «З. ва О.»да тасвирланишича, *Мидия* шоҳи Гуштасп (Виштасп)нинг укаси Зариадр, скифлар шоҳи Омаргнинг қизи Одатида бир-бирини тушида кўриб, севиб қоладилар. Зариадр совчи юборади, аммо Омарг ёлғиз қизини бегона юртга узатишни истамай, унинг таклифини рад этади. Бир куни Омарг зиёфат уюштиради, қизига шу ерга ташриф буюрганлардан муносибини куёвликка танлашни ва бунинг рамзи сифатида куёвга май тўла тилла қадаҳ тутишни таклиф этади. Қиз йиғилганлар орасидан Зариадрни қидиради, чунки унга хабар бериб улгурган эди. Зиёфатга скиф кийимида Зариадр етиб келиб, ўзини қизга танитади. Одатида кўлидаги қадаҳни унга тутади. Зариадр қизни отаси Омарг ҳам билмайдиган жойга олиб кетади.

Асарда севги ва эрк масаласи бош мавзу бўлиб, оила қуришда йигит ва қиз муҳаббати инобатга олиниши лозимлиги таъкидланган. Одатиданинг ўз севгисига садоқати, қатъий иродаси ва Зариадрнинг вафодорлиги, мардлиги ўртадаги тўсиқларни енгишга, мақсадларига эришувига олиб келган.

Қисса рассомлар диққатини ҳам жалб этган. Қадимда ибодатхона, сарой ва айрим хонадонларнинг деворий расмлари шу мавзуда бўлган. Қиссанинг мазмуни антик давр муаллифи Атеней (мил. 2—3-а.)нинг «Софистлар тушлиги» китобида келтирилган Харес Митиленский (мил. ав. 4-а.)нинг ҳикояси орқали бизгача етиб келган. «З. ва О.» сюжети ва мазмуни туркий-лар-нинг кейинги асрларда яратилган «Ўғузнома», *«Алпомиш»* ва б. халқ оғзаки поэтик ижоди намуналарида, шунингдек, *Фирдавсий*нинг «Шоҳнома» асарларида ҳам ўз ифодасини топган.

Ад.: Маллаев Н., Ўзбек адабиёти тарихи, 1-китоб, 2-нашр. Т., 1965.

ЗАРИН — метилфторфосфонат кислотанинг пропил эфири, кучли таъсир этадиган заҳарловчи модда. Деярли ҳидсиз, рангсиз суюқлик. Суюқланиш т-раси — 54°, қайнаш т-раси — 151,5° (ажралиш б-н); зичлиги 1,094 г/см³, 20°да учувчанлиги 11,3 мг/л; сув ва органик эритувчилар б-н ҳар қандай нисбатда аралашади. Нафас аъзолари, тери, меъда-ичак орқали (овқат ёки сув б-н) организмни заҳарлайди. Марказий нерв системасига таъсир қилиб, уни фалажлайди. Сув таъсирида жуда секин, минерал кислоталар ва айниқса ишқорлар, аммиак ва аминларнинг сувдаги эритмаларида тез гидролизланиб заҳарли бўлмаган моддалар ҳосил қилади. З.дан сақланиш учун противогаз ва танани ҳимоя қиладиган воситалар, шунингдек, антидотлар, мас., атропиндан фойдаланилади (яна қ. *Заҳарловчи моддалар*).

ЗАРИНА (мил. ав. 7-а.) — *саклар* маликаси ва подшоси. *Мидия* давлати б-н Парфияга эгалик қилиш учун узоқ муддатли урушлар олиб борган. Ниҳоят ўртада сулҳ шартномаси имзоланиб, *Ктесий*нинг ёзишига кўра, ҳар икки томон абадий дўст ва ҳарбий иттифоқдош бўлишга келишган. З. ўзининг жанговарлиги, жасурлиги, уддабуронлиги, ақл-заковати, гўзал ҳусни таровати б-н бошқа сак аёлларидан анча устун турган. Саклар-да уруш хавфи туғилган пайтда аёллар ҳам эркаклар б-н бир қаторда туриб жанг қилишган. З. саклар юртини қўшни кўчманчи қабилалар асоратидан халос этиб мамлакатни обод қилиш йўлида хайрли ишлар қилган, кўплаб шаҳарлар бунёд этган, халқ фаровон яшаган. Шунинг учун З. вафот этгач, ватандошлари унинг порлоқ хотирасини эъзозлаш мақсадида тарихда мисли йўқ мақбара қуришган. Уч бурчакли пирамида шаклидаги маҳобатли мақбаранинг ҳар бир томонининг уз. 3 стадий (1 стадий 176,6 м га тенг)га тенг бўлиб, унинг ўткир учлари кўкка бўй чўзган. Мақбаранинг тепасида эса З.нинг олтиндан ясалган улкан ҳайкалини ўрнатишиб, З.нинг жасоратларини мадҳ этишган, унинг аждодларига нисбатан қилинган маросимлардан ҳам тантанавор равишда хотирасини ёдга олишган. З. ҳақида кўплаб эпик асарлар, қисса, достон қадимдан сақланиб қолган. (мас. *«Зарина ва Стриангей»*). «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти К. Моисеевнинг «Зарининг шамшири» тарихий қиссасини (С. Ҳасан таржимаси) нашр қилган (2001).

Ад.: Пьянков И. В., Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия, Душанбе, 1975.

Фахриддин Ҳасанов.

«ЗАРИНА ВА СТРИАНГЕЙ» — тарихий қисса. Муаллифи — юнон тарихчиси *Ктесий* (мил. ав. 400 й.). Қиссада (унинг турли вариантлари бор) *саклар* б-н *Мидия* давлати ўртасидаги урушлар ҳақида ҳикоя қилинади. Саклар маликаси *Зарина* биринчи эри подшо Кидрей вафот этгач, Мидияга тобе Парфия вилояти династи (ҳокими) Мармарга турмушга чиқади. Бундан норози бўлган Мидия сакларга қарши уруш очади. Жанглардан бирида Зарина яраадор бўлиб, жанг майдонидан ўзини четга олади, уни мидиялик Стриангей таъқиб этиб отдан қулатади. Бироқ асираси ёш, гўзал сак қизи эканлигини кўргач, Стриангей унга ошиқ бўлиб, Заринага зиён-заҳмат етказмай қўйиб юборади. Орадан бир оз вақт ўтгач, Зариннинг эри Мармар Стриангейни асир олиб, уни қатл қилмоқчи бўлади. Зарина эридан Стриангейни озод қилишни сўрайди, бироқ рад жавоби олгач, Стриангейни ва асирлардан бир қанчасини ўзи халос этиб, улар б-н биргаликда Мармарни ўлдиради. Шундан сўнг мидияликларга Парфия вилоятини қайтариб, улар б-н дўстлик сулҳи тузади.

«З. ва С.» қаҳрамонлик ва севги ҳақидаги қисса бўлиб, унинг бош қаҳрамони Зарина тарихий шахс — сак ҳукмдорларидан бири бўлган. Қиссада у заковатли ва тадбиркор, қабиладошларига ғамхўр ҳукмдор, шунингдек, ор-номусли, одобли ва иффатли аёл сифатида гавдаланади. Ктесий маълумотига кўра, Зарина вафотидан кейин саклар унга эҳром шаклида мақбара қуриб, олтин ҳайкал ўрнатишган. Қисса шарқ халқлари орасида кенг тарқалган.

Ад.: Пьянков И. В., Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия, Душанбе, 1975.

ЗАРИПОВ Зойит (1912, Тахтакўпир тумани — 1981.17.5, Нукус) — қорақалпоқ актёри. Ўзбекистон халқ артисти (1969). Фаолиятини «Тонг нури» театри труппасида бошлаган (1927). 1930 й.дан Қорақалпоқ театрида. Қорақалпоқ профессионал театр санъати шаклланишида катта роль ўйнаган. Салбий, ҳажвий ва гротеск роллар устаси. Ижоди ифода воситаларининг аниқлиги, фикрнинг тугаллиги, нутқ ва ҳаракатларнинг мукаммал ишланганлиги б-н характерли. Энг яхши роллари: Тилмоч («Кўклан ботир»), Серман («Ойгул ва



Зойит Зарипов Серман («Ойгул ва Обод») ролида.

Обод»), Қутим сўпи («Бердақ»), Ҳакимзода вазир («Ошиқ Ғариб»), Турман («Равшан») ва б.

ЗАРИФ МИСКАР (1800, Бухоро — ?) — атоқли қўғирчоқбоз. Ёшлигида раққослик қилган, кейинроқ сурнайчи (меҳтар) сифатида қўғирчоқбозлар б-н томоша кўрсатган, баъзан масхарабозлик ҳам қилган. Тахм. 19-а.нинг ўрталарида Ўрдага ишга таклиф этилиб, Бухоро амири саройидаги қўғирчоқбозлар ҳамда раққослар тўпларига раҳбарлик қилган. Ип б-н ўйнатиладиган «Чодир хаёл» қўғирчоқ театри устаси сифатида танилган. Айниқса «Саркардалар» томошаси катта муваффақият қозонган. Машҳур қўғирчоқбоз Донирёр қўғирчоқбоз ҳам З.м.нинг шогирди.

ЗАРИФОВ Ҳоди Тиллаевич (Ҳоди Зариф) (1905.20.3 — Тошкент — 1972.13.1) — ўзбек фольклоршунослиги асосчиси. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг тўпловчиси. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1967), филол. фанлари д-ри (1965), проф. (1967). Эски ва янги усулдаги мактабларда бошланғич таълим олган. Боку ўқитувчилар семинариясида ўқиган (1923—26). Ўзбекистондаги маориф, ва маданият муассасаларида ишлаган (1926—30). Москвадаги собиқ Иттифоқ халқлари марказий музейида илмий ходим (1930—31), Ўзбекистон Маданий қурилиш илмий тадқиқот ин-ти этнография шўъбаси бошлиғи (1931—34), Ўзбекистон ФА Тил ва Адабиёт институтида фольклор бўлими мудири (1934—39; 1956—65; 1960—72), директор (1944—48), директор ўринбосари (1955—62), энциклопедия бўлими бошлиғи (1965—68), Навоий кўргазмаси (Навоий номидаги адабиёт музейи)нинг биринчи директори (1939—56), Шарқ қўлёзмалари (Шарқшунослик) ин-тининг директор ўринбосари (1943—44), Навоий ижодини ўрганиш қўмитасининг илмий котиби (1957—72). З. ўзбек халқ бахшиларидан «Юсуф б-н Аҳмад», «Ёдгор», «Равшан», «Рустамхон», «Очилдов» каби машҳур достонларни ёзиб олган, шунингдек, эртак, қўшиқ ва мақоллар, диалектология ва этн.га оид материаллар, тарихга оид ҳужжат ва ёдномалар тўплаган. *Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли,* Нурмон Абдувой ўғли, *Абдулла Нурали ўғли,* Холёр Абдукарим ўғли, *Аҳмад бахши* Матназар ўғли, *Бола бахши* каби халқ санъаткорлари, улар ижоди ҳақида илмий мақолалар ёзган. Ўзбек эпоси масалалари, бахшилик санъати, халқ шоирларининг эпик репертуарининг ғоявий-бадиий мундарижаси, ўзбек фольклоршунослигининг асосий



тараққиёт йўлларини тадқиқ этишга алоҳида эътибор берган. З. ўзбек фольклоршунослигида ўз мактабини яратди. Ўзбек адабиёти тарихи, диалектология, лексикология, этн. ва археология масалаларига оид илмий ишлар муаллифи («Луғат ҳам термин тўпловчиларга қўлланма», 1934; «Лутфий ва Навоий», 1948; «Фольклор ва археология материалларини қиёсий ўрганишга доир», 1958 ва б.).

Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1973). Навоий номидаги Адабиёт музейи ўзбек фольклори бўлимига З.нинг ёдгорлик бюсти (муаллиф А. Шоймуродов, 1984) қўйилган. Тошкент кўчаларидан бирига унинг номи берилган.

Ас.: Узбекский героический эпос. М., 1947 (В. М. Жирмунский б-н ҳамкорликда); Фольклор фазилати, Т., 1969.

Ад.: Мирзаев Т., Ҳоди Зариф, Т., 1967.

Тўра Мирзаев.

ЗАРИФОВЛАР СУЛОЛАСИ — ўзбек цирк санъати усталари авлоди. Янги ўзбек цирк санъатининг вужудга келишида етакчи ўрин тутган. Сулола бошлиғи Ўзбекистон халқ артисти Зарифов Карим (1890 — Тошкент — 1960.20.12) — қизиқчи, муаллақчи, от ўргатиш ва чавандозликнинг асосчиси. Фаолиятини 8 ёшидан бошлаган. 1902 й. Тошкентда ташкил этилган биринчи Ўзбек ярим профессионал циркнинг ёш аъзоси. Шунингдек, давлат цирк санъати ва хўжалиги («Кооператив», 1924; «Қизил шарқ», 1927), Тошкент давлат цирки (1930), цирк билим юрти (1932) ташкилотчиси. Ўзбек миллий циркини яратиш ташаббускори, мураббийси. З. ўз фаолияти давомида анъанавий халқ циркининг бесуяк, муаллақчилик, ҳуққабозлик, қизиқчилик, чавандозлик жанрларини ривожлантирди, циркни замонавий — гумбаз остн майдонига мослади ва янги цирк санъатига асос солди. 20-й.ларда цирк қизиқчилиги ва клоунада, 30-й.ларда «от ўйин» ва «чавандозлик» санъатини бирлаштириб янги томоша турини яратди. «Карим қизиқ нима дейди?» номли репертуар дастури асосида рафиқаси Муборак Зарифова б-н янги цирк талабларига мос грим ва уст-бошларда ҳажв ва ҳазил мавзуларида қизиқчилик қилган, от ўйини ва эпчил чавандозликни томоша санъати даражасига кўтарди. Бу ишга ўз ўғил-қизлари ва б. ёшларни жалб этди.

Зарифова Муборак (1906.6.5 — Тошкент — 1992.1.3) — ўзбек циркининг қизиқчилик — клоунада жанридаги биринчи актриса. Цирк саҳнасига илк бор 1925 й. (эркакча кийимда) чиққан. Эри б-н биргаликда цирк қизиқчилиги жанрида ишлаб, цирк репертуарига янгилик олиб кирган. «Ким қандай?», «Эшон ойим ёки тиш доктори», «Ашула ва шарпа» сингари қизиқчилик антрелари б-н шуҳрат қозонган. 1929 й.дан эри ва фарзандлари (Ҳакимжон, Холида) б-н чавандозлик қилиб, от устида турли мураккаб машқлар бажарган.

Зарифов Ҳаким (1924.17.9, Тошкент) — ўғли. Ўзбекистон халқ артисти (1964). Тошкент давлат консерваториясини тугатган (1946). Циркда ишлаб туриб 1946—47 й.лар Тошсовет мусиқали драма театрида дирижёрлик қилган. З.Ҳ. оила ижодий анъанасини ривожлантирган ва профессионаллик даражасини юксалтирган, ўзбек циркининг жаҳоншумул довруғини мустаҳкамлаган ижодкорлардан. Отаси яратган цирк чавандозлиги мактабининг давомчиси ва раҳбари. Ўғил-қизлари ва набираларини ҳам шу йўлда тарбиялади. Ўз фаолияти давомида ўзбек цирк чавандозлигини ўта қалтис ва мураккаб хатти-ҳаракатлар, гўзал тус ва мусиқий жилолар б-н бойитди. Бу жилоларда эпчиллик, ишонч, шижоат, завқу-шавқ уйғунлашиб кетган. Ўзбек циркн чавандозлиги мактабининг ҳозирги мураббийси сифатида фарзандлари, шогирдлари б-н мазкур цирк санъати мактаби истиқболини таъминлаган.

Зарифова Холида (1927.27.2, Тошкент) — қизи. Биринчилар қатори иш бошлаган ўзбек цирки аёл санъаткорларидан. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1953). Ўз ижодини 1937 й.дан бошлаган. 1938 й.дан от устида мураккаб машқлар ижро эта бошлаган. 40-й.лардан эса «Чавандозлар» дастурининг кўрки сифатида танилган ва ўргатилган от устида мураккаб машқларга ўзбек миллий рақсини уйғунлаштириб махсус томоша ижод этган, йиллар давомида рақс мураккаблиги, гўзаллигини такомиллаштирборган. Кейинги йилларда «кўзбойлағич» жанрини ҳам ўзлаштириб томоша кўрсатди. «Дўстлик» ордени (1998) б-н тақдирланган.

Зарифова Гавҳар Ҳаким қизи (1949.12.1, Тошкент) — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1980). Тошкент давлат санъат ин-тини

тугатган (1982). З.лар чавандозлик мактабининг мураккаб анъаналарини ўзлаштирган. Унинг отда чопиши, хатти-ҳаракатлари эпкини ниҳоятда баланд бўлиб, югураётган отнинг қорнидан ўтиб, яна эгар устига чиқади, сўнг от бўйнига осилиб айланади ва яна эгар устида тик туриб мураккаб машқлар бажаради. Ҳаракатларидаги бесуякка хос майин эгилувчанлик ва тезкорлик фақат унинг ижодига хос.

Зарифов Анвар Ҳаким ўғли (1956.9.6, Тошкент) — цирк чавандози. Елдек учиб бораётган от эгаридан бош б-н сирғалиб отнинг қорнидан ўтиб эгарга ўтиради, сўнгра чап оёғи узангида бўлиб, ўзини даст пастга ташлаб, боши, кифти ва икки қўли б-н ерда судралиб бориб, яна эгарга ўтиради. Кифти ва қўлларига тиралиб, оёқларини осмонга тик кўтаради. З.лар анъаналарини келажак авлодга етказишда сулоланинг ишончли вакили. Г. ва А. Зарифовларнинг онаси Нина Зарифова (1924.29.11, Иваново вилояти) — цирк артисти, чавандоз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1969).

Холида Зарифованинг фарзандлари Регина Зарифова (1949.10.11, Тошкент), Ойдин Тошканбоева (1953.30.10, Тошкент), Карима Фахриддинова (1960.12.1, Тошкент), Улуғбек Зарифов (1968.12.1, Тошкент)лар ҳам чавандозлик, дорбозлик, ҳайвон ва паррандалар ўргатиш ва ўйнатиш, қизиқчилик жанрларида ижод қиладилар. Бу фарзандларнинг отаси Фахриддин Шарифбоев (1928.11.5 — Тошкент — 1997.4.3) ҳам циркда чавандоз бўлган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1969).

Гавҳар Зарифованинг фарзандлари Карима Зарифова (1982.5.2, Москва), ўғли Эркин Зарифов (1983.9.11, Москва) З.лар сулоласининг тўртинчи авлодига мансубдир. Карима циркда ўта мураккаб ҳисобланган бесуяк («Каучук») жанрининг тенги йўқ юлдузи сифатида 1994 й.да Монте Карлода ўтказилган цирк санъати ёш истеъдодларининг жаҳон кўриги совриндори, Парижда ўтказилган (1995) «Келажак циркининг юлдузлари» жаҳон фестивалининг ғолиби сифатида олтин медалга сазовор бўлди. Укаси Эркин ҳаво гимнастикаси жанри ижрочиси.

Тошпўлат Турсунов.

ЗАРИЯ, Зариа — Нигерия шим.даги шаҳар. Т. й. ва автомобиль йўллари тугуни. Аҳолиси 350 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Пахта етиштириладиган р-ннинг муҳим савдо маркази. Пахта тозалаш, тўқимачилик, ёғ, ун



Зарифовлар саҳнада.

тортиш, тамаки корхоналари, т. й. устахоналари, велосипед з-ди бор. Ҳунармандчилик ривожланган, турли буюмлар тўқилади, тери ошланади. Ун-т бор. Шаҳарга 1513 й.да Зария давлати пойтахти сифатида асос солинган.

ЗАРКОКИЛ, тангачўлпи — зийнат буюми, Шарқ аёлларининг сочларига тақадиган безаги. Аёлларнинг икки чаккалари ёки соч ўримларига тақилган. Дастлаб Қўқон хонлиги даврида олтиндан ясалиб. З. деб аталган. Кейинчалик танга ва сўлкавойлардан («тангачўлпи» номи шундан) икки қатор қилиб ишланган. Танга ва сўлкавойлар ўзаро кумуш занжир ёки ҳалқачалар б-н уланган. Юқори қисмидаги илгаги б-н чаккадаги сочга, соч ўримларига тақиб қўйилган.

ЗАРКОСА — Боботоғ тизмасидаги энг баланд чўққи. Сурхондарё вилоятининг шим.-шарқида, Узун тумани худудида жойлашган. Мутлақ бал. 2290 м. Шарқий ён бағри Кофарниҳон дарёси водийсига ҳамда шим. ва шим.-шарқий ён бағри Сурхондарё водийси томон тик тушган. Жан. ва жан.-шарқий ён бағри қия. Қишда қор б-н қопланади. З.дан шарққа кичик сойлар оқади, ғарбида булоқлар бор. Чўққи атрофида арчазор, пистазор, бодомзорлар мавжуд.

ЗАРМИТОН (ЧОРМИТОН) ОЛТИН КОНИ — Нурота тоғининг жан.-ғарбий чеккасида, Самарқанд ш.дан қарийб 100 км шим.-ғарбда жойлашган кон. 1952 й. И. Ҳ. *Ҳамробоев* очган. 1978 й. ишга туширилган. 1950-й.лардан кейин конда олиб борилган геологик қидирув ва геофизик тадқиқотлар натижасида олтини бор бир қанча жойлар аниқланди. Кондаги асосий руда минерали — олтин ва кумуш; қўшимчалари: вольфрам, қўрғошин, рух, сурма ва б. З. о. к. геологик тузилишида эрта силур даври жазбулоқ свитасига тааллуқли вулканоген-терриген жинслар иштирок этган. Улар изоклиналь бурмалар ҳосил қилган ва регионал метаморфизм жараёнига учраган. Кондаги интрузив жинслар биотит-амфиболли граносиенитлардан иборат. Саноат аҳамиятига молик рудалар ертомир шаклида, улар 70—80° остида шим. ва шим.-шарққа энкайган. З. о. к.да олтин ҳосил бўлишида тектоник, магматик ва литологик омиллар муҳим роль ўйнаган.

ЗАРНУҚ, Зарнуж, Ужуқ-Зарнуқ, Зеринуҳ (Саритоқ) — қад. шаҳар-қалъа. Сирдарёнинг сўл соҳилида жойлашган. Абу Абдулло *Хоразмий*нинг «Мафотих ал-улум» асаридаги «зурнуқ» истилоҳи «чиғир» маъносини англатган. Шунга қараганда З. қалъаси чиғир ёрдамида сув чиқариладиган баландликда жойлашган. *Чингизхон* 1220 й. фев.да Бухорони олгач, мўғуллар Чингизхоннинг кенжа ўғли Тули раҳбарлигида З.ни қамал қилганлар. Чингизхон қамалдагиларга ўзининг хос кишиси *Доншманд ҳожиби*ни жўнатиб таслим бўлишни таклиф этган. З. аҳли кучлар тенг эмаслиги боисидан таслим бўлган. Мўғуллар З.га «Қутлуғ балиғ» деб ном қўйганлар.

ЗАРПЕЧАК, чирмовуқ (Cuscuta L.)— чирмовдошлар (Cuscutaceae)га мансуб текинхўр ўсимлик туркуми. Мўътадил минтақаларгача 170 тури учрайди. Баргсиз ва илдизсиз бир йиллик ўт, қатъий *карантин* объекти. Пояси чирмашиб ўсади, ипсимон, сершох, танаси сариқ, яшил-сариғш ёки тўқ сариқ. Гул-

лари майда оқ ёки оч пушти. Меваси қаттиқ қобиқли бир қанча уруғли думалоқ кўсакча, уруғида ўралган муртаги бор. Муртакнинг туклар б-н қопланган қалин учи тупроққа ўсади, иккинчи учи уруғ пўстидан ажралиб хўжайин ўсимликка чирмашади ва ўралиб, ўсимлик тўқималарига чуқур кириб ширасини сўради ва қуритади. З. уруғи ва поясидан кўпаяди. З.нинг бир ўсимлиги 10—50 минггача уруғ беради.



Зарпечак.

З.нинг Ўрта Осиёда учрайдиган турлари: дала З., асосан, беда, каноп, ғўза, сабзавот-полиз ва б.ни зарарлайди; беда З., асосан, бедани, шунингдек, нўхат, қашқарбеда ва янтоқни зарарлайди; хитой З. каноп, жут, ғўза, лавлаги, қовун, беда, қисман картошка помидорни зарарлайди; европа З. каноп, картошка, тамаки, қулмоқ, беда, қашқарбеда, сирень ва б. бута ҳамда дарахтларни зарарлайди;

Кураш чоралари: карантин, З. тушган бедапояга биринчи ўримдан кейин нитрафен ёки ДНОК эритмаси, ҳайдалган бедапоя, уват, йўл ёқалари, экин экилмаган ерларга эса нитрафен эритмаси пуркалади.

ЗАРРА — оз сонли элементар зарралардан ташкил топган модда улушлари. Мас., тутун З.лари, чанг З.лари, ҳаводаги сув З.лари, молекулалар, атомлар, ядролар, нуклонлар ва б. Ўлчамларига қараб З. макрозарралар ёки микрозарраларга бўлинади; макрозарралар микрозарралардан ташкил топади. Микрозарралар (атом ядроси, электронлар, нуклонлар, мезонлар, гиперонлар, γ-квант ва ҳ. к.) спинлари қўшилган ҳолда маълум йўналишда ҳаракатланиши З.ларнинг қутбланиши дейилади. Ички тузилишига қараб мураккаб ёки оддий З.лар бўлади; мураккаб З.лар оддий З.лардан иборат. З. қандайлигидан қатъи назар, энергия, импульс, масса ва б. хусусиятларга эга. Дастлаб З. ва унинг хусусиятлари ўзгармас, ҳар қандай З. янада майдароқ З.лардан иборат, деб ҳисобланарди. Текширишлардан маълум бўлдики, З.лардан баъзилари бутунлай ўзгариши, ўз таркибида бўлмаган янги З.лар пайдо қилиши, ҳатто ўзига мос антизарралар б-н тўқнашганда тамомила йўқолиб, электромагнит майдон ҳосил қилиши мумкин экан (қ. *Антизарралар, Аннигиляция*). З. тушунчаси майдонлар назарияси ва тўлқинлар назариясида ҳам кўп ишлатилади. Тинч турган модда З.лари массага эга, электромагнит майдон З.лари — фотонлар эса тинч турганда массага эга бўлмайди. З.лар системаси назариясида (жумладан, қаттиқ жисмлар назариясида) тежириладиган ҳодисаларнинг рўй беришида кўп З.лар маълум жиҳатдан ҳақиқий моддий З.ларга ўхшаш бўлгани учун ёрдамчи тушунча сифатида *квазизарралар* тушунчаси б-н иш кўрилади, мас., *фонон, полярон, экситон, магнон, плазмон* ва б. (яна қ. *Элементар зарралар*).

ЗАРРА-АНТИЗАРРА ЖУФТИ — зарралар б-н антизарраларнинг бир вақтда биргаликда (жуфт ҳолда) ҳосил бўлиши. Бу жараён энергия, импульс ва б. катталикларнинг сақланиш қонунларига бўйсунади. З.-а. ж. ҳосил бўлиши ядро б-н тўқнашувчи зарра энергиясига ва жараёнда иштирок этувчи бошқа зарраларнинг хоссаларига боғлиқ.


Элементар зарраларнинг емирилиши, уларнинг ўзаро ёки ядролар б-н тўқнашуви натижасида турли З.-а. ж. ҳосил бўлади. Мас., протон (p) б-н протон (p) тўқнашуви натижасида протон (p) ва антипротон ($\bar{p}$), фотон (γ) б-н протон (p) тўқнашуви натижасида мусбат мюон (μ^+) ҳосил бўлади ва ҳ. к. Емирилиш натижасида нейтрал каон (K^0-мезон)дан мусбат пион (мусбат π-мезон, π^+) ва манфий пион (манфий π-мезон, π^-), нейтрал пион (π^0)дан электрон (e^-) ва позитрон (e^+) ҳосил бўлади ва ҳ. к. Одатда, З.-а. ж. ҳосил бўлиши деганда фотондан электрон ва позитроннинг $\gamma \rightarrow (e^- + e^+)$ вужудга келиши тушунилади. Бирор зарядли зарра (мас., атом ядроси) майдонидаги фотон электрон-позитрон жуфтлигини ҳосил қилади.

З.-а. ж. ҳосил бўлиши ва *аннигиляция* ҳодисалари материянинг бир шаклдан бошқа шаклга (модда шаклидан майдон шаклига) ва аксинча ўтишини исботлашга далил бўлади.

ЗАРРАБИН (араб. зарра — майда ва форс. бин — кўрмоқ феълининг ўзаги) — *микроскоп*нинг қад. номи.

ЗАРТЕПА — Термиз ш.дан 26 км шим.-ғарбда жойлашган қад. шаҳар харобаси. З. 1951—52 й.ларда археолог Л.И.Альбаум томонидан текширилган. З. квадрат шаклида бўлиб, деворларининг уз. 400 м дан. Шарқий девор харобалари 6—7 м, ғарбий девори 4 м гача сақланиб қолган. Шаҳарнинг шим.-шарқида квадрат шаклида қалъа-кўрғон бор, у шаҳристондан мудофаа чизиғи — катта хандақ б-н ажратилган. 1960—80 й.ларда археолог В.Завялов, Қ.Собиров ва Ш.Пидаевлар томонидан ўрганиш давом эттирилган. Археологик қазишмалар туфайли З.нинг шаҳристон қисмидан уй-жой қолдиқлари ва кўчалар очилган. Сопол идишларининг асосий қисми ангоб б-н бўялган. З.дан одам ва ҳайвонларнинг ҳайкалчалари ва ҳар хил тангалар ҳам топилган. Топилмаларнинг энг қадимгиси мил. в. 4—2 а.ларга, кейингилари илк ўрта аср лар (5—7-а.лар)га тўғри келади.

ЗАРУРИЙ МУДОФАА — жиноят ҳуқуқида ҳужумдан қонуний тарзда ҳимояланиш. Одатда, қонунда З.м. ҳолатида қилинган ва тажовузчига шикаст ва зарар етказган ҳаракат, агар у З.м. чегарасидан чиқмаган, яъни ҳимоя хавф-хатар характерига мос бўлса, жиноят деб топилмайди, ижтимоий хавфли ва ҳуқуққа хилоф қилмиш саналмайди, жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди. ЎзР Конституциясининг 20- ва 27-моддаларида, Ўзбекистон ЖК 37-моддасида ҳар бир фуқаронинг ўзини ва б. шахсларни, шунингдек, жамият ва давлат манфаатларини фаол ҳимоя қилиш ҳуқуқи ифодаланган.



Зартепа шаҳар харобаси.

ЗАРУРИЯТ ВА ТАСОДИФ — борлиқдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни ифодаловчи фалсафий тушунчалар. Зарурият — нарса ва ҳодисаларнинг табиатидан келиб чиқади, уларнинг ички қонуниятини ифода қилади. У муайян шароитда юз бериши муқаррар бўлган воқеа ёки ҳодисадир. Тасодиф — нарса ва ҳодисаларнинг ички табиати б-н боғлиқ бўлмаган, ташқи таъсир, юзаки ва иккинчи даражали, ўткинчи томонини ифода этади. У юз бериши ҳам, юз бермаслиги ҳам мумкин. З. ва т. борлиқдаги ўзаро боғлиқ бўлган, бири иккинчисиз мавжуд бўлмайдиган нарса ва ҳодисаларнинг ўзгариш ва ривожланишига оид алоқадорликнинг икки томонидир. Улар ўзаро боғлиқ ва ўзига хос хусусиятлари б-н бир-биридан тубдан фарқ қилади. Зарурият, биринчидан, ҳодисаларнинг олдинги тараққиёти орқали қонуний тайёрланган бўлади, иккинчидан, унинг сабаби ўзида бўлиб, у мазкур нарса ва ҳодисанинг ички табиатидан келиб чиқади; учинчидан у нарса ва ҳодисанинг муҳим, такрорланиб турадиган ички алоқадорликларидан келиб чиқади; тўртинчидан, зарурият юз бериши муқаррарлик хусусиятига эга бўлиб, албатта, юз беради; бешинчидан, у доим қонуният б-н боғлиқ бўлиб, умумий типик характерга эга.

Тасодиф ҳам сабабсиз юз бермайди. Унинг сабаби, нарса ва ҳодисанинг ўзида эмас, балки ундан ташқарида бўлади. Тасодифнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар: биринчидан, тасодиф нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиши давомида эмас, балки турли ташқи жараёнларнинг таъсирида содир бўлади; иккинчидан, борлиқдаги номуҳим боғланишлардан келиб чиқади; учинчидан, тасодиф нарса ва ҳодисаларнинг ривожланиш майлларини белгилаб бермайди, шунга кўра у муқаррар эмас, тўртинчидан, тасодиф умумий эмас, балки якка хусусиятга эга; бешинчидан, тасодиф қонуният б-н боғлиқ эмас. Тасодифларни олдиндан айтиб бериш мумкин эмаслиги уни, гўёки, сабабият тамойилига зидга ўхшайдигандай қилиб қўяди. Аслида, тасодифий воқеалар, гарчи аниқ маълум бўлмаса ҳам, реал мавжуд бўлган муайян шарт-шароит ва сабаблар оқибатидир. Улар бетартиб равишда, ҳеч нарса йўқ жойдан пайдо бўлмайди, уларнинг келиб чиқиши имконияти, гарчи қатъий равишда бўлмаса ҳам, ўзининг сабабий асосларига эга. Бу кўп миқдордаги бир хил тасодифий ҳодисаларни ўрганиш натижасида пайқаб олинади ва математик статистика аппарати ёрдамида ифодаланади.

З. ва т. ўзаро боғлиқдир, бунда тасодиф зарурияттнинг ички тизимида яширинган бўлгани каби зарурият ҳам тасодифлар тизимида, уларнинг такрорланишида мавжуд бўлади, улар бир-бирисиз, алоҳида-алоҳида мавжуд бўла олмайди. Ижтимоий муносабатларда зарурият б-н тасодиф нисбатини тўғри англаш жамият ҳаётининг объектив тараққиёт қонунларини билиб олиш ва амалда қўллашнинг асосий шартидир. Чунки ижтимоий тараққиётнинг объектив йўналиши ўзининг муайян мақсад ва интилишларига эга бўлган алоҳида шахслар, ижтимоий гуруҳлар фаолиятида амалга ошади. З. ва т.ни бир-биридан фарқ қилишда ҳар доим тайин шароитни ҳисобга олиш зарур. Борлиқдаги ҳамма нарса ва ҳодисалар ўзларининг ўзгариш ва ривожланиши жараёнида доим ҳам зарурий, ҳам тасодифий алоқадорликларни ўз ичига олади. Уларни ўрганиш ва билиб олишда бу алоқадорликларни ўзаро чалкаштириб юбормаслик лозим. Шунинг учун кишилар ўзларининг амалий ва илмий фаолиятларида З. ва т.нинг объективлигини ва алоқадорлигини назарда тутиши ғоят муҳимдир. Фаннинг вазифаси нарса ва ҳодисалар тизимида яширинган ётган, инсонга номаълум бўлган ички зарурий алоқадорликларни ва бу тизимдаги ташқи тасодифларни аниқлашдан иборат. Борлиқда қатъий зарурият доимо тасодифлар тизимида ҳукмронлик қилиб, тадқиқотчи ўз илмий фаолияти жараёнида тасодифий ҳодисалар тизимида мавжуд бўлган зарурийтни кашф этишга интилади. Турли кўринишда мавжуд бўлган тасодифларни чуқур тадқиқ қилиш, уларнинг бир-бирлари б-н алоқадорликларини аниқлаш, улар тизимида мавжуд бўлган, лекин яширинган ётган зарурийтни очиш инсонларнинг ҳам назарий, ҳам амалий фаолияти учун катта аҳамиятга молик.

Абдулла Аюпов.

ЗАРЧАВА — қ. *Зарчўва*.

ЗАРЧОПОН — қовуннинг ўртапишар нави. Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик и. т. институтида Ширали ва маҳаллий Чўғари навларини дурагайлаб яратилган (1986; Р. Ҳакимов, А. С. Шчукина). Шакли чўзиқ ёки тухумсимон. Оғирлиги 2,8—3,4 кг. Сирти сал тилим-тилим, туси оч сариқ, тўрлари тўқ яшил. Пўсти ўртача, қаттиқ, эти пуштиранг, ширин, асал ҳиди келади. Таркибида 15% қуруқ модда мавжуд. Уруғи ўртача, сарғиш, уруғидан униб чиққанидан кейин биринчи ҳосили 77—93 кунда пишади. 1990 й.дан республиканинг барча вилоятларида р-нлаштирилган. Ҳосилдорлиги 20—25 т/га.

ЗАРЧЎВА (Curcuma) — занжабилдошларнинг оиласига мансуб кўп йиллик ўт ўсимлик. 50 дан ортиқ тури бор. Икки тури Осиё, Африка ва Австралиянинг тропик ҳудудларида ўсади. Ҳиндистон, Индонезия, Хитойнинг жан.да экиладиган (C. Jonga L.) тури кўпроқ аҳамиятга эга. Асосан, хушбўй, илдизи таркибида 1,5—5% эфир мойи ва зарарсиз сариқ модда бор. З. илдизи кукун ҳолида ишлатилади, иссиқ сувда тез эрийди, озиқ-овқатга (паловни тилларанг қилишда зирвакка ёки ювилган гуручга қўшилади). З.дан олинадиган сариқ бўёқ локларга ранг беришда ишлатилади. Иккинчисининг илдизпоясидан олинадиган аччиқ модда ликёр тайёрлашда ва тиббиётда қўлланилади. Ёввойи турларининг илдизпоясидан крахмал олинади. З. илдизпоясидан кўпайтирилади.

«ЗАРЯ СУРХАНА» («Сурхон тонги») — Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг ижтимоий-сиёсий газ. Термиз ш.да рус тилида ҳафтада 2 марта чиқади. Дастлаб 1941 й. 10 авг.дан «Ленинское знамя» («Ленин байроғи») номи б-н нашр этилган. 1991 й.дан ҳоз. номда. Газ.га турли йилларда Г.Н.Рокотов, П.Т.Трофименко, М.М.Палецкий, И.М.Мельников, А.Ҳакимов, Н.Чехаков, Д.А. Кучеренко ва б. муҳаррирлик қилган. Газ. саҳифаларида вилоят ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётига доир материаллар бериб борилади. Мамлакат фуқароларида янгича тафаккур ва дунёқарашни шакллантириш, шу мақсадда ягона миллий ғоя — миллий мафкурани яратиш ва ҳаётга тадбиқ этиш газ. таҳририяти жамоаси олдидаги энг муҳим вазифа саналади. Адади 1000 (2002).

ЗАРЯД — 1) электр З. — электромагнит майдон манбаи; зарядланган зарраларнинг ўзаро электромагнит таъсирлашуви интенсивлигини ифодалайдиган физик катталик. Бир хил ишорали З.лар бир-биридан итарилади, ҳар хил ишорали З.лар эса бир-бирига тортилади (қ. *Кулон қонуни*). Электронлар, позитронлар, протонлар, зарядли мезонлар ва б. элементар зарралар ҳамда атом ядроси энг кичик мусбат ёки манфий электр З.га эга. Электр З., одатда, электростатик бирликлар (СГСЕ) ёки кулонлар б-н ўлчанади. Энг кичик элементар электр З. $e = (4{,}80298 \pm 0{,}000201) \cdot 10^{-10}$ СГСЕ бирликка тенг. Элементар электр З.ни биринчи марта 1911 й.да Р. Э. *Милликен* аниқ ўлчаган; 2) портловчи модда

З.и — махсус камера (шурп, қудуқ ва б.) га жойлаштирилган, вазни ва ўрнатиладиган жойи олдиндан ҳисобланган ҳамда портлатишга тайёрланган портловчи модда; 3) улоқтириладиган порох З.и — ўқ отар қурол стволи каналида снаряд (мина, ўқ)ни ҳаракатга келтириш ва керакли тезликда отиш учун зарур бўлган, гильза ёки алоҳида қопчиқлар (картузлар)га жойлаштирилган маълум миқдордаги порох; 4) қаттиқ ракета ёқилғиси З.и — двигатель камерасига жойлаштирилган ва ёнганда ракетани ҳаракатлантирувчи реактив куч ҳосил қиладиган бир ёки бир неча қаттиқ ёқилғи блоки (шашкаси).

ЗАРЯДЛАНГАН ЗАРРАЛАР ТЕЗЛАТКИЧИ — электр ёки ўзгарувчан магнит майдони ёрдамида катта энергияли зарядланган зарралар (электронлар, протонлар, атом ядролари) олиш учун мўлжалланган қурилма, қ. *Тезлаткичлар.*

ЗАРЯДЛАШ ҚУРИЛМАСИ — 1) электротехникада — аккумуляторлар ва конденсаторлар батареясини зарядлаш учун ўзгармас ток берувчи агрегат; зарядлаш генератори ёки *тўғрилагичли* трансформатор, тақсимлаш қурилмасидан иборат. Аккумулятор З. қ. даврий зарядлаш, узлуксиз ва узлукли зарядлаш, қўшимча ҳамда қайта зарядлашда қўлланилади. Аккумулятор батареялари зарядлаш токи сиғими ва кучлари тенглиги аломатлари бўйича алоҳида гуруҳларга йиғилади. Даврий зарядлашда батареялар икки гуруҳга бўлинади ва З. қ. улардан битта гуруҳини зарядлайди. Узлуксиз зарядлашда ҳам нагрузка тармоғи таъминланади, ҳам аккумуляторлар батареяси зарядланади. Узлукли зарядлашда эса З. қ. муайян вақтнинг бир қисмида нагрузкани таъминлаб, аккумуляторлар батареясини зарядлайди, вақтнинг бошқа қисмида кичик нагрузкада захирада бўлади; бунда нагрузка занжирини аккумуляторлар батареяси таъминлайди. Конденсатор З. қ. конденсаторларни нормал режимда зарядлайди. Тўғрилагич З. қ. бир фазали кам қувватли бўлиб, аккумуляторлар батареясини зарядлашда кучланиш трансформаторнинг иккиламчи чулғамидан тўғрилаб олинади; 2) портлатув ишларида З. қ. заряд бўшлиғини портлатув моддалари (ПМ) б-н тўлдирадиган механизм ёки машина. Икки гуруҳга: таркибида нитроэфирлар ёки гексагенлар бўлмаган патронлашган ПМ б-н зарядлаш ва гранула (донадор)ланган ПМ б-н зарядлаш хилларига бўлинади. Биринчи гуруҳи яхши тақомиллашмаганлиги ва қимматлиги туфайли ишлатилмайди. Иккинчи гуруҳи конлар, шахталар, қудуқларни зарядлашда қўлланилади.


Сапи Мажидов

ЗАРЯДЛИ ЗАРРАЛАР ҲИСОБЛАГИЧЛАРИ — зарядли зарралар (электрон, протон ва б.)ни қайд қилиш ва уларнинг энергиясини аниқлаш учун ишлатиладиган физик қурилмалар. Уларнинг иши зарядли зарраларнинг модда атомлари б-н ўзаро таъсирлашишига асосланган.

З. з. ҳ.нинг бир неча хиллари мавжуд: ионлаш ҳисоблагичи (ионлаш камераси), мутаносиб (пропорционал) ҳисоблагич, *Гейгер — Мюллер ҳисоблагичи, Черенков ҳисоблагичи, сцинтилляцион ҳисоблагич,* яримўтказгичли ҳисоблагич, кристалл ҳисоблагич ва б.

Ионлаш ҳисоблагичининг иши газ разрядига асосланган. Бундай ҳисоблагичлар икки электродли ёпиқ идишдан иборат. Идиш инерт газлар, водород, азот ёки газ аралашмалари, жумладан углеводородлар б-н тўлдирилади. Электродларга ток манбаи уланиб, электр майдони ҳосил қилинганда мустортилади. Ҳисоблагичдан ўтган зарядли зарралар занжирда импульслар ҳосил қилади. Расмда зарядли зарраларни қайд қилишнинг умумий принципи кўрсатилган (яна қ. *Ионлаш камераси*).

Мутаносиб ҳисоблагичнинг иши ҳам газ разрядига асосланган. Унда занжирдаги ток амплитудаси қайд қилинаётган зарялли зарралар энергиясига мутаносиб бўлади. Ҳисоблагич электродларидан бири, кўпинча, цилиндр шаклида бўлиб, иккинчи электрод — цилиндр ўқи бўйлаб тортилган ингичка симдир. Металл цилиндр — катод, сим эса анод вазифасини ўтайди. Анод — катод потенциаллари фарқи 900—1000 В бўлганда бирламчи ионлаш натижасида ҳосил бўладиган электронларнинг тезлиги электр майдони таъсирида ортиб, ионлар ҳосил қила олади. Бу ҳодиса *газ кучайтириши* дейилади. Потециаллар фарқи ортган сари электр импульси амплитудаси ҳам ортади, эркин электронлар катта тезликка эришади ва, ўз навбатида, газ атомларини ионларга ажрата



1

Ионлаш ҳисоблагичи: *R*—қаршилик.

олади. Ионланиш кетма-кет такрорланиб, жала разряди (электронлар жаласи — мустақил бўлмаган разряд) рўй беради. Ионлар счетчик электродига бориб етганидан кейин электр разряди сўнади.

Яримўтказгичли ҳисоблагич (детектор) — зарядли зарралар ва гамма-нурларни қайд қилиш ва уларнинг энергиясини ўлчайдиган асбоб. Кўпинча, кремний ёки германий монокристаллидан пластинка кўринишида тайёрланади. Зарядли зарралар пластинкага тушганда, мувозанат ҳолатда бўлмаган заряд ташувчилар жуфти, яъни электрон-ковак жуфти ҳосил қилади. Ташқи электр майдон таъсирида электрон ва ковак электродларга томон силжийди, натижада ташқи занжирда электр импульси ҳосил бўлади. Бу импульс радиотехник қурилмалар ёрдамида қайд қилинади.

Кристалл ҳисоблагич — электр кристалларда ҳосил бўлаётган зарраларни қайд қилувчи асбоб. Диэлектрик монокристалл (одатда, олмос ёки кадмий сульфид кристаллари)дан тайёрланади. Булардан ташқари, *Вильсон камераси,* диффузион камера, қатламлари фотографик эмульсия ва б. ҳам зарядли зарраларни қайд қиладиган ҳисоблагичлар ҳисобланади.

Раҳим Бекжонов.

ЗАРЯДНИНГ САҚЛАНИШ ҚОНУНИ — электр жиҳатдан ҳимояланган ҳар қандай ёпиқ системада зарядларнинг алгебраик йиғиндиси ушбу системада ҳар қандай жараёнлар юз берса ҳам доимо ўзгармай қолишини ифодаловчи қонун. Табиатнинг асосий қонунларидан бири. М. *Фарадей* тажрибада кашф қилган. Ҳар қандай жисмнинг электр заряди каррали мусбат ва манфий элементар зарралардан иборат. Элементар заряд *e* орқали белгиланса, ҳар қандай жисмнинг заряди каррали *e* га тенг, яъни $0, \pm e, \pm 2e, \ldots, \pm Ne$. Заряд квантланган, яъни заряд миқдори узлуксиз ўзгармай, балки узлукли равишда ўзгаради. Заряд миқдори ҳар қандай таъсирлашувлар да ҳам ўзгармайди, таъсирдан сўнг заряд фақат тақсимланади. Умумий заряд ўзгармайди, яъни зарядларнинг сақланиш қонуни ўз кучини сақлайди: электр зарядлари ўз-ўзидан пайдо бўлмайди ва йўқолмайди, улар фақат бир жисмдан бошқасига узатилади ёки жисм ичида кўчади ҳамда ёпиқ система ичида электр зарядларининг алгебраик йиғиндиси ўзгармай қолади ($q_1+q_2+\ldots+q_n = \text{const}$).

ЗАРҚОҒОЗ, фольга — нодир, асл металлар ва пўлатдан тайёрланадиган, эни 5—1000 мм ва қалинлиги 0,001—0,2 мм бўлган варақ ёки лента З. жўвали (валецли) прокат станларида ўрама (рулон) ҳолида прокатлаб чиқарилади. Прокатлаб олиш қийин бўлган қаттиқ материаллар эритиб олинади. Озиқ-овқат маҳсулотларини ўрашда, электротехникада конденсаторлар тайёрлашда, термоизоляция ва б. мақсадларда ишлатилади; 2) матбаада — бир томони маълум миқдордаги боғловчи б-н ишқаланган ва бирор пигмент б-н қопланган калька ёки шаффоф плёнка. Китоб муқовасига пресслаб тасвир туширишда ишлатилади.

ЗАРҚУЛОҚ (Lepidolopsis turkestanica) — қоқидошлар (мураккабгулдошлар) оиласига мансуб кўп йиллик ўт. Поясининг бўйи 120 см ча. Барглари кўкишяшил, туклар б-н қопланган, патсимон кесик. Гули оч сариқ, бандли. Июнда гуллайди, июлдан уруғлайди. Ўзбекистонда адирларда, тоғ этакларида ўсади. Тўпгулининг қайнатмаси халқ табобатида кўкрак оғриғи ва нафас қисиш касалликларида ҳамда гижжа ва сийдик ҳайдовчи дори сифатида ишлатилади.

ЗАРҒАЛДОҚ (Oriolus oriolus) — чумчуқсимонлар туркумига мансуб қуш. Чуғурчиқдан сал каттароқ. Танаси 25 см ча, вазни 70—85 г. Нари оч сариқ, қаноти ва думи қора, модаси ва жўжалари яшил-кулранг. З. Шимоли-Ғарбий Африка, Европа ва Осиёда тарқалган.



Зарғалдоқ.

Ўзбекистонга баҳорда келиб, кузда қишлаш учун Ҳиндистонга кетади. З., одатда, тоғ ўрмонларида, баъзан тўқай ва воҳаларда ҳаёт кечиради. Дарахт шохларига уя солади. Май охирида 3—4 та тухум қўяди. Тухумдан 14—15 кундан кейин жиш жўжа чиқади. 18—19 кундан сўнг жўжалар учирма бўлади. З. қурт ва қўнғизлар б-н озиқланади. Боғ ва ўрмон зараркунандаларини қириб, фойда келтиради.

ЗАРҲАЛ — *ҳал* тури; эзиб суюлтирилган олтин кукуни. Амалий санъат (айниқса *зарғарлик*)да нарса (буюм)ларнинг юзасига суртилади (югуртирилади) ва айнан шундай усулда ишланган буюм ҳам З. деб аталади (мас., юзига З. югуртирилган кумуш исирға — зарҳал исирға).


ЗАСКАР — Ҳимолай тоғларининг шим.-ғарбий қисмидаги тоғ тизмаси. Ҳиндистон ва Хитой ҳудудида. Уз. шим.-ғарбдан жан.-шарққа 600 км. 6400 м баландликда даралар б-н ўйилган кенг платосимон юза бўлиб, унда бал. 7800 м дан ортиқ бўлган алоҳида чўққилар кўтарилиб туради. З. оҳактош, қумтош, сланец ва гранитдан тузилган. Жан. ён бағрида 4000 м гача ўрмон, ундан юқорида альп ва субальп ўтлоқлари, тоғ текисликларида доимий қор ва музликлар, шим.да даштлар бор. Сатлаж дарёси кесиб ўтади. Водийларда деҳқончилик қилинади. Корунд конлари топилган.

ЗАСТАВНИКОВ Георгий Иванович (1898.13.12—1970.13.2, Тошкент) — цирк артисти. Ўзбекистон халқ артисти (1964). 1907 й.дан укаси Владимир Иванович З. (1900—1926) б-н Туркистоннинг шаҳар ва қишлоқларида қўш чиғириқ, айланадиган темир шоти устида гимнастика томошалари кўрсатган. Комик акробатлар (Шах ва Мат), 1913 й.дан куплетчи масхарабозлар, буфф-масхарабозлар сифатида шуҳрат қозонганлар. Ўргатилган ҳайвонлар б-н бўлган томошаларида комедияли, сатирик ёки тақлидий саҳналар кўрсатди. «4 Г» (антифашистик памфлет, Гитлер, Гебельс, Геринг, Гиммлер ҳақида) ва б. томошалари машҳур бўлган. 1918—22 й.ларда Бухорода, кейинчалик В. Лазаренко б-н Фарғонада томоша кўрсатган (1930). У 40 йил давомида ҳамма манежларда ит ўйнатиш томошаси б-н чиққан. Ўзбек цирк жамоасида масхарабоз-ҳайвон ўргатувчи бўлиб ишлаган.

ЗАФАР — Тошкент вилоятидаги шаҳарча (1918—72 й.ларда Олмазор қишлоғи). *Бекобод тумани* маркази. Тошкентдан 120 км жан.да, яқин т. й. станцияси — Бекобод (22 км). Аҳолиси 7,7 минг киши (2000).

З. қад. аҳоли масканларидан бири, унинг марказидаги «Номсиз тепа» қабристонидан 8—9-а.ларга оид археологик буюм қолдиқлари топилган. 1870 й.да қишлоқ Россиядан кўчириб келтирилган русларнинг Корзинкин номли хуторига айлантирилди ва Далварзин волостининг маркази бўлди. Хутор ёнида 60 га олмазори ҳам бўлган (қишлоқнинг аввалги номи шундан). 1918 й. Олмазор қишлоғида шўролар отлиқ армияси учун қорабайир отлар етиштириб берадиган от з-ди ташкил қилинди. 1926 й. от з-ди ўрнида «Далварзин» уруғчилик хўжалиги тузилди. 1930 й. бу хўжалик пахтачилик с-зига айлантирилди ва Олмазор қишлоғи с-з қўрғони бўлиб қолди. З.да маъмурий ва маданий-маиший бинолар, спорт иншоотлари, бозор, 2 касалхона, 3 умумий таълим мактаби, пед. билим юрти бор. «Ёшлик» савдо маркази қурилган. Кутубхона, маданият уйи, пед. билим юрти қошида лицей, меҳнат таълими коллежлари, хусусий савдо дўконлари бор. Туман ҳокимияти биноси олдига «Номаълум аскар» монументи ўрнатилган. З.дан Тошкент — Бекобод автомагистрал йўли ўтган. Автобус-такси саройи, кўчма қурилиш колонналари, «Сарбон» юк ташиш транспорти автокорхонаси бор.

ЗАФАР АРКИ, Зафар дарвозаси — бирор тантана муносабати б-н қурилган иншоот, ҳашаматли дарвоза. Қад. Римда голиб лашкарбошиларнинг шаҳарга тантанавор кириб келиши учун



Римдаги зафар арки.

махсус қурилган. Бизгача сақланган энг қадимги З.а.— Сципион арки (Рим, мил. ав. 190 йил). Ҳайдарободдаги Чор минор З.а. (1591) ҳам машҳур. З.а.нинг кўпчилиги мармар ҳайкал, рельефли расм ва нақшлар б-н безатилган, дастлаб ёғочдан вақтинча, кейинчалик мармар, харсанг, гиштдан доимий қилиб қайта қурилган.

ЗАФАР ГАЗ КОНДЕНСАТИ КОНИ — Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида, Қарши ш.дан 45 км жан.-шарқда жойлашган. Зафар структураси 1974 й.да сейсмик разведка натижасида аниқланган. 1978 й.да 1-параметрик қудуқ кавланган (3805 м). Натижада юра ётқизиқларининг самарадорлиги маълум бўлган. 1978—87 й.ларда конда 8 та бурғи қудуғи қазилган,. Қудуқларнинг 3 тасида газ уюми борлиги аниқланган.

З. г. қ. к.нинг геологик тузилишида юра, бўр, палеоген, неоген ва антропоген ётқизиқлари иштирок этган. Тектоник жиҳатдан Зафар структураси Бешкент букилмасида жойлашган ва юра ётқизиқлари бўйлаб шим.-шарқ томонга йўналган брахиантиклиналдан иборат. Структурانинг уз. 6 км, кенглиги 5 км.

Зафар конида кавланган қудуқларда 39 та объект синовдан ўтди. Уларнинг 12 тасида газ ва биттасида газ б-н нефть

борлиги маълум бўлди. Газнинг дебити 67 минг м³/сут дан 575 минг м³/сут гача. Газнинг ҳавога нисбатан зичлиги 0,643, конденсатники 0,756 г/см³, ундаги метаннинг миқдори 90—92%, олтингугурт водороди 0,05%, азот 1,2%, карбонат ангидриди 3—5%. Конда разведка ишлари ниҳоясига етган. З. г. к. к. айни пайтда ўзлаштиришга тайёрланган.

ЗАФАР ДИЁР (1912, Чуст тумани — 1946.14.4, Тошкент) — ўзбек болалар шоири. Тошкент пед. ин-тида ўқиган (1938—41). «Ленин учқуни» (1936—41), «Қизил Ўзбекистон» (1941—46) газ.-ларида адабий ходим ва масъул котиб. «Қўшиқлар» (1933), «Тантана» (1938), «Шеърлар» (1939), «Муборак» (1940), «Совға» (1944), «Сув б-н суҳбат» (1976) «Бизнинг қуролимиз» (1941), «Бизнинг оила» (1942) ва б. шеърий тўпламлар муаллифи. «Чаман» (шеър, эртак ва достонлар, 1948) китоби мактабгача ёшдаги болалар учун. З. Д. ўзбек болалар адабиётида достон жанрини бошлаб берган шоирлардан бири ҳисобланади («Машинист», «Казбек» ва б.). Бундан ташқари, болалар драматурги ҳамдир. Унинг «Бахтли ёшлик», «Уч оғайни» пьесаларида болалар ўртасидаги дўстлик, биродарлик улуғланади.

Ад.: Владимирова Н. В., Зафар Диёр [Танқидий-биографик очерк], Т., 1954; Ўзбек болалар адабиёти тарихи очерки. Т., 1978; Ўзбек болалар адабиёти ва адабий жараён, Т., 1989.

«ЗАФАРНОМА» — *Амир Темур* давлати тарихига бағишлаб ёзилган асар. Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаётлигида бевосита унинг топшириғи асосида *Низомиддин Шомий* томонидан ёзишга киришилган (1401—02). 1404 й. баҳоригача асар ёзиб тамомланган ва Озарбайжонда етти йиллик юришдан Самарқандга қайтаётган Амир Темурга тақдим этилган. Бундан кейинги соҳибқирон вафотигача кечган воқеалар кейинроқ *Хофизи Абру* томонидан ёзиб илова қилинган.

«З.»ни ёзишда Амир Темурнинг мунший ва котиблари ҳам назм, ҳам насрда форсий ва туркий тилларда ёзган маълумотлар, муаллифнинг 1400—04 й.лар давомида соҳибқирон юришларида бўлиб, ўзи кўрган-билганлари, Ҳиндистон юриши воқеалари қисмининг баёни учун Фиёсиддин Алининг «Рўзномаи ғазавоти Ҳиндистон» (Ҳиндистонга юриш кундалиги») асари асосий манба бўлиб хизмат қилган. «З.» тарихий асар сифатида 14—15-а. бошида Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги давридаги Ўрта Осиё, Олтин



«Зафарнома»нинг ўзбек тилидаги нашри муқоваси (Тошкент, 1996).

Ўрда хонлиги, Озарбайжон, Эрон, Афғонистон, Ироқ, Сурия, Миср, Туркия ва б. мамлакатлар тарихига оид воқеаларни ўз ичига олган. Асар муқаддимасида Амир Темур тарих саҳнасига чиққан 1360 й.га қадар Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган чингизий ҳукмдорлар ҳақида қисқа маълумот берилган. Сўнгра Амир Темурнинг 14-а.нинг иккинчи ярми ва 15-а.нинг бошида қилган юришларининг батафсил баёни келтирилган. «З.» ўзида жамланган тарихий маълумотларнинг ишончлилиги б-н 15—16-а.ларданоқ бир қанча асарлар учун бош манба бўлди. «З.»нинг фақат 2 қўлёзма нусхасигина сақланиб қолган. Биринчиси, Амир Темурга тақдим этилган қўлёзманинг 1425 й.да кўчирилган нусхаси бўлиб, у Истанбуллдаги «Нури Усмония» масжиди кутубхонасида сақланади (№ 3367). Иккинчиси, муаллиф томонидан Амир Темурнинг набираси Мирзо Умар бадодир ибн Мироншоҳга тақдим этилган қўлёзмадан 1434 й. кўчирилган нусха бўлиб, у Лондондаги «Британия музейи» кутубхонасида сақланади (№ 23980).

Матншунос чех олими Феликс Тауэр «З.» нусхаларини Амир Темур тарихидан ҳикоя қилувчи бошқа бир муҳим манба — Ҳофизи Абрунинг «Зубдат ат-таворихи Бойсунғурий» («Бойсунғурга аталган тарихлар сараси») номли асари б-н солиштириб тадқиқ этиш асосида унинг илмий-танқидий матнини икки жилдда нашр этди (Прага, 1937 ва 1956 й.лар). Унга Ҳофизи Абру ёзган «Илова» ҳам киритилган. Ушбу нашр асосида «З.» қисқартирилган шаклда турк тилига (Анқара, 1940), сўз боши, кўрсаткичлар ва илмий изоҳлар б-н ўзбек тилига (Тошкент, 1996, тузувчи — О. Бўриев), ўгирилиб нашр этилди.

Ад. Низомиддин Шомий, Зафарнома [форс тилидан ўгирувчи Юнусхон Ҳакимжонов, таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир А. Ўринбоев, изоҳлар ва луғатларни тузувчи Ҳ. Каромат]. Т., 1996

Асомиддин Ўринбоев.


«ЗАФАРНОМА», Фатҳномайи Темурий, Тарихи Жаҳонгушойи Темурий — *Амир Темур* давлати тарихига бағишлаб ёзилган асар. *Шарафиддин Али Яздий* томонидан Иброҳим Султон фармонига кўра, 1419—25 й.ларда Шерозда форс тилида ёзилган. «З.» аслида «Фатҳнома» ёки «Фатҳномайи Темурий» ёки «Тарихи Жаҳонгушойи Темурий» деб номланган бўлса-да, *Низомиддин Шомий*нинг «Зафарнома»сига мазмунан яқинлиги туфайли кейинчалик «З.» номи б-н шуҳрат топган. Асар 2 қисмга: Темурдан олдинги давр тарихидан умумий тарзда сўзловчи «Муқаддима» ва Темур даври тарихини ёритувчи асосий қисм «Зафарнома»га бўлинади.

Муаллифнинг таъкидлашича, Иброҳим Султон ўз бобоси Амир Темур ҳақида махсус китоб ёзилишини ният қилган ва 1419—20 й.ларда ўз вақтида котиблар, бахши, муншийлар томонидан Темур ҳақида ҳам туркий, ҳам форсий тилларда ёзиб қолдирилган мавжуд маълумотларни йиғиб келтириш ҳақида фармон чиқарган. Бу иш амалга ошгач, мазкур маълумот — ҳужжатларни ўрганишга киришилган.

«З.»нинг сўз бошида қайд этилишича, Амир Темур ҳақидаги туркий ва форсий тилларда баён қилинган ҳикояларнинг ҳамма шеърий ва насрий нусхалари тўплангач, маълумотлар б-н танишиш учун учта гуруҳ тузилган. Туркий ва форсий тилларнинг билимдон б-н кўрган шоҳидлар эса бир гуруҳни ташкил қилган. Дастлаб Темур ҳақидаги ҳар бир ҳикоя ўқилган, агар унинг мазмуни воқеаларни ўз кўзи б-н кўрган шоҳиднинг талқинига тўғри келмай қолса, Иброҳим Султон ҳақиқатини тиклаш учун турли шаҳарларга чопарлар юборибди, мазкур воқеани Темурнинг яна бошқа замондошларидан сўриштирган ёки қўшимча маълумотлар тўплаган. Шу қўшимча ҳикоятларни ҳам тинглагач, Иброҳим Султон айтиб турган ва котиблар ёзиб борган. Шу тарзда асарнинг дастлабки хомаки нусхаси тайёрланган. Шарафиддин Али Яздий ана шу хомаки нусха асосида «З.» асарини ёзган. Иброҳим Султоннинг қатъий буйруғига биноан китобни ёзиш вақтида саналар, жой номлари, улар орасида масофа ўлчовлари ҳақидаги барча маълумотлар жуда синчиклаб текширилган. Шарафиддин Али Яздийдан эса асарни жонли тил б-н тушунарли қилиб ёзиш талаб этилган ва шунингдек, у ҳужжатларга қатъий риоя қилиши, Иброҳим Султоннинг бевосита шахсий назорати остида тузилган дастлабки хомаки ёзувдан асло четга чиқмаслиги ҳамда ҳеч нарсани бўяб кўрсатмаслиги шарт қилиб қўйилган. Асар тил-услуб жиҳатдан форс тилининг ўша 15-а. адабий услубини мукаммал билган саводхон учун мўлжалланган. Асарнинг муқаддима қисмини Шарафиддин Али Яздийнинг ўзи «Тарихи Жаҳонгир» деб номлаган, лекин «Муқаддима» деб машҳур бўлиб, «З.»нинг ажралмас қисми ҳисобланган. Шу б-н бирга, ҳажми катта бўлганлиги туфайли бўлса керак, қўлёзма нусхаларда алоҳида мустақил асар сифатида ҳам тарқалган. У сўз боши, икки фасл ва хотимадан иборат. «Муқаддима»дан кўзда тутилган мақсад Темур шажарасини баён этиш ва унинг ўзидан олдин ўтган ҳукмдорлардан давлат арбоби ва лашкарбоши сифатидаги устунлигини исботлаб беришдан иборатдир.

«З.» асарининг асосий қисми эса, муаллифнинг дастлабки режасига кўра, учта мақоладан иборат бўлмоғи лозим эди. Биринчи мақола Темурга, иккинчиси унинг ўғли Шоҳрухга ва учинчиси Шоҳрухнинг ўғли Иброҳим Султонга бағишланиши кўзда тутилган эди. Бироқ «З.»нинг ҳоз. фанда маълум бўлган қўлёзма нусхаларида кейинги икки мақола йўқ, улар ёки ёзилмаган, ёки бизгача етиб келмаган.

15—16-а.ларда «З.» қаҳрамонлик қиссаси жанрида икки марта шеърий йўл б-н: ўзбек тилида шоир *Лутфий* ва форс тилида Ҳотифий томонидан куйланган. 16-а. бошларида шайбонийлардан Кўчкунчихоннинг топшириғига мувофиқ, Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али Бухорий томонидан «З.» ўзбек тилига таржима қилинган. Бу таржима 1997 й. Тошкентда изоҳлар ва кўрсаткичлар илова қилинган ҳолда чоп этилган. Адабиётларда Ҳофиз Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ажамий томонидан асарнинг турк тилига таржима қилинганлиги ҳақида маълумот бор. Булардан ташқари «З.» 1822—23 й.ларда Хивада Худойберди ибн Қўшмуҳаммад Сўфи ал-Хивақий томонидан ўзбек тилига қисқартириб таржима қилинганлиги ҳам маълум. 18-а.дан бошлаб «З.»нинг айрим қисмлари француз (Пети де ля



«Зафарнома»нинг ўзбек тилидаги нашри муқоваси (Тошкент, 1997).

Круа, 1713), инглиз (Ж. Дарби, 1723), айрим воқеалар рус тилига ҳам таржима қилинган. Асарнинг форсча матни эса 1887—88 й.ларда Калькутта, 1958 й. Теҳронда чоп этилган, бироқ бу нашрларда асарнинг «Муқаддима» қисми ҳамда зарурий кўрсаткичлар берилмаган. 1972 й. Тошкентда асарнинг ҳар икки қисмини қамраган Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланаётган 4472-рақамли қўлёзманинг факсимил нашри амалга оширилди. Бунда тарихий манбалар илмий нашр учун зарурий бўлган бош сўз ва турли кўрсаткичлар б-н бирга асар матнининг ҳар хил нусхалар ва нашрлар орасидаги фарқлари ҳам қайд этилди. Шўролар давлатида Амир Темур шахсига нисбатан ўта салбий хулоса ўрнашганлиги сабабли матбуотда темурийлар даври ёзма меросини ўрганиш иши қаттиқ таъқиб қилинди, баъзи асарлар б-н бирга «З.» ҳам қораланди.

Ўзбекистон мустақил давлат бўлиши шарофати б-н темурийлар тарихини ҳаққоний ёритиш учун кенг имкониятлар пайдо бўлди.

Ад.: Шарафиддин Али Яздий, Зафарнома [фотофаксимил нашр], Т., 1973; Шарафиддин Али Яздий, Зафарнома, Моваройуннаҳр воқеалари, 1360—1370 [таржимон: О. Бўриев], Т., 1994; Шарафиддин Али Яздий, Зафарнома, [таржимон: Муҳаммад Али ибн Дарвеш Али ал-Бухорий, 16-а.], Т., 1997.

Асомиддин Ўринбоев.

ЗАФАРОБОД — Бухоро вилояти *Ғиждувон тумани*даги шаҳарча (1984 й.дан). Яқин т. й. станцияси Конимех (32 км), туман марказидан 72 км. Шаҳарча туманнинг шим.-шарқида, Навоий—Учқудуқ катта йўли ёқасида. Аҳолиси 5,8 минг киши (2002), асосан ўзбеклар, қозоқ ва руслар ҳам бор. Маъмурий, маданий ташкилотлар, умумий таълим мактаблар, автокорхона, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

ЗАФАРОБОД — Жиззах вилоятидаги шаҳарча (1997 й.дан). *Зафаробод тумани*нинг маъмурий маркази. З.га 1970-й.лар бошида Мирзачўл ва Жиззах чўлларини ўзлаштириш авж олган даврда асос солинган, 1973 й.дан туман маркази. Майд. 230 га. Аҳолиси 4000 киши (2001). Энг яқин т. й. станцияси — Пахтакор ш. гача 18 км, Жиззах ш.гача 42 км. З.дан Жиззах ш.га, Пахтакор, Арнасой, Фориш туманларига олиб борувчи автомобиль йўллари қурилган.

З.да пахта тозалаш з-ди, электрод и. ч. кичик корхонаси, босмахона, новвойхона бор. Автотранспорт, машинатрактор хизмати кўрсатиш, газлаштириш корхоналари, автомобиль йўллари бошқармаси, коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари фаолият кўрсатади.

З.да туман ҳокимлиги биноси, супермаркет, «Отахонлар» чойхонаси, «Пахтабанк», 2 умумий таълим мактаби, тарих музейи, маданият саройи, деҳқон бозори, кутубхона, 100 ўринли касалхона, поликлиника, автостанция мавжуд. Хотира хиёбони, Мустақиллик майдони барпо этилган.

ЗАФАРОБОД ТУМАНИ — *Жиззах вилояти*даги туман. 1973 й. 12 апр.да ташкил этилган. Жан.да Жиззах тумани, шим.-ғарбда Арнасой ва Дўстлик туманлари, шим.да Фориш тумани, шарқда Пахтакор тумани б-н чегарадош. Майд. 0,47 минг км². Аҳолиси 40,3 минг киши (2000). З. т.да 1 шаҳарча (Зафаробод), 7 қишлоқ фуқаролари йиғини (Бирлик, Ёрқин, Лолазор, Тимирязев, Учқаҳрамон, Чимқўрғон, Ҳулкар) бор. Маркази — Зафаробод шаҳарчаси.

Табиати. З. т. ҳудуди Мирзачўл даштининг ғарбида жойлашган. Рельефи, асосан, текислик бўлиб, лёссимон қумоқ ва қумлоқлардан иборат, бир қисми Нурота тоғларининг шим-шарқий этакларига туташ. Иқлими континентал. Июлнинг ўртача т-раси 26—28°, янв.ники — 8,5°. Йилига 250—280 мм ёғин тушади. Вегетация даври 200—210 кун. Ер ости сувлари юза, шўр ва шўртоб. Ерлари Жан. Мирзачўл каналидан суғорилади. Оқова шўр сувларни чиқариб юбориш учун ариқ ва зовурлар қазилган. Ёввойи ўсимликлар-



дан янтоқ, қамиш, юлғун, қиёқ, итузум, ғумай ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, бўри, чиябўри, қўшоёқ, кемирувчилардан юмронқозиқ, каламуш, кўрсичқон, судралиб юрувчилардан тошбақа, калтакесаклар, ҳар хил илонлар, қушлардан ўрдак, лойхўрак, қирғовул, тустовуқ, сўфитўрғай, калхат, бургут, каптар яшайди, сув ҳавзаларида балиқлар бор.

Аҳолиси асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қозоқ, рус, татар, қирғиз ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1 км² га 85 киши тўғри келади.

Хўжалиги. Туманда 5 та саноат корхонаси: пахта тозалаш з-ди, нон ёпиш цехи, босмахона, «Бунёд» и. ч. корхонаси, «Улуғбек» хусусий и. ч. бирлашмаси бор. Қ. х.да 17 ширкат хўжалиги ва 1 ижара ширкат жамоаси мавжуд. Мева-сабзавот қуритиш, гилам-пойёндоз цехлари, макарон цехи, тегирмон, мойжувоз, бичиш-тикиш цехлари ишлаб турибди. Хўжаликларда 11,5 минг қорамол, 37,2 минг қўй-эчки боқилади.

Асосан, гўшт, сут, мева-сабзавот, полиз экинлари, галла етиштирилади. З. т.да деҳқон фермер хўжаликлари, хусусий ва кичик корхоналар, тижорат дўконлари фаолият кўрсатмоқда. 70 дан ортиқ умумий таълим мактабида 28600 ўқувчи таълим олмоқда. Лицей ва гимназия мавжуд. 34 кутубхона, 385 ўринли 3 касалхона, 8 даволаш амбулаторияси, 6 қишлоқ врачлик шохобчаси, 5 дорихона, 94 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси хизмат кўрсатмоқда. Туман ҳудудидан Буюк ипак йўли деб аталган қад. карвон йўли ўтган. Уструшона, Зомин, Пишоғар каби тарихий жойлар, кўҳна қалъалар қолдиқлари, қад. қабристонлар сақланган. Туманда Даштобод т. й. станцияси бор. Зомин — Тошкент, Зомин — Жиззах, Зомин — Гулистон каби йўналишларда автобус қатнайди. Туманда «Шарқ тонгги» газ. нашр этилади (адади 2000).

ЗАХ ҚОЧИРИШ, ерларни қуритиш — тупроқдаги ортиқча намни чиқариб ташлаш; *мелиорация*нинг бир тури. З. қ. тупроқда ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай сув, ҳаво, озуқа ва туз режимини вужудга келтиради. З.қ. учун қуритиш ва суғориш системалари қурилади. Арид зонада, жумладан суғорма деҳқончилик минтақаларида З.қ. ерни анъанавий маънодаги қуритишдан катта фарқ қилади. Суғориладиган ерларда тупроқнинг қайта захланиши ва ботқоқланиши сув омборлари, ирригация каналлари ва б. гидротехника иншоотларидан сув сизиши натижасида иккиламчи ҳодиса сифатида юз берали. Ерларни зах ва шўр босишдан сақлаш мақсадида катта каналлар бўйларида кесма дреналар ёки қатор вертикал дренаж қудуқлари қурилади, асосан, бир неча қатор намсевар бута ва б. дарахтлар (терак, тол, қайрагоч ва ҳ.к.) ўтқазилади. Кўп ҳолларда экин экиладиган зоналарда З.қ. грунт сувларининг сатҳи ва минерал-грунтни шўрсизлантириш ишлари б-н бир вақтда олиб борилади (қ. *Дренаж*). Ерларни қайта зах босишдан сақлаш учун сув хўжалиги объектлари қурилаётган зоналарнинг тупроқ-мелиоратив ва гидрогеология шароитлари илмий прогнозланиши шарт.

Шариф Ҳамдамов.

ЗАХ ҚОЧИРИШ МЕЛИОРАЦИЯСИ — қ. *Мелиорация.*

ЗАХИРА — эҳтиёт қилиб сақланган нарсалар (озиқ-овқат, пул, буюм, қурол-аслаҳа ва б.). Ўрта асрлардан бошлаб кўшин эҳтиёжлари учун ғамланган нарсалар ҳам З. номи б-н юритилган.

ЗАХИРАДАГИ ҲАРБИЙЛАР — ҳарбий ҳисобда турувчи, ҳақиқий хизматни ўтаб бўлган ёки турли сабаблар б-н ундан озод қилинган, аммо жисмоний жиҳатдан ҳарбий хизматни бажара олувчи ва уруш даврида кўшинлар сафига чақирилувчи кишилар (қ. *Қуролли кучлар захираси*).

ЗАҲҚАШ ТУПРОҚЛАР — қ. *Гидроморф тупроқлар.*

ЗАХМ, люэс, сифилис — барча аъзо ва системаларнинг зарарланиши б-н кечадиган сурункали таносил (венерик) касаллиги.

З. қадимдан маълум. Унинг ер юзида пайдо бўлиши ва тарқалиши ҳақида турли фикр ва назариялар мавжуд. Кўп олимлар фикрига кўра, Христофор Колумбнинг З. б-н касалланган матрослари Испанияда З. тарқалишига сабаб бўлишган. 1496 й.да эпидемия бошланиб, Италия, Франция, Швейцария, Германия, кейин Австрия, Венгрия ва Польшага тарқалган. Айрим олимлар З. Европа, Осиё ва Яқин Шарқда қадим замонларда ҳам мавжуд бўлган деган фикрдалар. Ўтмишнинг буюк олимлари *Гален, Гиппократ,* Абу Али *ибн Сино* ва б.нинг асарларида ёзилган касаллик белгилари (яра, афта, кондилома ва б.) айнан З. клиникасини эслатади. З. 16-а. бошларида деярли бутун дунёда пайдо бўлган.

З.ни оқиш трепонема (*спирохеталар*) қузгатади (бу микроорганизм анилин бўёғи б-н ёмон бўялганлиги учун оқиш лейилади). У бемор қонида, теридаги ярада, лимфа тугунлари, орқа мия суюқлигида, сўлагида, нерв тўқималари ва ҳамма аъзоларида, ҳатто З. б-н оғриган аел сутида ва эркак шаҳватида ҳам бўлади. Оқиш трепонема организмдан ташқарида қуритилганда ўлади, лекин нам муҳитда (мас., шаҳват, сўлакда, қин шилимшиғида) узоқ яшайди. Бемор З. тарқатадиган манбадир; у соғлом киши б-н ўпишганда, жинсий алоқа қилганда ёки унинг идиш-товоқларидан фойдаланганда касаллик юқади. Кейинги йилларда қон қуйиш йўли б-н ҳам (трансфузион) З. юқиш ҳоллари аҳёнда кузатилади.

Оқиш трепонема терига ёки шиллиқ пардага киргач, тез кўпаяди ва лимфа томирлари орқали бутун организмга тарқалади. З. б-н касалланган одам авval ўзини мутлақо соғлом сезади, 3—4 ҳафтадан кейин (яширин — инкубацион давр тугагач) оқиш трепонемалар кирган жойда З.нинг биринчи белгиси — оғримайдиган бирламчи сифилома (қаттиқ шанкр) пайдо бўлади. Бемор *фурункулёз,* ўпка яллигланиши, ангина, *сўзак* ва б. касалликлар сабабли бирор антибиотик б-н даволанган бўлса, З.нинг яширин даври анча чўзилиши мумкин. Бундай ҳолларда антибиотикнинг тегишли дозаси трепонемаларни йўқ қила олмай, уларнинг ривожланишини бир оз тўхтатиб қўяди, натижада яширин давр анча чўзилиб кетишидан ташқари, касаллик бошқача кечиши мумкин. Қаттиқ шанкр пайдо бўлиши б-н З.нинг биринчи даври бошланади: яра (шанкр)га яқин лимфа тугунлари яллиғланиб шишади, катталашади ва бир оз қаттиқлашади; кўпинча дармон қуриб ди, иситма чиқади, бош оғрийди, айниқса кечаси суяклар қақшаб оғрийди, уйқусизлик кузатилади. Бу давр 6—9 ҳафта давом этади ва ўз вақтида даво қилинмаса, иккинчи даврига ўтиб кетади: оғиз шиллиқ қавати, жинсий аъзолар, қўл, оёқ ва баданда доғ, тугунча ва ҳ.к. кўринишида катта-кичик, ранг-баранг тошмалар (йирингли тугунчали) пайдо бўлади; кўпчилик беморларнинг сочи тўкила бошлайди, суяк, бўғим, мускул, қон томирлар, юрак, кўз, қулоқ, ички аъзолар ва нерв системаси зарарланиши мумкин. Бу даврда бемор атрофдагилар учун ўта хавфли ҳисобланади.

Иккинчи давр бошида пайдо бўлган тошма ҳеч қандай даво қилинмаса ҳам, бир қанча вақтдан кейин бутунлай йўқолиб кетади; бемор ўзини соғлом сезиб, ҳеч нарсадан шикоят қилмайди, лекин бу беморнинг дарди ариди ва у атрофдагиларга касаллик юқтирмайди, деган гап эмас. Бу фақат З.нинг латент ёки яширин даври, холос. Бемор қунт б-н даволанса, соғайиб кетади. Даво қилмай қўйса, касаллик тўсатдан қайталаниб (рецидив), иккинчи даврнинг ҳамма белгилари намоён бўлади ва бир қанча вақтдан кейин улар яна йўқолади. Бу жараён бир неча марта такрорланиши мумкин. Ҳар галги қайталаниш олдингисидан фақат кам тошма тошиши б-н фарқ қилади. Бемор врач айтганларини қилмаса, спиртли ичимликлар истеъмол қилса, тахм. 3—5 йилдан кейин иккинчи давр З.нинг охирги, учинчи даврига ўтади: олча данагидек дўмбоқчалар ёки тухумдек, баъзан ундан каттароқ *гуммалар* пайдо бўлиб, тўқималарни емиради, ярага айланади ва чандиқланиб битади. Касаллик оқибати гуммалар ўрнашган жойга боғлиқ. Мия, юрак, томир, жигар каби ҳаёт учун муҳим аъзолар зарарланса, бемор ҳаёти хавф остида қолади; юз зарарланган бўлса, бурун скелети емирилиб, бемор бадбашара, бурни эгарсимон бўлиб қолади. Ҳаракат, кўрув, эшитув аъзолари, нерв системасининг зарарланиши кишини умрбод майиб қилиб қўяди.

З. ҳамма вақт ҳам учинчи даврга ўтавермайди. Бемор касалликнинг биринчи даврида даволана бошласа, иккинчи даври пайдо бўлмай тузалиб кетади. Бемор вақтида даволанмай, касаллигини ўтказиб юборса, З.нинг учала даври бирин-кетин рўй беради. З.нинг биринчи давридаёқ нерв системаси зарарланади, лекин бу учинчи даврда жуда оғир ўтади — *орқа мия сўхтаси* ва авж олувчи фалажга сабаб бўлади; бунда янги даво воситалари ҳам беморга фойда бермай қўяди.

Касал она даволаш курсини тўлиқ ўтмаган бўлса, З. боласига ўтиши мумкин. Аёлнинг бўйида бўлишидан олдин ёки ҳомиладорлик даврида эркак унга З. юқтирганда ҳам касаллик болага ўтади. Бу ирсий эмас, туғма З.дир. З. аёлнинг фарзанд кўрмаслигига сабаб бўлмайди, бироқ ҳомиладор З. б-н оғриб даволанмаса, одатда, ҳомиладорликнинг 4—5 ойида боласи тушади ёки З. боланинг чала (7—8 ойлигида) мажруҳ, баъзан ўлик туғилишига сабаб бўлади. З. белгилари йўқлиги учун унинг яширин даврини ўтаётган она ўзини соғлом ҳис қилади ва кўпинча дарди жуда оғир, З. б-н касалланган бола туғади. Етук туғилган болада биринчи кунлари ёки биринчи ой охири ёки иккинчи ой бошида туғма З. белгилари намоён бўлади. Суяклар зарарланиши қаттиқ оғриққа сабаб бўлиб, бола ухлай олмайди ва йиғлай беради; баданига доғга ўхшаш ва тугунсимон жуда кўп тошма тошади; кўпинча ички аъзолар, нерв системаси ва сезги аъзолари зарарланади. Кечиккан туғма З., одатда, бола 5 ёшдан балоғатга етгунча рўй бериши мумкин. Даволанмаган ёки чала даволанган болалардагина кечиккан туғма З. ҳаёт учун хавфлидир.

Давоси. Бемор врач айтганларини қилиб, қунт б-н узоқ даволаниши керак. З. даврларига қараб махсус даво тадбирлари белгиланади, захмга қарши дорилар буюрилади. Беморлар венерология диспансерларида ҳисобга олиниб, мунтазам текшириб турилади. Касаллигини яшириб, даволанмай юрган ёки давони тўхтатиб қўйган беморлар қонун йўли б-н мажбурий даволанади.

Олдини олиш. Диспансерлар З. б-н оғриган бемор оила аъзоларини, у б-н жинсий алоқада бўлган кишиларни текширади, бемор кимдан касаллик юқтирганини аниқлайди ва З.нинг тарқалишига йўл қўймаслик тадбирларини кўради.

Ад.: Арифов С., Эшбоев Э., Тери ва таносил касалликлари, Т., 1997.

Саидқосим Арифов.


ЗАХЧАХОНА ТИЗМАСИ — Қашқадарё вилоятининг шим.-шарқидаги тизма. Ҳисор тизма тоғларининг шим.-ғарбий тармоқларидан бири. Энг баланд жойи 3818 м. Асосан, шарқ ва жан.га йўналган. Жан., жан.-ғарбий ён бағирлари анча тик. Сувайирғич қисми ялангоч, ўткир қиррали. Энг баланд жойларида доимий қор ва кичикроқ музликлар мавжуд. Силур ва девон даврларининг метаморфлашган оҳактошлари, сланецлар, магматик ва метаморфик чўкинди жинслар қатламларидан ташкил топган. З. т.дан Оқсув, Тўртқўйлак ва б. дарёлар бошланади. Булоқ кўп. Ён бағирларида оч тусли қўнғир тупроқлар тарқалган. Юқори қисмидаги ён бағирлари яйлов сифатида фойдаланилади.

ЗАЪФАРОН (Crocus sativus L.) — сапсаргулдошларга мансуб қўп йиллик ўтсимон туганак пиёзли ўсимлик. Ёввойи ҳолда учрамайди. Ҳиндистон, Покистон, Хитой, Жан. Европа, Озарбайжонда катта майдонларда экилади. Пиёзининг диаметри 1—2 см. Барги 5—15 та, оч сариқ рангда; эни 2 мм, туксиз. Гули 1—4 та, гултожи оқиш, пастки қисми (ташқи томондан) бинафша ранг, уз. 2—4 см. Чангчилари гулқўрғондан қисқа. Кўсаги чўзиқ, эни 6—7 мм. Фев.—июлда гуллайди, апр.—августда мева беради. Таркибида эфир мойи бўлгани учун ҳиди жуда ўткир ва ёқимли. 90—100 минг дона З. гулидан 1 кг куриган гул тумшуқчалари олинади. З. гулининг қуритилган тумшуқчалари мураббо, тортлар ранги ва таъмини яхшилаш, озиқ-овқат (пишлоқ, сариёғ, ликёр ва б. ранг бериш учун), парфюмерия (атир-упа) саноатида ишлатилади. Табобатда дори-дармон сифатида қўлланилади.



Заъфарон.

ЗАҚҚУМ, анчар (Antiaris) — тутдошлар оиласига мансуб ўсимликлар туркуми. Бир уйли дарахт ёки буталардан иборат. Гули майда, кўримсиз, чангчилари каллаксимон тўпгул, уруғчиси тиҳларда биттадан жойлашган. Осиё, Африка тропикларида ва Мадагаскар о.да 5—6 тури бор. Осиёнинг тропикларида ўсадиган A. toxicaria деган йирик дарахт З.нинг бир тури бўлиб, заҳарли сут шираси таркибида антиарин



Заққум

ва антиозидин гликозиди бор. З.нинг шираси заҳарли бўлганидан маҳаллий халқ камалак ўқларини заҳарлашда қадимдан фойдаланиб келади.

ЗАҒИЗҒОН, ҳаккa (Pica pica) — чумчуқсимонлар туркумининг қарғасимонлар оиласига мансуб қуш. Танасининг уз. 45—48 см. Европа, Осиё, Шим. Америка, Шим.-Ғарбий Африка, Ўрта Осиё, Қозоғистон, Жан. ва Ғарбий Сибирда тарқалган. З. боғлар, тўқай ва тоғлардаги ўрмонларда яшайди. Тундра, Шарқий Сибирнинг айрим ҳудудлари ва чўлларда учрамайди. З. қишда кўчиб юрувчи қуш. Дарахтлар шохига ва буталарга йирик ёпиқ уя солади. Март—май ойларида 5—7, баъзан 8—9 та тухум қўяди. Тухумдан 18—19 кунда жўжа чиқади. З. майда кемирувчилар ва ҳашаротлар б-н озиқланади; баъзан полиз экинлари (тарвуз, қовун) ва меваларни ҳам чўқийди. З. зараркунанда ҳашаротлар ва кемирувчиларни қириб, қ.х.га фойда келтиради.



Зағизғон.

ЗАҒЧА (Corvus monedula) — чумчуқсимонлар туркумининг қарғасимонлар оиласига мансуб қуш. Танасининг уз. 30—39 см. Ранги, асосан, қора, бўйни тўқ кулранг. 4 та кенжа тури бор. Европа ва Осиёда учрайди. З. кўчиб юрувчи қуш. Ўзбекистонда бола очади ва қишлайди. Жарларнинг ён бағирларига, уйларнинг пештоқлари ёки дарахт ковакларига уя солади. Апр.да 4—6 та тухум қўяди. 18—20 кунда жўжалари тухумдан чиқади. Қўнғиз, капалак ва уларнинг қуртлари, ўсимлик уруғлари б-н озиқланади. Зараркунанда ҳашаротларни қириб, фойда келтиради.



Зағча.

ЗАҒЧАКЎЗ (Myosotis L.) — говзабондошлар оиласига мансуб бир-икки йиллик, баъзан кўп йиллик ўтлар туркуми. Барги кетма-кет жойлашган. Гули—гажак тўпгул, ҳаворанг (чала очилгани пушти). Чангчиси най ичида. Меваси—тўрт бўлакчали данак. Ер юзида 40 га яқин тури бор (кўп турлари манзарали ўсимлик сифатида экилади), шундан Ўзбекистонда 4 тури адир ва тоғ зоналаридаги сернам, соя жойларда кўп ўсади. Фақат битта тури экинлар орасида учрайди.

ЗАҲАБИЙ, Абу Абдуллоҳ Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад (1274, Дамашқ — 1348) — машҳур тарихчи ва муҳаддис. Дамашқ ва Қоҳира мадрасаларида таҳсил олган, сўнг Дамашқ мадрасасида мударрислик қилган. Ислом оламида тарих ва ҳадис илмларининг ривожланишида катта ҳисса қўшган. 12 жилдли «Таърих ал-Ислом» («Ислом тарихи»), «Ал-Ибар» («Ибратлар»), «Сияр ан-нубало» («Олижаноб кишилар сийратлари»), «Табақот ал-ҳуффоз» («Ҳадис ҳофизлари табақалари»), «Табақот ал-қурроъ» («Қорилар табақалари»), «Мийзон ал-иътидол фий нақд аррижол» («Ҳадис ровийларига баҳо беришнинг адолатли мезони») каби ислом тарихи ва ҳадисга доир кўплаб асарлар ёзган. Булардан энг машҳури «Таърих ал-Ислом» асари бўлиб, унда Ўрта Осиё, жумладан Мовароуннаҳр тарихининг ўрганилмаган жиҳатлари ни ойдинлаштирувчи кўплаб муҳим маълумотлар бор.

ЗАҲАР БЕЗЛАРИ — ҳайвонларда заҳар ишлаб чиқарувчи махсус безлар. З. б. кўпинча жароҳат етказувчи орган б-н боғланган. Киприкли чувалчанглар З. б. кўп ҳужайрали (Acoela, Polycladida), ноксимон. Немертинларда заҳарли модани хартумнинг орқа қисмидаги эпителий тўқима бези ажратади. З.б. ҳимоя вазифасини бажаради. Шиллиқ қуртлар (Jenebra, Conus) З. б. тишларида бўлиб, ингичка най орқали ташқарига очилади. Саккизоёқнинг охирги жуфт сўлак безлари заҳарли модда ажратади. Бўғимоёқлиларда З. б. кўп ҳужайрали, жуфт бўлади. Безларнинг тешиги чаёнларда думдум қисмининг найзасига, ўргимчакларда хелицерасига, лабоёқлиларда оёқ жағларига, ҳашаротларда думидаги ўсимталарига очилади.

Умуртқали ҳайвонлардан юмалоқоғизлилар, балиқлар, сувда ва қуруқликда яшовчилар, судралиб юрувчилар ва клоакалиларда З. б. бўлади. З. б. денгиз илонбалиғининг терисида, мурен-ларнинг танглайида, чаёнбалиқ ва денгиз калтакесакларининг сузгичларида жойлашган. Саламандр, тритон, калтакесакда З. б. терисининг турли қисмларида, қурбақа ва кўл бақаларида эса тананинг ёнбош, бўйин ва орқа қисмида жойлашган. Улар безовта бўлганида тери устига суюқ заҳар ажратади. Заҳартишли илон ва калтакесакларнинг З. б. сўлак безлари асосида бўлади. Ҳайвон чиққанида заҳар тишлар ёрдамида ўлжа танасига юборилади. Заҳарли илонларнинг заҳар тишлари оғиз очилганда оғизнинг олдинги қисмига қаратилади. Клоакали сут эмизувчилар (ўрдакбурун, ехидналар) эркакларининг З. б. орқа оёқларига жойлашган. Умуртқали ҳайвонларда З. б. эволюцион тараққиетнинг биринчи даврларида вужудга келиб, дастлаб сувда ва қуруқликда яшовчилар ҳамда балиқларда мавжуд бўлган

Норқўзи Эргашев.

ЗАҲАРЛАНИШ, интоксикация — заҳарли модда организмга оғиз, меъда-ичак, нафас йўллари орқали кирганда, теридан сўрилганда, тери остига, орасига, венага юборилганда рўй берадиган касаллик ҳолати. Организм фаолиятининг издан чиқиши б-н кечади. З.нинг юзага келиши ва кечиши заҳарловчи модданинг организмга қайси йўл б-н кирганлигига, унинг миқдори (дозаси), физик-кимёвий ҳолати (газ, эритма, чанг ва ҳ.к.), шунингдек, организмнинг умумий аҳволи ва ташқи муҳит омилларига боғлиқ. Одамларда З.нинг ўткир ва сурункали хили фарқ қилинади. Ўткир З. тасодифий ва қасддан бўлиши мумкин, улар заҳарли моддаларнинг организмга бир марта кучли таъсири туфайли юзага келиб, ҳаётий муҳим функцияларнинг издан чиқиши б-н кечади. Сурункали З. заҳарли моддаларнинг организмга узоқ вақт оз-оздан таъсир этиши оқибатида рўй беради; дорилардан бўладиган, шунингдек, касб-корга алоқадор З.лар кузатилади. Турмушда З. кундалик ҳаётда учраб туради. Мас., печка ёқиш ва газ плиталаридан фойдаланиш қоидаларига риоя қилинмаганда ис ёки ёритиш газидан З.; айниган овқат истеъмол қилинганда З. (қ. *Овқатдан заҳарланиш*); алкоголдан З. (қ. *дезинсекция, дератизация* ва б. мақсадлар учун ишлатиладиган хи-микатлардан З.

Дорилардан З. улар дозаланганда, янглиш ишлатилганда, нотўғри тайёрланганда келиб чиқади. Одамнинг нечоғли қаттиқ заҳарланиши шу дорига организмнинг қанчалик сезгирлигига ҳам боғлиқ (қ. *Идиосинкразия*).

Касбга алоқадор З. баъзи корхоналарда хавфсизлик техникаси қоидалари бузилиб, кўрғошин, симоб, мишьяк бирикмаларидан заҳарланганда рўй бериши мумкин.

Тасодифий ва қасддан (мас., ўзини ёки бировни ўлдириш мақсадида) З. ҳам ажратилади. Кучли таъсир этадиган моддалар ва дорилар нотўғри сақланганда кўпинча болалар заҳарланиб қолади. Шунинг учун заҳарли дорилар болалар бўйи етмайдиган жойда сақланиш керак. Кислота ва ишқорлардан З.да баданда қаттиқ оғриқ сезилади, лаб ва оғиз шиллиқ пардаси куяди. Сув ютганда, тўш орқаси ва ости оғрийди; одам қон аралаш қусади.

Овқатдан заҳарланган киши қорнида оғриқ сезади, қусади, ичи кетади, боши оғрийди, боши айланади, дармони қурийди, қаттиқ заҳарланган бўлса, ҳушидан кетади, ўлиб қолиши ҳам мумкин.

Алкоголдан З.да мастлик, аввал қўзғалиш, юз қизариши, алкоголь ҳиди анқиб туриши, сўнгра алаҳлаш, юзнинг бўзариши, беҳушлик қайд қилинади.

Наркотик ва ухлатувчи дорилар (морфин, барбитал, фенобарбитал ва ҳ.к.)дан З.да мудраш, бош айланиши, қулоқ шанғиллаши, қусиш, томир уришининг суст ва заиф бўлиши, тиришиш кузатилади.

Ис гази [углерод (II)-оксид] ва ёритиш газидан З. шу газларнинг нафас йўллари орқали киришидан бўлади. Белгилари; бош оғрийди, қулоқ шанғиллайди, бош айланади, беморнинг дармони қурийди, ҳаллослайди; пульси сусаяди, кўнгли айнийди ва қусади; қаттиқ заҳарланганда типирчилайди, ҳушидан кетади, ўлиб қолиши ҳам мумкин. З. аломатлари хилма-хил бўлиб, у жигар, буйрак, қон, марказий ва периферик нерв системасининг қай даража зарарланганига боғлиқ. Даво З.га сабаб бўлган заҳарли моддани иложи борича организмдан тезроқ чиқариш чораларини кўриш, заҳарли моддани заҳарини кесувчи зиддизаҳарлардан фойдаланиш, заҳарланган аъзолар фаолиятини тиклашдан иборат.

Биринчи ёрдам: З.га гумон туғилганда дарҳол врач чақириш ёки беморни яқин орадаги касалхонага олиб бориш керак. Кислоталар (сирка эссенцияси, хлорид кислота ва ҳ.к.)дан заҳарланганда куйдирилган магнезия б-н сув ёки сувнинг ўзини кўп ичириб, қустирилади. Бемор беҳуш ёки коллапс ҳолатида бўлса, қустириш яраймайди. Ишқорлар (новшадил спирти)дан заҳарланганда 3% сирка (1 стакан сувга 1 чой қошиқ) қўшилган лимонли сув ичириб қустирилади. Сўнгра бир бўлак муз юттириб, совуқ қаймоқ ёки сутни чой қошиқлаб ичирилади, хом тухум, бир бўлак сариёғ юттирилади; тўш остига музли халта, қўл-оёққа грелка қўйилади. Овқатдан заҳарланганда меъда ювилгандан кейин қорин ва қўл-оёққа грелка қўйилади. Кўплаб иссиқ ичимлик, қуюқ кофе ичирилади. Алкоголдан заҳарланган кишига эҳтиёткорлик б-н новшадил спирти ҳидлатилади, меъдасини ювгач, сурги берилади, сўнгра бир стакан сувга новшадил спиртидан 3—5 томчи қўшиб ичирилади. Бошига музли халта қўйилади. Кўп чой ёки қуюқ кофе ичирилади. Наркотик ва ухлатувчи дорилардан заҳарланганда меъдани ювгач, беморни бир оз юргизиш, устидан совуқ сув қуйиб, кейин иссиқ сувга тушириш, баданини иссиқ тутиш, ишқалаш, нафас тўхтаб қолганда сунъий нафас олдириш керак. Ис гази ва ёритиш газидан заҳарланганда соф ҳавога олиб чиқиб, новшадил спирти ҳидлатиш, сунъий нафас олдириш, баданини ишқалаш, аччиқ чой, қуюқ кофе ичириш керак.

Ҳайвонлар заҳарли ўт, бузилган ем-хашак еганда, оғзига заҳарли моддалар тушганда ва заҳарли газ б-н нафас олганда заҳарланади. Заҳарланган ҳайвон бўшашади, сўлаги оқади, ичи кетади, нерв системасининг фаолияти бузилади. Биринчи ёрдам: меъдаси ювилади, гўштхўр ҳайвон ва чўчқаларга қустирувчи дори берилади, сурларга ичирилади. Ҳазм йўлида заҳарнинг сўрилишини секинлатиш учун адсорбцияловчи дорилар берилади.

Эркин Қосимов.

ЗАҲАРЛАР — организмга таъсир этганда унинг ҳаёт фаолиятини бузиб, ҳаётни хавф остида қолдирадиган моддалар. Тирик организмга таъсир кўрсатадиган барча моддалар, жумладан дорилар ҳам юқори концентрация ва дозада маълум даражада уни заҳарлайди (қ. *Заҳарланиш*). З.нинг организмга таъсир этиш кучи уларнинг кимёвий тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларига боғлиқ бўлишидан ташқари, шу ерига боғлиқ бўлишидан ташқари, шу тирик организм тўқималари ва ҳужайраларининг хусусиятларига ҳам боғлиқ. З. организм ҳужайралари б-н тўқималарининг таркибига кирган ва тўқималардаги алмашинувда қатнашадиган моддалар б-н кимёвий реакцияга киришиб, таъсир этади. Ҳужайра протоплазмасининг оқсил структурасини емирадиган моддалар (мас., кучли кислота ва ишқорлар, юқори концентрацияли тузлар) ҳеч истисносиз барча тирик ҳужайраларни ҳароб қилади. Моддалар алмашинувини бир маромда таъминловчи фермент системаларни боғлайдиган ёки емирадиган З. хавфлироқдир. З. ўсимлик, ҳайвон, минерал ва кимёвий синтез маҳсулотларига бўлинади. Баъзан жониворлар (илонлар ва бўғимоёқлилар—ари, асалари, қора қурт, чаён ва ҳ. к.) З.нинг аксарияти оқсил структуралидир. Ўсимлик З.ига, асосан, алкалоидлар киради, улардан аконитин (парпи), мускарин (мухомор), никотин (тамаки барглари), анабазин (итсигак), атропин (белладонна), физостигмин (калабар дуккаги) кўпроқ заҳарли. Баъзи ўсимлик гликозидлари, айниқса юракка таъсир этадиган гликозидлар, мас., дигитоксин (дигиталис гликозиди), строфантин ва б. ҳам юқори концентрацияда заҳарлидир. Патоген микроорганизмлар чиқарадиган ва касалликка сабаб бўладиган токсинлар ҳам З. ҳисобланади. З. одам ва ҳайвон организмига турли йўллар б-н, асосан, ҳазм ва нафас аъзолари, қисман тери орқали киради. Турмушда заҳарланишга сабаб бўладиган З.нинг аксарияти организмга овқат б-н киради. Бундай З.га микробларнинг фаолияти натижасида ҳосил бўладиган ботулотоксин-колбаса заҳари (қ. *Ботулизм*), заҳарли замбуруғлар, заҳарли ўсимликлар (бангидевона, белладонна) меваларини ва тугунакларида учрайдиган моддалар киради, Заҳарли ўсимликлар гоҳо яйловдаги молларнинг заҳарланишига сабаб бўлади. Ёнилғи газларнинг чала ёниш жараёнида ҳосил бўладиган ис гази хавфли заҳарли газ ҳисобланади. Касбга алокадор З., яъни саноатда ва қ. х.да ишлатиладиган зарарли кимёвий моддалар ҳам бор. Саноатдаги заҳарли моддаларга қўрғошин, симоб, мис, маргумуш бирикмалари, анилин, бензол, водород сульфид ва б. кўпгина учувчан органик моддалар; қ. х.да ишлатиладиган заҳарли моддаларга *гербицидлар, дефолиантлар, пестицидлар* ва б. киради. Организмнинг ҳаёт фаолиятида ишланиб чиқадиган, аммо касаллик натижасида организмдан чиқиб кетмайдиган моддалар (мас., уремияда азотли ташландилар) ҳам З.дир.

З. организмдан буйраклар, ичак, ўпка орқали, баъзилари эса қисман тер, сут б-н чиқиб кетади.

Азиза Эркахўжаева.

ЗАҲАРЛИ ЖОНИВОРЛАР — бошқа организмлар учун доимо ёки вақтинчалик заҳарли бўлган моддаларни ўз организмида сақловчи жониворлар. 5 мингта яқин тури маълум. З. ж.дан илонлар, чаёнлар, ўргимчаклар, малҳамчи қўнғизлар ва б. яхши ўрганилган. Бир хил З. ж. (*илонлар, ўргимчаклар, чаёнлар*)нинг заҳар ишлаб чиқарадиган махсус безлари бор; бошқаларида (қўнғизлар, қандалаларда) заҳарли модда у ёки бу хилдаги тўқималарда бўлади. Заҳар ҳимоя ёки бошқа ҳайвонларга ҳужум қилиш воситаси ҳисобланади. *Бўшлиқичлилар (гидралар, актиниялар, медузалар)*да заҳар безлари отувчи ҳужайралар, бўғимоёқлилар (арилар, чаёнлар)да наштар ёки ўргимчаклар, кўпоёқлиларда хелицералар, бошқаларда

(чаёнбалиқлар, денгиз аждаҳочалари) сузгичлар ёки жабра қопқоқларидаги махсус ўсимталар б-н боғланган. Айнан бир хилдаги заҳар ҳар хил ҳайвонларга турлича таъсир кўрсатади. Бир турнинг ўзида ҳам ҳар хил З. ж. заҳари бир хилда таъсир этмайди. Мас., чўчқалар, шақилдоқ илон, типратиконлар, қора илон, чўл кемирувчилари чаёнлар заҳарига кам таъсирчан бўлади. Лайлак, қарға, бургут, мирзақуш каби қушлар заҳарли илонларни, товуқлар қорақуртни ейди. Заҳар узоқ вақт давомида оз-оздан киритилганида одам ва ҳайвонлар организми унга чидамли бўлиб қолади. Илонлар, арилар ва б. баъзи З. ж. заҳаридан кам миқдорда даволаш мақсадида фойдаланилади.


Норқўзи Эргашев.

ЗАҲАРЛИ ЗАМБУРУҒЛАР — таркибида турли заҳарли моддалар (мас., *алкалоидлар*) бўладиган замбуруғлар. Қўпчилик З. з.нинг алкалоидлари, асосан, ҳазм органларига таъсир этади. Мас., дон экинларида учрайдиган қоракуя (қорамиғ — Claviceps purpurea)нинг қаттиқ қора склероцийси таркибида алкалоидлар одам ва ҳайвонларнинг меъда, ичак ва б. органларини заҳарлайди. З. з. алкалоидларидан айримлари туғиш жараёнини жадаллаштириш учун оз миқдорда ишлатилади. Фузариум ва вертициллиум туркумидаги баъзи замбуруғлар қорамоллар ва турли токсикоз касалликларини пайдо қилади. Аксари қўзиқоринлар (мас., Helvella) таркибидаги гелвелла кислота ошқозон ва ичакларни заҳарлайди.

ЗАҲАРЛИ КИМЁВИЙ МОДДАЛАР — қ. *Пестицидлар.*

ЗАҲАРЛИ ЎСИМЛИКЛАР — таркибида заҳарли моддалар бор ўсимликлар. З. ў. 2 гуруҳга бўлинади: 1) ҳақиқий З. ў. — заҳарлилик турнинг хусусий белгиси ҳисобланади; 2) шартли З. ў. — турдаги айрим ўсимлик заҳарли бўлади (мас., зиғир ва оқ жўхори айрим ҳолларда цианид кислота чиқаради). Ҳақиқий З. ў.нинг 10 минг тури бор. Асосан, субтропик ва тропик мамлакатларда ўсади, мас., *заққум.* Ўсимликларнинг заҳарлилиги улардаги турли органик бирикмалар — алкалоидлар, гликозидлар, гликоалкалоидлар, эфир мойлари, кислоталар, лактонлар, токсальбуминлар, смолали органик моддаларнинг миқдорига боғлиқ. Бу моддалар ўсимликларнинг турли органида тўпланади (мас., парпи ва моролқулоқнинг, асосан, илдиз поясида, ангишвонагулнинг баргида ва ҳ. к.).

З. ў. барча жониворларга бир хилда таъсир этмайди. Мас., одам учун заҳарли белладонна ва бангидевона қуён ва қушларга мутлақо зарарсиз, пиретрумнинг баъзи турлари ҳашаротларга заҳарли бўлса, исиққонли ҳайвонлар учун зарарсиз; денгиз пиёзи кемирувчиларга заҳарли, бошқа ҳайвонлар учун зарарсиз ва ҳ. к. Заҳарли моддалар ўсимликнинг турли ўсиш даврларида тўпланади. Ўсимликнинг заҳарлилиги улар кўкариб турганида қуригандагисига қараганда кўпроқ бўлади, баъзиларида эса қуригандан кейин заҳарлилиги бутунлай йўқолади. Мас., учма, айиқтовон ва б. Кўпчилик З. ў.нинг дорилик хусусиятлари ҳам бор (испарак, қизғалдоқ, кўкнори, аччиқмия ва б.). Булардан олинадиган препаратлар ҳар хил касалликларни даволашда ишлатилади.



Заҳарли ўсимликлар: 1—Бангидевона; 2—Тоғтурбид; 3—Аконит; 4—Кампирчопон; 5—Итсигек.

Ўктам Пратов

ЗАҲАРЛОВЧИ МОДДАЛАР — душманнинг аскарлари, ҳайвонлари, шунингдек, озиқ-овқат, жанговар техника, кийим-кечакларини заҳарлаш учун ишлатиладиган кимёвий моддалар. З. м. ҳаво орқали бинолар, турар жойлар, пана жойларга тарқалиб, улардаги одамларга шикаст етказади. З. м.нинг шикастлантириш хусусияти ҳавода, турар жойларда ва турли нарсаларда узоқ вақт сақланади. Буғлари шамол орқали жуда катта ҳудудга тарқалади. З. м.дан шикастланиш заҳарланган ҳаводан нафас олиш, у моддаларнинг кўз, тери ва кийимга тегишли, заҳарланган овқат еки сувни истеъмол қилиш ва б. орқали рўй беради. Лекин З. м. заҳарланиш зичлиги етарли бўлгандагина одамларга шикаст етказа олади. З. м. суюқ ҳолда жойларга сепилганда, уларнинг майдон бирлигига тўғри келадиган миқдори заҳарланиш зичлиги деб аталади ва ҳар квадрат метрга тўғри келадиган граммларда ифодаланади. З. м. киши организмига таъсир этиш хусусиятига кўра организмни умумий заҳарлайдиган, нерв тўқималарини фалажлайдиган, тери касалликлари пайдо қиладиган, бўғувчи, ёш оқизадиган, баданни яллиғлантирадиган ва б. турларга бўлинади. Нерв тўқималарини фалажловчи З. м.га *зарин, зоман, табун;* тери касалликларини пайдо қиладиган З. м.га *иприт, люизит;* организмни умумий заҳарлайдиган моддаларга цианид кислота, хлорциан, фосфин; бўғувчи моддаларга фосген, дифосген ва б. киради. Бу бўлиниш аслида нисбийдир, чунки аксарият З. м. кўп томонлама таъсир этиш хусусиятига эга. Халқаро ҳуқуқ 1925 й.даги Женева баённомаси б-н урушларда бўғувчи, заҳарловчи газ ва бактериологик воситаларни қўллашни тақиқлайди. З. м.дан мудофаа қилиш учун дезактивация шароитларига амал қилиниши керак. Қўшин турларида шахсий таркиб учун қилинган пана жой, қазилма ўралар, қазилма йўллар дегазациялаштирилиши ва шахсий таркиб махсус кийимлар б-н таъминланиши лозим (яна қ. *Оммавий қирғин қуроллари*).

Азиза Эркаҳўжаева.

ЗАҲҚАШЛАР (Oniscoidea) — ҳар хил оёқли қисқичбақасимонлар кенжа тури. Уз. 1—50 мм. 1000 га яқин тури маълум. Қўпчилик турлари қуруқликда яшашга мослашган. Нам жойларда ҳаёт кечиради (номи шундан олинган). Кечаси фаол, кундузи пана жойларга яшириниб олади. Чўлда ҳаёт кечирадиган З. Hemilepistus cristatus ининг чуқурлиги 1 м га етади. Айрим З. жабра япроқларини қоплаб турадиган юпқа сув қатламларида эриган кислород б-н нафас олади, бошқаларида атмосфера ҳавосидан нафас оладиган махсус мослама бўлади. Энг тубан тузилган З.нинг ҳаёти сув муҳити б-н боғлиқ: Ligia уруғи турлари денгиз соҳилида яшайди ва узоқ муддат давомида сув остида қолиши мумкин. Ligidium уруғи вакиллари сойларда яшайди. Кўпчилик З. ўсимлик қолдиқлари б-н озиқланиб, тупроқ ҳосил бўлишида иштирок этади. Айрим З. (Hemilepistus zachvatkini) суғориладиган майдонлар ва иссиқ хоналардаги экинларга зиён етказади.

ЗАҲОНА — Кўҳитанг тизмасидаги довон, Сурхондарё вилоятининг жан.-ғарбида, Шеробод тумани ҳудудида, Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон чегарасида жойлашган. Энг баланд жойи 3016 м. З.га май—ноябрь ойларида Кампиртепасой водийси бўйлаб ўтган сўқмоқ йўл орқали пиёда ёки отда бориш мумкин. З.га борадиган сўқмоқ йўл атрофлари арчазор ўрмонлар б-н қопланган. Қишда довон қалин қор б-н қопланиб ётади.

ЗАҲҲОКИ МОРОН — Қарши т. й. станцияси яқинида жойлашган қад. қалъа-шаҳар харобаси. Афсонавий шоҳ Заҳҳок номига қўйилган бу қалъа-шаҳар харобасининг бал. 15 м, майд. 16 га дан ортиқ. Археологик қазишлар З. м. мил. ав. 1-а.ларда ҳам мавжуд бўлганлигини исботлайди. Милоднинг 5—6-а.ларида йириклиги жиҳатидан *Ерқўрғон*дан кейин иккинчи ўринда турган. 9—10-а.ларга оид сопол идишлар топилиши вайрон бўлган З. м.нинг бир қисми ўрта асрларда ҳам маълум даражада ривож топиб, маданий жиҳатдан юксалганини кўрсатади.

«ЗВЕЗДА ВОСТОКА» («Шарқ юлдузи») — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий журнали. Тошкентда рус тилида 3 ойда бир марта чиқади. Муассислари — Тошкент матбаа комбинати, «Ўқитувчи» нашриёти, «Матбуот тарқатувчи» Очиқ акциядорлик жамияти. Жур. дастлаб «Советская литература народов Азии» («Осиё халқлари совет адабиёти», 1932—34), «Литературный Узбекистан» («Ўзбекистон адабиёти», 1935—40), «Литература и искусство Узбекистана» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати») номлари б-н нашр этилган. 1946 й.дан ҳоз. номда. «З.В.» ўзбек адабиётида яратилган энг яхши асарларни, шунингдек, маҳаллий русийзабон ёзувчилар, чет эл ёзувчиларининг асарларини, адабиёт ва санъатнинг муҳим соҳаларига бағишланган адабий-танқидий мақолаларни, Ўзбекистон ва бутун Шарқ тарихи, маданиятига оид илмий мақолаларни, эсселарни, замондошларимиз ҳақидаги очеркларни ва б.ни эълон қилади. Жур.га турли даврларда М.И. Шевердин, А.М.Иванов, Г.П.Владимиров, В.А.Костиря, С.П.Татур, С. Мадалиев, Н.Н.Красильников ва б. муҳаррирлик қилишган. Адади 1500 га яқин (2002).

ЗЕБ-ЗИЙНАТ БУЮМЛАРИ — *заргарлик* санъатида яратиладиган безак буюмлари, тақинчоқлар. Аёл либосини бойитиб, уларни янада назокатли ва жозибали қилиб кўрсатишга хизмат қилади. Асосан, олтин, кумуш ва б.дан



Зеб-зийнат буюмлари (юқоридан — чапдан пастга): тақятузи — бош кийим безаги; ҳалқаи муҳаммадий исиргаси; қўлтиқтумор; «қўш ине» — пешонага тақиладиган тақинчоқ; нозигардон— кўкракка тақиладиган зевар; олмос кўзли узук; сочпопук; калитбоғи.

ясалиб, жавоҳирлар қўйиб безатилади, жимжимадор қилиб рахкори, кумушни қорайтириб соводкори, панжарали қилиб шабака ва б. усулларда ўйма ва бўртма нақшли қилиб турлича ишланади, шокилалар б-н безатилади. Танақилишига кўра, бош (*тиллақош,* тиллабаргак, *бодомой, бибишак, гажак, қўшдуо* ва б.), бўйин—кўкрак (турли маржон ва марваридлар, *зебигардон, нозигардон, жевак,* тангажевак, тавқ, *бўйинтумор,* кўкрактумор, қўлтиқтумор *бўйинтумор, бозубанд* ва б.), соч (*сочкаби* туморлар, *бозубанд* ва б.), қулоқ — бурун (*бупопук, туф* ва б.), қўл (*узук, билақи, исирға*лар ва б.) ва қўл (*узук, билагузук*лар) З.-з. б. хиллари фарқланади.


З.-з. б.нинг пайдо бўлиши тарихи жуда қад. даврга бориб тақалади. Археологлар юқори палеолит қатламларидан топган тош мунчоқ, тўғноғичлар, жез даврига оид билагузук, тўғноғич ва тугмалар илк аждодларнинг дастлабки безаклари ҳақида хабар беради. Кейинги даврларда яратилган тилла буюмлар бўртма тасвирлар, сопол ҳайкалчалар, ўрта асрларга оид деворий расмлар, қўлёзма асарларга ишланган миниатюраларда акс этган. З.-з. б. вақт ўтиши б-н аста-секин бир-бирини тўлдириб, 19-а. охири 20-а. бошида яхлит тўпламларни вужудга келтирган. Ўзбекистоннинг турли вилоятларида ясалган заргарлик буюмлари ўзига хос маҳаллий хусусиятлари б-н бир-биридан фарқ қилади. Хоразмлик заргарлар тайёрлаган З.-з. б. салмоқдорлиги, серҳашамлиги ва кўриниши б-н ажралиб туради. Самарқанд заргарлари яратган тақинчоқларда Тошкент ҳамда Бухоро заргарлигининг таъсири сезилади. Мас., панжара усулида нозик дид б-н қулфлик қилиб ишланган билагузуклар Бухоро заргарларининг ишларига яқин. Бухоро заргарларининг Қашқадарё, Сурхондарё вилояти заргарларининг ишларига ҳам таъсири катта бўлган.

Тошкентлик келинлар тўйида (никоҳ либоси б-н бирга) бошга тиллақош, тиллабаргак, гажак, қулоққа исирға, бўйинга кўкракка тушиб турадиган зебигардон, жевак, хафабанд, маржон, бўйинтумор, сочга сочпопук, қўлтиққа қўлтиқтумор, қўлга билагузук ва узуклар тақкан. Самарқанд келинларининг З.-з. б. (тиллабаргак, тиллақош, гажак, исирға, сочпопук, тавқ, маржон, кўкрактумор, зебигардон ёки ҳайкал, билагузук ва узук) тошкентлик келинларникига яқин бўлган. Хива келинларининг тақинчоқлари (тақятузи, осмақанот, бутунтирноқ, ўқ-ёй, шокила ва б.) ўзига хослиги б-н ажралиб туради. Шунга кўра, турли марказларда яратилган З.-з. б. тўпламлари умумийликка эга бўлиб, маҳаллий ўзига хослик қисмларда намоён бўлади. Бу тўпламлар бир намуна кўринишига эга бўлиб, қатъий бўлмаган, у ҳар бир хонадоннинг иқтисодий аҳволига қараб у ёки бу даражада бойитилган. Аёллар З.-з. б. ни тўла-тўкис ҳолатда келинлик даврининг дастлабки 1—2 й. ичида, тўй-тантаналарда тақишга ҳаракат қилган, бошқа вақтда енгил ҳаракат қилишга халақит бермайдиганлари (узук, билагузук, исирға ва б.)ни таққан. Зирак,

билагузук, ҳар хил мунчоқлар (мунчоқ, қалампирмунчоқ)ни қизчаларга жуда кичиклигидан бошлаб тақа бошлашган, чунки улар безак бўлиш б-н бирга ёмон назардан асраш вазифасини ҳам бажарган.

20-а. 20-й.ларида заргар усталар артелларга бирлашди, анъанавий серҳашам ва оғир З.-з. б. ўрнига халқ дидига мос бўлган енгил, қулай ва нафис исирғалар (қашқарболдоқ, «исирғабарг», бухори зирак — «шибирма», «айзирак», илон зирак ва б.), ёқут кўзли узуклар, билагузуклар ясала бошланди, хом ашё сифатида мис, кумуш ва тилла безаклардан, қисман давлат ажратган тилладан фойдаланилди. 1963 й.да Тошкент заргарлик ф-каси (1972 й.дан з-д) ишга тушди, у ерда тилла занжирлар, ёқут, феруза, гавҳар ва б. қимматбаҳо тошлардан кўзлар қўйиб ишланган зирак ва узуклар, билагузуклар, никоҳ узуклари кўплаб и.ч. йўлга қўйилди. Нозик дид ва маҳорат б-н ишланган бу қулай ва нафис тақинчоқларни аёллар доимо тақиб юриш имкониятига эгадир. Заргарлар янги З.-з. б. (жумладан, қашқарболдоқ, бухоро исирғаси «шибирма», тўғноғич, билагузук, маржон ва б.) б-н бир қаторда анъанавий тақинчоқларни (мас., исирға, узук, билагузук, маржонлардан иборат «Бозубанд», «Ойназирак» ва б. тўпламлари, 90-й.лар) янгича ўзига хос безаклар б-н яратмоқда.

ЗЕБИГАРДОН, зебисина — зийнат буюми, аёлларнинг бўйинга тақилиб кўкракка тушиб турадиган тақинчоғи. З. шаклдор йирик турунж ва унга икки томонидан симметрик бирлашган 6 ҳуққачалардан иборат бўлиб, улар ўзаро ҳалқа, садаф, маржонлардан тузилган занжирлар б-н боғланган; ўртадаги икки параллел ҳуққача марказида кичик турунжи бўлган занжир орқали ўзаро боғланиб З. қатини ҳосил қилади. Марказий йирик турунжнинг юқори қисми 3—5 япроқли ғунча шаклида, қуйи қисмининг учи пастга қараган бодом кўринишига эга бўлиб, шокилалар б-н ҳошияланган. Ҳуққачалар ромб,



Зебигардон.

тўртбурчак, айлана шаклида, айрим З.ларда сўнгги юқоридаги якунловчилари 3 ва 5 бурчакли қилиб ишланган. Турунж ва ҳуққачалар босма нақшлар, қимматбаҳо тошлар, ранг-баранг шимарқанд, Фарғона водийсида кенг тарқалган.

ЗЕБО ПАРИ — мақом шўъбаларида ва мумтоз ашулаларда намуд ўрнида қўлланиладиган машҳур авж. Тахминларга кўра, бу авжни З.п. тахаллусли фарғоналик машҳур хонанда ва созанда-бастакор Абдураҳмон (19-а.) ижод қилган деб ҳисоблайдилар. Аслида у бу авжни зўр эҳтирос ва маҳорат б-н ижро этганлиги сабабли авжга З.п. номи берилган. Бузрук мақомининг Бухоро Ироғи, Ростнинг Савти Сабо, Савти Калон шўъбаларида, Ушшоқи Хўқанд ашуласида, Ироқ мақомининг Сарахбори Ироқ, Чанбари Ироқ шўъбаларида З.п.дан фойдаланилган. З.п. оҳанглари киритилган шўъбаларнинг доира усулига мослаб олинади ҳамда ашула йўллари таркибида турли кўринишларда учрайди. З.п. хонандаларнинг чўққи пардаларга чиқиш, овоз ва бадиҳагўйлик маҳоратларини намойиш этишларида кенг имкониятларга эга.

ЗЕБРАЛАР, Африка саввойи отлари (Equus) — отлар кенжа уруғи. Танасининг уз. 200—240 см, бўйи ягринидан 120—140 см, думи — 47—54 см, вазни 350 кг гача. Танасининг ранги — оқ ва қора кўндаланг йўлйўл чизиқли (ҳимоя ранги). Ёли калта ва тик, думининг учида узун қиллардан иборат попуги бор. Очиқ далларда 10—30 тадан пода бўлиб юради. Жуда эҳтиёткор, тез югуради. 1—1,5 ёшида вояга етади. Ҳомиладорлик даври 346—390 кун. Қулга ўрганади, тутқинликда кўпаяди. От ва эшак б-н чатишади. З.нинг 4 тури бор. Тоғ зебраси (E. zebra) Жан.-Ғарбий Африкада тарқалган, кўриниши эшакка ўхшайди, З. орасида энг кичиги. Бурчеллов зебраси (E. burchelli) Шарқий ва Марказий Африкада тарқалган. Греви зебраси (E. grevyi) Шарқий Африка (Жан. Эфиопия, Сомали, Кения)да тарқалган, анча йирик, тойчасининг елкасидан думигача тик ва тўқ қизил жуни бўлади. Бу белги отлар қад. аждодларининг ёли фақат бўйнида эмас, орқасида ҳам бўлганлигини кўрсатади. Ҳоз. қириб юборилган квагги зебраси Жан.-Шарқий Африкада яшаган, кўриниши отга ўхшаган. Қимматли териси учун кўплаб овланиши туфайли З. сони кескин камайиб кетган. Тоғ ва греви З.и Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи Қизил китобига киритилган (яна қ. *Тоқ туёқлилар*).

Зебралар.



ЎЗМЭ 3- ЖИЛДИ МАҚОЛАЛАРИНИНГ АСОСИЙ МУАЛЛИФЛАРИ РЎЙХАТИ*

Биология, тиббиёт ва кимё илмий таҳририяти

Абдуллаев Магди
Абдуллаев Нусрат
Азизова Санъат
Акбаров Зоирхўжа
Аминов Собиржон
Арифов Саидқосим
Ахмеров Қудрат
Аҳмедов Носир
Баҳромов Саиджалол
Бекназаров Жуманазар
Ваҳобов Абдурасул
Дадаев Сайдулла
Жалилов Ҳабибулла
Зарипов Бакриддин
Зикирёев Абдукарим
Зокиров Мирмуҳсин
Зокиров Ўзув
Зокиров Ҳосил
Зокирова Азиза
Зокирхўжаев Шерзод
Зуфаров Комилжон
Ибодов Комил
Иззатуллаев Зубайдулло
Каримов Амир
Комилов Ҳолиджон
Мавлонов Очил
Мажидов Наби
Мамадалиев Абдураҳмон
Маърупов Рустам
Менликулов Парахат
Миразизов Қўчқор
Муродхўжаев Наримон
Муҳаммаджонова Маҳмуда
Назиров Озод
Нарчаев Жамшид
Отабеков Нурмат
Пратов Ўктам
Раҳмонов Раҳматилла
Саидқориев Бердимурод
Сирожиддинов Насриддин
Собиров Толибжон
Султонов Акмал
Тожиев Комил
Толипов Мелис
Тошманов Низом
Тўйчиев Сайфулло
Тўрабеков Шарифжон
Убайдуллаев Абдулла
Халилов Мирқобил
Худойбердиев Тангри
Худойбердиев Тўра
Шерназаров Элмурод
Шоваҳобов Шоносир
Шомаҳмудов Асадулла
Шомирзаев Нажиулла
Шоусмонов Шорустам
Эргашев Норқўзи
Эркахўжаева Азиза
Қодиров Йўлдошхон
Қосимов Эркин
Қосимова Сталина
Ғофуров Акбар
Ҳамроев Аловиддин
Ишбоев Холбой
Калабугин Лев
Мавлонов Абдулла
Маҳамадалиев Равшан
Мўминжонов Талъатжон
Назаров Исроил
Ни Анатолий
Ниёзов Рустам
Носиров Ўрол
Нуртоев Бахтиёр
Нуркулова Рая
Ортиқов Абдужалил
Отабоев Ҳусан
Рафиқов Асом
Соатов Абдурасул
Турсунқулов Аббос
Умаров Умар
Умархўжаев Мавзурбек
Усмонов Аҳрор
Фатҳуллаев Ғайбулла
Шчетинников Анатолий
Эшмуродов Арслон
Эшниёзов Дурдибой
Қаюмов Абдуҳаким
Қодиров Эркин
Ғуломов Потиҳкамол
Ҳикматов Фазлиддин
Ҳусанов Султонбой

Иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги илмий таҳририяти

Абдубеков Ҳожиакбар
Абдуллаев Абдумавлон
Абдуллаев Ҳамидулла
Абдураҳмонов Лутфулла
Абдуқодиров Абдулла
Абдуқодиров Шодикарим
Азизқориев Ҳамид
Азимов Ботир
Азимов Сайфиддин
Акмалхонов Талъат
Алимбоев Эркин
Алимов Олимжон
Алимуҳамедов Султон
Аликулов Эрлис
Амиров Абдусаттор
Ашуров Қодир
Бекмуродов Тоштемир
Боқиев Машарип
Вафоев Шуҳрат
Душамов Қўзибой
Дьякин Борис
Ёрматова Дилором
Ёқубов Рисқибой
Жавакянц Юрий
Жамолов Азамат
Жўраев Рихсивой
Зиятов Зоир
Ишмуратова Рисолат
Йўлдошев Нуриддин
Карибаев Кеуденбай
Латипов Арзит
Мамарасулов Фазлиддин
Машарипов Реимбай
Мирзаев Саидраҳмон
Мирзаев Тоҳиржон
Мирзахолов Акрамжон
Мирмақсудова Лутфи
Миртолипов Дилшод
Мусаев Нуриддин
Муслимов Ҳожиакбар
Норимов Султонмурод
Норматов Баҳодир
Нурмаматов Ҳошим
Отабоева Ҳалима
Раҳимова Дилфуза
Раҳмонов Қосимжон
Рўзимуродов Аҳрор
Салимов Садир
Собиров Мирза
Солиҳова Клара
Сориев Баҳром
Сувонқулов Бозорбой
Сулаймонов Худойқул
Тошпўлатов Эрмуҳаммад
Турсунхўжаев Пўлат
Тўраев Мирҳамид
Тўхлиев Нурислом
Узоқов Йўлдош

* Муаллифлар номи «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти илмий таҳририятлари бўйича (фақат бир жойда) кўрсатилди.

Файзиев Жамолиддин
Холназаров Султон
Хоназаров Абдушукур
Хўжаев Шомил
Чориев Қурбон
Шодмонов Шерқул
Шодмонов Эркин
Эрматов Абдураҳим
Эшматов Изатулла
Юсупов Қодиржон
Ўлмасов Аҳмаджон
Қайимов Абдухалил
Қодирхўжаев Орип
Қулметов Мирпўлат
Қўзибоев Шуҳрат
Ҳамдамов Шариф
Ҳожибеков Суендик
Ҳожиев Файзулла
Ҳожиматов Қаҳҳор

Комплекс мақолалар ва педагогика илмий таҳририяти

Абдуллаев Йўлдош
Бабашев Фарҳод
Баҳодирхонов Муҳаммад Кабир
Йўлдошев Қозоқбой
Мажидов Абдурашид
Мирзаҳмедов Ботир
Мустафоев Эсон
Муҳамедов Фофиржон
Мўминова Лола
Назаров Шавкат
Сулаймонов Асқарали
Тоиров Собит
Турдиқулов Эшбой
Ўрмонов Абдуқул
Қаршибоев Ҳазратқул
Ғаниев Элёр
Ҳошимов Комилжон
Ҳусанбоева Қундуз

Маданият ва санъат илмий таҳририяти

Абдуллаев Неъмат
Абдуллаев Рустам
Авдеева Любовь
Алиева Сурайё
Аллабоев Рустам
Аширова Моҳина
Баяндиев Тешабой
Беков Олимжон
Булатов Саидахбор
Гилёв Сергей
Гуль Эльмира
Ёқубхўжаев Анвар
Жўраев Фрунзе
Зоҳидов Пўлат
Зоҳидова Нафиса
Икромов Ҳамидулла
Иномхўжаев Сотимхон
Исломов Бурҳон
Карокатли Файзулла
Мадраимов Абдумажид
Мамажонов Ўктам
Маматраимова Ҳамрохон
Матёқубов Ботир
Маҳкамова Сайёра
Маҳмудов Жўрабой
Муллажонов Давлат
Муродова Дилора
Назаров Абдуманнон
Нодиров Турди
Нозилов Додо
Островский Владимир
Раимбоев Шуҳрат
Расултоев Жасур
Раҳмонов Абдусафий
Раҳмонов Мамажон
Солиҳов Раҳматулла
Тешабоев Жўра
Тошкентбоев Пўлат
Тоқтош Рафаэль
Турсунов Тошпўлат
Умаров Абдулҳай
Фахретдинова Дилора
Хўжаев Абдувоҳид
Шарипова Гулноз
Шерали Сокин
Эгамбердиев Абдували
Юнусов Равшан
Яҳёев Абдужаббор
Қодиров Муҳсин
Қодирова Тўлқиной
Қурбонов Қалмирза
Қўзиев Турсунали
Ғафурбеков Тўхтасин
Ҳасанова Саломат

Тарих илмий таҳририяти

Айтбоев Абдухолиқ
Алимов Ўткир
Асқаров Аҳмадали
Аҳмедов Ашраф
Аҳмедов Бўрибой
Бобожонова Дилором
Буряков Юрий
Бўриев Очил
Воҳидов Шодмон
Далабоев Ҳамидулла
Дресвянская Галина
Ёқубов Бахтиёр
Жуманазаров Хулойназар
Зияева Доно
Ибрагимов Бахтиёр
Исҳоқов Мирсодиқ
Камолиддинов Шамсуддин
Лунина Светлана
Муҳаммаджонов Абдулаҳад
Норқулов Наим
Обидов Бахтиёр
Охунжонов Собиржон
Пидаев Шокир
Ражабов Қаҳрамон
Ртвеладзе Эдвард
Саъдуллаев Анатолий
Сулаймонов Рустам
Турсунов Жавли
Турсунов Сайфулло
Тургунов Баҳодир
Усмонова Замира
Файзиев Тургун
Хўжаев Бахтиёр
Чориев Зоир
Шарипова Машҳура
Ширинов Темур
Шониёзов Карим
Ўринбоев Асомиддин
Фиёсов Темур
Ҳасанов Фахриддин

Тил ва адабиёт илмий таҳририяти

Абдуазизов Абдузуҳур
Абдуллаев Исматулла
Абдуллаев Ортиқбой
Абдураҳмонов Ғанижон
Абдуғафуров Абдурашид
Алимбеков Алҳамбек
Бектемиров Ҳабибулло
Боқиев Набижон
Жабборов Шукур
Иброҳимов Мурод
Иномхўжаев Раҳмонхўжа
Иноғомов Раҳматулла
Йўлдошева Суюма
Каримов Анвар
Каримов Баҳодир
Каримов Наим
Комилов Нажмиддин
Мамажонов Салоҳиддин
Матёқубов Камол
Мирзаев Тўра
Миртожиев Миразиз
Маҳкамов Неъмат
Маҳмудов Низомиддин
Нурмонов Абдуҳамид
Орзибеков Раҳмонқул
Очилов Норали
Пидаев Тоҳир
Рамазонова Лолахон
Ризаев Шуҳрат
Рустамов Алибек
Саидов Азиз
Сейданов Қолдибек
Тоҳиров Зоир
Тўйчиев Уммат
Уватов Убайдулла
Умаров Эргаш
Шарафиддинов Озод
Шомуҳамедов Шоислом
Эгамназаров Алиназар
Эшонқулов Назар
Қодирова Наргиза
Қосимов Бегали
Қурбонов Илҳомбек
Қўчқоров Раҳмон
Ҳайитметов Абдуқодир
Ҳайитов Абдувоҳид
Ҳамидов Зиёдулла
Ҳомидов Ҳамиджон

Фалсафа ва ҳуқуқ илмий таҳририяти

Абдуллаев Абдуғани
Абдуллаев Мираҳмад
Абдумажидов Ғафур
Азимов Абдуқаюм
Алимова Маҳфуза
Аликулов Ҳайдар
Аминов Муроджон
Аюпов Абдулла
Аҳмадшоева Мавлуда
Аҳмедов Сирожиддин

Аҳроров Баҳром
Бакунов Пўлат
Баратов Миродил
Бобоев Ҳалимбой
Валиев Абдулҳай
Жалолов Абдулҳафиз
Жумаев Рустам
Жўраев Исомиддин
Жўраев Сайфиддин
Зокиров Икром
Ибратов Бобоқул
Имомалиева Раъно
Имомназаров Муҳаммаджон
Имомхўжаев Ахбор
Иноятов Анвар
Иноғомжонова Зумрад
Исломов Зайниддин
Йўлдошев Саъдулла
Каримбоев Шоенбек
Каримов Бахтиёр
Мансуров Абдулазиз
Маҳкамжонов Каримжон
Маҳмудов Тилаб
Мусаев Соат
Мўминов Асрор
Назаров Қиём
Раҳимов Иномжон
Султонов Илҳом
Саидов Акмал
Турсунов Ботир
Тўлаганов Абдужаббор
Тўраев Бахтиёр
Умарохунов Эркин
Усмоналиев Мамажон
Усмонов Муҳаммади
Усмонхўжаев Талъат
Файзиев Мириной
Хайруллаев Музаффар
Хўжаев Фахриддин
Хўжаев Шавкат
Шайхова Хотима
Шоабдураҳимова
Шоиста
Шораҳмедов Даврон
Шоумаров Ғайрат
Эгамбердиев Эминжон
Юсупов Эркин
Ярашев Комил
Қодиров Муҳаммаджон
Қурбонов Собир
Ғиёсов Бобур
Ҳасанов Аҳаджон
Ҳусанбоев Олим

Физика, математика ва техника илмий таҳририяти

Абдуллаев Фатҳулла
Абдураҳмонов Абдуманнон
Азларов Турсун
Акбаров Асқар
Аюпов Шавкат
Аҳмаджонов Иброҳим
Аҳроров Нўъмон
Бекжонов Раҳим
Бердиқулов Мусулмонқул
Бозорбоев Назарбой
Бойдаллаев Аҳмаджон
Воҳидов Шавкат
Ёқубов Эркин
Жўрахолов Абдурауф
Зоҳидов Тоҳир
Икромов Атҳам
Илёсов Собит
Иноғомов Эргаш
Латипов Абдусалом
Латипов Қудратилла
Мажидов Сапи
Мамадазимов Мамадмусо
Мирбобоев Воҳид
Мирбобоев Миркомил
Миртожиева Каромат
Мухторов Тоҳир
Назаров Аъзам
Назиров Дилшод
Назиров Эргаш
Насриддинов Ғаффор
Нишонбоев Носир
Нуритдинов Салоҳитдин
Нўъмонхўжаев Аброр
Олимбоев Эркин
Ортиқбоев Абдулазиз
Паттохов Абдурауф
Расулов Ўткир
Рашидов Турсун
Раҳимов Абдумажид
Сатторов Исроил
Тайлақов Норбек
Тоғаймуродов Йўлдош
Тулебаев Қурол
Турсунметов Комил
Тўхтиев Ирпон
Шамсиев Зоир
Қодиров Малик
Қодиров Сарвар
Қосимов Эркин
Қурбонов Мирзааҳмад
Ҳайдаров Қудрат
Ҳамидов Аслом
Ҳамроқулов Облоқул

Ў-28 **Ўзбекистон миллий энциклопедияси.** 3-жилд. Гидрофилия—Зебралар. Таҳрир ҳайъати: М.Аминов, Б.Аҳмедов ва б. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2002.–704 б.
ББК 92

№ 252–2002
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ
3-ЖИЛД

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти.
Тошкент – 2002.
(Тошкент–129, Навоий кўчаси, 30-уй).

11115

Фотографлар: Б.И.Дьякин, А.Е.Зуев, А.Илёсов, К.Л.Минайченко, Ҳ.Ж.Шораҳмедов, Р.З.Яруллин.
Харита чизувчи: М.М.Мирзиев.

ЎзМЭ 3-жилди 2001 йил 15 сентябрда теришга берилди.
2002 йил 17 майда босишга рухсат этилди.

Қоғоз бичими 84×108 1/16. Офсет қоғозда босилди. 119,52 нашриёт-ҳисоб табоғи. 74,0 шартли босма табоқ. Адади 2000.
Баҳоси шартнома асосида. 15-908-буюртма.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи корхонасида босилди.
Тошкент–129, Навоий кўчаси, 30-уй.